




БОШ ТАХРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ
Бобир АЛИМОВ
Муроджон АМИНОВ
Турғунпўлат ДАМИНОВ
Тўрабек ДОЛИМОВ
Шухрат ЁВҚОЧЕВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Наим КАРИМОВ
Нажмиддин КОМИЛОВ
Жўра МУСАЕВ
Элшод НАБИЕВ
Абдулла ОРИПОВ
Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ
Шухрат СОЛИҲОВ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Даврон ШОРАҲМЕДОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Турсунали ҚЎЗИЕВ
Азим ҲОЖИЕВ



ISBN 5-89890-139-6

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2006

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

ФАН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ*

Адабиёт. Т. МИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Э. ОЧИЛОВ, Амалий ва тасвирий санъат. Н. АБДУЛЛАЕВ, Б. Ф. ЖАЛОЛОВ, К. ОҚИЛОВА. *Астрономия, геодезия ва космонавтика.* С. П. ИЛЁСОВ, А. А. ЛАТИПОВ, М. М. МАМАДАЗИМОВ, К. Т. МИР-ТОЖИЕВА, Н. НИШОНБОЕВ, С. Н. НУРИТДИНОВ, И. САТТОРОВ. *Биология.* Ж. АЗИМОВ, О. АШУРМЕТОВ, О. МАВЛОНОВ, Ў. ПРАТОВ, Б. О. ТОШМУҲАМЕДОВ, Ж. Ҳ. ҲАМИДОВ. *География, геология ва геофизика.* Қ. Н. АБДУЛЛАБЕКОВ, А. А. АБИДОВ, Ш. С. ЗОКИРОВ, Б. А. ИСАҲОЖИЕВ, А. СОЛИЕВ, П. Н. ФУЛОМОВ. *Дин тарихи.* А. А. АЗИМОВ, Ш. ИСМОИЛОВ, А. МАНСУРОВ, А. Қ. МЎМИНОВ, Д. О. РАҲИМЖОНОВ, А. А. ҲАСАНОВ. *Жисмоний тарбия ва спорт.* А. ИМОМХЎЖАЕВ, Т. С. УСМОНХЎЖАЕВ, К. ЮСУПОВ, К. Д. ЯРАШЕВ. *Журналистика.* Х. ДЎСТМУҲАММАД, Б. ДЎСТҚОРАЕВ, А. МЕЛИБОЕВ. *Иқтисодийёт.* С. САЛИМОВ, М. ШАРИФХЎЖАЕВ, Ш. ШОДМОНОВ, А. ЎЛМАСОВ, А. ҚОДИРОВ, С. ФУЛОМОВ. *Кимё.* С. Н. АМИНОВ, Қ. АХМЕРОВ, И. ИСМОИЛОВ, Т. ОТАҚЎЗИЕВ, Н. ПАРПИЕВ, С. ТЎХТАЕВ. *Математика.* Т. АЗЛАРОВ, А. АЪЗАМОВ, Ш. А. АЮПОВ, Ш. ЁРМУҲАМЕДОВ, Т. ЖЎРАЕВ, М. САЛОҲИДДИНОВ, А. САЪДУЛЛАЕВ, Б. ШОИМҚУЛОВ, Ж. ҲОЖИЕВ. *Меъморлик.* П. Ш. ЗОҲИДОВ, Х. ПЎЛАТОВ, Э. В. РТВЕЛАДЗЕ, М. ЮСУПОВА. *Муסיқа.* О. Н. АЗИМОВА, Р. Ю. ЮНУСОВ, Т. Б. ҒАФУРБЕКОВ. *Педагогика.* Қ. ЙЎЛДОШЕВ, А. СУЛАЙМОНОВ, М. ҚУРОНОВ, К. ҲОШИМОВ. *Тарих.* Д. АЛИМОВА, А. АСҚАРОВ, О. БЎРИЕВ, Ҳ. ДАДАБОЕВ, А. ЗИЁЕВ, Ҳ. ЗИЁЕВ, М. ИСҲОҚОВ, Ш. КАМОЛИДДИНОВ, А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ, Ш. ПИРИМҚУЛОВ, Қ. РАЖАБОВ, Т. ҒИЁСОВ. *Театр, кино, цирк, хореография, балет.* О. РИЗАЕВ, Ж. ТЕШАБОЕВ, Т. ТУРСУНОВ, М. Х. ҚОДИРОВ. *Техника.* Ф. АБДУЛЛАЕВ, Э. ЁҚУБОВ, Р. ЗОҲИДОВ, Т. РАШИДОВ, Р. ТОЖИЕВ, Х. ХУДОЙНАЗАРОВ, Т. ШИРИНҚУЛОВ, С. ҚОДИРОВ, Э. ҚОСИМОВ. *Тиббиёт.* С. АРИФОВ, С. БАҲРОМОВ, Ў. Б. ЗОКИРОВ, Н. М. МАЖИДОВ, Ш. Ш. ШОВАҲОБОВ, Н. Ҳ. ШОМИРЗАЕВ, Э. Й. ҚОСИМОВ. *Тилшунослик.* А. ДАВЛЕТОВ, Н. МАҲҚАМОВ, Н. МАҲМУДОВ, А. НУРМОНОВ, Қ. СОДИҚОВ, Э. УМАРОВ, О. ШОМАТОВ. *Фалсафа.* Ў. АБИЛОВ, Ҳ. АЛИҚУЛОВ, Қ. Н. НАЗАРОВ, Б. О. ТЎРАЕВ, М. ҚОДИРОВ, Э. ҒОЗИЕВ, Ў. ҲАЙДАРОВ. *Физика.* К. МУҚИМОВ, А. С. НЎЪМОНХЎЖАЕВ, Ў. Ҳ. РАСУЛОВ, Н. Й. ТЎРАЕВ, Қ. Ф. ФУЛОМОВ, П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ. *Халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик.* Р. З. ЖУМАЕВ, С. А. ЖЎРАЕВ, М. Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ, А. Х. САИДОВ, А. М. ҚОСИМОВ. *Қишлоқ хўжалиги.* Б. Ж. АЗИМОВ, Ш. АКМАЛХОНОВ, С. Н. АЛИМУҲАМЕДОВ, У. НОСИРОВ, А. А. ХОНАЗАРОВ. *Ҳуқуқ.* Ф. А. АБДУМАЖИДОВ, А. ИНОЯТОВ, Ҳ. Р. РАҲМОНҚУЛОВ, А. ТЎЛАГАНОВ, М. М. ФАЙЗИЕВ.

* Бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор — Н. ТЎҲЛИЕВ.

Директорнинг биринчи ўринбосари — Д. А. ШОРАҲМЕДОВ.

Директор ўринбосарлари — М. Н. АМИНОВ, А. НИЁЗОВ.

Илмий-методика ва сўзлик бўлими. М. ИСЛОМБЕКОВА (етакчи илмий муҳаррир), С. МИРЗАБЕКОВА (1-тоифали илмий муҳаррир), Ф. ШАМСИЕВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

Биология ва кимё илмий таҳририяти. Ҳ. ЗОКИРОВ (мудир), О. МАВЛОНОВ, Р. МАЪРУПОВ (етакчи илмий муҳаррирлар).

География ва геология илмий таҳририяти. А. АБДУРАҲИМОВ (мудир), Ҳ. АЛИМУҲАМЕДОВА (етакчи илмий муҳаррир), И. КАРИМОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Иқтисодийёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти. С. ХОЛНАЗАРОВ (мудир), Б. АЗАМОВА (1-тоифали илмий муҳаррир).

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти.

А. МАЖИДОВ (мудир).

Маданият ва санъат илмий таҳририяти. М. АШИРОВА (мудир), О. БЕКОВ, М. ҒАФФОРОВА (етакчи илмий муҳаррирлар).

Тарих ва миллий мерос, кадрлар илмий таҳририяти. Ф. ҲАСАНОВ (мудир), Г. ХЎЖАЕВА (етакчи илмий муҳар-

рир), З. КАРИМОВА, И. МЕЛИҚУЛОВА (1-тоифали илмий муҳаррирлар).

Тиббиёт илмий таҳририяти. С. ИБРОҲИМОВА (мудир), Ш. ИНОҒОМОВА, З. ФУЛОМОВА (1-тоифали илмий муҳаррирлар).

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти. А. МАДВАЛИЕВ (мудир), Ҳ. АБДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир).

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти. С. МУСАЕВ (мудир), Н. МУТАЛОВ (етакчи илмий муҳаррир), Р. БАРАТОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти. Э. ИНОҒОМОВ (мудир), М. МИРБОБОЕВ (етакчи илмий муҳаррир), Ж. ЮНУСОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими. И. Р. ҲОДИЕВ (бошлик), А. БУРҲОНОВ (бош рассом), М. ОЛИМОВ (етакчи техник муҳаррир), А. ЁҚУБЖОНОВ (етакчи илмий программист), А. ЖУМАНИЁЗОВ (1-тоифа мутахассис), А. СУЛАЙМОНОВ (суратчи), М. АБДУЛЛАЕВА, Д. ҲАСАНОВА (операторлар).



Ўзбекистон Республикасининг давлат герби.



Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Абдулла Орипов шеъри

Мутал Бурҳонов мусиқаси

Сер-қуёш, ҳур ўлкам, элга бахт на-
 жот
 Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон! Меҳри-
 бон!
 Яшнагай то абад илму фан ижод, Шухратинг порласин токи бор жаҳон!
 сен токи бор жаҳон! Олтин бу водийлар жон ўзбеки-
 стон,
 Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
 Истиклол машъали, тинчлик посбони,
 Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!
 халқ ҳуқуқлари жўш урган замон, Оламни маҳлиё айлаган дин

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
 Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
 Яшнагай то абад илму фан, ижод,
 Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақарот:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
 Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
 Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
 Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
 Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
 Истиклол машъали, тинчлик посбони,
 Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақарот:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
 Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
 Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
 Оламни маҳлиё айлаган диёр!

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Ўзбекистон (Ўзбекистон Республикаси) Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган. Шарқ ва шим.-шарқда Қирғизистон, шим. ва шим.-ғарбда Қозоғистон Республикалари, жан. ва жан.-шарқда Тожикистон Республикаси, жан.-ғарбда Туркманистон, жан.да қисман Афғонистон б-н чегарадош. Ўзбекистоннинг энг шим. чекка нуқтаси шим.-шарқда — Устюрт платосида Орол денгизининг ғарбий соҳилида (45°36' шим. кенгликда), энг жан. нуқтаси — Сурхондарё вилояти Термиз ш. ёнида (37°11' шим. кенгликда), ғарбий нуқтаси — Устюрт платосида (56° шарқий узунликда), шарқий нуқтаси — Фарғона водийсининг шарқиди, Қирғизистон Республикаси б-н чегара жой (37°10' шарқий узунликда). Шим. ва жан. чекка нуқталари ораси — 925 км, ғарбдан шарққа — 1400 км. Ўзбекистон Республикасининг майд. 448,9 минг км².

Республика худуди жан.-шарқдан шим.-ғарбга чўзилган ва юзаси ҳам шу йўналишда йирик дарёлар оқимиغا мос равишда пасайиб боради. Мамлакатнинг шим.-ғарбий чеккасида, Қизилқум б-н Устюрт оралиғида Орол денгизи жойлашган. Ўзбекистон Республикаси майдонининг қарийб 4/5 қисми текислик, оз қисми тоғ, адир ва тоғ олдиан иборат. Республика худудидан Ўрта Осиёнинг энг катта дарёлари — Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади ва Орол денгизига қуйилади. Бу икки дарё оралиғидаги текисликнинг кўп қисмини эол қумлари кенг тарқалган Қизилқум чўли, Амударёнинг аллювиал текислиги, Зарафшон ва Қашқадарёнинг субэрал дельтаси, Устюрт платосининг берк шўрхок ботиқларидан иборат жан.-шарқий қисми ташкил этади, баъзи жойларда



Мустақиллик ва эзгулик монументи.

қирлар учрайди. Республиканинг шарқий ва жан.-шарқий қисмида Тяньшан, Олай, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари бор. Бу тоғлар орасида Фарғона, Зарафшон, Китоб, Шаҳрисабз, Сурхон-Шеробод, Чирчиқ-Оҳангарон каби катта чўкмалар — водийлар жойлашган. Водийлар сўғориладиган ерлар бўлиб, аҳолининг асосий қисми шу водийларда яшайди. Айрим тоғ чўққилари музликлар, доимий қор қатламлари б-н қопланган. Мамлакатнинг ғарбий ва шим.-ғарбий қисмига борган сари улкан тоғлар пасайиб, тоғ олди бағри те-

кисликлари гўзал, хушманзара водийларга айланади. Водийлар тугагач, аста-секин чўл ва қумликлар бошланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 й. 8 дек.да қабул қилинган Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон — суверен демократик республика. Ўзбекистон Республикаси 12 вилоят, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Давлат бошлиғи — Президент, сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н етти йил муддатга сайланади. Президент Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Ўзбекистон парламенти)дир. У қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлис икки палатадан: Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата) дан иборат. Ижро этувчи ҳокимият — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Пойтахти — Тошкент ш.


Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 26021,3 минг киши (2005). Ўзбекистонда 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, шу жумладан, ўзбеклар (80,0%), қорақалпоқлар (2,2%), тожиклар (4,9%), руслар (3,8%), қозоқлар (3,6%), татарлар (1,0%), қирғизлар (0,9%), корейслар (0,6%), украинлар (0,3%) ва б. миллат вакиллари (2,7%) яшайди.

Ўзбекистон худудида энг кенг ёйилган дин—ислом. Шунингдек, христианлик, иудаизм, буддизм динлари ҳам тарқалган. Расмий давлат тили—ўзбек тили.

Пул бирлиги—сўм.

ТАБИЙ ХАРИТА





ТАБИАТИ ВА ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРИ

РЕЛЬЕФИ

Ўзбекистон табиатининг хусусиятларидан бири унинг материк марказида жойлашгани ва океанлардан узоқлигидир. Ўзбекистон ҳудуди рельефига кўра, текислик ва адир-тоғ қисмларга бўлинади. Текисликлар, асосан, шим.-ғарбда бўлиб, Турон текислигининг бир қисмидан иборат. Тоғлар мамлакатнинг шарқда жойлашган.

Турон текислигининг Ўзбекистонга қарашли қисмида бир қанча орографик элементлар бор: шим.-ғарбий чеккасида Устюрт платоси, Орол денгизидан жан.да Амударё дельтасининг аллювиал текислиги, ундан жан.-ғарбда Қизилқум чўли жойлашган. Устюрт платосининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган қисмининг ўртача бал. 120 – 180 м, энг баланд жойи 290 м (Қорабурвур қирлари). Платонинг жан.да бир қанча берк (оқмас) ҳавзалар: Борсақелмас, Асакаовдон (бал. 30 – 60 м) ботиқлари, Сарикамиш сойлиги бор. Сарикамиш сойлигининг Ўзбекистонга қарашли шим.-ғарбий қисми туби денгиз сатҳидан 10 м паст. Оролбўйи пасттекислигининг антигина қисмини Амударё дельтаси ва унга ёндош пасттекисликлар эгаллаган, уларни Амударёнинг қуриб қолган ўзгалари қисмларга ажратиб туради. Айрим кичик тепаликлар мавжуд.

Оролбўйи пасттекислитидан жан.-шарқда асосий қисми платодан иборат Қизилқум чўли (умумий майдони қарийб 300 минг км²) жойлашган. Қизилқумнинг шим.-ғарбий чеккасида кенглик бўйлаб Букантов қолдиқ тоғлари (энг баланд жойи – Ирлир тоғи, 764 м) чўзилган. Ундан жан.да Мингбулоқ ботиғи жойлашган. ботиқнинг туби Ўзбекистонда ва умуман Қизилқумда энг паст нуқтадир (денгиз сатҳидан 12 м паст).

Бўкантовдан жан.-шарқда Томдитов массиви (энг баланд жойи – Оқтов, 922 м),

ундан жан.да Мурунгов қряжи бор. Қизилқумнинг жан.-шарқий чеккасида кенглик бўйлаб Қулжуктов қряжи жойлашган (энг баланд жойи 785 м). Қулжуктовнинг тепалардан иборат шарқий тармоқларини 2 та йирик берк ҳавза: шим.да Қарақота ва жан.да Оёқоғитма ажратиб туради.

Қизилқум платосидан ғарбда то Амударёга қалар Қизилқумнинг пасттекислик қисми чўзилган. Бу ерларнинг мутлақ бал. 200 м га етмайди. Текислик жан.да аста-секин кўтарилиб, Сандиқликүм чўли эгаллаган платого туташиб кетади. Турон текислиги шарқда давом этиб, тоғ тизмалари оралиғига қалар кириб борган. Улар, асосан, текис платосимон ерлар бўлиб, чўл, дашт деб аталади: шим.да – Мирзачўл, ўрта қисмида Қарноб-чўл ва Қарши чўли. Даштлар тоғ олди текисликларига туташиб кетган.

Ўзбекистон ҳудудида тоғ тизмаларининг, асосан, чекка қисмлари, уларнинг тармоқлари жойлашган. Булар, шим.да – Ғарбий Тяньшан тизмалари (Угом ва унинг жан.-ғарбий тармоқлари – Қоржонтов, Писком, Чатқол ва Қурама тоғлари)дан иборат. Бу тизмаларнинг ҳаммаси Қирғизистон ҳудудидаги Талас тизмасидан бошланади. Чатқол ва Қурама тизмалари орасида Оҳангарон платоси бор (бал. 2500 – 3000 м).

Фарғона сойлиги (водийси) шим.дан Чатқол ва Қурама тизмалари, шарқдан Фарғона тизмаси, жан.дан Олай тизмаси ва унинг давоми бўлган Туркистон тизмаси б-н ўралган. Барча йирик тизмаларнинг сувайирғич қисми республикадан ташқарида. Фарғона сойлигининг ўрта қисмини сертепа қир (адир)лар

Фарғона водийси.



эталлаган. Туркистон тизмаси Молгузар тизмаси орқали Нурота тоғлари (сувайирғич қисмининг уртача бал. 2000 м) б-н туташган. Зарафшон тизмасига мансуб тоғлар Нурота тоғларидан Зарафшон ботиғи орқали ажралиб туради. Уларнинг энг баланд жойлари шарқда, Тожикистон чегараси яқинида 2800 м дан зиёд. Китоб – Шаҳрисабз сойлигидан жан.да кенглик йўналишида Ҳисор тизмаси ётади. Ҳисор тоғининг Қолдирға тизмасидаги чўққи (4688 м) Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтасидир. Ҳисор тизмасидан ғарб ва жан.-ғарб томонга тизмалар тармоқланган. Жан.да Сурхондарё ботиғи ва ундан шарқда Боботоғ тизмаси (энг баланд чўққиси Заркоса, 2290 м) жойлашган. Афғонистон б-н чегара жой-да кенг Амударё ботиғи бор. Барча тоғ тизмаларини пастликлар, сойликлар, дарё водийлари ва даралар ажратиб туради. Ўзбекистоннинг бу мураккаб ва хилма-хил рельефи узоқ геологик даврлар давомида Ер эндоген (ички) ва экзоген (ташқи) кучларининг ўзаро таъсири натижасида вужудга келган.

ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Геологик тараққиёт тарихи. Ўзбекистон ҳудуди текислик, тоғлик ва тоғ оралиғи чўкмаларидан иборат. Тоғ массивлари Тяньшан бурмали системасининг ғарбий чеккаси бўлиб, кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, унинг аксар қисми Урал-Охота, қолгани Альп-Ҳимолай бурмали минтақасига мансуб.

Тяньшаннинг Ўзбекистон ҳудудидаги геологик тузилишида тоғ жинсларининг иккита мегакомплекси иштирок этган. Тоғ тузилмаларини ташкил этган куйи мегакомплекс протерозой ва па-

леозой ёшидаги мураккаб дислокацияланган чўқинди, метаморфик ва магматик жинслардан иборат. Юқориси мезозой ва кайнозойнинг генетик ҳар хил бўлган, аксар текисликларда, тоғ оралиғи водийлари, ботиқлар ҳамда кичик-роқ кўтарилмаларда тарқалган ётқирикларидир. 20-а.нинг ўрталаригача Тяньшаннинг бурмали системаларига фиксизлик (яъни, кўзгалмас) нуқтаи назардан каледон, герцин ва альп бурмаланишида вужудга келган геосинклиналь система сифатида қаралган. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланиши вертикал ҳаракатлар – дастлаб Ер пўстининг чуқур чўқиши, якунида эса кўтарилиши ва тоғ ҳосил бўлиши б-н боғлиқ ҳолда тасвирланган. Геосинклиналларнинг тузилишида ўрталик массивлар ва уларни ажратиб турган йўналишли бурмаланган системалар иштирок этган.

Тяньшан структураси – бу улкан Палеоосиё океани ва Тетис океанининг чекка денгизлари бўлган Туркистон, Зарафшон ва эҳтимол, Жан. Ҳисор океаник палеоҳавзаларининг кечки палеозойда бекилиши натижасида ҳосил бўлган коллизия тоғ иншоотларидир. Бу океан ҳавзалари бир-бирдан Олай ва б. микрокитъалар б-н ажралиб турганлиги натижасида улар алоҳида-алоҳида ривожланган. Уларнинг ривожланишидаги тафовутлар ва чўқиндилар тўпланишининг ўзига хослигига қараб мезозойгача бўлган учта бурмали системани (шимолдан жан.га) ажратиш мумкин: Шим., Ўрта ва Жан. Тяньшан. Ўзбекистон ҳудудида Ўрта ва Жан. Тяньшан жинслари ер юзасига чиқиб қолган. Уларнинг ҳоплама-бурмали системасида Ер пўстининг токембрийдан пермь давригача (пермь ҳам қиради) бўлган эволюциясини акс эттирувчи турли геодинамик муҳитнинг ҳосилалари иштирок этади.

Тяньшаннинг геологик тузилишидаги ўзига хослик шундаки, ҳудуднинг геологик ривожланишида унинг мезозойгача ва мезо-кайнозой даври тарихида кескин фарқ мавжуд. Тоғ иншоотлари, асосан, океан ҳавзалари доирасида шаклланган токембрий ва палеозой ётқирикларидан тузилган. Кейинчалик такрорланган бир қанча тектоник жараёнлар натижасида континентал ва океан ости Ер пўсти жинслари, турли даврларда мавжуд бўлган ороллари ёни мажмуалари жинсларининг қоришуvidан Тяньшаннинг Ер пўсти қалинлиги 55 км ли мураккаб гетероген структурага айланган.

Ҳудуднинг геологик тузилиши эволюцияси Шарқий Гондвананинг шим. чекка структурасининг ўзгаришидан бошланади ва ҳозиргача маълум бўлган маълумотларга кўра қуйидагича: 1) эрта протерозойнинг охири – кечки протерозойнинг ўртасида континентал Ер пўсти шаклланиб бўлган, унинг реликтлари Чатқол тоғлари (адамелит-гранитли бештор мажмуаси) ва Ҳисор тоғларининг жан.-ғарбида маълум. Кечки протерозой охирида рифтоген жараёнлар бошланган ва карбонат-вулканоген-терриген ҳамда метавулканоген (базальт-андезитли, базальт-риолитли)-терриген формациялар тўпланган. Бу вақтда океан типли Ер пўстига эга бўлган ҳавза, жумладан, Осиё палеоокеанининг Қизилқум тармоғи (толеитли ва оҳақли-ишқорли базальтлар; учкудук, мажерум, тошқазган ва б. свиталар) очилди ва шаклланди. Протерозойнинг энг охири ва кембрийда – Шим. Тяньшан қуруқлигини Ўрта Тяньшандан ажратиб турувчи Қирғиз-Терская ҳавзаси вужудга келди; 2) Тяньшан ривожланишининг кейинги босқичи Олай микроконтинентининг алоҳида ажралиб қолишига олиб келган, улкан Осиё палеоҳавзасининг чеккасида кембрийда пайдо бўлган Туркистон ва ордовикда юзага келган Зарафшон палеоҳавзаларининг эволюцияси б-н боғлиқ. Бу ҳавзаларнинг эволюцияси уларни ўраб турган микроконтинентлар седиментацияси ва ривожланиш жараёнига бевосита таъсир кўрсатган; 3) силур-девон чегарасида ҳам муҳим ҳодисалар бўлди. Улар Туркистон палеоҳавзаси океан ости Ер пўстининг Қирғиз-Қозоқ микроконтиненти остига субдукцияси натижасида вужудга келган бурмаланишининг каледон фазасига тўғри келди. Натижада эрта-ўрта девонда Белтов-Қурама магматик ёни пайдо бўлди; 4) кечки девонда субдукцион жараёнлар барҳам топди ва ўрта карбон ўртасигача карбонатли формациялар шакл-

Ҳисор тизмасининг тоғ олди қисми.



ланиши давом этган барқарор режим вужудга келди; 5) кечки карбонда океан ҳавзалари бекилди. Коллизиялар оҳақишқорли ва нордон магматизми кўп бўлган фаол чекка қисмларнинг вужудга келишига ва ички букилмаларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Кечки палеозойда букилмаларнинг тўлишини молассли формациялар яқунлади; 6) ривожланишнинг субдукцион ва коллизив босқичлари ва улар б-н боғлиқ магматик жараёнлар (герцин цикли) эрта пермь даврида тугалланди ва Тяньшан ҳудуди субплатформа шароитларида ривожлана бошлади. Мезозой бошларида Ўзбекистон ҳудудининг жипслашган континентал пустинининг (40–55 км) ташкил топиши низоҳасига етди; 7) ҳудуднинг мезозой ва кайнозойда ривожланиши мутлақо бошқача геодинамик шароитда ўтди. Гетероген консолидациялашиб шаклланган мезозойдан олдинги пўстда янги структуралар – Турон платформаси ва Марказий Осиё дейтероогенлари вужудга келган.

Тоғ ва текислик ҳосил бўлиш режимларининг бир неча марта алмашинуви кесмада бир-бирдан стратиграфик танаффуслар, номувофиқли ва бурмалар б-н ажралган учта структура-формация мажмуасини (триас-юра, бўр, палеоген) ҳосил қилган. Уларнинг геодинамик ривожланиши тектоник ҳаракатлар фарқининг камайиши, аккумулятив майдонларнинг кенгайиши ва трансгрессия ҳамда регрессияларнинг такрорланиб алмашинуви шароитида кечган.

Магматизм. Интрузив (плутоноген ва субвулкан) жинслар Ўзбекистонда ва ёндош ҳудудларда хийла кенг (мезозойгача бўлган жинслар майдонининг қарийб 10%) тарқалган. Улар таркиби (ўта асослидан ўта нордон ва ишқорлигача), ётиш шароити (шток, «батолит-

симон» массивлар, қатламсимон ётқиқлар, лополитлар, экструзив гумбазлар, дайкалар ва ҳ.к.), фашиаллиги (субвулканик, гипабиссал, абиссал) жиҳатидан ҳар хил. Шаклланиш вақти бўйича эрта протерозойдан триасгача бўлган даврни қамрайди. Магматизм Тяньшаннинг ҳар 3 системасида намоён бўлган. Бироқ уларнинг қўлами бу системалар ҳудудларида турлича.

Ўрта Тяньшан Ўзбекистоннинг шим.-шарқида жойлашган ва Угом, Сандалаш, Писком, Чатқол ва Курама тизмаларини ўз ичига олади. Тоғлар каледон ва герцин бурмаланиши таъсирида бўлган. Баъзи тадқиқотчилар уни Қозоқ континенти токембрий заминининг қайта ишланган ва чўккан қисми деб қарайдилар. Унинг тоғ иншоотлари токембрий ва палеозой ҳосилаларидан тузилган. Токембрий ётқиқлари метаморфизм даражасига қўра икки комплексга бўлинади. Қуйиси амфиболит, кристалли сланец, гнейс, магматит, гранитли кварцитлардан иборат бўлиб, радиологик аниқланган ёши 2616 ± 50 млн. йил. Кўпинча гумбазсимон структуралар ядросини ҳосил қилади.

Қуйи токембрийнинг ҳосилалари кечки токембрий ва палеозойда регионнинг барча кейинги структуралари учун кристалланган пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ўрта рифейда (юқори комплекс) континентал деструкцияга учрайди ва рифтлар шаклланади. Улар базальт-дипаритли формациянинг вулканоген-терриген ҳосилалари ва чўкинди ётқиқлар б-н тўлган. Кейингиси кам метаморфлашган терриген, кремнийли ва карбонат ётқиқлардан иборат.

Қуйи палеозой (кембрий, қуйи ордовик) ётқиқлари Чатқол-Норин зонасида кенг ривожланган бўлиб, кам метаморфлашган кўмирли-гилли-кремнийли-карбонат ётқиқлардан тузилган. Улар ўша вақтда шаклланган океан ҳав-

заларининг жан. чеккаларида нисбатан чуқур жойлардаги шароитларда тўп-ланган.

Эрта ордовикнинг охири – ўрта ордовик бошлари седиментацион ҳавзага кўплаб терриген материалларнинг келиши б-н тавсифланади. Нисбатан юқори горизонтлар (ўрта-юқори ордовик)да, асосан, терриген жинслар кўпроқ, оҳақтошлар кам. Океан ҳавзасининг бекилиши ордовик сўнгида бошланиб, кечки силур даврида ҳам давом этган. Силур ётқиқлари (лландовери-венлок) Чатқол, Курама тизмалари ва Муғултоьда кам учрайди.

Ўзбекистон ҳудудидаги девон ётқиқлари Курама ва Чатқол тизмалари ҳамда Хонбанди ва Пистали тоғларида кўп. Эрта девонда шим.да жойлашган микроконтинентнинг сурилиши ва унинг остидаги океан ости Ер пўсти субдукцияси жараёни оқибатида океан ҳавзаси майдони қисқарди. Фаол континентал чеккалар бўйлаб вулкан-плутоник минтақа шакллана бошлади. Бу ҳодисалар Ўрта Тяньшан девон кесими тузилиши хусусиятларини белгилаб берди. Кесим асосини вулканоген, вулканоген-чўкинди (терриген ва карбонат) ётқиқлар; ўрта ва юқори қисмларини бенгос ва пелагиал фаунаси, асосан, саёзликлар, кўпроқ рифоген ва терриген-карбонат ётқиқларини белгилаб берди.

Чатқол-Курама региониде юқори девон лагуна ва континентал генезисли терриген, карбонат, терригенли-карбонат ётқиқлардан тузилган. Бундай чўкиндили седиментация режимнинг турғунлашувига боғлиқ бўлади. Қуйи тошқўмир ётқиқлари Писком, Угом, Чатқол тизмалари, Писталитов, Хонбанди ва Нурота тоғларининг шим. этакларида кенг тарқалган.

Эрта бошқирд даври регрессияси бошланиши б-н вулкан фаолиятлари намоси бўлди. Денгининг карбонат ётқиқлари денгиз-соҳилбўйи, терриген ва терриген-вулканоген ётқиқлар б-н ўрин алмаша бошлади.

Кечки бошқирд даври бошларида океан ҳавзаси майдони кескин қисқарди ва Чатқол регионидеги катта майдонлар қуруқликка айланиб борди. Ўша пайтдан бошлаб, Олмалик, Олтинтопан ва б. вулкан-тектоник грабенларда, шунингдек, Курама тизмасининг шим. ён бағирларида ва чатқол тизмасининг жан.-гарбий қисмидаги юқори палеозой кесимида вулканоген-терриген ётқиқлар – дацит-трахиандезит вулканоген мажмуаси, айниқса, кўп учрайди.

Ўрта Тяньшанда интрузив жараён анча шиддатли кечган. Ҳудуднинг 85%

Ўрта Тяньшан. Чатқол тоғлари



протерозойдан мезозойгача бўлган даврни қамраб олган магматик тузилмалардан иборат. Ўрта Тяньшанда каледон даврининг тектоник-магматик цикли қисқа. У кечки ордовикнинг ультрабазитлари б-н бошланиб, кечки силурнинг габбродиорит, диорит ва плагиогранитлари б-н давом этади. Кечки силур — эрта девон лейкогранит ва эрга—урта девон даврининг калканата-катранги мажмуасининг субвулкан жинслари б-н каледон босқичи тугалланади.

Мазкур регионнинг тектоник-магматик ривожланишида герцин босқичи муҳим ҳисобланади. Кечки палеозой ва унинг охирларида кенглик бўйлаб 1000 км га чўзилган Белтов-Қурама вулкан-плутоник минтақаси шаклланди.

Эрта карбон охирларида Чатқол ва Қурама тизмаларининг жан-ғарбий чеккаларида габбро-монзонит-сиенит (олмалиқ мажмуаси) интрузивлари мингбулоқ мажмуасининг субвулкан жинслари б-н бирга жойлашган. Ўрта тошқўмир даврида Ўрта Тяньшан ҳудудида (Мўғултов, Қурама, Чатқол, Писком ва б. тизмалар) диорит-монодиорит-гранодиорит-адамеллит таркибли интрузиялар шаклланди. Йирик ва мураккаб структурали Қурама, Қорамозор, Чатқол ва б. массивлар айнан шулардан тузилган. Кейинроқ Қурама ҳудудида вулканизм ривожланди. Вулканик жараёнларнинг охирларида эрта пермь вулканикларига нисбатан комагматик интрузиялар юзага келган.

Ж а н. Т я н ь ш а н Ўзбекистон ҳудудида Султон Увайстоғ, Бўкантов, Томлитов, Овминзатов-Белтов, Қулжўқтов, Нурота, Молгузар тоғлари, Туркистон ва Зарафшон тизмалари, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари, Чақиликалон, Ҳисор тизмаси, Жан. Фарғонани ўз ичига олади. У мазкур ҳудудларда турли даврларда мавжуд бўлган қад. ҳавзаларнинг океан ости Ер пўсти қолдиқлари ва сиалик қобикли микроконтинентлар бўлаклари, шунингдек, гранитоид минтақаларнинг вулканик-плутоник ва коллизия жинсларидан ташкил топган.

Жан. Тяньшан структуралари токембрий ва палеозой жинсларидан тузилган. Токембрий кесимида метаморфизм жиҳатдан бир-биридан кескин фарқланувчи 2 та мажмуа ажралиб туради. Қуйини радиологик аниқланган ёши 1600–1700 ва 1750 млн. ёшга тенг гнейс; плагиогнейс; биотитли, кордиерит-силлиманит-биотитли ва б. кристалли сланецлар; кварцит ва амфиболитлардан иборат сиалик таркиб б-н характерланади. Юқори токембрий мажмуаси Қизилқум ва Нурота тоғларида топилган. У кечки

протерозой палеоҳавзасининг океаник ривожланиш босқичига тааллуқли вулканоген-кремнийли-карбонат ётқизиқлардан тузилган. Кембрий бошларида Туркистон океан ҳавзасининг саёз пассив чеккаларида карбонат ва терриген-карбонат чўкиндилар тўпланган.

Ўрта ордовик охири ва юқори ордовикда субдукцион жараёнларнинг бошланиши ва микроконтинентларнинг бир-бирига силжиши ҳисобига океан ҳавзаси майдони анча қисқарди. Ўша пайтдан кумтош, гравелит, алевролит, туффит ва қисман конгломератлардан тузилган терриген-вулканомик грауваккали формация шакллана бошлади. Баъзи майдонларда айна вақтда эрта силур ўрталаригача, бошқа жойларда эрта девонгача чўкинди жинсларнинг тўпланиши тўхтаб, структураларнинг кўтарилиши кузатилган. Бу жараёнлар Қизилқум-Нурота региониде аниқланган.

Регрессия эпохаси силур даври бошида ўша даврда қатта ҳудудни эгаллаган Туркистон палеоокеанининг янада кенгайиши ва глобал трансгрессия б-н тугалланди. Бу океан ҳавзасида чўкинди жинслар турли геодинамик ва табиий-географик шароитларда тўпланди. Бу эса, турли типдаги чўкинди жинсларни юзага чиқишига сабаб бўлди. Ороллар ёйининг фаол чекка қисмларида флиш-

ли терриген чўкиндилар (қоратош свитаси); континентал қияликларда — майда кумли-алеврогилли; пассив чекка қисмларнинг кенг шельф зонасида — бентос ва планктонга бой саёз сувли органиген-карбонатли ва терриген-карбонатли ётқизиқлар тўпланди.


Девон даврида Жан. Тяньшан ҳудудида Туркистон палеоокеани ва Олай-Тоғжик микроконтиненти мавжуд бўлиб, бу ерларда эрта карбонгача, асосан, карбонатли чўкинди жинслар, нисбатан чуқурроқ шароитларда кремнийли-терриген-карбонат ётқизиқлар тўпланган. Эрта девонда Туркистон палеоокеанининг шим. чекка қисмида Қизилқум-Қурама вулкан-плутоник минтақаси шакллана бошлаган. Султон Увайс тоғида карбонат чўкинди жинслар б-н бирга дацит ва кварцли порфирлар, диабаз, альбитофит, спилит, туфли конгломерат, оқактош, кварцитлардан иборат бўлган чўкинди-вулканоген жинслар ҳам тўпланган.

Тошқўмир даврининг москва асридан бошлаб геодинамик шароитлар алмашинуви юз берди. Туркистон океан ҳавзаси ривожланишнинг сўнгги коллизия босқичига кирди. Палеоокеан майдони Қирғиз-Қозоқ микроконтиненти остидаги океан ости Ер пўстининг субдукция

Чатқол биосфера қуриққонасидаги теракзор.



ГЕОЛОГИК ХАРИТА



ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

- | КАЙНОЗОЙ ГУРУҲИ | | ПАЛЕОЗОЙ ГУРУҲИ | |
|------------------|---------------------|-------------------|-----------------------|
| Q | Тўртламчи системаси | P | Пермь системаси |
| N | Неоген системаси | S | Тошқўмир системаси |
| P | Палеоген системаси | D | Девон системаси |
| МЕЗОЗОЙ ГУРУҲИ | | S | Силур системаси |
| K | Бўр системаси | O | Ордовик системаси |
| J | Юра системаси | E | Кембрий системаси |
| T | Триас системаси | ПРОТЕРОЗОЙ ГУРУҲИ | |
| | | PR | Протерозой қатламлари |
| | | T | Интузива жинслар |
| Тектоник ёриқлар | | | |

Масштаб 1: 6 000 000

ГЕОХРОНОЛОГИК ЖАДВАЛ

ЭРА	СИСТЕМА	ДАВРЛАР	Вақт (млн йил)
Кайнозой	Кайнозой	Тўртламчи Q	1.6
		Неоген N	23.0
		Палеоген P	66.4
Мезозой	Мезозой	Бўр K	70.0
		Юра J	89.0
		Триас T	15.0
Палеозой	Палеозой	Пермь P	18.0
		Тошқўмир S	74.0
		Девон D	48.0
		Силур S	36.0
		Ордовик O	67.0
Протерозой	Протерозой	Кембрий E	63.0
		Протерозой эраси PR	2100
Архей	Архей	Архей эраси AR	800

жараёнлари ҳисобига қисқарди. Бу ҳодиса ороллар ёйи ва Қизилқум-Қурама чекка-континентал вулканик минтақасининг шаклланиши б-н бирга кечди. Океаннинг бекилиши ички океан структураларининг тўшама кўринишида чуқишига олиб келди. Тўшама чеккаларида ботиқлар юзага келди ва уларда флишли ҳосилалар тўпланган, кейинроқ, кечки карбонда бу флишлар терриген жинслар б-н алмашган. Сунгги босқичда бу ботиқлар ўсиб бораётган ороген кўтарилмалар емирилиши ҳисобига моласс ётқиқлари б-н тўлган.

Эрта карбонда ҳудуднинг жан.да Туркистон палеоокеани майдонининг қисқариши фониди базальт, габбро-диабазларнинг намоён бўлиши б-н Жан. Ҳисор давзаси пойдевори шаклланди. Бу давза Олай ва Тожик континентларини биридан ажратган ҳолда карбон даври охиригача сақланган. Ўрта карбон охири—юқори карбонда Жан. Тяньшан ҳудудида океан давзалари бекилиши тугалланди. Кейинги тектоник ҳаракатлар натижасида Туркистон-Олай, Зарафшон-Туркистон, Жан. Ҳисор зоналари бурмали структураларининг ҳоз. қиёфаси тўлиқ шаклланиб бўлди. Жан. Тяньшанда интрузив ҳаракатлар Султон Увайс тоғларида кенг тарқалган эрта протерозойнинг гнейсогранитлари тўпланиши б-н бошланган. Бу ҳудудда герцин магматизмининг бошланиши асос таркибли вулканизмининг намоён бўлиши ва ультрабазит массивларнинг кенг тарқалиши б-н характерланади. Булар Қорачатир, Шим. Нурота, Томдитов, Буқантов, Султон Увайс тоғи ва б. жойларда куп учрайди. Турли тадқиқотчилар уларнинг ёшини протерозойдан тошқўмир давригача, баъзилари палеозойгача бўлган даврга тенглаштиридилар. Тошқўмир даврининг 2-ярми ва пермининг бошланишида бир неча босқичли гранитоидлар, баъзан асос ва ишқор таркибли интрузиялар шаклланди. Жан. Тяньшанда интрузив ҳаракатлар триас даврида тугаган. Ҳудуднинг жан.-ғарбий қисмида эрта протерозой, каледон ва герцин даврининг тектоник-магматик цикллари ва магматик қатламлари ва триаснинг ишқорли базальтлари аниқ ажралиб туради.

Ультрабазит, габбро, гранодиоритларнинг ўрта тошқўмир даври интрузиялари Ҳисор тизмасининг жан. ён бағирларида кенг тарқалган.

Бошқа системалардаги каби бу регионда ҳам магматизм триас постконсолидацион фаоллашуви юзага келиши б-н тугайди.

Турон платформаси мезозой ва палеогенда шаклланди. Унинг тузи-

лиши Тяньшан ҳудудида триас даврида бошланиб, палеоген охирида тугаган Ер пўсти ривожланишининг янги геодинамик босқичини ўзида ақс эттиради. Триасда (иккинчи ярми) Ўзбекистон ҳудуди тектоник ривожланишининг сифат жиҳатдан янги босқичга кирди. Бу вақтда Тяньшаннинг каледонид ва герцинид бурмали қурилмалари асосида Турон платформаси ва унга туташ Тяньшан кўтарилмалари юзага келди. Унинг шаклланиши босқичма-босқич (триас-юра, бўр, палеоген), яъни тоғ ҳосил бўлиш, текислик ҳосил бўлиш жараёнлари ва континентал танаффусларнинг бир неча бор алмашинуви тартибиди юзага келди.

Мезозой бошларида ҳудуд протопенеплендан иборат бўлиб, келгуси ривожланиш йирик баланд морфоструктураларнинг шаклланиши б-н характерланади. Кечки триас—эрта юра босқичида текисланган герцинид ва нисбатан қад. структуралар юзасида Ҳисор, Туркистон-Олай, Чатқол-Қурама ва б. кўтарилмаларнинг эрозияси ҳисобига тўлган грабенлар б-н ажратилган янги кўтарилмалар шаклланди.

Гумид иқлимли шароитда терриген формациялар юзага келди. Кейинроқ уларнинг ўрнини арид карбонатли, полигалогенли эвпорит ва қизил терриген формациялар эгаллаган. Улар тектоник ҳаракатлар фаоллашган пайтда тўпланиб, бунинг натижасида кескин фарқланувчи рельеф шакллари юзага келди. Ўша пайтда чузиқ грабенсимон ботиқлар ва Афғон-Тожик, Амударё ва Устюрт синеклизи структуралари шаклланди. Босқич сўнггида катта ҳудудларда ре-



Қизилқумдаги барханлар.

льеф текисланиб, эрозия юзали текислик ландшафтлари ҳосил бўлган.

Турон платформаси ривожланишининг бўр босқичида бир неча бор тектоник бурмаланишлар ва кўтарилмаларнинг текисланиши алмашиб давом этди ҳамда аккумулятив майдонлар кенгайиб борди. Бўр даврида иқлим аниқ зоналлик хусусиятига бўйсунган, бу иқлим минтақалари бўйича гумид ва арид ҳудудларнинг жойлашишида намоён бўлган. Эрта бўр даврида Турон платформаси ва унинг — Афғон-Тожик, Амударё ва Устюрт ботиқлари системаси шаклланиб борди. Кечки бўрда кўта-

Тяньшан

Ўрта ва Марказий Осиёдаги энг баланд ва узоқ масофага чўзилган тоғ тизмалари системаси. Уз. 2500 км дан зиёд. Энг баланд жойлари — Ғалаба чўққиси, 7439 м ва Хонтангри чўққиси, 6995 м. Тяньшан Урал-Монғолия геосинклиналь минтақасининг мезозойгача бурмаланган областининг эпиплатформа тоғларидир. Тоғлар структураси эпипалеозой пенеплени ўрнида альп ҳаракатлари натижасида юзага келган. Тоғ тизмалари чуқинди, метаморфик ва магматик жинслар, сойликлар, асосан, чуқинди жинслардан тузилган. Тяньшан орографик жиҳатдан Шим., Марказий, Ғарбий ва Шарқий Тяньшанга бўлинади. Ўзбекистон ҳудудидаги Ғарбий Тяньшан жан.-ғарбга томон эллиптиксимон таралиб кетган Қоржонтов, Угом, Писком, Кўксув, Чатқол, Туркистон, Фарғона ва Қурама тоғ тизмаларидан иборат. Бу тизмалар бир-биридан Писком, Чорвоқ, Юқори Чатқол, Чирчиқ тоғ оралиги ботиқлари орқали ажралган. Ғарбий Тяньшан рельефининг ниҳоят даражада парчаланганлиги, ёғин миқдорининг ортиши, Ғарбий Осиёга ҳос ҳайвон ва ўсимликларнинг куп учраши б-н ажралиб туради, табиатида субтропикларга ҳос хусусиятлар мавжуд. Баландлик минтақалари ҳам ўзига ҳос: тоғ этаги текисликлари, сийрак арчазорлар учрайдиган даштлар, кенг ўрмонлар, баланд бўйли субальп ўтлоқлари, ундан баландда ниваль минтақадан иборат. Тяньшаннинг баландтоғ қисми серқирра ва қояли. ён бағирларида қурумлар, водийлар тубида морена уюмлари кенг тарқалган. Тяньшан Ўрта Осиё ички сувлари шаклланадиган ҳудудлардан бири. Сирдарё ва унинг ирмоқлари шу тоғлардан бошланади. Тяньшан тоғларида Иссиққўл, Олмаота, Саричелак, Чатқол тоғ-ўрмон қуриқхоналари, шунингдек, буюртма ҳудудлар ташкил этилган.

рилиш ва чўкишларнинг бир неча марта алмашилиш ҳодисалари йирик трансгрессия б-н бирга кузатилди.

Денгиз ҳавзаларининг соҳилбўйи ҳудудларида кумтош, алевролит, гил, моллюска фаунали чиганоқтошларнинг чўкиндили қатлами ҳосил бўлди. Денгиз чекинган, қўл ва лагуна ҳавзаларида гипс ва қизил рангли терриген жинслар тўпланди. Кечки бўрнинг иккинчи ярмида Устюрт ва Оролбўйи майдонларини эгаллаган денгиз ҳавзаларида карбонат жинслар тўпланиши кузатилган. Қизилқумда оҳақтошли кумтошлар ва оҳақтошлар қатлами юзага келди.

Бўр даври сўнгги босқичига денгиз ҳавзаларининг умумий регрессияси хос. Палеоген даври Турон платформаси шаклланишида сўнгги босқич ҳисобланиб, кечки бўр тектоник зоналигининг асосий хусусиятларини ўзида сақлаб қолган.

Платформа шарқда, Тошкент олди ҳудуди, Нурота ва Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари теварагида, Фарғона ва Афғон-Тожиқ ботиқларида кумтош, доломит ва сульфатлардан иборат бўлган саёз денгиз, соҳилбўйи ва озроқ лагуна ётқишлари тўпланди.

Орол денгизигача бўлган ғарбий ҳудудларда бошқа седиментация типдаги, сульфат-карбонатли, гилли, ёнвучи сланецли, мергел-карбонатли, фосфатли формациялар тўпланган.

Палеоген ва неоген чегарасида трансгрессия режими ороген режим б-н алмашди. Натижада палеоген босқичи платформа ривожланиш босқичини тугаллади ва неоген-тўртламчи даврда юзага келган постплатформа орогенези учун нисбатан кечки структуралар ривожланишини бошлаб берди.

Ад.: Абдуазимова З. М., События на границе ордовика-силура в геологической истории Тянь-Шаня, Т., 2003; Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан, Т., 1998; Далимов Т. Н., Троицкий В. И., Эволюционная геология, Т., 2005; Мухин П. А., Каримов Х. К., Савчук Ю. С., Палеозойская геодинамика Кызылкумов, Т., 1991; Стратиграфический словарь Узбекистана, Т., 2001; Стратиграфические и интрузивные образования Узбекистана, Т., 2000.

Зоя Абдуазимова, Бахтиёр Исаҳоржиев.

Сейсмиклик ҳолати. Ўзбекистоннинг сейсмиклик ҳолати Ғарбий Тяньшаннинг геологик ривожланиши б-н бевоқифа боғлиқ. Чунки тоғлар ҳосил бўлиш сейсмогеодинамик жараёни давом этмоқда. Шу сабабли бу ҳудудда кучли зилзилалар юз бериб турган. Баъзи кучли зилзилалар ҳақида қад. қулъэма ва тарихий ҳужжатларда маълумотлар сақлан-

Ўзбекистон ҳудудда содир бўлган кучли тарихий зилзилалар

Йили	Жойи	Эпицентр		Чуқурлиги	Магнитудаси M	Интенсивлиги I
		λ	φ			
838	Фарғона	40,4	71,8	10	5,7	8
942	Бухоро	39,7	64,5	20	6,7	9
1208	Урганч	42,0	60,0	10	6,1	9
1390	Бухоро	39,8	64,4	20	6,1	8
1490	Самарқанд	39,4	67,1	15	5,8	8
1494	Наманган	41,0	71,6	6	5,2	8
1620	Ахсиқент	40,9	71,4	6	5,8	9
1797	Ургут	39,4	67,2	10	5,6	8
1818	Самарқанд	39,4	67,1	10	5,3	8
1822	Бухоро	39,5	64,5	20	6,4	8
1868	Тошкент	41,1	69,0	15	6,0	8
1868	Қовунчи	41,4	69,4	18	6,5	8
1886	Қибрай	41,6	69,5	14	6,0	8
1894	Чуст	41,0	71,2	10	5,1	7
1896	Сандалаш	41,8	71,1	25	7,2	9
1897	Ўратепа	39,8	68,4	25	6,6	8

ган. Мас., Абу Саид Гардизийнинг «Китоб зайн ал-ахбор», Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосимнинг «Ажойиботи таборак», Муҳаммад Ёқуб ибн Доноалбининг «Гулшани мулк», Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ат-таворих», Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» каби асарларида қайд этилган. Зилзилаларнинг тарихий статистикаси кам бўлишига қарамай, бутун регионда сейсмиклик даражаси анча юқори бўлганлиги кўриниб турибди (жадвалга қ.).


1901 йда «Тошкент» сейсмик станцияси ишга тушди. Ўша вақтда макросейсмик услуб б-н бирга зилзилаларни сейсмографлар б-н ўрганиш бошланди. Кейинчалик Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ш.ларида ҳам сейсмик ст-ялар очилиши б-н зилзилалар параметрлари (вақти, эпицентр координатлари, магнитудаси, тебраниш кучи ва чуқурлиги) ни аниқлаш мунтазам равишда олиб борилди. Натижада кейинги 100 й. давомида Ўзбекистон ва унинг

Тошкент зилзласи

Тошкентда кучли зилзилалар 1866–68, 1966 й.ларда содир бўлган. 1866 й. 26 апр.дан 27 апр.га ўтар кечаси рўй берган зилзила оқибатида мазор ва жоме масжидларнинг гумбазлари, аҳоли яшайдиган иморатлар кулаб, қўлаб қурбонлар бўлган. Бу ҳақда тарихчи Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ҳикоя қилган. Шунингдек, 1868 й.нинг 4 фев. ва 4 апр., 1886 й.нинг 29 ноябрь, 1924 й.нинг 7 июнь, 1946 й.нинг 3 ноябрида 7 ва 8 балли зилзилалар бўлган. 1966 й. 26 апр.да кучи 8 баллга тенг зилзила содир бўлди. Биринчи кучли зарбдан сўнг силкинишлар сони 500 дан ортган, бир нечасининг кучи 7 баллга яқинлашган. Марказий сейсмик ст-я ўша йили 2000 дан ортиқ зилзилани қайд қилган.

атрофида бўлган 300 га яқин кучли ва сезиларли ер ости тебранишлари қайд

Сейсмик районлаштириш харитаси



этилди. Бу зилзила учоқларининг аксар қисми сейсмик хавф жиҳатдан анча фаол бўлган Тошкент воҳасидаги Писком-Тошкент сейсмоген зонасида жойлашган. 1937 й.да Писком, 1959 й.да Бурчмулла, 1966 й.да Тошкент, 1977 й.да Товоқсой, 1980 й.да Назарбек зилзилалари содир бўлди. Фарғона водийсидаги ер қимирлашларни ўрганиш 1902 й.да рўй берган Андижон зилзиласи б-н бошланди. Мазкур сейсмоген зонада Чатқол (1946), Наманган (1927 ва 1929), Чимён (1982), Ҳайдаркон (1977), Исфара-Боткен (1978), Қуршаб (1924), Поп (1984), Қайроққум (1985), Избоскан (1992) зилзилалари бўлиб ўтди. Жан. Ўзбекистондаги сейсмоген зоналарда қайд этилган 1907 й.даги Қоратог, 1935 ва 1968 й.лардаги Бойсун ва 1999–2001 й.лардаги Камаш зилзилалари катта зарар келтирди. Ўзбекистон ғарбида 1976 ва 1984 й.ларда Газли, 1955 й.да Сангзор, 1932 ва 1967 й.ларда Қизилқум, 1955 й.да Бахмал зилзилалари содир бўлди. Қорақалпоғистонда кучли зилзила учоқлари аниқланмаган. 1966 й. Тошкентдаги, 1976 й.да Газлидаги зилзилалардан сўнг Ўзбекистон ғарби ва Қизилқум ҳудудларининг сейсмик хавфи қайта кўриб чиқилди. 1999–2001 й.ларда содир бўлган

Камаш зилзилалари бу ҳудудларнинг сейсмиклик даражаси юқорилигини ва сейсмик ва сейсмотектоник изланишлардан олинган маълумотлар тўғри эканлигини кўрсатди. Кузатишлар натижасидан маълум бўлишича, ҳар бир сейсмоген зонада фаоллик бошлангандан тугагунга қадар зилзила тахм. 15–20 й. давомида қайталанади ва кейинги 20–25 й. мобайнида бу зонада кучли ер қимирлашлар нисбатан бўлмас экан. Ўзбекистон сейсмик зоналарида сейсмик фаоллашув даври 1990–2000 й.ларда бошланди ва тахм. 2020 й.ларгача зилзила рўй бериш эҳтимоли борлигини кўрсатади.

2002 й.да Ўзбекистоннинг сейсмик зоналар бўйича тузилган сейсмик районлаштириш харитасида кейинги йилларда юз бериши мумкин бўлган зилзилалар ўрни ва кучи, республикадаги сейсмик ҳолатнинг мураккаблиги, 9, 8, 7 балли зилзила эҳтимоли бор зоналар ажратиб кўрсатилган.

Ад.: Ибрагимов Р. Н., Сейсмогенные зоны Среднего Тяньшяня, Т., 1978; Абдуллабеков К. Н., Ибрагимов Р. Н. и др. Сейсмическое районирование и прогноз землетрясений в Узбекистане, Т., 2002.

Рашид Иброҳимов.

Фойдали қазилмалари

Ўзбекистоннинг ер қаъри фойдали қазилма турларига жуда бой. Ҳозиргача сақланган қуҳна конлар ва уларнинг қолдиқлари Ўзбекистон ҳудудида кончилик қадимдан ривожланганлигидан далолат беради.

Мамлакатда 3000 та фойдали қазилма кони аниқланган бўлиб, уларнинг 1100 таси қазиб олишга тайёр, хусусан, 50 таси асл, 41 таси рангли, нодир, радиоактив ва қора металллар, 187 таси ёқилғи-энергетика, 19 таси конкимё, 45 таси кончилик хом ашёси, шунингдек, қурилиш материаллари, ер ости сувлари ва б. фойдали қазилма конларидан иборат.

Ўзбекистон ер ости бойликлари истиқболи жуда улкан. Ўзбекистон ҳудудининг фақат 20% майдонида геологик разведка ишлари олиб борилган.

Нефть ва газ. Кембрийдан бошлаб неоген даврининг барча стратиграфик қатламлари чўқинди жинслари таркибида учрайди. Ўзбекистон ҳудудида саноат аҳамиятига эга 86 та нефть кони очилган бўлиб, улардан 36 таси нефть, 24 таси нефть-газ ва газ-нефть, 26 таси нефть-газ конденсат конлари тоифасига кирди. Мамлакатда нефть ва газ Фарғона, Сурхондарё, Ҳисор, Бухоро-Хива ва Орол-Устюрт регионларида топилган. Фарғона водийсида Жан. Оламушук, Бўстон, Андижон, Шаҳрихон-Хонобод, Полвонтош ва б. йирик нефть ва газ конлари очилган. Нефтли қатламлар, асосан, палеоген денгиз оҳақтошлари қатламлари орасида учрайди. Сурхондарё регионидagi конлар нисбатан майда ва ўрта конлар ҳисобланиб, улар



110626 | Atifchir Navoiy
110626

Жанубий Оламушук нефть кони

Андижон ш.дан 27 км шарқда жойлашган. Конда геологик съёмка ишлари 1933 й.да бошланган, кон структураси 1933 й.да аниқланган, қидирув ишлари 1943 й.да бошланиб, 1944 й. биринчи бурғи қудуғида палеоген ётқирикларидан нефть топилган. 1945 й. кон фойдаланишга топширилиб, 1996 й.гача ишлаган. 2 та қудуқдан техник сув, 6 та қудуқдан артезиан суви олинмоқда.

қаторида Ховдоғ, Учқизил, Какайди, Лалмикор, Миршоди, Гажак ва б.ни санаб ўтиш мумкин. Бухоро-Хива регионидида қўшлаб йирик ва ўрта конлар: Сеталантепа, Жарқоқ, Қоровулбозор, Газли, Жан. Муборак, Қўлтоқ, Ўртабулоқ, Денгизқўл, Шўртан, Қўқдумалоқ конлари очилган. Ҳисор регионидидаги Одамтош, Гумбулоқ, Жан. Тандирча нефть ва газ конлари машҳур. Устюрт регионидидаги Шақлақти, Қувониш, Оқчелак ва б. газ-конденсат конлари Устюрт платосида жойлашган. Оролнинг жан. соҳилларида Урғин, Бердақ, Сурғил конлари топилган.

Асл металллар. Аниқланган олтин захиралари бўйича республика жаҳонда

тўртинчи, қазиб олиш даражаси бўйича тўққизинчи ўринда. Ўзбекистонлик геологлар томонидан Евросиёда йирик ҳисобланган штокверк типли олтин кони (Мурунгов) топилган. Шу қўнғача 50 та олтин кони аниқланган бўлиб, улар, асосан, 3 та: Қизилқум, Нурота-Самарқанд ва Тошкент олди геологик-иктисодий р-нларда жойлашган. Республика ғарбида Султон Увайс тоғи ва жан. ҳудудлардаги истиқболли объектларда геологик-разведка ишлари олиб борилмоқда. Олтин захиралари асосида Навоий ва Олмалик кон-металлургия к-тлари, Маржонбулоқ, Ангрен ва Чодак олтин ажратиб олиш ф-калари ишлаб турибди, Чормитон ф-каси қурилмоқда.

Мамлакатда, умуман олганда, 26 кумуш кони аниқланган бўлиб, асосан, Қизилқум ва Чатқол-Қурама регионларида тўпланган. Саноат аҳамиятидаги Оқжетпес, Косманачи, Қалмоққир, Дальний, Учқўлоқ, Хондиза, Қўшбулоқ, Высоковольтное, Оқтепа ва б. конлар муҳим ҳисобланади. Олмалик ва Навоий кон-металлургия к-тларида кумуш йўлдош қўшимча элемент сифатида ажратиб олинади.

Соф платиноид металллар (рутений, радий, палладий, осмий, иридий ва

Мурунгов олтин кони

Навоий ш.дан 180 км шим.да, Зарафшон ш.дан 40 км шарқда, Томдатовнинг жан. этағида жойлашган кон. Руда захираларининг қўламини, технологик шароитларининг қўлайлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг юқорилиги ва б. хусусиятлари га қўра дунёдаги ноёб конлар сирасига кирди. 1969 й. 21 июлда дастлабки маҳсулот – Мурунгов қўйма олтини чиқарила бошланди. 1995 й.дан «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда.

платина) кони Ўзбекистонда аниқланмаган. Улар уран-ванадий, олтин, кумуш ва мис рудаси конлари таркибиди, шунингдек, колчедан-полиметалл (Хондиза, Жан. Қорасан ва б.), кумуш-полиметалл (Лашкарак) ва б. конларда учрайди. Навоий кон-металлургия к-тида 1980 й.да Мурунгов рудаларидан палладий ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Рангли металллар. Ўзбекистон Республикаси миснинг разведка қилинган захираси ва қазиб олиш бўйича Марказий Осиё мамлакатларида етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон ҳудудида юзлаб мис кони аниқланган. Уларнинг 12% Жан. Тяньшан, 80% Ўрта Тяньшан ва 8% Ҳисор бурмали системасига тўғри келади. Энг йирик рудали майдонлар, конлар Қурама металлогеник зонасида. Олмалик рудали р-нида миснинг саноат аҳамиятидаги йирик захираси топилган. Букантов ва Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий тармоқларида ҳам истиқболли майдонлар аниқланган. Республикадаги Қалмоққир, Сари-Чека, Дальний, Қизота конлари разведка қилин-





Фосфоритлар ва оксидланган темир рудалари мавжуд майдонлар (Ёмонқир тоғлари).

батан кичик бўлиб, асосан, Жан. Тяньшаннинг Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларида тўпланган. Овминзатовнинг жан. тармоқларида қалайнинг касситерит-скарни-

ли ва касситерит-грейзенли саноат-генетик типли белгилари аниқланган.

Молибден Қалмоққир, Сари-Чека ва б. йирик мис-порфир конларида олинанидиган фойдали қазилмалар ичидаги қимматбаҳо йўлдош компонент ҳисобланади. Бу конлардан олинанидиган руда таркибида вольфрам б-н бирга молибден, олтин, мис, висмут ва б. ҳам учрайди. Молибден, шунингдек, Ангрен кўмири кони, Жан. Ўзбекистон ёнувчи сланецлари, Қизилқумнинг қад. метаморфик сланецлари таркибида ҳам топилиши.

Тантал ва ниобийнинг кичикроқ конлари Чатқол, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Зарафшон, Қоратела тоғлари ва Ҳисор ҳамда Туркистон тизмаларида тўпланган.

Бўкантов, Нурота, Зирабулоқ ва Қоратела тоғларида таркибида бериллий мавжуд бўлган нодир металл пегматит ва грейзен майдонлари аниқланган. Ўзбекистонда целестиннинг 1 та кони, 40 дан зиёд белгилари мавжуд майдонлар топилиши.

Ўзбекистонда сурмага бўлган йиллик эҳтиёж минг тоннадан ортиқ бўлса-да, ҳозирча ишлаб чиқарилмайди. Мамлакатнинг ғарбий ҳудудлари ва Жан. Тяньшаннинг ғарбий тизмаларидаги конларда олтин, олтин-кумуш ва полиметалл рудалар б-н комплекс тарзда сурма рудаланиши аниқланган.

Қора металллар.

Республикада темирнинг 200 га яқин унча катта бўлмаган кон ва руда белгилари мавжуд жойлари топилиши. 2000 й.дан Суренота

конида геологик-разведка ишлари олиб борилмоқда. Қазиб олинанидиган темир рудаси цемент саноатининг асосий хом ашё базаси ҳисобланади. Ўзбекистонда 30 дан зиёд марганец минераллашуви белгиси бор майдонлар ва 5 кичикроқ кони аниқланган.

Орол денгизининг ғарбий соҳилларидаги қумларда ва юқори олигоцен-миоцен қатламларида титан рутил-цирконийменитли геологик-саноат типиде намоён бўлган.

Ўзбекистонда вулканоген-чўкинди ётқиқиқларида битта йирик Шовозсой фтор-литий кони разведка қилинган. Қоратела ва Зирабулоқ тоғларида катта пегматит майдонлари мавжуд бўлиб, уларда литий саноат концентрацияси аниқланган.

Нодир ва тарқоқ элементлар. Ўзбекистон нодир металллар (рений, кадмий, селен, теллур, индий ва б.) захираси бўйича жаҳонда етакчи мамлакатлар қаторидан жой олган. Ренийнинг энг кўп захираси Қалмоққир рудаларида (58,8%) тўпланган, Дальнийда ундан 2 баробар кам (35,6%). Осмий ҳам рений б-н биргаликда учрайди. Селен мамлакат ғарбидаги олтин-кумуш конларида топилиши. Теллур захираси Ўзбекистон ер ости бойлиқларида катта улушни ташкил этади. Қўшбулоқ конидаги руда таркибида теллур миқдори 128,8 г/т га тенг. Индий, асосан, Хондиза колчедан-полиметалл (43,4%) ва Қулчўлоқота қўрғошин-рух-колчедан конларида (49,7%) оз миқдорда топилиши. Хондиза колчедан-полиметалл конидан олинанидиган кадмий республика умумий захирасининг 39,1% ини ташкил этади.

Кўмир. Ўзбекистон Республикасида захираси ва ресурслари 2 млрд. т дан

Сариботир олтин кони (Қизилқум).



ган, Қўшбулоқ олтин кони, Қўйтош вольфрам кони, Хондиза қўрғошин-рух конида миснинг унча катта бўлмаган захиралари мавжуд. Олмалиқ мис-порфир рудаларида, шунингдек, олтин, кумуш, олтингургурт, теллур, селен ва ренийнинг катта захиралари тўпланган.

Уран захираси бўйича Ўзбекистон жаҳонда 7-8 ўринларни эгаллайди. Ураннын разведка қилинган захиралари сланецлар, вулканоген жинсларда топилиши бўлиб, мезозойнинг қумтошли типига мансуб. Уран б-н йўл-йўлакай рений, скандий, селен, нодир ер элементлари ҳам олинаниши.

Мамлакат ҳудудида 100 дан ортиқ қўрғошин ва рух кони мавжуд бўлиб, улар асосан, Чатқол-Қурама региони ва Жан. Ўзбекистонда тўпланган. Учқулоч, Хондиза, Қўрғошинкон, Кумушкон ва Лашкарак полиметалл конларида захираларни ҳисоблаб, геологик разведка ишлари олиб борилган.

Ўзбекистон алюминий хом ашёси (боксит, алуниит, каолинит ва б.)нинг захираларига эга бўлса-да, мамлакатда алюминий ишлаб чиқарилмайди. Қурама тоғларидаги Ангрен кўмири кони ҳудудида каолинит (захираси 17-20 млн. т), Қоржонтов, Чатқол ва Қурама тизмаларида алуниит конлари (Оқбош ва б.) мавжуд. Нурота тоғларида юқори сифатли боксит захиралари аниқланган.

Қулжуктовда эндоген сульфидли мис-никель-кобальт минераллашуви, Султон Увайс ва Бўкантовда апосерпентинли нураш пўстига боғлиқ никель ва кобальт руда белгилари аниқланган.

Нодир металллар. Республикада вольфрамнинг 7 кони ва 200 дан зиёд руда белгилари мавжуд ерлари аниқланган. Вольфрам объектлари Тошкент олди, Самарқанд ва Қизилқум регионларида тўпланган.

Қалай Ўзбекистон ҳудудида мил. ав. ҳам қазиб олинган. Қалай конлари нис-

ошадиган 3 та кон: Ангрен, Бойсун ва Шаргун конлари муҳим ҳисобланади. Ангрен конидан кўнғир кўмир, Шаргун конидан тошкўмир қазиб олинади. Бойсун тошкўмир конида 3 та: Жан., Марказий ва Шарқий, шунингдек, истиқболли майдонлар разведка қилинган. Конда 22 та кўмир қатлами мавжуд.

Нометалл фойдаланиш қазилмалар Ўзбекистон ҳудудида энг кўп тарқалган бўлиб, 70 дан зиёд минерал турларидан иборат.

Плавикли шпатнинг саноат аҳамиятига эга конлари, асосан, Чатқол-Курама регионида тўпланган. Булардан энг йириклари: Оғота-Чиборғота, Супатош ва Шабрез конларидир. Андижон вилоятидаги Ширмонбулоқ-П конида флюс оҳақтошлари ўрганилган. Оловбардош хом ашёнинг разведка қилинган захираси бўйича Ангрен каолини (50 млн. т) етакчи бўлиб, Оқтош кони, Қаранқўл, Сарикўл, Тузбулоқ (кварц ва кварцитлар) конлари ҳам муҳим ҳисобланади. Зирабулоқда тальк, Тошқазғанда графит разведка қилинган. Таркибида брусит мавжуд бўлган мрамор конлари (Кумушота, Суренота), гипс-магнетитли жинслар (Узунқудуқ, Сайлақудуқ), магнезийли тузлар (Қўшқанота) конлари ўрганилмоқда. Ўзбекистонда 40 дан ортиқ оловбардош хом ашё конлари маълум. Каолин (Ангрен ва Альянс конларида), доломит («Фарҳод қоятошлари»), кварц ва кварцитлар (Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва б. вилоятларда), тальк (Султон Увайс тоғларида), диаспор (Оқтош, Ургаз ва б.), графит (Тошқазған кони ва б.), абразив хом ашё (Шарақсой кони) оловбардош хом ашёнинг муҳим таркибий қисмларидир.

Ўзбекистон тоштўз, калий ва сульфат тузларига бой. Қамаш туманидаги Бойбичакон, Сурхондарё вилоятидаги Ҳожикон, Устюрт платосидаги Борсақелмас энг йирик туз конларидан. Қораумбат конида галит ва арағаш тузлар мавжуд.

Ўзбекистонда олтингургуртнинг саноат аҳамиятидаги конлари мавжуд эмас. Мис, қўроғшин-рух ва олтин-сульфидли рудалар, шунингдек, нефть ва газ конлари ҳам олтингургурт манбаи ҳисобланади. Муборак газни қайта ишлаш э-дида газ тозаланиб, олтингургурт ажратиб олинади. Нукус ш.дан жан.-шарқда жойлашган Жамансой конидан олинган оҳақтош сода и.ч. учун асосий хом ашё базасидир. Унинг захираси 75,6 млн. т ни ташкил этади. Захираси 1,47 млн. т деб баҳоланган Жетимди-Тошқудуқ оҳра кони энг йирик ҳисобланади. Ҳоз. кунда Ҳўжақўрган (30 минг т) ва Қўтирбулоқ-П (40 минг т) оҳра конлари ўрганилмоқда.

Фосфорит, калий тузлари, бентонит ва бентонитсимон тузлар, глауконит, Ангрен кўнғир кўмирини қайта ишлаш чиқиндиларидан олинган гуминли ўғитлар, вермикулит, аргиллитли сланец Ўзбекистон ҳудудидаги агрорудалар қаторига киритилади. Марказий Қизилқумда фосфоритнинг саноат аҳамиятига эга захиралари айниқса кўп. Навоий ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган йирик конлардан олинган фосфор, фосфор кислотаси ва турли фосфор бирикмаларидан кимё ва озиқ-овқат саноатлари, тиббиёт ва, асосан, қ.х.да фойдаланилади.

Ўзбекистонда глауконит Ҳисор, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари, Султон Увайс, шунингдек, Шим. Фарғона ва Тошкент олди ҳудудларидаги юқори бўр ва палеогеннинг қум-гилли ётқиқиқларида тўпланган. Бентонит ва бентонитсимон гилларнинг Ўзбекистонда 200 дан ортиқ кони аниқланган.

Шиша-керамика хом ашёси бўлган дала шпати конлари Қариқсой (захираси 27 млн. т) ва Сувайирғич (гранитлар, 5,8 млн. т), Лолабулоқ (пегматитлар), шунингдек, кварц-дала шпати қумлари (Кармана)дан иборат. Қизилқум ва Тошкент олди ҳудудларида кварц қумларининг разведка қилинган конлари мавжуд. Каолиннинг катта захираси Ангрен кўмири конида тўпланган. Самарқанд вилоятида захираси 1,3 млн. т бўлган каолин кони разведка қилинган. Энг йирик волластонит кони – Қўйтош (захираси 4,1 млн. т).

Ўзбекистон ҳудудида 500 дан зиёд гипс, цемент, керамзит хом ашёси, гипс, оҳақтош, бетон тўлдирувчилари ва б. қурилиш материаллари конлари разведка қилинган. Безак-қоплама тошлардан – гранит, габбро, мрамор хорижда ҳам машҳур. Ўзбекистонда ёқут, сапфир, топаз, турмалин, берилл, аквамарин, аметист, тоғ биллури, раухтопаз, цитрин, морион, пушти кварц, ҳар турдаги гранат, шунингдек, заргарлик андалузити, феруза, опал, нефрит, амзонит, родонит, азурит, лазурит, содалит, агат, халцедон, яшма, алуниг ва б. 50 дан ортиқ турдаги

Горизонтал юзга тик тушадиган кўёш радиациясининг ($Q_{\text{мж}}/m^2$) йиллик миқдори.

ярқироқ тошли минераллашувларнинг кон ва кичикроқ майдонлари аниқланган. Қизилқум ва Курама тоғларида феруза олинади.

Геологик тадқиқотлар натижасида Бухоро-Қарши, Сурхондарё, Устюрт ва Фарғона артезиан ҳавзасининг ер ости сувларида йод, бром, литий, рубидий, цезий, стронций ва б. саноат концентрациялари аниқланди. 2005 й.дан Крук конида йод олинмоқда.

Ад.: Аҳмедов Н. А., Минерально-сырьевая база Республики Узбекистан и перспективы её развития, Т., 2001; Далимов Т. Н., Шаякубов Т. Ш. и др., Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан, Т., 1998; Голованов И. М., Завьялов Г. Е., Исаходжаев Б. А. и др., Рудные месторождения Узбекистана, Т., 2001.


Бахтиёр Исаходжаев, Ғайбулла Абдуллаев.

ИҚЛИМИ

Ўзбекистон ўзига хос – ёғин кам, қуруқ, иссиқ, континентал иқлимга эга. Мамлакатнинг катта қисми мўътадил иқлим минтақасига, жан. чекка қисмигина субтропик минтақага мансуб. Ўзбекистон ҳудудини 3 иқлим зонасига ажратиш мумкин: чўл ва дашт зонаси, тоғ олди зонаси ва тоғ зонаси. Чўл ва дашт зонаси Ўзбекистоннинг жами текисликлари – Устюрт платоси, Қизилқум, Қарши, Далварзин ва Мирзачўл чўлларини, тоғ олди зонаси Тяньшан ва Ҳисор-Олай тоғ тизмаларининг денгиз сатҳидан 300–400 м дан 600–1000 м гача бўлган баландликларини, тоғ зонаси денгиз сатҳидан 600–1000 м дан юқори бўлган ҳудудларни ўз ичига олади.

Иқлим 3 асосий омил: кўёш радиацияси миқдори, атмосфера циркуляцияси хусусияти ва тушама сирт (рельеф) б-н белгиланади.

Мамлакат ҳудудидаги мавжуд иқлимнинг муҳим омили – Ер юзасига кела-



ётган ва, айниқса, ёз ойларида кучаядиган қуёш радиацияси д.р. Ўзбекистонда қуёш йил давомида қарийб баландда бўлади. Қуёш июнда уфқдан Тошкентда 72°, Термизда 76° гача кўтариллади. Ёзда кундуз 15 соат давом этади, қишда эса 9 соатдан кам бўлмайди. Қуёш баланд кўтарилганлиги, булут кам бўлганлигидан узоқ вақтгача нур сочиб туради. Ўзбекистон шим.да қуёш ёғдуси давомийлиги йил давомида ўртача 2800 соатни ташкил этади. Жан.га қараб унинг қиймати ортиб (Термизда 3050 соат) боради. Бир кунда қуёш 8–10 соат нур сочиб туради. Текисликларда қуёш нури давомийлигининг тақсимланиши кенгликка, тоғ олди ва тоғлик ҳудудларда қуёш нурунинг тушиши, бундан ташқари уфқнинг тўсилганлигига ва жойнинг экспозициясига боғлиқдир.

Май–окт. ойлари (қ.х. экинларининг айни ривожланиши ва ҳосилнинг етилиш даври)да қуёшнинг нур сочиш мўдатининг узунлиги жиҳатидан Ўзбекистон дунёда энг сероғтоб жойлардан бири ҳисобланади. Қуёшдан келаётган иссиқликнинг 70–80% дан кўпроги тупроқ ва ҳавонинг иссишига сарф бўлади.

Марказий Осиё устидаги атмосфера циркуляциясида арктика, мўътадил ва тропик ҳаво массалари иштирок этади. Йилнинг совуқ ва салқин даврида (ноябрь–апр.) Эрон тоғлиги устида шаклланган жуда илқ тропик ҳаво б-н Марказий Осиё шим. кенгликларидagi совуқ ҳавонинг ўзаро яқин жойлашганлиги ҳароратнинг кескин ўзгариб туришига сабаб бўлади. Циклонлар шим. ва шим.-ғарбдан арктика совуқ ҳавосининг келиши б-н яқунланади. Қишда Ўзбекистоннинг кўпгина жойларида об-ҳаво беқарор бўлиб, совуқ б-н илқ кунлар алмашиниб туради. Йилнинг илқ ва иссиқ ярмида (май–окт.) Марказий Осиё б-н ундан жан.да жойлашган ҳудудлар орасида т-ралар фарқи деярли қолмайди. Марказий Осиёда юқори т-рали (27–31°) тропик ҳаво шаклланади. Бу даврда циклон фаолияти ва у б-н боғлиқ бўлган ёғин ҳам тўхтабди. Лекин вақт-вақти б-н келиб турадиган салқин ҳаво иссиқнинг кўтарилиб кетишига йўл қўймайди.

Тоғли ҳудудларда иқлим шаклланишида тўшамасиртнинг таъсири ҳал қилувчи роль уйнайди. Жумладан, ҳатто бир тоғ тизмаси ҳудудиди ҳам ёғин миқдори турлича тақсимланади. Бунда нафақат тоғ ён бағирларининг денгиз сатҳидан баландлиги, балки, ён бағир экспозицияси, тўшама сиртнинг ҳолати ва б. таъсир этади.

Об-ҳаво ёз ойлари анча барқарор, қиш ойлари эса ўзгарадиган кечадиган, ҳаво

т-раси катта мавсумий ва суткалик амплитудига эга. Қиш ойларида чўл ҳудудларда ҳаво массалари трансформацияси нисбатан суст кечадиган. Баъзан, Арктикадан келган совуқ ҳаво оқими жан.дан тоғлар б-н ўралган текисликларга ҳеч қандай тўсиқсиз кириб келиб, ҳавонинг янада совиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бу ерда, айниқса, Қорақалпоғистонда қиш анча совуқ келади. Аммо, кўпинча Форс кўлиги ва Арабистон денгизидан келаётган илқ ҳаво унча баланд бўлмаган Копетдоғ ва Паропамиз тоғ тизмаларидан ошиб ўтиб, қиш совуғини анча юмшатади.

Ҳаво температураси. Ўзбекистоннинг текислик қисмида ўртача кўп йиллик ҳаво т-расининг изочизиқлари деярли зонал жойлашган. Ўзбекистонда қиш хийла совуқ келади, ёз эса иссиқ ва узоқ давом этади.

Энг совуқ ой – январнинг ўртача т-раси Устюртда –9°, Қизилқум чўлининг жан. қисмида 0°, Ўзбекистоннинг чекка жан.да эса –2°, –3° ни ташкил қилади. Тоғларда ҳаво т-раси, асосан, жойнинг денгиз сатҳидан баландлигига боғлиқ.

Ёз ойларида текисликларда ҳаво т-раси кам ўзгаради: июль ойининг (энг иссиқ ой) ўртача т-раси Устюртда 26–27° дан Термизда 30° гача ўзгаради. Тоғ олди зоналарида ҳаво ёз ойларида унча қаттиқ исиб кетмайди. Тоғларда эса ҳар 100 м юқорига кўтарилган сари т-ра ўрта ҳисобда 0,65 – 0,70° га камайиб боради. Ёзда қиш фаслига нисбатан ҳаво т-раси кам ўзгаради, яъни об-ҳаво анча барқарор ҳолатда бўлади.

Ҳавонинг ўртача ойлик т-расининг йиллик амплитудаси текисликларда энг юқори бўлади, мас., Қаршида йиллик амплитуда 29° дан зиёд. Тоғларда эса бу кўрсаткич энг паст бўлади. Т-ранинг амплитудаси қишда кам, ёзда юқори бўлиб, маълум даражада ҳавонинг булутлигига боғлиқ; асосан, энг юқори даражаси очик ҳавога тўғри келади, булутли кунларда у 6 – 9° паст бўлади. Текис-

ликларда январда ҳаво очик кунлари амплитуда 7 – 11°, июль ойида 14 – 19° ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг энг шим. қисмида ўртача йиллик энг паст ҳаво т-раси –30° ни ташкил этади. Айрим йиллари –40° гача пасаяди. Жан.да Термиз атрофида –20° дан паст т-ра кузатилмаган. Бу ерда кўпинча қиш илқ келади, т-ра –10° дан пастга тушмайди.

Республика ҳудудида илқ даврнинг ўртача давомийлиги Устюртда 160 кун бўлса, Шеробод ва Термизда 280 кунгача.

Мамлакатнинг текислик қисмида энг паст ўртача кўп йиллик максимал т-ра (35–36°) Орол денгизи бўйларида кузатилади. Аммо денгизнинг таъсири фақат соҳилнинг денгизга яқин қисмида сезилади. Ундан узоқлашган сайин ўша кенгликдаги энг юқори т-ра 40° га, республика жан.да эса 44° га кўтарилади. Тоғ олди зоналарида т-ра 39–41° дан ошмайди ва юқорига кўтарилган сари камайиб боради.

Даштларда энг юқори мутлақ т-ра 48–50° га етади. Тоғ этакларида, тахм. 1000 м баландликкача, энг иссиқ т-ра анча юқори бўлиши мумкин (44–45°). Табиийки, юқорига кўтарилган сари ҳаво т-раси пасайиб боради.

Ҳаво намлиги. Қиш ойларида ҳавонинг ўртача ойлик нисбий намлиги Ўзбекистоннинг шим. (Орол денгизи соҳиллари)да 80 – 85% дан энг жан.да 60% гача ўзгаради. Тоғ олди ва тоғли ҳудудларда эса бу миқдор 50 – 70% ни ташкил этади. Март ойидан бошлаб нисбий намлик камайиб бошлайди. Орол денгизи бўйларида у 60–65% гача, бошқа ҳудудларда 30–40% гача пасаяди, тоғ олди ҳудудларида намлик бир оз юқори бўлади. Тоғда нисбий намлик баландликка, рельефга ва қияликка қараб ўзгаради. Қишда кўпинча у баландликка нисбатан пропорционал равишда пасаяди, ёзда эса ошалай.

Ўзбекистонда январдаги температура ва шамол режими. Ҳавонинг энг паст температураси (°С).





Сутка давомида энг юқори нисбий намлик тунга, энг пасткиси кундузга тўғри келади. Тупроқ ва сув юзасидан бўлган буғланиш ҳам кундузи кучаяди. Йилнинг фасли, об-ҳаво ва ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларига қараб нисбий намликнинг кунлик тебраниш амплитудаси 5–20% ўртасида ўзгариб туради.

Қ.х. учун катта амалий аҳамиятга эга бўлган иқлимий кўрсаткич, ҳавонинг нисбий намлиги 30% ва ундан ҳам камайиб кетадиган қурғоқчил кунлар сони ҳисобланади. Нисбий намликнинг ёз ойларида кескин пасайиб кетиши қурғоқчиликка олиб келади, натижада ўсимликларнинг меъсрий ривожланиш тарзи бузилади. Мамлакатнинг чўл ҳудудларида бундай ҳолат 200 кунга етади. Тоғ олди ва тоғли ҳудудларда бундай кунлар сони 125 – 180, фақат суғориш тармоқлари ривожланган ва ўсимлик қоплами анча қалин бўлган Фарғона водийсида 75 – 100 кунгача. Йирик сув ҳавзаларига яқин жойларда қурғоқчилик камроқ бўлади.

Булутлилик миқдори. Ўзбекистон текисликларида янв.да булутли кунларнинг ўртача кўп йиллик такрорланиши умумий булутлилик бўйича 55–60% ни ташкил этади, фақат Қизилқумнинг марказий қисмида у 50% гача камаёди. Паст қатлам булутлар бўйича бу кўрсаткич Устюрт ва Орол денгизи соҳилларида 40% дан чўл марказида 28–30% гача ўзгаради. Ёзда (июлда) булутлилик анча кам бўлади. Мас., Устюртда умумий булутлилик даражаси бўйича булутли кунлар такрорланиши 25% ни, Қизилқумда 10 – 15% ни, Қарши чўлида бор-йўғи 3 – 4% ни ташкил этади.

Умумий булутлилик бўйича булутли кунларнинг ўртача йиллик сони Устюртда 90 – 100, Қизилқум чўлида 50 – 55 кунга етади. Пастки қатлам булутлари бўйича у тегишли равишда 40–45 ва 13–15 кунни ташкил этади. Бу ҳудудларда

Ўзбекистонда июлдаги температура ва шамол режими. Ҳавонинг энг юқори температураси (°С).

умумий булутлилик бўйича ўртача кўп йиллик очиқ кунлар сони 73–75 дан (Устюртда) 140–150 гача (Қарши чўлида) ўзгаради.

Тоғ олди ҳудудларида булутларнинг ҳосил бўлишида ён бағирларнинг нам ҳаво оқимларига нисбатан қандай жойлашганлиги катта аҳамиятга эга. Тяньшан тоғлари этакларининг шим. ён бағирларида янв.да булутли кунларнинг умумий булутлилик бўйича такрорланиши 65% га етади, жан. ён бағирларида эса у 55% гача камаёди. Фарғона водийси ва Сурхондарё ҳавзасида эса 53 – 63% ўртасида ўзгариб туради. Пастки қатлам булутлилик бўйича такрорланиш 30 – 40% ни ташкил этади.

Июль ойи давомида тоғ олдиларида кам булутли барқарор об-ҳаво кузатилади: умумий булутлилик бўйича такрорланиш 2% (Сурхондарё)дан 20–23% гача (Фарғона водийси) ўзгариб туради, пастки қатлам булутлилик бўйича бу ўзгариш 0,1% – 9% ни ташкил этади. Тоғда булутлилик ва очиқ кунлар сони тоғ олди зонасидан деярли фарқ қилмайди.

Атмосфера ёғинлари минтақадаги барча дарёлари сув б-н таъминлаб турадиган деярли ягона манба ҳисобланади ва маълум даражада табиий ландшафтлар ҳамда қишлоқ хўжалиги и.ч. хусусиятини белгилайдиган жараёндир. Ёғингарчиликнинг Ўзбекистон ҳудудида тақсимланиши унинг геогра-

Ўзбекистон ҳудудидаги йиллик ёғин миқдори (R, мм).



фик жойлашуви, рельефи ва атмосфера циркуляциясига боғлиқ. Ёғиннинг асосий қисми Атлантика океанидан келадиган ҳаво массалари б-н бирга келади. Орол денгизининг намлик ошишига таъсири фақат соҳил қисмигагина тарқалади ва кейинги ўн йилликларда денгиз акваторияси кичрайиши б-н янада камайиб кетди.

Текисликларнинг катта қисмида, айниқса, ғарбий ҳудудларда, қурғоқчилик кузатилади. Йил давомида бу ерда ёғин миқдори ўрта ҳисобда 80 – 250 мм. Тоғ олдида эса 180 – 500 мм. Тоғда ёғингарчилик янада кўпроқ. Ғарбий Тяньшанда шамолга рўпара бўлган ён бағирларнинг юқори қисмида 2000 мм дан зиёд. Зарафшон тоғ тизмасининг шамолга қарган қияликларида (Омонқўтон ст-яси) ёғин 960 мм ни ташкил этади.

Текисликларда ёғинли кунлар сони йилда ўртача 35–60 кун, тоғ олди ҳудудлар ва тоғларда эса 70–90 кун бўлади. Кучли ёғингарчилик камдан-кам кузатилади. Текисликларда суткасига 20 мм дан кўп ёғин ёққан ҳоллар ҳар йили бўлмайди, тоғларда бундай кунлар сони 10–15 тага етади. Ёғингарчиликнинг муҳим белгиларидан бири уларнинг йил давомида тақсимланишидир. Ёғин кўп ёғингарчилик март – апр. ойларида, энг ками эса ёз ойларида тўғри келади. Ёғин (ёмғир) йилнинг ҳар бир фаслида ёғиши мумкин, ammo тоғда баландликка кўтарилган сари ёмғир камайиб, қор миқдори кўпаяди. Қор текисликларда ва тоғ олдиларида окт.дан апрелгача, жан.да ноябрдан мартгача, тоғда 1000 м дан юқорида окт.дан майгача ёғиши мумкин.

Текисликларда қор қоплами одатда ноябрь охирларида, жан. ҳудудларда эса дек.нинг учинчи 10 кунлигида ҳосил бўлади. Ammo барқарор (бир ой давомида эрмайдиган) қор қопламини фақат Устюртда ва тоғли ҳудудларда кузатиш мумкин. Шим. ҳудудларда барқарор қор

қопламли кунлар 60 кундан, тоғда 100 кундан ошади. Текисликларда қор қопламнинг ўртача қалинлиги 4–8 см, энг кўпи 30 см, тоғ олди зоналарида тегишлича 10–20 ва 40–60 см, тоғли ҳудудларда эса 60 см дан зиёд ва баъзан 1,5–2 м ни ташкил этади. Қор қопламнинг ҳосил бўлиши ва унинг эриш муддати йилдан-йилга кескин фарқ қилади.

Шамол режими хилма-хил бўлиб, бевосита жойнинг рельефига боғлиқ. Текисликларда қишда кўпинча шим. ва шим.-шарқий, ёзда шим. ва шим.-ғарбий шамоллар эсади. Уларнинг ўртача тезлиги, асосан, 3–4 м/сек.дан ошмайди. Фақат шим.-ғарбга – Орол денгизи атрофида 5 м/сек.га етади. Кўклам ойларида йилнинг бошқа фаслларига нисбатан шамол кучлироқ бўлади.

Кучли шамол (тезлиги 15 м/сек.дан ортиқ) ўзига хос рельефли маълум жойлардагина содир бўлади. Текисликларда кучли шамоллар тез-тез такрорланиб турадиган жой Қизилқумнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда ботиклар ва унча баланд бўлмаган тепаликлар энсиз йўлаклар ҳосил қилади. Мас., Томди метеостанциясида кучли шамол эсадиган кунлар сони 30 кундан ошади. Қизилқумда эса 85 кунга етади. Бу ерларда шамолнинг тезлиги 45–50 м/сек.ни ташкил этади.

Тоғ олди ва тоғли ҳудудларда, асосан, шарқий ва шим.-шарқий шамоллар эсади. Бу ерлар йилнинг иссиқ фаслларида, асосан, тоғ-водий шамоллари таъсирида бўлиб, кундузи шамол дара ва ён бағирлар бўйлаб пастдан юқорига (водий шамоли), тунда эса юқоридан пастга (тоғ шамоли) қараб эсади. Қишда тоғ шамоли кўпроқ кузатилади. Фарғо-

на водийсида ҳам қиш кунлари, асосан, шарқдан юқоридан пастга қараб тоғ шамоли, ёзда эса жан.-ғарб ва ғарбдан водий шамоли эсади. Тоғ водийларида сурункасига бир неча кун давомида кеча-кундуз юқоридан пастга қараб эсан шамол тоғ-водий циркуляциясини бузиб юбориш ҳоллари ҳам тез-тез кузатилади. Бу шамолнинг тезлиги 3–5 м/сек.ни ташкил этади. Аммо унинг йўналишида тор йўлаклар мавжуд бўлса, кучли шамол даражасига етади. Баъзи бир алоҳида синоптик шароитларда ҳам кучли шамоллар ҳосил бўлиши мумкин. Термиз атрофида ловул ва момақалди-роқ б-н эсадиган шамол «Афғон шамоли», Сирдарё воҳасидаги жан.-ғарбий ва ғарбий шамоллар «Жиззах шамоли» деб аталади.

Иқлимнинг ўзгариши. Ҳар бир алоҳида олинган йил ёки катта бўлмаган вақт оралиғи (5–10 йил) ўртачаси учун олинган об-ҳавонинг миқдорий хусусиятлари 30 й. ва ундан ортиқ йиллар ўртачаси учун олинган об-ҳавонинг миқдорий хусусиятлари кетма-кет давр оралиғида мунтазам камайиб ёки кўпайиб борса, бу иқлим ўзгараётганлигини кўрсатади. Чунончи, Тошкентда июль ойининг ўртача ҳаво т-раси ҳар йили ўрта ҳисобда 0,0054° га ошиб, 100 й.да

0,5° га кўтарилган. Январнинг т-раси янада сезиларли ошиб, бир йилда 0,024° ёки 100 й.да 2,4° га кўтарилган. Бу иқлимнинг йилдан-йилга исиб бораётганидан далолат беради. Иқлимнинг ўзгариши ва тебраниши табиий ва антропоген таъсирлар остида рўй беради. Табиий ўзгариш геофизик омиллар: Ер курраси ҳаракатининг ўзгариши, қуёшнинг фаоллашуви, атмосферанинг тозаллиги ва шулар б-н боғлиқ бўлган атмосферанинг умумий циркуляцияси таъсирида содир бўлади. Табиий иқлимий сабаблар таъсирида рўй берадиган аномалиялар (кўп йиллик ўртача қийматидан четланиши), одатда, жуда катта ҳудудларни эгаллайди, яъни глобал хусусиятга эга бўлади. Мас., 1981–90 й.ларда январь ойида кузатилган ҳавонинг иссиқ келиши фақат Ўзбекистондагина эмас, балки мўътадил кенгликда 30° ғ.у. дан 30° шқ.у. гача бўлган катта ҳудудда рўй берган эди.

Иқлим ўзгаришининг антропоген омилларига илгари фақат урбанизация (шаҳарлар аҳолисининг ўсиши ва у б-н боғлиқ бўлган иссиқлик энергияси истеъмол қилинишининг ортиши) ва мелиорация (суғориш ва зах қочириш) киритилар эди. Бу ўзгаришлар маълум

Марказий Тяньшанда баҳор.

Бекобод шамоли

Фарғона водийсининг ғарб томонидаги (эни 9–40 км, уз. 70–75 км ли) Фарғона йўлаги («Хўжанд йўлаги») орқали эсадиган кучли шамол. Водийдан Сирдарё вилояти томон эсадиган шарқий ва жан.-шарқий шамол «Бекобод шамоли» ёки «Ховос шамоли», арктикадан келиб, Фарғона водийси томон эсадиган совуқ шамол эса «Кўқон шамоли» дейилади. «Бекобод шамоли» бир йилда ўртача 52 кун эсади, кўпинча ноябрда бошланиб, мартда тутайди. Шамолнинг тезлиги 15–20 м/сек., баъзан 45 м/сек.га етади. «Бекобод шамоли»дан экинлар зарар кўради. Шамолнинг кучини камайтириш учун далалар 100–120 м энликда карталарга бўлинади ва 5–10 м жой қолдириб, ихота дарахтлари экилади.



чегараланган ҳудудлардагина рўй беради. Мас., Фарғона ва Тошкентда санотнинг ривожланиши ва аҳолининг ўсиши б-н боғлиқ равишда т-рнинг кўтарилишини кузатиш мумкин. Кўп ҳолларда антропоген омил таъсиридаги иқлим ўзгаришини аниқ ажратиб кўрсатиш қийин.

Суғориладиган деҳқончилик зонасида (Мирзачўл, Фарғона водийси) ўзлаштирилган ерлар майдони кенгайиши б-н ёзги т-ра пасайиб, ҳавонинг нисбий намлиги орди. Натижада, бу ерларда 1960 й.дан кейинги йилларда ҳам иссиқ фаслнинг т-раси йиғиндисининг ўсиши чўл зонасидан анча паст бўлди.

Орол денгизининг қуриб бориши антропоген омил таъсиридаги иқлим ўзгаришининг фожиали натижасидир. Кузатишларга кўра, денгиз сувининг кескин камайиши, тубининг катта майдонларда очилиб қолиши ва иқлимнинг кенг қамровли йилиши 100–150 км ли соҳил зонасида ҳароратнинг ёзда кўшимча (1,5° гача) ошиши ва нисбий намликнинг 5 – 10% камайишига сабаб бўлди.

Сўнгги 20 – 30 й. лавомида иқлимга бўлган антропоген таъсир глобал тус олмақда. Инсоннинг ҳўжалик фаолияти таъсирида атмосферада «буғлатгич» газлар (СО₂ ва б.) миқдори ортиб, атмосфера ҳарорати кўтарилиб бормоқда. Субтропик ва тропик кенгликларда бундай таъсир ҳали унчалик сезиларли даражада бўлмаса-да, Ўзбекистонда, айниқса, унинг шим. ҳудудларида сўнгги йилларда кузатилаётган ҳароратнинг кўтарилиши фақат табиий тебранишлар натижаси бўлмай, балки глобал кўламдаги антропоген омиллар таъсири натижасидир.

Ад.: Ч у б В. Е., Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан, Т., 2000; Г л а з и н Г. Е., Ч а н и ш е в а С. Г., Ч у б В. Е., Узбекистан иқлимнинг қисқача очерки, Т., 1999.

Виктор Чуб, Тоҳир Мухторов.

Гидрометеорология хизмати. Ўзбекистонда умумдавлат миқёсида ҳўжаликнинг барча соҳаларига гидрометеорология хизмати кўрсатиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази («Ўзгидромет»)га юклатилган. «Ўзгидромет» (2004 й. апр.дан) Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология соҳасидаги вазифаларни бажариш бўйича махсус ваколатга эга бўлган давлат бошқаруви органи бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида иқлимдаги ўзгаришларни мунтазам равишда кузатиб борувчи давлат муассасасидир.

Унга қуйидаги вазифалар юклатилган: кузатув пунктлари фаолиятини таъминлаш (иқлимни мунтазам равишда кузатиб бориш, гидрометеорологик ст-яларнинг сақланиши ва улар атроф-доирасининг бир хиллигига эришиш); ахборотнинг барча турларининг тўлаллиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш; кузатув тармоғини асбоб-ускуналар б-н таъминлаш; ўлчашларнинг тегишли техник даражаси, яхлитлиги ва таққосланувчанлигини таъминлаш бўйича ишлар олиб бориш (приборлардан тўғри фойдаланиш, уларни текшириш ва таъмирлаш). Ўзбекистон ҳудудидаги метеорологик ва гидрологик кузатувлар олиб борилаётганига 100 й.дан ошди. Орол денгизи сағҳини мунтазам кузатиш ишлари 1911 й.дан буён ўтказиб келинмоқда.

Ҳоз. даврда об-ҳаво ва иқлимни ўрганишда ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланилади, улар орқали олинган ахборотларни мукамаллаштириш технологиялари яратилган.

«Ўзгидромет» томонидан республика ҳудудидаги барча йирик сув объектлари кузатувга олинган: Сирдарё, Амударё ва уларнинг ирмоқлари, йирик сув омборлари, кичик сув йўлларида, оқимнинг шаклланиш зоналарида жойлашган кузатув пунктлари бор.

Ўзбекистондаги ердан кузатув гидрометеорологик тизими таркибида метеорологик кузатув олиб борувчи 76 ст-я, гидрологик кузатув ўтказувчи 124 пункт, атмосферада радиозонд орқали кузатув олиб бораётган 3 ст-я, агрометеорологик кузатув ўтказувчи 89 пункт (шундан 2 таси агрометеорологик ст-я) бор. Шунингдек, 100 дан зиёд пункт орқали қ.х. экинлари ва яйлов ўсимликларининг ҳолати кузатиб борилаётган.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё региони мамлакатларидаги кўп йиллик тажриба гидрометеорологик ахборотни тезкор йиғиш ва тарқатишнинг барқарор схемасини шакллантирди. Схемادا регионнинг географик хусусиятлари ва алоқанинг давлат телекоммуникацион системасининг ривожланиш даражаси ҳисобга олинган.

Телеалоқанинг глобал системаси таркибида Тошкент регионал телеалоқа узели фаолият кўрсатади. Узел тезкор ахборотни йиғиш ва унинг телеалоқанинг глобал системаси каналларига ўтказилишини амалга оширади. Ўзбекистондан ташқари Қозғоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари ҳудудлари ҳам регионал телеалоқа узели масъулият зонаси таркибида. Регион ҳудудида гидрологик (305 ст-я ва постлардан), синоптик (178 ст-я) ва аэрологик (8 ст-я) ахборотлар йиғилади.

«Ўзгидромет»нинг глобал кузатув системаси доирасидаги миллий мажбуриятларидан бири регионал таянч синоптик тизимга кирувчи 62 та кузатув ст-ялар фаолиятини таъминлашдан иборатдир.

Маълумотларни қайта ишлаш глобал системаси доирасида Жаҳон об-ҳаво хизмати тизимидаги 29 Регионал метеорологик марказлардан бири бўлган Регионал ихтисослашган метеорологик марказ фаолият кўрсатади.

Заҳид Назиров.

ЕР УСТИ СУВЛАРИ

Мамлакат ҳудудида ер усти сувлари нотекис тақсимланган. Текисликларда жуда катта майдонларда бирорта дарё ёки кўл учрамайдиган жойлар бор. Тоғ олди зонаси ва тоғли жойлар жуда кўп сой ва кичик дарё ўзанлари б-н парчаланган. Баланд тоғ тепалари ва чўққилардаги қор ва музликлардан бошланувчи кўлаб тоғ дарёлари текисликка чиқадиган йирикроқ дарёларга келиб қуйилади ёки мустақил равишда тоғ олди зоналарига оқиб чиқади. Ер усти сувларининг бундай тақсимланиши иқлим ва географик хусусиятлар б-н боғлиқ.

Дарёлари. Ўзбекистондаги ва Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи дарёлар, асосан, тоғлардаги қор, музликлардан ва қисман ёмғир сувларидан тўйинади. Иқлим иссиқ ва қуруқ бўлганлигидан дарёлар суви, айниқса, уларнинг ўрта ва қуйи оқимида суғоришга, буғланишга сарф бўлади. Текисликлардаги дарёлар суви эса қор ва аёён-аёён ёғадиган жалалардан ҳосил бўлади. Мамлакатнинг чекка тоғ олди ҳудудларида ёзда қуриб қолувчи сойлар ва вақтинчалик сув оқадиган ўзанлар жуда кўп.

Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи энг катта дарёлар – Сирдарё ва Амударё ҳамда уларнинг кўп сонли ирмоқлари Ўзбекистондан ташқарида бошланади. Ўзбекистоннинг йирик дарёлари: Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчиқ, Охангарон, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё. Уларнинг кўпчилиги фақат ўрта ва қуйи оқимида Ўзбекистон ҳудудидан ўтади (1-жалвал). Сирдарё ҳавзасининг сув йиғиш майдонида 38 км³ сув ҳосил бўлади, унинг фақат 12% Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади. Амударёнинг сув йиғиш майдонида ҳосил бўлган 79 км³ сувнинг эса фақат 8% Ўзбекистон ҳудудига тегишли.

Дарёларда тўлинсув даври сув йиғиш ҳавзасининг баландлиги ва тўйиниш сув манбасининг тури (муз, қор, ёмғир, ер

1 - жа д в а л

Ўзбекистондаги ва Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи дарёларнинг асосий гидрологик кўрсаткичлари

Дарё ва сойлар	Узунлиги (км)	Ҳавзасининг умумий майдони (км ²)	Кузатув жойигача сув тўплаш майдони (км ²)	Кузатув жойи	Ўртача йиллик сув сарфи (м ³ /сек)
Амударё	1415		309000	Отамурот	1960
Дашнободдарё	58	330	327	Дашнобод қ.	3,5
Жарсой (Қашқадарё ирмоғи)	64	348	124	Қанжигали	1,3
Жиннидарё (Қашқадарё ирмоғи)	52	344	152	Жовуз қ.	1,6
Зарафшон	877	12300	4650	Фондарёнинг қуйилиш жойида	80,5
			10200	Дупули кўприги	155,0
				Зиёвуддин қ.	86,5
Зоминсув	58	704	546	Дуоба қ.	1,8
Исфайрамсой	122	2220	697	Лангар маскани	8,8
			2220	Учқўрғон қ.	22,0
Исфара	107	3240	1560	Тошқўрғон қ.	14,5
Катта Ўрадарё	100	1370	1260	Бозортепа қ.	4,8
Кичик Ўрадарё	114	1670	1570	Гумбулоқ қ.	1,3
Кофарниҳон	387	11600	9780	Тортқи қ.	164,0
Косонсой	127	1780	1130	Қизилтўқай қ.	7,1
Кўгартсой	105	1370	1010	Михайловское қ.	18,5
Кўксув (Чатқол ирмоғи)	60	398	372	Бурчмулла қ.	11,9
Майдонтол	50	475	471	қуйилишида	16,3
Норин	578	59900	58400	Учқўрғон ш.	375,0
Ойгаинг	72	1100	1010	қуйилишида	27,6
Оқбура	136	2540	2430	Тўлекен қ.	21,8
Оқдарё (Зарафшон тармоғи)	154			Хатирчи қ.	24,5
Оқсоқотасой	48	501	453	Қорамозор қ.	6,1
Оқсув (Қашқадарё ирмоғи)	104	1280	845	Ҳазорнав қ.	12,9
Оҳангарон	233	5260	1110	Ертош д. қуйилишида	19,2
Писком	73	2840	2540	Муллали қ.	78,0
Почтаотасой (Намангансой)	130	443	366	Тосту д. қуйилишида	5,6
Сангардақдарё	106	932	901	Кенгузар қ.	14,5
Сангзор	198	3220	570	Қирқ қ.	2,0
Сирдарё	2212	219000	136000	Қизилқишлоқ қ.	595
Сурхондарё	175	13500	8700	Шўрчи қ.	68,7
Сумсарсой (Резаксой)	86	329	90	Сумсар қ.	0,9
Сўх	124	3510	2480	Сариканда қ.	43,4
Танхоздарё	93	1910	435	Каттагон қ.	4,1
Тентаксой (Қораунгур)	126	4130	1300	Чорвоқ қ.	28,8
Тўполондарё	112	3080	3040	Дашнобод д.	36,2
Тўсунсой	76	1100	893	Қорақия қ.	1,9
Угом	76	1100	869	Ҳўжакент қ.	21,7
Ҳўжабақирғон	117	2150	1740	Андархон қ.	10,1
Ҳалқажарсой (Ҳўжаинпоқ)	91	765	577	Бозоржой қ.	6,9
Чирчиқ	161	14900	10900	Ҳўжакент қ.	227
Чодаксой	76	566	350	Жўлайсой д. қуйилишида	3,8
Чортоқсой	67	715	493	Пишқаран қ.	1,8
Чатқол	217	7110	6580	Худойдосой д. қуйилишида	106,0
Шероболдарё	177	2950	949	Дарбанд қ.	5,4
Ширинсой	108	780	474	Босмонда қ.	1,8
Шоҳимардон	112	1300	444	Повулғон қ.	9,8
Яккабоғдарё	99	1180	504	Татар қ.	6,1
Қашқадарё	378	12000	511	Варганза қ.	5,2
Қораларё	180	30100	12400	Кампирработ қ.	121,0
Қоратоғдарё	99	2430	684	Қоратоғ қ.	22,5
Қумдарё (Қалқамасой)	103	866	357	Чамбил қ.	2,1
Фовасой	96	724	657	Фова қ.	6,0
Ғузордарё	86	3400	3090	Ёртепа қ.	5,9

Амударё

Туркистон ўлкасидаги энг серсув, йирик дарё. Турли даврларда Оксус, Жайхун, Ўқуз, Балх, Вахш, Амуд деб номланган. Амударёнинг уз. 1415 км, ҳавзасининг майд. 309 минг км². Афғонистонда Ҳиндукуш тоғларининг шим. ён бағридан 4950 м баландликдаги музликлардан бошланади. Дарёга энг йирик ва серсув ирмоғи — Вахш қўшилгандан сўнг Амударё номини олади. Сурхондарё қуйилгандан кейин Амударёга то Орол денгизига етгунча 1200 км дан зиёд масофада бошқа ирмоқ қўшилмайди.

ости сувлари)га боғлиқ ҳолда баҳор ёки ёз фаслида, кичик дарёлар ва сойларда 1–2 ой, йирик дарёларда 3–4 ой давом этади. Бу даврда дарёлар йиллик сув ҳажмининг 70 – 95% оқиб ўтади. Баъзи йиллари дарёлар ёмғирлар (шу жумладан, жала ёмғирлар) суви ҳисобига тўлиб оқади ва шу даврда сел тошқинлари кузатилади.

Дарёлар тоғлардан тоғ олди ҳудудлари ва, асосан, текисликка чиққач, суви суғоришга олиниши, экинзорлардан қайтадан дарёга келиб қуйилиши ва сув омборлари орқали тартибга солиб турилиши натижасида уларнинг табиий сув режими кескин ўзгарган.

Сирдарё

Ўрта Осиёдаги энг узун ва Амударёдан кейинги энг серсув дарё. Турли даврларда Яксарт, Танаис, Дану, Яоша, Хашарт, Сайхун ва б. номлар б-н юритилган. Норин дарёси б-н Қораларё қўшилгач, Сирдарё номини олади. Орол денгизига қуйилади. Уз. 2212 м, ҳавзасининг майд. 219 минг км². Сирдарё ва унинг ирмоқларида қурилган гидротехник иншоотлар, айниқса, йирик тўғонлар, сув омборлари, катта канал ва коллекторлар таъсири натижасида Сирдарёнинг оқим миқдори ва гидрологик режими анча ўзгарди.

Амударё. Юқори оқими.

Кўпчилик дарёлар сувининг лойқалиги ўртача 200 – 500 г/м³. Баланд тоғ тепаларидан бошланадиган кичик дарёларнинг сувида лойқа оқизиклар анча кам. Пискомга қуйиладиган Чиролма (Ойгаинг ирмоғи) дарёсида лойқалик 10 г/м³, Шерободдарё ҳавзасида 25 кг/м³, Сурхондарё ҳавзасида 35 кг/м³, Сурхондарёнинг ирмоғи Оққапчиғай сойининг лойқалиги эса 140 кг/м³ гача етади. Фарғона водийсига Олай ва Туркистон тоғ тизмаларидан оқиб тушувчи дарёлар сувининг лойқалиги юқори оқимида 50 – 300 г/м³, қуйи оқимида эса 1000 – 1500 г/м³.

Ўзбекистон дарёларида музлашнинг барча турлари кузатилади. Тоғлардан оқиб тушувчи дарёлар серостона ва тезоқар бўлганлигидан музлаш фақат айрим қисмларида юз беради. Бундай дарёларда, асосан, шовуш (шуга) музлари оқади ва бу ҳолат 2–3 ой давом этади. Дарёларнинг тоғ олди қисмларида динамик муз ҳосил бўлиши кўпроқ кузатилиб, натижада сузувчи музлар сув б-н бирга оқади. Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисми текислик ерлардан оққанлиги учун сув юзасининг бутунлай музлаш ҳоллари кузатилади, натижада баҳорда дарё суви тошиб, атрофни сув босади.

Музликлар. Ўрта Осиёдаги музликларнинг асосий қисми Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида жойлашган. Улар ёгин буғланишга нисбатан кўп бўлган тоғ тепаларида вужудга келган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Сурхондарё, Қашқадарё, Писком дарёларининг юқори қисмида умумий музлаш майд. 141,54 км² га тенг бўлган 486 та тоғ музлиги мавжуд. Ўзбекистон дарёларида сув бе-



Тоғ музлиги.

рувчи бу музликларда сифатли табиий сувнинг катта захираси бор.

Сурхондарё ҳавзасида музликлар Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоқларининг жан. этакларида, Тўполон ва Киштут дарёларининг бошланиш қисмида жойлашган. Қашқадарё ҳавзасида эса Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоқларида, Оқсув дарёсининг бошланиш қисмида сақланган. Писком ҳавзасида музликлар Угом тизмасининг жан.-ғарбий, Писком тизмасининг шим.-ғарбий ён бағирлари ва Майдонтол тизмасини эгаллаган. Кичик шаклдаги, асосан, кар ва кар-водий турдаги музлик кўп. Озмиқдорда осма ва осма-карлар мавжуд. Писком ҳавзасида мураккаб водий, содда водий музликлари учрайди.

Писком дарёси ҳавзасидаги музликларнинг қуйи чегараси нисбатан пастда (ўртача 3420 м баландликда). Бу ҳавзадаги энг катта музлик — Калесник музлиги. Шунингдек, Қашқадарё ҳавзасида энг катта музлик — Северцов музлиги, Сурхондарё ҳавзасида эса Чап Қазноқ музлигидир. Музликлар чучук табиий сувнинг муҳим манбаи бўлиб, улар дарёларнинг тўйинишига катта ҳисса қўшади. Битта музликнинг майдони ўртача 0,291 км² ни ташкил этади (2-жадвал). Ўрта Осиёнинг барча музлик-



лари каби Ўзбекистон музликлари деградацияга учрамоқда (3-жадвал).

Сел оқимлари Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди ерларида кўпроқ содир бўлади. Сел кўпинча жала ёққаннан кейин ўзанлардан қисқа муддатда шиддат б-н келади ва йўлда учраган тош, тупроқ ва дарахтларни оқизиб кетади. Сел келиши хавфи бўлган ҳудудлар сел суви йиғиладиган майдонларга ва тупроқ-грунтларнинг сув синдириш имкониятларига қараб аниқланади. Сел Ўзбекистонда баҳор ва ёзнинг бошларида Фарғона водийсида, шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё водийларида кўп кузатилади ва жиддий зарар етказиши мумкин. Паст тоғларда сел оқимлари баланд тоғлардаги нисбатан эртарақ бўлиб ўтади.

Каналлари. Каналлардан Ўзбекистонда, асосан, суғориш мақсадларида фойдаланилади. Ўзбекистонда умумий узунлиги қарийб 172,5 минг км бўлган 74 канал бор, шундан 28 минг км ни хўжаликлараро каналлар, қолган қисмини хўжалик ички тармоқлари ташкил қилади.

Ўзбекистонда гидроэлектр ст-ялари учун хизмат қиладиган каналлар (деривация каналлари) ҳам мавжуд (4-жадвал).

Кўллари. Ўзбекистон ҳудудида умумий майд. 8785 км² ни ташкил этган 505 га яқин кўл бор. Кўллarning кўпчилиги қисми юза майд. 1 км² дан кам бўлган кичик ҳавзалардир. Уларнинг улушига кўллр умумий сонининг 95% ва умумий майдонининг фақатгина 3% тўғри келади.

Кўллarning Ўзбекистон ҳудудида нотекис тақсимланиши ва улар майдонларининг градацияси, асосан, кўллр-

нинг шаклланишига таъсир қиладиган асосий табиий омиллар (иқлим, рельеф, ернинг геологик тузилиши, дарёлар оқими ва инсон хўжалик фаолияти)нинг ниҳоятда хилма-хиллиги б-н ифодаланади. Кейинги 20 й. давомида текислик кўллarning режимда антропоген омилларнинг салмоғи ўсди. Табиий режимда тўйинадиган кўллр умумий сонининг кескин камайиши ва суғориладиган деҳқончилик зоналари чеккалари бўйлаб ҳавзалarning янги тури бўлган – ирригация-ташлама кўллarning вужудга келиши кузатилмоқда (энг йирик текислик ирригация-ташлама кўллarning ҳажмлари ва майдонлари 5-жадвалда кўрсатилган).

Текислик кўллarning асосий сув ресурслари 3 та оқмас товоқсой кўл (Сариқамиш – 42 км³, Арнасой – 45 км³, ва Денгизкўл – 2,73 км³) да жамланган.

Ўзбекистоннинг Бухоро воҳасидан Денгизкўлга, Хоразм воҳаси ва Туркменистоннинг Тошҳовуз воҳасидан Сариқамиш кўлига коллектор сувларининг келиб тушиши натижасида бу кўллр ҳамда воҳалр чеккаларидаги майдарақ ирригацион-ташлама кўллarning кўпчилик қисми ҳам сақланиб қолади.

Текисликлардаги кичик кўллр Сирдарё ва Амударё қайирларида жойлашган. Уларнинг кўпи саёз бўлиб пастлик жойларда ирригация шохобчаларидан чиққан ташлама-зовур сувлар тўпланишидан вужудга келган. Мас., Қуйи Амударё зонасида Сариқамиш кўли, Аму-Бухоро канали зонасидаги Денгизкўл, Порсонкўл, Қорақир кўллари, Қарши чўлларини ўзлаштириш натижасида эса Денгизкўл пайдо бўлди. Шунингдек, Арнасой ботиғида Чордара сув омбо-

ридан ташланган сувлар ҳамда Мирзачўл коллектор-зовур сувларидан Айдаркўл (Арнасой кўллр системаси) ҳосил бўлди. Ундаги сув ҳажми 45 км³ (2004 й., май), умумий майдони эса 4000 км² дан ортиқ.

Орол денгизи ҳам йирик кўл ҳисобланади. У нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиёдаги энг катта берк шўр кўлдир. Маъмурий жиҳатдан Орол денгизининг ярмидан кўпроқ жан.-ғарбий қисми Қорақалпоғистон Республикаси, шим.-шарқий қисми Қозоғистон ҳудудида жойлашган. Ўтган асрнинг 60-й.ларигача Орол денгизи майдони ороллари б-н ўртача 68,0 минг км² ни ташкил этган. Катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи (Каспий денгизи, Америкадаги Юқори кўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин, Евросиё материгида Каспий денгизидан кейин 2-) ўринда турган. Орол денгизи сувининг сатҳи Амударё ва Сирдарё сувининг режими б-н боғлиқлигидан бу икки дарё суви суғоришга қанча кўп сарфланса, денгизда сув шунча даражада камая борган. Айниқса, ўтган асрнинг 60-й.ларидан суғориладиган экин майдонларининг кенгайтирилиши натижасида Орол денгизига Амударё ва Сирдарёдан қуйиладиган сув миқдори йилдан-йилга камая борди. Оқибатда денгизда сув сатҳи жадал суратларда пасая бошлади (6-жадвалга қ.).

Ҳоз. кунда Орол денгизи учга бўлинган: биринчиси – кичик ва саёз шим. қисми, иккинчиси – нисбатан катта майдонга эга бўлган ва саёз шарқий қисми, учинчиси – энг чуқур ҳисобланган ғарбий қисми. Уларда сувнинг шўрлиги 62 – 140 г/л атрофида ўзгариб туради.

Чорвоқ сув омбори.





2 - жадвал

Музликларнинг Ўзбекистон ҳудудда дарё ҳавзалари бўйича тақсимланиши

Дарё ҳавзаси	Музликлар сони	Музланишнинг умумий майдони (км ²).	Якка музликнинг ўртача майдони (км ²).
Сурхондарё	264	55,49	0,211
Қашқадарё	60	14,46	0,242
Писком (Чирчиқ)	162	71,59	0,442
Жами	486	141,53	0,291 (1 музликнинг ўртача майдони).

3 - жадвал

Ўзбекистон ҳудудда дарё ҳавзаларида музланиш майдонининг ўзгариши

Дарё ҳавзаси	1957 й.	1980 й.	2004 й.
Сурхондарё	70,25	59,51	55,49
Қашқадарё	18,15	15,51	14,45
Писком (Чирчиқ)	—	76,82	71,59
Жами	—	151,84	141,53

4 - жадвал

Тоғ жилғаси.

Ўзбекистон ҳудуддаги асосий каналлар

	Сув олиш манбаи	Узуنлиги (км)	Канал бошидаги сув сарфи (м ³ /сек)	Сугориладиган майдон (минг га)	Фойдаланишга топширилган ёки реконструкция қилинган йили
Аму-Бухоро машина канали	Амударё	364,8	350	286	1965
Аму-Занг канали	Амударё	60	130	110	1972/1987
Бекобод	Сирдарё	21,2	7,5	6,3	—
Боботоғ	Амударё	41,3	30	17,7	1977
Бўзсув (Ўзбекистон)	Чирчиқ	140	140	99	1926
Далварзин	Сирдарё	15	65	29,4	1932/1950
Дарғом	Зарафшон	93	150	106,4	1929/1975
Дўстлик (Ўзбекистон қисми)	Сирдарё	60	120	100	1889/1974
Жайхун	Амударё	18,1	105	5,7	1987
Жанубий Мирзачўл канали	Сирдарё	220	310	413	1985
Жанубий Фарғона канали	Шаҳрихон	84	100	66,2	1940/1985
Занг канали	Амударё	90	86	87,6	1967
Катта Андижон канали	Норин	91	110	140,6	1970
Катта Наманган канали	Норин	110	60	47,1	1974
Катта Фарғона канали	Норин, Қорадарё	204	200	197,3	1939/1970
Катта Фарғона магистрал канали	Норин, Қорадарё	84	100	66,2	1940/1985
Миришкор	Амударё	120	135	110	1973/1983
Нарпай	Зарафшон	95	75	51,6	1931/1974
Охунбобоев канали	Сирдарё	80	75	37,8	1957/1964
Паркент канали	Чирчиқ	78	54	30,3	1983
Пахтабод	—	39,6	40	15,2	—
Савай (Ўзбекистон қисми)	—	47	30	16,2	1933/2000
Сузлли	Амударё	132	395	56	—
Тошкент канали	Чирчиқ	62	87	70	1940
Тошсоқа	Амударё	120	135	199,6	1927/2000
Чап қирғоқ канали (Ўзбекистон)	Амударё	90	250	65	1969
Чап қирғоқ Қорасув канали	Чирчиқ	90	185	160	1926
Шаҳрихонсой	Қорадарё	111	240	130,2	1887/1982
Шеробод машина канали	Сурхондарё	90	150	36	1966/1970
Шимолий Фарғона канали	Норин	142	105	70	1960/1967
Эски Ангор канали	Зарафшон	120	130	47,5	1972
Юқори Улуғнор	—	11,7	30	10,3	—
Ўнг қирғоқ канали	Амударё	25	200	55,6	—
Қарши магистрал канали	Амударё	203,1	346	380	1976
Қизкетган	Амударё	140	342	160	—
Қиличчиёзбой	Амударё	56	120	95	1942/1973
Ҳазорбоғ	Тўполон	23,5	110	62,4	1935/1976

5 - жадвал

Ўзбекистоннинг энг йирик текислик кўллари

Номи	Жойлашган ўрни	Майдони(км ²)	Ҳажми(млн.м ³)
Сариқамиш	Қорақалпоғистон	3600,0	42002,00
Бўтакўл	-»-	12,12	32,76
Тўғиз тўре	-»-	357,24	389,34
Оқлетки	-»-	35,00	14,13
Думалоқ	-»-	60,30	14,88
Қоратерен	-»-	20,96	115,02
Аёзқалъа	-»-	73,14	127,70
Оқчакўл	-»-	15,36	39,50
Қоражар	-»-	50,00	20,59
Судочье	-»-	450,20	278,36
Кипсир	-»-	21,60	10,80
Денгизкўл	Бухоро	336,00	2730,00
Шўркўл	-»-	42,20	78,00
Қорақир	-»-	44,50	78,85
Маданкўл	-»-	19,30	7,60
Оёқоғитма	-»-	17,51	35,80
Арнасой кўллар системаси (Айдаркўл)	Жиззах— Навоий	4000,00	45000,00

учрайди. Кўпинча ботқоқликларни кўллардан фарқ

Амударё дельтасидаги энг катта кўл Судочье кўлидир. Хоразм вилоятидаги бир қанча кўллар ўзаро бирлаштирилиб, шўрхок ва ботқоқланишининг олдини олиш учун сизот сувларни оқизиб чиқариш мақсадида коллекторларга айлан-тирилган.

Ўзбекистон кўлларининг бир қисми тоғларда, 1700 – 3500 м баланглик оралигида жойлашган. Республиканинг тоғ кўллари тектоник ва гляциоген кўллар гуруҳига мансуб бўлиб, уюмли, морена ва музлик туридаги кичик ҳавзалар шаклида мавжуддир. Булардан уюмли кўллар тури кенг тарқалган. Тоғ кўлларининг сув юзаси майдони, одатда, 5 км² дан ошмайди.

Кейинги 20 й. давомида тоғ кўлларининг сув ресурслари унча ўзгармади. Тоғ кўлларига Писком дарёси ҳавзасидаги Катта Ихнач (денгиз сатҳидан бал. 2508 м, сув юзаси майд. 4,3 км²), Бодоққўл (бал. 1700 м, сув юзаси майд. 4,2 км²), Шовуркўл (бал. 2725 м, сув юзаси майд. 3,38 км²), Юқори Урунғач (бал. 1528 м, майд. 1,51 км²), Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги Арашон (бал. 2898 м, майд. 1,43 км²) кўлларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Сув омборлари. Ўзбекистонда сўнгги йилларда бир қанча сув омборлари қурилди. Улар, асосан, ирригация мақсадлари учун мўлжалланган. Сув омборларининг ҳажми уларга сув берувчи дарёлар режими ва сув-ҳўжалик мақсадлари б-н боғлиқ. Сув омборларидаги сув миқдори Ўзбекистоннинг сув ҳавзаларидаги сув ҳажмидан кўп марта ортиқ (7-жадвал).

Ботқоқликлар. Ўзбекистон ҳудудида ботқоқликлар йирик дарё водийлари, ёйилма этаклари ва пастқам жойларда

қилиш қийин, бунки ёзнинг ёгинсиз иссиқ ойларида баъзи кўллар ботқоқликларга айланади.

Ботқоқликларнинг катта-кичиклиги ҳар хил, айримларининг майд. 1000 км² дан зиёд. Тоғли р-нларда ботқоқлик кам, майдони ҳам кичик. Улар тоғларда қатлам шаклида ер ости сувлари ер юзига яқин бўлган жойларда вужудга келади. Сирдарё ва Амударё ҳавзасида 1000 дан ортиқ ботқоқлик бор. Ботқоқликлар, шунингдек, ёйилмалар ён-атрофида ва пастроқ жойларда ҳам учрайди. Ботқоқликларда ўсимликлардан қўға, қамиш ўсади.

6 - жадвал

Орал денгизда сув сатҳи пасайишининг унинг сув юзаси ва сигимига таъсири

Йиллар	Сув сатҳи (м)	Майдони (F, км ²)	Сув сигими (W, км ³)
1960	53,40	68900	1063
1976	48,27	55700	730
1991	37,70	35100	302
1994	36,60	32500	250
1997	36,60	32500	250
2000	33,22	23900	167
2005	30,00	16200	94

Ад: Акромов З. М., Рафиков А. А., Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря., Т., 1990; Глазырин Г. Е., Горные ледниковые системы, их структура и эволюция, Л., 1991; Никитин А. М., Озёра Средней Азии, Л., 1987; Никитин А. М., Водохранилища Средней Азии, Л., 1991; Хикматов Ф. Х., Сирлибосова З. С., Айтбаев Д. П., Кўллар ва сув омборлари географияси гидрографик хусусиятлари, Т., 2000; Чуб В. Е., Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан, Т., 2000; Чуб В. Е., Многолетние характеристики компонентов водных ресурсов зоны формирования стока Средней Азии и их изменения, Водные ресурсы, проблемы Арала и окружающая среда, Т., 2000; Шстинников А. С., Морфология и режим ледников Памиро-Алая, Т., 1998.

Фахриддин Ҳикматов, Даулетбой Айтбаев, Юрий Иванов.

7 - жадвал

Ўзбекистондаги сув омборлари

Сув омборлари	Дарёлар ва б. сув манбалари	Юза майдони (км ²)	Ҳажми (млн. м ³)	Чуқурлиги (м)	
				ўртача	энг чуқур жойи
Андижон	Қораларё	55,5	1900	29,2	100
Жанубий Сурхон	Сурхондарё	65	800	9,9	27,0
Жиззах	Зарафшон	13,7	100	5,9	16,4
Зомин	Сой ва булоқлар	1,4	6	—	—
Каркидон	Исфайрам	9,5	218,4	22,9	66,0
Каттақўрғон	Зарафшон	84,5	825,5	10,0	26,3
Косонсой	Косонсой	8	165	21	53,5
Оқдарё	Зарафшон	12,7	91	—	—
Оқтепа	Аму-Занг	11,5	100	—	—
Оҳангарон	Оҳангарон	20	250	49,3	95,5
Пачкамар	Ўраларё	12,4	260	19,5	34,1
Таллимаржон	Амударё	77,4	1525	19,8	40,0
Тошкент	Оҳангарон	20	250	9,9	30,9
Туямўйин	Амударё	650	7800	9,2	38,0
Тўдакўл	Амударё	162	1200	3,9	12
Тўполон	Музликлардан	2,8	100	—	—
Учқизил	Занг канали	10,8	160	16,0	40,0
Чимқўрғон	Қашқадарё	49,2	500	9,8	28,4
Чорвоқ	Чатқол, Писком	40,3	1991	49,4	148,0
Чортоқ	Чортоқсой	2,1	26	—	—
Шўркўл	Зарафшон	30	170	—	—
Қамаши	Қашқадарё	3,8	25	6,0	12,0
Қоровултепа	Зарафшон	8,5	53	—	—
Куйимозор	Амударё	17,8	320	18,8	33,0
Ҳисорах	Гилон	4,1	170	41,5	132,0

ЕР ОСТИ СУВЛАРИ

Ўзбекистон табиий шароитида ер ости сувлари бошқа фойдали қазилмалар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, стратегик хом ашё ҳамдир. Республикада ер ости сувларининг юздан зиёд истиқболли конлари ўрганилган. Сувдан фойдаланиш мақсадлари бўйича ер ости сувларининг балансли фойдаланишга мўлжалланган захиралари қуйидагича тақсимланади: хўжалик ва ичимлик суви таъминоти учун – 63% ёки 14193,0 минг м³/сутка (172,6 м³/с); ишлаб чиқариш-техник сув таъминоти учун – 11% ёки 2518,0 минг м³/сутка (29,1 м³/с); ерларни суғориш ва яйловларга сув чиқариш учун – 26% ёки 6035,0 минг м³/сутка (69,8 м³/с).

Республиканинг шарқий тоғли гидрогеологик қисми – Тяньшан ва Помир-Олайнинг энг баланд тармоқларини ўз ичига олган минтақа ер усти ва ер ости сувларининг шаклланиш ўлкасидир. Ғарбий текислик-платформали гидрогеологик минтақа мамлакат ҳудудининг катта қисмини эгаллаб, Амударё, Қашқадарё ва Зарафшон дарёларининг қумли текисликлари ва тошлоқ платолари, текисликларини ўз ичига олади ҳамда аккумуляциялаш (йиғиш) ва ёйиш (тақсимлаш) вазифасини бажаради.

Тоғларда, асосан, саёз циркуляцияли, ёриқли ва қатламли (кавакчали) грунт сувлари ривожланган. Тоғ ораллиги ботиқларида артезиан ҳавзаларни ҳосил қилувчи босимли суви мажмуалар жойлашган. Улардаги фаол сув алмашинуви натижасида чучук ва шўрланган сувлар шаклланади. Босим таъсирида бўлган ер ости сувларининг бир тури сув ўтказмайдиган қатламлар орасида ҳосил бўлади. Улар очилганда сув бурғи қудуқлардан фаввора шаклида отилиб чиқади. Текислик-платформали гидрогеологик

зоналарда кам шўрли, шўр ер ости сувлари тўпланади. Бу ерда чучук ер ости сувларининг миқдори ниҳоятда чекланган. Гидрогеологик платформали областнинг (Турон платформаси) артезиан ҳавзаларида истиқболли коллекторлар сифатида бўр ва палеоген, озроқ миқдорда неоген (плиоцен) ва тўртламчи даврларнинг ётқизиқларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси бўйича чучук ер ости сувларининг аниқланган (балансли) келажакда фойдаланиш мумкин бўлган умумий захиралари – 23463,0 минг м³/сутка (271,6 м³/с., 2004). Чучук ер ости сувларининг ушбу умумий захираларининг 3/4 қисми (18991,0 минг м³/сутка) 3 та ҳавзада: Фарғона (8768,0 минг м³/сутка), Тошкент атрофи (6212,0 минг м³/сутка) ва Зарафшон (4011,0 минг м³/сутка) артезиан ҳавзаларида жойлашган. Истеъмол хусусиятларига эга бўлган ер ости сувлари ниҳоятда нотекис тақсимланган. Чучук сувлар ҳудудининг шарқиди, тоғли ва тоғ олд р-нларда тарқалган. Республика ҳудудининг шим. ва ғарбий қисмини эгаллаган чўл зонасида истеъмол қилишга яроқли бўлмаган кам шўрланган ва шўр сувлар мавжуд. Чучук ер ости сувларининг келажакда фойдаланишга мўлжалланган захиралари минтақанинг ғарбий ҳудудлари (Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси)да бутунлай тугаган. Бундай вазият бир томондан ноқулай табиий омиллар б-н боғлиқ бўлса, бошқа томондан хўжаликларнинг сувдан фойдаланишидаги чучур ўзгаришлар натижасидир.

Ўзбекистон бўйича мишьякли ва темирли ер ости сувларининг умумий ресурслари

	(минг м ³ /сутка)
Мишьякли	1,97
Темир-бромли	0,5
Темирли	43,29
шу жумладан, фойдаланишга мўлжалланган ресурслари:	
Мишьякли минерал сувлар (конлар ва турли ёриқлар б-н кесилган палеозой даври ҳосилалари сульфидли полиметалл рудалар белгиларининг сувлари)	
Чатқол-Туркистон ҳавзаси (Чормитон, Сармиш, Сариқбел, Қушбулоқ, Ковулди, Қалмоққир)	1,97
Темир-бромли минерал сувлар (Шарқий Оролбўйи ҳавзаси)	0,5
Темирли минерал сувлар Бухоро-Қарши ҳавзаси (юқори юра-палеоцен даври)	43,21
Зарафшон-Ҳисор ҳавзаси (Туркистон тизмасининг шим. ён бағирларидаги палеозой даври булоқлари гуруҳи)	0,08


Ўзбекистон ҳудудидаги ер ости сувларининг амалий жиҳатдан яроқлилиги экологик тоза табиий суви тайёрлаш; аҳолини ичимлик суви б-н таъминлаш; корхоналарнинг техник сув таъминоти; ерларни суғориш ва б. бўйича фарқланади.

Минерал сувлар. Ўзбекистонда амалий жиҳатдан муҳим ва таркибида органик моддалар мавжуд бўлган радон, сероводородли, йодли, бромли, борли, кремнийли, темирли ва ўзига хос компонентли ер ости минерал сувлари, мишьякли ва карбонат ангидридли намакоб сувлар аниқланган. Ўзбекистонда аниқланган ва тасдиқланган ҳамда фойдаланишга мўлжалланган минерал сувларининг захиралари 36,2 минг м³/суткани ташкил этди (2004). Ўзига хос компонентлар ва хусусиятларга эга бўлган минерал сувлардан, шунингдек, намакобли, азот-ишқорли термаллар, радонли, бўр ва йодли сувлардан санаторий-курорт, бальнеологик-даволаш муассасаларида, қалоқлаш з-ларида фойдаланилади. Сероводородли (Чимён, Полвонтош, Хўжаобод, Шўрсув, Шимолий Сўх, Андижон, Чунгора, Жан. Олмалиқ, Учқизил, Какайди, Лалмикор, Жайронхона, Ҳовдоғ ва б.), йодли (Чортоқ, Наманган.), радонли (Арасанбулоқ), кам минерал-ишқорли термал сувлар (Тошкент, Фарғона ва б.), сульфат-хлорид-натрийли (Ситораи Мохи Хоса, Қорақўл, Газли ва б.) минерал сувлар манбалари маълум.

Термал сувлар (булоқлар) Фарғона водийси, Тошкент ш. ҳамда Тошкент вилояти ва б. жойларда кўп. Аҳоли кент фойдаланадиган сокин булоқлар Фар-



Крук конидаги ер ости сувларидан йод ажратиб олиш қурилмаси (Қоровулбозор тумани).



гона водийси, жан.да Зарафшон ва Қашқадарё водийларида кенг тарқалган. Ўзбекистондаги йирик булоқлар сек.га 1000–1100 л сув беради. Бундай булоқлар Қашқадарё (Қорабулоқ), Самарқанд вилоятлари (Нурота ва Дейтбаланд)да мавжуд. Булоқлардан экинларни суғоришда, саноатда, аҳолини сув б-н таъминлаш ва даволашда (Сурхондарё вилоятидаги Хўжайпоқ булоғи, Фарғонадаги Шохимардон, Бухородаги Ситоран Мохи Хоса, шунингдек, Қашқадарё вилояти ва б.) фойдаланилади. Суви ичиладиган ва суғоришда фойдаланиладиган булоқлар Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Нурота, Тошкент воҳаларининг тоғ олди жойларида кўп. Тошкент ш.нинг Чорсу майдонида ҳам 1960 й.лар охириларида «Чорсу» меҳмонхонаси ўрнидаги Уккоша булоғи машҳур бўлган.

Артезиан сувлари ер ости сувларининг босим таъсирида бўлган бир туридир. Улар очилганда сув бурғи қудуқлардан фаввора шаклида отилиб чиқади. Ўрта

Осиёнинг суғориладиган зонаси Турон текислиги артезиан ҳавзалари тизимига киради. Унинг таркибида Сирдарё ва Амударё гуруҳларига бўлинадиган нисбатан кичик бир қанча ҳавзалар бор. Артезиан сувлар минерал ва термал сувлар, шунингдек, ичимлик сувлар манбаи ҳисобланади. Шу боис ер ости артезиан сувлардан яйловлар (мас., Қизилқум ва Устюрт яйловлари, Қарши чўли ва б.) ни сув б-н таъминлашда фойдаланилади.

Термал сувлар. Термал сувларга Ўзбекистонда талаб камроқ. Тошкент ш.да, Тошкент, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида термал хлорид-гидрокарбонат-натрийли сувлар аниқланган. Истиқболда термал сувлардан халқ хўжалигида фойдаланиш мумкин.

Ер ости сувлари саноат захиралари ва фойдаланиш истиқболлари. Ўзбекистон ҳудудида ер ости сувлари таркибида литий, рубидий, цезий, стронций, бўр, германий, йод, бром ва б. элементларни аниқлаш бўйича изланиш ишлари олиб борилмоқда. Зеварди, Ўртабулоқ, Помук, Жан. Ўртабулоқ, Ҳовузак, Шоди, Култук структураларидаги бурғи қудуқларида нама-

кобли қатламлар очилган. Бухоро-Қарши артезиан ҳавзасининг Овузбой, Шўрбулоқ, Яккасарой, Узуншўр структураларидаги литий, стронций, йод, бром ва б.га эга бўлган саноат концентрацияли неоком-апт сувли комплексининг сувлари ҳам истиқболлидир.

Устюрт платосида литий, стронций, йод, бром; қуйи ва ўрта юра даврларининг ётқизикларида эса литий, рубидий, стронций, йод ва бром ва цезийнинг саноат концентрациялари бўлган ер ости сувлари; Сурхондарё артезиан ҳавзаси ётқизикларида литий, стронций, йод ва бромнинг саноат концентрациялари (Лалмикор, Гажан, Ҳовдоғ, Какайди, Оқтоғ, Учқизил); сенон-палеоцен даври ётқизикларида литий, йод ва бромнинг (Лалмикор, Гажан, Какайди) саноат концентрацияли ер ости сувлари; Фарғона артезиан ҳавзасидаги палеоген даври ётқизикларида литийнинг (Шим. Сўх, Чимён, Хонқиз, Фарбий Полвонтош, Полвонтош, Жан. Оламушук) саноат концентрацияли ер ости сувлари; Шўрсувнинг озокерит қонидаги рудали сувларида бўр ва германийнинг саноат концентрациялари аниқланган.

Бухоро-Қарши артезиан ҳавзаси камб-ишқорли элементларнинг юқори концентрацияли ўлжаси бўлиб, саноат сувларининг Амударё провинцияси таркибига киради.

Ер ости сувлари нафақат қимматбаҳо фойдали қазилмалар, балки республикада йод, бром, каустик сода ва ҳ.к. ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришнинг омили ҳамдир. 1993–1995 й.ларда Ҳуртала қонидаги «Эколог» кичик корхонасида йодни қазиб олиш бўйича технологик тадқиқотлар ўтказилиб, намакоблардан дастлабки йод олинди. Кейинроқ бу ишлар Хонқиз (Фарғона вилояти) қонида давом эттирилди. Крук қонида нефть қонларида ишлатилган ташлама сувлардан йод олиш йўлга қўйилди. Ўзбекистонда ер ости сувлари кенг миқёсда ўрганилмоқда.

Ад.: Султайходжаев А. Н., Ферганский артезианский бассейн. Т., 1972; Хасанов А. С., Калабугин Л. А., Йодобромные воды Узбекистана, Т., 1983; Вишняков А. С., Дустиходжаев Х. Р., Подземные воды зоны активного водообмена Туранской плиты, Т., 1988; Ибрагимов Д. С., Гаврилук М. Г., Калабугин Л. А., Бакиев С. А., Геологические аспекты формирования промышленных рассолов, Т., 1990; Далимов Т. Н., Шаякубов Т. Ш. и др., Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан, Т., 1998.



Сурхондарё вилоятидаги Панжоб булоғи.

Саиднасим Бакиев.

ТУПРОҚЛАРИ

Ўзбекистоннинг текислик қисми чўл зонасига мансуб. Чўлда иқлим хусусиятларига кўра тупроқ ҳосил бўлиш жараёни анча суст кечади ва вақт омилли муҳим роль ўйнайди. Бу ерда тупроқ типларининг ўзига хос томонлари ер юзаси айрим қисмларининг ёшига боғлиқ. Қад. палеоген ва неоген жинслари устида сур-қўнғир, ёш тўртламчи давр юзларида тақир ва тақирли тупроқлар вужудга келган.

Ўзбекистоннинг текислик қисмидаги тупроқлари генетик ва таснифи жиҳатидан тоғ олди ва тоғ ости тупроқларидан фарқ қилади. Тоғларда т-ра пастроқ, ёгин эса кўп; ўсимлик гуруҳлари ҳам фарқ қилади. Бўз тупроқ типчалари тоғ этаги текисликларида, тоғ олди ва паст тоғларда тарқалган. Ўртача баландликдаги тоғ минтақаси жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари б-н, баланд тоғ тепалари оч қўнғир, ўтлоқи-дашт тупроқлари б-н қопланган.

Оқорида айтиб ўтилган барча тупроқ типлари грунт сувлари чуқур жойлашган шароитларда ривожланган ва автоморф тупроқлардир. Грунт сувлари юза жойлашган ерларда эса гидроморф тупроқлар ривожланган. Бундай шароитда грунт сувларидан тупроқнинг юқори қатламига капилляр намлик кўтарилиб, ўтлоқ ва ботқоқ ўсимликлари вужудга келади, тузлар қайта тақсимланади. Гидроморф тупроқларнинг сернамлиги ўсимлик қопламанинг яхши ривожланиши таъминлайди, ўсимлик қолдиқларининг секин минераллашуви (анаэроб парчаланиш) эса гумус (чиринди) қатламнинг қалин бўлишига сабаб бўлади. Бундай тупроқлар ўтлоқ ва ботқоқи деб аталади. Грунт сувлари сатҳи яна ҳам юқори бўлганда (ер юзасидан 1 м ва ундан кам) тупроқ юзасида нам кўпайиб, ботқоқи тупроқлари ҳосил бўлади. Ўтлоқи, ботқоқи ва ботқоқи-ўтлоқи тупроқлар мутайян геоморфологик шароитларда (паст дарё террасаларида, грунт сувларининг тоғ этагидаги текисликларнинг айрим қисмларига кириб борган жойларида) зонал автоморф тупроқлар б-н бирга учрайди.

Ўзбекистон тупроқларининг, айниқса, чўл сур-қўнғир, тақир, чўл қумли тупроқларнинг гумус миқдори жуда кам (юқори қатламида 1% чамасида). Бўз тупроқларда ҳам гумус миқдори оз, лекин чўл зонасининг тупроқларига нисбатан бироз кўпроқ (1,5–2%). Суғорилганда, айниқса, ўғитланганда тупроқ-

нинг унумдорлиги кескин ошади. Суғориладиган тупроқларда намлик, органик моддаларнинг қўшилиши ва парчаланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Шунга кўра суғориладиган тупроқлар мустақил тупроқ типли сифатида ажратилади. Суғориладиган тупроқларнинг қуйидаги типлари мавжуд: чўл зонасининг ўтлоқи-воҳа ва ботқоқи-воҳа тупроқлари; бўз тупроқли минтақанинг тақир-воҳа, бўз тупроқ-воҳа, ўтлоқи-воҳа ва ботқоқи-воҳа тупроқлари. Ўзбекистон ҳудуди Турон тупроқ-иқлим провинцияси (фашияси)га мансуб. Бу провинция учун махсус гидротермик режим, биологик циклнинг алоҳида даврлари орасидаги кескин фарқ хосдир. Бунда ўсимликнинг ривожланиши ва б. биологик жараёнларнинг юқори даражасига фаллиги нисбий тиним фазаси б-н алмашиб туради.

Текисликлар тупроқлари. Чўл зонаси автоморф сур-қўнғир тупроқлар б-н қопланган. Бу тупроқлар қолдиқ платолар, қад. Устюрт платоси ёйилма конуслари, Қизилқум ва б. ерларда ривожланган. Тупроқ қатламининг 18–25 см чуқурлигида гипс кристаллари ва сувда эрувчи тузлар бор. Тупроқнинг юқори қатламида гумус миқдори 0,2–0,8%.

Чўл қум тупроқлари Қизилқум ва б. қумли чўлларда кенг тарқалган. Юқори қатлами зич эмас, баъзи жойларда юпқа қатлам ҳосил қилади. Юза қатламининг қалинлиги қарийб 5 см. Бу қатламда т-ра ёз кунлари 70–80° гача кўтарилади ва сутка давомида кескин ўзгариб туради. Қумнинг юза қатлами ҳимоя вазифасини ўтаб, қуйи қатламдаги намни сақлаб туради. Чўл қум тупроқларида гумус миқдори жуда кам – 0,2–0,5% дан ошмайди. Чўл қум тупроқлари механик таркибининг хусусияти шундан иборатки, бу тупроқларнинг таркибида майда чанг (0,25–0,05 мм) ва йирик чанг (0,05–0,01 мм) фракциялари кўп. Бу тупроқларда деярли шўрланиш бўлмайди.

Тақир тупроқлари Ўзбекистоннинг чўл қисмида, Амударё, Қашқадарё, Шерободдарё ва б. дарёларнинг қад. аллювиал текисликларида, Зарафшон ва Сурхондарё водийларида учрайди. Ҳар хил даражада шўрланган. Таркибида карбонатлар миқдори кўп (8–10%). Гумус 0,3–0,8%. Суғориладиган тақир тупроқдаги мавжуд агроирригацион қават деҳқончилик агротехникаси, ерга солинган маҳаллий ўғит, шунингдек, сувнинг лойқалик даражасига қараб 30–40 см дан 1–2 м гача қалинликда бўлади. Агроирригацион қават ранги, механик таркиби, қовушқоқлиги ва кимёвий ҳосса-

лари бир хил бўлган яхлит горизонт ҳосил қилади. Бундай тупроқлар Бухоро вилоятида, Қарши ва Шеробод чўлларида учрайди. Тақир тупроқларнинг вужудга келиши аллювиал текисликларнинг чўлга айланишидаги биринчи босқичдир.

Тақирли тупроқлар мамлакатнинг қумли чўлларидаги пасткам текисликларда, қад. қуриган аллювиал ва пролювиал-аллювиал текисликларда тарқалган. Лой тупроқдан таркиб толган, вақт-вақти б-н сув босиб туради, ўсимлик қоплами деярли бўлмайди. Сув буғланиб кетгандан кейин тақир ёрилиб, ўсимлик ўсмайдиган қатқалоқ пўстлоққа айланади. Тақирли майдонлар сур-қўнғир тупроқлар орасида учрайди, қад. аллювиал текисликларда эса тақирлар тупроқ мажмуасининг асосий қисмларидан бири. Тақирли тупроқда гумус миқдори тақир тупроққа нисбатан кўпроқ (0,5–1,0% гача), биологик жиҳатдан ҳам фаллиги сустроқ бўлиб, тупроқ б-н геологик тузилмалар чегарасида туради.

Ўтлоқи тупроқлар чўл зонада грунт сувлари 1–3 м чуқурликда бўлган жойларда (Амударё, Сирдарё, Зарафшоннинг қуйи террасалари ва Амударё дельтасида) ривожланган. Ўтлоқи аллювиал тупроқлар ранги ва таркиби б-н аллювиал келтирилмаларга ўхшаш. Бироқ кўпинча чим қавати б-н қопланган бўлади. Ўтлоқи тупроқлар намликнинг оз-кўплигига қараб ўтлоқи аллювиал (дарё водийлари бўйлаб) ва ўтлоқи-соз (пролювиалдан тузилган тоғ этаги текисликларида) тупроқларга бўлинади. Таркибида гумус кўпинча 2% дан ортиқ. Ўтлоқи соз тупроқлар баъзан шўрланган бўлади.

Ботқоқи ва ботқоқи-ўтлоқи тупроқлари Ўзбекистоннинг бўз тупроқ минтақаси ва чўл зонасида тарқалган. Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Чирчиқ, Сурхондарё ва б. дарё водийларида, шунингдек Сўх, Исфара, Марғилонсой, Аравонсой, Оқбўра каби сойлар террасаларининг пасткам ерларида, қуриб қолган қўл ва қолдиқ дарё ўзаниларида учрайди. Бу жойларда ер ости сувлари юза (1 м дан кам) жойлашганлигидан тупроқда нам кўп, тупроқнинг юқори қатлами глейлашган. Гумус миқдори 2–3%.

Шўр хоклар чўл зонаси тупроқлари орасида ва бўз тупроқ минтақасининг қуйи қисмида, дарё водийлари ёки тоғ этаги текисликлари шлейфларида, кўпинча ҳоз. воҳаларда кенг тарқалган. Таркибида сувда осон эрийдиган ҳар хил тузлар (хлорид сульфат, карбонат ва

ш.к.) мавжуд. Тузларнинг энг кўп қисми тупроқнинг юқори қатламида бўлади. Улар сизот сувларнинг кўтарилиб буг'ланиши натижасида тўлланади. Шўрхоқ тупроқлар морфологик кўриниши жиҳатидан қатқалоқ, майин ва қора бўлади. Шўрхоқ тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангач, экин экиш мумкин.

Ўтлоқи-воҳа (суғориладиган) тупроқлари чўл зонасидаги суғориладиган воҳаларда (Бухоро, Хоразм, Марказий Фарғонада, Қорақалпоғистон ва б. жойларда) асосий майдонни эгаллаган. Улар тақирвоҳа, ботқоқ-воҳа тупроқлари б-н бирга учрайди. Зарафшон, Амударё водийларида йирик воҳалари 2-3 минг йиллардан бери мавжуд. Шу мuddат давомида бу ерда қалинлиги 2-3 метрли агроирригацион горизонт вужудга келган ва табиий тупроқни кўмиб юборган. Ўтлоқи-воҳа аллювиал тупроқларнинг агроирригацион горизонти бир хил кўкиш-бўз рангли, антропоген кўшимчалар аралашган. Ҳайдалма қатлами анча зич. Таркибида 1-1,3% гумус бор.

Чўл иқлими шароитида ва намланиш режимида кўра ўтлоқи-воҳа тупроқлари шўрланишга кўпроқ мойил. Тупроқ шўри дренаж ёрдамида мунтазам ювиб турилади.

Тоғлардаги тупроқлар. Ўзбекистоннинг тоғ олди ва тоғларидаги тупроқларнинг генетик хилма-хиллиги умумий географик қонуниятга бўйсунди. Жойнинг мутлақ баландлиги ортиб борган сари ер юзасининг бўлақларга бўлиниши, оdatда, кучаяди, ҳаво т-расининг режими юмшаб, ёгин миқдори ортади. ўсимлик қоплами ҳам чала чўл эфемерларидан қуруқ даштга хос ўтлар, арчазорсийрак дарахтли ўрмон, ўрмон, ўтлоқидашт ва дашт ўсимликларига қалар навбатланиб боради. Мавжуд ландшафт минтақаларининг ҳар бири тупроқ таркиби ва тупроқ қопламининг ўзига хос тузилиши б-н бир-биридан фарқ қилади.

Вертикал минтақалардаги тупроқлар 3 тупроқ-иқлим минтақасига бўлинади: бўз тупроқ, ўрта тоғ жигарранг тупроқ ва баланд тоғ оч-қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқлари. Бўз тупроқларнинг қуйи чегараси денгиз сатҳидан 250-400 м баландликда. Бу тупроқлар 900-1600 м баландликда тоғ жигарранг тупроқлари б-н алмашинади.

Бўз тупроқлар тоғларда ўзига хос тупроқ типини ҳосил қилган. Эфемер ёки қуруқ дашт усимликларининг барқ уриб ўсиши натижасида тупроқда чим қатлами вужудга келган ва органик моддалар тўпланган. Бўз тупроқлар морфологияси ва кимёвий таркибига кўра 3

хил: оч тусли, типик (оддий) ва тўқ тусли бўлади. Бўз тупроқларда гумус чимли қаватида 1-4% миқдориди; озиқ моддалар старли, физик хоссалари яхши. Гумусли қавати (50-60 см) сур рангли. Суғориш натижасида 1,5-2 м гача агроирригацион қатлам ҳосил бўлган.

Маълум геоморфологик шароитларда тоғ этагидаги ясси, кам дренажланган текисликларда суғориш натижасида грунт сувлари кўтарилиб, ўтлоқи тупроқи вужудга келади, тупроқни шўр босади. Дарёларнинг қуйи террасалари, дельталари, тоғ этагидаги аллювиал-пролювиал текисликлардаги гидроморф тупроқлар генетик жиҳатдан бир оз фарқ қилади.

Ўрта баландликда тоғ жигарранг тупроқлари вертикал поғонада нисбатан бир жинсли минтақа ҳосил қилган. Тупроқларнинг генетик жиҳатдан турлича бўлиши, асосан тоғ тизмаларининг кунгай ва қуёш кам тushадиган шим. ёнбағирларидаги контраст гидротермик шароитларга боғлиқ. Тупроқ профили аниқ дифференцияланган, гумусли қавати (45-60 см) яхши ривожланган, ранги тўқ сур-жигарранг. Жигарранг тупроқда чиринди миқдори кўп (5-8%), гумусли қатлами юмшоқ, ранги кунғир.

Қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари тоғ ёнбағирларининг қуёшга тескари томонида тарқалган ва серёгин йилларда сурилмалар бўлиб туради.


Оч қўнғир ўтлоқи-дашт баланд тоғ тупроқлари Ўзбекистон ҳудудида вертикал минта-

қаларнинг энг юқоридагиси бўлиб, баланд тизмаларнинг сувайирғич қисмида тарқалган. Асосан делювиал ётқизиклар ва туб жинсларнинг нураши (элювий)дан ҳосил бўлган.

Оч қўнғир баланд тоғ тупроқларининг профили унчалик қалин эмас, бир оз сур қўнғир рангдаги гумусли қавати яхши ривожланган. ўсимлик қоплами туташ бўлмаганлиги учун чимли жойлари кам. Ҳайдаладиган қатлами қўнғир рангли, серкесак, қалинлиги 50-70 см, майда тош аралашган. Оч-қўнғир тупроқ таркибида 5-7% органик модда бор.

Баланд тоғ минтақасида, қор қопламлари ва булоқлар ёнида ўтлоқи ва торфли-ботқоқи тупроқлар шаклланган.

Қизғиш тусли тупроқлар Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди минтақаларида кенг тарқалган учламчи давр қизил рангли неоген тупроқ ҳосил қилувчи жинсларда ривожланган бўлиб, уларнинг аксарияти оғир механик таркибга эга, жуда зичлашган ва анча экстремал режимни келтириб чиқаради, бу эса тупроқ ҳосил бўлишида ва унумдорлигида акс этган. Бу тупроқ-иқлим шароитида шаклланган тупроқлар профилининг қизғиш-қўнғир туслилиги, йирик чанг ва лойқа фракциялари кўп бўлган ҳолда механик таркибининг оғирлиги, гумус (1-1,2%) ва озиқ моддалар (NPK) миқдорининг озлиги, карбонатлилиги, профилининг зичланганлиги, говаклиги, Mg ва сув сингдирувчанлигининг пастлиги ва ўсимликлар ўзлаштира оладиган намликнинг кам



Тупроқлар: 1—суғориладиган ўтлоқи-сур глейли, кумоқли; 2—суғориладиган оч тусли сур; 3—сур тусли кумоқли қўнғир чўл тупроқлари; 4—типик шўрхоқ.

миқдорда бўлиши хусусиятлари б-н лёсс ётқизикларда шаклланган тупроқлардан кескин фарқ қилади.

Бу тупроқлар кўпинча кенг тўлқинсимон ва ўр-қирли рельефли тоғ ва тоғ олди минтақаларга мансуб, ер юзасининг нишабликлари, ўсимлик қопламанинг сийраклиги, гумуснинг озлиги, баҳорги кучли ёгинлар, шунингдек, чорва молларини тартибсиз яйловлатиб боқиш, лалми ва сугориладиган ён бағирлик ерлардан нотўғри фойдаланиш эрозия жараёнлари ривожланишига ёрдам беради. Ўз навбатида эрозия тупроқнинг кимёвий, агрокимёвий, агрофизик, биологик ва морфологик кўрсаткичларига кучли таъсир кўрсатади, унумдорлигини кескин пасайтиради. Субтропик зонанинг асосий тупроқлари бўлган қизил тупроқлар (профилида темир ва марганецнинг йирик қора конкреция яралмалари қизил ранг беради) қизғиш тупроқлардан юқори қатламларида гумус (6–9% гача) ва азот (0,2–0,4%) миқдорининг кўплиги ҳамда тупроқ физик хоссаларининг анча яхшилиги, айниқса, сувга чидамли структуранинг кўплиги, эрозияга қарши тура олиши ва сув ўтказувчанлиги б-н фарқ қилади.

Тупроқ ресурслари. Ўзбекистон ер фондидан қ.х.да турли-туман мақсадларда фойдаланилади. Республика умумий қуруқлик майдони (қарийб 40 млн. га)нинг 5–6 млн. га деҳқончиликда фойдаланилади. Бу майдон сугориладиган ва лалмикор ерлардан иборат. Қолган ерлар, асосан, яйлов ва қисман тоғ ўрмонзорлари б-н банд.

Сугориладиган ерлар 4,2 млн. га дан иборат, шундан 1,6 млн. га чўл зонасида, қолган қисми бўз тупроқли минтақада. Автоморф тупроқли майдонлар йирик дарёларнинг ўзлаштирилган водий ва дельталари, шунингдек, тоғ этагидаги текисликлар (мас., Мирзачўл)дан иборат. Сугориш натижасида бу ерларда грунт сувлари кўтарилган.

Сугориладиган тупроқлар майдонининг ярмидан кўпроги (2,4 млн.га) шўрланган ва шўрланишга мойил, шу сабабдан шўрини мунтазам ювиб туриш ва б. тадбирларни кўриш зарурати мавжуд. Чўл зонаси текисликларидаги барча сугориладиган тупроқлар ва тоғ этагидаги қиялиги кам текисликлардаги (Мирзачўл, қисман Қарши чўли) бўз тупроқларнинг бир қисми шундай тупроқлар сирасига мансуб.

Сугориладиган тупроқларнинг аксар қисми механик таркибига кўра ўрта ва енгил кумоқли тупроқлардан иборат. Соз ва оғир кумоқли механик таркибли тупроқлар эса 22% дан кўпроқни ташкил этади.

Сугориладиган тупроқлар Фарғона водийси (900 минг га), Зарафшон водийси (750 минг га), Амударё қуйи қисми (780 минг га)да катта майдонларни эгаллаган.

Лалмикор ерлар майдони 6,6 млн. га дан зиёд. Экин экиш учун етарли даражада намликни сақловчи ерлардан фойдаланилади. Лалмикор ерларнинг нисбатан катта майдонлари Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятларида жойлашган. Оч бўз тупроқли лалмикор ерларнинг бир қисми сугориб экилади.

Чўл яйловлари Ўзбекистонда энг катта майдон – 26,5 млн. га ни ташкил қилади, шундан 11 млн. га бўз-қўнғир тупроқли, қарийб 13 млн. га қумли ерлар ва қумли тупроқлар. Қолган қисми ўтлоқ-тақир, тақир тупроқлар ва тақирли ҳамда шўрхоқлардан иборат. Чўл-яйлов жойлардаги сугоришга яроқли ялпи майдон қарийб 12 млн. га.

Амударё дельтасининг қуриб бораётган қисмидаги ўтлоқ ва ўтлоқ-тақир тупроқлар 600 минг га дан зиёд майдонни ташкил қилади. Тақир тупроқлар ва тақирлар – 2,3 млн. га. Тоғ жигарранг ва ўрмон қўнғир тупроқлар (1160 минг га) ўртача баландликдаги тоғларнинг паст-баланд тоғли рельефли қисмига тўғри келади. Бу жойларда республикада тоғ ён бағирларидаги сел ва тупроқ эрозиядан асровчи ягона ўрмон зонаси мавжуд. Жигарранг тупроқ зонасида юқорида оч-қўнғир ўтлоқ-дашт баланд тоғ тупроқ хиллари тарқалган. У жойлар эзги яйлов сифатида фойдаланилади.

Ад.: Тоғжиев Т., Намозов Х., Нафетдинов Ш., Умаров К., Ўзбекистон тупроқлари, Т., 2004.

Ходимат Махсудов.

ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ

Ўзбекистон ўсимликлар дунёси хилма-хил бўлиб, халқ ҳўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Сўнги йилларда Ўзбекистон ФА Ботаника ин-ти («Ботаника» илмий-и. ч. маркази)да олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ўлкада 166 ойлага мансуб 4500 га яқин юксак ўсимлик турлари борлиги маълум бўлди. Буларнинг аксарият қисмини қоқиўтдошлар (260 га яқин тур), карамдошлар, ялпиздошлар, шўрадошлар, лоладошлар, чиннигулдошлар, ёронгулдошлар, говзабондошлар, раънодошлар каби йирик оилаларнинг вакиллари ташкил этади. Ўзбекистон флораси пайдо бўлиши, тарқалиши, тур,

туркум ва оилаларнинг умумий ўхшашлиги жиҳатидан Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон, Афғонистон ўсимликлар дунёсига жуда яқин туради.

Ўзбекистон флораси узоқ тарихга эга. Палеоботаник тадқиқотлар республика ҳудудида қуруқликдаги юксак ўсимликларнинг (ксилофитлардан тортиб) барча эволюцион даврларига оид ўсимлик қолдиқлари борлигини кўрсатди. Ҳатто ҳоз. Қизилқум чўлларидан бир вақтлар бу ерларда ўсган хурмо, чинор, терак каби дарахт ва буталарнинг қолдиқлари топилган.

Ўзбекистонда ўсимликлар ўсмайдиган жой йўқ. Уларни текисликдаги қумли чўллардан тортиб, қорли баланд тоғларгача бўлган турли рельеф ва тупроқ шароитида учратиш мумкин. Ўзбекистон ўсимликларининг тарқалишини ёритиш учун тавсия этилган 4 тик (вертикал) минтақа (чўл, адир, тоғ, яйлов) асос қилиб олинди. Ҳар бир минтақа ўзига хос рельеф, иқлим, тупроқ ва ўсимликлар дунёсига эга.

Чўл (текислик)даги ўсимликлар ҳаёти, асосан, қум ва гипсли тупроқлар ҳамда шўрхоқ б-н боғлиқ. Қумли чўлга Қизилқум, Қашқадарёнинг қуруқ ўзани (Сандикликүм), Сурхондарёнинг қуйи қисмидаги Каттақум ва Хоразм воҳасидаги қумли массивлар киради. Аксарият қумликлар ўсимликлар б-н мустақамланган. Қум уюмларида дарахт ёки йирик буталардан оқ саксовул, жузғун (қандим), черкез; буталардан оқ боялич, қуёнсуяк, қизилча каби ўсимликлар ўсади.

Жузғун илдиэлари ён томонга 20 м гача ўсиб, қумларни маълум даражада ушлаб туради. Қумларни мустақамлашда кўп йиллик ўтлардан селен аҳолида аҳамиятга эга. У тарқоқ илдиэлари ҳамда ер устки қисмлари (пооялари) б-н қумларнинг кўчишига тўсқинлик қилади ва б. ўсимликлар (жузғун, саксовул ва б.) уруғини тутиб қолиб, ўсишига шароит яратди. Шунингдек, қумда ривожланишга мослашган кўп йиллик эфемер ўсимлик – илоқ илдиэ пояси орқали ҳам кўпаяди. У қисқагина баҳор ойларида тез ўсиб, гуллаб, мева беришга улгуради.

Гипсли чўлга Устюрт, жан.-ғарбий ва шим.-ғарбий Қизилқумда жойлашган айрим ҳудудлар (массивлар) киради. Гипсли чўл флораси турларга унча бой эмас. Ўсимликлар формацияси (жамоаси)ни шакллантиришда, асосан, шўрадошларга мансуб турлар иштирок этади. Жумладан, ярим бута ва буталардан буюрғун, боялич ҳамда бир йил-

лик шўралар (балиққўз), шuvoқ туркумига мансуб оқ жусан каби турлар ва эфемерларни кўплаб учратиш мумкин.

Шўрхоқ тупроқлар таркибидаги тузлар миқдорига қараб ўсимликлар турлича бўлади. Нам, қатқалоқли ва майин шўрхоқли тупроқлар ўсимлик ривожланиши учун жуда ноқулай. Лекин, шунга қарамай, айрим жойларда сарисазан, қизилшўра, қорабароқ, шоҳилак, оқбош, бузоқбош, донашўр, шўра, ажриқ каби ўсимликлар учраб туради. Умуман, бундай шароитда ўсадиган турлар сони 100 дан ортиқ. Шўрхоқларда кенг тарқалган ўсимликларга саксовул (иккала тури ҳам) каби шўрадошлар оиласининг жуда кўп вакиллари (балиққўз, қуёнжун, қора шўра) кирди. Улар чўлнинг оғир (иссиқ ва қуруқ) шароитида ўсишга турлича шаклда мослашган, яъни айримларининг барги, пояси серэт бўлса, бошқаларининг барги тиканга айланган ёки умуман япроги шакланмаган.

Бир вақтлар саёз сувлар остида бўлган жойлар — тақирларда ўсимликлар жуда камдан-кам учрайди. Баъзи ҳоллардагина тақир ёриқларидан чиқиб турган айрим эфемерлар ва донашўр каби ўсимликларни кўриш мумкин. Бундай тақирлар Қизилқум чўлларида бор.

Тўқайлар дарё (айниқса, Амударё ва Сирдарё) қирғоқлари бўйлаб турлича кенглик ҳамда узунликда жойлашган. Тўқайларда, асосан, дарахт, бута ва кўп йиллик ўтлар кенг тарқалган. Дарахтлардан туронгил (терақлар туркумидан), каптаржийда, тол туркумининг бир қанча вакиллари; буталардан юлғун; кўп йиллик ўтлардан ширинмия, янтоқнинг айрим турлари, қамиш, эркакқамиш, фамация кабилар ўсади.

Тоғ олди текисликларини, асосан, бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар қоплаган. Бу ерларда дарахтлар учрамайди. Айрим буталар эса баҳордаги ёмғир сувлари оқадиган ўзанлар атрофида учраб туради. Тоғ олди текисликларида эфемер ва эфемероид ўсимликлар кенг тарқалган бўлиб, улар ўзига хос гуруҳ ҳамда ассоциация (қавмлар)ни ташкил этади.

Бир йиллик ўсимликлар (эфемерлар) кузда ҳаво илиқ ва сернам бўлган лойларда ривожланиб, қишда об-ҳавога қараб турли даражада ўсишда давом этади. Жан. вилоятларда ривожланиш анча жадал кечади. Март — апр. ойларидаёқ эфемерлар нисбатан қисқа вақт ичида гуллаб, мева туғишга улгуради. Эфемероидлар (кўп йиллик ўтлар) ҳам эфемерларга ўхшаб об-ҳавога мос равишда кузда, қишда ва баҳорда ўсиб



Ўзбекистоннинг тиривор, доривор ва манзарали ўсимликларидан намуналар:

1—зира; 2—исирик; 3—анлиз; 4—наʼмatak; 5—шовул; 6—ширaч.

ривожланади. Лекин пиёзли ва илдиз-пояли эфемероидларда ҳаётий жараёнлар куз ва қиш фаслларида ер остида давом этади. Мас., лоланинг гунчалари тупроқ остидаёқ шаклланади.

Қўнғирбош ва илоқ туркумига мансуб қатор турлар энг кенг тарқалган эфемероидлардир. Булардан ташқари яна исирик, шuvoқларнинг айрим турлари ва ковракни учратиш мумкин.

Адирлар ўсимлик турларига жуда бой. Унда қўнғирбош, қўзиқулоқ, қаррак, шашир, қакра, қатрон, астрагал, ширач каби кўп йиллик ўтлар б-н бир қаторда бир йиллик ўтлар (эфемерлар) ҳам бор. Баъзан 1 м² ерда 15–20 турга хос юзлаб ва ҳатто минглаб ўсимлик туллари жойлашган бўлиши мумкин.

Адирларда (айниқса, республиканинг жан.да) сақланиб қолган писталар

Р.Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институтидаги ноқзор.





Ўзбекистонда ўстириладиган меваги дараклардан намуналар:
1—анор; 2—дўлана; 3—лимон; 4—жийда; 5—бодом; 6—ёнғоқ.

уларнинг бир вақтлар бу ерларда кўплаб ўсганлигидан, бироқ турли мақсадлар учун аёвсиз хесиб олинishi туфайли камайиб кетганлигидан дарак беради.

Адирларнинг юқори қисмида бугдойиқ, так-так (тоғарпа), андиз, гулхайри каби бўйи баланд кўп йиллик ўтлар, тошлоқ ва шағалли жойларида бодом, наъматак туркумининг вакиллари — буталар, астрагал ҳамда пиёз туркумига мансуб турлар кенг тарқалган.

Сўқоқ қишлоғидаги арчазор.

Тоғлар — табиий ҳолда ўсадиған даракларга бойлиги б-н бошқа минтақалардан фарқ қилади. Ўзбекистон тоғларини арчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар тоғларимизнинг кўрки бўлибгина қолмай, тоғ ён бағирларини эрозиядан сақлашда ишончли омилдир. Арчалар жуда узоқ — 300—700, ҳатто 1000 й.лар мобайнида ўсиб ривожланади. Кенг баргли дараклардан зранг, олма, нок, олча, дўлана, қатронғи, писта, бодом, ёнғоқ, оқ қайин, тол, терак, шумтол ва камҳастаклар кўп тарқалган. Улар кўпинча мустақил гуруҳларни

ташқил қилади. Тоғлардаги мевали дараклар меvasидан одамлар ва ҳайвонлар озиқ-овқат сифатида фойдаланади.

У ерларда дараклар б-н бир қаторда турли оила ва туркумларга мансуб буталар кўп. Улар алоҳида-алоҳида гуруҳлар ҳосил қилиб ёки дараклар б-н аралашган ҳолда ўсади. Учқат, наъматак, зирк, иргай, тобулғи, чия, қизилча каби буталар кенг тарқалган. Тоғ шароитида ўсишга мосланиш даражасига монанд равишда кўп йиллик ўтлардан ёввойи беда, мармарақ, шашир, ровоч, кийикўт, чойўт, зира, қизилтикан, лола, ширач, турли бошоқли, дуккакли ва пиёзли ўсимликларга дамба-дам дуч келиш мумкин. Бу ўсимликлар орасида доривор, эфир мойли, озиқ-овқат, ем-хашак ва б. мақсадларда фойдаланиладиганлари талайгина. Шунингдек, муҳофазага муҳтожлари Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилган.

Яйловлар баланд бўйли даракларнинг ўсмаслиги, қоялар ва баланд текисликлар (плато)нинг кўплиги ҳамда торон, бетага, шувоқ, сутлама, исфарақ, ёронгулларга бойлиги б-н ўзига хос манзара ҳосил қилади. Шунингдек, ёстиқ ҳосил қилиб ўсувчи кирлиўт ва зирақўтлар ҳам кенг тарқалган.

Табиатда ўсимликлар якка-якка ҳолда ёки тўп-тўп бўлиб (фан тили б-н айтганда ассоциация, формация ҳосил қилиб) ўсади. Ўзбекистон ФА Ботаника ин-тининг ҳодимлари яратган 4 жилдли «Ўзбекистоннинг ўсимликлар қоплами» (рус тилида) монографиясида республикадаги 1196 ассоциацияни қамраган 170 формация келтирилган. Ўзбекистон флорасига оид маълумотларни Ботаника ин-ти томонидан чоп этилган «Ўзбекистон флораси» (6 жилдли) ва «Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи» дан (10 жилдли; ЎЗМУ б-н ҳамкорликда) олиш мумкин.

Республика флораси истеъмол қилинадиган, доривор, эфир мойли, ем-хашак, бўёқбop ва б. фойдали ўсимликларга ниҳоятда бой. Лекин ундан оқилона фойдаланмаслик натижасида табиий ўсимлик қопламларининг майдонлари, ундаги фойдали турларнинг захиралари тобора камайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритиладиган ўсимлик турлари сони йил сайин ортиб бормоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ининг 1998 йили чоп этилган 2-наширига 301 тур камёб ўсимликлар киритилган.



Ад.: Определитель растений Средней Азии, 10 томов, Т., 1968—93; Флора Узбекистана, 6 томов, Т., 1941—62; Растительный покров Узбекистана, 4 тома, Т., 1971—1984.

Уктам Пратов.

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ

Ўзбекистон ҳайвонот дунёси хилма-хил бўлиб, Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар сингари субтропик минтақаларга хос турларга эга. Республикада сут эмизувчиларнинг 6 туркуми: ҳашаротхўрлар (6 тур), қўлқанотлилар (19 тур), товушқонсимонлар (2 тур), кемирувчилар (42 тур), йиртқичлар (23 тур), жуфт туёқлилар (8 тур)га мансуб 100 тур учрайди. Энг нодир ва кам учрайдиган сут эмизувчиларнинг 24 тури, жумладан бурама шохли эчки, қўнғир айиқ, қоллон, қорақулоқ, силвосин, илвирс, сиртлон, қундуз, манул, жайран, алқор, қўшоёқ, кўк суғур, ҳинд асалхўри, олакўзан, хонгул, устюрт қўйи, қизилқум қўйи, бухоро қўйи, шомшاپалак, кенг қулоқли бурмалаб туншاپалак Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган (2003 йил).

Ўзбекистонда қушларнинг 24 туркумига мансуб 410 га яқин тури бор, улардан 184 тури чумқуқсимонлар туркумига киради. Қушларнинг 24 тури, жумладан, бирқозон, жингалақдор бирқозон, оқ лайлак, қора лайлак, қизил гоз, вишилдоқ оққуш, кичик оққуш, мрамар ўрдак, оқшош ўрдак, сувқийғир, узун думли сувбургут, оқдум сувбургут, кичик бургут, қирғий бургут, чўл бургути, қиронқора, болтаютар, қумой, илонхўр бургут, маллабош лочин, итолғи, оқ турна, оддий тувалоқ, бизгалдоқ, йўрга тувалоқ, қорабовур, торғоқ, осийё лойхўраги, қум чумқуқ ва б. «Қизил китоби»га киритилган.

Судралиб юривчиларнинг 58 тури мавжуд, жумладан тошбақаларнинг 1 тури (чўл тошбақаси) маълум. Тангачалилар туркумининг 58 (калтакесаклар — 38, илонлар — 20) тури учрайди. Илонларнинг 5 тури: капча илон, қалқонтумшук илон, қўлборилон, чарх илон, чўл қора илони захарли ҳисобланади. Судралиб юривчиларнинг 16 тури, жумладан, хентоғ қурбақабоши, штраух қурбақабоши, эчкемар, чипор калтакесак, қўлборилон Республика «Қизил китоби»га киритилган.

Сувда ҳамда қуруқликда яшовчиларнинг 3 тури: яшил қурбақа (турон қурбақаси ва осийё тоғлари қурбақаси кенжа турлари), қўл бақаси ва данатин қурбақа учрайди.

Мамлакат сув ҳавзаларида балиқларнинг 106 тури тарқалган. Улар 2 катта гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга дарё ва сойларда қадимдан яшаб келаётган маҳаллий балиқлар (амударё гулдор балиғи, ширмоҳи, туркистон мўйловдори, зогора балиқ, лаққа ва б.), иккинчи гуруҳга эса, асосан, сув омборларида иқлимлаштирилган балиқлар (иссиққўл гулдор балиғи, пелядь, оқ амур, орол мойбалиғи, шарқ оқчаси, кумуш товон балиқ, оддий дўнгпешона, оқ сла, илонбош ва б.) киради. Балиқларнинг 18 тури, жумладан, орол мўйлов балиғи, орол бакраси, амударё қил қуйруғи (катта курак бурун), амударё тош бакраси (кичик курак бурун), фил-

бурун (сирдарё курак буруни) ва б. «Қизил китоби»га киритилган.

Ҳашаротлар жуда хилма-хил бўлиб, 16000 дан ортиқ тури тарқалган. Ҳашаротларнинг 40 га яқин туркуми маълум. Улардан тўғриқанотлилар (300 дан ортиқ тур), тенгқанотлилар (ширалар — 330—350, жизилдоқлар — 600—700 тур), тангача қанотлилар (1500 га яқин тур), қаттиққанотлилар (2000 га яқин тур), парлақанотлилар (1500 га яқин тур), иккиқанотлилар (3500—4000 тур), чала қаттиққанотлилар (600—700 тур) кенг тарқалган.

Республика фаунасида ўргимчаксимонлардан чаёнларнинг 10 га яқин, фалангаларнинг 20 га яқин, ўргим-



•Қизил китоби»га киритилган ҳайвонлардан намуналар: 1—бухоро қўйи; 2—илвирс; 3—қўнғир айиқ; 4—морхўр; 5—жайран; 6—хонгул (бухоро бугуси); 7—қундуз; 8—олакўзан; 9—кўк суғур; 10—қиронқора; 11—болтаютар; 12—илонбургут; 13—қорақуш; 14—бургут; 15—қора лайлак; 16—жингалақдор бирқозон; 17—йўрга тувалоқ; 18—пушти сақоқуш; 19—қизил гоз; 20—бўз эчкемар; 21—кўзойнакли илон; 22—хентоғ қурбақабоши (тўғаракбоши).

чакларнинг бир неча юзлаб тури учрайди. Ўргимчаксимонлардан, айниқса, каналар хилма-хил бўлади. Сув ҳавзаларида каналарнинг 20 дан кўпроқ тури, тупроқда ҳам шунча тури тарқалган. 100 дан ортиқ тур каналар одам ва ҳайвонларда паразитлик қилади. Бир ҳужайралилар ҳам жуда хилма-хил бўлади. Сув ҳавзаларида сохта оёқлилар, хивчинлилар, инфузориялар кўп учрайди. Чучук сув ҳавзаларида тўғарак чувалчанглар (120 дан ортиқ тур), кунликлар (40 дан ортиқ тур), қора танали кўнғизлар (60 дан ортиқ тур), моллюскалар (30 дан ортиқ тур), қисқичбақасимонлар (80 дан ортиқ тур), оғиз айлангичлилар (120 дан кўпроқ тур) бор. Қуруқликда яшовчи қориноёқли моллюскаларнинг 171 тури маълум.

Чўл ҳайвонлари. Кумли чўллардан Қизилкум, Сандиқли ва Каттакум, Ёзёвонда судралиб юрувчилардан — тароқ бармоқли геккон, қурбақабош чўл калтакесак, йўл-йўл калтакесак, тўр чизиқли калтакесак, чўл бўғма илони, чипор илонларнинг бир неча тури, ўқ илон, чарх илон ва чўл тошбақаси учрайди.

Судралиб юрувчилар кўп бўлганлиги сабабли чўлни судралиб юрувчилар макони дейиш мумкин. Сут эмизувчилардан чўлларда ола путарок, ингичка бармоқли юмронқозиқ, тушки кумсичқон, кўшоёқлар, бўри, қулоқдор типратикан, тулки, қарсоқ тулки, катта кумсичқон, қизил думли кумсичқон, кум товущқони, ёввойи куён каби ҳайвонлар яшайди. Кумли чўлларда қушларнинг атиги бир неча тури — йилқи-чи, тентакқуш, чўл мойқут, хўжасавдоғар, чўл қарғаси, тўғрай, тошсирчумчуқ учрайди. Кумли чўлларда умуртқасиз ҳайвонлардан тирик ўргимчаксимонлар (бит, сариқ фаланга, чаёнлар), қора танали кўнғизлар, тилла кўнғизлар, искабтопарлар, заққашлар тарқалган.

Барча чўл ҳайвонлари тез югуришга, тана ҳароратини бошқаришга имкон берадиган морфологик белгиларга эга. Ҳатто секин ҳаракатланадиган типратиканларнинг ҳам оёқлари, қулоқлари ва игналари нисбатан узун. Калтакесаклар узун оёқлари, товони ва думи ёрдамида тез чопади. Чўл қушлари (йўрга тувалоқ, йилқи-чи) ёки тез учадиган (қорабовур, оқбовур) ерда тез югуради. Кўпчилик тупроқ устида яшов-


чи чўл кўнғизларининг оёқлари нам шароитда яшовчи кўнғизларга нисбатан бирмунча узун. Визилдоқ кўнғизлар, чирилдоқлар, фалангалар, айниқса, кум бийи тез югуради.

Гил тупроқли чўлларда (Қарши, Мирзачўл ва б.) умуртқасизлардан заққашлар, фалангалар, жизилдоқлар, чумолилар ва қорақуртлар учрайди. Умуртқали ҳайвонлардан, айниқса чўл тошбақаси ва сариқ юмронқозиқ кўп тарқалган. Тақир юмалоқбош калтакесак, чўл агамаси, ҳар хил рангли калтакесакча, кум бўғма илони, ўқилон, йўрга тувалоқ, қорабовур, оқбовур, кокилдор тўғрай, оққуйруқ (сайғоқ), бўри, тулки, жайран, кичик кўшоёқ, североов кўшоёғи, катта кумсичқон, қизилдум кумсичқон, кўрсичқон тақир чўллар учун хос. Ўрта Осиё капча илони Қарши чўлида, оддий қалқонтумшук Мирзачўлда кўп учрайди.

Устюрт ҳайвонот дунёси гил тупроқли чўлларидатиға ўхшаш, лекин турлар сони жуда кам. Оққуйруқ — бу чўллар учун хос бўлган ҳайвондир. Судралиб юрувчилардан тўрт йўлли чипор илон учрайди. Чўл ҳайвонлари, асосан, баҳор ойларида урчийди. Улар кўпинча фев. ойининг охирида қишқи уйқудан уйғонади ва зўр бериб озиқлангач, тез орада урчий бошлайди. Икки-уч ойдан сўнг гил тупроқли текисликларда кўп учрайдиган чўл тошбақаси б-н сариқ юмронқозиқ ёзги уйқуга, кейинчалик эса қишқи уйқуга кирди. Қурбақабош тақир калтакесак ва ранг-баранг калтакесак апр.—май ойларида, баъзан эса мартда ҳам тухум қўяди. Тўғрайлар апр.даёқ уя ясаб, жўжа очади.

Тоғ ҳайвонлари. Тоғда ҳаёт шароити чўлдаги нисбатан хилма-хил бўлгани сабабли ҳайвон турлари ҳам кўп. Тоғ баландлигига қараб ҳайвонот дунёси ҳам ўзгариб боради.

Денгиз сатҳидан 200—600 м баландликда адирлардаги сув ҳавзалари яқинида турли хил умуртқасизлар: яланғоч шиллиқлар, капалак, ниначи, қитир пашшалар, узуноёқ чивинларни, тупроқда ёмғир чувалчангларининг бир неча тури, тўғарак чувалчангларни, сув ҳавзаларида булоқчилар, кунликлар личинкалари, зулуқларнинг бир неча тури, балиқлар, қисқичбақасимонларни учратиш мумкин. Тоғ адирлари эндемик ва ноёб турларга ҳам бой. Бу ерда ноёб капалаклардан махаон, аполлон, подаларий ёки катта садафдор ахён-ахёнда учраб туради. Тоғ ён бағирларидаги чала чўлларда кулранг бешиктерватар тарқалган. Тоғ чала чўллари мин-



Сут эмизувчилардан намуналар: 1—лақай оти; 2—ҳисори қўй; 3—қора-ола қорамол; 4—тулки; 5—куён; 6—чийбўри; 7—силловсин; 8—юмронқозиқ; 9—сирглон; 10—бўри; 11—типратикан; 12—сугур; 13—жайра.

тақасида гил тупроқли чўлда чўл тошбақаси, қурбақабош тақир калтакесак, эчкмар, ранг-баранг калтакесак, йилкичи. йўрға тувалоқ, тўрғайлар, сариқ юмронқозик, қўшоёқлар, қумсичқонлар, сариқ илон, ранг-баранг чипор илон, кулранг геккон, туркистон геккони каби ҳайвонлар, шунингдек, кўк қарға, куркинак, сариқ чумчуқ, тош-сирчумчуқ каби қушлар учрайди. Бу ҳайвонларнинг кўпчилиги барвақт урчийди; ёз ва қишда уйқуга киради. Аммо қушларнинг бир неча тури (кўкқарға, куркинак ва сариқ чумчуқ) фақат июнда жўжа очади. Чигирткасимонлар ҳам ана шу даврда урчигани сабабли қушлар болалари учун озиқ етарли бўлади.

Денгиз сатҳидан 600–1100 м баландда жойлашган тоғ даштлари минтақасида судралиб юрувчилардан туркистон агамаси, олай калтакесаги, узун оёқли синк, сариқ илон, тожикистон калтакесаги, кўзойнакли илон; қушлардан – бедана, чил, каклик, куйка, соч; сут эмизувчилардан – бўрсиқ, сариқ сасиққўзан, кўрсичқон, кўнғир олаҳуржун, оддий дала сичқони ва б. яшайди. Тоғ даштларида ҳашаротлар дунёси ҳам жуда хилма-хил. Бошоқли ўсимликларда ҳар хил чигирткалар, темирчак, қандада, жизилдоқлар; ширалар, ўсимликлар гулида чангхўр кўнғиз, қандада, пардақанотлилар, тўрқанотлилар кўп учрайди. Тоғ даштларининг юқори қисмида қанотсиз чигирткалар: туя чигиртка ва қонафималар тарқалган.

Денгиз сатҳидан 1200–2500 м баландда жойлашган тоғ ўрмонлари минтақасида судралиб юрувчилардан туркистон агамаси, ҳимолай агамаси, чўл калтакесаги, кўлборилон, қалқонтумшуқ илон ва б.ни учратиш мумкин. Қушлардан – вьюроклар, сариқ чумчуқ, думпараст, читтак, потмачумчуқ, қизилиштон, мойкутлар, пеночка, зарғалдоқ кўпроқ учрайди. Жарқанотлар, пишчухалар, тезоқар сойлар ёнида эса сувчумчуқлар учраб қолади, чўққилар ва даралар тепасида йиртқиш қушлардан тасқара б-н болтаютар парвоз қилиб юради. Бу минтақада яшовчи қушларнинг қанотлари калта бўлиб, узун думи ҳавода учаётганда бошқариш вазифасини ўтайди. Тумшуғининг шакли эгилган бигизга, болтатумшуқнинг тумшуғи эса қанд ушатадиган қисқичга ўхшайди, икки бармоғи олдинга, икки бармоғи орқага қараган. Шу сабабли қизилиштон, пишчуха, фотмачумчуқ тик дарахтларда чаққон ўрмалаб юради. Уларнинг думи қаттиқ ва эгилувчан бўлганидан, дарахт танасига таяниб тура олади. Сут эмизувчилардан тўнғиз кўп,

илвирс ва қоплонлар ҳам учраб қолади. Кўҳитанг тоғининг арчазорларида морхўр, Боботоғ пистазорлари орасида ёввойи кўй – муфлон, Чатқол тизмасининг ён бағирларида марказий осие тоғ эчкисини кўриш мумкин. Кенг баргли ўрмонларда туркистон каламуши, ўрмон сичқонлари; дарахтсиз тоғ ён бағирларида дала сичқонлари; қоялар нураб тушган жойларда латча ва оқ сувсарлар; ён бағирларда реликт юмронқозик, жирғаноқ; маймунжон чакалқозорларида сувсар; дарахтларда эса тийинлар; тоғ ўрмонларида ёввойи кўён, тулки, бўрсиқ ҳаёт кечирилади. Қояларнинг ёриқларига қулоқдор бурмалаб кўршапалак, огнев кўршапалаги, шимол кўршапалаги, горларда эса тақабурон кўршапалак учрайди.

Тоғларнинг денгиз сатҳидан 2700–2800 м баландликдаги альп минтақаси Чатқол, Кўксув, Писком, Оҳангарон, Сангзор дарёлари ҳамда Қашқадарё ва Сурхондарёнинг бош томонларидаги тизмаларнинг юқори қисмларида кичик майдонни эгаллайди. Альп минтақасида сувда ҳамда қуруқликда яшовчилардан яшил қурбақа аёнда, судралиб юрувчилардан – олай калтакесаги кўпроқ, ҳимолай агамаси ва қалқонтумшуқ илон камроқ учрайди. Тоғдаги судралиб юрувчилар тирик туғиб кўпайиши б-н совуқ шароитда яшашга мослашган. Қалқонтумшуқ илон ва олай калтакесаги тухум қўйиб тирик туғади (яъни тухум қўйганидан бир неча минут ўтиши б-н болалари чиқади), ҳимолай агамаси эса тухум кўяди, бироқ унинг ичидаги эмбриони маълум бир шаклга кириб улгурган бўлади. Қушлардан – тоғ дупели, болтаютар, тоғ қарға, альп зағчаси, альп завирушкеси, брандт вьюроги, шохдор тўрғай; сут эмизувчилардан – айиқ, ёввойи кўй, марказий осие эчки ва илвирс учрайди. Тоғларнинг пастроқ жойларида суғур, дала сичқони ва пишчухалар кўп. Гоҳ оқ сувсар ва латча кўзга ташланади.

Соҳил ҳайвонлари. Ўзбекистоннинг дарё соҳилларида – ҳашаротлар (мас., сузувчи кўнғизлар ва ниначилар личинкаси), кўл бақаси, сув илонлари, балиқчилар, чигиртчилар, қоравойлар, мешкопчиқушлар, кўнғир ва қанжирлар, кўк қўтонлар, кўлбуқалар, ўрдаклар, сув бургутлар, кўктарғоқ, скопа, сувсар яшайди.

Қамишзор ва тўқайларда яшайдиган ҳайвонлар сувга бевосита эҳтиёж сезмаса ҳам, ҳаёт учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини сув ҳавзалари қирғоғидан топади, урчийди ва душманларидан сақланиш учун овлоқ жой ахтарди.

Бундай шароитда яшил қурбақа ва кўл бақаси, судралиб юрувчилардан саҳро калтакесаги, илдам калтакесак, сувилон, гулдор чипор илон, чўл қора илони кўп. Тўқайларда қирғовул, оддий какку, сариқ жиблажибон, зағизғон, ола қарға, ваҳимақуш, ғарб булбули учраб туради. Сут эмизувчилардан товушқон, пластинка тишли каламуш, тароқ тишли қумсичқон, каспий орти дала сичқони, чиябўри, тўнғиз, тўқай мушуги ва йўлбарс бор. Қамишзорларда мўйловдор читтак ва тўқай деҳқон чумчуғи айниқса кўп.

Дарё атрофидаги лёсс тупроқли жарликларда кулранг геккон, туркистон геккони, чипор илонлар учрайди. Горлари эса бухоро тақабурон кўршапалаги, ўққулоқли тунги кўршапалак учун макон.

Воҳа ҳайвонлари. Воҳаларда қушлардан қишлоқ қалдирғочи, қора жарқалдирғоч, мусича, дала чумчуғи қабилар, сут эмизувчилардан – митти кўршапалак, уй сичқони, кулранг каламуш кўп. Уй-жойларда ва харобаларда кўпинча кулранг геккон, туркистон геккони, кўк қаптар, оқ лайлак, бойўғли, укки, кўк қарға, зағча, қатта тақабурон кўршапалак, мўйловдор уч рангли тунги кўршапалак, кечки кўршапалак ҳаёт кечирилади. Дарахтзорларда қора калхат, тювик, жиғолтой, қора қаптар, зағизғон, гўнқарға, зарғалдоқ, ваҳимақуш, узун думли думпараст; уй чумчуғи, қоратўш чумчуқ, малла вьюрок, ғарб булбули, қораялоқ ва б. қушлар ин қўйишди. Бедапоярларда қирғовул ва бедана учраб туради. Чиябўри ва узун қулоқ типратикан, чўл калтакесаги, тез калтакесак, ранг-баранг чипор илонлар кўп. Жан. воҳаларда кўзойнакли илон учраб қолади. Дала, боғ ва полизларда яшил қурбақалар яшайди.



Қушлар: 1—бедана; 2—зарғалдоқ; 3—қаптар; 4—уй чумчуғи; 5—мусича; 6—каклик.

Тупроқ биотаси таркибига кирувчи ҳайвонлар жуда хилма-хил бўлиб, катта-кичиклиги, тупроқ б-н боғланиш даражаси, озиқланиш усуллари ва б. хусусиятлари б-н бир-бирдан фарқ қилади. Тупроқда яшайдиган барча жониворлар тупроқ фаунасини ташкил этади. Уларни катта-кичиклиги бўйича 5 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) нанофаунага (уз. 150 микронгача бўлган микроскопик ҳайвонлар) бир ҳужайрали ҳайвонлар (сохтаоёқдилар, хивчиндилар, инфузориялар)нинг ҳамма турлари ҳамда каналар, имиллаб юривчилар, нематодалар, бош айлангиччилар ва оёқдумлиларнинг бир қанча вакиллари кириди. 1 м² тупроқда бир неча 10 мингдан бир неча млрд. гача нанофауна бўлиши мумкин; 2) микрофаунага (уз. 150 микрондан 1,3 мм гача) нематодалар, оғизайлангичлар, каналар, имиллаб юривчилар, оёқдумлилар, симфиллар кириди. Уларнинг 1 м² даги миқдори бир неча мингдан бир неча юз минггача бўлади; 3) мезофауна (уз. 1,3 мм дан 10 мм гача) ўргимчаклар, кўпоёқдилар, ҳашаротлар, заҳқашлар, моллюскалар, каналар, оёқдумлиларнинг бир қанча турларидан таркиб топган. Улар 1 м² тупроқда ўнлаб, ҳатто юзлаб учраши мумкин; 4) макрофауна (уз. 1 см дан 8 см гача) кўпчилик моллюскалар ҳамда кўпоёқдилар, ҳашаротлар, заҳқашлар ва ёмғир чувалчангларининг бир қанча турларидан ташкил топган; 5) мегофауна (уз. 8 см дан катта), асосан, кемирувчилар, ер қазарлар, ҳашаротхўрлар ва ёмғир чувалчангларининг бир қанча турларидан иборат.

Тупроқ ҳайвонлари озиқланиш усулига биноан ҳам гуруҳларга ажратила-

ди. Улар орасида яшил ўсимликлар б-н озиқланидиган ҳайвонлар — фитофаглар кўпчиликини ташкил этади; яна йиртқичлар — тирик ҳайвонлар, некрофаглар — ҳайвон мурдалари, сапрофаглар — чириётган моддалар, детритофаглар — бошқа органик қолдиқлар б-н озиқланувчи хиллар, шунингдек, паразит — бошқа ҳайвонлар танасида яшовчилар мавжуд.

Чучук сув ҳайвонлари. Ўзбекистон сув ҳавзаларида 80 га яқин балиқ турлари учрайди, улардан 20 га яқини (оқ дўнгпешона, олабула дўнгпешона, оқ амур, қора амур, илонбош, балхаш олабуғаси ва б.) Узоқ Шарқдан; пелядь Сибирдан; гамбузия Америкадан келтирилган. Текисликдаги сувларга плотва, оқча, сўзанбалиқ, оққайроқ, зогора, лаққа, оқ сла, самарқанд храмуляси ва хонбалиқлар, тоғ сувлари учун қорабалиқ, гулмоҳи ва голец балиқлар хос. Шим.даги сув ҳавзаларида чўртан балиқ, олабуға, кўкбўйин балиқлар учрайди. Кам учрадиган ва йўқолиб бораётган турлардан Амударё ва Сирдарё курак буруни, бакра балиқ бор. Шунингдек, 600 га яқин тур умуртқасиз ҳайвонлар, жумладан 150 тур бир ҳужайралилар, 120 турдан зиёд коловераткалар, 100 дан кўпроқ тур чувалчанг ва моллюскалар, 120 турдан ортиқ қисқичбақасимонлар, 100 дан кўп тур ҳашаротлар учрайди. Ўзбекистон сув ҳавзаларига Узоқ Шарқдан балиқлар б-н биргаликда хитой бақачанок (тишсиз) моллюскаси ва узоқ шарқ креветкаси келиб қолган ва кенг тарқалган. Балиқларнинг озиқ базасини ошириш учун сув омборларида мизид қисқичбақасини иқлимлаштириш яхши нати-


жа берди. Сирдарё ва унинг irmoқларида дарё қисқичбақаси яшайди.

Овланидиган сут эмизувчилар. Ўзбекистонда бўри, тулки, чиябўри, қорақулоқ, сувсар, қуён; чўл, тўқай ва қамишзорларда яшайдиган ёввойи мушуклар, ондатра, юмронқозиқ ва қум товушқон мўйнаси, оққуйруқ ва тўнғиз гўшти учун овланган. Ҳозир унинг сони кескин камайиб кетган. Тулки, чиябўри, ондатра, оққуйруқ, юмронқозиқлар саноат миқёсида овланади. Республикада Оҳангарон, Бўстонлик, Амударё бўйи, Фаллаорол ва б. бир қанча жойларда мўйна олиш мақсадида қуён ва америка норкаси боқиладиган ҳўжаликлар ташкил этилган.

Овланидиган балиқлар. Ўзбекистон ҳудудида овланидиган балиқларнинг ўндан ортиқ тури тарқалган. Зоғора, оқ сла, чўртан, лаққа, мўйловдор балиқ, оқча, танга балиқ, қора балиқ, маҳаллий овланидиган оқ амур, тарғил дўнгпешона, илонбош, балхаш олабуғаси Узоқ Шарқ дарёлари ва Балхаш кўлидан олиб келиб иқлимлаштирилган. Қора балиқ, олабуға балиқлар спорт мақсадида овланади. Балиқларни кўпайтириш мақсадида балиқчилик ҳўжаликларидан қора, оқ амур, дўнгпешона ва б. балиқлар ҳовузларда кўпайтирилади. Мўйловдор балиқ, чўртан, бакра балиқлар сони кескин камайиб кетганлиги туфайли ҳозир овланмайди.

Овланидиган қушлар. Мамлакат ҳудудида 60 турдан ортиқ овланидиган қушлар яшайди. Товуқлар туркумига мансуб каклик, бедана; гозсимонлардан — дала гози; ўрдаксимонлардан — чуррак, ҳайлар кокил, олақанот суқсур ва суқсурлар, Ўзбекистонда ин қуриб яшайдиган турлардан кулранг гоз, кулранг ўрдак, қизил бўйин ўрдак, олмабош ўрдак, олақанот (оққанот, чағирқанот) ҳам овланади. Бу қушлар совуқ қаттиқ келмаган йиллари бемалол қишлайди, ammo совуқ кучли булса, кўпчилиги қирилиб кетади. Йирик балиқчи қушлардан — катта қизилоёқ балиқчи, қизилоёқ, сувтарғоқлар, республика ҳудудидан учиб ўтадиган ўткинчи балиқчи қуш — лойхўрақлар, охириги йилларда оддий ҳамда йирик гуррақлар кўплаб, кўк каптар ва б. турдаги каптарлар камроқ миқдорда овланади. Турнасимонлар туркумидан, айниқса, қашқалдоқлар кўпроқ овланади. Улар кичикроқ кўларда ин қўйиб яшайди, совуқ тушиши б-н кўпчилиги иссиқ жойларга учиб кетади. маълум бир қисми эса қишлаб қолади.

Овланидиган илонлар. Республикада 60-й.лардаёқ ҳар йили 3000 тагача за-



Балиқлар: 1—бакра; 2—мойбалиқ; 3—оқча; 4—мўйловдор балиқ; 5—қизилқўз (торта); 6—лаққа.

ҳарли илон ушланар эди. Улар Тошкент ва Термиздаги илонхоналарда фармацевтика саноати ҳамда и.т. ташкилотларида фойдаланиш учун заҳар етказиб бериш мақсадида боқилади. Овланадиган илонларнинг 600—700 тасини — қўлборилон, қум чарх илони, қолганини кўзойнакли илон, чўл қора илони ва қалқонтумшук илон ташкил этади. Охириги йилларда республикада қўлборилонга бўлган талаб жуда кучайиб кетганлиги сабабли улар кўплаб тутилиши натижасида сони кескин камайиб кетди.

Зараркунанда хайвонлар. Табиатда жуда кўплаб фойда келтирадиган хайвонлардан ташқари, уларнинг қ.х., ўрмончилик, ўсимликлар, омборларда сақланаётган галлаларга, кийим-кечакларга жуда катта зарар етказадиган турлари бор. Шунингдек, бир қанча хайвонлар одамлар, чорва моллари, уй ва ёввойи хайвонларда паразитлик қилади ёки касаллик қўзғатувчиларни юктиради.

Кишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари. Республика қ.х. экинларига зарар келтирадиган хайвонларнинг анчагина қисмини кемирувчилар, ҳашаротлар, каналар ва айрим нематодалар ташкил қилади.

Ҳар бир экин, дарахт, ўрмон ва б. ўсимлик турининг ўзига хос зараркунандалари мавжуд.

Техника экинларидан гўзага 200 дан кўпроқ тур ҳашаротлар, айниқса, дала қандаласи, гўза шираси, тамаки трипси, кузги ва гўза тунламлари, карадрина, каналардан эса ўргимчаккана жиддий зарар етказида.

Бошоқли экинларни ҳаммахўр турлардан чигирткалар, темирчаклар, бузоқбоши, кузги ва б. илдиэ кемирувчи тунламлар, қирсилдоқ кўнғизлар, қора танли кўнғизлар ва б., ихтисослашган зараркунандалардан швед пашшаси, бугдой трипси, пуч гул трипси, хасва, шилимшиқ курт, поя бургачалари, нематодалар кўп зарарлайди.

Маккажўхориниқ экилган уруғлари ва унинг ер остки қисмини симқуртлар, сохта симқуртлар, бузоқбоши, кузги тунлам қуртлари, ер устки қисмини эса чигирткалар, швед пашшаси, маккажўхори капалаги, леукан тунлами қуртлари, сўта ва доналарини гўза тунлами қуртлари шикастлайди.

Гўза, каноп, картошка ва сабзавот экинларига бўртма нематодалари, шолита шולי нематодаси, картошкага картошка нематодаси катта зарар етказида. Республикада экиладиган шолининг 30 дан ортиқ тур зараркунандаси

қайд этилган. Булар — қирғоқ чивини, шолининг сув филчаси, шולי чивини, арпа минори, баҳорчи, поя ичидаги арракаш, маккажўхори капалаги, қандалалар, трипс, бошоқсимонлар бити, чирилдоқ, шולי чигирткаси, шолининг барг нематодаси кабилар. Лалми экинларда, айниқса, ҳаммахўр ҳашаротлардан чигирткалар, хумкалла кўнғизлар, симқуртлар, қора танали кўнғизлар, қандалалар, ёввойи тунлам, карадрина, бошоқли дон экинларда бугдой трипси, шилимшиқ курт, катта бошоқ бити, хасва, туркистон дон визилдоқ кўнғизи, дон арракаши, гессен ва швед пашшалари, дуккакли дон экинларда нўхат бити, нўхат донхўри, карадрина, гўза тунлами ва б. тарқалган. Айниқса, махсарнинг ихтисослашган зараркунандаларидан: махсар қора бити, махсар илдиэ бити, махсар илдиэ филчаси, катта махсар филчаси, кичик махсар филчаси, махсар парвонаси, бангидевона тунлами, махсар пашшаси қайд қилинган. Лалми беда зараркунандаларидан беда бити, бухоро тилла кўнғизи, туганак филчалари, беда филчаси ва беда уруғхўри мавжуд.

Сабзавот ва полиэ экинлари зараркунандалари. Карамнинг доимий зараркунандалари — карам бити, карам куяси, бутгулдошлар бургачалари, карам қандаласи, карам оқ капалаги, шолғом оқ капалаги, кузги тунлам ва б.

Помидор, қалампир ва бақлажонларга кузги тунлам, ўсимлик шираси, иссиқхона оққаноти, кўсак қурти, қуйруқли бузоқбоши, коршинский шиллиқ қурти; пиёзга эса тамаки трипси, пиёз пашшаси, пиёз ёки илдиэ канаси ва бўртма нематодалари; картошкага картошка нематодаси зарар етказида.

Полиэ экинлари ўргимчаккана, полиэ шираси, тамаки трипси, полиэ кўнғизи, шиллиқ қуртлар, майса пашшаси, ёввойи гўза тунламлари, карадрина, чигирткалар, чирилдоқлар, қуйруқли бузоқбоши ва б.дан; картошка симқуртлар, сохта симқуртлар, кундузги тунлам, илдиэ нематодаси ва кейинги йилларда айниқса колорало кўнғизидан; лавлагги чилор саратон, лавлагги бити, лавлагги бургаси, лавлагги кулранг узунбуруни ва б.дан; каноп дала қандаласи, лавлагги қандаласи, наша шираси, наша бургаси, маккажўхори капалаги ёки наша қуртидан зарарланади.

Боғ зараркунандаларидан олма қурти, мева ўргимчакканаси, олма ва гилофли куялар, нок қандаласи, қонли ва барг битлари, нок шира бити, ўрик филчалари, пўстлоқ ости кўнғизлари,

ўрик тунлами, олхўри қурти ва б. тарқалган. Тут дарахтига комсток қурти, тут одимчиси, тут узунмўйлов кўнғизи ва ўргимчаккана сингари зараркунандалар жиддий зарар етказида. Токка ўргимчаккана, ток уссимон қурти; ёнғоққа ёнғоқ кичик ва катта битлари, ёнғоқ қурти, ёнғоқ юмшоқ танли сохта қалқондори; анорга комсток қурти, анор шираси ва анор қурти; анжирга эса анжир парвонаси қуртлари шикаст етказида.

К а р а н т и н з а р а р к у н а н д а л а р. Ўзбекистонга биринчи бўлиб карантин зараркунандалардан 1905 й. қонли бит, 1937 й. Япониядан тут қўчатлари б-н комсток қурти келиб қолган. Ҳозир бу зараркунандалардан карантинлик нишони олиб ташланган.

1964 й. қўчатлар б-н келган калифорния қалқондори кўпгина мевали дарахтларни жиддий зарарлаб, қуришига сабаб бўлди.

Ҳозирги пайтда ички карантин ҳисобланади. Колорадо кўнғизи 70-й. бошида картошка орқали Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманига тарқалган. Ички карантин ҳисобланган бу ҳашарот республиканинг Фарғона водийси, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ва Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманлари хўжаликларига кўпаймоқда.

Ўрмон зараркунандалари дарахтларнинг ҳамма қисмлари — илдиэ, пояси, новда ва барглари зарарлайди.

Қирсилдоқ кўнғиз личинкалари, кузги тунлам қуртлари илдиэга, бузоқбоши кўнғиз личинкалари ёш ниҳолларга, ўсимлик битлари, терак қандаласи, терак қалқондори, комсток қурти, терак баргхўри, қайрақоч баргхўри, тенгсиз ипак қурти барг ва новдаларга катта зарар келтиради. Шунингдек, қайрақоч катта пўстлоқ ости кўнғизлари, қайрақоч тилла кўнғизи, шаҳар мўйловдор кўнғизи ва сассиқ дарахт пармалагичи, терак ойнақаноти ва б. кенг тарқалган.

О м б о р з а р а р к у н а н д а л а р и. Омборларда сақланадиган дон ва пахта маҳсулотларида 47 тур каналар (ун канаси, чўзинчоқ кана, турон канаси, қорамтир кана ва б.) учрайди.

Ҳашаротлардан омборхоналарда сақланадиган маҳсулотларга галла пармачиси, муғомбир кўнғиз, трагадерма терихўри, мағриб кўнғизи, суринам кўнғизи, ун митаси, омбор узунбурун кўнғизи, гуруч узунбурун кўнғизи, омбор куяси, жан. парвонаси, ун парвонаси зарар етказида. Омбор зараркунандалари б-н зарарланган озиқ-овқат

маҳсулотларининг тўйимлиги камайти, таъми бузилади, зараркунанда чиқиндиси б-н ифлосланади. Бундай маҳсулотлар истеъмол қилинганда, улар турли ўткир меъда ва ичак касалликларига сабаб бўлади.

Кемирувчи зараркунандалардан сариқ юмронқозиқ, реликт юмронқозиқ, кичик қўшоёқ, туркистон каламуши, пластинка тишли каламуш, северцов сичқони, кўрсичқон, жамоа бўлиб яшовчи дала сичқони, қизил думли кумсичқон, катта кумсичқон ва б. тарқалган. Булар беда, айниқса шоли, бугдой, маккажўхори, полиз экинлари, баъзан гўза ва дарахт шох-бутоқларига зарар етказади. Омбордаги озиқ-овқатларни еб, тери, қоғоз ва б. буюмларни кемириб зиён келтиради.

Гўзанинг ўсиши даврида унинг кўсақларини кемириб, чигитини еб, пахтасини чиқариб ташлайди. Меваларни шикастлайди. Суғориш каналлари, ирригация шохобчалари қирғоқлари ва яйловларни ўяди ҳамда турли юқумли касалликлар тарқатади.

Одам ва ҳайвонларда паразитлик қилувчи ва касаллик тарқатувчи ҳайвонлар. Ҳашаротлар энг содда ҳайвонлар, яъси ҳамда юмалоқ чувалчанлар ва б. ҳайвонларда, шунингдек, одамларда ҳам учрайдиган хавфли юқумли касалликлардан куйдирги, ўлат, лейшманиоз, туляремия, паратиф, терлама, энцефалит каби касалликларнинг кўзгатувчиси ёки ташувчиси.

Сут эмизувчилар ва қушлар касаллик кўзгатувчи вируслар, замбуруғлар, бактериялар, спирохеталар ва гельминт (гижжа)ларни ташувчилардир.

Касалликларни ҳамма ҳайвонлар ҳам тарқатавермайди. Мас., оксим вирусини, асосан, туёқлилардан — архарлар, жайранлар, еликлар, оққуйруқлар, қутуришни ит, бўри ва тулкилар, лейшманиозни қум сичқонлар, туляремияни куёнлар, юмронқозиқлар, ондатралар ва тулкилар, терламани кўпчилик кемирувчи ҳайвонлар тарқатади. Касалликларнинг пайдо бўлиши ва авж олиб кетиши шу касалликларни тарқатувчи ҳайвонлар сони б-н боғлиқлиги аниқланган.

Ад.: Лаханов Ж., Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари аниқлагичи, Т., 1987; Мойсеев В. А., Кашкаров Д. Ю., Ўзбекистоннинг ҳайвонот дунёси, Т., 1990; Богданова О. П., Редкие животные Узбекистана, Т., 1992; Мавлонов О., Хуррамов И., Умуртқасизлар зоологияси, Т., 1998.

Жалолiddин Азимов, Очил Мавлонов.

ТАБИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШ

Ўлка—провинция—кичик провинция—округ—район кўринишидаги таксономик бирликлар тизими бўйича Ўрта Осиё ўзига хос бир бутун табиий географик ўлка деб қаралади. Айни вақтда, Ўрта Осиё ҳудудининг айрим қисмлари табиати ўртасида кескин табиий географик тафовутлар ҳам мавжуд. Улар биридан фарқланувчи маълум табиий географик комплексларни, яъни провинциялар (Марказий Қозоғистон, Турон ва Жунғория-Тяньшан) ни ажратишни тақозо этади. Ўзбекистон ҳудудининг катта қисми Турон табиий географик провинциясига ва фақат Устюрт платосигина Марказий Қозоғистон провинциясига киради. Турон провинцияси майдонининг 67% текисликлардан, қолган 33% эса тоғликлардан иборат. Шу сабабли, Турон провинцияси ҳам, унинг таркибида бўлган Ўзбекистонда ҳам иккита кичик провинциялар ажратилади. Булар текислик ҳамда тоғ олди-тоғ кичик провинцияларидир. Улар орасидаги чегара эса оч тусли бўз тупроқлар тарқалган ерлардан ўтади.

Текислик кичик провинцияси Ўзбекистоннинг, асосан, чуллардан иборат бўлган ғарбий қисмини эгаллаб, иқлими ниҳоятда қурғоқчилдир. Табиий шароитининг худуд бўйлаб ўзгариши, мутлақ баландликларининг унча катта булмаганлиги сабабли, кенгликлар бўйлаб зоналаниш қонуниятига бўйсунган. Ушбу кичик провинциядан шарқда тоғ олди-тоғ кичик провинцияси жойлашган бўлиб, унга Ғарбий Тяньшан, Олай, Туркистон, Нурота тоғлари, Зарафшон ва Ҳисор тизмалари б-н бирга уларнинг этакларидаги текисликлар ва тоғлараро ботиқлар ҳам киради. Тоғ олди-тоғ кичик провинциясининг табиий шароити, асосан, баландлик бўйлаб минтақаланиш қонуниятига бўйсунган. Кичик провинциялар ҳам ўз навбатида ички геологик-геоморфологик, орографик ва гипсометрик тафовутлар асосида табиий географик округларга бўлинади.

Тоғ олди-тоғ кичик провинцияси таркибидаги табиий географик округлар, асосан, тоғлараро ёки тоғ этагидаги ботиқлар, дарё водийларини туташ ён бағирлари б-н эгаллаган. Уларнинг географик ўрни, орографияси ва гипсометриясига қараб табиий шароитдаги муҳим фарқлар мавжудлигини кўриш мумкин. Бу фарқлар, аввало, баландлик минтақалар структурасида акс этган. Ҳар бир тоғ олди-тоғ округи ўзига хос баланд-

лик минтақалари структураси б-н таъсифланади. Текислик табиий географик округлари, одатда, нисбатан йирикқоқ геоморфологик бирликларни эгаллаб, бир-биридан геологик тузилиши, рельефи ҳамда неоген—тўртламчи даврдаги геологик ривожланиш тарихи б-н фарқланади.

Табиий географик бирликлар

Табиий географик минтақа — географик қобиқнинг энг йирик зонал табиий географик бўлими, иссиқлик ва намликнинг алоҳида режими, ҳаво массалари, уларнинг циркуляцияси ва б. хусусиятлар б-н фарқ қилади. Мас., экваториал минтақа, тропик, мўътадил минтақа ва ҳ.к. табиий географик зоналарга ажратилади; табиий географик зоналарнинг иқлим омилига боғлиқ равишда, асосан, иссиқлик б-н намлик миқдори ва нисбатига қараб муайян тартибда қонуний алмашииб борадиган географик қобиқнинг йирик бўлими, мас., Арктика муз саҳролари зонаси, мўътадил минтақа чала чуллари, субтропик даштлар ва ҳ.к.; табиий географик ўлка — табиий географик районлаштиришнинг йирик бирликларидан. Майдони бир неча юз минг км² дан млн. км² гача бўлиши мумкин. Мас., Ўрта Осиё текислик ўлкаси, Ўрта Осиё тоғли ўлкаси; табиий географик об-ласт — ландшафтлар ёши, ётқиқлари, рельефи, гидрографик хусусиятлари, биоценозларининг турлари ва ривожланиш тарихи бўйича ажратилади, табиий географик ўлканинг таркибий қисми.

Ўзбекистон ҳудудида ҳаммаси бўлиб 10 та табиий географик округ ажратилган бўлиб, улардан Устюрт, Қуйи Амуларё, Қизилқум, Қуйи Зарафшон округлари текислик кичик провинцияси, Қашқадарё, Сурхондарё, Ўрта Зарафшон, Мирзачўл, Чирчиқ—Охангарон ва Фарғона округлари эса тоғ олди-тоғ кичик провинцияси таркибига киради.

Ўзбекистонни табиий географик районлаштириш тизимидаги энг кичик таксономик бирлик табиий географик р-н ҳисобланади. Тоғ олди-тоғ округи таркибидаги табиий географик р-н баъзан тоғ этакларидаги пролювиал ва аллювиал текисликни унга қараган тоғ ён бағирлари б-н бирга ёки тоғ дарё водийсининг бир қисмини ўз ичига олади.

Ўзбекистон ҳудудидаги табиий географик округнинг ҳар бири маълум табиий географик р-нлар йиғиндисидан иборат.

Мас., Устюрт табиий географик округи Шим. Устюрт, Марказий Устюрт, Жан. Устюрт р-нларидан, Қуйи Амударё табиий географик округи эса Чимбой—Қўнғирот, Белтоғ. Хоразм табиий географик р-нларидан ташкил топган. Ўзбекистон ҳудудида ҳаммаси бўлиб қирққа яқин шундай р-нлар ажратилган.

Ад.: Б а б у ш к и н Л. Н., К о г а й Н. А., Физико-географическое районирование Узбекистана, Т., 1964; Табиий ва иқтисодий географик районлаштиришнинг долзарб муаммолари (илмий-амалий конференция материаллари), Т., 2004.

Шухрат Зокирова.

АТРОФ-МУҲИТНИ ВА ТАБИАТ БОЙЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Ўзбекистоннинг географик урни ва табиатининг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги атроф-муҳитни ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни авайлаб, эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тақозо қилади. Республика ҳудудининг океанлардан узоқда, чўл зонасида эканлиги ёғин миқдорининг, бинобарин, оқар сувларнинг кам бўлишига олиб келган. Шарқ ва жан.-шарқдан тоғлар б-н ўралганлиги сув танқислигини бирол юмшатгани б-н, Ўзбекистоннинг геоэкологик берк ўлка бўлишига сабаб бўлган. Республика, айниқса, унинг ғарбий қисми геоэкологик жиҳатдан ноқулай ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи табиатга тарихан узоқ даврдан бери меҳр б-н қарашга, уни асраб-авайлашга ўрганиб келган. Ўрта Осиё халқларининг ҳар йили нишонлангани Наврўз байрами асрлар давомида она Ерга ва табиатга меҳр-муҳаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни ардоқлаш туйғуларини тарбиялаган; меҳнат тарбияси ва маънавий тарбияда муҳим аҳамият касб этган. Табиат б-н инсоннинг ўзаро чамбарчас алоқасини, уларнинг бир бутунлигини ифодаловчи бу байрам деҳқончилик байрамини эмас, балки том маънода геоэкологик байрам ҳамдир. Кишиларнинг табиатга, айниқса, унинг ёрқин ташқи ифодаси бўлмиш ўсимлик оламига бўлган муносабати ва меҳрини белгилувчи байрамлардан яна «гул байрами» ва «лола байрами»ни кўрсатиб ўтиш мумкин. Халқнинг соф геоэкологик мазмунга эга тарихий удумларидан яна бири «таганак» дир. Бу удумга кура, тоғ ва тоғ этакларида яшовчи халқ эрта баҳорда

йиғилиб, тоғ-тошдаги булоқлар кўзини очиб, жилғалар йўлини шох-шаббалардан, лойқалардан тозалайдилар.

Аҳолининг геоэкологик руҳда, яъни она табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, табиатни муҳофаза қилиш руҳида тарбиялашда миллий балиий алабиётнинг ҳам аҳамияти бениҳоя катта. Ўзбек халқининг мумтоз шоир ва ёзувчилари, жумладан, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари геоэкологик мазмунга айниқса бойдир.

Халқ оғзаки ижодида, яъни халқ достонлари, эртақ, мақол ва масалларда ҳам табиатни муҳофаза қилиш тарғиб этиб келинган. Улар ғоявий мазмунини аксарият турли хил ёввойи ва уй ҳайвонлари, айниқса, фойдали қушларнинг табиатдаги роли, инсонга дўст эканлиги, уларни муҳофаза қилишга даъват қилувчи туйғулар ташкил этади.

Инсонларни табиатни муҳофаза қилишга даъват қилувчи, соф геоэкологик мазмун касб этувчи яна бир манба ўзбек халқи этиқод қиладиган дин — исломда илгари сурилган илоҳий таълимот асосларидир. Ислом манбаларида диний этиқод, ибодат, Еру осмон, фалакиёт ва атроф-муҳитдаги ҳолатлар тўғрисида жуда кўп қимматли маълумотлар келтирилган. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда атроф-муҳитни тоза сақлаш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни исроф этмаслик, инсоннинг яшаш тарзи, шахсий гигиенасига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашга, умуман, экология ва табиатни муҳофаза қилишга катта аҳамият берилган. Булар ўзбек халқининг тарихан шаклланган миллий тарбия асосларидир. Бунга мазмуни жуда кенг «увол» тушунчаси яққол мисолдир. Мусулмончиликда ҳар қандай моддий неъматдан исрофгарчилик б-н фойдаланиш, табиат бойликлари — фойдали қазилмалар, сув, ер, ўсимлик ва ҳайвонларни нес-нобуд қилиш увол ва гуноҳ ҳисобланади.

Тарихий манбалардаги айрим маълумотларга кўра, Туркистонда ўрта асрлардан 19-а.нинг 2-ярмигача шаҳарларда раислик ёки муҳтасиблик лавозими бўлган. У шариат қонун-қоидаларига амал қилиниши, ҳокимият фармонларининг бажарилиши, бозордаги нарх-наволар устидан назорат этиш вазифалари б-н бирга, табиатни муҳофаза қилиш устидан ҳам қаттиқ назорат ишларини олиб борган. Муҳтасиб қўл остидаги амалдорлари б-н кўча ва бозорларни кўздан кечирган, ариқ ва ҳовузлар, сой ва қулуқлардаги сувнинг сифатини, миқдорини ҳам назорат этган. Тарихда обикор деҳқончилик шароитида суғорув сувларидан оқилона ва адолатли фойдаланишда тўғонбоши ва мироблик лавозимларининг аҳамияти катта бўлган. Аҳоли сони ва зичлигининг, шаҳарлар сонининг тобора ортиб бориши, фан ва техниканинг ривожланиши, йирик иншоотлар қурилиши каби омиллар ҳам кўпинча табиатга салбий таъсир этган. Натижада Ўзбекистон ҳудудида табиатни муҳофаза қилишга бўлган эҳтиёж асрдан-асрга, йилдан-йилга кучая борди.

Подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсати табиат бойликларини аямасдан фойдаланишга йўл очиб берди. Арзон хом ашё базасига айланиб бораётган ўлкада табиатни муҳофаза қилишдан кўра, ундан имкони борича кўпроқ фойдаланиш сиёсати кучли эди. Шу сабабли, йилдан-йилга тупроқлар бузилиб, ишдан чиқа бошлади, ён бағир эрозияси кучайди, ўрмонлар майдони камайиб, улар четгараси тоғларда юқорига кўтарилди борди, ёввойи ҳайвонларни овлаш кучайди.

20-а. бошларида табиатдан мустамлака мақсадларида фойдаланишнинг кучайиши ва бу ерга Россиядан кўплаб аҳоли кўчириб келтирилиши натижасида инсоннинг табиатга салбий таъсири кучайиб, уни муҳофаза қилиш ҳаётий за-

Қизилқумда баҳор.



Табиатни ва унинг компонентларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар

- «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992 й. 9 дек.);
- «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993 й. 6 май);
- «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (1993 й. 7 май);
- «Ер ости бойликлари тўғрисида» (1994 й. 23 сент., 2002 й. 12 дек. да янги таҳрирда);
- «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» (1996 й. 27 дек.);
- «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997 й. 26 дек.);
- «Давлат кадастрлари тўғрисида» (2000 й. 15 дек.);
- «Ўрмон тўғрисида» (1999 й. 15 апр.);
- «Чиқиндилар тўғрисида» (2000 й. 5 апр.);
- «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (2004 й. 3 дек.).

руриятга айланди. Шўролар даврида индустриалаштириш ва қ.х.ни коллективлаштиришнинг бошланиши ва амалга оширилиши ҳам табиатнинг инсон таъсиридаги салбий жараёнларини кучайтирди. 1920 й.да Музейлар ва санъат ёдгорликлари, табиатни муҳофаза қилиш Туркистон қўмитаси ташкил этилиб, унинг таркибида табиатни муҳофаза қилиш шўбаси вужудга келди.

2-жаҳон уруши йиллари ва ундан кейин Ўзбекистон ҳудудида табиат имкониятларини қатъий ҳисобга олмай катта-катта ер майдонлари қ.х. учун ўзлаштирилиб, Қизилқум, Мирзачўл, Ёзёвон чўли, Далварзин дашти, Шеробод ва Қарши даштларида воҳалар майдонининг орта борганлиги, кўплаб э-д ва ф-калар қурилиб, каналлар ўтказилганлиги, аҳоли зич янги шаҳар ва шаҳарчалар бунёд этилганлиги, қ.х.ни ортқча кимёлаштиришнинг ждал ўсиши табиат ва атроф-муҳитнинг бузилишига олиб келди. Собиқ советлар мамлакатининг бошқа ҳудудлари каби Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам табиатга ғайри геоэкологик ёндашув, яъни табиатдан фойдаланишда унинг бир бутунлиги, компонентлар мувозанати, динамик ўзгарувчанлиги, регионаллик каби қонуниятларига амал қилмай, чўл ва тоғларни ўзлаштиришда табиатга зугум, зўрлик қилиш, она табиатни гўё «енгиш»га уриниш каби ҳолатлар жиддий салбий оқибатларга олиб келди.

Натижада республика табиатининг барча компонентлари – тоғ жинслари ва рельеф шакллари, иқлим ва сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланишлагина эмас, балки бир бутун ландшафтлар – чўллари, воҳалари, тоғ ва адирларидан фойдаланишда ҳам жиддий геоэкологик хатоларга йўл қўйилди. Табиатни тубдан ўзгартиришга зўр бериб уриниш, чунончи, чўллашув, яъни чўлга айланиш жараёнларининг кучайишида ҳам кўринди. Кўпгина ҳудудларда юз бера бошлаган геоэкологик инқирозлар илмий жамоатчиликни ташвишга сола бошлади ва ҳукуматнинг бу муаммоларга эътибор қилишини тақозо этди. 1959 й. ўрмон хўжалиги ва дала ихота ўрмонлаштириш инспекцияси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазириятининг Ов ишлари бошқармаси негизда Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси тузилди. Табиатнинг турли бойликлари муҳофазаси б-н давлатнинг алоҳида идора хизматлари шуғуллана бошлади. Жумладан, сув ресурслари муҳофазаси б-н сув хўжалиги вазириятининг ер ресурслари муҳофазаси б-н қишлоқ хўжалиги вазириятининг Ердан фойдаланиш ва ер тузиш бошқармаси, атмосфера ҳавоси муҳофазаси б-н Гидрометеорология хизмати-нинг ташқи муҳитни муҳофаза қилиш бўлими ва б. шуғулланди.

20-а.нинг 60-й.лар бошларида Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишга эҳтиёж янада кучайди. 1961 й. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти ташкил этилди. 1970-й.лар саноат шаҳарлари ва кончилик р-нларида атроф-муҳит ифлосланишининг кучайиши ҳамда обикор леҳқончилик шароитида сув ресурслари танқислигининг орта бориши долзарб геоэкологик муаммоларни юзага келтирди. 1978 й. бу муаммолар ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши устидан назорат қилиш Гидрометеорология бошқармасига юклатилди. Табиатни муҳофаза қилиш муаммолари б-н Ўзбекистон ФАнинг Ботаника, Зоология, Тупроқшунослик ва Агрохимё, Иқтисод, Геология ин-тлари, Республика санитария-гигиена ва касб касалликлари ин-ти, ун-т ва б. институтлар шуғуллана бошладилар.

1980-й.ларда атроф-муҳитнинг геоэкологик ҳолати янада ёмонлашди, табиий бойликлардан нооқилона фойдаланиш оқибатлари яққол сезила бошлади. Натижада геоэкологик муаммолар ижтимоий тус олди. Ўтқир геоэкологик регионал муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, ҳукумат маҳаллий маъмурият ва кенг халқ оммаси эътиборини уларга

қаратишда олимлар б-н бирга шоир ва ёзувчилар, айниқса, публицистлар катта фаоллик кўрсатдилар. Улар ташаббуси б-н Орол фонди ташкил этилди, Орол денгизини қўтқариш ижтимоий қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташкил топди. Бироқ Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар табиий бойликлардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунлари ўша давр сиёсий йўналиши талабларига мослаштирилган бўлиб, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга етарлича жавоб бермас эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, табиат муҳофазаси муаммоларини жадал ва катта масъулият б-н ҳал қилишда янги босқич бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» (50-модда), «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умум-миллий бойликдир. улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» (55-модда) деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳозирда Ўзбекистоннинг атроф-муҳит ва табиат бойликларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга оид қонунчилиги 80 га яқин қонун ва қарорларни ўз ичига олади. Барқарор ривожланишнинг миллий стратегияси ва Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракатининг миллий режаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди, шунингдек, Чўллашишга қарши кураш ҳаракатлари миллий режаси ҳам тайёрланган. Эндиликда геоэкологик муаммолар ҳукуматнинг доимий назорати остида: бу борда илк муваффақиятлар қўлга киритилмоқда, қ.х. ерларидан тобора оқилона фойдаланилмоқда, атроф-муҳит ҳолати кўп шаҳар ва регионларда яхшиланмоқда, қазилма бойликларни нест-нобуд қилишга чек қўйилмоқда. 1991 й.да «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташкил этилган. Бу жамғарма Ўзбекистон ва умуман, бутун Марказий Осиё минтақаси геоэкологик ҳолатини яхшилашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилиш ва соғлом зурриётни сақлаб қолишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш. 1996 й. 27 дек.да Ўзбекистон Республикасида «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ундан мақсад атмосфера ҳавосини табиат комплексининг муҳим компоненти сифатида муҳофаза қилишдир. Қонуннинг вазифаси атмосфера ҳавоси

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

1996 й. 26 апр.да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади. Қўмита атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан назорат қилиш, табиати муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш, табиати муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни бошқариш вазифалари б-н шуғулланади. Халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорлик қилади. БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастурида иштирок этади.

таркибини сақлаш, турли хил кимёвий, биологик, физик ва б. таъсирларнинг олдини олиш, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг шу соҳадаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдир. Атроф-муҳитнинг экологик ҳолати ва ҳудудлар экологик мувозанатининг бузилиши кўп жиҳатдан атмосфера ҳавосининг таркибига ҳамда унинг турли и. ч. чиқиндилари таъсиридаги салбий ўзгаришларга боғлиқдир. Бу ўзгаришлар сайёравий, регионал ва маҳаллий миқёсда рўй беради. Ўзбекистон ҳудудининг ўзига хос табиий хусусиятлари уни экологик ҳўжалик р-нларига ажратишга ва ҳар бир р-н ер усти атмосфера ҳавосининг ифлосланиш потенциални аниқлашга имкон беради. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини бундай илмий башорат қилишда асосий шамолларнинг тақрорланиши, қанча вақт сурункали эсиши, турбулентлик коэффициенти ва б. хил кўрсаткичлардан фойдаланилди. Республика ҳудудида ер юзасида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш потенциали (АХИП) 2,4 дан 3,3 гача ўзгариши қайд қилинган (жадвалга қ.)

Табиий географик р-нлар бўйича	АХИП
Устюрт	2,4–2,7
Куйи Амударё	2,6–3,0
Кизилқум	2,7
Куйи Зарафшон	2,7–3,0
Чирчиқ – Оҳангарон	3,0–3,3
Мирзачўл	2,7–3,3
Фарғона водийси	3,0–3,3
Самарқанд р-ни	2,7–3,3
Қашқадарё ҳавзаси	2,7–3,3
Сурхондарё ҳавзаси	2,7–3,3

Чирчиқ – Оҳангарон ва Фарғона р-нларида атмосфера ҳавоси ифлосланиш даражасининг катталигига сабаб бу ердаги ҳудудий и. ч. мажмуалари нисбатан ривожланганлиги, автотранспорт ҳаракатининг кўплиги, кончилик саноатининг салбий таъсири ва қ.х.да зарарли кимёвий моддалардан кўпроқ фойдаланишдадир.

Атроф-муҳитнинг меъридан ортиқча ифлосланиши, айниқса, йирик шаҳарлар учун хос. Ўзбекистонда ер усти атмосфера ҳавосининг ифлосланиши 1983 й.да энг юқори даражага етиб, сўнгги йилларда аҳвол бирмунча яхшиланди. Саноат шаҳарларида ҳавони энг кўп ифлослантирувчи асосий моддалар олтингугурт II-оксиди, азот оксидидир. Атмосфера ҳавосини бузувчи бошқа омиллардан бири – автомобиль транспорти. Автотранспортни янги, экологик безарар ёқилги турларига ўтказиш, тежамли двигателларга ўтиш, кўчалар чеккаларига дарахтлар экиш атроф-муҳит ҳолатини яхшилашнинг муҳим масаласи бўлиб қолмоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, қишлоқ жойларда атмосфера ҳавосини ифлословчи асосий омил қ.х.да фойдаланиладиган турли хил учувчан кимёвий моддалар бўлса, йирик шаҳарларда шаҳар транспортидир. Тошкент ш.да атмосфера ҳавосининг ифлосланишида шаҳар транспортининг ҳиссаси 80%дан ортиқ. Саноат чиқиндилари нафақат атмосфера ҳавосини, балки сув, тупроқ, инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам маълум даражада зарар етказмоқда. Кейинги йилларда атмосфера ҳавосининг тозалиги устидан назоратнинг кучайтирилиши, корхоналарда технология жараёнларининг такомиллаштирилиши, ҳаво тозалогич мосламалардан кўпроқ фойдаланиш, мутахассислар экологик онги ва маъсулиятининг ошиши, «Экосан» халқаро экологик ва саломатлик жамғармасининг фаол сазй-ҳаракати натижасида ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Сувларни муҳофаза қилиш. Ўзбекистоннинг кургоқчил континентал иқлим-ли чўл, чала чўл ва тоғ олди даштлари кенг тарқалган шароитда сув муаммоси ҳамisha энг жиддий муаммо бўлиб келган. Сўнгги ярим асрда янги-янги чўл массивларининг деҳқончилик учун ўзлаштирилиши, мавжуд экин майлонларининг муттасил кенгайиши, янги-янги сув омборлари ва каналлар қурилиши б-н тобора оқар сувлар тақчиллигининг вужудга келиши ҳамда ифлосланиши кўплаб жиддий иқтисодий-ижтимоий ва геозкологик муаммоларни келтириб чиқарди. Хусусан, ер ости сув-

ларини муҳофаза қилишда жиддий муаммолар вужудга келди. Мас, Фарғона водийсининг айрим ҳудудларида сизот сувлар нефть б-н ифлосланган. Бу ҳолат тоза ичимлик ва технологик сув таъминоти учун жиддий хавфга айланди.

Коллектор-зовур шохобчаларидаги ифлосланган сувларнинг шўрлик ва минераллашганлик даражаси Оролбўйи, Бухоро воҳаси, Мирзачўл ва Фарғона водийсида тиббий-экологик жиҳатдан йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан 15 баравар ортди.

1960-й.лардан бошлаб, Ўрта Осиёнинг энг катта сув ҳавзаси – Орол денгизи тезлик б-н қурий бошлади. Унинг майдони 1960 й.да 66,3 минг км² бўлган бўлса, 2001 й.га келиб 21,1 минг км² га тушиб қолди. Сувининг шўрлиги шу давр ичида 12,2‰₀₀ дан 65,1‰₀₀ гача ошди. Денгиз остидан чиқиб қолган 45000 км³ дан ортиқ ер қумли ҳамда шўрроқ чўлга айланди. Шу тарзда Орол денгизи бўйида яна бир қуруқ чўл вужудга келиб, денгиз суви юзасининг қиққариши ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда. Орол бўйидаги табиий, геозкологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият ниҳоятда оғирлашиб, ҳақон жамоатчилигини ташвишга солган. Орол бўйида вужудга келган ноқулай геозкологик вазиятни бартараф этиш муаммоси вужудга келди. Орол денгизи ҳавзасининг геозкологик ҳолатининг ёмонлашгани фақат Ўзбекистон эмас, балки бутун дунё олдида турган энг долзарб геозкологик муаммодир. Шунинг учун бу масалани ҳал қилишда Марказий Осиё давлатлари, бошқа хорижий давлатлар кенг жамоатчилик, турли ташкилотлар б-н биргаликда фаолият кўрсатмоқдалар. Шу масала юзасидан 1993 й.да Тошкент ва Қизилўрда, 1994 й.да Нукус ш.даги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг юқори даражадаги учрашувида Орол денгизи ва унинг атрофидаги ҳудудлар геозкологик ҳолатини яхшилаш мақсадида Халқаро фонд ҳамда Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Унда Орол денгизи ҳавзасидаги геозкологик ҳолатни яхшилашга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

1993 й. 6 майда Ўзбекистонда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Унда сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб берилган.

Мутахассислар Ўрта Осиё шароитида экинларни суғоришга гектарга ўрта ҳисобда салкам 8–10 минг м³ сув сарфланиши мақсадга мувофиқ эканлигини

асослаб берганлар. Амалда эса Ўзбекистон ҳўжаликлариди 1960–90 й.лар мобайнида суғориладиган ҳар гектар экин майдонига 17,2 минг м³ сув сарфланган, яъни гектарига 7,3 минг м³ сув ортиқча сарфланиб исроф қилинган.

Лекин мустақиллик йилларида пахта экин майдонларининг қисқариши ва суғоришда тартиб ўрнатилиши натижасида ҳар бир гектар ерда суғоришга сарфланадиган сув миқдори анча камайди. Лекин айрим вилоятларда ҳали ҳам суғориш нормасидан анча кўп (Қашқадарё вилоятида ҳар гектар ерга 16 минг м³, Сирдарё вилоятида 18 минг м³) сув сарфланади.

Ўзбекистонда Орол ва унинг атрофи муаммосидан ташқари, оқар сувлар ва ер ости сувларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳам тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг икки асосий йўналиши, яъни сув ресурсларини тежаш ва уларнинг ифлосланиши ҳамда минераллашиш даражаси устидан назорат ўрнатиш бирдай муҳим муаммолардир. Сувлар сифатининг ёмонлашуви аксарият ҳолларда оқова, қайтарма ва саноат чиқинди сувларининг тоза сувларга қўшиб юборилиши б-н боғлиқ. Бинобарин, қайтарма ва оқова сувларни тозалаш долзарб вазифадир. Тозаланган бу сувлардан экин далаларини суғориш ва яйловларга сув чиқаришда фойдаланиш мумкин. Саноат қорхоналарини эса ай-

ланма сув таъминотига ўтказиш лозим: бунда қорхона ишлатилган сувни ўзига керакли даражада тозалаб, ундан қайта фойдаланади. Айрим кимё қорхоналарининг ҳоз. технология даражасида деярли тозалаб бўлмайдиган сувларини алоҳида ҳавзага йиғиб буғлатиб юбориш мақсадга мувофиқ. Ҳоз. вақтда мамлакатимизда шаҳарлардаги водопроводлар бир системали. Бунинг оқибатида ичишга ҳам, ювиниш, кир ювишга ҳам, ёзда сепиш ва суғоришга ҳам тозаланган сув сарфланади. Тоза сувни тежаш учун водопроводларни 2–3 системали фойдаланишга ўтказиш зарур.

Тупроқни муҳофаза қилиш. Ўзбекистон ҳўжалиги узоқ йиллар давомида асосан қ.х.га, I-навбатда, пахта хом ашёси етиштиришга ўта ихтисослаштирилиши натижасида обикор, яъни суғориладиган ерлардаги тупроқларнинг мелиорация ҳолати анча ёмон аҳволга тушиб қолди. Обикор ерларнинг асосий қисми чўл ва тоғ этаги чала чўлларида тарқалганлигидан уларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолатида шўрланиш кучайди.

1960–80 й.лар давомида шўрланган ва мелиоратив ҳолати ёмон ерларни кўплаб ўзлаштириш ҳисобига республикада шўрланган ерлар майдони ортиб, ҳоз. вақтда уларнинг умумий майд. 2,4 млн. гектарга етди. Бу ерларнинг ярмига яқини ўртача ва кучли даражада шўрланган. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё вилоятларининг ерлари деярли бутунлай шўрланган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса шўр босган ерлар 60–70%ни ташкил этади. Тупроқнинг асосий сифат кўрсаткичи ҳисобланган унумдорлик Сирдарё вилоятида 30–35% пасайиб кетган. Тупроқнинг и.ч. имкониятига путур етказувчи асосий салбий экологик омиллардан бири – сув ва шамол эрозиясидир. Шамол эрозияси, яъни тупроқни шамол учуриши рўй берадиган ерлар майд. 2,1 млн. гектарга, сув эрозияси таъсиридаги майдонлар эса 0,7 млн. гектарга тенг. Бу салбий жараёнлар Бухоро, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида айниқса кўп зарар келтиради. Мамлакатдаги 22 млн. гектар яйловларнинг 6 млн. гектари шамол, 3 млн. гектари эса сув эрозияси таъсиридадир.

ДДТ пестицидидан фойдаланиш 1983 й. тақиқланган, лекин ундан қ.х.да фойдаланиш 1990 й.гача давом этади. Ҳоз. вақтда унинг тупроқ таркибидаги миқдори анча камайган бўлишига қарамай йўл қўйиш мумкин бўлган миқдордан 2–3 баравар кўп. Кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ҳам жуда кам экологик

самара бериб келган; чунончи, фосфоркалийли кимёвий ўғитларнинг 30%, азотли ўғитларнинг эса 50%ни ўсимликлар ўзлаштира олмай, улар тупроқларни ифлослайди ёки ер усти ва ер ости сувларига ўтиб кетади.

Минерал ўғитларнинг кўплаб ишлатилиши ҳам тупроқнинг заҳарланишига, тупроқ микроорганизмларининг кўплаб қирилиб кетишига сабаб бўлди.

Тупроқлар структураси ва ҳосилдорлигини тиклаш, уларни минерал ўғитларни нормадан ортиқча ишлатиб заҳарламаслигининг асосий йўли деҳқончиликдаги анъанавий усуллар, яъни органик ўғитлардан тобора кенг фойдаланишга ва алмашлб экишга катта эътибор беришдан иборат.

Ўзбекистон тупроқлари экологик ҳолатининг ёмонлашишига ҳайдалма қатлам остида зич, берч қатламнинг вужудга келиши сабаб бўлади. Ҳар йили ерларни оғир тракторлар б-н бир хил чуқурликда, яъни 30 см гача қайта-қайта ҳайдаш зич, модда алмашинувида деярли имкон бермайдиган берч қатламни ҳосил қилади. Ерларни чуқур шудгорлашга (ҳайдашга) ўтиш тупроқларни муҳофаза қилишдаги энг истиқболли йўллардан биридир.

Тупроқлар заҳарланишининг олдини олишнинг асосий йўли эса заҳарли химикатлар – инсектицид, гербицид, пестицид ва дефолиантлардан кам фойдаланиб, экинлар зараркунандаларига қарши курашда биологик усулларни жадатлик б-н жорий этишдир. Минерал ўғитлардан, заҳарли химикатлардан метьёридан ортиқча фойдаланиш тупроқларнинг табиий йўл б-н тикланишига имкон берувчи микроорганизмлар, энг оддий (майда) организмлар, шунингдек, чумоли, чувалчанг, кемирувчиларнинг қирилиб кетишига олиб келади. Шунинг учун тупроқ тирик организмларининг қирилиб кетишига йўл қўймастик зарур.

Академик М. Муҳаммаджоновнинг маълумотларига кўра, заҳарланмаган I га ердаги чувалчанглар сони 5–6 млн.га етади. Бу жониворлар тупроқнинг она жинсини ва барча органик қолдиқларни қайта ишлаб беради, тупроқни ҳаводаги эркин кислород б-н бойитади, унда физиологик фаол моддалар ҳосил қилади, тупроқни юмшатади, ундаги кимёвий реакцияларга ижобий таъсир кўрсатади. Хуллас, чувалчанглар тупроқнинг сув, физик ва кимёвий режимига, унумдорлигига таъсир этиб, ўсимликлар ундан унумли фойдаланишига шароит яратади. Экологик жиҳатдан нибатан соф тупроқларда чувалчанглар йилига ўз ов-

Зомин халқ боғидаги арчазор.



қат ҳазм қилиш аъзолари орқати 300–400 тоннагача тупроқни ўтказиб, ҳар 8–10 йилда бутун ҳайдалма қатламни қайта ишлаб, гўё янгилайди.

Тупроқлар муҳофазаси б-н боғлиқ навбатдаги энг муҳим вазифа – тупроқлар эрозияси ва чўл чеккасидаги ерларда (воҳаларнинг чеккаларида) тупроқларни қум ва туз босишининг олдини олишдан иборат. Бунинг учун чўлдаги ўсимлик қопламини асраш, қумли тупроқларни ҳайдаганда унинг намлигига эътибор бериш, жўяқларни шамол йўналишига кўндаланг ўтказиш ва б. агро-техник қоидаларга амал қилиш зарур.

Ўсимликларни муҳофаза қилиш. Ўзбекистон ҳудудида чўл, адир, тоғ олди, тоғ ва баланд тоғ баландлик минтақалари ўсимлик қоплами тарқалган. Республика ҳудудида 4500 га яқин ўсимлик тури бўлиб, шундан 577 таси доривор, 103 таси буюқли ва 560 таси эфир мойли. Ўсимликларнинг 10–12%и муҳофазага муҳтож. Бундан ташқари мамлакатда, хусусан, Оролбўйида табиатни муҳофаза қилиш мақсадида ихота ўрмонлари бунёд этиш давом этмоқда.

Сўнги йилларда эса қурилиш материал сифатида фойдаланилувчи четдан келтирилладиган ёғочнинг кескин камайиши муносабати б-н теракзорлар бунёд этилмоқда.

Бундан 40–45 й. муқаддам текисликдаги дарё ва сойлар қайирлари анча зич тўқай ва қамишзорлар б-н қопланган бўлиб, тўқайларда турангил, тол, жийда, юлеун каби дарахт ва буталар қалин ўсган. Кейинги йилларда тўғон, сув омборлари ва каналлар қурилиши авж

олиб, дарё ҳамда сой сувлари кескин камайиши, сизот сувлар сатҳи тобора камайиб, уларнинг минераллашуви ва шўрлиги ортиши натижасида бу тўқайларнинг катта қисми қуриди (айниқса, Куйи Амударёда). Республика яйловларининг ҳоз. аҳволи ҳам анча ташвишлидир. Буларнинг асосий сабаблари – яйловлардан нотўғри фойдаланиш, тоғ олди ва чала чўл зонасидаги катта-катта майдонлар асоссиз равишда ҳайдалиб, экинлар экилганлиги, чўлда – саксовул, тоғларда – арча каби қимматбаҳо дарахт ва бута ўсимликларининг кўплаб кесилиб кетганлиги, яйловда кўй боқиш меъёрига амал қилмаслик, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, чўл зонасида янги-янги шаҳар ва йўллар қурилиб, янги конлар ишга туширилганлигидир.

Ўзбекистоннинг ўрмон фонди, асосан, тоғ ўрмонларидан иборат бўлиб, табиатни муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Улар ажойиб табиий манзара, ўзига хос соғлом микроқлим яратди, сувни сақлайди ва тупроқни эрозиядан асрайди, атроф-муҳитнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилайди.

Ўрмонлар республика майдонининг 5,1% ини ташкил этади. Кейинги 30–35 й. мобайнида экологик вазиятнинг ёмонлашуви сабабли Ўзбекистон «Қизил китоби»га 147 ўсимлик оиласи киритилди. Буларнинг кўпи қимматбаҳо доривор ўсимликлардир. Республикада 1997 й.да «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақида» қонун қабул қилинди.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш. Ўзбекистон ҳайвонлари ўсимликлар каби, 20-а.нинг 2-ярмида муҳофазага муҳтож бўлиб қолди. Бунинг асосий сабаблари – аҳоли ўз хўжалиги б-н барча зоналар ичига тобора чуқур кириб бориши, табиий ландшафтларнинг маданий ландшафтлар б-н алмашилиши, ҳайвонлар экологик муҳитининг тобора ёмонлашуви ва, ниҳоят, ҳайвонларни овлашнинг илмий асосланган тартибига қатъий риоя этмасликдир.



Муҳофазага олиingan тоғ эчкиси.

Табиий ва илмий манбаларда кўрсатилишича, ўтган асрнинг бошларида Фарбий Тяньшан тоғ тизмаларида, Жан. Ўзбекистоннинг Боботоғ, Кўхитантоғ, Бойсунтоғ, Ҳисор тизмаларида сони кескин камайиб кетган ҳайвонлардан илвирс, қоплон, Бухоро тоғ кўйи, кўк-суғур, қизил бўри, Тяньшан оқ тирноқли айиғи, йўл-йўл сиртлон, Туркистон сивовсини, тоғ кўйлари, Қизилқум кўйи ва б.ни тез-тез учратиш мумкин эди. Эндиликда бу ҳайвонларнинг аксарият қисми қуриқхоналарда махус кўпайтирилмоқда.

Ўтган асрнинг ўрталаригача кенг тарқалган қушлардан болтаютар, дашт лочини, пушти сақоқуш, бирқозон, жажжи оққуш, мармарчуррак оқбош, ўрақ, бургутнинг тўрт тури, қумой, қиронқора, лочин, итолги, бизгалдоқ жуда камайиб кетди. Кўплаб ҳайвонларнинг экологик макони бўлмиш текисликдаги тўқайларнинг ва тоғдаги ўрмонларнинг қисқариб кетиши ёввойи ҳайвонларнинг қирилиб кетишига олиб келди.

Ўлкадаги табиий экологик шароитнинг ёмонлашуви ва инсон омилининг бевосита таъсирида бир вақтлар табиатда эркин яшаган Турон йўлбарси, қизил тулқи, сиртлон, хачир каби ҳайвонлар бутунлай йўқолиб кетди. Ўрта Осиё қоплони, Олд Осиё қоплони, чипор сиртлон (пўлта), Устюрт кўйи, қора лайлак, тувалоқ, шипун оққуши, қум чарх илони, Ўрта Осиё кобриси, узундум бургут каби нодир ҳайвонлар бутунлай тугаб кетиш хавфи остида турибди. Устюрт кўйи, бурамашох кўй (морхўр), Ўрта Осиё қундузи, оққуш, йўрға тувалоқ, чипор калтакесак каби ҳайвонларнинг ҳам тугаб кетиш хавфи кучли. Кейинги вақтда афғон майнасининг кўпайиб кетиши оқибатида булбул, қалдирғоч, читтак, хатто чумчуқлар ҳам анча камайиб кетди.

1997 й.да Ўзбекистонда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақида» қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазир-



Оқбулоқдаги қайинзор.

лар Маҳкамасининг 1998 й. 1 апрелдаги қарори б-н «Биологик ранг-барангликни сақлашнинг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон «Қизил китоби»га умуртқали ҳайвонларнинг нодир ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган жами 63 тури ва кенжа тури киритилган бўлиб, улар орасида 22 тур сўт эмизувчи ҳайвон, 31 тур қуш, 5 тур судралиб юрвучи ҳайвон ва 5 тур балиқ бор.

Қўриқхона, миллий боғ ва буюртма қўриқхоналар. 1993 й. 7 майда Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида» қонуни қабул қилинди. Унда бундай ҳудудларни аниқлаш, уларни тартибга солиш, муҳофаза қилиш қонун-қоидалари қайд қилинган. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолишда, сонини кўпайтиришда қўриқхона, миллий боғ ва буюртма қўриқхоналар аҳамияти каттадир. Қўриқланадиган ерларнинг умумий майд. 2 млн. гектардан ортиқ. Мамлакатда 8 қўриқхона булиб, булар Зомин тоғ-ўрмон, Бадайтўқай, Қизилқум, Зарафшон, Сурхон, Ҳисор давлат қўриқхоналари, Чатқол биосфера, Китоб давлат геология қўриқхоналаридир. Бу қўриқхоналарда биоэкологик тадқиқотлар олиб борилади.

Қўриқхоналардан ташқари камайиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва тиклаш мақсадида 9 та буюртма қўриқхона барпо этилган. Булар Арнасой, Қоракўл, Сайғоқ, Судочье, Сармиш, Қорақир, Қарнобчўл, Қўшработ, Денгизкўл буюртма қўриқхоналари бўлиб, уларда қишлоғга учиб

келувчи йирик қушлардан – ўрдак, гоз, бирқозон, оққуш, сув қушларидан ўрдак, гоз, қоравой, фламинго (қизилгоз) ҳимоя остига олинган.

Алоҳида экологик, тарихий ва нафосат аҳамиятига эга бўлган, шу б-н бирга табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, илмий, маданий, маърифий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган алоҳида муҳофаза этиладиган объектларни ўзида қамраб олган миллий боғлар ҳам ташкил этилган. Бундай миллий боғлар ҳозир 2 та: Зомин миллий боғи (майд. 241,1 км²) б-н Угом-Чатқол миллий боғи (5745,9 км²) ажойиб иқлимли серманзара ландшафтлари аҳолининг дам олиб, хордиқ чиқариши, спорт туризми машғулоти учун жуда қулайдир. Унда баргли сийрак тоғ ўрмонлари, бутазорлар, арчазорлар, субальп ўтлоқлари табиий комплекслари ва уларда яшайдиган ноёб ҳайвонлар муҳофаза қилинади, илмий ишлар олиб борилади.

Табиат объектлари муҳофазаси. Табиатнинг ноёб, диққатга сазовор объектларига горлар, ажойиб шаклли қоялар, даралар, ер қатламлари очилиб қолган жойлар, шаршаралар, ўзига хос булоқлар, катта ёшли дарахтлар киритилади. Табиатнинг бундай объектлари илмий, рекреация, туризм, саёҳат, нафосат мақсадларида ўрганилади ва муҳофаза қилинади. Табиатнинг гўзал, ранг-баранг, ҳаво ва суви мусаффо, табиати шифобахш ландшафтлари ҳам махсус муҳофаза қилинади. Чунки бундай ландшафтларни асл ҳолида сақлаб қолиб, муҳофаза қилиш улардаги табиий жараёнлар ва экологик мувозанатнинг вақт

Табиат ёдгорлиги. «Динозаврлар жанги» қояси (Қоратепа тоғи).



Сайроб чинори.

давомидаги қонуний ўзгаришларини тадқиқ қилиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республика ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорлигини ҳисобга олган. Булардан 80 га яқини жонсиз табиат ёдгорликларидир. Жонсиз табиат ёдгорликлари орасида хилма-хил карст рельефи шакллари, шу жумладан, археологик аҳамиятга эга бўлган горлар ва унтурлар, шунингдек, нодир булоқлар, шаршаралар, илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган қоялар ва геологик очилмаларни муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Сайробидаги қадимий чинор, Бойсундаги Чорчинор, одамларнинг қад. аждоди топилган Тешиктош ғори, Хўжакентдаги қояга чизилган расмлар, Чинор, Амир Темур ғори, Қирққиз, Одамтош, «Динозаврлар жанги» қоялари ва б. шулар жумласидан. Уларнинг бетакрор, сеҳрли ва мафтункор манзаралари жиддий муҳофазага муҳтождир.

Ад.: Каримов И. А., Ўзбекистон буюк келажак сари, Т., 1998; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., 2003; Рафқов А. А., Геоэкологик муаммолар, Т., 1997; Тўхтаев Л., Ҳамидов А., Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш, Т., 1994; Фуломов П. Н., Инсон ва табиат, Т., 1990; Нифматов А. Н., Ўзбекистон Республикасининг экологик ҳуқуқи, Т., 2004.

Раҳмонбек Раҳимбеков, Потихамол Фузлов.

Зомин халқ боғи

Зомин халқ боғи 1976 й.да Жиззах вилоятининг Зомин туманида, Туркистон тоғи, қисман Молгузар тоғининг 1000–4030 м гача баландликларида ташкил этилган. Таркибига Зомин ўрмон хўжалигининг Зомин участкаси, Ўрмон хўжалиги ин-тининг Кўлсой таянч пункти, Зомин тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси кирган. Боғ майдонининг 55%ини арчазорлар ташкил этади. Доривор ўсимликларнинг 30 дан ортиқ тури аниқланган. Ҳайвонот дунёси боғнинг ландшафтига қараб мослашган, аммо уларнинг тарқалишида алоҳида чегара йўқ. Миллий боғда тоғ ўрмонларини ва арча биологиясини ўрганиш, арчазорларни кўпайтириш, ҳайвон ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш ишлари олиб борилади.

АҲОЛИСИ. ТИЛИ ВА ЁЗУВИ. ДИНИ

АҲОЛИСИ

Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси 26021,3 минг киши бўлиб, шаҳар аҳолиси 9441,9 минг, қишлоқ аҳолиси 16579,4 минг кишини ташкил этади (2005). Аҳоли зичлиги 1 км² га 58 киши. Ўзбекистонда Ўрта Осиёдаги жами аҳолининг 1/3 қисмидан купроғи яшайди.

Демографик ривожланиш тарихи. Ўрта Осиё ҳудудида яшаган ибтидоий одамларнинг қад. манзилгоҳлари қуйи палеолит даврига тўғри келади. Жез даврида Ўзбекистон ҳудудида чорвадор ва қисман деҳқончилик б-н шуғулланган қабилалар яшаган. Бу вақтда ибтидоий жамоа даври емирилиб, қабилалар ўртасида мулкрий муносабатлар вужудга келди.

Эрон шоҳи Дороти I нинг Биҳистун китобаларида ўзбек халқининг қад. аждолари — хоразмийлар, суғдийлар, саклар, бактрияликлар тўғрисида маълумотлар берилган. Юнон ва Рим тарихчилари Геродот, Страбон, Арриан ва Птолемей ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида яшаган саклар ҳақида маълумотлар қолдирганлар.

Ўзбекларнинг алоҳида элат бўлиб шаклланиши узоқ йиллар давомида содир бўлган этник жараёнлар маҳсулидир. Улар Ўрта Осиёнинг марказий вилоятлари Мовароуннаҳр, Хоразм, Еттисув, қисман Шарқий Туркистоннинг ғарбий минтақаларида шаклланган. Ўзбек халқининг асосини ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ўтrock яшаб, суғформа деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ б-н шуғулланиб келган маҳаллий аҳоли: суғдийлар, хоразмийлар, бахтарийлар, чорвадор сак-массагетлар каби этник гуруҳлар ташкил этган. Шунингдек, Жан. Сибирь, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Волга ва Урал дарёлари бўйларидан турли даврларда Мовароуннаҳрга кириб келган этник компонентлар ҳам ўзбек халқи этногенезида иштирок этганлар. Марказий Осиёнинг кенг ҳудудида яшаган бу эт-

нослар, асосан, туркий ва шарқий эроний тилларда сўзлашганлар.

Амударё ва Сирдарё ҳавзалари оралигининг ўтrock аҳолиси ва чорвадор қабилалар ва элатларнинг этник жиҳатдан дастлабки аралашуви жараёни натижасида ўтrock ҳаётга мослашган туркий ҳудудий майдон, ўзбек халқига хос антропологик қиёфа шаклланган.

Мил. ав. 3-а.да Сирдарёнинг ўрта оқимида *Қанг давлати* ҳукм сурган даврда Амударё ва Сирдарё оралиги ва унга туташ минтақаларда иқтисодий, сиёсий ва этномаданий алоқаларнинг тобора ривожланиб бориши натижасида туркийзабон этнослар устуворлик қилиб, ўзига хос уйғунлашган маданият юзага келади. Археологик ва тарихий мажмуаларда бу маданият «Қовунчи маданияти» номи б-н қайд этилган. Антрополог олимларнинг таъкидлашича, айнан шу даврларда Ўрта Осиёнинг водий ва воҳаларида яшовчи аҳолининг ташқи қиёфасида ҳоз. ўзбек ва воҳа тожикларига хос Ўрта Осиё икки дарё оралиги антропологик типни тўлиқ шаклланади.

Ўзбек халқининг этногенезида қатнашган навбатдаги этник компонентлар кушонлар ҳамда 4–5-а.ларда Ўрта Осиёнинг марказий вилоятларига Олтой, Жан. Сибирь ва Шарқий Туркистондан кириб келган хионий, кидарий ва эфталлийлардир. Шунингдек, ўзбеклар этногенезида Ўрта Осиёнинг марказий минтақалари (Тошкент воҳаси, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё водийлари ва Хоразм)га келиб ўтrockлашган туркий этник компонентлар фаол таъсир кўрсатади. Бу компонентлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги этномаданий муносабатларнинг ривожинатижасида янги қатлам маданий ютуқларининг маҳаллий маданий-хўжалик аъаналар б-н жадал уйғунлашуви юз берди. 7-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб ўлкамиз «Туркистон» номи б-н атала бошлаган.

8-а.да араб ва ажам халқларининг Ўрта Осиёга кириб келиши б-н маҳаллий аҳолининг этник таркибида маълум даражада ўзгаришлар содир бўлган бўлса-да, аммо минтақадаги этник жараёнларга кучли таъсир этмаган. Бу даврда Мовароуннаҳрдаги ўтrock ва ярим ўтrock туркийзабон аҳоли, суғдийлар ва Хоразмнинг туб ерли аҳолиси ўз ҳудудларида араблар ҳукмронлигида яшаганлар.

9–11-а.ларда Мовароуннаҳрда яхлит туркий қатлам, жонли туркий тил муҳити вужудга келиб, ўз навбатида суғдийлар ва б. маҳаллий этнослар б-н интеграциялашув жараёни жадаллашган. Бу даврда Мовароуннаҳр ва Хоразмда туркий этник қатлам кучли этник асосга эга бўлиб, бу қатлам асосининг аксарият кўпчилиги ўтrockлашган турғун туркий этнослардан иборат бўлган.

Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хоразмда сиёсий ҳокимият туркий сулолаларга ўтиши муносабати б-н содир бўлган этник жараёнлар ўзбек халқининг шаклланишида яқуний босқич бўлди. Айнан шу даврда ўзбек халқига хос элатни белгиловчи ҳудудий, маданий-маънавий умумийлик, этник ўзликни англаш маълум бир давлат доирасидаги этник уюшқоқлик, дин умумийлиги каби этник омиллар шаклланди. Бу даврда ўзбекларнинг умум элат тили қарор топди. Умуман олганда, элат шаклланишидаги муҳим аҳамиятта молик аксарият этник аломатлар шаклланиб етилади. Шундай қилиб, асрлар оша юртимизда кечган ўта мураккаб сиёсий вазиятда муттасил давом этган этник жараёнлар натижасида 11–12-а. бошларида ўзбек халқи шаклланди (яна қ. *Ўзбеклар*).

Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши 19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб подшо Россияси босиб олгандан сўнг кескин ўзгарди. Бу ҳолат аҳоли сони, миллий ва ёш-жинсий таркиби, кўпайиш суръатлари, жойлашиш хусусиятларида ўз

Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши ва зичлиги

Йиллар	Жами аҳоли, минг киши	Шу жумладан		Олдинги даврга нисбатан ўсиш, %			Аҳоли зичлиги, 1 км ² /киши
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	жами аҳоли	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	
1865	3320	466	2854	—	—	—	7,4
1897	3948	743	3205	118,9	159,4	112,3	8,8
1900	4016	816	3200	101,7	109,8	99,8	9,8
1924	4258	825	3433	106,0	101,1	107,3	9,5
1940	6551	1606	4945	153,8	194,7	144,0	14,6
1950	6194	1917	4277	94,5	119,4	86,5	13,8
1960	8395	2840	5555	135,5	148,1	129,9	18,8
1970	11799	4322	7477	140,5	152,2	134,6	26,4
1980	15757	6452	9305	133,5	149,3	124,4	35,2
1990	20222	8241	11981	128,3	127,7	127,8	45,0
1995	24462	8671	13791	111,1	105,2	115,1	50,0
2000	24488	9166	15322	109,0	105,7	111,1	54,5
2005	26021	9442	16579	106,3	103,0	108,2	58,0

аксини топди. Россиядан деҳқонлар кўчирилиб, Мирзачўлга жойлаштирилди, Шарқий Туркистондан уйғурлар кўчирилиб келтирилиб, республика шарқидаги тоғ водийларида улар учун жой ажратилди. 1897 й.да ўтказилган аҳоли рўйхатида мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида 3,9 млн. киши яшаган, шундан 19% шаҳар аҳолиси эди. Туб аҳолининг миграцион ҳаракатчанлиги ласт бўлган. Аҳолининг кўчиб келувчилар ҳисобига ўсиши подшо ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг натижаси эди. Шу сиёсат туфайли ўлкада янги-янги қишлоқ ва шаҳарчалар барпо этилди. Бироқ шунга қарамай 1865–1900 й.ларда аҳоли 0,6% га кўпайди. 20-а.нинг 1-чорагида ҳам аҳоли ўсишида сезиларли ўзгариш бўлмади. 1924–40 й.лар давомида Ўзбекистон аҳолиси 2,3 млн. кишига ошди, аҳолининг ўсиши йилига 3% га тенг бўлди.

2-жаҳон уруши Ўзбекистон аҳолисининг сонига, унинг таркиби ва жойлашувиغا ниҳоятда салбий таъсир кўрсатди. Уруш натижасида республика 1 млн.дан ортиқ аҳолисини йўқотди. Аҳолининг умумий сони 1940–45 й.ларда 6,6 млн. кишидан 5,2 млн. кишигача камайди.

Урушдан кейинги даврда аҳоли ўсиш суръатларида ижобий ўзгаришлар бўлди. Аҳолининг сони 5,2 млн.дан 8,4 млн.гача кўпайди. Бунда ҳам соф табиий кўпайишдан кўра четдан кўчириб келтирилган аҳолининг салмоғи катта бўлди. 20-а.нинг 60–80-й.ларида республика аҳолиси таркибида ўзбекларнинг сони мунтазам равишда юқори суръатлар б-н кўпайиб борди. 1989 й.да ўзбеклар салмоғи республика аҳолисининг таркибида 71,4% ни ташкил этган.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиши унинг демографик тарихида мазмунан янгича босқичга ўтиши тақозо этди. Республикада бозор муносабатларининг шаклланиши

Катта хонадон.

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий шароитларнинг ўзгариши натижасида янги демографик жараён бошланди: туғилиш кескин камайди, мамлакатдаги славян халқлар, яҳудий, месхети турк, грек, украин, немис ва б. халқларнинг маълум қисми ўз тарихий юрталари ва б. хорижий давлатларга кўчиб кетди. Энг катта манфий миграция сальдоси 1990 й.да кузатилиб, 181,2 минг кишини ташкил этди. Мазкур демографик жараёнлар Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш суръатларини қисқаришига олиб келди. Кейинги 15 й. давомида республика аҳолиси 4,8 млн.га кўпайди, ўсиш суръати 1,8%ни, ўртача йиллик мутлақ кўпайиш сони 400 минг кишини ташкил қилди.

Аҳолининг жойлашиши ва зичлиги. Республика аҳолиси, асосан, қадимдан ўзлаштирилган, сугорма деҳқончилик учун шароит қулай бўлган воҳа ва водийларда зич жойлашган.

Мирзачўл, Сурхон-Шеробод, Қарши, Марказий Фарғона, Эликқалъа чўллари ўзлаштириш натижасида ҳамда турли қазилма бойликлар конларини то-

пиш асосида вужудга келган шаҳар ва шаҳарчалар ҳам аҳолининг ҳудудий таркибига ўзгартиришлар киритди. Бироқ янги аҳоли манзиллари аҳолининг асрлар давомида таркиб топган ҳудудий шакллари катта ўзгаришлар кирита олмади. Аҳолининг асосий қисми туғилиб ўсган жойида истиқомат қилади. Бундан чўл минтақаларида яшовчи аҳоли мустасно. Шу б-н бирга шаҳарлар тармоғидаги ўзгаришлар аҳолисининг динамикаси ва жойлашишига катта таъсир қилди. Кейинги йилларда уларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. 1990–2005 й.ларда мамлакат аҳолисининг ўсиш суръати пасайиб бораётган даврда баъзи вилоятларда бу жараён секинроқ кечди.

Ўзбекистонда демографик вазиятнинг энг муҳим хусусиятлари – аҳоли ўсиш суръатларининг пасайиб бориши; аҳоли табиий кўпайиш кўрсаткичининг камайиши; ташқи миграция натижаларининг манфийлашуви; шаҳар аҳолисининг суст ўсиши ва б. Мамлакатнинг шаҳар аҳолиси ниҳоятда нотекис жойлашган бўлиб, асосий қисми Тошкент ш.га тўғри келади. Бироқ Тошкент ш. аҳолиси сўнгги йилларда деярли ўсмади, натижада унинг Ўзбекистон аҳолиси таркибидаги улуши 1990 й.даги 10,5%дан 8,2% га тушиб қолди. Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг демографик салоҳияти пасайди. Жиззах вилоятида ўзгармади, қолган ҳудудларда эса ошди. Ҳоз. кунда Ўзбекистон аҳолисининг 16,4% Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади. Хоразм, Наманган ва Самарқанд вилоятларида ҳам бироз ўсиш бўлди.



2 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳудудий таркиби

	1990		2005		Зичлиги, 1 км ² /киши
	минг киши	%	минг киши	%	
Ўзбекистон Республикаси	20222	100,0	26021	100,0	58,0
Қорақалпоғистон Республикаси	1242	6,1	1570	6,0	9,4
Тошкент ш.	2134	10,5	2138	8,2	—
Вилоятлар:					
Андижон	1755	8,7	2343	9,0	552,5
Бухоро	1167	5,8	1508	5,8	37,4
Жиззах	772	3,8	1043	4,1	50,9
Навобий	671	3,3	810	3,1	7,3
Наманган	1508	7,4	2073	8,0	278,6
Самарқанд	2155	10,7	2867	11,0	171,0
Сирдарё	554	2,7	672	2,6	149,4
Сурхондарё	1289	6,4	1895	7,3	94,3
Тошкент	2119	10,5	2452	9,4	157,3
Фарғона	2176	10,8	2841	10,9	420,3
Хоразм	1037	5,2	1433	5,5	236,8
Қашқадарё	1644	8,1	2378	9,1	83,2

1991–2005 й.ларда Ўзбекистон вилоятлари бўйича шаҳар аҳолисининг ўсишида сезиларли даражада номутаносиблик кузатилди. Бу йилларда республика шаҳарлари аҳолисининг ўсиш суръати 0,9% бўлиб, бу кўрсаткич Сурхондарёда 3,2%; Жиззахда 2,8%; Сирдарёда 0,6%; Бухорода 0,7%; Хоразмда 0,8% ва Тошкент вилоятида 0,2% ни ташкил этди.

Юқоридаги ўзгаришларга қарамай, республика аҳолисининг ҳудудий мужасамлашуви даражаси ҳамон Фарғона ва Тошкент иқтисодий р-нларида юқори. Фарғона водийсига мамлакат аҳолисининг 28%, Тошкент ш. ва вилоятига 18% тўғри келади. Аҳоли зичлиги 1 км² га 58 киши бўлиб, бу кўрсаткич мамлакат миқёсида 70 қаррага фарқ қилади ёки бошқача айтганда, 7,3 кишидан (Навобий вилояти) 552,5 (Андижон вилояти) кишигача етади. Фарғона, Наманган, Хоразм вилоятларида аҳоли жуда зич, Қаш-

қадарё, Жиззах, Бухоро вилоятларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида зичлик кўрсаткичи анча паст (2-жадвалга қ.).

Ўзбекистон Республикаси жами аҳолисининг 36,3% шаҳарларда, қолган қисми қишлоқларда яшайди. Сўнгги йилларда урбанизация даражасининг пасайиб бориши ва қишлоқ аҳолисининг ўсиши кузатилмоқда. 2-жадвалда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг динамикаси келтирилган.

Аҳолининг табиий кўпайиши. Ўзбекистонда аҳоли табиий кўпайишига оид муфассалроқ маълумотлар 19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб мавжуд. Аҳолининг табиий кўпайиши 1-навбатда туғилишга боғлиқ. Республикада 19-а. охири — 20-а. бошларида туғилиш даражаси юқори бўлган. 1865–1917 й.ларда туғилишнинг умумий коэффициенти (ҳар 1000 кишига нисбатан туғилганлар сони) 5–50%ни ташкил этган. Туғилиш о-

логик имконият даражасида бўлган, оилада фарзандлар туғилиши чекланмаган. Бунинг асосий омиллари ўзбек аёлларининг ижтимоий и.ч. да жуда кам иштироки, маълумотлилиқ даражасининг пастлиги, туғилишни қўллаб-қувватловчи урф-одат ва қадриятлар таъсирининг нисбатан юқорилиги, гўдаклар ўлимининг кўплигидир.

Ўша даврда аҳоли ўртасида ўлим ҳоллари ҳам юқори бўлган. 1886–1900 й.ларда Ўзбекистон ҳудудида 1000 та аҳолига нисбатан ўртача 49,8 га бола туғилган бўлса, ўлганлар сони (ҳар 1000 киши ҳисобига) 44,8 га тенг эди. Демак, ўша даврда ўзбек оилаларида туғилиш юқори бўлишига қарамай аҳоли ўртасида ўлимнинг кўплиги, ўртача умр кўриш даври жуда қисқа бўлгани (32 ёш) туфайли аҳолининг табиий кўпайиши суст кетган. Бошқача айтганда, юқори туғилиш юқори табиий ўсишни таъминлай олмасди, туғилишнинг «фойдалилик» даражаси паст бўлган. Мазкур далиллар Ўзбекистон аҳолисининг табиий кўпай-

Янги авлод.



3 - жадвал

Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг сони (минг киши)

	1979		1990		2000		2005			
	шаҳар	қишлоқ	шаҳар	қишлоқ	шаҳар	қишлоқ	шаҳар	қишлоқ		
Ўзбекистон Республикаси	3648	9043	8241	11981	8671	13791	9166	15322	9442	16579
Қорақалпоғистон Республикаси	382	520	596	646	674	720	724	779	765	805
Тошкент ш.	1798	—	2134	—	2097	—	2142	—	2136	—
Вилоятлар:										
Андижон	387	962	568	1186	597	1390	658	1529	694	1649
Бухоро	292	594	404	763	429	882	441	979	448	1059
Жиззах	140	371	223	550	278	607	295	680	313	730
Навобий	209	292	277	394	292	440	317	467	322	489
Наманган	378	722	577	932	657	1078	723	1202	774	1300
Самарқанд	691	968	672	1483	698	1725	724	1946	737	2130
Сирдарё	141	308	193	361	200	403	206	436	210	462
Сурхондарё	172	723	248	1040	317	1215	345	1392	366	1529
Тошкент	760	1019	941	1178	929	1291	950	1401	966	1486
Фарғона	565	1129	692	1485	718	1715	776	1888	802	2039
Хоразм	150	597	284	753	296	900	315	1009	321	1112
Қашқадарё	283	838	433	1210	489	1426	551	1616	589	1789

Ўзбекистон регионларида туғилиш ва табиий кўпайиш курсаткичлари (2003)

	Аҳоли сони		Туғилиш			Табиий кўпайиш		
	минг киши	фоизда	минг киши	фоизда	1000 кишига	минг киши	фоизда	1000 кишига
Ўзбекистон Республикаси	25707,4	100,0	508,5	100,0	19,8	372,5	100,0	14,5
Қорақалпоғистон Республикаси	1560,3	6,0	32,2	6,4	20,6	23,5	6,3	15,0
Тошкент ш.	2135,4	8,3	31,2	6,1	14,5	13,2	3,5	6,2
Вилоятлар:								
Тошкент	2430,4	9,5	43,5	8,6	17,9	27,9	7,5	11,5
Андижон	2309,1	9,0	43,0	8,5	18,7	31,1	8,3	13,5
Наманган	2042,5	7,9	40,6	8,0	20,0	30,5	8,2	15,0
Фарғона	2799,2	10,9	52,5	10,3	18,8	37,9	10,2	13,6
Самарқанд	2826,1	11,0	60,4	11,9	21,4	46,6	12,5	16,5
Бухоро	1490,1	5,8	28,0	5,5	18,8	21,1	5,7	14,2
Навоий	804,2	3,2	15,2	3,0	18,9	11,2	3,0	13,9
Сирдарё	668,5	2,6	13,7	2,7	20,5	10,2	2,7	15,3
Жиззах	1030,7	4,0	24,4	4,8	21,8	18,1	4,9	17,6
Хоразм	1410,3	5,5	29,2	5,7	20,8	22,2	6,0	15,8
Қашқадарё	2336,4	9,1	54,6	10,7	22,9	45,0	12,1	19,4
Сурхондарё	1864,2	7,2	41,7	8,2	22,5	33,7	9,0	18,2

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг табиий кўпайиш коэффициентлари (минг киши ҳисобига, ‰)

Йиллар	Жами аҳолиси			Шаҳар аҳолиси			Қишлоқ аҳолиси		
	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш	туғилиш	ўлим	табиий кўпайиш
1991	34,5	6,2	28,3	26,2	7,0	19,2	38,4	6,2	32,2
1994	29,4	6,6	22,8	23,2	7,3	15,9	33,3	6,2	27,1
1997	25,5	5,8	19,7	20,8	6,9	13,9	28,4	5,2	23,2
2000	21,3	5,5	15,8	17,7	6,6	11,1	23,5	4,8	18,7
2001	20,4	5,3	15,1	17,1	6,4	10,7	22,4	4,6	17,8
2002	21,0	5,4	15,6	17,4	6,6	10,8	23,1	4,7	18,4
2003	19,8	5,3	14,5	16,5	0,4	10,1	21,7	4,7	17,0

иши 19-а. охири – 20-а. бошларида Европа халқларидан 3,5 баробар кам бўлганини кўрсатади. Натижада аҳоли сонининг ўсиши жуда секин кечган. 1885–1917 й.ларда Ўзбекистон аҳолиси 3320 мингдан 4052 мингга етди ёки аҳолининг сони ҳар йили ўртача 0,6% атрофида ўсди.

Бу кўрсаткич ҳозирга қараганда 3,1 марта кам, чунки 1991–2000 й.ларда Ўзбекистон аҳолиси йилига 1,9% дан кўпайди.

1939–2004 й.лар, яъни 65 йил мобайнида республика аҳолиси 4,0 марта кўпайган бўлса, бу кўрсаткич шаҳар жойларда 6,4 ва қишлоқларда 3,3 марта ташкил этган. Албатта, кўрилаётган даврнинг турли орилиқларида ва қишлоқ ҳамда шаҳар жойларда аҳоли сонининг кўпайиш суръати турлича бўлган. Жумладан, 1939–59 й.ларда жами аҳоли 127,9% га, шаҳар аҳолиси 185,6% ва қишлоқ аҳолиси 108,5%га ўсган. 1959–70 й.ларда республика жами аҳолиси 145,3%га, шаҳар аҳолиси 158,4% ва қишлоқ аҳолиси 141,3%га ўсган, ўртача бир йиллик кўпайиш 3,45, 4,25 ва 3,20 %ни ташкил этган. Айнан шу йиллар

Ўзбекистон ўзининг тарихий демографик ривожланишининг энг юқори кўрсаткичларига эришган.

Ундан кейинги йилларда аҳоли сонининг ўсиши бироз сусайган, бироқ шаҳар аҳолисининг қишлоқ аҳолисига нисбатан тезроқ кўпайиш жараёни сақланиб қолган. Мас., 1970–79 й.ларда шаҳар аҳолиси 146,9%га, қишлоқ аҳолиси 120,9% ва жами аҳоли сони 130,4%га ортган. 1979–89 й.лар мобайнида шаҳар аҳолиси 126,7 ва қишлоқ аҳолиси 130,1%га ўсган. Кўриниб турибдики, бу даврдан республика қишлоқ жойлари-

нинг демографик ривожланиши шаҳар ва шаҳарчаларга қараганда устунроқ бўлган. Урбанизация жараёнининг бундай заифлашуви ўтган асрнинг 80-й.ларининг 2-ярмидан бошланган. 1984 й.да шаҳар аҳолисининг улуши 42%гача кўтарилган ва шундан сўнг у аста-секин камайиб борган.

Сунгги йилларда республика умумий аҳолиси кўпайиш суръатининг пасайиши ва қишлоқ аҳолисининг шаҳарликларга нисбатан тезроқ ўсиш жараёни кузатишмоқда. Айни пайтда шаҳар аҳолисининг кўпайиш суръати энг паст даражага тушиб қолган (1,05%). 2000–05 й.ларда аҳолининг ўртача ўсиш суръати 1,2% ни ташкил этди ва ўртача йиллик мутлақ сонининг ўсиши 310,4 минг кишига тушди. Мазкур даврда қишлоқ аҳолиси 4,4 млн.га, шаҳар аҳолиси 1 млн.га кўпайган. Бунинг натижасида шаҳар аҳолисининг салмоғи 40,4% дан 35,9% га тушиб қолди.

Туғилиш ва табиий кўпайиш коэффициентлари бўйича республика вилоятларининг қишлоқ аҳолисини мутаносиб равишда 2 гуруҳга ажратиш мумкин: биринчисига туғилиш даражаси

Ўзбекистонда туғилишнинг умумий коэффициентни

Йиллар	Ҳар 1000 киши ҳисобига туғилганлар сони (ўртача)		
	Республика бўйича	Шаҳарларда	Қишлоқларда
1991	34,5	26,7	39,8
1994	29,4	23,2	33,3
1997	25,5	20,8	28,4
2000	21,3	17,7	23,5
2003	19,8	16,5	21,7
2005	20,5	17,3	22,1

(20–22‰) ва табиий кўпайиш даражаси (14–17‰) ўртача бўлган 8 та вилоят (Бухоро, Андижон, Навоий, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм, Тошкент) киради. Туғилиш (23–24‰) ва табиий кўпайиш даражаси (18–19‰) нисбатан юқори бўлган иккинчи гуруҳга Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради. Шаҳар аҳолиси ичида ўртача туғилиш даражаси (16–20‰) 8 та вилоятда кузатишмоқда. Наманган вилоятида шаҳар аҳолисининг туғилиши нисбатан юқори (20,2‰). Шаҳар аҳолиси ичида туғилиш даражаси паст бўлган (16‰) 4 вилоят мавжуд. Булар Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари.

1991 й.да Ўзбекистонда янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди ва бу ўзгаришлар I-навбатда унинг демографик вазиятига ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистонда туғилиш жараёнининг нисбатан юқорилигининг асосий сабабларидан бири оила қадриятлари ҳамда никоҳдан ўтиш жараёнининг юқорилигидир. Мас., 2005 й. ҳар 1000 кишига шаҳарларда 7,0 никоҳ тўғри келган бўлса, ажралиш кўрсаткичи 0,6 га тенг бўлди. 1991–2004 й.ларда Ўзбекистонда ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сони 34,5 дан 22,3 гача ёки 1,2 пунктга қисқарди. 2005 й.да аҳоли 292,1 минг кишига ёки 2004 й.дагига нисбатан 1,1 % га кўпайди.

Ўзбекистонда туғиш ёши коэффициентлари ҳам қисқармоқда. Туғилган болаларнинг асосий қисми нисбатан ёш аёлларга тўғри келади. Бу ҳолат сўнгги йилларда янада барқарорлашди.

Республикада 1980–1995 й.ларда ўлим коэффициенти 7,5 промилледан 6,4 промиллегача қисқарди. Бу жараён, асосан, гўдақлар, болалар ва ўрта ёшдаги кишилар ўртасида ўлим даражасининг камайиши б-н боғлиқ. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши I-навбатда аҳоли ўлимининг кескин камайишига олиб келди. Агар 1886–1920 й.ларда Ўзбекистонда ҳар 1000 киши ҳисобига ўлганлар сони 40–34 кишини ташкил этган бўлса, 1920 й.дан кейин бу кўрсаткич 5–6 баробарга камайган. Республика шаҳар ҳудудларида аҳоли ўлими қишлоқ жойларга нисбатан юқоридир. Бунга сабаб экологик вазиятдаги ўзгаришлар, шаҳар турмуш тарзидир. Саноат ривожланган Тошкент ш.да аҳоли ўлими энг юқори. Ўлганлар сони 2005 й.да 2004 й.га нисбатан 6,6 % га ёки 8,6 минг кишига ошди. Гўдақ-



Қосқоқлар давраси.

лар ўлими коэффициенти эса 2004 й.даги 15,4‰ дан 14,3‰ га камайди.

Аҳоли миграцияси. Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўзгаришида миграциянинг аҳамияти катта бўлган. Ўзбекистоннинг Подшо Россияси томонидан босиб олиниши натижасида бу ерга жуда кўп оилалар кўчиб келган. Уларга кўчиб келиш ва жойлашишда кенг имтиёзлар берилди, табиий-иқлим шароитлари қулай бўлган жойлардан ер ажратилди.

19-а.нинг сўнгги 35 йили давомида Ўзбекистонга Россиядан жами 70–75 минг ёки йилига ўртача 2 мингдан ортиқ киши кўчиб келган. Кўчиб келганларнинг аксарияти шаҳарларда, жумладан Тошкентда жойлашди. 20-а. бошларида кўчиб келувчилар салмоғи янада ошган. Мирзачўлни ўзлаштириш учун, кейинроқ т.й.лар қурилиши, саноат корхоналарининг барпо этилиши муносабати б-н Россиядан оилаларнинг кўчиб келиши натижасида миграция оқими кучли бўлган. Айниқса, Тошкент зилзиласи (1966) дан сўнг ташқи миграция янада кучайган, пойтахт аҳолиси тез кўпайган.

Мамлакатда йирик саноат марказлари бўлган Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Навоий, Зарафшон, Оҳангарон, Фарғона, Бекобод ш.лари аҳолиси кўп жиҳатдан бу ерга кўчиб келганлар асосида ўсиб борди.

Умуман олганда, ташқи миграциянинг Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсишидаги ҳиссаси турли йилларда турлича бўлган. Мас., 1895–1900 й.ларда миграция қолдиги жами аҳоли кўпайишининг 10–12%ни ташкил этган. Мазкур омилнинг роли 20-а.нинг бошларида ҳам сезиларли бўлган: ўртача бир йилда кўпайган ҳар 10 кишидан биттаси ташқи миграция ҳисобига тўғри келган.

1917–24 ва 2-жаҳон уруши йилларида миграция қолдиги республика учун манфий натижага эга бўлган. Қолган йилларда, айниқса, урушдан кейинги 5 йилликда четдан кўчиб келганлар сони кетганларга қараганда анча кўп бўлган. Айнан шу йилларда ташқи миграция Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўртача йиллик кўпайишининг тахм. 1/3 қисмини ташкил этган. 1950–74 й.ларда республикалараро миграция қолдиги Ўзбекистонда 832,5 минг кишига тенг бўлди.

Ташқи миграциянинг манфийлашув аломатлари 20-а.нинг 80-й.ларида юзага келди. 1989 й. республикага 83,9 минг киши кўчиб келган бўлса, 167,3 минг киши кўчиб кетди. Миграциянинг манфий қолдиги 83,4 минг кишини ташкил этди.

Мустақиллик йилларида русийзабон халқларнинг ўз юртларига қайтиб кетиши натижасида ташқи миграциянинг манфийлашув аломатлари анча сезиларли тус олди. Аҳолининг республикадан кўчиб кетиши 1990 й.да ўзининг энг юқори чўққисига чикди. Ўша йили давлат органлари томонидан расмий равишда қайд қилинган миграциянинг манфий қолдиги – 140 минг кишини ташкил қилди. Кейинги йилларда у аста-секин камайиб борди. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси—ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ ва туркманларнинг миграция воситасида ўзларининг мустақил республикаларига кўчиб кетишлари ҳам республикалараро миграцион алоқаларнинг 1991–94 й.лардаги асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Мас., 1996–2003 й.лар мобайнида миграция туфайли ЎзР аҳолиси 531 минг кишига камайган.

7 - жадвал

Ўзбекистонда ташқи миграция (минг киши)

Йиллар	Келганлар	Кетганлар	Миграция қолдиғи (+,-)
1996	148,6	198,9	-50,3
1997	146,6	195,0	-48,4
1998	143,3	193,3	-50,0
1999	162,5	224,7	-62,1
2000	145,9	212,5	-66,6
2001	151,8	229,6	-77,8
2002	152,8	236,1	-83,3
2003	139,7	232,7	-93,0

Ўзбекистон аҳолиси фақат табиий кўпайиш ҳисобига бир йилда 370—400 минг кишига ортиши лозим, бироқ миграция қолдиғи манфий бўлганлиги сабабли бу кўрсаткич 300 минг киши атрафида бўлган.

Ташқи миграция аввало шаҳар аҳолиси динамикасига таъсир этади. Чунки мамлакатга келганларнинг ҳам, кетганларнинг ҳам кўпчилиги шаҳарлар б-н боғланган. Ўтган асрнинг 50—70-й.ларида Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг жадал ўсиши ҳам кўп жиҳатдан шу омилга боғлиқ бўлди. Кейинги йилларда урбанизация даражасининг сустлашуви ҳам шунинг таъсирида юзага келди. Маълумотларга кўра, шаҳар жойларда ташқи миграция қолдиғи 1996—2003 й.ларда тахм. 40—50 минг киши, қишлоқларда эса 20—30 минг кишини ташкил этди. (қ. 7-,8-жадваллар).

2005 й.да миграция қолдиғи манфий 107,0 минг кишини ташкил этди.


Миграция қолдиғи Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ҳамда Тошкент ш.да нисбатан юқори кўрсаткичга эга. Айни вақтда, Андижон, Наманган, Хоразм вилоятларида миграция айланмаси манфий бўлса-да, у аҳоли сони-

нинг умумий ўсиш кўрсаткичларига кучли таъсир этмаган. Миграцияда қатнашганларнинг жами ҳажмида Россия ҳиссасига 50,9%, Украинага 12,9%, Қозоғистонга 10,9%, Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатларига 13,2% тўғри келади.

Ўзбекистонда ички миграция ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Ўтган асрнинг 60—70-й.ларида Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши муносабати б-н бу ерга Фарғона водийси ҳамда Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларидан маълум қисм аҳоли кўчиб келган. Шунингдек, Қарши, Сурхон-Шеробод даштларининг ўзлаштирилиши б-н ҳам аҳолининг ички миграцияси боғлиқ бўлди. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари Фарғона водийсидаги янги ташкил этилган қишлоқ туманлари аҳолиси, асосан, миграция натижасида шаклланган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ички миграция ҳаракатларининг пасайиши кузатилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларидаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнидир. Аҳолининг иш б-н таъминланганлик даражасига мамлакатдаги ички миграция оқимлари ҳам бевосита таъсир кўрсатади. 1980—2003 й.ларда республика ички миграция ҳажми 461,8 минг кишидан 250 минггача, вилоятлар ичидаги миграция ҳам бу даврда 253,6 минг кишидан 138,0 мингга, яъни 118,6 минг кишига, вилоятлараро миграция ҳажми 208,2 минг кишидан 115,0 мингга, яъни 93,2 минг кишига камайди.

Оролбўйида экологик вазиятнинг салбийлашуви сабабли 1990-й.ларда Қорақалпоғистон Республикасининг



Ўзбекистон аҳолисининг тадрижий ўсиши (минг киши).

баъзи туманларидан Тошкент ва Сирдарё вилоятларига аҳолининг кўчиб келиши кузатилди.

Урбанизация. Ўзбекистон жаҳоннинг илк урбанизация ўчоқларидан бири. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Термиз, Қарши ва Шаҳрисабз ш.лари 2000—2700 йиллик тарихга эга. Мамлакатнинг турли ҳудудларида топилган шаҳарлар қолдиқлари (Афросиёб, Аҳси, Поп, Насаф, Кеш, Пойкенд ва б.) ҳам бу ерда урбанизациянинг қадимдан ривожланиб келганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда 120 та шаҳар ва 117 та шаҳарча мавжуд бўлиб, уларда 9442 минг киши ёки мамлакат жами аҳолисининг 36,3% яшайди.

Шаҳар аҳолиси 1865—1917 й.ларда паст суръатлар б-н кўпайди. 20-а.нинг бошларида шаҳар аҳолиси сиёсий вазиятнинг

8 - жадвал

Ўзбекистон Республикасида миграция қолдиғи (ҳар 1000 кишига нисбатан)

	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
Ўзбекистон Республикаси	-2,2	-2,0	-2,1	-2,5	-2,7	-3,1	-3,3	-3,6
Қорақалпоғистон Республикаси	-4,0	-3,4	-3,2	-1,8	-2,6	-7,3	-8,5	-9,5
Тошкент ш.	-1,1	-7,3	-7,3	0,4	-8,1	-8,1	-6,4	-8,0
Вилоятлар:								
Андижон	-1,5	-1,3	-1,2	-0,9	-0,9	-0,9	-0,8	-0,8
Бухоро	-2,2	-2,1	-2,0	-2,4	-2,5	-3,0	-3,4	-3,3
Жиззах	-4,7	-4,2	-4,5	-3,5	-3,1	-5,0	-5,4	-6,7
Навоий	-1,7	-3,7	-5,0	-4,7	-4,1	-8,2	-9,3	-8,3
Наманган	-1,3	-1,3	-0,8	-0,7	-1,0	-0,9	-1,1	-0,9
Самарқанд	-2,6	-2,7	-2,6	-3,1	-2,7	-3,0	-3,6	-3,4
Сирдарё	-5,6	-4,9	-5,1	-6,4	-4,8	-5,1	-7,1	-8,7
Сурхондарё	-1,5	-1,6	-1,6	-1,3	-1,7	-1,8	-1,8	-2,1
Тошкент	-3,6	-3,1	-3,9	-2,8	-3,6	-3,3	-3,5	-3,9
Фарғона	-1,7	-1,4	-1,9	-2,0	-2,1	-1,9	-1,8	-1,6
Хоразм	-0,5	-0,6	-0,9	-0,9	-0,7	-1,0	-1,6	-2,1
Қашқадарё	-1,3	-1,5	-1,5	-1,5	-1,2	-1,1	-1,3	-1,4

барқарорлашуви натижасида нотекис ўсди. Бунга, албатта, 1924 й.да амалга оширилган Ўрта Осиёнинг миллий-маъмурий қайта бўлиниши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1926–40 й.ларда шаҳар тармоғи ва шаҳар аҳолисининг сониди катта ўзгаришлар бўлди. Индустрлаштириш шиори остида ўтказилган талбирлар 12 шаҳар қаторига янги шаҳарчаларнинг қўшилишига, шаҳар аҳолисининг эса тез кўпайишига сабаб бўлди.

2-жаҳон уруши йилларида Ўзбекистоннинг жами аҳолиси 1,5 млн.га камайди, бунда шаҳар аҳолисининг салмоғи анча кам. Бунинг сабаби фронтга қурол-аслаҳа ва б. маҳсулотлар етказиб берувчи шаҳарларнинг имтиёзлар б-н таъминланиши, иккинчи сабаби фронт олдидаги корхоналарнинг аксари қисми ишчилар б-н бирга шарққа, жумладан, Ўзбекистон шаҳарларига кўчирилишди. Уруш натижасида 1 млн. туб аҳолисини йўқотган республика 1 млн. дан ортиқ европаликларга эга бўлди, бу ҳолат эса сиёсий ва демографик вазиятга ўз таъсирини кўрсатди. Урушдан кейинги «демографик компенсация» даврида шаҳар аҳолиси тез суръатлар б-н кўпайди.

Шаҳар аҳолиси, айниқса, 1973–86 й.ларда тез кўпайган. Бунга 1972 й.да Ўзбекистонда аҳоли яшайдиган жойларга шаҳар мақомини бериш учун зарур бўлган демографик меъёрнинг ўзгариши, яъни аҳоли сонининг 10 мингдан 7 минг кишига туширилиши сабаб бўлди. Натижада бир йилда ўнга яқин қишлоқлар шаҳар тоифасига ўтказилди. Мас., 1970 й.да республикада 42 та шаҳар бўлган бўлса, улар қаторига 1973 й.да 13 та, 1974 й.да 9 та, 1975 й.да 5 та, 1976 й.да 6 та, 1977 й.да 5 та «янги шаҳар» қўшилди.

Бирок, шаҳарлар сонининг бундай тез суръатларда кўпайиши ҳақиқий урбанизация эмас, кўпроқ «сохта» урбанизацияга олиб келди. Шаҳарлар сонининг кўпайиши 20-а.нинг 90-й.ларида кескин қисқарди ва энг сўнгги йилларда янги шаҳарлар деярли ташкил топмади. Ҳоз. Тошкент вилоятида 34 та, Қорақалпоғистонда 29 та, Самарқанд вилоятида 23 та шаҳар ва шаҳарчалар мавжуд. Уларнинг энг кам сони Сирдарё вилоятида 11 та ва Хоразм вилоятида 10 та, Бухоро вилоятида 14 та ва Навоий, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида 15 тадан, Андижон ва Қашқадарёда 16 тадан, Наманган вилоятида 20 та ва Фарғонада 19 та шаҳар ва шаҳарчалар бор (2005).

Урбанизация фақатгина шаҳар ва шаҳарчаларнинг умумий сони б-н эмас, балки кўпроқ шаҳарлар агломерациясининг ривожланганлиги б-н белгиланади. Ўзбекистонда 2005 й. маълумотига кўра 17 та йирик шаҳар бор. Улар орасида Тошкент ш. кескин ажралиб туради. Аҳолисининг сони 2128 мингдан ортиқ бўлган пойтахт шаҳарнинг республикадаги урбанизация жараёнига бўлган таъсири бениҳоя катта. Шу тарзда Ўзбекистонда урбанизация жараёни Тошкент ш., катта ва ўрта шаҳарларга боғлиқ ҳолда амалга ошмоқда (9-жадвалга қ.). Йирик шаҳарлар негизда шаҳарларнинг мураккаб ҳудудий тизими – шаҳар агломерациялари вужудга келган бўлиб, улар урбанизация ривожланишининг муҳим кўрсаткичи сифатида хизмат қилади. Мас., Тошкент агломерацияси 30 га яқин шаҳар ва шаҳарчаларни бирлаштиради. Шунингдек, Фарғона–Марғилон, Самарқанд, Наманган, Бухоро, Андижон, ва б. агломерациялар ҳам ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда урбанизациянинг умумий кўрсаткичи 1984 й.да 42% дан ортиқроқ эди. Кейинги пайтда урбанизация кўламига шаҳар аҳолисининг табиий ўсиш даражасининг камайиб бориши ҳам таъсир этмоқда.

Урбанизация даражасининг қисқариб боришига қишлоқ аҳолисининг шаҳарликларга нисбатан тезроқ кўпайиши, шаҳарларда (айниқса, sanoat марказларида) ташқи миграциянинг кучайиши, янги шаҳарларнинг вужудга келмаслиги ҳам сабаб бўлди. Аммо қишлоқ жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, инфратузилма ва sanoat корхоналари, дам олиш масканларининг ташкил этилиши, қ.х.га тегишли бўлмаган иқтисодий тармоқларда тадбир-

корликнинг ривожланиб бориши урбанизациянинг ҳақиқий ҳолатини ифода-лаб беради. Мазкур ўзгаришлар ҳамда шаҳарлар ривожланиши асосида Ўзбекистонда яқин йилларда урбанизация умумий кўрсаткичининг қисқариб бориши тўхтаб, ўса бошлайди.

Миллий таркиби. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳити, хусусан, салкам 150 йил мустамлака бўлиб келгани унинг демографик ривожига, жумладан, аҳолининг миллий таркибига жуда катта таъсир кўрсатди. Аҳоли ҳақида, яъни аҳолининг умумий сони, ҳудудлар бўйича тақсимланиши, ёши, жинси, ижтимоий ва миллий таркиби, табиий ўсиши, миграцияси ва б. ҳақида аҳоли рўйхати ўтказиш орқали тўлиқ маълумот олинади. Ўзбекистонда аҳоли рўйхати кейинги 100 йил ичида бир неча марта (1897, 1920, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 й.ларда) ўтказилган.

Ўзбекистон дунёдаги кўп миллатли республикалардан бири. Ўтган йиллар маълумотлари қисқаб кўрилганда, 1939 й.ги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонда 97, 1959 й.ги рўйхатда 113, 1979 й.ги рўйхатда 120 дан ортиқ миллат ва элат яшган. 1989 й.ги аҳоли рўйхатида эса, Ўзбекистонда 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб, уларнинг умумий сони 19 млн. 810 минг киши эканлиги маълум бўлди.

Ўзбекистоннинг туб аҳолиси ўзбеклар. Сўнгги йилларда аҳолининг миллий таркибида ўзбекларнинг ҳиссаси ошди ва ҳоз. республика аҳолисининг 80,0 %ни ташкил этмоқда. Республикада қорақалпоқлар иккинчи туб миллат ҳисобланади. Уларнинг умумий сони 549,2 минг кишига ёки мамлакат аҳолисининг 2,2%га тенг. Ўзбекистон Респуб-

9 - жадвал

Ўзбекистондаги йирик шаҳарлар аҳолиси (минг киши)

Шаҳар номи	1970	1979	1990	2000	2005
Тошкент	1384	1780	2151	2142	2128,9
Самарқанд	267	477	462	361	361,2
Наманган	175	227	310	386	408,5
Андижон	188	230	310	334	352,6
Бухоро	111	185	240	239	238,6
Нукус	74	109	175	207	258,1
Қарши	71	108	181	201	212,2
Кўкон	133	153	175	197	203,5
Фарғона	111	176	235	185	184,5
Марғилон	138	110	140	156	165,1
Чирчиқ	107	132	172	143	140,7
Урганч	76	100	132	139	136,3
Жиззах	27	70	115	129	136,5
Ангрен	76	106	135	129	129,3
Навоий	62	84	120	141	122,3
Термиз	35	57	75	114	120,8
Олмалиқ	82	101	135	115	116,7



Ўзбек қизлари.

ликасида Ўрта Осиё маҳаллий халқларидан тожиклар (1237,4 минг ёки 4,9%), қозоқлар (977,8 минг — 3,6%), қирғизлар (227,4 минг — 0,9%), туркманлар (152,3 минг — 0,6%) ҳам истиқомат этади. Ўзбекистонда яшаб келаётган татарлар сони ҳам анчагина (275,4 минг киши—1,0%).

Ўзбекистон Республикасида рус, украин, белоруслар б-н бир қаторда поляк, чех, болгар ва б. ҳам яшайди. 1989 й. аҳоли рўйхатига кура сони жиҳатидан 2-ўринда руслар турар эди, ҳоз. эса 3-ўринда бўлиб, 1050 минг кишидан зиёд ёки умумий аҳолига нисбатан 3,8 %ни ташкил этади. Ўзбекистонда яшовчи русларнинг сони жиҳатдан ўсиш динамикасига назар ташласак, энг тез суръат б-н кўпайиши 1959—70 й.ларга тўғри келади. Бунинг сабаби 1966 й. Тошкент zilzilasидан сўнг шаҳарнинг қайта қурилиши ҳамда республикада янги саннат марказлари ташкил топиб, рус ва европа халқларининг кўплаб жалб қилинганлигидир. Бироқ кейинги йил-

ларда русларнинг ўсиш суръати бир қадар камайди.

Ўзбекистонда ҳинд-европа оиласига мансуб бўлган тожиклардан ташқари форс, пуштун, балужлар ва б. халқлар ҳам бор. Мамлакатда корейс, арман, яҳудийлар ҳам яшайди.

Мамлакатда миллатларнинг географик жойлашиши ҳам бир текис эмас. Бунинг биринчи сабаби миллатларнинг тарихий ривожланиши бўлса, иккинчидан республикада халқ ҳўжалик тармоқларининг ривожланиши хусусиятларидир. Қишлоқ жойларда туб миллат вакилларининг сони кўпайиб, бошқа миллат вакилларининг нўфуси камаймоқда. Қорақалпоқлар тўла-тўқис ўз республикаси доирасида яшайдиган миллат ҳисобланади (94,5%). Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти даврида аҳоли миллий таркибида катта ўзгариш содир бўлди. Ҳозирда Ўзбекистонда ўзбеклар салмоғи 1989 й.га нисбатан 8,6% га ошди (10-жадвалга қ.).

Ижтимоий таркиби. Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий таркиби турли даврларда турлича бўлган. Республикада ишчи ва хизматчиларнинг сони ва улуши 20-а.нинг 90-й.ларигача бўлган даврда ўсиб борган. Мазкур даврда ишчи ва хизматчиларнинг улуши 32,2% дан 79,7% гача кўпайган. Мустақилликка эришилгач, кўп укладли иқтисодиёт ва бозор муносабатларининг шаклланиши таъсирида аҳолининг ижтимоий таркибида катта ўзгаришлар бўлди (11-жадвалга қ.). Хусусий меҳнат фаолиятида банд аҳолининг тез суръатлар б-н ўсиши республика аҳолисининг ижтимоий таркибига катта таъсир кўрсатмоқда.

10 - ж а д в а л

Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби (фоизда)

Миллатлар	1989 й.			2005 й.		
	жами аҳоли	қишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолиси	жами аҳоли	қишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолиси
Ўзбеклар	71,4	83,5	53,7	80,0	86,4	68,8
қорақалпоқлар	2,1	1,6	2,7	2,2	1,5	3,4
тожиклар	4,7	5,4	3,7	4,9	5,1	4,6
руслар	8,3	0,7	19,5	3,8	0,3	9,8
қозоқлар	4,1	4,1	4,0	3,6	3,4	4,0
татарлар	3,4	0,8	7,0	1,0	0,1	2,5
қирғизлар	0,9	1,3	0,3	0,9	1,2	0,3
корейслар	0,9	0,3	1,8	0,6	0,2	1,4
украинлар	0,8	0,1	1,7	0,3	0,1	0,8
бошқа миллатлар	3,4	2,2	5,3	2,7	1,6	4,3

Кейинги йилларда рўйхатга олинган ишчилар сони ҳам қисқариб бормоқда. 2002 й.да уларнинг сони 40,3 минг кишини ташкил этган бўлса, 2005 й.да 27,7 минг кишига тушди. 2005 й.да меҳнат органларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 410,3 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2004 й.дагига нисбатан 14,7 минг кишига ёки 3,4 %га камдир. 2005 й.да меҳнат ресурслари сони 10196,3 мингга ташкил этиб, 2004 й.га нисбатан 2,9 %га кўпайди. Нодавлат секторидан банд бўлганлар улуши 2004 й.даги 76,9 %дан 77,1 %га етди.

Аҳолининг маълумотлилик даражасининг ортиб бораётганини республикада олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ва уларда таҳсил олаётган талабалар сонининг ортиб бориши б-н таққосласа бўлади. Ўзбекистонда 2002/05 й.ларда ўрта махсус, касб-хунара таълими ўқув муассасалари сони 973 тагача кўпайди. Уларда таҳсил олаётган ўқувчилар сони 750,3 мингга етди. 2000/01 ўқув йилида республикада 61 олий ўқув юрти бўлиб, уларда 183,6 минг талаба таҳсил олди. Мазкур кўрсаткич 2005/06 ўқув йилида мувофиқ равишда 60 ва 264,9 мингга ташкил этди.

Аҳолининг жинс ва ёш таркиби. Демографик вазиятнинг шаклланишида аҳолининг жинсий таркиби асосий омил ҳисобланади. Аҳоли таркибида эркеклар ва аёллар салмоғининг тенглиги, яъни мутаносиблиги уларнинг никоҳга кириш ва оилаларнинг ташкил топишига қулай вазият яратади, бироқ ҳар доим ҳам жамиятда эркеклар ва аёллар салмоғи тенг бўлавермайди. Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда 19-а.нинг 2-ярми ҳамда 20-а. бошларида аҳоли таркибида эркеклар салмоғи анча юқори бўлган.

12-жадвалдаги маълумотлар Ўзбекистонда сўнгги 30—35 й. ичида аҳолининг жинсий таркиби яхшиланиб борганлигидан далолат беради. Тошкент ш. аҳолиси миқдорида аёллар салмоғи республиканинг ўртача кўрсаткичидан юқори-роқ бўлиб, 51,0 %ни ташкил этади

11 - ж а д в а л

Иш билан банд аҳолининг иқтисодиёт секторлари бўйича тақсимланиши, %


Йиллар	Барча иш б-н бандлар	Давлат секторидан	Нодавлат секторда
1991	100,0	61,1	38,9
1993	100,0	51,3	48,7
1995	100,0	33,9	66,1
1997	100,0	28,7	71,3
1999	100,0	24,2	75,8
2003	100,0	22,8	77,2
2005	100,0	22,9	77,1

АҲОЛИ ЗИЧЛИГИ

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНING НИСБИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ


АҲОЛИ ЗИЧЛИГИ (киши/км кв)



АҲОЛИ СОНИНING ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ



ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНING НИСБИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ (фонсларда)



Масштаб 1: 6 000 000



Мўсафид.

(2004). Бунинг асосий сабаби шаҳар аҳолисининг миллий таркибига боғлиқ; Тошкент ш. аҳолисининг 40–45%ни бошқа миллат вакиллари ташкил этади, уларда аёллар миқдори эркакларга нисбатан бир қадар юқори. Бундан ташқари шаҳар жойларда эркаклар ўлими қишлоқ жойларга нисбатан анча юқори. Мас., 1989 й.да Ўзбекистонда 50–54 ёшдаги ҳар 1000 та эркак орасида қишлоқда 10 таси ўлган бўлса, шаҳарда ўлим 13 тага етган. Бу кўрсаткич 70–74 ёш гуруҳларида 49–62 ни ташкил этади.

Аҳолининг кўпайишида ёшлар, айниқса, 15–19, 20–24, 25–29 ёшли гуруҳларнинг жинсий таркиби алоҳида аҳамиятга эга. Чунки аҳоли, асосан, мана шу ёшларда никоҳга кириб, оила қуради.

Маълумотларнинг кўрсатишича, дунёдаги жуда кўп давлатларда 15–30 ёшлардаги аёлларга нисбатан эркакларнинг сони бироз юқорилиги кузатилади. Бироқ Европа, Австралия, Американинг баъзи давлатларида эса 5–9 ёшли гуруҳлардан бошлаб эркаклар салмоғи камайиб кетган. Бунинг сабаби, бу давлатларда ўғил болалар ўлимининг юқорилигидир. Ўзбекистонда асосий никоҳга кириш ёшларида эркаклар ва аёллар нисбати деярли тенгдир. Бу тенглик аёлларнинг туғиш ёшидаги гуруҳларида ҳам давом этади (12-жадвалга қ.).

12 - ж а д в а л
Ўзбекистонда ҳар 1000 эркакка туғри келган аёллар сонининг ўзгариб бориши

Йиллар	Ҳар 1000 эркакка нисбатан аёллар	Йиллар	Ҳар 1000 эркакка нисбатан аёллар
1865	856	1989	1026
1885	862	1990	1023
1897	930	1991	1023
1905	859	1992	1021
1917	851	1993	1020
1940	934	1994	1018
1959	1083	1995	1017
1970	1054	2000	1008
1979	1036	2004	1003

Ўзбекистонда аҳолининг ёш таркибининг демографик хусусиятларига ва турмуш даражасига боғлиқ. Ўзбекистон дунёда туғилиш даражаси нисбатан юқори бўлган давлатлардан. Бироқ ўлкадаги туғилишнинг юқори даражаси ҳаммавақт ҳам аҳолининг мунтазам кўпайиб боришини таъминлай олмаган. 20-а.нинг 1-ярмида Ўзбекистонда болалар ўлими юқори бўлган ва туғилган болаларнинг 50–60% болалик ва ўсмирлик давридаёқ нобуд бўлишган. Бу ҳол аҳолининг ёш таркибида ҳам ифодаланади. Мас., 1926 ва 1939 й.ларда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг умумий сониди 0–9 ёшдаги болалар салмоғи 23–24%ни, 1959–89 й.лардаги аҳоли рўйхати маълумотларида бу кўрсаткич 28–32%ни ташкил этган.

Аҳоли таркибида болалар салмоғининг ошиб бориши 1-навбатда болалар ўлимининг кескин камайиши б-н боғлиқ. Болалар салмоғининг ошиб боришига бевосита таъсир этувчи омиллар-

дан яна бири Ўзбекистонда туғилаётган болалар сонининг кўпайиб боришидир. Туғилиш суръати 20-а.нинг 2-ярмида жуда юқори бўлган. Агар Ўзбекистонда 1950 й. туғилишнинг умумий коэффициентини 30,8%ни ташкил этган бўлса, 1960 й.да 39,8%га тенг бўлган. Бу даврда туғилган болалар 1975–80 й.ларда камолот ёшига етганлар ва натижада аҳоли таркибида 15–19, 20–24 ёшли гуруҳларнинг салмоғи кўтарилган. Бу ҳол эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда янги оилалар таркиб топишига ва оилалар миқдорининг кўпайишига олиб келган.

БМТ маълумотларига кўра Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби дунё аҳолиси ёш таркибига таққосланса, болалар салмоғининг анча юқорилиги кузатилади.

Ўзбекистон қарий шкаласи бўйича жаҳондаги аҳолиси «ёш» давлатлар қаторига киради.

Ўзбекистонда меҳнат ёши эркаклар учун 16–59 ёш, аёллар учун 16–54 ёш қилиб белгиланган. Меҳнат ёшидан юқори, яъни 55 ва ундан катта аёллар, 60 ва ундан катта эркаклар сони 1991–2004 й.ларда 18,7% га ошди.

Ўзбекистонда бугунги демографик вазият, айниқса, туғилиш жараёнининг камайиб бориши (1991 й.да туғилишнинг умумий коэффициентини 34,5%₀₀ ни ташкил этган бўлса, 2004 й.да бу кўрсаткич 20,5%₀₀га тенг бўлди ёки 14%₀₀ га камайди) яқин келажакда жами аҳоли салмоғида қариялар улушининг ортиб боришидан далолат беради. Бу ҳол эса, Ўзбекистонда қарияларнинг

Ёшлар.



ижтимоий-демографик гуруҳ сифатидаги мавқеи ошиб боришини кўрсатади.

Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги. Меҳнат ресурсларининг сифат тараққиёти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига, давлатнинг аҳоли бандлиги бўйича олиб бораётган сиёсатига боғлиқ. Ўзбекистонда 16 – 54 ёшдаги аёллар ва 16 – 59 ёшдаги эркеклар меҳнат ресурсларига киритилади.

Меҳнат ёшидаги аҳоли меҳнат ресурслари нуқтаи назаридан ўрганилганда 2 гуруҳга ажратилади:

- 40 ёшгача бўлган;
- 40 ёшдан кейинги меҳнат ёши.

Ўзбекистонда меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғи катта ҳамда меҳнат ресурслари тез кўпайиб бормоқда.

Республика қудратли меҳнат салоҳиятига эга: меҳнат захиралари жами аҳолининг 55,4%ни (14427,6 минг киши) меҳнат ресурслари ташкил этади ва ҳар йили 300–350 минг кишига кўпаймоқда.

13 - жадвал
Аҳолининг ёш гуруҳлари бўйича бандлиги, %

	1999	2000	2003
Жами:	100,0	100,0	100,0
шу жумладан, ёш бўйича			
16 ёшгача	0,3	0,1	—
16—24	15,1	14,9	13,8
25—29	21,9	21,4	20,2
30—39	29,9	30,1	31,1
40—49	22,9	23,3	24,3
50—59	6,5	6,9	6,9
55 ёшдан катталар	3,4	3,3	3,7
Ўртача ёш	34,7	35,0	35,4


Иқтисодий фаол аҳоли сони 10,2 млн. киши (82%)га тенг.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар режа, молия, меҳнат, иш ҳақи бошқармалари ва бўлимларининг бошлиқлари ўртасида ўзбекларнинг улуши 29,8%га тенг бўлган.

1992 й.дан бошлаб нархлар ва ташқи савдо либераллаштирилди, қ.х ва маиший хизмат корхоналарининг маълум қисми хусусийлаштирилди.

Молия ва бюджет соҳаларида ислохотлар ўтказилди. Хусусий мулк ва хорижий инвестициялар бўйича қонунлар қабул қилинди. Аҳолининг тез суръатлар б-н кўпайиши ва унинг таркиби бандликни барқарор равишда ўсишини таъминлашни тақозо этади.

Қишлоқ жойларда аҳолининг зич жойлашганлиги, қ.х.да ортиқча ишчи кучи мавжудлиги ҳамда ҳайдаладиган ерга тўғри келувчилар сонининг катта-



Аҳолининг ҳалқ ҳўжалиги тармоқларидаги бандлиги, % да (2003).

лигини ҳисобга олганда Ўзбекистонда меҳнат ресурсларига муҳтожлик бўлиши кутилмайди. Баъзи иқтисодий, демографик ва географик хусусиятларни эътиборга олган ҳолда аҳоли бандлиги тизимини ўзгартириш лозим бўлади. Шу мақсадда 1992 й. январда қабул қилинган ЎЗРнинг «Аҳолини иш б-н таъминлаш тўғрисида»ги қонуни асосида аҳолини иш б-н таъминлаш давлат хизмати ташкил этилган. Мазкур вазифани амалга оширишда самарали фаолият кўрсатувчи меҳнат бозорлари – меҳнат биржалари муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда меҳнат биржалари ишсизларни рўйхатга олади, уларни касбга йўллайди, ишсизлик бўйича нафақалар тўлайди. Ҳар йили ўртача 300 мингга яқин аҳоли меҳнат биржалари орқали ишга жойлаштирилади.

Саноатни, айниқса, унинг меҳнатни кўп талаб қилиб, хом ашё, сув ва электр энергияни кам истеъмол қилувчи «экспортбоп» маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларни, маиший хизмат соҳаларини қишлоқ жойларда кенг қўламда ва тез фўрсатлар ичида ривожлантириш ҳамда шунга ўхшаш бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши республикада аҳоли бандлигига хос муаммоларни тез вақт ичида ижобий ҳал этишга имкон берали.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва бозор иқтисодиёти муносабатларига аста-секин ўта бошлаши янги мулкчилик шаклига асосланган и.ч.нинг ривожланиши учун қулай шароит яратиб берди. Мамлакат иқтисодиёти тузилмаси қанчалик «ривожланганлигини» иш б-н бандларнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича, хусусан, моддий ишлаб чиқариш соҳаси ўртасида тақсимланишидан билиш мумкин. Бу нисбатнинг ўзгаришига ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиш суръатлари таъсир кўрсатади. Қисқа давр ичида (1995—2005) Ўзбекистонда аҳолининг иқтисодиёт тармоқларида қайта тақсимла-

- Саноат
- Қишлоқ ва ўрмон ҳўжалиги
- Қурилиш
- Транспорт ва алоқа воситалари
- Савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти
- Уй-жой ҳўжалиги, маиший хизмат кўрсатишнинг номоддий турлари
- Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот
- Маориф, маданият ва санъат, илм-фан ва фанга хизмат кўрсатиш соҳалари
- Молия, кредит ва сугурта
- Бошқа соҳалар

нишида ўзгаришлар юз берди. Саноатнинг бош тармоқларида ва қишлоқ ҳўжалигида аҳоли бандлиги сон жиҳатдан ҳам, фоиз жиҳатдан ҳам камайди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар улушининг қисқариши Ўзбекистон учун янги тенденция бўлиб, ижобий ҳодисадир. Жаҳоннинг юксак даражада ривожланган мамлакатларида моддий ишлаб чиқаришга қараганда номоддий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар устунлик қилади. Сўнгги йилларда республикада хусусий меҳнат фаолияти б-н шуғулланувчи кишиларнинг сони қ.х., савдо, хизмат кўрсатувчи тармоқларда айниқса тез суръатларда ўсди: 2004 й.да Ўзбекистонда 23 млн. киши (ёки бинд бўлганларнинг 22,9%) давлат секторига, 7,9 млн. киши (ёки 77,1%) эса иқтисодиётнинг нодавлат секторига банд бўлди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида 10,2 млн. киши (2005) банд бўлиб, шундан саноатда 1347,5 минг киши, қишлоқ ва ўрмон ҳўжалигида 2969,5 минг киши, қурилишда 848,5 минг киши, транспорт ва алоқада 488,1 минг киши, савдо, умумий овқатланиш ва моддий техник таъминотда 903,9 минг киши, уй-жой коммунал ҳўжалигида ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг номоддий турларида 316,4 минг киши, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминотда 735,5 минг киши, таълим-фан, маданият ва санъат соҳаларида 1385,1 минг киши, молия, кредит ва сугурталаш тармоқларида 54,2 минг киши, маъмурий бошқарув органларида 205,7 минг киши, қолган соҳаларда 941,9 минг киши банд.

Ад.: Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н., Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги, Т., 2006; Солиев А., Бўриева М. ва б., Қишлоқ жойлар демографияси, Т., 2005.

Озод Ата-Мирзаев, Мамлакат Бўриева, Абдусами Солиев, Нафиса Мажидова.

ЎЗБЕК ТИЛИ

Ўзбек тили – ўзбек халқининг миллий тили, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили (1989 й. 21 окт.даги «Давлат тили ҳақида»ги қонунга мувофиқ ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган). Бу тил тилларнинг генеалогик таснифига кўра, туркий тиллар оиласининг қарлук гуруҳига мансуб бўлиб, тилларнинг морфологик таснифига кўра агглютинатив тилдир. Ўзбек тили, асосан, Ўзбекистонда, шунингдек, қўшни Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон республикаларида, Туркменистонда, Россия Федерацияси, Туркия, Саудия Арабистони, Хитойнинг Синьцзян мухтор райони, АҚШ, Германия ва б. мамлакатларда тарқалган. Ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг умумий сони 26 млн. кишидан ортиқроқ (Ўзбекистоннинг ўзида 20 млн.дан, Тожикистонда 1,2 млн.дан зиёдрок, Афғонистонда эса, турли манбаларга кўра, 2,5 млн.дан 4 млн.гача, Қирғизистон ва Саудия Арабистонининг ҳар бирида 550–600 мингдан, Қозоғистон ва Туркменистоннинг ҳар бирида 320–330 мингдан ортиқроқ) кишини ташкил этади (2005).

11–12-а.лардан эски туркий тилдан ажрала бошлаган эски ўзбек тили ўзининг тарихий тараққиёти давомида мурраккаб этногенетик, этнолингвистик жараёнларни босиб ўтди. Ана шу этногенетик ва сиёсий-тарихий жараёнлар ўзбек тили тарихида маълум даражада из қолдирди.

Тарихан турли илмий манбаларда эски ўзбек тили «туркий», «туркча», «чиғатой тили», «чиғатой туркийси», сингари номлар б-н аталиб келган. Хусусан, Г.Вамбери («Чиғатой тили дарслиги», 1867) ва унинг изидан бир қатор фарб олимлари 13–19-а.лар оралигидаги эски ўзбек тилини нотўғри равишда «чиғатой тили» деб номладилар. Ваҳолонки, мўғуллар истилоси даврида ҳоз. кунда ўзбеклар номи б-н юритилувчи халқнинг маданиятига, тили ва адабиётига мўғулларнинг бирон-бир сезиларли таъсири бўлган эмас, бошқача айтганда, эски ўзбек тилининг Чиғатойга, мўғулларга ҳеч қандай алоқаси йўқ, аксинча, мўғуллар Мовароуннаҳрда яшовчи этносларнинг юксак маданиятидан баҳраманд бўлганлар. Бунинг устига Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк шоир ва мутафаккирлар ўзлари ижод қилган тилни «туркий», «турк», «туркча» деб атаб, бу тилни бошқа туркий тиллардан алоҳида ажратиб кўрсатадилар.

Эски ўзбек тили қад. туркий ҳамда эски туркий тилнинг бевосита давоми ва ҳоз. ўзбек тилининг асоси ҳисобланади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, тахм. 6–8-а.лардан бошланган мурраккаб этнолингвистик жараён қорахонийлар даврида қарлук-чигил-уйғур тил бирлигининг вужудга келишига замин яратди. 9-а.га келиб эса қарлук-чигил-уйғур тил бирлигини ташкил қилган қабилалар иттифоқи қорахонийлар салтанатида алоҳида ўрин тута бошлайди. 10-а. охири – 11-а. бошларида ана шу қабилалар иттифоқи ўзбек халқининг ташкил топишига, бинобарин, ўзбек тилининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Туркий халқлар учун муштарак обида ҳисобланган урхуненисей тош битиклари, қад. туркий адабий тил даврида яратилган, яъни Ўрта Осиё туркий халқларининг умумий адабий тили намуналари бўлган «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг» каби қомусий асарлар ўзбек халқи тилининг ҳам дастлабки ёзма ёдгорликларидир.

Эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши 14-а. охиirlари ва 15-а.га тўғри келади. Бу давр адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида Алишер Навоийнинг ҳам илмий, ҳам амалий хизматлари, адабий ижоди муҳим ўрин тутди. Эски ўзбек адабий тилининг шаклланишида Рабғузий, Хоразмий, Қутб, Сайфи Саройи, Атоий, Саккокий, Саид Аҳмад, Хўжандий, Яқиний, Лutfий сингари адиблар ўз ижодлари б-н катта хизмат қилган бўлсалар, Алишер Навоий бу тилнинг бой имкониятларини «Хазойин ул-маоний», «Хамса» каби дунё аҳлини лол қолдирган қатор асарлари орқали кўрсатиб берди. Шу б-н бирга, у ўзбек тилининг тадқиқотчиси сифатида ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида эски ўзбек тили (туркий)ни форс тилига қиёслаш асосида унинг фонетик, лексик ва грамматик соҳаларда ривожланган, форс тилидан кам бўлмаган тил эканлигини назарий жиҳатдан асослаб берди.

Қарлук, ўғуз, қипчоқ гуруҳларига мансуб туркий тиллар ўртасидаги минтақавий вариантлашув (ўзгаришлар) ва самарали алоқа муносабатлар туфайли келиб чиққан турли лаҳжавий шакллари ўз ичига олган эски ўзбек тили умумлаҳжавий хусусиятга эга бўла борди. Бу хусусият кўплаб арабча, форсча ўзлашмаларнинг қўлланиши оқибатида янада кучаяди. Бунинг натижасида адабий (китобий) тил жонли, сўзлашув тилидан жиддий фарқ қилган. Ёзма адабиётнинг кам тарқалганлиги туфайли

дастлабки даврда яратилган бадий асарларда лаҳжа хусусиятлари ҳам сақланиб қолган, кейинчалик эса бундай лаҳжавий хусусиятлар аралашиб кетган. Мас., Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарида ўғуз лаҳжаси хусусиятлари, Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» асарида қипчоқ лаҳжаси хусусиятлари ўз аксини топган бўлса, 16-а.га оид «Бобурнома»да қарлук, ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларининг хусусиятлари аралаш тарзда қўлланган. Шу тариқа лаҳжага мансуб шакл ва кўрсаткичлар аста-секин йўқолиб, умумидабий тус олиб, 16-а. охиirlарида ягона адабий тил хусусиятлари асосий ўринни эгаллайди. Шундай қилиб, Лutfий, Саккокий, Навоий, Бобур ва б. ижодкорлар асарлари тили сифатида шаклланган эски ўзбек адабий тили анча кенг ҳудудга ёйилиб, унинг барқарорлашган меъёрлари асосида ёзувчи ва шоирлар (Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳамза ва б.) 19-а. охиiri – 20-а. бошларигача ижод қилиб келдилар. Бу даврга келиб адабий тил ўзининг юқори услубийлиги, китобийлигидан, жимжимдорликдан холи бўла бориб, сўзлашув тилига, халқ тилига яқинлашди. Бу анъана – адабий тилини халқ тилига яқинлаштириш анъанаси Фитрат, Беҳбудий, Авлоний, Қодирий, Чўлпон асарлари тилида ўз аксини топади. 20-а.нинг 20-й.ларида Фитрат бошчилигидаги «Чиғатой гурунги» аъзолари бу масала б-н махсус шуғулланадилар. Айни шу давр, яъни 19-а. охиiri – 20-а. бошлари эски ўзбек адабий тилидан ҳоз. ўзбек адабий тилига ўтиш босқичи ҳисобланади.

Ҳоз. ўзбек адабий тили эски ўзбек адабий тилининг давомчиси сифатида 20-а.нинг 1-чорагида қарлук-чигил,



Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарининг ўзбекча наشري.

Маҳмуд Кошгарий

Маҳмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад ал-Кошгарий — турк(ий)шунослик илмининг асосчиси. Тахминан 1030 й.да Қашқар (Кошгар)да туғилган. Вафот этган йили номаълум. Қашқар, Бухоро ва Нишопурда таҳсил кўрган. 1071—72 й.ларда ёзилган «Девону луғотиттурк» («Туркий сўзлар девони») асари машҳур. Асарда туркий сўзлар арабча изоҳланган. Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон ва ҳоз. Волгабўйи ҳамда Урал атрофида яшаган туркий халқлар тилига оид мукамал маълумотлар баён қилинган, туркий халқларнинг турмуши, оғзаки бадиий адабиёти ёритилган, бой этнографик, географик ва топографик маълумотлар, дунё харитаси берилган. Китобда қиёсий ва тарихий усуллар қўлланган, араб алифбоси асосида тузилган луғатларга хос услуб такомиллаштирилган. Кошгарий яна бошқа асарлар ёзганлиги ҳақида маълумотлар бор, лекин улар бизга етиб келмаган.

қилчоқ, ўғуз каби 3 та тил бирлиги сифатида шаклланиб, мураккаб диалектал таркиби б-н ажралиб туради. Унда 3 та асосий лаҳжа гуруҳи бор. Булар: қарлуқ-чигил лаҳжаси; қилчоқ лаҳжаси; ўғуз лаҳжаси.

Қ а р л у қ л а ҳ ж а с и га кирувчи шеваларнинг бир неча типлари мавжуд: Тошкент тип шевалар — буларга Тошкент ш. шеваси ва шаҳарга яқин бўлган Паркент, Пискент, Чимкент, Жиззах, Қорахитой, Ниёзбоши ва б. жойлар шевалари кирди; Фарғона тип шевалар — буларга Фарғона, Марғилон, Қўқон, Андижон, Наманган, Ўш, Жалолобод ш.лари шевалари ва уларга яқин бўлган аҳоли масканлари (Водил, Уйчи, Чортоқ, Шаҳрихон, Ўзган ва б.)нинг шевалари кирди; Самарқанд—Бухоро тип шевалар — буларга Самарқанд, Бухоро, Хўжанд шаҳарлари ва улар атрофидаги қишлоқ шевалари, Чуст, Косонсой, Ғартепа шевалари кирди. Бу тип шева вакиллари икки тилли (зуллисонанайн) бўлиб, ушбу шеваларда тожик тилининг таъсири сезиларлидир.

Қ и п ч о қ л а ҳ ж а с и Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқарларнинг айрим туманларида, Охангарон водийси ва Мирзачўлда яшовчи ўзбекларнинг шеваларини қамраб олади. Бу лаҳжа вакиллари Шим. Хоразм ва Фарғона водийсида, Қорақалпоғистон ва Тожикистоннинг (лақайлар) баъзи туманларида ҳамда Афғонистон шим.да ҳам учрайди.

Ўғуз лаҳжаси Жан. Хоразм (Урганч, Хива, Хонқа, Ҳазорасп, Бобот, Қўшқўпир, Шовот), Жан. Қорақалпоғистон (Беруний, Тўрткўл), Туркменистон (Тошхўвуз), Жан. Қозоғистон (Иқон—Қорабулоқ)даги ўзбек шеваларини, Бухоро вилоятидаги Қоракўл шевасини ва б.ни қамраб олади.

Ушбу лаҳжа гуруҳлари таркибидаги кўплаб шевалар ўзаро фонетик, лексик ва қисман морфологик жиҳатдан муайян даражада фарқланади. Мас., ўзбек шевалари товуш таркиби ва айрим фонетик хусусиятларига кўра, 2 катта гуруҳга бўлинади: ж-ловчи шевалар ва й-ловчи шевалар. Ж-ловчи шевалар ўзбек адабий тилида сўз бошида келадиган й ўрнига ж (дж) фонемасини ишлатади (мас., йўл—жўл, ёмон—жаман, йўқ—жўқ каби). Шунингдек, бу шеваларда адабий-имловий о ўрнида тил орқа а товуши ишлатилади (мас., ота—ата, бола—бала каби). Мазкур лаҳжаларнинг ҳар бири унли фонемалар сони жиҳатидан ҳам узаро фарқланади. Қарлуқ лаҳжасига мансуб шеваларда 9—10 та унли фонема бор. Ўғуз лаҳжасидаги шевалар эса товуш жиҳатдан анча мураккаб, чунки уларда баъзи унли фонемалар сифат жиҳатидангина эмас, балки сон жиҳатидан ҳам кескин фарқ қилади. Бу шеваларнинг вокализм (унлилар) тизими мутлақ чўзиқ ва мутлақ қисқа фонемалардан ташкил топган бўлиб, бу фонемаларнинг сони баъзи шеваларда 18 тагача етади. Ўзбек адабий тилига асос бўлган шеваларда унли фонемалар сони 6—7 тадан ошмайди. Юқорида зикр этилган ўзбек лаҳжалари консонантизм (унидош фонемалар) соҳасида ҳам айрим тафовутларга эга. Мас., Тошкент тип шеваларда ҳ бўғиз товушининг йўқлиги, к, г ундошларининг жан. Хоразм шеваларидаги ўзига хос талаффузи, ф фонемасининг фақат Самарқанд—Бухоро тип шевалардагина мавжудлиги ва б. Лексика соҳасидаги лаҳжалараро тафовутлар анча сезиларли.

Юқоридагидек тафовутлар, фарқланишларга қарамай, бу лаҳжаларнинг барчаси ҳам миллий ўзбек тилининг, адабий ўзбек тилининг шаклланишида у ёки бу даражада иштирок этган. Ўзбек тилининг лаҳжалари орасида, одатда, қарлуқ-чигил лаҳжаси ва унинг таркибига кирувчи шевалар (Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Жиззах, Самарқанд, Каттакўрғон, Бухоро, Қарши, Ўш, Жалолобод ва б. шаҳарларнинг шевалари) ўзбек адабий тилининг таянч шевала-

ри ҳисобланади. Ўзбек адабий тилининг меъёрларини белгилашда Тошкент шеваси фонетик жиҳатдан, Фарғона, Андижон шевалари эса морфологик жиҳатдан таянч шевалар деб олинган.

Ўтган асрнинг 1-чорагидан бошлаб умумий мажбурий ўрта таълимнинг йўлга қўйилиши, таълим тизимида «Она тили» предметининг алоҳида фан сифатида ўқитилиши, матбуот, оммавий ахборот воситаларининг аҳоли ўртасида кенг тарқалиши халқ шеваларининг адабий тилга янада яқинлашувига, ҳоз. ўзбек адабий тили вазифа доирасининг кенгайишига олиб келди. Лекин шуро даврида олиб борилган нотўғри тил сиёсати ва турли тазйиқлар оқибатида СССР ҳудудидаги рус бўлмаган халқлар миллий-адабий тилларининг, жумладан, ўзбек тилининг турли соҳалардаги вазифа имкониятлари ниҳоятда чекланди, уларнинг тўлақонли ва эркин ривожланишларига сунъий тўсиқлар қўйилди. Бунинг ўрнига тескари сиёсат юргизилди: бутун эътибор рус тилини тарғиб қилишга, унинг дунё миқёсидаги обрўсини кўтаришга, вазифа доирасини кенгайтиришга қаратилди; собиқ иттифоқдаги барча тиллар учун умумий луғавий фонд яратишга, шу йўл б-н ана шу турли тизим ва оилаларга мансуб бўлган тилларни бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилинди. Ана шу ҳаракат туфайли ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган сўзлар ўрнига русча ва рус тили орқали тарқалаётган байналмилал сўзларни қўллаш сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Натижада ўзбек тилига экономика, экономия, реформа, автономия, лампочка, остановка, совет, правление, управление, алфавит сингари юзлаб сўзлар кириб келди. Шу тариқа рус тилидан бошқа тилларнинг, хусусан, ўзбек тилининг ривожланиши учун имкониятлар тўсилди; иш юритиш рус тилида олиб бориладиган, анжуман, симпозиум, мажлислар рус тилида ўтказиладиган бўлиб қолди. Илмий тадқиқот ишлари рус тилида бажариладиган, диссертациялар шу тилда ёзиладиган ва ёқланадиган бўлди. Ўзбек тилининг илмий, расмий иш қоғозлари услублари деярли ривожланмай қолди. Натижада ўзбек тилининг вазифа доираси сунъий равишда чекланди, амалда республиканинг давлат тили рус тили бўлиб қолди.

Юзага келган бундай аҳвол, табиийки, илгор зиёлилар ўртасида норозилик кайфиятининг тугилишига, миллий ғурур, миллий ифтихор ҳиссининг уйғонишига олиб келди. 80-й.лар ўрта-

ларидан бошлаб матбуотда тилимиз, динимиз, ўтмиш маданиятимиз, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, илмий ўрганиш, уларни халққа етказиб беришга даъват этувчи мақолалар чоп этилди, шу масалаларга бағишлаб турли даражадаги илмий-амалий йиғинлар, анжуманлар ўтказилди. Бундай ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, халқ истак-иродаси, талаби ҳисобга олинган ҳолда 1989 й. 21 окт. да Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»-ги қонунни қабул қилиниб, унда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу қонуннинг эълон қилиниши ўша давр учун катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қонун ўзбек тилининг рус тили соҳида сиқилиб, фақат кўча-кўйда ва оилада фойдаланиладиган иккинчи даражада бир тилга айланиб қолиш хавфига чек қўйди. Аксинча, ўзбек тилини олий даражадаги давлат анжуманларида қўлланидиган, Ўзбекистон Республикасининг расмий ҳужжатлари юритиладиган, ривожланиш истиқболли қонун б-н белгиланган тилга айлантирди.

Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейин 2 йил ўтгач, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритди. Шу сабабли қонуннинг бир қанча моддалари ўз кучини йўқотди ёки таҳрирга муҳтож бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам «Давлат тили ҳақида»ги қонунни ислоҳ қилиш зарурати туғилди. Натижада 1995 й. 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 6-сессиясида «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Қонуннинг 23-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома матнлари давлат тилида ва ахдлашувчи томоннинг тилида ёзилиши таъкидланади. Бу модда ўзбек тилининг жаҳон миқёсидаги расмий давлат тили сифатида эътироф этилишини, вазифа доирасининг кенгайиши ва нуфузининг кўтарилишини таъминлади.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи ҳаётида рўй берган ва рўй бераётган жиддий ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ўзгаришлар ўзбек тилининг ривожига ҳам ижобий таъсир қилди. Ўзбек тилида кўплаб бадиий ва илмий адабиётлар, оммавий газ. ва жур. ларнинг нашр этилиши, шунингдек, корхона ва муассасаларда иш юритишнинг ўзбек тилида олиб борилиши; илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий терминологиянинг яратилиши ва жорий этилиши ўзбек тилининг ривожланиши ва такомиллашувига, ижтимо-

ий вазифасининг кенгайишига олиб келди.

Ўзбек тили деганда, биринчидан, ўзбек миллатининг алоқа воситаси бўлган тил, иккинчидан, шу тилни ўрганадиган фан тушунилади. Иккинчи маънода «ўзбек тили» атамаси «ўзбек тилшунослиги» атамаси ўрнида қўлланади. Шу б-н бирга, бу атома ўрта умумтаълим тизимидаги «она тили» атамаси б-н маънодошликни ҳосил қилади. Бундай вақтда «она тили» атамаси — ўзбек миллатига мансуб шахслар ўрганаётган ўз тилининг қонун-қоидалари тизимини ифодаловчи фан, «ўзбек тили» эса бошқа миллат вакиллари томонидан ўрганилаётган иккинчи бир тил ҳақидаги фан маъноларида қўлланади.

Ўзбек тили фан сифатида ўтган асрнинг 20–30-й.ларида филология таркибидан ажралиб чиқди ва у дастлаб жадидларнинг маърифатпарварлик ҳаракатлари туфайли, янги очилган мактабларда болаларнинг ўз тилларида фикрларини адабий тил меъёрига мос ҳолда оғзаки ва ёзма равишда тўғри ифода қилиш кўникмасини шакллантириш эҳтиёжи б-н майдонга келди. Ана шундай амалий эҳтиёжларни қондириш мақсадини ўз олдига қўйган ўзбек тили фанининг шаклланишида Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Қайом Рамазонов, Ашуралӣ Зоҳирӣ ва, айниқса, Абдурауф Фитратнинг хизматлари катта бўлди. Уларнинг сазъ-ҳаракатлари б-н илк ўзбек тили дарсликлари яратилди.

Ҳар қандай тил сингари, ўзбек тили ҳам ўзининг ички тузилишига эга. Унинг ички тузилиши кўп сатҳлидир, яъни ўзбек тили бир қанча сатҳ бирликларининг ўзаро муносабатидан ташкил топган мураккаб бутунлик, тизимдир. Ўзбек тили тизим сифатида фонологик (фонетик), морфемик, лексик, морфологик, синтактик сатҳларнинг ўзаро поғонали муносабатидан ва ҳар бир сатҳ бирликларининг бир-бири б-н уядошлик ва кетма-кетлик муносабатидан ташкил топган.

Фонология. Таянч шеваларда, шунингдек, бошқа туркий тилларда 8–9 унли бўлган ҳолда, адабий ўзбек тилида 6 та унли фонема учун 6 та ҳарф қабул қилинган: а, о, ў, у, э, и. Демак, унлилар бир фонемага бир ҳарф тамойили асосида ёзилади. Нутқий жараёнда аниқ талаффуз қилинувчи фонеманинг вариантлари, яъни товушлар бир қатор артикуляция ва акустик белгиларга эга бўлади.

Айрим белгилар бир фонемани иккинчи фонемадан фарқлаш учун хизмат қилса, бошқалари бундай хусусиятга эга бўлмайди. Ҳоз. ўзбек адабий тили унли фонемалари учун 2 та белги (лабнинг иштироки ва оғизнинг очилиши даражаси) фонологик муҳим, фарқловчи белги саналади. Шунинг учун унлилар шу 2 фарқловчи белги асосида тасниф қилинади. Айрим ўзбек шеваларида учрайдиган, эски ўзбек тилида ҳам мавжуд бўлган унлиларнинг қатор белгиси (олд қатор ёки орқа қатор), шунингдек, унлиларнинг чўзиқлик белгиси ҳам ҳоз. ўзбек адабий тили учун муҳим фарқловчи белги ҳисобланмайди.

Ҳоз. ўзбек адабий тилида 23 та ундош фонема мавжуд бўлиб, улар б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ ҳарфлари б-н ифодаланади. Ундошлар учун пайдо бўлиш ўрни, пайдо бўлиш усули ва овознинг иштирок этиш—этмаслиги белгилари фарқловчи белгилар саналади. Ана шу белгилар ундошлар таснифи учун асос бўлиб хизмат қилади. Тилимиздаги барча сўзлар юқоридаги 6 унли ва 23 ундош фонеманинг турлича комбинация (қўшилиш)ларидан ташкил топади.

Сўзлар фонетик жиҳатдан бўғинларга бўлинади. Бўғин товушлар бирикмасидан ташкил топганда, шу товушлардан биттаси бўғин ҳосил қилувчи товуш вазифасини бажаради. Ўзбек тилида унлилар бўғин ҳосил қилувчи товуш саналади. Шунинг учун сўздаги бўғинлар сони унинг таркибидagi унлиларга қараб белгиланади. Сўзлар нечта унли иштирок этишига кўра бир бўғинли (от, тоғ, бог, сув, ўт), икки бўғинли (она, бола, ҳамма) ва кўп бўғинли (вазифа, газета, гулбеор, момақалдироқ) сўзларга бўлинади. Ўзбек тилидаги бўғинлар тузилишига кўра, асосан, қуйидаги кўринишларга эга: 1) фақат бир унли: о—на, о—па, а—ка, ў—ша; 2) унли+ундош: ўн, иш—ла, эр—так; 3) ундош+унли: те—рак, ме—ва, ва—зи—фа; 4) ундош+унли+ундош: сув—дон, тиш—ла, кўз—ла, даф—тар; 5) унли+ундош+ундош: ост, уст, ақл, илм—ли; 6) ундош+унли+ундош+ундош: дўст, ғишт, гўшт, дард, қанд. Сўнги бўғин тури асосан ўзлашма сўзларга учрайди.

Ўзбек тилида урғу асосан сўзларнинг охириги бўғинига тушади. Бу ҳолат урғунинг вазифаси б-н боғлиқдир. Охириги бўғиндаги урғу, биринчидан, сўзнинг тугалланганлигини билдиради; иккинчидан, сўзни сўздан оҳанг жиҳатдан ажратиб туради; учинчидан, сўз бўғинларини бир бош урғу остига бирлаш-

тириб, уларни оҳанг томондан яхлитлайди. Урғу асосан сўзнинг охириги бўғинига тушганлиги учун сўзнинг хилма-хил қўшимчалар олиб чўзилиб бориши урғунинг ҳам охириги бўғинга сурилиб боришини таъминлайди: дала-далалар-далаларимиз-далаларимизда каби. Этимологик нуқтаи назардан бошқа тизимдаги тиллар (мас., араб ва форс тиллари)га мансуб бўлган, лекин ўзбек тилининг ўз сўзига айланиб кетган *албатта*, *аммо*, *баъзи*, *доимо*, *лекин*, *ҳамиша*, *ҳамма*, *ҳозир* каби сўзларда бу умумий қоидадан четга чиқиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Морфология. Ҳоз. ўзбек адабий тилида ўзаро лексик-грамматик, функционал хусусиятларига кўра фарқланувчи қуйидаги сўз туркумлари бор: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш – мустақил сўзлар; кўмакчи, боғловчи, юклама – ёрдамчи сўзлар; ундовлар, тақлидий сўзлар, модал сўзлар.

Гап ҳосил қилиш учун энг фаол сўз туркуми феълдир. Ўзбек тилида феъл ўзига хос нисбат, бўлишсизлик, замон, майл, шахс-сон қўшимчаларига, равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи сингари вазифадор шаклларга эга.

Ўзбек тилида нисбат шакллари феълнинг асос қисмидан кейин қўшилади. Феъл 5 та нисбат шаклига эга: аниқ нисбат; ўзлик нисбат; орттирма нисбат; мажҳул нисбат; биргалик нисбат. Феълнинг асос қисми аниқ нисбат шакли ҳисобланади: ўқи, бажар каби. Асос қисмга -л (-ил), баъзан -н (-ин) қўшимчаларини қўшиш орқали мажҳул нисбат шакли ҳосил қилинади. Ўзлик нисбат -л (-ил), баъзан -н (-ин) қўшимчалари ёрдамида ҳосил бўлади: қийналди, кийинди. Асос қисмга -т, -дир (-тир), -ғиз (-ғиз), -қиз (-ғиз) каби қўшимчаларни қўшиш йўли б-н феълнинг орттирма нисбат шакли ясалади: ўқит, ёздир, келтир, кеткиз, ўтқиз, турғиз. Баъзан феъл асосига орттирма нисбат ҳосил қилувчи бирдан ортиқ қўшимча қўшилиши мумкин: ўқит-ўқиттир, тўлдир-тўлдирғиз. Феъл асосига -ш (-иш) қўшимчаси қўшиш орқали биргалик нисбат шакли ҳосил қилинади: ўқиди-ўқиди, келди-келди.

Ўзбек тилида феълларнинг бўлишсиз шакли бўлишли шаклга -ма қўшимчасининг қўшилиши б-н ҳосил бўлади: келди-келмади, кўрди-кўрмади. Феълнинг -ган ва -ётган шакллари эса -ма б-н биргаликда йўқ ва эмас сўзларини қўшиш орқали ҳам бўлишсиз

шакл ясалиши мумкин: ўқиган – ўқимаган – ўқиган(и) йўқ – ўқиган эмас.

Феълнинг ўтган замон шакллари феъл асосларига -ди, -б, -ган (-кан, -қан) қўшимчаларини ва улардан сўнг шахс-сон қўшимчаларини қўшиш б-н ҳосил бўлади: ўқи-ди-м, ўқи-б-ман, ўқи-ган-ман. Феъл асосларига -яп, -моқда, -(а)ёттир, -(а)ёттиб қўшимчаларини қўшиш орқали ҳоз. замон шакллари ҳосил бўлади: келяпман, келмоқда, келаёттир, келаёттибман. Келаси замон шакллари феъл асосларига -а, -й, -(а)р қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади: келаман, ўқийман, келарман.

Ўзбек тилида феълларнинг 3 та майл шакли мавжуд: хабар (ижро) майли; буйруқ-истак майли; шарт майли. Хабар майлининг махсус қўшимчалари бўлмай, у феъл асосига замон ва шахс-сон қўшимчаларини қўшиш орқали шаклланади: ўйнадим, гулламоқда. Буйруқ-истак майли шакллари феъл асосларига -(а)й, -(а)йин, -гин, -(ин)г, -син, -(а)йлик, -(ин)глар қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил бўлади: борай, борайин, борайлик, боргин, боринг, боринглар, борсин. Бу феъллардан дастлабки 3 таси 1-шахсни, кейинги 3 таси 2-шахсни, охиригиси эса 3-шахсни билдиради. Шарт майли шакли феъл асосларига -са қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинади: ўқисам, ўқисанг, ўқиса. Баъзи адабиётларда 4-майл тури ҳам, яъни мақсад майли ҳам кўрсатилади. Бу майл шакли -моқчи қўшимчаси ёрдамида ясалади: бормоқчиман, кўрмоқчиман.

Феъллар шахс-сон қўшимчаларини олиб, кесимга хосланади. Шахс-сон қўшимчаларининг қисқа: -м (-им), -нг (-инг) ва тўлиқ: -ман, -сан шакллари мавжуд; 1-шахс: бордим, бораман, борганман, борибман; 2-шахс: бординг, борасан, боргансан, борибсан; 3-шахс: борди, борди, борган, борибди.

Феълларнинг 4 та вазифадор шакли мавжуд: 1) соф феъл шакли: ўқиди, келган, ўқиёттир; 2) ҳаракат номи шакли. Бу шакл феъл асосларига -(и)ш, -(у)в, -моқ қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади: ўқиш, ишлов, ишламоқ; 3) сифатдош шакли. Бу шакл феъл асосларига -ган (-кан, -қан), -(а)р (бўлишсиз) – (-мас), -вчи қўшимчаларини қўшиш йўли б-н ясалади: келган, чиққан, боралиган, оқар (сув), сўнмас (юлдуз), боралиган, бўлмайдиган; 4) равишдош шакли. Бу шакл феъл асосларига -(и)б, -(а)й, -ган(-қач, -қач), -гунча (-кунча, -қунча), -ганча(-қанча, -қанча), -гани(-гани, -қани) қўшимча-

ларини қўшиш б-н ҳосил қилинади: кўриб, кула-кула, келгач, чиққач, боргунча, тўккунча, югурганча, ишлагани.

Ўзбек тилида феъл ясалиши бой имкониятларга эга, бунда сўз ясалишининг аффиксация усули кенг тарқалган. -а, -ла қўшимчалари от, сифатлар ва ундов сўзлардан (от+а-ата, ёш+а-яша, иш+ла, яхши+ла, оқ+ла, уф+ла); -(а)й, -и, -сира, -са қўшимчалари от, олмош ва сифатлардан (қора+й, сариқ+ай-сарғай, бой+и, сен+сира, ёғ+сира, сув+са); -(а)р қўшимчаси сифатлардан (оқ+ар, кўк+ар, қисқа+р); -илла қўшимчаси тақлид сўзлардан (тақ+илла, гур+илла) феъл ясаш учун хизмат қилади.

Ўзбек тилида равишдошнинг -(а)й, -(и)б шакллари қўшилиб, унда ифодаланган ҳаракатнинг юзага чиқиши б-н боғлиқ турли ҳолатларни билдирувчи кўмакчи феъллар ҳам кенг тарқалган: бошламоқ (айта бошлади, ўқий бошлади), олмоқ (айта олади, ўқий олади), чиқмоқ (ўқиб чиқди), ётмоқ (ўқиб ётди), юрмоқ (ўқиб турибди), юбормоқ (ўқиб юборди), ташламоқ (ўқиб ташлади), қўймоқ (ўқиб қўйди), ўтирмоқ (ўқиб ўтирибди), бўлмоқ (ўқиб бўлди) каби феъллар кўмакчи феъллар ҳисобланади.

Ўзбек тилида 3-шахс феълларига -лар қўшимчасини қўшиб, шу ҳаракатнинг бажарувчисига ҳурмат муносабатини ифодалаш кенг тарқалган: келдилар, келганлар, келяптилар, келадилар (юқоридаги феълларнинг ҳаммасида ҳам бир кишининг ҳаракати ифодаланади).

Отлар ўзбек тилида луғавий ва муносабат шакллари эга. Эгалик, келишик кўрсаткичлари, -ман, -сан, -дир қўшимчалари муносабат шакллари ҳисобланади. Эгалик қўшимчалари шахс ва сон белгиси бўйича қуйидаги шаклларга эга бўлади: 1-шахсда -(и)м ва -(и)миз: китобим, китобимиз; болам, боламиз; 2-шахсда -(и)нг ва -(и)нги: китобинг, китобинги; боланг, боланги; 3-шахсда -и(-си) ва -лари: китоби, китоблари; боласи, болалари каби.

Ўзбек тилида 6 та келишик шакли бўлиб, уларни жойлашиш тартиби қуйидагича: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жуналиш келишиги, ўрин-пайт келишиги, чиқиш келишиги. Бош келишик ноль кўрсаткичи бўлади, яъни муайян қўшимчага эга эмас: дафтар, китоб; қаратқич келишигининг қўшимчаси -нинг бўлиб, бир предметнинг бошқа предметга қарашлилигини билдиради: дафтарнинг, китобнинг; тушум келишиги -ни қў-

шимчасига эга: дафтарни, китобни; жўналиш келишигининг қўшимчаси -га (-ка, -қа): китобга, эшикка, қишлоққа; ўрин-пайт келишиги қўшимчаси -да: китобда, далада, дўстимда; чиқиш келишигининг қўшимчаси эса -дан: китобдан, боғдан, сендан.

Отлар -ман, -миз, -сан, -сиз, -дир қўшимчаларини, шунингдек, бўлмоқ, саналмоқ, ҳисобланмоқ; экан, эмиш, эди, эмас сўзларини олиб, гапла кесим вазифасини бажаришга хосланади: 1-шахс — ўқитувчиман, ўқитувчимиз, ўқитувчи бўламан (ҳисобланаман), ўқитувчи эдим (эдик), ўқитувчи бўламиз; 2-шахс — ўқитувчисан, ўқитувчисиз, ўқитувчи бўласан, ўқитувчи бўласиз (ҳисобланасиз), ўқитувчи эдинг (эдингиз); 3-шахс — ўқитувчидир(лар), ўқитувчи бўлади(лар), ўқитувчи саналади(лар), ўқитувчи экан(лар).

Отлар бирлик ва кўplik шакллари га эга. Кўplik шакли бирлик шаклга -лар қўшимчасини қўшиш б-н ҳосил қилинади, яъни отларнинг -лар қўшимчасини олмаган шакли бирлик шакл саналади. Отларнинг кўplik шакли кўplik маъносидан ташқари ҳурмат (дадамлар, онамлар), умумлаштириш, кучайтириш (кўзларим, оғизларим) ва б. маъноларни ҳам ифодалаши мумкин.

Ўзбек тилида отлар кичрайтириш ва эркалаш шакллари га эга. Отларнинг -ча (дафтарча, тугунча, ариқча), -чоқ (тойчоқ, ўйинчоқ, болачоқ) ва -чак (келинчак, тугунчак) қўшимчаларини олган шакллари кичрайтириш шакллари: -гина (-кина, -қина): болагинам, тойчоқгинам, -жон (укажон, дадажон), -хон ва -ой (Ойхон, Барчиной), шунингдек, -(а)лоқ (қизалоқ) қўшимчаларини олган шакллари эса эркалаш шакллари ҳисобланади.

Ўзбек тилида туб отлардан ташқари ясама отлар ҳам кенг тарқалган. Сўзларнинг асос қисмига -чи, -кор, -дор -дош, -соз, -хон, -боз (-воз), -вчи қўшимчаларини қўшиш орқали шахс отлари (ишчи, сувчи, пахтакор, чорвадор, синфдош, қуролсоз, машинасоз, китобхон, хотинбоз, каптарвоз, ёзувчи); -гич (-кич, -ғич, -қич), -ма, -ги (-ки, -қи), -к(-қ) каби қўшимчаларни қўшиш б-н нарса отлари (пуркагич, совуткич, қирғич, тугма, супурги, туртки, ачитқи, элак, ўроқ, тароқ); -зор, -лоқ, -истон, -тоҳ, -хона, -дон қўшимчаларини қўшиш орқали ўрин-жой отлари (гулзор, ўтлоқ, гулистон, ўйингоҳ, дарсхона, туздон, гулдон); -лик қўшимчасини қўшиш б-н маъвоҳ от-

лар (яхшилиқ, ёмонлик, камтарлик, баландлик) ясалади. Қўшма отлар асосан от+от (ошқовоқ, отқулоқ, ойболта), сифат+от (оққуш, қизилиштон, Қоратепа), от+фёъл (отбоқар, кушқўнмас, ишёқмас), сон+от (мингоёқ, учбурчак, Учтепа) қолипларида ҳосил қилинади.

Сифатларнинг ўзига хос грамматик белгиси даража категориясига эгаллигидир. Ўзбек тилида энг, гоъят, жуда, ниҳоятда, багоъят сўзларини сифат олди-дан келтириш (энг чиройли, гоъят гўзал, жуда мазали, ниҳоятда баланд, багоъят ёқимли) ёки сифатларнинг биринчи бўғинини товуш ўзгартиш б-н такрорлаш орқали (бус-бутун, кап-катта, туппа-тузук, қип-қизил) сифатларнинг орттирма даражаси ясалади. Сифат асосларига -роқ қўшимчасини қўшиш орқали қиёсий даража шакли (чиройлироқ, баландроқ, ширинроқ), сифатлар олди-дан сал, пича, хийла, ним сўзларини келтириш ёрдамида оъайтирма даража шакли (сал новча, пича аччиқ, хийла шўх, ним пушти) ҳосил қилинади.

Ўзбек тилида бошқа туркумга мансуб сўзлардан -ли, -сиз, -дор, -кор, -ма, -чан, -чоқ (-чак), -қоқ, -ки(-қи), -к(-қ), -ч, ба-, бе-, бо-, но-, сер- ва б. қўшимчалар ёрдамида турли маънодаги сифатлар ясалади: мазали, сувли, мазасиз, сувсиз, гўштдор, эҳтиёткор, эзма, ишчан, ҳаракатчан, эринчоқ, куйинчак, қочқоқ, тиришқоқ, ички, ташқи, чирик, йиртик, тинч, жирканч, бақувват, беақл, боумид, нотўғри, серсув, билармон, билармон, давлатманд, сезиларли каби.

Сонлар саноқ сон, тартиб сон, дона сон, чама сон, жамловчи сон, тақсим сон, каср сон сингари гуруҳларга бўлинади. Саноқ сондан бошқа барча сонлар махсус шакллар ёрдамида саноқ сонлардан ҳосил қилинади. Саноқ сонга -(и)нчи қўшимчасини қўшиш орқали тартиб сон (бешинчи, қирқинчи), -та қўшимчасини қўшиш б-н дона сон (тўртта, йигирмата), -тача қўшимчасини қўшиш орқали чама сон (ўнтача, ўттизтача), -ов, -ала қўшимчаларини қўшиш натижасида жамловчи сон (учов, бешов, бешала), -тадан қўшимчасини қўшиш б-н эса тақсим сон (тўрттадан, элликтадан) ҳосил қилинади. Ўндан бир, тўртдан уч, ўн бутун учдан бир сингари сонлар каср сонлар ҳисобланади.

Ўзбек тилида ҳаракатнинг белгисини билдириб келувчи равишлар бир неча маъно турларига бўлинади; улар от,

сифат асосларига -ча, -лаб, -лар, -ча, -она, -часига, -ан каби қўшимчаларни қўшиш орқали ҳосил қилинади: эскича, йиллаб, эрталаб, мардларча, қаҳрамонона, эркакчасига, расман, тасодифан.

Кўмакчилар (билан, учун, каби, сингари, сўнг, бери, кўра, қарши, узра ва б.) ва боғловчилар (ва, аммо, лекин, бироқ, балки, ёки, агар, чунки, гўё ва б.) ва юктамалар (ахир, наҳот, фақат, -ми, -чи, -а, -я ва б.) асосан грамматик ва-лифа бажарувчи ёрдамчи сўзлардир.

Ҳоз. ўзбек адабий тилидаги аҳ, ўҳ, ўҳҳў, оббо, эй, эҳ, вай, уҳ, ҳаҳ, ваҳ-вах, эҳа, ие каби ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи, лишт, кишт, беҳ-бех, маҳ-маҳ, чу, қурей каби ҳайдаш-чақиришни билдирувчи (буйруқ-хитоб) ундовлари алоҳида сўз туркумини ташкил этади.

Шунингдек, ўзбек тилида тақлид сўзлар ҳам алоҳида ўрин тутади, алоҳида сўз туркуми ҳисобланади; уларнинг товушга тақлид сўзлар (тақ-туқ, қарс-қурс, қулт-қулт, вақ-вақ, чуғур-чуғур каби) ва образга, тасвирга тақлид сўзлар (йилт-йилт, ялт, жимир-жимир, лип-лип, ярқ ва б.) каби хиллари мавжуд.

Синтаксис. Ўзбек тили синтактик қурилишида кесим марказий ўринни эгаллайди. Кесимлик шаклига эга бўлган ва тугалланган оҳанг б-н талаффуз қилинган ҳар қандай сўз энг кичик гап саналади. Бошқа бўлақлар кесимнинг кенгайтирувчилари ёки кесим кенгайтирувчиларининг кенгайтирувчилари ҳисобланади.

Гапларнинг тузилишига кўра турлари ҳам кесимнинг миқдорига ва кенгайтирувчиларнинг иштирокига кўра белгиланади. Фақат битта кесимдан иборат бўлган гаплар содда йиғиқ гап (Баҳор. Ўқидим), кенгайтирувчилар қатнашган гап содда ёйиқ гап (Қирларга лола тергани чикдик), икки ва ундан ортиқ кесимлар ишироқ этган гаплар қўшма гап (Келсам, йўқ экансиз) ҳисобланади.

Гапла сўзлар тенг ва тобе алоқада бўлиб, тобе алоқанинг 3 тури (бошқарув, мослашув, битишув) мавжуд. Ўзбек тилида гап бўлақлари адабий тил меъёрига мувофиқ қуйидаги тартибда жойлашади: кесим гапнинг якуновчи-си сифатида гап охирида, эга эса кесимдан олдин келади. Тўлдирувчи тўлдирилмишдан, ҳол ҳолланмишдан, аниқловчи аниқланмишдан олдин келади.

Лексика. Ҳоз. ўзбек адабий тилининг лексик таркиби ўз ва ўзлашган қатламдан иборат: ўз қатлам умумтуркий ва соф ўзбекча сўзлардан ташкил топган бўлса, ўзлашма қатламда кўплаб арабча, форсча, тожикча, мўғулча, русча ва рус тили орқали кирган байналмилал сўзлар бор. Уларнинг ўзаро нисбати объектив ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таъсири остида турли даврларда турлича бўлган. Ўзбек тилига сўз ўзлаштириш жараёни ҳоз. кунда мажбурийлик асосида эмас, балки тиллар ривожланишининг объектив қонуниятларига мос ҳолда амалга ошмоқда. Лекин собиқ шўролар даврида ўзбек адабий тили лексикасига, айниқса, унинг терминологиясига кўплаб русча, байналмилал сўзлар зўрма-зўраки киритилди. Ўзбек тили давлат тили мақомини олгандан кейинги даврда шундай сўзлар ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган сўз ва терминлар б-н алмаштирилмоқда.

Айниқса, республикаимиз мустақиллиги йилларида ўзбек тили лугат таркибида қатта ўзгаришлар рўй берди. Шўролар даврида умумий лугат фондиди яратиш ҳаракати туфайли тилимизда пайдо бўлган отпусса, практика, прописка, профил, правление, счёт, экономика каби сўзлар истъмоладан чиқиб кетди. Шунингдек, шўролар бошқаруви тизимини ифодаловчи бюро, колхоз, комсомол, обком, октябрят, пионер, райком, совет, совхоз сингари сўзлар тарихий сўзларга айланди.

Шу б-н бирга, вазир, посбон, ҳоким каби бир қатор сўзларнинг вазифа доираси ва мазмуний мундарижаси кенгайди. Бозор иқтисодиёти тизимидаги

янги тушунчаларни акс эттирувчи брокер, дилер, консалтинг, лизинг, менежер, менежмент, мониторинг, ноухау каби; фан ва техникага доир янги тушунчаларни ифодаловчи дисплей, интернет, монитор, принтер, сайт, сканер, файл сингари бир қанча янги сўзлар кенг қўллана бошлади.

Ҳоз. кунда ўзбек адабий тили даврлар оша шу тил вакиллари томонидан қайта-қайта ишланиб сайқалланган, ҳар томонлама меъёрланган, ягона миллий тил даражасига кўтарилган тил сифатида ўзбек халқининг ўзаро алоқамуносабатларида восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Ад.: По л и в а н о в Е.Д., Введение в изучение узбекского языка, ч. 1, Т., 1925; Ҳозирги замон ўзбек тили [Лексикология. Фонетика. Морфология], Т., 1957; К о н о н о в А. Н., Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960; Ш е р б а к А.М., Грамматика староузбекского языка, М.—Л., 1962; Ф у л о м о в А., А с қ а р о в а М., Ҳозирги ўзбек адабий тили [Синтаксис], Т., 1965; Б а с к а к о в Н.А., Введение в изучение тюркских языков, 2-изд., М., 1969; А б д у р а х м о н о в Ф., Ш у к у р о в Ш., Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, Т., 1973; Ўзбек тили грамматикаси, 2-ж. [1-ж. — Морфология, 2-ж. — Синтаксис], Т., 1975—76; Р е ш е т о в В.В., Ш о а б д у р а х м о н о в Ш., Ўзбек диалектологияси, Т., 1978; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Т., 1980; Т у р с у н о в У., Ў р и н б о е в Б., Ўзбек адабий тили тарихи, Т., 1982; R a h m a t u l l a y e v Sh., H o j i j e v A., O'zbek tilining imlo lug'ati, T., 1995; Н у р м о н о в А., Ўзбек тилшунослиги тарихи, Т., 2002; R a h m a t u l l a y e v Sh., H o z i r g i o'zbek adabiy tili, T., 2005.

Абдулҳамид Нурмонов, Абдуваҳоб Мадвалиев.

«Ўзбек тилининг изоҳли лугати»

Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-тида тузилиб «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида нашр этилаётган 5 ж. ли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» аввалги, 2 ж. ли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» нашр этилгандан (1981) кейинги даврда, айниқса, республика мустақиллиги йилларида ўзбек тили лугат таркибида рўй берган ўзгаришларни акс эттирувчи, лексикографиянинг энг янги ютуқларига асосланиб яратилган лугатдир. Бир умумий лугавий маънога эга бўлган сўз шаклларида асосийсини бериш, қолганларини эса, маънода муайян силжиш, ўзгариш бўлмаган ҳолларда бермаслик; аввалги лугатда «эскирган», «диний» каби белгилар остида берилган (ёки умуман берилмаган) тарихий, этнографик, диний терминларга янгича ёндашув; ўзбекча ёки умумтуркий лексикадан бошқа (арабча, форсча, байналмилал, русча ва б. тилларга мансуб) сўз ва терминларга мумкин қадар тўлиқ этимологик маълумот бериш кабилар ушбу лугатнинг ўзига хос хусусиятларидандир. Лугат ҳоз. ўзбек адабий тилида нисбатан кенг истъмолад бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, жумладан, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни қамраб олади.

ЎЗУВИ


Ўрта Осиёдаги халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи жуда қадим ёзув маданиятига эга. Улар ўтмишда турли ёзувлардан фойдаланиб келганлар. Бу ёзувлар ўз системасига кўра, асосан, фонографик — ҳарф-товуш ёзувидан иборат бўлган. Бу ўринда сугд, паҳлавий, урхун-енисей (руник), уйғур, араб ёзувларини эсга олиш kifой. Ҳар бири ўзига хос бу ёзувлар оромий ёзуви б-н муайян даражада боғлиқ.

Оромий ёзуви қад. сом (финикий) ёзуви асосида пайдо бўлган консонант (ундош) деб аталмиш ёзув туридир. У мил. ав. 1-минг йиллик бошида пайдо бўлган. Қад. сом ёзуви ибтидоий алифбосининг (мил. ав. 2-минг йиллик 2-ярми) келиб чиқиши ҳозиргача аниқланмаган.

Асли арабистонлик кўчманчи сом қабилаларига мансуб бўлган оромийлар мил. ав. 14–11-а.ларда Фарбий Осиё ерларига келиб ўрнашганлар. Оромийлар мил.ав. 1-минг йиллик бошида Финикияда финикий ёзуви б-н танишадилар ва уни оромий тилига мослаштирадилар. Дастлабки оромий ёзуви финикий ёзувидан деярли фарқ қилмаган. Мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида оромийлар финикий ёзувиге айрим ўзгаришлар киритиб, жуда кўп ҳарфларнинг шаклларини соддалаштирганлар. Бу оромий ёзувининг савдо-сотик ва маъмурий-хўжалик ишларида кенг қўлланиши б-н боғлиқ бўлган, яъни хатни тез ва кўп ёзиш заруриятидан келиб чиққан. Оромий алифбоси ҳам фақат ундошларни ифодаловчи 22 ҳарфдан ташкил топган. Оромий ёзувида сўзлар бир тик чизиқ ёки нуқта б-н ажратиб ёзилган. Кейинчалик эса сўзлар уларнинг ўртасида бўш жой қолдириш йўли б-н ажратилган.

Оромийлар Фарбий Осиё мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётида етакчи мавқени эгаллаганлар, оромий тили ҳамда ёзуви бу мамлакат халқларининг тили ва ёзуви сифатида хизмат қилган. Мил. ав. 8-а.дан эса бу тил ва ёзув айни мамлакатларда халқаро тил ва ёзувга айланган. Секин-аста оромий ёзувини араблар, форслар, уйғурлар ва б. халқлар ўзлаштириб, ўз тилларига мослаштирганлар.

Мил. 4-а.да оромийларнинг араблар томонидан ассимиляция қилиниши, кейинги асрларда араб тили ва ислом динининг ҳукмрон мавқени эгаллаши натижасида оромий ёзуви йўқолган. Оромий ёзувида битилган энг қад. матнлар мил. ав. 9-8-а.ларга оиддир.



Хоразм архивига оид ҳужжат. 3—4-а.лар.
Тупроққалъа.

Мил. ав. 2—1-а.лардан мил. 8-а. ўрталаригача қад. Хоразм давлати тилида (хоразмий тилида) оромий алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланилган. Тупроққалъадан топилган Хоразм архивига оид ҳужжат шундан далолат беради.

Сугд ёзуви оромий ёзуви асосида шакланган ҳарф-товуш ёзувидир. Бу ёзув қарийб минг йил давомида ҳоз. Ўзбекистон ва қисман Тожикистон ерларида (Зарафшон водийси) жойлашган қад. Сугдиёнада қўлланган. Сугд ёзувининг мил. бошларига оид энг қад. намунаси Ўзбекистонда Самарқанд яқинидаги Талибарзу тепалигидан топилган. Энг кейингилари эса 8-а.га оид бўлиб, 1933 й.да Тожикистондаги Муғ қалъа харобасидан топилган ҳоким Диваштич архивининг қолдиқларидан иборат. Ҳужжатларнинг аксар қисми чарм, қоғоз ва тахтачаларга сугд ёзувида, туркий тилда битилган.

Сугд ёзуви сомий алифболар каби консонант ёзув бўлган, яъни ҳарфлар, асосан, ундош товушларни ифода этган. 7—8-а.ларда сугдлар ўз алифболарини 23 ҳарфдан иборат деб белгиланганлар, бу ҳарфлар оромий алифбосидаги тартибда жойлашган. Битта қўшимча 23-ҳарф эса 12-ҳарфнинг такроридан иборат бўлган. 4-а.нинг бошларидан айрим ҳарфлар алифбодан чиқиб кетган, айрим ҳарфлар эса бир-бирига ўхшаш шаклда ёзила бориши натижасида бир ҳарфга келиб қолган. Ана шу тариқа сугд алифбоси 17 ҳарфдан иборат бўлиб қолган. Сугд ёзуви дастлабки пайтларда график шаклига кўра, оромий ёзувдан жуда кам фарқ қилган. 7-а.нинг ўрталаридан эса ёзма хат шакли борган, натижада қўшиб ёзиш

шакллари кўпайган. Кўп ҳарфларнинг ёзилиши бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб қолганидан сугд ёзма хатини ўқиш ва тушуниш қийинлашган. Айрим ҳарфлар график шаклининг ўхшаш бўлиб қолиши турли диакритик белгилар қўллашни тақозо этган.

Сугд ёзувида б ва г товушлари учун алоҳида ҳарф бўлмаган, бу товушларни ифодалаш зарур бўлганда (ўзлашган сўзларда), «п» ва «к» товушларидан фойдаланилган. Сугд ёзуви, асосан, горизонтал ҳолатда ўнгдан чапга қараб ёзилган. Аммо сугдлар 6-а.нинг охириларидан вертикал йўналишда ҳам ёзганлар (Бугут ёдгорлиги). Бино деворлари ва қоятошларда сақланиб қолган сугд ёзувлари шу йўналишда ёзилган. Бундай вертикал сатрлар чапдан ўнгга қараб жойлашиб борган.

Паҳлавий ёзуви оромий ёзуви кўринишларидан бири асосида (мил. 3-а.да) Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида пайдо бўлган ҳарф-товуш ёзувидир. Дастлаб паҳлавий алифбоси 22 ҳарфдан иборат бўлган. Кейинчалик айрим ҳарфларнинг ёзилиш шаклларида содир бўлган ўзгаришларга кўра фақат 15 та белги фарқланганидан бўлган. Ёзув асосан ўнгдан чапга қараб ёзилган. Фақат нисбатан кейинги ёзма ёдгорликлар (8-а.)нинг айримларида вертикал — юқоридан пастга қараб ёзилганидан ҳолатлар ҳам кузатилади.

Ушбу ёзувнинг бир кўриниши (моний ёзуви тизими) туркий халқлар ёзувининг шаклланишига маълум даражада таъсир кўрсатган.

Урхун-енисей ёзуви туркий халқларнинг энг қад. ҳарф-товуш ёзувидир. Бу ёзув «Енисей-урхун ёзуви», «Сибирь ёзуви», «Туркий руник ёзув» каби номлар б-н ҳам юритилади. Руник деб аталшига сабаб бу ёзувнинг ташқи кўриниш жиҳатидан герман руник ёзувларига ўхшаш эканлигидир.

Урхун-енисей ёзувининг келиб чиқиши ҳақида мутахассислар ўртасида тан олинган ягона фикр йўқ. Бу ҳақдаги нисбатан кенг тарқалган қарашга кўра, айна ёзув келиб чиқиши жиҳатидан сугд ва паҳлавий ёзувлари орқали оромий ёзувга бориб тақалади. Сугд ёзувининг туркий тилларнинг фонетик ва морфологик хусусиятларига мослаштирилиши жараёнида у сезиларли, кескин ўзгаришга учраган. Урхун-енисей ёзувининг пайдо бўлиш жойи ва вақти ҳам ҳозиргача узил-кесил ҳал қилинмаган. Мутахассислар айна ёзувнинг 3 кўринишига асосланиб, у ўз тараққиёти давомида 3 босқични босиб ўтган, деб ҳисоблайдилар: 1) архаик босқич

(Еттисув ёдгорликлари, 6—7-а.лар; Енисей ёдгорликлари, 7—9-а.лар); 2) классик босқич (иккинчи хоқонлик ёдгорликлари, 8-а.нинг 1-ярми); 3) сўнги босқич (Уйгур хоқонлиги даври ёдгорликлари, 8-а.нинг 2-ярми — 9-а.; Шарқий Туркистон ёдгорликлари, 9-а.). Бу ёзув пайдо бўлиш урни ва вақти б-н боғлиқ бўлган айрим график хусусиятлари туфайли урхун, турфон, енисей вариантларига эга. Буларнинг энг қадимийси урхун вариантидир. Улар умумий ёзув шаклига кўра бир-бирларидан кескин фарқ қилмайди. Улар ўртасидаги фарқ ҳарф вариантларининг кўп-озлиги жиҳатидан, холос. Урхун-енисей ёзуви ҳарфларнинг вариантларини ҳисобга олмганда, асосан, 35 та ҳарфдан иборат. 8 та унли ифодаси учун 4 та (енисей вариантыда 5 та) ҳарф ишлатилган. Айрим ҳарфлар бир товушни эмас, балки бирдан ортиқ товушлар мажмуини ифодалаган. Ундошлар қаттиқ ва юмшоқ вариантларга эга бўлган, шунинг учун юмшоқ ундош учун алоҳида ҳарф, қаттиқ ундош учун алоҳида ҳарф мавжуд бўлган.

Урхун-енисей ёзувида тиниш белгилари бўлмаган. Сўзлар, баъзан бирикмалар бир-бирдан икки нуқта (:) б-н ажратиб кўрсатилган, бу икки нуқта шартли равишда айиргич деб юритилади. Бир ҳарф ўзидан кейинги ҳарфга қўшилмаган, уланмаган ҳолда алоҳида-алоҳида ёзилган. Урхун-енисей ёзуви горизонтал ҳолатда ўнгдан чапга қараб ва вертикал ҳолатда юқоридан пастга қараб ёзилганда, ҳарфлар чап ёнга ётқизилган ҳолатда бўлган ва сатрлар ўнгдан чапга қараб жойлашиб борган.



Урхун-енисей ёзуви намунаси.

Туркий халқларнинг кўпчилиги кейинроқ араб алифбосига ўтган, аммо урхун-енисей алифбоси ўша даврдаги туркий тиллар учун жуда ҳам қулай бўлган, у ҳар қандай туркий тил ифодаси учун беқиёс даражада мослашган эди, айниқса, тилдаги сингармонизм қонуниятларини тўлиқ акс эттира олган. Бу маънода урхун-енисей ёзуви унинг ўрнига келган уйғур ва араб ёзувларига қараганда ғоят мукамал ва қулай алифбо бўлган.

Уйғур ёзуви суғд ёзуви асосида ва сурёний ёзувининг таъсири остида пайдо бўлган ёзувдир. Қад. уйғур ёзувидаги ёдгорликларнинг аксарияти диний тусда бўлиб, буддавийлик, монийлик ва ислом ақидаларини акс эттирган. Уйғур ёзувидаги энг қад. ёдгорликлар 8–9-а.ларга оид деб тахмин қилинади. Қад. уйғур алифбоси 10-а.нинг бошларига-ча ҳам қўлланишда давом этган, ҳатто «сарик уйғурлар» деб аталувчи этник гуруҳ 19-а.да ҳам шу ёзувдан фойдаланган.

Уйғур ёзуви дастлаб, худди суғд ёзуви каби, соф консонант ёзув бўлган. Уйғур алифбоси 19 ҳарфдан ташкил топган. Ҳарфлар 3 хил график шаклга эга бўлган, яъни ҳарфларнинг сўз бошидаги, ўртасидаги ва охиридаги шакллари фарқланган. Уларнинг алоҳида ҳолатдаги шакли бўлмаган. Консонант суғд ёзувини унли товушларга бой бўлган уйғур тилига мослаштириш осон кечмаган. Бора-бора айрим ҳарфлар (алиф, вов, йо ва ҳ.к.) унли товушлар ифодаси учун ҳам қўллана бошлаган. Суғд тилида товушларнинг жарангли-жарангсизлиги фарқланмаган, шунинг учун ёзувда ҳам фақат жарангсиз ундош учун ҳарф мавжуд бўлган. Бу ёзув асосида шаклланган уйғур ёзувида айна хусусият сақланган, яъни ундошларнинг жарангли-жарангсиз жуфтликлари (мас., б-п, з-с, т-д, к-г) бир ҳарф б-н ифодаланган. Булар, албатта, уйғур ёзувидаги матнни ўқишни қийинлаштирган, чунки уйғур тилида ундошларнинг жарангли-жарангсизлиги, унлиларнинг қаттиқ-юмшоқлиги ва ш.к. ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Шунга кўра кейинчалик бу каби хусусиятларни ёзувда акс эттириш учун турли қўшимча белгилар қабул қилинган. Шу тариқа унлилар ҳам у ёки бу тарзда ифодалана бошлаган.

Уйғур ёзуви, асосан, вертикал ҳолатда юқоридан пастга қаратиб ёзилган. «Меърожнома», «Ўғузнома», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ», Юсуф Хос Ҳожибнинг машҳур «Кутал-

ғу билиг» асари ва б. кўпгина асарлар уйғур ёзувида кўчирилган.

Араб ёзуви сомий ҳарф-товуш ёзувининг энг ёш, нисбатан кейин юзага келган тармоғидир. Бу ёзув ислом динининг пайдо бўлишидан бир оз бурунроқ қўллана бошлаган. У келиб чиқиши жиҳатидан наботий (набатеи) ёзуви орқали оромий ёзувига бориб тақалади. Араб ёзуви моҳият эътибори б-н консонант ёзувдир. У мил. ав. сўнгги асрларда оромий ёзуви негизига юзага келади. Наботий ёзуви ҳам, оромий ёзуви каби, 22 ундош ҳарфдан иборат бўлган, аммо бу ёзув оромий ёзувдан чизиқларнинг нозиклиги, қўшувчи белгиларнинг кўп қўлланиши, ҳарфларнинг сўз бошида ва охирида турли хил кўринишга эга бўлиши б-н фарқ қилади. Дастлаб наботий ёзуви оромий тили ифодаси учун қўлланган. Мил. 3-а дан наботий ёзувида арабизмлар пайдо бўлган. 4-а.дан эса у араб тили ифодаси учун қўллана бошлаган.

Араблар ислом динини қабул қилганларидан кейин (7-а. 1-ярми) араб ёзувининг 2 асосий график кўриниши юзага келган: кувий (қад. шакли) ва насх. Кувий хатида (Фурот дарёси бўйидаги Куфа ш. номидан) ҳарфлар йирик ва деярли алоҳида-алоҳида ёзилган, асосан Қуръони каримни кўчиришда, шунингдек, турли ёдгорликлар, тангалар, давлат ҳужжатларида фойдаланилган. Насх хати ҳоз. китобий ёзувга асос бўлган, у асосан адабий ва илмий матнларни кўчиришда ишлатилган.


8-а.нинг охирига келиб, Араб халифалиги бир қанча мустақил давлатларга бўлиниб кета бошлади. Аммо бу давлатларда араб тили ва ёзувининг ҳукмрон мавқеи бари бир сақланиб

қолаверди, лекин шу б-н бирга араб ёзувининг бирмунча фарқли томонларга эга бўлган янги график кўринишлари вужудга кела бошлади. Шу тариқа араб ёзувининг жуда кўплаб турли кўринишлари юзага келган («настаълиқ», «таълиқ», «риқъа», «сулс» ва ҳ.к.).


Заҳриддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда ҳукмронлик қилиб турган вақтида араб ёзувининг турли шаклларида ёзилган бир хат яратган. Бу хатда араб ёзуви туркий тил ифодаси учун мослаштирилган бўлиб, у нозик ва ингичка бир шаклда ёзилган. Бобур тарафидан ихтиро этилган бу хат «Хатти Бобурий» деб аталган ва шу ном б-н кенг шуҳрат қозонган.

Араб тилининг муҳим хусусиятларидан бири ундош товушларнинг кўплигидир. Аммо қад. араб ёзувида оромий ва наботий ёзувларидаги каби ҳаммаси бўлиб 22 ундош ҳарф бўлган, ҳатто ҳарфлар шакллари соддалаштириш натижасида айрим ҳарфлар қисқариб, ундош ҳарфлар сони 17 га келиб қолган эди. Араблар исломни қабул қилганларидан кейин Қуръони каримни тўғри ва аниқ ўқиш зарурати араб ёзувидаги ҳарфлар сонини кўпайтириш ва турли қўшимча белгилар қабул қилишни тақозо қилди. Ана шу зарурият б-н ундош ҳарфларнинг устига ва остига биттадан учтагача нуқта қўйиб, ундош ҳарфларнинг маънолари фарқлана бошлади. Натижада араб алифбосидаги ҳарфлар сони 28 тага етди. Ҳоз. араб ёзувида 28 та ҳарф ва бир қанча диакритик белгилар тилнинг товуш қурилишини тўлиқ акс эттиришга ёрдам беради.

Форслар ва туркий халқлар араб ёзувини қабул қилиб, араб тилида бўлмаган, лекин ўз тилларида бўлган товуш-



Араб ёзувлари: 1. Муҳаққак 2. Райҳоний 3. Сулс 4. Кувий



Хатти Бобурийда битилган Куръони карим («Мусхафи Бобурий») дан парча — «Бақара» сурасининг 54—57-оятлари.

ДИНИ

Исломгача бўлган динлар. Ўзбекистон инсонларда илк бор диний тасаввурлар ва ақидалар пайдо бўлган энг қад. ўлкалардан бири. Тешиктош горидан неандерталларга мансуб ёш боланинг суяк қолдиқлари ва унинг атрофига териб чиқилган тоғ эчкиси шохларининг топилиши ўрта палеолитнинг охирларида дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўла бошлаганини кўрсатади. Сўнгги неолит даврида тотемизм, фетишизм, анимизм ва, айниқса, сеҳргарлик (муғаналик) сингари ибтидий дин шакллари тарқалди. С е ҳ р г а р л и к н и н г даволаш, бирор одамни «иситиш» ё «совитиш», деҳқончилик, чорвачилик соҳалари, ҳатто об-ҳавога таъсир кўрсатишга қаратилган турлича кўринишлари маълум бўлган. Кўзмунчоқ, тумор ёрдамида ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга оид сеҳргарлик ҳам шунга кирди. Сеҳргарликнинг баъзи шакллари ҳозир ҳам учраб туради: Куръони карим оятлари ёзилган тумор, дуо матни туширилган кўзмунчоқ ва ҳ.к.

А н и м и з м — ибтидий эътиқоднинг нисбатан юксакроқ шакли, яъни руҳлар ва руҳиятга ёки умуман табиатнинг руҳияти мавжудлигига бўлган ишонч. Ибтидий одам тасаввурига кўра, унинг атрофидаги дунёда ҳар нарсанинг (ҳайвонлар, ўсимликлар, табиат ҳодисалари ва ҳ.к.) жони, яъни руҳи мавжуд. Ер, олов, ўрмон, сув, тоғ ва уй «руҳ» ларининг келиб чиқиши ҳам шундан. Дарахтга топиниш рамзи сифатида «ҳаёт дарахти» мавзуси Ўзбекистон халқ хонармандчилигида муҳим ўрин тутди. Сўнгги жез ва темир даври бошларида инсон руҳи ўлмайди, балки нариги дунёда яшашда давом этади, деган тасаввур вужудга келди. Шунга биноан майит б-н бирга турли ашёлар, озиқ-овқатлар, ҳатто бир неча хизматкор — қулни кўмиш одат тусига кирди.

Жез даврига оид дастлабки шаҳар ёдгорликларидан бири — ибодатхона мажмуи ва 1000 дан ортиқ одам дафн этилган қабристон топилиган Шеробод воҳаси марказидаги Жарқўтон ёдгорлигидир. Шунингдек, жез даврига оид (мил. ав. 3-мингйиллик) ёдгорликларидан бири Сурхондарё вилоятидаги Сополлитепа (қазииш ишлари А.А. Асқаров томонидан олиб борилган) қабристони катта илмий қизиқиш уйғотди.

Тарихан деҳқончилик ва чорвачилик б-н боғлиқ равишда т о т е м и з м (жониворларга сизғиниш) Ўзбекистон халқларида бир мунча кенг тарқалган эди.

лар — п, ч, ж («ғижда» сузидаги каби), г товушлари учун алифбодаги муайян ҳарфларга тегишли белгилар кўйиб, янги ҳарфлар яратиб, алифбодаги ҳарфлар сонини 32 тага етказганлар. Ўзбек халқи ҳам асрлар давомида ана шу мослаштирилган араб ёзувидан фойдаланиб келди (қ, *Эски ўзбек ёзуви*). Ўрта Осиёда яшаб ижод қилган буюк алломалар бу ёзувда битилган улкан ва бетакрор илмий-маданий мерос қолдирганлар. Араб ёзуви, 1920—21 й.ларда ислоҳ қилинган ҳолда, Ўзбекистонда 1929 й.гача қўлланган. Ўзбек тилининг товуш қурилишини мукаммал ифодалаш мақсадида ўша йилдан лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосига утилган. Ўзбекистон мактабларида эса лотин алифбосига ўтиш 1927/28 ўқув йилидан босқичма-босқич жорий бўлган. Аммо лотин ёзувигача ўтиш ҳақидаги масалалар 20-й.лар бошларидан кўтарилган ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлган эди. Бу алифбо 1940 й.гача амалиётда бўлган. Кейин собиқ Иттифоқдаги мавжуд тил сиёсати тазйиқи б-н, бошқа республикаларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам кирилл-рус ёзуви асосидаги алифбо жорий этилган. Русни христианлаштириш муносабати б-н 10—11-а.ларда кириб келган ва 1918

боси 33 ҳарфдан иборат. Бу ёзувга асосланган ҳоз. ўзбек алифбоси эса 35 ҳарфдан ташкил топган. яъни рус алифбосидаги «ш» ва «ы» ҳарфларидан ташқари барча ҳарфлар ўзгаришсиз олинган ва 4 та диакритик белгили кўшимча ҳарф («ў», «қ», «ғ», «ҳ») киритилган.

Кирилл алифбосининг ўзбек тили ифодаси учун қулай эмаслиги ва бу боралаги мавжуд муаммолар ҳақида мутахассислар узоқ вақт мунозара қилдилар. имлони такомиллаштириш, ҳатто кирилл алифбосидан воз кечиш ҳақидаги фикрларни илгари сурдилар. Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг жаҳонга юз тутаётганлиги жаҳоннинг илғор коммуникация тизимига жадал киришни тақозо этмоқда. Жаҳондаги илғор технология ва фан ютуқларидан самарали фойдалана олиш мамлакатимиз учун муҳимдир. Ҳоз. дунёда энг кенг тарқалган ёзув лотин ёзувидир, бу ёзувдан жаҳон аҳолисининг 30% и фойдаланади (ҳинд ёзувидан жаҳон аҳолисининг 20%и, араб ёзувидан эса 10%и фойдаланади). Ана шулардан келиб чиқиб, ўзбек тили товуш қурилишини тўла ва тўғри ифодалашни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 й.нинг 2 сент.ида «Лотин ёзувигача асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Бу қонунга ва уни амалга киритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарорига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2004 й. 30 апр.да ўзгаришлар киритадиган қонун қабул қилди. Бу ҳужжатга биноан, янги алифбога ўтиш 2010 й.нинг 1 сент.ига қадар амалга оширилади, деб кўрсатилган. Бу алифбо 26 ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан иборат.

Низомиддин Маҳмудов.

Aa	Bb	Dd	Ee	Ff	Gg
Аа	Бб	Дд	Ее	Фф	Гг
Hh	Ii	Jj	Kk	Ll	Mm
Ҳҳ	Ии	Жж	Кк	Лл	Мм
Nn	Oo	Pp	Qq	Rr	Ss
Нн	Оо	Пп	Ққ	Рр	Сс
Tt	Uu	Vv	Xx	Yy	Zz
Тт	Уу	Вв	Хх	Йй	Зз
O'o'	G'g'	Shsh	Chch	Ngng	
Уу	Ғғ	Шш	Чч	Ннгг	

Лотин ёзувигача асосланган ўзбек алифбоси.

Мас., илон тотем жонивор саналиб, у ҳам яхшилик, ҳам ёмонлик тимсоли бўлган. Ташқи кўринишидан ўқилонга ўхшаш тош тумор Ўзбекистон тарихи музейида сақланмоқда. У Фарғона водийсининг Сўх қишлоғидан топилган ва мил. ав. 2-минг йилликка оиддир. Ҳўкизга эса қадимдан куч-қудрат, маҳсулдорлик тимсоли сифатида қаралган. Баъзи археологик ёдгорликлардан тутқичи қўй шаклида ишланган идишлар топилган. Шунингдек, Ўзбекистон маданий ёдгорликларида туя, отга сиғинилганидан далолат берувчи тасвирлар мавжуд. Куч-қудрат рамзи бўлган шер тасвирини ҳам кўплаб учратиш мумкин. Қадим-қадимда баъзи қушлар ҳам Ўзбекистон ҳудудида табаррук ҳисобланган, мас., хўроз, товус ва қирғовул «қуёш» қушлари деб қаралган ва улар ҳосилдорлик келтиради деб ишонилган.

Ш о м о н л и к ҳам ибтидоий диний эътиқол шакли сифатида мавжуд бўлган. Ёвуз ва эзгу руҳларга, уларнинг одамлар ҳаётига таъсир кўрсатишига ишонишган. Юнон тарихчиси Геродот Ўрта Осиёда яшовчи айрим массагет қабилаларининг шомонлари гулхан атрофида рақсга тушиб, қўшиқ айтиши ҳақида ёзган.

Ташқи дунё б-н алоқалар ривожланиши натижасида қад. Ўзбекистон ва у б-н чегарадош ўлкаларда вақти келиб мураккаб системага айланган динлар тарқала бошлади. Булар жумласига зардуштийлик, буддизм, яҳудийлик ва христианлик киради. Кўпчилик мутахассислар зардуштийликнинг асл ватани деб Марказий Осиёни, аниқроғи, Хоразмни

Зардуштий роҳибларининг олтин ва қумушдан ясалган ҳайкалчалари (мил. ав. 5—4-а. Амударё ҳазинасидан).



Авесто

Зардуштийликнинг муқаддас китоблари тўплами. Ўрта Осиёда, хусусан Хоразмда мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида пайдо бўлган. Зардуштийликнинг асосчиси афсонавий пайғамбар Зардушт (Зороастр)дир. Авесто деярли 2 минг йил ичида яхлит ҳолга келтирилган. Дастлабки ёзма нусхаси 12 минг мол терисига битилган, деб ривоят қилинади. Авестонинг ахлоқий-фалсафий моҳияти «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу амал» тушунчаларида ўз ифодасини топган. Зардуштийларнинг ибодат олдидан айтиладиган нияти, сўзлари шу 3 ибора б-н бошланган. Авестода диний, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қондалар баён этилган. Авестога кўра, олам икки асос, яъни ёруғлик б-н зулматнинг, яхшилик б-н ёмонликнинг тўхтовсиз курашидан иборат. Аҳурамазда ёруғлик ва яхшилик худоси, Анхрамайну зулмат ва ёмонлик худоси ҳисобланади. Аҳурамазда б-н Анхрамайну тўхтовсиз курашади. Бу курашда пировардида Аҳурамазда ғалаба қилади, эзгулик салтанати барқарор бўлади. Александр (Македониялик Искандар) Эронни забт этганда Авесто куйдириб юборилган. Аршакийлардан Вологес I даври (51—78)да қайта китоб қилинган, лекин у сақланмаган. Сосонийлар даври (3—7-а.)да яхлит китоб ҳолига келтирилган. Авесто ҳажми катта китоб бўлганлиги сабабли диндорлар кундалик фаолиятида фойдаланиш учун унинг ихчамлаштирилган шакли — Кичик Авесто яратилган. 2001 й.да Ўзбекистонда Авесто китобининг 2700 йиллиги тантанали нишонланди.

кўрсатмоқдалар. Бу дин икки худодикка асосланган бўлса-да, у кейинчалик монотеистик (якка худодик) ғояларининг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Зардуштийликда ўша давр учун мукамал ҳисобланган ҳуқуқ ва маънавият меъёрлари ўз аксини топган. Зардуштийлик яхшиликлар қаторида тақволорларнинг яратувчанлик фаолиятига алоҳида эътибор беради. Ерга ишлов бериш, қорамолга яхши муносабатда бўлиш, дон етиштириш ғояси улуғланади. Кимки дон етиштирса, у ҳақиқатни етиштиради. Хамир овқат пиширилган хонадонга девлар ҳам киролмайди. Зардуштийликда, шунингдек, ҳақиқатгўйлик, сахийлик, эр-хотин вафодорлиги, бола тарбияси каби инсонийлик муносабатлари ҳам назарда тутилган.

Кушон ва Эфталлийлар давлатлари даврида Ўзбекистон ерларига бевосита Ҳиндистондан б у д д а в и й л и к дини кириб келди ва кенг ёйилди. Эски Термиз ш. яқинидаги тепаликдан мил. 1-а.га мансуб катта будда монастирининг қолдиқлари топилган. У ер усти иморатларидан ташқари буддавий зоҳидлар истиқомат қилган жуда кўп ғорларни ҳам ўз ичига олган. Марказий Осиёда будда дини кенг тарқалганини Қувадан топилган Будда ҳайкали, Фаёзтепа ва Қоратепа буддавий мавзулардаги барельефлари ҳам тасдиқлайди. Москвалик олим Б. А. Литвинскийнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда «хунарманднинг хонадони ва чорикорнинг кулбасигача будда дини кириб борганди». Хитойлик олим Сюань Цзян далолат беришича, 7-а. бошларида Термизда 10 га яқин будда ибодатхонаси (сангарам) ва минглаб роҳиблар бўлган.

Ўзбекистонда исломдан олдин мавжуд бўлган динлар қаторида Шом ва Эрон орқали кириб келган христиан динининг несториёлик сектаси муайян ўрин тутган. Христиан жамоалари фақат чет эл савдогарларидан иборат бўлмай, балки ғуз, тўқизўғиз каби баъзи турк кўчманчи қабилаларининг вакиллари ҳам ўз ичига олганди. Акад. В. В. Бартольднинг таъкидлашича, 7-а.да Самарқандда христиан епископи ва бевосита араблар келишидан олдин эса митрополити бўлган. Ҳоз. Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳудудида ҳам христиан динига мансуб аҳоли мавжуд эди. Туркистоннинг баъзи ерларида я ҳ у д и й л и к (иудаизм), м о н и й л и к, м а з д а к и й - л и к жамоалари ҳам истиқомат қилганлар. Монийлик (асосчиси наққош ва рассом Моний) Туркистонга 3-а. ўрталарида Эрондан кириб келган. Монийлик тарафдорлари деҳқонлар манфаатини ёқлаб тарғибот олиб борганлар ва халқ ўртасида катта обрў қозонганлар. Бу дин дастлаб зардуштийлик коҳинлари, кейинроқ мусулмонлар томонидан таъқиб қилинган, барҳам топди.

Ябғу хоқон Истами (552—576) Ғарбий Турк хоқонлиги (ҳоз. Марказий Осиё) тахтига ўтирган пайтдан бошлаб мавжуд турли динларга бемалол йўл берилган ҳолда ўша даврда барча туркий қабилалар учун ягона худо ҳисобланган Тангри (Тенгри)га кенг миқёсда сиғиниш бошланди. Қад. римликларда Юпитер, юнонларда Зевс, яҳудийларда Яхва, славянларда Перун бўлгани каби туркий халқларда ҳам Тангри бош худо мақомини эгаллаган ва мустақил таъҳид ғоясининг вужудга келишига сабаб бўлган. Ягона худо ҳақидаги тасаввурлар Туркистонда кейинчалик ислом дини-

нинг нисбатан осонроқ қабул қилинишига замин бўлди. 8-а.да Мовароуннаҳрга араблар б-н бирга ислом динининг кириб келиши янги монотеистик дин ва маҳаллий динларнинг бир-бирига сингиши (синкретизм) жараёнини бошлаб берди. Натижада Марказий Осиё халқлари онгида худо тушунчаси хусусида ўзига хос ўзгариш юз берди: улар Аллоҳни тан олган ҳолда айни шу маънода Тангри атамасини ишлатишда давом этдилар. Маълумки, яқка худога эътиқод қилиш ҳақидаги тушунча араблар орасида ҳам исломдан анча илгари пайдо бўлган. Мас., ўзларини Иброҳим (ас) га мансуб деб билган ҳанифлар араб қабилаларини ўз санамларидан воз кечишга ва ягона илоҳга эътиқод қилишга даъват этганлар. Қандай бўлганда ҳам халқимиз диний тафаккури тараққиётининг ислом кириб келгунга қадар даври минтақада 10 дан ортиқ дин мавжуд экани ва улар ўзаро адоватдан холи бўлгани б-н характерланади.

Ислом. Ислом дини Арабистон я.о. ва умуман Яқин Шарқда бир неча аср давом этган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маланий ва маънавий тараққиётнинг объектив натижаси сифатида юзага келди. 7-а.нинг 1-чорагида Арабистон я.о.да ўнлаб қабилаларни бирлаштириб, йирик марказлашган давлат тузишга зарурият сезилди. Ўша даврда Макка ва Ясриб (Мадина) шаҳар-давлатлари (полислар) устунликка эришганди. Хусусан, Макка халқаро савдонинг йирик масканларидан бири ва кўп худода бўлган араб қабилаларининг диний маркази эди. Шаҳар-давлатнинг келажак тараққиёти учун полис тузуми торлик қила бошлаганди. Худди шунингдек, Ҳижоздаги бошқа мустақил шаҳар-давлатлар (Ясриб, Хайбар, Думат ал-Жандал, Тейма, Водил-қуро ва ҳ.к.) тараққиёти ҳам уларни бирлаштириб халқаро савдони барқарор қиладиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир ҳарбий кучга эга бўлган империясиз мумкин бўлмаётган эди. Ягона давлатни тузиш б-н айни вақтда арабларнинг диний тафаккурида, биринчи навбатда, азалдан диний марказ бўлган Макка аҳли тафаккурида ўзгаришлар юз берди. Маккада мавжуд диний эътиқодларга шубҳа б-н қаровчи кишилар пайдо бўлди. Бундай шахслар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом б-н асослай олган ҳолдагина муваффақиятга эришишлари мумкин эди, зеро ўрта аср мутафаккири Ибн Халдун таъкидлашича, жоҳилия араблари дунёвий ҳоқимни тан олмасдилар, улар фақат диний мақомдаги



Усмон Муҳсафи.

раҳбар (коҳин, авлиё, пайғамбар)ни эътироф этишлари мумкин эди. Демак, Муҳаммад (сав)нинг тахминан 610 й.дан бошланган диний ва сиёсий фаолияти умумий жараёнларнинг хусусий ва қонуний кўриниши эди.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ўз диний тарғиботида турли қabila худоларига сиғинишдан воз кечиш ва ягона худо — Аллоҳга эътиқод қилиш, солиҳ ҳаёт кечириш ва ўзини охиратдаги Аллоҳ ҳукмига тайёрлашга даъват этди. Сўзининг исботи сифатида Аллоҳ буюклиги, йўқ нарсадан бор қилгани (дунё ва инсонни яратгани), аввал ҳам ўзи каби расулларни одамларга юборгани, уларнинг йўлига юрмаганлар жазолангани ҳақида қайта-қайта ҳикоя қилди. Олдин ўтган пайғамбарлар орасида Иброҳим Халилulloҳни Аллоҳга биринчи бўлиб иймон келтирганлигини таъкидлади. Шунга асосан, ислом батамом янги дин эмас, балки Иброҳим даврида мавжуд бўлган, аммо қайтадан тикланган эътиқод сифатида тарғиб қилинди. Муҳаммад (сав)нинг Маккада 12 й. давом этган бу фао-

лияти қурайш зодагонларининг кескин қаршилиги туфайли самарали натижа бермагач, 622 й. у унча катта бўлмаган илк мусулмон жамоаси б-н Ясрибга кўчиб ўтди. «Ҳижра» деб ном олган бу воқеа ислом тарихида бурилиш ясади. Мусулмонларнинг йил ҳисоби (тақвим) ҳам ўша даврдан бошланган. Ясрибда мусулмон жамоаси тез кенгайиб ва кучайиб борди. Макка ва Мадина шаҳарлари ўртасида юзага келган рақобат 8 й. давом этди. Ниҳоят, 630 й. Макка фатҳ қилиниб, мусулмонларнинг устунлигини тан олди. Макка диний марказ мақомини сақлаб қолган ҳолда Мадина янги, тез орада бутун Арабистон я.о.ни ўз ичига олган давлатнинг пойтахтига айланди. Каъба исломнинг энг муқаддас ибодатхонаси сифатида эътироф этилди. 632 й. июнь ойда Муҳаммад (сав) вафот этгач, давлат бошлиғи «халифату расулulloҳ», яъни Аллоҳ элчисининг давомчиси, ўринбосари (халифа) деган ном олди. Шундан 1 й. кейин бошланган, юз йилдан ортиқроқ муддат давом этган юришлар натижасида Араб халифалиги ғарбда Испаниядан тортиб, шарқда деярли Хитойгача чўзилган ерларга кенгайди. Ислом байроғи остида ўзга мамлакатларга, жумладан, Мовароуннаҳрга кириб келган араблар анча ривожланган ижтимоий муносабатларга дуч келганлар. Мовароуннаҳрда исломнинг тарқалиш жараёнида мавжуд зардуштийлик, маздакийлик, монийлик ва будда дини б-н боғлиқ бўлган маданият обидалари деярли йўқотилган.

Қуръон

Мусулмонларнинг асосий муқаддас китоби. Қуръон дастлаб еттинчи осмондан биринчи осмонга рамазон ойининг 26-дан 27-кунга ўтар кечаси (йили номатлум) бир бутун ҳолда нозил қилинган, кейин биринчи осмондан Муҳаммад (сав) га фаришта Жаброил орқали биринчи бор 610 й. 17 рамазон кунни, сўнг деярли умрининг охиригача бўлак-бўлак ҳолда ваҳий тарзида етказиб турилган. У Аллоҳнинг каломи (Қаломulloҳ)дир. Ваҳий келиши Маккада 13 й., Мадинада 10 й., яъни 23 й. давом этган. Ваҳий рамазон ойида рўй бергани учун бу ой муқаддас ҳисобланиб, рўза тutilган. Қуръон 30 пора, 114 сура, 6236 (турли манбаларда оятлар сони бўлинишга кўра турлича) оятдан иборат. Ҳар бир суранинг ўз номи бор. Оятлар эса тартиб рақами б-н берилган. Энг узун сура 286, энг қисқаси 3 оятдан иборат. Суралар нозил бўлиш вақти ва жойига кўра «Макка суралари» (610—622 й.лар, 90 сура) ва ҳижрадан кейин нозил бўлган «Мадина суралари» (622 й.дан, 24 сура)га ажратилади.

Қуръоннинг асосий гоёси Аллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Унда пайғамбарлар, охират, тақдир ва б. ақидалар баён этилади. Қуръонда асосий ибодат талаблари (намоз, рўза, закот ва б.) белгилаб берилган. Ундаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар кейинчалик шариатта асос қилиб олинган. Қуръонда инсониятнинг этник бўлиниши, ижтимоий табақаланиши, айирмачилик, миллатчилик инкор этилади. Диний эътиқодда мустақкам туриш, яхшилик, эзгулик, савоб ишлар, меҳр-шафқат, тескин ва муҳтожларга ёрдам бериш Қуръоннинг мазмунини белгилайди. Унда текинхўрлик, бировлар ҳақини ейиш, бошқалар ҳисобига яшаш, порахўрлик, ишёқмаслик, жабр-зулм, ўғрилик, қотиллик, дилозорлик, кибру ҳаво қораланади.

Халифа Абу Бакр даврида Қуръоннинг тарқоқ ҳолдаги сураларини тўплаш Муҳаммад (сав)нинг қотиби Зайд ибн Собитга топширилган. Улар 633 й. Мадина шаҳрида биринчи марта тўплаб кўчирилган Қуръон матнининг ягона нусхаси «Ас-Суҳуф ал-Бакрия» (Абу Бакр саҳифалари) деб номланган. Халифа Усмон даврида 651 й. тўплаб жамланган Қуръоннинг ягона нусхаси эса Мусҳаф (арабча — китоб) деб аталди, яъни у муқовали китоб ҳолига келтирилди. Мусҳаф ислом оламида энг мўтабар қадимий қўлёзма ҳисобланади. Ундан 4 (ёки 7) нусха кўчирилиб, Макка, Мадина ва араблар тасарруфига ўтган мамлакатлардаги йирик шаҳарларга юборилган. Бир нусхаси халифа Усмоннинг ўзида қолган. Халифа Усмондан кейин у Мадина ш.да Усмоннинг ўғли Халид, сўнгра унинг авлодлари қўлида бўлган. Кейинроқ Ибн Баттута ўз саёҳати даврида ушбу Мусҳафни Басра ш.да кўрганлигини ёзади. Замонлар ўтиши б-н Амир Темур Ироқни олгач, Мусҳафни Самарқандга олдиртириб келган, деган ривоят бор. Мусҳаф Самарқандда Гўри Мир мақбараси ёнидаги ҳашаматли «Кўк Гумбаз» жоме масжидида сақланган. Кейинчалик уни «Хожа Аҳрор валий» масжидига олиб ўтганлар. 1868 й.да Самарқандни рус аскарлари босиб олгач, бошқа беҳисоб ўлжалар қатори Мусҳаф ҳам Петербургда жўнатилди. 1923 й. Мусҳаф Туркистон мусулмонларининг тарихий меросий мулки сифатида Тошкентга келтирилган.

Ҳадис — исломда Қуръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланади. Муҳаммад (сав)нинг ҳаёти, фаолияти ва

Жума масжид (Хива; масжиднинг ички кўриши).

Ҳазрати Хизр
масжиди
(Самарқанд).



кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлар пайдо бўлди. Давр ўтиши б-н ҳадислар танланиб, бир тизимга солинган. 9–10-а.

бошларида уламолар орасида обрўли деб эътироф этилган ҳадисларнинг 6 та тўплами вужудга келди. Ҳадислар тўплами «сунна» деб ҳам ном олган. Мовароуннаҳрдан Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Насоий каби буюк муҳаддислар етишиб чиқди. Умуман, минглаб ҳадис тўловчилар ичида энг машҳур бўлган 6 муҳаддиснинг 4 таси туркистонликдир. Ислом илоҳиётчилари бир неча аср мобайнида шариат қонунларини ишлаб чиққанлар. Шариат диний-ҳуқуқий ва ахлоқий тизим сифатида 11–12-а.ларда тугал шаклланди. Шариатга асос қилиниб Қуръон ва сунна, кейинроқ ижмо ва қиёс олинган.

Ислом талабларида 5 та фарз ёки руқн бор: калима келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва имконият бўлса ҳаж қилиш. Шулардан биринчиси имонга, қолган тўрттаси ибодатга кирди. Имон ўз навбатида 7 та ақида — Аллоҳнинг ягоналиги, фаришталар, муқаддас китоб (ёзув)лар, пайғамбарлар, охират куни, тақдирнинг илоҳийлиги ва инсон ўлгандан кейин тирилишига ишонишни англатади. Шиъа йўналишидаги мусулмонлар эса 5 та ақидага — яккаҳу-

до, пайғамбарлик, тақдир, охират ва имоматга ишонадилар. Ислом динининг суннийлик йўналишида 4 диний-ҳуқуқий мазҳаб (ҳанафийлик, молийлик, шофийлик, ҳанбалийлик), шиалик эса бир мазҳаб (жаъфарийлик) шаклланган ва улар фикҳий тушунчалар сифатида ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Ислом динининг муҳим хусусиятларидан бири уни қабул қилган халқлар вакилларига ислом ақоидларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва мусулмон маънавий дунёсига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятини берганидир. У ўзига хос 3 тараққиёт босқичи ёки даврни ўтди. Биринчисини шартли равишда Қуръон даври дейиш мумкин. Қуръонда Расулulloҳ яшаган даврдаги Арабистон аҳолисининг диний онги даражасини ифода этувчи сиёсий ва ижтимоий қарашлар, ҳуқуқий ва ахлоқий мезонлар ўз аксини топган. Бу қуръоний тасаввурлар бутун мусулмон олами учун ҳозиргача умумий қадрият ҳисобланади. Аммо 7–8-а.ларда биринчи навбатда араблар томонидан фатҳ қилинган ўлкалар халқларининг таъсири туфайли ислом таълимотининг баъзи масалалари бўйича ғоявий баҳслар ва ихтилофлар юзага келди. Натижада, кўплаб йўналиш, мазҳаб ва фирқалар пайдо бўлди. Деярли 4 аср давом этган бу 2-босқичда умумисломий аҳкомлар ҳужмронлиги остида турли фикрлар (плюрализм)га йўл қўйилди. Исломнинг 3-тараққиёт босқичи мусулмон дунёси чекка ўлкаларининг аҳамияти ва ўрни ортанлиги б-н боғлиқдир. Ўзга маданий анъаналарга эга бўлган халқлар мусулмон дунёсининг маънавий ҳаётига қўшилгач, исломга ўз диний-ахлоқий тасаввурлари, ҳуқуқий нормалари ва одатларини олиб кирдилар. Қадимий оташпараст (мажусий)лар ибодатхоналари масжидларга айлантилди (Бухородаги Мағоки Аттори масжиди ва б.). Хуллас, Мовароуннаҳр, Эрон, Шим. Африка, Ҳиндистон, Индонезия





Баҳоуддин Нақш-банд мақбараси (Бухоро).

10-адан исломнинг суннийлик йўналиши ва хусусан унинг Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (Имом Аъзам) асос солган ҳанафийлик мазҳаби аслида Ироқда пайдо бўлганига қарамай ўзининг раънақиға Хуросон

каби йирик тарихий-маданий минтақаларда ислом ўзига хос хусусиятлар касб этди. Қайсидир одатлар исломий ёки ғайри исломий эканлигини аниқлаш ўтмиш нуқтаи назаридангина таҳлил талаб қилса, ислом маънавий дунёсига мансубликнинг асосий мезони ўзини муслмон деб ҳисоблаган инсон ёки бутун халқнинг ўз-ўзини англаши б-н ўлчанадиган бўлди.

Мовароуннаҳрда араблар келиши б-н бошланган аҳолининг муслмончилиқка ўтиши қарийб 1,5 а. давом этди. Дастлаб араблар исломнинг тезроқ тарқалиши чораларини кўриб, янги динни қабул қилганларга баъзи имтиёзлар берди. Аммо қандай бўлганда ҳам объектив равишда Мовароуннаҳрнинг Араб халифалиги таркибига кириши бир томондан юрт тараққиёти, иккинчи томондан ислом маланиятининг ривожига ҳисса қўшди. Ислом Арабистонда вужудга келган бўлса ҳам у Мовароуннаҳрда раънақ топганлиги муслмон оламида эътироф этилган. 8-а.нинг 2-ярми ва 9-а.да Мовароуннаҳрда иқтисодий юксалиш юз берди. Мадрасалар учун махсус бинолар қурилиб, дунёвий ва диний фанлар тез суръатлар б-н ривожланди. Мадрасаларга вақф мулклари бирқитилди. Меъморлик, амалий безак санъатида, ҳунармандлик соҳаларида жонланиш юз берди. Мадрасаларда етишиб чиққан мовароуннаҳрлик буюк олимларнинг асарлари ўша даврлардаёқ Европа халқлари тилларига таржима қилиниб, асрлар давомида улардан фойдаланиб келинди. Хуллас, швейцариялик исломшунос олим Адам Мец 9–11-а.ларга нисбатан ишлатган «муслмонлар уйғониши» атамаси айнан Мовароуннаҳрға мос келади.

ва Мовароуннаҳрда эришди. Имом Аъзам мазҳаби ўзга динлар ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериш, ҳуқуқий-фикҳий масалаларда раъ (эркин шахсий фикр) ва қиёсни кенг татбиқ этиш б-н бошқа мазҳаблардан фарқ қилади. Ҳанафийлик мазҳаби халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги учун ҳам кенг ёйилган. Маълумки, 10-а.да суннийликдаги 4 мазҳаб шаклланиб бўлгач, ижтиҳод (шариат масалаларида мустақил фикр юритиш) тақиқланди. илоҳиёт, ҳуқуқ, ахлоқ ва ижтимоий таълимотда фақат илгариги илоҳиётчиларга тақлид қилиш мумкин деб эътироф этилди. Шу боис ўша давр уламолари муқаллидлар (тақлидчилар) деб аталган. Аммо Мовароуннаҳр уламолари маънавий ва маданий меросни такомиллаштириш йўлида имконият донрасида фаолият кўрсатиб ижтиҳодни тўхтатмадилар. Бурҳониддин

Маргиноний ва унинг машҳур «Ҳидоя» асари бунинг ёрқин далилидир.

Ўрта асрларда Ўзбекистонда ислом мавқеи кучайишининг сабабларидан яна бири — кубровийлик, нақшбандия, яссавийлик каби турли тасаввуф тариқатларининг пайдо бўлганлигида ҳамдир. Марказий Осиёдаги тасаввуфни ислом динининг янги бир босқичи деб айтиш мумкин. У баъзилар ўйлаганидек, «мистик-аскетик, ўз қобилигига ўралиб қолган таълимот» эмас, балки давр талабига жавоб берган, мамлакатни озод қилиш мақсадига хизмат қилган, ҳаракатчанликка чорлаган ғоявий оқимдир. Бошқача айтганда, бу даврда ислом тасаввуф шаклида Марказий Осиё учун маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч ролини ўйнади. Суфийлар сарбадорлар ҳаракатида фаол қатнашгани бежиз эмас. Амир Темур айнан шундай маънавий муҳит мавжуд бўлган даврда дунёга келганди. Амир Темур эътиқод ва маънавиятнинг катта аҳамиятини тўғри идрок этган. Манбалар гувоҳлик беришича, Амир Темур ислом динини ўзига хос, мутаассибликдан холи, эркин тушунган. Унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган ва бу жиҳатдан у нафақат ўз асри, балки ҳоз. замон кишиси учун ҳам намунадир.

Эшон, валий ва пирларга, муқаддас қадамжоларга ишониш аслида исломдан олдинги эътиқодларнинг қолдиғи бўлсада, ўрта асрларда авом халқ буни ҳам муслмончилик деб тушунарди. Шу боисдан масжид ва мадрасалардан ташқари кўп сонли қорихоналар, хонақоҳ (тақия)лар ислом масканларига айланганди. Ўрта Осиёнинг подшо Россияси томонидан босиб олинishi ислом динининг мавқеини деярли ўзгартирмади. Умуман, Туркистон ўлкаси ва айниқса

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи масжидида намоз ўқиш пайти.





Имом Бухорий масжидида сақланганидан Кисва-Каъбабўш парчаси.

хонликларда 1917 й.даги Октябрь тўнтарышига қадар ислом бошқа мусулмон мамлакатларидаги каби жамият ҳаёти-ни тўлалигича қамраб олган мафкура ва-зифасини бажариб келди.

Шўролар ҳокимияти даврида жамия-т янги батамом даҳрийлаштиришга ҳара-кат қилинди. Динга қарши кенг миқёс-да ташвиқот-тарғибот ишлари олиб бо-рилди. Барча динлар синфий жамиятлар-нинг вақти келиб «йўқ бўладиган сар-қитлари» сифатида таърифланди. Кўп

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Ўзбекистон мусулмонларига раҳбар-лик қилувчи диний ташкилот. 1943 й. 20 окт.да Ўрта Осиё ва Қозоғистон му-сулмонларининг Тошкент ш.да бўлиб ўтган қурултойида таъсис этилган. Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида жойлашган. 1992 й.дан Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси, деб юритил-ган. 1996 й.дан ҳоз. номи б-н аталади. Идора раҳбар органи – Олий ҳайъат. Унинг раиси айна вақтда муфтийдир. Идора раислари: Эшон Бобохон Аб-думажидхон ўғли (1943–57), Зиёвуд-динхон Бобохонов (1957–82), Шам-суддинхон Бобохонов (1982–89), Му-ҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (1989–93), Мухторжон Абдуллаев (1993–97), Абдурашид қори Баҳромов (1997 й.дан).

асрлик маънавий кадрлардан воз ке-чиш йўлидан борилди. Масжид ва мад-расаларни ёпиб, бинолардан хўжалик мақсадларида фойдаланиш ёки атайлаб қаровсиз қолдириш, руҳонийларни қатагон қилиш, уч карра «катта тоза-лашлар» (1927, 1936–37, 1949 й.лар) оқибатида маънавият ва маърифатга та-лафотлар етказилди. Бу фуқароларнинг эътиқод эркинлиги ҳуқуқига қилинган ошқора тажовуз эди. Аммо реал воқе-лик «курашчан» атеизмнинг бу хуружи-ни қабул қилмади. Ўзбекистон ҳудудида масжид, мадраса ва б. диний ташкилот-лар сони ўтган 70 й. давомида кескин равишда қисқарган бўлса-да, тоат-ибо-

дат ва диний маросим-ларни бажариш тўхта-мади. Уруш даврида фа-шизмга қарши кураш учун халқни руҳланти-ришда дин муҳим роль ўйнади. 1942 й.дан масжид, черков ва б. фаолиятига маъ-лум даражада рухсат этилди.

Барча собиқ шўро республикаларида 1990 й.гача РСФСР ҳукуматининг 1929 й. қабул қилган «Диний уюшмалар тўғрисида»ги қарори амалда эди. Мус-тақиллик қўлга киритилган, Ўзбекис-тонда объектив равишда диний омил ку-чайди. Масжид ва мадрасалар, Макка ва Мадинага ҳаж ва умра қилувчилар, эр-кин тарқалаётган диний адабиётлар сони кескин ортди. 1991 й. Ўзбекистон ҳуқуқий тажрибасида биринчи бор «Виждон эр-кинлиги ва диний ташкилотлар тўғри-сида» қонун қабул қилинди. Қонунда ди-ний ташкилотлар фаолиятининг янги шароитдаги ҳуқуқий асослари, давлат органлари б-н ўзаро муносабатлари аниқ белгилаб берилган. Ушбу қонун ҳар бир фуқарога мустақил равишда, ҳеч қан-дай мажбурлашсиз ўзининг динга му-носабатини ифода этиш имконини бе-ради. Давлат ва унинг органлари диний ташкилотлар ички фаолиятига аралаш-майди, диний маросимларни чеклаб қўймайди. Барча диний ташкилотлар ва динлар тенг ҳуқуққа эгадирлар. Диний ташкилотлар, ўз навбатида, давлатнинг секуляр (дунёвий) характерини эътироф этади. Диний ташкилотлар давлат ва мак-табдан ажратилган бўлса-да, жамиятдан, унинг ижтимоий-маданий ва б. соҳала-ридан ажратилган эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Кон-ституциясига кўра, «ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир ин-сон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни маж-буран сингиришга йўл қўйилмайди» (31-модда). «Виждон эркинлиги ва ди-ний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун-да (янги таҳрири 1998 й. 1 май) «Диний ташкилот Ўзбекистон Республикаси-нинг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекис-тон Республикаси ҳудудида доимий яша-ётган юз нафардан кам бўлмаган фуқа-ролари ташаббуси билан тузилади» де-йилган. Қонуннинг 14-моддасида фуқа-роларнинг (диний ташкилотларнинг

хизматидагилар бундан мустасно) жа-моат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Қонуннинг 5-моддасига кўра, «бир диний конфессиядаги диндорлар-ни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шу-нингдек бошқа ҳар қандай миссионер-лик фаолияти ман этилади».

Ўзбекистон Республикасининг Конс-титутсияси, «Виждон эркинлиги ва ди-ний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ва б. ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларга бе-рилган кафолатларни таъминлаш, дав-лат органлари б-н диний ташкилотлар-нинг алоқаларини мустақамлаш, шу-нингдек, уларнинг хорижий мамлакат-лар б-н алоқаларини мувофиқлаштириш вазибаларини Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита бажаради.

Мустақил Ўзбекистонда давлат орган-лари ва диний ташкилотлар раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳайри-хоҳдик муносабатлари қарор топди. 1992 й.дан Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳо) байра-мининг биринчи кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Ислам таъли-моти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг диний, тарихий ва ма-даний меросини чуқур илмий тадқиқ этиш, юқори малакали диншунос, ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларни тайёр-лаш мақсадида Тошкент ислом ун-ти очилди (1999). Ун-т ҳузуридаги гимна-зия, лицейда, бакалаврият, магистрату-ра, аспирантура босқичларида 1,5 минг-

Зангиота мажмуасидаги минора (Тошкент вилояти).





Шайх Зайниддинбобо масжиди (Тошкент).

га яқин ёшлар таҳсил олади (2005). Ун-т қошида Ислом тадқиқот маркази ташкил этилган. Марказ республикада ислом тарихи ва исломшунослик бўйича олиб борилаётган тадқиқотларни мувофиқлаштиради ва зарур илмий услубий тавсиялар ишлаб чиқади.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаётган, маънавий қадриятларимиз қайта тикланаётган ҳоз. пайтда ота-болаларимиз дини, имони, виждони бўлиб келган бизнинг минтақавий ислом динимиз ўзига хос ўзбекона тусга эга, яъни ўзбекчилик б-н уйғунлашиб кетган.

2006 й. 1 янв. ҳолатига кўра, республикада 2186 та диний ташкилот, жумладан, 1987 та масжид расмий рўйхатдан ўтган. Имомларнинг 484 нафари (24,4%) олий, 1194 нафари (60,1%) ўрта махсус диний маълумотга эга. Республикада Тошкент ислом ин-ти (Ислом маъҳади), ўрта махсус ислом билим юртлири ҳамда православ ва протестант семинариялари мавжуд. Барча диндорлар Ўзбекистонда ва хорижда нашр қилинган диний адабиётлардан эркин фойдаланмоқдалар. Алоудин Мансур томонидан Қуръоннинг ўзбек тилидаги дастлабки изоҳли таржимаси «Шарқ юлдузи» жур.нинг 1990–92 й.сонларида эълон қилинди, сўнг «Чўлпон» нашриётида жамланиб китоб ҳолида нашр этилди. Имом Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-Саҳиҳ»нинг ўзбек тилидаги 4 жил-

ди «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида, «Ахлоқ ва одобга оид ҳадис намуналари» «Фан» нашриётида нашр қилинди. 2001 ва 2004 й.ларда Тошкент ислом ун-ти нашриёти Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири»ни чоп этди. Бошқа нашриётларда ҳам шу турдаги китоблар чиқариш йўлга қўйилди.

Диний ташкилотларнинг хорижий алоқалари кенгаймоқда. Ўзбекистон вакиллари халқаро диний анжуманларда иштирок этмоқдалар. 400 дан ортиқ талаба Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони, Туркия ва Покистон диний олий ўқув юртлирида таҳсил олди. Ди-

ний ходимлар Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом ин-ти, Бухородаги Мир Араб мадрасасида, шунингдек, Тошкентдаги Хадичаи Кубро, Бухородаги Жўйбори Калон аёл-қизлар ислом ўрта махсус билим юртлири, Намангандаги Мулла Қирғиз, Урганчдаги Фахриддин ар-Розий, Нукусдаги Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Андижондаги Саид Муҳиддин Маҳдум ислом ўрта махсус билим юртлири ва б. вилоятлардаги диний ўқув юртлирида тайёрланади. Эқтиёжга қараб толиблар хориждаги олий диний ўқув юртлирига ҳам ўқишга юборилади. «Ҳидоят» жур., «Ислом нури» газетаси ва б. нашр этилмоқда. Ўқув юртлирида Қуръон, ҳадис, дин тарихи, ислом динига оид адабиётларни ўқиш ва талқин қилиш, ҳуснихат, ислом ҳуқуқшунослиги каби билимлар б-н бирга дунёвий фанлар ҳам ўргатилади.

Ноисломий диний конфессиялар. Ўзбекистонда 16 та ноисломий диний конфессия мавжуд бўлиб, турли динларга эътиқод қилувчилар ўзаро тинч-тотув яшамоқдалар, сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка эришишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қуйида улар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Рус православ черкови. Ўзбекистонга бу йўналиш Россия орқали кириб келган. 1871 й. 4 майда Россия императори томонидан Тошкентда Тур-

кистон (ҳоз. вақтда Тошкент ва Ўрта Осиё) епархиясини очишга қарор қилинди. 1880 й.ларга келиб Рус православ черкови (РПЧ) ўзининг янги ибодатхоналари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди. Уларнинг аксарияти Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қурилди. 1916 й. 16 дек.да император буйруғи б-н Туркистон кафедрал собори Верний (Олмаота)дан Тошкент ш.га кўчирилди. 2-жаҳон уруши даври ва ундан сўнг Ўзбекистонга Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва Болтиқбўйи мамлакатларидан эвакуация қилинганлар ҳисобига православиега эътиқод қилувчи аҳолининг сони тахм. 1 млн.га етди. Арман, поляк, литвалар ва б. озчиликни ташкил этувчи миллат вакилларининг баъзилари коммунистик мафқуранинг тазйиқида узоқ вақт рус православ черковига эътиқод қилишига тўғри келди. Бунга 20-а.нинг 90-й.ларидан сўнг барҳам берилиб, Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганидан бошлаб барча миллатлар ўзларининг динига эътиқод қилиш эркинлигига эришдилар. 1990 й. 20 июлдан Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясини епископ, сўнг 1991 й. 23 фев.дан эътиборан архиепископ, ҳозирда эса митрополит бошқариб келмоқда. Епархия тасарруфига Ўзбекистондан ташқари Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондаги рус православ черковлари кирази. Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси Ўзбекистонда 34 ташкилот, марказий бошқарув органи ва диний ўқув юртига эга.

К а т о л и к л и к. 19-а. охириларида Тошкентда 2300 га яқин католик бўлган. Ўша вақтда рим-католиклар жамоалари раҳбари ибодатхона қурилишини бошлаган бўлса-да, кейинчалик тўхтаб қолган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Тошкентдаги рим-католик ибодатхонаси (костел) қайта тикланди ва у 2000 й.нинг 22 окт.да расман иш бошлади. Рим-католиклари мамлакатда 3 та ибодатхона ва марказий бошқарув органига эга. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган Арман апостол черкови – энг қад. христиан черковларидан бири. Баъзи манбаларга кўра, Марказий Осиёда арманлар тахм. 3–4-а.ларда пайдо бўлгани қайд этилган. 1890 й.га келиб уларнинг сони 3839 кишини ташкил этган. Собиқ шўролар даврида Марказий Осиёдаги кўпгина арман ибодатхоналарининг фаолияти тўхтатилган эди. 20-а.нинг 90-й.ларидан бошлаб Марказий Осиё республикалари ўзларининг мустақиллигига эришгандан сўнг вазият тубдан ўзгарди, кўпгина черковлар қайта тикланиб, қавмла-



Тошкентдаги православ черкови.

рини қабул қила бошлади. Шу қатори Самарқанддаги арман-григориан апостоллик черкови ҳам ўз фаолиятини янгитдан бошлади. Корейс протестант черковларининг деярли барчасини пятидесятниклик йўналишидаги черковлар ташкил этади. Ибодат ва амаллар протестантликдаги каби бажарилади. Уларнинг Ўзбекистонда пятидесятниклик, баптистлик йўналишидаги черковлари ҳамда биргина методистлик йўналишига оид черкови фаолият кўрсатмоқда. Адвентистлик ана шундай йўналишлардан биридир. Протестантликнинг кўпгина йўналишлари ичида бўлинишлар юз бериб, бу ҳол адвентистларни ҳам четлаб ўтмади. Булар Еттинчи кун адвентистлари (ЕКА ёки Еттинчи кун христиан адвентистлари – ЕКХА) ҳамда адвентист-ислоҳотчиларга бўлинган. Мазкур оқимнинг Тошкентдаги биринчи жамоаси 1910 й. ташкил этилиб, бир йил ичида унинг тарафдорлари 150 кишига етган. 20-а.нинг 30-й.лари охирига келиб адвентистлар жамоалари тарқатиб юборилди ҳамда таъқиб остига олинди. Барча йўналишдаги жамоалар яширин фаолиятга ўтиб кетди. 20-а.нинг 70-й.ларига қадар жамоа норасмий фаолият кўрсатиб келди. Илк бор 1976 й. 26 август кун Тошкентдаги адвентистлар жамоаси давлат рўйхатидан ўтди. Шунингдек, адвентистларнинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва б. вилоятларда норасмий жамоалари тузила бошлади. Бугунги кунда адвентистлар республикада ўзининг 11 та черковига эга.

Ўзбекистонда тарқалган баптистлик – протестантликдаги энг кенг тарқалган оқимлардан бири. Туркистон

улқасида илк баптистлар жамоаси 1891 й. пайдо бўлди. 1922 й.да Тошкент баптистлар қурултойида Марказий Осиё баптистлари иттифоқи, сўнг Умумроссия иттифоқи таркибида Туркистон бўлими сифатида тузилди. 1946 й.дан Ўзбекистон ҳудудида Инжилчи христиан-баптистлар (ИХБ) жамоаси сифатида қайд этилиб, 1964 й.да бу жамоалар норасмий Марказий Осиё Инжилчи христиан-баптистлар черковлари кенгаши марказини туздилар. 1992 й. нояб. ойида Москвада баптистларнинг 1-қурултойида Инжилчи христиан-баптистлар иттифоқи Федерацияси Евросиё ИХБ иттифоқи деб ўзгартирилди. ЕИХБИ республикамизда 22 та черков ва марказий бошқарув органига эга. Тўлиқ инжил христианлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. 20-а.нинг 20-й.лари охирида инжил пятидесятникларининг Тошкент ш.да биринчи жамоалари тузилди. Мазкур ташкилот Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг 1992 й.дан эътиборан расмий фаолият кўрсатиб келмоқда.

Инжилчи-лютерчилар черковининг Ўзбекистон ҳудудида ташкил топиши 19-а.нинг 2-ярмида бу ерларнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши б-н боғлиқ. 1937 й.да шўролар томонидан ёпилган черков биносини Маданият вазирлиги тарихий ёдгорлик сифатида 1977 й.да қайта тиклади. 1990 й. Маданият вазирлиги черковда ибодат қилиш учун розилик берди. 1992 й. 8 сент.да Немис инжилчи-лютерчилар черкови расмий рўйхатдан ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 3 майдаги қарори б-н черков (кирха) лютерчиларга қайтариб берилди. Епархия республикада 4 та ибодатхонага эга.



Тошкентдаги Рим-католик костёли.

Новоапостоллик черкови – Ўзбекистонда 4 та бўлиб, фаолиятини 1992 й.дан бошлаган. Ўзбекистонга кириб келган энг қад. динлардан бири яҳудийлик ёки иудаизм бўлиб, фақат яҳудий миллатига хос диндир. Яҳудийлар Марказий Осиёда мил. 2-а.да пайдо бўлдилар. Уларнинг Эрон орқали илк кўчиб келган жойлари қад. тарихий шаҳар Марв бўлиб, сўнг у ердан Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд ва б. шаҳарларга тарқалдилар. Яҳудий саёҳатчиси Вениамин Тудельскийнинг 1165 й.даги маълумотида кўра, ўша вақтда Самарқандда 30 мингга яқин яҳудий миллатига мансуб кишилар яшаган. Бухоро ш. ва унинг атрофида яшаганлари «Бухоро яҳудийлари» номи б-н танилдилар. Улар форс тилининг бухоро шеvasини қўлласалар-да Талмудда кўрсатилган диний, миллий урф-одатларини йўқотмаган ҳолда маҳаллий миллатларнинг ижтимоий-маданий турмуш тарзи, урф-одатларини ўзларида уйғунлаштирдилар. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг яҳудийларнинг миллий, диний эркинликларига йўл очиб берилди. Тошкент, Бухоро ва Самарқанд ш.ларида Бухоро ҳамда ашкенази (европалик) яҳудийларининг жами 7 та синагогаси фаолият кўрсатади (2006).

Ад.: Каримов И., Оллоқ қалбимизда, юрагимизда, Т., 1999; Ислам: багрикенглик ва мутаассиблик, Т., 1998; Ҳасанов А. А., Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳиллия асри, Т., 2001; Ўзбекистон: Ислам обидалари, Т., 2002; Марказий Осиё динлари тарихи [лойиҳа раҳбари Ш. Ёвқочев], Т., 2006.

Аҳаджон Ҳасанов.

ОДАТЛАР ВА ҚАДРИЯТЛАР. МИЛЛИЙ КИЙИМЛАР

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ, МАРОСИМ ВА ҚАДРИЯТЛАР

Тарихан таркиб топган миллий анъана, урф-одат, расм-русм, таомил, маросимларнинг вужудга келиши ва ривожланишига бир қанча омиллар бевоқиф ва билвосита таъсир кўрсатади. Айниқса, миллий маросимлар ва урф-одатлар тараққиётида моддий ва маънавий маданият, табиий муҳит, ҳўжалик муносабатлари таъсири беқийс бўлиб, вақт ўтган сари улар тобора мустаҳкамланиб авлодларга мерос бўлиб ўтиб келган ва шу тариқа уларнинг барқарорлигини таъминлаган.

Жамият тараққиёти туфайли миллий маросимлар ва урф-одатлар ҳам ўзгариб, уларнинг айримлари амалиётдан чиқиб унутилган. Турмушга, замонга қараб, янги-янги урф-одатлар ва маросимлар кириб, такомиллашиб борган. Халқчил урф-одатлар ва маросимлар замонлар оша давр синовларига бардош бериб яшаб келмоқда. Қолаверса, асрлар давомида бир маконда аралаш яшаб келган халқларнинг анъаналар ва урф-одатларида ўхшашликлар кўп. Турли тарихий даврларда Ўзбекистоннинг туб ерли турғун аҳолисига келиб қўшилган қабил ва элатлар ўтроқлашиб, ўзбекларнинг удумларини қабул қилганлар ва айни вақтда унга ўз хиссаларини қўшганлар.

Ўзбекларнинг Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳамда уларга туташ минтақаларда ўтроқ деҳқончилик ва ҳўнармандчилик маданияти соҳиби бўлган туб жой (маҳаллий) халқ эканлигига халқимизнинг она табиатга, ерга, сувга, ҳавога, оловга бўлган чексиз ҳўрмати ва уларни эъзозлаш б-н боғлиқ турфа хил урф-одат ва маросимлари, анъанавий деҳқончилик ва ҳўнармандчилик удумлари мисол бўлади. Шунингдек, халқимизнинг қад. миллий қадриятлари бугунги кунда ўзига хос тарзда ривожланаётган шаҳар-

созлик ва меъморлик анъаналари, бой фольклор намуналари, ёзма мерос, адабиёт, санъатга бўлган қизиқишларда, Наврўз, Меҳржон байрамлари, гул сайллари, Ҳосил байрамлари ҳамда никоҳ, суннат маросимлари б-н боғлиқ удумлар, расм-русмларда акс этиб келмоқда. Бу байрам ва маросимларда ўзбек халқининг мардлик, лафзи ҳалоллик, бағрикенглик, саховатпешалик, ҳўжатбардорлик каби хислатлари ёрқин ифодасини топган. Бу, айниқса, ўзбекларнинг тўй-тантаналар учун йиллар мобайнида йигиб-териб элта тарқатишдан завқ-шавқ олишида, аза ва йўқлов маросимларини уюшган ҳолда ўтказишда, бола туғилишидан тортиб то мотам маросимларигача бўлган барча маросим ва урф-одатларда кенг жамоатчилик ва маҳалла аҳлининг доимо бош-қош бўлиши каби удумларда намоён бўлади. Миллий менталитетда, шунингдек, қад. аждодларга хос чиллак, чавгон, кўпкари, кураш каби миллий ўйинлар, «қулоқ тишлар», «бешик кертти», «қалин», «тўққиз» каби расм-русм ва удумлар ҳам акс этган.

Ўтмишда Ўзбекистонда барча ҳаётий масалалар б-н шаҳарда маҳалла, қишлоқда қишлоқ ва овул жамоалари шуғулланган. Маҳалла ва қишлоқ жамоасини жамоа йигинида сайланган оқсоқол (Хоразмда — қадҳудо) бошқарган. Ижтимоий ҳаёт масжид, чойхона ва бозорларда мужассамлашган, уларда, асосан, эркаклар иштирок этган. Кишининг эътиқоди, миллати ва ижтимоий мавқеи эмас, балки, муайян жамоа ҳудудида яшашининг ўзи унинг ўша жамоага мансублигининг ягона белгиси ҳисобланган. Жамоадаги кишилар, касб-ҳўнари ва мавқеидан қатъи назар, жамоа ишлари (ҳашар) ва маросимларга қатнашишлари зарур бўлган, акс ҳолда бундай шахс халқ назаридан қолган. Ўзбек халқи оила қуриш анъаналарига риоя қилишда, қиз узатиш ёки қув ё танлашда ҳам қуда

бўлиш томон ҳўсусида маълумотга эга бўлиб, уларнинг ижтимоий келиб чиқишини, жамоада тутган ўрнини ва обрў-эътиборини ҳисобга олади. Агар қув ёки келин бўлиш томоннинг ақли, одоби, ҳўсни-малоҳати бир ҳисса бўлса, уларнинг қариндош-уруғлари, авлоднинг жамоадаги мавқеи ва бу ҳўсуздаги жамоатчилик фикри иккинчи, аксарият ҳолларда ҳал қилувчи омил ва зифасини ўтаган. Фарзандларни яхшига қўшиш, бу борда хато қилиб қўймасликда жамоа, жамият раъйи, кўпчиликнинг кенгашли фикри муҳим роль ўйнайди. Шу боисдан ҳам, жамоатчилик фикрининг шахс турмуш тарзи, тақдирини белгилашдаги устуворлик мавқеи беқийсдир. Шу боис халқ орасида «Ҳарб қонунлар, Шарқ урф-одатлар б-н бошқарилади», деган нақл кенг тарқалган. Дарҳақиқат Шарқда, шу жумладан, ўзбекларнинг турмуш тарзида ҳам кўпгаб урф-одатлар қонун даражасида юқори туради.

Ўзбеклар орасида кенг тарқалган жамоатчилик анъаналари чуқур тарихий илдишларга эга. Бу тартиботнинг ибтидоси минтақа халқларининг энг қад. ёзма манбаи ҳисобланган «Авесто» китобида баён этилган. Ёзма ва археологик манбаларда минтақанинг қад. шаҳарлари аҳолиси орасида жамоалар фаолият кўрсатганлиги, фақат турмушдагина эмас, балки и. ч.да ҳам жамоа асослари мавжудлиги қайд этилган. Ўрта асрларда жамоа фақат жамоавий асослардагина суғориш тизимини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш, бинобарин, деҳқончилик б-н шуғулланиш мумкин бўлган қишлоқ аҳолиси учун ҳам, шунингдек, шаҳар аҳолиси учун ҳам ўзининг илгариги аҳамиятини сақлаб қолган ва барча удумлар, маросимлар қишлоқ ва шаҳарда маҳалла жамоаларининг ташаббуси б-н ўтказилган.

Ўзбек халқида меҳмондорчилик одати ҳам кенг тарқалган удумлардан.

Инсоният тарихининг дастлабки босқичларида шаклланган меҳмондорчилик одати ҳаётий заруратлар б-н боғлиқ бўлган ва тарихнинг турли босқичларидан ўтиб ҳозирга қадар етиб келган. Маълум сабаблар б-н тарқалиб келган уруғ-аймоқлар бир-бирларини ахтариб толгач, улар улуғ меҳмон тарзида иззат-икром б-н кутиб олинган. Бора-бора меҳмондорчилик халқларнинг удумига айланган; меҳмонга нафақат уруғдошлар ва қариндошлар, ҳатто бетона кишилар, мусофир йўловчилар ҳам қабул қилинган. Маҳалла ва қишлоқ жамоалари хонадонларида меҳмонни кутиш учун мажус хоналар – меҳмонхона қурилган. Одат бўйича меҳмон меҳмонхонада қабул қилинган. Меҳмонхонаси бўлмаган хонадон уни яшаб турган уйда кутган.

Хонадонга келган меҳмонни, қавм-қариндошни катталар б-н болалар ҳам биргаликда чиқиб кутиб олганлар. Меҳмон, одатда, меҳмонхона ёки уйнинг тўрига ўтқазилади. Тўкин дастурхон ёзилиб, нон ва чой келтирилади. Кейинроқ таом пиширилиб (кўпинча палов, норин, қовурдоқ, шўрва) тортилади. Агар меҳмон от ёки от-арава миниб келган бўлса от-уловини бола (ўспирин) ёки мажус отбоқар отхонага киритиб, бедипчан берган. Меҳмон кетар вақтда унинг оти ёки от-араваси йўлга ҳозирланган ва отга минишига ёрдам берилган; болалар меҳмон б-н катталар қаторида хайрлашганлар. Меҳмон иложи борича меҳмонга саховат кўрсатиши шарт бўлган. Меҳмон имкон даражасида кутиб олинмаса, хонадон соҳиби жамоа назаридан қолган.

Ўзбекча меҳмондорчилик таомилдан яна бири – меҳмон кимнинг хонадонига келишидан қатъи назар, уни зудлик б-н бориб кўришишга ошиққанлар. Чунки меҳмон, айнаи вақтда, қишлоқ ёки маҳалла жамоасининг ҳам меҳмони ҳисобланган. Меҳмонни навбати б-н бошқа хонадон соҳиблари ҳам уйларига таклиф қилиш одат бўлган. Улуғ меҳмон оёғи тагига поёндоз тўшаб, баъзан қўй сўйиб кутиб олинган. Зиёфатга кўшниллар, маҳалладошлар ёки қишлоқ оқсоқоллари, хурматли кишилар таклиф этилган. Меҳмонни кузатиш олдидан сарпо кийдириш одати ҳам бўлган. Ўзбек халқининг меҳмондорчилик таомиллари аждодлардан авлодларга ўтиб, ҳозиргача сақланиб келмоқда.


Катталарни ҳурмат қилиш ўзбек хонадонидида умуминсоний қадриятлардан бўлиб, болага жуда ёшлигидан бошлаб ўргатилган. Ёши катта кишининг ишига ёрдамлашиш одат ва

одоб ҳисобланган. Жамоа етакчисининг ёки оила бошлигининг қарори оила ва жамоа манфаатларига мос келганлиги учун уни бажариш шарт ҳисобланган. Қариялар айнаи вақтда ўтмишдан мерос бўлиб келаётган ва кундалик ҳаёт учун зарур билимларни, хусусан, ўтмишдан мерос бўлиб қолган таомил(урф-одат)ларни ёшларга ўргатганлар. Болалар нафақат ота-онанинг, балки қишлоқ ёки маҳалла жамоаси катталарининг ҳам диққат эътиборида бўлган. Ёшлар айнан жамоада миллий мерос ва урф-одатларни ўрганиб боради.

Ўзбек халқининг ҳаётида мавжуд бўлган тартиб ва қоидалар халқ анъаналарида ҳамда ислом дини ва шариат қоидалари асосида юзага келган, албатта. Одоб қоидаларига риоя қилиш оиладан бошланган. Ёз пайтларида, айниқса, барвақт турилган. Болалар бет-қўлларини ювиб катталарга салом берган. Катталар, айниқса, меҳмонлар қўлига сув қўйиб сочиқ тутиш ёшлиқдан, болалиқдан ўргатилган.

Дастурхон оиланинг кўрки, тўкинлик рамзи ҳисобланган. Унинг атрофида йиғилиб ўтириш ҳам маълум одоб доирасида бўлган. Дастурхонга ҳурмат бажо келтириш одатга айланган. Дастурхон «Бисмиллоҳ» б-н очилиб, Яратганга шукрона айтилиб, ўтганлар ҳаққига дуои фотиҳа қилиб, тирикларга сиҳат-саломатлик, дастурхонга қут-барака, эл-юртта тинчлик ва фаровонлик тилаб йиғиштирилган.

Асосий хўжалик машғулоти деҳқончилик бўлган ўзбек халқида нон азалдан эъзозлаб келинган. Унга илоҳий неъмат даражасида қаралган. Нонга ҳурмат б-н муносабатда бўлиш болаларга жуда ёшлиқдан ўргатилган. Ўз навбатида, нон б-н боғлиқ бир қанча урф-одатлар шаклланган. Жумладан, нон ҳеч қачон оёқ остига ташланмаган. Нон ушоғини босиш оғир гуноҳ ҳисобланган. Нон ўзига хос ризқ-насиба рамзи бўлганлиги учун ҳам узоқ сафарга ёки ҳарбий хизматга кетаётганларни нон тишлаб кузатиш удуми бўлган. Бундан ташқари келинни қувниқига кузатишда бошига нон қўйиш одати бўлган. Ўзбеклар орасида қал. одатта кўра, ғалла сомонини ҳеч қачон ўчоққа ва тандирга ёқишмаган. Чунки донни-нонни ёқиш оғир гуноҳ дейилади. Қолаверса, халқ орасида нон бор жойга турли инс-жинслар ва ёвуз кучлар яқинлашмайди, деган тасаввур бўлганлиги боис ёмон кўздан, ёвуз кучлардан асровчи восита сифатида, янги туғилган чақалоқнинг ёки хатна қилинган боланинг ёстиғи



Ўзбек нонлари.

остига бошқа қатор мағик хусусиятга эга буюмлар б-н бирга нон қўйилган. Хоразмда нон бўлаклари тумор қилиб тақилган.

Сувни қадрлаш одати ҳам ўзбек халқи турмушида чуқур илдиз отган. Катталар фарзандларига сувни булғамаслик ва ш.к.ни уқтириб борганлар.

Ёшларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашда жамоанинг ўрни ҳам катта бўлган. Жамоанинг ҳар бир аъзоси меҳмондорчилик, маърака ва б. жамоат жойларида ёши ва мавқеига қараб жой эгаллаган. Катталар ва ҳурматли кишилар олдинда борган ва давра тўрига таклиф қилинган.

Ўзбек халқи ҳаётидиги маросимлар, асосан, 2 катта туркумга – мавсумий ва оилавий-турмуш маросимларига бўлинади. Ўз навбатида бу маросимлар ҳам майда гуруҳларга бўлинади. Чунончи мавсумий маросимларга қишки маросимлар (гап-гаштаклар, биринчи қор ёққанда «қор хат» ёзиш), баҳорги маросимлар (шоҳ мойлар, қўш чиқариш, лой тутиш, Наврўз байрами, сумалак сай-

Палов пишириш.



Ҳашар

Қадимдан анъана бўлиб келган ҳашар жамоанинг қатнашувида ўтган. Ҳашарнинг бир неча тури мавжуд: жамоа ишларини бажаришда, қўни-қўшничилик ва қавм-қариндошлик доирасида ўтказиладиган ҳашар ва б. Кейинги йилларда баҳорда «Наврўз» арафасида ўтказиладиган ҳашарда жамоат жойларини тозалаш, янги кўчатлар экиш ва дарахтларни қирқиб шакл бериб оқлаш каби юмушларни оммавий равишда бажариш анъанага айланган. Жамоа ишлари бажариладиган ҳашар Ўзбекистоннинг барча қишлоқ ва шаҳарларида кенг қўлланган. Жамоа ҳашари б-н кўприк қуриш ва таъмирлаш, ариқ-зовурлар қазиб, уларни тозалаб туриш; масжид қуриш ва таъмирлаш, мазорларни тозалаш ва б. ишлар бажарилган. Катта ҳашарлар тантаналари бошланиб, тугалланиши ҳам кўтаринки руҳда якунланган. Умумхалқ ҳашар удуми 30–40-й лари Катта Фарғона, Шим. Фарғона, Шим. Тошкент каналларини, Бекобод ГЭС, Каттақўрғон сув омбори, Тошкент ш.нинг Бешёғоч даҳасидаги қўлни (ҳоз. Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида жойлашган қўл) бунёд этишда намоён бўлди.

Қўшниларнинг ўзаро ҳашари қад. удумлардандир. Бундай ҳашар кўпинча дала ишлари, уй қуриш, ҳовли деворини кўтаришда, тўй-ҳашамларда кенг қўлланган. Ҳашарга айтилган кишиларнинг келиши шарт бўлган. Узрли сабаб б-н кела олмай қолган киши ҳашар бўлаётган қўшнисиникига ҳашарчилар учун таом пишириб чиқарган. Оилавий ҳашар кўпинча иморатни тиклаш ишларида қавм-қариндошлар иштирокида бажарилган. Ҳашар маҳалла ва қишлоқ жамоа фуқароларини бирлаштиради, уларни елкадошликка, уюшқоқликка даъват этади.

ли, гул сайллари, лола сайли, сунбула сайли, «суст хотин»), ёзги маросимлар («чой момо», сув сайли, тут сайли, қум сайли) ва кузги маросимлар («обло барака», Меҳржон, Ҳосил байрами, қовун сайли, узум сайли, анор ва анжир сайли) киради. Иккинчи турқумга кирувчи оилавий-турмуш маросимлар ҳам бир неча гуруҳга бўлинади. Буларга бола туғилиши ва тарбияси б-н боғлиқ маросимлар, никоҳ ҳамда мотам маросимлари киради. Шунингдек, ўзбекларнинг анъанавий турмуш тарзида ислом дини б-н боғлиқ рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр), қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳо) байрамлари, мавлуд, ашуро, лайлат-ул қадр кечасини куттиш б-н боғлиқ тарзда ўтказиладиган маросимлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир маросим ва урф-одат ўз тарихига эга, у халқ ижодий меҳнати ва ҳаёт шароити б-н чамбарчас боғлиқ. Исломи дини қарор топиши б-н аниқса оилавий турмушга оид урф-одатлар ўзгарди ва янги динга мослаштирилди. Лекин исломдан аввалги баъзи урфлар ҳануз сақланиб келмоқда. Мас., оловни муқаддас билиш, азайимхонлик, фолбинлик ва ҳ.к. Кейинги вақтларда вужудга келган маросимлар ҳам мавжуд. Шўролар ҳукмронлиги даврида амалдаги мафкурага мувофиқ бир қанча маросимлар, жумладан, комсомол тўйи, қизил тўй, Октябрь (7 ноябрь) байрами, Совет армияси куни, Совет конституцияси куни, қўшиқ байрами, пахта байрами ва б. жорий этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу байрамларнинг кўпчи-

лигидан воз кечилди, лекин жорий тақвим б-н боғлиқ умумбаشارий байрамлардан 1 январь — Янги йил, 8 март — Хотин-қизлар куни, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни тарзида сақлаб қолинди. Айни вақтда мустақил Ўзбекистон Республикасида янги халқ байрамлари таъсис этилди: 1 сентябрь — Мустақиллик куни, 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, 8 декабрь — Республика Конституцияси қабул қилинган кун, шунингдек, Рўза ва Қурбон ҳайитлари куни, Наврўз байрами.

Ўзбеклар баҳор фаслида яна бир қанча бошқа сайиллар (бойчечак, гунафша, гулбарги, қизил гул, лола ва сунбула сайллари) ҳам ўтказганлар.

Лола сайли ўзбек халқининг қад. удумларидан бири бўлган. Хоразм, Бухоро ва Бойсунда «Қизил гул (гули сурх) сайли», Қўқон, Исфара ва Тошкент атрофларида «Лола сайли», баъзи тоғли туманларда, жумладан, Чустда «Сунбула сайли», яна бошқа жойларда «Бойчечак сайли» каби байрамлар уюштирилган. Лола сайли Наврўз байрамидан кейин (апр.нинг охири — майнинг бошларида) лола ва лолақизғалдоқлар очилган вақтларда ўтказилган.

Бойчечакнинг очилиши деҳқонларга баҳорги юмушларнинг бошланганлигини, табиатнинг уйғонганлигини билдириши. Лола байрамлари ва бойчечак сайли аниқса Фарғона водийсида кенг нишонланган. Болалар «Бойчечак» кўшигини айтиб, уйма-уй кириб, баҳор даракчисининг пайдо бўлганлиги ҳақида суюнчи олишган. Улар бойчечакни аввалига кексаларга беришга интилишган. Чунки, бу гул улар учун қадри бўлиб, қишдан омон-эсон чиқилганлигидан, яна баҳор келганидан, янги ҳаёт бошланганидан дарак берган. Шунинг учун ҳам кексалар бойчечакни кўза суртиб, «Омонлик-омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик», деб яхши ниятлар қилишган.

Байрамни халқ томонидан сайланган «Лолачилар» бошқарганлар. «Лолачилар» ўз дўстлари б-н лола сайлининг қачон ва қаерда ўтказилишини аниқлаб, халққа хабар берган. Байрам маҳсус жойларда (сайилгоҳларда) ташкил этилган. Сайил ўтказилишидан олдин «лолачи» маҳсус дарахт ёки дарахтнинг чиройли шохидан кесиб олиб, лолалар б-н безаган. Кейин уни қишлоқ кўчаларидан олиб ўтган. Буни кўрган одамлар кўчага чиқиб, қўнглига тугиб қўйган ниятларини айтиб, дарахтлар шохига турли мато парчалари, рўмолчалар боғлашган. Сўнг «лолачилар»га эргашиб, ўйин-кулги қилиб, лолазор



Сумалак пишириш.



Тошкентда Наврўз тантанаси.

томон йўл олишган. Белгиланган жойга келишганидан сўнг «Гул дарахти» марказга ўрнатилган ва оқсоқоллар дуоси б-н байрам бошланган. Байрамнинг иккинчи куни муқаддас мазор ва қабристонлар зиёрат қилинган. Бунда эркаклар ва аёллар алоҳида-алоҳида зиёратгоҳларга борганлар.

Хоразмдаги Қизил гул сайлида ёшлар ўзлари ясаган гулдасталарини қариндош-уруғларига, ёр-биродарларига совға қилганлар. Йигит-қизлар байрам бошидан охиригача ўз дўппиларига қизил гул қадаб қўйган. Байрамнинг биринчи куни йигитлар алоҳида, қизлар алоҳида саф-саф бўлиб тенгқурлари б-н бир-бирининг уйларига бориб, ота-оналарини, ёшу қарияларни байрам б-н муборакбод қилганлар, қушиқ айтиб, рақсга тушганлар. Байрамнинг иккинчи кунинида ҳушманзара жойларда халқ сайиллари ташкил этилган. Сайил давомида «Ёр танлаш» маросими ҳам ўтказилган. Гул сайилларининг асосида, асосан, баҳордаги деҳқончилик юмушларини бошланиши ётган бўлиб, гулларнинг очилиши деҳқонларга навбатдаги зироатчилик мавсуми бошланганлигини аниқлашчи ўзига хос фенологик тақвим ҳам ҳисобланган. Шу боис Хоразмда «Қизил гул» байрами бошланган куни жўҳори, шולי ва б. экинлар уруғи экилган. Шунинг учун ҳам байрам тантаналари қанча яхши ўтказилса, баҳорда деҳқончилик ишлари ҳам муваффақиятли бошланиб ҳосил мўл-қўл бўлишига ишонч билдирилган.

Ўзбекларда ерни ҳайдаш, уни экишга тайёрлаш, сув келтириш, замин бағрида етиштирилган ҳосилни йиғиб олиш

савоб, деҳқончилик энг шарафли машғулот ҳисобланади. Айниқса, деҳқончилик мавсумининг бошланиши ўзига хос тантана тарзда нишонланиб, Республикамининг қатор минтақаларида баҳорги шудгор олдидан «ис чиқариш» маросими ўтказилган. Ҳар бир оилада аёллар бўғирсоқ, чўзма пиширишган. Қозонда ёғ яхши қизитилиб, сўнгра унга хамир ташланган. Гўёки, марҳумлар шу ёғ ҳидидан руҳлари шод бўлиб, қариндош-уруғларга омад тилашади. Ерни ҳайдашдан олдин ҳўкизларнинг шохлари ва бўйинтуруғини ёғ б-н мойлаганлар. Ҳўкизларни ёмон кўздан асрасин, деб туморлар тақилган. Дастлабки эгат олиш ёки уруғ сепишни оила ёки қишлоқдаги ҳурматли кексалар бошлаб беришган.

Баҳор фаслидаги байрам ва сайиллардан ташқари куз мавсумидаги тўқин-сочинлик б-н боғлиқ байрам ва сайил-

лар ҳам мавжуд. Шулардан бири Ҳосил байрами. Бу байрам ҳам ўзбек халқининг қад. тантаналаридан бири ҳисобланади. Олдинлари байрам кузда барча экинлар ҳосили, мевалар йиғиб-териб олинганидан кейин қишлоқларда, шаҳарларга яқин ерларда ўтказилган. Мустақилликдан кейин шаҳарларда ҳам ўтказиш оммавий расм бўлди. Байрам кунлари (2 — 3 кун) деҳқонлар етиштирган маҳсулотларини сайил жойларига олиб келиб сотишган. Байрам сайилгоҳига шаҳар хунарманд-қосиблари ҳам ўз маҳсулотларини олиб чиқиб сотган. Сайилгоҳларда ҳар ким ўзига керакли нарсаларни харид қилиш имкониятига эга бўлган. Сайил кунлари пой-га, кўпқари ва б. мусобақа ўйинлари уюштирилган. Баъзи қишлоқларда кўчқор, така, ҳўроз, туя уриштириш одат бўлган. Жамоаларда шу кунлари мол сўйилиб, элга худойи ҳам қилинган. Ҳосил байрами ва у б-н боғлиқ маросимлар бирмунча ўзгаришлар б-н ҳозирга қадар етиб келган. Ҳар йили дала ва боғларда етиштирилган ҳосил йиғиб олингандан кейин қишлоқ жамоалари маълум кунларни ҳосил байрами деб эълон қилади. Бу кунлар етиштирилган маҳсулотлар белгиланган жойларга (ярмаркаларга) келтирилиб сотилади.

Наврўз

Шамсия (Қуёш) йил ҳисобида йилнинг 1-куни бўлиб Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари халқларининг қад. анъанавий байрами ҳисобланади. Наврўз баҳорги тенг кунликка (21 ёки 22 март), яъни Қуёшнинг ҳамал буржига киришига тўғри келади. Наврўз деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади. Наврўз байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилган, баъзи экинларни экиш бошланган.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар мустақилликка эришган, бошқа қадриятлар қаторида Наврўз байрами ҳам қайта тикланди. Ҳозир Ўзбекистонда Наврўз умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонланади. 21 март куни дам олиш куни деб эълон қилинган. Ҳар йили шу куни республиканинг барча вилоятларидаги хибон ва майдонларда байрам сайиллари ташкил қилинади, концертлар берилади. Бир неча кун мобайнида маҳаллаларда Наврўзга бағишланган талбирлар ўтказилади, сумалак, ҳалим ва б. тансиқ таомлар пиширилади. Наврўз кунлари ҳокимликлар, маҳаллаларнинг фаоллари, хайр-эҳсон ташкилотлари — меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳузурига ташриф буюриб, уларни қўтлаб, совға-саломлар улашади.

Мусулмонлар, жумладан, узбек халқи ҳаётида рўза ва қурбон ҳайитлари ва улар б-н боғлиқ удумларни бажо келтириш муҳим ўрин олган.

Ҳ а й и т б а й р а м и маросимларига жиддий тайёргарлик кўрилган. Арафа кунлари қабристонларга бориб яқинлар мазорларини зиёрат қилиш одатга айланган. Ҳовли ва кўчалар тозаланади. Пишириқлар, тансиқ таомлар тайёрланади. Ҳайит куни тонг ёришиши б-н катта-ю кичик тоза кийимларини кийиб масжид ва намозгоҳларга бориб ҳайит намозини жамоа бўлиб ўқийдилар. Сўнгра яқин таъзияли хонадонларга бориб фотиҳа ўқиб қайтадилар. Ҳайитнинг биринчи куни шаҳар ва қишлоқларда сайил бўлган. Саъдо ташкил этилган. Ҳайит кунлари (одатда 3 кун) оилада катта-кичик бир-бирларини табриклайдилар, сиҳат-саломатлик, бахт тилайдилар; қавм-қариндош, қўни-қўшниларини ҳам табриклайдилар, бемор ва ногиронларни бориб кўрадилар; тўкин дастурхон ёзиб, таом пишириб меҳмон кутадилар.

Тошкент ш.да ва Тошкент вилоятининг айрим ерларида «к е л и н к ў р и ш» ёки «к е л и н с а л о м» деб номланган маросим ўтказилади. Никоҳ тўйидан кейин ёш келинлар ҳайит кунлари дастурхон безатиб, меҳмон кутишади. Маросимни ўтказишдан бир кун аввал келиннинг ота-онаси қизи келин бўлиб тушган хонадонга йўқлов юборади. Бу б-н улар қудаларини, куёв ва қизларини муборак айём б-н қутлашади. Ўз навбатида, куёв хонадондагилар ҳам ўзлари пиширган ширинликлардан бериб юборишади.

Келин салом.



Бешик тўйи

Ўзбекистонда кенг тарқалган қад. одатлардан. Тунгич фарзанд туғилганда етти, тўққиз, ўн биринчи кунлари ёки келин-куёвнинг ота-оналарининг ўзаро келишувлари б-н белгиланган кунда, асосан, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар иштирокида ўтказиладиган тантанали маросимдир.

Бешик чақалоқнинг она қариндошлари—бобоси, бувиси, тоға ва холалари томонидан қилинган. Халқимизда болани бешикка белашда қариндош-уруғлар ва маҳаллада ҳурматли, эътиборли, ували-жували аёллар қатнашган. Булардан бири доя момо (энага) ёки ўзининг катта бувиси бўлиши мумкин. Болани бешикка белашда бешик устидан турли сочқилар сочганлар.

Фарғона водийсида анъанага кўра, болани бешикка белашда ёстиғи остига кулча, туз, пичоқ, ойна, Сурхондарёда ойна, тароқ, Тошкентда эса ойна, пичоқ, қалампир каби нарсалар қўйилган. Бу нарсаларнинг ўз рамзий маъноси бўлган. Нон ризқ-насиба бўлиш б-н бирга инсоннинг доимий йўлдоши ҳам бўлган. Пичоқ ва ойна қўйишда гўдак ҳаёти ойнадек тиниқ, пичоқдай ўткир бўлсин деган ният мужассамлашган.

Ҳайит куни эрта тонгдан келинчак энг чиройли либосларини кияди, бошига нафис, ҳарир мато ёпиб, хонадон аъзоларига ва келган меҳмонларга бирма-бир салом беради ҳамда дастурхонга тақлиф этади. Бу маросим иштирокчилари, асосан, хотин-қизлар ҳисобланади, яъни келин кўргани, асосан, аёллар ва қизлар ташриф буюришади.

Ўзбекларда ҳам бошқа халқлар сингари инсон ҳаёти ибтидосидан интиҳосигача турли-туман маросимлар б-н бурканган. Инсоният ҳаётининг муҳим бурилиш нуқталари б-н боғлиқ тарзда ўтказиладиган талбирлар о и л а в и й м а р о с и м л а р деб юритилади. Оила ва оилавий маросимлар этносга хос маданий ва маънавий анъаналар узатувчиси ҳамда давомчиси ҳисобланади.

А қ и қ а . Ўзбек оилаларида янги туғилган болага исм қўйиш ва «қорин сочи»(боланинг туғилгандаги сочи)га қайчи уриш б-н боғлиқ одат. Ислом анъанасига кўра, одатда чақалоқ 7 ёки 14 ёхуд 21 кунлигида ўтказиш тавсия этилган.

Ўзбек халқида қадимдан сақланиб келаётган яна бир маросим х а т н а қ и л и ш (ўғил тўйи)дир. Халқ ўртасида хатна «суннат тўйи», «чукрон», «қўлини ҳалоллаш (поклаш)» каби номлар б-н юритилади.

Бу маросим ҳам узоқ тарихий даврлар б-н боғлиқ бўлиб, инсоният тарихининг илк даврларидаги ўғил болаларни бир ёш босқичдан иккинчисига ўтишини махсус маросим тарзда нишонлаш б-н боғлиқдир. Бундай одатлар кейинроқ, ислом дини тарқалган мамлакатларда удумга айланган. Мусулмонларда суннат тўйини ўтказишдан мақсад «исломнинг суннатини бажариш»дир. Бу маросим ўғил болаларда 3, 5, 10 ёшда, айрим ҳолларда 11, 12 ёшгача ўтказилган. Қўни-қўшнилар ҳамда қариндош-уруғлар иштирокида тўй тайёргарлиги

б-н боғлиқ бир неча удумлар (кўрпа тикиш, тўй сарполарини бичиш ва тикиш), қишлоқ ва маҳалланинг кекса ва ўрта ёшдаги серфарзанд аёлларига топширилган. Тўйгача бўлган даврда тандир қурди (ёки нонвойи солди), сўқим сўйди, маслаҳат оши каби маросимлар ҳам ўтказилган. Бу маросимлардан кейин тўй олдида хатми қуръон маросими ўтказилган. Бунга қишлоқ (маҳалла) кексалари, масжид имоми ёки қори ва қариндошлар тақлиф этилган. Дастурхон ёзилиб охирида фотиҳа қилинган. Шундан кейин катта тўй тантаналари бошланган. Тўй арафасида тўй болага қавм-қариндошлар ва ҳамқишлоқ (маҳалладош)лар оқсоқоллар даврасида сарпо кийдириш маросими ўтказилган. Сўнгра тўйболани муборакбод этиб устига танга, ширинликлар сочилган.

Суннат тўйидаги энг катта маросим — элга ош бериш. Ош бериш маросими охирида илгарилари кечқурун ҳовлига катта гулхан ёқилиб, унинг атрофида қураш, тортишмачоқ (арқон тортиш) ва б. ўйинлар қилинган. Меҳмонхоналарда (аёллар ичкарида) базм, ғазалхонлик ўтказилган, бахшилар дostonлардан парчалар ижро қилган. Тўйнинг эртаси куни баъзан кўпқари ва б. мусобақалар уюштирилиб, ғолибларга совринлар берилган. Суннат тўйи якунида тўй бола уста-сартарош томонидан хатна қилинган (қ. *Хатна*). Уста томонидан хатна қилиш амали бажариб бўлинганидан кейин, бола учун хатна чилласи бошланади. Хатна чилласи даврида бола хонадондан ташқарига чиқарилмаган, унинг олдида доимо яқинларидан кимдир бўлиши лозим бўлган. Хатна жараёни кўпинча қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар иштирокида тор даврада ўтказилган. Хатна жараёнини эркаклар бажарганлар. Кейинги вақтларда хатна тўйида элга ош

бериш ва б. айрим одатлар удумдан қолмоқда.

Аждолларимизнинг расм-русмлари, дунёқараши, ишонч-эътиқодлари, турмуш-тарзи ва ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашлари, асрлар бўйи жамланган ҳаётий тажрибалари ва турмуш кўникмаларини ўзида мужассамлаштирган энг жозибали маросимлардан бири икки ёшни бирлаштирувчи — н и к о ҳ т ў й и д и р. Бундан мақсад никоҳни жамоатчиликка маълум қилиш ва ота-она, қариндош-уруғлар жамоа б-н бирга нишонлашдир. Никоҳ тўйи тизимида бир қанча маросимлар мавжуд: совчилик, унаштириш, уй кўрар (қиз кўрар), сеп тахлар, тўққиз бериш (тўққиз товоқ), қиз оши (қизлар мажлиси), келин тушириш, бакон тутиш, юз очди, келин салом, чорлар, куда чақириқ каби маросимлар ва улар б-н боғлиқ расм-русмлар. Буларнинг аксарияти ҳозиргача сақланиб, амал қилиниб келинади, баъзилари удумдан қолиб кетди.

20-а.нинг 80-й.ларидан бошлаб, куёвникида никоҳ тўйи тантана кечасини ўтказиш, иштирокчилар томонидан келин ва куёв шаънига самимий истақлар билдириш анъанага айланди. Тўйнинг эртаси куни «бет очар», «келин салом» каби удумлар бажарилган. Ушбу удумлар орқали келиннинг нақадар тарбия кўрганлигига, феъли-атвориға, ўқувлигига баҳо берилган ҳамда ишчанлиги, эпчиллиги, овқат пиширишга нечоғлик тайёр эканлиги синовдан ўтказилган. Бу эса қизларни ёшлиқдан меҳнатга, рўзғор тутишга, меҳмон кутишга ўргатишни кўзда тутди.

Ўзбек халқи м о т а м м а р о с и м и — инсон вафоти муносабати б-н ўтказиладиган мунгли маросимдир. Шу босидан ушбу маросимда ижро этилувчи фольклор жанрлари, маросим иштирокчилари ва уларнинг кийим-бошлари ҳамма-ҳаммаси мунглидир. Мотам маросимлари жуда кўп расм-русм, одат ва кичик маросимлар мажмуидан ташкил топган. Марҳумни «меҳмон қилиш», («қора ош» тортиш), йиғи маросими, марҳумнинг гуноҳларини рамзий сотиб олиш маросими, дафн ва марҳумни хотирлаш б-н боғлиқ ўтказиладиган турли маросим шулар жумласидандир.

Ўзбеклар ва б. мусулмон халқларда киши кечаси ёки куннинг 1-ярмида вафот қилса уни, одатда, ўша куни чиқарилди; куннинг 2-ярмида вафот қилса марҳумни дафн қилиш эртанги кунга қолдирилади, яъни майит бир кеча «меҳмон» қилинади.

Мотам маросимларида йиғи (бўзлов, бўзлаш, марсия айтиб) алоҳида ўрин-

ни эгаллайди. Ўлган кишига марсия айтиб йиғлаш дунёнинг кўплаб халқларида учрайди. Бу одат илдиэлари ибтидоий даврларга бориб тақалади. Қадим замонларда ибтидоий одамларга ўлим ҳаётнинг якунланиши ҳисобланмаган. Жонсиз кўринишда ётган ўлик аслида физиологик ва руҳий ҳаёт бўлиб, эши-тади ва кўради. Шунинг учун яқинларининг дастлабки қайғуси табиий равишда марҳум б-н айрилиқ нолаеси, яққаланишдан ҳасрат, ожизлиги, марҳумнинг мардона хатти-ҳаракатлари ва яхши амалларини мадҳ қилиш кўринишидаги баланд овозли бўзлаш шаклини олган.

Фарғона водийсида марҳумнинг яқин қариндошлари (эркаклар) дафн маросими куни янги, оҳорли тўн, дўппи кийиб, белларини белбоғ б-н боғлаб қўлларига ҳасса (асо, янги қирқилган қора тол навдасидан) олиб, унга суянган ҳолда марҳум кўйилган хона атрофида айланиб марсия айтиб йиғлаганлар. «Йиғичи»лар гуруҳи мотамга марҳумнинг ёки унинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларининг ҳурмати учун келган кишилар ҳисобига кўпайиб борган. Халқона тасаввурга кўра, эркак киши ўлганда ҳассага суяниб йиғлашда ҳасса нафақат суянчиқ вазифасини, балки ушбу хонадоннинг устунидан айрилганликларининг рамзий белгисини ҳам ифодалаган. Аёллар йиғиси эркаклар йиғисидан ўзига хос томонлари б-н фарқланган. Аёллар давра қуриб (эркаклардан ажралган ҳолда) баланд овозда ўлган кишига марсия айтиб йиғлаганлар. Олдинлари аёлларнинг дафн маросимларида кўкракларига уриб, бошларини очиб (айниқса, эри ўлган аёллар бошим очиқ қолди, деган маънода) сочларини ёйиб, дод солиб йиғлашлар учраб турган. Лекин ҳадису шарифда марҳумга бундай йиғлаш маъқул саналмайди. Марҳумнинг эл-юртга қилган яхши амалларини хотирлаб, унга Аллоҳдан раҳмат тилашга чақирилади.

Марҳум дафн қилинишидан олдин ғассол томонидан ювиб, покланиб кафанланган. Олдинлари кафан оқ бўз, дока каби матолардан бичилган. Ҳозирда эса кафанлик учун, асосан, оқ сурп ишлатилади.

Марҳум кафанлангандан кейин олдиндан белгиланган муддатда дафн маросимига йиғилган эркаклар иштирокида жаноза намози ўқилган. Жаноза намози қишлоқларда марҳумнинг ҳовлисидаги кенгроқ ерда, шаҳарларда эса маҳалла масжидида имом бошчилигида ўқилган. Жаноза марҳум б-н видолашиш учун мусулмонларга буюрилган, марҳум

ҳақиға ўқиладиган намоздир. Жаноза намозида қатнашаётганларнинг таҳоратли бўлишлиги ва марҳумнинг ўнг томони қибла томонда бўлишига эътибор қилинган. Жаноза ўқилиб бўлгач, марҳумнинг тобутини кўтаришни одатда кекса ёшли қариялар бошлаб берган. Тобутни хонадондан олиб чиқиб кетишда бу хонадонда қайта ўлим бўлмасин, деган ниятда уч марта ерга қўйиб қўтарганлар ва қабристонга олиб бориб дафн қилганлар (яна қ. *Дафн маросими*).

Ўзбекларда марҳум дафн этилгандан кейин, уни хотирлаб бир қанча эҳсон маросимлари ўтказилган. Марҳумнинг «учи», «етгиси», «йиғирмаси» ва «қирқини» ўтказиш ёки руҳ (арвоҳ)ларга атаб қирқта чироқ қўйиш каби эътиқод ва удумлар, аслида, ҳеч қандай илоҳий ёки шаръий томони бўлмаган, улар ибтидоий даврлардаги эътиқодий қарашлар ва сеҳрли рақамлар б-н боғлиқ қад. халқ қарашлари асосида пайдо бўлган.

Марҳумларни хотирлаш маросимлари рамазон ва қурбон ҳайитлари кунларида ҳам ўтказилган. Марҳумларни ва ота-боблар арвоҳларини хотирлаш табиатдаги фасллар ўзгариши б-н боғлиқ кунларда, жумладан, биринчи қор ёққанда («қор ёғди»), Наврўзда, лайлак келганда, қовун пишиғида, гул очилганда, дарахтлар(анор, жийда) гуллаганда ҳам ўтказилган. Мотам маросимлари б-н боғлиқ маросимлар замон ва маконга оид фалсафий тушунчалар б-н коинот ва инсоният ўртасидаги, табиат ва одам ҳаёти ўртасидаги муайян даражадаги боғлиқликни билдиради (яна қ. *Мотам маросимлари*).

Ўзбек халқининг ижтимоий ва оилавий шароитидаги мавжуд маросимларнинг ҳар бирида бир қанча урф-одатлар, ирим-сиримлар ва расм-русмлар мужассамлашган. Маросим ва одатларнинг кўпчилиги, халқимизнинг асрлар давомида амал қилиб келган миллий қадриятларидир. Советлар даврида олиб борилган мустамлакачилик ва атеистик сиёсат натижасида кўплаб миллий анъанавий қадриятларимиз б-н боғлиқ анъаналар ва урф-одатлар таъқиб остига олинishi маълум маънода маънавий қашшоқликка сабаб бўлди.

Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгач, халқнинг қад. ва азалий қадриятлари аста-секин тикланди ва уларнинг кўплари халқимиз турмуш тарзидан ўзининг муносиб ўрини топди. Ўз навбатида, советлар даврида коммунистик мафкура остида олиб қиртилган айрим маросимлар халқ турмушидан чиқиб кетди ва қолаверса, янги қатор замонавий маросимлар ҳам кириб келди.

Қарим Шонийёзов, Адҳамжон Аширов.

МИЛЛИЙ КИЙИМЛАР

Ўзбекистон ҳудудида яшаган энг қад. аждолларимизнинг кийимлари ҳам дунёнинг бошқа минтақаларидаги қад. кишилар кийимлари каби табиий иқлим, турмуш шароитлари ва уруғ-қабил аънаёлари асосида шаклланиган. Ўтмиш кийим-кечаги, уларнинг шакллари, маҳаллий хусусиятлари ва уларга ишлатилган матолар республика ҳудудидаги археологик ёдгорликлар (Афросиёб, Варахша, Болаликтепа, Холчаён, Айритом ва б.)дан топилган деворий расмлар, ҳайкалчалар, майда нақшлар, торевтика (металлга ишланган рельеф), ёзма манбаларда, қўлёзма китобларга ишланган мўъжаз тасвир (миниатюра)ларда акс этган. Кийимларнинг дастлабки шакл тараққиёти туқимачиликнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ. Археологик маълумотларга кўра, Ўрта Осиё ҳудудида туқимачиликнинг вужудга келиши янги тош асри — неолитга бориб тақалади. Асосан, бу даврда Копеттоғ этакларида (Жойтун маданияти) тўқув дастгоҳларининг қолдиқлари аниқланган. Мил. ав. 6-а.да кийимда жун матолари тери матоларини сиқиб чиқарган. Мил. ав. 2-а.га оид кийим қолдиқлари Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган Сополлитепадан топилган.

Мунчоқтепа (Фарғона водийси)дан илк ўрта асрларга оид эркак, аёл ва болалар уст-бошлари топилган. Аёллар кўйлаги узун бўлиб, ипакдан тайёрланган ва этаги тўпигигача тушган, этагининг энг қуйи қисмидан икки ён томондан 10–15 см қирқиб қўйилган, белларига эса камар (белбоғ) боғлаб зеб берилган. Болалар кийими ҳам ипакдан калта қилиб тикилган бўлиб, белидан сал пастга тушиб турган. Кўйлак этагидан яъни бели атрофидан икки томондан 10–15 см қирқиб қўйилган. Ёқалари тўғри ва белида махсус тасма-белбоғи бўлган. Ташқи чоклар энсиз лента б-н тикиб мустаҳкамланган. Қиз болалар кўйлагининг кўкрак қисми, энгининг учи ва этаги махсус қадама гуллар б-н безатилган. Ўнг қўл томонидан эса ўйма чўнтак тикилган. Кийимга мунчоқлар тикилиб зеб берилган, энги ва кўкрак қисмига майда маржондан нақшлар ишланган.

Тохаристон ва Суёд кийим-кечакларини қиёсий ўрганиш шу нарсадан далолат берадики, Марказий Осиё халқларининг тарихий тараққиёт йўллари ва тақдирлари муштарак бўлган, маданиятлари эса бир-бирига таъсир кўрсатиб

келган. 5–8-а.ларда Тохаристонда елкаси ёпишиб турадиган ва этаги трапециясимон кўринишдаги кийимлар кийилган. Топилган ёдгорликларда жамиятнинг юқори табақасининг ҳамда хизматкор ва санъат намояндларининг ҳаёт тарзи акс эттирилган. Айниқса, Афросиёб, Болаликтепа деворига ишланган тасвирий суратларда кийимларнинг ижтимоий ва жинсий тафовутларини кўриш мумкин. Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган халқларнинг кийим-кечаклари узлуксиз ўзгариши ва ривожланиши фақат шу ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий ва этник тарихи б-н боғлиқ бўлмай, балки бутун Марказий Осиё тарихи ва ижтимоий ҳаёти б-н ҳам боғлиқдир.

Деворий суратлардан маълум бўладики, илк ўрта асрларда маҳаллий аҳолининг кийимлари бичими, асосан, бир хил бўлган. Енгсиз, узун, баъзи ҳолларда энги кенг қилиб бичилган. Кийимларнинг ён томонида, одатда, йирмочқийиқ жойи, ёнлама ёқаси бўлганки, бу ҳолни ўзбек халқларининг бугунги кундаги кийим-кечакларида ҳам кузатиш мумкин. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам жуда кўпга қад. кийимлар ва газламалар (30 га яқин)нинг номи берилган.

Шунингдек, ўрта асрда яратилган миниатюраларда ҳам ўзбек халқининг ўша даврдаги кийимлари акс этган. 12-а. миниатюраларида тасвирланган эркак ва аёл кийимлари этаги бирмунча кенг, ўзига хос бичимда думалоқ шаклдаги кўйлақлар кийганини кўриш мумкин. Олд қисми қисқароқ, орқаси узунроқ бу кўйлақларнинг астари кўпинча йўл-йўл матодан тикилган. Эркак ва аёллар кўйлақлари ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, уларда кўпгина фарқли жиҳатлари бор: аёллар кийимининг энги пастга қараб кенгайиб борган, эркакларникида эса билагига ёпишиб турган. Эркаклар чолворнинг почасини узун қўнжли этикка тикиб, бошига салла ўрашган. Аскарлар эса кийим устидан совут кийишган. Асосан, турли рангдаги силлиқ матолардан тикилган кийимлар урф бўлган. Мўғул боққинчиларининг келиши натижасида зўрлик б-н киритилган мўғул-хитой аънаёлари ўзбек халқи либосларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 15-а.га келиб, теурийлар ҳукмронлиги даврида эркак ва аёлларнинг турли рангдаги ички ва ташқи қаватли, яъни турли рангдаги авра-ас тарли икки узун либос кийиши одатга айланган. Ўз навбатида бу даврда Самарқанд, Ҳирот, Шероҳ каби шаҳарларда башанг, ранг-баранг, содда ва

жозибали маҳаллий бичимдаги либослар шаклланиган. Шунингдек, турли минтақалар кийиниш услублари, ранг танланиши ва айрим безаклари б-н фарқланиб турган.

17–18-а.ларда олдинги аънавий бичимдаги кийимлар тараққий этган ҳолда кийимларда Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент каби шаҳарларга хос турлар ҳам шаклланиб борди. Бу ҳолат кийимларда ўзига хос қисмларнинг вужудга келиши, ўзгача пойабзаллар, бош кийимлар кийиш бошланганлиги, турли матолардан фойдаланилганини аниқ кўрсатиб турарди.

19–20-а.лар бошида ўзбек миллий кийимлари мажмуи шаклланиб улгурган эди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг бошқа минтақалари, шунингдек, Ўзбекистонда и.ч. муносабатларининг ривожланиши, савдо алоқаларининг тараққий этиб кенгайиши ва подшо Россияси томонидан ўлкани мустамлака қилиб олиниши натижасида минтақага ф-ка газламаларининг кенг миқёсда кириб келиши ва, ўз навбатида, янги иноэт-ник кийим-бошлар нусхалари пайдо бўлишига сабаб бўлди. Айниқса, тикув машинасининг кириб келиши кийимлар тайёрлаш жараёнида ўзига хос «инқилобий» ҳодиса бўлди.

Ўзбекларнинг аънавий кийим-бошлари ичида эркакларнинг миллий либослари алоҳида ажралиб турган. Кийимлари (тўн, кўйлак, ятак, иштон ва б.) яхлит бичимли, бичими тўғри, кенг ва узун бўлиб, эни бузилмаган бир бўлак мато ярмидан бир-бирига улаб узунасига тикилган, ён қисми эса этагига қараб кенгайиб борган. Дастлаб эркаклар кўйлаги узун, тиззадан пастга, кейинроқ эса белнинг ярмисига тушадиган қилиб тикилган. Умуман Ўзбекистон ҳудудида эркаклар орасида бир нусхадаги тўн, кўйлак-ятак, иштон, дўппи, салла, телпак, қавуш-маҳси, этик, чориқ, турли ёрдამчи кийимлар кийилган. Эркаклар кўйлаги Фарғона водийсида узун, тик йирмочқийиқ жойи узунроқ мато бўлагидан бичилиб, бурчак-бурчак қилиб, 2 қийиқ кесилган ҳамда учлари кенг олиниб тикилган. Бошқа хил бичимдаги кўйлақларда йирмоч ётиқ, у елқадан бу елкагача олинган. Бундай кўйлақлар «муллавачча» кўйлак дейилган. 19-а. охири 20-а. бошларида мамлакатнинг турли минтақаларида калта, тик ёқали «нўғай ёқа кўйлак», «бўғма ёқа» кўйлақлар кийиш оммалашган бўлиб, бу кўйлақни дастлаб шаҳар аҳолиси, айниқса, савдо аҳли кийган. Ўзбеклар орасида бўз, ипак, ип газламалардан тикилган

олди очик ятак кўйлақларни ёшлар ва қарилар бирдек ёқтириб кийишган. Эркақлар иштони юқори қисми кенг, почалари торроқ тикилиб, тўпиққача тушиб туради, юқори қисмига иштонбоғ ўтказиш учун милкига гир айлана бахя-чок қилинган. Совуқ фаслларда иштон устидан астарли ёхуд астарсиз шим кийилган, у асосан, ил газлама ва жун газмоллардан тикилган. Чавандозлар, овчилар намат-кигиздан, жунмўйнадан, ошланган теридан тикилган чолвор кийишган. Чопон (тўн), жома, камзул, желак, чакмон эркақларнинг мавсумий кийимлари қаторига кирган. Тўн (чопон)лар авра-астарли ҳолда пахта солиб қавилган. Олди очик узун бўлган. Юрганда, отга минганда, ерда чордона қуриб ўтирганида қулай, ихчам бўлиши учун ён томонларига кесик-йирмоч кўйилган, белбоғ боғланган. Тўнлар авраси беқасам, кимхоб, бахмал, шойи, сатин, чит ва б. матолардан тикилади.

Тўнлар маҳаллий хусусиятларга кўра ҳам фарқланган. Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразмда гавдага ёпишиб турадиган сирма-қавима чопонлар кўпроқ расм бўлган бўлса, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва б. жойларда қимматбахо матолардан зардўз тўнлар тикилиб, ёқаси, этаги ва энг учларига турли рангдаги зар ипларда кашта тикиб, атрофига гавҳар тошлар қадаб безатилган. Бундай тўнларни хон ва амалдорларга совға қилишган. Умуман, халқимиз орасида ҳурматли кишиларга, устозларга, қуда ва кувёлар, азиз меҳмонлар ва б.га тўн кийгизиш удуми сақланиб қолган. 19-а. ўрталари, 20-а. бошларида Ўзбекистон бўйлаб «камзул» кийиш одат тусига кирган. Камзул ёқалари тик, бўғиқ, баданга ёпишиб турадиган узун, белбурма сюртукни эслаб, ортида қийиқ жойи-йирмочи, қайтарма ёқаси бўлмаган. Қора ранг матодан, асосан, сатиндан ёки костюмбоп қалин ип газламалардан тикилган, улар кўйлақ устидан кийилган. Чакмонларнинг босма чакмон, боқоти чакмон, қоқма, тивит чакмон каби турлари мавжуд бўлиб, уларни рангига қараб кўк чакмон, малла чакмон, оқ чакмон деб аташган. Чакмон бичимига кўра тўнга ўхшаш бўлиб, асосан қўй ва туя терисидан фақат аврада тикилган ва чопон устидан кийилган. Шу сабабли ҳам у совуқ фасл кийимларидан ҳисобланган.

Чопон устидан боғланадиган белбоғ бўз, чит, сатин, беқасам каби матолардан тикилган. Ўзбек халқи орасида энг кўп тарқалган энгил бош кийими дўппидир. Анъанавий бош кийимлардан

яна бири салладир. Салла Шарқда Мисрдан Ҳиндистонга қадар мусулмон мамлакатларида қадимдан маълум.

Эркақларнинг миллий оёқ кийимларидан этик, кавуш-маҳси, чориқ, тахаки этик, мукки, тоштовон, чориқ-пойпуш каби оёқ кийимлар мавсумий ҳисобланган. Кўнжи тиззагача бўлган пошнали этиклар нўғай этик, қора этик деб юритилган.

20-а.нинг 1-чорагида аёллар кийимларининг ёқалари асосан вертикал ва горизонтал кўринишда бўлган. Кўйлақ ёқалари этногенетик эмас, балки функционал аҳамият касб этган: вертикал ёқали кўйлақлар чақалоқларни эмизишда қулай бўлгани учун, асосан, она бўлган аёллар кийган. Бундай кўйлақлар «оналик кўйлаги» ёки «аёл кўйлақ» дейилган. 20–30-й.ларга келиб, «кўкрак бурма» кўйлақлар оммавий урф бўлган. «Кўкрак бурма» кўйлақлар дастлаб Тошкентда пайдо бўлган. 50-й.ларга келиб, аёллар ва қизлар кўйлаги орасидаги фарқ йўқолиб вертикал кўринишдаги кўйлақлар расм бўла бошлаган. 80-й.ларда «кўкрак бурма», ёқали, энги калта атлас кўйлақларни кийиш расм бўлди.

20-а.нинг 20–70-й.ларида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида анъанавий миллий кийимлар таркибига европача русумдаги кийимлар кириб келган. Буни миллий кўйлақлар б-н бирга европача шим б-н кийиладиган кийимларда кўриш мумкин. Айниқса, бу даврда эркақларнинг оёқ кийимларида европача бичимдаги пойабзаллар кенг расм бўлишига қарамай маҳси, этик каби оёқ кийимлар ўзининг анъанавий кўринишини сақлаб қолган ва асосан кексалар орасида кўпроқ тарқалган. Бу даврда эркақларнинг махсус иш кийими яратилди, ўғил болалар кийимларида ҳам эволюцион жараён содир бўлган бўлиб, миллий кийимлар Европа кийимлари б-н уйғунлашган ҳолда кийилган. 60–70 й.ларга келиб пойабзал ф-каларда ишлаб чиқарилган, турли шаклдаги аёл ва эркақларнинг ёзги туфлилари, қишки этиклар оммавий расм бўлган.

Аёлларнинг анъанавий кийим-бошлари кўйлақ, лозим, чопон, мурсак, пешмат, камзул, нимча, паранжи-чачвонлардан ҳамда хилма-хил рўмоллар, ранг-баранг дўппилардан иборат бўлган. Маҳси, кавуш, бошмоқ каби пойабзаллар чармдан тикилган, калишлар резинадан қуйилган.

Аёллар кийимларининг нафислиги, хилма-хил тўзал бўлишига моҳир ўзбек

заргарлари тайёрлаган тақинчоқ ва зебзийнатлар янада кўрк қўшган.

Кўйлақларнинг йирмочи кўндаланг ёки «елка ёқа», «қозоқи ёқа», «вақвақа ёқа», «қайтарма ёқа» турларини кўпроқ қариялар ва келинлар кийганлар. Елка ёқа кўйлақлар йирмочининг чеккаларига турли хил жияк, чироз, широз, тасма ёки турли рангдаги ипак иплардан йўрма усулда кашта тикиб чиқилган. Кийим шакллари миллий йўл-йўл, сидирға ва гулли матолар б-н мослашган, олд этаги, энг учи, ёқаси гулли жияк б-н ҳошияланган. Аёллар уст-бошининг иккинчи асосий бўлаги лозим бўлиб, почаси торайиб келиб, юқори қисми қайрилиб-бахяланиб орасидан иштонбоғ ўтказилган. Одатда лозимнинг кўйлақ остидан кўринадиган қисми қиммат ва чиройлироқ матодан, кўринмайдиган тепа қисми арзонроқ матодан тикилиши б-н эркақлар иштонидан ажралиб туради. Уйда кийиладигани оддий, арзон матодан, кўчалик эса шойи, атлас, парча ипакли, қимматбахо матолардан тикилади. Аёлларнинг устки кийимлари пахта солиб қавилган аёллар тўни ва пахтастик авра-астардан иборат энгил халат кўринишида бўлиб, турлича номланган: Тошкентда – пешво, мурсак, Хоразмда – мисак, Самарқандда – мулисак, калтача, Фарғонада – мунисак, мунсак, Бухоро, Шаҳрисабзда калтача деб аталган. Мурсак 3 қисмдан – буй, ён ва энглардан иборат бўлиб, ён қисми тўғри, узун, қўлтиқ остига тўпланган, тўпланган қисм «чўчча» деб аталган.

Аёлларнинг миллий кийимлари ичида анъанавий бош кийимлари ажралиб туради ва у кийим эгасининг оиладаги мақодини аниқ ифодалаган. Чунончи бош кийим ва соч турмагига қараб қиз болани турмушга чиққан келиндан, ёш онани фарздандис аёлдан, ўрта ёшли аёлларни кекса момолардан ажратиш мумкин бўлган. Бош кийимлар одатда 2 гуруҳга бўлинган: бошга кийиладиган кийимлар [қалпоқ, дўппи (тақя, каллапўш), қулоқчин, бўйрак, телпақ] ва бошга ураладиган ёки ёпинадиган рўмол, пешонабанд лочак, дурра, дуррача, локки, ёғлиқ, ёвлик ва ҳ.к.

Аёллар ёшларига қараб, мавсумий тарзда ўрашган рўмоллар—дудоқ рўмол, ип рўмол, шол рўмол, жун рўмол, тўр рўмол, ипак рўмол, дока рўмол, мисқали дока рўмол, ғижим рўмол, қалаяки рўмол, қуроқли рўмол, беш гулли рўмол, балхи рўмол, гарди рўмол каби номлар б-н аталган. Ёш қиз ва келинчаклар оқ рангли, ёрқин ранг, кексалар эса оқ ним ранг, кичик ҳажмли



Ўзбек миллий кийими: 1. Уртаоғийлик жангчи, мил. ав. 5-а. 2. Амалдор, мил. 5-а., Афросиёб. 3,4. Шаҳарлик аслзодалар, 5-а., Болаликтепа, Сурхондарё вилояти. 5,6. Темирийлар давридаги шаҳарлик аслзодалар, 16-а. 7. Бек, 19-а. охири, Бухоро. 8. Зодагон аёл, 19-асрнинг 2-ярми, Бухоро. 9. Кекса аслзода аёл, 19-асрнинг 2-ярми, Бухоро. 10. Шаҳарлик аёл, 19-асрнинг 2-ярми, Бухоро. 11. Ёш эркак, 19-асрнинг 2-ярми, Бухоро. 12. Ёш шаҳарлик аёл, 19-асрнинг 2-ярми, Фарғона. 13. Деҳқоннинг ёзги кийими, 19-асрнинг 2-ярми, Фарғона. 14. Ёш аёлнинг байрам кийими, 19-асрнинг 2-ярми, Самарқанд. 15. Ёш эркакнинг байрам кийими, 19-асрнинг 2-ярми, Самарқанд. 16. Аёллар байрам кийими, 19-асрнинг 2-ярми, Қашқадарё вилояти. 17. Ўзбекнинг кундалик кийими, 19-а. охири, Тошкент, Фарғона. 18. Аёлларнинг байрам кийими, 19-а. охири, Қашқадарё вилояти. 19. Хоразмлик йигитнинг байрам кийими, 19-а. охири. 20. Хоразмлик қизнинг кийими, 19-а. охири. 21. Хивалик эркакнинг анъанавий кийими, 19-а. охири. 22. Хивалик аёл кийими, 19-а. охири. 23. Қизилқум аҳолисининг кийими, 2-а. боши, Қорақалпоғистон, Бухоро вилояти. 24. Тошкентлик келин, 20-а. боши. 25. Шаҳарлик мўсафид, 20-а. боши, Тошкент. 26. Дўрмон қабилиси аёлининг кийими, 19-а. охири — 20-а. боши.



Ўзбек миллий кийими: 1. Шаҳарлик аёл, 20-а. боши, Тошкент. 2, 3. Никоҳ кийими, 20-а. боши, Тошкент. 4. Шаҳарлик эркек, 20-а. боши, Тошкент. 5. Келин кийими, 20-а. боши, Тошкент. 6. Бойсунли момо, 20-а. боши, Сурхондарё вилояти. 7. Келин, 20-а. боши, Тошкент. 8. Ўрта ҳол эркекнинг уй кийими, 20-а. боши, Тошкент. 9. Шаҳарлик кекса аёл, 20-а. боши, Тошкент. 10,11. Паранжи олдида ва орқасида кўриниши, 20-а. боши, Тошкент. 12,13. Мотам кийими, 20-а. боши, Тошкент. 14. Деҳқон, 20-а. боши, Тошкент. 15,17. Кекса аёллар, 20-а. боши, Тошкент вилояти. 16. Қишлоқ боласи, 20-а. боши, Тошкент вилояти. 18. Дарвиш, 20-а. боши, Фарғона водийси. 19. Шаҳарлик келин, 20-а. боши, Тошкент, Фарғона. 20,21. Колхозчилар кийими, 20—40-йиллар. 22—28. Замонавий кийимлар.



Дўппи. 1—Чуст дўппи. 2—Бахмал дўппи. 3—Марғилон дўпписи. 4—Шаҳрисабз дўпписи. 5,7—Ироқи дўппи. 6—Бойсун дўпписи. 8—Зардўзи дўппи.

румоллар (катта румоллар тагидан) ўрашган. Фарғона водийсида рўмоннинг алоҳида тури расм бўлиб, у чорси шаклида, учлари бурчакма-бурчак қилиб тахланиб, бошга ўралиб устидан қора ёки қорамтир тусдаги дуррача ташланган. Дуррача пешонага тангилиб, учлари тарданда кесиштирилади ва пешона устига ўтказилиб боғланади, қора рўмол орасига қистириб қўйилади, сўнг устидан бир парча мато-дока боғланиб, учлари орқага боғланади. Бухорода дока ўрнига узун шаша дока ишлатилди.

Ҳоз. кунда ҳам рўмол устидан боғланган дуррачани Тошкент вилоятининг айрим туманларида яшовчи аёллар бошида учратиш мумкин. Кўп ҳолларда кичикроқ рўмол-дурра ўралади.

20-а.нинг 1-чорагигача ўзбек аёллари кўчага паранжи ёпиниб чиққан. Шунингдек, дўппи ёшларнинг асосий бош кийими ҳисобланган. Уни ёш қизчалар, қизлар ва ёш аёллар кийишган. Қашқадарё ва Сурхондарёда ўрта ёшдаги аёллар култа кийишган ва уни «дўппи» деб аташган. Дўппилар нақшлари ва матосининг турига қараб турлича номланган. Турли рангдаги дўппилар «чамандагул», бахмал, парча матодан тикилган, йўл-йўл нақш туширилган дўппи

эса ироқи дўппи деб номланган. Шаҳрисабз дўппичилик мактабининг ироқи чок усули: санама ва чизма усулга бўлинган.

Бора-бора солда бичимдаги либослар ўрнини мураккаб бичимли либослар эгаллай бошлаган. Кийимдаги аввалги уйғунлик йўқолди. Бу тарихан ҳаёт ўзгариши ва оммавий саноят и.ч.нинг ҳунармандчиликдан устунлиги туфайли келиб чиқди. Шу б-н бирга қадимдан иқлим ва ижтимоий ҳаёт шароитлари белгиланган миллий кийим шакллари ҳам ўзгариб борди. Миллий бичимдаги кийимлар қоматнинг нисбатларида яқинлашди, аёл кўйлаклари торайиб ва катталашиб борди, олдинроқ юзага келган кокеткали ва қайтарма ёқали кўйлақлар ҳаётга кенг оммалашди. Ёш йигитлар ва ўрта ёшли эркекларга Европа бичимида тикилган кийимларни кийиш расм бўлди ва фақатгина кексалар орасидагина миллий кийимлар сақланиб қолди ёки маросимий кийимларга айланди. Энг муҳими миллий кийимлар таркибига кўра солдароқ ва чиройлироқ бўлиб борди. 20-а. 20–30 й.ларида миллий кийимга Европа кийими бичимларининг киритилиши миллий кўйлакни шим б-н, аёллар кўйлаklarини нимча б-н кийилишига олиб келган. 40–50-й.лар эркеклар кийимини тўғри елкали қоматга мосланган пиджак, кенг шимлар ташкил этган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин к-з раҳбарлари, зиёлилар ва хизматчилар орасида ҳарбий кийимлар: френч ёки гимнастёрка, қора ёки кўк рангдаги мовутдан тикилган галифе шимларни қора ёки жигарранг этик б-н кийиш расм бўлган. Ёзда энгил кител ва қаттиқ матодан тикилган шим этик ичига тиқиб кийилган.

60-й.ларга келиб, Ўзбекистонда илк бор кийим андозаларини режалаш бошланди. Натижада ф-када тикилган янги бичимдаги костюм-шимлар кириб келган. Бу даврда минтақада эркеклар костюм-шимларни миллий бичимда олди ва ёқаси кашталанган кўйлақлар б-н кийилган, 70-й.ларда ёшлар орасида пастки қисми кенг қилиб тикилган клёш-шимларни ёқалари кенг, ҳаво ўтказмайдиган нейлон кўйлақлар б-н кийиш оммавий тус олган. Қўлга соат тақиш урф бўлган. 80-й.лар танага ёпишиб турувчи шерст ва жинси шимлар ҳамда ёқаси бирмунча кичкина бўлган лахтали ҳамда трикотаж кўйлақлар кийилган. Ёшлар, айниқса, ўқувчилар орасида оқ кўйлак ва қора шим кийиш оммалашган. Қишда эса эркеклар ф-каларда тайёрланган пальто ва плащлар,

бошга телпак кийиб, шарф ўрашган. Оёқларига ҳам ф-када ишлаб чиқарилган пайпоқ, пойабзаллар кийишган.

Анъанавий тақинчоқлар мажмуи ҳам худди кийимлар сингари муайян халқнинг, этноснинг ҳамда этнографик ва локал гуруҳларнинг ўзига хос этник хусусиятларини маълум маънода акс эттиради. Аёллар либосини янада назоратли, жозибали ва чиройли қилиб кўрсатадиган безак тақинчоқлардир. Музейларда сақланаётган топилмалар Республика худудларида (Юнон-Бақтрия подшолиги мил. ав. 3–2-а.лар, қад. Хоразм мил. ав. 1-а. ўрталаридан мил. 8-а.гача) зартарлик ривожланганлигини кўрсатади. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Кўқон, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон, Андижон, Наманган ва б. ерларда заргарлик кенг ривожланган. Тақинчоқлар бош (тиллақош, тиллабаргак, гажак, боломой, бибишак, қўшдуо ва б.), бўйин-кўкракка (турли маржон ва марваридлар, зебигардон, нозигардон, жевак, таллажевак, жавқ, бўйинтумор, кўкрактумоқ, қўшиқтумор, бозубанд ва б.), соч (сочпопук, туф), қулоқ-бурун (булоқи, исирға ва б.), қўллар (узук, биллагузуклар)га тақилган. Археологлар томонидан топилган жуда қад. тош мунчоқ, тўғноғичлар, жез даврига оид биллагузук, тўғноғич ва тугмалар илк аждодларнинг дастлабки безакларидан хабар беради. Кейинги даврда яратилганлари эса ўрта асрларга оид деворий расмлар, қўлзма асарларга ишланган миниатюраларда ҳам акс этган. Бу тақинчоқлар аста-секин вақт утиши б-н бир-бирини тўлдириб, 19-а. охири, 20-а. бошларида яхлит мажмуани вужудга келтирди.

Тақинчоқлар и.ч. хом-ашё сифатида қимматбаҳо ва рангли металллар (платина, олтин, кумуш ва б.) қотишмалари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар (феруза, финнит, олма, ақиқ, зумрад, ёкут каби), пластмасса, табиий тошлар, суяк, эмал, шиша ва б. ишлатилади. Тақинчоқлар жимжимдор қилиб рақхори, кумушни қорайтириб саводкор, панжарали шабака ва б. усулларда ўйма ва бўртма нақшли қилиб турлича шокилалар б-н безатилган.

90-й.лар бошларида ёшлар орасида Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган кроссовкаларни кийиш оммавийлашган ва маҳаллий пойабзал корхоналарида ҳам кроссовкалар и.ч. йўлга қўйилган. Болалар кийимлари ҳам катталарникидай даврга қараб ўзгариб борган. Аста-секин кийимлар вазифаси ҳам ўзгарган ва айрим касб эгалари б-н боғлиқ (ишчилар, шифокорлар, сотувчи-

лар, сартарошлар, ўқитувчилар кийимлари ва б.) ҳолда махсус кийимлар шаклланди.

Муस्ताқилликдан сўнг тарихий миллий анъаналаримиз ва расм-русумларимизга, миллий либосларимизга бўлган эътибор кескин ошди. Айниқса, аёллар миллий матолар — шойи, атлас, адрас, бахмаллардан тикилган кийимлар кия-бошладилар.

Ўзбек модельер рассомлари ишларида миллийлик хусусиятлари ўз уйғунлигини топмоқда ва Республика миқёсида ўтказиладиган турли тантана ва сайиллар, байрамларда ҳамда оилавий маросимларда миллий русумда кийиниш омалашмоқда. Умуман олганда, 20-а.нинг охирига келиб ўзбеклар орасида давр талабига, кишилар дидага мос келадиган кийимларни кийиш омалашган бўлиб, миллий кийимларда қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин: шаҳарларда деярли барча ёшлардаги эркаклар асосан европача кийинган. Фақатгина эркаклар бошга кийиладиган бош кийими дўппи ва кекса ёшдагилар миллий чопонлари, яттак, саллалари б-н миллий хусусиятларни аниқлашган.

Бизгача етиб келган кийимлар 19-а. охири ва 20-а. бошларига тааллуқли. Қад даврга оидлари сақланмаган.

Биз асосан 19-а. охири, 20-а. боши даврларини кўрсатадиган ёдгорликларга эгамиз. Музей фондларида шу даврга оид кийим-кечаклар, заргарлик буюмлари, газлама ва оёқ кийимлари сақланади. Ўзбек миллий кийимлари Республика музейларидагина эмас, балки жуда кўп қисми (нодир ва қимматбаҳо кийимлар, зарбоф чопонлар, жиғалар, аёллар зеб-зийнатлари, заргарлик буюмлари) Санкт-Петербург, Москва музейларида сақланмоқда. Республика музейлари этнографик фондида сақланаётган ўзбекларнинг миллий либослари турли хил ижтимоий қатламга мансубдир.

Ҳоз. замон либосларида европача услуби бўлса-да, миллий анъаналарнинг давомийлиги сақланиб қолмоқда. Мас., шаҳар ва қишлоқдаги аёллар замонавий кўйлақларни анъанавий хонатласлардан тикиб киядилар. Эркаклар дўпписи, чопон анъанавий устки либосга айланган.



«Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси томонидан 2005—2010 й.ларга мўлжалланган Давлат дастури асосида давлат ва нодавлат и.ч. бирлашмалари, ҳатто уй-хонадонда ишлаб чиқарувчилари ҳам бугунги кун талабига мос равишда анъанавий миллий либосларни ишлаб чиқармоқда (мас., «Машҳура», «Азиза зиё», «Ибратли келин» ва б.). 2006 й.да Қўқон «Шоҳи атлас» и.ч. жамияти касаначилик иш ўринлари жорий қилди. 2005 й.дан тўй либослари, жумладан болалар ва ўсмирлар ҳамда катта ёшдагилар учун 200 килда трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқарувчи «Шарқ модели» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди. Муҳими, улар мамлакатимиз буюртмаларини тўлдириш б-н бирга Россия, АҚШ каби давлатларга кийим-кечак экспорт қилмоқда.

Миллий либосларни яратиш, замонавий дизайнларни киритиш, миллий менталитетга мос ва хос бўлганларини яратишда Республика моделлар уйи, Республика пойабзал моделлар уйи, Республика трикотаж маҳсулотлари моделлар уйи ва б. шуғулланади.

Бугунги кунда ўзбек миллий либосларининг анъанавийлиги, давомийлигини кўрсатишда «Осиё рамзи» республика моделлар уюшмаси, Тошкент модалар уйининг хизматлари каттадир. Бундан ташқари маҳаллий дизайнерларимиз томонидан тайёрланиб турли

Тошкентдаги «Услуглар уйи» дизайнерлари — Ш. Отабоева (1), Г. Каримова (2), Д. Қосимова (3), У. Азимжонова (4) яратган замонавий либослар намуналари (2006 й. коллекцияси).

танлов, фестивалларда иштирок этаётган хилма-хил услубдаги анъанавий либосларимиз ҳам диққатга сазовор.

2005 й. 1 сент.да Тошкент ш.нинг Эски шаҳар қисмида Ўзбек либослари галереяси ишга туширилди. Бу ерда енгил саноат корхоналаримизда ишлаб чиқарилган, дизайнерлар томонидан тайёрланган, ўзининг ранг-баранглиги, бетакрорлиги, гўзал ва нафислиги б-н ажралиб турадиган ўзбек либослари ва газламаларнинг намойиши, танлов ва фестиваллари ўтказилади. Бу тadbирлар асосан «Осиё рамзи» республика моделлар уюшмаси, «Аёллар кенгаши» нодавлат форуми жамғармаси, «Соғлом авлод» жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилади.

Ад.: Абдуллаев Т.А., Хасанова С.А., Одежда узбеков (XIX—начало XX вв.), Т., 1978; Исмоилов Х., Анъанавий ўзбек кийимлари (этнографик материаллар), Т., 1978; Костюмы народов Средней Азии, М., 1979; Маҳкамова С.М., Беқасам, Т., 1971; Нозилова Д.А., Ўрта Осиё дизайни тарихидан, Т., 1998; Хасанова Г.К., Чурсина В.А., Костюм тарихи, Т., 2002; Содиқова Н., Ўзбек миллий кийимлари, Т., 2003.

Адхамжон Аширов, Саодат Давлатова.

ТАРИХИ

ТОШ ДАВРИ

Кишилик тарихининг илк босқичи ҳисобланган бу узоқ ўтмиш бир неча млн. йиллар давом этган. Бу даврда минг йилликлар оша ибтидоий одам ниҳоятда секинлик б-н камол топиб, ҳоз. замон одами қиёфасига кирган. Унинг меҳнат қуроллари, асосан, тошдан ясалгани боис одамзод ўтмишининг бу илк босқичи фанда «тош даври» ёки «ибтидоий тўда» даври деб юритилади.

Бу улкан давр Европада 3 босқичга бўлиб ўрганилади: *палеолит* — қад. тош даври (мил. ав. 3 млн. йил — 11–10-минг йиллик); *мезолит* — ўрта тош даври (мил. ав. 11–10 минг йиллик — 8–7-минг йиллик) ва *неолит* — янги тош даври (8–7-минг йиллик — 6–5-минг йиллик).

Палеолит. Бу босқич, ўз навбатида, 3 поғонага бўлинган: Қуйи палеолит; ўрта палеолит; юқори палеолит.

Қ у й и п а л е о л и т (ибтидоий тўда даврининг бошланиши). Бу давр мил. ав. 3–1,5–1 млн. йил — 100 минг йилликни ўз ичига олади.

Ҳоз. Ўзбекистон ерларининг табиати кишилик тарихининг илк босқичларидаёқ бу ерларда ибтидоий одамзод тўдаларининг яшаши учун қулай бўлган. Жан. Тожикистоннинг Кўлдара ва Жан. Қозоғистоннинг Аристанди водийларида, Фарғона водийсининг Сўх сойи соҳилидаги Селунгур горида ва Оҳангарон водийсининг Қизилолмасой бўйида (қ. *Кўлбулоқ макони*) топиб ўрганилган илк тош даври ёдгорликларига қараганда, қад. Турон ерларида бундан қарийб 700 минг — 1–1,5 млн. йил муқаддам ибтидоий одамлар яшаган.

Кишиликнинг ибтидоий тўда босқичида одамлар табиий шароит тақозоси б-н йиртқич ҳайвонлар хафси туфайли тўда-тўда бўлиб яшашга мажбур эди. Ов вақтида ёлғиз ҳайвонга кўпчилик бўлиб ҳужум қилганлар. Ибтидоий тўда даврида одамлар ўртасида оилавий алоқалар

ҳали аниқ тартибга тушмаган. Марказий Осиёда бу даврда яшаган ибтидоий одамлар фанда *синантроп* номи б-н аталади.

Синантроплар гор ва унгурлар оғзидан макон топиб турли жонзодларни овлаш, ўсимлик илдизлари ва ёввойи меваларни териш б-н кун кечирганлар, олов ҳосил қилишни ҳали билмаганлар. Айни вақтда тошдан қўл чўқмори — чопер каби дағал тош қурооллар ясаб, улардан иргитгич, ургич, чопгич, кавлагич ва кескичлар сифатида фойдаланганлар. Бундай тош қурооллар қуйи палеолит даврига мансуб бўлиб, даставвал Франциядаги Сент-Ашель деган жойдан топилгани учун фанда *Ашель маданияти* номини олган.

Ашель даври охирларида иқлим совиб, Европа шим. минтақалари қалин муз б-н қопланган. Бунинг таъсирида Марказий Осиёнинг тоғликларида ҳам музликлар ҳосил бўлиб, натижада пасттексисликларда ҳам иқлим совиган. Бу давр ибтидоий одамларининг суяк қолдиқлари (бош суягининг бир бўлаги, елка суяги ва ўндан ортиқ тишлари) археолог Ў. Исломов томонидан Селунгур горида топилган. Фанда унга «Фарғонтроп» («Фарғона одами») шартли ном берилди. Селунгурдаги топилмалар ва уларни ўрганиш ер юзиде одамзоднинг пайдо бўлиш муаммоси ечимига қўшилган улкан ҳисса бўлди. Эндиликда Марказий Осиё ибтидоий одамзод илк бор пайдо бўлган жойлар қаторига киритилди.

Археолог М. Қосимов раҳбарлигида Кўлбулоқ макони талқиқ этилиб, ундан ашель даврига оид 22 та, мустъе даврига оид 24 та қатлам ўрганилди. Кўлбулоқ топилмалари (тош қурооллар ва нуклеус, ҳайвон ва парранда суяклари, ўсимлик қолдиқлари ва ҳ.к.) ибтидоий одам тўдаларининг машаққатли ҳаёти, тош қурооллар яшаш техникаси, бу ерларнинг табиати (ҳайвонот ва ўсимлик дунёси)

ҳамда ибтидоий овчи ва теримчиларнинг турмушда содир бўлган тадрижий сил-жишларни аниқлаш имконини берди.

Ў р т а п а л е о л и т (мил. ав. 100 минг йиллик — 40–32 минг йиллик). Ибтидоий тўда даврининг сўнгги босқичи археология фани даврий тизимида *Мустъе маданияти* деб юритилади. Бу даврда яшаган аждодлар эса ибтидоий одам шажарасида неандерталь одами номи б-н фанга кирган. Неандерталларнинг тирикчилик манбаи овчилик ва қисман теримчиликдан иборат бўлган. Ҳоз. вақтда Ўрта Осиёда неандерталь замондошлари яшаган маконлар 90 дан ортиқ жойда учратилган. Ўзбекистонда улар Тошкент вилоятида Обираҳмат гори, Хўжакент, Палтов, Кўлбулоқ макони, Самарқанд вилоятида Омонқўтон гори, Кўтирбулоқ, Зирабулоқ, Хўжамазгил, Навоий вилоятида Учгутда топилган ва талқиқ қилинган. Бу маконларда яшаган ибтидоий одамлар хилма-хил тош қурооллар (қўл чўқмори, пичоқси-



Неандерталь одами.

мон пластинка, нуклеус, тош қирғич, найзасимон тош қуроллар, тештичлар ва тош учуруқлардан фойдаланган.

Тешиктош горидан топилган неандерталь одамининг (тадқиқотчиларнинг фикрича 8–9 ёшли болага тегишли) суяк қолдиқлари фан оламида жиддий кашфиёт бўлди. Одам суяклари атрофига териб чиқилган архар ва Бухоро бугуси шохларининг топилиши одамларни дафн қилиш маросимларининг ибтидоий кўринишлари б-н боғлиқ. Марҳумни қабрга турли буюмлар б-н бирга кўмиш дастлабки диний тасавурларнинг вужудга кела бошлаганини кўрсатади (қ. *Тешиктош одами*).

Хуллас, йирик ҳайвонларни оммавий ов қилиш туфайли катта тўда ва тўпларга уюшган ибтидоий одамларнинг сўнги авлодлари олов чиқаришни, гулханлар ёқиб, совуқдан ва хавф-хатардан сақланишни, гўштни ўтда пишириб истеъмол қилишни билиб олишган. Йирик ҳайвон суяклари, мамонт тишлари ва ходалардан жар, сой ва қўл ёқаларида ярим ертўла кулбалар қуриб, томини ҳайвон терилари б-н ёпиб, саҳнига пўстақлар тўшашган. Археологик ёдгорликлардан топилган суякдан ясалган тештич, бигиз ва игналарга қараганда терилардан ёпинчик, лунги, оёқларига чориклар тикиб кийишган. Қад тўда даврида минг йилликлар оша эришилган ютуқлар уруғдошлик жамоаси ва унинг илк маданиятини шаклланишига асос бўлган. Чунки тош қуроллари ясаш технологиясининг тубдан такомиллаштирилиши туфайли моддий-маданият кескин ўзгариб, янги маданият шаклланишига олиб келди. Бу давр охирида ибтидоий одам ҳам аслий архаик қиёфасини йўқота бориб, замонавий инсон рухсорида намоён бўлди. Натижада тўда даври тугаб, кишилиқнинг ижтимоий ҳаётда ибтидоий жамият ва унинг тубдан янги маданияти шаклланди. Бу даврга мансуб ёдгорлик 1962 й.да Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида топилиб (А. Муҳаммаджонов), тадқиқ этилди (С. Насриддинов, Р. Сулаймонов) (қ. *Обираҳмат юри*). Фор туби ва оғзида қарийб 10 м қалинликдаги маданий қатламдан кўплаб тош қуроллар ва турли ҳайвон (асосан, архар ва буғу) суяклари топилиб, қайд этилди. 2003 й.да ушбу ёдгорликда Ўзбекистон–Россия–Америка қўшма экспедицияси томонидан қад. одамнинг (6 та тиши ва бош чаноги қисмлари) суякларининг топилиши жаҳон фанида йирик кашфиёт бўлди. Чунки бу топилма қад. одамнинг ибтидоийликдан замонавийликка ўтиш даврида яшаб, тош қуроллар ясаш техно-

логияси ва маданий ҳаётда инқилобий ўзгаришлар яратганидан далolat бериб, унинг қолдиқлари Ўзбекистон ҳудудида илк бор топилиши эди. 42 минг йил муқаддам яшаган бу қадимий одам суяк қолдиқлари ва ундан сақланган моддий-маданият топилмаларни чуқур ва кенг тадқиқ этиш б-н, шубҳасиз бу қад. одамнинг қиёфасини тиклаш ва унинг яратилишида кечган улкан тарихий жараённинг умумий манзарасини аниқлаш имконини берди.

Ю қ о р и п а л е о л и т (ибтидоий жамият, матриархат).

Мил. ав. 40–35 минг йил аввал тош даврининг сўнги босқичи – юқори палеолит бошланган. У мил. ав. 12–10 минг йилликларгача давом этган. Бу даврда ҳоз. замон одами (кроманьон) шаклланди. Тошни йўниш усуллари (ретушь қилиш, синдириб олиш, ўткирлаш) такомиллашди. Меҳнат қуроллари призмали, конуссимон нуклеуслардан ажратиб ёки синдириб олинган пластинкалар асосида тайёрланган. Айни вақтда тош б-н бирга суяк ва ёғочдан ҳам фойдаланилди. Юқори палеолитдаги энг муҳим ютуқлардан бири шу эдики, қўлланилаётган қуроллар (найза пайконлари, иргитиланган калта найза ва найза отқичларнинг ихтиро қилиниши) шакллариининг кўпайиши ва уларнинг ишлатилишига қараб турли хилларга ажралиши (ов қилиш, гўштни нимталаш, терига ишлов бериш, балиқ овлаш учун санчқи (гарпун) ва қармоқ, арраловчи қуроллар, суяк игна-

лар, бигиз ва ҳ.к. кўпайди. Одам ташқи муҳитга тобора мослаша борди, унинг яшаш ареали кенгайди. Одамлар бу даврда фақат горларда эмас, балки текисликларда ҳам макон қура бошлади. Ижтимоий муносабатларда ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Ўша давр одамлари фанда «Homo sapiens» – идрокли одам деб номланади.

Ҳоз. замон одамининг 3 ирқи – европеоид, негроид (ҳабаш) ва монголоид қиёфалари ҳам ўша вақтда вужудга келган. Одам тўдалари қон-қариндош бўлиб яшай бошлади. Она томондан уруғдошлик мустаҳкамланиб, матриархат пайдо бўлди. Меҳнат тақсимотида эркаклар овчилик б-н, аёллар уй ҳўжалиги б-н шуғулландилар. Тасвирий ва амалий санъатнинг ибтидоси ҳам ўша даврдан бошланди. Суякдан аёллар ҳайқалчалари ясалган ва тақинчоқлар устига турли хил тасвирлар ўйиб туширилган. Ҳоз. кунда Ўрта Осиёда бу даврга мансуб 30 дан ортиқ ёдгорликлар топиб ўрганилди. Улар орасида айниқса Самарқанд макони, Тошкент вилоятида Оқтош макони ва Кўлбулоқ топилмалари муҳим. Юқори палеолит даврида яшаган одам жамоаларининг ҳаёти ҳақида уларнинг турар жой маконлари, ҳўжалиги, меҳнат ва ов қуроллари, уларни ясаш техникаси маълум тасаввур беради.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, шунингдек, чақмоқтошга ишлов берилган устахоналар ҳам борлиги аниқланди. Бу даврда ишқаллаш йўли б-н чиқарилган оловдан кўпроқ фойдаланила бошланди. Юқори палеолит босқичида музлик даври тугаб, иқлим иссиқлаша бошлади. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам аста-секин ҳоз. қиёфасига кирди. Совуққа чидамли шохдор йирик ҳайвонлар шим.га томон силжиб, улар ўрнини янги табиий шароитга мослашган ҳайвонот дунёси эгаллади. Марказий Осиёда кенг баргли ўрмонлар б-н даштлар вужудга келди. Бу ерларда сўт эмизувчи ҳайвонларнинг подалари кўпайиши б-н ибтидоий жамоаларнинг яшаш ареали ҳам кенгайди.

Мезолит. Бу давр ўрта тош даври (мил. ав. 11–7-минг йилликлар ораси) ҳам дейилади. Мезолитда ўқ-ёй кашф этилди ва бу ўша давр одамлари ҳаётида буюк бурилиш бўлди, чунки ордан келадиган емаклик ҳажми ортди. Тош қуроллар ва уларни ясаш такомиллашди, ҳайвонларни қўлга ўргатиш бошланди.

Марказий Осиёнинг бой табиати мезолит даври овчи ва балиқчи жамоаларининг яшаш учун қулай эди. Биргина Фарғона водийсининг тоғ ва тоғ олдиларида 100 дан ортиқ мезолит даври



Қўтирбулоқдан топилган мустъе даври тош қуроллари (Самарқанд вилояти).



Тош даври расмлари. Зараутсой дараси (Сурхондарё).

ёдгорликлари қайд этилиб ўрганилди. Улар, асосан, қад. қўлларнинг соҳилларида жойлашган. Ўзбекистонда Обишир ғорлари (Сўх дарёси ўзанида) хилма-хил майда тош қуроллари б-н ажралиб туради. Бу даврга мансуб бир қанча ёдгорликлар Тошкент атрофида Қушилиш (Бўзсув ёқасида), Сурхондарёда Мачай ғорида, Туркменистоннинг Дамдам чашма ва Жабал маконида, Тожикистоннинг Чилучор чашма, Данғара, Ошхона, Тутковул, Оқтанги маконларида ўрганилди.

Мезолит даврида унгулар деворига ўйиб чизилган ёки рангли бўёқлар б-н тасвирланган ибтидоий санъат пайдо бўлди. Булар тотемистик эътиқод б-н боғлиқ бўлиб, улардан бири Сурхондарёнинг Зараутсой дарасида топилиб ўрганилган. Зараутсойдаги камар ва унгуларда қад. тош даврларда ёввойи буқани итлар ёрдамида овлаш манзараси қизил бўёқ б-н тасвирланган. Овчилар қўлида ўқ-ёй, сопқон, чўққисимон бош кийим кийишган. Бунда ов қилишнинг бутун манзараси, овчиларнинг диний тасавуurlари ва бадий фикрлашлари тасвирланган (қ. *Зараутсой расмлари*).

Неолит. Бу давр янги тош даври (мил. ав. 8–5-минг йиллик)дир. Неолитда одамлар тош қуролларини ясашда янги усуллар — силлиқлаш, пармалаш, арралаш усулларини ихтиро этадилар. Тошдан эндиликда болта, пона, искана ва тешалар ясалади. Силлиқлаб тиглари чиқарилган болталардан дарахт кесиш, чайла қуриш, гўшт нимталашда ва жанговар

қурол сифатида фойдаланилади. Юқори палеолит, айниқса мезолит даврида ов орқасида дайдиб юрган овчи жамоалар эндиликда ертўла, чайла ёки капалар қуриб, баъзан гувалалардан қулбалар бино қилиб ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтадилар. Жан. минтақаларда жамоалар тўптўп бўлиб сув ҳавзалари бўйларида яшаган. Бу жойларда неолит даврининг илк қишлоқлари қад кўтарган. Ўтроқ турмуш тарзининг қарор топиши б-н деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келади. Қулочиликда дастлаб қулда таги юмалоқ идишлар ясаш б-н аёллар, чархдан фойдаланила бошлангач — эркаклар шуғулланган. Жундан ип йиғириб мато тўқиш ихтиро қилинган. Бу давр ибтидоий деҳқонларнинг қишлоқлари даставвал Туркменистоннинг Тажан ва Гёксур воҳаларида топиб ўрганилди. Гёксурда ҳатто суғориш тармоқларининг излари қайд этилди. Бу маданият Жойтун маданияти номи б-н маълум.

Неолит даврида оила тарихининг дастлабки босқичи — жуфт никоҳ урф бўлгач, эркак ва аёллар ўртасидаги ўзаро умумий жинсий муносабатлардан воз кечилди. Жуфт никоҳли оила жамиятнинг дастлабки ижтимоий бирлигига айланди. Мил. ав. 5–3-минг йилликда ҳоз. Ўзбекистон ерларида (Хоразм ва Бухоро воҳаси) *Калтаминор маданиятига* мансуб овчи ва балиқчилар яшаган. Бу маданият қад. Хоразм, Ўзбўй соҳиллари, Қизилқум, Оролбўйи, Устюрт платоси, Зарафшон дарёси қуйи оқими, Фарбий Қозоғистон ерларида овчилик ва балиқ овлаш б-н ҳаёт кечирган уруғ-қабила гуруҳларига мансуб. Калтаминор жамоаларининг маконлари С.П.Толстов томонидан илк бор Оқчадарё этакларидан чиқарилган Калтаминор канали бўйидан топилгани учун шу ном б-н аталган. Бу маданиятнинг энг нодир ва муҳим ёдгорлиги Жонбос IV, Жонбос қалъа макони ва Толстов манзилгоҳларидир. Жонбос IV да майд. 300 м² бўлган чайла қолдиги топилган. Чайла каттагина уруғ жамоасининг яшаш жойи бўлиб, унда қарийб 100–120 киши истиқомат қилган.

Калтаминор маданиятининг нодир ёдгорлигидан яна бири Тумек Кичижик қабристонини бўлиб, унда 7 та қабр очиб ўрганилди. Қабрда марҳумлар чалқанчасига ётқизирилиб, атрофига сопол идиш, тош қуроллар қўйилган. Бу маданиятга мансуб ёдгорликлар Зарафшон водийсининг қуйи қисмида ҳам топилган (Дарвозақир — 1, 2 манзилгоҳлари). Уларда Калтаминор балиқчи-овчиларига яқин уруғ жамоалари яшаган (қ. *Тузжон маданияти*).

Неолит даврида микролит қуроллар ясаш кўпайиши ва такомиллашиши ҳам ашё манбаига эҳтиёж туғдирди. Тош қуроллар учун чақмоқтош конлардан қазиб олина бошлади. Навоий туманида топилган Учтут чақмоқтош конлари шундай ёдгорликлардан бири. Бу ерда мил. ав. 5–3-минг йилликларда чақмоқтош туннель ва шахта (чоҳ)лар қавлаб, қазиб олинган. Бу даврда чақмоқтош ҳам ашё сифатида ихтисослашган тарзда қазиб олинди, бундай хўжалик б-н мах-



Неолит даври тош қуроллари (Жонбос IV макони).

сус тошкесувчилар (сангбурлар) гуруҳлари машғул бўлади.

Энеолит даври. Мил. ав. 4–3-минг йилликларда тош даври тугаб, энеолит (мис-тош) даври бошланади. Бу даврда тош б-н бирга, металлдан, даставвал мисдан қурол ясашга ўтилади. Бироқ мис таркибани юмшоқ ва мўрт металл бўлгани сабабли меҳнат ва ов қуролларининг аксарияти ҳамон тошдан ишланар эди.



Энеолит даври расмлари. Суратлисой (Фаргона вилояти) қоятошларга ўйиб ишланган бизон тасвири.



Бу давр археологик ёдгорликлари Зарафшон ҳўйи оқимида «Каптарнинг куми», шунингдек, Намозгоҳтепа, Қорадепе (Туркменистон) кабиларда ўрғанилган.


Энеолит даврининг нолир ёдгорлиги Зарафшон водийсида жойлашган Саразм бўлиб, унда деҳқонлар энеолит давридан то илк жез давригача яшаганлар. Деҳқонлар даставвал атрофи мудофаа девори б-н уралган ва гуваладан бино қилинган бир хонали кулбаларда яшаган. Кулбалар ёнида уларнинг хилхонаси бўлган. Ёдгорликдан сиртига рангдор нақшлар берилган сопол бўлаклари, мис кўзгу, олтин ва кумушдан ясалган тақинчоқлар, жез, лажувар ва ақиқ (сердолик) дан ясалган мунчоқлар топилган.

Кейинчалик хом ғишлардан бино қилинган кўп хонали уйлар, оловхоналар, ҳовли ва тор кўчалар пайдо бўлади. Қад. қишлоқнинг 2 ерида ибodatхона қад кўтарали. Ёдгорликда тўқимачилик дастгоҳлари тошлари, эшиклар остига ўрнатиладиган тош зулфинлар, урчуқлар, мисдан ясалган пичоқ ва ханжарлар, қармоқ, игна ва бигизлар кўплаб учрайди. Саразм Зарафшон водийсининг энг қад. деҳқонларининг қишлоғи бўлган.

Жез даври. Бу давр Ўзбекистон ерларида мил.ав. 3-минг йиллик охири — 2-минг йилликка тўғри келади. Бу даврда мисдан ясалган меҳнат қуроллари мўрт ва юмшоқ бўлганлигидан мустақамроқ қотишма олиш учун изланиш давом этди ва маълум даврдан сўнг қалайни мисга қориштириб жез (бронза) кашф этилди. Натижада меҳнат қуролларининг тури кўпайди, жездан кескир тигли қуролроғлар, рўзғор ва косметика(пардоз)

буюмлари, маъбудалар, нақшдор муҳрлар ясала бошлади. Овчилик ва термчилик ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотди. От, эшак, туя ва ҳўкиздан транспорт воситаси сифатида фойдаланилди, ҳайвонларга қўшилалиган аравалар вужудга келди.

Бу даврда хўжаликнинг, асосан, яйлов чорвачилиги ва деҳқончиликка асосланган и.ч. шакли қарор топди. Амударё ва Зарафшоннинг қўйи қисми, Фарғона водийсининг шим.-шарқий қисми ва Жан. Сурхон воҳаси табиий географик жиҳатдан қад. деҳқончиликнинг келиб



Жез даври қуроллари (Фарғона водийси).

чиқиши ва ривожланиши учун қулай бўлган. Атрофдаги чўл ва даштларда, асосан, чорвадор қабилалар яшаган. Бу даврда Ўзбекистон жан. ва Афғонистон шим.да ривожланган Бақтрия (Амуларё бўйи) деҳқончилик маланияти вужудга келди. Ўзбекистонда учта асосий деҳқончилик воҳаси — Шеробод, Шўрчи ва Бандихон шаклланган. Бу жойларда қад. илк шаҳар маданияти шакллана бошлади. Жез даврига мансуб Сополлитепа, Миршоди, Мўлали, Жарқўтон каби уруғ жамоасининг турар жойлари — қишлоқ кўрғонлари, илк шаҳарлари ва қабрлар топилган. Уларнинг базилари қалъали, мустақамланган ва айримлари мустақамланмаган. Деҳқонлар воҳаларда буғдой, арпа, сули, пахта етиштирганлар. Уйлардан дон омборхоналари, ерғучоқлар, кетмонча, ҳовонча дасталари топилган. Кулолчиликда чархдан фойдаланганлар. Сополлитепадан топилган ашёлар аҳолининг ўша даврдаги хунармандчилиги, турмуши, санъати ҳақида бой материал берди. Бу ерда мураккаб ва ўзига хос 3 қаторли мудофаа девори бўлган, майдони қарийб 1 га квадрат шаклдаги кўрғон қазиб очилди. Кўрғондаги маҳаллалар кўчалар б-н бўлинган. Уйларда мўрили ўчоқ, айрим хоналарда сандал ўрни, ганч сувоқ қолдиқлари топилди. Топилмалар хунармандчилик, хусусан, металлургия (меҳнат ва мудофаа қуроллари, идишлар, безак, кўзгу), кулолчилик, тўқимачилик (ип ва ипакдан тўқилган мато қолдиқлари), ёғочсозлик (қурилиш конструкциялари, уй жиҳозлари) ва б. юксак ривожланганлигини кўрсатди. Қалъадан 20 дан зиёд кулолчилик хумдони очиб ўрғанилди. Кулолчиликда юқори сифатли нафис идишлар (қадах, кўза, хум, чойнақ, пиёла, коса, лаган ва ҳ.) тайёрланган (қ. *Сополлитепа, Сополли маданияти*).



Ҳасса. Жез. Мил. ав. 3-2- минг йиллик. Хок ҳазинаси.



Тумор. Қоратош. Мил. ав. 2-минг йиллик. Сўх.

Хоразмда мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмида жез даврининг Тозабөгёб маданияти мавжуд бўлган. Бу маданият Бургутқалъа воҳасидаги Тозабөгёб канали яқинида топилиб, деҳқончилик ва ирригация тармоқлари анча ривожланганлиги б-н фарқ қилади (Онғқа-5, Қават-3 маконлари, Кўкча-3 ва б. мазор-қургонлар). Аҳоли, асосан, чўл зоналарида томи қамиш б-н ёпилган кулба ва ярим ертўлали чайлаларда яшаган, хонаки чорвачилик, нам ерларда сугорма деҳқончилиги б-н шуғулланган. Бу даврда металл қуйиш техникаси юксак бўлган. Ясси тубли чизма бошоқсимон нақшланган идишлар топилган. Жез металлургияси кенг ривожланган. Хоразмда сўнгги жез — ilk темир даврига Сувёрган маданияти ва Амиробод маданияти мансуб. Сувёрган маданияти қабилалари ёғоч устунли тўғри бурчақли чайлаларда яшаган. Ўчоқ атрофидан сирти қизилга бўялган сопол идишлар топилган. Топилмалар ичида микролитлар кўп учрайди. Бу маданият 3 бошқични (Қамишли, Бозорқалъа, Қовунчи) ўтган. Уруғ жамоалари овчилик, чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган. Ижтимоий ҳаётда дастлаб она уруғи аъёналари кучли бўлган, лекин кейинги 2 бошқичда эркакларнинг жамоадаги мавқеи ортган. Аёллар эрларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўла борди. Катта онла жамоаларида ота ҳуқуқи қарор топиб мустақамланди. Энди қариндошлик отага қараб белгиланди, уруғлар ичидаги муносабатлар отанинг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳукмронлиги асосига қурилиб, болалар ота мулкига меросхўр бўла бошлади. Амиробод маданияти одамлари ярим ертўла уйларда яшаган, уйларнинг марказида катта ўчоқ бўлган. Сопол идишлари таги ясси, дағал ишланиб, бошоқсимон нақш берилган. Аҳоли уруғ жамоаларига бирлашиб деҳқончилик ва



Жез билакузук. мил. ав. 12—11 а.лар. Сўх.

чорвачилик б-н шуғулланган. Сугориш тармоқлари яхши ривожланган. Якка порсон-2 дан жез игна, ўроқ, суяк дастали бигиз, ўқ-ёй пайконлари топилган.

Қуйи Зарафшоннинг *Замонбобо маданияти* сўнгги жез даврининг *Андроново маданиятига* жуда яқин. Андроново маданиятининг юқори бошқичига мансуб ёдгорликлар Хоразмда, Тошкентдаги Кўкча мазориди, Бухоро вилояти Қоракўл туманида, Ургут туманининг Мўминобод қишлоғида, Чирчиқ дарёси бўйида — Аччиққўл ва Сергели тепаларида топилган. Тошкент воҳасида сўнгги жез — ilk темир даври *Бурганли маданияти*да аксини топган. Бу вақтда ибтидоий жамоа даври шиддат б-н емирилиб, қабилалар ўртасида дастлабки мулкый муносабатлар вужудга келди.

Темир даври. Темир даври ёдгорликлари Ўзбекистон ерларида мил. ав. 9—6 а.лар ва ундан кейинги даврларга оид. Улар Хоразм, Бақтрия, Суғд, Чоч ерларида ва Фарғона водийсида ўрганилган. Темирдан хўжалик ҳамда қурол-яроғлар ясашда кенг қўламда фойдаланила бошланди. Темир рудасининг мис ва қалайига нисбатан табиатда кўп учраши ва темирнинг мустақамлиги ундан ясалган қурол ва асбобларнинг кенг ёйилишига сабаб бўлди. Айниқса темир қ. х.да ва қурол-яроғлар ясашда кўп қўлланила бошлади. Деҳқончилик майдонлари кенгайди ва сугориш иншоот-

лари қуриш (Бандихон воҳасидаги канал) ривожланди. Деҳқончилик ривожланиши б-н чорвачилик ҳам ўсди. Чўл ва дашт зоналарида яшовчи чорвадор қабилалар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар. Шу даврга келиб хунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиқди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши б-н қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарила бошлади. Бу эса ибтидоий жамоа тузумининг емирилишига олиб келди. Темир ва пўлатдан ясалган буюмлардан кенг миқёсда фойдаланиш қишлоқлар тараққийетига ҳам самарали таъсир кўрсатди. Қишлоқлар мураккаб мудофаа иншоотли қалъаларга айлантирилиб мустақамланди. Бандихонтепа, Кучуктепа, Қизилтепа, Талашконттепа I ва б. ёдгорликлар шулар жумласидандир. Шаҳарларнинг катта-кичиклиги уларда ривожланган хунармандчиликнинг мавжудлиги, мудофаа деворлари, меъморий бинолари қад. Бақтрия шаҳарларига ўхшаш. Фарғонада ҳам сўнгги жез — ilk темир даврида деҳқончилик, жез металлургияси ривожланди, темирдан буюмлар тайёрлаш бошланди, мудофаа иншоотлари бунёд этилди, ички шаҳар (шаҳристон)лар вужудга келди. Уй-жойлар пахса, йирик хом гиштдан қурилди, айни вақтда чайла ва ярим ертўлалар ҳам мавжуд эди. Сопол буюмлари қўлда ясаиб, сиртларига қизил ранг б-н нақш чизилган. Бу даврнинг Фарғонадаги энг машҳур ёдгорликлари *Чуст маданияти*, *Далварзинтепа*, Ашқолтепа, *Эйлатон* ва б. харобалардир. Қад. Хоразмнинг Кўзалиқир, Қалъалиқир ва Дингилжа сингари қад. шаҳар ва қишлоқ харобалари, Тагискен ва Уйгарак мазор-қўргонлари, Бўкантов қоятош суратла-

Замонбобо (Бухоро вилояти)даги жез даврига оид турар жой (И. К. Сазонов реконструкцияси).



ри урганилган. Топилган ирригация иншоотлари темир даврида қад. Хоразмда деҳқончилик асосий машғулот бўлиб келганлигини кўрсатади. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида мил. ав. 1-минг йилликка оид қад. Сугд деҳқончилик маданияти шаклланди.

МУЛКИЙ ТАБАҚАЛАНИШ ВА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Темирнинг кашф этилиши ўз замонасининг бутун моддий маданиятини ўзгартирибгина қолмай, у ишлаб чиқарувчи хўжалик учун беҳад имкониятлар туғдирди ва кейинчалик содир бўладиган барча ижтимоий- иқтисодий ва маданий ўзгаришлар учун замин яратди.

Ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг асоси ҳисобланган деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликда темир қуроллар ишлатиш б-н меҳнат унумдорлиги тубдан ошди. Темирдан ясалган белкуррак, кетмон ва чўкичлар б-н тоғсойлари ёқаларидан сершоҳ сугориш тармоқлари, дарё адоқларидан эса кенг ва саёз йирик каналлар қазиб чиқарилиб, қуриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Темир тишли омонлар б-н ер ҳайдалиб катта-катта пайкалларга экин экилди. Деҳқончиликдан мўл ҳосил олинadиган бўлди. Темир қайчи ясалиб, чорвачиликда илк бор мавсумий қирқим юзага келиб, тўқимачилик учун етарли миқдорда хом ашё — жун маҳсулоти етказиб берилadиган бўлди.

Илгари кўпчилик меҳнатини талаб қиладиган ишларни энди айрим кишилар ва oilалар бажарадиган бўлиб қолади. Оқибатда, ўзлаштирилган ҳосилдор ерлар, ортиқча маҳсулот, кўпдан кўп қорамоллар айрим oilалар ва сугориш тармоқларини барпо этишда, янги ер майдонлари ҳайлаб, уларни экинзорларга айлантиришда бошчилик қилган қишлоқ жамоаси оқсоқоллари қўлида тўплана боради.

Мил. ав. 2-минг йилликнинг охири — 1-минг йиллик бошларида жамият тузумининг асосини ота уруғдошлиги жамоалари ташкил этар эди. Умумий бир ҳудудда яшаб, бир тилда сўзлашган бир қанча уруғлар бир қабила ҳисобланар эди. Уруғ бошлиқлари йиғилиб қабила кенгашини ташкил этар эди. Энг кучли ва обрўли уруғ бошлиғи қабила бошлиғи бўлиб сайланар эди.

Бир томондан ўтроқ ҳаёт ва деҳқончилик, 2-томондан чорвалорлик турмуш тарзи 3 хил тоифалаги жамоаларни шакллантирди: қишлоқда ўтроқ деҳқонлар; яйловда чорвалор даштликлар; тоғ-

ли жойларда эса чорва, ов ва қисман деҳқончилик б-н кун кечирувчи тоғликлар жамоаси яшарди. Ҳудудий жиҳатдан бу 3 тоифа 3 хил географик шароитга эга минтақаларда яшасалар ҳам, улар ўртасида доимий ўзаро иқтисодий ва маданий aloқалар муқим қарор топган эди. Бундай 3 тоифали жамият қишлоқда «катхудо», даштда «бий», тоғ ва тоғ олди яйловларда эса «тўп боши»лар, яъни Авесто китобига таъриф этилган «виспати»лар томонидан жамоа оқсоқолларининг умумкенгаши — қурултойи асосида бошқариларди.

Ўрта аср ёзма манбаларда 1-тоифа аъзолари «деҳниншин», яъни ўтроқ қишлоқлик; 2-си «сахронишин» ёки «даштниншин», яъни саҳройи ёки даштлик чорвалор; 3-си «кухнишин», яъни тоғлик каби номлар б-н тилга олинади.

Ер майдонларини ҳайдаш, экин экиш, ҳосилни йиғиб тақсимлаш каби ишларни уруғ оқсоқоли, сугориш тармоқлари ва дамбалар барпо этишдек оммавий ишларни қабила бошлиғи бошқарган. Уруғлар ўртасида юзага келган келишмовчилик ва можаролар қабила кенгаши ва қабила бошлиғи ҳал қилар эди. Уруш ва мудофаа каби ўта муқим масалалар қабила кенгашида муҳокама этилиб, сўнг бир қарорга келинарди. Қабилалар ичида руҳонийлар ва лашкар-бошилар катта таъсирга эга эди.

Майдони кенг ҳудудларда яшаган бир неча қабилалар баъзан утлоқ ва экин ерларини таллашиб, ўзаро жанжал ва тортишувлар қилардилар. Кучлироқ қабила ўзга қабилалар ичида ўзини ус-тун деб ҳисобларди. Ўзаро тўқнашувларда ожизлик қилган қабила, одатда, ўзидан зўрроқ кўшнисига ёрдам сўраб мурожат қилар эди. Бу эса қабилалар ўртасида ҳарбий иттифоқлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундай иттифоқ асосида вужудга келган ҳарбий кучдан қўшни қабилаларга ҳужум қилиш учун фойдаланилган. Даставвал ўч олиш ва ўз ерларини кенгайтириш мақсадида ўзаро уруш қилинган бўлса, кейинчалик эса чорва моллари, мол-мулк ва асир олиш учун қўшни қабилалар б-н уруш олиб борила бошланadi. Урушда олинган ўлжалар б-н бир қаторда қўлга туширилган асирлар ҳам тақсимланадиган бўлади. Асирлар қарам кишиларга, яъни хўжайинларнинг манфаати учун бетиним ишлайдиган қулларга айлантирила бошланди. Уруғ-қабила зодагонлари, оқсоқоллар, лашкарбошилар ва руҳонийлар жамоасининг бошқа аъзоларидан ажрала бошлайдилар. Улар қулликка айлантирилган асирлар меҳнатидан фойдаланишга одатланиб, аста-секин юқори

ҳукмрон табақага айлана борадилар. Шу тариқа Ўрта Осиё ҳудудларида бундан тахм. 3—3,5 минг йиллар муқаддам, аҳоли ўртасида табақаланиш содир бўлиб, жамият мулкдор ва қулдор зодагонлар жамоасининг меҳнаткаш озод аъзолари ҳамда қуллар каби тоифаларга бўлиниб кетади.

Бу жараёнда қабила иттифоқларининг бошлиқлари атрофида жанговар абжир йигитлар тўпланиб, унинг фармони б-н хизмат қила бошлайдилар. Бундай куч б-н ўзга қабилалар устидан ғолиб чиққан қабила бошлиғи енгилган қабилаларни ўзига бўйсундирган. Кучли лашкарбошиларнинг нуфузи қабилалар иттифоқи ўртасида ниҳоятда баланд эди. Эл-юртда улар «Кай», «қавий», «қава» унвонлари б-н аталар эди. Кай — қав сўзи кучли ва забардаст маъносини аниқлаган. Шу тарзда жамиятда олий ларажадаги ҳукмрон табақа вакиллари — қавийлар етишиб чиқади. Шубҳасиз бу илк давлатчилик тизимининг ташкил топиши бўлиб, ҳукмрончиликнинг дастлабки қавийлик босқичи эди. Қад. ҳукмдорлар Кайқубод, Кайхусрав, қавий Виштасп ва Қайсар (Цезарь) номлари б-н ёзма манбаларда тилга олинади ва дostonларда таърифланади. Кейинчалик, ҳатто каёнийлар номли сулола ҳукм суриб, йирик давлатни бошқарган. Бу даврда қавийлик ҳокимияти доимий эди. У отадан ўғилга мерос тариқасида ўтадиган бўлади. Шу тариқа қабилалар иттифоқини бошқарувчи ҳамда зодагон табақа вакиллари ниҳомат қилувчи илк давлатчилик бирлашмаси пайдо бўлади. Кайлар эл-юртни ташқи ёв босқинларидан мудофаа этар, дарёлардан катта-катта каналлар чиқаришда ва янги ерларни ўзлаштиришда жамоа ишлари — ҳашарларни ташкил этарди. Чунки ёлғиз қабила на ёвни қайтаришга, на йирик сугориш тармоқларини барпо этишга қуд-



Самовий тулпорлар (Аравон, Фарғона).


рати етарди. Илк давлатчилик бошқаруви юзага келиши б-н қабилаларни ёлпасига ҳашарга сафарбар этиш, тутқундаги асирларни зўрлик б-н ишлатишга имкон туғилди. Узунлиги ўнлаб километрларга чўзилган ва бир неча қабилалар ерларини кесиб ўтадиган каналлар қазилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Чорвачилик ва ҳунармандчилик ривож топиб, айирбош савдо жонланди.

Ҳар бир йирик суғориш каналлари бўйлаб айрим деҳқончилик воҳалари шаклланиб, уларда мустаҳкам қалъалар қад кўтара бошлади. Бундай қўрғонлар заминиде кейинчалик шаҳарлар вужудга келди.

Археологик текширишлар худди шу даврларда қадимги Хоразм, Суғд, Бахтар (Бахтрия) ва Фарғона ерларида катта-кичик каналлар қазилиб деҳқончилик воҳалари кенгайиб борганини, баланд деворли мустаҳкам қалъалар қурилганлигини ва қушни ўлкалар б-н мол айирбошлаш кучайганлигини кўрсатади.

Илк шаҳарлар ва уларнинг тузилиши. Илк давлатчиликнинг ташкил топиши б-н ҳунармандчилик ривож топган айрим йирик қишлоқлар кенгая борди. Уларнинг атрофи баланд мудофаа девори б-н ўралиб, унинг ташқарисиде қўрғонли турар жой, жамоат аҳли учун умум ибодатхона каби йирик бинолар қад кўтаради. Илк шаҳарсозликка хос бундай маҳобатли иншоотлар мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярми ва 1-минг йилликнинг бошларида барпо этила бошлайди. Бу, шубҳасиз, истеҳкомли йирик қишлоқлар заминиде илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши эди.

Илк шаҳар харобаларидан бири Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани-



1. Баргисмон пайконлар (Сополлитепа).

2. Зўғотали тош омоқ (Жарқўтон).

да *Жарқўтон* ёдгорлиги остидан топиб ўрганилди. Шаҳар 2 қисм: ҳоким қароргоҳи — арк(ҳисор) ва турли хил касбдаги ҳунармандларнинг турар жой ва устахоналари жойлашган шаҳристондан иборат. Бу илк шаҳарнинг умумий майдони қарийб 100 гектарга тенг. Шаҳристон бўйлаб атрофи алоҳида-алоҳида деворлар б-н мустаҳкамланган 20 яқин турар-жой маҳалла қўйлари жойлашган. Арқдан жан.-шарқда Жарқўтоннинг энг баланд қисмида оташпарастларнинг ибодатхонаси қад кўтарган. Шаҳристондан жан.да некрополь, яъни илк шаҳарликларнинг қабристониде ўрин олган. Ўрта Осиёнинг жан. худудиде юзага келган бу илк шаҳарда кулолчилик, тўқимачилик, амалий санъат ва бинокорлик каби ихтисослашган ҳунармандчилик юқори даражада ривож топган. ҳунармандчилик маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки ташқи бозор учун ҳам кенг қўламда ишлаб чиқилган. Шаҳар аҳолиси деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдосотиқ б-н шуғулланган эркин деҳқон жамоалари, ҳунармандлар, савдо аҳлидан иборат бўлган.

Қадимги деҳқончилик вилоятларининг ташкил топиши. Мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида дарё водийларида йирик суғориш тармоқлари барпо этилиши б-н деҳқончилик майдонлари тобора кенгайиб борди. Айрим серсув каналлар бўйлаб зироаткор воҳалар шаклланди.

Суғд (Самарқанд), Бахтрия(Бахтар) ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар ташкил топди.

Авестода таъриф этилишича, Гава (Суғд) ўлкалардан энг афзали бўлган. Бу вилоятда суғдийлар яшаганлар. Ўлка бўйлаб сув ёқалариде зироаткор обод катлар — қишлоқлар, атрофи баланд мудофаа деворлари б-н ўралган мустаҳкам қўрғон-қалъалар жойлашган. Қалъа деворлари мудофаа буржлари, қамал вақтида ташқарига ўқ узадиган нишон туйнуқлари — тиркашлар б-н таъминланган. Суғдда Смараканса (Самарқанд), Навтака, Кеш, Ниқшапа (Нахшаб) каби йирик шаҳарлар қад кўтарган. Бу шаҳарларда вилоят қавийлари — ҳукмдорларининг қароргоҳи — арк жойлашган. Суғд шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлиб, уларнинг харобалари бизнинг давримизгача Афросиёб, Ерқўрғон ва Узункир ёдгорликлари остидан топилиб ўрганилган.

Бу даврда ташкил топган 2-деҳқончилик вилояти Бахтрия (Бахтар) номи б-н шуҳрат топган. Манбаларда таъриф этилишича, қадимда Бахтрияннинг табии бои ва ҳушманзарали бўлган. Зироатчиларнинг уй-жойлари бог ва экинзорлар б-н ўралган. Ҳайдалма ерларга галла экилган. Бахтрияда шаҳар, қишлоқ, қалъаю қўрғонлар кўп бўлган. Бахтрияликлар қароргоҳ мудофаасига алоҳида эътибор беришган. Деворлари мудофаа буржи ва борулар ҳамда чуқур хандақлар б-н мустаҳкамланган. Шаҳарлар ичиде хом гиштлардан бино қилинган уйлар, хўжалик бинолари ва ҳунармандчилик устахоналари қад кўтарган. Бу вилоятнинг бош шаҳри Бақтра (Зарипаса) бўлган. Вилоят ҳукмдори «қавий» лик даражаси б-н улугланган.

Қавий Виштасп Зардушт линини биринчилар қаториде қабул қилиб, уни давлат дини деб эълон қилган.

Бахтрия ўзининг қимматбаҳо ложувард ва лаълилари, чидамли нор туяла-



Сополлитепа топилмалари: 1. Баргисмон жез тиллақош; 2. Жез билягузуклар.



Сурмадонлар (Сополлитепа).



Жез ойна (Сополлитепа).

ри ва шифобахш тут дарахти б-н шуҳрат топган. Бақтрия лажувардию лаътиси туяларга ортилиб *Оссурия* гача олиб борилган.

Ўрта Осиёнинг қад. деҳқончилик вилоятларидан яна бири — Хоразм. *Биҳистун китобларида* Хваразм номи б-н массагет ва саклар юрти сифатида тилга олинади. Қадимда бу ўлкада мустаҳкам улкан қалъалар қўп бўлган. Шу боисдан бу мамлакатта «Ажойиб қалъали ўлка» деб ном берилган. Кейинчалик у Хоразм номи б-н шуҳрат топган. Қад. Хоразм марказларидан бири Кўзалиқир қалъасида, иккинчиси эса Кат шда жойлашган Фил (Фир) қалъасида бўлган. Қалъаларнинг ҳар иккиси ҳам мустаҳкам мудофаа деворлари б-н ўралган.

Баъзи бир маълумотлар бўйича, қад. Хоразм Амуларёдан жан.да жойлашган Парфия, Харкониа (Гирканиа) ва Мурғоб (Марғиёна) ўлкаларини ҳам ўз ҳудудига бирлаштирган. Шунга асосан, айрим китобларда у «Катта Хоразм» номи б-н ҳам таърифланади. Қад. юнон тарихчиси *Геродот* Катта Хоразм давлатининг экин майдонларини сўғориш мақсадида Акес (Ҳерируд), дарёси тўғон б-н тўсилиб, сув омбори барпо этилгани тўғрисида ҳикоя қилади.

Қад. Хоразмда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, айниқса бинкорлик ва айирбош савдо тараққий топган эди. Хоразм ўзининг мустаҳкам қалъалари, каналлари б-н машҳур эди. Унлаб километрларга чўзилган йирик сўғориш тармоқлари ва иншоотлари, шубҳасиз, вилоятнинг бош ҳукмдорлари — қавийлари авлоди томонидан уюштирилган оммавий ҳашарлар воситасида Хоразмнинг меҳнаткаш деҳқон жамоалари кучи б-н барпо этилган.

Шундай қилиб, мил. ав. 8–7-а.ларда деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик каби ишлаб чиқарувчи ҳужаликларнинг ривож б-н қишлоқлар кенга-

йиб шаҳарларга айлана бошлади. Деҳқончилик воҳалари шаклланиб Суғд, Хоразм ва Бақтрия каби қад. вилоятлар ва улар асосида илк давлат бирлашмалари ташкил топди. Ҳатто бу вилоятларнинг иккисида Хоразм б-н Бақтрия каби 2 мустақил дастлабки подшоликлар қарор топиб, ўтроқ зироаткор аҳоли б-н чорвадор кўчманчи қабилалар ўртасида муҳим иқтисодий ва маданий алоқалар жадаллашган.

Қадимги ўтроқ аҳоли ва чорвадор қабилалар. Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик вилоятларида, асосан, зироатчилик, ҳунармандчилик ва савдогарчилик б-н шуғулланувчи сўғдийлар, бахтарликлар ва хоразмликлар яшардилар. Улар атрофида даштлик ва тоғ олди ҳудудларида чорвадор қабилаларнинг яйлов-манзилгоҳлари жойлашган эди. Авестода Ўрта Осиёнинг чорвадор аҳолиси — «тур»лар, улар яшайдиган эл-юрт эса *Турон* номи б-н тилга олинади. Қад. Турон чорвадорларининг энг жасур ва жанговари *саклар* ва *массагетлар* эди. Улар Евроосиё (Дунай ҳавзаси)дан Олтойгача бўлган ҳудудларда яшовчи *скифларга* қон-қариндош бўлганлар.

Эрон манбаларида саклар 3 хил тоифага бўлиб таърифланади: Улардан 1-гурухи сака-тиай-тара-дарайя, яъни дарёнинг нариги томонида яшовчи саклар деб аталади. Улар Яксарт (Сирдарё)нинг қуйи оқими ва Ўкуз (Орол) денгизи бўйларида яшаганлар. 2-гурухи сака-тиграхауда, яъни чўққи қалпоқли саклар номи б-н машҳур бўлган. Улар Буюк Турон дашти (Кипчоқ дашти) ва Чоч (Тошкент) вилояти ҳудудларида истиқомат қилганлар. Сакларнинг 3-гурухи сака-хаума-варка, яъни маросимий муқаддас ичимлик — «хаума» истеъмол қилувчи саклар деб ўритилган. Улар Помир, Фарғона водийсининг тоғ олди ва дашт яйловларида чорва боқиб кун кечирганлар. Сак қабилаларининг ҳаммаси ҳам фақат чорвачилик б-н кифояланмаганлар. Мас., хаумаварка саклари йилқичилик қаторида галлакорлик б-н ҳам машғул бўлганлар. Тиграхауда саклари эса, майда шохли ҳайвонларни боқиш б-н бир қаторда қисман деҳқончилик ҳам қилганлар.

Чорвачи қабилалар орасида энг жанговари ва миришкори массагетлар эди. Улар Хоразм (Орол) кўли атрофида яшар эдилар. ҳайвон терисини ошлаб, ундан кийим-бош, пойабзал ва чодирлар тикиб, галла ва қуруқ меваларга айирбошлаганлар. Геродотнинг ёзишича, массагетлар скифлар сингари кийинишган. «Массагетлар галла экишмайди, — деб ёзади Геродот — чорвачилик

ва балиқ овлаш б-н кун кечирадилар. Сут ва қатиқ истеъмол қиладилар. Улар ибодат қиладиган ягона тангри — қуёшдир». Шубҳасиз, Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларидаги ўтроқ аҳоли б-н атрофдаги чорвадор сак ва массагет қабилалари ўртасида яқиндан иқтисодий ва маданий алоқалар бўлган.

Мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярми — 1-минг йилликнинг 1-ярмида қад. Турон ва Шарқий Эрон ҳудудларида ибтидоий жамоа муносабатлари ўзгариб, жамиятда табақаланиш юзага келди. Қабилалараро низолар, босқинлар, жангужадаллар кучайиб, жамоалар ўртасида ғоявий тортишувлар авж олди. Мана шундай ўта оғир ижтимоий ва сиёсий вазиятда маънавий ҳаётнинг эътиқодий рамзи сифатида *зардуштийлик* вужудга келди.

Заратуштра таълимотида олов, ер, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланган. Уларни ифлослантириш катта гуноҳ деб қаралган. Шу боисдан марҳумлар ҳам нопок ҳисобланиб, ерга кўмилмаган, оловда куйдирилмаган, сувга ташланмаган, очиқ ҳавода қолдирилмаган. Марҳумларнинг фақат суяги сопол тобутчалар — оссуарий (остадон)ларда «наус» деб номланган махсус хилхоналарда сақланган.


Зардуштийлик таълимоти асосида эзгулик, бахт-саодат, адолат ва ҳақўйлик, поклик орқали келажакда порлоқ ҳаётга эришиш ғояси ётади. Бу йўлда Ахурамаздага сажда қилиш, унинг йўл-йўриқлари асосида ҳаёт кечириш тавсия этилади. Эзгулик ғояси туфайли зардуштийлик асрлар оша деҳқончилик воҳаларию, ўтроқ вилоятларга ёйилиб, одамлар ҳаётининг маънавий асосига айлана боради.

Хотираларда тўпланиб оғзаки айтилиб юрган бу эътиқодий мажмуани тартибга солиб, китоб саҳифаларига кўчириб ёзиш Заратуштра вафотидан кейин бошланган. Бу муқаддас китоб «қонун» ёки «асос» маъноларини англатувчи «Авесто» номи б-н ўритилган.

Авестода ибтидоий даврларга бориб тақаладиган афсоналар ва оламнинг мукамал яратилиши ҳақидаги тасав-



Аёллар ҳайкалчалари (терракота, Варакша, 1—2-а.лар).



Олтин типратикан (Ерқўрғон).



Лойдан ясалган маъбуданинг боши
(Еркўргон).

вурлар б-н бир қаторда оламда 2 қарама-қарши кучлар: ёруғлик ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик ўртасида солир бўладиган муттасил кураш ҳақида сўз юритилди. Бу зиддиятларнинг оқибати инсон ҳаёти ва фаолияти б-н чамбарчас боғлиқ экани уқтирилади. Инсон шарофатли ва масъул мавжудот сифатида илоҳий ва оқилона яратилган дунёнинг эзгу асосларини ривожлантириши лозим. Инсоннинг энг олий бурчи адолатли ҳаёт кечиришидир. Инсоният абадий бахту саодатга эришиш учун эзгу фикр юргиши, эзгу сўзнини сўзлаши, эзгу ишлар б-н банд бўлмоғи лозим. Шу 3 қондага ҳаётида оғишмай амал қилган олам қабоҳат, ёвузлик йўлига оғиб кетмайди. Бу эса энг оддий ҳаётнинг мақсад — ҳақ йўлидаги ягона мақсад бўлмоғи керак. Жамиятда бу қондаларга амал қилишни маънавий камолот йўли деб тушуниланган.

Авестодан маълум бўлишича, мил. ав. 9—8-а.ларда Ўрта Осиёда жамият асосини катта патриархал оила ташкил эт-

Сак қозони. Мил. ав. 6—4-а. лар. Катта Фарғона каналидан топилган.



ган. Оила, уй ва хонадон «нмана», оила бошлиғи «нманапати» деб аталган. Бир-бирига қариндош оилалар уруғ жамоаси — «вис»ни ташкил қилган. Вис уруғдан ташқари қишлоқ маъносини ҳам англатган. Уруғ ёки қишлоқ оқсоқоли «виспати» номи б-н юритилган. Улар нманапати орасидан сайланган. Уларнинг вазифаси кенг бўлиб, бир йўла уруғ бошлиғи, ҳакам, диний устоз ва раҳнамо ҳисобланган. Яйлов, экин пайкаллари, суғориш иншоотлари виснинг ихтиёридаги жамоа мулки ҳисобланган. Бир қишлоқда жойлашган бир неча уруғларнинг ҳудудий бирлашмаси «варзана» деб юритилган. Авестода қабила «занту», қабила бошлиғи «зантупати» атамалари б-н тилга олинади. Бир қанча вислар жойлашган воҳа «дахью» деб аталган. Унинг бошлиғи «дахьюпати» номи б-н улуғланган. Бир қатор дахьюларни бирлаштирган кенг ҳудуд, яъни вилоят «састар» томонидан бошқарилган. У қавийлик даражасидаги вилоят ҳукмлари, ўз навбатида ҳарбий кўмондон ҳисобланган. Бу давр Ўрта Осиёда Суғд, Бахтар, Хоразм, шунингдек, Парфия ва Марғиёна каби тарихий вилоятлар шакллана бошлаган замон эди. Бу даврда жамиятда тенгсизлик ва табақаланиш юзага келиб унда деҳқон, чорвадор ва ҳунармандлар б-н бир қаторда қавийлар, ҳарбийлар, қочқинлар, эркин жамоа аъзолари «озод»лар, улуғлари «асна» ҳамда оила хизматкорлари — «вайса» (қул), «вира» ва «париятар» (чўпон) каби пастки табақа вакиллари тилга олинади.

Демак, келтирилган маълумотлар мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-чорагида Ўрта Осиёда жамиятнинг ижтимоий ҳаётида илк табақаланиш солир бўлиб, эркин жамоа тизими бузила бошлаганини кўрсатади. Шунингдек, жамиятни бошқаришда қишлоқ, воҳа, вилоят ва бир неча вилоятларни сиёсий бирлаштирган илк давлатчилик бирлашмалари ташкил топа бошлаганидан гувоҳлик беради.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги форс ва юнон босқинчиларига қарши кураши. Мил. ав. 6-а. ўрталари Ахоманийлар подшоеси Кир II Бобил, Миср ва Кичик Осиёдаги шаҳар давлатларни буйсундиришга интилар экан, ўз ҳужумларини Бақтриянинг серҳосил воҳаларию сакларнинг чорвага бой кенг даштлари томон йўналтиради. Қал. юнон муаллифлари Геродот ва Ксенофонтларнинг хабар беришича, мил. ав. 545—539 й.ларда Кир II Шарқий Эрон, Хоразм, Суғд ва Марғиёна вилоятлари ҳамда сак қабилаларини ўзига буйсундиради. Шу боисдан Биҳистун китобаларида Ўрта Осиё-



Ов манзараси ишланган кумуш лаган. Мил. ав. 5—4-а.лар (Амударё хазинаси).

нинг Марғиёна, Бақтрия, Хоразм каби вилоятлари ва сакларнинг ерлари форсларга тобе бўлган халқ ва мамлакатлар рўйхатида қайд этилган.

Мил. ав. 530 й.да Кир II кўчманчи массагетларнинг Эрон ҳудудларига қилган хуружларини баҳона қилиб, массагетлар юртига бостириб киради. Тўмарис бошлиқ массагетлар душман б-н қаттиқ жанг қилади. Форс қўшинлари мағлубиятга учрайди, Кир II жангда ҳалок бўлади.

Мил. ав. 6-а. охири — 5-а. бошларида Ахоманийлар давлати ниҳоятда кучаяди. Эндилликда у жаҳоннинг энг йирик ва қудратли салтанатига айланади. Бу даврда Ўрта Осиёнинг катта қисми буйсундирилиб, Хоразм, Парфия, Бақтрия, Марғиёна, Суғд ва саклар юрти унинг таркибига кирган эди. Босиб олинган ҳудудларни бошқариш учун алоҳида сатрапия — ҳокимликлар жорий этилган. Уларни форс подшолари томонидан тайинланган ҳокимлар — сатраплар бошқарган.

Олтин билагузук. Мил. ав. 5—4-а.лар (Амударё хазинаси).



Тўмарис

Турон элининг қахрамони. Массagetлар маликаси. Мил. ав. 6-а да яшаган. Геродот «Тарих» асарида мил. ав. 530 й. да массagetлар маликаси Тўмариснинг Эрон шоҳи Кайхусрав (Кир II) ни Туронга қилган босқинчилик юришига қарши мардонатор курашгани ҳақида ҳикоя қилади. Аввалига Тўмарис Кайхусравни тинч қўшничиликда яшашга чақиради. Лекин Кайхусрав фикридан қайтмай, мил. ав. 530 й. да массagetлар устига юриш бошлади. Тўмарис ҳалол жанг қилишни яхши кўради. У аҳдига биноан душман Ҳукуз (Амударё)дан бемалол ўтиб олиши учун ўз лашкари б-н четлашиб туради. Тўмариснинг мардлигига Кайхусрав ҳийла б-н жавоб беради: Тўмариснинг ўғли Спарганисни қўшини б-н маст қилиб асир олади. Душман Тўмариснинг ўғлини қайтариш ва урушни тўхтатиш ҳақидаги таклифини ҳам рад этади. Спарганис асирликда ўзини ўлдирди. Шундан сўнг мил. ав. 530 й.нинг ёзида томонлар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, Эрон қўшини тор-мор қилинади. Кайхусрав жангга ўлади. Тўмарис унинг бошини қон б-н тўлғазилган мешга солиб: «Сен умринг бўйи қонга тўймадинг. Мен ўз онтимга амал қилиб, сени қон б-н суғурдим. Бировнинг юртига зўравонлик б-н бостириб кирганларнинг жазоси шу!» — дейди. Тўмарис шу тариқа ўз юрти мустақиллигини сақлаб қолади.

Сатрапларнинг аксарияти ахоманийлар сулоласига мансуб бўлиб, чекланмаган ҳокимиятга эга эди.

Ўрта Осиё вилоятлари 4 сатрапияни ташкил этарди. Улардан биринчиси Бақтрия сатрапияси бўлиб, ахоманийлар хазинасига 360 талант (1 талант 30 кг кумушга тенг) миқдорда солиқ тўлар эди. Иккинчиси Хоразм, Суғд ва Парфия сатрапияси бўлиб, 300 талант миқдорда солиқ тўларди. Учинчиси саклар юрти сатрапияси 250 талант миқдорда ва тўртинчиси Каспий бўйларида яшовчи кўчманчи қабилалар сатрапияси 200 талант миқдорда йиллик солиқ тўлар эдилар.

Солиқлар, одатда, кумуш ҳисобида қимматбаҳо тошлар, деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари, чорва моллари ва тери каби хом ашёлар б-н тўланар эди.

Булардан ташқари қарам халқлар подшо саройлари ва ибодатхоналар қурилишига ҳам сафарбар этилардилар.

Доро I ҳукмронлик қилган даврда босиб олинган кўпчилик вилоятлар, жумладан, Парфия, Марғиёна ва саклар юртида ахоманийлар ҳукмронлигига қарши кўзғолонлар кўтарилди. Мил. ав. 522 й. даги *Марғиёна кўзғолони* шафқатсизларча бостирилган (мил. ав. 522 й. 10 дек.).

Мил. ав. 519 й. да Доро I ахоманийларга қарши бош кўтарган сака-тиграхаудалар юртига қўшин тортади. Жангда саклар мағлубиятга учрайдилар. Кўзғолончиларнинг катта қисми ўлдирилиб, тирик қолганлари йўлбошчиси Скунха б-н бирга асирга олинади.

Гарчи кўзғолон бостирилган бўлса-да, Ўрта Осиё аҳолисининг ахоманийлар зулмига қарши озодлик кураши тўхтамайди. Бундай озодлик ҳаракатининг айрим саҳифалари авлодлар хотирасида абадий сақланиб қолган.

Ўрта Осиё халқлари устидан ахоманийлар ҳукмронлиги 2 асрдан кўпроқ давом этди. Бу давр мобайнида Ўрта Осиё вилоятлари б-н ахоманийлар Эрони ва унга тобе бўлган мамлакатлар ўртасида савдо ва маданий алоқалар ўрнатилди. Бу даврда Ўрта Осиё аҳолиси илк бор зарб қилинган танга пуллар б-н муомала қила бошлади. Улар Эронда амалга оширилган йирик меъморчилик қурилишларида иштирок этди. Биргина Сузда подшо саройи қурилиши учун олтин Бақтриядан, ложувард ва қимматбаҳо тошлар Суғдан олиб борилган эди.

Геродотнинг ёзишича, сак ва Бақтрия суворийлари форс қўшинида катта кучни ташкил қиларди. Суғдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар ва саклар ахоманийлар қўшини таркибиде юнонларга қарши жангларда қатнашардилар. Мил. ав. 490 й. да содир бўлган машҳур Марафон жангида форс қўшинларининг мар-

казий қисмида саклар ўз жанговарликларини намойиш этган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқларининг тақдири қал. улкан Шарқнинг талрижий тараққиёти б-н узвий боғланиб, унинг ажралмас қисмига айланади.

Македониялик Александр (Искандар)нинг Ўрта Осиёга юриши ва халқ озодлик кураши. Мил. ав. 334 й. да Юнон-Эрон уруши авж олиб, қисқа вақт ичида Ахоманийлар давлатининг қулашига олиб келди. Доро III нинг ўлдирилиши ва унинг қотили Бесснинг Суғда томон қочиши Александрга Эроннинг шарқий вилоятлари томон юриш қилиши учун баҳона бўлди. Мил. ав. 329 й.нинг эрта баҳориде Александр ўз қўшини б-н Ҳиндукуш орқали Бақтрияга бостириб кирди. Сўнг Ҳукуз (Аму) дарёсидан ўтиб, Навтака қалъаси ва вилоятини эгаллайди. Бу ердан юнон-македон қўшинлари Суғд ва унинг марказий шаҳри Смарканса (юнонча Мароканда)га йўл оладилар. Шаҳарни қўлга киритгач, у ерда кичикроқ қўшин қолдириб юришни давом эттирадилар.

Суғд аҳолиси фотиҳларга қарши чиқиб, она юрт озодлиги ва мустақиллигини мардонатор ҳимоя қилади. Александр Уструшона (Фаллаорол ва Зомин оралиғи) да айниқса қаттиқ қаршиликка учрайди. Тоғ дараларидаги шиддатли жангларда маҳаллий аҳолидан 22 минг, Кирополь (Курушкат) ш.ни мудофаа қилишда эса 8 минг киши ҳалок бўлади. Юнон-македон қўшинининг талафоти ҳам оз эмас эди. Ҳатто Александрнинг ўзи ҳам жароҳатланган эди. Жангу жадаллар б-н Яксарт (Сирдарё) соҳилига етиб келган Александр (қ. *Танаис дарёси*

Широқ

Турон элининг қахрамони. Мил. ав. 6-а да яшаган. Мил. ав. 6-а. бошларида Эрон шоҳи Доро I қўшини Турон ҳудудига бостириб кирган. Юнон тарихчиси Полиеннинг «Ҳарбий ҳийлалар» асарида илк марта Широқ жасорати тилга олинган. Полиеннинг ёзишича, сак қабилалари йўлбошчилари Саксафар, Омарг ва Оамирис форс қўшинини энгш учун ҳарбий кенгаш (курултой) ўтказётганда, оддий отбоқар Широқ уларнинг ҳузурига келиб, ўз режасини баён қилади. Унга кўра, Широқ ҳарбий ҳийла ишлатиб ёлғиз ўзи Доро қўшинига қарши турган.

Широқ Доро ҳузурига келиб қабиладошлари устидан шикоят қилади ва унга ноҳақ ситам етказганлари (унинг қулоқ, бурунлари кесилган эди) учун Эрон қўшинини саклар турган ерга энг қисқа йўл б-н бошлаб боришини айтган. Широқ Эрон қўшинини Қизилқумнинг ичкараси томон бошлади, форслар ўзлари б-н атиги 7 кунлик сув, озиқ-овқат захираси олган эди. Жазирама чўлда душман ҳолдан тойиб, захираси тутаган. Ниҳоят, муҳлатнинг 7-куниде душман қўшини алданганини пайқайди. Широқ атрофини қуршаб олган Доро I ва унинг саркардаларига қарата шундай дейди: «Мен ёлғиз ўзим Доро қўшинини энгдим. Сизларни алдаб, чўлнинг қоқ ўртасига олиб келдим. Хоҳлаган томонингизга кетишингиз мумкин, воҳагача тўрт томонингиз ҳам 7 кунлик йўл!». Широқнинг бошини қилич б-н чопиб ташлайдилар. Форс қўшинининг асосий қисми чўлда қирилиб кетган. Шундай қилиб, Широқ ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган.

Спитамен

Сугдиёнада ватан озодлиги йўлида Александрга қарши кўтарилган халқ қўзғолони (Спитамен қўзғолони) раҳбари. Ёзувчи В.В.Яннинг ёзишича, Спитаменнинг онаси — сугд, отаси — сак қабиласига мансуб аслзода хонадондан бўлган. Спитамен ёшлигида абжир, чаққон йигит бўлиб ўсган. Отада чопиш, камон отиш, қиличбозликда унга ҳеч қим тенглаша олмаган.

Спитамен дастлаб Доро Ш нинг, сўнгра Бесснинг лашкарбошиларидан, яқин сафдошларидан бўлган. Бесс ўлимидан сўнг, юнон-македон истилочиларига қарши 3 й. давомда мардона қаршилик кўрсатган. Аррианнинг ёзишича, қўзғолончиларга қўшилган кўчманчи массагет қабилалари раҳбарлари Александрнинг ҳўл ичкарасига юриш қилишидан хавотирланиб Спитаменни ўлдириб (мил. ав. 328 й.), бошини Александрга юборганлар.

Спитаменнинг қизи Алана Салавк I га турмушга чиққан, бу никоҳдан салавкийларнинг машҳур ҳўкмдори Антиох туғилган.

Спитаменнинг номи асрлар оша ятаб мардлик ва жасорат тимсоли сифатида авлодларга руҳий мадад бериб келган.

бўйидаги жанг) Хўжанд ш. яқинида шошилинич қалъа қуришга киришад ва уни Александрия Эсхата (Чекка Искандария) деб атайди. Чунки бу даврда Александрга қарши Сугд ва Бақтрия аҳолиси қўзғолон кўтариб, уларнинг озодлик ҳаракати Сирдарё ортида яшовчи кўчманчи сак ва массагетлар томонидан қўллаб қувватланмоқда эди.

Мил. ав. 329 й.нинг кузида Сугднинг марказида бошланган қўзғолонга маҳаллий саркардалардан бўлган Спитамен бошчилик қилади. Қўзғолончилар Смаракансада қолдирилган қўшинни қириб ташлаб шаҳарни эгаллайди.

Александр қўзғолончиларга қарши жазо қўшинини жўнатади. Политимет (Зарафшон) соҳилида содири бўлган жангда Спитамен ғалаба қозонади. Александр қўзғолончиларга қарши асосий кучларини сафарбар этади. Ҳўл ичкарасига чекинган Спитаменни таъқиб этмай, Зарафшон воҳасининг 120 мингдан ортиқ тинч аҳолисини қириб ташлайди.

Шу тариқа Сугд ва Бақтрияда кўтарилган қўзғолон авж олиб, чорвалор сак ва массагет қабилалари ўртасида ҳам ёйилади (яна қ. *Спитамен қўзғолони*).

Икки йиллик натижасиз жанглардан сўнг Александр маҳаллий халқларни куч б-н енгиб бўлмаслигини тушунади. Эндилликда у ўзининг жангари ҳарбий сиёсатини ўзгартириб, Ўрта Осиё вилоятларида ўзига ишончли таянч кучларни ташкил этишга ҳаракат қилади.

Биринчи навбатда Александр Ўрта Осиё сатрапиялари ҳокимлигига юнон-македон вакилларини тайинлайди. Сўнг Сугд ва Бақтрия қалъаларига юнон аскарлари жойлаштирилиб, улар ҳарбий таянч — қароргоҳга айлантирилади. Шунингдек, Сугд ва Бақтриянинг тоғли қалъаларига жойлашиб олиб, юнон босқинчиларига қарши курашаётган маҳаллий зодагонлар б-н яқинлашиш чорасини ахтарди.

Ҳисор тоғларидаги мустақкам қалъалар қўлга киритилгач (қ. *Сугд қояси*, *Хориен қалъаси*), Александр маҳаллий зодагонлардан Оксиартнинг қизи Рохшанакка уйланади. Қизи туфайли Оксиарт Бақтрия сатрапи этиб тайинланади. Сугд ҳўкмдорлиги эса маҳаллий аслзодалардан Оропейга топширилади.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик вилоятларини босиб олиш учун Александр 3 йил уриниб, Марғиёна, Бақтрия, Сугд ва Сирдарё ёқаси аҳолисини бўйсундиришга муваффақ бўлди. Хоразм, Чоч (Тошкент) воҳаси ва Фарғона водийси ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Мил. ав. 327 й.да у Ҳиндукуш орқали Ҳиндистонни босиб олиш учун жўнайди.

ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Александрнинг ҳарбий юришлари оқибатида Болқон я.о., Кичик Осиё, Миср, Эрон, Ўрта Осиё ва Синд дарёсининг қўйи оқимигача бўлган ҳудудларда улкан давлат ташкил топди. Бироқ, Александр барпо этган бу салтанат ҳам Ахоманийлар давлати сингари зўрлик б-н юзага келиб, куч б-н идора этилар эди. Шу боисдан бу буюк салтанат Александр вафотидан сўнг Миср, Македония ва Салавкийлар каби 3 мустақил давлатларга ажралиб кетади. Бу янги давлатлар Александрнинг йирик саркардалари томонидан бошқарилди.

Мил. ав. 312 й.да Бобилда ўз ҳокимиятини ўрнатган Салавк I бир неча йиллар давомида шиддатли урушлар олиб бориб давлат чегараларини Фарб ва Шарққа томон кенгайтиради. Унинг давлатига Месопотамия, Эрон, Парфия,

Бақтрия ва Сугд ерлари бирлаштирилган эди.

Бундай улкан мамлакат 70 дан ортиқ сатрапия, эпархия ва гиппархия деб номланган маъмурий ўлка ва вилоятларга тақсимланиб бошқарилган. Вилоятларга юнон-македонлар қаторида маҳаллий зодагон вакиллари ҳам ҳоким этиб тайинлана бошлайди.

Ўрта Осиё Салавкийлар давлатининг маркази Бобилдан узоқда жойлашган бўлса-да, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида бу ўлка муҳим мавқега эга эди. Мил. ав. 293 й.да Салавк ўғли Антиохни Шарқий вилоятлар: Парфия, Марғиёна, Бақтрия ва Сугднинг ноиб этиб тайинлайди.

Антиохнинг ноиблиги даврида Ўрта Осиёнинг деҳқончилик воҳаларига сакларнинг чопқунлари кучайиб кетади. Кўчманчилар ҳўжумидан ҳимоя қилиш мақсадида Мурғоб воҳасининг атрофи Антиохнинг фармони б-н уз. 250 км ли мудофаа девори б-н ўраб олинади (қ. *Антиох девори*).

Кўчманчиларнинг муттасил ҳўжумларига қарамай, юнон-македон истилоси оқибатида вайрон бўлган ҳўжалик аста-секин тиклана бошлайди. Сугд, Бақтрия ва Марғиёна вилоятларида сугориш тармоқлари кенгайиб, янги қароргоҳлар қад кўтарди, деҳқончилик қишлоқлари ва хўнармандчилик шаҳарларининг сони ортади. Хўнармандчилик маҳсулотларининг салмоғи ўсиб, айирбош савдо жонланади. Пул муомаласи ва танга пулларга эҳтиёж вужудга келади. Бу даврда Салавк ва Антиохнинг Бақтрияда «драхма» ва «тетрадрахма» деб юритилган олтин, кумуш ва мис тангалари зарб этилиб, салтанатда Ўрта Осиё мулкининг иқтисодий мавқеи ошган.

Антиох ўзининг узоқ йиллик (мил. ав. 293—261 й.) ҳўкмронлиги даврида салавкийлар ҳўкмронлигига қарши қўзғолонларни бостириб, кўчманчи қабилаларнинг ҳўжумларига қарши курашди. Бироқ мамлакатнинг марказий қисми бошқаруви б-н узвий боғланиб қолган Антиох ўз давлатининг шарқий қисми — Ўрта Осиё ерларига кам эътибор қаратади. Бундай вазият мил. ав. 3-а. ўрталарида яққол намоён бўлди. Натжида Салавкийлар давлатида ҳокимият учун ўзаро кураш авж олиб кетади. Бу эса бу улкан давлатни парчаланишига олиб келади.

Юнон-Бақтрия подшолиги. Мил. ав. 3-а. ўрталарида Салавкийлар давлатидан дастлаб Парфия ажралиб чиқди. Марказий ҳокимиятга қарши бўлган маҳаллий кучларга суянган Бақтрия эпархи Диодот эса мил. ав. 250 й.да ўзини под-

шо деб эълон қилади ва ўз номидан кумуш ва мис тангалар зарб этади. Бақтрияда мустақил давлатнинг ташкил топишида юнонлар б-н бир қаторда маҳаллий зодагонларнинг ишгирики кучли бўлгани сабабли тарихда бу салтанат Юнон-Бақтрия подшолиги номи б-н шуҳрат топади, қад. Зариаспа — Бахтар ш. давлат пойтахти бўлган. Мамлакат бир неча вилоятларга бўлинган бўлиб, вилоят ҳокимлари подшоҳга бўйсунган. Шарқий ўлкада ўз сиёсий мавқеини мустақамлаб, кези келганда Салавкийлар таййиқини биргалашиб қайтариш мақсадида Диодот ворислари ҳатто Парфия ҳукмдори Аршак-Тиридат б-н ўзаро ҳарбий иттифоқ туздилар. Мил. ав. 3-а.нинг иккинчи ва 2-а.нинг 1-ярмида Юнон-Бақтрия давлати кучайиб, қудратли салтанатга айланади.

Мил. ав. 2-а.нинг 1-чорагида Деметрий I (мил. ав. тахм. 189—тахм. 167 й.) ва Евкратид (мил. ав. тахм. 171—155 й.) ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонга юриш қилиниб, Юнон-Бақтрия подшолигининг чегаралари жан.га томон кенгайтирилади. Бу даврда Ария ва Арахосия (Ҳирот ва Қандаҳор), Дрангиёна (Шарқий Эрон), Паропамисад (Ҳиндукушнинг ён бағирлари), шунингдек, Синд водийси (Шим.-Фарбий Ҳиндистон) қўшиб олинади. Бироқ мил. ав. 2-а. ўрталарида Юнон-Бақтрия подшолиги ҳарбий-сиёсий қудратини йўқота бошлайди. Бақтриядан аввал Суғд ажралиб чиқади. Парфия подшоҳи Митридат Маргиёнани ўз давлатига қўшиб олади. Мил. ав. 2-а.нинг 3-чорагида эса бир неча кичик мустақил ҳокимликларга ажралиб кетган Юнон-Бақтрия подшолиги Шарқий Туркистон орқали Фарғона ва Суғд ерларига кириб келган юечжи ва сак қабилаларининг ҳужуми натижасида бутунлай барбод бўлади. Шундай қилиб, Юнон-Бақтрия давлати улкан Шарқнинг мустақил давлати сифатида 120 й.дан ортиқроқ яшади. Бу давр мобайнида у иқтисодий ва маданий жиҳатдан камол топди. Бақтрия, Суғд ва Маргиёнада кўплаб шаҳарлар қурилди. Сугорма деҳқончилик ерлари кенгайтирилиб, чорвачилик, айниқса йилқиччилик кенг тараққий этди. Ҳунармандчиликнинг қудолчилиги, темирчилик, заргарлик ва бинокорлик соҳалари ривож топиб, қўшни, хусусан эллинистик давлатлар б-н савдо-сотиқ ва маданий алоқалар кенгайди. Шубҳасиз, бу даврда Бақтрияда қад. маланий анъаналар юксак даражада давом этса-да, ammo унинг тараққиётида юнон маданиятининг таъсири ҳам бўлди. Айниқса у бинокорлик, заргарлик ва тасвирий санъатда ўз аксини

топди. Шаҳарларда кўп устунли ва пешайвонли муҳташам сарой ва қасрлар, минорали улкан ибодатхона ва даҳмалар қад. кўтарди. Олд томонида подшоҳ, орқа томонида юнонларнинг тангрилари (Зевс, Артемида ва Геракл) тасвирлари туширилган олтин ва кумуш тангалар зарб этилди. Мил. ав. 2-а.дан бошлаб Юнон-Бақтрия подшоларининг тангаларида юнонча ёзув б-н бир қаторда, маҳаллий қҳарошти хати (ёзувлари) ҳам пайдо бўлди.

Хуллас, мил. ав. 3—2-аларда Ўрта Осийеда Юнон-Бақтрия подшолиги ташкил топиши оқибатида маҳаллий, Юнон, Ҳинд ва Эрон маданиятларининг илгор анъаналари омухталаниб, ўзига хос қад. юксак маданият шаклланди. Бундай маданиятнинг ўчоғи бўлган Бақтрия эса, Парфия каби Фарб. Жан. ва Шарқ мамлакатлари давлатчилиги ва ишлаб чиқарувчи хўжалигининг тараққиётига ижобий таъсир этди. Бундай таъсирнинг излари Парфия, Қора денгиз бўйи давлатлари, Ҳиндистон ва б. мамлакатларнинг тарихий обидаларида ўз аксини топди.


Қадимги Хоразм. Мил. ав. 4-ада Хоразм Ахоманийлар давлатидан ажралиб, ўз мустақиллигини тиклаб олади. Македониялик Александрнинг ҳарбий юришлари, сўнгра Салавкийлар ҳукмронлиги даврида ҳам ўз эркини сақлаб қолган Хоразм бу янги фотиҳлар б-н мустақил давлат сифатида алоқада бўлади. Мас., мил. ав. 328 й.нинг баҳорида Хоразм подшоҳи Фарасман Бақтра (Балх)га Александр ҳузурига бир ярим минг нафар суворийлари б-н келади. У Александрга Хоразм ерлари Қора денгиз қирғоқлари атрофида яшовчи қолхлар ва амазонкалар юртига чегаралаш эканлиги ва агар Александр Қора денгиз томон қўшин тортса, унга озиқ-овқат ва йўл кўрсатувчилар б-н ёрдам беришга тайёр эканлигини баён қилади. Александр Фарасман б-н дўстлик шартномасини тузиб, унга Ҳиндистон устига юришга тайёрланаётганини ва бутун Осийе ҳукмрони бўлиб қайтгач, уларнинг так-

лифидан фойдаланаётганини айтади. Шубҳасиз, бу мулоқотда ҳар 2 ҳукмдорнинг асл мақсади нимадан иборат экани очикдан-очик намоён бўлган эдилар.

Теварак атрофи даштлар б-н ўралган Хоразмнинг тутган географик ўрни қадимдан нафақат унинг иқтисодий ва маданий ҳаётига, балки бу ҳудудда содир бўлган тарихий воқеаларнинг йўналишига ҳам кучли таъсир этган.

Маълумки, мил. ав. 7—5-алардаёқ узил-кесил шаклланган Хоразм воҳасининг ўтроқ хўжалигини, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган. Бундай ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг кенгайиши эса, ўз навбатида воҳада кўплаб шаҳар, қишлоқ ва қалъаларнинг қад кўтаришига, ҳунармандчиликнинг қудолчилиги, темирчилик, тўқимачилик, заргарлик ва қуролсозлик каби турли соҳаларининг юксак даражада ривож топишига олиб келган.

Бу даврда қад. Хоразмда айниқса, деҳқончилик воҳалари, аҳоли турар жойлари муҳофазасига қатта аҳамият берилди. Шаҳар, қишлоқ ва қалъа дарвозалари ғулумгардиш, бурж ва нишон туйнуклари б-н мустақамланади. Улкан ва ўта мустақам қалъалари туйфайли бу қад. диёр Хоразм («Ху-вар-зм»), яъни «яхши ёки ажойиб қалъали ўлка» маъносини англатувчи ном б-н шуҳрат топган. Бундай қалъалар Авесто китобида «вар» атамаси б-н тилга олинади. Варлар гирдининг томонлари бир от чопими(тахм. 3 км) узунликда бўлган. Қўрғон шаклидаги вар ичкарасига 9 та дарвоза орқали кирилган. Ташқи девор бўйлаб қўрғон ичида турар жойлар барпо этилган. Қалъанинг ички саҳни бўм-бўш майдондан иборат бўлган. У қўтон вазифасини ўтаган. Чунки чорва ва деҳқончилик б-н кун кечирган Хоразмнинг ўтроқ жамоалари учун чорва асосий мулк-бойлик ҳисобланиб, ёв босқинлари даврида



Жангчилар хонаси. Мил. ав. 3—2-алар (Тупроққалъа).

ҚАДИМГИ СУҒДИЁНА, ХОРАЗМ ВА БАКТРИЯ



қўлаб қуй отарлари, қорамол подалари ва йилқи уюрлари варларга киритилиб, талончиликдан муҳофаза этилган. Варлар, шубҳасиз, уруғ ёки қабиланинг мудофаа истеҳкоми, турар жойи ва мавсумий кишлов жойи бўлган.

Мил. ав. 6–4-а.ларда «вар» шаклида бино қилинган ўнлаб мудофаа қалъаларининг қолдиқлари қад. Хоразм воҳасида қайд этилиб, синчиклаб ўрганилган (қ. *Қалъалиқир, Кўзалиқир, Қуйқирилган қалъа*).

Ёзма манба ва археология маълумотларининг гувоҳлик беришича, мил. ав. 3–мил. 3-а.ларда Хоразм Сирдарёнинг ўрта оқимида ташкил топган Қанг давлатининг таркибида бўлган (яна қ. *Хоразм*).

Даван — қадимги Фарғона давлати. Фарғона водийси сой ҳавзаларида шаклланган катта-кичик ўтроқ деҳқончилик воҳалари кенгайиб, мил. ав. 4–1-а.ларда ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг турли соҳалари ривож топади. Бир неча қишлоқ ва шаҳарлар қад кўтарди. Қадимда бу обод тарихий ўлка ва бош шаҳри табиатига монанд мазмунни англаувчи «Паркана», яъни «сув бўйи» ёки оддийгина «водий» деб юритилган. Қад. Хитой ёзма манбаларида у Дайюань (Даван) номи б-н тилга олинади.

Мил.ав. 2-а.да Даванда 300 минг нафар аҳоли яшаган. Унда 70 га яқин катта-кичик шаҳар бўлган. Кува ш. (Қайқубат) унинг пойтахти бўлиб, 60 минг нафарли қўшини бўлган.

Даванликлар гарбда қанғликлар, шим.да усунлар, шарқда эса уйғурлар б-н яқин алоқада бўлишган. Деҳқончиликда улар тенги йўқ миришкор бўлиб, арпа, буғдой, шоли ва беда каби экинларни етиштиришган. Боғдорчилик, айниқса, узумчилик кенг ёйилган. Узумдан шинни ва мусаллас тайёрланиб, катта-катта хумларда сақлашган.

Даванда ўтроқ зироаткор аҳоли б-н бир қаторда тоғ олди ва даштлик ҳудудларда чорвадор қабилалар ҳам яшаган. Чорвачиликка, айниқса йилқичиликка эътибор кучли булган. Даван қадимда ўзининг зотли «самовий» аргументлари б-н шуҳрат қозонган. Даван тулпорлари, айниқса Хитойда жуда қадрланган.

Мил. ав. 2-а.да Даванда қавийлик даражасидаги ҳокимлик ҳукм сурган. Давлат бошқарувида оқсоқоллар кенгаши муҳим ўринга эга бўлган. Давлат ва жамоаларга тегишли ҳаётий масалалар оқсоқоллар кенгашида ҳал этилган. Даванда пул зарб этиш бу вақтда ҳали юзга келмаган эди. Ташқи ва ички савдо пулсиз мол айирбошлаш воситасида амалга оширилган. Қушни давлатлар, айниқса Хитой б-н бўлган савдо муҳим ўринга эга бўлган.

Фарғона тулпорларини қўлга киритиш баҳонаси б-н Хитой ҳукмдорлари Даван давлатини бўйсундириш учун бир неча бор ҳаракат қилади. Чунки қўчманчи жанговар хунну қабилаларининг чопқунларига қарши курашишда Хитой суворийлари учун қўлаб чопқир отлар етишмас эди. Мил. ав. 104 ва 101 й.ларда Хитойнинг қўп минглик қўшини 2 март Фарғона водийсига бостириб киради. Даван пойтахти қамалга олинди, ҳатто шаҳарнинг сув тармоқлари тўсиб қўйилса-да, аммо хитойликлар ўз мақсадларига эриша олмадилар (қ. *Эрши мудофааси*). Шу тариқа Даван давлати мил. ав. 2-а. охириларида Хитой қўшинларининг тажовузидан қутулиб, ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

Мил. ав. 3-а. бошларида Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда қўчманчи чорвадор сак қабилаларининг Қанг давлати ташкил топади. Қад. Хитой манбаларида эса у «Кангкия», замонавий ўқилишда «Канггой» ва «Кандзой» шак-

лида тилга олинган. Бу давлатнинг ҳудуди қад. Чоч (Тошкент) воҳаси, Талас водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимида жойлашган. Қанг юртлари шарқда Даван, шим.-шарқда усун ва юечжи қабилаларининг ерлари, шим.-гарбда Сарису дарёси, гарбда Яксарт (Сирдарё) нинг қуйи оқими б-н чегараланган. Қанг аҳолиси 200 минг уйлик (тахм. 600 минг киши) бўлган. Ёвгарчилик вақтларида 120 минг нафарли қўшинни сафта тортган. Мамлакатнинг чорвадор аҳолиси манбаларда «қангкия», «қанха» ва «қъъни» номлари б-н тилга олинади. Қангар (канка)лар ҳинд халқининг қад. китоби «Маҳабҳарата»да сак ва тохар қабилаларининг номлари қаторида тилга олинади.

Мил. ав. 2–1-а.ларда Қанг давлати ниҳоятда кенгайиб ўзига 5 та ўтроқ вилоят: Чоч, Кеш, Суғд, Бухоро ва Хоразм ҳокимликларини бўйсундиради ва йирик давлат бирлашмасига айланади. Мамлакат бир қанча эл, юрт ва ўтроқ деҳқончилик вилоятларига бўлинган. Давлатни хоқон бошқарган. Хоқонлик ворисий бўлиб отадан ўғилга мерос тариқасида ўтган. Давлат бошқарувида қабилла оқсоқоллари ва ҳарбий саркардалардан иборат олий кенгаш муҳим ўринга эга бўлган. У давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал этган. Эл ва юртлар эса, одатда, хоқон уруғига тегишли қавми-қариндошларидан, йирик уруғ ёки қабилла бошлиқларидан тайинланган «жабғу»лар томонидан бошқарилган. Қанг давлатига тобе вилоятлар маҳаллий ҳокимлар қўлида бўлиб, улар хоқонликка муттасил бож тўлаб турган. Бундай тобе вилоятларга Хоразм, Суғд ва Урал тоғи этакларида яшовчи алан (олон) ва ос қабилаларининг ерлари кирган. Тобе вилоятларнинг аксарияти



Қанг давлати тангалари. Кумуш. Милоннинг бошлари.

деярли мустақил бўлган. Ҳатто Кеш, Суғд, Чоч, Бухоро ва Хоразмнинг маҳаллий ҳокимлари ўз номларидан кумуш тангалар зарб этганлар.

Кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли, асосан, чорвачилик б-н шуғулланган. Кўпроқ йирик ва майда шохли ҳайвонлар боқилса-да, ҳўжаликда йилқичилик ҳам муҳим ўрин тутган. Чорва молларининг салмоқли қисми коқон ва эл-юрт жабгуларининг хусусий мулки ҳисобланган.

Қанғ давлатида чорвадорлар б-н бир қаторда ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳоли ҳам яшаган. Ўтроқ воҳа жамоаси суғорма деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланган.

Қанғ давлатига тобе ўтроқ вилоятларда ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари, мустақкам йирик қалъа ва ибодатхона куп бўлган. Шаҳарлар турар жойларининг аксарияти паҳса ва хом гиштардан қурилган. Шаҳарнинг ташқи девори, қалъаси, дарвозалари, бурж ва нишон туйнуқлари каби мулоффа иншоотларининг мустақкамлигига алоҳида аҳамият берилган. Улар қамалга бардош берадиган қилиб бино қилинган.

Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, хусусан, кулолчилик ва темирчилик анча ривож топган.

Қанғ давлати Хитой, Кушон, Парфия, Рим ва Кавказорти мамлакатлари б-н иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқада бўлган. Унинг ҳудудидан *Буюк шпак йўли* кесиб ўтганлиги туфайли ташқи савдо алоқаларда сарбонликни қўлда сақлаб туришга интилган.

Шунингдек, яқин қўшнилари юечжи, тохар, хун қабилалари ва даванликлар б-н бевосита алоқада бўлган. Хитойнинг Даванга томон ҳарбий юришларига қар-



Сув чиқаргич. Эски Термиз. 1—2 а.лар.

ши чиққан. Манбаларда таърифланишича, дипломатик муносабатларда Қанғ давлати ўта қатъиятлик б-н мустақил сиёсат юргизган. Чет давлатлардан келган элчиларни қабул қилишда ўз қудрати ва қатъиятлигини намойиш этиш мақсадида Хитой вакиллариغا пастроқдан жой кўрсатилган. Бу ҳақда Хитой элчиси (мил. ав. 2-а.) Чжан Цянь императорга йўллаган мактубида: «Қанғуй мағрур ва қўрс. у элчиларимиз олдида таъзим қилишни эп кўрмади. ... бизни кўпгина давлат элчиларидан, ҳатто усунлардан ҳам қўйига ўтқазди» деган шикоятмоз сўзларни ёзиб юборган.

Милоннинг 5-а.га келиб Қанғ давлати парчаланиб, унинг ҳудудида бир неча мустақил давлатлар ташкил топади (яна қ. *Қанғ давлати*).

Кушон подшолиги. Мил. ав. 2-а. ўрталарида Хитойнинг шим.-ғарбида жойлашган кўчманчи чорвадор хун қабилалари



Амфора. Кампиртепа.

лари кучайиб, ғарбий қўшнилари *юечжилар* б-н тўқнашади. Бу жангда (мил. ав. 165 й.) хунлар ғалаба қозонадилар. Натижада ўз яйловлари ва юрти Шарқий Туркистонни тарқ этишга мажбур бўлган юечжилар ғарбга — Ўрта Осиёга томон силжийди. Юечжиларнинг Гуйшуанг (Кушон), Сюми, Шуангми, Сидун ва Думи номли 5 қабиласи Тангритог (Тяньшан) орқали аввал Даван ва Суғд ерларига кириб келади. Сўнгра Бақтрияни эгаллаб, Юнон-Бақтрия подшолигига барҳам беради. Бу ерда улар «Улуғ юечжи» (Даюечжи) давлат бирлашмасини туздилар. Мил. ав. 1-а. охирида эса Гуйшуанг ябғуси Кужула Кадфиз 5 ҳокимлик (жабғулик)ни бирлаштириб, ўзини Гуйшуанг ҳокими деб эълон қилди. Тарихда бу давлат *Кушон подшолиги* номи б-н шуҳрат топади. Қад. Чағониён вилоятида жойлашган Далварзин мавзеи Кушон подшолигининг пойтахтига айлантирилади (қ. *Далварзинтепа*). Кужу-

Деворий нақш. Фаёзтепа. 1—3-а.лар.



Геракл тасвири туширилган гемма.

1—2-а.лар. Далварзинтепа.



Амалдор ҳайкали. Кампиртепа.



Будда ступаси. Фаёзтепа.

ла Кадфиз ҳокимлик даврида «ябғу», «шоҳлар шоҳи» ва «буюк халоскор» каби жарангдор унвонлар битилган тангалар зарб этилади.

Кужула Кадфиз ўз давлат чегараларини кенгайтириш ва қудратини мустаҳкамлаш мақсадида Амударёнинг чап соҳилидаги ҳудудларга юриш қилади. У Парфиянинг кўпгина ерларини, Кобулистон ва Қандаҳорни забт этади. Мил. ав. 1-а. охири ва мил. 1-а. бошларида Кушон подшолиги нуфузи жиҳатидан Хитойнинг Хань давлати, Парфия подшолиги ва Рим салтанати б-н рақобатлашадиган қад. дунёнинг энг қудратли давлатларидан бирига айланади.

Кужула Кадфиз вафотидан сўнг, подшолик тахтига ўғли *Вима Кадфиз* ўтиради. У пул ислоҳоти ўтказиб, мис чақалар б-н бир қаторда олтин тангалар зарб этади. Ҳиндистоннинг шим.-ғарбий қисмини ўз давлатига қўшиб олиб, Рим салтанати б-н алоқа ўрнатади.

Вима Кадфиздан сўнг Кушонлар салтанати тахтига Канишка I ўтиради. Унинг ҳукмронлиги даврида (мил. 78–123) мамлакат ҳар жиҳатдан ривож топиб юксалади. Панжоб ва Кашмир вилоятлари қўшиб олиниб, давлат чегаралари яна-



Кумуш лаган. Ҳоз. Челақ ш.



Юечжи калдаси. Холчаён.

да кенгайтирилади. Подшолик пойтахти Бақтрия шим.дан жан.га — Пурушапур (ҳоз. Пешовар ш.)га қўчирилади. Кушон подшолигининг чегаралари бу даврда жан.да Панжоб вилояти, шим.да эса Ҳисор тоғи тизмалари бўйлаб ўтади. Бу даврда буддавийлик динига катта эътибор берилиб, у давлат дини сифатида қабул қилинади. Ўтроқ вилоят аҳолиси хўжалигининг асоси ҳисобланган сугорма деҳқончилик ерлари кенгайиб, кўп-лаб сугориш тармоқлари ва сув иншоотлари барпо этилади. Шаҳарлар сони ортиб, уларда буддавий динининг ҳашаматли меъморий обидалари: ибодатхона, монастирлар, ступа (саждагоҳ)лар қад кўтарди. Ибодатхоналар Будда ва унинг санам (бодисатва)лари ҳайкаллари б-н безатилиб, шаҳар меъмorchилиги б-н узвий боғланган ҳолда тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик юқори даражада ривож топади.

Археология ёдгорликлари ва топилмалардан маълум бўлишича бу даврда ҳунармандчилик, айниқса қулолчилик, мисгарлик, заргарлик ва қуrollсозлик тараққий этади. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг ортиши б-н ички ва ташқи, хусусан, чорвадор аҳоли б-н савдо алоқалари авж олади. Кушон подшолигининг Хань давлати ва Рим салтанати б-н иқтисодий ва элчилик муносабат-

лари юксак даражага кўтарилади. Мил. 99 й.да Кушон элчиси Римга юборилди. Кушонлар даврида чет давлатларга, асосан, темир ва темир буюмлар, жун ва жунли матолар, қоракўл териси, қурол ва қимматбаҳо тошлар сотилган. Хитойдан ипак, турли хил ипак газламалар ва чинни идишлар келтирилган. Ички ва ташқи савдонинг кенгайиши б-н боғлиқ ҳолда танга-чақалар зарб қилиш йўлга қўйилади. Кушон подшоҳларининг танга ва мис чақалари Ўрта Осиёнинг деярли барча деҳқончилик воҳаларида кенг муомалада юритилади. Мил. 1–3-а.лар Кушон подшолигининг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари б-н иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг ҳар томонлама кенгайган даври бўлди. Шубҳасиз бунда Буюк ипак йўлининг аҳамияти беқиёс эди. Бу даврда Ҳиндистондан Бақтрия орқали Ўрта Осиёга буддавийлик дини кириб келади, сўнгра Ўрта Осиё халқлари орқали Хитойга ва атрофдаги дашт кўчманчи чорвадор қабилаларга ҳам кенг ёйилади.

Бу даврнинг қатор будда ибодатхоналарининг вайроналари Сурхондарё вилояти ва Жан. Тожикистон ҳудудларидан топилди ўрганилган. Улар орасида Айритом, Қоратепа, Фаёзтепа ва Ажинатепа ёдгорликларидан, айниқса, ноёб топилмалар қайд этилган. Будда ёдгор-



Будда ва роҳиблар. Дева-рий расм. Қоратепа.



Тароқ, Суюк. Камфиртепа. Мил. 1–2-а. боши.

ликлари, шунингдек, Далварзинтепа, Зартена ва Куёвқурғонда очилиб ўрғанилган.

Кучли табақаланиш оқибатида юзага келган кўзғолонларнинг авж олиши натижасида 3-а. ўрталарида Кушон подшолиги парчаланиб, барҳам топади.

Буюк ипак йўли. Ўрта Осийе халқларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти тарихида савдо қарвони йўллари ҳамиша муҳим аҳамият касб этган. Кишилиқ жамияти ташкил топиб, ишлаб чиқарувчи хўжалиқлар юзага келиши б-н дастлаб қишлоқлараро, сўнгра шаҳарлар ва мамлакатлараро алоқалар ўрнатилган. Бундай ўзаро алоқалар туфайли узок-яқин савдо ва қарвон йўллари шаклланган. Ўтроқ жамоалар, қабилалар, элатлар ва халқларни ҳудудий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирган давлатлар алоқа йўлларининг қарор топиши, кенгайиши ёки барҳам топишида беқиёс аҳамиятта эга бўлган.

Қадимда Ўрта ва Яқин Шарқда Бадахшон лаълиси (ложуварди, қизил ёқути)га бўлган эҳтиёж туфайли Яқин Шарқни Бақтрия б-н боғлаган «ложувард йўли» вужудга келган. Мил. ав. 6-4-а.ларда эса Ахоманийлар давлати пойтахти Персеполь ш.ни Бобилдан Бақтриягача бўлган ҳудудларни боғлаган «шоҳ йўли» таркиб топган. Бу йўл орқа-



Кушон подшолари тангалари.


ли Бадахшон лаълиси мамлакатлар оша Месопотамия ва Мисрга етказилиб подшоҳ саройлари-ю ибодатхоналарни безашда ва зеби-зийнатлар ясашда кенг ишлатилган.

Бир неча минг йиллар давомида Шарқ б-н Фарбни бир-бири б-н боғлаган қад. йўллардан яна бири тарихда «ипак йўли» номи б-н шуҳрат топган. Чунки бу қарвон йўли орқали ташкил топган халқаро савдо маҳсулотларининг асоси ва уларнинг номинал баҳолари ипак ва ипак мато б-н белгиланган.

Хитой хоқонлари ипак йўли орқали Фарб мамлакатлари б-н савдо ва элчилик алоқалар олиб борганлар. Улар соғва-саломлар б-н ўз элчиларини Ўрта Осийе, Эрон, Месопотамия ва Кичик Осийе давлатларига юборганлар. Мас., Хитой сайёҳи Гань Ин мил. 97 й.да Фарбий денгиз (ўрта денгиз)гача бориб етган. Македониялик Май Тициан эса 100 й.да Ланчжоугача етиб борган.

Шуниси эътиборлики, ипак йўли бўйлаб устунлик қилиш учун Эрон, Парфия, Ўрта Осийе ҳукмдорлари ва Хитой ўртасида ҳамма вақт кураш борган. Айниқса бундай рақобатли кураш мил. 3-а.дан бошлаб Эрон ва Ўрта Осийе давлатлари ҳамда Эрон б-н Парфия ўртасида кескин тус олган.

Ўрта Осийе орқали Хитойдан Фарбга ўтган савдо қарвон йўллари доимо суғдлар назоратида бўлган. Суғд савдогарлари савдо йўлидаги устунликни сақлаб қолиш учун Шарқий Туркистонда, Еттисувда, Олтойдан то Энасой (Енисей) соҳилларига қаларли худудларда, Шим. Хитойнинг Шаньси вилоятида, Дуньхуан каби қарвон йўли ёқаларида жойлашган қатор шаҳарларда ўз қарвонсаройлари ва қишлоқларини барпо этганлар. Мас., Дуньхуан ш.да 3-4-а.ларда минг хўжалиқ (5 минг аҳоли)га эга Суғд қишлоғи қад кўтарган.



БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

● Қарвон йўли
○ Асосий йўллар

Ипак йўли орқали Хитойдан Ўрта Осиё ва Фарб мамлакатларига, асосан, ипак ва шойи матолар, илк ўрта асрлардан бошлаб қорғоз олиб чиқилган бўлса, Фарб давлатларидан Хитойга шиша, жун матолар, гилам, палос, ойна, металл, зеб-зийнат буюмлари, қимматбаҳо тошлар: қизил ёқут, феруза, сердолик, шунингдек, дориворлар, тулпор отлар олиб борилган. Савдо йўли орқали Хитойнинг жез кўзгулари ва ўртаси квадрат тешикли тангалари Фарғона водийси ва Чоч (Тошкент) вилоятида кенг тарқалган. Шундай қилиб, Ипак йўли Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

Бироқ, бу ипак йўли афтидан узок вақт мавжуд бўлмаган, чунки б. а.нинг 2-ярмида Хитой ипак и.ч. бўйича монопол ҳуқуқдан маҳрум бўлган, аср охирида эса Византия шу қалар кўп миқдорда ипак етиштирар эдики, уни Хитойдан келтиришга ҳеч қандай эҳтиёж қолмаган. Византия ипак саноатини барпо этилиши ва уни аста-секин Закавказье ва Ўрта деңиз мамлакатларига тарқалиши б-н Буюк ипак йўлининг тарихи тугайди.

ИЛК ЎРТА АСР ДАВЛАТЛАРИ

Илк мулкдорлик муносабатларнинг таркиб топшиши. Қад. Турон диёрида замонасининг буюк давлатларидан Қанг давлати ва унинг жан.да Кушон подшолиги равақ топган даврида бошланган юксалиш мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришларга олиб келди. Деҳқончилик воҳаларида шаҳарларнинг сони кўпайди. Улар кенгайиб, хунармандчилик, савдо-сотик ва маданий ҳаётнинг марказига айланди. Воҳалар бўйлаб, айниқса серсув азим дарё адоқларида бир қанча йирик суғориш тармоқлари қазиб чиқарилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайди. Сув тегирмони, чигир ва чархпалаклар каби ўз даври учун анчагина мураккаб гидротехника қурилмаларидан фойдаланила бошлади.

Қўриқ ва бўз ерларга сув чиқариб янги ерларнинг ўзлаштирилиши жадаллашди. Бундай ободончилик ишларини амалга оширишда мулкдор ва пулдор зодагон вакиллари, қишлоқ оқсоқоллари ҳамда уруғ ва қабила бошлиқлари ишбоши сифатида фаол қатнашадилар. Қўриқларда очилган янги ер майдонларининг маълум бир улуши ўша замон удуми

бўйича, қонуний равишда саркорлар тасарруфига ўтади ва уларнинг ворисий мулкига айланади.

Мулкдор саркорлар ўзларига тегишли ер майдонларини суғориш тармоқларининг юқори қисмидан, айниқса тўғон боши атрофидан ажратиб оладилар. Бу б-н улар сувдан деҳқончиликда бемалол фойдаланиш, қолаверса, сув тақсимотини назоратга олиш имконига эга бўлади. Шу тариқа улар қишлоқларда ўз таййиқ доирасини кенгайтириб, бора-бора зироаткор аҳоли устидан ҳукмронлик қила бошлади. Шунинг учун ҳам улар илк ўрта асрларда «деҳқон», яъни «қишлоқ ҳокими» номи б-н шуҳрат топади.

Деҳқонлар, одатда, шаҳарларда ҳашаматли қаср ва саройларга, савдо ва хунармандчилик дўкони-ю расталардан иборат каттагина хўжаликка эга эдилар. Қишлоқларда эса, экинзор пайкаллардан ташқари, уларнинг кўшк ва истеҳкомли қўрғонлари, обжувозу мойжувоз ва тегирмонлари мавжуд эди. Ҳар бир деҳқоннинг мол-мулки ва ўзини қўриқлайдиган 30–40, 50–100 ва баъзан ундан ортиқ кишидан иборат чокарлари (шахсий гвардияси) бўлган. Айрим манбаларда қайд этилишича, ўша давр удуми бўйича, хожаси вафот этган чокарлар у б-н бирга тириклайин ўрга кўмилиши лозим бўлган. Деҳқонлар чокарлари б-н душманга қарши ҳарбий юришларда қатнашар, тинчлик пайтида эса уларга суяниб қишлоқнинг озод зироаткор аҳли устидан ўз ҳукмларини юргизишга ҳаракат қилардилар. Деҳқонлар ўз тасарруфидаги хизматкорларни бора-бора ўзларига қарам қилиб олдилар ва қишлоқнинг зироаткор бундай аҳли «кадивар», яъни қишлоқ қўрғонига яшовчилар деб аталади (қ. *Кадиварлар*).

Мил. 1-миг йилликнинг ўрталарига келиб, ер майдонларининг бир қисми нуфузга эга бўла бошлаган зодагон деҳқонлар ва мажусий руҳонийлари — қоҳинларнинг қўлига ўтди, аммо воҳалардаги суғориладиган ерларнинг асосий қисми ҳали ҳам қишлоқ жамоаларининг тасарруфида эди. Зироаткор жамоалар-



Хоразм тангалари (мил. 1–3-а.лар).

нинг оддий меҳнаткаш аъзолари «кашоварз», яъни «ерни ҳайдовчи» (қўшчи) деб юритиларди.

Кашоварзлар катта ердор зодагонларга қарам кадиварларга айланиб борди. Олий ҳокимият деҳқонлар табақаси манфаатларини қўллаб-қувватлади. Оқибатда деҳқонлар қўл остида катта мулк ва куч тўпланиб, уларнинг мавқеи ниҳоятда ошиб кетди. Айрим деҳқончилик воҳаларининг катта деҳқонлари ҳатто ўз вилоятларида деярли мустақил ҳоким бўлиб оладилар. Шундай қилиб, мил. 1-миг йиллик ўрталарида қад. Турон аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлган бундай кескин ўзгариш Қанг ва Кушон давлатларининг инқирозга юз тутиб, мамлакатнинг майда давлатларга бўлиниб кетишига сабаб бўлади.

Хоразм давлати. Мил. 3-асрда тобора заифлашиб бораётган Қанг давлати тасарруфидан биринчилардан бўлиб Хоразм ажралиб чиқди. Уни янги маҳаллий афригийлар сулоласига мансуб хоразмшоҳлар идора қила бошлади. Ўз мустақиллигини тиклаб олган Хоразм давлатининг пойтахти дастлаб ҳоз. Тупроққалъа шаҳар харобаси ўрнида бўлган.

Мудофаа жиҳатидан пойтахт ниҳоятда мустаҳкам қурилган эди. У атрофи чуқур ва кенг хандақ б-н ўралган баланд

Тупроққалъа харобаси.





Афригийлар маданияти ёдгорликлари: 1. Ёй ўқининг темир учи; 2. Жездан ясалган буюмлар; 3. Балиқ тасвири туширилган, суюқдан ясалган буюм; 4. Урчуқлар, лойдан ясалган қўйнинг боши ва ёғоч тароқ; 5. Гувалалаги муҳр излари; 6. Оҳадан ва сополдан ясалган оstdaонлар; 7. Нақшли кигиз парчаси; 8. Сопол парчалари; 9. Тегирмон тоши бўлақлари.

тагкурси устига тўртбурчак шаклида (500x350 м) хом гишдан бино қилинган. Баландлиги қарийб 10 м ли ташқи девори қатор нишон туйнуқлар ва мўлалар б-н мустаҳкамланган. Шаҳарнинг умумий майд. 26 га бўлган. Бу даврда Хоразмда гирди мустаҳкам деворлар б-н ўралган мана шундай шаҳарлар, истехкомли қишлоқлар кўп бўлган.

Берунийнинг ёзишича, мил. 305 й.да хоразмшоҳ Африғ ўз қароргоҳини Хоразмнинг қад. пойтахти Кат ш. (ҳоз. Беруний ш. яқини)га кўчиради. Кат қайта тикланиб унинг ёнида жойлашган ва уч қатор девор б-н ўралган Ал-Фил қасри ичиде шоҳ ўзига янги сарой қурдиради. Худди шу вақтлардан бошлаб Хоразмнинг Афригий подшоҳлари қумуш тангалар зарб этиб, мамлакатнинг ички ва ташқи савдо муносабатларида мустақил бўлиб оладилар. Абу Райҳон Беруний ўз

асарида 8-асргача подшолик қилган 21 та Хоразм шоҳларининг номларини келтирган. Ўша даврда зарб қилинган тангалар ва битилган ёзма ёдгорликлар бу исмларнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Хионийлар давлати. 4-а. ўрталарида Ўрта Осиёга шим.-шарқ (Еттисуз ва Шарқий Туркистон)дан келган кўчманчи чорвадор хионийларнинг ҳужуми бошланади. Хионийлар қад. туркий хунну қабилаларига қон-қариндош бўлган, шу боисдан Ғарб муаррихлари уларни эфталийлар («оқ хунлар») деб атайди.

Хионийларнинг Грумбат исми подшоҳи бўлган. Мил. 353 й.да хионийлар Суғдга бостириб киради. Сўнгра улар Эронда ташкил топган ва ўз таъйиқини муттасил Ўрта Осиёда кучайтира бораётган *Сосонийлар давлати* б-н тўқнашади. Жангда Сосонийлар шоҳи Шопур II хионийлардан енгиледи.

4-а.нинг 60-й.лари охири ва 70-й.лари ўртасида шоҳ Шопур II бошлиқ Сосонийлар Амударё ҳавзасига икки марта бостириб келади. Ҳар икки сафар ҳам улар катта талафот кўриб хионийлардан енгиледи. Шундай қилиб, 4-а.нинг 70-й.ларида хионийлар Ўрта Осиёда узил-кесил ҳукмронликни ўрнатишга муваффақ бўладилар. Сирдарё бўйларидан то Амударёга қадар қўзилган кенг майдонда хионийларнинг кучли давлати қарор топади. Бу давлат 120 йилдан ортиқ мавжуд бўлди.

Кидарийлар давлати. 5-а.нинг 20-й.ларида Шарқдан Сирдарё ва Орол бўйлари орқали Хоразм ҳамда Амударё ҳавзасига яна бир кўчманчи чорвадор аҳоли — тохарлар кириб келади. Тохарлар 1—4 а.ларда Кушон подшолиги таркибида бўлиб, Кидар исми ҳукмдор уларга йўлбошчи эди. Шу боисдан манбаларда улар кидарийлар номи б-н тилга олинади. Тез орада кидарийлар Амударё ҳавзаси ҳамда ғарбий ва жан. Суғд ерларини ишғол қилиб, Хионийлар давлатининг жан. қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Амударёнинг сўл томонида жойлашган Балх ш. эса бу янги давлатнинг пойтахти бўлди. Шубҳасиз, Кидарийлар давлатининг географик ҳолати ўз-ўзидан уни икки йирик давлат — Сосонийлар ва Хионийлар давлатлари ўртасида қалқонга айлантирди.

Афтидан кидарийлар хионийлар б-н иттифоқчи сифатида ҳаракат қилган ва ўз тажовузларини Хуросонга томон кенгайтиришга интилган. 5-а.нинг 60-й.ларида қадар улар Сосоний шоҳларининг Шарқдаги асосий душмани бўлиб қолган. Марв воҳасида кидарийлар б-н Сосонийлар шоҳи Баҳром Гўр (Варахран V) ўртасида содир булган жангда шоҳнинг қули баланд келиб, ўз душмани устидан ғалаба қозонади. Бу воқеадан сўнгра кидарийлар мамлақати б-н Сосонийлар давлати ўртасида чегара белгиланиб, Таликон яқинида тошдан чегара минораси ўрнатилади. 456 й.даги жангда кидарийлар катта талафот бериб, Сосонийлардан енгилгач ўзларини қайта ўнглаб ололмаганлар. Айни шу вақтда улар шим. дан Ўрта Осиёга томон силжиган яна бир кўчманчи чорвадор аҳоли — эфталийлар б-н тўқнашади. Натижада кидарийлар жан.га — Шим. Ҳиндистон томон чекиншига мажбур бўлади. Ҳиндистондаги Гупта давлатини ўзига бўйсундириб, у ерда 75 й. ҳукмронлик қилишади.

Эфталийлар давлати. Эфталийларнинг Ўрта Осиёга юриши 5-а. ўрталарида бошланади. Эфталийлар шоҳи *Вахшунвар* 457 й.да Чағониён, Тохаристон ва Бадах-

шонни босиб олади. Сугдада хионийлар ҳукмронлиги ҳам барҳам топади. 5-а.нинг 50-й. ларида Эфталийлар давлати кучайиб кетди.

Бундан хавфсизраган Сосонийлар уларга қарши юриш қилади. Икки ўртадаги жангу жадаллар Перўз ҳукмронлик қилган даврда (459–484) айниқса авжига чиқади. Сосонийлар шоҳи эфталийларга қарши уч марта юриш қилади.

Бироқ бу урушлар Сосонийлар шоҳининг ҳалокати б-н тугайди. Марв ва ундан шарқдаги ерлар ишғол қилиниб, Эрон устига жуда оғир ўлпон юкланади.

Қисқа муддат мобайнида эфталийлар Кобул ва Панжоб водийларини эгалладилар. Сўнгра Урумчи, Қорашаҳар, Кучор, Хўтан ва Кошғар шаҳарлари забт этилади. Натижада, 5-а.нинг 2-ярми ва 6-а. бошларида Ўрта Осиё, Шарқий Эрон, Шим. Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ерларини ягона ҳудудга бирлаштирган қудратли Эфталийлар давлати ташкил топади. Гарчи бу давлат сиёсий жиҳатдан Кушон подшолигига нисбатан унчалик мустақкам бўлмаса-да, аммо майдони жиҳатидан ундан улканроқ эди. Бу буюк давлат Шарқ мамлакатлари, хусусан Ўрта Осиё халқлари тарихида айниқса муҳим роль ўйнади.

Эфталийлар давлатига бирлашган аҳолининг бир қисми кўчманчи чорвалдор бўлса, иккинчи—каттароқ қисми шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ўтроқ аҳоли бўлган. Ўтроқ аҳоли, асосан, зироатчилик б-н шуғулланарди. Тохаристон ва Сугд деҳқончилик ва боғдорчиликнинг маркази ҳисобланарди. Қашқадарё ва Зарафшон водийларида раппадан ташқари, шоли ҳам етиштирилар эди. Хитой манбаларида қайл этилишича, 5–6-а. ларда Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё ерларида кўплаб пахта экилар эди. Унинг толасидан ниҳоятда майин оқ мато тўқилган. Хитой бозорларида бундай матога талаб катта булган. Чунки ўша даврларда Хитойда ҳали пахта экилмас эди.

Аҳолининг даштларда яшовчи ярим кўчманчи қисми чорвачилик, хусусан қўй-эчки ва қорамол боқиш, туячилик, тоғли ва тоғ олди минтақаларида эса йилқиччилик б-н шуғулланар эди. Фарғона водийси эса зотли аргумоқлари б-н машҳур бўлган.

Экинзор ерларнинг каттагина қисми ҳамон қишлоқ жамоалари тасарруфида бўлса-да, аммо сугориладиган ер майдонларининг маълум бир қисми «деҳқон»лар қўлида тўплана бошлаган. Сугориладиган ерларнинг бир қисми ибодатхоналар мулки («вағнзе») эди. Яйловларнинг асосий қисми эса қабил ва уруғ жамоалари ҳамда уларнинг оқсоқол зодагонлари тасарруфида турарди.

Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, 5–6-а.ларда кучманчи эфталий қабилаларининг оммавий равишда ўтроқлашуви кучайган. Натижада сугориладиган ерларга бўлган эҳтиёж ортган. Дарё водийлари бўйлаб катта-кичик сугориш каналлари қазилади. Ирригация техникаси ҳам ривож топади.

Адирларга сув чиқаришда ўша давр учун анча мураккаб саналган гидротехника иншоотлари—чархпаррак, чигир ва б.дан фойдаланилади. Янгитдан ўзлаштирилган ерларда зодагон деҳқонларнинг истеҳкомли кўшклари, ҳашаматли қасрлари б-н бирга меҳнаткаш кўшчиларнинг истеҳкомсиз қишлоқлари ва майда кўрғонлари қал кўтарди. Эфталийлар даврининг ҳашаматли қасрларидан бири Сурхондарёдаги Болаликтепдан топилган. Худди шу даврда Чағониён, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб ва Чоч атрофлари тўла ўзлаштирилиб алоҳида-алоҳида деҳқончилик воҳалари шаклланади. Кейинчалик бу воҳаларда ердор деҳқонларнинг сиёсий мавқеи ошиб, илк ўрта асрларнинг деярли мустақил майда ҳокимликлари ташкил топади. Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги Варахша қасри 5–7-а.ларда бухорхудоғлар — Бухоро маҳаллий ҳукмдорларининг ёзги қароргоҳи эди.

Обод воҳаларни ташқи ёв босқинларидан муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг теварак атрофи бир неча юз чақирим узунликда баланд ва қалин девор б-н ўраб олинади. Илк ўрта асрларнинг бундай муҳофаза иншоотлари кўринишдан қал. Буюк Хитой деворига ўхшар эди. Самарқанд воҳаси атрофини ўраган 12 дарвозали бундай иншоот «Девори қиёмат», Бухоро вилояти гирдини ўраган 336 км ли девор «Канпирак» («Кандипирак») ва Тошкент воҳасининг девори ҳам Кандипирак девор («Кампир девол») номлари б-н маълум.

Бу даврда деҳқончилик воҳаларидаги катта-кичик шаҳарларда кулолчилик, шишагарлик, чилангарлик, бўз тўқиш, саррожлик, заргарлик ва қуролсозлик касб-хунарлари равнақ топади. Илк ўрта асрларда Чочда ясалган ўқ ва ёй («камони чочий»)

бунта Шарқда машҳур бўлган. Бу даврда биргина Зарафшон водийсида Самарқанд ва Бухородан ташқари, Ривдал, Кушония, Дабусия, Хариман, Арқуд, Ромитан, Варахша ва Пойканд каби хунармандчилик ва савдо шаҳарлари мавжуд эди. Айрим маълумотларга қараганда, Пойканд ш. Эфталийлар давлатининг пойтахти бўлган. Хитой манбаларида у «Би» номи б-н тилга олинади. Араблар уни «Мадина ут-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» деб юритар эди.

Ташқи савдо божидан манфаатдор бўлган Эфталийлар бу шаҳарлар орқали ўтган «Ипак йўли»ни ўз назоратлари остида тутиб туришга ҳаракат қилган. Ипак йўли савдоида сосоний савдогарлари б-н рақобатда асосан сугдийлар во ситачилик қиларди.

Халқаро савдо алоқаларининг ривожланиши б-н мамлакатда танга пул муомаласи тартибга солинади; 5-а.да сосоний тангалари мамлакатнинг ички ҳаётида кенг муомалада бўлган. Эфталийлар кейинчалик Сосонийлар шоҳи Варахсан V тангаларига тақлидан қумуш тангалар зарб қилдилар. Булардан ташқари, Бухоро, Пойканд, Нахшаб, Самарқанд ва Хоразмда маҳаллий ҳокимлар томонидан чиқарилган чақа-тангалар мамлакатнинг ички савдоида кенг муомалада бўлган. Бу шубҳасиз, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида маҳаллий ҳокимларнинг катта нуфузга эга эканлигидан далолат беради. Эфталийлар ўртасида табақаланиш ва мулкий тенгсизлик кучли булган. Уларда ўз давлат тузуми, қарор топган қонун ва қоидалари мавжуд эди.

Эфталийлар ўз ташқи сиёсатларида ҳарбий кучга суянганлар. Уларнинг жуда кучли кўшини бўлган.

6-а. Византия тарихчиси Прокопийнинг ёзишича, эфталийларнинг қонуний давлати подшоҳи мутлақ томонидан бошқарилган. Хионий ва кидарийларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши



Эфталий подшоҳлари Турмон ва Михиракула олтин тангалари. 6-а.



Зардуштий маъбудаси тасвирланган остон булаг. Иштихон.

ҳамда Эфталлийлар давлатининг ташкил топиши маҳаллий аҳолининг маданий ҳаётига ҳам маълум даражада таъсир этди. Асрий маданий анъаналари кучли бўлган Тохаристон ва Суғда кўчманчилар тез орада ўтроқлашиб, маҳаллий аҳоли б-н қоришди ва унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этди. Кўчманчиларнинг таййиқи остида ўтроқ ҳаётнинг маданий анъаналари дашт удумлари б-н омукталашиб, илк ўрта асрларнинг ўзига хос маданияти шакллана бошлади. Бундай ўзгаришлар айниқса бинокорлик, меъморлик ва тасвирий санъатнинг айрим жабҳаларида кўпроқ намоён бўлди.

4-а.нинг 2-ярми—5-а.да мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаётида содир булган кескинлик, айниқса, мудофаа иншоотларига кучли таъсир кўрсатди. Самарқанд, Бухоро, Нахшаб ва Чоч каби деҳқончилик воҳаларида баланд тагкурси устига бино қилинган кўплаб истеҳкомли қасрлар ва деҳқон қўрғонлари қад кўтарди. Нахшаб воҳасидаги Заҳхоки Морон қалъаси, Бухородаги Шаҳри Вайрон ва Хоразмнинг Кат.ш.даги Фил (Фир) қалъалари шулар жумласидандир.

Бу давр бинокорлиги ва меъморчилигида айниқса қасрлар алоҳида ўрин тутган. Уларнинг айримлари икки қаватли бўлиб, юқорисига махсус қия кўтарма (пандус) орқали чиқилган. Қаср ичида шипи текис, гумбазсимон ва равоксимон ёпилган бир қанча хоналар бўлган. Кўпинча унинг марказий қисмида гирди йўлаксимон узун хоналар б-н ўралган миёнсарой-меҳмонхона ёки ибодатхона бўлиб, хона саҳнида девор бўйлаб кенггина супалар, марказида эса оташгоҳ бино қилинган. 5-а. охиридан бинокорликда пишиқ гишт ҳам ишлатила бошлаган. Бу даврда пишиқ гиштли сарой ва ибодатхоналарнинг саҳнини тўшашда фойдаланилган.

Болаликтепа қасри деворларидаги тасвирлар эфталлийлар даври тасвирий санъати ҳақида бой маълумот беради.

Маълумки, эфталлийлар сиёсий жиҳатдан жуда кўп қабилаларни бирлаштир-

ган. Шаҳарларда несториан-христиан ва яҳудий жамоалари ҳам мавжуд бўлган. Айрим вилоятларда эса, ҳатто Моний ва Маздак таълимотлари тарқала бошлаган эди. Ўрта Осиё зардуштлари Ноҳид, Митра ва Сиёвуш каби маҳаллий маъбудаларга ҳам сиғинган. Наврўз кuni Бухоро оташпарастлари Сиёвуш қабри устида хўроз сўйиб қурбонлик қилардилар.

Географик жиҳатдан бир-бирдан узоқда жойлашган вилоятларнинг аҳолиси, турли тилларда сўзлашган. Чорвалор аҳоли ўртасида шубҳасиз, туркий тил устувор бўлган. Ўтроқ аҳолининг каттагина қисми сугдийча сўзлашган. Араблар истилосига қадар сугд тили ва ёзуви Еттисув ва Фарғона орқали Шарқий Туркистонга кириб, Хитойгача етиб боради.

Бу даврда қўшни мамлакатлар — Хитой, Ҳиндистон ва Эрон б-н иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайиб борди. 5-а.да ўртаосиёлик шишагарлар Хитой хунармандларига рангли шиша ва шиша буюмлар ясашни ўргатадилар. Ўрта Осиё шишаси рангдорлиги, ярқироқлиги ва тиниқлиги жиҳатидан Византия шишасидан устун турган. Хитой императорлари ўз саройларини безашда Ўрта Осиёдан олиб кетилган рангли шишадан фойдаланганлар. Шундай қилиб, эфталлийлар даврида Ўрта Осиё аҳолисининг маданий анъаналари қўшни мамлакатлар, хусусан, Ҳиндистон ва Эрон сосонийларининг тасвирий услублари б-н омукталашиб илк ўрта асрлар маданиятининг шаклланишида мустаҳкам пойдевор бўлди.

Манбалар: Авесто (М.Исҳоқов таржимаси), Т., 2001; Геродот, История: В 9 кн. (пер. и примечания Г.А.Стратановского), Л., 1972; Биçурин Н.Я. (Иакинф), Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена, М.; Л., 1950—1953; История Узбекистана в источниках (сост. Б.В.Лунин), Т., 1987.

Ад: Аҳмедов Б. А., Узбекистон халқлари тарихи манбалари, Т., 1991; Асқаров А., Узбекистон тарихи (энг қад. даврлардан эрамининг V асригача), Т., 1994; Азамат

Зиё, Узбек давлатчилиги тарихи, Т., 2000; Вайнберг Б. И., Ставиский Б. Я., История и культура Средней Азии в древности, М., 1994; Ртвеладзе Э. В., Великий шелковый путь, Т., 1999; Сагдуллаев А. С., Қадимги Узбекистон илк ёзма манбаларда, Т., 1997; Толстов С. П., По следам древнехорезмийской цивилизации, М.—Л., 1948; Шониезов К., Қанг давлати ва қанглилар, Т., 1990; Фуломов Я. Ф., Хоразмнинг сугорилиш тарихи, қадим замонлардан ҳозиргача, Т., 1959.

ТУРК ХОҚОНЛИГИ

5-а.нинг 2-ярми — 6-а.нинг 1-ярми-ларида Олтой ва Жан. Сибирда Ашина қабиласининг ябгулари Асаншод, Туу ва Буминлар бошчилигида туркий қабилаларнинг иттифоқи вужудга келади. Қад. турк манбаларида бу иттифоқ «турк», «туркэл», «туркют» ва «турк будун» каби номлар б-н тилга олинган. Хитойликлар Ашина қарамоғидаги одамлари «*тукю*» деб атайдилар. «Турк» сўзининг луғавий маъноси «кучли, чидамли» демакдир (қ. *Турк*). 5-а.да Ашина теварагига тўпланган ўрда аскарлари «турк» номи б-н аталган бўлсалар, 6 — 7-а.ларда фақат турк тилида сўзлашадиган аҳоли шу ном б-н аталарди.

6-а. ўрталарида Бумин бошлиқ турк иттифоқи теле қабиласини ўзига бўйсундиргач, Марказий Осиёдаги энг кучли Жужан хоқонлигига қақшатқич зарба беради. 551 й.да Бумин «хоқон», яъни ҳукмдор унвонига муяссар бўлиб, Турк хоқонлигига асос салади. Олтой хоқонлигининг маркази бўлиб қолди (қ. *Бумин хоқон*).

Ҳукмронликни мустаҳкамлаб олгач, Бумин ва унинг укаси *Истами* хоқонлик чегараларини кенгайтиришга киришади.

Қисқа вақт ичида Енисей дарёси бўйларида яшовчи қирғизлар ва шу атрофдаги бошқа халқлар жан.-гарбий Манжуриянинг мўғул қабилалари—киданлар бўйсундирилади. Шим. Хитой вилоятлари босиб олиниб, Хитой императори турклар б-н сулҳ тузишга, кейинчалик эса ҳатто йилга 100 минг тўп ипак мато ҳисобида хоқонликка ўлпон тўлаб туришга мажбур бўлади.

Турклар фарбга томон Истами бошчилигида шиддатли юриш қилди. Истамига «Ябгу хоқон» унвони берилди. Тез орада Еттисув ва Шарқий Туркистонга туташ юртларда яшовчи нушиби, дулу ва туркаш каби туркий қабилалар бўйсундирилади.

555 й. даёқ турклар Шарқий Туркистоннинг обод деҳқончилик вилоятларининг каттагина қисмини ва бой хунар-

мандчилик шахарларини ҳамда Сирдарё ва Орол денгизи бўйларигача чўзилган кенг дашт минтақасини бутунлай эгаллаб олади, хоқонлик ҳукмронлиги Хоразмга ҳам ёйилиб, унинг чегараси Эфталийлар давлати ерларига бориб туташади.

558 й. турклар Ёйиқ (Урал) ва Итил (Волга) бўйларига чиқиб, ундан ғарбда ва Шим. Кавказда бепоён ерларни эгаллаб олган аварлар б-н тўқнашади. Ғарбдаги душманларга узил-кесил зарба бериш мақсадида турклар Эрон ва Византия б-н алоқа ўрнатишга интилади. Турклар тазйиқи оқибатида бу даврда юзага келган қулай вазиятдан фойдаланиб Сосонийлар Тохаристон, Зобулистон, Кобулистон ва Чағониённи эфталийлардан тортиб олади. Бундай вазият шубҳасиз, ўз-ўзидан туркларни аввал Эрон, сўнгра Византия б-н яқинлаштиради. Эрон эфталийларга бож тўлашдан қўтилади. Узоқ вақт эфталийлар тазйиқда яшаган Сосонийлар бу давлатнинг тамомила барбод бўлишидан манфаатдор эди.

Хусрав I Ануширвон (531—579) ташаббуси б-н юзага келган ўзаро ҳарбий иттифоқ Эрон шоҳининг Истамига қувё бўлиши орқали янада мустақамланади.

Византиянинг аварларга ҳомийлигини тўхтатишга императорни кўндириш мақсадида 563 й.да Турк хоқонлиги элчилари Константинополь ш.га етиб боради. Элчиликка нушиби қабиласининг бошлиғи Эскил раҳбарлик қилади.

Ўша йили Эрон аскарларининг Балхга ҳужуми кўмағида турклар Эфталийлар давлати ерларига бостириб қиради. Парак (Чирчиқ) воҳаси ва унинг маркази Чоч ш. олинади. Сўнгра Сирдарёдан ўтиб, Зарафшон воҳасига кириб борадилар. Самарқанд, Кеш ва Нахшабни эгаллаб, сўнгра Бухорога яқинлашадилар. Бухоро яқинида саккиз кун давом этган шиддатли жангда эфталийлар қўшини турк хоқонлигидан енгилди.

Шундай қилиб, Эфталийлар давлати бир асрдан ошиқроқ ҳукмронликдан сўнг тамомила барбод бўлди. Натижада мағлуб давлатнинг мероси ўзаро бўлиниб, Амударёнинг жан. қирғоқларигача бўлган вилоятлар Эронга, унинг шим. соҳиллари бўйлаб Каспий денгизигача чўзилган ерлар Турк хоқонлиги тасаруфига ўтади.

Эрон б-н олиб борилган элчилик муносабатлари муваффақиятсиз тугайди. Шундан сўнг турклар Византия б-н ҳарбий иттифоқ тузиб, Сосонийларга қарши юриш бошлашга қарор қиладилар.

568—569 й.ларда Турк хоқонлиги Константинополга император Юстин II

саройига ўз элчиларини юборади. Элчиликка машҳур суғд савдогари Маниах бошлиқ қилиб тайинланади. Унга Истамининг император номига ёзган махсус мактуби б-н кўпгина қимматбаҳо ҳадялар топширилади. Византия б-н ҳарбий иттифоқ тузиш ва бевосита савдо алоқалари ўрнатиш каби вазифалар юкланади. Турк элчилари Каспий денгизининг шим. соҳиллари ва Кавказ тоғлари орқали Константинополга етиб борадилар.

Византия б-н Турк хоқонлиги ўртасида Эронга қарши ҳарбий иттифоқ тузилади. Қайтишда Маниах б-н турклар мамлакатига Земарх бошлиқ жавоб элчилиги юборилади. Византия элчисини хоқон Тангритоғ (Тяньшан)нинг Олтинтоғ этагигади ўрдугоҳида қабул қилади.

Бироқ кўп вақт ўтмай Византия б-н муносабат жиддийлашади. Турклар Юстин II нинг аварлар б-н олиб борган тинчлик алоқаларини иттифоқликка хиёнат деб, ундан ранжийди. 575—576 й.ларда улар Киммерий Босфорини (Керчь бўғози атрофлари) эгаллаб, Қрим я.о.гача кириб боради. Кейинчалик Византия ва хазарлар кўмағида турклар бир неча бор Эронга қарши лашкар тортадилар, 588 й.да улар Ҳирот ш. яқинида сосоний Ҳўрмузд IV нинг машҳур саркардаси Баҳром Чубиндан енгилди. Жангда турк хоқони ҳалок бўлади.

Шундай қилиб, 6-а.нинг 70—80 й.ларида Енисейнинг юқори оқимидан то Амударё бўйларигача, Манжуриядан то Киммерий Босфоригача чўзилган улкан майдонда аҳолиси аксари кўчманчи чорвадор қабилалардан иборат Турк хоқонлиги ташкил топди.

Турк хоқонлиги чинакам марказлашган давлат эмас эди. Унинг асоси туркий қабилаларнинг иттифоқидан иборат бўлган. Бу иттифоқни хоқон бошқарар эди. Ҳукмдорнинг ҳокимияти уруғаймоқ удумларига таянган ҳарбий-мамурий бошқарувга асосланган.

Мамлакат аҳолиси кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқонлардан иборат эди. Кўчманчи чорвадор аҳоли будун ёки қора будун (қора халқ) деб аталарди.

Будун ўз навбатида қабилалар иттифоқи бирлашмасини ташкил этарди. У ўн ўқ будун ёки ўн ўқ эл деб юритиларди. Ўн ўқ будун ўки элнинг ҳокими «ябғу» ёки жабғу номи б-н аталарди. Ябғу даражасига фақат хоқон уруғига мансуб бўлганлар кўтариларди. Шу боисдан баъзан у ябғу хоқон деб улуғланарди. Ўн ўқ будун, ўз навбатида, беш ўқ бирлашмаси асосида шарқий ва ғарбий қанотга бўлинарди. Шарқий қанот ўқлари чўр, ғарбий қанот ўқлари — эркин деб атал-

ган ва қабилла сардорлари томонидан бошқарилган.

Хуллас, элнинг қабилавий асосда таркиб топган, ҳарбий бўлинмалардан иборат икки қанотга бўлиб бошқарилиши ўтмишда кўпгина йирик туркий қабилавий иттифоқларга хос эди. Ҳарбий юришлар вақтида улар пухта бошқарув тартибларига эга бўлган катта жанговар кучга айланиб, ҳар қандай йирик давлатни ҳам даҳшатга соларди.

Дастлабки даврда турк хоқонлари мамлакатнинг ўтроқ аҳоли яшайдиган обод вилоятларини кўчманчилар ихтиёрига топширсалар-да, аммо эфталийлар каби аҳолини дастлаб ички ҳаётига деярли аралашмайдилар. Манбалардан маълум бўлишича, 6-а.да Чирчиқ, Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё воҳаларида майда ҳокимликлар мавжуд эди. Уларнинг иқтисодий ва сиёсий бошқаруви ерли сулола ҳукмдорлари қўлида қолдирилиб, турклар улардан фақат божу ясоқ ундириб олиш б-н чекландилар. Бунинг эвазига хоқонликнинг кучли қўшинлари деҳқончилик воҳалари чегараларини ташқи ҳужумлардан мудоффа қиларди.

Бироқ мамлакат бошқарувида уруғаймоқчилик удумларининг куччилиги хоқонликнинг сиёсий жиҳатдан мустақамланиб, унинг марказлашувига тўсқинлик қиларди. Қолаверса, содагонларнинг сиёсий маъқеи орта борди, бу эса уларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари кучайишига олиб келди.

6-а. охирларида бошланган ўзаро қабилавий урушлар ва сулолавий курашлар оқибатида Турк хоқонлиги 603 й.да икки мустақил давлатга ажралиб кетади. Улардан бири Мўғулистонда ташкил топган Шарқий турк хоқонлиги, иккинчиси эса, Ўрта Осиё, Жунгария ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини ўз тасаруфига олган Ғарбий турк хоқонлиги эди.

Ғарбий хоқонликнинг маркази Еттисув эди. Хоқоннинг ёзги қароргоҳи Мингбулоқда (Исфижоб яқинида), қишкиси — Суёб ш.да (Чу дарёси юқори оқими соҳилида) бўлган. Суёбнинг шарқий томонида дулу қабиласининг беш ўқ будун иттифоқи, ғарбида эса нушиби қабиласининг беш ўқ эл иттифоқининг кенг яйловлари жойлашган эди. Ғарбий хоқонлик ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан Шарқий хоқонликдан кескин фарқ қиларди. Шарқий хоқонлик аҳолисининг асосий қисми чорвадор-кўчманчи бўлган. Ғарбий хоқонлик аҳолисининг каттагина қисми эса ўтроқ-деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик б-н машғул эди.

7-а.нинг 1-чорагида Ғарбий хоқонлик ниҳоятда кучаяди. Унинг шарқий чегара-

си Олтойга, жан-да эса Хинд дарёси бўйларига бориб тақалади. Хоқон Тун ябғу ҳукмронлик қилган йилларда бошқарув тартиблари ислоҳ этилади. Ўтроқ аҳолини вилоят ҳокимларини хоқонлик маъмурияти б-н бевосита боғлаш ва улар устидан назоратни кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳукмдорларга хоқонликнинг ябғу унвони берилиб, улар хоқоннинг ноибига айланадилар. Натижада Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Тохаристоннинг деярли мустақил ҳокимликлари устидан сиёсий назорат кучайтирилиб, улар ҳузурига хоқонликнинг вакиллари — тудунлар юборилди. Тудунлар вилоятларда божу ясоқларни жамғариш устидан назорат қилар ва уларни хоқон қароргоҳига жўнатиш б-н шуғулланарди.

Бироқ хоқонликнинг ҳарбий-маъмурий таянчи ҳисобланган дулу ва нушиби каби қабила уюшмалари зодагонлари ўртасида ҳокимият учун тобора кучайиб борган кураш оқибатида Фарбий турк хоқонлиги заифлашиб, бўлиниб кетди. Вазиятдан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси қўшинлари 657—659 й.ларда Етгисувга бостириб киради. Натижада хоқонлик хитойларга қарам бўлиб қолади. Фарбий туркларнинг уларга қарши муттасил кураши натижасида 7-а. охирига келиб хоқонлик мустақилликни тиклаб олади. Чочдан то Бешбалиқ ва Турфонгача бўлган вилоятларда дулу қабила иттифоқидаги туркашлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Янгитдан тикланган бу турклар давлати тарихда Туркашлар хоқонлиги номи б-н юритилади. Кейинчалик Туркашлар хоқонлиги Шарқда ярим асрда ортиқроқ вақт давомида Тан империясининг боқинларини даф этиб, Хитой қўшинларини Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ерларига бостириб киришларига йўл қўймайди. Фарбда эса Мовароуннаҳрга жадал босиб келаётган янги ганим — Араб халифалиги лашкарларига қарши Бухоро, Суғд ва Чоч аҳолиси б-н бир сафда туриб шиддатли жангларда қатнашади.

Хўжалик ва ижтимоий ҳаёт. Турк хоқонлигига бирлашган аҳолининг ижтимоий ҳаёти ҳам, хўжалиги ҳам турлича эди. Кўчманчи чорвадор туркларда уруғ-жамоачилик анъаналари кучли эди. Қабила ва уруғ жамоаларининг негизи катта оилалардан иборат бўлган. Бундай патриархал оилада баъзан уй қуллари сақланган. Жамоада тобора қулларнинг кўпайиб бориши б-н синфий муносабатлар таркиби топа бошлади. Кўчманчиларнинг асосий қисми камбағал чорвадор ва овчилар эди. Улар ўз уруғи ва қабиласи доирасида оқсуяк табақага тобе ҳолда яйловма-яйлов кўчиб яшарди.

Мамлакат будунлар яшайдиган бир қанча элларга бўлинган эди. Элларни ҳарбий зодагонлардан чиққан беқлар бошқарарди. Эллар жойлашган кенг яйловлар хоқон ва беқларнинг қариндошуруғларига бўлиб берилган эди. Давлатни бош ҳукмдор — хоқон (қаған) бошқарган.

Кўчманчиларнинг асосий машғулот ичирвачилик бўлган. Йилқичиликка катта аҳамият берилган, туячилик ҳам муҳим ўрин тутган. Зодагонлар кўп хусусий чорва, олтин-кумуш буюмлар, қул, чўри ва хизматкорларга эга бўлган.

Фарбий турк хоқонлиги ерларининг Етгисув ва унинг теварак-атрофидаги воҳаларида ўтроқ деҳқонлар истиқомат қиларди. Шаҳар аҳолиси хунармандчилик ва савдо-сотик ишлари б-н шуғулланарди. Кулолчилик, тўқимачилик, саррожлик (от-арава абзаллари ясаш), мискарлик, чилангарлик, темирчилик ва заргарлик анча-мунча ривож топган эди. Шаҳарларда хунармандчиликнинг ривожига турклар катта таъсир кўрсатадилар. Бу жойларда Суғддан келиб ўрнашиб қолган аҳоли ҳам кўп эди. Деҳқончиликда асосан дон экинлари: бугдой, арпа, шоли ва тарик экиларди. Пахта, беда экиш, тоқчилик, боғдорчилик ва тут кўчатлари ўтқазини ҳамда уй ҳайвонларини боқиш б-н шуғулланарди. Турклар саррожлик, металл рудаси қазиб олиш ва ундан айниқса қурол-яроғ ва зеби-зийнат ясашда жуда моҳир эдилар. Фарғона ва Суғдда олтин, мис, темир ва симоб, Элоқда қўроғшин, кумуш ва олтин қазиб олинарди. Бу даврда айниқса Суғд савдогарларининг мавқеи баланд бўлган. Хоқон савдо аҳлини рағбатлантирарди, чунки хоқон бошлиқ турк зодагонлари ташқи савдодан катта фойдага эга бўлар эди. Эрон б-н муносабатларнинг кескинлашуви оқибатида бу даврда қарвон йўллари жангдан шим.га томон кўчган эди. Фарбий Осиё ва Эрондан келган қарвонлар Марв, Омул, Пойкент, Бухоро, Самарқанд, Чоч, Исфижоб, Талас ва Суёбни босиб ўтиб, ундан Шарқий Туркистон воҳаларига йўл оларди. Савдо йўли бўйлаб суғдийларнинг қасабалари жойлашган эди.

7-а.нинг 1-ярмида Фарбий турк хоқонлиги б-н Хитой ўртасида иқтисодий алоқалар ривожланди. Бу даврда Хитойга тўққиз маротаба савдо элчилиги юборилди. Биргина 627 й.нинг ўзида Бухоро, Самарқанд, Иштихон ва Уструшондан бирлашган жуда катта савдо қарвони Хитойга етиб боради.

5—6-а.ларда Ўрта Осиёда ер ва сувдан ажралиб қашшоқлашиб бораётган озоқ зироаткор қашқоварлар зодагон деҳқон-

лар асоратига тушиб, қарам қадиварларга айланади. Қашшоқлик, жабр-зулм ва деҳқонлар асоратига қарши аҳоли бош қутаришга мажбур бўлади. 6-а.нинг 80-й.ларида Бухоро воҳасида шундай халқ ҳаракати бўлиб ўтган (қ. *Абруй қўзғолони*).

МОВАРОУННАХРНИНГ ИЛК ЎРТА АСР ДАВЛАТЛАРИ


6—8-а.ларда мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан заифлашуви уни бир қанча майда илк давлатларга бўлиниб кетишига сабаб бўлади. 5—6-а.лардаёқ Ўрта Осиёнинг айрим вилоят ва воҳаларида йирик шаҳарларга таянган қатор мустақил давлатлар ташкил топган эди. Бундай давлатлардан энг йириклариди Суғдда ихшидлар, Тохаристонда маликшоҳлар, Хоразмда хоразмшоҳлар, Чоч ва Илоқда тудун ва деҳқонлар, Фарғонада ихшидлар ҳукмронлик қилардилар.

5—7-а.ларда бу майда давлатлар, аввалда эфталийлар, сўнгра Турк хоқонлигига бўйсундирилган бўлса-да, аммо эфталийлар ҳам, турклар ҳам уларнинг ички ҳаётига деярли аралашмайдилар. Марказий ҳокимиятга бож тўлаб туриш б-н улар ўз мустақилликларини маълум даражада сақлаб қолади. Бу давлатларнинг ҳукмдорлари ўз атрофидаги мулкдор зодагон деҳқонлар ва уларнинг ҳарбий чокарларига таянарди. Улар орасида энг йириги Суғднинг илк ўрта аср ҳокимликлари уюшмаси эди. Бу иттифоққа Зарафшон ва Қашқадарё водийларида жойлашган Самарқанд, Маймурғ, Иштихон, Кушония, Вардона, Бухоро, Кеш ва Нахшаб мулклари бирлашган. Бу мулкларнинг ҳар бири ўз ҳокими ва ҳарбий чокарларига эга бўлган. Уларнинг кўпчилиги Самарқанд ихшидига тобе бўлса-да, аммо Бухоро, Кеш ва Нахшаб деярли мустақил эди. Ҳатто улар ўз танга пулларини зарб қиларди. Самарқанд ихшиди саройида аждоқлар руҳига атаб қурбонлик қилиш учун махсус ибодатхона бино қилинган. Унда ўтказилдиган ҳар йилги диний маросимларда вилоят ҳукмдорларининг барчаси қатнашарди. Ёзма ва археологик манбалардан маълум бўлишича, Суғд ҳукмдорлари Ўрта Осиё ва ундан ташқаридаги давлатлар б-н элчилик алоқалари олиб борган. Мас., Афросиёбда очилган деворий расмларда Суғд ҳокими Вархуманининг Чағонён, Чоч ва Хитойдан келган элчиларни қабул қилиш маросими тасвирланган.

Суғдда аҳоли жуда гавжум яшарди. Суғдийлар хунармандчилик, савдо-сотик, деҳқончилик ва боғдорчилик б-н

шуғулланардилар. Улар хусусан тоқчиликда омилкор эдилар. Суғд ерлари Дарғом, Наҳрипой, Харкон каби йирик анҳорлардан суғориларди. Деҳқончиликда галла, пахта ва шоли экиларди. Суғд пахтасидан тўқилган сурп ва бўз матолардан нафақат суғдийлар, балки дашт аҳолиси ҳам фойдаланарди. Узум ҳосилининг бир қисмидан мусаллас тайёрланарди. Савдо карвони б-н олиб борилган Самарқанднинг зарғалдоқ шафтолиси Хитой пойтахтида «Самарқанднинг олтин шафтолиси» номи б-н донғи кетган эди. Чорвачиликда қўй, эчки ва қорамол, йилқи, хачир, эшак ва туя боқиларди. Айниқса Суғднинг ҳисори қўйлари ва тулпорлари жуда машҳур эди. Бухоро, Кеш ва Маймурғ яйловларидан уюр-уюр йилқилар муттасил Хитойга ҳайдаб бориларди.

Суғд шаҳарларида бу даврда ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, кулолчилик, кўнчилик, чилангарлик, темирчилик ва заргарлик соҳалари ривож топди. Темирдан ҳўжалик асбоблари ва уй-рўзгор буюмларидан ташқари, қурол-яроғлар (шамшир, ханжар, табар, гурзи, совут, қалқон ва дубулғалар) ясаларди. Ҳатто Хитойда 718 й.да суғдийлар ҳада тариқасида юборган дубулғадан нусха олганлар. Суғд тоғларидан олтин, мис, новшадил ва ялама тузлар қовлаб олинган. Суғддан Жан. Сибирь, Олтой ва Хитойга қимматбаҳо тошлар ва зеб-зийнат, мато ва дориворлар олиб чиқиларди. Ўша замонда Суғдда бола беш ёшга тўлгач, уни ўқиш-ёзишга ва ҳисобга ўргатар, балоғатга етгач, уни савдо карвонларига қўшиб тижорат савфарларига юборардилар.



Суғд ҳужжати. Муг тоғи.



Бухорхудотлар тангаси. Дирҳам. 7-а.

Илк ўрта аср давлатларидан яна бири Тохаристон эди. У Амударёнинг юқори ҳавзасида, яъни ҳоз. Сурхондарё вилояти, Тожикистоннинг жан. ва Шим. Афғонистон ерларида жойлашган эди. Шим. чегараси «Темир Дарвоза» (Шаҳрисабз — Термиз оралиғидаги Бўзғалахона тоғ дараси)дан ўтган. Подшоҳи малик (Табарида-ябғуя) аталган. Бу мустақил давлат Хутталон, Чағониён, Термиз, Бадахшон, Қабодиён, Вахш, Шуман, Вахон каби 27 тоғли ва тоғ олди вилоятларни бирлаштирган. Уларнинг ҳар бирини уз ҳоқими ва чокарлари бўларди. Мас., Чағониён вилоятининг ҳоқими чағонхудот, Термиз ҳукмдори термизшоҳ, Хутталонники — малик ёки шери хутталон деб юритиларди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг энг кучли ва нуфузлиси Хутталон, Шуман, Қабодиён, Шўғнон ва Вахон вилоятларининг ҳоқимлари бўлиб, улар ҳарбий кучлар зарур бўлган пайтларда 50 минггача чокар тўплай олардилар. Тохаристонни аввал эфталлийлар, сўнгра Турк хоқонлиги бўйсундирди. Манбаларда таъриф этилишича, 7—8-а.ларда Тохаристон аҳолиси Будда динига сиғинган.

Чочда зарб қилинган танга намуналари (7—8-а.лар): 1—6-Чоч ҳоқимлари тангалари; 7—10-Қабарна ҳоқимлари тангалари; 11—13-Фаранкат ҳоқимлари тангалари; 14—16-номаълум ҳоқимлар тангалари; 17—21-Чочнинг номаълум кичик мулкдор ҳоқимлари тангалари



Тохаристонда қадимдан кончилик тараққий топган эди. У ер ноёб фойдали қазилмаларга бой бўлган. Биргина Бадахшоннинг ўзидан лаъл, ложувард, ақиқ каби қимматбаҳо тошлар ва олтин, темир ва мис рудалари қазиб олинарди. Чокарлари камон, гурзи, чўқмор, ханжар ва шамшир б-н қуролланган. Жангчилар Балхда тайёрланган совутларни кияр эди. Шишасозлик ҳам анча ривож топган. 8-а. бошларида Тохаристондан Хитойга олиб чиқилган қизил ва зумрад рангли шишалар хитойларни лол қолдирган. Тўқимачилик ҳам юксак даражада бўлган. Ип, жун ва ипакдан рангли, гулдор ва йўл-йўл матолар тўқиларди.

Тохаристон жуда кўп мамлакатларга элчилар юбориб, улар б-н савдо алоқалари олиб борган. Четга кўплаб қимматбаҳо тошлар ҳам чиқарилган. Машҳур Бадахшон лаъли эса юқори баҳоланган. Хутталондан зотдор йилқилар олиб чиқилган. Тохаристон дори-дармонлари эса Хитойда жуда қадрланган. Бу давлат вилоятларида Суғд тангаларига тақдидан сўқилган ўз пуллари ички савдо муомаласида юрган. Тохаристоннинг пойтахти қадимдан Балх ш. бўлган.

Хуллас, Тохаристон мустақил давлат бўлса ҳам, лекин марказлашмаган эди. Чунки унинг ҳар бир вилоятини ўзининг ворисий сулоласига мансуб ҳоқимлари бошқарарди. Ҳатто уларнинг ҳар бири

ўзга юртларга элчилар юборарди. Шундай қилиб, Тохаристон илк ўрта асрларда ташкил топган майда давлатлар уюшмасидан иборат эди.

Бу даврда Фарғона водийсида яна бир давлат ҳукм сурарди. Бу мамлакат ҳақидаги дастлабки ёзма маълумот Хитой элчисининг мил. ав. 128 йилга оид ҳисоботида *Даван* шаклида учрайди. Фарғона номи эса 5-а.дан маълум. Унинг подшолари — деҳқон, айни вақтда форсча ихшид деб аталган, пойтахти — Кува ш., кейинроқ Ахсикат ш. бўлган. Фарғона шим.дан Еттисув, ғарбдан Чоч ва Илоқ, жан.-ғарбдан Суғд, жан.дан Тохаристон ва шарқдан Шарқий Туркистон вилоятлари б-н чегарадош бўлган. Хитой манбаларида таърифланишича, Фарғона ерлари жуда унумдор, аҳолиси (қарийб 300 минг киши) деҳқончилик (ғўза ва шолikorлик) ва боғдорчилик (токчилик, мевачилик) б-н шуғулланган. Косон, Ахсикат ва Кубо каби йирик шаҳарларида хунармандчиликнинг турли соҳалари ривож топиб, унинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда жуда харидорғир бўлган. Фарғонада темирдан буюмлар ясаш мил. ав. 1-минг йиллик ўрталаридаёқ кенг тарқалган эди. Кўшни мамлакатларга арғумоқлар, бўёқ, рангдор шиша буюмлар ва доридармонлар чиқарилган.

Шундай қилиб, 6–8-а.ларда Фарғона деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик хўжаликлари ҳамда ички ва ташқи савдо ривож топган мустақкам иқтисодий пойдеворли ўлка эди. Унинг стратегик жиҳатдан қулай географик ўрни, мустақкам мудофаа иншоотлари б-н таъминланган Косон, Ахсикат, Кубо каби йирик шаҳарлари, тоғ қалъалари, водий бўйлаб жойлашган истеҳкомли қўрғонлари туфайли бу диёр кучли ҳарбий мудофаа имкониятга эга эди. Илк ўрта асрларда Фарғона Ўрта Осиёнинг сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган кучли давлат бўлган.

5–7-а.ларда Чирчиқ дарёси водийсида Чоч ҳамда Оҳангарон дарёси водийсида *Илоқ* (Элоқ) аталмиш иккита мустақил давлат мавжуд эди. Чочнинг пойтахти Чочкант ш. (*Мингўрик* шаҳар харобаси) бўлиб, подшоҳи тудун деб юритиларди. Хитой манбаларида Чоч вилояти Шя ва Чжеши номлари б-н маълум. Илоқнинг пойтахти *Тункат*, ҳокимлари деҳқон деб аталарди. 5-а.да Чоч вилояти Эфталийлар давлатига, 6-а.да эса Ғарбий Турк хоқонлигига бўйсундилади. 8-а. бошида Чоч б-н Илоқ бирлашиб ягона давлатга айланади ва ўз мустақиллигини тиклаб олади. Чоч ва Илоқ

шим. ва ғарб томондан Ғарбий Турк хоқонлиги, шарқдан Фарғона ва жан.дан Уструшона б-н чегарадош эди.

Чоч ва Илоқ сертармоқ хўжаликка эга бўлиб, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, айниқса кончилик, ички ва ташқи савдо ривожланган эди. Илк ўрта асрларда Чирчиқ дарёсидан Зоғарик, Бўзсув, Анҳор ва Кайковус каби йирик суғориш тармоқлари қазиб чиқарилиши б-н Чочнинг экин майдонлари кенгайди. Бу даврда Чоч воҳасида сертармоқ суғориш шохобчалари мавжуд бўлган. Деҳқончиликда кўпроқ арпа, буғдой ва тарик экиларди. Айниқса Чочнинг пойтахт шаҳри атрофлари обод эди. Унда 50 дан ортиқ катта-кичик истеҳкомлар, деҳқон қўрғонлари ва кўшклари, обод қишлоқлар қад кўтарган эди.

Чоч ва Илоқ тоғлари олтин, кумуш, қўрғошин каби рангли металлларга, темир ва чақмоқтошларга бой эди. Бу табиий бойликлар туфайли қадимда бу ўлкада кончилик ва унга асосланган хунармандчилик ривож топади. Чатқол ва Курама тоғларида жойлашган Кўҳисим, Лашкарак ва Кони Мансурдан кумуш; Қўшбулоқ ва Қизилорма конларидан олтин ҳамда Унгурикон ва Оқтупроқ конларидан эса феруза қазиб олинарди.

Рангли ва нодир металл конларининг яқинлиги, айирбошлаш бозори бўлган кўчманчи чорвалдорлар даштининг Чоч ва Илоққа туташиб кетгани, мамлакатлараро ташқи савдо алоқаларини боғловчи карвон йўлини ўлка орқали ўтиши Чоч ва Илоқда ички ва ташқи савдо кенгайиб, шаҳарларнинг ривожланишга имкон берди.

Чочнинг моҳир усталари металллардан қурол-яроғ, уй-рўзғор буюмлари, олтин ва кумушдан зеб-зийнатлар ясаганлар, тери ошлаб, чарм пишириб, пахта ва жундан мато тўқиб, сопол ва шиша идишлар ясаб, ички ва ташқи бозорни хунармандчилик маҳсулотлари б-н таъминлаганлар. Чочдан четга олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, ғалла, қуруқ мева ва йилқилар чиқарилган.

Шаҳар аҳолисининг бир қисми савдо ишлари б-н машғул бўлган. 6–8-а.ларда Шарқий Туркистон б-н савдо-сотик қилишда чочликлар Самарқанд ва Бухоро савдогарларидан кейин турган. Чоч пойтахти ташқи савдо муносабатларнинг маркази эди.

7–8-а.ларда Чочда кумуш ва мис тангалар ясаيدиган зарбхона бўлган. 8-а.да эса кумуш дирҳамлар хатто Илоқнинг кумуш конларида ҳам сўқилган. Чоч тудунлари олд томонига ҳукмдорнинг тасвири, ор-

қасига гажак думли силовсин ёки қоплон тасвири, баъзан сулолавий айри тамга туширилган чақа-тангалар зарб этганлар. Чочнинг ўша даврда сўқилган айрим танга пуллари орасида подшоҳ б-н ёнма-ён турган малика тасвири туширилган пуллар ҳам учрайди. Бу илк ўрта асрларда Чочнинг ижтимоий ва иқтисодий, айниқса сиёсий ҳаётида ҳукмдор табақа аёлларининг анча-мунча нуфузга эга бўлганидан гувоҳлик беради.

Бу даврда кўчманчи қабилаларнинг ўтроқлашувини кучайиши, чочликлар б-н олиб борилган доимий иқтисодий алоқалар туфайли Чоч воҳаси ўзаро маданий мулоқотларнинг марказига айланади.

Бироқ, Чоч ўлкаси бу даврда Турк хоқонлигига тобе бўлишига қарамай, ҳали ўзининг тили, ёзуви ва қад. маданияти анъаналарини сақлаб қолган эди (яна қ. *Тошкент*).

Мовароуннаҳр ва Хоразмда илк ўрта аср шаҳарлари. 5–7-а.ларда Ўрта Осиёда юзага келган ўта мураккаб ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий вазият мамлакат ободончилиги, хўжалигининг рангақи, шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси ва аҳолисининг турмуш тарзи-ю аҳволига жиддий таъсир кўрсатди. Кўчманчилар босқинлари даврида Хоразм, Тошкент, Бухоро ва Қашқадарё каби воҳаларнинг деҳқончилик майдонлари оёқ ости қилиниб, кўпгина шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Хўжалик ривожига зарба берилиб, савдо-сотик ишлари таназулга юз тутди. Бироқ аввал Эфталийлар давлати, сўнгра Турк хоқонлиги каби йирик давлатлар ҳукмронлигида юзага келган маълум даражадаги осойишталик даврларида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти яна тадрижий тараққиёт йўлига тушиб олди.

Деҳқончилик тараққиёти кўчманчи қабилалар ўтроқлашувининг кучайиши б-н экин майдонларига эҳтиёж ортиб, зироаткор ерлар кенгайди. Каналлар барпо этилиб, деҳқончилик воҳаларининг сув таъминоти тубдан яхшиланди. Тоғ олдиларида янги ерлар ўзлаштирилди. Шаҳарлар гавжумлашди.

Кўшк, қаср ва қўрғонлар кўпроқ йирик суғориш шохобчалари бошида, марказий шаҳарлар атрофида ҳамда деҳқончилик воҳалари чегаралари бўйлаб жойлашган эди. Майда қўрғончалар эса воҳалардаги қалъалар атрофида қад кўтарган эди. Мас., 6–8-а.ларда қад. Хоразмнинг Бургутқалъа мавзеида юзга яқин кўшк ва қасрли қўрғонлар ва қўрғончалар бўлиб, булар бир-биридан 100–200 м масофада жойлашган эди.

Ёзма манбаларда қайд этилишича, Бухоро ш.нинг фақат учта суғориш тармоқлари бўйлаб тўрт мингга яқин қаср қад кўтарган эди. Кўшк ва қасрли кўрғонларда зодагон деҳқонлар, кўрғончаларда эса зироаткор меҳнаткаш аҳоли истиқомат қилган ва душмандан ўзини мудофаа этган.

Бу даврда деҳқончилик майдонларининг кенгайиб, маҳсулотларининг ортиб бориши, хунармандчилик буюм-у жиҳозларига бўлган эҳтиёж, савдо-солиқнинг авж олиши, ўз навбатида, шаҳарларнинг равнақига, айниқса унинг хунармандчилик маҳаллаларининг кенгайишига таъсир этди. 6–7-а.ларда Бухоро ва Пойканд ш.ларининг майд. 20 га дан ошмаган. Бу даврда Ўрта Осиёда энг катта шаҳарлардан бири Самарқанд эди. Унинг умумий майдони қарийб 200 га бўлган.

6–8-а.ларда айрим йирик шаҳарлар аҳолисининг ортиб бориши, хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши б-н шаҳарлар атрофи ўзлаштирилиб, шаҳарларнинг ташқи девори ёнида янги хунармандчилик маҳаллалари (работи хориж) пайдо бўлди. Кейинчалик бундай рабодлар ҳам алоҳида девор б-н ўраб олинди. Уларда аввал дахмалар жойлашган бўлса, сўнгра эса карвонсарой, бозор ва ибодатхоналар қад кўтарди.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларда шаҳарлар 3 қисмдан – подшоҳ қасри жойлашган арк (коҳ), ички шаҳар (шаҳристон) ва ташқи шаҳар (рабод) дан иборат бўлган. Улар алоҳида-алоҳида деворлар б-н ўраб олинган ва ҳар бир ўрам деворда бир нечтадан дарвозаси бўлган. Манбаларда қайд этилишича, 7-а.да Бухоро 5 қисмдан иборат бўлиб, у 5 қатор девор ҳалқаси б-н ўралган. Шаҳар оралаб оқиб ўтган анҳор хандақ вазифасини бажарган. Шунингдек, Пойканд ш.нинг ички ва ташқи шаҳристони бўлиб, рабодда карвонсаройлар ва оташпарастрларнинг гумбазли гўрхоналари ҳамда шишагарлар ва кулолларнинг хумдонлари жойлашган эди.

Илк ўрта асрларда Суғдда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси «наф» дейилган. Ижтимоий жиҳатдан у бир неча табақага бўлинган. Зодагонлар «озод»; шаҳар хунармандлари «озодкор»; савдогарлар «ғувокор»; зироаткорлар «кашоварэ»; хизматкорлар «корикор»; муте кўшчилар «кадивар»; қул ва чўрилар «бантак» ва «доя» деб юритилган.

Озодлар табақасига подшоҳ, маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагон деҳқонлар кирган. Бу ижтимоий зинапояннинг тепасида подшоҳ турган. Унинг тасарруфида умумдавлат мулкидан ташқари ўз шах-

сий мулки ҳам бўлган. Деҳқончилик майдонларининг каттагина қисми маҳаллий ҳокимлар ва зодагон деҳқонларнинг мулки ҳисобланган. Уларнинг ерларида каливарлар чоракор сифатида кўшчилик қилган. Каливарларнинг мулақо ери бўлмаган, экин ерларининг бир қисми эркин кашоварларнинг мулки бўлиб, улар давлатга солиқ тўлаб турган. Суғдда ибодатхоналар ва уларнинг тасарруфида мулк ва ерлар ҳам бўлган. Ибодатхоналар вағн дейилган, унинг бош руҳоний мулозими, яъни коҳини вағнпат деб юритилган. Коҳинлар тасарруфидаги ерлар эса «вағне» деб аталган. Бундай ерлардан олинаниган даромад ибодатхона эҳтиёжига сарфланган. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда ҳукм сурган майдон давлатларда ва уларнинг вилоят ҳокимликларида маълум тартибдаги бошқарув маъмурияти шаклланиган эди. Унинг поғоналарида сарой ҳўжалигининг бошқарувчиси – фармондор ва бош котиб – дапирпатдан тортиб солиқ йиғувчи – возкиром, мирохўр, жаллод, бош новвой, бош соқий ва саркардагача муносиб ўрин эгаллаган эди.

Йирик шаҳарларда қарор топган вилоят ҳокимлари «хвабу» ва «хватов» деб юритилган. Ўз мулкларини бошқаришда улар, асосан, чокарларга суянади. Отлиқ аскар – суворийлар деҳқонзодалардан, пиёдалар эса меҳнаткаш аҳолидан ёлланган ва туғма қуллардан тузиларди.

Илк ўрта аср бошқарув маъмуриятининг асосий вазифаси фуқаролардан бож, солиқ ва б. тўловларни ўз вақтда йиғиб олиш, жамоат ишларига уларни сафарбар этишдан иборат бўлган. Кирим-чиқимлар аниқ ва равшан қайд этилиб, ҳужжатлаштирилган. Уларга бармоқ босилиб, ҳатто муҳр б-н тасдиқлаб қўйилган. Наршахнийнинг ёзишича, биргина бухорхудотлар вилоят ҳокимлигини бошқарувида 18 минг мулозим навбат б-н хизмат қилган.

Илк ўрта асрларда Буюк ипак йўли орқали олиб борилган кенг қўламдаги халқаро савдо Турк хоқонлиги, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Византия ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни кенгайтирди. Ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолиси б-н дашт халқлари маданиятларининг ўзаро таъсирини кучайтирди. Ўрта Осиё халқлари жаҳон тарихи жараёнига тортилиб, бу ерда илк ўрта асрнинг ўзига хос ва ниҳоятда бой маданияти шаклланди ва ривож топди. Бу юксак маданият айниқса 6–8-а.ларнинг моддий маданият обидалари, диний эътиқоди ва тасвирий санъат намуналарига ўз аксини топди.

Илк ўрта аср меъморлигининг қурилиш ғоялари, муҳандислик ечимлари ва меъморий услубу нақшлари Хоразм, Суғд, Тохаристон, Фарғона ва Чочнинг шаҳар ва қалъалари, кўрғонларию ибодатхоналари, кўшкларию мудофаа иншоотларининг тарҳ-истеҳкомлари, тоқравоқлари, ички нақшларию тасвирий санъат обидаларида намоён бўлган.

6–8-а.ларда Марказий Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва меъморчилик б-н бирга тасвирий санъатнинг расомлик ва ҳайкалтарошлик каби тармоқлари равнақ топади. Уларнинг айрим намуналари Сурхон воҳасида Болаликтепадан, Зарафшон водийсида Панжикент, Варахша ва Афросиёб, Фарғона водийсида Кува харобаларидан ҳамда бошқа ёдгорликлардан топиб ўрганилган деворий суратлар, ҳайкаллар ва ганчқори нақшларда ўз аксини топган.

6–8-а.лар тасвирий санъатида ҳайкалтарошлик муҳим ўрин тутган. Унинг ривожига айниқса будда дини кучли таъсир кўрсатган. Ҳайкаллар, асосан, диний мавзуларда бўлиб, ибодатхоналарда сақланган. Фарғона водийсида Кувадан ҳамда Кўрғонтепа яқинида Ажинатепадан будданинг баҳайбат ҳайкаллари топилиб ўрганилди (қ. *Кува будда ибодатхонаси*). Бу даврда бадиий ёғоч ўймакорлиги санъати ҳам юқори даражада бўлган. Афросиёб ва Панжикентдан ёғочдан йўниланган санам, ўймакор нақшлар (табиат манзаралари, ҳайвонлар, афсонавий жонзотлар, тахтада ўтирган ҳукмдор, раққоса ва ҳ.к.)нинг куйган қолдиқлари топилган. Илк ўрта аср ганчқорлиги санъатининг нодир ёдгорлиги намуналари Варахша топилмалари орқали тадқиқ этилди. 7–8-а.ларда Ўрта Осиёда санъатнинг мусиқа, рақс, кўшиқчилик, қизиқчилик ва дорбозлик каби турлари ҳам камол топганлиги Хитой манбаларидан маълум. Бу даврда санъат соҳасида Бухоро томоша ижрочилари, Самарқанд найчилари, Чоч ўйинчи йигити ва раққоса қизлари, Ҳўжанд сурнайчилари ва Куча бастакорлари б-н шуҳрат топган эди. 8-а. бошларида Чоч, Самарқанд, Кеш ва Маймурғдан раққоса қизлар ва ўйинчи йигитлар, Хутталдан мақомчи аёллар Хитой императори саройига юборилиб турилар эди.

Ўрта Осиё куйлари, мақом ва вазнларининг дилраболиги, рақсларининг босиқ ва ўйноқлиги ўша замонлардаёқ ҳар қандай излаҳом аҳлини мафтун этарди. Айниқса уд ва най садосида жуфт бўлиб Чоч ўйинчи йигитлари ижро этган машҳур «Чоч рақси» ёки икки раққосанинг «доира рақси» Хитой аёнларини мафтун этиб, уларни ҳайратта сол-

ган эди. Император саройида ўтказилган бундай тантанали издахомларда Туркистондан борган дорбоз, муаллақчи, кўзбойлогич, оловотгич афсунгарлар ва қизиқчилар ҳам ўз маҳоратларини намоиш қилганлар. Ҳатто Хитойнинг Чанъан ш. аҳолиси қўғирчоқ ўйинини илк бор 7-а.да Туркистондан борган санъаткорлар ижросида томоша қилишга муяссар бўлган. Манбаларда биргина Бухоро ш.да уста ҳунармандлар томонидан 14 турдаги чолғу асбоблари ясалганлиги қайд этилган.

6-8-а.ларда Турон аҳолиси зардуштий, будда, христианлик, моний ва қам (шомон) каби динларга сиғинган. Аҳолининг кўпчилиги ўтга топинувчи — мажусий бўлган.

ри араблар тўрт минг асир, қурол, кийим-кечак, олтин ва қумуш буюмлардан иборат кўп ўлжалар 6-н Марвга қайтади.

Орадан 3 йил ўтгач, Хуросон волииси Саид ибн Усмон бошлиқ араб қўшинлари яна Бухорога бостириб кириди. Суғд, Кеш ва Насаф вилоятларидан ёрдамга келган бир юз йигирма мингли ҳарбий кучга суяниб Бухоро маликаси душман 6-н жанг қилиш учун ўз қўшинини сафга тортади. Бироқ суғдликлар ваҳимага тушиб, Бухорони ўз тақдирига ташлаб, жанг майдонидан чиқиб кетдилар. Натижада малика катта бож тўлаб, маликзода ва деҳқон аслзодалардан 80 нафарини гаровга бериб, яна сулҳ тузишга мажбур бўлади. Саид ибн Усмон Бухородан Самарқанд сари қўшин тортади. Бир ойдан ортиқ давом этган

жангда суғдликлар қаҳрамонона қаршилик кўрсатади. Саид ибн Усмон улар 6-н сулҳ тузиб, Самарқанддан ўлжалар 6-н бирга 30 минг нафар асир олиб қайтади. Йўл-йўлақай у Термиз ш.ни ҳам эгаллайди.

9-а. араб муаррихи Балазурий ва Наршахийнинг ёзишича, Саид ибн Усмон томонидан гаровга олиб кетилган 80 нафар Бухоро аслзодалари ваълага мувофиқ Марвдан қайтариб юборилмай, Мадинага олиб кетилади.

Хуросон волийлари 8-а. бошларигача Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларига ҳужум қилиб, кўпгина жойларни талаб Марвга қайтиб турган. Натижада Мовароуннаҳрнинг бир қанча вилоятлари таланиб, хонавайрон этилган.


АРАБЛАР ИСТИЛОСИ

Мовароуннаҳрнинг фатҳ этилиши. Амударёдан шим.да жойлашган ерларни араблар «Моваро ун-наҳр», яъни «дарёнинг нариги томони» деб атадилар (қ. *Мовароуннаҳр*). Ҳоз. Афғонистоннинг шим., Эроннинг шим.-шарқий қисми ҳамда ҳозирги Жан. Туркменистоннинг Амударёгача бўлган ерлари Хуросон деб юритилар, унинг маркази Марв ш. эди. Бу вилоятни бошқариш учун халифалик томонидан махсус волий тайинланарди, унинг қароргоҳи Марвда бўлган. Мовароуннаҳрга қаратилган ҳужумлар Хуросон волииси томонидан уюштирилар эди.

Арабларнинг Мовароуннаҳрга қарши ҳарбий юришлари ўз мақсад ва режалари 6-н икки даврга бўлинади. Дастлаб халифалик босиб олишни эмас, балки маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳарбий қудратини синаб кўриш режасини амалга оширди. Араблар ўз ҳарбий мавқеларини кучайтириш мақсадида Басра ва Куфадан 50 минг араб оиласини Хуросон вилоятига кўчириб ўрнаштирдилар. Арабларнинг Мовароуннаҳрга илк бор ҳужумлари 654 й.да Маймуғ ва 667 й.да Чағониёндан бошланди.

Наршахийнинг ёзишича, 673 й.нинг кузида халифа Муовия (661-680) фармони 6-н Убайдуллоҳ ибн Зиёд Амударёдан кечиб ўтиб, Бухоро музофотига кириди. Пойканд ва Ромитани эгаллаб, Бухоро ш.ни қамалга олади. Ёрдамга келган турклар 6-н бухороликларнинг бирлашган қўшинлари жангда араблардан енгиледи. Шаҳзода гўдаклиги туфайли ҳукмдорлик тахтида ўтирган Бухоро маликаси, Убайдуллоҳ ибн Зиёдга бир лак дирҳам ҳажмда бож тўлаб, у 6-н сулҳ тузишга мажбур бўлади. Бождан ташқар

ИСЛОМНИНГ ТАРҚАЛИШИ (VII-VIII-АСРЛАР)



Араблар юришларига қарши курашиш мақсадида Мовароуннахрнинг маҳаллий ҳукмдорлари ўртасида ҳарбий иттифоқ тузиш учун уринишлар бўлган, лекин сиёсий тарқоқлик натижасида бу уринишлар самара бермаган. Араб лашкар-бошилари эса бундай вазиятдан усталик б-н фойдаланган. Бу даврда Фарбий Турк хоқонлиги ички қабилавий низолар оқибатида сиёсий инқирозга юз тутиб, парчаланиб кетган эди. 7-а. ўрталарида Чоч вилояти, Еттисув, Талас ва Чу водийларида кўчиб юрган йирик туркий қабиалардан туркашлар, шунингдек, 8-а. бошларида Фарғона ва Тохаристонда яшаб турган қарлуқлар, Зарафшон водийсининг ўрта қисмидаги турклар арабларга қарши курашда сугдийларга ёрдам бериб, жангларда фаол қатнашдилар.

7-а. охирида бутун халифаликни қамраб олган чуқур ички зиддиятлар ва синфий қарама-қаршиликлар бартараф этилиб, мамлакатда тартиб ўрнатилгач, араблар Мовароуннахрни узил-кесил босиб олишга киришдилар. 705 й.да *Қутайба ибн Муслим* Хуросонга волий қилиб тайинланди. Унга Мовароуннахрдан то Хитой чегараларигача бўлган вилоятларни халифаликка бўйсундиришдек жиддий вазифа юкланди. Қутайба 705–715 й.ларда бу вазифани уддалаган.

Мовароуннахр бутунлай босиб олингач, бу ўлкада халифалик ҳукмронлиги мустаҳкамланди. Мовароуннахрнинг барча шаҳар ва йирик қишлоқларига ҳарбий қисмлар жойлаштирилди. Истилочилар Мовароуннахрда ўзларининг солиқ тартибини жорий этдилар. Экин ерларидан 0,20–0,25 ҳисса миқдорда хирож, чорва, хунармандчилик ва савдо-сотиқдан қирқдан бир ҳиссасида закот ҳамда исломни қабул қилмаган мажусийлардан жизя каби жонбоши солиги олинадиган бўлди.

Араблар Мовароуннахрда ўрнатилган сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун ислом дини тарғиботини ерли аҳоли ўртасида бутун чоралар б-н кучайтирдилар. Улар ерли аҳолининг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган оташпарастлик, насроний, моний, буддавий ва қам динларни хурофий сохта динлар деб эълон қилди. Айниқса Мовароуннахр аҳолисининг асосий дини ҳисобланган оташпарастликка қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Ибодатхоналар ўрнига жоме масжидлар бино қилинди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда мусулмон ҳуқуқи жорий этила бошлади.

Халқ кўзғолонлари. Араб халифалигининг маҳаллий халқ манфаати ва тартиботига қарши сиёсати халқ орасида но-

розиликни кучайтириб кўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз (717–719) Ажам (Эрон, Хуросон ва Мовароуннахр)даги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, бўйсундирилган халқлар б-н муросасозлик сиёсатини амалга оширишга мажбур бўлди. У янги ерларни бундан буён забт қилишни тўхтатиш ҳамда молиявий ислоҳ ўтказиш тўғрисида фармон берди. Бунга биноан, мусулмон араблар б-н бир қаторда исломни янги қабул қилган ажамликлардан хирож ва жизя солиқларини олиш бекор қилинди. Аммо Хуросон волийлари фармонни халифаликнинг молия сиёсатига зид деган баҳона б-н уни бажаришдан бош тортидилар. Бироқ Мовароуннахр зодагонларининг купчилиги ўзини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаб, солиқ тўламай қўйгач, халифалик мамурлари бир йўла ҳаммадан жизя олиш ҳақида буйруқ беради. Натижада Мовароуннахрда ёппасига исломдан чиқиш ва эски динларга қайтиш бошланди. Бунинг оқибатида зиддият кескинлашиб, бутун ўлка бўйлаб араблар зулмига қарши халқ кўзғолонлари бошланди. Биринчи бўлиб, 720 й.да Сугд аҳолиси кўзғолди. Кўзғолонга Самарқанд ихшиди Фурак ва Панжикент ҳокими Диваштич бошчилик қилдилар. Сугдликларга ёрдам бериш учун Еттисувдан туркашлар ҳокони шаҳзода Курсул бошлиқ турк лашкарини Самарқандга юборди. Кўзғолончиларнинг бирлашган кучлари арабларга қаттиқ зарба бердилар. Фақат айрим шаҳар ва қалъалар ичида қуршовда қолган араб ҳарбий қисмларигина катта ўлпон эвазига ва эътиборли вакиллари кўзғолончилар ихтиёрига гаровга бериш б-н жон сақладилар.

Табарийнинг ёзишича, кўзғолонни бостириш учун Хуросон ноиб Саъид ибн Абдулазиз Сугдга қарши 3 марта юриш қилди. Ҳатто у Самарқанд ва унинг теваарак-атрофини сувсиз қолдириш б-н кўзғолончиларни таслим бўлишга мажбур этиш учун Дарғом канилининг бош тўғони Варқсарни ва шу тўғонни қўриқлаб турган истеҳкомни эгаллашга ҳаракат қилади. Кўзғолонни бостириш йўлида қўрилган барча чора ва тadbирлар натижа бермайди.

721 й.да Саъид Хараший Хуросонга ноиб қилиб тайин этилади. У Ироқда халқ кўзғолонини бостиришда шафқатсизлиги б-н танилган эди. Унга сугдликлар кўзғолонини бостириш ва уларни исломга қайтариш топширилади. Саъид Харашийнинг кўзғолончилар б-н олиб борган музокаралари натижасида Фурак бошлиқ сугд зодагонларининг бир

қисми араблар томонига ўтди. Кучлар бўлиниб кетгач, Хўжандда бўлиб ўтган жангда кўзғолончилар енгилди. Корзанч бошлиқ кўзғолончилар Фарғонага чекиндилар. Сулҳ тузилгач, катта маблағ эвазига омон қолган 400 савдогардан ташқари, деярли барча кўзғолончилар хиёнаткорона қириб ташланди. Панжикент ҳокими Диваштич бошчилигида аслзода деҳқонларнинг бир қисми кўзғолонни бир муддат яна давом эттирдилар, аммо енгилганларидан сўнг омон қолганлари юқори Зарафшонда Обигар қалъасида қамалга олинади. Омон қолдириш шarti б-н қўлга туширилган Диваштич Арбинжонда (ҳоз. Каттакўрғон яқинида) қатл этилади, боши Ироқ ҳокимига юборилиб, танаси оташпарастларнинг хилхонаси – новус деворига қоқиб қўйилади.

Сугда кўзғолон бостирилгач, Саъид Хараший Мовароуннахр шаҳар ва қишлоқларида жазо чораларини кучайтирди. Табарийнинг ёзишича, Саъид Харашийнинг Кешга ҳужуми катта ўлпон эвазига тўхтатилади. Аммо эркесвар Мовароуннахр аҳолиси халифалик ҳукмронлигига қарши озодлик ва мустақиллик учун курашни тинмай давом эттира берди. 723 й.да арабларга қарши Фарғона ҳокими лашкар тортади. Унга Чоч, Насафдан ва Фарбий Турк хоқонлигидан ёрдамга борадилар. Иттифоқчилар душманга қаттиқ зарба бериб, уни Хўжанддан то Самарқандгача таъқиб қиладилар.

Халифаликнинг солиқ сиёсатига қарши 725 й.да Хутталонда, 728 й.да эса яна Сугда кўзғолон авжига чиқади. Хуросон волийси кўп уринса-да, аммо бу ҳаракатни бостира олмайди. Халқ кўзғолони кенг авж олиб, бутун Мовароуннахр ва Хуросонга ёйилади. Бу ҳаракат Мовароуннахрнинг жан. қисмларида, айниқса, Хутталонда кучайиб кетади. Кўзғолончилар турклар ёрдами б-н араблар устидан ғолиб чиқиб, уларни мамлакатдан қувиб чиқара бошлайди. Мовароуннахр аҳолисини тинчлантириш ва араблар ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Хуросон ноиб Ашрос ибн Абдуллоҳ ислом динини қабул қилганлардан вақтинчалик хирож ва жизя солиқларини олмасликка қарор қилади. Натижада зодагон деҳқонларнинг кўпи ўз чокарлари ва қадиварлари б-н исломни қайтадан қабул қилиб, араблар томонига ўтади. Шу тариқа Сугда араблар ўз мавқеларини бирмунча мустаҳкамлаб олади. Бироқ бу б-н халифаликнинг шарқда вазият барқарорлашмайди. 736–737 й.ларда Тохаристонда ва Ҳорис ибн Сурайж бошчилигида Ўрта

Осиёда яна қўзғолон кўтарилади. Араблар, айниқса, 737 й.да танг аҳволда қолади. Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиб ва амирлари бир неча бор ўзгартирилади. Хуросоннинг янги ноиб Наср ибн Сайёр 738–739 й.ларда қўзғолонни бостириш учун Самарқанд, Чоч, Фороб ва Фарғонага бир неча бор юриш қилади.

Мамлакатда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишда у аввало молия ислоҳоти утказди. Исломни янги қабул қилган кишилар жазадан озод этилиб, барча мусулмонлар ҳуқуқ жиҳатдан тенглаштирилади. Ер эгаси, эътиқодидан қатъи назар, хирож тўлаши шарт қилиб қўйилади. Шу асосда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг барча вилоятлари учун хирож миқдори белгилаб берилади. Айни вақтда Наср маҳаллий зодагонлар б-н яқин алоқа ўрнатиш ва улар ёрдамида мамлакатни итоатда тутиб туришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у халифалик томонига ўтган йирик деҳқонларнинг аввалги имтиёзларини тиклайди. Олий мартабали араб лашкарбошилари б-н зодагон деҳқонлар ўртасида қон-қариндошлик алоқалари ўрнатилишини ҳар томонлама рағбатлантиради. Айни вақтда ўзи ҳам намуна кўрсатиб, Бухорхудодининг қизига уйланади. Натижада араблар б-н маҳаллий зодагонлар ўртасида маълум даражада иттифоқ юзага келади. Бу, ўз навбатида, иттифоқчи кучларнинг бўлиниб, қураш шидлатини сусайишига сабаб бўлса-да, аммо озодлик йўлида олиб борилаётган халқ ҳаракатларига барҳам бера олмайди.

8-а.нинг 1-ярмида Мовароуннаҳрда халифаликка қарши кўтарилган халқ қўзғолонлари араб истилочиларига қарши курашнинг биринчи босқичи эди. Қўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби ҳам, уларнинг олдига қўйган мақсад ва талаблари ҳам турлича бўлган. Мовароуннаҳр халифаликдаги энг нотинч ва исёнкор ўлкалардан бири бўлиб қолаверди. Айни вақтда халифаликнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар пайдо бўла бошлаган эди. Араб зодагонлари Умавийларнинг қўпол сиёсати оқибатида ахам халқларининг улуксиз давом этаётган қўзғолонларидан ниҳоятда ташвиш чекиб мамлакатда сиёсий барқарорликни ўрнатиш чоратдирларини изламоқда эди. Мамлакатдаги умумий вазият ўта зўравонлик ва босқинчилик сиёсатига асосланган Умавийлар ҳукмронлигини барҳам топишини тақозо қилмоқда эди. Натижада бу ҳукмрон сулолага қарши ишчан рақиблар гуруҳи пайдо бўлиб, тобора куч ола бошлайди. Бу гуруҳга Муҳаммад пай-

гамбарнинг амакиси Аббоснинг эвраси Муҳаммад ибн Али бошчилик қилади. Умавийлар Расулulloҳ авлодини қириб ташлашда айбланади. Халифаликни Аббосийларга топшириш керак деган даъво илгари сурилади. Мамлакат аҳолисида Умавийларга нисбатан пайдо бўлган нафрат ҳамда забт этилган ўлкаларнинг мазлум халқларининг норозилиги ва озодлик йўлида олиб бораётган қўзғолонларидан фойдаланиб Умавийларни ағдариб ташлашга ҳаракат қилинади. Аббосийлар ҳаракатини тарғиб қилишда айниқса шарқий вилоятларга алоҳида аҳамият берилади. Абу Ҳанифа ад-Диноварийнинг ёзишича, 8-а.нинг 30-й.ларидеяқ Марв, Бухоро, Самарқанд, Кеш, Насаф, Чағонийн, Марвируд, Ҳирот, Таликон, Бушанж ва Сейистонда Аббосийлар ҳаракатини тарғиб қилиш авж олиб кетади. Тарғиботчилар аҳолининг мазлумлигига фақат Умавийлар сабабчи, деган фикрни илгари суридилар. Шу тарзда халифаликда Умавийлар ҳукмронлигини ағдариб ташлаш учун кескин ҳаракат қиланиб кетади.

Умавийларга қарши курашда Аббосийлар, айниқса, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг зодагон деҳқон табақа вакилларини турли ваъдалар бериб жалб этишга ҳаракат қилдилар.

746 й.да Аббосийлар тарғиботига раҳбарлик қилиш учун *Абу Муслим* Хуросонга юборилди.

Абу Муслим 747 й.да Марв ш.дан уч фарсах ғарбда Ҳархон ариғи соҳилига жойлашган Сафизанж қишлоғини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Аббосийлар ҳаракатининг тимсоли сифатида тим қоранг қабул этилгани учун Абу Муслим ва унинг сафдошлари қора либос кийиб, қора байроқ остида Умавийларга қарши қўзғолган кучларни бирлаштиришга киришди. Дастлаб араб зодагонлари ва баъзи араб қабилалари, сўнгра маҳаллий деҳқонлар Абу Муслимни қўллаб-қувватлайди. Умавийларга қарши ташвиқотнинг садоси тез орада Хуросон, Мовароуннаҳр ва Тохаристон вилоятлари бўйлаб кенг тарқалади.



Фурак тангаси. 8-а.

Қўзғолончилар Абу Муслим қароргоҳи атрофида тўплана бошлайди. Сафизанж қишлоғи тобора кўпайиб бораётган қўзғолончиларни сиздира олмагач, Абу Муслим Мохувон қалъасига кўчиб ўтади. Қўзғолончиларга қочоқ қуллар ҳам келиб қўшилади.

Абу Ҳанифа ад-Диноварийнинг таърифлашича, Абу Муслим қароргоҳи атрофида 100 мингга яқин лашкар йиғилган эди. Етарли лашкарий куч тўпланиб, ҳаракат учун қулай вазият вужудга келгач, 747 й.нинг саратонида Абу Муслимга Умавийларга қарши очиқ курашга даъват этишга рухсат берилади.

Хуросон ноиб Наср ибн Сайёр Абу Муслим лашкари б-н тўқнашишга журъат қилмай, 748 й.нинг бошида Хуросоннинг пойтахти Марв ш.ни қўзғолончиларга жангсиз бўшатиб беради. Ўша йили Нишопур ва Тус шаҳарлари ҳам қўзғолончилар қўлига ўтади. Гарчи халифа Марвон II ўз ихтиёридаги барча ҳарбий кучларни қўзғолончиларга қарши сафарбар қилиб, ҳатто Аббосийлар ҳаракатининг раҳнамоси Имом Иброҳим ибн Муҳаммадни қатл эттирса-да, аммо Умавийлар ҳокимиятини сақлаб қололмайди. Халифа Марвон II тахтдан ағдарилиб, ўрнига Аббосийлар хонадонидан бўлган Абулаббос Саффоҳ (749–754) халифалик тахтига кўтарилади. Халифаликда ҳокимиятнинг Аббосийлар қўлига ўтишида саркарда Абу Муслимнинг хизмати катта бўлди. Абу Муслимнинг Эрон ва Мовароуннаҳрдаги шуҳрати ва обрўсидан хавотирланган Аббосийлар уни пойтахтдан узоклаштириб, Хуросон ва Мовароуннаҳрга ноиб қилиб юбордилар. Бироқ Аббосийлар ва ноиб Абу Муслим даврида Хуросон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда меҳнатқаш халқ оммасининг аҳволи янада оғирлашди.

Янги сулолага нисбатан яна халқ норозилиги кучайди. 750 й.да Бухоро ш.да Шарик қўзғолони кўтарилади. Қўзғолон ўша йили Бухоронинг маҳаллий ҳукмдори бухорхудо Кутайба ибн Туғшода ёрдамида жуда қийинчилик б-н бостирилади.

Мовароуннаҳрдаги бу нотинчликдан фойдаланган Хитой императорининг қўшинлари Ўрта Осиёга бостириб киради. Абу Муслим томонидан юборилган Зиёд ибн Солиҳ бошчилигидаги катта ҳарбий куч 751 й.да *Талас жанги*да Хитой қўшинларига зарба бериб, уларни мамлакат чегарасидан қувиб чиқаради.

Гарчи Абу Муслим халифаликни мустаҳкамлашда Аббосийлар хонадонига сидқидилдан хизмат қилган бўлса-да, аммо Халифа Мансур унинг халифалик

тахтига даъвогар бўлишдан қўрқар эди. Ниҳоят 755 й.да Абу Муслим халифа Мансур (754–775) томонидан пойтахтга чақиртирилиб хониона ўлдирилади. Абу Муслимнинг ўлдирилиши б-н халифалик шарқида, айниқса Хуросон ва Мовароуннаҳрда Аббосийларга қарши халқ оммасининг ҳаракатлари авж олиб кетди.

8-а.нинг 70–80-й.лари Мовароуннаҳрда араб халифалигининг ҳукмронлиги ва маҳаллий золагонлар зулмига қарши катта халқ кўзғолони кўтарилди. Кўзғолончиларнинг жанговар гуруҳи оқ кийингани учун тарихда у «Оқ кийимлилар» кўзғолони деб аталади. Бу ҳаракатнинг раҳбари Муқанна («Ниқобдор») лақаби б-н машҳур бўлган марвалик ҳунарманд Ҳошим ибн Ҳаким эди. У Маъдак ғояларига асосланган ижтимоий тенглик ва эркин ҳаётга даъват этувчи таълимотни тарғиб этиб, пайғамбарлик даъвосини қилгани ва Хуросон ноибининг халифага қарши исёнида қатнашгани учун халифа Мансур томонидан Бағдодда зиндонга ташланган. Бир неча йилдан сўнг зиндондан қочиб 769 й.да яна Марвга келади. Атрофига ўз тарафдорларини тўплайди, ажнабийлар ҳукмронлиги ва зулмига қарши кўзғалишга даъват қилиб Мовароуннаҳр вилоятларига ташвиқотчиларини юборди.

Муқанна ўз яқинлари б-н Нахшаб ва ундан Кеш ш.га етиб келиб, шаҳар яқинидаги тоғ тепасига қурилган Сом қалъасини ўзига қароргоҳ қилади. Кўпгина қишлоқларнинг қадиварлари, шаҳар ҳунармандлари ва айрим золагон деҳқонлар унга эргашади.

Тез орада бутун Қашқадарё воҳаси Муқанна тарафдорлари ҳўлига ўтади. «Оқ кийимлилар» ҳаракати кенгайиб, катта халқ кўзғолонига айланади (қ. *Муқанна кўзғолони*).

777 й.да «Оқ кийимлилар»га узил-кесил зарба бериш учун халифа Маҳдий Нишопурга келади. Хуросон ноиби Маоз ибн Муслим ва Ҳирот амири Саъид Хараший бошлиқ катта қўшин Самарқандга юборилади. Кўзғолончилар Сирларё бўйларида яшовчи кўчманчи қабилаларни ёрдамга чақиради. Жангда араблар қўшини мағлубиятга учрайди. Натижада Маоз ибн Муслим Хуросон ноиблигидан истеъфо беради. Ўрнига Саъид Хараший тайин этилади ва унга кўзғолонни бостириб, Муқаннани қўлга тушириш топширилади. «Оқ кийимлилар» ва туркий қабилалар Самарқандда арабларга қарши икки йил жанг қилади. Ниҳоят кўзғолончилар енгилиб, Самарқанд таслим бўлади.

Наршах ва Самарқандда «Оқ кийимлилар» енгилагач, маҳаллий золагон деҳқонлар сотқинлик қилиб, арабларга ёрдам бера бошлайди. Улар Саъид Хараший қўшин б-н бирга Муқаннага қарши Кешга томон юришида қатнашади. Курашнинг охири босқичида Кеш воҳасидаги тоғлар орасида жанглар шиддатли тус олади. Муқаннанинг Сом қалъасидаги қароргоҳи қамалга олинади.

Узоқ давом этган қамалдан сўнг курашдан тинкаси қуриган муқанначилар таслим бўлади. Аммо истилочиларга таслим бўлишни истаманг Муқанна ўзини ёниб турган оловга ташлаб ҳалок бўлади. Ўн йилдан ортиқ давом этган ва ўша даврда жаҳоннинг энг йирик давлати ҳисобланган Араб халифалигини ларзага келтирган Мовароуннаҳр халқининг озодлик ҳаракати шу тариқа тугади.

Аммо бу б-н араб истилочиларига қарши ҳаракат узил-кесил тўхтаб қолмади. «Оқ кийимлилар» кўзғолонидан 20 йил ўтар-ўтмас 806 й.да халифа Ҳорун ар-Рашиднинг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ноиби Али ибн Исо зулмига қарши Ўрта Осиёда Рофе ибн Лайс кўзғолони кўтарилди. Кўзғолон Самарқанддан бошланиб, Шош, Фарғона, Хўжанд, Бухоро, Нахшаб, Хоразм ва б. вилоятларга тарқалади. Ҳаракат авж олиб, мазкур вилоятлар халифалик қўлидан кетади.

Кўзғолонни бостириш учун шахсан халифа Ҳорун ар-Рашид ўғли Маъмун б-н Мовароуннаҳрга қўшин тортади. Халифа Тусга етиб келгач, тўсатдан вафот этади (809 й. март). Али ибн Исонинг истеъфосидан кейин Хуросон ноиби бўлиб олган Маъмун (809–813) жами қўшинни кўзғолонни бостиришга ташлайди, лекин натижага эриша олмади.

Маъмун маҳаллий золагон деҳқонлардан Сомонхудоғнинг набиралари Нуҳ, Аҳмад ва Яҳёларни ёрдамга чақиради. Улар Рофе ибн Лайсни қўлга олиб, уни халифага таслим бўлишга рози қилади. Ўйлаб-ўйлаб қолган деҳқонлар кўзғолони 810 й.да бутунлай тор-мор этилади.

Шу тарзда Араб халифалиги 8-а. бошларида Мовароуннаҳрни фатҳ этишга муваффақ бўлди. Босиб олинган ерларда ислом дини ёйилиб, маҳаллий халқларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти Араб халифалигининг тартиб-қоидаларига бўйсундирилади.

Бу даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда содир бўлган мураккаб сиёсий вазиятнинг тадрижий ривожини ва у б-н чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар мамлакат аҳолисининг маданий ҳаётига ҳам кучли таъсир этади.

Мовароуннаҳрда араб тилининг давлат ва фан тили сифатида жорий этилиши б-н уни ўзлаштиришга бўлган интилиш ҳам ортди. Айниқса, маҳаллий золагонлар араб тилини халифалик маъмурлари б-н яқинлашиш ва мамлакатда ўз сиёсий мавқеларини тиклаб, уни мустақамлашнинг гарови деб билдилар. Уни ўзлаштиришга астойдил киришдилар.

Натижада кўп вақт ўтмай Мовароуннаҳрда араб тили ва ёзувини ўз она тилидек ўзлаштириб олган билимдонлар пайдо бўлади. Араблар орасида бу пайтда жойларда ҳокимиятни бошқаришга яроқли билимдон маъмурлар жуда оз бўлган.

Чегаралари тобора кенгайиб бораётган Аббосийлар халифалиги учун икки тилни билувчилар жуда зарур эди.

Имом Бухорий

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий – ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаллис. 810 й. 21 июлда Бухорода туғилган. Фавқулодда қобилият ва хотирага эга бўлган. 10 ёшидан ҳадисларни ўргана бошлаган ва бутун умрини ҳадис илмига бағишлаган. Ҳижоз, Миср, Ироқ, Хуросон ва б. ўлкаларда яшаб 600 мингга яқин ҳадис тўплаган бўлиб, шундан 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «ғайри саҳиҳ» ҳадисни ёддан билган. Улардан энг ишончлиларини саралаб, 4 жилдли «Ал-Жомий ас-саҳиҳ»–«Саҳиҳи Бухорий» («Ишончли тўплам») тўпламини тузган.

Имом Бухорий «Ал-Адаб ул-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Китоб ал-куна» («Кунялар ҳақида китоб»), «Ат-Таърих ал-кабийр» («Катта тарих»), «Ат-таърих ас-сағийр» («Кичик тарих»), «Китоб ал-фавоид» («Фойдали ашёлар ҳақида китоб»), «Ал-Жомий ал-кабийр» («Катта таянч»), «Халқ афъол ал-ибод» («Аллоҳ бандалари ишларининг табиати»), «Ал-Муснад ал-кабийр» («Катта таянч»), «Ат-тафсир ал-кабийр» («Катта тафсир»), «Китоб ал-хоба» («Хайр-эҳсон ҳақида китоб») ва б. асарлар муаллифи, қўллаб муҳаддислар устози. Имом Бухорий 870 й. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида вафот этган. 1998 й. Республикамизда Имом Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги нишонланди. Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Челақ ш. яқинидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди.

Имом Термизий

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Суллаймий Бугий Термизий — буюк муҳаддис. 824 й. Термизда туғилган. Ёшлик йиллари Термизда ўтган, дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган. Диний ва дунёвий фанларни, айниқса ҳадис илмини алоҳида қизиқиш б-н ўрганган, бу боралаги билимларини янада ошириш учун Шарқ мамлакатларига борган. 892 й. Буг қишлоғи (ҳоз. Шеробод тумани)да вафот этган. Термизий «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» («Ишонarli тўплам»), «аш-Шамоил ан-набавия» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари»), «ал-Илал фил-ҳадис» («Ҳадислардаги иллатлар»), «Рисола фил-хилоф вал-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «ат-Таърих» («Тарих»), «Китоб уз-зуҳд» («Зоҳидлик китоби»), «Китоб ул-асмо вал-куно» («Исмлар ва кунялар китоби») ва б. асарлар муаллифи. Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» бўлиб, ислом оламида 6 та ишончли ҳадислар тўпламидан биридир.

1990 й. Термизий таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Мустақиллик йилларида Термизийнинг ёлгорлик мажмуаси қайтадан таъмирланиб, кулугъ зиёратгоҳга айлантирилди.

Дастлабки маълумотларини ўз она ва таллари Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросондаги мадрасаларда олган ўртаосийлик олимлар халифаликнинг марказий шаҳарлари бўлмиш Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Куфа ва Басрага бориб билимларини оширдилар ва асарларини ўша даврда илм тилига айлантирилган араб тилида ёзишга мажбур бўлдилар.

Халифалик пойтахти Бағдод ш. Шарқнинг йирик илм ва маданият маркази эди. 8-а. охирида Бағдодда «*Байт ул-Ҳикмат*» («Донишмандлар уйи») — ислом Шарқнинг Фанлар академияси ташкил этилиб, унда катта кутубхона ҳамда расадхона мавжуд эди.

8—9-а.ларда илмий талқиқотлар б-н бирга қад. юнон, сурия, форс ва ҳинд олимларининг илмий ва адабий мероси ўрганилди ва араб тилига таржима қилинди.

Бағдодда Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий, Жавҳарий ва Яҳё бин Мансур каби Мовароуннаҳр ва хуросонлик олимлар ижод қилиб, ўрта аср илму фанига катта ҳисса қўшдилар.

Дунёвий фан олимлари б-н бирга бу даврда Ислом таълимоти ва мафкура-сининг такомилли йўлида мовароуннаҳрлик муҳаддис уламоларнинг ҳам хизмати катта бўлди. Бу борада айниқса Имом Бухорий ва унинг шогирди Абу Имом Термизийларнинг ҳиссаси ниҳоятда буюкдир.

Биргина Имом Бухорий ислом таълимотига оид йигирмадан ортиқ асар ёзди. Унинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») асари мусулмон Шарқда қарийб ўн икки аср давомида катта обрў-эътибор қозониб, Ислом таълимотида Қуръондан кейинги асосий манба сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Бу тўпламга киритилган ҳадислар ва уларга берилган шарҳларда фақат шариат аҳкомларига оид қондаларгина ифодаланмай, балки инсоннинг маънавий камолотининг рамиз бўлмиш меҳр-муҳаббат, ҳурмату иззат, мурувату ҳиммат, ҳалоллигу меҳнатсеварлик, сазийлигу очиқ кўнглилик ҳамда ўзаро тинч-тоғувлик каби инсоний фазилатлар ҳақида баён этилган.

8—13-АСР БОШЛАРИДАГИ ДАВЛАТЛАР

Қарлуқлар давлати (8-а. ўрталари — 10-а. ўрталари). Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисининг тез-тез кўзғолон кўтариши, мамлакат ичида узлуксиз давом этган урушлар Араб халифалиги ҳокимиятини заифлаштириб, мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Қадимда Олтойнинг гарбида, сўнгра Иртиш дарёсининг ўрта оқимида яшаган қарлуқлар қад. туркий қабилалардан эди. 6—7-а.ларда улар Турк хоқонлиги таркибига кирган. 7-а. ўрталарида қарлуқлар Еттисув ўлкасига келиб жойлашган. Уларнинг катта гуруҳи Талас ва Чу дарёларининг адоқларида ва шарқда Иссиққўлгача бўлган ерларда яшаган. Қарлуқ қабилалари 766 й.да туркашлар давлати ерларини эгаллаб, ўзларининг давлатини туздилар. Подшоҳлари «ябгу» ёки «жабгу» деб юритилган. Фарбий Турк хоқонлигининг бир қисмида вужудга келган бу давлат фарбдан Ўғузлар юрти ва Фарғона водийси б-н чегарадош бўлган. 10-а. араб географи Ибн Ҳавқалнинг маълумоти бўйича, Қарлуқлар юрти Фарғона водийсидан шарққа томон ўттиз кунлик масофага чўзилган. Бу давлатнинг пойтахти 940 й.гача Чу дарёсидан шим.роқда жойлашган Суёб ш. бўлган. Бухоро,

Самарқанд ва Шош орқали ўтган қад. карвон йўлининг шим. тармоғи Тароздан шарққа бурилиб, Суёб орқали Иссиққўлнинг жан. соҳили бўйлаб Шарқий Туркистон воҳаларига, сўнгра Хитойнинг ички вилоятларига кириб борган. 9—10-а.ларда қарлуқлар асосан кўчманчи чорвачилик, хусусан кўйчилик ҳамда овчилик б-н шуғулланган. Деҳқончиликка ўтиш даври бўлган. Мовароуннаҳр аҳолиси б-н ҳунармандчилик ва чорвачилик маҳсулотлари айирбошланган. Мовароуннаҳр савдогарларининг Еттисувда қадимдан савдо мавзелари бўлган.

Мовароуннаҳр б-н муттасил олиб берилган савдо алоқалари Еттисувда қадимдан яшаб келаётган туркий аҳолининг маданий-маънавий ҳаётига ҳам таъсир этди. Миссионерлик (таъблиғлик) воситасида Еттисувга аввал моний ва несториан (христиан) динлари, сўнгра ислом кириб борган. Маълумотларга кўра, исломни 8-а. охирларидаёқ қарлуқлар жабғуси, 10-а. ўрталарида қарлуқларнинг анчагина қисми қабул қилган. Бу даврда Таласдан шарқда жойлашган бир қанча қарлуқ шаҳарларида жоме масжидлари бино қилинган. 10-а. ўрталарида жан.дан келган яғмолар Қарлуқлар давлатини енгиб, Еттисув вилоятини эгалладилар ва бу ўлкада Қорахонийлар давлатига асос солдилар. Бу янги турк давлатининг сиёсий ҳаётида қарлуқлар фаол қатнашадилар. 10-а. охирида Қорахонийлар Мовароуннаҳрни эгаллагач, қарлуқлар Шош вилоятига ҳамда Фарғона ва Зарафшон водийларига кўчиб келиб ўрнашадилар. Кейинчалик улар Мовароуннаҳрнинг маҳаллий ўтроқ аҳолиси таркибига сингиб кетдилар.

Ўғузлар давлати (9-а. охири — 11-а. боши). 6-а.нинг 2-ярми — 7-а.да тўқуз-ўғузлар қабила иттифоқи Турк хоқонлигининг фарбга томон қилган ҳарбий юришларида фаол қатнашганлар. Турк хоқонлиги емирилгач, тўқузўғузларнинг каттагина қисми гуз ёки ўғуз номи остида Сирдарё ҳавзаси ҳамда Орол денгизи соҳилларида муқим ўрнашиб, бу ерларда улар 9-а. охири — 10-а. бошида туркларнинг яна бир янги иттифоқи — Ўғузлар давлатига асос солдилар. Ўғузларнинг асосий қисми Сирдарёнинг адоғи ва унинг ўрта оқими ҳамда Орол денгизининг шарқий ва шим.-шарқий соҳилларига ёндошган кенг яйловларда яшаган. Эмба дарёси водийсида яшовчи бижанак қабилалари ўғузларга қарам бўлган.

Сирдарё бўйлаб Янгикент (Жанкент), Жанд ва Сиғноқ каби бир неча гажум шаҳарлар бўлган. Янгикент ш. Ўғузлар давлатининг пойтахти эди. Аммо ўғуз

ябгулари Янгикентдан фақат қишки қароргоҳ сифатида фойдаланган. Сирдарё бўйидаги шаҳарларни ўғузлар бунёд этмаган. Чунки улар кўчманчи чорвадорлик б-н ҳаёт кечирган. 10-ада битилган «Худуд ул-олам» асаридида қайд этилишича, ўғузларнинг ўз қўли б-н бино қилган бирорта ҳам шаҳари бўлмаган. Бу шаҳарлар Яксарт дарёси бўйлаб йўналган қад. қарвон йўли орқали Орол бўйи ва ундан шим.га (Итил ва Ёйиқ бўйларига) қатнаган Хоразм, Мовароуннаҳр ва Шош савдогарларининг асрлар давомида дашт аҳолиси б-н олиб борган гавжум савдо алоқалари тўғрисида қад кўтарган. Ўғузлар ўтроқ аҳолидан қимматбаҳо ип ва ипак матолар, уй-рўзгор буюмлари, қурол ва яроғлар, галла харид қилганлар. Пухта ясалган Сигноқ камони ва ўқлари жуда харидоргир бўлган. Аммо ўғузлар вақт-вақти б-н деҳқончилик воҳаларига, айниқса Шош ва Хоразм ерларига ҳужум қилиб турганлар. Экинзор ва боғларни поймол этиб, шаҳар ва қишлоқларни талаганлар, аҳолисининг бир қисмини асир қилиб олиб кетганлар. Кўчманчилар ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида дашт чегараларига мудофаа деворлари, қалъа ва мўлалар бино қилинган.

Ўғузлар ҳам (шомонлик) динига сиғинган. Табиат ажойиботлари, сирли воқеа ва ҳодисалар улар учун муқаддас ҳисобланган. Ўғузлар вафот этган уруғ ва қабилла бошлиқлари ёки давлатманд уруғдошларини усти гумбази дахмаларга кийим-кечаги, қурол-яроғлари б-н дафн этганлар. Марҳум ҳаётлик чоғида маҳв этган душман сонига қараб қабр устига тош ҳайкаллар ўрнатилган. Ўғузлар тушунчасига кўра, у дунёда улар марҳум хожаларига хизмат қилмоғи лозим бўлган. Осойишталик даврларида деҳқончилик воҳалари аҳолиси б-н даштликлар ўртасида савдо-сотих ривожланди. Ўтроқ аҳолининг маданий таъсири кучайиб, 10-адан ўғузлар исломни қабул қиладилар.

Ўғузлар давлати 10-а.нинг 1-чорагида қипчоқлар ҳужуми натижасида парчаланиб кетади. Ўғузларнинг бир қисми Каспий денгизи шим.даги даштларга, иккинчи қисми эса Мовароуннаҳр орқали жан.-ғарбга силжиб, янги сулола Салжуқийлар бошчилигида Кичик Осиёга бориб жойлашди.

Тоҳирийлар давлати. 8-а. охири — 9-а. бошида халифаликни ларзага келтирган оғир сиёсий вазият Аббосийларни Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб бораётган сиёсатини ўзгартиришга мажбур этди. Эндиликда улар шарқий вилоятларни бошқаришда давлат ишларига

маҳаллий зодагонларни жалб этиш ва уларнинг қўли б-н бу вилоятларни халифалик тасарруфида тутиб туришга ҳаракат қиладилар. Натижа аббосийлар кўзлагандек бўлиб чиқмади. Маҳаллий зодагонлар Мовароуннаҳр ва Хуросонни аста-секин ўз тасарруфларига олибгина қолмай, халифалик марказида ҳам ҳокимиятни бошқаришда тобора кўпроқ иштирок эта бошладилар. Бунга айниқса, халифа Ҳорун ар-Рашид (786—809) вафотидан сўнг унинг ўғиллари Маъмун б-н Амин ўртасида 809—813 й.ларда тахт учун бўлган кураш катта йўл очиб берди.

Маъмун узоқ йиллар мобайнида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиби бўлиб, маҳаллий зодагонлар б-н жуда яқинлашиб кетган эди. Араблар халифалик тахтига Амнини кўтардилар. Ҳирот вилоятининг зодагонларидан бушанжлик Тоҳир ибн Ҳусайн бошлиқ Хуросон ва Мовароуннаҳр мулкдорлари Маъмунга ёрдам бердилар. 813 й.да улар Бағлодга юриш қилиб, уни қўлга киритдилар. Маъмун халифалик тахтига ўтқазилди. Тоҳир ибн Ҳусайн Бағлодда юксак лавозимлар берилди. Маъмун эса Сомонхудодиннинг набираларини Мовароуннаҳрнинг муҳим шаҳар ва вилоятларига ноиб қилиб тайинлади. Нуҳга Самарқанд, Аҳмадга Фарғона, Яхёга Шош ва Уструшона, Илёсга эса Ҳирот вилоятларни тегади. Бунинг эвазига ака-ука Сомонийлар Мовароуннаҳрнинг ҳар йилги хирожидан жуда катта маблағни Тоҳирийлар орқали халифа хазинасига юбориб турганлар. 9-а. географ Ибн Хурдодбехнинг ёзишича, Шошдан 607 минг, Суғддан 326 минг, Фарғонадан 280 минг, Уструшондан эса 50 минг кумуш дирҳам тушган.

821 й.да Тоҳир ибн Ҳусайн Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиби этиб тайинланди. У халифаликдан мустақил бўлишга ҳаракат қиладди. Хутбадан халифа номи чиқариб ташланди. Бироқ кўп вақт ўтмай Тоҳир ибн Ҳусайн тўсатдан вафот этади. Хуросон ва Мовароуннаҳр бошқаруви Тоҳирийлар хонадонига мерос бўлиб қолади. Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғли Абул Аббос Абдуллоҳ ноиблиги (830—844) даврида маъмурий марказ Марвдан Нишопур ш.га кўчирилди.

Тоҳирийлар даврида Сомонхудодиннинг авлодлари Мовароуннаҳр шаҳарларида маҳаллий ноиб эдилар. Тоҳирийлар уларни ўзларига тобе деб билганлар. Хуросон ва Мовароуннаҳрда Араб халифалигининг бир асрдан ортиқ давом этган бевосита ҳукмронлиги тугаб, икки маҳаллий сулола сиёсий жиҳатдан қарор

топди ва мустақил давлат шаклланди. Тоҳирийлар ва Сомонийлар исломни ўз тасарруфидаги вилоятларда арабларга нисбатан анча муваффақият б-н тарқатдилар. Давлатнинг ташқи чегаралари мустаҳкамланди.

Тоҳирийлар расман ўзларини халифага тобе деб кўрсатсалар ҳам, амалда мутлақо мустақил иш юритадилар. Улар давлат сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлашга ва қ.х.ни тартибга солишга ҳаракат қиладилар. Деҳқончилик воҳаларининг сув таъминотини яхшилаш учун янги каналлар қазилди. Халифа Муътасим (833—842) ҳам халифаликнинг энг чеккасида жойлашган Шош (Тошкент) ёнида катта ариқ қазилди. 2 млн. дирҳам ажратди. Абул Аббос Абдуллоҳнинг топшириғи б-н Хуросоннинг билимдон фикқшунослари деҳқончиликда сув манбаларидан фойдаланиш тартиблари, сув тақсими қоидалари ҳақида рисола ёзиб маъмурларга тақдим этдилар. Бу рисола икки аср мобайнида сувдан фойдаланувчилар ўртасида дастуруламал бўлиб хизмат қилди. Тоҳирийлар давлат бошқаруви, фуқароларига муносабат ва айниқса солиқ тартибларига алоҳида аҳамият берди. Шубҳасиз, бу б-н меҳнат аҳлинингизмас, балки умумдавлат манфаатлари кўзда тутилган. Тоҳирийлар замонида ҳам меҳнат аҳли мулкдор деҳқонларнинг жабр-зулмидан, оғир солиқларидан безор бўлиб, мамлакатда тез-тез кўзғолон кўтариб турарди. Кўзғолонда айниқса, «ғозийлар» фаолият кўрсатдилар. Улар кўчманчилар ҳужумини даф этиб туриш мақсадида, асосан, камбағал хунарманд ва ерсиз зироатчилардан тузилган кўнгилли лашкар эди. 9-а.нинг 60-й.ларида Хуросонда ғозийлар фаоллигида халқ кўзғолони авж олиб кетади. 873 й.да Тоҳирийлар ҳукмронлиги тугатилиб, янги *Саффорийлар давлати* ташкил топади. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришдан сўнг Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб ўз мустақиллигини тўла тиклаб олиш имконига эга бўлди.

Сомонийлар. Бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона, Шош (Тошкент) ва Уструшона вилоятларида Сомонийлар хонадонининг вакиллари ноиб эди. Юртга аввал Нуҳ, сўнгра Аҳмад бошчилик қиладди. Улар ҳатто ўз номларидан мисдан чақалар зарб этдилар. Аҳмад вафотидан (865) кейин унинг ўғли Наср I (865—892 й.да Самарқанд ҳокими; 875 й.дан Мовароуннаҳр амири) Самарқандни марказга айлантиради. Бухоро воҳаси, Нахшаб (Қашқадарё), Чағонруд (Сурхондарё) водийларидан ташқари Мовароуннаҳрнинг бар-

ча вилоятларини бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиб олиш чораларини кўради. Тоҳирийлар давлатининг барҳам топиши б-н мустақил бўлиш учун қудай шароит пайдо бўлади. Чунки саффорийлар Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилишни урдасидан чиқа олмайдилар. Бухоро зодагонларининг илтимосига биноан, Самарқанд ҳукмдори Наср ибн Аҳмад Бухорога ноиб қилиб укаси Исмоилни (874) юборди (қ. *Исмоил Сомоний*). Шундай қилиб, 9-асрнинг охириги чорагида Мовароуннаҳр Сомонийлар тасарруфига ўтган.

Сомонийларнинг тобора кучайиб бориши Араб халифалигини хавотирга солган. Шу боисдан халифа Саффорийлар б-н Сомонийларни тўқнаштириб, Хуросон ва Мовароуннаҳрда уз таъсирини қайта тиклашга ҳаркат қилади. Натижада 900 й.да улар ўртасида бошланиб кетган уруш Исмоилнинг ғалабаси б-н тугайди. Бутун Хуросон Сомонийлар қўли остига ўтади. Халифа Исмоилга ҳукмдорлик ёрлигини юборишга мажбур бўлади.

Сомонийлар ўз тасарруфидаги улкан мамлакатни бошқаришда даставвал ихчам давлат маъмуриятини ташкил этдилар. Маъмурият подшо саройи ва девонлар (марказий ҳокимият)дан иборат эди. Наршахийнинг маълумоти бўйича, Сомонийлар ҳокимияти, асосан, ўн та девон бошқарувида идора этиларди. Улар орасида вазир девони бош бошқарув маҳкамаси бўлиб, давлатнинг маъмурий, сиёсий ва ҳўжалик тартиботи унинг бевосита назорати остида тутиб туриларди. Барча девон бошлиқлари вазирга тобе эди.

Наср II ибн Аҳмад (914—943) даврида Бухоронинг Регистон майдонида 943 й. Дор ул-мулк саройи (вазирлар маҳкамаси) ва унинг қаршисида девонлар учун махсус сарой қурилган. Маҳкама хизматчилари араб ва форс тилларини пухта эгаллаган, Қуръон тафсири ва шариатнинг асосий қоидаларини яхши биладиган, турли фанлардан етарлича хабардор булган саводли аслзодалардан танлаб олинган. Вилоят девонлари маҳаллий ҳокимга, айни вақтда марказий маҳкаманинг тегишли девонига буйсунарди. Вилоят ҳокимлари баъзан вазир деб юритиларди. Улар сулолавий хонадонга тегишли амирзодалар ёки собиқ маҳаллий ҳукмдорлар ҳамда зодагон деҳқонлардан тайин этиларди. Булардан ташқари ҳар бир шаҳарда раис (шаҳар бошлиғи) ҳамда муҳтасиб (назоратчи) бўларди. Уларни ҳокимнинг ўзи маҳаллий аслзода ёки кўпинча олий табақа руҳонийларнинг нуфузли вакилларидан тайинлар эди. Мансабдорлар маошига

давлат йиллик даромадининг деярли ярми сарфланарди.

Мовароуннаҳрда ислом руҳонийларининг обрўси ошиб, пойтахт Бухоро Шарқда ислом динининг энг нуфузли марказларидан бирига айланди. Шаҳарларда кўплаб ибодатхоналар, жумладан жоме масжид, хонақоҳ (ғарибхона)лар бино қилинди. Худди шу даврда мусулмон Шарқдаги илк мадрасалардан бири (Форжак) Бухоро ш.да қад кўтарди. Малраса шаҳарнинг Дарвозаи Мансур маҳалласида амир ҳаммомининг ёнида жойлашган эди.

Мамлакат маънавий ҳаётининг таянчи булган ислом мафқурасига бу даврда «устод» — дин ва илм пешволари раҳнамолик қиларди. Кейинчалик бу атама тарк этилиб, дин пешволари ва ислом уламоларининг раҳнамоси «шайхулислом» деб янада улуғланди. Шайхулисломдан кейин хатиблар турарди. Сомонийлар ислом мафқурасининг ривожига катта аҳамият берали. Масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуриш учун махсус жойлар ва уларнинг сарфу харажати учун катта-катта мулклар ажратилиб берилди. Натижада диний муассасалар тасарруфидаги ер-мулклар тобора кўпайиб, янги турдаги ҳўжалик — вақф таркиб топади. Мас., Наршахийнинг ёзишича, Исмоил Сомоний Афшина қишлоғининг экин ерлари ва атрофидаги яйловларни Бухоро мадрасасининг талабаларига вақф қилиб беради, шунингдек, амир Регистон майдонида туташган Даштак қамишзорини мулкдор араб лашкарбошисидан 10 минг дирҳамга сотиб олиб, Бухоро ш.нинг жоме масжиди вақфига қўшиб беради. Шу тариқа масжид ва мадрасалар тасарруфида катта-катта ер ва мулклар тўплана борди.

Сомонийлар мамлакатни ташқи ва ички душман хуружларидан муҳофаза қилишга катта эътибор бердилар. Хусусан, Исмоил Сомоний яхши қурулланган ҳарбий қўшин ва турк ғўломларидан махсус сарой қўшинини тузади. Турк ғўломли

нинг ҳарбий хизмати қатъий белгиланган тартибда ўтар эди. Энг қобилиятли ва узоқ йиллар хизмат қилган айрим ғўломлар хайлбоши (отлиқ отряд бошлиғи), сўнгра эса нуфузли ҳожиб лавозимларига кўтариларди. Ҳожиблар бошлиғи ҳожиб ул-ҳўжоб ёки ҳожиб ул-бузрук Сомонийлар саройида олий унвон эди. Ҳожиб ул-ҳўжоб саройида катта нуфузга эга бўлиб, айни вақтда у бутун турк қўшинининг бошлиғи эди. Қўшиндан ташқари озод меҳнат аҳлидан тузилган мунтазам ҳарбий қўшин ҳам бўлиб, унинг таъминоти б-н махсус маҳкама — ариз девони шуғулланар эди. Қўшинларга хизмат ҳақи ҳар уч ойда тўланар эди. Сомонийлар ҳокимиятни қад. давлат бошқаруви анъаналарига суяниб бошқарди.

Сомонийлар давридаги сиёсий барқарорлик ва иқтисодий кўтарилиш маданий ҳаётнинг раванқига имкон берди. Бухоро, Самарқанд, Насаф, Гурганж, Марв ва Нишопур каби шаҳарлар илмий ва маданий марказ сифатида тараққий қила бошлайди.

Бу даврда қишлоқ аҳолисининг аксарияти сўзлий, туркий ёки хоразмийча сўзлашса-да, марказий шаҳарларда форсий-ларий адабий тили вужудга келади. Бу тил давлат тили сифатида қабул қилинади. Форсий-ларийда назм, наср ва илмий асарлар ёзила бошлайди.

9—10-а.ларда, айниқса, Бухоро ш. маданий жиҳатдан юксалади. Пойтахтда амир саройида турли соҳаларга оид қўлёзма китоблар сақланадиган катта-



Исмоил Сомоний мақбараси. 10-а.



Султон Саодат мажмуаси. 10—17-а.лар.

гина кутубхона барпо этилади. Бу даврда Бухорода айниқса шеърят равнақ топади. Унинг ривожига Рудакий (860—941), Абу Мансур Дақиқий (?—976—980 ораси), Абулҳасан Балхий ва б. шоирлар катта ҳисса қўшадилар.

Шаҳар маданиятининг равнақи, зиёлилар даврасининг кенгайиб бориши, шубҳасиз, Сомоний ҳукмдорларни илм аҳли б-н яқинлаштирди. Мамлакатни бошқаришда уларнинг билим ва маслаҳатларидан фойдаланилди.

Бу даврда Муҳаммад Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Наршахий, Беруний каби жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолар ижод қилдилар.

10—12-а.ларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда меъморчилик ва санъат янги тараққиёт босқичига кўчди. Ўрта аср жамиятининг ижтимоий-сиёсий тузуми ва бу даврда тўла ғалаба қозongan ислом дини мафқураси маданий ҳаётнинг бу соҳасига ҳам кучли таъсир қилди. Ҳашаматли бинолар қад кўтариб шаҳарлар кенгайди. Бинокорликда хом гишт ва паҳса б-н бирга пишиқ гишт ва турли хил ганч ҳамда оҳакли қурилиш қоришмалардан ҳам кенг фойдаланила бошлади. Баланд пенштоқли ёки чортоқли, томи гумбазли маҳобатли бинолар ҳамда ўймакор гиштлардан қурилган кўркам миноралар бунёд этилди. Гумбазлар конструкциялари такомиллаштирилди. Араб ёзуви безак-нақш даражасига кўтарилди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Гурганж, Термиз, Ўзган ва Марв каби шаҳарларда кўплаб сарой, масжид, мадраса, минора, хонақоҳ, мақбара, тим ва карвонсаройлар қурилди. Бухоро ш. лаги Исмоил Сомоний мақбараси, Зирабулоқ яқинида Тим қишлоғидаги Аработа мақбараси, Кармандаги Мирсаид Баҳром мақбараси, Бухоро Намозгоҳи, Минораи Калон, Вобкент минораси ва Сурхондарёдаги Султон Саодат мажмуи,

гидан далолат беради. Айни вақтда йўнлган тош, пишиқ гишт ва сувга чидамли қурилиш материалларидан сув иншоотлари: тўғон (банд), нова, кўприк, сардоба ва коризлар барпо этилади.

Сомонийлар даврида иқтисодий ҳаёт. 9—10-а.ларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларида хунармандчиликнинг кўпгина соҳалари ривожланган эди. Аҳолисининг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик б-н шугулланган.

Деҳқончилик солиғи (хирож)дан хазинага каттагина даромад тушгани учун Сомонийлар хўжаликнинг шу тармоғига кўпроқ эътибор берган. Вилоятларда сув тақсимоти тартибга солиниб, экин майдонлари имкони борича кенгайтирилган. Бир қанча янги суғориш каналли қазилиб, уларнинг даҳаналарига мифтоҳлар (шлюз) ва сув ташлагич новалар қурилди. Оқар сув танқис бўлган тоғ олдларида бандлар бино қилиниб, сув омборлари барпо этилади. Ер ости сувларидан деҳқончиликда фойдаланиш учун мураккаб гидротехника иншооти — коризлар қазилиб ишга туширилади. Чархпаррак, чигирлардан кенг фойдаланилади.

10-а. араб географларининг таърифлашича, Самарқанд ва Бухоро рустоқлари Зарафшон дарёсидан чиқарилган шох ариқлардан суғорилган. Мас., Варқсар, Маймурғ, Санжарфагон ва Дарғом рустоқларининг деҳқончилик майдонлари Дарғом анҳоридан суғорилган. Фай каналидан суғорилган ерлар Суғднинг энг обод қисми бўлган. Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Суғд дарёси Бухоро чегарасигача обод қишлоқлар орқали оққан. Бухоро воҳаси кенг ва обод бўлган, у 17 та суғориш шох ариқлар орқали суғорилган. Сирдарё ҳавзасида Илоқ (Оҳангарон) ва Парак (Чирчиқ) водийлари ҳам ниҳоятда обод ва истеҳкомли қишлоқлари кўп бўлганлигидан, бу жойни ўрта аср

тарихчилари «1000 қалъали мамлакат» деб атаганлар.

Суғориш тармоқларини лойқадан тозалаш, турли хил сув иншоотларини таъмирлаш учун ҳар йили баҳорда юз минглаб ҳашарчилар ишлаган. Мироб, жўйбон ва пойкорлар ёз бўйи гидротехника иншоотлари режими ва сув тақсимотини назорат қилиб турган. 9-адан Бухоро воҳасининг сув тақсимоти б-н шахсан шаҳар қозисининг ўзи шугулланган. Наршахийнинг ёзишича, Саъид ибн Халаф Балхий Бухорога қози бўлгач, «якши қонун-қоидалар ўрнатган... токи кучли киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун (шаҳар) тўғонларини қурдириб, Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан тақсим қилишни» жорий этган.

9—10-а.ларда Мовароуннаҳрда яйлов чорвачилиги ривож топган. Кўчманчи чорвалор қабилалар ўтроқ аҳолини чорвачилик маҳсулотлари б-н таъмин этиб турган. Ўтроқ аҳоли, ўз навбатида, даштликларга хунармандчилик маҳсулотларини етказиб бериб турганлар.

9—10-а.ларда аҳолининг хўжалик ҳаётида хунармандчилик катта ўрин тутди. Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларида тўқимачилик, кулолчилик, дегрезлик, чилангарлик, мисгарлик, заргарлик, шишагарлик ва дурадгорлик анча ривож топади. Айни вақтда шаҳарларнинг меъморий қиёфаси ҳам ўзгара борди. Маҳобатли сарой, масжид, мадраса, намозгоҳ, хонақоҳ ва карвонсаройлар ҳамда устахоналар қад кўтарди. Шаҳарлар кенгайиб илк ўрта асрларда вужудга келган арк (ўрда), шахристон (ички шаҳар) ва рабол (ташқи шаҳар) ягона девор б-н ўраб олинди, шаҳар дарвозаларининг сони ҳам кўпайди. Шаҳарнинг дўнглик ерида жойлашган аркида одатдагидек подшоҳ ёки ҳокимнинг қароргоҳи (даргоҳ), хазина, қақа-тангалар сўқиладиган зарбхона ва қамоқхона бўларди. Шаҳар марказида регистон майдони, девонлар, маҳкама саройи, шунингдек, амирзодалар, сарой аъёнлари, руҳонийлар, мулкдор деҳқонзодалар ва давлатманд савдогарларнинг ҳашаматли қасрлари, подшоликнинг қурол-яроғ, асбоб, эгар-жабдуқ ясайдиган устахоналари, хунармандчилик дўконлари ва савдо расталари жойлашган эди. Шаҳарлар кенгайиб, уларнинг гирди бўйлаб косиб ва хунармандларнинг янги-янги маҳалла-кўйлари, бозор ва расталар вужудга келди. Маҳалла-кўйларда заргар, сарроф, тўқувчи, кулол, мисгар, темирчи дурадгор ва б. хунармандларнинг уй-жойлари ва дўконлари бўларди. Айни шу даврда Бухоро, Самарқанд, Кўҳна Гурганж, Марв, Бинкат, Кеш, Насаф, Ах-

сикат каби шаҳарлар ўрта аср ҳунармандчилигининг ривож топган йирик марказига айланади.

Наршахийнинг ёзишича, 9-ада Бухоро арки ёнида подшоликка қарашли «Байт ут-тироз» катта тўқимачилик корхонаси булган. Унда қимматбаҳо рангли мато, палос, дарпарда, ёстиқ жилди, жойнамоз ва уст кийимликлар тўқилган. Самарқандда кўпроқ мисгарлик, заргарлик ва саррожлик ривожланган эди. Турли матолар, кимхоб, шойи ва рўмоллар тўқилар, юқори навли қоғоз ишлаб чиқарилар эди. Шош ўзининг қўнчилик маҳсулотлари ва чарм буюмлари б-н, Илоқ эса кумуш ва қўроғшин конлари ҳамда кумуш танга чиқарадиган зарбхонаси б-н машҳур эди. Мовароуннаҳрнинг хўжалик ҳаётида Хоразм ҳам катта роль ўйнайди. Бу ерда ҳунармандчиликнинг бошқа соҳалари қаторида қайиқ-созлик тараққий қилади. Хоразм ва Термизда ясалган қайиқларда Амурдарё бўйлаб муттасил юк ташилган.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг айрим соҳалари йирик қишлоқларда ҳам ривож топди. Бухоронинг Зандана қишлоғида тўқилган «занданача» малла ранг бўз, Самарқанднинг Вадор қишлоғида тайёрланган «вадорий» матоси Шарқда машҳур ва манзур эди.

9—10-а.ларга оид кулолчилик сирланган идишлари ва шишасозлик буюмлари б-н алоҳида мавқени эгаллаган. Бу даврда тоғли минтақаларда кончилик ҳам жадал ривожланди. Шош вилояти, Фарғона водийси, Нурота, Уструшона, Хўжанд атрофлари ва Зарафшон тоғларида темир, мис, қўроғшин, олтин, кумуш рудалари, феруза ва б. қимматбаҳо тошлар, Бадахшондан лаъл ва ло-

жувард қазиб олинарди. Илоқ вилояти кумуш ва қўроғшин олинадиган йирик марказлардан эди. Ундаги Қорамозор тоғидан бу икки тур маъдандан ташқари олтин, мис, темир рудалари ва феруза қазиб олинарди. Фарғона водийси тоғларидан темир, қўроғшин, кумуш, симоб, мис, қалай, феруза, новшадил қазиб чиқариларди. Фарғонада ўша вақтлардаёқ тошқўмир ва нефть қазиб олинди ишлатилганлиги маълум. Нефтьдан қамал қилинган шаҳарга ўт отишда фойдаланилган. Кончилик ва темирчилик давлат тасарруфида бўлган. Кон қазиишлари ўз замонаси учун анча такомиллашган эди. Қазилма бойликлар ҳозиргидек очиқ усулда ҳамда ер ости конларидан қазиб олинарди. Қазилган рудалар ер остидан сифатлақлар воситасида юқорида чиқарилган. Конларда, асосан кул, маҳбус ва қишлоқ жамоалари зўрлик б-н ишлатиларди. Кончиларнинг меҳнати ниҳоятда машаққатли ва хавфли бўлганлигини археологик топилмалар (қорачирғи, болта, чўкич ва ҳ.к.)дан билиши мумкин.

Бу даврда деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг ривож топиши б-н ички ва ташқи савдо ҳам кенгайди. Фарбий Осиёни Мўғулистон ва Хитой б-н туташтирган қадимги карвон йўли орқали олиб борилган ташқи савдо алоқалари ривожланди. Бағдод шдан бошланган катта карвон йўли Ҳамапон, Нишопур, Марв, Омул, Бухоро, Самарқанд, Шош, Тароз, Қулон, Марки, Боласоғун, Суёб, Иссиққўлнинг жан. соҳили орқали ўтиб, Шарқий Туркистонга ва ундан Хитойга кириб борар эди. Бу йўлнинг Фарғона орқали ўтган жан., Ўғузлар юрти ёки Дашти Қипчоқ орқали Жан. Сибирга йўналган шим. ҳамда Хоразм орқали Итил дарёси бўйлаб Ха-

зар ва Булғор давлатларига элладиган шим.-фарбий тармоқлари айниқса серкатнов бўлган. Карвон йўлларида работлар бино қилиниб, карвонсаройлар қурилган.

10-ада ташқи савдо муомаласида саррофлик чекларидан кенг фойдаланилган. Ўша вақтда савдогарлар ўзи б-н кўп миқдорда пул олиб юрмас эди. Ўз пулини у шаҳарнинг тегишли саррофларидан бирига топшириб, ундан тегишли ҳужжат — чек оларди. Мўлжалланган шаҳарга бориши б-н ўша чекни саррофга бериб, унда кўрсатилган миқдордаги пулни тўлалигича қайтариб олиши мумкин эди.

Карвон йўлининг шим.-тармоғи Дашти Қипчоқ аҳолисини деҳқончилик маҳсулотлари ва ҳунармандчилик буюмлари б-н таъмин этарди. Сибирдан қимматбаҳо мўйналар, қўчманчилар юртидан асосан чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотлари келтирилар эди.

Фарғона, Ўш ва Ўзган орқали Қашқарга ва ундан ички Хитой вилоятларига рангдор шиша буюмлар, сирланган нақшинкор сопол идишлар, кийим-кечак, эгар-жабдук, мева ва йилқи, шунингдек зеб-зийнат ва қурол-яроғлар олиб борилар эди. Хитойдан, асосан, ипак, шойи, кимхоб ва чинни идишлар олиб келинарди. Мовароуннаҳр бозорлари орқали Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига ипак, ил ва шойи, кумуш, тери, жун, кигиз, турли хил мўйна, туя, қорамол, қўй, қуруқ мева олиб чиқилар эди.

Хазар ва Булғорга Мовароуннаҳр ва Хоразмдан гуруч, қуруқ мева (ёнғоқ, майиз, урик ва ҳ.к.), канакунжут мойи, ширинликлар, тузланган балиқ, бўза, мушк-анбар, пахта толаси, ип ва шойи матолар, мовут, кимхоб, гилам ва чойшаблар, кулф, камон, қайиқ ва кумуш тангалар, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Ироқ ва б. мамлакатлардан келтирилган моллар чиқарилар эди.

Булғор ва Хазардан қимматбаҳо мўйналар, шунингдек, мум, шам, камон ўқи, оқтерак ёғочи ва қайин пўстлоқлари, чўққи қалпоқлар, балиқ елими ва тишлари, булғори чарм қалқонлар, славян элати (қавми)га мансуб куллар, овчи қушлар (қарчигай), асал, қўй ва қорамол олиб келинар эди. Ташқи савдо муомаласида Тоҳирийлар ва Сомонийларнинг кумуш дирҳамларидан кенг фойдаланилар эди.

Ички ва ташқи савдонинг авж олиши б-н чақа ва тангаларнинг муомалала бўлиши ҳам жадаллашди. Ички бозорлар мис чақа — фалс, халқаро савдода кумуш танга — дирҳам ишлатиларди. Фалс



Қирққиз қалъаси. 9—10-а.лар.



Бинкат топилмалари.
9—10-а.лар.

эҳтиёжга қараб баъзи вилоят ҳокимлари ва ҳатто айрим мулкдор зодагонлар томонидан ҳам чиқариларди. Кумуш тангалар фақат ҳукмдор номидан Марв, Самарқанд, Бухоро ва Шошда давлат зарбхоналарида сўқилар эди. Сомонийлар «исмоилий», «мусайяби», «муҳаммадий» ва «ғитрифий» каби кумуш дирҳамлар чиқарган. Сомонийларнинг кумуш дирҳамлари Русия ва Болтиқбўйи мамлакатларидан кўплаб топилган.

9—10-а. л арда Мовароуннаҳрда ер эгаллиги ва барзикорлар. Сомонийлар ҳокимияти йирик ер эгалари ҳамда мулкдор савдогарларнинг манфаатини ҳимоя қилгани туфайли мамлакатдаги мавжуд ер ва сувнинг катта қисми давлатга ва зодагон табақаларга тегишли бўлган. Айни вақтда ердан фойдаланиш ва унга эгаллик қилишнинг бошқа турлари ҳам мавжуд эди. Давлат тасарруфидаги ерлар «мулки султоний», ҳукмрон сулола вакиллари, зодагон деҳқон ва аслзодаларнинг тасарруфидаги йирик ҳамда меҳнаткаш қишлоқ аҳолисига тегишли майда хусусий ерлар «мулк ерлари» деб аталарди. Масжид, мадраса, хонақоҳ ва мақбараларга вақтинча ёки муддатсиз фойдаланиш учун берилган ерлар «вақф ерлари» дейилган. Барча турдаги ердан фойдаланувчилар давлатга ҳосилнинг 1/3 ҳажмида хирож тўлар эди. Олий мартабали руҳоний ва сайдларга қарашли ерлар («мулки хос») давлат солиқларидан қисман ёки тамомла озод этилган. Бундай имтиёзга эга бўлган мулкдорлар давлатга ҳосилнинг 1/10 ҳисобида (баъзан пул б-н) «ушр» солигини тўлар эди. Шунингдек, ҳукмрон сулола ҳамда олий табақа вакиллари давлат олдидаги хизматлари эвазига ҳадя қилинган мулклар (вилоят, туман ёки айрим шаҳар ва қишлоқлар) «иқто» ёки «тума ерлар», унга эга бўлган мулкдорлар «муқта» ёки «иқтадор» деб юритиларди. Иқто тарзида эса айрим вилоят, воҳа, рустоқ (туман) ёки шаҳарлар ҳадя этилган. Иқто, даставвал, асосан, сулола аъзолари — амирзодалар ва айрим мансабдорларга инъом этилган. Иқто мулклари аввалда маълум муд-

датга берилиб, наслдан-насла ўтказилмаган. Иқтодорлар иқтоларида тушадиган даромадни ёки унинг маълум қисминигина йиғиб олиш ҳуқуқига эга бўлганлар, холос. Бутун бир вилоят иқто қилиб берилган ноиб — вазирга баъзан ўз номида чақа пул зарб этиш ҳуқуқи ҳам берилар эди. Бу кўпинча марказий ҳокимиятни кучсизлантириб, маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари кучайишига олиб келар эди.

Қишлоқ жамоалари тасарруфида ҳам маълум миқдорда «жамоа ерлари» бўлиб, бундай ерлар кўпинча лалмикор ҳамда коризлар воситасида суғориладиган сувга танқис тоғ олди минтақаларида жойлашган эди.

Майда хусусий ҳамда жамоа ерларидан ташқари барча мулкларда меҳнаткаш қишлоқ аҳолиси каливар ёки ёлланиб коранда бўлиб ишлар эди. Корандалар 9—10-а.ларда «шерик» ёки «барзикор» деб аталарди. Бу даврда катта ер эгалари ўз ерларини барзикорларга ижарага беришни афзал кўрардилар. Ижарачиларнинг асосий қисми кам ерли ёки ерсиз деҳқонлар эди. Агар барзикор ўз уруғлиги ва кўши б-н деҳқончилик қилса, ҳосилнинг 1/3—1/5 миқдоридан ҳисса олар, уруғлик ва кўш ер эгаси ҳисобидан бўлса — ҳосилнинг 1/10 ёки 1/12 улушига эга бўларди. Давлат солиқлари (хирож ва ушр) ер эгасидан ҳам, корандадан ҳам алоҳида-алоҳида шу улушлар ҳисобидан олинар эди.

Деҳқонлар зиммасига суғориш тармоқларини мунтазам лойқадан тозалаш, канал қазиш, тўғон ўрнатиш, кўприк қуриш, сув омбори барпо этиш каби оғир ишлар ҳам юкланган эди. Булардан ташқари меҳнаткаш омма масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва карвонсаройлар каби қурилишларда, шаҳар

ва қалъаларнинг мудофаа деворларини таъмирлаш, янгилан қуриш ва йўл тuzатишда текинга ишлаб беришга мажбур эди. Аҳоли, айниқса, Сомонийларнинг ҳарбий юришлари, ҳукмрон сулоланинг ички низолари, маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари б-н боғлиқ ўзаро курашларидан безор бўлган эди. Бундай ички сиёсий вазият оқибатда мамлакатни иқтисодий тангликка олиб келди. Бундай оғир аҳволдан чиқиш учун 942 й.да аҳолидан икки марта солиқ ундириб олинади. Сиёсий вазият, айниқса, Нуҳ ибн Наср (943—954) ва унинг набираси Нуҳ ибн Мансур (976—997) ҳукмронликлари даврида ниҳоятда кескинлашди. Кетма-кет такрорланган исёнлар марказий ҳокимиятни заифлаштирди. Бу даврда Етти-сув вилоятида ташкил топган Қорахонийлар давлатининг Мовароуннаҳрга қилган ҳужумидан 999 й.да Сомонийлар ҳокимияти бутунлай барҳам топди.

Қорахонийлар давлати. 10-а.нинг 1-ярмида Еттисув ва Шарқий Туркистонда яшовчи кўчманчи турк қабилалари (қарлук, чигил ва яғмо)нинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлди. Уларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши тезлашди. Бундай ўзгаришларда Еттисув ва Қашқар орқали ўтган қад. карвон йўли ҳам муҳим роль ўйнади. Шунингдек, кўшни Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолиси б-н олиб борилган иқтисодий ва маданий алоқаларнинг таъсири кучли бўлди.

10-а. ўрталарида Иссиққўлнинг жан. ва Қашқарда яшаган яғмо қабилалари кучайиб, кўшни чигил қабилалари б-н ягона иттифоққа бирлашади. Сўнгра улар Еттисувдаги қарлуқларни бўйсундириб, у ерда Қорахонийлар давлатини ташкил қилдилар.

Бу янги давлатнинг подшолари буюк ҳукмдор маъносини англатувчи «арслон-



Намозгоҳ, Бухоро. 12-а.

хон» ва «бугрохон» унвонлари б-н юритилган. Буюклик ёки улуғлик эса қадимда туркий халқларда «қора» сўзи б-н сифатланган. Улар ҳукмдорлик қилган давлат тарихида Қорахонийлар давлати номи б-н шухрат топган. Аслида «арслон» чигил қабиласининг тотеми, қабила аждоди ибтидоси ҳисобланган. «Бугро» эса оғир юк кўтарадиган туя маъносини англатиб, яғмоларнинг тотеми булган. Қорахонийлар қабилавий удумига мувофиқ қабила бошлиқлари орасида энг ёши улуғини «арслонхон» ёки «бугрохон» даражасига кўтариб, ҳукмдор, яъни қорахон қилиб сайлашган ва у «тамғачхон», яъни хонлар хони деб юритилган. Давлат сулоласининг асосчиси Абдулкарим Сотуқ Бугрохон (Қорахон) номи б-н аталган.

992 й.да Қорахоннинг набираси Ҳорун ибн Мусо ибн Сотуқ Бугрохон бошлиқ қабилалар Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб Бухорони деярли қаршиликсиз ишғол этганлар, чунки Сомонийларнинг марказий ҳокимияти ички зиддиятлар туфайли кучсизланиб қолган эди. Бугрохон ватани Қашқарга қайтишда йўлда вафот қилади. Вазиятдан фойдаланиб амир Нуҳ ибн Мансур Бухоро тахтини Фазна ҳукмдори Сабуктегин ёрдамида 994 й. қайтариб олади. Нуҳ Сабуктегинни Хуросон номи қилиб тайинлайди. Натижада Фазна ва Хуросонда Сабуктегин ва унинг ўғли Маҳмуднинг сиёсий ҳукмронлиги мустақкамланиб, *Фазнавийлар давлати* ташкил топади.

996 й.да Қорахонийлар Наср ибн Али бошчилигида Мовароуннаҳрга яна ҳужум бошлайди. Сабуктегин ўғли Маҳмуд Фазнавий бошчилигида 20 минглик қўшин юбориб Бухорони эгаллайди. Сомонийларга Мовароуннаҳрнинг марказий қисмигина берилди, ҳолос. Бироқ 999 й. баҳорида Наср ибн Али Бухорони босиб олиб, Сомонийлар ҳокимиятига бутунлай барҳам берди. Қорахонийлар б-н 1001 й. тузилган шартномага мувофиқ Амударёдан шим.даги ерлар Қорахонийлар тасарруфига ўтади. Султон Маҳмуд эса Амударёдан жан.даги ерлар, шу жумладан, Хуросонга ҳукмдор бўлиб олади. Мовароуннаҳр эл-қурт ва вилоятларга бўлиниб, уларни Қорахонийлар сулоласи вакиллари элоқхон ва тақинлар бошқарди. Марказий ҳокимият анча заиф бўлиб, элоқхонлар хоқонларга номигина итоат этганлар. Қорахонийлар давлати пойтахти дастлаб Қашқарда, сўнг Боласоғун, Ўзган ш.ларида бўлиб, кейин яна Қашқарга кўчирилган. Шундай қилиб, 10-а. охирида Сомонийлар мулки ўрнида 2 та давлат ташкил топди: бири — Қашқардан Амударёгача чўзил-

ган, Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Еттисув, Шош, Фарғона ва қад. Суғдни ўз ичига олган Қорахонийлар давлати; 2-си Сабуктегин ва Султон Маҳмуд даврида кучайган ва Ҳиндистон шим.дан Каспий денгизи жан.га қадар вилоятларни эгаллаган Фазнавийлар давлати эди.

Гарчи Амударё чегара қилиб белгиланган бўлса-да, аммо Қорахонийлар Хуросонни ўз тасарруфидаги вилоятлар деб ҳисобларди. Орадан кўп вақт ўтмай Қорахонийлар б-н Фазнавийлар ўртасида шиддатли урушлар бошланади. 1006 ва 1008 й.ларда Қорахонийлар Хуросон устига 2 марта қўшин тортадилар. Балх, Тус ва Нишопур ш.лари забт этилади. Лекин Султон Маҳмуд Фазнавий Хуросонни ўз давлати тасарруфида сақлаб қолишга муваффақ бўлади ва 1011–12 й.ларда Қорахонийлар б-н сулҳ тузади. Хоразмда 1016 й. халқ кўзғолони вақтида хоразмшоҳ Абулаббос Маъмун қатл этилди. 1017 й.да Султон Маҳмуд шу баҳонада Хоразмни босиб олади. Хоразмга ўз ҳожиби Олтинтошни ноиб тайинлаб, кўп бойлик ва асирлар б-н Фазнага қайтади. У ўзи б-н бирга Абу Райҳон Беруний ва б. бир қанча олим ва шоирларни мажбуран олиб кетади.

1030 й.ларда Сирдарё этакларида яшовчи ўғузлардан ажралиб *Салжуқийлар* номи б-н Хуросонга бориб ўрнашган ўғуз қабилалари кучайиб, уларга ўз вақтида ер-мулк бериб ҳомийлик қилган Фазнавийларга қарши тазийқ кўрсатадилар. Салжуқийлар б-н жиддий кураш бошланади. Бундай вазиятдан фойдаланган Қорахонийларнинг маҳаллий ҳукмдори Иброҳим Бўритакин 1038 й.да Амударё юқори оқимидаги вилоятлардан Хутталон, Вахш ва Чағониённи Масъуд I Фазнавийдан тортиб олади. Кўп вақт ўтмай у Мовароуннаҳр, жумладан, Фарғонани ўзига бўйсундириб, мустақил сиёсат юрита бошлайди. Натижада, Қорахонийлар 2 мустақил давлат — пойтахти Боласоғунда бўлган Шарқий Қорахонийлар ва маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳр Қорахонийлар давлатига ажраб кетади. Бу ғалабалардан

Магоки Аттори.
Бухоро. 12-а.



Вобкент минораси. 12-а.

сўнг Иброҳим Тамғач «Бугрохон» унвонига сазовор бўлади.

1040 й.да *Данданакон жанги*да Масъуд Фазнавий салжуқийлардан қақшатқич зарбага учрайди. Фазнавийлар тасарруфида Фазна, Кобул, Қандаҳор ва Панжоб вилоятларигина қолиб, у кичик давлатга айланади. Салжуқийлар Тўғрулбек замонида 1055 й.да Бағлодда ўз сиёсий ҳукмронликларини ўрнатадилар. Аббосий халифа эса фақат диний ишлардагина мутасадди бўлиб қолади ва Тўғрулбекни «Шарқ ва Фарб султони» деб тан олишга мажбур бўлади. Салжуқийлар Хоразм томондан Хутталон, Чағониён, Жанд ва Савронга юриш қилиб, Қорахонийлар б-н бир неча бор тўқнашди-





Работи Малик. 11-а.

лар. 1130 й.да султон Санжар Қорахонийлар давлати пойтахти Самарқандни ишғол этади. Натижада Қорахонийлар Санжарга тобе бўладилар.

Элоқхонлар мустақил чақа-тангалар зарб қилиб, марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка интилар эдилар. Мовароуннаҳр элоқхони Қорахоний элоқхонлари орасида катта обрўга эга эди. Вилоят бошқарув маъмуриятида Сомонийлар давридагилек вазир, соҳиббарид, муставфийлар хизмат қиларди. Шаҳрлар эса шаҳар ҳокими, раис ва мухтасиблар томонидан бошқариларди. Қорахонийлар ўз ҳукмронлигини мустақамлашда мусулмон руҳонийларига таяндилар.

Қорахоний ҳукмдорлари гарчи ўтроқ ҳаётга кўчмаган бўлсалар ҳам, деҳқончилик воҳалари ва шаҳар маданиятига эътибор б-н қарадилар. Боласоғун, Қашқар, Тароз, Ўзган, Самарқанд ва Бухоро пойтахт шаҳарлар бўлиб қолди. Аини вақтда Мовароуннаҳр, айниқса, Зарафшон водийсида кўпгина деҳқончилик майдонлари ва боғлари топталиб яйловга айлантирилди. Натижада мулкдор деҳқонлар б-н чорвадор кўчманчилар ўртасида зиддият кучайиб, Қорахонийларнинг тазйиқи б-н нуфузли деҳқонлар ер-мулк ва қўрғонларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Улар мамлакатда тутган сиёсий мавқеларидан ҳам ажралдилар. Шу вақтдан «деҳқон» истилоҳи ҳам «қишлоқ ҳокими»ни англатувчи асл маъносини йўқота бориб, қишлоқ меҳнаткашлари учун умумий номга айланди.

Зодагон деҳқонлардан мусодара қилинган ерлар давлат тасарруфи («мулки султоний»)га ўтказилди. Бундай ерлардан тушган даромад давлат хазина-

сини тўлдирарди, маълум қисми эса иқто қилиб бериларди.

Қорахитойлар. Қорахитойларнинг келиб чиқиши тўғрисида фанда ягона фикр йўқ. Баъзи тадқиқотчилар уларни Сибирнинг тунгус аҳолисига, бошқалар эса мўғулларга мансуб ҳисоблайдилар. Қорахитойлар ўз давлатини дастлаб Еттисув вилоятида барпо қилганлар. Пойтахти Боласоғун ш. бўлган. Подшоҳлари «гурхон» деб юритилар эди.

Қорахитойлар аввал Шотш ва Фарғонага, сўнгра Зарафшон ва Қашқаларё вилоятларига бостириб қиради. 1137 й.да Хўжанд ш. яқинидаги жангда Қорахонийларнинг элоқхони Маҳмуд енгиларди. Сулҳдан кейин Қорахитойлар катта ўлпон олиб ўз юртларига қайтиб кетдилар. Лекин орадан тўрт йил ўтгач, улар яна Мовароуннаҳрга ҳужум қиладилар. Самарқанд яқинидаги Қатвон (Булунгур) чўлида 1141 й. 9 сент.да Қорахитойлар б-н Салжуқийлар ҳамда Қорахонийларнинг бирлашган кучлари ўртасида бўлган жангда ҳар икки томондан қарийб 30 минг аскар шахид бўлади (қ. *Қатвон жанги*). Қорахитойлар ғалаба қозонади. Султон Санжар ва элоқхон Маҳмуд Термизга қочади. Мовароуннаҳр халқлари бу ерда ислом жорий этилганидан буён 1-марта номусулмон фотиҳлар — Қорахитойлар ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлади. Бироқ Қорахитойлар Мовароуннаҳрни батамом босиб олмай, маҳаллий аҳолидан солиқ йиғиб олиш тартибини жорий этиш б-н кифояландилар.

Қатвон чўлидаги мағлубиятдан кейин Мовароуннаҳр Қорахитойлар тасарруфига ўтгач. Қорахонийлар давлати ўз мустақиллигини йўқотди. Мамлакатнинг бир неча вилоят ҳокимликларига бўлиниб кетиши тарқоқликни кучайтирди. Қорахитойлар 1172 й. Хоразмни ҳам эгалладилар. 13-а. бошида Мўғуллар истилоси натижасида Шарқий Туркистон эгалланиши б-н Қорахитойлар давлати кулади. Қорахитой қабилалари эса кейинчалик қўшни туркий халқларга қўшилиб кетди.

Хоразм давлатининг қайта тикланиши ва юксалиши. Олтинтош сулоласи 1017—41-й.ларда Хоразмни газнавийлар номидан бошқарган. Салжуқийлар Газнавийларни енгиб Хуросонни эгаллагач, 1043 й.да Хоразмни ҳам бўйсундирдилар. Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ I (1072—92) ўз маъмурларидан Ануштегинни 1077 й.да Хоразмга ноиб қилиб тайинлайди. Ануштегин вафотидан сўнг Хоразмда унинг вориси Кутбидин Муҳаммад (1097—1127) ноиблик қилади. Гарчи у «хоразмшоҳ» унвонини тикласа ҳам

Султон Санжарнинг ноиблигича қолди. Хоразмда мустақиллик учун кураш 12-а.нинг 2-чорагидан кучайди. Кутбидин Муҳаммаднинг ўғли *Алоуддин Отсиз* Салжуқийларнинг заифлашганидан фойдаланиб, Хоразмни тобеликдан чиқаришга ва мустақил давлатга айлантиришга ҳаракат қилди. Даставвал Отсиз Хоразмшоҳ туркман ва Қипчоқларни ўзига бўйсундирди. Хоразм б-н иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлган Сирдарё этаклари ва Мангишлоқ ҳамда Марв ва Нишопурни эгаллади. Қипчоқ ва туркманлардан кучли ёлланма қўшин ташкил этиб, бир неча бор Султон Санжарга қарши исён кўтарди.

12-а.нинг 2-ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда сиёсий вазият янада кескинлашди. 1153 й.да хуросонлик кўчманчи ўғуллар қўзғолон кўтариб Султон Санжар қўшинини енгдилар ва ўзини асир олдилар. Бунинг оқибатида Салжуқийлар давлати кескин зарбага учраб, парчаланиб кетди.

1172 й. Хоразм ҳам Қорахитойларга бўйсундирилди. Аммо Қорахитойлар Хоразмнинг ички ишларига аралашмай, фақат бож ва ўлпон йиғиш б-н кифояландилар.

Отсизнинг сиёсатини унинг ворислари Эл-Арслон ва Такаш давом эттирдилар.

Хоразм давлати, айниқса, Такаш даврида жуда кенгайди. 1187—93 й.ларда у Нишопур, Рай ва Марв ш.ларини босиб олади. 1194 й.да эса Салжуқийлар султони Тўғрул III га қақшатқич зарба бериб, Фарбий Эронни ҳам Хоразмга қўшиб олди ва шу б-н Хоразмни Салжуқийлар тасарруфидан бутунлай халос қилди. Орадан бир йил ўтгач, Такаш халифалик ерлари бўлмиш Ироққа бостириб қиради. Унинг даврида Хоразм давлати ерлари 2 баравар кенгайди.

Такашдан сўнг унинг ўғли Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳам Хоразм давлатини кенгайтириш сиёсатини давом эттирди. Бу даврда Хоразм улкан давлатга айланган эди. Даставвал Муҳаммад Хоразмшоҳ Ҳирот ва унинг атрофлари ҳамда Хуросоннинг Хоразм давлати тасарруфига киритилмаган вилоятларини забт қилишга киришди. У 1212 й.да Мовароуннаҳрни Қорахонийларнинг сўнги вакиллари қўлидан тортиб олди ва шу б-н Қорахонийлар ҳукмронлиги бу ерда бутунлай барҳам топди.

12-а. ўрталаридан Бухоро вилоятида диний ва маъмурий ҳокимият «Садри ҳаҳон» унвони б-н машҳур бўлган бадавлат хонадонга мансуб руҳоний садрларнинг қўлига ўтди. Бухоро ва унинг атрофидаги катта ер майдонлари, мас-



Бухоро. Минораи калон. 12-а.

жид, мадраса ва хонақоҳларнинг вақф мулклари, Бухородаги дўкон, карвонсарой, ҳаммом ва тегирмонлар уларнинг тасарруфида булган. Шаҳар саррофлари ва хунармандлари кўп жиҳатдан садрларга қарам эди. Мамлакатлараро карвон савдосида ҳам садрлар фаол иштирок қилганлар. Маълумотларга қараганда, уларнинг йиллик даромади 100 минг динорга тенг бўлган.

Садрлар Бухорода 1207 й.гача мустақил ҳукмронлик қилдилар. Халқ ўртасида норозилик кучайиб, 1206 й.да Бухоро ш.да хунармандлар қўзғолон кўтардилар. Қўзғолончилар сўнги садрнинг мол-мулкни мусодара этиб ўзини оиласи б-н шаҳардан бадарга қилдилар. Садр ўз ҳомийси—қорахитойлар гурхони паноҳига нажот истаб боради. Муҳаммад Хоразмшоҳ Бухородаги воқеалардан хабар топган, фурсатдан фойдаланиб, тезда қўзғолончилар устига аскар тортади.

Қўзғолон бостирилган, Бухоро Хоразмшоҳлар давлатига қўшиб олинади ва сўнги садри жаҳон мансабидан маҳрум қилинади.

Бухорони эгаллагач, Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқандни Қорахитойлар асоратидан озод қилишга отланади. Худди шу даврда Чингизхон таъқибдан қочиб Мўғулистондан Еттисув вилояти томон чекинган найман сардори Кучлуқ қарлуқлар б-н бирлашиб, қорахитойларга қаттиқ зарба берди. 1210 й.да ҳам у Гурхоннинг Ўзгандаги хазинасини ҳам қўлга киритди.

Бундай қулай вазиятдан фойдаланган Хоразмшоҳ Самарқанд ҳукмдори Усмон ибн Иброҳим б-н бирлашиб Еттисувга томон аскар тортади. Иттифоқчилар Талас водийсида Гурхон қўшинлари б-н тўқнашадилар. Жангда Хоразм аскарлари кўп талафот берган бўлса-да, 2 томондан зарбага учраган Гурхон аскарлари енгилди. Ҳатто Қорахитойлар қўшинининг қўмондони Таянғу асир олинади. Еттисув ўлкаси Хоразмшоҳлар давлатига тобе этилади.

13-а. бошида Хоразм жуда кенг майдонни эгаллаган буюк давлатга айланган эди. Унинг чегараси Орол ва Каспий денгизи соҳилларидан Ироққа қадар борар. жан.-шарқий чегараси Ғазна вилоятидан, Еттисув ва Дашти Қипчоқдан ўтар эди. Пойтахти Гурганж ш. булган. Саройда Муҳаммад Хоразмшоҳ «Искандари Соний» (Иккинчи Искандар) деб улуғланган.

Мовароуннаҳр аҳолисининг Қорахитойлар зулму асоратидан озод бўлиб, Хоразм давлатига бирлашиши, шубҳасиз, ижобий тарихий воқеа эди. Аммо Хоразмшоҳнинг ҳарбий юришлари, солиқ сиёсатидаги бебошлик, амир ва маъмурларнинг жабру зулми, мажбурий ишлаб беришлар мамлакат фуқароларининг молдий аҳволини оғирлаштирди. Натижада 1210 й.да Ўтторда, 1212 й.да Самарқандда қўзғолон кўтарилди. Ҳар 2 қўзғолон шафқатсизлик б-н бостирилади.

Жувайнийнинг ёзишича, ўша кунларда Самарқандда 10 минг киши ўлдирилган. Қўзғолон бостирилган. Хоразмшоҳ Мовароуннаҳр вилоятларидаги қорахоний ноибларнинг барчасини қатл қилишга буюрди. Шу б-н Мовароуннаҳрда қорахонийлар сулоласи ҳукмронлиги узил-кесил тугатилди. Ўзган ҳамда Самарқанд ш.ларида Муҳаммад Хоразмшоҳ номи б-н тангалар зарб этилди.

Бироқ Хоразм давлатида синфий кураш ва вилоят ҳукмдорларининг исёнлари давом этаверди, лашкарбонилар орасида ва саройда фитналар кучайди.

Давлатнинг мунтазам қўшини қанглиқипчоқ ва туркманлардан тузилган, умумий сони Чингизхон ҳарбий кучига нисбатан бирмунча ортиқроқ



Сурхондарё. Жарқўрғон минораси. 12-а. боши.

булган. Салтанатни ҳокимлар, ноиблар, вазирлар, лашкар бошлиқларидан иборат кучли ҳарбий зодагонлар, муставфий (лафтардор ҳисобчилар), қозилар ва б. кўпгина сарой мансабдорларидан иборат улкан аркони давлат қуршаб турарди. Юқори амалдорларнинг кўпчилиги қисми йирик ер-сувларга эга бўлган мулкдор оқсуяк табақани ташкил этарди. Кўпгина мансаблар, одатга кўра, отабободан мерос бўлиб ўтар эди. Юқори мансабдорлик давлатдан иқтоъ ерларини (умрбод фойдаланиш учун ажратилган катта ер майдони) олиш б-н боғлиқ эди. Иқтодорлар давлат танг аҳволга тушиб қолган пайтларда ўз вазифаларини ташлаб кетар ва полшога итоатсизлик қилиб, ўзбошимчалик б-н йўл тутар эдилар. Шундай қилиб, сиртдан



Бухоро. Сайфуддин Боҳарий мажмуаси. 13-а.

жуда кучли, нуфузи буюк кўринган Хоразмшоҳлар давлати сиёсий жиҳатдан унчалик мустақам эмас эди. Ҳатто айрим вилоят ҳокимлари хоразмшоҳларга номигагина бўйсуниб, амалда деярли мустақил эди. Султон олий даргоҳи ичида кучли низо ҳукм сурарди. Айниқса, Муҳаммаднинг онаси Туркон хотун ўз қулида катта ҳокимиятни туллаган. У кўшиннинг олий саркардалари ҳисобланган қипчоқ оқсуяклари б-н уруғ-қабил алоқалари орқали боғланган эди. У ўз қабиладошлари манфаати йўлида саройда кўтарилган барча фитналарга бошчилик қилар эди. Ҳатто уларда шоҳга қарши аловат руҳини уйғунлаштириб қўйган эди. Асосий солиқ ва муттасил ҳашарлардан ташқари йилига бир неча бор тўпланадиган турли хил тўлов ва йиғимлардан тинкиси қуриган мамлакат фуқаросининг норозилиги кучайиб, мамлакат сиёсий ҳаёти инқирозга юз тутган бир пайтда Хоразмшоҳлар давлати жангари мўғул ва б. қабиаларнинг Чингизхон бошлиқ босқинига дучор бўлади.

МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ

Чингизхон 1215 й. Шим. Хитойни босиб олган, ўз нигоҳини Фарбга, узининг маданияти, бойлиги б-н шуҳрат қозонган мамлакат — Хоразмшоҳлар давлатига қаратди. Чингизхон 1218—19 й.ларда Шарқий Туркистон ва Еттисув вилоятларини деярли талофатсиз қўлга киритиб, Кучлук давлатига хотима берган, Мўғуллар давлатининг гарбий чегаралари Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанати ерларига бевосита туташди.

Икки ўртала ҳатто элчилик алоқалари ҳам ўрнатилди. Бундай ишни амалга оширишда Чингизхон ўз ҳузурдаги мусулмон савдогарларидан фойдаланди. Ҳар икки томондан савдо қарвонлари ҳайъатида юборилган элчи ва вакиллар, ўз навбатида, айғоқчилик вазифасини ҳам бажардилар.

Чингизхон ўзаро шартнома тузиш учун 1218 й. Хоразмга жуда катта савдо қарвони ва элчиларни олантиради. Қарвон кўп миқдорда олтин, кумуш буюмлар, хитой ипак матолари, тарғу газламаси, сувсар ва қундуз мўйналари ва б. хил қимматбаҳо моллар ортилган 500 туя ҳамда 450 мусулмон савдогари ва элчиларидан ташкил топган эди. Аммо қарвон йўлда чегара шаҳар Ўтрорда ушлаб қолинади. Шаҳар ҳокими (ноиб) Инолчиқ ўзбошимчалик б-н савдогарлар ва элчиларни қириб ташлайди. Фақат бир нафар туякашигина тасодиф туфайли омон

қолиб, Чингизхоннинг қароргоҳига зўрға етиб боради ва қарвоннинг даҳшатли қисматидан хабар беради.

Чингизхон Ўтрор ноиблигининг ушбу хатти-ҳаракати б-н ниҳоятда ҳақоратланган бўлса-да, аммо газабини босиб, Ибн Кафржаз Бугрони 2 ишончли мулозим кузатувчилар б-н Хоразмшоҳ ҳузурига элчи қилиб юборади. Чингизхон Султон Муҳаммаддан айбдорларни жазолашни ва Инолчиқни туттириб, унинг ихтиёрига жўнатишни талаб қилади. Хоразмшоҳ элчини ўлдиришни ва у б-н бирга келган 2 мулозимнинг соқол-мўйловларини қирқиб, шарманча қилиб қайтариб юборишни буюради. Бу воқеалар икки қудратли давлат ўртасида савдо алоқалари ва элчилик муносабатлари тамомла узилганини билдиради эди. Шундай қилиб, бу икки буюк давлатнинг ҳарбий тўқнашуви муқаррар бўлиб қолди.

«Ўтрор воқеаси» ва ундан кейин Чингизхон элчиси Ибн Кафржаз Бугронинг ўлдирилиши Мовароуннаҳрга Чингиз бошлиқ мўғулларнинг бостириб киришига олиб келди.

Уруш таҳликаси Хоразм давлати арконларини бепарқ қолдирмади. Хоразм давлати кўп сонли туркий кўшин ва яхши қуролланган кўнгилчилар лашкари ҳамда етарли озиқ-овқат захирасига эга эди. Афсуски, подшоҳ б-н саркардалар ўртасида мавжуд ихтилофлар аввал бошланоқ бундай устунликдан фойдаланишга имкон бермади. Кенгашда фикрлар бўлиниб кетди. Хива вакили Шаҳобуддин Хивакий барча кўшинни Сирдарё бўйига тўплаб, мўғулларни қарши олиш, узоқ йўл сафарига даволат келаётган душманга ҳали ўзини ўнглаб олмасидан туриб, бор куч б-н тўсатдан катта жангга зарба бериш тўғрисида бирдан-бир тўғри фикр баён қилади. Бироқ Хоразмшоҳга бундай маслаҳат маъқул бўлмайди. Чунки у ўзини олий лашкарбошилари бўлган қипчоқ саркардаларига тамоман ишончсизлик б-н қарар эди. Ҳарбий кенгашда бўлажак урушда мудоффа тактикасини қўллашга қарор қилинди. Хоразмшоҳ аскарини кучларини қалъа ва истеҳкомларга бўлиб юбориб, айрим шаҳарларни мўғулларга қарши қўйиш б-н душманга зарба бермоқчи бўлди.

1219 й.нинг кузида Чингизхон ўғиллари Жўжи, Чигатой ва Ўқтой б-н бирга Хоразмшоҳ салтанатига қарши юриш бошлади. Жами аскар 200 мингга яқин бўлган мўғулларга уйғур хони Идиқут ва Олмалик ҳукмдори Сигноқ тегинлар ҳам узларининг ҳарбий кучлари б-н қўшилган эди. Чингизхон кўшини қад. қарвон йўли б-н Или дарёсидан ўтиб, Сирдарё

бўйида жойлашган Ўтрор ш. устига юриш қилади(қ. *Утрор мудоффеаси*). Бу шаҳар яқинида бутун ҳарбий кучларини тўплаб, Мовароуннаҳр ва Хоразмни қисқа муддат ичида забт этиш учун кўшинни 4 қисмга бўлади. Унинг бир қисмини ўғиллари Чигатой ва Ўқтой бошчилигида Ўтрорни қамал қилиш ва уни эгаллаш учун қолдирди. 2-қисмга Жўжи бошлиқ этилиб, Сирдарё этаги томон юборилади ва унга Сигноқ, Ўзган, Барчинликент, Жанд, Янгикент ва б. шаҳарларни босиб олишни буюради. 5 минг кишилик 3-қўшинни Олоқнўён ҳамда Сукету-чэрби исмли сарҳанглари қўмондонлигида Сирдарё бўйида жойлашган Баноқат ва Хўжанд ш.лари томон юборади. Чингизхоннинг ўзи асосий кучлари б-н Қизилқум чули орқали ўтиб Бухоро томон лашкар тортади.

Бухорога йўналган Чингизхоннинг асосий кучлари йўлда Сирдарёдан жан. да жойлашган Зерунуҳ (Саритоқ) ва Нур қалъаларини жангсиз ишғол қиладилар. Ўз ихтиёри б-н таслим бўлгани учун Зерунуҳ қалъасига мўғуллар ҳатто Қутлуг балиқ, яъни Қутли шаҳар деган номи беради. Босқинчиларнинг буйруғига биноан Нур аҳолиси қишлоқ хўжалик асбоблари, чорва ва емаклиklarини олиб, шаҳарни мўғулларга бўшатиб беради.

1220 й.нинг 10 фев.да мўғуллар Бухорони эгаллайди (қ. *Бухоро мудоффеаси*). Мўғуллар Мовароуннаҳрнинг қад. марказларидан бўлган Бухоро ш.ни бир неча кун талон-торож қилади. Барча уйлар вайрон қилиниб, беҳисоб хазиналар таланди. Асрий қўлёзма асарлар, муқаддас китоблар йиртилиб йўқотилди. Бухоро қисматида тушган ваҳшиёна шафқатсизлик ва номуссизлик манзарасига чидай олмаган қози Бадруддин, Имомзода Рукнуддин ва унинг ўғли газабланиб, ўзларига тенг бўлмаган яроғли душманга ҳужум қилиб, ҳалок бўлди. Бундан кейин мўғулларга қарши кураш хуфиёна давом этди. Мўғуллар қиличидан омон қолиб, шаҳарга яширинган султон аскарлари ўзларининг тунги ҳужумлари б-н Чингизхонни безор қилади. Чингизхон тунги жангчиларни ушлаб беришни шаҳар аҳлидан талаб қилади. Аммо бухороликлар ғолибнинг буйруғини бажармай, ҳимоячиларга қўмақлашадилар. Бундан ниҳоятда газабланган Чингизхон шаҳарга ўт қўйишни буюради. Аксари синчли иморатлардан иборат Бухоро бир неча кун давомида ёниб тугайди. Фақат тош ва пишиқ гиштлардан қурилган масжид ва саройларгина бу култепа ичида қора тош каби дўппайиб қолади.

Истилочилар Бухородан ғоятда кўп асир олиб қайтади. Асирларнинг кўпчилиги ҳунармандлар бўлиб, мўғуллар улардан турли хил ҳунармандчилик буюмлари, жумладан, қурол-яроғ, асбоб-усқуналар, зеб-зийнатлар ясаб берадиган ишчи кучи сифатида фойдаланди. Асирларнинг соғлом ва бақувватлари Самарқанд, Дабусия ва б. шаҳарларни қамал қилишдаги оғир ишларни бажарадиган гуруҳларга олинди. 13-а. муаллифи Ибн ал-Асирнинг ёзишича, асирлар отлик ва қуролланган мўғуллар орақасидан пийда этиб юролмас, кўплари йўлда очлик ва совуқдан ўлиб кетар эдилар.

Бухорони вайрон қилганидан кейин Чингизхон Самарқандга томон йўл олди ва 1220 й.нинг мартада шаҳарга яқинлашади.

Чингизхон Самарқандда жангни шиддатли бўлишини билиб, Бухородан ўйлаб келтирган асирлардан ташқари ўғиллари Чигатой ва Ўқтойларнинг Ўтрордан олиб келган бандиларини ҳам Самарқанд қамалига сафарбар этади. Самарқандликларнинг шаҳар атрофи аҳолиси б-н бўлган алоқасини тусиб, уларни ташқи кўмакдан маҳрум этиш мақсадида аввало у Самарқанд теварак-атрофида жойлашган қалъаларни забт этади. Чингизхон шаҳар ташқарисида жойлашган Кўксарой қасридан туриб шаҳарни қамал қилиш ишига бошчилик қилади (қ. *Самарқанд мудофааси*).

Мўғулларнинг Самарқандни босиб олиш учун қилган жангларидида шаҳар аҳолисининг кўпгина қисми қирилди. 30 минг нафарга яқин ҳунарманд ақли асирга олинади. Қурол кўтаришга имкони бўлганлар мўғул зулми остиди аскарый хизматга мажбур қилинади.

Уста ҳунармандлар узок Мўғулистонга ҳайдаб олиб кетилади. Натижада, аҳолиси зич, бой ва кўркам Самарқанд бўшаб қолади. Ўша вақтларда Чингизхон хизматида бўлган Хитой руҳонийси Чан Чуннинг сўзига қараганда, мўғуллар босқинидан сўнг шаҳарда илгариги аҳолининг чорак қисмигина қолган эди. Мамлакат султони Муҳаммад Хоразмшоҳ Амударё соҳилида салтанат чодирини қуриб, бундай мусибатли воқеаларга бамайхотирлик б-н қаради. Хоразмшоҳ ўли Жалолиддин Мангуберди ва б.нинг душманга қарши курашни ташкил этиш тadbирлари тўғрисидаги оқилона маслаҳатларига беписандлик б-н қараб, чекина бошлади. У Субутой ва Жебе нўён бошчилигидаги 20 минглик мўғул кўшинининг таъқибидан зўрга қутулиб, Табаристон (Мозандарон)га қочади. Сунгра Каспий денгизининг жан.

даги оролларида бирида (Ашуро о.) паноҳ топади. Кўрқув ва ваҳимадан ўзини бутунлай йўқотган, халқ ва мамлакат олдидаги бурчи ва маъсулятини тамомила унутган Хоразмшоҳ сал вақт ўтмай оролда ғариблиқда зотилжам касали б-н вафот этади.

Бу даврда мўғулларнинг Жўжи бошлиқ аскарый қисми Сирдарё этакларида босқинчилик қилмоқда эди. Дастлаб аҳолиси зич ва бой савдо шаҳри Сигноққа ҳужум бошланади. Жўжи шаҳарни қаршиликсиз таслим бўлишини талаб қилиб Сигноққа элчи сифатида юборган Ҳасанхожи исмли савдогарни сигноқликлар ўлдирадилар. Бундан даргазаб бўлган Жўжи шаҳарга ҳужум бошлайди. Сигноқ аҳолиси 7 кун давомида шаҳарни қаҳрамонона мудофаа қилади. 8-куни шаҳар мўғулларга таслим бўлади. Босқинчилар шаҳарни талаб аҳолисини қатли ом қилади. Бу воқеадан сўнг даҳшатга тушган Ўзган ш. аҳолиси мўғулларга жангсиз таслим бўлади. Аммо Барчинлиқкентни олишида мўғуллар яна куч ишлатадилар.

1220 й.нинг апр.да мўғуллар Жандни қаршиликсиз эгаллаб, уни талайди. Аҳолисининг қуролланган қисми қатл этилиб, шаҳар вайрон қилинади. Бу вақтда Олоқ нўён, Сукету черби ва Тўғай каби мўғул саркардалари 5 минг кишилик кўшин б-н Сирдарё бўйида жойлашган Бинокат ва Хўжанд ш.лари устига юради. Бинокат амири Элатгу (Илетгу) малик қанғли қабиласига мансуб аскарлари б-н шаҳарни 4 кунгача мудофаа қилиб, сўнгра таслим бўлади. Шаҳар химоячилари қиличдан ўтказилиб, қолганлари қулликка маҳрум этилади.

Бинокат забт этилгач, навбат Хўжандга келади. Асли насаби турк бўлган шаҳар ҳокими Темур Маликнинг шахсий қаҳрамонлиги б-н хўжандликлар мўғулларга қутилмаган қаршилиқни кўрсатдилар (қ. *Темур Малик*). Лекин душман б-н курашиш фойдасизлигини кўргач, Темур Малик бор озиқ-овқат ва қурол-яроғларни 70 та кемага юклаиб, тунда дарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетди. Дарёнинг ҳар 2 соҳили бўйлаб мўғул отлиқлари кемаларга ўқ отиб ва нефть тўлдирлиб ўт олдирилган кўзаларни иргитиб уларни таъқиб қилишган. Мўғуллар Темур Маликнинг йўлини тўсиш мақсадида Бинокат ш. ёнида дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига торган занжирлари самара бермайди. Барчинлиқкент яқинида мўғуллар дарёни тўсиб қўйдилар. Хўжандликлар сарҳанг Улус Иди бошлиқ мўғуллар б-н сўнгги жангга кирдилар. Бу жангда Темур Малик кўшини ва сафдошларидан батамом

айрилади. Фақат кичик бир гуруҳ йнгитлари б-н Гурганж (ҳоз. Кўҳна Урганч) ш.га етиб келади. Бироз вақт ўтгач, у Хоразмда тўпланган кўшин ва халқ лашкарларига бошчилик қилади. Жўжига қарши муваффақиятли жанглар қилиб, ҳатто ундан Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Янгикент ш.ни қайтариб ҳам олади. 1220 й.нинг ёзида Мовароуннаҳр жан.да шу вақтгача босиб олинмаган шаҳарларни забт этишга Чингизхоннинг шахсан ўзи киришади. Аввал у Насаф (Қарши)ни жангсиз эгаллайди. Ёз фаслини у Нахшаб вилоятида ўтказди. Ўша йилнинг кузида у Термизга аскар тортади. Термиз ноиби Фахрулдин Ҳабаш шаҳарнинг мустаҳкам қалъа деворлари ва мудофаа иншоотларига ишониб Чингизхонга қаттиқ қаршилик кўрсатади. Қамалнинг 11-куни мўғуллар шаҳарни олишга муваффақ бўладилар. Термиз ш. ва аҳолиси ҳам мўғулларга қаршилик кўрсатган бошқа шаҳарлар фожиасини бошидан кечирди.

Сирдарё ҳавзаси, Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари, Амударё ўрта оқимининг ўнг соҳили вилоятлари забт этилгач, Чингизхон асосий кучни Хоразмшоҳлар давлатининг марказий қисми Хоразмга ташлайди. Бу ҳарбий кучни Чингизхоннинг ўғиллари Жўжи, Чигатой ва Ўқтойлар бошқаради. Чингизхон Хоразм давлатининг пойтахти, Шарқнинг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан бири Гурганж устига юришга катта аҳамият беради.

1221 й.нинг бошларида эндигина Хоразм давлатининг султони деб эълон қилинган Жалолиддин Мангуберди, гарчи Хоразмнинг мудофаасига жиддий киришса-да, аммо унга қарши собиқ Жанд ноиби қочқин Қутлуғхон бошлиқ қипчоқ лашкарбошилари томонидан уюштирилган фитна туфайли у Темур Малик б-н Хуросонга жўнашга мажбур бўлади. Чунки бундай вазиятда яқинлашиб келаётган ёвуз душманга қарши пойтахт мудофаасини ташкил қилиб бўлмас эди. Шу сабабли тез вақт ичида шаҳзодалар Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳлар ҳам Гурганжни тарк этиб, қочиб кетдилар. Пойтахт тақдири қўроқ ва амалпараст амир Хумор тегин қўлида қолади. У ўзини султон деб эълон қилиб, Гурганжни мўғуллардан ҳимоя қилишга ваъда қилади. Худди шу аснода шаҳар яқинига кўпгина мўғул кучлари келиб тўпланади. Гурганждек катта шаҳарни қамал қилиш учун шим.дан Жўжи, Бухоро тарафидан Чигатой ва Ўқтой аскарлари бостириб келади. Душман Гурганжни олиш учун барча куч ва ҳарбий техникасини ишга солади. Шаҳар аҳолиси

душман ҳужумини мардонавор қайтариб турган бир вақтда хонин амир Хумор тегин Гурганж дарвозасини очиб бериб, ўзи қушини б-н мўғулларга таслим бўлади. Босқинчилар шаҳар дарвозаларидан бостириб кирадилар. Мудофаачилар шаҳарнинг ҳар бир қарич ерини мардона ҳимоя қиладилар. Пойтахт кўчаларида бўлган жангларда шайх Нажмиддин Кубро 600 дан зиёд муриду издошлари б-н иштирок этиб, қаҳрамонларча шайхид бўлади.

Узоқ давом этган кўча жангларида минглаб мўғул аскарлари ҳалок қилинади. Мўғуллар то шу пайтгача Моваруннаҳрнинг ҳеч бир шаҳрида бунчалик

қурбон бермаган эдилар. Бу қонли кураш манбаларда қайд этилишича, 7 ой давом этади. Ҳарбий куч ва интизомда устун бўлган мўғуллар ниҳоят шаҳарни эгаллайдилар. Иложсизликдан таслим бўлган Гурганж босқинчилар томонидан талон-торож этилади. Жувайнийнинг ёзишича, 100 минг нафар ҳунарманд асир олинди, қолганлари қириб ташланади. Душман шаҳарнинг бош тўғонини бузиб Гурганжни сувга бостиради (яна қ. *Урганч мудофааси*).

Хоразмишохлар давлатининг пойтахти босиб олинган, мўғул жангарилари босқинчилик сафарларини Амударёдан жанда жойлаган йирик сардо ва ма-

даният марказлари бўлмиш Балх, Ҳирот, Марв ва Фазна каби шаҳарларга йўналтиради. Аммо бу ерларда улар Жалолиддин Мангубердининг қаттиқ қаршилигига учрайди. Жалолиддин *Нисо жанги* ва *Парвон жанги*да мўғулларни мағлуб этиб, уларга катта талафот келтиради. Парвон даштидаги мағлубиятдан кейин Чингизхон ҳарбий ҳаракатларни шахсан ўзи бошқаради. 1221 й.нинг нояб.да *Синд дарёси бўйидаги жанг*да мўғулларнинг листирмага қўйилган 10 минг нафарли сараланган лашкари жанг оқибатини ҳал қилади.

Жалолиддин Мангуберди таслим бўлиши ва ўз оиласининг мўғуллар



қулига тушиб таҳқирланишини истамай хотинлари, болалари ва онасини дарёга фарқ қилишга ижозат бериб, ўзи отда Синд дарёсининг нариги соҳилига сузиб ўтиб олади. У б-н бирга унинг 4 минглик аскарлари ҳам қутулиб қолади. Душманининг жасоратига қойил қолган Чингизхон уни таъқиб қилиш фикридан қайтади. Жалолиддин кейинроқ мўғулларга қарши курашни давом эттириш мақсадида Кавказда кучли давлат барпо этмоқчи бўлади. Аммо бу ўлкада ҳам маҳаллий ҳокимлар ва султонлар ўртасидаги низолар унинг режасини рўёбга чиқишига тўсқинлик қилади. Шундай қилиб, энг сўнгги хоразмшоҳнинг ҳукмдорлиги шу тариқа 1231 й.нинг кеч ёзида тугайди (яна қ. *Жалолиддин Мангуберди*).

Мўғуллар истилосидан кейинги вазият. Мўғуллар истилоси оқибатида Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг иқтисодий ва маданий ҳаётига жуда катта зарар етди. Аҳолисининг кўп қисми қирилди, хунарманд аҳли қул қилинди. Гавжум ва кўркем шаҳарлар, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Гурганж (ҳоз. Кўҳна Урганч), Марв, Бинокат, Хўжанд ва б. харобазорга айлантирилди. Самарқанд ш.ни сув б-н таъминлаб турувчи ягона сув иншооти – Жўйи Арзис (Кўрғошин новаси), Марв воҳаси сугориш тармоқларининг бош тўғони – машҳур Султонбанд бузиб ташланди. Кўп шаҳар ва қишлоқлар сувсиз қолиб, дала ва боғлар даштга айланди. Гурганж эса сувга бостирилиб, батамом вайрон этилди. Хоразм ва Мовароуннаҳрнинг зироатчи аҳолиси сони кескин камайиб, экин майдонлари қисқарча, деҳқончилик таназзулга учради. Бу даврда илм ва маърифатга ҳам катта зарар етди.

Забт этилган ўлка ва вилоятларни Чингизхон 1224 й.да ўғиллари ва набираларига тақсимлаб берган. Жумладан, Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннаҳр унинг 2-ўғли Чигатойга теъкан. Шундай қилиб, мўғуллар босиб олинган вилоятларни улусларга тақсимлаб бошқаришга киришади.

Чингизхон вафотидан сўнг (1227) Ўқтой мўғуллар давлатининг улўғ хоқони қилиб тайинланади. Туркий халқлар урфига кўра, олий ҳукмдор «қоон» ёки «хоқон» деб, улуслар ҳукмдорлари эса «хон» деб юритиларди. Хоқон ўз қароргоҳи Қорақумда туриб хонларнинг хатти-ҳаракатини қаттиқ назорат қилиб борар эди.

Мўғуллар ҳукмронлигининг дастлабки давридаёқ мўғул хонлари маҳаллий мулкдорлар манфаатини кўзлаб, уларнинг меҳнаткаш аҳолини эксплуатация

қилишни кучайтиришларига кенг йўл очиб берадилар. Маҳаллий аҳоли 2 томонлама талана бошлади. Мўғул хонларининг, шунингдек, маҳаллий ҳокимларнинг жабр-зулми ва бебошликлари ҳаддан ошади. Улар ҳар йилги шаръий солиқ ва ўлпонлардан ташқари аҳолидан йиғиб олиннадиган турли-туман тўлов, йиғим ва жарималар сонини ошириб юборади. Деҳқон, чорвадор ва хунармандлар сугориш иншоотлари, вайрон бўлган йўл ва кўприкларни тuzатиш, қўрғон ва қалъаларни таъмирлашга сафарбар этиладилар. Деҳқонлардан хазинага олиннадиган ер солиғи (ҳосилнинг 1/10 қисми ҳажмида) калон деб юритилган. 1235 й.да ўтказилган қурултойда чорвадан «қубчур» солиғи (ҳар юз бош чорвадан бир бош) йиғишга қарор қилинади. Мўғулларнинг «Ёсоқ китоби»да қайд этилишича, давлат хазинаси учун «шулен» солиғи ҳам (ҳар бир подадан 2 яшар қўй, қимиз учун ҳар минг отдан бир бия ҳисобила) ундирилган. Солиқлар маҳаллий хонлар томонидан барот (ижара) тартибда аввалдан тўланиб, сўнгра аҳолидан йиғиб олиш пайтларида улар шубҳасиз белгиланган миқдордан ошириб ундирилган.

Мўғуллар ҳукмронлиги даврида шаҳар хунармандлари ҳам ниҳоятда оғир шароитда яшарди. Кўлгина хунарлар заволта учради. Мўғул ҳукмдорлари ўз қўшинининг эҳтиёжлари учун керак бўлган ўқ-ёй, қилич, садақ (ўқдон), совут, дубулға (темир қалпоқ), жиба (темир кийим) ва б. ҳарбий анжомлар ишлаб чиқариладиган устахоналаргагина ҳомийлик қиладилар.

Мўғул хоқонлари ўзларига хизмат кўрсатган кишиларга, айрим катта ер эгалари ва савдогарларга турли ёрлиқ ва пайзалар (гувоҳнома ёки рухсатнома) бердилар, мамлакат бўйлаб савдо йўлларида жойлашган бекат – «ём»ларнинг

хизмати ҳам аҳолининг бўйнига юкланган эди. Давлат топшириғи б-н қатнайдиган сон-саноксиз элчилар, чопарлар ва хабарчиларга бекатларда юзлаб кичилар хизмат қилиши керак эди. Аҳоли уларни от-улов, озиқ-овқат, ем-хашак ва б. керакли буюмлар б-н таъминлашга мажбур бўлган. 1235 й.дан хоқоннинг махсус фармонида асосан, ҳар бир ёмдаги барид (почта) ҳаракати ва хизмати 2 туманнинг аҳолисига юкланади. Хуллас, бу даврда халқни гайриқонуний талаш учун мўғулларга ва уларга хизмат қилувчи маъмурларга кенг йўл очилган эди.

Зўрлик, жабр-зулмининг ниҳоятда кучайиши, хилма-хил мажбурий тўлов ва йиғимларнинг ҳаддан ташқари кўпчилиги меҳнаткаш халқнинг бош кўтаришига олиб келди. Шундай кўзғолонлардан энг каттаси Бухоро воҳасидаги Тороб қишлоғида кўтарилган *Маҳмуд Торобий кўзғолони* эди.

Чигатой улуси. Кўчманчи мўғуллар ўтроқ аҳолидан иборат катта ва маданий вилоятларни идора қилишда тажрибага эга эмас эдилар. Бундай вилоятларни бошқара оладиган маъмурлар ҳам йўқ эди. Чингизхон ва хонзодалар ҳамда мўғул ҳарбий зодагонлари истило қилинган мамлакатлардан асосан ўлпон ундириб, муттасил даромад олиб туриш б-н чеklangанлар. Шунинг учун Чигатой ҳам ўзига топширилган улусни бошқаришда бўйсундирилган маданий халқларнинг зодагон табақа вакиллари хизматидан фойдаланди.

Мовароуннаҳрни бевосита идора этиш ишлари илгари Чингизхон ҳузуринида хизмат қилган хоразмлик савдогар Маҳмуд Ялавочга берилди. У Хўжанд ш.ни ўзига қароргоҳ қилиб, шу ердан Мовароуннаҳрни бир қанча вақт Чингизхоннинг вориси Ўқтой қоон номидан идора қилади. Унинг ихтиёрида босқинчиларнинг таянчи ҳисобланган

Жалолиддин Мангуберди

Мўғул босқинчиларига қарши мардонавор кураш олиб борган Хоразм эли қаҳрамони; Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори (1220–31). Жалолиддиннинг мўғулларга қарши биринчи жанги Нисо ш. яқинида, чўлда, пистирмадаги 700 кишилик қўшинга қарши бўлди. Қутилмаганда бошланган бу жангга Жалолиддин 300 жангчиси б-н кириб, ғалаба қозонган. Чингизхон катта қўшин тўплаб Жалолиддин изидан тушган. Гардиз қалъаси яқинида мўғулларнинг илғор қисми тор-мор келтирилади. Сўнгра Валиён қалъасини қамал қилаётган мўғул қўшини устидан зафар кучади, мингдан ортиқ мўғул аскарлари ўлдирилган. Бу Жалолиддиннинг душман устидан қозонган дастлабки йирик ғалабаси эди. Чингизхон унга қарши 45 минг кишилик қўшин жўнатган. Фазна яқинидаги Парвон жангида Жалолиддин мўғул қўшини устидан ғалаба қозонган. Шундан сўнг Жалолиддинга қарши Чингизхоннинг шахсан ўзи отланган. 1221 й. 25 нояб.да Синд дарёси бўйидаги тенгсиз дарга мағлубиятга учраган Жалолиддин 4000 жангчиси б-н қуршовни ёриб ўтиб дарёнинг нариги соҳилига сузиб ўтган. У кўп йиллар давомида мўғулларга қарши қаҳрамонона кураш олиб бориб, она Ватаннинг фидоий фарзанди, моҳир саркарда эканлигини намойиш этган.

Нажмиддин Кубро

Кубравийлик тариқати асосчиси, мутафаккир, шайх, донишманд, шоир ва олим. Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмийдир. 1145 й. Хоразмнинг Хивақ ш.да туғилган. «Нажмиддин Кубро» шайхнинг тахаллуси бўлиб, «диннинг улут юлдузи» маъносини англатади. Нажмиддин Кубро араб тилида бир неча илмий асарлар ва рубойлар ёзган. Улардан асосийлари: «Фавоих ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол» («Жамол хушбўйликлари ва жалолнинг кашфи»), «Ал-усул ал-ашара» («Ўнта усул»), «Рисола ат-туруқ» («Тариқатлар рисоласи»), «Рисолат ал-хоиф ал-хоим мин лавм ал-лоим» («Маломатчининг маломатидан ҳазар қилувчи ҳақида рисола») ва б. Алломанинг форс тилида ёзган «Фи одобус соликин» («Солиқлар одоби ҳақида») рисоласи ҳам бор.

1221 й. Гурганжда мўғул босқинчиларига қарши жангда мардонавор шаҳид бўлган. Кекса шайх ва донишманд бу инсоннинг жангдаги қаҳрамонлиги, жасорати авлодларга ибрат бўлиб қолди. Нажмиддин Кубро тасаввуф таълимотининг ривожига ва бутун мусулмон Шарқда кенг тарқалишида катта роль ўйнади.

мўғул босқоқлари (хонлар томонидан юборилган мансабдорлар), доруғалар (ҳарбий маъмур ва солиқ йиғувчилар) ҳамда анчагина мўғул аскарлари бор эди. Рашидуддиннинг маълумотига кўра, Чингизхон вафотидан кейин Чигатойга 4 минг аскар теккан. Унинг бир мингининг бошлиғи барлос, иккинчи мингининг бошлиғи жалойир қабиласидан бўлган. В.В. Бартольднинг тахминига кўра, қолган 2 мингининг бошлиқлари қавчин ва арлот қабилаларига мансуб бўлган. Ибн Арабшоҳнинг маълумотига кўра, қавчин қабиласи Амударё шим.да, Бухоронинг шарқий томонларида, барлослар Қашқадарё водийсида, жалойирлар Сирдарё ҳавзасида, арлотлар эса Афғонистоннинг шим. қисмида яшаган. Шуларга суяниб Маҳмуд Ялавоч мўғул хоқонлари талабини ижро қилар ва ўзининг ҳукмронлигини амалга оширар эди. Чигатой ўз тасарруфидаги вилоятларда мўғул қонунлари ясаётган (ёсо-қ)га қаттиқ риоя этишни талаб қиларди. Бу Мовароуннаҳрнинг мусулмон аҳолисига жуда кўп қийинчиликлар туғдирди ва норозиликларга сабаб бўлди.

1238 й.да Чигатой Маҳмуд Ялавочни амалидан четлаштириб, Мовароуннаҳрдан чиқариб юборди. Бунга Маҳмуд Ялавочнинг исёнкор вилоятларда кўзғолонни бостиришдаги суётқашлиги ҳамда аҳолига раҳм ва шафқат қилиб, уларга солинадиган солиқларни камайтириши сабаб бўлган эди. Маҳмуд Ялавоч Ўқтой хузурига Қорақурумга етиб боргач, у Дасин (Пекин) ш.га волий (губернатор) қилиб тайинланди. Мункэ қоон даврида Хоразмдан то Хитой чегарасигача бўлган мамлакатларга Маҳмуд Ялавочнинг ўгли Масъудбек ноиб ҳамда ижарадор қилиб тайинланди. Масъудбек ҳам Мовароуннаҳрда отаси бошлаган сиёсатни давом эттириб, улус даромадини хоқон хазинасига аввалдан тўлаб, аҳолидан «барот» асосида уни кўпайтириб йиғиб оларди.

1251 й.да Қорақурумда бўлиб ўтган курултойда чингизийлар орасида ёши улуғи Боту ва унинг укаси Беркаларнинг қўллаб-қувватлаши ва кўмагида Тулихоннинг тўнғич ўғли Мункэ Мўғулистоннинг улуг хоқони қилиб сайлангач, Чигатой хонадонига мансуб шахзодаларнинг кўпчилиги қириб ташланди. Чигатой улуси мулк сифатида тугатилиб, уни Боту б-н Мункэ ўзаро бўлишиб олган. Сирдарёгача бўлган ерларни Мункэ, Мовароуннаҳрни эса Боту эгаллаб олади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, ўша асрнинг 60-й.ларидаёқ Чигатойнинг набираси Олғухон Олтин Ўрда маъмурларига қарши кескин кураш олиб бориб, Чигатой улусини қайта тиклашга муваффақ бўлади. Лекин бу даврда улуг хоқоннинг ҳокимлиги номигагина бўлиб, ҳар бир улуснинг хони ўзини ҳокими мутлақ ҳис этар ва пайт пойлаб қўшни улусларга ҳужум қилар ва талаб қайтар эди.

1272 й.да Ҳулокуийлардан элхон Абақхоннинг Оқбек бошлиқ аскарлари Мовароуннаҳрда бостириб қиради. Улар Кеш ва Наҳшаб ш.ларини талайди. 1273 й. янв.да Ҳулокуийлар Бухорони босиб, аҳолисини қирғин қилади ва шаҳарни 7 кун талон-торож этиб, сўнг ўт қўяди. Босқинчилар тўс-тўполони вақтида шаҳардаги Масъудия мадрасаси ва катта кутубхона ҳам ёниб кетади. Орадан 3 йил ўтгач, Олғунинг Чўлпой ва Қопон исмли ўғиллари, 10 минг чигатой мўғуллари б-н келиб Бухоро аҳолисини сўнгги буюмигача талаб, шаҳар ва унинг атрофини бутунлай харобага айлантиради. Тарихчи Вассофнинг ёзишича, шундан кейин Бухорода етти йил давомида биронта одам яшамаган. Фақат 1283 й.да ноиб Масъудбек Бухорони тиклаш тadbирларини кўрди. 1316 й.нинг сент.-окт.да Эрондан келган мўғуллар чигатой шахзодаси Ясовур б-н биргаликда Бухоро ва б. шаҳарларни яна талаб, аҳолисини зўрлаб олиб кетдилар.

13-а. ўрталарида Мовароуннаҳрдаги ўтроқ ҳаёт, бошқарув тартиблари, илгор шаҳар маданияти таъсирида Чигатой улуси мўғул зодагонларининг бир қисмида ўтроқ ҳаёт кечирришга ўтиш, маҳаллий аҳолининг бой маданиятидан фойдаланишга мойиллик кучаяди. Кўчманчи ҳарбий зодагонларнинг катта қисми, хонзодалар ва айрим хоқонлар ўтроқ ҳаётга мутлақо қарши бўлиб, мамлакатни бутунича яйловга айлантириб, шаҳарларни йўқотиш тарафдори эдилар. Уларни кўпроқ ўлкаларни қўлга киритиб бойликларини талаш, аҳолисини асирга олиб ҳайдаб кетиш қизиқтирар эди. Ўтроқ ҳаёт кечираётган маҳаллий зодагонлар, руҳоний ва савдогарларнинг асосий қисми марказий ҳокимиятти мустаҳкамлашга интиларди. Чунки деҳқончилик, хунармандчилик ва савдодан олинадиган турли солиқлар давлат хазинасининг даромад манбаи эди. Бунинг учун хонавайрон бўлган ҳўжаликни тиклаб, экинзорларни поймол этишни тўхтатиш, солиқ ва ҳашарларни тартибга солиш зарур эди.

Мўғулистоннинг улуг хоқони Мункэ ва Чигатой улусининг ноиб Масъудбек шундай сиёсат тарафдорлари эди. Мункэ аввал берилган пайза ва ёрликларни бекор қилади, ёмлар ишини, солиқ ва ҳашарларни тартибга солиди. Мункэнинг қонунлаштирилган чоратadbирлари чекланмаган солиқ ва йиғимларни тартибга солиб, ўзбошимчилик б-н йиғиб олинадиган ҳисобсиз туловлардан аҳолини озод этади. Натижада шаҳар хунармандчилиги, деҳқончилик, ички ва ташқи савдо жонлана бошлайди. 1269 й.да Талас волийсида Чигатой улусининг хони Кайду мўғул шахзодалари ва нўёнларининг курултойини чақиради. Рашидуддиннинг маълумотига қараганда, кенгаш қатнашчилари бундан кейин тоғ ва чўлларда яшашга, шаҳар атрофларида манзил қурмасликка, чорва молларини экинзорларда ўтлатмасликка ва раиятдан бекордан-бекорга жарима ва солиқлар олмастикка қарор қилдилар. 13-а.нинг 80-й.ларида Мовароуннаҳр ноиб Масъудбек пул ислоҳоти ўтказди. У Мовароуннаҳрнинг 16 шаҳар ва вилоятида, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Тароз, Ўтрор, Хўжанд ва б. шаҳарларда бир хил вазн ва юқори қийматли соф қумуш тангалар зарб эттириб муомалага чиқаргач, мамлакатда товар ва пул муносабатлари тиклана бошлайди.

14-а.нинг 1-ярмида Чигатой улусида мўғулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёни тезлашиб, уларнинг ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир була бошлади. Мовароуннаҳрдек маданий

ўлка б-н мустақкам алоқа ўрнатишга ва ўтроқ ҳаёт кечиришга интилан Чигатой хонларидан бири Кепакхон эди. У ҳокимиятни бевосита ўз қўлига олади (1318–26). Қашқаларё воҳасида қад. Насаф ш.дан 2 фарсах нарида у ўзига қароргоҳ – сарой (қарши) қурдилади.

Кепак маъмурий ва пул ислохотлари ўтказди. Мамлакатни туманларга бўлиб, уларни ноиблар орқали идора этиш тартибини жорий этади. Қумушдан динор (вазни 2 мисқол) ва дирҳам (учдан бир мисқол) тангалар зарб қилинади. Натижада ички савдо-сотиқ тартибга солинади, ташқи савдо муносабатлари ҳам яхшиланади. Чингизхон давридан хароба ҳолда ётган Балх ш. қайта тикланади.

Кепакхон ва ноибларининг ўтроқ ҳаётга ўтиши ҳамда Олғунинг ворислари – Муборакшоҳ ва Бароқхонларнинг ўтроқ халққа яқинлашиш мақсадида исломни қабул қилиши мўғул кўчманчи зодагонларининг каттагина қисмига маъқул бўлмади. Шундай бўлса-да босиб олинган вилоятларга келиб ўрнашиб олган мўғуллар аста-секин ўтроқлашиб деҳқончилик б-н шуғуллана бошлайдилар. Уларда туркийлашиш жараёни кучайиб, айни вақтда ислом динини қабул қила бошлайдилар. 1333 й.да Мовароуннаҳрда бўлган араб сайёҳи Ибн Баттута Чигатой улуси хони Тармаширинни (1334–76) масжидда учратганини ёзган.

Мовароуннаҳрда ўтроқлашган мўғул ҳарбийлари унумдор ерларни тартиб ола бошлади. Мовароуннаҳр мўғул уруғлари ва қабилаларининг ижтимоий ҳаётида юз берган катта ўзгаришлар, уларнинг этник хусусиятларига ҳам таъсир қилди. Мўғул ҳукмдорлари ва мулкдорлари ўртасида мўғулларнинг ўтроқлашувига 2 хил муносабат юзага келди. Еттисувлик мўғуллар Мовароуннаҳрда ўтроқлашган ўз ҳамулусларига нафрат б-н қараб, уларни камситиш мақсадида «қораунас» («дурагай») деб атасалар, Мовароуннаҳр чигатойлари еттисувлик чигатойларни «жета», яъни «қароқчи, талончи» деб ҳақорат қиларди. Еттисувлик мўғуллар кўчманчилик анъаналарига содиқ қолиб, деҳқончилик воҳаларидаги шаҳарларни бутунлай бузиб ташлаш тарафдори эди.

Натижада 14-а.нинг 40-й.ларида Чигатой улуси иккига бўлиниб кетади. Унинг шарқий қисмида – Шарқий Туркистон ва Еттисувда қолган туркий ва мўғул қабилалари ўзларини мўғуллар, мамлакатни эса Мўғулистон деб атай бошлайдилар. Ғарбий қисмида эса Мовароуннаҳр амирлиги ташкил топади. Мовароуннаҳрда кўчиб кетган қабилалар эса чигатойлар номи б-н машҳур бўлди.

Мовароуннаҳр аҳолисининг иқтисодий ҳаёти жонлана бошлади. Мўғуллар истилоси даврида хароб бўлган шаҳарлар, хусусан унарманчилик, савдосотик ва деҳқончилик аста-секин тиклана борди. Йирик шаҳарлардан Урганч ва Бухоро қайта қурилди, қад. Самарқанд вайроналари ёнида эса янгидан шаҳар қад кўтарди. Шаҳар бозорлари гавжумлашади. Аммо шаҳарсозлик тараққиёти ҳали Чингизхон истилоси арафасидаги даражагача етмаган эди.

Мамлакатдаги унумдор ерларнинг асосий қисми давлат ва унинг маъмурулари, ҳарбий оқсуяқлар ва рухонийлар қўлида эди. Ер ва сувдан фойдаланишда, аввалгидек, иқтдорлик давом қилар эди. Кам ерли ва ерсиз деҳқонлар оғир шартлар асосида йирик ердорларнинг мулкларида қоранда бўлиб ишлашга мажбур эди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хоразмда ерга эгаликнинг 4 хили мавжуд эди: 1) мулки девон – давлат ерлари; 2) мулки инжу – хон ноиблари ва уларнинг алоқлари тасарруфидаги ерлар; 3) мулки вақф – масжид, мадраса, хонақоҳ, мазор ва мақбаралар ихтиёрига ўтказилган ерлар; 4) мулклар – ҳуссий ерлар. Мулкларнинг каттагина қисми ҳарбий зодагонларга давлат олдидаги хизматлари учун ҳаля қилинган ерлар бўлиб, улар арабча «иқтоъ» ёки мўғулча «суюрғол» ерлари деб юритилади. Иқтдор ёки суюрғол эгалари барча солиқ ва тўловлардан озод этилган. Иқто ва суюрғол ерлари авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтарди.

Давлатга солиқ тўловчи асосий меҳнаткаш майда ердорлар бўлиб, улар арабий ҳужжатларда музориъ (зиرواتкор) дейилган.

Мамлакатда қуллар табақаси ҳам мавжуд бўлиб, улардан деҳқончиликда, айниқса сув ҳўжалиги ишларида (суғориш шохобчаларини лойқадан тозалаш, тўғонлар қуриш, захкашлар қовлаш каби оғир жисмоний ишларда) фойдаланилар эди. Мўғуллар истилоси ва қирғинларидан кейин эркин деҳқонлар кучига бўлган муҳтожлик орта боради. Шунинг учун қулларнинг бир қисми озод этилиб, йирик заминдор мулкларига, хусусан вақф ерларига қадивар сифатида бириктирилади. Улар гарчи қорандалар қаторида ҳосилнинг 1/3 қисмига эга бўлсалар-да, аммо ўз ихтиёрлари б-н ҳўжаларини ёки вақф ерларини ташлаб кетиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар.

13-а.нинг 2-ярми ва 14-а. бошларида шаҳар ва қишлоқларда ҳўжалик ҳаётининг жонланиши б-н, мўғуллар истилоси даврида инқирозга юз тутган фан,

адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоқлари ҳам тиклана бошлади. Бу даврда, биринчи навбатда, шаҳарсозлик б-н боғлиқ бўлган бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйилади.

Мовароуннаҳр ва Хоразмда бу даврга келиб, шаҳар вайроналари орасида маҳобатли иморату иншоотлар (масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара, минора ва саройлар) қад кўтаради. Ўша асрларда бино қилинган кўпгина моддий маданият обидаларидан айримлари бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Бухоро ш.даги Сайфиддин Боҳарзий мақбараси ва Баёнқулихон мақбараси, Самарқанддаги машҳур Шоҳизинда меъморий ансамблининг асосий қисми бўлган Қусам ибн Аббос мақбарасининг зиёратхонаси, Кўҳна Урганчдаги Нажмиддин Кубро мақбараси ва Турабекхоним мақбараси шулар жумласидандир. Шунингдек, бу даврда мақбаралар б-н бирга масжид, мадраса ва саройлар ҳам қурилади. 13-а. ўрталарида Бухорода «Масъудия» ва «Хония» мадрасалари бино қилинган. Уларнинг ҳар бирида минтагача толиби илм аҳли таҳсил кўрган. Кўҳна Урганчда қурилган қуш минорали масжиднинг бир минораси сақланиб қолган (бал. 62 м).

Бу даврда бинокорликда пишқ гишт, кошин, парчин, меъморий ўймакор гиштлар ҳамда ганч ва оҳак қоршмаси – қир (махсус қоршима) каби қурилиш материалларидан кенг фойдаланилади. Маҳобатли биноларнинг асосий қисми бир ёки икки гумбазли, тоқу равоқ ва пештоқдан иборат бўлган. Айниқса пештоқларига нақш беришда турли рангли кошин ва парчинлар б-н бирга нақшинкор гиштлар ва турли хил услубда ёзилган меъморий таттотлик намуналардан ҳам фойдаланилган. Пештоқларини турли мазмулдаги китобалар б-н нақш бериш каби асрий анъаналар давом эттирилади.

13-а.нинг 2-ярми ва 14-а. бошларида фан ва адабиёт, асосан, мўғуллар ҳукмронлиги ўрнатилмаган мамлакатлар – Кичик Осиё(Рум), Жан. Эрон ва Ҳиндистонда тараққий қилади. Фақат 14-а. охири ва 15-а. бошларига келгандагина адабий муҳит марказлари Мовароуннаҳр ва Хуросонга кўчади.

13-а.нинг 2-ярмидан айниқса тарихнавислик тараққий қилади. Бу даврда *Жузжоний*нинг йирик асари «Табқаоти Носирий», *Жувайний*нинг «Тарихи Жаҳонгушой» («Жаҳон фотиҳи (Чингизхон) тарихи»), *Рашидуддин* Фазлуллоҳнинг «Жоме ат-таворих» («Тарихлар тўплами») каби қимматли тарихий асарлари ёзилади. Бу асарлар ўша давр тарихи, айниқса мўғуллар истибдодини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙ-ЛАР САЛТАНАТИ

Мовароуннаҳрдаги сиёсий парокандаллик ва сарбадорлар ҳаракати. 14-а.нинг 50–60 й.ларида Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик ғоятда кучайиб, ўзаро кураш янада кескинлашди. Ўлкадаги ҳар бир вилоят алоҳида ҳукмронликка ажралиб, улар ўртасида низо кучайиб кетди ва қонли урушларга айланди. Давлат ишлари эса бутунлай издан чиққан эди. Сиёсий парокандаллик, ўзаро уруш ва жанжаллар иқтисодий тангликка сабаб бўлиб, ўлка аҳолисини, айниқса деҳқончилик хўжалигини хонавайрон қилган эди.

1348 й. Чигатой наслидан бўлган Туғлуқ Темур Мўғулистон хони қилиб қўтарилади. Мўғулистон амирлари улуснинг гарбий қисми – Мовароуннаҳрни ҳам босиб олишга ҳаракат қилди. Бир неча бор Мовароуннаҳр устига юриш қилиб, уни талаб қайтди. Мўғуллар истибдоди ва зулмига қарши халқ ҳаракати бошланди. Мана шундай бир даврда соҳибқирон Амир Темур сиёсат майдонига дастлабки қадамларни қўймоқда эди.

Амир Темурнинг отаси Амир Тарағой ва амакиси Ҳожи Барлослар барлос қабиласининг йирик мулкдор амирларидан эди. Амир Темур ёшлик чоғиданоқ ҳарбий ишга ниҳоятда қизиқарди. Унинг атрофида маҳаллий ёшлар туплана бошлади. Амир Темур қўл остидаги навкарлари б-н жанговар жангларда чиниқди.

1360 ва 1361 й.ларда Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрдаги огир сиёсий вазиятдан фойдаланиб, уни бўйсундиришга ҳаракат қилади. У ҳеч қандай қаршиликсиз Қашқадарё воҳасига бостириб кирди. Ўша вақтларда Қашқадарё вилоятининг ҳокими Ҳожи Барлос душманга қарши курашиш ўрнига Хуросонга қочди ва ўша ерда ўлдирилди.

Амир Темур амакисининг вилоятини қўлдан бермаслик мақсадида Туғлуқ Темур ишончини қозониб унинг хизмати-га ўтди ва Кеш вилоятига ҳоким этиб тайинланди. Туғлуқ Темур ўғли Илёсхожани Мовароуннаҳрнинг ҳокими этиб юборди. Аммо Амир Темур унга хизмат қилишни истамасди ва Балх ҳокими амир Ҳусайн ибн Мусаллаб б-н иттифоқ тузди. Амир Темур Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон огога уйлангач, уларнинг иттифоқи қариндошлик алоқалари туфайли янада мустаҳкамланди. Амир Темур аввал ўзбошимча амирларга қарши ички, сўнгра эса мўғулларга қарши ташқи кураш олиб борди. Сейистондаги жангларда қўли ва оёғидан огир яраланди.

1363 й. Туғлуқ Темур вафот этиб, Мўғулистонда хонлик тахтини Илёсхожа эгаллайди. Ўша йили Амударёнинг чап соҳилидаги Кундуз ш. ёнида мўғуллар б-н бўлган 1-жангга Амир Темур ғалаба қозонди. Шундан сўнг мўғулларни тўхтовсиз таъқиб этиш бошланди. Мўғуллар ҳам Мовароуннаҳрни осонгина бериб қўйишни истамас эдилар. Илёсхожа 1365 й.да қатта қўшин б-н Сирдарё томон йўлга чиқди. Ҳусайн ва Амир Темур ҳам зудлик б-н жангга тайёрландилар. Улар ўртасидаги жанг ўша йили 22 майда Чиноз б-н Тошкент ўртасида бўлди (қ. *Жанг лой*). Жанг пайтида қаттиқ жала ёғиб, ҳаммаёқ лой бўлганлигидан тарихда у «Лой жанги» номи б-н машҳур бўлиб қолган. Жангга Амир Темур б-н Ҳусайн келишиб ҳаракат қилмаганликлари оқибатида уларнинг бирлашган қўшини мағлубиятга учради. Бу мағлубият душманга Мовароуннаҳрга, хусусан, унинг марказий шаҳри Самарқандга томон йўл очиб берди. Мўғуллар Мовароуннаҳрнинг марказий вилоятларида одатий талон-торожни яна давом эттирдилар. Бундай огир бир сиёсий вазиятда ҳокимиятсиз қолган мамлакат аҳолиси, гарчи ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса ҳам, она юрт мудофаасини ўз қўлига олишга ва мўғуллар ҳужумини қайтартишга киришди (қ. *Сарбадорлар қўзғолони*).

Қўзғолонга мадраса талабаси Мавлонозода, пахта титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Кулуйи Наддоф ва мерган Хурдак Бухорийлар бошчилик қиладилар. Сарбадорлар мўғулларга Самарқанд ш.да қақшатқич зарба бердилар. Илёсхожа дастлаб Самарқандни, сўнгра эса бутун Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шу тариқа Самарқандда сарбадорлар ҳокимияти ўрнатилди. Улар бутун қиш давомида Самарқандни ўзлари идора қилиб турдилар. Сарбадорлар ғалабаси тўғрисидаги хабар Ҳусайн б-н Амир Темурга ҳам бориб етди. Амир Темур қишни Қаршида, Ҳусайн эса Амударё бўйида ўтказиб, 1366 й. баҳорида улар сарбадорлар қўзғолонини бостириш учун Самарқандга йўл олдилар. Улар Самарқанд яқинидаги Кониғил мавзеида тўхтадилар. Ҳар иккала амир сарбадорларнинг душман устидан қозонган ғалабаларидан мамнун бўлганликларини ва улар б-н учрашмоқчи эканликларини билдирадилар. Бироқ, сарбадорларнинг бошлиқлари амирлар ҳузурига келганларида, улар қатл этилди. Фақат Мавлонозодани Амир Темур ўз ҳимоясига олиб қутқариб қолади. Шу тариқа сарбадорлар бошлиқсиз қолдирилиб,

Мовароуннаҳрда Амир Ҳусайннинг ҳукмронлиги ўрнатилди. Аммо кўп ўтмай Ҳусайн б-н Амир Темур ўртасидаги муносабат ёмонлашиб, очикдан-очик низога айланади. Амир Темурнинг нуфузи ортиб бораётганидан хавотирланган Ҳусайн Балх ш.га қайтиб, хазинани ҳам бирга олиб кетади ва шаҳарни мустаҳкамлашга киришади. Амир Темур эса Кеш ва Қарши вилоятларининг ҳукмдори бўлиб қолиб, Амир Ҳусайнга қарши курашга ҳозирлик қўра бошлайди.

Амир Темур давлатининг ташкил топishi ва унинг ҳарбий юришлари. 14-а.нинг 60-й.ларида Мовароуннаҳрда сиёсий ва иқтисодий вазият ниҳоятда огирлашиб кетди. Ички низоларнинг узлуксиз давом этиши ва ташқи душман ҳужумларининг авж олишидан деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари таназзулга учраб, аҳоли огир тангликни бошидан кечирмоқда эди. Бундан савдогарлар, хунармандлар ва деҳқонлар ғоятда норози эдилар. Аҳолининг бундай табақалари орасида мавжуд огир аҳволдан қутулиш, мамлакатни бирлаштириш ва кучли бир давлат ташкил этиш ҳаракати кучаяди.

Ҳусайндан кўра Амир Темур ўз замонининг бундай талабини яхшироқ тушунарди. Шунинг учун ҳам у ўз фаолиятининг дастлабки босқичида барча ҳаракатни Мовароуннаҳрда марказлашган мустақил давлат тузишга қаратди. Бундай мақсадни амалга оширишда у руҳонийлар б-н бир қаторда шаҳарнинг савдогар ва хунарманд табақаларига суянди. Бу борадаги амалий ишни Балх ш.га жойлашиб олган рақиб Ҳусайнга қарши юришдан бошлади. 1370 й. март ойида Амир Темур яхши қуролланган қўшини б-н Кешдан чиқиб, Балхни қамал қилиб, шаҳарни эгаллади, Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори Амир Ҳусайн қатл этилди. Ўша йили Балхда қўшин бошлиқларининг қурултойида Амир Темурнинг ҳукмронлиги расман қарор топди. Амир Темур қад. одатга биноан оқ кигиз устига ўтказилиб, юқори кўтарилади. Амир Темурнинг пири Саййид Барака дуойи фотиҳа қилгач, у Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинади. Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори бўлиб олгач, Амир Темур ўз давлатини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга киришди. Авваламбор бу даврда Амир Темурга мустаҳкам пойтахт зарур эди. Шу мақсадда у 1370 й.да Самарқандга келди. Бу ерда у шаҳар деворлари, қалъалар ва саройлар бино қилишга киришди. Айни пайтда у ҳолдан тойган мамлакатда қонун ва тартиб ишларини жорий этди.

Амир Темур дастлаб ўзига мустақкам таянч барпо этиш мақсадида барлос қабиласидан махсус қўшин ташкил қилади, сўнгра ўз давлати чегараларини мумкин қадар кенгайтиришга киришади. Аввал у Амударё ва Сирдарё оралигидаги ерларни, шунингдек, Фарғона ва Шош вилоятларини ўз тасарруфига олади.

Аммо Мўғулистон томонидан бўлаган хавф ҳали тамоман йўқолмаган эди. Амир Темур давлати учун айниқса, Жўжи улусида қад кўтарган Олтин Ўрда ниҳоятда хавфли эди. Амир Темур салтанати б-н Олтин Ўрда хонлиги оралигида бу даврга келиб мустақил бўлиб олган Хоразм ерларида кўнғирот сўфиларининг давлати қарор топади. Қадимдан иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан Мовароуннаҳр б-н муштарак бўлган Хоразм мўғуллар даврида 2 қисмга бўлиниб, маркази Гурганж ш. бўлган Шим. Хоразм Олтин Ўрдага, маркази Кат қалъаси бўлган Жан. Хоразм Чигатой улусига қараган. 14-а.нинг 60-й.лари охирида Олтин Ўрдани юз берган галаёнлар вақтида кўнғирот сўфилари Шим. Хоразмда янги сулоланинг мустақил ҳукмронлигини тиклаб оладилар. Сўнгра Кат ва Хива ш.ларини босиб олиб, Шим. Хоразм б-н Жан. Хоразм ерларини бирлаштирадилар. Айни пайтда Хоразм иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Олтин Ўрдага боғлиқ эди. Амир Темур эса бутун Хоразмни Чигатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблар эди. Шунинг учун у Хоразмни қўлга киритиш сиёсатини тутди. 1372 й.да Амир Темур Хоразмга биринчи бор юриш қилди. Хоразмликлар мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, Амир Темурга бўйсунмадилар. Шу боисдан Амир Темур Хоразмга 5 марта юриш қилиб, ниҳоят, 1388 й.да уни бутунлай қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда тарқоқлик, ўзаро низоларга чек қўйиб, Сирдарё бўйларида Орол денгизигача бўлган ерларда яшовчи халқларни ягона давлат тасарруфига бирлаштирди. Бу, шубҳасиз, Мовароуннаҳр халқлари тақдирида ижобий аҳамият касб этди. Аммо Амир Темур бу б-н қаноатланмади. У тез орада қўшни давлатлар ва халқлар устига юриш қилиб, уларни ўз давлатига қўшиб олиш ва марказлашган буюк салтанат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўз юришини Амир Темур даставвал Хуросондан бошлади. 1381 й. у Ҳиротни, 1381–84 й.ларда Эроннинг катта қисмини эгаллади. Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом(Сурья) устига 3 марта лашкар тортиди. Бу



Амир Темур (Малик Набиев чизган, 1994).

юришлар тарихда «уч йиллик», «беш йиллик» ва «етти йиллик» урушлар номи б-н машҳур. Уч йиллик (1386–88) ҳарбий юришлар оқибатида Жан. Озарбайжон, Ироқнинг шим. қисми, Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерлар эгалланди. Амир Темурнинг Ўрта Осиё чегарасидан шим.га томон ҳарбий юриши, асосан, Олтин Ўрда давлатига қаратилди. Балхаш кўлидан то Днепр дарёсигача қўзилган ва Дашти Қипчоқ деб номланган ерлар Жўжи улуси тасарруфида бўлган. Бу улуснинг Уралдан Қора денгизгача бўлган энг катта марказий қисми Олтин Ўрда номи б-н аталиб, Уралдан Шарқдаги ерлар Оқ Ўрда деб юритилар эди. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бу 2 ўрданинг ҳаёти бир-бири б-н узвий боғлиқ бўлган. Олтин Ўрданинг пойтахти дастлаб Сарой-Боту, 14-адан Сарой-Берка бўлган.

Олтин Ўрдага қарши зарба беришда Амир Темур унинг ички зиддиятларидан усталик б-н фойдаланади. Амир Темур Олтин Ўрдани ўз давлатига қўшиб олмоқчи эмасди, фақат у шим. ғарбда ўз давлати учун жуда хавфли куч бўлган хонлиқни заифлаштириш ва унинг шарқий қисмини ўз таъсири остидаги хонлар тасарруфига топшириш ҳамда Сарой-Берка орқали ўтадиган карвон йўли-

ни ҳам Мовароуннаҳр орқали ўтиши учун курашиди. Амир Темур Олтин Ўрданинг фақат Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Хоразм ва Мовароуннаҳрга иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан бевосита боғлиқ ерларининггина қўшиб олмоқчи эди. Бу даврда Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдада 2 мустақил ҳокимият қарор топиб, улар ўртасида кучли низолар давом этарди. Урусхоннинг тазйиқидан қочиб, ўз қузурига ҳомийлик истаб келган Оқ Ўрда хонзодаларидан Тўхтамишга Амир Темур бир неча бор ҳарбий ёрдам берди. 1379 й.да Тўхтамиш Амир Темурнинг ҳомийлигида Оқ Ўрда, кейинроқ Олтин Ўрдани қўлга киритгандан сўнг, Амир Темур кутгандек унинг таъсири ва паноҳи остида қолмади. Тўхтамиш оёққа туриб олгач, мустақил сиёсат юргизиб, кези келганда ҳатто Амир Темурга қарши иш кўра бошлади. 1380 й.да Мамай устидан қозонилган ғалаба Тўхтамишга Олтин Ўрда тахтини эгаллаб, Жўжи улусининг ҳар иккала қисмини янгидан бирлаштиришга имкон берди. У Олтин Ўрдани бирлаштириш ва унинг қудратини оширишга киришди. Ўз зафарларидан сармаст бўлган Тўхтамиш Олтин Ўрдани тиклаш б-н унинг чегараларини кенгайтириш мақсадида Русия ерларига, Закавказье ва



Озарбайжонга бир неча бор юришлар қилди. 1384 й.да у Москвага бостириб кириб, шаҳарга ўт қуйиб юборди. 1385 й.да у Табризни босиб олиш учун у ерга катта қушин юборди. Ҳатто 1387–88 й.ларда Тўхтамиш Амир Темурнинг навбатдаги ҳарбий юриши вақтида фурсатдан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга хужум қилди.

сўнги 2 юриш унинг учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Амир Темур Улдуғоғ этагидаги ҳоят-тошлардан бирига Тўхтамишга қарши 200 минглик аскар б-н бу ерлардан утгани ҳақида ўйдириб ёздирган Амир Темур ва Тўхтамиш қўшинлари ҳоз. Самара б-н Чистополь шлари оралигида жойлашган Кундузча (Кондурча) дарёси

15-а. сипоҳийлари (Беҳзод миниатюралари асосида).

водийсида бир-бирига рўбарў келади. 1391 й.нинг 18 июнида бу ерда 3 кун қирғинбарот жанг бўлиб, у Тўхтамиш қўшинининг батамом мағлубияти б-н тугади (қ. *Кундузча жанги*). Гарчи Амир Темур жангда жуда катта ўлжани қўлга киритган бўлсада, аммо Олтин Ўрдининг ҳарбий ва иқтисодий қудрати ҳали кучли бўлиб, у тамомила шикаст топмаган эди. Шунинг учун улар ўртасида рақиблик давом этарди.

Амир Темур ва Тўхтамиш қўшинлари ўртасида сўнги шиддатли жанг 1395 й.да Шим. Кавказда Терек дарёси водийсида содир бўлди. Бу дафъа жангда ҳам Амир Те-

мур ўз душманига қақшатқич зарба берди (қ. *Терек дарёси бўйидаги жанг*). Тўхтамиш Русь князликлари ерлари томон чекиниб, унинг қалин ўрмонзорларида ўзига паноҳ излади. Амир Темур Тўхтамишни рус ерларида таъқиб этиб Елецгача боради. Қайтишда Рязань князлиги ерлари орқали ўтиб, Қуйи Волга бўйи ва унинг марказий шаҳарлари – Сарой-Берка, Сарой-Боту ва Ҳожитархон (Астрахон) ш.ларини эгаллайди. Хитойни Яқин Шарқ мамлакатлари б-н боғлаган савдо қатнови яна Мовароуннаҳр шаҳарлари: Ўтрор, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро орқали Балх, Ҳирот ва Султония томон йўналди.

Россия тарихчилари Б.Л. Греков ва А. Ю. Якубовскийларнинг ёзишича, Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек, Русь князликлари учун ҳам буюк аҳамият касб этган.

Шундан сўнг Амир Темур узининг лиққат-эйтиборини бутунлай Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё я.о., Ҳиндистонни забт этишга қаратди.

Амир Темур «беш йиллик уруш» (1392–96) даврида Астробод ва Мозандаронни қўлга киритгач (1392 й.), шиддатли муҳорабадан кейин тоғли Эроннинг асосий шаҳри Омулни, сўнгра Лористон ва Ҳузистонни забт этди. 1393 й. Жан. Эрон фатҳ этилгач, Музаффарийлар давлати барҳам топган. Амир Темур Озарбайжонни батамом бўйсундириш учун катта қўшин б-н бир неча бор юриш қилишга мажбур бўлди. Ниҳоят, 1397 й.да Озарбайжон Амир Темурга бутунлай таслим бўлди.

1398 й.нинг май ойида Амир Темур 92 минг аскар б-н Амударёдан ўтиб Ҳиндистонга юриш қилди. Августда Кобул ш.ни забт этгач, 6 ой мобайнида Мўлтонни қамал қилиб турди. Сўнгра Ҳинд дарёсидан ўтиб, дек. бошларида Дехлига яқинлашади. Панипат яланглигида содир бўлган жангда Амир Темур қўшинлари зафар кучади (қ. *Панипат жанглари*).

1399 й.нинг бошларида Амир Темур 15 минг аскар б-н Дехлига кириб борди. Ўлжа олинган бойликлар б-н малакали бинокор уста ва ҳунармандлар Самарқандга жўнатилди, қолган қисми амир ва лашкар бошлиқларига бўлиб берилди. Амир Темур қўшин тортиб Ганг дарёси соҳилларигача борди. Ўша ердан орқага қайтиб, 1399 й.нинг баҳорида Самарқандга етиб келди.

Пойтахтда Амир Темур қисқа вақт дам олгач, Фарбий Осиёга янги сафар ҳозирлигини куриб қўшинлари б-н йўлга чиқ-



Жанггоҳ. 15-а. тасвири.



Темурийлар давридаги жангчилар қуро-аслаҳаси. 15-а.

Жангда Султон Боязиднинг қушини батамом тормор этилиб, ўзи асир олинди. У б-н бирга унинг хотини серб маликаси Оливера, ўғиллари Мусо ва Исо Чалабийлар ҳам асирга тушадилар. Амир Темур бу зафарли ғалаба б-н бутун Анadolу (Анатolia)ни забт этиб, Ўрта

денгизнинг шарқий соҳилида жойлашган Измир ш.га етиб борди. Измир забт этилгач, салибчиларнинг Яқин Шарқдаги охири қароргоҳи тугатилиб, Эгей денгизида жойлашган Хиос ва Лесбос оларидagi Генуя мулкларининг ҳукмдорлари таслим бўладилар. Ўз навбатида Миср маликлари ҳам Амир Темурга ўз итoати-ни изҳор этадилар.

Боязид устидан қозонилган буюк ғалабаси б-н Амир Темурга Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV ва Византия императори ўз табрикларини юборди. Хуллас, Европага улкан хавф солиб турган империяга берилган зарба учун Амир Темурдан эндигина уйғонаётган бутун Европа миннатдор эди. Аммо Амир Темур Усмонли турклар давлатини бутунлай йўқ қилиб юбориш ниятида эмас эди. У бундан манфаатдор ҳам эмасди. Чунки салиб юришларининг оқибатлари. Европа давлатларининг Яқин Шарқ мамлакатларидаги илчилари ҳали мусулмон олами ёдидан кўтарилмаган эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур Боязид ворисларига ҳиммат кўзи б-н боқиб, уларга беқийс муруватлар қилди. Сулаймон Чалабийни у туркларнинг Европадаги вилоятларига ҳоким қилиб тайинлаб, унга ҳукмдорлик тожи ва ёрлиқлар инъом этди ва мансабдорлик сарпосини кийгизди. Эдирне (Адрианополь) ш. унинг пойтахти қилиб белгиланди. Анadolу я.о.нинг шим.-ғарбий қисми суюргол сифатида Исо Чалабийга инъом этилиб, Бурса ш. унинг пойтахти бўлди. 1403 й.да вафот эт-

Амир Темур қушинлари томонидан Моҳон қалъасининг қамал қилиниши. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» қулезмасидан миниатюра.

Амир Темур васияти

«Эмди Пир Муҳаммад Жаҳонгирким, валияҳд қилибмен ва ўрнумга қойинмақом этибменким, Самарқанд вилояти аники бўлғай. Ва истиқдол ва тамкин била ўлтуруб, мамолик тадбиридин ва черик ва раъйиат ҳолидин хабардор бўлғай. Сизлар, керакким, анга мутиъ бўлуб, иттифоқ била анинг ишига машғул бўлғайсиз, то олам бузилмағай ва мусулмонларга ташвиш ва заҳмат бўлмағай. Ва неча йиллик саъйи қилгоним зоъе бўлмағай. Ва андоқ керакким, сизнинг иттифоқингизни библиб, эл йироқдин ҳисоб олғайлар ва ҳеч кишига ул қувват бўлмағайким, муҳолифат қилаолғай»

«Зафарнома». Шарафуддин Али Яздий.

ди. Қиш мавсумини у Қорабоғда ўтказиб, 1400 й.нинг ёзида Сурияга юриш қилди. Аввал Ҳалаб (Алеппо) ва Байрут ш.лари олинди. 1401 й.нинг бошларида бир ойлик қамалдан сўнг Дамашқ таслим бўлди. Шундай қилиб 1399–1404 й.лардаги ҳарбий юришлар натижасида Шомнинг Ҳалаб, Хумс, Баалбек, Дамашқ каби йирик шаҳарлари ва араб Ироқининг Убулистон ўлкаси б-н Бағлод забт этилади. Усмонли турк империяси султони Боязид I Йилдиримга тегишли Камоҳ қалъасини, сўнгра Анқарани қамал қилади. Боязид зуллик б-н Анқарага кўмакка ошиқади.

Амир Темур б-н Боязид қушинлари ўртасида жанг 1402 й.нинг 20 июлида Анқара ёнида бошланди (қ. *Анқара жанги*).



ган Боязид иззат-икром б-н Бурса ш.даги Усмонлилар сулоласининг хилхонасига дафн этилди.

1404 й. майида Амир Темур Кичик Осиёдан Самарқандга қайтиб келади ва ўзининг Хитойга бўладиган ҳарбий юришига таралдууд кўради. Сафар учун керакли маълумотлар йиллар давомида Хитойга юборилган савдо қарвонлари орқали аллақачон тўплаб олинганди. 1404 й.нинг охирида қаҳратон қишда у яхши қуролланган 200 минглик қўшин б-н Самарқанддан Хитой сафарига чиқади. Лекин Хитой устига юриш Соҳибқироннинг Ўтрорда вафоти (1405 й. 18 фев.) туфайли амалга ошмай қолади.

Соҳибқироннинг вафоти ҳақидаги хабар гарчи аввалда сир тутилса-да, аммо кўп вақт ўтмай мамлакат бўйлаб тарқалиб кетди. Амир Темурнинг жасали Самарқандга олиб келиниб дафн этилган (қ. *Амир Темур мақбараси*).

Шундай қилиб, Амир Темур ўзининг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қалар ва Орол денгиздан Форс қўлигига қаларли гоят катта ҳулудни ўз ичига олган улкан бир салтанатни вужудга келтирди. Бундан ташқари, яна у Осиёнинг жан.-ғарбий қисми, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шим.-ғарбда куйи Волга, Дон бўйлари, шим.-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёси бўйлари ҳамда жан.-шарқда Шим. Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларни бирлаштириб, мустақкам, қудратли давлат барпо этган ва унда адолат қарор топдириб, фан, маданият, шаҳарсозлик ривожланиши учун қулай муҳит яратишга муваффақ бўлди.

Соҳибқирон салтанатининг ички ҳаёти, ҳарбий ислоҳоти. Амир Темур замонасининг буюк империясини барпо қилган бўлса-да, аммо у умрининг охири-



Султон Маҳмудхон асир олинган Султон Боязид Йилдирымни Амир Темур ҳузурига келтиряпти. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» қўлёзмасидан миниатюра. Шероз. 1553 й.



Амир Темур қўшинларининг Ҳиндистондаги қалъани олиши. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» қўлёзмасидан миниатюра. Шероз. 1553 й.

гача ўзини бу давлатнинг «қонуний» хони деб эълон қилмади. Чунки у насл-насаби жиҳатидан бевосита чингизийлар сулоласига мансуб эмас эди. Шунинг учун ҳам чингизийлар томонидан белгиланган анъанага кўра, Амир Темур аввал ўз ҳузурда Мовароуннаҳрнинг Чингизхон авлодидан бўлган уттизинчи хони *Суюртгатмиш*хонни, унинг вафотидан кейин эса *Суюртгатмиш*нинг ўғли Султон Маҳмудхонни расмий хон қилиб кўтариб, ҳатто умрининг охиригача уларнинг номидан ёрлиқлар чиқартиради, пуллар зарб эттиради. Аммо ҳар 2 хон ҳам номигагина «хон» бўлиб, давлатнинг сиёсий ҳаётига ва Амир Темур берган фармойишларга мутлақо аралашмасдилар. Шунга қарамасдан, Амир Темур мамлакатда ўзининг бевосита ҳукмронлигига қонуний тус бериш ва уни мустақкамлаб олиш мақсадида узининг олдинги рақибни Амир Ҳусайннинг тул хотини Сароймулкхонимга уйланади (қ. *Бибихоним*). Сароймулкхоним Мовароуннаҳрнинг Чигатой хонадонидан чиққан сунги хони Чингизийлар авлоди Қозонхоннинг қизи эди. 1370 й.да Сароймулк-


хоним б-н бўлган никоҳ туфайли Амир Темур ўзининг амирлик даражасига «кўрагон», яъни «хоннинг кўеви» унвонини кўшиб олади ва расмий ҳужжатларда «Амир Темур кўрагоний» номи б-н юритила бошланди.

Амир Темур босиб олинган вилоятларни ўғиллари, набиралари ва нуфузли амирларига суюрғол тарзида инъом қилиб улар орқали бошқарди. Мовароуннаҳрдан ташқари ўз тасарруфидаги барча вилоят ва мамлакатларни Амир Темур 4 улусга бўлди. Тўнғич ўғли Мухаммад Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Пирмуҳаммадга Афғонистон ва Шим. Ҳиндистон б-н 12 минг навкарлик қўшин, 2-ўғли Умаршайхга Форс вилояти ва 10 минг аскар, 3-ўғли Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон б-н 9 минг кишилик қўшин, кенжа ўғли Шоҳрухга Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сейистон б-н 7 минг аскар берилди. Гарчи улуслар марказий ҳукуматга итоат этсалар-да, аммо улар маълум мустақилликка эга эдилар. Улус ҳукмдорларининг алоҳида давлат девонхонаси бўлиб, улар марказий ҳукуматга то-

белиги хирожнинг бир қисмини Самарқандга юбориб туриш ва олий ҳукмдор ҳарбий юришларида ўз қўшини б-н ҳам қатнашиш ёки талаб қилинган аскарни юбориб туришдан иборат эди.

Амир Темур даврида давлатнинг марказий маъмурияти бошида девонбеги – бош вазир бошлиқ 7 вазирликдан иборат арқони давлат – Вазирлик маҳмаси турарди. Биринчи вазир – солиқ-ўлпонлар ва мамлакат ободонлиги б-н шуғулланган. Иккинчиси ҳарбий ишлар вазири бўлган. Учинчи вазир савдо ишлари, тамға, закот ва мерос ишларига қараган. Тўртинчиси – молия вазири, давлат хазинасини бошқарган. Четара вилоятлари ва тобе мамлакатлар бошқарувини назорат қилиш учун махсус 3 та вазир тайин этилган (яна қ. *Темурийлар*).

Амир Темур ҳарбий ислоҳга, айниқса қўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашкарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички интизом масалаларига ниҳоятда катта аҳамият берарди. Шу боисдан Амир



Темур манбаларда замонасининг машҳур саркардаси сифатида тилга олинади. Унинг ҳарбий истеъдоди, саркардалик маҳорати қўшинларининг тузилишида ҳамда Олтин Ўрда хони Тўхтамыш, Деҳли султони Маҳмуд ва Туркия султони Баязидлар б-н олиб борган жанглариди ва шиддатли муҳорабалар майдонида қўллаган «савқулжайш» (стратегия) ва жанг қилиш услублари «таъбиятулжайш» (тактикалари)да намоён булган (яна қ. *Темурийлар ҳарбий санъати*).

Шу тарзда Амир Темур замонасининг кучли ва энг жанговар қўшинини ташкил қилди. У қўшинни турли-туман жанговар қурол-яроғлар, ўт ва тошотар-раъдандоз, манжаниқ ва ўзиотар қуроллар б-н қуроллантирди. Жангларда муҳораба қилишнинг янги услубларини қўлади. Кўпинча қутилган хавф рўй бермасдан туриб унинг олдини олиш чораларини кўрди. Амир Темур қўшинида Аббос

баходур, Жақубек барлос, Жаҳоншоҳ, Сайфулдин, Ййгу Темур билгут, Оқбуғо, Қимори иноқ, Тобон баҳодур, Учқора баҳодур каби жангларда шўхрат топган маҳоратли саркардалари бўлган.

Амир Темурнинг ҳарбий санъати ва давлатни бошқариш тартибига бағишланган махсус асар «Темур тузуқлари» номи б-н машҳур.

Ҳофизи Абрўнинг ёзишича, Амир Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. Амалий жиҳатдан фойда келтира оладиган ҳар қанақа билимни қадрлаган. Амир Темур давлат ишлари учун ҳамма нарсанинг фойдати томонларини олишга ҳаракат қилган. У давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда, шу соҳанинг билимдонлари ва уламолари б-н маслаҳатлашарди. Одатда у тиббиёт, риёзиёт, фалкиёт, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояналари, шунингдек, ило-

ҳиёт ва дин соҳасидаги машҳур уламолар б-н суҳбатлар ўтказарди. Амир Темур саройида уламолардан Мавлоно Абдуҷаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Баҳрулдин Аҳмад, Мавлоно Нуъмонуддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокий ва б. хизмат қиларди.

Ўзининг кўп йиллик ҳарбий юришлари давомида Амир Темур салтанатининг шон-шўхрати учун унинг марказий қисми бўлган Мовароуннаҳр, айниқса, пойтахт Самарқанднинг ободонлигига алоҳида аҳамият беради. Бунинг учун у забт этилган мамлакатлардан молдий бойликлар б-н бирга жуда кўп ҳунармандлар, санъат аҳллари ва олимларни Мовароуннаҳрга олиб келди ва мамлакатни обод этишда уларни ишлатди. Амир Темурга ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани муҳташам



Амир Темур мақбараси.

меъморлик обиласи барпо этиш б-н нишонлаш олат булган. Амир Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағлолда мадраса, Туркистонда машхур шайх Хожа Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара бино қилдирса-да (қ. *Яссавий мажмуаси*), лекин ўзининг саховат ва ҳимматини Кеш (Шаҳрисабз) ва Самарқандда олий иморатлар қурдиришда кўрсатди. Ўзининг она Ватани Кешда отасининг қабри устига мақбара, угли Жаҳонгирга мақбара б-н масжид қурдирди. Амир Темур ҳукмронлигининг илк даврида Кеш ш.ни пойтахтга ай-

Оқсарой.

лантириш ниятида бўлиб, унинг ободонлигига катта аҳамият берди. Кешда дунёга донги кетган машхур Оқсарой қад кўтарди.

Самарқанд салтанат пойтахти қилиб олингач, у алоҳида имтиёзга эга булган шаҳарга айланади. Самарқандда Исфажон, Шероз, Ҳалаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарларининг меъмор бинокорлари қули б-н саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилади. Шаҳар ташқарисид аса боғ-роғлар ва бўстонлар барпо этилади. 1403–04 й.ларда Самарқандда булган Испания элчиси Клавиho Амир Темурнинг олиб бораётган бинокорлик ишларидан ҳайратда қолган эди. Худди шу даврда Шоҳизинда меъморий ёдгорликлари гу-



руҳининг Шодимулк ого, Амир Хусайн, Ширинбека ого каби ажойиб мақбаралари, ҳоз. вақтда Бибиhoним номи б-н машхур булган Жоме масжиди, Гўри Амир даҳмаси ва б. бино қилинади. Амир Темур ўзининг бинокорлик соҳасидаги бутун фаолиятида ҳам аввало сиёсий мақсадларни кўзда тутлади.

Мўғуллар босқинида бутунлай вайрон этилган ва аксари аҳолиси қириб ташланган ва қисман қул қилинган Самарқанд ш. Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўзининг қад. ўрни Афросиёбдан бирмунча жануброқда бутунлай янгидан қурилди. Шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори б-н уралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар б-н аталувчи 6 та дарвоза урнатилди. Шаҳар аркида Амир Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсаройлар бино қилинди. Кўксарой 4 қаватли булиб, гумбазлари ва деворлари зангори кошинлар, нақшинкор ва гулдор парчинлар б-н қоплангани учун у шундай аталган. Кўксаройда хонларни подшолик тахтига чиқариш маросими вақтида уларни оқ кигиз устига олиб ўтқазадиган тошдан тахткурси – Кўктош қўйилган эди. Булардан ташқари аркда давлат девонхонаси, қурол-яроғлар устaxonаси ва аслаҳахона, тангалар чекиладиган зарбхона каби иморатлар жойлашган.

Бу даврда Самарқандда кўркам ва муҳташам бинолардан ташқари шаҳристон ёки рабоди доҳилда турли-туман касбдаги ҳунармандлар маҳаллалари қад кўтарди. Амир Темур мамлакатда, хусусан унинг пойтахти Самарқандда ҳунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради. Испан элчиси Клавиhoнинг ёзишича, у ҳунарли бирор кишини ҳам Мовароуннаҳрни ташлаб кетишига йул қўймаган. Аксинча, Амир Темурнинг амри-фармони б-н Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Ҳалабнинг машхур пахта йиғирувчилари, Анқаранин мовут тўқувчи корхоналари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, кўп касб-ҳунар соҳиблари бошиқа шаҳарлардан Самарқандга кўчириб олиб келинди. Ўша даврда шаҳарда турли дин ва мазҳаблардаги кишилар истиқомат қиларди. Клавиhoнинг маълумотига кўра, Самарқандда 150 мингдан зиёдроқ аҳоли яшаган. Шаҳар майдони Испаниянинг Шиблия (Севилья) ш.дан кенгроқ бўлган. Лекин унинг бу маълумотида шаҳар арки б-н қалъа, яъни ички шаҳар қисмларигина кўзда тутилган холос.

Амир Темур шаҳарлардаги қурилишлардан ташқари Самарқанд атрофида ўзининг хешу ақраболарига атаб гўзал



Жез қозонча. Самарқанд. 14-а.



Жез қўза. Самарқанд. 14-а.

боғлар бунёд этди. Моҳир меъмор, тажрибали соҳибкорлар (Аҳмад Боғишамолӣ ва б.)нинг ақл-заковати, меҳнатю маҳорати б-н барпо этилган Боғидилкушо, Боғичинор, Боғибихишт, Боғибаланд, Давлатобод, Боғинав, Боғишамол каби чорбоғлар ва улардаги гўзал кўшклар ўша давр боғдорчилик ва бўстончилик санъатининг намуналаридандир (қ. *Амир Темуր боғлари*). Манбаларда таъриф этилишича, Самарқанд булуки (шаҳар атрофи) ўша вақтларда шаҳарнинг энг гўзал ва энг ҳашаматли қисми ҳисобланган. Бу ерда катталиги бир ярим-икки чақиримга чўзилган боғлар ва улардаги сайргоҳлардан ташқари, аркони давлатнинг ўйин-кулги қиладиган жойлари ва хилватхоналар жойлашган.

Самарқанд ва унинг атрофидаги шоҳона сарой ва боғларда тантанали маросимлар — тўйлар, йиғинлар, сайиллар ва шоҳона меҳмондорчиликлар утказилган.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг деҳқончилик воқаларида, хусусан Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Янги қишлоқлар барпо этилди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Тему́р салтанат пойтахти Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Димашқ (Дамашқ), Миср

(Қоҳира), Бағдод, Султония ва Шероз номлари б-н атади. Амир Тему́рнинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди. Шу б-н бирга бу даврда Мовароуннаҳр шаҳарларида, айни қса, унинг пойтахтида сав-

до ва ҳунармандчилик ғоятда ривожланди. Янги бозорлар, савдо расталари бино қилинади. Шаҳар б-н деҳқончилик воқалари ва чорвалор кўчманчи аҳоли ўртасида савдо алоқалари кенгайди. Шаҳарлар мол айирбошлаш савдосида муҳим роль ўйнайди. Бу пайтларда Самарқандда савдо ва ҳунармандчилик жуда ҳам ривож топганлиги Клавикони ҳайратда қолдирган эди. Клавико Самарқанд бозорларида бугдой ва гуручининг муллиги ва арзонлиги ҳақида гапириб, шаҳар ҳунармандчилиги маҳсулотларини — атлас, кимхоб, ҳар хил ип ва жун тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ҳамда бошқа молларнинг сероблигини ҳам таъкидлайди. Бу даврда Амир Тему́р ва унинг жойлардаги ноиблари Буюк ипак йўлини назорат қилиб, савдо карвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашда муҳим чора-тадбирлар кўрдилар ва Шарқ б-н Фарб ўртасида савдо-сотик ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоят катта эътибор бердилар.

Темурийлар ва Улуғбек давлати. Амир Тему́рнинг жасади Самарқандга олиб келиниб, дафн этилиши ва марҳумнинг мотам маросимлари тугар-туғамас, ворислар ўртасида тожу тахт талашуви бошланади. Амир Тему́рнинг васиятига мувофиқ, Пирмуҳаммадни тахтга ўтказиш тарафдорлари кучли бўлса-да, бироқ Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Мирзо 1405 й.нинг 18 март куни Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннаҳр-

нинг олий ҳукмдори деб эълон қилди. Оқибатда амирлар, вилоят ноиблари ва шаҳзодаларнинг норозилиги кучайиб, исён кутарадилар. Биринчи бўлиб Туркистон ҳамда Фарғонанинг ҳокимлари Шайх Нуриддин б-н амир Худойдод Халил Султонга қарши бош кўтардилар. Ҳатто унинг уз укаси Султон Ҳусайн Мирзо Амударёнинг чап соҳили вилоятларида ўз ҳокимиятини ўрнатмоқ ниётида акасига қарши бош кўтарди. Ўз навбатида Амир Тему́р тахтининг асосий валиаҳди Пирмуҳаммад Амударёдан кечиб ўтиб, Халил Султонга қарши Насафга томон аскар тортади. Амир Тему́р салтанатида бошланган ўзаро урушлар шу тариқа авж олиб кетади. Оқибатда Хуросонда Шоҳрух Мирзо; Балх, Ғазна ва Қандаҳорда Пирмуҳаммад; Фарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўғиллари Умар Мирзо б-н Абубакр Мирзолар ҳокими мутлақ бўлиб олдилар. Сирдарёдан шим.да жойлашган вилоятлар: Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрам амир Бердибекнинг тасарруфида қолади. Уратепа б-н Фарғонани амир Худойдод Ҳусайннинг эгаллаб олади. Хоразмни эса Олтин Ўрда амирларидан Идику босиб олади.

Гарчи Шоҳрух 1405–08 й.ларда Халил Султондан Самарқандни тортиб олишга ва отаси Амир Тему́рнинг тожу тахтини эгаллашга ҳаракат қилса-да, аммо улдасидан чиқа олмайди. Бунга Балх, Сейистон, Хуросон ва Озарбайжонда темурий шаҳзодалар ва айрим нуфузли амирларнинг бирин-кетин кўтариб турган галаёнлари жиддий тўсқинлик қиладди. Ўзаро тахт талашилар натижасида Амир Тему́рнинг валиаҳди Пирмуҳаммад ва ўртанча ўғли Мироншоҳ галаён ва фитналарнинг қурбони бўлдилар. Пирмуҳаммад 1407 й. 21 фев.да вазири Пир Али Тоз бошлиқ фитначилар қўлида шаҳид бўлди. 1408 й. 22 апр. куни қорақўюнли туркманларнинг қабила бошлиғи Қора Юсуф б-н бўлган жангда Мироншоҳ ҳалок бўлади. Озарбайжон ва Ироқ вилоятлари Темурийлар қўлидан кетди.

1409 й. баҳорида Мовароуннаҳрда вазият янада кескинлашди. Амир Худойдод Уратепа ва Шоҳрухия шаҳарларини осонгина қўлга киритиб, Самарқандга томон аскар тортди. Зарафшон дарёси бўйидаги Шероз қишлоғи яқинида содир бўлган жангда Халил Султон қўшини мағлубиятга учради, ўзи эса асирга олинди. Худди шу даврда Сейистон ҳокими Шоҳ Қутбиддин ва Кирмон ҳокими Султон Увайсларнинг қўзғолонини бостириб, бу вилоятда тўла осойишталик урнатишга улгурган Шоҳрух



Амир Тему́р ҳукмронлиги давридаги тугамлар.



Мирзо Улугбек (Акмал Икромжонов чизган, 1994).

эндиликда бутун эътиборини Мовароуннаҳрга қаратди. Чунки у ота юртидаги ҳодисаларга лоқайд қарай олмасди. 1409 й. 25 апр.да у Амударёдан ўтиб, Самарқанд сари юриш қилди ва жангсиз шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлди.

Амир Темур вафотидан кейин қарийб 5 йил давом этган ўзаро уруш ва исёнлар, шубҳасиз мамлакатнинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир этиб, халқнинг жиддий норозилигига сабаб бўлган эди. Бундай бошбошдоқликка хотима бериш мақсадида Шохрух бошлаган ҳаракат мамлакат фуқаросининг кўпгина табақалари томонидан қувватланди. Шу боисдан Шохрух Амир Темур ҳукмронлиги ўрнатилган вилоятларни ўз қўл остига олишга ҳамда мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга муттасил ҳаракат қилди. 1420 й.ларга келиб у Амир Темур меросининг. Сурия ва Мисрдан ташқари, асосий қисмини ўз тасарруфида олди. Шохрух бундан буён мамлакатни бошқаришда темурзода ва нуфузли амирлардан иборат ҳокимларнинг ак-

сариятига ишончсизлик б-н қаради. Уларнинг ўрнига деярли ҳамма вилоятларда ўз ўғиллари ва набираларини ҳамда ўзига яқин тутган қариндошларини ноибликка тайинлади. Шохрух Балх б-н Бадахшон вилоятларини Иброҳим Султонга, Кобул, Фазна ва Қандаҳорни Қайду Мирзога, Хуросоннинг бир қисмини ҳамда Ҳабушон, Нисо, Обивард вилоятларини Бойсунғур Мирзога, Эроннинг ғарбий ўлкалари ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисмини Султон Муҳаммадга, Форс вилоятини Абдулла Мирзога суюрғол тариқасида инъом қилди. Шохрух шу йўл б-н мамлакатни бошқариш енгил бўлади, деб ўйлади. Бироқ, натижа у кутгандек бўлиб чиқмади. Бунга Шохрух кейинроқ невараси Султон Муҳаммаднинг (Бойсунғур Мирзонинг ўғли) қилмишларидан сўнг ишонч ҳосил қилди. Султон Муҳаммад Эронга ҳоким қилиб тайинлангач, бобосига ноиблик қилишдан бўйин товлаб, ўзбошимчалик б-н уз ерларини кенгайтиришга киришади. Шохрух итоатсиз на-

бирасига қарши қўшин тортишга мажбур бўлади.

Шохрухнинг узок ҳукмронлик даврида Амир Темур давлатининг асосий қисми унинг қўл остида сақланиб қолса-да, аммо бу улкан мамлакат 2 давлатга бўлинган эди. Улардан бири Амударёдан жан.да жойлашган Шохрух давлати бўлиб, унинг маркази Ҳирот ш. эди. Иккинчиси эса, Амударёдан шим.да Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган Улугбек давлати бўлиб, Самарқанд унинг пойтахти эди.

1409 й.да Шохрух Самарқанддан Ҳиротга қайтиш олдидан 15 ёшли Мирзо Улугбекни Мовароуннаҳр б-н Туркистонга ҳоким қилиб тайинлади. Шаҳзода балоғатга етгунга қадар давлатни бошқаришни Шохрух ўзининг содиқ амирларидан бири Шохмаликнинг ихтиёрига топширади.

Улугбек давлати жан.да Амударё, ғарбда Бухоро воҳасига туташиб кетган Урганжий дашти (Марказий Қизилқум)нинг шарқий чеккалари, шим.да Сирдарёнинг қўйи оқимидаги Сигноқ ва Ўтрор ш.лари, шарқ ва шим.-шарқда Шарқий Туркистон б-н чегараланар эди. Улугбек, гарчи Мовароуннаҳр б-н Туркистоннинг ҳокими деб эълон қилинган бўлса-да, аслида унинг ҳокимияти даставвал фақат Самарқанд, Бухоро ва Насаф вилоятлари б-нгина чекланади. Чунки Шохрух, аввал бошдан, Фарғонани то Ўзгангача Амирак Аҳмадга, Ҳисори Шодмонни Муҳаммад Жаҳонгирга инъом қилиб, Улугбекни бирмунча чеклаб қўяди. Туркистон эса Шайх Нуриддиннинг тасарруфида эди. Шайх Нуриддин Туркистон б-н ҳам қаноатланмайди. 1410 й.да у Муҳаммад Жаҳонгирга ва Янги (Авлиёота), Сайрам вилоятларининг ҳокими амир Абдуллоҳиқ ҳамда оқўрдалик хонзолалардан Чингиз ўғлонлар б-н иттифоқ тузиб, Темирийларга қарши исён кўтарди. Ўша йили 20 апр.да Самарқанд яқинидаги Қизилравот мавзеида исёнкор иттифоқчилар б-н Мирзо Улугбек ва Шохмаликларнинг қўшинлари ўртасида жанг бўлади. Жангда Улугбек мағлубиятга учраб Калифга чекинади. Шохрух 1410 й.нинг ёзида исёни бостириш учун катта куч б-н Самарқандга етиб келади. Шайх Нуриддин исёни бостирилгач, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган шаҳарлар: Тошкент, Ясси, Саброн, Сайрам, Янги қайтадан Темирийлар салтанати таркибига қўшиб олиниб, бу ўлкаларни идора қилиш ҳам Улугбекнинг зиммасига юк-ланди.

Ўша пайтларда Улугбек б-н Шохмаликнинг муносабатлари бузилиб қола-

ди. Чунки шухратпараст оталиқ Улуғбекни давлат ишларига яқин йўлатмай, ҳатто у б-н ҳисоблашмай ҳам қўйган эди. Шу сабабли Шоҳрух 1412 й.да Шоҳмаликни Самарқанддан олиб кетишга мажбур бўлади. Ўша вақтдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Туркистонни бошқариш батомом 18 яшар Улуғбек қўлига ўтади.

Мамлакатда маълум даражада ҳокими мутлақ бўлиб олган Улуғбек эндиликда Фарғонани амакиваччаси Амирак Аҳмад қўлидан тортиб олиб, бу ўлкада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилади. 1414 й.да у катта қўшин б-н Фарғонага боради. Улуғбекнинг қўшинига бас келишга кўзи етмаган Амирак Аҳмад жангсиз Андижон ва Ахсини топшириб, Ўш ва Олай орқали Қашқарга қочади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай Қашқар ҳокимининг мадади б-н Фарғонани қайтариб олади. Ўш яқинидаги жангда Улуғбек қўшини мағлубиятга учрайди. Бу воқеадан сўнг Улуғбек 1415 й.нинг баҳорида Фарғонага 2-март қўшин тортишга мажбур бўлади. Бу гал ҳам Амирак Аҳмад Улуғбекдан чўчиб яна Қашқарга қочади. Шоҳрухнинг Амирак Аҳмад номига ишончнома юбориб бу ишга аралашуви тўғрисидаги ўртасидаги ўзаро низо ҳал этилиб, Фарғона ҳам, Қашқар ҳам Улуғбекнинг қўлига ўтади.

1413 й.да Шоҳрух томонидан Хоразм Олтин Ўрда хонлари тасарруфидан қайтариб олинган, Улуғбек давлатининг ғарбий ва жан. чегараларининг хавфсизлиги муқимлашган бўлса-да, аммо унинг шим.-ғарбий ва шим.-шарқий томонлари ҳали хавотирли эди. Шу сабабли Улуғбек бу даврда Дашти Қипчоқда бошланган ўзбек шаҳзодаларининг ўзаро низо-ларига ҳамда Мўғулистонда авж олган ички курашларга жиддий эътибор беришга ва аралашушга мажбур бўлади.

Улуғбек кўмаги б-н Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари улусида Бароқ ўғлон, Мўғулистонда Шермухаммад ўғлон ҳокимиятни қўлга оладилар. Бу шаҳзодалар орқали Улуғбек икки қўшни ўлкада ўз сиёсатини ўтказишни мўлжаллаган эди. Бироқ хонлар Улуғбекнинг ишончини оқламадилар. Шундан сўнг Улуғбек отасининг ризоси б-н 1425 й.нинг эрта баҳорида Мўғулистон устига юриш бошлади. Ис-сиққўл яқинида содир бўлган тўқнашувда Улуғбек мўғуллар устидан талаба қозониб, катта ўлжа б-н Самарқандга қайтади. Ўлжалар орасида икки бўлак нефрит (кош) тоши ҳам бор эди. Кейинчалик бу нефритдан Амир Темур сағанасига қабр тоши ясаптирилади.

Мўғулистон уруши Улуғбек томонидан мамлакатнинг яхлитлиги ва хавфсизлигини сақлаб қолиш мақсадида олиб

борилган урушлар ичида энг зафарлиси бўлган эди. Бу зафарли юришнинг нишони тарзида Жиззах яқинидаги Илон-ўтти дарасида Улуғбек томонидан қоятошга ёзирилган ўзига хос «Зафарнома» ҳоз. кунгача сақланган.

1427 й.да Улуғбек Дашти Қипчоқда ўз сиёсий мавқеини мустақкамлаб олган Бароқ ўғлонга қарши юришга мажбур бўлади. Шоҳрух кичик ўғли Муҳаммад Жўгий Мирзони қўшин б-н тезда Улуғбекка ёрдамга юборади. Лекин Улуғбекнинг омади келмади. Бароқ ўғлон Сигноқ яқинида тунда Улуғбек қўшинига тўсатдан ҳужум қилиб унга қаттиқ зарба беради. Улуғбек аввал Тошкентга, сўнгра Самарқандгача чекинишга мажбур бўлди. Бароқ ўғлоннинг лашкари уни Самарқанд остоналарига таъқиб қилиб боради. Ясси, Саброн, Тошкент, Шоҳрухия, Самарқанд ва Бухоронинг тева-рак-атрофидати қишлоқларни талаб қайтади. Бу мағлубиятдан кейин Улуғбек эл-юрт ва отаси олдида юзи шувут бўлиб, Самарқанд тахтидан ва Мовароуннаҳр ҳокимлигидан ажралишига оз қолади. Чунки аҳоли орасида Улуғбек ва унинг қўшинига нисбатан норозилик пайдо бўлади. Сигноқ мағлубиятидан кейин Улуғбек, гарчи умрининг охиригача ўзга вилоятларга мустақил ҳарбий юриш уюштиришга журъат қилмаган бўлса-да, аммо 30–40-й.лари отаси Шоҳрух б-н бирга Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмини ўзига бўйсундирган Абулхайронга қарши кураш олиб боришга тўғри келади. Кўчманчилар ҳар йили, айниқса, қиш фаслида Мовароуннаҳрнинг ички қисмига бостириб кирар ва ўтроқ аҳолини горақ қилиб қайтардилар.

Мовароуннаҳрни идора этишда, айниқса мамлакат ташқи сиёсатида Улуғбек, айрим ҳоллардагина, мустақил ҳаракат қилган бўлсада, аммо аслида у салтанат олий ҳукмдори Шоҳрухнинг Мовароуннаҳрдаги интизомли ва ито-аткор ноиб бўлиб қолади.

Шоҳрух 1447 й. 19 март куни невараси Султон Муҳаммад (Бойсунқурнинг ўғли) исёнини бостириш вақтида бетобланиб Рай вилоятида оламдан ўтади. Хуросон ва Мовароуннаҳрда шаҳзодалар ўртасида тожу тахт учун кураш яна авжга миниб, мамлакатни беқарорлик чулғаб олади. Бу кураш оқибатида замонасининг машҳур олими ва ҳукмдори Мирзо Улуғбек 1449 й. 27 окт да 55 ёшида Самарқанд яқинида фожиали суратда шаҳид бўлади.

Хўжалик ва ер эгаллиги. Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар

ҳамда қишлоқларида катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Мавжуд суғориш тармоқларини таъмирлаш ва кенгайтириш ҳамда янги ариқлар қазилиб, ободонлаштириш ишларига маълум даражада аҳамият берилди. Деҳқончилик воҳаларининг сув таъминоти тартибга солинди. Даштларга сув чиқарилиб янги ер майдонлари ўзлаштирилди. Бу борада хусусий соҳибкорларнинг дашт жойлардан янги ерларни очиш, қоризлар қазиб, боғлар барпо қилиш ва қаровсиз қолган ташландиқ ерларни суғориб обод этиш учун амалга оширилган ҳар қандай фаолият Темурийлар томонидан қўллаб-қувватланди. Ҳатто бундай соҳибкорлар бир-икки йил давомида ҳамма солиқ ва тўловлардан озод этилди.

Бу даврда Темурийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқаларё, Марв воҳаларида, Тус ҳамда Ҳирот ва унинг атрофида йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, айрим деҳқончилик вилоятларининг сув таъминоти тубдан яхшиланди. Зарафшон дарёси сувининг бир қисми Қашқаларёга ташланди.

Улуғбек ҳукмронлиги даврида (1409–1449) Бухоро воҳасининг жан.-шарқий чегарасига ёндашган Сомонжук даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилди.

Мурғоб дарёсининг мўғуллар босқини даврида бузиб ташланган бош тўғони – Султонбанднинг Шоҳрух томонидан тикланиши тўғрисида Марв ш. ва Мурғоб воҳасининг сув таъминоти тубдан яхшиланади. Султон Ҳусайн Бойқаро даврида унинг ташаббуси б-н Марвируддан Янги ариқ чиқарилиб, каттагина ер майдони суғориб обод этилди.

Алишер Навоийнинг ташаббуси б-н Тус вилоятининг юқори қисмида жойлашган Чашмағул мавзеида Туруқбанд сув омбори қурилди, ундан ўн фарсах (60–70 км) узунликда махсус канал қазилиб Машҳадга сув олиб келинди. Бу



Жез чироқ. Туркистон. 15-а.

даврдa суғориш иншоотлари қуриш ишлари бирмунча тараққий қилди. Темурийлар ва уларга тақлид қилувчи вилоят ҳокимлари томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари атрофида истироҳат боғлари барпо этиш муносабати б-н кўплаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, улар тошқовуз, дарғот, наво, чигир, чархларрак, қайнама, шаршара, осма кўприк, хандақ, тазар ва сардобалар каби турли-туман сув иншоотлари б-н жиҳозланди.

Қ.х.да ғалакорлик, сабзавотчилик, полизчилик ва боғдорчиликка аҳамият берилган. Чорвачиликда — йилкичилик, қорақўлчилик, туячилик, қорамолчилик муҳим ўрин тутган.

Бутун 15-а. давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда аввалгидек ер ва мулкчиликнинг асосан тўрт шакли: «мулки девоний» — давлат ерлари; «мулк» — хусусий ерлар; «мулки вақф» — мадраса ва ибодатхоналар тасарруфидаги ерлар ва ниҳоят «жамоа ерлари» бўлган. Деҳқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга аввалгидек мамлакат ҳукмдори — султон ёки амирлар эгалик қиларди. Темурийлар даврида давлат ерларини «суюрғол» ёки «тархон» тарзида инъом қилиш кенг тарқалган.

Суюрғол ерлари ҳажми, шарти ҳамда ер ва ёрликқа эга бўлган шахсларнинг табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Одатда шаҳар ёки вилоятлардан тортиб, то алоҳида қишлоққача суюрғол шаклида инъом этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоятлар кўпинча ҳукмрон сулола намояндalари ёки йирик ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган. Бундай суюрғол ер ва мулклар кўпинча авлоддан-авлодга мерос бўлиб ҳам қоларди. Суюрғол эгасига ўз суюрғоли доирасида амалдорлар тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқи берилган. Суюр-

ғол ёрлигига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга фақат номигагина қарам бўлиб, одатда, улар деярли мустақил эди. Суюрғол эгалари тобелигини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан улар тасарруфидаги ер майдонларини қисқартирар ёки уларнинг маъмурий ва адлия жиҳатидан ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб қўярди. Суюрғол эгаси марказий ҳукуматга бўйсунмаган тақдирда суюрғол ҳуқуқидан маҳрум бўлар ва ҳоким унинг вилоятини бошқа шахсга бeрар эди.

Бу даврда бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига бирон хизмати учун тархонлик ёрлиги бeриш кенг урф бўлган. Тархонлик ёрлигини олган мулкдорлар барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлик ёрлиги, одатда, амир, бек, сарой амалдорлари, саййидлар ва б. юқори табақа вакилларига берилган. Бундай ёрлиқни олишга муяссар бўлган мулкдор исмига «тархон» сўзи қўшиб айтилган. Давлат дароматларининг анчагина қисми тархонлар қўлида эди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳам тархонларнинг нуфузи кучли бўлиб, ўзаро низо-жанжаллар вақтида тархоннинг қўллаб-қувватлаши бирорта вилоят ҳокимининг тақдирини белгилашда баъзан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

15-а.да катта ер майдонлари ва суғориш тармоқлари, шунингдек кўплаб дўкон, корхона, тегиримон, обжувоз, бозор, карвонсаройлар ва б. масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва мазорларга бириктирилиб, улар «мулки вақф» деб аталган. Вақф мулкларидан тушган даромад масжид, мадраса, шифоҳона ва хонақоҳларнинг таъмири, жиҳози, шунингдек мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бeриладиган нафақалар ҳамда лангархона (мусофирхона) ва шифоҳоналарнинг кундалик харжлари учун сарф этилган.

Бу даврда деҳқончилик ерларининг маълум бир кичик қисми қишлоқ тўплари ёки жамоаларининг мулки ҳисобланган. Жамоа ерлари мулкчиликнинг қалтурларидан бўлиб, улар кўпроқ тоғ олди ерларнинг сувга танқис жойларида бирмунча кенг тарқалган эди. Кўпчиликнинг иштироки ва маблағи б-н барпо этилган суғориш иншоотлари ва улар воситасида ўзлаштирилган ерлар жамоа мулкига айланган. Мулкчиликнинг бундай тури Темурийлар ҳукмронлиги даврида унчалик кенг тарқалмаган.

15-а.да Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер эгалари «деҳқон», экин майдонларига ишлов бeрувчилар эса «музорий» (зиротчи) деб юритилган.

Музорий давлат ёки вақф, тархон ёки суюрғол ерларида ҳам ёлланма зироатчи бўлиб деҳқончилик қилган. Уларнинг ҳосилдан оладиган ҳиссаси ер эгаларининг ердан ташқари, уруғлик, омов, ҳўкиз, от ва арава кабиларни берганига қараб белгиланган.

Деҳқончилик ерларида олинадиган асосий солиқ хирож (ёки «мол») деб аталган. Хирож, асосан, ҳосил етилиб, уни йигиб олиш вақтларида маҳсулот, баъзан пул ҳолида тўланган. Солиқ ҳосилга ва ернинг унумдорлиги ҳамда сув б-н таъминланганлигига қараб белгиланган. Чунончи, дарё, булоқ ва кориз сувлари б-н суғориладиган обикор ерлардан хирож ҳосилнинг учдан бир қисми миқдорида олинган. Агар ер эгаси хирожни пул ҳисобида тўлашга рози бўлса, унда ҳосилнинг учдан бир қисми бозор нархи ҳисобида пулга чақилган. Лалмикор ерларнинг унумдорлиги обикор ерларга нисбатан паст бўлгани учун, лалмикорлик б-н машғул бўлган музорийлар умумий ҳосилнинг олтидан бир, яъни 16,5% дан, саккиздан бир, яъни 12,5% гача миқдорида солиқ тўлаганлар.

Мулк ерларининг бир қисмидан «ушр», яъни ҳосилнинг ўндан бир қисми (10%) миқдорида солиқ олинган. Боғ ва дарахтзорлардан «мол сардарахт», яйловлардан «мол ўтлоқ», «сувоқ» каби ва б. хил солиқлар олинди, уларни тўплашда қадимдан расм бўлиб келган тартиб-қоидага амал қилинган.

Солиқлардан ташқари меҳнаткаш аҳоли ҳукмдор ва унинг маъмурлари, суюрғол эгалари ва тархонлар, шунингдек, йирик мулкдорлар фойдасига муайян муддат текин ишлаб бeришга мажбур эди. 15-а.да қурилиш ишлари кенгайиб, бу даврда қал кўтарган саройлар, жамоат бинолари, мудофаа ва суғориш иншоотлари ҳамда йўл қурилиши ва тузатишларида меҳнаткаш аҳоли кучидан



Сирланган лаган. Самарқанда. 15-а.



Хожа Аҳмад Яссавий мажмуасидаги жез қозон.

кенг фойдаланилган. Бундай ҳашар ишлар бегор деб аталган. Бегорда қатнашувчи ҳар бир ҳашарчи ишлаши учун керакли асбоб-анжомлар ва етарли емакларни ўзи б-н олиб келиши лозим бўлган. Бу эса, шубҳасиз, ҳашарчилар аҳволини янада мушкуллаштирар эди. Бу даврда ҳукмдор ва унинг маъмурларидан ташқари йирик мулкдорлар ҳам музориёларни бегор йўли б-н ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимиятнинг маълум даражада барқарорлиги, йирик шаҳарлар ва булуқлар (шаҳар атрофи)да амалга оширилган ободончилик ҳамда деҳқончиликнинг кенгайиши, ҳунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши учун кенг йўл очиб берди.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шоҳрухия, Андижон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши ва б. кўпгина шаҳарлари аҳолисининг касб-кори, ички ва ташқи алоқалари б-н ўрта аср Шарқининг ҳунармандчилик ва гавжум савдо марказларига айланади. Ҳунармандчиликнинг ривож топиб, унинг турли-туман тармоқлар бўйича ихтисосланишининг кучайиши шаҳарларнинг тарихий топографиясини ҳам ўзгартириб юборади. Шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, касб-ҳунар б-н боғлиқ янги-янги гузарлар, кўчалар, бозор расталари, тим ва тоқлар (усти гумбазли бозор) вужудга келади. Кўпгина шаҳарларда заргарлик, мисгарлик, сузангарон (игнасозлик), кўнчилик, камонгарон, пичоқсозлик, эгарчилик каби ҳунармандчилик маҳаллалари бўлган. Ҳунармандчилик соҳасида тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик (металл буюмлар ясаи), темирчилик ва бинокорлик етакчи ўринни эгаллаган.

15-а.да металлдан қурол-яроғ ва рўзгор буюмлари ясаш тақомиллашди. Самарқанд салтанат пойтахти сифатида аввалгидек қурол-яроғ ясаладиган марказ бўлиб қолади. Шаҳарда ҳатто махсус совутоқлар маҳалласи қарор топган эди. Қуролсозликда қилич, қалқон, ўқ-ёй, дубулга ва совутол ҳамда жибалар ясаларди. Ҳокимлар, саркарда-амирлар учун ясалган махсус қурол-яроғлар олтин ва кумуш қопламали, қимматбаҳо тошлар қадалган нақшинкор бўларди. Шаҳарларда мисгарлик ҳам анча ривож топган эди. Мис ва жездан турли хил уй-рўзгор буюмлари ясалар ва майда мис чакдалар зарб қилинарди. Амир Темур саройида фаолият кўрсатган рихтар Абдулазиз Соҳибқирон кўрсатмаси-

Хожа Аҳрор

Хожа Убайдуллоҳ ибн Хожа Маҳмуд ибн Хожа Шаҳобиддин Шоший Ўрта Осиёдаги нақшбандия тариқати раҳнамоларидан. 1404 й. ҳоз. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Боғистон қишлоғида туғилган. 1490 й.да Самарқандда вафот этган. Она томондан Шайх Хованди Тоҳур (Шайхонтоҳур) авлоди. Нақшбандия таълимотининг давомчиси сифатида уламолар ўртасида катта обрў ортириб «валий» («авлиё») сифатида топилиб «Аҳрор» («Хур», «Озод») номига эга бўлган. Хожа Аҳрор, айни вақтда, деҳқончилик ва тижорат ишлари б-н шуғулланган. Жуда катта ер-сув, мол-мулк эгаси бўлгани боис мамлакатда беқийс иқтисодий ва сиёсий қудратга эга бўлган, ички ва ташқи сиёсат ҳаётида етакчи ўрин эгаллаган. Умри давомида эл-юрт ва халқ манфаати йўлида кўп савоб, хайрли ишлар қилган. Даромадининг кўп қисмини аҳоли зиммасидаги солиқларни тўлашга, диний ишларга, маданий қурилишларга сарфлаган. Тахт учун курашган шаҳзодалар ўртасидаги низоларни тинч йўл б-н бартараф этган. Жомий, Навоий, Бобур уни ўзларига маънавий пир-устоз деб билганлар.

Хожа Аҳрорнинг 3 рисоласи «Фақорот ул-орифин» («Орифлар сўзларидан парчалар»), «Волидия» («Отага бағишлов»), «Ҳавроийя» («Хурлар») бизгача етиб келган. Муслмон дунёсида 356 та авлиё ўтган бўлиб, улардан 3 таси Қутб ул-Ақтоб (улуг даражага етган авлиё) сифатида эътироф этилган. Шу 3 зотнинг бири Хожа Аҳрор бўлган. Ўзбекистонда Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги Вазирлар Маҳкамасининг қарори б-н (2004 й., 25 март) кенг нишонланди.

га биноан Яссавий мақбараси учун улкан назр-ниёз қозонни қуйган.

Самарқанд ва Ҳиротда заргарлик ривож топади. Олтин, кумуш ва жез қотишмаларидан турли хил зеб-зийнатлар ва қимматбаҳо буюмлар ясайдиган ва уларга нозик дид б-н нафис бадиий ишлов берувчи моҳир заргарлар сони кўпаяди.

Бу даврда кулолчилик ҳам ривож топиб, ҳунармандчиликнинг кўп тармоқли соҳасига айланади. Кулолчиликда коса, хум ва хумчалар, танدير каби буюмлар тайёрланарди. 14–15-а.ларга мансуб сирланган сопол буюмлар бадиий жиҳатдан ранго-ранглиги, шакли ва турининг хилма-хиллиги ҳамда сифатлиги б-н ажрალიб турарди. Булардан ташқари кулоллар сув қувурлари (ғулбалар), чигир ва чархпалак кўзачалари (дигар) ва б. кўпгина сопол буюмлар пиширганлар. Айни вақтда бинокорлик ашёлари ишлаб чиқарадиган кошчинпазлик, парчинсозлик, гишт ва гишт тахталар пиширадиган кирпичпазлик ҳам ривожланди.

Бу даврда тош йўниш (сангтарош) ва унга сайқал бериб, ўймакор нақшлар ва хушхат ёзувлар битиш санъати камолотга етди. Самарқандда Бибиҳоним жоме масжиди ҳовлисида Қуръонни қўйиш учун мрамардан ишланган улкан лавҳ (курс), Улугбекнинг Амир Темур қабрига қўйдирган нефрит тоши, Шоҳизинда ва б. жойлардаги 15-а.га мансуб сағаналарнинг мрамар тошлари ва уларга ишланган жимжимадор нақшлар, ўймакорлик б-н битилган оят, марсия ва тарихлар халқ ҳунармандчилигининг юксак бадиий асар намуналаридан бўлиб,

уларда тош йўнувчиларнинг меҳнати ва санъати б-н ҳатотларнинг зўр маҳорати уйғунлашиб кетган.

Мамлакатнинг йирик шаҳарлари ва вилоятларида, хусусан Самарқанд ва Ҳиротда қурилиш ишлари авж олиб, бинокор усталарга талаб орди. Бинокорлар орасида меъмор муҳандис, гишт терувчи банно, сувоқчи ганчкор, наққош, тош йўнувчи (сангтарош) ва дурадгор (нажжор)ларнинг мавқеи орди.

15-а.да шишасозлик ҳам анча тараққий қилган. Самарқандда ҳатто шишасозлар маҳалласи бўлган. Манбаларда қайд этилишича, шишадан турли шаклдаги идишлар: кўзача, қалаҳ, сиёҳдон (довот), доридон, сурмадон, тувак ва сумаклар ҳамда бошқа турли хил рўзгор буюмлари ясалган. Муҳташам бинолар ва давлатманд шаҳарлик зодагонларнинг уй-жойлари қурилишида рангли ойналардан фойдаланилган. Мас., Ишратхона мақбарасининг дераза-панжараларига ҳаворанг, гунафша, сариқ, яшил ва қизил рангли ойналар ўрнатилган.

Бу даврда ёғочсозлик муҳим аҳамият касб этган. Ёғочдан хилма-хил асбоб-ускуналар ҳамда буюмлар ясалган. Моҳир ёғочсоз усталар ёғоч ўймакорлигини тақомиллаштириб, нақшинкор эшик, панжара, устун, тоқи-равоқ, болор, хонтахта, курсилар ва б. ашё ва жиҳозлар ясаганлар. Амир Темур мақбараси ва Шоҳизинданнинг оятлар битилган нақшинкор эшиклари 15-а. халқ усталарининг ёғоч ўймакорлиги санъатидаги энг нодир намуналардан ҳисобланади. Улугбек замонида Регистон майдонида қад кўтарган Муқаттаъ масжидининг деворидан тортиб, тоқу равоқ-



ларига, устунларидан то эшик ва панжараларига нақшинкор ёғочдан ишланган эди.

Шу тарзда 15-а.да Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг деярли ҳамма йирик шаҳарларида ўрта аср ҳунармандчилигининг барча тармоқ ва соҳалари бўйича ихтисослашган корхона, дўкон, устахона ва расталар бўлган.

15-а.да Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Русия, Волгабўйи ва Сибирь б-н муносабатлар савдо-сотиқ қилинарди. Хитойдан, асосан, ипак, шойи матолар, хусусан атлас ва парчалар, чинни, лаъли, гавҳар ва мушк; Ҳиндистондан нафис оқ рангли ип матолар, нил бўёқлар, хушбўй зираворлар (мускат ёнғоғи, қалампирмунчоқ, долчин ва амбар); Эрондан сурп, марварид ва дурлар; Русия, Татаристон ва Сибирдан қимматбаҳо мўйна, тери ва мум олиб келинар эди. Европа мамлакатларидан Самарқандга олиб келинган моллар орасида фаранг газмоллари мовути, черкес пичоғи бор эди.

Самарқанддан чет мамлакатларга, хусусан Русия, Татаристон ва Сибирга, асосан арзон нархли ип матолар, духоба, шойи, қоғоз, қуруқ мева, гуруч, пахта ва калава иплар чиқарилган. Чет давлатлар б-н ўзаро савдо-сотиқни кенгайтиришда Темурийларнинг қўшни мамлакатлар б-н олиб борган элчилик алоқалари катта роль ўйнади. 15-а.нинг I-чорагида Улуғбек ва Шоҳрух давлатлари б-н Хитой ўртасида мунтазам элчилар алмашилиб турилди. Хитой Темурийлар б-н савдо қилишдан манфаатдор эди. Мовароуннаҳр ва Хуросондан Хитойга йилқи олиб кетиларди. Ҳар ик-

Бибиҳоним жоме масжиди ҳовлисидagi мрамр лавҳ Самарқанд

кала давлат ўртасидаги савдо ва элчилик алоқалари бу даврда янада ривож топди. Деярли ҳар икки-уч йилда Самарқанд б-н Ҳиротга Хитой элчилари, Хонбалиқ (Пекин)га эса Мовароуннаҳр ва Хуросон элчилари ва савдогарлари қатнаб туришган. Элчилар Улуғбек ва Шоҳрухга ўзаро дўстлик муносабатларини ривожлантириш хусусидаги тақлифлар ёзилган мактуб ва катта совға-саломларни топширадилар. 1420 й.да Шоҳрух ва Улуғбек 530 нафардан иборат элчилик карвонини Хитойга жўнатишди. Шоҳрух элчиларига Шодиҳожид б-н амир Кўкча, Улуғбек элчиларига Султоншоҳ б-н Муҳаммад бахши бошчилик қилдилар. Гиёсиддин нақшош котиб этиб тайинланади. Темурийларнинг элчилари Хитойда икки йилдан ортиқроқ бўлиб, 1422 й. ўз ватанларига қайтиб келдилар.

Мовароуннаҳрдан Хитойга ўша замонлари икки карвон йўли орқали борилган. Биринчи йўл Тошкент, Сайрам, Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг Турфон ва Кумул ш.лари орқали, иккинчи йўл Фарғона водийси орқали — Хўжанд, Кўқон, Марғилон, Андижон, Ўш ш.ларидан ўтиб Олай водийси бўйлаб борган ва Шарқий Туркистоннинг Қашқар, Хўтан ва Ёрканд ш.лари орқали ўтган.

Шоҳрух ва Улуғбек замонида Тибет ва Ҳиндистон б-н ҳам яхши қўшничилик муносабатлари урнатилди. 1421 й.да Тибетдан Бухоро ва Самарқандга элчилар келади. 1441—42 й.ларда Шоҳрух Ҳиндистонга Вижайнагар саройига тарихчи Абдураззоқ Самарқандий бошчилигида элчилар юборди. У Кермон вилояти, Хўрмуз ва Форс қўлтиқлари орқали Ҳиндистонга қилган саёҳатини ёзиб қолдиради.

15-а.нинг I-ярмида мамлакатнинг иқтисодий равнақи айниқса ҳунармандчилик ва ички савдонинг ривожланиши, маълум даражада шу даврда ўтказилган пул ислоҳоти б-н ҳам боғлиқ бўлган. Улуғбек 1428 й.да пул ислоҳотини амалга оширди. Аҳолини ички чакана савдо муносабатларига кенгроқ жалб этиш мақсадида Улуғбек энгил вазнда зарб этилган ва муомалада юрган бар-

ча пулларни ман этди. Эски чақаларни янгисига алмаштириб, ички савдонинг майда мис пулларга бўлган талабини қондириш учун бир вақтнинг ўзиде у Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шоҳрухия ва Андижон шаҳарларида зарбхоналар ташкил этиб, бир хил вазндаги салмоқдор фулуслар зарб эттирди ва муомалага чиқарди. Эски чақалар қисқа вақт ичида янги фулусларга алмаштирилиб олинган, мис пуллар зарбини марказлаштириш мақсадида бошқа шаҳарлардаги зарбхоналарга барҳам берилиб, фақат Бухоро зарбхонаси сақлаб қолинди. Халқ ўртасида «фулуси адлия», яъни «адолатли чақа» номи б-н шуҳрат топган бу янги мис фулуслар Мовароуннаҳрнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг муомалага кириб, давлатнинг ички савдосини нақдина б-н тўла таъмин этади. Улуғбекнинг бундай ислоҳоти мамлакатда ҳунармандчилик маҳсулотларининг ички чакана савдоси учун кенг йўл очиб берган эди. Айни вақтда Улуғбек ташқи савдодан келадиган даромадни ошириш мақсадида «тамаға» божни бирмунча оширди.

Илм-фан ва маданий ҳаёт. Улуғбек ҳукмронлиги даврида Самарқандда ҳам, Ҳиротда ҳам Амир Темурийларнинг давом эттирилиб, пойтахт шаҳарларда олим-фузалолар, шоиру бастакорлар, меъмор-бинокорлар ва наққош моҳир ҳунармандларнинг каттагина гуруҳи тўпланган эди. Мовароуннаҳрда, хусусан Самарқандда илм-фан ва санъатнинг тараққиётида Улуғбекнинг роли ва ҳиссаси ниҳоятда буюк бўлди. Улуғбек мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш б-н бирга, илмий ишлар б-н ҳам шуғулланади, олимларнинг мунозараларида фаол қатнашади. Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айланттиришга интилади. Унинг фармони б-н 1417 й.да Бухорода, 1417—20 й.ларда Самарқандда ва 1433 й.да Фиждудонда мадрасалар бино қилинади. Ҳатто Бухородаги мадрасанинг дарвозасига: «Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир», деган қалима ўйиб ёзиб қўйилади. Мовароуннаҳрнинг бу учта қадимий шаҳарларида барпо этилган илмгоҳлар, хусусан Самарқанд мадрасаси замонасининг дорилфунуни эди. Ушбу мадрасаларда илоҳийёт илмлари: Куръон, ҳадис, тафсир, фикҳ б-н бирга риёзийёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббийёт, тарих, география, илми аруз (поэтика), араб тили ва морфологияси (қофия) каби дунёвий илмлар ҳам

ўқитиларди. Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси икки қаватли, 50 ҳужрали бўлиб, ҳар бир ҳужра 3 хона: қазноқ (омборхона), ётоқхона ва дарсхонадан иборат бўлган. Тарихий маълумотларга қараганда, мадрасада 100 дан ортиқ талаба истиқомат қилган ва таълим олган. Мадрасада замонасининг иқтидорли олимларидан Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий етакчи мударрис бўлган. Машҳур олимлардан Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Коший ҳамда Мирзо Улуғбекнинг ўзи ва унинг шогирди Алоуддин Али Кушчилар турли фанлардан дарс берганлар. Айрим маълумотларга қараганда, мадрасада илми ҳайъат (астрономия) дарсини Қозизода Румий ўтган. Ҳатто Абдурахмон Жомий ёшлик чоғида Самарқандга келиб, Қозизода Румийдан бир неча марта астрономия фанидан сабоқ олганлиги маълум.

Улуғбек 1425–28 й.ларда Самарқандда ўз атрофида тўпланган олимларнинг бевосита иштироки б-н шаҳар яқинидаги Обираҳмат анҳори бўйида расадхона қурдирди (қ. *Улуғбек расадхонаси*). 1908 й.да археолог *В.Л.Вяткин* Улуғбек расадхонасининг харобаларини толиб ўрганди.

Самарқандда Улуғбек раҳбарлигида барпо этилган бу илмий даргоҳ мат., айниқса астрономия соҳасида илмий дунёда оламшумул аҳамият касб этган натижаларга эришади. Расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 собита (қўзғалмас) юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилади. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб жойлашган 683 географик пунктларнинг Самарқанд кенглигига нисбатан координатлари белгилаб чиқилди (қ. *«Зижи Қўрагоний»*). Улуғбек мактабининг эришган энг муҳим ва ажойиб муваффақиятларидан бири мат. фани соҳасида бўлди. Расадхона олимлари томонидан 3-даражали алгебраик тенглама ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аниқланди. Ўша даврда аниқ фанларнинг ривожланиши ва шу фан соҳаларига оид илмий асарларнинг ёзилиши Улуғбек мактаби илмий фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берди. Расадхонада олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида математика ва астрономияга оид бир қанча нодир асарлар яратилди. Гарчи бу асарларнинг кўпи бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, аммо сақланиб қолган қўлёзмалар ўша даврда Самарқанд астрономия мактаби эришган ютуқлардан ва бу илмгоҳ намояндалари жаҳон



Улуғбек расадхонаси.

астрономия фани ривожига қўшган улкан ҳиссалан гувоҳлик беради.

15-а.да Мовароуннаҳр ва Хуросонда тарих фани ҳам кенг ривож топди. Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Исфизорий, Давлатшоҳ Самарқандий ва б. кўпгина тарихчилар Самарқанд ва Ҳиротда яшаб ижод қилдилар. Уларнинг асарлари Темурийлар тарихига доир жуда қимматли ва нодир манбадир.

М е т м о р л и к. Амир Темури Темурийлар даврида Самарқанд ва Ҳиротда меъморлик, наққошлик, тасвирий санъат ва адабиёт ниҳоят даражада тараққий этди. Бу икки пойтахт шаҳарларида кўплаб ҳашаматли жамоат бинолари қал қўтарали. Темурий ҳукмдорлар орасида, айниқса Улуғбек бобо-

си Амир Темури каби мамлакатда қурилиш ишларига катта аҳамият беради. У ҳукмдорлик қилган даврда бир қанча масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, сардоба ва қарвонсаройлар қурилади. Мозорот ва зиёратгоҳлар обод этилади.

Улуғбек, айниқса Самарқандни обод қилишга алоҳида эътибор беради. Унинг даврида Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони шаклланди. У қайтадан режалаштирилиб, майдонда Улуғбек мадрасасидан ташқари пештоқли ва улкан гумбазли хонақоҳ, қарвонсарой, ўймакор ёғочлардан ишланган Масжиди Муқаттаъ бино қилинди. 210 гумбазли Қўқалдош жоме масжиди қад кўтарди. Бу олий иморатлардан фақат Улуғбек мадрасасигина бизнинг давримизгача сақланган.

Улуғбек даврида яна бир йирик меъморий мажмуа – Шоҳизинда меъморий мажмуаси ниҳоясига етказилган. Унинг марказий қисмида қад кўтарган нақшинкор обидалар орасида, айниқса, Қозизода Румий мақбараси меъморий жиҳатдан энг ажойиб ҳисобланади. У пештоқли, улкан, гумбазли зиёратхонадан иборат бўлиб, кошинкор ва бекиёс жилвали ранго-ранг парчинлар б-н нақшланган.

Жамоат бинолари қурилиши меъморчилигида Регистон майдонида бино қилинган Мирзобой ҳаммоми ва қарвонсаройи, «Боғи майдон»да қад кўтарган «Чилсуғун» («Қирқустун») ва «Чиннихона» саройлари, айниқса, диққатга сазовор. Тиллакори мадрасаси ўрнида бўлган Мирзобой қарвонсаройида кўпин-

Улуғбек мадрасаси. Самарқанд.



ча хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар қўнишган. Бобурнинг таърифлашича, «Чилсутун» ва «Чиннихона» саройлари ниҳоятла муҳташам ва қуркам бўлган. «Чилсутун» тошлардан фарш қилинган баланд тагкурси устига икки қаватли қилиб қурилган, унинг бурчакларида ички айланма зинапоёли миноралари булган. Зинапоёлар орқали саройнинг юқори қаватига чиқилган. Иккинчи қаватнинг марказида чордара услубида қурилган хонанинг тўрт тарафи ўймакор тош устунли айвон булган. Чордара услубида бино қилинган Чиннихона саройининг деворлари, хусусан уларнинг изора (панель) қисмлари Хитойдан келтирилган рангдор ва нақшли чиннилар б-н қопланган, шу сабабли бу олий иморат шу ном б-н шуҳрат топган (яна қ. *Чиннихона*).

15-а.нинг 2-ярмида Мовароуннаҳр ва унинг пойтахти Самарқандда ҳашаматли бинолар қуриш бирмунча чекланди. Бу даврда икки қаватли Хожа Аҳрор мадрасаси (1456), Ишратхона (1464) ва Оқсарой (1470) мақбаралари каби иморатлар қад кўтарди.

14–15-а.лар меъморчилигида иморатларни ўзига хос янги маълум мақсадга қаратилган ечимлар асосида қуриш б-н бирга, уларни безашда ҳам янги усуллар қўлланади. Биноларнинг пештоқлари ва хоналарнинг ички деворлари қабартма ранго-ранг парчинлар, зангори ёки оқ ранг устига зарҳал берилган «ислими» нақшлар, баъзан эса китобалар б-н пардозланади.

15-а. меъморчилигида ҳоз. замон шарҳосозлигида инфраструктура деб аталадиган уйғунликка эришишга ҳаракат қилинган. Мас., 15-а.нинг 80-й.ларида Хирот яқинида Инжил анҳори бўйида қуриб битказилган қуркам иморатлар мажмуотида уй-жойлардан ташқари, мадраса, хонақоҳ, шифоҳона, ҳаммом, ҳовузлар, савло расталари бўлган. Дам

олиш хиёбонлари, бог-роғлар эса хушҳаво жойларда барпо қилиниб, уларга шаҳар меъморчилигининг таркибий қисми сифатида қаралган. Бу даврда жамоат биноларини исми жисмига монанд, маънодор ҳамда жарангдор номлар б-н аташга ҳам катта аҳамият берилган. Шунингдек, бундай номлар заруриятга қараб, абжад ҳисобида қурилиш йили тарихини ҳам ифодалаши лозим бўлган. Ихлосия, Халосия, Шифоия, Сафоия, Унсия, Қудсия, Низомия, Хусравия ва Фаноия шулар жумласидандир. Мас., Ихлосия мадрасасининг номи Навоийнинг мактабдош дўсти Султон Ҳусайн Бойқарога бўлган ихлосини, миннатдорчилигини билдиrsa, Халосия – озодлик, Шифоия – соғлиқ, шифо; Сафоия – поклик, софлик маъносини англатган. Хусравия мадрасасининг номи эса бинонинг биринчи гиштини қўйган шаҳзода Муҳаммад Султон номини ҳамда унинг қурилиш йилини ифодалаган.

15-а.нинг маданий ҳаётида истироҳат боғлари ташкил этиш санъати ҳам диққатга сазовордир. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Марв, Хирот каби йирик шаҳарлар атрофида гузал оромгоҳлар барпо этилади. Бу даврда ҳам сайроғоҳ – боғлар асрий анъаналарга асосан 3 хил усулда: «чорбоғ» ва «бўстон»лар ҳамда «қўриқхона» тарзида ташкил этилади. «Чорбоғ» ва «бўстон»лар тарҳи мутаносиблик (симметрия) асосида тўғри геометрик шакллардан тузилган тартибда гулзор ва мезазорлардан иборат бўлиб, қўриқхоналар табиатнинг хушманзара жойларида барпо этилган.

Истироҳат боғлари гулзорлар б-н ўралган баланд сарой ва нақшинкор шийпонлар, уларга элтувчи серсоя сўлим хиёбонлар, зилол сувли ариқлар, марказида гирди ва ичи тоштахталар б-н фарш этилган ҳамда атрофига гужум ва мажнунтоллар ўтказилган тўрт ёки саккиз бурчакли ҳовузлардан иборат бўлган.

Темурийлар ҳокимиятининг инқирози. Мовароуннаҳрдаги ҳокимият мамлакат фуқаролари «паларқун». яъни «ота қотили» деб лаънатлаган Абдуллатиф ва унинг тарафдорлари қўлига ўтган. Аммо орадан олти ярим ой ўтар-ўтмас Абдуллатифга қарши саройда фитна уюштирилиб, у 1450 й. 9 май куни ўлдирилади.

Ҳокимият тепасига Самарқандда Шохрухнинг яна бир набираси, Улуғбекнинг сеvimли жиёни ва куёви Абдулло Мирзо утиради. Бухорода эса Мироншоҳнинг набираси Абу Саид Мирзо ҳукмдорлик даъвоси б-н чиқади. Абдулло мамлакатда барқарорликни тиклаш учун қўлидан келган барча чораларни курса-да, аммо у ҳам Самарқандда Темурийлар тахтида узоқ вақт ўтира олмади. Абу Саид унга қарши Абулхайрон б-н иттифоқ тузади. 1451 й.да Шероз қишлоғи яқинида Булунгур анҳори ёқасидаги жангда иттифоқчилар ғалаба қозонади. Абдулло Мирзо жангда ҳалок бўлади. Шундай қилиб, Абулхайроннинг қўшинлари ёрдамида 1451 й.да Абу Саид Самарқанд тахтини эгаллаб, Мовароуннаҳрда ҳоким бўлиб олади.

Бу даврда Хуросон Шохрухнинг набираси Абулқосим Бобур қўлида эди. Хуросон б-н Мовароуннаҳр ўртасида низолар давом этади. Темурийлар даври муаррихларининг ёзишича, бу даврда Хуросон ўн бир булакка бўлиниб кетади. Хондамирнинг айтишича, уларнинг ҳар бири ўзича мустақил ҳокимлик эди. Мамлакатнинг бир-бирига қарши бўлган майда булақларга бўлиниб кетиши, улар ўртасида уруш-талашларнинг тўхтовсиз давом этиши аҳолининг моддий ва маънавий ҳаётига қаттиқ пугур етказиб, иқтисодий жиҳатдан давлатни ниҳоятда танг аҳволга тушириб қўйган эди. Абулқосим Бобур Хуросонни батамом ўз тасарруфига кирита олмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда майда ҳокимликларнинг айирмачилик ҳаракатига барҳам беради. Бироқ 1457 й.да Абулқосим Бобур вафот қилгач, вазият яна мушкуллашади. Хуросонда ҳам, Хиротда ҳам ҳокимиятни даъво қилувчилар кўп бўлса-да, лекин уларнинг бирортаси давлатни илора қила оладиган кучга эга эмас эди. Бундай қулай вазиятдан фойдаланган Абу Саид 1457 й.да Хирот тахтини эгаллайди ва салтанатнинг ҳар икки қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлади. Бироқ унинг ҳокимияти ҳам мустаҳкам эмас эди.

1468 й.нинг қузида Абу Саид Озарбайжон, Фарбий Эрон ва Ироққача бўлган вилоятларни эгаллаб турган Оқ қўнли туркманларига қарши юриш қилади. Озарбайжондаги Муғон чўлида



Шоҳизинда гумбазлари.

Оқ қўюлиларнинг ҳокими *Узун Ҳасан* б-н бўлган жангда Абу Саид ҳалок бўлади (1469). Унинг ворислари отаси ўлимидан сунг, Султон Ҳусайн б-н туқнашишга журъат эта олмай, Мовароуннаҳрга қайтадилар. 1469 й. 24 мартда Султон Ҳусайн Хуросоннинг ҳокими сифатида тантана билан Ҳиротга кириб боради. Натижада Темурийлар давлати яна икки мустақил қисмга: Султон Ҳусайн ҳукмронлигидаги Хуросон ҳамда Абу Саид ворисларига ўтган Мовароуннаҳрга бўлиниб кетади.

Мовароуннаҳрда Абу Саиднинг ўғилларидан аввал Султон Аҳмад Мирзо (1469–94), кейин Султон Маҳмуд Мирзо (1494–95) ва ниҳоят Султон Маҳмуднинг ўғиллари Бойсунгур (1495–97), Султон Али Мирзо (1498–1500) мустақил ҳокимлик қилади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг давлати Шарқий ва Шим. Эрон вилоятлари ва Хоразми бирлаштирган эди. У Темурийларнинг қарийб 40 йил ҳукм сурган сунгги йирик салтанати бўлиб, бу давлатда ҳам сиёсий вазият осойишта эмас эди.

Бироқ, шунга қарамай, мамлакатнинг хўжалик ва маданий ҳаёти Мовароуннаҳрдагига қараганда анча юксак даражада бўлади. Мамлакатнинг обод этилиб, равнақ топишида, унда барқарорлик ўрнатиб, бирлигини сақлаб туришда замонасининг тadbиркор ва доно ҳукмдори Султон Ҳусайн б-н бир қаторда буюк адиб ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ҳам хизмати ниҳоятда катта бўлди.

Алишер Навоий (асл исми Низомиддин Алишер) — буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби. 1441 й. 9 фев. да Ҳиротда туғилиб, 1501 й. 3 янв. да вафот этган. Отаси Ғиёсиддин Баҳодир Абулқосим Бобурнинг яқинларидан бўлиб, мамлакатни идора этишда иштирок этган. Алишер Навоийнинг болалиги Шоҳрух ҳукмронлигининг сўнгги йилларига тўғри келган. У темурийзодалар, хусусан бўлажак подшоҳ Ҳусайн Бойқаро б-н бирга тарбияланган. Тўрт ёшида мактабга бориб, тез савод чиқариб туркий ва форсий шеърларни ўқиб, ёд ола бошлаган. 10–12 ёшларидан шеър ёза бошлаган. 1456 й. Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобур саройида Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаролар хизматда бўлишган. Бироқ, 1457 й. Абулқосим Бобур вафот этгач, тахт учун кураш яна авж олган. Мовароуннаҳр ҳукмдори Абу Саид Хуросонни эгаллайди. Ҳусайн бу даврда аввал Хоразмда, сўнгра Хуросоннинг Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва б. вилоятларида «дарбадарликда» юриб куч туплайди ва Абу Саидга қарши кура-



Алишер Навоий (В.Е. Кайдалов чизган, 1947).

шади. Алишер Навоий бу йиллар аввал Машҳад ва Ҳирот мадрасаларида ўқийди. Ўша пайтлардаёқ у шоирлик истеъдоди туфайли катта шухрат қозongan эди. Ёшлиқдан Султон Ҳусайн б-н яқин бўлган Алишер ўзига нисбатан Абу Саидда адоват кайфиятини сезгач, Самарқандга кетишга мажбур бўлган. У Самарқандда 1465 й. дан 1469 й. нинг баҳоригача яшаган. Фалакиётшунослик, риёзиёт, ҳикматшунослик, муҳандислик илмини ўрганди. У машҳур олим, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ, араб тили, адабиёт ва шеърятининг ўткир билимдони Фазлуллоҳ Абу Лайс Самарқандийдан сабоқ олади. 1469 й. Абу Саид оқ қўюлилар б-н бўлган жангда ҳалок бўлгач, Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллаган. У Алишер Навоийни ўз ҳузурига таклиф этади. Алишерни у дастлаб муҳрдорлик лавозимида, 1472 й. бошида амир унвонини бериб, бош вазир қилиб тайин этади. Навоий янги ҳукуматнинг ортиқча солиқларидан норози бўлиб, қўзғолон кўтарган халқ оммасини тинчитишда адоват ва мардонаворлик б-н иш тутади. У бутун ку-

чини мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга қаратган. Вақф ишларини тартибга солган, шаҳарларда савдо-сотиқ, хунармандчиликни ривожлантиришга катта аҳамият берган. Лекин Султон Ҳусайн давлати Навоий кутганича бўлиб чиқмайди. Суюрғол тартибига асосланган бу давлатда, бир томондан, вилоят ҳукмдорлари, ҳатто тожу тахт валиаҳди Бадиуззамон исёни юз беради. Иккинчи томондан, мулкдорлар зулми оқибатида Ҳирот ва вилоятларда халқ қўзғолонлари кўтарилади. Учинчидан, ўз манфаатларини кўзлаган сарой аъёнлари Навоий ва унга ҳамфикр бўлган шахсларга нисбатан фитна ва фасодни гоётада авж олдириб юбордилар. Бош вазирлик лавозимида турган Навоий 1476 й.да истеъфо беришга мажбур бўлади. Кейинчалик уни саройдан, ҳатто пойтахтдан узоклаштиришга Султон Ҳусайнни ҳам кўндирдилар. Унинг мамлакат осойишталиги ва эл фаровонлиги учун қилган сазй-ҳаракатларига жиддий зарба берилади.

Тарихчи Хондамирнинг қайд қилишича, 80-й.лар давомида Навоий ўз

маблаглари ҳисобидан Ҳирот ва б. шаҳарларда бир неча мадраса, 40 та работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурдирган ёки таъмирлатган.

Алишер Навоийнинг адабий ва илмий мероси – беқиёс катта ва турлитуман (30 га яқин шеърӣй тўпламлар, йирик дostonлар, насрий асарлар ва илмий рисолалар). 1491–96 й.ларда лирик шеърларини ўз қўли б-н 4 девон («Чордевон») га – «Ҳазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») қуллиётига тўплаган; «Девони Фоний» шеърӣй тўплами ҳам бор. 5 дostonдан иборат «Ҳамса» (1483–85) Навоий ижодининг чўққисидир. Фалсафӣй-мажозӣй характердаги «Лисон ут-тайр» («Қушлар тили») дostonи (1499) ва ўзбек бадиий насрининг илк намунаси – фалсафӣй-дидактик «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгиси») асари (1500) Навоийнинг қимматли асарларидан. Адабиётшунослик [мас., «Мажолис ун-нафоис» («Нафислар мажлислари»), 1491 й.], тилшунослик [«Муҳокамат ул-лугатайн» («Икки тил муҳокамаси»), 1499 й.], фалсафа, тарих ва б. соҳаларда ҳам асарлар яратган.

16-АСР БОШЛАРИДА МОВАРОУННАҲР. ШАЙБОНИЙХОН ДАВЛАТИ

Мовароуннаҳрнинг ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолиси қадимдан ёндош даштликлар кўчманчи чорвадор аҳолиси б-н иқтисодӣй ва сиёсий жиҳатдан муттасил мулоқотда бўлиб келган. Йирик ва кучли ўрдаларга осонгина бирлаша оладиган кўчманчилар Мовароуннаҳрнинг деҳқончилик воҳаларига тез-тез ҳужум қилиб турарди. Кўчманчиларнинг айрим тўдалари, баъзан бирлашмалари воҳаларга келиб ўрнашиб, ўтроқ аҳолининг турмуш тарзи ва маданиятини қабул қиларди. Айни вақтда улар кўчманчиликка хос урф-одатларини ҳам воҳаларга олиб кирар ва янги этник гуруҳ сифатида ўтроқ аҳолининг жисмоний қиёфасини ўзгаришига таъсир қиларди.

Кўчманчи чорвадор туркий қабила-ларнинг аксарияти бу даврларда Дашти Қипчоқда яшарди.

Мўғуллар истилосига қадар Дашти Қипчоқ аҳолиси ягона давлатга бирлашмаган. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида у Жўжи улуси тасарруфидла бўлди. Кейинчалик бу ерларда Олтин Ўрда давлати ташкил топди. 14-асрнинг 90-й.ларида у Амир Темур қўшинлари томонидан

тор-мор этилган, парчаланиб кетди. Оқ Ўрда ҳам бир-бирига душман бўлган улусларга бўлиниб кетди. 15-а. 1-ярмида рус манбаларида Нўғай Ўрда номи б-н тилга олинган Манғит ва Шайбон улуслари шуларнинг энг йириклари эди. Шайбон улуси Ёйиқ дарёсидан шарққа томон то Сирдарёнинг қуйи оқимиғача бўлган ерларни эгаллайди. Нўғай Ўрданинг аҳолиси манғит ёки нўғайлар деб, Шайбон улусининг чорвадор қабилалари кўчманчи ўзбеклар деб аталарди. Манғит (нўғай)лар б-н ўзбек улусининг этник таркиби бир-бирига яқин бўлиб, улар туркий тилда сўзлашган, яшаш тарзи ҳам деярли фарқ қилмаган. 15-а.да Дашти Қипчоқда вужудга келган хонликларнинг энг йириги Шайбон улусидаги кўчманчи ўзбекларнинг Абулхайрхон давлати (1428–68) эди. Кўчманчилар ҳар йили, айниқса қиш фаслида Мовароуннаҳрнинг обод вилоятларига бостириб кирар ва ўтроқ аҳолини талаб қайтардилар. Абулхайрхон 1431 ва 1435 й.ларда Хоразмга қўшин тортиб, унинг гарбий қисмини Урганч б-н бирга босиб олди. Сирдарё бўйлаб қарвон йўлларида жойлашган Оққўрғон, Арқуқ, Сузоқ, Сигноқ ва Ўзган каби шаҳар ва қалъалар ҳам Абулхайрхон тасарруфига ўтди. Сирдарё этаклари кўчманчи чорвадорларнинг қишлови учун жуда қулай бўлиб, бу жойлар айна вақтда Мовароуннаҳрнинг ички деҳқончилик воҳаларига босқинчилик ҳужумлари уюштиришда ўрдугоҳ сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. 1447 й.да хонлик пойтахти Сигноққа кўчирилди.

1448 й.да Улуғбекнинг Хуросондалигидан фойдаланиб Абулхайрхон Самарқанд атрофини талаб қайтади. Улуғбек ўлдирилгач, тахт учун Темурийлар ўртасида курашнинг авж олиб кетиши б-н Абулхайрхон яна Мовароуннаҳр томон аскар тортиди. 1451 й.да у Абу Саидга Самарқанд тахтини эгаллашга ёрдам бериб катта совға ва улжалар олиб ўз ўрдугоҳига қайтади. Жумладан, Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим ҳам Туркистонга олиб кетилади. Абулхайрхон 1459–62 й.ларда Улуғбекнинг невараси Муҳаммад Жўқийга ҳам кўмаклашди.

Кўчманчилар давлати шаклан гарчи кучли қўринса-да, у мустақкам иқтисодӣй ва сиёсий таянчга эга эмасди. Бу давлат уруғ-қабилачилик муносабатлари асосида барпо этилган эди.

Абулхайрхон вафотидан сўнг (1468) Дашти Қипчоқда ўзаро кураш яна авж олиб, кўчманчи чорвадор ўзбек қабилаларининг дастлабки давлати барҳам топди. Бироқ кўп вақт ўтмай, Абулхайрхон давлатини унинг набираси Муҳам-

мад Шайбонийхон қайта тиклашга киришди. Аммо у бошқа қабилаларнинг кучли қаршилиғига дуч келди. Унга гоҳ Темурийлар, гоҳ Тошкент хони ҳомийлик қиларди. Шайбонийхон шароитта қараб улар б-н иттифоқ тузар ёки уларга қарши ҳужумлар уюштирарди. 1480-й.ларга келиб у кўчманчи ўзбеклар давлатини тиклашга муваффақ бўлди. 15-а.нинг 90-й.ларида, Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Дашти Қипчоқнинг жан. қисмини, жумладан, Ўттор, Саброн, Ясси (Туркистон) ва б. шаҳарларни ишғол қилади. Шайбонийхон қўшинлари 1499 й.дан Мовароуннаҳрни истило қилишга киришди. У Қарши ва Шаҳрисабзга босиб боради, катта ўлжа ва ганиматлар б-н Дашти Қипчоққа қайтади. Ордан кўп ўтмай Шайбонийхон катта куч б-н Самарқандни қамалга олди. Шу аснода Дабусия қалъаси яқинида у Самарқандликларга ёрдамга келадиган Бухоро ҳокими Муҳаммад Боқи Тархон қўшинларини тор-мор қилиб, аввал Бухорони, сўнгра Қорақўлни эгаллайди. Шайбонийхон Бухорога ўз доругаси (ҳоким) ни тайин этиб, уни ўзининг бош қароргоҳига айлантиради. Бухоро ва Қорақўлда Шайбонийхонга қарши кўтарилган қўзғолон шафқатсиз бостирилади. Шайбонийхон яна Самарқанд устига юриш қилиб шаҳарни тўққиз ой қамалга тутди. Бу вақтда Самарқандда Абу Саиднинг набираси Султон Али Мирзо ҳукмдорлик қиларди. Оғир иқтисодӣй танглик ва тахт учун курашлардан безор бўлган меҳнаткаш омма шаҳарни фаол мудофаа қилмади. Натижала 1500 й.да Самарқанд Шайбонийхонга жангсиз таслим бўлади. Бироқ шаҳар зодагонларининг маълум қисми Темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳукмдори Бобурга мактуб йўллаб Самарқандни ишғол қилишга даъват этидилар. Бобур қўшинлари б-н Самарқандга етиб келгач, унга пешивоз чиқилиб, шаҳар дарвозалари очиб берилади. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 600 нафар аскарни қириб ташланади. Шайбонийхон Бухорога чекинади. Қисқа вақт ичида Самарқанднинг барча туманлари, Қарши ва Ғузор ш.ларида Бобур ҳокимлиги эътироф этилади. Аммо, шаҳарда озиқ-овқат захиралари туғаб, очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч б-н яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 й. апр.да Зарафшон бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари енгилди. Бобур Самарқандга чекинади. Шаҳар яна қамалга олинади, у тўрт ой давом этади.



Заҳириддин Бобур (ўз даврида ишланган миниатюра).

Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очликдан тинкаси қуриydi. Ноиложликдан Бобур 1501 й.нинг 2-ярмида Самарқандни тарк этиб, Тошкентга тоғаси Маҳмудхон ҳузурига йўл олган. Шайбонийхон Самарқандни иккинчи мартаба

жангсиз эгаллаб, мудофаачиларнинг аксариятини қиличдан ўтказди.

1503 й.да Шайбонийхон Сирдарё томон юриш қилиб, Тошкент хони Маҳмудхон, Бобур ва Султон Аҳмадхоннинг бирлашган кучларини тор-мор келтира-

ди. Тошкент ва Шохрухия ш.лари забт этилади. 1504 й.да Фарғона ишғол қилинади. Шайбонийхон Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб, Бухорога иниси Маҳмуд Султонни ҳоким этиб тайинлайди. Тошкент хонлиги ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларни амакилари Кўчкунчиҳон 6-н Суқончўжахонга топширади.

Мовароуннаҳрда сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олгач, Шайбонийхон 1504 й.да аввал Ҳисор ҳукмдори Хусравшоҳни енгиб Қўчдузни бўйсундиради. Сўнгра Хоразмга юриш қилади, ўн ой давом этган қамалдан кейин 1505 й.нинг авг. ойида Урганч таслим бўлади. Натижада бутун Хоразм ерлари Шайбонийхон тасарруфига ўтади. Мовароуннаҳр ва Хоразмда Шайбонийхоннинг галабаси Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайнни таҳликага солади. Хуросонда ўзаро низода бўлган Темурийларнинг Шайбонийхонга қарши иттифоқ тузишга интилишлари натижа бермайди.

1505 й.нинг кузида Шайбонийхон қўшинлари Хуросон тупроғига бостириб кириб, Маймана ва Фарёбгача етиб боради. 1506 й. янв.да Султон Ҳусайн ўғли Бадиуззамон 6-н Шайбонийхон йўлини тусиш ниятида Мурғобга томон қўшин тортади. Аммо Султон Ҳусайн йўлда вафот этади.

Душман шиддат 6-н бостириб келатган бир пайтда Султон Ҳусайннинг икки ўғли тарафдорлари ўртасида подшолик учун кураш бошланади. Натижада Ҳирот тахтига Бадиуззамон 6-н Музаффар Мирзони баробар подшо қўтариб, улар номига хутба ўқилади. Шу аснода Шайбонийхон Балхни қамалга олади. Балхни озод қилиш учун Хуросондан темурийлар, Қобулдан Бобур қўшин 6-н йўлга чиқади. Аммо улар етиб келгунча Балх аҳолиси Шайбонийхонга таслим бўлади.

1507 й. май ойида Шайбонийхон Ҳиротга йўл олади. Жангда Ҳирот қўшинлари тор-мор этилади. Шайбонийхон шаҳарга 100 минг танга, зодагон ва суюрғол эгаларига алоҳида яна 20 минг танга товон солади. Темурийларнинг мол-мулклари мусодара қилиниб, шаҳар аҳолиси икки кун таланади. Ҳирот фатҳидан кейин тез орада Султон Ҳусайн давлатининг гарбий ва жан. вилоятлари Шайбонийхон давлатига қаратилади. Темурийлар давлати саккиз йил мобайнида бутунлай истило қилиниб, унинг харобаларида Шайбонийхон салтанати ташкил топади. Бу салтанатга Каспий денгизидан Еттисувгача, Дашти Қипчоқдан Хуросоннинг жан. чегараларигача бўлган ерлар кирди. Темурий-

Бобур

Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо Бобур — давлат арбоби, истеъдодли саркарда, буюк шоир, тарихчи, географ, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзода. 1483 й. 14 фев.да Андижонда туғилган. 1530 й. 26 дек.да Агра ш.да вафот этган. Қобулда дафн қилинган. Бобур Темурийларнинг сўнгги вакили. У 12 ёшида (отаси вафотидан сўнг) Фарғона тахтига ўтирган. Мовароуннаҳрда марказлашган давлатни тиклашга ҳаракат қилган. Мағлубиятга учраб Афғонистонга чекинган. 1526 й.да Ҳиндистонни забт этиб, Бобурийлар давлатига ва сулоласига асос солган. Бобурнинг қомусий асари «Бобурнома» туркий тилдаги дастлабки насрий мемориал асар ҳисобланади. У бадий, тарихий, этнографик ва табиатшунослик нуқтаи назаридан улкан аҳамиятга эга. «Бобурнома» бир қанча Европа халқлари тилларига таржима қилинган. Ҳозирда Бобурнинг 119 ғазали, 209 рубойси, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалари, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлари, 270 байтдан иборат 8 маснавийи аниқланган. Бизгача адабиёт назарияси («Муфассал»), мусиқашунослик («Мусиқий»), ҳарбий санъат («Ҳарб иши»), ҳуқуқшунослик («Мубаййин»)ка оид рисолалари, мактублари ҳамда Хожа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласининг форс тилидан ўзбек тилига шеър 6-н қилган таржимаси (1528) етиб келган.

Шайбонийлар сулоласи:

Муҳаммад Шайбонийхон (1500–10),
 Кўчкунчихон (1510–30),
 Абу Саидхон (1530–33),
 Убайдуллахон (1533–40),
 Абдуллахон I (1540 й. март-сент.),
 Абдулазизхон (Бухорода) (1540–50),
 Абдуллатифхон (Самарқандда)
 (1540–51),
 Бароқхон (1551–56),
 Пирмухаммадхон I (1557–61),
 Искандархон (1561–83),
 Абдуллахон II (1583–98),
 Абдулмўминхон (1598),
 Пирмухаммадхон II (1598–1601).

лар давлатининг барҳам топишига юқори табақа вакилларининг маълум қисми мамлакатда ўз мавқелари ҳамда мол-мулкларини сақлаб қолиш мақсадида Шайбонийлар б-н келишиб, сотқинлик йўлига ўтишлари ҳам сабаб бўлди.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда қозонилган ғалабадан сўнг, Шайбонийхон шим. да кучайиб бораётган Қозоқ хонлиги, жан.да Эрон Сафавийлари б-н тўқнашади.

Ўзбек қабиалари Дашти Кипчоқдан Мовароуннаҳр ва Хуросон томонга кетгач, Қозоқ хонлиги кучайди. Унинг хони Қосимхон Мовароуннаҳрни талашга, Сирдарё ҳавзасидаги ўтлоқларни, Ўтрор, Саброн ва Туркистон каби савдо ва ҳунармандчилик шаҳарларини қўлга киритишга уринади. 1509 й.да Улуғтоғда Шайбонийхон б-н Қосимхон ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, Қозоқ хонлигига қақшатқич зарба берилади. Шу вақтда жан.да шоҳ Исмоил I бошлиқ Эрон Сафавийлари (қизилбошлилар) давлатининг тазйиқи кучайиб, жиддий хавф пайдо бўлди. Асли туркий бўлган Исмоил шиа мазҳабидаги Эрон туркларидан яхши қуролланган қўшин тузади ва Эрон шиаларининг ҳомийси сифатида Хуросонга томон тажовузани диний ниқоб остида амалга ошириб Шайбонийхон б-н тўқнашади.

1510 й.да Шайбонийхон жан.даги юришларни тўхтатиб ферузқўҳ қабиласи исённи бостиради. Бу вақтда Сирдарё яқинида Шайбонийхоннинг ўғли Муҳаммад Темур султон қозоқлардан енгилди. Шоҳ Исмоил қўшинлари шиддат б-н бостириб келаётганини эшитган Шайбонийхон Марв қалъасига бекинади. Қизилбошлилар қалъадагиларни қалъадан ташқарига чиқариш мақсадида шаҳарни қамалдан бўшатиб, гўё чекингандек бўладилар. Мурғоб дарёсининг нариги томонида бўлган катта жангда қизилбошлилар Шайбонийхон

қўшинларини қуршовга олиб, бутунлай тор-мор қилдилар. Муҳорабада Шайбонийхон ҳам ҳалок бўлади (қ. *Марв жанги*). Шайбонийлар зудлик б-н Тошкент ҳокими Суюнчхўжахонни сулола бошлиғи қилиб сайлайдилар, лекин шайбонийлар ўртасида низолар тўхтамагач, хон авлодининг ёши улуғи Кўчкунчихонни юртнинг янги ҳукмдори қилиб кўтардилар. Шайбонийхондан кейин шоҳ Исмоилга қарши курашувчи муносиб саркарда топилмади.

Хиротни қизилбошлилар жангсиз ишғол этдилар. Шоҳ Исмоил б-н Шайбонийлар ўртасида тузилган сулҳ шартномасига мувофиқ Амурдарё чегара қилиб белгиланди. Аммо шоҳ Исмоил бу б-н қаноатланмади. Мовароуннаҳрда ўз сиёсий таъсирини ўрнатиш учун Бобурдан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Кобулни эгаллаб турган Бобур шоҳ Исмоилнинг мадади б-н Мовароуннаҳр томон юриш бошлайди. 1511 й.да у Қундуз орқали Амурдарёдан ўтиб, Пули Сангин кўприги яқинида бўлган шиддатли жангда Шайбонийларни тор-мор қилди. Сўнгра Самарқандга томон йўл олади. Қарши, Самарқанд ва Бухорони Шайбонийлар жангсиз бўшатиб кетадилар. Бобур Мовароуннаҳрни ҳеч қандай қаршиликсиз эгаллади. Шу б-н бу ўлкада Шайбонийлар ҳукмронлиги вақтинча тўхтади. Бобурнинг қайтиши ва ғалабасини Мовароуннаҳр аҳолиси хайрихоҳлик б-н қарши олса ҳам, аммо унинг ҳукмронлиги узоққа бормади.

Шайбонийхоннинг жияни Убайдулла Султон қулай фурсатдан фойдаланиб 1512 й. баҳорида Мовароуннаҳрда юриш қилиб Бухорогача босиб боради. Жондор тумани яқинидаги Малик кўли ёнида Бобур лашқари Убайдулла Султондан енгилди. Бобур Ҳисорга чекинади. Убайдулла Самарқандни эгаллаб, Шайбонийлар ҳукмронлигини қайта тиклашга муваффақ бўлади. Бу воқеадан сўнг Бобурнинг илтимосига биноан шоҳ Исмоил саксон мингли қизилбошлилар қўшинини ёрдамга юборди. 1512 й. 16 июнида Эрон аскарлари Амурдарёдан ўтиб Бобур қўшинига келиб қўшиладилар. Бобур Мовароуннаҳрни Шайбонийлардан қайтариб олишга охириги марта уриниб кўради. Дастлаб Қарши ш. қўлга киритилади (қ. *Қарши қамали*).

Бобурнинг иттифоқчи қўшинлари Бухоро томон юриб Карманани қамалга олган вақтда, шайбоний султонлар Ғиждувон яқинида қизилбошлиларга тўсатдан ҳужум қилиб уларни тор-мор қилдилар (қ. *Ғиждувон жанги*). Шу б-н Бобур ва шоҳ Исмоил ўртасидаги иттифоқ барҳам топади. Бобур гарчи Мовароун-

наҳрни қайтариб олиш ниятидан воз кечмаган бўлса-да, лекин Шайбонийлар б-н бундан кейин кураш олиб бориш мақсадидан қайтади. Кобулга қайтгач, у кейинчалик Шим. Ҳиндистонни ўзига бўйсундириб, бу ўлкада Бобурийлар салтанатига асос солади. Амурдарёнинг ўнг соҳилигача бўлган вилоятларда яна Шайбонийлар ҳукмронлиги тикланди.

Манбалар: Ш а р а ф у д д и н А л и Я з д и й, Зафарнома, Т., 1997; Н и з о м и л д и н Ш о м и й, Зафарнома, Т., 1996; И б н А р а б ш о ҳ, Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари), Т., 1992; Темур тузуқлари (форс тилидан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси), Т., 1991; Абдураззоқ Самарқандий, Матлаъ ус-садайн ва мажмаъ ул-бахрайн (форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси), Т., 1969; М и р з о У л у г б е к, Тўрт улус тарихи, Т., 1994; М и р з а М у х а м м е д Х а й д а р, Тарихи Рашиди (Введение, пер. с перс. А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой), Т., 1996; Ф а с и х А х м а д а л - Х а в а ф и, Муджмал-и Фасихи («Фасихов свод») (Пер. с перс. Д. Юсуповой), Т., 1980;

Ад: Б а р т о л ь д В. В., Улуғбек и его время (Соч. т. II, ч.1), М., 1964; М ў м и н о в И., Амир Темурнинг Урта Осиё тарихида турган ўрни ва роли, Т., 1968; Темур ва Улуғбек даври тарихи, Т., 1996; А х м е д о в Б. А., Улуғбек, Т., 1989; М у х а м м а д ж о н о в А., Темур ва теурийлар салтанати, Т., 1994; Ф а й з и е в Т., Теурийлар шаҳараси, Т., 1995.

Абдулахад Муҳаммаджонов.

ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИ

Шайбонийлар ҳокимияти тепасида хон турган. Вилоятларни хоннинг ўғиллари, яқин қариндошлари(султонлар) ҳамда кўчманчи қабила бошлиқлари (бийлар) илора қилган. Жумладан, найман қабиласи сардори Жон Вафобий Ҳирот доругаси этиб тайинланган (1507). Туркистонни Кўчкунчихон (1503–09), Тошкентни Суюнчхўжахон(1503–25) бошқарган. Бухоро ва Қорақўл ноиблиги (1501–04) Муҳаммад Шайбонийхоннинг иниси Маҳмуд султонга, Самарқанд ва унинг вилояти тўнғич ўғли Муҳаммад Темур султонга берилган.

Бухоро хонлиги(амирлиги). Шайбонийлар сулоласи 100 й. ҳукм сурган. Пойтахт дастлаб Самарқанд, кейинчалик Убайдуллахон даврида 1533 й. Бухорога кўчирилган. Давлат шундан сўнг Бухоро хонлиги деб атала бошлаган. Убайдуллахон хонлиқни ташқи ва ички душманлардан ҳимоя қилишда, уни мустақкамлашда муҳим роль ўйнаган.

Жўйбор хожалари

Ўрта Осиёда нақшбандийлик тариқати вакиллари. Уларнинг Жўйбор хожалари номини олиши Хожа Муҳаммад Исломининг бобоси Хожа Муҳаммад Яҳё Бухородаги Жўйбор деган ерга кўчиб келиши б-н боғлиқ. Улар ўзларини ислом динини тарғиб қилиш учун Маккадан Нишопурга, ундан Бухорога келган Имом Али Муртазо авлоди деб ҳисоблаганлар. Хожа Муҳаммад Ислам Жўйбор хожаларининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта нуфузга эга бўлишида асосий роль ўйнаган. У Шайбонийлар давлатидаги тож-тахт учун бўлган курашларга аралашиб, ўз муриди Абдуллахон II нинг тахтга чиқишига ёрдам беради. Жўйбор хожаларига Бухородаги Сумитон қишлоғи инъом этилади. Жўйбор хожаларининг отабоблари Бухородаги Чор Бақр мазорига қўйилганлиги учун 16-а-дан бошлаб улар бу жойдаги қабрлар устига ҳашаматли мақбара қуриб, зиёратгоҳга айлантиришган. Бу зиёратгоҳлар катта вақф ерларига эга бўлиб, уларга Жўйбор хожалари меросхўрлар тариқасида эгаллик қилишган. Катта лавозим, вақф даромадлари ва б. туфайли тез орада бойиб кетадилар. Улар катта ер-мулкка, юзлаб қулларга, кўплаб чорва молларига, сугориш иншоотларига, савдо қорхоналарига эга бўлганлар. Жўйбор хожаларининг савдо қарвонлари 16-а.нинг 2-ярмидаёқ хориж б-н савдо алоқалари олиб борган. Мустаҳкам иқтисодий пойдеворга эга бўлган Жўйбор хожалари шайбонийлар давлатининг сиёсий ҳаётида жуда катта роль ўйнаган.

Бироқ Убайдуллахон вафоти (1540)дан сўнг хонлик майда мустақил мулкларга парчаланиб кетган. Хусусан, Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540–50), Самарқандда Кўчкунчи хонининг ўғли Абдулатифхон (1540–51), Балхда Пирмуҳаммадхон (1546–67), Тошкент ва Туркистонда Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон; 1525–51; 1551–56 й.ларда Мовароуннаҳр хони), Миёнқол ва Карманда (1529–61) Искандархон мустақил ҳоким бўлишган.

1551–56 й.ларда Мовароуннаҳр учун шайбонийлар ўртасидаги курашда Абдуллахон II ғолиб чиқиб марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаган, айирмачилик ҳаракатларга чек қўйган кучли қўшин ташкил этилган.

Унинг даврида (1583–98) хонлик чегараси Қашқардан Орол ва Каспий денгизлари соҳилларигача, Туркистон ва Сайрамдан Хуросоннинг шарқий қисмигача бўлган ерларни қамраган. Абдуллахон фаол ташқи сиёсат олиб борган. Бухоро хонлиги Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Хитой, Россия ва б. мамлакатлар б-н кенг дипломатик, иқтисодий, савдо алоқалари олиб борган. Ички сиёсатда мамлакатда пул ислоҳоти ўтказилган, кўплаб сугориш иншоотлари (қ. *Абдуллахон банди*), кўприклар, мадрасалар (қ. *Абдуллахон мадрасаси*), масжидлар, хонақоҳлар, қарвонсаройлар, тимлар (қ. *Абдуллахон тими*) қурилган. Ҳунармандчилик, савдо-сотик, илм-фан, маданий ҳаёт ривожланган. Абдуллахон вафотидан сўнг тахт учун курашлар яна авж олган. Абдуллахоннинг ўғли Абдулмуминхоннинг олти ойлик ҳукмронлигидан сўнг, у муҳолиф қучлар томонидан ўлдирилган. Тахтга Пирмуҳаммадхон II чиққан. Аммо унинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади, 1601 й. тахтдан ағдарилган.

Шайбонийлар сулоласидан тахтга даввогар қолмагани туфайли Мовароуннаҳрдаги ҳокимият *Аштархонийлар* сулоласи қўлига ўтган.

Бу сулола даврида (1601–1753) Бухоро хонлигида сиёсий низо ва бебошликлар давом этган. Дастлаб асли астрахонлик (аштархонлик), Бухорода қўним топган шахзода Жонибекнинг ўғли Боқи Муҳаммад (1601–05), сўнгра унинг укаси Вали Муҳаммад (1605–11) тахтга ўтқазилган. Имомқулихон даврида (1611–42) кўчманчи қозоқларнинг Бухоро хонлиги ерларига талончилик юришлари кучайган, марказий ҳокимиятга қарши исёнлар бўлиб ўтган. Мас., Тошкентга ҳоким этиб тайинланган Искандар (Имомқулихон ўғли)га қарши шаҳар аҳолиси қўзғолон кўтарган ва уни ўлдирган. Бунга жавобан Имомқулихон қўзғолонни бостириб Тошкент аҳолисини қатлиом қилган. Аштархонийлар даврида Хуросон ва Хоразм қўлдан чиқиб хонлик чегараси тобора қисқариб борган. Бухоро ва Хива хонликлари ўртасидаги урушлар катта талафотларни юзага келтирди. Абдулазизхон даврида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинган, мамлакат ободончилигига бирмунча эътибор берил-

ган. Субхонқулихон даврида Хива хонлиги қўшинлари Ғиждувон яқинида мағлубиятга учрагач (1685), Бухоро хонлигининг Хивага татсири кучайган. Субхонқулихон Анушахонга қарши фитна уюштириб, унинг ўғли Аранг Муҳаммадхонга тахтга чиқишга ёрдам берган. Убайдуллахон II даврида иқтисодий таназзул ва ички низолардан ташқари жунғорлар (қалмоқлар)нинг ҳарбий босқинлари вазиятни янада мураккаблаштирган. Убайдуллахон II маъмурий соҳада ислоҳотлар ўтказиб, давлатни бошқаришга ўрта табақа: хунармандлар ва савдогарларни жалб қилган, марказий ҳокимиятни кучайтириш учун йирик ер эгаларининг имтиёзларини қисқартирган (мас., Жўйбор хожалари солиқ тўлашга мажбур қилинган). 1708–09 й.ларда ўтказилган пул ислоҳоти натижасида пул қиймати 4 марта тушиб кетган, бу эса халқ ғалаёнларига сабаб бўлган. Нуфузли амирлар уюштирган фитна натижасида Убайдуллахон II ўлдирилган (1711). Тахтга унинг укаси Абулфайзхон номигагина хон қилиб ўтқазилган (1711–47). Унинг даврида мамлакат чуқур иқтисодий-сиёсий таназзулга юз тутган. Ҳокимиятдаги муҳим лавозимлар нуфузли амирлар қўлига ўтиб қолган. Марказий ҳокимият заифлашгач, 1711 й.да Балх, 1723 й.да Самарқанд вилояти Бухоро хонлигидан ажралиб чиққан. 1720 й.ларда Тошкент вилоятини қалмоқлар босиб олган. Хива хони Шерғозихон (1714–28)нинг Бухоро хонлигига тазйиқи ошган. 1723 й. қалмоқлар қозоқ даштларига бостириб кириб қозоқларни Мовароуннаҳрга қочишга мажбур қилган. Қозоқлар чорва моллари б-н Зарафшон водийсига кириб боғ ва экинзорларни пайҳон



Абдуллахон банди (сўв омбори). Бухоро, 16-а.



Абдуллахон тими (Бухоро). 16-а.

қилишган. Иқтисодий-сиёсий танглик кучайиб, хонлик таназулга юз тутган. Мовароуннаҳрдаги сиёсий тангликдан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1740 й. Бухоро ва Хива хонликларини босиб олган. 1747 й.да Нодиршоҳ Эронда ўлдирилган, Бухоро хонлиги ўз мустақиллигини тиклаган. Манғитлардан бўлган Муҳаммад Раҳим оталиқ бошлиқ фитначилар томонидан Абулфайзхон ўлдирилган. Тахтга қўғирчоқ хонлар


ўтқазилган (1747—56 й.ларда). Мамлакат яна ички низолар гирдобига тортилган, вилоят ҳокимлари исён кўтарганлар. Муҳаммад Раҳим уларни шафқатсиз суратда босирган. У арқони давлат ва руҳонийлар фатвоси б-н 1756 й. 16 дек.да расмий равишда Бухоро тахтини эгаллаган ва ўзини амир деб эълон қилган.

Шундай қилиб, Аштархонийлар сулоласи барҳам топиб манғитлар сулоласи ҳукмронлиги бошланган.

Аштархонийлар сулоласи:

Боқи Муҳаммадхон (1601—05),
Вали Муҳаммадхон (1605—11),
Имомқулихон (1611—42),
Надр Муҳаммадхон (1642—45),
Абдулазизхон (1645—81),
Субхонқулихон (1680—1702),
Убайдуллахон II (1702—11),
Абулфайзхон (1711—47),
Абдулмўминхон (1747—51),
Убайдуллахон III (1751—54),
Шерғози (1754—56).

Бухоро хонлиги Бухоро амирлиги деб ном олган. Манғитлар марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга қанчалик уринмасин вилоят ҳокимларининг мустақилликка интилиши давом этверган. Айниқса, Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари б-н кураш шиддатли тус олган. Фақат 1853 й. дагина бу бекликлар Бухорога бўйсундирилган. Амир Ҳайдар даври (1800—26) ҳам ички ва ташқи урушлардан холи бўлмади. Бухоро б-н Хива ва Қўқон хонликлари ўртасида Ўрта Осиёда устунликка эришиш учун қиргин-барот ва талон-тарож урушлари бўлган. Тошкент, Туркистон, Чимкент ва уларнинг атрофи Қўқон хонлиги тасарруфига ўтган. 1825 й. Хива хонлиги Бухорога қарашли Марв-



Мангитлар сулоласи:

Муҳаммад Раҳим (1756–58),
Абулғозихон (амалда Муҳаммад
Дониёлбий оталиқ, 1758–85),
Шоҳмурод (1785–1800),
Ҳайдар (1800–26),
Мир Ҳусайн (1826),
Мир Умар (1826–27),
Насруллахон (1827–60),
Музаффар (1860–85),
Абдулаҳад (1885–1910),
Олимхон (1910–20).

ни эгаллаган. Тўхтовсиз урушлар, солиқлар миқдорининг ортиши 1821–25 й.ларда хитой-қипчоқларнинг Миёнқол қўзолониға олиб келган. Насруллахон (1827–60 й.ларда ҳукмронлик қилган) Хива ва Қўқон хонликларини Бухоро атрофиға бирлаштиришға ҳаракат қилган. Хўжанд, Ҳратепа, Тошкент, Жиззах ва Зоминни Бухоро амирлигига қайтарган (1840–42). Насруллахон давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида уруғ ва қабила бошлиқларидан бўлган кўплаб амалдорларни қўйи табақалардан чиққан ёш ва ғайратли кишилар б-н алмаштирган. 1837 й. ҳарбий ислоҳот ўтказиб қўшиннинг жанговарлик ҳолатини яхшилаган. Ҳар бири 800 кишидан иборат 50 та сарбозлар бўлуки ва 250 кишилик тўпчилар гуруҳи ташкил қилинган. Мунтазам пийда қўшин сони 40 минг кишидан ошган. 1842 й. Фарғона водийси уламоларининг кистови б-н Насруллахон Қўқонга юриш қилиб, қисқа муддатта хонлик ҳудудини эгаллаган. Қўқон хони Муҳаммад Алихон ва унинг онаси шоира Нодирани қатл этган. Насруллахон ҳукмронлик қилган йиллар Туркистон минтақасида Россия-Англия манфаатлари ўзаро тўқнашган давр ҳисобланади.

Иқтисодий ва маданий ҳаёт. Бухоро хонлиги аҳолисининг катта қисми деҳқончилик б-н шуғулланган. Ернинг кўп қисми давлатнинг қўл остида бўлиб, у «амлоки подшоҳи» ёки «мулки султони» деб аталган. Ернинг 2-қисми одамларнинг хусусий мулки ҳисобланиб, унинг талай қисми бойларнинг қўл остида эди. Бундай ерлар «мулк ерлари» деб юргизилган. Ернинг 3-қисми масжид, мадраса ва мазорларни моддий жиҳатдан таъминлаш мақсадида вақф номи б-н берилган. Давлат ерларининг маълум қисми амирлар томонидан хизмат кўрсатган нуфусли кишиларга умр бўйи фойдаланиш учун инъом қилинган. Бу ҳилдаги ерлар «суюрғол» ёки «танхо» номи б-н аталган. Деҳқонлар пахтачилик, ипакчилик, канопчилик, полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачилик б-н шуғулланганлар. Минг-

лаб кишиларни қамраб олган ҳунармандчилик кенг қўламда ривожланган. Унинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларнинг муҳим буюмлари сифатида жуда қадрланган. Бухоро, Самарқанд, Хўжанд ва Тошкент йирик ҳунармандчилик марказлари сифатида шуҳрат қозонган. Бухоро хонлигида ички ва ташқи савдо йўлга қўйилган бўлиб, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Туркия ва б. мамла-



Ғишт (Искандар) кўприк (Сурхондарё). 16-а.

катлар б-н алоқалар ўрнатилган. Хонлиkning Россия б-н элчилик ва савдо алоқалари ўсган эди. У хонлик учун тайёр маҳсулотлар бозори сифатида катта аҳамият касб этган. Маданият соҳаси бошқарув тизими ва ҳокимиятнинг ожизлиги орқасида у замон талабига монанд равишда ривожланмади. Ҳатто Амир Темуру ва Темурийлар давридаги маданият ютуқлари барбод қилинди. Тўғри, мадрасалар қурилди, лекин уларда, асосан, форс ва араб тиллари, диний таълимотлар ўқитилди. Дунёвий фанларга деярли аҳамият берилмади. Улугбекнинг машҳур расадхонаси ер қаърига кўмилиб кетди. Кўпроқ диний ва тарихий асарлар ёзилди. Кўп шоирлар ҳам етишиб чиқди. Бу борада Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Камолдин Биноийнинг ҳам шу номдаги асарларини кўрсатиш мумкин. Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон «Меҳмонномаи Бухоро» ва Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» номли асарларни ёздилар. Сўфи Оллоёр, Муҳаммад Балхий, Сайид Камол (Фитрат), Сайидо Насафий, Турди ва б. 100 дан ортиқ шоирлар ижод қилдилар. Бундан таш-

қари Мирза Солиқ Муншийнинг «Мангит ҳукмдорларининг тарихи», Маҳмуд бин Валийнинг «Баҳрул асрор фи манноқиб ал-ахйор», Муҳаммад Юсуфнинг «Тарихи Муқимхоний», Муҳаммад Аминнинг «Убайдуллонома» ва б. асарлар ёзилди. 16–17-а.ларда Бухоро миниатюра мактаби қарор топган. 18-а. ўрталарида Бухоро саройи созанда, хонанда ва бастакорлари ижодий фаолиятида «Шашмақом» шаклланган.

Бу даврда меъморчилик санъатининг бир қанча намуналари яратилди. Умумий ҳулоса шуки, 16–19-а.нинг 60-й.ларида Бухоро хонлигида ўрта аср бошқарув тизимининг сақланиши, ички ва ташқи урушлар, қўшиннинг заифлиги, диний фанатизмнинг авж олиши, фан ва маданиятдаги турғунлик мамлакатни чуқур инқирозга йўлиқтирди. Бу ҳолатдан фойдаланган подшо Россияси Бухоро хонлигини босиб олди.

Ҳамид Зийев.

Арк (Бухоро).



Хива хонлиги. Темурийлар тасарруфида бўлган Хоразм худудини Шайбонийхон 1505 й.да босиб олган. Шайбонийхон вафоти (1510 й.)дан кейин Хоразм Эрон сафавийлари қўл остига ўтган. Уларга қарши Вазир қалъаси қозиси Умар ва Бақиргон қишлоғидан мулла Саид Ҳисомиддин бошчилигида кўзғолон кўтарилган. Икки йил давом этган кураш натижасида эронийлар мамлакатдан қувиб чиқарилган ва хоразмликлар тақлифи б-н 1511 й. Вазир ш.ни эгаллаган шайбонийлардан Элбарсхон Хоразм ҳукмдори деб тан олинган.

Элбарсхон даврида (1511–16) Туркманистоннинг жан. қисми, Эрон шим.даги Сарахс, шунингдек, Орол ва Манғишлоқ қўшиб олинган. Янги ерларни Элбарсхон ўғиллари ва укаси, қариндошларига бўлиб бериши натижасида майда ҳокимликлар пайдо бўлган. Элбарсхон вафотидан кейин узлуксиз ўзаро низолар сабабли хонлар тез-тез алмашиб турган. Бу даврда халқ Элбарсхон авлодлари ўртасидаги ўзаро қиргинлардан ташқари Бухоро ва Хива ўртасидаги урушлар азобини ҳам тортишга мажбур бўлган. Убайдуллахон ва Абдуллахон II ҳукмронлик давларида (1537–38; 1593; 1595–98) Бухоро хонлиги Хоразмга ҳужум қилиб, қисқа вақт уни Бухорога бўйсундирган. Бу урушлар ва 16-а.нинг 70-й.ларида Амударё ўзани ўзгартириб, Каспий денгизига оқмай қўйгани ҳам Хоразм иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатган.

17-а. бошларига келиб, Хоразм тахти учун бўлган сулолавий курашлардан сўнг тахтга ўтирган Араб Муҳаммадхон даврида хонликда давлат парокандалиги ўзининг юқори чўққисига етган. Рус казаклари, қозоқлар ва қалмиқларнинг талончилик юришлари, Араб Муҳаммадхоннинг ўғиллари Ҳабаш ва Элбарснинг отасига қарши чиқиши парокандалик-

Ичан қалъа девори. Хива.



Кўҳна Арк. Хива.

ни авж олдирган. Улар курашда муваффақият қозониб, Кум қалъасида отасининг кўзига мил тортиб, сўнгра қатл эттирганлар. Кўпгина падаркушлар каби Элбарс ва Ҳабаш султонлар (1621–23) акалари Асфандиёр (Исфандиёр, 1623–43) томонидан тахдан тушириб, қатл қилинган. Эрон шоҳи Аббос I

ҳомийлигида, туркманлар ёрдами б-н тахтга чиққан Асфандиёрхон даврида мамлакат сиёсий ҳаётидаги кескинлик сақланиб қолган. Орол бўйидаги ўзбек қўнғиротлари Асфандиёрга бўйсунмай қўйишган. Туркманлар хонлик сиёсий ҳаётига кўпроқ таъсир эта бошлаган, мамлакатда тарқоқлик ва зулм кучайган. Бундан фойдаланган йирик мулкдорлар Абулғозий Баҳоқирхонни 1643 й.да хон қилиб кўтаришган. Абулғозий Баҳоқирхон акаси вафотидан кейин 1644 й.да Хива хонлиги тахтга ўтирган. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, Бухоро хонлигининг Чоржўй, Вардонзе, Қоракўл, Кармана атрофларига бир неча марта ҳарбий юришлар қилган.

Абулғозий Баҳоқирхон 1662 й.да Бухоро хони Абдулазизхон б-н сулҳ тузиб, 1663 й.да ҳокимиятни ўғли Анушахонга топширган. Шунга қарамай Хива қўшинлари Бухоро, Самарқанд, Қаршига талончилик юришларини давом эттирган. 1685 й. Хива қўшинлари Ғиждувон яқинида мағлубиятга учрагач, Бухоронинг Хивага таъсири кучайган. Бухоро хони Субҳонқулихон Анушага қарши фитна уюштириб, унинг ўғли Аранг Муҳаммадхонга тахтни эгаллашга ёрдам берган. Лекин унинг ҳукмронлиги жуда қисқа бўлган. 17-а.нинг охири – 18-а. бошларида Хива хонлигида ўнлаб хонлар алмашган. Бу мамлакат аҳолини янада оғирлаштирган. Субҳонқулихон ёрдами б-н ҳокимиятни эгаллаган эшик оғаси Шоҳниёзхон (1699–1702) Россия ҳукмдори Пётр I га хат йўлла-



ган. Бу б-н у Россия ҳукмдорининг Шарққа бўлган қизиқишини орттирган ва Петр I 1714–17 й.ларда А. Бекович-Черкасский (қ. *Бекович-Черкасский ҳарбий юриши*) бошчилигида Хивага ҳарбий экспедиция жўнатган. Хива хони Шерғозихон (1715–27) Қайрағоч дарасидаги очиқ тўқнашувда катта талофатга учрагач, ҳарбий ҳийла ишлатиб, рус қўшинларини 5 та шаҳарга бўлиб юборган ва уларни алоҳида-алоҳида бартараф этган. Бу пайтда ички низолар, зулм авж олган, Орол бўйи аҳолиси Хивага бўйсунмай қуйган эди. Хивадаги Шерғозихон мадрасаси қурилишида қуллар кўзғолон кўтариб, хон ва унинг мулозимларини қатл қилишган. Шу воқеадан кейин хонликда сиёсий низолар яна авж олган. Ўзаро урушларда Элбарсхон (1728–39) ҳокимиятни қўлга киритгач, ички низоларни бостириб, қўшни ҳудудларга босқинчилик юришларини амалга оширган. 1740 й. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Хива хонлигига бостириб кириб, уни ўзига бўйсундирган. 1741 й. хоразмликларнинг озодлик учун кўтарган кўзғолонлари Нодиршоҳ томонидан бостирилган. 18-а. ўрталаридаги хонлар гоҳ Эрон шоҳларининг хоҳиши, гоҳ Бухоро ҳукмдорларининг таъсири, гоҳ маҳаллий қўнғирот уруғининг сиёсий аралашуви натижасида тез-тез алмашиб турган. 18-а.нинг 60-й.ларидан балавлат шаҳарликлар ва руҳонийларнинг қўллаб-қувватлашига эришган қўнғирот уруғлари Хива хонлигида ҳокимиятни қўлга ола бошлаган. Иноқ Муҳаммад Амин 1770 й.да туркманларнинг қаршичилигини синдириб, 1782 й.да Бухоро амирлиги ҳужумини қайтариб, хонликда қўнғиротларнинг амалдаги ҳокимиятини мустаҳкамлаган. Аваз Муҳаммад иноқ даврида Хивада марказий ҳокимият мустаҳкамланиб, иқтисодий аҳвол бирмунча яхшиланган. Бу б-н 19-а.

бошларида қўнғиротлар сулоласи ҳокимиятни расман эгаллашига замин тайёрланган. Муҳаммад Амин иноқ ва Аваз Муҳаммад иноқ чингизий султонлар номидан ҳокимиятни бошқарган бўлсалар, уларнинг вориси Элтузар (1804–06) 1804 й. да Абулғозихон V Ёдгорхон ўғли (1802–04)ни тахтдан тушириб, ўзини хон деб эълон қилган. Шунинг учун ҳам Элтузархон Хива хонлиги тахтига ўтирган қўнғиротлар сулоласининг 1-хони ҳисобланади. Унинг вориси, иниси Муҳаммад Раҳимхон I Хива хонлигини бирлаштиришни ниҳоясига етказган. 1811 й. да бир қанча юришлардан кейин қорақалпоқларни ҳам хонлик таркибига қушиб олган. У ўтказган сиёсий, маъмурий, иқтисодий ислоҳотлар натижасида бошқарув тизими такомиллашиб, солиқлар тартибга тушган. Хазина даромадлари кўпайган.

Оллоқулихон (1825–42), Раҳимқулихон (1842–45) ва Муҳаммад Аминхон (1846–55) даврларида Хива қўшинларининг Хуросонга юришлари кучайди, Марв ш. учун Бухоро амирлиги б-н тез-тез урушлар бўлиб турган. Хива хонлари бу даврда Сирдарёнинг Орол денгизига қўйиладиган жойидан Туркменистон ҳудудидаги Кушкагача бўлган ерларни бошқарган. 1855 й. да Сарахсни қамал қилиш пайтида Муҳаммад Аминхоннинг ҳалок бўлиши мамлакатда парокандаликка сабаб бўлган. Абдуллахон (1855–56) ва Қутлуғ Муродхон (1856) 6 ой-


дан кўп ҳукмронлик қилмай ўлдирилган. 1856 й. да тахтни Саид Муҳаммадхон (1856–64) эгаллаган. Унинг туркманлар ва қорақалпоқларга қарши юришлари натижасида бу халқларнинг кўпчилиги кўчиб кетган. 1859 й. Муҳаммад Паноҳнинг Оренбургдан ёрдан олиб Орол бўйида мустақил давлат тузиш учун қилган ҳаракати бостирилган.

Хива хонлигида сўнгги мустақил ҳукмрон Феруз тахаллуси б-н ижод қилган Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) бўлган. Унинг даврида хонлиқнинг сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан ўсиши кузатилади. Лекин 1873 й. Россия империяси Хива хонлигини босиб олган, Муҳаммад Раҳимхон II ва К.П. Кауфман имзолаган Гандимиён шартномасига кўра, Хива хонлиги Россияга қарам давлатга айланган.

Хива хонлиги бошқарув тизими, асосан, Бухоро ва Қўқон хонликларидагидек бўлиб, фарқи 19-а. бошларидан хон ҳузурига Кенгаш (Девон) фаолият кўрсатган. Энг юқори амалдорлардан ташкил топган Кенгаш ваколати чекланган эди. Асосий қарор-



Падиавон Маҳмуд мақбараси. Хива. 17–18-а.лар



лар хон томонидан қабул қилинган бўлса-да, амалдорларнинг хонлик бошқарувидаги мавқеи баланд бўлган. Мансаб ва унвонлар ҳарбий-маъмурий, ҳарбий ва диний тоифаларга бўлинган. Иноқ, оталиқ, бий, амир ул-умаро, меҳтар, қушбеги, бекларбеги, левонбеги ва б. унвон ва мансаблар хонлик иқтисодий, сиёсий, молиявий, ҳарбий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хонлик суд ишлари, асосан, диний уламолар қўлида бўлиб, уларнинг мамлакат ҳаётида таъсири кучли бўлган.

Хонликда давлат тили ўзбек тили бўлиб барча фармонлар, давлат ҳужжатлари ўзбек тилида ёзилган.

16–18-а.ларда Хива хонлигининг маъмурий жиҳатдан бўлиниши вилоят деб аталган бўлса, 18-а.дан бекликлар деб атала бошланган. Дастлаб хонликда 16 та вилоят, 2 та ноиблик бўлган бўлса, кейинчалик

вилоятлар сони 22 тага етган. Уларни хон томонидан тайинланган ҳоким ва ноиблар бошқарган. Хива ш. эса хон ва бош вазир томонидан бошқарилган.

Ижтимоий ҳаётда хон ва унинг амалдорлари ва диний уламоларнинг мавқеи юқори бўлиб, иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил қилувчи ер ҳам, асосан, улар қўлида бўлган. Кам ерли ва ерсиз деҳқонлар улардан ижарага ер олиб ишлаган ва уларнинг аҳволи жуда оғир бўлган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик мамлакат иқтисодида муҳим ўрин тутгани учун Амударёдан чиқарилган каналларни қазिश давлат аҳамиятига молик иш ҳисобланган. Шунингдек, чорвачилик, хунармандчилик, савдо-сотиқ ҳам иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутган.

Хонлик ҳарбий қўшини зарур қурол-аслаҳага эга бўлмаган. Қўшинни купроқ ярим кўчманчи туркманлар ташкил этган.

Хива хонлиги Бухоро, Қўқон, Эрон ва Россия каби қўшни давлатлар б-н савдо-сотиқ олиб борган. Солиқлар барча мусулмон давлатларидагидек хирож, закот, бож ва жузъдан иборат бўлган. Шу б-н мажбурий меҳнатнинг баъзи турла-



Оллоқулихон мадрасаси. Хива. 19-а.

ри амалга оширилган. Хива хонлигида адабиёт, тарихнавислик, меъморлик анча ривожланган бўлса ҳам, табиий ва техника фанларига, дунёвий илмларга эътибор деярли қаратилмаган.

Бошланғич мактабда ўқиш, ёзишни ўрганган болалар мадрасаларда ўқитилган. 19-а.да Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 103 мадраса мавжуд бўлган. Хива ш.нинг ўзида 22 та мадраса фаолият кўрсатган. Бу даврда Хива хонлигида адабиёт, тарихнавислик, ҳаттотлик, мусиқа санъати, меъморлик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида муайян ютуқлар қўлга киритилган.

Мунис, Огаҳий, Феруз, Комил Хоразмий, Комрон, Баёний, Хисравий, Муродий, Рожий, Мутриб Хонахаробий, Лаффасий асарлари ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос ўринга эга. Танбур чизиги нотасини яратган Комил Хоразмий «Мақоми Феруз Шоҳий» асари ва «Панжгоҳ» мақоми б-н миллий санъат ривожига катта ҳисса қўшган. Абулғозийхон «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима» асарлари б-н Хоразм тарихнавислик мактабини бошлаб берган бўлса, Мунис ва Огаҳийлар тарихнавислик ва таржимонлик мактабини яратиб, «Фирдавс ул-иқбол», «Зубдат ул-таворих», «Ғиёс ул-давлат», «Жоме ул-воқеоти султоний», «Шоҳид ул-иқбол» асарлари б-н тарих соҳасини ривожлантирди. Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», «Хоразм тарихи» асарлари Ўзбекистон тарихини ўрганишда асосий манбалардан бўлиб ҳисобланган.

Ҳоз. Хива ш.да сақланиб қолган қад. меъморлик иншоотлари, асосан, хонликлар даврида бунёд этилган. Сайид Ота мақбараси 16-а.да қурилган бўлса, энг кейингилари 20-а. бошларида қурилган.

Буларга Анушахон ҳаммоми, Шерғозихон мадрасаси, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Кўҳна Арк, Тошқовли, Карвонсарой, Ислохўжа минораси, Қалъа девори, Нуруллабой саройи ва б. кирди. Улар халқимиз буюк заковатининг далили сифатида ҳозир ҳам қад кўтариб турилди.

Неъмат Полвонов.

Қўқон хонлиги. 17-а. охири – 18-а. бошларида Бухоро хонлигида ички низолар туфайли марказий ҳокимият заифлашган. Хонлик таркибига кирган вилоятларда мустақилликка интилиш кучайган. Натижада 1709 й. Фарғона водийсида Қўқон хонлиги вужудга келган. Унга минглар уруғилан бўлган Шоҳрухбий асос солган. Бу давлат таркибига дастлаб Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва уларнинг атрофидаги қишлоқлар кирган. Абдураҳимбий даврида Бухоро хонлигида ҳарбий юриш қилиниб Хўжанд (1725), Ўратепа (1726) Самарқанд (1732) эгалланган. Абдукаримбий даврида 1746 й. қалмоқлар Фарғона водийсига ҳужум қилиб, Ўш, Андижон, Марғилон ш.ларини эгаллаб, Қўқонни қамал қилган. Қўқонликлар ёрдамга келган Ўратепа ҳокими Фозилбий қўшинлари б-н биргаликда уларни Фарғона водийсидан қувиб чиқаришган. Норбўтабий даврида Чуст ва Наманган беқларининг мустақиллик учун кўтарган ғалаёнлари бостирилган. Мамлакатда суғориш иншоотлари барпо қилинади, савдо ва ҳунармандчилик, қ.х. ривож топади ва мамлакатда арзончилик бўлади.

Норбўтабийнинг ўғли Олимбек ҳукмронлиги даврида Қўқоннинг сиёсий маъноси янада кучайган, ҳарбий ислоҳот ўтказилган, Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент ва Сайрам тобе этилган, ташқи савдога ҳам эътибор кучайтирилган. 1805 й. давлат расман Қўқон хонлиги деб эълон

қилиниб, Олимбек «хон» унвонини олган. Олимхоннинг марказлашган кучли давлат тузиш борасида қилаётган ҳаракатлари айрим мансабпараст зодагонлар гуруҳида норозилик кайфиятларини вужудга келтирди. Натижада улар Олимхоннинг сафардалигидан фойдаланиб 1810 й. Қўқонда «Олимхон Тошкентда ўлди», деган миш-миш тарқатишди ва унинг укаси Умарбекка тож кийгиздилар. Олимхон бундан хабар топиб, Қўқонга йўл олади, бироқ у Олтиқуш мавзеида отиб ўлдирилган.

Умархон даврида хонлик ҳокимиятини мустақамлаш ва кенгайтириш чоралари кўрилган. 1815 й. Бухоро хонлигига қарашли Туркистон, 1817 й. эса Ўратепа босиб олинган. Сирдарё бўйида бир қанча ҳарбий истеҳкомлар барпо этилган; суғориш иншоотларини кенгайтириш, каналлар қазिश, масжид ва мадрасалар қуришга эътибор берилган. Хусусан, Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёота (ҳоз. Тароз ш.)да масжид ва мадрасалар қурилган. 1821 й.да Чимкент ва Сайрамда кўтарилган қўзғолон бостирилган. Умархон ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигида фан, адабиёт, санъат ривожланган. Бунда унинг сеvimли хотини – машҳур ўзбек шоираси Нодирабегимнинг хизмати катта бўлган. Умархоннинг ўзи ҳам ўқимишли киши бўлиб, «Амирий» тахаллуси б-н ўзбек ва тожик тилларида ғазаллар ёзган. Умархон вафотидан сўнг унинг 12 ёшли ўғли Муҳаммад Алихон тахтга ўтирган. Хон ёш бўлганлиги учун давлатни дастлабки даврда онаси Нодирабегим бошқарган. Нодирабегим маданият ва санъатни ривожлантиришга интилган.

1829 й. Шарқий Туркистонда хитойларга қарши бош кўтарган мусулмон аҳолига ёрдам бериш учун Муҳаммад Алихон қўшин тортди борган. Натижада Хитой ҳукумати Шарқий Туркистоннинг 6 та шаҳридан солиқ олиш ҳуқуқини беришга мажбур бўлган.

Муҳаммад Алихон хонлик ҳудудини кенгайтиришга интилиб, Жан. Олай тоғ этагидаги Қоратегин, Дарвоз, Шуғнон, Рўшон, Воҳон беқликларини буйсундирган. Бу даврда хонликда суғориш ишлари кенгайтирилган. Тошкент яқинида Хонариқ канали қазилган. Ташқи иқтисодий-савдо алоқалари ҳам яхшиланган. Бухоро амири Насрулла б-н юз берган урушда (1840 й.) Муҳаммад Алихон енгилиб, Хўжандни амир Насруллага топширишга ва ўзини унинг ноибига деб тан олишга мажбур бўлган. Аммо Бухоро – Қўқон муносабатлари бундан кейин ҳам кескинлашган. Натижада 1841 й. нояб. ойида Муҳаммад Алихон ўз ука-



Кўқон Ўрласи. 19-а.

си Султон Маҳмуд фойдасига тахтдан воз кечган. Бу воқеадан хабар топган амир Насрулла Кўқонга бостириб келиб, уни талон-торож қўлади. У шу қиргин-барот давомида Муҳаммад Алини, унинг укаси Султон Маҳмудхонни, онаси Нодирабегимни ва б. юқори мансабдорларни қатл эттиради. Амир фармони б-н Кўқон хонлиги Бухоро ноиб томонидан бошқарила бошланган. Амир ноиб хонлик аҳолисига оғир солиқлар юклайди. Натижада 1842 й. ёзида кўқонликлар кўзғолон кўтариб, амир Насруллага содиқ кишиларнинг кўпчилигини ўлдиради ва Норбўтабийнинг укаси Ҳожибекнинг ўғли Шералини хон қилиб кўтаришади. Буни эшитган Бухоро амири Кўқонга қўшин тортиб ўз ҳукмронлигини қайта ўрнатиш учун уни қамал қилади. Бироқ қамалнинг қирқинчи куни Хива хони Оллоқулихоннинг Бухоро ҳудудига қилган ҳужуми ҳақидаги хабарни эшитиб, орқага қайтишга мажбур бўлган. Натижада кўпгина ҳудудлар (Хўжанд, Тошкент) яна Кўқон хонлиги ихтиёрида қолади.

Шералихоннинг (1842–45) тахтга ўтиришида кўмакчи ва хайрихоҳ бўлган қипчоқлардан Мусулмонқул мингбоши қилиб тайинланган. Мусулмонқул, асосан, ҳарбий ишлар б-н шуғулланган ва хон қўшинларининг таркибини кўпроқ қипчоқ йигитлари б-н тўлдирган. Мусулмонқул ўз мавқеидан фойдаланиб, Шералихонга ўз таъсирини ўтказишга интилган. Аммо хон бунга йўл қўймади, чунки интилади. Мусулмонқул хондан норози бўлиб, бошқаларнинг қўли б-н суиқасд уюштиришга ҳаракат қилган. 1845 й. ўшда хоннинг солиқ сиёсатига қарши кўзғолон бошланади. Мусулмонқул тарафдорлари Олимхоннинг ўғли Муродбекни Кўқонга таклиф қилиб тахтга ўтказганлар. Шералихон ўлдирилган. Мусулмонқул эса ўшдан Наманганга келиб қизини Шералихоннинг ўғли Худоёрга турмушга беради ва у б-н Кўқонга келиб, Муродхонни ўлдириб, ёш Худоёрни хон деб эълон қилади. Мусулмонқул хоннинг ёшлигидан фойдаланиб хонликни деярли мустақил равишда ўзи бошқаради, катта лавозимлар қипчоқларга улашиб берилади. Натижада Мусулмонқулга қарши хонлик ҳудудиди

Минг сулоласи

Шоҳрухбий (1709–21), Абдурахимбий (1721–33), Абдулкаримбий (1733–50), Абдурахмон (1750–51), Эрдонабий (1751–52; 1753–66), Бобобек (1752–53), (1753–66), Сулаймонбек (1766). Норбўтабий (1766–1801), Олимхон (1801–10), Умархон (1810–22), Муҳаммад Алихон (1822–41), Султон Маҳмуд (1841–42), Шералихон (1842–45), Муродхон (1845), Худоёрхон (1845–58; 1863; 1865–75), Маллахон (1858–62), Шоҳмуродхон (1862–63), Султон Муродхон (Султон Сайидхон) (1863–65), Насриддинбек (1875–76).

норозилик ҳаракати кучайди ва у мингбошилиқдан бўшатилади. Зодагонлар қипчоқлардан қутулиш йўлини ахтариб Худоёрхонни ўзлари тарафга оғдириб, 1853 й. қипчоқлар қиргинини бошлаб юборишган. Мусулмонқул асирга олиниб, қатл қилинган.

Бироқ Кўқон хонлигида ўзаро тахт учун курашлар тинчимаган, қисқа вақт ичида хонлар бир неча марта алмашган (1858–62 й.ларда Шералихоннинг ўғли Маллахон, 1862–63 й.да Шоҳмуродхон, 1863 й. май-июнда яна Худоёрхон, 1863 й. июль – 1865 й.ларда Маллахоннинг ўғли Султон Сайидхон тахтга ўтирган).

1865 й. Кўқонда қипчоқ ва қирғизлар Худойқулбекни тантанавор равишда хон деб эълон қилади. У атиги 14 кунгина хонлик қилади, сўнгра барча хазинани ва қимматбаҳо нарсаларни олиб, Қашқарга қочиб кетган. Худоёрхон ҳеч қандай қаршиликсиз Кўқон тахтини қайта эгаллаган (1865–75). Бундай беқарор ички вазиятдан фойдаланган Россия Кўқон хонлигига қарши истилочилик ҳаракатини бошлаб юборган. Чоризм босқинчилиги туфайли Кўқон хонлиги чегаралари анча қисқариб кетди.

Кўқон хонлигида қуйидаги мансаблар мавжуд бўлган: мингбоши, оталиқ, шайхулислом, қозикалон, қушбеги, меҳтар, парвоначи, нақиб, додхоҳ, зшиқ оғаси, иноқ, шифовул, тўқсоба, мирохур, қорювулбеги ва б.

Кўқон хонлигида қуйидаги ҳарбий унвонлар мавжуд бўлган: мингбоши – одатда, у вазирлик вазифасини бирга олиб борган. Кейин понсалбоши, юзбоши, эллиқбоши, ўнбоши, замбаракчи ва б. Булардан ташқари бошқа ҳарбий мансаблар ҳам бўлган. Кўқонда яшаган сарбоз ва тўпчилар фақат алоҳида вазифадаги ноиб, додхоҳнинг доимий тасаруфиди бўлганлар. Уруш даврида ноиб, додхоҳ ўз қисмига ҳаракатдаги қўшиннинг ҳамма сарбозларини қабул қилган,





Дахмаи шоҳон. 19-а. нинг 20-йиллари.

унга вақтинчалик бошчилик қилишни махсус тайинланган амири лашкар (бош қўмондон)га топширарди.

19-а. нинг 1-ярмида Қўқон хонлиги шим.да Россия б-н (улар ўртасида катта чўл зонаси бор эди); ғарбда Хива ва Бухоро б-н; жан.да Қоратегин, Дарбоз ва Кўлоб; шарқда Шарқий Туркистон б-н чегаралош эди.

Қўқон хонлиги аҳолисининг сони 3 млн.га яқин эди. Чоризм қўшинлари унинг шим.-ғарбий вилоятларини босиб олгач, хонлик ҳудуди анча қисқариб, асосан, Фарғона водийси б-н чекланади ва аҳоли сони тахм. 2 млн.га тушиб қолади. Қўқон хонлигининг аҳолиси, асосан, ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қozoқлар, уйғурлар, қорақалпоқлардан иборат эди.

Қўқон хонлигида ҳам ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш турли хил бўлган. Хонликка қарашли бўлган ерлар

Шайх Хованди Тоҳур мақбараси.
Тошкент. 19-а.



амлок ерлар, вақф ерлари, мулки хирож ва мулки ушрияга тақсимланган.

Деҳқонлар ўртасида яқка деҳқон ҳўжалиги ҳам ривожланган. Ўз ерларидан ажралган камбағал деҳқонларнинг қўпчилиги йирик ер эгалари қўлида чоракорлик қилган. Ернинг баҳоси унинг унумдорлиги ва қанчалик сув б-н таъминланганлигига қараб белгиланган.

Хонлар суғориш тармоқлари катта даромад манбаи бўлганлиги сабабли маълум даражада уларни сақлашга, суғориш иншоотларини янада кенгайтиришга яхши эътибор беришган. Қўқон хонлигида қўплаб пахта ва полиз экинлари етиштирилган, боғдорчилик ҳамда пиллачилик тараққий этган. ҳунарманд-козибчилик мазмунан бой ва серқиррали бўлган. Булар: мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, ҳарбий қурол и.ч., сопол ва кўзагарлик, қоғозгарлик, бадий тўқимачилик, дўппичилик, каштачилик, кўприксозлиқ, темирчилик ва ш.к.

Хонликда ер ости бойлиги ҳам маълум даражада қазиб олинган. Аммо уларни и.ч. содда ва кам эдики, булар эҳтиёжни қондира олмасди. Мас., хонликда ишлаб чиқилган металл Россиядан олиб келинган металлдан қимматга тушарди. Қўқон хонлигида ишлаб чиқилган маҳсулотлар эса чет элларга ҳам олиб чиқилар эди ва уларга талаб ҳам бор эди. Шунинг учун бу соҳа маълум даражада ривожлана борган.

Қўқон хонлиги ҳаётида савдо-сотик муҳим ўрин эгаллаган. У ички ва ташқи савдога бўлинган. Аҳоли ўзининг эҳтиёжларини асосан ўз хонлигидаги маҳсулотлар б-н қондиришган.

Қўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида Бухоро, Хива, Қашқар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва айниқса Россия б-н бўлаётган ташқи савдо катта салмоқли ўринни эгаллаган. Россия б-н олиб борилган савдо муносабатлари Қўқон хонлиги қ. х. айрим тармоқларининг ривожланишига олиб келди ва рус маданиятининг баъзи жиҳатлари аҳоли турмуш тарзига кира бошлади. Қўқон хонлиги Россиянинг хом ашё базасига ва ташқи савдо бозорига айлана борди. Россия саноати товарларининг олиб келиниши маҳаллий саноат корхоналарини ва айрим ҳунармандларнинг инқирозга учрашига сабаб бўлди.

Қўқон, Марғилон ва Наманган ш.ларида ип ва ипак матолар (атлас, шойи, беқасам, адрас, чит, бўз ва б.) тўқилган. Шунингдек, бошқа ҳунармандчилик тармоқларида ҳўжалик асбоблари, деҳқончилик учун керакли ускуналар, қу-

рол-яроғлар, заргарлик буюмлари, қоғоз ва б. нарсалар ишлаб чиқарилган.

Қўқон хонлигидан чет давлатларга қуритилган мевалар, жун, тери, ипак, гилам, пахта ва ипак матолар чиқарилган. Ташқи мамлакатлардан эса турли металл рудалари, металл буюмлар, қанд ва б. маҳсулотлар келтирилган.

Қўқон хонлигининг 18–19-а. 1-ярмида кечган маданий ҳаётида ҳам бирмунча ижобий ўзгаришлар юз берган. 19-а.да хонликда тарихнавислик ривожланган. Олдинлари ёзилган бир неча тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинди ва янги китоблар ёзилди.

Бу янги асарларнинг айримлари шеърӣй ёки қисман шеърӣй йўлда ёзилди. Бу эса қўқонлик тарихчиларнинг адабиётни яхши билибгина қолмай, ўзлари ҳам шеърӣятда қалам тебратганликларини кўрсатади. Мас., «Тарихи жажоннамоӣ» (Жунайд Мулло Авазмуҳаммад Мулло Рўзи Муҳаммад суфи ўғли), «Шоҳнома» (Абдулкарим Фазлий Намангонӣ), «Шоҳномаӣ Умархонӣ» (Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагӣй, у Фазлий Намангонӣнинг «Зафарнома» асарини насрий усулда ёзган), «Мунтахаб ат-таворих» (Хўжа Муҳаммад Ҳакимхонтўра бин Сайид Маъсумхон), «Тарихи Шоҳрухӣ» («Тарихи саййиди Худоёрхон», Мулло Ниёз Муҳаммад Хўқандӣй), «Шоҳнома» (Маҳзун), «Тарихи жадидаи Тошканд» (Муҳаммад Солиҳхўжа ибн Қорахўжа), «Жангномаи Худоёрхон» (Шавқӣй Намангонӣй, Мулла Шамси Мулла Ҳусан ўғли) ва б. 19-а. бошларида шаклланган Қўқон адабий муҳити ҳам хонликнинг маданий ҳаётида катта ўрин тутган. Қўқон ҳукмдорларининг бир қанча намояндалари теурийлар анъанасини давом эттириб, ўзлари ҳам илм-маърифат б-н шугулланиб, бу соҳани равнақ топтиришга катта саъй-ҳаракат қилганлар. Айниқса бунда Қўқон хонларидан Умархон (1810–22) ва Муҳаммад Алихон (1822–41) даврлари яққол ажралиб туради.

Хусусан, Акмал (Махмурнинг отаси), Амирий (Қўқон хони Умархон), Боқи-хонтўра, Муҳаммад Шариф Гулханий, Махмур(Маҳмуд), Мунтазир, Низомӣй Хўқандӣй, Нодир, Нозил, Писандӣй Фазлий Намангонӣй, Фозӣй, Ҳозик сингари шоирлар халқ ичида машҳур эдилар.

Гулханийнинг «Зарбулмасал», Махмурнинг «Ҳапалак» асарларида кутарилган ўткир ижтимоӣй масалалар оддий халқнинг дарду ҳасратларига, орзу-армонларига яқинлиги, ҳамоҳанглиги б-н қимматлидир. Қўқон адабий муҳитининг



Абулқосим Шайх
мадрасаси. Тошкент.
19-а.

яна бир муҳим характерли жиҳати шундаки, бу даврда таниқли ва машҳур ўзбек шоирлари истеъдоди кенг ривож топди. Мас., Нодира, Увайсий, Дилшод, Зебунисо, Зиннат, Моҳзода Бегим, Маҳзуна, Муштарий, Нозук Хонимнинг ижоди алоҳида аҳамиятга моликдир.

Қўқон адабий муҳитининг самарали таъсири ўлароқ бу юртдан кейинчалик Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирлар етишиб чиқди ва улар ўз халқининг эрки, хурлиги йўлида хизмат қилди.

Умуман олганда, 19-а.нинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиё хонликларида адабиёт ва тарихшунослик б-н бир қаторда мат., тиббиёт, геогр., астрономияга онд ҳамда диний асарлар яратилди. Бу хонликларда рассомчилик ва хаттотлик ҳам ўз ўрнига эга. Бу даврнинг маданий ҳаётида дорбозлик, аския, қўғирчоқ театри, масҳабозлик, айниқса, бастакорлик ривожланди.

Қўқон хонлигининг барча бекликларидан мадраса, мактабхона ва қорихоналар мавжуд эди.

Хонликда меъморлик айниқса ривожланган. 1842 й. Қўқон ш. атрофи янги мудофаа девори б-н ураб олинган. Унинг 12 дарвозаси бўлган. Қўқон хонлигидаги меъморий ёдгорликлардан Норбўтабий мадрасаси (1799), Жоме масжиди (18-а. охири—19-а. боши), Мадрасаи Ка-

Ҳоким ойм (1869), Худоёрхон ўрдаси (1873) кабиларни, шунингдек, Тошкент, Андижон, Наманган ш.ларидаги шу давр меъморий ёдгорликларини кўрсатиш мумкин.

Манбалар: Мухаммад Юсуф Мунши, Муқимханская история, Т., 1956; Мир Мухаммад Аминий Бухари, Убайдулла-наме, Т., 1957; Абдурахман Тали, История Абулфейз-хана, Т., 1959; Мирза Абдал-Азим Сами, Тарих-салатин-и мангитийа-Бухара, М., 1962; Фазлуллах ибн Рузбехан, Михманнаме-йи Бухара, М., 1976; Махмуд ибн Вали, Море тайн, Т., 1977; Огаҳий, Асарлар, 5—6-ж., Т., 1978—80; Ибрат, Фарғона тарихи, Т., 1991; Абулғозиий, Шажарайи турк, Т., 1992; Хасанхожа Нисорий, Музаққирӣ аҳбоб, Т., 1993; Бағний, Шажараи Хоразмшоҳий, Т., 1994; Ҳофиз Таниш ал-Бухорӣй, Абдуллонома, 1—2-ж.лар, Т., 1999, 2000.

Ad.: Бартольд В. В., История культурной жизни Туркестана (Соч. т.2, ч.1), М.—Л., 1964; Айнисан, История мангитских эмиров (Собрание сочинений в 6 томах), т.6, М., 1975; Бейсембиев Т.К., Тарих-и Шахрухи как исторический источник, Алмата, 1987; Амир Саййид Олимхон, Бухоро халқининг ҳасрати тарихи, Т., 1991; Фитрат, Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври, Т., 1992; Бобобеков Х., Қўқон тарихи, Т., 1996.

Ҳайдарбек Бобобеков.



Андижон Жоме
масжиди. 19-а.

ТУРКИСТОННИНГ РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

(19-а. ўрталари — 1917 й. февраль)

Ўрта Осиё хонликларига подшо Россиянинг ҳужуми. Қўқон хонлигининг тугатилиши. 19-а. ўрталарида мустамлакачи икки йирик империя, яъни Россия ва Буюк Британиянинг стратегик манфаатлари Туркистонда тўқнашди. Подшо Россияси сиёсатдонлари Буюк Британиянинг Туркистон ўлкаси ва Каспий денгизининг шарқий томонларини эгаллаб олишидан гоят хавфсираётган эди. Ана шундай вазиятда Ўрта Осиё хонликларини Россия империяси томонидан босиб олиниш хавфи туғилди. Подшо Россияси ўзбек хонликлари тўғрисида аниқ маълумотлар тўплаш ва уларни синчиклаб ўрганишга Пётр I даврида (18-а. бошларидаёқ) жиддий киришган эди. Бунинг учун у Орол денгизи атрофлари ва Каспий денгизи қирғоқлари, яъни Хива хонлиги ҳудудига, кейинчалик Бухоро амирилиги ва Қўқон хонлигига турли ҳарбий ва илмий экспедициялар (қ. *Бекович-Черкасский ҳарбий юриши*, *Перовский экспедицияси*, Ф. Ефремов, Ф. Беневени ва б.) жўнатиб, хонликлардаги мавжуд аҳволни жиддий ўрганган. Экспедиция ва илмий гуруҳларнинг қатнашчилари, сайёҳлар ва олимлар ниқоби остида кўплаб жосуслар, айғоқчилар, ҳарбий мутахассислар ва хуфиялар Туркистонга жўнатилган. Хуллас, хонликларни босиб олиш учун Россия империяси катта миқёсда ҳарбий—сиёсий тайёргарлик кўра бошлаган.

Крим урушида Россия империясининг Усмонли турк султонлигидан мағлубиятга учраши халқаро миқёсда Россия давлатининг обрўси пасайишига олиб келди. 1861 й. фев.да Россияда крепостной ҳуқуқ бекор қилинди. Бу пайтда мамлакат иқтисодиётида таназзул кучайган эди. АҚШ да 1861—65 й.ларда бўлган фуқаролар уруши натижасида Россиянинг тўқимачилик ф-калари учун океан ортидан олиб келинадиган пахта хом ашёсининг нархи ҳаддан ташқари кўтарилиб кетди. Мана шундай ҳолатда Туркистон минтақаси Россия учун энг арзон хом ашё манбаи ва тайёр sanoat молларини сотадиган бозор сифатида зарур эди. Инглиз аскарларининг Афғонистондаги жанглири ва Ўрта Осиёга томон интилиши ҳам подшо Россиясининг ҳарбий ҳаракатларни тезроқ бошлашига баҳона бўлди. Хуллас, Ўрта Осиё хонликларини эгаллаш учун икки ўртада ра-

Солиҳбек охунд

Подшо Россияси қўшинларига қарши Тошкент мудофааси раҳбарларидан бири, давлат арбоби, уламо, мударрис. 1805 й. Тошкентда туғилган. Тошкент ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб (1832–42) охунд унвонига сазовор бўлган. Қўқон хони Шералихон саройида маслаҳатчи, сўнгра Тошкентда қози ва раис ҳамда Хожа Аҳро Валий, Қўқалдош мадрасаларида бош мударрис. Султон Сайидхон даврида (1863–65) ҳам хоннинг яқин маслаҳатчиси. Тошкентни Россия империяси қўшинлари қамал қилганда (1865) Алимқул лашкарбоши шахид бўлган, яққа ўзи шаҳар мудофаасини бошқарган. Барча маблағини шаҳар муҳофазаси учун сарфлаган. Генерал М.Г.Черняев томонидан тузилган шартнома ни имзолашдан бош тортгани сабабли 9 нафар шериги б-н судсиз Томск ш.га сургун қилинган. 1868 й. заҳарлаб ўлдирилган.

қобат кучайди. Россия империяси Туркистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиш учун хонликлар б-н дипломатик ва савдо алоқаларини ривожлантиришга ҳаракат қилди.

Подшо Россияси Туркистонни босиб олишдан олдин мукаммал режани ишлаб чиққан. Режада асосий зарбани минтақадаги энг заиф ва ҳудуди жиҳатидан кичик Қўқон хонлигига бериш, айна пайтда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини Қўқон хонлиги б-н ўзаро бирлашиб қўшин тузишига, ўзбек хонликларининг биргаликда ҳаракат қилишига инсон бермаслик мақсадида улар ўртасида турли низолар чиқариш ва мавжуд ихтилофларни кучайтириш йўллари ишлаб чиқишга қаратди. Россия ҳарбий вазирлигида ҳарбий ҳаракатларга кетадиган харажатлар, қўшин миқдори ва тури, уруш ҳаракатларида қатнашувчи қисмлар, қуруқлик ва сувда ҳаракат қилувчи воситалар, қурол-яроғ миқдори ва захиралари аниқланди. Россия империяси қўшинлари 19-а.нинг 40-й.лари охиридан бошлаб аниқ режа асосида шиддат б-н Туркистон ерларига бостириб кела бошлади. 1847 й. Сирдарё этаги босиб олинди, Раим қалъаси руслар томонидан эгалланди ва бу ерда Казалинск ҳарбий истеҳкоми қурилган.

Подшо Россияси қўшинлари 1853 й. Қўқон хонлигининг муҳим стратегик аҳамиятта эга бўлган Оқмачит қалъасини (ҳоз. Қизилўрда ш.) эгаллашди. Рус қўшинлари Қўқон хонлигининг шим. ҳудудларига икки тарафдан — Орол денгизи бўйи ва Ғарбий Сибирь (собик

қозоқ жузлари ҳудуди) орқали бостириб кела бошлади. Тез орада Или дарёси водийси эгалланиб, 1854 й. Олмаота қишлоғи ёнида Верний ҳарбий истеҳкоми (ҳоз. Олмаота ш.) қурилди.

Россия империясининг Туркистон минтақасини эгаллаш учун кенг кўламда ҳарбий ҳаракатлари 19-а.нинг 60-й.ларидан бошланди. Пишпак (ҳоз. Бишкек), Тўқмоқ 1862 й., Сўзоқ қалъаси 1863 й., Туркистон, Авлиёота(ҳоз. Тароз ш.), Чимкент ш.лари 1864 й. хоризм қўшинлари томонидан босиб олинди. Ниҳоят, 1865 й. 17 июнда Тошкент ш. ҳам М.Г.Черняев бошчилигидаги рус қўшинлари томонидан қаттиқ қаршиликдан кейин эгалланди. Тошкент мудофаасини ташкил қилган Қўқон хонлигининг ҳарбий лашкарбоши — Алимқул шаҳар остоналарида бўлган жангларнинг бирида оғир ярадор бўлиб, мардларча ҳалок бўлди.

Россия империяси босиб олинган ҳудудларда 1865 й. баҳорида Оренбург генерал-губернаторлигига бўйсунувчи Туркистон вилоятини тузган.

Рус қўшинларининг Тошкентни босиб олиши натижасида Россия империяси б-н Бухоро амирлиги ўртасида бевосита тўқнашув юзага келган. Бухоро амира Музаффар Бухородан 60 минг кишилик лашкар б-н Тошкентни эгаллаган руслар устига юриш қилди. Бироқ бухороликлар қўшини яхши қуролланмаган, аскарларнинг аксарияти ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган эди. 1866 й. 8 майда Ержар манзилида (ҳоз. Жан. Қозғистон вилояти ҳудуди) бўлган жангда Бухоро аскарлари енгилган ва орқага чекинган. Ушбу жангда амир Музаффар ўзининг ҳарбий лаёқатсизлигини намоён қилди. Подшо Россияси қўшинлари 1866 й. 24 майда Хўжанд ш. ва Нав қалъасини, 2 окт.да Ўратепани, 18 окт.да Жиззахни босиб олдилар. Чоризм бутун диққат-эътиборини Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги ҳудудини тезроқ босиб олишга қаратди.

Россия императори Александр II нинг фармони б-н 1867 й. 11 июлда босиб олинган ҳудудларда бевосита Россия империяси таркибига кирувчи ва маркази Тошкент ш. бўлган *Туркистон генерал-губернаторлиги* ва Туркистон ҳарбий округи тузилди. Биринчи генерал-губернатор ва округ қўмондони қилиб К.П.Кауфман тайинланди. Унга рус императори томонидан катта ваколатлар берилган эди. 1867 й. Тошкент ва унинг атрофлари янги ташкил қилинган Сирдарё вилояти таркибига киритилди. Бу пайтда Қўқон хони Худоёрхон Россияга тобелигини тан олди(1868).

Бухоро амира б-н олиб борилган музокаралар эса натижасиз тугагач, 1868 й. 2 майда генерал К.П.Кауфман бошчилигидаги 8300 кишилик қўшин Самарқандни эгаллади. 18 май куни Каттақўрғон ҳам таслим бўлди. 1868 й. 2–3 июнда Зирабулоқда бўлган ҳал қилувчи жангда 6 минг сарбоз ва 15 минг отликдан иборат бўлган Бухоро амирлиги қўшинлари К.П.Кауфманнинг тўп ва замбарақлар б-н яхши қуролланган қўшинига қарши мардондор жанг қилсалар-да, 1000 кишидан ажралиб орқага чекинган. 1868 й. 23 июнда Бухоро б-н Россия ўртасида Самарқандда имзоланган сулҳ шартномасига биноан, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд ва Каттақўрғон ш.ларидан то Зирабулоққача бўлган Бухоро амирлигининг ерлари Россия империясига киритилди ва Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Зарафшон округи (кейинчалик Самарқанд вилояти) ташкил қилинди. Амударёда рус кемаларининг эркин қатновига рухсат берилди. Бухоро амира Музаффар олтин ҳисобида 500 минг рубль ҳарбий товон тўлаш ва рус савдогарларига амирликда эркин савдо-сотиқ қилиш учун қулай шарт-шароит яратиб бериш мажбуриятини олган.

Бухоро амирининг бундай таслимчилик сиёсатига ва подшо Россияси зулмига қарши валиаҳд Абдулмалик (Катта Тўра), Шаҳрисабз ва Китоб беклари Жўрабек ва Бобобек қарши чиқиб, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Қаршида қўзғолон кўтаришди. Рус қўшинлари Самарқанддаги қўзғолонни аёвсиз бостириш б-н чекланмасдан, амир Музаффарнинг талаби б-н унга қарши чиққан Шаҳрисабз ва Китоб бекликларини 1870 й. авг.да эгаллаб, амир ихтиёрига топширишган.

1873 й. 28 сент.да Бухоро амирлиги б-н Россия империяси ўртасида имзоланган навбатдаги шартнома натижасида Бухоро амирлиги Россиянинг протекторати деб эълон қилинган. Зарафшон дарёсининг юқори қисми Шарқий Бухоро (Бадахшон ва Помир)даги айрим вилоятлар қўлдан кетган. Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар эса (Балх, Мозори Шариф, Шибиргон, Қундуз ва б.) Россия ва Буюк Британиянинг талаби б-н Афғонистонга берилган. Бухоро амирлигининг хорижий давлатлар б-н алоқа юртиши таъқиқланган.

1873 й. баҳорида подшо Россияси Хива хонлигига қарши қўшин торти. Қўшиннинг умумий сони 13 минг кишидан зиёд бўлиб, 56 та тўп бор эди. Истилочилар қўшини 3 йўналишда ҳаракат қилган. Биринчи йўналишдаги рус қўшинлари

генерал-адъютант фон Кауфман ва генерал-майор Головачёв қумондонлиги остида Тошкент тарафдан, иккинчи, учинчи йўналишдагилар генерал Верёвкин ва полковник Ломакин қумондонлигида Каспий денгизи тарафидан Хива хонлигига ҳужум қилган. Хива атрофларида қаттиқ жанглар бўлди. Россия қушинлари 1873 й. 29 майда Хива хонлигининг пойтахти Хива ш.ни эгаллашди. Босқинчилар Хивадаги тарихий обидалар, хусусан, хон саройи ва хазинасини талон-торож қилишди. Ноёб қулёзма асарлар ва б. бойликлар Санкт-Петербургга жўнатилади. 1873 й. 12 авг.да Хива яқинидаги Гандимиён қишлоғида Хива хонлиги б-н Россия ўртасида Кауфман қўйган шартлар асосида Гандимиён шартномаси тузилди. Шартномага кура, Хива хонлиги Россияга қарам бўлди, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) мустақил равишда ташқи сиёсат юритишдан маҳрум қилинди. Амударёнинг ўнг соҳилидаги хонликка қарашли ҳудудни Россия ўзиники қилиб олди ва у ерда Амударё округи (1874 й.дан Амударё бўлими) ташкил этилиб, у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Бўлим бошлиғига Хива хонининг фаолиятини назорат қилиб бориш топширилди. Хива хонлиги рус босқинчиларига олтин ҳисобиди 2,2 млн. рубль товон тўлашга мажбур этилди. Рус савдогарлари ва саноатчилари хонлик ҳудудида бож тўламасдан савдо қилиш, ер-мулк сотиб олиш ва саноат корхоналари очиш ҳуқуқини олди.

Бироқ бу шартнома имзоланишига қарамай, Хоразм воҳасида подшо Россияси босқинчиларига қарши қуроли кураш анча йиллар давом этди. *Ахалтака ҳарбий юришлари* (1879, 1880–81) натижасида Хива хонлигига тобе туркманлар қийинчилик б-н бўйсундирилди. Хусусан, чор қушинлари Гўктепа (Кўктепа) қалъасини 1881 й. 12 янв.да узоқ қаршиликдан кейин босиб олгач, қалъа мудофаачиларининг барчасини ваҳшиёна қириб ташлашган. Хуллас, Гўктепа мудофаачилари б-н бирга тинч аҳолидан бирор киши ҳам омон қолмаган.

Қўқон хони Худоберхон подшо Россияси қушинларининг Туркистон ичкари-сига нисбатан тез бостириб келаётганидан ва ўз ҳокимиятини йўқотиб қўйишдан хавфсираб К.П.Кауфман таклиф қилган шартномага рози бўлди (1868). Бу шартномага кўра, рус савдогарларига хонликнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида эркин фаолият кўрсатишига рухсат берилиб, улар қўқонлик савдогарлар б-н бир миқдорда бож тўлайдиган

бўлишган. Қўқон хонлиги ерларининг бир қисми Россия империяси таркибига ўтгач, давлат даромади камайган. Унинг ўрнини тўлдириш учун хонликда янги солиқлар жорий қилинган. Бундан норози бўлган аҳоли 1873 й.да Исҳоқ Ҳасан ўғли ва Абдурахмон Офтобачи бошчилигида қўзғолон кўтарган (қ. «*Пўлатхон» қўзғолони*). Қўзғолон жиддий тус олгач, Худоберхон 1875 й. 22 июлда рус ҳарбийларининг ҳимояси остида Тошкентга, Кауфман ҳузурига қочган. Хонлик тахтини унинг ўғли Насриддинбек эгаллади. У 22 сент.да Марғилон ш.да Кауфман б-н музокара олиб борган. Янги тузилган шартномага кўра, Насриддинбек ўзини Россиянинг вассали деб тан олган. Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Наманган ва Чуст ш.лари б-н бирга Россия ихтиёрига ўтиши ва олтин ҳисобида 2 млн. рубль товон тўланиши лозим бўлган. Мазкур битимдан норози бўлган халқнинг қўзғолони авж олган ва 9 окт. да қўзғолончилар Қўқонни эгаллашган. Насриддинбек Тошкентга қочгач, Исҳоқ Ҳасан ўғли («Пўлатхон») расман Қўқон хони деб эълон қилинди. Рус қушинлари бу қўзғолонни шафқатсиз бостиригач, 1876 й. 19 фев.да Қўқон хонлигини тугатишган. Хонлик ерларидан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи Фарғона вилоятини ташкил қилишган. «Пўлатхон» эса 1876 й. 1 мартда Марғилон ш.да дорга осиб ўлдирилган.

Подшо Россиясининг Туркистон ўлкасидаги мустамлакачилик сиёсати ва унинг оқибатлари. Россия империяси Туркистонни босиб олгач, бепоен ҳудудларга эга бўлди. У дунёнинг энг йирик мустамлакачи мамлакатига айланди. Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги тартиблари Польша, Финляндия, Болтиқбўйи, Украина, ҳатто Кавказдаги мустамлакачилик тартибларига нисбатан тафовутли хусусиятга эга бўлган. Бу хусусиятлар маҳаллий халқларга мутлақо ишонмаслик, туркий халқларни камситиш ва уларга ўта парни назар б-н қараш каби улуғ давлатчилик ва шовинистик оғулар б-н захарланган эди.

Подшо Россияси Ўрта Осиёни босиб олишга киришар экан, бу заминдан йил давомида бир неча марта ҳосил олиш имкониятлари борлиги, турли сабзавот, поллиз экинлари ва мевалар етиштиришга мослашгани ҳамда иқлими серкуёшлиги учун, бу ўлкани асосан, пахта етиштиришга ихтисослаштиришни мўлжаллаган эди. Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олгач, табиий ресурсларга ниҳоятда бой ҳудудга эга бўлди. Туркистон генерал-губернаторлиги вилоят уезд (область), волость, участка ва оқсоқоқликларга бўлиб бошқарилган. Туркистон ўлкаси генерал-губернатори бир пайтнинг ўзида подшо ноиб (ярим подшо; оқ подшо), ҳарбий округ қушинлари қумондони, бош мириш ва бош прокурор эди. Генерал-губернатор Бухоро амири фаолиятини Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги (1885–1917), Хива хонини эса Амударё бўлими бошлиғи (1873–1918) орқали назорат қилиб турган. Туркистон ўлкаси Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Етти-сув, Закаспий вилоятлари ҳамда Амударё бўлимига бўлинган. Вилоятлар ҳокими император томонидан тайинланган ҳарбий губернаторлар томонидан бошқарилган.

Мустамлакачи маъмурият даставвал ер-сув ва мулкчилик масалаларини «тартибга солиш»га киришди. Қўқон хонлигидаги хон ва унинг аялдорлари, беқлар ва ҳарбийлар қўлидаги ерлар давлат ихтиёрига олинди. Вақф ерлари ва солиқлардан озод қилинган ерларга ҳам турли солиқлар солинди. Суғориш иншоотлари ва сув миқдори назоратга оlinиб, пахта майдонлари кенгайтирилди. Ҳалла етиштириш камайтирилди. «Туркистон ўлкасини бошқариш тартиблари тўғрисидаги Низом» ва б. ҳужжатларда



Князь Романов саройи биноси кўринишидан фрагмент. 19-а. охири. Тошкент.



мустамлакачи ҳукумат ўзининг бу соҳадаги сиёсатини кўрсатиб берган.

Россиядан кўплаб рус деҳқонлари ва ерсиз мужиклар кўчирилиб, уларга камида 10 десятинадан ортиқ серҳосил ва унумдор ерлар ажратилди. Хусусан, Фарғона водийсида маҳаллий аҳоли қўлидан тортиб олинган ерларда рус қишлоқлари (Русское село), хуторлари ва посёлкалари барпо этишга алоҳида аҳамият берилди. Кўчириш сиёсатининг асосий мақсади Туркистонни руслаштиришга ва уни «Рус Туркистони» қилишга қаратилган эди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган каби йирик шаҳарлар ёнига европаликлар учун «янги шаҳар» (город) қуришга киришилди. Бундай шаҳарда европача услубдаги бинолар бунёд этила бошланди. Тошкент, Самарқанд ш.лари ва бошқа жойларда шундай бинолардан айримлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Россия саноатини арзон хом ашё б-н узулуксиз таъминлаб туриш учун ўлкага т.й. ётқизилди. Т.й. 1881 й. Қизил Арвот, 1885 й. Ашхобод, 1886 й. Марв, Чоржўй (ҳоз. Туркманобод), Амударёгача етган. 1887 й. т.й. Янги Бухоро (ҳоз. Когон) ва Самарқандга қалар қурилди. 1899 й. Фарғона водийси ва Тошкент темир йўл б-н ўзаро боғланди. 1906 й.да Тошкент—Оренбург т.й. қуриб битказилди. 1915 й. Бухоро—Қарши—Термиз, Бухоро—Қарши—Шаҳрисабз—Китоб т.й. қуриб, фойдаланишга топширилди.

Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд ш.ларида пахта тозалаш ва ёғ з-длари, чай қadoқлаш, ароқ, вино ва пиво тайёрлаш корхоналари ишга туширилди.

Шунингдек, Россия истилоси натижасида Туркистонга рус капитали ва у орқали ғарб сармоясига кириб кела бошлади. Тошкент ва Фарғона водийсида кўплаб банклар, хорижий корхоналар очилди. Туркистонда ҳам бозор муносабатлари шакллана бошлади. Туркистон халқлари тарихи, этн.си, археологиясини ўрганишга оид дастлабки илмий ишлар яратилди. Туркистонда 1-музей очилди, кутубхона иш бошлади. Ўрта Осиё тарихи, этн.си, иқтисоди, ботаникаси,

Тошкентдаги эрлар гимназияси биноси (тарихий сурат; ҳоз. Тошкент юридик ин-ти).

археологияси ва маданиятига оид ноёб библиографик асар — «Туркистон тўплами» (594 ж.дан иборат) яратилди. 1888 й.да

Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба ст-яси ва 1911 й.да Туркистон энтомологик ст-ясига асос солинган. Туркистон археология ҳаваскорлари тўғраги (асосчиси В.В.Бартольд ва б.), «Император рус география жамияти»нинг Туркистон бўлими, «Император шарқшунослари жамияти»нинг Тошкент бўлими, Ўрта Осиё илмий жамияти, Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти тузилди, ноёб «Туркистон альбоми» яратилди. Рус ва ўзбек тилларида газ.лар («Туркестанские ведомости», «Туркистон вилоятининг газети» ва б.) ҳамда жур.лар чоп этилди. Маориф соҳасида баъзи ютуқларга эришилди. Туркистонда *жадидчилик* ҳаракати юзага келди. Бироқ бу соҳадаги ижобий ўзгаришлар ҳам Россия империяси манфаатларига бўйсундирилди. Мустамлакачи маъмурият ўз шовинистик сиёсатини изчил равишда амалга ошириб турган. Меҳнаткаш халқнинг турмуши эса тобора оғирлашиб бераверди.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги 19-а. сўнгги чораги ва 20-а. бошларида.

Бухоро амирлигининг катта қисми (тахм. 1/3 қисми) Россия империяси томонидан босиб олинган, у давлат мустақиллигини йўқотиб, Россия ҳомийлиги (протекторати) остидаги мамлакатга айланган. Мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳаётида мураккаб ўзгаришлар юз берди.

19-а. охирилари ва 20-а. бошларида Бухоро амирлиги маъмурий жиҳатдан 29

та вилоят (баъзи манбаларда 27 ёхуд 32 вилоят)га, вилоятлар амлоқларга, амлоқлар қишлоқларга бўлинган. Бу вилоятлар қуйидагилардан иборат: Бойсун, Балжувон, Бурдалиқ, Дарвоз, Денов, Зиёвуддин, Яккабоғ, Қабодиён, Қоратегин, Карки, Кармана, Қарши, Калиф, Китоб, Кўлоб, Қўрғонтепа, Нурота, Сарижўй, Усти, Хатирчи, Ҳисор, Ҳузур, Чаҳоржўй (Чоржўй), Чироқчи, Шаҳрисабз, Шеробод, Шугнон, Рошан, Ваҳон. Мазкур вилоятларни амир томонидан тайинланган беклар (улар вилоят ҳокимлари деб ҳам юритилган) бошқарган.

Амирлик ҳудудидида, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожиклар, туркманлар, қozoқлар ва Бухоро яҳудийлари яшашган.

Бухоро амирлигида рус маъмурияти катта имтиёзга эга бўлган. Хусусан, амирлик ҳудудидан т.й. ўтгач, т.й. атрофига кўплаб рус аҳолиси келтирилиб жойлаштирилган ва рус манзилгоҳлари қурилган. Янги Бухоро (ҳоз. Когон), Янги Термиз ва Янги Чоржўй ш.ларига асос солинган. 1883 й. Каттақўрғондан Бухорога телеграф сими ўтказилди, 1901 й. Амударё устига т.й. кўприги қурилган. Бухоро амирлигининг Афғонистон б-н бўлган чегарасини қўриқлашни ҳам рус аскарлари ўз қўлларига олди. 1894 й. Бухоро амирлиги б-н Хива хонлигидаги бож тизими Россия империясининг божхонаси ихтиёрига олинган, хонликлар хорижий давлатлар б-н мустақил савдо алоқалари олиб бориш имкониятидан маҳрум бўлди. 1901 й.да амир олтин ва қумуш тангалар зарб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган, амирлик Россияга молиявий жиҳатдан қарам бўла бошлади. Хуллас, Бухоро амирлигининг подшо Россиясига тобелиги Амир Абдулаҳад ва Амир Олимхон даврларида ортиб борди. Серунум ерлар рус маъмуриятига ижарага берилди. Бухоро амир-

Тошкент темир йўл вокзали биноси (тарихий сурат).





Жадидчилик ҳаракати намояндalari (чапдан ўнга): Беҳбудий, Мунавварқори, Фитрат, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадулла-хўжасев.

лигидан Россияга пахта, қорақўл тери, жун, пилла, қуруқ мева ва б. маҳсулотлар, заргарлик ва ёғоч ўймакорлиги буюмлари олиб кетилган.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши б-н амирлик аҳолисининг моддий аҳволи янада оғирлашди. Амирликда кутарилган ғалаёнлар подшо Россияси кўшинлари ёрдамида бостирилган. Россияда 1917 й. Февраль инқилобидан кейин амирлик ҳудудида Ёш бухороликлар ҳаракати кучайди.

Хива хонлиги мазкур даврда маъмурий жиҳатдан 20 та беклик ҳамда Бешариқ ва Қиёт-қўнғирот ноибликларига бўлинган. Бу беклик ва ноибликларни хон тайинлайдиган беклар ва ноиблар бошқарган. Мамлакат ҳукмдори хон ҳисобланган. Хондан кейин иноқ (Бош вазир) лавозими турган. Хонликдаги муҳим мансаблар сирасига меҳтар (давлат хазиначиси), ясовулбоши, қўшбеги ва б. кирган. Мамлакат пойтахти Хива ш. хон ва иноқнинг измида бўлган.

Хонликнинг ўтроқ деҳқончилик туманларида, асосан, ўзбеклар яшаб, улар аҳолининг 65% ни ташкил қилган. Шунингдек, туркманлар 27%, қорақалпоқлар 3,8%, қozoқлар 3,4% ни ташкил қилган.

Аҳоли, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган. Ердан фойдаланишнинг, асосан, 3 шакли: амлок ерлари (хонга тегишли), мулк ва вақф ерлари мавжуд бўлган.

Деҳқончилик ерлари қад. даврлардаёқ Амударёдан чиқарилган йирик ариқлар (ёплар) ва каналлар б-н суғорилган. Хоразм воҳасидаги сув тақсимоти асрлар давомида шакланган. Аҳолининг бир қисми балиқчилик б-н шуғулланган.

Хива хонлиги ҳам Россия ҳомийлиги (протекторати) остидаги мамлакатга айлангач, пахта экиш майдонлари тез кенгайди. Хонлик ҳудудида 19-а. охиридан бошлаб пахта тозалаш э-длари қурила бошланди. Пахтачиликнинг ривожланиши рус капиталининг хонликка қириб боришига кенг йўл очиб берган. Маҳаллий халқлардан ишчилар ва малакали мутахассислар етишиб чиқа бошлаган.

Хива хони Феруз (Муҳаммад Раҳимхон II) нинг қарийб 50 йиллик ҳукмронлиги даврида (1864–1910) хонликда маданий ҳаёт ривожланди, иқтисодиёт жонланди. Хусусан, бош вазир Исомхўжа бошчилигида хонликда турли ислоҳотларнинг ўтказилиши анча ижобий роль ўйнади.

Бу пайтда Ёш хиваликлар ҳаракати вужудга келди. Бироқ Асфандиёрхон даврида халққа нисбатан зулм кучайди, солиқлар кўпайтирилди. Хон зулми ва подшо Россияси мустамлакачилигига қарши кўтарилган Хива қўзғолони (1916 й.) натижасида Жунаидхон Хивани эгаллади, баъзи сарой амалдорларини жазолади. Бироқ рус қарбийларининг жазо отряди Жунаидхонни Хивадан сиқиб чиқарди. Қўзғолон қатнашчилари эса шафқатсиз равишда жазоланди.

Подшо Россияси мустамлакачилигига қарши ўлкада озодлик кураши. Жадидчилик ҳаракати. Ўрта Осиё хонликлари бўйсундирилгач, хонликлар ўртасидаги ўзаро урушлар барҳам топган. Бироқ бу даврда подшо Россияси мустамлакачиларига қарши туркистонликларнинг истиқлол учун кураши асло тўхтамади. У гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб 1917 й.гача лавом этиб турган.

Дарвишхон қўзғолони (1885–86), Тошкентдаги вабо қўзғолони (1892), Дукчи Эшон бошчилигидаги Андижон қўзғолони (1898), 1916 й.да кутарилган мардикорчиликка қарши Ўрта Осиё қўзғолони Туркистондаги подшо Россияси мустамлакачилик тузумини ларзага солди. Хусусан, 1916 й.да Туркистон генерал-губернаторлигининг барча йирик шаҳарлари: Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Марғилон, Қўқон, Хўжанд, Андижон, Наманганда қўзғолон кўтарган маҳаллий халқнинг шиддати мустамлакачи тузум раҳбарларини жиддий ташвишга солди. Ушбу қўзғолон ўта шафқатсизлик б-н бостирилса ҳам у подшо ҳукуматининг зулуғ давлатчилик ва шовинистик сиёсатида кучли зарба берди.

Бу кураш миллий зулмга, Туркистон ўлкасини Россиянинг хом ашё базасига айлантириш ва чоризм маъмуриятининг

руслаштириш сиёсатида қарши қаратилди. Ушбу қўзғолонда ўзбек халқини ташқари тожиқлар, қozoқлар, қирғизлар бир сафда туриб курашдилар.

19-а. охири ва 20-а. бошларида Туркистон минтақасида жадидчилик ҳаракати юзага келди. Бу ҳаракат Туркистон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳаракат сифатида тарих саҳифаларига ёзиб қўйилган. Бу даврда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Скобелев (ҳоз. Фарғона), Қўқон, Наманган, Хива ва б. шаҳарларда дастлабки жадид мактаблари (қ. *Янги усул мактаблари*) очилди. Жадид газлари ва «Ойна» жур. нашр қилинди. Ўзбек миллий театрига асос солинди. Беҳбудий, Мунавварқори, Фитрат, Усмон Хўжа, Айний, Абдулвоҳид Бурҳонов, Файзулла Хўжасев, Абдулқодир Муҳитдинов, Чўлпон, Ҳамза, Ибрат, Абдулла Авлоний, Убайдуллахўжа Асадуллахўжасев, Полвонийёз Юсупов кабилар бу ҳаракатнинг таниқли вакиллари эди.

Туркистон минтақасидаги жадидчилик ҳаракати тарқалиш жойи ва йўналишига кўра 3 га бўлинади: Туркистон, Бухоро ва Хива жадидчилиги. Туркистон ўлкаси (Тошкент, Самарқанд, Фарғона) жадидлари б-н Бухоро ва Хива жадидларининг (улар кейинчалик ўзларини Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар деб аташган) аввал конституцион монархия, сўнгра эса демократик республика тузиш учун интилишлари б-н фарқланади. Бухоро жадидларининг «Тарбия атфол» («Болалар тарбияси») махфий жамияти 1910 й. Ёш бухороликлар фирқасига айлантирилди.

Туркистон жадидлари, айниқса, биринчи жаҳон уруши даврида ўз фаолиятини кучайтирди. Бу даврда Андижонда «Тараққийпарварлар» фирқаси, Қўқонда «Ғайрат» жамияти ва Тошкентда «Турон» жамияти ташкил қилинган.

Туркистон тақдири ҳал қилинаётган ушбу назик фурсатда жадидчилик ҳара-

кати намояндлари ўлка туб халқлари манфаатларини изчиллик б-н ҳимоя қилиб, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашдилар. Россия империяси маъмурлари тараққийпарварларга қарши курашиш учун 1907 й. нояб.да рус махфий сиёсий полицияси — Туркистон р-н муҳофаза бўлимига асос солди. Бу ташкилотни руслар «охранка», ўзбеклар эса «сиёсий идора» деб аташган. Сиёсий идора ўз хуфиялари орқали 1917 й.гача жадидлар ва уламолар (ислом дини арбоблари) фаолиятини сертаклик б-н назорат қилган ва уларга қарши курашган. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач, большевиклар охраниканинг хуфияларидан ўз қабиҳ мақсадлари йўлида унумли фойдаланган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000; Жадидчилик: ислоҳот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т., 1999; Абдурахимова Н., Рустамова Г., Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX — I-четверти XX вв., Т., 1999; Чориев З., Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари. Т., 1999; Ражабов А. Қ., Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар. Т., 2000; Алимова Д., Джалидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. Т., 2000; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Т., 2000; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т., 2001; Аҳмаджонов Ф., Россия империяси Марказий Осиёда. Т., 2002; Абдурахимова Н., Эргашев Ф., Туркистонда чор мустамлака тизими. Т., 2002; Абдуллаев У., Фаргона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX—XX аср бошлари). Т., 2005.

Кахрамон Ражабов, Фахриддин Ҳасанов.

ЎЗБЕКИСТОН 1917–1924 ЙИЛЛАРДА: МУСТАБИД СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

1917 йил Россияда бўлган инқилобий ўзгаришларнинг Туркистон ўлкасига таъсири. 1917 й. 27 фев.да Россияда Февраль инқилоби ғалаба қозонди. Россия императори Николай II тахтдан воз кечди. 2 мартда кўп партияли Муваққат ҳукумат тузилди. Бироқ, орадан кўп ўтмай 1917 й. 25 окт. (7 нояб.)да Петроградда большевиклар ва б. айрим сўл сиёсий кучлар Муваққат ҳукуматни зўравонлик б-н ағдариб, Октябрь тўнтаришини амалга оширдилар. В.И.Ленин

(Ульянов) бошчилигида большевиклар ва сўл эсерлардан иборат дастлабки совет ҳукумати — РСФСР Халқ Комиссарлари Совети тузилди. Эсерлар ҳукумат таркибидан чиқиб кетди. Таъсис мажлиси (Учредительное собрание) тугатилди. Шундай қилиб, Россияда большевиклар ҳукмронлиги остидаги мустабид совет режими ўрнатилди.

1917 й.да Петроградда бўлиб ўтган воқеалар таъсири остида Туркистон ўлкасида мухторият учун кураш, демократик ҳукумат тузиш учун ҳаракат бошланиб кетди. Хусусан, Февраль инқилоби Туркистон мусулмон аҳолисининг сиёсий онгини уйғотишда, минтақадаги демократик ўзгаришларга бошчилик қилмоқчи бўлган янги кучларнинг сиёсат майдонига чиқишида муҳим аҳамият касб этди. Жадидлар минтақа туб халқларининг тараққиёти ва мустақиллиги тўғрисидаги ўз гояларини амалга ошириш учун фаол курашдилар. Бу даврда Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўлка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб қолди. Мухторият мақомига эришиш гояси нафақат тараққийпарварлар орасида, балки кенг аҳоли ўртасида ҳам анча оммалашган эди.

1917 й. март-апр. ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилиш даври бўлди. Жадидчилик бу пайтда маърифатпарварлик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига кўтарди. 1917 й.нинг ўзида бутун Туркистон мусулмонларининг 4 та қурултойи ўтказилди. 1917 й. 16–23 апр.да Тошкентда бўлган 1-қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон мухториятини ташкил этиш гояси олға сурилди. Бу гоя Туркистон халқларининг ўз миллий давлатчилигини тиклаш йўлидаги йирик қадами бўлди. 1-қурултойнинг сўнгги мажлисида Туркистон ўлка мусулмонлари шўроси (Краймуссовет) — Миллий марказ ташкил қилинди. Миллий марказга раис этиб Мустафо Чўқай, унга муовин қилиб Ислоҳ Султон Шоаҳмедов, котиблар қилиб Аҳмад Закий Валидий ва Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев (Убайдулла Ҳўжаев) сайланди. Мунавварқори ва Садриддинхон Шарифхўжаев бошчилигида Тошкент кўмитаси, Беҳбудий раҳбарлигида Самарқанд ва Носирхон Тўра етакчилигида Фарғона бўлимлари ҳам тузилди. Миллий марказнинг органи сифатида «Нажот» ва «Кенгаш» газ.лари чиқа бошлаган.

1917 й. 14 мартда Тошкентда «Шўрои исломия» жамияти тузилиб, унга дастлаб Абдулвоҳидқори Абдурауфқориев, кейинчалик Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев раис қилиб сайланган. Ташки-

лот фаолиятида Мунавварқори муҳим роль уйнаган. 1917 й. апр. ойидаёқ ташкилотнинг Самарқанд, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон, Скобелев (ҳоз. Фарғона), Марв, Туркистон, Перовск (ҳоз. Қизилўрда), Ўш ва б. шаҳарларда шўьбалари тузилган. Ташкилот «Шўрои ислом» номли газ. ҳам чиқарган. Бироқ бирлашиш жараёнлари бир текис ривожланмади. Аср бошидан буён давом этаётган янгилик ва эскилик тарафдорлари ўртасидаги низолар тараққийпарварлар сифида парчаланиш юз беришига олиб келди. 1917 й. июнда ташкилотдан бир гуруҳ уламолар ажралиб чиқиб, Қўқон ва Тошкентда янги жамият — «Шўрои уламо»га асос солдилар. Жамият «ал-Изоҳ» ва «ал-Ислоҳ» жур.ларини нашр этган.

1917 й. 12–14 июлда Скобелевда бўлиб ўтган мусулмон ташкилотларининг қурултойида дастурий масалалар ҳам кўриб чиқилиб, унда «Турк Адами Марказият (Федералистлар) фирқаси» тузилганлиги эълон қилинди ва фирқанинг Дастури(маромномаси) ва 22 моддadan иборат Низоми қабул қилинган. Дастур ва Низомда Россия таркибида мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда Туркистонда миллий-худудий мухторият принциплари негизида демократик республика тузиш гояси чуқур асосланган эди.

«Шўрои уламо» ташаббуси б-н Тошкентда Туркистон ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи (1917 й. 17–20 сент.) ўтказилиб, унда Шўрои исломчилар ва уламочилар ўртасидаги узоқ ва қизгин баҳсларга қарамай мурося ва келишув йўлини топишга муваффақ бўлинди. Қурултойда «Шўрои исломия», «Шўрои уламо», «Турон» ва б. сиёсий ташкилотлар бирлаштирилиб, «Иттифоқи мусулмонлар» деган сиёсий партия тузилган.

Сиёсий партиялар тузиб, уларнинг дастурий ҳужжатлар қабул қилиши Туркистондаги миллий ҳаракатнинг сиёсий жиҳатдан етукликка эришганидан далолат берарди. Бироқ Туркистон ўлкасида ҳокимият учун жадидлар ва уламолардан ташқари бошқа сиёсий кучлар ҳам кураш олиб бораётган эди.

Муваққат ҳукумат Туркистон ўлкасини бошқариш учун 1917 й. 7 апр.даёқ Туркистон кўмитаси (комитети)ни тузган эди. Н.Н.Шцепкин раҳбарлик қилган Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети дастлабки таркиби 9 кишидан иборат бўлиб, улардан 4 киши (А. Букейхонов, М.Тинишбоев, Садри Мақсудий, А.А.Давлетшин) туркий халқлар вакили эди. Бироқ, улар Туркистондаги маҳаллий шароитни яхши билмаган. Кейинча-

лик Туркистон қўмитаси раиси қилиб В.П.Наливкин тайинланган. Муваққат ҳукумат Туркистон генерал-губернаторлигини Туркистон қўмитасига алмаштириш б-н мустамлака ўлка бошқарувини моҳият эътиборини аввалгича қолдириб, унинг фақат ташқи номини ўзгартирган, холос. Россия Муваққат ҳукуматининг сўнгги бош вазири А. Ф. Керенский демократик қарашлари б-н машҳур бўлса ҳам у нафақат Туркистон мустақиллигига, ҳатто унга оддий миллий-ҳудудий мухторият берилишига қарши эди.

Туркистонда ҳокимиятни қўлга олиш учун интилган учинчи сиёсий куч — Ишчи ва солдат депутатлари советлари эди. 1917 й. баҳоридан бошлаб Туркистон ўлкасининг Тошкент, Самарқанд, Скобелев, Асхобод, Чимкент, Қўқон каби йирик шаҳарларида ана шундай советлар тузила бошлади. Советларда дастлаб эсерлар, кадетлар ва меньшевиклар партиялари аъзолари кўпчиликини ташкил қилган бўлса, кейинчалик сўл сиёсий экстремистик кучлар: большевиклар ва сўл эсерлар етакчи мавқега эгаллаш бошлади. Советлар инқилобий демократияни таъминлаш ва Муваққат ҳукуматнинг маҳаллий органлари устидан назорат олиб бориш ҳуқуқини даъво қиладиган қуроли ҳарбий отрядлар (улар кейинчалик қизил гвардиячилар дружиналари деб аталган) туза бошлади. Советларнинг бу бошқарува таркибига, асосан, европалик аҳоли вакиллари кирган. 1917 й. апр.-окт. ойларида Туркистон советларининг 2 та ўлка сьезди бўлиб ўтган.

Окт. тўнтариши ҳақидаги хабар 27 окт. да Тошкентга етиб келгач, большевиклар ва сўл эсерлар ҳокимиятни эъраваонлик йўли б-н эгаллаш учун кураш бошлади. Бу курашга большевиклар раҳбарлигидаги Тошкент совети бошчилик қилган. Тўрт кунлик жанглардан сўнг Тошкентнинг янги шаҳар қисмида совет ҳокимияти ўрнатилди (1917 й. 1 нояб.). Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитаси ағдариб ташланди. Бироқ қуроли тўқнашувда маҳаллий аҳоли деярли қатнашмади. 1917 й. 15—22 нояб. да Тошкентда бўлган Туркистон ишчи ва солдат депутатларининг 3-ўлка сьезида сўл эсерлар, большевиклар ва максималистлардан иборат Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети (раиси Ф. И. Колесов) тузилди. Ҳукумат таркибига 8 сўл эсер ва 7 большевик аъзо бўлди. Комиссарларнинг аксарияти малумотсиз кишилар эди. Бироқ, унга маҳаллий миллат вакилларида бирорта киши ҳам киритилмади. Большевиклар раҳбарлик қилган ўлкадаги дастлабки совет ҳукумати — Туркистон ўлкаси ХКС

ўзининг биринчи кунларидан бошлаб минтақадаги демократик ва миллий кучларга қарши аёвсиз курашга киришди.

Туркистон мухторияти — минтақадаги миллий демократик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси. Совет Россиясидаги марказий ҳокимият раҳбари В.И. Ленин томонидан қабул қилинган «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси» (1917 й. 2 нояб.), «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатнома (1917 й. 20 нояб.) каби расмий ҳужжатларда собиқ Россия империяси ҳудудидаги барча халқларга мустақиллик ваъда қилиниб, улар ўз давлатларини ўзлари эркин қуриши мумкин, деб айтилган эди. Ушбу сўзлар самимийлигига ишонган ва Туркистондаги большевикларнинг шовинистик сиёсатига жавобан Туркистон тараққий-парварлари амалий ишга ўтишга қарор қилдилар. 1917 й. 26—28 нояб. (9—11 дек.) да Қўқон ш.да Бутун Туркистон мусулмонларининг фавқулодда 4-қурултойи чақирилиб, унда Туркистоннинг барча вилоятлари ва Бухоро амирлигидан келган 250 делегат қатнашди.

Қурултой Туркистон ўлкасини келажакда тузилиши мўлжалланган Россия Федератив Республикаси таркибига ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди (қ. *Туркистон мухторияти*).

Қурултойда Туркистон Муваққат кенгаши аъзоларидан Туркистон мухторияти ҳукумати тузилди. Унга У. Асадулла-хўжаев, М. Тинишбоев, М. Чўқай, О. Маҳмудов ва б. кирган.

Туркистон мухторияти ҳукуматининг фаолияти халқ оммаси ва демократик жамоатчилик томонидан маъқулланди. Қўқондан ташқари Тошкент, Наманган, Самарқанд, Андижон ва б. шаҳарларда бўлган кўп минг кишилик намоёнларда мухторият ҳукуматининг фаолияти қўллаб-қувватланди. Хусусан, Тошкентда Мунавварқори бошчилигида ўтказилган намоёнларда 60 минг киши қатнашган.

Туркистон мухторияти ҳукумати мустақил ички ва ташқи сиёсат юритган, қўшни давлатлар б-н ҳамкорлик қилишга интилган. Қозғоғистонда фаолият кўрсатган Алаш Ҷўра мухтор ҳукумати (у 1917 й. 13 дек.да ташкил топган) б-н Туркистон мухторияти ўртасида алоқалар мавжуд бўлган.

Ўлка большевиклари Туркистон мухторияти ҳукуматини ўзлари учун хавфли куч сифатида қарашди. Туркистон ишчи ва солдат депутатлари Советларининг фавқулодда 4-ўлка сьези (1918 й. 19—26 янв.) Туркистон мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари деб эълон қилди.

1918 й. 30 янв.да Туркистон ўлкаси ХКС Туркистон мухторияти ҳукуматини туғатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. 1918 й. 14 фев.да (янги ҳисоб б-н) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилинди.

19 фев.га ўтар кечаси Тошкентдан Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги пйёда, отлик ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон қушин етиб келди. 19 фев.дан бошлаб уч кун мобайнида қизил гвардиячилар ва арман дашноқлари дружиналари Қўқонни вайрон қилди, ўн мингдан зиёд киши ўлдирилди. Хуллас, 19 фев.да Туркистон мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан эъраваонлик йўли б-н ағдариб ташланди. Қўқон атропофидаги 200 га яқин қишлоқлар ёндирилди ва таланди. 10 минглаб тинч аҳоли вакиллари отиб ташланди.

Қўқон фожеалари Туркистон ўлкасида катта акс-сало уйғотди. Минтақанинг туб халқларидан ташқари европалик демократик кучлар на сиёсий партиялар вакиллари ҳам большевикларнинг бу қирғинини кескин қоралаб чиқди. Туркистонликлар тинч йўл (парламент) б-н миллий давлатчиликни қайта тиклаш мумкин эмаслигини тушуниб, 1918 й. фев. ойининг охирида Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракатни бошлаб юбордилар.

Туркистон АССРнинг тузилиши ва фаолияти. Совет ҳокимияти томонидан Туркистонда юритилган сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари. Туркистонда большевиклар томонидан ўрнатилган совет режими чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатидан охиб тушди. Туркистон ўлкаси Россияга яна бир бор сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўла бошлади.

Большевиклар ва сўл эсерлар мусулмон аҳолининг улжани бошқаришга бўлган қонуний ҳуқуқини инкор қилиб, ҳокимият туғрисидаги масалани келишиб ҳал қилиш имкониятини йўққа чиқарди ва шу б-н Туркистон сиёсий ҳаётдан миллий ва демократик кучларнинг келгусида мухолифликка ўтишини олдиндан муқарар қилиб қўйди.

Марказдаги большевиклар ҳукумати чекка ўлкалар, шу жумладан, Туркистонда ҳам «советча асосдаги автономия» (шўро мухторияти) ўрнатишга қаттиқ киришди. Бу ишни бажариш учун Москвадан қўглаб партия ва совет ходимлари Туркистон ўлкасига юборилди. В.И.Лениннинг буйруғи б-н большевик П.А.Кобозев Ўрта Осиёнинг фавқулодда комиссари қилиб жўнатилди.

1918 й. 20 апр. — 1 майда Тошкентда Туркистон ишчи, солдат, крестьян,

мусулмон ва деҳқон депутатларининг 5-ўлка съезди бўлиб ўтди. Съезд делегатлари совет Россияси ҳукумати раҳбарлари В.И.Лениннинг кўрсатмаси асосида 30 апр.да «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақидаги Низом»ни қабул қилди. Ушбу Низом Туркистонда автоном республика тузилганини эълон қилди. Низомнинг дастлабки 2 моддаси қуйидагича кўринишда эди: «1. Туркистон ўлкасининг ҳудуди Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб эълон қилинади. Туркистон Республикасининг таркибига бутун Туркистон мамлакатининг Хива ва Бухородан ташқари, ҳоз. жуғрофий чегараси доирасидаги ҳамма ҳудуди киради. 2. Туркистон Совет Федератив Республикаси автоном тарзда бошқарилади. Россия Совет Федерацияси марказий ҳукуматини тан олади ва ўз фаолиятини у б-н мувофиқлаштиради».

5-ўлка съезди совет Туркистонининг қонун чиқарувчи олий органи – 36 кишидан иборат (18 тадан большевиклар ва сўл эсерлар кирган) – Туркистон Совет Республикаси Марказий Ижроия комитети (ТСР МИК)ни сайлади. Туркистон МИК раиси қилиб Марказдаги ҳукуматнинг фавқулодда комиссари П.А.Кобозев (ҳамраис қилиб А.Солькин) сайланган. Шунингдек, Туркистон Совет Республикаси Халқ Комиссарлари Совети (ТСР ХКС) таркибига 16 киши (9 та большевик ва 7 та сўл эсер) киритилди. Ф.Колесов Туркистон ХКС раиси қилиб сайланди. Биринчи марта маҳаллий миллат вакиллари 4 киши: С.Жўрабоев, С.Юсупов, Ш.Остонбоев, С.А.Азимбоев Туркистон МИК аъзолигига сайланди. Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев (ТСР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари), Тошхўжа Ашурхўжаев (ТСР Миллатлар ишлари халқ комиссари) – туб халқларнинг дастлабки вакиллари сифатида совет ҳукумати таркибига киритилди. Шунингдек, татарлардан Исмоил Обидий ТСР Ички ишлар халқ комиссари ва Ҳ. Иброҳимов адлия халқ комиссари қилиб сайланди.

Туркистон Республикаси Советларининг фавқулодда 5-съезди (1918 й. 5–14 окт.)да РСФСР Конституцияси андозасидаги ТСР Конституцияси қабул қилинди. Туркистон Советларининг 9-съезди (1920 й. 19–25 сент.) да ТСРнинг номи Туркистон Совет Социалистик Республикаси (ТССР) деб ўзгартирилди.

1918 й. 17–25 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон большевикларининг ўлка конференцияси Туркистон большевиклар (коммунистлар) партиясининг I-съезди деб номланди. Ўлкадаги ком-

мунистик гуруҳлар ушбу съездда илк марта ташкилий жиҳатдан расмийлашиб, Туркистон Коммунистик партияси – ТКП га [РКП(б) таркибида] асос солинди. Съездда И.Тоболон раислигида 7 кишидан иборат Марказий Комитет сайланди. ТКП МК таркибига маҳаллий коммунистлардан Низомиддин Хўжаев ҳам киритилди. Республика сиёсий ҳаётида Туркистон Коммунистик партияси етакчилик мавқеини эгаллади.

1918 й.нинг 2-ярмида Туркистондаги совет ҳокимияти, аслини айтганда, қил устида туриб қолди. Фарғона водийсида бошланган истиқлолчилик ҳаракати бутун Туркистон Совет Республикаси ҳудудини қамраб олган эди. Лекин большевиклар ташвиқоти рўй бераётган ҳодисаларнинг асл моҳиятини ўлка аҳолисига бузиб кўрсатарди. Оқибатда маҳаллий аҳолининг бир қисми совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун бўлаётган курашга тортилди.

1918 й. 5–14 окт.да бўлган Туркистон Республикаси Советларининг фавқулодда 6-съездида янги тартибдаги Туркистон МИК (раиси В.Вотинцев) ва Туркистон ХКС (раиси В.Фигельский) сайланди. Туркистонда ҳукумат илк бор нуқул коммунистлардан тузилди. Бу ҳолат Туркистон Республикасидаги сиёсий вазиятни кескинлаштириб юборди. Чунки бу пайтда ўлкадаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ўта қалтис эди.

Туркистон Компартияси мавқеининг нисбатан пасайиши ва совет ҳокимияти кучларининг беқарорлигилан ҳукуматга қаршли ҳарбий кучлар фойдаланишга уринди. ТСР ҳарбий комиссари К.Осипов ва унинг ғоявий тарафдорлари ўзларига содиқ ҳарбий қисмларга таяниб, Туркистонда тўнтариш уюштириб, ҳарбий диктатура ўрнатишга ҳаркат қилди.

Осипов исёни (1919 й. 18–21 янв.) натижасида ТСР МИК раиси В.Вотинцев, ТСР ХКС раиси В. Фигельский бошчилигидаги 14 та комиссар отиб ташланди. Уларнинг орасида бирорта ҳам маҳаллий миллат вакили йўқ эди. Исёни маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватламади. Исён т. й. ишчилари ва б. кучлар томонидан зудлик б-н бостирилган. Совет режими исённи бостириш баҳонасида совет тузумидан норози бўлган кўплаб кишиларни террор ва қатағон қилган. Партия ва совет идораларида турли тозалашлар ўтказилган.

1919 й. март ойида Туркистон Коммунистик партияси (ТКП)нинг 2-конференциясида РКП(б) ўлка мусулмонлар бюроси (Мусбюро) ташкил қилинди.

Мусулмонлар бюроси таркибига Т. Рискулов (раис), Н. Хўжаев, А.Мухитдинов, Й. Иброҳимов, Ю.Алиев киритилди. Мусулмонлар бюроси совет режимининг мустамлакачилик сиёсатини танқид қилди. Мусулмонлар бюроси 1920 й. янв. ойининг охиригача фаолият кўрсатган.

Туркистон Республикасининг Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидаги 3 млн. аҳолининг аксарият қисми деҳқонлар эди. Дастлабки йилларда Совет ҳокимиятининг бошқаруви ўлканинг чекка жойларига етиб бормади. Асосан, шаҳарлар ва шаҳар атрофидаги аҳоли сиёсий воқеалар гирдобига тортилган. Сиёсий зиддиятлар кескинлашган ва ҳарбий ҳаракатлар кучайган жойларда, жумладан, Фарғона вилоятида ҳокимиятни фавқулодда органлар – Инқилобий кўмиталар (ревкомлар) ҳарбий шароит қондалари бўйича бошқарди.

1917 й. охирида Туркистон ўлкасида жами 330 дан ортиқ саноат корхонаси, банклар, т. й. транспорти, босмахоналар умумхалқ мулки деб эълон қилинган. Тадбиркорлик б-н шуғулланиб келган жамиятлар тарқатиб юборилган. Бозор муносабатлари рад қилинди. 1918 й. янв.дан Туркистонда галла савдоси тақиқланди. Хусусий мулк эгалари текинхўрлар деб эълон қилиниб, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этилди. ТСР ҳўжалигини бошқариш учун 1918 й. апр.да Тошкент Совети ҳузурида Туркистонда дастлабки халқ ҳўжалиги кенгаши тузилган. У дастлаб ижтимоий фаолият б-н, яъни чайқовчилик ва очарчиликка қарши кураш б-н шуғулланди, эски армиянинг мол-мулкларини ҳисоблаш б-н машғул бўлди. 1919 й. 4 июнда Туркистонда озик-овқат диктатураси жорий қилинди. Озик-овқат тақчил бўлиб турган бир пайтда қизил армия қисмлари маҳаллий захиралардан тазминланди. Туб ерли аҳоли, деҳқонлар ва ҳўнармандлар Совет ҳокимияти Туркистон ўлкасида олиб бораётган сиёсат – экспроприация (мол-мулкни тортиб олиш) ва мусодара қилишини қоралаб, турли норозиликлар билдирди. Совет ҳокимиятининг сиёсатидан норози бундай кучлар мунтазам равишда қизил армияга қарши курашаётган истиқлолчилик ҳаракати сафларини тўлдириб турди.

Айни вақтда туб халқларнинг айрим вакиллари совет ҳокимияти ва большевиклар б-н ҳамкорлик қилган ҳўллар ҳам йўқ эмасди. Булар рус-тузем мактабларида ўқиган хизматчилар, айрим жадидлар, муайян муддат Россияда яшаб қайтган ва умуман совет ҳокимияти шiorларига ишониб, уларни амалга оширишга астойдил бел боғлаган кишилар эди.

Улар турли даражадаги бошқарув идораларида, хусусан, халқ маорифи ва матбуотда фаолият кўрсатди. Туркистон Республикасининг марказий ҳокимият органларига ҳам туб халқларнинг вакиллари жалб қилинди. 1918—19 й.ларда уларни большевиклар партиясига қабул қилиш бошланди. Мусулмон партия ташкилотлари тузилди. Косибларнинг дастлабки уюшмалари фаолият кўрсата бошлади. Бу пайтда Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятларида қарийб 13 минг катта-кичик саноат корхоналари бўлиб, уларда 60 минг 500 ишчи ишлаган. Дўкондорлар сони 16 минг кишини ташкил этган.

Туркистон ўт-олов ичида ёнаётган бир пайтда — 1919 й. 8 окт.да В.И.Ленин Бутун Россия МИК ва РСФСР ХКС нинг Туркистон ишлари бўйича комиссия (Турккомиссия)ни Ш.З.Элиава (раис), В.В.Куйбишев (раис муовини), М.В.Фрунзе, Г.И.Бокий, Ф.И.Голощечкин, Я.Э.Рудзутакдан иборат тартибда тузиш тўғрисидаги қарорни имзолади. Турккомиссиянинг асосий таркиби 1919 й. 4 нояб.да Тошкентга етиб келди. Туркистон комиссияси амалда минтақадаги барча партия, совет, хўжалик ва ҳарбий ташкилотларга раҳбарлик қилиб, марказдаги большевиклик сиёсатини қатъий равишда амалга оширишга киришди. Турккомиссия ўлка тарихида ўта машғум роль ўйнади.

Туркистонда совет ҳокимияти қурила бориши б-н ижтимоий муносабатдаги зиддиятлар кучайди. Туркистон Республикаси «халқ» комиссарликларида кучли бюрократия авж олиб кетди.

Туркистондаги маҳаллий коммунистларнинг етакчилари инқироз ва тангликдан қутулиш учун ўлканинг мустақил ҳаёт йўлига чиқиши дастурини илгари сурдилар. 1920 й. январда Туркистон МИК раиси, ўлка Мусулмонлар бюроси раиси Т.Рисқулов Туркистон Совет Республикаси номини ўзгартириб, уни Турк Республикаси деб аташ, ягона коммунистик партия — «Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси» (қисқача Турк партияси) тузиш таклифи б-н чиқди.

Т.Рисқулов бу б-н чекланмасдан Туркистон Республикаси Конституциясини қайта кўриб чиқиш, мусулмонларнинг алоҳида армиясини тузиш ва қизил армиянинг мусулмон бўлмаган барча қисмларини Туркистондан олиб чиқиб кетиш, ҳатто Турккомиссияни тугатиш масалаларини ҳам кун тартибига кескин равишда қўйган эди. Т.Рисқуловнинг Туркистонни мустақиллик томон олиб борувчи ушбу фикрларига М.В. Фрунзе ва В.И.

Ленин кескин қарши чиқишгач, булар амалга ошмади. 1920 й. ёзида Т.Рисқулов ўз вазифасидан озод қилиниб, Москвага ишга қақриб олинди. Бироқ туб халқларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, Туркистон мустақиллиги учун ошқора ва пинҳона ҳаракатлар муттасил давом этверди.

Совет режими 1920 й. Туркистон ўлкасини советлаштириш жараёнидаги янги босқични бошлади. 1920 й. фев.да Хива хонлиги, 1920 й. сент.да Бухоро амирлиги қизил армиянинг ҳарбий қисмлари томонидан ағдариб ташланди. 1920 й. июлда РКП(б)МК Туркистон бюроси (Туркбюро) тузилиб, Туркистонга жўнатилди. Туркбюро Марказнинг гоаявий-сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида партия сафларини мунтазам равишда «ёт унсурлар»дан тозалаш турди. Бу вазифани амалга ошириш учун Марказ Туркистон минтақасига доимий равишда «тажрибали партия ва совет ходимлари»ни, яъни ўз вакилларини жўнатиб турди. Кейинчалик РКП(б) МК Туркистон бюроси РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро)га айлантирилди (Ўрта Осиё бюроси 1922—34 й.ларда фаолият кўрсатган).

Туркистондаги маҳаллий раҳбар ходимларининг қатъий талаби б-н 1922 й. май ойида Туркистон комиссиясининг фаолияти тугатилса ҳам, 1923 й. март ойида Туркистон, Бухоро ва Хоразм иқтисодий кенгашлари бирлаштирилиб, ташкил қилинган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО) Марказнинг бутун Ўрта Осиё республикаларидаги кенг ваколатли органи сифатида иқтисодий сиёсатни назорат қилиб турган.

ТССР Советларининг 10-сессия (1921 й. 21—25 авг.)да янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтиш расмийлаштирилди. Озиқ-овқат тақсимооти (продразвёрстка) ўрнига озиқ-овқат солиғи (продналог) жорий қилинди. НЭПнинг асоси иқтисодиёт, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ҳарбий коммунизм даврига хос усулларидан воз кечиш, ишлаб чиқарувчига, аввало деҳқонга бир қалар эркиндик беришдан иборат эди. Марказ пахтачилик, ипакчилик каби муҳим хом ашё етказиб берувчи соҳалар, шунингдек, йирик корхоналарни давлат тасарруфида қолдирди. Хусусий капитал б-н акционерлик жамиятлари тузишга, ишчи кучини ёллашга рұхсат берилди. Лекин шундай бўлишига қарамасдан Туркистон саноатида давлат секторининг улуши бу пайтда 93,1 % ни ташкил қиларди. 1921 й.дан озиқ-овқат солиғи жорий қилиниб, етиштирилган ҳосилнинг катта қисми совет органла-

рига мажбурий топширилган. Хунармандлар, савдогарлар ва тadbиркорлардан ҳам катта миқдорда солиқ олинган. 1921—22 й.ларда Ўрта Осиёда ер-сув илоҳотининг 1-босқичи бошланиб, ТССРда катта ер эгаллиги тугатилиб, мусолара қилинган ерлар ерсиз ва кам ерли деҳқонлар уртасида тақсимланди.

ТССРнинг иқтисодиётига ҳарбий ҳаракатлар катта зарар етказган. Қ.х. издан чиқиб, оғир аҳволга тушиб қолган. Экин майдонлари қисқарган, чорва молларининг сони камайган. Туркистонда 1917 й. қишида бошланган очарчилик большевикча режимнинг қаттол сиёсати натижасида тобора кучайиб борган. 1918 й. 20 нояб.да Туркистон Республикасида очарчиликка қарши кураш Марказий комиссияси (комиссия раиси Т.Рисқулов) тузилган. Бироқ комиссия ихтиёрига совет ҳукумати тегишли миқдорда маблағ ажратмаган. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, Фарғона водийсида 1917—23 й.ларда очарчилик натижасида 1 млн. киши, Самарқанд вилоятида 200 минг киши ўлиб кетган.

Бироқ даҳшатли очарчилик ва оғир иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган Туркистон ўлкасидан Марказга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш тобора кучайди. 1920 й.да ташиб кетилаётган нон маҳсулотлари ва б. озиқ-овқат турларининг миқдори бир неча марта кўпайган. 1921—22 й.ларда Туркистондан Россияга 4,4 млн. пуд ғалла жўнатилган. Ўша пайтда дон етиштиришга ихтисослашмаган Туркистон қ.х. учун бу катта миқдордаги ҳосил ҳисобланади. Халқ очликдан қирилаётган бир маҳалда Туркистондаги айрим озиқ-овқат захиралари большевиклар томонидан фронтда ҳарбий мақсадлар учун фойдаланилган.

ТССРдаги озиқ-овқат тўловчи отрядлар фақат 1920—21 хўжалик йилида маҳаллий аҳоли қулидан 9.708.703 пуд ғалла, 6.358.144 пуд ем-хашак, 1.606.210 пуд гўшт ва б. маҳсулотларни тортиб олган ва уларни Россияга жўнатган. Бундан ташқари РСФСРнинг марказий худудларидан бошпанасиз ва оч қолган юз минглаб кишилар Тошкент ва б. шаҳарларга келиб жойлашган. Мас., фақат 1921 й. Самара ва Волга бўйидан 160 минг очлар Туркистон ўлкасига келган. Бу ҳолат Туркистон минтақасидаги иқтисодий ва демографик аҳволни янада мушкуллаштирган, ўзбек халқи менталитетига салбий таъсир кўрсатган.

1922 й. охири — 1923 й. бошларидан бошлаб ТССР иқтисодиётида сезиларли жонланиш кўзга ташланган. Туркистон қ.х.ни тиклаш ва ривожлантириш-

да кооперация (матлубот ва қ.х. кооперативлари) муҳим роль ўйнаган. ТССРда 1923–24 ҳўжалик йилида йирик ва ўрта саноат маҳсулотлари и.ч. 1921 й.дагига нисбатан 1,7 марта кўпайди. Янги иқтисодий сиёсат даврида эркин савдо ривожланди ва у иқтисодиётнинг таъсирчан механизмига айланди. Эркин савдонинг соғломлашувига 1922–24 й.ларда ўтказилган пул ислоҳоти маълум даражада ёрдам берди. 1923 й. 13 июнда озиқ-овқат солиги ягона қ.х. солиги б-н алмаширилди. Бозорнинг эркин фаолият кўрсатишига рухсат берилди. Бозорлар ва ярмаркалар очилиши муносабати б-н банклар тармоғи, кредит ва суғурта хизматлари ташкил қилинди.

Бухоро амирлигига қизил армия босқини ва Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР). 1917 й. 7 апр.да Бухоро амири Саид Олимхон мамлакатда ислоҳотлар ўтказиш туғрисида фармон чиқарди. Бироқ бу фармонни қўллаб-қувватлаш учун намойишга чиққан Ёш бухороликлар ва б. тараққийпарвар кучлар амир ҳокимияти томонидан шафқатсиз равишда бостирилди (қ. *Бухорода 1917 йил Апрель намойиши*).

Октябрь тўнтаришидан кейин совет Россияси б-н Бухоро уртасида муносабатлар ёмонлашди. Хусусан, *Колесов воқеаси* (1918 й. мартдан кейин бу муносабатлар ута кескинлашди. Ф.Колесовнинг Бухорога қарши ҳарбий хуружи барбод бўлса ҳам, Бухородаги сиёсий тузумни ўзгартириш учун ҳаракатлар тўхтамади. Туркистон Республикаси большевиклари Марказий Россия ҳукуматига таянган ҳолда Бухоро амирлигига нисбатан ғанимлик сиёсатини олиб борди.

1917–20 й.ларда амирлик ичидаги сиёсий аҳвол ҳам кескинлашди. Ёш бухоролик жадидларнинг амир ва амирлик тузумига қарши ташвиқотлари кучайди. Ички ва ташқи муҳолиф кучлар амир ҳокимиятини ағдариш учун биргаликда тайёргарлик кура бошлади. Амир Саид Олимхон катта миқдордаги замонавий қуролланган мунтазам қўшинни тузишга интилди. Шунингдек, у амирлик ҳудудидаги 3 минг кишини жадидчиликда ноҳақ айблаб, уларни қатл қилди ва мол-мулкни мусодара эттирди. Файзулла Хўжаев ва Фитрат бошчилигидаги Ёш бухороликлар амирлик ҳудудидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Тошкентда 1918 й. апр.-май ойларида Усмон Хўжа бошчилигида Ёш бухороликларнинг сул эсерлар гуруҳи тузилган. Самарқанддаги шундай гуруҳга Отаулда Хўжаев (Усмон Хўжанинг укаси) бошчилик қилган. Ёш бухороликларнинг

бошқа қисми 1918 й. сент.да Тошкентда Бухоро Коммунистик партиясига асос солишди. Файзулла Хўжаев эса Туркистон Республикасининг РСФСР ҳукумати ҳузурдаги мухтор ваколатхонасида Москвада 1918 й. окт.да Ёш бухороликлар партиясининг бўлимини ташкил қилган. 1920 й. янв.да Тошкентда Ф.Хўжаев бошчилигида Ёш бухороликлар партиясининг Туркистон Марказий бюроси ташкил этилган. Ушбу ташкилотлар совет Россиясининг ҳарбий кучларига таянган ҳолда Бухорода амирлик тузумини ағдариш учун курашга жиддий киришди. Большевиклар ҳам стратегик мақсадларни кўзлаган ҳолда Ёш бухороликлардан амирлик ҳокимиятини ағдаришда фойдаланди.

1920 й. ёзда Бухоро амирлигида сиёсий вазият жуда ҳам кескинлашди. 25 авг.да Туркистон fronti қўмондони М.В.Фрунзе қизил армия қўшинларига «кўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш туғрисида» буйруқ берди. Жанг ҳаракатларига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун Янги Бухоро (ҳоз.Когон) ш.га Туркистон комиссияси ва Туркистон бюросининг янги аъзоси Г.Сафаров жўнатилди. 29 авг.га утар кечаси фаол жанг ҳаракатлари бошланди. Ҳал қилувчи жанглар Бухоро дарвозалари яқинида рўй берди.

1920 й. 2 сент.да Туркистон fronti қўшинлари қаттиқ жанглардан кейин Бухоро ш.ни эгаллади. Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташланди (қ. *Бухоро босқини*). 14 сент.да бўлган йиғилишда Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси (раиси Абдулқодир Муҳитдинов) ва БХСР Халқ Нозирлар Шўроси (раиси Файзулла Хўжаев) тузилди. Бутун Бухоро инқилобий кўмитаси (Марказий Ревком) таркибига А.Муҳитдинов, А.Абдуасандов, А.Орипов, М.Бурҳонов, С.Юсупов, М.Аминов, О.Оқчурун, Ҳ.Иброҳимов, Ф.Хўжаев ва М.Кулмуҳаммедов кирган. 1920 й. 6–8-окт.да бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг I-курултойида *Бухоро Халқ Совет Республикаси* (БХСР) ташкил қилинди. Курултойда 11 кишидан иборат Республика ҳукумати – БХСР Халқ Нозирлар Шўроси тузилган.

БХСР б-н Афғонистон, РСФСР, Туркистон АССР, ХХСР, Озарбайжон, Эрон, Туркия, Германия, Япония ва б. давлатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. 1921 й. 4 мартда БХСР б-н РСФСР ўртасида Иттифоқ шартномаси, 1922 й. 9 авг.да иқтисодий битим, 1923 й. 31 майда бошхона битими каби шартномалар имзоланган. 1921 й. 18–23 сент.да бўлган Бутун Бухоро халқ вакилларининг II курултойида демократик

руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинган. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли б-н мустақкамлаган. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча вакиллари иштироки таъминланиши ёзиб қўйилган. Хусусий ва савдо-сотик эркинликлари унда ўз ифодасини топган.

БХСР Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқлар берди, миллий тенгсизликни йўқотди. БХСР ҳудудида Туркман вилояти ташкил қилиниб, унга миллий мухторият ҳуқуқи берилди. Тожик ва туркман халқлари учун уларнинг она тилида мактаблар ва б. малавий-маърифий муассасалар очилди.

Бухорода амирлик ҳокимияти ағдалишининг дастлабки ҳафталарида мамлакатнинг гарбий, марказий ва шарқий қисмларида большевиклар зулмига ва қизил армияга қарши бошланган қуролли ҳаракати 1923 й.да ҳам давом этаётган эди. Ҳаракат қатнашчилари БХСР ҳудудидан қизил армияни олиб чиқиб кетиш, туб халқлар ва мусулмонларга қарши таҳқирлаш сиёсатини тўхтатишни талаб қилди.

1924 й. 18–20 сент.да бўлиб ўтган Бутун Бухоро халқ вакилларининг 5-курултойида БХСРни Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантириш туғрисида қарор қабул қилди. БССРнинг тузилиши юқоридан туриб сунъий тарзда амалга оширилган ҳодиса эди. Натижада тараққийнинг демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йўналиш танланди.

Хива хонлигининг тугатилиши ва Хоразмда республика тузумининг ўрнатилиши. 1917 й. 5 апр.да Хива хони Ёш хиваликлар тақдим этган манифести имзолашга мажбур бўлди. Бу манифестда хон ҳокимияти чекланган эди. Хонликда ислоҳотлар амалга оширилишини назорат қилиш учун 30 вакилдан иборат Идораи машрутия ташкил топди. 8 апр.да мамлакатни бошқариш учун Хивада хон ҳузурда Мажлис (раиси Бообоохун Салимов) ва Нозирлар кенгаши (Бош вазир Хусайнбек девонбеги Матмуродов) тузилди. Лекин бу узоққа чўзилмади. 1917 й. июнь ойида Ёш хиваликлар мағлубиятга учради, нояб. охирида эса Хива хони Асфандиёрхон рус казаклари ёрдамида Мажлисни бутунлай тугатди. Ёш хиваликлар хонлик ҳудудидан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. 1918 й. бошларида Тошкентда Полвонниёз ҳожи Юсупов бошчилигида Ёш хиваликлар кўмитаси тузилган. Ёш хи-

валиклар тактик мақсадларни кўзлаб, большевиклар б-н яқинлашди.

Бу пайтда совет Россияси ва унинг ҳарбий кучлари ҳисобланган қизил армия Хоразмга таҳдид солиб турган. 1918 й.дан бошлаб хонликни хон номидан амалда бошқарган Жунаидхон мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш чораларини курган. Тахта шартномаси (1919 й. апр.)га кура, Хива хонлиги мустақиллиги ва дахлсизлигини РСФСР ҳукумати тан олган. Бироқ хонликнинг ички ишларига аралашмаслик мажбуриятини олган совет Россияси ва Туркистоннинг большевик раҳбарлари Хива хонлигидаги барча муҳолиф кучларни ўз мақсадлари учун бирлаштиришга ҳаракат қилган. Жунаидхонга рақиб бўлган туркман уруғлари бошлиқлари Қўшмамедхон ва Фуломалихон ҳам бу фитнага раббатлан-тирилган.

Қизил армиянинг катта кучлари 1919 й. дек.нинг охирида Н. Шайдаков ва Н.Шчербаков қўмондонлигида Хива хонлигининг шим. ва жан. чегараларидан ҳужум қилиб, 1920 й. бошларида шаҳар ва қишлоқларни босиб олган. Жунаидхон жанглар б-н Қорақум чўлига чекингач, 1920 й. 1 фев.да хонлик пойтахти Хива ишғол қилинган. Хиванинг сўнги хони Саид Абдуллахон тахтдан воз кечган. Ҳокимият Муваққат инқилобий кўмита (раис Мулла Жуманиёз Султонмуродов) томонидан икки ой давомида бошқарилган. 1920 й. 26—30 апр.да Бутун Хоразм халқ вакилларининг 1-қурултойида *Хоразм Халқ Совет Республикаси* (ХХСР) ташкил топган. Қурултойда 15 кишидан иборат республикалик ҳукумати — ХХСР Халқ Нозирлар Шўроси тузилган. Улар Хоразмда ағдариб ташланган хонлик ҳукумати ўрнига демократик республика қуриш учун интилишган.

1-қурултойда Ёш хиваликлар дастури асосида қабул қилинган ХХСР Муваққат Конституциясида илк марта кенг халқ оммаси сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритган. Мамлакатда демократик эркинликлар жорий қилинган.

Совет давлатининг турли иғвогарлик ва ҳарбий хуружларига қарамай Ёш хиваликлар ҳукумати бир йилча фаолият кўрсатди. 1921 й. 6 мартда қизил аскарлар Хивада 2 марта давлат тўнтариши ясаб, Ёш хиваликлар ҳукуматини ағдариб ташлади. Большевиклар халқ нозирларини қамоққа олиб, кўпчилигини отиб ташлади. Умуман олганда, ХХСР мавжуд бўлган қарийб 5 йил давомида большевиклар томонидан ХХСР МИК раислари ва ҳукумат бошлиқлари бир неча мартадан ўзгарти-

рилди. Хоразмда утказилган бундай давлат тўнтаришлари оқибатида ўзбек халқининг кўплаб асл фарзандлари қатагон қилинди.

ХХСРнинг ёш ҳукумати БХСР, Туркистон АССР, РСФСР давлатларидан ташқари Финляндия, Швеция, Германия, Туркия, Афғонистон, Эрон каби хорижий давлатлар б-н ҳам мустақил равишда савдо-сотик, иқтисодий алоқаларни олиб боришга ҳаракат қилган. Хусусан, Финляндия б-н савдо-сотик алоқалари самарали бўлган.

1923 й. 17—20 окт.да бўлган Бутун Хоразм Халқ вакилларининг 4- қурултойи ХХСРни Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР)га айлантириш туррисида қарор қабул қилган. Шунингдек, қурултойда ХССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган. Афсуски, бу Конституция мамлакатни социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун йўли б-н мустаҳкамлади. Унга мувофиқ, ернинг хусусий мулк эканлиги бекор қилинди, вақф мулклари бутунлай тугатилди. Қозихона фаолияти тақиқланиб, совет суллари ташкил қилинди. Шу тарзда 1923 й. окт.дан бошлаб Хоразмдаги демократик ўзгаришларга чек қўйилди. Хоразмни советлаштириш жараёни ўзининг янги босқичига кўтарилди.

Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракат Хоразм воҳасига ҳам кенг тарқалган эди. ХССРнинг марказий ва жан. қисмларида кўплаб сардорлар ва қурбошиларнинг ҳаракатлари янада авж олиб кетди. Хусусан, 1923 й. охири — 1924 й. бошларида Хоразмда катта қўзғолон кўтарилди. Жунаидхон ҳам ҳарбий ҳаракатларни фаоллаштириб, пойтахт Хива ш.ни қамал қилди. Қизил армия қўмондонлиги зудлик б-н Хоразм воҳасига ҳарбий қисмлар ташлагач, 1924 й. фев. ойининг бошларида қўзғолончилар чўл ичкарасига чекиндилар.

Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракат. 1918 й. фев. ойининг охирида Қўқонда фаолият кўрсатаётган Туркистон мухторияти ҳукумати қизил гвардиячи отрядлар томонидан зуравонлик б-н йўқ қилинган, минтақада совет режимига қарши қуроли ҳаракат юзага келди. Ҳаракат аввал Фарғона водийсида, сўнгра Самарқанд ва б. вилоятларда бошланди. Бу ҳаракатга совет даврида нотўғри равишда «*босмачилик*» деб тамаға босилган эди. Совет Россияси раҳбарияти Марказдан мунтазам равишда қизил армиянинг янги ҳарбий кучларини Туркистон устига ташлаб, минтақадаги қуроли муҳолифат ҳаракатини қурол кучи б-н тугатишга интилди.

Туркистондаги қуроли кураш ўз ҳудудий доирасига кўра 3 га бўлинади: Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР ҳудудлари. У кейинчалик Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон АССР, Қирғизистон АССР, Қозоғистон АССР-да ҳам давом этди. Қуроли ҳаракат ўз ривожланиш жараёнига кўра 2 катта даврни босиб ўтди: 1918—24 ва 1925—35 й.лар. Ҳар бир давр ҳаракат қатнашчиларининг миқдори, қурбошилар, кураш тактикаси ва жанглар амалиётига кўра, шунингдек, алоҳида хусусиятлари б-н бир-бирдан ўзаро фарқланувчи мустақил бир неча босқичларга ҳам бўлинади.

Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуроли ҳаракатнинг 1-даври қўидаги 4 босқичга бўлинади: 1918 й. фев.—1918 й. кузи; 1918 й. кеч кузи — 1920 й. эрта баҳори; 1920 й. баҳори — 1922 й. охири; 1923—24 й.лар.

1-босқичда совет режимига қарши қуроли ҳаракат дастлаб Фарғона водийсида бошланди ва у қисқа муддат ичида ташкилий ва ҳарбий жиҳатдан шаклланди. Ҳаракатнинг вужудга келишида Кичик Эргаш (тахм. 1885—1918) ва Катта Эргаш (тахм. 1882—1921) қурбошиларнинг катта ташкилотчилик қобилияти муҳим роль уйнаган бўлса, унинг кейинги тараққиёти ва ривожланишида Мадаминбекнинг хизматлари кўп бўлди.

2-босқичда қуроли муҳолифат ҳаракати шиддат б-н ривожланди. Бу даврда кураш кўлами аллақачон Фарғона водийси ҳудудидан чиқиб, асосан, Самарқанд вилояти, қисман Сирдарё ва Амударё вилоятларини ҳам қамраб олган эди. Бу босқичда Фарғона водийсида Совет ҳокимияти, асосан, тугатилди. У фақат йирик шаҳарларнинг бир қисми ва т. й. бекатларида сақланиб қолди. Мадаминбек бошчилигида 1919 й. 22 окт.да ташкил топган Муваққат Фарғона ҳукуматининг фаолияти бу ҳаракат тарихида муҳим роль ўйнайди.

Совет режимига қарши қуроли ҳаракатнинг 3-босқичи энг шиддатли ва кескин босқич бўлиб, у бутун минтақани ўзига қамраб олди ва узоқ давом этди. Шермуҳаммадбек, Муҳиддинбек (Фарғона водийси), Очилбек, Баҳромбек (Самарқанд), Жунаидхон (Хоразм), Иброҳимбек, Давлатмандбек, Мулла Абдулқаҳҳор етакчилиги қилган бу босқичда муҳолифат Бухоро Республикаси ва Фарғона водийсида катта галабаларни қўлга киритди. Аҳмад Закий Валидий бошчилигида тузилган «Туркистон миллий бирлиги» ташкилоти, Иброҳимбек, Жунаидхон ва б. қуроли муҳолифат ҳаракатини ягона қўмондонликка бирлаштириш учун қилган саъй-ҳаракатла-

ри, улар ташкил қилган ҳукуматлар ўзининг муайян самарасини кўрсатди.

4-босқичга келиб, Туркистон минтақасидаги ҳарбий ва сиёсий вазият кучлар нисбатини большевиклар фойдасига ўзгартириб юборди. Совет Россияси марказидан мунтазам равишда юборилган СССРнинг қуроли кучлари мухолифатчиларга қарши оммавий ҳужумга ўтиб, уларга кучли зарбалар беришга муваффақ бўлди. Бу даврда Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги мухолифатчилар йирик жангларда мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам бироқ Бухоро, хусусан, Хоразмда улар айрим ютуқларни қўлга киритишди. Айниқса, 1923 й. охири – 1924 й. бошларида Хоразм воҳасида кутарилган катта қўзғолон, Жунаидхон қўшини томонидан пойтахт Хиванинг қамал қилиниши, ҳатто бир қисмининг эгалланиши (1922 й. март ойида Мулла Абдулқаҳҳор қўшини Бухоро ш.нинг бир қисмини қизил аскарлардан озод қилган эди) бу босқичдаги муҳим воқеалар сирасига киради. Лекин, айнан, 4-босқичнинг якуни – 1924 й. охирига келиб Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуроли ҳаракат, асосан, мағлубиятга учради.

Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракат минтақа халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига ҳам кучли таъсир кўрсатган ва турли оқибатларни келтириб чиқарган. Уруш ҳаракатлари натижасида иқтисодиёт издан чиққан, туб халқларнинг турмуш даражаси оғирлашган. Ҳарбий ҳаракатларнинг гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туриши оқибатида, асосан, ўтроқ ҳаёт кечеришига одатланган ўзбек халқининг бир маромдаги турмуш тарзи издан чиққан, миллат менталитети ўзгаришга учраган. Қизил аскарлар совет режимига қарши қуроли ҳаракатга қарши ҳарбий операциялар олиб бориш б-н чекланмасдан, тинч аҳолини ҳам қириб ташлаган, унинг мол-мулкни талашган. Шунингдек, минтақадаги қуроли кураш халқаро майдондаги сиёсий вазиятга ҳам таъсир кўрсатган. Жаҳондаги турли давлатлар бу ҳаракатдан ўз сиёсий мақсадлари ва манфаатлари йўлида фойдаланишга интилган.

Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракатнинг мағлубиятга учрашининг ички ва ташқи омиллари, кўп-лаб сабаблари бўлган. Бу сабаблар, энг аввало, қуроли мухолифат ҳаракатининг ҳамма пайт ҳам ягона ҳарбий куч сифатида уюша олмаганлигида, кураш жараёнида баъзи қўрбосилар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро низолар ва келишмовчиликларда кўринади. Қизил армия-

нинг ҳарбий жиҳатдан устунлиги, пировардида, кураш тақдирини ҳал қилган.

Большевиклар мухолифатчилар устидан йирик галабаларга эришгач, ниҳоят, 1924 й. охирида Туркистон минтақасини парчалаб ташлашга, яъни Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишни ўтказишга муваффақ бўлди. Туб халқлар номи б-н аталувчи 6 та миллий республика тузилиб, улар СССР ёхуд РСФСР таркибига киритилди. Совет режимининг бу республикаларни тузишдан асосий мақсади қўзғолончилар томонидан ўртага ташланган миллий давлатчиликни қайта тиклаш ҳақидаги гоёларни обрў-сизлантириш ва хаспўшлаш, меҳнаткашлар кўз ўнгига гўёки уларнинг «миллий давлатлари»ни ташкил қилиш эди. Бироқ бу республикалар совет андозаси асосида тузилганлиги ва СССР таркибида бўлганлиги учун ҳам миллий давлат вазифасини ўтай олмаслиги равшан эди.

Шунинг учун совет режимига қарши қуроли ҳаракат 1925 й. ва ундан кейинги йилларда ҳам давом этди. Ҳаракатнинг 2-даври 1925–35 й.ларни ўз ичига олиб, у ҳам ўз навбатида турли босқичларга бўлинади. Курашнинг 2-даври 10 й. давом этиб, ўзининг хусусияти ва кучлар нисбати бўйича 1-даврга нисбатан анча фарқ қилади. Лекин курашнинг биринчи даврдан фарқли равишда бу йилларда оммавий жанг ҳаракатлари деярли юз бермади. Кураш кўлами ва хусусияти ҳам бу даврда анча ўзгарган эди.

Ўрта Осиё халқларининг миллий-ҳудудий чегараланиши: Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши. Мустабид совет режими ва большевиклар учун Туркистон минтақасини бўлиб ташлаб, уни идора қилиш қулай эди. Шунинг учун ҳам дастлаб Туркистон ўлкасига советча «автономия» берилди, яъни Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил топди (1918 й. 30 апр.). Сўнгра минтақани парчалаб ташлаш учун жиддий тайёргарлик кўрилди. Бу жараён 7 й. давом этган.

1920 й. бошларидаёқ Туркистон комиссияси Туркистон АССРни миллий тил белгисига қараб бўлиб ташлаш масаласини кўйган эди. Турккомиссиянинг бу тезисларига қарши чиққан Т.Рисқулов, Н.Хўжаев ва б. миллий етакчилар «пантуркизм», «панисломизм», «буржуа миллатчилиги» ва «ўнг оғмаччилик»да айбланди. В.Ленин Туркистонни Узбекия, Киргизия, Туркменияга бўлинган харитасини тузишни мутасадди шахсларга топширган. Шунинг учун 1920 й. авг.да Тур-

кистон АССРнинг Еттисув вилояти, Сирдарё ва Закаспий вилоятларининг бир қисми янги ташкил қилинган РСФСР таркибидаги Қирғизистон АССР (аслида Қозғистон АССР) ихтиёрига берилган. 1920 й. қизил армия томонидан Бухоро ва Хивада хонлик тузумлари ағдариб ташланди ҳамда БХСР ва ХХСР ташкил топди. Аслини олганда бу «мустақил миллий давлатлар»нинг тузилиши Марказнинг қисқа фурсат мурося қилишидан бошқа нарса эмас эди. Бунинг устига большевиклар режасининг амалга ошиши истиқлолчилик ҳаракатининг кучайиши ва шиддатли ривожланиши натижасида маълум муддат тўхтаб қолди. Хуллас, Туркистон минтақасини миллий-ҳудудий жиҳатдан қайта чегаралаш Марказ ва РКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва 1924 й.да у ўзининг сўнгги босқичига кирди.

РКП(б) МК Сиёсий бюроси Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш тўғрисида махсус қарор қабул қилгач (1924 й. 12 июнь), Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Марказнинг кўрсатмаси б-н турли митинг ва намойишлар ўтказилиб, бу сиёсий талбирни маъқулловчи резолюциялар қабул қилинди.

1924 й. 11 окт.да РКП(б) МК Сиёсий бюроси Туркистонни бўлиб ташлаш тўғрисида сўнгги қарорни қабул қилди.

1924 й. 27 окт.да бўлган Бутун Иттифоқ Марказий Ижроия Комитети (СССР МИК) 2-сессияси Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказиш ва янги республикалар ҳамда автоном областлар ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1924 й. 31 окт.да Ўзбекистон ССР тузилишини бошқариш учун Ф.Хўжаев раислигида Ўзбекистон ССР Муваққат инкилобий комитети (Ревком) тузилди.

Туркистон АССР, БССР ва ХССР тутатилиб, уларнинг ўрнида Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон АССР (1929 й.гача Ўзбекистон ССР таркибида), Қорақирғиз (қирғиз) автоном области (РСФСР таркибида), Қорақалпоқ автоном области (дастлаб Қозғистон АССР таркибида; 1932 й.дан Қорақалпоғистон АССР; 1936 й.дан у Ўзбекистон ССР таркибида) ташкил этилди.

1925 й. 13–17 фев.да Бухорода бўлган Ўзбекистон ССР Советларининг 1-қурултойида «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисида декларация» қабул қилинди. Қурултойда республика ҳокимиятининг олий органлари расмийлаштирилди.

Ф.Хужаев Ўзбекистон ССР ХКС раиси ва Й.Охунбобоев Ўзбекистон ССР МИК Президиуми раиси қилиб сайланди.

Ўзбекистон ССРнинг тузилиши «ўзбек халқининг миллий давлатчилиги ташкил қилинди», деган фикрни аниқлатмайди. СССР таркибидаги ЎзССР амалда ҳеч қандай суверенитет ва мустақилликка эга эмас эди. ЎзССР ташкил этилаётган вақтлардаёқ бошқа Ўрта Осиё республикалари сингари унинг олдига, асосан, Марказнинг манфаатларига хизмат қилиш – СССРнинг марказий р-нларига хом ашё етиштириб бериш каби вазифалар қўйилган эди. Россия империяси даврида бўлгани сингари Совет даврида ҳам Ўзбекистон Марказнинг чекка мустамлака ўлкаси бўлиб қолаверди.

Қаҳрамон Ражабов.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАБИД СОВЕТ ДАВЛАТИ ТАРКИБИДА (1925–1991 й.лар)

Сийёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (1925–1940 й.лар). Ўзбекистон ССР ташкил қилинганидан сўнг республика давлат бошқаруви органлари Иттифоқ органлари тартибидан ва улардан андоза олинган ҳолда тузилган. Бу иттифоқдош республикаларнинг Марказдан туриб бошқаришнинг энг осон ва оддий, шу б-н бирга мустақкам ва ишончли шакли эди. Барча қарорлар ва кўрсатмалар Марказда қабул қилиниб, иттифоқдош республикаларга, шу жумладан, ЎзССР га бажариш учун жўнатиларди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими авж олди. Амалдорлар қатлами – совет режимининг бошқарув элитаси шаклланди. Улар халқдан ажралиб қолган, унинг орзумидларини назарига илмас эди. Марказдан узлуксиз келиб турган «партия ва совет ходимлари», аслида ВКП(б) кўрсатмалари бажарилишини ҳушёрлик б-н назорат қилиб туришган.

Республика сийёсий ҳаётида Ўзбекистон Коммунистик партияси (1925 й. 6–12 фев. Бухорода тузилган) етакчи роль ўйнаган. Ўзбекистон Компартиясининг 1-таъсис съезидида В.Иванов ва А.Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказий кўмитаси (ЎзКП МК) масъул котиблари қилиб сайланган. Ўзбекистон Компартияси ВКП(б) (кейинчалик КПСС)нинг республикадаги филиали ҳисобланган. Ўзбек халқи тарихида 20-а.да юз берган кўплаб фожiali воқеалар коммунистик партия фаолияти б-н боғлиқдир. Ўзбекистон партия ташкило-

ти республика манфаатларини ҳисобга олмасдан Москвада ишлаб чиқилган қарорларни бажариб келди. Маъмурий-буйруқбозлик усуллари б-н иш олиб борган партия кўмиталари жойлардаги ҳар қандай мустақил фикр ва ташаббусни бўғарди. Марказ ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси орқали ЎзССРдаги вазиятни бошқариб турган. Кейинчалик республикаларни бошқариш учун «иккинчи котиб» тартиботи шакллантирилди.

Ўзбекистон ССР советларининг 2-съезди (1927 й. 30 март)да Ўзбекистон ССРнинг 1-Конституцияси қабул қилинган. Асосий қонун синфий ҳусуниятга эга бўлиб, аҳоли баъзи қатламларининг фуқаролик ҳуқуқлари чекланган. У Ўзбекистоннинг СССР га киришини тасдиқлаган. Конституцияда ЎзССР нинг СССР таркибидан эркин ажралиб чиқиш «ҳуқуқи» кўзда тутилган бўлса ҳам, у шунчаки бир декларациядан нарига ўтмаган.

Шарқда аёлларнинг асрлар давомида муайян урф-одатлар ва шариат мезонлари б-н шаклланган ижтимоий мавқеини уларни озодликка чиқариш ва эркаклар б-н тенг ҳуқуқли қилиш шиори остида фавқулодда шиддат б-н ўзгартирилиши Ўзбекистонда кўп тўқнашувлар ва қурбонлар бўлишига олиб келди. Турли ф-ка, артел, з-д, мактаб ва клублар ташкил этилиб, уларга хотин-қизларни кўпроқ жалб этиш сийёсий кампания тусини олган. Унинг энг чўққиси «Хужум» кампанияси бўлиб, у 1927–28 й.ларда ўтказилган. Аёлларни паранжи ташлаш ва «ичкаридаги тутқунлик»дан озод қилишни мўлжаллаган бу кампания асрий анъаналарни ҳисобга олмаган қарорлар ва кўрсатмалар асосида олиб борилди, кўп ҳолларда зўрлик ишлатилди.

ЎзССР да 1925–26 й.ларда ишчилар сони 11900 кишига етди. Уларнинг 29,3%ни маҳаллий миллат вакиллари ташкил этарди. Ўзбекистон учун sanoat қурилишини кенг суръатда жадаллаштириш ниҳоятда зарур эди. Чунки республика иқтисодиёти 20-а.нинг 30-й.лари бўсағасида ҳам аграр ҳусуниятга эгалгича қолаётган эди. 1927 й.да ЎзССР халқ ҳўжалигида қ.х.нинг салмоғи 62,6%, sanoatнинг салмоғи 37,4% ни ташкил этар, шу б-н бирга sanoat и.ч.нинг 90% қ.х. хом ашёсини қайта ишлашга асосланган эди. Иқтисодиёт хом ашё йўналишида бўлгани сабабли ЎзССР sanoati фақат бир томонлама ихтисослаштирилаётган эди.

Бироқ, 20-а. 20-й.лари охиридан бошлаб ЎзССРда ҳам НЭП ўз моҳиятини йўқотиб, эркин савдо ва тadbиркорликка

чек қўйила бошлаган. Тўрачилик сийёсати авж олган, мамлакатда вазият мураккаблашган. Индустрлаштириш сийёсати қишлоқ ҳисобидан амалга оширилди. Қ.х. маҳсулотларининг харид нархлари пашайтирилди. Натижада деҳқонлар қашшоқлашди. Мамлакатда озиқ-овқат муаммоси кескинлашди. 1928 й. кузигача қ.х. бир йиллик режалар асосида бошқариб келинди. Ўша йилдан бошлаб ҳўжаликни бошқаришнинг беш йиллик режалари жорий бўлди.

Биринчи беш йиллик даврида (1928 й. окт. – 1930 й. дек.)да ЎзССРда 289 та sanoat корхонаси қурилди ва ишга туширилди, 79 та корхона қайта ташкил этилди, sanoatнинг асосий и.ч. фондлари 3 барабар, нефть қазиб чиқариш 2,5 барабар, металл ишлаш sanoati маҳсулотлари 6 барабар, цемент и.ч. 3,5 барабар ортди. Енгил sanoatнинг кўнчилик, пойабзал и.ч., тикувчилик соҳалари ва ип-газлама и.ч. суръатлари ошиб борди. Индустрлаштириш Ўзбекистонда дастлаб секинлик б-н амалга оширилди. Ана шу даврда Ўрта Осиёда пахтачилик, машинасозлик sanoatининг тўнғичи бўлган «Ташсельмаш» з-ди барпо этилди. «Чирчиққурилиш», Тошкент тўқимачилик комбинати қурилиши тез суръатлар б-н олиб борилди. Куvasoy цемент з-ди, Фарғона тўқимачилик ф-каси ва ёғ з-ди, Бухоро, Тошкент ва б. шаҳарларда тикувчилик ф-калари ишга туширилди. Ишчилар сони ҳам кўпайди. Sanoatни индустрлаштириш режасига мувофиқ малакали ишчилар ва техник ходимлар тайёрлайдиган хўнар-техника таълими ва ф-ка, з-д мактаблари ташкил қилинди. Бироқ sanoat корхоналарига малакали ходимлар ва тажрибали ишчилар РСФСРнинг марказий шаҳарларидан олиб келинадиган булди. Марказнинг бу усули Ўзбекистоннинг бутун совет даври тарихида муттасил равишда давом эттирилди.

«Аграр инқилоб»нинг стратегия ва тактикаси Ўзбекистон Компартиясининг 2-съезди (1925 й. нояб.)да тасдиқланди. Бу жараён ЎзССР МИКнинг «Сув ва сувни национализация қилиш тўғрисида» ва «Ер-сув ислоҳоти тўғрисида» декретлари (1925 й. 2 дек.) б-н бошланди.

1925–29 й.ларда ЎзССРда ер-сув ислоҳотининг 2-босқичи ўтказилган. Бу ислоҳот жойларда шарт-шароитлар ва тайёргарлик даражасига қараб 3 босқичда амалга оширилган. Биринчи босқич 1925–26 й.ларда Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида бўлди. Иккинчи босқичда 1927 й. Зарафшон вилояти (Бухоро ва Ўрта Зарафшон округлари)да ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Учинчи

бошқич – 1928–29 й.ларда Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм округларида ислот амалга оширилди. Қабул қилинган декретлар асосида белгилангандан ортиқ ерлар, иш ҳайвонлари ва меҳнат қуроллари тортиб олинган. Бойлар, йирик савдогарлар, уламолар ва б. мулкдорларнинг ерлари ва бутун мол-мулки мусодара қилинган. Давлат фондига киритилган 301500 десятина ернинг атиги 10% камбағал деҳқонларга бўлиб берилган. Кейинчалик қ.х.ни коллективлаштириш амалга оширилиб, к-з ва с-злар тузилди. Бироқ шўролар ҳоқимиёти ўзига тўқ деҳқон хўжалиklarини «қулоқ» («муштумзўр») сифатида тугатиш сиёсатини олиб борган.

Ўзбекистонда бу даврда «Ўзбекқишлоқуюшма» («Ўзбексельсоюз»), «Ўзбекпахтауюшма» («Ўзбекхлопсоюз») каби қ.х. кооперациялари ташкил қилинган. Қ.х. кооперациясининг қ.х. маҳсулотларини шартнома асосида тўплаб, саноатга топшириш фаолияти деҳқон хўжалиklари учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Майла товар и.ч.га ихтисослашган деҳқон хўжалиги ривожлана бошлади. Бироқ совет тузуми 1927 й.дан кооператив уюшмаларни «давлатлаштириш» сиёсатини бошлади. Солиқ ва кредит сиёсатида синфий принцип устувор йўналишга эга бўлди. Давлат қ.х. маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш баҳоларини белгилади. Ташкилий-иқтисодий тадбирлар маъмурий-буйруқбозлик асосида олиб борилди. Янги иқтисодий сиёсатдан воз кечиш кооператив қурилишга ўз таъсирини кўрсатди. 1929 й. кузида бошлаб қ.х. кооперациясининг илгариги шакллариغا барҳам берилди. Бу пайтда Ўзбекистонда 550 та артель ва 116 та ерни жамоа бўлиб ишловчи ширкатлар (ТОЗлар) тузилган.

Бу даврда энг муҳим муаммолардан бири кадрлар масаласи эди. Чунки давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларида миллий кадрлар жуда оз бўлиб, иш юритиш ҳам рус тилида олиб борилар эди. Республика бошқарув маҳкамаларида масъул лавозимларни руслар эгаллаб олган эди. Ўзбекистон ССР ХКС раиси Ф.Хўжаев туб халқлардан маҳаллий кадрлар тайёрлаш ва уларни юқори лавозимларга кўтаришда жонбозлик кўрсатди. Унинг ташаббуси б-н ЎзССР МИК ҳузурида 1925 й.да давлат муассасаларини маҳаллийлаштириш (коренизация) Марказий комиссияси (раиси Н.Мавлонбеков) тузилган. Марказий комиссиянинг Самарқанд, Фарғона ва б. вилоятларда ҳам бўлимлари ташкил этилган. Бироқ маҳаллийлаштириш жараёни тез орада коммунистик

партия вакиллари томонидан буржуа миллатчилиги ва «ўзбеклаштириш» деб эълон қилинган ҳамда комиссиялар фаолияти тугатилган.

20-а.нинг 20-й.ларининг 2-ярми ва 30-й.лар бошида ЎзССРда «ўн саккизлар гуруҳи» (А.Ҳожибоев, Н.Қориев, И.Хидралиев, М.Саиджонов, А.Мукомиллов, Р.Рафиқов, Б.Мақсумов, Р.Раҳимбобоев, И.Бозорбоев, З.Ҳасанов, М.Каримжонов, М.Ўринхўжаев, Р.Музаффаров, Ў.Ашуров, О.Мақсумов, Ҳ.Эшоннов, А.Зокирий, Н.Ширинов), «иноғомовчилик» (Р.Иноғомов ва б.), «қосимовчилик» (С.Қосимов, Б.Шарипов ва б.), «бадриддиновчилик» (Ш.Бадриддинов ва б.), «миллий иттиҳодчилар» ва «миллий истиқлолчилар» (Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигидаги 87 киши), «наркомпрос иши» (Боту, Маннон Рамзий ва б.), «ботир гапчилар» (А.Зоҳирий бошчилигидаги 19 киши) ва ҳ.к. сиёсий ишлар тўқилиши натижасида ўзбек халқининг кўплаб етуқ фарзандлари қатагон қилинди. Бу даврда партия сафларини тез-тез тозалаш туриш сиёсий кампанияга айланди. 1929–30 й.ларда ўтказилган навбатдаги партия сафларини «тозалаш» кампанияси натижасида Ўзбекистон Компартияси аъзоларининг 25,6% фирқадан чиқарилди.

Ўзбекистон ССРнинг 20-а.нинг 30-й.ларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти мустабид совет режимининг мустаҳкамланиши ва тоталитар тузумнинг қарор топиши, большевиклар партиясининг яқка ҳукмронлиги чўққига чиққан даврга тўғри келди. Партия ҳаётнинг бутун ижтимоий-иқтисодий, мафқуравий ва маданий соҳаларини бошқаришни ўз қўлига олди. Бу давр жуда мураккаб ва оғир кечди. Раҳбар ҳодимларга шубҳа б-н қараш, «халқ душманлари» ва «буржуа миллатчилари»ни аниқлаш ва ҳибсга олиш, турли «муҳолифат» гуруҳларни фош қилиш авжга чиқди. Корхоналарда партия қўмиталари, к-зларда эса бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Советлар партия йўлини амалга оширувчи ижрочи органларга айлана борди. Республика давлат аппаратининг барча бўғимлари фаолияти большевиклар партияси томонидан қаттиқ назорат остига олинди. Бу даврда касаба уюшмалари қайта тузилиб йириклаштирилди. Корхоналарда касаба уюшмалари ташкил этилди.

Мустабид тузум ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга мунтазам эътибор қаратди. Бу ишлар б-н Бутуниттифоқ ленинчи коммунистик ёшлар союзи (ВЛКСМ)нинг Ўзбекистондаги

органи – Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзи (ЎЗЛКСМ) шугулланган. Комсомол ташкилотларининг фаолияти ҳам индустриаллаштириш ва коллективлаштиришга доир партия йўриғини ёшлар орасида амалга оширишга қаратилди. Партия ва комсомол ташкилотлари партия сиёсати ва мафқурасини оммага сингдириш учун кенг миқёсда ташвиқий ишлар олиб борди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ва ёшларнинг инқилобий романтик жўшқинлигига кенг йўл очиб берилган. Шундай қилиб, бу даврда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳалари коммунистик партиянинг қаттиқ назоратига олинган. Меҳнаткашлар биринчи беш йиллик режасини 1932 й. дек.да 4 йилу 3 ойда бажарган, улар иккинчи беш йиллик (1933–37) ва учинчи беш йиллик (1938–42) режаларини бажаришга сафарбар қилинган. Маъмурий-буйруқбозлик тизими ва партиянинг яқка ҳукмронлиги остида содир бўлган ўзгаришларга қонунийлик тусини бериш учун 1936 й. 5 дек.да СССР янги Конституцияси (Сталин Конституцияси) асосида 1937 й. фев.да бўлган Республика Советларининг фавқулодда 6-қурултойида Ўзбекистон ССР Конституцияси (Ассий қонуни) қабул қилинган. Конституцияда ЎзССРнинг Совет Иттифоқидаги бошқа совет республикалари қатори эркин ва тенг ҳуқуқли республика (давлат) деб эълон қилиниши шунчаки номига бўлиб, аслида барча соҳаларда Совет империяси илора усули амалга қилар эди. 1936 й. 5 дек.да Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон ССР таркибига киритилди.

ЎзССРнинг янги Конституциясига биноан 1938 й. 25 июнда Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар бўлиб ўтди. I-сессияда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми (раиси Й. Охунбобоев) сайланди ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети (раиси А.Абдурахмонов) тузилди. 1939 й. 29 дек.да маҳаллий Советларга сайловлар ўтказилди. Шу б-н республикада давлат ҳокимияти органларини қайта қуриш амалда тугатилди.

Маъмурий аппаратни мустаҳкамлаш иши ҳам жадал суръатлар б-н олиб борилди. 1940 й. сент.да ЎзССР Давлат назорати халқ комиссарлиги ва ЎзССР ХКС қошида Иқтисодий кенгаш тузилган.

Ўзбекистон ССРда сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари устидан Марказнинг қаттиқ назорати кучая борган. Тазйиқ кўрсатиш механизми авж олиб, «унг оғмачилар» ва турли «муҳолифатлар» фош этилган ҳамда

уларга қарши кескин кураш олиб борилган. 20-а.нинг 30-й.лари ўртасига келганда бутун мамлакатда бўлган сингарви ЎзССРда ҳам оммавий қатагонлар авж олган. Йирик давлат ва жамоат арбоблари, партия ва хўжалик раҳбарлари, зиёлилар, руҳонийлар ва ҳарбийлар б-н биргаликда оддий кишилар—ишчилар ва к-эчилар ҳам қатагон қилинди.

Ўзбекистон ССРда сиёсий қатагонлар 1937 й.нинг ёзига айниқса авжга чиққан. Ўзбекистон ССР ХКС раиси Ф.Хужаев, кейинчалик унинг ворислари А.Каримов, С.Сегизбоев, Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби А.Икромов, ЎзССР молия халқ комиссари А.Исломов, ер ишлари халқ комиссари Р.Исломов, маориф халқ комиссари К.Сорокин, ичи савдо халқ комиссари М.Турсунхўжаев, соғлиқни сақлаш халқ комиссари К.Абдуллаев, Ўзбекистон Компартияси МК котиблари С.Болатбоев, И.Худойқулов, А.Цехер, бўлим мудирлари М.Усмонов, Қурбон Березин, М.Шермухамедов, К.Шарипов, Қорақалпоғистон обкоми котиблари Д.Ризаев, К.Алимов, Ўзбекистон ЛКСМ МК котиблари И.Ортиқов, Ф.Тарасов, шунингдек, яқин ўтмишда Туркистон АССР, БХСР, ХХСР ва ЎзССРда маъсул лавозимларда ишлаган Т.Рисқулов, Қ.Отабоев, Н.Тўрақулов, С.Асфандиёров, А.Раҳимбоев, Н.Айтоқов, Р.Иноғомов, Мухторжон Саиджонов, Мусожон Саиджонов, О.Хужаев, П.Хужаев, С.Турсунхўжаев, С.Хўжанов, У.Асадуллахўжаев, М.Миршаропов, М.Бурҳонов, М.Аминов, Н.Мавлонбеков, Х.Девон, О.Дўстназаров, Т.Норбўтабеков, Р.Музаффаров, А.Абусаидов, А.Юсуфзода, Н.Ёқубзода, А.Мукамилов, У.Эшонхўжаев, Д.Манжара, республикамиздаги вилоят, туман, шаҳарлар раҳбарлари ва б. кўплаб хўжалик ва партия ходимлари қамоққа олиниб, совет режими томонидан отиб ташланди. Ўзбекистондаги сиёсий элита «миллатчилик ва совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш»да, шунингдек, «қуролли қўзғолон кўтаришни тайёрлаш»да айбланди. Хорижда, хусусан, Германия ва Туркияда таҳсил олган мутахассислар ҳам қатагон қилинди.

ЎзССР жамиятнинг барча табақаларига ёйилган ҳибсга олиш тўлқини осита қолди. Давлат ва жамоат арбоблари, хўжалик раҳбарлари ва оддий кишилар б-н бир қаторда миллий зиёлилар оммавий равишда қатагон қилинди. 20-а. ўзбек маданиятининг бебаҳо юлдузлари: Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий бир кунда — 1938 й. 4 окт.да Тошкент атрафидаги Юнусобод қатлго-

ҳида отиб ташланди. Усмон Носир, Боту, Элбек, М.Солиҳов, А.Зоҳирий, Зиё Саид, М.Суфизода, И.Иброт, Тавалло, Ғози Олим Юнусов, Ғози Юнусов, Ғ.Зафарий, О.Ҳошимов, П.Солиев, Қажом Рамазонов, Ш.Сулаймон, А.Худойбахтиев каби ўзбек халқининг таниқли шоир, адиб ва олимлари қатагон қилинган. Ўн минглаб кишилар долатсизлик қурбони бўлиб.

20-а.нинг 30-й.лари бошида уламолар, руҳонийлар ва диндорларни таъқиб қилиш кучайди. 1936—39 й.ларда Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва б. шаҳарларда ислом дини вақиллари (маншур эшонлар, муллалар, мударрислар, қорилар, имомлар, саидлар ва ҳ.к.)ни ҳам қатагон қилиш авжга чиқди. Хусусан, «мусулмон руҳонийлари» («муслуховенство») иши бўйича Тошкентда 1937—39 й.ларда 49 киши тергов қилиниб, 1939 й. 7 июнда улардан 20 киши жинойи жавобгарликка тортилган. Бир қанча нуфузли ислом дини арбоблари (уламолар) «аксилсовет миллатчи мусулмон руҳонийлари ташкилотини тузганлик»да, совет ҳокимиятига қарши турли йўллар б-н кураш олиб борганлик ва «панисломизм» ғояларини тартиб қилганликда айбланиб, ўлим жазосига ёҳуд узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Шу тарзда мустабид совет режими уламоларни ҳам оммавий равишда қатагон қилган.

ЎзССРда бу даврда кўплаб мадрасалар, масжидлар ва хонақоҳлар бузиб ташланди. Бузилмай қолган мадрасалар ва масжидлар хўжалик омборларига айлантирилди, қизил аскар гарнизонларининг қўналгалари қилиб қайта жиҳозланди, четдан келганлар учун турар жой сифатида берилди ва турли мақсадларда фойдаланилди. Ўзбек халқи томонидан 1300 й. давомида яратилган исломий руҳдаги кўлэзма асарлар ва б. китоблар йўқотилди.

1937—39 й.ларда тўқиб чиқарилган сохта айбловлар бўйича Ўзбекистонда 41 мингдан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 37 мингдан ортиғи жазоланди, 6920 киши эса отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Фақат давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи, шоир ва олимлардан 5758 киши қамоққа олиниб, улардан 4811 киши отиб ташланган эди. Бу маълумотлар республикамиз миқёсида қизил террор қанчалик кенг миқёсда шафқатсиз равишда амалга оширилганлигининг яққол исботи ҳисобланади.

1929 й. қуздан СССРда қ.х.ни маъмурий-бўйруқбозлик усули б-н жамоалаштириш (коллективлаштириш)га киришилди. Уша йили нояб. ойда ВКП(б)

МК бош котиби И.В.Сталиннинг «Буюк бурилиш йили» мақоласи эълон қилинган, зўрлаш йўли б-н ялли коллективлаштириш сиёсатига ўтилди. Илтифорилик принцили инкор этилиб, барча деҳқон хўжаликлари оммавий тарзда ва қисқа муддатларда к-элар (жамоа хўжаликлари)га кириши белгиланди. Кейинчалик с-элар (давлат хўжаликлари) ҳам ташкил қилинди. Айни пайтда маҳаллий шароитлар ҳисобга олинмади.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг «Ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш талбирлари тўғрисида»ги қарори ва ВКП(б) МК Ўрта Осие бюросининг «қулоқларни синф сифатида тугатиш б-н боғлиқ талбирлар тўғрисида»ги курсатмалари (1930 й. 26 янв.) асосида Ўзбекистон Компартияси МК 1930 й. 17 фев.да «Коллективлаштириш ва қулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилган. Ўзбекистон ССРда қулоқлаштириш кампанияси 1930 й. фев.дан бошлаб авж олган.

Ёппасига жамоалаштиришга раҳбарлик қилиш учун республика ва вилоят штаблари тузилди. Ҳамма жойда оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ҳаракатга келтирилди. Қишлоқ аҳлини к-эларга «ғайратлантириш» учун ишчилар синфи ҳам жалб қилинди. ВКП(б) МК 1929 й. нояб. пленумининг қарори б-н қишлоқларга камида 25 минг ишчи юбориш белгиланди, улар жойларда «аграр инқилоб»ни авж олдиришни таъминлашлари лозим эди. Хусусан, Ўзбекистонга РСФСРнинг марказий р-нларидан 450 га яқин ишчи юборилди. Улар маҳаллий шарт-шароит ва деҳқончилик илмидан беҳабар бўлганликлари учун субъектив қарорлар қабул қилиб, шошма-шошарлик б-н режалар ишлаб чиқишди, к-эларга кирган камбағал фаолларни бадавлат мулкдорлар — бойлар ва «қулоқлар»га қарши курашга даъват қилишди.

Совет Иттифоқининг ҳамма жойида бўлгани каби ЎзССРдаги жамоалаштириш ҳам «ҳарбий коммунизм» йилларида синовдан ўтган компаниябозлик, «хужум ва тазйиқ» усуллари б-н амалга оширилди. Деҳқонларни зўрлик б-н к-эларга киришга мажбур этдилар. Қаршилиқ кўрсатганлар эса ижтимоий мавқеи ва моддий аҳволдан қатъи назар «қулоқ» қилинди. «Қулоқлар» сифатида рўйхатга олинган бадавлат хўжаликларининг мол-мулки тўлиқ мусодара қилиниб, уларнинг оилалари Украина, Шим.Кавказ, Сибирь, Қозғистон, Узоқ Шарқ каби ўзга юртларга сургун қилинган. Шунингдек, ЎзССРнинг ўзида «қулоқлар» учун



Қишлоқ хўжалик машиналари кўргазмасида. 1929 й. Самарқанд.

17 та махсус концентрацион лагерлар ва кўчириб келтирилганларнинг мажбурий меҳнат посёлкалари ташкил этилган. Совет ҳокимиятига қаршилик кўрсатган «қулоқлар» эса қамоққа олинган ва отиб ташланган. Қулоқлаштириш тадбири оммавий қонунсизликлар ва зўравонлик асосида амалга оширилган.

Қулоқлаштириш сиёсати деҳқонларда совет ҳокимиятига нисбатан ишончсизлик ва хавотирликни кучайтирди. Кўплаб деҳқонлар ўз хўжаликлари ва яшаш жойларини ташлаб олиш туманларга қочдилар. Чорва сони ҳам кескин камайди. Республикадаги сиёсий вазият кескинлашиб борди. Деҳқонларнинг норозиликлари 1930 й. 25 фев.да Фарғона водийсида галаёнга айланди. Норозилик чиқишлари ва совет ҳокимиятига қарши галаёнлар Тошкент, Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва б. округларга ҳам ёйилди. Деҳқонлар к-злардан чиқиб кета бошладилар.

1930 й. қуздан деҳқонларни жамоа хўжаликларига киришга мажбурлаш яна авж олди. 1931 й. ёзига келиб, барча деҳқон хўжалиklarининг 56,7% к-зларга бирлаштирилган эди. 1932 й. охирида с-злар сони 62 тага етди. Якка хўжаликларга катта солиқ солиш б-н тазйиқ ўтказиш давом этди.

ЎзССРда қ.х.ни коллективлаштириш расмий равишда 1932 й.да тугатилди. Бироқ, бу даврда деҳқонларнинг қарийб 92% к-зларга кирган эди. Якка хўжаликларга турли чоралар қўлланилиши натижасида коллективлаштириш 1939 й.да 99,55% га етди. Деҳқонлар ихтиёридаги и.ч. воситалари к-зларнинг бўлимас

фондига айлантирилгач, улар мулкдан маҳрум қилиниб, бутунлай давлатга тобе бўлиб қолди. РСФСРнинг марказий ҳудудларидан фарқли равишда ЎзССРдаги қишлоқ аҳолисига фуқаролик паспорти бериш таъқиқланди. К-зчилар бошқа жойга бориш ва яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Мажбурий меҳнат куни минимуми жорий қилиниб, уни бажармаганлар аёвсиз жазоланди. Хуллас, 20-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб к-злар ва с-злар қатъий режа асосида ташкил этилиб, юқоридан белгилаб берилган қолипга солинди. ЎзССРда пахта якка ҳокимлиги (монокультураси) вужудга келди. 1932 й. ЎзССР Иттифоқ пахтасининг 60% ни етказиб берган.

ЎзССРда жамоалаштириш қ.х.га жуда катта зарар етказди. Ғалла етиштириш кескин қисқарди. Чорвачиликка ҳаддан ташқари катта зиён етди. РСФСРнинг марказий губерниялари, Волга бўйи ва Қозоғистонни қамраб олган очарчилик 1932–33 й.ларда Ўзбекистонда ҳам юз берди. Ўша давр манбаларида ёзилишича, Тошкент кўчалари очликдан ўлган одамларнинг жасадлари б-н тўлиб кетган.

Давлатга қарашли машина-трактор ст-ялари (МТСлар) ташкил этиш ҳам авж олди ва 1933 й. бошида Ўзбекистонда 73 та МТС ишлаган. К-зларнинг МТСларга қарамлиги қ.х. имкониятларини яна ҳам чеклаб қўйди.

Бу даврда ЎзССР айрим саноат маҳсулотлари и. ч. бўйича СССРда етакчи ўринга чиқди. 1932 й. республикада мамлакатда етиштириладиган пахта толасининг 89,7%, цементнинг 54,2%, ўсимлик мойининг 56,4%, хом ипакнинг 42% ишлаб чиқарилиди. Иккинчи беш йиллик режасида ҳам пахтачилик ва у б-н боғлиқ саноат соҳаларини ривожлантириш кўзда тутилди. Учинчи беш йилликда саноат тараққиётига алоҳида эътибор берилди. Беш йилликнинг дастлабки даврида 134 та янги корхона ишга туширилди. Янги конлар (қўмир, мис, вольфрам) топилиб, фойдаланишга топширилди. Саноат жадал суръатлар б-н ривожлантирилди. ЎзССРда бу

даврда 1445 йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд эди.

ЎзССР марказга рангли ва нодир металллар, пахта толаси, хом ипак, қоракўл тери ва б. стратегик хом ашё етказиб, уни чет эл хом ашёсига қарамликдан қутқарди. Бироқ Ўзбекистон марказга муттасил равишда хом ашё етказиб берувчи чекка ўлкалигича қолаверди. Республиканинг ички имкониятлари ва манфаатлари ҳисобга олинмади, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари назар-писанд қилинмади.

1940 й.да республика корхоналарида 142 минг ишчи меҳнат қилган. Муҳандис-техник кадрлар тайёрлайдиган ўрта махсус ва олий ўқув юр்தларининг тармоғи ҳам кенгайди. Ишчилар уртасида турли шаклларда мусобақалар ташкил этилди. 1935 й. ишчилар орасида «социалистик» мусобақа кучайиб, «стахановчилик ҳаракати» юзага келди. Бу ҳаракатга ЎзССР ишчилари ҳам фаол қўшилди. Бироқ «стахановчилик ҳаракати» расмиятчиликка айланиб, у кейинчалик кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш ва режани ошириб кўрсатишга олиб келди.

Ўзбекистон учун сув иншоотлари куриш масаласи жуда муҳим ҳисобланган. 1939 й.дан бундай курилишлар одамларни машаққатли меҳнатга мажбуран сарфарбар этиш орқали амалга оширила бошланган. 1939 й. 1 авг.—15 сент.да Катта Фарғона канали (уз. 270 км) битказилди. Натижада Фарғона водийсида 60 минг га янги ер ўзлаштирилди, 500 минг га ернинг сугориш шароити яхшиланди. Кейинчалик Шим.Фарғона, Жан.Фарғона, Тошкент канали, Кампирравот тўғони, Каттақўрғон сув омбори курилиши ва б. амалга оширилди. Хуллас, 1937–40 й.ларда ЎзССРда сугориладиган ер майд. 260 минг гектарга қўлайди. Бироқ ушбу сув иншоотларининг курилишида совет ҳокимиятининг маъмурий-буйруқбозлик методидан фойдаланилиб, аҳолининг баъзи таба-



Техника янгиликлари б-н танишув. 1929 й. Тошкент.



Бухоро кўчаларида машинада сайр.

қалари мажбурий равишда унга сафарбар этилди. Қилинган меҳнатга эса деярли ҳақ тўланмади.

Саноат ва қ.х.да иқтисодий муаммоларни бартараф этишга уриниш меҳнаткашлар турмуш шароитининг пасайишига олиб келди. ЎзССРда миллий даромад 2,5 баравар ўсишига қарамай, жон бошига қурилган фойда 1937 й.да ҳам 1932 й. даражасида қолаверди.

Ойлик маошлар, асосан, СССРнинг Европа қисмидан келган ишчилар ишлайдиган оғир саноатда кўпайди. Туб аҳоли ишчилари эса кўпроқ енгил ва озиқ-овқат саноатида банд бўлган.

Индустриалаштириш шароитида шаҳарларга кўплаб ишчиларнинг келтирилиши уй-жой муаммосини яна ҳам кескинлаштирди. Мас., 1928—33 й.ларда Тошкент аҳолиси, асосан, четдан келувчилар ҳисобига 344 минг 200 кишидан 491 минг кишига етган. 20-а.нинг 30-й.лари бошида Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби йирик шаҳарларда «соғгородок», «рабочий городок», «жилгородок» деган турар жой мавзелари қурила бошлади. Аммо бундай қурилишлар ҳам тез суръатлар б-н ўсиб бораётган шаҳар аҳолисининг уй-жойга булган эҳтиёжини қондира олмади ва бу муаммо давом этаверди.

Шу б-н биргаликда индустриалаштириш сиёсати ЎзССРда айрим ижобий ўзгаришларга ҳам олиб келди. Унинг Ўзбекистондаги ижобий натижаларидан бири 1934 й.да ишсизликнинг тугатилиши бўлди. Ишсизлик учун нафақа тўлашдан бўшаган маблағ ижтимоий сугурта фондига ўтказилди. 1934 й. ЎзССР аҳолисининг 414 мингдан кўпроғи сугуртанинг ҳар хил турлари б-н қамраб олинди. 1934 й. нархларнинг камайирилиши аҳолининг муайян қатлами аҳолини бир қадар яхшилади. Биргина шу йилнинг ўзидаёқ озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи Ўзбекистонда ўртача 33%га камайди.

ёрмага карточка тизими бекор қилинди. Ўзбекистонда турли-туман товарлар (озиқ-овқат ва саноат моллари) сотиладиган катта-катта бозорларнинг мавжудлиги озиқ-овқат муаммосини бир қадар юмшатди.

20-а.нинг 30-й.лари охирига келганда ўзбек қишлоғининг қиёфаси ўзгара бошлади. Ўзбек қишлоқларида клуб, кутубхона, қизил чойхона, ҳаммомлар очилди, киноқурилма ва радиокарнайлар пайдо бўлди. Бу даврда Ўзбекистон шаҳарлари электрлаштирилди ва водопровод суви б-н таъминланадиган бўлди. Шаҳар қиёфаси ҳам ўзгарди. Шаҳар кўчалари ёритилди ва кўкаламзорлаштирилди, боғлар ва хиёбонлар барпо этилди. Шу б-н бирга соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳвол бу пайтда ҳам кескинлигича сақланиб қолди.

ЎзССРдаги ижтимоий ва иқтисодий номуносибликлар демографик жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1939 й. Ўзбекистонда жами 6,4 млн. киши (1926 й.да 5 млн. киши) бўлиб, ундан 1,4 млн. киши шаҳарларда яшаган. Ўзбеклар 4,1 млн. киши бўлиб, улардан фақат 585 минг киши шаҳарларда яшаган. Шаҳар аҳолиси, хусусан, пойтахт Тошкент аҳолиси таркибида СССРнинг Европа қисмидан келганлар кўп бўлган. 1926—39 й.ларда республика аҳолиси 37% га ўсгани ҳолда, СССРнинг Европа қисмидан келганлар сони 62% га ошиб кетди.

Бу даврда ЎзССР ҳудуди анча кенгайди, республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон фашизмга қарши уруш йилларида (1941—1945 й.лар). 1939 й. 1 сент.да Германиянинг Польшага бостириб кириши б-н иккинчи жаҳон уруши бошланган эди.

1941 й. 22 июнда гитлерчилар Германияси ўзaro ҳужум қилмаслик ҳақидаги совет-герман шартномаси бўлишига

қарамасдан тўсатдан СССРга ҳужум қилди. Бу давлат фуқаролари бўлган халқлар учун оғир синовлардан иборат уруш бошланди. Ўша куни мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этилганлиги ҳақида фармон эълон қилинди. 23 июнда Тошкентда кўп минг кишилиқ митинг бўлиб ўтди.

Уруш бутун мамлакат ҳўжалиги, унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. 1941 й. 30 июнда Давлат Мудофаа Қўмитаси (ДМК) нинг тузилиши б-н мамлакатдаги бутун сиёсий, ҳарбий ва ҳўжалиқ ҳокимияти унинг қўлига ўтди. Ушбу Қўмитанинг раиси И.В.Сталин 19 июлдан СССР Мудофаа халқ комиссари, 8 авг.да СССР Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони лавозимини эгаллади. У айни пайтда СССР ХКС раиси ва ВКП(б) МК Бош котиби бўлган. Урушнинг дастлабки кўнларида қабул қилинган махсус қарорлар, кўрсатмаларда мамлакатнинг катта хавф остида қолгани, уни ҳимоя қилиш учун зудлик б-н барча иқтисодий-маънавий кучларни мудофаа манфаатларига бўйсундириш, халқ ҳўжалигини тўлиқ ҳарбий изга солиш лозимлиги қайд этилди. Узоқ давом этган уруш қийинчиликлари Ўзбекистон меҳнаткашларини ҳам оғир аҳволга солди.

2-жаҳон уруши даврида республикага раҳбарлик қилган Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1-котиби Усмон Юсупов (1937—50) ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафарбар қилишда бош-қош бўлган.

Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам ҳарбий вазиятдан келиб чиқиб зудлик б-н фронт манфаатларига бўйсундирилди. Фронт орқаси р-нлари қатори Ўзбекистонга жуда катта аҳамият берилди. Урушнинг дастлабки кўнларида немис қўшинлари шиддат б-н Шарққа томон ҳаракат қилмоқда эди. Фронт яқинидаги шаҳар ва қишлоқлардан аҳоли, саноат корхоналари, муассасалар ва б. моддий бойликларни Шарққа кўчириш бошланди. Чунончи, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига эвакуация қилинган 308 корхонанинг 100 дан ортиғи («Лентекстильмаш», «Ростсельмаш», «Красный Аксай», Суми компрессор ва Днепрпетровск карборунд з-длари, Химки авиация з-ди, Москва «Подъёмник», «Электрокабель», «Электростанок» з-длари, Киев «Трансисигнал» з-ди ва б.) Ўзбекистонга жойлаштирилди. Келтирилган корхоналарни ниҳоятда қисқа муддатларда ишга туширишга эришилди. 1941 й. охиригача шундай корхоналардан 50 таси ишга туширилди. Мас., Москва вилояти Химки ш.дан кўчириб



Ўзбекистон делегацияси аъзолари янги йил совғалари билан Фарбий фронтда, 1942 й. 2 январь.

келтирилган 3-д асосида 1941 й. 14 окт. да Тошкент авиация 3-ди барпо этилди. Бу 3-д фронт учун қирувчи самолётлар ишлаб чиқарган.

Халқ хўжалигини қайта қуриш б-н бир вақтда ҳаракатдаги армия учун жанговар резерв (захира)лар яратиш, оммавий мудофаа ишлари б-н шуғулланишга тўғри келди. Ўн минглаб ёшлар Осоавиахим кўнгилли жамиятида таълим олдилар. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари аҳолиси ва моддий ресурсларини сафарбар қилиш ва жанговар ҳолга келтириш учун жиддий тadbирлар кўрилди. Ўрта Осиё ҳарбий округида фронт учун жанговар захиралар ва командирлар тайёрланди, хусусан, миллий ҳарбий қисмлар ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси б-н чиқдилар. 1941 й. нояб.дан 1942 й. март ойигача Ўзбекистонда 14 та миллий бригада ва 5 та отлик дивизия тузилди (қ. *Ўзбек дивизиялари*).

Танк эҳтиёт қисмларини йиғиш (1942).



Уруш йилларида 1,5 млн.дан ортиқ ўзбекистонлик фашизмга қарши оловли жанглarda қатнашди (1940 й. республика аҳолиси 6,5 млн. киши бўлган). Улардан 450 мингдан ортиқ киши жанг майдонларида ҳалок бўлди.

Ўзбекистонда мудофаа жамғармалари учун маблағ туплаш ташкил этилди. Мудофаа жамғармасига меҳнаткашларнинг бир кунлик иш ҳақи, шахсий жамғармалари, қимматбаҳо ва ёлгорлик буюмлари, давлат заёмларини келтириб топшириш рағбатлантирилди. Урушнинг дастлабки кунларида мудофаа жамғармасига 30 млн. рубль топширилди. Ўзбекистонда ҳарбий техника, асосан, танк коллонналари ва жанговар самолётлар эскадрильялари тузиш учун маблағлар йиғиш юзасидан бошланган ҳаракат анча кенгайди. Фронтга ёрдам тариқасида кийим-бош, озиқ-овқат ва б. маҳсулотлар ҳам мунтазам юбориб турилди. Хусусан, 1941 й. дек. да ўзбек халқининг янги йил совғаларини топшириш учун Ўзбекистон делегацияси (Й. Охунбобоев ва Ҳасан ота Исмолов бошчилигида) Фарбий фронтга борди.

Иқтисодийни жадал ҳарбий изга солиш энг муҳим вазифа эди. 1941 й. 26 июндан бошлаб ишчи ва хизматчилар учун иш куни 13–14 соатга узайтирилди, меҳнат таътили бекор қилинди, мавжуд беш кунлик ўрнига олти кунлик иш ҳафтасига ўтилди, бошқа баъзи чеклашлар ҳам жорий қилинди. Ёшлар ва хотин-қизлардан ишчилар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ корхоналарда ишчи кучи етишмас эди. Меҳнат интизомини бузганларга 5–8 йил қамоқ жазоси белгиланди.

Т.й. ҳаракати, почта, телеграф ишлари ҳам уруш шароитига мослаштирилди. Саноат ва транспорт ниҳоятда қисқа вақт ичида ҳарбий изга кўчирилди. 1941 й. охирида республикада 300 га яқин корхона қурол-яроғ и.ч.га мослаштирилди. 1942 й. ялпи саноат маҳсулоти и.ч. икки марта кўпайди. Энергетика базаси, қора ва рангли металлургия, кимё саноати ривожлантирилди. Бу даврда 7 та ГЭС (Фарҳод ГЭС, Салор ГЭС ва б.) қурилди. Янги кўмир ва нефть конлари очилди. Бекободда Ўзбекистон металлургия 3-ди барпо этилди (1944 й. 5 мартда ишга туширилган). Олмалиқ мис кони ишга туширилди. Вольфрам, молибден, мис ва олтин конлари топилди ва ўзлаштиришга киришилди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда индустриянинг барча соҳаларига тааллуқли бўлган 280 та янги саноат корхонаси қурилган. Республиканинг саноат қуввати 1945 й.да 1940 й.га нисбатан 2 марта, нефть қазиб чиқариш 4 марта, металлни қайта ишлаш 4,5 марта, машинасозлик 13,4 марта, кўмир қазиб чиқариш 30 марта, пўлат ва прокат и.ч. 2,5 марта, кимё саноати маҳсулотлари 5 марта кўпайди. Шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам ривожланди.

Фронт учун самолётлар тайёрланмоқда (Тошкент, 1944).



Бу даврда Ўзбекистон фронтга қарийб 2000 самолёт, 1700 мотор, 22 млн.та мина, 500 млн.та ўқ, 2 млн.та авиабомба, 1 млн.та граната, 330 мингта парашют, 5 бронепоезд ва б. қурол-яроғ етказиб берди. 1945 й. ҳузигача 155 минг нафардан ортиқ ўзбекистонлик РСФСРнинг, асосан, Урал ва Сибирдаги турли э-длари, конлари, қурилиш ва ёғоч кесиш ишларига ишчи батальонлари сифатида сафарбар қилинди. Улар жуда оғир шароитда меҳнат қилишган.

Уруш йиллари қ.х. маҳсулотларига бўлган талаб ҳам кескин ошган. К-зларда катталар ва 12 ёшдан ошган болалар учун мажбурий иш кунни 1,5 марта оширилган. Белгиланган меҳнат нормасини бажара олмаган колхозчилар шафқатсиз жазоланган. Уруш йилларида пахта етиштиришни ошириш энг муҳим вазифа қилиб кўйилган.

Уруш йилларида ЎзССРда ирригация шохобчалари юксак суратлар б-н давом эттирилди. Шим. Тошкент, Шим. Фарғона, Юқори Чирчиқ, Сўх-Шоҳимардон, Учқўрғон каналлари ва Рудасой, Косонсой сув омборлари бунёд этилди. 1942–43 й.ларда сугориладиган ерлар майд. 516 минг га ни ташкил этган. Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида қанд лавлаги учун унумли ерлар ажратилиб, 1943 й. давлатга 1,5 млн. цдан ортиқ лавлаги топширилди. Қанд лавлагини қайта ишловчи Зирабулоқ, Қўқон ва Янгийўл қанд э-длари қурилди. Уруш йилларида республика бутун мамлакатда тайёрланиладиган қанднинг чорак қисмини берган. Бу даврда қоракўлчилик ва галлачилик ҳам катта эътибор қаратилган.

Фронт ва фронт орқасини зарур хом ашё ва озиқ-овқат б-н таъминлаш ҳамда жангчиларни галаба сари руҳлантиришда Ўзбекистон халқи, хусусан, фан ва маданият арбобларининг ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди. Илмий муассасаларда тадқиқотлар йўналиши ҳам уруш даври манфаатларига мослаштирилди. Геолог, энергетик, кимёгар олимларнинг илмий изланишлари самарали бўлди. Бу даврда янги конлар ўзлаштирилди. Ўрта Осиё ун-тининг кимё ф-ти негизда фармацевтика э-ди ишга туширилди. Эвакуация қилинганлар ҳисобига кўпайган республика аҳолисини озиқ-овқат б-н таъминлаш бўйича ҳам қўшимча имкониятлардан фойдаланилди. СССР ФА Ўзбекистон филиали негизда 1943 й. 4 нояб. да Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси (1-президенти Т.Н.Қори-Ниёзий) ташкил қилинди. Фанлар Академиясининг ташкил этилиши ўзбек халқи ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди. Бу акаде-

Избоскан туманида танк қуриш учун маблағ туплаш, 1943.



мия Ўзбекистон илмий тафаккурининг маркази бўлиб қолди. Бу даврда таниқли математик олимлар Т.Н.Қори-Ниёзий, Т.А.Саримсоқов, геолог олимлар Ҳ.Н.Абдуллаев, А.С.Уклонский, файласуф И.М.Мўминов, кимёгар олимлар О.С.Содиқов, С.Ю.Юнусов, энергетик А.Н.Аскоченский ва б. самарали илмий изланишлар олиб борган. Уруш туфайли Москва, Ленинград, Киев, Минск ва б. шаҳарлардан кўчириб келинган олимлар, шоирлар, ёзувчилар ва санъаткорлар Ўзбекистон олимлари ва ижодкорлари б-н мустақам алоқада иш олиб бордилар.

Инсонпарварлик гоёларини кенгрок тарғиб қилиш мақсадида ўзбек халқи маданий меросидан фойдаланила бошланди. Тарихий мавзула бадий асарлар («Маҳмуд Торобий», «Муқанна», «Жалолиддин Мангуберди», «Темур Малик» ва б.) яратилди. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Фафур Фулом, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Султон Жўра, Ойдин каби шоир ва адиблар уруш мавзуига бағишланган асарлар яратди.

Республикада театр санъати, кинематография, ҳайкалтарошилик ва рассомликда ватанпарварлик мавзуидаги асарлар яратилди. Ўзбекистонда шу йилларда 35 та маҳаллий, 16 та кўчириб келтирилган театр иш олиб борди. Уруш йилларида ўзбек санъаткорлари 30 та концерт бригадаларига бўлиниб, фронтдаги жангчиларга 35 минг, госпиталларда эса 26 минг концерт намойиш этдилар.



Шоҳмудовларнинг байналмилад оиласи, 1945.

Уруш Ўзбекистондаги ҳар бир оила ни моддий жиҳатдан ҳам қийин аҳволга солиб қўйди. Шаҳарларда озиқ-овқатга карточка тизими ташкил этилиб, ишчи ва хизматчиларга кунига 400–500 граммдан, оила аъзоларига 300–400 граммдан нон берилди. Раҳбар ходимлар эса махсус озиқ-овқат (паёк) б-н таъминлаб турилди. Қийинчиликлар жамиятнинг ижтимоий руҳий ҳолатида кескинликни вужудга келтирди, бироқ фашизм устидан қозониладиган галабага ишонч асло су-саймади.

Уруш йилларида аҳоли таркибида ҳарбий хизматчилар оилалари, эвакуация қилинганлар, уруш ногиронлари, етим болалар деб номланган янги ижтимоий гуруҳлар пайдо бўлди. Ўзбекистонга 1 млн.дан ортиқ киши, жумладан, 200 минг бола эвакуация қилинди. Турли миллатга мансуб етим болаларни ўзбек халқи ўз фарзандидай ардоқлаб, уларни вояга етказди. Мас., тошкентлик оддий темирчи Шоҳмад Шоҳмудовлар оиласи 15 болани, каттақўрғонлик уруш ногирони Ҳамид Самадов 13 болани, самарқандлик колхозчи аёл Фотима Қосимова 10 болани олиб тарбиялади. Республикада уруш даврида 30 дан ортиқ ҳарбий госпиталь жойлаштирилди. Жа-



Хотира ва қадрлаш майдонидаги «Мотамсаро она» ҳайкали.

роҳатланганларнинг талайгина қисми жанговар сафга қайтарилди. Уруш ногиронларининг кўпчилиги ишга жойлаштирилди.

Ўзбекистонлик жангчилар Брест қатъаси, Киев, Смоленск, Одесса, Севастополь, Ленинград, Москва, Сталинград ш.лари мудофаасида мардлик ва матонат намуналарини кўрсатишди. 1943 й. ёзда бўлган Курск ва Орёл р-нидаги жанггоҳда, Днепр дарёсини кечиб ўтишда олдинги сафларда бўлишди. Ўзбекистонликлар Қаршилик кўрсатиш ҳаракати сафларида, Польша, Болгария, Венгрия, Руминия, Чехословакия, Италия, Греция, Австрия, Югославия, Франция ва б. давлатларни фашизмдан озод этишда фаол қатнашдилар, партизан қушиқчаларида жанг қилдилар. Ўзбекистонлик жангчилар япон милитаризмининг тормор қилиши (1945 й. авг.) да ҳам фаол қатнашдилар.

Уруш йиллари Ўзбекистонда барча турдаги қўшинлар учун зобитлар ва мутахассислар ҳам тайёрланди. Улар Тошкент пйёдалар билим юрти ҳамда кўчириб келтирилиб, турли шаҳарларда жойлаштирилган бир нечта ҳарбий билим юртлари, олий ўқув юртларининг ҳарбий ф-тларида, ўнлаб турли курсларда тайёрланди.

Ўзбекистонлик 120 мингдан ортиқ жангчилар уруш фронтларида мардлик ва матонат кўрсатгани учун жанговар орден ва медалларга, 280 киши эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, улардан 75 киши ўзбек эди, 82 ўзбекистонлик аскар ҳар учала даражадаги «Шухрат» орденини олишга муяссар бўлган.

Ғалабани таъминлашда ишчи, деҳқон, олиму муҳандислар, ихтирочилар фронт орқасида туриб ўзларининг самарали ҳиссаларини кўшдилар. Шунингдек, урушда вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашга ёрдам бериш мақсадида минглаб ўзбекистонликлар ўз ихтиёрлари б-н РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР ва б. республикаларга жўнаб кетдилар.

Тоталитар тузум раҳбарларининг фармойиши б-н Кавказ халқлари (чеченлар, ингушлар, қорачойлар, месхети турклар, болқорлар ва б.), қрим татарлари ва Волга бўйи немислари 1943—44 й.ларда зудлик б-н мамлакатнинг шарқий ҳудудларига кўчириб юборилди. Қримдан 151 604 қрим татарлари, Грузиядан 110 минг месхети турки, Шим. Кавказдан 175 минг чечен, 20 мингдан ортиқ ингуш, 4500 болқор, армени ва греклар ЎзССРга кучирилди. Маҳаллий аҳоли жабрдийдаларга хайрихоҳлик билдирди ва самимий ёрдам берди.

Жанг ҳаракатлари даврида ҳарбий асирликда бўлганлар, хусусан, Туркистон легионида қатнашганларнинг тақдири ҳам ниҳоятда оғир кечди. Уруш тугагач, улар ҳамма жойда таъқиб этилди, кўпчилиги махсус лагерларга жойлаштирилиб, турли қийноқларга дучор қилинди. Бу қийноқлардан омон қолган оз сонли кишиларгина кейинчалик озодликка чиқарилди.

1999 й. майда Тошкентда Хотира ва қадрлаш майдони барпо этилиб, унда «Мотамсаро она» ҳайкали ва хиёбоннинг шим. ва жан. томонида қад кўтарган айвонлар тоқчаларида 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик барча жангчиларнинг исм-шарифи битилган металл тахталар ўрнатилган.

Қаҳрамон Ражабов.

Урушдан кейинги ва тинч қурилиш давридаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва ривожланиш муаммолари (1946—1970 й.лар). Тўрт йил давом этган машаққатли урушнинг ғалаба б-н тугаллиниши келажакка катта умид уйғотди, бутун кучгайратни фақат тинч ҳаёт маромини тиклашга, иқтисодий тинч ҳаётга мослаштиришга, уруш оқибатларини барҳам топтиришга йўналтириш имконини берди. Вазифа ниҳоятда мураккаб бўлиб, уни урушдан кейинги ғоятда оғир ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шароитда ҳал этиш лозим бўлган. Республика тинч ҳаётга ишлашга мослашаётган сановатни тиклаш, аҳолини озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари б-н таъминлаш учун ёқилги, электр қуввати, хом ашёга катта эҳтиёж сезарди, шунингдек, малакали ишчилар ва муҳандис-техник кадрлар етишмасди.

Урушдан кейинги йилларда ҳукмрон коммунистик партиянинг сиёсий мавқеи янада ошди. У давлат устидан мутлақ ҳукмрон бўлган органга айланиб, диктаторлик б-н мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, иқтисодий соҳада ҳам ўзининг маъмурий-буйруқ-бозлик ва тоталитар зуғумини ўтказиб бошлади. ЎзССР ўз ҳудудидан анча олисда — Марказда ишлаб чиқилган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар ва режалар исканжасига олинди. Бу режаларни и.ч.да республиканинг имкониятлари ва миллий манфаатлари мутлақо ҳисобга олинмас эди.

Уруш тугагач, орадан кўп ўтмай ЎзССР бўйлаб яна бир ялпи қиргин тўлқини елиб ўтди. 20-а.нинг 40-й.лари охири ва 50-й.лар бошидаги қатағонлар, асосан, маданият ва фан арбобларига қарши қаратилди. Ўзбекистон Компартияси МК Марказнинг йўл-йўриқларига таянган ҳолда дунёқараши ва ижоди партия мафкурасидан фарқ қиладиган ижодий зиёлилар вакилларига қарши ҳужум бошлади. Ижодкор зиёлилардан Саид Аҳмад, Шукрулло, Мирзақалон Исмоилий, Шухрат, Мақсуд Шайхзода, Мирқарим Осим, Ҳамид Сулаймонов, Муҳиддин Қори Ёқубов ва б. 1951 й.да «советларга қарши миллатчилик фаолияти» олиб борганликда айбланиб, қамоққа олинди ва 25 й.га озодликдан маҳрум этилди. Улар «халқлар отаси» И.В.Сталин вафот этгач, 1955 й. оқланиб қамоқдан қайтди. Ўзбек халқининг фахри ҳисобланган Ойбек бадном қилинди. Ҳатто «Алпомиш» достони ҳам ноҳақ танқидга учради.

1945 й. охирига келиб Ўзбекистоннинг машинасозлик саноати қ.х. ва ирригация эҳтиёжлари учун машина ва ускуналар и.ч.га ўтказилди. Ўзбекистон ме-

таллургия э-дида 1946 й. янги прокат цехи ишга туширилди. Шу йилларда Полвонтош ва Жан. Оламушук нефть конлари очилди ва ўзлаштирилди. Фарғонада нефтни қайта ишлаш э-ди фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистонга фақат хом ашё етказиб берувчи ўлка сифатида қаралиши унинг иқтисодийетини бир томонлама ривожланишига олиб келди. Хусусан, ЎзССР Иттифоқнинг асосий пахта базаси бўлиб қолаверди. Халқ хўжалиги(саноат, қ.х. ва қ.к.) бошқа соҳаларининг тараққиёти пахтачилик манфаатларига бўйсундирилди. Беш йиллик режаларини тузишда саноатни бошқаришнинг иқтисодий усуллари инкор этилди.

Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Красный двигатель», «Подъёмник» каби э-дларда тиркама ускуналар ва тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Қ.х. хом ашёси (асосан, пахта ва пилла хом ашёси б-н чорвачилик маҳсулотлари)ни қайта ишловчи корхоналар қурилди. Чирчиқ электр-кимё комбинати қисқа муддатда минерал ўғитлар и. ч.га ўтказилди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда 150 та саноат корхонаси ишга туширилди. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, металл ишлаш ва кимё саноати ривожлантирилди. Қорақалпоғистон АССРда ҳам саноат ривожига аҳамият берилди. Дастлабки беш йилликда уз. 600 км дан зиёд бўлган Чоржўй — Кўнғирот т.й. қурилди.

1946 й. 5 фев.да СССР ҳукумати «1946—1953 йиллар даврида Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш режаси ва талбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган. Бу қарор, асосан, ЎзССРда пахта монокультурасини узил-кесил жорий қилишга қаратилган эди. Совет ҳукуматининг кўрсатмаси б-н озиқ-овқат экинларининг суғориладиган майдонлари чигит экиш учун ажратилди. Шу тарзда пахта экин майдонлари кенгайтирилди. 1946 й. ЎзССР учун пахта экин майд. 779 минг га қилиб белгилаб берилди. Уша йили пахта экин майдонларининг миқдори 218 минг га ни ташкил этди. Пахта етиштириш йилдан йилга ўсиб борди. 1945 й. республикада 850 минг т пахта етиштирилган бўлса, 1950 й. унинг миқдори 2 222 000 т га етди. Шу даврда ғалланинг ялпи маҳсулоти 742 минг т дан 666 минг т га, сабзавотлар ялпи маҳсулоти 433 минг т дан 328 минг т га камайди. Озиқ-овқат маҳсулоти етиштириш қисқариб, озиқ-овқат муаммоси вужудга келди. Экология бузилиб, аҳоли саломатлиги ёмонлашди.

Саноатни ривожлантиришда ҳам бир қанча муаммолар юзага келди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг урушдан кейинги тўртинчи ва бешинчи беш йиллик режаларига кўра давлат томонидан кўплаб капитал маблағ ажратилиб, унинг каттагина қисми оғир индустрия соҳасига берилса ҳам янги технология, фан ва техника ютуқлари и. ч.га секин-секин б-н жорий қилинди. Енгил саноатга ажратилган капитал маблағлар унчалик самара бермади.

1947 й. дек.да озиқ-овқат ва саноат товарларига қарточка тизими бекор қилинди. Ҳар йили кенг истеъмол молларининг нархи арзонлаштириб борилди. Бироқ халқнинг турмуш даражаси бу пайтда айтарли даражада яхшиланмаган.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда рўзгор буюмлари, тўқимачилик саноат маҳсулоти аҳоли эҳтиёжини тўла қондира олмади. Шунинг учун республика аҳолиси ҳунармандчилик б-н шуғулланишга мажбур бўлди. Ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулот турлари хилма-хил бўлган. Улар рўзгорда ишлатиладиган сопол идишлар, кийим-кечак, пойафзал, арава, эгар, сандиқ, меҳнат қуроллари, деҳқончилик асбоб-ускуналари тайёрлаганлар. Газлама, жун, ипак матолар ишлаб чиқарганлар. Гиламдўзлик, заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, бўёқчилик, совун, шам, ун ва ёғ и.ч. кенг тарқалган. Ҳунармандлар аҳолининг ҳаёти ва турмуши учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарганлар.

Бироқ совет ҳокимияти томонидан ҳунармандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркин фаолияти чеклаб қуйилди. Улар кооператив артелларга бирлаштирилди. Якка тартибда ҳунармандчилик б-н шуғулланиш ман этилди. Урушдан кейинги йилларда ҳунармандчилик кооперацияси таркибида бир неча юз артеллар фаолият кўрсатарди. 1955 й. Тошкент ш.да 51 та, Самарқанд вилоятида 33 та, Наманганда 23 та, Андижонда 22 та йирик артеллар мавжуд эди. Улар халқ учун зарур буюмларни ишлаб чиқарарди.

Ҳунармандлар кооперацияси, кооператив мулкнинг мавжудлиги раҳбар совет

ташкilotларини қониқтирмай қўйди. 1956 й. апр.да СССР ҳукумати бутун мамлакатда ҳунармандлар кооперациясини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон ССРдаги ҳунармандлар артеллари давлат мулкига айлантилди ва маҳаллий саноат министрлигига берилди. Асосан, ногиронлар артеллари, иш б-н таъминлаш мақсадида халқ бадийи ҳунармандчилиги саҳлаб қолинди.

Советларнинг ҳунармандларга салбий муносабати туфайли газлама, гиламдўзлик, кигиз тайёрлаш, кўнчилик, мисгарлик, бўёқчилик ва б. кўплаб ҳунармандчилик соҳалари 20-а.нинг 60-й.ларидан бошлаб йўқ бўлиб кетди. Улар ишлаб чиқарган маҳсулот турлари ва ҳажми камайди. Кооператив саноат, асосан, артеллар маҳсулоти 1940 й.да республика саноати ҳажмининг 19% ини ташкил қилган бўлса, 1958 й.да 8,5% ини, 1962 й.да эса атиги 3% ни ташкил этди.

60-й.ларда республикада 10 дан ортиқ ф-ка ва э-д бадийи буюмлар ишлаб чиқарди. Бухоро зардўзлик ф-каси, Риштон бадийи кулолчилик э-ди, Тошкент «Сувенир» ф-каси, Тошкент миллий мусиқа асбоблари тажриба ф-каси, Шаҳрисабздаги «Хужум» ф-каси, Андижон, Чуст, Наманган, Тошкент бадийи буюмлар ф-калари ва б. фаолият кўрсатади. Уларга уйда ишловчи ҳунармандлар ҳам бириктирилган эди.

50—60-й.ларида кулолчиликнинг асосий маркалари Бухоро, Фиждувон, Шеробод, Риштон, Самарқанд ҳисобланган. Сопол буюмлар Андижон, Тошкент, Қарши ва б. шаҳарларда ҳам ишлаб чиқарилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент усталарига сариқ, қизил, малла рангли, Фарғона водийси ва Хоразм усталарига эса ҳаво ранг, оқ, кўк рангли буюмлар и.ч. хос эди.

1956 й. фев.да бўлган КПСС 20-съездида Сталин шахсига сифиниш кескин қораланди. Шахсга сифиниш ва унинг оғир оқибатларини тугатиш мақсадида



Тошкент авиация заводи йиғув цехи.

республикалар ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қонунларга қатъий риоя қилиш, режалаштириш тизимини қайта кўриб чиқиш, демократия принципларини тиклаш тадбирларини амалга ошириш режалаштирилди. Миллий республикаларнинг маданий қурилиш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтиришга доир бир қанча чора-тадбирлар кўрилди. Республика ҳукуматида давлат режаларининг бажарилиши, капитал қурилиш, моддий-техник таъминотни амалга ошириш, маҳсулотни реализация қилишни ташкил этиш ва ҳужалик тадбирларини пул б-н таъминлаш масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқи берилди.

20-а.нинг 30–50-й.ларида қатағон қилинган айрим давлат ва сиёсат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, олимлар ва санъаткорлар оқланди. Лекин бу жараён совет даврида зиддиятли тарзда кечиб, мантиқан охирига етказилмади. Бунинг устига қатағонларнинг янги тўлқини доимий равишда инсонлар юрагига гулгула ва кўрқув солиб турди.

Ўзбекистон минерал хом ашё турларига ниҳоятда бой ҳудуд. Республикада кўпгина фойдали қазилмалар: олтин, мис, кўрғошин, рух, вольфрам, уран, табиий газ, нефть, тошқумир ва б. конлар топилиб, ишга туширилган.

Ўзбекистоннинг табиий газ мавжуд бўлган туманларида фаол геология-қидирув ишлари олиб боришга 20-а.нинг 50-й.лари бошларидаёқ киришилган эди. Ўша даврда Жарқўрғон, Қоровулбозор, Сариктош табиий газ конлари очилган. Бухоро–Хива геологик минтақаларида Газли (1956), Шим. ва Жан. Муборак (1958), Учқир (1962), Ўртабулоқ ва Култук (1962–63) йирик табиий газ конларининг, шунингдек, Ҳисор тоғларининг жан.-ғарбий тизмаларида Оламтош конденсат кони (1962), Устюртда истиқболли газ қатламларининг топилиши аҳволни кескин ўзгартириб, Ўзбекистонни жаҳондаги энг йирик газ захиралари мавжуд минтақалардан бирига айлантirdи.

1956 й.да Бухоро вилоятида улкан Газли газ-нефть конининг топилиши Ўзбекистонда табиий газ қазиб чиқаришнинг тез суръатларда ривожланишига асос бўлди. Жаҳондаги энг йирик газ конларидан бири ҳисобланган бу коннинг умумий захираси 500 млрд. м³ газ бўлган. Бу ерда «зангори олов» бунёдкорлари – газчилар яшайдиган Газли ш.га зудлик б-н асос солинди. Табиий газ қазиб олиш суръатлари мисли кўрилмаган даражада оширилди. 1960 й.да 0,4 млрд. м³ табиий газ ишлаб чиқарилган бўлса, 1975 й.га келиб бу кўрсаткич 33,7 млрд. м³ га етди. Иттифоқ ҳукуматининг Ўзбекистонда

газ и.ч.ни оширишдан мақсади уни РСФСРнинг саноат марказларига кўпроқ ташиб кетиш эди. 1965 й.да Бухоро–Урал газ йўли (уз. 4000 км), 1967 й.да дунёда энг узун Ўрта Осиё–Марказ магистрал газ йўли (уз. 13750 км) ишга туширилди. Бундан ташқари 1964–65 й.ларда Бухоро–Тошкент–Бишкек–Олмаота газ йўли (уз. 1324 км) қурилган. Умумиттифоқ газ қазиб чиқаришда республиканинг улуши 1960 й.даги 1%дан 1971 й.да 15,3%га кўтарилди.

Бироқ ЎзССРда уй-жой фондини газлаштириш салмоғи ниҳоятда паст эди, бу ҳол, айниқса, республиканинг аксарият аҳолиси яшайдиган қишлоқ жойларида яққол кўзга ташланган. Ҳатто Совет Иттифоқининг Европа қисмига ва социалистик мамлакатларга газ етказиб берадиган Бухоро вилоятининг ўзида ҳам аҳвол ниҳоятда ачирарли бўлган. Ўзбекистонга, асосан, республикадан ташқарига юбориларди. Фақат 1966–70 й.ларнинг ўзида марказий минтақаларга 100 млрд. м³ дан кўпроқ газ ёки бутун қазиб олинган газнинг 75,5% юборилган. Бу нисбат кейинчалик ҳам сақланиб қолган.

Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистоннинг эҳтиёжларини назар-писанд қилмай, газ етказиб беришни қаттиқ туриб талаб қиларди. Режа топшириқлари тўхтовсиз ортиб борарди. 20-а.нинг 80-й.ларида бу топшириқлар 250 млрд. м³ дан ошиб кетди. Ўзбекистон миллий бойликларини талон-торож қилиш шунга олиб келдики, 1975 й.да Фарғона водийсидаги кўпгина газ конларида, кейинроқ эса машҳур Газли конида ҳам газ деярли тугаб қолди.

20-а.нинг 50–60-й.ларида ЎзССРда олтин и.ч. саноати анча ривожланди. Олтин ажратиб олувчи комплекслар, ф-калар, олтин руда к-глари, шунингдек, мис рудасини қайта ишловчи к-тлар ишга туширилди.

Олмалик атрофларида мис, кўрғошин, рух ва б. нодир металл конларининг очилиши Ўзбекистонда рангли металлургияни ривожлантиришда катта роль ўйнади. 1949–74 й.ларда Олмалик кон-металлургия к-тининг тула ишга туширилиши Ўзбекистонни йирик мис саноати марказига айлантirdи. Комбинат 2 мажмуадан: кўрғо-

шин–рух мажмуаси (Кўрғошинкон, Олтинтопган, Сардоба ва Чалата конлари, кўрғошин–рух бойитиш ф-каси ва рух з-ди) ҳамда мис эритиш мажмуаси (Қалмоққир кони, мис бойитиш ф-каси, мис з-ди ва б.)дан иборат бўлган. Совет даврида бу корхонанинг асосий маҳсулотни ҳам РСФСРга ташиб кетилган.

Кон-металлургия и.ч.ининг кенг миқёсда авж олдирилиши Ўзбекистоннинг индустриал қиёфасини ўзгартиришга сабаб бўлди. Бепоев Қизилқум саҳроси марказий туманларининг саноат жиҳатидан ўзлаштирилиши олтин ва уран қазиб олиш саноатининг пайдо бўлишини тақозо этди. 1958 й.да Навоий кон-металлургия к-ти барпо этилган. Комбинат ЎзССРнинг 5 та вилоятида жойлашган 5 та кон бошқармаси ва улар негизда қурилган Навоий (1958), Нуробод (1970), Зарафшон (1972), Мурунтов (1976), Учқудуқ (1978) ш.лари, Красногорск (1955), Зафаробод (1984), Шалқор (1989) ш.чаларига асос солган. 1982 й. 20 апр.да махсус Навоий вилояти ташкил қилинди. Мурунтов олтин кони 1961 й. ишга туширилиб, дастлабки соф қуйма олтин (999,9 проба) 1963 й. 21 июнда олинган.

ЎзССР олтин ва уран қазиб олишда дунёнинг етакчи ўринларидан бирини эгаллади. 20-а.нинг 70–80-й.ларида республикада ҳар йили тахм. 50 т атрофида соф олтин қуймаси тайёрланган. ЎзССР олтин етказиб бериш бўйича Совет Иттифоқи олтинининг 50% ни етказиб турган. Энг сўнги тадқиқотларнинг кўрсатишича, бу даврда ҳар йили Ўзбекистон ер ости конларидан тахм. 5,5 млрд. доллар баҳосида фойдали қазилмалар олинган. Бу пайтда олтин захиралари бўйича юртимиз дунёда 7-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистоннинг ер ости бойликларидан қимматбаҳо ресурсларни сўриб олган Иттифоқ корхоналари олинган фойданинг атиги 1% га яқинини маҳаллий бюджетга ўтказган. Бу талончилик ме-



Олмалик тоғ-металлургия комбинати, 1974 й.

ханизми иқтисодийни таг-туғи б-н қуритиб, ўзбек халқи манфаатларига мутлақо зид келган. Олтин, уран, нодир рангли металллар, табиий газ ва б. стратегик хом ашё фавқулодда махфийлик ниқоби остида Ўзбекистондан ташқарига амалда текинга олиб кетиларди.

Бу даврда т.й. қурилишига алоҳида эътибор қаратилди. Янги қазилма конларининг топилиши ва янги шаҳарларнинг қурилиши Навоий—Учқўдук т.й.нинг бунёд этилишига сабаб бўлди. Мирзачўл ва Қарши даштларининг ўзлаштирилиши Сирдарё—Жиззах ва Самарқанд—Қарши т.й.ларини қуриш заруратини келтириб чиқарди. 1972 й.да Қўнғирот—Бейнов т.й. ишга туширилди. Бу т.й. магистрали Қорақалпоғистонни Қозоғистон б-н боғлаб, Ўрта Осиёдан Марказга олиб борадиган 2-йўлни вужудга келтириб ҳамда, Қорақалпоғистондан Москвагача бўлган йўлни 2 минг км га қисқартирди. Шунингдек, бу йўл Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм вилоятидан марказга кўпроқ хом ашё етказилишига қулай шароит яратди. Т.й. қисман электрлаштирилди.

Урушдан кейинги йилларда автомобиль транспорти ҳам ривожланди. Эски йўллар таъмирланди, янги асфальт ва бетон ётқизилган йўллар қурилди. 1966—70 й.ларда автотранспортда юк ташиниш 2 баравар ўсди ва 1970 й. охирига келиб 9 млрд. т/км ни ташкил этди.

Бу даврда ҳavo транспорти ҳам юксалиш сари борди. Хусусан, фуқаро авиацияси ривожланди. 20-а. ўрталарида Ўзбекистон ҳavo йўлларида юксак тезлик даврини очиб берган ТУ—104 русумли йўловчи ташувчи самолётлар пайдо бўлди. Айрим шаҳарларда замонавий аэровокзаллар қурилди. Бу Ўзбекистон шаҳарларини ўзаро ва б. республикалар ҳамда мамлакатлар б-н боғлади. Уша йиллари ЎзССР пойтахти Тошкент жаҳоннинг 50 га яқин шаҳарлари б-н ҳavo йўллари орқали боғланган эди. Бироқ барча транспорт турлари тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштириш негизида Марказ манфаатлари ётган. Бундан мақсад республикаларни иқтисодий жиҳатдан бир-бирига, хусусан, Марказга ва Иттифоқ министрликларига қарамлигини кучайтириш эди.

Марказнинг Ўзбекистонга нисбатан камситувчи сиёсатига қарамай, республикага Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1-котиби Ш. Рашидов раҳбарлик қилган йилларда (1959—83) Ўзбекистонда, хусусан, пойтахт Тошкентда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Тошкент zilзиласи (1966 й. 26 апр.)

дан сўнг вайрон бўлган шаҳар тез орада қайта тикланди. Тошкент метрополитени қурилиши жадаллик б-н олиб борилиб, унинг 1-навбати 1977 й. 6 нояб. да ишга туширилди.

Бу йилларда саноатнинг тез суръат б-н ривожланиши саноатда банд бўлган ишчи ва хизматчилар сонининг 2 баробар ошишига олиб келди. Мутахассислар қисман республиканинг олий ва ўрта махсус таълим тизимида тайёрланди. Маҳаллий миллат вакилларида индустриал ишчилар ҳамда муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш масаласи тобора кескин тус олди, чунки саноатда узоқ вақт маҳаллий аҳолининг салмоғи жуда паст бўлиб келмоқда эди. ЎзССР га бошқа минтақалардан юборилаётган ишчи ва мутахассислар оқими йил сайин авж олгани ҳолда иш б-н банд бўлмаган маҳаллий аҳоли сони тобора кўпайиб борди.

20-а.нинг 70-й.лари бошидан республика саноатида танглик зўрайди. Саноат и. ч.ининг ҳажми, меҳнат унумдорлиги пасайиб, маҳсулот сифати ёмонлашди.

ЎзССРда пахта яккахоқимлигининг кучайиши б-н пахтачиликнинг моддий-техника базасини яратилишга эҳтиёж туғилди. 1948 й.да «Ташсельмаш» 3-дида пахта териш машиналарининг дастлабки туркуми чиқарилди. Орадан беш йил ўтгач, «Ташавтомаш» 3-дида трактор ва тиркачиқларни и.ч. йўлга қўйилди (шу 3-д базасида 1969 й. Тошкент трактор 3-ди барпо этилди). Бироқ қ.х. техникаси МТСларда тўпланган эди. Айни вақтда МТСларда малакали кадрлар етишмас эди. МТСларни қайта ташкил этиб, ремонт техника ст-ялари (РТС)га айлантириш ва техникани бевосита жамоа хўжалиқларига сотиш тўғрисида 1958 й. фев. да қабул қилинган қарор ҳам кутилган натижани бермади. Техника к-зларга юқоридан белгиланган баланс нархларда сотилди. Деҳқонларнинг моддий аҳволи яхшиланмади.

ЎзССРда қ.х., унинг асосий тармоғи бўлган пахтачилик ривожланиб борди. Қ.х.да тракторлар сони 1960—70 й.ларда 60 мингтадан 121 мингтагача ошди. Шу даврда пахта териш машиналари сони 8 мингтага кўпайди.

Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида республикага бериладиган мине-



«Ташсельмаш» заводининг йиғув цехи.

рал ўғитлар ва заҳарли химикатлар миқдори йилдан йилга кўпайиб борди. 1951 й.да 0,9 млн. т минерал ўғит ишлатилган бўлса, унинг миқдори 1970 й. 3,5 млн. т, 1980 й. 5 млн. т дан ошиб кетди. Ғўза барглари тўқиш ва зараркунандаларга қарши курашда ўта заҳарли химикатлар (бутифос, меркаптафос ва б.)дан ҳаддан ташқари кенг миқёсда фойдаланиш, уларни сақлаш ва ишлатишда эҳтиёткорлик чораларига беписандлик б-н қараш қишлоқ аҳолиси учун фожиали оқибатларга олиб келди. Аҳоли ўртасида турли-туман касалликлар авж олди. Атроф муҳит ифлосланди, тупроқ унумдорлиги пасайди. Маълумотларга қараганда, фақат 1964 й. пахта майдонларнинг 66,5% га авиация ёрдамида заҳарли моддалар б-н ишлов берилди. Одамлар заҳарли химикатлардан ёппасига заҳарлана бошладилар.

Ўзбекистонда ирригация-мелиорация қурилиши 20-а.нинг 50-й.лар охиридан бошлаб кенг қўламда олиб борилди. Пахта хом ашёси олишни кўпайтириш мақсадида қисқа муддат ичида Мирзачўлдаги унумдор қуриқ ерларни ўзлаштиришга киришилди. Мирзачўлни шу муносабат б-н 1963 й. 16 фев.да Сирдарё вилояти ва 1973 й. 29 дек.да Жиззах вилояти ташкил этилди. Жан. Мирзачўл канали, Марказий Мирзачўл коллекторини қуриш ва Шим. Мирзачўл каналини кенгайтириш ишлари бошланди.

Маълумки, Зарафшон дарёси минг йиллар давомида Бухоро воҳасини сув б-н таъминлаб турган. Бироқ 20-а.нинг 60-й.ларига келганда Зарафшон дарёсининг сувлари Бухоро вилояти ерларини сугоришга етмай қолди. Сув танқислиги Бухорода ҳаёт-мамонт масаласига айланди.

Амударёдан Бухоро вилоятига сув етказиш мақсадида умумий уз. 400 км бўлган Аму—Бухоро машина канали

(1965–76) қурилди. Амударёнинг суви-ни 67 м баландликка кўтариб берувчи йирик насос ст-ялари бунёд этилди. Канал ишга тушиши б-н Бухоро вилояти-да 90 минг га ер, жумладан, 26 минг га янги ерлар суғориладиган бўлди. Бундан ташқари Қизилқум чўлида майд. 300 минг га дан ортиқ бўлган яйловлар сув б-н таъминланди. Шунингдек, 55 км узунликдаги Аму–Қорақўл канали (1963) қурилган. Бухоро воҳасида Қуйи-мозор ва Тўдақўл сув омборлари, Жиз-зах даштини ўзлаштириш учун Жиззах сув омбори барпо қилинган.

Янги ерларни ўзлаштириш б-н бирга уларда янги туманлар, шаҳарлар, с-злар ва к-злар бунёд этилди. Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган жойларида Арнасой, Гулистон, Дўстлик, Зарбдор, Зафаробод, Меҳнатобод, Мирзачўл, Мирзаобод, Оқолтин, Пахтакор, Сайхунобод, Ховос туманлари, Бахт, Гулистон, Гагарин, Дўстлик, Пахтакор, Сирдарё, Ширин, Даштобод, Янгиер ш.лари, 100 га яқин с-з ва к-злар, чўлқуварлар учун турар жойлар қурилган.

Канал ва сув омборларини қуриш иқтисодий самара беришидан ташқари кўпинча яқин атрофдаги жойларга сал-бий таъсир ҳам кўрсатди: ер ости сизот сувларининг сатҳи кўтарилиб, унмдор ерлар шўрланди ва ботқоққа айлана бош-лади, боғ ва тоқзорлар қуриди. Амударё б-н Сирдарёдан тобора кўп сув олин-ши натижасида бу дарёларнинг суви Орол денгизига бориб етмади. Орол ден-гизининг қуриб бошлаши бутун минта-қада катта фожиага сабаб бўлди. ЎзССРдаги экологик муҳитга жиддий

Пахта майдонини авиация ёрдамида дефолиа-ция қилиш, 1970 й.



зарар етказилди. Ҳолбуки, 1946–65 й-лар-да 0,6 млн. га, 1966–85 й-ларда 1,8 млн. га янги ер ўзлаштирилди. Бундан ташқари 6,9 млн. га ердаги яйловларга сув чиқ-арилди. Пахта хом ашёси етиштириш 1946–85 й-ларда 5,5 марта кўпайди.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий инқи-рознинг кучайиши ва иқтисодий тургун-лик (1971–1985 й-лар). 20-а.нинг 70-й-ларига келганда ЎзССРда ижтимоий ривожланиш муаммолари уларнинг ҳал қилинишидан кўра тезроқ кўпайиб, кес-кинлашиб борди. Бошқарувнинг маъму-рий-бўйруқбозлик усуллари ва иқтисо-лиётни қаттиқ режалаштириш принци-пи вазиятни янада мураккаблаштирди. Бу ҳол sanoатни ривожлантиришни ҳам қийин аҳволга солиб қўйди.

Sanoat маҳсулотининг умумий ҳажми 1970–85 й-ларда ЎзССРда 241% га ўсган бўлса, унинг етакчи тармоқлари – ма-шинасозлик ва кимё sanoати, асосан, пахтачилик учун машиналар, кимёвий ўғит ва б. маҳсулотлар и.ч. билан чеклан-ган. 1985 й-га келганда Ўзбекистонда 1500 дан ортиқ и.ч. бирлашмалари, к-т-лари ва корхоналари бор эди. Шу йил-ларда Ўрта Осиёда машинасозлик маҳ-сулотларининг 2/3 қисмини берадиган Ўзбекистон машинасозлик sanoатида анча силжишлар бўлган. Бухоро, Наман-ган, Сирдарё вилоятларида ҳам маши-насозлик корхоналари қад кўтарган. Бу даврда Ўзбекистонда бир қанча ип газ-лама ва шойи газлама, турли трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар қурилди. Бухоро ип газлама к-ти, Тошкент «Қизил тонг» тикувчи-лик и.ч. бирлашмаси, Марғилон «Атлас» фирмаси, Урганч, Наманган, Шаҳри-сабз, Гулистон ва б. шаҳарлардаги шойи тўқиш ф-калари, Қувасой чинни з-ди,

Хива гилам к-ти шулар жумласидандир. Учинчи беш йиллик даври – 1976–80 й-ларда Ўзбекистонда жами 23 та энгил sanoat корхонаси қурилди. Бироқ улар-ни жойлаштириш пухта режалаштирил-ган эмас эди. Мас., Жиззах ва Термиз ш.ларида бирорта ҳам тикувчилик кор-хонаси бўлмаган.

20-а.нинг 80-й-лари ўрталарида ЎзССРда маҳаллий аҳоли орасидаги иш-сизларнинг ўртача йиллик сони 1 млн. кишидан ортиқ (ярми ёшлар) бўлган. Қишлоқ туманларида бу курсаткич бун-дан ҳам юқори эди. Ишсизлар сони ана шундай кўп бўлган бир шароитда иш кучини тўхтовсиз четдан келтириш да-вом этарди. Навоий, Зарафшон, Учқу-дук, Чирчиқ, Олмалик ш.ларидаги иш-чиларнинг аксарияти СССРнинг мар-казий р-нларидан келтирилган эди. Мас., 1981–85 й-ларда Тошкентда иш б-н банд бўлмаган меҳнатга қобилият-ли ўртача 200 мингдан ортиқ киши бор бўлгани ҳолда янги ишга туширилган корхоналарга 125 минг ишчи ва мута-хассислар РСФСР, Украина ва Белорус-сиядан жалб қилинган.

1980 й-да ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган техникум-лар сони 44 тага етган. 1985 й-да респуб-лика қ.х.да 10 мингдан ортиқ ўрта ма-хсус маълумотли ва 5 мингдан зиёд олий маълумотли мутахассис фаолият кўрсат-ган. Бироқ мутахассислар сон жиҳатдан ўсиб борса ҳам уларнинг малакаси етар-ли даражада эмас эди. Олий ўқув юрт-лари ва техникумларнинг талабалари узоқ муддатга қ.х. ишларига жалб қилин-ган. Ўқув дастурлари эса ҳаддан ташқ-ри мафқуралаштирилган.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги сал-бий жараёнлар сиёсий тизимда ҳам тўла-лигича акс этган. Совет жамиятининг сиёсий тизимига коммунистик партия, советлар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари (комсомол) ва б. жамоат ташкилотлари кирар эди. Партия ўзини жамиятнинг раҳбарлик қилувчи ва йўналтирувчи кучи деб ҳисоблар ва со-ветлар ҳамда жамоат ташкилотларига ўз хоҳиш-иродасини амалда зўрлик б-н ўтказар эди.

СССРнинг 1977 й. 7 окт.да қабул қилинган Конституциясининг 6-модда-сида КПССнинг совет давлати ва жам-иятидаги етакчилик роли «қонуний» мустаҳкамлаб қўйилди. Бу асосда 1978 й-да қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясида ҳам коммунистик пар-тиянинг жамият тараққиётидаги раҳбар-лик роли эътироф этилган эди.

20-а.нинг 70–80-й-ларида Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларни ўзлашти-



Пактани қўл билан териш.

риш мақсадида катта ҳажмда ирригация иншоотлари қурилди. Фаргона водийсини сув б-н таъминлашни яхшилаш, чўллари ўзлаштириш учун серсув Норин дарёсидан сув оладиган Катта Андижон ва Катта Наманган каналлари, Қорадарёдан сув оладиган, сифими қарийб 2 млрд. м³ бўлган энг йирик Андижон сув омбори (1982) қурилди.

Сурхон-Шеробод водийсида ҳам бу даврда чўллари ўзлаштириш ишлари давом этди. Шеробод даштларини сугориш ва ўзлаштиришда Жан. Сурхон сув омбори, шунингдек, Учқизил, Дегерес сув омборларининг қурилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жан. Сурхон сув омборининг вужудга келиши 100 км ли Шеробод каналини ишга тушириш ва Шеробод даштида 90 минг га янги ерларни сугориш имкониятини берди. Қад. Занг канали қайта таъмирланди ва сув ўтказиш имконияти кенгайтирилди. Шеробод даштидаги муҳим сугориш иншооти ҳисобланган Аму-Занг канали (1973) қурилиши тугалланди. Шеробод даштининг янги ўзлаштирилган ерларида 2 та шаҳар, 17 та янги с-з ташкил қилинди.

Қарши чўлини ўзлаштириш 20-й.нинг 60-й.ларида бошланган эди. Уз. 290 км бўлган Қарши магистраль канали (1965–73) ва Таллимаржон сув омбори Қарши даштидаги асосий ирригация иншоотлари бўлди. Кетма-кет жойлаштириб қурилган 6 та насос ст-яси Амударё сувини 132 м баландлиққа қутариб бера бошлади. Ана шу йирик ирригация иншоотларининг ишга туширилиши Қарши даштида 1 млн. га ерни сугориш ва ўзлаштириш имкониятини яратган. 1963–79 й.ларда Қарши даштида 30 га яқин с-злар ташкил этилди. 1975–79 й.ларда 60 минг га янги ер қ.х. (обороти)га қўшилган.

ЎзССРда 1985 й.га келиб 20 дан ортиқ сув омборлари мавжуд бўлган. Шу б-н бирга каналлар сони ҳам ортди. Бу каби ирригация иншоотларининг кенгайтири-

улаштириш, сугориш ишлари интенсив йўл б-н эмас, балки экстенсив йўл б-н амалга оширилди. Сувдан фойдаланишда катта исрофгарчиликка йўл қўйилди.

1980 й.нинг бошига келиб Мирзачўл ҳудудида 300 минг га дан ортиқ қўриқ ерлар ўзлаштирилди ва Мирзачўл йирик пахтачилик воҳаси бўлиб қолди. Ўша йили Мирзачўл минтақасида 492 минг т пахта етиштирилган.

Қўриқ ерларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш, СССР ҳукуматининг талаб ва эҳтиёжи б-н янги пахтачилик туманларини яратиш, пахта экилаган майдонларни кенгайтириш пахта якка-ҳокимлигининг янада кучайишига олиб келди. Орол фожиаси кундан кунга зўрайиб борди. Бу ҳол, ўз навбатида, озиқ-овқат ва экологик муаммоларнинг ҳал қилишни янада қийинлаштирди, республикада ижтимоий кескинликни кучайтирди.

20-а.нинг 80-й.ларига келганда совет режими, унинг сиёсий тизими ва ҳўжалик юритиш усуллари ўзининг ривожланиш имкониятларини тугатта бошладди. ЎзССР иқтисодиёти ҳам катта хом ашё ва табиий бойликлар захирасига эга бўлишига қарамасдан СССРнинг марказий ҳудудларидан анча ортда қола бошлаган. Ана шундай шароитда Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарияти (И.Усмонхўжаев, Р.Нишоннов ва б.)да сиёсий ирода, қатъий журъат, Совет

Иттифоқи доирасида республика тутган мавқени очиқ-ойдин айтиш учун мардлик етишмади. Бу раҳбарлар Марказ топшириқларини тезроқ «уддалаш», республиканинг СССРга боқиманда эканлиги тўғрисидаги уйдирмаларни такрорлашдан нарига ўтишмади.

ЎзССРнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида 1984 й. 23 июнда бўлган Ўзбекистон Компартияси МК 16-плenumsи машғум роль ўйнаган. Москва ташаббуси ва кўрсатмаси б-н ташкил қилинган пленумда қабул қилинган ҳўжатлар ЎзССРда ўзбек халқини асоссиз бадном этиш кампаниясини бошлаб берди. Пленумда Москвадан махсус юборилган КПСС МК котиби Е.К.Лигачёв ва б. қатнашиб, Кремль кўрсатмалари изчиллик б-н бажарилишини талаб қилишган.

СССР Бош прокурори ҳўзурида алоҳида муҳим ишлар бўйича махсус 12 кишилик терговчилар гуруҳи тузилиб, 1983 й.даёқ ЎзССРга юборилган эди. Улар кейинчалик Марказдан республикага келган «десантчилар»га таяниб, Ўзбекистонда навбатдаги қатағонни амалга оширди. 1983–87 й.ларда Москва, Ленинград ва РСФСРнинг бошқа шаҳарларидан 400 дан ортиқ «десантчи» Ўзбекистоннинг партия, совет, маъмурий-ҳўжалик органларига юқори раҳбар лавозимларга ишга юборилган.

1983–90 й.ларда ЎзССРда «пахта иши» деган уйдирма бўйича жами 40 минг киши тергов қилинди, уларнинг аксарияти тергов изоляторларида прокурор санкциясиз ўтирди, 5 минг киши эса сохта айблар б-н жиноий жавобгарликка тортилди. Тергов жараёнида инсон ҳўқуқлари топталиб, тутқунларга жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказилган. Уларнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғлари ҳам қамоққа ташланди. Кадрларни алмаштириш сиёсати аянчли тус олди. Марказий матбуотда эълон қилинган мақолаларда ўзбек халқи бадном этилиб, «пахта иши»га атайлаб



Орол фожиаси.

сиёсий тус берилди ва у «Ўзбеклар иши»-га айлантирилди. Бу сиёсий кампанияни ЎзССРнинг ўша даврдаги раҳбарлари қўллаб-қувватлашди.

Ўзбекистон мустақиллик йўлида (1985–1991 й.лар). КПСС МК Апрель (1985 й.) пленуми совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини чуқур ислоҳ қилиш йўлини эълон қилди. Иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, жамиятда ошкоралик ва демократияни қарор топтириш, хуллас, КПСС МК Бош котиби М.С.Горбачёв томонидан илгари сурилган қайта қуриш сиёсати вақт эътибори б-н 1953–56, 1964–65, 1982–83 й.лардаги ислохотлардан кескин фарқ қилиб, 1985 й.да совет жамиятини комплекс тарзда янгилаш заруратини эътироф этган эди. Қайта қуришнинг асосий таркибий қисмлари деб ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва туб иқтисодий ислохот ўтказиш эълон этилди.

Қайта қуришнинг 1-босқичи (1985–87 й.лар) маъмурий-ташқилий тадбирларни анъанавий усулларда олиб борилиши б-н изоҳланади. Мазкур босқичда илмий-техника тараққиёти ютуқларини и.ч.га жалб этиш асосида жамиятда туб иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва унинг асосида инсон омилни фаоллаштириш мўлжалланган эди.

Қайта қуришнинг 2-босқичи (1987–90 й.лар) жамиятнинг барча жабҳаларини комплекс тарзда ислоҳ қилишни кун тартибига қўйди. Хусусан, 1987 й. янв. ва 1988 й. июнда бу вазибалар янада конкретлаштирилди ва унинг асосий мақсади совет жамиятини тўлиқ демократлаштиришдан иборат эканлиги таъкидланди.

Қайта қуриш ошкоралик, демократия ва фикрлар хилма-хиллигининг маълум маънода кучайишига имконият яратди. Аммо мамлакатда туб демократик ўзга-

ришларни амалга ошириш, бошланган ислохотларни охирига етказиш мумкин бўлмади. Зўрайиб бораётган иқтисодий танглик, сиёсий бошбошдоқлик ижтимоий адолатга сиёсий йўл б-н эришиш мумкинлигига ишончсизлик уйғотди.

1985–91 й.лар ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва миллий онгининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. 1985 й.да бошланган жараёнлар Ўзбекистонда ҳам мустақиллик тўғрисидаги ғояларнинг қайта тикланиши ва шаклланиши учун замин яратди. Миллий ўзлик ва миллий онгининг ўсиши даставвал миллий тарих, ўзбек халқи ўтмиши ва маънавиятини ўрганишга бўлган қизиқишнинг кучайишида кўринди. 20-а.нинг 80-й.лари охиридан бошлаб ислом дини, унинг моҳияти, тасаввуф ва суфийлик масалалари, ислом дини алломалари фаолиятига оидлик киритила бошланди. Амир Темур ва туркий сулолалар фаолияти, Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олинishi, жадидчилик ҳаракати, Октябрь тўнтариши, Туркистон мухторияти ҳукумати, «босмачилик», «Хужум» компанияси ва совет тузуми давридаги қатагонлар янги тафаккур асосида талқин этила бошланди.

Қайта қуриш миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувида ҳам ўз аксини топди. Узоқ йиллар давомида тўпланиб, шаклланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий соҳадаги муаммолар миллатлараро муносабатларга ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмас эди.

Марказ жиловни қўлдан бермаслик учун бутун имкониятларни ишга солаётган бир шароитда 1989 й. май-июнь ойларида Қувасойда ёшлар ўртасида бўлган безорилик миллатлараро (месхети турклари б-н маҳаллий ёшлар ўртасида) тўқнашувни келтириб чиқарди. У Фарғона водийси ва Тошкент вилоятига тарқалиб, хавфли тус олди. 1989 й. 8 июнда Қўқонда маҳаллий аҳоли қатнашган тинч намойиш ҳарбий

қисм аскарлари томонидан ўққа тутилиши натижасида 50 дан зиёд намойишчилар ҳалок бўлди, 200 дан ортиги эса ярадор қилинди. Расмий маълумотларга қараганда, 1989 й. 3–12 июнда Фарғона вилоятида бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва намойишчиларнинг ҳарбийлар томонидан ўққа тутилиши натижасида 103 киши ҳалок бўлган, 1009 киши жароҳатланган ва 650 хонадонга ўт қўйилиб, вайрон этилган.

1989 й. 23 июнда Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби қилиб И.А.Каримов сайланди. Ўзбекистон халқи ва янги сиёсий раҳбарият «пахта иши» ва «Ўзбеклар иши» тўғрисидаги бўҳтонлар тўхта-тилиши ва ноҳақ жазоланганлар қамоқдан озод қилинишини сўраб, Марказга мурожаат қилишди. Шу аснода Ўзбекистоннинг Марказ б-н кўз илғамас зиддиятли муносабатлари кескинлаша борди. 1990 й. 24 мартда Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий қилинди: ЎзССР Олий Совети И.А.Каримовни Ўзбекистон ССРнинг Президенти қилиб сайлади.

1989 й. 21 окт.да «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

1990 й. июнда Ўш ва Ўзганда қирғизлар б-н ўзбеклар ўртасида этник можаро келиб чиқди. Бу можаро натижасида юзлаб гуноҳсиз ўзбеклар ҳалок бўлди. Марказ мураккаб «этник вазиятдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга интилди, азалий қон-қардош ҳисобланган туркий халқларни бир-бирига қарши қўйди. Ана шундай мураккаб бир шароитда ўзбек халқи асрлар давомида синновдан ўтган ўзининг сабр-тоқати ва бардошини, бағрикенглигини намойиш қилди, турли сиёсий кучлар ва ғаламисларнинг иғволарига учмади. Ўзбекистон ҳукумати ҳам бу масалада изчил сиёсат олиб борди, бутун минтақада тинчликни сақлашда муҳим роль ўйнади.

Ўз ташқи сиёсатини коммунистик мафқурани дунё бўйлаб ёйиш орқали таъсир доирасини кенгайтириш асосида қўрган СССР 1979 й. 25 дек.да ўз қўшинларини Афғонистонга киритган эди. Бу дунёдаги барча тараққийпарвар халқлар томонидан кескин қораланди. 1989 й. фев.да совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқиб кетилди. Кўп йиллик уруш мамлакатга катта зарар етказди. 14 мингдан зиёд совет жангчиси (шундан бир неча мингтаи ўзбек жангчилари) ҳалок бўлди. Совет армиясида тартибсизликлар ҳукм суриши, зўравонликлар оқибатида қўллаб ўзбек йигитлари нобуд бўлди.



Тошкент метрополи-
тенининг «Ўзбекис-
тон» бекати.

1990 й. 20 июнда ЎзССР Олий Советининг 12-чақириқ 2-сессиясида *Мустақиллик Декларацияси* қабул қилинди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон ССР қонунларининг Иттифок қонунларидан устуворлигини таъминлаган. «Мустақиллик Декларацияси» Ўзбекистоннинг мустақиллиги сари ташланган жуда муҳим ва залворли қадам бўлди. Ўзбекистон ССР янги Конституциясини тайёрлаш учун 64 кишидан иборат Конституция комиссияси тузилди.

1990 й.нинг ўзида Ўзбекистоннинг аста-секин бозор иқтисодиётига ўтишининг мезонлари ва бошқичларини белгилаб берган, шунингдек, республика ёшларининг ҳарбий хизматга чақирилиши ва хизматнинг ўзгариш тартибини принципал тарзда ўзгартириши ва б. бир қанча ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий чора-тадбирларни кўзда тутган ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди. Миллатлараро муносабатлар ва миллий масала тўғрисидаги махсус дастур эълон қилинди. Фуқароларга яқка тартибда турар жой қуриш ва шахсий томорқа хўжаликлари учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги, аҳоли пунктларини газлаштириш ҳақидаги фармонлар тобора мураккаблашиб бораётган ўзбек халқи аҳолини маълум даражада барқарорлаштирувчи тадбирлар эди. Республикадаги сиёсий тизим ҳам такомиллаштириб борилди. «Пахта иши» ва «ўзбеклар иши» натижасида ноҳақ ҳабрланганлар оқланиб, уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

Москвада 1991 й. 19–21 авг.да юз берган воқеалар, КПСС МК Бош котиби ва СССР Президенти М.С.Горбачёвнинг ҳокимиятдан четлаштирилиб, вице-президент Г.Янаев бошчилигидаги олий эшелон раҳбарлари томонидан Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети (ГКЧП) тузилгани, бироқ тез орада унинг РСФСР Президенти Б.Н.Ельцин бошчилигидаги демократик кучлар томонидан тор-мор этилиши энди СССРнинг келажаги йўқлигидан далолат берарди. 1991 й. сент. да КПССнинг фаолияти расмий равишда СССР ҳудудида таъқиқланди. 1991 й. 8 дек.да Белоруссиянинг Бела Вежа пушчасида Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари ўзаро битим имзолаб, СССР тугатилганлиги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил этилганлигини расман эълон қилдилар. 1991 й. 25 дек.да СССР халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди.

Ўзбекистон ҳали Иттифок таркибидан бўлиб, СССРнинг конфедератив давлатга айланишига кўпчилик кўз тиқиб турган маҳалда — 1991 й. 31 авг.да Респуб-

лика Олий Кенгашининг 12-чақириқ навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» қонун қабул қилинди. 17 моддадан иборат мазкур қонунда суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгилари аниқлаб берилди. 1 сент. — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилинди.

Ад: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-киتاب [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; А з а м х ў ж а е в С., Туркестан мухторияти, Т., 2000; А л и м о в а Д., Г о л о в а н о в А., Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: Сиёсий ва мафкуравий таъйиқ оқибатлари, Т., 2000; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари, Т., 2001; Р а ж а б о в К., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т., 2002; Р а ж а б о в К., Ҳ а й д а р о в М., Туркестан тарихи (1917–1924 й.), Т., 2002; Ш а м с у т д и н о в Р., Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожели оқибатлари, Т., 2001; Ш а м с у т д и н о в Р., Қишлоқ фожиси: жамоалаштириш, кулоқлаштириш, сургун, Т., 2003; А з и з х ў ж а е в А., Чин ўзбек иши, Т., 2003; История Узбекистана (1917–1991 гг.), 2-изд., Т., 2005; Р а с у л о в А., Туркестан ва Волга бўйи. Уралодди халқлари ўртасидаги муносабатлар, Т., 2005; Репрессия 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 1, Т., 2005.

Иброҳим Алимов, Қаҳрамон Ражабов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбек халқининг муқаллас, тарихий орзуси ушалди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли б-н ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда республикадаги кўп миллатли барча аҳолининг хоҳиш-иродаси мустақамлаб кўйилди. Бу тарихий воқеа Ўзбекистон давлати йилномасига зарҳал ҳарфлар б-н ёзилди.

1991 й. 29 дек.да ўтказилган умумхалқ референдумида Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилинганини овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 98,2% маъқуллади. Ўша куни биринчи бор муқобиллик (альтернатив) асосда ўтказилган умумхалқ Президентлик сайловидан Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, сиёсий мустақилликни мустақамлаш чоралари кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 й. 14 янв.даги қарори катта роль ўйнади. Ушбу қарорга мувофиқ, республика ҳудудида жойлашган собиқ Иттифок Қуроли Кучларининг барча қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, муассаса ва ташкилотлари ҳамда бошқа ҳарбий қисмлари Ўзбекистон Республикаси тасаруфига олинди.

Ўзбекистонда қисқа муддат ичида давлат мустақиллигини амалда намоен этадиган ва давлатчилик асосларини ҳимоя қиладиган турли тузилмалар шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги (1991 й. 6 сент.), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (1991 й. 7 сент.), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (1991 й. 26 сент.), Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси (1991 й. 24 окт.), Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (1992 й. 8 янв.), Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (1992 й. 30 янв.), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (1992 й. 21 фев.), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси (1992 й. 31 март) ва б. тузилди. Банк тизими қайта ташкил этилди. Марказий банк бошқарув идораларидан мустақил бўлди. 1994 й. 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалага киритилди.

Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлига қалам кўяр экан, муайян давлатлар маълум бир моделини кўр-кўрона танлаш йўлидан воз кечди. Айни вақтда бошқа давлатлар тараққиёти жараёнида тўпланган ва Ўзбекистон шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий ва маъбул тажрибалардан самарали фойдаланилмоқда. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон аҳолисининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари, урф-одатларидан ва б. хусусиятларидан келиб чиқиб ўзига хос ва ўзига мос йўл ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинган кун (1991 й. 31 авг.)дан бошлаб давлат рамзларини жорий қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилади бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 й. 18 нояб. ва 1992 й. 3 июлда бўлиб ўтган сессияларида мамлакатимизнинг Давлат байроғи ва Давлат герби тасдиқланди. 1992 й. 8 дек.



Самарқанддаги Амир Темур ҳайкали. 1996 й.

да умумхалқ муҳокамасидан кейин Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Шу йил 10 дек.да Давлат маҳфияси ҳам тасдиқланди.

Ўзбекистон демократик, адолатли ижтимоий тузум, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайдиган ва жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қушадиган тинчликсевар, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан бой давлат барпо этишни ўзининг стратегик вазифаси деб белгилади.

Ўзбекистон Республикасида коммунистик мафқуранинг яқка ҳукмронлиги қатъиян тугатилди. Кўп партиялилик, сиёсий кучлар ва фикрларнинг хилма-хиллигига тоқат қилиш, динлараро бағрикенглик ва тотувлик юртимизда қарор топмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (1991), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (1995), Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (1995), Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси (2000), Ўзбекистон либерал-демократик партияси (2003) каби 5 та сиёсий партия Ўзбекистонда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Ватан тараққиёти партияси эса 1999 й.да

ўзини ФМДП б-н қўшилганини эълон қилди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига уюшган. Ўзбекистонда, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва б. жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш принципи амал қилади. Қонун чиқарувчи орган ҳисобланган Республика парламенти қонун яратувчилик фаолияти б-н шуғулланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — парламентга уч марта (1994 й. 25 дек.; 1999 й. 5 дек.; 2004 й. 26 дек. ва 2005 й. 17—20 янв.) сайловлар бўлиб ўтди. Дастлаб бир палатали парламент сифатида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2005 й. 27 янв.да 2 палата: Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилди.

Ижро этувчи орган ҳисобланган Республика ҳукумати — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси асосан қонунлар ижросини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига раҳбар-

лик қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Ўзбекистонда 15 йил мобайнида давлат бошқарувининг янги замонавий ва самарали тизими шаклланди. Президентлик бошқарув усули — шу тизимнинг ўзагидир (қ. *Ўзбекистон Республикасининг Президенти*). Жойларда ҳам бошқарув тизими қайта ташкил этилди. 1992 й. бошларида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлик лавозими таъсис этилди. Маҳаллаларнинг қад. мавқеи тикланди. Маҳаллий ҳокимиятнинг қуйи бошқарув органлари — қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил қилинди (яна қ. *Конституциявий тузум асослари* бўлими).

Мустақиллик йилларида кўп миллатли республикада фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақлаб қолингани Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланишида қўлга киритилган катта ютуқлардан биридир.

Мустақиллик йиллари Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек халқи ёрдамида иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритди. 1990 й. 14 дек.да ҚҚАССР Олий Совети 4-сессиясида «Ўзбекистон ССР таркибида Қорақалпоғистон АССР суверенитети тўғрисидаги Декларация» қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилингач (1991 й. 31 авг.), унинг таркибида Қорақалпоғистон Республикаси бўлиши қонун йўли б-н мустақамланди (1992 й. 9 янв.). Мустақиллик Қорақалпоғистон тарихининг ҳам янги саҳифаларини бошлаб берди (яна қ. *Қорақалпоғистон Республикаси*).

И.А. Каримов «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» (1993) рисоласида мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиб, Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг ўзга сифатида 5 та асосий тамойил (қоида)ни ўртага ташлади.

Республикада туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказишнинг стратегик мақсадлари белгилаб олинди. Улар қуйидагилардан иборат эди: кишилар турмушини яхшилайдиган, мунтазам ривожланиб борувчи иқтисодий тизимни барпо этиш; кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш; корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш; жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориш; иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш; иқтисодиётнинг тарки-

Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодий иншоот қилиш дастурининг 5 тамойили

Биринчидан, иқтисодий иншоотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, яъни иқтисодий сиёсатдан устун бўлиши керак. Шунингдек, ички, ташқи ва иқтисодий муносабатларни мафқуралдан холи этишни таъминлаш зарур;

Иккинчидан, ўтиш даврида давлат асосий иншоотчи бўлиши лозим. У иншоотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик б-н амалга ошириши шарт;

Учинчидан, қонун устуворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл б-н қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни барча ҳеч истисносиз ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш керак. Аҳолининг салкам 50 % ни 16 ёшга етмаган болалар ташкил этадиган Ўзбекистонда бунинг алоҳида аҳамияти бор;

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, яқин ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»сиз, яъни эволюцион йўл б-н пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

бини қайта қуриш, илғор технологияларни жорий қилиш; кенг кўламда аграр иншоотлар ўтказиш; аҳолини озиқ-овқат б-н таъминлаш; мамлакат экспорт қувватини жадал ривожлантириш; хорижий сармояларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юритиш. Бу белгиланган мақсадларга босқичма-босқич эришилиб борилди.

Давлат мулкни хусусийлаштириш натижасида мамлакатда кўп укладли иқтисодиёт ва ўрта мулкдорлар синфи вужудга келди. Хусусийлаштириш жараёнида тадбиркорлик ва ишбилармонликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилди. 2000–2005 й.лар давомида жами 4 минг 660 та корхона ва объект хусусий мулкдорларга сотилди. 2005 й.да мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотларнинг қарийб 76%, sanoat маҳсулотларининг 78% дан ортиғи, қ.х. ва чакана савдо айланмасининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат сектори улушига тўғри келди.

Иқтисодиётнинг аграр секторига ҳам туб иншоотлар утказилди. 1992–95 й.ларда 1137 та с-з ва к-злар бошқа мулк шаклига – 530 жамоа хўжалигига, 350 кооперативга, 100 дан ортиқ ижара, шунингдек, бошқа мулк шаклларига айлантирилди. Ширкат ва деҳқон хўжаликлари ташкил қилинди. Бундан ташқари 1516 қорамолчилик фермаси сотиш йўли б-н меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди. Қ.х.да давлатга қарашли бўлмаган сектор 1995 й.да бутун маҳсулотнинг 97% ни ишлаб чиқарди. Хусусан, қишлоқда фермер хўжаликларини тузиш ва ривожлантириш ишига катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон фермер хўжаликларида 2005 й. 1 млн. дан зиёд киши банд бўлиб, пахта хом ашёсининг 66%, галланинг 55% дан ортиғи улар томонидан етиштирилди.

Республикада дон мустақиллигига эришишга катта эътибор қаратилди. Пахта экиладиган экин майд. 2 млн.га дан 1,5 млн. гектаргача қисқартирилиб, донли экинлар майд. 1,2 млн. гактарга кен-

гайтирилди. Дон экинлари учун ажратилган майдонлар 1990 й.дан 1998 й.гача бўлган давр мобайнида, асосан, пахта экинлари майдонини қисқартириш ҳисобига 1,7 баробар ортди. Дон и. ч. икки баробардан кўпроқ ошиб, 4,15 млн. тоннани ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2002 й. 5 млн. т га етди. Ўзбекистонда 2005 й. 14 окт.да пахта тайёрлаш режаси оширилиб бажарилиб, 3 616 000 т пахта етиштирилди.

1996 й.дан бошлаб четдан нефть маҳсулотлари сотиб олиш тўхтади. 1997 й.да Ўзбекистоннинг ўзи нефть маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатга айланди. 1997 й. авг.да Бухоро нефтни қайта ишлаш з-ди ишга туширилди. Нефть экспорти 1992 й.даги 270 минг т дан 1998 й.даги 912 минг т гача ёки қарийб 3 баробар ошди. Нефть, тайёр енгил саноат маҳсулотлари ва б.ни экспорт қилиш ҳажмининг ортиб бориши туфайли 2000 й.да экспорт таркибида пахта толасининг ҳиссаси 27,5% бўлган бўлса, 2005 й.да бу кўрсаткич 19% ни ташкил этган. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иншоотлар ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилаётган ютуқлар натижасида четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажми йил сайин ортиб борган ва 2005 й.да 11,5% га ўсган.

2000–2005 й.ларда импортнинг таркиби ҳам ўзгариб, мамлакатга олиб кирилаётган умумий маҳсулот ҳажмида техника ва ускуналар улуши 44% ни ташкил этди.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётга сарф қилинаётган сармоялар ялпи ички маҳсулотнинг чорагидан купроғини ташкил қилди. Бу эса иқтисодиётнинг қатор асосий тармоқлари – ёнлиғи, қазиб олувчи, енгил, озиқ-овқат,

Тошкент молия маркази.



гўшт-сут саноатини техник қайта жиҳозлаш ва янгилашни, янги и.ч. корхоналари қуришигина эмас, балки республика учун мутлақо янги бўлган замонавий тармоқлар: автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология саноатини, радиоэлектроника, телекоммуникациялар соҳаси ва б.ни яратиш имконини берди.

Ўзбекистон замонавий автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторига қўшилди. «ЎздЭУ авто» компаниясига қарашли *Асака автомобиль заводи* 1996 й. июлда ишга туширилди. Республикада «Дамас», «Тико», «Нексия», «Ласетти» русумидаги автомобилларни ишлаб чиқарган бу 3-д истиқлол йилларида бунёд этилган қудратли корхона бўлиш б-н бирга Ўзбекистонни иқтисоди ривожланган давлатлар қаторига кириши учун қўйилган қадам бўлди (яна қ. *Иқтисодиёти* бўлими).

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий ва маданий тараққиёти соҳасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўзбек халқининг тарихига, дини ва миллий қадриятларига алоҳида эътибор қаратилди. Наврўз байрамига 1992 й. расмий мақом берилиб, у тикланди. Шунингдек, мусулмонларнинг муқаддас байрами бўлган Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайитининг 1-кунлари Ўзбекистонда дам олиш кунлари деб эълон қилинди. Бар-

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов *Асака автомобиль заводида*, 1996 й. 19 июль.

ча вилоятлар, хусусан, Тошкент ш.да ободончилик ва қурилиш ишларига эътибор кучайди. Ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий меросини шарқона ва умуминсоний қадриятлар б-н муштарак ҳолда ўрганиб, миллат ва мамлакат тараққиётига хизмат қилдириш мақсадида 1994 й. 23 апр.да Республика «Маънавият ва маърифат» маркази тузилди. Ўзбек халқи истиқлол шаурофати б-н ҳар йили муқаддас ҳаж ва умра амалларини бажариш имкониятини қўлга киритди. Халқни янги йўлдан бошлаб бориш, унинг қарашлари ва орзу-мақсадларини бир йўналишга буриш, кучларни уйғунлаштириш учун мафкура зарур эди. Ўзбекистонда яратилган Миллий истиқлол мафкураси негизини ватанпарварлик, эркинлик, миллий ифтихор, инсонларварлик, байналмилаллик каби хусусиятлар ташкил этади. Миллий истиқлол мафкураси ўз моҳиятига кўра мустақилликни мустаҳкамлашга, мамлакатимиз барча имкониятларини буюк мақсад сари йўналтиришга қаратилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг аждодларимиз қолдирган маданий меросни тиклашга алоҳида эътибор берилди. Алишер Навоий (1991), Баҳоддин Нақшбанд (1993), Мирзо Улуғбек (1994), Амир Темур (1996), Имом Бухорий (1998), Аҳмад Фарғоний (1998), Жалолиддин Мангуберди (1999), Бурҳониддин Марғиноний (2000), Имом Мотуридий (2000), Абдухалиқ Фитрувий (2003), Хожа Аҳрор Валий (2004) каби алломаларимиз ва давлат арбобларимиз юбилейларини нишонлаш аъта-

нага айланиб қолди. Бундан ташқари Бухоро ва Хива ш.ларининг 2500 йиллик (1997), Термизнинг 2500 йиллик (2002), Шаҳрисабз ш.нинг 2700 йиллик (2002), Қарши ш.нинг 2700 йиллик (2006) юбилейлари ўтказилди. «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллиги (2001) ва «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллиги (1999) ҳам кенг нишонланди.

Мустақиллик даврида Амир Темурнинг тарихда тутган ўрнига адолатли баҳо берилди. 1996 й.да Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги мамлакатимизда ва бутун жаҳонда ЮНЕСКО қарори б-н кенг нишонланди. Тошкентда *Темурийлар тарихи давлат музейи* ва Тошкент, Шаҳрисабз, Самарқанд ш.ларида Амир Темур ҳайкаллари бунёд этилди.

Мустақилликдан кейин миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлиги санъат ва бадий асарларни баҳолашнинг бош мезони бўлиб қолди. Диний ва сарой адабиёти вакили деб айбланган Аҳмад Яссавий, Боқирғоний, Хожа Аҳрор, Хусайн Бойқаро, Феруз сингари буюк шоир, адиб ва мутафаккирлар, миллатчи деб ноҳақ қораланган Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Абдулла Қодирий, Мунавварқори ижоди халққа қайтарилди, асарлари чоп этилди ва саҳна юзини кўрди.

Мустақиллик йиллари ҳамма соҳада зарур ислохотлар олиб борилиб, улкан ютуқларга эришилди (тегишли бўлимларга қ.). Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Мамлакатда «Соғлом авлод» давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга мувофиқ жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги миллий маънавиятни тиклашга катта эътибор берилган. Миллий курашимиз халқаро спорт турларидан бирига айланди. 1999 й. майда Тошкентда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатидан келган спортчилар иштирокида 1-жаҳон чемпиони ўтказилди (5-жаҳон чемпиони ҳам Тошкентда 2005 й. ўтказилди).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон спортчилари халқаро майдонда йирик ғалабаларга эришган. Боксчи Артур Григорян профессионал боксчилар орасида 18 марта жаҳон чемпиони (1996–2002) бўлиб, «Олтин камар»ни қўлга киритган. Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича жаҳон чемпиони (1999), Олимпия ўйинларининг олтин медали соҳибига (2000 й., Сидней), Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони (2004–05) бўлган. Ўнлаб машҳур спортчиларимиз жаҳон, Осиё, Олимпия ўйинлари ғолиби бўлган ва совринли ўрин-





Термиз. Алпомишга қуйилган ёдгорлик. (1999 й.).

ларни эгаллаган (яна қ. *Жисмоний тарбия. Туризм* бўлими).

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ мустақил равишда ташқи сиёсат юрита бошлади. Тинчлик ва ҳамжиҳатлик принципларини олға сурди. Ўзбек халқининг мустақилликка бўлган интилиши жаҳон ҳамжамияти ва халқаро жамоатчилик томонидан қўлаб-қувватланди. 1991 й. 21 дек.да Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) (1991 й. 8 дек.да Минскда тузилган) ташкилотига аъзо бўлиб, унинг амалий фаолиятида қатнашмоқда. Қисқа муддат ичида 100 дан зиёд хорижий мамлакат б-н дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Тошкентда Туркия, АҚШ, Ҳиндистон,

Франция, Германия, Россия ва б. давлатларнинг элчихоналарининг ваколатхоналари очилди. 1992 й. 2 мартда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (1992 й. 30 янв.)га қабул қилинди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (1992 й. 30 апр.)га аъзо бўлди, ЮНЕСКО ташкилоти (1993 й. 26 окт.)га қабул қилинди. Бундан ташқари Ўзбекистон Осиё қитъаси мамлакатлари томонидан тузилган турли халқаро иқтисодий ва сиёсий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон сиёсий раҳбарияти Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаб қолиш, Афғонистон ва Тожикистондаги можаролар, нарқобизнес ва халқаро терроризмга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммо-

сини ҳал этиш ва б. масалалар юзасидан жаҳон жамоатчилиги олдига қатор талфларни ўртага ташлади.

Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти (2002 й. 28 фев.да Олмаота ш.да тузилган), *Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти* (2000 й. 10 окт.да Остона ш.да ташкил топган) халқаро ташкилотига 2005 й. 6–7 окт.да Санкт-Петербургдаги йиғилишда қўшилгач, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти фаолиятида Ўзбекистон ҳам муҳим ўрин тута бошлади. Ўзбекистон Санкт-Петербургдаги саммитда мазкур ташкилотга расман аъзо бўлди (2006 й. 25 янв.). Шунингдек, Ўзбекистон *Шанхай ҳамкорлик ташкилоти* (2001 й. 15 июнда Шанхайда тузилган)нинг ҳам фаол аъзоси саналади (яна қ. *Ташқи сиёсати* бўлими).

Хуллас, Ўзбекистонда мустақиллик йиллари халқаро муносабатларни йўлга



Урганч. Жалолиддин Мангуберди ҳайкали. (2000 й.).

қўйиш ва ривожлантириш бобида самарали ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшничилик, ўзаро фойдали ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти б-н бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, унинг мавқеи йилдан йилга мустақамланиб бормоқда.

Ад.: Каримов И. А., Асарлар, I–14-ж. лар, Т., 1996–2006; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 3-китоб [Мустақил Ўзбекистон тарихи], Т., 2000; Азизжонов А., Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар, Т., 2001; Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари, Т., 2001; Халилов Э. Ҳ., Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар, Т., 2001; Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида, Т., 2005.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

Давлатнинг конституциявий тузум асослари амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — Асосий қонуни 1992 й. 8 дек.да 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида қабул қилинган. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонун (1991 й. 31 авг.) Конституция учун асос бўлиб хизмат қилган.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратиш ғояси илк бор 1990 й. мартда бўлиб ўтган мамлакат Олий Кенгашининг 1-сессиясида илгари сурилган. 1990 й. 20 июнда Олий Кенгаш 2-сессиясининг қарори б-н Президент И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия тузилган. Конституция лойиҳаси 2 йил давомида ишланган. Комиссия ишлаб чиққан лойиҳа 1992 й. 26 септ.да матбуотда эълон қилиниб, муҳокама этилган. Икки ярим ой давомида 5 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушган. Конституциявий комиссия умумхалқ муҳокамаси якунларини кўриб, лойиҳани тузатиб ва маъқуллаб Олий Кенгаш сессиясида кўриб чиқишга тавсия қилган. Лойиҳа-Олий Кенгаш сессиясида ҳам моддама-модда муҳокама этилгандан сўнг қабул қилинган.

2002 й. 27 янв.да ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 й. 24 апр.даги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига, жами 32 моддага тузатиш ва қўшимчалар киритилган.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан Ўзбекистон ҳудудида шу вақтга қадар амал қилиб келган конституциялардан тубдан фарқ қилади. У бошидан охиригача мустақиллик ғояси б-н суғорилган. Халқ, халқ ҳокимияти ғояси бутун Конституцияга сингдирилганлиги Ўзбекистон Республикаси Асосий қонунининг чинакам халқчиллиги, демократик табиатидан далолат беради. Конституцияда демократиянинг халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир деган асосий қондаси ўз ифодасини топган (7-модда). Халқ ҳукуматга хизмат қилиш учун эмас, аксинча, ҳукумат халққа хизмат қилиш учун мавжуддир. Президент ва ҳукумат демократиянинг ана шу асосий ақида-сига содиқ қолмоқдалар. Сўз эркинлиги, ўз фикрларини баён этиш, ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи, матбуот эркинлиги,

йиғилишлар ўтказиш ва бирлашмаларга уюшиш эркинлиги, қонундан ҳамманинг баб-баравар ҳимоя топиш ҳуқуқи, қонунларга риоя этиш ва адолатли судловни амалга ошириш ҳуқуқлари — демократиянинг энг муҳим тартиб-қоидалари бўлган бу масалалар Конституцияда аниқ-равшан мустаҳкамлаб қўйилган (29-, 31-, 33-, 48-, 67-моддалар). Ҳокимият фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, тартиб сақлашга ва халқ манфаатларини кўзлаб жинойи хатти-ҳаракатларга чек қўйишга даъват этилган.

Фақат халқ сайлаган парламент ва Президент халқ номидан иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг ҳеч бир бўлаги, ҳеч қайси сиёсий партия, жамоатчилик бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида бир шахс халқ номидан иш кўриши мумкин эмас (10-модда). Конституция халқнинг қонуний вакиллари бўлган парламент б-н Президент ваколатларини аниқ чегаралаб беради. Жамиятнинг барқарор ҳаёт кечириши учун бу жуда муҳимдир. Бирорта шахс, ҳатто парламент депутати, ҳеч бир гуруҳ, жумладан, муҳолафат халқ номидан сўзлаши ва иш кўриши, ўз зиммасига халқнинг ваколатли вакили вазифасини олиши ёки ҳокимият тузилмаларининг ваколатларини ўзлаштириши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳокимият б-н муҳолафат ўртасидаги ўзаро муносабатлар асосида келиб чиқиши эҳтимол бўлган барча масалаларни биринчи марта жой-жойига қўйиб берди. Конституциянинг 7-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан-

гина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини улаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади».

Конституциявий тузум – инсоният ижтимоий турмушининг буюк ғалабаси, умумэтироф этган ҳаёт шакли ҳисобланади. Уни заифлаштиришга, унинг барқарорлигига путур етказишга, конституциявий тузилмалар обрўсини тўкишга қаратилган ҳар қандай уриниш ҳуқуқий давлат руҳи ва моҳиятига зид келади. Конституция мавжуд тузумга қарши қаратилган ҳаракатларга йўл қўймайди (29-модда). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси конституциявий тузум тушунчасининг ўзини ҳам бойитади. У конституциявий тузумни зўрлик б-н ўзгартиришни, яъни Конституцияни ўзгартириш учун куч ишлатишни мақсад қилиб қўйган сиёсий партиялар, шунингдек, бошқа ижтимоий бирлашмалар ташкил этилишини ва улар фаолиятини тақиқлайди. Фуқаролар Конституцияга риоя этишга, бинобарин унга асосланган тузумга итоат қилишга мажбурдирлар (48-, 57-моддалар).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси илк бор қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини аниқ ажратиб қўйди. Бу келажақда бутун давлат ҳокимиятининг битта орган ва бир шахс қўлида мужассам бўлишининг олдини олади.

Конституциянинг муҳим хусусияти унинг ижтимоий мақсадни кўзлаган бозор муносабатларини шакллантиришга йўнатилганлигидир. Мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан хусусий мулк тенг ҳуқуққа эга ва бир хил ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланади.

Конституциянинг бир боби Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат (68-модда). Яна бир махсус боб суверен, ўз Конституциясига эга бўлган ва ўз ички масалаларини мустақил ҳал қиладиган Қорақалпоғистон Республикасининг ҳуқуқий мавқеини кўрсатиб беради. Ўзбекистон Республикаси б-н Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида – улар ўртасида тузилган шартномалар ва битимлар б-н белгиланади. МДХ мамлакатларининг кон-

ституциявий қонунлари тарихида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси биринчи марта Қорақалпоғистон Республикасининг умумхалқ референдуми асосида Ўзбекистон Республикаси таркибидан ажратиб чиқиш ҳуқуқини мустақамлаб қўйди.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни мамлакатнинг миллий хусусиятларини кенг акс эттирди. Бу ўзбек тили давлат тили сифатида мустақамланганлигида ҳам, ҳокимият ва бошқарув органлари тузилмалари (Олий Мажлис, ҳокимлар, раислар, оқсоқоллар)да ҳам, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номланиши (вилоятлар, туманлар, қишлоқлар, овуллар)да ҳам ўз ифодасини топди. Бундан ташқари алоҳида боб ўзбек миллий қадриятларидан ҳисобланган мустақам оила ва ундаги муносабатларга бағишланди. Конституцияда таъкидланишича, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Асосий қонун ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, шунингдек, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар, деб ўқтиради (63-, 64-, 66-моддалар).

Мамлакатда 8 декабрь умумхалқ байрами – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни деб эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши (2001 й. 4 янв.) асосида мамлакат таълимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишининг узлуksиз тизими шакллантирилди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Бу ҳуқуқ ва эркинликлар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ тан олинади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари б-н кафолатланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи асосий қондаларни ўз ичига олган. Унга кўра, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Шахсининг

шаъни, гурури давлат томонидан муҳофаза қилинади: уни камситиш учун ҳеч нарса асос бўла олмайди.

Фуқаролик б-н боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар шахс ҳуқуқий мақомини белгилаш учун энг асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик масалалари Конституция ва «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонун (1992 й. 2 июль) б-н тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс б-н давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди ҳамда бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларида ифодланади. Фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари б-н ўзаро боғлиқдирлар. Давлат шахсга фуқаролик мақомини берар экан, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ҳимоя қилишни, унга ҳомийлик кўрсатишни ўз зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси б-н, ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс б-н никоҳдан ўтши, шунингдек, бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда яшаши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхталишига олиб келмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқароси, башарти Ўзбекистон тузган халқаро шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, чет давлатга топширилиши мумкин эмас. Бу қондалар БМТнинг 1948 й. қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 й. пактларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари инсон ва фуқаронинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини мустақамлаган.

Ш а х с и й ҳ у қ у қ в а э р к и н л и к л а р. Ўзбекистон Республикасида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати давлат ва жамиятнинг олий қадриятидир. Конституциянинг 14-моддасида: «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», деб ўқтирилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ичида энг асосийси ўз мулки ва мулкка ворис бўлиш

ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, фуқароларнинг ўз меҳнатлари б-н топган дароматлари, жамғарма, мол-мулклари, турадиган уйлари ва ёрдамчи ҳўжалигига, уй-рўзғор ашёлари ва бисот буюмларига, шахсий истеъмол буюмлари ва қулайликлар туғдирадиган нарсаларига шахсий эгаллик ҳуқуқи, шунингдек, шахсий мулкни мерос қолдириш ҳуқуқи қонунан кафолатланади.

Фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида қуйидаги тарзда мустақамланган: «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тугилиши ва мерос ҳуқуқи қонун б-н кафолатланади».

Ўзбекистон Республикасида шахс дахлсиздир. Шахсий дахлсизлик ҳар бир фуқаронинг ким томонидан бўлмасин, ўз ҳаёти, соғлиги, эрки, ор-номуси ва кадр-қимматига қилинадиган жинояткорона тажовузлардан давлат муҳофазаси ва ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини билдиради. Конституциянинг 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга» эканлиги таъкидланади. Суднинг ҳукмидан ёки прокурорнинг руҳсати (санкцияси)дан ташқари ҳеч кимнинг қамоққа олиниши мумкин эмас. Давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг қонун-қондаларига тўла амал қиладилар. Фуқароларнинг озодлигига гайриқонуний тажовуз қилиш жиноятдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида: «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралаштишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас», деб фуқароларнинг бу демократик ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний ифода этилган.

Уй-жой дахлсизлиги инсоннинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири. Фуқароларга уй-жойнинг дахлсизлиги амалда тўла таъминланган. Истиқомат қилувчиларнинг розилигисиз уларнинг уйига қонуний асос бўлмайд туриб киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Уй-жойнинг дахлсизлиги фуқароларнинг ўз турар жойини бошқа шахсларнинг қонунга хилоф равишда бостириб киришларидан давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари орқали ҳимо-

яланиш ҳуқуқини билдиради. Қонунда фуқароларнинг уйи ёки хонасида тинтув ўтказишнинг алоҳида тартиби белгилаб берилган. Тинтувни фақат тинтув ўтказишга ҳақли бўлган терговчи, милиция ходими ёки бошқа шахслар терговчи ёки тергов органларининг қарори асосида, прокурор ижозати б-н, гувоҳлар, шунингдек, гумон қилинувчи шахс ёки унинг оиласидаги вояга етган кишилар иштирокида ўтказишлари мумкин. Фуқароларнинг уй-жой дахлсизлигини бузганлик учун қонун жинойий жавобгарликка тортишни кўзда тутлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасига асосан, «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди».

Республика тараққиётининг ҳоз. босқичида виждон эркинлигига катта эътибор берилмоқда. Шўролар пайтида вайрон этилган, харобага айлантирилган масжид ва мадрасалар, тарихий обидалар, диний муассасалар истиқлол йилларида таъмирланиб, кенг қўламда қайта қурилди. Диний байрамлар дам олиш кўни деб эълон қилинди, ҳаж сафарига бормоқчи бўлган фуқароларга қулайлик яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири 1998 й. 1 май)да виждон эркинлиги кафолатлари белгиланган. Бу биринчидан, дин ва диний ташкилотларни давлат ва мактабдан ажратишни; иккинчидан, динга муносабатидан қатъи назар фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини; учинчидан, дин ва диний ташкилотларнинг қонун олдида тенглигини; тўртинчидан, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутлади. Виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш (мас., диний маросимларда қатнашишга мажбурлаш ёки аксинча, назур маросимларни ўтказишга ноқонуний тўсқинлик қилиш) жиноят деб баҳолаиб, ҳуқуқий тартибда жазоланади. Ўз-ўзидан равшанки, Ўзбекистон Республикасида диний маросимлар ўтказиш ниқоби остида, амалда эса фуқароларнинг сиҳат-саломатлигига зарар етказадиган, уларни фуқаролик бурчларини бажо келтиришдан бош тортишга ундайдиган гуруҳларнинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши тақиқланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига асосан, Ўзбекистон-

да ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатишга ҳақли, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун б-н белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва б. сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун б-н чекланиши мумкин.

Фуқаролар мансабдор шахслар, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ноҳўй ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг шикоятлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши лозим. Фуқаролар давлат ва жамоат органларини, мансабдор шахсларни танқид қилгани учун уларни таъқиб этиш ман қилинган. Таъқиб қилувчи мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Мамлакат фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан яна бири шундан иборатки, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва б. материаллар б-н танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришлари шарт.

С и ё с и й ҳ у қ у қ л а р. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевоқифа ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар». Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли б-н амалга оширилади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 32-модда). Ўзбекистонда демократик, инсонпарвар, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш шароитида жамоат уюшмалари, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг аҳамиятини кучайтириш ва такомиллаштириш, демократиянинг олий мақсади бўлган жамият ва давлат ишларини бошқаришга барча фуқароларни жалб қилишнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Жамиятни бошқаришда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги нисбатни аста-секин жамоат ташкилотлари томон ўзгартириш кузатишмоқда. Демократик, ҳуқуқий давлат тамойилларидан бири – фуқароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини эркин амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлишларидир. Ўзбекистон Республикаси Консти-

туциясининг 33-моддаси фуқароларнинг ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқини эътироф этади ва қонуний жиҳатдан кафолатлайди. Конституциянинг 34-моддасида эса фуқароларнинг қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва б. жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқларидан бири давлат ҳокимияти вакиллик органларининг барча бўғинларига, олий ва маҳаллий органларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидир. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга, ўз хоҳиш-иродасини билдиришда тенг ва эркиндир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилади. 18 ёшга тулган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эга.

Сайловнинг кўппартиявийлик ва муқобил асосда ўтказилиши Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилганлиги депутатликка номзодларнинг фаоллиги, сайловчилар олдидagi масъулиятини, шунингдек, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини мустақамлашга, сайлов маданиятини оширишга имкон беради. Давлат ҳокимияти органларига сайловларнинг ҳақиқий демократик тизими фуқароларни давлатни бошқаришга жалб қилишнинг қудратли воситасидир. Фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кафолатланган ва тегишли қонунлар б-н мустақамланган ариза, таклиф ва шикоятлар бериш орқали давлат органлари, муассасалар ёки халқ вакилларига муножаат қилиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланадилар. Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар Конституция б-н бирга «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» (1991 й. 15 фев.), «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» (1991 й. 18 нояб.; 2001 й. 30 авг. янги таҳрирда), «Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида» (1994 й. 5 май), «Сиёсий партиялар тўғрисида» (1996 й., 26 дек.), «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (1999 й. 14 апр.) каби қонунлар б-н ҳам белгилаб қўйилган.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар. Ўзбекистонда ҳар бир инсон тўлиқ эркин иқтисодий фаолият, ўз меҳнатини сарфлайдиган соҳани ва шаклини эркин танлаш, яъни меҳнат қилиш

ҳуқуқига эга. Меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларининг асосидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган бу ҳуқуқ: фуқароларга ўзлари хоҳлаган касб-ҳунарни эркин танлаши; ўз қобилиятига яраша иш б-н таъминланиши; меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ олиши; адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш; меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур воситалар б-н таъминланишини аниқлатади. У давлатга фуқароларини қобилиятлари, билимлари ва малакаларига қараб иш б-н таъминлаш вазифасини юклайди.

Фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида белгиланган. Дам олиш ҳуқуқи Ўзбекистон фуқароларига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ишчи ва хизматчилар учун 41 соатдан ошмайдиган иш ҳафтаси белгилашни б-н бирга, муайян касблар ва и.ч. турлари учун қисқартирилган иш куни, тунги пайтларда қисқартирилган иш вақти, ҳар йили ҳақ тўланадиган таътиллари бериш, ҳар ҳафтала дам олиш кунлари берилиши б-н, шунингдек, маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасалари шохобчаларини кенгайтириш, оммавий спортни, жисмоний тарбия ва туризмин ривожлантириш б-н, истиқомат жойида дам олиш учун қўлай имкониятлар ҳамда бўли вақтдан оқилона фойдаланиш учун бошқа шароитлар яратиш б-н таъминланади.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи қаринда чоғида, бетоб бўлганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда моддий таъминот олиш ҳуқуқи б-н чамбарчас боғланган бўлиб, бу ҳуқуқ Конституциянинг 39-моддасида мустақамланган.

Ўзбекистонда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқини мустақамлаш б-н чекланиб қолмай, балки бу муҳим ҳуқуқни таъминлашнинг аниқ-равшан тadbирларини ҳам белгилаб беради. Бу ҳуқуқ давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бепул ва пулли малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши, фуқароларни даволаш ва соғлиқни мустақамлаш учун хизмат қиладиган муассасаларни кўпайтириш, гигиена ва санитария соҳасининг ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши, кенг профилактика тadbирларини ўтказиш, атроф муҳитни мусоффо сақлаш тadbирларини кўриш, ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида алоҳида

гамхўрлик қилиш, болалар меҳнатини тақиқлаш кабилар б-н таъминланади. Ногиронлар, 2 ёшга бўлган болалар ҳамда оғир касалликлар б-н оғриган беморларга дорилар бепул берилади. Соғлом авлодни тарбиялаш ва, умуман, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги поғонага кўтаришда мамлакат Президентининг 1998 й. 10 нояб.да қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги фармони муҳим ўрин тутди.

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги Конституциянинг 41-моддасида белгиланган. Ўзбекистонда узлуксиз таълимнинг барқарор тизими яратилди. Бу тизим мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касбий таълим; олий таълим; олий ўқув юртини битиргандан кейинги таълим; малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълимни ўз ичига олади. 1997 й. 29 авг.да Олий Мажлис қабул қилган, 10 й.дан кўпроқ муддатга мўлжалланган «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва б. шароитларни яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистоннинг қонунлари (хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни) келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, irqи, миллати, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий мавқеи, яшаш жойи, республика ҳудудида яшаётган даврининг муддатидан қатъи назар, таълим олишдаги тенг ҳуқуқларни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини қонуний ифода этади ва унга кенг йўл очиб берди. Фуқароларга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам берилган бўлиб, бу ҳуқуқ ва эркинликлар илмий тadbиротлар, ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини кенг авж олдириш, рағбатлантириш, мукофотлаш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, маданий-маърифий муассасалар тармоғини кенгайтириш, телевидение, радио, китоб нашр қилиш ва даврий матбуот ишини замон талаблари даражасига кўтариш, чет эл давлатлари б-н маданий алоқаларни кенгайтириш орқали таъминланмоқда.

Акмал Саидов.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти – Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи. Ўзбекистонда президентлик лавозим сифатида 1990 й. 24 мартда таъсис этилган. Президентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-бобида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 й. Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатнинг 18 ёшга тўлган фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти 7 йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун янги тахрирининг тегишли моддалари («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 й. 3 дек.даги қонуни) асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар. Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида 300 нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганда бошланади ва 45 кун қолганда тугайди. Номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан амалга оширилади. Президент сайловида 2 та номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг нисбий кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 2 тадан ортиқ номзод иштирок эт-



И. А. Каримов.

ган тақдирда, агар номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмаган бўлса сайловчиларнинг овозини энг кўп олган 2 номзод иштирокида тақдир овоз бериш ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин 10 кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Сайланган Президент Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари расмий тарзда эълон қилинган кундан эътиборан кечи б-н 2 ой ичида Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

1991 й. 29 дек. ва 2000 й. 9 янв.да муқобиллик асосида тўғридан-тўғри умум-халқ Президент сайловлари ўтказилди. Бу сайловлар натижасида И.А.Каримов халқ томонидан Президент этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентига, Конституцияга мувофиқ кенг ва хилма хил ваколатлар берилган. Бу ваколатлар давлат ҳаётининг деярли барча соҳаларига тааллуқли бўлиб, мамлакат иқтисодиёти ва умуман жамият ривожланишига жуда катта таъсир ўтказди.

2003 й. 24 апр.даги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунига мувофиқ, Президент ваколатла-

рининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет эллар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакиллارни тайинлаш ва тасдиқлаш масалалари, амнистия эълон қилиш ваколати Олий Мажлиснинг Сенатига ўтказилди. Конституция 89-моддасининг тахрири принципиал равишда ўзгариб, бу модданинг «Ўзбекистон Республикасининг Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» дейилган 2-қисми олиб ташланди.

Президент ваколатлари ҳамда вазифаларининг шу тарзда қайта тақсимланиши Ўзбекистонда давлат қурилиши соҳасида бошланган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, Бош вазирнинг, ҳукумат ва бутун ҳукумат тузилмаларининг ваколатларини ошириб, шу б-н бирга, уларнинг масъулиятини сезиларли даражада кучайтиришга имкон берди.

Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафолатидир. У Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Президент мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон халқи номидан олий вакиликни амалга оширади.

Президент Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади. Бу маърузаларда Ўзбекистон Президентининг мамлакат келажagini қандай тасаввур қилаётганлиги баён этилиб, давлатнинг сиёсий йўналиши белгилаб берилади ва улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятининг бош мақсад йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Президент Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Қуроли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, Хавфсизлик кенгашини тузади ва унга раҳбарлик қилади, олий ҳарбий унвонлар беради. Президентнинг Олий Бош қўмондон эканлиги Мудофаа вазирлигига ҳар қандай буйруқлар беришига имкон туғдиради. Мудофаа вазирлиги амал-



Оқсарой қароргоҳи.

да бевосита Президент раҳбарлигида ишлайди. Уруш ёки агрессия ҳолатида Президент ҳар қандай вақтда қуроли кучларга бошчилик қилишни ўз қўлига олиши мумкин. Президент Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади. Фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, мамлакатнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини 3 кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.

Президентнинг давлат бошлиғи сифатидаги ваколатлари жумласига фуқаролик, сиёсий бошпана бериш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари б-н тақдирлаш, афв этиш тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ва гуноҳидан кечишни амалга ошириш каби масалаларни ҳал этиш киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Президент чиқарадиган ҳужжатлар унинг ўзи томонидан Олий Мажлис ёки бошқа давлат органини хабардор қилмасдан ёки розилигини олмасдан мустақил чиқарилади. Президент чиқарадиган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар Конституция ва

қонунларга зид бўлмаслиги шарт. Чунки улар Конституция ва қонунлар асосида, уларни бажариш мақсадида чиқарилади. Президент чиқарган норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослиги тўғрисидаги масала, зарурият туғилганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан ҳал қилинади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 109-модда). Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти органлари тизимида мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

Президентнинг ижро этувчи ҳокимият органларига нисбатан ваколатлари аввало унинг Ўзбекистон ҳукуматини тузишдаги иштирокида кўринади. Пре-

зидент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади; вилоят ҳокимларини ҳамда Тошкент ш. ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг тасдиғига киритади. Президент Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган ҳокимларни ўз қарори б-н лавозимидан озод этишга ҳақли. У республика бошқаруви органларининг, шунингдек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхта-тиши, бекор қилиши мумкин.

Президент Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек, икки палата ўртасида Олий Мажлиснинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди б-н бамаслаҳат Қонунчилик палатаси ва Сенатни тарқатиб юбориши мумкин. Бундай ҳолатда уч ой мобайнида янги сайлов ўтказилади. Палаталар фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

Президент девони.



Президент қабул қиладиган ҳужжатлар, унинг ҳаракатлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хабарномаси»да, шунингдек, республика газ.ларида расман эълон қилинади.

Президент уз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, талбиркорлик фаолияти б-н шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги қонун (2003 й. 25 апр.) б-н муҳофаза этилади. Президентнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилинишига, шунингдек, унинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказилишига йўл қўйилмайди ва бундай ҳаракатлар тегишли қонунларга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин. Бу қоида истеъфога чиққан Президентга нисбатан ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Президент меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Президентга муддати 36 иш кунидан иборат йиллик ҳақ тўланадиган таътил берилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хулосаси б-н тасдиқланган тақдирда 10 кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавқулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан 3 ойгача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда 3 ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат қурилиши соҳасидаги тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида ваколати тугаши муносабати б-н истеъфога чиққан Президент Конституцияга мувофиқ умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллаши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз фаолиятини амалга ошириш учун Президент девонини тузади, турли хизмат булинмаларини шакллантиради. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Тошкент ш.нинг Оқсаройдаги қароргоҳида фаолият юритади. «Дўрмон» (Қибрай тумани) қароргоҳида турли халқаро учрашувлар, олий мартабали меҳмонларни кутиб олиш маросимлари ва б. талбирлар ўтказилади.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ

Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси амалга оширади. 1-чақириқ Олий Мажлис 3 турда — 1994 й. 25 дек., 1995 й. 8 ва 22 янв.да бўлиб ўтган сайловларда сайланган (бунга қалар унинг ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши амалга оширган) ва 1995–99 й.ларда фаолият кўрсатган. 2-чақириқ Олий Мажлисга сайловлар 1999 й. 5 ва 19 дек.да бўлиб ўтган ва у 2000–2004 й.ларда фаолият олиб борган. Ана шу даврларда бир палатали парламент сифатида ишлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2004 й. 26 дек. ва 2005 й. 17–20 янв.да ўтказилган сайловлардан сўнг 2005 й. 27 янв.да 2 палата: Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата)дан иборат қилиб шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Ҳамдамович Халидов, Спикер ўринбосарлари Ақром Аббосович Каримов, Машқура Боқиевна Сафаева; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси: Мурод Шарифхужаев (2005 й. 27 янв. — 2006 й. 24 фев.), Илғизар Матёқубович Собиров (2006 й. 24 фев.дан), раис ўринбосарлари Фаруҳа Фахриддиновна Муҳиддинова, Муса Тажетдинович Ерниязов.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Референдум якундари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида» (2002 й. 4 апр.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» (2002 й. 12 дек.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» (2002 й. 12 дек.)ги Конституциявий қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» (2003 й. 29 авг.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» (2003 й. 29 авг.) каби қонунлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ваколат муддати 5 й.

Қонунчилик палатаси ва Сенат алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадилар. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг

муҳим масалалари юзасидан Президент нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда ҳамда палаталарнинг келишувига биноан бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилади.

Палаталар ўз таркибидан Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси, уларнинг ўринбосарларини сайлайди, қўмита ва комиссиялар тузади. Ҳар бир палата ўз регламентини қабул қилади ва фаолиятининг ички тартиби масалаларини ҳал этади.

Қонунчилик палатаси депутатлари доимий асосда ишлайди. Сенаторлар умумий сонининг 25 фоизгача Сенатда доимий асосда ишлайди. Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенатда доимий ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият б-н шуғулланишлари мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар тегишинча Қонунчилик палатаси ёки Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас. Депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Республика Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Олий Мажлисининг тегишли палатаси томонидан ҳал этилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н сайланадиган 120 депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасига сайлов унинг конституциявий ваколати муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгалларлар. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Сиёсий партиялардан кўрсатилган хотин-қизлар сони депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30%ини ташкил этиши лозим.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган деб ҳисобланади. Сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33%идан ками иштирок этган бўлса, сайлов утмаган ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатларига: палата Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Республика Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари б-н боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш кирради.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади. Сессиялар, одатда, сент. ойининг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача кунига қалар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталари (2006):

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси;

Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси;

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси;

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси;

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси;

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси;

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси;

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси;

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси.

Қонунчилик палатаси таркибида: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (бу учала фракция «Демократик блок»ка бирлашган), Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фракциялари фаолият олиб боради.

Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакилик палатаси ҳисобланади. Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси ҳудудий birlikлари давлат ҳокимияти вакидлик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида депутатлар ораси-

дан тенг миқдорда – 6 кишидан сайланади.

Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, и.ч. соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади. Сенат аъзоларининг умумий сони 100 кишидан иборат.

Сенат мутлақ ваколатларига: Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Республика Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Олий судини, Олий ҳўжалик судини сайлаш; Президентнинг тақдимига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод

этиш; Президентнинг Республика Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Республика Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Президентнинг тақдимига биноан Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва б. вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш; Президентнинг тақдимига биноан Республика Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш; Президентнинг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш; Бош прокурорнинг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; Респуб-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлислар зали.



лика Бош прокурорининг, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Республика Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари б-н боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Олий Мажлиснинг Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида 3 марта утказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари (2006):

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси;

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси;

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси;

Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси;

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси;

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Олий Мажлиснинг икки палатали тузилишидаги қонун қабул қилиш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биноси.

тартибига кўра, қонун лойиҳаси дастлаб Қонунчилик палатасига киритилади. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун Сенатга юборилади. Сенат эса қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар қонун лойиҳаси Сенат томонидан рад этилса, у Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Парламентнинг юқори ва қуёи палаталари ўртада юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш мақсадида келишув комиссиясини тузишлари мумкин. Комиссияда келишувга эришилса, қонун Қонунчилик палатаси томонидан қайта кўриб чиқилиши керак.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонун 10 кун ичида Президентга имзолаш учун юборилади. Президентнинг қонунни имзолаш муддати 30 кун этиб белгиланган. Республика Президенти қайтадан муҳокама қилиш ва овоз беришни ўтказиш учун қонунни ўз эътирозлари б-н парламентга қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Олий Мажлиснинг иққала палатасида ҳам 2/3 қисмдан иборат кўпчилик овоз б-н маъқулланса, қонун Президент томонидан 14 кун ичида имзоланиши керак. Қонун белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг нашрлари: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси», «Халқ сўзи», «Народное слово» газллари.

Олий Мажлис сўнгги йилларда қонунчилик фаолиятини кучайтириб, мамлакатда бозор иқтисодиёти муносабатлари муаммоларини оқилона ҳал қилиш, маънавиятни равақ топтириш, и.ч.ни юксалтириш, чет эллар б-н иқтисодий, сиёсий, маданий ўзаро алоқалар ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Омонулла Муҳаммаджонов.

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» (1993 й. 6 май; янги таҳрири 2003 й. 29 авг.) ги қонун асосида олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил қиладиган ҳўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатликда фаолият олиб боришини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини ишга солиш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади; ҳўжалик юритишнинг янги шакллари барпо этишга ва мустақкамлашга ёрдамлашади; Ўзбекистон Республикасида пул-кредит тизимини мустақкамлаш чора-тадбирларини кўради, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминот борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг



муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади; бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хужалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади; фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг меҳнат қилишга, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради; соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга қўмақлашади; Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини, давлат чегаралари қўриқланишини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади; давлат бошқаруви орган-

ларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради; Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради; ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хужалик қурилиши бошқарувининг бошқа раҳбарларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан шакллантирилади. Президент Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этади ҳамда уни вазифасидан озод қилади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини Бош вазир тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди ва вазифасидан озод қилади.

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг

Давлат қўмиталари

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси;
Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.

публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 й. 14 фев.даги қарори б-н тасдиқланган Регламентда белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг иши чоралик режаларга мувофиқ олиб борилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида 1 марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида Бош вазир (2003 й. 11 дек.дан Шавкат Миромонович Мирзиёев) ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси.

Вазирликлар

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва саноат вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги.



Вазирлар Маҳкамаси Раисининг қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин. Шошилч масалаларни муҳокама қилиш зарурати туғилганда Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатининг навбатдан ташқари мажлислари утказилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топширигига биноан халқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жавоб берадилар. Улар илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият б-н шугулланишлари мумкин эмас.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси «Правда Востока» газининг муассиси, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газларининг ҳаммуассисидир.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларига тайёргарлик кўриш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг девони фаолият кўрсатади. Девоннинг асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти б-н келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади. Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмаларига: Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари; Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол

товарлари масалалари; Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари; Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари; Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари; Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментлари, тегишли бўлимлар кирради.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ

Маҳаллий давлат ҳоқимияти асосан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқариш органларидир. Ўзбекистон Республикасида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсундиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳоқимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳоқимиятнинг вакиллик органларидир. Маҳаллий давлат ҳоқимияти органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXI боби, 1993 й. 2 сент.да қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳоқимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни б-н тартибга солинади. Ушбу қонуларга мувофиқ халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз ҳудудларида давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлик қиладилар, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларини ва маҳаллий бюджетни тасдиқлайдилар, ўзларига бўйсунган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширадилар, қонуларга риоя этилишини, давлат ва жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлайдилар, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам берадилар. Маҳаллий Кенгашлар ўзларига берилган ваколатларга биноан, биринчидан, маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни ўзлари ҳал этадилар; иккинчидан, умумдавлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал этишда иштирок қиладилар; учинчидан, масалаларни ҳал этиш жараёнида умумдавлат манфаатларини шу ҳудудда яшаб турган фуқароларнинг манфаатлари б-н уйғунлаштирадилар; тўртинчидан, ягона давлат ҳоқимияти органларининг таркибий бўғини сифатида ўзларидан юқори турувчи давлат органлари қарорларини амалга оширилишини таъминлайдилар ва қуйи турувчи Кенгашлар фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари халқнинг оммавий ташкилотлари бўлиб, аҳоли томонидан сайланган халқ вакилларидан ташкил топади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 й. 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунига кўра, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент ш. Кенгашига 60 дан, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига 30 дан кўп бўлмаган депутатлик ўрни белгиланган. Халқ депутатлари Кенгашларининг ва ҳоқимларнинг ваколат муддати 5 йил.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли ҳоқим, ҳоқим йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб, бироқ йилига камида 2 марта чақирилади. Сессия, шунингдек, халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоқим томонидан сайловдан кейин кечи билан 3 ҳафталик мuddат ичида чақирилади. Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ҳоқим, у йўқлигида эса Кенгашнинг қарорига ёки ҳоқимнинг топширигига биноан мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади.

Ўзбекистонда ҳоқимлик лавозими мустақилликка эришилгандан кейин тикланган ва янги мазмун б-н бойиган бошқарувнинг тарихий ва миллий шаклидир. Вилоят ҳоқимлари ва Тошкент ш. ҳоқими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳоқимлари тегишли вилоят ҳоқими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳоқимлари тегишли шаҳар ҳоқими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туманларга бўйсунган шаҳарларнинг ҳоқимларини туман ҳоқими тайинлайди ва вазифасидан озод қилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳоқимлари ўз ваколатларини яқкабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жа-

вобгардирлар. Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун б-н белгиланади. Ҳоким Ҷузига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҶУЗИНИ ҶУЗИ БОШҚАРИШИ

Фуқароларнинг Ҷузини Ҷузи бошқариши фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари б-н кафолатланганидан, уларнинг Ҷузи манфаатларидан, ривожланишининг тарихий хусусиятларидан, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятини ҳисобланади. Фуқароларнинг Ҷузини Ҷузи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартиби ва уларнинг ваколат доираси 1999 й. 14 апр.да қабул қилинган «Фуқароларнинг Ҷузини Ҷузи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни б-н белгиланган.

Фуқароларнинг Ҷузини Ҷузи бошқариши Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг

йигинлари фуқароларнинг Ҷузини Ҷузи бошқариш органларидир. Улар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун б-н берилган Ҷузи ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширадди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар Ҷузини Ҷузи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашини Ҷузи қўймайдилар, фуқароларга Ҷузини Ҷузи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар.

Фуқаролар йигинининг раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари 2,5 й. муддатга сайланади. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими б-н келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли)нинг тақдимида биноан сайланади.

Фуқаролар йигинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар Ҷузини Ҷузи бошқариш органларининг фуқаролар йигинлари оралик давридаги жорий фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар йигинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг расилари ва йигиннинг масъул котибидан иборат таркибда фуқаролар йигинининг кенгаши тузилади. Фуқароларнинг Ҷузини Ҷузи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳисобга олинади.

Фуқаролар йигини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ, овул ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар Ҷузини Ҷузи

бошқариш органларининг ваколатларида қонун ҳужжатлари б-н берилган ишталган масалани Ҷузи қўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга. Ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлаш; қонунлар ва б. қонун ҳужжатларининг, шунингдек, Ҷузи қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш кабилар улар ваколатига кирди.

Сайлов ўтказилишидан олдин Ўзбекистон Президенти, Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этиш; халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқларидан фойдаланади. Фуқаролар йигинига фуқаролар Ҷузини Ҷузи бошқариш органларининг Ҷузи маблағларини шакллантириш, бу органларнинг мулкига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш; ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва турар-жойларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилган. Шунингдек, у Ҷузи ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва jisмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалаларини ҳал қилади; маъмурий-ҳудудий бириклар ва маҳаллаларнинг чегараларини, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва б. объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади. Фуқаролар йигини уй-жой мулкдорларининг ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан талбирлар ўтказишда кўмаклашиш ваколатига ҳам эга.

Фуқаролар йигини фуқаролар йигинининг раиси (оқсоқоли), йигин кенгаши томонидан заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камидан бир марта чақирилади. Фуқаролар йигини халқ депутатлар туман, шаҳар Кенгашининг, туман, шаҳар ҳокимининг ёки 18 ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси б-н чақи-

Маҳалла

Маҳалла – шаҳарча, қишлоқ, овулларда ёки улар ўртасида, шунингдек шаҳарларда белгиланган аҳоли яшаш масканларида фаолият кўрсатадиган ҳудудий бириклик; Ҷузини Ҷузи бошқаришнинг халқ анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули. Аҳоли энг қуви ҳудудий бириклигида таркиб топган бу демократия тартиботи Ҷузини Ҷузи бошқаришнинг миллий моделидир. Бамаслаҳат қарор қабул қилиш; уюшқоқлик, бағрикенглик, мурасасозлик, ўзаро меҳр-оқибат сингари ўзбекона фазилатлар айнан маҳалла муҳитида камол топади. Маҳаллада кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри фуқароларнинг худқ-атвори, ўзаро муносабатларини ижтимоий адолат ва маънавий-ахлоқий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Маҳалла аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг халқ ишонадиган адолатли йўли ва воситаларидан биридир, чунки маҳалла ким қандай шароитда яшайпти, ким ҳақиқатан ҳам ёрдамга муҳтожлигини яхши билади. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида маҳаллардан мавқеини оширишга, улар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Маҳаллалар фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашувчи давлат ва нодавлат тузилмалари шаклланди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси (1993), Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши (1995) тузилди. Мамлакатда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъмин этиш, омма куч-ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда маҳаллаларнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистонда 9950 та маҳалла бор (2006).

рилиши мумкин. Фуқароларнинг йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмини кўпроги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли. Фуқаролар йиғинини олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ ёки ёпиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз б-н қабул қилинади. Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкон бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишга мазкур ҳудуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, даҳалардан фуқароларнинг намоёндалари вакил қилинади. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратилган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрӣ хайр-эҳсонларидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Ад.: Каримов И. А., Биздан озод ва обод Ватан қолсин, Т., 1996; Ҳусанов О. Т., Маҳаллий ҳокимият асослари, Т., 1996; Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами), Т., 1999; Маликова Г. Р., Ўзини ўзи бошқариш кучли фуқаролик жамиятининг таянчи, Т., 2005.

СУД ҲОКИМИЯТИ

Ўзбекистонда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи давлат органларидан мустақил равишда иш юритади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 106-модда). Суд давлат ва шахс ўртасида, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юз берадиган ижтимоий келишмовчиликларни қонун асосида бартараф этиш; давлат қонунларининг конституцияга мувофиқ бўлишига эришиш, ижроия ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар б-н фуқароларнинг ўзаро муносабатларидан инсон манфаатларини ҳимоя қилиш; жиноятларни тергов қилиш ва тезкор-қидирув фаолиятини юритиш чоғида инсон ҳуқуқлари бузилмаслигини таъминлаш; жиддий аҳамиятга эга бўлган юридик фактларни аниқлаш учун хизмат қила-

ди. Шўролар даврида ижроия давлат органларининг дастўрига айлантирилган ва жазолувчи маҳкама мавқеида бўлган судлар барҳам топди. Улар фаол, тезкор, тежамкор ва самарали бўлишига эришилмоқда. Суд воситасида ҳал қилинадиган масалалар қамрови тобора кенгаймоқда.

Суд тизимига кирган барча судлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида ва «Судлар тўғрисида» (2000 й. 14 дек.) қонунинида кўрсатилган. Фавқулодда судлар тузиш ва судлов ваколатини бирор давлат органига беришга йўл қўйилмайди. Суд қарорлари давлат номидан чиқарилади ва қонуний кучга киргач, ЎзРнинг барча ҳудудда ҳамма учун мажбурийдир.

Олий судлов муҳим функция сифатида фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини суд мажлисида кўриб чиқиш орқали амалга оширилади. Ишларни судда кўриб чиқишнинг процессуал тартиби ҳуқуқий демократик давлатчилик ва умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг талабларига мос бўлмоғи шарт. Бу борада, аynиқса, қонунийлик, барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги, айбсизлик презумпцияси, ишларни суд мажлисида ошқора кўрилиши, тортишув ва ҳимояланиш ҳуқуқи каби тамойиллар тўла таъминланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида ягона Конституциявий суд, шунингдек, Олий суд ва унга тобе Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент ш. Судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар; ЎзР Олий хўжалик суди ва унга тобе Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент ш. хўжалик судлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди – доимий конституциявий назорат олиб боровчи олий суд органидир. Ўз фаолиятини қонун асосида мустақил амалга оширади. Конституциявий суднинг ваколати, унинг тузилиши ва фаолият юритиш тартиби Конституциянинг 108–109-моддалари ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуни (1995 й. 30 авг.) б-н белгиланган. У, жумладан, қўйидаги ваколатларга эга: қонунлар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари, Ўзбекистоннинг давлатлараро шартномавий ва б. мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига нақадар мослигини аниқтайди; Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради; Конституция ва қонунлар б-н берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади. Конституциявий суд муҳокамасига масалалар киритиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Сенатининг Раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Олий Мажлис депутатлари умумий таркибининг тўртдан бир қисмидан кам бўлмаган депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Олий хўжалик судининг Раиси, Бош прокурор эга. Масала Конституциявий суднинг камида 3 судьяси ташаббуси б-н ҳам киритилиши мумкин.

Конституциявий суд сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан Суд раиси, Раис ўринбосари ва 5 нафар аъзолардан, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикасининг вакилидан иборат судьялар таркибида 5 й. муддатга сайланади. Конституциявий суднинг Раиси, Раис ўринбосари ва аъзолари депутат бўла олмайди, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ҳамда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши мумкин эмас. Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Конституциявий суднинг мажлислари заруратга қараб ўтказилади ва қонда тарзида очиқ бўлади. Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган лайдан бошлаб кучга қиради. Улар қатъий ҳисобланади ва уларнинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас. 1998 й.дан «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси» нашр этилмоқда.

Умумий юрисдикция судлари 2000 й. авг.дан бошлаб ихтисослашган. Чунончи, жиноят ишлари бўйича судлар жиний ва маъмурий ишларни тегишинча Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда кўриб ҳал қиладилар. Фуқаровий-ҳуқуқий, оилавий, меҳнат ва б. турдаги муносабатлардан келиб чиқадиган мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган низолар ҳамда жиддий аҳамиятга эга бўлган юридик фактларни аниқлаш ҳақида ишларни кўриш фуқаролик ишлари бўйича судларнинг

ваколатига киради. Хўжалик соҳасидаги низоларни хўжалик судлари кўради.

Деярли барча ишлар қуйи поғона судларининг судловига тегишли. Фақат айрим оғир ва ўта оғир жиноятлар ҳақида ишлар юқори поғона судларида кўрилади. Қонунга кўра, ижтимоий хавфи унча оғир бўлмаган, қасддан содир этилиб 5 й.дан кўп бўлмаган муддатга озоликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши назарда тутилган жиноятлар ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган барча жиноятлар ҳақида ишлар қуйи поғона судьялари томонидан яқка тартибда кўрилади. Оғир жиноятлар ҳақида ишларни қуйи ва урта поғона судлари судья ҳамда судьялик ҳуқуқларидан фойдаланадиган 2 нафар халқ маслаҳатчисидан иборат ҳайъатда кўради. Ўта мураккаб ва жиддий жиноятлар ва айрим тоифадаги шахслар – депутат, сенатор, судья, прокурор кабиларни айблаш ҳақидаги ишларни Олий суд 3 нафар судья таркибида кўриб чиқади. Апелляция ва кассация тартибида, шунингдек, янги очилган ҳолатлар муносабати б-н ишларни кўрадиган юқори суд ҳайъатлари 3 нафар судьядан (Ўзбекистон Республикаси Олий судида чиқарилган ҳукм ва ажримларни апелляция тартибида қайта кўрувчи ҳайъат эса – 5 нафар судьядан) иборат тартибда бўлади. Ишларни назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар муносабати б-н Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, вилоят, Тошкент ш. судларининг раёсатлари ҳамда энг сўнгги суд босқичи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми кўриши мумкин.

Хўжалик ишлари буйича чиқарилган суд ҳужжатларини апелляция тартибида қайта кўриш – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш. хўжалик судларининг ваколатига; кассация тартибида кўриш – Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судлов ҳайъатларининг; назорат тартибида кўриш эса Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг ваколатига киради.

Ҳарбий судлар тизими Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат. Улар ҳарбий қўшилмалар б-н боғлиқ бўлмай, ҳарбий қўмондонликдан мустақил равишда фаолият юритадилар. Олий суднинг ҳарбий ҳайъати қуйи ҳарбий судларга нисбатан энг юқори поғонадир. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди – вилоят суди ваколатлари доирасида, округ ва ҳудудий

ҳарбий судлар – туман суди ваколати доирасида иш олиб боради. Ҳарбий судларнинг фаолияти ва уларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш масалалари Олий Мажлиснинг 2000 й. 14 декадаги қарори б-н тасдиқланган «ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида низоми»да батафсил баён қилинган.

Ҳарбий судлар: Мудофиа вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва б. ҳарбий тузилмаларининг ҳарбий хизматчилари, шунингдек, ўқув йиғинларидаги ҳарбий хизматга мажбурлар содир этган жиноятлар тўғрисида ишларни; ҳарбий қисм, қўшилма ва бирлашма бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг давволари буйича фуқаролик ишларни; ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахслар томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлари (қарор ва буйруқлари) устидан шикоятларни; давлат сирларига тааллуқли ишларни; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни кўради.

Судьялар мақоми улар фақат Конституция ва қонунларга бўйсунини, ишон ҳуқуқи ва эркинликларини, шаъни, орномуси, нуфузи ва мулкини, корхона, муассаса, ташкилотлар ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда беғараз, адолатли бўлишини талаб қилади. Улар судьялик обрў-эътиборини қатъий сақлаши, ҳолислигига шубҳа тугдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши, сабр-тоқатли, хушмуомала ва юксак одошли бўлиши шарт. Фақат ана шундай шахсий, қобилият ва хусусиятга эга, олий юридик маълумотли, қонунда кўрсатилган ҳаётий ва касбий тажрибаси бор бўлган фуқаролар судьяликка лойиқ ҳисобланади. Судьялик лавозимига танлаш ва тавсия қилиш Президент ҳузуридаги Олий маляка комиссиясининг зиммасига юклатилган. Мутахассис Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент ш.даги судьяларнинг маляка комиссиясида суҳбат ва имтиҳондан ўтгач, касбий даражаси, ишчанлиги ва маънавиятини эътиборга олиб, судьяликка номзодлар рўйхатига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик судига Олий Мажлис Сенатида сайланган, бошқа судларга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган, Қорақалпоғистон Республикасида Жўқорги Кенгеси Раисининг

Ўзбекистон Республикаси Президенти б-н келишилган тақдимномасига бинотан Жўқорги Кенгес томонидан сайланган ёки тайинланган судьялар қасамёд қилиб, сўнгра хизматини бошлайди. Қонунга кўра, судьялар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлиши, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиши, уларни моддий ёки маънавий тарзда қўллаб-қувватлаши, омма ўртасида ўз сиёсий қарашларини изҳор этиши, шунингдек, илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари б-н шугулланиши мумкин эмас. Судьялар мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот оладилар, уларнинг ҳаёти ва соғлиги махсус муҳофазаланиб, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан суғурта қилинади.

Судларнинг қарорларини ва турли бошқа давлат органларининг қарорларини ижро этиш, шунингдек, умумий судларнинг фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш вазифаларини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 й. сент.даги қарорига мувофиқ, Адлия вазирлиги тизимида алоҳида Департамент ва жойларда унинг бўлинмалари ташкил қилинган.

Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси республикадаги судьяларнинг касбий уюшмаси сифатида уларнинг 1997 й. сент.да ўтган биринчи қурултойида таъсис этилган. Ассоциациянинг олий органи 5 й.да 1 март қақриладиган съезд ҳисобланади. Марказий Кенгаш ассоциациянинг съезддан-съездгача лавридаги иш фаолиятига раҳбарликни амалга оширади. Ассоциация низомида таъкидланганидек, унинг вазифаси суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, судьяликка лойиқ мутахассисларни танлаш, жой-жойига қуйиш ва малакасини оширишда фаол кўмаклашишдан иборат.

Судьялар ассоциацияси томонидан судьяларнинг этика қоидалари ишлаб чиқилган, турли халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорликда одил судловни амалга ошириш масалаларига бағишланган ўнлаб минтақавий конференция ва семинарлар ўтказилган. 2000 й.дан бошлаб суд-ҳуқуқ ислоҳотларига доир китоблар, рисола ва ахборотномалар чоп этилмоқда. «Ҳуқуқшунос» оммавий ахборотномаси нашр этилади.

Суд ҳокимиятини амалга оширишда прокуратура ва адвокатуранинг фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади.

Прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъ-

минлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун б-н белгиланган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини қуриқлаш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Республика прокуратурасининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-бобида ва 2001 й. 29 авг.да янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда белгиланган. Бу қонунларга кўра, Республика прокуратураси ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади. Прокурор назоратини таъминловчи ходимлар ҳар қандай сиёсий оқим ва таъйинлардан конституциявий талаб б-н ҳоли қилинган. Прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат идоралари, ҳокимлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширадilar. Айни вақтда улар фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни ҳам бажарадилар.

Прокуратура органлари мамлакатда жиноятчиликка қарши курашувчи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш, уларнинг қонунларни қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, судларда жиноий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари кўрилишида қатнашиш, жазо ўташ жойларида, Қуроли Кучларда ва барча жабҳаларда қонунийликни таъминлаш, жиноятлар юзасидан тергов юртиш йўли б-н назоратни амалга ошириш, қонунчиликни такомиллаштиришда ташаббус кўрсатиш каби кент ваколатларга ҳам эга.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига бошчилик қилади. Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони б-н лавозимга тайинланади ва Республика Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори б-н келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакилик органи томонидан тайинланади. Вилоятлар, Тошкент ш. ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати – 5 йил. Прокуратура ходимларига эғаллаган лавозимга мувофиқ бериладиган махсус унвонлар таъсис этилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги ва судлари б-н ҳамкорликда «Хуқуқ ва бурч» жур.ни нашр этади.

Суриштирув ва дастлабки тергов давомида жиноят ва жиноятчини аниқлаш, ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган ҳамма ҳолатлар бўйича далиллар йиғилади, текширилди ва муайян шахсни жиноятни содир қилганликда айблов масаласи ҳал қилинади. Суриштирув ўтказилишидан қатъи назар, барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов олиб борилиши шарт. Дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Жиноят қаерда содир этилган бўлса, жиноят иши ўша туман (шаҳар) терговчисининг терговига тегишли бўлади. Терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни қош этиш учун жамоатчиликни жалб қилишга ҳақли. Шу мақсадда у аҳолига ва жамоат бирлашмаларига жиноят иши учун аҳамиятли маълумотлар ҳақида хабар қилади, қидирилаётган шахслар ёки нарсалар яширилган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат этади. Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимосига кўра, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ораларидан холислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин, уларга нисбатан тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалар тўлиқ татбиқ этилади. Дастлабки тергов бошлашда терговчи жиноят иши қўзғатиши ва уни ўз иш юритувига олиши ҳақида қарор чиқаради. ЖПКга биноан, дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилгандан бошлаб, 3 ой давомида тамомланиши лозим. Бу муҳлат юқори прокурорлар томонидан 1 й.гача узайтирилиши мумкин. Дастлабки тергов айблов ҳулосаси ёки ишни тугатиш тўғрисида қарор, ижтимоий хавфли қилмишни содир эт-

ган шахс ақли норасолиги сабабли тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси кўриш учун ёки жабранувчи ва жиноятни содир қилган шахс ярашгани сабабли ишни тугатиш учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш б-н тамомланади.

Жиноятчиликка қарши кураш бора-сида барча жиноятларни очиш, уларни содир этган шахсларни қош қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлигига эришиш лозим, айни вақтда жиноий жазо ва мажбурлов чораларини либераллаштириш имкониятлари изланмоқда. 2008 й.дан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш, айбланувчиларни қамоқда сақлаш ваколатини судларга бериш каби қатор демократик тамойилларни кент жорий қилиш суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришнинг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Адвокатура – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга малакали юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши белгиланган. Адвокатура ташкил этиш ва иш тартиби қонун б-н белгиланади. «Адвокатура тўғрисида»ги қонунда (1996 й. 27 дек.) таъкилланишича, адвокатура – ҳуқуқий муассаса сифатида адвокатлик фаолияти ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти б-н шуғулланувчи айрим шахсларнинг касбий бирлашмаларини ўз ичига олади.

Адвокат жиноят ишлари бўйича суриштирув, тергов ҳаракатлари юритилганда ва суд мажлисида, фуқаровий ишлар судда, ҳўжалик низолари ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар судья ёхуд ваколатли мансабдор шахслар томонидан кўрилганда иштирок этади. Олий юридик маълумотли ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси адвокат бўлиши мумкин. Қонунларда адвокатлик фаолиятининг асосий принциплари, адвокат қасамёди, ваколатлари, мустақиллиги, дахлсизлиги, адвокатлик фаолиятига аралаштишга йўл қўйилмаслиги, адвокатнинг ижтимоий ҳимояси чоралари ва б. белгилаб берилган.

Адвокат жиноят иши бўйича ўз вазифасини амалга ошириши муносабати б-н билган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас (ЖПК, 53-модда, 3-қисми). Адвокат ҳимоячилик ёки вакилик вазифасини бажараётганда ўзига маълум бўлиб қолган тафсилотлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ

қилиниши мумкин эмас (ЖПК 10-модда, 2-қисми). Жиноят йилини куриб чиқишда қатнашишга ташинланган адвокат фуқаронинг туловга қобилиятсизлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас. Адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас. Ўз касбий вазифаларини бажараётганида адвокатга бирор-бир шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди, адвокатнинг ашёвий далиллари, ҳужжатлари ундан олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши, шунингдек, юридик ёрдам кўрсатаётган шахслар б-н учрашиш ҳуқуқи чекланиши, унинг иш юзасидан ҳуқуқий назари хусусида суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек, суд хусусий ажрим чиқариши тақиқланган.

Адвокатлик фаолияти б-н шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб яққа тартибда фаолият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар б-н шерикликда ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидир. Адвокатлик тузилмалари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент ш. адлия бошқармалари томонидан Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда рўйхатга олинади. Адвокатлик бюро, ҳайъат ва фирмаларини ташкил этиш, уларнинг ички тузилиши, штатлари, вазифалари, маблағ сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари ҳамда адвокатура фаолиятига доир масалалар уларнинг низомлари б-н тартибга солинади. Адвокатура нотижорат ташкилотдир ва фаолиятни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади. Давлат б-н адвокат ўртасидаги ўзаро муносабатлар «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида (1998 й. 25 дек.) белгилаб берилган.

Адвокатлар қонунда белгиланган тартибда адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузиши мумкин. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти б-н шугулланувчи шахслар дастлаб 1992 й. мартда уюшмага ва 1997 й. августда Ўзбекистон Адвокатлари ассоциациясига бирлашган. Ассоциация ўз фаолиятини «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида» қонунларга ҳамда адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига асосланиб юритади. Ассоциациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вило-

ятлар ва Тошкент ш.да ҳудудий бўлимлари бор. Уларга 24 та адвокатлар ҳайъати, 200 дан ортиқ адвокатлар фирмаси ва 300 дан ортиқ адвокатлик бюросида ишлайдиган 2500 дан зиёд адвокатлар ихтиёрий бирлашган.

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг мақсади мамлакатда кучли адвокатура тизимини барпо қилиш ва адвокатларнинг мустақил касбий фаолиятини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда Ассоциация инсон ҳуқуқи ва эркинликлари ҳамда адвокатлик фаолиятига оид қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда иштирок этиш, қонун устуворлигига эришишга ёрдамлашиш, адвокатларнинг малакаларини оширишга кўмаклашиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлаш учун тарғибот ишлари олиб бориш, хорижий давлатлардаги адвокатура тизимлари, шунингдек, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи халқаро нодавлат ташкилотлар б-н ҳамкорлик қилиш каби вазифаларни бажаради. Ассоциациянинг асосий фаолият йўналишини 4 й.да 1 марта йиғилдиган съезд белгилайди. Съездлар оралигида Ассоциация бошқаруви, унинг Раиси ва ҳар бир ҳудуддан 2 тадан сайланган аъзолари фаолият кўрсатади. Ассоциация илмий-оммабоп, ижтимоий-ҳуқуқий «Адвокат» журнаliga эга.

Ад.: Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. Т., 2002.

Фафур Абдураҳимов.

ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими мамлакат парламенти ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро узвий алоқадор, ички мантқий мутаносиб, шу б-н бирга мураккаб тузилмавий мажмуидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланиб, улар муайян тизимни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари-

нинг қарорлари қонуности ҳужжатлари деб эътироф қилинади.

Қонунчилик тизими, аввало, ҳуқуқий нормаларни расмийлаштириш (мустаҳкамлаш) ҳамда ифодалаш шаклини ўзида акс эттирувчи ҳуқуқ манбаларининг муштарак йиғиндиси, иккинчидан, ҳуқуқ манбалари тузилишини, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ифодаловчи ҳуқуқнинг ташқи кўринишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юксак сиёсий ҳуқуқ ва олий юридик мақомга эга ҳужжат сифатида мамлакат қонунчилик тизимида марказий ўринни эгаллайди. У қонунчиликнинг юксак қўққисиди туради, бутун қонунчилик мажмуининг негизини, йўналтирувчи ўзагини ташкил этади. Конституция ўз моҳият-эътибори б-н жамият ҳуқуқий ва қонунчилик тизимларини уюштирувчи, баҳамжиҳат этувчи марказ бўлиб, қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бошланғич асос (пойдевор) вазифасини ўтайди. Асосий қонун мамлакатимизда ҳуқуқнинг бош манбаи бўлиб, у қонунчилик турли тармоқларининг муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро ички мувофиқлигини таъминлайди. Шу тариқа бутун қонунчилик тизими, ҳуқуқий тизимга батартиблик ҳамда барқарорлик бахш этади. Ўзбекистон қонунчилик тизимининг муҳим хусусияти шундаки, унинг таржибига Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси, қонуни ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам кирилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимининг асосий элементлари сирасига, шунингдек, конституциявий қонунлар, кодекслар ва оддий қонунлар кирилади. Қонунларнинг мазкур турлари мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилиниб, жамият ҳаётининг барча муҳим жабҳаларини тартибга солишга хизмат қилади.

Анъанага кўра, конституциявий қонунлар амалдаги Конституцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун қабул қилинади.

Ўзбекистонда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» (1991 й. 30 сент.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида» (1994 й. 22 сент.), «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида» (2002 й. 4 апр.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» (2002

й., 12 дек.), Конституциянинг давлат ҳокимияти органларига оид XIV, XVIII, XX, XXIII бобларига тегишли тузатиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги (2003 й., 24 апр.) конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Конституциявий қонунларни қабул қилиш тартиби бошқа қонунларни қабул қилиш тартибидан фарқ қилади. Конституциявий қонунларни қабул қилиш ҳамда унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзолари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб этилади.

Қонунлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимининг асосий таркибий қисмини ташкил этиб, жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни қатъий тартибга солишга хизмат қилади. Қонун — жамият ҳуқуқий тизимининг муҳим қисми, ҳуқуқни ифода этишнинг олий шаклидир. Қонун воқеасида халқнинг иродаси умумажбурий қоидага айланади, яъни белгиланган шаклда ўрнатилади ва мустақамланади. Қонунлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги ёқлаб овоз берсалар, қабул қилинган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат маъқулловидан ўтганидан кейин Президент томонидан имзоланган ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингандан сунг юридик кучга эга бўлади. Ўзбекистонда ва дунёнинг кўпчилик мамлакатларида мавжуд қонунларни қабул қилиш тартиби қонунчилик ҳужжатларининг ички тизимлигини, ўзаро мутаносиблигини таъминлайди, уларнинг бир-бирига зид келишининг олдини олади ва амалдаги қонунчиликнинг сифатли ҳамда самарали бўлишига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими ўз ички мантиғига кўра, қўйидаги қонунчилик тузилмаларини қамраб олади. Биринчиси — қонунчилик соҳалари бўлиб, муайян ҳуқуқ соҳасининг предмети ҳисобланган ижтимоий муносабатларни тартибга соловчи нормалар йиғиндисидан иборат. Бунинг маъноси шуки, қонунчилик тизимининг ички тузилиши ҳуқуқий тартибга солиш объеклари, яъни ижтимоий муносабатларнинг мазмунига кўра таснифланишидан келиб чиқади. Мас., инсон ва давлат (унинг ижроия

ҳокимият органлари тимсолида) ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳақида сўз кетганда, маъмурий ҳуқуқ қоидалари (нормалари) амал қилади, мулкий муносабатларни тартибга солиш ҳақида сўз юритганимизда фуқаролик ҳуқуқи соҳасига оид нормалар амал қилади ва ҳ.к. Иккинчиси — қонунчилик соҳаси ичидаги йирик тузилма, соҳавий ижтимоий муносабатларнинг муайян турларини тартибга соловчи қонунчилик институтини ифодалайди (мас., фуқаролик қонунчилиги соҳасининг таркибига кирувчи муаллифлик, мерос, ҳадя, олдидотли, ижара институтлари). Учинчиси — ўз мазмунига кўра, ижтимоий ҳаётнинг нисбатан мустақил соҳаларини ташкил этувчи ҳар турли ижтимоий муносабатлар мажмуини тартибга соловчи, бир неча ҳуқуқ соҳаларига оид ҳуқуқ нормаларини ўз ичига оловчи норматив тузилма қонунчиликнинг комплекс соҳалари (мас., транспорт, балиқчилик ҳўжалиги, ҳарбий, темир йўл муносабатларига оид қонунчилик) деб аталади.

Барча ҳуқуқ соҳалари, олатда, икки йирик гуруҳга: оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ соҳаларига бўлинади. Анъанавий тарзда биринчи гуруҳга қўйидагилар киритилади: конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, сув ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, жинорий ҳазони ижро этиш ҳуқуқи, экология ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи, халқаро оммавий ҳуқуқ ва б. Иккинчи гуруҳга фуқаролик ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, шунингдек, халқаро хусусий ҳуқуқни киритиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини барпо этиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида янги ҳуқуқ соҳалари вужудга келмоқда. Булар: корпоратив ҳуқуқ, бюджет ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, парламент ҳуқуқи, талбиркорлик ҳуқуқи, ахборотлаштириш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, муниципал ҳуқуқ ва ҳ.к.

Қонунчилик тизимида кодекслар а р алоҳида ўрин эгаллайди. Улар муайян қонунчилик соҳаси доирасидаги иккиламчи ташкилий тузилма — ижтимоий муносабатларнинг энг муҳим мажмуини тартибга соловчи, устувор ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассамлаштирувчи ва тизимлаштирувчи қонунлардир. Кодекслар ҳуқуқ тармоғининг бош қонуни — Конституция принципларини ривожлантириш йўлида яратилади ва улар қонунчилик тизимида Конституция, конституциявий қонунлардан кейинги мавқени эгаллайди.

Кодекс тузиш орқали тармоқдаги ҳуқуқий нормалар қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва тақомиллаштирилади. Агар муайян қонунчилик соҳасида бир вақтнинг ўзида кодекс ва бир неча қонунчилик ҳужжатлари мавжуд бўлса, улар ичида кодекс юридик кучи ҳамда тартибга солиш имконияти жиҳатидан устунлик қилади. Ўзбекистон Республикасида кодекслаштирилган актларнинг мавжудлиги мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг роман-герман ҳуқуқ тизимига мансублигини билдиради. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қонунчилик соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошира бориб, ўзининг миллий қонунчилик тизimini яратди. Бунинг натижасида янги ҳуқуқ соҳалари шаклланди ва ривожланди.

Ўзбекистон Республикасининг кодекслари

Фуқаролик кодекси (1–2-қисм, 1995, 1996); Фуқаролик-процессуал кодекси (1997); Жиноят кодекси (1994); Жиноят-процессуал кодекси (1994); Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (1994); Меҳнат кодекси (1995); Ҳўжалик-процессуал кодекси (1997); Оила кодекси (1998); Ер кодекси (1998); Уй-жой кодекси (1998); Солиқ кодекси (1997); Божхона кодекси (1997); Шаҳарсозлик кодекси (1999); Жиноят-ижроия кодекси (1997).

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ва ҳуқуқ тизимига халқаро ҳуқуқ бевосита таъсир ўтказилади. Чунки, Конституцияга мувофиқ, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва тамойиллари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига устуворлик берилади. Конституцияда халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган нормалари давлат ичидаги нормалардан устунлиги эълон қилинган. Ўзбекистон томонидан асосий халқаро шартномалар, конвенциялар ва битимлар ратификацияланган. Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан «Дипломатик ва колатхоналарнинг бошиқларини тайинлаш ва чақириб олиш тўғрисида» (1992), «Дипломатик ходимлар учун дипломатик класс ва даражаларни бериш тўғрисида» (1992), «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги (1995) қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларда иштироки учун пухта ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон парламентининг бошқа давлатлар б-н турли шартномаларни тасдиқлаш, давлатимизнинг турли халқаро ташкилотларга

аъзо бўлиш, ахдлашувлар ва конвенцияларга қўшилиш тўғрисидаги қарорларни ратификация қилувчи ҳужжатларни мамлакат қонунчилик тизимини янада бойитмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Қонунлар Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида амал қилади. Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари унинг ҳудудида амал қилади. Қонунлар мамлакат ҳудудидаги барча субъектлар, яъни фуқаролар, юридик шахслар, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Қонуности ҳужжатлари ҳам Ўзбекистон қонунчилик тизимида ўз ўрнига эга. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари алоҳида нуфузли ҳисобланади. Президент фармонлари норматив ва индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин. Фармонлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ижроси юзасидан чиқарилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар б-н тасдиқланади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар б-н биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари б-н келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Ма-

ҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари хужалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари бўйича қабул қилинади. Улар, одатда, умумий хусусиятга ва норматив қоидаларга эга бўлиб, ҳуқуқ манбалари ҳисобланади. Айрим ҳолатларда ижроия ҳокимият органларининг ҳужжатлари ушбу органлар тизимидан ташқарида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Бундай ваколатлар Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа ташкилотларга берилган. Мас., Ўзбекистонда вазирликлар ҳамда ташкилотларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайд этиш давлат тизими жорий этилган. Ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилиш. Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан қонунлар расман эълон қилиниши керак. Қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш деганда, амалдаги юридик қоидаларга биноан, қонунчилик муассасаси номидан қонун ёки қонуности акти тўлиқ ва аниқ матнининг расмий белгиланган босма нашр ёки оммавий қўлланиладиган нашрда чоп этилиши тушунилади. Қонунлар ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности актлари «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда эълон қилинади ва кучга киритилади.

Ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган қонунларнинг қўлланилиши ва улар асосида ҳеч ким судланиши, жазога тортилиши ёки мол-мулкдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари Президент томонидан 30 кун ичида им-

золаниши ва расмий манбаларда эълон қилиниши керак. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ахборотнома-си», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади. Ушбу нашрлардан бирида қонун матнининг тўлалигича биринчи марта босилиши расмий нашр ҳисобланади. Бошқа оммавий ахборот воситалари қонунларни ҳам ёзма, ҳам оғзаки ҳолда эълон қилишлари мумкин. Бундан ташқари қонунларнинг матнларини давлат органлари ва мансабдор шахсларга, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга тарқатиш йўли б-н ҳам ижрочилар эътиборига етказилиши мумкин.

Месёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг ихтиёрий баён тарзида эълон қилинишига йўл қўйилмайди. Месёрий-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг барча реквизитлари кўрсатилади. Уларни норасмий нашрларда эълон қилишга, электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилинганидан сўнг ҳамда барча реквизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шarti б-н рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлари ва б. қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар норматив ҳужжатнинг ўзида бошқа мuddат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин бутун республика ҳудудида бир вақтда кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, республика ҳукуматининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам имзолангандан сўнг расман эълон қилиниши керак. Давлат сирини ёки бошқа махфий тусдаги маълумотларни ўз ичига олган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки улар матнининг муайян бир қисми бундан мустасно. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларининг тўплами», «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газларида расман эълон қилинади ҳамда Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда кучга киради. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳуж-

жатларининг тўғлами» ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонунчилик ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳужжатлари, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинган кундан эътиборан 10 кун ичида давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилиши лозим.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига дахлдор бўлган, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳуқуқий мақомини ўрнатадиган ёки идоралараро тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 10 кундан кейин кунга қиради. Улар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахсларнинг эътиборига етказилиши лозим.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказилиб, белгиланган тартибда эълон қилинмаган бўлса кунга кирмаган ҳисобланади, ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, фуқароларга, мансабдор шахсларга ва ташкилотларга нисбатан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган қоидалар бажарилмаганлиги учун муайян санкция (ёки жазо) қўллашга асос бўла олмайди. Шунингдек, низоларни ҳал қилишда ҳам бундай норматив актларга асосланиш (ёки ҳавола қилиш) мумкин эмас.

Ҳожимурод Одилқориев

САЙЛОВ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида миллий давлатчиликни қуриш жараёни сайлов қонунчилигини ишлаб чиқиш б-н узвий равишда олиб борилиб, эндиликда сайлов қонунларининг яхлит мажмуи

шакллантирилган. Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими Конституциянинг «Сайлов тизими» боби ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» (1991 й. 18 нояб.), «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» (1991 й. 18 нояб.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (янги таҳрири, 2003 й. 29 авг.), «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» (1994 й. 5 май), «Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари» (1994 й. 5 май), «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида» (1998 й. 30 апр.), «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини қақриб олиш тўғрисида» (2004 й. 2 дек.) қонулар б-н тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов кунигача 25 ёшга тўлган фуқаролар, ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайлов кунигача 21 ёшга тўлган фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш учун тузиладиган комиссияларнинг тизимида бошчилик қилади. Ўзбекистоннинг бутун ҳудудда Республика Президенти, Олий Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилиб боради, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди. Марказий сайлов комиссия-

си камида 15 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади, доимий асосда фаолият юритади. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов бошланганлигини эълон қилади, сайлов ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди. Сайлов ва референдум округларини тузиш ҳамда уларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилиш ҳам унинг ваколатига қиради. Марказий сайлов комиссияси чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар берали, сайлов ва референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга оид масалаларни кўриб чиқади, номзодларга сайловда иштирок этиши учун тенг шартларни таъминлайди. Марказий сайлов комиссияси, шунингдек, сайлов ва референдумнинг якуинини чиқаради, сайланганларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади. Сайловдан кейин Олий Мажлис қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини Қонунда белгиланган тартибда қақиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишича уларнинг конституциявий ваколат мулдлати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги Президент ваколат мулдлати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Мазкур сайловни ўтказувчи сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри доирасида тузади. Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчи-

лар сонини кўрсатган ҳолда сайловга 75 кун қолганида эълон қилади.

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, ҳарбий қисмларда, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва б. даволаш муассасаларида, олиш ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, хорижий давлатлардаги ваколатхоналар ҳузурида сайлов участкалари тузилиши назарда тутилган. Сайлов участкалари қоида тариқасида, камида 20 ва кўпи б-н 3000 сайловчидан иборат этиб тузилади.

Барча комиссияларнинг ваколатлари, уларнинг таркиби ва иш ташкил қилиш тартиблари ҳамда сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш кабилар сайлов қонунчилигида батафсил баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида тугайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан амалга оширилади. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, бевосита фуқаролар эгадирлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 120 та ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар сайлов округидан битта депутат сайланади. Қонунга бинан бир шахс фақат битта округдан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳал этадилар. Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округи биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳақлидирлар.

Содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, сайлов кунига қадар сўнгги 5 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мўқим яшамаган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашма-

ларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига асосан сайлов олди ташвиқоти ҳамда Олий Мажлис ва қуйи вакиллик органлари депутатлигига номзодлар фаолиятининг кафолатлари ҳақида алоҳида бўлим ажратилган бўлиб, унда сайлов олди ташвиқоти номзодларни сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган кундан бошланиши; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар, Олий Мажлис депутатлигига номзод 5 нафарга қадар, қуйи вакиллик органларига 3 нафаргача ишончли вакилга эга бўлишлари мумкинлиги; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига номзодларни сайловда тadbирларида иштирок этишлари учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларидан озод қилиниши; Олий Мажлис ва қуйи вакиллик органлари депутатлигига номзоднинг транспортда текинга юриш ҳуқуқи ва депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш, депутатликка номзодликдан воз кечиш ҳақида батафсил тартиб-қоидалар баён этилган.

Қонунларда сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, фуқароларни бу рўйхатлар б-н таништириш, сайлов варақалари, бюллетенлари, уларни етказиб бериш тартиби ҳам қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимида овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш, депутатларни рўйхатга олиш ва сайлов якунларини эълон қилиш мўқим ўрин эгаллайди. Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади. Бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабина ёки хоналар тайёрланади. Сайлов қутилари яширин овоз бериш учун қулай жойлаштирилади. Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан 20 гача ўтказилади. Қонунларда овоз бериш тартиби, сайловчиларнинг шахсини аниқлаш ҳамда бошқа қоидалар баён этилган. Сайлов участкаларида овоз бериш тугагач, комиссия томонидан қутилар очилади. Ҳар бир номзод бўйича берилган овозлар алоҳида санаб чиқилади ва овоз беришда иштирок этганларнинг сони, ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овознинг сони, ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, сайлов варақалари сони аниқланади ва округ сайлов комиссиясига тақдим этилади. У округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаб, Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ол-

ган номзод депутат этиб сайланган ҳисобланади. Башарти рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33% дан ками сайловда иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Сайлов чоғида қоидабузарликка йўл қўйилса ва у овоз бериш якунларига таъсир қилса сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ўтмаган деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов якунлари чиққан кундан эътиборан 10 кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон сайлов қонунларида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга, Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати номзодларига такрорий овоз бериш, такрорий сайлов, бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати номзодларига ва қуйи вакиллик органларига депутатларнинг сайловини ва такрорий овоз беришни ўтказиш каби қоидалар ҳам мустаҳкамланган.

Қонунларда депутатларни рўйхатга олиш ва сайлов якунларини эълон қилиш, депутатларнинг гувоҳномалари ва кўракка тақиладиган нишонни бериш тартиб-қоидалари ҳам ўз ифодасини топган. Сайлов якунлари бўйича ақборот кўпи б-н 10 кун ичида матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик масаласи ҳам қайд этилган.

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш б-н боғлиқ харажатлар давлат ҳисобидан бўлади. Буларни бошқа маблағлар ҳисобидан пул б-н таъминлаш ва бошқача тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қонун б-н тақиқланади. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Марказий сайлов комиссияси қабул қилиб олади ва сайлов кампанияси вақтида фойдаланади.

Ад.: М у с т а ф о е в Б., Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги, Т., 2004; Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари, Т., 2005.

Омонулла Мухаммаджонов.

ТАШҚИ СИЁСАТИ

Ўзбекистон суверен республика сифатида халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида белгилаб қўйилганидек, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч б-н таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл б-н бар-тараф этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қондаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоида ва меъёрларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва б. давлатлараро тузилмаларга кириши ёки улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституциянинг 19-бобига биноан, мамлакат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чоратадбирлар куради; халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш куради; музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди; республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди; ўз ҳузурда аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрликларини қабул қилади; Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва б. вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тавсия этади; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ташқи сиё-

сатининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига, Конституциянинг 78-моддаси 1-қисми 4- ва 20-бандларига биноан, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, халқаро шартномалар ва битимларни тасдиқлаш (ратификация қилиш) ёки барвақт тўхтатиш (денонсация қилиш) қиради.

Ўзбекистон ташқи сиёсатини юритувчи илора ва ташкилотлар. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатини республика Ташқи ишлар вазирлиги ва ўзининг хориждаги ваколатхоналари орқали амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда мамлакатдаги айрим халқаро ташкилот, кенгаш ва жамиятлар Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларида ўз ваколатлари доирасида масалаларни ҳал этишга қўмақлашади.

Ташқи ишлар вазирлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, мамлакат Президенти фармонлари, кўрсатмалари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва ўз Низомига асосланади. Унинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети қатъиятини, мамлакат Президентининг ташқи сиёсат соҳасидаги йўлини ҳаётга тадбиқ этиш, хорижий давлатлар б-н муносабатларда, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистоннинг манфаатлари ва унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ҳоз. замон талаблари даражасида олиб бо-

рилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори (1992 й. 25 май), Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони (1994 й. 25 феврал) ҳамда шу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (1994 й. 16 март) алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатларда Ташқи ишлар вазирлигининг вазифалари аниқ белгиланган. Уларда қайд этилишича, Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг стратегияси, унинг ташқи сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш масалалари, шунингдек, давлат халқаро фаолиятининг умумий муаммолари бўйича таклифлар ишлаб чиқади; халқаро алоқаларни ривожлантириш борасида давлат идораларининг ишини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради; республика идоралари б-н биргаликда Ўзбекистон Республикасининг миллий давлат манфаатларини, шунингдек, унинг чет эллардаги фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди; республика ҳудудида хорижий ваколатхоналар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик ҳамда консуллик дахлсизлигига риоя этиш учун шарт-шароит яратади ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ уларга ўз вазифаларини бажаришларида қўмақлашади. Мана шу вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги

бошқа мамлакатларнинг тегишли давлат идоралари ҳамда ташқи сиёсат муассасалари б-н, шунингдек, халқаро ташкилотлар б-н белгиланган тартибда музокаралар олиб боради, шартнома ва битимлар тузади. Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига биноан, ташқи сиёсий фаолиятга тааллуқли масалалар буйича қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади, республика қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид таклифларни тайёрлайди, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари буйича таклифлар ишлаб чиқиб, уларни кун тартибига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 8 нояб. қарорига биноан Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларга оид хабарларни тарқатувчи «Жаҳон» ахборот агентлиги таъсис этилди.

Ўзбекистон жаҳондаги турли мамлакатлар б-н сиёсий ва иқтисодий муносабатлар олиб боришдан ташқари, маданий, шунингдек, хорижда яшаётган ватандошларимиз б-н ҳам дўстона алоқалар ўрнатган. Республикада бу борада Хорижий мамлакатлар б-н дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси фаолият олиб борапти.

И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 50-сессия минбарига. 1995 й. октябрь.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дипломатик муносабатлари. Ўзбекистон Республикаси деярли барча давлатлар б-н дипломатик муносабатлар ўрнатган. (1-жадвалга қ.). Ўзбекистон б-н дипломатик муносабат ўрнатган мамлакатлардан 42 таси Ўзбекистон Республикасида узининг элчихона ёхуд ваколатхонасини очди. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳам дунёдаги 40 мамлакатда элчихона ёки консулхонаси ишлаб турибди. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин жаҳоннинг куп мамлакатлари б-н ҳамкорлик ўрнатди. Бунинг ўзига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг хорижий мамлакатларга давлат, расмий ҳамда амалий сафарлари, шунингдек, чет мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларининг юртимизга ташрифларидан ҳам билса бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида устувор йўналишлар. Ўзбекистон дунёнинг ҳар бир мамлакатини сингари ташқи сиёсатни олиб боришда ва унга тегишли бўлган масалаларни ечишда, авваламбор, ўзининг миллий манфаатларига таяниши табиий. Жумладан, иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва унинг қўламларини кенгайтириш, хорижий сармояларни миллий иқтисодиётга жалб этиш, минтақада ва умуман дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш сингари масалалар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Бугунги глобаллашув даврда ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий-

сиёсий ривожланиши унинг ўзаро тараққиёт йўлида изчил ва масъулиятли қадамлар қўйувчи яқин ҳамкорлари б-н биргаликда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувга боғлиқ. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи йилларида ноқ ҳар томонлама интеграциялашув жараёнларини чуқурлаштириш тарафдори бўлиб келмоқда. Худудий жойлашиши жиҳатидан ҳам, ер ости ва ер усти бойликларига эгаллиги, иқтисодий кўлами ва маданий даражаси тарафидан ҳам Ўзбекистон Марказий Осиёда ўзига хос мавқега эга. Мамлакатимизни иқтисодий, сиёсий, тарихий ва маданий соҳаларда узвий боғлаб турувчи давлатлар б-н янада чуқурроқ ҳамкорлик қилиш Ўзбекистоннинг ҳаётий манфаатларига мос келади. Шунинг учун Марказий Осиё мамлакатлари б-н муносабатларни чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳар доим Ўзбекистон ташқи сиёсати диққат-эътиборининг марказида бўлиб келган. Бу борадаги асосий устувор йўналиш изчил ва қадам бақадан минтақавий интеграция сари йўлдир.

Ўзбекистон томонининг Марказий Осиёда Ягона иқтисодий ҳудуд (1993), Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти (1999), «Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти» (МОҲТ, 2002)ни тузиш буйича ташаббуслари ва Ўзбекистоннинг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) кириши оқибатида МОҲТ ва ЕврАзЭСнинг қирлашиши (2006) бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон қўшни ва хорижий давлатлар б-н икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларда савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш б-н бирга тинчлик ва осойишталик заминини барқарорлаштириш масалаларига ҳам катта аҳамият қаратади. Минтақада ва умуман ер юзида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик буйича саъй-ҳаракатларни кучайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўта муҳим йўналишидир. Бу борада Ўзбекистон дунёнинг қатор давлатлари б-н стратегик ҳамкорлик ришталарини ўрнатган ҳамда Россия Федерацияси б-н Иттифоқчилик шартномасини (2005) имзолаган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида ноқ диний экстремизм, ақидапарастлик, нарқобизнес ва халқаро террорчиликнинг аломатларини нафақат минтақамизга, балки кенг дунёга ёйилиш хавфини жаҳон жамоатчилигига тушунтиришга қаратди. Ер юзида тинчлик ва барқарорликка, мил-



Ўзбекистон Республикаси элчихоналари жойлашган мамлакатлар:

Австрия, Афғонистон, АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Индонезия, Исроил, Италия, Корея Республикаси, Кувайт, Латвия, Малайзия, Миср, Озарбайжон, Покистон, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Украина, Франция, Хитой, Эрон, Япония, Қирғизистон, Қозоғистон, Ҳиндистон.

латлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликка таҳдид солувчи бу жиддий хавфни бартараф этиш буйича зудлик б-н барча зарур чора-тадбирларни кўришга чақирди.

Ўзбекистон раҳбарияти бир неча маротаба жаҳон ҳамжамиятини халқаро террорчилик хавфидан огоҳ этибгина қолмай, аниқ амалий чоралар кўришга ҳам даъват қилган эди. Жумладан, ЕХҲТнинг Истанбулда бўлиб ўтган саммитида (1999 й. 18 нояб.) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов террорчиликни молиялаштираётган, қўллаб-қувватлаётган, таъминлаётган ва йўналтираётган манбалар б-н курашда қабул қилинаётган қарорларнинг қатъий бажарилиши бўйича фаолиятни назорат қилиши керак бўлган Террорчиликка қарши курашиш халқаро марказини яратиш ўта зарурлигини таъкидлаган эди.

Ўзбекистоннинг терроризм ва янги ноанъанавий таҳдид турларига қарши қатъий мавқеи унинг Марказий Осиёда ядровий қуролдан холи ҳудуд ташкил этиш (1993), минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш тизимини тўла шакллантириш мақсадида «Шанхай Бешлиги»ни ўз иштироки б-н Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) айлантириш (2001) ташаббуслари ҳамда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлида Халқаро аксилтеррор-

Ўзбекистон Республикаси консулхоналари жойлашган шаҳарлар:

Афина (Греция), Бангкок (Таиланд), Жидда (Саудия Арабистони), Дубай (Бирлашган Араб Амирликлари), Истанбул (Туркия), Мозори-Шариф (Афғонистон), Нью-Йорк (АҚШ), Франкфурт (Германия), Шанхай (ХХР).

Бундан ташқари халқаро ташкилотлар қошида Ўзбекистон Республикасининг Доимий ваколатхоналари Нью-Йорк ва Женева ш.ларида фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатлар	Ўзбекистон Республикаси суверенитети таъминланган сана	Узро дипломатик муносабатлар ўрнатилган сана
Австралия	1991.26.12.	1991.26.12.
Австрия Республикаси	1992.15.01.	1992.25.03.
Албания Республикаси	1992.04.01.	1993.23.11.
Америка Қўшма Штатлари	1991.27.12.	1992.19.02.
Ангола Республикаси		2002.31.05.
Аргентина Республикаси	1991.26.12.	1993.09.09.
Арманистон Республикаси	1992.26.02.	1995.27.10.
Афғонистон Республикаси	1991.22.12.	1992.13.10.
Бангладеш Халқ Республикаси	1991.30.12.	1992.15.10.
Баҳрайн Давлати	1991.28.12.	1992.29.05.
Белоруссия Республикаси	1991.27.12.	1993.21.01.
Бельгия Қироллиги	1991.31.12.	1992.10.03.
Бенин Республикаси	1992.14.01.	2005.20.09.
Бирлашган Араб Амирликлари	1991.26.12.	1992.25.10.
Болгария Республикаси	1992.06.01.	1992.05.09.
Босния ва Герцеговина Республикаси	1992.13.04.	1996.14.05.
Ботсвана Республикаси	1991.30.12.	
Бразилия Федератив Республикаси	1991.26.12.	1993.30.04.
Бруней-Доруссалом		1996.20.06.
Буркина Фасо	1992.25.01.	
Бурунди Республикаси	1992.06.01.	
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги	1991.31.12.	1992.18.02.
Ватикан Давлати	1992.01.02.	1992.17.10.
Венгрия Республикаси	1991.26.12.	1992.03.03.
Венесуэла Республикаси	1992.21.01.	1996.26.04.
Вьетнам Социалистик Республикаси	1991.27.12.	1992.17.01.
Габон Республикаси	1992.10.01.	
Гайана Республикаси	1992.08.01.	
Гана Республикаси	1992.22.04.	1993.28.10.
Гвинея Республикаси	1992.09.01.	1993.24.06.
Гвинея Экватор Республикаси	1992.17.01.	1993.24.06.
Германия Федератив Республикаси	1991.31.12.	1992.06.03.
Греция Республикаси	1992.02.01.	1992.16.03.
Грузия Республикаси	1991.10.10.	1994.19.08.
Дания Қироллиги	1991.31.12.	1992.25.01.
Жазоир Халқ Демократик Республикаси	1991.26.12.	1992.30.06.
Жанубий Африка Республикаси	1992.10.01.	1992.12.08.
Жибути Республикаси	1992.06.01.	
Замбия Республикаси	1992.17.02.	1994.01.02.
Зимбабве Республикаси	1992.27.01.	
Индонезия Республикаси	1991.28.12.	1992.23.06.
Иордания Ҳошимийлар Қироллиги	1991.28.12.	1993.15.02.
Ирландия Республикаси	1991.31.12.	1997.07.11.
Ироқ Республикаси	1992.01.01.	1993.19.06.
Исландия Республикаси	1992.19.01.	1997.25.09.
Испания Қироллиги	1991.31.12.	1992.17.03.
Исроил Давлати	1991.25.12.	1992.22.02.
Италия	1992.10.01.	1992.24.03.
Кабо Верде Республикаси	1992.16.01.	
Камбоджа Давлати	1991.29.12.	1995.07.09.
Канада	1991.25.12.	1992.07.04.
Кипр Республикаси	1992.27.12.	1997.30.05.
Комор Ороллари		2005.23.05.
Корея Республикаси	1991.30.12.	1992.29.01.
Корея Халқ Демократик Республикаси	1991.26.12.	1992.07.02.
Коста-Рика Республикаси	1991.27.12.	2001.07.06.
Куба Республикаси	1992.20.01.	
Кувайт		1994.08.07.
Лаос Халқ Демократик Республикаси	1992.02.01.	1992.10.09.
Латвия Республикаси	1992.22.10.	1992.03.11.
Лесото Қироллиги	1992.29.01.	
Ливан Республикаси	1991.30.12.	1998.22.10.
Ливия	1992.02.01.	
Литва Республикаси	1991.20.01.	1992.05.08.
Люксембург Буюк Герцоглиги	1991.31.12.	1992.10.06.

I-жадвалнинг давоми

Маврикий		1999.04.08.
Малагаскар Демократик Республикаси	1992.04.04.	
Македония Республикаси	1991.04.12.	1994.31.12.
Малайзия	1992.01.01.	1992.21.02.
Мали Республикаси	1992.24.01.	1997.13.02.
Мальдив Республикаси	1994.07.12.	1994.07.12.
Мальта Республикаси		1993.25.02.
Марокаш Қироллиги	1991.13.12.	1993.11.10.
Мексика Қўшма Штатлари	1991.26.12.	1992.16.03.
Миср Араб Республикаси	1991.26.12.	1992.23.01.
Мозамбик Халқ Республикаси	1991.27.12.	
Молдова Республикаси	1994.23.08.	1994.23.08.
Монголия	1991.19.12.	1992.25.01.
Мьянма Иттифоқи		2001.08.02.
Намибия Республикаси	1991.25.12.	1999.17.08.
Непал Қироллиги	1992.02.01.	
Нигерия Федератив Республикаси	1992.11.03.	1992.28.08.
Нидерландия Қироллиги	1991.31.12.	1992.10.07.
Норвегия Қироллиги	1992.02.01.	1992.10.06.
Озарбайжон Республикаси	1991.19.10.	1995.02.10.
Панама	1992.02.01.	
Парагвай Республикаси		2001.27.08.
Перу Республикаси	1991.26.12.	1999.22.12.
Покистон Ислом Республикаси	1991.20.12.	1992.10.05.
Польша Республикаси	1991.27.12.	1992.19.03.
Португалия Республикаси	1992.16.01.	1992.12.08.
Россия Федерацияси	1992.20.03.	1992.20.03.
Руминия	1991.20.12.	1995.06.10.
Саудия Арабистони	1991.30.12.	1992.20.02.
Сенегал Республикаси		1995.06.10.
Сингапур Республикаси	1992.02.01.	1997.08.04.
Словакия Республикаси	1992.24.01.	1993.01.01.
Словения Республикаси	1991.27.12.	1995.16.01.
Судан Республикаси	1991.30.12.	2005.06.01.
Сурия Араб Республикаси	1991.28.12.	1992.24.04.
Сьерра-Леоне Республикаси	1991.21.12.	
Таиланд Қироллиги	1991.26.12.	1992.06.05.
Того Республикаси	1993.10.11.	
Тожикистон Республикаси	1992.06.01.	1992.20.10.
Тунис Республикаси	1991.26.12.	1992.26.11.
Туркия Республикаси	1991.16.12.	1992.04.03.
Туркменистон	1993.07.01.	1993.07.01.
Украина	1992.24.01.	1992.25.08.
Уммон Султонлиги	1991.28.12.	1992.22.04.
Уругвай	1991.26.12.	1998.25.05.
Фаластин Давлати	1991.30.12.	1994.25.09.
Филиппин Республикаси	1992.22.01.	1992.13.04.
Финляндия Республикаси	1991.30.19.	1992.26.02.
Франция Республикаси	1992.03.01.	1992.01.03.
Хитой Халқ Республикаси	1991.27.12.	1992.02.01.
Хорватия Республикаси	1991.28.12.	1995.06.02.
Чад Республикаси	1993.12.01.	1994.16.09.
Чехия Республикаси	1992.24.01.	1993.01.01.
Чили Республикаси	1992.18.03.	1994.15.09.
Швейшария Конфедерацияси	1991.23.13.	1992.07.05.
Швеция Қироллиги	1992.16.01.	1992.08.04.
Шимолий Кипр Турк Республикаси	1992.24.01.	
Шри-Ланка	1992.12.02.	1999.11.10.
Эквадор Республикаси	1992.02.01.	
Эрон Ислом Республикаси	1991.25.12.	1992.10.05.
Эстония Республикаси	1992.20.02.	1994.25.10.
Эфиопия Халқ Демократик Республикаси	1992.02.01.	1996.15.07.
Югославия Социалистик Республикаси	1991.31.12.	1995.18.01.
Ямайка	1992.06.01.	1996.08.08.
Яман Республикаси	1991.30.12.	1992.25.05.
Янги Зеландия	1992.19.03.	1992.19.03.
Япония	1991.28.12.	1992.26.01.
Қатар Давлати		1997.27.11.
Қирғизистон Республикаси	1992.29.09.	1993.16.02.
Қозғоғистон Республикаси	1992.23.10.	1992.23.10.
Ҳиндистон Республикаси	1991.26.12.	1992.18.03.

чилик коалицияси таркибида фаол қатнашганлиги б-н яна бир бор исботланди. Шу маънода ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (МАТТ) Ижроия қўмитаси Тошкент ш.да жойлашганлиги (2004 й. 17 июнь) алоҳида эътиборга эга.

Афғонистон Ўзбекистон ташқи сиёсати диққат-эътиборидаги муҳим қўшни давлат ҳисобланади. Афғонистонни минтақавий жараёнларга жалб этиш, қуролсизлантириш ва наркосавдо муаммоларини ҳал этиш, мамлакатда миллий давлатчиликни ривожлантириш бўйича қўшимча дастурларда ҳамда йирик халқаро транспорт, иқтисодий-и.ч. инфратузилмаларини шакллантиришда иштирок этиш Ўзбекистон учун аҳамиятлидир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида гуманитар соҳадаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор берилади. Бунинг ифодасини тарихи бир, маданияти ва урф-одати яқин, менталитети ўхшаш халқлар яшовчи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) доирасидаги муносабатларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда принципиал даражадаги масалалар бўйича қарашларида тафовут бўлган давлатлар б-н ҳам очиқ мулоқот олиб боришга тайёр.

Ўзбекистон Республикаси қатнашаётган минтақавий ҳамкорлик ташкилотлари. Ўзбекистон Республикаси 2001 й. 15 июнда Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Қозғоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси б-н Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги Декларацияни имзолади.

Тошкент ш.да бўлиб ўтган ШХТ саммитидан (2004 й. 17 июнь) сўнг ташкилотнинг жаҳон миқёсида мавқеи ва халқаро алоқалари сезиларли даражада кучайди. 2004 й.да Шанхай ҳамкорлик ташкилоти БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомини қўлга киритди. 2005 й. апр. ойида ШХТ Ижроия қўмитаси ва Жануби-шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН) Котибияти ўртасида ҳамда МДҲ Ижроия қўмитаси ўртасида ўзаро тушуниш Меморандумлари имзоланди.

2005 й.нинг окт.да Ўзбекистон Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг йиғилишида ўзининг Евросиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС)га аъзо бўлиш мақсадини эълон қилди. 2006 й.нинг 25 янв.да Санкт-Петербург ш.да бўлиб ўтган ЕврАзЭС саммитида Ўзбекистоннинг ҳамжамиятга аъзо бў-

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)

Халқаро хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат – Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари учрашувида тузилган (2001 й. 15 июнь). ШХТ ўз фаолиятида давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш; сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, таълим, энергетика, транспорт, экология ва б. соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш; умумий ҳаракатлар б-н минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби мақсадларни ўртага қўяди. Шу б-н бирга, ташкилот БМТ тамойиллари ва мақсадларига; бошқа давлатлар мустақиллиги ва суверенлигини ҳурмат қилиш, ички ишларига аралашмаслик ва уларга нисбатан қуроли куч ишлатмаслик; аъзо давлатларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш; минтақадаги масалаларни ўзаро маслаҳатлашув йўли б-н ҳал этиш каби қондаларга қатъий амал қилади. 2006 й.га қадар ШХТ доирасида давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда ташқи ишлар вазирлари даражасида 190 дан ортиқ битим ва шартнома имзоланган.

лиши ҳамда МОХТнинг ЕврАзЭС б-н бирлашиши ҳақидаги тарихий қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг ЕврАзЭСга қўшилишидан асосий мақсад мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва халқнинг фаровонлигини таъминлашдир. Бу вазифаларни бажаришга ҳар бир ривожланган демократик давлат интилади. Республикамиз кучи ва имкониятларини қўшни давлатлар б-н бирлаштириш бу мақсадга тезроқ эришиш демакдир. Бошқа томондан бу қарор бугунги кунда дунёнинг йирик, етакчи давлатларининг геосиёсий манфаатлари марказида турган Марказий Осиёда тез ўзгараётган

аҳвол б-н асосланган. Мавжуд аҳвол ҳудудимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, демократик давлат барпо этиш йўлида халқимизнинг тинчлиги ва озоёйишталигини таъминлашда ўзига хос муносабат билдиришга ва шунга мувофиқ чоралар қўллашга даъват этади.

Ўзбекистон Республикасининг кенг сиёсий майдондаги роли. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан кейин кўп ўтмай – 1992 й. 2 мартда жаҳоннинг энг нуфузли халқаро ташкилоти БМТ га аъзо бўлди. Шу кун БМТ Бош Ассамблеяси биноси олдидан Ўзбекистон Республикасининг миллий байроғи кўтарилди. Шу тариқа Тошкентда БМТнинг бирлашган ваколатхонаси очилди (1993 й. 24 окт.). БМТ да ҳам Ўзбекистон Республикасининг Доимий ваколатхонаси иш бошлади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси. Тошкент. 2004 й. 17 июнь.

Ўзбекистон БМТ нинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКОга ҳам аъзо бўлди. Ўзбекистон Республикасида БМТнинг Тараққиёт дастури, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон озиқ-овқат жамғармаси, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ишини мувофиқлаштириш ваколатхонаси, Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича дастури, Саноатни ривожлантириш ташкилоти, Болалар жамғармаси ваколатхонаси фаолият кўрсатапти.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси б-н ҳамкорликда республикада халқаро тадбирлар ўтказилиб турилибди. Ўзбекистон ўз овози ва мавқеига эга бўлган аъзо сифатида БМТ олдига муҳим ва долзарб масалаларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 48- ва 50- сессиялари (1993 й., сент., 1995 й., окт.) да сўзлаган нутқлари бунга ёрқин бир мисолдир. 1995 й. 15–16 сент.да Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Бу кенгашда иштирок этиш учун 31 давлат ва 6 халқаро ташкилотдан келган мухтор вакиллар минтақа хавфсизлиги, можароларнинг олдини олишнинг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

1995 й. окт.да Президент И.А.Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ҳукумати делегацияси Нью-Йоркда БМТ Бош





Евросиё иқтисодий ҳамжамияти ташкилоти раҳбарларининг учрашуви. Санкт-Петербург. 2006 й. 25 январь.

Ассамблеясининг БМТ ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланган сессиясида иштирок этди. Унда И.А. Каримов нутқ сўзлади. Нутқда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатида уруш ва уруш хавфининг олдини олиш учун БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ролини оширишга ҳаракат қилади.

1997 й. 15–17 сент.да Тошкентда «Марказий Осиё – ядровий қуролдан холи зона» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 й.да тақлиф қилган ташаббуси ҳуқуқий жиҳатдан шакллантирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги делегация БМТнинг Минг йиллик саммитида (2000 й. 6 сент.) иштирок этди. Ушбу йиғилишда Ўзбекистон томони БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, унинг доимий ва муваққат аъзолари таркиби-

ни кенгайтириш, вазифаларига қуролли можароларнинг олдини олиш масъулиятини юклаш ҳамда Бош котибнинг ваколатларини кучайтириш каби ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон БМТдан ташқари бир неча халқаро уюшма, кенгаш, ташкилот ва ш.к.га аъзо. 1992 й.нинг ўзидаёқ, республика 15 та, кейинги икки йилда эса яна бир қатор халқаро ташкилотлар таркибига кирди. Ўзбекистон Республикаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон туризм ташкилоти, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Қўшилмаслик ҳаракати, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Божхоналар ҳамкорлиги кенгаши, Халқаро олимпиада қўмитаси, Жаҳон Почта иттифоқи, Жаҳон метеорология ташкилоти, Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик, Ислох конференцияси ташкилоти, Осиё ва Тинч океани ҳавзаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий ҳайъат, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Электр алоқа-

Евросиё иқтисодий ҳамжамияти

Давлатлараро (халқаро) иқтисодий ташкилот. 2000 й. 10 окт.да Беларуссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон президентлари Остона ш.да имзолаган шартнома асосида таъсис этилган. Ўзбекистон 2006 й. 25 янв.дан расман аъзо. Ташкилотнинг асосий мақсадлари: давлатлараро интеграциянинг энг юқори даражасини таъминлаган ҳолда ўзаро савдо-сотикда босқичма-босқич тариф ва нотариф тўсиқларни бекор қилиш йўли б-н эркин савдо зоналарини; транспорт хизматлари умумий бозорини ва ягона транспорт системасини; умумий энергетика бозорини; ягона божхона иттифоқини; и.ч. омилларининг эркин бозорни ва уйғунлашган иқтисодий сиёсат амал қиладиган иқтисодий ва валюта иттифоқини барпо этиш ва б.

си бўйича халқаро иттифоқ, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва б.нинг ҳам аъзоси ҳисобланади.

Булардан ташқари, Ўзбекистон 1993 й. 18 майдан озон қатламини муҳофазат қилиш бўйича Вена Конвенцияси ва озон қатламини камайтирадиган моддалар ҳақидаги Монреал Протоколи, 1993 й. 26 майдан атроф-муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида қўллашни тақиқловчи конвенция, 1993 й. 4 окт.дан ядро қуроллини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома ва б. кўплаб конвенция ҳамда шартномаларга қўшилган. Тошкентда Жаҳон банки, Тинчлик корпуси, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Европа ҳамжамиятининг техникавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон шуъбаси, Германия техникавий ҳамкорлик жамияти, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Конрад Аденауэр жамғармаси, Халқаро валюта жамғармаси, Германия иқтисодиёти вакиллиги каби халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ишлаб турибди.

Элёр Ғаниев, Фарруҳ Турсунов.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари мамлакат миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш, урушлар ва қуrolли можароларни қайтариш ва олдини олиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмлардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 й. 31 авг.даги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Баёнотида «Давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлашган собиқ СССР Ички ишлар вазирлиги, СССР Давлат хавфсизлик комитети ҳамда Ички қўшинлари Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинади», деб кўрсатилган эди. Бу 1991 й. 31 авг.да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланди ва «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва муқобил хизматни ташкил этиш ҳуқуқига эга» деб ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу амалда ёш республикага ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 й. 6 сент.даги фармонида асосан, Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди, унинг штат тизими ва ваколатлари белгиланди. Ўзбе-

кистон Республикаси 1991 й. 10 сент.даги фармонга биноан Мудофаа вазирли айни вақтда Миллий гвардия қўмондони этиб тайинланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 й. 25 окт.даги қарорига биноан Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва Низомлари тасдиқланди. Туркистон ҳарбий округи бошқарув органлари негизда Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармалари тузилди.

«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонун ҳамда 1991 й. 30 дек.даги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Кенгашининг Қуrolли Кучлари ва Чегара қўшинлари ҳақидаги Минск қарори асосида 1992 й. 1 фев.дан собиқ Иттифоқ тизимидаги қўшинларни маблағ б-н таъминланиши тўхтатилишини инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

Ҳарбий хизматга кузатув.



1992 й. 10 янв.да «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва ўқув муассасаларини Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида», 14 янв.да «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида» қарорлар қабул қилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоққа қарашли Ички ишлар ва мудофаа вазирлигининг қисмлари, бирлашмалари, қўшилмалари, олий ўқув юртлари, ҳарбий тузилмалари мамлакатнинг қонуний тасарруфига олинади, деб белгиланди. Қарор асосида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий муассасалардаги ишчи ва хизматчиларга, собиқ Иттифоқ армиясида хизмат қилган нафақадорларга ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояни кафолатлади. Ҳарбий қисмлар ва ўқув юртлари, муассасалар, ташкилотлар давлат томонидан моддий техника ва маблағ б-н таъминланди.

1992 й. 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Чегара қўшинлари бўлинмалари ҳақида»ги фармони б-н Республика Миллий Хавфсизлик Хизмати қошида Чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилди ва Ўрта Осиё Чегара қўшинлари бўлинмалари унинг тасарруфига ўтказилди.

1992 й. 18 майда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десант қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари ҳақида»ги фармон б-н бу



Ватан ҳимоячиларининг қасамёд қабул қилиши.

қўшинлар республика тасарруфига ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 12 нояб.даги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар ҳақида»ги, 13 нояб.да «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кимёвий ҳарбий қисмлар ҳақида»ги фармонлари б-н мамлакатимиз ҳудудида жойлашган мазкур турлардаги қўшинлар республика тасарруфига олинди ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилди. Шу тарзда мустақил мамлакат Қуроли Кучларини барпо этишнинг ташкилий даври яқунланди.

Ўзбекистон Республикаси ўз Қуроли Кучларини тузишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг ҳуқуқий меъёрлари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки яқунловчи акти, МДХ коллектив хавфсизлик Шартномаси каби халқаро ҳужжатларнинг барча талабларига риоя қилди.

1992 й. 3 июлдаги Президент фармонига мурофиқ Мудофаа ишлари вазирлиги — Мудофаа вазирлигига айлантирилди. Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.

1993 й.нинг 22 нояб.да «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар Байроғи тўғрисида»ги Президент фармони имзолашиб, Қуроли Кучлар Жанговар Байроғининг ягона намунаси белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 й. 29 дек.даги Ўзбекистон Республикасининг «Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунига биноан 14 янв. Ватан ҳимоячилари куни, деб эълон қилинди.

1995 й. авг.да қабул қилинган ЎзР Ҳарбий доктринаси мамлакат ҳарбий соҳадаги сиёсатини белгилаб берди. Минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда 2000 й. 3 фев. куни Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларини барпо этишнинг ташкилий даври

яқунланган, олиндаги вазифа уни замон талаблари асосида ислоҳ қилишдан иборат бўлди. Бунда аввало қўшинлар қўлланишининг стратегик ва тактик жиҳатидан келиб чиқиб, Қуроли Кучлар тузилиши асоси ўзРни ҳимоя қила оладиган қўшинлар ва махсус қўшинларни тузишга қаратилди. Булар: Қуруқликдаги қўшинлар; Ҳарбий ҳаво кучлари ва Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари; махсус ва муҳандислик—қурувчилик қўшинлари; Ички ишлар вазирлигининг ички ва қоровул қўшинлари; Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбийлаштирилган қисмлари ва Чегара қўшинлари.

Қуроли Кучларнинг ўзагини ташкил этувчи қуруқликдаги қўшинлар тажовузкорнинг зарбасини қайтаришга, эгаллаб турилган минтақа, марраларни қўлдан бермасликка, шунингдек, душман қўшинларининг бостириб кирган туруҳларини тор-мор қилишга мўлжаллангандир.

Қуруқликдаги қўшинлар таркибига мотоўқчи, танкчи ва артиллерия қўшилмалари ва қисмлари, ҳаво десанти, ҳужумчи десант, Ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмалари, тез ҳаракат қилувчи кучлар қисмлари, таъминот қисмлари ва бўлинмалари киради.

Ҳарбий ҳаво кучлари Қуроли Кучларнинг энг юқори манёврланган қўшин турларидан бири ҳисобланади.

Махсус қўшинлар жанговар ҳаракатларни оператив таъминлаш масалаларини ҳал этиш учун мўлжалланган. Улар энг муҳим йўналишларда тузилдиган қўшинлар гуруҳларини кучайтиришга ҳамда уларнинг жанговар ҳаракатларини ҳар тарафлама таъминлашга мўлжалланган бўлиб, разведкачи қўшилмалар ва қисмлар, муҳандислик, кимёвий, алоқа қўшинлари, радиоэлектрон кураш қисмлари, техникавий таъминот қўшилмалари ва қисм-

лари, автомобиль, йўл ва қувур ётқи-зиш қўшинлари, муҳандислик-аэродром ва авиация-техника қисмлари, топогеодезия ва гидрометеорология қисмларини, ҳарбий-муҳандислик-қурилиш тузилмаларини ўз ичига олади ва Қуроли Кучлар ривожланишининг ҳоз. босқичида юксак жанговар шайликни сақлашнинг муҳим звеноларидан бири бўлиб, мамлакат мудофаа салоҳияти ҳамда унинг яхлитлиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш ишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Улар олинда турган вазифалардан келиб чиққан ҳолда махсус қўшинлар йилдан йилга янги жанговар сифатларни касб этмоқда. Айни пайтда муҳандислик қўшинлари барча қўшин турларининг жанговар ҳаракатларини таъминлашга мўлжалланган муҳандислик-сапёр, понтонли кўприкчи, кўчирувчи-десантчи, муҳандислик-йўлчи, тўсиқлар, муҳандислик кўприк қурувчи, маскировкаловчи ҳамда бошқа қисм ва бўлинмалардан иборат.

Махсус қўшиннинг яна бир тури муҳандислик-қурувчилик қўшинларидир. Айни вақтда улар Қуроли Кучлар инфраструктураси тараққиётини таъминлаш ва давлат стратегик иқтисодий дастурини бажаришга ҳисса қўшиб келмоқда. Уруш шароитида мазкур қўшинларга мудофаа биноларини, коммуникация қурилишлари ва қўтқарув-авария ишларини бажариш юклатилган.

Офицерлар сафда.





Бугунги кунда авваллари ҳал этилган муҳандислик вазифаларининг характери сезиларли даражада ўзгариб қолмасдан, мутлақо янги – вайрона ва тўсиқли зоналар, йирик уюмлардан ўтиш, қўшинларни замонавий шикаст етказувчи воситалардан сақлаш тури юзага келди.

Қўшинларнинг ҳаракати ва манёври учун йўлларни тайёрлашда муҳандислик бўлинмаларининг тутган урни алоҳида. Бу бўлинмалар ғилдиракли ва занжирли асослардаги йўлётқизгич, миналардан тозаловчи муҳандислик машиналари, кўприк қурувчи ҳамда ўзюқурув механизациялашган кўприклар каби махсус техника турлари б-н таъминланган. Қуролли Кучларда қисмлар жанговар ҳаракатларини таъминлаш вазифасини бажариш, шунингдек, ёндириш қуроллари ёрдамида душманга талафот келтиришга мўлжалланган кимёвий ҳимоя бўлинмаларига катта эътибор қаратилмоқда. Агар авваллари улар атиги кимёвий қуролларга қарши ҳимоя қўшинларига тааллуқли вазифаларни бажарган бўлса, ҳоз. шароитда кимёвий ҳимоя бўлинмаларига қўшимча равишда олдинда турган ҳаракатлар йўналишида, олдинга силжиш йўналишларида, ёйилиш чегараларида ва 2-эшелон

Ҳарбий ҳаво кучлари.



Артиллериячилар.

лар қайта ҳужумлари йўналишида радиацион ва бактериологик разведка юритиш бўйича, шунингдек, душман томонидан ядровий, кимёвий ва бактериологик қуроллар қўлла-

нилган тақдирда дозиметрик назоратни амалга ошириш ва шахсий таркибга санитария ишловини ўтказиш, қуроласлаҳалар ва жанговар техникалар, транспортлар, анжомлар ва кийим-кечакларни дегазациялаш, дезактивизациялаш ва дезинфекция қилиш вазифалари топширилган. Бу қўйилган топшириқларни бажариш учун кимёвий ҳимоя қўшинлари барча зарур воситалар б-н таъминланган.

Жангда қўшинларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ҳарбий алоқа қўшинларига боғлиқ. Улар қўшинлар ва қуролларни бошқариш тизимида ахборотларни алмаштириш хизматини бажардилар. Алоқа қўшинлари симли алоқа, радиоалоқа, махфийлаштирилган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳарбий ҳаракатларнинг боришига таъсир ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 24 мартдаги фармонида кўра тузилди. Чегара қўшинларига ЎзР давлат чегараларини, унинг суверенитетини ҳимоя қилиш вазифаси қўйилган.

Уруш ҳолларида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўз вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирликлари

б-н биргаликда амалга оширади. Уларнинг биргаликдаги ҳаракатини мувофиқлаштириш учун 2000 й.да Мудофаа Вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бирлашган Штаби тузилди.

Қуролли Кучларнинг ташкилий даврида Қуролли Кучлар ташкилий-штат тузилиши такомиллаштирилди ва унга мувофиқ ҳарбий қисмлар, муассасалар ва ҳарбий ўқув юртлари ислоҳ қилинди, ҳарбий билим юртлари тармоқларини кенгайтириш ва Қуролли Кучлар Академиясини барпо этиш ҳисобига миллий кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизими яратилди, Қуролли Кучлар вазифаларига биноан ҳарбий хизматчилар барча тоифасининг таълим жараёни яхшиланди, минтақадаги геостратегик вазият ва ҳарбий-сиёсий ҳолат ҳисобга олиниб, қўшинларни жойлаштириш тизими такомиллаштирилди. Бу – давлат чегараларини ҳамда халқимиз манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш имконини яратди, натижада замон талабига жавоб бера оладиган қўшинларни барқарор бошқариш тизими барпо этилди, Ҳарбий хизматни ташкил этишнинг инфратузилмаси яратилди, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Мудофаа тўғрисида»ги қонунлари, 1996 й.да Умумҳарбий Низомлар қабул қилиниши б-н Қуролли Кучлар ҳуқуқий базаси яратилди.

Олий Мажлиснинг 1-чақириқ 14-сессиясида эътибор Қуролли Кучлар, Чегара ва Ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич чуқур ислоҳ этиш масалаларига қаратилди. Ислоҳотлар ҳақидаги қарор қабул қилинганда Қуролли Кучлар жанговарлик қобилиятига фаол таъсир кўрсатувчи 3 асосий омил ҳисобга олинди. 1-омил, Қуролли Кучлар техникавий жиҳатдан яхши таъминланган ҳамда

Танқчилар.



бошқарувнинг ишончли воситасига эга бўлиши лозимки, бу жанговар воситалар таркиби кам, аммо самардорлиги юқори бўлган, Қуролли Кучлар олдида турган вазифаларни ҳал этиш имконини бериши лозим. Бу ўз ўрнида шахсий таркибнинг касбий малакаси юқори, техника ва қурол-аслаҳаларнинг жанговар имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш маҳорати аъло даражада бўлишини тақозо этади; 2-омил, Қуролли Кучларни ислоҳ қилишда жаҳон ва давлатимиз ҳарбий ютуқлари, ҳарбий қурилишнинг илғор тажрибалари ва фанидан фойдаланилди. Қуролли жангнинг янги усул ва шакллари пайдо бўлган шароитларда жанговар вазифаларни ҳал қилишнинг янада самарали имкониятларини излаш борасида фаол иш олиб борилди. Бунда, албатта, экстремизм ва халқаро терроризм фаолиятининг фаоллашуви каби янги омилларга қарши кураш ҳам назарда тутилди; 3-омил – Қуролли Кучларнинг ҳар томонлама етук шахсий таркибга эга бўлишидир. Ислоҳот ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашни, уларнинг профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутди. У жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустақкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратишга йўналтирилган.

Мамлакат Қуролли Кучлари тизимида олиб борилган ислоҳотлар, 1999–2001 й.лардаги жанговар ҳаракатлар ва давлат мудофасини ташкил этиш борасида тўпланган тажрибалар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонуни 2001 й. 11 майда Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 5-сессиясида янги тахрирда тасдиқланди.

Қонун давлат мудофасининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуидан иборатлигини назарга олган ҳолда мудофаа масаласида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби, ҳарбий округлар, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳамда мамлакат фуқароларининг давлат мудофасини таъминлашдаги ваколатларини белгилаб берди.

Мудофаа ва Қуролли Кучларга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси

Президенти – Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони амалга оширади. Уруш шароитида ЎЗР мудофаа вазири бир пайтнинг ўзида Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони ўринбосари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган тартибда: ЎЗРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа ёки жазасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилади ҳамда ЎЗРнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади; Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўз тасарруфидаги қўшинларга бошқарувни амалга оширади, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати юритилишини, Мудофаа вазирлиги қўшинларининг замонавий қурол-яроғлар, ҳарбий техника ва моддий-техника воситалари б-н жиҳозлалишини, ҳарбий ҳамкорлик кенгайтирилишини, қақирувнинг ва Қуролли Кучлар кадрлари тайёрлашнинг ташкил этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун янги тахрирда қабул қилинди(2002.12.12)(қ. *Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат*).

Қўшинлар оператив бошқарувини ташкил этиш мақсадида ҳарбий округлар ташкил этилди. Ҳарбий округ бу – операцион йўналишларда Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий-маъмурий бирлик ҳамда умумқўшин тезкор-стратегик ҳудудий бирлашмасидир. Ҳарбий округлар ташкил этилиши б-н қўшинлар ва қисмларни қайта жойлаштириш амалга оширилди. Бу уларни энг муҳим стратегик йўналишларда жамлашга, ҳудудий мудофасининг ҳаққий тизимини шакллантиришга имкон берди. Бугунги кунда ҳар бир ҳарбий округ, йирик қисмлар ўз ўқув полигонларига эга ва уларда ҳарбий техникани бошқариш кўникмаларини ҳосил қилиш, жанговар қуроллардан отиш, артиллерия, ҳаво жанги тайёргарлиги, взвод, батальон, қисм таркибида тактик ўқув машғулотларини ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

Ҳарбий ислоҳотлар стратегияси асосида сон жиҳатидан унча катта бўлмаган, замонавий қурол-яроғ ва техника

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округлари:

Шим.-ғарбий ҳарбий округ (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, округ штаби Нукус ш.да);

Жан.-ғарбий махсус ҳарбий округ (Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, округ штаби Қарши ш.да);

Марказий ҳарбий округ (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари, округ штаби Жиззах ш.да);

Тошкент ҳарбий округи (Тошкент ш. ва Тошкент вилояти, округ штаби Тошкент ш.да);

Шарқий ҳарбий округ (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, округ штаби Марғилон ш.да).

б-н қуролланган армияни, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг энг самарали усулларини эгаллаган ва ҳар қандай босқинчи кучларга қарши туришга ҳамда зарба беришга қодир бўлган тезкор, ҳар томонлама ўзига суянган ва таъминланган қисмларни яратишдан иборат бўлган вазифаларни бажариш асослари яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Мудофаа вазирлигининг Тошкент умумқўшин командирлари, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртиларида, Тошкент ахборот технологиялари ун-тининг махсус алоқа ф-ти, Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти, Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактабида, округлардаги сержантлар тайёрлаш мактабларида Қуролли Кучлар сафларига турли мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. 1995 й. 2 сент.да Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ҳарбий академияси очилди. Ҳарбий касбни танловчи ёшлар учун Тошкент, Самарқанд, Урганч ва Фарғона ш.ларида ҳарбий мутахассисликларга йўналтирилган лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳарбий лицей тинловчилари 2 йил мобайнида ҳарбий кўникма тўплаб, ўзлари танлаган қўшин турлари бўйича олий ҳарбий билим юртига йўл оладилар.

Ад.: Каримов И., Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустақкам қафолатидир, Т., 2003; Ватан ҳимояси – муқаддас бурч, Т., 2001; Армия – давлат таянчи ва тинчлик қафолати, Т., 2005.

Ислом Иноятов.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадлар (фойда)ни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган, ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Бундай ташкилотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва б. номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун тузилади.

Уюшма, жамғарма (фонд), жамият, оммавий ҳаракат кабилар тарзида тузилган бу ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, умумий номи б-н ҳам аталади.

Жамоат бирлашмалари тузишнинг кўп асрлик тарихи бор. Ўзбекистонда фаолият олиб борган бу хилдаги уюшмалар тарихини шартли равишда бир неча босқичга бўлиш мумкин. Мустамлакачилик давригача бўлган I-босқич 19-а.нинг тахм. 60-й.ларигача давом этиб, унда деҳқонлар, хунармандлар, санъаткорларнинг ўзига хос бирлашмалари тарзида кўзга ташланган. Ҳамфикр, маслақдош одамларнинг «гап», «гаштак» шаклидаги йиғинларини ҳам шундай уюшмаларнинг илк кўриниши дейиш мумкин. Уларга йиғилганлар хўжалик-маиший руҳдаги масалаларни муҳокама қилишарди.

Иккинчи, мустамлакачилик даври босқичи (1865–1917 й.лар)да чоризм ва маҳаллий ҳукмрон доираларига қарши бўлган сиёсийлашган гуруҳ ва жамият-

лар ҳам, турли адабий тўғараклар (мас., зиёдилар давраларини ўз ичига олган бедилхонлик, машрабхонлик, навоийхонлик кабилар) ҳам мавжуд эди. Бу даврда ҳаваскор меъморлар, шашмақомчилар ўз давраларини тузганлар. Лекин мустамлакачи режим миллий тикланиш, фуқаролик эркинлигининг ҳар қандай кўринишини йўқ қилишга интилган.

Учинчи, шўролар даври босқичи (1917–91)да эса давлат жамоат бирлашмаларидан «коммунизм қурилиши ишида халқнинг сиёсий фаоллиги»ни бутун дунёга намойиш этиш мақсадида фойдаланди. Ўтган асрнинг 70–80-й.ларида Ўзбекистонда аҳолининг илмий-техникавий (Ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти, Радиоҳаваскорлар жамияти, «Билим» жамияти ва б.); жисмоний тарбия-спорт («Динамо», «Спартак» ва ш.к. жамиятлар); хайрия (Ўзбекистон кўрлар жамияти, Кар-соқовлар жамияти ва б.); ҳаваскорлик (Шахмат ҳаваскорлари жамияти, Овчилар ва балиқ оловчилар жамияти ва б.); профессионал (Ўзбекистон композиторлар уюшмаси, Ўзбекистон меъморлар уюшмаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва б.); ташқи сиёсий (Тинчликни ҳимоя қилиш қўмитаси, Осиё ва Африка халқлари б-н бирдамлик қўмитаси ва б.); маданий-тарихий (Ўзбекистон Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти каби); инсонпарварлик (Ўзбекистон Қизил Хоч ва Қизил яримой жамияти каби) бирлашмалари бор эди. Бу ташкилотларнинг ҳаммаси расмий учун тузилган бўлиб, аҳолининг унга аъзо бўлиб киришига «ихтиёрий-мажбурий» тус берилган. Номигагина фаолият юритган бу ташкилотлар аксарият ҳолларда уз аъзоларининг талабларига жавоб бермаган, уларнинг манфаатларига хизмат қилмаган.

М. Горбачёвнинг «қайта қуриш» сиёсати «социализмни янгилаш» мақсадида фуқаролар уюшмаларини маърифийлашган моделига ўхшатиб тузишга уринди. Жумладан, Иттифоқда ва республикаларда Совет маданият фонди ва б. фондлар ҳамда уларнинг филиаллари ташкил қилинди. Лекин вазият аста-секин коммунистик режим назоратидан чиқиб кета бошлагач, тузилган бирлашмаларни молиявий таъминлаш ҳам мумкин бўлмай қолди.

Ўзбекистонда 80-й.ларнинг охири – 90-й.ларнинг бошида мамлакат раҳбарлари бошчилигида соғлом кучлар жамоат бирлашмаларини ягона бир мақсад – ўзбек халқи орзу қилган давлат мустақиллигига эришиш мақсадида тузишга киришди. Чунончи, Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси б-н 1991 й.нинг ёзидаёқ, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва айниқса, мамлакатдаги демографик вазиятни ҳисобга олиб, собиқ СССРда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси қайта тузилди. Қўмитанинг ўз тизими шакллантирилди: унинг 14 вилоят ва 170 туман қўмитаси ташкил этилиб, уларнинг раҳбарлари тегишли даражадаги ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимларини эгалладилар.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотлар ривожланишининг 4-босқичи 1991 й. сентдан 1996 й.гача, яъни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча томонлари эркинлаштирилиши бошлангунгача давом этди. Унинг асосий хусусиятлари жамоат бирлашмаларининг моҳияти ва вазифалари ўзгарганлигида, советлардан қолган айрим тузилмаларга барҳам берилганлигида намоён бўлди. 1996 й.дан мавжуд уюшмаларнинг мустақамланиши ва мустақиллик, демократия, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик

жамияти руҳига мос тарздаги янги уюшмалар тузилиши даври бошланди.

Ўзбекистон Республикасида утказилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган нодавлат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини тобора оширмоқда.

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин ва фаол ҳаракат қилишлари учун зарур ҳуқуқий асослар яратилди. Бу асослар таркибига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992), Фуқаролик кодекси (1996), «Надавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» (1999), «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» (1991), «Жамоат фондлари тўғрисида» (2003)ги қонунлар ҳамда бошқа махсус қонунлар кирди.

Адолатли фуқаролик жамиятини фаол ва ривожланган нодавлат ташкилотларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Улар фаолиятининг замирида фуқаролар ташаббусларини шакллантириш, одамларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётдаги турли муаммоларни ҳал этиш истиқболлари мужассамдир.

Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларини хусусиятлари ва фаолият мақсадларига қараб бир неча топфага бўлиш мумкин:

болалар ва ёшлар ташкилотлари (Ўзбекистон болалар жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар палатаси, «Фарзандим – жигарбандим» жамоат бирлашмаси, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоат болалар фонди, ўқувчилар, олий ва ўрта махсус ўқув юртли талабаларининг «Талаба» спорт уюшмаси ва б.);

аёллар ташкилотлари (Ишбилармон хотин-қизларнинг «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, Ўзбекистон «Олима» аёллар уюшмаси ва б.);

ногиронлар ташкилотлари (Ўзбекистон ногиронлар ташкилоти, Ўзбекистон «Чернобилчилар» уюшмаси, «Ўзбекистон махсус олимпиадаси» халқаро хайрия спорт жамоат бирлашмаси ва б.);

ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари (Ўзбекистон адвокатлар ассоциацияси, Ўзбекистон судьялар ассоциацияси, Ўзбекистон юристлар уюшмаси, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ ассоциацияси, ва б.);

спорт ташкилотлари (Болалар спортини ривожлантириш фонди, Ўзбекистон гольф ассоциацияси, Ўзбекистон «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти, Кураш халқаро ассоциацияси, Миллий Олимпиада кўмитаси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ўзбекистон белбўгли кураш федерацияси, Ўзбекистон «Турон» яккакураш федера-

цияси, Профессинал бокс Федерацияси, Ўзбекистон шахмат федерацияси ва б.);

маънавий-маърифий ташкилотлар (Ўзбекистон кутубхоначилик педагоглари ассоциацияси, «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси, Бобур номидаги халқаро жамғарма, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази, Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти, бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси ва б.);

тиббий-соғломлаштириш ташкилотлари (Ўзбекистон анестезиологлари ва реаниматологлари ассоциацияси, Ўзбекистон ветеринария мутахассислари ассоциацияси, Марказий Осие пульмонологлари халқаро ассоциацияси, ва б.);

илмий-техник ташкилотлар (Ўзбекистон географлар жамияти, Геологик илмий ассоциация, Муҳандислик федерацияси, Табиий фанлар халқаро ассоциацияси, Ўзбекистон ёш олимлари миллий жамияти, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, Ўзбекистон тарихчилар жамияти ва б.);

экологик ташкилотлар (Орол ва Оролбўйини ҳимоя қилиш кўмитаси, «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси, «Атроф муҳит ва соғлом турмуш тарзи» жамоатчилик маркази ва б.); ижтимоий жамғармалар («Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси, «Нуроний» жамғармаси ва б.);

миллий-маданий марказлар (Арман миллий маданият маркази, Озарбайжон маданий марказлари ассоциацияси, Қозоқ маданий маркази, Рус маданий маркази, Ўзбекистон уйғур маданий маркази, Немис «Видергербурт» маданий маркази, Ўзбекистон миллий маданий марказларини ривожлантиришга кўмаклашувчи «Бағрикенглик» ижтимоий жамғармаси ва б.);

бошқа турдаги ташкилотлар («Хунарманд» ассоциацияси, Автоҳаваскорлар кўнгилли жамияти, Кинологлар федерацияси, Ўзбекистон деҳқон ва фермер хужалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, ва б.).

Ўзбекистон Республикасида давлат нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилди. Бу ҳилдаги ташкилотларнинг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашшига, худ-

ди шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Надавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар б-н чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, уставада белгиланган вазифаларини бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш каби ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари кўрсатиб ўтилган. Улар жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин. Бундай ташкилотлар ўз фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек, умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

Надавлат нотижорат ташкилотини тугатиш унинг юқори органи қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

2005 й. июнда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси тузилди. Ихтиёрийлик, эркинлик ва тенглик асосида тузилган бу уюшма мамлакатда демократик тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилишини рағбатлантириш мақсадини кўзлайди. Ассоциация ҳузурида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди ҳам тузилган. Янги фонд, юридик мақомига кўра, аъзолиги бўлмаган хайрия нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Фонд аҳоли эътиборини қозонган, кишилар манфаатларини қаноатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш борасида зиммасига олган вазифаларни мустақил ҳал этиш лаёқатига эга фуқаролик ин-тларини, биринчи навбатда нодавлат ташкилотларини рағбатлантириш учун мўлжалланган зарур моддий ресурслар ва молия маблағларини жамлаш, жумладан, маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий ин-тлар грантларини жалб этиш б-н шуғулланади.

Нодавлат ташкилотлари тизимининг маъқеи мустақамлана боргани сари улар давлат тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадиган воситага айланмоқда.

Ад.: Каримов И. А., Кучли давлатдан кучли жамият сари, Т., 1998; «Нодавлат но-тижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарҳлар [Масъул муҳаррир А.Х.Саидов], Т., 2002; Садыков Н.Н., Котов Л.М., Неправительственные организации – основа гражданского общества, создаваемого в Узбекистане, Т., 2000.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Жамоат бирлашмалари орасида сиёсий партиялар алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг сиёсий партияларга уюниш ҳуқуқини кафолатлаган. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни (1996 й. 26 дек.)да белгилаб берилган. Қонунда сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмаси эканлиги кўрсатилган.

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хохиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошқоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади. Лекин конституциявий тузумни зўрлик б-н ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи; Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи; урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи; халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи; миллий ва диний рўҳдаги партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилувчи шахслар (судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари); ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги

бўлмаган шахслар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар. Сиёсий партияга аъзолик фақат яқка тартибда қайд этилади. Бир партиянинг аъзоси айна вақтда 2-партияга аъзоликка қабул қилинмайди. Сиёсий партияни тузиш учун камида 8 та ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент ш.да яшайётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида 20 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.

Сиёсий партиялар сайлаб қўйилади-ган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда қатнашади, Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этади. Ўз партияларининг сиёсатини уш-қоқлик б-н ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия гуруҳлари тузилади. 1-чақириқ (1994-1999) Олий Мажлисида ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 120 депутат б-н бирга 69 депутатдан таркиб топган ЎзХДП фракцияси, 47 депутатни уюштирган «Адолат» СДП фракцияси, 14 депутат иштирокидаги «Ватан тараққиёти» партияси фракцияси иш олиб борди 1999 й. 5 ва 19 дек.да 2-чақириқ Олий Мажлисига бўлган сайловларда эса ЎзХДПнинг 48 аъзоси, «Ватан тараққиёти» партиясининг 20, «Адолат» СДПнинг 11, ЎзМТДПнинг 10 аъзоси депутатлик мандатини олди. 2004 й. 26 дек. янги 2 палатали парламентга бўлган сайлов (2005 й. 9 янв.да айрим участкаларда сайловнинг 2-тури ўтган)дан сўнг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ЎзЛиДеПнинг 41, Ўзбекистон ХДПнинг 28, ФМДПнинг 18, ЎзМТДПнинг 11, «Адолат» СДПнинг 10 ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг 12 вакили депутат бўлиб сайланди ҳамда парламентда сиёсий партияларнинг тегишлича фракциялари тузилди.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда сиёсий партиялар фаолиятининг кафолатлари, уларни тузиш, рўйхатга олиш, партиялар мулки, улар фаолиятини тўхтатиш тартиби каби масалалар кўрсатиб ўтилган. Сиёсий партиялар ўз уставидаги вазифаларни бажариш мақсадидагина ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириши мумкин. Сиёсий партияларнинг пул маблағлари аъзолик бадалларидан, ноширлик фаолиятдан келадиган даромадлардан, фуқаролар ва

Ўзбекистондаги сиёсий партиялар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (Ўзбекистон ХДП), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси («Адолат» СДП), Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (ЎзМТДП), Ўзбекистон Фидоқорлар миллий демократик партияси (ФМДП), Талбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП).

жамоат бирлашмалари томонидан бе-га-раз берилган маблағлардан, шунингдек, қонуний тартибда орттирилган бошқа даромадлардан шаклланади. Ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган даромадлар партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (2004 й. 29 апр.) уларни молиявий қўллаб-қувватлашни назарда тутади. Давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари партияларга бир хилда тенг шароитда ёрдам беради. Давлат ёрдами Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан пул маблағ ажратиш йўли б-н амалга оширилади. Давлат партияларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этиши учун молиялаштиради. Сиёсий партия Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололган бўлсагина бу маблағлардан фойдаланади, акс ҳолда ажратилган маблағ давлат бюджетига қайтарилиши керак. Ажратилган давлат маблағларини сиёсий партия: сайловолди кўргазмалари ташвиқот воситаларини нашр қилишга; Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишларини, номзодларнинг сайловчилар б-н учрашувларини, номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга; сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий талбирларга сарфлаши керак.

Сиёсий партиялар хайрия ёрдами олиш ҳуқуқига ҳам эга. Бундай ёрдамни фақат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида ва фақат уставда назарда тутилган фаолиятни амалга оши-

риш учун олиш мумкин. Сиёсий партияларга чет давлатлар; чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари; халқаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва фирмалари; чет эл фуқаролари; фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан хайрия ёрдами берилишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан хайрия ёрдами берилиши ҳам тақиқланади. Молиявий ва б. маблагларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партиялар томонидан сарфланиши устидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси назорат олиб боради.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП) 1991 й.да ташкил топган. Партия ҳар бир оила, меҳнат кишисининг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъи назар, моддий ва маънавий фаровон ҳаёт кечириши учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликларини қамқолаш, шафни, қадр-қиммати, тинчлигини таъминлашни ўз вазифаси деб билади. Партия ўзини аҳоли барча қатламлари манфаатлари учун курашувчи халқ партияси, деб ҳисоблайди. ЎзХДП ўзини мамлакат сиёсий қуларининг сўл қаноти деб эълон қилган. Ўзбекистон ХДПнинг олий органи қурултой, 5 й.да 1 марта чақирилади. Партиянинг 585196 аъзоси бор (2005). Ўзбекистон ХДП нинг Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 28 нафар депутатни бирлаштирувчи фракцияси мавжуд. Фракция 2005 й. 14 фев. даги йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 3 та сиёсий партия фракциясидан иборат кўпчиликни ташкил этувчи «Демократик блок» тузилганлиги муносабати б-н ўзининг парламент қўйи палатасидаги фаолиятини муҳолафатдаги парламент озчилиги сифатида амалга оширишини маълум қилди. Партиянинг марказий нашрлари: «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газ.лари, «Мулоқот» жур. Партия Марказий Кенгашининг раиси Латиф Ёқубович Фуломов.



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси («Адолат» СДП) 1995 й.да ташкил топган. Мамлакатда вужудга келган илк социал-демократик партиядир. Партиянинг асосий мақсади – Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларнинг жадаллашуви, ҳуқуқий-демократик, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш ва пировардида, Ўзбекистонни жаҳонда ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишига муносиб ҳисса қўшиш. Партиянинг ғоявий негизини социал-демократиянинг 3 асосий принципи: сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолат ташкил этади. Қонун устуворлигини таъминловчи адолатли ижтимоий муносабатлар ўрнатилгандагина одил жамият қуриш мумкин бўлади. Партия шу йўналишдаги ишларни бажаришни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. У ўртаҳол ва кам таъминланган аҳоли табақаларига таянади ҳамда уларнинг сиёсий, ижтимоий иродасини намоеън этишга интилади. Партиянинг олий органи қурултой, 5 й.да 1 марта чақирилади. Партиянинг 50411 аъзоси бор (2005). «Адолат» СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси 10 депутатдан ташкил топган. Партиянинг нашри «Адолат» газ. Партия Сиёсий Кенгаши 1-котиби Дилором Тошмухамедова.



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (ЎзМТДП) 1995 й.да ташкил топган. Партия миллий руҳ ва дунёқарашга эга бўлган, руҳан ва қалбан ватанпарварлик ғояларини, сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз-ўзини бошқаришга интилаётган, ўзлигини англаш, миллий бирлик ва миллий тикланишни муҳим ҳаётий мақсадлари деб ифода этаётган фуқароларнинг қарашлари ва манфаатларини бирлаштиради. Партия зиёлилар, миллий

тараққиёт йўлидан бораётган мулкдор ва тadbirkorлар, ижодий фаолият б-н машғул интеллектуал меҳнат соҳаси вакиллари, истиқлол ғоясига садоқатли ёшлар, ўз манфаатларини умуммиллий манфаатлар б-н уйғунликда кўраётган фуқаролар ҳамда партиянинг дастурий мақсадига хайрихоҳ бошқа ижтимоий табақаларга суюнади ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Партиянинг олий органи қурултой, 5 й.да 1 марта чақирилади. Партиянинг 70 мингдан ортқ аъзоси бор (2005). Партиянинг нашри «Миллий тикланиш» газ. Партия Марказий Кенгаши раиси Хуршид Набиевич Дўстмухамедов.



Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси (ФМДП) 1998 й.да ташкил топган. 2000 й. 14 апр.да «Ватан тараққиёти» партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси бирлашди ва ФМДП номини олди. Партиянинг асосий мақсади – эркин бозор иқтисодиётига асосланган очиқ, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти негизларини барпо этиш, аҳоли турмуш даражасини тараққий этган давлатлардаги халқларнинг турмуш даражасига етказиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олишига амалий ҳисса қўшишдан иборат. Партия ёшларни юксак маърифатли, билимли, ғоявий, сиёсий жиҳатдан хушёр, маънавий баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашга интилади ва ёшлар манфаатини ҳимоя қилади. Партиянинг олий органи қурултой, 5 й.да 1 марта чақирилади. Партия аъзолари 61750 киши (2005). Партиянинг нашри «Фидокор» газ. Партия Марказий Кенгаши раиси Аҳтам Саломович Турсунов.



Ўзбекистон либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП)—Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати 2003 й.да ташкил топган. Партиянинг асосий мақсади – тadbirkorлар ва ишбилармонлар

кенгроқ фаолият курсатиши учун янги имкониятларни очиш, мамлакатнинг манфаатлари ва унинг тараққиётининг стратегик истиқболларига жавоб берадиган, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлат принципларига асосланган демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, халқнинг, аввало, ёшларнинг онгига демократик қадриятларни етказиш ва жорий этиш б-н боғлиқ ҳаракат дастурини амалга оширишга куч ва имкониятларни сафарбар қилиш. Партиянинг олий органи қурултой, 3 й.да камида 1 марта чақирилади. Партиянинг 144628 аъзоси бор (2005). Партиянинг нашри «XXI аср» ҳафталик газ. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадюсуф Муталибжонович Тешабоев.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва но-ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият тури буйича умумий манфаатлар б-н бирлашган ходимлар, қисман иш б-н банд бўлганлар ёки вақтинча ишсизлар, талабалар ва ўқувчи ёшлар, пенсионерлар, аҳоли бошқа қатламлари ўз касаба уюшмаларини ташкил этганлар. Касаба уюшмалари ўзини ўзи бошқарадиган кўнгилли нодавлат нотижорат жамоат ташкилоти ҳисобланади. Республика касаба уюшмалари федерацияси 1990 й. 12 сент.да ташкил топган. Касаба уюшмаларининг бош вазифаси ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборат.

Собиқ Иттифоқ даврида Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгаши (ВЦСПС) бўлиб, Ўзбекистондаги касаба уюшмаларини бирлаштирган республика касаба уюшмалари кенгаши (Ўзсовпроф, 1925 й. тузилган) унинг «филиали» ҳисобланарди. Касаба уюшмаларининг тармоқ республика қўмиталари тузилган бўлса ҳам уларнинг биронтаси ўз уставига эга эмасди, фақат СССР касаба уюшмалари уставига биноан фаолият кўрсатарди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг республикада тармоқ касаба уюшмалари тузилиб, улар ўз уставларини қабул қилди ва Адлия вазирлиги рўйхатдан ўтказди. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳоз. вақтда қуйидаги тармоқ касаба уюшмаларини бирлаштиради:

Авиация ходимлари касаба уюшмаси;
Автомобиль, дарё, электр транспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси;

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси;

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси;

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси;

Енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси;

Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси;

Маданият ходимлари касаба уюшмаси;
Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси;

Матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва тadbиркорлар касаба уюшмаси;
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси;

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси;

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси;

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизими бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ш. кенгашлари ва б. ташкил этади. Федерация кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг қурултойлар оралиғидаги раҳбар органидир. У 5 й. мuddатга сайланади ва ҳар бир аъзо ташкилотдан тўғридан тўғри тенг миқдорда (2 тадан) вакил юбориш йўли б-н шакллантирилади. Федерация кенгашига вакиллар федерация аъзолари бўлган ташкилотларнинг қурултойлари, конференциялари ва мажлисларида сайланади. Федерация кенгаши таркибига қурултойда сайланган аъзолар, Федерация раиси, унинг кенгаш буйича ўринбосарлари, федерация фаолиятининг асосий йўналишлари буйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссиялар раислари киради. Федерация раиси айни вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Раёсат ва Ижроия қўмита раиси ҳам ҳисобланади. Федерация кенгашининг мажлиси заруратга қараб, лекин ҳар йили камида 1 марта чақирилади.

Федерация кенгаши уюшмалараро ва минтақалараро вазифаларни ҳал этишда аъзо ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради; касаба уюшмаларига қонунчиликда бериб қўйилган ҳуқуқларни рўёбга чиқаради, барча даражадаги касаба уюшмалари ташки-

лотларида ягона молиявий фаолиятни ва интизомни белгилайди ҳамда ўрнатади, федерациянинг халқаро фаолиятини олиб боради ва ҳ.к. Федерация кенгаши девонда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, маданий-маърифий ва спорт ишлари, юридик, халқаро ишлар, ташкилий ишлар, ижтимоий суғурта, молия бўлимлари, котибият ҳамда ишлар бошқармаси бор.

Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида 27239 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар 6375369 нафар касаба уюшма аъзосини бирлаштиради (2006 й., март). Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида умумий йиғилиш (конференция), тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, вилоят ташкилотлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ш. ҳамда вилоятлар уюшмалараро бирлашмаларида конференция, тармоқ касаба уюшмалари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида қурултой олий орган ҳисобланади. Қурултой 5 й.да камида 1 марта чақирилади.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг асосий эътибори меҳнаткашлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг фаоллигини ошириш, касаба уюшмалари ҳаракатида демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган. Жамоа-шартномавий муносабатларни ривожлантириш борасидаги фаолият натижасида жамоа шартномалари тузган юридик шахслар сони кўпайди (120 мингдан ортиқ; 2006 й.). Жамоа шартномаларининг ижтимоий функцияси кучайди, уларнинг иш ҳақи ва ходимларнинг даромадига таъсири ошди. Самарали бандлик, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этиш, меҳнатни меъёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иш жойларида соғлом ва бехатар меҳнат шaroитлари яратилиши борасида ташкилий ишлар амалга оширилди, кўп ҳолларда ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришилди. Касаба уюшмаларининг аёллар ва ёшларни, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлар, пенсионерлар, байналмилалчи жангчиларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор кучайди. Қонун яратувчилик соҳасида Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари ва комиссиялари б-н ҳамкорликда касаба уюшмаларининг фаол иштироки таъминланди. Ижтимоий суғурта маблағларини бошқариш механизми такомиллаштирилиши, янги соғломлаштириш муассасалари қурилиши ва мавжудларини реконструкция қилиш натижасида ходимлар ва улар оила аъзоларини

соғломлаштиришда ижобий ўзгаришларга эришилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари чет эл миллий касаба уюшмалари марказлари, жаҳон ишчилар ҳаракатининг етакчиси Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси ва унинг Москвадаги минтақавий вакиллиги ҳамкорлигида Франция Меҳнат демократик федерацияси, Америка Меҳнат федерацияси, Бельгия эркин касаба уюшмалари умумий бирлашмаси, Австрия касаба уюшмалари федерацияси б-н ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Шунингдек, Хитой, Япония, Ҳиндистон мамлакатлари касаба уюшмалари б-н алоқалар мустақамланиб бормоқда. Касаба уюшмаларининг ҳаракат дастурида Халқаро меҳнат ташкилоти б-н халқаро ҳамкорлик муҳим урин тутади. Ўзбекистон Республикаси томонидан бу ташкилотнинг 11 та конвенцияси ратификация қилинган.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси «Ишонч» (Ўзбек тилида, ҳафтасига 4 марта чиқади) ва «Ишонч-Доверие» (рус тилида, ҳафтасига 1 марта чиқади) газларини нашр этади.

ЎЗБЕКИСТОН «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ

Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат ноижорат ташкилотидир. 2001 й. 25 апр.да ташкил топган. Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади – Ўзбекистон ёшларини бирлаш-



тириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, қуч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Ҳаракатга унинг дастурий вазифа ва мақсадларини ҳамда Низом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб билладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган, ирқи, жинси, миллати, тили, дини, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қоида тариқасида, 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари аъзо бўлиши мумкин. Ҳаракатнинг олий органи – 5 й.да бир марта чақириладиган қурултой, раҳбар органи – 6 ойда бир марта чақириладиган Марказий Кенгаш, ижроия органи – 2 ойда бир марта чақириладиган Ижроия қўмита ҳисобланади.

Ҳаракатнинг юридик шахс мақомига эга бўлган (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) бўлимлари, шунингдек, туман, шаҳар бўлимлари бўлиб, уларнинг юқори органи 2,5 й.да бир марта чақириладиган Конференциядир.

Ҳаракатнинг негизи – бошланғич ташкилотлар ҳисобланади, улар ёшларнинг ўқиш, иш ва хизмат жойларида ташкил этилади. Ёшларнинг яшаш жойлари бўйича бошланғич ташкилотлар ташкил этилмайди. Ҳар бир бошланғич ташкилотнинг бир йилда бир марта ўтказиладиган умумий ҳисобот йиғилишида кўпчилик овоз б-н сайланадиган етакчиси бўлади. Ҳаракатнинг 17 мингдан зиёд бошланғич ташкилотида 4,5 млн.дан ортиқроқ аъзо бор (2006). Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирилган Болалар ташкилоти тузилган. Болалар ташкилоти ҳаракат Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатади. Болаларнинг қалби ва онгига ҳаракатнинг асосий мақсад-муддаоларини синглиришни ўз вазифаси деб биллади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 й. 30 майдаги «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида»ги 240-сонли қарори ҳаракатнинг Дастури ва Низомида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга, ҳаракатнинг молиявий-иқтисодий негизини ва моддий-техник базасини мустақамлашга имконият яратди.

Ҳаракат Ёшлар муаммолари ин-ти, «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказини таъсис этган. Ҳаракат муассислигида «Туркистон», «Молодёжь Узбекистана» газлари, «Ёш куч», «Сирли олам», «Синфдош», «Фунча», «Ёшлик», «Қалб кўзи» жур.лари нашр этилади.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

ДАВРИЙ МАТБУОТ

Ўзбекистон ҳудудида матбуотнинг пайдо бўлиш жараёни 19-а.нинг 70-й.ларига тўғри келди. Мустамлакачилар минтақада яшовчи ерли халқларга ўзларининг сиёсатларини тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида 1870 й.да Тошкентда «Туркестанские ведомости» («Туркистон ведомостлари») ва «Туркистон вилоятининг газети»ни ташкил этган. Марказий Осиёда даврий матбуот шу тариқа пайдо бўлди. Мазкур газларнинг ҳар иккиси ҳам 1917 й.гача чоп этирилгани боис Туркистон матбуоти тарихида узоқ муддат давомида узлуксиз фаолна кўрсатган даврий нашрлар саналади.

«Туркестанские ведомости» ва «Туркистон вилоятининг газети» мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлишига қарамай, ўлка ижтимоий ва маданий ҳаётига сезиларли ижобий таъсир ҳам кўрсатган. Улар кишиларнинг муайян масала хусусидаги фикрларини шакллантиришга, жамиятнинг зиёли қатлами хабардорлигини ҳамда матбуотга нисбатан қизиқишининг ошишига улуш қўшди. Айниқса, «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган маданий-маърифий мавзудаги мақолалар газетхонларнинг билим савиясини оширишга кўмаклашди. Уларда дунёвий илмларга, фан ва техникага, бошқа халқларнинг илғор маданий ва адабий меросига қизиқишни кучайтирди. Мазкур газлар ўлкадаги даврий матбуотнинг шаклланиши ва ривожланиши учун замин яратгани б-н ҳам аҳамиятлидир.

«Туркистон вилоятининг газети» ўзбек публицистикасининг шаклланишига йўл очди. Зокиржон Фурқат, Сатторхон Абдуғафоров, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий ва б. кўплаб зиёли-

ларнинг бу газета б-н ижодий ҳамкорлиги натижасида Туркистон ўлкасида жаҳолатга қарши кураш, оммани, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама илм-маърифатли қилиб тарбиялашга интилиш ҳаракатининг кучайишини таъминлади. Бошқача айтганда, мазкур нашр маърифатпарварларнинг фикр ва сўз айтиши учун илк минбар вазифасини ўтади.

19-а.нинг 90-й.ларига келиб Туркистонда матбуот соҳасида ўзига хос янги-ланиш жараёнлари кузатилди. Биринчидан, ана шу даврдан эътиборан ўлкада рус тилидаги дастлабки хусусий газлар ўз фаолиятини бошлади. Дастлаб Самарқандда, сўнгра Тошкентда нашр қилинган «Окраина» (1890—1907), Тошкентда чиққан «Русский Туркестан» (1898—1907) газ.лари дастлабки хусусий нашрлардир. Алоҳида шахелар ва ҳиссадор-

«Туркестанские ведомости»

Туркистондаги илк даврий матбуот, рус истилочилари томонидан ташкил этилган газета. Дастлаб бир маромда чиқмаган. 1870 й.да газ.нинг 17 сони босилган. Кейинги йилдан бошлаб у ҳафтасига бир марта (1872 й. июлидан 1873 й. фев.га қадар Петербургда) нашр қилинган. 1903 й. дек.дан ойига 3—4 марта, 1907 й.нинг мартидан эса ойига 4 марта чоп этилган. 1907 й. июлга келиб газ. кундалик нашрга айланган. Жами 6406 сони босилган. Газ.га асосан генерал-губернаторлик хизматидаги ҳарбийлар (И.А.Маев ва б.) раҳбарлик қилишган. Унинг адади 1000—2500 нуска атрофида бўлиб, ўлканинг йирик шаҳарларида тарқалган. Газ.нинг Москва, Петербург, Владивосток ва б. шаҳарларда доимий мухбирлари бўлган. Газ. фаолияти Туркистон ХКСнинг 1917 й. 15 дек.даги қарорига мувофиқ тўхтатилган.

лик жамиятлари қарамоғидаги бундай нашрлар либерал-буржуа йўналишига эга бўлиб, ўлкадаги рус тadbиркорларининг манфаатларини ўзида акс эттирган. Бу каби газ.лар генерал-губернаторликнинг расмий нашрларидан фарқли равишда, кишиларни сиёсий, иқтисодий ва адабий ҳаётга алоқадор ахборот б-н таъминлаш баробарида жамиятдаги ижтимоий муносабатларни танқид қилиш орқали мавжуд муаммолар ечимини излагани б-н ҳам аҳамиятлидир.

Иккинчидан, ана шу даврга келиб, матбуотнинг журнал турига асос солинди. «Среднеазиатский вестник» (1896), «Туркистон чаёни» (1907, ҳажвий), «Средняя Азия» (1910—11), «Туркистон қора қурти» (1911, ҳажвий) жур.лари Туркистон журналчилигининг илк намуналаридир («Среднеазиатский вестник» илмий-адабий жур.и ўзининг «Но-

«Туркистон вилоятининг газети»

Туркистонда 1870 й.да рус истилочилари томонидан нашр этилган маҳаллий тилдаги илк газета. Дастлаб «Туркестанские ведомости» газ.нинг иловаси тарзида чиқарилган. 1883 й.дан алоҳида нашр этила бошлаган. Газ. бир мунча вақт (1872 й. июлидан 1873 й. фев.га қадар) Петербургда нашр қилинган. 1885 й.дан газ.нинг бир томони «Туркестанская туземная газета» номида рус тилида чиққан. Газ.га 1871—83 й.ларда генерал-губернатор таржимони Шоҳимардон Иброҳимов, 1883 й. бошларида Муҳаммадхасан Чанишев, 1883 й. ўрталаридан 1917 й.га қадар Н.П.Остроумов муҳаррирлик қилган (Адади 500—700 нусхада бўлган). Газ. ўлканинг маданий-маърифий марказларига тарқалган. Газ. фаолияти 1917 й.да тўхтатилган.

вості дня» номли иловасига ҳам эга бўлган). Шунингдек, ўзбек тилида чоп этилган «Ойна» (1913–15), «Ал-ислоҳ» (1915) каби журналлар ҳамда «Ал-изоҳ» (1917) ва б. альманахлар ҳам ўлканинг тарихини, ўша кездеги аҳволини ўрганишга, ўқувчиларнинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашди. Лекин Туркистонда журналчилик газетачиликка нисбатан кенг тараққий топа олмади. Хусусий ноширлар ва ҳиссалдорлик уюшмаларининг молиявий аҳволи, матбаа корхоналарининг қолақлиги, малакали журналист ходимларнинг этишмаслиги ва б. бунга сабаб бўлди.

20-а.нинг бошида Туркистондаги рус сиёсий матбуоти тармоғидан ишчилар ҳаракатининг пайдо бўлиши замирида тузилган социал-демократик нашрлар ҳам жой ола бошлади. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида Россия социал-демократларининг ўлкада тарқалган марказий нашрлари («Искра», «Вперёд», «Правда» ва б.) нинг таъсири катта бўлди.

Туркистон социал-демократларининг большевиклар оқимиға мансуб намоёндалари (В. Морозов гуруҳи) 1905 – 07 й.лардаги I-рус инқилоби даврида либерал-буржуа йўналишидаги айрим газ.ларни («Самарқанд», «Русский Туркестан») қўлга киритиб, улардан большевистик фояларни тарғиб қилишда фойдаландилар. Бу даврда маҳаллий большевиклар ўз тарғиботларида асосан 1912 й.дан Петербургда чиқа бошлаган биринчи умумрус ишчи газ. – «Правда»дан фойдаландилар. Ўлкадаги социал-демократик нашрларнинг ўқувчилар доираси асосан Туркистонда яшаётган рус ишчилари, аскарлар ва хизматчилардан иборат бўлган.

Чоризм маҳаллий халқлар онги ва билим савиясининг юксалишидан манфаатдор бўлмаган. Шу боис ҳукмрон сиёсат миллий онгнинг юксалишига хизмат қиладиган воситаларнинг, жумладан, миллий тилдаги даврий нашрларнинг юзага келишига имкон қадар йўл қўймади. 1906 й.га қадар бутун ўлкада ягона «Туркистон вилоятининг газети»дан бўлак маҳаллий тилда биронта газ. нашр қилинмагани ҳам бунинг исботидир.

Туркистонда ўзбек тилидаги дастлабки мустақил даврий нашрларнинг пайдо бўлиши 1905–07 й.лардаги I-рус инқилоби даврига тўғри келади. Бу, шубҳасиз, ўлка ижтимоий ҳаётида тарихий аҳамиятга эга муҳим воқеадир. Инқилобий ҳаракатлардан саросимага тушган чоризм турли ислохотлар соясида мат-

буот соҳасида ҳам ён беришга, сўз эркинлигини қисман бўлса-да таъминлашга мажбур бўлганли. Ўлканинг зиёлилари бундан фойдаланиб, даврий нашрлар чиқариш тўғрисида подшо маъмуриятидан рухсатномалар олишга эришдилар. Аввал Тошкентда, кейинроқ Самарқанд, Фарғона, Қўқон ва Бухорода бирин-кетин ижтимоий-сиёсий ва адабий мазмундаги ўзбекча даврий нашрлар ташкил топди. Уларнинг ташкилотчилари, муҳаррирлари ва етакчи муаллифлари асосан 20-а. бошида Туркистонда юзага келган жадидчилик ҳаракатининг ғоявий йўлбошчилари бўлган. Жадидлар истилочилар ва уларнинг маҳаллий малайлари томонидан топилган Туркистон ўлкасини обод ва тараққий этган юртга айлантириш, халқни жаҳолат, илмсизлик ва хурофот ботқоғидан қутқариб, илм-маърифатли этиш орзусида кенг фаолият олиб бордилар. Зеро, улар бундай эзгу ниятларга эришишда матбуот қудратли таъсир воситаларидан бири эканини яхши англашган.

Туркистон жадидларининг етакчи намоёндалари: Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлонийлар демократик йўналишдаги ўзбек матбуотини шакллантиришга катта ҳисса қўшдилар. Жадидлар миллий даврий нашрлар фаолиятини ташкил этиш ва йўлга қўйишда маҳаллий рус матбуоти ҳамда Россиянинг турли худудларида татар тилида нашр қилинган газ.ларнинг, хусусан, маърифатчи Исмоилбек Гаспирали муҳаррирлигида чиққан «Таржумон» газ.нинг иш тажрибасига таяндилар.

Ўзбекистонда чинакам миллий матбуотнинг юзага келиши «Тараққий» газ.си б-н боғлиқ.

«Садои Туркистон» (Тошкент, 1914–15), «Самарқанд» (1913), «Садои Фарғона» (1914) газ.лари ҳамда «Ойна» (Самарқанд, 1913–15) жур.ини савияси, омма онгига таъсири жиҳатидан ўзбек матбуоти тарихидаги энг ибратли нашрлардан деб ҳисоблаш мумкин.

Бироқ жадид газ.ларининг фаолияти машаққатли кечди. Чор цензураси уларни қаттиқ исканжага олди. Тошкентда чиққан «Тараққий», «Хуршид» (1906), «Шухрат» (1907), «Осиё» (1908) газ.лари «номатлуб» йўналиши учун Туркистондаги подшо маъмурияти томонидан ёпиб қўйилди. Бошқа нашрларнинг тез-тез молиявий тангликка гирифторм бўлиши ҳам улар фаолиятининг тўхташига сабаб бўлди. Маърифатчилар томонидан асос солинган ўзбек матбуоти ўз йўлидаги жиддий тўсиқ ва ғовларга қарамай миллий онг, тил, адабиёт ва журналис-

«Тараққий»

1906 й. 14(27) июндан Тошкентда чоп этилган жадидлар газетаси. Ношири ва муҳаррири – Исмоил Обидий. Газ. том маънодаги илк миллий нашр ҳисобланади. Саҳифаларида подшо Россиясининг Туркистонда олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатини дадиллик б-н фош қилишга бағишланган мақолалар, хабарлар ва маълумотлар босилган.

«Т.» тутган йўл, газ.нинг маслаги ва мақсади, унда чоп этилган материаллардаги ўткир танқидий руҳ мустамлакачи маъмурларга маъқул келмаган. 19 сони чиққандан сўнгра газ. ёпиб қўйилган. Муҳаррири қамоққа олинди, газ.нинг мол-мулки мусодара қилинган. Газ.нинг илк сони чиққан 27 июнь 1993 й.дан буён мамлакатимизда «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» сифатида нишонланади.

тикани шакллантиришга улкан таъсир кўрсатди.

1917 й. Февраль инқилоби Туркистондаги ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, матбуот ривожига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Миллий бирлик ҳаракатини авж олдиришга, ўзбек халқининг истиқлолга эришиш йўлидаги ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга 1917 й.да ташкил этилган «Нажот», «Турк эли», «Турон», «Улуғ Туркистон», «Хуррият» (Самарқанд), «Эл байроғи» (Қўқон) газ.лари ва «Юрт» (Қўқон), «Чаён» жур.лари ўзига хос ҳисса қўшди. Янгиланиш ва ислохотлар талаби б-н майдонга келган мазкур нашрлар ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилган даврда бир муддат чиқишда давом қилган бўлса ҳам, бироқ кўп ўтмай, янги ҳукмрон мафкура етакчилари томонидан «аксил-инқилобчи»ликда айбланиб, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Шу тариқа собиқ СССР таркиб топгач, барча иттифокдош республикаларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам янги сиёсий йўналишдаги кўп миллатли партия-совет матбуотининг кўп тармоқли тизими таркиб топди. Бу матбуотни яратиш умумдемократик қонун-қоидаларга зид равишда ўзгача сиёсий йўналишдаги матбуот нашрларини ёпиш ва уларнинг мулкни ташкил этилаётган партия-совет матбуоти фойдасига мусодара қилишдан бошланди.

Ўзбекистондаги партия-совет матбуотининг дастлабки намунаси рус тилидаги «Наша газета» бўлиб, унинг I-сони 1917 й. апр.ида Тошкентда чиқди. Ушбу газ. 1919 й. 12 апр.ида «Известия...», 1922

й.дан «Туркестанская правда» номлари б-н чоп этилди. 1924 й. нояб.дан эса «Правда Востока» номи б-н ҳозирга қадар нашр этилмоқда. Узоқ йиллар мобайнида етакчи партия газ. сифатида фаолият кўрсатган бу газ. 1991 й.нинг сент.идан ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий газ. мақомида (1994 й.дан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муассислигида) чиқмоқда.

Ўзбек тилидаги миллий совет матбуотининг тунгичи 1918 й.нинг июнидан дастлаб Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси Миллий ишлар халқ комиссарлигининг нашри ҳисобланган ва кейинчалик партия газ. мақомига олган «Иштирокиюн» («Коммунист») газ.дир. Газ. кейинчалик «Қизил байроқ» (1921—22), «Туркистон» (1922—24), «Қизил Ўзбекистон» (1924—64), «Совет Ўзбекистони» (1964—91) номларида босилди. 1991 й. сент.идан «Ўзбекистон овози» номи б-н Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг расмий нашри сифатида нашр этилаётир.

Ўзбекистон ССР ташкил бўлганидан кейин, 1925 й.дан аҳолининг турли қатламларига мўлжалланган республика миқёсидаги бир нечта газ.лар: «Ёш Ленинчи», «Комсомолец Востока», «Камбағал деҳқон», «Қизил юлдуз», «Батрак», «Ишчи», «Пионер Востока», «Ленин учқуни», «Ўзбекистанская правда», «Маданий инқилоб» ва б. чиқа бошладилар. 20-й.ларнинг 2-ярмида маҳаллий яхудийлар тилида «Рўшнолик», уйгур тилида «Қутулуш», тожик тилида «Овози тожик» газ.лари нашр қилинди. Шунингдек, «Зарафшон» (Самарқанд), «Озод Бухоро», «Янги Фарғона», «Инқилоб қуёши» (Хива), «Шарқ ҳақиқати» (Тошкент) вилоят партия газ.лари ҳам муҳим ўрин тутган. Ҳукмрон партиянинг мафкуравий тарғибот қуроли сифатида 30-й.ларнинг бошларидан мамлакатда қуйи матбуотнинг кенг тармоғи таркиб топди. Кейинги йилларда ҳам чиқишда давом этган кўпчилик туман газ.лари ва кўп нусхали даврий матбуот нашрлари ана шулар жумласидандир. Омма ижодининг маҳсули — деворий матбуот ҳам тараққий топди.

20-а.нинг 20-й.лари 2-ярмидан Ўзбекистонда журналчилик соҳасида ҳам янгиликлар рўй берди. Ўзбек тилида «Ер юзи», «Янги йўл», «Маориф ва ўқитувчи», «Аланга», «Янги қишлоқ», «Коммунист» жур.лари чиқа бошладилар. Буларнинг айримлари бошқа номларда 30-й.ларда ҳам чиқишда давом этди. Жур.лар тармоғи кейинги йилларда асосан оммавий ва тармоқ нашрлар ҳисобига кўпайди. Шу даврдан эътиборан, айниқ-

са, 30-й.ларга келиб матбуот буткул сталинизм жарчисига айланди. Барча масалалар бўйича у фақат партия раҳбариятининг расмий йўл-йўриқлари ва нуқтаи назарини ифодалади, шу йилларда бутун мамлакатда амалга оширилган ялпи қатагон учун мафкуравий замин ҳам яратди.

Партия-совет матбуотини ташкил этиш ва тараққий топтиришда хизматлари сингган Усмонхон Эшонхўжаев, Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Мўмин Усмон, Маннон Ромиз, Аъзам Аюбов, Абдулҳай Тожиев, Муҳаммад Ҳасанов, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Қосим Сорокин, Қурбон Беректин ва б. истеъдодли журналистлар, муҳаррирлар, публицистлар ўзлари ташкил этган матбуотда «халқ душманлари», «партияга қарши трошкийчи-зиновьевчи-бухаринчи гуруҳларнинг ҳамтовоқлари», «ашаддий миллатчилар» деб ноҳақ бадном қилинишди ва сталинча қатагон қурбонига айландилар.

1941—45 й.лардаги уруш даврида барча жабҳалар сингари матбуот тармоғи ҳам бирмунча қисқарди, қатор газ. ва жур.лар фаолияти вақтинча тўхтатилди. Чикиб турган газ. ҳамда жур.ларнинг ҳажми ва нусхаси камайди. Бу даврда уруш фронтларида ўзбек тилидаги гарбий даврий матбуот ташкил топди. Ўзбек тилида жами 14 ҳарбий газ. нашр қилинган.

Урушдан кейинги даврда Ўзбекистон матбуоти тараққиёти даврий матбуот тармоғининг асосан вилоят ва туман ҳамда йирик корхона, з-д, илмий ва таълим муассасалари газ.лари ҳисобига

янада кенгайиши, мавжуд газ. ва жур.лар, биринчи галда республика миқёсидаги газ.лар нусхасининг кескин кўпайиши, матбуот моддий-техника асосининг мустақамланиши, китоб нашриётлари тармоғининг ўсиши, матбуот ходимлари салмоғида журналистика соҳасида махсус олий таълимга эга бўлган қалам аҳдларининг етакчи ўрини эгаллаши б-н характерлидир.

Республикада 1959 й.дан матбуот ходимларининг ижодий ташкилоти—Ўзбекистон журналистлар уюшмаси фаолият кўрсата бошлади. 1949 й. Ўрта Осиё давлат ун-тида, 1957 й. республика олий партия мактаби қошида олий маълумотли журналистлар тайёрлайдиган махсус бўлимлар очилди, 1967 й. ТошДУ журналистика ф-ти ташкил этилди.

1975 й.да Ўзбекистонда 257 номда жами 4 млн. 405 минг нусха, шу жумладан, ўзбек тилида 169 номда газ. нашр қилинди. Шу йили жами 134 номда жур. чоп қилиниб, улар нусхасининг йиллик адади 134,4 млн.га тенг бўлган. Бироқ совет тузуми шароитидаги матбуотнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни коммунистик партиянинг мутлақ якка-ҳоқимлиги шароитида кечди. Газ.лар, жур.лар, китоблар қиёфаси, йўналиши шу партия раҳбарияти кўрсатмалари асосида белгиланди, журналистлар фаолияти давлат цензураси ҳамда партиявий назорат остида бўлди. Даврий нашрларнинг, умуман, матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, вазифаларини, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишга ёнда-

Газеталар таҳририятлари биноси. Тошкент.



шувини белгилашда коммунистик мафкуранинг асосий шартларидан бири — синфийликка асосланганди. Матбуотнинг ҳуқуқий асосларини белгилашда ҳам синфий манфаатларнинг устуворлиги бош мезон қилиб олинди. Бу эса кўп ҳолларда ахборот соҳасида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклашга ва кўпол равишда бузишга олиб келди.

20-а.нинг 80-й.лари 2-ярмига келиб «қайта қуриш» деб ном олган даврда матбуотда сўз эркинлиги ва ошкоралик эркинлиги кузатила бошлади. Бошқача айтганда, собиқ советлар ҳокимиятининг заифлашуви, иқтисодийнинг издан чиқиши, жамиятда юзага келган турфа хил муаммолар кишиларни ҳаётга ҳаққоний кўз б-н қарашга ундамоқда эди. Шу даврда, гарчи коммунистик партия назорати остида иш олиб борсада, даврий матбуотда миллий ўз-ўзини англаш ғоялари б-н суғорилган долзарб муаммоли, муноҳадага бой мақолалар чоп этилди. Совет давридаги айрим мансабдор шахсларнинг сурати ва сийратини очиб берувчи, мавжуд муаммоларнинг туб сабаблари, тарихнинг кўпчиликлари маълум бўлмаган янги саҳифаларининг таҳлил қилиниши аҳоли ўртасида матбуотга бўлган ишончининг мустақамлашнига олиб келганди. Тарихнинг ана шу бурилиш палласида кўплаб етук ўзбек зиёлиларининг она тилимиз, миллий қадриятларимиз, ўзликни англаш, истиқлол руҳидаги таъсирчан, баҳс ва мунозараларга қорловчи мақолалари чоп этилди. Бироқ чалажон ҳукмрон партия матбуотдаги мурасимиз ва кескин чиқишларга нисбатан ўзининг тазйиқини турли воситаларда намойён этди.

Истиқлол туйфайли (1991 й. 31 авг.) Ўзбекистон Республикаси матбуоти ва оммавий ахборот воситалари тараққиётида сифат жиҳатидан бутунлай янги ривожланиш босқичи бошланди. Ўзбек журналистлари матбуотда миллат дардини, унинг чинакам орзу-умидларини, ҳур ва мустақил яшаш учун интилишларини ҳаққоний ифодалаш, мавжуд муаммоларни рўй-рост ёзишга, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини излашга, бир сўз б-н айтганда, не-не машаққатлар б-н эришилган миллий мустақилликни мустақамлашга астойдил бел боғладилар.

Ўзбекистон Республикасида ривожланган, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишдек эзгу ният барча жабҳалар сингари журналистиканинг ҳам мақоми ва тузилмасида туб ислоҳотларни амалга оширишни тақозо қилди. 1992 й. 8 дек.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оммавий ахборот

воситаларининг ҳуқуқий ҳолатига доир алоҳида модда баён этилди. Конституциянинг 67-моддасида: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмади» дейилган. Республика фуқаролари фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқлари б-н таъмин этилганлиги мустақил ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикаси халқларининг муҳим сиёсий ютуғидир. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг, уларда меҳнат қилаётган журналистларнинг ҳуқуқий мақоми, касбий фаолиятига доир бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Журналистика устидан партия якка-ҳокимлигининг барҳам топиши натижасида матбуот тизимида янги газ. ва жур.лар пайдо бўлди. 1991 й. 1 янв.дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (Олий Мажлиси) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ сўзи», «Народное слово» газлари нашр этила бошлади. Эндиликда ташкилотлар, партиялар, ҳаракат, уюшмалар, айрим жамоалар, фуқаролар ҳам оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Истиқлол туйфайли даврий матбуотнинг аҳамияти ҳар жиҳатдан юксалди. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар натижасида янги-янги нашрлар таъсис этилди. Жумладан, «Мулқдор» (2006 й. майдан «Биржа»), «Фидокор», «Адолат», «Миллий тикланиш», «XXI аср», «Ҳуқуқ», «Ҳуррият», «Моҳият», «Зеркало XXI», «БВВ» сингари газ.лар нашр этилмоқда. Аксарият газ.лар сиёсий партиялар, вазирлик, ташкилот ва йирик компаниялар томонидан таъсис этилган бўлиб, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий ва б. манфаатларига хизмат қилмоқда. Булардан ташқари, мустақиллик йилларида кўнгилочар нашрлар ҳам ниҳоятда ривож топмоқда. Хусусий мулкдорлар томонидан ташкил этилган «Даракчи», «Ҳордиқ», «Бекажон», «Тасвир», «Отдохнём!», «Парвона», «Чархпалак» ва б. газ.лар ўз мухлисларига тарқатилмоқда.

Мустақиллик йилларида, айниқса, журналистик кенг тараққий этди. Дастлабки саноқли жур.лар қаторига ўнлаб янги нашрлар қўшилди. Мавжуд «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Ёшлик», «Фан ва турмуш», «Саодат», «Ўзбекистон матбуоти», «Гулхан», «Ғунча» жур.ларининг шакли, дизайни, мазмун-мундарижаси янгиланди, бойиди. Янгиланиш даври тақозоси, жамиятдаги маънавий эҳти-

«Халқ сўзи»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муассислигида чоп этиладиган ижтимоий-сиёсий газета. 1991 й. 1 янв.дан чиқа бошлаган. Ҳафтада 5 марта, ўзбек ва рус («Народное слово») тилларида чоп этилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг органлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини, мамлакатимизда ва хорижда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий жараёнларни ҳолис ва бегараз ёритиш таҳририятининг асосий вазифаси ҳисобланади.

ёдан келиб чиққан ҳолда, бир қатор янги ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп, адабий-бадиий жур.лар чоп этилмоқда. «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти», «Ҳидоят», «Таълим тараққиёти», «Хўжалик ва ҳуқуқ», «Ҳуқуқ ва бурч», «Соғлом авлод», «Мулоқот», «Санам», «Лаззат», «Касб маҳорати», «Автоолам», «Қалқон», «Патология», «Синфдош» ва б. шулар жумласидандир. Жур.ларнинг аудиторияси, йўналиши хилма-хил. Улар барча ёшдаги ва қизиқишдаги ўқувчиларга хизмат қилмоқда.

Даврий матбуотнинг ривожланиш тенденциялари газетхоннинг эҳтиёжига қараб ўзгариб турибди. Илгарилари ижтимоий-сиёсий йўналишдаги газ.-жур.ларга талаб катта бўлиб, улар юз минглаб, миллионлаб нусхада чоп этиларди. Эндиликда наشريёт сарфиёти, ишчи кучи — малакали журналист, саҳифаловчи ва б. ходимлар б-н боғлиқ муаммолар, кенг ўқувчилар оmmasининг турли қизиқишлар бўйича табақалашуви ижтимоий-сиёсий йўналишдаги газ.-жур.лар ададининг тушишига ва кўнгилочар газ.лар бозорининг қаққонлашуви сабаб бўлмоқда. Гарчи замонавий ахборот технологиялари, жумладан, радио, телевидение, интернет даврий матбуот учун жиддий рақобатчи сифатида майдонга келган бўлса ҳам, омма учун, айниқса, зиётилар учун даврий матбуотнинг, ёма сўз санъатининг аҳамияти юқориликча қолмоқда.

Ўзбекистонда матбуот ишига Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги умумий раҳбарлик қилади. Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги ва вилоятларда унинг ҳудудий бошқармалари мавжуд. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари, журналистик фаолиятининг ҳуқуқий кафо-



Республикада нашр этиладиган журналлар.

латлари каби масалалар юзасидан қонунлар тайёрлаш ва мавжуд қонунларнинг ижроси юзасидан назоратни ташкил этиш Олий Мажлис қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси зиммасида.

Ўзбекистон Республикасида жами 676 та газ. (302 таси нодавлат), 189 та жур. (93 таси нодавлат) ва бюллетенлар чиқади (2006). Мамлакатда чиқаётган газ. ва жур.лар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идора ва муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, Халқ депутатлари кенгашлари, рўйхатга олинган сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, ижодий уюшмалар, миллий марказлар, диний муассасалар, тижорат ҳамда тадбиркорлик ташкилотлари томонидан таъсис этилган бўлиб, улар муассисларнинг бевосита раҳбарлигида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг мавзу ва йўналиши турличадир.

Замонавий техника ва технологияларни бошқара оладиган, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур таҳлил этиб, миллий манфаатларга мос тарзда фикр юритишга қодир бўлган малакали журналист кадрлар тайёрлаш ҳукуматнинг доимий диққат марказида. Бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий ун-ти ҳамда Нукус давлат ун-тидаги журналистика ф-тларидан ташқари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси ун-тида ҳам журналист кадр-

лар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Миллий истиқлол ўзбек журналистларининг халқаро майдонга чиқишлари учун кенг йўл очди. Мамлакатимизнинг дунё давлатлари б-н ҳар томонлама интеграциялашуви жараёнида бир нечта хорижий тилларни пухта эгаллаган журналистларга эҳтиёж ортмоқда. Ана шундай кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ун-тида халқаро журналистика ф-ти (1999) ташкил этилди. Маннон Уйғур

номидаги Тошкент давлат санъат ин-тида санъат ва маданият йўналишларига ихтисослашган журналистлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Булардан ташқари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий ун-тида олий журналистика курсининг (2005) ташкил этилиши турли мутахассислик эгаларидан ихтисослашган малакали журналист кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида матбуотни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамият касб этади. 1993 й.да Ўзбекистон матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма таъсис этилди. 1996 й. авг.да ушбу жамғарма ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси негизида Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси (фонди) ташкил этилди. 2004 й. 26 мартда мазкур жамғарма негизида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси тузилди. 2005 й. нояб.дан Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилди. Мазкур фонд Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси б-н ҳамкорликда оммавий ахборот воситаларига моддий ва техникавий кўмак берибгина қолмай, журналистларни демократик жараёнга тайёрлаш, уларнинг дунёқарашини ўстириш, эркин фикрлаш санъатига ўргатишга, умуман, малакасини оширишга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида руйхатга олинган даврий матбуот ҳақида
маълумот
(2006 й. 1 март)

Рўйхатга олувчи муассаса	Газеталар сони	Журналлар сони	Бюллетень-ахборотномалар сони	Жами ОАВ умумий сони
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги	85	114	6	205
Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги	40	8	2	50
Вилоятлардаги ҳудудий бошқармалар:				
Андижон	40	1		41
Бухоро	36	4		40
Жиззах	23			23
Навоий	33	2		50
Наманган	48	2	2	37
Самарқанд	49	7		56
Сирдарё	36	1		37
Сурхондарё	31	1	1	33
Тошкент	48			43
Фаргона	89	7		96
Хоразм	27	2		29
Қашқадарё	35	1		36
Тошкент шаҳар бошқармаси	61	39		100
Жами (Республика буйича)	676	189	11	876

Матбуотга доир масалалар «Ўзбекистон матбуоти» жур.и (1918 й.дан нашр этилади), «Хуррият» мустақил газ.да (1996 й. дек.дан) мунтазам равишда ёрилади.

Ид. А.Вашарова М.Н., 1870—1917 йилларда Туркистон рус вақтли матбуоти. Т., 1959; Эрназаров Т.Э., Туркистонда вақтли матбуот (1870—1924), Т., 1959; Эрназаров Т.Э., Акбаров А.И., История печати Туркестана, Т., 1976; Пидеев Т., Матбуот—миллат чироги, Т., 1999; Саидов Ф., Маърифат либосидаги озодлик, Т., 2000; Абдуазизова Н., Туркистон матбуоти тарихи (1870—1917), Т., 2000; Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йулида, Т., 2005.

Норали Очилов.

РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида оммавий ахборот воситалари ичида телевидение ва радионинг алоҳида ўрни бор. Истиқлолдан сўнг телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг мазмун-мундарижаси тубдан ўзгарди. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар стратегияси ва асосий йўналишларини белгилаш, ахборот соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мамлакатнинг радиоешиттириш ташкилотининг ривожланишини, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги, шунингдек, хорижий давлатлардаги телерадиоташкилотлар б-н ҳамкорликда ишлашини мувофиқлаштириш, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш мақсадида 1992 й. 7 янв.да ташкил этилган (дастлаб Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети) Ўзбекистон Давлат телерадиоешиттириш компанияси Республика Президентининг 1996 й. 7 майдаги фармони б-н жойларда ҳудудий бўлинмаларига эга бўлган Ўзбекистон телерадиокомпанияси (Ўзтелерадио) деб ўзгартирилди.

2005 й. 8 нояб.да эса мустақил телерадиоканалларни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳар томонлама ҳолис ахборотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришда мамлакатимизнинг электрон оммавий ахборот воситалари ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон телерадиокомпанияси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Ўзбекистон МТРК) этиб қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фаолиятига дахлдор қонунлари асосида иш юритади ва ўз фаолияти юзасидан ЎзР Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериб боради.

Радиоэшиттириш. Радиоэшиттириш — оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос электрон техникага асосланган тури. Овозни махсус аппаратлар ёрдамида кўпайтиради ва кенг ҳудудларга, узок масофаларга етказиб беради. Радиоэшиттириш матбуотнинг ўзига хос, оғзаки, эшитувчига йўналтирилган бир кўриниши сифатида матбуот қонуниятлари асосида фаолият кўрсатади, унинг вазифаларини ўзига хос равишда адо этади. Радиоэшиттиришнинг информацион (хабар, суҳбат, репортаж), таҳлилий (шарҳ, кузатув), бадиий публицистик (лавҳа, очерк, фельетон, эссе) сингари асосий жанрлари мавжуд. Шунингдек, унда адабий ижодга (радиоҳикоя, радиопьеса, радиоспектакль), мусиқа санъатига (радиоконцерт, радиокомпозиция) оид эшиттиришлар ҳам берилади. Радиоэшиттириш оммавий ахборот воситаси сифатида оммага информация, турли маълумотлар етказиб бериш баробарида мусиқа санъатини оммалаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Радио дастлаб алоқа воситаси сифатида ишлатилган бўлса, кейинчалик ундан оммавий ахборот воситаси сифатида ҳам фойдаланилган. Биринчи радиоэшиттиришлар 1919 й.да Нижегород радиолобораториясидан, 1920 й. 23 нояб.дан Москва, Қозон ва б. шаҳарлардаги тажриба радиоешиттириш станцияларидан олиб борилган. 1924 й. 23 нояб.дан мунтазам берила бошлаган.

Ўзбекистонда дастлабки радиоэшиттириш тажрибалари 1926 й. Тошкентда амалга оширилган. 1927 й. 11 фев.да қуввати 2 кВт бўлган оммавий радиостанция ишга туширилиб, мунтазам радиоэшиттиришлар бошланган. Радио орқали турли мавзулардаги чиқишлар, суҳбатлар, концерт дастурлари радиоэшиттиришларнинг асосини ташкил этган. 1929 й.дан асосий эшиттириш турларидан бири — радиогазета мунтазам берила бошлади. Бу пайтда радиоэшиттиришлар олдиндан магнит тасмаларига ёзиб олинмай, эфирга тўғридан-тўғри узатилган. 1931 й.да «Ўрта Осиё радиоешиттириш кўмитаси» ташкил этилди. 30-й.ларда радиоэшиттиришнинг радиомитинг, радиойўқлама, радиорейд, радиокўрик каби янги жанр ва шакллари пайдо


бўлди. Кейинроқ «Сўнгги ахборот» информაციон эшиттиришлари ташкил этилди. Радио республика маданий, иллатимой ҳаётида мустақкам ўрин эгаллай бошлади. 1934 й.да Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети ҳузурда «Ўзбекистон радиолоаштириш ва радиоэшиттириш кўмитаси» тузилди (кейинчалик бу кўмита бир неча бор қайта ташкил этилган).

2-жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон радиоси фашизмга қарши курашда, фронтга ҳар томонлама мадад беришда фаол иштирок этди. Эфирга узлуксиз «Совинформбюро» маълумотлари узатиб турилди. «Сўнгги ахборот», «Фронтдан мактублар», «Фронтга мактублар» рукнида узлуксиз эшиттиришлар бериб борилади. Тошкентга вақтинча кўчиб келган адабиёт ва санъат намояндalари—ёзувчи, шоир ва санъаткорларнинг радио орқали чиқишлари мунтазам уюштириб турилди.

1947 й. сент.да илк бор чет элга радиоэшиттиришлар эфирга узатилди. Дастлабки эшиттиришлар инглиз, форс, уйғур тилларида олиб борилди. 15 дақиқалик эшиттириш ҳафтасига 2—3 марта эфирга узатилди. Бир йил ўтгач, ҳар куни 1 соатдан эфирга чиқишга эришилди. «Тошкент овози» тингловчилар орасида катта шухрат қозонди. Биринкетин янги таҳририятлар ташкил этила бошланди. 1957 й. 1 мартдан урду тилида эшиттиришлар ташкил этилган бўлса, 1962 й. окт.дан араб тилида эшиттиришлар эфирга узатилди. «Ватандош» ватандан йироқда яшовчи ўзбеклар учун ҳар куни уларнинг она тилида эшиттиришлар олиб борди.

Ўзбекистон радиосининг Адабий-драматик («Маънавият») эшиттиришлар дастурида ўзбек ҳамда чет эл ёзувчилари ва шоирларининг энг сара асарлари асосида радиоспектакллар тайёрланиб, халқимизнинг дам олиш соатларига мувофиқ ҳолда эфирга узатилди. «Театр — микрофон олдидан» туркумида Ўзбекистон Миллий театрининг энг яхши асар-

Радио уйи.



лари ёзиб олинди, радиотингловчиларга тақдим этилди.

Қушиқ ва куйлар кундалик эшиттиришларнинг асосий қисмини ташкил этгани боис радио таркибда Дони Зокиров номидаги Халқ чолғу оркестри (1957), Юнус Ражабий номидаги Мақомчилар ансамбли (1958), Республикада хизмат кўрсатган «Хор капелласи» (1960), Миллий эстрада симфоник оркестри (1964), «Булбулча» болалар хори (1970), Камер оркестр (1974), Дуторчилар ансамбли (1979) каби бадиий жамоалар фаолият кўрсатди. 2005 й. 8 нояб. дан бадиий жамоалар Ўзбекистон Республикаси Маланият ва спорт ишлари вазирлиги ихтиёрига ўтказилди.

1966 й.да радио учун махсус 5 қаватли бино қурилиб, 12 та студия, эшиттиришларни узатиш, овоз ёзиш аппаратхоналари ва монтажналар ишга туширилди. 1975 й.дан айрим радиозэшиттиришлар стереофоник вариантда эфирга узатила бошлади. 1977 й.га келиб дастурлар сони 3 тага етди, эшиттиришлар ҳажми бир кеча-кундузда 33 соатни ташкил этди.

Собиқ Иттифоқ даврида эшиттиришларнинг асосий қисми Марказ эшиттиришларидан иборат бўлиб, тўғридан тўғри эфирга узатарди. Мустақиллик йилларида эфирни миллийлаштириш, ўзбек тилидаги эшиттиришлар ҳажмини ошириш, шу б-н бирга, моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан босқичма-босқич ишлар амалга оширилди.

1992 й. 11 мартдан 4 та радиоканал (шу жумладан «Машъал» радиостанцияси эшиттиришлари ҳам), 1998 й. июлдан «Ёшлар» радиоканали (эфир ҳажми кунига 20,0 соат) ташкил этилди.

Республика радиоси ўз ишини бошлаган даврдан ҳозиргача йиғилган «Олтин фонд»да ноёб тарихий аҳамиятга эга, миллий бойлигимизга айланиб улгурган бебаҳо ёзувлар бор. Улар махсус «Олтин фонд» фонотекасида сақланиб келмоқда. Бугунги кунда уларнинг ҳажми 4000 соатни ташкил этади. Бебаҳо меросни асраб-авайлаш, уни кейинги авлодларга етказиш мақсадида махсус реставрация аппаратхоналарида «Олтин фонд» материалларини қайта тиклаш ва магнит тасмаларидан узоқ муддат сақланадиган замонавий воситаларга кўчириш ишлари амалга оширилган. Тизимда мустақил телерадиоканаллар барпо этилди, яъни 4 та радиоканал ва 4 телеканал бирлаштирилиб, 3 та давлат корхонаси ва 1 та ёпиқ акциядорлик жамияти («Yoshlar» телерадиоканали)га айлантирилди (2005 й. 8 нояб.дан)

Ҳоз. кунда Ўзбекистон миллий телерадиоканали радиодастурларининг

мамлакатимиз ҳудуди бўйича қамрови кўйилмоқда:

1. «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «Ўзбекистон» радиоканали – 99,4%;

2. «Sport» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «Машъал» радиоканали – 98,2%;

3. «Toshkent» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «Дўстлик» радиоканали – 23,6%;

4. «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамиятининг «Ёшлар» радиоканали – 98,2%.

Радиодастурларнинг асосий қисми стереоариантда тайёрланиб, республикамиз аҳолисининг асосий қисмига FM-узатгичлар орқали юқори сифатда тарқатилмоқда.

Бугунги кунда радиодастурларни тарқатиш учун ўрта (СВ), ФМ ва ультрақисқа (УКВ ЧМ) тўлқинларда 80 га яқин ҳар хил қувватга эга, Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида жойлашган радиоузатгичлардан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, тўртала радиоканалнинг дастурлари 2005 й.дан Интернет тармоғи орқали ҳам ер юзигаги барча мамлакатларга тарқатилмоқда.

Телевидение. Телевидение – оммавий ахборот воситаларининг электрон техникага асосланган тури. Электромагнит тўлқинлар орқали тасвир ва овозни узоқ масофага, кенг ҳудудга ёйиш орқали иш кўради. Телевидение пайдо бўлиши б-н оммавий ахборот воситалари тизимида сифат ўзгариши юз берди – инсоният ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита кўриш имкониятига эга бўлди, ижтимоий онг б-н ижтимоий борлиқ ўртасида энг қисқа ва қулай йўл барпо этилди, инсон онгига ва ҳис-туйғусига таъсир этишнинг ишончли воситаси вужудга келди. Телевидение инсон ақл-заковати ва тафаккурининг бемисл меваси, фан-техниканинг буюк ютуғи, инсоният цивилизацияси эришган оламшумул натижа ҳамда унинг янада тараққий этишида тенгсиз омил бўлиб қолди. Ана шу буюк кашфиёт туфайли 20-а. – Телевидение асри деб ном олди. Телевидениени яратиш бўйича и. т. ишлари 19-а.нинг охирилари ва 20-а.нинг бошларида бошланди. Бу даврда турли мамлакатларда бу борада ўнлаб илмий лойиҳалар таклиф қилинди. Петербург ун-тининг проф. Б.Л. Розинг биринчи бўлиб, нур таратувчи электрон трубкани яратди ва 1911 й. 9 майда синаб кўрди. Бу б-н ҳоз. замон телевидениесига назарий асос солинди. Тўла маънодаги, мукамал телевидениенинг вужудга келиши учун эса жуда кўплаб олимлар, мутахассислар узлук-

сиз изланишлар олиб бордилар. Проф. Н.Н. Златовратский ва В.И. Поповлар ёрдамида тошкенлик талқинотчилар Б.П. Грабовский ва И.Ф. Белянскийлар ҳам 1923–26 й.ларда ҳаракатдаги тасвири узатувчи ва қабул қилувчи асбобни яратиш устида иш олиб боришди. 1928 й. 28 июлда улар яратган аппарат синовдан муваффақиятли ўтди ва телевидениенинг дастлабки кўриниши яратилди. Ихтирочиларнинг Халқаро конвенцияси томонидан Грабовский ва Белянскийларнинг мазкур ишига берилган ҳужжатлар Ўзбекистоннинг телевидение ватанларидан бири, Тошкент эса телевидение туғилган жой дейишга асос беради. Дунё миқёсида мунтазам телекўрсатувлар асосан 1930 й.дан кейин бошланди. 1931 й.да Парижда, худди шу йили Москвада телекўрсатувлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда эса телекўрсатувлар расмий равишда 1956 й. 5 нояб.дан бошланган. Тошкент телевидение студияси ташкил этилди. Бу студия ўз кўрсатувларини Тошкент телевизион минораси (1956 й. қурилган, бал. 180 м.) орқали тарқатди. Телемарказ 1958 й. кўчма телестанция (КТС)га эга бўлиб, ўз ишини Алишер Навоий номидаги Катта академик театрдан 8 мартга бағишланган тантанали йиғилишни олиб кўрсатишдан бошлаган.

Ўтган асрнинг 60-й.ларида Тошкент телемарказининг кўрсатувлар тарқатиш доираси кенгайди. Урганч (1961), Нукус (1964) шаҳарларида телемарказлар ишга туширилди. 1962 й.дан Ўзбекистон телевидениеси кўп дастурли асосда иш бошлади, яъни иккинчи республика дастури ишга туширилди. 1965 й.дан эса Ўзбекистонда Москвадан Марказий телевидение кўрсатувларини қабул қилиш имконияти пайдо бўлди.

1962 й.да Телемарказни Республика Алоқа вазирлиги ихтиёридан Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети тасарруфига ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Олий Советининг қарори чиқди. 1965 й.нинг охирида Тошкент телемарказига КМЗИ-6 тасвир ёзувчи аппарат олинди.

1966 й. Ўзбекистон пойтахтида Ҳиндистон Бош вазири ва Покистон Президентининг учрашуви, Ҳиндистон ярим оролига тинчлик келтирган тарихий «Тошкент декларацияси»нинг имзоланиши халқаро телевизион тармоқлар орқали бутун жаҳонга кўрсатилди. Ўзбекистон телевидениесининг бир нечта махсус дастурлари чет давлатлар телевидениеси орқали илк бора муваффақиятли намоиш этилди. Уларда халқи-

мизнинг иқтисодий, маданий, илмий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тарихий обидалари, миллий қадрият ва урф-одатлари, халқ амалий санъати, ҳунармандчилиги ҳақида ҳикоя қилинди. Ўз навбатида, Ўзбекистон телевидениеси орқали бир қатор чет давлатлар телевидениеларининг махсус дастурлари ҳам намойиш этилди.

Тошкент телемарказининг техникавий ва ижодий имкониятлари 1971 й. янада кенгайиб, шу йили Телемарказ рангли тасвирда телекўрсатувлар тайёрлашга ўтди. Рангли телевидение пайдо бўлгач, Телемарказ телеосини реконструкция қилиш ишлари бошланиб кетди. 1978 й.га келиб янги бинодаги Телемарказ аппаратхоналаридан бири битказилиб, унга рангли телевизион аппаратлар ўрнатилди. 1980 й.дан Республика телевизион маркази мураккаб рангли телевизион аппаратларга эга бўлди.

1980 й. ишга тушган янги Телемарказ ҳамда 1985 й. ўрнатилган куп дастурли радиотелевизион узатувчи станция туйфайли Ўзбекистон телевидениесининг имкониятлари янада ошди. Янги телеминоранинг баландлиги 375 метр бўлиб, у Тошкент телемарказининг кўрсатувлар тарқатиш имкониятини 2 баробарга оширди. Натижада видеосигналларнинг сифати яхшиланиб, телекўрсатувлар сони, ҳажми кўпайди.

Амалда инлантилиб келган телеукуналар 1990 й.ларга келиб ҳоз. замон ижодий ва техникавий талабларига жавоб бермай қолди. Янги аппаратларни ўрнатиш мақсадида Телемарказ аппаратхоналарини қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Техник базани ривожлантириш учун «Сони» фирмасидан телевизион техник воситалар харид қилинди.



Тошкентдаги радио-телевизион узатиш маркази — телеминора.

Собиқ Иттифоқ даврида кўрсатувларнинг асосий қисми Марказ теледастурларидан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри эфирга узатиларди. Истиқлол даврида маҳаллий кўрсатувлар ҳажми ошди, ўзбек тилидаги кўрсатувлар кўпайтирилди.

1992 й. 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантирилиши муносабати 6-н 4 та телеканал (1 таси «Останкино» телекомпанияси дастурларини олиб кўрсатади) ташкил этилди.

1994 й. 28 мартдан Ўзбекистон телевидениесининг 3 та канали узлуксиз ишлаши, кўрсатувлар ҳажмини 16,5 соатга етказиш ва бунда телевидениенинг ўз маҳсулотлари 10 соат ҳажмида бўлиши, шунингдек, «Ўзбектеелефильм» студиясининг ижодий фаолиятини яхшилаш чоралари бел-

гиланди. 1998 й. июлдан «Ёшлар» телеканали ташкил этилди ва унинг эфир ҳажми кунига 16,0 соатга етказилди. Тизимда мустақил телерадиоканаллар ташкил қилинди, яъни, 4 та радиоканал ва 4 та телеканал бирлаштирилиб, 3 та давлат корхонаси ва 1 та ёпиқ акциядорлик жамияти («Yoshlar» телерадиоканали)га айлантирилди (2005 й. 8 ноябдан).

Телевидение ижодий жамоаси томонидан таниқли ўзбек адибларининг энг сара асарлари асосида, жумладан, Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Бехбудийнинг «Падаркуш», Ойбекнинг «Қутлуг қон», «Навойи», Одил Ёқубовнинг «Диёнат», «Улугбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Турғун Пўлатнинг «Ичкўёв», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб», Хайридин Султоновнинг «Мозийдан бир саҳифа», Машраб Бобоевнинг «Кўнгил кўчалари» асарлари асосида кўп қисмли видеофильмлар яратилиб, халқимизга ҳавола этилди.

Ҳоз. кунда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси теледастурларининг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича қамрови қуйилганча:

1. «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «O'zbekiston» телеканали — 99,1%;
2. «Sport» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «Sport» телеканали — 86,5%;
3. «Toshkent» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «Toshkent» телеканали — 19,8%;
4. «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамиятининг «Yoshlar» телеканали — 98,8%.

ЎзР Вази́рлар Маҳкамасининг 2003 й. 4 нояб.даги «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Спорт» телеканали ташкил этилди. Телеканал кўрсатувлари 2004 й. 1 янв.дан кунига 6 соат, 2004 й. апрелдан эса кунига 8 соат ҳажмида эфирга узатилмоқда. Россиянинг 1 канали кўрсатувлари (5 соат ҳажмида) 6-н биргаликда «Спорт» телеканалининг бир кунлик жами эфир ҳажми 13 соатни ташкил этмоқда.

2006 й. 21 мартдан «Ўзбекистон» телеканали, 1 апр.дан эса «Ёшлар» телеканали интернет тармоғи орқали ер юзидagi барча мамлакатларга тарқатилмоқда. Айни пайтда «Спорт» ва «Тошкент» телеканаллари дастурларини ҳам интернет тармоғига жойлаштириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, телерадиодастурларни Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида-



«Ўзбектеелефильм» биноси.



Кўрсатувларни узатиш марказий хонаси.

ги аҳолисига ва бошқа давлатларга узатиш учун 2006 – 07 й.ларда Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон телевидениеси қошида 1970 й.да ташкил топган «Ўзбектелефильм» студияси кўплаб нуфузли халқаро телекино кўрик-фестивалларда иштирок этиб, унинг юздан ортиқ фильмлари махсус совринларга сазовор бўлган.

Мустақиллик йилларида «Ватан туйғуси», «Имом Мотуридий», «Бурҳониддин Марғинович», «Имом Бухорий», «Жалолиддин Мангуберди», «Қомусий аллома изидан», «Хожа Аҳрор Валий» каби буюк аждодларимиз, Абдулла Орипов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжонов каби замондошларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган фильмлар яратилди. «Ўзбектелефильм» студиясида видеосериаллар бўлими мавжуд бўлиб, сўнгги йилларда ранг-баранг мавзуларда «Лафз», «Увайсий», «Бог», «Тоғлик кув», «Қайтмас», «Имон» каби ўндан ортиқ фильмлар яратилди.

Студияда ҳар йили 20 соатга яқин ҳажмдаги ҳужжатли, 40 соатга яқин ҳажмдаги бадиий фильмлар яратиш режалаштирилган. Унинг дубляж бўлимида 550-600 соатга яқин ҳажмдаги жаҳон кино санъатининг энг нодир намуналари ўзбек тилига таржима қилиниб наномайиш этилмоқда.

«Ўзбектелефильм» 2005 й.дан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибига кирувчи бадиий, мусиқий ва ҳужжатли фильмлар яратувчи давлат корхонасига айланди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг халқаро алоқалари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг халқаро алоқалари мустақамлашиб, бошқа мамлакатлар б-н ўзаро теледастур ва видеофильмлар айирбошлаш соҳасида ҳамкорликка

келг йўл очилмоқда. Жумладан, Туркия телерадиокорпорацияси (1992), Хитой Халқ Республикаси Радио, кино ва телевидение вазирлиги (1992), Польша телевидениеси (1997), Украина миллий телекомпанияси (1998), Франциянинг Франс Интернационал Канали (CFI, 1999), Германиянинг ўрта Германия телевидение ва радиоси (МДР, 2001),

Франциянинг ARTE France телекомпанияси (2002), Хитой Халқ Республикаси СУАР Телерадиоэшиттириш ва кинематография бошқармаси (2004), Япония телерадиоэшиттириш корпорацияси (NHK, 2004), Туркия радио ва телевидение корпорацияси (2004) ХХР Радиоэшиттиришлар, кинематография ва телевидение ишлари бўйича бош бошқармаси (2005) б-н ҳамкорлик тўғрисида битим ва шартномалар имзоланди. Ушбу шартнома ва битимлар асосида хорижий телерадиоташкилотлар б-н ўзаро ахборот ва телерадиодастурлар айирбошлаш, биргаликда телевизион фильм ва дастурлар яратиш, мутахассислар малакасини ошириш ва тажриба алмашиш соҳасида кенг тармоқли ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жаҳондаги кўпгина йирик телекомпаниялар, жумладан, Американинг CNN, Буюк Британиянинг Би-Би-Си, Германиянинг DW, Япониянинг NHK, TBS, FUJI, Россия Федерациясининг 1 канал, РТР ва НТВ, Жанубий Кореянинг KBS, Туркиянинг TRT, Хитойнинг CCTV ва бошқа телекомпаниялар б-н доимий ижодий ва ташкилий-техникавий алоқаларга эга.

Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» дастури SCOLA (АҚШ) консорциуми ёрдамида ушбу ташкилотнинг спутник телетармоғи ва Интернет тизими орқали мунтазам эфирга чиқарилади.

1996 й. Ўзбекистон телерадиокомпанияси ўзининг хорижий ҳамкорлари ёрдамида илк бора буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишланган байрам тантаналарини Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидан дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатига сунъий йўлдош алоқа воситалари орқали тўғридан-тўғри кўрсатишга муваффақ бўлди. Сўнгги йилларда Ўзбекис-

тон Республикасининг миллий байрамлари — «Мустақиллик куни», «Наврўз», шунингдек, буюк олим ва алломаларимизнинг юбилейлари муносабати б-н ўтказиладиган тантаналар, халқаро аҳамиятга молик йирик анжуман ва спорт мусобақаларини мунтазам равишда хорижий мамлакатларга тўғридан-тўғри узатишга эришилмоқда. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси 1996 й. халқаро ҳамжамиятда катта нуфузга эга АВU — Осиё-Тинч океан телерадиоузатувчилар иттифоқи ташкилотига (бу ташкилотга дунёнинг барча нуфузли телерадиоташкилотлари, халқаро агентликлар аъзо бўлган) тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

2002-2005 й.ларда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси кўшни Афғонистон телевидениеси, хусусан, Шимолий Афғонистоннинг Балх, Жузжон, Шибиргон вилоятлари телевидениесини қайта тиклаш ва ишга туширишда ташкилий-техникавий ва ижодий ёрдам кўрсатди.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг кенг тармоқли хорижий алоқалари чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй бераётган демократик ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилишга, давлат ва нодавлат хорижий телерадиокомпаниялар, ахборот агентликлари ва шу соҳадаги халқаро ташкилотлар б-н ўзаро ҳамкорликка хизмат қилмоқда.

Бектемир Пирнафасов.

ЎЗБЕКИСТОН ИНФОРМАЦИОН АГЕНТЛИКЛАРИ

Ўзбекистонда дастлаб 1918 й.дан РосТАнинг бўлими сифатида, кейинчалик ТАСС тизимида Ўзбекистон телеграф-ахборот агентлиги — ЎзТАГ иш юритган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, давлат ва мустақил агентликлар ташкил этила бошлади. Ўзбекистонда қуйидаги агентликлар фаолият кўрсатди: Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, «Туркистон-пресс», Қорақалпоғистон хабар агентлиги.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА). 1992 й. 5 фев.да ЎзТАГ Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)га айлантирилди. Тошкент ш.да жойлашган. ЎЗА — Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси фаолияти б-н боғлиқ расмий ҳужжатларни асл манбадан ола-

диган ҳамда тезкорлик б-н тарқатадиган Республикадаги ягона давлат ахборот агентлигидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари оммавий ахборот воситаларига ЎЗА каналлари орқали тарқатилади.

ЎЗА мамлакатнинг давлат тизимини, ички ва ташқи сиёсатини, Ўзбекистоннинг барча минтақалари ҳаётини ҳар томонлама, тўлақонли ёритадиган, янгиликларни, суратларни тезкорлик б-н етказиб берадиган ишончли агентликка айланди. У дунёнинг йирик ахборот агентликлари б-н барқарор алоқаларга эга. Россия, Хитой, Туркия ва МДХ мамлакатларининг агентликлари б-н ахборот алмашув яхши йўлга қўйилган.

ЎЗА мамлакат ичкарасида ва хорижда миндан ортиқ обуначисига эга. ЎЗА ахбороти ҳамда суратларидан фойдаланувчилар орасида нафақат газ. ва жур. лар, телевидение ва радиостанциялар, балки Ўзбекистондаги, МДХ давлатларидаги ва б. мамлакатлардаги элчихоналар, бизнес-марказлар, вазирликлар ва идоралар ҳам бор. ЎЗАА қуйидаги таҳририятлар мавжуд: республика ахбороти таҳририяти, маҳаллий ахборот таҳририяти, халқаро ахборот таҳририяти, таржима таҳририяти ва фотоахборот таҳририяти. ЎЗА мамлакатнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўз мухбирлари ва фотомухбирларига эга. Агентликда қисқа муддатларда расмий, мавзули ва тезкор хабарлар ўзбекчадан русчага, русчадан ўзбекчага, ўзбекча ва русчадан инглиз тилига ўгирилади.

ЎЗА ахбороти ўзбек, инглиз ва рус тилларида тарқатилади. Сўнгги пайтларда ЎЗАнинг ахборот тарқатиш борасидаги сиёсати глобал ахборот бозорида Ўзбекистонни янада кенгроқ ва ҳар томонлама намоёниш этишдан иборат бўлмоқда. Интернет тармоғи орқали агентликнинг веб-сайти (www.uza.uz) дан ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги хабарларни олиш мумкин.

«Жаҳон» ахборот агентлиги. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги ушбу агентлик 1995 й. нояб. да ташкил топган. Маҳаллий ва хорижий жамоатчиликни Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида тезкорлик б-н хабардор қилиб туриш мақсадида маҳаллий ахборот агентликлари ва хорижий ахборот маҳкамалари б-н ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш агентликнинг асосий вазифалари сирасига киради. Шунингдек, агентлик Ўзбекистон-

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги биноси.

нинг кенг миқёсдаги ҳамкорлик бўйича мавжуд бўлган улкан имкониятларини очиб берувчи турли ахборот бюллетенлари, маълумотномалар, каталоглар, буклетлар ва б. матбаа маҳсулотларини

нашр этиш, фото ва аудиовизуал материаллар тайёрлаш ва уларни тарқатиш б-н ҳам шуғулланади; турли ижтимоий-маданий тадбирларга ахборот қўмағи кўрсатади.

Агентлик Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар (АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, Исроил, Миср, Ҳиндистон, Россия, Франция, Япония ва б.)даги дипломатик ваколатхоналари ҳузурида ўзининг мухбирлик пунктларига эга. Шунингдек, у йирик маҳаллий ва халқаро ахборот агентликлари, республикамиздаги етакчи газлар, телерадиокомпаниялар б-н доимий ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

Агентликнинг телевидение ва радиоэшиттириш хизмати ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аудиовизуал маҳсулотлар, ҳужжатли фильмлар, видеороликлар, телелавҳалар тайёрлаш б-н шуғулланади. Агентликда долзарб мавзулардаги фотосуратлар, архив суратлари, тарихий воқеалар акс этган фотоматериаллар мавжуд. Интернет тармоғи орқали агентликнинг вэб-сайтидан ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги хабарларни олиш мумкин.

«Туркистон-пресс». Ўзбекистондаги I-нодавлат ахборот агентлиги; ёпиқ акциядорлик жамияти. Ҳукуматга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотларидан иборат ташаббускор гуруҳ томонидан 1998 й. 25 сент. да Тошкент ш. да ташкил этилган. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари имкониятларини кенгайтириш ва эркинлигини таъминлаш, уларни бозор иқтисодиёти ҳамда демократик таомиллар асосида ислоҳ этишни кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жа-



ҳон ахборот бозорида ўз муносиб ўрнини эгаллашига эришиш, мамлакат ҳамда жаҳон ҳаёти тўғрисида холис ахборотларни тезкор тарқатиш ва аҳолининг халқаро хабарларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мазкур агентликнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

«Ўзбекистон овози», «Мазрифат», «Филокор», «Туркистон», «Оила ва жамият» газ.лари ва бир нечта даврий нашрлар, шунингдек, Самарқанд ва Андижон мустақил телерадиостанциялари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзнефгаз» миллий холдинг компанияси, «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки каби йирик ташкилотлар ва бир гуруҳ jisмоний шахслар агентликнинг муассиси саналади.

Агентлик давлат ахборот агентликларида муқобил ташкилот сифатида мамлакат ахборот мақонида ўзига хос аҳамиятга эга. Агентлик хабарлари республикамизда нашр этилаётган барча даврий оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

Агентликнинг мамлакатимизда аккредитация қилинган чет эл элчихоналари ва халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорлиги самараси натижасида 30 дан ортиқ шундай ташкилотларга мамлакат Президентининг фармон ва қарорларининг шарҳи, муҳим халқаро воқеалар, анжуманлар, иқтисодиёт, ижтимоий, маънавий ҳаётга оид янгиликлар, чет эл ахборот агентликлари хабарлари етказиб берилмоқда. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида рўй бераётган янгиликлар икки томонлама тузилган шартномага асосан «Фактива» (Австрия), «Интернет секьюритис» (Америка) ахборот агентликларида жўнатила-

ди. Хитой Халқ Республикасининг «Синьхуа» ва Тожикистон Республикасининг «Вароруд» ахборот агентликларининг б-н ахборот алмашилди. Бундай алоқалар Ўзбекистон ҳаёти ҳақидаги ахборотлар тарқалиши доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Агентлик таркибида Халқаро ахборот тахририяти, Республика ахбороти тахририяти ташкил этилган. Агентлик муассислигида «Моҳият» газ. нашр этилади. «Туркистон-полиграф» шубба ҳўжалик жамияти фаолият юритади.

Қорақалпоғистон хабар агентлиги. Қорақалпоғистон хабар агентлиги 1954 й.да ЎзТАГ (ҳоз. Ўзбекистон ахборот агентлиги) Қорақалпоғистон бўлими сифатида ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси расмий материалларни қорақалпоқ тилига ўгириб, маҳаллий газ. жур.ларга, телевидение ва радиога тарқатишдан иборат бўлган. Маҳаллий матбуотни, радио ва телевидение, шунингдек, республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларини Қорақалпоғистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий турмуши ҳақидаги материаллар б-н таъминлаш мақсадида 1976 й.да ЎзТАГнинг Қорақалпоғистон бўлими ҳузурида ахборот тайёрлаш тахририяти очилган. 1977 й.дан ЎзТАГнинг Қорақалпоғистон бўйича муҳбири мазкур тахририят таркибига киритилган.

Истиқлол йилларида агентликнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Унга малакали ижодий ва техник ходимлар жалб этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 5 фев.даги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 21 апр.даги қарорига мувофиқ, ЎзТАГнинг Қорақалпоғистон бўлими негизда Қорақалпоғистон хабар агентлиги тузилди.

*Маматқул Ҳазратқулов,
Норали Очилов.*

НОШИРЛИК

Ўзбекистон ҳудудидида китобнинг пайдо бўлиши ёзувнинг яратилиши б-н узвий боғлиқ. Ёзувнинг тузилиши хусусиятлари (белгилар тизими, уларнинг жойлашиш тартиби), ёзув материали ва қуролнинг ўзига хос томони ва б. маълум даражада китоб тузилишини ҳам белгилаб берди. Қад. Миср, Рим, Юнонистонда бўлгани каби, Марказий Осиёда ҳам кишилар тош, сопол, суяк ва б. материалларга фикр изҳор этганлар. Манбаларда суғд ва паҳлавий ёзувида пергамент (чарм)га ёзилган китоблар бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Марказий Осиёда тарқалган зардуштий-

лик динининг муқаддас китобларидан «Авесто»нинг қад. нусхаси ҳам 12 минг қорамол терисига битилган. Пергаментга битилган қад. ноёб китоб намуналаридан бири – Қуръони каримнинг Мусҳафи Усмон нусхаси (644–656 й.лар) Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

Қоғознинг кашф этилиши китоб тарихида янги давр очди. Илк ўрта асрларда Хитой ва Марказий Осиёда қоғоз тайёрлаш кенг йўлга қўйилган. Айрим маълумотларга қараганда, 650 й.лардаёқ Самарқандда қоғозли китоблар бўлган. Шунга қарамай, ҳужжат, мактуб, китоблар ва ш.к. ҳам чарм, ёғоч, суяк, сопол, тошга ва камдан-кам ҳолларда қоғозга битиларди. Чунки қоғознинг баҳоси ниҳоятда баланд бўлган. 7–8-а.ларда Суғдда саводхонлик юксак даражада эди. Панжикентдан топилган суғд алифбосида битилган машқ тахтаси бу даврда Суғдда савод ўргатиш ва котиблик санъати мактаблари бўлганлигини, бинобарин, худди ҳоз. китобларнинг варақалари сингари бир-бири б-н бириктирилган, муқовали китоблар бўлганлигини кўрсатади. Арабларнинг Марказий Осиёдаги истилоқига қадар (8–10-а.) кўп нодир китоблар сақланган кутубхоналар бўлган. Лекин уларнинг кўпи босқинчилик урушлари натижасида йўқотиб юборилган.

Китобат санъати. Араб халифалигининг сўнгги даврларида китоб тайёрлаш ишлари бирмунча йўлга қўйилди. Тарихчи, котиб (хушнавис), қоғозчи, муқовасоз (саҳҳоф), китоб варақаларига жило берувчи (лаввоҳ) ва ш. к. касб эгалари етишди. Тарихчи-ёзувчилар асарларини илгаригидек ўзлари кўчириб ўтирмасдан, бу ишни улардан тез ва яхшироқ бажара оладиган мутахассисларга топширадиган бўлдилар. Шу тариқа хаттотлик санъати (каллиграфия) юзага келди ва такомиллашиб борди. Китоб бетларини турли ўлчамдаги каттакларга бўлиш, саҳифаларнинг четларига ранг-баранг чизиқлар, нақшлар чизиш, китоб номини муқовасига зарҳал харфлар б-н ёзиш китоб безатининг одатдаги услубига айланди. 10–12-а.ларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда меъморийлик б-н бир қаторда китобат санъати ҳам муайян соҳа сифатида янги тараққиёт босқичига ўтди.


Имом Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» асари қўлёзмаси. 9-а.

Самарқанд қоғози

7-а.нинг бошларидан – 19-а.нинг 1-ярмигача Самарқанд ва унинг атрофида жойлашган устакхоналарда ишлаб чиқарилган қоғоз дунёга машҳур эди. 15-а.да Самарқандда Обираҳмат сувининг жувозларида тайёрланган турли нав қоғозлар б-н савдо қилувчи маҳсус дўконлар бўлган. Бобурнинг ёзишича, «Қоғоз тегирмонларининг барчаси Кониғилдан келур. Андоқким Кониғил Сиёҳиоб дарёси яқинида жойлашган. Дунёда энг яхши қоғоз Самарқанддан келтириладур». Қоғоз Самарқанд бозорларида сотилган (маҳсус «қоғоз бозори» расталари бўлган). Узоқ юртлардан келган савдогарлар ҳам Самарқанд қоғозини сотиб олишган. Самарқанд қоғози ҳатто Хитойда ҳам машҳур бўлган. Самарқандда тайёрланган қоғознинг энг сараси «қоғози султоний» деб юритилган. «Қуръони карим», «Ҳадиси шариф» китоблари, «Хамса», «Шоҳнома» каби асарлар шундай қоғозда ёзилган. Қоғозгар усталар муайян ташкилотга бирлашган ҳолда ишлашган. Шундай ташкилотлардан бирига Хожа Аҳрор бошчилик қилган. Хўнарманлар қоғоз таркиби ва тайёрлаш усулини сир сақлашган.

Китобат санъати деганда, қўлёзма асарларни кўчириб ёзиш ва у б-н боғлиқ бўлган хаттотлик, мусаввирлик, лаввоҳлик (лавҳа чизиш) ва саҳҳофлик санъати тушунилган. Китобат санъатининг маълум бир соҳасига айланиб, нафис китоб бу санъатнинг маҳсули ҳисобланарди. Босмаҳона ва китоб нашр этиш вужудга келмаган ўша замонда китоб яратиш ва унинг нусхаларини қўлёзма шаклида кўпайтириш ниҳоятда кўп меҳнат ва малака талаб қилган. Айниқса, нафис китоб яратиш ўта мураккаб ва жуда машаққатли бир жараён бўлиб, у қоғоз-





Махмуд Замахшарийнинг «Муқаллимат ул-адаб» асари қўлёзмасидан намуна. 12-а.

рез (қоғоз тайёрловчи), хаттот, мусаввир, лаввоҳ, саҳҳоф каби бир неча хил мутахассисларнинг меҳнати ва малакаси б-н боғлиқ эди. Ҳар бир китоб қоғозидан тортиб муқовасигача, сиёҳидан то бўёқларию зарҳалигача маълум меъёрдаги модда, режа ва қоида асосида тайёрланарди, ҳатто китобдан хушбўй ҳид анқиб туриши учун баъзан сиёҳга гулоб ёки анбар қўшиларди. Хаттотлик махсус касб, ўта нозик ва ўзига хос санъат ҳисобланарди. Етук хаттот бўлиб танилиш учун узоқ вақт сабр-матонат ва иштиёқ б-н машқ қилиш, заҳмат чекиш лозим эди. Хаттот мукаммал саводли, бадий диди баланд, ижодкор киши бўлиши лозим бўлган. Ҳар бир хаттотнинг ўз усули ва услуби бўлиб, улар ус-тоздан шогирдга ўтиб, анъаналар давом эттирилган ва такомиллаштириб борилган.

Бир неча касб-ҳунар соҳибининг узоқ ва машаққатли меҳнати б-н бунёдга келган нафис китоб жуда оз нусхада бўлиб, у ниҳоятда қиммат бўлган. Бундай китоблар кўпинча подшоҳ, руҳоний, амир ва давлатманд амалдор кишиларнинг буюртмаси б-н ишланган ва махсус кутубхоналарда, ҳатто ҳазиналарда қимматбаҳо мулк сифатида сақланган. Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва б.нинг асарлари фақат мазмун жиҳа-

тидан эмас, китобат санъати б-н ҳам нодир ҳисобланган. Уларнинг кўплари жаҳондаги йирик кутубхоналарда қимматли ёдгорликлар сифатида сақланади.

Марказий Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi (13—а.нинг 1-ярми) бутун маданий ҳаётда бўлгани каби, китоб яратиш ва тарқатиш ишларини ҳам анча сустратишти. Амир Темур ва те-мурийлар ҳукмронлиги даврида у яна юксакликка кўтарилди.

Амир Темур давлатни юксалтиришда илму фаннинг аҳамияти беқийёслигини яхши билган. Шу сабабли олим уламо-ларга катта иззат-икром кўрсатган. Амир Темур дастлаб Шаҳрисабзда, сўнг Самарқандда қўлёзма китоблар тўпланган кутубхоналар барпо этган. Соҳибқироннинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатла-рига қилган юришлари вақтида қўлга киритилган нодир қўлёзма асарлар ҳам моддий бойлик сифатида, қимматбаҳо ўлжалар қаторида Самарқандга келтирилган. Самарқанд кутубхонасида папирус қоғоз ўрамлари, бобилча сопол лавҳалар, жавоҳир бандакли китобларгача жамланган. Амир Темур вафотидан сўнг ушбу кутубхона Мирзо Улуғбек ихтиё-рига ўтган. Улуғбек даврида кутубхона машҳур асарлар б-н бойиган. Унда жами 15 минг жилдлик китоблар сақланган-лиги ҳақида маълумотлар бор.

Самарқанд кутубхонаси ўрта асрнинг ўзига хос ҳунармандчилик корхонаси бўлиб, уларда қўлёзма асарларни тўплаш ва сақлаш б-н бирга, улардан нусхалар кўчириш, турли манзарали ранго-ранг тасвир ва нақшинкор лавҳалар б-н саҳифаларни безаш ҳамда муқовалаш каби китобсозлик б-н боғлиқ бир қанча амалий ишлар бажарилган. Бундай сарой кутубхоналарининг бошлиқлари «кутубхо-на доруғаси» ёки «китобдор» аталиб, унинг қўл остида қўллаб хушнавис хат-тот, қўли гул наққошу му-саввирлар, моҳир лаввоҳу саҳҳофлар китоб яратишга оид турли буюртмаларни ба-жарганлар. Китоб безашга алоҳида аҳамият берилди. Унинг саҳифаларига турли миниатюралар, ҳошиялари-га безаклар ишлана бошла-

ди. Нафис китоб ва хаттотлик санъати 14—15-а.ларда янги тараққиёт босқичи-га кўтарилди. Машҳур хаттот Мирали Табризий (1330—1404) наस्ताлиқ деб номланган янги услубдаги хатни ярат-ди. Бу услуб хатти куйий, хатти шикас-та, насх ва б. услубдаги дастхатлар ўрни-ни эгаллади.

15-а.нинг 1-ярмида Ҳиротда Улуғбек-нинг укаси Бойсунғур устахона-кутуб-хонасида 40 дан зиёд хаттот ва бир қанча наққош қўлёзма асарлардан нусхалар кўчириш ва уларни безаш б-н банд бўлган. Ҳар бир қўлёзма китоб бир неча мутахассис қўлидан ўтарди. 1421—29 й.ларда шу устахона-кутубхона бошлиғи Жаъфар Бойсунқурий томонидан Абу-лқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳ-нома» асари кўчиртирилиб, у 20 та тур-ли мазмундаги рангдор миниатюралар б-н безатилган. Ноёб санъат асари ҳисоб-ланган бу китоб Техрон музейида сақ-ланмоқда.

15-а.нинг 2-ярмида Ҳиротда китобат санъати янада ривож топади. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий сарой ку-тубхонасини нодир асарлар б-н бойи-тишга гоят гамхўрлик қиладилар. Али-шер Навоий ўзбек халқ маънавий ха-зинасини бойитган асарлар ёзиш б-н биргаликда бадий қўлёзма санъатини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Унинг бевосита кўмаги б-н Беҳ-зод, Султонали Машҳадий, Шоҳ Му-заффар каби ўнлаб китобсоз-усталар етишиб чиқди. Навоийнинг укаси Дар-вешали девонхона кутубхонасининг до-руғаси этиб тайинланади. У кутубхонага Ҳиротнинг кўплаб хушнавис котибу хат-тотларини ва моҳир наққошу мусаввир-ларини тўплайди. Ҳиротнинг машҳур хаттотларидан Султонали Машҳадий ва Мирали котиблар Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий буюртмалари б-н кўп-лаб китобларни кўчириб, нусхаларини кўпайтирганлар. Бобурнинг ёзишчи, биргина Султонали Ҳусайн Бойқаро учун ҳар куни 30 байт ва Навоий учун 20 байтни китоб саҳифасига кўчирар экан. Бу даврда айниқса, Султонали Машҳадийнинг шогирди Рафиқий та-халлуси б-н шуҳрат топган Мирали ко-тиб ўрта асрнинг бу беқийёс нозик санъа-ти соҳасида катта муваффақиятлар қозонган эди.

15-а. ва 16-а.нинг 1-ярмидаги бадий қўлёзма санъатининг услуб ва анъана-лари кейинги йиллардаги каллиграфия санъатининг асосини ташкил этди. Минглаб хаттотлар шу даврнинг уста-ларидан намуна олдилар, уларга эргаш-дилар. Туркистонда хаттотлик йўли б-н китоб тайёрлаш узоқ вақт давом этди,



Бурхониддин Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя» асари қўлёзмасидан намуна. 13-а.



«Девони Алишер Навоий» қўлёзмасининг безакли саҳифалари. 19-а. Қўқон.

ҳатто китоб босиш кашф қилингандан кейин ҳам, дастлабки вақтларда китоблар қўлёзма йўли б-н кўпайтирилди эди.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида кўплаб нодир қўлёзма китоблар сақланади. Булар ичида шоира Нодира буюртмаси б-н хаттот Муҳаммад Юсуф Дабир томонидан 19-а.да Қўқонда кўчирилган Алишер Навоийнинг шеърлар тўплами — «Девони Алишер Навоий» қўлёзма китоби кўпчиликда қизиқиш уйғотади. Унда мусаввир ва хаттот Навоий асарлари инсониятга Куёшдек нур сочиб туришини рамзий ифодалашган.

Китоб босишнинг юзага келиши. Китоб нусхаларини оммавий кўпайтириш йўлидаги изланишлар натижасида 15-а.нинг 40-й.ларидида Германияда Иоганн Гутенберг (1399—1468) томонидан китоб босиш ихтиро қилиниши китоб тарққиётида янги давр очди. Китоб босиш техникаси аста-секин такомиллашиб, бошқа мамлакатларга ҳам тарқалди. Туркистонда босма усул б-н китоб чиқариш 19-а.нинг 2-ярмидан, ўлкани подшо Россияси истило этгандан кейин тарқалди. Дастлаб, 1868 й.да Туркистон ҳарбий округи штабнинг босмаҳонаси ташкил этилди. Шу босмаҳонада нашр этилган рус олими ва сайёҳи Н.А.Северцовнинг «Чу ва Норин тизмалари этагидаги тоғли ўлка тўғрисидаги лавҳалар» асари Тошкентда рус тилида чиқарилган биринчи китоб бўлди. «Туркистондаги ерли аҳоли учун тузилган 1872 йилги календарь» ўзбек тилида араб

алифбосида чиқарилган биринчи китоб ҳисобланади, у Шоҳимардон Иброҳимов томонидан яратилиб, Тошкентда мазкур босмаҳонада 1871 й. босилди.

1868 й.дан 1910 й.гача Туркистонда нашр этилган китобларнинг асосий қисмини русча китоблар ташкил этган. Туркистонда китоблар нашр этишда Тошкентдаги О.А.Порцев, В.М.Ильин, Самарқанддаги Г.И.Демутов босмаҳоналари машҳур бўлган. 1910—17 й.ларда ўзбекча нашр қилинган китобларнинг кўплари шу босмаҳоналарда чиққан.

1847 й. Хивада Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) томонидан тошбосма (литография) босмаҳонаси ташкил этилди, унинг ишини йўлга қўйишда Отажон Абдаловнинг хизмати катта бўлди. Босмаҳона то 1910 й.га қадар китоб нашр этди. Унда 1880 й.да Алишер Навоийнинг «Хамса»си, шоир Мунис Хоразмийнинг «Девони Мунис»и ва «Девони

Рожи» баёзи босилиб чиқди. 1913 й.да Туркистон ўлкасида ҳаммаси бўлиб 56 номда 118 минг нусхада, жумладан, ўзбек тилида 37 ном б-н жами 86 минг нусхада китоб нашр қилинган. Ўзбек тилидаги ҳамма китоблар тошбосма ёки текис босма усулида чоп этилган. Улар асосан бадиий адабиёт асарларидан, мактаблар учун мўлжалланган ўқув қўланмалари ва диний мазмундаги китоблардан иборатдир. Ўзбекистонда тошбосма усулида китоб нашр қилишни йўлга қўйиш ва тараққий эттиришда Отажон Абдалов (Хива), Исоқхонтўра Иброт (Наманган), Фулом Ҳасан Ориф-жонов (Тошкент) ва б. маърифатпарварлар жонбозлик кўрсатишди.

20-а.нинг 10-й.ларидида Туркистонда китоб нашр эттириш ва омма ўртасида тарқатиш ишлари б-н шуғулланувчи ширкатлар ва ш.к. пайдо бўлди. «Русская окраина», «Туркестанское товарищество печатного дела», «Маданият», «Мактаб», «Туркистон кутубхонаси» ширкатлари шулар жумласидандир. Бу ширкатларга маҳаллий аҳолининг бадавлат ва маърифатпарвар кишилари, жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари, шунингдек, илғор кайфиятдаги рус кишилари, татар зиёлилари уюшган эди.

Нашриётлар. Октябрь тўнтаришидан сўнг барча босмаҳоналар мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига ўтказилди. 1918 й. Туркистон МИК ҳузурида Миллий ишлар халқ комиссарлигида ва Матбуот бюросида нашриёт бўлимлари тузилиб, маҳаллий тилда сиёсий адабиётлар нашр этила бошлади. Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлигининг нашриёт бўлими дарсликлар чиқаришга ҳаракат қилди. Шу даврда бошқа турли идоралар ҳам босма махсусотлар чиқарарди. Китоблар Туркистон марказий матбуот бошқармаси («Туркцентропечать») томонидан бепул тарқатиларди (республиканинг турли шаҳарларида унинг 36 бўлими бор эди).

1920 й. мартда Туркистон МИК Туркистон давлат нашриёти (Туркдавнашр) таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу Ўрта Осиёдаги ilk китоб нашриёти бўлиб, унга ўлкадаги барча нашр ишларини бирлаштириш, қозғоқ тақсимоти ва босмаҳона жиҳозларини назорат этиб, раҳбарлик қилиш вазифалари юкланди.

Фуқаролар уруши тамом бўлиб, ҳарбий интервенция тугатилгандан кейин барча нашр ишлари янги иқтисодий сиёсатга мувофиқ қайта қурилди. ХКСнинг 1921 й. 28 нояб.даги қарори б-н нашрлар пулли бўлиб, китоб савдоси жорий қилинди. Нашриёт ва полиграфия корхоналари хўжалик ҳисобига ўтди.

1923 й.дан Туркдавнашр Ўрта Осиё давлат нашриёти деб атала бошлади. Бу



Ўзбек тилида босилган биринчи китоб.

нашриёт 1921 й.дан 1924 й.гача 1184 номда 3 млн.дан ортиқ нусхада китоб нашр этди. Туркистонда нашриёт ишини йўлга қўйиш ва таржимачиликка Абдулла Авлоний, Сахий Раҳматий, Абдурахмон Сайёҳ Содиқов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидов, Наим Саид, Қосим Сорокин ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишидан сўнг (1925) Ўрта Осиё давлат нашриёти негизда Ўзбекистон давлат нашриёти – Ўздавнашр ташкил топди. 1925 й. Ўзбекистонда 334 номда 1,5 млн.дан ортиқ нусхада китоб нашр этилди.

30-й.лар нашриёт ишида кескин бурилиш даври бўлди. Нашриётлар маҳсулотининг гоёвий-сиёсий йўналишида партиявийлик ҳукмронлиги мустаҳкамланди. Марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ўзбек тилида кўп нусхада чиқариш мақсадида Ўзбекистон КП МК ҳузурида Партия нашриёти (Ўзпартнашр) ташкил этилди. 30-й.ларнинг 2-ярмида тегишли халқ комиссарлари ва ташкилотларининг ихтисослашган тармоқ нашриётлари барпо этилди.

2-жаҳон уруши йилларида нашриётлар фронт ва мамлакат ичкарисидаги эҳтиёжга мувофиқ қайта қурилди. Ўзбекистондаги 8 мустақил нашриёт Ўздавнашрга бирлаштирилиб, матбаа корхо-

налари ҳам унинг ихтиёрига берилди. Айрим муассасаларга қарашли нашриётлар ёпилди. Китоб нашри кескин қисқарди.

Урушдан кейинги йиллар ихтисослашган нашриётларни тиклашга ҳаркат қилинди. 1950 й. «Ўзқувведдавнашр» (кейинчалик «Ўқитувчи» нашриёти) тикланди; 1957 й. Адабиёт ва санъат нашриёти (кейинчалик Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти), 1959 й. «Медицина» нашриёти (кейинчалик Ибн Сино номидаги нашриёт), 1960 й. «Ёш гвардия», 1964 й. Нукусда «Қорақалпоғистон» нашриёти очилди. Нашриёт ишларига раҳбарликни яхшилаш мақсадида 1963 й. Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузурида Матбуот комитети ташкил этилди (1978 й.дан Ўзбекистон Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, кейинчалик Давлат матбуот кўмитаси). Нашриётлар маҳсулотлари коммунистик мафкурага хизмат қилишга қаратилди. Шу мақсадда жуда кўп номда ва нусхада марксизм-ленинизм асарлари, ижтимоий-сиёсий адабиётлар нашр этилди. Айни вақтда Алишер Навоийнинг 15 жилли асарлари, Ҳамза, Фафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Комил Яшин, Миртемир ва б. ёзувчиларнинг сайланма асарлари, жаҳон мумтоз адабиёти намуналари чиқарилди. 1968 й. Ўзбек Совет Энциклопедиясини нашр этиш мақсадида Ўзбек Совет Энциклопедияси

(ЎзСЭ) Бош редакцияси ташкил этилди. Ушбу Бош редакция томонидан 1971–80 й.ларда 14 жилли Ўзбек Совет Энциклопедияси нашр этилди. 1991 й.дан ЎзСЭ Бош редакцияси Қомуслар Бош таҳририяти деб аталиб, қомусий ва маълумотнома адабиётлар, луғатлар нашр этадиган марказга айланиб қолди.

Лекин советлар тузуми даврида Ўзбекистондаги нашриётларнинг моддий-техника базаси ривожланган мамлакатлар даражасидан анча орқада эди. Шу сабабли босилган китобларнинг матбаа ижроси сифатсиз эди. Нашр этиладиган китобларнинг нафақат ижтимоий-гоёвий йўналиши, балки умуман нашриётларнинг йиллик режалари Марказдан қатъий назорат қилинарди. Ижтимоий фанлардан маҳаллий муаллифлар дарсликлар ёзишларига имкон қадар йўл берилмасди (Марказда нашр

этилган дарсликлар, асосан, таржима қилинарди). 20-а.нинг 50-й.ларидан кейинги даврларда Ўзбекистонда нашриёт ишини, матбаачиликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда Жамолхон Азизхонов, Файзулло Юнусов, Воҳид Валиев, Тўлқин Рустамов, Абдулла Ҳамадов, Азиз Клеблеев, Вали Раҳим, Файзулла Эргозиев, Мели Жўра, Юнус Юсупов, Насрулло Охундий, Адхам Акбаров, Зиёд Есенбоев, Абдусодиқ Абдувалиев, Ислам Шоғуломов, ва б.нинг хизмати каттадир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ноширликда кескин ўзгариш бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида» қонуни (1996 й. 30 авг.) ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур қонун асосида ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан, ноширлик йўналишини, мавзуларни, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллиф танлашда мустақил фаолият юриталиган бўлди. Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан ва лицензия олганидан кейин ноширлик фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлишди. Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказиш бекор қилинди. Нашриётлар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, харидоргир китоблар нашр этишга ҳаракат қила бошладилар. Китоб маҳсулотлари мазмун-мундарижасини белгилашда уларга тўла эркинлик берилди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати б-н ўзбек тилидаги китоблар салмоғи ошди. Амир Темур мавзуи, буюк мутафаккирлар, диний, миллий қадриятлар б-н боғлиқ кўплаб китоблар чиқарилди. Жумладан, Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги таржимаси (1991 й., «Чўлпон» нашриётида; 2001 й. Тошкент Ислам ун-ти нашриётида ва б.), Имом Бухорийнинг 4 жилли «Ҳадис»лари (1991–96 й.лар, Қомуслар Бош таҳририятида) бир неча бор нашр этилди. Алишер Навоийнинг 20 жилли тўла асарлари (1998–2002 й.лар, Ўзбекистон ФА «Фан» нашриётида) чоп этилди. Республика нашриётларида 33 жилли «Хотира» китоби чиқарилди. «Ўзбекистон» нашриётида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг кўп жилли асарлари нашр қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 20 мартдаги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида «Ўзбеки-

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги биноси.





«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида нашр этилган китоблар.

тон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти тузилиб, унинг зиммасига 12 жилдли универсал «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни нашр этиш топширилди ва бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Нашриёт 2000–2005 й.лар мобайнида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг умумалифбо тартибдаги I–II-жилдларини нашр этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 3 июлдаги «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонига биноан Ўзбекистондаги ноширлик ишига раҳбарлик қилиб келган ЎЗР Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил этилди. Агентлик зиммасига, бошқа вазифалар қатори, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш, амалдаги қонунчиликка риоя этиш устидан мониторингни амалга ошириш, ноширлик-матбаачилик фаолиятининг и.ч. техника базасини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификатлаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

2002 й. 10 апрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидagi Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат, «Ёзувчи» нашриётлари ва Рангли босма

ф-ка бирлаштирилиб, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи (НМИУ) ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 11 июндаги «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 274-қарори асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидagi «Ўзбекистон», «Меҳнат», «Ўзбланкнашр» нашриётлари, Тошкент матбаа к-ти бирлаштирилиб, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи («Ўзбекистон» НМИУ)га айлантирилди; «Ўқитувчи» нашриёти ва Тошкент китоб-журнал ф-каси негизида («Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижод уйи («Ўқитувчи» НМИУ); «Чўлпон» нашриёти (1986 й.дан фаолият кўрсатган), «Ижод дунёси» нашриёти уйи (2000 й.дан фаолият курсатган) ҳамда босма-хона бирлаштирилиб, «Чўлпон» нашриёт-матбаа ижод уйи («Чўлпон» НМИУ) ташкил этилди; «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётига Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти ва Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриёти қўшилиши муносабати б-н қайта ташкил этилиб, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти деб атала бошланди. 2006 й. 1 мартга қалар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 60 та нашриёт (турли номлар б-н

аталади) рўйхатдан ўтди. Булардан 37 таси давлат, 6 таси жамоат, 11 таси хусусий, 6 таси ҳиссадорлик нашриётидир. Булар ичида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси), «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази (Ўзбекистон Республикаси «Камолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати), «Фан» нашриёти (Ўзбекистон ФА), «Маънавият» нашриёти (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази), «Адолат» нашриёти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги), «Академик» нашриёти (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамоат қурилиши академияси), «Мовароуннаҳр» нашриёти (Ўзбекистон мусулмонлари идораси), «Қорақалпоғистон», «Билим» (Қорақалпоғистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги) каби йирик нашриётлар бор.

Нашриётчилар ва матбаачилар ўз соҳаларига замонавий ноширчилик, босма усуллар, янги техника жорий қилиб бормоқдалар. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида жами 1100 дан ортиқ матбаа корхонаси рўйхатдан ўтган (2006 й. 1 март). Жумладан «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон» НМИУ, «Ўқитувчи» НМИУ, Фафур Фулом номидаги НМИУ, «Янгийўл матбаа сервис» очик акциядорлик жамияти ва б. йирик корхоналар ишлаб турибди. Бу корхоналарда китоб ва б. матбаа маҳсулотлари чоп этиш мумкин. Китоб-журнал маҳсулотларини чоп этувчи босмахоналар, асосан, Германия ва Россияда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизими корхона ва ташкилотларида 2005 й. давомида 17 млрд. 174,0 млн. сўмлик матбаа маҳсулотлари чоп этилди, бу 2004 й.га нисбатан 112,6%ни ташкил этди.

Ўзбекистонда ноширликка доир масалалар, асосан, «Ўзбекистон матбуоти» жур.да, «Хуррият» газ.да ёритилди.

Ад.: М е л и Ж ў р а, Ноширнома, Т., 1979; А б д у в а л и е в В., Нури манзил, Т., 1995; Ш о г у л о м о в И., Саодат манзиллари, Т., 1996.

Муроджон Аминов, Уткир Зокиров.

ИҚТИСОДИЁТИ

Қадим замонлардан тортиб 21-а. бошларига қадар Ўзбекистонда иқтисодиёт ўз тараққиётида 4 та тарихий даврни кечирди. Биринчиси, тош асрдан то 19-а.нинг охирига қадар давом этган анъанавий иқтисодиёт босқичи. Иккинчиси, 19-а. 2-ярмидан 1917 йилги Октябрь тунтаришига қадар бўлган бозор иқтисодиёти капиталистик шаклининг юзага келиш даври, яъни мустамлакачилик даври (1865 – 1917). Учинчиси, режали иқтисодиёт босқичи – шўролар ҳокимияти замонаси (1917 – 1990 й.ларни ўз ичига олади). Тўртинчиси, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даври – 1991 й. 1 сентябрь – мустақилликдан бошланади.

Ўзбекистон иқтисодий тарихининг катта қисми анъанавий иқтисодиёт даврига тўғри келади. Ўзбекистон ҳудудидаги иқтисодий фаолият тош асрдан бошланади, дастлаб овчилик, сўнгра чорвачилик ва деҳқончилик пайдо бўлди, улар бағрида хонаки саноат юзага келди, сўнгра хонаки саноат деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиқиб, хунармандчилик саноатига, мустақил и. ч.га айланди. Хунармандчилик, шаҳарлар, карвон йўлларида жойлашган йирик қишлоқларда ривожланди. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Наманган ва Андижон каби шаҳарларда майда хунармандчилик ривож топди. Қ. х.да ихтисослашув секин борди ва у икки тармоқ – деҳқончилик ва чорвачилик доирасида узоқ ривожланди. Шу соҳаларда шарқона и. ч. усули мавжуд бўлиб, унга ер-сувнинг давлат қўлида тўпланиши, сермеҳнат ишларни кўпчилик кучи б-н жамоа бўлиб бажариш, ҳосилбай ижаранинг ривож топиши, ва ниҳоят, суғорма деҳқончилигининг жадал ривожланиши кабилар ҳосидир.

19-а.нинг охирига қадар Ўзбекистонда анъанавий тизимга хос белгилар, чунончи натурал и. ч., автаркизм, консерватизм, архаик, яъни ота-боболардан қолган ва одат тусига кирган муносабатларнинг узоқ сақланиши, қўл меҳнати, меҳнат унумдорлигининг ва шунга кўра турмуш даражасининг пастлиги каби белгилар турли даражада сақланиб келди. Бироқ анъанавий тизимнинг бағрида товар-пул муносабатлари ҳам пайдо бўлган. Пул иқтисодиётга бундан 2500 – 3000 йил муқаддам кириб келган, бинобарин пул ва савдо-сотиқ қўҳна тарихга эга. Давлатлар пайдо бўлиши б-н олтин ва кумуш тангалар ва жез чақа пуллар зарб этилган. Махсус зарбхоналарда хон-султонлар, подшоҳ-амирлар ўз давлати пулини чиқарганлар. 20-а. бошига қадар металл пуллар муомалада бўлди. Пул захиралари ва қимматбаҳо буюмлар миллий бойлик сифатида хазиналарда сақланиб подшолик мулки ҳисобланар эди.

Савдо-сотиқ эрта ва кенг ривожланди. Фақат ички савдо эмас, балки Шарқ мамлакатлари Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Туркия, Араб мамлакатлари, шунингдек, Европа мамлакатлари б-н ташқи савдо ишлари олиб борилган.

Ўзбекистоннинг қулай табиий-иқлим шароити, Шарқ б-н Ғарбни боғловчи савдо йўли – Буюк ипак йўлининг шу ҳудуддан ўтиши ўрта асрларда иқтисодий юксалиш омили бўлди. Шу сабабли 16-а.га қадар Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан анча олдинда эди. Европада сув – денгиз йўлларининг очилиши ва қуруқликдаги карвон йўллари орқали бўладиган иқтисодий алоқаларнинг қисқариши натижасида турли хонликлар даврида (16–19-а.лар) иқтисодий тараққиёт секинлашди.

Шунга қарамай Россия истилосига қадар Ўзбекистон иқтисодиёти мустақил эди. Подшо Россияси мустамлакачилиги даврида (1865 – 1917) Ўзбекистон иқтисодиётига икки омил таъсир этди: биринчидан, мамлакатнинг Россия орқали жаҳон хўжалиги б-н алоқаси ўрнатилди ва шу асосда бозор муносабатлари ривожланди, иккинчидан, мамлакатга чет эл капитали б-н бирга янги технология ва иш тажрибаси ҳам кириб келди. Закаспий ва Оренбург т. й.ларининг қурилиши муштазам ташқи алоқалар ўрнатиш ва капиталнинг кириб келишига кенг йўл очди. Туркистон улқаси (унга Ўзбекистоннинг асосий қисми кирган) нинг иқтисодий ўсиши тезлашди, аммо иқтисодиёт аграр мустамлакачилик характерида эга бўлди. Унинг асосини пахтачилик ташкил этиб, мамлакат Россия саноат марказларининг хом ашё базасига айланди. 1913 й. пахта тозалаш ва мой саноати жами саноат маҳсулотининг 80% ини, озиқ-овқат саноати 15%, оғир саноат эса фақат 2% ни берди. Деҳқончиликда пахта етиштириш устувор бўлиб, 1913 й. 517,2 минг т пахта йиғиб олинди, бу ялпи маҳсулот қийматининг 40% ини ташкил этар эди. Янги саноат хориж капиталига таянса, анъанавий хунармандчилик саноати маҳаллий аҳамиятга молик эди. 1916 й.да Туркистон хунармандчилигида 100 мингдан ортқ киши, қ.х.да 800 минг киши меҳнат қилди.

Мустамлакачилик даврида анъанавий тизимдан шаклланиб бораётган бозор муносабатларига ўтиш жадаллашди. Бироқ бу жадаллашув иқтисодий қарамлик шароитида бўлгани сабабли миллий капитални жамғариш ҳисобидан эмас, балки капиталнинг четдан кириб келиши ва унинг иқтисодий ҳукмронлиги натижасида юз берди.

Мустамлакачиликдан сўнг шўролар даврида мустамлакачилик анъаналари давом этди, Ўзбекистон иқтисодиёти марказ манфаатларига бўйсундирилган шароитларда ривожланди. Шу манфаат йўлида Ўзбекистон иқтисодиёти маълум давргача жадал ривожлантирилди, унга катта инвестициялар киритилди.

1924 — 1985 й.ларда Ўзбекистонда капитал маблағлар сарфи деярли 75 млрд. рублни ташкил этган. Аммо катта маблағлар Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр мустамлакачилик йўналишини сақлаш ва уни кучайтиришга қаратилди. Шу боисдан капитал маблағлар, биринчидан, сув хўжалигини ривожлантириб, янги ерларни очиш ва шу асосда пахта-ни кўпроқ етиштиришга, иккинчидан, пахтачиликка хизмат қилувчи саноат тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантиришга сарфланди. Пахтачилик ва унга боғлиқ тармоқлар Ўзбекистон ялпи маҳсулотининг 2/3 қисmini берди, аммо етиштирилган пахтанинг фақат 5 — 6% Ўзбекистонда қайта ишланди, қолган 94 — 95% эса хом ашё сифатида олиб кетилди.

Шўролар давридаги индустриалаштириш сиёсати Ўзбекистон иқтисодий потенциалини оширишга хизмат қилди, лекин бундан Ўзбекистондан кўра СССР кўпроқ баҳраманд бўлди. 1924 — 1960 й.лар мобайнида Ўзбекистонда саноатнинг миллий даромаддаги ҳиссаси ошиб борди. Бу ўринда 2-жаҳон уруши кезларида (1941—43) кўплаб саноат корхоналарининг Ўзбекистонга кўчирилиши ва уларнинг урушдан сўнг шу ерда қолиб кетиши катта аҳамиятга эга бўлди. 1960 — 1990 й.ларда Ўзбекистон иқтисодиётининг аграр йўналишини кучайди, айни вақтда саноат хом ашёсини и. ч. ҳам кенгайтирди. Саноатнинг миллий даромаддаги ҳиссаси сезиларли равишда ўзгармаган ҳолда пахта етиштириш кескин ошиб борди. 1980 й.лар охирида Ўзбекистонда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 40% бошқа ҳудудлардан ашё, ёқилғи, бутловчи қисмлар келтиришга боғлиқ бўлиб қолди. 1990 й. саноат ва қ. х.нинг асосий фондлардаги ҳиссаси деярли тенг (22,9% ва 22,4%) бўлди, яъни индустриал даражанинг пастлиги амалда сақланиб келди. Шўролар даврида Ўзбекистон ривожланган республикалар қаторига чиқа олмади. Иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича Ўзбекистон демография вазиятини ҳисобга олган ҳолда, собиқ СССР да 9—10-ўринларда, турмуш фаровонлиги жиҳатидан эса 12-ўринда турар эди.

Иқтисодий янгиланиш. Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши унинг иқтисо-

дий тараққиётида янги давр — иқтисодий янгиланиш ва барқарор иқтисодий ўсиш даврini очди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўз миллий бойлигининг эгасига айланди, иқтисодий тараққиётда ўз йўлини танлаб олди, миллий манфаатларга мос и. ч. таркибий тузилмасини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб яратиш имкониятига эга бўлди, ва ниҳоят, халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бош ислохотчи бўлган давлат раҳбарлигида ўтказилган изчил ислохотлар натижасида мамлакатда режали иқтисодиётга барҳам берилди, мутлақо янги иқтисодиёт — бозор иқтисодиётига асос солинди, бозор механизми иқтисодиётни ривожлантирувчи кучга айланди. Давлатлаштирилган ва марказдан туриб режалаштирилган иқтисодиёт ўрнига хилма-хил мулкчиликка ва хўжалик юртишнинг бозор усуллари таянган, унинг қонунарига биноан ривожланувчи, иқтисодий манфаатдорликка асосланган либерал ва демократик иқтисодиёт қарор топди. Иқтисодиётни янгилаш унинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини ўзгартиришдан иборат бўлди. Иқтисодиётни ислох этиш натижасида давлат мулки қатъий чегараланди, нодавлат мулк шакллари ва энг аввало хусусий мулк юзага келди, унинг ривожланиши қўллаб-қувватланди. 2000 й.дан эътиборан иқтисодиётни атрофлича эркинлаштириш йўлига ўтилди ва хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган, давлат ва нодавлат секторларини ўз ичига оладиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш бошланди.

Кўп укладли иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 347,1 мингтага етди. Уларнинг умумий сонидан нодавлат мулки корхоналари улуши 93,0% ни, шу жумладан фермер ва деҳқон хўжаликлари — 49,4% ни, акциядорлик жамиятлари — 0,6% ни, масъулияти чекланган жамиятлар — 8,3% ни, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар 1% ни ташкил қилди (2006 й. 1 янв.). Булардан ташқари 3 млн.дан зиёд томорқа хўжаликлари кўп секторли иқтисодиёт таркибига кир-

ди. Нодавлат секторида хусусий ва жамоа укладлари бирлашди. Хусусий уклад кичик ва ўрта бизнес корхоналари, фермер, деҳқон ва томорқа хўжалигидан, жамоа уклади и. ч. ва истеъмолчилар кооперативларидан иборат бўлди.

Нодавлат секторининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётидаги ҳиссаси узлуksиз ошиб борди. 2005 й.да ЯИМ нинг 75,8%, саноат маҳсулотининг 8,4%, қ.х. маҳсулотининг 99,5%, қурилиш ишларининг 91,0%, транспорт хизматларининг 37,9% нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди (1-жадвалга қ.).

Ўзбекистоннинг шўролар давридан мерос қолган иқтисодиёти аграр-индустриал характерда бўлиб, қ.х.нинг ва унинг маҳсулотларини қайта ишлашнинг и.ч.да катта ўрин тутиши (65%) б-н ажралиб турган. Мустақилликдан сўнг бундай иқтисодиётни қайта қуриш учун уни таркибий янгилаш йўли танланди ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариб, импортга қарамликни жиддий қисқартириш; экспортга мўлжалланган маҳсулотларни кўплаб и. ч.; мамлакатнинг халқаро бозордаги рақобатлашув салоҳиятини ошириш; Ўзбекистондаги хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, истеъмолга тайёр маҳсулотларни кўпайтириш йўналишларида таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада Ўзбекистоннинг индустриал салоҳиятини сақлаб қолиш ва оширишга, унинг мустақилигини кучайтиришга эришилди. Ўзбекистон иқтисодиётининг ихтисослашуви унинг миллий манфаатларига бўйсундирилди.

Ихтисослашувининг асосий йўналишларида қўра, Ўзбекистон иқтисодиёти индустриал, аграр, сервис (хизмат кўрсатиш) секторларига бўлинади. Индустриал ва сервис секторининг иқтисодиётдаги ҳиссаси ошган ҳолда аграр сектор ҳиссасининг камайиб бориш тенденцияси мавжуд. 1998 й. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 29,4% индустриал секторда, 29,4% сервис секторида яратилган бўлса, 2005 й.га келиб индустриал секторда ЯИМ нинг 31,5%, сервис секторида 38,3% яратилди.

Ўзбекистон иқтисодиёти — бу очиқ иқтисодиётдир. Унга бикиқлик, автаркизм ёт бўлиб, кенгайиб бораётган таш-

1 - ж а д в а л

Ўзбекистон иқтисодиётида нодавлат сектори ҳиссаси (%)

Кўрсаткичлар	1994	1996	1998	2000	2002	2005
Корхоналар сони	71,3	84,4	86,2	87,5	89,6	92,4
Иқтисодиётда банд бўлганлар сони	40,3	66,1	72,5	74,6	76,0	77,1
Ялпи ички маҳсулот	53,0	68,9	64,4	68,1	70,2	75,8

қи иқтисодий алоқаларга таянади. Ўзбекистон иқтисодиётида чет эл капитали иштироки бўлган 2412 та корхона ташкил этилган. Унинг 1412 таси саноатда, 64 таси қ.х.да, 101 таси транспорт ва 96 таси қурилишда фаолият кўрсатади (2005). Иқтисодиёт очиқлик даражасининг ортиб бориши унинг умумбашарий глобализация жараёнида ва энг аввало интеграциядаги иштирокни кучайтиради.

Иқтисодий ресурслар. Ўзбекистоннинг иқтисодий ресурслари и. ч.га хизмат қилувчи табиий ресурслар (минерал-хом ашё, ер ва сув ресурслари), аҳоли ва меҳнат ресурсларидан иборат. Ўзбекистон минерал ресурсларга бой мамлакат. Республикада 2,7 мингдан зиёд истиқболли турли фойдали қазилма конлари аниқланган. Улар 100 га яқин минерал-хом ашё турларини ўз ичига олади. Ўзбекистоннинг фақат баҳоланган умумий минерал-хом ашё потенциали 3,3 трлн. АҚШ долларидан ортиқроқни ташкил этади.

Ўзбекистон ноёб олтин конларига эга бўлиб, дунёдаги олтин ресурслари катта мамлакатлар қаторидан ўрин олган (41 та олтин кони бор). Мурунгов кони Евросиё қитъасидаги энг йирик кон ҳисобланади. Ўзбекистон Ўрта Осиёда табиий газнинг 40%, кўмирнинг 55%, пахта толасининг 75% ни беради. Шу ҳудуд гидроэнергетика ресурсларининг 14% Ўзбекистонда жойлашган.

Ўзбекистоннинг ер ресурслари 44,74 млн. га ни ташкил этади, шундан 32 млн. га қишлоқ хўжалиги ерларидир. Кафолатли юқори ҳосил берувчи сўғорма ерлар 4,3 млн. га ни ташкил этади. Мамлакатнинг жами сув ресурслари 81,7 км³ бўлиб, шунинг 71,7 км³ Амударё ва Сирдарё сувидир. Сув ресурслари сўғорма деҳқончиликни, саноатни ва коммунал хўжаликни сув б-н таъминлайди.

Ўзбекистонда энг бой бўлган ресурс – бу меҳнат ресурслари (14434,4 минг киши)нинг 10,2 млн. нафари иқтисодий фаол аҳолини ташкил этди (2004 й.га нисбатан 2,9% га кўпайди). Меҳнат ресурслари йилига 330 минг нафардан ортиқ кўпаймоқда. Меҳнат ресурслари иқтисодиётни иш кучи б-н таъминлашга етиб, ундан ортиб қолган қисми чет элга чиқиб туради.

Табиий ва меҳнат ресурслари кўп бўлган ҳолда капитал ресурсларининг етишмаслиги кузатилади. Мамлакатнинг ишлатилаётган салоҳияти реал салоҳият бўлиб, бу йилига ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг қиймати (ЯИМ қиймати) б-н улланади. Ўзбекистоннинг реал салоҳияти 2002 й. учун 40 млрд. АҚШ долларига тенг (харид қув-

вати паритети асосида ҳисобланган) ЯИМ дан иборат бўлди.

Иқтисодий ўсиш. Шаклланиб бораётган бозор механизми ресурслардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодиётнинг ўсишини таъминлайди. Ўзбекистон иқтисодиётидаги сифат ўзгаришлари уни тангликдан барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқди. Ўтмишдан мустақил Ўзбекистонга мерос қолган иқтисодиёт инқирозга юз тутган эди. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йилларида унинг пасайиши кузатилди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 – 1,00; 1991 – 0,991; 1992 – 0,881; 1993 – 0,860; 1994 – 0,830; 1995 – 0,820 даражасида ўзгарди. Ялпи маҳсулот ҳажми 18% га пасайгани ҳолда, аҳоли 14% ўсди, натижада жон бошига яратилган маҳсулот камайди. Давлат амалга оширган иқтисодиётни барқарорлаштириш чоралари туфайли 1996 й.и ЯИМ пасайиши тўхтаб, унинг ўсиши кузатилди. 2000 – 2003 й.ларда Ўзбекистон иқтисодиёти йилига 4,5% атрофида ўсди. Иқтисодий ўсиш бўйича 2004 й. бурилиш йили бўлди, ЯИМ 7,7% ўсди, 2000 – 2003 й.ларнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан ўсиш сурати 1,8 марта юқори бўлди. 2005 й.дан эътиборан Ўзбекистон иқтисодиёти ривожда янги босқичга ўтибди. Бу босқичнинг муҳим белгилари – бозор механизмларининг амал қилишига таянган ҳолда и. ч.ни замонавий технология базасига ўтказиш, унинг тузилмасини бозор талабларига асосан ва миллий мустақилликни қўзлаган ҳолда мустақамлаш, миллий иқтисодиётда меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ўсиб боришига эришиш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва б. Бу босқичда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги мавқеини мустақамлайди.

Аҳмаджон Улмасов.

САНОАТИ

Саноат Ўзбекистон иқтисодиёти индустриал секторнинг етакчи бўғини, моддий и. ч.нинг асосий соҳаларидан бири. Мустақиллик йилларида саноат ҳам иқтисодий-ижтимоий янгиланиш йўлида ривожланди. Ислоҳотлар натижасида саноат тармоқларида хилма-хил мулкчилик ва хўжалик юретишнинг бозор усуллари қарор топди. 2005 й. 1 янв. ҳолатига кўра Ўзбекистонда ишлаб турган саноат корхоналари сони 20,5 мингтани ташкил этди. Уларнинг 15,7% давлат корхоналари, 84,3% нодавлат мул-

кита қарашли корхоналардир. Давлат корхоналари унитар корхоналар шаклида, нодавлат корхоналар кичик ва ўрта корхоналар, акциядорлар жамияти, турли кооперативлар ва уюшма – ассоциациялар ва қўшма корхоналар шаклида фаолият юритади. Нодавлат саноат секторига булардан ташқари саноат фаолияти б-н шуғулланувчи якка ишлаб чиқарувчилар ҳам киради. 2004 й. бошида нодавлат корхоналарида 545 минг, давлат корхоналарида 101,8 минг ишчи ва хизматчилар банд бўлди.

Саноатнинг базавий тармоқларида газ, нефть, кўмир, бензин, дизель ёқилғиси, пўлат, мис, олтин, автомобиллар, самолётлар, тракторлар, пахта териш машиналари, электродвигателлар, транспортёрлар, аккумуляторлар, кранлар, экскаваторлар, қурилиш моллари, минерал ўғитлар, турли кислоталар, қурилиш материаллари каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Саноатнинг халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқарадиган енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида уст-бош кийимлар, оёқ кийимлари, трикотаж буюмлар, газлама, гилам, идиш-товоқ, уй хўжалиги моллари, гўшт ва сут маҳсулотлари, ўсимлик мойи, ун, гуруч ва бошқа дон маҳсулотлари, қанд-шакар ва қандолатчилик маҳсулотлари ва б. ишлаб чиқарилади.

И.ч.нинг локализациялашуви даражаси, яъни тайёр саноат маҳсулотларини яратиш учун зарур таркибий қисмлар мамлакатнинг ўзида яратилиши жиҳатидан Ўзбекистон саноатини 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

Ўзбекистоннинг тайёр маҳсулотлар олиш учун зарур таркибий қисмлар мамлакатнинг ўзида яратилган ёқилғи-энергетика, кон-металлургия, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарида локализация даражаси энг юқоридир. Маҳсулотлари, асосан, маҳаллий, қисман четдан келтирилган маҳсулотлар, хом ашё иштирокида яратиладиган кимё ва нефть кимёси саноати, қурилиш материаллари саноати кабиларда бу даража ўртача, тайёр маҳсулотлар яратиш учун зарур бутловчи қисмлар ва узелларнинг мутлоқ кўпчилиги четдан келтириладиган машинасозлик корхоналари, чунончи тракторсозлик, автомобилсозлик ва самолётсозлик корхоналарида паст ҳисобланади. Ўтиш даври шароитларида республика саноатини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш макроиқтисодий барқарорлик, институционал ва таркибий қайта ташкил этиш муаммоларини ҳал қилиш б-н биргаликда олиб борилди. Миллий саноатни янгилаш давлатнинг

фаол иштироки б-н тартибга солишнинг турли усул ва механизмларидан фойдаланилган ҳолда босқичма-босқич олиб борилди. Саноат тараққиётида бир неча босқичлар кузатилади:

Биринчи босқич (1991–95) саноатда тушқунликнинг мавжудлиги, саноат маҳсулоти ҳажмининг қисқариши, давлат мулки устуворлигининг сақланиб қолиши, уни хусусийлаштириш даражасининг пастлиги; илгари шакланган саноат таркибий тузилишининг мавжудлиги б-н тавсифланади. Бу босқич (бозор асосларини яратиш, иқтисодийetni изчил ўзгартириш ва саноат корхоналарининг янги шароитларга мослашуви даври) да давлат сиёсати стратегик муҳим хом ашё, ундирувчи ва импорт ўрнини босувчи айрим маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилди.

Иккинчи босқич (1996 – 2000) да саноатнинг барқарор ривожланиши йўлига ўтиши, саноат маҳсулоти ҳажмининг пасайишдан тўхтаб, сўнгра барқарорлашув, ниҳоят йил сайин ўсиб бориши, корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг жадал бориши натижасида саноат и. ч.ида давлат сектори ҳиссасининг камайиши, нодавлат сектори ҳиссасининг ўсиши, саноатда жиддий таркибий ўзгаришларнинг бошланиши юз берди. Саноат и. ч.ининг барқарорлашуви ва янги қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш даври бўлган бу босқичда таркибий ўзгартиришларни амалга оширишда қайта ишлаш корхоналарининг экспорт салоҳиятини оширишга ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар и. ч. вази-фаларини ҳал қилишга мўлжалланган дастурлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилди. Инвестиция оқимлари машинасозлик, энгил, озиқ-овқат ва кимё тармоқларига капитал қўйилмаларни кўпайтириш томон йўналтирилди. Бу босқичда озиқ-овқат ва энгил саноат, машинасозлик саноати корхоналари жадал хусусийлаштирилди. 2000 й. давлат секторининг жами саноат маҳсулотидagi ҳиссаси 34,6% ни, нодавлат секторининг ҳиссаси 65,4% ташкил этди.

Учинчи босқич (2001 – 2005) да йirik саноатни хусусийлаштириш кўлами жиддий кенгайди, кичик ва ўрта корхоналар ривожланишига устуворлик берилди. Давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турли шаклларини кескин қисқартириш, институционал ислохотларнинг


сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар очиб беришга йўналтирилди. Бу босқичда иқтисодийетнинг базавий тармоқларидаги, шу жумладан табиий монополиялар тармоқлари, электроэнергетика, кимё саноатининг йirik корхоналарини хусусийлаштиришга ўтилди. Чет эл инвесторларини хусусийлаштириш жараёнларига жалб этиш жонланди, уларга хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг йirik пакетлари ва айрим корхоналар тўлиқ сотилди. Корхоналар акциясидаги давлат акция пакетларини сотиш орқали саноатдаги хусусий мулкчилик мустаҳкамланди, кичик ва ўрта бизнеснинг давлат йўли б-н қўллаб-қувватланиши натижасида уларнинг саноат маҳсулоти и. ч.даги ҳиссаси ошиб борди. Енгил ва озиқ-овқат саноатида кичик тадбиркорлик жадал ўсди. 2005 й.да рўйхатга олинган жами 308,7 мингта кичик бизнес корхоналарининг 27,0 мингтаси саноат соҳасида фаолият кўрсатди.

Учинчи босқичдан эътиборан саноатнинг ривожланишида бир қатор ижобий тенденциялар кузатилади: саноат и. ч.и ўсишида жадаллашув юз берди; саноатнинг экспорт салоҳияти ортиб борди; саноат ишлаб чиқаришидаги локализация даражаси юксалди; саноатда маҳаллий ресурслардан тобора кўпроқ фойдаланишга утилди.

Саноат молиявий тангликдан чиқиб молиявий соғломлашув йўлига ўтди. Саноатда 2002 й.да 277,8 млрд. сўм, 2003 й.да 354,5 млрд. сўм фойда кўрилди. 2004 й.да 4149,6 млн. АҚШ доллари қийматидаги саноат товарлари экспорт қилинди (1991 й.да 669 млн. АҚШ доллари миқдорида).

Саноатнинг ялпи ички маҳсулотни яратишдаги ҳиссаси ҳозирчалик катта эмас (қ. х.нинг ҳиссасидан камроқ). 2005 й.да ялпи ички маҳсулотда саноат ҳиссаси 20,7% ни ташкил этди (1990 й.да 26,3; 1995 й.да 17,1; 2000 й.да 13,8%, 2004 й.да 17,0%). Ҳоз. даврда олиб борилётган давлат йўлдошли сиёсати ва қабул қилинган давлат дастурлари яқин келажакда Ўзбекистоннинг саноат салоҳиятини жиддий кучайтиришни таъминлашга қаратилган. Унга мавжуд и.ч. қувватларидан тўла фойдаланиш, инвестицияларни кўпайтириш асосида янги қувватларни ишга тушириш, саноат ресурс-

Саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида тармоқлар ҳиссаси (%)



ларини тежамли ишлатиш, энг муҳими — янги технологиялар асосида меҳнат унумдорлигини ошириш орқали эришилади. 2005 – 2010 й.ларда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини 25% га етказиш, саноат маҳсулотининг 55% ни экспорт қилиш, саноат и. ч.ида машинасозлик ва энгил саноат ҳиссасини сезиларли ошириш мўлжалланган.

Саноатнинг миллий иқтисодийетдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш учун уни модернизациялаш, бозор механизмларининг тўлиқ ишлашини таъминлаш жараёни кучайиб бормоқда. Иқтисодийетда саноатлашув даражасининг ошиб бориши барқарор иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини ўстиришга хизмат қилади.

Аҳмаджон Улмасов, Алишер Ваҳобов.

Энергетика

Республика халқ ҳўжалигининг таянч тармоғи, республикада иқтисодийет ва техника тараққиётининг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистоннинг электр энергетикаси мамлакат иқтисодийетининг мустаҳкам и. ч. ва илмий-техник салоҳиятга эга бўлган асосий соҳаси бўлиб, бутун иқтисодийет мажмуи тараққиётга салмоқли таъсир кўрсатади. Республика электр энергетикаси ва кўмир саноатида ҳўжалик бошқаруви органи «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (ДАК)дир.

Ўзбекистон энергетика тизими республика иқтисодийети ва аҳолисининг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини тўла таъминлайди ва бошқа давлатларга электр энергиясини экспорт қилади. Ўзбекистон энергетика тизими умумий ўрнатилган қуввати 12,3 млн. кВт дан

I - ж а д в а л

Энергетиканинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1990	1995	2000	2003	2004
Электр станцияларда ўрнатилган қувватлар, МВт	11170,25	11582,6	11582,7	11557,7	12359,2
«Ўзбекэнерго» ДАК буйича	10851,25	11263,6	11263,7	11238,7	12038,7
Республика буйича электр энергияси ишлаб чиқариш, млн. кВт с	56227,9	47429,4	46839,9	48693,6	49657,3
«Ўзбекэнерго» ДАК буйича, млн. кВт с	55146,0	46423,0	46034,0	47193,9	48241,3
Иссиқлик энергияси тарқатиш («Ўзбекэнерго» ДАК буйича), млн. Гкал	27495,0	25184,5	21824,0	10792,8	10498,8

ортиқ бўлган 38 иссиқлик ва гидравлик электр ст-яларда йилига 55 млрд. кВт соатдан ортиқ электр энергияси и. ч. имкониятига эга. Ўзбекистон энергетика тизимининг барча қўлланишлардаги электр тармоқлари умумий уз. қарийб 23,5 минг км ни ташкил қилади, шу жумладан унинг 6,1 минг км — 220 кВ ли, 1,7 минг кми — 500 кВ лидир. Тармоқ трансформаторларининг умумий қуввати 36,9 МВА га тенг (1-жадвалда энергетиканинг асосий и. ч. кўрсаткичлари берилган).

Ўзбекистонда электр қувватидан, асосан, 20-а. бошларидан фойдаланила бошлади. Уша даврда Тошкентда 2 та электр ст-я қурилган бўлиб, бири (қуввати 1450 кВт, 5 дизель) трамвайни ток б-н таъминлаш, доимий ток берадиган иккинчиси (Павлов электр ст-яси, қуввати 125 кВт) шаҳарни ёритиш учун ишлатилган. 1913 й.да Ўзбекистон ҳудудида умумий қуввати 3 МВт чамасида булган 6 кичик дизель электр ст-ялари булган, йиллик электр энергияси ҳосил қилиш 3,3 млн. кВт соатга етган. Шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларида шаҳарлардаги йирик корхоналарни

Электр узатиш линиялари.

электр энергия б-н таъминлаш мақсадида электр энергетикасини ривожлантириш режаси тузилди. 1923 й. Тошкент ш. яқинидаги Бўзсув каналида ГЭС қурилиши бошланди, унинг 1-навбати (ҳар бири 1 МВт қувватли 2 гидроагрегат) 1926 й. 1 майда ишга туширилди. Айни пайтда бу ГЭСни Тошкент ш.даги трамвай дизель электр ст-яси б-н туташтирган, 6 кВ ўзгарувчан токка мўлжалланган кабель тармоғи қурилди.

20-й.ларда Ўзбекистонда иссиқлик энергетикаси дизель ва майда буг турбинали электр ст-ялари қуриш йўналишида ривожланди. Дизель электр ст-ялар умумий мақсадларда ҳамда иссиқлик энергиясига эҳтиёжи бўлмаган пахта э-длари, насос ст-ялари, каналлар ва б. корхоналар қошида қурилди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон ва б. шаҳарлардаги дизель ст-ялар кенгайтирилди. Бухоро, Самарқандда 5000 от кучи, Нукус, Урганч, Наманганда 1600 от кучи қувватига эга булган йирик дизель электр ст-ялари ишга туширилди. Республикадаги дастлабки буг турбинали электр ст-ялари Фарғона ва Каттақурғон ёғ-мой э-дларида қурилди. Фарғона ёғ-мой э-дининг «Шарқ тонги» иссиқлик электр маркази (ИЭМ) умумий

мақсадлардаги электр ст-яси бўлган биринчи ИЭМ дир.

1931 й. 27 мартда Тошкентда ўтган Ўрта Осиё энергетикаларининг 1-съезида Ўзбекистонни электрлаштириш режаси қабул қилинди. Бу режани амалга ошира бориш натижасида 1941 й.да республикадаги электр ст-яларида ўрнатилган қувватлар 482 млн. кВт га етди. 1934 й. 25 сент.да Ўзбекистон энергетика тизимининг ташкилий асоси — «Ўзбекэнерго» энергетика бошқармаси (кейинчалик ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги) тузилди.

30-й.лар бошида, айниқса Тошкент вилоятида энергетика қурилиши авж олди, Чирчиқ — Бўзсув ГЭС лар каскади барпо этилди. Бу гидроэнергетика трактида гидроэнергетика қурилиши тез суръатлар б-н давом эттирилиб, 1926 й.дан 1940 й.га қадар мазкур трактдаги гидроэлектр ст-яларида 67 минг кВт генератор қувватлари ишга туширилди.

1945 й.да Чирчиқ дарёси ва Бўзсув каналида қурилган умумий қуввати 68 МВт бўлган 6 гидроэлектр ст-я қувват бера бошлади. 1943 й.да халқ ҳашари йўли б-н Сирдарёда Фарҳод ГЭС (қуввати 126 МВт) қурилиши бошланди, унинг биринчи навбати 1948 й. фойдаланишга топширилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида 15 янги электр ст-ялари қурилиб фойдаланишга топширилди, уларнинг аксарияти жуда қисқа муддатларда халқ ҳашари йўли б-н бунёд этилди. Шунингдек, бу даврда Бухоро, Самарқанд, Нукус, Урганч, Термиз ш.ларида янги дизель электр ст-ялари қурилди, эскилари кенгайтирилди, қишлоқ жойларида кўплаб майда гидроэлектр ст-ялари ишга туширилди. Кейинги йилларда Бўзсув, Дарғом, Шаҳрихонсой, Шим. Фарғона каналларида қуввати 20 МВт гача бўлган гидроэлектр ст-ялар қурилди. Шу даврда кўмирда ишлайдиган Қувасой ИЭС, Тошкент ва Фарғона ИЭМлари қурилиши давом эттирилди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон энергетика тизимида қувватларни ошириш гидроэлектр ст-ялар қурилиши ҳисобига амалга оширилди. 1950 й.да Ўзбекистон умумий энергетика балансида ишлаб чиқарилган электр энергиянинг 64,3% ГЭСлар ҳиссасига туғри келди. Республика халқ хўжалигининг энергия таъминоти Чирчиқ ва Сирдарё дарёларининг сувчанлигига бевосита боғлиқ бўлиб қолди.

50-й.ларнинг 2-ярмига келиб Ўзбекистонда табиий газнинг жуда бой захираларининг топилиши электр энергияси и.ч.ни кескин ошириш имкониятини



Электр станцияларда ўрнатилган қувватларнинг таркиби

Йиллар	Жами, МВт	ИЭС		ГЭС*	
		МВт	%	МВт	%
1940	170,5	100,2	58,7	70,3	41,3
1950	528,0	189,0	35,7	339,0	64,3
1960	1417,0	878,0	62,0	539,0	38,0
1970	4739,0	4049,0	85,4	690,0	14,6
1980	8747,6	7420,1	84,2	1327,5	15,8
1990	1170,25	9481,0	84,9	1689,25	15,1
1995	11582,6	9873,0	85,2	1709,75	14,8
2000	11582,7	9873,0	85,24	1709,7	14,76
2002	11557,7	9848,0	85,21	1709,7	14,79
2004	12359,2	10648,0	86,15	1711,2	13,85

*Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги блок ст-ялари қувватлари б-н биргаликда

яратди. 60–70-й.ларда табиий газ негизда ишлайдиган Тошкент, Навоий, Тахياتош, Сирдарё ИЭС лари, Ангрен кумир кони базасида ишлайдиган Ангрен ИЭСнинг ишга туширилиши натижасида энергетика қувватлари умумий балансида иссиқлик электр ст-ялари (ИЭС) нинг ҳиссаси 80%га етди. Электр ст-ялари қурилиши б-н бир вақтда электр тармоқлари, электр узатиш линиялари (ЭУЛ) ва шаҳарлар яқинида кичик ст-ялар барпо этиш давом эттирилди.

1960 й. 110 ва 220 кВли электр узатиш линиялари б-н Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ҳамда Қозоғистоннинг жан.даги 5 вилоятини бирлаштирган Ўрта Осиё Бирлашган энергетика тизими ташкил этилди. Тошкентда Бирлашган энергетика тизимлари иш режимида оператив бошқариш учун Бирлашган диспетчерлик бошқаруви тузилди (1991 й.дан «Энергия» бирлашган диспетчерлик маркази). Энергетика тизимларини бирлаштириш халқ ҳўжалигида электр таъминоти сифати ва пухталигини тубдан яхшилади, гидроресурслар ва ёқилгидан оқилон фойдаланиш имкониятларини яратди, ўрнатилган қувватлар резерваларини камайтирди. 1980 й.дан Бирлашган энергетика тизими таркибида 9 та – Ўзбекистон, Душанба, Вахш, Шим. Тожикистон, Фрунзе (ҳоз. Бишкек), Жан. Қирғизистон, Олмаота, Жан. Қозоғистон, Шарқий Туркменистон, Небитдого энергетика тизимлари ишлади; уларнинг ўрнатилган қуввати 19 млн. кВт ни ташкил этди. Ҳозир Ўрта Осиё Бирлашган энергетика тизимининг умумий ўрнатилган қуввати 25 млн. кВт ни ташкил

Ўрта Осиё Бирлашган «Энергия» диспетчерлик марказининг марказий бошқарув пулти.

этади. Бу даврда Ўзбекистонда жамoa ҳўжаликлари, давлат ҳўжаликлари, туман марказлари энергия тизими тармоқларига бирлаштирилди. 1965 й.га келиб барча шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг электр таъминотини марказлаштиришга имкон берадиган Ўзбекистон ягона энергия тизими яратилди.

1970 й.га келиб республикани ялпи электрлаштириш ниҳоясига етди ва Ўзбекистон ялпи электрлашган ўлкага айланди. Республикада 70 дан ортиқ янги шаҳарлар – Чирчиқ, Бекобод, Олмалик, Ангрен, Муборак, Навоий ва б. йирик саноат марказлари пайдо бўлди. Йирик шаҳарларда электр транспорти – трамвай, троллейбуслар, Тошкент ш.да метрополитен ишга туширилди.

2001 й. 22 февралда ЎзР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги негизда «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон энергетика тизими 14 минг саноат, 21,6 минг қ. х., 13,3 минг коммунал ва 4,2 млн. маиший истеъмолчиларни энергия б-н таъминлайди. 0,4–

6–10 кВ қучланишли электр узатиш йўлларининг ялли уз. 199,8 минг км дан ортиқ (2006).

Мамлакат энергетикаси келажакда гидроэнергетика ва иссиқлик энергетикаси йўналишида ривожланади.

Гидроэнергетика. Ўзбекистон энергетика тизимида жами 28 ГЭС ларда ўрнатилган қувватлар 1420 МВт ни ташкил этади. 2004 й. уларда 5703,6 млн. кВт с электр энергияси ишлаб чиқарилди. Ўзбекистон гидроэнергетикасида дарёлар оқимлари ва сув иншоотларининг энергетика салоҳиятидан оқилон фойдаланиш муҳим ўринда туради. 20-а.нинг 90-й.ларида республика сув ресурсларининг энергетика салоҳиятидан жадал фойдаланиш концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу концепция асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди (1995) ва «Ўзбекистон Республикасида кичик гидроэнергетикани ривожлантириш дастури» тасдиқланди. Ушбу дастурга мувофиқ республикадаги мавжуд сув омборлари, магистрал каналлари ва дарёларида умумий қуввати 1180 МВтдан иборат бўлган, йилига ўртача 4,6 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган 141 та, жумладан 2010 й.га қадар умумий қуввати 423 МВт бўлган, йилига ўртача 1,3 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган 15 та ГЭС лар қурилиши режалаштирилди.

Дастурни амалга ошириш мақсадида собиқ Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузурида «Ўзсувэнерго» ихтисослашган бирлашмаси ташкил этилди (1996). Шу дастурга мувофиқ 2004 й.да Самарқанд вилоятининг Айланма Даргом каналида қуввати 3 МВт, йилига ўртача 8–10 млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарадиган Ургут гидроэлектростанцияси ишга туширилди ва бирлашма таркибида «Ургут ГЭС» шубба



3 - ж а д в а л

Республикадаги энг йирик гидроэлектр станциялари

Номи	ўрнатилган қувватлар, МВт	турбиналар сони	қурилган йиллар	сув манбаи
Чорвоқ ГЭС	620,5	4	1970—1972	Чирчиқ
Хужакент ГЭС	165	3	1976	Чирчиқ
Фазалкент ГЭС	120	3	1980—1981	Чирчиқ
Фарҳод ГЭС	126	4	1948—1949	Сирдарё

4 - ж а д в а л

Республикадаги энг йирик иссиқлик электр станциялари

Номи	ўрнатилган қувватлар, МВт	турбоагрегатлар сони	қурилган йиллар	Жойлашган шаҳар	Изоҳлар
Сирдарё ИЭС	3000	10	1972—1981	Ширин	лойиҳа қуввати 2400 МВт
Янги Ангрен ИЭС	1800	6	1985—қурилиш давом этмоқда	Нуробод	
Тошкент ИЭС	1860	12	1963—1971	Тошкент	лойиҳа қуввати 3200 МВт
Навой ИЭС	1250	11	1963—1981	Навой	
Ангрен ИЭС	484	8	1957—1963	Ангрен	
Тахياتош ИЭС	730	5	1961—1990	Тахياتош	
Таллимаржон ИЭС	800	1	1988—2004	Нуристон	

5 - ж а д в а л

Йирик иссиқлик электр марказлари

Номи	ўрнатилган қувватлар, МВт	қурилган йиллар	Жойлашган шаҳар	Изоҳлар
Фарғона ИЭМ	330	1956—1979	Қирғули	лойиҳа қуввати 140 МВт
Муборак ИЭМ	60	1985—1988	Муборак	
Тошкент ИЭМ	30	1939—1954	Тошкент	

корхонаси ташкил этилди. Шунингдек, бирлашма вазирлик тасарруфиди 1983 й.да ишга туширилган Андижон ва Туюқин ГЭС ларига раҳбарлик қилади.

Ўзбекистонда 6 та гидроэлектростанциянинг қурилиши давом эттирилмоқда. Булар қуйидагилардир: Сурхондарё вилоятидаги Тўполон сув омборида ҳар бири 15 МВт қувватли 2 та агрегатдан иборат ГЭС; Андижон вилоятидаги Ан-

дижон сув омборида ҳар бири 25 МВт қувватли 2 та агрегатдан иборат ГЭС; Тошкент вилоятидаги Оҳангарон сув омборида ҳар бири 10,5 МВт қувватли 2 та агрегатдан иборат ГЭС; Қашқадарё вилоятидаги Ҳисорак сув омборида ҳар бири 22,5 МВт қувватли 2 та агрегатдан иборат ГЭС; Фарғона вилоятидаги Кўксув дарёсида 2,2 МВт қувватли Шохимардон ГЭС; Самарқанд вилоятидаги Дарғом каналида 5 МВт қувватли «Гулба» ГЭС. Яна 6 та гидроэлектростанция қурилиши учун техникавий-иқтисодий асослаш ишлари бажарилди. Бирлашма таркибига кирган корхоналарда 2005 й.да 1235 млн. кВт соат электр энергия ишлаб чиқарилди (3- жалвалга қ.).



Тошкент иссиқлик электр станцияси.

Иссиқлик энергетикаси. 60-й.ларда республикада электр энергияси ҳосил қилишни қупайтириш, асосан, газда ишлайдиган йирик ИЭС ни ишга тушириш йўналишида олиб борилди. Йирик ИЭСлар қурилиши натижасида Ўзбекистон энергетика тизимининг ўрнатилган қувватлари 2005 й.да 12,0 минг МВт га етди (4-, 5-жадвалларга қ.).

Ўзбекистон энергетика тизимидаги лойиҳа, қурилиш-монтаж, сошлаш, таъмирлаш ва ишлатиш ташкилотларининг тўла мажмуи энергетика тизимининг ишончли ишлашини ва истиқбол тараққиётини таъминлайди.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги «Ўзбекгидроэнергоқурилиш», «Электртармоққурилиш», «Махсусэлектртармоққурилиш», «Гидромахсусқурилиш», «Ўзқишлоқ-электрқурилиш», «Электрқишлоққурилиш» акциядорлик жамиятлари ва 4-монтаж бошқармаси электрлаштириш ва энергетика объектларини қуриш ишларини, «Гидролойиҳа» акциядорлик жамияти гидроэнергетика ва сув ҳўжалиги ресурсларини комплекс ўлаштириш лойиҳаларини, «Иссиқлик-электр-лойиҳа» акциядорлик жамияти иссиқлик электр ст-ялари, ИЭМ, қозонхона ва ёрдамчи иншоотлар лойиҳаларини бажаради, шунингдек, «Ўзбекэнерготаямир», «Ўзбекэнерготаяминот», «Савдо-энерго», «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятлари, «Энергосозлаш» унитар корхонаси ва б. фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон энергетика тизими учун муҳандис-техник ходимлар Тошкент давлат техника ун-ти, Тошкент иригация ва мелиорация ин-ти, Тошкент аҳборот технологиялари ун-ти, Фарғона, Жиззах политехника, Самарқанд архитектура-қурилиш ин-тларида, Андижон электромеханика, Нукус, Ширин энергетика, Бекобод, Муборак, Наманган, Самарқанд, Чирчиқ, Фарғона индустрия, Қарши политехника, Оҳангарон қурилиш материаллари, Косонсой қурилиш коллежларида, Нукус политехника коллежида тайёрланади. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Япония халқаро ҳамкорлик банки б-н биргаликда «Тошкент ИЭС ни замонавийлаштириш» (195,27 млн. АҚШ доллари миқдориди имтиёзли кредит), Осиё тараққиёт банки б-н биргаликда «Электр энергиясини узатувчи магистрал тармоқларни замонавийлаштириш» (70,0 млн. АҚШ доллари), Ислон тараққиёт банки б-н биргаликда «Сирдарё ИЭС — Сўғдиёна насос ст-яси 500 кВ электр узатиш линияси қурилиши» (25,1 млн.

АҚШ доллари) лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Ад.: Хамидов А., История энергетики и энергетических предприятий Узбекистана, Т., 1991; Ветераны энергетики Узбекистана, Т., 1988.

Эргаш Шоисматов.

Ёқилғи саноати

Бу саноат ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган кўмир, нефть, табиий газ конлари негизда шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Республикада 194 (захира саноат даражасида ҳисобланган) нефть-газ кони очилган, уларнинг 126 таси Бухоро–Хива, 14 таси Ҳисор, 27 таси Фарғона водийси, 12 таси Сурхондарё, 15 таси Устюрт нефть-газли минтақаларда жойлашган. Конларнинг газ, газ-конденсатли, газ-нефть, нефть, газ-нефть конденсатли ва нефть-газ конденсатли турлари мавжуд. 92 нефть, газ ва газконденсат, 3 та кўмир конларидан фойдаланилмоқда. 59 нефть, газ ва газконденсат кони эса яқин келажакда ишга тушириш учун тайёрлаб қўйилган.

Ёқилғи саноати мамлакат ёқилғи-энергетика мажмуининг асосий тармоғини ташкил этади ва барча турдаги ёқилғини қазиб олиш, табиий газни тозалаш ва етказиб бериш, нефтни қайта ишлаш мақсулотлари и. ч. ва сотиш корхоналарини ўз ичига олади. Улар миллий иқтисодиётнинг барча бўғинларига хизмат кўрсатади. Унинг йирик корхоналари Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган. Республика саноат мақсулотининг умумий ҳажмида ёқилғи-энергетика комплекси мақсулотлари ҳажми 16,3% ни ташкил этади (2005; 1995 й.да 18,3%). Республика саноатида банд бўлган ишчи-хизматчилар (саноат и.ч. ходимлари)нинг 6% нефть ва газ саноати тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Республика 90-й.лар бошида ёқилғи балансида қазиб олинган ёқилғи (шартли ёқилғи – 7000 ккал. ҳисобда) умумий ҳажмида нефтнинг ҳиссаси 8,3% ни, газнинг ҳиссаси 87,3% ни, кўмирнинг ҳиссаси 4,4% (2000 й.да 1,5%) ни ташкил этган. 2005 й.да республика ёқилғи саноатида 5,4 млн. т нефть ва газ конденсати, 59,7 млрд. м³ табиий газ, 211,6 минг т суюлтирилган газ, 1393,9 минг т бензин, 1436,3 минг т дизель ёнилғи, 978 минг т мазут, 353,1 минг т керосин, 229,5 минг т мой ва б. мақсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ноёб Кўкдумалоқ нефть газ-конденсат конининг очилиши ва ишга туши-

рилиши б-н нефть саноатининг ёқилғи саноати комплексидаги мавқеи ортиб бормоқда.

Нефть саноати. Ўзбекистонда дастлабки нефть кони 1885 й.да очилган (Фарғона водийсидаги Чимён нефть конида 278 м чуқурликдан суткасига 130 т нефть олинган). 1906 й. Ванновск (ҳоз. Ҳамза) темир йўл ст-ясида Олтиариқ нефтни қайта ишлаш э-ди ишга туширилди. Ўзбекистон нефть саноатининг пайдо бўлиши шу санадан бошланади. Кейинроқ Фарғона ботиғида Ёрқўтон, Селрохо конлари ҳам очилди, Чимён-Ванновск нефть қувури қурилди, нефтни қайта ишлаш э-ди кенгайтирилди. Шу даврда Россия ва чет эл капитали нефть қазиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть мақсулотларини сотишни тула ўз назоратига олди. «Санто» – Ўрта Осиё нефть савдоси ширкати ташкил этилди. 1913 й.да жами 13 минг т нефть қазиб олинди.

Окт. тўнтаришидан кейин нефть конлари ва нефтни қайта ишлаш корхоналари миллийлаштирилиб, нефть конларини излаш, ишга тушириш ҳам шўролар ҳокимияти ихтиёрига ўтказилди. Ўзбекистонга бошқа республикалардан, айниқса, Россиядан кўплаб мутахассислар кела бошлади. Кўқон ш.да «Ўзбекнефть» (1924), Термиз ш.да «Термизнефть» (1936) трестлари ташкил қилинди. Кўқон нефть техникуми (1935) очилди. Урушгача булган даврда Сурхондарё вилоятида ҳам нефть конлари очилди ва ишга туширилди (1935: Учқизил, Хавдаг). 1940 й.да республикада нефть олинадиган конлар сони 11 тага етди.

1941–45 й.ларда янги нефть конлари (Фарғона водийсида Жан. Оламушук, Полвонтош, Андижон) очилди ва тез фурсатда ишга туширилди. Олтиариқ э-ди кенгайтирилди. Ўша даврда республикада нефть саноатининг инфратузилмаси ҳам вужудга келди. 1941 й.да 196 минг т, 1945 й.да 478 минг т нефть қазиб олинди, 50-й.лардан нефть конларида телемеханизация воситалари қўлланилди, турбинали бурғилаш жорий қилина бошланди. 1959 й.да Сурхондарё минтақаларидаги 9 нефть конининг ўзидан 1460 минг т дан зиёд нефть олинди. Ўша даврда Бухоро–Хива минтақасида топилган нефть конлари ишга туширилди, уларнинг негизда нефть ва газ қазиб

олиш бошқармаси ташкил этилди. 70-й.лар бошидан айрим нефть конларидаги захираларнинг тугаши натижасида нефть қазиб олиш камайди.

Янги нефть конларини топиш учун Фарғона минтақасида чуқур қудуқлар қазилди. Воруҳда 5200 м, Гумхонада 5670 м, Чуст-Попда 5805 м, Мингбулоқда 6006 м ўта чуқур нефть қудуқлари бурғиланди.

1985 й.да Бухоро–Хива минтақасида яхши таркибли ноёб нефть-газ конденсатли Кўкдумалоқ кони очилди. 1992 й.да Фарғона минтақасининг ўта чуқур қатламларидан (Мингбулоқ тузилмаси) нефть отилиб чиқди (қидирув ишлари давом этмоқда).

Республика нефть саноати миллий иқтисодиётнинг нефтга бўлган талабини тўлиқ қондириш имкониятларига эга. Айниқса, Кўкдумалоқ кони жадал сурьатлар б-н ишга туширилди. Бу ерда 1997 й. 500 атм. гача босимда газни ер ости қатламларига ҳайдаш («Сайклинг-процесс») компрессор ст-яси ишга туширилди. Янги технологиядан фойдаланиш газ конденсатини олиш коэффициентини ошириш имконини берди. Лойиҳа технологияси АҚШнинг «Келлог» ва Япониянинг «Нишо-Иваи» консорциуми б-н ҳамкорликда амалга оширилди. 1995 й.дан Ўзбекистонга нефть импорт қилиш тўхтатилди ва республика нефть мустақиллигига эришди. Кейинги йилларда кўрилган эскирин талбирлар натижасида нефть (газ конденсати б-н бирга) қазиб олиш ҳажми юқори сурьатларда ўсди (1-жадвалга қ.).

Нефтни қайта ишлаш саноати соҳасида Олтиариқ (1906), Фарғона (1958) ва Бухоро (1997) нефтни қайта ишлаш э-длари қурилди. Ўрта Осиёда биринчи қурилган Олтиариқ э-ди (ҳоз. Фарғона нефтни қайта ишлаш э-ди филиали)да керосин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган газ (пропан-бутан), дифенил смоласи ва бутан-бутилен фракцияси ишлаб чиқарилади. Фарғона нефтни қайта ишлаш э-дида нефть бирламчи қайта ишланади ва каталитик ўзгартирилади, сурков мойлари селектив ва гидравлик тозаланади, қорамой, парафин ва б. ишлаб чиқарилади. 1996 й. э-днинг таъмирлаш ишлари бошланди ва дизель ёқил-

1 - ж а д в а л

Нефть, газ қазиб олиш ва олтингугурт ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши

	1990	1992	1994	1995	2000	2004	2005
Нефть (газ конденсати б-н бирга), минг т	2810	3293	5500	7600	7534	6603	5400
Табиий газ, млн. м ³	40761	42803	47181	48667	56400	60500	59700
Олтингугурт, минг т	521,8	465,6	332,5	321,0	287,1	173,1	740,5

ғисини гидросульфурлаш, газни аминли тозалаш, элементар олтингурут олиш ускуналари ишга туширилди (2005). Бу лойиҳани амалга оширишда Япониянинг «Мицуи» ва «Тойо Инжиниринг» компаниялари иштирок этди. Фарғона нефтни қайта ишлаш 3-дини хом ашё б-н таъминлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар б-н истеъмолчиларни узлуксиз таъминлаш учун «Ангрен-Поп» оралик терминаллари қурилди. Жаҳон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар и. ч. учун 3-да иккиламчи қайта ишлаш жараёнлари – каталитик крекинг, алкиллаш қурилмалари қуриш ва ишлаб чиқарилаётган мойларнинг сифатини ошириш ва турларини кўпайтириш устида ишланмоқда. Ҳозир 3-да нефть маҳсулотларининг 50 дан ортиқ хиллари жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқарилади.

Бухоро нефтни қайта ишлаш 3-ди Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги нефть конлари (асосан, Кўкдумалоқ нефть-газ конденсати кони) асосида ишлайди. Турли нефть маҳсулотлари, юқори октанли бензин, дизель ёқилғиси, авиакеросин, қорамой, суюлтирилган нефть газлари (бутан, техник пропан, пропан-бутан) ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бу корхона қурилиши лойиҳасининг технологик қисмининг амалга ошириш учун Франциянинг «ТЕКНИП» фирмаси, Япониянинг «Марубени» ва «Джей-Джи-Си» компаниялари иштирокида консорциум ташкил этилди. Қурилиш-монтаж ишларини Туркиянинг «Гама» компанияси ва Ўзбекистоннинг қурувчилари бажарган. Республикадаги нефтни қайта ишлаш 3-ларининг умумий йиллик қуввати 11,2

Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи қурилмалари.

млн. т нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш имкониятига эга.

Газ саноати – ёқилғи-энергетика мажмуасининг энг ривожланган тармоғи. Унинг республикада қазиб олинаётган ёқилғи балансидаги ҳиссаси – 87,2% ни ташкил этади. Нефть б-н йулдош тарзда учрайдиган табиий газни қазиб олиш 40-йлардан олдин бошланган (1940 й. да 0,7 млн. м³). Нефть газидан саноат мақсадларида фойдаланиш учун 15 км узунликдаги биринчи газопровод «Андижонсаноат» – Андижон ш. ўртасида қурилган (1944). Газни алоҳида саноат усулида чиқариб олиш 50–60-йларда бошланди. Табиий газ қазиб олиш саноати корхоналари Бухоро, Қашқадарё, Фарғона, Сурхондарё ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган.

1955 й. да Жарқоқ, 1953 й. да Газли конларининг очилиши натижасида газ саноатининг моддий базаси яратилди. 1958–60 й. ларда «Жарқоқ–Бухоро–Самарқанд–Тошкент» магистрал газопроводи қурилиши б-н республика саноат марказлари, шаҳар ва айрим қишлоқларни газлаштириш бошланди. 1962 й. да катта захирага эга бўлган Газли кони ишга туширилди. Зудлик б-н магистрал газопроводлар қурилиб Ўзбекистонга собиқ СССРнинг Европа қисми, Урал, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Болтиқбўйи мамлакатлари ва б. минтақаларга узлуксиз жўнатиб турилди. Ниҳоятда қисқа муддатларда «Бухоро–Урал» (1, 2, 3 навбатлари), «Ўрта Осиё – Марказ», «Бухоро–Тошкент–Фрунзе (Бишкек)–Олмаота» газопроводлари қуриб фойдаланишга топширилди. «Ўрта Осиё–Марказ» газопроводига Туркменистон ва Қозоғистон ҳам газ етказиб бериб турди.

1970 й. га келиб республикада жами 32,0 млрд. м³ табиий газ қазиб олишга

эришилди (1960 й. да 447,0 млн. м³). Уша йиллари Бухоро–Хива провинцияси таркибиде олтингурутсиз яна бир қанча газ конлари очилди. 1971 й. Устюртда Шахпахти газ кони ишга туширилди. 1970 й. дан республикадаги деярли ҳамма йирик иссиқлик электр ст-ялари (Андижон, Фарғона, Ангрен ИЭС дан ташқари) газ ёқилғисига ўтказилди.

Ўзбекистонда табиий газ мураккаб геологик қатламларда (3500 м ва ундан чуқурда, босими 600 атмосферагача) жойлашган. Таркибиде водород сульфид (6% га қадар), карбонат кислотата каби агрессив аралашмалар бўлган газ конларини ишга туширишда бир қанча илмий-техникавий муаммоларни ҳал этишга тўғри келди.

1971 й. да ишга туширилган Муборак газни қайта ишлаш 3-ди (ГҚЗ) конлардан олинаётган газни олтингурутли бирикмалардан тозалаш учун қурилган. Газни олтингурут бирикмаларидан тозалашда абсорбцион усулидан фойдаланилади. Олтингурут бирикмаларини ютадиган аминли эритма десорбцион минора – десорберда температураси 150–160° булган пар б-н қиздирилиб, таркибидеги нордон газлар – водород сульфиди (H₂S) ва карбонат ангидриди (C₂O) ажратиб олинади. Ажратиб олинган нордон газлар олтингурут ажратиб олиндиған қурилмага қувурлар орқали юборилиб, улардан Клаус жараёни буйича олтингурут олинади. Ҳоз. Муборак газни қайта ишлаш 3-дида газни олтингурут бирикмалари ва қисман карбонат ангидридидан тозалайдиган 18 та қурилма мавжуд. Уларнинг умумий қуввати йилига 29,5 млрд. м³. Бундан ташқари, олтингурутни ажратиб оладиган 6 та, 2 та «Сульфрен», 1 та оксидлаб олтингурут оладиган ва 1 та концентрлаш қурилмаси ҳам мавжуд. Уларнинг умумий қуввати йилига 697 минг т. Умумий қуввати 1 йилда 740 минг т гача газ конденсатини барқарорлаштирадиган 3 та технологик тизимли қурилма ҳам бор.

Ҳозир 3-д ҳар йили 26,0–26,5 млрд. м³ табиий газни тозалаб республика корхоналари ва аҳоли эҳтиёжларини тозаланган табиий газ б-н таъминлайди.

Шўртан газни қайта ишлаш 3-ди қурилди (1980 й.), жаҳонда биринчи бўлиб молекуляр элак (ғалвирлар) қўлланди. Олтингурути кам бўлган табиий газни энергетика эҳтиёжлари учун узатиш мақсадида «Шўртан–Сирдарё–Тошкент» газопроводи ишга туширилди. «Газли–Чимкент», «Газли–Нукус», «Пахтакор–Янгиер–Тошкент», «Муборак–Фаллаорол–Янгиер», «Шўртан–



Шеробод» газопроводлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

2001 й.да Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик Шўртан газ-кимё мажмуаси ишга туширилди ва қурилиш технологияси АҚШнинг «АББ Луммус Глобал», Италиянинг «АББ Соими», Япониянинг «Нишо Иваи», «Мицуи», «Тойо Инжиниринг» консорциумлари б-н ҳамкорликда олиб борилди. Полиэтилен, суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқарилмоқда. Фарғона, Бухоро нефтни, Муборак газни қайта ишлаш э-дларида, Шўртан газни қайта ишлаш э-ди ва Шуртан газ-кимё мажмуасида 2003 й.да 190,0; 2004 й.да 228,5; 2005 й.да 2111,6 минг т суюлтирилган газ ишлаб чиқарилди.

2005 й.да республика нефть ва газ саноатида 59,7 млрд. м³ табиий газ, 5,4 млн. т нефть ва газ конденсати олишга эришилди (1995 й.да 48,7 млрд. м³ табиий газ, 7,6 млн. т нефть ва газ конденсати, 321 минг т олтингугурт ишлаб чиқарилган). Республикадаги газ узатиш бўлиналари 7 магистрал газ қувури тармоғи («Бухоро-Газли р-ни – Тошкент», 522 км; «Муборак – Навоий», 112 км; «Шўртан – ТошИЭС», 602 км; «Келиф – Душанба», 408 км; «Бухоро – Урал», 489 км; «Ўрта Осиё – Марказ», 369 км), умумий қуввати 1576,6 кВт бўлган 27 компрессор ст-яси, 250 газ тақсимлаш

ст-яси, 3 ер ости газ сақлаш омборига эга. Диаметри 700–1220 мм ли магистрал газ қувурларининг умумий узунлиги 13,0 минг км (2004 й.). Республика бўйича аҳолига табиий газни етказиб берувчи 115,9 минг км газ тармоқлари мавжуд, шундан 24,1 минг км ер ости газ қувурлари.

Республикада газ саноатининг ривожланиши қ.х. ва б. саноат тармоқларининг ўсишини таъминлади. Шаҳар, шаҳарча ва, айниқса, республика ҳукуматининг 1990 й. 9 июлдаги қарори асосида қишлоқларни газлаштириш авж олди. Республикада табиий газ б-н 3,9 млн. хонадон (жами хонадонларнинг 83,2%), шу жумладан шаҳар ва шаҳарчаларда 1,9 млн., қишлоқ жойларида 2,069 млн. дан ортиқ хонадон таъминланган (жами хонадонларнинг 74,5%, 2005 й.). Республика шаҳар уй-жой фонди 98% газлаштирилган. 2005 й.да газ корхоналари олган жами 22,5 млрд. м³ табиий газдан 20,5 млрд. м³ истеъмолчиларга етказиб берилди (1990 й.да қишлоқ аҳоли пунктларини газлаштириш 17,6%; 1995 й.да 43,3% ни ташкил этган).

Тармоқни бошқариш. Республика ёқилги саноати, хусусан, нефть, нефтни қайта ишлаш, газ саноати илгари собиқ СССРнинг тегишли вазирликларига бевосита бўйсунар эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатнинг нефть

ва газ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз ресурслари ҳисобига қондириш долзарб масала бўлиб қолди. Тарқоқ ҳолда иш олиб борган и.ч. тармоқлари бирлаштирилиб, ягона ташкилот – Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни ташкил этилди (1992). Кейинроқ концерн негизида Ўзбекистон нефть ва газ саноати миллий корпорацияси – «Ўзбекнефтгаз» тузилди (1994). 1998 й.нинг декабр ойида эса «Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати миллий корпорацияси «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига айлантирилди. Унинг таркибида акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатиб келмоқда:

«Ўзгеобурнефтьгаз» акциядорлик компанияси «Ўзбекнефть» ва «Ўзбекгазсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмалари негизида ташкил этилган (1994 й.). Компания нефть ва газ захираларини излаш ва қидириш, қудуқларни бургилаш, конларни ишлатиш, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, табиий газни қайта ишлаш вазифаларини бажаради. Компания таркибида «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамияти (нефть-газли минтақаларда 5 та геофизик экспедициялари б-н); Марказий муҳандислик-технологик хизмати (жойларда 5 та нефть ва газ қидириш унитар шўба корхона





Муборак газни қайта ишлаш заводи.

экспедициялари, 6 та қудуқларни пармалаш, синаш ва тампоаж ишлари б-н шуғулланувчи акциядорлик жамиятлари б-н); «Андижоннефть», «Жарқўргоннефть» акциядорлик жамиятлари, «Муборакнефтьгаз», «Шўртаннефтьгаз», «Устюртгаз», Муборак газни қайта ишлаш 3-ди унитар шўба корхоналари; «Нефтьгазмезёр», «Махсусэнергогаз», «Маълумот-ҳисоблаш шохобча маркази» акциядорлик жамиятлари; тармоқлараро ўқув-курс комбинати, қўшма корхоналар — жами 56 та корхона ва ташкилотлар юқорида кўрсатилган компания йўналишларида фаолият кўрсатади.

«Ўзгаззатиш» акциядорлик компанияси «Ўзбектрансгаз» магистрал газ қувурлари бошқармаси ўрнида ташкил этилган (1993). Компания табиий газни узатувчи, улгуржи истеъмолчиларга маҳсулотни етказиб берувчи корхоналар фаолиятини назорат қилади ва магистрал тармоқлар орқали газ бериш, йирик саноят ва коммунал-маиший истеъмолчиларга табиий газ узатиш, экспорт қилиш, магистрал газ қувурлари-

ни қуриш ва капитал таъмирлаш вазифаларини бажаради. Компания таркибида «Урганчтрансгаз», «Ўзгазсотиш» шўба корхоналари, «Газлитрансгазқазибчиқариш» бошқармаси, «Ҳилол», «Ҳидоят», «Электрогаз», «Газэнергосервис», «Автогаз», «Трансгазмахсусқурилиш» акциядорлик жамиятлари, вилоятларда магистрал газ қувурлари тармоқ и. ч. бошқармалари, газни ер остида сақлаш иншоотлари бор.

«Ўзнефтьмахсулот» акциядорлик компанияси (1992) Республика нефтни ва газ конденсатини қайта ишловчи Фарғона ва Бухоро 3-длари мулкани назорат қилади ҳамда республика миллий иқтисодиёти тармоқларига ва аҳолига нефть маҳсулотлари етказиб берали, нефть базалари ва автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари тармоғига эгалик қилади, Ўзбекистоннинг ички бозорига нефть маҳсулотларини сотувчи корхоналар фаолиятига раҳбарлик қилади. Вилоятларда унинг 25 та нефть маҳсулотлари базалари бор. Компания тизимида 3 та қўшма корхона, «Тасис» ўқув маркази фаолият кўрсатади.

«Ўзнефтьгаз-маш» (Чирчиқ ш.) акциядорлик компанияси (1996) нефть-газ ва газ-химё комплекслари учун ҳамда республика иқтисодиётининг

бир-бирига боғлиқ бўлган соҳалари эҳтиёжи учун машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Унинг таркибида «Ўзбекхиммаш заводи», «Нефтьгазконструкция», «Кўқон механика заводи», «Андижон тажриба — синов заводи», Бухоро ва Чимёндаги таъмирлаш-механика 3-длари — акциядорлик жамиятлари, 2 та қўшма корхона фаолият кўрсатади.

Шўртангаз-кимёмажмуаси (2001) полиэтилен, сулфитрилган газ, енгил конденсат, олтингурут ва товар газ ишлаб чиқаради.

«Ўзбекнефтьгаз» таркибига, шунингдек, 6 та қурилиш трести — очик акциядорлик жамиятлари ҳам кирали: «Нефтьгазқурилишкомплект», «Муборакнефтьгазмонтаж», «Бухорогазсаноятқурилиш», «Қашқадарёнефтьгаз-саноятқурилиш», «Жанубгазқурилиш», «Ўзташқиннефтьгаз» ва «ЎзЛИТИнефть-газ» (Ўзбекистон нефть-газ санояти и. т. ва лойиҳалаш ин-ти) акциядорлик жамиятлари, «Ўзнефтьгазалоқа» бошқармаси, Ўзбекистон фавворага қарши ва газ хавфсизлиги ҳарбийлаштирилган қисми, 2 та касб-хунар коллежи (Бухоро ва Фарғона ш.) ҳамда қимматбаҳо қоғозлар унитар депозит компанияси «Neftgazdepozit» ҳам бор. «Ўзбекистон нефть ва газ журнали» нашр этилади.

Ўзбекистон нефть-газ иқтисодиёти секторида 10 та қўшма корхона тузилган ва улар муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган газ ва нефть ҳамда нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади.

Тармоқ учун олий маълумотли мутахассислар Ўзбекистондаги 14 олий ўқув юртида, шу жумладан уларнинг асосий қисми Тошкент техника ун-тида, шартнома бўйича И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ ун-тида (2004 й.да 12 талаба), ўрта бўғин мутахассислари Бухоро ва Фарғона касб-хунар кол-



«Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компания биноси.

лежларида ҳамда тармоқдаги ўқув комбинатларида (2004 й.да 9,0 минг киши) тайёрланади.

«Ўзбекнефгаз» компанияси томонидан республика нефть ва газ саноатини ривожлантиришнинг истиқбол концепцияси ишлаб чиқилган ва у изчиллик б-н амалга оширилмоқда. Компания Россия, Эрон Ислон Республикаси, Хитой, Япония, Корея, Малайзиянинг энг йирик компаниялари б-н Ўзбекистон нефть ва газ саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилмоқда.

Шавкат Мажитов.

Кўмир саноати. Ўзбекистонда кўмирни саноат усулида қазиб олиш 1930-й.лар охиридан бошланган. Тошкент вилояти Оҳангарон водийсида Ангрен кўнғир кўмир, Сурхондарё вилоятида Шарғун, Бойсунтоғ тошкўмир конлари бор. Республикада аниқланган кўмир конлари ресурслари 7 млрд. т, улардан тошкўмир 5,7 млрд. т., саноат захиралари 1,9 млрд. т. 2004 й.да 2,7 млн. т кўмир (2,64 млн. т кўнғир, 0,6 млн. т тошкўмир) қазиб олинди.

1940–48 й.ларда Ангрен кўнғир кўмир конида (1933 й. топилган) кўмир очик ва ёпиқ усулларда қазиб олина бошлади. 1950 й.га келиб, республикада 1,4 млн. т кўмир қазиб олинди, Ангрен кўмир ҳавзаси ёнида Ангрен ш. қад кўтарди. 1941 й.да Шарғун ш. яқинида Шарғун тошкўмир кони очилиб, 1958 й.да ишга туширилган. Унинг йиллик и.ч. қуввати 200 минг т. Шахтада брикетлаш ф-каси ишлайди (йиллик қуввати 150 минг т). 1961 й. Ангрен кўмир конида ер ости газогенераторларида кўмирни юқори босимдаги ҳаво оқими ёрдамида энергетик газга айлантирадиган «Еростигаз» ст-яси қурилди (йиллик и.ч. қуввати 800 млн. м³ газ). 1970–80 й.ларда кўмир саноати юқори суръатларда ривожланди. 1990 й. 6,4 млн. т кўмир қазиб чиқаришга эришилди (1-жадвалга қ.).

Кўмир захираларининг йилдан-йилга камайиб кетиши, чуқур жойлашган қатламларнинг ўзлаштирилиши қийин бўлганлиги сабабли 1991 й.дан кўмир қазиб олиш кўрсаткичлари пасайди.

Республика халқ ҳўжалигида ҳар йили 8–9 млн. т кўмир истеъмол қилинади. Ангрен ва Янги Ангрен ИЭС ларининг тўла қаттиқ ёқилғига ўтказилиши б-н республиканинг кўмирга бўлган эҳтиёжи ортмоқда (Республикада қазиб олинган кўмир истеъмолининг 85% электрэнергетикаси секторига тўғри келади).

2- ж а д в а л

Кўмир қазиб олиш ҳажми

	1995	2005
Кўмир, жами, минг т	3053,7	3000
шу жумладан:		
тошкўмир	73,9	73
кўнғир кўмир	2980	2927

1994 й.да Ўзбекистондаги кўмир конлари бошқармалари негизила «Кўмир» кўмир қазиб олиш ва сотиш акциядорлик бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашма таркибидан кўмир очик усулда қазиб олинган «Ангрен», «Апартак» конлари, 9-шахта, «Шарғункўмир» акциядорлик жамияти («Шарғун», «Бойсун» шахталари), «Еростигаз» ст-яси, «Каолин» (Ангрен кўнғир кўмир кони) Ўзбекистон–Германия қўшма корхонаси ва б. бор. 2003 й.дан республика кўмир саноатини ривожлантириш дастурига кўра Ангрен кўмир конида Германиядаги «Тиссен Крупп» фирмасининг кўмир қазиб олиш техникаси қўлланилди. 2004 й.да «Кўмир» акциядорлик жамияти «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти, деб қайта номланди ва «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси таркибига киради.

АД.: То м а л а к Г. М., Уголь Узбекистана, Т., 2001.

Металлургия саноати

Ҳоз. Ўзбекистон ерларида рудадан металл олиш 4 минг йилдан зиёд тарихга эга. Қадимда мисдан турли безак буюмлар тайёрланган. Кейинроқ рудали металлар – ҳалай, кумуш, олтин ва б.ни эритиш, қуйиш ва қиздириб ишлаш ўзлаштирилган. Дастлабки танга пуллар зарб қилинган. Илк ўрта асрларда Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон водийларидаги бир қанча шаҳарларда заргарлик, мисгарлик, темирчилик, дегрезлик, рихтагарлик ривожланди. Рух, сурьма, маргимуш, висмут, кобальт каби рангли металлар маълум бўлмасида, уларнинг қотишмаларидан кенг фойдаланилган.

Қора металлургия соҳасида фаолият кўрсатилган ягона корхона Бекобод ш.даги «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасидир. Унинг таркибига металлургия 3-ди ва Ширин машинасозлик 3-ди, «Иккиламчи қора металлар» корхоналари бошқармаси киради. Комбинатда қора металлургия маҳсулотларининг энг муҳим турлари (пўлат, чўян, пўлат қувурлар ва пўлат прокат, арматура пўлати, швеллерлар, пўлат шарлар, эмалланган идишлар) ишлаб чиқарила-

ди, темир-терсак, металл чиқиндилари эритилади (1-жадвалга қ.).

Ўрта Осиёдаги биринчи замонавий металлургия 3-ди қурилиши умумхалқ ҳашари йўли б-н 1942 й.да бошланган, 1944 й. 5 март куни дастлабки металл эритмаси олинди. 1944 й.нинг дек.га келиб қуйиш цехи, 1945 й.нинг фев.да эса 2-мартен печи, 1949 й.да 3-мартен печи маҳсулот бера бошлади. 1946. 1949 й.ларда «300» ва «700» прокат станлари, 1962 й.да 3-дда узлуксиз пўлат қуюв қурилмаси ишга туширилди. 1978 й. авг. – 1979 й. сент.да йиллик қуввати 250 минг т бўлган электр б-н пўлат эритадиган 1-, 2, -3-печлар ишга туширилди. 1984–87 й.ларда навли прокат цехи қурилиб маҳсулот бера бошлади. 1991 й.дан 32–76 мм ли пўлат қувурлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1994 й.дан кон саноати руда майдалаш тегирмонларида ишлатиладиган диам. D 100–120 мм ли пўлат шар (соққа)лари ишлаб чиқарила бошлади (2003 й.да 123,2 минг т тегирмон шарлари).

Бирлашмада асосий маҳсулотлар б-н бирга 50 га яқин турдаги халқ истеъмол товарлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Республика қора металлургия саноатини ривожлантириш дастурига кўра истиқболда чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда шлак уюмларини қайта ишлаш, калибрланган симлар ишлаб чиқариш, маҳаллий темир рудали конлардан йилига 500 минг т маҳсулот тайёрлаш ва пўлат и.ч. ҳажминини ошириш мўлжалланган.

Тармоқ учун олий маълумотли мутахассислар Тошкент техника ун-ти, шартнома бўйича Москва давлат пўлат ва қотишмалар ин-ти, ўрта техник ходимлар Бекобод техника-иқтисодиёт ҳамда Бекобод металлургия коллежларида тайёрланади.

Рангли металлургия республикада металлургия саноатининг етакчи тармоғи. Республика умумий саноат маҳсулоти и.



«Ўзбекистон металлургия комбинати» бирлашмасининг пўлат шарлар прокати цехи.



«Ўзбекистон металлургия комбинати» бирлашмаси. Ёйли пулат зритиш печи.

дан туғма олтин қазиб олинган кон лаҳимлари ҳозиргача сақланиб қолган. Ҳоз. Ўзбекистонда маълум

4. ҳажмида рангли металлургия ҳиссаси 16,9%ни ташкил этади (2005). Маҳаллий минерал хом ашё ресурслари негизда 30-й.лардан ривожланди. Республикада рангли нодир ва қимматбаҳо металллар (олтин, мис, қурғошин, рух, вольфрам, молибден, симоб ва б.) конлари, Қорамозор мис-қурғошин-рух кони, Обираҳмат, Бурчмулла, Оқтуз, Такоб, Ингичка, Қуйтош, Лангар рангли металллар, Чодак, Зармитан, Маржонбулоқ, Каулди, Коклатас, Қизилолмасой олтин, Қурғошинкон, Олтинтолган қурғошин-рух, Қалмоққир мис конлари ва б. топилиб, улар sanoat миқёсида ўзлаштирилиши б-н рангли металлургия sanoati шаклланди ва республика рангли металллар и.ч. бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллаган мамлакатга айланди.

Республика жаҳон мамлакатлари орасида олтин захиралари бўйича бешинчи, олтин қазиб олиш бўйича туққизинчи ўринда туради (2005).

Олтин қазиб олиш sanoati. Ўрта Осиёда, хусусан ҳоз. Ўзбекистон ерларида олтин қазиб олиш ва ундан турли тақинчоқлар, заргарлик буюмлари, безаклар ясаш мил. ав. 6–5-асрлардаёқ мавжуд бўлганлиги археологик топилмалардан маълум. Туғма (эркин учрайдиган) олтин конларини ўзлаштиришга қадар олтин, асосан сочма конларда жуда ибтидоий усулларда – олтин зарралари аралаш қумни қуй териси қопланган ёғоч тоғораларда ювиб, ажратиб олинган. Сочма олтин олиш 10–11-а.ларда Чатқол, Чирчиқ, Норин, Косон, Сўх, Зарафшон, Дарвоз дарёлари водийларида олиб борилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Ўрта асрларда олтинли қумларни ювиш б-н бирга мўғуллар босқинига қадар Чатқол – Курама, Нурота тоғларида, Марказий Қизилқумдаги конлар-

бўлган олтин конларининг кўпчилигидан қад. кончилар қисман фойдаланганлар.

Мўғуллар босқинидан кейин Ўрта Осиёда кон қазииш ишлари, шу жумладан олтин олиш аста-секин инқирозга юз тутди, кўпгина олтин конлари унутилди.

Ўрта Осиёнинг минерал хом ашё ресурсларини ўрганишда конланиш 19-а.нинг 80-й.ларида, Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олган даврда юз берди; ўлканинг барча жойларида тадқиқотлар ўтказилди, геологик хариталар тузилди, айрим конлар тавсифланди. 20-а.нинг 20-й.лари бошига қадар Чирчиқ, Писком ва Чатқол дарёлари водийларида кичик-кичик олтин изловчилар корхоналари олтин олиш б-н шуғулланганлар. 1913–17 й.ларда Обираҳмат дараси (Тошкент вилояти)даги «Николай» олтин конидан фойдаланилган.

1 - ж а д в а л

Қора металлургиянинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг т)

	1995	2000	2004	2005
Пулат	367,2	406,8	602,2	607,3
Тайёр прокати	321,8	372,3	550,7	562,2

Ўзбекистоннинг минерал хом ашё бойликларини аниқлаш, уни қазиб олиш шўролар ҳоқимияти даврида жадал давом эттирилди. Ноёб металл конларини қидириб топиш ва ундан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш ишларида СССР ФА илмий муассасалари фаол иштирок этдилар. 30-й.лар бошида «Ўзбеколтинноёбмет» трести ташкил этилди. Уша йиллари Оҳангарон, Чирчиқ дарёлари водийларида, Курама тоғларида олтин изловчилар олтинни қумни ювиш усулида ажратиб олар эдилар, йиллик олтин олиш бир неча ўн кг дан ошмас эди. Кейинчалик ўша жойларда рудали олтин конлари топилди.

1941–45 й.ларда олтин изловчилик (артель) йўли б-н олтин ажратиб олиш жадал олиб борилди, олинган йиллик олтин миқдори қарийб 50 кг га етди. 1950 й. сочма олтин излаш ишлари тўхта-тилди. 1950-й.лардан рудали олтин конларини излаш ва разведка қилиш бўйича олиб борилган фундаментал тадқиқотлар натижасида Қорақўтон, Бичанзор, Пирмироб, Ғўзаксой, сўнгра Кўчбулоқ, Мурунтоғ, Чормитан, Маржонбулоқ, Каулди, Қизилолмасой,

«Қалмоққир» харьери.



Сармич ва б. олтин руда конлари топилди. 1965 й. СССР рангли металлургия вазирлигига бўйсунувчи «Ўзбеколтин» бирлашмаси ва б. олтин қазиб олиш корхоналари ташкил этилди. Бирлашмада қазиб олган флюс рудаларидан Олмалик кон-металлургия к-тининг мис эритиш 3-дида олтин ажратиб олиш йўлга қўйилди. 1970 и. Чодак олтин кони ишга туширилди. Ўша вақтдан республикада олтин қазиб олиш саноати шаклланди, олтин олиш олдинги йилларга нисбатан уч марта кўпайди. 1972 й. Кўчбулоқ кони ва Ангрэн олтин ажратиш ф-каси лойиҳа қувватларида ишлай бошлади. 1977 й. Каулди, 1980 й. Маржонбулоқ олтин қазиб олиш комплекси, 1989 й. Зармитан ва Қизилломасой конлари фойдаланишга топширилди. Ўзбекистонда 600 га яқин олтин рудали кон маълум бўлиб, улардан 12 тасида олтин қазиб олиш ишлари олиб борилмоқда (2005).

Республика мустақилликка эришиши б-н Ўзбекистон ҳукумати узоқ йиллар давомида СССРнинг Марказий ҳукумати ихтиёрида бўлган олтин қазиб олиш саноатини республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ривожлантириш бўйича бир қанча ташкилий чораларни кўрди. «Ўзбеколтин» бирлашмаси негизда ЎЗРнинг Қимматбаҳо металллар давлат қўмитаси ташкил этилди (1992). Бу қўмита 1994 й. Ўзбекистон олтин қазиб олиш ва олмосга ишлов бериш корхоналари уюшмаси («Ўзолмосолтин»)га айлантирилди. «Ўзолмосолтин» уюшмаси таркибида Ангрэн (Ангрэн ш.), Маржонбулоқ (Жиззах вилояти), Чодак (Наманган вилояти), Каулди (Тошкент вилояти), Зармитан (Самарқанд вилояти) олтин қазиб олиш конлари, «Қизилқум» (Тошкент), «Зарница» (Ангрэн) олтин изловчилар артеллари, Ўрта Осиё рангли металлургия и.т. ва лойиҳа ин-ти (1964, Тошкент), «Олмос» олмос қирра-лаш ф-каси (Тошкент вилояти Бурчмулла қишлоғи) ва б. ташкилотлар ишлади.

Республикада олтин қазиб олиш саноатининг иккинчи йирик маркази «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни – Навоий кон-металлургия к-ти негизда ташкил этилди (1991). К-т Мурунтов ва б. олтин конларини ишга тушириш б-н 1958 й.дан қурила бошлаган. Унинг асосий и.ч. қувватлари Зафаробод, Нуробод, Зарафшон, Учқудук ш.ларида жойлашган. К-тда заргарлик буюмлари 3-ди ишга туширилди (1994). Зарафшонда 1993 й.да ташкил этилган олтин қазиб олиш бўйича Ўзбекистон – АҚШ «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси 1995 й.нинг май ойидан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.



Буюк Британиянинг «Лонро» фирмаси б-н ҳамкорликда Марказий Қизилқумда олтин рудалари конини ишга тушириш ва олтин ажратиб олиш бўйича катта корхона – «Амантайту Голдфилдз» (АГФ) қўшма корхонаси лойиҳаси амалга оширилди (1995). Ўзбекистон олтини сифат жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди. Навоий кон-металлургия к-тида олинган олтин ёмбиларга Лондон рангли металл биржаси арбитраж лаб. сертификати (1994), 1997 й.да Токио саноати товарлари биржасининг сифат сертификати берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 й. 26 апр.даги «Республика олтин қазиб олиш саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори б-н қимматбаҳо металл қазиб олиш, уларни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот и.ч. бўйича мукамал циклни шакллантириш, тармоқ корхоналарини реконструкция қилиш ва ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Ўзолмосолтин» уюшмаси тугатилди. Зармитан ва Маржонбулоқ олтин конлари Навоий кон-металлургия к-ти таркибига, Ангрэн, Каулди, Чодак олтин

Навоий кон-металлургия комбинати. 2-гидро-металлургия заводи.

конлари «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти таркибига ўтказилди. Навоий кон-металлургия к-ти фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадларида ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 19-майлаги қарори б-н «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни тугатилиб, унинг таркибига кирган корхоналар Навоий кон-металлургия к-ти таркибига берилди.

Мис, қўрғошин-рух саноати, асосан, Оҳангарон – Олмалик кон-саноат районида Қўрғошинкон-Олтинтопган полиметалл конлари, Қалмоққир мис конлари негизда шаклланди. Тармоқнинг етакчи корхонаси тугал металлургия циклига эга бўлган Олмалик кон-металлургия к-тидир. К-тининг мис мажмуаси Қалмоққир мис кони (1954), руда бойитиш ф-каси (1957), металлургия 3-ди (1962) дан, қўрғошин-рух комплекси Қурғошинкон (1950), Олтинтопган (1955), Чалата (1971) ва б. конлар,



«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти. Қўрғошин-рух бойитиш фабрикаси.

руда бойитиш ф-каси (1954), металлургия з-ди (1970)дан иборат.

Вольфрам в молибден саноатининг йирик корхонаси «Ўзбекистон қўйин зрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати» акциядорлик жамияти (Чирчиқ ш.)дир. К-т 1953 й.да «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл з-ди» номи б-н қурила бошлади. Ингичка вольфрам (1943; Самарқанд вилояти) ва Қўйтош вольфрам-молибден (1937; Жиззах вилояти) конлари рудалари ҳамда мис рудаларидан ажратиб олинган молибден негизда ишлайди. К-тда биринчи молибден куймаси 1956 й. 5 ноябрда олинган, 1957 йдан қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқарила бошлади. Корхона маҳсулотлари (100 турдан ортиқ) электротехника, пўлат эритиш, кон бурғилаш соҳаларида кенг қўлланилади. 1996 йдан к-тда республика эҳтиёжларини тўла қоплайдиган электр лампочкалари и.ч. қувватлари ишга туширилди.

Республикада 70-й.лардан рангли металллар чиқиндилари ва парчаларини қайта ишлаб, иккиламчи куймаларини олиш учун қурилган қувватлар Тошкент ш.да ишга туширилди. 1973 й.да «Иккиламчи-ранглиметалл» и.ч. бошқармаси (1966) негизда Тошкент алюминий з-ди қурилди ва фойдаланишга топширилди.

1999 й.да «Иккиламчиранглиметалл» бирлашмаси акциядорлик жамиятига айланган. Корхона йилига 22,5 минг т алюмин қотишмалари, 8 минг т аккумулятор батареялари қурғошини, 10 минг т рангли металллар парчаларини қайта ишлаш қувватларига эга.

1990 й.лардан Ўзбекистон металлургиясида камёб ва камёб-ер элементлари металлургияси саноати шаклланимуда. Камёбер металлларининг алюминий ва магний б-н қотишмалари – энгил қотишмалар, магний б-н қотишмалари – ўтга чидамли қотишмалар турли саноат тармоқларида кенг қўлланилади. Республикада замонавий илгор технологияни жорий этиш мақсадида кукунар металлургияси ҳам ривожланмуда. Металлургия саноати ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш саноати учун малакали мутахассислар Ўзбекистон Миллий ун-тининг геология ф-ти, Тошкент техника ун-ти, 1995 й.да ташкил этилган Навоий давлат кончилиги ин-тида ҳамда Тошкент кимё-технология ин-тида тайёрланади.

Ад.: Максудов П. С., Узбекский комбинат тугопловких и жаропрочных металлов, Минск, 1996; Рудные месторождения Узбекистана, Т., 2001.

Кимё саноати

Кимё саноатининг асосий корхоналари «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига кириди. Бундан ташқари кимёвий маҳсулотлар, халқ истеъмол моллари ва б. турдаги кимёвий технология асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд бўлиб, улар «Ўзнефтогаз» миллий холдинг компаниясига ва вилоятлар ҳокимликлари бошқаруви таркибида фаолият кўрсатади.

Биргина «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги корхоналарда 250 дан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида кимё саноати корхоналари маҳсулотларининг ҳиссаси 5,0% дан ортиқни ташкил этади (2005). Республика кимё саноатида табиий газ, нефть, кўмир, олтингургурт, фосфоритлар, оҳақтош, техник ош тузи, шунингдек, рангли металлургия, пахта ва канопни қайта ишлаш чиқиндилари ва б.дан хом ашё тарзида фойдаланилади.

Ўзбекистон кимё саноатида ишлатиладиган хом ашёнинг муайян қисми ҳамда эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар четдан олиб келинади. Айни пайтда кимё саноати маҳсулотлари (минерал ўғитлар, пахта целлюлозаси, кимёвий толар ҳамда иплар, синтетик аммиак, сирка кислотаси, лок-бўёқлар ва б.) экспорт қилинади.

Ўзбекистонда бой хом ашё манбалари бўлишига қарамай 20-а.нинг 30-й.ларигача кимё саноати деярли йўқ эди. 1910 й.ларда оҳақ куйдириш, ўсимлик бўёғи олиш, олтингургурт и.ч., ишқорий моддалар тайёрлаш, совунгарлик б-н шуғулланган бир қанча кичик корхоналар (12 совун з-ди, нефтни ҳайдаш з-ди, 2 бўёқ ф-каси) бўлган.

Замонавий кимё саноатининг шаклланиши 1932 й. қадимдан олтингургурт қазиб олинган Шўрсув олтингургурт кони (Фаргона водийси)нинг ишга туширилиши б-н бошланди. Кимё саноатининг 1932 й.дан қурила бошлаган энг йирик корхонаси Чирчиқ электр кимё к-ти 1940 й. октдан маҳсулот бера бошлади. 1940 й.да республиканинг жами саноат маҳсулоти ҳажмида кимё саноати ҳиссаси 0,8% ни, кимё саноатида банд бўлган ишчилар сони саноат ишчиларининг 1% ни ташкил этган, саноат и.ч. фондининг 7,4%

кимё саноати ҳиссасига тўғри келган.

20-а.нинг 70-й.ларига келиб Ўзбекистонда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари; сунъий ва синтетик иплар ва толалар; биокимёвий маҳсулотлар; пахта целлюлозаси, лок-бўёқ маҳсулотлари, резина-техника буюмлари; синтетик ювиш воситалари, нефть кимёви маҳсулотлари ишлаб чиқарилган қудратли саноат корхоналари қурилди ва кимё мажмуи яратилди. 90-й.лар охирига келиб республика кимё саноатида 1,7 млн. т минерал ўғитлар, 2,8 млн. т сульфат кислота, 1,7 млн. т синтетик аммиак, 226 минг т синтетик ювиш воситалари, 154,9 минг т синтетик смола ва пластик массалар ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Минерал ўғитлар и.ч. республика кимё саноатининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Республикада қ.х. учун зарур бўлган аммиак селитраси, карбамид, аммофос, аммоний сульфат, суперфосфат, аммиак суви, шунингдек, азотли ва фосфорли мураккаб ўғитларни и.ч. йўлга қўйилган. «Электркимёсаноат» (Чирчиқ), Фаргона «Азот» (1962) ва «Навоийазот» (1964) акциядорлик жамиятларида асосий турдаги азотли ўғитлар, «Аммофос» (1969, Олмалик) ва «Самарқандкимё» (1954) акциядорлик жамиятлари, «Қўкон суперфосфат з-ди» (1935) қўшма корхона – акциядорлик жамиятида аммофос, олдий ва аммонийлашган суперфосфат каби фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарилади.

Кимё саноатида ишлаб чиқариладиган минерал ўғитлар ва б. кимёвий маҳсулотлар ҳажми республика қ.х. эҳтиёжларини тўла таъминлаши б-н бирга уларнинг бир қисми четга ҳам чиқарилади. 1994 й.да 26 млн. АҚШ доллари миқдорда минерал ўғитлар ва б. кимёвий маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, 2004 й.да бу кўрсаткич 60,72 млн. ва 2005 й.да 74,02 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Республикада калийли ўғитлар ишлаб чиқарилмайди, Ўзбекистон қ.х.да бу

I - ж а д а л

Кимё саноатининг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг т)

	2001	2003	2005
Минерал ўғитлар (100% озик моддалар ҳисобида)	711,3	817,3	866,2
Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари (100% таъсир этувчи модда ҳисобида)	1,5	3,95	2,1
Сульфат кислотаси (моногидратда)	823,4	184,5	740,5
Синтетик аммиак	985,7	992,9	1064,9
Кимёвий тола ва иплар	13,49	14,86	5,5
Пластмасса ва синтетик смолалар	15,0	10,15	—

Ўғитга бўлган йиллик эҳтиёжни илмий асосланган меъёрларда қоплаш бўйича Қашқадарё вилоятидаги Тюбегатан калий тузлари конлари негизда 200 минг т. калийли ўғитлар (калийли тузлар) ишлаб чиқарадиган Деҳқонобод калий 3-ди қурилиши режалаштирилган.

Навоий вилоятида топилган фосфорит конлари базасида лойиҳа қуввати таркибида 20–28% P_2O_5 бўлган 800 минг т фосфорит маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Қизилқум фосфорит мажмуаси қурилди (биринчи навбати 1998 й. да ишга туширилган).

Сульфат кислота кимё саноати тармоқлари учун муҳим хом ашёдир. Республикада сульфат кислота ишлаб чиқарадиган йирик қувватлар Чирчиқ «Электркимёсаноат», Олмалиқ «Аммофос» корхоналари, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия к-тларида барпо этилган, йилига 1 млн. т га яқин сульфат кислота ишлаб чиқарилади.

Сода саноатининг Марказий Осиё мамлакатларида ягона бўлган корхонаси – Қунғирот сода 3-ди қурилиши 2002 й.дан бошланган (йиллик лойиҳа қуввати 100 минг т кальцинирланган сода) ва 2006 й. 1-ярмида ишга туширилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари (дефолиант, десикант, гербицид, инсектицид, фунгицидлар) Фарғона «Азот», Навоий «Электркимёзаводи» (Ўзбекистон–Панама қўшма корхонаси, 1976) акциядорлик жамиятларида (гербицидлар – нитран, которан, котофор, агродарм, бронотак, инсектицидлар – фозалон, трефлан ва б.) ишлаб чиқарилади.

Республика қ.х.да ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан кимёвий ҳимоя қилишда қўлланилган олтингургут кукуни Шўрсув кон-кимё корхонасида ҳамда Шўртан газ-кимё мажмуида ишлаб чиқарилади (150 минг т дан ортиқ; 2005).

Кимёвий толалар ва иплар хилма-хил халқ истеъмоли товарлари и.ч.да кенг қўлланади. Фарғона кимёвий толалар 3-ди (1959 й.дан)да ацетат иплар, «Навоийазот» акциядорлик жамиятида нитрон акрил толалари (1974 й.дан), Фарғона «Азот» акциядорлик жамиятида целлюлоза ацетати ишлаб чиқарилади. Фарғона фуран бирикмалари кимё 3-ди (1946)да целлюлоза мустақиллигини таъминлаш бўйича пахта линтидан йилига 30 минг т пахта целлюлозаси ишлаб чиқарадиган ихтисослашган қувватлар барпо этилган (1998).

Республика кимё саноатида 2005 й.да 5 минг т нитрон, 250 т ацетат кимёвий



тола ишлаб чиқарилди. Ацетат ва нитрон толаларининг деярли $\frac{2}{3}$ қисми республикадан ташқарига жўнатилади. Фарғона кимёвий толалар 3-дида 23 минг т капролактамини қайта ишлаб 20 минг т капрон ва ацетат иллари тайёрлашга имкон берадиган қувватлар қурилган (1995).

Кимё саноатида гидролиз корхоналари 1945 й.дан қурила бошланган. Фарғона фуран бирикмалари (1946), Янгийўл биокимё (1952), Андижон гидролиз (1953) 3-дларида асосий хом ашё – чигит шулхаси, шולי қобиғидан техник этил спирти, фурфурол, фурил спирти, ксилит, лапрол, катализаторлар ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 90-й.лар бошдан бу корхоналарда ғалладан этил спирти и.ч. ўзлаштирилди: Андижон биокимё 3-дида йиллик қуввати 915 минг дал (1994), «Қуқон» и.ч. бирлашмасида 1800 минг дал

Чирчиқ «Электр-кимёсаноат» акциядорлик жамияти карбамид ва аммиак селитраси цехлари.

«Навоийазот» акциядорлик жамияти. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қурилмалари.

(1995) ва Янгийўл биокимё 3-дида 915 минг дал (1996) этил спирти ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди. Натижада озиқ-овқат, тиббиёт, атир-упа ва б. саноат тармоқларини республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган спирт 6-н таъминлаш имконияти яратилди. Бу корхоналарда йилига 4 минг т га яқин карбон кислоталари ҳам ишлаб чиқарилади.

Спирт саноати 2004 й.дан алоҳида саноат тармоғи сифатида шакллантирилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 15 январдаги «Этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарни бошқариш тузилмасини такомиллашти-





Кизилкум фосфорит мажмуаси.

ле н маҳсулотлари Шўртан газ-кимё мажмуаси (2001), «Жиззах пластмасса» (1972), «Совпластитал» қўшма корхонасида (1987), турли маркадаги л о к б ў ё қ ма ҳ с у л о т л а р и «Тошкент лок-бўёқ

з-ди» (1945) акциядорлик жамиятида, мебель саноати учун синтетик смолалар Фарғона фуран бирикмалари кимё з-дида (1946), р у з ф о р к и м ё с и маҳсулотлари, Тошкентдаги Ўзбекистон-Кипр «Маишийкимё» қўшма корхонаси — акциядорлик жамиятида (1999), синтетик ювиш воситалари «Тошкент ёғ-мой» акциядорлик жамиятида, Россиянинг «Калина» концернига қарашли «Паллада-Восток» шўбба корхонасида ишлаб чиқарилади.

Истиқболда кимё саноатини ривожлантириш фосфорит, целлюлоза, каустика ва кальций содаси, калийли ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, полимерлар каби энг муҳим хом ашё турлари бўйича республиканинг мустақиллигига эришиш, маҳаллий хом ашёдан янги маҳсулотлар и.ч. технологиясини яратиш, чет мамлакатлардан олинаётган кимёвий маҳсулотларнинг асосий турларини республикада и.ч.ни ташкил этиш, и.ч. чиқиндиларини қайта ишлаш, и.ч.ни автоматлаштириш, хорижий технологиялардан фойдаланиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, кимё саноатининг экспорт имкониятларини кенгайтириш йўналишларида олиб борилади. Кимё саноати корхоналарида

Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Россия, Италия фирмалари б-н ўзаро фантехника, савдо соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган, хорижий шериклар

иштирокида қўшма корхоналар ташкил этилган. «Ўзкимёсаноат» компанияси таркибида 4 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Республика мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистондаги кимё корхоналари негизда 1991 й.да давлат концерни ташкил этилди. 1994 й. мартдан концерн «Ўзкимёсаноат» уюшмасига айлантилди. 2001 й. мартда уюшма тугатилиб, унинг асосида «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ташкил қилинди ва 2004 й. январидан компания таркибий жиҳатдан қайта шакллантирилди.

Компания таркибига 29 та корхона ва ташкилотлар киради. Шу жумладан, 7 та очиқ акциядорлик жамияти, 3 та қўшма корхона-акциядорлик жамияти ва 3 та давлат тасарруфидаги и.ч. корхоналари; 13 та «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари, 2 та илмий-тадқиқот ва лойиҳа ин-тлари, 1 та масъулияти чекланган жамият бор. Кимё саноати соҳасида и.т. — лойиҳа ишларини уюшма таркибига кирадиган «Ўзкимёсаноатлоийҳа» акциядорлик жамияти (Чирчиқ ш.), Тошкент кимёвий технология и. т. давлат унитар корхонаси олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 23 январдаги «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг 12 та вилоятидаги «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари ўзининг 100 дан орტიқ бўлимлари орқали кимё саноати корхоналаридан етказиб берилган минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш ва қ.х. ишлаб чиқарувчиларига сотиш ҳамда маҳсулот учун и.ч. корхоналари б-н ҳисоб-китоб қилиш ишлари б-н шуғулланиди.

Кимё саноати корхоналари учун муҳандис-техник ходимлар Тошкент техника ун-ти, Тошкент кимё-технология, Фарғона политехника, Жиззах политехника, Навоий давлат тоғ-кончилик, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-тларида, ун-тларнинг кимё ф-тларида тайёрланмоқда. Юқори малакали ишчилар ва техник ходимлар Тошкент, Чирчиқ, Навоий, Фарғона, Қўқон, Олмалик, Самарқанд ва б. шаҳарлардаги коллежларда тайёрланади.

Ад.: Кадыров В., Становление химии в Республике Узбекистан, Т., 1995.

Фуламжон Иброҳимов.

риш тўғрисида» қарорига кўра «Ўзмева-сабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси таркибига кирадиган «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси ташкил этилди. Унга «Қўқонспирт», «Андижон биокимё заводи», «Янгийўл биокимё», «Тошкентвино», «Зарафшон» (Самарқанд) акциядорлик жамиятлари киради.

Резина маҳсулотлари (енгил автомобиль шиналари, шарқона резина калишлар, кислота ва ишқорга чидамли зичлагичлар ва б., хом резина, резина елим, электр изоляция ленталари, қўлқоплар ва б.) Ангрен «Резинотехника» акциядорлик жамиятида (1994) ишлаб чиқарилади. Илгари, асосан ҳарбий мақсадлардаги резина маҳсулотлари и.ч.га ихтисослашган ва таркибига Тошкент ш.даги резина маҳсулотлари з-ди (1944) кирган «Ўзбекрезинотехника» бирлашмаси (1974) 1987 й.дан халқ истеъмолчи товарлари и.ч.га ўтди. 1992 й.дан бирлашмада енгил автомобиль шиналарини тайёрлаш узлаштирилди. 1996 й.дан йилига енгил автомобиллар учун 500 минг дона шина, 9 млн. жуфт калишлар ишлаб чиқарилган қувватлар ишга туширилди.

Республикада пластмасса ва полиэтилен, полипропи-



«Қўқонспирт» акциядорлик жамияти.

Машинасозлик

Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг дастлабки корхоналари 20-а. бошларида вужудга келди. 20-а. бошида Ўзбекистонда металлга ишлов бериш саноати 14 та кичик таъмирлаш устахоналаридан иборат эди. Уларда, асосан т. й., пахта тозалаш ва ёғ э-дларининг таъмирлаш ишлари бажариларди. Ялпи саноат маҳсулоти умумий ҳажмида оғир саноат ва металлга ишлов бериш тармогининг ҳиссаси 1,3% ни ташкил этган. 1900 й.да Тошкентда ташкил этилган металлга ишлов берувчи Бош темир йўл устахоналари ўша даврнинг йирик корхоналаридан эди.

1920-й.лардан қ. х., саноат ва транспортни ривожлантириш зарурати б-н мавжуд таъмирлаш корхоналари кенгайтирилди, янгилари қурила бошлади. 1927 й. нояб.да Тошкентда «Бошпахтасаноат»нинг механика э-ди ишта туширилди. 1931 й.да бу э-д негизда пахта тозалаш э-длари учун асбоб-ускуналар и. ч. ва қ. х. техникаси таъмири б-н шугулланадиган «Қишлоқмаш» — ҳоз. «Тошқишлоқмаш» — «Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи» акциядорлик жамияти ташкил этилди. Э-дда ғўза сеялқалари, борона ва культиваторлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1932 й.да Тошкентда экскаватор таъмирлаш э-ди — «Ирмаш»; 1920 й.лар охирида Андижонда «Коммунар», Самарқандда «Колхозчи», Қўқонда «Большевик» э-длари ва б. корхоналар ишта туширилди.

1920 й. механика устахоналари ҳамда чўян э-ди негизда Тошкентда 1-Туркистон э-ди ташкил этилди (1959 й.дан бу э-д Машинасозлик бўйича давлат лойиҳа-конструкторлик технология бюроси, 1976 й.дан «Технолог» и. ч. бирлашмаси деб номланди).

1941–45 й.лардаги уруш даврида республикада 16 машинасозлик э-ди ишта туширилди. Саноатнинг тармоқ таркиби ўзгарди. Уруш даврида ишта туширилган машинасозлик корхоналари фронт эҳтиёжлари учун қурол-яроғ, ўқ-дорилар ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарди.

1945 й.дан кейин пахтачилик ва ирригация қурилиши машиналари и. ч. тикланди, тўқимачилик, кимё ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун янги жиҳозлар и. ч. бошланди. Пахта териш машиналари, экскаваторлар, кўприк электр кранлари, йигириш машиналари и. ч. ўзлаштирилди, корхоналарнинг ихтисослашуви ва кооперацияси ривожланди. 60 — 70-й.ларда республика машинасозлигида теран сифат узгаришлари юз берди, и. ч. қувватлари ўсди, жуда

кўп янги машина ва механизмларни и. ч. ўзлаштирилди. 1970 й.да саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида машинасозлик саноатининг ҳиссаси 15,9% га етказилди. Бу даража деярли кейинги 40 йил давомида сақланиб келмоқда (1990 й.да 16%, 2000 й.да 11,1%, 2004 й.да 12,0%).

Республика мустақиллиги эълон қилинишига қадар машинасозлик саноатининг деярли барча корхоналари марказга — СССР тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Енгил ва озик-овқат саноати ҳамда рўзгор буюмлари машинасозлиги, Мудофаа саноати, Авиация ва автомобилсозлик машинасозлиги вазирликлари ихтиёрида эди.

1991 й. окт.дан машинасозлик саноати корхоналари бошқарувини шакллантиришда тармоқлар бўйича концернлар ташкил этилди. 1994 й.да давлат концернлари ишлаб чиқарувчилар уюшмалари, акциядорлик жамиятлари, корпорацияларига айлантирилди. Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмаси («Ўзавтосаноат») автомобилсозлик саноати ва унга техника хизмати кўрсатиш соҳаларига, Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника саноати корхоналари уюшмаси («Ўзэлтеханоат») электротехника, радиотехника саноати соҳаларига, «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси қ. х. машинасозлиги корхоналарига раҳбарлик қилади. Машинасозлик саноати 20 га яқин тармоққа мансуб 100 дан ортиқ йирик корхоналардан иборат. Уларнинг орасида автомобилсозлик, тракторсозлик ва қ. х. машинасозлиги, пахта тозалаш саноати машинасозлиги, самолётсозлик, электротехника саноатининг салмоғи катта (жадалга қ.). 1960 й.да республика машинасозлигида 22 номдаги асосий машина, механизм ва асбоблар ишлаб чиқарилган, бу кўрсаткич 1970 й.да — 29, 1980 й.да — 39 ни ташкил этди. 2005 й.га келиб 180 дан ортиқ қ. х. техникаси тури яратилди, 110 турдаги қ. х. техникасини ишлаб чиқаришга эришилди.

Айни пайтда республика иқтисодиёти учун янги бўлган автомобилсозлик, моторсозлик, радио, электроника каби саноат тармоқлари барпо этилди.

Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги. Республика машинасозлигида ишлаб чиқариладиган жами маҳсулотнинг қарийб 20% шу тармоқ ҳиссасига тўғри келади. 90-й. бошигача тармоқнинг кўпгина маҳсулотлари собиқ Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган, пахта териш машиналари, ғўза сеялқалари, пахтачиликка мослаштирилган чопиқ тракторлари, трактор тиркамаларининг

асосий қисми Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

30-й. бошида пахтачиликда ишлатиладиган экиш ва ерга ишлов бериш машиналари, пахта тозалаш э-длари учун технологик ва б. жиҳозлар Урта Осиёда ягона «Бошпахтасаноат»нинг механика э-дида тайёрланган. 20-а.нинг 90-й.лари охирига келиб тракторсозлик ва қ. х. машинасозлиги тармоғида 20 дан ортиқ корхона, 5 та қўшма корхона, 1 унитар корхона ва б. фаолият кўрсатди. 1996 й. 31 янв.да қ. х. машиналарини яратиш ва ишлаб чиқариш б-н шугулланадиган Ўзбекистон қ. х. машинасозлиги холдинг компанияси («Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг») ташкил этилди.

Бу тармоқда пахтачилик тракторлари, дизель двигателлар, трактор тиркамалари, пахтачилик техникаси комплекси, боғдорчилик ва тоқчилик машиналари, қ. х. машиналари редукторлари, чорвачилик учун озуқа тайёрлайдиган машиналар, эҳтиёт қисмлар ва ҳ. к. ишлаб чиқарилади.

Тракторсозлик. 90-й.лар бошида қуввати 30 от кучи бўлган ТТЗ-30 трактори ва унга мосланган қ. х. машиналари ва қуроллари мажмуи яратилди.

1994 й.да «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида дизель двигателли ТТЗ-80/100 универсал-чопиқ тракторлари синовдан ўтказилди. Ўша йили янги ТТЗ-80Х тракторларининг йирик саноат партиялари ишлаб чиқарилди. Кейинги йилларда республикада галда экинлари майдонининг кескин ортиши б-н бу экинлар учун зарур қ. х. машиналари ва қуролларини и. ч. бўйича жадал иш олиб борилди.

Тракторсозликнинг йирик корхонаси «Тошкент трактор заводи» (1942) акциядорлик жамияти пахтачилик тракторлари, универсал чопиқ тракторлари, кичик тракторлар, трактор тиркамалари ишлаб чиқаради. 1969 й.дан Т-28Х4 маркали тракторлар ишлаб чиқарила бошлади. 1970–80 й.ларда э-д реконструкция қилиниб, ТТЗ-80Х тракторлари ва трактор тиркамаларини и. ч. ўзлаштирилди. «Тошкент трактор заводи» таркибида қуюв э-ди бор. «Агрегат заводи» акциядорлик жамияти пуркагичлар, плуглар, чангитгичлар, ғўзапоё ўргич, ем-хашак уриш техникаси, ротацион бороналар, картошка сеялқалари, редукторлар, трактор ва пахта териш машиналарининг узел ва агрегатларини ишлаб чиқаради. Бу э-д 1955 й. Тошкент машинасозлик э-ди тарзида ташкил этилган. 1957 й. Тошкент ирригация машинасозлиги э-дида айлантирилди, 1960

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш

I - жадвал

	2003	2004	2005
Шаҳар телефон алоқаси кабеллари, км	9546	19042	10068
Енгил автомобиллар, дона	40746	70070	101010
Тракторлар, дона	2888	2865	2868
Трактор қультиваторлари, дона	1049	1225	1219
Телевизорлар, дона	14770	53516	...

– 1972 й.ларда Ўзбекистон трактор йиғув з-ди, 1972 й.дан Тошкент агрегат з-ди, 1994 й.дан ҳоз. номда.

1994 й.да Тошкент ш.да ташкил этилган «Мотор заводи» акциядорлик жамиятида двигателлар, эҳтиёт қисмлар тайёрланади.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида 1931 й. «Тошқишлоқмаш» з-дининг I-навбати ишга туширилган. Ҳоз. «Тошқишлоқмаш» акциядорлик жамиятида пахта териш машиналари, қультиваторлар, ем-хашак йиғиштириш техникаси, картошка қавлагичлар, гидроцилиндрлар ишлаб чиқарила бошлади.

Тармоқдаги йирик корхоналардан бири «Ўзбекқишлоқмаш» (1942) акциядорлик жамиятида гуза ва дон сеялкалари, кўсак чувиш машиналари, роторли урим машиналари, ТТЗ-30 тракторига тиркаб ва осиб ишлатиладиган машиналар, минерал угит сочгичлар ишлаб чиқарилади. Қ.х.да кенг қўлланадиган қультиваторлар, чизель-қультиваторлар, ўғит солгичлар, ариқ қазғич-текислагичлар, курак териш машиналари, плуглар, гузани чилпиш мосламалари, қатқалоқ юмшатгичлар ва б. маҳ-

сулотлар «Чирчиққишлоқмаш» (1942) акциядорлик жамиятининг асосий маҳсулотларидир. Боғдорчилик, тоқчилик, ўрмончилик ва полизчиликда фойдаланиладиган машина ва мосламалар, плуглар «Ўзбекистон боғдорчилик машинасозлиги з-ди» (1967) акциядорлик жамиятида ва «Наманганқишлоқмаш» корхонаси (маъсуляти чекланган жамият) да ишлаб чиқарилади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини механизациялашга имкон берадиган бир неча корхоналар бор. «Урганчозуқамаш» з-ди (1987) осма трактор уриш машиналари, трактор хаскашлари, шоли уриш машиналари, «Бухоро ихтисослаштирилган тажриба з-ди» гузапоё юлгичлар, «Узун ихтисослаштирилган заводи» эҳтиёт қисмлар и. ч.га ихтисослашган. Шунингдек, Юқори Чирчиқ туманида жойлашган «Интермаш» корхонасида мелиоратив машиналар ишлаб чиқарилади. «Урганч экскаватор заводи» акциядорлик жамияти 1990 й.дан ЭО-411 русумли экскаваторлар ишлаб чиқаради. Корхонада ишлаб чиқарилган ҳар хил русумдаги экскаваторлар мелиорация, қурилиш ишларида кенг қўлланади. Корхонада 2001 й.дан МЗЭТ – 400/20 земснарядлари ишлаб чиқариш узлаштирилди. Россиядаги экскаватор корхоналари б-н ҳамкорлик йулга куйилган.

1997 – 2001 й.ларда энг янги технологиялар асосида уномдорлиги юқори қ.х. машиналари ишлаб чиқарилган қўшма корхоналар ташкил этилди. АҚШ нинг «Кейс корпорейшн» компа-

нияси б-н ҳамкорликда «ЎзКейсмаш» (1997; пахта териш машиналари, чигит сеялкалари, экскаваторлар), «ЎзКейстрактор» (1997; тракторлар, плуглар), «ЎзКейссервис» (1998; қ. х. техникасига сервис хизматлари), «Агрихим» (1998; пуркагичлар, чангитгичлар), «ЎзРосдизель» (2001; двигателлар, эҳтиёт қисмлар), «Фаввора» (1997; сув насослари) қўшма корхоналари фаолият қурсатади.

Тармоқда «Технолог» (1959), «Агромаш Бош ихтисослаштирилган конструкторлик бюроси» («БМКБ-Агромаш») акциядорлик жамиятида илмий-техника маҳсулотлари, техниканинг тажриба намуналари яратилди.

Рафиқ Матчинов.

Пахта тозалаш саноати машинасозлиги «Ўзқишлоқхўжаликмашхўлдинг» компанияси таркибига кирадиган «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамиятида (собик Тошкент машинасозлик з-ди, 1947) жамланган. Тармоқдаги йирик корхоналардан бири Андижондаги «Тошметал» акциядорлик жамиятидир. Асосий маҳсулотлари – пахта тайёрлаш пунктлари, пахта тозалаш з-длари учун технологик қурилмалар (пахтани тайёрлаш, қуритиш, тозалаш, сақлашда қўлланиладиган машиналар ва механизмлар), аррали ва жўвали (валикли) жин машиналари, линтерлар, тола тозалагичлар, чигит саралаш ва тозалаш машиналари, транспортёрлар, пахта гарамбузгичлари, пахта узаткичлар, туннель очиш машиналари, пахта гарамларини шамоллатиш ва чанг тутиш машиналари, шунингдек, канопни қайта ишлаш машина ва қурилмалари (жами 50 номдан ортиқ). Тармоқдаги бош корхона – Тошкент машинасозлик з-ди 1947 й.да ишга туширилган. З-д 1951 й.дан пахта тозалаш саноати учун технологик ускуна-жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар и. ч.га ихтисослаштирилди («Тошпахтамаш-2»). 1957 й.да «Ўзбекпахтамаш» номини олди, 1968 й.га келиб з-д неғизда «Союзхлопкомаш» бирлашмаси ташкил этилди. 1953 й.да Тошкент давлат махсус пахта тозалаш ускуналари конструкторлик бюроси (2003 й.дан Тошкент «Пахтажин КБ» акциядорлик жамияти) ташкил этилди. 1975–78 й.ларда пахтани қайта ишлаш бўйича поток линиялари ишлаб чиқарилди ва пахта тозалаш саноатида жорий қилинди. «Меҳнат» пахта тозалагичи, «Зафар» ва «Пахтакор» тола тозалагичлари, «Файрат» аррали тола ажратуш (жин) машиналари Пловдив, Загреб, Москва, Қоҳира, Салоники, Техрон халқаро кургазмаларида намойиш этилган



«Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида чолиқ тракторларини йиғиш шехи.



Пахта териш машиналарини йиғиш цехи.

ва олтин, кумуш медаллар совриндори бўлган.

Автомобилсозлик. Ўзбекистонда машинасозлик саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланган автомобилсозлик — автомобиллар, автомобилларга эҳтиёт қисмлар, турли жиҳозлар ва б. асбоблар и. ч. республика мустақилликка эришганидан кейин шакллана бошлади. 1990 й.ларга қадар республикада автомобилсозлик саноати йўқ эди. Ўзбекистондаги бир неча автомобиль таъмирлаш з-длари (Тошкент автотаъмирлаш з-ди 1939 й.да ишга туширилган), енгил машиналарга техника хизмати кўрсатадиган «Ўзавтотеххизмат», «ЎзавтоВАЭхизмат» и. ч. бирлашмалари корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг автомобилларига техника хизмати кўрсатиб келган.

1994 й. мартда Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмаси («Ўзавтомаш» уюшмаси) ташкил этилди (2003 й. дек.дан акциядорлик компанияси). Автомобилсозлик саноати соҳасида ишлаб турган ва янги қурилаётган з-длар негизида автомобиль индустриясини барпо этиш, енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, троллейбуслар ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар и. ч., сервис хизматини йўлга қўйиш, республика халқ хўжалигининг автотранспорт техникасига бўлган эҳтиётларини қондириш, автомобиль саноатининг рақобатбардош маҳсулотлари б-н жаҳон бозорига чиқиш вазифалари ҳал этилди.

Ишга туширилган корхоналарда и. ч. циклини шакллантириш дастлаб автомобилларни етказиб берилган қисм ва агрегатларни йиғишдан уларни шу корхоналарда тайёрлаш ва йиғиш циклига босқичма-босқич тўлиқ ўтиш йўли б-н олиб борилди.

1992 й. Жанубий Кореянинг ДЭУ корпорацияси б-н Асака пахта ташийдиган тиркамалар з-ди негизида енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган «ЎзДЭУ-

даги юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган «СамКочавто» қўшма корхоналари барпо этилди.

1994 й.дан қурила бошлаган «ЎзДЭУ-авто» қўшма корхона — автомобиль з-дининг расмий очилиши ва ҳалқаро тақдироти 1996 й. 19 июлда ўтказилди. 1996 й. 25 мартдан «Дамас» миниавтобуслари, июль ойидан ўта кичик классли «Тико» енгил автомобиллари, июль ойидан «Нексия», 2001 й.дан «Матиз», 2003 й.дан «Ласетти» русумли енгил автомобиллар ишлаб чиқарила бошлади. Корхонанинг тўлиқ лойиҳа қуввати бир йилда 200 минг дона турли модель ва маркадаги автомобиллар. Корхона ишга тушганидан бери 2006 й. 1 янв.га қадар 492964 та, шу жумладан 2005 й.да 101 мингдан кўпроқ автомобиль ишлаб чиқарди, уларнинг 332147 таси ички бозорда, 160817 таси ташқи бозорда (2005 й.да ташқи бозорда 53092 та, ички бозорда 46127 та автомашина) сотилди.

2005 й.да 64706 дона «Нексия», 11877 дона «Дамас», 21551 дона «Матиз», 2876 дона «Ласетти» русумли автомобиллар ишлаб чиқарилди.

«СамКочавто» қўшма корхонасида ўрта ҳажмли автобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқарилади. Корхона 1999 й. март ойида ишга туширилган, 2002 й.дан шаҳарлараро, 2003 й.дан шаҳар ичида йўловчи ташинга мўлжалланган автобуслар, 2, 5, 10, 20 т.ли ва турли мақсадларга мўлжалланган юк машиналарини ишлаб чиқариш режалаштирилди. Корхонада йилига 4000 дона автобус ва 1000 дона юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган қувватлар яратилган. 2004 й.да 187 дона турли моделдаги автобуслар ва 79 дона юк машиналари ишлаб чиқарилди.

«ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқариладиган автомобилларни бутловчи ва эҳтиёт қисмлар б-н таъмирлаш учун 1997 — 2006 й.ларда Корея Республикаси ва б. мамлакатлардаги компаниялар иштирокида қўшма корхоналар ишга туширилди. Эндиликда автомобилларнинг олди ва орқа бамперлари, приборлар панели, лок-буёқлар, автомобилларнинг ички қопламлари, автомобиль ўриндиқлари, ёнилғи баки, пластмасса деталлари, штамповкаланадиган қисмлари, рул колонкалари, аккумуляторлари Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Автомобиллар радиаторлари ва б. деталларини ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилиши режалаштирилган.

Садир Салимов.

«ЎзДЭУ авто» корхонасининг тайёр маҳсулотлари майдони.





«СамКочавто» йиғув цехи.

Радиоэлектроника, электротехника саноати 1941–45 й.ларда шаклланди. Жумладан, Тошкент кабель з-ди (ҳоз. «Ўзкабель» давлат акциядорлик жамияти) 1942 й.дан алоқа дала симлари ишлаб чиқара бошлади. Тошкент радиолампа з-ди (ҳоз. «Фотон» акциядорлик жамияти бош корхонаси – Электрон техника з-ди) 1942 й.дан генераторлар, қабул қилувчи ва кучайтирувчи радиолампалар ишлаб чиқарди. Чирчиқ трансформатор з-ди 1942 й.да ишга туширилди. Ўрта Осиёдаги энг йирик Тошкент электротехника з-ди («Ўзэлектраппарат» акциядорлик жамияти) 1941 й. охиридан маҳсулот бера бошлади. Тошкентда 1948 й. ишга туширилган «Миконд» з-ди («Оникс» акциядорлик жамияти) радиодеталлар, электротехника саноати учун шиша изоляторлар ишлаб чиқарди.

1955 й.дан электротехника саноати республикада машинасозлик саноатининг етакчи тармоғи тарзида шаклланди. 1970 й.лар охирига келиб республикада 10 дан ортиқ электротехника з-длари ишлади. 1982 й. ЭХМ ишлаб чиқара-

диган «Алгоритм» з-дига асос солинди (1996 й.дан акциядорлик жамияти).

1986 й.да ЭХМ учун микроэлектроника элементлари, микросхемалар, масофадан туриб бошқариш системалари ва б. ишлаб чиқарилган «Зенит» з-ди (Тошкент ш.) ишга туширилди.

1990 й. окт.да республикадаги радиоэлектроника, электротехника саноати соҳасидаги илмий-ишлаб чиқариш, и. ч. корхоналари ва ташкилотларини бирлаштирган «Радиоэлектронтехасбоб» республика давлат концерни ташкил этилди. 1994 й. янв.да концерн Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноати корхоналари уюшмаси («Ўзэлтехсаноат») га айлан-тирилди.

Уюшма таркибидан 31 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар (46 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи), жумладан «Ўзкабель» қўшма корхона-акциядорлик жамияти, «Фотон», «Ўзэлектраппарат», «Андижон (Тошкент), «Алгоритм» акциядорлик жамиятлари, Чирчиқдаги «Трансформатор» ва б. йирик корхоналар бор.

Улардан 14 таси очиқ акциядорлик жамиятлари, 11 корхона чет эл инвестициялари (Гер-

мания, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Италия, Туркия, Швейцария компаниялари) иштирокидаги ва 3 таси давлат корхоналари (2006).



«Ўзэлектраппарат» акциядорлик жамияти цехларидан бири.

«Дойче Кабель АГ Тошкент» (Тошкентдаги «Электросигнал» илмий-и. ч. бирлашмаси негизидан 1998 й.да ташкил этилган) махсус мақсадлардаги кабель ва ўтказгич симлар ишлаб чиқаради. «Motorola» компанияси б-н ҳамкорликдаги «УМТ-Радио» (телерадио коммуникация воситалари, саноат ва аэрокосмик индустрия учун жиҳозлар ишлаб чиқаради, 1999 й.да ташкил этилган), «Спектр» (Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси; экспортга мулжалланган ва импорт ўрнини босувчи кабель маҳсулотлари, 1991) қўшма корхоналарида энг замонавий экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Уюшма таркибидан Тошкент микроэлектроника и. т. ин-ти, «Фотон» тажриба конструкторлик бюроси, «Кварк» илмий-ишлаб чиқариш мажмуида и. т. ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилди.

Республика электротехника, радиоэлектроника корхоналарида электрон компонентлар (тўғрилловчи устунлар, диодлар, дала транзисторлари, резисторлар, конденсаторлар), микроэлектрон тузилмалар (интеграл микросхемалар), электрет микрофонлар, кучланиш кучайтиргичлари, оқ-қора ва рангли телевизорлар учун СПЛИТ-трансформаторлар, кичик вольтли асбоблар, турли мақсадларга мулжалланган кабель маҳсулотлари ва симлар, ўзгарувчан ток электродвигателлари, трансформаторлар, пайвандлаш машиналари, электр аккумуляторлари, рангли телевизорлар, плейерлар, радиоприёмниклар, электр токи ўлчагичлари, табиий газ ўлчагичлари, биллур идишлар ва қандиллар, керамика буюмлари ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 2004 й.да уюшма корхоналарида 63,1 млрд. сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Тармоқда ишлаб чиқарилган 100 дан ортиқ номдаги маҳсулотларнинг 80%, электроника маҳсулотларининг 90 – 95% Россия, Украина, Белоруссия, Қозғистон ва б. мамлакатларга чиқарилади.

Шавкат Умаров.

Асбобсозлик саноати соҳасида машинасозлик учун қирқув ва ўлчов асбоблари, слесарлик-созлаш асбоблари ҳамда мосламалари 1940 й.ларгача кам миқдорда махсус цехларда тайёрланар эди. 1941–45 й.ларда Тошкент асбобсозлик з-ди (1943), 1941 й. Тошкентда карборунд ва абразив з-длари ишга туширилди (1963 й.да икки з-д бирлаштирилиб абразив к-ти ташкил этилди). 1970 й.дан олмос, 1973 й.дан сунъий олмос маҳсулотлари и. ч. бошланди. 1975 й.нинг

иккинчи ярмидан тўлиқ абразив маҳсулотлар и. ч.га ўтилди. 1990 й. к-т «Эльбор» бирлашмасига айлантирилди. 1994 й.дан тармоқ корхоналари Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик sanoати корхоналари уюшмаси («Ўзэлтехсаноат») таркибига киради. Тармоқ маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади. Шунингдек, машинасозлик sanoатининг йирик корхоналарида махсус асбобсозлик цехлари мавжуд.

Кимё ва нефть машинасозлиги. Тармоқдаги энг йирик корхона Ўзбекистон кимё машинасозлиги з-ди («Ўзбеккимёмаш») 1941 й. Чирчиқ ш.да қурилган. 1941–45 й.ларда фронт учун маҳсулот чиқарилган. Урушдан кейинги йилларда з-дда кимё, микробиология, целлюлоза-қоғоз ва б. тармоқлар учун жиҳозускуналар и. ч. ўзлаштирилди. 1966 й.дан з-д, асосан, кимё машинасозлигига ихтисослашди. 70-й.ларнинг бошларида з-дда қувур йиғиш, аммиак, аммиак селитраси ва б. уйитлар и. ч. учун кучли комплекс технологик линиялар и. ч. ўзлаштирилди. «Ўзбекнефтгазхолдинг» мийлий холдинг компанияси таркибига кирадиган «Ўзнефтгазмаш» компаниясида (Чирчиқ ш.) нефть-газ ва газ-кимё тармоқлари учун машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. «Тошкент компрессор заводи» акциядорлик жамияти тармоқдаги йирик корхоналардан бири. З-д 1941 й. барпо қилинган. Кимё ва б. sanoат тармоқларида ишлатиладиган кўчма компрессор ст-яларининг турли моделларини, мой ва ҳаво филтёрлари, эҳтиёт қисмлар и. ч.га ихтисослашган. Наманган «Мехмаш» акциядорлик жамиятида ностандарт қурилмалар, махсус технологик ускуналар, нефть ва газ қудуқлари учун sanoат арматуралари, пўлат, титан қопқоқлар, зангламас сурма қопқоқлар ишлаб чиқарилади. Корхона 1974 й.да «Наманган механизация ва автоматлаштириш воситалари машинасозлик заводи» номи б-н ишга туширилган. 1995 й.дан ҳоз. номда.

Самолётсозлик. Тошкент авиация з-ди 1941 й. барпо этилган. Уруш даврида жанговар самолётлар ишлаб чиқарилган. Кейинги йилларда ИЛ-14, 1958 й.дан транспорт самолётлари, 1966 й.дан АН-22 самолётлари тайёрланган. 70-й.лар бошларидан турли модификациядаги ИЛ-76 транспорт самолётлари ишлаб чиқарилади. 90-й.ларда ҳам унинг асосий маҳсулоти ИЛ-76 МФ транспорт самолётлари бўлди. 1992 й.дан маҳаллий ҳаво йўлларида қатнашга мўлжалланган 64 ўринли янги ИЛ-114 самолётларини и. ч. ўзлаштирилди. З-дда АН-70, «Мрия», «Руслан» самолётлари қанотлари ва б.

«Ил-114» самолётларини йиғиш цехи.



қисмлари тайёрланган. 1972 й.дан бирлашмага айлантирилди (Андижон ва Фарғонадаги механика з-длари б-н бирга). 1996 й. май ойидан очик турдаги «В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти.

Қурилиш ва йўл машинасозлиги. 1932 й. «Ўзбекгидрострой» трести томонидан ирригация машина ва механизмлари таъмирланадиган «Ирмаш» з-ди ташкил этилди. 1935 й.дан у Ўрта Осиё экскаватор ремонт з-дига айлантирилди. 1946 й.дан Тошкент экскаватор заводи ўша йилдан экскаваторлар ишлаб чиқара бошлади. 1954 й.дан турли маркадаги экскаваторлар и. ч. ўзлаштирилди.

Тармоқдаги йирик корхоналардан бири «Подъёмник» (Тошкент ш.) бирлашмаси (1976). Бирлашманинг бош корхонаси — «Подъёмник» з-дида урушдан кейинги йилларда кўтарма транспорт жиҳозлари и. ч. ўзлаштирилди. 1963 й.дан з-д тамоман қайта жиҳозланган. Кўприк электр кранлари, махсус грейферли, магнит грейферли, магнитли, кўп тиргакли осма кранлар, тўрт оёқли кранлар ишлаб чиқаради.

1956 й.да Андижон машинасозлик з-ди («Андижонирмаш») ишга туширилди, асосан ер текислайдиган машиналар, юклагичларнинг осма жиҳозлари, гидроцилиндрлар, манипуляторлар, вибраторлар ва б. ирригация техникаси ишлаб чиқаради. «Ўзқишлоқхўжалик-машхолдинг» холдинг компанияси таркибига кирадиган «Интермаш» (1942) корхонасида мелиоратив машиналар, «ЎзКейсмаш» (1997) қўшма корхонасида экскаваторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Коммунал хўжалиги машинасозлиги. Бу sanoат тармоғида «Самарқанд лифтсозлик заводи» (1969) акциядорлик жамияти иш олиб боради. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига киради. З-дда республика халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатиладиган пассажир ва юк лифтлари, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. 1990 й.дан з-д неги-

зида Россия ва Ўзбекистон қўшма корхонаси — «Востоклифт» («Шарқлифт») ташкил этилди. 2006 й.да Германиянинг «Кпауф» компанияси корхонанинг 75% акцияларини сотиб олди. Корхона реконструкцияси учун 27 млн. АҚШ доллари миқдорда инвестициялар киритилди ва унинг йиллик қуввати йилига турли русумдаги 2000 дондан ортиқ лифт ва 120 минг т кир ювиш воситалари ишлаб чиқаришга етказилди.

Маданий-маиший-рўзғор техникаси машинасозлиги тармоғида Самарқанд ш.даги «Сино» акциядорлик жамияти холодильниклар з-ди 1973 й.да ишга туширилган. Корхонада маиший музлатгичлар, совиткичлар, кондиционерлар ишлаб чиқарилади. 1974 й.дан «Самарқанд» рўзғор совиткичлари ишлаб чиқарган. 1991 й.дан «Сино» русумли рўзғор совиткичларини ишлаб чиқаришни бошлади.

1995 й.дан з-д Германиянинг «Форон» фирмаси б-н ҳамкорликда турли совиткичлар, кир ювиш машиналари, кондиционерлар и. ч.ни ўзлаштирди. Самарқанд киноаппаратлар з-дида («Кинап» акциядорлик жамияти) турли маркали киноаппаратлар, электр-куч асбоблари, универсал кино ва театр овоз техника аппаратлари, стадион ва спорт иншоотлари учун электр таблолар, тиббиёт жиҳозлари ва б. ишлаб чиқарилади. З-д 1942 й.да ташкил қилинган, 1959–63 й.ларда қайта қурилди.

Машинасозлик sanoати тармоқларидаги корхоналар учун олий маълумотли мутахассислар Тошкент техника ун-ти, Тошкент ирригация ва мелиорация, Тошкент автомобил ва йўллар, Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoат, Тошкент авиация ин-тида тайёрланади. Мураккаб технологик қурилмалар ва рақамли программали бошқарув станокларига хизмат кўрсатадиган юқори малакали ишчи ва мутахассислари тай-

ёрлаш ҳам йўлга қуйилган. Ўрта махсус маълумотли мутахассислар Тошкент машинасозлик, электромеханика, авиасозлик ва б. коллежларда тайёрланади.

Қурилиш материаллари саноати

Республика кўп тармоқли қурилиш материаллари саноатига эга. Цемент, асбест-цемент, деворбоп материаллар, темир-бетон конструкциялари, юмшоқ том ёпғич ва гидроизоляция материаллари, табиий тошлардан қоплама материал (плита) лар, норуда қурилиш материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси материаллари, ойна, линолеум, оҳақ, гипс, боғловчи материаллар ва улардан буюмлар, санитария-гигиена жиҳозлари, полимер хом ашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар ва бошқа и. ч. тармоқлари мавжуд. Тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги асосий маҳсулот турлари тайёрланади. Республикада турли қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 80 дан зиёд корхона мавжуд бўлиб, бу корхоналар «Ўзқурилишматериаллари» компанияси (1997) таркибига киради (23 та акциядорлик жамияти, 39 та масъулияти чекланган жамият, 14 та хусусий корхона, 4 қўшма корхона). Республика саноат маҳсулоти умумий ҳажмида қурилиш материаллари саноати салмоғи 4% га яқин (2005; 1990 й.да 5,2%, 1995 й.да 5%; 2000 й.да 4,2%).

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари юксак механизациялашган ва халқ ҳужалигининг қурилиш материал-

«Кувасойцемент» акциядорлик жамияти.

ларига бўлган талабини тўла қондиради. Хорижий инвесторлар иштирокида янги қўшма корхоналар қурилмоқда, ишлаб турган корхоналар замонавий технология б-н жиҳозланиб кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистонда табиий хом ашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса бинолар қурилишида пиширилган ва хом гишт, гувала, ёғоч синч, оддий тупроқ (лой) дан тикланадиган паҳса асрлар давомида асосий қурилиш материаллари бўлиб келган. Хумдонларда пиширилган гишт, гипод, чинни кошин, ганч, йўнилган гранит, мрамар тошлар сарой, мадраса, масжид, рабоблар қурилишида кенг қўлланилган.

Республикада қурилиш материаллари саноати халқ ҳўжалигидаги саноат тармоғи сифатида 20-а. бошларида пайдо бўлди. 1913 й.да ҳоз. Ўзбекистонда жами 20 дан кўпроқ кичик гишт з-длари, оҳақ ва алебастр куйдириш корхоналари ишлади.

Цемент саноати. Республикадаги қурилиш индустриясининг биринчи корхонаси — 1913 й. қурила бошлаган Хильково цемент з-ди (ҳоз. «Бекободцемент» акциядорлик жамияти) дир. 1927 й. Ўзбекистонда дастлабки 7,7 минг т цемент олишга муваффақ бўлинди, 1928 й. эса 18,5 минг т цемент ишлаб чиқарилди (собиқ Итифоқда ишлаб чиқарилган жами цементнинг 1%).

Республикада цементга бўлган эҳтиёж орта борди. 1932 й. Кувасой цемент з-ди (ҳоз. «Кувасойцемент» акциядорлик жамияти) ишга туширилди ва ўша йили 46,1 минг т цемент ишлаб чиқарилди (1960 й.дан цемент к-ти; цемент и. ч.да

йиллик қуввати 860 минг т дан ортиқ; 2005).

Республикада Ангрен (1947), йиллик лойиҳа қуввати 1,7 млн. т бўлган Оҳангарон (1962); ҳоз. «Оҳангаронцемент» акциядорлик жамияти) цемент к-тлари, 1977—89 й.ларда «Қуруқ» усулда цемент ишлаб чиқарадиган, йиллик лойиҳа қуввати 3080 минг т бўлган Навоий цемент к-ти (ҳоз. «Қизилқумцемент» акциядорлик жамияти) ишга туширилди.

Республика цемент саноати тармоғида йилига 5 млн. т дан кўпроқ цемент ишлаб чиқарадиган 5 йирик корхона ишлайди. Цементнинг ҳамма асосий турларини и. ч. ўзлаштирилди. Цемент корхоналарида шифер, асбоцемент қувурлар, минерал пахта (вата) ва ундан тайёрланган буюмлар, цемент-қум черепицалари ва б. маҳсулотлар и. ч. ҳам ўзлаштирилган. Республикада йилига 350 млн. шартли тахта (плита) ҳисобида шифер ишлаб чиқарилди. 2005 й.да цемент саноати корхоналарида 5067,8 минг т турли марказдаги цемент ва 397,3 млн. шартли тахта шифер ишлаб чиқарилди.

Тоштарошлик (тошга ишлов бериш). Табиий тошлар (мармар ва гранит) дан ишланган қоплама материаллар ва блоклар Ўрта Осиё мейморчилигида кўп ишлатилган.

Қоплама тошлар захиралари, хилма-хиллиги ва ранги бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда. Республикада 30 дан ортиқ мармар, гранит, травертин (ғовақ оҳактош), туф (ғовақ тоғ жинси) ва б. жинслар конлари топилган. Республика шаҳарларида, Москва, Киев, Новосибирск, Бишкек, Душанба, Бокуда қурилган архитектура иншоотлари, Москва, Ленинград, Киев ва б. шаҳарларда қурилган метрополитенларда Ғозгон ва Нурота мармари, Лангар, Севасой, Чоркесар гранити, Чуст травертини ишлатилган. Тармоқдаги йирик корхоналар — Ғазалкент тошга ишлов бериш к-ти (ҳоз. «Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати» акциядорлик жамияти) 1970 й.да ишга туширилган, йиллик қуввати 60 минг м² тош плита; 1976 й. ташкил этилган Тошкент тошга ишлов бериш к-ти, Нукус гранит-мармар, «Самарқандмармар» корхоналари шу тармоқнинг йирик корхоналаридир. Хорижий фирмалар иштирокида тармоқда силлиқланган мармар ва гранит плиталари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар фаолият кўрсатади. 2004 й.да табиий тошлардан тайёрланган қоплама материаллар 157 минг м² ни ташкил этди (2000 й.да 252,4 минг м²). Республикада қоплама материалларга бўлган эҳтиёж тўла қондири-



либ, қолган қисми яқин ҳамда узоқ ҳо-рижий мамлакатларга чиқарилмоқда.

Норуда ва қоплама материаллар тар-моғида 19 тошга ишлов бериш корхо-налари фаолият кўрсатади. Мармар ва гранит блоклари қазиб олинган 10 карьер ишлайди. Шунингдек, чиқитқи тошлардан увоқлар тайёрланади.

Деворбоп материаллар (ғишт) саноа-ти соҳасида қурилишда ишлатиладиган оловбардош ва иморат ғиштнинг асо-сий қисми Яланғоч 2-ғишт з-ди (1930), Янгийўл 8-ғишт з-ди (1931), Олмалиқ қурилиш материаллари к-ти (1952), Чирчиқ 9-ғишт з-дида (1955) ишлаб чиқарилади. 1990 й.лар бошидан ғишт-ни янги технология асосида тайёрлаш бўйича турли мулкчилик шаклларидаги ғишт з-длари, экспериментал цехлар ишга туширилди.

Керамика саноати тармоқларида «Ан-грен керамика» ва «Тошкент қурилиш материаллари» корхоналарида барча тур-даги сопол кошнлар, ички деворлар-ни қоплагга мулжалланган безакли со-пол плитка (кошин) лар (2005 й.да 470,0 минг м²), санитария-қурилиш фаянси, гипс, канализация қувурлари, майоли-ка буюмлари ва б. турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Оҳангарон «Қури-лишпластмасса», «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятларида қурилиш эҳтиёжлари учун турли қуйма буюмлар тайёрланади.

Шиша-ойна саноати соҳасида «Қува-сойшиша» и. ч. бирлашмаси (ҳоз. «Кварц» акциядорлик жамияти), «Фармглас», «Медглас» қўшма корхоналари ва «Ғазалкент шиша-ойна заводи» (1951) акциядорлик жамияти ишлайди. «Кварц» акциядорлик жамияти республика кон-серва з-дларини шиша идишлар б-н таъ-минлайди, шиша бутилкалар ва силлиқ-ланган тахта ойналар, рангли шишалар ишлаб чиқаради. Бир суткада 500 минг дона хилма хил шиша идишлар ва 12 минг м² силлиқланган тахта ойна и. ч. қувватига эга. 2005 й.да шиша-ойна са-ноати корхоналарида 11293,0 минг м² (2 мм қалинликда ҳисобланганда) де-раза ойнаси, 108,3 млн. дона бутилка-лар, 174,1 млн. дона шиша идишлар (2004) ишлаб чиқарилди.

Санитария жиҳозлари Оҳангарон «Сантехкуйма» з-дида ишлаб чиқарилади (чўян ванналар, канализа-ция қувурлари, ошхона пўлат ракови-налари (идиш ювиладиган жомлар).

Қурилишни индустриаллаштиришда й и ғ-ма темир-бетон конст-рук-циялари ва деталлар и. ч. ни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Йиғма темир-бетондан маҳсулот ишлаб

«Кварц» акциядор-лик жамияти шиша идишлар ишлаб чи-қариш цехи.



чиқарадиган кор-хоналарда респуб-лика қурилиш ма-териаллари саноа-ти ялпи маҳсуло-тининг салмоқли қисми ишлаб чи-қарилади. 2005 й.да 225,4 минг м³ йиғма темир-бе-тон конструкциялари ва деталлари иш-лаб чиқарилди.

Республика қурилиш индустриясида йирик уйсозлик б-н бошидан жа-дал ривожланди. Тошкентда дастлабки йирик панелли уйсозлик к-ти 1959 й. ишга туширилди. 90-й.лар бошида рес-публикада 11 уйсозлик к-тлари ва з-дла-ри ишлади.

Йиғма темир-бетондан қилинган де-таллар ва констукциялар учун табиий ва сунъий тулдиргичлар, керамзит, агло-порит, минерал пахта и. ч. кўпаймоқда. 90-й.лар бошидан турли мулкчилик шак-лидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳаллий хом ашёдан қури-лиш материаллари (ғишт, оҳак, қум, чақилган шагал ва б.) ишлаб чиқара-диган жуда кўп кичик ва ўрта корхона-лар ишга туширилди ва фаолият кўрсат-моқда.

Эркин Акромов.

Енгил саноат

20-а. бошларида Ўзбекистонда енгил саноат соҳаси асосан пахтани қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 4/5 қисми шу соҳага тўғри келган. 1920 й.лардан пахта тозалаш з-длари, пил-лакашлик, йигирув-тўқув, тикувчилик, пойабзал ф-калари қурила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси енгил саноатида эвг муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш

Маҳсулотлар	2000	2003	2004	2005
Газлама, жами, млн. м ²	392,9	453,3	340,3	285,5
Ипак тола, т	1132,8	576,2	676,7	564,4
Пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	23249	16730	17586	17589
Трикотаж маҳсулотлари, млн. дона	38,9	28,6	26,6	32,1
Гилям ва гилам маҳсулотлари, минг м ²	1572	7940	79,4	6414
Чинни-фаянс буюмлари, млн. сўм	1658,3	3925,6	3673,6	2449,1

Ҳоз. даврда Ўзбекистон енгил саноа-ти кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш з-дларидан ташқари тўқимачилик, три-котаж, шойи тўқиш, тикувчилик, қўн-пойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари и. ч. со-ҳаларида 150 га яқин корхона бор. Улар-нинг асосий қисми – тўқимачилик, ти-кувчилик, трикотаж ва чиннисозлик корхоналари «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (2002), пил-лакашлик ва ипакчилик корхоналари «Ўзбек ипаги» уюшмаси (1998), чарм ва пойабзал корхоналари «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси (2000) таркибига ки-ради. Республика саноатида банд бўлган ходимларнинг деярли учдан бир қисми енгил саноат тармоғига тўғри келади. Ўзбекистон саноат маҳсулоти умумий ҳажмида енгил саноат салмоғи 16,9% ни ташкил этади (2005; 1995 й.да 19%; 2000 й.да 20,1%). Халқ истеъмоли товарлари и. ч. ҳажмининг 50% республика енгил саноати ҳиссасига тўғри келади. Фақат 2000 – 2004 й.лар мобайнида тармоқда 67,5 мингдан ортиқ иш ўринлари таш-кил этилди. 2000 – 2004 й.ларда «Ўзбе-кенгилсаноат» давлат-акциядорлик ком-панияси таркибидаги корхоналарга 5 млрд. 180 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилди. Тармоқда маҳсулотлар экспорти

1 - ж а д в а л

2004 й.да 2000 й.га қараганда 2,3 марта кўпайди (240 млн. АҚШ доллари, 2004). Республикада етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 255 минг т дан ортди (2004; 2000 й.да 164,9 минг т).

Республика энгил саноати тармоқларида ип газлама, жун газлама, шойи газлама, трикотаж маҳсулотлари, пайпоқлар, пойабзал, гилам ва гилам маҳсулотлари, чинни-фаянс буюмлари ва б. ишлаб чиқарилади. Республика энгил саноатида ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотлар кўрсаткичлари I-жадвалда берилган.

Раҳматулла Рузиқулов.

Пахта тозалаш саноати энгил саноат тармоқлари орасида етакчи ўринда туради, ип йиғирув, тўқимачилик, ёғ-мой, кимё саноати тармоқларига хом ашё етказиб беради. Мамлакат ривожланган ва замонавий технологияга эга бўлган пахта тозалаш саноатига эга. Пахта толаси 40 га яқин хорижий мамлакатларга, жумладан Хитой, Буюк Британия, Бельгия, Жанубий Корея, Швейцария, АҚШ, Туркия ва б. мамлакатларга экспорт қилинади. Ўзбекистон жаҳонда пахта етиштириш бўйича 5-ўринни, пахта толаси экспорти бўйича 2-ўринни (АҚШ дан кейин) эгаллайди.

Биринчи бугда ишлайдиган пахта тозалаш э-ди Тошкентда 1874 й.да қурилган. Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин пахта хом ашёсига бўлган талабнинг ортиши б-н Ўзбекистонда пахта тозалаш саноати тез ривожлантирилди. 1885 й.да 9, 1890 й.да 27, 1914 й.да 208 пахта тозалаш э-ди ишлади. Пахтачилик гаъла экинларини сиқиб чиқара бошлади. Кейинги 80 й. давомида пахта толаси и. ч. деярли 10 марта кўпайди. 1980 й.да 120 та пахта э-ди, 546 та тайёрлов пункт (маскан)лари ишлади, энг кўп рекорд — 1745,3 минг т тола ва 3191,5 минг тонна чигит ишлаб чиқарилди.

50—60-й.ларда тармоқдаги корхоналар янги юқори унумли технологиялар б-н қайта жиҳозланди. Пахтанинг аксарият қисми машинада териб олинандиган бўлди. Пахтадан тола чиқиши 1940 й.да 33,6% ни, 1994 й.да 27,1% ни, 1990 й.ларга келиб 30,7% ни ташкил этди. 1990 й.дан республикада пахта экиладиган майдонлар бир қадар камайтирилиши ҳисобига дон экинлари майдони кенгайтирилди.

Республикадаги пахта тозалаш саноати ягона бошқарувда ишлайдиган пахта тайёрлаш масканлари, қуриши-тозалаш цехлари, транспорт ҳўжаликла-

ри, пахта тозалаш э-длари, илмий-и. ч. бирлашмасидан иборат.

Тармоқда 128 пахта тозалаш э-ди, 464 пахта тайёрлов маскани бор (2005). Энг йирик пахта тозалаш э-длари: Қорақўл (1898), Ёждувон (1939), Каттақўрғон (1881), Қўрғонтепа (1924), Ҳазорасп (1890), I-Қўқон (1907), Кува (1909), Жума (1953), Денов (1932) ва б. жойларда жойлашган (йиллик қуввати 50—60 минг т ва ундан ортиқ пахтани қайта ишлашга мўлжалланган). Толаси ажратиб олинган техник чигит ёғ-мой к-тларида қайта ишланади. Тармоқ корхоналарида йилига қарий 120 — 130 минг т уруғлик чигит тайёрланади.

Кейинги йилларда республикада дон мустақиллигига эришиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида пахта экиладиган ер майдонлари кескин қисқартирилиши муносабати б-н пахта хом ашёси ва ундан олинандиган маҳсулотларнинг камайиши кузатилди. Шунга қарамасдан соҳа мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари эвазига тола чиқишини 1990 й. 30,7% дан 2004 й. 32,7% гача, юқори саноат навли маҳсулот ҳажмини 35 дан 70% гача кўтаришга эришилди.

Ҳоз. босқичда пахта тозалаш саноатида янги микропроцессор техникаси ва ахборот-коммуникация тизимларига асосланган автоматлаштирилган техника, технологиялар жадал суръатларда жорий этилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг илғор технологиясини ўрганиш ва жорий этиш, тармоқ корхоналарида пахта толаси бўйича жаҳон стандартларига ўтиш учун АҚШ, Швейцария мамлакатларидаги фирмаларда ишлаб чиқарилган ускуналар ва технологияни қўллаш соҳасида халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Республика мустақилликка эришгандан кейин Туркия, Жанубий Корея ва б. хорижий давлатлар фирмалари б-н ҳамкорликда Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда пахтани қайта ишладан тайёр тўқимачилик маҳсулоти и. ч.га қадар жараёнлар қамраб олинган мажмуалар қурилиши бошланди. 2003 й.дан бошлаб пахта толаси экспортига хизмат кўрсатадиган минтақавий терминаллар қурилди ва ишга туширилди. Кейинги йилларда 13 та янги

2 - ж а д в а л

Ўзбекистон пахта тозалаш саноатининг асосий маҳсулотлари, минг т.

Йиллар	Тола	Линг	Чигит
1940	534,0	15,3	982,6
1950	640,8	32,2	1091,1
1960	1063,8	113,4	1736,2
1970	1384,0	128,9	2387,1
1980	1745,3	217,6	3191,5
1990	1635,7	183,9	2741,7
1991	1531,6	171,6	2658,2
1992	1403,6	149,1	2304,3
1993	1259,0	133,6	2222,8
1994	1390,4	437,0	2428,4
1995	1243,2	103,2	2182,5
2000	962,5	73,2	1498,8
2001	1055,6	77,7	1650,3
2002	1002,5	68,5	1564,0
2003	892,9	58,9	1402,5
2004	976,7	64,9	1534,8
2005	1187,6	79,0	1835,4

пахта тозалаш э-длари фойдаланишга топширилди, 51 та пахта э-ди реконструкция қилинди. 30 дан ортиқ уруғлик чигит тайёрлайдиган ихтисослаштирилган пахта э-длари энг замонавий ускуналар б-н жиҳозланди.

Пахта тозалаш саноати бўйича и. т. ишлари 1990 й.гача Тошкент ш.да жойлашган Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси и. т. ин-ти (1959), пахта тозалаш саноати Марказий и. т. ин-ти (ЦНИИХпром; 1926) да олиб борилган. 1987 й. дек.да «Пахта саноати» илмий и. ч. бирлашмаси, 1992 й. унинг негизида Пахта тозалаш илмий и. ч. бирлашмаси («Пахта тозалаш ИИЧБ») акциядорлик жамияти ташкил этилди.

1990 й.гача пахта толасини четга сотиш б-н СССР Энгил саноат вазирлигининг «Союзглавлегпромсырьё» ва «Экспортлен» бош бошқармалари шу-

Шаҳрисабз пахта тозалаш заводи. Толани ажратиш цехи.



гулланган. 1992 й. 7 нояб.да Республика Президенти фармони б-н пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш б-н шуғулланувчи «Ўздавпахтасаноотсотиш» давлат-акциядорлик уюшмаси ташкил этилди. Унинг таркибига 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси пахта тозалаш саноати бирлашмалари, «Тошкент канопа саноати» бирлашмаси, Республика илмий маркази, пахта толасини стандартлаш ва сертификатлаш «Сифат» бирлашмаси кирди. 2001 й. 12 июнда «Ўздавпахтасаноотсотиш» негизда «Ўзпахтасаноат» акциядорлик уюшмаси тузилди. Уюшма таркибида 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон ҳудудий пахта тозалаш саноати бирлашмалари ва «Пахта тозалаш ИИЧБ» акциядорлик жамияти бор.

Республика пахта тозалаш саноати тизимидаги корхоналар тулиқ акциялаштирилди. Республикада ишлаб чиқарилган пахта толасининг анчагина қисми (85–90%) экспортга чиқарилади.

1993 й.дан Ўзбекистон жаҳондаги 6 Халқаро пахта толаси савдоси биржаларида энг йирик Ливерпул (Ливерпул Коттон ЛТД) пахта биржаси (Англия) б-н ҳамкорлик қилоқда. Ўзбекистон экспорти умумий ҳажмида пахта толаси экспорти 19,1% ни ташкил қилди (2005).

Ад: Ибрагимов К. С., Так рождалась отрасль, Т., 1989; Маннанов А., Турапов Х., Ўзбекистон пахта тозалаш саноати мустақиллигининг ўн йилида, Т., 2001; Худойберганов М., Хоразм пахта тозалаш саноати тарихи, Т., 2004.

Эркул Зикирёев.

Тўқимачилик саноати. Ўзбекистонда тўқимачилик ҳунармандчилигининг ривожланган тармоғи сифатида узоқ тарихга эга. Бу ерда тайёрланган газмоллар (атлас, занданачи, бахмал, беқасам, олача) ўрта асрларда Буюк ипак йули орқали Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига чиқарилган. Лекин саноат усулида газламалар и. ч. 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланди. 1930 й.да Фарғона ип йигириш-тўқиш ф-каси ишга туширилди (ҳоз. «Фарғона тўқимачилик комбинати» акциядорлик жамияти), 1932 й.дан Тошкент тўқимачилик к-тини қуриш бошланди. 1934 й. бу к-т газлама ишлаб чиқара бошлади. Тошкент тўқимачилик к-ти ва Фарғона йигирув-туқув ф-каси 1945 й.да республикада ишлаб чиқарилган жами ип газламанинг 95,4% ни берди. Бухоро тўқимачилик к-ти (1973–76), Андижон ип газлама к-тининг 1-навбати (1981), Поп ногўқима материаллар к-ти (1977), Хива гилам к-ти қуриб ишга туширилди. 80-й.ларда йирик тўқимачилик корхоналарида бир қанча фи-

Касби пахта тозалаш заводи. Чигитни линтерлаш цехи.



лиаллар очилди. Жумладан Тошкент ш.нинг узида 3 та ф-ка қурилди. Шунингдек Пахтаобод, Чувама, Қургонтепа, Марҳаматда ҳамда Фиждувон ва Вобкентда ф-калар қурилиб ишга туширилди. Филиалларда ҳам и. ч. технологик циклининг тугал бўлишига эришилди.

Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири жаҳон бозорида рақобатбарлош ип газлама и. ч.ни кўпайтиришдан иборат. 1995 – 2005 й.ларда Ўзбекистон тўқимачилик саноатида Жанубий Кореянинг «Кабул текстайлз», Туркиянинг «Типаш», «Бурсел», Япониянинг «Марубени», Швейцариянинг «Виматекс» ва б. компания ва фирмалари иштирокида турли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган қўшма корхоналар ишга туширилди. Бу корхоналар уз маҳсулотларининг асосий қисмини экспортга чиқаради. 1995 й.дан бошлаб тармоққа чет эл инвестицияларини жалб этиш, корхоналарни энг илғор технологиялар асосида модернизациялаш, чет эллик шериклар б-н қўшма корхоналар ташкил этиш янги босқичга кўтарилди, шу жумладан Германия, Япония, Туркия, АҚШ, Корея Республикаси б-н йирик қувватли ип йигирув-туқув қўшма корхоналари ишга туширилди. Илгари Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг фақат 10% республика тўқимачилик саноатида фойдаланилган. 2004 й.да саноат корхоналарида 255 минг т.тола қайта ишланди (республика бўйича жами ишлаб чиқарилган толаннинг 26,2%). Тармоқда 34 та акциядорлик жамияти, 11 масъулияти чекланган жамият, 28 та қўшма корхона, 1 хусусий ва 1 давлат корхоналари фаолият курсатади (2005). Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг 2005 – 2008 й.ларга мулжалланган ҳукумат дастурига кўра шу давр давомида умумий қиймати 1,2 млрд. АҚШ долларига тенг 94 та лойиҳа амалга оширилиши, 40 та янги тўқимачилик корхонаси қурилиши, 46 мин-

гдан ортиқ иш ўринларини ташкил этиш, республикада ишлаб чиқарилган пахта толасининг 50% ни республиканинг узида қайта ишлашга эришиши белгиланган.

Трикотаж саноати республикада 30–40-й.ларда шаклланди. 1939 й.да Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Қўқон пайпоқ ф-каси (1943 й.дан к-т) ишга туширилди. Уруш йилларида Андижон ва Тошкент ш.ларида трикотаж ф-калари қурилди. 50–60-й.ларда Самарқанд (1950), Тошкент (1960), Бухоро (1961), Андижон (1967) ш.ларида трикотаж кийимлар ф-калари қурилди. Тармоқдаги энг йирик корхона Тошкентда 1942 й.да ишга туширилган «Малика» трикотаж и. ч. бирлашмасида эркаклар, аёллар ва болаларнинг 200 хилдан ортиқ устки ва ички трикотаж кийимлари ишлаб чиқарилган.

Янгиқўрғон пахта тозалаш заводи. Толани пресшлаш цехи.





Урганч тўқув фабрикаси.

80–90-й.ларда трикотаж корхоналари янги ускуналар б-н жиҳозланди, янги корхоналар қурилди. «Малика» и.ч.бирлашмаси, Бухоро, Самарқанд трикотаж ф-калари, Қўқон пайпоқ-тўқув к-ти тубдан реконструкция қилинди. Олтинқўл трикотаж матолар ф-каси, Қорасув ва Жиззах пайпоқ ф-калари ишга туширилди. Хужабод (1985), Шаҳрихон (1986), Чортоқ (1986), Шаҳрисабз (1993) да трикотаж-тикувчилик ф-калари фойдаланишга топширилди.

90-й.лар бошидан тармоқда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кенг миқёсда амалга оширилди, мулкчилик шакллари уз-гартирилди. Тармоқда 11 акциядорлик жамияти, 14 қўшма корхона, 4 хусусий корхона фаолият курсатади. Энг йирик корхоналар: «Бофанда», «Гурлан», «Малика», «Намангантрикотаж» акциядорлик жамиятлари, «Оқсаройтўқимачи», «Чинозтўқимачи», «Сағбонтекс», «Шовоттекс», «Ядем текстиль», «Осиё текстиль», «Бурсел – Тошкент текстиль» қўшма корхоналари.

2005 й.да республика трикотаж санюати корхоналарида 32154 минг дон трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Тикувчилик санюати. Ўзбекистонда тикувчилик хунармандчиликдаги касб тартида катта тарихга эга. Қадимдан қишлоқ-шаҳарларда тикувчилик касби усталари – махсус чеварлар қўлда чопон, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, рузгор буюмларини буюртмаларга кура тикиш б-н шуғулланганлар. Гулқўрпа, зарбоф тўн, чойшаб, сўзана, кашта каби буюмлар тикиш юксак санъат даражасига тўтарилган.

Ўзбекистонда энг биринчи тикувчилик корхонаси 1907 й. Тошкентда қурилган

«Луи Зальм ва унинг ўғиллари» акциядорлик жамиятига қарашли тикувчилик ф-каси эди. 20-а.нинг 20-й.ларидан тикувчилик энгил санюатининг йирик тармоғига айланди. 1926 й.да Тошкентда «Қизил тонг» тикув ф-каси, кейинроқ 1-тикувчилик э-ди ишга туширилди. Урушгача булган даврда Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Урганч, Андижонда янги корхоналар қурилди. Уруш дав-

рида Чирчиқ, Қарши, Наманган ш.ларида йирик тикувчилик ф-калари ишга тушди. Республикадаги тикувчилик корхоналарида шўролар армияси учун кийим-кечак ва б.анжомлар тикилди.

60-й.ларда Тошкентда 3-тикувчилик ф-каси (1962), Й. Охунбобоев номидаги Тошкент бош кийимлар ф-каси (1963), Хива тикувчилик ф-каси (1965) ишга туширилди. 70-й.лардан самаралорликни ошириш мақсадида и.ч. бирлашмалари ташкил этилди. Айни пайтда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган кичик шаҳар ва шаҳарчаларда тикувчилик корхоналари филиалларини қуриш авж олди. Шу даврда ихтисослашган 7 тикувчилик и.ч. бирлашмаси ва 40 дан ортиқ филиаллар ташкил этилди. 1989 й.дан тармоқ санюат корхоналарини янги технологик линиялар б-н жиҳозлашда ривожланган капиталистик давлатлар фирмалари б-н ҳамкорлик йўлга қўйилди. 1989–91 й.ларда Тошкент «Қизил тонг», Самарқанд «8 март» тикувчилик и.ч. бирлашмаларида Франция, Германия, Швейцария, Япония, Италия фирмалари иштирокида шу фирмаларнинг комплекс механизациялашган линиялари ўрнатилди. 1994 й.дан тармоқда кенг хусусийлаш-

тириш ўтказилди, давлат корхоналари негизда акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий тикувчилик корхоналари, яқка буюртма асосида кийим-кечак тикадиган юзлаб ательелар, чет эл инвестициялари иштирокида янги тикувчилик қўшма корхоналари очилди. Тармоқдаги йирик корхоналар «Ўзбекенгилсанюат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига кирди. Тармоқдаги энг йирик корхоналар: «8 март» номли (1930), «Модалар уйи» (1962), «Гунча» (1943), «Лола», «Муштарий» (1970), «Тонг» (1964), «Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» (1963) «Феруз Хоразм» (1937), «Хива» (1965), «Юлдуз» (1941) акциядорлик жамиятлари. «Em teks» (2004), «Атласмен» (1999) қўшма корхоналари ва б.

Тикувчилик корхоналарида комплекс механизациялашган линия ва потоклар жорий этилган. Корхоналарда янги технологиялар ва янги материаллар ўзлаштирилмоқда. Жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган кийим-кечак, миллий буюмлар чет элларга экспорт қилинади. Республикада тикувчилик маҳсулотлари, айниқса миллий буюмлар ва кийим-кечак маҳаллий санюат корхоналарида ҳам ишлаб чиқарилади (қ. *Маҳаллий санюат*).

Раҳматулла Рўзиқулов.

Ипакчилик санюатида ипак, кимёвий ва аралаш иплардан маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда пиллакашлик қадим тарихга эга. Қадимдан Марғилон, Наманган, Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Хўжанл каби шаҳарлар Ўрта Осиёдаги шойи газламалар и.ч. марказлари бўлган. Шойи газмоллар Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига ҳам чиқарилган. Пилладан ярим кустарь ҳолда (қозонларда қай-



«Ядем текстиль» қўшма корхонаси-акциядорлик жамиятининг трикотаж цехи.

натиб). кул чархларида калава қилиб ипак олинган. 1913 й.да Ўзбекистонда қарийб 4 минг т пилла етиштирилган, унинг аксарият қисми рус ишбилармонлари қўлига ўтиб, қайта ишлаш учун Италия ва Францияга жўнатилган.

1921 й.дан Ўзбекистонда 56 қозонли механик станок ўрнатилган биринчи пиллакашлик ф-каси Фарғона ш.да иш бошлади. 1927–32 й.ларда Самарқанд, Бухоро, Марғилон ш.ларида пиллакашлик ф-калари ишга туширилди. 1937 й.дан сунъий ипак газламалар тўқиш ҳам бошланди.

1957 й.да Ўзбекистон ипакчилик и. т. ин-тида ипак ўрайдиган автомат станок яратилди. 90-й.лар бошида республикада 9 та йирик корхона: Марғилон (1926), Фарғона (1926), Самарқанд (1927), Бухоро (1927), Тошкент (1959), Наманган (1966), Урганч (1975), Шаҳрисабз (1976), Булоқбоши (1989) пиллакашлик ф-калари, уларнинг 12 филиали ишлади. Республика мустақилликка эришганидан кейин 1993 й.дан пилла етиштириш давлат буюртмасидан чиқарилди, уни харид қилишда келишилган нархлар жорий қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 3 апр.даги «Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорига асосан пиллачилик ва ипакчилик тармоқларида ягона раҳбарликни амалга оширадиган «Шойи» акциядорлик компанияси ва «Пиллахолдинг» холдинг компаниясини ўз ичига олган «Ўзбек ипаги» уюшмаси ташкил этилди (2003 й. 22 дек.да компаниялар тугатилди, уларнинг вазифалари уюшмага берилди). «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибида «Атлас» (Наманган), «Буюк ипак йули» (Фарғона), «Бухоро ипаги», «Булоқбоши ипаги» (Андижон вилояти Булоқбоши ш.), «Ипакчи» (Наманган вилояти Уйчи ш.), «Кумуш» (Шаҳрисабз), «Тола» (Тошкент ш.), «Турон шойиси» (Марғилон), «Хоразм ипаги» (Урганч), «Хужум» (Самарқанд ш.) акциядорлик жамиятлари фаолият курсатади. Шунингдек, тармоқда Япония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Сингапур фирмалари ва компаниялари б-н ҳамкорликда ташкил этилган 7 та қўшма корхона бор. Бу корхоналарда республикада етиштирилган жами пилла (2005 й.да 16,2 минг т) қайта ишланади. 2005 й.да 564,4 т ипак тола ишлаб чиқарилди.

Шойи тўқиш саноати соҳасида 90-й.лар бошига қадар Марғилон шойи к-ти (1928), Марғилон «Атлас» (1925) ва Наманган (1966) шойи и. ч. бирлашмалари, Наманган абрли газламалар к-ти (1925), Самарқанд шойи



Тикувчилик шехи.

и. ч. бирлашмаси (1934), Қўқон шойи тўқиш ф-каси (1926), Шўрчи шойи тўқиш ф-каси (1926) ишлади. Табиий ипакдан миллий газламалар: атлас, хон-атлас, беқасам, шойи (ишлаб чиқариладиган умумий газмоллар ҳажмининг 70% дан кўпроги), крепдешин, шунингдек, плашбоп, костюмбоп, астарбоп газламалар, абрли, тукли ва жаккард газламалар, штапель, вискоза ва аралаш толалардан кийим-кечак тикиладиган газмоллар ишлаб чиқарилган. 2000 й.лар бошидан Республикада «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибида «Алишер Навоий» (Марғилон), «Атлас» (Наманган), «Избоскан шойи тўқиш фабрикаси» (Пойтуғ), «Марғилон ипак газламаси», «Турон шойиси» (Марғилон), «Қўқон шойи-атлас тўқиш», «Мусаффо» (Самарқанд) акциядорлик жамиятлари ишлайди. Шойи тўқиш корхоналарида 4703 минг м² шойи газламалар ишлаб чиқарилди (2004).

Ад.: Алимova X., Ипак чиқиндисиз технология, Т., 1999; Алимova X., Уселко В. А., Ипакни эшиш, Т., 2001.

Шавкат Умаров.

Қўн-поябзал саноати маҳаллий хом ашё — суйилган ҳайвонлар терисидан юмшоқ ва қаттиқ чарм, табиий ва сунъий чармдан поябзал, шунингдек, теллак, от-улов асбоблари, атторлик



Атлас тўқиш шехи.

буюмлари, тўқимачилик ва б. машиналар учун деталлар ишлаб чиқаради. Қўнчилик Ўзбекистонда хунармандчиликнинг қад. тури сифатида мавжуд. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон ш.ларида, Хоразмда юзларча қўнчилик дўконлари булиб, уларда теридан турли нав чармлар тайёрланган. 19-а.нинг сўнгги чорагида маҳаллий бозорларда Европа шаҳарларидан хром, шагрень, упука тери турлари ва улардан тикилган поябзаллар келтириб сотила бошланди.

Тармоқдаги биринчи энг йирик корхона — Тошкент қўн з-ди 1928 й. ишга туширилди. 1941–45 й.ларда Хонободда (Андижон вилояти) тери ошлаш з-ди, пўстин учун қўй терисини ошлайдиган 2 корхона ишга туширилди. 1966 й. Тошкентда янги қўн з-ди, 1968 й. сунъий чарм ва плёнка материаллари з-ди фойдаланишга топширилди.

Қўнчилик соҳасидаги барча з-длар негизда Тошкентда «Ўзбекистон» кун ва сунъий чарм и. ч. бирлашмаси таш-



«ЎзСаламан» қушма корхонасининг маҳсулотларни саралаш линияси.

кил этилди (1966; 1994 й.дан «Чарм» корпорацияси).

Ўзбекистонда поймабзал тикиш ўз анъаналарига эга. Қадимдан поймабзал тикувчи касиблар қўлда ҳар хил андоза ва турда этик, махси, кавуш тиканлар. Поймабзал саноати корхоналари пайдо бўлиши б-н туфли, ботинка, сандал, шиппак, пийма, калиш ҳамда махсус иш поймабзаллари ишлаб чиқарила бошлади.

1927 й. Тошкентда поймабзал ф-каси ишга туширилди (1989 й.дан Фаҳмуддин Хўжаев номидаги поймабзал бирлашмаси). 1935 й. Тошкентда яна бир поймабзал ф-каси (1988 й.дан 2-поймабзал и. ч. бирлашмаси), Бухоро (1938), Самарқанд, Тўртқўл, Термиз (1939), Андижон, Қўқон, Чирчиқ, Наманган (1940) ш.ларида кичикроқ поймабзал ф-калари фойдаланишга топширилди. 1940 й.га келиб республикада кенг тармоқли поймабзал саноати вужудга келди.

Урушдан кейинги даврда Янгийўл поймабзал ф-каси (1960), Фарғона поймабзал ф-каси (1969) ишга туширилди. Тошкентдаги 1- ва 2-поймабзал ф-калари, Чирчиқ, Қўқон поймабзал ф-калари кенгайтирилди ва қайта жиҳозланди, корхоналар маҳсулот турлари бўйича ихтисослашди.

1995 й. «Фарғонапоймабзал» акциядорлик жамияти б-н Германиянинг «Саламандер» фирмаси иштирокида «Ўзсаламан» қушма корхонаси маҳсулот чиқара бошлади.

Республикада чарм-поймабзал тармоғи бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадларида тармоқда ягона раҳбарликни амалга оширадиган, кўнчилик, поймабзал, тери-чарм маҳсулотлари, шу-

нингдек истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, тери тайёрлаш б-н шуғулланалиган корхоналарни ўз ичига олган «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ташкил этилди (2000 й. 23 фев.). Уюшманинг барча вилоятларда тери хом ашёсини тайёрлаш б-н шуғулланалиган вилоятлар савдо-харид корхоналари, терини қайта ишлаш; поймабзал; чарм-атторлик маҳсулотлари; сунъий чарм, картон, ногўқима материаллар ишлаб чиқариш корхоналари бор.

Уюшма таркибида 15 та терини қайта ишлаш з-длари (энг йириклари: йиллик қуввати 35,4 млн. дм² чарм булган «Ўзбекистон» ва йиллик қуввати 40 млн. дм² бўлган «Кўнчи» акциядорлик жамиятлари), 22 та поймабзал и. ч. з-длари [Йириклари: «ЎзСаламан» (йиллик қуввати 500 минг жуфт); «Кибо болалар поймабзали» (330 минг жуфт) қушма корхоналари; «Тошкент поймабзали» (567 минг жуфт), «Қўқон поймабзали» (1182 минг жуфт), «Фарғона поймабзали» (860 минг жуфт), Бухоро «Нақшбандий» (748 минг жуфт) акциядорлик жамиятлари], 4 та чарм-атторлик корхоналари («Тарандубитель», «Фарғона сунъий чарм заводи» (йиллик қуввати 900 минг м² сунъий чарм) акциядорлик жамиятлари ва б.) фаолият кўрсатади. Уюшма корхоналарида 18,4 млн. дм² чарм маҳсулотлари, 3,88 млн. жуфт турли поймабзал ишлаб чиқарилди (2004).

Искандархон Отахонов.

Мўйна саноати. Ўзбекистонда мўйнадўзлик б-н қадимда яққа хунармандлар шуғулланган. Ошланган қуй терисидан пўстин, телпак ва ҳ. к. тикилган. 20-й.лардан хунармандлар артелларга бирлаштирилди. Тошкент кўн-мўйна з-ди 1956 й. чарм-галантерея буюмлари к-ти номи б-н ташкил қилинган. Аёллар ва болалар пальтоси, бош кийимлар, астари мўйна, авраси газлама булган буюмлар ишлаб чиқарган. «Бухоро қорақўли» акциядорлик жамиятида қорақўл териларига ишлов берилди. 70–80-й.лардан республикада, айниқса Қорақалпоғистонда мўйнали ҳайвонлар — ондатра, нутрия, қундуз каби мўйнали ҳайвонларни саноат усулида боқиш — даррандачилик йўлга қўйилди. 1996 й.да Наманган ш.да сунъий



«Ўзбек қорақўли» компанияси корхоналарида териға ишлов бериш майдончаси.

мўйна ф-каси (Ўзбекистон — Германия қушма корхонаси) ишга туширилди. Кейинги йилларда мўйнали кийим-кечаклар ишлаб чиқарадиган цехлар, қушма, кичик ва хусусий корхоналар ташкил топди. Ўзбекистон қорақўли ва ундан тайёрланган пўстин, беретка, манто ва б. маҳсулотлар халқаро бозорларда юқори қадрланади. «Ўзбек қорақўли» компанияси (1998) таркибидаги хўжаликлар ва корхоналар қорақўл тери етиштириш, уни ошлаш, қурақўлдан тикилган турли кийим-бошлар и. ч. ва сотиш б-н шуғулланади (2005 й.да Ўзбекистонда 675,2 минг дона қорақўл тери тайёрланди). Республиканинг ўзида тайёрланган ва четдан келтирилган мўйналар (ондатра, нутрия, қундуз ва б. териси)дан устки ва бош кийимлари тикилади.

Чинни-фаянс саноати. Ўзбекистонда чинни-фаянс саноати, асосан 50-й.лардан ривожлана бошлади. Тармоқдаги биринчи замонавий корхона ҳоз. «Абдурауф Иброҳимов номидаги Тошкент чинни заводи» акциядорлик жамияти 1952 й. ишга туширилган (йиллик қуввати 31 млн. дона маҳсулот). 1970 й. Самарқанд



Самарқанд «Нафис» акциядорлик жамиятининг гул чизиш цехи.

чинни 3-ди (йиллик қуввати 22 млн. дона маҳсулот; ҳоз. «Нафис» акциядорлик жамияти) ва 1978 й.да Қувасой чинни 3-ди (йиллик қуввати 28 млн. дона маҳсулот; ҳоз. «Қувасой чинниси» акциядорлик жамияти) ишга туширилди. Бу корхоналарда рўзгорда ишлатиладиган чинни буюмлар (коса, пиёла, чойнак, лаган, эсдалик-совға буюмлари ва б.) ишлаб чиқарилади. Тошкент чинни 3-дида ишлаб чиқариладиган «Оқ олтин» («Пахта»), «Тонг», Самарқанд чинни 3-дида ишлаб чиқариладиган «Узум» ва б. тўпламлар халқаро ярмарка ва кўргазмаларда намойиш қилинган.

1967 й.да Ангрэн керамика к-тининг ишга туширилиши б-н Ўзбекистонда фаянс (дағал чинни) дан турли хил чинни тахтача, сирланган кошин ва б. санитария-қурилиш фаянс маҳсулотларини и. ч. йулга қўйилди. Маҳаллий саноатдаги қулоллик корхоналарида маҳсус рангли тупроқдан сирлаб тайёрланган сопол-майолика буюмлар, қурилиш материаллари ҳам ишлаб чиқарилади. 2005 й.да Ўзбекистон чинни-фаянс саноатида 2449,1 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мебель саноати

Мебель саноат усулида ишлаб чиқарила бошлагунга қадар уй-рўзгор мебеллари (хонтахта, курси, жовон, сандиқ ва б.) кустарь ва ярим кустарь корхоналарда тайёрланган. Ўзбекистонда мебель саноатининг дастлабки маҳсулотлари — турар жой ва жамоат бинолари учун мебель и. ч. 1922 й.дан бошланган. Уй-рўзгор ва жамоат эҳтиёжлари учун мебеллар и. ч. 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда бирмунча ривож топди. 50-й.лар охирида республикада турли вазирлик ва идоралар ихтиёрида бўлган 3 ф-ка, бир неча цехлар ишлаган. Ҳунар-

мандчилик артеллари ва йирик мебель цехлари негизда Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон ш.ларида мебель ф-калари барпо қилинди. 1962 й. Урта Осиё халқ хўжалиги Кенгашининг ихтисослаштирилган мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси тузилди. 1965 й. Ўзбекистонда мебель ишлаб чиқариладиган 12 корхона ишлади. 1977 й. Ўзбекистон мебель ва ёғочсозлик саноати вазирлиги ташкил этилди. Республика мебель саноати тўлиқ ассортиментдаги мебелларни тайёрлашга ўтди. 1988 й. республикадаги барча мебель саноати корхоналарини бошқариладиган «Ўзбекмебель» бирлашмаси ташкил этилди. 1991 й. шу бирлашма негизда «Ўзбекмебель» ижара корхоналари уюшмаси тузилди. 1993 й. январда уюшма «Ўзбекмебель» давлат-акциядорлик бирлашмасига айланттирилди. Бирлашма таркибида 36 мебель и. ч. акциядорлик бирлашма ва корхоналари: «Янгийўл» ишлаб чиқариш-тижорат ширкати, 13 мебель ф-каси, 3 та мебель и. ч. бирлашмаси, 6 мебель бирлашмаси, «Ўзбекқоғоз» ижара корхонаси, мебель кўзгуси корхонаси, ёғоч кесиш станоклари 3-ди, фирма магазинлари фаолият кўрсатди. «Тошкент» мебель бирлашмаси (1978), «Миробод» бирлашмаси (1953), Самарқанд мебель бирлашмаси (1954), «Наманган» мебель бирлашмаси (1956), «Мебель» бирлашмаси (1959), «Фарғона мебель» бирлашмаси (1960), Олмалик мебель к-ти (1961), «Янгийўлмебель» ширкати (1963), Кува мебель к-ти (1967), Сергели мебель бирлашмаси (1974), Олматор юмшоқ мебеллар ф-каси (1989), Андижон мебель к-ти (1991 й. қайта қурилган), Жиззах ва Риштон мебель ф-калари (1994) турли мақсадларга мўжжалланган замонавий мебелларни и. ч.га ўтди. 90-й.ларнинг 2-ярмидан мебель саноати корхоналари хусусийлаштирилди ва «Ўзбекмебель» давлат-акциядорлик бирлашмаси тугатилди. Тармоқни ривожлантириш кичик

ва ўрта хусусий корхоналар ташкил этиш, корхоналарни замонавий усқуналар б-н қайта жиҳозлаш ва рақобатбардош маҳсулотлар и. ч., корхоналарнинг экспорт имкониятларини ошириш, хорижий фирмалар б-н қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамда иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш йўналишларида олиб борилди. Ўзбекистонда тайёрланган мебеллар экспорти йўлга қўйилди. 1997 й.да маҳаллий саноат корпорациясининг

бир неча корхоналари ва «Файз» қўшма корхонаси акциядорлик жамияти негизда мебель саноатидаги йирик «Файз» холдинг компанияси ташкил топди. Компания таркибида 30 корхона ва ташкилот, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги 10 та қўшма корхона бор. Компания корхоналарида юмшоқ ва офис мебеллари, ошхона мебеллари, ётоқхона тўпламлари, мактаблар ва ўқув юртлари, болалар спорти, меҳмонхоналар учун мебеллар, маъмурий биноларни безаш мебеллари, поролон, гугурт, ламинацияланган ДСП тагликлари ишлаб чиқаради. Маҳсулотларининг катта қисми экспорт қилинади.

Мебель саноатида ҳар хил мебель тўпламлари (меҳмонхона, ошхона, кабинет, ётоқхоналар мебеллари, мактаб, тиббиёт, лаборатория мебеллари), миллий мебель (хонтахта, сандиқ ва б.) намуналарини, ҳашаматли мебеллар йиғмаларини и. ч. ўзлаштирилган.

Мебель саноати корхоналарида 6104,3 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди (2003; 2000 й.да 7339,9 млн. сўм).

Маҳаллий саноат

Маҳаллий саноат йирик и. ч. хўжалик мажмуи бўлиб, республикада ишлаб чиқариладиган халқ истеъмолчи молларининг йиллик умумий ҳажмида унинг ҳиссаси анча салмоқли. Маҳаллий саноат корхоналарида, асосан, маҳаллий хом ашё ресурсларидан турли-туман халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилади. Унинг таркибида қора металлургия, металлга ишлов бериш, ёғочни қайта ишлаш саноати, шу жумладан, мебель саноати, қурилиш материаллари, шиша ва чинни-фаянс, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналари, халқ хунарамандлигининг зардўзлик, тикувчилик, тўқувчилик, пичоқчилик, бадийий каштачилик (сўзана, гулкўрпа, чойшаб, зардевол, палак, кирпеч), дўппидўзлик, ўймакорлик, мисгарлик, заргарлик, кандакорлик, рихтагарлик, қулоллик, миллий чолғу асбоблари ясаш, косибчилик ва б. тармоқлари бор. Шаҳар ва шаҳарчаларда, қишлоқларда катта-кичик хусусий ҳамда жамоа корхоналари, қўшма корхоналар, ф-ка, бирлашмалар фаолият кўрсатади. Тармоқда 3000 га яқин номда маданий, маиший, рўзгор, хўжалик моллари ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда маҳаллий саноат 20-й.лардан ҳунарамандлар ва косиблар ширкатлари қўринишида шаклланди. Тармоқдаги йирик корхоналар — Шаҳрихон, Косонсой ва Ургут шойи тўқиш, Уйчи ва Юқори Чирчиқ, Шаҳрисабз





Тошкент «Шарқ гули» акциядорлик жамияти бадий каштачилик маҳсулотлари.

Олти ариқда қўлда туқилган хонатласлар, Китобда беқасам) ҳам туқилади.

Гилам тўқиши маҳаллий ҳунармандчиликнинг энг ривожланган ва кенг



Гилам тўқиши.

пиллакашлик ф-калари, Бекободдаги «Металлист», Чустдаги миллий пичоқлар э-длари, Тошкент, Андижон ва Шаҳрисабз бадий буюмлар ф-калари, Олмалиқ гилам ф-каси, Тошкент ошхона мебеллари э-ди. Тошкент миллий чолғу асбоблари э-ди. Бухоро зардўзлик ф-каси, Тошкент «Ёлгорлик» ф-каси, Суфиқишлоқ, Қамаш, Когон, Боёвут пахта ф-калари, Риштон, Шаҳрисабз кулолчилик э-длари ва б. корхоналар 1970 – 1990 й.ларда фойдаланишга топширилди. 1990 й.да ишга туширилган термос ишлаб чиқарувчи биринчи Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси 1994 й.да 1 млн. дон маҳсулот ишлаб чиқарди.

Миллий каштачилик буюмлари ихтисослашган корхоналарда ишлаб чиқарилади, уларнинг энг йириклари, Тошкент, Андижон, Чуст, Наманган ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган.

Маҳаллий sanoat корхоналарида миллий газламалар (Марғилон,

ёйилган тармоқларидан биридир. Қўлда туқилган гилам ва палосларда маҳаллий услуб ва бадий усуллар сақланиб келмоқда.

Маҳаллий sanoatда ишнинг касаначилик усуллари кенгайтирилмоқда. Чуст бадий буюмлар ф-каси ва Тошкент касаначилик ф-калари уйда ишлайдиган ишчилардан фойдаланишга ихтисослашган. Тармоқда нодир металллар, тошлар ва синтетик материаллар (сунъий кристаллар) асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарилган «Фонон» ИИБ бирлашмаси фаолият кўрсатади. Корхоналарда янги техника, технология жадал суръатларда жорий этилмоқда. 1-Тошкент заргарлик буюмлари э-ди негизда АҚШнинг «Гольдхоук Трейтинг Инкорпорейтед» фирмаси б-н ҳамкорликда кумуш буюмлари ишлаб чиқарилган «Кумуш» қўшма корхонаси ишга туширилди (1994). 1994 й. 9 сент.да Ўзбекистон маҳаллий sanoat вазирлиги (1934 – 1992) тугатилиб, «Маҳаллий sanoat» давлат корпорацияси ва унинг ҳудудий (вилоятлар) sanoat-савдо концернлари ташкил этилди. 1995 й.да республика маҳаллий sanoati тармоғида 168 акциядорлик жамияти, 97 жамоа корхонаси, 33 масъулияти чекланган жамият, 80 хусусий фирмалар фаолият кўрсатди. 1997 й. 15 авг.да Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий sanoatни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» фармони б-н «Маҳаллий sanoat» давлат корпорацияси тугатилиб, мавжуд ҳудудий sanoat-савдо концернлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент ш. «Маҳаллий sanoat» ҳудудий ишлаб чиқариш-савдо акциядорлик компаниялари ташкил этилди.

Маҳаллий sanoat ва ҳунармандчиликнинг sanoat и. чини маҳаллийлаштиришдаги улкан имкониятларидан яна-

да тўлиқроқ фойдаланиш ва тармоқни ривожлантиришда Республика Президентининг «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони (2006 й. 6 янв.) муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Озиқ-овқат sanoati

Республика анъаналарга бой, халқ хўжалигида муҳим мавқени эгаллайдиган замонавий озиқ-овқат sanoatига эга. Бу sanoat, асосан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ихтисослашган. Мамлакат умумий sanoat маҳсулоти ҳажмининг 8,1% озиқ-овқат sanoati ҳиссасига тўғри келади (2005; 2000 й.да 11,8%, 2003 й.да 12,4%).

Тармоқ таркибида гўшт-сут, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, нон, макарон, мева-сабзавот консервалари, шakar, қандолат, чой қадоқлаш, узум ва шампань виноси, спирт, арақ, тамаки, пиво, минерал ва газланган сув, алко-голсиз ичимликлар, совун ва б. sanoat корхоналари бор.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин озиқ-овқат sanoatида чуқур ташкилий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилди, кўпгина sanoat корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, очик турдаги акциядорлик бирлашмалари ва жамиятларига айлантирилди, илгари тармоқ корхоналарига раҳбарлик қилган озиқ-овқат, гўшт-сут, дон маҳсулотлари ва б. вазирликлар тугатилиб, «Ўзбекистон озиқ-овқат sanoati» давлат-акциядорлик концерни (1993 й. 5 май; 1994 й. 26 сент.дан «Озиқ-овқат sanoati» ва «Ёғ-май-тамаки sanoati» уюшмалари), «Ўзгўштса-



Зардўз

ноат» давлат-акциядорлик уюшмаси (1993 й. 6 апр.; 2003 й. 22 дек. дан «Ўзгўштсаноат» уюшмаси), «Ўзлонмаҳсулот» давлат концерни (1992 й. 6 фев.; 1994 – 2003 й.ларда давлат-акциядорлик корпорацияси; 2003 й. 22 дек. дан давлат-акциядорлик компанияси), «Ўзмеваабзавотузумсаноат» давлат-кооператив концерни (1991 й.; 1994 й. 28 нояб. дан давлат-акциядорлик уюшмаси; 1997 й. дан холдинг компания; 2006 й. 11 янв. дан «Ўзузумсаноатхолдинг» холдинг компанияси), «Ўзбалиқ» давлат-кооператив концерни (1991 й.; 1994 – 2003 й.ларда давлат-акциядорлик компанияси) ташкил этилди. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги таркибидаги «Ўзпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси (1964; 2003 й. 4 сент. да тугатилди), «Ўзбекбирлашув» таркибидаги озиқ-овқат саноати корхоналари очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Корхоналарда янги замонавий технология ва ускуналар ўрнатилмоқда. 1995–2005 й.ларда фақат «Озиқ-овқат саноати» уюшмаси корхоналарига 185,63 млн. АҚШ доллари миқдорига чет эл инвестициялари жалб этилди.

Мулкчилик шакллариининг хилма-хиллигини таъминлаш асосида тармоқда иқтисодий ислохотлар давом эттирилмоқда. Аҳоли эҳтиёжларини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари б-н қондириш чоралари кўрилмоқда. Чунки ҳамон республика импортида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссаси юқори бўлиб келмоқда (1995 й. да умумий импорт ҳажмининг 18,2%, 2000 й. да 12,3%, 2005 й. да 7% озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этди). Тармоқда 3646 корхона (республика бўйича жами саноат корхоналарининг 25,9%) фаолият кўрсатади, уларнинг 99,5% нодавлат сектори, 0,5% давлат секторига мансуб (2004).

Озиқ-овқат саноати тармоқларида и. т. ва лойиҳа ишларини «Ўздавозиқ-овқатсаноатлоийиҳа» ин-ти, «Озиқ-овқат технология» (1997) жамоа конструктор-

лик бюроси (масъулияти чекланган жамият) бажаради.

Тармоқ корхоналарига олий ва ўрта махсус маълумотли муҳандис-техник кадрлар Тошкент кимё-технология ин-ти, Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати ин-ти, Тошкент иқтисодиёт. Тошкент техника ун-тларида, Самарқанд, Янгийўл озиқ-овқат, Тошкент технология ва б. коллежларда тайёрланади.

Бадриддин Холмуҳамедов.

Гўшт саноати. 1930 й.ларга қадар Ўзбекистон аҳолисини гўшт б-н майда ва тарқоқ қассобхона ва қушхоналар таъминлаб келган. От гўштидан қаз, қорамол, қўй гўштидан узоқ муддан сакланадиган қуритилган, қовурилган гўшт маҳсулотлари тайёрланган. 1905 й.да Тошкентда Орифхўжа Азизхўжаев Туркистон ўлкасида биринчи 3-д типидаги қушхонага асос солган. 1929 й.да бу қушхона негизда Тошкент гўшт к-ти ташкил этилди. 1932 й.да гўшт саноати республика халқ ҳўжалиги режасига алоҳида саноат тармоғи тарзида киритилган. Ўша йили Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Каттақўрғон, Термиз, Қарши, Қўқон ш.ларидаги 8 та шаҳар қассобхонаси, Самарқанд ва Бухородаги музхона (музлатгич) ни бирлаштирган «Ўзгўштсоветишсаноат» трести ташкил этилди. 1965 й.да Республика гўшт ва сўт саноати вазирлигининг ташкил этилиши б-н гўшт саноати корхоналари қурилиши жадаллашди. Чирчиқ, Фарғона, Каттақўрғон. Самарқанд гўшт к-тларида юқори қувватга эга бўлган қолбаса цехлари қурилди. 1979 й.да 18 гўшт к-тининг смена қуввати 438,5 т гўштни қайта ишлаш ва 125,5 т қолбаса маҳсулотлари и. ч.га етказилди. Кўпгина корхоналар янги технологияларни қўллаш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтиришга эришилди.

1991 – 2005 й.ларда республикадаги жамоа ҳўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан замонавий технология уску-

налари б-н жиҳозланган қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўплаб корхоналар қурилди ва улар республика бозорини гўшт-қолбаса маҳсулот-

лари б-н узлуксиз таъминлаб келмоқда. Ҳоз. даврда, асосан, вилоятлар марказларида ва йирик шаҳарларда жойлашган турли мулкчилик шаклларига мансуб 11 гўшт к-ти фаолият кўрсатади (2005). Уларда гўшт ва 50 турдан ортиқ қолбаса маҳсулотлари ва дудланган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Республикадаги барча тоифадаги ҳўжаликларда тирик вазнда 1,0 млн. т дан ортиқ гўшт тайёрланади ва истеъмолчиларга етказиб берилади.

Республика гўшт саноати ўзининг мустақил ва етарли хом ашё базасига эга. Кейинги ўн беш йилда гўшт саноатидаги ўсиш республикада чорва моллари бош сонини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга эришилган ҳолда таъминланмоқда.

Республика гўшт саноатида хорижий фирмалар б-н ҳамкорликда суякни қайта ишлаш, ичак маҳсулотлари тайёрлаш, ярим тайёр гўшт маҳсулотлари и. ч., гўштни қадоклаш ва ўраб истеъмолга чиқариш бўйича тадбирлар амалга оширилди, гўшт маҳсулотларини сотиш марказлари ташкил этилди.

Сўт саноати. Республика сўт саноати корхоналарида сарийёғ, сўт-қатиқ, сўт консервалар, қуруқ сўт, пишлоқ, бринза, қаймоқ, музқаймоқ, казеин каби 60 дан ортиқ номдаги сўт маҳсулотлари, 10 турдан ортиқроқ номда турли шарбатлар ва ичимликлар ишлаб чиқарилади. Мамлакатда сутни қайта ишлаш корхоналари пайдо бўлгунига қадар шаҳар-қишлоқларда сутдан қатиқ, айрон, сузма, пишлоқ, қағаноқ, қурт каби маҳсулотлар тайёрлаш, қатиқни қувда пишириб сарийёғ олиш кенг тарқалган эди. Ўзбекистонда биринчи сўт з-ди Тошкент ш.да 1928 й.да ишга туширилган. 1940 й.да республикада 13 та сўт з-ди ишланди (30,4 минг т сўт қайта ишланган ва, асосан ёғи олинмаган сўт маҳсулотлари, сарийёғ ишлаб чиқарилган). 1956 й.га келиб сўт з-длари сони 25 тага етди (293 та сўт қабул қилиш пунктлари б-н), уларнинг 21 тасида буғхоналар қурилди.

1960–70 й.ларда ёғи олинмаган сўт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар Термиз (1961), Андижон (1962), Урганч (1964), Навоий (1965), Наманган (1966), Фазалкент (1966), Хўжайли (1968) ш.ларида ишга туширилди. 1974 й. Тошкентда бир сменада 150 т сўт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган сўт к-ти фойдаланишга топширилди. 1990 й.га келиб республика сўт саноатида 684,1 минг т ёғи олинмаган сўт ва сўт маҳсулотлари, 15,9 минг т сарийёғ, 2,1 минг т қатиқ ва юмшоқ пишлоқ, 20,7 минг т ёғсиз сўт маҳсулотлари, 8,2 минг т музқаймоқ ишлаб чиқарилади.



Ёғ-мой саноати маҳсулотлари.

Республика сут саноати корхоналарида кичик ёшдаги болалар учун сут маҳсулотлари (Тошкент, Наманган, Самарқанд сут к-тлари), бузоқларни боқиш учун сунъий сут и. ч. йўлга қўйилди. 90-й.лардан бошлаб сут саноати корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуролантириш, хорижий технологияларни келтириш, чет эл фирмалари б-н ҳамкорликда мини заводлар қуриш ишлари йўлга қўйилди. Рақобатбардош маҳсулотлар и. ч., корхоналарни модернизациялаш, қўшма корхоналар ташкил этиш учун чет эл инвестициялари жалб этилди. 1994 й.да Бухоро ва Фарғона сут к-тлари негизда саноат р-нларини сут маҳсулотлари б-н таъминлайдиган «Бухоросут» ва «Фарғонасут» Ўзбекистон – Британия қўшма корхоналари-акциядорлик жамиятлари (бир кунда 500 т сутни қайта ишлайди) ўз фаолиятини бошлади. 1999 й.да Швейцариянинг «Нестле С. А.» корпорацияси б-н ҳамкорликда «Намангансут» акциядорлик жамияти негизда «Нестле – Ўзбекистон» қўшма корхонаси (халқаро стандартларга мос болалар овқатлари, йод ва витаминлар б-н бойитилган сут ва б. маҳсулотлар) ташкил этилди. 2005 й.да «Тошкентсут» акциядорлик жамияти негизда Россиянинг «Вимм-Билль-Данн» компанияси б-н ҳамкорликда «Вимм-Билль-Данн – Тошкент» чет эл корхонаси ўз фаолиятини бошлади (бир суткада 60 – 70 т сутни қайта ишлайди).

Сут саноати корхоналари хорижий технология, қалоклаш автоматлари б-н жиҳозланмоқда. 2006 й.да «Ўзгўшсутсаноат» уюшмаси таркибида сутни қайта ишлайдиган 38 корхона фаолият кўрсатди. Ҳоз. даврда уюшма корхоналарининг сутни қайта ишлаш бўйича и. ч. қувватлари бир сменада 1067,7 т ни, қаттиқ пишлоқ бўйича 6,2, юмшоқ пишлоқ бўйича 5,6 т ни, музқаймоқ бўйича 20,8 т ни, ёғи олинган қуруқ сут бўйича 15 т ни ташкил этади (2006). 2005 й.да республикада 10,6 минг т қайта ишланган сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Маҳмуд Холов.

Ёғ-мой саноати республика озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқларидан бири. Ўзбекистонда қадимдан ўсимлик ёғи кунжут, зиғир, индов, махсар уруғи, пахта чигити, полиз экинлари уруғларидан жувозларда олинган. Республикада пахта чигитидан мой олувчи гидравлик прессли биринчи з-д 1884 й. 26 сент. да Қўқонда қурилган. 1886 й.да Каттақўрғон ш.да ёғ з-ди қурилди. 1913 й. ҳоз. Ўзбекистон ҳудудига жойлашган 30 та кичик ёғ з-дида 57 минг т пахта мойи

ишлаб чиқарилган. 20-а.нинг 90-й.лари бошига келиб республикада йилга 3 млн. т дан ортиқ мойли экинлар уруғларини қайта ишлайдиган қувватга эга бўлган жами 41 та (19 таси йирик) ёғ-мой маҳсулотлари корхонаси ишлади. Саноатнинг бу тармоғида пахта, соя, кунгабоқар мойлари, мева данаклари ҳамда сабзавот уруғларидан олиниб, атир-упа, фармацевтика ва озиқ-овқат саноати тармоқларида ишлатиладиган ёғлар, маргарин маҳсулотлари, майонез, кирсовун, атирсовун, кунжара, шулжа техника мақсадларидаги бошқа турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Тармоқ корхоналари «Ёғмойтамаксаноат» (1993) уюшмаси таркибига киради. Республика ёғ-мой саноати ҳиссаси озиқ-овқат саноати умумий маҳсулоти ҳажмининг 25% ни ташкил этади. Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, хусусан, пахта мойи экспортга чиқарилади. Республикада ёғ-мой саноатининг ривожланиши, асосан, пахта етиштиришнинг ўсиши б-н боғлиқ бўлгани сабабли тармоқ корхоналари хом ашёга яқин ерларга қурилган ва Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида (Навоий вилоятдан ташқари) мавжуд. Янгийўл, Каттақўрғон, Қўқон, Фарғона, Андижон, Урганч ш.ларида жойлашган ёғ-мой ҳамда Бухоро, Қарши, Асака, Учқўрғон, Наманган, Гулистон, Когон, Денов, Косон ёғ-экстракция корхоналари – акциядорлик жамиятлари, «Тошкентмаргё» (Тошкент ш.), «Хўжайимой», «Ёғтар» (Қорақалпоғистон, Беруний ш.), «Чимбой-мой» акциядорлик жамиятлари шулар жумласидандир. «Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамияти таркибида пахта мойидан ташқари мева данакларидан мой ишлаб чиқарилган з-д ишлайди (2002 й.дан «Effektiv oil» хорижий жамияти). «Тошкентмаргё» корхонасида маргарин маҳсулотлари ва майонез, тармоқдаги 10 корхона – Фарғона, Янгийўл, Андижон, Урганч, Каттақўрғон ва б. ш.ларда жойлашган корхоналарда кирсовун ишлаб

Ўзбекистонда биринчи қурилган мой заводи (ҳоз. «Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамияти) форпресс цехи биноси.

чиқарилади. 90-й.ларнинг 2-ярмидан ёғ-мой маҳсулотларини и. ч., қайта ишлаш, истеъмол ва сақлаш учун қулай идишларга қалоклаш, пахта мойини дезодорациялаш бўйича янги технологиялар кенг миқёсда ўзлаштирилди. Тармоқ корхоналарида технологик жараёнларни автоматлаштириш, хорижий фирмалар ускуналари б-н жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда. Корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашда Крупп, Скет (Германия), «Альфа-Лаваль» (Швеция), «Жон Браун», «Карвер», «Краун» (АҚШ), «Маццони», «Боллестра» (Италия), Германия, Польша, Украина, Россия фирмалари б-н ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Республика ёғ-мой саноатида жами 253,9 минг т ўсимлик мойи (2002 й.да 227 минг т), 54,7 минг т хўжалик совуни, 21,2 минг т маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқарилди (2005).

Ад.: Бакиров А., Эл ҷумичини мой қилаётганлар, Т., 1996; Сотволдиев А., Навқиронлик сари қадам, Т., 2000.

Маҳаммадҷон Худойёров.

Элеватор саноати. 20-а.нинг 20-й.лари га қадар Ўзбекистонда етиштириладиган ғалла, асосан, маҳаллий эҳтиёжлар учун сарфланар, товар доннинг салмоғи унча катта эмас эди. Аҳоли ўзи етиштирган ва ўз эҳтиёжига сарфлайдиган ғаллани чуқур қуруқ ўраларда, хумларда, махсус кандикларда ва омборларда сақлаган. Доннинг катта захираларини сақлаш учун омборхоналар бино қилинган. 1906–09 й.ларда Тошкентда 1-ун з-ди қошида сифими 3000 т булган элеватор қурилган. 1927 й. Тошкентда темир-бетондан қурилган биринчи элеватор (2-дон маҳсулотлари к-ти) ишга туширилди. Кейинчалик Ҳаққулбол, Асака, Шаҳрихон, Қарши, Наманган, Самарқанд, Косон, Қамаш, Фузорда ғалла омборлари, 1935–40 й.ларда



Ғаллаорол ва Зарбдорда элеватор қурилди. 1965 й.да республикада умумий сис-гими 674 минг т бўлган 5 элеватор ва 226 ғалла омбори бор эди. 1970 й.да элеваторларнинг сисгими 10 марта ортди. 80-й.лар бошидан Ўзбекистонда ғалла, шולי етиштириш кўпайди. Минораси сисгими 18 минг т гача бўлган элеваторлар қурилди. 1993 й.дан Ўзбекистон узининг ғалла мустақиллиги дастурини амалга оширишга киришди. Республикада дон маҳсулотларини етиштириш кўпайди. Мамлакатнинг донни қайта ишлаш корхоналари 1993 й. хўжаликлардан 1100 минг т бошоқли экинлар дони, шу жумладан 912 минг т бугдой, 325 минг т шולי қабул қилди. 1995 й.да ғаллакор хўжаликларда 2700 минг т дан кўпроқ бошоқли дон етиштирилди. 2005 й.да дон экинларининг йиғиб олинган ялпи ҳосили 6518,0 минг т ни, шу жумладан бугдой ҳосили 6047,0 минг т ни ташкил этди. 1995 – 2005 й.ларда етиштирилган ғаллани қисқа муддатларда ёпиқ сисгимларга жойлаш мақсадларида сисгими катта янги элеваторлар, жумладан Ғузор ва Шаҳрисабз туманларида сисгими 18 минг т бўлган элеваторлар қурилиб ишга туширилди. «Ўздонмаҳсулот» компанияси элеватор тармоғида замонавий технологиялар б-н жиҳозланган 47 та уруғлик тозалаш цехи фаолият курсатади. Уларда уруғчилик хўжаликларида етиштирилган 300 минг т га яқин бошоқли экинлар ҳосили қайта ишланади, сақланади ва ғаллачилик хўжаликларига етказиб берилади.

Ун тортиш (тегирмон) саноати. Ўзбекистонда 3-д типидagi ун тортиш корхоналари 19-а.нинг охирларида пайдо бўлди. Асрлар давомида аҳоли кичик сув тегирмонларидан фойдаланиб келган. 1870 й. ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида кепакли жайдари ун тортиладиган, унумдорлиги бир суткада бир неча центнер бўлган 5 мингдан ортиқ тегирмон бўлган. 1877 й. рус савдогарлари Тошкентда бир суткада 10 т навли ун тортадиган тегирмон қуриб ишга туширилди. 1883 й. Тошкентда биринчи 3-д типидagi корхона ун ишлаб чиқара бошлади. 1913 й. Тошкент, Самарқанд (1898), Андижон (1901) ва б. шаҳарлардаги йирик ун 3-дларида 37,9 минг т ун тортилди.

1918 й. йирик тегирмонлар национализация қилинди, 1920 й. «Туркун» – Туркистон Республикаси ун саноати трести ташкил этилди, унинг таркибида 21 ун корхонаси ва 6 гуруҳ 3-ди ишлади. Ҳаша йилларда Ўзбекистонда хусусий мулк бўлган 4510 сув тегирмони ва об-жувозлар ҳам бор эди. 1926 й. 26 майда бошқарув идораси Тошкентда жойлаш-

Бухоро дон маҳсулотлари комбинати элеваторлари.

ган ва Ўрта Осиё бўйича дон маҳсулотлари тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш б-н шуғулланадиган «Осиёдон» акциядорлик жамияти тузилди. 1932 й. «Осиёдон» тугатилиб, Ўрта Осиё республикаларида Бутуниттифоқ «Дон-тайёрлов» бирлашмасининг республика идоралари (Ўзбекистонда «Ўздонтайёрлов») ташкил этилди. 20–30-й.ларда бир неча янги ун 3-длари қурилиб ишга туширилди. 1940 й. Ўзбекистонда 7 та йирик ун тортиш корхонаси ишлади. 1941 й.га келиб республикада саноат йўли б-н ун и. ч. 10 марта кўпайди (345,8 минг т).

50–60-й.ларда Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида бир суткада 1100 т донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган 10 корхона қуриб ишга туширилди. 1956 й. сент.да «Ўздонтайёрлов» негизда Республика дон маҳсулотлари вазирлиги тузилди. 1961 й.дан бу вазирлик Тайёрлов вазирлигига, сўнгра Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш вазирлигига (1962) айлан-тирилди, 1975 й.дан яна Тайёрлов вазирлиги, 1985 й.дан Дон маҳсулотлари вазирлиги (1992 й.дан «Ўздонмаҳсулот» концерни; 2004 й.дан «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси). 1965 й. 763 минг т ун ишлаб чиқарилди. Фарғона (1959), Қува (1961), Янгиуул (1963) ун к-тлари, Наманган (1965), Андижон (1966), Самарқанд (1959), Бухоро (1968), Навоий (1969) ш.ларида 240 т/сутка қувватли уч навли ун тортадиган 3-длар қурилди. 1966–90 й.ларда ун саноати тез суръатларда ўсди. Суткасига 120 дан 500 т гача ун тортадиган 23 та янги корхона қурилди. 44 корхона техникавий жиҳатдан қайта жиҳозланди. 1970 й.да республикадаги ун 3-дларининг и. ч. қувватлари 3243 т/суткага етказилди, навли ун и. ч. эса 3083 т/суткага етди. Жиззах (1971), Оҳангарон (1973), Қўқон (1970), Қарши (1974), Асака (1977), Жомбой (1976), Тахياتош (1977) ш.ларида янги корхоналар ишга туширилиши б-н корхоналарнинг умумий қуввати суткасига 6330 т га етди ёки бир йилда 1,5 млн. т ун и. ч. имкониятига эга бўлди. 1990 – 2005 й.ларда Оқолтин, Дўстлик, Оқтош, Яккабоғ дон маҳсулотлари к-тлари қурилди. «Қашқадарё



дон маҳсулот» (2004), «Қизилтепа ун заводи» (1993), «Богоддон» (1993) акциядорлик жамиятлари каби 12 та йирик корхона ва филиаллар ишга туширилди. 1991 й.дан кейин қишлоқ жойларда кўпгина жамоа, ширкат хўжаликларида кичик электр тегирмонлари қуриш авж олди. 90-й.ларгача ун саноати корхоналари учун ғалла ва республика эҳтиёжлари учун уннинг муайян қисми четдан олинар эди. 1993 й.дан Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигини таъминлаш дастури амалга оширилди. 1991 – 2003 й.ларда йиллик қуввати 297 минг т бўлган 11 та ун ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида 3 та Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси ишга туширилди.

«Ўздонмаҳсулот» компанияси таркибида 9 навли ун, манний ёрмаси, нон, макарон, омихта ем, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 34 та филиалга эга бўлган 44 корхона фаолият курсатади (2005). «Ўздонмаҳсулот» компанияси таркибидаги тегирмонларнинг дон бўйича суткалик қайта ишлаш қуввати 11,90 минг т ни ташкил этади (2005). Уларнинг асосий қисми замонавий технологик ускуналар б-н жиҳозланган. 2003 й.дан тармоқ корхоналари қўшни давлатларга ун ва бугдой экспорт қилади. 2005 й.да республикада 1320,3 минг т ун ишлаб чиқарилди (1994 й.да 2945,1, 2000 й.да 1756,1 минг т).

Нон саноати. Ўзбекистонда нонвойлик қадимий тарихга ва бой анъаналарга эга. Нон энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи бўлганлиги, асрлар давомида нонвойлар маҳоратининг ўсиши ва технологик усулларнинг такомиллашуви натижасида ўзбек халқ пазандалигида тандирда ёпиладиган оби, гижда, па-тир, ширмой нонларнинг ўнлаб хиллари яратилган ва ҳозир ҳам пиширилади. Узоқ асрлар давомида шаҳарлар ва йирик қишлоқларда ноннинг юзлаб турларини кашф этган нонвойлар шуҳрат



Учқургон дон маҳсулотлари комбинатининг ун тортиш цехи.

да нон саноати корхоналарини замонавий ускуналар б-н қайта жиҳозлаш, нон турларини кўпайтириш йўналишларида муҳим ишлар амалга оширилди. Даҳа ва гузарларда, айниқса қишлоқ туманларида кичик нон корхоналари («Дока нон») ишга туширилди. 1991 – 2005 й.ларда республика аҳолисини сифатли нон-булка, қандолат ва макарон маҳсулотлари б-н таъминлашни яхшилаш йўлида бир кунда 1585,5 т нон ва нон-булка маҳсулотлари и. ч. қувватига эга булган 178 та корхона қурилди. Кўпгина кичик нонвойхоналар Германия («Винклер»), Туркия («Экмасан») Сербия («Гасмол») фирмалари ускуналари б-н жиҳозланган.

Нон саноати корхоналари қишлоқ жойларида хусусий секторда ҳам ривожланган. 90-й.лар ўрталарида бу тизимда 250 га яқин нон корхоналари, 3 мингга яқин тандир (нонвойхона) лар фаолият кўрсатди (республикада пиширилдиган ноннинг 60% дан кўпроги тайёрланади).

Республика нон саноати корхоналарида 300 хилдан кўпроқ нон ишлаб чиқарилади.

Ўрма саноати. 1994 й.га қадар тармоқда, асосан, гуруч ишлаб чиқарилган. Сули, гречиха, буғдой, арпа, маккажўхори, шоли, сорго донидан бир неча хил ўрма ишлаб чиқарилади. Республика ўрма саноатида, асосан шовидан турли навли гуруч тайёрланади. кейинги йилларда

«Сағбоннон» мажмуаси Тошкент.

арпа ўрмаси (оқланган арпа) ва тегирмонларда манний ўрмаси и. ч. йўлга қўйилди.

Тошкентдаги 4-дон маҳсулотлари к-тида 1930 й. обжувоз негизда бир суткада 30 т гуруч ишлаб чиқарилган 3-д қурилди. 1950 й.да Тошкент гуруч к-тида йилга 22 минг т гуруч ишлаб чиқарилган 3 гуруч цехи ишга туширилди. 1970 й.дан дон қабул қиладиган корхоналар ва дон маҳсулотлари к-тларида алоҳида гуруч цехлари қурилди. Қорақалпоғистонда Тахиятош, Хўжайли, Қонликўл, Шуманай, Чимбой, Хоразм вилоятида Урганч, Хонқа, Боготдаги гуруч 3-длари йирик корхоналар ҳисобланади. Мамлакатда 10 дан ортиқ гуруч 3-ди ишлайди. Ўрма маҳсулотлари и. ч. бўйича асосий қувватлар «Қорақалпоқдонмаҳсулот», «Чимбойдонмаҳсулот», «Фаллаалтег» корхоналарида ишга туширилган. 1994 й.да Сирларё, Шовот, Хўжайли дон маҳсулотлари корхоналарида арпа ўрмаси ишлаб чиқарилган линиялар ўрнатилди. 2005 й.да тармоқда 23,1 минг т ўрма ишлаб чиқарилди (2000 й.да 88,5 минг т, шу жумладан 84,3 минг т гуруч).

Ал: Абдуллаева Н. Дунё ободлиги сизлардан. «Ўздонмаҳсулот» мустақилликнинг ўн йилида, Т., 2001; История отрасли хлебопродуктов Узбекистана, Т., 2001.

Эркин Қудратов.

Консерва саноати. Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг энг ривожланган тармоқларидан бири, асосан мева ва сабзавотлардан консервалар ишлаб чиқаради. Асосий маҳсулотлари – мева компотлари, мураббо, жем, шарбатлар, маринадланган ва тузланган сабзавотлар, помидор пастаси ва пюреси, қуритилган сабзавотлар, мевалар (қоқилар) ва майиз. 1913 й.да ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида кустарь усул б-н маҳсулот тайёрландиган 3 кичик консерва корхонаси бўлиб, уларда жами 200 минг банка консерва ишлаб чиқарилган. Ўзбекистонда консерва саноати 30-й.ларда ривожланди. 1929 й. Янгийўл консерва 3-ди, 1932 й. Тошкент консерва 3-ди ишга туширилди. 1940 й.лар бошида Самарқандда консерва 3-ди қурилди. Наманган консерва 3-ди ҳам кенгайтирилди. Урушдан кейинги йилларда Фарғона, Андижон, Шаҳрисабз ва б. ш.ларда ўнлаб консерва 3-длари ишга туширилди, эскилари кенгайтирилди ва замонавий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланди. 1985 й.да алкогольизмга қарши қонун қабул қилинган, вино 3-дларида турли узум ва мева шарбатлари ишлаб чиқарила бошлади. 1986–89 й.ларда консер-



ва и. ч. 2 марта кўпайди. Консерва саноати корхоналари 1997 — 2005 й.ларда «Ўзмева-сабзавотузумсаноатхолдинг» холдинг компанияси таркибида фаолият кўрсатди. 90-й.лардан бошлаб республика консерва саноатини ривожлантириш дастури қабул қилинди, чет эл инвестициялари иштирокида янги корхоналар қурилди. 1997 — 2004 й.ларда 18 инвестиция лойиҳаси амалга оширилди ва 50.9 млрд. сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, шу жумладан, Шаҳрисабз, Наманган, Фазалкент консерва з-длари, «MS Food Processing» қўшма корхонасида томат паста ва томат пюреларни кичик идишчаларда чиқариш қувватлари, «Кува консерва» корхонасида суткалик қуввати 140 т бўлган томат пастаси ва мева пюресини ишлаб чиқарадиган ва қadoқлайдиган линиялар ўрнатилди. Ўзбекистондан Германия, Польша, Италия, Малайзия, Япония каби мамлакатларга турли мева ва сабзавотлар консервалари, помидор пастаси, майиз, турли қоқилар экспорт қилинади. 2004 й.да тармоқ корхоналарида 26,4 минг т мева-сабзавот консервалари, 3,7 минг т мева қоқилари ва қуритилган сабзавотлар экспорт қилинди. Республикада 90-й.лардан кўпгина жамоа хўжаликлариде кичик консерва з-длари ва цехлари ишга туширилди. Ихтисослаштирилган йирик боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик хўжаликлари консерва з-дларига хом ашё етказиб беради. Республика консерва саноати корхоналари 90-й.лар ўрталарида йилига 12 млрд. шартли банка маҳсулот и. ч. қувватига эга бўлган. 1995 й.дан республикада мева-сабзавотлар етиштирадиган ва уни саноат асосида қайта ишлайдиган ва сотадиган 50 дан ортиқ агрофирмалар ташкил этилди (мева-сабзавот консервалари и. ч.га ихтисослашган «Қашқадарё», «Наманганконсерва», «Кишмиш», «Учкўприк», «Кувасой», мева қоқилари ва майиз тайёрланадиган «Тўрақўрғон ширинликлари», «Булунгур мевалари» ва б.). 2005 й.да республикада 22 та йирик мева-сабзавот консерва корхоналари, 3 та мева қоқи ва қуритилган сабзавотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсатди. Мамлакат бўйича 148,3 млн. шартли банка консерва ишлаб чиқарилди.

Республикадаги айрим балиқчилик хўжаликлариде дудланган балиқ, балиқ консервалари тайёрланади. 1990 й.лар ўрталарига қадар 1941 й.да қурилган Мўйноқ консерва к-тида турли балиқ консервалари ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 11 янв.да эълон қилин-

ган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига мувофиқ консерва саноати корхоналари «Ўзмева-сабзавотузумсаноатхолдинг» холдинги компанияси тақрибидан чиқди ва агрофирмалар таркибига кириш имконияти б-н мустақил фаолият кўрсата бошлади.

Азизжон Аюлов.

Вино саноати. Археологик топилмалар Ўрта Осиё ҳудудида узумдан вино тайёрлаш мил.гача маълум бўлганлигини кўрсатади. Хонадонларда узумдан мусаллас (май, шароб), сирка, галла донидан бўза каби спиртли ичимликлар тайёрланган. Аммо ислом дини вино ва арақ истеъмол этишни таъқиқлагани сабабли бу ҳунарлар кенг ёйилмаган.

Россия Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин тармоқдаги энг биринчи корхоналар — Тошкентда савдогар И. И. Первушин (1866), Самарқандда Д. Л. Филатов вино з-длари (1869) пайдо бўлди. Шунингдек, 19-а. охириларида, асосан, хонаки усулда вино иштаб чиқарадиган кўпдан-кўп шаробсозлар (Н. И. Иванов, И. И. Мурашко, П. С. Ерин ва б.) ҳам фаолият кўрсатган. Дастлаб кичик қувватларга эга бўлган виночилик саноати 1925 й. дан тоқзорларнинг кенгайтирилиши натижасида тез суръатлар б-н ривожлана бошлади.

Тармоқда хўраки ва майизбоп, винобоп узум навлари, олма ва б. мевалардан турли нав вино, коньяк, шампань вноси, арақ ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Корхоналарнинг аксарият қисми «Ўзузумсаноатхолдинг» холдинг компанияси таркибида. Маҳаллий хом ашёда ишлайдиган корхоналар республиканинг барча вилоятларида бор.

Республика вино саноати бир йилда 25 млн. дал вино-арақ маҳсулотлари и. ч. қувватига эга. Тармоқда 16 йирик

корхона бор. Вино маҳсулотлари тайёрлаш ва қуйиш б-н 56 корхона шуғулланади (2006). Энг йирик корхоналар: «Тошкентвино комбинати», «Ўзбекистон шампани», Самарқанд «Зарафшон» акциядорлик жамиятлари. Янгийўл, Кўқон, Бухоро, Шаҳрисабз ва б. шаҳарларда ҳам замонавий корхоналар бор. Вино саноати корхоналарида тайёрланадиган оқ, қизил, десерт винолар («Ўзбекистон», «Алеатико», «Наманган садафи», «Қора гўзал», «Сижжак», «Фўлакандоз», «Пино», «Биҳишти» ва б.), «Тошкент», «Чимён», «Осиё», «Зарафшон» арақлари, «Ўзбекистон», «Самарқанд», «Афросиёб» коньяклари, «Самарқанд бальзами» халқаро кўргазмаларда 100 дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза медаллари, турли совринлар ва дипломлар олган. Вино маҳсулотлари и. ч.ни кўпайтириш, бозор рақобатига бардош берадиган ва экспорт йўналишидаги маҳсулотлар и. ч., маҳсулот турларини кўпайтириш бўйича тармоқда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 1995 й.дан тармоқда узумчилик ва виночиликка ихтисослашган «Шаҳрисабз», «Наманганвино», «Денов», «Янгийўл», «Мастона» агрофирмалари — хом ашё етиштирувчи хўжаликларни бирлаштирган саноат корхоналари иш бошлади. Шунингдек, чет эл фирмалари б-н ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилди. 2004 й.да 240 минг дал озиқ-овқат спирти, 1155 минг дал вино материаллари экспорт қилинди. 2005 й.да республикада 5938 минг дал арақ ва арақ-ликёр маҳсулотлари, 2442 минг дал вино ишлаб чиқарилди.

Ад.: Виноградные вино и коньяки [Каталог. Составитель: творческий центр «Шаробсоз»], Т., 1999.

Омонулла Абдуллаев, Азизжон Аюлов.



«Ўзбекистон шампани» акциядорлик жамиятининг шачлан вноси қуйиши цехи.



Қанд-шакар саноати Туркистон ўлкасида ягона бўлган шакар 3-ди 1903 й.да Эски Қовунчи қишлоғи (ҳоз. Янгийўл ш.) да истезьфодаги офицер В. М. Иванов томонидан қурилиб ишга туширилган. 2-жаҳон уруши йилларида Украинадан кучирилган қанд 3-длари негизиде Каттақўрғон, Зирабулоқ, Қўқон қанд 3-длари ишга туширилган ва Янгийўл қанд 3-ди б-н биргаликда ҳар йили 200 минг т га яқин шакар ишлаб чиқарилган. Бу корхоналарнинг барчаси 1955 й.да Марказ қарори б-н Украинага кўчирилди. Ўзбекистонда аҳоли ва саноат эҳтиёжлари учун зарур бўлган қанд-шакар фақат четдан олинадиган бўлди (1992 й.да 285,8 минг т). Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатда қанд-шакар саноатини тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор берилди. 1993 й.да республикада шакар муаммосини қисман ҳал этиш учун ҳукумат қарори б-н маҳаллий хом ашёда ишлайдиган шакар 3-ди қуриш режалаштирилди. 1995 й.да Туркия фирмалари б-н ҳамкорликда Хоразм вилоятининг Ҳазорасп ш.да Хоразм шакар 3-ди қурилиши бошланди (1997 й.дан корхона маҳсулот ишлаб чиқара бошлади). 2001 й.да Тошкент ш.да хом ашё (сарик) шакар-

«Бахмалшароб» корхонасининг шаробларни сақлаш сифмалари (Жиззах вилояти).

дан тоза (оқ) шакар ишлаб чиқарадиган «Шакар инвестмент» Ўзбекистон — АҚШ («Oil Америка» — Австрия («Seid Sengeselsaft»

фирмаси) қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхона хом ашё шакарни Нью-Йорк биржасидан харид қилади (2005 й.да 146 минг 381 т шакар ишлаб чиқарди). 1995 — 2005 й.ларда «Озиқовқатсаноат» уюшмаси таркибига кирадиган «Хоразм шакар» акциядорлик жамиятига 25,0 млн., «Шакар инвестмент» қўшма корхонасига 1,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. 2006 й.да «Хоразм шакар» акциядорлик жамияти акциялари чет эл инвесторларига сотилди ва хорижий корхона ташкил топди. Республика қанд-шакар саноати корхоналарида 146,4 минг т шакар ишлаб чиқарилди (2005).

Тоҳир Абдуллаев.

Қандолатчилик саноати. Ўзбекистонда турли ширинликлар, қандолат маҳсулотлари и. ч. бой тарихга эга. Қадимдан халқ қандолатпазлари кичик хусусий дўкон (корхона) ларида узум, тут ширасидан тайёрланадиган шинни, шунингдек асал, турли ўварларнинг ширалари, ун, кунжут, меваларни, ёнғоқ ва блан хилма-хил ҳолва, парварда, новвот, печак, обаки, пашмак, нишолда, мураббо, муз б-н шинни ёки меза шарбатини қўшиб музқаймоқлар тайёрланганлар. Шаҳарларда, йирик қишлоқ бозорларида қандолатчилар расталари бўлган. Ҳоз. республиканинг бу саноат тармоғида турли масалликлардан мармелад ва пастила, шоколад, карамель,

конфетлар, ундан пиширилган қандолат маҳсулотлари, шарқ ширинликлари (новвот, парварда, печак, пашмак), қандолатчиликда ишлатиладиган ёрдамчи маҳсулотлар (хамиртуруш, шакар упаси, толқонлар) ишлаб чиқарилади (уларнинг хили 1000 дан ортиқ). 20-а.нинг 20-й.ларидан конфет, шоколад, монласье ишлаб чиқарилган йирик ф-калар пайдо бўлиши б-н (мас., Тошкентда 1922 й.да «Ўртоқ» қандолатчилик ф-каси ишга туширилди) қандолатчиликнинг касб сифатида фаолият соҳаси қисқарди, аммо миллий ширинлик турларини ишлаб чиқариш сақланиб қолди ва ривожланди. Йирик корхоналардан ташқари озиқ-овқат саноати корхоналари, маҳаллий саноат, умумий овқатланиш корхоналари тизимида қандолат и. ч. цехлари ишга туширилди. Тармоқдаги 70 га яқин корхонада 1990 й. 219 минг т қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Тармоқдаги йирик корхоналар (Янгийўл «Лаззат», Самарқанд «Нарзия» акциядорлик жамиятлари ва б.) «Озиқовқатсаноат» уюшмаси таркибига кирди. 2005 й.да уюшма корхоналарида 5066 т қандолатчилик маҳсулотлари, 402 т хамиртуруш ишлаб чиқарилди. 90-й.лар бошидан шаҳар ва қишлоқларда яқка тадбиркорлар ва хусусий корхоналар фаолият кўрсата бошлади, қандолатчилик маҳсулотлари тур таркиби ва бозорда сотилиш миқдори кўпайди. Ҳоз. даврда шакарли маҳсулотлар б-н бирга ундан тайёрланадиган маҳсулотлар (печенье, вафли, торт, махс. пирожний ва б.)нинг кўп турлари ишлаб чиқарилади. Республика қандолатчилик саноати корхоналари маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланишга ўтмоқда. Республикага четдан қандолат маҳсулотларини келтириш камайиб бормоқда.

Умид Аҳоров.

Чой саноати. Ўзбекистонда чой қадимдан кенг истезьмол этилади. Чой 20-й. бошларига қадар четдан келтирилган. Шу даврда ҳинд савдогарлари Самарқанд ш.да чой қадоқлаш корхонасини ташкил этганлар. Самарқанд чой қадоқлаш ф-каси республикадаги йирик корхона (1923), чет эллардан, асосан Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Туркиядан келтириладиган хом ашё асосида ишлайди. Кўк ва қора (ишлов берилган) чойлар ишлаб чиқаради. 90-й.лардан корхона четдан келтирилган қадоқлаш автоматлари б-н жиҳозланди. Йиллик умумий қуввати 30,8 минг т қадоқланган чой. 1994 й.дан ф-када маҳаллий хушбўй ўтлар (ялпиз, райҳон, далачой, наъма-так) қўшилган чой турларини и. ч. ўзлаш-



Янгийўл «Лаззат» қандолатчилик ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти цехи.



Кува қандолатчилик фабрикаси цехи.

тирилди. 1995 й.дан ф-када Аргентина-нинг «Сурта» фирмаси б-н ҳамкорликда бир марта дамланадиган 1 – 3 грамм қилиб қадоқланган пакетчаларда чой и. ч. йўлга қўйилди. 90-й.лар ўрталаридан Тошкент, Самарқанд, Наманган, Урганч ш.ларида Буюк Британия, Ҳиндистон, Шри Ланка, Хитой фирмалари («Бета теа», «Байже», «Тата», «Аҳмал-чой», «Импра», «Акбар», «Липтон» ва б.) б-н ҳамкорликда чой импорти, қадоқлаш ва сотиш б-н шугулланадиган кўшма корхоналар ташкил этилди ёки чет эл фирмаларининг ваколатхоналари очилди. Республикада 1995 й.да 11,6 минг т, 2002 й.да 4847 т, 2004 й.да 5433 т навли табиий чой барглари қадоқланди.

Тамаки саноати. Ўзбекистон ҳудудига биринчи тамаки ф-каси рус саноатчиси И. И. Первушин томонидан 1877 й.да Тошкентда қурилган. Кейинчалик тамаки ва махорка ҳам ашёси тақчиллиги туфайли ёпилган. 1925 й.да Тошкентда маҳаллий ҳам ашёда ишлайдиган тама-

Кунғирот туз конида ош тузини қазиб олиш.



ки ф-каси қурилиб, 1926 й.да 203 млн. дона папирос ишлаб чиқарган. Бу корхонада 1949 й.дан фильтрли сигаретлар, 1974 й.дан юқори сифатли сигаретлар и. ч. ўзлаштирилди. 1994 й.да Буюк Британиянинг «Бритиш-Америкен тобакко» (БАТ) компанияси б-н ҳамкорликда «ЎзБАТ акциядорлик жамияти» тамаки-махорка маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўшма корхона ташкил этилди. Тошкент сигарет ф-каси, Ургут ферментация 3-ди реконструкция қилинди, 1997 й.да Самарқанд сигарет ф-каси (йиллик қуввати 12 млрд. дона сигарет) қурилиб, ишга туширилди. Республика тамаки саноати маҳсулотлари (тамаки барги, сигаретлар) четга экспорт қилинади. 2005 й.да тармоқда 5263 млн. дона папирос ва сигарет ишлаб чиқарилди (2003 й.да 6,5 млрд. дона).

Туз саноати. Ош тузи и. ч. республикада энг ёш саноат тармоқларидан бири. 90-й.ларга қадар республиканинг аҳоли истеъмоли ва техника мақсадларидаги ош тузига бўлган эҳтиёжи, асосан, Қозоғистон ва Туркманистондан, шунингдек Россиядан келтириладиган ош тузи ҳисобига қондирилган. 1991 й.дан кейин МДХ давлатлари ўртасида иқтисодий алоқаларнинг издан чиқиши сабабли республиканинг ош тузига бўлган эҳтиёжлари маҳаллий ресурслар ҳисобидан қондирила бошлади. 1992 й.дан Қорақалпоғистон Республикаси Кўпғирот туманида йиллик қуввати 100 минг т ош тузи қазиб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган к-т, Сурхондарё вилоятида маҳаллий саноат тизимида Хўжайтузкон корхонаси маҳсулот ишлаб чиқара бошлади (йиллик қуввати 150 – 200 минг т). Аҳоли эҳтиёжлари учун ош тузи ишлаб чиқарадиган ва қадоқлайдиган кичик корхоналар фаолият кўрсатади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Республика қ.х. мамлакат халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик, механизациялашган тармоғи, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг ҳам ашёга бўлган талабини қондиради. Қ.х. ўсимлик ва ҳайвонот маҳсулотларини дастлабки ёки тўлиқ қайта ишлашнинг турли жараёнларини ҳам ўз ичига олади ва халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Республика қ.х.да мамлакатнинг иқлим, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан ҳамда халқнинг асрлар давомида тўплаган деҳқончилик маданиятидан унумли фойдаланиш негизда пахтачилик ва галлачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Айни пайтда шоликорлик, канопчилик, мевачилик, тоқчилик, полизчилик, сабзавотчилик соҳалари, чорвачиликнинг қорамолчилик, қўйчилик, хусусан қорақўлчилик, эчкичилик, паррандачилик, йилқичилик, туячилик, асаларчилик, пиллачилик соҳалари ҳам асосий тармоқларга кирали. Ўзбекистон жаҳонда ялли пахта ҳосили етиштириш бўйича 5-ўринда, пахта толаси экспорти бўйича 2-ўринда (АҚШдан кейин) туради (2006). Республикада мева, узум ва сабзавотнинг юқори сифатли навлари етиштирилади, шунингдек, етиштириладиган мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотларининг талай қисми қўшни давлатларга чиқарилади. Ўзбекистон ўзининг сифатли пилласи ва қорақўли б-н ҳам дунегга машҳур.

Республика аҳолисининг 63,7% ёки 16,5 млн. киши қишлоқ жойларида яшайди (2005). Ялли ички маҳсулот умумий ҳажмининг 25,0%дан кўпроғи қ.х.га тўғри келади (1990 й.да 53,5%). Республика иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган барча меҳнатга лаёқатли аҳолининг 30,7% га яқин қисми қ.х. ва ўрмон хўжалигида банд (2004).

Республика қ.х.да мулкчилик шаклларида кўра, хусусий (деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусийлаштирилган корхоналар), кооператив (ширкатлар), давлат (ўқув-тажриба ҳамда тажриба хўжаликлари), аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари (асосан томорқа ерларида шахсий эҳтиёжлар учун қ.х. маҳсулотларини етиштириш) секторлари мавжуд. Республикада қ.х. маҳсулотларининг 99,5% иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилади (2005).

2005 й.да корхона ва ташкилотларнинг мамлакат бўйича ягона Давлат рўйхати-

га кўра қ.х.да 186,0 минг корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатди (иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича фаолият юритган ташкилотлар ва корхоналарнинг 53,5%). Рўйхатдан ўтган қ.х. корхоналарнинг умумий сонида нодавлат мулк шаклидаги корхоналар сони 93% ни, улардан фермер ва деҳқон хўжаликлари 49,6%ни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги тараққиётининг асосий босқичлари ва ҳозирги аграр сийёсатнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Ер куррасида деҳқончиликнинг энг қад. ўчоқларидан биридир. Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида гуа мил. ав. 7–6-асрлардан бери етиштириб келинаётганлиги маълум. Хусусан Ўрта Осиёда бундан қарийб 3 минг йил аввал галла экинлари, шולי, кунжут, қовун, ток ва б. устирилган. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, мил. ав. 2-минг йиллик ўрталарида Хоразмда қайир типидagi суғоришга асосланган чопиқ қилинадиган экинлар, Фарғона водийсида лиман усулида суғоришни қўлаб, тарик, арпа ва б. донли экинлар экилган. Чорвачиликда узоқ асрлар давомида қорамол, қуй ва эчки, от, туяларнинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган кўплаб ноёб зотлари яратилган.

Умуман 20-а. бошларига қадар Ўзбекистонда қ.х. экстенсив ривожланди. Асосий улов — от, ҳукиз, туя, қ.х. қуроллари — омон, кетмон ва уроқ, ёгон-моладан иборат бўлган, минерал ўғитлар умуман қўлланмаган. 20-а. бошларида пошло Россиясининг мустамлака ўлкаси бўлган Ўзбекистонда халқ хўжалигининг ялпи маҳсулотига қ.х. ҳиссаси 88% ни ташкил этган (1913), етиштирилган қ.х. маҳсулотлари умумий ҳажмида пахта етиштириш 40% га борган. 1920 й.да эса пахта майдонлари 93,6 минг гектарни, ҳосилдорлиги 3,3 ц/га ни ташкил этган.

Октябрь тунтаришидан кейин Россиянинг мустамлака мақомидаги чекка ўлкаси бўлмиш Туркистонда ҳам ерга хусусий мулкчилик бекор қилинди. Ер эгаларига қарашли барча ерлар улардаги қ.х. қуроллари, бинолар б-н бирга тортиб олинди. Ерни сотиш, ижарага бериш ва гаровга қўйиш ман этилди; ер умумхалқ мулки деб эълон қилинди. 1918–28 й.ларда ер-сув ислохоти, деб аталмиш тадбир амалга оширилди. Россияда 1-жаҳон уруши ва фуқаролар уруши даврида вайрон бўлган ва тухтаб қолган тўқимачилик корхоналарини пахта хом ашёси б-н таъминлаш учун Туркистонда қ.х.ни, издан чиққан суғориш система-ларини тиклаш чоралари кўрилди. Шўро ҳукумати амалга оширган иқтисодий ва ташкилий тадбирлар туфайли 1928 й.га

келиб пахта етиштиришда 1-жаҳон урушигача бўлган даражага етиб олинди (533,7 минг т). 1917 й. охири — 1919 й. бошларида қишлоқларда жамоа хўжаликлари — қ.х. коммуналари, ерни шерикликда ишлаш ширкатлари ва қ.х. артеллари пайдо бўлди. Ўзбекистонда 1920 й.да батраклар, камбагал ва ўрта ҳол деҳқонларни ўз сафларида бирлаштирган меҳнаткаш деҳқонларнинг оммавий ташкилоти «Қўшчи» союзи (уюшмаси) ташкил этилди, бу уюшма деҳқонларни кооператив ҳаракатга торттишга ҳаракат қилди. Ўзбекистонда ҳам бутун Иттифоқдаги каби деҳқон хўжаликтарини амалда мажбурий бўлган коллективлаштириш бошланди. 1928 й.га қадар деҳқон хўжаликтарининг атиги 1,2%ни коллективлаштиришга эришилди. Мамлакат қ.х.да асрлар давомида шаклланган укладлар тубдан ўзгартрилиб, қишлоқда йирик давлат хўжаликлари (совхозлар) тузилди ва яқка деҳқон хўжаликлари аста-секин коллектив хўжаликтар (колхозлар)га бирлаштирилди. Социалистик мулк қишлоқда иқтисодий муносабатларнинг асоси деб қабул қилинди. Қ.х. маҳсулотларини контрактация (шартнома тузиш) йўли б-н тайёрлаш деҳқонларни жамоа хўжаликларига бирлаштиришнинг узига хос мажбурий воситаси бўлди. Давлат қ.х. техникасини ҳам ўз ихтиёрига олди. 1929 й.га келиб давлат машина-трактор ст-ялари (МТСлар) ташкил этилди.

1-беш йиллик деб аталмиш давр (1929–32)да марказнинг кўрсатмаси б-н деҳқон хўжаликтарини мажбуран ялпи коллективлаштириш амалга оширилди (к-злар биринчи беш йиллик охирида деҳқон хўжаликтарининг 82% ни, 1940 й.и 99,8%ни бирлаштирди). «Қўшчи» уюшмаси 1930–32 й.ларда оммавий коллективлаштириш амалга оширилганидан кейин уз вазифасини бажариб бўлди ва тугатилди. Ўзбекистондаги биринчи с-злар пахтачилик соҳасида ташкил этилди. 1924 й.и Ўзбекистонда 4 та с-з ишлади. 1928 й.и «Далварзин-1», «Далварзин-2», «Гулбоғ», «Қизил Равот», «Боёвут-1», «Боёвут-2» каби с-злар фаолият кўрсатди. 1929 й.и пахтачилик с-злари сони 9 тага етди. К-з ва с-зларнинг ташкил этилиши қ.х. ишлаб чиқарувчи кучларини давлат фойдасига ҳал қилишнинг муҳим омили бўлди. Деҳқонлар ердан маҳрум этилгач, ночор аҳволга тушиб қолди. Биринчи беш йилликда собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллиги таъминланди (1,2 млн. т; унинг 65% ёки 804,3 минг тоннасини Ўзбекистон етказиб берди). Пахта хом ашёси деҳқонлардан ниҳоятла арзон нархларда со-

тиб олинарди. Ўзбекистон 1990 й.га қадар Иттифоқнинг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Бу эса республика халқ хўжалигининг хом ашё етиштириш б-н чекланиб, бир ёқлама ривожланишига сабаб бўлди ва жуда кўп салбий оқибатлар қолдирди.

Иккинчи беш йиллик (1933–37)да ва учинчи беш йиллик (1938–40)нинг дастлабки йилларида пахтачилик ва қ.х.нинг бошқа соҳаларини жадал ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Фарғона водийси, Хоразм воҳаси ва республиканинг бошқа ерларида умумхалқ ҳашари йўли б-н каналлар қазилишига кўплаб деҳқонлар оммавий равишда сафарбар этилди. Натижада 1937–40 й.ларда суғориладиган ерлар майдони 260 минг гектарга кўпайди, қ.х.ни механизациялаш даражасини оширишга ҳаракат қилинди. 1937 й.дан 1940 й.га қадар тракторлар сони 18,2 мингдан 23,0 мингга етди. Пахтачиликда янги навларнинг экилиши, жўяклар экишдан қаторлаб (эгатлаб) экишга ўтилиши натижасида 1940 й. 1,4 млн. т пахта етиштирилди, ҳосилдорлик 15 ц/га етказилди. 1932–40 й.ларда шולי экиладиган майдонлар 2 марта, унинг ялпи ҳосили 2,5 марта кўпайди. 1940 й. Ўзбекистон СССРда етиштирилладиган шолининг ярмини, 1941 й.да эса жами канопнинг 34,4%ни, пахтанинг 50%ни етказиб берди.

1941–45 й.лардаги уруш даврида Ўзбекистон фронт ортидаги муҳим ҳарбий sanoat ва озиқ-овқат базасига айланттирилди. Пахта майдонлари бир қадар камайди, аммо айни пайтда армия ҳамда sanoat марказларини таъминлаш учун галла, сабзавот экинлари майдонлари кенгайтирилди. 1942 й.и сабзавот ва полиз экинлари майдони 29 минг гектарга етказилди. Ҷша даврда республика қ.х. учун янги бўлган экин — қанд лавлаги майд. 70 минг гектарга етди (1945 йили 1 млн. т дан ортиқ қанд лавлаги етиштирилди).

1948 й.га келиб қ.х.да урушгача бўлган даражага эришилди. 1950 й.и пахта ҳосилдорлиги 20,3 ц/га га етди (ўша даврда жаҳондаги энг юқори кўрсаткич), 1959 й.да республикада 3,3 млн. т пахта тайёрланди (1940 й.га нисбатан 2,4 марта кўп).

1950-й.лар бошларида республикада к-злар йириклаштирилди. 1956 й.дан Мирзачўлни ўзлаштириш бошланди (1956–1985 й.ларда 100 дан ортиқ пахтачилик с-злари ташкил этилди, 389 минг га ер ўзлаштирилди), ирригация қурилиши авж олди. 1956–58 й.ларда Ўзбекистон бўйича 160 минг га дан кўпроқ ер ўзлаштирилди, пахтачиликда

ингичка толали ғўза майдонлари 46,8 минг гектарга етказилди (1929 й.да 5 га).

60-й.лар 2-ярмидан аграр сиёсатда ўзгариш қилишга зарурат туғилди. Қ.х.ни ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди (комплекс механизациялаш, мелиорациялаш, хўжалик ҳисоби тизими, кредит муносабатларини такомиллаштириш ва ҳ.к.). Қ.х. маҳсулотларини сотиб олиш (к-злардан) ва қабул қилиш (с-злардан) нархлари бир оз оширилди. Колхозчиларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий сўғуртаси тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Комплекс механизациялаш, кимёлаштириш, ерларни мелиорациялаш асосида қ.х. ишлаб чиқаришини жадаллаштириш учун тармоққа капитал сарфлар кўпайтирилди. Қ.х.га техника, ўғитлар етказиб бериш ортди. 1966–70 й.ларда к-з ва с-злар 31,4 минг трактор, 4,3 минг пахта териш машинаси ва б. техника олди. Пахта, дон, сабзавот, мева, сут, тухум, пилла етиштириш ҳажмлари кўпайди.

70-й.ларда 513 минг га янги ер ўзлаштирилди. Республикада 148,7 минг трактор (жисмоний бирликда), 31,8 минг пахта териш машинаси, 7,2 минг дон комбайни ишлади (1977). Қ.х.га 5055 минг т ҳар хил ўғит етказиб берилди (1978). Товар маҳсулотнинг қарийб 80% ижтимоий хўжаликларда яратилди. 1971–75 й.ларда республикада пахта етиштиришни 15% га кўпайтиришга эришилди ва у 24,5 млн. т ни ташкил этди. Ўзбекистон Иттифоққа арзон пахта хом ашёсидан ташқари кўпгаб мева-сабзавот маҳсулотлари, ипак, каноп толаси, жун, қорақўл тери кабиларни етказиб берувчи республикага айланди. Ўша даврда республика қ.х.да хўжаликлараро кооперация ва аграрсаноат интеграцияси асосида и.ч.нинг янада ихтисослашуви ва йириклашуви йўналишлари юзага келди. Саноат асосига ўтказилган сабзавотчилик (иссиқхона хўжалиги) ва чорвачиликнинг ихтисослашуви такомиллашди. Чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва б. тармоқларда йирик аграр-саноат бирлашмалари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, хўжаликлараро бирлашмалар, ихтисослашган республика и.ч. бирлашмалари ташкил этиш йўналишидан борилди. 80-й.ларнинг 2-ярмидан аграр сиёсатда аграр-саноат комплексини барпо этиш асосий йўналишни ташкил этди; қ.х. ва унинг моддий-техника таъминоти, қ.х. маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш ва қайта ишлаш соҳалари бошқаруви бириктирилди ва ҳудудий агросаноат уюшмалари ташкил этилди. Лекин шунга қара-

май 1980–85 й.ларда қ.х. ривожланиш суръатлари сустлашди. пахта ҳосилдорлиги ва тола чиқиши тобора камайиб борди, қ.х. маҳсулотлари и.ч.нинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари, меҳнат унумдорлиги 10–15% пасайди. 80-й.лар бошидан шахсий томорқа хўжаликлариде маҳсулотлар кўпроқ етиштирила бошлади. 1991 й.га келиб қ.х. маҳсулотлари етиштиришнинг умумий ҳажмида томорқа хўжаликлари ҳиссаси 40%ни ташкил этди.

Республика қ.х.да пахта яккахокимлигининг қарор топиши натижасида (1984 й.да 2020,8 минг га, 1987 й.да 2107,7 минг га ёки жами суғориладиган экин майдонининг 60% дан кўпроғи) илмий асосланган алмашлаб экиш тизими издан чиқди, минерал ўғитлар, гербицидлар, айниқса инсон саломатлигига зарарли бўлган бутифос каби дефолиантларнинг меъёридан ортиқча ишлатилиши натижасида деҳқончилик қилинадиган жойларда экологик шароитлар бузилди, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакат қ.х.да чуқур ислохотларни амалга ошириш даври бошланди. Республика ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи бўлган қ.х.да бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклларига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, деҳқон ва фермер хўжаликларини фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишга эътибор берди. Республика парламенти қ.х.да туб бурилишларнинг ҳуқуқий асосларини яратган қонунларни қабул қилди. Жумладан «Ер тўғрисида» (1990.20.6), «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» (1991.19.11), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» (1992.3.7), «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида» (1992.9.12), «Ер солиғи тўғрисида» (1993.6.5), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993.6.5) ва б. қонунлар ҳамда ҳукумат қарорлари қ.х.да кўп укладли иқтисодий пойдеворини яратишга йўл очди. 1992 й.дан биринчи навбатда пахта яккахокимлигини бартараф этиш ва экин майдонлари таркибини илмий асосда тузиш тadbирлари курилди. Янги иқтисодий шароитларда Ўзбекистоннинг энг муҳим озиқ-овқат ресурслари б-н ўзини-ўзи таъминлашга эришиш вазифаси қўйилди. Республика галла мустақиллигини таъминлаш йўлида катта дастур ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширила бошлади. Пахта майдонлари қисқартирилди,

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари давом эттирилди. Донли экинлар майдони 1993 й.да 300 минг гектарга кенгайтирилди. 1994 й.да республикада 1,3 млн. т галла етиштирилди, 1995 й.да экин майдонларининг таркибий тузилиши ўзгартирилиб, галла майдонларининг улуши 40%га етказилди ва 3,3 млн. т галла тайёрланди. 1991–93 й.ларда қ.х. маҳсулотлари етиштиришда 500 минг га дан кўпроқ ҳосилдор ерлар шахсий томорқа хўжаликларини юритиш учун ажратиб берилди, унинг умумий майдони 750 минг гектарга етказилди. 1992–95 й.ларда қ.х. соҳасидаги зарар кўриб ишлаётган давлат хўжаликларини, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган жамоа хўжаликларини хўжалик юритишнинг ширкатлар, ижарачилар уюшмалари, хусусийлаштирилган фермалар каби иқтисодий самараси кўпроқ шаклларига ўтказилди, оила, жамоа пудрати ривожига шароитлар яратилди. 1992–95 й.ларда 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди, уларнинг негизиде 530 жамоа хўжалиги, 314 ширкат хўжалиги, 87 ижарачилар уюшмаси ташкил этилди, катта майдонлардаги боғ ва тоқзорлар хусусийлаштирилди. Маҳсулдорлиги паст давлат ва жамоа хўжаликларининг норентабел 1516 қорамолчилик фермаси (600 мингдан ортиқ бош қорамол, шу жумладан 200 мингдан ортиқ сигир) меҳнат жамоалари мулки қилиб берилди (1995). Ислохотларнинг биринчи босқичида қишлоқда фермер ва деҳқон хўжаликларини каби янги хўжалик юритиш шакллари пайдо бўлди. Республикада 1995 й. охирида 18085, 1997 й. охирида 20 минг дан ортиқ фермер хўжалиги ишлади (уларнинг деярли ярми чорвачилик тармоғида).

Республика Президентининг 1994 й. 21 январдаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тadbиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Республика Вазиrлар Маҳкамасининг 1995 й. 24 мартдаги «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ва б. қарорлари маҳсулдорлиги паст чорва фермаларини жамоага мулк қилиб бериш йўли б-н қ.х.да ислохотларни янада чуқурлаштиришга, фермер хўжаликларини ишини йўлга қўйишга кенг имкониятлар очиб берди. Чорва моллари зотини яхшилаш тadbирлари ишлаб чиқилди. Андижон, Сирдарё, Тошкент вилоятларида 6 та ширкат хўжалиги негизиде қорамолчи-

лик наслчилик 3-длари, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошент, Хоразм вилоятларида 15 жамоа хўжалигида наслчилик хўжаликлари ташкил этилди (1995). Республиканинг барча вилоятларидаги ихтисослашган хўжаликларда зотли моллар етиштириладиган ва сотиладиган таянч пунктлар тузилди. 1995 й. да ким ошди савдоси орқали 211 миң бошдан ортиқ қорамол (уларнинг 80 миңдан кўпроги сигир) хўжаликларга ва аҳолига сотилди.

1993–95 й.ларда картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари, чорва, парранда, сут, тухум, қоракўл тери ва жун маҳсулотларига эркин (келишилган) нархлар жорий этилди, бу эса хўжаликларнинг ўзлари етиштирган маҳсулотлардан ўз хоҳишича фойдаланишга имкон яратди. Давлат буюртмаси фақат пахта ва донга нисбатан сақланиб, 1993 й. да унинг миқдори хўжаликларда етиштирилган ҳосилнинг пахта бўйича 75%, 1994 й. да 67%, 1995 й. да 60%, 1996 й. да 50%; дон бўйича 50% даражасида сақланиб қолди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 29 авг. даги қарори асосида қабул қилинган ва тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги Низом маҳсулот ишлаб чиқарувчилар б-н истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни бозор талабларига жавоб берадиган босқичга кўтарилди дастлабки қадам бўлди.

Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш аграр сиёсатдаги муҳим йўналишга айланди. Республика қ.х.ни ривожлантиришда халқаро ташкилотлар дастурларидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу тадбирлар хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга, хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустақамлашга, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини оширишга ҳамда хўжаликларда қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга йўл очди. Натижада 1995 й. да қ.х.да ялпи маҳсулот етиштиришда пасайиш суръатлари тўхтатилди (1994 й.га нисбатан 2,3%

ўсишга эришилди, деҳқончиликдаги ўсиш эса 5,6% бўлди).

1995 й. да республикада (миң т) пахта – 3934,1 (шундан 71,1 ингичка толали), галла – 2689,0, шоли – 327,8, маккажўхори дони – 181,0, картошка – 440, сабзавот – 2663,4, мева – 583,1, узум – 576,8, гўшт (тирик вазнда) – 851,3, сут – 3677,4, тухум (млн. дона) – 1251,8 ва б. маҳсулотлар етиштирилди.

90-й.ларнинг 2-ярмидан бошлаб қ.х.да иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда қишлоқни фермерлаштириш, яъни жамоа хўжаликлари ўрнига деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этиш янги аграр сиёсатдаги муҳим йўналишларга айланди.

Қ.х.да бошқарув тизимини мукамаллаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги б-н бирлаштирилиб, 1996 й. 26 ноябрда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. 1998 й. 18 мартда Республика Президентининг «1998–2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида» фармони эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11-сессиясида 1998 й. 30 апр. да Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси тасдиқланди. «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» (2004 й. 26 авг. да янги таҳрирда), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», 1998 й. 28 авг. да «Давлат Ер кадастри тўғрисида» қонунлари қабул қилинди. Бу қонунлар ва ҳукумат қарорлари Ўзбекистон қ.х.да кўп укладли иқтисодийёт пойдеворини яратишга йўл очди. Шу қонунларга кўра фаолият кўрсатиб турган жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилиб, хўжаликнинг мол-мулки қиймат шаклида аъзоларнинг пай улушларига бўлинди ва хўжаликнинг йил давомидаги илми натижаларига кўра ҳар бир аъзога унинг ширкат хўжалиги пай жамғармасидаги

улушига қараб дивиденд тўлаш тартиби жорий қилинди, пайчиларнинг мулкый ҳуқуқини тасдиқловчи номи ёзилган гувоҳнома амалга киритилди. Мулкый пайларни жорий этиш асосида жамоа хўжаликлари


рени қ.х. кооперативлари (ширкат хўжаликлари) этиб қайта ташкил этиш қондаларига мувофиқ 1998–2000 й.ларда 1802 жамоа хўжалиги ширкат хўжаликлари шаклида қайта ташкил этилди. Ширкат хўжаликларининг 1,1 млн.дан ортиқ мулкый пай эгалари расман қишлоқ мулкдорлари сафига қўшилдилар.

Мулкый пай эгаларида мулкдорлик ҳиссининг шаклланмаганлиги, ташаббускорона меҳнатга интилишининг сустилиги, лоқайдлик кайфияти, бошқарув фаолиятини хўжалик аъзолари томонидан назорат қилиш механизмининг ишлаб чиқилмагани натижасида ширкат хўжалиги фаолияти механизмлари яхши ишламали.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қ.х.да иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда и.ч. муносабатларини такомиллаштириш, қ.х. ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, қ.х. маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашнинг асосий йўллари белгиланган «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» (2003 й. 24 март), «2004–2006 й.ларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» (2003 й. 27 окт.) фармонларини бажариш борасида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2004–2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қароридан концепцияни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури; зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш дастури; қишлоқда и.ч. ва бозор инфратузилмаларини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Бу дастурларда ер-сув муносабатларини такомиллаштириш; фермерларни молиялаштириш ва кредитлаш тизимини такомиллаштириш; фермерларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш; маҳсулотни тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотишни такомиллаштириш; меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш масалаларини ҳал қилишнинг аниқ йўллари белгилаб олинди.

Шу дастурга кўра республикадаги жами 1840 та қ.х. кооперативлари (ширкат хўжаликлари)дан зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли ва истиқболсиз деб топилган 1020 таси фермер хўжаликларига айлантирилди (2004

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотда хўжалик тифлари ҳиссаси (%)



й.да 284; 2005 й.да 354, 2006 й.да 382); 2004–2006 й.ларда 954 та муқобил МТП, 925 сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, 889 ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари, 843 та минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари сотиш шохобчалари, 701 минибанклар (банк филиаллари), 249 та қ.х. маҳсулотлари тайёрлаш шохобчалари, 216 та зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизматлари шохобчалари, 160 та ахборот таъминоти ва консалтинг шохобчалари ташкил этилиши белгиланди. 1999–2005 й.ларда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат ҳўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, тендер асосида танлов йўли б-н 25035 та фермер хўжалиги ташкил этилди. 2000 й.нинг 1 янв. ҳолатига кўра республикада 31,1 минг фермер ва 1,541 млн. деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатди. Уларга бириктирилган ер майдони 1996–2000 й.ларда 18,7 минг га дан 21,4 минг га га кенгайди. 2006 й. 1 янв. ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони 125,7 мингтага етди (2005 й. 1 янв. ҳолатига нисбатан 21,7 мингтага кўпайди). Фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони жами 954,2 минг кишини, шундан ёланиб ишловчилар сони 280,8 минг кишини ташкил этди. Фермер хўжаликларига бириктирилган умумий қ.х. ер майдони 3775,3 минг га ни ташкил этиб, ҳар бир хўжаликка ўртача 30,0 га ер тўғри келди (2006).

Фермер хўжалиқларининг ялпи қ.х. маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам муттасил охиб борди. 2005 й.да бу кўрсаткич 24,5%ни ташкил этди (деҳқон хўжаликлари ҳиссаси 60,2, қ.х. корхоналари ҳиссаси 15,3%).

2005 й.да республикада ишлаб чиқарилган буғдойнинг 56,6% (3417,9 минг т), шолининг 57,7% (92,6 минг т), пахтанинг 66,3% (2485,1 минг т), пилланнинг 42,7% (6917 т), полиз маҳсулотларининг 33,2% (202,5 минг т) фермер хўжаликларида етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 й. 8 ноябрдаги «2006 й.да қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат)ларини фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига кўра 2006 й.да 428 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида 20 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари тuzилиши кўзда тутилган. Бунга қўшимча тарзда Республика Президентининг 2006 й. 11 янв.даги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғриси-

да»ги қарорига мувофиқ 2006 й.нинг 1-чорагида мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган 210 та қ.х. кооперативлари (ширкатлари) фермер хўжаликларига айлантирилди.

Истиқболда қ.х. ишлаб чиқаришида юқори суръатларга эришишнинг асосий омилларидан бири сифатида фермер хўжалиқларини жадал ривожлантириш ва уларни қ.х. маҳсулотларини етиштирилган асосий ишлаб чиқарувчиларга айлантириш ислоҳотларнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади. Республикада фермер хўжалиқларининг фаолият юритиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, уларга ер-сув ресурсларини ажратиб бериш, моддий таъминот ҳамда хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш, бозор инфратузилмасини барпо этиш ва шартнома интизомини мустақамлаш б-н узвий боғлиқ ишлар амалга оширилади.

Мамлакат аграр секторида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ижобий натижалар бермоқда. Иқтисодий ислоҳотлар туфайли мамлакат қ.х. мутлақо қайта курилди.

Қ.х.да хусусий мулкчиликка ва хўжалик юритишнинг янги шакллари асосланган, аҳоли менгалитетини ҳисобга олган аграр сиёсат ишлаб чиқилди. Шу сиёсат асосида қ.х.ни бошқариш тизими, хўжалик юритиш шакллари ва экин майдонлари таркиби такомиллаштирилди.

Ҳоз. даврда қ.х. маҳсулотларининг асосий қисми фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Эндликда улар маҳсулот етиштириш билангина чегараланиб қолмай, уни қайта ишлаш ва сотиш б-н ҳам шуғулланмоқдалар.

Ҳозир қ.х.да банд бўлган ортиқча меҳнат ресурсларини sanoатга, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этиш давлат аграр сиёсатининг гоят муҳим йуналиши ҳисобланади. Қишлоқ жойларига sanoатни олиб кириш, замонавий технологияга эга бўлган кичик корхоналарни очиб ҳисобига янги иш жойларини яратиш устувор вазифалар қаторида туради.

*Султон Холназарова,
Нуриддин Мусоев.*

Моддий-техника базаси. Республика қ.х.нинг моддий-техника базаси қ.х. маҳсулотлари етиштиришдаги жами моддий, энергетика, технология ва ташкилий элементларни, ер ва сув ресурслари, ирригация ва дренаж системалари, машина-трактор паркни, электр қурилмалари, кимё воситаларини қўллаш тизими, биоплар ва иншоотлар ва б. ишлаб чиқариш воситаларини уз ичига олади.

Республикада суғориш деҳқончилигининг зарурий шarti ва моддий асосидир. Суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш, сув таъминотини яхшилаш, дарёлар оқимини мавсумий ва кўп йиллик бошқариш учун сув омборлари, тўғонлар қурилиши, улкан ўзи оқар ва машина каналларининг қурилиши, ирригация шохобчаларини яхшилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди (*Сув хўжалиги ва мелиорация бўлимига қ.*). Ерларни мелиорациялаш, қ.х.ни механизациялаш, электрлаштириш, кимёлаштиришда эришилган ютуқлар экинлар ҳосилдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Республиканинг ўзида қ.х.ни и.ч. воситалари б-н тамилайдиган sanoат тармоқларининг ривожланиши унинг моддий-техника базасини мустақамлади.

20-а.нинг 20-й.ларига қадар Ўзбекистон қ.х., асосан, майда и.ч. хусусиятига эга бўлиб, қ.х.да қўл меҳнати ва оддий иш қуруллари (кетмон, омон, от, ҳўкиз ва б.) ишлатилган. 20-й.лар ўрталаридан қ.х. асбоб-ускуналарини ижарага берадиган давлат пунктлари, 1924 й. «Трактор маркази» ташкил этилди, чет эллардан сотиб олинган «Фордзон» тракторлар ва б. техника воситалари дастлабки жамоа хўжаликлари (колхозлар) га етказиб берилди. 1929 й. республикада 400 дан ортиқ трактор, 3611 автомашина, 3897 плуг, 1660 дона отга қўшиб ишлатиладиган чигит экиш сеялкаси, 1244 культиватор, 1262 очар (оқучник), 187 молотилка (ғалла янчгич), 87 мингдан ортиқ арава, 26 минг бричка (тўрт гилдиракли мужик арава) ва б. ишлатилди. 1930 й.га келиб давлат томонидан к-з ва давлат қ.х. корхоналарига техника хизмати кўрсатадиган, ўзининг моддий-техника ресурслари, механизатор ходимлари, таъмирлов ва таъминот базасига эга бўлган машина-трактор ст-ялари (МТСлар) ташкил этилди. 1940-й.лар бошида республикада 180 та МТС ишлади. МТСлар ихтиёрида бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари, автомашиналар, сеялка ва культиваторлар қ.х.даги кўпгина сермеҳнат жараёнларни тўлиқ ёки қисман механизациялаштириш имконини берди. 30-й.ларнинг 2-ярмидан деҳқончиликка турли минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларидан фойдаланила бошлади. Урушдан кейинги йилларда қ.х.ни техника б-н қурулантиришга катта эътибор берилди. 1945 й.дан Ўзбекистонда экскаваторлар, 1950 й.дан пахта териш машиналари, 1960 й.дан тракторлар ва трактор тиркамала-

ри ишлаб чиқарила бошлади. Республика қ.х. машинасозлиги sanoati барпо этилди. 1957 й. ҳукуматнинг махсус қарори б-н МТСларнинг асосий техника воситалари к-з ва с-зларга сотилди, МТСлар ўрнида РТС (ремонт-техника ст-ялари) ташкил этилди. 1961 й.дан қ.х.нинг ишлаб чиқариш-техника таъминоти бўйича «Ўзқишлоқхўжаликтехника» бирлашмаси ва унинг вилоят, туман бирлашмалари ташкил этилди. Бу тизим тузилмалари аграр соҳани зарур моддий-техника ресурслари б-н таъминлаш, қ.х. техникасини таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар и.ч. ва унга инженерлик хизмати кўрсатиш каби ишларни бажарди. 1965 й.дан к-з ва с-злар давлат энергетика тизимига уланди, қ.х.ни электрлаштириш жадаллашди. Чорвачилик ва паррандачиликда sanoat типидagi йирик ва ихтисослаштирилган фермалар қурилиб электр б-н ишлайдиган машиналар технологияси жорий этилди. Электр энергиясидан суғоришда (насос ст-ялари), чорвачиликда, омбухоналар ва совуқхоналарда ва б. тармоқларда тобора кўпроқ фойдаланилди. 70–80-й.ларда қ.х. корхоналарида қуввати юқори тракторлар, юк автомобиллари, мелиорация машиналари ва автомобиль тиркамалари, унумдор дон комбайнлари, кенг ва кўп қаторли пахта териш машиналари, шунингдек бир юришда бир қанча операцияларни бажарадиган машиналар ишлатилди.

1979 й. «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси ташкил этилди. Бирлашма қ.х. корхоналарини органик ва минерал ўғитлар, ўсимликларни зараркунадалар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари, тупроқ мелиорантлари, ўстирувчи моддалар, чорвачилик учун минерал озукалар ва қ.х.ни кимёлаштиришнинг бошқа воситалари б-н таъминлаш ва уларни қўллашни уюштириш масалалари б-н шуғулланди. Республика қ.х.да аралаш ўғитлар, микроэлементли мураккаб ўғитлар, гербицидлар, пестицидлар, дефолиантларни и.ч. йўлга қўйилди. Қ.х.га минерал ўғитлар етказиб бериш, 1 га ҳайдалма ер ҳисобига азотли, фосфорли, калийли ва б. ўғитларни қўллаш йилдан-йилга ортиб борди.

Республика қ.х.нинг энергетика базаси жадал ривожлантирилди. 1990 й.да қ.х.да 182 минг трактор, 30,5 минг пахта териш машинаси, 8,3 минг галла ўриш комбайни, 84,5 минг юк автомобили ва б. қ.х. машиналари ишлади.

Қ.х.да маҳсулотлар етиштиришдаги асосий жараёнлар механизациялаштирилди ва қўл меҳнатидан фойдаланиш

анча қисқарди. Қ.х.да асосий дала ишлари (ер ҳайдаш, экиш, культивация б-н бир вақтда ўғитлаш, дон экинларини йиғиб олиш ва б.) тўлиқ, экин қатор орастарини ишлаш юқори даражада (пахтачилик соҳасида 78%) механизациялаштирилди.

Республика агросаноат мажмуини зарур моддий-техника ресурслари б-н таъминлаш, қ.х. техникасини таъмирлаш ва хўжаликларга техника хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида 1991 й. 6 майда «Ўзқишлоқхўжаликтехника» бирлашмаси негизда «Ўзқишлоқхўжалик таъминоттаъмир» давлат-кооператив кўмитаси ва унинг қ.х.га техника хизмати кўрсатувчи ихтисослаштирилган ташкилий-хўжалик тузилмалари ташкил этилди. Республикада мавжуд қ.х. техникаси паркдан оқилона фойдаланиш, уни ишлатиш харажатларини қисқартириш мақсадида 1995–99-й.ларда «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат-кооператив кўмитасининг туман бўлимлари негизда 163 та машина-трактор парклари (МТП) ташкил этиш дастури қабул қилинди. Бу парklar хўжаликлардаги машина ва механизмларни кейинчалик сотиб олиш шарти б-н ижарага олиб ва ерларни экишга тайёрлаш, қ.х. экинларига ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга доир механизациялашган ишларни хўжаликлар б-н шартномалар бўйича бажарди. 1995 й.да 15 МТП ташкил этилди, улар жамоа хўжаликлари ва ширкатлар уюшмаларидан 7084 трактор, 429 галла, 279 шоли ўрадиган комбайнлар, 2276 пахта териш машинаси ва б. техника-механизмларни ижарага олди.

1995 й.дан бошлаб республика қ.х.нинг моддий техника базасини мустақамлаш, соҳа ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш мақсадида республиканинг ўзида янги турдаги юқори унумли техника воситаларини ишлаб чиқариш, замонавий машина ва механизмларнинг чидамлигини ошириш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 1996 й. 31 янв.да республика қ.х.ни замонавий техника ва механизация воситалари б-н таъминлаш, бозор шароитларига жавоб берадиган қ.х. машинасозлиги бошқарув тузилмасини шакллантириш учун республикада биринчи бўлган очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» холдинг компанияси таъсис этилди.

1995–2005 й.лар давомида республика олимлари ва конструкторлари томонидан 60 хил янги машиналар яратил-

ди ва 103 та машиналар янада такомиллаштирилди. Республика корхоналарида қуввати 30 ва 144 от кучига тенг бўлган чопиқ тракторлари, экишдан олдин ерга ишлов берадиган чуқур ер юмшатикилар, плуглар, механик ва пневматик сеялкалар, вентиляторли ва штангали пуракагич-чанглаткичлар, гербицид сеппувчи мосламалар каби самарали техника воситалари ишлаб чиқарилиши таъминланди.

2004 й.да «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси корхоналари республика қ.х.га 2959 трактор, 1161 прицеп (тиркама), 188 та турли плуглар, 985 та чигит, 80 та дон сеялкаси, 1239 та культиваторлар, 185 та ўт ўргич, 789 та пуракагич етказиб берди. 2003 й.га нисбатан чигит сеялкалари (6,9), культиваторлар (3,1), тиркамалар (1,7), тракторлар (1,1), дон сеялкалари (1,3 март) етказиб бериш ҳажми ўсди.

90-й.лар ўрталарида чет эллардан иш унумдорлиги юқори энг янги техникани сотиб олиш ва хорижий шериклар б-н шундай техникани таъмирлаш ва ишлаб чиқариш б-н шуғулланидиган қўшма корхоналар иши йўлга қўйилди. Қисқа муддатларда 1955 дон «Магнум», 50 дон МХ-240 русумли ҳайдов тракторлари плуглари б-н ва 1728 дон «Кейс-2366» галла ўриш комбайнлари лизинг асосида сотиб олинди, и.ч.га жорий қилинди. АҚШ, Италия, Германия, Франция б-н ташкил этилган ва замонавий технологияларга асосланган қўшма корхоналарда бир неча турдаги янги қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарилиб, машина-трактор парклари ва хўжаликларга етказиб берилди. АҚШнинг «Кейс Корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда «ЎзКейс-маш», «ЎзКейслизинг», «ЎзКейстрактор» ва «ЎзКейссервис» қўшма корхоналарининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалигини янги техникалар билан таъминлашда катта имкониятлар яратди.

«ЎзКейс-маш» қўшма корхонасида «Кейс-2022» русумли пахта териш машиналарини, «ЎзКейстрактор» қўшма корхонасида эса МХ-135 ва МХМ-140 русумли тракторларни йиғиш ишлари ташкил этилди. Ҳозирги даврда МТП ва хўжаликларда 792 та «Кейс-2022» пахта териш машиналари ва 512 та «Магнум» тракторлари мавжуд (2005). Хўжаликларда 2001–2005 й.ларда 2844 дон Т-4А русумли жанжирли ҳайдов тракторлари ишлади.

2000 й.да пахтани териб олишда 792 та «Кейс-2022» машиналари қатнашди. Ҳар бир машина билан терилган пахта 147 тоннани ташкил қилди. Қорақалпо-

гистон Республикаси ва Хоразм вилоятида Германиянинг «КЛААС», Италиянинг «Нью-Холланд», Финландиянинг «Сампо» ва Япониянинг «Янмар» фирмаларида ишлаб чиқарилган 270 катта ва 49 кичик дон ва шоли ўрадиган комбайнларидан самарали фойдаланилмоқда.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари учун Тошкент трактор э-лида Хитой Халқ Республикаси б-н ҳамкорликда 30 от кучига эга булган замонавий мини тракторларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, биринчи босқичда мўлжалланган 650 комплект мини-тракторлар ишлаб чиқарилди.

Замонавий ҳайдов тракторлари, ғалла, шоли ўриш комбайнлари ва пахта териш машиналаридан самарали фойдаланиш мақсадларида республикамиз вилоятларида чет эл техникаларига хизмат кўрсатилган 22 та сервис марказлар ташкил қилинди. «Ўзқишлоқхўжаликмашхольдинг» компаниясининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатадиган 13 та техник марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Техника воситаларидан унумли фойдаланиш, ширкат ва фермер хўжаликларининг механизациялашган ишларини буюртмалар асосида бажариб бериш мақсадида туман таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхоналари негизда 184 та МТП акциядорлик жамиятлари хўжаликлар ва фермерларга хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари жами 1007 та (шу жумладан «Ўзқишлоқхўжаликмашхольдинг» холдинг компанияси тизимида 12 та, фермер уюшмаларига қарашли 444 та, хўжаликлараро 551 та, фирмалар ва бошқа ташкилотлар ва шахсий муқобил) МТПлари барпо этилди. Улар хўжаликларга шартномалар асосида хизмат кўрсатиб келмоқда. Замонавий техникалардан самарали фойдаланишнинг муҳим омили бўлган операторларни (механизаторларни) тайёрлашга эътибор берилди. Ҳоз. хўжаликлар ва МТПларда 167 минг нафардан ортиқ малакали операторлар ишламоқда.

Республика кимё саноати қ.х.нинг ўғитлари бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш қувватига эга. Қ.х.да экинларни зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг кимёвий воиталари б-н бирга, айниқса пахтачиликда биологик ҳимоя усулидан ҳам фойдаланилади. Ўзбекистонда 90-й.лар бошида 756 биологик ҳимоя усулдан ҳам фойдаланилади. Ўзбекистонда 90-й.лар бошида 756 биологик ҳимоя усулдан ҳам фойдаланилади. Ўзбекистонда 90-й.лар бошида 756 биологик ҳимоя усулдан ҳам фойдаланилади.

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини

и. ч.ни яхшилаш, уларни қ. х.га етказиб бериш, ҳудудий агрокимё хизматлари сифатини ошириш мақсадида Республика Вазирлар Мақамасининг 2004 й. 23 ян.даги қарори б-н қ.х.га кимёвий хизмат кўрсатилган «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компанияси тугатилди ва унинг ҳудудий (вилоят) акциядорлик бирлашмалари ҳудудий акциядорлик жамиятларига айлантирилди ва «Ўзкимёсаноат» компанияси таркибига берилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Жиззах, Бухоро вилоятлари чигирткага қарши кураш экспедициялари, Республика агрокимё ст-яси, Республика ўқув-ишлаб чиқариш биологик лабораторияси, Зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш бўйича диагностика, прогноз ва биометод Республика ва ҳудудий лабораториялари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш Республика маркази ва унинг вилоят марказлари ҳамда барча туманларда отрядлари (160 га яқин) ташкил этилди.

Ўзбекистон кимё саноати республика қ.х. учун жами 607,34 минг т (100% озуқа ҳисобида) минерал ўғитлар, жумладан 463,77 минг т азотли, 117,16 минг т фосфорли, 26,48 минг т калийли ўғитлар етказиб берди (2005).

Қ.х.ни механизациялашнинг сифат даражасини ошириш, экологик мувозанатга зарар етказмайдиган воситалардан фойдаланиш, қ.х.нинг энергетика базасини электр ва қуёш энергиясидан кенгроқ фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш истиқболдаги устувор вазибалар қаторида туради.

*Азимиддин Сирожиддинов,
Шухрат Маърупов.*

Илмий базаси. Республика қ.х.да олимларнинг илмий изланишлари натижасида асосий қ.х. экинлари бўлган ғўза, бугдой, арпа, шоли, мева, узум, картошка, полиз экинлари ва б.нинг тезпишар, серҳосил навлари яратилди ва и.ч.га жорий этилди, деҳқончиликда илғор агротехника тадбирлари ишлаб чиқилди, ҳар бир экинни етиштириш технологияси, айниқса, пахтачилик учун машиналар системаси яратилди, и.т. ин-тлари, тажриба ст-ялари, таянч пунктлари тармоқлари ривожлантирилди. Қ.х.ни малакали мутахассислар б-н таъминлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ташкил этилди.

1991 й. 5 окт.да ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими (1972)нинг Ўзбекистондаги ил-

мий муассасалари негизда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА ташкил этилди. Академия 1997 й.да Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-и. ч. Марказига айлантирилди. Таркибида 17 и.т. муассасалари, жумладан, пахтачилик; ғўза селекцияси ва уруғчилиги; қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш; ўсимликшунослик; суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар; ўсимликларни ҳимоя қилиш; ветеринария; чорвачилик; қорақўлчилик ва чўл экологияси; шолчилик; боғдорчилик, узумчилик ва виночилик; сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик; бозор ислоҳотлари и.т. институтлари; мойли ва толали экинлар тажриба ст-яси; Қорақалпоғистон деҳқончилик ин-ти бор. Уларда қ.х., ўрмон хўжалигининг турли соҳаларида назарий ва амалий и.т. ишлари олиб борилади, фан ютуқлари и.ч.га жорий этилади (қ. *Қишлоқ хўжалиги фанлари*).

Қ.х. учун олий маълумотли мутахассислар Тошкент давлат аграр ун-ти (1930–1991 й.ларда қишлоқ хўжалиги ин-ти), Андижон қишлоқ хўжалиги (1964), Самарқанд қишлоқ хўжалиги (1933), Тошкент ирригация ва мелиорация (1934), Қарши муҳандислик-иқтисодиёт (1992) ин-тлари ва Тошкент аграр ун-тининг Нукус филиали (1992)да тайёрланади.

Ўрта махсус маълумотли мутахассислар, асосан, вилоятларда жойлашган қ.х., ҳисоб-бухгалтерия, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, қ.х.ни механизациялаш, зооветеринария ва б. йўналишлардаги коллежларда тайёрланади.

2006 й.да республика қ.х. олий ўқув юртларида бакалаврият йўналишлари бўйича 10758 талаба, магистратура йўналишлари бўйича 676 магистрант ўқиди. Олий ўқув юртларини 2144 бакалавр ва 332 магистр тамомлаб чиқди.

2005/06 ўқув йилида қ.х. олий ўқув юртларида 1374 профессор-ўқитувчилар, шу жумладан 163 фан д-ри, 538 фан номзодлари ишлади. Қ.х. соҳасида «Ўздавсувлойиҳа», «Ўзқишлоққурилиш», «Ўзқишлоқхўжалик» давлат лойиҳа ин-тлари лойиҳалар ва лойиҳа-изланиш ишлари, уларни техникавий-иқтисодий асослаш масалалари б-н шуғулланади.

Республикада қ.х. муаммолари, қ.х. фани ютуқлари ва илғор тажрибалар «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» (1922, ўзбек ва рус тилларида), «Ўзбекистон иқтисодиёти ахборотномаси» (1998, ўзбек ва рус тилларида) ва б. нашрларда босилади.

Тармоқни бошқариш. Республикада қ.х. соҳасидаги умумий сийсатни республика Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги амалга оширади. Вилоят ҳокимликларида вилоят қишлоқ ва сув ҳужалиги бошқармалари бор. Давлат бошқарувининг қўйи бўғини бўлган туман қишлоқ ва сув ҳужалиги бошқармалари ширкат, фермер ҳужалиқларига умумий раҳбарликни олиб боради. Иختисослашувига кура боғдорчилик, тоқчилик, айрим иссиқхона ҳужалиқлари мустақил «Ўзу-зумсаноатхолдинг» холдинг компаниясига қарайди. Айрим тармоқлардаги ҳужалиқлар ишини мувофиқлаштириш учун «Ўзбек қоракўли» компанияси (1998), «Ўзбек ипаги», «Асал» ва б. уюшмалар ташкил этилган.

Қишлоқ ҳужалиги минтақалари. Ўсимликларнинг минтақавий жойлашуви тартибига кўра республика ҳудудида 4 минтақа ажратилган: тоғ (тоғлар) — денгиз сатҳидан бал. 2500—2700 м гача, йиллик ёғинлар миқдори 500 мм дан кўп; тоғолди (адир) — денгиз сатҳидан баландлиги 1000—1200 м гача, йиллик ёғинлар миқдори 300—400 мм; чўл (текислик, шу жумладан тоғ этаги) — денгиз сатҳидан бал. 400—500 м гача, йиллик ёғинлар миқдори 300 мм дан кам; тоғ яйловлари (баланд тоғлар) — денгиз сатҳидан бал. 2500—2700 м дан юқори.

Қишлоқ ҳужалигида фойдаланиш жиҳатидан Ўзбекистон ҳудуди 3 минтақага бўлинади: тоғ ва тоғолди

минтақаси — республика ҳудудининг 20% дан ортиқроғини ташкил этади. Асосан, лалмикор деҳқончилик (бугдой, арпа, нўхат, зиғир), боғдорчилик ва тоқчилик тараққий этган, бу минтақада мавсумий баҳорги — кузги яйловлар бор, чорвачилиги гўшт-жун етиштиришга ихтисослашган. С у ф о р м а д е ҳ қ о н ч и л и к м и н т а қ а с и — республика ҳудудининг текислик қисмида, қарийб унинг 20% ни ташкил этади. Бу минтақа Фарғона водийси, Мирзачўл, Давларзин чули, Чирчиқ-Оҳангарон, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод водийлари, Қўйи Амударёни ўз ичига олади. Асосан, пахта, дон (бугдой, маккажўхори, шоли), картошка, сабзавот-полиэскинлари (қовун, тарвуз, қовоқ), ем-хашак экинлари (беда, суданўт, перко ва б.) етиштирилади. Боғ ва тоқзорлар, тўтзорлар, резавор мевалар майдонлари бор, гўшт-сүт чорвачилиги ривожланган. Ч ў л - я й л о в м и н т а қ а с и — республика ҳудудининг 60%ни ташкил этади. Асосан, чўл ва сувсиз текисликлардан иборат. Бухоро, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон ва Фарғона водийсининг марказий қисмида жойлашган.

Шунингдек, баланд тоғли зоналардаги тоғ яйловлари республика яйловлари умумий майдонининг 3,1%ни ташкил қилади ва ёғин яйлов сифатида гўшт-жун йўналишидаги қўй ва эчкиларни боқишда ҳамда йилқичиликда фойдаланилади.

Ер фонди. Давлат ер фонди ер эгаллиги ёки ердан фойдаланувчилар ҳудудидаги барча ерларни — ҳайдалма ерлар, дарахтзор, яйлов, пичанзор, ўрмонзор, бўз ерлар, қ.х.да фойдаланилмайдиغان ерларнинг жамини ўз ичига олади.

Республиканинг умумий ер фонди 44797,7 минг га, барча қ.х. ерлари 22446,1 минг га, ёки республика ер фондининг 50,5%ни, қ.х. ер турлари 17346,2 минг га ни, шундан сугориладиган ерлар майдони 3281,1 минг га ни ташкил этади (2006). Қ.х. мақсадларида фойдаланиладиган ерлар энг қимматли ҳисобланиб, улар қ.х. ишлаб чиқаришини таъминлаш б-н бирга барча агроландшафтлар ҳамда қулай табиий муҳит яратиш жиҳатидан ҳам муҳимдир.

Давлат қ.х. б-н шуғулланадиган корхоналар ва ҳужалиқларга, шунингдек фуқароларга муддатсиз ёки вақтинчалик фойдаланиш учун ер ажратиб беради.

Қишлоқ ҳужалиги мақсадлари учун ажратилган ер фонди таркибида бево-сита фойдаланиладиган қуйидаги ер турлари белгиланган: ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, яйлов ва пичанзор ерлар, бўз ерлар (Ер фонди ва ер турлари майдонларининг ҳудудий ўзгаришлари 1-жадвалда берилган).

Республика бўйича қ.х. мақсадлари учун мўлжалланган ерларнинг таркиби ва ўзгариш жараёнида умумий қ.х. ер турлари майдонининг камайиб бориши кузатилмоқда.

1 - ж а д в а л

Ер фонди ва ер турлари майдонлари (минг га)

	1940	1950	1960	1970	1980	1990	2000	2005
Ер фондининг умумий майдони	41188,1	44884,8	45165,0	46064,7	45622,2	45585,0	44410,3	44410,3
шу жумладан, сугориладиган ерлар	2672,6	2605,4	2692,6	2845,6	3517,7	4221,8	4277,6	4279,0
Жами қишлоқ ҳужалиги ерлари:	18028,6	25152,3	26733,1	27100,6	28175,7	28080,4	26734,5	25687,4
экин ерлари	3188,5	2935,6	3035,6	3521,2	3936,4	4176,5	4056,6	4049,0
улардан:								
сугориладиган ерлар	1844,0	1987,9	2174,8	2426,7	3041,2	3407,3	3313,6	3296,3
Лалмикор ерлар	1344,5	947,7	860,8	1094,5	895,2	769,2	760,6	752,7
Кўп йиллик дарахтзорлар	56,6	77,4	133,0	184,1	269,9	366,8	352,9	338,8
шу жумладан:								
боғлар	25,1	36,5	65,9	93,3	113,7	160,9	169,3	166,6
тоқзорлар	19,8	25,9	38,0	49,6	93,8	124,6	101,3	99,3
тўтзорлар	11,7	14,7	27,4	38,1	54,6	71,5	68,2	64,7
кўчатзорлар	—	—	—	0,6	5,2	5,1	8,1	8,2
бошқа дарахтзорлар	—	0,2	1,7	1,8	2,6	4,7	—	—
Бўз ерлар	943,2	958,3	781,8	251,8	70,3	62,1	82,8	83,9
Пичанзорлар	438,4	327,8	197,7	121,2	117,0	112,7	112,3	101,6
Яйловлар	13401,9	17953,2	22585,0	23022,3	23782,1	23362,3	22134,1	21114,1
Томорқа ерлар	209,2	108,2	123,8	178,0	202,1	451,3	649,2	679,7
Мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар	—	—	—	99,4	67,8	103,7	82,8	78,7
Ўрмонзорлар	1536,5	963,6	816,9	832,1	1060,2	1410,0	1373,1	2693,8
Қишлоқ ҳужалигида фойдаланилмайдиغان ерлар	21413,8	21560,7	17491,2	17854,6	16116,4	15539,6	15446,0	15148,7

2 - ж а д в а л

**Сугориладиган экин ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси
ва вилоятлар буйича тақсимланиши**
(тегишли йилларнинг 1 янв. ҳолати буйича, минг га).

Вилоятлар	1997	2000	2004	2005
Қорақалпоғистон Республикаси	428,9	419,2	419,7	419,5
Андижон	202,5	199,1	196,5	196,8
Бухоро	201,3	200,3	199,4	199,6
Жиззах	251,8	256,6	259,9	259,6
Навоий	92,2	92,1	90,5	90,2
Наманган	199,0	197,2	196,3	196,7
Самарқанд	263,0	261,9	259,0	258,0
Сирдарё	259,5	256,2	256,1	256,3
Сурхондарё	248,9	245,6	241,8	241,9
Тошкент	296,8	297,3	299,8	300,1
Фарғона	257,8	256,0	253,8	249,8
Хоразм	217,1	213,0	210,2	208,6
Қашқадарё	418,3	417,1	418,2	418,7
Тошкент ш.	—	—	0,5	0,5
Жами	3339,4	3316,4	3307,4	3296,3

Ердан фойдаланишнинг янги шакллари ривожланмоқда, булар фермер ва деҳқон хўжаликлари, хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари, ширкат-хўжаликлари ва б. турлардаги қ.х. корхоналаридир.

Сугориладиган ҳайдалма ерлар республика қ.х.ни ва иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Сугориладиган ерлар мамлакат ер фонднинг 9,6%ни ташкил этган ҳолда жами қ.х. маҳсулотларининг 98% айнан шу ерларда етиштирилади. Сугориладиган экин ерлари майдони республика буйича 3 млн. 296,3 минг га, ёки сугориладиган ерларнинг 77%ни ташкил этади (2006).

Республика буйича лалмикор ерлар майдони 752,7 минг га бўлиб, бу ерларда қ.х. экинларини етиштириш фақат ёгинлар ҳисобига амалга оширилади. Бу турдаги ерлар таркибига йиллик ўртача ёгин миқдори 250 мм дан ошадиган худудлар киради (2005).

Ҳоз. даврда республика буйича мевали дарахтзор, тоқзор ва тутзорларнинг жами ер майдони 338,8 минг га ни, шу жумладан сугориладиган ерларда 325,3 минг га ни ташкил қилади. Қ.х. таркибидаги сугориладиган кўп йиллик дарахтзорлар майдонининг салмоғи 8,8%. Кўп йиллик дарахтзорлар таркибида боғзор — 48%, тоқзор — 27,9%, тутзорлар — 19,9% ни ва бошқа ерлар — 2,4% ташкил қилади. Кўп йиллик лалмикор дарахтзорлар майдони эса 13,4 минг га бўлиб, улардан боғлар 10,5 минг га, тоқзор 2,6 минг га ва б. 0,2 минг га.

Бўз ерлар майдони 83,9 минг га бўлиб, улардаги сугориладиган буз ер-

лар 48,1 минг га ни ва лалмикор ерлар 35,8 минг га ташкил қилади.

Қ.х. мақсадлари учун ажратилган ер фонди таркибидаги яйлорлар майд. 21114,1 минг га бўлиб, жами ер майдонига нисбатан унинг салмоғи 57,1% ни, қишлоқ хўжалик ерлари таркибида эса 73,9% ни ташкил қилади.

Республика аҳолиси сонининг ўсиш суръатлари сугориладиган ерларни кенгайтириш суратларидан ўсиб кетиши натижасида аҳоли жон бошига туғри келадиган сугориладиган ҳайдалма ер майдонининг йилдан-йилга камайиб бориши кузатилмоқда (1940 й.да 0,31 га, 1980 й.да 0,17 га, 2005 й.да 0,12 га). Республика ер фондидан, жумладан қ.х. ерларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, экологик муҳитни асраш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг ҳамма шакллариини тенг ҳуқуқлар асосида ривожлантириш учун шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонунни қабул қилинди (1990 й. 20 июнь). Ўзбекистонда ер фондига эғалик ва ундан фойдаланишга оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Ер Кодекси» (1998, 30 апр.; 2004 й. 30

3 - ж а д в а л

**Республика вилоятлари буйича
лалмикор ерлар майдони**
(2005, минг га)

Вилоятлар	Ер майдони
Жиззах	219,6
Навоий	20,2
Самарқанд	182,9
Сурхондарё	38,5
Тошкент	35,3
Қашқадарё	256,2
Жами	752,7

апрелда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган) ва «Давлат Ер кадастри турғисида» (1998 й. 28 авг.) қонунлари б-н тартибга солинади.

Ал: Ўзбекистон Республикасининг ер фонди. Т., 2005.

Қосимжон Раҳмонов


Деҳқончилик

Республика қ.х.да деҳқончилик етакчи ўринда туради. Деҳқончиликнинг қ.х. ялпи маҳсулоти таркибидаги ҳиссаси 56,6%ни (2005; 2004 й.да 53,7%; 2000 й.да 52,6%) ташкил этди. Республикада агротехниканинг илғор усулларини қўллаш, экинларнинг ҳосилдор навларини яратиш, навларни муттасил янгилаш ва нав алмаштириш, ўғитлардан самарали фойдаланиш, ўсимликлар ҳимояси хизматини йўлга қўйиш, экин майдонлари таркибини ўзгартириш туфайли деҳқончиликда юқори кўрсаткичларга эришилди. Адири зоналарда лалмикор деҳқончилик (буғдой, арпа, зигир, кунжут, нўхат, озуқабоп экинлар, боғдорчилик) қилинади (752 минг га, 2006). Суғурма деҳқончилик илмикор лалмикор деҳқончиликка нисбатан 3—5 марта кўпроқ ҳосил олинади ва ердан самарали фойдаланиш таъминланади. Сугориладиган ерларда, асосан техника экинлари (ғўза, тамаки, қанд лавлаги), дон экинлари (буғдой, арпа, шоли, маккажўхори, дуккакли дон экинлари), мойли экинлар (зигир махсар, рапс), сабзавот-картошка, полиз экинлари, ем-хашак экинлари ва б. экилади, мева, узум етиштирилади. Ўзбекистонда кейинги 100 йил мобайнида асосий деҳқончилик қилинадиган сугориладиган ерлар майдони 2,34 марта кўпайди ва 2005 й.га келиб 4238,6 минг га га етди (1914 й.да 1809,5 минг га), барча тоифадаги хўжаликларда қ.х. экинларининг умумий майдони 3646,0 минг га ни ташкил этди. Кейинги йилларда республикада экин майдонлари таркиблари кескин ўзгарди, техника экинлари, биринчи навбатда ғўза майдонлари қисқартирилди, аҳолини озиқовқат б-н таъминлашни тубдан яхшилаш учун дон экинлари, сабзавот, картошка майдонлари кенгайтирилди.

Республика деҳқончилигида техника экинлари (ғўза, тамаки, қанд лавлаги), дон экинлари (буғдой, шоли, арпа, маккажўхори, дуккакли дон экинлари), сабзавот, картошка, полиз экинлари, ем-хашак экинлари, боғдорчилик уз аҳамиятига кўра етакчи ўринларда туради.

Пахтачилик. Республикада деҳқончиликнинг етакчи тармоғини пахтачилик ташкил этади. Пахтачиликнинг пировард

Экин майдонлари таркиби (%)



вилоятларида эса ўрта толали ғўза б-н бир қатор ингичка толали ғўза ҳам етиштирилади. Пахта толаси Ўзбекистон экспортининг муҳим бандини ташкил этади. Пахта толаси экспорти буйича республика жаҳонда АҚШдан кейин 2-ўринда туради.



Чигит экиш.

асосий маҳсулоти — пахта толаси ва пахта мойидир. 1 т пахта хом ашёсидан ўртача 320–350 кг тола (3500 м² газлама), 10 кг момиқ, 620 кг чигит олинади. Уз навбатида 620 кг чигитдан 110 кг мой, 225 кг кунжара, 175 кг шулжа, 35 кг линт, 30 кг тук (делинт) чиқади. Умуман ғўздан олинadиган маҳсулотлар асосида саноат усулида 1200 дан кўпроқ турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

Республикада пахтачилик аграр-саноат мажмуи шаклланди. Мажмуа пахтачилик қ.х. машинасозлиги, кимё, асбоб-созлик, пахта тозалаш, тўқимачилик, ёғ-мой саноатлари, тегишли инфратузилма тармоқлари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Республикада пахтачилик учун энг унумдор суғориладиган ерларнинг қарийб 35% ажратилган ва меҳнат ресурсларининг катта қисми шу тармоқда банд. Ўзбекистон жаҳонда энг шимда жойлашган пахтачилик минтақаси бўлишига қарамай, айрим ҳудудлар ҳосилдорлик бўйича олдинги ўринларда (гектарилан 40–50 центнер) турали.

Республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда ўрта толали, Бухоро, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё

Хўш. Ўзбекистон ҳудудида пахта 2,5 минг йилдан кўпроқ вақтдан бери етиштирилади. Археологик тадқиқотларнинг далиллариға кўра, ғўза мил. ав. 7–6-а.ларда Самарқанд, Тошкент, Хоразм воҳаларида, 1-а.да Фарғона водийсида етиштирилган. 19-асрнинг 60-й.ларида Ўзбекистонда ғўза тахм. 40 минг га майдонда, асосан, деҳқон хўжаликларининг ички эҳтиёжларини қондириш учун экилган. Бир неча аср мобайнида кўсаги майда ва яхши очилмайдиган жайдари ғўза экиб келинган. Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон подшо Россияси томонидан босиб олинганидан кейин Россия саноатининг пахта толасига бўлган талаби кескин ортди. Натижада пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб борди. 19-а.нинг охириларида Туркистон б-н Россиянинг саноат марказларини боғловчи т.й.ларнинг қурилиши ҳамда нисбатан серҳосил чет эл ғўза навлари (америка навлари — амиркон пахта)нинг экилиши муҳим роль ўйнади. 1890 й.да ғўза майдони 100 минг га дан кўпроқни, 1913 й.да 424,6 минг га, ялпи ҳосил 517,2 минг т, ҳосилдорлик 12,2 ц/га ни ташкил этди. 1913 й. Наманган ш. яқинида (Пахталикўл) ғўза тажриба ст-яси иш-

лай бошлади. 1914 й.дан Мирзачўлда қ.х. ва ғўза тажриба ст-ясида ғўза селекцияси бўйича ишлар бошланди.

Умуман, 20-а.нинг 20-й.ларига қадар пахта ибтидоий технология асосида етиштирилар, чигит, асосан сепма ёки жўяқларга ташлама усулида экилар, жами агротехника талбирлари ва ҳосилни териш ҳам қўлда бажарилар эди.

1930–1990 й.лар давомида Ўзбекистон жаҳондаги асосий пахта етиштирувчи мамлакатлар қаторидан жой олди ва собиқ СССРнинг пахта етиштирувчи базаси бўлиб келди (Иттифоқ бўйича етиштирилган пахтанинг қарийб 60–65%).

1920-й.лар бошидан Россияда Ўзбекистон пахта хом ашёсига бўлган талаб яна кескин кучайди. Пахтачиликни ривожлантириш мақсадларида биринчи навбатда «халқ хашари» деб аталмиш йўл б-н сув хўжалиги қурилиши кенг қулоч ёйди, пахтакор хўжаликларда трактор ва машина-механизмлар парки кенгайди, минерал ўғитларни қуллаш купайди,

Қишлоқ хўжалиги экинлари майдони (барча тоифадаги хўжаликларда, минг га)

1 - ж а д в а л

	1940	1950	1960	1970	1980	1990	1995	2000	2005
Жами экин майдони	3188,5	2935,6	3035,6	3521,2	3936,4	4176,5	4165,0	3774,9	3646,0
Дон экинлари	1479,7	1137,9	894,8	1159,8	1173,8	1008,1	1565,5	1611,9	1615,2
шу жумладан:									
бугдой	1024,1	809,8	900,4	663,6	522,7	433,1	—	1354,8	1439,1
дон учун маккажўхори	18,0	29,0	33,9	24,6	185,0	108,5	—	—	33,5
шоли	83,1	52,8	31,8	63,3	105,1	146,8	—	129,8	50,9
Техника экинлари	1026,2	1268,6	1427,9	1740,6	1912,1	1876,3	1532,6	1512,3	1517,7
Ғўза	947,7	1134,5	1449,6	1709,2	1877,7	1830,1	1492,8	1443,7	1472,0
шу жумладан:									
ингичка толали ғўза	30,1	—	36,1	69,9	125,6	119,4	—	95,6	77,3
тамаки	2,7	5,7	5,6	7,7	10,3	8,6	—	12,4	21,3
Картошка ва сабзавот-полдиз экинлари:	88,5	62,4	110,8	123,8	186,3	270,1	244,3	222,8	222,7
шу жумладан:									
картошка	23,6	16,5	28,6	21,2	23,2	41,8	45,9	52,2	49,6
сабзавотлар	25,3	22,3	38,7	53,1	104,3	140,2	149,6	129,9	137,4
полдиз экинлари	39,4	23,4	43,0	46,3	52,1	79,8	42,7	36,9	33,8
Бошқа экинлар	446,9	429,6	606,7	451,8	722,4	1039,7	731,6	429,0	290,4



ғўзани ўстириш агротехникаси яратилди, алмашлаб экиш, механизациялаш, чигитни қаторлаб экиш жорий этилди, республикада иш бошлаган селекция мусассасаларида яратилган янги ғўза навлари экила бошлади.

60-й.лардан пахтачиликда комплекс механизациялаш, кимёлаштириш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини и.ч.га жорий этиш, янги ерларни ўзлаштириш, ғўзанинг серҳосил ва эртапишар янги навларини яратиш, ингичка толали ғўза нави экиладиган майдонларни кенгайтириш пахтачиликнинг истиқболли асосий йўналишларига айланди. Республиканинг ҳамма вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида илмий асосланган минтақавий деҳқончилик системаси, ғўза етиштиришнинг индустриал технологияси ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Республика пахтачилигида механизациялаш даражаси 20-

Ғўзага ишлов бериш.



Пахта далаларида зараркунанда ҳашаротларга қарши фойдали ҳашаротлардан трихограмма тарқатиш.

а.нинг 80-й.лари бошида 80%ни ташкил этди. Пахтани машиналарда теришга алоҳида эътибор берилди. Айрим вилоятларда ҳосилнинг 65–75% пахта териш машина-

ларида йиғиб олинди. Республиканинг қ.х. машинасозлигида пахтачиликка мослаштирилган трактор, сеялка, культиватор, пахта териш машиналари и.ч. йўлга қўйилди, пахтачилик машиналари бўйича бир неча махсус конструкторлик бюrolари фаолият олиб борди. 80-й.лардан ғўзани зараркунандалардан ҳимоя қилишда биологик усуллардан кенг фойдаланишга ўтилди, республикада трихограмма ва бракон каби фойдали ҳашаротларни кўпайтирувчи 750 дан ортиқ биологик лаборатория ишлади.

Собиқ Иттифоқнинг пахта мустақиллигини таъминлаш мақсадида ғўза майдонларининг мунтазам кўпайтирилиши республика деҳқончилигида пахта якка зироатчилиги (монокультура)ни вужудга келтирди. 1984–88 й.ларда ғўза 2 млн. га дан кўпроқ, 1989 й. эса энг кўп – 2107,7 минг га майдонга экилди, 1980 й. энг қул ялпи ҳосил – 5579 минг т пахта ҳосили олинди (аниқланган маълумот; дастлабки маълумотларда 6244,9 минг т).

Олинган толаннинг фақат 10% гина республикада қайта ишланар, қолгани жуда арзон нархларда Марказга ва б. республикаларга ташиб кетиларди. Натижада республика қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлишига қарамай асосий озиқ-овқат маҳсулотлари – қанд-шакар, дон, ғўш, сут, картошка каби маҳсулотларнинг асосий қисмини четдан келтиришга мажбур эди.

Ғўза майдонларида минерал ўғит, гербицид, пестицид, дефолиант ва десикантларнинг илмий асосланган меъёрларга риоя этмай кўплаб қўлланилиши, алмашлаб экишнинг бузилиши натижасида атроф-муҳитга зарарли таъсир кучайди,

тупроқ хусусиятлари ёмонлашди, унумдорлиги пасайди, турли касалликлар (вилт) ва зараркунандалар кенг тарқалди. Буларнинг таъсирида ҳосилдорлик пасайди, ҳолбуки, 1950–1970 й.ларда Ўзбекистон пахта ҳосилдорлиги бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллаган эди.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон ҳукумати пахта якка зироатчилигини (якка ҳокимлигини) бартараф этиш фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эга эканлигини назарда тутиб, қатъий талбирлар қўрди. Ўзбекистоннинг энг муҳим озиқ-овқат ресурслари б-н ўзини-ўзи таъминлашга эришиш йўли танланди.

Биринчи навбатда республикада экин майдонлари таркиблари ўзгартирилди, 1991–95 й.ларда ғўза майдонлари йилдан-йилга қисқартирилди, ғалла, сабзавот ва б. экинлар майдонлари, томорқа, фермер, деҳқон хўжаликлари ерлари кенгайтирилди. Пахта етиштириш кўпайтириш ҳосилдорлик ва тола чиқилиши ошириш йўналишида амалга оширилиши, пахтачилик соҳасидаги асосий вазифа – республикада пахта-ғалла-беда, пахта-ғалла алмашлаб экишни жорий этиш ва ўртача ҳосилдорликни 30–35 ц/га етказишдан иборат деб белгиланди. 1996 й.дан чет мамлакатлари пахтачилигида синовдан утган ва ижобий натижалар берган плёнка остига чигит экиш технологияси («Андижон технологияси») қўлланила бошлади (1998 й.да 500 минг га, 2000 й.да 1 млн.га, 2005 й.да 168,2 минг га майдонда шу усулда чигит экилди).

Кейинги 100 й. давомида Ўзбекистонда пахтачилик фани ва пахтакорлик маданияти шаклланди. Республикадаги Пахтачилик, Ғўза селекцияси ва уруғчилиги и.т. ин-лари пахтачилик бўйича жаҳон миқёсида эътироф этилган обрўли илмий марказлардир.

Ўзбекистон олимлари ғўзанинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган 175 га яқин навини (шундан 20 дан ортиги ингичка толали навлар) яратдилар ва ғўза селекциясида янги илмий йўналишларга асос солдилар. Ғўза селекцияси ва агротехникаси ривожига Г.С.Зайцев, С.С.Канаш, А.И.Автономов, Л.В.Румшевич, Б.П.Страумал, С.М.Мираҳмедов, Ю.П.Хуторной, О.Жалилов, М.В.Муҳаммаджонов, С.Х.Йулдошев, А.И.Имомалиев, З.С.Турсунхўжаев ва б. олимлар катта ҳисса қўшдилар. Республикада 1990 й.га қадар 7 марта нав алмаштириш ўтказилди. 1990 й.дан ҳозиргача 8-нав алмаштириш ишлари давом этмоқда. Пахтачиликда 1-нав алмаштириш (1922–1932 й.лар). Асосий навлар:

Зараркуналдарга қарши ОВХ-12 аппаратура дори пуркаш.



да тола узунлиги 26–28 мм дан (1913 й.) 32–33 мм гача, тола чиқиши 26–28% дан 35–41% га етказилди. Ғузанинг вилт ва б.

жайдари ғўза, урта толали Навроқий, Кинг, 182, 169 навлари; 2-нав алмаштириш (1933–1941). Асосий навлар: 8517, 36 М., 2034, 8196, 1306, 216, 114, ингичка толали 2И3 нави; 3-нав алмаштириш (1942–46). Асосий навлар: С–460, С–450, 18819 ва б.; 4-нав алмаштириш (1947–64). Асосий нав: 108-Ф (Л.В. Румшевич; 1964 йили 1,7 млн. га ерга экилган); 5-нав алмаштириш (1965–71). Асосий навлар: С–4727, 108-Ф, 153-Ф; 6-нав алмаштириш (1972–80). Асосий навлар: Тошкент навлари (С.М. Мираҳмедов), Қизил Равот, Чимбой 3010, АН-402, ингичка толали 6249-В, 6465-В, АШ-25, Термиз 14; 7-нав алмаштириш (1980–1990). Асосий навлар: урта толали – Оқолтин, С–6524, 175-Ф, Қирғизистон 3, Андижон 9, 108-Ф, ингичка толали Аш-25, 9871-И, Термиз 14, Термиз 16 ва б. экилди.

1990-й.дан 8-нав алмаштириш бошланди. Асосий навлар: Юлдуз, Бухоро б, С–6530, Наманган 77, Тошкент б, Термиз 24 ва б. 2004–05 й.ларда экилган асосий навлар: С–4727, Бухоро б, Тошкент б, Юлдуз, Наманган 77, Ан-Боёвут 2, Фарғона 3, Қирғизистон 3, С–9070, Чимбой-3104, С–6524, Қизил Равот, С–6530, 175-Ф, Оқдаре-6 ва б. Нав алмаштириш ва янги навларнинг жорий этилиши натижасида урта толали ғўзалар

Пахтани машинада териш.



касалликлардан зарарланиши кескин камайтирилди.

Ўзбекистонда пахта етиштиришни кўпайтириш, ғузанинг янги серҳосил навларини яратиш, тола сифатини яхшилаш, ҳосилдорлик ва тола чиқишини ошириш йўналишида олиб борилмоқда.

Пахтачиликни модернизациялаш дойиҳасига асосан 1996 й.дан Ўзбекистонда ва чет эл технологиялари, транспорт воситалари ва саралаш-калибрлаш ускуналари ёрдамида республикамиз шaroитига мос келадиган кимёвий туқсизлантирилган уруғлик чигит тайёрлайдиган ихтисослаштирилган компаниялар ва корпорациялар ташкил этилди.

Пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш «Ўзпахтасанат» уюшмасининг пахта тозалаш корхоналари (жами ишлаб чиқаришнинг 90%) ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кўмагида ташкил этилган уруғчилик корпорацияларида олиб борилади (Пахтачиликнинг асосий кўрсаткичлари 1- ва 2-жадвалларда берилган).

Канопчилик. Республикада техника экини бўлган каноп-жут етиштириш 1936 й.дан бошланган (Тошкент вилояти Куйи Чирчиқ туманида 6980 га майдонга экилди, 19,7 ц/га ҳосил олинди ва 13,8 минг т каноп пояси тайёрланди). 1937 й.дан Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани, 1950–56 й.ларда Сурхондарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги

хўжаликларда ҳам каноп етиштириш йўлга қўйилди. 1971 й.да каноп фақат Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон, Бўстонлик ва Куйи Чирчиқ туманларида экилиб, республикада энг юқори – 360 минг т каноп пояси етиштирилди. 1972 й.дан каноп майдонлари қисқариб борди. 1994 й.да 6,5 минг т каноп пояси етиштирилди. Ҳоз. даврда Тошкент вилояти Куйи-чирчиқ туманида кичик майдонларда экилади (200 га, 2005). Каноп поясидан олинадиган толадан газлама, ўров материаллари, қоп, брезент, арқон, ип, кабель ип тайёрланади. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг мойли ва толали экинлар тажриба ст-ясида тезпишар ва серпўстлоқ «Ўзбекистон (1503; –2142; –3876)», «Тошкент 12», «Тошкент 1910» навлари яратилди ва хўжаликларда «Ўзбекистон – 3876», «Ўзбекистон – 2142», «Кубань – 338» навлари экилди. Каноп селекцияси, агротехикасига оид и.т. ишлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг мойли ва толали экинлар тажриба ст-ясида олиб борилади (2005).

Тамакичилик. Тамакининг маҳаллий навлари қадимдан экиб келинади ва асосан носвой тайёрлаш ҳамда чилим чекиш учун ишлатилган. Тамаки етиштиришга Самарқанд вилоятининг Ургут тумани ихтисослаштирилган, қисман Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз ва Яққабоб туманлари хўжаликларидан ҳам етиштирилади. 1995 й.дан жаҳоннинг кўплаб сигарет ишлаб чиқарувчи компаниялари катта эҳтиёж сезадиган Виржиния, Парлей навлари, хушбўй турк ва болгар тамакилари ҳам синов тариқасида экилмоқда. Етиштирилган тамаки Ургут тамаки ферментлаш э-дида қайта ишланади. Тошкент ва Самарқанд сигарет ф-каларини хом ашё б-н таъминлайди. «Бритиш Америкэн тобакко» компанияси Самарқандда қурган «ЎзБАТ акциядорлик жамияти» хўшма корхонаси (1996) ҳам маҳаллий хом ашёда ишлайди. 2005 й.да 9,2 минг га майдонда тамаки экилди. Шундан 7,8 минг га қишлоқ хўжалиги корхоналари, 0,9 минг га фермер хўжаликлари, 0,5 минг га деҳқон хўжаликлари ҳисобига тўғри келди (ҳосилдорлиги 29,4 ц/га тамаки барги). Ўзбекистонда Америкэн 287С, Любек; Ўзган–9, Дюбек–44–07, Измир навлари устирилади (қ. *Тамаки sanoати*).

Дончилик. Мамлакат деҳқончилигида дон етиштириш муҳим уринда турлади. Мамлакатда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, чорвачиликнинг ем-хашак

Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши

I - ж а д в а л

Йиллар	Ўза экин майдони, минг га		Ҳосилдорлиги, ц/га		Ялпи пахта ҳосили, минг т	
	жами	шундан ингичка толали ўза	ўрта ҳисобда	шундан ингичка толали ўза	жами	шундан ингичка толали ўза
1924	264,8	—	7,8	—	205,8	—
1928	589,2	—	9,1	—	533,8	—
1930	883,8	0,2	8,4	9,7	744,3	0,2
1940	923,5	30,1	15,0	12,0	1385,9	12,0
1950	1098,1	27,5	20,3	15,0	2225,6	41,1
1960	1386,6	36,1	20,4	17,9	2823,5	64,8
1970	1709,2	69,9	26,3	28,3	4495,2	197,4
1980	1877,7	125,6	29,7	28,5	5578,7	357,3
1990	1830,1	119,4	27,6	32,0	5058	381,1
1995	1492,8	25,6	26,4	27,4	3934,1	71,1
2000	1376,8	12,4	21,8	26,9	3001,8	29,7
2005	1436,5	21,3	25,9	22,9	3766,4	35,6

га) суғориладиган майдонлар эди. 1995 й. мамлакат галла мустақиллигини таъминлаш йўлида катта қадам ташланди, республикадаги жами экинлар майдонининг 40% га яқини галла экиш учун ажратилди. Шу йили галла экинлари майдони 1300 минг гектарга етказилди, унинг 62% ёки 828 минг га суғориладиган ерлар. Бу майдонларда бошоқли дон экинлари салмоғи 70% ни ташкил этди (1200 минг га). 1995 й. 2,68 млн. т галла тайёрланди. 1996 й. галла майдонлари

базасини мустақамлаш дон етиштиришни кўпайтириш б-н боғлиқ. Республикада дон учун кузги ва баҳори галла экинлари — бугдой, арпа, жавлар, сули, шунингдек, шоли, маккажўхори, оқ жўхори, тарик, қуноқ, маржумак (гречиха), дуккакли дон экинлари — нўхат, мош, ловия, вигна, ерёнғоқ, мойли экинлар — зигир, кунжут, соя, канакунжут, махсар, кунгабоқар, индов ва б. етиштирилади. Дуккакли дон ва мойли экинларнинг экин майдонлари таркибиде ҳиссаси жуда оз. Республикада дон етиштириш юқори даражада механизациялашган. Минерал ўғит ва кимёвий воситалардан унумли фойдаланилади.

Ғ а л л а ч и л и к. Ўзбекистонда галлачилик деҳқончиликнинг қадимий тармоғи. Қадимдан қизил бугдой, арпанинг Тошқаллак, Унумли арпа каби маҳаллий навлари машҳур бўлган. 20-а.нинг 90-й.ларига қадар галлачиликда, асосан лалмикор ерларда галла экинлари ва дуккакли дон экинлари етиштирилган. 2-жаҳон урушидан олдинги йилларда арпа ва бугдой қарийб 1,5 млн. га ерга

экилган (1940). 1970 й.да 640 минг га майдонга бугдой, 387,4 минг га майдонга арпа экилди, ҳосилдорлик 8,5 ц/га, ялпи ҳосил 1 млн. т (давлат хариди 0,4 млн. т)ни ташкил этган.

Республика мустақилликка эришгандан кейин мамлакатнинг галла мустақиллигига эришиш, дон маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини республиканинг ўзида етиштирилган галла ҳисобига қондириш муҳим стратегик вазифага айланди. 1993—2005 й.ларда галлачиликни устувор суръатларда ривожлантириш бўйича катта амалий ишлар бажарилди, галлачилик пахтачилик каби муҳим тармоққа айланди. Республикада пахта якка ҳокимлигини бартараф этиш ва экин майдонлари таркибиде галла экин майдонларини кўпайтириш йўлидан борилди. Галла етиштиришни кўпайтириш мақсадида галлага лалмикор ерлардан ташқари суғориладиган ерлар ҳам ажратилди. 1993 й. галла экинлари майдони 300 минг гектарга кенгайтирилиб, жами дон экинлари майдонлари 942 минг га ни ташкил этди, унинг 33% (312 минг

1700 минг га ни (унинг 1200 минг га суғориладиган ерларда) ташкил этди. 1997 й.да бошоқли дон экинлари майдони суғориладиган ерларда 1 млн. га, ҳосилдорлик 35—40 ц/га га етказилди.

2005 й.да барча тоифадаги хўжаликларда 6518,0 минг т дон, шу жумладан 6047,0 минг т бугдой ҳосили олинди. Бошоқли дон экинлари ҳосилидан давлат хариди 2303,3 минг т, шу жумладан бугдой хариди 2262,0 минг т ни ташкил этди.

Республиканинг галлага бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашда (бир йилда 6 млн. т, аҳоли жон бошига илмий асосланган йиллик меъёри 300 кг) ҳосилдорликни ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, уруғчиликни яхшилаш, навли уруғлик экиш муҳим аҳамиятга эга.

Галла экинлари ҳосилини суғориладиган майдонларда ҳар гектарига 45—50, лалми ерларда 9—15 центнергача етказиш муҳим вазифа ҳисобланади.

2 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича пахтачиликнинг асосий кўрсаткичлари

Вилоятлар	1995			2000			2005		
	экин майдони, минг га	ҳосилдорлик, ц/га	ялпи ҳосил, минг т	экин майдони, минг га	ҳосилдорлик, ц/га	ялпи ҳосил, минг т	экин майдони, минг га	ҳосилдорлик, ц/га	ялпи ҳосил, минг т
Қорақалпоғистон	145,5	19,8	288,2	95,5	13,1	125,4	103,9	20,4	212,5
Андижон вилояти	110,9	30,8	345,9	106,1	31,8	337,4	108,1	29,4	318,4
Бухоро вилояти	106,4	33,4	355,1	128,8	27,3	351,1	128	30,9	395,3
Жиззах вилояти	134,0	17,5	234,2	105,3	14,8	155,5	106,5	24,9	265,4
Навоий вилояти	43,6	28,3	123,4	40,4	25,7	103,6	39,4	29,5	116,3
Наманган вилояти	94,7	31,3	296,6	92,8	26,2	243,5	104,6	26,2	273,7
Самарқанд вилояти	93,4	25,1	234,2	92,8	17,9	167,8	103,4	25,1	260
Сирдарё вилояти	138,7	20,6	286,1	129	13,6	174,8	115,8	21,5	285,9
Сурхондарё вилояти	117,7	31,5	370,6	119	21,8	259,5	123,4	26	320,3
Тошкент вилояти	107,9	26,1	281,3	107,1	23,9	256,4	108	25,6	276,6
Фарғона вилояти	128,6	30,6	394,2	121,2	29,9	362,7	118,9	27,2	323,8
Хоразм вилояти	102,1	29,8	304,7	87,9	22,6	199,0	109,8	26,1	286,9
Қашқадарё вилояти	169,2	24,8	419,5	149,9	17,7	265,1	166,4	28,1	468,2



Бугдой ўрми.

Республикада галла экинлари уруғчилиги, асосан, 1925–26 й.лардан бошланган (Зарафшон тажриба дасаси, 1913; Каттақўрғон тажриба ст-яси, 1925; Қамашдаги Ўрта Осиё дончилик тажриба ст-яси, 1930; Фаллаорол тажриба ст-яси, 1932). Галла экинлари селекцияси ва уруғчилигини ташкил этишда Милютин (Фаллаорол) давлат селекция ст-яси (1937) муҳим ишларни амалга оширди. Унинг Қамаш, Қарши, Бахмал, Каттақўрғон бўлимларида бугдой ва арпа янги селекция навларининг суперэлита ва элита уруғлари етиштирилди, галла экинларининг серхосил навлари яратилди, натижада ҳар гектар ҳисобига дон ҳосилини 4–5 барабар оширишга эришилди.

Республикада 1937–92-й.лар давомида бугдой бўйича 6 марта (1937–61; 1944–64; 1960–65; 1965–70; 1970–80; 1980–85), арпа бўйича 4 марта (1937–65; 1944–55; 1956–70; 1975–80) навалаштирилди. 90-й.ларнинг ўрталарида суғориладиган майдонларда бугдойнинг Қилтиқсиз (Безостая I), Унумли бугдой, Сете Церрос, Сангзор 4, Интенсив, Ёнбош, лалми ерларда Қизил Шалола (Красноводопадская 210), Сурхок 5688, Тезпишар, суғориладиган ерларда арпанинг Қарши, Зафар, Циклон, лалми ерларда Байшешек, Унумли арпа, Нутанс ва б. навлари экилди. 1997 й. 25 авг.да Андижон суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар и.т. ин-ти ташкил этилди. Галла экинлари уруғчилигини ривожлантириш, четдан олиб келинаётган уруғлик ўрнига маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мос, юқори истеъмол хусусиятларига эга, тезпишар, иссиққа чидамли маҳаллий навларни чиқариш ва экиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Андижон вилоятида элита ва 1-синфга мансуб 1–2 репродукция уруғлиги етиштирадиган махсус уруғчилик хўжаликлари ташкил этилди. Навларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бир минтақанинг туп-

роқ-иқлим шароитига мос навларни тўғри жойлаштириш ҳисобига 60–70 ц/га ҳосил етиштириш бўйича аниқ агротехник тавсиялар ишлаб чиқилди. 1995–2005 й.ларда республика олимлари томонидан яратилган Ёнбош, Дўстлик, Тўрақўрғон, Маданият, Зомин-1, Бобур, Бўзқалъа, Шавкат, Файрат каби ҳосилдорлиги 55–65 ц/га бўлган навлар давлат реестрига киритилди. Республикада Крошка, Половчанка, Княжня каби интенсив навлардан 70–80 ц/га дан ҳосил олинмоқда.

Шоликорлик. Шоли республиканинг барча вилоятларида етиштирилади. Ўзбекистонда 1940-й.ларга қадар шоликорликда жайдари навлар (Қирмизи шоли, Хўжааҳмад, Арпашоли (Девзира), Оқ шоли, Бугдой шоли, Қора шоли, Қора қилтиқ) экиб келинган. Айрим маълумотларга кўра 1913 й. ҳоз. Ўзбекистонда 161,1 минг га шолипоянинг ҳар гектаридан 8–13 ц ҳосил олинган. 30-й.лардан ихтисослаштирилган шоликорлик давлат хўжаликлари барпо этила бошлади. 1932 й. Ўзбекистон шоличилик тажриба ст-яси (ЎзРОС; 1968 й.дан Ўзбекистон шоликорлик и.т. ин-ти) ташкил этилди. 1960-й.лардан шоли майдонлари кенгайтирилди, маҳаллий навлар ўрнига ўзбекистонлик селеционерлар яратган, ҳосилдорлиги 60–70 ц/га борадиган, кескин об-ҳаво шароитлари, касаллик ва зараркундаларга чидамли, пояси ётиб қолмайдиган ва дони тўқилмайдиган ЎзРОС 7, ЎзРОС 7-13, ЎзРОС 17, Болгар 65, ЎзРОС 269, ЎзРОС 275 навлари экила бошлади. 60-й.лардан арпашолдан ташқари барча маҳаллий навлар экилмайдиغان бўлди. 22 йирик шоликорлик давлат хўжаликлари ташкил этилди (1975). 1993 й. республикада 544,6 минг т шоли ҳосили олин-

ди, ҳосилдорлик 30,1 ц/га бўлди. 1995 й.да республикада шоли экилган майдонлар 180 минг гектарга етди (жами экин майдонининг 5,5%). Асосий шоли майдонлари Қорақалпоғистон Республикаси (қарийб 100 минг га), Хоразм (38 минг га), Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида жойлашган. 90-й.лардан Ўзбекистон шоликорлик интида чиқарилган эртапишар, серхосил (потенциал ҳосилдорлиги 60–95 ц/га), сифатли гуруч олинадиган Авангард, ЎзРОС 7–13, Нукус 2, Лазурний, Аланга, Истиқбол, Истиқдол, Толмас, Арпашоли («Девзира»), Санам ва б. экилди. Хоразм ва Қорақалпоғистонда айрим хўжаликларда ҳосилдорлик 45–60 ц/га ва ундан юқори. 2005 й.да шоли экилган майдонлар 1990 й.га нисбатан 3 баравар қисқариб, 50,5 минг га, ҳосилдорлик 32,2 ц/га ни, ялпи ҳосил 160,4 минг т ни ташкил этди (қ. 3-жадвал).

Мақкажўхори чилик Ўзбекистонда 50-й.ларгача айтарли ривожланмаган эди. 60-й.лардан дон ва силос бос-тириш учун катта майдонларга экиладиган бўлди. Республиканинг тупроқ-иқлим шароитида баҳорда ва иккинчи марта экинзорлардан бўшаган ерларга ёзда экилади. Илғор хўжаликларда ҳар гектар майдондан 50–60 ц дон, 1300–1400 ц сўтали кўк поя ҳосили олинади. 1995 й. республикада 181,0 минг т маккажўхори дони етиштирилди, дон бўйича ҳосилдорлик 38,4 ц/га (Андижон вилоятида 56,0 ц/га) бўлди. Силос ва кўк озуқага мўлжалланган маккажўхори (сўта ва пояси б-н) ҳосилдорлиги 182 ц/га ни ташкил этди. Маккажўхори дони емлик жиҳатидан барча донли экинлардан афзал туради (1 кг маккажўхори донининг озуқалик қиммати 1,34 озуқа бирлигига тенг). Ўзбекистонда маккажўхорининг ВИР 42, ВИР 156, Днепровский 200, Ўзбекистон тишсимон мак-



Шоли майдонлари.



Маккажўхори ўрими.

кажўхориси, 1980–85-й.ларда ВИР 338 ТВ дурагайи (маккажўхори майдонларининг 96,5%) экилди. 1995–2000 й.ларда чет эллардан серҳосил маккажўхори навлари келтирилиб р-нлаштирилди. Экиладиган асосий навлар: Ватан, Кремнистая УзРОС, Молдавский 425 МВ, Нарт, Зубовидная, Ўзбекистон 601, Бемо 182 СВ, Доминго, Молдавский 257 СВ ва б. (2005). Маккажўхори б-н бирга катта майдонларда оқ жўхори (дони ва силос ҳамда кўк поя учун) Қорақалпоғистонда, Хоразм, Бухоро вилоятлари, Фарғона водийсида Кўқон гуруҳи районларида ҳамда Марказий Фарғона шўрхоқ ерларида экилади (20–30 ц/га дон, 650 ц/га кўк поя). Қантли жўхори (Фарғона водийси), Асалбоғ, Сангзор (Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари), Ўзбекистон 18 (Қорақалпоғистон, Тошкент вилояти), шунингдек, Найман (чиллаки), Қаттиқбош, Бойжўхори, Хўраки жўхори, Қизил Кўқон жўхори (Андижон, Фарғона) навлари кўпроқ экилади.

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик. Республиканинг иқлими, суғорма деҳқончилик шароитлари сабзавот, полиз экинлари ва картошкадан юқори ҳосил олишга имкон беради. Бу тармоқда сабзи, лавлаги, шолғом, турп, редиска, помидор, бақлажон, қалампир, болринг, тарвуз, қовун, қовоқ, пиёз, саримсоқ, карам, баргли сабзавотлар (салат, кашнич, укроп, петрушка ва б.), картошка экилади. Ўзбекистонда сабзавот ва полизчилик қ.х.нинг қадимий тармоғи. Ўзбекистонда сабзавот экинлари очиқ майдонларда (баҳор–ёз ва куз даврларида) сабзавот ҳамда уруғлик, ётиқ ерларда (мавсумдан қатъий назар) сабзавот олиш учун етиштирилади. Ҳимояланган ерларда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун (мас., иссиқхоналарда) жами омиллар сунъий яратилади ва уни бошқариш мумкин. Бу эса қиш, эрта баҳор, кеч кузда ҳам сабзавот етиштириш имкониятини яратади. Сабзавот ва полизчиликда етиштириладиган экинлар турининг кўплиги, биологик хусу-

сиятларининг хилма-хиллиги б-н ҳам ажралиб туради. Ўзбекистонда 70 га яқин турдаги сабзавот экинлари етиштирилади ва қ.х.да салмоқли ўринни эгаллайди. Ўрта Осиёда қовуннинг 2000 йил илгари, тарвуз, қовоқ, болринг, пиёз, сабзи, қалампир, турп ва б.нинг ундан ҳам илгари экилгани маълум. Халқ селекциясида сабзавот экинларининг дунёга машҳур навлари яратилган. Асрлар давомида сабзавот экинларининг тур таркиби ўзгариб борди. Мас., 19-а.нинг 2-ярмидан Россия орқали помидор, картошка, карам, гулкарам, болгар қалампир, Хитойдан эса редиска, патиссон, пекин карами ва б. кириб келди ҳамда асосий экинлар қаторидан жой олди.

Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик, картошка экиш 20-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб кескин ривожланди, экиладиган экин турлари ва майдони кўпайди.

Урушдан кейинги йилларда катта шаҳарлар ва саноат марказларига яқин ерларда ихтисослашган йирик хўжаликлар ташкил этилди, соҳани механизациялаш муаммолари ҳал қилинди, ҳимояланган ерларда сабзавот етиштириш майдонлари кенгайди, комбинат типдаги йирик иссиқхоналар қурилиши бошланди. Тошкент, Самарқанд, Андижон ва б. шаҳарларда сабзавотларни қайта ишлаш саноати барпо этилди.

21-а. бошидан Ўзбекистонда аҳоли жон бошига йиллик сабзавотлар истеъмолининг физиологик нормаларини (жами 113,3 кг; шундан карам 2,1, помидор 25,6, болринг 5,5, пиёз ва саримсоқ 18,3, сабзи 13,3 лавлаги 5,5, бошқа сабзавотлар 20,0 кг) таъминлаш мақсадида сабзавотчилик жадал ривожланти-

рилмоқда. Йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофларидаги туманлар, асосан, сабзавотчилик б-н шуғулланади, полиз экинлари, асосан чўл зоналарида кўп экилади. Ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларида очиқ далада полиэтилен плёнкалар остида эртаги сабзавотларни етиштириш йўлга қўйилган. Республиканинг жан. вилоятларида эртаги сабзавотлар (карам, пиёз) етиштириш ривожланиб бормоқда. Сабзавотчиликда чет эл навлари ва тажрибалари кенг қулланилмоқда. Республикада сабзавот, полиз экинлари, картошканинг эртаги, ўртаги ва кечки навлари экилади ва юқори ҳосил олинади. 90-й.ларда, асосан қовуннинг Ҳандалак, Чўқари, Қизилуруғ, Кўкча, Қўйбош 476, Умрвоқи, Гулоби, Асати, Оқуруғ, тарвузнинг Чинни, Қўзивой, Мармар, Ўзбекистон, Ҳайитқора; карамнинг Дарбанд, Тошкент 10, Ўзбекистон 133; сабзининг Мушак, қизил ва сариқ Мирзойи, Шантане, Нант 4; пиёзнинг Қоратол, Каба, Андижон оқ пиёзи, Испан 313, Сунбула; помидорнинг Совға, Ўзбекистон, Юсупов, Сурхон тонги, ТМК-22, Баҳодир ва б. 25 га яқин; картошканинг Ақраб, Умид, Зарафшон, Тўйимли, Диамант, Кардинал, Седов ва б. навлари экилди. 1993 й.дан картошкачиликда Голландия навлари (Кардинал, Диамант ва б.) экила бошлади, ҳосилдорлик 270–280 ц/га етди. Республикада сабзи 200–300 ц/га, пиёз 110–120 ц/га (уруғлик пиёз 3–5 ц/га), помидор 250–300 ц/га, тарвуз-қовун 300–400 ц/га, карам 200 (эртаги) – 600 (кечки) ц/га га қадар ҳосил беради.

2005 й.да республикада 916,8 минг т картошка (ҳосилдорлик 171,5 ц/га), 3494,7 минг т сабзавот (ҳосилдорлиги



Ўзбекистон сабзавотлари.

Ўзбекистонда дон экинлари етиштиришнинг асосий кўрсаткичлари

	2000			2002			2003			2005		
	Экин майдони, минг га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялли ҳосил, минг т	Экин майдони, минг га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялли ҳосил, минг т	Экин майдони, минг га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялли ҳосил, минг т	Экин майдони, минг га	Ҳосилдорлик, ц/га	Ялли ҳосил, минг т
Дон экинлари шу жумладан:	1611,9	26,9	3915,7	1532,6	36,3	5539,0	1790,9	34,4	6103,1	1615,2	40,7	6518,0
бугдой	1354,8	27,5	3521,7	1282,2	39,0	4956,8	1507,6	36,4	5436,8	1439,0	42,3	6047,0
маккажўхори (дон учун)	42	31,6	131,4	34,7	39,1	146,6	34,7	40,3	146,3	33,5	44,7	162,5
шоли	129,8	23,9	154,8	64	28,5	174,4	121,0	27,9	350,8	50,9	32,2	160,4

218,5 ц/га), 609,4 минг т полиз маҳсулотлари (ҳосилдорлиги 170,2 ц/га) етиштирилди. Республикада сабзавотлар, полиз экинлари, картошканинг янги серҳосил навларини етиштириш ва уни амалиётга жорий этишда Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик и. т. ин-ти (1960; 1934 й.дан тажриба ст-яси)нинг катта хизматлари бор.

Республика хўжаликларини элита, суперэлита ва навли уруғликлар б-н «Ўзмевасабзавотурғусаноат» республика уюшмаси ва унинг вилоят бўлимлари ҳамда ихтисослашган хўжаликлари таъминлайди. Кейинги йилларда уруғчилик агрофирмалари ҳам ташкил этилди.

Ад.: Ўзбекистон қовунлари // Атлас. Т., 1962; Ермохин В.Н., Каримов А.К., Ўзбекистон қовунлари, Т., 1969; Балашев Н.И., Земян Г.О., Сабазавотчилик, Т., 1977; Бўриев Х., Абдуллаев А.Т., Томорқа сабзавотчилиги, Т., 1987.

Абдулазиз Аббосов.

Боғдорчилик ва токчилик

Республика қ. ҳда мевалар ва узум етиштириш энг қадимги ва озиқ-овқат ҳамда саноат хом ашёси берадиган асосий тармоқлар қаторига киради. Ўрта Осиёдаги боғдорчилик ҳақида дастлаб-

Соҳибкор боғбон.



ки маълумотлар мил. ав. I-минг йилликнинг ўрталарига оид юнон, хитой, рим манбаларида учрайди. Ўрта Осиё кўпгина мева турларининг ватани ҳисобланади. Асрлар давомида халқ селекцияси асосида ўрик, олма, нок, ёнғоқ, бодом, анор, ток ва б.нинг жуда серҳосил навлари яратилган. Уларнинг кўплари сифат жиҳатидан дунё коллекциясида ўзининг такрорланмас ўрнига эга. 20-а. бошларида ҳоз. Ўзбекистон ҳудудига тахм. 50 минг га боғ, жумладан 22 минг га мевазор, 37 минг га токзор бўлган. Боғларнинг асосий майдонлари Фарғона водийси (24%), Тошкент воҳаси (36%) ва Зарафшон водийси (токзорларнинг 50%) га тўғри келар эди. Боғларда данакли мевалар 70% (асосан ўрик), уруғли мевалар (олма, нок, беҳи) 25% майдонни эгаллаган. Шаҳар ва қишлоқлар атрофларида алоҳида мевазорларда, аҳолининг боғлари ва чорбоғлари (мевазор, токзор, полиз ва сайилбоғ) да мевалар, ток, турли гулларнинг маҳаллий навлари экиб келинган. Етиштирилган мевалар янгилигида истеъмол этилган, лекин қоқи ва майиз солиш асосий ўринда турган. Майиз, туршак, жийда, шафтоли, олма қоқилар аҳоли учун асрлар давомида қанд-шакарнинг ўрнини босиб келган. 20-й.ларнинг 2-ярмидан ихтисослаштирилган мевачилик ва токчилик хўжаликлари барпо этила бошлади, тоғ ва тоғ этаклари зоналарида жойлашган жамoa хўжаликларида ҳам бу тармоққа катта эътибор берилди. Меваларнинг нав таркибини яхшилаш мақсадларида олма, нок, узум ва б.нинг Европа мамлакатларида етиштирилган навлари келтириб экилди. 50-й.лар охири – 60-й.ларда 2500 – 3000 га боғ ва токзорларга эга бўлган агрокомбинатлар ташкил этилди.

Республика боғдорчилиги (мевачилик) да мева ва резавор меванинг 20 тури экилади. Уруғли мева дарахтлари (олма, нок, беҳи ва б.), данакли мева дарахтлари (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, олча, олуволи ва б.), субтропик ўсимликлар (анор, анжир,

лимон, ёнғоқ мевалилар (ёнғоқ,пекан, писта, бодом), резавор мевалилар (қулупнай, малина, смородина, чаканда) асосий ўринни эгаллайди. Олма, нокнинг ёзги, кузги ва қишқи навлари муҳим ҳужжатда аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда мева қоқили ва майизнинг ноёб хиллари тайёрланади. Республикага тропик ва субтропик минтақалардан олиб келинган лимон, апельсин, мандарин, унаби, пекан каби мевалар тобора кўпроқ майдонларда экилмоқда. Андижон, Наманган, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида кўпгина хўжаликларда ёки мустақил иссиқхона лимонзорлари барпо қилинган. Республика бўйича бундай иссиқхоналар майд. 427 га дан кўпроқ (2001).

Республикада мева боғларининг умумий майд. 158,9 минг га, ўртача ҳосилдорлик 62,9 ц/га, ялли териб олинган ҳосил 937,7 минг т ни ташкил этди (2005). Меванинг ҳар бир вилоят, туманининг тупроқ ва иқлим шароитига мослаштирилган, р-нлаштирилган навлари экилади.

Тоқчилик қадимдан Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Фарғона водийсида тараққий этган. Хўраки узум етиш-

Малина терими.





Лимонарий.

тириш, майиз қуритиш ва консерва маҳсулотлари (шинни, мураббо, шарбатлар) ҳамда виночилик (хом ашё тайёрлаш) каби 4 асосий йўналиши мавжуд. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик ин-ти Ўрта Осиё филиали (ҳоз. Ўзбекистон ўсимликшунослик ин-ти) да узумнинг Ўзбекистон мускати, Галаба, Октябрь, ВИР-1, Хишров кишмиши, Самарқанд кишмиши, Жўраузум, Тарнов, Ризамат ва б. унлаб навлари яратилди. Бу ишларда акад. М. Мирзаев, А. М. Негруль, М. С. Журавель, А. В. Рибак, В. И. Горбач, Ю. М. Жавакянц ва б. узумшунос олимларнинг, Р. Мусамуҳамедов каби халқ селекционерларининг ҳиссаси катта бўлди. Республикада 250 дан ортиқ ток навлари тарқалган. Умумий токзорлар

Узумзор. Тошкент вилояти Қибрай тумани.



майдонининг 70% дан кўпроғи Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Хоразм, Бухоро вилоятларида жойлашган. Ҳосил берадиганлари 96,2 минг га, ўртача ҳосилдорлиги 65,4 ц/га (2005). Республикада токзорлар майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, жаҳон бозори талабларига мос маҳсулотлар етиштиришга эътибор берилмоқда. Бу йўналишда «Ўзузумсаноатҳолдинг» холдинг компанияси катта ишларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 4 янв. даги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонида кўра республикада мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган 210 та ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилди.

Республикада боғдорчилик ва токчиликнинг илмий асосланган усулларини яратиш ва уни и. ч.га жорий этиш масалалари б-н Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот ин-ти (1898 й.да Туркистон қ. х. тажриба даласи; 1925 й.дан Ўзбекистон қ. х. тажриба даласи; 1947 й.дан боғдорчилик, резавор мевачилик ин-ти; 1956 й.дан боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и. т. ин-ти) ва Ўзбекистон ўсимликшунослик и. т. ин-ти (1991; 1925 й.дан Бутуниттифоқ ўсимликшунослик ин-тининг Ўрта Осиё тажриба ст-яси) шуғулланади. Кейинги йилларда мева, резаворлар ва токнинг 60 дан ортиқ серҳосил навлари яратилди, бошқа мамлакатлардан келтирилиб иқлимлаштирилди ва экишга тавсия этилди.

Республикада кўчатчилик ишлари ҳам илмий асосга қўйилган ва марказлаштирилган. Р. Р. Шредер номидаги ин-тининг республиканинг вилоятларида жойлашган тажриба ст-ялари ва 17 минг га дан ортиқ экин (мевазор)

майдонларига эга бўлган 16 та тажриба хўжаликларида ширкат, фермер хўжаликлари ва боғбон, соҳибкорларга сотиш учун ҳар йили 6 млн. дондан ортиқ турли мева дарахтлари ва ток кўчатлари етиштирилади.

Ад.: Рибак, А. А., Остроухова Р. А., Ўзбекистон мевачилиги., Т., 1967; Помология Ўзбекистана., Т., 1983; Ампеология Ўзбекистана., Т., 1983; Мирзаев М. М., Культура абрикоса в Узбекистане, Т., 2000; Джавакянц Ю., Горбач В., Виноград Ўзбекистана, Т., 2001.

Мирмақсуд Мирзаев.

Ем-хашак экинлари. Республиканинг суғориладиган майдонларида чорвачиликни озуқа б-н барқарор таъминлаш мақсадида кўк ем, пичан, ем, силос, сенаж учун бир йиллик ва кўп йиллик утлар, хашаки илдизмева (давлага), хашаки полиз (қовоқ, тарвуз), донли (маккажўхори, сули, арпа) экинлари экилади. Узоқ йиллар давомида беда ғўза б-н алмашлаб экиб келинди. Шунингдек, ўтлардан себарга, эспаршет, шабдор, берсим тарқалган. Кейинги йилларда райграс, рапс, перко, суданўт кўпроқ экилмоқда. Йилига 3 млн т дан ортиқроқ пичан (жумладан, табиий пичанзорлардан 270 минг т пичан), 5 млн т га яқин маккажўхори силоси тайёрланади. Республикада галла майдонларининг кенгайиши б-н чорвачилик учун сомон тайёрлаш ҳажми кескин кўпайди. 1995 й. бедазорлар 280 минг га (жами экин майдонининг 6,2%), бир йиллик ўтлар 10 минг га, давлага 25 минг га дан иборат булди. 2005 й.да 291,8 минг га майдонда ем-хашак экинлари етиштирилди (жами экин майдонларининг 8,0%; 2004 й.да 7,6; 2003 й.да 8,4%), хашаки илдизмевалилардан 292 ц/га ҳосил олинди. Кейинги йилларда Тошкент, Андижон ва Наманган вилоятларида оралиқ экинлари (кузда арпа, сули, нўхат, тритикале аралашмалари, баҳорда силос учун маккажўхори) экиш кенг жорий этилди ва суғориладиган 1 га майдонларда 1 га ердан йилига 2 марта ҳосил (ўртача 17–20 т озуқа бирлиги) олинмоқда.

Султон Холназаров.

Чорвачилик

Ўзбекистон чорвачиликнинг қад. марказларидан бири. Бундан 4–5 минг йил муқаддам чорвачиликнинг қорамолчилик, қўйчилик ва эчкичилик ҳамда йилқичилик ва туячилик тармоқлари шаклланди. 3–4 минг йил олдин эса ҳар бир

I - ж а д в а л

Республикада чорва моллари сонини
(минг бош, йил бошида)

Кўрсаткичлар	1991	1995	2000	2005
Қорамол, жами шу жумладан:	4580,8	5483,3	5353,4	6242,6
сигирлар	1856,4	2336,9	2343,4	2700,4
Қўй ва эчкилар шу жумладан:	9229,6	10059,3	8932,6	10560
қорақўл қўйлар	5071,9	----	3886,8	5010
эчкилар	823,3	----	1145,4	810
От	105,2	145,5	146,3	150,9
Туя	23,2	----	15,4	16,5
Парранда	3625,6	22484,8	14510,0	18726,9
чўчқа	716,0	350,4	85,8	83,8

ихтисослашган тармоқлар ривожланиб, танлаш ва саралаш ишлари олиб борилган. Республиканинг тупроқ ва табиий-иқлим шароитлари — унумдор суғориладиган ерлар, бепоеён қир-адирлар, дашт-чўл ва тоғ олди яйловлари, дарёлар қайирлари чорвачиликнинг ривожини учун қўлай. Суғориладиган ерларда, асосан қорамолчилик, паррандачилик, қўёнчилик, чўчқачилик, асаларичилик, қир-адирлар, дашт-чўл ва тоғ олди яйловларида эса қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик, туячилик, сув ҳавзаларида балиқчилик ривожланган.

Қ.х. маҳсулотлари и.ч.нинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотлари улуши 43,3%ни ташкил этди (2005). 2006 й. 1 янв. ҳолатига қорамоллар бош сонини утган йилдагига нисбатан 292,2 минг бошга (4,7%), шу жумладан сигирлар — 112,3 минг бошга, қўй-эчкилар 669,5 минг (6,3%), паррандалар 1,8 млн. бошга (9,8%) кўпайди. 1991 й.дан кейин қ.х., хусусан чорвачиликда хусусий секторга эътибор кучайтирилди, қ.х.да туб иқтисодий ислохотлар амалга оширилади бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 15 мартда «Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги. 1994 й. 23 февралда «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини

ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қарорларига кўра зарар б-н ишлаётган 1499 та қорамолчилик фермалари мазкур ферма жамоалари ва фермерларга хусусий мулк қилиб берилди (1995). Натижада республикада ишлаб чиқарилаётган гўштнинг 94% ва сутнинг 96% хусусий секторга тўғри келди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 й.да қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида», 1995 й. 21 дек.да қабул қилинган «Наслчилик тўғрисида»ги қонуни чорвачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1995—2005 й.ларда барча тоифа хўжаликларда қорамоллар 1652 минг (36%), шу жумладан сигирлар 844 минг бошга (45,4%) кўпайди. Чўчқалар 632 минг (7,5 баравар), паррандалар 17,3 млн. бошга (2 баравар) қисқарди, тухум, жун, қорақўл тери ва пилла етиштириш ҳажми пасайди. 2004 й.дан бошлаб аҳолини иш б-н таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликларда, деҳқон ва фермер хўжаликларини қорамоллар боқиш ва уларнинг бош сонини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича 2006—2010 й.ларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 30 окт. қарори б-н зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истикболсиз (1999—

2005 й.ларда 447 та) ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш дастурининг амалга оширилиши ва уларнинг барчасида чорвачиликни ташкил этиш ҳамда қорамоллар сонини кўпайтириш б-н бир қаторда наслчилик ширкат хўжаликлари ва қ.х. корхоналарида наслдор қорамол подаларини кенгайтириш, кенг миқёсда селекция ишларини жорий этиш, яхшиловчи зотлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилди.

Озуқа базаси. Чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим омили мустахкам озуқа базаси яратишдир. 2005 й.да республикада ем-хашак экинлари майдони 291,8 минг га ни ёки жами қ.х. ерларининг 8% ни ташкил этди (1980 й.да 18,0%; 1990 й.да 24,7%, 1995 й.да 7,7%). 2004 й. ем-хашак экинлари ва пичанзор майдонларида 399,1 минг т пичан, 1156,3 минг т куқ ўт, 2005 й.да 3 минг т макка-жўхори силоси, 54,2 минг т хашаки лавлаги етиштирилди. Уларнинг тўйимлилик даражаси 800 минг т озуқа бирлигини ташкил этди. Ҳукумат томонидан чорвачиликнинг озуқа базасини мустахкамлаш, беда майдонларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чорвачиликнинг илмий базасини таъминлаш бўйича деҳқон-фермер хўжаликларини деҳқончилик ва чорвачиликнинг экологик оптимал боғлиқлиги, тупроқ шўрланишининг олдини олиш, гумуснинг ижобий балансини тиклаш, қ.х. ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни жадаллаштириш мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Озуқабол экинларнинг таркиби, серҳосил хиллари, навлари ва дурагайларида самарали фойдаланиш, илғор агротехника усулларини жорий этиш асосида ҳосилдорликни 70—80 ц/га озуқа бирлигига етказиш ва бир шартли молни 35—40 ц озуқа бирлиги б-н таъминлаш муҳим вазифалар қаторида туради. Асосан, беда, маккажўхори (силосга ва донга), оралиқ (дон сенажета) ва такрорий (куқ ўт ва силосга) экинлар экилади. Республика sanoat корхоналари чорвачилик эҳтиёжлари учун шрот, шулха, аралаш ем ва б. етказиб беради. 2005 й.да республика sanoat корхоналарида 397,2 минг т омихта ем ишлаб чиқарилди. 2000—2004 й. етиштирилган sanoat озуқалари, асосан турли фирмалар орқали бозорга чиқарилиб, аҳолининг шахсий хўжаликларига сотилди. 2005 й.дан бошлаб улар, асосан деҳқон ва фермер хўжаликларига махсус савдо тармоқлари орқали етказиб берилмоқда. Жойларда шрот, шулха, омихта ем

2 - ж а д в а л

Барча тоифадаги хўжаликларда асосий чорвачилик
маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Маҳсулот номи	1990	1995	2000	2004	2005
Гўшт (тирик вазнда), минг т	484,4 ¹	851,3	841,1	998,3	1060,4
Сут, минг т	3034,2	3677,4	3636,2	4280,5	4554,7
Тухум, млн. дон	2452,9	1251,8	1252,9	1860,3	1966,4
Жун, т	25800	----	15834	18998	20069
Қорақўл, минг дон	1401,6	----	743,5	674,8	675,2
Пилла, т	32824	----	----	16859	16211

¹ сўйилган вазнда.

сотиш шохобчалари ташкил этилган. Республика ҳудудида мавжуд 112,3 минг га личанзор ва 22134,1 минг га яйловлар чорвачиликнинг озуқа базасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Чўл ҳудудларидаги яйловлар қорақўлчилик, туячилик, тоғолди ҳамда Орол бўйи минтақалари гўшт қорамолчилиги, қўйчилик ва йилқичиликда фойдаланилмоқда. Табиий яйлов ўтларининг ҳосилдорлиги жуда паст (1,1 ц/га).

Илмий базаси. Ўзбекистон Республикасида чорвачилик муаммолари б-н Ўзбекистон чорвачилик (1934), Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси (1940), Ўзбекистон ветеринария (1924) и.т. ин-лари шугулланади. Тошкент давлат аграр ун-ти, Самарқанд ва Андижон Қ.Х. ин-лари, шунингдек 40 га яқин коллежларда чорвачилик соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланади.

Республикада наслчилик бўйича давлат хизматига Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси, вилоятлар ва Тошкент ш.да ҳокимликлар ҳузуридаги чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекциялари раҳбарлик қиладилар.

Ад.: Ш чекин В.А., Чорвачилик, Т., 1968; Мадаминов К., Чорвадорнинг ён дафтари, Т., 1988; Носиров У., Усмонов О., Мирхамидов М., Фермер бўламан, Т., 2002.

Убайдулла Носиров.

Қорамолчилик республика чорвачилигида асосий ўринда (етиштирилган жами гўштининг 75–80%, сутнинг 99,9%) туради. Ўзбекистоннинг турли табиий-иқлим шароитларида сут (қора-ола, қизилчўл, бушув), сут-гўшт (швиц) ва гўшт (қозоқи оқбош, санта-гертруда, абердин-ангус) йўналишидаги қорамол зотлари боқилади. Гўшт йўналишидаги қорамолчилик тоғ ва тоғолди минтақаларида ривожланган. Сут ва сут-гўшт йўналишидаги қорамолларни такомиллаштиришда яхшиловчи зотлар (голштин, англер ва швиц зотининг Австрия ва Америка селекциялари)дан самарали фойдаланилди. Наслчилик фермалари ташкил этилиб, соф ҳолда урчитилмоқда ҳамда чатиштиришда фойдаланилмоқда. 1900–1985 й.лар мобайнида каммаҳсул бўлган жайдари ёки зебусимон қорамолларни Россиядан олиб келинган (голланд, қора-ола, қизилчўл, швиц) зотлар б-н чатиштириш асосида сермаҳсул подалар яратилди. Уларнинг наслчилик ҳўжаликлари ташкил этилди. Сунъий урулантириш усулининг кенг жорий этилиши б-н

қорамолларнинг зотдорлик ва маҳсулдорлик хусусиятлари яхшиланди. 1967 й.да бушув қорамол зот сифатида тасдиқланди. Республика «Наслхизмат» корхонаси унинг вилоят ташкилотлари, наслчилик ст-яси, Ўзбекистон чорвачилик и.т. ин-ти ҳамда мутахассислар б-н ҳамкорликда қатор наслчилик з-длари, наслчилик ҳўжаликлари ташкил этилди. 1950–80 й.ларда 6 та йирик наслчилик з-длари (Андижон вилоятида «Савай», Сирдарё вилоятида «Малик», Тошкент вилоятида «Қизил шалола», «Дўстлик», Жиззах вилоятида «Фаллаборол»), 15 та наслчилик ҳўжалиги ва 180 та наслчилик фермаларида зотларни такомиллаштириш бўйича селекция ишлари олиб борилди. Зотлар ва ҳўжаликлар бўйича 10–15 йилга мўлжалланган наслчилик режалари амалга оширилди. Э.Ю.Карчевский (қора-ола, голштин), Н.О.Мавлонов (қизилчўл), А.А.Атбашьян, А.М.Мустафоев (бушув), М.И.Самарцев (швиц), У.Н.Носиров (санта-гертруда, қозоқи оқбош, абердин-ангус зотлари) каби олимлар р-нлаштирилган қорамол зотларини такомиллаштириш бўйича селекция ишларини олиб бордилар. 1960–85 й.ларда қорамолчиликни шакллантириш, жадаллаштириш бўйича сутчилик ва гўштчилик комплекслари ташкил этилди. Сутчилик комплексларида сигирларнинг сут соғими 3000–4000 кг, гўштчилик комплекслари ва ҳўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналарида парваришланган новвосларнинг тирик вазни 400–500 кг ни ташкил қилди. Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, чорвачилик илмий тадқиқот ин-ти, Чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси, наслчилик з-длари ва наслчилик ҳўжаликлари фермаларни кенгайтириш, наслдор қорамоллар сонини 550 минг, шу жумладан сигирлар сонини 250 минг бошга, сигирларнинг сут маҳсулдорлигини 4000–5000 кг га етказиш бўйича бир қатор самарали ишлар олиб бормоқда. Халқаро ҳамкорлик селекция дастурлари «Машав-Юсайд», (АҚШ-Исроил), «Саксония-Ангальт» (Германия) ва б. асосида

1991–2005 й.ларда қорамолчиликнинг наслчилик базаси заифлашди ва молларнинг маҳсулдорлиги кескин камайди. 2005 й. республикада 184 қорамолчилик наслчилик ҳўжаликлари фаолият кўрсатди. Уларда 57,2 минг қорамол, шу жумладан 21,3 минг сигир боқилди. Сут соғими ўртача 1074 кг ни ташкил қилди. Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, чорвачилик илмий тадқиқот ин-ти, Чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси, наслчилик з-длари ва наслчилик ҳўжаликлари фермаларни кенгайтириш, наслдор қорамоллар сонини 550 минг, шу жумладан сигирлар сонини 250 минг бошга, сигирларнинг сут маҳсулдорлигини 4000–5000 кг га етказиш бўйича бир қатор самарали ишлар олиб бормоқда. Халқаро ҳамкорлик селекция дастурлари «Машав-Юсайд», (АҚШ-Исроил), «Саксония-Ангальт» (Германия) ва б. асосида

«яхшиловчи» голштин, англер ва швиц зотларидан самарали фойдаланилмоқда. 2006 й.да республикада 2006–2010 й.ларда шахсий ёрдамчи, фермер ва деҳқон ҳўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш бўйича махсус хизмат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ад.: Мавлонов Н.О., Қорамолчилик, Т., 1968; Носиров У. Қорамолчилик, Т., 2001.

Убайдулла Носиров.

Қўйчилик. Ўзбекистонда қўйлар, асосан яйловда боқилади (об-ҳаво шароити ноқулай ҳолларда қушимча озиклантирилади). Республикада қўйчиликнинг қорақўл тери, гўшт-ёғ ва жун учун боқиладиган тармоқлари ривожланган. Қ о р а қ ў л қ ў й з о т и х а л қ с е л е к ц и я с и маҳсули бўлиб, улардан олинadиган қорақўл терилари ўзининг нафислиги, пишиқлиги, ранг-баранг тусларда товланиб туриши б-н жаҳон мўйна бозорида юқори баҳоланади.

Араб сайёҳи Ибн Ҳавқал 976 й. Хоразм ва Бухорога қилган сайёҳати тафсилотларида мўйна берадиган қўй зоти ва унинг маҳсулоти тўғрисида маълумот беради. Қорақўл қўйлар Ўрта Осиё давлатлари (Қирғизистондан ташқари), Жан. Африка (Намибия), Афғонистон, Россия (Қалмиқ Республикаси), Молдова каби 40 дан ортиқ давлатларда урчитилмоқда. Улардан қорақўл теридан ташқари дағал жун, парҳез қўй гўшти (гўшта мўлжалланган қорақўл қўйларини яхши семиртириш учун кузда уларнинг сурувлари тузилади), лўстинбоп тери, сут ва ширдон олинади. Қорақўл терилар, асосан мўйна бозорларида, жумладан Санкт-Петербург, Копенгаген (Дания) ва Финляндия мўйна кимoshiди савдоларида, халқаро ярмаркаларда, шунингдек Европа ва Америка бозорларида сотилади. Кўп йиллар давомида олимлар ва амалиётчилар ҳамкорлигида олиб борилган селекция-наслчилик ишлари натижасида Ўзбекистонда қорақўл қўйларининг юқори ирсий ва маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган «Қорақум», «Муборак», «Нишон», «Помуқ», «Конимех», «Томди», «Фузор», «Нурота», «Сарибек», «Абай», «Қизилқум» ва б. кўплаб з-д типлари яратилган. Улар қорақўл қўй зотининг қимматли ирсий генофонди ҳисобланади. Республикада 109 та қорақўлчиликка ихтисослашган ҳўжаликнинг 29 таси наслчилик ҳўжаликларидир (2005). Наслчилик ширкат ҳўжаликлари товар



Қорақўл қўи суруви.

қорақўлчилик хўжаликлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликлари учун ҳар йили 15–20 минг бош насли кўчқор ҳамда 25–30 минг бош урғочи тўқилар етказиб беради. Қорақўлчилик маҳсулотлари жаҳон андозалари талаблари даражасига етказилмоқда. «Бухоро қорақўли» акциядорлик жамияти ва бошқа бир қатор қўшма ва кичик корхоналарда қорақўл териларига ишлов берилади.

Ўзбекистонда 90-й.лар бошидан қўйчиликда чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 15 мартдаги «Республика чорвачилигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ барча жамоа хўжаликларида қўйчилик фермалари хусусийлаштирилди ва фермер хўжаликлари барпо этилди. Қўйчиликка ихтисослашган давлат хўжаликлари (3-длари) жамоа (ширкат) хўжаликларига айлантирилди. 1998 й. июнда қорақўлчиликда и.ч. ва савдо масалалари б-н шуғулланган ва республикадаги барча қорақўл-

Ангор эчкилари.



чилик ширкат хўжалиklarини ва ҳудудий вилоят бирлашмаларини ўз ичига олган «Ўзбек қорақўли» компанияси ташкил этилди.

Республика қўйчилигида г ў ш т - ё г б е р у в ч и ҳисори ва жайдари қўй зотлари ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Ҳисори қўйлар, асосан тоғ ва тоғ олди минтақалари (Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари)да боқилади (думбали ва сержун қўйларнинг 5 млн. бошга яқини аҳоли ва фермер хўжаликларида, 26,8 минг боши эса ширкат хўжаликларида). Хонадон хўжаликларида боқиланган жами қўйларнинг деярли ярмини жайдари қўйлар ташкил қилади. Бу зотлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларида кўп тарқалган. Бўрдоқига боқиланган қўйларга шулжа, кунжара ёки терт берилади. 70–80 кунда қўйлар яхши семиради. Я р и м дағал жун олинад и г а н Саражи (Туркменистон) Олай (Қирғизистонда чиқарилган) ва Тожикистон қўй зотлари Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги тоғ, тоғ олди яйловларига яхши мослашган. Ўзбекистон гўштдор-сержун қўй зоти ярим майин жунли ва гўшти учун боқилади. Уларнинг бош сони 128 мингдан кўпроқ. 20-а.нинг

50-й.ларида Ўзбекистонда майин жунли қўйчиликни ривожлантиришга уринишлар бўлган. Бу ҳаракатлар муваффақиятсиз чиққанидан сўнг 1960–70 й.ларда я р и м м а й и н ж у н б е р у в ч и қўй зотларини яратиш ҳаракати бошланди. натижада Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Паркент ва Бўстонлиқ туманларида боқиланган ва шартли равишда Ўзбекистон гўштдор-сержун қўй зоти номи б-н аталган қўйлар пайдо бўлди. Бу зот бўйича Ўзбекистон чорвачилик и.т. ин-тида из-

ланишлар давом эттирилмоқда.

Ад.: Фарсиҳанов С.И., Гиссарскан порода овец. Душанбе, 1981.

Файёз Жасимов.

Эчкичилик. Эчки гўшт, серқаймоқ ва шифобахш сут. жун, тери ҳамда тивит олиш учун боқилади. Ўзбекистон эчкичилигида сержун ангор, тивитли оренбург, заане, жундор Ўзбекистон, жайдари эчки зотлари тарқалган. Йирик шаҳар ва саноат марказлари атрофида оз миқдорда махсус сутдор оқ тусли «рус» эчкилари (заане, оренбург эчки зотлари) мавжуд. Эчки жуни дағал қўй жунига нисбатан сифатлироқ. Ундан турли техник матолар, драп, адёл ва трикотаж тайёрланади. Ўзбекистонда йилига 60–85 т эчки жуни, 40–45 т тивит ва 15–20 минг дона эчки териси тайёрланади. Эчки об-ҳавонинг ноқулай шароитларига чидамли бўлиб, боқилди тоғ ва тоғ олди минтақаларида боқилади. Эчкичилик Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ривожланган. Ўзбекистонда эчкичилик б-н б та насличилик хўжаликлари (Наманган вилояти Чуст туманидаги «Ғалаба», Косонсой туманидаги «Ободон», Поп туманидаги «Чодак», Қашқадарё вилояти Деҳқондор туманидаги Ибн Сино номли, Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги «Бойсун», Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Олтинсой» ширкат хўжаликлари) шуғулланади.

Ад.: Амиров А., Эчкичилик фанини ўрганиш бўйича қўлланма, Т., 1993.

Йилқиччилик. Ўрта Осиё халқлари мил. ав. бир неча асрлар илгариёқ от урчи-тиш б-н шуғулланган. Қаз. даврлардан бошлаб ўз эҳтиёжларига жавоб берадиган от сифатларини такомиллаштириб келган, йилқиччилик тараққиётида салт миниладиган, аравага қўшиладиган ва юк ортладиган асосий от зотлари яратилган. Бу ҳудудда чиқарилган отлар Ўрта Осиёдан четда ҳам қадрланган. Ҳоз. Ўзбекистон ва Туркменистон ерларида етиштирилган от зотлари ҳақидаги маълумотларни Геродот, Страбон ва б. асарларида учратиш мумкин. Йилқиччилик халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Отларнинг энг асосий маҳсулдорлиги уларнинг иш лаёқати б-н баҳоланади. Сут, гўшт, тери ва б. эса улардан олинандиган қўшимча маҳсулотдир. Ўзбекистонда қорабайир (салт миниш, аравага қўшиш, юк ташиш, ҳарбий ишларда, қ.х.да ёрдамчи ишларни бажаришда, ер ҳайдаш, спорт мусобақалари, айниқса кўпқарида) ва гўшт-сут йўналишида ла-



Йилқи уқори яй-
ловда.

қай (салт миниш, аравага қушиш, пой-га ва улоқ мусобақалари учун мулжалланган) от зотлари асосий маҳаллий зотлар ҳисобланади.

Ўзбекистонда 20-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб наслчилик йилқичилиги, ишчи отларни етиштириш, маҳсулдор йилқичилик, от спорти йилқичилиги йуналишлари ривожланди. «Равот» (Жиззах вилояти), «Ҳисор» (Қашқадарё вилояти), «Пангат» (Самарқанд вилояти) ва б. 9 та наслчилик хўжаликлари мавжуд. Уларда 1696 бош йилқи, шу жумладан 620 бош бия парвариш қилинмоқда. От з-длари республика от спорти мактаблари ва тугарақларини от б-н таъминлайди, шунингдек ҳар йили республика хўжаликлари ва чет элларга 400 дан ортиқ наслдор ҳамда спорт отлари етказиб беради. Яхши озиқлантириб, парваришлаганда ҳар 100 бош биядан 100 тагача қулун олиш мумкин.

От гўшти юқори сифатли парҳез хусусиятига эга. Бия сутидан шифобахш қимиз тайёрланади. Бияларнинг соғин даври 6–9 ой, бу даврда ҳар биядан 750–3700 кг сут соғиб олиш мумкин. Қимиз сил, камқонлик, ошқозон-ичак, юрак, асаб касалликлари ва б. хасталикларни даволашда қўлланади.

Ad.: Турақулов З. ва б., Йилқичилик. Т., 1985.

Абдусаттор Амиров.

Туячилик. Ўзбекистонда чорвачиликнинг энг қад. турларидан бири ҳисобланади (туялар милдан 2000 йил олдин хонакилаштирилган). Узоқ асрлар давомида карвон йулларида мамлакатлараро юклар туяларда ташилган. 20-а.нинг 20-й.лари охирига қадар туялар Ўзбекистонда асосий юк ташиш воситалардан

бири булган. Туячилик чўл, чала чўл ва қуруқ дашт зоналарида тарқалган. Уларнинг иссиқ иқлимга мослашган бир ўркакчи (дромедар) ва совуққа чидамли икки ўркакчи (бақтрия) турлари боқилади. Буюк ипак йўли орқали бошқа

ашёлар қатори Хитойга Бақтрия ва Даван (Фарғона водийсидан туялар ҳам олиб кетилганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Туячилик Ўзбекистонда, асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида яхши ривожланган. Туялардан асосан, улов сифатида (200–400 кг юк кўтарди), шунингдек гўшт, сут ва жун олишда фойдаланилади. Бир бош бир ўркакчи туя 300–350 кг, икки ўркакчиси 350–400 кг гушт беради. Соғин даврида ҳар бир она туядан 1500–5300 кг сут олиш мумкин. Туя сути таркибида 4–5% ёғ, 3–4% оқсил бор. Сутидан қимрон (шубат), ёғ, пишлоқ, бринза каби маҳсулотлар тайёрланади. Қимрондан табобатда ўпка сили ва ошқозон-ичак касалликларини даволашда фойдаланилади. Бақтрия туяларининг жун маҳсулдорлиги 5–10 кг, дромедарларники 2–4 кг. Айрим туялардан 10–15 кг гача жун олиш мумкин. Туя жуни тўқимачилик саноати ва гиламчилик учун хом ашё. Туя жунининг 75% ни тивит ташкил қилади. Республикадаги 2 та наслчилик хўжалигида 2469 бош туя, шу жумладан 1192 бош моя (она туя) парвариш қилинмоқда (2005).

Чўққачилик. Республикада 1960-й.ларга қадар иссиқ иқлим ноқулайликларига қарамай, йирик шаҳарлар яқинида ва галлачилик минтақаларида давлат ва жамоа хўжалиklarининг чўққачилик фермаларида ва, асосан кўчиб келган рус, украин белорус ва б. европалик аҳолининг шахсий хўжалиklarларида ривожланди. Ўзбекистонда чўққачилик Ўрта Осиё Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин тарқалган. Йилда ҳар она чўққадан 18–20 тагача чўққа боласи олинади. Уларни бўрдоқи-

га боқиб 1,5–2 т гушт олиш мумкин. Ўзбекистонда чўққаларнинг ландрас, йирик оқ, шимолӣ кавказ ва дюрок зотлари боқилади. 1960–91 й.ларда чўққачилик саноат асосида жадал ривожлантирилди. Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятларида ихтисослашган чўққачилик комплекслари қурилди («Сирғали», «Фаллақудуқ», «Рассвет» ва б.). 1990 й.да барча тоифадаги хўжалиklarларда чўққалар сони 716 минг бошга етди, 47 минг т чўққа гўшти тайёрланди. 1991 й.дан кейин қ.х.да ўтказилган иқтисодий ислохотлар давомида чўққачилик фермалари хусусийлаштирилди. 2005 й. республикада 83,8 минг бош чўққа боқилди, 5 минг т чўққа гўшти тайёрланди.

Қуёнчилик. Қуён парҳез гўшти, мими ва мўйнаси учун боқилади. Ўзбекистонда 20-а.нинг 30-й.ларидан ривожлана бошлади. Шу даврда наслдор қуёнлар етиштирувчи бир неча давлат, жамоа хўжаликлари ва давлат наслчилик парваришхоналари барпо этилди. Якка хусусий (томорқа) хўжалиklarларда қуёнчилик ривожланди. Урушдан кейинги йилларда қуёнчилик маҳсулотлари кўпайди. Ўзбекистонда шиншилла, оқ улкан, қуланг йирик, қумушсимон, мардер, капалаксимон, олмахон, қорақўнғир, вена зангориси, янги зеландия, оқ калифорния каби зотлари (умумий бош сони 100 минг дан кўпроқ), асосан, ҳаваскор, шахсий ва фермер хўжалиklarларида боқилади. Республикада ҳар йили ўртача 30 минг дона қуён териси ва 90 т гушти тайёрланади.

Паррандачилик. Республикада паррандачилик саноат асосида ривожланган. Хўжалиklarларда товуқ (тухум, гўшт йуналишлари), гўшт учун курка, қисман ўрдак, фоз, цесарка, парҳез таомлар учун бедана боқилади. Асосан товуқнинг оқ леггорн, кросс-олатов, кросс-конкурент, ломон, курканинг оқ кросс-фэйбрид, ломон браун зотлари тарқалган.

Ўзбекистонда 1920 й.ларнинг охирига қадар парранда (асосан, жайдари ва каммаҳсул товуқ зотлари) фақат хонадонларда боқилган. 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб паррандачилик қ.х. тармоғи тарзида шаклланди. биринчи паррандачилик фермалари 1929 й. Қуқон ш. яқинида ва Самарқанд вилоятидаги артелларда ташкил этилган. 1930 й. Тошкентда «Ўзпаррандаинкубатормарказ» ташкил этилди. Ўша йили республикада дастлабки Каттақурғон инкубатор ст-яси ишга туширилди. Ўзбекистонда паррандачилик урушдан кейинги йилларда тез ривожланди. 1950 й. республикада 11 та инкубатор ст-яси ишлади. Инкубатор-

паррандачилик ст-ялари к-з ва с-зларда паррандачилик фермаларини тузишда ёрдам берди. 1959 й. Бухоро инкубатор-паррандачилик ст-яси негизда республикада биринчи Бухоро паррандачилик ф-каси ташкил этилди. 1960 й.дан эса инкубатор-паррандачилик ст-ялари 150–180 минг товуқ учун мўлжалланган Тошкент, Ўртасарой, Самарқанд, Фаллаорол ва Фаргона паррандачилик ф-каларига айлантирилди.

Паррандачиликни янада ривожлантириш мақсадида 1964 й.да «Ўзпаррандасаноат» и.ч. бирлашмаси ташкил этилди. Унинг таркибида 71 паррандачилик ф-каси, 12 наслчилик хўжалиги ишлади.

1985 й.да Ўзбекистон чорвачилик интида Паррандачилик генетика-селекция ст-яси (1994 й.дан Паррандачилик илмий маркази) паррандачилик бўйича илмий ишлар олиб борди. Бу марказда маҳаллий шаронларга яхши мослашган, 240–250 донагача тухум қиладиган «Ўзбекистон» кросс товуқлари (1; 2; 12) яратилди (2003).

1992 й.дан республикада гўшт йуналишида куркачиликни ривожлантириш бўйича Исроилнинг «МАД» фирмаси б-н ҳамкорликда Хонобод (1993), Чимён (1992), Риштон, Урганч ва Янгийўл (1995) паррандачилик ф-калари куркачиликка ихтисослашди. Германия, Белоруссия, Исроил, Голландия, Қозоғистондан келтирилган зотли товуқ ва курка тухумларидан жужа очириниш йулга қўйилди, куркачиликка ихтисослашган ф-калар сони кўпайди.

90-й.ларнинг 2-ярмидан бошлаб паррандачиликка ихтисослашган қўшма ва фермер хўжаликлари ташкил этилди.

2003 й. 4 сен.да «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси тугатилди, унинг таркибига кирган акциядорлик шаклидаги 25 паррандачилик ф-каси («Пахтаобод», «Ойим», «Бухоро», «Оқсарой», «Қизилтепапарранда», «Чимёнпарранда», «Бўстон», «Бағдод» ва б.) тўлиқ хусусийлаштирилди.

Республика паррандачилик корхоналарида боқилаётган паррандаларнинг йиллик тухум маҳсулдорлиги: товуқлар — 200–230, урдаклар — 120–150, куркалар — 100–120, ғозлар — 40–60 донани ташкил этди. 2005 й.да барча тоифадаги хўжаликларда 18,7 млн. бош парранда боқилиб, 1966,4 млн. дона тухум етиштирилди.

Ад.: А з и м о в С., Паррандачиликда наслчилик ишлари. Т., 1982.

Сайфиддин Азимов.

Пиллачилик Республика қ.х.нинг асосий тармоқларидан бири. Пилладан олинган ипак саноат ва техниканинг кўп соҳаларида ишлатилади. Республикада тут ипак қурти тухумини тайёрлаш, қуртини боқиш, пиллани дастлабки ишлаш (димлаш ва қуриштириш), янги қурт зотлари ва дурагайларини яратиш ва тутчиликни ўз ичига олган мукаммал мажмуа яратилган. Ўзбекистон жаҳон мамлакатлари орасида пилла етиштириш ва хом ипак и.ч. бўйича Хитой, Япония ва Ҳиндистондан кейин 4-ўрнида туради. Тут ипак қурти республиканинг барча вилоятларида махсус пиллаҳоналарда ва қишлоқлардаги хонадонлар, деҳқон-фермер хўжаликларида пилла тухумини тарқатиш йўли б-н мослаштирилган хоналарда баҳор мавсумида боқилади.

Ўзбекистонда тут ипак қурти боқиш тарихан узок утмишга бориб тақалади. Айрим маълумотларга кўра ипак қурти боқиш мил. 4-асрда Хитойдан Ўрта Осиёга тарқалган. 1913 й.да Ўзбекистонда 4 минг т га яқин пилла етиштирилган бўлса, унинг 90% Фаргона водийсига тўғри келган. 1922 й.да Тошкентда «Туркипак» акционерлик жамиятининг ташкил этилиши пиллачиликни ривожлантиришда муҳим bosқич бўлди. 1927 й. Тошкент ипакчилик ст-яси негизида Ўрта Осиё ипакчилик и.т. ин-ти (1991 й.дан Ўзбекистон ипакчилик и.т. ин-ти) ташкил этилди. 1930-й.ларда тут кўчати етиштиришга алоҳида эътибор берилди.

1940-й.ларда пиллачиликда юқори ўсиш суръатларига эришилди, пилла етиштириш деярли уч барабар кўпайди. 1991 й.да республикада энг юқори ҳосил — 33,8 минг т пилла тайёрланди. 1993 й.дан пилла етиштириш давлат буюртмасидан чиқарилиб, уни харид қилиш эркин келишилган нархлар асосида олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 30 мартдаги «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» фармони б-н пиллачилик («Пиллахолдинг») ва ипакчилик («Шойи» компанияси) тармоқларидаги жами корхоналар, хўжаликлар, ташкилотларни ўз ичига олган «Ўзбек ипаги» уюшмаси ташкил этилди. 2003 й. 22 декада «Пиллахолдинг» ва «Шойи» компаниялари тугатилиб, уларнинг вазифалари «Ўзбек ипаги» уюшмасига берилди.

Ипак қурти тухумини тайёрловчи корхона (з-д)ларда ҳар йили 250–300 минг қути пилла қурти тухуми тайёрланади. 1 кг пилладан 53 г ипак қурти тухуми олинади (1500–2000 та тухум 1 г вазнга эга) ва тухумлар тарозидида 29 г дан қилиб тортилиб, қутиларга жойланади. 1 қути пил-

ла тухумидан уртача 53–57 кг, илғор пиллачилар 70–80 кг пилла оладилар. Наслчилик тухумчилик ст-ялари тухум з-длари учун элита тухуми етказиб берадилар ва ундан эса тухумчилик корхоналари хўжаликларда боқиш учун саноатбўй тухум тайёрлайди. Республикада 122 туман «Пилла» акциядорлик жамиятлари, тут уруғи, ниҳоли, кўчатлари етиштиришга ихтисослашган 10 ширкат хўжалиги, 3 та наслик тухумчилик з-ди (Андижон, Самарқанд, Фаргона), 13 пиллачилик тухумчилик з-ди (Андижон, Асака, Бухоро, Шаҳрисабз, Навоий, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Каттақўрғон, Фаргона, Қўқон, Урганч, Хўжаобод) фаолият кўрсатади.

1930–2000 й.ларда тут ипак қурти зот ва дурагайлари 6 марта янгиланди (пилла ипакдорлиги 13–14% дан 24–26% га етказилди). Кейинги йилларда ипагининг сифат кўрсаткичлари жаҳон бозори талаблари даражасидаги тут ипак қурти зот ва дурагайлари и.ч.га жорий қилинган. Ихтисослаштирилган пиллачилик хўжаликлари ва кўчатзорларда 1,5–2,0 млн. туп тут кўчати етиштирилади. Пиллачиликнинг илмий муаммолари «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибига кирадиган Ўзбекистон ипакчилик и.т. ин-тида ўрганилади. Пиллачилик учун олий маълумотли мутахассислар Тошкент аграр ун-тида ва ўрта махсус маълумотли кадрлар коллежларда тайёрланади. 2005 й.да республикада 16211 т хом пилла тайёрланди, унинг 9294 т си қ.х. корхоналари, 6917 т си фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Ад.: Абдуқодиров Ш. Пиллачилиги-миз тарихидан лавҳалар. Т., 2000.

Давронбек Холматов.

Балиқчилик. Инсон томонидан балиқ маҳсулотлари қадим замонлардан бери истеъмол қилиб келинади. Балиқ гўштида бошқа ҳайвон организмда учрамай-диган аминокислоталар, витаминлар, микро- ва макроэлементлар мавжуд. Ўзбекистонда балиқни қайта ишлаш корхоналарида дудланган балиқ, балиқ консервалари, балиқ уни ишлаб чиқарилади. Купгина балиқ маҳсулотлари парҳез овқатлар қаторига кирилади.

Ўзбекистонда балиқ қадим замонлардан бери табиий сув ҳавзаларидан овланган. Бу ҳавзаларда ҳоз. кунда 8 оилага кирувчи 74 турга мансуб балиқлар учрайди. Шулардан зотгара балиқ, дўнгпешона, судак, оқча (лешч), тобонбалиқ (карась), илонбаш, чўртан, қизилқуз (вобла) хўжалик аҳамиятига эга. Балиқчиликни саноат асосида ривожлантириш 1937 й.дан бошланган. Ўша йили Тош-

кент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида «Тошкент балиқ чавоқлари хўжалиги» ташкил этилди. 1946 й. Ўзбекистон Халқ хўжалиги Кенгаши ҳузуринда Балиқчилик хўжалиги бош бошқармаси тузилди (1976–88-й.ларда Ўзбекистон балиқчилик хўжалиги давлат комитети, 1991–94 й.ларда «Ўзбалиқ» концерни; 1994–2003 й.ларда «Ўзбалиқ» компанияси). Тошкент вилоятининг Зангиота туманида балиқ етиштиришга мўлжалланган Дамачи ҳовуз балиқчилик хўжалиги 1941–46 й.ларда ташкил этилди ва 1946 й.дан иш бошлади. 1960 й.ларгача балиқ маҳсулоти, асосан Орол денгизи, денгиз яқинидаги қўллар ва Сирдарё ҳамда Амударёдан овланар (йилга ўртача 25–28 минг т), Мўйноқ балиқ консерва комбинатида қарийб 13 млн. шартли банка балиқ консервалари тайёрланар эди. 1961 й.да Хитойдан келтириб, иқлимлаштирилган ўсимликхўр балиқлардан оқ дўнгпешона, оқ амур, таргил дўнгпешона турлари янги шароитларга тез мослашиб, кейинчалик балиқ етиштиришнинг кескин ривожланишига замин яратди. Ҳоз. даврда республика балиқчилик хўжаликлариде етиштирилаётган балиқларнинг 60–70% ўсимликхўр. Ўсимликхўр оқ амурдан канал ва коллекторларни ўтлардан тозалашда биологик мелиоратор сифатида фойдаланилади. Ўсимликхўр балиқ турлари Сирдарё ва Амударёда ҳам табиий урчиб, кўпаймоқда (айрим дўнгпешона балиқларнинг оғирлиги 80 кг гача борали). Орол денгизи қуриши б-н боғлиқ муаммолар сунъий ҳавза (ҳовуз) балиқчилигини ривожлантиришга тўртки берди. Ўзбекистонда балиқ овлаш (сув ҳавзаларидан табиий балиқ тўдаларини рационал овлаш) ва аквакультура (сунъий ҳовуз балиқчилиги) йўналишларида ихтисослашган балиқчилик хўжаликларини мавжуд.

Ҳавза балиқчилиги табиий сув ҳавзаларидан Айдарқўл — Арнасой қўллар мажмуи (майд. 350 минг га) ва Қорақалпоғистон Республикасининг Оролбўйи сув ҳавзаларида ривожланган (бир йилда 2 минг т гача балиқ тутилади). Республика табиий сув ҳавзаларининг умумий майд. 700 минг га га яқин.

Ҳовуз балиқчилиги. Республикада 12 та ҳовуз балиқчилиги хўжалиги (Тошкент вилоятида 6 та, Сирдарё, Наманган ва Фарғона вилоятларида 2 тадан) мавжуд. Шунингдек, Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги балиқларни сунъий урчитишга мўлжалланган минтақавий питомникларда йирик урчитиш цехлари қурилган. 1961 й.да ташкил

этилган Қуйи Чирчиқ «Балиқчи» тажриба-намунавий балиқчилик бирлашмаси акциядорлик жамиятига айлантирилди (2003), бу хўжалик (майд. 2611 га) ҳар йили 400 млн. донагача балиқ чавоқлари, 20–30 млн. донагача бир ёшли, 8 минг т гача товар балиқ ишлаб чиқариш имкониятига эга. Республика бўйича сунъий ҳовуларнинг умумий майд. 10 минг га ни, ҳовулар ҳосилдорлиги 8–10 ц/га ни ташкил этади. Республикадаги сув омборлари ҳам балиқчиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга (Тўдақўл, Таллимаржон, Чимқўрғон, Жан.Сурхон ва б.). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 13 авг.даги «Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзбалиқ» компанияси тугатилди, табиий сув ҳавзалари балиқ овлаш учун балиқчилик хўжаликлари ва фермерларга узоқ муддатга квотасиз берилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуринда Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот маркази ташкил этилди (2003). Бу марказ боқиладиган балиқ турларини кўпайтириш, шароитга мос турларини олиб келиб иқлимлаштириш, хўжаликларга амалий ёрдам курсатиш ва б. вазифаларни бажарали.

2005 й.да республика бўйича жами 4329 т балиқ овланди. Шу жумладан, табиий сув ҳавзаларида 1934 т, сунъий ҳовулардан 2389 т (2004 й.да тегишлича 8846 т; 3473 т; 5373 т), 650 т дудланган балиқ, 200 т балиқ уни ишлаб чиқарилди.

Ад.: Камилов Г., Хакбердиев Б., Салихов Т., и др. Водоёмы Узбекистана и их рыбохозяйственное значение, Т., 1994.

Ҳусан Ахмедов, Рухулла Қурбонов.

Асаларичилик. Республикада муҳим озиқ-овқат маҳсулоти — асал, шунингдек асалари муми, прополис (асалари елими), асалари сути, захари, асалари йиғадиган гулчанглр (перга) каби маҳсулотлар олиш ва экинларни чанглатиш йўналишларидаги асаларичилик ривожланмоқда. Ўзбекистонда асаларичилик маҳсулотлари қадимдан озиқ-овқат ва дори-дармон сифатида маълум бўлса-да, асалариларни қутиларда боқиш 19-асрнинг 2-ярмидан бошланган. Узоқ асрлар мобайнида айрим тоғли ҳудудларда тоғлардаги дарахтлар, тош коваклариде яшаган асаларилар асалидан фойдаланилган.

19-асрнинг 2-ярмида Туркистонга ўрта рус асалариси, кавказ кулранг тоғ асалариси, украин дашт асалариси ва б. олиб келинган. Кейинги 100 йил давомида Ўзбекистонда биологияси ҳамда фойдали хўжалик белгилари б-н аждодларидан фарқ қиладиган асаларилар популяцияси вужудга келди. 1970 й.ларда Италиядан келтирилган асалари оилаларининг маҳаллий зотлар б-н чатиштирилиши натижасида янги популяция олинди. 1975 й.да республикадаги барча асаларичилик хўжаликларини бирлаштирган «Асал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. 1990-й.лар бошида жами 154 минг асалари оиласи боқилди, шу жумладан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 47 асаларичилик хўжалиги фаолият курсатди (61 минг дан ортиқ асалари оиласи). 90-й.лардан асаларичилик хўжаликлари хусусийлаштирилиб, асалчилик фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Асаларичилик б-н 20–50 (90%) ёки 50–150 (10%) қути асалариси бўлган хусусий асалчилар шугулланадилар. Мавсумда икки марта — май-июнь (баҳорги) ва август-сентябрда (ёзги) асал олинади. Асаларилар, асосан, кўчма усулда боқилади. Асаларилардан қ.х. экинларини (ғуза, махсар, каноп, уруелик беда ва б.) чанглатишда фойдаланилади. 2003 й.да нодавлат «Ўзбек асали» (2005 й.дан «Асал») уюшмаси ташкил этилди, шунингдек Тошкент ш.да асаларичилик жамияти фаолият кўрсатади. 2004 й.да, 110 минг қути асалари боқилди, 2,5 минг т асал тайёрланди (1995 й.да 8,8 минг т). Республикада йилга 20 минг т дан кўпроқ асал тайёрлаш имкониятлари бор.

Ад.: Крахотин Н. Ўзбекистонда асаларичилик, Т., 1968; Исмамухамедов А. И. Асаларичилик, Т., 1995.

Абдухалил Чекалов.

Даррандачилик. Республика қ.х.нинг анъанавий тармоқлари қаторида даррандачилик ҳам ривожланмоқда. Асосан, қимматбаҳо мўйнаси (телпак, ёқа, пўстин ва б.) учун сувсар, тулки, қундуз, қора кузан, нутрия (сув каламуши), шимол тулкиси, ондатра, сув қундузи ва б. боқилади. Ўзбекистонда 20-а.нинг 70-й.ларидан бошлаб Қуйи Амударё ва Сурхондарё вилоятларида махсус хўжаликлар ташкил этилди. Ҳаваскорлар томонидан ва айрим корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлариде, кичик фермаларда етиштирилади.

Ветеринария хизмати

Ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ва даволаш ишлари уларни хонакилаштириш давридан бошланган. Молларни даволаш б-н махсус байтарлар, чўпон, отбоқар ва б. чорвалдорлар шуғулланганлар. Ўрта Осиёда дастлабки илмий тадқиқотлар акад. К.И.Скрябин раҳбарлигида тельминтлар биологияси, филогенияси, систематикаси, экологияси, эпизоотологиясини ўрганиш бўйича ўтказилган. 1916 й.да Туркистон уй ҳайвонлари тельминтофаунасига бағишланган дастлабки монография нашр қилинди.

Республикада мунтазам ветеринария хизмати 1918–21-й.ларда шаклланди. Дастлаб 1924 й.да Тошкентда Туркистон АССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг ветеринария бошқармаси ҳузурида ўлка ветеринария-бактерология лаб.си, шу лаб. негизда 1926 й.да Ветеринария-бактерология и.т. ин-ти (ҳоз. Ўзбекистон ветеринария и.т. ин-ти) ташкил этилди. 1929 й. очилган Самарқанд қ.х. ин-тида ветеринария мутахассислари тайёрлана бошлади, ветеринария хизмати йўлга қўйилди. Вилоятлардаги қ.х. ва зооветеринария техникумларида ветеринария фельдшерлари тайёрланди. 1959 й. Самарқанд вилоятида биологик препаратлар тайёрлайдиган к-т ишга туширилди. 1976 й. Самарқандда зарарли бўғимоеқлиларга қарши кураш Ўрта Осиё лаб.си ташкил этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу муассаса Ўзбекистон ветеринария санитарияси ва акарологияси и.т. ин-тига айлантирилди (2003 й.дан Ўзбекистон Ветеринария и.т. ин-ти таркибида лаб.). 1993 й.да Ветеринария препаратлари илмий-назорат лаб.си ўз фаолиятини бошлади.

2000 й.дан бошлаб ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари бўйича махсус ветеринария лаб.си (1976) да ўта хавфли касалликлар (куйдирги, оқсил, қутуриш, қорамоллар ва паррандалар ўлати, қўйлар чечаги ва б.)нинг олдини олиш бўйича тезкор диагностика усуллари жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги қонуни (1993 й. 3 сент.)га биноан мамлакатда давлат ветеринарияси, идоровий ва хусусий ветеринария хизматлари ташкил топди.

Давлат ветеринария хизматини Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент ш. давлат ветеринария бошқармалари, туманлар, вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг давлат ветеринария бўлимлари, улар қарамоғидаги ҳайвонлар ка-

салликларига қарши кураш ст-ялари (туман ветеринария ст-ялари), диагностика марказлари, ветеринария шифохоналари, лаб.лари, экспедициялари, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш қисмлари, деҳқон бозорларидаги ветеринария-санитария экспертиси лаб.лари ва давлат ветеринария тармоғининг бошқа муассасалари амалга оширади.

Идоравий ветеринария хизмати вазирлик, идора, корхона, муассаса ва ташкилотлар тасарруфида бўлиб, ветеринария мутахассислари ўз ваколатлари доирасида ҳайвонларга идоровий ветеринария назорати ва ветеринария хизмати кўрсатишни амалга оширади. Хусусий ветеринария хизмати б-н ветеринария врачлари мутахассислигига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва б., шунингдек ветеринария фельдшерлари ва техниклари ветеринария врачлари назоратида шуғулланиши мумкин.

Республикадаги чорва ва уй ҳайвонларида 100 дан ортиқ турдаги юқумли, юқумсиз, гижжа касалликлари учрайди. Уларга қарши курашда олдини олиш чора-тадбирлари, эмлаш, юқумсизлантириш; гижжани йўқотиш ишлари олиб борилади. Шунга қарамай қутуриш, лептоспироз, сальмонеллез, тейлериоз, қорасон, фасаллез, гемонхоз, ценуроз, эхинококкоз, манезиоз каби касалликлар вақти-вақти б-н чорвага катта зиён етказди. Кейинги йилларда республикада қорамоллар ўлати, отлар манқаси, плевропневмония каби чорва молларига қирон келтирадиган касалликлар кузатилмади.

21-а. бошига келиб Ўзбекистонда кенг тармоқли ветеринария муассасалари, ташкилотлари, и.т. ин-тлари ва ст-ялари, мутахассислар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юрлари ташкил топди.

Республика ветеринария хизмати тармоқларида 10 минг нафардан ортиқ олий ва ўрта махсус маълумотли ветеринарлар, давлат ветеринария хизмати тармоғида 4168 нафар ветеринария врачлари, 3626 нафар ветеринария техниклари ва фельдшерлари меҳнат қилади.

Давлат ветеринария хизмати тармоғи тизимида Қорақалпоғистон Республикаси ва 13 вилоят давлат ветеринария бошқармаси, 206 та туманлар ва шаҳарлар ветеринария бўлимлари, 1252 та ветеринария участкалари ва пунктлари, 16 та ветеринария шифохоналари, 348 та хусусий ва давлат ветеринария бўлимлари ҳузурида 184 та – жами 532 та ветеринария аптекалари мавжуд. Бош бошқарма ҳузурида Республика ветеринария

лаб.си, ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликлари бўйича махсус ветеринария лаб.си, ветеринария препаратлари лаб.си; Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шаҳарлар, 116 та туманлараро ва туман ветеринария лаб.лари, 282 та деҳқон бозорларида ветеринария-санитария экспертиси лаб.лари, шунингдек 15 та ҳайвонлар касалликларига қарши кураш отрядлари, 120 та чегара ва транспортда ветеринария назорати пунктлари, 60 та вилоятлараро карантин – қўриқлаш ветеринария назорати пунктлари фаолият кўрсатади (1 янв. 2006). Ўзбекистонда ветеринария врачлари Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги ин-ти (1929 й.дан) ва Тошкент аграр ун-ти (2002 й.дан), ветеринария фельдшерлари ва техниклари қ.х. коллежларининг ветеринария бўлимларида тайёрланади. Ветеринария соҳасидаги и.т. ишларини Ўзбекистон ветеринария и.т. ин-ти (Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани) мувофиқлаштиради.

Тулелен Омаров.

Сув ҳўжалиги ва мелиорация

Сув ҳўжалиги республика халқ ҳўжалигининг асосий соҳаларидан бири бўлиб, сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва ҳисобга олиш, улардан фойдаланишни режалаштириш ва бошқариш б-н шуғулланади. Сугорма деҳқончиликка асосланган республика қ.х. да сув ҳўжалиги энг муҳим ўринда туради. Сув ҳўжалигининг асосий вазифаси халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини сув б-н таъминлашдан иборат. Сувдан фойдаланишнинг характериға кўра халқ ҳўжалиги тармоқлари сув истеъмолчилари (қ.х., коммунал ҳўжалиги, саноат ва б.) ва сувдан фойдаланувчилар (унинг энергияси, ҳарорати, муҳитидан фойдаланиш – гидроэнергетика, балиқ ҳўжалиги, сув туризми ва б.) га бўлинади.

Республикада истеъмол қилинаётган сув миқдорининг 95% дарё ва сойлардан олинади. Мамлакатимизда сув ресурсларини бошқариш, сувни истеъмолчиларга ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб бериш мақсадида кўплаб каналлар, сув омборлари, гидроузедлар, доимий насос ст-ялари қурилган. Ўзбекистон Республикасида сувга бўлган йиллик талаб 70 – 71 млрд. м³ ни ташкил этади, унинг 92% қ.х. экинларини сугоришда фойдаланилади (49 – 50 млрд. м³). Умумий сув сарфининг 60 млрд. м³ дарё сувларидан, 11 млрд. м³ ер ости ва қайта ишлатиладиган сувлардан иборат. Мамлакатимиз сув ҳўжалиги тасарруфида умумий уз. 1355 км бўлган (сув сарфи

25 минг м³/сек.дан ортиқ) йирик 80 га яқин канал, умумий ҳажми 18,6 млрд. м³ 54 сув омбори, 28,1 минг км ҳужаликлараро, 172,4 минг км ички ҳужалик каналлари (34 минг км бетон б-н қопланган), 1602 доимий насос ст-ялари (5059 насос агрегати б-н), 11633 дренаж ва сув чиқариш қудуқлари ва қўглаб зовурлар бор (2005).

Республикада сув ресурсларини бошқариш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш, сув иншоотларини қуриш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш б-н Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Сув ҳўжалиги бош бошқармаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари шуғулланади.

Республикада сув ҳўжалиги тадбирлари б-н бир қаторда мелиоратив тадбирлар (ноқулай сув режимли ерларнинг тупроқ-ҳаво ҳароратини ва ҳарорат режимини ростлаш натижасида тупроқдаги ортиқча намликни дренажлар ва зовурлар орқали чиқариб юбориш) ҳам олиб борилади.

Деҳқончиликда қадимдан мелиорациянинг энг оддий усулларидан фойдаланиб келинган. Сув ҳўжалиги соҳасида кейинги 25 – 30 й. давомида мавжуд суғориладиган ерларнинг қарийб 2,0 млн. гектари янги ўзлаштирилган ва мелиоратив ҳолати яхшилانган ерлардир. Сирдарё ва Амударё этакларида мил. ав. 8–7-а.дан бошлаб суғориладиган деҳқончилик қилинганлиги ҳақида далиллар мавжуд. Хоразм, Қорақалпоғистонда, Зарафшон воҳаси, Фарғона водийсида қадимий суғориш иншоотлари (каналлар, тўғонлар, коризлар ва б.) қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган. Ирригация ўрта асрларда анча ривож топган. Йирик суғориш каналларидан Бўзсув, Зах, Занг қабилар қадимий тарихга эга. 16-а.да Самарқанд вилоятида қурилган Абдуллахон банди (тўғон) ўша даврнинг ноёб иншоотларидан бири бўлган. Чигирлар б-н сув чиқариш ўрта аср ирригациясининг муҳим бошқичларидан бири эди. Чигир ўрта Осиёда 20-а. бошларигача кенг қўламда қўлланиб келинди.

20-а.нинг 30-й.ларида Ўзбекистонда сув ҳўжалиги қурилиши авж олди. Мирзачўл, Далварзин ва Қумқўрғон даштларида катта майдонларга сув чиқарилиб ўзлаштирилди. Янги Жўн (Тошкент вилояти), Қумқўрғон (Сурхондарё вилояти) каналлари қурилди, бир қанча гидротехника иншоотлари янгиланди, суғориш каналлари ва гидро иншоотлар қўл меҳнати, ҳашар йўли б-н барпо этилди. Бунга 30–40-й.ларда қўл меҳнати б-н қазилган Шим. Фарғона ва Жан. Фарғона, Тошкент, Тошсоқа (Хоразм) ва б. каналларни мисол қилиш мумкин. 1939 й. 270 км узунликдаги Катта Фарғона канали 45 кунда қуриб битказилди. Шу йиллари ҳашар йўли б-н Фарғона вилоятидаги Логон канали қурилди. Сурхондарё вилоятидаги Ҳазорбоғ канали, Тошкент вилоятидаги Жўн ва Хон суғориш тизимлари қайта қурилди (1940).

1929–30-й.ларда ирригация мақсадларида дарё оқимини сунъий ростлаш ишлари бошланди. 1940 й. Зарафшон дарёсида Каттақўрғон сув омборининг биринчи навбати, Боёвут магистрал канали (Жан. Мирзачўл каналининг 1-навбати), ҳўжаликлараро суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари қурилди. 40-й.ларда Тошкент каналининг 2-навбати, Катта Ҳисор (Сурхондарё вилояти) канали, Косонсой сув омбори (Наманган вилояти) бунёд этилди. Республикада 1950 й. суғориладиган ер майдони 2276 минг га ни ташкил қилди. 50–60-й.ларда Марказий Фарғона ва Мирзачўлни ўзлаштириш муносабати б-н Катта Фарғона канали реконструкция қилинди. Тошкент вилоятида Оҳангарон сув омборининг 1-навбати, Юқори Чирчиқ сув узели, Бухоро вилоятида Қуймозор сув омбори, Сирдарё вилоятида Жан. Мирзачўл магистрал канали қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1960 й. республикада суғориладиган ер майдони 2571 минг га га етди.

1970–90 й.ларда Орол денгизи ҳавзасида пахтачиликни ривожлантириш учун кенг миқёсда сув ҳўжалиги қурилиши ва мелиорация ишлари олиб борилди. Дарё сувларини ростлаш учун йирик Туямўйин, Чорвоқ, Андижон, Таллимаржон сув омборлари

қурилди. Қарши магистрал, Аму – Бухоро машина каналлари тўлиқ ишга туширилди. 25 – 30 йиллик қисқа вақт ичида Мирзачўл, Қарши, Жизза ва Сурхон – Шеробўл каби чўл ҳудудларида 2 млн.га га яқин ерлар ўзлаштирилиб, пахта экилди. Республикада суғориладиган ерларнинг умумий майд. 4,2 млн. га га етди. Суғориладиган ерларнинг 3 млн. га га яқини дренаж тармоқлари б-н таъминланди, республика ирригация тизимларида 400 дан зиёд сув чиқариш насос ст-ялари қурилди, 2 млн. га дан ортиқ ерлар насос ст-ялари ёрдамида суғорилди. Йирик насос ст-ялари умумий сув кўтариш қобилияти 200 м³/сек, сув кўтариш баландлиги 80 м ва ундан ортиқ, умумий қуввати 125 МВт бўлган электр насос агрегатлари б-н жиҳозланди. Ер шўрини ювиш ва грунт сувлари сатҳини ростлаш бўйича катта қурилиш ишлари давом эттирилди. Қуйи Амударёда шоликорлик зонаси барпо этилди.

1990–93 й.ларда республикада жами манбалар ҳисобидан 57,6 минг га суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни (1993, 6 май) республикада сувга доир муносабатларни тартибга солиш, ундан оқилона фойдаланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1996 й.дан суғориладиган деҳқончиликда мулкчиликнинг ҳар хил турлари пайдо бўлиши, фермерлик ҳаракатининг кенг ёйилиши, сув танқислигининг кучайиши ва б. сабаблар туфайли республикада сувдан ва унга боғлиқ хизматлар учун пуллик фойдаланишга ўтиш соҳасида тегишли тайёргарлик ишлари олиб борилди. Сувни тежаш мақсадида каналлар ўзанида сув сизишини камайтириш учун қўламалар ётқизилди, томчилатиб ва тупроқ остидан намлатиб суғориш усуллари қўлланилди.

2003 й. 21 июлида республикада сув ҳўжалигининг маъмурий-ҳудудий тамойилга асосланган бошқарув тизими ҳавза тамойилига ўтказилди, 230 дан ортиқ сув ҳўжалиги муассасалари ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари негизда 10 та янги ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва 1 та Фарғона водийси магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил этилди.

Мазкур ислохотлар натижасида авваллари ҳўжаликлар тасарруфида бўлган ички суғориш ва зовур-дренаж тармоқлари эндиликда тўлиқ ер эгалари – фермерларга берилди. Ўзаро сув муносабатларини мувофиқлаштириш ва мавжуд суғориш ва зовур-дренаж тармоқлари-



Қарши магистрал канали 7-насос станцияси.



Қораларёдаги Куйганёр тўғони.

дан фойдаланиш ишларини олиб бориш мақсадларида фермерлар сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига (СФУ) бирлаша бошладилар ва ҳозирда 80 мингга яқин фермер хўжаликлари 2,5 млн. га ер майдонига хизмат кўрсатувчи 894 СФУ га ихтиёрий равишда бирлашган (2005).

Ўзбекистон сувга бўлган эҳтиёжларининг асосий қисмини Орол денгизи ҳавзасидаги минтақавий сув ресурслари ҳисобига қондирди. Халқ хўжалигида фойдаланиладиган умумий сувнинг 20% республика ҳудудида шаклланди, 80% қўшни Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ҳудудларидан оқиб келади. Ушбу сув ресурсларидан самарали, оқилона ва ўзаро низоларсиз фойдаланиш мақсадларида Ўзбекистон ташаббуси ва бевосита иштирокида Марказий Осиё давлатлари уртасида Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси (ДСХМК) ва унинг ижроия ташкилотлари бўлган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув хўжалиги бирлашмалари ташкил этилди. Бу бирлашмалар давлатларнинг Амударё ва Сирдарёдан ДСХМК томонидан тасдиқланган сув олиш ва Орол денгизига сув етказиб бериш лимитларини ҳамда сув омборлари тизимларининг ишлаш тартибларини амалда бажарилишини таъминлайдилар.

1995 – 2005 й.ларда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бўйича ирригация-мелиорация қурилиши соҳасида 209,8 млрд. сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, шу давр мобайнида 80,6 минг га янги ер ўзлаштирилди, 214,3 минг га суғориладиган ерларда реконструкция ишлари амалга оширилди, 219,4 минг га ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Айни пайтда ирригация-мелиорация ишлари б-н бир қаторда республиканинг суғориладиган ерларини кафолатли таъминлашга хизмат қиладиган Жиззах вилоятида Арнасой (ҳажми 600 млн. м³), Сурхондарё вилоятида Тўполон (500 млн. м³), Наманган вилоятида Резаксой

(200 млн. м³) сув омборлари каби йирик сув хўжалиги объектлари қурилиши олиб борилди.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида бир қанча саноат, и. ч. корхоналари, ҳиссадорлик жамиятлари, илмий-и. ч. бирлашмалари, лойиҳа-конструкторлик ва илмий тадқиқот ин-тлари

(«Ўзсувназорат», «Ўр-та Осиё ирригация илмий тадқиқот институти», «Сув-лойиҳа», «Ўзсувхорижий-қурилиш», «Ўзсувтаъмирфойдаланиш», «Ўзтаъмирқурилиш», «Ўзмахсуссувдренаж», «Сувмахсустаъмирқурилиш» ва б.) фаолият кўрсатади.

Сув хўжалиги тизими учун мутахассислар Тошкент ирригация ва мелиорация ин-ти, Тошкент давлат аграр ун-ти, Самарқанд, Андижон қишлоқ хўжалик ин-тларининг махсус ф-тларида ҳамда республикадаги ўнлаб ихтисос-лашган коллежларда тайёрланади (республикадаги асосий каналлар ва сув омборлари рўйхати 27–29-бетларда берилган).

Ад.: М у ҳ а м м а д ж о п о в А. А., Қуйи Зарафшон волиёсининг суғорилиш тарихи, Т., 1972; Ирригация Ўзбекистана: т. 1–4, Т., 1975 – 1981; Орошение земель в Средней Азии и Казахстана, М., 1980; К а м и л о в О. К., Мелиорация засоленных почв Узбекистана, Т., 1985; Мелиорация земель в Узбекистане, Т., 1986.

Хўмоюн Ашуралиев.

Ўрмон хўжалиги

Республиканинг ўрмон хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, асосан ўрмонларни ўстириш, ўрганиш, ҳисобга олиш, хилма-хил ўрмон ресурсларидан фойдаланиш, уларни қўриқлаш, қайта тиклаш, ёнгинлар, касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва ихота дарахтзорлари барпо этиш б-н шуғулланади. Ўрмон хўжалигининг муҳим хусусияти ўрмон етиштиришнинг узоқ давом этишидир (25 – 50, ҳатто



Қизилқум саксовулзорлари.

100 ва ундан ортиқ йиллар). Республика кам ўрмонли ўлкалардан ҳисобланиб, ўрмон б-н қопланган майдон 2327,3 минг га ни ёки ўрмон б-н қопланганлик даражаси 5,3% ни ташкил этади (ўртача ҳар бир аҳоли сонига 0,1 га дан ўрмон тўғри келади).

Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон фондининг умумий ер майд. 8544,1 минг га ёки республика умумий ер майдонининг 20% ини ишғол қилади (2005). Ўрмон фондининг асосий қисми чўл зонасида – 7190,8 минг га, тоғли ҳудудларда – 770 минг га, водийлар ва дарё бўйларида – 167,6 минг га, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда – 112,4 минг га жойлашган. Ўзбекистоннинг эъма ўрмонлари умумий майд. 207,1 минг га бўлиб, ёнгоқ, бодом ва ш. к. 40 дан ортиқ турдаги бута-дарахтлар б-н банд.

2005 й.да республикада ўрмон хўжалиги корхоналари, қўриқхона ва миллий боғлар сони 93 тага етди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмончилик бош бошқармаси таркибида 8 та мустақил ўрмон участкалари, 8 та ихтисослаштирилган, 6 та қўриқхона, 5 та ўрмон-ов хўжалиги, 1 та миллий халқ боғи, 67 та ўрмон хўжаликлари бор. Республика



Нурота қўриқхонаси бодомзорлари.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги тизимидаги ўрмон фонди ерлари (га, 2005)

	Ўрмон фонди ерлари майдони	шу жумладан ўрмонзорлар	маланий ўрмонзорлар	ҳайдаладиган ерлар	Пичанзорлар	Яйловлар	Ўрмон фонди ерларининг ўрмон б-н қопланмаган майдонлари
Қорақалпоғистон Республикаси	4357612	842041	404614	1184	—	564130	499977
Андижон вилояти	2032	968	883	24	—	66	139
Бухоро вилояти	615455	266395	58770	300	—	160418	71890
Жиззах вилояти	275844	105116	7553	1766	96	51690	55377
Навоий вилояти	2093368	878789	17936	401	—	930089	234597
Наманган вилояти	60265	5546	982	140	19	24534	808
Самарқанд вилояти	53890	10542	6380	2886	1118	19319	7008
Сирдарё вилояти	7894	143	143	1194	10	2473	262
Сурхондарё вилояти	271668	101516	16827	352	112	52705	32643
Тошкент вилояти	12409	3817	2136	559	—	—	2719
Фарғона вилояти	12254	5321	2097	173	—	—	990
Хоразм вилояти	87256	46495	21749	155	—	22	31772
Қашқадарё вилояти	208024	60587	5312	2481	61	60498	41909
Республика бўйича	8057911	2327276	545382	11615	1416	1865944	980091

публика ўрмон хўжаликлариди 704 нафар ўрмонбеги ўрмонларни қўриқлаш вазифаларини бажарди.

Алоҳида ноёб аҳамиятга эга бўлган ўрмонзорлар ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш ишларини Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси олиб боради (Чатқол биосфера қўриқхонаси, Бухоро «Жайрон» экологик маркази, Ҳисор давлат қўриқхонаси, Сирдарё вилоятидаги «Сайхун» ўрмон ов хўжалиги ва б.).

Ўзбекистонда ўрмон хўжалигини ташкил этиш 19-а. 2-ярмидан Ўрта Осиёни Россия империяси босиб олганидан кейин бошланган. Туркистон ўлкасида дастлабки ўрмон хўжалиги 1878 й. Бўстонлиқ тумани (ҳоз. Чирчиқ ўрмон хўжали-ти) ўрнида ташкил этилган. 1895 й.да Туркистон тоғ тизмасининг Молгузар тармоғи ёнбағрида Зомин ўрмонзор дам олиш маскани сифатида ўрмон хўжалиги ташкил этилди. 1890 й.да Тўртқўл ўрмон бўлими иш бошлади. 1897 й.да мавжуд ўрмонларни сақлаш мақсадида «Ўрмонларни сақлаш Низоми» ишлаб чиқилди. 1918 й.дан ўрмонзорларни алоҳида Давлат ўрмон фондига ажратиш ишлари олиб борилди. 1923 й.да Бухоро, Фарғона, Хоразм вилоятларида қўмларни мустақамлаш партиялари тузилиб, ўрмон бўлимлари асосида ўрмон хўжаликларни ташкил этилди. 1925 й.гача республикада умумий майдони 642,3 минг га бўлган 16 ўрмон хўжалиги ва 36 ўрмонзор дам олиш масканлари бор эди. 1930 й. охирида республикада 32 ўрмон хўжалиги бўлган. 1930 й.да Ўрмон хўжалиги бошқармаси — «Ўзагрорлес» (1947 й.дан Республика ўрмон хўжалиги вазирлиги) тузилди. 1953 й.дан

— 1990 й.гача ўрмон хўжалигини бошқариш тизими бир неча марта ўзгартирилди. 1978–91 й.ларда Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги вазирлиги фаолият кўрсатди (1991 — 2000 й.ларда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон давлат қўмитаси). 2000 й.да республика ўрмон хўжалигини бошқариш бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ташкил этилди.

Ўрмонлар ва умумхалқ мулки бўлган қимматли табиий мажмуаларининг экологик, иқтисодий, илмий, маланий, санитария-соғломлаштириш, эстетик аҳамиятини ҳисобга олиб Республика Парламенти томонидан Ўзбекистон Рес-

публикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (1993 й., 7 май), «Ўрмон тўғрисида» (1999 й., 15 апр.), «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (2004 й. 3 дек.) қонунлари қабул қилинди.

Ўрмон хўжалиги корхоналарининг асосий вазифаси ўрмонларнинг умумий экологик, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб ва республика ўрмон ресурсларини қайта тиклаш, қўриқлаш, халқ хўжалиги учун ўрмон маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш, шунингдек лалмикор ерларда экма ўрмон яратиш, суғориладиган майдон-

Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари

Табиий ҳудудлар номи	Ташкил этилган йили	умумий майдони, га	шу жумладан ўрмонзорлар
Қорақалпоғистон Республикаси			
«Бадайтўқай» қўриқхонаси	1971	6462	3950
Бухоро вилояти			
Қизилқум давлат қўриқхонаси	1971	10311	5338
«Жайрон» экомаркази	1976	5140	—
Жиззах вилояти			
Зомин тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси	1926, 1960	26848	22173
Зомин халқ боғи	1976	24110	12115
Нурота давлат қўриқхонаси	1975	17752	2539
Самарқанд вилояти			
Зарафшон давлат қўриқхонаси	1979	2352	851
Сурхондарё вилояти			
Сурхон давлат қўриқхонаси	1987	24554	9284
Тошкент вилояти			
Чатқол биосфера қўриқхонаси	1947	45160	—
Уғон — Чатқол табиат миллий боғи	1990	574590	56400
Қашқадарё вилояти			
Ҳисор давлат қўриқхонаси	1983	81430	12203
Китоб давлат геология қўриқхонаси	1979	5378	—

ларда ихота ўрмонлари ташкил этиш, тоғлардаги табиий арча, pista, бодом, ёнғоқзорларни қайта тиклаш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва фауна ҳамда флорани сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган. Республиканинг ўрмон хўжалиги корхоналарида йилига 50 – 60 минг м³ ёғоч, шу жумладан 2 минг м³ дан зиёд бинокорликка яроқли ёғоч, 300 т дан кўпроқ турли ўсимлик, бута, дарахт уруғлари тайёрланади. Ўрмон хўжаликлариди ҳар йили 450 – 500 дан зиёд доривор ўсимликлар хом ашёси тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилади. 22 та ўрмон хўжалиги ва 8 та ихтисослашган хўжаликларда 15 турдан ортиқ шифобахш ўсимликлар экиб кўпайтирилади.

Республика ўрмон фонди ерларида йилига 30 – 40 минг га майдонда ўрмон тиклаш (уруғ сочиш ва кўчат экиш) ишлари олиб борилади. Давлат хўжаликлари ва бошқа қ. х. ерларида 45 минг га дан зиёд ерда дала ихота ўрмонлари барпо қилинган. Орол денгизининг қуриган тубида қумларни мустақкамлаш бўйича фитомелиорация тадбирлари, чорвачилик хўжаликларининг чўл яйловларида ихота дарахтзорларини барпо қилиш бўйича амалий ишлар бажарилади.

Ўрмон хўжалиги корхоналарида сурилма ва сел оқимларининг олдини олиш, тупроқ эрозиясини тўхтатиш, атроф-муҳитни яхшилаш учун ёнғоқ, арча экишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўрмон хўжаликлари кўчатзорларида ҳар йили ўрмонлар барпо этиш ва тиклаш ишлари учун 60 млн.га яқин кўчатлар, жумладан 10 млн. тупдан ортиқ саксо-

вул, 1,2 млн. тупга яқин пайвандланган мевали дарахтлар кўчатлари етиштирилади. Барча ўрмон хўжалиги корхоналарида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган бўлиб, улар асаларичилик, чорвачилик, боғдорчилик ва деҳқончилик б-н шуғулланади.

1995 й.да бир неча янги махсус ўрмон хўжаликлари ташкил этилди. Тошкент ўрмон-мелиоратив коллежининг ўқув маркази, Тошкент вилоятидаги Сижжак давлат овчилик қўриқхонаси, Самарқанд вилоятидаги тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этиш бўйича 3 та махсус ўрмон хўжалиги, Бухоро вилоятидаги Пешку, Қашқадарё вилоятидаги Қумдарё ўрмон хўжаликлари ҳамда Қорақалпоғистон Республиканинг Нукус ш.даги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ихтисослашган махсус ўрмон хўжалиги ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги махсус қарори (1994 й. 8 фев.) республика ўрмон хўжалигида янги тармоқ – теракчиликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди ва республикада ҳар йили 10 минг га дан ортиқ теракзорлар барпо этиш йўлга қўйилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрмон фонди ерларининг қўриқланиш тоифалари бўйича бўлиниши тўғрисида»ги қарори (2001 й., 9 апр.) га асосан ўрмонларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ҳисобга олиб республикадаги барча ўрмонлар I-тоифа ўрмонларига киритилган.

Ўрмон хўжалигини ривожлантириш муаммолари б-н Ўзбекистон манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий-и. ч. маркази (2005) ва ўрмон-қурилиш ва лойиҳа-изланиш корхонаси шуғулланади.

Республика ўрмон хўжалиги учун олий ва ўрта маълумотли мутахассислар Тошкент Давлат аграр ун-тининг Ўрмон хўжалиги ф-тида, Тошкент ўрмон-мелиорация коллежида тайёрланади (Ўзбекистон ўрмон фонди ерлари таркиби кўрсаткичлари ва давлат муҳофазасига олинган табиий ҳудудлар рўйхати I- ва 2-жадвалларда берилган).

Ад.: Х о н а з а р о в А. А., Ўрмоншунослик, Т., 2001; Х о н а з а р о в А. А., Ўзбекистонда ўрмонзорлар барпо этиш асослари, Т., 2002.

Абдушукур Ханазаров.

ТРАНСПОРТИ

Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи транспортнинг барча тури – т. й., автомобиль, ҳаво (авиация), шаҳар электр транспорти (трамвай, троллейбус, метрополитен), сув (дарё), қувур транспорти, шунингдек умумий фойдаланилмайдиган (саноат) транспорти – т. й., автомобиль, тасмали транспорт, осма арқон транспорти ривож топган. 1920–91 й.ларда республика транспортининг асосий турлари собиқ Иттифоқнинг Марказий вазирликларига ёки уларнинг Ўрта Осиё, Ўзбекистон бўйича ҳудудий бошқармаларига бўйсунган: т. й. транспортга Ўрта Осиё т. й. бошқармаси, сув транспортига Ўрта Осиё давлат пароходчилиги бошқармаси, ҳаво транспортга Иттифоқ фуқаро авиация вазирлигининг Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортга ЎзССР Автомобиль транспорти вазирлиги раҳбарлик қилган.

Республика мустақилликка эришганидан кейин транспортнинг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва транспорт бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (1992 й. 28 янв.), «Ўзбекистон автомобиль транспорти» («Ўзавтотранс») давлат-акциядорлик корпорацияси (1993 й. 8 янв., 1998 й. 11 июлдан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги); «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (1994 й. 7 нояб.) ва б. идоралар ташкил этилди.

Қурама тоғлари ўрмонзорлари.



Мамлакатда транспорт корхоналари давлат иштироқидаги акциядорлик компаниялари, корпорациялари, очик турдаги акциядорлик, маъсулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди.

Республика ҳудудида барча транспорт турларининг юк ва йўловчилар ташиш ишларини мақбул ҳолга келтириш, самарадорлигини ошириш, коммуникацияларни жадал ривожлантириш, транспортда юк ва йўловчиларни ташиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш мақсадида «Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси» ташкил этилди (2004 й. 11 окт.). Уюшма таркибига «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтойўл» компанияси, транспорт коммуникациялари қурилиши б-н шуғулланувчи республика лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари кирган.

Республикада автотранспорт воситаларининг бир қисми (автобуслар, юк ва енгил машиналар) ширкат ва фермер хўжаликлари, фуқароларнинг мулки.

20-а. бошларига қадар Ўзбекистонда юк ва йўловчилар, асосан т. й., от-улов транспортларида, туя, хачир ва б. юк ташувчи ҳайвонларда ташилган. 20-й.лардан автомобиль ва ҳаво транспорти, йирик sanoat корхоналари қурилиши б-н sanoat транспорти вужудга келди. Sanoat ва қ. х.да и. ч.нинг ўсиши, кенг миқёсдаги капитал қурилиши ва транспорт моддий-техника базасининг юксалиши б-н юк ва йўловчилар ташиш ҳажмлари ҳам орта борди. Республиканинг умумий юк айланмасида транспорт турларининг солиштирма ҳиссаси ҳам ўзгарди.

2005 й.да барча транспорт турларида 785,8 млн. т юк ташилди, юк айланмаси 69,2 млрд. т км ни ташкил қилди. Ташилган юклар умумий ҳажмининг 85,1% автомобиль транспорти, 5,8% т.й. транспорти, 9,1% қувур транспорти, 0,001% ҳаво транспорти ҳиссасига тўғри келади. Умумий фойдаланишдаги ва sanoat транспорти турларида юк ва йўловчиларнинг асосий қисми автомобиль транспортида ташилади (1995 й.да юкларнинг 70%; 1819,6 млн. йўловчи; 2003 й.да 84,3%; 3121 млн. йўловчи; 2005 й.да 85,1%; 3830,0 млн. йўловчи).

Республикада транспорт иқтисодий районлар ва корхоналар, халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида, шунингдек

мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни таъминлайди. Республиканинг транспорт тизими т. й., автомобиль йўллари, замонавий ускуналар б-н жиҳозланган т. й. вокзаллари, ст-ялари, юк омборлари, замонавий терминаллар, пристанлар, ҳаво флотининг йирик аэровокзаллари ва б. инфратузилма бўлинмаларини қамрайдиган мураккаб халқ хўжалиги мажмуини ташкил этади.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш даврида самарали ягона транспорт тизимини яратиш бўйича масалалар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Мамлакат транспорти аҳоли ва миллий иқтисодиёт эҳтиёжларини тўла қондиришга қодир.

Темир йўл транспорти. Халқ хўжалигида т. й. транспортининг йўловчилар ҳамда юк ташишда салмоғи катта. Айниқса юклар экспорти ва импортида муҳим ўринда туради. Ўзбекистон т. й. орқали Шимол ва Жанубни, Шарқ ва Ғарбни боғловчи катта транзит юк оқими ўтади. 1972 й.да қурилган Қўнғирот – Бейнов магистрალი Қозоғистон орқали Россиянинг Марказий, Жанубий, Урал минтақаларига туташган. Ховос – Арис магистрალი ҳам мамлакатни Қозоғистон орқали яна Россия б-н, Қўқон – Душанба йўналиши Тожикистон, Тошкент – Туркманбоши (собик Красноводск) йўли Туркменистон б-н боғлайди. 2005 й. 1 янв. ҳолатига кўра республикада халқ хўжалигига тегишли sanoat корхоналарига тортилган (умумий фойдаланилмайдиган) т. й. уз. 3,1 минг км ни ташкил этади; «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясига қарашли асосий йўлларнинг фойдаланиш уз. 3992 км, бундан ташқари 1992,7 км ст-я йўллари ва 362,4 км республика корхоналари шохобча йўлларидан фойдаланилади.

21-а. бошида Ўзбекистон т. й. транспорти ижтимоий соҳалар ва и. ч.га йўналтирилган корхона, муассаса ва ташкилотлардан иборат бўлган ягона технологик и. ч. мажмуига айланди.

Ўзбекистонда дастлабки т. й. 1886–88 й.ларда Фороб ст-ясида Самарқандга-

ча ётқизилган (подшо Россияси томонидан империянинг жан. чегараларини мустаҳкамлашга қаратилган мустамлакачилик ва ҳарбий стратегик мақсадлардаги Закаспий ҳарбий т. й. номи б-н 1880 й. нояб.дан 1886 й.дек.гача қуриб битказилган Красноводск – Чоржўй т. й.нинг давоми). 1888 й. май ойида Амударё орқали 2,7 км узунликдаги ёғоч кўприк қуриб битказилиши б-н т. й.да Самарқандгача поездлар қатнови бошланди. Кейинчалик бу йўл 1895–97 й.ларда Урсатьевская (Ховос) ст-ясида Қўқонгача давом эттирилди. 1899 й. т. й. Тошкентга етказилди, Самарқанд – Тошкент магистрალი Ўрта Осиё т. й. номини олди (1899). 1874 й. Россия империясининг махсус т. й. комиссияси қуриш зарур, деб топган Тошкент – Оренбург т. й. қурилиши 1890 й. кузида бошланди. 1906 й. янв.да Тошкент – Оренбург т. й. (Тошкент темир йўли) ишга туширилди. 1907 й. Когон – Бухоро, 1913–16 й.ларда Фарғона халқа т. й.нинг Қўқон – Наманган – Андижон қисми, 1913–15 й.ларда Когон – Амударё ст-яси ва Қарши – Китоб шохобчалари қурилди. 1917 й.га қадар ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида жами т. й. уз. 1,1 минг км эди.

Фуқаролар уруши йилларида т. й.нинг ҳаракат таркиби ва йўл хўжалигига жиддий зарар етди. Т. й. қатновини тиклаш учун большевиклар ҳокимияти дарҳол зарур чораларни кўрди. Шаҳарлараро янги т. й. линиялари қурилишига ҳам эътибор берилди. Фарғона (Искобил) – Қувасой (1922), Қарши – Китоб (1924), Амударё (Самсоново) – Термиз (1925), Асака – Шаҳрихон (1931) ва б. темир йўллари қурилиб фойдаланишга топширилди. 1929–31 й.ларда уз. 1452 км бўлган Туркистон – Сибирь (Турксиб) т. й. қурилди.

30-й.ларда Ўзбекистон т. й.да ЭУ сериядаги янги паровозлар ишлай бошладди, йирик ст-яларда вагонлар сара-

Оренбург—Тошкент темир йули қурилиши (тарихий сурат).



лашда қулай бўлган махсус мосламалар — ним дўнглик (горка) лар, контейнер майдонлари қурилди, катта масофалардаги т. й. линиялари реконструкция қилинди, поездларнинг ҳаракат тезлиги оширилди, юк ва йўловчилар ташиш кўпайди.

1941—45 й.лардаги уруш даврида т. й. транспортда фронт учун зарур юклар ташилди. Урушдан кейинги йилларда транспортнинг бу соҳасида туб ўзгаришлар қилинди. Локомотивлар қуввати оширилди, поездлар тигиз қатнайдиغان жойларда иккинчи йўллар қурилди. Ст-яларнинг техника б-н жиҳозланиши яхшиланди. Бу даврда магистраль йўллардан саноат шаҳарларига (Тошкент — Ангрен, Тошкент — Чирчиқ) шохобча йўллар қурилди. 1963 й. Красноводск — Боку паром йўлининг ишга туширилиши б-н Тошкент — Красноводск т. й. Озарбайжон т. й. б-н мунтазам боғланди. 1964 й. Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон т. й.лари бошқаруви Тошкентда бўлган ягона Ўрта Осиё т. й.га бирлаштирилди. 1971 й.да Қозоғистон орқали Россияга чиқадиган Қўнғирот — Макат т. й. қурилди. 1982 й. Термиз ш. яқинида Амударё орқали Афғонистонга ўталган т. й. ва автомобиль йўли куприги фойдаланишга топширилди. Аксари-

Навоий—Учқудуқ—Нукус темир йўлининг очилиши (2001 й.)



ят вилоят марказларида янги т. й. вокзаллари қурилди.


1994 й. ноябда Ўзбекистон Республикасида жойлашган т. й. корхоналари ва бўлимлари, лойиҳа-конструкторлик ва б. ташкилотлари, муассасалари негизда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди. Республика т. й. транспортни ривожлантириш истиқболлари Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари (Эрон, Покистон, Туркия, Ўрта Осиё давлатлари, Афғонистон, Озарбайжон) ўртасидаги Клетта режаси (1995) да белгиланган вазифалар қаторидан ўрин олди.

«Ўзбекистон темир йўллари» 50 мингдан ортиқ турли типдаги юк вағони ва Германияда тайёрланган рефрижераторларга, йўловчилар ташиладиган 1450 вағонга эга. Компаниянинг т. й.дан фой-

даланишга масъул бўлган Тошкент, Фарғона, Қўқон, Бухоро, Қўнғирот, Қарши-Термиз минтақавий т. й. узеллари фаолият кўрсатади (2006).

2005 й.да магистрал т. й. транспортда 45,8 млн. т. юк ташилди. 20 тоннали контейнерлар б-н юк ташиш республикадаги 11 ст-яда (Шумилов, Жиззах, Қақир, Марғилон, Андижон, Раустон, Улугбек, Тинчлик, Бухоро-2, Қарши, Урганч) да амалга оширилади.

Ташиладиган юкларнинг асосий қисмини нефть юклари, тошқўмир, дон ва янчилган дон маҳсулотлари, минерал ўғитлар, цемент, ёғоч-тахта, қурилиш юклари ташкил этади. Юк ташишда тепловозлар (республика т. й.да паровоз 1974





«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг ахборот-ҳисоблаш маркази.

й.гача ишлатилди), йўловчилар ташишда тепловоз ва электропоездлар хизмат кўрсатади. 2005 й.да т. й. транспортда 15,1 млн. йўловчи ташилди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишда, айниқса шаҳарлар атрофидаги қатновда электропоездлардан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда.

Т. й.ни э л е к т р л а ш т и р и ш дастлаб 1970 й. Тошкент – Янгийўл участкасида бошланган. Кейинроқ Хўжакент – Сирдарё линияси (148 км) да электр поездлари қатнови йўлга қўйилди. 1985 й.дан т. й.ни ўзгарувчан токда электрлаштиришга ўтилди. 1993 й.да электрлаштирилган участкалар уз. 353,6 км га етди (умумий фойдаланиладиган т. й.нинг 8,5%). 1993 й.да Ховос – Бекобод ва Ховос – Жиззах линиялари электрлаштирилди. 2003 й.дан Тошкент – Самарқанд, 2005 й.дан Тошкент – Самарқанд – Бухоро йўналишларида тезювар электропоездлар қатнай бошлади.

Ўзбекистоннинг ягона т. й. тармоғини вужудга келтириш бўйича 1994 – 2001

й.ларда уз. 700 км га яқин Навоий – Учқудуқ – Нукус т. й. қуриб битказилди. Қурилиши 1995 й.да бошланган 220 км ли Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон т. й.нинг 115 км дан ортиқ қисми қурилиб, поездларнинг иш қатнови йўлга қўйилди (2005). Бу йўллар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Республикада поездлар ҳаракатини бошқариш ягона диспетчерлик маркази (Тошкент) дан амалга оширилади. Поездлар ҳаракатини бошқариш тизимларини автоматлаштиришга хизмат кўрсатадиган катта қувватли ахборот-ҳисоблаш маркази бор. «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг локомотив парки янги типдаги тепловозлар, электровозлар, электропоезд (секция) ларидан ташкил топган. «Ўзтемирйўл таъмирлаш» и. ч. бирлашмасининг бош корхонаси – «Тошкент тепловоз таъмирлаш з-ди» (1900; 1958 й. реконструкция қилинган) да локомотивларнинг з-д таъмири ҳамда «Ўзвагон таъмир» акциядорлик жамиятида барча турдаги юк вагонларининг жорий ва режали таъмири, 2001 й.да Тошкентда Япония б-н ҳамкорликда ташкил этилган «Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш заводи» қушма корхонаси акциядорлик жамиятида йўловчилар вагонлари (бир йилда 450 вагон) таъмирланади.

Республикада т. й. қурилишини лойиҳалаш ишларини Тошкент транспорт лойиҳалаш-қидирув ин-ти (Ташгипротранс, 1952) ва Тошкент т. й. лойиҳалаш-қидирув ин-ти («Тоштемирйўл лойиҳа», 1969) олиб боради. Т. й. транспортини учун инженер ва техник ходимлар «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг Тошкент т. й. муҳандислари ин-ти (1931), Тошкент (1932), Самарқанд (1932), Ховос (1979) т. й. транспортини коллежларида тайёрланади.

Ачилбой Раматов.

Автомобиль транспорти. Республика халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари ва мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондириш даражасида ривожланган автомобиль транспортига эга. Ўзбекистонда 20-а. бошларига қадар от-улов асосий транспорт воситаси бўлган. Дастлабки автобус қатнови 1906 й.да Фарғона – Марғилон маршрутида йўлга қўйилган. 1910 й. Тошкентда чет элларда ишлаб чиқарилган 8 та кичик ва 1 та 40 ўринли автобус қатнай бошлади.

1921 й.да республика автомобиль транспорти ихтиёрида 40 енгил ва 15 юк автомобили ҳамда Тошкент автомобиль таъмирлаш устахонаси бор эди.

1924 й.га келиб республикадаги автомобиль корхоналарида 223 автомобиль бўлиб, 145 минг т юк ташилди. 30-й.ларда автомобиль транспортининг ривожланиши б-н қаттиқ қопламали йўллар қурилиши бошланди, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш корхоналари, кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлари очилди. 1939 й. 25 июлда Ўзбекистон автомобиль транспорти халқ комиссарлиги ташкил этилди. Республика шаҳарларида жойлашган «Союзтранс», «Ўзтранс», «Союзсовхозтранс» каби ташкилотларга қарашли Тошкент, Наманган, Қўқон, Бухоро ва б. шаҳарларда жойлашган 14 автоҳўжаликда 610 юк автомобили бўлиб, Тошкент, Самарқандда машинасозлик ва аккумулятор устахоналари ишлади. 1940 й. умумий уз. 585 км бўлган 14 маршрут бўйлаб 8,8 млн. йўловчи ташилди.

1941–45 й.ларда республикадаги транспорт воситаларининг катта қисми фронт эҳтиёжлари учун олинди, 1943 й. республикада 168 автомобиль қолган эди холос. Автомобиль транспорти парки 1944 й. 1940 й.га нисбатан 69,5% га қисқарди, аммо шунга қарамай саноат кор-

Амударё орқали ўтган Учқудуқ—Мискин темир йўл кўприги.



хоналари қурилишида автотранспорт катта ҳажмдаги ишларни бажарди.

Урушдан кейинги 1945–49 й.ларда автотранспортда юк ва йўловчилар ташиш ўсди. 60 – 80 й.ларда республикада автотранспорт воситаларининг тур таркиби кўпайди. 1999 й. республика халқ хўжалиги тасарруфида турли мақсадлар ва маркадаги 199,7 минг юк автомобиллари (унинг 55 мингдан ортиғи ўзи ағдарувчи), 35,4 минг автобус, 45,9 минг энгил автомашиналар хизмат кўрсатди. Умумий фойдаланиладиган автомобиль транспортда йўловчилар ташишга мўлжалланган 14,7 минг автобус, 5 мингдан кўпроқ энгил такси машиналари ишлади. Республика бўйича 2892 автобус маршрутларида (жумладан 593 шаҳар, 1768 шаҳар атрофи, 532 шаҳарлараро) автобуслар қатнади. Автобуслар б-н ҳар куни 5 млн.га яқин йўловчи ташилди. Республикада 27 автовокзал, 120 автостанция хизмат кўрсатди. Фақат шаҳарлардаги автобус маршрутларида турли маркадаги 3 мингга яқин автобус қатнайди. 2006 й. 1 янв. ҳолатига кўра республика бўйича 2575 автобус маршрутлари бўлиб, шулардан 244 таси шаҳар ва шаҳар атрофи, 868 таси йўналишли такси, 400 таси шаҳарлараро, 51 таси шаҳарлараро йўналишли такси қатновига мансуб. Ҳар куни ўрта ҳисобда шаҳарлар ва шаҳар атрофи маршрутларида 3773 та автобуслар, 6929 та микроавтобуслар, 9257 та «Дамас» русумли кичик автобуслар, шаҳарлараро йўналишларида эса 1245 та автобуслар, 663 та микроавтобуслар хизмат қилди. 1991 й.га қадар Ўзбекистон халқ хўжалигида асосан Россия («Зил», «Москвич» – Москва ш.; «ГАЗ» юк ва «Волга» энгил автомобиллари – Нижний Новгород ш.; «КаМаз» – Набережные Челни ш.; «Жигули» – Тольятти ш.; «УАЗ» – Ульяновск ш.; «Урал» – Челябинск вил. Миасс ш.; «ПАЗ» – Павлов ш.); Украина («ЛАЗ» – Львов ш.; «КраЗ» – Кременчук ш.;

«ЗАЗ» – Запорожье ш.), Белоруссия («МАЗ» – Минск ш.; «БелАЗ» – Жодино ш.), Грузия («КАЗ» – Кутаиси ш.)да ишлаб чиқарилган юк ва энгил автомобиллари, автобуслари ишлатилди. 1996 й.дан «ЎздЭУавто» қўшма корхонаси (Асака автомобиль э-ди) нинг ишга туширилиши б-н республика автомобиль транспортда «Дамас», «Тико», «Нексия» энгил автомобилларида кенг фойдаланишга ўтилди. 1999 й.дан Самарқанд ш.да «СамКочАвто» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонасида урта ҳажмли автобуслар, турбодизелли автобуслар, юк машиналари ишлаб чиқарила бошланди ва республика йўловчилар ташиш ҳамда юк транспорти корхоналарига кўплаб етказиб берилди.

ЎзР нинг юк машиналари саройларида вазифасига кўра ихтисослаштирилган (ўт ўчириш, ун, пахта, дон, қурилиш материалларини ташиш, санитария ва б.) автомобиллар бор. Республикада халқ хўжалигининг саноат, қ. х., қурилиш, сув хўжалиги, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиги, маданият, муҳофаа ва б. тармоқларида ихтисослаштирилган йирик автотранспорт корхоналари мавжуд. Улар вазифасига кўра умумий фойдаланилмайдиган ички и. ч. автомобиль транспортига кирди. 90-й.лар бошидан аҳолига энгил автомобиллардан ташқари юк автомобиллари ҳамда автобусларни сотиб олишга рухсат берилиши натижасида шахсий автотранспорт сони ва тур таркибида ҳам жиддий ўсиш кузатилди. 1995 й.да республикада фуқароларнинг мулки бўлган ва мамлакатда ҳамда чет элларда ишлаб чиқарилган 788,2 минг энгил, 16,9 минг юк автомобиллари, 2,6 минг автобуслар, 419,1 минг мототранспорт (мотоцикл, мотороллер ва б.) бор эди. 1996 й.да Ўзбекистоннинг ҳар 1000 аҳолисига 43 та энгил автомобиль тўғри келди (улардан 39 таси шахсий фойдаланишда). 2005 й.

млн. т юк, 3830,0 млн. нафар йўловчи ташилди, юк айланмаси 14,1 млрд. т · км ни, йўловчи айланмаси 39,0 млрд. йўловчи · км ни ташкил этди. 90-й.ларнинг 2-ярмидан юк ва йўловчи ташувчи хусусий автомобиль транспорти пайдо бўлди. 2005 й.да республикада автомобиль транспортда ташилган юкларнинг умумий ҳажмида уларнинг ҳиссаси 57,6%ни (юк айланмаси 8,1 млрд. т. км), йўловчи ташиш умумий ҳажмида 64,5%ни (29,7 млрд. йўловчи, км) ташкил қилди.

Юк ва йўловчилар ташувчи автомобиль транспортининг йирик корхоналари Ўзбекистон автотранши ва дарё транспорти агентлиги, Тошкент ш.да эса «Тошшаҳарйўловчитранс» ва «Тошшаҳарюктранс» акциядорлик жамиятлари таркибига кирди. Агентликнинг «Ўз-ташқитранс» савдо-транспорт бирлашмаси ва «Ўзбекавтотур» фирмаси халқаро юк ташиш ва йўловчилар қатновига хизмат кўрсатади. Автомобиль транспорт соҳасида лойиҳа ишларини «Автомобиль ва дарё транспорти тараққиётини норматив-техник таъминлаш Республика маркази», «Пасстранс медиа» агентлиги амалга оширади (2003 й. ташкил қилинган).

Тармоқ корхоналари учун муҳандис-техник ходимлар 12 мутахассислик бўйича Тошкент автомобиль ва йўллар ин-ти (1972), Қўқон (1945), Нукус (1965), Бухоро (1969), Урганч (1981), Тошкент (1986) автомобиль ва йўллар коллежларида, автомобиль транспорти ҳайдовчилари автомобиль транспорт корхоналари ва «Ватанпарвар» кўнгртли тармоқлотига қарашли, шунингдек хусусий автомобиль ўқув к-ти ва курсларида тайёрланади. Автомобиль транспорти тизимида «Йўловчи» Ўзбекистон акцияридоғур суғурта компанияси йўловчиларни суғурта қилиш ишлари б-н шуғулланади.

Садир Салимов.

Автомобиль йўллари. Республика ривожланган йўл хўжалиги ва замонавий талабларга жавоб берадиган халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларига эга. 2005 й. 1 янв. ҳолатига кўра республика автомобиль йўллари тармоғининг ум. уз. 184877 км, шу жумладан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари – 43558 км, қишлоқ ички хўжалик йўллари – 59267 км, қишлоқ кўча ва йўллари – 52122 км; шаҳар кўча ва йўллари – 17807 км, корхоналар тасарруфидаги йўллар – 5462 км; иншоотларни назорат қилиш йўллари – 6631 км. Аҳамиятига кўра халқаро аҳамиятдаги 3283 км, давлат аҳамиятидаги 18739 км, вилоят ва маҳаллий аҳамиятдаги 21354 км йўллар бор. Шунингдек, республикада идоралар (кор-

1 - ж а д в а л

Автомобиль йўллари қурилишининг асосий кўрсаткичлари (минг км)

	1990	1995	2000	2004	2005
Халқ хўжалигидаги жами қопламали йўллар шу жумладан, қаттиқ қопламали	78,4	85,7	91,2	89,0	90,0
Умумий фойдаланиладиган қопламали йўллар, жами шу жумладан, қаттиқ қопламали йўллар улардан:	67,0	74,4	73,0	73,0	74,6
цемент-бетон қопламали	42,7	43,5	43,5	42,0	44,0
асфальт-бетон қопламали	40,4	41,6	42,1	42,3	42,3
катрон-шағал ва қора	0,3	0,3	0,339	0,337	0,339
қопламали тош йўллар	20,7	21,9	22,058	22,058	22,058
	17,7	17,8	19,621	20,5	20,5

1 янв. ҳолатига кўра Ўзбекистонда фуқароларнинг хусусий мулки бўлган 1 млн. 113 мингдан ортиқ ҳар хил моделдаги энгил автомобиллар, 36637 та юк автомобиллари, 20 мингга яқин микроавтобуслар бор. 2005 й.да автомобиль транспортда 668,5

хона, ширкат, фермер хўжаликлари, хўжалик ташкилотлари) га қарашли йўллар ҳам мавжуд.

1992 й. 3 июлда «Автомобиль йўллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

1992 й. фев.да Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик концерни тузилди (1969 – 1992 й.ларда вазирлик). 2003 й. 21 авг.да концерн негизида давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди. Компания таркибида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар йўл қурилиш ҳудудий шўба ташкилотлари ва уларнинг таркибдаги 168 та йўл хўжалиги туман-пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси, 17 та йўл таъмирлаш ва қурилиш ташкилотлари, 11 та саноат ва транспорт корхоналари, автомобиль йўллари реконструкция қилиш ва қуриш бирлашган дирекцияси, минтақалардаги лойиҳа ин-тлари ва «Ўйўллойиҳа» ин-ти каби 240 та корхона ва ташкилот бор.

20-а. бошида Ўзбекистонда 27 минг км йўл бўлиб, асосан от-арава, карвон ва йўловчиларга мўлжалланган, шундан фақат 2 минг км га шағал ётқизилган эди. 1920 й.га қадар йўл ишлари б-н мунтазам шуғулланган давлат ташкилоти бўлмаган. 1921 й. окт.да Туркистон Республикаси Меҳнат ва мудофаа Кенгаши қошида транспорт бош бошқармаси, вилоят ва туманлар ижроия қўмиталари қошида маҳаллий транспорт бўлимлари ташкил этилган ва улар бошқа вазифалар б-н бир қаторда йўл қурилиши масалалари б-н ҳам шуғулланганлар. 1925 й. июнда вилоят йўл бошқармалари ташкил этилди. Бошқармалар вилоят йўл қурилиши ва улардан фойдаланишга оид масалалар б-н шуғулланган. 1927 й.дан йўл қурилиши ишлари давлат режа ишларига киритилди. 1927 й.да Ўзбекистонда давлат йўлларининг жами уз. 923 км га етди. Бу даврда йўл хўжалиги, асосан шағал, тош тўшалган йўл шохобчаларини кенгайтириш ҳисобига ривож топди. 1932 й.дан йўл қурилишида битум ва шағал аралашмаси кенг қўлланди. 1928–32 й.ларда республикада биринчи бўлиб уз. 62 км бўлган қора қопламали Бухоро – Гиждувон – Қизилтепа йўли, сўнгра Самарқанд – Панжикент, Тошкент – Пскент – Муротали, Қўқон – Шўрсув – Андижон – Куйганёр ва б. йўллар қурилди.

1929 й.да Республика ХКС ҳузурида йўллар ва автомобиль транспорти бош бошқармаси, 1930 й.да «Ўйўлқурилиш-трест» акциядорлик жамияти ташкил



Тошкент Кичик ҳалқа йўлининг бир қисми.

этилди. 1933 й.да район йўл бўлимларини ташкил этиш ишлари тугалланди. 1937 й.да йўл шохобчалари 22 минг км, жумладан қаттиқ қопламали автйўллар 2200 км га етказилди. 1935 й. окт.да жами йўл хўжалиги республика Ички ишлар халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказилди. Бу комиссарлик таркибида Тош йўллар бошқармаси тузилди. 1939–40 й.ларда колхозчилар, манфаатдор жамонат ташкилотлари ва идоралар иштирокида ҳашар йўли б-н Тўйтепа – Ангрен, Фарғона – Горчаково, Самарқанд – Жиззах – Ровот сингари қопламаси яхшиланган йўллар қурилди. Республика ҳукумати 1940 й. уз. 708 км бўлган Катта Ўзбекистон трактини (Тошкент – Термиз автомобиль йўли) қуриш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бу йўлнинг 376 км Тошкент, 227 км Самарқанд, 162 км Бухоро вилояти меҳнатқашлари томонидан 1941 й.нинг 4 ойида қуриб тугалланди. 1940 й. охирида барча йўлларнинг уз. 32,5 минг км, қаттиқ қопламали йўллар тармоқлари 4700 км ни таш-

кил этди (жами йўлларнинг 14,5%). 1941–45 й.ларда республика миқёсида 234 км йўл қурилди. 1953 й. ЎзССР Автомобиль транспорти вазирлиги ҳамда ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Йўллар бош бошқармаси негизида ЎзССР Автомобиль транспорти ва тош (шоссе) йўллар вазирлиги ташкил этилди.

1957 й. республика автомобиль йўллари тармоқлари рўйхати ўтказилди. Умумдавлат (умумиттифоқ) ва республика аҳамиятидаги йўллар (2847 км) республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар вазирлиги ихтиёрига, иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган йўллар (5692 км) вилоят ижроия комитетлари йўл бўлимларига, қолган барча йўллар (19211 км) к-з, с-з ва корхоналар ихтиёрига ўтказилди. Ихтисослаштирилган машина-йўл ст-ялари тузилди. Ҳар бир ст-я ўрта ҳисобда 300 км

Камчик довоидаги автомобиль тоннели.



атрофида йўлга хизмат кўрсатди. 1960 й.дан йўлсозлик асфальт-бетон з-дларини барпо этиш бошланди (1960 й.га қадар республикада 120 км асфальт-бетон қопламали йўл бўлган).

1969 й.да ЎзССР Автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш вазирлиги ташкил этилди. 60–70-й.ларда Тошкент – Чиноз, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, Самарқанд ҳалқа йўлининг 1-навбати, Нурота – Боймурот – Оқтов, Қўқон айланма йўллари ва б. фойдаланишга топширилди. Йўл қурилишида янги машина ва механизмларни қўллаш кенгайди, йўл қуриш индустриясининг асфальт-бетон, кўприклар қуриш учун йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарувчи объектлари ишга туширилди. 1975 й.да умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг умумий уз. 30543 км ни ташкил этди (унинг 12% ёки 3338 км такомиллаштирилган капитал типдаги йўллар). 1975–80 й.ларда 4400 км янги йўллар қурилди ва реконструкция қилинди. 80-й.ларнинг 2-ярмилан халқ хўжалигида юкларнинг 90% дан кўпроги автомобиль траспортида ташилди.

Республика мустақилликка эришганидан кейин халқаро талабларга жавоб берадиган автомобиль йўлларини қуриш, мавжуд автомобиль йўлларини халқаро андозаларга мослаш, йўлларни сақлаш ва таъмирлаш, янги барпо этилаётган санавот р-нларини халқаро магистраллар б-н боғлайдиган йўллар қурилиши масалаларига эътибор кучайди. Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиёда тутган ўрни, санавот ва қ. х.нинг ривожланиши, қушни давлатлар б-н иқтисодий алоқаларнинг жадал ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда автомобиль йўллари тармогини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг 1995 – 2010 й.ларга мўлжалланган миллий дастури ишлаб чиқилди. Шу дастур доирасида 1996 й.дан Тошкент – Андижон – Ўш магистралининг 100 км дан ортиқ тоғли участкаларида Қамчиқ ва Резак тоннелларини қурган ҳолда реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бошланди. Алматы – Бишкек – Тошкент – Термиз ва Самарқанд – Бухоро – Ашгабат – Туркманбоши автомобиль йўли – Европани Кавказ орқали Осиё б-н боғлайдиган автомобиль йўли (Европа – Кавказ – Осиё транспорт йўлагининг бир қисми)нинг республика ҳудудидан ўтайдиган қисмини таъмирлаш ишлари амалга оширилди, Ўзбекистонни Қозоғистон орқали Россия Федерацияси б-н боғлайдиган 340 км ли Қўнғирот – Бейнов автомобиль йўли қурилишининг 1

босқичи якунланди. 1999 й.дан халқаро аҳамиятдаги уз. 1422 км Андижон – Тошкент – Нукус – Қўнғирот тезоравр автомагистралининг қурилишини лойиҳалаш ва қуриш бошланди (мазкур йўл Европани Ўзбекистон ва Қозоғистон орқали Хитой б-н боғлайдиган Европа – Осиё трансконтинентал автомагистрала (Е-40) нинг бир қисми). 2003 й. 16 июнда Афғонистон Ислому Давлати, Эрон Ислому Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида Техрон ш.да имзоланган халқаро Трансафғон транспорт йўлагини яратиш тўғрисидаги Битимга асосан Ўзбекистон йўлсозлари бу транспорт йўлагини лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлаш ишларида фаол иштирок этмоқда.

1995 – 2005 й.ларда Ўзбекистонда 2,5 минг км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қурилди, 1435 км автомобиль йўллари қайта қурилди ва юқори тоифага ўтказилди, 47046 км йўл, шу жумладан 2568,4 км йўл тўлиқ таъмирланди, 460 дан ортиқ йўл кўприклари қурилди. Республикада жами йўлларнинг 95,6% ига қаттиқ қопламалар ётқизилган, жумладан, цемент-бетон қопламали йўллар 0,8% (371 км), асфальт-бетон қопламали йўллар 52,14% (22373 км), қора қопламали йўллар 47,06% (17758 км) ни ташкил этади. Шунингдек, 1748 км шағалли-тошли, 1091 км табиий тупроқ қопламали йўллар бор. Тоифаларига кўра 2540 км 1-, 5815 км 2-, 7864 км 3-, 19566 км 4-, 8827 км 5-тоифага кирди (2005). Республикада йўл хўжалигининг асосий кўрсаткичлари жадвалда берилган.

Садир Салимов, Воҳид Абзамов.

Ҳаво транспорти. Ўзбекистон жаҳондаги кўп мамлакатларнинг пойтахтлари, йирик шаҳарлар, санавот марказлари б-н ҳаво йўллари орқали боғланган. Йўловчиларга халқаро ва маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатилади, турли мақсадлардаги юклар ташилади. Махсус мақсадлардаги авиация парки қ. х., тиббий-санитария хизмати, қурилиш-монтаж, метеорология, геология-қидирув, газ санавоти ва б. соҳаларда унумли ишлатилади.

Республиканинг ҳаво транспорти – фуқаро авиацияси тарихи 1920-й.лардан бошланади. Ўзбекистонда биринчи ҳаво йўли 1924 й. 12 майда очилган. Уз. 800 км бўлган Тошкент – Авиёота (Тароз) – Пишпек (Бишкек) – Олмаота маршрутида Россия қўнгилли ҳаво флоти жамияти («Добролет») нинг Ўрта Осиё бўлимига қарашли, Германиядан сотиб олинган «Юнкерс-13» самолётларида да-

стлабки йўловчилар ташиш рейси амалга оширилди. Шу йили уз. 450 км бўлган Когон – Оқтўқай – Дарғонота – Хива ҳамда Бухоро – Термиз – Душанба ҳаво йўллари очилди. 1924 й. ҳаво транспортда жами 1000 йўловчи, 200 кг почта жўнатмалари, 5 тонна юк ташилди. 30-й.лар бошидан республика ҳаво транспортда юк ва йўловчилар ташиш оммавий тус олди. 1930 й.дан Тошкент – Москва йўлида самолётлар мунтазам қатнай бошлади. Айни пайтда вилоят марказларида аэропортлар, учуш-қўниш майдонлари қурилди.

1924 й. Тошкентда очилган самолётларни таъмирлаш бош устахонаси 1937 й.да Ўрта Осиё авиатаъмирлаш з-дига айлантирилди. 1940 й.да ҳаво йўллари уз. 9270 км, ташилган юк ва почта 2560 т, йўловчилар ташиш салкам 42 минг кишини ташкил этди.

Урушдан кейинги йилларда республика ҳаво транспортда ЛИ-2, ИЛ-12, ИЛ-14 ва турли модификациядаги АН-2 самолётларидан фойдаланилди. Янги типдаги ТУ-104, ИЛ-18, АН-24, ЯК-40 самолётлари, МИ-1, МИ-2, МИ-4, КА-26 вертолётлари ўзлаштирилди. АН-24, ЯК-40 самолётлари маҳаллий ҳаво йўлларида қатнай бошлади. Йўловчилар ва юк ташиш б-н айни вақтда далаларга минерал ўғитлар ва зараркунанда ҳашаротларга қарши заҳарли препаратлар селишда ҳамда ғўзани дефолиация қилиш ишларида авиациядан кенг қўламда фойдаланилди.

Қўқон (1947), Самарқанд (1948), Қарши (1955), Бухорода (1963) ва Тошкент ёнидаги Сергелида (1961) янги аэропортлар қурилди. 1974 й.дан ИЛ-62, 1977 й.дан ТУ-154 самолётлари, 1982 й. декдан ИЛ-86 аэробуслари республика ҳаво йўлларида уча бошлади. 1980 й.га келиб республика ҳаво транспорти ҳаво йўларининг уз. 155 минг км дан ортиб кетди (шу жумладан маҳаллий ҳаво йўллари уз. 60,1 минг км ни ташкил этди).

Республика мустақилликка эришганидан кейин 1992 й. янвдан собиқ Иттифоқ фуқаро авиацияси вазирлиги тасаруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг 243-таъмирлаш з-ди, «Авиакўрилиш» бирлашмасига қарашли «Авиамаксусмонтажсозлаш» негизда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат дастури қабул қилинди. Дастурда самолёт паркинни қайта ташкил этиш, эски аэровокзал мажмуаларини жаҳон андозалари талабларига мос қилиб реконструкция қилиш



ва янги мажмуалар қуриш, аэропортларни энг янги техника воситалари б-н жиҳозлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг аниқ йўллари ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Кодекси қабул қилинди (7.5.1993). Натижада Ўзбекистонда фуқаро авиацияси янги сифат босқичига эришди, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳон авиация бизнесидаги йирик компаниялар қаторига кирди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг Европа, Америка, Жануби-Шарқий Осиё, МДҲ мамлакатлари шаҳарларида 44 та ваколатхоналари очилди (2004). 1991 – 2004 й.ларда Ўзбекистон ҳукумати ёрдамида авиация тармоғини ривожлантиришга 1,2 млрд. АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар киритилди ва замонавий инфратузилма барпо этилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси АҚШ, Германия, Франция, Россия, Ҳиндистон фирмалари б-н турли соҳаларда ҳамкорлик қилади. Халқаро рейсларда «Боинг-757» ва «Боинг-764», А-310, RJ-85 самолётларидан фойдаланилади.

Тошкент халқаро аэропорти.



Тошкент аэропортининг учиш-қўниш майдони.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таркибидан 11 (Тошкент, Нукус, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Қарши, Наманган, Андижон,

Фарғона, Навоий) замонавий аэровокзал бор. Тошкент аэропорти Марказий Осиёдаги энг йирик халқаро аэропорт. Бухоро, Самарқанд, Урганч аэропортлари ҳам халқаро аэропорт мақомига эга. Миллий авиакомпания таркибидан «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси фаолият кўрсатади.

Республика авиация транспорти учун учувчилар, техника хизмати таркиби, ердаги хизмат ходимлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учиш-ўқув-техника маркази (1943 й. 15 майда ташкил этилган), Тошкент авиация ин-ти (1995) да ва Тошкент авиасозлик коллежидан тайёрланади. Республика ҳаво транспортида 2005 й.да 900 минг йўловчи, 5,7 минг т юк ташилди. Юк айланмаси 100,3 млн. т км ни ташкил этди.

Валерий Тяг.

Сув транспорти. Ўрта Осиёда қадимдан Амударё ва Сирдарёда қайиқлар ва соллардан транспорт тури сифатида фойдаланилган. 1847 й.га келиб Орол денгизининг шим. соҳили ва Қуйи Сирдарёни эгаллаган Россия империяси русларнинг таянч пунктларини кўриқ-

лаш ва янги ҳудудларни ўрганишга мўлжалланган Орол ҳарбий флотилиясини тузди. 1873 й.дан Амударёда буғ б-н юрадиган кемаларнинг узлуксиз қатнови йўлга қўйилди. 1887 й.да Амударё ҳарбий флотилияси ташкил этилди. 20-а. бошларида Амударё ва Орол денгизидеги сув йўллари бўйлаб юклар ва йўловчиларнинг анча қисми ташилган. 1923 й.да Амударё ҳарбий флотилияси «Ўрта Осиё пароходчилиги» акциядорлик жамиятига айлантирилди. 1924 й.да кема ва қайиқлар қатнайдиган сув йўлларининг умумий уз. 887 км эди. «Хива», «Меркурий» акциядорлик жамиятлари кемаларида, шунингдек, хусусий қайиқларда йўловчиларга хизмат кўрсатилган. Ўша даврда Ўрта Осиё сув йўлларида умумий юк ортиш қуввати 7 минг т бўлган 20 кема ва 50 баржа, умумий юк ортиш қуввати 24 минг т бўлган 1500 қайиқ бор эди. 1923 й.да бошқарув идораси Тошкентда жойлашган Ўрта Осиё пароходчилик бошқармаси тузилди (1934 й.да бошқарма Чоржўйга кўчирилди, 1956 й.дан Ўрта Осиё пароходчилиги собиқ Иттифоқ Денгиз Флоти вазирлиги ихтиёрига ўтказилди).

1930 й.да Тошкентда денгиз техникуми очилди (1939 й.да Чоржўйга кўчирилган). 1950 й. Термизда дарё порти очилди, 1952 й.да эса Хўжайлида кема таъмирлаш э-ди қурилди. Амударё соҳилларида янги Шарлавуқ, Тўртқўл, Беруний, Қоратов, Хўжайли бандаггоҳ (пристан) лари фойдаланишга топширилди. 1980-й.лар бошида Амударёда Панж (Тожикистон) пристанидан Мўйноққа қалар пароходлар қатнови йўлга қўйилди. Шу даврда дарёлар сувининг камайиши ва Орол денгизининг қуриб бориши натижасида сув йўллари кескин қисқарди, аммо шунга қарамай 1980 й. дарё транспортида 1420 минг т юк ташилди.



Термиз дарё порти.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Ўрта Осиё пароходчилиги Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон ўртасида тақсимланди. 1994 й. 11 майда Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарё флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби қайта ташкил этилди. Ўрта Осиё пароходчилигининг Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида «Термиз дарё порти», «Хоразм дарё флоти», «Қорақалпоғистон дарё флоти» и.ч. бирлашмалари ташкил этилди (1995). «Ўзавтотранс» корпорацияси ҳузурида дарё флоти ишини мувофиқлаштириш бўйича бош бошқарма (Тошкентда) тузилди. 2001 й. июнь ойидан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (1998) нинг Кемачилик регистри флотнинг техника ҳолати ва сув йўллари хизматини назорат қилиш ишларини олиб боради. Республика сув транспортига Термиз дарё порти, Дўстлик (собиқ Шарлавуқ), Тўртқўл, Беруний, Қоратов, Хўжайли, Питнак пристанлари, Амударё орқали Тўртқўл – Хонқа, Чалиш – Беруний понтон кўприқлари, Хўжайли кема таъмирлаш э-ди хизмат кўрсатади (2006). Термиз дарё порти Жаҳон халқаро юк ташувчи ва халқаро экспедитор денгиз ва дарё портлари рўйхатида киритилган. Портнинг юк ўтказиш йиллик қуввати 600 минг т. юкларни тушириш-ортиш қуввати 900 минг т. Афғонистоннинг Шерхон, Ҳайратон бандаргоҳи орқали экспорт-импорт юкларини етказиб беришда халқаро аҳамиятга молик. Республика дарё флотида 200 га яқин теплоход, шунингдек баржалар, землесослар, сузувчи экскаваторлар, порт кранлари ва б. ёрдамчи кемалар, техника воситалари бор. Республикада асосий сув йўлларининг умумий уз. 500 км дан ортиқ. Кемалар Аму-

дарёда Тахиятош ГЭС га қадар қатнайдди. Халқ хўжалиги юклари, асосан Термиз – Ҳ а й р а т о н , Дўстлик – Тўртқўл, Хўжайли – Тўртқўл, Хўжайли – Беруний, Қоратов – Тахиятош йўналишларида таши-

лади. Ўзбекистоннинг порт ва пристанлари т. й.лар б-н боғланган.

Абдураҳмон Абдувалиев.

Шаҳар йўловчилар ташиш электр транспорти

Республика шаҳарларида аҳолига йўловчиларни белгиланган йўналишларда ташийдиган жамоат кўча транспорти – трамвай, троллейбус, ер ости транспорти (метрополитен) хизмат кўрсатади. Шаҳар йўловчилар ташиш транспортининг ибтидоий тури 19-а.нинг 2-ярмида йирик шаҳарларда пайдо бўлган кўп сонли извошлар эди. 1901 й.да Тошкентда кўнка – тор т. й. изида отлар судрайдиган бир вагонли дастлабки шаҳар транспорти, 1912 й. биринчи трамвай ишга туширилди. 1913 й. тор изли трамвай йўли уз. 38 км га етказилди, 68 трамвай вагони қатнади, 27 млн. йўловчи ташилди.

20–30-й.ларда Ўзбекистонда шаҳар ичида қатнайдиغان жамоат транспортида туб ўзгаришлар амалга оширилди. 1940 й.га қадар Тошкентда кенг изли трамвай йўли (1936 й. Тўқимачилик к-ти–Халра майдони участкаси) қурилди. 1950 й.да Самарқандда 10,3 км масофада трамвай йўли ишга туширилди.

Метрополитен станцияси.



Троллейбус қатнови 1947 й. Тошкентда бошланди (троллейбус йўли уз. 18 км; 10 та машина). Кейинги йилларда Самарқанд (1967), Олмалик (1968), Фарғона (1970), Андижон (1971), Наманган (1973), Бухоро (1987), Нукус (1992) ш.ларида троллейбуслар қатнай бошлади. 1995 й.га келиб троллейбус йўлларининг умумий уз. 359 км (Тошкент шаҳарисиз) га етди, шу жумладан Андижон (72,2 км), Бухоро (30,7 км), Наманган (65,5 км), Нукус (15 км), Олмалик (53,2 км), Самарқанд (66,5 км), Фарғонада (56 км) троллейбуслар ишлади. 1997 й.да уз. 30 км Хива – Урганч йўналишида троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Тошкент ш. марказининг қайта қурилиши, кўчаларнинг кенгайтирилиши муносабати б-н шаҳар маркази орқали ўтадиган троллейбус қатнови қисқартирилди, 2006 й. 1 янв. ҳолатига кўра троллейбус тармоғи 141,1 км ни ташкил этди (1995 й.да 296,5 км), 10 та йўналишда 100 га яқин троллейбуслар қатнади. Нукус, Олмалик, Наманган ш.ларида, Хива – Урганч йўналишида троллейбуслар йўловчиларга хизмат кўрсатади. Шаҳарлар электр транспорти ишини маҳаллий ҳокимликлар бошқаради.

Т р а м в а й Тошкент ш.да ривожланган. Трамвай йўлларининг умумий уз. 122 км (1995 й.да 293,1 км, трамвай парки йўллари б-н бирга). 2006 й.да 7 маршрутга ўртача 98 трамвай (вагон) йўловчиларга хизмат кўрсатди. Тошкент ш.нинг ўзида трамвай ва троллейбуслар бир кунда шаҳардаги жами йўловчиларнинг 11% га хизмат кўрсатади. Тошкентда 1 трамвай, 1 троллейбус, 1 трамвай-троллейбус депоси бор.

Метрополитен йўловчиларга хизмат кўрсатишда тобора катта аҳамият касб этмоқда. Республикада метро қурилиши Тошкент ш.да 1972 й.да бошланди. Унинг 9 ст-ядан иборат уз. 12,2 км бўлган («Собир Раҳимов» – «Буюк

ипак йули» бекатлари) 1-йўlining биринчи навбати 1977 й. 6 ноябрда, 4,6 км ли 2-навбати 1980 й. 18 авг.да ишга туширилди. Метрополитеннинг умумий уз. 8 км бўлган иккинчи йўlining 1-навбати («Алишер Навоий», «Ўзбекистон», «Космонавтлар», «Ойбек», «Тошкент» бекатлари) 1984 й. ноябрда, 2-навбати («Машинасозлар», «Чкалов» бекатлари) 1987 й. ноябрда, 3-навбати 1989 й. ноябрда («Ғафур Ғулом», «Чорсу» бекатлари, уз. 2,2 км), 4-навбати («Тинчлик» ва «Беруний» бекатлари, уз. 3,2 км) 1991 й. 30 апр.да ишга тушди (бу линиянинг уз. қарийб 15 км). Метронинг Тошкент ш. марказини Юнусобод турар жой масиви б-н боғлайдиган 3-йўли (умумий уз. 14 км) нинг 1-навбати («Мингўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари) 2001 й. 26 окт.да ишга тушди. Бу йўlining 2-навбати («Файзулла Хўжаев», «Юнусобод», «Туркистон» бекатлари) қурилиши давом этмоқда, 3-навбати («Ойбек» — «Жанубий» бекатлари) ҳамда «Собир Раҳимов» — «Ипподром», Собир Раҳимов — «Эҳтиром» участкалари лойиҳаланмоқда. Метрополитеннинг умумий уз. 38,25 км, бекатлар сони 29 та (2006). Метрополитенда ҳар куни ўртача 350 минг йўловчи ташилади. Йўловчиларга 212 вагон хизмат кўрсатади. Шаҳар транспортда метрополитеннинг йўловчилар ташишдаги улуши 17% (2005). 2005 й.да шаҳар электр транспортининг барча турларида 150,0 млн. йўловчи ташилди.

Садир Салимов.

Қувур (трубопровод) транспорти

Ўзбекистонда биринчи 20 км узунликдаги нефть қувури 1908 й. Чимён нефть қонидан Ванновск (ҳоз. Олтиариқ) нефтни қайта ишлаш з-дига тортилган. Кейинчалик Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятида янги нефть қонлари очилиши б-н транспортнинг бу тури жадал ривожлантирилди. Нефть қонларидан Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш з-дларига умумий уз. 228,5 км бўлган нефтепроволлар қурилди. Республика жанада — Сурхондарё вилоятида 1947 й. Лалмикор — Қумқўрғон ва 1969 й. Амударё — Аму-Занг линиялари қурилди (умумий уз. 40 км). Қашқадарё вилоятида янги нефть қонлари очилганидан кейин 1977 й. Фарбий Тошдоқ — Қашқадарё ст-яси (3,3 км), Шим. Ўртабулоқ — Олтингургут з-ди (72 км) нефть қувурлари ишга туширилди. 1994—97 й.ларда уз. 100 км бўлган Кўкдумалоқ — Бухоро нефтни қайта ишлаш з-ди нефть қувури қури-



Газопровод қурилиши.

либ, фойдаланишга топширилди. Бухоро, Қашқадарё вилоятларида улкан газ қонларининг топилиши ва ишга туширилиши б-н Ўзбекистонда улкан магистрал ва газ тарқатадиган қувур транспорти ривож топди. Магистрал газ узатиш қувурлари (700—1200 мм) нинг умумий уз. 13,0 минг км, республиканинг ўзида газ тарқатиш қувурлари уз. 115,9 минг км (2005). 2005 й.да магистрал қувур йўллари орқали 71,5 млн. т. юк ташилди, юк айланмаси 36,9 млрд. т. км ни ташкил этди. Магистрал қувур йўллари орқали 67,6 млн. т газ ва 101,4 минг т нефть ҳайдалди (2004; 2002 й.да тегишлича 61,6 млн. т газ, 121,3 минг т нефть).

АЛОҚА ВА АХБОРОТ-ЛАШТИРИШ

Алоқа Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги ва ижтимоий инфратузилманинг таркибий қисми бўлиб, аҳоли, хўжалик субъектлари, давлат идораларининг почта, телефон, телеграф, радио ва ахборотнинг ўзга турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоғи орқали жўнатилаётган ашёларнинг етказиб берилишини таъминлайди.

Ўзбекистонда алоқа почта алоқаси, телефон (маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро) алоқаси, телеграф алоқаси, маълумотлар узатиш, ахборотлаштириш,

радиоэшиттириш, радиолаштириш, телевидение, матбуот тарқатиш каби соҳаларга бўлинади.

Алоқа мажмуаси — матбуот тарқатиш, фельдъегерлик алоқаси, махсус алоқа, уяли (радиотелефон) алоқа, электр алоқа, космик йўлдошлар орқали алоқа республика ҳаётида катта роль ўйнайди. Тармоқда 768 хизмат кўрсатиш тури мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган қундан бошлаб бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида миллий телекоммуникация тармоғининг барқарор ишлашини таъминлаш ва уни ривожлантириш муҳим вазифага айланди.

Тармоқни янада ривожлантириш учун қонунчилик ва норматив базани яратиш, катта ҳажмда инвестициялар жалб қилган ҳолда рақамли технологиялар асосида телекоммуникация тармоқларини модернизация қилишни бошлаш, шунингдек, почта алоқаси соҳасида ислохотлар ўтказишга доир чора-тадбирлар амалга оширилди.

1992 й. 13 январда Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

1999—2000 й.ларда Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида» (1999, 20 авг.) «Почта алоқаси тўғрисида»ги (2000 й. 31 авг.) қонунлари қабул қилинди. Бу қонунлар телекоммуникациялар, почта алоқаси хизматларини ташкил этиш, ушбу хизматларни кўрсатиш ва радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиди. 1992 й. 12 мартда «Ўзбектелеком» электр алоқа, «Ўзбекистон почтаси» концернлари тузилди. 1992 й.да Ўзбекистон Республикаси Халқаро электр алоқа иттифоқи аъзолигига қабул қилинди.

Тузилмавий ўзгартиришлар навбатдаги муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони б-н 1997 й.нинг июнида Алоқа вазирлиги Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига айлантирилди, алоқа қорхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди, телекоммуникациялар, почта алоқаси ва матбуот тарқатувчи акциядорлик компаниялари тузилди.

Кейинги йилларда жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ахборотлаштириш ва ахборот ҳамжамиятига муваффақиятли кириб боришнинг муҳим омилларидан бири телекоммуникацияларнинг ривожланиши, ахборотлаштириш ва ахборот технологиялари жараёнларининг ўзаро ҳамкорлигидир. Бу жараёнларнинг глобал хусусияти мамлакатимизни жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришини тақозо этади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 й. 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ни ривожлантириш ва жорий этишнинг 2002 – 2010 й.ларга мўлжалланган дастури қабул қилинди. АКТ ни ривожлантириш соҳасида мувофиқлаштирувчи олий орган – Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига айлантирилди.

1998 – 2004 й.лар мобайнида республикада алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида 7821,5 млн. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди, жумладан, Тошкент ахборот технологиялари ун-тининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, почта алоқасида янги замонавий хизматларни жорий этиш, почта хавфсизлигини таъминлаш, телекоммуникация, маълумотларни узатиш тармоғини ривожлантириш, турли кичик тармоқларни ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда алоқа тармоқларини ривожлантириш бўйича АҚШ, Германия, Япония, Италия, Туркия, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар б-н олиб борилаётган халқаро ҳамкорлик самарали бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати б-н ажратилган кредитлар ҳисобига Жанубий Кореянинг «ДЭУ», Индонезиянинг «Банк Коммуникейшн Корпорейшн», Швециянинг «Эриксон», Италиянинг «Италтел», Германиянинг «Сименс», «Алкатель», «Детелине» «Детекон», Япониянинг

Тошкент почтампоти.

«Мицуи», «НТТИ», «НЭК», Хитойнинг «Хуавей» каби илғор компаниялари иштирокида катта қувватли, рақамли маҳаллий ва халқаро коммуникация ст-ялари, минглаб километр оптик-толали алоқа

линиялари, мобил алоқа ст-ялари фойдаланишга топширилди.

Почта алоқаси. 20-а. бошларигача Ўзбекистонда алоқа тармоқлари, асосан, шаҳарлардаги почта хизматидан иборат эди. Қишлоқ жойларида эса почта умуман бўлмаган.

Ўрта Осиёда почта алоқасига ўхшаш алоқа тури айрим маълумотларга кўра, мил. ав. 5–4-а.ларга тўғри келади. Уша даврларда ҳарбий чопарлар подшолар фармони ва номаларини ноибларга ва қалъалардан хабарларни мамлакат пойтахтига етказиб турганлар. 13-а.да мўғуллар ҳукмронлиги даврида давлатлар пойтахтларидан туманлар ва қўшни давлатлар чегараларига борадиган асосий йўлларда почта манзилгоҳлари – ём (бекат, работ) лар тармоқлари барпо қилинган. Ёмлар бир-биридан 20 – 25 км масофада қурилган ва уларни қўриқчи гуруҳлар муҳофаза қилган.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейин почта, асосан, подшо Россияси амалдорлари, ишбилармонлари, маҳаллий бошқарув ва ҳокимият органларига хизмат кўрсатди. Ўзбекистонда дастлабки почта алоқаси 1865 й. Тошкент яқинидаги Ниёзбек қалъаси б-н Чимкент ш. ўртасида йўлга қўйилди. Уша йили авг. ойида Тошкентда биринчи почта ст-яси очилди, почта йўли Ниёзбекта Тошкентгача етказилди. 1868 й. Тошкент б-н Самарқанд ўртасида почта алоқаси иш бошлади. 1868 й. фев.да Тошкентда Россия почта ва телеграф вазирлигига бўйсунадиган Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари почта идоралари бошқармаси ташкил этилди. Дастлаб почта от-уловда, т. й. қурилганидан кейин т. й. орқали ташиладиган бўлди. 1913 й. Ўзбекистонда жойлашган 17 почта-телеграф бўлими, 18 почта-телеграф идораси ишлади. Телеграф алоқаси, асо-

сан тижорат мақсадларига хизмат қилди, 10 телефон ст-ясидан 9 таси хусусий кишилар қўлида эди.

1924 й.да Ўзбекистонда 110 алоқа корхонаси ишлади, шулардан 30 таси қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатди. Почта йўлларининг умумий уз. 1300 км га етди, биринчи Тошкент – Самарқанд ҳаво алоқа йўли ишга туширилди. Республиканинг йирик шаҳарлари ўртасида телеграф алоқаси йўлга қўйилди.

Урушгача бўлган даврда республикада почта алоқаси мунтазам ривожланди. 1937 й. Иттифоқ Почта ва телеграф халқ комиссарлигининг Ўзбекистон ҳукумати ҳузуридаги вакилиги Бошқармаси (1954 й.дан Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги) ташкил этилганидан кейин почта алоқаси давлат алоқа хизмати тарзида ривожланди.

Почта алоқаси республика аҳолисига хат, газета ва журналлар, жўнатма, пул ўтказмалари, пенсия тўловларини етказиб берди. 60-й.лар бошидан барча вилоят марказлари ва 118 туманга вақтли матбуот босилган куни етказиб берилган бўлди. Почта ва матбуотни ташишда авиация, т. й., автомобиль транспортдан кенгроқ фойдаланилди.

1974 й. Тошкентда Ўрта Осиё т. й. қошида почтампотинг очилиши, 1983 й. Тошкент почтампотининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилиши б-н хат, жўнатма, пул ўтказмалари, матбуот нашрларини жўнатиш ва етказиб бериш янада яхшиланди, почта алоқаси алоқанинг энг кенг тарқалган ва оммавий турига айланди. 90-й.лардан Ўзбекистонда почта алоқаси ташкилий қайта қурилади, почта хизматларини ривожлантириш, янги техника ва технологияларни жорий этишга катта эътибор берилди. 1994 й. 12 фев.да Ўзбекистон Республикаси Жаҳон почта иттифоқига аъзо бўлиб кирди. 1992 й. 1 мартда «Ўзбекистон почтаси» давлат концерни ташкил этилди (1997 й. 31 июлдан давлат-акциядорлик компанияси; 2004 й. 19 июлдан очиқ акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикасининг миллий оператори). 1993 й. 1 мартда Тошкент т. й. почтампоти «Халқаро почтампот»га айлантирилди.

Почта алоқасида почта хизматларининг тўлов белгиси бўлган почта маркаларини чиқариш дунёда давлат мустақиллигининг атрибутларидан бири сифатида тан олинади. Ўзбекистоннинг биринчи почта маркалари 1992 й.нинг май – ноябрь ойларида чиқарилди. 1992 й. июнида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳузурида «Ўзбекистон маркаси» ноширлик маркази (компа-



Ўзбекистон почта маркалари.

ния) тузилди. 1992 – 2005 й.ларда республикада 544 турдаги почта маркалари муомалага чиқарилди. «Ўзбекистон маркаси» компанияси ўз маҳсулотлари намуналари б-н халқаро кўргазмаларда қатнашади. Ўзбекистон почта маркаларининг янги тўпламлари мунтазам ҳолда «Иверт», «Скотт», «Михель» халқаро каталогларига киритилди.

Почта муассасаларида интернет хизматларини кўрсатиш, китоблар, даврий ва босма нашрларга бюртмалар ташкил қилиш; гибрид почта, электрон пул ўтказмалари учун замонавий АКТ жорий этилди. 1997 й.дан курьерлик ва электрон почта хизматлари, 1999 й.дан реклама бўйича хизматлар кўрсатиш бошланди, 2001 й.дан «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг 14 та ҳудудий филиалларида интернет хизматлари курсатиш бўйича пунктлар очилди. 2004 й.дан телефон ва интернет карталарни сотиш йўлга қўйилди. 1994 й.да Ўзбекистон Жаҳон почта иттифоқи (ЖПИ) аъзолигига қабул қилинганидан кейин (бу иттифоқ 1874 й.да ташкил топган, 189 давлат аъзо, штаб квартираси Берн – Швейцарияда) халқаро почта айирбошлашларда қатнаша бошлади. 1997 й.да «Халқаро тезкор почта» акциядорлик жамияти ташкил этилди. 1998 й.да жаҳондаги 84 та, 2003 й.да 94 та давлат б-н почта айирбошлаш (алмашишлари) йўлга қўйилди. 2000 й.дан

ларида 6715 та, шу жумладан қишлоқ жойларида 4410 та етказиб бериш участкалари ташкил қилинган. Шунингдек, рақобатчилик муҳитида республика почта алоқаси хизмати бозоридан 10 дан ортиқ мустақил фирмалар хат-хабарлар, кичик юкларни етказиб бериш б-н шуғулланади; газета-журналларни, шу жумладан хорижий нашрларни етказиб берадиган тижорат корхоналари, банк хизматлари кўрсатадиган муассасалар ҳам фаолият кўрсатади. Республика Вазирлар Маъжасининг 2005 й. 19 майдаги «2010 йилгача почта алоқаси шохбчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизидан хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида» қарорини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (республикада умумий фойдаланиладиган алоқа корхоналари сони ва хизмат кўрсатишнинг ривожланиши жадвалда берилган).

Телеграф алоқаси. Ўзбекистонда телеграф алоқаси 19-а.нинг 80-й.ларида, т. й. қурилиши б-н бир вақтда вужудга келди. Дастлабки телеграф

алоқа йўллари Тошкент – Хўжанд – Ўратепа – Ховос – Жиззах; Тошкент – Чимкент; Бухоро – Карки – Калиф йўналишида қурилди. Чоржўй – Самарқанд – Тошкент т. й. бўйлаб телеграф қурилиши давом эттирилди. 1876 й. март ойида Тошкентни Хўжанд б-н боғлаган бир симли телеграф алоқа йўли ишга туширилди. 1885 й. 1 янв.дан Тошкент почта идораси мижозлардан телеграммалар қабул қилишни бошлади. 1913 й.да ҳоз. Ўзбекистонда 3 телеграф бўлими ва 2 телеграф идораси ишлади. 1932 й. Тошкентда Марказий телеграф ишлай бошлади.

1940 й.га келиб республикада умумий фойдаланиладиган телеграф тармоқлари шаклланди, сўнгра абонент ва фототелеграф ривожланди. 1965 й. Тошкентни Москва ва собиқ Иттифоқнинг бошқа шаҳарлари б-н боғлаган коаксиал кабель алоқа ишга туширилди. Алоқа воситалари ёрдамида телевидение, радио дастурларини, фототелеграф усулини қабул қилиш ва узатиш йўлга қўйилди. 1978 й. Тошкентда бевосита уланиш ва ахборотларни узатишга хизмат қиладиган катта қувватли абонент телеграф-коммутиация ст-яси фойдаланишга топширилди. 1992 й.да Тошкент Марказий телеграфи тезкор замонавий аппаратлар б-н жиҳозланди; ҳар суткада алоқа каналлари орқали 200 мингдан зиёд хабар ўтди, хориждан газ.лар тасвирини фототелеграф орқали қабул қиладди. Унинг қошида сўзлашув пункти ва маълумотларни узатиш тармоқларидан жаммо тарзида фойдаланиш пункти бор. Республикадаги корхоналар ҳужжатли ахборотларни узатишда абонент телеграф тармоғидан кенг фойдаланадилар.

Телефон алоқаси. Ўзбекистонда умумий фойдаланиладиган 200 рақамли дастлабки телефон ст-я-си Тошкентда 1904 й. 15 сент.да ишга туширилган. Телефон тармоғи бир симли бўлиб, ер инкинчи ўтказгич вазифасини бажарган. 1924 й.га келиб телефон ст-яларининг сифими 1700 рақамни ташкил этди. Телефонлар фақат шаҳарлардагина бор эди.

I - ж а д в а л

«Ўзбекистон почтаси» компанияси почта хизматининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2001	2002	2003	2004
Хат-хабарлар, млн.дона	10,6	11,23	12,04	14,65
Пул жўнатмалари, минг	678,7	685,1	716,6	756,4
Посилка, минг	81,0	60,3	49,0	50,4
Пенсия ва нафақалар, млрд. сўм	31,15	31,07	28,77	37,35
Даврий нашрлар, млн. нусха	62,17	68,78	68,22	65,06
Телеграммалар, минг	198,6	170,4	154,7	137,3
Телефон сўзлашувлари, минг	746,3	565,0	413,61	321,2

1932 й. Тошкентда 5500 рақамли биринчи автоматик телефон ст-я-си (АТС) ишга туширилди. Шу даврдан телефон тармоқларини ривожлантириш АТС ни жорий этиш йўналишида тараққий этди. 1940 й.да Ўзбекистонда монтаж қилинган умумий сифими 17,5 минг рақамли 118 телефон ст-яси ишлади.

1960 й.дан республикада шаҳарлараро телефон алоқасининг радиореле ва кабель линиялари (йўллари) қурилиши кенг миқёсда олиб борилди. 1965 й.да Тошкент – Москва коаксиал кабелли алоқа линияси қурилди. Тошкент (1971), Самарқанд, Бухоро, Термиз (1972), Наманган (1973) ш.ларида шаҳарлараро АТС лар қурилди.

70-й.лардан шаҳар телефон ст-яларини ривожлантириш координат системасидаги АТС лар базасида олиб борилди. 1975 й.дан бошқарувнинг автоматлаштирилган тизими ва техник хизмат кўрсатишнинг автоматлаштирилган воеиталари жорий қилинди. Айниқса телефон алоқаси қишлоқ жойларида жадал ривожланди. 1978 й.да 997 қишлоқ телефон ст-ялари ишлади (шундан 967 таси АТС). 70-й.лар охирига келиб республикадаги деярли барча к-з ва с-злар ички и. ч. телефон алоқаси б-н таъминланди. Ўзбекистоннинг барча туман марказлари мамлакат пойтахти б-н автоматик телефон алоқасига эга бўлди. 1980 й. Ўзбекистондаги қўл телефон коммуторлари АТС ларга алмаштирилди.

1995 й.да Республикада телефон тармоғининг 87% ини координат ва механик системали ст-ялар ташкил этди (республика бўйича 1200 та шундай ст-ялар ишлади). Тошкент ш., Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарь вилоятларидаги шаҳар абонентлари шаҳарлараро ва халқаро телефон тармоқларига автоматик уланиш тизимига тўлиқ уланди. Республикадаги барча шаҳарлар телефон тармоқларини автоматлаштирилган тизимга ўтказиш ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистон алоқа тармоғи жаҳон андозалари даражасига кўтарилмоқда. 1992 – 2005 й.ларда Ўзбекистоннинг Туркия, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Хитойдаги етакчи фирмалар б-н электр алоқа тармоқларини ривожлантиришдаги ҳамкорлиги яхши самара берди. 1992 й. Ўзбекистон ва АҚШ нинг «Интернейшнл Коммуникейшн группи» фирмаси б-н ташкил этилган «Ўзлунробита» қўшма корхонаси Тошкент, Самарқанд, Урганч, Қарши, Андижон, Бухоро ва б. ш.ларда халқаро ва шаҳар, шаҳарлараро телефон ст-ялари б-н боғ-

ланиш имкониятига эга бўлган уяли телефон (радио-телефон) алоқаси ст-яларини ишга туширди. Корея Республикасининг «ДЭУ телеком», Германиянинг «Сименс», «Алкател», Япониянинг «Мицуи» фирмаси, «НЭК» корпорацияси замонавий алоқа жиҳозлари етказиб беради, электрон рақамли АТС лар асосида республика шаҳарларида халқаро ҳамда шаҳарлараро телефон ст-яларини такомиллаштиради ва қуради.

1997 – 2000 й.ларда Япония ҳукуматининг ОЕСФ-1 кредити ҳисобига Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу лойиҳа доирасида Япониянинг «НЭК» фирмаси б-н ҳамкорликда Бухоро – Нукус (607,2 км) оптик-толали алоқа линияси қурилди, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида 251,5 минг рақамдан иборат электрон АТС ишга туширилди. 196,8 км узунликдаги Тўртқўл – Урганч радио реле линияси (РРЛ), 203 км узунликдаги Тошкент – Ангрен оптик-толали алоқа линияси қурилди, 375,7 км ли Самарқанд – Қарши РРЛ ва 422,5 км ли Ангрен – Фарғона водийси РРЛ реконструкция қилинди.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида магистрал тармоқни рақамлаш тугалланди ва рақамли каналлар республиканинг барча вилоят марказларига ва 41 та туман марказига етказилди.

1996 й.да «Сименс» фирмаси томонидан Самарқандда 20 минг рақамга ва Тошкентда 48,7 минг рақамга мўлжалланган рақамли коммутацияловчи ускуналар етказиб берилди ва монтаж қилинди.

1999 – 2000 й.ларда Корея Республикасининг иқтисодий ривожланиш бўйича ҳамкорлик Фонди маблағлари ҳисобига Фарғона ва Андижон вилоятларида телекоммуникациялар тармоғини техник қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш амалга оширилди. 354 км узунликдаги зона ичи оптик-толали алоқа линиялари қурилди, сифими 46 минг рақам бўлган коммутацияловчи ускуналар ўрнатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 6 июндаги «Республика телекоммуникация тармоғини ривожлантириш учун Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик Фонди имтиёзли кредитига хизмат кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу кредит бўйича лойиҳани амалга ошириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Бухоро – Навоий – Зарафшон – Учқудуқ – Нукус оптик толали алоқа линияси орқали Бухоро – Нукус оптик-толали алоқа линиясини резервлаш, Қарши ва Фарғона ш.ларида 2 та шаҳарлараро АТС ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Навоий, Бухоро вилоятларида маҳаллий телефон ст-яларини, шунингдек, 4 та минтақад симсиз маҳаллий шлейф тизимини ўрнатиш кўзда тутилган.

1995 – 2004 й.ларда сифими 170 минг рақамдан иборат бўлган рақамли АТС фойдаланишга топширилди. Шаҳарлараро телефон ст-яларни тўлиқ рақамлаштиришга эришилди, рақамли телефон тармоғи б-н республиканинг 80% дан ортиқ шаҳар ва туман марказлари қамраб олинди.

АТС ни рақамлаштириш даражаси 37% га, Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида ва Чирчиқ ш.ида 70 – 80% га етказилди. Автоном шаҳарлараро ст-яларга автоматик равишда чиқишга эга бўлган АТС ларнинг монтаж қилинган сифими 1260 мингдан (1992) 1768 минг рақамга, шу жумладан, шаҳар АТС ларида тегишлича 1157 минг рақамдан 1532 минг рақамга, қишлоқ АТС ларида 103 минг рақамдан 236 минг рақамгача кўпайди (2005). Маҳаллий тармоқларда станциялараро алоқани ташкил этиш учун фойдаланиладиган 0,6 минг км дан ортиқ оптик-толали алоқа линиялари қурилди.

Халқаро телефон алоқаси. Ўзбекистон мустақилликни қўлга кириштиришга қалар республиканинг жаҳон мамлакатлари б-н чекланган даражадаги телефон алоқаси Москва орқали амалга оширилган. Мустақилликнинг дастлабки даврлаёқ халқаро телефон алоқасини ривожлантиришга алоқида эътибор берилди. 1992 й. Тошкентда Япониянинг «НЭК» фирмаси етказиб берган асбоб-ускуналардан абонентларнинг жаҳон телефон тармоғига чиқишини ҳамда икки томонлама халқаро телекўрсатувларни таъминлайдиган 150 каналли рақамли халқаро космик (фазовий) телефон ст-яси қурилди ва фойдаланишга топширилди. Кейинчалик Туркиянинг «Неташ», «Телеташ», «Симко» фирмалари 30 каналли яна бир халқаро космик телефон ст-ясини Тошкентда қурди. Ер йўлдош ст-яси ва халқаро коммутация маркази (NEAX) нинг қурилиши, 1992 й.да йўлдош ст-яси ва NEAX-61 шаҳарлараро АТС нинг ишга туширилиши халқаро алоқанинг 810 каналини ташкил қилишни таъминлаш ва Москва орқали бўладиган халқаро алоқанинг мавжуд 13 та канали ўрнига

Япония, Германия, АҚШ, Туркия, Покистон ва Буюк Британия орқали узоқ хориж мамлакатларига бевосита мустақил чиқишини ташкил этиш имконини берди. Шунингдек, муҳим ҳукумат тадбирларини ўтказишда телевизион дастурларни узатиш амалга оширилмоқда. 1995 й.да Тошкент ш.да сифими 4270 портдан иборат бўлган комбинацияланган халқаро-шаҳарлараро рақамли ст-я ишга туширилди.

2000 – 2001 й.ларда Тошкент ш.идаги комбинацияланган халқаро-шаҳарлараро рақамли ст-яни тўлиқ жиҳозлаш лойиҳаси амалга оширилди. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши шаҳарлараро ва халқаро алоқа каналлари сонини ошириш, янги алоқа хизматларини кўрсатиш, қўшимча рақамли алоқа каналлари ташкил қилиш имконини яратди.

Ўзбекистон Республикаси магистрал алоқа тармоғини модернизация қилиш мақсадида Ўзбекистон ҳукуматининг катталари б-н Германиянинг KfW ривожланиш банки кредити ҳисобига Трансоисё – Европа (ТОЕ) оптик-толали алоқа линиясининг Ўзбекистон миллий сегменти қурилди. Унинг уз. 885 км бўлиб, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини Европа б-н боғлайди ва Тошкентда 7 та вилоят марказигача рақамли оқимлар ташкил қилишга имкон беради.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши 1995 й. бошланиб 1997 й. тугалланди. ТОЕ оптик-толали алоқа линиясининг ишга туширилиши дунёнинг 180 дан ортиқ мамлакатига Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Осиё ва Европа мамлакатлари ўртасида рақамли алоқа каналлари транзитини, Тошкент шаҳридан Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари марказларига шаҳарлараро алоқа сифатини сезиларли равишда ошириш имконини берди. Шунингдек, рақамли оқимлар ташкил қилиш, уяли алоқани ривожлантириш, маълумотларни узатиш ва интернет хизматларини тақдим этиш учун инфратузилма яратилиши таъминланди.

Бу ст-яларнинг ишга туширилиши б-н халқаро телефон сўзлашуварининг 80% ини сунъий алоқа йўлдошлари орқали бевосита хорижий мамлакатларга узатиш ва улардан қабул қилишга эришилди.

Ўзбекистон 1997 й.дан INTELSAT Халқаро йўлдош алоқа ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади.

Ўзбекистонда Ернинг 3 та сунъий йўлдоши б-н ишловчи, ердаги йўлдош алоқанинг учта ст-ясини ўз ичига олган халқаро телефон алоқа тармоғининг

йўлдош комплекси ишламоқда. UZB-1A ер ст-яси орқали чет эл компанияларининг талабномалари бўйича рақамли форматда Ўзбекистондан ва қўшни республикалардан дунёнинг исталган нуқтасига халқаро телевизион алоқа хизматлари тақдим этилади.

Миқёси, мақсадлари ва қўлланиладиган технологиялар бўйича қатор йўлдош алоқа ер усти ст-ялари (VSAT) нинг корпоратив тармоқлари мавжуд.

Уяли (мобил) алоқа. Ўзбекистонда уяли (радиотелефон) алоқа 1992 й.дан ривожлана бошлади. Сўнгги йиллар давомида уяли алоқа тармоқларининг ривожланиши жадал хусусият касб этди. Уяли телефон алоқа абонентларининг сони 400 мингдан ошди. Уяли алоқа б-н Ўзбекистон Республикасининг 700 дан ортиқ аҳоли пунктлари, Тошкент ш., вилоятлар марказлари, шунингдек, асосий автомагистраллар ва индустриал марказлар қамраб олинган. Уяли алоқа хизматлари бозорида 8 та оператор ишлайди ва улардан 3 таси республиканинг барча ҳудудини қамраб олиш имкониятига эга. Уяли алоқани ташкил этиш учун AMPS/DAMPS (ҳозирги пайтда фойдаланиладиган чиқарилмоқда), GSM, IS-95 (CDMA) стандартлари ва CDMA-450 технологияларидан фойдаланилади. 3 та оператор дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатни операторлари б-н халқаро роумингни амалга оширади.

«Ўздунробита» қўшма корхонаси 1992 й.да энг биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий фойдаланишдаги уяли кўчма радиолоқа хизматларини тақдим этишни бошлади. Дастлаб AMPS/DAMPS стандартида ишлади. Ҳоз. вақтда ўтказилган реконструкциядан кейин GSM стандартида ишламоқда.

1996 й.дан «DAEWOO Central Paging Company» чет эл корхонаси, 1997 й.дан «Коском» Америка – Ўзбекистон қўшма корхонаси, «RWC» қўшма корхонаси, Кореянинг «Daewoo unite!» компанияси Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади. GSM стандартида ишлайдиган «Бузел», «Ўзмаком» қўшма корхоналари ҳам Ўзбекистон бозоридаги фаолиятини 1996 й.дан бошлаган.

Ўзбекистонда шахсий радиочақирув тизимини жорий этиш 1994 й.дан бошланди, ўша пайтда Тошкент ш.да «Камалак-ТВ» қўшма корхонаси пейжинг алоқа хизматларини тақдим этишни бошлади. Ҳоз. вақтда шахсий радиочақирув хизматларини тақдим этишга 10 та лицензия берилган, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Бухоро



Мобил телефон алоқасининг қабул қилгич-узаткич антенналари.

ва Нукус ш.лари рақамли пейжинг алоқа тармоғи б-н қамраб олинган.

Маълумотларни узатиш. Ўзбекистон Республикаси маълумотларни узатиш Миллий тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантириш лойиҳаси Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 й. 5 дек.даги «Ўзбекистон Республикаси маълумотлар узатиш Миллий тармоғини модернизация қилиш ва ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилган.

Лойиҳанинг амалга оширилиши маълумотларни юқори тезликда узатиш ва интернет тармоғини ривожлантиришни таъминлайди, маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация ва реконструкция қилишга ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга, шунингдек, республика ҳудудларида интернет тармоғидан фойдаланишни кенгайтиришга ёрдам беради (189 та туман марказида маълумотларни узатиш бўйича коммутация узеллари ўрнатилди).

Ахборотлаштириш. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва хизматлар конвергенциясининг даражаси, ахборотлаштиришни ривожлантириш жараёнларини мувофиқлаштириш ахборот ҳамжамиятига сари қўшилишининг таянч омилдир.

Ахборотлаштиришининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги муҳим аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан АКТ ни жадал ривожлантириш стратегик устувор вазифа сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 30 майдаги «Компьютер-

лаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони га мувофиқ, АКТ ни ривожлантириш ва жорий этишнинг муҳим вазифалари белгиланди ва 2002 – 2010 й.ларга мўлжалланган дастур Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди (2002 й. 6 июль). Республикада АКТ ни ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи олий орган – компьютерлаштириш ва АКТ ни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

АКТ соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш борасида 2002 – 2004 й.лар давомида Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжатларнинг айланиши тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида» қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» қонунига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бу соҳадаги бошқарувнинг мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади.

Ҳоз. вақтда халқ хўжалигининг барча тармоқларида, хусусан, давлат бошқаруви, банк иши ва айниқса, таълим соҳаларида компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш жараёни жадал олиб борилмоқда. Олий ўқув юр்தларининг ҳаммаси, академик лицейларнинг 76%, касб-хунар коллежларининг 19% ва умумий ўрта таълим мактабларининг 2% интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга (2006). Олий ўқув юр்தларида ҳар 100 та талабага 5,84 та, касб-хунар коллежларида – 2,84 та, академик лицейларида 7,76 та компьютер тўғри келади. 9724 та умумий ўрта таълим мактабларидан 5264 таси (54%) компьютер синфларига эга (2006).

Интернет тармоғидан жамoa бўлиб фойдаланиш марказлари (Интернет-кафе)дан бири. Тошкент ш.



Радио ва телевизион алоқа. 1930 й. Тошкентда қуввати 20 кВт бўлган РВ-II радиостанцияси қурилиб ишга туширилди ва республикада мунтазам радиоэшиттиришлар бошланди. 1949 й. Тошкентда радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи фойдаланишга топширилди (1981 й.да янги аппаратхона – студия комплекси ишга туширилди). Радиоэшиттиришлар узун, ўрта ва қисқа тўлқинларда олиб борилди, ультрақисқа тўлқинларда ҳам эшиттиришларни олиб бориш жорий қилинди. 1975 й. Тошкентда радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйида стереофоник радиоэшиттиришларни амалга оширишга имкон берадиган аппаратлар ўрнатилди. Ўзбекистонда радиоэшиттириш нуқталари тармоғи ривожланган. Бундай нуқталар б-н амалда республиканинг барча ҳудуди қамраб олинган. Республика радио маркази суткасига 12 дастур бўйича 1700 соат эшиттиришлар олиб боришни таъминлаш қувватига эга.

Ўзбекистонда радиоллаштириш 1928 й.дан бошланди. 1930 й.да Ўзбекистон ҳудудида бир неча қуввати ласт (8 – 25 ватт), ўзгармас ток (батарея) да ишлайдиган радиоузеллар ишлади. Радиоузелларга 3400 радионуқта – радиокарнайлар (уларнинг 1400 таси қишлоқ жойларида) уланган эди. 1940 й. Ўзбекистоннинг туман ва қишлоқларида қурилган радиоузеллар хонадонлар, корхоналар, муассасаларни радиоллаштириш ишига хизмат кўрсатди, радиоллаштириш тармоқларида 54620 радионуқта (уларнинг 20360 таси қишлоқ, жойларида) ишлади. 50-й.лардан бошлаб радиотрансляция тармоқларида 600 – 5000 ваттли кучайтиргичлар қўлланилиши натижасида радиоузелларга уланган радиокарнайлар сонини икки марта оширишга эришилди. 1965 й.га келиб Ўзбекистонда радиоузеллар сони 1200, радиокарнайлар сони 1146 мингга етди (қишлоқ жойларида 886 минг). 1974 й. Ўзбекистонда 32 шаҳар – жами вилоятлар марказлари, шунингдек Тошкент ва Нукусда радиоузеллар сим орқали эшиттиришларни уч дастурни бир вақтда узатиш ва қабул қилишга имкон берадиган юқори сифатли асбоб-ускуналар б-н жиҳозланди. Республикада 1970 й.да 1300 минг, 1980 й.да 1696 минг, 1990 й.да 2139 минг, 1992 й.да 1871 минг радионуқта ишлади. 1992 й. Ўзбекистоннинг 12471 минг аҳолиси радиоллаштириш хизмати б-н таъминланди.

1956 й.да Тошкентда (баладдлиги 180 м ли) телевизион минораси қурилиб, Тошкент телевидение студияси ишга туширилди ва мунтазам кўрсатувлар бошланди. Кўрсатувларни Тошкент ш. ва унинг атрофидаги туманларда кўриш мумкин бўлди. Икки йилдан кейин телекўрсатувлар Андижон, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида қабул қилинди. Кейинчалик Нукус (1961), Урганч (1964) да телемарказлар қурилди. 1966 й.га келиб ретрансляция ст-ялари ва радиореле алоқа йўллари (Тошкент – Андижон, 1960; Тошкент – Самарқанд, 1966) ёрдамида кўпгина вилоятлар аҳолиси республика телевидениесининг 1-дастурини, Тошкент, Фарғона водийси ва Самарқанд аҳолиси икки дастурини ҳам қабул қилиш имкониятига эга бўлди. 1965 й.дан Ўзбекистондаги телеомошабинлар Москвадан олиб берилган кўрсатувларни оқ-қора, кейинчалик рангли тасвирда кўра бошладилар. 1974 й. Ўзбекистонда 18 та катта қувватли, 37 кичик қувватли телевидение узаткичлари ишлади, республика аҳолисининг 94,7% биринчи, 87% иккинчи, 36% учинчи телевидение дастурларини кўришга эришди. 1977 й. республика телевизион техника маркази ишга туширилди. Бу марказ бир йўла 5 дастурда кўрсатувлар олиб боришга мўлжалланган. Марказда 3 студия, аппаратхоналар, телекинопроекцион хона, видеоёзув аппаратхоналари, кинопроекцион заллар, кўчма телевизион воситалар базаси ва б. ёрдамчи хизматлар мавжуд. Телемарказ радиореле йўллари орқали Ўзбекистон вилоятлари марказлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси б-н боғланган. Кабель магистраллари, радио ва сунъий йўлдош йўллари ёрдамида кўп мамлакатлар шаҳарлари б-н телевизион дастурлар алмашинади.

Телекўрсатувлар қўламининг кенгайиши муносабати б-н кучли радиотелевизион узатиш ст-яси қуришга эҳтиёж туғилди. Шу мақсадда 1978–85 й.ларда Тошкент ш.даги Бўзсув каналининг ўнг соҳилида 375 м баладдлиқда шаҳардаги иккинчи телеминара – ҳоз. радиотелевизион узатиш маркази қуриб ишга туширилди. Бу телеминара баладдлиги бўйича жаҳонда Москва (Россия), Торонто (Канада), Токио (Япония), Хитой телеминораларидан кейин 9-ўринда. Марказий Осиёда 1-ўринда туради. Телеминоранинг 100 м ва 220 м баладдлигида махсус бинолар жойлашган. Булардан энг юқорисида 5 дастурли кўрсатувларга мўлжалланган телевизион ст-яси, ультрақисқа тўлқинли 4 дастур-

ли эшиттиришларга мўлжалланган радиостанция, метеорология ст-яси ва б., 100 м баланликда эса «Коинот» ресторани, кузатув майдончаси ўрин олган. Радиотелевизион узатиш маркази Тошкент телевидениеси кўрсатувларини тахм. 100 км радиусда бевосита кўрсатилишини таъминлайди. Вилоятларга кўрсатувлар махсус ретрансляция ст-ялари орқали узатилади.

Ўзбекистонда Тошкент телестудиясидан ташқари Нукус, Урганч, Термиз, Наманган, Андижон, Самарқанд, Қўқон, Фарғона, Бухорода вилоят телестудиялари ишлайди. Бундан ташқари 30 маҳаллий ва тижорат студиялари фаолият кўрсатади.

Россия, Қозоғистон, Туркия теледас-турларини мунтазам олиб кўрсатиш, Ҳиндистон, АҚШ ахборот дастурларини қабул қилиш йўлга қўйилган.

Республикада жаҳон мамлакатлари б-н телекўрсатувларни бевосита алмашиш учун техник имкониятлар яратилган. 1994 й.дан Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси «Камалак ТВ —пейжинг» шаҳарларда кабелъ телевидениеси тармоқларини ташкил этмоқда.

2003 й. мобайнида метрли диапазондаги 2 телевизион узатгич, дециметрли диапазондаги 2 телевизион узатгич ва FM диапазондаги 4 та радиоэшиттириш узатгичи монтаж қилинди ва ишга туширилди. Бу Тошкентдан 70 — 100 км радиусдаги ҳудудларни қамраб олинишини таъминлаган ҳолда, Тошкент телеминорасидан 4 давлат телевизион ва 4 давлат радиоэшиттириш дастурлари тарқатилишини таъминлайди.

2001 — 2002 й.ларда «Мишуи» компанияси томонидан Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Қашқадарь вилоятларида телерадиоэшиттириш ст-яларини модернизация қилиш «ТВ/ЧМ — эшиттириш тизимлари» лойиҳаси амалга оширилди. 2003 й. мартдан 2004 й.нинг ноябригача бўлган даврда «НЭК» компанияси томонидан телевизион ускуналар, антенна тизимлари ва дизельгенераторлар етказиб берилди.

Аҳолини телерадиоэшиттириш дастурлари б-н қамраб олиш даражасини ошириш (республика аҳолисининг 98,4% ҲзТВ-1, 98,0% ҲзТВ-2, 69,3% ҲзТВ-4 (спорт канали) теледастурларни ишончли қабул қилади) учун ҳар хил қувватли 481 та телевизион ва 94 та радиоэшиттириш узаткичларидан, оптик толали ва радиорелели линиялар тармоғидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини телерадиоэшитти-

ришлар б-н 100% таъминлаш мақсадида 2005 — 2007 й.ларга мўлжалланган лойиҳа устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Матбуот тарқатиш. Республикада алоқа органлари матбуот нашрларига обуна ўтказиш, уни тарқатиш ва етказиб бериш, чакана сотиш ишларини ҳам бажаради. 1991 й.га қадар газ. ва журналлар аладининг 85% обуна йўли б-н тарқатилган.

Ўзбекистонда алоқа тизимида обуна бўйича ва чакана савдо йўли б-н даврий матбуот нашрлари (маҳаллий ва чет эл газ., журнал, ҳафталиклари) ни тарқатиш маориф ва умуман маданиятни ривожлантиришда тарихан катта аҳамиятга эга бўлди.

Давлат тузилмалари орқали матбуот нашрларини мунтазам сотишни ташкил этиш 1919 й.дан Туркистон АССР Ижроия қўмитаси ҳузурда Матбуот тарқатиш бюроси раҳбарлигида олиб борилди. Бюронинг 2 магазини, 9 дўкони ва 1 омбори бўлиб, газ.лар фақат Тошкентда сотилган, бошқа вилоятлар марказлари ва қишлоқларда доимий матбуот тарқатиш тармоқлари бўлмаган. Алоқа ходимларини даврий матбуотни тарқатишга жалб қилиш ХКС нинг 1918 й. 21 ноябрдаги декретига кўра бошланди. Кейинчалик собиқ Иттифоқ Алоқа ва зирлигининг даврий матбуотни тарқатиш бўйича ташкилот ва корхоналари тизими — «Союзпечать» ва Ўзбекистонда унинг республика бошқармаси ташкил этилди. 1945 й. Ўзбекистонда «Союзпечать»нинг 98 дўкони, 1954 й. 235 дўкони ишлади. 1978 й. Ўзбекистонда бу бошқармага қарашли 16 ихтисослашган магазин, 1703 газ.-журнал дўкони, газ. сотадиган 265 автомат бор эди. 1990 й. обуна ва чакана савдо йўли б-н 2213 млн. нусха матбуот нашри тарқатилди. 1994 й. собиқ «Союзпечать» республика бошқармаси ўрнида очиқ турдаги «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик уюшмаси иш бошлади.

Матбуот тарқатиш соҳасида фаолиятни тартибга солиш ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ушбу тармоқдаги ҳўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1999 й. 13 сент.да «Матбуот тарқатувчи» уюшма негизда «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси ташкил қилинди.

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси вилоятларда маъсулияти чекланган жамиятлар шаклида фаолият юритадиган 8 та «Матбуот тарқатувчи» корхоналарини, компаниянинг бевосита

шўъба корхоналари ҳисобланадиган 5 та «Матбуот тарқатувчи» корхоналарни, Тошкент ш.даги «Матбуот тарқатиш» марказини бирлаштиради. Бу корхоналарнинг жами 160 та туман бўлимлари бор (2006). «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси мустақиллик йилларида алоқа бозорида ўз ўрнини топди, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтарди. Компания «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти б-н ҳамкорликда республика аҳолисини газ. ва журналларга обуна қилиш ва уларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш, кундалик газ. ва журналларни илмий-оммабоп ва бадиий адабиётларни сотиш б-н шугулланади.

Ҳар йили «Матбуот тарқатувчи» компанияси томонидан обуна ва чакана сотув йўли б-н 1 млн. нусхага яқин газ.лар ва 500 минг нусхага яқин журналлар тарқатилмоқда. 2005 й.да республика бўйича «Матбуот тарқатувчи» компаниясига қарашли матбуот нашрлари сотиладиган 1552 та доимий дўконлар, чакана савдо тармоғида 1668 та савдо (сотиш) жойи ишлади. Дўконлар ва чакана савдо тармоғида даврий матбуот нашрлари б-н бирга китоблар, тақвимлар, почта маркалари ва б. ҳам сотилади.

Ўзбекистонда матбуот тарқатиш бозорида, шунингдек 90-й.лар бошидан мамлакатимиздаги ва чет эллардаги даврий матбуот нашрларига обуна қилиш, уларни обуначиларга етказиб бериш ва сотиш б-н шугулланадиган («Мастер-пресс», «Интерпресс» каби) компаниялар ҳам фаолият кўрсатади.

Абдулла Арипов.

ҚУРИЛИШ

Қурилиш — республикадаги моддий и. ч.нинг энг муҳим тармоқларидан бири. Бу тармоқ, айниқса, Ўзбекистонда йирик шаҳарсозликда бой тарихга эга. Республика ялпи ички маҳсулоти умумий ҳажмида қурилиш салмоғи 4,9% ни ташкил этади (2005; 2000 й.да 6,1%). Миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатадиган жами корхона ва ташкилотларнинг 4,9% (16,9 минг) қурилиш соҳасига, миллий иқтисодиётда иш б-н банд бўлган ходимларнинг 8,3% (848,5 минг киши) қурилиш ҳиссасига тўғри келади (2005).

Қурилиш миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларга хизмат кўрсатиб, асосий фондларнинг қайта такрор и. ч. учун шароитларни таъминлайди. Иқтисодиёт-

нинг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, республиканинг янги табиий бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий и. ч.га жалб этишга ёрдам беради.

Республикада қурилиш ишлари пудрат, субпудрат ва қисман хўжалик усулларида олиб борилади. Пудрат ва хўжалик усулидаги қурилиш ва монтаж ишларини, шунингдек, бино, иншоотларни капитал таъмирлаш ишларини қурилиш ташкилотлари ва махсус ташкилотлар; қойиҳалаш, лойиҳа конструкторлик ва қидирув ташкилотлари; фойдаланишга топшириш ва разведка фармалаш ташкилотлари амалга оширади. Қурилиш индустрияси негизини давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва б. пудрат қурилиш-монтаж компаниялари, ташкилотлари, шунингдек тармоқ ва зирликлари, давлат-акциядорлик компаниялари таркибида фаолият олиб борадиган, ўз моддий-техника ва и. ч. базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган йирик қурилиш идоралари ва ташкилотлари, корхоналари ташкил этади. Республика қурилиш мажмуида 7500 га яқин лойиҳа, и. т., қидирув, конструкторлик, қурилиш-монтаж, лизинг ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналари ва ташкилотлари фаолият курсатади. Уларнинг 94% нодавлат ташкилотлари ҳисобланади (2006). Яқка тартибда уй-жой қурилиши, жамоат биноларини қуриш хўжалик усулида, фуқароларнинг ўз маблағлари ёки банк кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

Республиканинг қурилиш ташкилотлари ихтисослаштирилган корпорация, компания, бирлашма, трестлар ва бошқармаларга уюшган. Қурилиш моддий-техника базасининг муҳим таркибий қисмини қурилиш материаллари саноати ташкил этади.

Республикада қурилиш материалларини и. ч., уларнинг турларини кўпайтириш йилдан-йилга ортиб бормоқда. 80-й.лар бошидан маҳаллий хом ашё ресурсларидан бетон учун сунъий энгил тулдирувчилар (керамзит, аглопорит), иссиқлик изоляцияси материаллари (минерал пахта, шилша толалар, пенополистирол) и. ч. йўлга қўйилган. Қурилишда полимер материаллар, пластмасса маҳсулотлари, полистирол тахтачалар, линолеум, полиэтилен қувурлар, синтетик смолалар асосидаги лок ва бўёқлар тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

Қурилиш индустриясида йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталла-

ридан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бино ва иншоотларнинг йирик қисмларини, уй пойдеворлари, девор панеллари, зина-поляр ва б.ни 3-д усулида тайёрлайдиган янги тармоқлар пайдо бўлди. Қурилиш тобора бино ва иншоотларни монтаж қилиш жараёнига айланиб борди.

Капитал қурилиш ва капитал қўйилмалар. Ўзбекистонда қудратли иқтисодий салоҳиятни барпо этишдаги муваффақиятлар бевосита қурилиш б-н боғлиқ. 1924 — 2005 й.ларда 6 минг км га яқин т. й., 2000 дан ортиқ йирик давлат саноат корхонаси, 40 га яқин магистрал канал, 54 йирик сув ва сел омбори қурилди, 2 млн. га дан ортиқ сугориладиган ерлар ўзлаштирилди, 29 млн.га яйловга сув чиқарилди.

20 — 30 й.ларда республикада капитал маблағлар, асосан, фуқаролар уруши йилларида вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашга ва айни вақтда янги корхоналар қуришга сарфланди. 1250 дан ортиқ корхона ва цехлар, жумладан Чирчиқ электр кимё к-ти (1938), Тошкент тўқимачилик к-ти (1933), «Тошқишлоқмаш» 3-ди (1930) ва б. йирик корхоналар қурилди. Оғир саноат тармоқларида асосий фондлар энг тез суръатларда, мас., электроэнергетикада 46 марта, қурилиш материаллари саноатида 34 марта ўсди. Янги т. й.лар, тош йўллар қурилди, қ. х. корхоналарнинг асосий фондлари кўпайди, ирригация қурилиши авж олди. 1941—45 й.лардаги уруш даврида капитал маблағларнинг асосий қисми Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарни ниҳоятда қисқа муддатда ишта тушириш, янги саноат тармоқларини барпо қилишга сарф этилди. Уруш йилларида саноатнинг асосий и. ч. фондлари 2 марта, шу жумладан машинасозликда 11 марта кўпайди, 280 та янги саноат корхонаси, жумладан Ўзбекистон металлургия к-тининг биринчи мартели, Тошкент кабель 3-ди, «Ўзбекқишлоқмаш», «Чирчиққишлоқмаш», «Кинап» ва б. саноат корхоналари ишга туширилди.

1946 — 1960 й.ларда республика халқ хўжалигига сарфланган жами капитал маблағларнинг 38,2% саноатга, 19,8% қ. х.га йўналтирилди. Бу маблағларнинг асосий қисмидан оғир саноатнинг қора ва рангли металлургия, кўмир қазиб олиш, электроэнергетика, қ. х. машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати, кимё саноати тармоқларида фойдаланилди. Маблағларнинг 60% янги корхоналар қурилишига, 40% ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлаш, кенгайтиришга сарф этилди. Йирик пудрат

қурилиш ва монтаж ташкилотлари (Қурилиш вазирлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлиги) ташкил этилди, қурилишнинг моддий-техника базаси мустақамланди.

1960 й.дан кейин капитал қурилиш ҳажми кескин ошди, республика саноатига 1924 й.дан бошлаб йўналтирилган жами капитал маблағларининг 85% 1961 — 1980 й.ларда ўзлаштирилди. 1966 й.дан қ. х.ни ва умуман агросаноат мажмуини ривожлантириш учун инвестициялар муттасил ошиб борди. 1971—75 й.ларда қ. х.нинг жами мажмуи бўйича 10 млрд. рубль капитал маблағ сарфланди. 300 дан ортиқ йирик саноат корхонаси ва иншооти, жумладан Наманган шойи ва костюмбоп газламалар, Бухоро ип-йи-гирув к-тлари, Бухоро — Урал, Ўрта Осиё — Марказ, Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент газопроводлари, Чорвоқ ГЭС, Сирдарё ИЭС ва б. ишга туширилди. Бу даврда яна уй-жой қурилиши жадал ўсди. Айниқса Тошкент ш.да 1966 й.ги zilzilадан кейин уй-жой қурилиши кўлами ортди.

1981—85 й.ларда йирик и. ч. қувватлари ишга туширилди, 87 та давлат саноат корхонаси қурилди. Янги Қўқон кимё 3-ди, Нукус, Жиззах, Урганч, Сарносиё ш.ларидаги темир-бетон маҳсулотлари 3-ди, Жиззах ва Нукус ш.ларидаги уйсозлик к-тлари шулар жумласидан. Электроэнергетикада Навоий ИЭС лойиҳа қувватига етказилди, Янги Ангрен ИЭС нинг биринчи энергоблоки электр қуввати бера бошлади. Тошкент ш.да яхлит керамзитбетондан 16 қаватли турар жой бинолари қурилди. 80-й.ларда Самарқандда шаҳар клиник касалхонаси, Нукус, Бухоро, Самарқандда меҳмонхоналар, Тошкентда Авиасозлар маданият саройи, Киночилар уйи, Тошкент телеминораси, Халқлар Дўстлиги саройи, Тошкент метрополитени бекатлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Уй-жой қурилиши кент миқёсларда олиб борилди ва молиялашнинг жами манбаларидан фойдаланилди. 1924 — 1990 й.ларда умумий фойдала майд. 212,5 млн. м² бўлган уй-жой (90,5 млн. м² давлат ва ширкат ташкилотлари маблағлари ҳисобига) қурилди. Уй-жойларнинг 20% га яқини (40,6 млн. м²) 1985—90 й.ларда барпо этилди.

Республика мустақилликка эришганидан кейин капитал қурилиши янги дастур асосида давом эттирилди. Республика иқтисодийети учун муҳим бўлган автомобиль, олтин қазиб олиш, нефть ва б. саноат тармоқларида янги корхоналарни қуриш бошланди. И. ч. қурилиши со-



Тошкент ш.да қурилган уй-жой бинолари.

ҳасида Учқудуқда Навоий кон-металлургия комбинатининг 3-гидрометаллургия 3-ди, Асака автомобиль 3-ди, Бухоро нефтни қайта ишлаш 3-ди, Қизилқум фосфорит комбинати, Шўртан газ-кимё мажмуи, Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус темир йўл ва Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон т. й. линиясининг 1- ва 2-навбатлари, Янги Ангрен ИЭС нинг 8-энергоблоки, Таллимаржон ИЭС нинг 1-энергоблоки, Тошкент ш.да Кичик ҳалқа йўл каби йирик объектлар қурилиб ишга туширилди. Барча вилоятларда енгил, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати тармоқларида янги қувватлар ишга туширилди, Қунғирот сода 3-ди қурилиши якунланиш арафасида. Ўзбекистон металлургия комбинати, Олмалик ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, Фарғона нефтни қайта ишлаш 3-ди, Самарқанд кимё 3-ди ва б.да реконструкция ва техника б-н қайта қуролантириш ишлари олиб борилди, фақат 2002 – 2005 й.ларда республика асосий капиталига киритилган инвестици-

ялар 8795 млрд. сўми ташкил этди. Барча вилоятларда ижтимоий соҳа объектлари қурилиши – уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, бозор ва савдо расталари, ҳаммом, чойхона, касалхона, маҳалла марказлари, масжидлар қурилди. Ўнлаб меъморий комплекслар, тарихий ёдгорликлар, мадрасалар, масжидлар таъмирланди. Тошкентда «Туркистон» саройи, «Наврўз» ресторани, Амир Темур музейи ва хиёбони, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, Интерконтинентал меҳмонхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мажмуидан иборат Бизнес марказ, Аквапарк, Миллий консерватория, Абдулла Қодирий номидаги боғ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенати бинолари, «Шератон» меҳмонхонаси, Банклар уюшмаси биноси, Урганчда «Хоразм палас» меҳмонхонаси ва б. жуда кўп объектлар қурилди.

Мустақиллик йилларида уй-жой қурилишида катта ўзгаришлар юзага келди.

Аҳоли эҳтиёжларига мос ҳолда квартираларнинг хиллари кўпайди. Жойларнинг табиий-иқлим шароитлари ва ҳисобга олган ҳолда уйларнинг



Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўлида темир йўл кўприги қурилиши.

қавати камайтирилмоқда, йирик панелли уйлар ўрнига гиштдан қурилаётган кам қаватли хусусий уй-жой қурилиши устувор йўналишга айланди. Уй-жойларнинг асосий қисми (2005 й.да 99,2%) яқка тартибдаги қурувчилар томонидан бино қилинмоқда. Республикада 1991–95 й.ларда умумий фойдали майдони 33,2 млн. м² уй-жой қурилган бўлса, 2002–2005 й.ларда 26,52 млн. м² уй-жой фойдаланишга топширилди. Республикада савдо, умумий овқатланиш, ҳисоб-ахборот хизмати, тайёрлов, ўрмон хўжалиги, коммунал хўжалиги, маданият, санъат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари ва б. ноишлаб чиқариш объектлари қурилиши ҳам катта миқдорларда олиб борилмоқда. 2001 – 2005 й.ларда 187 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, 8054,3 км водопровод тармоғи, 12361,8 км газ тармоғи қурилди. Андижонда Бобур боғи ва музейи, Фарғонада «Рамзий дарвоза» барпо этилди.

1991 й.дан қурилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик яхши самара берди. Хорижий фирмалар б-н ҳамкорликда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва б. ш.ларда халқаро класдаги меҳмонхоналар қурилиши ва таъмирлаш ишлари бошланди. Республика тарихида биринчи марта капитал қурилиши соҳасига чет эл инвестициялари жалб этилди. 1995 й.да капитал маблағлар таркибида асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлари ҳиссаси 14,3% бўлди (2005 й.да 19,2%).

2005 й.да республиканинг асосий капиталини кўпайтиришга 3012,9 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилди. Бу маблағнинг 1968,3 млрд. сўми (65,3%) и. ч. объектларини қуриш, кенгайтириш, такомиллаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилди. Барча мулкчилик шаклларидаги қурилиш ташкилотлари томонидан жами 1377,5 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди (шундан 1253,8 млрд. сўми ёки 91,0% нодавлат мулкчилик шаклидаги қурилиш ташкилотлари ҳиссасига тўғри келади).

Қурилиш ишлари умумий ҳажмидан 69,9% янги қурилишлар, фаолият кўрсатётган корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 30,2% капитал, жорий таъмирлаш ишларига тўғри келди.

Қурилишни бошқариш ва унинг ташкилий тизими. Қурилишни бошқаришнинг ташкилий шакли 1918 й.дан бошланган. 1920 й. Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги биринчи қурилиш ташкилоти

– барча қурилиш бошқармаларини бирлаштирган Туркистон давлат иншоотлари қўмитаси ташкил этилди. Қўмита Туркистондаги жами қурилиш ва таъмирлаш ишларига раҳбарлик қилди. 1924 й. да «Ўзбекдавлатқурилиш» ташкил этилди. Бу ташкилот 1926 й. дан ноишлаб чиқариш мақсадларидаги объектларни қурди.

1930–32 й. лардан саноат корхоналарини пудрат ташкилотлари («Чирчиққурилиш» ва б.) барпо эта бошлади.

1960-й. лардан қурилишда бошқарув тизими ҳудудий-тармоқ тамойиллари бўйича ташкил этилди. 1988 й. республикадаги қурилиш вазирликлари ва бошқармалари тугатилиб, йирик Давлат Қурилиш қўмитаси («Госстрой») ташкил этилди. 1990 й. бу қўмита тугатилиб, қурилиш бўйича мустақил вазирликлар ва бошқармалар қайта тикланди. 1993 й. авг. да «Ўзбекдавлатқурилиш» ва Давлат меъморчилик ва шаҳарсозлик қўмиталари негизда Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси («Давархитектқурилиш») тузилди. Қўмита республикада шаҳарсозлик ва қурилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ваколатига эга бўлган орган ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қурилиш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида айрим қурилиш вазирликлари тугатилиб, мулкчиликнинг турли шаклларида асосланган ихтисослашган давлат қурилиш уюшмалари, компаниялар, давлат-акциядорлик бирлашмалари, уюшмалар ташкил этилди. Улардан энг йириклари: «Тошкентқурилиш» уюшмаси, «Ўзбектрансқурилиш» давлат уюшмаси, «Ўзсаноатқурилиш», «Ўзмонтажмахсуқурилиш» уюшмалари ва б.

2002 й. 4 апр. да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик Кодекси қабул қилинди (7 боб, 59 мод. ладан иборат).

2003 й. да капитал қурилиш, ижара ва лизинг хизматларини ривожлантириш мақсадларида қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситалари лизинги бўйича «Лизингқурилиш» лизинг компанияси ташкил этилди.

2004 й. да капитал қурилиш бўйича ҳудудий бюджет буюртмачилари хизмати (бошқарма, бўлим, дирекция) тугатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент ш. ҳокимликлари ҳузурида барча

марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектлар қурилишида «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари ташкил этилди. Бу компаниялар ҳар қандай объектлар қурилишини тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти б-н тендер (танлов) асосида қурилиш ташкилотларига топширади.

2005 й. да 1338 объект бўйича танлов савдолари ўтказилди (2004 й. га нисбатан деярли 2 марта кўп). Фолиб, деб топилган қурилиш ташкилотларининг 98,0% ни хусусий талбиркорлик субъектлари, 2,0% ни давлат унитар корхоналари ташкил этди.

Лойиҳа ишлари б-н республикада 400 дан ортиқ лойиҳа ва лойиҳа-қидирув ташкилотлари шугулланади (2006), улардан 28 таси ўз фаолияти соҳасида етакчи бўлган илмий тадқиқот ин-тларидир. Бу ин-тлар миллий иқтисодиёт тармоқлари бўйича ёки фаолият турлари бўйича ихтисослашган бўлиб, шаҳар ва қишлоқларнинг бош тарх (план) ларини, жойларни лойиҳалаштириш схемаларини, биноларнинг андаза (типовой) лойиҳаларини, йирик саноат корхоналари, ирригация-мелиорация иншоотлари лойиҳалари ва техникавий-иқтисодий смета ҳужжатларини тайёрлаш, тармоқларни иқтисодий р-нлар бўйича ривожлантириш ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқади.

Ўзбекистон шаҳарсозлик ва лойиҳа и. т. ин-ти (Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ. 1928 й. да ташкил этилган) етакчи муассаса ҳисобланади. Тошкент ш. ва Тошкент вилояти шаҳарларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича ҳужжатлаштириш ишларини Тошкент шаҳар бош планини лойиҳалаш илмий тадқиқот ин-ти (Тошкент Бошплан ЛИТИ; 1969 й. да ташкил этилган), Тошкент шаҳрида қуриладиган бинолар ва иншоотлар лойиҳаларини «Тошкент шаҳарни лойиҳалаш давлат ин-ти» (1937) акциядорлик жамияти бажаради. «Тошуйжойлоиҳа» (1947) акциядорлик жамияти (Тошкент ш. уй-жой лойиҳалаш ин-ти) Тошкент ш. да уй-жой қурилишини лойиҳалаш ва реконструкциялаш ишлари б-н шугулланади.

Қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш б-н боғлиқ лойиҳа масалалари «Ўзқишлоқлоиҳа» (1949) ва «Ўзмеъморқурилиш» (1971) маъсулияти чекланган жамиятлар зиммасига юкланган.

Қурилиш бўйича муҳандислик-геология қидирув ишларини Ўзбекистон муҳандислик-техник қидирув бош ин-ти

(1963) ва Тошкент давлат муҳандислик-текшириш ва тадқиқот ин-ти (1975) бажаради. «Ўзпўлатқурилишлойиҳа» акциядорлик жамияти металл конструкцияларини лойиҳалаш масалалари б-н, «Ўзоғирсаноатлоиҳа» (1941) акциядорлик жамияти саноат қурилиши лойиҳалари б-н шугулланади.

Юқори сейсмик шароитларда турар жой ҳамда жамоат биноларини намунавий лойиҳалаш соҳасида Х. Асомов номидаги Ўзбекистон лойиҳа-и. т. ва лойиҳалаш ин-ти (1963) бош ташкилот ҳисобланади. Тағзамин ва пойдеворларни лойиҳалаш масалалари б-н Замин, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари и. т., лойиҳа-технология ин-ти (1995) – «ЗПЛИТИ» акциядорлик жамияти шугулланади.

Бу асосий унитар лойиҳа ташкилотлари б-н бир қаторда хусусий лойиҳа ташкилотлари тармоғи ҳам ривожланган. Бу ин-тларда тайёрланган лойиҳалар бўйича республикада ва ундан ташқарида янги шаҳарлар, саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари, каналлар, сув омборлари, темир ва автомобиль йўллари, маданият, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи муассасалари, спорт мажмуалари, санаторийлар, дам олиш уйлари, меҳмонхоналар, кутубхоналар ва б. қурилиб фойдаланишга топширилган.

Қурилишга, и. т. ва лойиҳа ин-тларига олий маълумотли мутахассислар, асосан Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш ин-тларида тайёрланади, шунингдек, Тошкент иқтисодиёт, Тошкент техника ун-тлари, Тошкент т. й. транспорт муҳандислари, Тошкент автомобиль ва йўллар, Тошкент ирригация ва мелиорация, Фарғона, Жиззах политехника ин-тларининг ф-т ва филиалларида ҳам қурилишнинг кўп соҳалари учун кадрлар тайёрланади.

Ўрта махсус маълумотли мутахассислар Тошкент, Бухоро, Андижон қурилиш, Ангрен, Термиз, Наманган, Қўқон политехника, Бекобод, Самарқанд индустрия коллежлари ва б. да тайёрланади.

Ад.: К а д ы р о в а Т., Архитектура Узбекистана за годы независимости, Т., 2004; Х о л м у р а д о в Р. И., Х а с а н о в А. З. Конструкции архитектурных памятников Самарканда, Т., 2003; Т о х т а е в А., Основные направления совершенствования архитектурно-строительного комплекса Узбекистана. «Архитектура и строительство Узбекистана», № 1, Т. 2005.

Азамат Тухтаев.

МЕҲНАТ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қадимдан миллий иқтисодиётда, асосан қишлоқ хужалиги тармоғи ривожланган бўлиб, аҳоли бандлиги ҳам шунга мос ҳолда таркиб топган эди. 20-а. бошларида маҳаллий деҳқонлар орасида ери кам (0,5 га гача) ва хусусий ерга эга бўлмаганлар аҳолининг асосий қисмини ташкил қилганлиги учун турли шартларга кура ижарачилик (чоракорлик) ва мардикорчилик кенг тарқалган.

Туркистон, жумладан Ўзбекистон ҳудуди чоризмининг пахта базасига айлантирилиши пахтачиликнинг кескин ривожланишига сабаб бўлди. Бу эса пахта тозалаш саноатининг пайдо бўлиши учун шароит яратди. Айни вақтда, асосан паст малакали миллий ишчилар гуруҳи шакллана бошлади. Юқори малакали кадрлар, асосан шаҳарларда тупланган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги бошқа миллат вакиллари (руслар ва б.) эди.

1913 й.да Ўзбекистон ҳудудидаги саноат ишчилари (т. й. устахоналари ишчилари б-н бирга) сони 20 минг кишига етмас эди. Ўлкадаги ишчилар иш ҳақи Россия ишчилариникига нисбатан бир неча баравар кам бўлган. Бунинг устига иш ҳафтаси давомийлиги 60 – 70 соатга борган.

Шўролар ҳокимияти даврида Ўзбекистонда меҳнатнинг тавсифи ва мазмунида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берди. Айниқса, 2-жаҳон уруши (1941–45) дан кейинги йилларда республикада саноат, қурилиш ва б. тармоқлар жадал ўсди ва аҳолининг қ. х.да бандлиги камайиши туфайли малакали ишчилар миқдори ортди. Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг сони 1984 й.да 1924 й.га нисбатан 5 мартадан ортиқроқ кўпайди. 80-й.лар ўрталарида иш б-н банд бўлган аҳолининг 35% дан зиёдроги саноат, қурилиш ва транспорт соҳаларида, 25% дан ортиқроғи хизмат кўрсатиши ва ноишлаб чиқариш соҳаларида ишлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги ислохотлар йилларида бозор муносабатларига ўтиш даврида биринчи навбатда меҳнат муаммоларини (меҳнат бозори, ишчи кучидан фойдаланиш ва аҳолини иш б-н таъминлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шароитлари ва нормативларини ишлаб чиқиш ва б.) ҳал қилишга катта эътибор берилди.

Меҳнат бўйича ҳозирги давлат сиёсатининг асосини меҳнат ва аҳоли-

ни иш б-н таъминлашнинг қуйидаги йўналишлари ташкил этади: кўп укладли ва турли мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини яратиш орқали меҳнат бозорини шакллантириш; давлат ва нодавлат тизимлари маблағлари ҳисобидан и. ч.ни таркибий жиҳатдан қайта тузиш дастурларини амалга ошириш ва шунга қўра меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш; ишчи кучи тақлифи ва унга бўлган талабни иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солиш; ишсизлар ва меҳнат бозорида рақобатлаша олмайдиган аҳоли табақаларининг (касб-хунарсиз ёшлар, болали аёллар, ногиронлар ва б.) ижтимоий ҳимоясини таъминлаш; ишчи кучи сифатини ошириш (касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш), аҳолининг иқтисодий фаоллигини ривожлантириш, аҳолини иш б-н таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва унга амал қилишнинг назоратини таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий таъминот ва меҳнат бўлимлари ишини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш ва б.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат муаммоларини замон даражасида ҳал этиш мақсадида Республика Президентининг 1991 й. 5 майдаги фармони б-н Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги (2001 й. 13 фев.дан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги) ташкил этилди. 1992 й. 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо бўлиб қирди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонунилари Кодекси (1971 й. 17 дек. да қабул қилинган) дастлаб 1993 й. 2 сент.даги ўзгартириш ва қўшимчалар б-н 1993 й. 3 дек.дан амалга киритилди. 1995 й. 21 дек.да бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ 4-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат Кодекси қабул қилинди ва 1996 й. 1 апр.дан амалга киритилди.

Меҳнат ресурслари Ўзбекистонда жуда нотекис жойлашган. Республика меҳнат ресурсларига бой мамлакатлардан бири. Меҳнат ресурслари, асосан туғилиш ҳисобига аҳоли сонининг ортиши натижасида ҳар йили 300 – 350 минг нафар кишига кўпаймоқда. 2005 й.да меҳнат ресурслари 14,4 млн. кишига етди (1995 й.да 11 млн. кишидан ортиқ). Аҳоли сонининг ўсиши б-н бир қаторда уни иш б-н таъминлаш имкониятлари ҳам кенгайди. Ўзбекистонда табиий бойликлар (нефть, газ, олтин ва б. кон-

лар) нинг топилиши ва ишга туширилиши, қўриқ ерлар ўзлаштирилиши муносабати б-н янги шаҳарлар, қишлоқлар, обод шаҳарчалар барпо этилди. Ўзбекистон аҳолиси 1995 й.да 1970 й.га нисбатан 1,9 марта, шу даврда меҳнат ресурслари эса 2,0 марта ёки 5,5 млн.дан зиёд кишига кўпайди.

70-й.ларнинг 2-ярмидан бошлаб меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари бир оз секинлашди, 1990–95 й.ларда ўртача йиллик ўсиш суръатлари 2% (80-й.ларнинг 2-ярмида 2,8 – 3,0%) ни ташкил этди. Улар таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли 82%, иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли – 18% ни (асосан, уй бекалари, кўп болали оналар, ишга муҳтож бўлмаган фуқаролар) ташкил этди (1-жадвалга қ.). Ўзбекистонда ортиқча меҳнат ресурсларини, асосан малакасиз ишчи кучларини чет элга (Россия, Жанубий Корея ва б.) ташкилий экспорт қилиш йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик фаолият кўрсатади. 2005 й.да Ўзбекистондан четга чиққан меҳнат миграцияси 8,8 минг кишини ташкил этди.

Аҳоли бандлиги. 1992 й. 13 янв.да Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Унда бозор муносабатлари шаклланиши даврида аҳолининг меҳнат ва иш б-н таъминланишига бўлган ҳуқуқларини ва давлатнинг шу ҳуқуқларни таъминлаш ва амалга ошириш учун тегишли ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиши белгилаб берилди.

Республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳоли бандлиги соҳасида ҳам чуқур ўзгаришлар юз берди. Давлат сектори б-н бир қаторда нодавлат сектори ҳам вужудга келди. Ишга лаёқатли аҳоли нодавлат секторда ишлашга жалб этила бошлади.

2005 й.да иқтисодий фаол аҳоли таркибида банд бўлганлар сони 10,2 млн. нафар кишини ташкил этган бўлиб, шундан 2,3 млн. нафар киши ёки банд бўлганларнинг 22,9% давлат секториди, 7,9 млн. киши ёки 77,1% эса иқтисодиётнинг нодавлат секториди ишлади. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши иш б-н банд аҳоли сонининг ўсишини таъминлади. 2005 й.да банд аҳоли сони 285,7 минг кишига (2,9%) кўпайди. Бундай ўсиш сўнгги йилларда иш ўринлари ўсишининг асосий қисмини таъминлаб бера-

ётган хусусий секторнинг ривожланиши б-н изоҳланади. Иқтисодийнинг нодавлат секторида аҳолининг турдан уч қисми иш б-н банд (2004 й.да 76,9%; 2005 йилда 77,1%). Тадбиркорлик фаолияти б-н банд бўлганлар сонининг ўсиши жадаллашди. 2005 й.да янги иш уринларининг 85% кичик бизнес соҳасида яратилди. Кичик тадбиркорликнинг устувор ривожланиши натижасида ушбу соҳа республика бўйича жами иш б-н банд бўлган аҳолининг 65,5% ини қамраб олди (2004 й.да 60,3%). 954,2 минг киши фермер хўжаликларидан банд бўлди.

Банд бўлган аҳолининг асосий қисми иқтисодийнинг реал секторига тўғри келди. 2005 й.да реал секторнинг ривожланиши 129,2 минг кишини иш б-н таъминлаш имкониятини берди. Саноат ишчилари сонининг жадал ўсиш суръатлари кузатилди. 2005 й. саноат ишчилари сони 63,6 минг кишига ўсди ёки 5,0% ни ташкил қилди. Натижада, иш б-н банд бўлганларнинг тармоқлар бўйича таркибида саноатнинг улуши бир йил ичида 13,0% дан 13,2 % га кўтарилди. Саноат тармоғида банд бўлганларнинг ўсишини ижобий тенденция сифатида баҳолаш мумкин. Курилиш, транспорт ва алоқа соҳаларида бандлик 5,0 - 5,2% атрофида, савдо, умумий ояқатланиш, тайёрлов соҳаларида эса — 5,4% ўсиш суръатига эришилди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча иш кучининг бўшатилиши ва ислохотларни чуқурлаштириш натижасида қ. х.да бандликнинг пасайиши давом этмоқда, аҳоли бандлигини ошириш бўйича чораталбирлар кўрилишига қарамай ишсизлар сонининг кўпайиши юз бермоқда. 2005 й.да қ. х. ходимларининг сони 73,0 мингтага қисқарди (2,4%), унинг иш б-н банд бўлган аҳолининг жами сонидоги улуши эса 30,7% дан 29,1% га пасайди. Хизмат курсатиш соҳасида бандлик даражасининг тезкор ўсиши тенденцияси кузатилмоқда. Бундай динамика хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун иқтисодий имкониятларининг ўсиб боришидан далолат беради. 2005 й.да аҳолининг умумий бандлик дара-

жаси ўсишининг ярмидан кўпини хизмат курсатиш соҳаси таъминлади — 156,5 минг киши ёки 54,8% (2004 й.да — 46%). Шунга мос равишда, унинг иш б-н банд бўлган аҳоли таркибидаги улуши 2004 й.даги 32,3% дан 2005 й.да 32,9% га ўсди. Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот (2005 й. 6,7% га ўсди), таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш (4,9%), уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига бошқа турдаги маиший хизматлар курсатиш (5,1%) каби ижтимоий аҳамиятга эга тармоқларда юқори даражада бандликни шакллантириш тенденцияси сақланмоқда. Транспорт ва алоқа тармоғида ишчилар сонининг энг юқори ўсиши суръатлари кузатилди (7,3%), бу эса ижтимоий инфратузилмани, жумладан, йўллари яхшилаш, транспорт магистралларини кенгайтириш, иқтисодийнинг турли тармоқларида ахборот ва телекоммуникация технологияларини киритишни ривожлантиришнинг жадаллашуви б-н изоҳланади. Республика маҳаллий ва хўжалик органларида ишлайдиган бошқарув ходимлари сонининг нисбатан қисқартирилишига қарамай, 2005 й.да бошқарув органлари аппарати ходимлари сони 7,8% га ошди. Бунинг натижасида унинг жами банд бўлган аҳоли сонидоги улуши 1,9% дан 2,0 % га кўтарилди.

Республикада халқ фаровонлигини ошириш ва аҳолининг меҳнат бозори рақобатида бардош бера олмайдиган табақаларини иш б-н таъминлаш соҳаси сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликлар ривожланишига ҳам катта эътибор берилмоқда. Иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган йилларда республика аҳолисининг фойдаланиши учун қўшимча равишда 550 минг га суғориладиган ер майдонлари ажратилди, натижада аҳолига шахсий томорқа сифатида ажратилган умумий ер майдони 700 минг га дан ошиб кетди.

Айни пайтда қишлоқ аҳолисини иш б-н таъминлаш учун республикада бир қатор мақсадли махсус дастурлар иш-

лаб чиқилди. Уларга кўра қишлоқларда қ. х. маҳсулотларига қайта ишлов берадиган кичик корхоналар барпо этиш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, леҳзон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, хусусий бизнес, тадбиркорлик ва ўзини-ўзи иш б-н таъминлашни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

И ш ҳ а қ и. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда аҳолининг меҳнати натижаларига қараб моддий рағбатлантириш асосий ўринни эгаллайди. Аҳолининг асосий даромали иш ҳақи (аҳоли жами пул даромадларининг 29,4%; 2005), ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган пул (пенсия, нафақа, стипендия, турли ёрдам пуллари ва б.), молия тизими орқали тушумлар (лотерея ютуқлари) ва ҳ. к.дан иборат. Ишчи, хизматчи, ширкат, фермер хўжалиги аъзоларининг меҳнатига қараб ишбай иш ҳақи ва вақтбай иш ҳақи тўлаш жорий қилинган. Республикада аҳолининг энг кам истеъмол минимумини таъминлайдиган ойлик энг оз иш ҳақи миқдори қонун б-н амалга киритилган. 2006 й.га қадар энг кам ойлик иш ҳақи миқдори, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, стипендиялар, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар республика Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ ҳар йили икки мартадан ошириб борилди (2006 й. 1 июлдан улар 20% оширилди), 2006 й. 1 июлдан энг кам иш ҳақи суммаси 10800 сўмни ташкил этди (1996 й. 1 апрдан иш ҳақининг энг кам миқдори ойига 400 сўм, фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромадининг энг оз миқдори ойига 550 сўм қилиб белгиланган эди).

1993 й. 1 январдан иш ҳақининг ставка ва маошлари янги тариф коэффициентлари асосида тўлана бошлади. Бундан мақсад меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тартибга солиш, турли касб ва тоифадаги ходимларнинг иш ҳақларида муайян объектив нисбат белгиланган кўзланган. 1994 й.да меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф ставкасининг 0 дан 28 гача бўлган разряд даражалари қабул қилинди. Бу даражалар ўртасидаги тариф коэффициентлари фарқи 1,00 дан 5,83 гачани ташкил қилган эди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 й. 18 мартдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг 0 дан 22 гача бўлган разряд (даража) лари қабул

1 - ж а д в а л

Аҳоли сони, меҳнат ресурслари ва иқтисодий фаол аҳоли
(Йилнинг 1 январь ҳолатига, минг киши)

Курсаткичлар	2000	2002	2003	2004	2005
Жами аҳоли сони,	24487,7	25115,8	25427,9	25707,4	26021,3
Йиллик ўсиш, %	1,5	1,2	1,2	1,1	1,2
Меҳнат ресурслари, жами	12594,0	13181,0	13597,0	14021,0	14434,4
Мамлакат жами аҳолисига нисбатан, %	51,1	52,2	53,2	54,2	55,4
Иқтисодий фаол аҳоли сони	8983,0	9364,8	9621,2	9945,5	10224,0

қилинди, унга кўра разрядлар ўртасидаги фарқ 2 – 2,5 барабарни ташкил этади. 2004 й. дек.да республика бўйича ўртача ойлик иш ҳақи 73528,1 сўмини ташкил этди. Республика минтақалари бўйича ўртача иш ҳақи миқдориди катта фарқлар бор. Товарлар и. ч. тармоқларидаги энг юқори иш ҳақи саноат (ўртача республика даражасидан 52,0% юқори), қурилиш (80,1%), транспорт (67,9%) тармоқларида кузатилади (2005).

Меҳнат бозори – инсонларга ўз салоҳиятлари ва билимларига кўра иш топишга, иш берувчиларга эса ўз фаолиятларини ташкил этиш учун зарур бўлган ишловчиларни ёллаш имконини берадиган механизм. Ўзбекистонда меҳнат бозори тўла маънода ҳали шаклланиб улгурмаган, унинг зарурий инфратузилмалари шаклланиши давом этмоқда.

Республика меҳнат бозори меҳнат ресурслари б-н таъминлашни даражаси энг юқори бўлган ҳудуд. Марказий Осиёдаги барча меҳнат ресурсларининг 40% шу ерда тўтланган. Ёш бўйича уларнинг тар-

киби, асосан 30 – 50 ёшдаги ишчи кучларидан ташкил топган.

Меҳнат бозори, асосан, демографик шарт-шароитлар таъсирида шаклланиб бормоқда. Республикада 20-а.нинг 70–80 й.ларда туғилиш даражаси юқори (2000 й.гача бўлган аҳоли таркибиди 16 ёшгача бўлганлар сони 10 млн.дан ортиқни ташкил қилган) бўлган. Меҳнат бозоридаги ишчи кучи тақлифи таркибиди ишчи кучининг аксарият қисмини юқори малакага эга бўлмаган ёшлар ташкил этаётганлиги ва юқори малакага эга бўлган ишчи кучига талаб юқорилиги кузатилади.

Ислохотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасиди давлат сиёсатида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор берилди: яратилаётган янги иш ўринларини барча молиявий манбалар (чет эл ва маҳаллий инвестиция, тижорат банкларининг кредитлари, корхоналар, аҳоли маблагларини жалб

қилиш) ҳисобидан молиялаштириш; меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган аҳоли тоифаси учун махсус иш ўринлари ташкил этиш ва уларни янги касбга йўналтириш ва малакасини ошириш; иқтисодийдати касб ва мутахассисликларга бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда ишчи кучи ҳаракатининг мониторинг кузатувини олиб бориш ва мутахассисликларга бўлган талабни қондиришни таъминлаш мақсадида таълим тизимида талаб қилинаётган мутахассислар тайёрлашни амалга ошириш ва б. Юқори малака ва замонавий мутахассисларга бўлган талаб ва тақлифни қондира оладиган меҳнат бозори ҳар бир ривожланган мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг зарур ўзакларидан биридир. Республикада 2005 й.да меҳнат бозорида 410,3 минг киши қатнашди. Сўнгги йилларда иш излаб меҳнат биржасидан рўйхатдан ўтган аҳоли сони камайиб бормоқда, ҳатто ушбу тенденция анча кучайди. 2004 й.да уларнинг сони 5,5 минг, 2005 й.да 14,6 минг кишигача қисқарди. 2005 й.да меҳнат биржасига мурожаат қилувчиларнинг тўртдан уч қисмини (74,3%) қишлоқ аҳолиси ташкил этди ва уларнинг улуши узлуксиз ошиб бормоқда (2004 й.да 73,7%, 2003 й.да 73,4%). 2005 й.да меҳнат бозори бирмунча «кексайди», яъни меҳнат ресурсларининг ёши улғайиб бормоқда. Жумладан, 30 ёшгача бўлган ёшларнинг жами ишчи кучи тақлифи таркибиди улуши 55,3% дан 50,8% га қисқарди, бу айниқса, қишлоқ жойларига хос хусусиятидир. Меҳнат биржасиди рўйхатдан ўтган хотин-қизларнинг улуши олдингидек жами рўйхатдан ўтганлар сонининг ярмидан кам қисмини ташкил қилмоқда, бироқ 2005 й.да уларнинг улуши 45,5% дан 48,3% га кўпайди. Жорий йилда меҳнат бозорида малакали ишчи кучларининг тақлифи нисбатан пасайди. Олий ва ўрта махсус маълумотли кишилар сони 2004 й.га нисбатан 137,9 минг кишидан 114,2 минг кишигача, уларнинг улуши эса 32,4% дан 27,9% гача камайди. Ишчи кучининг асосий қисмини ўрта умумий ва тўлиқсиз ўрта маълумотли, касб ва мутахассисликка эга бўлмаган фуқаролар ташкил қилмоқда. 2005 й.да уларнинг сони 122,6 минг кишини ташкил қилди. 2005 й.да фуқароларни меҳнат биржалари орқали иш б-н таъминлашда энг юқори кўрсаткичга эришилди. Фуқароларнинг иш б-н бандлиги, асосан нодавлат секторига тўғри келмоқда, уларнинг давлат корхоналаридаги улуши 25,0% ни ташкил қилади. Ушбу жараёнда хусусий корхоналар, акциядорлик

2-жадвал

Иш билан банд аҳолининг иқтисодий тармоқлари бўйича тақсироти (йиллар бўйича ўртача, минг киши)

	2004	Умумий банд бўлганларга нисбатан % да	2005	Умумий банд бўлганларга нисбатан % да
Жами банд аҳоли	9910,6	100,0	10196,3	100,0
Моддий ишлаб чиқаришда	6710,6	67,7	6839,8	67,1
ундан:				
саноатда	1283,9	13,0	1347,5	13,2
қишлоқ ва ўрмон хўжаликларида	3042,5	30,7	2969,5	29,1
транспорт ва алоқа тизимларида	317,8	3,2	334,4	3,3
қурилишда	808,1	8,2	848,5	8,3
савдо, умумий оқватланиш, МТТ, тайёрлов соҳаларида	857,6	8,7	903,9	8,9
бошқа соҳаларда	400,7	4,0	436,0	4,3
Номоддий ишлаб чиқаришда	3200,0	32,3	3356,5	32,9
ундан:				
транспорт ва алоқа тизимларида	143,2	1,4	153,7	1,5
уй-жой ва коммунал хўжалигида ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасиди соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот тизимларида	301,1	3,0	316,4	3,1
таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат тизимларида	689,0	7,0	735,5	7,2
молия ва кредит тизимида	1321,0	13,3	1385,1	13,6
маъмурий бошқарув органларида	52,8	0,5	54,2	0,5
бошқа соҳаларда	190,9	1,9	205,7	2,0
Давлат секториди, %	502,0	5,1	505,9	5,0
Нодавлат секториди, %	23,1	х	22,9	х
	76,9	х	77,1	х

жамиятлари ва б. хусусий мулкчилик объектлари муҳим ўрин тутлади. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича иш б-н бандлик даражаси тубдан ўзгарди. 2005 й.да иш б-н таъминланганларнинг учдан бир қисми (36,2%) қишлоқ хўжалигига, 16,8% саноат корхоналарига, 5,1% қурилишга тўғри келди. 2005 й.да меҳнат бозорида таклиф қилинган ишчи кучи сони 410,3 минг кишини, ишчи кучига талаб 351,6 минг кишини, иш б-н таъминланганлар 325,1 минг кишини, бўш ўринлар 26,5 минг иш ўрнини ташкил этди (қ. 2-жадвал).

Ишсизлик муаммолари. 16 ёшдан бошлаб то пенсия б-н таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади. Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органи томонидан улар иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай қабул қилинади.

Республикада оммавий равишда ишдан бўшатишнинг олдини олиш, аҳолини иш б-н таъминланишининг муқобил йўналишларини ривожлантириш, и. ч. даги таркибий ўзгаришлар, хусусийлаштириш қўламини кенгайтириш орқали ишсизликнинг кескин ўсишига йўл қўйилмади.

Иш б-н таъминланиш – фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш б-н боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирилган фаолиятидир.

Мажбурлий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш б-н таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади (қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно). Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш б-н банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Республикада меҳнат бозорига кириб келувчи ишчи кучларини бошқариш амалга оширилмоқда, ишсизлар касбга ва қайта касбга тайёрланмоқда, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ташкил этилмоқда, ишсизларга ва уларнинг оила аъзоларига моддий ёрдам курсатилмоқда. Ҳукумат томонидан ҳар бир фуқарони иш б-н таъминланиш соҳасидаги ижтимоий муҳофазасининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари таъминланган.

Маҳаллий меҳнат бўлимлари орқали банд бўлмаган ва маҳаллий меҳнат бўлимларига мурожаат қилган фуқаролар корхона ва ташкилотлардаги эҳтиёжга қараб меҳнат бўлимларига тақдим этилган бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар асосида ушбу корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилади, бўш иш ўринлари танловлари ўтказилади. Барча корхона ва ташкилотлардан бўшаган ходимлар ижтимоий муҳофазатга олиниб, иш стаж сақланган ҳолда 3 ойгача ишга жойлашгунга қадар ўртача иш ҳақи тўланади. Пенсия ёши олдидагиларга муддатидан 2 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилган.

Касбга ва қайта касбга тайёрланаётган, малакаси оширилаётганларга (иш стаж сақланган ҳолда) энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаган ҳолда стипендия тўланади. Қонунчилик асосида маҳаллий меҳнат бўлимларига мурожаат этган иш қидираётган банд бўлмаган фуқароларга иш таклиф қилиш имкони бўлмаган тақдирда 6 ой муддатгача ишсизлик нафақаси тўланади. Республика бўйича маҳаллий меҳнат бўлимларидан 32,3 минг киши ишсизлик бўйича расман рўйхатдан ўтган (2006). Республикада ишсизлик банд меҳнат ресурсларининг ўртача 0,3% ни ташкил этади.

Ўзбекистон шароитида демографик вазиятнинг ўзига хослиги туфайли аҳолининг тез суръатлар б-н ўсиши рўй бермоқда. Бу қишлоқ аҳолиси сонининг, ортиқча ишчи кучларининг ва яширин ишсизликнинг ўсишига олиб келмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ишдан озод

қилинаётган ходимлар ва иш б-н банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш, ўқитиш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боришни, мазкур аҳолини касбга ўқитиш тизимини шакллантиришни, касбга йўллаш ва қайта тайёрлаш марказларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва умумий бошқаришни амалга оширади. Республикада бандлик хизмати иш ташкил қилишга, ишсизликнинг олдини олишга катта эътибор берилмоқда. Республиканинг туман ва шаҳарларида 1991 й.дан бошлаб 210 дан зиёд меҳнат биржалари ишсизликнинг кенг тармоқли тизими ташкил этилди. Меҳнат биржалари ишсизларни рўйхатга олади, уларни касбга йўллайди ва ўқитади, ишсизлик бўйича нафақалар тўлайди, иш излаётган фуқароларни ҳақ тўланадиган вақтинча жамоат ишлари б-н таъминлайди.

Ад.: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, Т., 1999; Абдурахмонов Қ. Х. ва б., Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, Т., 2001; Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н., Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги, Т., 2006.

Оқилжон Обидов.

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ҳар бир шахснинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларининг қондирилиш даражасини, моддий ва ижтимоий фаровонлигини, истеъмол неъматлари б-н таъминланиш даражасини ифода этади. Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш миқдор ва сифат кўрсаткичларига эга бўлиб, унинг сифат кўрсаткичларига аҳоли саломатлиги, овқатланиш сифати, таълим ва маданий аҳоли, турар жой б-н таъминланиши, меҳнат шароитлари сифати, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш шароитлари сифати, оилавий ҳаётнинг фаровонлиги; миқдор кўрсаткичлари гуруҳига аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар ва реал харажатлар, иқтисодий фаоллик, аҳолининг соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, дам олиш, инфратузилма хизматлари б-н таъминланиши, ижтимоий таъминот кўрсаткичлари кирди.

Ўтмишдан мустақил Ўзбекистонга турмуш даражасининг паст бўлишидек ижтимоий мерос қолди. 19-а.нинг охири – 20-а. бошларига қадар Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг пастлиги иқтисодий қолоқлик ва мустамлакачилик маҳсули эди. Ўзбекистон

3 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозоридagi асосий кўрсаткичлар (минг киши)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Иш излаётганлар сифатида рўйхатга олинганлар	421,1	462,8	448,2	430,5	425,0	410,3
Иш билан таъминланганлар	280,6	318,1	322,2	317,4	323,7	325,1
Рўйхатга олинганлар таркибида						
иш билан таъминланганлар сони, %	66,6	68,7	71,9	73,7	76,2	79,2
Йил охирида ишсизлар сони	35,4	37,5	34,8	32,2	34,8	27,7

худуди подшо Россияси мустамлакасига айлангач, узоқ вақт давомида (1865–1917) унинг иқтисодий ресурслари метрополия мақсадлари йўлида ишлатилди, шу сабабли халқнинг турмушида сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлмади, унинг ғоят улкан қисми камбағал-қашшоқликда яшаб келди. Россия империясининг чекка ўлкалари орасида Туркистон энг камбағал ўлка ҳисобланган, бу ердаги озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарларининг истеъмоли энг паст бўлган. Саводсизлик, санитария маланиятининг пастлиги, ичиш учун ариқ-қовузулар сувини ишлатиш, ёқилги сифатида ўтин, мол тезагидан фойдаланиш, юқумли касалликлар хуружи, ўртача умрнинг нисбатан қисқалиги аҳоли турмушига хос ҳодисалар эди.

Шулар замонаси бошларида халқ ҳўжалигининг вайрон бўлиши Туркистон аҳолисини янада қашшоқлаштириб юборди. Бироқ 1921–1928 й.лар оралигида янги иқтисодий сиёсат туфайли бозор муносабатларига йўл берилиши иқтисодиётни жонлантириб халқ турмушининг бир қалар ўсишига олиб келди, бироқ бу узоққа бормасди. Қ. х.ни коллективлаштириш даврида аҳоли турмуш даражасининг пасайиши юз берди, ҳатто шаҳарларда озиқ-овқат нормалари (карточкалари) киритилди. Бундай нормалар 1929–1935, 1941–1947 й.лар мобайнида сақланиб қолди. 1948 й.дан эътиборан озиқ-овқатни нормалаштириш ўрнига уни эркин сотиш йўлига ўтилди. Бироқ товарлар тақчил бўлиб, уларни истеъмола қилиш чекланган эди. 20-а.нинг 60-й.ларидан эътиборан секин бўлса-да, аҳоли турмуш даражаси ўса борди. 80-й.ларнинг охиригача келиб Ўзбекистонда турмуш даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилди. Ўзбекистон аҳолининг турмуш даражаси жиҳатидан СССРдаги иттифоқдош республикалар орасида кейинги ўринлардан бирини эгаллаган. Ўша пайтлар Ўзбекистон кам таъминланган оилаларнинг кўплиги б-н ажралиб турган, улар жами оилаларнинг 44,5%ни ташкил этган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон режали тизимдан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танлади, ислохотлар ислохотларнинг ўзи учун эмас, балки халққа муносиб турмуш даражасини таъминлаш учун зарур деган қондага амал қилди. Иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва иқтисодиёт ишлаб чиқариш базасининг ҳолатига қараб аҳоли турмуш даражасида аста-секин ўзгаришлар бошланди. 1991–95 й.лар аҳоли турмуш

Ўзбекистонда аҳоли пул даромадлари динамикаси (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Жами пул даромади	2377,4	3605,6	5196,7	6490,4	7334,4	9989,8
Жами пул даромадидан мажбурий тўловлар ва бадаллар	199,7	324,5	400,0	506,2	572,0	697,5
Аҳолининг реал даромадлари жон бошига, минг сўм	2177,7	3281,1	4796,7	5984,2	6762,4	9292,3
	88,5	131,8	191,0	235,6	260,2	355,1

даражасининг пасайиш йиллари бўлди, чунки и. ч. пасайган ҳолда, инфляция шиддати кучайди. Ўша йилларда истеъмола товарлари нархининг йил давомида ўсиши 1992 й.да – 718,8%, 1993 й.да – 1042%, 1994 й.да – 145% бўлди. Бу амалда гиперинфляция бўлиб, аҳоли пул даромадларининг харид қўрбини кескин пасайтириб юборди. Иқтисодиётнинг барқарорлашуви натижасида аҳоли реал даромадлари 2000 й.га келиб 1991 й.га нисбатан 119,1% ўсди. 2000–03 й.лар аҳоли турмуш даражаси бир маромда ўсди, чунки иқтисодий ўсиш аҳолининг кўпайишига нисбатан тез борди. И. ч.нинг ўсиши, биринчидан, аҳоли пул-даромадларини оширди, иккинчидан, бозорни товарлар б-н таъминлаб, инфляцияни пасайтириш имконини берди. Даромадлар нархларга нисбатан тез ўсгани учун аҳолининг жон бошига истеъмоли ортиб борди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади инсон манфатларини ҳимоя қилиш, халқ турмуш даражасини муттасил ошириб бориш, кишиларга ўз салоҳиятларини намоён қилиш ва ўз меҳнати эвазига муносиб турмуш даражасини барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш, ижтимоий барқарорликни таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришишда аҳоли даромадларини муттасил ошириш, унинг таркибини мақсадга мувофиқ такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, даромадлар миқдори қанчалик кўп бўлса, зарур эҳтиёжларни қондириш, саломатликни сақлаш, дам олишни ташкил этиш, маълумот олиш, бўш

вақтни мазмунли ўтказиш имкониятлари шунчалик юқори бўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистонда давлатнинг даромад сиёсати мамлакатнинг умумиқтисодий ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли даромадларини кўпайтириш, инфляция даражасини пасайтириш, қ. х.да ислохотларни чуқурлаштириш, талбиркорликнинг барча турларини, айниқса, кичик ва хусусий талбиркорликни устун даражада ривожлантириш, аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан, шаҳар ва қишлоқ, эркаклар ва аёллар, шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва минтақалар ўртасидаги тафовутнинг кучайиб кетишига йўл қуймасликка қаратилди.

Сўнгги 5 йил (2001–05)да аҳоли реал даромадлари муттасил ошиб борди (1-жадвал).

Аҳоли пул даромадларининг ўсиши ишлаб пул топиш имкониятларининг кенгайиши натижасида юз берди, талбиркорлик, ўзини ўзи иш б-н таъминлаб, индивидуал меҳнат б-н шуғулланиш, ўз ҳўжалигини юритиш, ўз мулкни ишлатиш орқали пул топишга йўл очилди. Натижада аҳоли даромадининг таркибида катта ўзгаришлар юзага келди (2-жадвал).

Аҳоли жон бошига пул даромадларининг ўсиши ва нарх-наво ҳолатига қараб реал даромадлар шаклланади. 2000–2005 й.ларда пул даромади нарх-навога нисбатан анча тез ўсганлиги сабабли реал даромадлар ортиб борди. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоб-

2 - ж а д в а л

Ўзбекистонда аҳоли пул даромадлари таркиби (%)

Даромад манбалари	1996	1998	2000	2002	2004
Ёланиб ишлаганлар иш ҳақи	30,6	35,3	36,3	35,0	37,2
Талбиркорлик фаолиятидан олинган даромад	26,5	25,1	26,3	27,1	27,5
Ижтимоий трансфертлар (пенсия, нафақа ва стипендиялар)	13,6	9,2	12,0	12,3	12,4
Мулкдан олинган даромадлар	1,8	0,4	1,1	1,1	1,0
Томорқадан олинган даромадлар	20,1	18,7	16,0	16,5	15,0
Якка меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар	1,4	6,4	5,9	6,1	6,0
Бошқа даромадлар	6,4	4,9	2,0	1,9	0,8
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

3 - жадвал

Ўзбекистонда аҳоли пул харажатлари таркиби (%)

Кўрсаткичлар	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Жами даромадларнинг харажат қилинган қисми, жумладан:	96,1	97,0	101,0	95,7	99,0	98,0
товар ва хизматларни сотиб олиш сарфлари (истеъмол харажатлари)	85,3	85,7	84,4	78,7	76,9	72,5
мажбурий тўловлар ва бадаллар	8,4	9,0	7,7	7,8	7,8	7,0
банклардаги қўйилмалар, қимматли қоғозлар ва валюта сотиб олиш харажатлари	2,1	2,2	8,8	9,2	14,3	18,5
Аҳоли қўлидаги пул қолдиғи	3,4	3,0	-1,0	4,3	1,0	2,0

ланган реал даромадлар қуйидагича ўсди (олдинги йилга нисбатан %): 2000 й. — 124,7, 2001 й. — 117,5, 2002 й. — 111,6, 2003 й. — 111,9, 2004 й. — 114,5.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиш тенденциялари аҳоли харажатлари ҳажми ва таркибида ҳам ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Буни аҳоли харажатларининг таркибидан кўриш мумкин (3-жадвал).

2000–05 й.ларда аҳолининг истеъмол харажатлари қисқарган ҳолда, жамғариш ошди. Бу даромадларнинг кўпайиш натижаси бўлиб, улар истеъмолдан ортиб қола бошлаган, мана шу ортиқ қисм пул банкларга қўйилган ёки уларга акциялар сотиб олинган.

Уй ҳўжаликлари жамғармаларининг ўсиши ҳисобига жорий истеъмолни молиялаштириш ҳажмининг қисқариши аҳолининг жамғаришга мойиллиги ва инвестицион фаолигининг ошаётганлигидан далолат беради. Бунинг натижасида 2004 й.да аҳоли маблағларининг жами инвестициялардаги улуши ўсди. Шу б-н бирга, ривожланган мамлакатлар б-н солиштирганда аҳоли харажатлари таркибида истеъмол харажатлари улушининг ҳали ҳам юқори эканлигини таъкидлаш лозим.

Аҳолининг истеъмол харажатлари ҳам таркибан ўзгарди. Аҳоли харажатлари таркибида ҳаётий муҳим эҳтиёжларни таъминлаш б-н боғлиқ хизматлар — уй-жой ва коммунал ҳўжалик хизматлари, транспорт, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларига сарфланган харажатлар улушида ўсиш тенденцияси кузатилаётган.

Хизматларга сарфланган харажатлар улушининг ўсиши энг аввало, шаҳар аҳолисининг уй-жой ва коммунал хизматларга сарф-харажатлари ошганлиги б-н боғлиқ. Аҳоли озиқ-овқат харажатларининг ҳиссаси қисқариб, ноозиқ-овқат товарларига ва хизматлардан фойдаланишига кетган пул ҳиссаси ортиб борди. Бироқ бундай ўзгаришга даромаднинг ортишидан ташқари нарх-

ларнинг ўзгариши ва натурал истеъмолнинг кўпайиши таъсир этди. Аҳоли истеъмол харажатларининг 50% дан кўпрогини озиқ-овқат маҳсулотлари ва 20% га яқинини ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этди.

Даромадлар ортиши туфайли аҳоли кийим-кечак, узоқ мuddат ишлатилувчи товарларни (мебель, музлатгич, телевизор, магнитофон, видеокамера ва ҳ.к.), автомобиль ва квартиралар сотиб олиш, янги уй қуриш имконига эга бўлди. Натижада ноозиқ-овқат товарларига қилинган сарф ҳиссаси 1999 й. 14,8% бўлса, 2004 й.га келиб 22,4% этди.

Аҳолининг турар жой шароитида ҳам миқдорий ҳам сифат ўзгаришлари кузатилди. Хусусийлаштириш туфайли аҳоли ўз квартираларининг мулкдорига айланди. Аҳолининг ўз пули ва кредит ҳисобидан уй-жой қуриши кенг миқёсда ривожланиб, бу уй-жой б-н таъминланиш даражасини оширди. Шу сабабли 2004 й. Ўзбекистонда уй-жой фондининг 98,7% хусусий бўлди.

Гарчи, аҳоли даромадлари ва харажатлари таркибида ижобий ўзгаришлар кузатилаётган бўлса-да, аҳоли жон бошига даромадлар кўрсаткичи бўйича республика минтақалари ўртасида сезиларли тафовутлар мавжуд.

Аҳоли жон бошига пул даромадлари бўйича минтақалар ўртасидаги тафовут ўсиш тенденциясига эга бўлаётган. Агар 2000 й.да аҳоли жон бошига пул даромадлари бўйича энг юқори (Тошкент ш.) ва энг паст (Жиззах вилояти) кўрсаткичлар ўртасидаги нисбат 4,4 мартани ташкил этган бўлса, 2004 й.га келиб бу нисбат (Тошкент ш. ва Қорақалпоғистон Республикаси кўрсаткичлари ўртасида) 5,7 мартага тенг бўлди.

Аҳоли жон бошига пул даромадлари бўйича Ўзбекистон минтақалари ўртасидаги тафовут даражасини қисқартириш иқтисодий ва бозор механизмларидан мақсадга мувофиқ нисбатда фойдаланишни таҳозо этди.

Аҳмаджон Улмасов.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд иқтисодий, ижтимоий вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирлар мажмуини қамраб олган. Ижтимоий ҳимоя ёши, саломатлиги, ижтимоий аҳоли, тирикчилик воситалари б-н етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга муҳтож фуқароларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши ва фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатидир. Ижтимоий ҳимоянинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигининг тўхтовсиз яшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларга барҳам бериш, жамият томонидан ҳар бир кишига муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини яратган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» (1991, 18.11), «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» (1993, 3.9) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 – 2005 йилларда ёлғиз кекса пенсияонерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида» қарори (1999, 7.12) ва б. ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб шакллана бошлади. 90-й.ларга келиб, бозор иқтисодиётига ўтиш асосида амалдаги ислохотларга мос равишда янгидан ташкил этилди. Айниқса, миллийлик, ўзликни англаш, эътиқод ва анъаналарнинг тикланиши ижтимоий ҳимоя тизимига муҳим янгилик бўлиб қўшилди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотлар дастурида узлуксиз устувор йўналишлардан бири ҳисобланади, яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устувор ҳисобланадиган вазибалар қаторига кирди. Мамлакатда ижтимоий йўналирилган бозор иқтисодиёти барпо қилишда давлат томонидан кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати олиб борилмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан бири ҳисобланади.

Республикада ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий муҳити яратилди, унга қонуний асос солинди. Ижтимоий ҳимоя тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланиб, қабул қилинган қонунларда ўз аксини топди. Мамлакатда даромад олишнинг кафолатланиши амалга оширилди. Кенг миқдосда янги иш жойлари яратилиши аҳолини иш б-н таъминлаш, ишсизлик муаммосини ҳал қилмоқда. 2001 й. 13 фев. да аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўйича давлат бошқарувини мукамаллаштириш мақсадида Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги бирлаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик тизимидаги 14 та – Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент ш. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, жойлардаги туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини пенсиялар ва нафақалар б-н таъминлаш, давлат томонидан белгиланган ёрдам, имтиёзлар ва кафолатларнинг манзилли етказилишини ташкиллаштириш ва назоратини олиб бориш вазифаларини бажаради.

«Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2010 й.гача бўлган даврга мўлжалланган ижтимоий ҳимоя тизимининг ягона концепцияси» ишлаб чиқилган. Унда республикада мавжуд бўлган ижтимоий ҳимоя ижтимоий ёрдам, пенсия таъминоти, болаларга нафақа тўлаш, ёлғиз кексаларга хизмат кўрсатиш, ногиронларни протез-ортопедия буюмлари, ҳаракатланиш воситалари б-н таъминлаш, шунингдек меҳнат ва ижтимоий жиҳатдан тиклаш, тиббий хизмат, ишсизларни ишга жойлаштириш ва моддий ёрдам бериш, бир йўла ёрдам тизимлари асосларида амалга оширилиши белгиланган. 2000 – 2005 й.ларда ижтимоий ҳимоя тадбирларига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2,2 – 1,8% миқдоридан маблағлар ажратилди ва унинг асосий қисми кам таъминланган оилаларга, шу жумладан болали оилаларга нафақалар беришга сарфланди. 2005 й.да ижтимоий ҳимояга давлат бюджети харажатлари 279,6 млрд. сўм (ЯИМ нинг 1,8%) ни ташкил этди.

И ж т и м о и я т аъ м и н о т, и ж т и м о и я т аъ м и н о т ё р д а м, и ж т и м о и я т аъ м и н о т т аъ м и н о т тадбирлари ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисмларини ташкил этади.

Ижтимоий таъминот

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, 90-й.лар бошидан бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини, айниқса но-чор гуруҳларни аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барпо этилди, пенсия жамғармаси, ижтимоий нафақалар, пенсиялар ва нафақалар индексацияси каби тушунчалар ва тузилмалар амал қила бошлади. Аҳолида бир фуқарога, фуқаролар тоифаларига бошқа фуқаролар б-н тенг имкониятлар бериш орқали уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига биноан «ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга»дир. Ижтимоий таъминот чораларига фуқароларнинг пенсия таъминоти (кексалик бўйича, ногиронлик бўйича, боқувчисини йўқотганлик бўйича) ва ижтимоий нафақалар (ногирон болаларга, болаликдан ногиронларга, ишламаган ёлғиз ногирон ва кексаларга), муҳтожларни бепул протез ортопедия ва ҳаракатланиш воситалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар б-н таъминлаш, ногирон болаларни касбга ўқитиш ва ишга жойлашишида ёрдам кўрсатиш, бепул санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, бепул тиббий хизмат, бепул таълим бериш, турар жой, маиший хизмат, солиқларга алоқадор ва б. да имтиёзлар ва кафолатлар ва б. кирди. Бу кафолатлар ва имтиёزلардан уруш ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар; ўзгалар парварishiга муҳтож ёлғиз кекса пенсионер ва ногиронлар; боқувчисидан ажралган оилалар, кам таъминланган оилалар; «Меҳрибонлик уйлари» ва мактаб интернатларини битириб чиққан ва оиласи ёки қариндошлари бўлмаган етим болалар; ижтимоий хусусиятга эга сурункали ва оғир касалликларга чалинган, лекин ногирон бўлмаган шахслар; меҳнат органларида расман қайд этилган ишсизлар ва б. каби фуқаролар тоифалари фойдаланадилар.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган қарийб 6259,4 минг нафар пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, етимлар, боқувчисини йўқотганлар ва б. тоифадаги имтиёзга эга фуқаролар

ҳуқумат томонидан белгиланган кафолатлардан фойдаланиб келмоқда.

Ногиронларни сифатли протез-ортопедия мосламалари б-н таъминлаш мақсадида Германиянинг «Отто-Бокк» фирмаси технологиялари асосида маҳаллий хом ашёлардан бундай мосламаларни ишлаб чиқариш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида янги «Ортопедия реабилитацияси» илмий-и. ч. корхонаси ташкил этилди, ногиронларга қўлай бўлиши учун республиканинг 12 та вилоятида бош корхонанинг филиаллари ишга туширилди. Йилига 7000 нафарга яқин ногиронларга протез ортопедия мосламалари тайёрлаб берилмоқда.

Шунингдек, муҳтожларни ногиронлик аравачалари б-н таъминлаш, мавжуд эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида 2002 й.нинг декабидан бошлаб вазирлик тизимида йилига 2000 тага яқин ногиронлар аравачаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 2005 й.дан қонунчиликда белгиланган тартибда пенсионер ва ногиронлар санаторийларга бепул йўлланмалар б-н таъминланадилар.

Пенсионер ва ногиронларни соғломлаштириш ишлари учун вазирлик тизимида 7 та санаторий фаолият кўрсатади. Улар «Товоқсой» (Тошкент вилояти Бўстонлик тумани), «Олтиариқ» (Фарғона вилояти Олтиариқ тумани), «Косонсой» (Наманган вилояти Косонсой тумани), «Тахиятош» (Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош ш.), «Нуронийлар оромгоҳи» (Тошкент ш.), «Маржонсув» (Жиззах вилояти Фаллаорол тумани) ва «Қариялар оромгоҳи» (Жиззах вилояти, Жиззах ш.). Бу санаторийларда ҳар ойда 2000 дан ортиқ пенсионер ва ногиронлар соғлиқларини тиклайдилар.

Вазирлик тизимида тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатадиган тўлиқ давлат таъминотидаги 33 та «Саҳоват» ва «Мурувват» қариялар уйлари фаолият кўрсатади. Ушбу тиббий-ижтимоий муассасаларда парварishiда бўлган қарийб 7500 нафар қария ва ногиронлар соғлиқни сақлаш тизими муассасалари б-н ҳамкорликда ҳар йили 2 марта тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилиб, уларнинг соғлигини режали равишда тиклаш ишлари йўлга қўйилган.

Ижтимоий таъминотнинг энг муҳим шакллари – фуқароларга давлат томонидан тўланадиган пенсиялар ва нафақалардир.

Пенсия таъминоти. Жаҳон амалиётида пенсия тизимларининг ҳ а м ж и ҳ а т м а с ь у л и я т тизими (ҳоз. ишлаётган авлод олдинги авлоднинг пенсияларини маблағ б-н таъминлаш учун бадал-

лар тўлайди) ва ж а мғ а р м а т и з и м и (ҳар бир ишловчи ходим меҳнат фаолияти давомида ўзининг қариллик даврини таъминлаш учун махсус пенсия жамғармаларида маблағ йиғиб боради) мавжуд. Ўзбекистонда пенсия таъминотининг ҳамжиҳат масъулият тизими қўлланилади. 2004 й. 2 дек.да Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» қонуни қабул қилинди. 2005 й. 1 янв.дан ишлаётган фуқаролар тўлайдиган даромад солигининг 1% миқдоридagi ажратмалардан иборат фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари Ўзбекистон Республикаси Халқ банки муассасаларида эгаси ёзилган шахсий пенсия ҳисобварақларига ўтказилиши тартиби белгиланди. Фуқаролар ўзларининг бу пенсия жамғармасидан давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган муддатда фойдалана бошлайдилар.

Ўзбекистонда ҳоз. пенсиялар тизимининг шаклланишини тўрт босқичга бўлиш мумкин. Б и р и н ч и б о с қ и ч (1918 – 1956 й.лар) даврида меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли ногирон бўлганларга, қарияларга ва кўп йиллик хизматлари учун каби пенсия турлари жорий этилди. Аёллар ва эркакларга ёшига қараб пенсия белгилаш ҳам ўша даврда қарор топди.

Шўро ҳокимияти даврида, асосан фуқаролар урушида ногирон бўлганлар ва боқувчисини йўқотган оилалар учун пенсия тайинланган. 1928 й.дан кексалик ва кўп йиллик хизматлари учун пенсиялар, дастлаб саноатнинг алоҳида ишчилари, кейинчалик эса барча ишчиларга берила бошлади. 1937 й.га келиб бу пенсия хизматчилар учун ҳам жорий этилди. Пенсия таъминотида ягона тартиб йўқ бўлиб, пенсия тармоқлар тамойили бўйича тайинланган.

И к к и н ч и б о с қ и ч (1956 – 1990 й.лар) даврида давлат пенсия таъминоти тўғрисида илк бор ягона қонун («Давлат пенсиялари тўғрисида») қабул қилинди (1956). Бу қонунга асосан барча тармоқ ишчи-хизматчилари учун (колхозчилардан ташқари) ягона пенсия тартиби белгиланди.

1964 й.да «Колхоз аъзоларига пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилинган, барча колхозчилар учун ягона пенсия таъминоти жорий бўлди. Меҳнатга вақтинча қобилиятсизлиги учун нафақалар, аёлларга ҳомилдорлик ва туғиш учун бериладиган нафақаларнинг миқдори кўпайтирилди. 1965 й.га келиб, аҳолининг барча қатламлари пенсия таъминоти б-н қамраб олинди.

У ч и н ч и б о с қ и ч (1990–94 й.гача) мамлақат иқтисодиёти бозор муносабатлари тартибига ўта бошлагач, пенсия таъминотида ҳам ислохотлар ўтказилиши б-н бошланди. Бу босқичда илк бор пенсия жамғармаси, ижтимоий пенсия, даромадларни индексациялаш тушунчалари пайдо бўлди. 1990 й.да ўша даврдаги пенсия таъминотининг ҳуқуқий асоси бўлган «СССР да фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида» қонуни қабул қилинди. Қонунга кўра ёшга доир пенсияларнинг таянч қисми ўртача иш ҳақининг 50% дан 55% га кўтарилди; ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажидан ортқ бўлган ҳар бир тўлиқ иш йили учун пенсиянинг ўртача миқдорини 1% га ошириш; иш стажига олий ва ўрта махсус ўқув юртралида ўқиш муддатлари, суғурта бадаллари тўланганда якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оналарнинг болаларни гўдаклик ёшида парваришлаш давлари (ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча – жами 6 йил доирасида) ва б. иш стажига қўшиладиган бўлди.

Т ў р т и н ч и б о с қ и ч (1994 й.дан ҳоз. даврга қадар) – Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида» қонуни (1993, 3 сент.) қабул қилиниб, 1994 й.дан амалда жорий этилиши б-н бошланди. Ушбу қонунга кўра пенсиялар миқдори меҳнат стаж ва ўртача иш ҳақиға янада узвий боғланди. Пенсия миқдори: пенсиянинг таянч миқдори; меҳнат стаж учун пенсиянинг оширилган қисми; пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан ташқил топади. Пенсияларнинг 3 тури мавжуд: ёшга доир пенсия; ногиронлик пенсияси; боқувчисини йўқотганлик пенсияси. Ё ш г а д о и р п е н с и я ў з наъбатида 2 хил бўлади: умумий асосларда тайинланадиган ва имтиёзли асосларда тайинланадиган пенсия. Умумий асосларда тайинланадиган ёшга доир пенсия – эркаклар 60 ёшга тўлганда ва камиди 25 й. меҳнат стажига эга бўлганда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва камиди 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлганда тайинланади. Болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда аёлларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида ЎзР нинг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида» (1999 й. 14 апр.) қонунига асосан, камиди 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган аёллар 54 ёшда пенсияга чиқиб, тўлиқ пенсия олишлари мумкин. Бу қонун 1999 й. 1 июлдан кучга кирган. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 12 майдаги 250-сонли «Имтиёзли шароитларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган

ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2- ва 3-руйхатларини тасдиқлаш тўғрисида» қарорига кўра фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли асосларда тайинланадиган ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Мас., айрим тоифа фуқаролар ёшидан қатъи назар, ёшга доир пенсияга чиқиш ёши 10 й.га, бошқалари учун пенсия ёши, талаб этиладиган меҳнат стаж 5 й.га қисқартирилган, баъзи гуруҳ шахсларга янада имтиёзлироқ шартлар белгиланган.

Ёшга доир пенсия ишламайдиган пенсионерларга улар истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот органлари томонидан тўлиқ миқдорда тўланади. Ишлаб турган пенсионерларга қоидага кўра, ёшга доир пенсиянинг 50% миқдорда уларнинг иш жойи бўйича тўланади. Истисно тартибда айрим тоифа ходимларга ёшга доир пенсия тўлиқ миқдорда тўланади. Уларга имтиёзли пенсионерлар (уруш қатнашчилари, ногиронлари), боқувчисини йўқотганлик учун оила аъзоларига пенсия олаётган шахслар қаторида маҳалла кўмиталари раислари, ўзини-ўзи бошқариш органларида диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар лавозимига тайинланган пенсионер аёллар кирди. ЎзР Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (1999 й. 17 март) га мувофиқ, ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйлари, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдида мазкур мутахассисликлар бўйича камиди 10 йил стажга эга бўлган аёлларга 1999 й. 1 июлдан бошлаб пенсия тўлиқ миқдорда тўланади.

Н о г и р о н л и к п е н с и я с и меҳнат қобилиятини амалда узоқ муддатга ёки бутунлай йўқотиш муносабати б-н тайинланади.

Б о қ у в ч и с и н и й ў қ о т г а н л и к п е н с и я с и – пенсия жамғармаси маблағи ҳисобидан ҳар ойда бериладиган тўловлардан иборат бўлиб, унинг миқдори вафот этган боқувчининг иш ҳақиға, унинг қарамоғида бўлиб келган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари сонига боғлиқ. Пенсиялар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади (Республикада пенсионерлар сони ва таркиби бўйича маълумотлар жадвалда берилган).

Нафақалар. Нафақа ёрдам пули тарзида, асосан, муайян сабабларга кўра меҳнат қилиш имкониятига эга бўлмаган ва доимий равишда ёрдамга муҳтожларга давлат томонидан бериллади. Ўзбекистонда биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 24 июндаги қарори б-н жорий қилинган (1990–94 й.ларда ижтимоий пенсиялар). Нафақалар болаликдан ногирон, ёлғиз қария ва ёлғиз ногиронларга, меҳнатга вақтинчалик қобилиятсизларга, ҳомилалор ва туққан аёлларга, 3 ёшгача бўлган болалари тарбияси б-н банд бўлган аёлларга, ишсизларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ва б.га ойма-ой тўлаб бориллади.

Ойлик нафақа ногирон болаларга 16 ёшга етгунига қадар, уни олиш ҳуқуқини берадиган тиббий далиллари бор бўлса; шунингдек, иш стажига эга бўлмаган 16 ёшдан ошган, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан болаликдан I ва II гуруҳ ногирони, деб тан олинган шахсларга тўланади.

Ногиронлик нафақаси ногиронлик бошланган ҳолда, яъни доимий ёки узоқ вақт меҳнат қобилияти йўқотилган ҳолда, фақат I ва II гуруҳ, ёлғиз ногиронларга тайинланади ҳамда тўланади.

Пенсия тайинлаш учун зарур иш стаж бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга бериладиган ёшга доир нафақа иш стаж ҳамда таъминлаб туриши лозим бўлган қариндошлари бўлмаган шахсларга: эракаларга 65 ёшдан, аёлларга – 60 ёшдан бошлаб тайинланади.

Ёшга доир нафақа, ногиронлик нафақаси ва боқувчисини йўқотганлик нафақаси ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинланади. Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ҳолда нафақа тўлови тўхтатилади. Нафақа миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақиға фоиз нисбатида ҳисобланади.

Нафақа онанинг иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, она ишламаган (хизмат қилмаган, ўқишда бўлмаган) ҳолда ота (васий ёки ҳомий) нинг иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича тайинланади.

Нафақалар миқдори пенсиядан фарқли равишда қатъий миқдорда белгиланади. 2002 й.да Ўзбекистонда нафақа олувчилар 258.8 минг кишини ташкил этди. Уларнинг асосий қисмини болаликдан ногирон бўлганлар ташкил этади.

Ижтимоий ёрдам

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ёрдам кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, 16 ёшгача фарзандли булган кам таъминланган оилаларга ойлик нафақа тўлаш, беморлар ва кексаларга хизмат кўрсатиш, болаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва б. шаклларда амалга оширилади. 1994–97 й.ларда муайян вақтда қийин шароитга тушиб қолган фуқаролар, фуқаролар тоифалари, оилаларга давлат томонидан вақтинчалик кўрсатиладиган ёрдам чора-тадбирлари қўлланилди. Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини ишончли ижтимоий кафолатлар, айниқса, унинг ночор гуруҳларини аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими барпо этилди. Бу тизимда маҳалла марказий ўринда туради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармониға (1994 й. 23 авг.) кўра вояға етмаган фарзандлари бўлган кўп болали оилалар, кам пенсия олаётганларнинг оилалари, ногиронларнинг оилалари, ишсизлар ва боқувчисини йўқотганларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва кам даромад олаётган муҳтож оилаларга моддий ёрдам берилмоқда. Республика Президентининг 1996 й. 10 дек.даги фармони б-н 16 ёшгача фарзанди бўлган кам таъминланган оилалар давлатнинг алоҳида оталиғига олинди, 2002 й. 25 янв.даги фармонға биноан ижтимоий ёрдам кўрсатиладиган фарзандли оилалар доираси умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида ўқиётган 18 ёшгача фарзанди бўлган оилалар ҳисобига кенгайтирилди.

Ҳоз. даврда ижтимоий ёрдам тизимида кексаларни қўллаб-қувватлашға ало-

ҳида эътибор бериллади. Ижтимоий таъминот органларида рўйхатға олинган ва ўзгалар парваришиға муҳтож 24,1 минг нафарға яқин ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг барчасиға уларнинг уйида ижтимоий таъминот ходимлари, Қизил Ярим Ой жамиятининг меҳр-шафқат ҳамширалари, меҳнат органлари орқали ҳақ тўланадиган жамоат ишлариға жалб қилинган ишсизлар томонидан ижтимоий хизмат кўрсатилади.

Булардан ташқари Ўзбекистонда н о р а с м и й и ж т и м о и й ё р д а м турлари ҳам мавжуд; уларға қариндошларнинг ўзаро ёрдами, миллий ва диний урф-одатларға кўра қилинадиган ёрдам, корхона ва ташкилотларнинг пенсионерларға, кам таъминланган кўп болали оилаларға, бева-бечораларға моддий ва пул ёрдами кирали.

Республикада аёллар, болалар, кексаларға алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдамнинг жамият ҳаётидаги таъсири ва нуфузини оширишда республикада 1997 й. «Инсон манфаатлари йили», 1998 й. «Оила йили», 1999 й. «Аёллар йили», 2000 й. «Соғлом авлод йили», 2001 й. «Оналар ва болалар йили», 2002 й. «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 й. «Обод маҳалла йили», 2004 й. «Меҳр ва мурувват йили», 2005 й. «Сиҳат-саломатлик йили», 2006 й. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилингани ва уларға тааллуқли махсус дастурларни амалға ошириш ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам муаммоларини ҳал қилиш ва бунға жамоатчиликни жалб этишда яхши самара берди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳафиза қилиш вазирлиғи тизимида халқаро мурувват ёрдами кўрсатувчи «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан», «Экосан» «Маҳалла», «Нуронийлар», «Болалар» ва б. жамғармалар, Қизил Ярим Ой жамияти б-н ҳамкорликда ёлғиз кексаларға, пенсионерлар ва ногиронларға, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига, «Саҳоват» ва «Мурувват» уйлариға пул маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, кийим-бош ва б. бериш йўли б-н нодавлат и ж т и м о и й таъминоти ва ҳомийлик — мурувват ёрдами кўрсатиш йулға қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида пенсионерлар сони ва таркиби (йил охирида, минг киши)

Пенсиялар тури бўйича	1995	2000	2004
ЖАМИ:	2396,6	2630,7	2706,9
шу жумладан:			
Ёшга доир	1771,7	1833,7	1914,3
Ногиронлик бўйича	404,5	570,5	564,5
Боқувчисини йўқотганлик бўйича	220,4	226,5	228,1

Реабилитация марказлари

Республикада жанговар ҳаракатлар олиб борилган мамлакатларда байналминат бурчини бажарган ҳарбий хизмат-

чилар, Чернобыль фалокати оқибатида шикастланган шахслар, 1941—45 й.лардаги уруш даврида фронт ортида ишлаганлар, 2-жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ва б.ни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштиришни амалга оширадиган махсус муассасалар ташкил этилган. Тошкент ш.да Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш миллий маркази ва унинг 12 та (Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларидан ташқари) минтақавий марказларида, Таянч-ҳаракат қилиш тизими бузилган ногиронларни соғломлаштириш республика марказида ҳар йили 16 мингдан ортиқ ногиронлар соғломлаштириш чора-тадбирларини ўтайдилар.

Республикада ижтимоий ҳимоя соҳаси учун олий ва ўрта маълумотли мутахассислар Ўзбекистон Миллий ун-ти, Тошкент иқтисодий ун-ти, Тошкент молия ин-ти, Тошкент юридик ин-ти, Тошкент ижтимоий таъминот-ҳуқуқшунослик коллежи (1967)да тайёрланади.

1991 й. январдан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг махсус журнали «Саҳоват» (1958—90 й.ларда «Ўзбекистон социал таъминоти») нашр этилади.

Оқилжон Обидов.

УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ

Коммунал хўжалиги аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ва тегишли маиший қулайликлар яратишга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг кўп тармоқли уй-жой-коммунал хўжалиги таркибида аҳолини ичимлик сув, табиий газ ва иссиқлик энергияси, иссиқ сув б-н барқарор таъминлаш, электр энергиясини етказиб берадиган тармоқлар, шу тармоқлардан фойдаланадиган ҳамда хизматларни етказиб берадиган, аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш б-н шуғулланувчи санитария-техника ташкилотлари, электр, газ ва тақсимловчи тармоқлар, шаҳар хўжалигини ободонлаштириш, лойиҳалаш корхоналари, ташкилотлари ва б. мавжуд.

Республикада коммунал хизмат курсатишни «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (2001) ва тегишли вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг коммунал хизмат курсатиш идоралари амалга оширади. Уларнинг фаолият доираси шаҳар ва шаҳарчалар, туман марказлари б-н чегараланади. Айрим шаҳар ва шаҳарчаларда, қишлоқ жойларда коммунал хизмат

кўрсатишни йирик саноат корхоналари ва ташкилотлари ҳам амалга оширади.

20-а. бошларигача Ўзбекистонда коммунал хўжалик умумдавлат хўжалиги тармоғи сифатида шаклланмаган эди. Аҳоли ичиш учун булоқ, қудуқ, оқар сувлар (анҳор, ариқлар) дан фойдаланган. Шаҳар маҳаллаларида катта-кичик ҳовузлар бўлган. Маҳаллий аҳоли яшайдиган уй-жойлар қишда фақат сандал (танча) б-н иситилган. Хонадонларда асосий ёқилғи сифатида утин, чалма, тезак ва таппи ишлатилган.

20-а.нинг 20-й.ларидан ободончилик тadbирлари шаҳарсозлик бош режаси бўйича олиб борилди. Кейинги ўн йилликлар давомида Ўзбекистонда коммунал хўжалиги йирик соҳага айланди, саноат и. ч.нинг ривожини ва аҳолининг тез ўсишига боғлиқ ҳолда илдам суръатлар б-н ривожланди.

Қишлоқ жойларида аҳоли яшайдиган жойларни обод қилишда лойиҳалаш ишлари йўлга қўйилди. кўплаб шаҳарчалар, экспериментал агрошаҳарлар қурилди. Республикада 1995—2005 й.лар давомида уй-жой — коммунал хўжалиги соҳасида чуқур иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. 2001 й. 1 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат курсатиш вазирлиги (1993 й.да ташкил этилган) тугатилди ва унинг негизида «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ташкил қилинди. Аҳолига коммунал хизматлар курсатиш масалаларида маҳаллий давлат бошқаруви ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ва масъулиятини ошириш мақсадларида барча коммунал хизматларни курсатиш

корхоналари, хизмат курсатиш ва хўжаликни ривожлантириш вазифалари ҳудудий (вилоят) ҳокимликлари тасарруфига берилди. «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг тасарруфида аҳолига ва корхоналарга табиий газ етказиб берувчи ҳудудий газ таъминоти корхоналари ҳамда минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бош дирекцияси қолдирилди. Шунингдек, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги республикада коммунал хизматлар мониторингини олиб боради.

Республикада уй-жой фонди жамоат, уй-қурилиш кооперативлари, давлат, фуқароларнинг шахсий мулки бўлган уй-жойларни ўз ичига олади. Ўзбекистонда асрлар давомида уй-жой аҳолининг ўзи томонидан қурилган. 20-а.нинг 20-й.лари бошларидан давлат йўли б-н уй-жой бинолари қурила бошлади. Шаҳар ва қишлоқларда замонавий европача андозадаги бинолар қад кўтарди. Кейинчалик аҳоли турар жойини яхшилаш учун жуда кўплаб маблағлар сарфланди. Республикада шахсий уй-жой қурилиши ҳиссаси катта. 2004 й.да умумий майдони 6178,6 минг м² (54,8 минг квартира), шу жумладан қишлоқларда 5496 минг м² турар жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди, унинг 6133,5 минг м² ёки 93% якка тартибда уй-жой қурувчилари томонидан бунёд этилди. Жами уй-жой фонди 373,5 млн. м² ни ташкил этади. Унинг 142,1 млн. м² ёки 38% шаҳарларда жойлашган (2006). Республика бўйича аҳоли жон бошига ўртача 14,4 м² уй-жой тўғри келади (шу

Туямўйин—Нукус минтақавий сув қувири сув тозалаш станциясидаги тиндиргичлар мажмуи.



жумладан қишлоқларда 14,1 м²). Шаҳар уй-жой фонди марказлаштирилган сув таъминоти б-н 88,6% (1995 й.да 71%), канализация б-н 50,8% таъминланган. Республикада уй-жой фонди 98% газлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғриси»даги қонуни (1993 й. 7 май) га қура республикада давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш асосан тугалланди. Давлат уй-жой фондининг қарийб 98,8% фуқароларга хусусий мулк қилиб берилди. 1992–93 й.ларда умумий майдони 57 млн. м² бўлган 990,6 минг квартира арзон баҳоларда, шу жумладан 18,87 млн. м² бўлган 318,7 минг квартира бепул (маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ходимларига) хусусий мулк қилиб берилди.

Амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида ва кўп қаватли уй-жойлар хусусийлаштирилгани инobatга олиниб кўп қаватли уй-жойлардан фойдаланиш, умумий фойдаланиш жойларига хизмат кўрсатиш ва бошқариш вазифалари б-н шугулланадиган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилди. Ҳоз. вақтда республика шаҳар ва туманларида 2188 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатади. 2005 й.да уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н таъминлаш, уй-жойлардан фойдаланишда замонавий усул ва услубларни жорий қилиш мақсадида уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари ташкил топди. Республикада 45 та уй-жой мулкдорлари уюшмалари фаолият кўрсатмоқда (2006).

Шаҳар, шаҳарча ва қишлоқларда аҳолини ичимлик сув б-н таъминлаш, шунингдек ичимлик сув сифатини яхшилаш мақсадида 1988–95 й.ларда суткасига 381 минг м³ ичимлик суви етказиб берадиган шохобчалар қурилишига туширилди (Самарқанд, Урганч, Нукус, Жиззах, Термиз ва б. шаҳарларда). 90-й.ларда Туямўйин – Урганч, Туямўйин – Нукус, Дамхўжа ва б. сув қувурлари фойдаланишга топширилди. Республика коммунал хўжалигида умумий қуввати суткасига 8,53 млн. м³ тоза сифатли ичимлик сувини олиш кучига эга бўлган иншоотлар, 45584 км узунликдаги сув ўтказгич тармоқлари (водопроводлар) ва магистрал сув ўтказгичлар (водовод) тармоқларидан фойдаланилади (2006). Аҳоли жон боши ҳисобида бир кеча-кундузда истеъмол қилинадиган сув шаҳарларда 331,7 л ни (2006; 1993 й.да 536,3; 1990 й.да 507,2) ва қиш-

Ўзбекистон Республикасида аҳоли турар жойларини табиий газ ва сув билан таъминлаш кўрсаткичлари

	1990	1995	2000	2004	2005
Газ билан таъминланган хонадонлар сони, минг	3290,6	3836,6	3613,07	3851,522	3934,814
шу жумладан:					
шаҳарларда,	1699,4	1850,8	1772,9	1843,8	1865,6
қишлоқларда	1591,2	1985,8	1840,1	2007,7	2069,1
Тақсимловчи газ қувурлар,					
жами, км	22900	58800	76938	85457	87401
шаҳарларда	12900	17300	18482	19808	20175
қишлоқларда	9900	41500	58456	65649	67226
Маҳалла ва ҳовли сув қувурлари, жами, км	---	---	26076	27031	28540
шаҳарларда	---	---	11447	115520	11821
қишлоқларда	---	---	14629	15511	16719

лоқларда 100 – 120 л (1993 й.да 240,4 л; 1990 й.да 119,4 л) ни ташкил этди.

Уй-жойларни ободонлаштиришда к а н а л и з а ц и я муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда археологик қазиларда айрим йирик шаҳарларда (Самарқанддаги Афросиёб қалъаси, Тошкентдаги Қоратosh ҳаммоми харобаси) сопол қувурли тазар (канализация) қолдиқлари топилган. Аҳоли, асосан, кир ўралар, ҳаниклардан фойдаланган. Ҳоз. замон канализация тармоғи 20-а.га келиб қурила бошлаган, 20-а. ўрталаридан унинг тармоғи кенгай борган. 2005 й.га келиб бир кеча-кундузда умумий қуввати 3,65 млн. м³ чиқинди сувларни тозалаш кучига эга бўлган иншоотлар, 5655 км (1995 й.да 3501,9 км) коллекторлар ва канализация тармоқларидан фойдаланилмоқда. Канализация-тозалаш иншоотларининг бир кеча-кундуздаги қуввати 3,65 млн. м³ ни ташкил қилади. Канализация-санитария иншоотлари орқали бир кеча-кундузда 2,57 млн. м³ оқова сув ўтказилади (2006).

1992 й.дан республика шаҳар ва айниқса қишлоқларини газлаштириш устувор давлат сиёсатига айланди. Аҳолини табиий ва суюлтирилган газ б-н таъминлашни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш. ҳудудий газ таъминоти корхоналарининг шаҳарлар ва туманлардаги корхоналари амалга оширадilar. Республика-

нинг шаҳарлари, шаҳарча ва қишлоқларида табиий газни етказиб берувчи 115,9 минг км газ тармоқлари, жумладан, 24,1 минг км ер ости газ қувурлари мавжуд (2006; 1995 й.да 65,2 минг км), 71,967 минг дона газ тақсимлаш пунктлари (шундан 2691 таси кўчмас) ишлаб турибди. Республика бўйича 3,934 млн. хонадон табиий газ б-н таъминланган (1995 й.да 2,4 млн. хонадон), бу умумий хонадонларнинг 83,2% ини ташкил қилади, жумладан, қишлоқларда 2,069 млн. хонадон ёки жами хонадонларнинг 74,5% газлаштирилган. 2005 й.да газ корхоналари олган жами 22,5 млрд. м³ табиий газдан 20,5 млрд. м³ табиий газ истеъмолчиларга етказиб берилди. Табиий газни истеъмолчиларга узлуксиз етказиб беришда республикадаги 2 та минтақавий суюлтирилган газ базаси, 15 та газ тўплаш ст-яси ва 7 та газ тўплаш шохобчаси хизмат қилади. Республикада иқтисодий ислохотлар амалга оширилиши натижасида бу корхоналар давлат таъсириндан чиқарилиб хусусийлаштирилган.

Биноларни иситиш соҳасида республика уй-жой фондини ва ижти-



Салор аэрация станцияси. Тошкент ш.

мой соҳа объектларини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув б-н таъминлайдиган, бир соатда 7452,1 Гкал иссиқлик бериш қувватига эга бўлган иситиш қозонхоналари, 5330,7 км иссиқлик тармоқлари мавжуд.

Республика коммунал хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири — худудларни ободонлаштириш д.р. Уй-жой атрофи ва шаҳар объектларини ободонлаштириш аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва меҳнат фаолиятини амалга оширишда қулайликлар яратди.

Ободонлаштириш соҳасида йўл-кўприклар хўжалиги, худудларни кўкаламзорлаштириш, кўкаламзорларни сув б-н таъминлаш, ташқи ёритиш, худудларнинг санитария тозалигини таъминлаш — маиший ва саноат чиқиндиларини тўплаш, ташиб кетиш ва зарарсизлантириш, ер ости сувларининг сатҳини пасайтириш, қабристонлардан фойдаланиш, дайди ҳайвонларни тутиш каби ишларни бажарадиган корхоналар фаолият кўрсатади. Бу тармоқнинг бир қисми аҳоли яшаш жойларининг санитария тозалигини таъминлайди. Ҳозирги даврда республиканинг 120 та шаҳар ва 59 та шаҳарчаларида махсус санитария-тозалаш автокорхоналари фаолият кўрсатмоқда. 2005 й. 1 янв. ҳолатига ушбу автокорхоналарда жами 2582 та машина ва механизмлар мавжуд, шундан 957 таси махсус қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб, 469 таси суюқ чиқиндиларни ташийдиган автомашиналардир. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаб, зарарсизлантирадиган умумий майдони 977,4 га 160 дан зиёд чиқиндихона ва суюқ чиқиндиларни қабул қилалиган 42 та махсус ст-ялар мавжуд. 2004 й.да жами 3489,2 минг м³ қаттиқ, 549,6 минг м³ суюқ чиқиндилар тўпланиб, зарарсизлантириш жойларига ташиб кетилди. Республика шаҳар ва туманларида жами 36015,4 минг м² худудлар механизациялашган усулда тозалади.

Республика шаҳар ва шаҳарчаларида автомобиль транспорти ва пиёдалар қатновини таъминлаш учун умумий майдони 226178 млн. м² бўлган, 18711,1 км йўл ва йўлакчалар қурилган, шундан 15717,5 км қопламали, жумладан 13895,3 км мукамал қопламали, унинг 12660,6 км ариқ тармоқлари эга.

Мавжуд йўлларнинг 13048,2 км ташқи ёритиш тармоқлари б-н жиҳозланган, тармоқда 365365 та ёритиш мосламалари ўрнатилган (улардан 213534 тасида симобли лампалар). Республикада шаҳарларнинг меъморий ва ландшафт ҳолатини яхшилайдиган кўкаламзорлар-

нинг умумий майдони 51561,7 га, шундан умумий фойдаланишдаги кўкаламзорларнинг майдони 16897 га ни ташкил қилади. Республика бўйича ўртача ҳар бир шаҳарлик фуқарога қарийб 21 м² умумий кўкаламзорлар, 7 м² умумий фойдаланиш кўкаламзорлари тўғри келади.

Республикада коммунал хизмат кўрсатиш тизимида коммунал хизмат тармоқларини ривожлантириш йўналишлари ва техника сиёсатини ишлаб чиқувчи 2 лойиҳа ин-ти — акциядорлик жамиятлари — «Ўзбеккоммуналлоиҳа» (1966) сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, коммунал-технологик объектлар (қаттиқ жисмлар сақланадиган полигонлар, кўкаламзорлаштириш, ирригация шохобчалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш); «Ўзгазлойиҳа» (1971) — шаҳар, шаҳарчалар, қишлоқ аҳоли пунктларида газ таъминоти ва газлаштириш тизимларини лойиҳалаш масалалари б-н шуғулланади.

Уй-жой — коммунал хизмати тармоғи учун олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар Фарғона политехника, Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари ин-ти ва Тошкент аграр ун-тида, Тошкент коммунал-қурилиш, Тошкент меҳмонхона хўжалиги, Фарғона политехника коллежларида тайёрланади.

Утқир Холмухамедов.

ИЧКИ САВДО

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолининг истеъмол товарларига, саноатнинг и. ч. ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришда ички савдо муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Аҳолининг шахсий эҳтиёжига мўлжалланган барча моддий бойликларнинг 80% ички савдо орқали тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида савдо ва умумий овқатланиш тармоғи ҳиссаси 9,2% ни ташкил этади (2005). Халқ хўжалигида банд бўлган барча ишчи ва хизматчиларнинг 8,9% савдо ва умумий овқатланиш, тайёрлов соҳасида ишлайди (903,4 минг киши, 2005; 1995 й.да 566,4 минг киши). 2006 й. 1 янв. ҳолатига кўра республикада савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 60,7 корхона (республикада фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 17,5%) рўйхатга олинган. Бу тармоқда 59,6 мингта кичик бизнес корхоналари ишлади (республикадаги жами кичик бизнес корхоналарининг 19,3%).

Қадимдан Ўзбекистон худудида савдо ҳамиша иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим омилларида бири бўлиб келган. Ўрта Осиёда қўҳна савдо йўли — Буюк ипак йўлида жойлашган шаҳарлар халқаро савдода муҳим ўрин эгаллаган. Бу йўл орқали Хитой ва Мўғулистондан Ҳиндистон, Эрон, Фарбий Осиё, Кавказ ҳамда Шарқий Европага асосан ипак, тери, шунингдек зираворлар, олтин ва қимматбаҳо тошлар, заргарлик буюмлари олиб ўтилган. Ипак йўли бўйлаб, айниқса Туркистон (Ўзбекистон) худудида маълум масофаларда рабоб, карвонсарой, бекат, сардоба ва қудуқлар қурилган. Йирик шаҳарлар — Бухоро, Самарқанд, Урганч, Тошкент, Қарши ва б.да кўплаб карвонсаройлар бўлган. Карвонсарой ва бозорларда нархнаво, савдо ҳақида сўнги маълумотлар эшиттирилган. Кейинчалик карвон савдо алоқалари Волгабўйи, Москва, Қозон ш.лари б-н ҳам ўрнатилган.

Илгари Ўзбекистон худудида чакана савдо муҳим ўрин эгаллаган. Фақат Самарқанднинг ўзида 10 та бозор (16-а.), Тошкентда 16 карвонсарой (19-а.) ва Чорсу бозорида 3000 дўкон, Бухорода 22 бозор, 9 савдо растаси, 38 карвонсарой, Қаршида 10 карвонсарой (19-а. охири) мавжуд бўлган. Ўзбекистон худудида кўплаб хорижий ва маҳаллий савдогарлар савдо-сотик олиб борганлар.

Бозор ва улардаги расталар ҳунармандчилик моллари тайёрланадиган ҳамда махсус савдо ўтказиладиган жой бўлган. Майда чакана савдо, асосан, дўкондорлар, баққоллар, атторлар, бозорма-бозор кўчиб юрвчи чорбозорчилар томонидан олиб борилган.

19-а. охириларида Ўзбекистонда Умумроссия монополистик бирлашмаларининг мавқеи кучайди. Туркистондан Россияга хом ашё (пахта, пилла, мева ва б.) арзон нархларда олиб кетилиб, Россиядан келтирилган саноат моллари ва дон эса қиммат баҳода сотилди.

19-а.нинг 2-ярмидан Туркистон ўлкасида кооператив жамиятлар пайдо бўла бошлади. Улар дастлаб Сирдарё вилоятининг Авлиёота (1891), Тошкент (1893), Самарқанд ва Қўқон (1894), Андижон (1895) ш.ларида ташкил этилди. 20-а. бошларида эса савдонинг кооператив шакли вужудга келди.

Шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларида йирик улгуржи корхоналар, дон ва товар омборлари, синдикатлар, турли акциядорлик жамиятлари ва б. мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига олинди. Аҳолини озиқ-овқат б-н таъминлаш ва қ. х. маҳсулотлари тайёрлашга раҳбарлик қилиш учун 1920 й. мартда Туркис-

тон Озиқ-овқат комиссарлиги тузилди. Савдони ижтимоийлаштиришда матлубот коперацияларига алоҳида эътибор берилди. 1920 й. июлда Туркистон кооперативлари уюшмаси тузилди.

1921 й.дан янги иқтисодий сиёсат (НЭП) даврида республика ҳудудида ортиқча қ. х., ҳунармандчилик ва майда саноат маҳсулотларини айирбошлашга ружсат берилди. Бу даврда хусусий сектор чакана савдо корхоналарининг тахминан 9/10 қисми ва чакана савдо айланмасининг ярмидан кўпига эгаллик қилди.

Ички савдонинг ташкил этилиши ва бутун ҳўжаликда бозор иқтисодиётини назорат қилишнинг йўлга қўйилиши саноат маҳсулотларини сотиш б-н шуғулланувчи улгуржи савдони вужудга келтирди. 1922 й.дан улгуржи савдо, соҳа синдикатлари, товар биржалари ва ярмаркалари учун махсус бошқармалар тузила бошлади. Кооперация ва савдони бошқариш учун Ички савдо комиссарлиги тузилди. Бу даврда улгуржи савдо айланмасида кооператив савдо муҳим ўрин эгаллади.

1925 й.да республика давлат савдо ташкилотлари: Ички савдо халқ комиссарлиги, «Ўзбексавдо», Давлат савдоси, улгуржи савдо ташкилотлари ташкил этилди. 1925 й.да биринчи республика кооператив савдоси идораси – Ўзбекистон матлубот жамиятлари уюшмаси («Ўзбекбирлашув») тузилди. Уюшма таркибига ишчи, қишлоқ, шаҳар кооперативлари ва ҳарбий кооперативлар кирди.

Ўзбекистонда давлат савдосини, асосан, «Ўзбексавдо» бажарди. «Ўзбексавдо»дан ташқари Бутуниттифоқ трестлари ва синдикатларининг маҳаллий бўлинмалари, савдо корхоналари ҳам фаолият кўрсатди.

Истеъмол буюмлари бозорини шакллантиришда Россиядан келтирилган товарлар салмоқли ўрин эгаллади. Ҳарбий коммунизм йилларида алоҳида шахслар амалда бозордан четлатилгани йўқ, хусусий савдонинг асосий соҳаси – тадбиркорлик аҳоли талаб эҳтиёжини қондиришнинг муҳим манбаи эди. Давлат савдоси ва кооператив савдонинг сустривожланганлиги натижасида ички савдода хусусий капитал ўз мавқеини сақлаб қолди. Хусусий капитал улгуржи савдони ташкил этишда муҳим ўрин эгаллади. Олиб келинган товарларни кўтара сотишда хусусий воситачиларнинг ҳиссаси 50–70% бўлган. 1923–24-й.ларда барча савдо корхоналарининг 93% хусусий савдогарлар қўлида эди. Социалистик деб аталмиш савдо ўз мавқеини



муштақкамлашга ҳаракат қилди. 1925–26-й.ларда республикага энг муҳим истеъмол маҳсулотларини режали равишда етказиб беришга ўтилди. Айни вақтда Ўзбекистонда улгуржи савдодан дастлаб хусусий капитал, чакана савдодан хусусий сектор сиқиб чиқарилди. 1932 й.га келиб хусусий савдо қонун йўли б-н таъқиқлаб қўйилди. Умумхалқ мулкига асосланган совет савдосининг асосий шакли бўлган давлат савдоси етакчи мавқеини эгаллади.

Давлат савдоси улгуржи савдони изга солиш, ҳудудлараро ҳамда иттифоқдош республикалар ва чет эллар б-н товар айирбошлашни ташкил этиш б-н шуғулланди.

1929–30-й.ларда аҳолини озиқ-овқат ва саноат моллари б-н таъминлашда карточка системаси жорий этилди (1935 й.га келиб карточка системаси бекор қилиниб, эркин очиқ савдога ўтилди). Юқори баҳоларда «тижорат» савдоси ҳам жорий қилинди, ишчи ва хизматчиларни ҳамда айрим корхоналарни таъминлайдиган ёпиқ дўконлар ташкил этилди (1928), кейинчалик улар ишчи таъминоти бўлимлари (ОРС)га айлантирилди (1932). Шунингдек, универмаглар, «гастроном» тилидаги магазинлар, ихтисослаштирилган (озиқ-овқат ва енгил саноат моллари сотадиган) дўконлар ташкил этилди.

Колхоз тузуми бозор савдосининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини ўзгар-

Хива шаҳридаги «Карвонсарой» савдо марказининг савдо зали.

тириб юборди. Савдода жамоа ҳўжаликлари аъзолари, қишлоқ ишчилари қатнаша бошлади, бозорларда амалга оширилладиган янги савдо шакли – колхоз савдоси пайдо бўлди.

1935–41-й.ларда ягона давлат чакана нархлари жорий этилди, савдо аппарати ташкилий жиҳатдан қайта қурилди. Шаҳарлардаги барча ишчи таъминоти бўлимлари ва кооператив савдо тармоқлари давлат савдо ташкилотларига берилди. Матлубот кооперациялари, асосан, қишлоқдаги савдони уюштириш ва ривожлантириш вазифасини бажаришга ўтказилди.

1941–45-й.лардаги уруш даврида Ўзбекистонда меъёрланган давлат таъминоти карточка системаси жорий этилди (1947 й. охирида бекор қилинди ва очиқ савдога йўл қўйилди).

1950–60-й.ларда Ўзбекистонда чакана савдо айланмаси 1,9 марта, шу жумладан давлат савдоси 1,6 марта, умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси 2 марта, матлубот кооперациялари товар айланмаси 2,1 марта ортди.

60–90-й.ларда савдонинг асосий шакллари давлат, кооператив ва колхоз савдосидан иборат бўлди. Давлат савдоси улгуржи товар айланмасининг асосий қисмини амалга оширди. Давлат сав-



Тошкентдаги «Зарқайнар» супермаркетининг савдо зали.

57,6%ни, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш харажатлари 42,4%ни ташкил этди. Тизимда умумий овқатланиш соҳасида 23,1 минг корхона ишлади, улардаги ўринлар сони 1244 минг

доси орқали ички бозорда и.ч. ресурслари, халқ истеъмол товарларининг кўпчилик қисми сотилди; у республика улгуржи ва чакана товар айланмасида муҳим ўринни эгаллади. Давлат савдоси, асосан, шаҳар аҳолисига ва саноат марказларига хизмат курсатди, шунингдек, ўз ташкилотлари орқали к-э ва с-элардан картошка, савзавот, полиз экинлари ва мевалар сотиб олди. Кооператив савдо «Ўзбекбирлашув» орқали амалга оширилди. Уюшма, асосан, қишлоқ аҳолисини халқ истеъмол моллари б-н таъминлади, шунингдек, қишлоқ аҳолиси ва жамоа хўжалиklarидан қ.х. маҳсулотларини (тухум, жун, қорақўл, мўйна, тери хом ашёси, айрим хом ашёлар, картошка, савзавот, полиз экинлари) харид қилди. Шаҳарларда қ.х. маҳсулотлари савдосини ташкил этди, қишлоқ аҳолисини нон маҳсулотлари б-н таъминлади. Колхоз савдоси давлат ва кооператив савдо б-н бирга қ.х.да ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини амалга оширди.

Аҳоли харид қиладиган товарлар структурасида ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳиссаси кўпая борди. 1990 й.да давлат савдоси товар айланмасининг умумий ҳажмида аҳолининг ноозиқ-овқат молларини харид қилиш харажатлари

ни, умумий товар айланмаси 1458,6 млн. рублни ташкил этди.

Ўзбекистон иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтиши даврида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида жуда кўп давлат савдо корхоналари хусусийлаштирилди, хусусий савдога кенг йўл берилди. 1992 й. май ойида Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги негизда ташкил этилган «Ўзбексавдо» давлат-акциядорлик уюшмаси тизимидаги савдо корхоналари акциядорлик жамиятлари, жамоа ташкилотлари, хусусий корхоналарга айлантирилди. 1994 й. 5 майда «Ўзбекбирлашув» Ўзбекистон матлубот кооперацияси акциядорлик ва матлубот жамиятлари марказий уюшмаси деб қайта номланди ва 114 мингдан ортик акциядорлари бўлган бу уюшма қишлоқ жойларида савдо, қ.х. маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш б-н шугулланди, республика аҳолисининг 70%га савдо хизмати кўрсатди. «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув», «Ўз-тайёрловсавдо», республика товар-хом ашё биржалари, шунингдек, саноат, транспорт компаниялари ҳузуридаги ишчилар таъминоти бўлиmlари, Республика Солиқни сақлаш вазирлиги (доридармонлар савдоси), Матбуот давлат

қўмитаси (китоб савдоси) ва б. вазирликларнинг савдо ташкилотлари орқали амалга оширилди.

Чакана савдода бозорлар, шу жумладан деҳқон бозорлари, буюм бозорлари ва аралаш бозорлар, хусусий бозорлар муҳим мавқеини эгаллади. 80-й.лардан собиқ «колхоз бозорлари» ўрнида пайдо бўлган деҳқон бозорлари акциядорлик жамиятларга айлантирилди ва уларнинг худудий (вилоят) уюшмалари тузилди. Республика бўйича 90-й.лар охирида 700 га яқин йирик бозорлар ва уларнинг филиаллари ишлади (мас., Тошкент ш.да 2005 й.да 13 деҳқон бозори ва уларнинг 100 га яқин филиаллари, 4 буюм бозори, 4 аралаш — ихтисослашган бозор ишлади).

Савдода хусусий секторнинг ривожланишида республикада савдо корхоналари, умумий овқатланиш муассасасалари, майда ҳунармандчилик устаконалари, қ.х. корхоналарини хусусийлаштириш муҳим ўрин эгаллади. 1993 й.да 22996 савдо ва умумий овқатланиш муассасаси, шу жумладан 20419 савдо дўкони, 1953 умумий овқатланиш муассасаси, 389 тайёрлов корхонаси хусусийлаштирилди. 1995 й.да чакана савдо товар айланмаси (104,2 млрд. сўм)нинг 91% нодавлат савдоси (матлубот кооперацияси б-н бирга) ҳиссасига тўғри келди, ўзининг таркибида хусусий савдо товар айланмаси 64,2 млрд. сўм бўлди (1994 йилга нисбатан 3,4 марта кўп).

Бу тамойил барқарор сақланиб қолди. 2003 й.да жами чакана савдо айланмасининг 98,6%, 2005 й.да 99,6% нодавлат секторига тўғри келди. 2005 й.да хусусий секторга мансуб 39,4 минг чакана савдо корхоналари ишлади. Аҳоли жон бошига чакана савдо айланмаси республика бўйича ўртача 183,6 минг сўмни ташкил этди (2000 й.да 72,3 минг сўм). Унинг энг юқори кўрсаткичи Тошкент ш.га — 514 минг сўм, энг қуйи кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикасига — 72,3 минг сўм тўғри келди.

1995—2005 й.ларда чакана савдо товар айланмаси таркибида озиқ-овқат товарлари улуши тобора камайиб, ноозиқ-овқат моллари улуши тобора ўсиб борди (2000 й.да тегишлича 58,4 ва 41,6%; 2005 й.да 53,5 ва 46,5%).

Иқтисодий эркинлаштириш, талбиркорликни янада ривожлантириш натижасида марказлашган тақсимот механизми бўлган «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» каби компания ва уюшмаларнинг вазифалари тобора қисқариб борди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2006 й. 27 мартдаги «Истеъмол товарлари улгуржи савдоси тизимини

Ўзбекистон Республикасида чакана савдо айланмаси (млрд. сўм)

	2000	2004	2005
Истеъмол товарлари чакана савдо айланмаси, млрд сўм	1789,4	4764,7	5736,8
шу жумладан:			
савдо корхоналари	649,4	1214,3	1625,0
бозорлар	1140,0	3550,4	4111,8
улардан:			
деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари	564,5	2224,3	2555,8
буюм бозорлари ва аралаш бозорлар	575,5	1326,1	1556,0
Умумий овқатланиш товар айланмаси	54,6	1220,0	142,2

янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ республикада улгуржи чакана савдо тармоқларига эга бўлган «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашу» тугатилди. Товарлар ва ресурсларни эркин бозор орқали сотиш механизми бўлган биржалар фаолияти кенгайиб борди.

Қодиржон Юсулов.

Биржа савдоси

Бозор иқтисодиётининг ички тизимини шакллантиришда товарлар, хом ашё, молия, инновация, ссуда, интеллектуал, ноу-хау, кўчмас мулк, гоёлар бозори муҳим ўринни эгаллайди. Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йилларида бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлган биржа савдоси муассасалари шаклланди.

Ўзбекистонда биржа бозорлари мустақилликнинг дастлабки йилларидан шакллана бошлади. Бунда 1992 й.нинг 2 июлида қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги ҳамда 1993 й. 2 сент. қабул қилинган «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни катта аҳамиятга эга бўлди. 2001 й. 29 авг.да «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Шунингдек амалиётдан келиб чиқиб, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунига ҳам биржа савдолари иштирокчиларига қўйиладиган талаблар, битимларни амалга ошириш жараёнини янада такомиллаштириш, келишмовчиликларни бартараф қилиш кабилар бўйича қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й. 27 апр.даги «Улгуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши республикада бозор инфратузилмасини шакллантириш, улгуржи ва биржа савдосини ривожлантириш борасидаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга замин бўлди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 4 фев.даги «Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида», 2004 й. 31 майдаги «Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистонда Республика товар-хом ашё биржаси, Кўчмас мулк биржаси, «Ўзулгуржибиржасавдо», «Ўзагробиржа», «Тошкент» Республика фонд биржаси ва б. биржалар фаолият кўрсатади.

Р е с п у б л и к а т о в а р - х о м а ш ё б и р ж а с и 1994 й. апр.да очик ҳиссадорлик жамияти шаклида ташкил этилди. У sanoat, қ.х., озик-оват товарлари ва хом ашё маҳсулотларининг эркин улгуржи савдосини уюштиради. Биржа савдоларида брокерлар орқали харид қилинган маҳсулотлар республикадан ташқарига лицензиясиз ва божхона тўловисиз чиқарилади.

Республика ҳудудида товар-хом ашё биржасининг 12 филиали, 126 савдо майдончалари фаолият олиб боради, 1,5 мингдан ортиқ брокер ва трейдерлар мижозларга хизмат кўрсатади. Биржа савдоларидаги товарлар ва хом ашё турхили ҳам ортиб бормоқда. Ҳоз. даврда биржа савдоларига автомобиль ёнилғиси, дизель ёнилғи, мазут, табиий газ, кўмир, мис, иккиламчи алюминий, рух, қора ва рангли металл чиқиндилари, қурилиш материаллари, пахта толаси, линт, ўсимлик мойи, шрот, шелуха, минерал ўғитлар, бўғдой ва ун каби кўплаб маҳсулотлар қўйилган. 2005 й.да умумий савдо айланмаси 137509,4 млн. сўмни ташкил этди.

Биржанинг Россия, Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонда ҳам савдо майдончалари ишлайди.

Р е с п у б л и к а К ў ч м а с м у л к б и р ж а с и 1994 й. 29 апр.да тузилган. Биржада кўчмас мулклар — аҳоли турар жой бинолари, меҳмонхона, ресторанлар, ер майдонлари, автотранспорт воситалари, и.ч. корхоналари, қурилиши тугалланмаган иншоотлар, банкротга учраган корхоналар ким ошди, танлов савдолари орқали сотилади. Шунингдек давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, акциядорлик жамиятлари, юридик ва жисмоний шахслар, хорижий сармоядорларни биржа савдоларига жалб этади.

Кўчмас мулк биржаси, унинг вилоят бўлимлари ҳамда 100 га яқин брокерлик идоралари томонидан 2005 й.да 15,3 минг та объект 34,4 млрд. сўмга сотилди. Бу кўрсаткич 1995 й.да сотилган объектлар суммасига нисбатан 53 марта кўпдир.

Кўчмас мулк биржаси МДХ мамлакатлари, хорижий давлат фирмалари б-н ҳамкорлик қилади.

«Ўзулгуржибиржасавдо» — Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика давлат-акциядорлик уюшмаси. Республикада товар ресурслари бозорини шакллантиришда зарур инфратузилмасини яратиш мақсадида 1994 й. март ойида Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акциядор-

лик уюшмаси («Ўшартномасавдо»; 1992 й.) негизда ташкил этилди.

«Ўзулгуржибиржасавдо» хўжалик механизми режали моддий-техника таъминоти тизимидан эркин хўжалик алоқаларига ўтишни, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб беришни ишлаб чиқарувчилар б-н шартномалар тузиш йўли орқали амалга оширишни таъминлайди. Моддий-техника таъминоти ва сотиш бозор усуллари бўйича олди-сотди, улгуржи савдо, ярмарка, биржа ва ким ошди савдолари йўли б-н амалга оширилади.

«Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси республикада и.ч. воситалари бозорини вужудга келтиришга, товар ресурсларининг олди-сотдисини уюштиришга, корхоналар, муассасалар ва тadbirkorларга хизмат кўрсатишни кенгайтириш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашади.

Уюшма таркибида 13 та республика акциядорлик улгуржи-воситачилик фирмаси, 14 та ҳудудий тижорат-воситачилик акциядорлик компаниялари, акциядорлик товар-хом ашёси биржаси, «Трастбанк» акциядорлик биржа банки, доимий ишлайдиган ярмарка ва ким ошди бозорлари дирекцияси мавжуд. Савдо уйлари ва МДХ мамлакатларида ваколатхоналари бор. Уюшма юқори даражада механизациялаштирилган омбор хўжалиги шохобчаларига эга.

«Т о ш к е н т » Р е с п у б л и к а Ф о н д б и р ж а с и эркин сотувга чиқарилган қимматли қоғозлар савдосини амалга оширади, ёпиқ акциядорлик жамияти, 1991 й. авг.да универсал «Тошкент» Республика товар-фонд биржаси тарзида ташкил этилган. 1994 й. 8 апр.да биржа таркибидаги фонд бўлими асосида ҳоз. номда мустақил фаолият бошлади.

Биржа қимматли қоғозларнинг бир маромда муомалада бўлишини таъминлайди, уларнинг бозор баҳосини белгилайди ва уларга доир маълумотларни тарқатади. 2005 й.да 643 та акциядорлик жамиятларининг 51,1 млн. дона акциялари 41,5 млрд. сўмга сотилди. 2005 й.да биржа орқали сотилган акциялар сони 1995 й.дагига нисбатан 27 марта, савдо суммаси 32 марта ортди. Биржа 1996 й.дан Европа фонд биржалари федерацияси аъзоси.

Бозор иқтисодиётининг муҳим инфратузилмаси бўлган қимматли қоғозларни сақлашнинг депозитарий тизими фонд биржалари, эмитент, инвестор ва брокерлик идоралари фаолиятини назорат қилувчи ташкилотларга хизмат қилади. «Вақт» миллий депозитарийси, ҳудудий депозитарийлар, ҳисоб-китоб

клиринг палаталари, инвестицион воситачилар, фонд магазинлари, суғурта агентликлар каби инфратузилма муассасаларининг асосий вазифаси қимматли қўғозларни сақлаш, уларнинг ҳаракатини ҳисоб-китоб қилиш ва рўйхатга олиш, эгаллик ҳуқуқи бўйича хизмат кўрсатишдан иборат.

Ички савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун олий малакали мутахассислар Тошкент иқтисодиёт ун-ти, Тошкент молия, Самарқанд туризм ва сервис, Бухоро озик-овқат ва енгил sanoat технологияси ин-тлари, ўрта махсус малакали мутахассислар Андижон, Тошкент тижорат, Бухоро, Фарғона, Қарши, Тошкент, Самарқанд, Нукус, Термиз савдо коллежларида тайёрланади.

Фарид Хабиев.

ХИЗМАТЛАР

Аҳолининг шахсий истеъмолини қондиришга қаратилган иқтисодий фаолиятнинг бир тури бўлган хизматлар ҳар бир мамлакат иқтисодиётида товарлар б-н бир қаторда ялпи ички маҳсулотнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Хизматлар меҳнатнинг ўзига хос, махсус маҳсулоти. Жамият, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳоз. тараққиёти даражасида хизматлар соҳаси, унинг миқдори ва ривожланганлик даражаси мамлакатнинг иқтисодий аҳолини баҳолашда муҳим ўринни эгаллайди. Ривожланган мамлакатларда хизматлар сектори айрим ҳолларда и. ч. секторига қараганда аҳолининг иш б-н бандлигини кўпроқ таъминлайди, ялпи ички маҳсулотнинг каттагина қисми шу соҳада яратилади.

Хизматлар доираси гоёят кенг ва кўп тармоқли. Шахсий хизматлар — хонадон ҳўжалигида ишлаш (энага, репетитор, ошпазлар)дан то оммавий хизматлар — сартарошлик, буюмларни таъмирлаш, янги буюмларни яратишга қадар (буюртма асосида кийим-кечак тикиш, мебель тайёрлаш), бозор иқтисодиётига хос хизматлар (банк, молия, суғурта ва б.) — барчаси хизматлар соҳасини ташкил этади. Шу сабабли ҳоз. даврда мамлакатларда аҳоли турмуш даражаси фақат моддий и.ч. маҳсулотлари б-н эмас, балки хизматлар истеъмоли даражаси б-н ҳам белгиланади.

Ўзбекистонда айрим хизматлар, айниқса, маиший хизматлар кўрсатишнинг ўз анъаналари ва тарихи бор. 90-й. лардан бошлаб кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва бозор муносабатларининг ривожланиши шароитларида хизматларининг янги турлари — пул-

лик хизматлар (соғлиқни сақлаш, таълим, алоқа, транспорт, банк, молия, суғурта, брокерлик хизмати, бухгалтерия, адвокатура ва б.) тизими шаклланмоқда.

Республика ялпи ички маҳсулоти умумий ҳажмида хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳиссаси 38,3% ни ташкил этади (2005), аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш соҳасида уй-жой ва коммунал хўжалиги б-н бирга 301,1 минг киши ишлади (2005; умумий иш б-н банд аҳолининг 30,0%).

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари давлат, жамоа, кооператив, шахсий, акциядорлик каби турлича мулк шаклларига асосланган корхоналардан иборат. Тизим корхоналари аҳолига 800 дан ортиқ хизмат турини кўрсатади. Улар пойабзал, кийим-кечак, трикотаж буюмларини якка тартибда тикиш, тўқиш ва таъмирлаш, радиотелевизион аппаратуралар, рўзгорда ишлатиладиган асбобларни тузатиш ва ясаш, шахсий транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, мебельларни таъмирлаш, кийимларни кимёвий усулда тозалаш ва бўяш, кир ювиш, суратга олиш, ҳаммом, сартарошлик хизматлари, рўзгор буюмларини ижарага бериш, транспорт хизматлари, уй-жойлар қуриш ва таъмирлаш хизмати, боғ ва полиларда қ.х. ишларини бажариш хизмати ва б. шунга ўхшаш ишларни бажарали.

20-а.нинг 20-й.ларигача Ўзбекистонда косиб ва ҳунармандлар буюмлар ясаш б-н бирга тузатиш, таъмирлаш ишларини ҳам бажарган. Кийим-кечак, косиблик устахоналари ва сартарошхоналар шаҳар ва қишлоқ бозорлари қудудида, маҳалла гузарларида жойлашган эди.

Шўролар ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳунармандлар мажбуран артелларга бирлаштирилиб, товар и.ч. б-н бирга маиший хизмат ҳам кўрсатишган.

50-й.лар охиридан корхоналар тармоқлари кенгайиб, хизмат кўрсатиш турлари кўпайтирилди. Маиший хизматни ривожлантириш бўйича махсус ҳукумат қарорла-

Ўзбекистон Республикасида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари (ателье, цех, устахоналар) сон

1 - ж а д в а л

Маиший хизмат турлари	2003	2005
Пояфзал таъмири	1733	1021
Тикувчилик маҳсулотлари ва теридан тайёрланадиган буюмларни якка ҳолда тикиш	1090	522
Маиший машиналар, асбобларни таъмирлаш, металлдан буюмлар тайёрлаш	1733	1220
Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	2020	1564
Кимёвий тозалаш	94	53
Уй-жойларни таъмирлаш	364	106
Шахсий уй-жойларни қуриш	-	105
Фотография хизматлари	851	520
Сартарошлик хизматлари	2795	1790
Прокат пунктлари хизматлари	207	313
Бошқа хизматлар	8190	5363
Жами маиший хизмат корхоналари	19117	12577

ри қабул қилинди. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, устахоналар ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Бош бошқармаси (1962 й.да тузилган) ихтиёрига ўтказилди. Республиканинг барча вилоятларида бошқармалар тузилди.

1959—65 й.ларда республикада 3 мингга яқин ателье, устахона ва б. маиший хизмат корхоналари очилиб, улар ихтисослаштирилди. Республиканинг маиший хизмат индустрияси яратилди. 1965 й.да Бош бошқарма Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазирлигига айлантирилди. Шаҳар ва туманлардаги таркибда маиший хизмат уйлари, устахоналар, ателье, қабул жойлари мажмуаларини бирлаштирган шаҳар ва туман маиший хизмат кўрсатиш к-тлари тизимнинг асосий бўғинига айланди. Йирик шаҳарларда аҳолига ихтисослаштирилган корхона ва бирлашмалар хизмат кўрсата бошлади.

1966—80-й.ларда республикада 5043 маиший хизмат корхонаси, шу жумладан 200 ателье, маиший хизмат кўрса-

Кийимларни кимёвий тозалаш корхонаси.





Автомо-
билларга
ёқилги
қуйиш
шоҳобчаси.

тиш уйи ва ихтисослаштирилган устахоналар ишга тушди.

Қишлоқ аҳолисига ҳам маиший хизмат кўратиш сифати яхшиланди. Узоқ қишлоқ аҳолисига сайёр устахоналар ва қабул жойлари хизмат қилди. Маиший хизмат кўратиш тизимида маиший хизматнинг умумий ҳажмида 67%ини бажарувчи 126 бирлашма ва ихтисослаштирилган корхоналар фаолият кўрсатди. 2 ҳунар-техника билим юрти ва б. ишга туширилди. Наманган вилоятида, Ангрен ва Фарғона ш.ларида кимёвий усулда кийим, Тошкентда гилам тозалаш ф-калари қурилди. Тошкент, Янгиер, Навоий, Гулистон, Қўқондаги ф-калар таъмирланди, жиҳозланди. Хизмат ва иш тури кўпайди. Корхоналараро кооператив алоқалар ривожлантирилиб борилди. Аҳолига 700 дан ортиқ турдаги маиший хизмат кўрсатилди. Республикада маиший хизмат кўрсатишнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат сифати, и.ч. технологияси ва уни ташкил этиш, буюртмачи б-н ўзаро муносабатлар тартиблари (қондалари)ни белгиловчи сифат, стандарт ва техник шароитларни бошқарувчи тизимлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

1990 й.да маиший хизмат кўрсатиш тизимида жами корхоналар сони 20 мингга етди (шунинг қарийб 12 мингги қишлоқ жойларда).

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида Маиший хизмат кўрсатиш вазирлиги негизида 1992 й. апр.да аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси — «Ўзмаишийхизматуюшма» тузилди. Тизим тармоқларини бозор муносабатларига ўтказиш учун маиший хизмат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш — уларни ижарага, аҳолига шахсий мулк қилиб бе-

риш ҳамда акциядорлик корхоналари ва кооперативларни тузиш босқичма-босқич амалга оширилди. Аини вақтда мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган корхоналар ҳам барпо этила бошлади.

1992—95 й.ларда маиший хизматга қарашли жами 12587 корхона хусусийлаштирилиб, 29 ижара корхонаси, 13 акциядорлик жамиятлари, 565 жамоа корхонаси, 527 шахсий корхона ташкил топди, 4 мингга яқин шахс эса яқка тартибдаги меҳнат фаолияти б-н шуғулланишга ўтди.

1996 й. бошларига келиб «Ўзмаишийхизматуюшма»га қарашли барча давлат корхоналари хусусийлаштирилди ва улар турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарга айлантирилди. Корхоналарни давлат назоратидан чиқариш баъзи жойларда шошилинч амалга оширилгани туфайли республика вилоятларининг ярмида маиший хизмат уюшмалари тарқаб кетди. Маиший хизматга бўлган аҳоли талабини тўлароқ қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 й. 12 окт.да «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чоратадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра тармоқнинг вилоят ва туман тузилмалари қайтадан тикланди. Барча вилоят марказларида, туманларда ва

шаҳарларда маиший хизмат соҳасидаги кичик, хусусий ва ўрта бизнесни мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш уюшмалари тузилди. Республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришнинг 1996—2000 й.ларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасига чет эл инвестициясини жалб қилиш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш мақсадида чет эл фирмалари б-н қўшма корхоналар ташкил этилди.

1992—2005 й.ларда соғлиқни сақлаш, компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникациялари, коммунал хизматлар, уй-жой қурилиши, қишлоқ инфратузилмасини кенгайтириш, меҳмонхоналар тармоғини ривожлантириш, аҳолини иш б-н таъминлашнинг минтақавий дастурларини, кичик бизнесни йўлга қўйиш, банк соҳасини ислоҳ қилиш ва б. тармоқ дастурларини амалга ошириш янги хизматлар турларини ривожлантиришга замин яратди, аммо анъанавий маиший хизматлар корхоналари сони 2005 й.га келиб 12,5 минг тани ташкил этди ва 2000 й.дагига қараганда 34,3% камайдди.

2000-й.лар бошидан республикада хизматларнинг қуйидаги турларини кўрсатадиган инфратузилмалар шаклланди: маиший хизматлар, йўловчи ташити транспорти хизмати; телекоммуникация хизматлари; уй-жой ва коммунал хизматлари; маданият муассасалари хизмати; сайёҳлик ва экскурсия хизматлари; жисмоний тарбия ва спорт хизматлари; ҳўжалик ҳисобидаги довлaш муассасалари ва соғлиқни сақлаш булинмалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар; санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматлари; адвокатура хизматлари; банк муассасалари хизматлари; суғурта хизматлари; лизинг хизматлари ва б. Иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, иқтисодиётини эркинлаштириш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш республикада хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни таъминламоқда.

2 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикасида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш (млрд. сўм, амалдаги нархларда)

	2000	2002	2003	2004	2005
Пуллик хизматлар, млрд. сўм шу жумладан:	305,4	709,3	934,8	1226,6	1609,7
мулкчилик шакллари бўйича:					
давлат мулки	133,6	278,7	290,5	351,4	414,2
нодавлат мулки	171,8	430,6	644,3	875,2	1195,5
ундан:					
фуқароларнинг хусусий мулки	110,4	266,3	396,6	939,9	755,1

МОЛИЯ ТИЗИМИ

Ўзбекистонда хизматларни сотиш ҳажми қиёсий нархларда 1995 й.да 17,7 млрд. сўмни, 2005 й.да 1610,0 млрд. сўмни ташкил этди. Аҳолига пуллик хизматлар бозоридан нодавлат сектори улуши 74,3%, давлат сектори улуши 23,7%ни ташкил этди. Пуллик хизматлари умумий ҳажмида маиший хизматлар ҳажми 15%ни ёки 242,1 млрд. сўмдан иборат бўлди. Маиший хизматларнинг 87,7% хусусий тадбиркорлар томонидан кўрсатилди. Республикада аҳоли жон бошига пуллик хизматларнинг ўртача йиллик ҳажми 2005 й.да 61,3 минг сўмни ташкил этди (2000 й.да — 12,3 минг сўм; 2004 й.да — 47,3 минг сўм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 й. 5 окт.даги «2006–2010 й.ларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Дастурини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига биноан бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш асосида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурда 2010 й.га бориб ялпи ички маҳсулот таркибидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улушини 35–40%га етказиш; хизмат кўрсатишнинг анъанавий, шунингдек, замонавий йўналишларини, шу жумладан, банк, молия, суғурта соҳалари, юридик, лизинг, транспорт ва коммунал-маиший, ахборот-коммуникация ҳамда б. соҳаларини ривожлантириш; қишлоқ жойларида, айниқса, фермер ва деҳқон хўжалиқларига, биринчи навбатда, уй-жой қуриш ва таъмирлаш, коммунал хизматларни кенгайтириш, қишлоқ аҳолисига етиштириладиган қ.х. маҳсулотларини сотиш бўйича савдо ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатиш ҳажмини жадал ўстиришни таъминлайдиган барқарор инфратузилма тармогини шакллантириш ва ривожлантириш; туризм соҳасини кенгайтириш; мамлакат бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сонини 3,6 млн. кишига етказиш ва б. вазифалар белгиланган (Республикада маиший хизмат кўрсатиш корхоналари сони ва аҳолига хизматлар сотиш кўрсаткичлари динамикаси 1- ва 2-жадвалларда берилган).

Ад.: Набиев Э.Г., Преобразование сферы услуг. Т., 1994; Саматов А.Н., Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т., 2006; Юсупов М.А., Эргашхужаева Ш.Ж., Тадбиркорлик асослари. Т., 2006.

Ишход Набиев, Бахтиер Сафаров.

Мамлакатдаги молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар республиканинг молия тизимини ташкил қилади. Молия тизими корхоналар, тармоқлар ва умумдавлат молиясини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлиши давлат бюджетни давлат молиясининг, молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. Унинг асосий вазифаси молия воситалари ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатидан барқарор молия тизими шаклланди.

Давлат бюджети

Давлат бюджети бу, давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни (2000 й. 14.12; 2001 йил 1 январдан эътиборан амалга киртилган) ва б. қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинган.

Ўзбекистонда биринчи давлат бюджети 1924–25 й.лар учун тузилган.

Давлат бюджети республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарларга бўйсунувчи туманлар маҳаллий бюджетларини ўз ичига олади. Барча даражадаги бюджетларнинг баланслиги бюджет-молиявий сиёсатининг зарур тамойилларидан бири ҳисобланади.

Давлат бюджети таркибидан давлат мақсадли жамғармалари жамланади. Уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, маблағлар тушиш мезъралари ва шартлари, шунингдек, шу маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. Давлат мақсадли жамғармаларига қуйидагилар кирди:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси; Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қуми-

тасининг махсус ҳисобварағи; Иш б-н таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат бюджетининг даромадлари қуйидагилардан иборат:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва б. мажбурий тўловлар; 2) давлатнинг молиявий ва б. активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга бериши ва сотилишидан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар; 6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджетининг харажати ва таркиби таъминланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида: 1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида; 2) жорий бюджет трансфертлари шаклида; 3) капитал харажатлар шаклида [асосий фондлар ва воситаларни (улар б-н боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига кирди) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор и. ч.га; чет эл давлат эҳтиёжлари учун ер ва б. мол-мулк олишга; давлат эҳтиёжлари учун ерга булган ҳуқуқни ва б. номоддий активларни олишга; давлат захираларини вужудга келтиришга]; 4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида; 5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида; 6) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида; 7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида; 8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида амалга оширилади.

Бюджет тақчиллиги — бу муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиб кетишидир. Давлат бюджети тақчиллиги давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш; республика бюдже-

ти маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари; қонуларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига молилаштирилади.

Янги бошланаётган йил учун давлат бюджети жорий йил якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида тасдиқланади ва қабул қилинган давлат бюджети қонун кучига эга бўлади. Давлат бюджетига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Солиқлар ва б. мажбурий тўловлар бўйича бюджет даромадлари қисмининг ижросини назорат қилишни давлат солиқ органлари таъминлайдилар. Республикада ҳамма даражадаги бюджетларнинг касса ижросини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз муассасалари ва тижорат банклари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг газна ижроси соҳасидаги муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг 2004 й. 26 авг.даги «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги қонуни (2006 йил 1 янв.дан эътиборан амалга киритилган) б-н тартибга солинади.

Давлат бюджети газна ижросининг асосий принциплари қассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат.

Давлат бюджетининг газна ижроси давлат бюджетининг барча даромадларини ягона газна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек давлат бюджетининг ҳаражатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат.

Давлат бюджетининг газна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган махсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Ҳазначиликнинг асосий вазифалари давлат бюджетининг касса ижроси, давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш, давлат бюджети маблағларини бошқариш, давлат бюджетига маблағлар ажратиш назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш, бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (иш-

лар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузалган шартномаларини, шунингдек, буюртмачиларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузалган шартномаларини рўйхатга олиш, давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш, давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажаришдан иборат.

Ҳазначилик ягона газна ҳисобварағидаги ва ҳазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидаги давлат бюджети маблағларини уларни давлат бюджетининг ҳаражатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек, давлат бюджетни бўш маблағларини банк депозитлари ва б. активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетларга, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли б-н бошқариб боради.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими тавсифлари. Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ифодалайди.

Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — сўмда амалга оширилади.

Бюджет тизимининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги; бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги; турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги; давлат бюджетининг баланслилиги; давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва ҳаражатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш; давлат бюджети ҳаражатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш; барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги (Ўзбекистон Республикасининг 2000 — 2005 й.

лардаги давлат бюджети ижроси кўрсаткичлари жадвалда берилган).

Солиқ тизими

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Кодекси» (24.4.1997; 1998 й. 1 янв.дан амалга киритилган) га мувофиқ белгиланади. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг мутлақ асосий қисми солиқлар ҳисобидан шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари; маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади.

Солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки у ваколат берган орган томонидан белгиланади.

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар кирди: юридик шахслардан олинган даромад (фойда) солиғи; жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар кирди: мол-мулк солиғи; ер солиғи; ободлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинган солиқ; айрим турлардаги товарлар б-н савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим; юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.

Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикаси «Солиқ Кодекси», Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари б-н ҳам тартибга солинади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан мол-мулк солиғи, ер солиғи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари б-н жорий этилади ва республиканинг бутун ҳудудида ундирилади. Бу солиқ-

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2000—2005 йиллардаги ижроси (млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2000		2001		2002		2003		2004		2005	
	сум-маси	ЯИМ га нисбатан % да	сум-маси	ЯИМ га нисбатан % да	сум-маси	ЯИМ га нисбатан % да	сум-маси	ЯИМ га нисбатан % да	сум-маси	ЯИМ га нисбатан % да	сум-маси	ЯИМ га нисбатан % да
Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз), жами шу жумладан:	910,9	28,0	1266,9	25,7	1863,9	25,0	2342,1	23,8	2749,4	22,6	3434,0	22,6
Бевосита солиқлар:	236,4	7,3	361,2	7,3	505,5	6,8	616,9	6,3	729,7	6,0	925,8	6,1
Юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда солиғи)	116,8	3,6	143,3	2,9	174,0	2,3	210,5	2,1	218,5	1,8	281,3	1,8
Савдо ва умумий ояқатланиш корхоналари ялпи даромадларига солиқ	—	—	—	—	—	—	—	—	62,0	0,5	72,3	0,5
Солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ	—	—	28,4	0,6	66,3	0,9	86,8	0,9	74,8	0,6	92,7	0,6
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	105,1	3,2	162,2	3,3	230,5	3,1	288,3	2,9	336,9	2,8	434,4	2,9
Талбиркорлик фаолияти б-н шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадларига қатъий белгиланadиган солиқ	14,5	0,4	27,3	0,6	34,8	0,5	31,4	0,3	37,5	0,3	45,1	0,3
Бывосита солиқлар:	516,5	15,9	655,7	13,3	1018,3	13,6	1353,8	13,8	1540,1	12,6	1594,2	10,5
Қўшилган қиймат солиғи	243,9	7,5	320,1	6,5	447,5	6,0	535,8	5,4	654,9	5,4	814,6	5,4
Актив солиғи	250,1	7,7	303,7	6,2	492,0	6,6	693,6	7,1	741,2	6,1	600,3	3,9
Божхона божи	10,5	0,3	17,6	0,4	29,4	0,4	41,0	0,4	55,5	0,5	74,7	0,5
Жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмоал қилинадиган бензин, дизель сқидилмаси ва газ учун солиқ	—	—	—	—	25,1	0,3	38,3	0,4	49,9	0,4	70,7	0,5
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи:	91,1	2,8	117,3	2,4	139,3	1,9	222,3	2,3	316,8	2,6	692,8	4,6
Мол-мулк солиғи	29,0	0,9	38,4	0,8	34,3	0,5	71,4	0,7	99,8	0,8	122,9	0,8
Ер солиғи	28,5	0,9	37,2	0,8	37,8	0,5	51,4	0,5	71,7	0,6	88,0	0,6
Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ	10,4	0,3	9,0	0,2	18,3	0,2	29,8	0,3	56,0	0,5	354,2	2,3
Суя ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4,2	0,1	4,6	0,1	6,4	0,1	8,8	0,1	10,9	0,1	14,4	0,1
Экология солиғи (2005 й. 27 дек дан қонун б-н бекор қилинган).	18,9	0,6	28,1	0,6	42,5	0,6	60,8	0,6	78,3	0,6	113,3	0,7
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	10,0	0,3	16,6	0,3	39,7	0,5	40,7	0,4	46,5	0,4	61,2	0,4
Бошқа даромадлар	57,0	1,8	116,1	2,4	161,2	2,2	108,4	1,1	116,4	1,0	160,0	1,1
Харажатлар (мақсадли жамғармаларсиз), жами	942,7	29,0	1313,8	26,7	1925,1	25,8	2376,9	24,2	2793,4	22,9	3420,1	22,5
Ижтимоий соҳага:	337,9	10,4	498,2	10,1	732,5	9,8	912,7	9,3	1119,0	9,2	1447,2	9,5
Ижтимоий ҳимояга:	72,0	2,2	101,0	2,1	144,3	1,9	183,2	1,9	212,9	1,7	279,6	1,8
Кам таъминланган оилаларга, шу жумладан болалари оилаларга нафақалар	54,2	1,7	74,6	1,5	112,5	1,5	137,8	1,4	162,8	1,3	211,4	1,4
Аҳоли учун ижтимоий аҳамият касб этган хизматлар нархидаги фарқни қоплашга	17,7	0,5	22,8	0,5	29,6	0,4	26,7	0,3	21,7	0,2	16,1	0,1
Иқтисодиётга харажатлар	94,3	2,9	110,0	2,2	172,3	2,3	286,5	2,9	370,9	3,0	460,0	3,0
Марказлашган инвестицияларини молиялаштиришга	192,8	5,9	243,3	4,9	348,7	4,7	323,0	3,3	342,1	2,8	370,6	2,4
Давлат ҳокимияти, бошқаруш органлари ва суд органлари харажатлари	19,6	0,6	28,6	0,6	39,9	0,5	46,3	0,5	58,5	0,5	75,7	0,5
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига	3,4	0,1	6,1	0,1	8,8	0,1	12,4	0,1	15,4	0,1	21,2	0,1
Бошқа харажатларга	222,9	6,8	326,5	6,6	478,5	6,4	612,8	6,2	674,4	5,5	766,0	5,0
Дефицит (-); Профицит (+)	-31,9	-1,0	-46,9	-1,0	-61,1	-0,8	-34,8	-0,4	-44,0	-0,4	13,9	0,1

лар ва йиғимлар ставкалари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг бошқа турлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш. давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади. Улар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Респуб-

ликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Янги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси б-н келишилган ҳолда амалга оширилади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Респуб-

ликасининг пул бирлиги — сўмда ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи ва ички давлат қарзлари

Давлат қарзи — давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари-

нинг йиғиндисидир. Давлат қарзлари ташқи ва ички қарзларга бўлинади.

Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш — активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, но-резидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келишидир.

Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш — активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келишидир.

Сугурта тизими

Сугурта деганда юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган сугурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (сугурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга сугурта шартномасига мувофиқ сугурта товонини (сугурта пули) тўлаш йўли б-н уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Сугурта фаолияти сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари бўлмиш сугурта компаниялари (сугурталовчилар), сугурта воситачилари ва қонунчиликка мувофиқ бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

Республикада давлат ижтимоий сугурта жамғармаси маблағлари қарилик ёки ногиронлик бўйича пенсиялар, нафақалар оладиганларга, ишлаб турган пенсионерларга, боқувчисини йўқотган оилаларга, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганларга тўлаш ва б. мақсадлардаги харажатларга сарфланади. Мустақилликка эришгунига қадар 1918–91 й.ларда Ўзбекистон Республикасида сугурта фаолиятини собиқ Иттифок миқёсида ягона бўлган давлат сугурта идораси («Госстрах») ва унинг иттифокдош республикалардаги бошқармалари амалга оширган. 1991 й.дан Ўзбекистонда ўтказилган чуқур иқтисодий ислохотлар жараёнида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида давлат сугурта органлари қайта ташкил этилди, уларга рақобатда бўла оладиган турли мулкчилик шаклидаги сугурта ком-

паниялари ва агентликлари вужудга келди. Сугурта хизмати бозори, сугурта фаолиятининг асосий йўналишлари шаклланди, ҳуқуқий-қонунчилик асослари яратилди. 1993 й. 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта тўғрисида» қонуни қабул қилинди. «Ўзгросугурта» «Қафолат», «Мадал», сугурта компаниялари «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси ва б. ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистонда сугурта бозорига хос хусусиятлардан бири — мавжуд сугурта ташкилотларининг иқтисодиётнинг турли тармоқларига ихтисослашганидир. Чунончи, «Ўзгросугурта» давлат-акциядорлик сугурта компанияси деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш соҳасини ва аҳолини сугурта ҳимояси б-н таъминлашга, «Қафолат» шаҳарлардаги юридик ва жисмоний шахсларга сугурта хизматини кўрсатишга, «Ўзбекинвест» экспорт-инвест миллий сугурта компанияси экспорт-импорт операцияларини сугурта ҳимояси б-н таъминлашга, «Биржасавдосугурта» юкларни сугурта қилишга, «ISHONSH» сугурта ташкилоти тижорат банкларининг мулкчи манфаатларини сугурта ҳимоясига ихтисослашган.

Ўзбекистон Республикасида сугурта тизими йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Сугурта тизимининг шаклланиши ва тараққиғи этишида 2002 й. 5 апр.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни ҳуқуқий асос ҳисобланади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши сугурта тизимини янги ривожланиш босқичига олиб чиқди.

Мазкур қонунга асосан мамлакатимизда сугурта фаолиятини лицензиялаш тартиби киритилган бўлиб, сугурта соҳалари иккига — ҳаёт сугуртаси ва умумий сугурта соҳаларига ажратилган. Ҳаёт сугуртасида сугурталовчининг ҳаёти, соғлиғи, яшаши б-н боғлиқ мулкчи манфаатлари узоқ муддатли шартномалар асосида сугурталанади ҳамда сугурта шартномасининг муддати камида бир йилни ташкил этади. Умумий сугурта соҳасида эса мулкчи манфаатлар сугурталанади. Ҳаёт сугуртаси соҳасида фаолият юритувчи сугурталовчиларининг умумий сугурта соҳасида фаолият юритиши ва аксинча умумий сугурта соҳасида фаолият юритувчи сугурталовчиларнинг ҳаёт сугуртаси соҳасида фаолият кўрсатиши тақиқланган.

Бундан ташқари, юқоридаги қонунга асосан давлат миқёсида сугурта фаолиятини назорат қилиш мақсадида махсус ваколатли давлат органи белгиланган. Ҳоз. сугурта фаолиятини тартибга солув-

чи махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобланади.

2006 й. 1 янв. ҳолатига кўра Ўзбекистон сугурта бозорига 25 та сугурталовчи компания ва 1 та сугурта брокери фаолият кўрсатади. Сугурталовчилардан 23 таси умумий сугурта соҳасида ва 2 таси ҳаёт сугуртаси соҳасида фаолият юритмоқда.

Рустам Азимов.

ПУЛ - КРЕДИТ ТИЗИМИ

Пул-кредит тизими бир-бири б-н ўзаро узвий боғланган пул ва кредит тизимларидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикасининг пул тизими Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигини, пул муомаласини ташкил этиш ва уни тартибга солишни ўз ичига олади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга. Муомалала бўлган банкнотлар ва тангалар Марказий банкнинг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жами активлари б-н таъминланади.

Тўловлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўринишида ёки нақд пул б-н амалга оширилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар орқали амалга оширилади. Марказий банк нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва қоидаларини белгилайди.

Миллий валюта

Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги — сўм Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 й. 16 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги фармони б-н 1994 й. 1 июлдан республика ҳудудида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида муомалага киритилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 й.да муомалага қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўмлик банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин бўлган металл тангалар чиқарди. Кейинчалик 1997 й. 1 мартдан 200 сўмлик, 2000 й. 1 июлдан 500 сўмлик, 2001 й. 1 сент.дан 1000 сўмлик банкнотлар ва 1, 5, 10, 25, 50 сўм қийматидаги тангалар муомалага киритилди.

Ўзбекистонда кредит тизими бўш пул маблағларини жалб этиб, уларни миқдорларига кредит сифатида тақдим этувчи кредит ташкилотлари ҳамда кредитлашнинг шакллари, усуллари ва ҳуқуқий-меъёрий базанинг йиғиндиси бўлиб институционал жиҳатдан банклар, кредит уюшмалари, ломбардлар, микрокредит ташкилотлари ва бюджетдан ташқари жамғармалардан иборат. Ўзбекистон кредит тизими жами активларида жалб этган маблағлари ва кредит қўйилмалари миқдоридан тижорат банклари асосий ўринни эгаллайди. Бошқа кредит институтлари ҳам ривожланиб бормоқда.

2002 й. 4 апр.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида» қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 17 сент.даги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ломбардларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш масалалари тўғрисида» қарори республикада нобанк молия ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонунда кредит уюшмаларининг асосий мақсади юридик ва жисмоний шахслар томонидан кредитлар бериш мақсадида ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузилиши ва аъзоларнинг иқтисодий жиҳатдан турмуш даражасини оширишга қаратилганлиги белгилаб қўйилган.

Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Ихтисослашган ташкилотлар — ломбардларни давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг органларига, уларнинг фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклатилган.

Ломбардлар фаолиятининг асосий мақсади фуқаролардан шахсий истеъмол учун мўлжалланган кўчар мол-мулкни гаровга олган ҳолда, қисқа муддатли кредитлар ажратишдан иборатдир.

Мамалакатнинг турли ҳудудларида 29 та кредит уюшмалари ҳамда 8 та ломбардлар барқарор фаолият кўрсатмоқда (2006). Бундай нобанк молия ташкилотлари фаолиятига аҳоли кенг қатламларининг ишончи ва қизиқишлари ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда Марказий банк ва тижорат банклари республика банк тизимини ташкил этади.

Ўзбекистонда биринчи банк ташкилоти 1875 й. Тошкентда очилган подшо Россияси давлат банкининг филиали бўлган.

19-а.нинг охирида Туркистонда рус капиталли иштирокидаги Урта Осиё акциядорлик банки (1881), Волга-Кама банки (1893), Рус-Хитой (Рус-Осиё) банки (1903), Азов-Дон савдо банки (1910), Нижний Новгород-Самара банки (1899), Полтава Ер банки (1901) нинг филиал, бўлим ва агентликлари фаолият олиб борди.

Октябрь тўнтаршидан сўнг барча банклар совет ҳокимияти томонидан национализация қилинди. Ўзбекистонда банк тизими 1924 й.дан бошлаб собиқ СССР банк тизимининг тархивий қисми сифатида ташкил қилинди. 1992 й.га қадар СССР Давлат банки (1923; 1921—23 й.ларда РСФСР Давлат банки), СССР Қурилиш банки (1959; 1922—59 й.ларда СССР Савдо банки), СССР Ташқи савдо банки (1924) нинг Ўзбекистон идора (контора) лари республикадаги банк муассасалари ишига раҳбарлик қилди.

1991 й. 15 фев.да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида республика ҳудудидagi банклар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди ва шу вақтдан бошлаб республиканинг ҳақиқий, мустақил банк тизими шакллана бошлади.

Ўзбекистон банк тизимининг икки поғонали структураси (юқори поғонада Марказий банк, қуйи поғонада-тижорат банклари) ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди; тижорат банкларининг сони ва улар кўрсатадиган хизмат турлари кўпайди; банклар фаолиятини таъминлайдиган инфратузилмалар яратилди.

1995—96 й.ларда банк қонунчилиги янада такомиллашди. 1995 й. 21 дек.даги Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг алоҳида мақоми, мақсаллари, вазифалари ҳамда ваколатларини аниқ белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг таркиби 14 ҳудудий бўлима: 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри бош бошқармаларидан иборат. Шунингдек, Марказий банк тасарруфидан Марказий банк ҳузуридаги Қимматбаҳо металл агентлиги, Республика Инкассация бирлашмаси, «Давлат белгиси» ишлаб чиқариш

бирлашмаси, Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи, Маргилон банк коллежи, Термиз банк коллежи каби корхона ва ўқув муассасалари фаолият кўрсатади.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборатлиги белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш йўлида Марказий банк қуйидаги вазифаларни амалга оширади: монетар сиёсатни ва валютани тартибга солиш сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банк фаолиятини тартибга солиш ва банклар устидан назоратни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захираларини ва келишув бўйича ҳукумат захираларини қамраган ҳолда сақлаш ва бошқариш; Молия вазирлиги б-н биргаликда давлат бюджетининг (касса) ижросини ташкил этиш ва б.

1996 й. 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни эса тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади. Банк — тижорат ташкилоти бўлиб, юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш ва б. банк фаолияти турларини амалга оширадиган юридик шахслар.

Банк, шу жумладан чет эл банки, Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан берилган ва банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилган лицензия асосида амалга оширади.

Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб боради.

Ўзбекистон банк тизимининг қуйи босқичини акциядорлик жамияти тарзида ҳамда чет эл капиталли иштирокидаги тижорат банклари ва хусусий банклар ташкил этади.

Дастлабки йилларда банк соҳасини монополиядан чиқариш банк ислоҳотларининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлди ва бу тadbир, асосан, иқтисодиётнинг айрим соҳаларига хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган банкларни тузиш йўли б-н амалга оширилди. Ихтисослаштирилган банкларнинг ташкил этилиши бозорга йўналтирилган банк тизимини яратиш йўлидаги зарурий ва табиий босқич бўлди.

Шунингдек, Марказий банк тўлов тизимини такомиллаштириш борасида катта ишларни олиб борди ва банклар-аро электрон тўлов тизимини вужудга келтирди. Ҳоз. пайтда республикамизда электрон тўловлар банклар томонидан реал вақт мобайнида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 28 та акциядорлик-тижорат ва хусусий банклар ҳамда чет эл капитали иштирокидаги қўшма банклар ва битта хорижий банкнинг шўба банки фаолият кўрсатади (жадвалга қ.). Тижорат банклари ичида энг йириклари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Халқ банки, «Асакабанк», «Пахтабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва Ипотека банкларидир.

Чет эл банклари, уларнинг шўба банклари ва филиалларини очиб Ўзбекистон молия тизимини ривожлантиришда жуда муҳим йўналиш ҳисобланади. Республикада 4 та чет эл капитали иштирокидаги банк фаолият кўрсатади. Булар қуйидагилардир: «ЎТ-банк» Ўзбекистон – Туркия қўшма банки, «ЎзҚДБ Банк» ёпиқ акциядорлик жамияти, «АБН АМРО банк Ўзбекистон МБ, АЖ» Ўзбекистон – Голландия қўшма банки ҳамда Эрон «Содерот» банкининг Тошкент шаҳридаги шўба банки.

Шунингдек, 8 та чет эл банки Тошкентда ўз ваколатхоналарини очган. Булар қаторига, Германиянинг «Банкгезельшафт Берлин АГ», «Дрезднер банк АГ», «КоммерцБанк АГ», «Кредит Свисс» (Швейцария), «JP Morgan

Chase» (АҚШ), «Сосьете Женераль» (Франция), Покистон Миллий банки ва «Парекс банк» (Латвия) банкларини киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг доимий маслаҳатчилари хизматларидан фойдаланади.

Ўзбекистонда пул - кредит сиёсати давлат макроиқтисодий сиёсатининг таркибий ва ажралмас қисми бўлиб, у миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлашга, пул агрегатларини, пул бозорини ва пул муомаласини тартибга солишга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳамда иқтисодий ўсишни мустақамлашга йўналтирилган воситалар ва чора-тадбирлар йигиндиси.

I - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикасидаги банклар ва уларнинг филиаллари рўйхати (2006 й. 1 апр., млн. сўм)

Тижорат банкларининг тўлиқ номи	Марказий банкда рўйхатдан ўтган санаси	Филиаллар сони	Шакллантирилган устав капитали суммаси, млн. сўм	Банк активи, млн. сўм
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	1991.25.10.	93	335,8 млн. АҚШ \$, 4 000	2 882 631
Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банки	1993.22.10.	199	10 000	127 076
«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки	1996.20.1.	27	108,1 млн. АҚШ \$, 1 700	618 171
«Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека банки	2005.30.4.	39	9 346	328 276
Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки	1991.25.7.	46	11 400	547 825
«Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки	1995.7.9.	182	13 000	492 314
«Ғаллабанк» акциядорлик тижорат банки	1995.2.8.	31	6 000	87 319
«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки	1990.31.12.	17	2 600	46 372
«Талбиркор» акциядорлик тижорат банки ¹	1993.28.4.	74	3 819	77 033
«Савдогар» акциядорлик тижорат банки	1995.12.5.	34	5 902	55 741
«Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки	1995.22.3.	11	4 908	33 924
«Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	1990.31.12.	4	3 400	67 640
«Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банки	2000.29.7.	21	7 000	62 118
«Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки	2001.7.4.	2	2 834	65 769
«Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки	1994.21.6.	2	2 150	36 459
«Парвинабанк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки	1994.10.5.	3	1 000	22 748
«Алп Жамол банк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки	1998.16.3.	2	1 800	19 670
«Туркистон» хусусий очиқ акциядорлик тижорат инвестиция банки	1998.16.3.	-	450	2 018
«Даврбанк» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки	2001.29.9.	-	700	3 063
«Ўктамбанк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки	1998.30.10.	-	1 824	4 172
«Самарқанд» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки	2000.31.12.	-	50	902
«Универсал Банк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки	2002.25.5.	1	1 000	4 683
«Кредит-Стандарт» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки	2003.16.8.	1	1 300	72 312
«Равнақбанк» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки	2001.23.6.	-	1 100	11 263
«ЎзҚДБ Банк» ёпиқ акциядорлик жамияти	1997.1.3.	-	8,5 млн. АҚШ \$, 25	59 093
«ЎТ-Банк» Ўзбекистон – Туркия қўшма банки	1993.13.5.	-	4,6 млн. АҚШ \$, 746	19 581
«АБН АМРО Банк Ўзбекистон МБ, АЖ»	1996.16.12.	-	8,5 млн. АҚШ \$	108 237
Эрон «Содерот» банкининг Тошкент шаҳридаги шўба банки	1999.21.8.	-	7 млн. АҚШ \$	12 493

¹ 2006 й. 13 майдан «Микрокредитбанк»



Ўзбекистон банклар ассоциацияси.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан пул таклифини бошқариш соф ички активлар, халқаро резервлар динамикаси, шунингдек, пул-кредит сиёсати воситаларидан фойдаланган ҳолда банк тизими ликвидлиги ва резерв пуллари тартибга солиш орқали амалга оширилади. Марказий банк пул массасини белгиланган мақсадли кўрсаткичларда бўлишини таъминлаш орқали ўзига юклатилган мақсад ва вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида инфляциянинг йиллик даражаси 1995 й.даги 120,7% дан 2005 й.да 7,8% гача пасайди. Бу эса, ўз навбатида, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 1995 й.даги 250% дан 2005 й.га келиб йиллик 16% гача пасайтиришга имкон яратди. Бу тижорат банкларининг депозит ва кредит фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

Марказий банк монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунининг 23-моддасига мувофиқ келгуси йил учун тайёрлаб, уни пул муомаласини мустақамлаш, инфляция даражаси ошиб кетишининг

олдини олиш ва айирбошлаш курси барқарорлигини таъминлаш каби вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасидаги пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатлари ҳолатидан келиб чиқиб, битта ёки бир қанча монетар кўрсаткичлар ўзгаришларининг аниқ мақсадли мўлжалларини белгилаши мумкин. Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари: иқтисодий конъюнктуранинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичларини; муомалада бўлган пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегараларини; пул массаси йиллик ўсиш суръатининг аниқ мақсадли кўрсаткичларини, шу жумладан, Марказий банк ички активлари ўзгаришини; валюта ҳамда фоиз сиёсатининг асосий йўналишларини; пул-кредит соҳасини тартибга солишга

доир ҳаракатларнинг аниқ мақсадли асосий кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Марказий банк монетар сиёсатни амалга оширишда пул-кредит сиёсатининг билвосита восита ва дастақларидан кенг фойдаланмоқда ва бунинг учун республикада зарур меъёрий-ҳуқуқий асос яратилган, пул-кредит сиёсатининг билвосита воситаларидан фойдаланишга имкон берувчи тегишли инфратузилма вужудга келтирилган.

Ўзбекистонда валюта курси режими ва валюта сиёсати пул-кредит сиёсатини амалга ошириш б-н узвий боғлиқ. Халқаро амалиётда валюта курсларини аниқлаш ва валюта курси режимини самарали юритиш борасида катта тажриба тўпланган.

Ўзбекистон Республикасида валюта курси режими ва валюта сиёсати валютани тартибга солувчи орган – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг амалга оширилиши ҳамда и. ч., молия, савдо ва б. соҳаларда давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, халқаро статистикани тўғри шакллантириш каби мақсадларда икки мамлакат миллий валюталари бир-бирларига белгиланган нисбатларда тенглаштирилади. Икки валюта ўртасидаги ушбу нисбат ёки бир валютанинг иккинчи валютага нисбатан

қиймати «валюта курси» деб аталади. Иккита валютанинг учинчи давлат валютасига нисбатан курси орқали аниқланиши кросс-курс, деб аталади. Мас., ўзбек сўми ва тожик сомонийси валюталарининг кросс-курси бу валюталарнинг АҚШ долларига нисбати (курси) орқали аниқланиши мумкин.

Валюта курси валюта бозорларида талаб ва таклиф таъсирида қонунчиликда белгиланган тартибда шаклланади.

Миллий валюта курси бошқа давлатнинг пул бирлигида ёки бир нечта валюталарнинг валюта савати асосида ҳамда халқаро ҳисоб бирликларида белгиланиши мумкин.

Валюта курсларининг ўзгаришига инфляция даражаси, мамлакат бюджети ва тўлов балансининг ҳолати, миллий молиявий тизимдаги фоиз ставкаларининг даражаси, ҳукуматнинг валюта сиёсати, миллий валютанинг халқаро тўловларда қўлланиши, эркин конвертациялашуви қобилияти ва миллий валютага бўлган ишонч даражаси каби омиллар таъсир кўрсатади.

Ҳукуматнинг валюта сиёсати миллий қонунчиликка асосланади ва иқтисодий эътибор манфаатларига мос равишда ўрнатилади. Валюта сиёсати қўйидаги шаклларда белгиланиши мумкин: дисконтлаш ёки Марказий банк ҳисоб ставкасини ўзгартириш орқали; валюта интервенцияси сиёсати ёки девиз сиёсати, давлат валюта резервларининг диверсификация қилиниши; валюта чекловларининг қўлланиши; девальвация ёки ревальвация, яъни миллий валюта курсининг хорижий валютага нисбатан пасайтирилиши ёки оширилиши; турли валюта курсларини белгиланишнинг турлича механизмларини қўллаш.

Халқаро валюта фондининг таснифига мувофиқ валюта курсларини белгилаш механизмлари ёки валюта курслари режими қуйидагича бўлиши мумкин: валюта курси структураси б ў й и ч а – бир хил, икки хил, кўп хилдаги; валюта режими т а с н и ф и б ў й и ч а – алоҳида қонуний тўлов воситаси бўлмаган валюта режими (ўз миллий валютаси бўлмаган давлатлар учун); валютани бошқариш механизми; бошқа валютага боғлиқлигининг анъанавий механизми (боғлиқлиқ валютаси бўлмаган давлатлар учун); горизонтал коридор доирасида боғланган алмашув курси; ўзгарувчан (сирпанадиган) боғлиқлиқ курси; ўзгарувчан (сирпанадиган) коридор курси; валюта курси траекторияси (ҳаракати) олдиндан эълон қилинмасдан тартибга солинадиган сузувчи курс; эркин сузувчи курс.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

Шунингдек, валюта курси режими бошқарилиш даражасига кура 3 турга: белгиланган валюта курси; бошқариладиган валюта курси; эркин сузувчи курсга бўлинади. Белгиланган валюта курси тизимида Марказий банк ўз зиммасига олдиндан белгиланган нархда миллий валютани сотиб олиш ва сотиш мажбурийтини олади. Агар бозор валюта курси ушбу ўрнатилган валюта курсидан фарқ қилса, Марказий банк валюта курсини ўрнатилган даражада сақлаш учун хорижий валютани миллий валютага сотиб олади ёки сотади. Белгиланган валюта курси режимини қабул қилиш расмий белгиланган валюта курсининг унинг ўртача ҳисоблаш даражаси б-н мос келишини тегишли пул-кредит сиёсати орқали таъминлашни талаб этади.

Эркин сузувчи валюта курсининг афзаллиги шундан иборатки, унда пул-кредит сиёсатининг мухторияти таъминланади ва у ўз навбатида пулга талабни барқарорлаштириш каби мақсадларда қўлланиши мумкин. Сузувчи валюта курси режимида валюта бозорини Марказий банк томонидан интервенция амалга оширилмайди. Аммо, «эркин» сузувчи валюта курси амалиётда гипотетик тавсифга эга. Аксарият эркин сузувчи валюта курси режимини қабул қилган мамлакатларда валюта курсида ўртача ҳисобланган даражага нисбатан сезиларли тебранишлар кузатиладиган бўлса, интервенция воситасидан фойдаланилади, яъни бунда «эркин» курс «ноэркин» курсга айланади. Сузувчи валюта курси

режимида Марказий банк ички пул массасини тўлиқ назорат қила олади ва шу орқали ички инфляция даражасини белгилаши мумкин. Шу сабабли, валюта курси режими тўғри танлаш пул массаси ва инфляцияни назорат қилиш ҳамда миллий валюта қадрини оширишнинг муҳим иқтисодий дастаги ҳисобланади.

Ҳар бир мустақил пул тизимига эга бўлган давлат ўзининг миллий валютаси курсини аниқлаш механизмни танлайди ёки валюта курси режимини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан чет эл валютасига бўлган талаб ҳамда таклифнинг жорий

нисбати асосида шаклланидиган алмашув курси бўйича амалга оширилади.

Халқаро валюта фондининг таснифи бўйича Ўзбекистон Республикасида валюта курси режими «валюта курси траекторияси (ҳаракати) олдиндан эълон қилинмасдан тартибга солинадиган сузувчи (белгиланадиган) курс» сифатида таърифланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ҳамда б. ҳисобот мақсадлари учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва б. мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини мунтазам равишда белгилаб боради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.

Мамлакатимизда валютани тартибга солишга оид ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилди. Валюта бозорини эркинлаштириш бўйича белгиланган аниқ чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини берди ва мамлакатимиз 2003 й.нинг 15 окт.дан Халқаро валюта фонди Низомининг VIII-моддаси талабларини қабул қилди. Унга асосан миллий валютанинг — сўмининг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришилди.

Амалга оширилган валюта сиёсати барқарор иқтисодий ўсишга, валюта маблағларининг доимий тушуми манба-

ларига ва етарли даражада валюта захираларини шакллантириш орқали миллий валютанинг харид қувватини ҳеч қандай четдан олинмайдиган маблағларсиз сақлаб туришга замин яратди.

Шунингдек, валюта сиёсати республикадаги ваколатли банкларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ва ички валюта бозорини қатнашишларини рағбатлантириш ва фаоллаштириш, хорижий валютадаги операциялар бўйича мижозларга кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш ҳамда банклар ўртасидаги рақобатни ривожлантиришга шароитлар яратди.

Валюта бозорини янада эркинлаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари миллий иқтисодиётни валюта курси ўзгаришининг салбий оқибатларидан ҳимоялашга ҳамда валюта бозори барқарорлиги ва мамлакат тўлов қобилиятини таъминлаш учун етарли бўлган миқдорда захираларни шакллантириб боришга қаратилади.

Файзулла Муллажонов.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритишига қадар мамлакатдаги ташқи иқтисодий фаолият собиқ Совет Иттифоқининг тегишли вазирликлари ихтиёрида бўлган. Уша даврларда республика вазирликлари ички хўжалик алоқаларини амалга ошириш б-н чегараланиб қолган эди. Ўтган асрнинг 80-й.лари 2-ярмида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш б-н шугулланувчи давлат тузилмалари фаолият кўрсата бошладди. Ўзбекистон бир қанча хорижий мамлакатлар б-н мустақил иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга киришди. Бу масала республика ривожининг устувор, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Бу йўналишда дастлаб, «Ўзбекхорижсавдо» («Ўзбекинторг») бирлашмаси фаолият кўрсатди. Унинг негизда 1990 й. 12 июлда Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат қўмитаси ташкил этилди. 1992 йил 12 фев.да бу давлат қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 17 ноябрдаги «Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини қайта ташкил этиш» тўғрисидаги қарорига муво-

фик, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги иши қайта ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 21 октябдаги «Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги этиб қайта ташкил қилинди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва ташқи савдони янада эркинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 й. 21 июлдаги «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида асосан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо соҳасидаги янги стратегияси қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади: ташқи иқтисодий фаолият, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар жалб этиш, ташқи савдони эркинлаштириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустақамлаш; жаҳон товарлар (капиталлар, хизматлар) бозорларининг комплекс маркетинг тад-

қиқотларини амалга ошириш, ички ва ташқи бозорлар истиқболларини ҳамда самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш ва ривожланишини прогноз қилиш, хорижий шериклар б-н узоқ муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; иқтисодийётни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ва б.

Мустақил Республиканинг ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги янги сиёсати жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар б-н кўп томонлама алоқаларни кенгайтиришда ўз ифодасини топмоқда. Ҳоз. Ўзбекистон 140 дан ортиқ давлатлар б-н савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатган. Шулардан 42 таси б-н ўзаро савдода қулайлик бериш режими тадбиқ этилган, 47 та давлат б-н эса инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш бўйича битимлар имзоланган (2006). Ўзбекистоннинг Осиё, Яқин Шарқ, Европа ва Американинг 70 дан ортиқ давлатлари б-н савдо-иқтисодий ҳамкорлиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Уларнинг орасида Ўзбекистоннинг Россия (ташқи савдо айланмасида улуши 21,7%), Корея Республикаси (5,9%), Туркия (5,5%), Қозоғистон (5,4%), Хитой (5,1%), Эрон (4,9%), Германия (3,4%), АҚШ (2,8%) ва б. мамлакатлар б-н иқтисодий алоқалари муҳим ўринда туради (2006).

1 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг ривожланиши
ва унинг товар таркиби (%)

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Экспорт						
шу жумладан:						
Пахта толаси	27,5	24,3	22,4	19,8	18,1	19,1
Кимё маҳсулотлари ва пластмассалар	2,9	2,6	3,0	3,1	4,7	5,3
Энергия манбалари	10,3	9,9	8,1	9,8	12,4	11,5
Қора ва рангли металллар	6,6	6,8	6,4	6,4	8,6	9,2
Машина ва жиҳозлар	3,4	3,8	3,9	5,9	7,4	8,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	3,5	2,7	3,8	3,8
Хизматлар	13,7	14,1	15,9	14,4	11,8	12,2
Бошқа товарлар	30,2	34,7	36,8	37,9	33,2	30,5
Жами	100	100	100	100	100	100
Импорт						
шу жумладан:						
Кимё маҳсулотлари ва пластмассалар	13,6	12,7	15,1	12,8	12,5	13,6
Энергия манбалари	3,8	1,9	1,3	2,7	2,1	2,5
Қора ва рангли металллар	8,6	10,9	8	7,9	10,3	10,3
Машина ва жиҳозлар	35,4	41,2	41,4	44,4	46	43,3
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	10,8	12,5	9,9	6,8	7,0
Хизматлар	8,5	10,3	10,6	10,2	11,1	10,4
Бошқа товарлар	17,8	12,2	11,1	12,1	11,2	12,9
Жами	100	100	100	100	100	100

Янги и. ч.нинг йўлга қўйилганлиги ва товарлар экспортининг ошиши натижасида 2005 й.да Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 1991 й.га нисбатан 18,7 баробар ошиб, 9,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди (1-жадвалга қ.). Сунгги йилларда экспорт қилинаётган товарлар номенклатураси ҳам ўзгариб бормоқда. Авваломбор, экспортга хом-ашё эмас, балки рақобатбардош тайёр маҳсулотлар чиқарилмоқда. Экспортнинг асосини қуйидаги товарлар ташкил қилмоқда: пахта толаси, машина ва ускуналар, нефть маҳсулотлари, суюлтирилган газ, қора ва рангли металллар ва улардан ишланган буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари, автомобиллар, самолётлар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, ўғитлар, хизматлар ва б.

Ўзбекистонга, асосан қуйидаги товарлар импорт йўли б-н олиб келинади: машина ва ускуналар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, қора ва рангли металллар ва улардан ишланган буюмлар, фармацевтика маҳсулотлари, транспорт воситалари ва б. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида жами экспорт ҳажмининг 50% дан зиёди пахта толасининг улушига тўғри келган бўлса, ҳозирги пайтда у 20% дан ҳам камроқни ташкил этмоқда. Айни пайтда пахта ип ва ип газламалар, кимё маҳсулотлари ва пластмасса, автомобиллар экспорти тезкор ўсди, хизматлар ва б. маҳсулотларнинг экспорти ҳам ортиб бормоқда. 2000 – 05 й.ларда маҳсулот экспорти бўйича муҳим натижаларга эришилди, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш 2003 й.да 24,6% га, 2004 й.да эса 30,3% га ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулот улуши 52% га етди.

Импорт таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй берди. Етакчи саноат тармоқларини замонавийлаштириш ва технологик жиҳатдан янгилаш, рақобатбардош маҳсулотларни и. ч.га йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш томон тугилган йўл давом эттирилди. Импорт қилинадиган маҳсулотлар таркибида машина ва асбоб-ускуналар устунлик қилмоқда. Ташқи савдо муносабатларини бундан буён янада ривожлантиришда тайёр маҳсулот ва бутловчи қисмларни маҳаллий хом ашёдан и. ч.ни маҳаллийлаштириш дастурига катта аҳамият берилмоқда.

Ташқи савдо айланмаси ўсиб бориш хусусиятини сақлаб келмоқда. 2000 й.да ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари) – 6212,1; 2001 й.да – 6307,3; 2002 й.да – 5700,4; 2003 й.да – 6689,2; 2004

й.да – 8669,0; 2005 й.да – 9500,1 дан иборат бўлди. Ташқи савдо айланмасининг 76,6% нодавлат сектори, 23,4% давлат сектори ҳиссасига тўғри келади (2005). Шу йилларда мамлакатнинг тўлов баланси ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган савдо баланси янада мустақкамланди.

Ташқи иқтисодий фаолият йўналишларини кенгайтириш ва умумий ҳажминини ошириш б-н бир қаторда унинг тузилмасида, уни ташкил этиш тизимининг ўзида ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди.

Кейинги йилларда мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий соҳанинг роли анчагина ўсди. Кичик бизнес корхоналарининг фақатгина сони кўпаймасдан, балки уларнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган янги турдаги маҳсулотларни и. ч. ва экспорт қилиши ҳажми ҳам кўпайди.

Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари ва эркинлигини таъминлаш, уларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг содалаштирилган механизмни жорий этиш, маҳсулот ва хизматларни сертифицилаштириш тартибининг бир шаклга келтирилиши кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга имкон берди. Натижада ташқи иқтисодий фаолиятда кичик бизнес субъектлари тобора фаол иштирок этмоқда. 2005 й.да республикада кичик бизнес субъектлари томонидан 325,8 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди (республика умумий экспортининг 6%), 1379,9 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот импорт қилинди (республика умумий импортининг 35,7%), кичик ва хусусий бизнеснинг ташқи савдо айланмаси республика ташқи савдо айланмасининг 18,0% ни ташкил қилди (1705,7 млн. АҚШ доллари).

2004 й. 7 июлда тадбиркорликни, биринчи навбатда, кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кўмаклашиш ва қулай шароитлар яратиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар б-н алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси негизда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ташкил этилди. 2004 й. 3 дек.да «Ўзбекистон савдо-саноат

палатаси тўғрисида» қонун қабул қилинди. Республика Президентининг 2005 й. 7 июлдаги фармони б-н мамлакатдаги ва чет эллардаги тадбиркорлар ўртасида кичик ва хусусий бизнес корхоналари даражасида барқарор иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспорт потенциалини юксалтириш, республикага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш мақсадида Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Россия ва Германияда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ваколатхоналари, шу жумладан саноат-инвестиция уйлари шаклидаги ваколатхоналари ташкил этилди.

Ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасида товарларнинг экспорти бўйича чекловлар бекор қилинди, нотариф чекловлар қисқартирилмоқда, товарларни импорт қилиш тартиб-қоидалари осонлаштирилмоқда.

Ўзбекистон бир неча халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотлар б-н ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо-иқтисодий шериги ҳисобланади. 1994 й. окт.да Ўзбекистон б-н Европа Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш мақсадида тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, 1995 й. ЖСТ га кузатувчи сифатида кирди, республикада ЖСТ га аъзо бўлиш бўйича иш олиб борадиган ишчи гуруҳ ташкил этилди. 2005 й. окт.да ушбу ишчи гуруҳнинг 3-ййгилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатда иқтисодий ва снсий барқарорликка эришиш йўлида мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб республикада барқарор инвестиция муҳити шакллантирилди, хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар ва бир қатор қонуний имтиёзлар яратилди. Хорижий инвестициялар биринчи навбатда саноатнинг устувор тармоқларини, хусусан ёқилғи-энергетика мажмуасини жадал ривожлантириш, халқ хўжалигининг илмталаб соҳаларида янги қувватларни барпо этиш; республиканинг импортга қарамлигини камайитириш; республиканинг экспорт имкониятларини кучайитириш, маҳсулотларнинг рақобат-

ларни ҳамкорликда яратиш йўналишларида сарфланмоқда. Хорижий фирмалар, халқаро ташкилотлар республиканинг кимё, газ, нефть саноати, ирригация тармоқлари, қ. х.ни ривожлантириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларида иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда и. ч.ни маҳаллийлаштириш бўйича республика иқтисодиётининг устувор тармоқларини ривожлантиришнинг қисқа ва узоқ муддатли тармоқ дастурлари ишлаб чиқилди: хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича минтақавий дастур; Давлат инвестиция дастури; 2005–2008 й.ларда тўқимачилик саноатини, 2005–10 й.ларда қурилиш материаллари саноатини, 2005–10 й.ларда қ. х. машина-созлиги саноатини ривожлантириш ва замонавийлаштириш бўйича дастурлар шулар жумласига кирди.

АҚШ, Германия, Франция, Туркия давлатлари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Япония, Германия, Франция ва б. мамлакатлар банклари кредитлари ҳисобидан Кўкдумалоқ газ-нефть қони ўзлаштирилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш з-ди, «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон – АҚШ қўшма корхонаси, Шўртан газ-кимё мажмуаси, юзга яқин енгил саноат корхоналари қурилиб фойдаланишга топширилди. Пахта хом ашёсини халқаро бозор талабларига жавоб берадиган тайёр маҳсулот даражасигача қайта ишлашнинг жами циклини қамрайдиган янги технологияларни жорий қилиш бўйича ҳам лойиҳалар амалга оширилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар Хитой, Корея, Япония, АҚШ, Россия, Германия, Малайзия, Туркия ва б. давлатлардан жалб этилди. Шу жумладан, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки каби қатор халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан Ўзбекистон иқтисодиётидаги устувор соҳаларни ва инфратузилмани ривожлантиришга оид лойиҳаларга имтиёзли маблағ ажратилди. Фақатгина 2000 – 2005 й.ларда Ўзбекистонга жами 2312,7 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилди (2000 й.да – 85,7; 2001 й.да – 387,5; 2002 й.да – 3,55; 2003 й.да – 532,7; 2004 й.да – 433,6 млн.; 2005 й.да – 518,2 млн. АҚШ доллари миқдорида).

Мамлакатдаги барқарор инвестиция муҳитини яратишда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги ҳамда «Чет эл инвестициялари

2 - ж а д в а л

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо баланси (млн. АҚШ долларида)

	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Экспорт	3264,7	3170,4	2988,4	3725,0	4853,0	5408,8
Импорт	2947,4	3136,9	2712,0	2964,2	3816,0	4091,3
Савдо баланси	317,3	33,5	276,4	760,8	1037,0	1317,5

бардошлигини кўтариш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, қад. хунармандлик ва анъанавий касб-корларни тиклаш; ўзаро манфаатли лойиҳа-

3 - ж а д в а л
Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари бўйича асосий
капиталга чет эл инвестициялари таркиби динамикаси (%)

	2002	2003	2004	2005
Ишлаб чиқариш соҳасига	84,7	86,3	82,7	86,2
шу жумладан:				
саноат	64,9	44,5	39,0	48,2
қишлоқ хўжалиги	6,1	2,8	0,7	2,4
қурилиш	0,1	1	—	0,2
транспорт ва алоқа	7,3	34,8	37,9	0,2
савдо ва умумий овқатланиш	1,8	—	0,3	0,1
бошқа соҳалар	1,8	3,2	4,8	5,0
Номилаб чиқариш соҳасига	15,3	13,7	17,3	13,8
Жами	100	100	100	100

тўғрисида»ги қонунлар, «Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар тўғрисида» ҳамда «Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортига янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва б. қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, таркибий қайта қуришнинг самарали амалга оширилиши бевосита инвестиция сиёсатининг оқилона юритилиши б-н боғлиқ. Аграр-индустриал тизимга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси учун эса, инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қаратилган. Чет эл тажрибаси ҳам ривожланган мамлакатларда дастлаб индустриал тармоқлар жадал тараққий этганлигини кўрсатади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати инвестиция сиёсатида айнан юқорида кўрсатилган йўлни танлади. Бу 1995–2005 й.ларда асосий капиталга қўйилган инвестиция маблағлари ҳажмида саноат ишлаб чиқаришига йўналтирилган молиявий ресурслар улушининг юқорилигида ҳам кўринади (3-жадвал). 2005 й.гача мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган хорижий инвестицияларнинг 2/3 қисми саноат и. ч.ига тўғри келади.

Мамлакат иқтисодиётини, хусусан саноат и. ч.ини ривожлантириш ва иқтисодий ўсишга эришишда инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ички ва ташқи инвестиция маблағларининг иқтисодиёт

секторлари бўйича тақсимотида тўғри йўналишни белгилаб олишни тақозо этади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси каби халқаро молиявий институтлар б-н фаол ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Халқаро молиявий ин-тлар б-н молиявий ва техникавий ҳамкорликнинг асосий устувор йўналишларига таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, энергетика, транспорт инфратузилмаси, қишлоқ ва сув хўжалиги, институционал ривожланиш каби соҳалар кириди. Чет эл инвестицияларини жалб этиш б-н бирга республика чет давлатлардан узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ҳам олмақда.

Имтиёзли кредитларнинг шартлари кредитни қоплаш муддати – 20 йилдан ортиқ, шу жумладан 5–10 йил имтиёзли муддат (қарзнинг асосий қисмини қайтармаслик муддати), фоиз ставкаси – 1% гача. Қўшимча жиҳати сифатида лойиҳанинг 100% халқаро молиявий ин-тларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши, қўшимча комиссиялар ва молиявий сарф-харажатларнинг йўқлигини таъкидлаш мумкин. Шу б-н бирга, кредитнинг шартлари донорнинг сиёсати, лойиҳанинг вазифа ва мақсадлари ҳамда ажратилаётган маблағнинг валюта шаклини инobatга олиб ўзгартириши мумкин.

Техник кўмак қуйидаги мақсадларга грант шаклида ажратилади: товарлар (асбоб-ускуналар) ни харид қилиш; маслаҳат хизматларини кўрсатиш; халқаро молиявий ин-тлар ва иқтисодий ташкилотлар, хорижий мамлакатлар ва хорижий инвесторларнинг кредитлари ва инвестициялари жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномаларини иш-

лаб чиқиш; таълим дастурлари (тренинглари)ни амалга ошириш.

2000 – 05 й.лар мобайнида иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш бўйича чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилиб, йирик саноат, коммунация, инфратузилма объектлари ва б. объектлар қурилди.

Саноат тармоқларида институционал ва таркибий ўзгартиришларни барқарор пул-кредит сиёсатини юритган ҳолда чуқурлаштириш, шунингдек айирбошлаш курсларини унификация қилиш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш 2003 й.даёқ жорий халқаро муомала бўйича миллий валютанинг айрибошланиш қобилиятини таъминлаш имкониятини берди.

Жорий халқаро муомала ҳисоби бўйича миллий валютанинг айрибошланишига ўтиш ташқи қарзларни жалб этмасдан туриб, олтин-валюта захираларини сақлаб қолиш б-н бирга айни пайтда, унинг салмоқли даражада кўпайтирган ҳолда амалга оширилди. Бу мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига интеграция қилиш йўлида навбатдаги йирик одим бўлди.

Мустақиллик йиллари давомида ташқи алоқалар географияси бирмунча ўзгарди. Иқтисодий ривожланган чет эл мамлакатлари б-н ҳамкорлик муносабатлари анча мустаҳкамланди, чунончи, жами ташқи савдо айланмасининг ярмидан кўпроғи уларнинг улушига тўғри келмоқда.

Транспорт коммуникациялари ва товарлар экспортини таъминлаш инфратузилмаси янада ривожланди. Пахта толасининг экспорт бўйича етказиб берилишига хизмат кўрсатиш учун республика ҳудудида транспорт терминаллари ташкил этилди. Буларнинг барчаси чет мамлакатлар б-н олиб бориладиган кўп томонлама ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, республиканинг тўлов балансини мустаҳкамлаш, ташқи бозорга фаол кириб боришига ва жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланишига хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» (1991 й. 14 июнь), «Давлат божхона хизмати тўғрисида» (1997, 29 авг.), «Божхона Кодекси» (1997 й. 27 дек.), «Экспорт назорати тўғрисида» (2004 й. 26 авг.) ва б. қонунлар, меъёрий ҳужжатлар б-н тартибга солинади.

Насриддин Нажимов.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Соғлиқни сақлаш иши Шарқда, хусусан, Ўзбекистонда узоқ тарихга эга. Айниқса, ўрта асрларда бу ҳудудда табобат илмида улкан ютуқларга эришилди. Шу даврда қад. тиббий асарлар юнон ва б. тиллардан араб тилига таржима этилиб, улардаги тавсиялар амалиётда қўлланила бошланди.

Айни вақтда Шарқ мутафаккирлари табобат илмидан жаҳоншумул асарлар яратганлар. Бу борада Абу Райҳон Берунийнинг «Тиббиётда доришunosлик» («Китоб ас-сайдана фи-т-тиб»), Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» («Ал-қонун фи-т-тиб») асарлари машҳур бўлиб, жаҳон табобатида узоқ даврлар мобайнида асосий қўлланма бўлиб келган. Абу Али ибн Сино даволашнинг янги усуллари қўллаб, табиб (ҳаким) сифатида ўз даврида жуда машҳур бўлди. Кейинги даврларда ҳам табиблик Туркистонда соғлиқни сақлашнинг асосий шакли бўлиб келди. Табиблар мадрасаларда таълим олишиб ёки устоз-шоғирлик йўли б-н турли касалликларга, синган-чиққанлар, яра-чақаларга даво қилишни, хасталикларнинг олдини олишни ўрганишган. Уларнинг қўллари нафақат беморларни даволаш, балки дори-дармонлар тайёрлаш б-н ҳам шуғулланганлар. Соҳибқирон Амир Темур бошқа маърифий ишлар қатори аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишига ҳам алоҳида эътибор берган. Бошқа мамлакатлар машҳур табибларини пойтахт Самарқандга олиб келиб, махсус шифохоналар очган.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда 8–9-а.даёқ шифохоналар учун махсус бинолар қурила бошланган. 15-а.да Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда ҳам қўллаб шифохоналар қўрилган. Бундай жамоат шифохоналари «Дор уш-шифо» («Даволаш уйи») номи б-н юритилиб,

уларда замонасининг билимдон табиблари беморларни даволашган. «Дор уш-шифо»даги махсус дориҳоналарда доришunosлар беморлар учун дори-дармонлар тайёрлаб беришган. Аксарият шифохоналарда табиблар беморларни даволашдан ташқари, табобат илми б-н ҳам шуғулланган. Шифохоналар очишга Алишер Навоий ҳам катта аҳамият берган.

Манбалардан маълум бўлишича, кейинги йилларда ҳам Туркистоннинг баъзи вилоятларида махсус шифохоналар бўлган. Хусусан, машҳур алиб Восифий Зайниддин Маҳмуд (1485–1551) «Нодир воқеалар» («Бадоеъ ул-вақоеъ») асарида Тошкентнинг шаҳар қўрғонидан ташқаридаги Кайковус чорбоғи ҳақида қизиқарли воқеаларни баён қилиб, бу ерда хон ва султонлар учун шифохона бўлганлигини ёзган. У даврларда сув, ҳаво, осмон, ер тозалигига, яъни замонавий тушунча — экологияга алоҳида аҳамият берилган.

Туркистонни Россия империяси босиб олганидан кейин ўлкада фарбга хос тиббий муассасалар қўрила бошланди. Дастлаб Тошкентда 1868 й. ҳарбийлар ва амалдорлар учун касалхона (лазарет) очилди. Кейинчалик бошқа шаҳарларда ҳам катта-кичик касалхоналар, шифохоналар очила бошлади. 1872 й. Самарқандда, 1873 й. Хивада, 1891 й. Бухорода унчалик катта бўлмаган касалхоналар барпо этилди. Лекин улар, асосан, давлат хизматчиларига хизмат кўрсатган. Хусусан, аёлларга туғруқхона ёки касалхонада тиббий хизмат кўрсатиш иши узоқ вақтгача уюшмаган ҳолда олиб борилди. Фақат 1880 й. Тошкентда хайрия йўли б-н атиги 4 ўринли туғруқхона ташкил этилди. Аёллар ва болаларга мўлжалланган амбулаториялар очилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлашга доир уюшган мунтазам тизим йўқли-

ги учун ўлкада кўпгина юқумли касалликлар эпидемик тус олиб, қанчадан-қанча кишиларнинг ёстигини қуритган.

Ўтган асрнинг 20-й.ларида бу борада бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тузилиб, ўлкадаги мавжуд касалхона, амбулаториялар ва б. тиббий муассасалар давлат тасарруфига ўтказилди. Даволаш ва эпидемияларга қарши курашиш учун сайёр отрядлар тузилди, бактериологик лаб. ишга туширилди, умумий ўринлар сони 7 мингга яқин бўлган касалхоналар очилди. Ўлкада чин чечак, вабо, ришта, безгак, трахома, лейшманиоз сингари касалликлар, асосан тугатилди, сил, тери касалликлари ва б. касалликлар сезиларли даражада камайди.

Ўлкада соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базаси босқичма-босқич кенгайтирилиб, мустаҳкамланди. Тошкентдаги йирик касалхоналарда тор мутахассисликлар бўйича ихтисослашган кўз, қулоқ, асаб касалликлари бўлимлари ва б. ташкил этилди. Самарқандда, Қўқонда катталар ҳамла болалар касалхонаси. Фарғонада беморларни физиотерапевтик усуллар б-н даволайдиган махсус шифохона очилди. Тошкентда шу соҳадаги кичик хусусий касалхона негизда 1919 й. 150 ўринга мўлжалланган физиотерапия и.т. институти ташкил этилди.

1920 й. Тошкентда силга қарши дастлабки диспансер иш бошлади. 1922 й. врачлик-санитария назорати ташкилоти тузилди. 1924 й. Тошкентда тери-таносил касалликлари диспансери, Бухорода эса тропик тиббиёт ин-ти (ҳоз. Самарқанддаги тиббиёт паразитологияси и.т. институти) очилди. 1924 й.га келиб Туркистонда 6 тропик ст-я ва унинг жойлардаги тармоқлари ишлаб турди.

1924 й. республикада 53 касалхона, 151 амбулатория (уларнинг 79 таси қишлоқ жойларида), 40 фельдшерлик пункти ва 6. муассасалар бўлган. Шу йилларда тиббиёт таълимини йўлга қўйиш ва маҳаллий аҳолидан тиб мутахассислари тайёрлашга киришилди. 1918 й.да Тошкентда дастлабки тиббиёт ўқув юрти — Оқунбобоев номидаги Республика тиббиёт билим юрти, орадан бир йил ўтиб, олий тиббиёт мактаби очилди, фельдшерлик курслари, қисқа муддат ўқитиладиган жарроҳлик курслари, мурувват ҳамширалари курслари ташкил этилди. Олий тиббиёт мактаби 1920 й.да Ўрта Осиё давлат ун-ти таркибидаги тиббиёт ф-тига айлантирилди. Бу ф-тда ўқишга ёшларни тайёрлаш учун республиканинг кўпгина шаҳарларида ишчи ф-тлари очилиб, уларга ўзбек ҳамда бошқа ерли аҳоли йигит-қизлари жалб этилди. Ўрта Осиё давлат ун-ти олий маълумотли тиббий ходимлар тайёрлашдагина эмас, балки жойларда янги тиббиёт ўқув юртлари очишда ҳам муҳим ўрин тутди. 1925 й. вилоятларда тиббиёт марказлари очилди. Ун-тининг тиббиёт ф-ти 1931 й. мустақил тиббиёт ин-ти (Тошкент тиббиёт институти)га айлантирилди. Самарқандда ҳам Самарқанд тиббиёт институти очилди. 1932 й. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ташкил этилди. 1937 й. Тошкент фармацевтика институти иш бошлади. Айни вақтда илмий тадқиқот ин-тлари ҳам барпо этилди. 1932 й. Тошкентда сил, 1940 й. қон куйиш ин-тлари ташкил топди. Саноат

Хирургия маркази биноси. Олдинда Ибн Сино ҳайкали. Тошкент.



корхоналари ва қишлоқ жойларига кўплаб врачлар юборилди, шаҳар ҳамда қишлоқларда янги касалхоналар, поликлиникалар, амбулаториялар очилди, ҳавоси соф ва ҳушманзарали жойларда иқлимий курортлар, шифохоналар барпо этилди.

Уруш йиллари Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимининг маъсулияти янада ошди; жароҳатланган ва шикастланган жангчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш, эпидемияга қарши чора-тадбирларни кенгайтириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўлканинг санитария ҳолатини барқарор сақлаб туриш зарурияти туғилди, тез орада 130 дан ортиқ ҳарбий госпиталлар очилди.

Урушдан кейин республикада бир қанча тиббий илмий тадқиқот ин-тлари қайтадан иш бошлади ва янгилари пайдо бўлди (санитария, гигиена ва касб касалликлари, онкология ва радиология, педиатрия илмий тадқиқот ин-тлари ва б.). 1955 й. *Андожон тиббиёт институти*, 1972 й. *Ўрта Осиё, ҳоз. Тошкент тиббиёт педиатрия институти*, 1990 й. эса *Бухоро тиббиёт институти* очилди. Кейинчалик 1-ТошТИнинг Урганч филиали, 2-ТошТИнинг Фарғона филиали, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тининг Нукус филиали ташкил этилди. Кардиология, гастроэнтерология, эндокринология, неврология, гематология, пульмонология, алергология, ревматология ва б. соҳалар бўйича хизмат кўрсатадиган йирик клиникалар ишга туширилди. Советлар тузуми даврида соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи анча кенгайган бўлса-да,

лекин экологик номутаносибликлар туфайли аҳоли орасида турли ички касалликларнинг кўпайиши кузатилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасини қайтадан ислоҳ қилиш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 й. 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши тизимда улкан ўзгаришларга сабаб бўлди.

Мазкур Давлат дастури асосан аҳолига шошилиничи ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасаларида тиббий ижтимоий аҳамиятга эга ва атрофдагилар соғлиғига хавф туғдирувчи сил, хавfli ўсма, руҳий, наркололик, эндокринологик ҳамда касб касалликларига дучор бўлганларга ихтисослашган тиббий ёрдам, болаларни текширувдан ўтказиш ва даволаш, 15—17 ёшдаги ўсмирларни ҳамда чақирув комиссияларининг йўлланмалари б-н чақириқ ёшдагиларни (18—27 ёш) текширувдан ўтказиш ва даволаш, ҳомиладорларга, беморларнинг имтиёзли тоифаларига, яъни ногиронлар, уруш фахрийлари, етимлар ва б.га давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатишни назарда тутди. Шунингдек, аҳолининг айрим қатлами (онкологик, сил, мохов, эндокринологик, руҳий касалликлари бор беморлар, ОИВ/ОИТС кўчирганлар, юрак клапани протези қўйилган ва аъзолари кўчирилган беморлар, ўзгалар қаровига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар, Уруш ва меҳнат fronti қатнашчилари ҳамда ногиронлари ва б.) амбулатория шароитда бепул дори-дармон б-н таъминланади. Соғлиқни сақлаш тизимининг асосий тамойили — профилактик йўналишни тиклаш; унинг замонавий ва самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тадбирларини кучайтириш; тиббий таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш соҳасини такомиллаштириш; и.т. ишларини давр ва жамият ҳаётининг талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта ташкиллаштириш; мамлакатда сифатли ва етарли миқдорда дори-дармон, тиббий ашёлар ҳамда шу соҳага тааллуқли техник воситалар ишлаб чиқарадиган саноатни вужудга келтириш; соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий техник базасини янада яхшилаш; даволаш-профилак-



Акад. В. В. Воҳидов шогирдлари билан (тарихий сурат; 1980 й.).

тика муассасаларининг бир қисмини давлат тасарруфидан чиқариб, мулкчилик шаклини ўзгартириш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимининг бошқариш тузилмалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент ш. соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларидан иборат. Республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришда ЎзР Касаба уюмлари федерацияси, шунингдек, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Қизил ярим Ой» жамияти, «Нуроний» жамғармаси ва б. ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда (қ. *Ижтимоий жамғарма*).

Ўзбекистонда 968 касалхона, 4354 та амбулатория-поликлиника муассасаси, 2800 қишлоқ врачлик пункти ташкил этилган. 71 мингга яқин барча ихтисосликдаги врачлар аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатади (2006).

Бозор муносабатларига ўтиш соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам янги талаблар қўйди. Хусусан маъмурий-бошқариш сарф-харажатларини камайтириш; беморларни кам харажат ва самарали кундузги даволанишга ўтказиш; шифохоналар иш ҳажмининг бир қисмини поликлиникага қўчириш; кам самарали ўринлар сонини қисқартириш; шартнома асосида бажариладиган ишлар учун ҳақ олиш ва б. чоралар кўрилмоқда.

Мустақиллик йилларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишда бирмунча ютуқларга эришди. Жумладан, тизимнинг метёрий-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилди, шошилинч тиббий ёрданинг мутлақо янги ва бир бутун тизими ташкил этилди, аҳолига бирламчи санитария ёрдами кўрсатиш тизими ихчамлаштирилди

ва қишлоқ врачлик пунктларининг самарали кенг тармоғи ташкил этилди ҳамда умумий амалиёт шифокорлари аҳолига яқиндан ёрдам кўрсатадиган бўлди; оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимининг самараси ошди, республикада санитария-

эпидемиология ҳолатининг барқарорлигига эришилди, нодавлат тиббиёт сектори ривожлантирилди, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам жаҳон стандартларига кўтарилди. Республикада хавфли касалликлар бўйича эпидемиологик вазият етарли даражада кафолатланган. Илгари фақат пайдо бўлган хавфли касалликларни даволаш йўлидан борилган бўлса, энди бошқача йўлдан борилмапти. Бу йўл касаллик тарқалишининг олдини олиш, профилактика чора-тадбирларини кўришдан иборат. Мас., сил касаллигини ташхислаш ва назоратга олиш стратегияси амалга оширила бошлагандан кейин бу касалликнинг оғир шакллари б-н оғриганлар миқдори республикада 24% га камайди. Болаларнинг 98% и эмланганлиги сабабли гепатит «В» касаллиги 2000 й.дагига нисбатан 6,1 мартага, 2004 й.дагига нисбатан эса 1,5 баробарга камайди. Юқумли касалликлар тарқалишига қарши кўрилаётган чоратadbирлар сабабли қўшни давлатларда тарқалган чечак ва шунга ўхшаш хатарли касалликлар инфекцияларининг йўли тўсилди.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш кўп жиҳатдан давлат эпидемиология хизмати фаолиятига боғлиқ.

Ўзбекистонда санитария-эпидемиология ст-ялари ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ташкилий-услубий ва мувофиқлаштирувчи ишларини олиб борадиган Давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти, шунингдек, «Саломатлик» ин-ти ва унинг вилоят филиаллари бу вазифани амалга оширмоқда.

Чиноз туманидаги қишлоқ врачлик пункти.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳот босқичма-босқич олиб борилди. Биринчи босқичда (1991–94 й.лар) бутун эътибор оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш хизмати такомиллаштириш, демографияк кўрсаткичларни барқарорлаштириш, юқумли касалликларни камайтиришга қаратилди.

Иккинчи босқичда (1994–98 й.лар) дорихоналар ва бир қанча даволаш-профилактика муассасалари хусусийлаштирилди, амбулатория-поликлиника хизмати ривожлантирилиб қайта тузилди. Натижада, аҳолининг касалхонада ўртача ётиб даволаниши 1997 й.даги 13,4 дан 2005 й.га келиб 10,2% гача камайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқлари ижтимоий инфраструктурасининг 2000 й.гача бўлган даврда ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига (1996 й. 21 май) мувофиқ соғлиқни сақлаш соҳасида мутлақо янги муассаса – қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этиш ва аҳолига дастлабки фельдшерлик ёрдами эмас, балки малакали врачлик ёрдами кўрсатиш кўзда тутилди.

1998 й.дан соғлиқни сақлашнинг ривожланишида янги давр бошланди – 1998 й. 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони б-н «1998–2005 й.ларда соғлиқни сақлаш тизимини қайта қуриш Давлат дастури» қабул қилинди. Унда мамлакат аҳолисида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш тadbирлари кўрсатиб берилди. Бу дастур асосида соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини мустаҳкамлаш ва умумий врачлик амалиётини ривожлантириш тadbирлари амалга оширилди.

Ўзбекистон аҳолисининг 63% и қишлоқларда истиқомат қилиши сабабли шу жойларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, шу б-н бирга иқтисодий сарф-харажатларни анча камайтириш мақсадида ҳукуматнинг қарорлари асосида бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими ихчамлаштирилди. Маҳаллий ҳокимиятлар



кўмагида барча вилоятларда замонавий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этилди. Республикада 2800 га яқин қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатади (2006). Бемор дастлаб худудидаги қишлоқ врачлик пунктига, агар лозим бўлса туман марказий шифохонасига мурожаат қилади. ҚВП ларида умумий амалиёт врачлари аҳолига, хусусан оиланинг ҳар бир аъзосига тиббий хизмат кўрсатади. Мазкур ишлар Жаҳон банки б-н ҳамкорликда «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида амалга оширилди. Бу соғлиқни сақлашнинг бирламчи бугини муассасаларини бошқариш ва молиялаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва умумий амалий тиббий ходимлар тайёрлаш имконини беради. «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида қолган вилоятлардаги қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н таъминланиб, ОИВ/ОИТС ҳамда сил касаллигининг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг янги шакли жорий этилди. Натижада мамлакатнинг ҳамма ҳудудларида шошилич тиббий ёрдам кўрсатишга уйга врач чақириш б-н малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ўртасидаги вақтни анча қисқартиришга муваффақ бўлинди. Шошилич тиббий ёрдам хизмати замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган, унда жами 8292 та ўрин бўлиб, бу республика даволаш-профилактика муассасалари ўрин фондининг 6,1% ини ташкил қилади (2005).

Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасаларида 70564 шифокор, жумладан 4164 умумий амалиёт шифокорлари ҳамда 261900 ўрта тиббий ходимлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатади (2005).

Сирдарё вилояти Реабилитация соғломлаштириш марказидаги бадан тарбия хонаси.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Экосан» жамғармаси б-н ҳамкорликда Оролбўйи ҳудудларига мунтазам равишда «Саломатлик поездлари» ташкил этилиб, шу жойлардаги аҳоли малакали шифокорлар томонидан диспансер кўригидан ўтказилмоқда, зарур ҳолларда ихтисослашган стационар ёрдам кўрсатилиб, мурувват йўли орқали олинган дори-дармонлар ва тиббий анжомлар б-н таъминланмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолига курсатилмаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида халқро ташкилотлар, хусусан Россия, АҚШ, Эрон Ислон Республикаси, Исроил, Германия, Япония, Ҳиндистон, Польша, Чехия, Покистон, ХХР давлатларининг Ўзбекистондаги элчилари, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, Ислон Тараққиёт банкининг Марказий Осиё ва Ўзбекистон бўйича ваколатхоналари раҳбарлари ва Қувват араб иқтисодий ривожланиш фонди раҳбарлари б-н соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича бирмунча ишлар амалга оширилган. Ўзбекистонлик мутахассислар жаҳоннинг етук тиббиёт муассасаларида ўз малакаларини мунтазам равишда ошироқдалар.

Ўзбекистон Республикаси 2003 й.дан буён Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа ҳудудий бюроси Донмий кўмитаси аъзоси. 2004 й. да унинг ташкилий кўмитаси йиғилиши Тошкент ш.да бўлиб ўтди.



Кўрилган чора-тадбирлар туфайли мамлакат аҳолисининг асосий ижтимоий аҳоли яхшиланди, даволаш-профилактика хизмати, хусусан санаторий-профилакторийлар тармоғи кенгайтирилди.

Аҳоли соғлигини текшириб туриш ва юқумли ҳамда юқумсиз касалликлар б-н оғриш ҳолларини назорат қилиш, ноқулай ижтимоий муҳит омилларини бартараф этиш, айниқса атроф муҳитни соғломлаштириш, диспансеризация ишлари изчил бажариб турилади. Республика «Саломатлик» ин-ти, унинг ви-

Республика шошилич тиббий ёрдам маркази

2001 й. 1 майдан Тошкент ш. да ўз фаолиятини бошлаган. У 760 ўринга мўлжалланган бўлиб, энг замонавий диагностика ва даволаш тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган. Марказнинг асосий мақсади республикамиз аҳолисига туну кун юқори малакали махсус шошилич тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат. Таркибига республика санавиацияси ва Тошкент ш. «03» хизмати ҳам қиради. Унинг вилоятларда 12 та филиали ва 173 та бўлими, шунингдек, туман ва шаҳар миқёсида фавқулодда вазиятларда фаолият кўрсатувчи 182 та шошилич тиббий ёрдам бригадалари мавжуд.

Марказда 11 та илмий бўлим, улар таркибида 36 та клиник бўлинма бўлиб, турли хил шошилич жарроҳлик, акушер-гинекологик, урологик, терапевтик, кардиологик ва б. патологияли беморларни қабул қилади.

Марказ, унинг филиаллари, бўлим ва бўлинмалари алоқа ва телекоммуникация тизими б-н таъминланган, бу кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда масофадан туриб тегишли илмий маслаҳатлар олиш имконини беради.



Республика шошилич тиббий ёрдам маркази.

лоятлар ва шаҳарлардаги шаҳобчалари радио ва телевидение ҳамда матбуотдан фойдаланган ҳолда аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид кенг қамровли билимларни тарғиб қилиб боради.

Республикада олий ва ўрта тиббий ўқув юртлири учун дарслик ва ўқув қўлланмалари, тиббиётга оид илмий асарлар, врачлар учун амалий қўлланмалар, санитария маорифи бўйича оммабол тиббий адабиётлар, лугат ва маълумотномалар, «Сихат-саломатлик», «Ўзбекистон тиббиёти» жур.лари нашр этилади.

Оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси. Оналар ва болаларни муҳофаза қилиш хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари узоқ муддатга мўлжалланган Давлат дастурларида [«Она ва бола скрининги» (1998), «Соғлом авлод учун» (2000), «Аёллар ва ўсиб келаётган авлодлар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида» (2002)] белгилан берилди. ЎзРда бу тизим аёллар, ҳомиладорлар ва эмизикли оналар меҳнатини муҳофаза қилиш қонунчилиги, оналар ҳамда болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шунингдек, акушерлик-гинекология ва педиатрия ёрдамини кўрсатадиган махсус даволаш-профилактика муассасалари тармоқларини яратишга асосланган. Мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг оналар ва болалар соғлиги муҳофазасига қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар кўзда тутилган дастурлар ишлаб чиқилди. Ушбу дастурни амалга ошириш ҳамда оилага тегишли муаммоларни ҳар томонлама ҳал қилиш мақсадида 1998 йдан Тошкентда «Оила» илмий-амалий маркази фаолият кўрсата бошлади; бу марказда Ўзбекистонда оилани шакллантириш ва демографик ривожлантиришга оид муаммолар юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Давлат томонидан ёш болалар оналарнинг иш соатлари чекланади, уларга тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, шунингдек, заруриятдан келиб чиқиб ўзларига қулай соатларда ёки уйда ишлаш имкониятлари берилди. Ҳар бир она ва бола соғлигини кузатиш, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам давлат зиммасида. Соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари томонидан мактабгача таълим, мактаб, интернат мактаб, болаларни соғломлаштириш комплекслари каби хилма-хил тармоқлар ривожлантирилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлод, қизлар, туғиш ёшидаги аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини

такмиллаштириш, репродуктив саломатликни яхшилаш ва соғлом оилани шакллантириш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишли вазирликлар, идоралар, маҳаллий ва халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорликда Давлат дастурларида белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда аёллар репродуктив саломатлигини яхшилаш ва соғлом оилани шакллантириш бўйича республика ва вилоятлар миқёсида «Репродуктив саломатлик» марказлари ташкил этилган.

Оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси 2 асосий бўлимни: акушерлик-гинекология (туғишга ёрдам бериш) ва болаларга даволаш-профилактика ёрдами кўрсатишни ташкил қилишни ўз ичига олади. Акушерлик-гинекология ёрдамини махсус муассасалар, хусусан, шаҳарда таркибида аёллар маслаҳатхонаси бўлган туғруқхона комплекслари, касалхоналарнинг акушерлик-гинекология бўлимлари, акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти, тиббиёт ин-тлари акушерлик-гинекология кафедраси таркибидаги шу соҳа бўлимлари, аёллар маслаҳатхонаси, поликлинника ва и.ч. корхоналари тиббий-санитария қисми қошидаги акушерлик-гинекология кабинетлари амалга оширади. Қишлоқ жойларда аёлларга акушерлик-гинекология ёрдамини вилоят, туман касалхоналарининг туғруқхона бўлимлари, амбулаторияси, фельдшер-акушерлик ҳамда қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникадаги акушерлик-гинекология кабинетлари кўрсатади.

Аёллар маслаҳатхонаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Аёллар маслаҳатхонаси ишини ташкил қилиш ва ҳомилани антинатал муҳофазалаш» ҳақидаги 2001 й. 19 март 100-сонли буйруғига қўра фаолият кўрсатади. Мазкур маслаҳатхона ўз ҳудудидаги поликлиника, ҳомиладорларни соғломлаштириш муассасалари, «Она ва бола скрининг» маркази ва перинатал марказлар, тиббий-генетик, шунингдек, «Никоҳ ва оила» маслаҳатхоналари, оилавий ва болалар поликлиникалари, куп тармоқли касалхоналарнинг ихтисослаштирилган бўлимлари б-н узвий боғлиқ ҳолда иш юритади.

Оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси муаммолари Ўзбекистонда йўлга қўйилган оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг ягона тизими бўлиб, у босқичма-босқич амалга оширилади.

Ҳомиладорлик ва фарзанд туғилиши вақтида она ҳамда бола саломатлигини назорат қилиш, вилоятлардаги туғруқ

комплексларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали мутахассислар б-н таъминлаш; туғиш ёшидаги аёлларни чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, уларда мавжуд бўлган касалликларни вақтида аниқлаш ва диспансер назоратига олиш, соғломлаштириш, носоғлом аёлларни контрацептив воситаларга бўлган эҳтиёжини қондириш, жуда ёш ёки каттароқ ёшдаги аёлларда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, туғруқлар ораллигини узайтириш, чақалоқлар туғилганидан бошлаб она сути б-н боқиш, она-бола бирга бўлишини таъминлаш; 1–5 ёшгача бўлган болалар орасида патронаж тизимини яхшилаш, уларни ўз вақтида режалаш эмлаш ҳамда саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш, мактабгача тарбия муассасаларида мунтазам тиббий назорат ўрнатиш тадбирларини доимий ўтказиш ишлари амалга оширилди.

Она сути

Гўдак учун энг яхши озиқа она сутидир. Бола она сутидан керакли озиқ ва биологик фаол моддаларни олади, шунингдек, она б-н бола ўртасида меҳр ришталари боғланади. Ибн Сино она сутини қуёш нурига қиёс қилган, чунки ер юзидаги барча тирик мавжудот учун қуёш нури қанчалик зарур бўлса, ўсаётган мурғак учун ҳам она сути шунчалик зарур.

Она сути енгил ҳазм бўладиган, тўйимли, турли микроблардан холи, пишириш ва иситишни талаб қилмайдиган тайёр озиқ. Унда 100 дан ортиқ керакли моддалар бўлиб, у фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам боланинг ёшига, соғлигига мос келади. Унда турли касаллик вируслари ва микробларига қарши моддалар – антителолар мавжуд.

Она сути б-н катта бўлган болалар ўз тенгқурлари орасида жисмонан ва ақлий жиҳатдан ажрალიб туради. Болани кўкрак сути бериб боққан оналарда камқонлик кам кузатилади.

Ёшлар ўртасида соғлом оила ва никоҳ тушунчаларини тарғиб этиш, турмуш қураётган ёшларнинг саломатлик ҳолати соғлом авлод учун асос эканлигини бутун жамоатчилик, айниқса ёшлар онига синдириш бўйича республиканинг барча шаҳар ва туманларида маҳалла фаоллари, аҳоли ва ёшлар ўртасида маърузалар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилиб, ушбу мавзуга бағишланган услубий қўлланма, буклама, рисола ва плакатлар нашр этилди.



Республика перинатал марказида.

Фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш бўлимлари томонидан никоҳдан ўтувчи ёшларни соғлом оила қуришга тайёрлаш бўйича махсус курслар, ҳудудий поликлиникаларда никоҳгача ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда ёш оила патронажи тизимини яхшилаш талбирлари амалга оширилди.

Республикада фаолият кўрсатаётган оналар ва болаларни муҳофаза қилиш муассасаларининг моддий техник базаси яшилди. Республика перинатал маркази, Гулистон реабилитация соғломлаштириш маркази ва Навоий вилоятининг Нурота тумани туғруқ комплекси, Фарғона вилояти Бешарқ ва Кува туманлари «Она ва бола» марказлари, Хоразм вилоят болалар шифохонаси, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти ҳамда Педиатрия и.т. институтининг клиникалари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланди.

Республика перинатал маркази

Она қорнида ривожланаётган ҳомил ва янги туғилган чақалоқларга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатадиган и. т. ва даволаш муассасаси. 2002 й. 1 июнда Тошкент ш.да Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати б-н ўз фаолиятини бошлаган. Марказда ҳомилдорларга, туғруқ ва чилла давридаги аёлларга юқори малакали шошилиш ва режали тиббий хизмат кўрсатилади.

Марказ Тошкент тиббиёт академиyasi, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти талабалари, магистрлари ва клиник ординаторлари учун тайёрлов ҳамда республика неонатолог (янги туғилган чақалоқ врачлари) лари учун асосий илмий ўқув маркази ҳисобланади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНФПА, ЮНИСЕФ, ЮСАИД ва б. халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорликда «Репродуктив саломатликни яхшилаш», «Бехатар оналик», «Чақалоқни кўрак сути билан боқишни рағбатлантириш ва тарғиб қилиш», «Болалар касалликларини интеграллашган усулда даволаш», «Анемияни олдини олиш», «А витамини сапплементацияси» дастурлари амалга оширилмоқда. Республикада оналар ва болаларга гамҳўрлик давлат миқёсидаги вазифага айланган. Бу ҳақиқат қуйидаги рақамларда ҳам кўринадди. 2005 й.да оналар ўлими аввалги йилга нисбатан 9,4% га камайди. Чақалоқлар ўлими эса мустақиллик йилларида ҳар 1000 та чақалоқ ҳисобига 38,1 тадан 15,0 тага тушди. Бу бутун минтақамиздаги энг яхши кўрсаткичдир. ЮНИСЕФ нинг статистик бюллетенларида ҳам Ўзбекистон оналар ўлимининг олдини олиш бўйича энг яхши кўрсаткичларга эга эканлиги қайд этилган, яъни бир вақтлар 100 минг ҳисобидан оналар ўлими 65,3 ҳолда кузатилган бўлса, бугун бу рақам 30 тага тушди.

Осиё Тараққиёт банки б-н биргаликда «Ўтиш давридаги Осиё мамлакатларида кам таъминланган оналар ва болалар учун овқатланишни яхшилаш» дастури доирасида фертил ёшидаги аёллар ва болалар орасида анемия касаллигини олдини олиш мақсадида унни темир моддаси ва витаминлар б-н бойитиш амалга оширилди.

Наслий касалликлар ва туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш ҳамда болалиқдан ногиронликни камайтириш мақсадида бугунги кунда Респуб-

лика скрининг маркази ва унинг вилоятларда минтақавий бўлимлари (Нукус, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Термиз, Урганч, Навоий) ташкил этилиб, улар замонавий диагностика тиббий асбоб-ускуналари б-н жиҳозланди. Ушбу муассасалар томонидан пренатал ва неонатал скрининглари (туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларини аниқлаш бўйича) олиб борилмоқда.

Япония б-н ҳамкорлик доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий вилоятларининг туғруқ ва болалар муассасалари, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти ва Педиатрия и. т. институтининг клиникалари энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н таъминланди.

Оила тиббий маданиятини ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом

Республика скрининг маркази

Ирсий касалликлар натижасида юзага келадиган ақлий заифлик ҳамда ҳомилани ривожланиш нуқсони б-н туғилишининг олдини олишга ихтисослашган диагностика ва даволаш муассасаси. «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси, «Она ва бола скрининги» Давлат дастури лойиҳаси асосида Тошкент ш.да ташкил этилган.

Скрининг марказининг асосий мақсади бу ирсий касаллик б-н туғилган болаларга махсус тиббий-генетик хизмат кўрсатиш ва ҳомилани ривожланиш нуқсони б-н туғилишини олдини олиш мақсадида ҳомилдор аёлларни текширувдан ўтказишдан иборат.

Марказ энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган, бу она вужудига пайвандланган мурғакда илк дақиқаларда ноқ бирор-бир иллат пайдо бўлишини аниқлаш имконини беради.

•Чимён» санаторийси.



авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маъкамасининг 2002 й. 25 январдаги 32-сонли ҳамда 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли қарорлари қабул қилинди. Унга кўра соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданиятини ошириш масалалари бўйича доимий ишловчи ҳукумат комиссияси тузилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси борасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда; 2003 йилдан буён 186 та мутахассис Украинанинг етакчи тиббиёт ин-тларида малака ошириб қайтди.

Осиё Тараққиёт банкининг молиявий кўмагида 2005 й.дан бошлаб «Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» дастури Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида амалга оширилмоқда. Ушбу дастур доирасида 89 та туғруқ муассасалари, шунингдек, ресскадаги барча қон қуйиш станциялари замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н таъминланади.

Тиббий таълим тизими ва кадрлар. Тиббий кадрлар тайёрлашда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Тиббиёт олий ўқув юртлирида ўқиш муддати 7 йилга узайтирилиб, бакалавр ва магистрлар, шунингдек, олий малакали тиббий ҳамширалар — ҳамширалар иши бакалаврлари тайёрланадиган бўлди. ЎзРда барча ихтисосликлар бўйича 70958 врач ва 257113 ўрта тиббий ходим, 918 олий маълумотли ва 777 ўрта махсус маълумотли фармацевтика ходимлари ишлайди (2006). Ўзбекистонда 2719 олий маълумотли мутахассис, жумладан даволаш ишлари бўйича — 972, педиатрия бўйича — 796, тиббий-профилактика (санитария, ги-

Тошкент ш. Шайхонтоҳур туманидаги 55-оилавий поликлиника. Беморни флюорографияга тайёрлаш.



гиена ва эпидемиология) бўйича — 172, стоматология бўйича — 261, тиббий-педагогика (хасбий таълим) соҳаси бўйича — 197, олий ҳамширалик иши бўйича — 138, фармацевтика бўйича — 183 мутахассис етишти. Шунингдек, 59 тиббиёт коллежида 112 минг ўқувчи тахсил олди (2005).

Ўзбекистонда тиббий таълимнинг узлуксиз бўлишига ва мутахассисларнинг ўз малакаларини ошириб боришига катта аҳамият берилди. Тошкент ш.да 1932 й.дан врачлар малакасини ошириш ин-ти ишлаб турибди. Унинг 4 ф-ти, 50 кафедраси ва ҳар хил ихтисосликка мўлжалланган курсларида ҳар йили 10 мингга яқин врач мутахассислар ўз малакаларини оширмақдалар.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотнинг бориши тиббиёт ходимлари тайёрлаш ишини, умуман тиббий таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Республикадаги тиббиёт ин-тларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» та асосланган ҳолда икки босқичдан иборат олий таълим жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони б-н 2005 й. 1- ва 2- Тошкент тиббиёт ин-тлари негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

Магистратурада мутахассис врачлар тайёрлаш замонавий таълим технологиясидан фойдаланган ҳолда энг яхши илмий муассасалар ва клиникаларда олиб борилди. Шунингдек, мутахассислар малакасини текшириш ва уни жаҳон андозаларига мослаб бориш мақсадида, улар вақт-вақти б-н шаҳодатлантирилади.

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш. Туркистонда биринчи дорихона дастлаб 1874 й. Тошкент ш.да очилган. Мустақиллик йилларида бу тармоқ анча кенгайтирилди. Вазирлар Маъкамасининг 1995 й. 25 майдаги 181-сонли қарорига биноан ЎзР Соғлиқни Сақлаш вазирлиги қошида Ўзбекистон Республикасида дори сиёсатини таъминлаш мақсадида Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси ташкил этилди. Унинг асосий йўналиши Давлат сифат назоратини ташкил этиш, маҳаллий ва хорижда ишлаб чиқарилган дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникани Ўзбекистон Республикасида қайд этиш ҳамда уларни ишлатишга (қўллашга) руҳсат бериш, фармацевтик ва тиббий маҳсулотларни экспертиза қилиш, стандартлаш,

Тошкент тиббиёт академияси

Республикада юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлайдиган етакчи олий ўқув юрти. 1- ва 2-Тошкент давлат тиббиёт институтлари негизида ташкил этилган. Академия юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий техник базасини яратиш, илгор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида янги мазмун б-н бойитиш, бўлғуси мутахассисларнинг таълими улар томонидан аниқ даволаш амалиёти малакаларини эгаллаш б-н чамбарчас боғлаб олиб борилишини таъминлаш мақсадида тузилган. Академияда 5 ўқув ф-ти, 58 кафедра, аспирантура, марказий и.т. ва марказий клиник лаб., 2200 ўринли клиника, илмий тиббий ахборот бўлими, музей, акад. лицей, кутубхона, нашриёт ва босмахона бор.

Тошкент ш. Самарқанд дарвозасидаги 14-оилавий поликлиника (2006 й.).





Анджон тиббиёт институти.

сертификатлаш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда лаборатория ва клиник синовлар метёрий хужжатларини тасдиқлашдан иборат.

Бош бошқарма таркибига фармакопея, фармакология, янги тиббий техника, наркотиклар назорати қўмиталари киради.

Республикада дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек, Республика дорихона муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида Бош бошқарма таркибига фармацевтик назорат бўлими фаолият юритади.

Бош бошқарма тизимида Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси Давлат Маркази, унинг таркибига 4 та аккредитацияланган лаборатория (дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш; фармако-токсикологик таҳлил; вакцина, зардоб препаратлари ва микробиологик таҳлил; тиббий техника ускуналари ҳамда тиббий буюмлар сифатини назорат қилиш лаб.) ишлаб турибди.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси (2005 йил 20 майгача — «Дори-дармон» давлат акциядорлик уюшмаси) 1994 й.да Республика «Фармация» иш-

лаб чиқариш корхонаси негизда ташкил қилинган. Ундан илгари республикадаги дорихона муассасалари фаолиятини бошқариш Дорихоналар Бош бошқармаси томонидан амалга оширилган.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси таркибига 8 та акциядорлик жамияти, 9 та шўба корхона, 17 та улгуржи омборхона, 15 та назорат-таҳлил лаб., 200 дан ортиқ дорихона ва 350 дан зиёд дорихона шахобчаси фаолият кўрсатади (2006). Булар аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини замонавий, юқори самарали, безарар ва сифати кафолатланган дори воситалари б-н таъминлайди.

«Ўзфарманоат» давлат акциядорлик концерни Ўзбекистон фармацевтика саноати «Ўзфарманоат» давлат акциядорлик концернига айлантирилиб, унга ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда 3 та и.т. институтлари кирар эди (1993). 2003 й. концерн таркибига 70 дан ортиқ корхона, муассаса ва илмий тадқиқот ин-тлари фаолият кўрсата бошлади. Швейцария, Буюк Британия, Германия, Чехия, Люксембург, Ҳиндистон, Нидерландия, Россия, Кипр сингари давлатлар б-н ҳамкорликда қўшма корхоналар ҳамда «Доривор ўсимликлар» масъулияти чекланган жамият ташкил этилди.

Фармацевтика корхоналарида турли шаклдаги дори-дармон ҳамда тиббиёт

воситалари, вакцина ва зардоблар, фармацевтика саноатида ишлатиладиган шиша идишлар, ампулалар ҳамда боғлов воситалари ишлаб чиқарилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Бозор муносабатлари шаклланиб, иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароит тиббиёт сугуртасига ўтишни тақозо этади. Бу даволаш профилактика муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш б-н ҳам боғлиқ, чунки давлатга қарашли муассасалар қатори мулкчиликнинг ҳар хил шакллариغا асосланган муассасалар, жумладан хусусий муассасалар ҳам фаолият юритади. Даволаш-профилактика муассасаларини хусусийлаштириш «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги (1991 йил 19 ноябр) қонуни ва б. метёрий хужжатларга асосан амалга оширилмоқда. 1994–2006 й. 1 январгача жами 1083 та объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Шулардан 469 таси стоматологик поликлиникалар ва бўлимлар, 222 таси қишлоқ участка шифохоналари, врачлик амбулаториялари ва фелдъшпер-акушерлик пунктлари ҳамда 208 таси бошқа муассасалардир.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 й. 26 мартдаги 97-сонли, 2002 й. 8 октябрдаги 347-сонли ва 2003 й. 17 апрелдаги 185-сонли қарорларига биноан ҳам хусусийлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ушбу қарорларга асосан жами 103 та объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди, уларнинг қарийб 80 % и ўз фаолиятини тиббиёт муассасаси сифатида давом эттириши белгиланган.

Ад: Каримов Ш.И., Муҳамедиярова Р.Г. ва б., Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Муаммо ва истиқболлар, Т., 1998; Назиров Ф.Ф., Она ва бола саломатлиги йўлида, Т., 2001.

Феруз Назиров, Дамин Асадов.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ. ТУРИЗМ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

Ўзбекистон заминидан топилган археологик ашёлар ва бизгача етиб келган қад. қўлёзмалар бу ерда яшаган халқлар турмуш тарзида жисмоний машқлар муҳим ўрин эгаллаганидан далолат беради. Мил. ав. 4–1-минг йилликларга мансуб Қоратоғ (Навоий вилояти)даги Сармишсой расмларида мусобақалашаётган кишилар тасвирлари, мил. ав. 2,5–2-минг йилликларда қад. Бақтрия (Ўзбекистон жан.)да ясалган сопол идиш парчасидаги икки курашчининг акс эттирилгани ана шундай археологик ашёлардандир. Йиллар ўтган сайин қадим Туронда ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда жисмоний машқлар ҳам ривожланиб борган (мас., овчиларда мерганлик, чорвадорларда чавандозлик, балиқчиларда сузиш, ҳарбийларда қиличбозлик ва ҳ.к.).

Юнон ёзувчиси Клавдий Эллиан (2-а.) асарида Туронзамин қизлари ўзларига қайлиқни кураш мусобақасида танлагани баён этилган. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси – «Алпомиш» достонида кураш, мерганлик ва чавандозлик мусобақаларига катта ўрин берилган (достонда ёнлишича, қизлар Барчиндай полвон бўлишган, шартни бажарган йигитларгина кувликка лойиқ кўрилган). Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида бадан тарбиянинг фойдаси ва кураш спорт турининг қад. қондалари тўғрисида батафсил фикр юритган.

14–15-а.ларда Амир Темура ва темурийлар даврида ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг барча соҳаларида бўлгани каби жисмоний тарбия ва ҳарбий

маҳоратни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу даврда кураш, қиличбозлик, шатранж (шахмат) каби турлар бўйича мунтазам равишда мусобақалар ўтказилиб турилган. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоъ», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» каби асарларида ўша даврдаги мусобақалар ва уларнинг қатнашчилари қаламга олинган. Эътиборлиси, мусобақа ғолиблари унвон (мас., курашчилар – лаҳлавон, қиличбозлар – баҳодир, шатранжчилар – олия) ва катта мукофотлар б-н шарафланган.

Туркистон подшо Россияси томонидан босиб олинганидан сўнг Европа халқлари ўртасида оммалашган спорт турлари ўлкага кириб кела бошладилар. 1882 ва 1894 й.ларда Тошкент ва Самарқандда чавандозлар жамиятлари ташкил топди. 1895 й.



Чавгон ўйини (Навоий девонига ишланган 16-а. миниатюраси).

Жаҳон чемпионатлари совриндорлари (Олимпиада спорт турлари бўйича, 1991–2005 й лар)

Исм, фамилия	Спорт тури	Ўтказилган йил	Ўтказилган мамлакат	Медаль
О. Чусовитина	спорт гимнастикаси	1991	АҚШ	олтин
		1993	Буюк Британия	бронза
		2001	Бельгия	олтин
		2002	Венгрия	бронза
		2003	АҚШ	олтин
		2005	Австралия	кумуш
Р. Галиева	спорт гимнастикаси	1991	АҚШ	олтин
А. Григорян	бокс	1991	Австралия	кумуш
В. Семенчук	фристайл	1991	АҚШ	олтин
С. Сиринов	огир атлетика	1991	Германия	олтин
И. Содиқов	огир атлетика	1991	Германия	олтин
Л. Черязова	фристайл	1993	Австрия	олтин
Ҳ. Аҳмедов	бокс	1993	Финляндия	кумуш
Д. Ёрбеков	бокс	1995	Германия	бронза
Р. Хинчагов	эркин кураш	1995	АҚШ	бронза
Р. Чагаев	бокс	1997	Венгрия	олтин
		2001	Ирландия	олтин
Ф. Галиуллина	велоспорт	1997	Малайзия	олтин
А. Тўйчиев	велоспорт	1997	Малайзия	бронза
Э. Сейтмететов	велоспорт	1997	Малайзия	бронза
Ў. Ҳайдаров	бокс	1999	АҚШ	олтин
		2001	Ирландия	кумуш
		2005	Хитой	бронза
М. Абдуллаев	бокс	1999	АҚШ	олтин
Т. Тургунов	бокс	1999	АҚШ	кумуш
Ф. Тўраев	дзюдо	1999	Буюк Британия	кумуш
А. Очилов	эркин кураш	1999	Туркия	кумуш
Д. Захартдинов	эркин кураш	1999	Туркия	бронза
Р. Исломов	эркин кураш	1999	Туркия	бронза
Ш. Хусанов	бокс	2001	Ирландия	кумуш
		2003	Таиланд	кумуш
А. Таймазов	эркин кураш	2001	Болгария	кумуш
		2003	АҚШ	олтин
Д. Орипов	юнон-рум кураши	2001	Греция	олтин
А. Ряхов	байдарка	2001	Польша	кумуш
		2002	Эрон	кумуш
Э. Хегай	тазквондо (WTF)	2001	Корея Республикаси	кумуш
С. Лагутин	велоспорт	2003	Канада	олтин
Б. Султонов	бокс	2003	Таиланд	бронза
Р. Саидов	бокс	2003	Таиланд	бронза
Д. Мансуров	эркин кураш	2003	АҚШ	олтин
		2005	Венгрия	олтин
Д. Маҳмудов	бокс	2005	Хитой	кумуш
Ж. Матчонов	бокс	2005	Хитой	бронза

Тошкентда ҳаваскор велосипедчилар жамияти тузилди. 1900 й. велосипед спорти ҳаваскорлари ва профессионал велосипедчилар мусобақаларини ўтказиш учун Тошкентда қурилган майдонда велопоигалар ташкил қилинди. 1903 й. Тошкентда биринчи теннис корти ишга тушди. 1904 й. эса Гимнастика ва жисмоний машқлар ҳаваскорлари жамияти тузилиб, 1905 й.дан болалар ўртасида югуриш, сакраш, копток иргитиш каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш йўлга қўйилди. Бу Тошкентда спортнинг энгил атлетика тури ривожланишига замин яратди. 1908 й. Тошкент ширкида таниқли курашчи ва маҳаллий полвонлар иштирокида французча кураш (ҳоз. юнон-рум кураши) бўйича чемпионат ўтказилди (бу мусобақа ўзбек курашига бирмунча ўхшаш спортнинг шу тури ривожланишида алоҳида роль ўйнади). 1910 й. Тошкентдаги ҳарбийлар марказий биносида гимнастика, қилич-бозлик мактаби очилиб, унда (асосан, рус зобитлари ўртасида) шу спорт турлари бўйича машқлар, мусобақалар ўтказилиб турилди. Ишчиларнинг дастлабки спорт тўғарақлари 1910 й. Тошкентда ҳарбий округ штаби босмаҳонаси матбаачилари томонидан ташкил этилди. Уларда гимнастика, энгил атлетика ва б. спорт турлари бўйича машғулотлар олиб борилган. 1912 й. Қўқонда, кейинчалик Фарғона, Тошкент ва Андижонда футбол жамоалари тузилди. Туркистонда энг йирик ҳисобланган спорт ҳаваскорлари жамияти (1913 й. ташкил топган)нинг футбол, энгил атлетика ва лаун-теннис бўлимлари бор эди. 1915 й. Тошкентда гимнастика ўқитувчилари курси очилди. Сув спорти б-н шуғулланувчилар учун дастлабки сунъий ҳавзалар барпо қилинди. Умуман олганда, 20-а. бошларида спорт жамиятлари ва тўғарақлари Туркистонга кўчиб келган рус ва европалик фуқароларга хизмат қилган. Спорт мусобақаларида ҳам асосан улар ишгирок этганлар. Кенг халқ оммаси учун мўлжалланган спорт иншоотлари амалда йўқ эди.

20-а.нинг 20-й.ларидан мамлакатда ўқувчилар, меҳнаткашлар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида турли оммавий мусобақалар ўтказила бошланди. Тошкентда «Пишчевик» (1924), «Спартак» (1926) стадионлари фойдаланишга топширилди, «Динамо» (1924), «Спартак» (1935), «Локомотив» (1936) каби спорт жамиятлари тузилди. 1927 й.дан Республика ва 1934 й.дан Тошкентда Ўрта Осиё республикалари спартакиадлари ўтказилиши, алоҳида спорт турлари (1930 й.дан шахмат, 1937 й.дан футбол ва ҳ.к.)

бўйича республика чемпионатлари ва турли тоифадаги мусобақалар ташкил қилиниши замонавий спорт турларининг оммаланишига ҳамда маҳоратли спортчилар етишиб чиқишига ёрдам берди. Спорт тарғиботини яхшилаш мақсадида Тошкентда 1932 й.дан «Ўзбекистон физкультурачиси» («Физкультурник Узбекистана») газ. чиқарила бошланди, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш мақсадида 1935 й.да Ўзбекистон жисмоний тарбия техникуми очилди.

20-а.нинг 2-ярмидан ўзбекистонлик спортчилар халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнаша бошладди. 1952 й.да Хельсинкида ўтган 15-Олимпиада ўйинларида спорт гимнастикачиси Галина Шамрай олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлди. Волейболчи Вера Дуюнова эса икки карра олимпиада ўйинлари чемпионидир (1968, Мехико; 1972, Мюнхен). 1972 й.да чавандоз Мамажон Исмоилов ўзбек спортчилари орасида илк марта олимпиада ўйинларида иштирок этди. Кейинги олимпиа-

2 - ж а д в а л

Осиё ўйинлари чемпионолари (1994–2002 й.лар)

Исм, фамилия	Спорт тури	Ўтказилган йил	Ўтказилган шаҳар
И.Киреев (3 карра)	байдарка	1994	Хиросима
В.Казанцев	байдарка	1994	Хиросима
А.Колганов	байдарка	1994	Хиросима
А.Тюрин	байдарка	1994	Хиросима
А.Авезбоев	бокс	1994	Хиросима
О.Маскаев	бокс	1994	Хиросима
С.Муникова	енгил атлетика	1994	Хиросима
О.Яригина	енгил атлетика	1994	Хиросима
Р.Фаниев	енгил атлетика	1994	Хиросима
Миллий терма жамоа (Ш.Аҳмедов, Э.Осмонов, А.Репичев)	ўқ отиш	1994	Хиросима
Миллий терма жамоа (А.Абдураимов, С.Атоян, Ф.Давлетов, Абдусамат Дўрмонов, Рустам Дўрмонов, С.Лебедев, Ф.Магомедов, А.Маъруфалиев, Ш.Маҳсудов, Б.Оллониезов, У.Рўзимов, А.Тихонов, А.Федоров, И.Шарипов, Ю.Шейкин, И.Шквирин, М.Қосимов)	футбол	1994	Хиросима
М.Абдуллаев	бокс	1998	Бангкок
С.Михайлов	бокс	1998	Бангкок
Р.Чагаев	бокс	1998	Бангкок
О.Веретельников	енгил атлетика	1998	Бангкок
С.Войнов	енгил атлетика	1998	Бангкок
Миллий терма жамоа (В.Казанцев, К.Яшин, Р.Исломов, А.Шилин)	байдарка	1998	Бангкок
Е.Қутибосев	муайтай	1998	Бангкок
Т.Малинина	фигуралӣ учиш	1999	Конвон
С.Крушевский	велоспорт	2002	Пусан
О.Чусовитина (2 карра)	спорт гимнастикаси	2002	Пусан
А.Чегляков	юнон-рум кураши	2002	Пусан
Р.Начаев	сузиш	2002	Пусан
Д.Мансуров	эркин кураш	2002	Пусан
А.Таймазов	эркин кураш	2002	Пусан
И.Тўлаганова	теннис	2002	Пусан
А.Ряхов	байдарка	2002	Пусан
Миллий терма жамоа (Н.Пишулина, А.Москалева, Ю.Борзова, Т.Левина)	байдарка	2002	Пусан
Д.Маҳмудов	бокс	2002	Пусан
Ў.Ҳайдаров	бокс	2002	Пусан
И.Бердиев	бокс	2002	Пусан
С.Михайлов	бокс	2002	Пусан
Р.Саидов	бокс	2002	Пусан

да ўйинларида боксда Руфат Рисқиев (1976, Монреаль) ва қиличбозликда Собиржон Рўзиев (1980, Москва) кумуш медалларни қўлга киритишди.

60–80-й.ларда Ўзбекистоннинг «Автомобилчи» аёллар волейбол, «Андижанка» чим хоккей, «Меҳнат» эркалар сув полони ва «Пахтакор» футбол жамоалари дояруғ қозонди.

Ўзбекистон спортчилари 1952–88 й.ларда ўтган олимпиада ўйинларида 11 та олтин, 10 та кумуш ва 9 та бронза медали б-н тақдирланишди. Шу йиллар-

да ўтган нуфузли мусобақаларда улардан ташқари Венера Зарипова (бадий гимнастика), Равила Салимова, Алжан Жармухамедов (баскетбол), Владимир Шин, Николай Анфимов (бокс), Александр Панфилов, Михаил Колюшев (велоспорт), Лариса Павлова (волейбол), Ольга Зубарева (гандбол), Родион Гатаулин, Светлана Ўлмасова (енгил атлетика), Наталья Бутузова, Ольга Рогова (камондан отиш), Юрий Ковшов, Анатолий Танков (от спорти), Ноил Муҳаммадиров, Эркин Каримов

(оғир атлетика), Эльвира Саади, Сергей Диомидов (спорт гимнастикаси), Эркин Шагаев (сув полони), Светлана Бабанина, Наталья Устинова, Сергей Заболотнов (сузиш), Геннадий Красницкий, Биродар Абдураимов, Василис Хадзипанахис (футбол), Лайло Ахмерова, Валентина Заздравних (чим хоккей), Арсен Фадзаев, Махарбек Хадарцев (эркин кураш), Рустам Казаков, Комил Фатхуллин (юнон-рум кураши), Рустам Ямбулатов (ўқ отиш), Виталий Логвин (қиличбозлик), Сайфиддин Ҳодиев, Собир Қурбонов (самбо), Георгий Аъзамов, Флора Ҳасанова (шахмат), Озода Аҳмедова (шашка) каби спортчилар ғолиб ва совриндор бўлишди. Шунга қарамасдан қанчадан-қанча истеъдодлар, йиллаб тайёргарлик қўрган, не-не синовлардан ўтган спортчилар назарга олинмади. Уларнинг кўпчилиги учун олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатларида қатнашиш армон бўлиб қолди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифа этиб белгиланди. 1992 й.да (2000 й.да янги таҳрирда) «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, 1993 й.да Соғлом авлод давлат дастурининг ишлаб чиқиши, Вазирлар Маҳкамасининг спортнинг алоҳида турлари (футбол, теннис, кураш)ни ривожлантиришга оид қарорлари, хусусан 1999 й.да «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чоратadbirlari тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-таadbirlar тўғрисида»ги қарори (2006 й. 1 май) мамлакатда профессионал футбол клублари ташкил этишга йўл очди. Мазкур қарорда, шунингдек, футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш назарда тутилган.

Истиқлол даврида Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этиши таъминланди. 1992 й.да жаҳон шахмат олимпиадасида ilk марта қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси 2-ўринни эгаллади. Уша йили Барселонада ўтган ёзги олимпиада ўйинларида спортчилар 3 та олтин (Оксана Чусовитина, Розалия Галиева – спорт гимнастикаси; Марина Шмонина – енгил атлетика), биттадан кумуш (Сергей Сиришов – оғир атлетика) ва бронза (Владимир Захаревич – қиличбозлик) медаллари б-н тақдирланишди. 1994 й. 24

фев.да эса Лиллехаммер (Норвегия)даги қишки олимпиада ўйинларида фри-стайлчи Лина Черязова ғолиб чиқиб, олимпиада олтин медалини қўлга киритди. Окт. ойида Хиросимада утган 12-Осиё ўйинларида қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси кам сонли бўлишига қарамастан умумжамоа ҳисобида фахрли 5-ўринга кўтарилди. Спортчилар ушбу мусобақадан 10 та олтин, 11 та кумуш ва 19 та бронза медаль б-н қайтишди. Айниқса, Ўзбекистон футбол терма жамоаси маҳорат кўрсатиб, футбол бўйича Осиё ўйинларининг чемпиони бўлди. Кейинги Осиё ўйинларида (1998, Бангкок; 2002, Пусан) ҳам муваффақият қозонилди. 1996 й.да Харбин (Хитой)да ўтказилган қишки Осиё ўйинларида ил бор қатнашган Ўзбекистонликлар биттадан кумуш ва бронза медалини қўлга киритдилар. 1999 й.да Конвон (Корея)да бўлган навбатдаги қишки Осиё ўйинларида музда нафис учуш устаси Татьяна Малинина дастлабки олтин медаль эгаси бўлди. Ушбу мусобақада спортчилар яна биттадан кумуш ва бронза медали б-н тақдирланишди. Кейинги қишки Осиё ўйинларида (2003, Япония) ҳам ўзбекистонликлар яхши қатнашди.

Халқаро Олимпиада қўмитаси уюштири бошлаган Марказий Осиё ўйинларининг биринчиси 1995 й.да Тошкентда ўтказилди. Бу мусобақа ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар Халқаро Олимпиада қўмитаси томонидан юқори баҳоланди. 1996 й. 6 фев.да соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш, олимпия ғояларини ривожлантиришдаги беқиёс хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Лозанна (Швейцария)да Халқаро Олимпиада қўмитасининг олтин ордени топширилди. Бу орден намунаси 1996 й.да Тош-



Тошкентдаги Олимпия шон-шухрати музейи.

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитаси (МОҚ)

1992 й. 21 янв.да Тошкентда ташкил топган. 1993 й. сент.дан Халқаро олимпиада қўмитаси (ХОҚ)нинг аъзоси. Олимпиада ғояларини кенг тарғиб қилиш, мамлакатда спортни омалаштириш ва ривожлантиришга қўмаклашиш, Ўзбекистон ва дунё спортчилари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, спортчиларнинг ХОҚ раҳбарлигида ўтадиган мусобақаларга ҳар жиҳатдан тайёргарлик кўриши ва қатнашишини таъминлаш каби Олимпиада ҳартиясида белгиланган вазифаларни бажаради. Олий органи Бош ассамблея (ҳар йили камида бир марта чақирилади), унда президиум аъзолари (105 нафар, 2005 й.) сайланади. Ассамблеялар оралиғида олимпиада ҳаракатига Ижроия қўмита (президент, 3 та вице-президент, 9 та аъзо) раҳбарлик қилади. МОҚ президенти Рустам Қурбонов (2004 й.дан).

кентда очилган Олимпия шон-шухрати музейидан жой олди. Ушбу музейда спорт тарихи ва бу соҳада эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўпдан-кўп бошқа экспонатлар, ашёлар тўпланган.

1996 й.дан Ўзбекистонда профессионал спорт ҳам расм бўла бошлади. Ҳаваскор боксчилар ўртасида юқори натижаларга эришган Артур Григорян профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. 1996–2002 й.лар давомида у юксак унвонини 18 марта муносиб ҳимоя қилди. Фарҳод Бакиров, Темур Ибрагимов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев каби профессионал боксчилар ҳам муваффақият қозонишди. Ҳаваскор боксчилар эса жаҳон кубоги ва чемпионатлари, олимпиада ўйинларида мунтазам равишда совриндорлар қаторидан ўрин олишяпти.

1988 й.гача ўтказилган олимпиада ўйинларида Ўзбекистондан жами 40 спортчи қатнашган бўлса, 1996 й.да АҚШнинг Атланта ш.да бўлган ёзги олимпиада ўйинларида Ўзбекистондан 76 спортчи иштирок этди. Улардан дзюдочи Армен Багдасаров кумуш, боксчи Карим

Тўлаганов бронза медали б-ч тақдирланди. 2000 й.да Сидней олимпиадасида 77 спортчи Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. Боксчилардан Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин, Рустам Саидов ва Сергей Михайлов бронза, эркин курашда Артур Таймазов кумуш медаллари б-н шарафланди. 2004 й.даги Афина олимпиадасида эса, Ўзбекистон 2 та олтин, битта кумуш ва 2 та бронза медали б-н умумжамоа ҳисобида 34-ўринни эгаллади. Ушбу муваффақиятга юнон-рум курашида Александр Доктуришивили олтин, эркин курашчилар Артур Таймазов олтин, Магомед Ибрагимов кумуш, боксчилар Баҳодир Султонов ва Ўткир Ҳайдаров бронза медаллари б-н ҳисса қўшишди.

Жаҳон чемпионатларида ҳам мамлакат спортчилари юксак галабаларга эришиб келишяпти. Боксда Руслан Чагаев (1997, 2001), эркин курашда Дилшод Мансуров (2003, 2005), курашда Баҳром Авазов (2000, 2001) ва Абдулла Тангриев (2005, икки вазнда) 2 мартадан, муайтайда Еркинбой Қутибоев 5 карра (1995, 1997, 1998, 2002, 2004), кикбоксингда Олмос Юсупов 4 карра (1995, 1997, 2000, 2002) жаҳон чемпиони бўлишди. 2004 й. 13 июль кунини Рустам Қосимжонов Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) таснифи бўйича 17-жаҳон чемпиони бўлди. Умуман олганда, ўзбекистонлик спортчилар 1991–2005 й.ларда ўтказилган жаҳон ва Осиё чемпионатлари, олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон кубоги ва нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиб, 5457 та (1871 та олтин, 1701 та кумуш, 1885 та бронза) медаль б-н тақдирландилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда замонавий спорт иншоотлари (Тошкентда «Ўзбекистон», «Жар», Наманганда «Паҳлавон», Термизда «Алпомиш», Урганчда «Паҳлавон Маҳмуд», Чирчиқда «Олимпия захиралари манежи» спорт мажмуи ва ҳ.к.) барпо этилди. Республикада 387 та стадион, 6411 та спорт зали, 208 та сузиш ҳавзаси, 918 та теннис корти, 8157 та футбол, 8301 та баскетбол, 13775 та волейбол, 5996 та гандбол майдони ва б. спорт масканлари мавжуд (2006). Уларда теннис бўйича Профессионал теннис ассоциацияси (ПТА) таснифига кирган «Президент кубоги», Тошкент очик биринчилиги, «Фьючерс», «Челленжер» мусобақалари, эркин кураш ва юнон-рум кураши бўйича «Мустақиллик кубоги», синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро мусобақалари, бадий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали» жаҳон кубоги, спортнинг кўпгина турлари бўйича олимпиада са-



«Ўзбекистон» спорт мажмуи.

конияти чекланган спортчилар орасида жаҳон чемпионлари бор (шахматда Сирожиддин Зайниддинов, армрестлингда Умиджон Аҳмедов ва б.). Ўзбекистон вакиллари ногиронлар учун уюштирилладиган махсус олимпиада ўйинларида иштирок этди (2004, Афина).

Мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпиада қўмитаси, спорт турлари федерациялари ҳамда шу тармоққа алоқадор вазирлик, ташкилотлар, спорт жамяятла-

ралаш мусобақалари, жаҳон чемпионатлари, нуфузли турнирлар ўтказилиб келинапти.

Республикада ногиронлар ўртасида спортни оммалаштириш, турли тоифадаги мусобақалар ўтказиш ва уларнинг халқаро турнирлардаги иштирокини таъминлаш мақсадида алоҳида спорт федерациялари ва жамиятлари фаолият кўрсатади ҳамда бу хайрли ишга ташкилотлар, жамғармалар ҳиссаларини қўшади. Ўзбекистонлик жисмоний им-

ри томонидан амалга оширилади. Алоҳида спорт турларини ривожлантириш мақсадида Республикада 56 та (улардан 34 таси олимпиада дастурига кирган) спорт тури федерацияси фаолият кўрсатаяпти. Спортнинг техник турларини ривожлантириш б-н кўпроқ Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти шуғулланади. Қуролли кучлар ҳарбий хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида спортни оммавийлаштириш, юқори маҳоратли ҳарбий спортчилар тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК)нинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу соҳа хизмат-

чилари ўртасида спортни янада оммалаштириш учун 2004 йдан ҳар икки йилда Умумармия ўйинлари ўтказиш йўлга қўйилди (2004, Тошкент; 2006, Чирчиқ).

Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари. Одамзод жисмоний камолотида болаликдаги ўйинлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбеклар юрти хилма-хил халқ ўйинларига бой ўлка ҳисобланади (арғимчоқ, бекинмачоқ, «оқ теракми, кўк терак?», тортишмачоқ, чиллак, подачи, «бўри келди», «хўроз ва товуқ», «оқсоқ бўри ва қўйлар», оломон пойга, бўрон, қирқ тош, чўнқа шувоқ, отиб қочар, соққа, бир таёқ, елкада кураш, минди ва ҳ.к.). Бу ўйинлар одамлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши б-н бирга спорт турлари пайдо бўлишига замин яратган (мас., подачи ўйинидан чавгон, кейин хоккей; қабақ ўйинидан мерганлик, кейин камондан отиш каби спорт турлари пайдо бўлган ва ҳ.к.). Лекин 20-а.нинг 2-ярмида замонавий спорт турларини ривожлантириш баҳонасида ўзбек халқ ўйинларига нописандлик б-н қаралди, катта тўйларда ўтказиб келинган кураш, улоқ-кўпкари мусобақалари тақиқланди.

Истиқлол даврида миллий қадриятларни қайтадан тиклаш бошланди. 1991–1993 йларда Жиззах вилоятининг Фориш туманида Халқ ўйинлари сайили ўтказилди. 1994 ва 1996 йларда шу масканда халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича республика мусобақаси ташкил қилинди. Уларда унутилаёзган оммавий ўйинлар ва миллий спорт турлари намойиш этилди, айримлари бўйича қизиқарли мусобақалар уюштирилди. Айнан шу мусобақалардан ўрин олган турлар бўйича мамлакатда «Алпомиш ўйинлари» (1998, Термиз; 2000, Фарғона) ва аёллар ўртасида «Тўмарис ўйинлари» (1999, Жиззах; 2001, Шаҳрисабз) фестиваллари бўлиб ўтди. Ўқувчилар ўртасида Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари фестивали ўтказила бошланди (2005, Жиззах).

Қалимий курашнинг халқаро андозаларга мослаштирилган қоидаси ишлаб чиқилди ва шу қоида асосида мусобақа ташкил этилди (1991, Мироқи). 1992 йдан Шаҳрисабз, Бухоро, Термиз, Хива, Андижон ш.ларида халқаро мусобақалар уюштирилди ва бу даврда хориждаги нуфузли спорт анжуманларида кураш кенг тарғиб қилинди. 1998 й. 6 сент.да Тошкентда 28 давлат вакиллари Кураш халқаро ассоциацияси (КХА)га асос солишди. Ҳоз. вақтда КХА таркибида Кураш халқаро академияси, Жаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси, Кураш халқаро ин-ти, Америка,



Кураш бўйича жаҳон чемпионати (2005, Тошкент).



Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари фестивали (2005, Жиззах).

Африка, Европа, Океания ва Осиё кураш конфедерациялари, 88 кураш миллий федерацияси фаолият курсатяпти (2005). Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»-ги (1999 й. 1 фев.) фармони курашни дунёда ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Кураш бўйича 5 бор жаҳон чемпионати (1999, Тошкент; 2000, Анталия; 2001, Будапешт; 2002, Ереван; 2005, Тошкент) ўтказилди, шунингдек, қитъа чемпионатлари, Буюк Британия, Греция, Ҳиндистон, Эрон, Жанубий Африка Республикаси, Канада, Боливия каби давлатларда халқаро мусобақалар,

ёшлар ўртасида жаҳон биринчиликлари мунтазам уюштириб келиняпти.

Миллий курашнинг яна бир тури – белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ташкил этилди (2004, Шаҳрисабз). «Турон» якка кураши бўйича ҳам мамлакатда йиллик режа асосида турли тоифадаги мусобақалар ўтказилляпти. Учала кураш тури жисмоний тарбия бўйича ўқув дастурларига киритилган. Ўзбекистонда кураш б-н 133543, белбоғли кураш б-н 44800, «Турон» яккакураши б-н 8276 киши мунтазам шуғулланади (2005). Миллий спортнинг улоқ-кўпқари, бойқўрғон ва б. турлари ҳам йил сайин ривожлантирилмоқда.

Болалар, ўқувчи ва талаба ёшлар спорти. Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, ўқувчи ва талаба ёшлар

саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортдан самарали фойдаланиш давлат дастурларида, норматив ҳужжатларда белгиланган. Бу жараён мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний машқларни бажариш ва ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш, умумий ўрта таълим мактабларидан бошлаб ўқув дастуридаги жисмоний тарбия дарсларида шуғулланиш ва бўш вақтда спорт тўғрисидаги малакани ошириш, шунингдек, хилма-хил мусобақаларни («Қувноқ стартлар», «Қамолот», «Футбол гунчалари», «Маҳалламиз болалари», «Шунқорлар» ва б.) ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги (2002 й. 24 окт.) фармони ва шу фармон асосида Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорлари болалар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар шуғулланганидан спорт иншоотлари моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, янги замонавий спорт иншоотлари бунёд этилишига замин яратди.

Спорт турига қизиққан болалар спорт мактабларида маҳоратларини ошириши мумкин. Мамлакатдаги 9748 та умумий ўрта таълим мактабида 5926860; 973 та академик лицей ва коллежда 750397 ўқувчи жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан, 504 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳарийб 50 спорт тури бўйича 268927; 11 та олимпия захиралари коллежида 34 спорт тури бўйича 7543 ўқувчи шуғулланади (2004).

«Барқамол авлод» спорт ўйинлари (2005, Чирчиқ ш.).



Ўзбекистонда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида 3 бўғинли оммавий спорт мусобақалари ўтказилади. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» (2002, Фарғона; 2003, Урганч; 2006, Қарши), академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод» (2001, Жиззах; 2003, Андижон; 2005, Чирчиқ) ҳамда олий ўқув юрти талабалари ўртасида «Универсиада» (2000, Наманган; 2002, Бухоро; 2004, Самарқанд) спорт мусобақаларини ўтказиш таълим-тарбия тизимига киритилди. Бу спорт мусобақаларининг саралаш босқичларида барча ўқувчи ва талаба ёшлар иштирок этади, республика финал босқичи (Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2003 й. 3 июль қарорига асосан) уч йилда бир марта битта жойда тантанали равишда ташкил қилинади.

1999 й.дан мактаб ўқувчиларининг ёш тоифаларига қараб, «Барчиной» ва «Алпомиш» спорт тест синовларини топшириб бориши назарда тутилди. 2003 й.дан умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари учун жисмоний тарбия бўйича дарслик китоблари нашр этила бошланди.

Спорт тизими кадрлари ва тарғиботи. Мамлакатда спорт кадрлари Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-ти, ун-тлар ва педагогика ин-тларидаги жисмоний тарбия ф-тлари ва пед. коллеж бўлимларида тайёрланади. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тида 4 та ф-т (спорт ўйинлари, яккакураш спорт турлари, сиртқи таълим ва малака ошириш), 19 та кафедра, 4 та муаммолар лаб. бор. 2004/05 ўқув йилида ин-тда 2123 талаба таълим олди, 156 проф.-ўқитувчи, жумладан, 11 фандри, 41 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-тда спорт турлари ва касбий таълим (жисмоний тарбия ва жисмоний маданият) йўналишлари бўйича бакалавр

ва 16 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади.

Юксак натижаларга эришган спортчи ва мураббийларни тақдирлаш учун 1992 й.да Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига қўра, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», 1998 й.да «Ўзбекистон ифтихори» faxрий унвонлари таъсис этилди. 200 дан зиёд спортчи ва мураббий шунвонлар б-н тақдирланган (2005). Шунингдек, етакчи спортчи ва мураббийлар Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари б-н мукофотланган.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2003 й. 4 нояб.) қарори мамлакатда спортни янада ривожлантириш, унинг ҳоҳияти ва аҳамиятини, бу борада амалга оширилган катта ишлар ва юксак натижаларни кенг жамоатчиликка етказиш, тарғибот ишларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади. Ушбу қарор асосида Ўзбекистон телерадиокомпаниясида 2004 й. 1 январдан «Спорт» телеканали фаолият кўрсата бошлади, спорт босма нашрлари сони ошди, сифати яхшиланди. Жисмоний тарбия ва спорт мавзуи «Спорт» (Ўзбек ва рус тилларда), «Ўзбекистон футболли», «Футбол-экспресс», «Аср футболли», «Интерфутбол», «Эрудит-спорт оламида» каби газ.ларда, «Фан спортга» жур. ва б. оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади. Кейинги йилларда спорт мавзуига бағишланган «Хотира қанотлари», «Нотаниш полвон» каби ҳужжатли ва бадий фильмлар яратилди.

Ад.: Аҳматов М. С., Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш ишларини самарали бошқариш, Т., 2005; Ўзбекистон ифтихорлари, Т., 1999; XXI аср: истиқболимиз тинчликлари, Т., 2001; Ярашев К.Д., Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш, Т., 2002; Муминов А., Президент. Спорт. Галаба, Т., 2001; Юсупов К., Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси, Т., 2005;

Олимпия билимлари асослари, Т., 2002; Мухитдинов М., Катакларда яширинган олам, Т., 1976; Имомхужаев А., Футбол – қувончим, дардим, faxрим, Т., 1996; Спорт файрийлари – Ўзбекистон ифтихори [тузувчилар: А. Ҳамроқулов, А. Ачилов], Т., 2006.

Алишер Азизхўжаев.

ТУРИЗМ

Қадимдан Ўзбекистон заминининг сўлим табиати, кўҳна шаҳарларидаги осори-атиқалар, дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган алломаларни вояга етказган масканлар жаҳон аҳлини, сайёҳларни ўзига чорлаб келган. Александр Мақдуний (мил. ав. 4-а.) б-н келган юнон маърифатпарварлари ўлканинг табиати ва ҳаётига оид қизиқарли эсдаликлар ёзишган. Хитойлик сайёҳ Чжан Цянь (мил. ав. 2-а.) Фарғона водийсидан Қизилқум чўлларигача бўлган. Шунингдек, хитойлик Сюань Цзан (7-а.), италиялик Марко Поло (13-а.), арабистонлик Ёқут Ҳамавий (13-а.), марокашлик Абу Абдуллоҳ ибн Баттута (14-а.), испаниялик Руи Гонсалес де Клавихо (14-а.), германиялик Иоганн фон Шильбергер (14–15-а.лар), буюк британиялик Энтони Женкинсон (16-а.), венгриялик Арминий Вампери (19-а.), франциялик Габриэль Бонвало ва Жозеф Мартен (19-а. охири), америкалик Рафаэль Пампелли (20-а. бошида) каби дунё кезган сайёҳлар кўҳна юртимизда бўлишган ва кўрган-кечирганлари тўғрисида хотиралар ёзиб қолдиришган.

Шунингдек, Турон заминининг машҳур кишилари ҳам дунё кезиб, сафар таассуротлари асосида қимматли асарлар ёзишган. Абу Райҳон Берунийнинг ҳинд элита сафаридан кейин яратилган «Ҳиндистон» (1030), Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» (1518/19–1530), Абдурауф Фитратнинг Туркияга саёҳати хотираларини ўз ичига олган «Сайёҳи ҳинди» (1912) каби асарлар шулар жумласидандир. Умуман шарқ бадий адабиётига мансуб саёҳатнома жанрида ҳам қадим юрт ҳаётига бағишланган асарлар бор (Муқимий, Нодим ва б.).

Ўзбекистон ҳудуди қад. «Буюк ипак йўли»нинг марказида жойлашгани учун ҳар жиҳатдан жадал ривожланди. Хитой ва Европани боғлаган карвон йўллари ўтган жойларда савдогарларга, сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида карвонсаройлар, сардобалар, работлар қурилган. Йўловчилар Пойкент карвонсаройлари, Бухоро яқинидаги Работи Малик, Мирзачўлдаги Сардоба каби иншоотлар-



Шахмат бўйича жаҳон чемпионати финал учрашуви. Р. Қосимжонов ва М. Адамс (Буюк Британия). Триполи ш., 2004 й.

да дам олиб ўтишган. 10-ада ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 10 мингдан зиёд қарвонсарой, 16-ада 400 (баъзи манбаларда 1000)дан зиёд сардоба ва рабоб бўлганлиги қайд этилган.

19-а. охиридан бошлаб ташқи мамлакатлар б-н туристик алоқалар сусайди. Шўро тузуми даврида эса, Ўзбекистонда бевосита туристик фаолият б-н шуғулланадиган ташкилотлар кечроқ тузилди. 20-а.нинг 60-й.ларига келибгина экскурсия бюрolari иш бошладди. 1969 й.да Тошкентда «Саёҳат» туристлар меҳмонхонаси ишга туширилди (шу вақтгача туристлар коммунал хўжаликка қарашли меҳмонхоналарга жойлаштирилган). 1972 й.да республикада Туризм ва экскурсия кенгаши ташкил этилди, 1974 й.да бу ташкилот Экскурсия ва туризм бюросига айлантирилди. Бу даврда туризм иши б-н «Интурист» бўлими ва ёшлар ташкилотининг «Спутник» бюроси ҳам шуғулланарди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатда туризм ишининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 27 июлдаги фармони б-н туризм соҳасида республика ягона сўбсатини амалга оширувчи давлат органи — «Ўзбектуризм» миллий компанияси тузилди. Унинг таркибига тармоққа алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари киритилди, ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Жаҳон туристик ташкилоти (WTO)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди (1993).

«Ўзбектуризм» миллий компанияси мамлакатда туризм инфраструктурасини ривожлантириш устувор дастурини ишлаб чиқди, тармоқда туб иқтисодий ислохотларни амалга оширди, халқаро туризмга мувофиқлаштирилган илмий-техникавий ва инвестиция сўбсатини ўтказди, мавжуд тарихий-маданий ёдгорликларни кенг кўламда тарғиб қилиш ва таъмирлаб боришни ташкил этди, туризм соҳасида ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантирди, жаҳон андозалари асосида ишлаб чиқилган туристик йўналишларни жорий қилди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси 1995 й.дан Тошкент халқаро туристик ярмаркасини ўтказиб келади. 1999 й.дан ҳар йили меҳрибонлик уйлари ва кам таъминланган оилаларнинг 300—400 болалари Тошкент, Самарқанд ва Бухорога туристик саёҳатга боришларига ҳомийлик асосида ёрдам кўрсатади. Шунингдек, жамоатчилик ташкилотлари б-н ҳамкорликда Ўзбекистон фуқаро-



Туристлар Хива кўчаларида.

роларининг мамлакатнинг қад. шаҳарлари ва буюк сиймолар яшаб ўтган жойлар бўйлаб саёҳатини ташкил қилади.

Ўзбекистонда туристик фаолият б-н шуғулланувчи 408 та фирма ва корхона бор, 14 мингдан ортққ ўринга эга бўлган 168 та меҳмонхона фаолият кўрсатади (2006). Республикага 2005 й.да дунёнинг 117 мамлакатидан 241,9 минг хорижий турист саёҳатга келди, Ўзбекистон фуқароларидан 380,9 минг киши чет элга туристик саёҳатга чиқди. Шунингдек, мамлакат ички туризмидан 334,1 минг киши фойдаланди.

Мамлакатда «Ўзбектуризм» миллий компанияси муассислигида рус ва инглиз тилларида «Туризм Ўзбекистана» («Tourism of Uzbekistan») жур. нашр этилди ва компания ўзининг www.Uzbektourism.uz веб-сайтига эга.

«Буюк ипак йўли». Шарқ ва Ғарб мамлакатларини ўзаро боғлаган қадимий қарвон йўли шу ном б-н аталади. Бу атама шу қарвон йўлидан узоқ йиллар ташилган қимматбаҳо хом ашё — Хитой ипаги б-н боғлиқ. Ғарб мамлакатларида ипак ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, 15-а.га келиб бу қарвон йўлида қатнов тўхтади. 1987 й. ЮНЕСКО маданий тараққиёт бўйича БМТнинг умумжаҳон ўн кунлиги доирасида «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини қабул қилди. Бу дастур Шарқ б-н Ғарб ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқаларни янада мустақкамлаш, шунингдек, қадимий қарвон йўлида истиқомат қиладиган Ўрта Осиё халқлари бой маданий тарихини кенг тадқиқ этиш ишлари бошланишига асос бўлди.

1994 й.да Тошкент ва Самарқандда Жаҳон туристик ташкилоти (WTO)нинг «Ипак йўли» лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича халқаро йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон мазкур қадимий йўналиш маркази этиб белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк ипак йўлини тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокни авж олдириш ва республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди (1995). Шу фармон асосида «Ўзбектуризм» миллий компанияси «Буюк ипак йўли» ўтган тарихий манзиллар бўйлаб 200 дан зиёд туристик йўналиш ишлаб чиқди, археологик-маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида чора-тадбирлар белгиланди. WTO б-н ҳамкорликда Самарқанд ва Хивада шу мавзуга бағишланган йиғилишлар уюштирди. Самарқандда WTOнинг «Буюк ипак йўли» ваколатхонаси очилди (2004). Бу Ўзбекистоннинг қадимий йўналиш маркази сифатида фаолият кўрсатишида муҳим роль ўйнайди.

Асосий туристик йўналишлар. «Ўзбектуризм» миллий компанияси саёҳат қилиш турига қараб қуйидаги туристик йўналишларни ишлаб чиққан:

— классик туристик йўналиш иш (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент; Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент) энг қад. ёдгорликлар ва б. тарихий-маданий обидаларга ташриф б-н боғлиқ;

Ўзбекистон бўйлаб туристик йўналишлар

Тошкент – Самарқанд – Тошкент (3 кун).
 Тошкент – Самарқанд – Навоий – Бухоро – Тошкент (3–5 кун).
 Тошкент – Навоий – Нурота тоғлари (Сармишсой расмлари) – Тошкент (5–7 кун).
 Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Тошкент (3–5 кун).
 Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива – Тошкент (6–8 кун).
 Тошкент – Урганч (самолётда) – Хива – Бухоро – Самарқанд – Тошкент (5–7 кун).
 Тошкент – Қўқон – Фарғона – Тошкент (3 кун).
 Тошкент – Фарғона – Марғилон – Тошкент (3–4 кун).
 Фарғона «Олтин ҳалқаси» (5–7 кун).
 Тошкент – Самарқанд – Термиз – Тошкент (7 кун).
 Тошкент – Чимён – Тошкент (1–10 кун).
 Тошкент – Белдорсой – Тошкент (1–10 кун).
 Тошкент – Бурчмулла – Тошкент (1–10 кун).
 Тошкент – Айдарқўл – Тошкент (5–8 кун).
 Хоразм «Олтин ҳалқаси» (8–10 кун).

– экология туристик йўналиши (Чатқол тоғ тизмасидаги дам олиш ва даволаниш оромгоҳлари, Зомин ва Бухоро вилоятларидаги қўриқхоналар) алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва инсон саломатлиги учун фойдали жойларга саёҳат б-н боғлиқ;

– археология туристик йўналиши (Қорақалпоғистон, Самарқанд, Сурхондарё ҳудудлари бўйлаб) энг қад. археологик ашёлар топилган ва айни пайтда қазилма-қидирув ишлари олиб борилаётган жойлар б-н танишишни мақсад қилиб қўяди;

– экстремал туристик йўналиши (Чимён, Фарғона водийси тоғ ён бағри, Орол бўйи, Бухоро ва Навоий вилоятлари текисликлари бўйлаб) табиий қийинчиликларни энгил ўтишни назарда тутди;

– маънавий туристик йўналиши (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва б. вилоятлардаги) тарихий-диний обидаларни зиёрат қилиш б-н боғлиқ;

– ҳаво йўллари туристик йўналиши (Ўзбекистон шаҳарлари ва Германия, Голландия, Италия, Россия, Хитой, Япония каби хорижий давлатлардаги) қўзланган манзилга самолётда етказиш б-н боғлиқ.

Шунингдек, мамлакат бўйлаб маданий сайр-танишув, спорт-сайёҳлик, даволаниш мақсадли, дам олиш туристик йўналишлари ва б. бор.

Қишқи туристик зона. Мамлакатнинг қишқи туристик зонаси Тошкентдан 80 км шим.–шарқда, Чатқол тоғ тизмаси ён бағрида жойлашган. 20-а.нинг 70-й.ларида бу масканда қурилиш ва текислиш ишлари бошланган. Ҳоз. кунда бу

зонада бир-бирига яқин «Чимён оромгоҳи» (денгиз сатҳидан 1400 м баланд), «Белдорсой оромгоҳи» (денгиз сатҳидан 1500 м баланд), «Чорвоқ оромгоҳи» (денгиз сатҳидан 890 м баланд) саломатлик марказлари ва тоғ чанғи спорт маркази бўлиб, дам олувчиларнинг дек.–апр. ойларида қишқи спорт турлари б-н шуғулланиб, қиш зийнатида баҳра олган ҳолда саломатлигини тиклашлари учун шароит яратилган. Хизмат кўрсатиш шохобчаларида турли русумдаги чанғи, чана ва сноубордлар ижарага берилди. Бу воситаларда учиш учун денгиз сатҳидан 1500–4100 м баландликда уз. 300, 500, 800, 1500 ва 3000 м, қиялиги 25–52° бўлган турли типдаги трассалар бунёд этилган. Дам олувчилар баландликка канат (осма) йўл, бугель кўтаргич, янада баландроққа вертолётлар ёрдамида чиқишлари мумкин. Масканда 700 дан зиёд ўринли меҳмонхона ва коттежлар, 100 кишига мўлжалланган ресторан, тамадixonалар, дискотека, спорт заллари, сауна ва б. маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Хусусий туризм. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги (1998 й. 8 авг.) қарори мамлакатда туризм ишини янада такомиллаштириш, кичик ва ўрта туристик ташкилотлар хизмат кўрсатиш бозорини фаоллаштириш ҳамда хорижий сармояни туризм соҳасига жалб қилишни жадаллаштиришга қаратилди. Шу қарор асосида Тошкентда «Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси» (ХТТА) тузилди (1998). Мамлакатда фаолият кўрсатаёт-

ган «Сайрам туризм», «Долорес тур», «Отель Ориент стар», «Ситора интернейшнл», «Мовароуннаҳр» каби турли типдаги туристик ташкилотлар ХТТАнинг таъсисчилари бўлишди. Ўзбекистон ва хориждаги ташкилотлар б-н ҳамкорликда ишлаётган ХТТАнинг ҳоз. кунда 50 дан зиёд аъзоси бор (2006). ХТТА аъзоларига туристик фаолият кўрсатиш лицензиясини узайтириш, сайёҳларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, темир йўл ва ҳаво йўлларида олиб юришда имтиёзлар белгиланган.

Туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик фаолият б-н шуғулланувчи субъектлар ва туристларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди (1999). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (2003 й. 11 нояб.) қарори туризм б-н шуғулланишни истаган субъектларга қулайлик яратди. Ҳоз. кунда мамлакатда 326 та хусусий туристик ташкилот фаолият кўрсатади (2006).

Туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1999 й. 2 июль) қарори асосида Тошкент иқтисодиёт ун-тида халқаро туризм ф-ти, Тошкент, Самарқанд ва Бухорода туризм коллежлари очилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (2004 й. 26 март) б-н фаолиятини қайта қурган олий ўқув юртида ҳам туризм ф-ти иш бошлади. Шунингдек, мамлакатдаги бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам туризм соҳаси учун кадрлар тайёрланади. Ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни «Ўзбектуризм» миллий компаниясига қарашли Республика илмий-консалтинг ўқув маркази амалга оширади. 2005 й.да марказ томонидан 51 гнд, 201 гнд-таржимон, 90 туристик оператор тайёрланди, 140 мутахассисга малака ошириш ўқув машғулоти, 190 ходимга семинар-тренинг уюштирилди.

Рустам Қурбонов.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Ўзбекистоннинг таълим тизими узоқ тарихга эга. Таълимнинг вужудга келиши энг аввало ёзма адабиёт б-н боғлиқ. Бундан 3000 й.га яқин вақт олдин яратилган «Авесто» ёдгорликларида ҳам таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. «Авесто»да болалар тарбияси ва таълими маълум даражада аниқ тизим ва мақсадга йўналтирилган бўлиб, диний, ахлоқий ва жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишга ўргатиш уларнинг асосини ташкил этган.

Ўзбекистонда таълим тизимини шакллантиришда суғд маданияти ва суғд ёзувининг таъсири катта. Бу ёзув асосидаги ёзма ёдгорликлар, тарихий, қисман бадий асарлар юз йиллар давомида Туркистон халқларининг маданияти ва саводхонлигини оширишда муҳим ўрин эгаллаган.

Милоднинг 8-а.гача бизнинг тушунчамиздаги мактаблар, асосан, санскрит, юнон, урхун-енисей ёзувларига асосланган алифболар асосида фаолият курсатиб келган. 8-а.дан бошлаб Мовароуннаҳр араб халифалиги томонидан истило этилгач, ислом динининг кириб келиши, масжидларнинг вужудга келиши б-н уларнинг қошида ташкил этилган мактабхоналарда болаларга билим ва савод ўргатила бошланган. Давлатманд хонадон аёллари ўз уйларида мактаблар очиб, фаолият олиб борганлар ва улар отин муаллималар деб аталган. Мовароуннаҳр ҳудудида мадраса, мактабхона, мадраса ҳужраларида яқка тартибда таълим олиш орқали таълим тизими шаклланиб борган. Дастлабки пайтда бу таълим даргоҳларида аниқ дарс режаси, дастури бўлмаган ва уларнинг ҳар бири ўз методи ва дарс олиб боровчи муаллим-устознинг маълумот даражаси, билим доираси асосида фаолият юритган.

Ўрта Осиё араб халифалиги таъсирида бўлганлиги боис мактабхона, қорихона, далоилхона, мадрасаларда, асосан, ислом дини қоидалари, шариат талаблари ва унга итоат этишига онд таълимот биринчи ўринда бўлган.

Мактабхона бошланғич таълим мактаби бўлиб, унга кириш учун маълум ёш белгиланмаган. Ота-она ўз фарзандини оилавий шаронтидан келиб чиқиб муаллим-домлага топширган ва бола дастлабки таълим сабоқларини араб алифбосини ўзлаштириш ва Қуръонни ҳижжалаб ўқиш ҳамда ёдлашдан бошлаган. Ўқиш, одатда, йил бўйи давом этган, ҳафтанинг жума куни дам олиш куни ҳисобланган, машғулотлар, асосан, бутун кун давомида олиб борилган. Ўқувчилар таътили мударриснинг ихтиёри б-н белгиланиб, унда мактабхона жойлашган минтақа, ҳудуднинг географик, иқтисодий ва ота-оналарнинг ижтимоий ҳолати ҳисобга олинган. Агар мактабхона қишлоқ жойда бўлса, қ.х. маҳсулотларини экиш, йиғиб олиш ёки кузги ғарамлаш ишлари инobatга олиниб, ўқувчига таътил берилган.

Далоилхонага саводи чиққан болалар қабул қилинган. Унда дастлаб (тахм. 1–2 ой) болаларга Қуръоннинг айрим суралари ва оятлари, сўнгра асосий китоб — «*Далоил ул-ҳайрат*» ёдлатилган. Далоилхонада ўқиш мuddати аниқ белгиланмаган. Қобилиятли, хотираси кучли болалар китобни 2–3 ой давомида ёд олганлар. Аксарият ўқувчилар бир йил ва ундан ортқ вақт давомида далоилхонани тугатишган.

Қорихонада Қуръонни тиловат қилиш ўргатилган. Унда Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва қироат қиладиган кишилар — қорилар тайёрланган. Уларга мактабхонани тугатган 10 ёшдан катта

ўғил болалар қабул қилинган. Қорихонада болалар 3–4 й. ўқитилган.

Мадраса Туркистон ва бутун ислом оламида ўрта ва олий ўқув юрти ҳисобланади. Унга мактабхоналарни тугатган қобилиятли ўспиринлар қабул қилинган. Мадрасалар, асосан, вақф пуллари ва ҳомийлар кўмаги ҳисобидан фаолият кўрсатган. Бу маблаглар мадрасаларни таъмирлаш, китоблар ва таълим б-н боғлиқ воситалар харид қилиш учун сарфланган, маълум қисми мударрис, мутаввали, талаба ва б. хизматчиларга берилган.

Туркистонда дастлабки мадрасалар 10-а.да пайдо бўлган. Уларда 3 босқичда таълим олиб борилган. Бошланғич (адно), урта (авсат), олий (аъло) босқичлари мадрасаларда бериладиган билимларнинг кўлами ва сифатигина эмас, балки дарсхоналар сони ҳам қатъий чегараларга эга бўлган. Мадрасаларда диний илмлар б-н бирга дунёвий фанлар ҳам ўргатилган. Айниқса, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Маҳмуд Кошғарий, Носириддин Тусий, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Али Қушчи, Имом Термизий, Имом Бухорий, Замахшарий, Яссавий, Нажмиддин Кубро ва б.нинг таълимоти ҳамда уларнинг асарларини мадрасаларда ўрганилиши таълим тизимини аниқ дастурлар, дарс жадваллари асосида олиб боришга имкон берди. Мадрасаларда ўқиш талабалар ихтидорига қараб 7–12 й. давом этган.

14–16-а.ларда Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз ш.ларида йирик мадрасалар вужудга келди. Бу мадрасалар шунчаки хонақоҳлар йигиндисидан иборат бўлмасдан, балки унинг тарки-

бида ўқиш, ёзиш, мутолаа қилиш учун хоналар ташкил этилган ва йирик кутубхоналарида нодир китоблар хазинасини ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу мадрасаларда диний илмларга оид адабиёт ва кўргазмалардан ташқари дунёвий фанларга оид материаллар, лаблар мавжуд бўлган ва у ерда и. т. лар олиб борилган. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандий «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қуйилиш жойи») асарига «Самарқанд шаҳрининг ичида, шаҳарнинг ўртаси ва шаҳар майдонининг марказида, арки олийга яқин жойлашган... мавзеда Улуғбек бир-бирига рўбарў мадраса ва хонақоҳлар бино қилиб, бу икки маконни қуриб тамомлаш борасида бир неча йил давомида саъй-ҳаракатлар кўрсатди», дейди. Турли даврларда қурилган Бухородаги Мир Араб, Улуғбек мадрасалари, Абдуллахон мадрасаси, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси, Шердор мадрасаси, Тиллақори мадрасаси, Хивадаги Муҳаммад Аминхон, Муҳаммад Раҳимхон мадрасалари, Тошкентдаги Бароқхон мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси машҳур бўлган ва Туркистонда таълим тизимини ривожланишига улкан ҳисса қўшган.

Туркистон ҳудудида ислом дини тарқалганидан бошлаб, подшо Россияси томонидан босиб олинганга қадар таълим тизими бир оз ўзгаришларга учраган бўлса ҳам, асосан, бир хил тартибда фаолият кўрсатди.

Туркистон подшо Россияси томонидан босиб олинганидан кейин ҳам мусулмон мактаблари маҳаллий аҳоли учун асосий таълим даргоҳи бўлиб қолди. Бироқ, минтақадаги барча мактаблар Россия империяси назоратига олинди ва аста-секинлик б-н уларнинг фаолияти империя мустамлакачилик сиёсатига



Саидрасул Саидазизов.



Ибрат.



Ажзий.

буйсундирила бошлади ҳамда маҳаллий таълим тизимига рус таълим тизими унсурлари кириб келди. 1876 й. ўлкада маориф фаолиятига раҳбарлик қилиш учун Тошкентда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош бошқармаси ташкил этилди. Энди мактабхона, мадраса, қироатхона ва уй дарсхоналари б-н бир қаторда янги типдаги мактаблар: ҳунар билим юртлари, рус мактаблари, рус-тузем мактаблари, рус тили курслари фаолият кўрсата бошлади. Дастлабки бошланғич рус мактаби 1866 й. Тошкентда очилди. Ушбу таълим муассасаларининг ҳар бири подшо Россиясининг Туркистондаги вакилларининг маънавий кўмаги б-н очилган ва улар томонидан рағбатлантирилган. Бу мактабларнинг очилишига, энг аввало, маҳаллий савдогар ва бойлар ташаббус кўрсатган. Хусусан, биринчи рус-тузем мактаби (қ. *Рус-тузем мактаблари*) 1884 й. 19 дек.да Тошкент ш.нинг Шайхонтоҳур даҳасида, Саид Азимбой ҳовлисида очилган. Бу мактабда, асосан, савдогар оилаларнинг болаларидан 41 ўқувчи ўқиган. Туркистонда рус-тузем мактабларининг сони жадаллик б-н ўсиб борган. 1887 й.да Туркистонда 22 рус-тузем мактаби бўлиб, уларда 461 ўқувчи ўқиган. 1917 й. бошларида Туркистон ҳудудида 170 рус-тузем мактаби фаолият кўрсатган, шундан 84 таси ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида

жойлашган. Рус-тузем мактаблари учун С.М.Граменицкийнинг 3 қисмдан иборат русча ўқиш китоблари, Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал» (1902), Алиасқар Калининнинг «Муаллими со-

ний» (1903) дарсликлари чоп этилган ва улар асосида таълим олиб борилган.

Россия истилосидан кейин Ўзбекистон таълим тизимида *гимназия*лар пайдо бўлди. Гимназия умумий ўрта таълим мактаби бўлиб, биринчи марта 1876 й. Тошкентда ўғил ва қиз болалар учун алоҳида-алоҳида прогимназия (тўлиқсиз гимназия)лар очилди; 1881 й.да улар гимназияга айлантирилди. 1900 й.дан Самарқанд, Янги Маргилон (ҳоз. Фарғона) ва б. шаҳарларда ўғил ва қиз болалар гимназиялари ташкил этилди. 1917 й.да Тошкентда 4 гимназия бўлган.

19-а. охирига келиб Туркистонда маърифатпарвар ўзбек зиёлилари томонидан *янги усул мактаблари* очилиб, оддий фуқаролар фарзандлари ўқитилган. Исҳоқхон *Ибрат* биринчи марта 1886 й.да ва иккинчи марта 1907 й.да эски мактаблардан бутунлай фарқ қилган, қишлоқ болалари учун бепул бўлган, усули савтияда янги усул мактаби ташкил этган. У ўз мактабида ҳафталик дарс жадвалини жорий этган ва дарслик ҳамда қўлланма сифатида ўзининг «Луғат ситта-ал-сина» («Олти тилли луғат», 1901), «Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий», Алиасқар Калининнинг «Муаллими соний», М.М. Орақуловнинг «Самочитель русского языка для русско-мусульманских школ» («Рус-мусулмон мактаблари учун рус тилини ҳустақил ўрганиш») каби китобларидан фойдаланган. Худди шундай ва таълим услуги ўзига хос янги усул мактаблари *жадидчилик* ҳаракати намояндлари *Абдуқодир Шукриий*, Саидахмад Сиддиқий – *Ажзий*, *Абдурауф Фитрат*, *Абдулла Авлоний*, *Мунавварқори Абдурашидхонов* ва б. маърифатпарварлар томонидан ҳам ташкил этилиб кенг миқёсда таълим олиб борилган.

Подшо Россиясининг Туркистон ўлкасидаги маъмурияти дастлаб маърифатпарвар ўзбек зиёлилари томонидан ташкил этилган янги усул мактабларига унча эътибор бермади ва бунга подшо Россиясининг маданий-маърифий таъсири сифатида баҳо берди. Бироқ, мазкур мактаблардаги дарслик ва ўқув



Рус-тузем мактабида машғулот.

қўлланилариди подшо самодержавие-сининг истилосидан қутулиш, миллий озодлик ҳаракати ҳақида материаллар кўзга ташланганч, бундай мактаблар миллий маданиятнинг ўсишига ёрдам беришидан чўчиб, подшо ҳокимияти учун хатарли деб топилди. Шунинг учун уларнинг фаолиятига барҳам бериш йўллари қидирилди. Бундай мактаб намоянадалари таъқибга олинди. Шўро ҳукумати даврида эса бу таъқиб янада кучайди. Ҳар қандай миллий эркинлик ва маданий юксалиш бўғиб ташланиб, жадилчилик ҳаракатининг энг пешқадам вакиллари миллатчиликда айбланиб қаттиқ таъқиб этилди, айримлари ўлимга ҳукм қилинди.

1917 й. Октябр тўғрисидадан кейин шўро давлати сиёсати туфайли Ўзбекистон таълим тизими ҳам жиддий ўзгаришларга юз тутди. Бунда Европа тартибларига асосланган мактаблар сони кўпайди. 1918/19 ўқув йилидан янги усул мактаблари давлат мактабларига айлантирилиб, халқ мактаблари номини олди.

20-а.нинг 20-й.ларида давлат тасарруфида бўлган мактаблардан ташқари мингдан ортиқ саводсизликни тугатиш курслари, гуруҳлари ташкил этилди. 1939 й.да 9 ёшдан 49 ёшгача бўлган аҳолининг 78,7%, 1970 й.да эса 99,7% саводхон эди. Агар эски таълим тизимида марказлашган ўқув режаси, дастур ва дарсликлар мавжуд бўлмаган бўлса, шўро мактабларида бу хилдаги дидактик ашёларнинг бир хиллиги, коммунистик мафкура б-н боғлиқ кўргазмалар курашлари, ўқув дастур ва режалари, қўшимча методик адабиётлар таълим тизимининг

Саводсизликни тугатиш курсида ўқиш пайти, 1924 й.

1930-й.лардаги қишлоқ мактаби ўқувчилари (М. З. Пенсон олган сурат).

мураккаблашувига олиб келди. СССР ҳудудида жойлашган барча мактаблар учун бир хил тартиб, дарсликлар ва иш интизоми ижодкор ўқитувчиларга ўз иқтидорларини ишга солишга, янгилик яратиш ва уни таълим жараёнига татбиқ этишга имкон бермас эди. Мактаб ва тарбия муассасаларида марксизм-ленинизм ишига садоқат ва коммунистик дунёқарашни шакллантириш гоёси, табиат ва жамиятдаги ҳар қандай ҳодисага қарама-қаршилик ва синфий кураш нуқтаи назаридан ёндашиш ҳукмрон эди. Бу ҳолат таълимнинг самарадорлигини кескин пасайтириб юборди. Шўро тузуми давридаги таълим тизими, асосан, ягона мафкура — коммунистик гоёга таянганлиги ва бу гоё ўзининг қарашларида миллий гоёларга суянмаганлиги, СССРда яшовчи турли миллатларнинг миллий қадриятларига беписандлик б-н қараш, уларнинг тарихи, қадриятлари, диний мансубликларини поймол этиш сиёсати юргизилганлиги боис русийзабон миллатлардан бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти ва таълимига оид ютуқлари дарслик ва б. таълим материалларида ноилмий, бузиб талқин қилинди. Таълим тизимида гуманитар йўналишдаги ўқув фанларигина эмас, ҳатто аниқ фанлар



ҳам мафкура нуқтаи назаридан талқин этилди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви халқ таълими тизими тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Миллий педагогик тафаккур таъсирида таълимни соғломлаштириш жараёни бошланди. Узоқ вақт мобайнида ташқи дунёдан узиб қўйилган, ўзга мамлакатлар тарихий тажрибасидан ҳам, миллий маърифий-педагогик меросдан ҳам баҳраманд бўлмаган миллий пед. жаҳон майдонига чиқди. Эришилган натижаларни ўзгаларники б-н қиёслаш, бошқалардаги ижобий жиҳатларни ўзлаштириш имкони пайдо бўлди. 1992 й. 8 дек.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамиятда ҳукмрон мафкура бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди ва халқ таълими олдида барқамол ҳамда этиқоли, миллий онги шаклланди, миллати, ўз тарихини биладиган ва ундан фахрланадиган шахсни шакллантириш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1992 й. 2 июль) халқ таълими тизими фаолияти йўналишини белгилаб берувчи ҳужжат бўлди. Бу қонун Ўзбекистон таълимида илгари эришилган муваффақиятларни сақлаб қолишга хизмат қилди. Мазкур қонун эски тузум сарқитларини кўрсатиб беришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. У тўпланган ижобий жиҳатларни сақлаб қолди, иллатларни англаб олишга хизмат қилди, эски тизимдан янгисига ўтишда кўприк вазифасини ўтади. 1992 й.ги «Таълим тўғрисида»ги қонун ўз вақтида муҳим бўлган бўлса-да, аммо таълим тизимини ислоҳ қилишнинг амалий чора-тадбирлари, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири б-н узвий боғлаш, яъни узтуксизликни таъминлаш муаммоларини еча олмади. Жумладан, илмий асосланмаган 11 й.лик умумий ўрта таълимга утилганлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Умумий ўрта таълим тар-



киб жиҳатдан 3 босқичга бўлиниб, бошланғич (1–4 синфлар), таянч (5–9 синфлар) ва умумий ўрта таълим (10–11 синфлар)дан ташкил топган эди. 11 й.лик таълимда таълим тизими мазмунининг изчиллиги, узлуксизлиги, узвийлигининг дидактик тамойиллари, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ҳолатлари бузилди. Бундан ташқари умумий ўрта таълимнинг давомийлик муддати 10 й.дан 11 й.га оширилганлиги сунъий бўлиб, мажбурий ўқув фанларининг сони ниҳоятда ошиб кетган, илмий жиҳатдан асосланмаган эди. Бунда мазкур фанлар мазмуни Ўзбекистонда кечаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришлар талабларига жавоб бермади. Ўқув режаларида ёшларга одоб ва ахлоқ, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ўргатадиган фанларга, хорижий тилларни ўрганишга етарли ўрин берилмади. Энг асосий камчилик бу – ўсиб келаётган авлодни мустақил фикрлашга ўргатмаслик, меҳнат фаолиятига тайёрламаслик муаммосининг пайдо бўлганлиги эди. 9-синфни битираётган болалар тақдири эътиборсиз қолдирилди. Юқорида таъкидланган қатор камчилик ва муаммоларни тугатиш истаги 1997 й. 29 авг.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ни янги қонунини ва *Кадрлар тайёрлаш миллий дастури*нинг яратилишига сабаб бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимида жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган бўлиб, юксак умумий ҳамда касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратиغا эга бўлган, истиқбол вазибаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтиргандир. Миллий дастур муаммолар ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш омиллари, миллий дастурнинг мақсади, вазибалари ва уни рўёбга чиқариш босқичлари, кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, миллий дастурни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар каби бўлимлардан иборат. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг моҳиятини ўзида акс эттирган бу дастур республика таълим тизимининг истиқболи ва мунаввар келажагини ўзида акс эттириб, уни комплекс ривожлантиришга қаратилган.

Балиқчи туманидаги 4-болалар боғчаси тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари машғулот.



Миллий дастурда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари баён этилди ва унда шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси сифатида қайд этилди. Миллий модел шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, и.ч.нинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бирига алоқасини акс эттиради. Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 й. 19 фев.даги «2004–2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2004 й. 21 майдаги «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2006 й. 31 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими соғлом миллий ғояларга, умуминсоний қарашларга асосланган ҳолда тараққий этмоқда. Халқ таълимининг барча бўғинлари ўз фаолиятининг муайян йўналишига эга ва ўқув-тарбия ишларига доир барча педагогик ҳужжатлар шу йўналишга асосланган ҳолда тайёрланади. Ўзбекистон халқ таълими тизими мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим турларини ўз ичига олади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Узлуксиз таълим тизимининг дастлабки тури бўлган мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотилади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим муассасалари турла-

ри: ясли, боғча, ясли-боғча, соғломлаштириш боғчалари, жисмоний ёки руҳий нуқсонли бўлган болалар учун боғчалар, уй-боғча, мавсумий боғча ва б. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазибаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар иштирок этади. Мамлакатимизда янгича ижтимоий-иқтисодий шароитларда шаклланаётган мактабгача таълим тизими бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, бозор иқтисодиётининг ўтиш босқичи қийинчиликларига қарамасдан эришилган ижобий тажрибаларни сақлаш ва ривожлантириш йўлидан борилмоқда. Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг янги тармоғи пайдо бўлмоқда. Мисол тариқасида «Хонадон боғчаси», «Фермер хўжалиги боғчаси», «Болалар боғчаси – бошланғич мактаб» мажмуаларини келтириш мумкин.

Республикада 6565 мактабгача таълим муассасалари бўлиб, уларда 571157 бола таълим ва тарбия олади. Уларнинг тарбияси б-н 59595 педагогик ходим шуғулланади (2006). Бу республикадаги мактабгача ёшдаги болаларнинг 21,4%ни қамраб олган. Мамлакатимиз шаҳарларидаги 2493 мактабгача таълим муассасаларида 310095 бола, қишлоқлардаги 4072 мактабгача таълим муассасаларида 261062 бола тарбияланади (2006). Республикада кўп сонли оилавий, шахсий ясли-боғчалар, яқка тартибдаги болалар боғча-ясилари ҳам давлат мактабгача таълим муассасаларига альтернатив, ижобий рақобат тарзида фаолият курсади. Турли ташкилот ва муассасалар қoшида 208 мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда 27998 бола таълим-тарбия олади.

Ўзбекистонда мактабгача таълимни ривожлантириш мақсадида бир қатор



Навоий шаҳридаги 21-болалар боғчасида.

уларнинг фаолиятига илмий педагогик жиҳатдан раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бозор иқтисодиёти шароити ва бир қатор корхона, муассаса,

ташкилот ҳамда ҳўжаликларнинг иқтисодий имкониятлари оғирлашганлиги сабабли мактабгача таълим муассасаларининг бир қисми ўз фаолиятини тўхтатган эди. Кейинги 4–5 й. ичида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ҳомийлар кўмагини тўғри йўлга қўйиш туфайли бу муассасалар сони ошди. Республикада мактабгача таълим муассасалари учун малакали педагог ходимлар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилди. 2005 й.да мактабгача таълим педагог ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказида 4291 ходим малакасини оширди. Бундан ташқари, ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ш. ва республиканинг барча вилоятларидаги педагог ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ин-тларида 3200 га яқин педагог ва тарбиячи ўз малакаларини оширадilar.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мактабгача таълим муассасалари, таълим тизими раҳбарларига малакали тарбиячи ва педагог кадрларни ус-тувор равишда тайёрлаш, мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш, болаларни оилада тарбиялаш ва ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳат-

дан таъминлаш, замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни и.ч., мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим муассасаларининг ҳар хил турлари учун турли вариантдаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача таълимнинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш, мактабгача таълим ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш топширилган.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ

Умумий ўрта таълим узлуксиз таълим тизимидаги асосий бўғин бўлиб, у билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба қўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради. Шунингдек, ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат қўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атраф-муҳитга оғдлий муносабатда булишни ва касб танлашни шакллантиради.

Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида умумий ўрта таълим мактаблари ўқув юртининг мустақил типли сифатида мактабхона, қорихона, рус-тузем мактаблари, янги усул мактаблари шаклида мавжуд бўлган. Замонавий тушунчадаги умумий ўрта таълим мактаблари ҳудудимизда 1921/22 ўқув йилидан ташкил этила бошланди. Ўша вақтларда умумий ўрта таълимнинг бошланғич мактаб босқичигина мавжуд бўлган. 20-а.нинг 20-й.лар ўрталаридан шаҳарларда 7 й.лик мактаблар, қишлоқ жойларда деҳқон ёшлари мактаблари ташкил қилинди. 1934 й.дан умумий ўрта таълим мактаблари 10 й.лик мактабларга айлантдирилиб, бошланғич (4 й.лик), тўлиқсиз ўрта (7 й.лик) ва ўрта (10 й.лик) мактаб турларига ажратилди ҳамда умумий бошланғич таълим олиш мажбурий қилиб қўйилди. 1938 й.нинг июлидан умумий етти йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Лекин 2-жа-

Денов туманидаги 19-болалар боғчасида қаратг тўғараги машғулоти.



таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш, болаларни оилада тарбиялаш ва ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳат-



Самарқанд туманидаги 2-мактабнинг 1-синф ўқувчилари.

хон уруши мамлакатда умумий етти йиллик таълимнинг тўлиқ амалга ошишига имкон бермади. 1956 й. дагина етти йиллик умумий мажбурий таълимга тўлиқ эришилди. 1958 й. дан умумий мажбурий таълим саккиз йилга, 1975 й. дан ўн йилга етказилди. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилингунга қадар умумий ўрта таълим бошланғич (1–4 синфлар), таянч (5–9 синфлар) ва ўрта (10–11 синфлар) босқичли бўлган. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 й. 29 авг.) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ умумий ўрта таълим бошланғич таълим (1–4 синфлар) ва умумий ўрта таълим (5–9 синфлар) босқичларидан

Қўшрабат туманидаги 22-мактабнинг «Ёзувчи» фольклор этнографик ансамбли.

иборат. Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилган. Мактабнинг биринчи синфига болалар 6–7 ёшдан қабул қилинади.

Ўзбекистонда 9748 мактаб, жумладан 171 бошланғич мактаб, 9577 умумий ўрта таълим мактаби (6473 таси ўн бир йиллик) бўлиб, уларда 5 млн. 926860 ўқувчи, мактабларнинг 1–4 синфларида 2 млн. 278660, 5–9 синфларида 3 млн. 142590, 10–11 синфларида 505610 ўқувчи ўқийди; 451567 ўқитувчи ишлайди, улардан 293930 киши (65%) олий маълумотли, 19865 киши (4%) тугалланмаган олий, 137772 таси (31%) ўрта махсус маълумотга эга (2006).

Ўзбекистондаги умумий ўрта таълим мактабларида таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қozoқ ва қирғиз тилларида олиб борилади. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун яхши шароит яратиш ҳамда болалар тарбиясида оиллага ёрдам кўрсатиш учун мавжуд ўқув-моддий база

асосида белгиланган тартибда қуни узайтирилган умумий ўрта таълим мактаблари, умумтаълим интернат мактаблар ташкил этилган. Етим болалар, ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болалар ва ўсмирлар улар учун ташкил этилган меҳрибонлик уйлари, умумтаълим интернат мактабларида таълим-тарбия оладилар ва тўла давлат таъминотида бўладилар. Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирлар учун махсус умумтаълим мактаблари ҳамда интернат мактаблар ташкил этилган. Ўқувчилар умумий ўрта таълим мактабини тугатганларидан кейин уларга таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида»ги қонун (1997 й. 29 авг.) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мактабнинг 1–9 синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартлари (ДТС)ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 16 авг.даги «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида умумий ўрта таълим учун жаҳон тажрибаси мезонларига мослаб ишлаб чиқилган ДТС яратилди.

Умумий ўрта таълим мактабларини дарсликлар б-н таъминлаш таълим самарадорлигини оширишнинг асосий негизидир. 2005/2006 ўқув йили республикадаги умумий ўрта таълим мактаблари учун 463 номда 16,8 млн. нусхада дарслик ва қўлланма нашр этилди.

Ўзбекистонда халқ таълими тизими тармоқларидаги муаммоларни илмий ҳал этиш бўйича и.т.лар Т.Н.Қори-Нижзий номидаги Ўзбекистон пед. фанлари и.т. институти ва унинг Қорақалпоғистон филиали, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказида амалга оширилади.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари ўз педагогик фаолияти жараёнида илмий билимларни эгаллаб, педагогик қобилиятини шакллантириб боради. Мамлакатда ўқитувчилар малакасини ошириш тизими жорий этилган. Ўқитувчилар малакасини ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент ш. ҳамда вилоятларда малака ошириш ин-тлари мавжуд. Булардан ташқари Тошкентда А.Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий ин-ти фаолият олиб боради.





Қибрай туманидаги 16-мактаб 7-синф ўқувчилари меҳнат дарсида.

дан, 5 киши «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига, 294 киши «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвонига, 304 киши «Ўзбекистон Республикасида хиз-

мат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига, 185 киши «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига, 19 киши «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» унвонига сазовор бўлган.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим ўқитувчилари учун ўзбек тилида «Матрифат», рус тилида «Учитель Узбекистана» («Ўзбекистон ўқитувчиси») газетлари, «Халқ таълими», «Соғлом авлод учун», «Бошланғич таълим», «Узлуксиз таълим», «Таълим тараққиёти», «Тарбия», «Мактаб ва ҳаёт», «Таълим менежменти» журналлари, педагогик ва методик адабиётлар нашр этилади.

Ўзбекистонда умумий ўрта таълим ўқитувчилари меҳнати юксак қадрланади. Мамлакатимизда 1997 й.дан бошлаб ҳар йили 1 окт.да «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида нишонланади ва у дам олиш куни деб эълон қилинган. Республикада «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» сингари фахрий унвонлар мавжуд. Мустақиллик йилларида республикадаги 2785 ўқитувчи ва мураббий давлат мукофотларига, жумла-

Педагог-кадрлардан 99 киши «Эл-юрт ҳурмати», 9 киши «Филокорона хизматлари учун», 190 киши «Меҳнат шухрати», 472 киши «Соғлом авлод учун», 284 киши «Дўстлик» орденлари, 922 киши «Шухрат», 2 киши эса «Жасорат» медаллари б-н мукофотланган. Ўқитувчи ва мураббийлардан 24935 киши «Халқ таълими аълочиси», 534 киши «Таълим ҳомийси» кўкрак нишони ва 8171 педагог ходим Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиқлари б-н тақдирланган (2006).

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Мактабдан ташқари таълим узлуксиз таълим тизими турларидан бири. Ўзбекистонда болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва б. йўналишларда бўлган мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасалари

лари фаолият кўрсатади. Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, мусиқа мактаблари, санъат мактаблари, студиялар ва б. муассасалар киради. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 й. 29 авг.) ва Қалрлар тайёрлаш миллий дастурида мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун мундарижасини такомиллаштириш вазифарларини ҳал этиш учун Ўзбекистон таълим-тарбия тизимида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ушбу соҳани янада ривожлантириш, мактаб ёшидаги болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва шу б-н таълим сифатини юксалтириш мақсадида 2004/2005 ўқув йилини «Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили» деб эълон қилди. Ўзбекистонда 1239 мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардаги 45843 тўғарақда 800803 ўқувчи шуғулланади, 28905 педагог ва мутахассис фаолият кўрсатади (2006). Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож болаларни турли хил тўғарақларга жалб этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан республикадаги мактабдан ташқари таълим муассасаларида шуғулланувчилар таркиби таҳлил этилиб, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож ўқувчиларни тўғарақ-

Республика ўқувчилар саройи

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги мактабдан ташқари таълим муассасаси. 1935 й. июнда ташкил этилган. Асосий вазифаси ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг мактабда олган билимларини чуқурлаштириш, касб-ҳунар малакаларини эгаллашларида қўмаклашиш, дунёвий ва замонавий билимлардан воқиф қилиш, ижодий ҳамда ташкилотчилик қобилиятларини шакллантириш ва ўстириш, кашфиётчилик ва ихтирочилик ишларига жалб этишдан иборат. Саройда 5 бўлим, мусиқа мактаби, 210 тўғарақ, клуб, доирачилар дастаси, рақс дасталари, болалар ҳаваскорлик халқ дастаси, вокал чолғу ва ўзбек халқ чолғу асбоблари дасталари мавжуд; уларда 3700 дан зиёд ўғил-қиз иштирок этади.



Нукус педагогика институтини қошидаги иқтидорли болалар мактаби.



Республика ўқувчилар саройи биноси. Тошкент.

ларга янада кўпроқ жалб этиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ш. ва вилоятлардаги меҳрибонлик уйларининг 3300

Болалар ижодияти уйи

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тасарруфидаги мактабдан ташқари таълим муассасаси. 2005 й.да ташкил этилган. Асосий вазифаси болаларнинг оммавий таълим-тарбиявий ишларини ташкил қилиш, ёш авлоднинг билим даражаси, қизиқишлари, ижодий қобилиятини ўстириш, касб танлашга ёрдам бериш, улар тайёрлаган маҳсулотни хорижда тарғиб қилишдан иборат. Радиоэлектроника, ёғоч ўймакорлиги, бичиш ва тикиш, видеостудия, тасвирий санъат, адабиёт, лак миниатюраси тўғрақлари, шахмат клуби, эстрада-вокал студияси, компьютер синфи бор. Ижодиёт уйида конференция зали, кўرғазма галереяси, кўрғазма зали мавжуд.

тарбияланувчиси турли йўналишдаги тўғрақларга жалб қилинган.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ҳамда фойдали ўтказиш мақсадида таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш, миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инobatга олувчи дастур ва услубий материаллар ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмнинг, халқ хунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштириш, миллий турлари ва шаклларини тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳасан Қудратуллаев.

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги муҳим ва ўзига хос мустақил таълим турлардан бири ҳисобланади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги таълим муассасалари республиканинг иқтисодий соҳалари учун малакали кичик мутахассислар тайёрлайди.

Ўзбекистонда дастлабки ўрта махсус ўқув юрти (пахта-ёғ саноати техникуми) 1893 й. Тошкентда ташкил этилган. 1905 й. Самарқандда мева-сабзавотчилик техникумига асос солинган. 1921 й. Туркистон касб-техника таълими тизимида 11 пед., 5 қ.х., 17 техника ва техника иқтисодий ўқув юртлири бўлган. 1927/28 ўқув йили Ўзбекистондаги 41 та ўрта махсус ўқув юртида 7,1 минг ўқувчи ўқиган бўлса, 1934/35 ўқув йили 72 та техникумда 8,7 минг ўқувчи ўқиди. 1970-й.ларнинг охирига келиб Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли соҳаларида 488 минг ўрта махсус маълумотли мутахассис ишлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, республикада ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлашнинг янада самарали ва сифатли усули бўлган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тизимини ташкил этишга киришилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун (1997 й. 29 авг.) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни рўйбга чиқариш, шунингдек, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириш, уларда маънавий баркамол, чуқур билимларга эга бўлган малакали кадрлар тайёрлашнинг таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 24 февралдаги қарори б-н Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибида Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, унинг худудий бошқармалари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 13 майдаги қарори б-н «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида» низом тасдиқланди ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида низом ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 й. 16 окт.даги қарори б-н ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари тас-



Тошкентдаги болалар ижодияти уйи.



1930-й.лардаги бўлажак педагоглар.

диқланди. Эски типдаги ҳунар таълим муассасалари, техникум ва ҳунар-техника билим юртларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига айлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимининг барча таълим муассасаларида янги ўқув режа ва фан дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш тизими жорий қилинди. 2001 й.да 194 техникум ва 313 ҳунар-техника билим юртларига касб-ҳунар коллежи мақоми берилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими умумий ўрта таълим негизига асосланади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими шахс имкониятларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида касбга йўналтириш умумий ўрта таълимда (5—9-синфлар) олинган умумий таълим ҳамда назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш, танлаган мутахассислиги бўйича касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш асосида вужудга келади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлари таснифлагичи асосида ўқишнинг қуйидаги асосий билим соҳа

Ҳаққулбод ш.даги алоқа-транспорт касб-ҳунар коллежи.



йўналишлари белгиланган: таълим; гуманитар фанлар ва санъат; ижтимоий фанлар; фан; муҳандислик ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари; қишлоқ хўжалиги; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот; хизматлар ва б. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар таснифлагичида 230 тайёрлов йўналишлари бўлиб, 1000 дан ортиқ ихтисосликларни ўз ичига олган (2005).

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мажбурий-ихтиёрий 3 й.лик таълим тизими бўлиб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида кундузги ўқиш шаклида амалга оширилади. Мажбурийлиги — бу икки йўналишдан бирида ўқишни давом эттиришнинг шартлилиги. Ихтиёрийлиги эса ўқувчининг ўзи қизиққан ҳамда лаёқатига мос йўналишни эркин танлаши, яъни, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши — академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттириш ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей—ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ҳар томонлама жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касбга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган ўрта махсус таълим муассасасидир.

Касб-ҳунар коллежи—ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танланган касб-ҳунари бўйича бир ёки бир неча касбни эгаллашларини таъмин-

лайдиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасидир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мақсади — ўқувчиларга чуқур, ихтисослаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган билим бериш, ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллашларини таъминлашдан иборат. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг асосий вазифалари давлат таълим стандартлари доирасида умумий таълим ва касб-ҳунар дастурларини бажариш, ўқувчиларнинг узлуксиз таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттиришига асос яратиш, эгалланган касб-ҳунарлари бўйича меҳнат фаолияти б-н шуғулланиши учун зарур ва етарли бўлган билимлар ҳамда касб тайёргарлиги даражасини чуқурлаштириш, республика ижтимоий соҳаси ва иқтисодийнинг малакали, ҳар томонлама етук мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат.

Ҳар бир ихтисослик учун фаннинг муайян мажмуаси ва ҳажми белгиланган. Бу фанларни ўрганишда ўқув ва и.ч. амалиёти кенг қўлланилади. Ўқув фанлари мажмуаси ва ҳажми, ҳар бир ихтисослик учун муайян фанни ўқитиш муддати ўқув режаси б-н белгиланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг барча тизими учун тасдиқланади. Ўқув жараёнининг асосий ташкилий шакли дарс, маъруза, лаб, машғулотлари, ўқув ва и.ч. амалиётлари шаклларида олиб борилади. Ўқув режаси бўйича бутун ўқиш давомида назарий ва амалий машғулотлар қўшиб олиб борилади. Ўқув йили давомида ўқувчилар билими семестр ҳамда ўқув йили якунида рейтинг тизими асосидаги якуний баҳолаш б-н текширилади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган касб-ҳунари бўйича меҳнат фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқини беради.

2005 й. ЎзРдаги 973 ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида 750397 ўқувчи, жумладан 882 касб-ҳунар коллежида 708023, 77 академик лицейда 37089, 14 лицей ва лицей-интернатларда 5285 ўқувчи таълим олди; 2005 й. ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига 300345 ўқувчи қабул қилин-



Академик лицей. Қарши ш.

ди. Ўзбекистон ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида 56525 ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходим, жумладан 87 фанд-ри ва проф., 826 фан номзоди ва доцент ишлади. 1998–2005 й.ларда 39 соҳа ва йўналишлар бўйича ташкил этилган малака ошириш марказлари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ин-тида 58 мингдан ортиқ педагог малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 й. 28 фев.даги фармойишига мувофиқ, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича мақсадли дастур ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий қилинмоқда. Эҳтиёжга асосланган янги ўқув режалари асосида ўқув дастурлари, илғор педагогик технологияларга асосланган маъруза матнлари, ўқув қўлланма ва

Денов тиббиёт касб-хунар коллежида ўқув машғулоти.



услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди. «Устоз» жамғармаси йўлланмаси ва чет эл инвестициялари ҳисобидан 1060 дан ортиқ педагог ривожланган давлатларда малакасини оширди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари фаолиятига ташкилий, ўқув-услубий ва илмий раҳбарлик қилади ҳамда ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларини жорий этиш, ўқув дастурларини унификациялаш, педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширади. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари тузилиши ва иш мазмуни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низом б-н белгиланган. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари мутахассис тайёрлаётган соҳа бўйича шу тармоқ вазирлиги, идора, корпорация, концерн, уюшма ва корхоналар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ихтиёрида бўладилар. Тармоқ вазирликлари, идора, корпорация, концерн, уюшма ва корхоналар уларни моддий ва молиявий

таъминлашни, ўқувчиларни касб-хунарга ўргатишни ва уларда амалий кўникмаларни тарбиялашни амалга оширадилар, мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларида амалий ёрдам берадилар. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқув жараёни замон талабларига жавоб берувчи, истиқболни кўзлаб ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режа ва фан дастурлари асосида ташкил этилган. Айрим махсус ўқув фанлари бўйича дастурлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмасига биноан, тармоқ вазирлиги, идора, корпорация, концерн, уюшма ва корхоналар б-н биргаликда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига ўқувчилар 9 й.лик умумий ўрта таълим мактабини тугатганларидан сўнг якуний давлат аттестациясига биноан ўқувчи томонидан йиғилган рейтинг кўрсаткичлари ва педагогик-психологик ташхис марказлари тавсиялари асосида қабул қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 й. 16 авг.даги «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2006 й. охирига қадар 2000 дан ортиқ номда дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилиши режалаштирилган.

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ин-ти, Тошкент пед. университети ва Наманган муҳандислик-пед. институти касб-хунар коллежлари учун малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасалари ҳисобланади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизimini ташкил этиш ва ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 24 фев.даги «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги, 2003 й. 29 окт.даги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг давлат кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёр-



Наманган ш. саноат касб-хунар коллежида физика бўйича ўқув машғулоти

лаш миллий дастури каби муҳим қонун ҳужжатлари б-н мустаҳкамланган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини маблағ б-н таъминлаш асосан, республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан давлат нормативлари асосида амалга оширилади. Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг сифатли таълим ва касб-хунар дастурларини яратиш, илғор илмий ва услубий ютуқлар асосида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш мақсадида 1998 й. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида Ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривожлантириш ин-ти ташкил этилган. Ушбу ин-т Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 20 июлдаги Қарори б-н 2005 й.дан Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш интига айлантирилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг илмий-назарий ва илмий-услубий соҳаларини мувофиқлаштириш Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривожлантириш марказига юклатилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ахборот б-н таъминлаш мақсадида 2000 й.дан бошлаб «Касб-хунар таълими» илмий-методик жур., 2001 й.дан «Касб маҳорати» ахборотномаси нашр қилиб келинмоқда.

Алишер Каримов.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

9-а. охири – 10-а. бошларида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Хўжанд ва б. шаҳарларда вужудга келган йирик мал-расаларда диний ҳамда дунёвий фанлардан олий ва ўрта маълумот бериш амалга оширилган. Бу ерда таркиб топган олий таълим тизими кейинчалик Эрон, Ироқ,

Сурия, Кичик Осиё, Миср ва б. ғарб мусулмон мамлакатларига тарқалган.

Туркистонда дунёвий олий таълимни йўлга қўйиш масаласи дастлаб жадидчилик ҳаракати дастуридан ўрин олган. Хусусан, 1918 й. 21 апр.да Туркистон халқ ун-ти, унинг таркибида Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси б-н 1918 й. 12 майда Мусулмон халқ дорил-фунуни ташкил этилди (бу сана ҳоз. Ўзбекистон миллий ун-тининг ташкил этилган санаси ҳисобланади). Андижон, Фарғона, Жиззах ва б. шаҳарларда ун-тининг бўлимлари очилди. Туркистон халқ ун-ти 1920 й.дан Туркистон давлат ун-ти, 1923 й.дан Ўрта Осиё давлат ун-ти (САГУ), 1960 й.дан Тошкент давлат ун-ти (ТошДУ), 2000 й.дан Ўзбекистон миллий ун-ти (ЎЗМУ) деб номланган. Ун-т ўлкада олий таълим ва фан тараққиётининг негизи бўлиб хизмат қилди. Биринчи ўқув йили ун-тда 8 ф-т (қ.х., тиббиёт, техника, ҳарбий, ижтимоий-иқтисодий, физика-мат., тарих-фил., ишчилар) бор эди. Ун-т юқори малакали кадрлар тайёрлаш б-н бирга янги ўқув юртларининг ташкил топишида ҳам муҳим роль ўйнади. 1929–1931 й.ларда Ўрта Осиё давлат ун-тининг ай-рим ф-тлари асосида мустақил олий ўқув юртлари ташкил қилинди. Ун-т таркибидан жами 15 олий ўқув юрти ажралиб чиқиб, улар Ўзе-

кистон, Туркменистон, Тожикистон худудларида жойлаштирилди. Тошкентда политехника, қ.х., тиббиёт, қ.х.ни механизациялаш ва ирригация муҳандислари, молия-иқтисод, пед. институтлари. Самарқандда савдо ин-ти ва б. ташкил этилди. 1928 й. Ўзбекистонда жами 3, 1940 й. 30, 1970 й. 38 олий ўқув юрти фаолият кўрсатди.

Саноат ва қ.х. тараққиёти Ўзбекистонда янги ўқув юртлари ташкил қилинишини тақозо этди. Натижада, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти, Тошкент т.й. транспорт ва муҳандислари ин-ти (ҳоз. Тошкент т.й. муҳандислари ин-ти) ва кейинчалик Тошкент электротехника ва алоқа ин-ти (ҳоз. Тошкент ахборот технологиялари ун-ти), Самарқанд меъморлик-қурилиш ин-ти, Фарғона политехника ин-ти ва б. олдин ташкил этилган олий ўқув юртлари б-н бир қаторда халқ хўжалигининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондирди.

1928–38 й.ларда Ўзбекистонда олий мактаб тубдан қайта қурилди. Кўп олий ўқув юртлари тегишли ўқув-методик базалар б-н мустаҳкамланди. Мутахассислар тайёрлаш сифати ва даражаси оширилди. 1941 й. 1 янв.да республика халқ хўжалигида банд бўлган олий маълумотли мутахассисларнинг сони 19,9 минг кишига етди.

1941–45 й.лар уруш даврида Ўзбекистон олий ўқув юртлари юқори малакали мутахассис-кадрлар тайёрлаш б-н бирга, халқ хўжалиги учун зарур и.т. ишларини ҳам олиб борди. Урушдан кейинги йилларда олий ўқув юртлари тармоғи кенгайди. 1940/41 ўқув йили олий ўқув юртларига 3,7 минг, 1950/51 ўқув йилида 12,7 минг, 1954/55 ўқув йили 19 минг киши қабул қилинди. Маҳаллий миллат ёшларидан ўқишга кирувчилар сони нисбатан кўпайди. 1946 й. бу кўрсаткич 20–22%ни ташкил этган бўлса, 1950 й. 46,9%га, 1954 й. 58,8%га етди. 1940 й.



1930-йиллардаги талаба қизлар.



Тошкент давлат техника университети.

республика олий ўқув юртларини 3296 киши битирган бўлса, 1956 й. 9448 киши битирди.

1978/79 ўқув йили Ўзбекистонда 42 олий ўқув юрти бўлиб, уларда 266,5 минг киши ўқиди. Олий ўқув юртларида кундузги, кечки ва сиртки таълим шакли мавжуд эди. 1978/79 ўқув йилининг кундузги бўлимида 142,7 минг, кечки бўлимида 37,2 минг, сиртки бўлимида 86,6 минг киши таълим олди. 1969 й.дан кўпгина олий ўқув юртларида тайёрлов бўлимлари очилди.

Ўзбекистон миллий давлат мустақиллиги қўлга киритилганига қадар республикада 42 олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, улардан фақат 3 таси (Тошкент, Самарқанд, Қорақалпоқ) ун-т, 14 таси пед. ёки тиллар пед. институти, 9 таси муҳандислик-техника ин-ти, 3 таси қишлоқ хўжалиги ин-ти, 7 таси тиббиёт-фармацевтика ин-ти, 3 таси маланият, санъат, мусиқа ин-ти, 1 тадан халқ хўжалиги, кооператив, жисмоний тарбия ин-ти эди. Ушбу 42 олий ўқув юртининг 19 таси (деярли ярми) битта шаҳар — Тошкентда, 5 таси Самарқандда, 4 таси Андижонда, 3 таси Бухорода, жами олий ўқув юртларининг тўртдан уч қисми республиканинг тўртта шаҳрида жойлашган ҳолда фаолият олиб борган. Республиканинг собиқ шўро давридаги аграр-индустриал мақоми олий ўқув юртларининг атиги 21% муҳандис-техника соҳаларида кадрлар тайёрлашга қаратилганлигида ҳам ўзининг яққол ифодасини топган эди. Унинг улкан табиий бойликлари, қ.х. маҳсулот (пахта толаси)-ларининг ақсарият қисми хом ашё сифатида Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши унинг олий таълим тизимида ҳам тўла акс этар, мавжуд олий ўқув юртларининг 80% га яқини замо-

навий тайёр маҳсулот и.ч. мўлжалланмаган мутахассис кадрлар тайёрлашга йўналтирилган эди. Республика олий таълим тизимининг таркибий тузилиши ва амал қилиши жараёнлари унинг мавжуд иқтисодий-моддий, миллий-табиий, маънавий-интеллектуал салоҳияти имкониятларига замонавий талаб-эҳтиёжлар даражасида жавоб бера олмас эди. Унинг тизимида бўлмаган ихтисосликлар бўйича олий малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш марказининг махсус режаси б-н белгиланган миқдорда марказий олий ўқув юртларида амалга оширилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин унинг олий таълим тизимини тубдан ўзгартиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб олинди. Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг ривожланган хорижий мамлакатлар б-н таълимни такомиллаштириш мақсадларига йўналтирилган ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳам катта имкониятлар очилди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 й. 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни олий мактаб янгилашни жараёнининг, халқаро таълим стандартларини олий таълимга жорий қилишнинг, ёшларни ўқитишда ўзбек халқининг бой маънавий меросидан ва илғор жаҳон тажрибасидан фойдаланишни кенгайтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлди. Мустақилликнинг биринчи йилдан бошлаб олий таълим тизимини ислоҳ қилишга киришилди. 1991 й.да Тошкент ун-ти (ҳоз. ЎЗМУ) ва Тошкент техника ун-ти жамоалари томонидан ун-т таълим тизимини замонавийлаштириш лойиҳаси тайёрланиб, 1992 й. фев.да янги ўқув режалар тўплами (гуруҳий) яратилиб, у ТошДУнинг барча таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг янги ўқув режалари ва дастурларига асос

қилиб олинди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда икки босқичли олий таълим тизимига ўтишнинг асоси белгиланди.

1993 й.да олий таълим йўналишлари бўйича вақтинча амал қилиш учун мўлжалланган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва бакалаврлар тайёрлашда синаб кўришга жорий этилди. ТошДУ ва Тошкент техника ун-ти жамоалари орттирган амалий тажриба мамлакатнинг бошқа олий ўқув юртлари амалиётига ҳам ҳудудий ва миллий хусусиятларга мослаштирилган ҳолда татбиқ этила бошлади. 5–6-й.лик мана шундай кенг қўламли ва катта ҳажмли тайёргарлик ишлари амалга оширилгандан кейин олий таълимнинг янги миллий модели тамойиллари шаклланди ва унинг асосий мезон-ўлчовлари аниқлаб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 й. 29 авг.) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ўқув лаб. ускуналари ва компьютер техникаси б-н жиҳозлаш, дарслик ва ўқув-услубий материаллар, педагог кадрлар б-н таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш тадбирлари аниқ белгилаб берилди. Бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, хорижий кредитлар ва грантлар асосида олий таълим ривожини молиялашнинг асосий манбалари этиб белгиланди. Ушбу маблағларни жамлаш, улардан мақсадли фойдаланишнинг чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт йўналишига катта аҳамият берилди. Агар 1991 й. олий ўқув юртларида 5 иқтисодий ихтисослик бўйича мутахассис тайёрланган бўлса, 1995 й.да 24 олий ўқув юртида 60 ихтисосликни ўз ичига олувчи 7 йўналиш бўйича иқтисодчилар тайёрланди. 1992 й.да иқтисодиёт мутахассислиги бўйича талабалар Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабаларининг 2,5%ни ташкил этган бўлса, 1995 й.да 17%га етди. 1991–99 й.лар давомида Тошкент ва вилоятлар марказларида фаолият олиб бораётган 13 пед., политехника, қ.х., тил, халқ хўжалиги ин-тларига ун-т мақоми берилиб, уларнинг таълим-тарбия жараёнлари ун-т тизимига хос равишда қайта қурилди. Бу даврда, шунингдек, Тошкент Ислоҳ ун-ти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия



Ўзбекистон жисмоний тарбия институти оғир атлетика залида талабалар машғулоти.

таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар

ун-ти, Жиззах политехника, Тошкент кимё-технология, Тошкент архитектура ва қурилиш, Тошкент авиация, Навоий кончилик, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт, Наманган муҳандислик-педа., Навоий пед., Тошкент тиббиёт, Тошкент молия, Тошкент юридик, Тошкент шарқшунослик, Самарқанд чет тиллар, Миллий рассомлик ва дизайн ин-тлари, Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 й. 28 январдаги фармони б-н ТошДУга «Миллий ун-т» мақоми берилди ва у Ўзбекистон миллий ун-ти деб номланди. 2002 й. июлда Тошкентда Халқаро Вестминстер ун-ти ташкил этилди ва 160 нафар дастлабки талабалар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 й. 19 июлдаги фармони мувофиқ Биринчи ва Иккинчи Тошкент тиббиёт ин-тлари негизда Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди. Вилоятлар марказларида ташкил этилган олий ўқув юрларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, уларнинг илмий интеллектуал имконият ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 1995 й. 31 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси минтақавий олий ўқув юрларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида» махсус қарор қабул қилди.

2006 й. республикада 62 олий ўқув юрти, жумладан, 19 ун-т фаолият кўрсатди. Уларда 265438 талаба таълим олди, 21409 проф. - ўқитувчи, жумладан 1662 фан д-ри ва проф., 7360 фан номзоди ва доцент ишлади.

Мустақиллик йиллари олий таълим фаолияти мазмуни тубдан ўзгарди. Олий

яратишга алоҳида эътибор берилди. Давлат таълим стандартлари, янги авлод дарсликлари яратилиб, таълим жараёнига жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Ўзбекистонда олий таълим узлуксиз таълимнинг алоҳида тури ҳисобланади. Олий таълимнинг мақсади мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини таъминлашга, ўзи танлаган мутахассислик бўйича бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашга лаёқатли, юқори малакали, рақобатбардор кадрларни тайёрлашдан иборат. Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш олий ўқув юрлари (ун-т, академия, ин-тлар)да ўрта махсус, касб-хунар таълими асосида амалга оширилди.

Олий таълим 2 bosқич – бакалаврият ва магистратурадан иборат. Бакалаврият мутахассисликлар йўналиши бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида 4 йил бўлган таянч олий таълимдир. Бакалаврлик дастури тугаллангандан кейин битирувчиларга дав-

лат аттестацияси якунларига биноан таълим йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилди ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади. Бакалавр таълим йўналишлари доирасида асосий билимлар мағзига эга бўлиши, илмий ва илмий-техник муаммоларни тушуниши, тараққиёт истиқболларини кўра билиши, жараёнлар, технологиялар, объектларга нисбатан техник-иқтисодий талабларни шакллантира олиши ҳамда уларнинг амалга оширилишидаги илмий-техник воситаларни белгилай олиши, бизнес-тадбиркорлик фаолиятлари б-н шуғуллана билиши лозим.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизда камида 2 йил давом этадиган олий таълимдир. «Магистр» даражасини берадиган давлат аттестацияси магистрлик дастурининг интиқоси ҳисобланади. Магистрларга ҳам давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади. Магистр ўзи танлаган ихтисослик бўйича янги билимларни эгаллаш ва уларни бошқаларга бера олиш, гоьларни жамлаш, технологиялар, объектларни таҳлил этиш ва мужассамлаштириш, илмий изланиш натижаларини и.ч.да қўллаш, илмий муассасалар, конструкторлик бюроларида мақсадли фаолиятларни ташкил этиш ва бошқариш, и.ч., бизнес ва тадбиркорликни уюштириш ва бошқариш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ўзбекистонда олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари ва тўлов-шартнома асосида

Тошкент авиация институтида ўқув машғулоти.



тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади. Тест синовларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази амалга оширади. Тест синовлари уч тилда – ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ўтказилади. Абитурient тест синовларини олий таълим муассасасида ўқийдиган тилда топширади.

Ўзбекистонда олий таълим давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилади.

Республика олий ўқув юртларида талабалар билим олиш б-н бирга и.т. ишларини ҳам олиб борадилар. Улар ўқув юрти илмий тўғарақларида, талабалар конструкторлик бюроларида, кафедралар қошида илмий ишлар б-н шуғулланадилар. Талабаларнинг курс, лойиҳа ва малакавий битирув ишларини тайёрлашлари ҳам талабалар и.т. ишларининг муҳим шаклларида бири. Илмий мавзулар кўпинча талабаларнинг ихтисослиги бўйича тегишли и.ч. корхоналари, и.т. муассасалари ва б. билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Талабаларнинг касб фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун малака амалиётлари (ўқув-танишув, и.ч., педагогик, битирув иши олди амалиётлари) назарда тутилган. Малака амалиётлари буюртмачи ташкилотларнинг замонавий технологиялар, ускуналар, аппарат ва асбоблар б-н жиҳозланган корхоналари, идоралари ва и.т. институтларида ташкил этилади.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг хориждаги нуфузли олий таълим муассасалари б-н алоқаларини кучайтириш, чет эл инвестициясини таълим соҳасига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Олий таълим муассасаларининг халқаро ҳамкорлиги таълим тизимини такомиллаштириш ва уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, хорижий таълим муассасалари б-н ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, проф.-ўқитувчи, докторант, аспирант ва талабаларнинг тил ва касбий малакасини ошириш ҳамда таълимнинг турли йўналишлари бўйича тажриба алмашиш мақсадларида амалга оширилмоқда.

ЎЗР олий таълим муассасалари МДХ давлатлари, Буюк Британия, Германия, Австрия, Бельгия, Франция, Италия, Испания, Хитой, Жан. Корея, Япониядаги ун-т ва б. олий таълим муассасалари б-н ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида олий таълим тизи-

Ўзбекистон Республикаси давлат олий ўқув юртлари (2006)

Олий ўқув юрти	Ташкил этилган ёки қайта ташкил этилган йили	Талабалар сони		
		Жами	Шу жумладан	
			Бакалаврлар	Магистрлар
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги				
Ўзбекистон Миллий университети	2000	10141	9152	989
Тошкент техника ун-ти	1991	10317	9586	731
Тошкент тўқимачилик ун-ти	1991	8117	7134	983
Ўзбекистон жаҳон тиллари ун-ти	1992	6728	6346	382
Тошкент шарқшунослик ин-ти	1991	2920	2479	441
Тошкент архитектура ва қурилиш ин-ти	1991	2630	2444	186
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти	1932	3540	3301	239
Тошкент автомобиль-йўллар ин-ти	1972	4175	3969	206
Тошкент молия институти	1991	7485	7072	413
Тошкент авиация ин-ти	1995	1870	1770	100
Тошкент кимё-технология ин-ти	1991	2766	2485	281
Тошкент педагогика ун-ти	1998	13753	13251	502
Анджон ун-ти	1992	8652	8525	127
Анджон тиллар педагогика ин-ти	1966	1856	1856	—
Анджон муҳандислик иқтисодиёт ин-ти	1992	3126	3047	79
Бухоро ун-ти	1992	7092	6936	156
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат ин-ти	1977	4793	4657	136
Жиззах политехника ин-ти	1992	2977	2953	24
Гулистон ун-ти	1992	3765	3738	27
Қорақалпоқ ун-ти	1992	6875	6592	283
Қарши ун-ти	1992	7397	7288	109
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт ин-ти	1995	3576	3532	44
Наманган ун-ти	1992	5940	5819	121
Наманган муҳандислик-иқтисодиёт ин-ти	1992	2483	2396	87
Наманган муҳандислик-педагогика ин-ти	1998	5224	5129	95
Самарқанд ун-ти	1960	10268	9937	331
Самарқанд мейморлик-қурилиш ин-ти	1966	2485	2440	45
Самарқанд чет тиллар ин-ти	1994	2362	2238	124
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин-ти	2004	1229	1159	70
Термиз ун-ти	1992	7158	7120	38
Урганч ун-ти	1992	7158	7061	97
Фарғона ун-ти	1992	7682	7571	111
Фарғона политехника ин-ти	1967	4791	4676	115
Вазирлар Маҳкамаси				
Тошкент Ислон ун-ти	1999	639	542	97
Ташқи ишлар вазирлиги				
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти	1992	1297	1182	115
Халқ таълими вазирлиги				
Тошкент вилоят педагогика ин-ти	1967	5679	5664	15
Жиззах педагогика ин-ти	1974	5702	5660	42
Қўқон педагогика ин-ти	1930	4015	3995	20
Навоний педагогика ин-ти	1992	6900	6875	25
Нукус педагогика ин-ти	1934	5815	5797	18
Соғлиқни сақлаш вазирлиги				
Тошкент тиббиёт академияси	2005	7007	6418	589
Анджон тиббиёт ин-ти	1955	2896	2793	103
Бухоро тиббиёт ин-ти	1990	1751	1751	—
Самарқанд тиббиёт ин-ти	1930	2836	2716	120
Тошкент педиатрия тиббиёт ин-ти	1972	3290	3078	212
Тошкент фармацевтика ин-ти	1937	1332	1316	16
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги				
Тошкент маданият ин-ти	1974	1428	1376	52
Ўзбекистон консерваторияси	2002	970	884	86
Тошкент санъат ин-ти	1990	996	949	47
Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби	1997	92	92	—
Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-ти	1955	2066	2027	39
Ўзбекистон Бадий академияси				
Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти	1997	942	857	67
Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги				
Тошкент аграр ун-ти	1992	3810	3533	277

Тошкент ирригация ва мелиорация ин-ти	2004	4241	4031	210
Анджон қишлоқ ҳужалиги ин-ти	1964	2326	2282	44
Самарқанд қишлоқ ҳужалиги ин-ти	1929	3735	3653	82
Алоқа ва ахборот агентлиги				
Тошкент ахборот технологиялар ун-ти	2003	4996	4768	228
Адлия вазирлиги				
Тошкент юридик ин-ти	1991	3316	2962	354
«Ўзбекистон темир йўллари» компанияси				
Тошкент т.й. транспорти муҳандислари ин-ти	1931	2910	2777	133
«Қизилқумнодирметаллолтин» концерни				
Навоий қончилик ин-ти	1995	2691	2667	24
Давлат солиқ қўмитаси				
Солиқ академияси	2003	316	288	28
Ўзбекистон банклар ассоциацияси				
Банк-молия академияси	1996	131	—	131

мида малака ошириш, тажриба алмашиш, ўқитишнинг замонавий усуллари ни ўрганиш, турли анжуманларда иштирок этиш ва таҳсил олиш мақсадида минглаб проф.-ўқитувчи, аспирант ҳамда талабалар хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари ҳамда марказларида бўлдилар. Бундан ташқари, турли дарслик, ўқув қўлланмалари ва методик ишланмалар яратишда биргаликда иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштириш ва ўзаро тажриба алмашишда Европа Иттифоқининг Темпус дастури лойиҳалари алоҳида урин тутанди. 2005 й. Темпус лойиҳаларида республиканинг 30 дан ортиқ олий таълим муассасаси иштирок этди. Мазкур таълим муассасаларининг проф.-ўқитувчилари ва мутахассислари Европанинг нуфузли олий таълим муассасаларида малака оширдилар ва тажриба алмашдилар. 2005 й. республика олий таълим муассасалари ўз йўналишлари хусусият-

ларидан келиб чиққан ҳолда турли хорижий олий таълим муассасалари б-н илмий-ижодий, амалий алоқалар ўрнатган. 251 проф.-ўқитувчи, аспирант хорижий мамлакатларга юборилди. Улар малака ошириш, тажриба алмашиш, ўқитишнинг замонавий усуллари ни ўрганиш, турли анжуманларда иштирок этиш, и.т. ишларини олиб бориш имкониятига эга бўлдилар. 144 бакалавр ва магистр Буюк Британия, АҚШ, Германия, Италия, Испания, Греция, Словакия, Чехия, Япония, Хитой, Жан. Корея, Малайзия ва б. мамлакатларнинг олий таълим муассасаларига юборилди.

Республика олий таълим муассасаларида Япония, Жан. Корея, Греция, Миср, Италия, Польша ва б. давлатлардан таклиф этилган 141 хорижлик проф.-ўқитувчи ва мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз мамлакатларининг тили, маданияти ва урф-одатларини таништириш б-н бирга турли мутахассислик ва йўналишлар бўйича дарс бериб келмоқдалар, замонавий дастурлар яра-

тиш, ўқитишнинг янги технология ва усуллари ни ўргатмоқдалар.

Олий таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш ҳам жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 30 майдаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони, 2005 й. 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 й. 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2005 й.да олий таълим муассасаларидаги компьютерларнинг умумий сони 18750 тага, интернетга уланган компьютерлар сони 9745 тага етказилди. Интернет тармоғи ахборот ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини берувчи E-collector тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Унинг маълумотлар базасида таълим, фан ва техникага оид энг сўнгги маълумотлар жамланган ҳамда ундан корпоратив ахборот тизими доирасида бевосита фойдаланиш имконияти яратилган.

Мамлакат келажаги ва тараққиёти бевосита ёшларнинг миллий истиқдол ғояси руҳида тарбияланганлиги б-н белгиланади. Бу мураккаб вазифа эса замонавий таълим ва тарбия тизимини вужудга келтириш орқали амалга оширилади. Шу боис олий таълим тизимида

Тошкент юридик институти талабалар турар жойи хонаси.



Тошкент фармацевтика институти. Талабалар ўқув-тренинг марказида.

маънавий-маърифий ишларни замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасалари томонидан ёшларнинг тегишли мутахассислик, ҳунар ва касбларни чуқур эгаллашлари, уларнинг дунёқарашларини миллий истиқлол ғояси асосида шакллантириш, Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидойилик кўрсата оладиган баркамол шахсни тарбиялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2001 й.дан республика олий ўқув юрларида миллий истиқлол ғоясини талабалар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган маънавий-маърифий, ғоявий талбирлар уюштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати йиғилишлари материалларини ўрганиш бўйича олий таълим муассасаларида машғулотлар ташкил этиб, бу машғулотлар тегишли дастур ва методик тавсиялар асосида олиб борилмоқда. Ҳар ҳафтада 1 марта гуруҳ талабалари б-н мураббий-ўқитувчилар учрашувлари ташкил этилди. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, муҳим халқаро воқеалар ва б. масалалар бўйича талабаларни тезкор таништириб бориш мақсадида олий таълим муассасаларида «Ахборот гуруҳлари» фаолият кўрсатмоқда. 2003 й.дан бошлаб олий таълим муассасаларида «Маънавият куни»ни ўтказиш йўлга қўйилган. «Устоз-шогирд» тизими яратилиб, ҳар бир талаба проф.-ўқитувчига шогирд сифатида бириктирилди. Олий таълим муассасаларида иқтидорли талабалардан ташкил топган «Нотиқлар клуби» фаолият кўрсатмоқда. «Ёшлар-ёшларга» тамойили асосида ишлаётган бу клублар фаолиятидан маънавий-маърифий ишларда фойдаланилмоқда. Шунингдек, «Ғоявий тарғибот», «Нафосат», «Ёш ижодкорлар», «Дебат», «Мунозара» клублари фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й. 18 янв.даги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги фармойишида белгиланган вазифалар асосида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича ўқув услубий мажмуалар яратилди ва улар таълим жараёнида қўлланиб келинмоқда. Ушбу фанни ўқитишни самара-

ли ташкил этиш учун республикадаги 15 олий таълим муассасаларида тажриба-синов майдончалари ташкил этилди.

Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш, кадрлар тайёрлаш жаҳон тажрибаси ютуқларини республика таълим-тарбия амалиётига жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 31 июлдаги қарори б-н Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти ташкил этилган. 2004 й. у Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига айлантирилган. Марказ ўз фаолиятини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлигида Фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон ФА, таълим муассасаларига эга бўлган бошқа тармоқ вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, илмий муассаса ва и.ч. корхоналари б-н узвий ҳамкорликда амалга оширади.

Олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари ёритиб бориладиган «Таълим ва тарбия» ҳамда «Таълим муаммолари» илмий-услубий жур.ларида олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбияга оид маълумотлар бериб борилмоқда.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ

Ўзбекистонда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг вазифаси жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш талбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

«Таълим тўғрисида»ги қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илгор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

ривожланган мамлакатларнинг илгор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар б-н халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва б.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юрлари ва и.т. муассасалари (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик)да олиниши мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичлари (аспирантура ва докторантура) диссертация ҳимояси б-н яқунланади. Яқуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан номзоди ва фан д-ри илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Аспирантура—ягона узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг асосий шаклларида бири. Аспирантура академик ва малакавий номзодлик имтиҳонлари топшириш ҳамда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш б-н яқунланади ва танланган мутахассислик бўйича фан номзоди илмий даражаси берилади.

Докторантура — ягона узлуксиз таълим тизимининг аспирантурадан кейинги таркибий қисми бўлиб, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг олий шаклларида бири. Докторантура диссертация ҳимоя қилиниши б-н яқунланади ва танланган мутахассислик бўйича фан д-ри илмий даражаси берилади. Республикада аспирант, докторант ва ёш олимлар и.т. фаолиятларини моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими ишлаб чиқилган бўлиб, амалиётга собитқаламлик б-н жорий этилмоқда. Илмий кадрлар тайёрлаш кўлами жамиятда амалга оширилаётган ислохот жараёнларини ўзида акс эттиради. Буни, хусусан, олий таълим муассасаларида янги мутахассисликлар бўйича очилаётган аспирантура, докторантураларни мамлакат ҳаётидаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган ҳам кўриш мумкин. Иқтидорли, ўз диссертациялари устида муваффақиятли изланишлар олиб бораётган аспирантлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 20 фев.даги «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 21 июлдаги

«Фан ва инновация фаолияти ривожланишининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Фан ва технологиялар маркази томонидан ўтказиладиган танловда иштирок этиб, ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим ва и.т. муассасаларига илмий тажриба алмашишга борадилар. 2005 й. Ўзбекистонда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимида 1980 аспирант, 183 докторант шуғулланди.

КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

Бозор иқтисодиёти, рақобат, техника ва технологиялар жадал ўзгараётган шароитда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 й. 29 авг.) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига асосан кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган даражага етказишга қаратилган. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ихчам бўлиб, ҳар бир ходимнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олади. Ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни оқилона қондириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини табақалаштириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш на-

тижалари асосида ходимларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш, мазкур жараёнларни ташкил этишнинг давлат, жамият ва нодавлат шакллари бирга қўшиб олиб бориш кабилар малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турининг асосий вазифалари ҳисобланади.

Мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ун-тларида, малака ошириш ин-тлари ва профессионал қайта тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган ўқув марказларида амалга оширилади. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш и.ч.дан ажралган ва қисман ажралмаган ҳолда бўлиши мумкин. Унинг шакли малака ошириш таълим муассасаси томонидан таълим дастурининг мураккаблиги эътиборга олинган ҳолда ва буюртмачининг у б-н тузилган шартномаси асосидаги эҳтиёжларига мувофиқ равишда белгиланади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаси ўқув жараёнини мақсадли ташкил этиш, таълимнинг шакли, услублари ва технологиясини танлаш йўли б-н тингловчиларга таълим дастурларини ўзлаштиришлари учун зарур шароитлар яратилади. Мазкур дастурлар малака ошириш таълим муассасалари томонидан буюртмачи эҳтиёжларини ва шунингдек, қўшимча касб таълими дастурлари мазмуни олдига қўйилган давлат талабларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва амалга оширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёни якуний ат-

тестация б-н тугалланади. Аттестацияни ўтказиш тартиби таълимни бошқариш бўйича тегишли давлат органлари томонидан белгиланади. Ўқув режасининг барча талабларини бажарган, якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчилар малака ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтганлиги ҳақида давлат томонидан тасдиқланган намунадаги сертификат ёки диплом оладилар. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг замонавий талаблардан ортада қолмаслигини, жамиятда ўзларининг муносиб уринларини эгаллаш имкониятига эга бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистонда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш республикадаги 23 ин-т, 22 вазирлик ва идорага қарашли 22 малака ошириш фти ва 15 марказда амалга оширилади. 2005 й. Ўзбекистонда 326425 киши малакасини оширди ва қайта тайёрланди.

Ад.: К а р и м о в И.А., Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т., 1997; К а р и м о в И.А., Ўзбекистон XXI асрга интилоқда, Т., 1999; Баркамол авлод орзуси, Т., 2000; Й ў л д о ш е в Ж.Ф., Таълимимиз истиқлоли йўлида, Т., 1996; Й ў л д о ш е в Ж.Ф., Таълим янгиланиш йўлида, Т., 2000; Ҳ а с а н б о е в а О., Ҳ а с а н б о е в Ж., Ҳ а м и д о в Х., Педагогика тарихи, Т., 1997; К у р б а н о в Ш., С е й т х а л и л о в Э., Национальная модель и программа по подготовке кадров — достижение и результат независимости Узбекистана, Т., 2001; Проблемы становления и функционирования образовательных комплексов в системе профессионального образования, Т., 1996; В а л и х ў ж а е в Б., Самарқандда олий таълим — мадрасаи олия — университет тарихидан лавҳалар, Т., 2001.

Рустам Қосимов.

ФАНИ

Ўзбекистон — илм-фан ва маданият қадимдан тараққий этган мамлакатлардан бири. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида, айниқса, астрономия, мат., тиббиёт, кимё, тўқимачилик, меъморлик, маъданшунослик, фалсафа, муסיқа, тилшунослик, адабиётшунослик ривожланган. Ўзбекистон олимлари ота-боболари яратиб кетган илмий меросни ўргандилар ва бойитдилар. Ўзбекистонда ҳозир ҳам юқорида санаб ўтилган соҳалар ривожлантирилмоқда, уларнинг қаторига янгилари қўшилмоқда.

Ўзбекистон олимлари ўз илмий асарлари ва кашфиётлари б-н жаҳон илм-фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшдилар. ЎзРда *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси* фаолият кўрсатмоқда. Нукус ва Самарқандда Ўзбекистон Республикаси ФАнинг бўлимлари, Бухорода илмий маркази, Урганчда *Хоразм Маъмун академияси* очилган. И.т. ишлари халқ ҳужалигининг турли тармоқларида фаолият кўрсатадиган и.т. институтлари, илмий-и.ч. бирлашмалари, илмий марказлари, шунингдек, ун-тлар ва б. олий ўқув юрларида ҳам олиб борилади. Илмий кадрлар Фанлар академиялари тизимида, шунингдек, олий ўқув юрлари, халқ таълими тизимида тайёрланади.

Ҳоз. даврда фан Ўзбекистонда жамият тараққиётини олға силжитувчи куч ва восита бўлиб хизмат қилмоқда. Халқ ва миллат дунёқарашини шакллантириш, таълим-тарбия, ахлоқ нормаларини вужудга келтириш, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда алоҳида ўрин тутмоқда. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, илмий ютуқлар натижаларини амалиётга тезроқ жорий этиш — ҳоз. давр фани учун муҳим вазифалардан биридир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФАН ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистонда фан тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади, у чуқур илдизга эга. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик қазилар ва тадқиқотлар бу заминда одамлар жуда қадимдан яшаганлигини ва уларда дастлабки эмпирик билимлар шакллана бошлаганлигини кўрсатади. Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари соҳиллари ўтроқ деҳқончилик қилишга, суғориш иншоотлари қуришга имкон берган. Аҳоли дон экинлари ва пахта эккан, овчилик қилган, турлитуман касб-ҳунар йигирувчилик, тўқувчилик, кулолчилик б-н шуғулланган, маъданлар қазиб, металл эритишни ўрганган, заргарлик б-н шуғуллана бошлаган. Ўтроқ ҳаёт одамларни бошпана ва б. иншоотлар қуришга мажбур қилган, йўллар қурилган. Фаслларнинг ўзгариши, кечанинг кундуз б-н алмашиниши, осмон ёритқичларининг сирли ҳаракатлари кишиларни вақтни ҳисоблашга, санок б-н шуғулланишга, юлдузларнинг ҳаракат қонуниятларини ўрганишга ундаган. Турли табиий ҳодисалар одамларни уларга қарши курашиш чораларини излаб топишга мажбур қилган. Шу тариқа аста-секин тафаккур куртаклари пайдо бўла бошлаган, улар жамлаштирилиб, ёзма ёдгорликлар яратилган (мас., Авесто ва б.). Астрономия, мат., тиббиёт, меъморлик асослари пайдо бўлган. Ўрта Осиёдан инсоният тамалдуни тараққиётига улкан ҳисса қўшган энциклопедист олимлар, мутафаккирлар (Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва б.) етишиб чиққан.

9–11-а.ларда Ўрта Осиё Шарқнинг илмий ва маданий марказларидан бирига айланди. Шарқ мамлакатларида академия тарзидаги муассаса ва жамиятлар ташкил қилинди. Мас., Хорун ар-Рашид ҳукмронлиги даврида (786–809) «Байт ул-Ҳикмат» («Билим уйи»)га асос солинди, халифа Маъмун даврида (813–833) «Байт ул-Ҳикмат»нинг фаолияти янада ривожланди. Ўртаосиёлик буюк олимлар Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аббос ибн Саид Жавҳарий, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий ва б. ўз тадқиқотларини шу академияда олиб борганлар.

11-а.да Хоразм пойтахти Урганч обод ва маданий шаҳар эди. Хоразмшоҳ Абул-аббос ибн Маъмун анча билимли ҳукмдор бўлиб, олим, шоир, санъаткор, наққош ва мусаввирларга ҳомийлик қилар эди. Урганчда хоразмшоҳлар саройида буюк мутафаккирлар Ибн Сино ва Берунийдан ташқари, тарихчи Ибн Мискавайҳ, математик Абу Наср ибн Ироқ, файласуф Абу Саҳл Масихий, табиб Ибн Ҳаммор ва б. тўпланган эди. Урганчда «Билим уйи» — Маъмун академияси ташкил этилиб, у ерда Хоразмшоҳ Маъмун ҳомийлигида фалсафа, риёзиёт ва тиб илмларида оид масалалар муҳокама қилинар эди. Аммо Урганчдаги бу илмий муҳит узоқ яшамасди. Маҳмуд Фазнавийнинг тазйиқи остида у тарқалиб кетди.

Шарқда, шу жумладан, Ўрта Осиёда илмий ишларни академия шаклида ташкил этиш анъанага айланди. Урганчдаги каби академиялар Марв, Бухоро, Хўжанд ва б. шаҳарларда ҳам барпо қилинган. 15-а.да Мирзо Улуғбек Самарқандда академия ташкил қилди. Унинг қошида яхши жиҳозланган расадхона, бой кутубхона ва олий ўқув юрти — мадраса бор эди. Мадрасада диний фанлар

б-н бир қаторда дунёвий фанлар — риёзиёт (мат.), ҳандаса (геом.), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт, сурат ал-ард (геогр.) каби фанлар ўқитиларди. Улуғбек академиясида машҳур олимлар — Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид Коший ва Али Қушчи хизмат қилишган. Бу академияда турли фан соҳалари бўйича илмий ишлар олиб борилган. Улуғбекнинг Самарқанд академияси, айниқса, риёзиёт ва илми ҳайъат тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Буюк муҳаддис, исломшунос олим Имом Бухорий (810—870)нинг ҳадис илмига оид асарлари аҳамияти беқиёсдир. Унинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» асари бутун дунё мусулмонлари томонидан эътироф этилган Ислоҳ манбаидир. Бу даврда йирик муҳаддис олим Имом Термизий (824—892) ҳадис илмига оид «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»; илмий манбаларда «Саҳиҳи Термизий»), «Аш-Шамойл ан-набавия» ёки «Аш-Шамойл ан-набий саллоҳу алайҳи ва саллам» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари»), «Рисола фил-хилоф вал-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «ат-Таърих» («Тарих»), «Китоб уз-зуҳд» («Зоҳидлик китоби»), «Китоб ул-асмо вал-куно» («Исмлар ва кунялар китоби») каби асарларини яратди ва ҳадис илми тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Фикҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси, имом Абу Мансур Мотуридий (870—944) эса, ўзининг «Китоб ат-тавҳид» («Яккаҳудлик ҳақидаги китоб»), «Таъвилот аҳл ас-сунна» («Суннийлик анъаналари шарҳи») асарларини ёзди. «Китоб ат-тавҳид» билиш назарияси баён қилинган мусулмон илоҳиётшунослигининг биринчи асари ҳисобланади. Мотуридий илоҳиётчи олим сифатида муҳим ақидавий масалалар — жузъий ихтиёр, эътиқод, охираат ҳаёти кабиларни қамраб олувчи «Маъхаз аш-шарийъ» («Шариат асослари»), «Китоб ал-усул» («Диний таълимот асослари китоби»), «Китоб ал-жадал» («Диалектика ҳақидаги китоб») рисоаларини битди. Мотуридий Абу Ҳанифа қарашларини тушунтириб бериб, уни ривожлантирди. Абул Ҳасан ал-Ашъарий (873—935) ишлаб чиққан ислом ақидаси асосларини тақомиллаштириб, уни суннийлик этиқодига кириб қолган нотўғри, ғайри саҳиҳ ақидалардан тозаллади. Мотуридий қарашлари ўз даврида минтақанинг маданий ва илмий равнақига сабаб бўлган.

9—15-а.ларда аниқ ва табиий фанлар соҳалари (мат., астрономия, геодезия, минералогия, тиббиёт, ботаника ва б.)



Форобий.

даги ишлар анча тараққий этди. Платон, Аристотель, Гиппократ, Гален, Архимед, Птолемей, Эвклид ва б.нинг асарлари арабчага таржима қилинди. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Абу Али ибн Сино, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Улуғбек, Али Қушчи ва б.нинг асарлари анча кейинги даврларда бошқа мамлакатларнинг олимлари амалга оширган илмий ишларнинг натижаларидан ҳам устунлик қиларди. 11-а.да туркшунослик илмининг асосчиси, филолог олим, этнограф Маҳмуд Кошғарий ўзининг машҳур «Девони луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») асарини яратди ва бу асар ўз муаллифини дунёга улуғ адабиётчи, тарихчи, географ ва б. кўп фанлардан яхши хабардор бўлган йирик фан арбоби, қомусий олим сифатида танитди. Ушбу асарда олим туркий қабил ва уруғлар (халқлар) тилларидаги сўзлар маъносини араб тилида изоҳлаб берди. Асарга ўзи тузган ва мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, денгиз, кўл, дарё кабиларнинг номлари ёзилган дунё хариатасини илова қилди.

Ҳоз. замон мат.си, астрономияси ва геогр.сини Муҳаммад Хоразмий (783—850)сиз тасаввур этиш қийин. У алгебра фанига асос солди. 12-а.да Хоразмий асарлари Европа мамлакатларида алгебра бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Худди шу даврда астроном, математик, географ Аҳмад Фарғоний (тахм. 797—865) ўзининг асосий астрономик асари — «Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомий илм ан-нуҷум» («Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нуҷум ки-

тоби»)ни яратди. Бу асар унга оламшумул шон-шухрат келтирди ва астрономиянинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Фарғоний Европада Алфраганус номи б-н машҳур бўлган.

Тараққийпарвар файласуф, энциклопедист-олим, шарқ аристотелчилигининг асосий вакилларида бири, 160 дан ортиқ асарлар муаллифи Абу Наср Форобий (873—950) Аристотель таълимотига таяниб, онтология, гносеология, мантиқ масалалари ва ижтимоий билимларни ўз ичига олган ягона фалсафий тизимни яратди. Аристотель асарларини шарҳлаб берганлиги учун Форобий «Иккинчи муаллим» (Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» деб аталган.

Хоразмлик машҳур олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур (? — 1036) фалакиёт ва риёзиётга оид бир қанча асарлар ёзган. Шулардан 12 тасини шоғирди Абу Райҳон Берунийга бағишлаган. Беруний ҳам устозининг исмини ҳамма вақт зўр ҳурмат б-н тилга олган. Абу Наср ибн Ироқ Мансур ўз даврида «Батлимуси соний» («Иккинчи Птолемей») деган фахрий ном олган.

Бу даврда сомонийлар амири Нуҳ ибн Мансур саройида хизмат қилган тарихчи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Хоразмий (10-а.) сомонийлар вазири Утбийга атаб қомусий асар — «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калити»)ни ёзган. Асарда араб тилида кўп ишлатиладиган атамаларнинг изоҳлари берилган. Бу асар муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган.

Мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний (973—1048) ўрта Шарқда биринчи бўлиб Ернинг Қуёш атрофида айланиши тўғрисидаги фикрни айтди. Геол., геодезия, астрономия, мат., минералогия, фармакогнозия бўйича муҳим тадқиқотлари б-н машҳур Беруний 10-а.да Хоразмда ташкил этилган «Маъмур академияси» фаолиятида муҳим роль ўйнаган (қ. *Хоразм Маъмур академияси*). Бу ерда у ўз атрофига ўша замоннинг йирик олимларини тўплаб, улар б-н бирга илмий кузатишлар олиб борди.

Олим, табиб, файласуф, мусиқашунос Абу Али ибн Сино (980—1037) тамаддун тарихида чуқур из қолдириди. Фалсафада араб аристотелчилиги анъаналарини давом эттирди. Унинг асарлари Шарқ ва Фарбда ниҳоятда машҳур бўлган. Унинг кўп жилдди «Тиб қонунлари» китоби кўп асрлар давомида бутун дунёдаги врачлар учун асосий дастур бўлиб келган, унинг лотинчадаги «Авиценна» номи донишманд шифокор рами сифатида зикр этилади.

Буюк фақих, имом Бурҳониддин Марғиноний (1123—1197) фикҳ бўйича



Абу Райҳон Беруний.

бир қанча асар, жумладан «Бидоят ул-мубтадиъ» («Бошловчилар учун қўлланма»), «Китоб ал-Ҳидоя» (қисқача номи «Ҳидоя» — «Тўғри йўл») асарларини яратди. У ўз асарларида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мулкчиликнинг турли шакллари, молиявий фаолият, жиноят ва жазонинг ҳуқуқий асосларини, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиёти, қозилик муассасалари таркиби, тартиби ва жинойи ишни кўриш масалаларини батафсил ёритиб берди.

Математик ва астроном Қозизода Румий (Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад, тахм. 1360–1437) Мирзо Улуғбекнинг устози эди. Улуғбек илмий мактабининг яратилишида унинг ҳиссаси катта. Румий «Афлотуни замон» (ўз даврининг Платони) номини олган эди. Атоқли математик ва астроном Коший (Ғиёсиддин Жамшид Коший, тахм. 1430 й. вафот этган) биринчи бўлиб мат.га позиция асосда ўнли қасрларни киритди ва назарий асослади. Астрономияга оид рисолалар ёзди. Коший Қозизода Румий б-н бирга Улуғбек расадхонаси қурилишига раҳбарлик қилган. Мирзо Улуғбекдан катта илмий ва маданий мерос қолган. Шулардан бири «Улуғбек жижи» («Жижи Кўрагоний»)дир. Улуғбек Самарқандда расадхона, мадраса қурдириди. Шогирдлари б-н мингдан ортиқ юлдузлар рўйхатини тузди. Самарқандда ўз академиясини ташкил қилди. Олимлар астрономиядан ташқари, мат., фалсафа, тарих ва б. соҳаларга доир илмий ишлар б-н ҳам шуғулланишган. Машҳур астроном Али Қушчи (Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Самар-

қандий, 1403–1474) мат. ва астрономияга доир рисолалар ёзган. У фасллар алмашинуви Ернинг Қуёшга яқинлашуви ва Қуёш нури ҳарорати таъсирининг натижаси, деб ҳисоблаган, Ой ва Қуёш тугилишини илмий-табiiй жиҳатдан тўғри тушунтирган. Али Қушчининг асарлари 16–17-а.ларда Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида мат. ва астрономия фанлари тараққиётига анча таъсир қилган. Улуғбек, Коший, Али Қушчи сонлар назариясига муҳим ҳисса қўшдилар ва кўзатиш астрономиясини юқори поғонага кўтардилар.

Юқорида номлари тилга олинган ва б. мутафаккирларнинг астрономия, мат., фалсафа, тиббиёт, кимё, мусиқа, тилшунослик, геодезия, минералогия, фармакогнозия ва б. соҳалардаги и.т.лари, кашфиётлари бутун дунёда илм-фаннинг янги тармоқлари пайдо бўлишида, айрим фан соҳаларининг юқори босқичга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этди.

Улкан давлат арбоби, шоир, олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари 16-а. илмий тафаккурининг буюк ёдгорлиги ҳисобланади. Асарда Мовароуннахр, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистон ўтмиши ва замонавий ҳолати, халқлари, қабилалари, уларнинг тили, маданияти, касбу ҳунари, урф-одатлари, расм-русумлари, анъанавий тадбир-маросимлари баён этилган. Китобда, шунингдек, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Кобул, Ҳирот, Агра каби йирик шаҳар-вилоятларнинг географик-маъмурий тузилиши, маданий ҳаёти, аҳолиси, қ.х., дарё ва сув ҳавзалари, чўл-адирлари, тоғ-саҳролари, боғу роғлари, табиати, иқлими, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, табиий бойликлари ҳақида муфассал маълумотлар берилган.

16–17-а.ларда тиб илмига қизиқиш кучайди, тиббий фанлар ривожланди. Бухоро ш.да махсус шифохона қурилди. Унда и.т.лар ҳам олиб борилди. Бу ерда махсус тиббий адабиётлар кутубхонаси ташкил қилинди. Ўзбекистон ҳудудида халқ табobati ривожланди. Бу даврда ҳам касб-ҳунар тараққий этди, тўқимачилик, деҳқончиликда янги-янги усуллар қўлланди. Тўқимачилик дастгоҳлари ясалди, тўғон ва кўприклар қурилди, бинолар қад кўтарди. Буларни амалга ошириш учун маълум билимлар талаб қилинарди, албатта. Мас., бино қуриш учун жой танлаш (уни кунгай қилиб қуриш), бино тарҳини тузиш, пойдеворини ҳисоблаш, гўмбазлари шакли чизмасини чизиш ишлари астрономия, мат., геодезия, чизмачиликка оид билимларни талаб қиларди. Ўзбекистон



Ибн Сино.

ҳудудида бунинг учун уша даврда билимлар негизи етарли эди.

18-а. — 19-а. бошларида рус сайёҳларидан иборат экспедициялар томонидан Ўзбекистон ҳудудини тадқиқ қилиш бошланди. Бу экспедицияларнинг асосий мақсади Россия иқтисоди учун зарур бўлган маҳаллий моддий бойликларни ўрганиш бўлган. 19-а.нинг 2-ярмида Ўрта Осиёни Россия босиб олганидан сўнг рус олимларининг ўлка табиати ва табиий бойликларини ўрганиш ишлари кўлами кенгайтирилди. 1867 й. Туркистон ҳарбий топография бўлими ташкил қилинди. Бу бўлим ўлканинг топографик харитасини тузиш б-н шуғулланди. Бу ишларнинг натижаси ўлароқ Ўрта Осиёнинг бош харитаси тузилди. 1867 й. Тошкентда метеорология ст-яси очилди; бу ст-я ўлка иқлимини ўрганиш ва иқлим харитасини тузиш б-н шуғулланди.

1868 й.да Туркистон статистика қўмитаси ташкил қилинди. 1887 й. 1 янв.дан вилоят статистика қўмиталари тузилди.

Ўзбекистондаги биринчи илмий муассаса — Тошкент астрономия ва физика расадхонаси (ҳоз. Ўзбекистон ФА Астрономия ин-ти) 1873 й. ташкил қилинди. Бу расадхона ўлкадаги мингга яқин жойнинг координаталарини аниқлаш учун экспедициялар уюштирди. Фақат 20-а. 30-й.ларига келиб соф илмий масалалар б-н шуғуллана бошлади.

19-а.нинг 2-ярми ва 20-а. бошларида Тошкентда қуйидаги муассаса ва ташкилотлар тузилди: Туркистон ўлкаси ер ишлари ва давлат мулки бошқармаси (1897) ва унинг қошида гидрометрик қисм, Туркистон қ.х. тажриба ст-яси

(1897, ҳоз. Р.Р.Шредер номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. институти), энтомология ст-яси. 1895 й. Россия Геогр. жамиятининг Туркистон бўлими ташкил этилди. 20-а. бошида Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Қўқонда сейсмик ст-ялар тузилди.

Ўлкани илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганишга киришилди. Бирин-кетин Табиат, антропология ва этн. ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими (1870), Ўрта Осиё илмий жамияти (1870), Фарғона тиббиёт жамияти (1892–1910), Туркистон врачлар жамияти (1899–1900), Туркистон тиббиёт жамияти (1900–08), Туркистон ўлкаси табиатшунослар ва врачлар жамияти (1908–17), Самарқанд врачлар жамияти (1913–22) ва б. ташкил қилинди. Ўрта Осиё илмий жамиятининг асосий мақсади ўлка тарихи, геогр.си, этн.си, статистикаси, иқтисодига доир маълумотларни тўплаш, уларни ўрганиш ва тарқатишдан иборат бўлган. Табиат, антропология ва этн. ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлими ўз тадқиқотлари натижаларини махсус тўплам тарзида нашр эттирди.

Ўлкада ишлаётган археологлар 1895 й.да Туркистон археология ҳаваскорлари тўғрарига бирлашдилар. Бу тўғрарак шуғулланган археологик ишлар, асосан, ёзма манбалар асосида қад. ёдгорликларни тавсифлаш ва ўрганишдан, айрим археологик объектларни излаш ва тиклашдан иборат бўлган; археологик қазини ишлари кам ўтказилган. 19-а. охири – 20-а. бошларида Геогр. жамиятининг Туркистон бўлими аъзолари томонидан Орол денгизи, музликлар, ўлканинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, сейсмик жараёнлар тадқиқот этилди, фойдали қазилма конлари очилди. Рус олимларининг айрим экспедициялари тупроқшунослик ва гидрологияга оид тадқиқотлар ўтказди.

1918 й. мустамлака Туркистонда хўжаликнинг турли тармоқлари ва маданият ўчоқлари учун кадрлар тайёрлайдиган махсус муассасалар ишга туширилди. Шулардан бири 1918 й. 21 апр.да очилган Туркистон ҳалқ ун-ти эди. Андижон, Қўқон, Самарқанд, Фарғона, Жиззах ва б. шаҳарларда унинг бўлимлари ҳам ташкил этилган. 1919 й. Тошкентда Физиотерапия и.т. институти ташкил қилинди. 20-й.ларда тарих, тиббиёт, табиий фанлар ва б. соҳаларда бир неча и.т. институтлари очилди. 1920 й. Туркистон давлат ун-ти (1923 й.дан Ўрта Осиё давлат ун-ти, 1960 й.дан Тошкент давлат ун-ти), 2000 й.дан Ўзбекистон Миллий ун-ти) ташкил қилинди. Кейинчалик ун-т

негизида ўлканинг табиий бойликларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун ҳар хил соҳалар бўйича мустақил олий ўқув юртлари ва дастлабки илмий муассасалар ташкил қилинди. Ун-т қошидаги илмий муассасалардан ташқари бошқа и.т. институтлари ҳам ташкил этилди. 1921 й. Фарғона ва Тошкентда ипакчилик бўйича биринчи и.т. станциялари очилди.

20-й.лар охири – 30-й.лар бошида Тропик тиббиёт ин-ти (1924), Тиббий паразитология ва гельминтология и.т. институти (1924), Сув хўжалиги тажриба-тадқиқот ин-ти (1926), Геология ф-тининг Ўрта Осиё бўлими (1926), Ўзбекистон ветеринария и.т. институти (1926), Ўзбекистон педиатрия и.т. институти (1927), Бутуниттифоқ пахтачилик и.т. институти (1929), Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация политехника ин-ти (1929), Ўзбекистон педагогика и.т. институти (1929), Ўрта Осиё ипакчилик ин-ти (1929), Ўзбекистон пахтачилик ин-ти (1929), Ўрта Осиё қ.х. институти (1930), Ўрта Осиё геол.-қилирув ин-ти, Темир йўл транспорти муҳандислари ин-ти (1931), Гидрометеорология ин-ти (1931), Қорақалпоғистонда Комплекс и.т. институти (1931), Тошкент ва Самарқанд давлат тиббиёт ин-тлари, Тошкентда фармацевтика ин-ти, гелиотехника лаб., Ўзбекистон Сил касалликлари и.т. институти (1932), Ўзбекистон Тери ва таносил касалликлари и.т. институти (1932), Ўзбекистон Санитария ва гигиена и.т. институти (1934), Қорақўлчилик и.т. институти (1935), Пахта саноати институти (1936) ва б. илмий муассасалар ташкил қилинди.

И.т. муассасалари тармоғи ва илмий кадрлар сонининг жadal ўсиши, олимлар олдига янги-янги вазифаларнинг қўйилиши и.т. ишларига раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириб туриш ишларини такомиллаштиришни тақозо этди. Шунинг учун 1932 й. Фан қўмитаси таъсис қилинди. 1940 й. Фан қўмитаси негизида Иттифоқ ФА Ўзбекистон филиали (ЎзФАН) тузилди. Шу даврдан ЎзФАН Ўзбекистоннинг и.т. марказига айланди. Ўша даврда унинг таркибига геол., ботаника, кимё, сув хўжалиги муаммолари (1941 й.дан энергетика), тарих, тил ва адабиёт ин-тлари; тупроқшунослик, зоол., физика ва мат. (гелиотехника лаб. билан бирга) секторлари; Тошкент астрономия расадхонаси (Китоб кенглик станцияси б-н бирга); иқтисодий тадқиқотлар ва хари таграфия бюроси киритилди. 1940 й. Ўзбекистондаги и.т. институтлари ва олий ўқув юртларида 3 мингдан ортиқ

илмий ва илмий педагог ходим ишлаган.

Уруш даврида республикада 40 дан ортиқ и.т. институт ва олий ўқув юртлари ишлаб турди.

1943 й.да ЎзФАН асосида Ўзбекистон Фанлар академияси (ЎзФА) ташкил қилинди. Ўша пайтда унинг таркибида 10 и.т. институти фаолият кўрсатган. Академияда 11 ҳақиқий, 18 мухбир, 3 фахрий аъзо бўлган. Унинг муассасаларида 210 илмий ходим, шу жумладан 28 фан д-ри, 80 фан номзоди ишлаган.

40-й.ларнинг 2-ярмида республика олимларининг фаолияти хўжалик, маданият, тиббиёт ва б. соҳаларни ривожлантиришга қаратилди. 40- ва 50-й.ларда Ўзбекистонда Травматология ва ортопедия ин-ти, Энергетика ин-ти (ҳоз. Ўзбекистон энергетика ва автоматика ин-ти), Математика ин-ти, Иншоотлар ин-ти (ҳоз. М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-ти), Чорвачилик ин-ти, Ўрта Осиё геол. ва минерал хом ашё ин-ти, Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги ин-ти, Гематология ва қон қуйиш ин-ти, Қорақалпоғистон деҳқончилик и.т. институти, Ўзбекистон ФА Нефть ва газ конлари геол. ва разведкаси ин-ти (ҳозир «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси қошида), Ўлка тиббиёт ин-ти (ҳоз. Эндокринология ин-ти), Онкология ва радиология ин-ти, Ўрта Осиё ўсимликларни муҳофаза қилиш ин-ти, Ўрта Осиё қ.х.ни механизациялаш ва электрлаштириш ин-ти, Илмий-техника ахбороти ин-ти, Суд экспертизаси ин-ти, Ўрта Осиё иқтисод ва қ.х.ни ташкил қилиш ин-ти очилди, Фарғона ва Наманган ш.ларида сейсмик ст-ялар ташкил қилинди. 1958 й. Тошкент ш. ақинида ядро реактори қурилди.

1960- ва 1970-й.ларда Ўзбекистондаги илмий муассасаларнинг табиий ва ижтимоий фанлар соҳаларидаги бутун фаолияти республика иқтисоди ва маданиятини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал қилишга қаратилди. Пахтачилик, суғориш, энергетика, рангли металлургия ва б. билан боғлиқ комплекс тадқиқотларни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги ин-ти (1960), Сабзавот-полид ва картошка экинлари ин-ти (1960), Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ин-ти (1961), Ҳисоблаш маркази Кибернетика ин-ти (1966), Акушерлик ва гинекология ин-ти (1974), Кардиология ин-ти (1976) ва б. ташкил қилинди.

1987 й. Тошкент вилоятининг Паркент туманида ниҳоятда ноёб илмий-экспе-



риментал мажмуа — бизеркаль оптика-энергетика қурилмаси фойдаланишга топширилди. 1991 й.да ФА таркибида Сув муаммолари ин-ти ташкил этилди. Фан б-н ишлаб чиқаришни яқинлаштириш мақсадида баъзи ин-тлар қошида и.ч. бирлашмалари, марказлари очила бошлади.

Шўролар тузуми даврида и.т. институтлари сони қанчалик кўп бўлмасин, юқоридан режалаштириш тартиби, давлатга молиявий қарамлик фаннинг эркин ривожланишини муайян даражада чеклаб қўйди. Фаннинг долзарб муаммолари сирасида пахта ва бутун қ.х. мажмуасини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш, илмий приборсозлик, электроника соҳасини кенгайтириш, минерал хом ашё бойликларидан самарали фойдаланиш, энергияни тежаш, табиат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техника тараққиётини

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати биноси.

комплекс башорат қилиш ва ш.к. вазифалар биринчи ўринда турарди. Жадал, қисқа вақт фаолият юргизадиган инновация цикли (тадқиқ қилиш — ишлаб чиқиш — ишлаб чиқариш) масаласини ҳал қилиш энг дол-

зарб масала бўлиб қолган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатда илм-фанга алоҳида эътибор берилди. Халқ ҳўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларидан орқала қолаётган и.т. институтлари тугатилди. Турмуш тақозо этган янги ин-тлар очилди. Фан тузилмаси кескин ўзгарди: маънавий фанлар ҳисобланувчи тасаввуф илми тикланди, ҳалис билимларига йўл очилди, зиёлилар, талабаларнинг руҳий дунёси анча бойиди, янги олий ўқув юрлари, ун-тлар ташкил қилинди; илм аҳли чет элдаги олимлар б-н мустақкам ижодий алоқалар ўрнатди. Бунинг натижасида табиат ва техника-технология ҳақидаги фанлар ҳам жаҳон андозаси даражасига кўтарилла бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 8 июлдаги «Фан ва инновация фаолиятини ривожланишини дав-

лат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони ҳамда уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фаннинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ва инновация фаолияти ҳақида»ги қарори мамлакатда фанни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга булди. Республика олимларини хорижий мамлакатларга тажриба оширишга юборишга алоҳида эътибор берилди.

Илмий ишланмаларни бозорда тижорат йўсинида ўзлаштириш босқичига қадар кенгайтириш ва жадаллаштириш имконини берадиган кичик татбиқий ва и.ч. ташкилотлари, ҳамкорликдаги корхоналар ташкил этилди.

Илмий-ташкилий фаолиятни ривожлантиришнинг энг самарали йўллари, шакл ва усуллари қатъий ва мунтазам изламай туриб, республиканинг чинакам иқтисодий мустақиллигига эришиши учун унинг олдида турган халқ ҳўжалигининг энг долзарб фан-техника ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда куч ва маблағларни реал жалб этиш имконини берадиган барча янгиликларни қўллаб-қувватламай ва эскирган барча усуллардан воз кечмай туриб, ФА янги шароитларда янада ривожлана олмаслигини назарда тутиб, унинг илмий муассасалари фаолиятининг мавзулари қайта кўриб чиқилди.

1992 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида бинаоан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида *Олий аттестация комиссияси* (ОАК) ташкил этилиши муносабати б-н ФА нинг мавқеи ортди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 й. 9 июн-

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Академиклар ва унинг хорижий аъзоларини ҳамда ўз тасарруфидаги илмий муассасалар илмий ходимлари ва мутахассисларини бирлаштиради. Асосий вазифаси фан ва техника соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, давлат ва жамият тараққиётини таъминловчи истиқболли йўналишлар бўйича фундаментал и.т. ва илғор технологияларни ривожлантириш стратегиясини белгилаш, табиий, техникавий, тиббий, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий-маърифий ривожига кўмаклашувчи тадқиқотлар олиб боришдан иборат. ФА фан, техника, маданият ва маърифат соҳасида амалий тадқиқотларни ҳам амалга оширади, илмий ишланмаларни мувофиқлаштиради ва уларга самарали раҳбарликни таъминлайди, давлатнинг интеллектуал, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган фан ва кенг қамровли илмий технология ютуқларини ўз вақтида и.ч.га жорий этади. Ўзбекистон ФА 1943 й. 4 нояб.да ЎзФАН негизда ташкил этилган. Академия таркибида 30 дан ортиқ и.т. муассасаси, Қорақалпоғистон бўлими, Хоразм Маъмур академияси, Самарқанд минтақавий бўлими, Бухоро илмий маркази, Илмий-ўқув маркази, Асосий кутубхонаси, Адабиёт музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қатагон қўрбонлари хотираси музейи, Ботаника боғи ва б. мавжуд. Ўзбекистон ФАнинг 118 аъзоси бор. Академия муассасаларида 5300 га яқин илмий ходим ишлайди (2006). Фада «Гелиотехника», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Ўзбекистон биология журнали», «Ўзбекистон кимё журнали», «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» ва б. илмий жур.лар, «Фан ва турмуш» илмий-оммабоп жур. нашр этилади.

Ўзбекистон ФА президентлари: Т.Н.Қори-Ниёзий (1943—47), Т.А.Саримсоқов (1947—52), Т.З.Зоҳидов (1952—56), Ҳ.М.Абдуллаев (1956—62), У.О.Орифов (1962—66), О.С.Содиқов (1966—84), П.Қ.Ҳабибуллаев (1984—88), М.С.Салоҳиддинов (1988—94), Ж.А.Абдуллаев (ФА президенти вазифасини бажарувчи, 1994—95), Т.Ж.Жўраев (1995—2000), Б.С.Йўлдошев (2000—2006); Ш.И.Солиқов (2006 й.дан).

даги қарори б-н Ўзбекистон Республикаси ФАнинг янги Устави тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 й. 20 фев.даги фармони ва бу фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 й. 4 мартдаги қарори и.т.лар ва технологик ишланмалар сифатига қўйилган талабларга мувофиқ илмий-техника ва инновация фаолиятини янада ривожлантиришда, шунингдек, мамлакатнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Республиканинг и.т. мажмуи академия, олий таълим ва б. тармоқлардаги 350 дан ортиқ муассасани, жумладан, и.т. институтлари, олий ўқув юртларидаги и.т. бўлиналари, лойиҳа конструкторлик ташкилотлари, илмий и.ч. бирлашмалари ва тажриба корхоналари, ахборот-ҳисоблаш марказларини ўз ичига олади. Ҳоз. кунда 34 мингдан ортиқ илмий ходим фаннинг турли тармоқларида фаолият кўрсатмоқда; улардан 2,4 минг киши фан д-ри ва 8,4 минг киши фан номзодидир.

Мамлакат олимлари замонавий фаннинг кўп йўналишлари бўйича муҳим ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Жаҳон даражасидаги илмий мактаблар ташкил этилган ва улар фаннинг йирик йўналишлари бўйича муваффақиятли тадқиқотларни амалга оширмоқдалар. Мат., эҳтимоллик назарияси, табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, информатика, ҳисоблаш техникаси, математик статистика, дифференциал ва математик физика, функционал таҳлил бўйича эришилган ютуқлар маълум. Ўзбек олимларининг астрономия, осмон ёриткичлари ҳаракатини ўрганиш бўйича ишлари бутун дунёда эътироф этилди. Улар томонидан биринчи марта юлдузли осмоннинг энг аниқ харитаси тузилди. Китоб халқаро кенглик ст-ясида ишлаётган олимлар Италия ҳамда Япония олим ва мутахассислари б-н биргаликда Ер қутблари ўрнининг ўзгаришини ўрганмоқдалар. Минерал хом ашё ресурслари ҳосил бўлишига олиб келадиган геологик жараёнлар қонуниятларини ўрганиш б-н боғлиқ бўлган тадқиқотлар, шунингдек, тектоника, геофизика, сейсмология ва Ер тўғрисидаги фаннинг бошқа соҳалари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳсинга сазовор. Республика геологларининг ер қатламини геол.-геофи-

зика ва геокиме нуктаи назаридан комплекс ўрганиш бўйича олиб борган ишлари Ўзбекистонда кучли минерал хом ашё базасини вужудга келтириш имкониятини яратди. Геолог олимлар йирик фойдали қазилма конларини қидириб топиш, ўрганиш ва ўзлаштиришда бевосита иштирок этдилар.

Ўзбекистон сейсмик фаол зонада жойлашганлиги учун сейсмология ва иншоотларнинг zilзилабардошлиги бўйича назарий ҳамда амалий ишлар тадқиқотларнинг етакчи йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон олимлари томонидан ер ости иншоотлари (коммуникация тармоқлари, метрополитен ва б. қурилмалар)нинг сейсמודинамика назарияси яратилди.

Қ.х., микробиол. sanoati, атроф муҳит муҳофазасида илмий-техника тараққиётини таъминлашнинг зарур асоси ҳисобланган молекуляр генетика, генҳужайра инженерияси, биотехнология бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Республикада кимё, ўсимлик моддалар кимёси, биол. ва генетика, биотехнология йўналишлари бўйича бир қанча илмий мактаблар шаклланди ва ривожланди. Улар томонидан юккак самарали, экологик жиҳатдан тоза ўғитник янги турлари, кам захарли дефолиантлар, янги дори-дармонлар, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи препаратлар ва уларни ҳимоя қилиш воситаларини и.ч.нинг назарий асослари ва технологиялари тадқиқ қилинди. Ўзбек селекционерлари гўза биол.си ва унинг генетик, молекуляр-генетик, физиологик-биокимёвий масалаларини ўрганиш ва улар асосида юқори сифатли, касалликларга чидамли янги гўза навларини яратиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Кейинги йилларда 30 дан ортиқ янги гўза навлари яратилди.

Моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари мажмуини ўрганиш б-н боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Республикада ядро ва элементар зарралар физикаси, радиацион физика ва материалшунослик бўйича йирик тадқиқотлар кенг тараққий этди. Янги, релятивистик ядро физикаси илмий йўналиши шаклланди. Ўзбекистон ҳоз. вақтда радиацион материалшунослик ва геоломатериалшунослик йўналишлари бўйича жаҳон миқёсида юқори мавқега эга. Республика радиоактив изотоплар, жумладан, фармацевтика препаратлари и.ч. бўйича етакчи марказ ҳисобланади. Ўзбекистонда юқори энергиялар физикаси бўйича илмий мактаб вужудга келди. Бу мактаб доирасида юқори даража-

даги ўтга чидамли жуда соф материаллар олиш, ейилишга ута чидамли, иссиқбардош, коррозиябардош ҳамда қимматбаҳо конструкция материалларнинг ўрнини босиш хоссасига эга бўлган юқори ҳароратли материалларни и.ч.нинг янги технологиясини яратиш бўйича илмий асос вужудга келган. Энергиянинг ноанъанавий турини яратиш — Қуёш энергиясини комплекс ва самарали энергияга айлантириш ҳамда ўзлаштириш бўйича ишлар фаол олиб борилмоқда. Фаннинг янги соҳаси — нанотехнология бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ФА Иссиқлик физикаси бўлимида нанотехнология маркази, Ахборот технологиялари ун-тида нанолаб. фаолият кўрсатмоқда.

Жаҳон ва Ватан тарихи, маданий ва маънавий мерос, ўзбек тили, адабиёти, халқ оғзаки ижодининг тарихи ҳамда уларнинг ҳоз. тараққиёти бўйича и.т.лар амалга оширилмоқда. Республика интеллектуал имкониятларини ривожлантириш, халқаро илмий-маданий алоқаларни кенгайтиришда тарихчи, археолог, этнограф, тилшунос ва адабиётшунос олимлар ўзларининг муайян ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ад.: Ўринбоев А., Аҳмедов А., Маннонов Б., Шарқшуносликнинг долзарб муаммолари, Т., 1995; Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э., Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: педагогик тадқиқотлар йўналиши ва муаммолари, Т., 1999; Азимов А., Краткая история химии. М., 1983; Классическая наука Средней Азии и современная мировая цивилизация (Пол ред. П. К. Хабиллаева и А. Ф. Файзуллаева), Т., 2000.

МАТЕМАТИКА-ФИЗИКА ФАНЛАРИ

Математика

Ўрта Осиё, айниқса, ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида деҳқончиликнинг ривожланиши, хунармандчиликнинг тараққий этиши, шаҳарларнинг вужудга кела бошлаши, қўшни ҳудудлар б-н савдо-сотик кенгайтиши, қурилиш, каналлар тармоғининг шакллантирилиши, олис масофаларга қарвон йўлларининг очилиши Ўзбекистонда мат.га оид дастлабки маълумотлар мавжуд эканлигидан далолат беради. Хусусан, Берунийнинг гувоҳлик беришича, қад. Хоразм ёзувида қўплаб китоблар битилган. Афсуски, араб иттилошига қад. даврга оид Ўрта Осиёда, хусусан мазкур китобларда илм-фан қай даражада ривожлангани ҳақида маълумот берувчи манбалар сақланмаган. Ле-

кин билвосита далиллар асосида худди шу даврда илм-фан анча юксак даражада бўлгани ҳақида хулоса чиқариши мумкин. Хусусан, 8-а. охирида деярли бир пайтда Ўрта Осиёдан Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ҳабаш Ҳосиб ал-Марвазий, Ибн Турк ал-Хутталий каби йирик математиклар етишиб чиққани ана шундай далиллардан биридир. Бу эса Хоразм, Фарғона каби маданият ўчоқларида ўзига хос таълим тизими мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Ўртаосиёлик олимларнинг кўпчилиги кейинроқ машҳур Бағдод академияси («Байт ул-ҳикмат») да етакчи мавқени эгаллаганлар.

Хоразмий мат. фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган. У тарқоқ билимларни тартибга келтириб, алгебрага асос солди. Хоразмийнинг ўнли санақ системаси баён қилинган асари туфайли бу қулай ҳисоблаш воситаси дунёга ёйилди. Асарлари ўқимиши бўлиши учун у аниқ ва лўнда баён услубини қўллаган. Шу туфайли унинг асарлари кенг тарқалган. Хоразмий услуби европалик таржимонлар томонидан муаллиф номи б-н алгоритм деб аталган. Аҳмад ал-Фарғоний унинг геометрияга оид рисоласи тўғрисида маълумот қолдирган. Хоразмийнинг шоғирди Абул Аббос Жавҳарий Эвклиднинг 5-постулати б-н шуғулланган. Ҳабаш ал-Ҳосиб Марвазий аввалдан маълум синус ва тангенс ёнига яна тўрт тригонометрик функцияни қўшиб, бу ишни мантиқий яқунига етказган.

Аҳмад ал-Фарғоний, асосан, астроном ва муҳандис сифатида фаолият юритган бўлса-да, стереографик проекция ёрдамида Птолемейнинг муҳим геометрик теоремасини исботлаб, мат. тарихида ўчмас из қолдирган.

Ўрта Осиёда умуман фан, жумладан математика гуллаб яшнаган яна бир давр 11-а.га тўғри келади. Бу давр Хоразм Маъмун академияси б-н боғлиқ. Абу Наср Ибн Ироқ ва унинг шоғирди, буюк аллома Беруний сферик геом. ва тригонометрияга катта ҳисса қўшди. Беруний сайёралар орбиталарини текширишда дифференциал ҳисоб ғояларидан ҳам фойдаланди, тақрибий ҳисоблашларда квадратик интерполяцияга яқин формулани қўллади, мунтазам тўққизбурчак ясаш масаласини катта аниқликда ҳал этди. Бу даврда Абу Али ибн Сино Аристотелнинг мантиққа оид тадқиқотларини кенгайтирди, геом.га оид рисолалар ёзди.

Гарчи мўғул истилоси сабабли Ўрта Осиёда илм-фан тараққий этмаган бўлса-да, аммо ҳеч қачон тўхтаб қолмаган. Хусусан, 12–13-а.ларда Муҳаммад

Чағминий, Шамсиддин Самарқандий ва б. олимлар мат.ни ривожлантирдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, бутун муслмон Шарқда илм-фан тараққиёти яхлит бир жараён тарзида кечган, у замон ва макон жиҳатидан ўзгариб турган, айрим даврларда Шарқий Туркистондан Испаниягача бўлган ҳудудга ёйилган, кўпинча эса маърифатли ҳукмдор эътибори туфайли у ёки бу шаҳардаги илмий марказга жам бўлган. Шунинг учун бу жараёнда турли халқ вакиллари бирлашиб, ўз салафларининг ишларини давом эттирганлар. Бу ҳодиса 9–10-а.ларда Бағдод академиясида, 11–12-а.ларда Хоразм Маъмун академиясида, кейинроқ Бухоро, Мароға (Эрон Озарбайжони) ва б. шаҳарларда яққол кузатилади. Уларнинг барчасида ҳоз. Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққан олимлар фаол иштирок этган.

Шарқ фани, айниқса, мат. ва астрономия фани Улуғбек даврида Самарқандда ўз чўққисига кўтарилган. Улуғбек ва унинг илмий тўғрагига мансуб Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Аълоуддин Али Қушчи, Хусайн Биржандий ва б. олимлар фан тарихида чуқур из қолдирган.

Ўртаосиёлик математиклар ўз тадқиқотларида юнон олимларининг ютуқларини хитой ва ҳинд фани б-н уйғунлаштириб, янги ғоя ва натижалар б-н бойитиб, қад. юнон мат.си натижаларини йўқолиб кетишдан асраб қолдилар. Бу эса кейинчалик Европада мат.нинг жадал ривожланишига пойдевор бўлди.

Улуғбекнинг ўлимидан сўнг фақат Ўрта Осиёда эмас, балки умуман Шарқда аниқ фанлар то 20-а.гача инқироз даврига юз тутди. Бу даврда фақат рисолалар битилди, мадрасалар учун қўлланмалар ёзилди, аммо Хоразмий, Беруний, Коший, Улуғбек каби буюк олимларнинг ишлари давом эттирилмади.

20-а. бошларидан ўзбек маърифатчилари янги таълим тизимини жорий этиш, жумладан мактабларда математикани мунтазам ўқитишни йўлга қўйдилар. 20-а. 20-й.ларидан Ўзбекистонда мат. фани тараққиётининг янги, замонавий босқичи бошланди. Бу биринчи навбатда акад. В. И. Романовский номи б-н боғлиқ. У 1918 й.дан Туркистон халқ ун-тида профессор лавозиминда иш бошлади ва унинг қўлаб-қувватлаши ва раҳбарлигида нисбатан қисқа муддат ичида мат. тарихи ҳамда мат. таълими (Т. Н. Қори-Ниёзий), эҳтимоллар назарияси (Т. А. Саримсоқов, М. К. Камолов), интеграл тенгламалар (Н. Н. Назаров) бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди. 20-а. ўрталарига келиб эҳтимоллар на-

зарияси ва математик статистика соҳасида Тошкент илмий мактаби шаклланди ва халқроқ эътибор қозонди. Марков занжирларининг метеорологияга таъбиқи (Т. А. Саримсоқов) га оид тадқиқотлар юқори баҳоланди.

Атоқли математик С. Ҳ. Сирожиiddиновнинг жонбозлиги б-н Тошкент ш.и шу соҳанинг йирик илмий марказларидан бирига айланди ва бутун Марказий Осиё ҳамда бир қанча хорижий мамлакатларга илмий даражали кадрлар етиштириб бера бошлади. 1986 й.да Халқаро Бернулли жамиятининг биринчи конгресси дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан келган олимлар иштирокида Тошкентда ўтказилди.

Ҳоз. кунда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика илмий мактабида ўнлаб етуқ ва ёш олимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг лимит теоремалар (Т. Азларов, М. Фафуров ва б.), Марков занжирлари ва тасодикий жараёнлар (Ш. Фармонов, А. В. Нагаев, И. С. Бадалбосов ва б.), статистик баҳолаш ва ишончлилик назарияси (М. Ҳошимов, А. Старцев ва б.) соҳалари ҳамда математик статистиканинг таъбиқлари га оид тадқиқотлари янги маълум.

20-а. 50-й.ларида СамДУда И. С. Куклес раҳбарлигида дифференциал тенгламаларининг сифат назарияси бўйича семинар фаолият кўрсата бошлади. Кейинчалик, бу қад. фан ўчоғида мат.нинг бошқа соҳалари ҳам ривожлантирилди (Ш. Ёрмухамедов, С. Лақаев ва б.). Шу даврда Тошкентда И. С. Аржаных, Фарғонада Ж. Каримов математик физика тенгламалари бўйича изланишларни йўлга қўйди.

20-а. 50-й.ларидан мат. тараққиётида кескин сифат ўзгариши рўй бериб, унинг янги соҳалари жадал ривожлана бошлади. Фандаги бу тамойилни чуқур англаган Т. А. Саримсоқов бу йўналишда республикада илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш, илмий кадрлар тайёрлаш борасида жонбозлик қилди. Шу мақсадда у В. Г. Болтянский, М. Я. Антоновский ва б. математиклар б-н биргаликда «Топологик ярим майдонлар» илмий семинарини ташкил этди. Бу семинар кенгайиб, функционал анализ ва топология бўйича Тошкент илмий мактаби вужудга келди. Ж. Ҳожиев, В. Г. Винокуров, Ш. А. Аюпов, Н. Фанихўжаев, В. И. Чилин ва б. математиклар фаолияти туфайли бу илмий мактаб халқроқ эътиборга сазовор бўлди ва бугунги кунда мамлакатимиз мат.сининг энг жадал ривожланаётган йўналишларидан бири бўлиб қолди. Ҳозир Ш. А. Аюпов раҳбарлик қилаётган илмий мактаб оператор-

лар алгебралари соҳасида дунёнинг йирик марказларидан бири ҳисобланади.

Мат.нинг физика, техника каби соҳаларга татбиқида математик физика тенгламалари ва ҳисоблаш мат.си физика роль ўйнайди. Шу муносабат б-н С. Ҳ. Сирожиддинов тавсияси б-н Новосибирск ш.да илмий иш олиб борган М. С. Салоҳиддинов, Т. Ж. Жўраев Тошкент математик физика тенгламалари илмий мактабига асос солдилар. Бугунги кунда бу илмий мактаб вакиллари томонидан аралаш ва аралаш-таркибли хусусий ҳосилалари тенгламалар ҳамда ноклассик чегаравий масалалар соҳасида бир неча халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. Шу даврда муҳим татбиқий аҳамиятга эга бўлган ҳисоблаш мат.си йўналиши ҳам ривожлантирилди (В. Қобулов, Ф. Солиҳов, Ф. Абуталиев, А. Бегматов, М. Исроилов, А. Б. Бондаренко ва б.).

Ўзбекистонда 20-а.нинг 60-й.ларидан комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияси (Л. И. Волковский) ҳамда сонлар назарияси (Н. П. Романов, А. Ф. Лаврик, М. Тўлаганова, С. Шушбоев) соҳаларида илмий тадқиқотлар йўлга қўйилди, кўп ўзгарувчили комплекс анализ соҳасида илмий мактаб яратилди (А. С. Саъдуллаев).

Тошкент мат. илмий мактаби Москва математиклари б-н анъанавий илмий алоқада бўлиб келмоқда. 20-а.нинг 70-й.ларида Н. Ю. Сотимов машҳур математик Л. С. Понтрягин асос солган оптимал бошқарув ва дифференциал ўйинлар назарияси йўналишида илмий семинар ташкил этиб, яна бир илмий мактабга асос солди. Ҳоз. кунда хусусий ҳосилалари тенгламаларда бошқарув назарияси, динамик системалар ва татбиқий мат. бўйича фаол и. т.лар олиб борилмоқда (Н. Ю. Сотимов, Ш. О. Алимов, А. Аъзамов, Б. Б. Рихсиев ва б.). Ўзбекистонда жадал ривожлантирилаётган йўналишлардан яна бири — дифференциал операторларнинг спектрал назариясидир (Ш. О. Алимов, Р. Ашуров ва б.).

Бой илмий тарихий мерос бўлган қад. қўл ёзма ларни ўрганиш соҳасида ҳам муҳим натижаларга эришилди (Г. П. Матвеевская, А. Аҳмедов ва б.). Ўзбекистон мат.сининг 20-а.даги тарихи ўрганила бошлади (Р. Муҳамедхонова ва б.). Республикада, шунингдек, мат. ўқитиш методикаси, математик билимларни оммалаштириш соҳасида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда мат.га оид асосий илмий нашр — «Ўзбекистон математика журналы» 1957 й.дан мунтазам нашр этиб келинади. «ЎзФАНнинг маърузалари», «Олий таълим ахборотномаси», бир

қанча ун-тларнинг илмий ахборотномаларида математика бўлимлари мавжуд. Ўзбекистон математиклари томонидан сўнги 50 й. ичида 100 дан зиёд йирик илмий монография ва рисоалар чоп этилган. Уларнинг бир қисми хорижий илмий марказлар нашриётларида нашр этилган ёки инглиз тилига таржима қилинган.

Ўзбекистонда мат. фанини ривожлантириш йўлида ўқувчиларни бу фанга қизиқтириш мақсадида 1962 й.дан С. Ҳ. Сирожиддинов ташаббуси ва раҳбарлигида ёш математикларнинг республика олимпиадалари, ёзги физика-математика мактаблари, ТошДУ қошидаги сиртки мат. мактаби очилди ва б. тadbирлар йўлга қўйилди. Ўзбекистон ФА нинг Математика, Кибернетика ин-тларида ҳамда ЎЗМУ, СамДУ, Урганч ун-ти, Фаргона ун-ти ва б. илмий муассасаларда ишлаб турган илмий семинарлар, мунтазам ташкил этилиб турадиган халқаро ва минтақавий илмий анжуманларда етук математиклар қаторида аспирант ва докторантлар, иқтидорли талабалар ҳам маъруза ва ахборотларда иштирок этиб, фандаги ворисликни таъминламоқда.

Ўзбекистонлик математиклар кўплаб хорижий илмий марказларда ўз натижалари бўйича чиқишлар қилиб келади, 1958 й.дан эса ҳар 4 йилда ўтказиладиган нуфузли анжуман — халқаро мат. конгрессида фаол қатнашиб келмоқда. Бу борада айниқса мустақиллик йиллари кенг уфқлар очилди. Ундан зиёд ёш олимлар нуфузли илмий марказлар грантларига сазовор бўлди. 2006 й.дан асосан Ўзбекистондан етишиб чиққан математиклар ташаббуси б-н «Central Asian Journal of Mathematics» халқаро илмий журналы таъсис этилди.

Шавкат Аюпов, Абдулла Аъзамов.

Физика

Иссиқлик физикаси. Ўзбекистонда иссиқлик физикаси соҳасидаги илмий тадқиқотлар, асосан, Ўзбекистон ФА Иссиқлик физикаси бўлимида, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Андижон ун-тларида олиб борилади. Ўзбекистон ФА Иссиқлик физикаси бўлимида акад. П. Қ. Ҳабибуллаев илмий мактаби бир жинсли бўлмаган муҳитлар иссиқлик физикаси, лазер нурларининг жисм б-н ўзаро таъсирлашуви ва юқори т-рали ўта ўтказувчанлик йўналишлари бўйича ишлар олиб боради ва қўйидаги муаммолар илмий ишларда ўз аксини топган: фазавий ўтишнинг иссиқлик физикаси, суюқ системалардаги релакса-

цион жараёнларнинг молекуляр акустикаси, полимер моддаларнинг электр ўтказувчанлик хоссалари, органик молекулалардан ташкил топган системалар физикаси, лазер оптикаси, суюқ ва қаттиқ муҳитлар оптикаси, микрожараёнлар иссиқлик физикаси, лазер спектроскопияси, бир жинсли бўлмаган муҳитларда кичик ва катта амплитудали тўлқинларнинг тарқалиши, юқори электр ўтказувчан перспектив ион материалларни излаш ва қ. к.

Эритмаларда гидрофоб таъсирлашув хоссасига эга бўлган молекулаларнинг мавжудлиги (спиртлар ва сирт-актив моддаларнинг сувли эритмалари) спонтан равишда макроскопик бир жинсли, термодинамик турғунликда (микрoэмульсия) бўлган оптик шаффоф ҳолатнинг пайдо бўлишига олиб келиши, шунингдек, бундай ҳолатларнинг мавжудлик чегаралари ва товуш тезлигининг эритмадаги сирт-актив модда миқдорига боғлиқ бўлган нозик структурасининг мавжудлиги аниқланди.

Кулон майдонининг критик нуқта атрофидаги концентрация флуктуациялари яшаш вақтига барқарорлаштирувчи таъсири илк бор амалда кўрсатилди.

Системадаги структура бирликлари ва макроскопик тартибланиш параметрларининг ўзаро таъсири система критик ҳолатини ўзгартиришига ва иссиқлик сифимининг ночизиқлиги тебранишларига олиб келиши тажрибада исботланди ва назарий жиҳатдан аниқланди. Бу ҳолиса қисмларга ажралувчи бинар аралашмаларда молекуляр комплекслар ҳосил бўлиши ва бузилиши жараёни б-н боғлиқлигининг назарий асослари тақлиф этилди (А. А. Саидов, М. Г. Халиулин, С. З. Мирзаев, Ш. И. Маматқулов). 2003 й.да П. Қ. Ҳабибуллаев, А. А. Саидовнинг «Юмшоқ муҳитларда фазавий ўтишлар, Мицеллар аралашмалар, микроэмульсиялар, критик ҳодисалар» китоби Германияда чоп этилди.

Фундаментал натижалар асосида сирт-актив моддалар ва сув-ёғ эмульсиялари сувли аралашмаларининг юқори барқарор таркибларини олиш услублари ишлаб чиқилди, бу услубларни энергетикада, нефть қазиб олишда ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кенг миқёсда ишлатиш мумкинлиги кўрсатилди.

Янги электр ўтказувчи полимер материаллар ва юқори ғовакли яримўтказгичларнинг электр ва иссиқлик-физик хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Шу изланишлар асосида ноёб электр ва иссиқлик-физик хоссали янги материаллар яратилиши мумкинлиги кўрсатил-

ди. Полимер электродли кимёвий ток манбаи яратилди. Юпқа ярим ўтказгич ва наноматериалларнинг иссиқлик-физик параметрларини ўрганиш услуби ишлаб чиқилди (Х. Т. Эгамбердиев).

Лазер нурларини нишонга бир йўналишда интенсив равишда йўналтирилганда сиртда ҳосил бўладиган градиент нуқсонлар ўрганилди. Диффузион масса кўчишининг бошқарилиши термо э. ю. к. механизми орқали эканлиги башорат қилинди ва у тажрибада тасдиқланди. Бу механизм туфайли металл сиртида яримўтказгичли структураларнинг ҳосил бўлишидаги ўзгаришлар аниқланди (Ж. Т. Алимов).

Лазер нурунинг модда б-н ўзаро таъсирлашуви натижасида икки атомли молекулаларнинг ночизикли ионланиши ва диссоциацияси, кучли лазер нури таъсирида кўп электронли атомлардан кўп зарядли ионларнинг ҳосил бўлиши ўрганилди. Икки рангли лазер майдонида остонадан юқори турган атомлар ва молекулаларнинг ионланиши ўрганилди (Т. У. Арслонбеков).

Атомларнинг лазер нури таъсирида кўп фотонли ионланишида илк бор «янги турдаги» резонанс тажрибада кузатилди, норезонанс уйғотилган атомларда резонансли ионланиш ҳодисасининг аниқ физик механизмлари аниқланди. Илк бор атомар ва молекуляр (шу жумладан биомолекуляр) муҳитларда лазер нури қутблари (поляризацияси) ни ночизикли оптик бурилиш ҳодисаси амалда кузатилди, ҳодисанинг назарий асослари таклиф этилди. Янги турдаги ультрақисқа (пико- ва фемтосекунд) узунликдаги импульсли лазерларни яратиш бўйича дунёда биринчилар қаторида лазер резонаторида импульсларни синхронлаш учун кристалларда икки фотонли ютилиш ва тўйиниш ҳодисаларига асосланган ўта тез ишловчи қатор ночизикли оптик ютгичлар ишлатиш мумкинлиги таклиф этилди ва тажрибада GaAs – кристали мисолида амалга оширилди (С. А. Баҳромов, А. М. Қаҳоров, О. Р. Парпиев). Бу жараёнлар лазер нурлари ва муҳитларнинг ўзаро селектив таъсирлашишида, атомлар изотопларини ажратиш ва ўта тоза моддаларни олишда, лазерли ионланиш ва нурунинг қутбланиш спектроскопияларида, кўп поғонали тез кечар биокимёвий реакцияларни ўрганишда, лазер нури частотасини ночизикли параметрик ўзгартириш ҳолатларида, ультрабинафша ва инфрақизил нурларини кўриниш ҳолатига келтиришга оид тажрибаларда катта аҳамиятга эга.

Шаффоф ва тоза, суюқ ва қаттиқ жисмларда лазер нурунинг таъсирида янги, шу давргача кузатилмаган кенг полосали ва қисқа давом этадиган люминесценция ҳосил бўлиши аниқланди. Бу люминесценция шаффоф муҳитларда аралашма атомлари ва жисм атомларидан иборат квазимолекуляр комплексларда (кластерларда) юз бериши ва унинг экситон табиатига эга эканлиги исботланди (М. А. Қосимжонов, С. С. Қурбонов, М. Ф. Очилов, О. В. Трунилина). У универсал оптик жараён бўлиб, юқори т-ра, g-радиация ва интенсив лазер нурлари таъсирида шаффоф муҳитлар: кристаллар, оптик шишалар ва суюқликлар структурасида юз берадиган ўзгаришларни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Илк бор фракталлик ва камайтирилган ўлчамли системаларни ҳисобга олувчи фуллеронлар, нанотрубкалар, композицияли фотон кристаллари, электр ўтказувчи полимерлар ва магнит ярим ўтказгичлари тадқиқ қилинди ва юқори т-рали ўта ўтказувчанлик, иссиқлик ўтказувчанлик, тақиқланган фотон зонаси катталигининг оптик хоссаларга таъсири хусусиятлари ҳамда спинтроник материаллар учун Кюри т-расининг юқорига кўтарилиш механизмлари тушунтирилди (А. Э. Алиев, А. А. Зоҳидов, Ш. У. Йўлдошев).

Ўта тоза металл (алюминий) дан анодли оксидлаш йўли б-н говакли алюминий оксид матрицалари синтез қилинди. Олинган алюминий оксид матрицаларнинг говаклари ўлчамлари ~ 60 нм. Говакларнинг тартибли структураси 2 марта анодлаш б-н олинди. Кетма-кет ионик адсорбция усули б-н (SILAR) алюминий оксид (Al_2O_3) нано говакларда кадмий сульфид (CdS) наносимларнинг яримўтказгич композицион наноструктуралари синтез қилинди (Ш. У. Йўлдошев, Л. А. Носова).

Фотосинтез жараёнларининг физик негизи ва энергетикаси лазер спектроскопияси усуллари ёрдамида ўрганилди. Фотосинтез аппаратининг структуравий хусусиятлари ва функционал фаоллигини хлорофил флуоресценцияси орқали аниқлаш мумкинлиги кўрсатиб берилди (Э. А. Зоҳидов).

Юқори энергияли оғир ионлар тўқнашув жараёнларини тадқиқ қилишининг нопертурбатив услублари ишлаб чиқилди. Релятивистик системаларда динамик хаос жараёнлари биринчи марта ўрганилди. Чекли т-рада ва кучли таъсир майдонларда квант хаоси ҳодисаси ўрганилди.

Ядро, адрон кварк-глюон плазма муҳитларидаги мезонларнинг спектрал


хоссалари ва улардаги квант хаоси жараёнлари тадқиқ қилинди (Д. У. Матрасулов).

Абдулла Саидов.

Ядро физикаси. Ўзбекистонда ядро физикаси соҳасида и. т. ишлари 20-а.нинг 20-й.лардан бошланган. Лекин мунтазам тадқиқотлар 1949 й.дан Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-тида бошланди. Гамма-нурларни ипакчиликда қўллаш усуллари ишлаб чиқилди. Сув, тупроқ, мевали дарахтлар, ёввойи ва маданий ўсимликларнинг табиий радиоактивлиги ўрганилди. Ўзбекистонда уран ва олтин қазиб олиш sanoati шаклланди. 1956 й. Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти ташкил қилинган, ядро физикасига доир ишлар кенг қўламда олиб борилди бошлади.

Республикада ядро физикаси соҳасидаги ишлар, асосан, Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти, Физика-техника ин-ти, ЎзМУ, СамДУ ларда олиб борилди. Жумладан, Ядро физикаси ин-ти йirik ядро-физикавий қурилмалар – ВВР-СМ, атом реактори, циклотронлар, электрон тезлаткичлар, нейтрон генератори, юқори қувватли гамма нурлантириш қурилмаси ва б. қурилмалар б-н жиҳозланган.

Ядро физикаси соҳасида, ядро спектроскопияси ва ядро тузилиши, ядро реакциялари, майдоннинг квант назарияси, элементар зарралар физикаси, юқори энергиялар физикаси, релятивистик ядро физикаси, радиацион физика ва материалшунослик, активацион таҳлил, радиокимё, илмий асбобсозлик, ахборотлар технологияси ва б. илмий йўналишлар бўйича и. т. ишлари олиб борилмоқда. Релятивистик ядро физикаси соҳасида адронлар ва ядроларнинг ядролар б-н юқори энергиялардаги нозластик тўқнашишларида юз берадиган зарраларнинг кўплаб ҳосил бўлиши ва ядроларнинг фрагментацияланиши жараёнлари ўрганилмоқда. Ядро спектроскопияси соҳасида атом ядроларининг уйғонган ҳолатлари, турли бета-ўтишлар ва уларга ҳамроҳ бўлган иккиламчи жараёнлар тадқиқ этилмоқда. Паст энергиялар назарий ва экспериментал ядро физикаси муаммолари бўйича бир ёки бир неча нуклонларни узатиш б-н ўтадиган ядро реакцияларини ҳисоблашнинг дисперсион усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бир неча жисм масаласи ва диаграммалли ёндашиш усуллари ион-атом тўқнашишлари ва б. атом жараёнларидаги қайта зарядланиш реакцияси кесимини ҳисоблашда қўлланилмоқда. Турли тизимлар, жумладан, водород-материал тизимини тадқиқ этишининг



Ядро физикаси институтининг атом реактори.

янги усуллари яратилмоқда. Майдон аксиоматик квант назарияси, кўп заррали квант статистикаси, элементар зарралар назариясига доир тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Экспериментларда олинган фильмли ахборотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган маркази ташкил қилинди. Пимезонларнинг протонлар б-н когерент дифракциявий тўлқинланиши топилди, юқори энергияда ядролар дифракцион диссоциацияланишининг умумий тавсифи кўрсатилди.

Радиацион физика ва материалшунослик соҳасида ядро нурланишларининг қаттиқ жисмлар, жумладан, яримўтказгичли, диэлектрик, сопол, лазер, юқори т-рали ўта ўтказувчан материалларнинг, турли минераллар, тиббий маҳсулотлар ва фармацевтик препаратлар, шунингдек, ядро техникаси конструкцияси материалларининг электр ўтказувчанлиги, механик, оптик ва б. хоссаларига таъсири ўрганилмоқда ва шу материалларга қўшимча хусусиятлар бериш учун радиацион технологиялари яратилмоқда.

Биол., тиббиёт, қ. х., кон-металлургия ва саноатнинг турли соҳалари масалаларини ечишга, атроф-муҳитни тадқиқ этишга, яримўтказгичлар, металллар, тоза ва ўта тоза моддаларда арашма ва киришма элементларнинг миқдори ва тақсимотини ўрганиш ҳамда асл ва нодир металлларни аниқлаш бўйича активацион таҳлил усуллари ривожлантирилган. Активацион таҳлил бўйича тадқиқот ишларини янада кенгайтириш мақсадида Ядро физикаси ин-ти қошида замонавий спектрометриқ қурилмалар б-н жиҳозланган мунтазам фаолият кўрсатаётган Республика радиоаналитик маркази ва жойларда тезкор

хизмат кўрсатишга мўлжалланган мобил аналитик лаб. тузилди.

Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти радиоактив изотоплар, шу жумладан, фармацевтик радиопрепаратлар и. ч. бўйича етакчи ташкилотлардан бири ҳисобланади. Бу ерда 60 дан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Бажарилган фундаментал тадқиқотлар натижалари радиоизотоп асбобларни тайёрлаш и. ч. да қўлланилади. Кимёвий элементларнинг макро- ва микро-объектлардаги фазовий тақсимотини тезкор таҳлил қилишга мўлжалланган ускуналар яратилди.

Илмий изланишлар чет эллардаги 200 дан ортиқ илмий ташкилотлар б-н биргаликда ўтказилади.

Ядро физикаси бўйича олиб борилган илмий ишлари учун С. А. Азимов, М. Абдужамиллов, Э. А. Абдуллаев, А. Абдураззоқов, Ф. С. Оқилов, Н. В. Архангельский, Б. Отақулов, Т. Б. Ашрапов, Р. Б. Бекжонов, Е. В. Бетер, А. Фаниев, Д. А. Гладешев, К. Я. Громов, П. Н. Егоренков, А. А. Йўлдошев, Б. С. Йўлдошев, А. А. Кист, Т. М. Мўминов, В. А. Мўминов, А. И. Мўминов, М. М. Мусахонов, М. М. Усмонова, Г. М. Чернов, В. М. Чудаков, У. Ф. Фуломов, Қ. Ф. Фуломов, П. Қ. Ҳабибуллаев Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотида сазовор бўлишган.

Ядро физикаси йўналиши бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий изланишлар мамлакатимизнинг тоғкон, металлургия, нефтни қайта ишлаш, фармацевтика, асбобсозлик, заргарлик ва б. саноатларида ҳамда тиббиёт, қ. х., экология соҳаларида татбиқ қилинмоқда.

Шермаҳмат Маҳкамов.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш технологияси (гелиотехника). Ўзбекистонда Қуёш энергиясидан фойдаланишга доир ишлар асосан 20-а. 20-й.ларида бошланган. Дастлабки ишлар термодинамик усулда қуёш нури энергиясини бошқа турдаги энергияга ва иссиқлик энергиясига айлантиришнинг физик асосларини ишлаб чиқиш ва улар асосида юқори самарали гелиотехник қурилмалар яратишга қаратилган. Айниқса қуёш нури энергиясидан техника мақсадларида ва турмушда фойдаланишга доир амалий ва назарий ишларга аҳамият берилган. Хусусан, 1929 й. тамаки экстрактини қуёш нури ёрдамида буғлантириш жараёни амалга оширилди (А. И. Пастак). 1930 й. қуёш нурида иситиладиган тажрибавий иссиқхоналар қурилди (Л. Н. Салтиков), 1934 й. Тошкентда гелиотехника лабораторияси, 1943 й. эса Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти таркибиде гелиотехника лабораторияси ташкил этилди. Унда қуёш сув қурилмалари, мева қуритгичлар, қуёш пилла ивиггичлари ва қуритгичлари, олтингугуртнинг қуёш сукултириш қурилмаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ қилинди (К. Г. Трофимов ва б.). Тошкентда 1946 й. кўзгусининг диаметри 10 м ли параболаид қурилма қурилди. Бу қурилма хоналарни иситиш ва ҳавосини мўътадиллаштириш, буғ ҳамда муз олиш ва б. ишлар б-н боғлиқ тадқиқотлар ўтказишга имкон берди (Ф. Ё. Умаров).

1963 й. Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-тида гелиофизика бўлими ташкил қилинди. Бу бўлимда қуёш нури энергиясини термодинамик усул билан энер-

Икки контурли Қуёш сув иситгичи (ДКТУ-140).



Катта Куёш сандони

Ўзбекистон ФА «Физика-Куёш» илмий и. ч. бирлашмасидаги ноёб қурилма бўлиб, иссиқлик қуввати 1000 кВт дир. Тошкент вилоятининг Паркент туманида 1987 й.да қуриб битказилди ва ишга туширилди. Бундай қурилма шу вақтга қадар фақат Одейо ш.да (Франция) бор эди. Мажмуанинг Куёш сандони синтезланувчи материалларга қайта ишлов берувчи махсус технологик тизим б-н жиҳозланган ва горизонтал ўққа ўрнатилган катта икки кўзгули оптик-энергетик қурилмадан иборат. Катта Куёш сандонини яратиш жараёнидаги масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистон ҳамда Россия, Белоруссия ва Украинанинг йирик илмий марказлари иштирок этди. Айниқса ўзбек олимларидан С. А. Азимов, Т. Т. Рисқиев, Қ. Ф. Фуломов, И. И. Пирматов, А. А. Абдурахмонов раҳбарлигидаги илмий жамоаларнинг изланишлари муҳим роль ўйнади. Қурилмадан тунда астрофизикага оид тадқиқотларни ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин. Қурилма юзасининг аниқлиги узоқ-узоқларда жойлашган гамма нурланишлар манбаи бўлган юлдузлар устида фундаментал аҳамиятга эга бўлган изланишлар олиб боришни таъминлайди. 2001 й.дан катта спорт мусобақаларининг очилиш маросимида ёқиладиган спорт машъалаларини Катта Куёш сандони ёрдамида ёқиш йўлга қўйилди.

гианинг бошқа турларига айлантириш юзасидан олиб борилган ишларнинг натижасида мустақил куёш энергияси қурилмаларида фойдаланиладиган, Стирлинг циклига асосланган 0,5 – 2,0 кВт қувватли иссиқлик двигателларини, механик энергия б-н бирга совуқлик ҳосил қилувчи қурилма мужассамланган Стирлинг машина ва гидравлик поршенли сув кўтаргичларини барпо қилиш имконияти туғилди (В. С. Трухов).

Куёш нури б-н беморларни даволайдиган тиббий қурилмалар, қ. х. экинлари уруғларига экишдан олдин захарли кимёвий моддаларни қўлламаган ҳолда тўпланган импульсли нур б-н ишлов берувчи ва натижада ҳосилдорликни оширувчи қурилмалар яратилди ва амалда фойдаланиш учун топширилди.

Куёш энергияси ва биогазни ишлатувчи энергетик чорвачилик мажмуасининг алоҳида лойиҳаси таклиф қилинди (В. С. Трухов).

Ўзбекистонда гелиотехникага доир ишлар ҳозир асосан Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика ин-тида, Ўзбекистон ФА «Физика-Куёш» ИИЧБ нинг Физика-техника ва Материалшунослик ин-тларида, республиканинг бир қанча олий ўқув юрларида бажарилди. Куёш энергиясидан фойдаланиб биноларни иссиқ сув б-н таъминлаш, куёш ошхонаси яратиш, уйларни иситиш, электр энергияси етиб бормаган чекка жойларни куёш электр энергияси б-н таъминлаш, шўр сувларни чучуклантириш, мева қуритгичлар яратиш ва б. амалий ишлар қилинди. Тошкент вилоятининг Паркент туманида қурилган Катта куёш сандони ёрдамида юқори т-ра шароитида назарий и. т. ишлари амалга оширилди. Куёш сандони ёрдамида тоза металллар эритиб олинади. Куёш нуридан фойдаланиб ишловчи кўчма электр

станциялар яратилмоқда ва чекка жойларда улардан фойдаланилмоқда.

Раббанқул Авезов.

Қийин эрувчи материаллар физикаси. Ўзбекистонда юқори т-рали материалшуносликка оид тадқиқотлар 20-а. 70-й.ларидан бошлаб ўтказила бошланди (С. А. Азимов ва б.). Куёш энергиясини тўловчи катта қурилмалар – Катта Куёш сандони ёрдамида янги материалларни яратиш, материаллар хоссаларини яхшилаш учун уларни нур ёрдамида қайта ишлаш, материалларнинг иссиқлик хоссаларини ўрганиш, монокристаллар ўстириш, ўта соф материаллар олиш, пайвандлаш, янги яратилган техника қисмларини комплекс синовдан ўтказиш каби муҳим ишлар амалга оширилди (С. А. Азимов ва б.).

1993 й.да «Физика-Куёш» илмий-и. ч. бирлашмаси таркибида Материалшунослик и. т. институти ташкил этилди. Ин-тнинг йирик олимлари (Т. Т. Рисқиев, Д. Ж. Фуломов, А. А. Абдурахмонов, С. Х. Сулаймонов ва б.) қийин эрувчи мате-

риаллар физикаси соҳасида кенг қўламда илмий изланишлар олиб бормоқда.

Ин-т бир нечта халқаро илмий марказлар б-н мунтазам алоқа ўрнатган. 1999 й.да ин-т мутахассислари Ҳиндистон Республикасининг Ҳайдаробод ш.даги Янги материаллар ва кукун металлургияси халқаро марказига, 2001 й.да МАРнинг Марказий металлургия ин-тига қуввати 1500 Вт бўлган Куёш сандони ўрнатдилар; АҚШ нинг Колорадо штатидаги қайта тикланувчи энергия миллий лабораторияси б-н биргаликда куёш энергиясини тўловчи тизимлар соҳасида илмий-техник ишлар қилинмоқда. Франциянинг Лион ш.даги технология институти б-н илмий кадрлар тайёрлаш ва илмий-техник ҳамкорлик қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари Германиянинг аэрокосмик тадқиқотлар ин-ти (Кёльн), Испаниянинг бир нечта илмий марказлари б-н ҳам илмий алоқалар мавжуд. Бундай алоқалар натижасида «Физика-Куёш» илмий и. ч. бирлашмасининг Материалшунослик ин-тида жаҳон андозаларига мос илмий марказ ташкил қилинди. Илмий марказнинг асосий вазифаси келажакда иқтидорли талабаларни жамлаб, куёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларга билим бериш.

Ин-тда фундаментал тадқиқотларнинг давлат дастури, давлат устивор илмий-техника дастури, фан ва техника давлат қўмитасининг илмий-техника дастури ва илмий-техника лойиҳаси танлови ҳамда ўнлаб хўжалик шартномалари бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ин-тда бажарилаётган ишларнинг кўпчилиги республика халқ хўжалигида амалда қўллашга мўлжалланган. Чунон-

«Физика-Куёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидаги Катта Куёш сандони.



чи, Ўзбекистон енгил саноатига тегишли корхоналар учун керамик ип юритгичларнинг 20 дан ортиқ тури тайёрланди, юқори т-рага чидамли иситгич горелкалари ва электр изоляторлар тайёрлаш технологиялари яратилди, нефть ва ёқилги маҳсулотларини керамик шарлар асосида буғланнишдан сақланиш услублари ишлаб чиқилди.

Абдужаббор Абдурахмонов.

Юқори энергиялар физикаси. Ўзбекистонда бу соҳадаги изланишлар акад. С. А. Азимов раҳбарлигида Физика-техника ин-тида 20-а. 40-й.ларида бошланган. Тадқиқотлар маркази «Физика-Куёш» илмий-и. ч. бирлашмасидир. Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти, ЎЗМУ, СамДУ да ва республикадаги баъзи ўқув юртларида ҳам шундай тадқиқотлар олиб борилмоқда.

И. т.лар асосан икки йуналишда олиб борилади: космик нурлар физикаси; жуда юқори энергиягача тезлаштирилган заррача ва ядроларнинг нуклонлар ҳамда ядролар б-н таъсирлашувини ўрганиш. И. т. ишлари натижасида 1948 й.да космик нурлар таркибида нотургун юмшоқ электрон-фотон компонентлари кашф этилди, нуклонлар келтириб чиқарган электрон-ядро жалалари топилди. 1970 й.да Черенков ҳисоблагичлари асосида заррачаларнинг ядро б-н ўзаро таъсирини текширувчи улкан қурилма яратилиб, ҳосил бўлган заррачаларнинг кенг қўламдаги тавсифлари ўрганилди (Т. С. Йўлдошбоев). Янги электрон эмulsion услуб (Т. С. Йўлдошбоев, Э. А. Муллажонов) ёрдамида ўта юқори энергияларда заррачалар ҳосил бўлишида шаршара механизмининг ортиб бориши кузатилди. Бирламчи гамма нурланишларида 20 – 500 ТэВ энергияли гамма-квантларнинг ҳисаси аниқланди.

Ўрта Осиёда ягона пуфак камералардан фильмли ахборотларни қайта ишлаш автоматлаштирилган марказ ташкил қилинди ва тезлаштирилган заррача ва ядроларнинг таъсирлашувлари ўргана бошланди (А. О. Йўлдошев). Кумулятив изобаралар ҳосил бўлиши ўрганилди ва массалари 1903, 1922, 1940, 1954 ва 2017 МэВ бўлган тор икки барионли резонанслар мавжудлиги ҳақида маълумотлар олинди (А. О. Йўлдошев, Б. С. Йўлдошев, С. Л. Лутпуллаев). Иккиламчи протонларнинг корреляцияларининг ҳосил бўлиш соҳалари ўлчамларини аниқлаш имконини берди.

Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти олимлари ишлаб чиққан оригинал услублар ёрдамида протонларнинг когерент дифракцион диссоциацияси

кашф қилинди, р-мезонларнинг когерент таъсирлашувлари ҳақида янги маълумотлар олинди. Бу соҳада қилинган ишлар учун С. А. Азимов, Е. В. Бетер, У. Ф. Ғуломов, В. М. Чудаклов ва Ш. Абдуллаевлар Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотида сазовор бўлишди (1970).

Қўпламчилик жараёнларини таҳлил қилишда бир нечта умумий усуллар асосида 20 – 800 ГэВ энергиялар оралиғида адрон-нуклонлар, когерент ва некогерент адрон-ядролар таъсирлашувларида заррачаларнинг қўпламчи пайдо бўлиш жараёнлари изчил ва бир услубчилик нуқтаи назаридан чуқур ўрганилиб, замонавий назарий моделлар б-н таққосланди (Қ. Ғуломов, Н. Ш. Саидхонов). 4 – 200 АГэВ энергия оралиғида кислород, олтингурут ва кремний ядроларининг фотозмульсия ядролари б-н тўқнашувлари систематик равишда текширилди. Таҳлилнинг янги услублари қўлланилиши заррачаларнинг қўпламчи ҳосил бўлишида янги қонуниятларни очиш имконини берди. Жумладан, ультрарелятивистик ядро-ядро тўқнашувларида заррачалар ҳосил бўлишини коллектив механизмининг амалга оширувчи ядро материясининг сиқилиш ҳодисаси аниқланди (Қ. Ғуломов, В. Ш. Навотний). 1983 й.да Физика-техника ин-ти олимлари (Қ. Ғуломов, Г. М. Чернов, А. О. Йўлдошев ва Б. С. Йўлдошев) нинг ядролар б-н таъсирлашувларга бағишланган ишлар цикли учун иккинчи марта Беруний мукофоти берилди.

Кейинги йилларда юқори энергиялар ва космик нурлар соҳаси бўйича муҳим и. т. ишлари бажарилди. Хусусан, атмосфералдаги электрон-ядро жалалари кашф қилинди, уларнинг хусусиятлари ўрганилди. Жуда юқори энергиялар ($E_0 > 10^{16}$ эВ) да таъсирлашув механизмининг ўзгариши аниқланди.

Республикада юқори энергиялар физикасига доир и. т. ишлари кучли таъсирлашувлар назариясини яратишга муайян ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Носир Саидхонов.

Иккиламчи-ион масс-спектрометри.

Физик электроника. Ўзбекистонда физик электроника соҳасидаги дастлабки тадқиқотлар 20-а. 30-й.лардан бошланди. Улар, асосан, Ўрта Осиё ун-тида олиб борилди. Термоэлектрон эмиссия ва ишқор-галлоид тузлар атом ва молекулаларининг сиртий ионланиш ҳодисалари тадқиқ қилинди (Г. Н. Шуппе, Л. Н. Добрецов, С. В. Стародубцев, У. О. Орифов, М. Д. Ягудаев). Кейинчалик физик электроникага доир и. т. ишлари физик электрониканинг ривожланиши, физик-электрончилар илмий мактабининг вужудга келиши, кўп жиҳатдан акад. У. О. Орифов номи б-н боғлиқ бўлди.

Тезлатилган атом зарраларининг қаттиқ жисм сирти б-н ўзаро таъсири 20-а. 50-й.ларидан ўрганила бошланди. Иккиламчи модуляциялаш усули ишлаб чиқилди (У. О. Орифов, А. Х. Аюханов, С. В. Стародубцев). Бирламчи ионларнинг нейтраланиш ва сочилиш жараёнлари, адсорбцияланган атомларнинг диффузияланиши ва буғланиши (Х. Ҳожимуҳамедов, А. А. Алиев, Д. Д. Груич), катод тўзгиши жараёнлари (А. Х. Аюханов, В. А. Шустров) ва иккиламчи электрон эмиссия (Р. Раҳимов) алоҳида-алоҳида текширилди. Авто- ва термоэлектрон эмиссия усуллари ёрдамида кислород, торий ва барийнинг вольфрамнинг монокристалли толаларидаги адсорбциялари ўрганилди (Г. Н. Шуппе, Н. А. Горбатий, В. И. Векслер) ва йirik монокристаллар қирраларининг термоэмиссион хоссалари аниқланди (Г. Н. Шуппе, У. В. Азизов).

Металлар ва ишқор-галлоид тузларини ионлар б-н бомбардимон қилганда вужудга келадиган ҳодисаларнинг тўла манзараси ва қонуниятлари ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан 60-й.ларда тадқиқ этила бошланди. Электрон эмиссиянинг аддитив қўшиладиган икки тури – по-



тенциал ва кинетик эмиссиялар (ПЭЭ ва КЭЭ) мавжудлиги аниқланди. Ионли боғланишга эга бўлган диэлектриклар учун ПЭЭ ва КЭЭ чегараларидан паст энергияли соҳаларда электрон эмиссиянинг янги шакли – стимулланган (рағбатлантирилган) потенциал электрон эмиссия (СПЭЭ) кашф этилди (У. О. Орифов, Р. Раҳимов, С. Фоилов). Электронларнинг кинетик эмиссияси назариясининг яратилиши электрон эмиссиянинг пайдо бўлиш сабаблари ва шартларини янада тўлароқ тушунишга ёрдам берди (Э. С. Парилис, Л. М. Кишиневский).

Ионларнинг монокристаллар ёқларидан сочилиши назарияси урганлиди. Монокристалл сиртидаги атом занжирлари ва улар ҳосил қилган ярим каналлардан ионлар сочилишининг текширилиши «Занжир эффекти»нинг очилишига олиб келди (Э. С. Парилис, Н. Й. Тўраев).

Тушувчи ионларнинг ўртача ва паст энергиялари соҳасида моно- ва → поликристаллар сиртидан сочилган ва, шунингдек иккиламчи ион эмиссия натижасида олинган ишқорий ионларнинг энергетик ва бурчак тақсимотлари фақатгина ўзаро таъсир қонуниятлари тўғрисида эмас, балки қаттиқ жисмнинг таркиби ва тузилиши тўғрисида ҳам маълумот бериши тажрибада аниқланди (У. О. Орифов, А. А. Алиев, Д. Д. Грунич, В. И. Векслер).

Лазер нурлари б-н металлларга таъсир этиш натижасида вужудга келадиган эмиссион ҳодисаларни тадқиқ этиш асосида ҳосил бўладиган номувозанат ҳолатдаги («қайноқ») электронлар кузатиладиган кўпгина иккиламчи эмиссион ҳодисаларнинг кечишига ҳал қилувчи ҳисса қўиши аниқланди (В. Б. Луговский, А. В. Зиновьев).

Ўзбекистон ФА Электроника ин-ти ташкил этилгач (1967 й.), мазкур ин-т Ўзбекистонда физик электроника бўйича тадқиқотлар марказига айланди.

Кам ионланган плазмадаги элементар жараёнлар тадқиқ қилинди (20-а. 70-й дан). Юқори босимларда ион-молекуляр ўзаро таъсири доимийларини масс-спектрометриқ усул б-н аниқроқ ўлчаш имкониятлари кўрсатилди ва газ ионлари кластерларининг тузилиши ва ҳосил бўлиш кинетикаси ҳақида янги маълумотлар олинди (У. О. Орифов, С. Л. Пожаров). Вакуумдаги ёй разрядининг қонуниятлари ва ундан қаттиқ материалларнинг кучли буғлаткичларини яратиш учун фойдаланиш имкониятлари тадқиқ қилинди (С. В. Стародубцев, У. О. Орифов, М. Ю. Борухов, Р. Б. Нагайбеков, А. М. Ягудаев, М. Е. Эстерлис).

Атом зарралари таъсирида қаттиқ жисмнинг физик-кимёвий хоссаларини ўзгартириш муаммолари ўрганилди. Кимёвий фаол ва инерт газлар тезлаштирилган зарраларининг, металллар ва яримўтказгичларда ютилиш жараёнларининг асосий қонуниятлари ўрнатилиши натижасида конструкцион металлларни ионли азотлаш, зангламайдиган пўлатнинг механик мустаҳкамлиги ва емирилишга чидамлилигини яхшилаш усуллари ишлаб чиқилди (У. О. Орифов, Т. Д. Ражабов). Яримўтказгич материалларнинг гетерозпитаксиал структураларини олиш технологияси яратилди (А. С. Лютович).

Позитронлар аннигиляцияси усули кенг ривожланди (У. О. Орифов, П. У. Орифов). Атом системалари ва қаттиқ жисмларда позитронларнинг боғланган ҳолатлари пайдо бўлиш механизмлари ва емирилиш каналлари ўрганилди. Позитронлар аннигиляцияси спектрлар параметрлари б-н турли плазма ва конденсация йўли б-н олинган муҳитларнинг, жумладан полимерлар, оммоссион яримўтказгичлар, композит ва дисперс муҳитларнинг физик-кимёвий хоссалари орасидаги корреляция топилди. Бу эса материаллар диагностикасининг позитрон усулини яратиш имконини берди (У. О. Орифов, П. У. Орифов, А. З. Илёсов, А. С. Балтенков).

Иккиламчи электрон эмиссияси ва монокристаллар сиртларида секин электронлар дифракцияси қонуниятлари тадқиқ қилинди (А. Х. Қосимов, М. Нормуродов, Д. С. Руми). Ион-фотон эмиссия спектрларида нурланишнинг узлуксиз компоненти борлиги аниқланди (В. И. Векслер, С. Ф. Белих). Ионлар б-н бомбардимон қилинаётган металллар тўзгишининг масс-спектрометриқ тадқиқотлари асосида тўзгишнинг кўп атомли кластерлар шаклида рўй бериш канали аниқланди (Н. Х. Жемилев, Р. Т. Қурбанов).

Тўлқинларнинг модда б-н ночизиқли ўзаро таъсири (йиғинди частоталарни, гармоникларни, параметриқ тўлқинларни генерациялаш, мажбурий сочилиш) ни тадқиқ қилиш, кучли лазерлар яратиш бўйича ишлар олиб борилди. Натижада дунёда биринчи бўлиб тажрибада лазер нурланишининг 2-, 3-, 4-гармоникаларини генерациялашнинг чегаравий самарадорлигига эришилди (Т. Б. Усмонов ва б.).

Молекуляр зарраларнинг қаттиқ жисм сирти б-н ўзаро таъсири ўрганилди (Ў. Х. Расулов).

Кўп атомли зарраларнинг қаттиқ жисм сирти б-н ўзаро таъсири харак-

теристикалари, шу жумладан гетероген реакциялар тезликлари доимийлари ва активация энергияларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди (Ў. Х. Расулов, Э. Ф. Назаров). Қаттиқ жисм сирти ионлар б-н бомбардимон қилинганда ҳосил бўладиган кластер ионларнинг мономолекуляр емирилиши топилди (Ў. Х. Расулов, Н. Х. Жемилев), бу ион б-н тўзгитишда кластерлар ҳосил бўлиши ҳақидаги тасаввурни кенгайтирди ва кластер зарраларнинг хоссаларини аниқлаш имконини берди (Н. Х. Жемилев). Сочилган зарралар заряд ҳолатларининг шаклланиш жараёнлари (Ш. А. Алимов, Э. С. Парилис, В. Х. Ферлегер), кўп зарядли ионларнинг ўзаро таъсир қонуниятлари (Э. С. Парилис, В. Х. Ферлегер, Ш. С. Ражабов, М. Мираҳмедов) амалий ва назарий тадқиқ қилинди. Тезлатилган молекуляр ионларнинг қаттиқ жисм сирти б-н ўзаро таъсирида ночизиқли ва ноаддитив эффектлар ҳамда электрон ва ионлар б-н рағбатлантирилган десорбциянинг қаттиқ жисмнинг локал электрон зичлигига боғлиқлиги топилди (Ў. Х. Расулов, С. Ф. Белих, В. Х. Ферлегер). Иккиламчи эмиссион жараёнларни компьютерда моделлаш бўйича ишлар олиб борилди (Т. С. Пугачёва, Ф. Ф. Умаров, А. Жўрақолов).

Ионлар сочилиши, электронларнинг дифракцияси ва қайтиши, электрон ва ион оже-спектроскопия усуллари б-н қаттиқ жисм сиртининг таркиби, атом ва электрон тизимларини диагностика қилиш учун физик асослар ишлаб чиқилмоқда ва ноёб асбоблар яратилмоқда (А. А. Алиев, Ш. А. Алимов, Д. С. Руми, М. Т. Нормуродов, Б. Е. Умрзоқов).

Газ аналитик асбобларнинг янги туркуми – таркибида азот бўлган органик ва биорганик моддаларнинг, жумладан турли захарли ва наркотик моддаларнинг изларини (жуда кам миқдорини) қайд қила олиш ва идентификациялаш имконига эга бўлган сиртий ионланиш детекторлари ва газ анализаторлари ишлаб чиқилди (Ў. Х. Расулов, Э. Ф. Назаров).

Конструкцион материалларга ишлов беришининг турли ион-электрон технологиялари: исталган қаттиқлик ва қовушқоқликка эга ток ўтказувчи жисмларда ўта чуқур тешиқларни электроэрозия усули б-н тешиш (Э. Т. Абдукаримов), металлларни тўпондан электр ёйи ёрдамида тозалаш (Ў. Х. Расулов, С. Л. Пожаров), мустаҳкамлашнинг ионнур технологияси (Т. Д. Ражабов, Н. Х. Жемилев, С. Н. Морозов) ишлаб чиқилмоқда ва ривожлантирилимоқда.

Физик электроника соҳасидаги тадқиқотлар, асосан, Ўзбекистон ФА Электроника ин-ти, Ўзбекистон ФА «Академасоб» ИИЧБ, ЎзМУ, ТошТУ, СамДУ, Қарши муҳандислик-иқтисодий ин-тиларида мужассамланган бўлиб, уларда фундаментал тадқиқотлар ривожлантирилмоқда ва уларнинг натижалари янги юқори технологиялар, асбоблар ва қурilmалар яратишда фойдаланилмоқда. Мас., ўрта энергияли молекуляр ионларнинг қаттиқ жисм сирти б-н ўзаро таъсири бўйича олиб борилган дастлабки тадқиқотлар металллар ва яримўтказгичларни кластер ионлар кўринишида чангланишининг юқори ($\sim 10^7$ марта) ноаддитивликда кечишини аниқлашга ва бу ҳолда иссиқлик чўққиси мавжудлигини тажрибада тасдиқлашга олиб келди. Натижада иккиламчи-ион масс-спектрометрияси (ИИМС) да таҳлилнинг янги «кластер – ИИМС – кластер» усули тавсия этилди ва унда бирламчи (бомбардимон қилувчи) ионлар сифатида ҳам, иккиламчи (таҳлил қилинувчи) ионлар сифатида ҳам анъанавий ИИМС да қўлланиладиган атом ионларидан эмас, балки кластер ионларидан фойдаланилади.

Сиртий ионланиш ҳодисасининг очилиши ва уни тадқиқ қилиш натижалари бионамуналарда гиёҳванд ва б. наркотик моддаларни тенгсиз ажратувчанлик ва сезгирлик б-н аниқлайдиган дунёда ўхшаши йўқ «Исковуч» индикаторини яратишга ва уни и. ч.га имкон берди.

Физик электроника соҳасидаги тадқиқотлар Ўзбекистон ФА Электроника ин-тига Швейцариянинг «Георг Фишер» (ўта қаттиқ ва қовушқ ўтказувчан материалларда электроэррозия усулида ишлов бериш технологияси), Япониянинг «Ниппон стил корпорейшн» (металларни тўфон ва ифлосликлардан вакуум-ёй ёрдамида экологик соф тозалаш технологияси) фирмаларига юқори технологияларни лицензион шартномалар асосида сотиш имконини берди.

Ўткир Расулов.

Яримўтказгичлар физикаси. Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-тида юқори кучланишли селен тўрилагичлари яратилгандан сўнг (1956 йдан) бу соҳада ишлар жадаллашди. 60-й лар бошларида электрон газнинг электр майдонда қизиши эффектига асосланган яримўтказгич асбоблар назарияси ишлаб чиқилди (Г. М. Авакьянц). Оптоэлектроника соҳасида тадқиқотлар ўтказилди. Яримўтказгичларда аномал юқори фотокучланиш (АЮФ) эффекти ва фотомагнит эффек-

ти ҳодисаси ҳар томонлама ўрганилди. Фотодиод – диод матрица-оптик тасвирни самарали ўзгартирувчи асбоб яратилди. Яримўтказгичнинг фотоўтказувчанлигига доир, эффе́ктив фотоқабулқилгичларни, оптронларни яратишга оид натижалар олинди (З. И. Адирович).

Яримўтказгичлар технологиясига доир ишлар Ўзбекистонда ўта тоза кремний и. ч. сановати яратилишига олиб келди (С. А. Азимов, С. В. Стародубцев). Қатлам юзаси фақат германидан иборат кремний-германий варизон структуралари олиш технологияси ишлаб чиқилди (М. С. Саидов, А. С. Саидов). Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-тида кўп таркибли қаттиқ эритмаларда аралашмаларнинг эрувчанлиги ва ўзаро таъсирининг молекуляр-статик назарияси ривожлантирилди (М. С. Саидов). Ультратовуш таъсирида яримўтказгичдаги нуқсонларнинг трансформацияланиши ҳодисаси ўрганилди. Детектор диодлар базасида экстремал шароитларда физик жараёнлар ўрганилди. Юқори дискрет сезгирли зарядланган зарралар ва иссиқлик нейтронларининг турли хилдаги детекторлари яратилди (Р. А. Мўминов).

Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида кремнийда радиацион активлаштирувчи жараёнлар ўрганилди (М. С. Юнусов). Жаҳонда биринчи марта осмий қоришмаси киритилган кремний хоссалари аниқланди. ЎзМУ ва ТошТИ да яримўтказгичдаги киришмаларнинг диффузияланиши ва хусусиятларига оид ишлар бажарилди. ЎзМУ да металл-диэлектрик яримўтказгичли структураларнинг хусусиятлари ўрганилди (Б. Абдураҳмонов, С. Зайнобидинов, М. К. Баҳодирхонов).

Кремний материалшунослиги соҳасидаги ишлар учун 1992 й.да М. С. Саидов, Р. А. Мўминов, М. С. Юнусов, А. Т. Мамадалимов, М. К. Баҳодирхонов, С. Зайнобидинов Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўдилар.

Яримўтказгичли асбоблар хоссаларига чуқур киришма сатҳларининг таъсири назарияси ривожлантирилди. Мураккаб тузилмалар қоришмага эга бўлган яримўтказгичларда кескин тузилма ҳосил бўлиши ва автоўлқинлар жараёнлари очиб берилди (П. М. Карагеоргий-Алкалаев).

Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти ва Фаргона педагогика ин-ти олимлари мураккаб яримўтказгичларнинг тензосезгирлигини ўрганиб, сезгир қатламли тензодатчиклар яратишди (С. Х. Шомирзаев, Б. Отақулов).

Ультрақисқа тўлқинли кўк, ҳаворанг ёруғлик чиқарувчи ва қабул қилувчи диодлар ясаш технологияси яратилди (Х. А. Шомуродов, Ш. А. Мирсоатов). Юққа қатламли қуёш элементлари самарадорлигини ошириш физик асослари таклиф этилди (Т. М. Розиков).

Юқори самарали фотоўзгартгичлар, юқори кучланишли фотоэлектрик генераторлар, икки томонли сезгир фотоўзгартгичлар ишлаб чиқилди ва улар асосида фотоэлектрик қурilmаларнинг модуллари яратилди (М. М. Мирзабоев, К. Расулов, М. Н. Турсунов).

Янги авлод физик асбоблар – ўта ички кучайтиргичли фотодиодлар, майдоний опто-, фото- ва иссиқлик транзисторлари ҳамда термоэлектр юритувчи кучни аниқлашдаги физик жараёнлар ўрганилиб (А. В. Каримов), бу борада тегишли патентлар олинди.

Ахборот технологиялари илмий-техник асосда юксак даражада ривожланган 21-а.да Ўзбекистонлик физик олимлар электронмагнит тўлқин шкаласидаги барча нурларни электр энергиясига айлантириб берадиган ўзгартгичлар ва қабул қилгичлар, детекторлар (қайд қилгичлар), ёруғлик диодлари, лазерлар ихтиролари ҳамда уларнинг асосларини ташкил қилувчи яримўтказгичли р-п-ўтиш соҳасидаги физик жараёнларини ўрганиш устида и. т. ишлари олиб бормоқдалар.

Абдулазиз Каримов.

Астрономия

Ўзбекистон ҳудудида астрономияга оид ибтидоий қузатувлар мил. ав. даврдан олиб берилган. Асосан фасллар, йилнинг давомийлиги, йил фаслларининг бошланиш кунларини билиш, вақтни аниқлаш каби масалалар астрономик қузатишлар асосида ҳал қилинар эди. Ана шундай эҳтиёжлар учун махсус иншоотлар ва асбоблар қурилган. Улар араб ва мўғул истилолари оқибатида деярли йўқ бўлиб кетган. Ҳозиргача сақланиб қолганларидан бири қад. Хоразмдаги Қўйқирилган қалъадир (мил. ав. 4–3-а.); унинг иншоотлари ёрдамида вақтни аниқлаш, фаслнинг кириб келиш пайтини қайд этиш, экватор ва эклиптика текисликлари орасидаги бурчакни ўлчаш, йил давомийлигини аниқлаш ва б. ҳаёт тақозо этган амалий масалалар ҳал этилган. Иншоотнинг марказидан айрим гумбазларига йўналишлар тенгкунлик ва Қуёш туриши кунларида Қуёшнинг чиқиш жойларини кўрсатар эди.

9-а.да Птолемейнинг «Алмагест» асари араб тилига таржима қилинди. Асарда Қуёш, Ой ва сайёраларининг кўрин-

ма ҳаракати айланалар бўйлаб текис ҳаракатдан иборат, ҳаракатсиз Ер эса оламнинг марказига жойлашган, яъни геоцентрик система б-н ҳаракатланади деб талқин қилинган эди. Бу таржима Шарқда астрономия фанининг тараққий этишига анча таъсир этди ва астрономия б-н шуғулланиш маркази Шарққа кўчди. Бунда Марказий Осиё олимларининг ҳиссалари катта бўлди. Қоҳира, Дамашқ, Бағдодда расадхоналар қурилди, уларда Ибн Юнус, Баттоний, Абул Вафо. Аҳмад ал-Фарғоний, Хоразмий ва б. ишлашган. Европада Аверс номи б-н машҳур бўлган олим Абул Вафо (940 – 998) астрономия ва мат.га оид бир қанча рисолалар ёзди, янги кузатишлар асосида «Алмагест»ни қайта ишлаб чиқди, Ой ва Күёшнинг кўринма диаметрлари ўзгаришларини текшириб, Ойнинг ҳаракати ҳақида рисола ёзди, юлдузларнинг осмон сферасидаги уринларини кузатишдан юлдузлар зижини тузди. Баттоний (858 – 929) астрономияга оид асарлари орасида унинг зиж ва «Алмагестни мукаммаллаштириш» номи рисоласи машҳур. Ибн Юнус (950 – 1009) расадхонадаги кузатишлар асосида Ой, Күёш ва сайёралар ҳаракатининг астрономик жадвалини тузган. Аҳмад ал-Фарғоний (797 – 865) гарбда «Алфраганус» номи б-н машҳур эди. Унинг «Астрономия асослари ҳақидаги китоб» асаридан бир неча аср давомида Европада астрономия фани бўйича асосий дарслик сифатида фойдаланилган, чунки бу китоб замонасидаги астрономия ҳақидаги энг муҳим ва зарур бўлган билимларни ўз ичига олган.



Улугбек расадхонаси (реконструкцияси).

Хоразмийнинг (783 – 850) «Юлдузлар зиж» китоби фан тараққиётида чуқур из қолдирди. Китоб назарий астрономия ва астрономик жадваллардан иборат бўлиб, 10-а.да лотинчага ва яхудийчага таржима қилинган. Унда турли тақвимлар, хронология, Күёш, Ой, сайёраларнинг ҳаракати, буржлар ва б. ҳақида маълумотлар келтирилган. Хусусан Күёш ва Ой ҳаракати тенгламалари, уларнинг тутилиш муддатларини аниқлаш қоидалари, географик нуқталарни топиш қоидалари берилган. Хоразмийнинг «Астролябиялар б-н амаллар ҳақида китоб» асари қал. ва ўрта аср астрономиясининг асосий кузатув асбоби бўлган астролябия яшаш ва ундан фойдаланиш ҳақида аниқ ва лўнда қоидалар тарзида (алгоритмик услубда) баён қилинган. Хоразмий «Күёш соати текислигида соат яшаш» китобида Күёш йилининг узунлиги (365,242265 кун) ни ўз даври учун жуда аниқ қилиб айтган. Күёш соатининг қандай ясалиши, сояси мил вазифасини ўтовчи пластинка – гномонни ўрнатиш тўғрисида айtilган. Абу Райҳон Беруний (973 – 1048) астрономиянинг ўша замондаги барча масалаларини ўз ичи-

га олган 40 га яқин илмий рисола ёзган. Уларни қисқартириб аталувчи «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида турли халқларнинг йил ҳисоби усуллари қиёсий баён қилинган ва бир даврдан иккинчисига ўтишнинг амалий йўллари кўрсатиб берилган. Фанда «Ҳиндистон», «Геодезия» номлари б-н машҳур бўлган асарларида Беруний астрономиянинг қатор йўналишларига яқиндан ёндошиб, амалда вақтни аниқлаш усулларини, географик координаталардан фойдаланиш, Ернинг ўлчамларини топиш каби масалаларни амалий нуқтаи назардан баён қилган. У биринчилар қаторида гелиоцентрик система ғоясини ўртага ташлаган, орбиталарининг эллипс шаклида эканлигини, Ерни шар эмас, эллипсоид шаклида эканлигини таъкидлаган. Бир қанча янги астрономик асбобларни, жумладан ўз астролябиясини ихтиро қилган. Берунийнинг коинотда Ердан бошқа дунёларнинг мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазалари ҳоз. замон олимларининг ўзга цивилизацияларни қидиришдаги изланишлари б-н ҳамоҳанг. Унинг ҳамма нарса Ер марказига тортилиши ҳақидаги фикрлари бутун олам тортишиш қонунининг кашф қилинишига қўйилган илк қадам бўлди. Ибн Сино (980 – 1037) Птолемейнинг «Алмагест» китобини қайта ишлаб, шунинг асосида амалий астрономия бўйича қўлланма яратди. У Журжон ш.нинг географик узунлигини ўз даври учун бутунлай янги бўлган усул – Ойнинг энг баланд нуқтасини кузатиш орқали аниқлаб берган. Бу усул Европада 500 йилдан кейин (1514 й.) астроном Венер томонидан янгидан кашф қилинди. 12–14-а.ларда туркистонлик олимлар – Маҳмуд Чағминий, Муҳаммад Нажиб Бақро, Абу Сулаймон Баноқатий ва б. олимлар астрономия соҳаларида ижод этганлар.

Астрономиянинг 15-а.даги тараққиёти Мирзо Улугбек (1394 – 1449) номи б-н боғлиқ. У Самарқанд яқинига ўша замондаги энг мукамал асбоблар б-н жиҳозланган расадхона қурдирган бўлиб, ундаги энг катта астрономик асбоби радиуси 40,2 м ли Фаҳрий секстант эди. Унинг ёрдамида Күёш, Ой, сайёралар ва эклиптика атрофидаги энг ёруғ юлдузлар кузатилиб, осмондаги тенгкунлик нуқталарининг вазиятлари, эклиптиканинг оғмалиги, авж нуқталар ва сайёралар ҳаракатига оид маълумотлар аниқланган. Самарқанд астрономлари Улугбек раҳбарлигида ёзган «Зиж Кўрагоний» ёки «Улугбек зиж» деб аталувчи асар, айниқса ундаги 1018 та юлдуз вазияти келтирилган жадвал Гилпарх



Тошкентдаги Улугбек ҳайкали.

жадвалидан кейинги иккинчи оригинал тўла жадвал бўлиб дунёга машҳур бўлган. Улугбекнинг кўзга кўринган сафдошларидан Фиёсиддин Жамшид Коший Европа олимларининг бир неча кашфиётларини улардан анча илгари кўра билган ва Самарқанд олимларининг асарларини таништиришда унинг хизматлари катта бўлган. Улугбекнинг устози Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизода Румий Шарқда «Ўз даврининг Афлотуни», шунингдек унинг шогирди Алоуддин Али Қушчи «Ўз даврининг Птолемейи» номи б-н машҳур бўлишган. Самарқанд олимларининг асарлари Европада 1648 й.дан бошлаб нашр қилиниб келмоқда. Улугбек вафотидан кейин Ўрта Осиёда астрономия тараққиётида турғунлик йиллари бошланди. Бу вақтда (17–19-а.ларда), астрономлар, асосан, жойларнинг географик координаталарини аниқлаш ва хариталар тузиш б-н машғул бўлишган.

1873 й.да Тошкентда Ўрта Осиёда биринчи кўзгули телескоп ўрнатилган расадхона ташкил қилинди. Ушбу расадхонанинг асосий мақсади Ўрта Осиё ўлкаси аҳоли пунктларининг географик координаталарини аниқлаш, Туркистон ўлкасининг харитасини тузиш ва иқлимни ўрганишдан иборат бўлган. 20-а. бошларидан эса расадхона олимлари бизнинг Галактикамиз тузилиши ва унинг ноёб объектларини ўрганиш, ўзгарувчан ва нобарқарор юлдузларни излаб топиш ҳамда уларни таҳлил қилиш, янги кометалар ва кичик сайёраларни кашф этиш каби илмий ишлар б-н шуғулланишган. Олиб борилган турли фотографик астрономия усуллари ёрдамида ноёб кузатув материаллари йиғилган ва уларнинг асосий қисми чуқур таҳлил қилинган. 1939 й.да Қашқадарё вилояти Китоб ш.та яқин жойга Тошкент астрономия расадхонаси қошида Халқаро Китоб кенглик ст-яси қурилди. Унда Ернинг ўз ўқи атрофида нотекис айланиш муаммолари ўрганилди. Кейинги йилларда Ер қобиғидаги тектоник сил-жишлар бўйича ишлар олиб борилди. 1966 й.да Тошкентдаги расадхона асосида Ўзбекистон ФА Астрономия ин-ти ташкил қилиниб, тадқиқотлар кўлами янада кенгайтирилди ва замонавий-лаштирилди.

Ўша вақтларда, асосан, «астрометрия» (В. П. Шеглов, Г. Жалолов, М. Ф. Биков, А. А. Латипов, А. Г. Раҳимов, А. Қодиров, О. Турсунов, Х. Эшмухамедов, Ш. Пиримқулов, Э. Санақулов, Э. Раҳматов ва б.), «Кўёш физикаси» (Ю. М. Солоним, З. Б. Корабова, Ш. А. Эгамбердиев, И. Сатторов, К. Кулешова ва



Майданак баландроғ расадхонасидаги АЗТ-22 астрофизик телескопи.

б.) ва «юлдузар астрономияси» (В. С. Шевченко, Г. И. Шанин, С. Н. Нуритдинов, Л. И. Баштова, М. М. Зокиров, Н. Килячков, А. С. Хўжаев ва б.) йўналишлари бўйича тадқиқотлар кенг ривожланган. Астрометрия соҳасида, хусусан, Тошкент ва Китоб ш.ларидаги телескоплар ёрдамида олинган кузатув маълумотлари асосида юлдузларнинг турли амалий каталоглари ишлаб чиқилган. Кўёш физикаси соҳасида асосан Кўёш активлиги, атмосфераси, тузилиши, доғлар ва б. (мас., рентген) тузилмалари физикаси тадқиқ қилинган. Юлдузар астрономияси бўйича эса юлдузларнинг туғилиш соҳалари, тарқоқ ва шпарсимон тўдалар ҳамда Сомон йўлининг танланган қизиқарли ноёб қисмлари чуқур ўрганилган. Алоҳида Ернинг ўз ўқи атрофида нотекис айланиши муаммоларини ўрганиш б-н Китоб кенглик ст-ясида шуғулланилди (А. М. Калмиков, Б. Маҳаматғозиев, С. Эшонқулов ва б.). Астрономия ин-тида 1986 й. гамма-нурлари манбаларини тадқиқ этиш мақсадида «юқори

энергиялар астрофизикаси» йўналиши ташкил этилиб (Т. С. Йўлдошбоев), у 1995 й.дан бошлаб Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-тида давом эттирилмоқда. Шу йиллари Кўёш физикаси бўлимида гелиосейсмология йўналиши – Кўёшнинг ички тузилишини ўрганишга тааллуқли тадқиқотлар (Ш. А. Эгамбердиев, С. П. Илёсов, Ш. С. Ҳолиқов, И. М. Хамитов ва б.) Кўёш қаърисининг халқаро тадқиқоти (ИРИС) ва Тебранишнинг Тайван дастури (ТОН) халқаро дастурлари доирасида амалга оширилди. 1996 й.да Галактика астрономияси ва космогония бўлими ташкил этилиб, унда бизнинг Галактикамиз тузилиши, Галактикадаги юлдузларнинг тарқоқ тўдалари ва умуман галактикалар физикаси ҳамда гравитацион линзаларнинг кузатув масалаларига оид муаммолар ўрганилмоқда (С. Н. Нуритдинов, К. Т. Миртожиева, М. М. Мўминов, О. А. Бўрқонов, Р. Ф. Зияхонов ва б.). Кейинчалик Китоб кенглик ст-яси ва Вақт хизмати бўлими асосида «Космик геодинамика» (Э. Мирмаҳмудов, Д. Фозилова ва б.), «Ўзгарувчан юлдузлар» бўлими асосида «Астрофизик тадқиқотлар» (К. Н. Гранкин, М. Ибрагимов, С. Мельников ва б.) бўлиmlари тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 й. 11 фев. фармонида бинотан Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида Китоб баландроғ расадхоналар мажмуаси ташкил этилди. Ўзбекистон ФА Астрономия ин-ти жаҳоннинг бир неча йирик астрономик марказлари б-н ҳамкорликда илмий изланишларни бошлаган. Улар АҚШ, Франция, Германия, Корея, Швейцария, Россия, Украина ва б. давлатлар б-н ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда. Жаҳон журналларида ўзбек олимларининг асосан гравитацион линзалар, Кўёш типидagi юлдузлар, квазарлар, гамма-чақнашлар каби ҳодисалар ва объектларни тадқиқот қилишга бағишланган илмий мақолалари эълон қилинди.

Астрономиянинг бир нечта йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш

Майданак баландроғ расадхонаси

Ўзбекистон ФА Астрономия ин-тининг и. т. муасасаси. Китоб баландроғ расадхонаси мажмуасига қиради. Қашқадарё вилояти Яқкабоғ ва Қамачи туманлари чегарасидаги Майданак тоғининг Ғарбий чўққисида жойлашган. Денгиз сатҳидан бал. 2650 м, умумий майд. 40 га. 1993 й.дан бошлаб 10 га яқин ноёб телескоплар ишга туширилган. Ушбу расадхонада дастлаб ўзгарувчан ва зич қўшалоқ юлдузлар ҳамда ёш юлдузлар бўйича кузатув дастурлари бажариб келинди. 1996 – 2002 й.ларда эса Европа жан. расадхонаси б-н ҳамкорликда ўта замонавий ускуналар ёрдамида астроиклимга оид тадқиқотлар ўтказилди. Расадхонада коинотнинг энг узоқ чеккаларида жойлашган ноёб объектлар – гравитацион линзалар, квазарлар ва фаол ядроли галактикаларни тадқиқ этиш бўйича изланишлар олиб борилади.

мақсадида 1981 й. да ТошДУ (ҳоз. ЎЗМУ) да «астрономия» мутахассислиги бўйича бўлим очилиб, 1987 й. Астрономия кафедраси ташкил этилди (С. Н. Нуритдинов). Кафедрада астрофизика, юлдуз астрономияси ва Галактикадан ташқи астрономия соҳалари бўйича кузатув маълумотлари таҳлил қилинади ва назарий тадқиқотлар олиб борилади. Астрофизикада биринчи бор коллапс ҳодисасига учраган гравитацион системалар эволюциясининг бошланғич bosqichларини ифодаловчи ночизиқли ностационар моделлари яратилди. Ушбу номувозанат ҳолатдаги сферик ва дисксимон моделларда қатор янги гравитацион беқарорликлар кашф қилинди ҳамда физикаси батафсил ўрганилди, Е ва SB галактикаларнинг вужудга келиш мезонлари топилди (С. Н. Нуритдинов, К. Т. Миртожиева, Э. Р. Гайнуллина, З. Я. Тўрақулов, И. Тожибоев, М. Мўминов, М. М. Зокиров ва б.). 1996 й.дан эса Ўзбекистон ФА Астрономия ин-ти б-н ҳамкорликда ночизиқли анизотроп моделлар ва уларнинг янги беқарорликлари каби назарий изланишлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар анча кенг ривожланиб, Галактикамик тожидаги куринмас масса миқдори, ёш галактикаларнинг коллапс даври учун ночизиқли эволюциясини аниқлаш, юлдузларнинг шарсимон тўдалари системалари физикаси, зич кўшалок юлдузлар фотометрияси, гравитацион линзаларнинг компьютер таҳлили ва нобарқарор галактикаларнинг гравитацион беқарорликларини излаш каби муаммоларга оидир.

*Салоҳитдин Нуритдинов,
Шухрат Эгамбердиев.*

ФИЗИКА - ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

Кибернетика. Ўзбекистонда кибернетикага доир и. т. ишлари асосан 20-а. 50-й.ларидан бошланди. Ўзбекистон олимлари қуйидаги асосий йўналишларда иш олиб боришди: янги ахборот технологияларини яратиш; моделлаштириш; бошқариш: сунъий тафаккур ва алгоритмлаш муаммоларини ҳал қилиш, и. ч. жараёнларини автоматлаштиришга ЭХМ ларини татбиқ этиш ва б. Республикада кибернетика соҳасидаги и. т. ишлари б-н Ўзбекистон ФА информатика ин-тида, ЎЗМУ, ТошТУ ва республикадаги техника олий ўқув юртрларида шуғулланилади.

Ўзбекистонда кибернетикага доир и. т. ишлари б-н шуғулланиш учун дастлаб

Ўзбекистон ФА Математика институти қошида 1956 й. «Ҳисоблаш техникаси» бўлими ташкил қилинди. Бўлимда халқ хўжалигининг муҳим тармоқларига кибернетикани жорий қилиш масалалари б-н шуғулланишга киришилди. Бу бўлимда 1959 й. республикада биринчи «Урал-1» ЭХМ ўрнатилди. Унинг ёрдамида об-ҳавони олдиндан айтиш, иншоотларнинг муҳандислик ҳисоб-китобини бажариш, зилзилага бардошлиликнинг динамик назарияси, қайишқоқлик, эластиклик ва қурилиш механикаси назариялари, т. й. бекатлари ишларини автоматлаштириш ва б. масалалар ҳал қилинди. 1961 й. «Ҳисоблаш техникаси» бўлими ҳисоблаш марказига айлантирилди ва ўша давр учун энг замонавий ҳисобланган М-20 ЭХМ ишга туширилди. 1963 й. ҳисоблаш маркази Ўзбекистон ФА Механика ин-ти таркибига киритилди ва иккинчи М-20 ЭХМ б-н жиҳозланди. 1966 й. Ҳисоблаш маркази Кибернетика ин-ти ташкил этилди. Бу ин-т негизда 1978 й. Ўзбекистон ФА «Кибернетика» илмий и. ч. бирлашмаси тузилди. 2001 й.дан бу бирлашма «Замонавий информация технологиялари» илмий-техника марказига айлантирилди. Ушбу марказ таркибига Кибернетика ин-ти, хўжалик ҳисобидаги «Алгоритм» и. т. ин-ти, Автоматика ва ҳисоблаш техникаси махсус лойиҳа-конструкторлик бюроси киритилди.

Ўзбекистон олимлари мураккаб технологик жараёнлар, корхоналар, халқ хўжалиги тармоқлари учун автоматик бошқариш тизими яратишнинг назарий ва амалий масалалари, шунингдек, иқтисодий, биологик, тиббий кибернетика ва б. йўналишлар бўйича и. т. ишлари олиб боришади. Кибернетика соҳалари бўйича Ўзбекистонда олиб борилётган ишларда, айниқса, акад. В. Қобуловнинг ҳиссаси катта.

Ўзбекистон олимлари томонидан алгоритмлаштириш (В. Қ. Қобулов, К. Ш. Бобомуродов, Ф. Б. Балалов, Т. Бўриев ва б.); ҳисоблаш мат.си (Б. А. Бондаренко, Ф. Б. Абуталиев, Р. Саъдуллаев, Н. Муҳитдинов ва б.); и. т.ларни автоматлаштириш тизими (Е. В. Квашин, Н. К. Убайдуллаев, У. Г. Тилаволдиев ва б.); сунъий тафаккур (М. М. Комилов, Ш. Ҳ. Фозилов, Э. М. Алиев, Ш. Е. Тўлаганов ва б.); биол. ва тиббиёт кибернетикаси (Ф. Т. Одилова, М. Зиёхўжаев, Б. Н. Хидиров, М. Сайдалиева, Х. З. Турсунов, Х. З. Икромов, Х. Қодиров ва б.); ахборот назарияси (Т. А. Валиев, Ш. А. Заргаров, Х. Н. Ниғматов, З. Т. Одилова, Р. М. Отахонов ва б.); ҳисоблаш техникаси (Т. Ф., Бекмуратов, И. Пўлатов, А. Иноятов, Т.

М. Мағрупов, С. Икромов, М. Носиров ва б.); техника кибернетикаси (Н. А. Мўминов, З. М. Солиҳов, Б. М. Азимов, Т. С. Нусратов, А. А. Аъзамов, Д. Н. Аҳмедов, Э. М. Ёқубов ва б.); лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимлари (Х. Р. Жумабоев, Н. Мардиев, А. Ш. Далеев ва б.); иқтисодий кибернетика (М. Э. Эрматов, А. Абдуғафоров, Р. А. Убайдуллаева, Б. Беркинов, И. О. Улашев, И. Х. Убайдуллаев ва б.) соҳаларида муҳим илмий натижаларга эришилди.

Ўзбекистон кибернетик олимлари олдидан турган асосий масалалар: замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириш асосида и. ч., техникавий, биологик ва ижтимоий-иқтисодий тизимларни бошқариш ечимларини ишлаб чиқиш, ахборот-ҳисоблаш тизимлари ва тармоқларини яратиш, уларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва б. Ҳозир халқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни бошқарувнинг иқтисодий-математик усуллари, моделлари ва янги информацион технологиясини; бошқарувнинг интеллектуал тизимларини яратишнинг назарий ва амалий усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланилмоқда.

Зарбдор Солиҳов, Эркин Ёқубов.

Энергетика ва электротехника. Бу борадаги дастлабки изланишлар энергетика муаммоларини ҳал қилишга қаратилди. 20-а. 40-й.лар бошидан и. т. ишлари энергетиканинг устивор комплекс масалаларини ҳал қилишга ва Ўзбекистоннинг амалий энергетика муаммоларига йўналтирилди. Асосий масалалардан бири электр энергиясини узоқ масофаларга узатиш б-н боғлиқ масала — ўзгарувчан токни ўзгармас токка ва аксинча ўзгармас токни ўзгарувчан токка айлантириш назарияси, асинхрон ва синхрон машиналарнинг магнит оқимлари ўз-ўзидан уйғонишини таъминлашни ҳисоблаш усуллари, электр қурилмаларидаги шикастланишнинг мураккаб турлари назариясини ривожлантириш каби устивор ишлар бажарилди. Ангрэн кўмири конидан фойдаланиб ишлайдиган иссиқлик электр ст-ялари қурилди, Фарҳод гидроузели ва Чирчиқ — Бўзсув энергетика тректидан комплекс фойдаланишга, энергетика тизими ст-яларидан олинадиган қувватни самарали тақсимлашни ҳал қилишга доир ишлар олиб борилди.

20-а. 40-й.лари 2-ярмидан энергетика фанининг асосий илмий йўналиши электр ст-ялари, электр тизими ва жиҳозлари ишларини яхшилаш, пухталигини ошириш ва самарадорлигини қўта-

ришга қаратилди (Н. Н. Шchedрин, Ҳ. Ф. Фозилов). Электр тизимларини ҳисоблашнинг ихчам назарияси ва усуллари яратилди (Ҳ. Ф. Фозилов, К. Р. Аллаев, Т. Х. Носиров ва б.). Электр тизимлари иш режимини ифодалайдиган катта ўлчамли чизиқлимас тенгламаларни ечиш (С. С. Солиҳов), юқори кучланишда электр узатиш линияларидан кичик қувватларни олиш схемаларини яратиш, ҳисоблаш назарияси ва усуллари ишлаб чиқиш (Н. Ғ. Фаниҳўжаев) масалалари тадқиқ қилинди.

Табиий энергетика манбалари, хусусан қуёш энергияси, шамол кучи, ер ости сувлари т-раси ва кичик гидро-электр станцияларидан фойдаланиш масалалари борасида кенг тадқиқот ишлари олиб борилди (Г. А. Гриневич, Р. А. Зоҳидов, А. Х. Ҳамидов, И. Я. Каминский, И. Н. Оранский, У. А. Тожиев, М. М. Мухаммадиев).

Энергетика тизимларида ўлчам техникаси, ўлчам аниқлиги, пухталиги ва самардорлигини ошириш, и. ч. жараёнларини автоматлаштириш ва телемеханизациялаш ва б. соҳаларда муҳим тадқиқотлар амалга оширилди (Ж. А. Абдуллаев).

Иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик техникаси соҳасида ёнилғидан фойдаланишнинг янги технологияси ва ёндириш усуллари ҳамда иссиқлик энергиясидан самарали фойдаланиш каби муҳим тадқиқот ишлари амалга оширилди (Д. Н. Муҳитдинов, З. С. Толибжонов, С. К. Исмаилов).

Саноатнинг бир қанча соҳаларида энерготехкорлик, энергиядан оқилона фойдаланиш, сўғоришда ишлатиладиган насос ст-ялари учун янги электр юритмалар (Т. С. Камолов), Ўзбекистон электр корхоналарининг нормал ишлашини ЭҲМ ёрдамида ҳисоблаш (Э. Пайзиев), электрофизиканинг физик-техник муаммолари (Б. И. Исмолов) бўйича муҳим илмий натижаларга эришилди.

Автоматлаштирилган электр юритмаларининг янги авлодини яратиш борасида яримўтказгичли элементлар асосида инверторларнинг бир қанча схемалари таклиф этилиб, уларни частотасига кўра бошқарилувчи асинхрон, бир фазали конденсаторли асинхрон ва синхрон моторлари айланиш тезлигини ўзгартиришга қўллашлик муаммолари ишлаб чиқилди (М. З. Ҳомиджонов, С. З. Усмонов, Н. М. Усмонхўжаев, А. А. Ҳошимов, К. Мўминов). Янги принципда ишлайдиган махсус электр машиналари, яъни кўп роторли асинхрон моторлари яратилди (А. Дадажонов, З. Ш. Исамухамедов). Электромагнитли вал принципи таклиф этил-

ди ва ишлаб чиқилди. Бу бир-бирига механик равишда боғланмаган бир неча механизмларнинг айланиш тезликларини ўзаро мувофиқлаштиришни таъминловчи электромагнитли қурилма яратилди (Н. М. Усмонхўжаев).

Саноат ва қурилишда кенг қўлланиладиган титрама ғалвирлар учун электр юритмаларнинг янги турлари яратилиб, и. ч.га жорий этилди (Н. Х. Бозоров). Икки моторли электр юритмалар, шунигиндек, кутблари кенг ўзгаришга эга бўлган асинхрон моторлари назариялари яратилди (Х. Г. Каримов).

Назарий электротехника соҳасида Тошкент политехника ин-ти (ҳоз. Тошкент техника ун-ти) да электр занжирлари ва тизимларининг чизиқли бўлмаган назарияси ва ҳисобий усулларига доир ҳамда автоматика ва ҳисоблаш техникаси элементларини ишлаб чиқиш бўйича мактаб яратилди (Ғ. Р. Раҳимов).

Параметрик занжирлар ва тизим (З. И. Исмоилов), бошқариш элементлари ва техника воситалари (П. Ф. Ҳасанов), автопараметрик тебранишлар занжирларида ўзгарувчан ток фазалар сони ва частотасини ўзгартириш (А. С. Каримов) назариялари яратилди. Юқори кучланиш ускуналарини пухта ишлаш, уларнинг ҳолатини аниқлаш ва синовдан ўтказиш, янги усуллари яратиш, электр энергиясини узоқ масофага узатиш бўйича янги технологиялар тадқиқ этилди (А. А. Иноғомов, А. С. Қудратиллаев). Қишлоқ ва сув хўжалигида электр технология ва электр энергиядан самарали фойдаланиш назарияси ва уларни қўллаш асослари тадқиқ этилмоқда (Т. С. Камолов, К. Мўминов).

Ҳозир Ўзбекистон энергетика тизимининг ишларини автоматлаштириш (энергия ҳосил қилиш – электр узатиш – электр занжирлари корхонаси – энергия истеъмол қилиш), янги энергия манбаларини топиш, қайта тикланувчи энергия манбалари самардорлигини ҳамда уларни энергия тизимида қўллаш салмоғини ошириш ва б. истиқболли масалалар б-н шуғулланилмоқда.

Ромэн Зоҳидов.

Қурилиш фанлари. Ўзбекистон ҳудудида қурилиш фани куртақлари асосан мил. 5-а-ларда пайдо бўлган. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида олиб борилган археологик қазилар натижасида қадимги шаҳар ва қишлоқ харобалари ўрганилган. Мас., «қасрлар» (Боладиктепа), айрим қўرғонлар (Қашқадарё вилоятидаги Овултепа ва Самарқанд яқинидаги Кофирқалъа), Самарқанд ҳокимининг саройи (5–8-а.) ва ҳ. к.

Шунигиндек, 9–10-а-лар меъмورлиги намуналаридан фақат айрим ёдгорликлар сақланиб қолган. Худди шу даврда синчли бинолар қуриш кенг расм бўла бошлаган. Бинолар беазагида рангли шиша намуналари, бўртма суратлар, ўймакорлик намуналари, манзарали нақшлар учрайди.

Механика, мат. билимлари, айниқса, геом. (ҳандаса) нинг ривожлана бориши б-н бинокорлик ҳам такомиллашиб борган. Натижада ўрта асрларда асосан гумбазли бинолар расм бўлган. Бухоро, Урганч, Хива, Самарқанд, Тошкент, Қўқон ва б. қадимий шаҳарларда сақланиб қолган меъморлик ёдгорликлари меъморлик, устачилик ва ўймакорлик, шу жумладан нақшинкорлик тараққи қилганлигини билдиради. Қад. бинокор ва меъморлар замин ва пойдеворни тўғри лойиҳалаш, пишиқ қилиб қуриш масалаларига алоҳида эътибор берганлар. Тиллақори, Мирзо Улуғбек мадрасаларининг замин ва пойдеворлари бунга мисол бўла олади. Ўзбекистон ҳудудида қад. меъморлик анъаналари 19-а. иккинчи ярмигача сақланиб келди, кейинчалик Европа меъморлигига хос иморатлар пайдо бўла бошлади.

Ўзбекистонда қурилиш фанига доир тадқиқотлар дастлаб Ўрта Осиё политехника ин-ти ва Тошкент т. й. транспорти муҳандислари ин-тида, кейинчалик эса Тошкент автомобиль-йўллар ин-ти ва Тошкент архитектура қурилиш ин-ти, Ўзбекистон Шаҳарсозлик и. т. институти ва Ўзбекистон зонал пойдеворларини лойиҳалаш и. т. институтларида олиб борилди.

1932 й.да биринчи меъёрий ҳужжат: зилзилабардош қурилишга доир биринчи меъёрий ҳужжат – «Қисқача кўрсатмалар» тайёрланди. Кейинчалик СССР миқёсидаги стандартлардан фойдаланилди. Мустақилликдан сўнг меъёрий ҳужжатлар, қурилишга доир стандартлар Ўзбекистон шароитига мослаб тайёрлана бошлади. Ўзбекистон ФА Иншоотлар ин-ти (ҳоз. М. Т. Урозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-ти) тузилгандан (1937) сўнг иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги Тошкент мактабига (М. Т. Урозбоев раҳбарлигида) асос солинди. Ўрта Осиё ҳудудини сейсмик р-нлаштиришга, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишга ва ҳ. к.га доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон меъморлиги қадимийлиги, турли-туман меъморий ёдгорликлари б-н машҳур. Қад. миллий бино ва иншоотлар жуда мураккаблиги, геометрик шаклларнинг кўплиги, зилзилабардош

қилиб қурилганлиги б-н ажралиб туради. Ўзбекистонда замонавий бино ва иншоотлар қуришда тарихий меъморлик анъаналаридан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистонда замонавий қурилиш фанларини ўз ичига қамраб олган кенг кўламли и. т. ишлари асосан 20-а.нинг 50-й.ларидан бошланган. Стерженларнинг тебранишларига доир бир неча динамика масалалари ҳал қилинди (М. Т. Ҳрозбоев, В. Қ. Қобулов, В. Т. Рассказовский, Ю. Л. Лейдерман, А. А. Ходжаев ва б.), импульсли нагрукаларнинг эгилувчан ва бикр иншоотларга таъсири тадқиқ этилди. Тўғон, дамба, йўллар, ер усти коммуникациялари ва б.га зилзила таъсирини ҳисоблаш асослари ишлаб чиқилди.

Йирик панелли йиғма биноларни ҳисоблаш ва лойиҳалашга доир ишлар бажарилди, тегишли йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди; зилзилабардош қурилиш бўйича тажриба базаси яратилди (А. Б. Ашрабов), биноларни асида ва лаб. шароитида синашга оид ишлар олиб борилди.

Зилзила марказида иншоотларга зилзиланинг таъсири таҳлил қилинди; 1966 й.ги Тошкент зилзиласи ҳамда унинг бино ва иншоотларга таъсири ўрганилди (В. Т. Рассказовский, Т. Р. Рашидов, А. И. Мартемьянов, К. С. Абдурашидов, У. Ш. Шамсиев, Ф. Т. Усмонов, Х. А. Асомов, В. А. Ржевский, И. Ф. Цепенюк, Ш. А. Ҳакимов ва б.). Зилзила оқибатларини тугатишга ва янги Тошкентни барпо қилишга, зилзилалдан зарар кўрган биноларни таъмирлашга доир асосий масалалар ҳал этилди.

Зилзиланинг ер ости иншоотларига таъсири ўрганилди: ер ости иншоотларининг грунт б-н қайишқоқ-қовушқоқ таъсирлашувининг илк бор модели яратилди; механикада янги йўналиш — ер ости иншоотлари сейсмодинамикаси вужудга келди (Т. Рашидов). Тошкент метрополитенининг, ер ости қувурлари, атом электр ст-ялари элементларининг янги сейсмик мустақкам конструкцияларини яратишда шулардан фойдаланилди. Жаҳон миқёсида биринчи мартаба сейсмик ҳудудларда ер ости иншоотлари учун қурилиш меъёр ва қодалари ишлаб чиқилди ва республика миқёсида меъёрий ҳужжат сифатида тасдиқланди (Т. Р. Рашидов, Ё. Н. Муборақов, Г. Х. Ҳожиметов, А. Эшонхўжаев, В. А. Омельяненко ва б.).

Иншоотларнинг сўнувчи тебранишларини моделлаш усуллари, сейсмик таъсирларни аниқлашнинг физик усуллари ишлаб чиқилди (В. Т. Рассказовский), йирик панелли бинолар кутилларининг назарий ҳисоблари бажарилди (У. Ш.

Шамсиев), кўп қаватли биноларнинг физик-динамиқ тафсилотлари ўрганилди.

Тўсинларнинг қайишқоқ-силжувчи негизда эгилиши масалалари, силжувчанлик назариясининг ясси ва фазовий туташув масалалари ҳал қилинди (Т. Ширинқулов).

Фазовий юпқа деворли конструкциялар ва тўғонларнинг динамикаси рақамли ЭХМ лардан фойдаланиб тадқиқ этилди (Т. Бўриев, Р. Х. Муҳитдинова, К. Д. Саламова, П. Маткаримов). Қурилиш конструкцияларини мустақкамлик, ишончлилик ва зилзилабардошликка ҳисоблашни такомиллаштириш б-н боғлиқ долзарб масалалар тадқиқ қилинди; бунда конструкциядан фойдаланиш жараёнидаги шарт-шароитлар, оптималлаш, диагностика қилиш, синаш ва кучайтириш усуллари ҳисобга олинди; материалларнинг ночизиқли хоссалари, ёриқ пайдо бўлиши ва юкланиш тартибини ҳисобга олувчи бетон ва темир-бетон механикасининг модел ва усуллари ишлаб чиқилди (К. С. Абдурашидов, Б. А. Асқаров, А. Б. Ашрабов, А. А. Ашрабов, Р. К. Мамажонов, В. А. Ржевский, А. Муҳитдинов, И. Ф. Цепенюк, Ш. А. Ҳакимов, С. А. Хўжаев, К. Р. Рўзиев, Д. Тўйчиев, А. А. Хўжаев ва б.).

Йирик блоқлар тарзидаги грунтлардан қурилган тўғонларнинг зўриққан-деформацияланган ҳолатини тадқиқ қилиш (И. К. Иброҳимов), ташқи кучлар таъсиридаги узун пойдевор плиталарини ҳисоблаш (С. Шодмонов), янги ўзлаштирилаётган ерларда сув хўжалиги иншоотлари қурилишини лойиҳалаш (И. А. Одилов, Н. Р. Ҳамроев, В. Г. Дианов) каби ишлар амалга оширилди ва натижалари амалда қўлланди.

Тошкент архитектура ва қурилиш ин-ти, Тошкент автомобиль-йўллар ин-ти, Тошкент т. й. муҳандислари ин-тида қурилиш материалларини, энергия ва меҳнат сарфини тежаш, меҳнат унумдорлиги ва сифатини ошириш, қурилиш муддатини камайитириш ҳамда саноат, фуқаро ва транспортга оид бино ва иншоотларнинг чидамлилигини ошириш мақсадида минерал, полимер ва аралаш боғловчи материаллар асосидаги самарали композицион қурилиш материаллари механикаси, жадал ва ресурс-тежамкор технологиялар ишлаб чиқилди; технологик масалаларни ечиш учун цементли композитларнинг замонавий назарияси, технологияси ва механик емирилишнинг бирикмалигига асосланган композит материаллар микромеханикасининг сонли усули ва математик моделлари яратилди (А. А. Ашрабов, Э. Қ. Қосимов, Б. И. Нудельман, Т. А. Отақу-

зиев, Н. А. Самигов, М. К. Тоҳиров, А. Э. Одилхўжаев); муҳандислик иншоотлари ва коммуникацияларидан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш учун уларни қум босишдан ҳимояловчи оригинал услублар ишлаб чиқилди (Т. И. Фозилов, Р. С. Зокиров, М. М. Мираҳмедов).

Иншоотлар динамикаси ва устиворлигига, сейсмик р-нларда кўп қаватли и. ч. биноларнинг йиғма темир-бетон конструкцияларини лойиҳалашга, ночизиқли деформацияланадиган тизимларнинг устиворлиги ва тебранишига доир тадқиқотлар ўтказилди (И. А. Одилхўжаев, Т. Фуломов, Т. К. Комилов ва б.). Шаҳар бош режаларининг назарий асослари ва Ўзбекистон ҳудудида аҳолини жойлаштириш схемалари ишлаб чиқилди. Қурилиш лойиҳачилиги учун микросейсмик р-нлаштириш ва хариталар тузиш ишлари бажарилди (Ф. И. Мавлонов ва б.). Грунтлар механикасига, сейсмик р-нлардаги асос ва пойдеворларни лойиҳалашга доир тадқиқотлар ўтказилди (Х. З. Расулов ва б.). Бу жараёнда республикада қабул қилинган қурилиш меъёрлари ва қодалари, айниқса, 9 балли сейсмик р-нлар учун тайёрланган йўл-йўриқлар эътиборга олинди (В. Т. Рассказовский ва б.). Кўприклар, тоннеллар, автомобиль йўллари ва транспортдаги бошқа сўнғий иншоотларнинг мустақкамлик, ишончлилик ва зилзилабардошликка лойиҳалаш ва ҳисоблаш усуллари такомиллаштирилди (А. А. Ашрабов, Р. Қ. Мамажонов, И. А. Солиқов, А. Ф. Шохидов, А. О. Эшонхўжаев ва б.). Кейинги йилларда бино, иншоот ва ҳаётни таъминловчи тизимларнинг зилзила вақтида шикастланиш даражасини камайитиришга доир и. т. ишлари олиб борилди. Натижада Тошкент ш.да 16 ва 20 қаватли турар жой бинолари, маъмурий бинолар, Тошкент метрополитени, бал. 375 м булган телевизион минора қурилиши амалга оширилди.

Ҳозир қурилиш фанларига оид и. т. ишлари Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустақкамлиги ин-тида, Тошкент архитектура ва қурилиш ин-тида, Тошкент т. й. муҳандислари ин-тида, Тошкент автомобиль-йўллар ин-тида, Қурилиш лицейи ва б. қурилишга алоқадор муассасаларда олиб борилмоқда.

Турсунбой Рашидов.

Механика. Механикага доир тушунчалар бутун дунёда ва, хусусан, Ўрта Осиёда қадимдан маълум. Бобил, Хоразм, Сугдиёна ва б. жойларда сақланиб қолган сув иншоотларини қуришда галтак, ричаг, пона, полиспаст ва б. меҳнат қуроқларидан фойдаланилган. Ўрта

Осиёда, айниқса, чиғир ва чархпалак, тўқув дастгоҳлари кенг расм бўлган. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида механиканинг жадалроқ тараққиёти асосан 9-а.дан бошланган, 12-а.дан назарий жиҳатдан анча шаклланган. Айниқса, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Умар Хайём, Аҳмад ал-Фарғоний, Улуғбек, Али Қушчи ва бларнинг асарларида механикага доир назарий билим ва амалий ишлар ёритилган. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий «Фанлар қалити» асарининг 2-китобида механикага махсус боб ажратган. Шарқ олими Собит ибн Курра «Карастун ҳақидаги китоб»ида тарозидан тортиш назариясини ёритган. Аҳмад ал-Фарғоний механикага амалий жиҳатдан ҳисса қўшган. У 861 й.да Аббосий халифа Абул Фазл Жаъфар ал-Мутаваккил амрига биноан Нил дарёсининг суви сатҳини ўлчайдиган иншоот қурган. Бу улғувор қурилма ҳозиргача сақланиб қолган. Ўзбекистон ҳудудида, асосан мейморлик, кўприқсозлик, айниқса, суғориш иншоотлари қуриш (гидротехника) қадимдан кенг ривожланган.

Ҳоз. замон фани сифатида механика Ўзбекистонда, асосан, 20-а. 30-й.ларидан ривожлана бошлади ва ушбу асосий йўналишларда шаклланди: умумий механика, суюқлик ва газлар механикаси, деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси, иншоотларнинг мустақамлиги ва сейсmodинамикаси, машина ва механизмлар механикаси ва б. Ўзбекистонда механикага доир ишлар асосан Ўзбекистон ФА М. Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустақамлиги ин-ти, Математика ин-ти, «Кибернетика» илмий-и. ч. бирлашмаси, ЎЗМУ, ТошТУ, СамДУ, Тошкент автомобиль-йўллар ин-ти ҳамда республика вилоятларидаги ун-тларда олиб борилди. Республикада механика фани тараққиётига М. Т. Ўрозбоев, Х. А. Раҳматуллин, Ҳ. Ҳ. Усмонхўжаев, М. А. Ҳожинова, В. Қ. Қобулов, Т. Рашидов, Ж. Файзуллаев, И. С. Аржаних, М. Ф. Шульгин, А. Д. Глушченко, О. В. Лебедев ва б. олимлар катта ҳисса қўшишган.

Ўзбекистонда умумий механика, бошқариладиган тизимлар динамикаси, суюқлик ва газлар механикаси, машина ва механизмлар назарияси, конструкция ва иншоотларнинг сейсмик мустақамлиги, бинолар сейсmodинамикаси, кўп фазали ва кўп компонентли муҳитлар механикаси ва механизмлар, қобиқлар назарияси, иқтисодий кибернетика, туташ муҳитлар механикаси ва б. соҳаларда и. т. ишлари олиб борилди ва олиб борилмоқда. Бу соҳаларга оид қуйидаги и. т. ишларини кўрсатиш мумкин.

Голоном бўлмаган координатларда аналитик динамиканинг дифференциал тенгламалари ва уларни интеграллашнинг янги усули, эластиклик назарияси асослари ишлаб чиқилди (М. Т. Ўрозбоев, М. Ф. Шульгин, И. С. Аржаних ва б.). Бошқариладиган тизимлар динамикаси синтези ва анализи масалаларини тадқиқ қилишнинг янги услуби яратилди, тез ва секин ҳаракатдан иборат чиқиқсиз тебранишлар масалалари урганилди (А. Ф. Азизов, А. Н. Филатов ва б.).

Ўтказувчан жисмлар аэродинамикаси ривожлантирилди ва паранют назариясига асос солинди (М. Т. Ўрозбоев ва Ҳ. А. Раҳматуллин). Кўп фазали муҳитлар механикаси, тупроқ (замин) динамикаси, тўлқинлар тарқалиш назарияси борасида йирик натижаларга эришилди (И. С. Аржаних, Е. И. Бузин, Д. Ф. Шульгин ва б.). Кўп фазали муҳитларнинг гидродинамик назарияси ривожлантирилди (Ж. Ф. Файзуллаев). Говак муҳитда намлик тарқалишининг гидродинамик масалалари назарий жиҳатдан ва тажрибалар асосида ўрганилди (О. И. Умаров, Қ. Ш. Латипов, А. А. Шокиров, Қ. Наврўзов, А. А. Ҳамидов, З. Ш. Жумаев, Ў. М. Мамбетов ва б.). Икки фазали суюқликларнинг ламинар ва турбулент оқимлари икки ўлчовли масалаларини ечишнинг сонли усуллари, суғориш б-н боғлиқ фильтрация масалалари ишлаб чиқилди, бир ва кўп қатламли тупроқлар (заминлар) да ўзан сувлари динамикасининг бир қанча масалалари ечимлари олинди (Ф. Б. Абуталиев, А. Бегматов ва б.).

Машина ва механизмлар назарияси бойитилди, унинг натижалари ҳаётга жорий қилинди. Пахта териш машиналари механикасида янги кинематик жуфтларнинг, ўзгарувчан структурали эпидиклик механизмларнинг, эластик звеноли механизмнинг назарий асослари, тўқув автоматлари ишининг пухталигини аниқлаш усуллари, пахта териш машиналарининг мустақамлиги ва иш унумдорлигини ошириш назарияси, янги турдаги таркибий шпинделлар назарияси ишлаб чиқилди ва амалда жорий қилинди (Ҳ. Ҳ. Усмонхўжаев, Қ. М. Иноғомов, И. Ҳ. Файзиев, А. А. Ризаев ва б.).

Текис ва фазовий механизмларни синтез қилиш усуллари, механизм ва машиналарни умумлаштириш ва кодлаштириш усуллари тизими, циклик жараёнда ишловчи механизмлар назарияси, узатиш сонлари ўзгармас ва ўзгарувчан ротацион механизмлар назарияси, тебраниш б-н бошқариладиган фриктион механизмлар назариялари яратилди (Ф. Ш. Зокиров, Ф. С. Қўзибоев, Р. И. Каримов, А. Ж. Жўраев, К. А. Каримов, Ш. П. Алимхамедов ва б.).

Пахта териш аппарати технологик жараёнининг динамикаси яратилиб, гўза туллариға кўп марта ишлов берувчи янги аппарат барпо этилди (А. Д. Глушченко, Р. Д. Матчонов, М. Т. Тошболатов ва б.).

Механизм ва машиналар гидроритмалари динамикасининг янги жараёнлари тадқиқ этилди (О. В. Лебедев, А. О. Шермухамедов ва б.).

Пахтачилик машиналарининг иш сифатини ошириш йўллари ишлаб чиқилди (М. А. Ҳожинова, Р. Ф. Маҳкамов, С. С. Нигматов ва б.).

Енгил ва пахта тозалаш саноати машиналарининг назарий асослари бойитилиб, машиналар туркуми и. ч.га жорий этилди (Т. Ю. Омонов, Ш. Р. Раҳматқориев, Ф. Баҳодиров ва б.).

Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси ривожлантирилди (М. Т. Ўрозбоев, Х. А. Раҳматуллин ва Т. Рашидов).

Туташ муҳитлар механикасини алгоритмлаштиришнинг асосий принциплари ишлаб чиқилди (В. Қ. Қобулов). Такрорий-ўзгарувчан таъсир остидаги қобиқнинг статик ва динамик чегаравий масалалари ишлаб чиқилди, эластик тебранишлар назарияси, туташ муҳитлар механикасини тадқиқ қилишнинг кибернетик усуллари ривожлантирилди (Т. Бўриев, Ф. Б. Абуталиев, К. Ш. Бобомуротов, Ф. Бадалов ва б.).

Қобиқсимон ёпишқоқ-эгилювчан конструкцияларнинг суюқлик б-н ўзаро таъсирини текшириш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилди, икки фазали муҳитда тўлқинларнинг тарқалиши масалалари ривожлантирилди (Т. Мавлонов, Ё. У. Соатов ва б.).

Ер ости иншоотлари сейсmodинамикасининг янги назарияси ишлаб чиқилиб, амалда (айниқса, метро қурилишида) кенг қўлланилди (Т. Рашидов ва б.).

Иншоотларнинг сейсмик мустақамлиги назарияси, айниқса, ер ости ҳамда тупроқ сейсмик мустақамлиги назариялари ривожлантирилди (Ё. Н. Муборакков, Х. С. Согдиев ва б.).

Тупроқ б-н ўзаро таъсирдаги иншоотлар сейсmodинамикаси назарияси яратилиб, табиий ва лаборатория шароитида синовдан ўтказилди, тўғри бурчакли ва айланма шаклдаги тонеллар ва метрополитен бекатлари иншоотларининг зилзилабардош конструкцияларини яратиш, уларни зилзилабардошликка ҳисоблашнинг усуллари, алгоритмлари ва динамик ҳисоблаш дастурлари ишлаб чиқилди (Ф. Х. Ҳожиметов, А. А. Эшонхўжаев, Б. М. Мардонов, В. А. Омельяненко ва б.).

Қайишқоқ-силжувчи негизда тўсинларнинг эгилиш масалалари, силжувчанлик масалалари ҳал қилинди (Т. Ширинқулов ва б.).

Фазовий юпқа деворли конструкциялар ва тўғонлар динамикаси, тўғонларнинг сув б-н ўзаро таъсири ўрганилиб, сейсмик таъсир ҳисобга олингани ҳолда текширилди, тўлқинлар назарияси асосида метрополитен конструкцияси ясси қисмларига бўлган сейсмик таъсирлар аниқланди (М. Мирсаидов, К. Султонов, Р. Х. Муҳитдинова ва б.).

Йирик панелли йиғма биноларни ҳисоблаш ишлари, иншоотларни реал сейсмик кучлар таъсирида ҳисоблаш усулларининг асослари ва зилзилабардош қурилиш бўйича тажриба базаси яратилди (В. Т. Рассказовский, А. Б. Ашрабов, К. Абдурашидов, Ю. Р. Лейдерман ва б.).

Ўзбекистонда қуёш нури энергиясидан техник мақсадларда турмушда фойдаланишга доир назарий ва амалий и. т. ишлари асосан 20-а. 20-й.ларидан бошланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда механика соҳасида конструкциялар ва иншоотларнинг мустақамлиги ва сейсморезистентликка, куп фазали ва куп компонентли муҳитлар механикасига, енгил саноат ва транспорт комплексидаги машина ва механизмлар тизимлари назарияларига, механизмлар ва пахта териш машиналари назариясига, маҳаллий материаллар ва чиқиндилардан қурилиш маҳсулотлари яратиш ва б. соҳаларга доир и. т. ишлари олиб борилмоқда.

Ёрмуҳаммад Муборақов, Файрат Баҳодиров.

КИМЁ ФАНЛАРИ

Ўзбекистон ҳудудидан қазиб олинган археологик топилмалар халқимизнинг қадимда ҳам кимёга оид масалалар б-н шуғуланганлигидан далолат беради. Кончилик, темирчилик, чўян, шиша ва сопол идишлар тайёрлаш милодгача бўлган даврларда олиб борилган. Керамикадан турли буюм, безак ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарилганлиги маълум.

Кимёвий моддалардан фойдаланиб тайёрланган безаклар, қоғозлар, ёзувлар, атторлик учун зарур бўлган симоб ва унинг бирикмалари, эфир мойлари, сурма, ўсимликлардан тайёрланган дори-дармонлар кенг қўлланган. Дархт пўстлоғи, каноп, лахтақ ва б. маҳсулотлардан қоғоз олинган. 751 й.да Самарқандда ана шу йўл б-н қоғоз ишлаб чиқарилганлиги маълум.

Ўрта асрларда ал-кимё ривож топди. Шарқ олимлари ҳам соҳа бўйича амалий ишлар олиб боринди, тажрибалар ўтказиб кўришди. Шу даврда новшадил спирити аниқланди, ҳоссалари ўрганил-

ди, оқ бўёқ олиш таклиф этилди, аралаш ҳолдаги табиий сиркадан тоза кислота ажратиб олинди ва унинг турли концентрациядаги эритмаларидан фойдаланилди. Баъзи металллар, минераллар ва ўсимлик хом ашёлари ҳақида маълумотлар тўпланди.

Ўрта асрларда яшаган Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий (Европада Разес) кимё фани ривожига катта ҳисса қўшди. У кимё тарихида биринчи бўлиб моддаларни синфларга ажратди, асарларида тажрибахоналарда қўлландиган ускуна ва асбобларнинг тузилишини кўрсатиб берди. Бу ҳақда Малайзия телекомпанияси томонидан 2005 й.да яратилган ҳужжатли фильм фикри-мизнинг далили бўла олади. Фильмнинг айрим кўринишлари Тошкент кимё-технология ин-ти лаб.да олинди.

Ал-кимёнинг ривожига буюк ватандошимиз Ибн Сино катта ҳисса қўшди. Олим «Рисолат ал-иксир», «Китоб аш-шифо» ва «Тиб қонунлари»да қатор кислота, ишқор, шифобахш моддаларни тиббиёт амалиётига киритди. Суяги синган кишиларни тезкор даволашда «табошир (бамбукдаги кремний оксид) кулчалари»дан фойдаланди. Буюк алломамиз ал-кимёгарларнинг оддий металллардан олтин олиш борасидаги уринишлари беҳудалигини биринчи бўлиб исботлаб берди.

Жаҳон фанининг буюк алломаларидан Абу Райхон Беруний ҳам кимёнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшди. Олимнинг «Китоб ас-сайдана» («Фармакогнозия») асарида минерал дорилар ҳақида гап боради. Унинг кимё б-н чамбарчас боғлиқ геол. (ҳозирги геокимё)га бағишланган асарлари дунёга маълум ва машҳурдир.

Кейинги асрларда ўсимликлардан турли моддалар, жумладан, эфир мойлари, бўёқлар, турли дори-дармонлар, шарбатлар, шароф ва б. тайёрлаш йўлга қўйилди, мис, жез ва асл металллардан ҳар хил безак буюмлари ясаш такомиллаша борди. Керамика, шиша, сопол ва б. материаллар и. ч. ривожланди, қурилиш материалларининг турли хил намуналари кўп ишлатила бошлади. Дунёга машҳур обидалар қурилишида сир, глазури ва турли қоришмалардан фойдаланиб иш

қўрилди. ҳунармандчиликнинг ўсиши, халқ усталарининг кимёвий маҳсулотлардан фойдалана бошлаши юқорида айтилган маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни янада оширди.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва б. шаҳарларда тарихий обида ҳамда буюмлар мавжудлиги мамлакатимиз ҳудудларининг турли жойларида кўп минг йиллар илгари ҳам ҳунармандчилик ривож топган бўлиб, минерал хом ашё ва б. табиий бойликлардан амалий мақсадларда фойдаланилганлигидан дарак беради. Вақт ўтиши б-н, майда ҳунармандчилик устахоналари ўрнида кичик-кичик мануфактура корхоналари, кейинроқ цех ва ф-калар вужудга кела бошлади. Уларни илмий асосда таҳлил қилиш ва тажрибага суянган ҳолда ривожлантиришга эҳтиёж туғилди.

1870 й.да Тошкентда анорганик моддаларни таҳлил қилишга доир тадқиқот ишлари олиб борилди. худди шу йилларда сувни таҳлил қилувчи лаб. ташкил этилиб, унда сув таркибидаги эриган тузларнинг инсон саломатлиги учун таъсири ўрганилди. Қўқон атрофидаги сувларда йод камлиги сабабли буқоқ касаллиги кўп учурди. Сувга фтор қўшиб ишлатиш орқали касаллик анча камайтирилди. Кейинроқ тиш касаллиги фтор етишмаслиги оқибати эканлиги аниқлангач, тегишли чоралар кўрилди.

20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб Ўзбекистонда кимё фани тез ривожлана бошлади. Бунга Туркистон ун-тида кадрлар тайёрлаш б-н бир қаторда и. ч. ишларининг йўлга қўйилиши сабаб бўлди. Ордан кўп вақт ўтмай Туркистон Республикаси Марказий халқ хўжалиги кенгашида саноат б-н боғланган кимё бўлими ташкил этилди. Унда лаб. очилиб, саноат эҳтиёжлари учун зарур бўлган тадқиқотлар йўлга қўйилди. 1921 й.да Илмий тадқиқот ин-тлари кенгаши ташкил этилди. Лаб.да доривор препаратлар и. ч. йўлга қўйилди. Аналитик кимё бўйича

Полимерлар кимёси ва физикаси институти.





Ўсимлик моддалари кимёси институти. Тажриба ишлаб чиқариш бўлими.

бажарилган илмий ишлар Хилково (ҳоз. Бекобод) цемент ва Ашхобод шиша э-длари қурилиб ишга туширилишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Саноатнинг ўсиши, фан ва техниканинг ривожланиши, халқ хўжалигининг тараққиёти малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни оширди. 1930 й.да Ўрта Осиё ун-ти физика-математика ф-ти кимё бўлими асосида кимё ф-ти ташкил этилди. Кейинроқ ф-тда техник кимё бўлими очилиб, унда саноат учун муҳандислар тайёрлана бошлади. Саноат иқтисоди и.т. институти (кейинроқ Ўзбекистон маҳаллий саноат и.т. институти) ташкил этилиб, сопол, қовуштирувчи материаллар, целлюлоза, қоғоз ва қаттиқ ёқилги секторлари очилди.

1933 й.да Урта Осиё ун-ти кимё ф-ти қошида кимё и.т. институти ташкил қилинди. Ин-тда дикетоэфирлар реакциялари, газ реакциялари кинетикаси ва электр кимёси масалалари ўрганилди, аралашмайдиган икки суяқлик орасида моддалар тарқалиш коэффициентини топилди, табиий ва синтетик коллоид системалари, алкиллаш реакциялари, кислота ва асос назарияси, соз тупроқдан сопол-ғишт саноатида фойдаланиш, чигитдан мой олиш каби илмий ишлар бажарилди.

2-жаҳон уруши йиллари Кимё (ҳоз. Умумий ва ноорганик кимё) ин-ти Ўзбекистон ФА қарамоғига ўтказилди. Ин-тнинг умумий кимё, органик технология, минерал моддалар технологияси, кўмир ва нефть лаб.да илмий изланишлар олиб борилди. Ўзбекистон кор-

хоналари учун зарур бўлган, арзон маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш, қ. х. учун керакли ўғитларни олиш ва янги технологик тизимлар яратиш устида изланилди.

1942 й. Россия ва Украинадан қатор и. т. институтлари, олий ўқув юртлири ва лаб.лар Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. И. т. ишлари кўлами ортди, корхоналар б-н амалий ишлар устида изланилди, технологик жараён ва қурилмалар янада такомиллаштирилди. 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда и. т. ишлари янада кенгайди, кимёвий корхоналар б-н ҳамкорлик кучайди. 70-й.лардан бошлаб кимё йўналиши бўйича и. т. институтларида пахта, полимерлар, пластмасса, ўғит, нефть, газ, газ конденсати, алкалоидлар, силикатлар ва б. минерал хом ашёлар устида кенг кўламда талқиқот ҳамда таҳлил ишлари олиб борилди. Уша йиллардан бошлаб, олинётган илмий натижалар «Ўзбекистон кимё журнали», «Табиий бирикмалар кимёси», «Ўзбекистон ФА маърузалари» каби жур.ларда ва чет эллар нашрларида эълон қилиб келинмоқда. 1966 й.дан бошлаб Тошкентда нашр этилувчи «Табиий бирикмалар кимёси» илмий журнали АҚШда мунтазам равишда инглиз тилига таржима қилиниб, дунёнинг қатор давлатларига тарқатилиши мамлакатимизда кимё фанининг ривожидан дарак беради.

Академикларимиздан О.С.Содиқов, С.Ю.Юнусов, Ҳ.У.Усмонов, К.С.Аҳмедов ва М.Н.Набиевнинг илмий ишлари дунё миқёсида тан олинди, инглиз, француз, рус, немис ва б. тилларга таржима қилинди.

Ўзбекистон кимёгарларининг илмий ишлари Украинада нашр қилинган каталогаторларга бағишланган 5 жилдди маълумотномадан ҳам жой олди.

Академиклардан О.С.Содиқов, С.Ю.Юнусов, К.С.Аҳмедов, Ҳ.У.Усмонов, М.Н.Набиев, Н.Р.Юсупбеков ва Ҳ.Н.Ориповлар Беруний номидаги Республика Давлат мукофотига сазовар бўлишган.

Физик кимё. И.т.лар 20-й.ларнинг охириларида алангаланиш-портлаш жараёнларини ўрганишдан бошланди, кимёвий термодинамика масалалари ўрганилди (Л.В.Алексеев, Н.А.Колосовский, В.В.Удовенко, Ҳ.Р.Рустамов, А.К.Жданов). Чигитдан мой олиш, ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлаш ва хушбўй моддалар ажратиш олиш, аммиак синтези, маҳаллий минерал хом ашёлардан амалий мақсадда фойдаланишга доир ишлар олиб борилди. Саноат б-н ҳамкорликда илмий ишлар бажарилди.

Чирчиқ электр-кимё корхонаси, Фарғона гидролиз э-ди, Бекобод металлургия к-ти эҳтиёжлари учун зарур бўлган илмий ишлар қилинди. Электр капилляр ҳодисалари, ўта кучланиш ва уни пасайтириш чоралари устида иш олиб борилди (А.М.Муртазоев, Г.А.Шиганов). Катализ, реакциялар кинетикаси, юқори октан сонига эга ёқилгилар олиш ва уларни ичдан ёнар двигателларда ишлатишда юз берадиган реакциялар механизмини аниқлаш, фенолнинг ацетон б-н конденсацияси, Принц реакцияси ва минерал ўғитлар хоссаларини яхшилаш соҳаларида ижодий изланишлар қилинди (Ҳ.Р.Рустамов). Кислота-асос назарияси чуқур ўрганилиб, бу борала дунё кимёгарлари тан олган илмий ғоялар вужудга келди (М.И.Усанович).

Тошкент ун-ти б-н Республика ФА Кимё ин-тида юқори молекулали бирикмалар физик кимёсига оид и.т. олиб борилди. Пахта толасининг пишиб етилиши ҳақида тўла тасаввурга эга бўлинди. Бунда пахтанинг теологик хоссалари унинг реал шарт-шароит ва тупроқ структурасига боғлиқлиги кўрсатилиб, машина терими б-н боғлиқ ишлар – толалик хоссаларни янада яхшилаш ва уни таҳлил қилиш ишлари амалга оширилди (Ҳ.У.Усмонов, Ю.Т.Тошпўлатов, Р.С.Тиллаев, А.А.Йўлчибоев).

Мустақиллик йилларида олимлар корхоналар б-н мустақкам алоқа боғлашди. Кимё ва металлургия э-длари чиқиндиларидан металлларни ажратиш олиш, уларни тозалаш амалиётда фойдаланиш, коррозияга чидамли ингибиторлар тайёрлаш, эритмалар хоссалари ва термодинамикаси муаммолари, адсорбция ва десорбцияга оид талқиқотларга аҳамият кучайтирилди (Н.П.Исмоилов, Ҳ.Т.Туропов, Ф.Қ.Қурбонов ва б.).

Органик кимё. И. т. ишлари 20-й.ларда бошланди. Тўйинмаган бирикмалар, эфирлар, металлорганик бирикмалар ўрганилди. Изомерланиш реакциялари талқиқ қилинди (С.Н.Наумов ва б.).

30-й.лардан бошлаб Ўрта Осиё ун-тида ароматик бирикмаларни алкиллаш ва ациллаш реакциялари ўрганила бошлади, протон ва апротон кислоталари ҳақида назарий маълумотлар вужудга келди, металл каталлизаторларнинг таъсир механизмига аниқлик киритилди (И.П.Цукерваник). Металларнинг галогенли тузларидан алкиллаш реакцияларида каталлизаторлар сифатида фойдаланила бошланди, гумин кислоталари асосида органик-минерал ўғитлар ҳосил қилинди, физиологик фаол моддалар синтези ўрганилди (А.Б.Кўчқоров). феноллар ва уларнинг эфирлари алкиллан-

ди, ортошклогексилфенол синтези амалга оширилди (А.Р. Абдурасулова, Қ.Н. Аҳмедов).

50-й.лар охири ва 60-й.ларда металл-органик бирикмалар синтезига доир ишлар олиб борилди, қатор металлларнинг реакцияга киришиш хусусиятлари аниқланди, радикалларнинг электрофиллиги улчанди ва олинган бирикмаларнинг турли шароитларда парчаланиши ўрганилди (З.М. Манулкин). Органик бирикмаларнинг карбонилланиш реакцияларига аҳамият берилди. Аминобирикмаларни тўғридан-тўғри карбониллаш орқали анабазин ҳосилалари олинди, уларни пахта ва б. усимликлар зараркундаларига қарши ишлатиш мумкинлиги исботланди (Ё.Ю. Алиев). Альфа-фенил-винилфосфон кислоталарнинг полимерланиш реакциялари ўрганилди, комплексонлар ҳақида тадқиқотлар қилиниб, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида хулосалар чиқарилди (А.Б. Аловитдинов).

1964 й. Тошкентда Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси ин-ти (ҳоз. А.С. Султонов номидаги Ўзбекистон кимё-фармацевтика и. т. институти) ташкил этилди. Шундан буён фаннинг органик катализ соҳасида муҳим тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Декарбоксиллаш, декарбониллаш, гидрирлаш, карбонводородларни олтингугуртсизлантириш, полимерланиш ва б. қатор реакциялар учун катализаторлар ишлаб чиқилди. Никелли катализаторларнинг фаоллиги гидрид комплекслари сабабли эканлигининг назарий ва таҳминий томонлари тушунтирилди, скелет ва қотишма ҳолдаги катализаторларни синтез қилиш йўллари топилди, уларнинг хосса ҳамда хусусиятлари аниқланди. Нефть дистиллятларини крекинглаш учун зарур алюмосиликат катализаторлари олиш технологияси ишлаб чиқилди (А.С. Султонов, М.Ф. Обидова, А. Абдуқодиров, Ҳ.М. Маҳкамов, А.К. Ҳасанов, М.П. Юнусов).

70-й.лардан бошлаб ацетиленнинг азотли бирикмалар б-н каталитик реакциялари ўрганила бошланди. Жараён учун мақсадли ва селектив катализаторлар ишлаб чиқилди, ацетонитрил, пиридин асослари ва улар ҳосилалари синтези ўрганилди, олинган қатор маҳсулотларнинг кимё, қ. х., тиббиёт ва фармацевтика учун хом ашё бўлиши мумкинлиги тажрибаларда кўрсатилди (Қ.Ахмеров, Д. Юсупов, С.М. Туробжонов, А. Икромов).

Ацетоксиэтиланлидларнинг аммиак, анилин, фенол, спирт ва сув б-н реакциялари ўрганилди. Ариламиноспиртларни роданлаш реакцияларида электрофил ўрин алмашиниши топилди. Син-

тез қилиб олинган моддаларнинг гербицидлик хусусиятлари уларнинг тузилишларига боғлиқлиги тажрибаларда исботланди (С.Р. Тўлаганов).

Ёғлар таркибдаги тўйинган ва тўйинмаган органик кислоталарни ажратиб олиш, уларни гидрирлашга оид муаммолар, совун олиш, ацетилен асосида турли синтезларни амалга ошириш, кимёвий маҳсулотлардан тиббиёт учун зарур препаратлар олиш ҳамда металл-органик бирикмалар синтези устида ҳам илмий ишлар олиб борилмоқда (А.Ф. Маҳсумов, И.Асқаров ва б.).

Юқори молекулали бирикмалар кимёси. Бу соҳада и. т. ишлари 40-й.лар ўрталаридан Ўрта Осиё ун-ти кимё кафедраси лаб.да бошланди. Пахта целлюлозаси ва шойи физикаси ҳамда кимёси ўрганилди. 50-й.лардан бу ишлар Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти табиий полимерлар лаб.да амалга оширилди (Ҳ.У. Усмонов). 60-й.лардан бошлаб синтетик полимерлар синтези ўрганилди. Бундай полимерларни қ. х.да, саноат корхоналарида кенг қўллашга доир амалий ишлар бажарилди (М.А. Асқаров).

Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси ин-ти ташкил этилиб (1963), унда гидратцеллюлоза, ацетат шойи ва б. толаларнинг структурасини текшириш усуллари ишлаб чиқилди, целлюлоза хоссаларини кимёвий ва радиацион-кимёвий усуллар орқали ўзгартиришга оид изланишлар олиб борилди. Кимёвий қайта ишлаш учун линтдан юқори сифатли пахта целлюлозаси олиш мақсадида технологик жараёнлар яратишга оид тадқиқотлар амалга оширилди (Ҳ.У. Усмонов, Б.Й. Ойхўжаев, К.Ҳ. Розиқов, У.А. Азизов, О.Й. Йўлдошев, Ф.Раҳмонбердиев ва б.). Пахта целлюлозасининг физик-кимёвий хоссалари, уларнинг тупроқ структурасига, об-ҳаво шароитига, намгарчилик ва б. омилларга боғлиқлиги Америка олимлари б-н ҳамкорликда ўрганилди (Т.М. Миркомиллов). Целлюлозатитангли ҳосилаларнинг синтези ўрганилиб, олинган маҳсулотлар синовдан ўтказилди, карбоксиметилцеллюлозанинг турли хусусиятлари ҳам ўрганилди, фуран смолаларини саноатда қўллаш мумкин бўлган йўллари топилди бўйича изланишлар қилинди (Т.А. Абдурашидов, Ф.А. Маърупов, Ш. Нажмиддинов).

80-й.лар бошларидан Ўзбекистон ФА тизимида полимерлар кимёси ва физикаси и. т. институти ташкил этилиб, полимерларнинг координацион кимёси ҳамда композицион материаллар яратиш борасида илмий ишлар бошлаб юборилди. Чигитнинг униб чиқишини бошқа-

ришда қўл келадиган полимер қопламалари яратилиб, амалга табиқ этилди.

Полимер гидрофил қопламалар, полимер-кремнезём сорбентлар, микрокристаллик целлюлоза, хитин ва унинг ҳосилаларини олиш технологиялари ишлаб чиқилди. Мазкур маълумотларнинг шаклланиши вужудга келадиган фаннинг янги йўналишлари—нанофизика ва нанокимё учун зарурлиги дунё олимлари томонидан тан олинмоқда. Бу борадаги и. т. ишларининг ривожлантирилиши мамлакатимизда юқори молекулали бирикмалар кимёсининг ривожига муайян ҳисса бўлиб қўшилади (С.Ш. Рашидова).

ЎЗМУда суперфосфат э-длари чиқиндилари б-н табиий газлардан фторполимерлар синтези (А.А. Йўлчибоев, Т.С. Сирлибоев), тиббиёт эҳтиёжлари учун зарур бўлган физиологик фаол синтетик полимерлар синтези амалга оширилди (Ў.М. Мусаев). Кимё-технология интида янги мономерлар хоссаларини олдиндан бошқариш мумкин бўлган юқори молекулали бирикмалар, ўз-ўзидан полимерланиш реакциялари (аминобирикмалар ва галоидалкилар таъсирлашувчи мисолида), интерполикомплекслар синтез қилинди. Чарм тайёрлашда юқори молекулали бирикмалардан фойдаланиб, хоссаларини яхшилашга эришилди ва бу ишлар амалиётга киритилди. Сувда ўта бўкувчи гидрогеллар синтез қилиниб, саноат миқёсида фойдаланила бошланди (А.Т. Жалилов, Р. Рўзиев, О.М. Ёриев, Т.Қодиров).

Енгил саноат ва тўқимачилик интида тола ҳосил қилувчи янги полимерлар олинди, хусусиятлари ўрганилди (К.Э. Эргашев).

«Фан ва тараққият» и. т. комплексидан кўпгина ажойиб хосса-хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган янги композицион материаллар яратиш устида иш олиб борилди. Механокимё муаммолари, механофаоллаш, механокимёвий таъсир, полимерларнинг ёпишқоқлик-эгилювчанлик хоссалари аналогияси усуллари устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Янги композицион-конструкцион материаллар олинди, кўп функцияли буюмларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида яратиш ва улардан саноат миқёсида фойдаланиш ўрганилмоқда (С.С. Неъматов, М. Искандарова, А.Ҳ. Юсупбеков, Р. Исмаилова ва б.).

Табиий бирикмалар кимёси. И. т. ишлари 40-й.лар ўрталаридан бошланди. Вегетация ва барг чиқариш даврида ўсимликлар органларининг азот сақлаши, физиологик фаол моддаларни сақловчи алкалоидларни йиғиш қонуниятла-

ри ўрганилди (С.Ю. Юнусов). 1956 й.да Ўзбекистон ФА тизимида Ўсимлик моддалари кимёси ин-ти ташкил этилиб, ўсимликлар таркибидаги кирувчи моддалар синфлари ўрганилди, синтетик регуляторлар яратиш устида ишланди. Кўплаб ўсимлик хиллари ўрганиб чиқилди, улардан 500 дан ортиқ алкалоид ажратиб олинди. Бу алкалоидларнинг ярмидан кўпроги янги моддалар эканлиги тажрибаларда исботланди. Галантамин, цитизин, папаверин ва б. юзлаб муҳим алкалоидларнинг янги манбалари аниқланди. Глюкозидлар кимёси чуқур ўрганилди. Буларнинг ўнга яқинидан юракни даволашда фойдаланишга рухсат этилди (Н.Қ.Абубакиров).

60-й.лардан таркибида мой сақловчи ўсимликлар ўрганила бошлади, 160 га яқин ўсимлик хилларининг данак (мағиз) ларидан олинган мойлар тадқиқ қилинди, пахта мойини паст ҳароратда гидрирлаш ва анор мойи олиш технологияси ишлаб чиқилди (А.И.Глушенкова, А.У.Умаров). Ўсимлик оқсиллари кимёсини ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Глобулинларнинг бирламчи структураси аниқланди, чигитдаги ферментлар таркиби ўрганилди (П.Ҳ.Йўлдошев, М.А.Кученкова, Т.Т.Шокиров, Ҳ.Ф.Орипов, Ш.С.Азимова ва б.).

70-й.ларда терпенлар, нуклеин кислоталар, таркибида фосфор сақловчи ўсимликлар, кумаринлар, флавоноидлар, лигнин ва полисахаридлар кимёсига оид ишлар қилинди. Улар асосида 80-й.ларда тиббиёт амалиёти учун муҳим бўлган кўпгина дори-дармонлар, жумладан, аллапенин, тефистрол ва б. яратилди. «Алкалоидлар» маълумотномаси нашрдан чиқарилди (С.Ю. Юнусов). Ғўза ва б. ўсимликларга юмшоқ таъсир этадиган самарали дефолиантлар технологияси яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди (Н.Алиев ва б.).

Ўсимликлар алкалоидларидан хинолизидин, бисхинолизидин, леонтидин каби алкалоидлар таркиби ўрганилиб, таҳлил қилинди, улардан амалиётда фойдаланиш бўйича тадқиқот олиб борилди. Пахтачиликда қўлланиладиган стимуляторлар (А-1, Кетоксим) ва «Оптим» дефолианти яратилди. Шамо эрозиясига қарши курашда интерполимер комплекс қоплама ҳосил қилиш усули ишлаб чиқилди. Бундай интерполимер комплекслар ёрдамида Орол ҳавзасида шамо эрозияси орқасида ерларни туз кўчишидан сақлаш технологияси ишлаб чиқилди (С.И.Искандаров).

ЎзМУда анабазин, хинолизидин ва трополон алкалоидлари ҳамда уларнинг ҳосилалари кимёси б-н шуғулланилди.

Ғўзапоя ва унинг баргларида ажратиб олинган моддалар, жумладан, полифеноллар, ошловчи моддалар, флавонолар, органик кислоталар, витаминлар, карбонсувлар хосса-хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Ўсимликлардан олинган моддалар кимёси ва технологиясига оид қатор монография ҳамда илмий тўпламлар мамлакатимиз ва чет элларда эълон қилинди (О.С.Солиқов, Х.А.Аслонов, Й.К.Қўшмуродов, А.А.Зиёев, С.Аульбеков, А.В.Турулов).

Коллоид кимё. И. т. ишлари 30-й.лар ўрталарида Ўрта Осиё ун-ти, Тошкент Политехника ин-ти лаб. амалга оширилди. Газ фазасидаги реакциялар кинетикаси, электр кимёси, эритмалар термодинамикаси ва суяқ системалар таҳлили ўрганилди. Табиий дисперс жинслар ва синтетик коллоид системаларнинг хоссалари атрофича текширилди (Б.Г. Запромётлов). Гидрозоиллар синтезининг электролиз усули ишлаб чиқилди. Бу коллоид системаларнинг мураккаб тузилишини тажрибалар ёрдамида ҳал қилишда муҳим омил бўлди. Мусбат ва манфий зарядланган гидрозоиллар олишга муваффақ бўлинди, уларнинг хоссалари ўрганилди, барқарорлиги, электролит ва ўзаро коагуляцияси (шу жумладан ҳосил бўлган коагуляциялар ҳам) аниқланди (Г.М.Вирская, Н.Н.Шпилевская). Марказий Осиёнинг турли ерларида мавжуд бўлган кулолчилик лой-тупроқлари ўрганилиб, пептидлаш усули орқали уларнинг пластиклигини ошириш мумкинлиги тажрибаларда исботланди (А.Ш.Шамсиев).

1939 й.да минерал моддаларнинг сувли суспензияларини текшириш учун мўлжалланган электрофоретик усул (электр форези) таклиф этилди.

Лой-тупроқларнинг сувли суспензияларидан чўктириш, табиий охрани бойитиш ва сифатини яхшилаш усули ишлаб чиқилди. Оранд 4 йил ўтган ун-т коллоид кимё кафедрасида фаннинг янги йўналишлари бўлган юқори молекулали бирикмаларнинг физик кимёси ва термохимёсини ўрганишга оид ишлар олиб борилди (К.С.Аҳмедов). Табиий газ, газ конденсати, саноат чиқиндилари ва б. маҳсулотлардан анион (С.Н.Аминов), катион (Т.М.Маҳмудов), сирт-фаол моддалар ва полиэлектролитлар (С.Зайнуддинов, С.А.Погорельский, У.К.Аҳмедов) олиш йўллари топилди. Бу моддаларнинг дисперс системаларга, коллоид-кимёвий жараёнларни бошқарува таъсири аниқланди.

40-й.ларнинг охиридан Марказий Осиёнинг каолинитли лой-тупроқларида таяёрланган эритмалар хоссалари

ўрганила бошлади (Л.Б.Смолина, И.Са-таев), маҳаллий лой-тупроқлардан суспензиялар ҳосил қилишнинг аниқ шартлари ишлаб чиқилди.

60-й.лар ўрталарида бошлаб Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти адсорбция лаб.да Ўзбекистон табиий минерал сорбентларининг эритмаларини гидротермал шартларда кислота, ишқор, сирт-фаол моддалар, сувда эрувчи полиэлектролитлар ва б. моддалар б-н ишлаб, улар хоссаларини исталган йўналишда комплекс ўзгартириш бўйича изчил тадқиқотлар қилинди (Э.О.Орипов, Ф.Раҳматқориев).

Республиканинг табиий минерал сорбентларидан бўлган бентонитлар, цеолитлар, цеолитли жинслар, опока, опокасимон ва монт-мориллонит-гидро-слюдали жинсларнинг структура-сорбцион ва б. хусусиятлари ўрганилди.

80-й.лардан бошлаб олимлар табиий ва техник-дисперс системалар коллоид-кимёвий хоссаларини бошқаришнинг илмий асосларини сирт-фаол моддалар ҳамда полиэлектролитларнинг янги хиллари орқали амалга ошириш борасида изланишларни давом этдириб келмоқдалар. Сирт-фаол моддалар ва полиэлектролитлар орқали халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига керакли маҳсулотларни уларнинг хоссаларини олдиндан белгилаб яратишга имкон беришини ўрганиш ва олинган натижалардан амалиётда фойдаланиш борасидаги илмий кузатувлар катта аҳамият касб этади. Бир қанча ишлар геол.да амалиётга киритилди (К.С.Аҳмедов, С.Ҳамраев, А.А.Аъзам-хўжаев).

Ноорганик кимё. Бу соҳасидаги тадқиқотлар 30-й.лар бошларида Ўрта Осиё ун-ти кимё ф-тининг ноорганик кимё кафедрасида бошланди (Б.Г.Запромётлов). Кристаллогенез лаб.да ўта тўйинган эритмалар хоссалари ўрганилди (Е.И.Познер, К.А.Асомов, Д.Деркунская, М.К.Файзиев). 50-й.лардан комплекс бирикмалар кимёсига оид ишлар бажарилди, платина элементларига кирувчи комплексларнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари ва рефракциялари ўлчанди (А.Ш.Шамсиев), турли эритмаларнинг кислоталар кучига таъсири ўрганилди (В.И.Дулова), ўткинчи элементлар комплекс бирикмаларини кислота ва асослар б-н ажратиб олишнинг муаммолари ишлаб чиқилди, сувсиз эритмаларда комплекс ҳосил бўлиши, янги координацион бирикмалар синтези ва бу моддаларнинг каталитик таъсири ўрганилди (Ҳ.Р.Раҳимов, А.Г.Муфтахов, К.Г.Нигай, А.Т.Турсунов, К.А.Асомов, Н.В.Капица, Р.Фафорова). Бу борада кўп компонентли сув-тузли системалар-

даги гетероген мувозанат ҳам тадқиқ қилинди (М.К.Файзиев, Н.И.Тимохина, Г.Массиев). Хлорсиз калий-сульфатли глазерит туридаги ўғитлар ҳам олинди. Металл иони—органик асос—органик кислота иони системаларидаги учламчи комплекслар ҳосил бўлиш реакциялари ўрганилиб, булар аналитик кимёга татбиқ этилди (Х.Р.Раҳимов, К.Р.Нигаё, А.Т.Турсунов).

Ўзбекистон ФА Умумий ва ноорганик кимё ин-тида аммоний полифосфатидан иборат янги концентрантланган ўғит ишлаб чиқарилди. Калий, кальций, аммонийларнинг конденсирланган полиметафосфатларни олиш усуллари аниқланди (М.Н.Набиев). ЎзМУнинг аорганик кимё кафедрасида Ўзбекистонда захиралари кўп бўлган рангли ва нодир металллар кимёсига оид и. т. ишлари амалга оширилди. Бундай металлларнинг азотли, кислородли ва олтингурутли комплекс бирикмалари олинди, таркиби ўрганилди ва амалиётга татбиқ этилди. Азотли лигандлар таркиби чуқур ўрганилди.

Органик бирикмалар молекулаларининг металл ионлари б-н реакцияга киришишидаги хусусиятларга тавсиф берилди, лигандлар селективлиги ҳамда ҳосил бўлувчи комплекс бирикма хоссалари аниқланди. Ходимлар б-н биргалликда гидросиламин ҳосилалари, молибден, вольфрам, рений ва б-нинг комплекс бирикмалари электрон тузилишлари ўрганиб чиқилди. d-элементлар координацион бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг аминокислоталар, амидлар ва гидрозидлар б-н реакцияларини ўрганиш йўлга қўйилиб, ванадил (II) сферасининг координацион таркибидаги донор гуруҳларнинг амид ва гидразид гуруҳларига ўтиш қонуниятлари аниқланди. Натижада «таркиб—структура—хоссалар» орасидаги боғлиқлик тушунтириб берилди. Биологик фаол комплекс бирикмалар олишга асос солинди. Ацетилацетон арилгидрозон икки валентли мис комплекслари қаттиқ ҳолда беш ҳалқали бўлиб, эритмаларда олти ҳалқалиларга айланиши илмий исботланди. 60 га яқин янги моддалар, жумладан, илгари номаълум бўлган гидрозон ҳосилалари ва гидроксамкислоталар комплексларининг монокристаллари ўстирилди. Хосса ва таркиби аниқланди, кимёвий боғланиш табиати ўрганилди. Хоссаларини олдиндан айтиб бериш орқали янги моддаларни синтез қилиш асослари ишлаб чиқилди. Тебранма спектроскопик усуллар ёрдамида моддалар таркиби аниқ ўрганилди, 5-оксипиразолиннинг мавжудлиги исбот-

ланди. Металлар комплексларининг каталитик хоссалари ўрганилди ва амалиётда қўллаш учун тақлиф этилди.

Молибден, рений, вольфрам ва симобни аниқлаш ҳамда юқори даражада тоза молибден олишнинг термик усули ишлаб чиқилди. Бу ишлар Ўзбекистон қийин эрувчан ва ўтга чидамли металллар комбинатида амалиётга татбиқ қилинди. Олинган комплексларнинг айримлари юқори каталитик ва биологик фаоллик хусусиятига эга эканлиги маълум бўлди (Н.А.Парпиев).

Тошкент фармацевтика ин-тида тетрацикло хилидаги бирикмалар олинди. Моддаларнинг дентантлиги, нормал ва аномал координацияланувчи аралаш моддалар борлиги, шунингдек, пиразинамиднинг дентантлиги б-н ноорганик лигандлар орасида кўприк орқали боғланишга мойиллик борлиги аниқланди (М.А.Азизов).

Аналитик кимё. Тадқиқот ишлари 30-й.ларнинг ўрталарида бошланди. Фторли бирикмалар кимёсини ўрганишга асос солиниб, бир қанча янги моддалар олинди, фторидларнинг узаро таъсири бўйича баъзи назарий масалалар ва қонуниятлар аниқланди, илгари номаълум бўлган комплекс бирикмалар синтези амалга оширилди (Ш.Т.Толипов, З.Т.Максимичева, Е.Л.Круковская). Фторидли системаларнинг физик кимёвий хусусиятлари ўрганилиши натижасида цери, алюминий, хром ва титанин аниқлашнинг ҳажмий ҳамда амперметрик усуллари ишлаб чиқилди. Булар фторни саноатда олишни йўлга қўйишда муҳим омил бўлди. Табиий бирикмалардан аналитик реагентлар сифатида фойдаланишга доир изланишлар қилинди.

40-й.лар ўрталарида Ўрта Осиё аналитик кимё кафедраси соҳанинг асосий маркази бўлиб қолди. Алкалоидлардан анабазин, папаверин, пахикарпин, полифеноллар ва уларнинг синтетик аналогларини қўллашга доир қузатувлар олиб борилди. Анабазиннинг азоҳосилалари истиқболли реагентлардан эканлиги аниқланди. 50 дан ортққ мана шундай бирикмалар синтез қилиниб, кам тарқалган ҳамда сийрак элементларни фото ва экстракцион-фотометрик усулларда аниқлашга лигандлар сифатида қўллаш тақлиф этилди (Ш.Т.Толипов, Р.Ҳ.Жиянбоева).

Ноорганик моддаларни таҳлил қилишнинг люминесцент усули қўлланилиб, органик бирикмалардан бўлган анабазин қатори ҳосилалари, ксантен ва оксифлан бўяғичлари, азометинларни люминесцент реагентлари сифатида ишлатишга имкон берди. Бундай бирикма-

лар хоссаларини изчил урганиш натижасида молекулаларнинг тузилиши б-н люминесцентлик хоссалари ўртасидаги боғланишнинг назарий асосларини ёритиб бериш масаласи ҳал қилинди (Ш.Т.Толипов, З.Т.Максимичева, А.Т.Тошхужаев). 50-й.лар бошларидан титрлашнинг амперметрик усулини қўллаш усулидаги қузатувлар бошланди (В.А.Ходеев, А.К.Жданов). Кутбланишнинг турли микроэлементлар катод ва анодларидаги қўллаб ноорганик ва органик титрантларнинг вольт-амперметрик хусусиятлари назарияси ва амалиёти усулда тадқиқот олиб борилди. Бир ва икки фазали сувоқ системаларнинг титрланиши эгри чизикли умумий математик назарияси ишлаб чиқилди, бунда реакциянинг титрлаш шароитини инфодалайдиган каталитиклар б-н титрлаш эгри чизиги орасидаги боғланишларни аниқлашга имкон туғилди.

60-й.лар ўрталаридан аналитик жиҳатдан тоза чўкматали олиш ва уларни қўллашга доир қузатувлар амалга оширилди. Аналитик кимёнинг кейинги ўн йилликлардаги йўналиши пахта хом ашёси ва уни қайта ишлаш саноатининг маҳсулотлари бўлган мой, кунжара, шрот ҳамда бошқа озуқалар таркибидаги дефолиантлар миқдорини аниқлашга бағишланди. Шу мақсадда бутифос ва бошқа дефолиантлар иштирокида ароматик аминлар (бензидин) ни водород пероксид б-н оксидлашни тезлаштириш реакциялари қўлланилди. Бутифосни аниқлашнинг кинетик ва хроматографик усули ишлаб чиқилди (Р.Ҳ.Жиянбоева). Органик моддалар полярграфияси, қийин таҳлил қилинувчи саноат корхоналари аралашмалари учун қатор янги таҳлил усуллари ўрганилмоқда.

Биоорганик кимё. 1973 й.да Ўзбекистон ФА тизимида Биоорганик кимё ин-ти ташкил этилди. Акад. О.С.Содиқов раҳбарлигида ўсимликларнинг иккиламчи метаболитини ўрганиш, тиббиёт ва қ. х. учун зарур препаратлар яратиш, жонивор ва ўсимликлардаги оксил табиатли захарларнинг таъсир механизмини тадқиқ қилиш каби ишлар йўлга қўйилди. Илмий ходимлар регионда ўсувчи олти минг хил ўсимликнинг катта қисмини текшириб чиқишди, уларнинг 1000 га яқинида алкалоидлар борлиги исботланди. Олимлар юзга яқин янги алкалоидни ажратиб олишга муваффақ бўлишди. Стереокимё, конформацион таҳлил (анализ), табиий бирикмаларнинг электрон тузилиши ва реакцияга киришиш хусусиятини аниқлашга доир муҳим ишлар қилинди. Госсиполнинг вегетация даврида кўллаб йиғилиши,

ғўза гулида 5,5% антоциан мавжудлиги тажрибаларда исботланди. Вильт касаллигига олиб келувчи сабаблар аниқланди. Вирусли тошмаларни даволайдиган «мегосин» суртма дориси, чекишни ташлашга ёрдам берадиган анабазин гидрохлорид ва б. дорилар ишлаб чиқарилди. Ин-т илмий ходимлари томонидан карадрин ва кузги тунламни кўпайтириш ҳамда феромонларнинг кимёвий тузилиши б-н аттрактив хусусиятлари орасидаги боғланиш ва ш. к. муаммоларни ўрганиш устидаги тадқиқотлар ниҳоясига етказилди. Кўсак қуртининг феромонлари синтез қилинади, қ. х. амалиётга кенг татбиқ этилди.

Феромонларнинг атроф-муҳит учун зарарсизлиги, юқори самарага эга таъсир доираси кенглиги ва ўзига хослиги ўрганилди. Препарат эркак қашаротларни кўплаб тутиб олиш ёки адаштириш (дезорентациялаш)га, шунингдек, уларнинг нарантидаги инларини топишга имкон беради. Бу ишлар дунё амалиётда биринчи бор қўлланилганлиги б-н аҳамиятлидир. Физиологик фаол моддалар олинishi, стереокимёси, қўйи молекула биорегуляторлар таъсир механизми кимёвий моҳиятининг аниқланиши фанга қўшилган катта ҳиссадир (А.А. Абдувахобов).

Ин-тда оқсил ва пептидлар тузилиши ҳамда хоссалари, Марказий Осиёда яшовчи жониворлар захарларидаги ферментлар ва б. биологик фаол моддаларнинг структуралари ва функциялари чуқур ўрганилди. 60 га яқин физиологик фаол оқсиллар ва пептидлар ажратиб олинди, уларнинг 20 дан ортиғи тузилиши аниқланди (Ш.И. Солиҳов).

Кейинги йилларда турли туллар ва б. ўсимликлардан қўюлтирилган табиий бўёқлар олинди, улар технологияси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Ўғитлар кимёси ва технологияси. Мазкур соҳага оид и. т. ишлари 40-й.лар охири ва 50-й.лар бошида Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти ўғитлар лаб.да бошланди. Фосфатларни кислоталар б-н қайта ишлаб, таркиби ва хоссалари олдиндан белгиланган қаттиқ ҳамда суюқ ҳолдаги комплекс ўғитлар олиш йўллари ўрганилди. Натижада азот-фосфорли ўғитларнинг иқтисодий жиҳатдан самарали технологик схемалари яратилди. 1966 й.да ўғитлар лаб. ўрнида ўғитлар кимёси ва технологияси бўлими ташкил қилинган, и. т.лар кенг йўлга қўйилди. Азотли, фосфорли, калийли ва комплекс ҳолдаги макро- ва микроэлементли ўғитлар сифатини яхшилаш, технологик кўрсаткичларини тубдан ўзгартириш,

уларнинг озукалилигини ошириш устида ишланди. Концентранган полиметафосфатлар олиш йўллари топилди, уларнинг тупроқ структурасини яхшилаб, тузларни камайтириши, эритмалар осмотик босимини пайсаятириш, ўсимлик ҳосилининг пишиб етилиш даврини қисқартириши аниқланди. Аммиак селитрасининг технологик усули синовдан ўтказилиб, амалиётда қўллана бошланди. Қоратов фосфоритидан олинган аммонийлаштирилган суперфосфат технологияси Қўқон, Самарқанд, Жамбул ва Чоржўй суперфосфат з-дларида и.ч.га татбиқ этилди, СУМ хилидаги мурракб ўғитлар яратилди. Азот кислота ёрдамида фосфоритларни парчалаш жараёнлари таҳлил қилинди (М.Н.Набиев, Б.М.Беглов, Ф.М.Мирзаев, А.А.Вишнякова).

Таркибида физиологик фаол бирикмалар, микроэлементлар, пестицид ва дефолиантлар мужассамлашган комплекс ўғитларнинг кимёвий асослари ва технологияси ўрганиб чиқилди (С.Тўхтаев, Л.Н.Семенова). Саноат оқова сувларидан суюқ ўғитларни ажратиб олиш ва биосферани муҳофаза қилишга доир ишлар ҳам бажарилди. 80-й.лар охирида фосфорли ўғитлар и.ч. саноатининг чиқиндисига бўлмиш фосфогипсдан цемент волластонит, энгил тўлдиригич ва сульфат кислота олиш технологияси яратилди (Т.А.Отақўзиев).

90-й.лар бошида Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти ўғитлар бўлими асосида ўғитлар ин-ти ташкил қилинди. Унда қ. х. жумладан, пахтачилик учун сифатли ва самарадор ўғитлар яратиш соҳасидаги ишлар кенг ривожлантирилмоқда. Лаб.да 200 га яқин модда синтез қилинди, уларнинг ярмиси ўғитлар учун хом ашёлик қилиши мумкинлиги исботланди. «Уфакс-1» маркали ўғит суперфосфатнинг аммонийлаштирилган модификацияси бўлиб, бир вақтнинг ўзида пахта учун ҳам, бошқа техника ўсимликлари учун ҳам, полиз экинлари учун ҳам сифатли ўғит бўла олиши тажрибаларда исботланди. У биргина пахта ҳосилини гектар бошига 2,5 ц га оширади. Янги стимуляторлар—ўсимлик ўстириш моддалари яратилиб, Чирчиқдаги «Электрохимпром» и. ч. бирлашмасида ишлаб чиқарилмоқда (С.Н.Усмонов, Ш.С.Намозов ва б.).

90-й.лар охирида мазкур иккала ин-т яна бирлаштирилиб, Ўзбекистон ФА Умумий ва ноорганик кимё номини олди.

Мустақиллик йилларида аммофос, карбамид, оддий ва аммонийлашган кўш суперфосфат ҳамда калий сульфат-

нинг тез сингувчи микроэлементлар, физиологик фаол моддаларнинг ўсиш регуляторларини сақловчи хиллари яратилди. Бойитилган суперфосфатнинг кимёвий ва технологик асослари ишлаб чиқилди.

«Сихат», «Сардор» каби ва б. дефолиантлар яратилиб, амалиётга татбиқ этилди. Бундан пахтачиликда катта самара кўрилди. «Ҳаёт», «Морел», «Мезон» ва «Садаф» дефолиантлари технологияси ишлаб чиқилди ва Давлат синовидан ўтказилди (С.Т.Тўхтаев). Ин-тда ўғитларнинг янги — ёпишиб қолмайдиган, ўз дондорлигини сақлайдиган самарали хилларини олиш технологияси ишлаб чиқилди. Марказий Қизилқум фосфоритларидан фосфор ва цемент олиш мумкинлиги исботланди, лифогум, сульфоглеаммофос, афгум, фагум, органик ва минерал ўғитларнинг янги хилларини олиш технологиялари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Ғўзапояни ўстирувчи стимуляторлар, тупроқдаги азот нитрификацияси ингибитори яратилди. Фосфорли, азотли ва комплекс ўғитлар олиш технологияси устида и. т. ишлари олиб борилмоқда (Б.М.Беглова ва б.).

Силикатлар кимёси ва технологияси соҳасидаги тадқиқотлар 30-й.лардан бошланди. Қизилқиянинг табиий куйган тупроқ (глиеж) ларини гидравлик қўшимчалар сифатида портланцементга ишлатиш мумкинлиги масалалари, цемент коррозияси ва унга қарши кураш чораларини излашга доир тажрибалар олиб борилди (И.С.Канцельский). Бундай тажрибалар сунъий куйган каолинли Ангрэн тупроқларида ҳам ўтказилди (Й.Т.Топшўлатов). Оқтош агальматолитлари, ланган дала шлати ва кварци, ўғлонлиқ бентонити хосса-хусусиятлари чуқур ўрганилиб, хўжалик чинниси олиш мумкинлиги исботланди (Ф.Ҳ.Тожиёв), фосфогипснинг кальций алюминатлари б-н реакциялари ўрганилди, маҳаллий хом ашё асосида яратилган бундай цементнинг тузлар таъсирига бардошлилиги аниқланди. Шу б-н бирга сульфоалюминатбелитли цементнинг қотиш тезлиги, туз ва иссиқлик таъсирига чидамлилиги ўрганиб чиқилди, натижада кам энергия сарфлаб цемент олиш технологияси яратилди (Т.А.Отақўзиев).

Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти лаб.да оқ ва безак цементлар олиш технологияси яратилди ва саноатга татбиқ этилди. Саноат чиқиндиларидан янги цементлар олиш технологиясини яратиш устида ҳам изланишлар олиб борилди (М.Ф.Фулмонов, Ҳ.А.Усмонов). Сирлар-

нинг янги хилларини яратиш, силикат, силикаттитан, ишқорий-ер ва шу каби бирикмаларнинг кристалланиши ҳамда хоссаларининг шароитга боғлиқлиги тажрибаларда ўрганилди. Силикат ва алюмосиликат бирикмаларнинг юқори ҳароратда фазовий ўзгаришларга берилиши, ўзаро бирикиши ва турли шароитларда бир-бирида эриш хусусиятлари қонуниятлари аниқланди, бу ишларнинг назарий томонлари илмий жиҳатдан асослаб берилди. Натижада хосса ва хусусиятлари олдиндан белгиланган янги мураккаб кристаллик бирикмалар, ўтга чидамли материаллар, юқори сифатли шиша ва кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқиш асослари яратилди. Олинган маҳсулот ва хом ашёларнинг асосийлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Саноат чиқиндилари ва иккиламчи хом ашёлардан фойдаланиб, халқ хўжалиги учун зарур буюмлар тайёрлаш борасида ҳам талқиқотлар олиб борилмоқда (Н.А. Сирождинов, А.П. Эркахўжаева).

70—80-й.ларда ТошПИ силикатлар технологияси кафедрасидаги лаб.да ғишт сифатини яхшилаш, ангрен каолини асосида оловбардош сопол буюмлари ясаш, маҳаллий хом ашёлардан электр чинниси, кислотага чидамли ва глазури-сиз канализация қувурлари яратишга доир талқиқотлар ўтказилди (Ф.Ҳ.Тожи-ев, Р.И.Исмазова).

Таркибида кремний бўлган маҳаллий хом ашё ва саноатнинг иккиламчи техноген маҳсулотларини ишга солиб чинни буюмлари ва керамиканинг турли янги хиллари яратилди. Мустақиллигимизга чинни з-дига Украинадан хом ашё ташиб келтирилди. Олим ва саноатчиларимиз биргаллашиб маҳаллий минерал хом ашёлардан чиннининг янги, маҳаллий турини яратишга муваффақ бўлишди. Кармана кварц-дала шпатлари. Қизилқум фосфорити ва Қорақалпоғистон минерал ашёларидан фойдаланиб, хўжалик чинниси олинди ва тажриба синовларидан муваффақиятли ўтди. Шоли қипиғи ишга солиниб, унинг таркибидаги кремнезём чинни массасига қўшилганда чиннининг пишиш ҳарорати анча пасайиб, маҳсулот сифати ва мустақамлиги ортганлиги тажрибаларда аниқланди. Бу борада Германия и. т. ин-лари ва олий ўқув юртлари б-н ҳамкорликда олиб борилган илмий ишлар ўз самарасини бермоқда. «Пахта», «Кийик», «Тошкент косалари», «Наврўз» ва б. сервисларда ўтказилган синовлар муваффақиятли яқунланди ҳамда саноатга тавсия этилди (А.Ҳ.Исмоилов, А.М. Эминов).

Мелитлит, пироксен, апатит, витлокит, волластонит, глинозём ва белитлар структураси асосида маҳсулотлар синтези урганилди, уларнинг радиоке-рамика, квант оптикаси, рангли биллур ва шиша саноати учун хом ашё сифатида қўлланилиши мумкинлиги амалда кўрсатилди (А.А.Исмавов). Шишанинг янги хиллари яратилиши, уларнинг хоссалари ўрганилди; саноатдагиларининг айримлари модификацияланди, уларнинг кристаллик тузилишидаги ўзгаришлар талқиқ қилинди, қусурли хусусиятлари йўқотилди (С.С.Қосимова).

Қурилиш материаллари и. т. ва лойиҳалаш ин-тида нисбатан паст ҳароратларда клинкер олинди, ундан алинит минералини ажратиб олишга муваффақ бўлинди, структурасида кальций, кремний ва кислород атомлари б-н бир қаторда хлор атоми ҳам мавжудлиги исботланди (Б.И.Нудельман). Бу и. т. кашфиёт сифатида тан олинди ва янги хусусиятли цемент и. ч. учун асос бўлди. Ушбу усулдан Япониядаги «Экоцемент» корхонаси маълум даражада фойдаланиб маҳсулот чиқармоқда, бу ишнинг амалга оширилишида муаллифнинг ўзи ҳам иштирок этди.

Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари. Ўзбекистонда бу соҳалаги и. т. ишлари ТошПИ қошида 1940 й.да ташкил этилган «Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари» кафедрасида бошланди (В.Н.Фисейский, М.И. Ниёзов ва б.). Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари соҳаси бўйича илмий изланишлар, асосан, Тошкент Кимё-технология ин-ти, Тошкент Давлат техника ун-ти, Ўзбекистон ФА Умумий ва ноорганик кимё ин-ти, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари ин-ти, Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати технологияси ин-тида, Ўзбекистон озиқ-овқат саноати и. т. ин-тида олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида Тошкент кимё-технология ин-ти кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари кафедрасида кимё ва озиқ-овқат саноати и. ч. жараёнларини жадаллаштириш бўйича и. т. ишлари олиб борилди. Кафедра ходимлари томонидан саноат газларини чангдан тозалаш, пневмотранспорт, грануляция, абсорбция, адсорбция, экстракция, қуритиш жараёнларини турли усуллар б-н (пульсацион ва вибрацион тебранишлар, ўзгарувчан электромагнит майдони, ҳаракатчан насадкалар, мавҳул қайнаш ҳолати, қаттиқ фаза қатламининг геометрик шаклини ўзгартириш ёрдамида) тезлаштириш назарий ва амалий асослари

ишлаб чиқилди, сочилувчан қаттиқ жисмларнинг гидромеханик, иссиқлик-физикавий ва диффузион хоссалари аниқланди, замонавий қурилмалар (чанг тутгич, сепаратор, гранулятор, абсорбер, экстрактор, қуритгич, пневмотранспорт ускуналари) яратилди. Илмий изланишлар натижалари Ўзбекистон қийин эрувчан ва ўтга чидамли металл-к-ти, Ўзбекистон машинасозлик и. ч. бирлашмаси, Фарғона кимёвий тоналар з-ди, Тошкент, Ургенч, Фарғона ва Намангандаги ёғ-мой к-тларида татбиқ этилди (З.С.Салимов, Ҳ.С.Нурмухамедов). Қаттиқ жисм ва суюқлик фазаларидаги жараёнларда модда ўтказишнинг назарий ва амалий муаммолари ҳал қилинди (Н.У.Ризаев). Насадкали абсорберларнинг гидродинамикаси, модда ва ион алмашнинг жараёнларини моделлаштириш ҳамда тезлатиш, иссиқлик алмашнинг тегишиш юзаси шаклини ўзгартириш орқали тезлатиш каби талқиқотлар амалга оширилди (М.Ю. Юсупов, С.Ф.Зокиров).

Кимё саноатини автоматлаштириш. Бу соҳадаги изланишлар 60-й.лар бошларида Чирчиқдаги «Электрхимпром» и. ч. бирлашмаси қошида ташкил топган тажриба-конструкторлик ташкилотининг мустақил автоматика технологик бюросида бошланди. Кейинроқ бу ташкилот «Химавтоматика» илмий-и. ч. бирлашмасига айлантирилди, ҳоз. у назорат-ўлчов асбоблари, турли кимёвий материалларнинг хосса ва хусусиятларини аниқлаб берувчи ускуналар, маҳсулот ва буюмларни синовдан ўтказувчи ускуна ҳамда мосламалар ишлаб чиқарувчи фирмалардан биридир. Кимё, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналарида технологик жараёнларни бошқариш ва автоматлаштириш каби ишлар амалга оширилмоқда. Фирма томонидан яратилган «Ранг», «Радуга», «Пульсар», «Чимган», «Палладий», «Элак», «Полигаз» каби асбоблар фан б-н ишлаб чиқариш ҳамкорлиги самарасидир.

Саноатни автоматлаштириш ва бошқаришни ташкил этиш кадрлар етиштиришни талаб қилади. Бунинг ҳисобга олган ҳолда ТошПИ кимё-технология ф-тида 1964 й.да Ҳ.П.Тошпўлатов бошчилигида кафедра ташкил этилди. Кейинроқ кафедрага шу ихтисосликни битириб чиққан кўлгина ёшлар келишди. Кенг қўламли и. т. ишлари олиб борилди. Натижада Навоий, Чирчиқ, Олмалик, Фарғона ва б. шаҳарлардаги бир неча корхоналарда кафедра ходимлари тақлифи б-н технологик жараёнларни автоматлаштирилди, жараёнларни бошқар-

риш мумкин бўлди. Янги датчиклар яратилди ва булар ёрдамида махсулот сифати ва хусусиятлари автоматик суратда кузатила бошланди. Ёғ-мой санюатида технологик жараёнларни бошқаришнинг оптимал схемаси яратилди. Вискозиметр, зичлик ва намликни ўлчовчи асбоблар яратилиб, и.ч.га татбиқ қилинди. Автоматик тарзда ишловчи бу асбоблар ёрдамида экстракция, дистиллаш, моддалар ва махсулотларнинг зичлик ва намлиги каби параметрик маълумотлар олина бошланди. Бу маълумотлар «Кимё технологиясининг назарий асослари» бўйича катта йўналишга асос солди. Ҳоз. вақтда олимлар соҳалараро назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш устида изланмоқдалар (Н.Р. Юсупбеков, П.Р. Исмаилов, Ш.М. Фуломов, А.Ортиқов, Б.З. Мухамедов).

Қудрат Асмеров.

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ

Куп асрлар давомида геог. Ер юзасининг табиати, ҳўжалиги ва аҳолиси ҳақидаги бир бутун фан сифатида кишиларни турли жойлар ва мамлакатларнинг табиий шароити, табиий бойликлари, халқлари, шаҳарлари тўғрисидаги зарур маълумотлар б-н таъминлаб турган. Улуғ олимлар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Жайҳоний, Абу Зайд Балхий, Абу Абдулла Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Носир Ҳисрав, Маҳмуд Кошғарий, Ҳофиз Абу, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ҳайдар Мирза, Ҳофиз Таниш Бухорий, Шайх Сулаймон Бухорий, Ҳожи Юсуф Ҳайзатий ва б.нинг турли фан соҳалари, шу жумладан, геог.нинг тараққиётига қушган ҳиссалари беқиёсдир. Уларнинг географик мероси устида илмий изланишлар олиб борган Ҳ.Ҳ. Ҳасановнинг таъкидлашича, ўрта-осиёлик олимларнинг асарларидаги географик таърифлар бир китобга жам қилинса, ўлканинг географик ўрни, тоғлари ва қўмлари, иқлими, дарё ва қўллари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, қ.х., ички ва ташқи савдоси, аҳолиси, топонимияси, йўллари ва масофалари тўла равишда маълум бўлади.

Замонлар утиши б-н кишилик жамиятининг табиатга, табиат бойликларига бўлган талаблари ортиб, мураккаблашиб борди. Бу, ўз навбатида, геог.нинг вазифаларини ўзгариши ва мураккаблашувига сабаб бўлди. Энди геог.нинг вазифа

фаси фақат маълумотлар тўплаш эмас, балки тўпланган маълумотларни солиштириш, умумлаштириш, илмий таҳлил қилиш ва қонуниятларни аниқлашдан иборат бўлди. Шу асосда геог.нинг илмий асослари ва назарияси шакллана бошлади. Шунингдек, географик маълумотлар кўпайган сари тадқиқотлар ҳам мураккаблашиб, ихтисослашиб борди. Фаннинг тузилишида ҳам, изланиш методларида ҳам ўзгаришлар рўй бера бошланди. Бу, ўз навбатида, геог.ни фанлар тизимида табақаланишига олиб келди. Бир бутун бўлиб келган геог. энди географик фанлар тизимига айланди.

Табиий география. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий ресурсларини комплекс тадқиқ этиш ва шунга боғлиқ равишда табиий географик ғояларнинг ривожланиши бир неча илмий йўналишларда амалга ошиб, такомиллашиб борди. Шундай йўналишлардан бири, қадимдан ривожланиб келётган ва табиий геог.да анъанавий бўлиб қолган қиёсий-тасвирий йўналишдир. Ўрта асрларда Жайҳоний, Балхий, Беруний, Бобур каби мутафаккирлар ўз асарларида қиёсий-тасвирий усулдан моҳирлик б-н фойдаланганлар.

19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.нинг бошларида Ўрта Осиё табиатини ўрганган рус тадқиқотчилари—П.П. Семёнов-Тяньшанский, И.В. Мушкетов, А.П. Федченко, В.И. Масальский, Л.С. Берглар қиёсий-тасвирий йўналишнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. 20-а.нинг 1-ярмида бу йўналиш етакчи географлар Н.Л. Корженевский, Н.Г. Маллицкий, Э.М. Мурзаевлар томонидан муваффақиятли ривожлантирилди. Кейинчалик Ўзбекистонда бу илмий йўналишда О.Ю. Пославская, Н.Д. Долимов, М. Қориев ва б. ўз илмий фаолиятлари давомида ўлканинг турли қисмлари ва Ўзбекистон худудини табиий-географик тасвирлашга эришдилар. Шунингдек, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг табиий геог.га оид дарслик ва ўқув қўлланмаларда муаллифлар (М. Қориев, П. Баратов, М. Маматқулов, А. Рафиқов, П. Фуломов, И. Ҳасанов) жойларнинг табиий географик хусусиятларини ёритиб беришда қиёсий тасвирлаш усулига амал қилган.

Табиий геог.нинг ривожланишидаги қиёсий-тасвирий йўналиш ЎзМУ географлари томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг табиий шароити, ҳўжалиги ва аҳолисига оид илмий-оммабоп нашрларда ҳам ўз ифодасини топган.

Табиий геог.даги илмий йўналишлардан яна бири экологик-географик йўналишдир. Бу йўналиш 1920–30 й.ларда

Н.А. Северцов, А.Н. Краснов, В.Ф. Ошанин, А.П. Федченко каби Ўрта Осиё табиатини ўрганган олимларнинг экологик-биографик ғоялари ҳамда ҳоз. замон табиий геог.сининг асосчиси В.В. Докучаев илмий мактабининг назарий қарашлари асосида шаклланди.

Регионал ландшафтшунослик табиий геог.нинг тараққиёт тарихида юзага келган яна бир илмий йўналишдир. Унга оид дастлабки изланишлар 1929–30 й.ларда таниқли геоботаник, тупроқшунос ва географ олим Р.И. Аболин томонидан бажарилган. Унинг асарлари Ўрта Осиё табиий геог.сининг энг мураккаб масалаларидан бири бўлган табиий географик р-нлаштиришга қаратилган эди. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон худудини табиий географик р-нлаштириш б-н турли йилларда Л.С. Берг (1913), Р.И. Аболин (1929), В.М. Четиркин (1943), Э.М. Мурзаев (1953), П.С. Макеев (1956), Л.Н. Бабушкин ва Н.А. Когай (1964) шуғулланган. Бироқ регионал ландшафтшунослик илмий йўналиш сифатида кўпроқ В.М. Четиркиннинг илмий асарлари асосида шаклланди ва ривожланди. Унинг «Ўрта Осиё (комплекс тасвирлаш ва районлаштириш)» монографиясида Ўрта Осиёни табиий географик р-нлаштиришнинг ўзига хос схемаси яратилди. У табиий географик изланишларни иқтисодий географик изланишлар б-н боғлашга ҳаракат қилиб, Ўрта Осиёнинг табиий шароити, табиий географик комплексларга табақаланиш қонуниятлари ҳақида яқин географик концепция яратди. Ўзбекистонда табиий географиянинг, жумладан, регионал ландшафтшуносликнинг 1959–76 й.лардаги тараққиёти, асосан, ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ) проф.лари Л.Н. Бабушкин ва Н.А. Когайнинг ўзаро ҳамкорликда олиб борган илмий фаолияти б-н боғлиқ бўлди. Л.Н. Бабушкин б-н Н.В. Когай Ўрта Осиё ва Ўзбекистонни табиий географик р-нлаштириш муаммолари б-н шуғулланиш жараёнида Р.И. Аболин ва В.М. Четиркиннинг регионал-экологик тамойилларига амал қилиб экологик ва палеогеографик мезонлардан ҳамда табиий географик р-нлаштиришда географик зоналик, янги тектоник ҳаракатларни таҳлил қилиш, палеогеографик таҳлил, ландшафт-типологик харитани таҳлил қилиш асосида табиий географик бирликларнинг чегараларини аниқлаш методларидан фойдаландилар.

Улар Ўзбекистоннинг 1 млн. масштаб-лик ландшафт харитасини яратдилар ва ундан табиий географик р-нлаштиришда илмий асос сифатида фойдаландилар.

1960–70 й.ларда Ўзбекистонда маҳаллий ландшафтшунос олимлар сафи шаклланди. Табиий геог. ва унинг йўналишларига доир илмий изланишлар ҳозирда Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида Ҳ.Ваҳобов, Н.Собитова, А.Ўразбоев, А.Ниғматов (Тошкент), А.Абдулқосимов, Л.Алибеков, О.Раҳматуллаев, С.Аббосов (Самарқанд), Ю.Султонов, И.Абдуганиев (Фарғона), К.Боймирзаев (Наманган), И.Назаров (Бухоро), А.Маматов, С.Абдуллаев (Қарши) ва б.нинг иштирокида давом этмоқда.

Тупроқлар географияси. 1920–30 й.ларда Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг табиати ва табиий ресурсларини ўрганиш бўйича экспедиция ва стационар и.т. ишлари кенг қўламда олиб борилди. Бунда Ўрта Осиё давлат ун-ти қошида ташкил этилган Тупроқшунослик ва геоботаника ин-тининг аҳамияти катта бўлди. Ин-т илмий раҳбари Н.А.Димо ва Р.И.Аболин ҳудуднинг тупроқ ва ўсимлик қопламани ландшафт комплексларининг таркибий қисми сифатида тадқиқ қилишга, тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этувчи барча омилларга алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилдилар. Илмий экспедициялар ўлка қ.х. ташкилотларининг эҳтиёжи б-н ўтказилган бўлиб, катта амалий аҳамиятга эга эди. Натижада тўпланган бой ва турлитуман фактик маълумотлар илмий таҳлил қилинди, тупроқларнинг географик тарқалиш хусусиятлари урганилди, тупроқлардан унумли фойдаланиш йўллари ҳақида муҳим амалий хулосаларга келинди.

Ўзбекистонда мазкур соҳа ғояларининг кейинги ривожланишида (1950–70) Н.В.Богданович, А.Н.Розанов, Б.В.Горбунов, Н.В.Кимберг, М.А.Панков, С.А.Шувалов, М.А.Орлов кабиларнинг тадқиқотлари аҳамиятли бўлди, тупроқ табиатининг муҳим компоненти сифатидагина эмас, балки муҳим и.ч. объекти сифатида ҳам баҳоланди. Шунингдек, тупроқларнинг горизонтал зоналик ҳамда вертикал минтақалари бўйича тарқалиш қонуниятлари урганилди. Ўзбекистон тупроқларининг янги, бир мунча такомиллашган таснифи ҳам ишлаб чиқилди. 1958 й.да А.Н.Розанов бажарган тупроқ-географик р-нлаштириш тажрибаси кейинги р-нлаштириш ишларида ҳам асос сифатида фойдаланилди.

Тупроқлар геог.сига оид муаммолар устида М.Умаров, А.Расулов, А.Маҳсудов, К.Маҳсудов, Ж.Сатторов, Л.Турсунов, А.Ниғматов, С.Абдуллаев каби бир қатор тупроқшунос олимлар и.т. ишлари олиб бордилар, илмий асарлар яратдилар.

Биогеография. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки биогеографик тадқиқотлар машҳур рус биолог ва табиатшуноси А.П.Фелченко томонидан 1869–72 й.ларда амалга оширилган эди. Олим ўлкада биогеографик р-нларни аниқлаб, уларни тавсифлаб бериш б-н бирга Ўрта Осиё тоғлари алоҳида биогеографик комплексни ҳосил қилиши ва бу комплекс б-н бир қанча умумий хусусиятларга эга эканлиги ҳақидаги янги илмий фикрни асослашга ҳаракат қилди. Ушбу фикр кейинчалик (1873–93) таниқли биогеографлар В.Ф.Ошанин ва А.Н.Красновлар томонидан янги биогеографик хулосалар б-н бойитилди. А.Н.Красновнинг Турон текислиги чўллари тупроқ-грунт шароитига кўра ландшафт типларига ажратишини, кейинчалик Д.Н.Кашкаров, Е.П.Коровин, М.Г.Попов кабилар янада такомиллаштирилди.

Биогеографик тадқиқотларнинг 1920–40 й.лардаги тараққиёти кўпроқ зоогеограф Д.Н.Кашкаров ва геоботаник Е.П.Коровинларнинг илмий изланишлари б-н боғлиқ бўлди ва икки йўналишда (ботаник география ва зоогеография) ривожланди. Бунда М.П.Попов, Р.И.Аболин, Е.П.Коровин, П.А.Баранов, И.А.Райкова, М.М.Советкина, И.И.Гранитовларнинг ўлка ўсимликларини географик-экологик жиҳатдан ўрганишлари аҳамиятлидир. Ўзбекистонда ботаник геог.нинг кейинги тараққиётида ва миллий илмий кадрларни етиштиришда акад. Қ.Зокиров ва Ўзбекистон ФАнинг муҳбир аъзоси И.И.Гранитовнинг хизматлари катта бўлди.

Ўсимликлар геог.си, экологиясининг кейинги ривожига М.М.Орифхонова, П.Қ.Зокиров, К.М.Охуновлар ўзларининг йирик асарлари б-н муносиб ҳисса қўшдилар. Шунингдек, ботаник геог.нинг айрим масалалари б-н Д.К.Саидов, М.М.Набиев, Т.А.Одилов, О.Х.Ҳасанов, А.И.Усмонов, Ҳ.Пратов, С.С.Соатовлар ҳам фаол шугулландилар.

Зоогеографик тадқиқотларни 1920–40 й.ларда Д.Н.Кашкаров, Н.А.Бобринскийлар олиб бордилар. Ушбу йўналишдаги кейинги изланиш ишлари, асосан, Э.Зоҳидов, И.И.Колесников, Р.Н.Мекленбурцев, Ҳ.Солиҳбоев, Ф.С.Султонов, В.П.Костин, Г.И.Ишунин ва б.нинг илмий фаолияти б-н боғлиқ бўлган Ўзбекистон ҳайвонот оламига тааллуқли айрим янги умумлашмалар О.П.Богданов асарларида учрайди.

Шухрат Зокиров.

Геозкология. Ўрта Осиё табиий географик тадқиқотлар тоифасидаги ландшафтлар экологияси йўналиши—геозкология географ-биолог олимлар Н.А.Северцов ва А.Н.Коровинлар томонидан шакллантирилган. Олимлар В.В.Докучаевнинг ландшафтшуносликка оид дунёқарашларини ривожлантирган ҳолда Туркистон табиатини ландшафтлар даражасида муҳофаза қилиш муаммоларини илгари сурдилар. Ўзбекистонда ландшафтлар экологияси бўйича тадқиқотларни Д.Н.Кашкаров, Е.П.Коровинлар бошлаб берганлар ва уларнинг ишларини Т.З.Зоҳидов, Қ.З.Зокиров, Р.У.Раҳимбеков, П.Н.Фуломовлар давом эттирганлар. Олимлар республиканинг турли минтақа ландшафтларида ва айрим табиат компонентлари бўйича юзага келган экологик қонуниятларни очиб бердилар. 20-а.нинг 80-й.ларида проф. А.А.Рафиқов бошчилигида геозкологик йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва геозкология мустақил фан ҳамда ўқув предмети сифатида шакллантирилди. Ҳозирда геозкологик йўналиш бўйича Тошкентда проф. А.Н.Ниғматов ва Р.М.Раззақовлар, Самарқандда доц. О.Раҳматуллаев, Нукусда доц. П.Р.Реймовлар табиий географик ҳодиса ва жараёнларнинг турли геозкологик жиҳатларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Асқар Ниғматов.

Геоморфология. Ўзбекистонда ўрта асрларда яшаган энциклопедист олим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Абдулла Жайхоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кашғарий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва б. ўз асарларида ўлкадаги рельеф шакллари (тоғлар, водийлар, қирлар ва б.), уларнинг шаклланиш тараққиёти, бунга Ернинг ички ва ташқи кучларининг таъсири, рельеф шакллари келиб чиқишида тоғ жинслари таркибининг аҳамияти, дарё йўналишининг ўзгарганлиги ва б. ҳақида қимматли маълумотлар қолдирилганлар.

Геоморфология бўйича Ўрта Осиёда 19–20-а.ларда П.П.Семёнов-Тяньшанский, И.В.Мушкетов, А.В.Каульбарс, В.А.Обручев, Л.С.Берг, И.П.Герасимов, И.С.Шчукин, Б.А.Фёдорович ва б. рус олим ва сайёҳлари геологик ва географик тадқиқотлар ўтказишган. Ўзбекистонда махсус геоморфологик изланишлар 20-а.нинг 30-й.ларида бошланган. Ю.А.Скворцов томонидан Фарбий Тяньшан тоғлари ва уларга ёндош бўлган текисликларда дастлабки геоморфологик хариталаш (съемка) ишлари ўтка-

зилган. Геоморфологик ишларни олиб боришда Ю.А.Скворцовнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудлари (дарё водийлари)ни геоморфологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва харитага тушириш услубидан фойдаланилган.

Ўтган асрнинг 50-й.ларидан Устюрт платоси ва Жан. Ўзбекистонда О.Ю.Пославская, Чирчиқ водийси ва Қизилқумда Н.А.Когай, Чатқол водийсида М.М.Маматқулов, Писком дарёси водийсида Ю.Ш.Шапеннов, Зарафшон ва Қашқадарё водийларида Г.Ф.Тетюхин ва б. томонидан тадқиқотлар олиб борилган. 1963 й.да геоморфолог ва геолог олимлар (Ю.А.Скворцов, О.Ю.Пославская, Н.А.Когай, Г.Ф.Тетюхин ва б.) республиканинг 1:1200000 масштабдаги биринчи геоморфологик харитасини туздилар. Г.Ф.Тетюхин Ўзбекистон ҳудудининг палеогеоморфологик шароитини ўрганиб, тўртламчи даврнинг барча бўлимлари (қуйи, ўрта ва юқори) палеогеографиясини тиклаган.

Ўзбекистонда турли геоморфологик жараёнлар (эндоген ва экзоген) таъсири натижасида ҳосил булган (хусусан, карст) рельеф шакллари ўрганиш борасида О.Ю.Пославская, М.М.Маматқулов, М.Абдуҷабборов, М.А.Ҳошимов, И.И.Отажонов, М.Юсулов, Қ.Р.Орипов, А.Низомов, А.Олимов, Р.Ҳалимов ва б.нинг изланишлари самарали бўлди.

Р.А.Нийёзов, В.Г.Пушкарёнок, М.Мирасланов, Х.Вахобов, Ш.Хўҗасевлар гравитацион жараёнлар натижасида вужудга келган рельеф шакллари, Б.А.Фёдорович эол жараёнлар, А.Н.Ниғматов, В.Г.Пушкарёнок, С.Саидова, Ф.Ҳикматов, М.Юсуловлар ер усти сувлари, М.М.Маматқулов қал. музликлар иши натижасида вужудга келган рельеф шакллари ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказишган. Ўзбекистонда мавжуд бўлган артезиан ҳавзалари (Сирдарё, Фарғона, Зарафшон) ер ости сувларини шаклланишида ҳудуднинг геоморфологик тузилишининг таъсирини ўрганиш бўйича (М.М.Маматқулов) тадқиқотлар олиб борилди.

Республика геоморфологиясининг кейинги ютуқлари О.Ю.Пославская, Н.А.Когай, Г.Ф.Тетюхин, М.М.Маматқулов, Э.Д.Мамедов каби географ-геоморфологларнинг тадқиқотлари самарасидир.

Мурод Маматқулов.

Метеорология ва иқлимшунослик. Ўзбекистонда классик иқлимшунослик (климатография), синоптик метеороло-

гия ва динамик иқлимшунослик, микроиқлимшунослик, агрометеорология ҳамда агроиқлимшунослик, биоиқлимшунослик ва шаҳар иқлимшунослиги илмий йўналиш ва мактаблари мавжуд.

Л.А.Молчанов ва Р.Р.Циммерман 1920-й.ларда и. т.лар олиб бордилар. Ўзбекистон иқлимига доир муҳим умумлашма асарлар В.А.Бугаев, Л.Н.Бабушкин, О.М.Челпанов, Е.Н.Балашова, О.М.-Житомирская, О.А.Семёновлар томонидан нашр қилинган.

Микроиқлимий ва агрометеорологик тадқиқотлар А.А.Скворцов ва Ю.А.Скворцовларнинг 1920-й.лардаги Мирзачўлда воҳа иқлимини ўрганишга доир изланишлари б-н бошланди. ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ)да А.А.Скворцов раҳбарлигида агрометеорология, ерга яқин ҳavo қатламлари физикаси бўйича мунтазам равишда олиб борилган тадқиқотларда Л.Н.Бабушкин, А.Т.Муқминова, М.А.Орифхонова ва б. метеоролог ҳамда иқлимшунослар иштирок этишди. Агрометеорологик ва агроиқлимий тадқиқотларни ривожлантиришга С.А.Сапожникова, Ф.А.Мўминов, Д.Матмуродов, А.С.Ҳасанов, А.Абдуллаев каби олимлар ҳисса қўшдилар. Синоптик метеорология ва динамик иқлимшуносликка доир ишлар Тошкент илмий мактабининг (В.А.Жоржио, В.А.Бугаев) фаолияти (1930–60) б-н боғлиқ.

Б.А.Айзенштат Ўрта Осиё ландшафтлари, хусусан, қумли чўллар балансини ўрганиш б-н шуғулланди. Ўзбекистонда шаҳар иқлимшунослиги бўйича географлар А.В.Ҳисомов ва Ф.Р.Парлаевлар томонидан илмий асарлар ёзилди.

Республика гидрометеорология хизмати маркази илмий жамоаси томонидан олиб борилаётган кенг қамровли и.т.лар Ўрта Осиё регионидagi иқлим системаси, гидрологик ва экологик муаммоларни ўрганиш б-н боғлиқ.

Ўзбекистон иқлими ўзгаришини бевосита ўрганиш б-н биргаликда регион табиий муҳити айрим компонентларининг заиф жойлари бўйича тадқиқотлар ўтказилди (Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудудлари).

Ўрта Осиё иқлими ўзгаришини динамик иқлимшунослик бўйича мақсадли йўналишда тадқиқ этиш борасидаги изланишлар, асосан, 20-а.нинг 80-й.ларида бошланган. Бу йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, иқлимга атмосфера умумий циркуляцияси механизмининг таъсири ўрганилди, атмосфера циркуляцияси, термик ва ёғинлар режимларидаги ўзгаришлар б-н таққосланди, иқлимий кўрсаткичлар қаторларидаги цикликни аниқлаш ишлари амалга оширилди.

Глобал исиш таъсирини баҳолаш б-н боғлиқ бўлган тадқиқотлар қуйидаги йўналишларда олиб борилди: сув ресурслари заиф жойларини баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар ишлаб чиқиш; иқлим ўзгаришининг сувни истеъмол қилиш ва турли қ.х. экинларининг ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш; иқлимий сценарийлар тузиш услубларини ишлаб чиқиш; регионнинг содир бўлаётган глобал исиш жараёни б-н боғлиқ бўлган турли иқлимий таъсирлар динамикасини ўрганиш.

Ўзбекистон 2004–11 й.ларга мўлжалланган узоқ муддатли Жаҳон метеорология ташкилоти режасини ҳаётга жорий қилишда иштирок этмоқда.

Зоҳид Назиров.

Гидрология. Ўзбекистонда сув илми – гидрология чуқур илдизга эга. Мил. ав. 4-минг йилликнинг 2-ярми ва 3-минг йиллик бошларида дарёлар тўсилиб, улардан суғориш каналлари чиқарилган. Сурхондарё воҳаси, Фарғона водийси, Қуйи Амударё ва Зарафшон водийларида йирик майдонлар суғорилган. Жан. Ўзбекистонда Занг, Тошкент воҳасида Бузсув ва Салор, Самарқанд воҳасида Эски Ангор ва Туятортар, Бухорода Шоҳруд ва Ромитанруд, Хоразмда Қирққиз ва б. каналлар қазилган. 7–8-а.лардан тоғ олди ҳудудларида ерларни суғоришда махсус қазилган қудуқлар тизими – қоризлардан фойдаланилган. Булар ҳақимизнинг сув илмидан хабардор эканликларининг дарак беради.

9–13-а.ларда яшаган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий каби мутафаккирлар дунё сув илмининг шаклланиши ва ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Ал-Хоразмий «Китобу сурат ал-арз» асарида Атлантика, Ҳинд океанлари, денгизлар, дарёлар ва булоқлар ҳақида анча тўлиқ маълумотлар келтирди. Аҳмад Фарғоний бошқа фанлар б-н бир қаторда сув илмини ҳам чуқур эгаллаган. Нил дарёсида ўта мукаммал сув ўлчаш иншооти «Нилометр»ни яратган. 10-а.га оид қўлёзмалар орасида муаллифи номаълум булган «Китоби ҳудуд ал-олам миннал машриқ илал мағриб (Шарқдан ғарбгача олам чегарлари китоби)» гидрология ва гидрографияга тегишли маълумотларга бойлиги б-н ажралаб туради.

Абу Райҳон Беруний асарларидаги гидрологик маълумотларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин. Уларнинг биринчисидан океанлар, денгизлар, кўрфазлар ҳақидаги билимлар баён қилинган бўлиб, европалик олимлар томонидан

«Берунийнинг денгизлар назарияси» сифатида эътироф этилган. Иккинчи гуруҳда эса алломанинг қуруқлик сувлари — дарё, сой, булоқ, қўллар, қорликлар, музликлар, ботқоқликлар ва ҳатто ер ости сувлари ҳақидаги илмий қарашлари ёритилган.

Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан 1200 дан ортиқ гидрология атамалари мавжуд.

Ўша даврларда сув илмининг амалий тадбиқига ҳам катта эътибор берилган. Беруний асарларида сунъий фавворалар, каналларни узунлик бўйича нивелирлаш ускуналари ҳақида маълумот келтирилади. 10-а.дан Самарқанд ш. акведук-кутарма ариқ ёрдамида сув билан таъминланган, Фориш тумани ҳудудида Хонбанди сув омбори қурилган. 15-а.нинг 2-ярмидан сув илмига катта эътибор берилган. Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ат-Таворих» («Тарихлар қаймоғи») асаридан ўлкамиздаги деярли барча дарёларнинг гидрографик таърифи берилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридан ҳам дарёлар, қўллар, қорликларга тегишли гидрографик маълумотларни қўллаб учратиш мумкин. Унда сув манбалари, дарёларнинг чуқурлиги, музлаши, оқим режими, улардаги оқим миқдори аниқ баён этилган. 16-а.нинг 2-ярмидан сув илмига тегишли маълумотлар Султон Балхий, Маҳмуд ибн Вали, Саид Муҳаммад Тоҳир ва Абулғазийхон номлари б-н боғлиқдир. 18-а.дан бошлаб сув илмига оид маълумотлар Мунис Хоразмий, Огаҳий ва Аҳмад Дониш асарларида учрайди.

1848—49 й.ларда А.И.Бутаков раҳбарлигидаги экспедиция Орол денгизининг илк харитасини яратди. 1900—02 й.ларда Л.С.Бергнинг «Орол денгизи» китоби чоп этилди.

Ўзбекистон ҳудудидаги сув ҳавзаларида мунтазам гидрологик кузатишлар 1910 й.дан бошланди. Мамлакатимизда 20-а.нинг 1-чорагидан дунё амалиётида илк бор гидрологик башоратлар хизмати таркиб топа бошлади. Бунга В.Г.Глушков, Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давидов каби олимлар асос солган. Ўша пайтларда Л.Н.Корженевский дарёларни ва улар тўйинадиган музликларни, Л.А.Молчанов эса қўлларни ўргандилар.

Республикаимизда 1950—70 й.ларда В.Л.Шульц, О.П.Шчеглова раҳбарлигида тоғли ҳудудлар гидрологияси илмий мактаби шаклланди. Унда етишиб чиққан олимлардан А.А.Зоҳидов, Ю.М.Денисов, М.И.Геткер, Л.И.Шалатова, Ю.Н.Иванова, В.Е.Чуб, И.Р.Алимухамедов, Г.Е.Глазирин, А.Р.Расулов ва б. Урта Осиёни географик-гидрологик таъминлаш асосида р-нлаштирилди ва

ўлкада дарёлар оқими ҳосил бўлишининг тоғли ҳудудларга хос бўлган асосий қонуниятларини очиб бердилар.

1980 й.дан мамлакатимизда гидрологиянинг гляциология (Г.Е.Глазирин, В.Г.Коновалов, В.И.Раецк, В.Ф.Суслов, А.С.Шчегинников, В.Ноздрюхин, А.А.Крейтер, М.А.Носиров, А.А.Ақбаров, Б.А.Камолов, бу соҳадаги кейинги тадқиқотлар Б.К.Сарев, А.В.Ни, Ф.И.Перцигер, Г.П.Ким, И.Г.Томашевская, Э.Семакова, М.Петров каби ёш олимлар томонидан давом эттирилмоқда), қўлшунослик (Н.Л.Корженевский, Л.А.Молчанов, Н.Г.Маллицкий каби олимлар асос солган, кейинги ривожига В.Н.Рейзвих, А.М.Никитин, М.А.Носиров, Н.Е.Горелкин, Ж.Ж.Нурбоев, О.С.Нуридинов катта ҳисса қўшдилар), муҳандислик гидрологияси (Ю.М.Денисов, А.И.Сергеев, Л.Н.Боровикова, С.Каримов, А.М.Овчинников, А.Ф.Шоҳидов, А.А.Тўлаганов), гидрологик жараёнларни математик моделлаштириш, сел тошқинлари (Ф.К.Кочерга, П.М.Карпов, Т.Мустафақулов, Р.Г.Вафин, В.П.Пушкаренко, Г.Н.Трофимов, С.Тўлаганов, А.Саидов, В.Бабко ва б.), сув эрозияси ва дарё оқизиклари (Н.И.Зудина, Х.А.Исмагилов, М.Б.Боқиев, З.С.Сирлибоева, А.А.Либерт), суғориладиган ҳудудлар гидрологияси (Р.А.Алимов, А.З.Зоҳидов, В.П.Светицкий, Ф.Э.Рубинова, Б.Е.Милькис, Э.Д.Чолпанкулов, Л.Н.Побережский, Э.Ж.Маҳмудов, Р.К.Икрамов, М.А.Якубов, В.О.Усмановлар), сув ҳавзалари гидрохимёси (Е.М.Видинеева, Қ.А.Домлажонов, Э.И.Чембарисов), сув ресурсларини муҳофаза қилиш (Р.М.Раззаков, Ш.Муродов, Д.Ю.Юсупова, Ё.К.Ҳайитов), гидроэкология (А.Назаров, А.Абдурахмонов, З.С.Сирлибоева, С.Р.Саидова) каби қатор йўналишлар тўла шаклланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, гидрологик тадқиқотларнинг асосий марказлари бўлган Гидрометеорология и.т. институти, ЎЗМУ, Ўзбекистон Фаннинг Геология ва геофизика, Сув муаммолари ин-тларида гидрология фанининг ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

*Фазлиддин Ҳикматов,
Даўлатбой Айтбоев.*

Иқтисодий ва ижтимоий география. Ўзбекистонда иқтисодий географик тадқиқотларнинг олиб борилиши узоқ тарихга эга. Жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида ўлкашунослик (мамлакатшунослик)ка оид кўпгина маълумотлар келтирилган. Ўтган асрнинг 20-й.ларида иқтисодий геог., сиёсий геог.

ва аҳоли геог.си тўғрисидаги дунёқарашлар Маҳмудхўжа Беҳбудий асарларида кўрсатиб ўтилган.

Иқтисодчи ҳамда географлар Г.Н.Черданцев, Н.Н.Кожанов, Н.К.Ярошенко, Ю.И.Пославский, А.И.Головин иқтисодий р-нлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари, Ўрта Осиё ишлаб чиқарувчи кучларини ҳудудий жиҳатдан жойлаштириш ҳамда ривожлантириш масалалари б-н шуғулланганлар.

Иқтисодий геог.нинг республикада фан сифатида шаклланишига 1940 й.да ТошДУ таркибда иқтисодий геог. кафедрасининг ташкил этилиши муҳим омил бўлган.

Республикада иқтисодий геог. фанининг ривожланиши бўйича Ўзбекистон ФА қошидаги Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгаши (СОПС) муайян ишларни амалга оширган. Кенгаш аъзолари географлар б-н биргаликда Фарғона водийси, Ангрэн-Олмалиқ кончилиқ саноати р-ни, Қашқадарё ҳамда Қуйи Амударё р-нларининг ҳудудий и.ч. муаммоларини ўрганишган. Шу асосда ҳудудларни комплекс ўрганиш илмий йўналиши шаклланди.

Иқтисодий геог. фанининг ривожланишига иқтисодчи олимлар Г.Н.Черданцев, К.Н.Бедринцев, С.К.Зиёдуллаев, К.И.Лапкинов катта ҳисса қўшганлар. В.М.Четиркин, Н.В.Смирнов, Н.Г.Шапенко ва б. олимлар беvosита мазкур фан б-н шуғулланишган. З.М.Акрамов, К.Н.Бедринцев, К.И.Лапкинов қ.х.ни иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилдилар. 1950—60 й.ларда иқтисодий география бўйича маҳаллий олимлар етишиб чиқа бошлаган. З.М.Акрамов, Р.А.Ҳодиев, Т.Э.Эгамбердиев, Т.И.Раимов, С.С.Саидкаримов, А.Рўзиев, кейинги йилларда О.Б.Ота-Мирзаев, А.С.Солдиев, Х.С.Салимов, А.А.Қаюмов, Қ.Н.Абирқулов, Ҳ.А.Аҳмедов ва б. Ўзбекистонда иқтисодий геог. фанининг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

1950—60 й.ларда иқтисодий геог.нинг Ўзбекистоннинг ҳудудий ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш, комплекс ривожлантириш, р-нлаштириш ҳамда башорат қилиш, қ.х. геог.си, аҳолишунослик, аҳоли геог.си ва ижтимоий геог. йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Ҳоз.да республикада иқтисодий ва ижтимоий геог. фанининг 2 асосий йўналиши мавжуд: қ.х. ёки агрогеографик тадқиқотлар ҳамда аҳоли геог.си, шаҳарлар ва урбанизация муаммоларини ўрганиш.

Ўтган асрнинг 90-й.ларида ЎЗМУда республикада янги ва ягона «минтақа-

вий иқтисодиёт» йўналиши ташкил этилиб (проф. А.С.Солиев), иқтисодий геог. ва минтақавий иқтисодиёт фанларининг ўзаро алоқалари, минтақавий сиёсатнинг назарий асослари, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида и.ч. кучларини ҳудудий жиҳатдан ташкил этиш, иқтисодий р-нлаштириш ва б. муаммолар тадқиқ қилинмоқда.

Иқтисодий ва ижтимоий геог. кафедраси ЎЗМУ, СамДУ ҳамда Тошкент молия ин-тида фаолият кўрсатади. Фан Тошкент иқтисодиёт ун-ти, вилоятлардаги барча ун-тлар ва пед. ин-тларда ўқитилмоқда. Иқтисодий ва ижтимоий геог. фани, унинг илмий мактаби ва марказлари (Тошкент, Самарқанд, Наманганда) шаклланган.

Иқтисодий районлаштириш ва иқтисодий географик тадқиқотлар. Ўрта Осиё ва Ўзбекистонни иқтисодий р-нлаштириш масалаларига 1940-й.ларда географ В.М.Четиркиннинг тадқиқотларида кенг ўрин ажратилган. Кейинчалик унинг асосий фикр ва изланишлари К.Н.Бедринцев, А.К.Бедринцева, Н.Г.Цапенко, Н.В.Смирнов, И.К.Нарзиқулов ва б.нинг илмий тадқиқотларида ривожлантирилган. Ўзбекистонда иқтисодий географик р-нлаштириш ишлари утган асрнинг 50-й.ларида бошланган. Бу соҳа бўйича тадқиқотлар географ ва иқтисодчи олимлар ҳамкорлигида олиб борилган. Дастлаб, табиий шароит ва табиатнинг айрим компонентлари (иқлим, тупроқ ва б.), иқтисодиёт тармоқлари, хусусан, қ.х. нуқтаи назаридан р-нлаштирилган.

Республика ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ўрганишга доир йирик тадқиқотлар 1950-й.ларда Ўзбекистон ФА Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши (СОПС) томонидан бошлаб берилган. Иқтисодий географик ва комплекс географик тадқиқотларни олиб боришда 1957 й. ташкил этилган Ўзбекистон ФА География бўлимининг ҳиссаси катта бўлган.

Иқтисодий р-нлаштириш масалалари 1960–70 й.ларда тадқиқ этилган (К.Н.Бедринцев, З.М.Акрамов, Н.Г.Цапенко, Н.В.Смирнов). Илк бор Ўзбекистон ҳудудида 6 та, кейинчалик қушимча Мирзачўл (Сирдарё – Жиззах) р-ни ажратилган. 1980-й.ларда Зарафшон иқтисодий р-ни 2 та, яъни Бухоро – Навоий (Қизилкум) ҳамда Самарқанд р-нларига бўлинган. Натижада, иқтисодий р-нлар сони 8 тага [Тошкент, Фарғона, Мирзачўл, Бухоро–Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё (Жанубий) ва Қуйи Амударё р-нлари] етган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодий р-нлар тури янги талаблар нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Жумладан, ЎЗМУ географлари (А.С.Солиев, 1998) томонидан Ўзбекистон ҳудуди 6 та асосий иқтисодий р-нга ажратилди.

Республика иқтисодий р-нларининг сони ва номланишида ягона келишув йўқ (мас., айрим олимлар иқтисодий р-нлар сонини 8 та деб, бошқалари 6 та иқтисодий р-нни тан оладилар).

Иқтисодий географик тадқиқотларнинг қўлами кенг бўлиб, ўз ичига анъанавий мавзулар (шаҳар ва қишлоқ жойлар геог.си, урбанизация, аҳоли ва меҳнат ресурслари геог.си, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари геог.си, саноат, транспорт ва қ.х. геог.си, ташқи иқтисодий алоқалар ва ҳ.к.) б-н биргалликда янги ва замонавий муаммоларни олади. Улар жумласига агроиқтисодиётда янги мулкчилик шакллари, саноатда қўшма корхоналар ва инвестиция муҳити, инфратузилма, меҳнат бозори, минтақавий сиёсат ва геосиёсат, социал-географик тадқиқотлар (тиббиёт, туризм, жиноятчилик геог.си ва б.) кирди. Ушбу тадқиқотлар, асосан, ЎЗМУ, Тошкент молия ин-ти, Самарқанд, Наманган, Нукус, Андижон, Қарши, Урганч, Термиз, Бухоро, Фарғона ун-тларида олиб борилди.

Аҳолишунослик ва аҳоли географияси. Аҳолишунослик муаммоларини илмий ўрганишни М.Қ.Қорахоннов бошлаб берган. Кейинчалик бу мавзудаги тадқиқотлар Н.В.Смирнов, Т.И.Раимов, О.Б.Ота-Мирзаев, А.С.Солиевларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топди. 1960-й.ларда Тошкент ун-тининг география и.т. бўлимида М.Қ.Қорахоннов раҳбарлигида аҳолишунослик муаммолари тадқиқ этила бошланди, айни вақтда қишлоқ жойларни ўрганишга асос солинди (Р.Валиева, Г.Р.Асанов, И.Сафаров).

1972 й.да ТошДУда аҳолишунослик муаммолари и.т. лаб.си иш бошланди. Ўзбекистонда аҳолишунослик ва, умуман, ижтимоий геог.нинг ривожланишида шаҳарлар геог.сига доир тадқиқотлар муҳим ўрин тутди (О.Б.Ота-Мирзаев, Э.А.Аҳмедов, А.С.Солиев, А.Қ.Қаюмов, Р.Н.Тиллаев).

Йирик пойтахт шаҳарлар (Т.И.Раимов, Э.Тошбеков) ва шаҳар агломерацияларини (О.Б.Ота-Мирзаев, Х.Н.Маматқулов) ҳамда умуман минтақадаги аҳоли пунктлари тизимлари, урбанизациянинг ривожланишини (Т.И.Раимов, И.Р.Муллажонов, Э.А.Аҳмедов, О.Б.Ота-Мирзаев, А.С.Солиев, Х.С.Сали-

мов, З.Раимжонов ва б.) ўрганиш ҳам географларнинг диққат марказида бўлди.

Ўрта Осиёда қишлоқ аҳоли турар жойларининг шаклланиши, ҳудудий тарқалиш ва ривожланиши масалалари тадқиқ қилинди (Г.Р.Асанов, А.Б.Ботиров, И.С.Сафаров, М.Я.Янгибоев, Н.М.Холиқов, Р.Маҳаматиллаев, З.Н.Тожиёва, М.И.Назаров, Ш.Жумахоннов, М.Қодиров ва б.). Аҳоли миграцияси (С.Н.Кононенко, Л.П.Максакова, Б.Маҳмудов), табиий ўсиши (М.Бўриева) масалалари ҳам ўрганилди. Шунингдек, аҳоли геог.си ва меҳнат ресурслари муаммолари б-н А.Қаюмов, И.Атажонов, М.Мамажонов, А.Исломов, М.Янгибоев, А.Саъдуллаев, А.Ҳотамов ва б. шуғулландилар. Ҳоз. вақтда ЎЗМУдаги Марказий Осиёда ягона демография кафедрасида аҳолишунослик ва аҳоли геог.си бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Абдусами Солиев.

Қишлоқ хўжалиги географияси. Ўзбекистон ҳудудида қишлоқ хўжалиги и.ч.ни географик ўрганишга мансуб илк илмий изланишлар 20-а.нинг 2-ярмидан бошланди. Ўша даврда республика қ.х.нинг тармоқлар тузилиши, унинг ҳудудий ташкил этилиши ва ихтисослашувини илмий тадқиқ этиш кучайди. Ўзбекистоннинг агроиқлимий ресурслари ва уларни қ.х. нуктаи назаридан баҳолаш, мамлакатнинг қ.х. ихтисослашуви, хусусан, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг қ.х. географияси, қ.х.нинг тармоқлар таркиби ва ҳудудий ташкил этилиши, қ.х.ни районлаштириш масалалари К.И.Лапкин, З.М.Акрамов, О.К.Замков, А.М.Шермухаммедов, С.Воҳидовлар томонидан ўрганилган. Ўзбекистон чорвачилигининг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиши масалалари Қ.А.Абирқулов, аграр-саноат мажмуаси ва унинг илмий-амалий масалаларини А.Рўзиев, А.Содиқов, О.А.Рўзиевлар ўрганишган. Қишлоқ хўжалиги и.ч.ни Фарғона водийси мисолида О.Абдуллаев тадқиқ этган. Ўзбекистоннинг турли минтақалари қ.х. ихтисослашуви, қ.х.нинг тармоқлар тузилиши ва ҳудудий тизимларини Р.А.Ходиев, Т.Э.Эгамбердиев, Т.Тожинов, С.Саидкаримов, Т.Жумаев, Қ.Қурбонов, Р.Усмонов, А.Ўтаганов, Ю.Саломов, К.Гадов, М.Маҳмудова, А.Холмирзаев, Қ.Алланов, К.Хидиралиевлар тадқиқ этишган. Ҳоз. қишлоқ хўжалигини географик ўрганиш бўйича ЎЗМУнинг иқтисодий ва ижтимоий география кафедрасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Маматқодир Назаров.

Харитаграфия. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида харита тузиш ишлари 20-а. бошларидан ривожланди. Халқ хўжалигининг тикланиши ва ривожланиши, янги ерларни кенг миқёсда ўзлаштириш ва суғориш ишлари махсус хариталарни яратишни тақозо этди. ЎзМУнинг геодезия, картография ва кадастр кафедраси республикадаги харитаграфия ва бу соҳа б-н боғлиқ тадқиқотларнинг илмий марказидир. Кафедрага 1921 й. проф. Н.И.Лебединский асос солган. 1934 й.да Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона бўлган Тошкент харитаграфия ф-қаси ташкил этилди. Ҳақиқатда суғориладиган майдонларнинг 1:10 000 масштаби қ.х. хариталари, Ўрта Осиё республикаларининг деворий сиёсий-маъмурий, табиий, иқтисодий ва ўқув хариталари тузилди. 1940–50 й.ларда Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим хариталари нашр этилди. 1963 й. Ўзбекистоннинг биринчи «Табиий географик атласи», 1968 й. Ер тузиш ва лойиҳалаш ин-ти томонидан ихтисослашган, аниқ мақсадли «Деворий қишлоқ хўжалик хариталари» тузилди ва чоп этилди. Тошкентнинг 2000 й.лик юбилейи муносабати б-н 1983 й.да комплекс «Тошкент географик атласи», 1982–85 й.ларда икки қисмли «Ўзбекистон атласи», 80-й.ларнинг охирида «Пахтачилик» ва «Тиббий-географик атлас»лари, «Ўрта Осиё республикаларининг умумгеографик атласи» тайёрланди (Т.М.Мирзалиев, Е.Г.Бродский, А.Э.Эгамбердиев, Л.М.Қўзиева, Л.Г.Солиевалар ташаббуси ва иштирокида).

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакат иқтисодиётини режали асосда ривожлантириш, и.ч. кучларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш мақсадида ҳукумат геодезия, харитаграфия ва кадастрга оид фаолиятни аниқ режа ва илмий асосда ташкил этишга эътибор қаратди ва 1992 й. январда Вазирлар Маҳкамасининг 19-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Геодезия ва картография бошқармаси, ҳоз. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари геодезия ва картография ва давлат кадастри қўмитаси ташкил этилди. 1997 й. апр.да «Геодезия ва картография тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Утган қисқа муддат ичида республиканинг 1:1 000 000, 1:500 000 ва 1: 200 000 масштаби сиёсий-маъмурий, иқтисодий, экологик, иқлим ва аҳоли хариталари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва ви-

лоятларининг сиёсий-маъмурий ва табиий маълумотнома ва б. хариталар, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива ш.ларининг туристик хариталари нашр этилди. 1999 й. ЎзМУ геог. факультети жамоаси умумий ўрта таълим муассасалари учун «Ўзбекистон географик атласи»ни яратди. Бунда Т.М.Мирзалиев ва П.Н.Фуломовлар фаоллик кўрсатдилар. 2001 й.да мустақилликнинг 10 й.лигига бағишлаб Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан «Ер ресурслари атласи», 2005 й.да «Ўзбекистоннинг этно-конфессионал» атласи» тузилди ва чоп этилди.

Асомберди Эгамбердиев.

География тарихи. Ўртаосиёлик ўрта аср географлари ва сайёҳлари илмий меросини ўрганиш масалаларига Х.Х.Ҳасанов асарларида кенг ўрин ажратилган.

Ўрта Осиё табиатини ўрганиш тарихи б-н 17–18-а.ларда А.В.Панков ва Р.Л.Югай шуғулландилар. 19-а.нинг 2-ярмидаги географик тадқиқотлар тарихини А.А.Азатьян, З.Н.Донцова, Н.И.Леонов, А.М.Очилов ўргандилар. Ўрта Осиёни 20-а.да географик ва экологик ўрганиш тарихи масалалари Р.У.Раҳимбеков асарларида баён этилди. Ўрта Осиё геог.си тарихининг айрим масалалари бир қатор олимлар (И.Иноғомов, А.М.Очилов, Ш.Р.Раҳимбекова ва б.) томонидан ўрганилди.

География таълими. Ўзбекистонда геог.ни фан сифатида ўқитиш 20-а. бошларидан жорий этилди. 1905 й.да янги усул мактаблари учун биринчи геог. дарслиги (Мунавварқори Абдурашидовнинг «Ер юзи» китоби) ҳамда «Туркистон ва унга ёндаш мамлакатлар харитаси» нашр этилди. 1914 й.да Муҳаммад Амин Каримийнинг бошланғич мактабларнинг 4- ва 5-синфлари учун мўлжалланган «Жўғрофия риёзий» номли китоби нашрдан чиқди. Унда 17 та дарс-мавзу бўлиб, Ернинг шакли, унинг Қуёш ва ўз ўқи атрофида айланиши, Ой, унинг табиати, юлдузлар ҳақида маълумотлар берилган. Бу дарслик математик геог.нинг дастлабки асоси бўлган. Ўзбекистонда халқ маорифини йўлга қўйишда жон куйдирган Абдулла Авлоний ҳам янги мактаблар ўқув дастурига дунёвий фанлар қатори геог.ни ҳам киритади. «География» китобини ёзди, ўз мактабида геог.дан дарс беради. Шўролар даврининг дастлабки йилларида геог.ни турмуш ва ўлкашунослик талабларига яқинлаштиришга ҳаракат қилинди. Лекин ўқув дастурлари ҳар йили янгиланиб борди ва фақат 1934 й.да геог.ни мактабларда ўқитилиши тартибга солинди. Ўзбекистонда геог. таълимини ривож-

лантиришда географ-методист олимлардан проф. Х.Х.Ҳасанов, З.М.Акрамов, доц. М.Қ.Қориев, Н.Д.Долимов, О.Мўминовларнинг хизмати катта бўлган.

Потиқҷамол Фуломов.

ГЕОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Ўзбекистон ҳудудида фойдали қазилмаларни излаб топиш ва ўрганиш қадимдан бошланган. Геологик изланишлар, қизиқарли ва илмий кузатишларни ўртаосиёлик олимлар – Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Розийларнинг асарларида кўриш мумкин. Геол. илмига буюк ҳисса қўшган олимларимиз қаторида Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино алоҳида мавқега эгадирлар.

Абу Райҳон Беруний ўз асарларида Ер табиати, минерал ва рудалар, ҳар хил геологик ҳодисалар тўғрисида батафсил ёзиб қолдирган. Берунийнинг 11-а. бошларида биринчи бўлиб дарё ўзлашларида чўкинди жинслар доналари ўлчамларининг сув оқими тезлигига қараб ўзгариш қонуниятини яратганлиги катта аҳамиятга эга. Олим ўзининг «Минералогия» асарида минераллар ҳақида чуқур ва аниқ илмий маълумотлар берган. Минералларни аниқлашда ва таснифлашда фақат уларнинг ранги ва қаттиқлиги эмас, балки солиштирма оғирлигидан ҳам фойдаланган. Берунийнинг текислик, тоғ ва денгизлар ҳосил бўлиш назариялари, отилиб чиқувчи манбалар гидростатикаси, минераллар солиштирма оғирлиги каби ғоялари дунё илми даражасидан юз йиллар илгарилар кетганлигини С.Толстов тасдиқлайди. Н.Леонов фикрига кўра Беруний геол. фанидаги энг замонавий «мобилизм» йўналиши бўйича дунёда биринчи олимдир.

Абу Али ибн Сино ҳам геол. фани ривожланишига катта ҳисса қўшган. Тоғлар, дарёлар ва водийлар ҳосил бўлиш жараёнларини Ибн Сино ички ва ташқи омиллар натижаси деб тушунтиради. Ички омилларга у ер силкинишларини киритса, ташқи омиллардан шамол ва сув фаолиятига алоҳида эътибор беради. У Ер юзаси рельефи жинсларнинг литологик таркибига боғлиқ эканлигини ҳам кўрсатиб берган. Эрозия жараёни таъсирида тоғлар емирилиб, водийлар пайдо бўлиши ва бунинг натижасида янги жинслар, минераллар вужудга келишини, тоғлар қатламлардан иборат эканлигини аниқ далиллар б-н кўрсатган. Илмий адабиётда Ибн Сино томонидан биринчи бор чўкинди жинслар ҳосил бўлиш қонуниятлари очиб берилди.

Ўрта Осиё худудини режали равишда геологик жиҳатдан текшириш ишлари И.В.Мушкетов ва Г.Д.Романовскийлар фаолиятлари б-н боғлиқ. Улар Ўрта Осиёнинг тўлиқ, илмий геологик ва тектоник схемасини тузганлар ва шу асосда тектоник ҳаракатларнинг узлуксизлиги, эпэйрогенез б-н орогенезиснинг бир вақтда кечганлигига оид бир қатор умумий назарий масалалар ҳақида ўз фикрларини баён қилганлар. 20-а. бошларида К.И.Богданович, В.Н.Вебер, Д.В.Наливкин, В.А.Обручев ва б. ҳам геологик изланишлар олиб боришган.

Ўзбекистонда геологик тадқиқотлар режали равишда, асосан, 1920-й.лар охирида бошланди. 1920 й.да ташкил этилган Ўрта Осиё ун-тининг физика-математика ф-тида йирик олимлар ва мутахассислар О.К.Ланге, М.М.Протоальяконов, А.С.Уклонский, В.Г.Мухин, Н.Ф.Безобразовалар раҳбарлигида геолог кадрлар бўлими ташкил этилди. 1926 й.да Геология қўмитасининг Ўрта Осиё бўлими тузилди. Ўша даврда олимлардан Д.В.Наливкин, А.Е.Ферсман, Д.И.Шчербаков ва б. йирик геологик экспедициялар уюштирилди. 1931 й.да Ўрта Осиё ун-ти хузурида Ўрта Осиё геол. ва қидирув бошқармаси ташкил қилиниб, 1933 й.да у Ўрта Осиё индустрия ин-тининг қончилиқ ф-тига айлантирилди. 1932 й.да Фан қўмитаси ташкил этилиб, унинг қошида Гидрогеология ва муҳандислик геологияси, геол. ва минералогия и.т. институти ташкил этилди. 1940 й.лар охирида республикада кўмир, рангли ва ноёб металллар, графит, олтингургурт ва б. бойликларни қазиб олиш истиқболли, Қорамозор қонида қон санатини тиклаш, Олмалиқ, Ангрен, Лангар, Қўйтош, Қоратела, Ҳозор, Шўрсув ва б. қонларнинг очилиши, нефть ва олтингургурт парагенезиси, формациялар тўғрисидаги маълумотлар, гидрогеология ва муҳандислик геологияси ва б. илмий йўналишларда кенг миқёсли ишлар бажарилди. Уларнинг натижалари 3 жилдли «Ўзбекистон геологияси», «Ўрта Осиё геологияси харитаси», «Ўзбекистоннинг қазилма бойликларини хариталаш», «Ўзбекистоннинг қазилма бойликлари» каби асарларда кўрсатилди.

2-жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон геологларининг асосий эътибори ёқилғи-энергетика хом ашёларини қидириш ва разведкаси, қора металлургияни руда ва вольфрам б-н таъминлашга йўналтирилган эди. Регионал геологик тадқиқотлар ва режали геологик хариталаш ишлари кенг кўламда олиб борилди (Н.П.Васильковский, А.С.Аделунг, О.И.Сергунькова, Т.А.Сикстель).

Темир рудалар ва шелит скарнларнинг жойланиш қонуниятлари аниқланди (Ҳ.М.Абдуллаев, Н.Д.Ушаков). 1950–60 й.ларда Ўзбекистонда Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашёлар ин-ти, Нефть ва газ қонлари геол.си ва Гидрогеология ва муҳандислик геологияси ин-тлари ташкил этилди. Петрометаллогеник (Ҳ.М.Абдуллаев, И.Ҳ.Ҳамробоев, И.М.Исамухамедов, Ҳ.Н.Боймухамедов, К.Л.Бобоев, Т.Ш.Шоёқубов, Т.Н.Долимов), минералогик геокимёвий (А.С.Уклонский, З.М.Протоальяконов, С.Т.Бадалов), литологик (В.И.Попов, Н.П.Петров, О.М.Акрамхўжаев, А.Г.Бобоев, П.А.Чистяков, В.И.Троицкий), гидрогеологик (Х.Т.Тўлаганов, М.М.Крылов, Н.А.Кенесарин, Н.Н.Ҳожибоев, С.Ш.Мирзаев), муҳандислик геологияси (Ф.А.Мавлонов), геофизик (И.Ҳ.Ҳамробоев, Е.М.Бутовская, В.И.Уломо, Б.Б.Таль-Вирский), геотектоника (М.А.Аҳмаджонов, О.М.Борисов, К.И.Пятков, А.К.Бухарин) тадқиқотлари олиб борилди. Республикада олтин (Х.Тўлаганов, В.Г.Гарковец, И.Ҳ.Ҳамробоев, Л.З.Палей), газ ва нефть (О.М.Акрамхўжаев, А.Г.Бобоев, Т.А.Бобононов, А.Р.Хўжаев) қонлари очилди.

Ҳоз. пайтда плиталар назариясига асосланиб, палеонтология ва стратиграфия, палеогеография, тектоника, литология, минералогия, геокимё, геофизика, фойдали қазилмалар геологияси, нефть ва газ геологияси, гидрогеология, муҳандислик геологияси, сейсмология ва б. йўналишларда и.т.лар олиб борилмоқда. Бу ишлар Геология қўмитаси қошидаги и.ч. ташкилотларида, Ўзбекистон ФАга қарашли Геология ва геофизика, Сейсмология ин-тларида, ЎЗМУ, ТошДТУ ва б. илмий масканларда амалга оширилмоқда.

*Анвар Жўлиев, Халбой Ишбоев,
Бахтиёр Исақжониев.*

Палеонтология ва стратиграфия. Ўрта Осиё худудидидаги дастлабки палеонтологик-стратиграфик тадқиқотларни ўтказишга 19-а. бошларида киришилган (Г.Д.Романовский, И.В.Мушкетов). Ўрта Осиёнинг стратиграфиясига оид бошланғич маълумотлар 1926 й.да акад. Д.В.Наливкин томонидан берилган. 1920–30 й.ларда ўтказилган илмий палеонтологик тадқиқотлар (археоциатлар, трилобитлар, брахиоподалар, фузулинидлар ва б. қазилма фауна ва флоранинг коллекцияларини ўрганиш) натижасида фанерозой даврига оид системаларнинг стратиграфик бўлиниши бир хилда бўлишига келишиб олинган ва шу

давр ётқизиқларининг биринчи қўлланма стратиграфик схемалари ишлаб чиқилган.

Кейинги йилларда палеозой ва мезокайнозой даврлари фауна ва флорасининг монографик жиҳатдан ўрганишга кўпроқ эътибор берилди. Ордовик ва карбоннинг конodontларини (А.Д.Рахимов, А.Апекина, М.В.Ерина, И.Нигматжонов), хитинозойларни (З.М.Абдуазимова) ўрганиш натижасида палеозой даврининг стратиграфик схемасига салмоқли ўзгаришлар ва аниқликлар киритилди. Карбон даври брахиоподалари (О.И.Сергунькова), девон даври брахиоподалари (Н.Ишназаров), карбон ва перм даврлари фузулинидлари (Ф.Р.Бенш), ордовик ва силур даврларининг граптолитлари (О.Н.Холецкая, З.М.Абдуазимова, Г.Н.Голиков), кембрий ва ордовик даврлари трилобитлари (Т.И.Хайруллина), силур даврининг табулатлари (А.И.Ким), мезозой даврининг фораминифералари (Н.Е.Минакова), бўр даврининг аммонитлари ва қўшқанотлилари (З.М.Абдуазимова), палеоген даврининг моллюскалари (С.Х.Миркамалова, Ў.М.Расулов), фораминифералари (Н.В.Авербург), ўсимликлар қолдиқларига бағишланган илмий изланишлар (Т.А.Сикстель), спора ва ўсимлик чанглари буйича (К.А.Алимов, Ю.М.Кузичкина, Е.М.Швецова) и.т.лар ўтказилиб, катта илмий мақолалар ва монографиялар тайёрланди.

1980–90 й.ларда токембрий (юқори протерозой) даври ётқизиқларида ҳали номаълум бўлган мутлақ янги органик қолдиқларни ўрганиш ишлари бошланди.

Акритарх, микрофитолит, камазаид, невландий ва строматолитларнинг муаммоли қолдиқларини ўрганиш асосида юқори протерозой даври қуйи, ўрта ва юқори рифейларга ажратилди (З.М.Абдуазимова) ва бу даврларнинг стратиграфик схемаси тузилди. Ҳисор тоғларида жойлашган қўриқхона худудидидаги Зинзилбанд ярусиде девон системасининг «эмм ярусининг қуйи чегараси» Халқаро стратиграфик қўмита томонидан 1989 й.да халқаро эталон сифатида тасдиқланди.

Палеонтологик ва стратиграфик и.т. ишларининг натижалари ҳар хил масштабдаги геологик харита ва палеогеографик схемаларни тузишда кенг қўлланиб келмоқда.

Раҳматулла Абдуллаев, Анвар Жўлиев.

Палеогеография. Ўзбекистонда дастлабки палеогеографик тадқиқотлар 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланган. Улар асосида тузилган палеогеографик хариталарда фақат қуруқлик юзаси ва ден-

гиз ҳавзаларининг ўрни кўрсатилган (Д.В.Наливкин). Кейинчалик чўкинди фойдали қазилма конларни башорат қилиш зарурати туфайли бундай тадқиқотларнинг кўлами кенгайди ва ривожланди. Чўкинди жинсларнинг моддий таркиби, структураси ва текстураси, тошқотган ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларини батафсил ўрганиш натижасида палеогеографик ландшафтнинг рельефи, иқлими, тектоник режими ва табиий географик муҳити сингари хусусиятлари чуқур таҳлил қилиниб, палеогеографик тадқиқот усули мукамаллаштириб берди.

1939 й.да Марказий Қизилқумда альб асрига мансуб қад. муҳитни ўрганиш б-н Ўзбекистонда палеозоологик тадқиқотларга асос солинди (С.А.Кушнар). 1950-й.ларда Бухоро-Хива, Жан.-Гарбий Ҳисор бўр даври чўкинди ҳавзаларида (В.М.Цейслер, М.Э.Эгамбердиев) ва палеоген денгизининг Фарғона кўрфазидида палеогеографик шароит таҳлил қилинди (Р.Ф.Геккер ва б.). 1940–50 й.ларда чўкинди фашиал комплексларни ажратиш бўйича босқичли полидинамик фашиал таҳлил усули ишлаб чиқилди (В.И.Попов). Маъмур усул асосида фашиал комплексларни аниқлаш йўриқномаси ва фашиал-палеогеографик хариталаш усули яратилди (В.И.Попов, С.Д.Макарова, Ю.В.Станкевич, А.А.Филиппов).

1953–85 й.ларда Ўзбекистоннинг текислик минтақалари ва унга ёндош ҳудудларининг кўп қисми учун мезозой-неогеннинг ўрта ва йирик миқёсли фашиал-палеогеографик хариталари тузилди (Р.Ю.Музаффаров, С.Н.Нуртоев, О.М.Акрамхўжаев, М.Э.Эгамбердиев, В.И.Троицкий). Девон ва эрта карбон (К.А.Набиев, И.В.Плещенко, В.М.Панин), кечки палеозой (В.Ю.Запромёт, Х.Чиниқулов, А.Д.Гончар) ётқизиқлари бўйича шундай фашиал-палеогеографик тадқиқотлар олиб борилди.

1950–70 й.ларда триас ва юра даврлари совуқ ва иссиқсевар ўсимликлар — циклофит, гинкголар, игнабарглилар ва б.нинг турлари орогидрографик ва палеоиклим шароитларига боғлиқ ҳолда тарқалиши ўрганилди (Н.П.Луппов, Т.А.Сикстель). 1970 й.дан бошлаб Ўзбекистон ва унга ёндош ҳудудларда кечки палеозой фораминифералари ва ўсимлик қолдиқларини ўрганиш асосида палеоботаника провинциялар ажратилди (Ф.Р.Бенш, А.С.Масумов), Гарбий ва Жан. Ўзбекистонда юра даврида яшаган олти нури маржонлар, қўштабақалилар ва сувўтларнинг географик

тарқалиши ўрганилди (Х.Х.Миркамол, Ф.Абдуллаев, С.Т.Хусанов ва б.).

1988–91 й.ларда қуруқлик ва океан акваторияларида олиб борилган кейинги фашиал тадқиқотлар натижалари умумлаштирилиб, Ер пўсти континент, океан босқичларининг фашиал комплекслари ажратилди ва таърифланди. 2005 й.да Т.Н.Долимов ва В.И.Троицкийларнинг «Эволюцион геология» монографияси нашр этилди. Унда палеогеографик ландшафтларнинг ўзгариш қонуниятлари батафсил ёритилган.

Ўзбекистонда олиб борилган ва олиб борилаётган палеогеографик тадқиқотлар фанерозойдаги ювилуш ҳудудлари ва чўкинди ҳавзаларининг тараққиёт босқичларини, қуруқлик ва денгиз чўкинди ҳавзаларида ётқизиқларнинг тўпланиш қонуниятларини ўрганишда, чўкинди фойдали қазилмалар, нефть ва газ конлари, ер ости сувлари ва б.ни башорат қилиш ва қидиришда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Холдор Чиниқулов.

Тектоника. Ўрта Осиё (шу жумладан, Ўзбекистон ҳудуди) майдонининг дастлабки оротектоник р-нлаштириш схемаси 19-а. охири 20-а. бошларида И.В.Мушкетов томонидан тузилган. Схема бўйича у 3 та гуруҳ [Шим. (Тарбағатай), Ўрта (Тяньшан) ва Жан. (Помир-Олай)] га бирлашган 7 та ёйни ажратган. 1920-й.ларда Д.В.Наливкин, В.А.Николаев, А.В.Пейве, В.И.Попов ва б. олимларнинг Ўрта Осиёнинг тектоник тузилиши ҳақидаги фикрларига асосланиб, унинг майдонида Шим., Марказий ва Жан. Тяньшан ҳамда уларга ёндош бўлган Тарим, Тожик-Қорақурум ва Устюрт массивлари ажратилган.

20-а.нинг 30-й.ларида Ўрта Осиё ҳудуди Шим. Тяньшан ва Помир зоналарига бўлинди (И.В.Мушкетов, Д.В.Наливкин, В.И.Попов, А.В.Пейве).

Кейинги тектоник тадқиқотлар бурмали зоналарнинг ўзига хос ички тузилишини ўрганиш, ўрта массивлар ва уларнинг ривожланиш тарихи қонуниятларини ажратишга йўналтирилди (Д.А.Архангельский, Н.С.Шатский, В.Н.Огнев, Н.М.Синицин, В.И.Кнауф, М.М.Кухтиков, Д.П.Резвой, М.А.Аҳмаджонов, О.М.Борисов, К.К.Пятков, А.К.Бухарин).

Геологларнинг Ўрта Осиёнинг мезозой–кайнозой босқичидаги тектоник ривожланиши бўйича илмий ишлари борасида 20-а.нинг 60–70 й.ларидан Тяньшан эпиплатформа орогени ва платформали Турон плитасига ажратиш бўйича

тадқиқотлари натижалари жуда муҳимдир. Уларнинг ҳар бири учун қалин кайнозой молассини ҳосил қилган жадал ва тектоник ҳаракатлар хос (М.К.Варенцов, О.М.Акрамхўжаев, А.Г.Бобоев ва б.).

Тяньшаннинг орогенгача бўлган бирламчи табақаланиш модели 1970-й.лар ўртасида ишлаб чиқилган (В.С.Буртман). Янги тектоник гоёларнинг пайдо бўлишида А.В.Пейвеннинг ҳоз. замон океанлари ер пўсти ва қитъадаги офиолит комплексларининг тузилиши ўхшаш деган тушунча муҳим аҳамиятга эга бўлди ва тектоник қурилмаларга мутлақ янгича муносабатни аниқлаб берди.

Офиолит комплексларининг тарқалишига асосланиб Ўрта Осиё қад. океан структуралари ва бирламчи зоналарини қайта тиклаш мумкинлиги аниқланди. Глобал тектоника гоёлари асосида қатор палеотектоник тикланишлар тузилиб, орогенгача бўлган зоналар маълум бўлди.

Ўрта Осиёнинг Шим. Тяньшан, Ўрта Тяньшан, Жан. Тяньшан ва Помир тектоник зоналарга бўлиниши, океан ости ер пўстининг субдукцияси ва микроконтинентларнинг тўқнашиш жараёни натижасида литосфера плиталари горизонтал сурилиши б-н тушунтирилади (В.С.Буртман, Р.Н.Абдуллаев, Т.Н.Долимов, А.Б.Бакиров, Б.Б.Сиддиқов, П.А.Мухин, К.О.Осмонбетов). 1980-й.лар охири ва 1990-й.ларнинг бошларида тадқиқотчилар томонидан Ўрта Осиё тектоникаси тараққиётининг турли зоналари ажратилган.

Ўрта Осиёда ер пўсти тараққиёти ҳақидаги таълимот аста-секин ўзгариб 100 й.дан ортиқроқ давр мобайнида геол. да қўлланилган геосинклиналлар назарияси литосфера плиталар гипотезаси б-н алмашиди. Янги глобал тузилмалар тектоник ва геодинамик хариталар ҳамда Ўзбекистонни тектоник р-нлаштириш схемаларида ўз моҳиятини топмоқда (Т.Н.Долимов, Ю.Савчук, И.Голованов, Р.Абдуллаев, А.Абидов ва б.).

Раҳматулла Абдуллаев, Анавар Жўлиев.

Литология. 20-а.нинг 20-й.ларидан Ўзбекистонда геологик хариталаш ва қидирув-разведка ишлари б-н бир қаторда чўкинди фойдали қазилма конларини аниқлаш мақсадида изчил равишда литологик тадқиқотлар бошланди (Д.В.Наливкин, В.И.Попов). 1930 й.дан бошлаб Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда фанерозой чўкинди ётқизиқларининг моддий таркиби ва тузилиши ҳамда улар б-н боғлиқ бўлган фойдали қазилмаларнинг стратиграфик кесма ва

худудлар бўйича тарқалиши ҳамда ҳосил бўлиш қонуниятларини комплекс ўрганиш бўйича минтақавий литологик тадқиқотлар олиб борилди. 1937 й.да Ўрта Осиёда биринчи литология лабораторияси ташкил этилди. Нефть ва газ конларини башорат қилиш ва қидириш бўйича Фарғона, Сурхондарё, Бухоро-Хива ва Устюртдаги юра, бўр ва палеоген чўкинди ҳаязаларининг литологияси ва палеогеографик шароитлари таҳлил қилинди (О.М.Акрамхўжаев, А.М.Габриельянц, Р.А.Габриельянц, А.Г.Бобоев). Чўкинди рудалар (В.И.Попов, С.Д.Макарова, Н.И.Гриднев, К.А.Набиев ва б.), кўмирли формациялар (Г.С.Чекризов, В.И.Тройцкий), тузли формациялар (Н.И.Петров, И.В.Рубанов), бентонит гиллари (М.З.Зокиров, Г.И.Тесленко), бокситли, мисли ва фосфоритли формациялар (Л.П.Коннов, М.П.Баскаков, В.Ю.Запромётлов) бўйича минтақавий тадқиқот ишлари олиб борилди. 1940-й.ларда олиб борилган тадқиқотлар формациялар ҳақидаги таълимнинг шаклланишига олиб келди. 1950-й.ларда кайнозой континентал моласларнинг литологияси ўрганилди ҳамда бошқа ёшдаги ва турдаги ётқиқларнинг литологияси бўйича тадқиқот ишлари кўлами ошди (О.М.Акрамхўжаев, К.А.Набиев, М.Э.Эгамбердиев). 1959–79 й.ларда нефть-газ ҳосил қилувчи ва нефть-газ тутувчи ётқиқларни ажратишнинг литологик-фаиал ва геокимёвий мезонлари ишлаб чиқилди (О.М.Акрамхўжаев, А.К.Каримов, Х.Х.Авазхўжаев, М.Э.Эгамбердиев ва б.). Нефть ва газ маҳсулотларининг ҳосил бўлиши ва тўпланиши литогенез, органик моддаларнинг таркиби ҳамда чуқурликдаги термобарик ва гидродинамик шароитлар б-н узвий боғлиқлиги аниқланди. 1966–68 й.ларда тўпланган барча тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш туфайли геологик формациялар таснифланди ва уларнинг 420 асосий тури таърифланди (В.И.Попов).

Ритмостратифик усул асосида 1980-й.ларда токембрий ётқиқларининг ритмостратиграфияси ва фанерозой ётқиқларининг биоритмостратиграфияси яратилди. Чўкинди фойдала қазилмалардан сочма олтин (В.И.Попов, А.А.Петренко, А.И.Пак), кўрғошин ва рух (И.В.Плещенко, В.М.Панин), марганец (Ф.И.Вольфсон, В.С.Чекунов), мисли кум (В.И.Попов, М.П.Баскаков, Л.Д.Шнора ва б.), боксит (Л.П.Коннов, В.В.Вировец ва б.),

гилмоя (М.З.Зокиров, А.Х.Жўлиев, Х.Чиниқулов, А.У.Мирзаев ва б.), фосфорит (Ш.Жўраев, В.С.Бойко, Н.С.Раҳимова), туз (Д.Эшнӣёзов, М.Мираҳмедов), кўмир (Н.В.Шабаров, Е.П.Брунс ва б.), кварц қумлари (М.З.Зокиров, Р.А.Ҳамидов), ер ости сувлари (Х.М.Годин) конлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўзбекистонда токембрий чўкинди жинслари кенг тарқалганлиги ва уларда бирламчи олтиннинг мавжудлиги исботланди (Р.Н.Абдуллаев, Э.Р.Базарбаев, М.О.Аҳмаджонов, И.М.Мирҳожиев). Термал сувлар ва маъданли эритмалар чиқувчи рифт зоналарни қидириш бўйича комплекс литологик-гидрокимёвий тадқиқотлар олиб борилди. Ўрта Осиё артезиан ҳаязаларида эпигенетик уран, селен, молибден ва б. тарқоқ элементларнинг ҳамда нефть, газ, олтингургут ва полиметалл конларнинг шаклланиш қонуниятлари ўрганилди (Р.И.Гольдштейн, Х.К.Каримов ва б.). Ўзбекистоннинг минерал хом ашё ресурсларини ўрганиш натижалари умумлаштирилди. 1986 й.да чўкинди фойдали қазилмаларни литологик-геокимёвий башорат қилишнинг назарий асослари яратилди. 1990-й.лардан норуца да нонъанавий фойдали қазилмаларни ўрганиш ва улардан амалиётда фойдаланиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилди (В.С.Попов, Д.Эшнӣёзов, Р.А.Ҳамидов, О.М.Эргашев, Н.Хўжаев, Х.Чиниқулов, А.У.Мирзаев, П.С.Султонов). Чўкинди жинслардан литодоривор субстанциялар ажратиб олиш ва улардан турли дори воситалари тайёрлаш мумкинлиги исботланди (И.В.Плещенко, Н.А.Малахова).

Холдор Чиниқулов.

Минералогия. Ўрта асрларда Шарқда жаҳон минералогия фани ривожига Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синолар катта ҳисса қўшганлар. Айниқса, Берунийнинг «Китоб ал-Жавоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» («Қимматбаҳо тошларни библи олиш бўйича маълумотлар тўплами») китоби диққатга сазовор. Бу китобда Беруний 300 дан ортиқ минерал ва улар турларининг хусусиятлари, қўлланилиши, ҳосил бўлиш шароитлари, ранги, ҳаттиқлиги, солиштирма оғирлиги ва б. физик хоссалари тўғрисида маълумот берган.

Ибн Сино эса минералларнинг оригинал таснифини таклиф қилган ва уларни 4 гуруҳга: тошлар, эрийдиган жисмлар (металлар), олтингургуртли ёнувчи бирикмалар ва тузларга ажрат-

ган (бу тасниф 19-а.гача деярли ўзгаришсиз сақланиб келган). Ибн Синонинг минералогия ва геологияга оид фикрлари унинг «Ал-Афъол ва-л-инфиолот («Таъсир ва таъсирланиш») асарида ҳам учрайди.

Ўзбекистонда минералогия фани бўйича кенг тадқиқотлар ўтказишга 20-а.нинг 20-й.ларидан киришилган. Республика минералогиянинг ривожланиши А.С.Уклонский раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар томонидан дастлаб айрим конлар минералогиясини ўрганишдан бошланган. Кейинроқ бу ишларни В.И.Попов, С.Т.Бадалов, М.И.Исмоилов, Б.Ф.Василевский, М.Р.Еникеев, И.М.Голованов ва б. давом эттиришган. А.С.Уклонский ва унинг шогирдлари томонидан Ўрта Осиёдаги 400 га яқин минерал ўрганилган, уларнинг янги турлари кашф этилган. Магматик ва чўкинди жинсларнинг минералогик таркиби ўрганилган (И.Х.Ҳамробоев, П.Т.Азимов, В.В.Козирев, Р.Г.Юсупов, Т.Н.Долимов, Р.И.Канеев, А.Х.Турсебеков, Қ.У.Ўринбоев, М.З.Зокиров, М.Э.Эгамбердиев, О.Қ.Қўшмуродов ва б.).

20-а.нинг 90-й.ларида ТошДУ (ҳоз. ЎЗМУ) да минералогия ва геокимё фанлари соҳасида минералогиянинг янги йуналиши бўлган микро ва наноминералогия кафедраси ташкил қилинди. ТошДУнинг геол. факультетидаги минералогия ва геокимё кафедрасида, Ўзбекистон ФА Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика ин-ти минералогия ва геокимё бўлимида, Минерал ресурслар ин-тида минералогия ва геокимё ишлари кенг суръатда олиб борилди. Геология ва геофизика и.т. институтида руда конларининг ҳосил бўлиш қонуниятини ойдинлаштириш мақсадида 1992 й.дан турли хил минераллар синтез қилинди.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан мамлакат ҳудудида очилган олтин, қумуш, мис, вольфрам конлари рудаларида учрайдиган sanoat аҳамиятидаги ва қўшимча йўлдош минераллар, уларнинг таркиби ва хусусиятлари аниқланди. Конларни қидириш ва баҳолашнинг минералогик ва геокимёвий мезон ҳамда белгилари ишлаб чиқилди.

Республика минералог мутахассислари томонидан Ўзбекистон ҳудудида дунёда ҳали номатълум бўлган янги минераллар – авиценнит, берунит, уклонскит, шорсунит, ҳамробоевит, тинтинит, вавеллит, церулеохтит, сувли алюминий фосфатлари, тунгетит ва б. минераллар топилди. Ўзбекистон геологлари томонидан нашрга тайёрланган 5 жилдди «Ўзбекистон минераллари» китобида

1000 га яқин минераллар тўғрисида тўлиқ маълумотлар берилган.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг минерал хом ашё базасини мустақамлашга оид ҳамда геология фанининг турли йўналишлари бўйича и.т. ишлари олиб борилмоқда. Минералогия кафедраси олимлари томонидан «Микроминералогия — предмети, усуллари, қўлланиши» монографияси нашр этилди. Бу соҳалар бўйича илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Очил Қўшмуродов.

Петрографияга оид и.т.лар Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда анча ривожланган бўлиб, унга В.А. Николаев, С.Ф. Машковцев ва б. олимлар томонидан асос солинган. Петрография куйидаги йирик йўналишларга бўлинган:

К л а с с и к п е т р о г р а ф и я й ў н а л и ш и да тоғ жинсларининг таркиби, у ёки бу худуднинг ривожланишида тутган ўрни, рудалилиги, ёши ва ҳ.к.ни аниқлашга доир тадқиқотлар 1940-й.лардан бошланиб Ўзбекистон худудида Шарқий Ўзбекистон, Ғарбий Ўзбекистон, Жан. Ўзбекистон каби йирик петрографик провинциялар асослаб берилди (И.Х. Ҳамробоев, И.М. Исамуҳамедов, Н.П. Васильковский, Ф.Ш. Ражабов ва б.).

Ф а ц и а л - ф о р м а ц и о н й ў н а л и ш магматик ва метаморфик тоғ жинсларининг маълум, бир-бири б-н узвий боғлиқ гуруҳларга ажратиш ва уларнинг ҳосил бўлиш шароитлари б-н шуғулланади. Бу соҳада 1965 й.дан фаолият кўрсатган Ўрта Осиё петрографик кенгашининг аҳамияти катта бўлди (1965—88). Кенгаш фаолияти натижасида магматик формациялар хариталари, формацияларнинг кетма-кетлигини аниқловчи схемалар, уларнинг қиёсий тафсилотлари берилиб, фашиал жиҳатдан хилма-хиллиги аниқланди (Т.Н. Долимов, А.А. Кустарникова, И.Х. Ҳамробоев, В.А. Арапов ва б.).

М а г м а т и к ж а р а ё н л а р в а қ а д и м г и г е о д и н а м и к ш а р о и т л а р н и т и к л а ш й ў н а л и ш и — петрография ва тектоника ўртасида пайдо бўлган янги, ривожланаётган йўналишдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда 500 млн. йил аввал йирик океанлар, рифтлар, коллизия зоналар мавжуд бўлган (Т.П. Долимов).

П е т р о м е т а л л о г е н и к й ў н а л и ш нинг асосини Х.М. Абдуллаев яратиб берди. Х.М. Абдуллаев ва унинг шогирдлари рудаланиш жараёнлари тоғ

жинси ҳосил қилувчи жараёнларнинг бир қисми бўлиб, ҳар бир руда магматик жараёнлар б-н генетик равишда боғлиқ эканлигини аниқладилар. Мас., 1960—90 й.ларда Ўзбекистон вулканлари б-н боғлиқ бўлган мис, олтин, кумуш конлари топилди (Х.М. Абдуллаев, Т.Ш. Шоёқубов, А.Е. Антонов ва б.).

Г е о х р о н о л о г и я в а и з о т о п л а р г е о к и м ё с и й ў н а л и ш и да петрографиянинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан — жинсларнинг ёшини аниқлаш ва улардаги Rb, Sr, Ag, O изотопларининг тарқалиши ўрганилди (Ф.А. Асқаров, С. Саидганиев). Бу тадқиқотларга асосланиб токембрий даврдан палеозой даври охиригача бўлган бир қатор магматик даврлар ажратилган.

Турабек Долимов.

Г е о к и м ё. Геокимёвий изланишлар ва геокимёнинг изчил ривожланиши Ўзбекистонда 1924—25 й.ларда бошланди. Дастлаб нефть ва олтингугурт ҳамроҳлиги (*парагенезиси*) назарий жиҳатдан аниқланди (А.Л. Уклонский). Шу назарияга суянган ҳолда дунёдаги машҳур газ конларидан бири — Газли кони очилди. Кейинчалик геокимёвий тадқиқотлар натижасида Чатқол ва Қурама, Ўзбекистон ғарбий қисми тоғларининг айрим жойларида қурғошин, рух, мис, олтин, тарқоқ ва нодир элементларнинг тарқалиш қонуниятлари, уларнинг катта захиралари тўпланиши мумкин бўлган жойларни аниқлаш бўйича илмий ишлар олиб борилди. 1950—60 й.ларда Ўзбекистонда руда конлари (Олтинтопган, Олмалик, Қўйтош, Ингичка, Лангар, ва б.) минералогияси ва геокимёси (А.С. Уклонский, И.Х. Ҳамробоев, С.Т. Бадалов, И.М. Голованов, М.И. Исмоилов, М.С. Кучукова ва б.) бўйича ишлар қилинди. Илмий изланишлар натижасида конларнинг юзага келиш шароитлари аниқланди, янги конлар (Учкулуқ, Хондиза, Обираҳмат, Устарасой, Мурунтоб, Зармитан, Сармич, Маржонбулоқ ва б.) топилди.

1960-й.лардан кейин республикада минералогия, геокимё, петрология фанлари ривожланди, магматик жинслар ва уларнинг минераллари (плагиоклаз, калий шпати, биотит, амфибол, пироксен) таркибидаги кимёвий элементларнинг миқдори, республика миқёсида худудий тарқалиши ва регионал фони (ўртача миқдори) қонуниятли ўрганилди. Олтин, вольфрам, молибден, қурғошин, рух, мис, платиноидлар гуруҳи, лантаноидларнинг аниқ миқдори аниқланди, уларнинг конлар ҳосил қилинишида айрим омиллари белгиланиб, янги

конлар очилди (И.Х. Ҳамробоев, П.Т. Азимов, Т.Н. Долимов, Қ.У. Ўринбоев, О.Қ. Қўшмуродов, Р.Г. Юсупов ва б.). Республикада қўрилган манбаи бўлган нефть, газ ва кўмир конларининг юзага келиш шароитларини йиллар давомида ўрганиш асосида органик моддалар, углеводородларнинг маълум қатламларда йиғилиши ва конлар ҳосил қилиш қонуниятлари яратилди (О.М. Акрамхўжаев, А.Г. Бобоев ва б.).

Очил Қўшмуродов.

Г е о ф и з и к а. Ўзбекистонда геофизик тадқиқотлар икки хил йўналишга эга. Биринчиси фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари бўлиб, у кўпроқ амалий аҳамиятга эга. Иккинчиси «Катта» геофизика бўлиб, у чуқур қатламларнинг тузилиши, физик хоссалари ва у ердаги физик ва кимёвий жараёнларни ҳамда ер атрофидаги электромагнит майдонлар (магнитосфера, ионосфера) ни ўрганади.

Ўзбекистонда амалий геофизика фанига доир тадқиқот ишлари, асосан, 20-а.нинг 30—40-й.ларида ривожланди. Геофизикадан газ ва нефть бойликларини (Шўрсув, Ким, Ховдоғ ва б.) аниқлашда ва кўмир, руда ва б. қимматбаҳо қазилма бойликларни, ичимлик сувларни топишда фойдаланилган (Қизилқия, Лангар, Ангрен, Кўкёнғоқ ва б.). Зилзилалар вужудга келтирилган тўлқинларни стационар сейсмик ст-яларда қайд қилиш маълумотларига асосланиб Ер пўстининг тузилишини аниқлашга доир тадқиқотлар 1930-й.лардан бошланди. Ўзбекистонда палеомагнит ишлари кенг қўламда олиб борилади (В.И. Попов, Х.А. Абдуллаев, Х.А. Тўйчиев, Х.З. Зарифбоев, С.Х. Ҳайдаров, С.А., Эгамбердиев, И.А. Тўйчиева ва б.). Ер пўсти ва юқори мантияни ўрганиш чуқур сейсмик зондаш сейсмологик, гравиразведка, электроразведка, магниторазведка ва б. геофизик майдонларни ўрганишдан олинган маълумотларга асосланади. Биринчи текширувлар 1949 й.да нуқтавий зондаш тартибда ўтказилди (А.Г. Гамбурцев). 50-й.лар охирида узлуксиз профилаш тартибдаги геологосейсмик зондаш услуби ишлаб чиқилди; Ўрта Осиёнинг анча қисми шу усулда тадқиқ қилинди (Ю.Н. Годин). Кейинчалик кўчма сейсмологик ст-ялар ёрдамида олинган маълумотларга асосланган сейсмологик профилаш ривожланди.

Асосий тадқиқот ишларини ўтказишда электроразведканинг тик зондаш услуби ва электропрофилаш, гравиразведка (вариометр б-н) ҳамда магниторазведка усулларида фойдаланилади.

Газ ва нефть бойлигига эга бўлиш эҳтимоли бор ҳудудлар ўрганилди (Ю. Н. Годин, Б. П. Лебедев, И. И. Крейнсе, Н. А. Громико, М. В. Мухин ва б.).

20-а.нинг 50- ва 60-й.лари ўртасида нефть ва газ бойликларини излаш ривожланиши б-н бирга, чуқур пармалаш учун лойиҳалар тайёрланди (Б. Б. Таль-Вирский, И. С. Вольвовский, А. М. Калпаков, Г. Е. Ефимов, Т. Л. Бобожонов, В. В. Рубо ва б.), кўмир конларига бой бўлиш эҳтимоли бор жойлар қидирилди (И. М. Мелькановицкий, С. Н. Аспангельдин, И. А. Савинцев, А. С. Орловский ва б.) ва республикада рудали тоғлар режа асосида ўрганилди (А. Г. Хваловский, И. Б. Вольфсон, И. Г. Дегтярев, Ш. А. Чембарисов ва б.). Газ ва нефть конлари бўлиши эҳтимоли бор жойларни қидиришда, асосан, сейсморазведка, аэромагнит ва гравиметрик, электроразведка усулларидан фойдаланилди. Гидрогеология мажмуаларини ечишда кўпроқ электроразведка усули қўлланди (А. Д. Судоплатов, Н. И. Пичугин, М. Г. Фафуров ва б.). Сейсмология ин-ти махсус лабларда турли тоғ жинслари физик хоссаларининг босим ва т-ра таъсирида ўзгаришлари кенг тадқиқ қилинди (М. Х. Боқиев, С. Х. Мақсудов, Мелис Х. Боқиев, А. Х. Ибрагимов ва б.).

20-а. 70-й.ларда геофизик маълумотлар устида ишлашда янги усуллар жорий қилинди, замонавий электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилди. Зилзилаларнинг алмашинадиган тўлқинларини қайд қиладиган портлашлар ва зилзилалар вужудга келтирадиган тўлқинларни комплекс қайд қиладиган «Ер» ст-ялари ёрдамида дискрет кузатиб, Ер пўстининг тузилиши ўрганилди (Е. М. Бутовская, В. А. Пак, Т. Эргашев ва б.).

Ер пўсти ва юқори мантияни тадқиқ қилишнинг сейсмик усуллари маълумотларига асосланиб Ер пўстининг чуқур қисмини гравитация ва магнит тақсимланишига, магнит ҳамда геометрик майдонга боғлаб ўрганилди.

Асосий геофизик қатламларнинг параметри ва Ер пўстининг чегараси, унинг блоклардан иборатлиги аниқланди, юқори мантия устки қисмининг геофизик хусусиятлари кўрсатиб берилди. Натижада Ўрта Осиё ҳудудида Ер пўсти тузилиши типлари бўйича ҳар хил майдонларда жойлашган руда қазилма бойликлар алоҳида р-нларга бўлинди.

1973 й.дан Ўзбекистон геофизиклари Помир – Ҳимолайни ўргана бошладилар. 1980 й.дан Ўзбекистон олимлари Италия, Ҳиндистон, Покистон олимлари б-н биргаликда бу ерда портлаш

ва зилзиладан фойдаланиб биринчи марта Ер пўсти ва юқори мантияси ҳақида маълумотлар олдилар (И. Х. Ҳамробоев, Т. Л. Бобожонов, С. Алиев, Ф. Зуннунов, Х. Отабоев, Т. Эргашев ва б.).

1989 й. ТошДУ ходимлари томонидан Иттифоқ республикалари (Россия, Ўзбекистон, Грузия), Болгария, Греция б-н биргаликда (Н. С. Вольвовский, Б. Б. Таль-Вирский, Х. Отабоев ва б.) Болгария Республикасининг Ер пўсти биринчи марта ўрганилди. 1992 й. Х. М. Абдуллаев номидаги Геол. ва геофизика ин-ти ходимлари Туркия Республикасида содир бўлган зилзила ўчоғининг физик ҳолатини ўрганишда қатнашдилар (Т. Эргашев, Н. А. Фердман ва б.).

Республиканинг энергетика базасини ривожлантиришда геофизика фанининг ҳиссаси катта. Мисол учун Кўкдўмалоқ, Мингбулоқ ва б. нефть-газ конларини топишда геофизика фани ютуқларидан кенг қўламда фойдаланилмоқда.

«Катта» геофизика тадқиқотлари Ўзбекистонда 1873 й.ларда бошланган. Ер магнит ва электр майдонларининг ўзгаришлари, ер қимирлашлар сейсмик ст-ялар ёрдамида ёзиб олинди ва ҳ. к. Ер магнит майдонининг ўзгаришлари дастлаб Тошкентда, кейинчалик Келесда ва «Янгибозор» магнит-ионосфера расадхонасида 1963 й.дан бошлаб олиб борилди (М. Г. Анцилевич, С. Б. Бердалиев, С. Х. Мақсудов, С. С. Хусамидинов ва б.).

Ўзбекистон ФА Сейсмология ин-ти томонидан махсус геодинamik (Тошкент, Фарғона, Қизилқум) полигонларда ернинг сейсмик ҳолати, магнит, электр майдонлари, ионосферик зондаш ва ҳ. к. ўрганилди (Ф. О. Мавлюнов, В. И. Уломов, А. Н. Султонхўжаев, Қ. Н. Абдуллабеков, С. Х. Мақсудов, С. Е. Хусамидинов ва б.). Зилзилаларнинг электромагнит даракчиларининг қонуниятлари топилди ва зилзилаларни узоқ, ўрта, қисқа муддатларга айтиб беришнинг услублари яратилди (Қ. Н. Абдуллабеков, С. Х. Мақсудов, С. С. Хусамидинов, Е. Б. Бердалиев, М. Ю. Мўминов, А. И. Тўйчиев ва б.).

Қаҳқорбой Абдуллабеков, Фарҳод Зуннунов.

Фойдали қазилмалар геологияси. Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги фойдали қазилмалар конларини ўрганиш тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Жез ва темир асрларга оид (Сополлитепа, Миришоди, Жарқўтон, Бўстон, Бандихонтепа, Қизилтепа ва б.) жойлардаги археологик қазилмаларда топилган сопол буюмлар, мис, жез, темир, олтин ва кумушдан моҳирлик б-н

ясалган ҳар хил буюмлар Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳоли орасида металлларга ишлов бериш, минерал буюқлар тайёрлаш, қурилиш иншоотларини яратиш ва бу б-н боғлиқ кончилик анча ривож топганидан далолат беради.

Кейинги асрларда ҳам Ўзбекистон ҳудудидан қимматбаҳо тошлар, металл ва нометалл рудалар қазиб олинган, янги конлар очилган. 19-а. охири 20-а. бошларида ўтказилган геологик тадқиқотлар натижасида Чатқол-Курама тоғларида, Фарғона водийси ва унинг атрофидаги тоғларда, бир қанча металл ва нометалл руда конлари борлиги аниқланди (И. В. Мушкетов, Г. Д. Романовский, К. П. Калицкий, В. Н. Вебер, В. Н. Томилиев ва б.).

1904 й.дан бошлаб Фарғона водийсида нефть конларини ўрганишга киришилди. 1918–40 й.ларда олтингугурт (Шўрсув), флюорит (Обираҳмат), маргимуш (Бурчмулла), олтин, кўмир, рангли ва нодир металл конлари топилиди (С. Ф. Машковцев, Б. Н. Наследов ва б.). 1931 й.дан Олмалиқ мис конини саноат талаб даражасига кўтариш тўғрисида тавсиялар берилди (М. П. Русаков).

2-жаҳон уруши даврида Ангрэн, Бойсун кўмир конлари, боксит, вольфрам (Қоратепа, Ингичка) конлари ўзлаштирилиб, руда қазиб олина бошланди. Уша даврда Полвонтош, Оламушук нефть конлари ҳам очилди.

1941–60 й.ларда структураларни ўрганиш асосида, руда конларини қидириш, уларнинг захирасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этди (Ф. И. Вольфсон, А. В. Королёв, П. А. Шехтман ва б.). Хом ашё базасининг кенгайтиши ва руда ҳосил бўлиш таълимотининг ривож топишига симоб ва сурма конларининг вужудга келишини аниқлаш борасида олиб борилган и.т.ларнинг таъсири ҳам катта бўлди (В. И. Попов, В. И. Смирнов, В. Э. Поярков, В. П. Федорчук, Н. А. Никифоров, Р. А. Мусин, К. Т. Мустафин ва б.).

1935–60 й.ларда рудали майдонлар структураларини ўрганиш асосида руда конларини қидириш, уларнинг захирасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. А. В. Королёв, П. А. Шехтман ва б. асос солган бу илмий йўналиш металл ва нометалл фойдали қазилмалар хом ашё базасининг кенгайтиши ва руда ҳосил бўлиш таълимотининг ривож топишига катта ҳисса қўшди. Мазкур йўналишни В. П. Федорчук, Т. Шоёқубов, Ю. С. Шихин, Х. А. Акбаров, Р. Р. Исанов, Б. А. Исахожиев ва б. ривожлантирдилар. 1950–60 й.ларда Х. М. Абдуллаев ва И. Х. Ҳамробоевлар томонидан «Петрометаллогения» илмий мактаби яратил-

ди. Илмий мактабнинг петрология, Ер пусти тузилиши (И.Х.Ҳамробоев, Е.Бутовская, Ф.Зуннунов), металлогения (А.Малахов, Х.Н.Боймухамедов, Х.Раҳматуллаев), вулканизм ва металлогения (В.Арапов, Т.Шоёқубов, Т.Долимов), рудаланиш ва метаморфизм (В.Хохлов, И.Мирҳожиев), конларни геологик-генетик (А.Королёв, К.Бобоев) ва санат-геологик (В.Крейтер, И.Голованов) таснифлаш каби илмий йўналишлар бўйича амалий аҳамияти катта бўлди.

1990-й.лардан геодинамика (Т.Долимов, А.Савчук, Р.Абдуллаев, З.Абдуазимова ва б.), дистанцион усулда башорат қилиш (Ф.Усмонов, Ш.Эргашев ва б.), статистик металлогения (Ф.Усмонов, С.Т.Марипова ва б.) каби янги соҳалар вужудга келди ва ривожланди.

Ўзбекистон геологияси (Т.Н.Долимов, Т.Шоёқубов ва б., 1998), Ўзбекистоннинг стратиграфик лугати (З.М.Абдуазимова ва б., 2001), Ўзбекистон маъданли конлари (Н.А.Аҳмедов, Б.А.Исаҳожиев ва б., 2002), Эволюцион геология (Т.Долимов ва б., 2005) китоб ва монографиялари тайёрланиб, нашрдан чиқарилди. 1:500 000 масштабдаги Ўзбекистоннинг металлогеник, геодинамик хариталари яратилди.

Абдумалик Қодиров, Бахтиёр Исаҳожиев.

Нефть ва газ геологияси. Ўзбекистон ҳудудида нефть ва газ геол.си бўйича и.т.лар 19-а.нинг 70-й.ларидан бошланди. Дастлаб нефть қазиб олиш учун қурилган қудуқлардан, шунингдек, нефть ва газ конларини излаб топиш учун бажарилган разведка ишлари жараёнида олинган маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш ишларининг мукамаллашиши, кейинчалик эса антиклиналь назариясининг яратилиши ушбу фаннинг тараққиёти этишига олиб келди.

1904 й.да Фарғона вилоятининг Чимён қишлоғи атрофида қазилган қудуқнинг 278 м чуқурликдан отилиб чиққан нефть фаввораси Ўзбекистон геол.сида нефть соҳаси пайдо бўлганлигининг муҳим белгиси ҳисобланади. Шу воқеа Ўзбекистонда нефть санатининг юзага келиши учун муҳим омил бўлса-да, лекин, мунтазам равишда нефть қидириш ишлари, асосан, 1920-й.лардан бошланди. 1926 й.да палеоген даври ётқизиқлари орасида Шўрсув нефть кони очилди. Бўр ва юра даврлари ётқизиқлари б-н бирга учрайдиган нефть ва газни қидириб топиш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон Фан қўмитаси (1943 й.дан Ўзбекистон ФА) қошида геол. ва минерал ресурслар и.т. секторларининг гидрогеология ва муҳандислик геол.си

бўлимлари негизда Геол. ва геофизика ин-тининг очилиши б-н нефть ва газ конлари қидирув и.т. ишлари жадаллаштирилди. Илмий йўналишларга А.М.Габриельянц, О.М. Акрамхўжаев, А.Г.Бобоев, О.А.Рижков, З.С.Иброҳимов ва б. раҳбарлик қилдилар.

1935–39 й.ларда Учқизил, Какайди, Лалмикор, Ховдоғ конлари очилиши муносабати б-н Сурхондарё нефть-газ ҳавзасида нефть қазиб олиш ишлари ривожланди. Шунингдек, Амударё, Кўштор, Қўрғонча, Баянгара, Гажак каби янги конлар очилди.

1940-й.ларда Полвонтош, Шаҳрихон-Хўжаобод, Жан. Оламушук структураларида нефть конлари аниқланди. Ўтказилган қидирув ва илмий изланишлар натижасида 1950-й.лар бошида Бухоро-Хива ҳавзаси таркибида Сеталантепа, Тошқудук, Жарқоқ, Саритош, Қоровулбозор, Жан. Муборак ва б. конлар очилди. Газли газ-нефть конининг ишга туширилиши б-н Чоржўй поғонаси таркибида газ, газ-конденсатли конларни қидириш ишлари жадаллаштирилди ва Шўртан, Кўкдумалоқ, Ўртабулоқ, Жан. Помуқ, Алан, Зеварди ва б. конлар ишга туширилди.

1960-й.лар бошида Қорақалпоғистонда Шақлақти газ кони очилиши б-н Устюрт нефть-газ ҳавзасига асос солинди. Кейинги изланишлар натижасида Қувониш, Фарбий Борсақелмас, Оқчўлоқ, Аламбек конлари, Орол денгизи атрофларида эса Урга, Орол, Бердақ конлари топилди.

1970-й.ларда нефть-газ конларини қидиришда геофизик тадқиқотлардан унумли фойдаланилиб, ютуқларга эришилди (Т.Л.Бобононов, Б.Б.Таль-Вирский, Ф.Н.Зуннунов, А.В.Рубо ва б.).

Масс-спектрометр асбобларида керогенни аниқлаш учун олиб борилган тажриба лаб. изланишлари натижасида Ўзбекистон олимларининг (О.М.Акрамхўжаев, Ш.Х.Амиронов, А.В.Киришин) и.т.ларида янги йўналишлар юзага келди. Натижада модданинг ноаниқ бўлган маълум т-рагача эримаган ҳолатини сақлаб турувчи углеводородларнинг махсус тури аниқланди. Бу тадқиқотлар нефть ва газ конларининг тахмин қилинган ўлчамларини аниқлашга ва уларнинг табиий шароитда тарқалиш ҳолатига айрим ўзгаришлар киритишга имкон берди. Шунингдек, органик модда ҳосил бўлиши ва конларни топиш йўллари-нинг махсус манбаларини ишлаб чиқиш мумкин бўлди.

1980-й.ларда республика миқёсида нефть-газ ҳавзаларининг ётқизиқлари молекула ва атомларини тадқиқ қилиш

усули илк бор қўлланилиб, улар таркибидаги органик модданинг ҳар хил шароитда ҳосил бўлганлиги аниқланди (Ш.Ф.Саидхўжаев ва б.).

Кейинги йилларда геодинамик таҳлиллар асосида углеводородлар ҳосил бўлишининг микстгенетик гипотезаси ишлаб чиқилди (А.А.Абидов).

Ҳоз. даврда Устюрт платоси ва б. регионларда нефть-газни қидириш ва разведка қилиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Кўпчилик нефть-газ конлари геологияси қайтадан мукамал ўрганилиб янги нефть уюмлари аниқланмоқда.

Абдумалик Қодиров.

Гидрогеология. Ўзбекистон сув таъминотининг кескинлиги, санат ва қ.х.нинг илдам ривожланиши учун асосий омил ҳисобланади. Бу соҳалаги изланишлар 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланган. 1930-й.ларнинг ўрталаридаёқ Ўзбекистон ер ости сувлари кадастри тузилди ва республика асосий минтақалари гидрогеологияси тўғрисидаги илмий асар нашр этилди (О.К.Ланге, В.Л.Дмитриев ва б.). Ҳозирда 1 : 200 000 ва йирикроқ масштабдаги гидрогеологик хариталар тузилган (В.П.Волков, А.С.Вишняков ва б.). Ер ости сувларининг мамлакат ҳўжалиги учун қимматли бўлган турларининг жойлашиши ва уларнинг захиралари аниқланган (С.Ш.Мирзаев, В.П.Волков, А.С.Вишняков ва б.). Бу ишлар ер ости сувлари миқдор мувозанатининг вақт бирлигида циклик ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда заҳира миқдорини баҳолаш услублари асосида бажарилиди (С.Ш.Мирзаев, Р.В.Бородин). Ҳўжалик фаолияти натижасида ер ости сувларининг ифлосланиши ва тоза сувнинг камлиги сезилётганлиги боис сув таъминоти масалалари янада кескин тус ола бошлади. Бу ҳол 1970-й.лардан гидрогеологияда ер ости сувларини муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган махсус йўналишининг ривожланишига олиб келди. Мамлакат миқёсида ер ости сувларидан фойдаланишни назорат қилиш хизмати С.Ш.Мирзаевнинг ушбу масала бўйича олиб борган тадқиқотлари натижасига асосланган. Ер ости сувларининг ифлосланиши ва сув қатламларининг ўз-ўзи-дан тозаланиш жараёнларини ўрганиш натижалари (В.Г.Самойленко, В.Г.Хўжаев, В.В.Сергеев, Б.Д.Абдуллаев ва б.) ҳўжалик корхоналарининг жойлашини ва уларнинг ишлаш шарт-шароитларини ер ости сув муҳитини муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан белгилаб беришга асос бўлмоқда (оқова-техник

сувларнинг чегара миқдорини асослаш, агрокимё маҳсулотларидан фойдаланиш ва ҳ.к.).

Республикада деҳқончиликнинг ўзига хослиги, пахтачилик мақсадида сугориш майдонларининг кенгайиб бориши мелиоратив гидрогеологиянинг мустақил йўналиш сифатида илк бор Ўзбекистонда шаклланишига олиб келди (М.М.Шмидт, М.М.Крилов, Н.А.Кенесарин, А.А.Худойбердиев, Д.М.Каш). Бу йўналиш Н.Н.Ҳожибоев, В.Г.Самойленко, Б.Я.Нейман, И.А.Сорокина, Х.Э.Ёқубов ва б. томонидан янада ривожлантирилди. Республиканинг сугориладиган майдонлари 1 : 50 000 масштабда хариталаштирилган ва гидрогеологик мелиоратив шарт-шароитлар асосида худудларга ажратилган, сизот сувларининг ҳолатини узлуксиз ўрганиш ва муҳандис мелиоратив таралдулларнинг унумлигига баҳо бериш мақсадида доимий кузатиш тартиби ташкил қилинган.

Республикада нефть ва газ конларини қидириш ва улардан фойдаланишни бошқаришнинг гидрогеологик асослари В.А.Кудряковнинг, қаттиқ қазилма бойликлар эса Н.И.Плотников, К.Я.Петушков, Ю.С.Ковалёв ва б.нинг бошчилигида бажарилган ишлар асосида яратилди. Б.А.Бедер, А.Н.Султонхўжаев, А.С.Ҳасанов, Д.С.Иброҳимов ва Л.А.Калабугинларнинг олиб борган назарий ва амалий тадқиқотлари асосида кўпгина термал ва минерал сув конлари очилди, тадқиқ қилинди ва захиралари аниқланди. Булар келажакда республикада шифо марказлари кўламининг ва курортологиянинг янада ривожланишини, шифобахш ичимлик сувларнинг экспорт қилинишини таъминлайди. А.С.Ҳасанов, С.Н.Боқиев раҳбарлигида текширилган саннат сувларидан комплекс ҳолда литий, цезий, рубидий, йод ва б. нодир, камёб элементларни ажратиб олиш технологиясини таъминлаш бўйича олиб бораётган тадқиқотлари истиқболлидир. Ғ.А.Мавлонов ва А.Н.Султонхўжаевлар томонидан зилзаланинг гидрогеологик даракчилари устида ўтказилган тадқиқотлар натижалари жуда аҳамиятлидир ва бу йўналиш янада ривожлантирилмоқда.

Замонавий гидрогеологик ва муҳандислик-геологик жараёнлари тадқиқотлар услубларини ривожлантиришда ва уларни тажрибада қўллашда қўшган назарий ва амалий ҳиссалари—аэрокосмик фотомаълумотларни мазмунан ёритиш ва талқин қилиш (Э.А.Агбалъянц, Х.М.Тошматов ва б.), геофизика усуллари-дан гидрогеологик хариталашда, гидродинамик ва миграция жараёнларини ўрганишда фойдаланиш (А.Д. Судопла-

тов, Н.И.Пичугин, К.Р.Умурзоқов ва б.), гидродинамик аналогия услубларини гидрогеологик жиҳатдан олдиндан айтиб бериш масалаларида қўллаш (Д.Миралиев, А.Р.Бородин), гидрогеологик тадқиқотларни информатика ютуқларига асосланган ҳолда ривожлантириш, компьютерлаштириш (Н.Н.Ҳожибоев, Ф.Б.Абуталиев, У.У.Умаров, Н.Т.Тоҳиров, И.И.Измайлов) ва автоматлаштирилган маълумот ва бошқарув тартибини яратиш (У.У.Умаров, И.Х.Ҳабибуллаев), ер ости сувларининг ифлосланишини аниқлашда газланишнинг баҳолаш услубларидан фойдаланишни (Г.В.Перевозчиков) алоҳида қайд этиш лозим.

Нариман Мавлонов.

Муҳандислик геологияси. Ўзбекистонда 20-а.нинг 20-й.ларидан ривожлана бошлади. Бунда тоғ олди ва водийларнинг кўп қисмини эгаллаган, намланиш натижасида чўкиш, суффозия, нураш ва б. хавфли ҳодисалар содир бўлишига мойил бўлган лёссимон ва лёсс жинсларига алоҳида эътибор берилди. Уларнинг генезиси ва хоссаларининг шаклланиш қонуниятлари очиб берилди, кечадиган техноген экзодинамик жараёнлар баён қилинди, уларни олдиндан айтиб бериш ва олдини олиш услублари ишлаб чиқилди. Акад. Ғ.О.Мавлонов бошчилигида Ўрта Осиёда лёссшунослик назарий ва амалий мактаби шаклланди (А.И.Исломов, Э.В.Қодиров, Р.А.Ниёзов, М.Н.Назаров ва б.). Мелиоратив муҳандислик геологияси ривожлантирилди. Республиканинг сугориладиган майдонлари муҳандислик геологияси шарт-шароитлари бўйича даҳаларга ажратилди ва хариталаштирилди (Н.Н.Ҳожибоев, Э.В.Мавлонов, К.П.Пўлатов ва б.).

Тошкентда 1966 й.да юз берган зилзила, эндоген ва сейсмик жараёнлар ҳамда уларнинг муҳандислик иншоотларига таъсири ўрганилиб, Ўзбекистонда муҳандислик сейсмологиясига асос солинди (Ғ.О.Мавлонов, С.М.Қосимов, М.Ш.Шерматов, Қ.Н.Абдуллабеков ва б.). Республика худуди муҳандислик-сейсмологик р-нларга бўлинди, шаҳарлар, гидротехника иншоотлари, саннат корхоналари микросейсмик тарзда баҳоланди, сейсмик жиҳатдан хавфли майдонларда тадқиқот ўтказиш ва қурилиш ишларини олиб боришнинг меъёрий ҳужжатлари тасдиқланди.

Мамлакат аҳолиси ва ҳўжалигига баъзи геологик жараёнлар хавф солишини эътиборга олиб, тажриба майдонларида ва ўлка бўйлаб кўчки жараёнларини ўрга-

ниш натижасида, уларнинг содир бўлиш моделларини тузиш ҳамда кўламинини аниқлаш имкониятига эга бўлинди, республика миқёсида кўчкилар мониторинги хизмати ташкил этилди (М.Г.Хўжаев, Р.А.Ниёзов, Ш.Б.Бозоров ва б.). Ангрен водийсидаги Аччи сурилмаси ривожланишини олдини олиш учун зарурий тадбирлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида бу ишлар Гидрогеология ва муҳандислик геологияси ин-тида (Н.Ғ.Мавлонов) ва Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизматида (Ш.Б.Бозоров) олиб берилди. Ҳар бир вилоят учун хавфли геологик жараёнлар хариталари тузилди, кўчкиларни олдиндан билиб олиш учун комплекс услублар яратилди. Натижада 1994 й.дан буён бундай табиий жараёнлардан аҳоли зарар кўрмади.

Ўзбекистон шаҳарларида экологик муаммоларининг шаклланиши муҳандислик геологияси фанининг махсус йўналиш тарзида ривожланишига олиб келди (А.М.Худойберганов, И.А.Петрухина, Н.Ғ.Мавлонов ва б.). Шаҳарларни экологик-геологик хариталаш услуби ишлаб чиқилди ва Тошкент, Самарқанд ва б., жами 14 шаҳарнинг йирик ўлчамдаги экологик-геологик хариталари нашрга тайёрланди. Орол денгизининг қуриган ер юзасини геологик муҳити ўрганилди ва 1 : 1 000 000 масштабдаги харита тузилди. Геологик муҳитнинг ифлосланиш жараёнлари ўрганилиб, Ўзбекистон вилоятларининг 1 : 200 000 масштабдаги хариталари тузилди (Б.И.Пинхасов, Н.Ғ.Мавлонов ва б.).

Қаттиқ қазилма бойликларни қазиб чиқаришда вужудга келадиган муҳандислик-геологик жараёнлар ўрганилиб, улар туфайли содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олиш шартлари ва уларни олдиндан билиш услублари ишлаб чиқилмоқда (М.М.Мирасланов ва б.).

Нариман Мавлонов.

Сейсмология. Ўрта Осиёда доимий сейсмология кузатиш ишлари биринчи марта 1901 й.да Тошкентда бошланган. 1911—14 й.ларда янги асбоблар ёрдамида кучли зилзила ўчоғи аниқлана бошланди. 1927—32 й.ларда Андижон, Самарқанд, Фарғона, Наманганда сейсмик ст-ялар ташкил этилди. 1960 й.гача Ўзбекистонда сейсмик изланишлар махсус қурилишлар учун (вақтинчалик экспедиция) ташкил қилинар эди. Экспедициянинг биринчи маълумотига асосан 1961—62 й.ларда Тошкент ш. 7 балликдан 8 баллик майдонга ўтказилди (Е.М.Бутовская, А.И.Захарова ва б.). 1962 й.да би-

ринчи марта Шарқий Ўзбекистоннинг ер пўсти чуқурлиги ҳамда сейсмик ҳолати ўта аниқ усул б-н ўрганилди (Е. М. Бутовская, Х. А. Отабоев, Л. М. Плотникова, М. Г. Фленова ва б.). 1963 йдан ер пўстини р-нлаштириш ва микрорайонлаштириш ўрганила бошланди. Шу жумладан Тошкент ш. микрорайонлаштирилди (В. И. Уломо, В. М. Мирзаев ва б.). Тошкент зилзиласи (1966) Ўзбекистонда сейсмология фанининг ривожланишини жадаллаштирди, Ер пўстининг динамикаси, тектоникаси, зилзила ўчоғи физикаси, Ер магнетизми, ионосфераси ўрганилди. Ўзбекистон ФА Сейсмология ин-тининг илмий йўналишлари Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларини сейсмик р-нлаштиришга қаратилди (Ф. О. Мавлонов, Х. Абдуллаев, Қ. Н. Абдуллабеков, Р. Н. Иброҳимов, М. Х. Боқиев, В. И. Уломо, Ж. Х. Ёқубов, А. Ермухамедов ва б.).

Республикада кўп сув омборлари, шаҳарлар ва катта sanoat қурилишлари микрорайонлаштирилди (С. М. Қосимов, Л. М. Плотникова, Х. О. Отабоев ва б.). Зилзила даракчиларини ўрганиш ва олдиндан айтиб бериш усуллари ишлаб чиқилди (Ф. О. Мавлонов, В. И. Уломо, А. Н. Султонхўжаев, Қ. Н. Абдуллабеков ва б.). Сейсмик изланишлар, шунингдек Ўзбекистон ФА Геология-геофизика ин-ти ва ЎЗМУ да олиб борилди. Мукамал сейсмологик р-нлаштириш, микрорайонлаштириш, сейсмик ҳолатни математик моделлаш, силкинишни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилди (Х. О. Отабоев, Е. М. Бутовская, Ю. В. Резниченко, С. С. Сейдузова, Б. Б. Таль-Вирский). Олинган натижалар зилзилани олдиндан айтиб бериш ҳамда даракчиларини ўрганишга татбиқ этилади. Тектоник зилзилалар тўғрисида (атмосфера, ионосфера, геомагнит майдон, ер ости минерал сувлардаги газ ва кимёвий элемент бирикмаларда ўзгаришлар) янги маълумотлар олинди. 1973 й.да зилзиладан олдин ер ости сувлардаги кимёвий ва газ бирикмаларининг ўзгариши кашф этилди (Ф. О. Мавлонов, В. И. Уломо, А. Н. Султонхўжаев, Х. Қ. Қосимов, Л. А. Ҳасанова ва б.). Бу Марказий Осиёдаги биринчи илмий кашфиёт эди.

Тошкент атрофида жойлашган сейсмик ст-ялар маълумоти радиоалоқа орқали марказда йиғилди ва таҳлил этилди (В. И. Уломо, М. С. Якубов ва б.). Республиканинг 3 минтақасида зилзилани олдиндан айтиш учун тезкорлик усули яратилди, ҳар бири 10 минг кв. км майдондан иборат махсус геодинamik полигонлар ташкил этилди (Тошкент вилояти, Фарғона водийси, Қизилқум).

Кучли зилзила содир бўлиши олдиндан вақт-вақти б-н юз берадиган электр нурланиш ер пўстидан тарқалиб туриши б-н аниқланди (Қ. Н. Абдуллабеков, С. С. Хусамиддинов ва б.).

1978 й.да Ўзбекистоннинг умумий сейсмик р-нлаштириш харитаси тузилди (Ф. О. Мавлонов, Е. М. Бутовская, В. И. Уломо, Р. Н. Иброҳимов, Қ. Н. Абдуллабеков, Х. О. Отабоев, Т. У. Ортиқов, Л. М. Матасова, С. С. Сейдузова ва б.).

Сейсмик микрорайонлаштиришнинг муҳандислик сейсмологияси усули яратилди, 26 шаҳар майдони учун сейсмик микрорайонлаштириш хариталари ишланди (С. Қосимов, М. Шерматов, О. М. Худойберганов, С. А. Абдурахмонов, С. Х. Мақсудов, М. Н. Кенесалип, Р. Т. Юнусхожиев ва б.).

Аниқ сейсмик р-нлаштириш усули б-н Фарғона водийсининг вилоятлари ўрганилди, шу вилоятларнинг 1:500000 масштабни харитаси тузилди (Р. Н. Ибрагимов ва б.).

Ўзбекистон шароитига мос аниқ сейсмик р-нлаштириш учун муҳандислик геол.си тадқиқотларини олиб бориш бўйича услубий асослар ва тавсиялар ишлаб чиқилди (М. Ш. Шерматов, О. М. Худойберганов ва б.).

Халқ хўжалиги объектларини истиқболли режалаштириш учун Тошкент вилояти ва б. вилоятлар ҳудудининг муҳандислик геол.си шароитини баҳолаш ишлари бажарилди. 2001 – 2002 й.ларда Ўзбекистоннинг 1:1000000 масштабдаги янги умумий сейсмик р-нлаштириш харитаси тузилди ва амалиётга татбиқ этилди (Қ. Н. Абдуллабеков, Т. У. Ортиқов, Р. Н. Ибрагимов, Р. С. Ибрагимов, У. О. Нурматов ва б.).

Ўзбекистон ФА Сейсмология ин-тида геофизик, геокимёвий, деформометрик даракчиларнинг вақт ва маконда намоён бўлиш қонуниятлари топилди ва зилзилаларнинг вақти, кучи ва жойини олдиндан айтиш услублари яратилди. 10 дан ортиқ кучли зилзилаларни олдиндан айтишга муваффақ бўлинди (Ф. О. Мавлонов, А. Н. Султонхўжаев, Қ. Н. Абдуллабеков, Ф. Ю. Азизов, С. Х. Мақсудов, А. Р. Хусамиддинов, А. Р. Ермухамедов ва б.). Республиканинг ҳамма вилоятларида узлуксиз сейсмик, геофизик, геокимёвий, деформометрик кузатишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда сейсмологик тадқиқотлар асосан Ўзбекистон ФА нинг Сейсмология, Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, Геол. ва геофизика ин-тида ҳамда ЎЗМУ, ТошТУ да олиб борилмоқда.

Қаҳҳорбой Абдуллабеков.

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Биол. қадимдан ривожланиб келаётган фанлардан бири. Биол. соҳасидаги дастлабки маълумотлар одам организмидан унинг саломатлиги б-н боғлиқ бўлган. Ўрта Осиё ҳудудидан яшаган қад. халқлар бир қанча касалликларни, ўсимлик ва ҳайвонлар маҳсулотларидан тайёрланган дорилар ёрдамида даволаш усуллари ўрганишган. «Авесто»да одам организмнинг тузилиши ҳамда ер, ўсимлик ва ҳайвонлар турисидан содда фикрлар билдирилган. Ўрта аср мутафаккирларидан Абу Ҳанифа ад-Динаворий, Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр-ар Розий ва б.нинг доришуносликка оид асарларида ўсимликлар ва минераллардан тайёрланган дорилар ва улар ёрдамида турли касалликларни даволаш ёзилган. Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунилари» асарида ҳар хил касалликлар қаторида паразит чувалчанглар сабаб бўладиган касалликлар ва уларни ўсимликлардан тайёрланган дорилар ёрдамида даволаш усуллари, касалликларнинг олдини олиш йўллари баён этилади. Абу Мансур, Муҳаммад ибн Юсуф Илоқий, Бадриддин Самарқандий, Нажибуддин Самарқандий, Султон Али табиб Хуросоний, Муҳаммадхон Хоразмий, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний, Боситхон Зоҳидхон ўғли ва б.нинг тиббиётга оид асарларида доривор ва овқатлик моддаларнинг одам организмга фойдаси ва зарари тўғрисида маълумотлар берилган. Биол., хусусан, зоологияга оид маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобирнома» асарида ҳам келтирилган. Асарда қушларнинг учиб ўтиш даврида мўлжал олиши, ўз салтанатидаги ҳайвонлар тўғрисида қизиқарли маълумотлар берилди.

Ҳоз. Ўрта Осиё ҳудудидан махсус биологик тадқиқотлар тарихи 19 а.нинг 2-ярмидан рус олими Н.А.Северцов ишлари б-н бошланади. У Орол денгизи, Устюрт, Қизилқум, Сирдарё, Тяньшан ва Помир ҳайвонларини ўрганган. Ўрта Осиё табиати ва ҳайвонот дунёсини ўрганишда сайёҳ олим А.Т.Федченко ва унинг замондоши В.Ф.Ошаниннинг хизматлари катта. Ўзбекистонда биол. соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланишига 20-а.нинг 1-ярмида Тошкент ва Самарқанд ш.ларида ун-тлар, тиббиёт ва паразитология соҳасидаги и.т. ст-ялари ва ин-тларнинг ташкил этилиши айнқса самарали таъсир кўрсатди. 20-й.нинг 1-ярми ва ўрталарида олиб борилган и.т. ишлари, асосан, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ресурсларини

ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш б-н боғлиқ.

Ботаника

Ўзбекистонда ўтган асрнинг 20-й.ларида Ўрта Осиё ун-ти, 40-й.лар бошида эса Ўзбекистон ФА Ўзбекистон ўсимликларини ўрганиш бўйича бир неча экспедициялар уюштиради. Йиғилган ўсимликлар коллекцияси Ўзбекистон гербарийсини тузиш учун асос бўлди. 1950 й.да Ботаника и.т. институтининг ташкил этилиши, 1998 й.да ин-тга ботаника боғининг қўшилиши ва унинг 2000 й.да «Ботаника» илмий-и.ч. марказига айлантирилиши туфайли Ўзбекистонда ботаника фани жадал ривожланди. Ҳозир марказда 14 лаб. бўлиб, булар орасида деярли барча қитъалардан йиғилган 1 млн. 400 минг га яқин ўсимлик нусхаларига эга бўлган йирик Марказий гербарий лаб. Ўрта Осиёда ягона лаб. ҳисобланади. Марказ бевосита табиатда иш олиб борадиган «Қизилқум чўл станцияси»га, Фарбий Тяньшан (Угам тизмаси)да ва Орол денгизи бўйида жойлашган таянч нуқталарга эга.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг табиий флораси ва ўсимликлар жамоасини ўрганиш устида олиб борилган фундаментал тадқиқотлар натижасида 4274 тур, 1023 туркум ва 138 оилани ўз ичига олган ва Беруний мукофотига сазовор бўлган 6 жилдли (рус тилида) «Ўзбекистон флораси», 125 оиллага мансуб 8097 тур ва 1152 туркумни ўзида мужассамлаштирган 10 жилдли «Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи», 10 жилдли «Ўзбекистон замбуруғлари флораси», «Ўрта Осиё сув ҳавзалари сувўтлари флораси», 3 жилдли «Ўрта Осиё кўк-яшил сувўтлар аниқлагичи», 2 жилдли «Зарафшон флораси ва ўсимликлари», 2 жилдли «Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон ўсимликлари», 4 жилдли «Ўзбекистон ўсимликлар қоплами ва ундан оқилона фойдаланиш», 3 жилдли «Ўзбекистон палеоботаникаси», 305 турни ўз ичига олувчи ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилган «Ўзбекистон Қизил китоби», «Чўл ўсимликларининг экологик анатомияси» каби 120 дан зиёд монография ва тўпламлар нашр этилди. «Ботаника» илмий-и.ч. марказида олиб борилган и.т. ишлари ўз мактаблари б-н дунёга танилган Е.П.Коровин, А.М.Музаффаров, Қ.З.Зокиров, Ж.К.Саидов каби олимлар фаолияти б-н бевосита боғлиқ.

«Ботаника» илмий-и.ч. маркази Германия, Англия, Ҳиндистон, Финлян-

дия, Исроил, Хитой, Вьетнам, Туркия ҳамда МДХ давлатлари б-н ҳамкорликда и.т. ишлари олиб боради. Марказда ўсимликлар қопламининг камайиб кетиш сабаблари ва чўлларнинг кенгайиб бориш жараёнларини ўрганиш, экологик хариталар тузиш, ўсимликларнинг турли муҳитларга мосланиши ва инсонлар таъсирида уларнинг камайиб кетишини олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, унинг хом ашёларини сақлаб қолиш ва ўтлоқлар ҳосилдорлигини ошириш, Орол музаммолари, шунингдек, қимматбаҳо сувўтлар, замбуруғлар, юксак ўсимликлардан физиологик фаол моддалар ажратиб олиш, йўқолиб бораётган ва кам учрайдиган ўсимликларни сақлаб қолиш устида илмий изланишлар олиб борилади.

Марказга қарашли ботаника боғи Республика миқёсида ўсимликларни интродукция қилиш (илгари ўстирилмаган янги ўсимликларни ўстириш, иқлимлаштириш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш) масаласини ўрганиш ва и.ч.да илмий марказ ҳисобланади. Боғнинг 64 га майдонида интродукция қилинган ўсимликларнинг тур ва навлари 6 мингга етган. Шундан 2500 тури дарахт ва бута, қолгани бир, икки ва кўп йиллик ўтлардир (2006). Бу ўсимликлар Осиё ва Европа мамлакатлари, Кавказ, Узоқ Шарқ ўлкаларидан, Шим. Америка, Хитой ва Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатлардан келтирилган. Тропик мамлакатлардан олинган 800 дан ортиқ ўсимлик турлари оранжереяларда ўстирилади. Интродукция қилинган ўсимликлар орасида манзарали ва мевали дарахтлар, хилма-хил резавор мевали буталар, шифобахш ўсимликлар бор. Кўчатлари кўкаламзорлаштириш учун экиладиган лола дарахти, магнолия, ленкоран акацияси, пирамидал эман, пушти гулли акация, йирик баргли жўка, хитой тераги; манзарали кўп йиллик пиёзли ўсимликлардан лола, крокус, гиацинт; илдиэпояли ўсимликлардан гулсафсар, саллагул-

лар, 90 дан ортиқ дурагай гибискус – пахтагул ўсимликлари етиштирилди. Боғ ҳар йили 15 мингга яқин уруғ намуналарини тарқатади ва ўз навбатида бошқа ботаника боғларидан уруғ олиб туради.

Акад. Ф.Н.Русанов раҳбарлигида боғ ходимлари томонидан 14 жилдли «Ўзбекистон дендрологияси» (русча), «Ўсимликлар интродукцияси» номли 27 тўплам ва кўплаб монографиялар нашр этилган.

Ўктам Пратов.


Микробиология

Ўзбекистонда бу соҳадаги и.т.лар 20-асрнинг 20–30-й.ларида бошланиб, дастлаб тупроқ микрофлораси (С.П.Костичев, П.Ф.Самсонов, О.Г.Елкина, М.М.Калонова, С.Ф.Лазаров), ўсимликларнинг замбуруғ касалликлари (Н.Г.Запрометов, П.Н.Головин, М.А.Каримов), сувўтлар (И.А.Киселев, А.М.Музаффаров) ўрганилди. Микробиология соҳасидаги тадқиқотлар Ўзбекистон ФА Зоология ва ботаника ин-ти қошида микробиология лаб. (1943) ҳамда спорали ўсимликларни ўрганиш бўйича мустақил гуруҳ (1947) ташкил этилиши б-н ривожланди.

50-й.ларда микробиологиянинг турли йўналишлари шакллана бошлади: микология ва альгология лаб. ташкил этилади; экспериментал альгология, бактерия хужайрасида борадиган биокимёвий жараёнлар ва физиологик фаол мод-



Тошкент ботаника боғи. Тиббиёт-ботаника лабораторияси.



Микробиология институти. Физиологик фаол бирикмалар биокимё ва биотехнологияси лабораторияси.

микрўғитлар синтез қилиш, шифобахш сут маҳсулотлари тайёрлаш биотехнологиялари ишлаб

далар синтези, тупроқ микробиологияси (Е.И.Квасников), протистология (В.Ф.Николюк) соҳасида тадқиқотлар олиб борилади; тупроқ актиномицетлари (С.А.Асқарова) ва қ.х. экинларнинг вирус касалликлари (Е.Т.Дикасова) ўрганилади.

1965 й.да Ўзбекистон ФА қошида микробиология бўлими, 1977 й.да эса Микробиология ин-ти ташкил этилди. Бу даврда кўк-яшил сувўтлар ўрта Осиё турларининг тўлиқ рўйхати тузилди (А.М.Музаффаров ва б.); сувўтларни чорва моллари озигига қўшиб бериладиган биологик фаол компонент сифатида қўлайтириш усуллари ишлаб чиқилди; бактериялар ва ачиткилар ҳужайрасида физиологик фаол моддалар биосинтези ўрганилди (М.Э.Мавлоний, А.Г.Гринович ва б.). Ўтказилган тадқиқотлар вино тайёрлашда фойдаланиладиган ачиткилар сифатини яхшилаш (Ҳ.А.Абдураззоқова, Н.Б.Эгамбердиев, Ш.И.Ҳакимова), микроорганизмлар ва улар ишлаб чиқарилган антибиотиклардан ўсимликларни ҳимоя қилиш, ем-хашакни силослаш ва чорвачиликда фойдаланиш усулларини ишлаб чиқишга имкон берди (Ж.Т.Тошпўлатов, Т.Д.Жамолов, С.А.Асқарова, С.М.Ҳожибоева ва б.). қ.х. экинларнинг бактериал, замбуруғ ва вирус касалликлари устида ҳам бир қанча муҳим тадқиқотлар олиб берилди (Е.Т.Дикасова, М.И.Исамухамедов, А.Ҳ.Ваҳобов). Айни вақтда қимматбаҳо кимёвий элементлар (олтин, мис ва б.ни) микробиологик усулда ажратиб олиш (П.Т.Малахова, М.Ф.Сағдиева), оқова сувларни микробиологик усулда тозалаш (Ж.Қ.Қутлиев, Р.Ш.Шоёқубов, С.Б.Бўриев), ген ва ҳужайра инженерлиги орқали энгил, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати, қ.х. учун зарур оқсиллар, ферментлар, витаминлар ва

чиқилди (А.Ф.Холмуродов, Т.Ю.Юсупов, И.Ж.Жуманиёзов, Т.Ф.Фуломова, Д.К.Огай); вирус—замбуруғ—ўсимлик системасида замбуруғларнинг касаллик кўзгатиш хусусияти ўзгарувчанлигини аниқлашда замбуруғ ҳужайрасидаги микровируснинг аҳамияти очиб берилди (Ж.Сафиязов).

20-а.нинг охириги чорагида олиб берилган и.т. ишларида микроорганизмларнинг физиологик фаол моддалар и.ч. хусусиятлари ва уларни бошқариш йўллари ўрганишга эътибор берилди. Замбуруғларнинг НАД (никотинамидадениндинуклеотид) ишлаб чиқарилган маҳаллий турлари аниқланди; улар синтезининг айрим биокимёвий хусусиятлари ўрганилди, целлюпатик ферментлар препаратлари ва оқсилга бой бўлган озиқ моддалар олиш технологияси ишлаб чиқилди; цианобактерияларни емиралдиган фаглар топилди; туғанак бактериялар таъсирини оширишнинг молекуляр-генетик механизми яратилди (Қ.Д.Давронов, З.Р.Аҳмедова, Ҳ.М.Ҳамидова, М.М.Муродов, А.С.Расулов ва б.).

Тиббиёт микробиологиясининг ривожланиши А.Г.Греков номи б-н боғлиқ. Унинг ташаббуси б-н Тошкент ҳарбий госпитали қошида биринчи бактериологик лаб. (1917), ўлка бактериология ин-ти (ҳоз. Вакцина ва зардоблар институти) ташкил этилди (1918). Тадқиқотлар қора оқсоқ, куйдирги, вабо каби хавфли касалликлар (М.Ж.Аҳмедова, А.О.Обидов, С.Н.Бобохўжаев ва б.) микробиологияси, эпидемиологияси, диагностика ва профилактикаси; жароҳат ва касалхона ичи инфекциялари, микробларнинг канцерогенлик хоссалари (Л.Г.Баженов), шунингдек, менингит, бўғма, санитария-бактериология йўналишлари (Х.И.Исҳо-

қова ва б.), дисбактериозлар, одамларнинг соматик ва юқумли касалликларида меъда-ичак микрофлораси ва иммунитетимиздаги ўзгаришларни тадқиқ этиш ҳамда уларни тиклаш усулларини ишлаб чиқиш (Э.М.Муҳамедов, М.О.Мирзаева ва б.); генитал ва экстрагенитал инфекцияларнинг келиб чиқиш сабаблари ва касалликни келтириб чиқарган бактерияларнинг микробиологик таҳисини такомиллаштириш (Э.Х.Эшбоев); диарея касалликлари, Орел денгизи экологияси б-н боғлиқ регионларда микробиоценоз муаммолари (Н.А.Нуралиев); ўлат, вабо ва б. карантин ҳамда ўта хавфли касалликларнинг микробиологик ва эпидемиологик хоссаларини ўрганишга (А.С.Неъматов, А.Ҳ.Раҳимов) бағишланган.

Микробиологияга оид и.т. ишлари Ўзбекистон ФА Микробиология, Биокимё, Биорганик кимё, Полимерлар кимёси ва физикаси, ўсимлик моддалари кимёси, Тупроқшунослик ва агрокимё, Генетика, ўсимликларни ҳимоя қилиш, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар, Вакцина ва зардоблар, Ветеринария, тиббиёт институтлари, «Биолог» и.ч. бирлашмаси, Карантин ва ўта хавфли инфекцияларнинг профилактикаси давлат илмий маркази ҳамда олий ўқув юртли қошидаги кафедралар, микробиология лаб.да олиб борилади.

Абдурашул Ваҳобов, Муҳсим Зокиров.

Молекуляр биология

Молекуляр биол.нинг Ўзбекистонда ривожланиши акад. Ё.Ҳ.Тўрақуловнинг илмий фаолияти б-н боғлиқ. У асос солган илмий мактабнинг намояндлари академиклар Б.О.Тошмухамедов, А.П.Ибрагимов, Т.С.Соатов, А.А.Абдукаримовлар молекуляр биология фанининг турли йўналишларини ривожлантиришга муваффақ бўлдилар. Бу илмий мактабда оқсилларнинг бирламчи структуралари аниқланди. Ё.Ҳ.Тўрақулов ва шогирдлари организмнинг индивидуал ривожланишини бошқарувчи асосий гормон — тироксин ва трийодтирониннинг гигант оқсил молекуласи тиреолобулин воситасида синтез бўлишини кашф этдилар. Ё.Ҳ.Тўрақулов буқоқ касаллигининг асл сабабларини, уни даволаш йўллари аниқлади, Мембраналар структурасида махсус канал ҳосил қилувчи оқсиллар аниқланди; кальций иони (Ca^{2+})ни танлаб ўтказувчи канал кашф этилди (Б.О.Тошмухамедов, П.Б.Усмонов). Ўзбекистон ФА Биокимё ин-тида 1978 й.да молекуляр биология

лаб.нинг ва Биоорганик кимё ин-тида 1982 й.да молекуляр генетика ва ген инженерлиги лаб.нинг ташкил этилиши (акад. А.А.Абдукаримов) молекуляр биология фанининг ва унинг янги йўналиши — молекуляр генетиканинг мамлакатимизда янада ривожланишини таъминлади. Натижада ривожланган мамлакатлардаги каби ирсий белгиларни молекуляр диагностика қилиш, одамнинг ген паспортини яратиш, пахтачилик фанига янги аниқ, барқарор ва унумли селекция усуллари киритиш, трансген ўсимликлар олиш, фойдали генларни топиш, клонлаш ва функцияларини ўрганиш каби ген инженерлиги ва геномика бўйича тадқиқотлар мустақиллик йилларида ташкил топган Ўзбекистон ФАнинг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси ин-тида А.А.Абдукаримов, Ш.С.Азимова, О.Т.Одилова, Р.М.Мухамедов, Р.К.Шодмонов, Ш.Юнусхонов ва уларнинг шогирдлари томонидан ривожлантирилмоқда.

Абдусаттор Абдукаримов.

Зоология

Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида тарқалган сут эмизувчилар, қушлар ва судралиб юрувчилар тўғрисидаги айрим ёзма маълумотлар 19-а.нинг 1-ярмидан маълум. Лекин ҳайвонот дунёсини ўрганиш бўйича махсус илмий тадқиқотлар 19-а.нинг 2-ярмидан бошланган. Рус олими Н.А.Северцов Орол денгизи, Устюрт, Қизилқум, Сирдарё, Помир, Тяньшан ҳайвонларини ўрганган. А.П.Федченко Олай ва Зарафшон водийсига экспедициялар уюштириб, 4000 га яқин тур (асосан, ҳашаротлар)ни ўз ичига олган 20000 коллекция тўплаган; Ўзбекистонда биринчи марта ришта биол.сини ўрганган. Олимнинг замондоши В.Ф.Ошанин Олай ва Зарафшон водийси, Туркистон тизма тоғлари, Помир ва Амударё этаклари ҳайвонларини ўрганади. Унинг «Туркистон чала қаттиққанотлилар фаунасининг зоогеографияси» (1891) асарида 700 дан ортиқ ҳашаротлар тури ҳақида маълумот берилди. В.Ф.Ошанин ташаббуси б-н 1876 й.да Тошкентда табиат музейи ташкил этилди.

20-а.нинг 1-ярмида зоологик тадқиқотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири Ўрта Осиё аҳолиси ўртасида кенг тарқалган паразит ҳайвонларни ўрганишдан иборат бўлди. Ана шу мақсадда безгакни ўрганувчи ст-ялар ва Тиббиёт паразитология ин-ти ташкил этилди. 50-й.ларда Ўрта Осиё ҳудудида одамлар

Зоология институти, Экологик гельминтология лабораторияси.



ўртасида безгак касаллиги ва риштанинг батамом тугатилиши зоология ва тиббиёт фанлари эришган энг катта амалий ютуқлардан ҳисобланади (Н.И.Ходукин, Л.М.Исаев).

Зоология соҳасидаги и. т.ларнинг 2-йўналиши Ўрта Осиё ҳайвонот дунёсини ўрганиш б-н боғлиқ. Бу соҳадаги тадқиқотлар янги ташкил этилган Туркистон ун-тида бошланди ва ҳайвонларнинг кўпчилик систематик гуруҳларини ўз ичига олди. Ун-тнинг умуртқасизлар зоологияси, гидробиология кафедраларида бир ҳужайралилар, нематодалар, ёмғир чувалчанглари, сув ҳавзалари планктон ҳайвонлари ва ҳашаротлар ўрганилди (А.Л.Бродский, С.Д.Муравейский, Н.А.Кейзер, Е.С.Кирьянова, В.Ф.Гурвич ва б.). Зоология соҳасидаги тадқиқотларнинг миқёси Ўзбекистон ФА Зоология ин-ти ва олий ўқув юрталари қошида зоология кафедралари ташкил этилгандан сўнг янада кенгайди.

20-а.нинг ўрталари ва 2-ярмида протозоология (В.Ф.Николюк ва б.), фитогельминтология (А.Т.Тўлаганов ва б.), гельминтология (М.А.Султонов, И.Х.Эргашев, Ж.А.Азимов ва б.), карцинология (А.Позилов, З.И.Иззатуллаев), орахнология (Н.Эргашев), энтомология (В.В.Яхонтов, Р.О.Олимжонов, С.Н.Алимухамедов ва б.), ихтиология ва гидробиология (А.М.Мухаммадиев, Г.К.Комилов, М.О.Абдуллаев ва б.), орнитология (А.К.Сагитов, Д.Ю.Кашкаров ва б.), териология (О.П.Богданов, О.В.Митропольский) соҳасида муҳим тадқиқотлар олиб борилди. Зоологиянинг фитогельминтология, гельминтология, энтомология йўналишлари бўйича илмий мактаблар шаклланди. Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида «Ўрта Осиё табиати ва ҳайвонот дунёси» (рус тилида), «Ўзбекистон фаунаси» (3 жилдлик), «Қизилқум чўли биогеоэкологияси» (Т.З.Зоҳидов), «Ўзбекистоннинг ноёб ҳайвонлари» (О.П.Богданов, Д.Ю.Кашкаров), «Ўзбекистон қушлари гельминтлари» (М.Л.Султо-

нов), «Ёввойи ва хонаки сут эмизувчилар гельминтлари» (Ж.А.Азимов), «Ўзбекистон сўналари» (М.Қ.Қодиров), «Ўзбекистон ҳашаротлари» (рус тилида), «Ўзбекистон фитонематодалари» (А.Т.Тўлаганов, О.З.Усмонова) каби йирик асарлар, «Ҳайвонлар экологияси асослари» (Д.Н.Кашкаров), «Зоология энциклопедияси» (Т.З.Зоҳидов), «Ўзбекистон ҳайвонлари» (О.П.Богданов), «Ўзбекистон қушлари» (Д.Ю.Кашкаров), «Ўзбекистон ҳашаротлар дунёси» (А.Г.Давлетшина), «Умуртқасизлар зоологияси» (А.М.Мухаммадиев, О.М.Мавлонов, Ш.Х.Хуррамов) каби илмий-оммабоп асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган, Қизил китобга киритиладиган ҳайвонлар рўйхатини тузишга имкон берди.

20-а. охири ва 21-а. бошларида зоология соҳасида олиб бориладиган тадқиқотларда ҳайвонлар экологияси, биокимёси, физиологияси, биологияси, этологиясини ўрганиш б-н боғлиқ бўлган изланишларга, зараркунанда ва паразит ҳайвонларга қарши курашнинг экологик жиҳатдан соф биологик тадбирларини ишлаб чиқишга, ҳайвонот дунёсининг биологик хилма-хиллиги, ноёб, эндемик ва йўқолиб бораётган турларини сақлаб қолиш ва улар сонини кўпайтириш б-н боғлиқ муаммоларни ҳал этишга асосий эътибор берилмоқда. Зоология соҳасидаги и.-т. ишлари Ўзбекистон ФА Зоология ин-ти, Чорвачилик, Ветеринария, Ўсимликларни ҳимоя қилиш, «Ўзбекбалиқ» корпорацияси қошидаги Аквакультура ин-тиларида, олий ўқув юрталари қошидаги зоология кафедралари, Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими, кўпчилик кўриқхоналар, питомниклар ҳамда Ўлатга қарши ст-яда олиб борилмоқда.

Жалолиддин Азимов, Очил Мавлонов.

Териология. Республикада сут эмизувчи ҳайвонлардан кемирувчилар 20-а. бошларидан ўрганила бошланди (Д.Н.Кашкаров, И.И.Колесников, Т.З.Зоҳидов, Р.Н.Мекленбурцев). Сут эмизувчиларни ўрганишга оид илмий изланишлар натижасида уч жилдли «Ўзбекистон Республикаси фаунаси», «Зоология энциклопедияси. Сут эмизувчилар» (Т.З.Зоҳидов), «Ўзбекистон Республикаси фаунаси» (Г.И.Ишунин), «Ўзбекистон қизил китоби»га киритилган ёввойи ҳайвонлар, «Морхўр – Ўзбекистонда» ва «Ўзбекистоннинг ноёб ҳайвонлари» (Ф.С.Султонов), «Ўзбекистон жанубидаги Сурхон ҳавзаси умуртқали ҳайвонларининг экологияси ва ҳўжаликдаги аҳамияти», «Қарши чўли умуртқали ҳайвонлари экологияси», «Фаргона водийсининг умуртқали ҳайвонлари» ва б. асарлар яратилди. Амударёнинг қуйи оқими ва Оролбўйи сут эмизувчи ҳайвонлари фаунаси атрофлича ўрганилиб, бир неча илмий ишлар чоп этилди (М.Полвонниёзов, А.М.Мамбетжумаев, Б.Олломурадов). Кейинги йилларда турли ҳудудларда сут эмизувчи ҳайвонлар экологияси, биол.си, эпидемиологик аҳамиятини ўрганишга, сони камайиб бораётган сут эмизувчиларни қўриқхоналарда ва ярим тутқинликда сақлаш ва кўпайтириш ишларига эътибор берилмоқда (О.В.Метропольский, Д.Кашкаров, Г.А.Асенов, А.В.Есипов).

Элмурод Шерназаров.

Орнитология. Республика қушларини ўрганиш 20-й.лардан бошланган (Д.Н.Кашкаров). Кейинчалик Нурота тоғ-адирлари, Қарши чўли ва Тошкент ш. атрофидаги қушлар, жумладан қизғиш шақшақлар, қирговуллар экологияси тадқиқ этилган (Р.Н.Мекленбурцев). Илмий изланишлар натижалари «Ўзбекистон қушлари фаунаси» (Р.Н.Мекленбурцев, О.П.Богданов, Х.С.Солихбоев, А.Н.Богданов), «Зоология энциклопедияси. Қушлар» (Т.З.Зоҳидов) китобларида баён этилган. Кейинги йилларда қушлар фаунаси, экологияси ва уларнинг ўрмон ҳўжалигидаги аҳамияти, барча экосистемаларда тутган ўрни, антропоген омилларнинг улар биол.сига, яшаш жойларига ижобий ёки салбий таъсири, ёввойи паррандалардан фойдаланиш каби масалалар бўйича илмий кузатишлар олиб борилди (М.М.Остапенко, Д.Ю.Кашкаров, Э.Шерназаров, Е.Н.Лановенко). Зарафшон воҳаси қушлари (А.К.Сагитов, С.Б.Бақоев, Х.В.Салимов), Амударё қуйи оқими ва Оролбўйи фаунаси (К.Кенжегулов, М.Б.Аме-

тов, М.М.Тўраев) атрофлича ўрганилди. Кейинги йилларда қушлар турларининг қирилиб кетиш сабабларини аниқлаш, улар сонини қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш, айрим турларининг беҳисоб кўпайиши сабабларини ўрганишга асосий эътибор берилмоқда.

Элмурод Шерназаров.

Герпетология. Республикадаги судралиб юрувчиларни ўрганишга доир илмий ишлар, асосан, 30-й.лардан бошланган. Тошкент ҳайвонот боғида ташкил этилган герпетология бўлимида заҳарли илонларнинг тутқинликда ўрганиш, улардан заҳар олиш (Н.Н.Компанцев, Б.В.Пестинский) ва тиббиётда қўллашга оид и.т. (Мелик-Карамян) йўлга қўйилди. Ўзбекистон ФА Зоология ин-тида заҳарли илонларнинг табиатда тарқалиши, ҳаёт кечириш тарзи ҳамда тутқинликда сақлашга оид и.т. ишлари амалга оширилди (О.П.Богданов). Илонлардан заҳар олиш усулини такомиллаштириш, уларда учрайдиган касалликларни аниқлаш ҳамда даволаш, илон тухумларини инкубаторда очириб, кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилди (Л.Г.Корнеева). Илон заҳари токсикологияси ва биоки-меси ўрганилди (Т.З.Зоҳидов, Ё.Ҳ.Тўрақулов, Д.Н.Соҳибов, Л.Я.Юкельсон, Ё.Д.Давлатов, Э.Қ.Қодиров, К.Т.Алматов). Республикадаги заҳарли илонлар сонини аниқлаш борасида ҳисоб-китоб ишлари ўтказилди (Т.Ёдгоров). Илонларни тутқинлик шароитида боқиб, насл олишга ва уларнинг яшаш муддатини узайтиришга эришилди (Л.А.Персианова, Ю.А.Чикин).

Элмурод Шерназаров.

Гидробиология ва ихтиология. Ўзбекистон сув ҳавзаларини ўрганишни 19-а. ўрталарида рус тадқиқотчилари А.Лемон, Ф.Базинер, А.И.Бутаков бошлаб беришган. Дастлабки тадқиқотлар Орол денгизида балиқ овлаш б-н боғлиқ бўлган. Орол денгизи фаунасини ўрганишда рус олимлари С.А.Зернов ва Л.С.Бергнинг 20-а. бошларида олиб борган тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Республикада гидробиология ва ихтиология соҳасидаги и.т. ишлари 19-а.нинг бошларида Туркистон давлат уни-ти ва Орол балиқчилик ст-яси ташкил этилгандан сўнг анча кенгайди. Бу даврда сув ҳавзаларининг фаунаси ва гидробиологик режими ўрганилди (К.Ф.Кесслер, С.Д.Муравейский, Н.А.Кейзер, А.Л.Бродский); сув ҳавзалари ва шолі-попьяларни гидробиологик тадқиқ қилиш ва уларда балиқ ўстириш юзасидан и.т.

ишлари бошлаб юборилди (А.М.Муҳаммадиев). Гидробиология ва ихтиология соҳасидаги тадқиқотлар миқёси 20-а. ўрталарида Зоология ин-ти ва гидробиология лаб. ташкил этилиши б-н аниқса кенгайди. Ички сув ҳавзалари балиқларини, сув омборларининг гидробиологик режими ва уларда балиқчиликни ривожлантириш борасида бир қанча йirik и.т. қилинди (Т.В.Никольский, Ф.Л.Турдаков, М.А.Абдуллаев, Ф.К.Комилов, А.Б.Омонов, Л.П.Павловская); балиқларнинг паразитлари ва сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш учун зарур бўлган озиқ базаси ўрганилди (С.Осмонов, Р.Караяев, А.М.Муҳаммадиев, В.Ф.Гурвич ва б.).

20-а.нинг 50–70 й.ларида Ўрта Осиё сув ҳавзаларига бошқа сув ҳавзаларидан оқ амур, дўнг пешона, оқ сла, плядь, гулмоҳи, илонбош каби балиқларни ва уларга озиқ бўладиган қисқичбақасимонлар (мизидлар)ни интродукция қилиш борасидаги амалий тадқиқотлар муваффақиятли якунланди. 20-а.нинг 2-ярмида сув ҳавзаларининг биологик режими, ифлосланиши, сув ҳайвонларининг экологияси ва биологик хусусиятларини ўрганиш борасида и.т. ишлари амалга оширилди (И.М.Мирабдуллаев, Д.Мансурова, А.Л.Шикидзе); сув ҳавзаларининг ўсимликлар дунёси тадқиқ этилди (А.М.Музаффаров, А.Э.Эргашев).

20-а.нинг охирларида сув ҳавзалари ҳайвонларини ўрганиш ва улар хилма-хиллигини сақлаб қолиш борасидаги и.т. ишлари янада кенг миқёсда олиб борилди (Б.Комилов, К.Сатторов, У.Мирзаев, В.Хегай ва б.); сув ҳавзалари қисқичбақасимонларини ўрганишга катта эътибор берилди (И.М.Мирабдуллаев, Г.Туремуратова); моллюскаларни тадқиқ қилиш бошланди (З.И.Иззатуллаев, А.Позилов); табиий сув ҳавзаларининг ифлосланганлигини аниқлашда сув ўтлари ва умуртқасиз ҳайвонлардан индикатор сифатида фойдаланиш усуллари ўрганилди. Гидробиология ва ихтиология соҳасидаги тадқиқот ишлари Ўзбекистон ФА Зоология ин-ти. «Ўзбалиқ» корпорацияси қошидаги Аквакультура ин-ти, Ўзбекистон миллий ун-ти биол., тупроқшунослик ф-ти, бир қанча олий ўқув юртлари кафедраларида олиб борилмоқда.

Искандар Мирабдуллаев.

Энтомология. 1911 йда Тошкентда Туркистон энтомология ст-яси (ҳоз. Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш и.т. институти) ташкил этилгандан сўнг ҳашаротларни ўрганиш ишларининг

миқёси кенгайиб борди. Ана шу даврдан бошлаб ҳашаротлар биол.си, экологияси ва улар етказадиган зарарни ўрганиш, зараркундаларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш борасида тадқиқот ишлари бошланди (В.И. Плотников, И.В.Васильев, В.П.Симонов ва б.). Энтомологиянинг ривожланиши ва энтомолог мутахассисларни тайёрлашда, айниқса, В.В.Яхонтов, Р.О.Олимжонов, Х.П.Невский, С.Н.Алимухамедов, А.Г.Давлетшина, Э.И.Ган ва б.нинг хизмати катта бўлди. Ҳашаротларнинг бир қанча систематик гуруҳлари, жумладан, трипслар (В.В.Яхонтов), чалақаттиққанотлилар (Р.О.Олимжонов), ширалар (А.А.Муҳаммадиев, М.Х.Аҳмедов, А.Г.Давлетшина), сарантонлиларнинг (Г.К.Дубовский) фаунистик таркиби, биологияси ва экологиясини ўрганиш борасида кенг миқёсда тадқиқот ишлари олиб борилди. Н.И.Ходукин ва Л.М.Исаевнинг безгак чивинларини тадқиқ қилиш борасида олиб борган тадқиқотлари 20-а.нинг ўрталарига келиб безгак касаллигининг тугатилиши учун асос бўлди. Қон сўрувчи ва паразит икки қанотлилар (сўналар, бўкалар, заҳқаш чивинлар, искабтопарлар ва б.)нинг фаунистик таркиби, тарқалиши, биол.си ва экологик хусусиятларини ўрганишда ҳам кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилди (Э.И.Ган, М.Қ.Қодирова). Ҳашаротларнинг айрим систематик гуруҳлари: тўғриқанотлилар (А.А.Бекузин), кокцидлар (П.С.Борхсениус, А.Д.Архангельская), кокценидлар (А.К.Мансуров, Т.Т.Тилавов), тенг қанотлилар (Г.К.Дубовская), сирфидлар (Д.Б.Даминова), паразит пардақанотлилар (А.Н.Лужецкий), тулға капалаклар (Б.А.Мўминов) ва б. ўрганилди.

Қ. х. экинлари ва ўрмон хўжалиги зараркунанда ҳашаротларини ўрганишда ҳам кенг миқёсда тадқиқотлар олиб борилди (М.И.Кособуцкий, В.В.Яхонтов, Ш.Т.Хўжаев, Г.Ш.Шомуратов, И.К.Махновский ва б.). Ғўза агробиоценози энтомокомплексларининг шаклланиши ва функцияси, уларни бошқаришнинг биологик асосларини ишлаб чиқиш борасида ҳам муайян тадқиқотлар амалга оширилди (Ф.М.Успенский, А.Ш.Ҳамраев ва б.). 70-й.лардан бошлаб зараркунанда ҳашаротларга қарши курашнинг интеграциялаштирилган системасини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотларга катта эътибор берилди бошланди (А.Г.Давлетшина, Ю.П.Адашкевич, З.К.Одилов, А.Ш.Ҳамраев ва б.). Сўнгги йилларда ҳашаротлар ва б. зараркундаларга қарши курашда инсон соғлиғи ва атроф муҳитга зиён келтирмайдиган

экологик зарарсиз воситаларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинди. Бу мақсадда Республикада 800 дан ортиқ биологик лабораториялар ва биофабрикалар ташкил этилган.

Энтомологияга оид и. т.лар Ўзбекистон ФА Зоология ин-ти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази, Давлат карантин инспекцияси, Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ин-ти ҳамда олий ўқув юртрларидаги кафедраларда олиб борилмоқда.

Алоиддин Ҳамраев.

Паразитология. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида паразитологияга оид дастлабки илмий маълумотлар 19 а. бошларида Туркистон ўлкаси бўйлаб саёҳат қилган рус олими ва натуралисти А.П.Федченко асарларида учрайди. У Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда бўлади ва ҳайвонларда паразитлик қилувчи гельминтлар тўғрисида материал йиғди. Бу материаллар Германия ва Дания мутахассислари ёрдамида таҳлил қилинади, Туркистон ўлкасида одамлар ва ҳайвонлар ўртасида тропик касалликларини ўрганган экспедициянинг фаолияти тўғрисида қисқа маълумот 1913 й.да чоп этилди (В.Л.Якимов) Паразитология, жумладан гельминтология соҳасидаги и. т., асосан, 1920 й.дан ривожлана бошлади. Ўзбекистонда паразитологиянинг ривожланиши ва паразитология соҳасида мутахассис кадрлар тайёрлашда рус олимлари К.И.Скрябин, Е.Н.Павловский, Н.В.Баданин, Н.И.Ходукин, Л.М.Исаев ва б.нинг хизматлари катта бўлди. 1921 й.да К.И.Скрябиннинг ташаббуси б-н Туркистон ўлкасига гельминтологик экспедиция уюштирилди. 1921 й.да Ўзбекистон тиббиёт паразитология ва гельминтология ин-ти, 1926 й.да Туркистон ветеринария бактериологик лаб. (1924) базасида Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот ин-тининг ташкил этилиши паразитологик тадқиқотларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Паразитология соҳасидаги дастлабки тадқиқотлар аҳоли соғлиғини сақлаш ва чорва молларининг паразитар касалликларига қарши кураш муаммолари б-н боғлиқ бўлди. Шу мақсадда паразитар касалликлар этиологияси, патогенези, эпидемиологияси, табиий манбалари, ташувчи агентлари, юкиш йўллари ўрганилди; даволаш ва профилактика тадбирлари ишлаб чиқилди (Л.М.Исаев, Н.И.Ходукин, М.С.Софиев, Н.И.Латишев, С.Н.Бобононов, А.О.Обиджонов, Н.А.Деҳқонхўжаева ва б.). Айниқса қон

паразитларидан безгак плазмодийси, трипаносомалар, ичак паразитлари – кокцидиялар, тери ва тери ости паразитларидан лейшмания ўрганилди. Одам ва ҳайвонларнинг паразит гельминтлари устида ҳам муҳим тадқиқотлар олиб борилди. Риштанинг биол.си ва юкиш йўллари батафсил ўрганилди; қ. х. ва ёввойи ҳайвонлар асосий гельминтларининг тур таркиби, экологияси, ҳаётий цикли, тарқалиши тадқиқ қилинди ва уларга қарши курашнинг биологик асослари ишлаб чиқилди. Эхинококкоз ва ценурозга қарши қўлланиладиган профилактик тадбирлар чорвачиликка татбиқ этилди; қўйларни ёппасига дегельминтизация қилиш, геогельминтларга қарши курашнинг профилактик чоралари тадқиқ қилинди (Ж.А.Азимов, М.А.Султонов, Э.Х.Эргашев, Б.С.Салимов, В.М.Содиқов, Н.М.Матқонов, Т.Қ.Қобилов, С.Д.Дадаев ва б.).

20-а.нинг 2-ярмидан бошлаб паразит бўғимоёқдиларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Қўй-эчкиларнинг бурун ҳалқум бўкалари (Э.И.Ган ва б.), қорамолларнинг тери ости ва ошқозон бўкалари (Н.В.Назармухамедов ва б.), сўналар (М.Қ.Қодирова, А.С.Лутта), заҳқаш пашшалар (Э.И.Ган, М.Қ.Қодирова ва б.), букри пашшалар (Х.Ҳакимова, Т.Гончарова), искаптопарлар (М.Г.Ғойибов, Е.С.Когай), қонхўр пашшалар, патхўрлар (Ш.Шоусмонов, Т.Д.Дўсжонов ва б.) ва б. паразитлар биол.си, тарқалиши, систематикаси тадқиқ этилди; уларга қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўсимликларда паразитлик қилувчи гельминтлар А.Т.Тўлагов ва шогирдлари томонидан ўрганилди. Асосий қ. х. экинлари, мевали дарахтлар, субтропик ва декоратив ўсимликларнинг паразит нематодалари биол.си, экологик хусусиятлари тадқиқ қилинди; уларга қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилди (Е.С.Кирьянова, А.И.Землянская, О.М.Мавлонов, Ш.Х.Хуррамов, З.Н.Норбоев ва б.).

Кейинги йилларда паразитология соҳасидаги и. т. да экологик муаммоларга, турли систематик гуруҳлар ўртасидаги филогенетик ва паразит хўжайин муносабатларини ечишга асосий эътибор берилмоқда. Паразитологик тадқиқотларда генетик, молекуляр биологик, биокимёвий методлар тобора кўпроқ қўлланилмоқда; паразитларга қарши курашнинг экологик хавфсиз методларини ишлаб чиқиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Паразитологияга оид тадқиқотлар Ўзбекистон ФА Зоология ин-ти, ФА-

нинг Қорақалпоғистон филиали, Ўзбекистон ветеринария ин-ти, санитария-эпидемиология ст-ялари, кўпчилик ун-тлар, тиббиёт, қ. х. ва педагогика олиб ўқув юрларининг кафедраларида олиб борилмоқда.

Жалолоддин Азимов, Очил Маълонов.

Биокимё

Биологик кимё Ўзбекистонда 50-й.лар охиридан ривожлана бошлади. Бунгача биокимё ун-тларнинг биол. ф-тларида, тиббиёт ин-тларининг биокимё кафедраларида ўқитилган, лекин махсус тадқиқотлар олиб борувчи лаб. бўлмаган. Биокимёвий методлар физиологик экспериментларда, касалликлар таъхисиди, клиник лаб.да, кафедраларда, баъзи тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги и.т. ин-тларида жуда кам мутахассислар б-н эскириб қолган аппаратларда ўтказиб келинган. Лекин биол.нинг айрим тармоқлари, тиббий фанларнинг ривожланиши учун замонавий биокимё лаб., малакали мутахассислар зарур эди. Шуларни ҳисобга олиб, 1957 й.да Ўзбекистон ФА Ўлка тиббиёт ин-ти ва Ядро физикаси ин-тида радиацион биофизика лаб. ташкил қилинди; бу экспериментал биол. ва тиббиётнинг бир қанча соҳалари, айниқса биокимё, эндокринология, радиобиология каби соҳаларнинг тез ривожланишига асос бўлди. Организмда йод алмашинуви, қалқонсимон без гормонларининг биосинтези, метаболизми устида самарали тадқиқотлар олиб борилди. 1964 й. Ўлка тиббиёт ин-тида бажарилган иш «Нормада, қалқонсимон без патологияси ва радиойод билан даволашда йод ва тиреоид гормонларнинг клиник ва биокимёвий тадқиқоти» нуфузли давлат мукофотига сазовор бўлди (Ё.Х.Тўрақулов, Р.Қ.Исломбеков). Биокимёта оид илмий йўналишлар, асосан, гормонлар биокимёси ва ҳужайра метаболизмини бошқариш механизмини аниқлаш, Ўрта Осиё илонларининг захари таркиби ва таъсирини ўрганиш, организмда липидлар алмашинуви ва тўқима фосфолипидларидан липосома препаратларини тайёрлаб тиббиётда қўлланиши кабиларни текширишга қаратилган. Бу йўналишлар бўйича гормонларнинг ҳужайра ичига ташилиши, рецепторлари, таъсир механизми, ядро мембранаси ва митохондриялар б-н муносабати, жигар ва юракда липидлар, оқсил моддалар алмашинувига таъсири, турли тўқималарнинг инсулинга сезувчанлигидаги фарқнинг молекуляр асослари, қалқонсимон безда тиреоглобулин синтези, унинг оқсил

компонентлари, ДНК си, генетик нуқсонлари мукамал текширилди ва текширилмоқда. Ҳоз. кунда Биокимё ин-ти республикада ҳайвонлар биокимёси б-н шуғулланадиган ягона илмий марказ бўлиб, унда гормонлар биокимёси, липидлар биокимёси ва метаболизмнинг идора қилиниши (Т.С.Соатов), оқсиллар биокимёси (Т.О.Бобоев), ҳужайра биологияси (Ж.Х.Ҳамидов), молекуляр биология ва генетика (А.Абдукаримов, Б.А.Отахонова, Д.А.Қодирова), биологик мембраналар биокимёси (Б.О.Тошмухамедов, А.К.Мираҳмедов), радиацион биокимё (С.К.Ҳолиқов, А.А.Турдиев), энзимология (Д.Н.Соҳибов, Э.С.Содиқов) ва б. устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Республикада тиреоид гормонлар (Ё.Х.Тўрақулов), ҳужайралар даражаланишини уйғун ҳолда назорат қилиш, ҳайвонлар ҳужайра инженерияси (Ж.Х.Ҳамидов), ҳужайра фаоллигини гормонал бошқариш, органотроп липосомалар (Т.С.Соатов) тадқиқотларига оид илмий мактаблар шаклланди.

Биокимё соҳасида қилинган йирик илмий кашфиётлардан бири — органотроп липосомаларни яратиш ва уларни нишон органларига бевосита йўналтириш услубидир (Т.С.Соатов, Э.И.Исаев, С.А.Бурхонов). Ушбу липосомалар биотехнология, мембрана ва ген инженериясини ривожлантиришда ва дори моддаларни организмнинг айнан белгиланган органида (нишон орган) тўплаш имконини берувчи самарали воситадир. Инсулиннинг таъсир механизми ўрганилди, қандли диабетнинг пайдо бўлиши ва ривожланишнинг молекуляр асослари тадқиқ қилинди (Т.С.Соатов, Э.И.Исаев, Г.С.Ақромова). Охириги йилларда янги илмий йўналиш — ҳужайраларнинг генетик программалаштирилган апоптоз (ўлими) жараёнини ўрганиш устида самарали изланишлар олиб борилмоқда (Т.С.Соатов, Б.О.Тошмухамедов, А.Абдувалиев). Рак ҳужайралари апоптози индукторларини излаш ва уларнинг таъсир механизмини ўрганиш ҳоз. замон биол. ва тиббиёт фанларининг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Республикада ўсимликлар биокимёси бўйича физиологик тажрибалар асосида кўп йиллардан бери гўза ўсишига ионловчи нурлар таъсири (А.Қ.Қосимов), озикланишини бошқариш, ҳосилини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, касаллик ва ҳашаротлардан ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал этишга доир изланишлар олиб борилмоқда. Гўза ва бошқа қ.х. экиларнинг ўсиш ва ривожланишини тезлатувчи стимуляторлар, бегона ўтларни қирувчи гербицид-

лар, гўза баргини тўқувчи дефолиантлар (А.Имомалиев), ўсимлик гормон (фитогормон)лари, гўза вилт касаллигининг генетик асослари (А.П.Иброҳимов), ҳужайра ва ген инженерияси (А.Абдукаримов) устида олиб борилган и.т. натижалари пахтачиликда қўлланилмоқда. Самарқанд ун-тида олиб борилган биогеокимёвий анализлар маълум аҳамиятга эга. Тадқиқотлар бу ҳудудда айрим микроэлементлар (мис, кобальт, темир, рух ва б.) миқдорининг ўзгариши қоракўл қўйларнинг ривожланиши ҳамда маҳсулоти сифатига салбий таъсирини кўрсатди. Ҳомилалар аёлларда қалқонсимон безнинг радиоактив йоддан шикастланиши олдини олиш учун препарат тавсия қилинди, гипотиреозни қалқонсимон безнинг музлатилган аутогранулоцитларни кўчириб ўтказиш йўли б-н даволаш методи ишлаб чиқилди, ҳомила ва чақалоқнинг ривожини учун тироксиннинг аҳамияти, уни йўлдош орқали ўттириш, сутгади тироксиннинг чақалоқ тўқималарида моддалар алмашинувини назорат қилиши исботланди. «Циклик нуклеотидлар ва гормонлар регуляцияси» номли илмий асар (Ё.Х.Тўрақулов, Т.С.Соатов, С.К.Ҳолиқов, Э.И.Исаев, М.Х.Гайнутдинов) 1985 й. Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу мукофот 1989 й.да Э.С.Содиқов, Р.С.Солиҳов, Д.Н.Соҳибов, В.М.Сорокин, Б.О.Тошмухамедов, Л.Я.Юкельсонга, 1992 й.да Ж.Х.Ҳамидов, И.Қ.Мусабоев, А.Т.Оқилов, Т.М.Исломов, К.Н.Нишонбоев, А.А.Турдиев, Ю.В.Шполянскийга ҳам берилди.

Талғат Соатов.

Биофизика

Ўзбекистонда биофизикага оид тадқиқотлар 60-й.лардан бошланган. Бу акад. Ё.Х.Тўрақулов ташаббуси б-н Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида ёш ташаббускорлар гуруҳининг, ТошДУда биокимё ва биофизика кафедрасининг ташкил этилиши б-н боғлиқ.

Биофизиканинг асосий йўналиши мембрана биофизикаси — ионлар фаол транспорти (ташилиши)нинг молекуляр механизлари, мембрана функцияларининг гормонал регуляцияси (ростланиши), мембрана-фаол бирикмаларнинг таъсир механизмларини аниқлаш, келиб чиқиши жиҳатидан сунъий ва табиий бўлган фаол моддаларни излаш, топиш ва ўрганишдан иборат. Тадқиқотларда Na—K—ATP-аза фермент системаси барча ҳужайраларнинг плазматик мембраналари учун умумийлиги, буй-

рак нефронларининг физиологик хусусиятлари транспорт ферментларининг кинетик хусусиятлари б-н боғлиқлиги аниқланди (Б.О.Тошмухамедов, З.У.-Бекмухамедова). Ферментларнинг фаоллигини ва ионларнинг бир вақтда тақсимланишини ўрганиш натижасига асосланиб, буйракда ионлар реадсорбциясининг гормонал регуляцияси модели тавсия қилинди.

Ўзбекистонда мембрана биофизикасининг асосий йўналишларидан бири электрогенез механизмларини ўрганиш ҳисобланади. Бунда кимёвий восита сифатида илон, чаён ва арилар заҳаридаги ўзига хос нейротоксиндан фойдаланилади, уларнинг кўпчилиги биринчи бор ажратилиб, таъсифланди (П.Б.Усмонов, М.У.Тўйчибаев). Хусусан, энди аниқланилган турли мембраналар кальций каналларининг танлаб тўхтатувчи нейротоксинлари, умуртқалилар, ҳашаротлар ва қисқичбақасимонлар синапсларининг глутамат нейрорецепторлари аниқланди. Ионларни қўллаш, яъни нейротоксин б-н турли мембраналардан глутамат рецепторларни ажратиб олиб, уларни сунъий бислой (қўшқават) мембраналарда реконструкция қилиш амалга оширилди (Э.М.Маҳмудова). Мембраналарда оксил-липиднинг ўзаро таъсирига (Т.Ф.Орипов), мембрана ферментатив катализи (М.М.Раҳимов), мембрана функцияларининг радиация б-н шикастланиши (А.Қ.Қосимов) ва хилма-хил мембрана биофизикаси муаммоларига оид (О.В.Красильников, Р.Собиоров, С.Бурҳонов, Б.Салоҳитдинов, У.З.Мирҳўжаев) и.т.лар ҳам ривожланмоқда.

Митохондрияларда ион транспорт механизмлари (А.И.Гагельганс) ҳамда митохондрия ва бутун ҳужайраларда биоэнергетик жараёнларнинг физиологик регуляцияга оид тадқиқотлар (М.Х.Зайнутдинов) натижаси кент қўламда маълум. Биофизиканинг ушбу назарий маълумотлари тиббиёт, қ.х., атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг амалий вазибалари б-н чамбарчас боғлиқ. Биофизикага оид илмий ишлар Ўзбекистон ФА Физиология ва биофизика ин-тида, ЎЗМУ биофизика кафедраси ва бошқа и.т. институтларида олиб борилади.

Бекжон Тошмухамедов.

Генетика

Тирик организмларнинг ирсияти ва ўзгарувчанлиги қонуниятларини ва уларни бошқариш имкониятларини ўрганувчи фан бўлиб, умумий ва хусусий гене-

тикага бўлинади. Умумий генетика қонуниятлари ҳамма тирик мавжудот учун қўлланилиши мумкин. Хусусий генетика эса айрим систематик гуруҳларга хос бўлиб, улар туркум ва тур ичида катта аҳамият касб этади. Айрим ҳолларда хусусий генетика томонидан яратилган ирсият ва ирсийланиш қонунилари умумий генетика аҳамилига эга бўлиши мумкин. Мас., чех олими Г. Менделнинг нўхат ўсимлиги асосида белгиларнинг ирсийланиш қонунилари ҳамма тирик организмлар учун умумий ҳисобланади.

Ўзбекистонда генетика фанининг ривожланиши маданий ўсимликлар генетикаси ва селекцияси соҳасида ўсимликлар генофондини яратиш б-н боғлиқ. Бу фанининг объектига қараб ўсимликлар генетикаси, ҳайвонлар генетикаси, микроорганизмлар, вируслар генетикаси ҳамда тиббиёт генетикаси фарқ қилинади.

Ўзбекистонда Н.И.Вавилов (Ўзбекистон Ўсимликшунослик и.т. ин-ти), Г.С.Зайцев (Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш ин-ти), Ф.М.Мауер (Ўзбекистон ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси и.т. ин-ти) раҳбарлигида ўсимликларнинг бой генофонди йиғилган. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси ин-тида А.А.Абдуллаев лаб.сида ва Ғўза селекцияси ва уруғчилик ин-тида А. Сайдалиев лаб.сида ғўзанинг бой генофонди мавжуд. Улардан оқилона фойдаланиш натижасида ғўза турларининг систематик ўрни, улар қариндошлигининг яқин-узюқлиги ҳамда айрим ноёб белгиларни маданий навларга олиб ўтиш муаммолари ечиб келинмоқда (С.С.Канаш, А.А.Автономов, Л.Г.Арутюнова, Ф.М.Мауер, Л.В.Румшевич, К.А.Висоцкий, В.И.Кокуев, А.А.Абдуллаев, С.М.Мираҳмедов, А.С.Дариев, С.С.Содиқов, С.М.Ризаева, Х. Сайдалиев, М.Б.Аҳмедов ва б.). Ғўзанинг генетик коллекцияси илк бор Ж.А.Мусаев (Ўзбекистон миллий ун-ти) раҳбарлигида яратилди. Бу коллекция инбред, изоген, интродюссив, моносом, транслокацион линияларни ўз ичига олади. Ушбу линиялар асосида чигит устидаги тук ва тола генетикаси, ғўза тупининг тузилиши генетикаси, барг шакллари генетикаси, уларнинг мутацион жараёнлари тадқиқ қилинди (Ж.А.Мусаев, М.Ф.Абзалов, Ш. Тўрабеков, А.С.Алматов, С.В.Зокиров, С.Т.Мусаева, Г.Н.Фатхуллаева, М.Ф.Саномян ва б.). Миқдорий белгилар генетикаси (Н.Г.Симонгулян), биокимёвий генетика (А.П.Ибрагимов, Ш. Юнусонов,

Р.Қ.Шодмонов), вилт касаллиги (оқ паллак) генетикаси (С.М.Мираҳмедов), М.Х.Авазхўжаев, Ф.В.Войтенко) устида тадқиқот ишлари олиб борилди.

Соя ўсимлигининг генетик коллекцияси (М.Ф.Абзалов), ток генетикаси (П.К.Солдатов), картошка генетикаси (Д.Т.Абдукаримов, И.Т.Эргашев), буғдой генетикаси (Ж. Худойқулов, С. Бобоев), мутацион генетика (А.Э.Эгамбердиев) бўйича илмий иш олиб борилмоқда.

Ҳайвонлар генетикаси соҳасидаги тадқиқотлар чорвачилик, қорақўлчилик ва ипакчилик и.т. ин-тиларида олиб борилади. С.И.Шодмонов ишлаб чиққан иммуногенетик метод қорамоллар селекцияси самарадорлигини оширишга имкон берди. С.А.Азимов олиб борган генетик ва селекция тадқиқотлар натижасида сермахсул товуқ зотлари етиштирилди. В.А.Струнников, У.Н.Насруллаев, С.С.Леженко, А. Якубовлар томонидан ипак қуртининг фақат эркак жинсли қуртлари ривожлантирилиб, уларнинг ўраган пилласидан 15–20% ортиқча ипак олиш имконини берадиган генетик усул ишлаб чиқилди. Қорақўлчиликда С.Ю.Юсупов, У.Н.Носиров раҳбарлигида дунё бозорига юқори баҳоланадиган ранг ва жилваланадиган зотлар етиштирилди.

Одам генетикаси бўйича тадқиқотлар А.Т.Оқилов, Ж.Ҳ.Ҳамидов, Р.М.Рўзибоқиев, Т.Ў.Орипова, Э.Мусабоев ва б. раҳбарлигида олиб борилади. Тиреоид гормонлар фаоллигини генетик бошқариш механизми ишлаб чиқилди (Ж.Ҳ.Ҳамидов). Одам генетикасига оид и.т. ишлари тиббиёт ва педиатрия олий ўқув юртлари кафедраларида ҳамда эндокринология, биокимё, иммунология, вирусология, онкология и.т. ин-тиларида амалга оширилади.

Молекуляр генетика йўналиши бўйича мустақиллик йилларида Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси ин-тида А. Абдукаримов, Ш.С. Азимова, Р.С.Мухамедов, О.Т.Одилова, И.Й. Абдурахмонов, С. Бобоев ва шогирдлари томонидан фаол илмий ишлар олиб борилмоқда. Натижада маълум белгиларнинг молекуляр асосини билиш, организмларнинг генетик паспортини яратиш, фойдали ва зарарли генларни аниқлаш, клонлаш, уларнинг функцияларини ўрганиш, зарурият туғилса, генотерапия усулларини қўллаш каби ген инженерлиги ва ҳар бир туркумнинг генетик имконини билиш мумкин бўлади.

Мираҳдам Абзалов.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

Қ.х.ни илмий асосда олиб бориш жамиятнинг озиқ-овқатга, саноатнинг ҳам ашёга бўлган эътиёжларини тўла-роқ қондирилишини таъминлашда гоаят муҳим аҳамиятга эга. Қ.х. фанлари ўрғанилган соҳалар жуда хилма-хил ва кўп тармоқли бўлгани сабабли бу фанлар ўзига хос алоҳида мажмуани ташкил этади. Ўсимликлар, ҳайвонлар, микро-организмлар, уларнинг яшаш фаолияти б-н боғлиқ бўлган тупроқ-иқлим шароитлари, и.ч. жараёнлари (техника, қ.х. маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш технологияси ва иқтисодиёти) ни ўрғанади, қ.х.нинг ҳамма соҳаларини тобора ривожлантириш ва такомиллаштиришга ёрдам беради. Қишлоқ хўжалиги фанларининг назарий асоси биол., кимё, физика, геол., тупроқшунослик, иқлимшунослик ва б. табиатшунослик фанларидир. Қишлоқ хўжалиги фанлари шартли равишда аграр-иқтисодий, агрономия, зоотехника, ветеринария ва муҳандислик-техника фанларига бўлинади. **Аграр-иқтисодий фанлар** мажмуига қ.х. корхоналари иқтисодиёти ва уни ташкил этиш, қ.х.ни режалаштириш, қ.х. статистикаси ва б. киради. **Агрономия фанлари** га агротупроқшунослик, агрокимё, агроботаника, агрогидрология, агроиқлимшунослик, агротехника, қишлоқ хўжалиги метеорологияси, деҳқончилик, ўсимликшунослик, селекция, навшунослик, уруғшунослик, уруғчилик, энтомология, фитопатология, агроўрмон мелиорацияси, ўсимликларни химоя қилиш ва б. киради. Ўсимликшунослик фанлари далачилик, пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик ва полизчилик, боғдорчилик ва тоқчилик, ўтлоқчилик, ўрмончилик, гулчилик ва б.га ажратилади. **Зоотехника фанлари** циклига умумий зоотехника (қ.х. ҳайвонларини кўпайтириш, боқиш), хусусий зоотехника (сут ва гўшт чорвачилиги, чўчқачилик, қўйчилик, паррандачилик, йилқиччилик, даррандачилик, пиллачилик, асаларчилик ва б.) киради. **Ветеринария фанлари** мажмуига ҳайвонларнинг нормал ва патологик анатомияси ва физиологияси, ветеринария микробиологияси, юқумли ички касалликлар терапияси, ветеринария хирургияси, ветеринария фармакологияси, токсикология, клиник диагностика, акушерлик ва гинекология, паразитология, ветеринария санитарияси экспертизаси, зоогигиена ва б. ки-

ради. **Муҳандислик-техника фанлари** ерга ишлов бериш механикаси, қ.х.ни механизациялаш, электрлаштириш, машина-трактор паркдан фойдаланиш, қ.х. машиналарини таъмирлаш, гидротехника, мелиорация ва б.дан иборат.

Агрометеорологияга оид тадқиқотлар ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида 20-а.нинг биринчи ўн йиллигида метеорологик ва фенологик кузатиш ишлари тарихисида бошланиб, 1923 й.да биринчи агрометеорологик ст-я очилган. 1925 й.да Ўрта Осиё гидрометеорология ин-ти ташкил этилиб унинг агрометеорология бўлими қ.х.ни метеорологик маълумотлар б-н таъминлаш, ҳосилнинг шаклланиши ва ўсимликнинг ўсишида иқлим элементларининг ролини ўрганиш ва б. б-н шуғулланиди. 20–30-й.ларда Ўрта Осиёда агрометеорологик ишларга А.А.Скворцов ва Л.Н.Бабушкин асос солди. Бу вақтга келиб иссиқлик баланси ва далалар микроиқлимни аниқлаш, улардан оқилона фойдаланиш назариясининг асоси яратилди. 50–60-й.ларда гўза, донли экинлар, мева, сабзавот ва резаворларнинг ўсиш агрометеорологияси баҳоланди. Қ.х. экинларининг радиация режими, ҳосили, шунингдек биринчи марта яйловларни самолёт орқали фотометрик усул б-н кузатиш жорий этилди (А.К. Абдуллаев, З.И.Волосюк, Л.Н.Бабушкин, Ф.А.Мўминов, В.И. Рачулик ва б.). Агроиқлимий ресурсларни баҳолаш, экин экиш ва ҳосилнинг етилиши мuddатларини тўғри аниқлаш ҳамда биологик ҳосилни олдиндан ҳисоблаш, ўсимлик навларини географик ҳудудларда тўғри жойлаштиришнинг агрометеорологик омиллари тадқиқ қилинди (О.Л. Бабушкин, Ф.А.Мўминов, Ҳ.М.Абдуллаев, И.Г.Грингоф). Биол., экология ва

биоўлчаш (биометрия) усулларини агроиқлим текшириш ишларига татбиқ этиб, қ.х. экинлари, яйлов ўсимликлари ҳолати аниқланди ва «об-ҳаво – ҳосил» модели яратилди (Ф.А.Мўминов, В.О.Усмонов). 1995–2005 й.ларда агрометеорология соҳасида тоғ олди ва тоғли яйловларда агро-зоометеорологик шароитни баҳолаш, шולי ҳосилини, кузги бугдой ҳосилдорлигини прогноزلаш бўйича и. т. ишлари олиб борилди. Гидрометеорология ин-тида «Ўзбекистон Республикаси агроиқлимий ресурслари» (Ф.А.Мўминов, Ҳ.М.Абдуллаев, 1997); «Ўзбекистонда кузги бугдой ҳосилдорлигини баҳолаш» (С.Р.Группер, 1998); «Иқлим ўзгариши ва унинг Ўзбекистон Республикаси табиий ресурслар потенциалига таъсири» (В.С.Чуб, 2000), «Ўзбекистонда агрометеорологик шароит ва шולי ҳосилдорлиги» (Ҳ.М.Абдуллаев, Г.Х.Холбоев, 2001) монографиялари нашр этилди.

Агрометеорологик ст-ялар, вилоятлардаги гидрометеорология марказлари, давлат нав синаш тажриба участкалари, уюштирилган экспедиция маълумотлари агрометеорология тадқиқотларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда агрометеорология масалалари бўйича и. т. ишлари олиб борилган бош илмий муассаса – Ўрта Осиё Гидрометеорология ин-ти Тошкент ш.да жойлашган.

Ҳамидулла Абдуллаев.

Агрокимё. Ўзбекистонда, гарчи деҳқончиликда гўнг, қул, лойқа, қум, пахта кесакларидан ўнгит сифатида қадимдан фойдаланиб келинган бўлса-да, агрокимё фани тарихи 20-а.дан бошланади.

Ўрта Осиё гидрометеорология институти.



Биринчи агрохимёвий тажрибаларда экинларда ўғитларни қўллаш масалалари Р.Р.Шредер, М.М.Бушув, И.К.Негоднев томонидан ўрганилган (1906–28 й.ларда 121 тажриба ўтказилган). Кейинчалик бу тадқиқотлар Қовунчи (Янгийўл) ўғитлар ст-ясида, 1929 й.дан СоюзНИХИ (ҳоз. Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот ин-ти)да, шунингдек, Марказий ўғитлар ва агротупроқшунослик ст-ясида давом эттирилди. Республикада агрохимё фанини ривожлантиришда Ўзбекистон ФА Тупроқшунослик ва агрохимё ин-ти (1977) катта роль ўйнади. Мамлакат деҳқончилигида минерал ўғитларни қўллаш миқёси ортиб бориши муносабати б-н агрохимё муаммоларини тадқиқ қилиш ишлари кенгайиб борди. Республикада агрохимё фанини ривожлантиришда М.А.Белоусов, И.Н.Зеленин, Т.С.Зокиров, Б.М.Исаев, Ш.З.Қозиев, Б.П.Мачигин, И.Н.Нийезалиев, И.Мадраимов, Г.Неъматов, П.В.Протасов, Т.П.Пирохунов, Г.И.Яровенко, П.Қодирхўжаев, Б.Тиллабеков, Х.Рисқиева, Ж.Сатторов, А.Қориев, Т.Х.Хўжаев ва б.нинг ишлари муҳим аҳамиятга эга.

1970 й.лардан бошлаб агрохимёда экинларга ўғитни уларнинг нав хусусиятларини ҳисобга олиб қўллаш йўналишига асос солинди. Эрозия ва дефляцияга учраган тупроқларда агрохимёвий тажрибалар олиб бориш ва ўғит қўллаш услублари яратилди (Қ.М.Мирзажонов, С.С.Мейлибоев).

Кейинги йилларда ноанъанавий ўғитлар (озик элементларга бой бўлган гўнг, лигнин, дарахт барглари, қипиқлар, канализация сувларининг қаттиқ қолдиқлари, чучук сув лойқаси, агрорудалар ва б.)дан фойдаланишга эътибор кучайтирилди (Ж.Сатторов, А.Эргашев, Б.Ирисалиев, М.Тошқўзиев ва б.). Ўғитлар assortименти биоўғит, биогумус, ер малҳами ва компостлар каби кўпгина органик-минерал ўғитлар б-н бойиди.

1991–2001 й.ларда Тупроқшунослик ва агрохимё давлат ин-ти олимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари суғориладиган тупроқларининг агрохимёвий хоссалари ўрганилди. «Қорақалпоғистон Республикаси тупроқлари» (1996–97), «Хоразм вилояти тупроқлари» (1999), «Жиззах ва Сирдарё вилоятлари тупроқлари» (2005) монографиялари нашр қилинди. Ин-тда экинларнинг фосфор ва калийга бўлган талабини тўлиқ қондириш учун уларнинг янги манба ва резервларини топиш муаммолари бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Жўракул Сатторов.

Тупроқшунослик фундаментал табиий-тарихий фан жумласига киради. Тупроқ ва унинг хоссалари ҳақидаги дастлабки тушунчалар ва билимлар қад. даврлардан бошлаб деҳқончилик талаблари асосида юзга кела бошлаган.

Ўзбекистонда тупроқшунослик фани ўзига хос тарихга эга. «Авесто»да «Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир», дейилган. Тупроқ ҳақида қўйлаб қимматли фикрлар Абу Райҳон Беруний ва Абу Али Ибн Сино асарларида учрайди. Ибн Сино «Донишнома» асарида жаҳон олимларидан биринчи бўлиб тупроқни илмий жиҳатдан таърифлаб, «Тупроқ бутун тирик мавжудотнинг ҳаёт-мамот негизидир», деб ёзади.

Ҳоз. Ўзбекистон ҳудуди тупроқлари тўғрисидаги илк илмий маълумотлар 19-а.нинг 80-й.ларига тўғри келади. Рус олимларидан М. И. Иванин (1878) ўзининг географик очеркида Хива хонлигининг ерларида қизил ва сур тусли ёпишқоқ лойли тупроқлар, қумликлар ва шўрхоқлар кенг тарқалганлиги, қора тупроқлар жуда камлиги тўғрисида маълумот берган. Шу даврда Туркистон ўлкаси, жумладан Ўзбекистон ҳудудидаги Фарғона, Зарафшон водийси, Тошкент воҳаси ва Мирзачўл тупроқлари суғорма деҳқончиликка яроқлилиги нуқтаи назаридан ўрганилган ва тавсиялар берилган. 1907–13 й.лари С. С. Неуструев, И. К. Негодневлар Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон ва Мирзачўл уездларида и. т.лар ўтказиб арид тоғ олди ўлкаларига хос бўз тупроқларнинг вертикал минтақалари ва уларнинг табиий шароитлари ҳақида батафсил маълумот берганлар. 1926 й.да С. С. Неуструев, В. В. Никитин «Туркистоннинг пахтачилик районлари тупроқлари» асарини яратди. Ўзбекистонда тупроқшунослик фанини ривожлантиришда А. Н. Димонинг хизматлари катта. 1920 й. А. Н. Димо раҳбарлигида Ўрта Осиё давлат ун-ти қошида Тупроқшунослик ва геоботаника и. т. ин-ти ташкил этилган. 1937–43 й.лари Ўзбекистон Фан қўмитаси таркибида тупроқшунослик сектори ишлади ва 1943 й. Ўзбекистон ФА таркибида Тупроқшунослик ин-тига айлантирилди.

1927–1933-й.ларда Тупроқшунослик ва геоботаника ин-тининг ходимлари (С. Н. Пустовойт, А. Н. Розанов, К. М. Клавдиенко, Г. П. Попов, А. П. Ливанов, М. А. Панков, М. А. Орлов, Н. В. Кимберг, А. З. Зайчиков, М. Н. Воскресенский, В. Н. Богданович, Н. Отамухамедов, С. П. Сучков, И. Н. Фелициант ва б.) Фарғона водийси, Зарафшоннинг чап қирғоғидаги

Нарпай ва Шоҳруд, Бухоро воҳасига ёндош Вилотиқум, Жилвон чўли, Тошкент вилоятидаги Чирчиқ – Оҳангарон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Амударё чап қирғоғи воҳаларидаги тупроқлар таркибини ҳар томонлама ўрганганлар ва ҳар хил масштабда тупроқ ва тупроқ-мелиоратив хариталари тузганлар.

1933–1951 й.лари Ўзбекистон Ер қўмитасининг топшириғига асосан СоюзНИХИ, агротупроқшунослик ва ўғитлар тажриба ст-ясида (М. А. Панков, Н. В. Кимберг, М. Баҳодиров, В. Р. Шредер, Г. П. Попов ва б.) пахта етиштириладиган майдонлар тупроқларининг тупроқ-агрохимёвий хариталари тузилди (олинган аниқ маълумотлар асосида республикада суғориладиган ер фонди, ерларга табақалаб ишлов бериш, агротехника тадбирлар, ўғитлар тизими ва б. мелиоратив тадбирлар олиб бориш бўйича тавсиялар берилди). Шу давргача олиб борилган и. т. ишлари натижаси сифатида биринчи марта «Ўзбекистон Республикаси тупроқлари» монографияси нашр этилди (1947, 1 жилд).

1951–1960 й.ларда Ўзбекистон тупроқларини генетик-географик ўрганиш йўналишида Фарғона водийси, Қарши чўли, Амударё қуйи оқими, Бухоро вилояти тупроқлари тадқиқ қилинди (К. Горбунов, А. М. Расулов, А. З. Генусов, Т. Каримов, Х. А. Абдуллаев, Л. Турсунов ва б.). 1957 й. Фарғона водийси тупроқлари оид «Ўзбекистон Республикаси тупроқлари» монографиясининг 2-жилди нашр этилди. Ўзбекистон шароитида тупроқларда карбонатли туз тўпланиши жараёнлари биринчи бўлиб 1955 й.да Д. М. Кугучков ва унинг шогирдлари (П. Узоқов, С. Агишева, О. К. Комилов, В. Исаков ва б.) томонидан ўрганилди ва мелиорацияси тадқиқ қилинди. Ўзбекистон ФА Тупроқшунослик ва агрохимё ин-ти ходимлари 1956 й.дан Мирзачўл ерларини ўзлаштириш бўйича (М. Умаров, А. Расулов, О. Комилов ва б.), 1961 й.дан бошлаб Қарши чўли тупроқларини ўзлаштириш бўйича кенг қўламда и. т. ишлари олиб бордилар (А. М. Расулов, М. У. Умаров).

1960 й. Ўзбекистон ФА Тупроқшунослик ва агрохимё ин-ти таркибида Ўзбекистонда ягона бўлган тупроқ эрозияси бўлими ташкил этилди. Бўлим республика ҳудудида тупроқ эрозияси турлари, уларнинг географик тарқалиш қонуниятлари, тупроқ унумдорлигига таъсири, қ. х.га зарари, эрозияга қарши кураш ва эрозияланган тупроқларнинг унумдорлигини тиклаш услубларини ишлаб чиқди (В. Б. Гуссак, Ҳ. М. Махсудов, К. Мирзажонов, Е. Елюбаев, А.

Нигматов, О. Э. Хақбердиев ва б.). 60 – 70 й.ларда Қарши, Шеробод чўллари тупроқлари ўрганилди, Ўзбекистоннинг тупроқлари таснифи (классификацияси) яратилди ва и. ч.да асосий дастур бўлган тупроқ-иқлим районлаштириш амалга оширилди (М. У. Умаров, А. М. Расулов, М. А. Панков, А. З. Генусов, Б. В. Горбунов, Н. В. Кимберг ва б.). Шу б-н бирга сугориладиган тупроқлар маҳсулдорлигини ошириш ва сифат баҳосини (бонитировкалаш) аниқлаш борасида ишлар олиб борилди (С. Н. Рижов, С. Сучков, М. Кочубей, В. Ли, Д. Махсудов, И. Ақромов ва б.).

1975 й. проф.лар М. Баҳодиров, А. Расуловлар томонидан олий ўқув юрти талабалари учун ўзбек тилида биринчи тупроқшунослик дарслиги яратилди. Шу йили Ўзбекистон ФА Тупроқшунослик ва агрохимё ин-тида рус тилида Ўзбекистон тупроқларига бағишланган монография нашр этилди. 80–90-й.ларда тупроқ унумдорлиги б-н мелиорация ва ўғитлар алоқадорлиги (Ж. Сатторов) ҳамда сугориладиган тупроқларнинг радиоактив элементлар б-н заҳарланиши ва уларнинг олдини олиш чоралари (Х. Т. Рисқиева); тупроқларнинг шўрланишига оид янги илмий концепциялар (О. Комилов), тоғ ва тоғ олди ҳудудлари тупроқларининг гидротермик режими (И. Т. Туропов), мулча материаллари ва тупроқларни мулчалаш орқали экинлар ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш (Ш. Холиқулов) каби долзарб масалалар тадқиқ этилди.

1990 – 2000 й.ларда «Ўздаверлоийҳа» ин-ти қошидаги ер кадастри шўъбаси деҳқон – фермер хўжаликлари ерлари учун йирик масштабда тупроқ ва тупроқ-бонитировка хариталари тузди. Унда тупроқ типи, типчаси ва тур-хилларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда агротехнологик ва агромелиоратив чора-тадбирлар қўллаш тавсиялари ишлаб чиқилган. Шу даврда Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси тупроқларининг агромелиоратив ҳолати ўрганилди ва шўрланишга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилди (Ж. Сатторов, И. Туропов, Л. Турсунов, А. Турсунов, С. Абдуллаев, Р. Кўзиев, Р. Курвантаев, О. У. Аҳмедов ва б.).

2001–05 й.ларда Тупроқшунослик ва агрохимё и. т. ин-тида Мирзачўл ва Зарафшон воҳаси тупроқларининг ҳоз. ҳолатини ўрганиш ва унинг унумдорлигини ошириш муаммолари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилди. 2001 й. Ўзбекистон Ер ресурсларининг ҳоз. ҳолати ва келажакда қ. х.да фойдаланиш жараёнларига бағишланган атлас

нашр этилди. 1990 – 2005 й.ларда Тошкент аграр ун-ти тупроқшунослик кафедрасида Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди минтақаларида тарқалган, экологик-генетик ҳолати жуда кам ўрганилган учламчи давр неоген ётқизикларида ривожланган қизғин рангли тупроқларнинг генезиси, таркиби, хоссалари ва эрозияга учраш жараёнлари ўрганилди (Х. М. Махсудов, Л. А. Фафурова).

Кейинги йилларда тупроқлар генезиси, геог.си, биол.си, физикаси, кимёси, мелиорацияси ва экологияси соҳасида илмий-назарий ва амалий ишлар б-н бир қаторда, айниқса сугориладиган р-нларда ер кадастрини юритиш, уларнинг балл-бонитетларини аниқлаш, тупроқ эрозияси, шўрланишини олдини олиш, тупроқларнинг унумдорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш муаммолари бўйича илмий изланишлар давом этди.

Тупроқшунослик ва агрохимё и. т. институти, ЎЗМУ, Тошкент аграр ун-ти ва вилоятлардаги олий ўқув юрларининг тупроқшунослик-агрохимё кафедраларида олиб борилаётган и. т. ишлари Ўзбекистонда минтақавий тупроқшунослик фанининг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Ходимат Махсудов.

Мелиорация. Ўрта Осиё ҳудудда мелиорация қад. даврлардан қўлланила бошланган. Марказий Осиёда, хусусан Суғдиёна, Бақтрия, Хоразм, Фарғона, Марғиёна каби давлатларда деҳқончилик маданияти юқори бўлган. Сирдарё ва Амударё этакларида сугориш асосида ерларни ўзлаштириш ишлари мил. ав. 8–7-а.ларда олиб борилган. Республика ҳудудидаги ерларнинг мелиоратив ҳолати дастлаб 19-а. охири – 20-а. бошларида баҳоланди (Ф. Ф. Миддендорф, Н. А. Димо, Н. И. Курбатов) ва уни яхшилаш учун бир нечта мелиоратив ст-ялар ташкил қилинди (Сув хўжалиги ин-ти, Бутуниттифоқ пахтачилик и. т. институтининг мелиорация сектори ва б.). 1932 й.да Ўрта Осиё ирригация и. т. ин-ти очилди ва бу соҳада катта даргоҳга айланди. Республикада сувдан тўғри фойдаланиш бўйича экспедициялар уюштирилди ва ирригация шохобчаларини тартибга солишда катта ишлар амалга оширилди. Тупроқнинг мелиоратив ҳамда гидрогеологик ҳолатлари яхши ўрганилди. Иш натижалари тупроқнинг мелиоратив ва агротупроқ ҳолатига қўра р-нлаштиришда асос бўлди (Б. В. Федоров, М. А. Панков, В. М. Легостаев, М. У. Умаров, А. М. Расулов, Т. Н. Беспалов,

Қ. М. Мирзажонов ва б.). Тупроқлар гидромодул бўйича р-нлаштирилди, уни агротехника ва гидротехника жиҳатидан мелиорациялаш усуллари ишлаб чиқилди, горизонтал ва вертикал дренажлар тизимининг агромелиоратив самарадорлиги аниқланди, тупроқ устидан сугориш техникаси ва уни механизациялаш такомиллаштирилди, тупроқ остидан, томчилатиб, шунингдек, сув сарфини камайтиришга имкон берадиган ёмғирлатиб сугориш илмий асосланди, сугориш учун янги сув манбалари, яъни ер ости ва шўрланган зовур сувларидан фойдаланиш бўйича и. т. ишлари олиб борилди (В. М. Легостаев, С. И. Рижов, Б. С. Коньков, В. С. Малигин, И. К. Киселёва, С. М. Кривовяз, Н. Т. Лактаев, Н. Р. Ҳамроев, В. М. Весманов, Н. Ф. Беспалов, А. А. Рачинский, Ф. И. Раҳимбоев, Қ. М. Мирзажонов, Г. А. Безбородов, М. Ҳамидов, Ф. А. Бараев, И. Икромов, С. А. Азимбоев, В. А. Духовний, И. Умбетов ва б.).

Гидротехник иншоотлар тизими лойиҳаларини илмий асосда ташкил қилиш бўйича 1915–17-й.ларда муҳим амалий ишлар олиб борилган (Г. К. Ризенкамф). Кейинчалик Ўзбекистон ирригациясида туб бурилиш ясалди, Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона, Марказий Фарғона ва Шимолий Фарғона каналлари, Жанубий Мирзачўл канали, Аму – Бухоро ва Қарши машина каналлари (насос ст-ялари б-н), Шимолий Тошкент канали ва б. каналлар лойиҳаланди ва қазиб, ишга туширилди (Л. Н. Аскоченский, В. В. Пославский, А. Н. Гатунский, Д. К. Терситский, К. А. Янишевский, Н. Р. Ҳамроев ва б.). Бўз ерларни ўзлаштириш усуллари ишлаб чиқилди ва дастлаб Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Шеробод даштлари ва Марказий Фарғона, Амударёнинг қўйи оқими, Бухоро вилоятидаги ерларни ўзлаштиришда қўлланди (Л. К. Терситский, Б. И. Озерский, Э. М. Беньяминович, А. А. Саркисов, А. К. Қосимов, Т. Боймиров, Н. Р. Ҳамроев ва б.). Мелиорация миқёси, айниқса, Ўзбекистонда катта бўлди. Мирзачўлни ўзлаштириш мисолида ялпи мелиоратив қурилишнинг принциплари янги технологияси барпо қилинди, техник жиҳатдан мукамал мелиоратив тадбирлар ишлаб чиқилди. Сув ресурсларини серсув манбалардан камсув ҳавзаларга ўтказиш катта миқёсда амалга оширилди, машиналашган сугориш тобора ривожланди.

Ер мелиорацияси ва сугоришга оид и. т. ишлари Ўзбекистон пахтачилик и. т. институти, «Ўрта Осиё ирригация» («САНИИРИ») и. ч. бирлашмаси, Туп-

роқшунослик ва агрокимё, «Ўзсув-лойиҳа» и. т. институтлари, Тошкент ирригация ва мелиорация ин-ти, Тошкент аграр ун-ти кафедраларида олиб борилади.

Қирғизбой Мирзажонов.

Агроўрмон мелиорацияси. Ўзбекистон ҳудудининг тоғ этаклари ва адирларида сел жараёнларига қарши тадбир тарзида, дастлаб 1880 й. Самарқанд вилояти (Омонқутон)да Н.И.Корольков, кейинчалик 1889 й.да Тошкент вилояти (Оқтош) да С.Ю.Раунер дарахт экиб, ўрмонзорлар ташкил қилди. 30–40 й.ларда ўрмон мелиорациясини р-нлаштириш, ўрмон барпо қилиш учун дарахт ва бута турларини танлаш, уларни ўстириш агротехникаси, ихота ўрмонзорлари ташкил этишни ўрганиш бошланган. 1948 й. ўрмон хўжалиги тажриба ст-яси негизда *Ўрта Осиё* (ҳоз. Ўзбекистон) ўрмон хўжалиги и. т. институти ташкил этилганидан кейин тадқиқотлар олиб бориш анча кенгайди. Қум барханларини кўчишдан тўхтатиш учун ўсимликлар экиш, механик ва кимёвий усулларни қўллаш ишлаб чиқилди. Қизилқум минтақасида саксовул, черкез, қандим ва б. чўл ўсимликларини экиш йўли б-н юзлаб километр узунликда «яшил қалқонлар» – ўрмонзорлар барпо этилди ва қум кўчиши тўхтатилди. Кўчиб юривчи қумларда буталар ўстириш механизациялаштирилди. Ихотазорларни барпо қилиш технологияси, жойлаштириш схемаси, тузилиши, қаторларининг сони ва уларнинг шамол тезлигига, туп-

Андижон суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар институтининг тажриба даласи.

Ўзбекистон пахтачилик институти. Ғузани идишларда ўстириш.



роқ унумдорлигига ва мелиоратив ҳолатига, шунингдек, экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Ихотазорларнинг экологик, иқтисодий, ижтимоий, санитар-гигиеник, рекреацион-эстетик аҳамияти аниқланди (А.В.Гвоздиқов, А.А.Леонтьев, Қ.М.Мирзажонов, А.Қ.Қайимов, А.И.Молчанова, Н.П.Бойко ва б.).

Тоғ қияликларида тупроқнинг ювилиш (эрозия) жараёнларига қарши тадбирлар ишлаб чиқилди (эрозияга қарши қияликда тупроқни кўндаланг ҳайдаш, сувни ушлаб қоладиган чуқурлар ҳосил қилиш, кучли ёмғир ва қор сувларини тутиб қолиш учун ихота ўрмонзорлари ташкил қилиш, терраса-зинапоаялар ҳосил қилиш кабилар). Натижада эрозияга қарши тадбирларнинг комплекс технологияси яратилди ва механизациялаштирилди; лалмикор ерларда боғдорчилик, узумчиликни ривожлантириш муаммолари (Ф.К.Кочерга, М.М.Мирзаев, М.Б.Дошчанов, А.А.Хоназаров ва б.), арчани уруғидан кўпайтириш муаммоси ҳал қилинди, ёнғоқ, pista ва б. дарахтлар селекциясини ўрганиш йўлга

қўйилди ҳамда янги навлари яратилди (У.Н.Нигматов, К.Ш.Нигматов, К.Ш.Шамсиев, С.М.Аблаев, Г.М.Чернова, В.М.Ровский), республикада теракчиликни ривожлантириш масалалари ўрганилди ва и.ч.га тавсия этилди (Г.П.Озолин, К.Ш.Шамсиев). 20-а.нинг 80-й.ларидан бошлаб Орол денгизининг қуриган қисмида шўрга чидамли ўрмон ўсимликларини экиб ўстириш (Н.Е.Кокшарова, З.Б.Новицкий), суғориладиган майдонларда ихота дарахтзорлари барпо этиш усуллари ишлаб чиқилди. Ўрмончилик ва агроўрмон мелиорациясининг илмий муаммолари Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг Манзарали боғдорчилик ва ўрмончилик илмий-и. ч. маркази ва Тошкент аграр ун-тининг ўрмончилик кафедрасида ўрганилади.

Абдуҳалил Қайимов.

Дехқончилик. Республиканинг тупроқ-иқлим шароитлари ва ўсимликлари биол. сийи илмий ўрганиш суғорма дехқончиликни янада ривожлантиришда катта омил бўлди. Алмашлаб экиш, тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш тизими, суғориш, ер ҳолати мелиорацияси ва яратилган агротехнологиялар бўйича эришилган илмий ютуқлар амалий дехқончилик самарадорлигини оширишни таъминлаб берди.

Беда-ғўза алмашлаб экиш тизими бўйича дастлабки тажрибалар Мирзаҷўл тажриба даласида ўтказилган (М.М.Бушувев). Кейинчалик бу ишлар Ўзбекистон қ. х. станцияси, сўнгра Бутуниттифоқ пахтачилик и.т. институтининг филиаллари ва ст-яларида, *Ўрта Осиё* ўсимликшунослик ст-ясида олиб борилди. Натижада алмашлаб экиш учун ўсимликларнинг жуда кўп тури аниқланди,



турли тупроқ-иклим зоналари учун алмашлаб экиннинг (қисқа ротацияли) тизимлари яратилди (И.А.Дорман, В.Г.Березовский, З.С.Турсунхўжаев, Н.М.Маннонов, А.С.Болкунов, Р.Ш.Тиллаев ва б.). Деҳқончиликдаги асосий экин бўлган ғўза агротехикасига катта эътибор берилди. Ғўза экиладиган майдонларда ерни асосий ҳайдаш, икки қаватлаб ҳайдаш, экиш олдида ерга ишлов бериш, ғўзани плёнка остига пуштага ва ҳўякка экиш бўйича янги усуллар яратилди. Ўсиш даврида экин орасига ишлов бериш тизими жорий этилди (В.П.Кондратюк, З.С.Турсунхўжаев, А.К.Кашкаров, А.И.Имомалиев, С.Х.Йўлдошев, М.В.Муҳаммаджонов ва б.). Беда морфологияси ва физиологияси ўрганилиб, алмашлаб экишда унинг тупроқ маҳсулдорлигига таъсири, ғўза ҳосилини оширишдаги ўрни, и.ч. агротехикаси, беда б-н маккажўхори, жўхори, судан ўти ва б. экинларни экиш технологияси ишлаб чиқилди. Эрозия ва дефляция (шамол эрозияси) жараёнлари рўй берадиган ҳудудларда тупроқни ҳимояловчи алмашлаб экиш тизими шаклланди (Қ.М.Мирзажонов, Ш.Нурматов). Маккажўхори биол.си ва агротехикаси такомиллаштирилиб, илмий ишлар натижаси и.ч.га тавсия қилинди (В.А.Голодковский, В.В.Массино ва б.). Ораліқ экинлардан мўл, шунингдек, бир йилда 2–3 марта ҳосил олиш технологияси ишлаб чиқилди (Н.А.Малицкий, А.С.Холиқов, А.К.Кашкаров ва б.). Экинларни сугориш метёрлари, сув бериш муддатларини аниқлаш усуллари таклиф этилди (С.Н.Рижов, В.Е.Еременко, Г.А.Безбородов, В.С.Шаркадов, С.А.Гелдиев, Ҳ.Самиев ва б.).

Ғалла экинлари агротехикаси бўйича дастлабки ишлар Туркистон (1909), кейинчалик Каттақўрғон ва Милютин тажриба ст-яларида олиб борилди (1925–39). Ҳусусан, буғдой, арпа, тарик, кунжут, зигир, нўхат, мош, соя, ловия ва б. экинларнинг экиш муддатлари, ҳар гектар майдонга экиладиган уруғлик миқдори ва уларнинг озиклантиришга таъсирчанлиги ўрганилди. 50–60-й.ларда лалмикор ерларда ғалла экинларини етиштириш агротехикасига оид тадқиқотлар ўтказилди ва амалиётга жорий этилди. 1997 й.да Андижонда ташкил этилган Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар и.т. ин-ти ва унинг филиалларида лалмикор ва суғориладиган ерларда ғалла, дуккакли дон, ем-хашак, ораліқ экинларни етиштиришнинг комплекс агротехикаси ва уларнинг мақбул ўтмишдошлари, экиладиган навлари, суғориладиган ерларда

ғалла экинларини озиклантириш, суғоришнинг метёр кўрсаткичлари, республиканинг марказий, шим. ва жан. ҳудудларида ғалла экинлари етиштиришнинг самарали технологиялари яратилди. (Н.В.Покровский, С.Эшмирзаев, Н.Мамиров, А.Омонов, Р.И.Сиддиқов, Т.Жалолов, И.У.Эгамов, А.И.Ковалёв, Н.Бекназаров, С.Э.Тешабоев ва б.). Ғалла экинлари касалликлари, зараркундалари ва бегона ўтларга қарши уйғунлашган кураш чоралари ишлаб чиқилди. Республиканинг турли тупроқ-иклим шароитига мос пахта-ғалла-ем-хашак экинларини алмашлаб экиш тизими ишлаб чиқилиб, йилига 2–3 марта ҳосил етиштиришнинг илмий асослари яратилди (Д.П.Бойгулов, М.Ю.Юнусов, С.М.Маманиёзов, П.И.Федотов, Х.Юсупов, М.Холматов, Х.Сагатов, К.Насридинов ва б.).

Шоли етиштиришни илмий ўрганиш Ўзбекистонда дастлаб Р.Р.Шредер номидаги тажриба ст-яси қошидаги шолчилик бўлимида (1926) бошланган. Шоликорлик ин-тида (1967) янги навлар яратиш б-н бир қаторда барқарор ҳосил олиш имкониятини яратадиган жадал технологиялар ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Илмий асосланган сермахсул 4, 7, 9, 10 далали шоли — ўт алмашлаб экиш тизими яратилди, янги яратилган навлар агротехикаси ишлаб чиқилди, шолига йўлдош экинлар сифатида беда, қизил себарга, мош, соя, маккажўхори, бошоқли дон ва б. экинлар тавсия қилинди (Н.И.Косарев, И.И.Чуриков, А.В.Нестеров, И.П.Гончаров, П.П.Коршенбой, А.Е.Шин, П.Л.Пулина, Ҳ.У.Урмонов, М.Т.Когай, С.Рихсиева, Т.Э.Исҳоқов, Ф.Раҳимов ва б.).

Собиржон Азимбоев, Батир Азимов.

Ўсимликшунослик. Ўрта Осиё кўлги-на маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш маркази ҳисобланади ва бу ерда уларнинг хилма-хил шакллари учрайди. Шу б-н бир қаторда, 19-а.да ва ундан аввал Ўрта Осиёда аҳолига номаълум бўлган ўсимликлар келтирилган, улар иқлимлаштирилиб, асосий экинларга айланган. Уларга ҳозир республикада катта майдонларда экиладиган картош-ка, помидор, ширин қалампир, бақлажон, қарам каби сабзавотлар, айрим кўхат ва зираворлар, ерёнғоқ, хурмо, лимон, унаби ва ш.к. мева турларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўсимликшунослик бўйича дастлабки тадқиқотлар 1924 й.дан рус олими академик Н.И.Вавилов ташаббуси б-н ташкил этилган. Ўзбекистон ўсимликшунос-лик и.т. ин-ти (1991) да Ўрта Осиёда

ўсадиган ўсимлик намуналарини йиғиш, чет мамлакатлардан келтирилган маданий ўсимликларнинг агробиологик ва ҳўжалик белгиларини ўрганиш, экинлар селекцияси ишлари олиб борилади. Кейинги 100 йил давомида ин-тда 80 турдан ортиқ экинларнинг 30 мингдан кўпроқ нав намуналари йиғилди; ток коллекция боғи (1580 намуна), мева ва резавор экинлар коллекция боғи (4013 намуна) ташкил этилган, ғўза намуналарининг мамлакатда ягона бўлган тур, иш ва дублет коллекциясида 5400 дан ортиқ намуна сақланади.

Ўзбекистон ФА ўсимликлар экспериментал биологияси ин-ти ўсимликларни ўрганиш ва чет мамлакатлардан Ўзбекистонга келтириш мақсадларида маданий ўсимликларнинг бирламчи ва иккиламчи келиб чиқиши марказлари-га ғўзанинг ёввойи турларини йиғиш бўйича акад. А.Абдуллаев бошчилигида 1975 й.да Мексика, 1984 й.да Перу, 1989–90-й.ларда Шри-Ланка, Ҳиндистон, Хитой, 1997 й.да Австралияга илмий экспедициялар уюштирилди. 1986 й.да Парагвайдан илдизи, барги ва пояси-дан ширинлиги сахарозага нисбатан 150–300 марта юқори қимматбаҳо стевия моддаси олинадиган стевия ўсимлиги олиб келинди. Ўзбекистон ўсимликшунослик и.т. ин-тида 1987–88 й.ларда унинг биол.си ва кўпайтириш усуллари ўрганилди ва Ўзбекистон шароитига мос Ширин ва Шакарбарг навлари яратилди (1994).

Дон, дуккакли дон экинлари, техника экинлари, мойли экинлар, ем-хашак ҳамда сабзавот-полиэ экинлари биол.си, экологияси, ўсимликлар таснифи, навларни р-нлаштиришнинг илмий асослари, ўсимликлар интродукцияси, қ.х. экинларини етиштиришда интенсив технологияларни ишлаб чиқиш, ҳосилдорлиги юқори бўлган янги навларни яратиш, навлар агротехикаси, янги навларни қ.х.га тавсия этиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди (С.М.Пересков, М.В.Муҳаммаджонов, М.Ш.Пугачёв, Й.Узоқов, К.И.Пангалло, М.Г.Попов, М.М.Журавель, П.А.Баранов, М.М.Негуль, В.А.Арзуманов, Ф.Қ.Қурбанов, А.Р.Шредер, К.И.Байметов, З.У.Умаров, Ф.Раҳимов, Д.Т.Абдукаримов, Ҳ.Отабоева ва б.).

Ҳалима Отабаева.

Селекция ва уруғчилик. Ўзбекистонда илмий селекциянинг бошланиши 20-а.нинг бошларида тўри келади. Россия империяси саноятининг пахта хом ашёсига бўлган катта эҳтиёжлари таъсири-да дастлаб ғўза селекцияси б-н шуғул-

ланалитан муассасалар ташкил этилди, ғўза, ғалла, шולי селекцияси ишлари-га асос солинди (Р.Р.Шредер, Г.С.Зайцев, Е.Л.Навроцкий).

20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб ўсимликшунослик, қорамолчилик, йилқиччилик, қорақўлчилик, пиллачилик ва б. йўналишларда тажриба ва селекция ст-ялари ташкил этила бошлади. 1922 й.да Туркистон селекция ст-яси, 1924 й.да Бутуниттифоқ ўсимликшунослик ин-тининг Ўрта Осиё тажриба ст-яси, 1925 й.да Милютин (ҳоз. Ғаллаорол ғалла экинлари) тажриба ст-яси, 1927 й.да Ўрта Осиё ипакчилик ин-ти, 1929 й.да Бутуниттифоқ пахтачилик ин-ти (СоюзНИХИ), 1932 й.да Ўзбекистон шолчилик тажриба ст-яси, 1934 й.да Ўзбекистон сабзавот ва картошка экинлари тажриба ст-яси, 1935 й.да Бутуниттифоқ қорақўлчилик ин-ти, 1940 й.да Ўзбекистон чорвачилик ин-ти ташкил этилди ва уларнинг республиканинг турли зоналарида жойлашган кенг тармоқли ст-яларида селекциянинг турли йўналишларида и. т. ишлари йўлга қўйилди.

20-а.да Ўзбекистон олимлари селекциянинг назарий ва амалий масалаларини ишлаб чиқишга муносиб ҳисса қўшди. Ғўза селекциясида С.С.Канаш, А.И.Автономов, Л.В.Румшевич, А.Дадабоев, С.С.Содиқов, Н.Назирова, А.Эгамбердиев, Ш.И.Иброҳимов, А.А.Автономов, Б.П.Страумал, С.М.Мираҳмедов, О.Жалилов, А.М.Баддалов, Е.Гаврилов, А.И.Тишин, Ф.В.Войтенко, Л.Г.Арутюнова, А.Абдуллаев, С.Раҳмонқулов ва б.; мевалар ва ток селекциясида М.Мирзаев, М.С.Журавель, А.М.Негрель; субтропик экинлар (лимон) селекциясида З.Фахриддинов; сабзавот, полиз экинлари ва картошка селекциясида Д.Абдукаримов, А.С.Шчукина, М.И.Кулакова, Е.В.Ермолова, А.С.Ҳақимов ва б.; ғалла селекцияда Н.В.Покровский, С.Эшмирзаев,

Ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти. Фитотрон селекция иссиқхонасида ғўза тажриба экинлари.



Н. Мамиров, Н. Бекназаров, А. И. Ковалёв, А. Омонов, Р. И. Сиддиқов, Т. Ж. Жалолов, М. М. Маннопова, И. У. Эгамов,

С.Тешабоев, Ю.Орипов, Т.Маматқулов ва б.; шולי селекциясида П.А.Пулина, С.Рихсиева, Т.Бобониёзов, У.Абиллаев, Т.Э.Исҳоқов ва б.; қорамолчилик селекциясида М.М.Бушуев, У.Носиров; парранда (товуқ) селекциясида С.Ғ.Азимов; қўйчилик селекциясида И.Н.Дьячков; ипак қуртининг янги зотлари ва дурагайлари яратишда Б.Л.Астауров, В.А.Струнников, У.Насриллаев ва б.нинг хизматлари катта.

Ўзбекистонда селекция ишлари Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси ин-ти, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий-и. ч. марказининг пахтачилик; ғўза селекцияси ва уруғчилиги; шолчилик; ўсимликшунослик; боғдорчилик, узумчилик ва виночилик; сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик; сугориладиган ерларда дон ва дуккакли экинлар; чорвачилик; қорақўлчилик ва чўл экологияси; «Ўзбек ипаги» уюшмасининг Ипакчилик и.т. ин-тиларида; Ўзбекистон ФАнинг «Биолог» илмий и.ч. бирлашмасида; мойли ва толали экинлар тажриба ст-ясида; Қорақалпоғистон деҳқончилик и.т. ин-тида; Тошкент аграр ун-ти, Андижон, Самарқанд қ.х. ин-тилари селекция кафедраларида олиб борилади.

Ўсимликшуносликнинг навлор уруғликни ялпи қўпайтириш б-н шуғулланиди-



Ўсимликшунослик институти Ток коллекция боғи.

ган тармоғи – илмий уруғчилик Ўрта Осиёда рус олимлари иштирокида 20-а. бошларида вужудга келган. Ўрта Осиёда биринчи марта 1900 й.да қ.х. тажриба ст-ялари ташкил этилди. Ғўза бўйича уруғчилик 1910 й.да тажриба муассасаларида уруғлик экинзорлари ташкил этила бошлагандан кейин пайдо бўлди. 1925–26-й.ларда илмий уруғчилик тизими шаклланди. 1926–37-й.ларда донли экинлар уруғчилиги б-н Каттақўрғон ва Милютин (ҳоз. Ғаллаорол) тажриба ст-ялари шуғулланди. 50–60-й.ларда ҳам уруғчилик тизимини шакллантириш ишлари давом эттирилди. 1965 й.да ғўза, беда ва б. ўт экинлари селекцияси ва уруғчилиги б-н шуғулланидиган ҳоз. Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги, 1974 й.да ғалла экинлари селекцияси ва уруғчилиги б-н шуғулланидиган Ўзбекистон ғаллачилик ин-ти (собиқ Милютин тажриба ст-яси) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қ.х. экинларининг ўз уруғчилик базасини яратиш, қ.х.ни серҳосил ва юқори сифатли уруғликлар б-н таъминлаш, уруғчиликка жаҳон тажрибаси ютуқларини жорий этиш асосий вазифага айланди. Бу масала давлат аҳамиятига эга эканлиги эътиборга олиниб 1996 й. 29 авг.да Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида» қонуни қабул қилинди. 1999–2001 й.ларда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида республикада экиладиган асосий экин турлари бўйича уруғчилик бошқармалари ташкил этилди. Асосий экиладиган экинлар турлари бўйича 2006 й.га қадар 8–10 марта нав алмаштириш ўтказилди. Уруғчиликнинг назарий асоси ҳисобланган уруғшунослик Ўрта Осиёда Тошкентда Туркистон селекция ст-яси ташкил этилган вақтдан (1922) бошлаб ривожлана бошлади. Уруғшунослик ва

уруғчилик назорати иши биринчи марта шу муассасада мустақил фан сифатида ривожланди. А.И.Автономов, Г.С.Зайцев, И.А.Родимцев, Ҳ.Раҳимов, А.Н.Шафрин, О.В.Кратиров, Р.Назаров, Л.Ф.Колоярова, С.Мухаммадхоннов, Р.Руденко ва б. уруғшунослик фани ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Баҳодир Норматов.

Боғдорчилик ва узумчилик (помология ва ампелография). Бу соҳадаги фан асослари узоқ асрлар мобайнида шаклланди, халқ селекциясида мевалар ва токнинг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган юзлаб навлари яратилган. Боғдорчилик ва узумчиликда и. т. ишларининг ривожини Р.Р.Шредер номи б-н боғлиқ. У республика мева-резавор тажриба ст-ясини бошқарган (1902–1944). Боғдорчилик ва узумчиликни ҳар хил тупроқ-иқлим шароитида ривожлантириш йўллари ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш 1948 й.да ташкил этилган Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и. т. ин-тида назарий жиҳатдан асосланди (В.В.Кузнецов, М.М.Мирзаев, А.А.Рибакнов, К.В.Смирнов, С.С.Калмиков ва б.). Ўзбекистоннинг турли жойларидаги боғ ва узумзорларни парваришлашнинг комплекс агротехник тадбирлари и. ч. га жорий этилди. Бу тадбирларга олма учун паст бўйли М-9, ярим паст бўйли ММ-102, ММ-104, ММ-106 ва б. пайвандтаглар, тупроқ унумдорлигини оширадиган сидерат экинлар, томчилатиб сугориш усули, мавсумга қараб ўғитлаш йўллари, тоғли ерларда намни тўплаш учун тупроқни ҳайдаш системаси қабила қиради. Урушдан кейинги даврларда иссеиконаларда шитрус ўсимликларини ўстириш ривожланди (Е.С.Чогуа), Ўзбекистонда шитрус меваларини (лимон, апельсин, мандарин) траншеяларда ўстириш урганилди, айниқса лимончилик ривожланди (З.Фахриддинов), Шафтоли (А.Р.Череватенко), нок селекциясида янги санатбоп навлар чиқарилди (С.Шарипов). Р.Р.Шредер номидаги ин-тда селекция ишларида фойдаланиш учун мевали ўсимлик турлари ва узумнинг генетик фонди яратилди (5000 дан ортиқ нав). Уруғсиз узум навларининг ҳосилдорлиги ҳамда ғужум кўриниши сифатини оширишда ўстирувчи моддалар (мас., гиббереллин) таъсири урганилди, тоғ ва тоғ олди, шағалли ерларда, сугориладиган Мирзачўл ва Марказий Фарғона ерларида боғ ва узумзорлар барпо қилиш услуби ишлаб чиқилди (М.М.Мирзаев), боғ ва

узумзорларда фойдаланиш учун комплекс машиналар яратилди.

Мева, резаворлар ва узумнинг 150 дан ортиқ навлари, жумладан узумнинг — Жўраузум, Тарнов, Галаба, Октябрь, ВИР-1, Хишрав кишмиши, Сугдиёна кишмиши, Ризамат ва б.; олманинг — Самарқанд аълоси. Регистон, Афросиёби, Тошкент ренети, Меҳмоний, Нафис, ёзги Розмарин, Тошкент боровинкаси ва б.; нокнинг — Зухра, Совға, Қишки нашвати-2, Қалдирғоч, Кулала ва б.; беҳининг — Қувабеҳи, Ширин беҳи, Самарқанд йирик беҳиси, Хоразм олмасимон беҳиси, Нон беҳи; ўрикнинг — Кечки Зарафшон, Навоий; шафтолининг — Юлдуз, Лола, Зафар, Фарҳод, Старт; гилоснинг Саври Сурхоний, Баҳор; бодом, ёнғоқ, анжир, қулупнай ва б. меваларнинг бир қанча навлари яратилди ва республиканинг боғларидаги асосий навларга айланди.

Мирмақсуд Мирзаев.

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик. 1897 й.да Тошкент ш. яқинида очилган Туркистон қ.х. экинлари тажриба ст-ясида, асосан, пахтачилик, қисман узумчилик ва мевачилик соҳалари ўрганилган, сабзавотчилик ва полизчилик бўйича илмий изланишлар 20-й.ларда Урта Осиё давлат ун-ти кишлоқ хўжалиги ф-ти селекция ва уруғчилик кафедрасида (К.И.Пангало) бошланган. К.И.Пангало қовун селекцияси ва уруғчилигига асос солди, агроном Г.О.Земан раҳбарлигида 1926 й.да Фарғонада 4 га майдонда сабзавот уруғчилиги хўжалиги ташкил этилди. 1929 й.да Тошкент ш. яқинидаги Ялланғоч кишлоғида Урта Осиё зонал сабзавотчилик тажриба ст-яси, 1933 й.да шу ст-я негизида Ўзбекистон сабзавотчилик зонал тажриба ст-яси (1960 й.да Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик и.т. ин-ти) ташкил қилинди. Ст-яда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда маҳаллий навларни урганиш, яхшилаш, янги нав ва дурагайларни

яратиш, уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш, етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, тармоқ самарадорлигини ошириш борасида кўп қиррали и.т. ишлари олиб борилди. 1934 й.дан проф. Н.И.Балашев Ўзбекистонда картошка етиштириш технологиясини асослаб берди (19-а. охирига қалар картошка Ўзбекистонда деярли экилмаган, бу ерга кўчиб келган рус ва болгар деҳқонлари томорқаларида оз миқдорда етиштирилган).

Республикада ривожланган сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликнинг илмий асосларини яратишда олимлардан Г.О.Земан, А.К.Каримов, Н.И.Балашев, В.И.Зуев, П.Н.Дудко, В.Я.Волков, Н.С.Бақурас, А.А.Абдукаримов, Н.Т.Кузнецова, В.Н.Ермохин, А.И.Нуритдинов, Х.М.Мирзаёзов, Х.З.Умаров, Т.Г.Муминов, И.И.Пугачёв, А.С.Ҳақимов, Б.Ж.Азимов, Р.М.Мавлонова ва б.нинг ҳиссаси катта. Полизчилик, айниқса, қовунчилик соҳасининг ривожланишига А.С.Шчукина, С.К.Кўчқоров, В.И.Ермохин, И.М.Ашеров, картошкачиликни ривожлантиришда В.И.Зуев, Д.Т.Абдукаримов, И.Э.Эсанов, О.Я.Фонина, Т.Ш.Останақулов, О.Қодирхўжаев, А.Расулов, М.Мухамедов ва б. олимларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республика селекционер-олимлари томонидан 200 дан ортиқ сабзавот, полиз ва картошка экинларининг нав ва дурагайлари яратилиб, давлат реестрига киритилган (Е.В.Ермолова, П.Н.Дудко, М.И.Кулакова, А.С.Шчукина, А.С.Ҳақимов, Р.А.Ҳақимов, А.М.Аббосов, Э.А.Алиев, М.Ҳ.Халилова, М.Х.Аронов, С.М.Межидов, Н.С.Бақурас ва б.).

Сабзавот, полиз экинлари ва картошка агротехникаси бўйича илмий изланишлар олиб борилди (А.К.Каримов), сабзавотчилик технологияси такомил-



Сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошкачилик инсти-тути. Қовун селекцияси даласи.

лаштирилди (Х.Мирпаязов, С.Н.Маҳкамов, Я.Е.Хизкилов ва б.). Сабзавот, полиз экинларида фотодаврийлик, унинг ўсимлик ҳосили ва сифатига таъсири, уруғларнинг унвчанлик физиологияси, ўсув стимуляторлари, ўғитлардаги азотнинг ўзлаштирилиши, маҳсулотда тақсимланиши, экологик тоза маҳсулот етиштириш технологияси ишлаб чиқилди (Г.И.Аболина, Н.Атоуллаев, В.В.Бержева, Т.Г.Мўминов ва б.).

Иссиқхоналарда сабзавот, плёнкали иссиқхоналарда кўчат, очиқ далада плёнка остида эртаги сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш технологиялари (В.Я.Волкова, Н.С.Бақурас) амалиётда яхши самара бермоқда. Очиқ дала ва иссиқхоналарда касалликлар ҳамда зараркунандаларга, бегона ўтларга қарши кураш чоралари таъсия қилинган (С.А.Алимухамедов, Н.Г.Кузнецова, О.М. Мўминов, П.С.Василенко, В.И.Песцов, У.Асқаралиев). Уруғликни даладан йиғиштирилгандан сўнг сифатини яхшиловчи қайта ишлаш усуллари, сифатли уруғлик етиштириш ҳамда бирламчи ва ялпи уруғчиликни ташкил қилиш усуллари амалиётга татбиқ этилди (А.М.Аббосов, А.С.Ҳақимов, А.Тошмухамедов ва б.). 1993 йдан картошкачиликда Голландия технологиясини республика шароитларига татбиқ этиш ўрганилди. Голландиядан картошкка навлари келтирилиб республика хўжаликлариде етиштирила бошланди. Республика селекционерлари кейинги йилларда қовуннинг Оқ уруғ 1157, Тошлоқи, Олтинтепа, Лаззатли, Зарчопон, Шакарпалак-554, Тўёна; тарвузнинг Гулистон, Мармар; помидорнинг Восток, Ўзбекистон, Октябрь, ТМК, ЎзМаш, иссиқхоналар учун эса Гулқанд; ширин қалампирнинг Тошкент тухфаси, Зумрад; бодрингнинг Ўзбекистон 740, Ҳосилдор, Гулноз; сабзининг Нурли; редисканинг Эртапишар; картошканинг Тўйимли, Ақраб ва Зарафшон каби нав ва дурагайларини яратдилар. Бу навлар-

нинг кўпчилиги республикадан ташқари бошқа мамлакатларда ҳам экилади.

Шунингдек, халқ селекционерлари А.Обидов (картошкка), К.Юсупов (помидор) ва А.Алигаваҳаров, Т.Тожиёв (қовун), Ҳ.Каримшоев (қовун, тарвуз) ва б.нинг амалий ютуқлари муҳим аҳамиятга эга.

Республикада сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳаси бўйича и.т. ишлари Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик и.т. инти, Тошкент аграр ун-ти, Самарқанд қишлоқ хўжалик ин-ти кафедраларида, Ўзбекистон ўсимликшунослик и.т. интида олиб борилди.

Абдулазиз Аббосов.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш. Туркистон ўлкасида пахта, дон ва б. экинлар ҳосилига жуда кўп турдаги зараркунанда (айниқса чигирткалар тўдаси) ва касалликлар катта зарар етказиб келган. Шунинг учун Минтақа чигирткаларга қарши кураш қўмитаси томонидан энтомологияга оид ва ҳосилни ҳимоя қилиш бўйича дастлабки илмий асосланган усуллар тақлиф этилган (1898). 20-а. бошларида ғўза, қанд лавлаги ва б. экинлар зараркунандалари ҳамда касалликларини урганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бошланди (А.А.Ячевский, И.В.Васильев ва б.). 1911 й.да Тошкентда Туркистон энтомология ст-яси ташкил этилди. Ст-янинг асосий вазифаси чигирткалар, кемирувчилар ва мевали дарахт зараркунандаларини ўрганиш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш, шунингдек Ўрта Осиё минтақасида энтомология, фитопатология фани ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш ст-ялари учун мутахассислар тайёрлаш эди. 1925 й.да ст-я негизда Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ст-яси ташкил этилди (1958 й.дан Ўрта Осиё, 1991 й.дан Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш и.т. институти).

Ўсимликларни ҳимоя қилишда зараркунанда, касаллик ва бегона

ўтларга қарши курашнинг агротехник, механик, физик, кимёвий, биологик, генетик, микробиологик ҳамда интеграл ҳимоя усулларини ишлаб чиқиш ва и.ч.да қўллаш бўйича муҳим илмий ишлар олиб борилди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш назариясини яратишда С.Н.Алимухамедов, Н.Г.Запрометов, В.А.Знаменский, В.П.Невский, В.И.Плотников, К.И.Мирпўлатов, М.Н.Нарзиқулов, Р.О.Олимжонов, Т.Д.Страхов, В.Н.Шчеголов, В.В.Яхонтов ва б.нинг илмий ишлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Биологик ҳимоя усули ривожига К.Эшмирзаев, М.Холматов, Х.К.Агзамов, С.С.Алимухамедов, М.Н.Нарзиқулов, Ф.М.Успенский ва б. катта ҳисса қўшдилар. Биологик ҳимоя усулида самарали натижа берадиган энтомофаглардан — афелинус, псевдафикус, родолия, криптолемус қонли бит ва червешларга, теленомус хасвага, трихограмма кузги тунлам, ғўза тунлами ва б. зараркунандаларга қарши иқлимлаштирилди (мас., афелинус, псевдафикус, трихограмма, габробракон, фитосейюлюс, дендрабациллин, энтобактерин, битоксиациллин ва б.), уларнинг тур таркибини кўпайтириш ҳамда қўллаш ҳажмини ошириш ишлари олиб борилди.

Республикада 1973 й.да ўсимликлар зараркунандаларининг қушандалари бўлган ҳашаротлар ва фойдали микроорганизмларни кўпайтирадиган ва хўжаликларга етказиб берадиган 18 та, 1987 й.да 637 та, 1990 й.да 736 та, 2005 й.да 800 та биологатория ва биофабрика ишлади. 10 млн. га дан ортиқ майдонда (қайта ишлов бериш ҳисобига) пахта, галла ва б. экинлар ҳосили биологик усулда ҳимоя қилинди (2005).

Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ин-ти бу соҳадаги йирик илмий марказ ҳисобланади (С.А.Журавская, К.И.Мирпўлатов, Б.Г.Алеев, В.В.Яхонтов, Н.С.Мирпўлатова, Н.Г.Запрометов, Ф.М.Успенский, С.Н.Алимухамедов, Н.М.Маҳмудхўжаев, Ш.Т.Хўжаев, Ф.А.Степанов, З.Одилов, И.С.Урунов, Т.К.Ҳамдамзода, К.Асанов, М.Х.Комилова, С.С.Рамазонова, О.Ҳамроев, Л.П.Шведова, Э.Н.Алхасьянц, У.Расулов, А.Ҳ.Ҳақимов, М.И.Рашидов, А.К.Сохта ва б.).

Ин-тда олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлар натижасида ғўзага 214 турдан ортиқ зараркунанда, 20 дан ортиқ касалликлар ва 70 турдан кўп бегона ўтлар зарар келтириши аниқланиб, уларга қарши уйғунлашган кураш тизи-



Ўсимликларни ҳимоя қилиш институти. Агротоксикология лабораториясининг сино майдони.

ми ишлаб чиқилди ҳамда амалда қўлланоқда.

Кейинги йилларда республика минтақасига оққанот капалаги, колоралдо қўнғизи, занг канаси, капро қўнғизи, тўрт доғли донхўр каби хавфли зараркундалар бошқа мамлакатлардан ўтиб, тарқала бошлади. Биологик қарши кураш тарикасида трихограмма, бракон, олтинкўз, энкарзия, микробиологик препаратлар, кимёвий препаратларнинг янги авлоди — синтетик пиретроидлар катта майдонларда қўлланоқда.

1981—2000 й.ларда лаб. шароитида энтомофагларни кўпайтириш учун оддий ва арзон нархларда сунъий озуқа ишлаб чиқарилди ва и. ч.га жорий этилди. Республиканинг барча вилоятларида бу озуқа ёрдамида асалари мум парвонаси кўпайтирилиб, унда олтинкўз, бракон, трихограмма ва ш.к. энтомофаглар кўпайтирилмоқда (Х.Р.Мирзалиева, Х.Х.Кимсанбоев, С.С.Алимухамедов, М.Рашидов).

Бошоқли дон ва яйлов экинлари зараркундалари ва чигиртхаларнинг тур таркиби, тарқалиши, биоэкологияси, ривожланиш асослари, зарар келтириш даражаси, энтомофаглари ва энтомопатоген микроорганизмлари аниқланди ва уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилди (С.С.Алимухамедов, А.Йулдашев, П.Ортиқбоев, Х.К.Агзамова, М.Бобохонова, С.Муҳаммадалиева).

Ҳашарот феромонларини ўрганиш бўйича и. т. ишлари 1975 й.да Ўзбекистон ФА нинг Биоорганик кимё ин-тида бошланди. Республикада феромон тутқичларининг ишлаб чиқилиши ва қўлланилиши биологик кураш усулининг ривожланишида катта аҳамиятга эга (А.Абдуваҳобов, Ш.И.Салихов, Ш.Т.Хўжаев, В.Абдуқаҳоров). Кейинги йилларда феромон тутқичлар гўза зараркундалари б-н бир қаторда боғ, сабзавот-полиэ экинларини зараркундалардан ҳимоя қилишда ҳам қўлланилмоқда.

Қ.х. махсулотларини етиштириш ва сақлашда омбор зараркундаларига қарши самарадорлиги юқори бўлган замонавий кураш чоралари (Н.М.Махмудхўжаев, Б.Одилов, М.Акмалова ва б.), тут дарахтларини тут баргхўридан ҳимоя қилишнинг илмий асосланган тизими ишлаб чиқилди (Ш.Т.Хўжаев, Ф.Одилов, Х.Тўрамуродов).

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ин-ти, Ўзбекистон ФА Зоология, Биоорганика, Микробиология; Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-и. ч. марказининг Сабзавот, полиэ экинлари ва картошкачилик; Боғдорчилик,

узумчилик ва виночилик; Ўрмончилик ин-тлари, Тошкент аграр ун-ти, Самарқанд ва Андижон қишлоқ ҳўжалиги ин-тлари кафедраларида и. т. ишлари олиб борилди.

Султон Алимухамедов.

Зоотехния. Чорва молларини урчи-тиш, озиқлантириш, сақлаш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳақидаги тасаввурлар қад. тарихга эга. Подшо Россияси Ўрта Осиёни босиб олганидан сўнг кўплаб рус олимларининг Туркистон ўлкасига сафарбар қилиниши туфайли бошқа соҳалардаги каби чорвачиликда ҳам тажриба-таянч пунктлари фаолият бошлади. Зоотехнияга оид дастлабки илмий изланишлар 1910 й.дан бошланган, сўнгра Ўрта Осиё давлат ун-ти зоотехния секциясида давом эттирилган (1920), Бутуниттифоқ озуқа ин-тининг Ўрта Осиё филиали ташкил топганидан сўнг (1929) илмий ишлар миқёси янада кенгайди. Чорвачилик, яйлов ва пичанзорларни ўрганиш бўйича махсус экспедициялар уюштирилиб, уларнинг ҳолати, муаммолари аниқланди, яйлов ва пичанзорларнинг майдонлари харитага туширилди (М.М.Числов, К.К.Саковский, Е.П.Коровин, И.И.Гранитов ва б.).

Ўзбекистонда зоотехния фани 1930-й.лардан чорвачилик таянч пунктлари ва ст-ялари, чорвачилик, қоракўлчилик ва ипакчилик и. т. ин-тларининг ташкил этилиши б-н янада ривожланди. Чорвачилик фани назарий жиҳатдан чуқурлаштирилди, малакали зоотехник олимлар етиштирилди. Бу даврда В.И.Громова, К.К.Саковский, В.В.Зююкин, З.И.Савишкая, З.С.Соколова, Т.Ф.Тавилдарова, Е.М.Ершова, П.М.Пушкарев, В.А.Щекин, П.Ф.Кияткин ва б.нинг илмий изланишларида умумий ва хусусий зоотехния масалалари ўрганилди. 1950-й.ларда республиканинг биринчи чорвадор олимлари етишиб чиқди (А.Раҳимов, Н.Мавлонов, Й.Қурбонов ва б.). 1960—90-й.ларда Ш.Акмалхонов, У.Носиров, проф.лар Э.Карчевский, И.Хидиров, З.Тўрақуллов, Т.Икромов, М.Ашировлар (қорамолчиликнинг сўт ва гўшт йўналишларида зоотехния муаммолари), М.Зокиров, Р.Валиев, С.Юсупов (қўйчилик), П.Собиров (урчитиш), К.Карибаев (озиқлантириш), У.Насриллаев (ипакчилик) ва б.нинг и. т.ларида зоотехния муаммолари ўз аксини топди, зоотехния муаммолари бўйича илмий мактаблар шаклланди. Ўзбекистон чорвачилик и. т. ин-тида қорамолчилик (Ф.Ф.Эйснер, Т.Ф.Тавилдарова, А.К.Львович, А.А.Атбашьян, Ш.А.Акмал-

хонов, У.Н.Носиров, Э.Ю.Карчевский, М.И.Самарцев, И.Х.Хидиров, А.М.Мустафоев, М.Аширов ва б.), қўйчилик ва эчкичилик (П.Ф.Кияткин, Й.Р.Қурбонов, И.А.Тапильский, А.А.Йулдошев, Ф.М.Мамадалиев, У.А.Орипов, Н.Атақурбонов, С.Ю.Юсупов, О.Ибрагимов ва б.), паррандачилик (Е.В.Рибина, С.Ф.Азимов, З.М.Ашуров ва б.), йилқичилик ва чўчқачилик (К.А.Лихов, Т.П.Пяновская, Е.Бабайлова ва б.), тут ипак курти зоотехнияси (В.А.Струнников, Э.Х.Тожиёв ва б.) ҳамда қ.х. ҳайвонлари ва паррандаларини озиқлантириш (Е.М.Ершова, К.К.Карибаев ва б.) бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Ўзбекистонда зоотехния фани муаммолари бўйича изланишлар Ўзбекистон чорвачилик; қоракўлчилик ва чўл экологияси; ипакчилик и. т. ин-тларида олиб борилди. Зоотехния соҳаси бўйича мутахассислар Тошкент давлат аграр ун-ти, Самарқанд ва Андижон қишлоқ ҳўжалик ин-тларида тайёрланди.

Убайдулла Носиров.

Қорамолчиликда маданий чорва зотларини бошқа жойлардан олиб келиб, маҳаллий шароитга мослаштириш, мейёрида озиқлантириш, тўғри парвариш-лаш ва танлаш-саралаш ишларини амалга ошириб, улар маҳаллий мол зотлари б-н чапиштирилди. Натижада 1918 й.да маҳсулдор Бушўев қорамоли яратилди (М.М.Бушўев); кейинчалик у такомиллаштирилиб, 1967 й.да сўт йўналишидаги зот сифатида тасдиқланди (А.А.Атбашьян, А.М.Мустафоев). Қора-ола (Т.Ф.Тавилдарова, Э.Ю.Карчевский, А.И.Решетов, М.Аширов) ва швиц (М.И.Самарцев, К.Мадаминов) қорамолларнинг янги сермахсул маҳаллий зотлари етиштирилди. Қизилқўл зотли қорамолларни маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш борасидаги и. т. ишлари ҳам яхши натижалар берди (Н.О.Мавлонов, Н.И.Бисерова ва б.). Республикада гўшт учун боқиладиган қорамолчилик тармоғи ташкил қилиниб, хоржидан келтирилган санта-гертруда, абердин-ангус ва қозоқи оқ бош зотли молларни соф ҳолда кўпайтириш йўлга қўйилди ҳамда геррефорд, шароле, киан ва лимузин зотларни маҳаллий қорамоллар б-н чапиштириш синаб кўрилди. Натижада сермахсул подалар вужудга келди (У.Н.Носиров, Б.Д.Ли). Ўзбекистон шароитида илмий асосланган сўт етиштиришни жалаллаштириш ва унинг сифатини яхшилаш технологияси яратилди (Ш.А.Акмалхонов, М.Мирҳидоят); қорамол

гўшти и. ч. технологияси илмий жиҳатдан асосланди, моллар вазнининг тез ўсиши, гўштдорлик хусусиятининг шаклланиш жараёни ва унинг сифатини яхшилаш омиллари аниқланди ва амалда татбиқ этилди (У. Носиров, И. Хидиров, З. Тўрақулов, К. Х. Хабибуллин, А. Абдурашитов, П. С. Собиров). Ем-хашакни тўғри сақлаш ва тайёрлаш технологияси, уларнинг туйимлилиги ҳамда хушхўрлигини ошириш, чорва ҳайвонлари ва паррандаларининг озуқа меъёри ҳамда рационлари, омихта ем таркибини тузишининг илмий асосланган ишланмалари амалда қўлланилди (Е. М. Ершова, Н. К. Алексеева, К. К. Карибаев, Е. В. Рибина).

Убайдулла Носиров.

Қўйчилик Ўрта Осиёда чорвачиликнинг қад. тармоқларидан бири. Чорвалар узок танлаш ва саралаш йўли б-н энг машҳур қорақўл ва ҳисори қўйларини яратганлар.

20-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб йирик ихтисослашган наслчилик йўналишидаги хўжаликлар (наслчилик э-длари) ташкил этилди. 30–50-й.ларда собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудларидан майин жунли қўй (меринослар) келтирилиб, уларни Ўзбекистон шароитларида иқлимлаштириш, боқиш ва урчитиш муаммолари ўрганилди. Майин жунли қўйчиликни ривожлантириш, каммаҳсул қўйларни маҳсулдор қўй зотлари б-н чапиштириш, қўйларни сунъий уруғлантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ишлари йўлга қўйилди, қўйларни боқиш, асраш шароитлари бўйича изланишлар олиб борилди. Ўзбекистон чорвачилик и. т. интида ҳисори қўйларнинг икки тизими, гўштдор-сержун қўйларнинг оҳангарон, паркент, келес ва бўстонлиқ хиллари яратилди (П. Ф. Кияткин, И. А. Тапильский, Ф. Х. Мамадалиев, А. А. Йўлдошев, Й. Курбанов ва б.); 1966 й.дан Ўзбекистон гўштдор-сержун қўйлари деб аталади.

Ўзбекистонда қорақўлчиликка илмий ёндошиш 1914 й.да Каттақўрғон ш.да ва 1926 й.да Бухоро вилоятида тажриба қўйхоналарининг ташкил этилишидан бошланган. Булар асосида Каттақўрғон ҳудудий тажриба ст-яси ташкил этилди (1930), 1934 й.да тажриба ст-яси Бутуниттифоқ қорақўлчилик и. т. ин-тига айлантирилди ва Самарқанд ш.га кўчирилди (ҳоз. Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси и. т. ин-ти). Ин-тида қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритишнинг илмий ва амалий асослари ишлаб чиқилди, юқори маҳсулдор насли сурвлар яратилди. Қўйларни танлаш,

жуфтлашнинг илмий усулларини яратиш бўйича и. т.лар олиб борилди ва қорақўлчилик тажрибасини ўрганиб, уни қўллашга катта эътибор берилди. Қорақўлчиликни ривожлантиришнинг илмий асослари, қўйларнинг ноёб, рангбаранг тери берадиган наслдор гуруҳлари ва тизимларини яратишда Ўзбекистон қорақўлчилик и. т. ин-ти олимлари (А. М. Лисов, И. Н. Дьячков, А. А. Рахимов, М. А. Кошевой, Р. Г. Валиев, А. П. Воробьёвский, Э. Атақурбанов, У. Орипов, С. Ю. Юсупов ва блар)нинг ишлари катта аҳамиятга эга. Республикада ҳар қил рангли барра типли тери берувчи қорақўл қўйларнинг 30 дан зиёд завод типлари яратилиб, зотнинг генетик потенциалини бойитишга ва соҳанинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга шароитлар яратилди. Яйлов-геоботаник тадқиқотлар натижасида қорақўлчилик маҳсулотлари орқали чўл яйловларини баҳолашнинг «кадастр» тизимини ишлаб чиқишга асос солинди (Л. С. Гаевская). Чўл яйловларини тубдан яхшилаш, кузги-қишқи, кўп йиллик яйловлар, уларни ҳимояловчи қора саксовулли йўлакчалар яратишнинг самарали усули ишлаб чиқилди. Бу яйловлар учун истиқболли озуқа экинлари (қора саксовул, шувуқ, изен, шўрга чидамли бир йиллик ўсимликлар) танланди ва шулар негизиде қисқа муддат ичида қимматли чўл озуқабоп экинлар уруғчилиги технологиясининг илмий асослари ишлаб чиқилди (З. Ш. Шамсуддинов, В. Ю. Шегай, А. А. Хамидов, Р. М. Чалбаш, М. М. Маҳмудов, И. О. Ибрагимов). Бухоро қорақўл э-диде қорақўлчилик хўжаликларида етиштирилган қорақўл терилар сифатини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилди (М. Ж. Зокиров, С. Ю. Юсупов ва блар). Кейинги йилларда бу корхонада кўк, рангдор ва қорақўлча терилар стандартларининг лойиҳалари, терига ишлов беришнинг кимёвий усулга асосланган янги технологияси яратилди ва қорақўл э-дларида қўллаш учун тавсия этилди (М. А. Искандаров ва блар). Қорақўлчилик соҳасидаги и. т. ишларини Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси и. т. инти мувофиқлаштиради.

Файёз Жасимов.

Эчкичилик. Қадимдан тоғли ва тоғ олди ҳудудларида жунли дағал ва каммаҳсул жайдаир эчкилар боқилади. Ўзбекистонга 1936 й.да АҚШнинг Техас ва Нью-Мексика штатидан келтирилган ангор зоти такаларини маҳаллий дағал жунли эчкилар б-н чапиштирилиб майин жунли сержун эчки зоти чиқарилган

(1962). Уни такомиллаштириш ишлари давом этмоқда (2005). Сержун эчкиларнинг Ўзбекистон зоти ҳамда кўк, кулранг ва қора рангли тивит берадиган сурвлар яратилди. Ўзбекистон чорвачилик и. т. ин-тида уларни соф зотли урчитиш усулида такомиллаштириш асослари, тивит чиқишини кўпайтириш, шунингдек, серсут оренбург, заане, рус эчки зотлари зоотехниясига ўрганилди (М. Ҳ. Ҳайдаров, С. Калантаров, Я. Б. Сон, С. Ҳожибеков, Б. А. Сувоқулов ва б.).

Йилқиччилик (иппология) б-н Ўзбекистонда қадимдан шуғулланиб келинган. Ҳарбий ишларда ва салт миннш, юкташиш, улов мақсадларида отлардан кенг фойдаланиш уларнинг анатомияси ва физиологиясини, урчитиш усуллари ва кўпайтириш биол.сини, зотларни такомиллаштириш ва янги от зотларини яратишни, наслчилик ишлари ҳамда от синовларини ўтказишни тақозо этиди. Мил. ав. 2–1-а.ларда Даван (Фарғона) да йилқиччилик юксак даражада ривожланган. Халқ селекциясида гоят нодир қорабайир ва лақай от зотлари яратилган. 20-а.нинг 30-й.ларидан Ўрта Осиё минтақавий йилқиччилик ва туячилик тажриба ст-яси (1932), чорвачилик тажриба ст-яси (1933)да республика йилқиччилик муаммоларини илмий ўрганиш ишлари бошлаб берилди. От э-дларида, йилқиччилик хўжаликларида, йирик фермаларда, наслчилик, сунъий уруғлантириш ст-яларида наслчилик ишлари давом этиди. Наслчилик йилқиччилиги, ишчи отлар етиштириш, маҳсулдор (гўшт-сут) йилқиччилиги, от спорти йилқиччилиги йўналишларида илмий изланишлар олиб борилди. Қорабайир от зотининг қимматли зот гуруҳлари ва э-д линиялари чиқарилиди (В. А. Шчекин, С. В. Вихрев). 3 жилдан иборат «Қорабайир от зоти» давлат наслчилик китоби (В. А. Шчекин; 1947), 80-й.ларда йилқиччилик бўйича олий ўқув юртлари учун дарслик яратилди (З. Т. Тўрақулов ва б.).

Абдусаттор Курбанов.

Паррандачилик. Ўзбекистонда паррандачилик соҳасидаги илмий ишлар чорвачилик и. т. ин-ти таркибида паррандачилик бўлими (1958)нинг ташкил этилиши б-н бошланди. Бўлимда товуқ, гоз, ўрдак, курка ва б. паррандаларни республика шароитида етиштириш ва боқишнинг умумий масалалари ўрганилди. Кейинчалик бу бўлим селекция ва генетика бўлимига (1972), селекция марказига (1984) айлантирилди. Олиб берилган изланишлар натижасида хоржидан келтирилган серпушт ва гўштдор товуқ зот ва кроссларини маҳаллий ша-

роитга мослаштиришнинг илмий асослари ва маҳсулдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилди. Товуқларнинг юқори маҳсулдор дурагайлари яратилиб (йиллик серпуштлиги 260 дона тухум), ихтисослаштирилган паррандачилик ф-каларида жорий этилди (С. Ф. Азимов).

Ўзбекистон паррандачилик илмий марказининг ташкил қилиниши (1999) соҳала и. т. ишларини кенг қўламда олиб бориш ва инновация дастурларини амалга ошириш имконини яратди. Марказнинг бир гуруҳ олимлари селекциянинг янги усулларини амалда қўллаб товуқларнинг юқори маҳсулдор, касалликларга чидамли ва маҳаллий шароитга мослашган 2 тизимли «Ўзбекистон» кроссини ва Ўзбекистон-12 дурагайини яратдилар (2002; С. Ф. Азимов, Х. К. Алимов, Д. С. Азимов). Марказга 3 та патент ва муаллифларга 13 та селекция гувоҳномалари берилди.

«Ўзбекистон-1» ва «Ўзбекистон-2» тизимлари таркибида 6 та микротизим яратилди ва товуқларнинг серпуштлиги 275 – 280 дона тухумга етди. Бу микротизимларда тухум вазинни ошириш бўйича селекция ишлари олиб борилиб, янги генотиплар яратилди. Товуқларнинг янги кросси яратилиши б-н паррандачиликда наслчилик ишларини илмий асосда амалга ошириш ва наслчилик базасини яратишга эришилди. «Ўзбекистон» кроссига мансуб товуқларнинг насли тухумлари паррандачилик ф-каларида ва фермер хўжаликларидида жорий қилинди.

Товуқхоналарда ҳаво ҳарорати юқори бўлган даврда товуқлар учун озиклантириш меъёрлари, ёғ-мой экстракция з-дларида ҳар хил технологик режимларда ишлаб чиқилган пахта шроти ва маҳаллий озуқа турларидан фойдаланиб жўжалар, товуқлар ва куркалар учун омихта ем рецептлари ва озиклантириш рационлари (Е. В. Рибина), калорияси паст соя шротини пахта шроти б-н аралаштириб, жўжалар ва товуқлар учун ферментлар б-н бойитилган биологик тўла қийматли ТЭК-СХ-2 ва МЗК-СХ-3 рационлар, паррандачилик хўжаликларининг озиклантириш цехларида тўйимлилиги паст бўлган з-д омихта емларини маҳаллий донли, оқсилли озуқа турлари, минерал моддалар ва гилмоя б-н бойитиш технологияси ишлаб чиқилди (Е. В. Рибина, Д. С. Азимов, Ю. Мирзаалиев).

Маҳаллий Ўзбекистон куркалари б-н Шим. Кавказ ва оқ кенг кўкракли куркалар чатиштирилиб, Ўзбекистон бронза ва сарғиш куркаларининг популяци-

ялари яратилди. Куркаларнинг она галлари ва уч ойликдан катта бўлган жўжаларини йил бўйи шийпонда асраш технологияси ишлаб чиқилди (З. М. Аширов).

Сайфитдин Азимов.

Асаларичилик. Ўзбекистонда асаларичилик маҳсулотлари қадимдан озиқ-овқат ва дори-дармон сифатида маълум бўлса-да, асалариларни қутиларда боқиш 19-а.нинг 2-ярмидан бошланган. Туркистонга дастлабки қутили асалари оилалари 1841 й.да Қозоғистоннинг Семипалатинск вилоятидан келтирилган. 19-а.нинг 2-ярмидан ўрта рус асалариси, кавказ қулранг тоғ асалариси, украин дашит асалариси ва б. олиб келинган ва турли иқлим-шароитларида ўрганилиб, Ўзбекистонда биол.си ҳамда фойдали хўжалик белгилари б-н аждоларидан фарқ қиладиган асаларилар популяцияси яратилган (1872 й.да Тяньшань тоғлари этагидаги Бурчмулла қишлоғига 2 қуви асалари жойланиб, асалари оилалари кўпайтирилган).

Ўзбекистонда асаларичиликни ривожлантириш мақсадида чорвачилик и. т. институти қошида асаларичилик бўлими ташкил қилинди. Бу бўлим асалари биол.си, уларни парвариш қилиш ва кўпайтириш, асалари озуқаларини ўрганиш, асалари касалликларига қарши кураш, Ўзбекистонда ёввойи маҳаллий асалариларни топиш, ўрганиш, уларни бошқа асалари турлари б-н чатиштириш ва маҳаллий арлар маҳсулдорлигини ошириш ишлари б-н шугулланди. Ари турлари ва республикада учрайдиган, таркибида кўп миқдорда асал тутувчи ўсимликлар тадқиқ қилиниб, асал етиштиришнинг самарали технологияси яратилди (Н. Ф. Крахотин, Ш. Ямалдинов, К. Раҳматов, В. Стояров-Афанасьев).

Республикада ихтисослаштирилган асаларичилик хўжаликлари ташкил этилган. Асаларичилик муаммоларини Республика «Асал» уюшмаси (1998) мувофиқлаштиради.

Пиллачилик (ипакчилик). Ипакчиликни илмий асосда ривожлантириш мақсадида Тошкент ипакчилик ст-яси негизда Ўрта Осий (ҳоз. Ўзбекистон) ипакчилик и. т. ин-ти (1927) ташкил қилинди. Бу ерда дастлаб, асосан чет эл тажрибалари ва пиллачиликни олиб бориш усуллари ўрганилди: ипак қурти экологияси ва физиологияси бўйича изланишлар бошланди. Ипак қуртининг янги зот ва дурагайлари ҳамда тут навларини яратиш, сифатли қурт уруғи (тухуми) ва пилла тайёрлаш, уни қайта ишлаш ва сақлаш усулларини ишлаб чи-

қишга доир тадқиқотлар ўтказилди. Ген инженерияси услубларига асосланиб, дунё пиллачилигида биринчи бўлиб, тут ипак қуртининг жинси орқали бошқариладиган зотлари, фақат эркак қуртлардангина иборат дурагайлари (пилла маҳсулдорлиги 18 – 20% юқори), гетерозис кучига эга партеноклон ва гомозигот линиялари етиштирилиб, 100% тоза дурагай уруғлар олиш биотехнологияси ишлаб чиқилди (В. А. Леженко, Л. М. Фуломова, С. С. Леженко, Р. Қурбоннов, Ш. А. Каримова, А. Б. Ёқубов). Ипак қурти наслчилигининг асосий усуллари ва элита дурагайлари олиш қоидаларига риоя қилиш асосида мураккаб дурагайлар яратилди (А. Сафонова ва б.). Кейинги йилларда биокимёвий тестлар ёрдамида йирик пиллали зот ва дурагайлар яратилди, ипак қуртининг оила-оила тарзида кўпайтиришга асосланган технологик регламенти, наслчилик ст-ялари ва уруғ з-дларида тайёрланаётган ипак қуртининг наслдор ҳамда саноат-боп уруғлари сифатини оширишга доир қатор ишланмалар тавсия қилинди. Пилланинг ипакдорлиги 13 – 14% дан 24 – 26% га етказилди (А. И. Эммануилов, Н. В. Шуршикова, В. А. Струнников, А. М. Сафонова). Барака 1, Барака 2, Ўзбекистон 5, Ўзбекистон 6, Орзу, Юлдуз, Ипакчи-1, Ипакчи-2, Тошкент аграр ун-ти, Ўзбекистон ипакчилик и. т. институти дурагайлари давлат ва кенг и. ч. синовидан ўтказилди (У. Насриллаев, Н. Аҳмедов, А. Ёқубов ва б.).

Кейинги йилларда баҳорги инкубация даврида тут барглари совуқ уриш ҳоллари рўй берганда ипак қурти уруғини жонлантиришда эмбрион ривожланишини вақтинча тўхтатиб туриш ва қурт боқиш даврида қуртхона ҳавосини алмаштириш каби янги усулларнинг яратилиши (Н. Аҳмедов) ипакчиликда ихтисодий самарадорликни ошириш имконини яратди.

Дурагай уруғлар тайёрлаш, пиллани жинсларга ажратишнинг вариацион усули (И. Шчербаков), қурт уруғи тайёрлашнинг термик усули, уруғ жонланишини прогноздаш ва сифатли уруғ тайёрлаш усули, турли муддатларда қурт боқиш учун уруғ тайёрлаш ҳамда сақлаш, шунингдек насли пиллаларни ажратиб олиш йўллари (Э. Поярков, А. Ханов, Л. Янова, В. Янов), ипак қуртининг пибрина касаллигига қарши кураш усуллари (Л. Кашкарова, Л. Янова) жорий этилди. Қуруқ ва тирик пиллаларга давлат стандартлари яратилди ва улар такомиллаштирилмоқда (З. Обиджонов), пиллаларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш учун у серти-

фиқатлаштирилди (Ш. Йўлдошев). Пиллачилликни механизациялаш соҳасида насли пиллаларни навларга ажратадиган (В. Янов ва б.), папильонаж ишларини бажарадиган, гумбакни ўлдирадиган (А. Мирзахожиев ва б.) машина ва қурilmалар яратилди.

Ипакчиликни механизациялаштириш соҳасида бир қатор пиллачиллик машиналари (СКЭ-4ВУ; КЗ-150ШЛ ва б.); технологик ускуналар (СММ-6, МК-1, РКУ ва б.) яратилди ва и. ч.га жорий этилди. 42 ихтиро учун муаллифлик гувоҳномалари олинган (Э. Б. Рубинов, М. Мирзарахметов, А. В. Новиков, М. Ш. Мирқосимов, Ф. Қ. Қўқонбоев, О. А. Охунбобоев, Г. А. Раҳимжонов, Г. Н. Валиев, Г. Г. Асроров ва б.), Марғилон шаҳри «Шойи» и. т. ин-ти (1937) да пилладан ажратиб олинган ипак хом ашёсини, ипак маҳсулотлари ва ипакни қайта ишлаш жараёнидаги чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик, иқтисодий, меъёрий ва ташкилий муаммолари ўрганилди.

Тут селекцияси б-н шугулланиш 30-й.лардан бошланиб, ҳозиргача унинг 200 га яқин нав ва дурагайлари етиштирилди (А. С. Диличенко, М. И. Гребинская, О. П. Пулатов, Х. Қўчқоров ва б.). Тут уругидан ва қаламчаларидан (К. Раҳмонбердиев) ниҳоллар ўстириш усули ишлаб чиқилди ва и. ч.га жорий этилди; жалал усулда тутзорлар барпо этиш тавсия қилинди; такрорий курт боқиш учун тутзорларга махсус ишлов бериш агротехникаси ишлаб чиқилди (И. Мирзолимов, Х. Убайхўжаев). Тутнинг 62 хил юқумли ва юқумсиз касалликлари ҳамда асосий зараркундалари аниқланиб, уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган. Касалликлар ва зараркундаларга чидамли тут навлари етиштирилди (Е. Ашқинази, Э. Азимжонов, И. Чичигина, Ф. Одилов ва б.). Пиллачиллик бўйича и. т. ишлари Ўзбекистон ипакчилик и. т. ин-тида олиб борилади.

Намоз Аҳмедов, Давронбек Холматов.

Ветеринария. Республика қ. х. ҳайвонлари ва паррандаларининг касалликлари ҳамда паразитларини илмий ўрганиш Ўрта Осиё ветеринария-бактериология лаб. Ўзбекистон ветеринария и. т. институти (1926) ташкил қилингандан кейин бошланди (бу ин-т 1959 й.да Самарқанд вилояти Тайлоқ қишлоғига кўчирилган). Ветеринария фанининг асосий фаолияти республикада учрайдиган ва кириб келиш хавфи бўлган турли юқумли (шу жумладан ўта хавфли), паразитар ва юқумсиз касалликларга

қарши кураш, олдини олиш ва даволашнинг илмий асосланган чора-тадбирлари, усул, воситаларини яратишга қаратилган. Республика ветеринариясининг энг йирик илмий ютуқларидан бири чорва ҳайвонлари касалликларига қарши вакциналарнинг яратилиши бўлди. Қўйлар браздоти (А. А. Волкова), эчкиларнинг юқумли плевропневмонияси (Ф. Д. Лукашенко, И. С. Полковникова), қ. х. ҳайвонлари бруцеллезига қарши вакцина (Р. Г. Яраев), қузи, чўчқа боласи ва бузоқларнинг колибактериози, сальмонеллез (А. К. Сиддиқов, И. Д. Бурлацкий), қ. х. ҳайвонларининг қутуриш касалиги (Н. М. Маматов ва б.), қ. х. ҳайвонларининг юқумли бактериал касалликларига қарши радиовакциналар (Р. У. Булханов, Н. Н. Исомов), қорамоллар тейлерози (И. Х. Расулов ва б.), қузилар ценурози (М. А. Аминжонов) кабиларга қарши вакциналар ва гипериммун қон зардоби (И. Д. Бурлацкий) амалга татбиқ этилди. Паразитар касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашнинг комплекс усуллари ишлаб чиқилди ҳамда янги даволовчи препаратлар яратилди (И. Х. Эргашев, Ш. А. Азимов, А. О. Орипов, А. Р. Рўзимуродов, Б. С. Салимов, У. У. Узоқов, Т. Х. Раҳимов, А. Г. Гафуров, Г. С. Пулатов, Н. Х. Енилева). Қ. х. ҳайвонлари ва паррандаларида кенг тарқалган юқумли ҳамда юқумсиз касалликларни таҳлил қилиш, уларга қарши кураш чораларини такомиллаштиришда, даволовчи усул ва препаратларни яратишда муҳим ишлар амалга оширилди (А. К. Сиддиқов, Н. Х. Шевченко, Н. Н. Исомов, Х. С. Салимов, Ф. А. Ниязов, Т. Б. Боймуродов, Ф. И. Ибодуллаев, И. В. Ряснянский, В. Р. Хаитов, Ш. М. Рузиев, М. Қ. Бўтаев, Р. А. Исмаева ва б.). Ветеринария бўйича и. т. ишлари Ўзбекистон ветеринария и. т. ин-ти, Самарқанд қишлоқ хўжалиги ин-ти ветеринария ф-тида ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ветеринария бош бошқармаси тармоқ лаб.ларида олиб борилади.

Маҳмуд Бутаев.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш. 1920–24-й.ларда Туркистон давлат ун-ти қошидаги қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш бюроси Ўрта Осиёдаги хўжаликларнинг и. ч. турларини ўргана бошлаган. 1931–34-й.лари Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши томонидан боғдорчилик ва узумчилик, кўчманчи (тарқоқ) хўжаликлар иқтисодиётига оид тадқиқот

ишлари олиб борилиб, Ўзбекистондаги аграр ўзгаришларнинг бориш усуллари ва ихтисослашган хўжаликларнинг иқтисодий самардорлиги ўрганилди. 1930 й.лардан бошлаб то урушдан кейинги йиллар давомида ҳам пахтачилик иқтисодиёти бўйича илмий изланишлар Буниттифоқ пахтачилик и. т. институти иқтисодиёт бўлимида амалга оширилди. 1957 й.да Ўрта Осиё қ. х. иқтисодиёти и. т. институти ташкил этилди. Аграр фанининг назарий асослари шу даргоҳда шаклланди ва ривожлантирилди. қ. х. ишлаб чиқаришини кенгайтирилган такрор и. ч. асосида ихтисослаштириш ҳамда минтақаларга мувофиқ жойлаштириш муаммолари таҳлил қилинди, шунингдек уларнинг келажақда зарур оптимал ҳажмлари белгиланди; пахтачилик ва б. тармоқларда агроэкоинтеграцияси, и. ч. кооперациясининг ташкилий шакллари ва асосий йўналишлари асосланди (К. И. Лапкин, М. Т. Ризаев, И. С. Ларин, Р. Ражапов ва б.). Иқтисодий рағбатлантириш ва хўжалик ҳисобини такомиллаштира бориб, пахтачилик ва б. тармоқлар рентабеллигини ошириш йўллари (С. Н. Усмонов, А. С. Цамутали, Э. Т. Шайхов, Х. М. Жалилов, К. А. Ҳасанжонов, А. А. Шокиров, Н. С. Хушматов, Р. В. Абдуллаев ва б.), ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳар гектар сугориладиган ердан яхши самара олиш (А. М. Давидов, Ф. Қ. Қаюмов, Ю. Е. Шенкер ва Ж. М. Медетуллаев, С. Ч. Жатолов, Г. Ф. Трушин), илғор технология ва қ. х.ни тўлиқ механизациялаштириш негизини меҳнат унумдорлигини ошириш (В. И. Платонов, Т. Т. Зинин, Л. Н. Данилова, Р. Х. Хусанов) масалалари кенг миқёсда ўрганилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида деҳқон, фермер ва шахсий томорқа хўжаликларининг тараққиётига шароит яратиш, нарх, молия-кредит ва солиқ тизимини такомиллаштириш (С. Н. Усмонов, Ф. Қ. Қаюмов, П. Х. Носиров, Р. Ҳ. Ҳусанов, Ф. А. Назарова, И. Б. Галеев ва б.), и. ч. салоҳиятидан самарали фойдаланиш, и. ч.ни ва ижтимоий инфратузилмнинг ривож имкониятларини топиш (М. Т. Ризаев, Қ. А. Чориев, А. Жўраев, Э. И. Газиянц) ва и. ч.ни компьютерлаштириш масалалари (С. С. Фуломов, Б. А. Абдалимов, Н. С. Зиёдуллаев) ўрганилди. Шунингдек, бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, капитал, иш кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш, уларни сақлаш, сотиш, таъминот хизмати кўрсатиш, фермер хўжаликлари фаолияти ва уларни

ривожлантириш муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда (А. Исмоилов, О. Муртазоев, Ф. А. Саматов, Ж. Ёлгоров, А. Жураев, О. Олимжонов ва б.).

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-и. ч. марказининг Бозор ислоҳотлари и. т. институти ва б. илмий марказларда, Тошкент аграр ун-ти кафедраларида қ. х. иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш муаммолари бўйича и. т.лар олиб борилади.

Расулмат Хусанов.

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ

Ўрта Осиёда тиббиёт фанлари кўҳна ва бой тарихга эга. Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида қадимда кенг қўламда олиб борилган илмий ва амалий ишлар кўпгина хасталиклар (мас., зотилжам, буқоқ, саратон, ўт пуфаги ва буйрак тоши касалликлари, темиртки, гуш яра, безгак, терлама, вабо, тоун, чечак, чиллашир ва б.)ни тўғри ажрата олиш ва уларни, асосан, халқ табobati ёрдамида даволаш имконини берган.

Қадимда ва, айниқса, 9–12-а.ларда тиббиёт фани Шарқда, хусусан Марказий Осиё минтақасида раванқ топди. Ўша даврда юнон тилидан санскрит ва б. қадимий Шарқ тилларига ўтирилган кўпгина тиббий асарлар пайдо бўлди. Жумладан, Аристотель, Диоскорид ва Галеннинг доришуносликка оид асарлари сурёний ва араб тилига таржима қилинди. Шарқда Абу Ханифа ал-Динаворий «Китоб финанбот» («Ўсимликлар ҳақида китоб»)ни яратиб, унда 482 хил ўсимликнинг дорилик хусусиятларини баён этди. Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ас-сайдана фи-т-тиб» («Тиббиётда доришунослик») асари ўша давр тиббиётининг энг катта ютуғи бўлиб, Ўрта Осиёда доришунослик илми – сайданага асос солди. Машҳур табиб Абу Бакр ар-Розийнинг тиббий қомуси ҳисобланган 25 жилдли «Ал-Жомий ал-кабир ва кад урифа би-л-Ҳовий» («Ал-Ҳовий номи б-н танилган катта тўплам») Фарб ва Шарқ табobatiда шу давргача машҳур бўлиб келди; 10 жилдли «Табобат китоби» ҳамда «Чечак ва қизамиқ ҳақида»ги китоби тиббиётда муҳим аҳамият касб этди.

Абу Али ибн Сино тиббиёт ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг «Ал-қонун фи-т-тиб» («Тиб қонунлари») асари ҳақон табobatiда асосий қўланма бўлиб келди. 12-а.даёқ бу китоб лотин тилига таржима қилинган эди. Кейин-

чалик у қайта-қайта нашр этилди. Ибн Синонинг бизгача етиб келган энг муҳим асарларидан яна бири «Ал-Адвия ал-қалбия» («Юрак дорилари») дир. Унинг «Китоб уш-шифо» («Шифо китоби») 18 жилддан иборат. Олимнинг асарлари 280 дан ошади, шулардан 40 дан ортиғи тиббиётга оид.

Абу Мансур Бухорий тибга оид «Мажмуъа-йи кабир адвият муфрада» («Солда дорилар ҳақида катта тўплам»), «Рисола дар иложи амроз-и садр» («Кўкрак касаллиқларининг давоси ҳақида рисола»), «Китоб гуно ва муно» («Мақсадларни мукамал баён қилган китоб» каби асарлар яратган. Буларда ичак, тери касалликлари, иситма-безгак, уларга қарши дорилар ва даволаш усуллари баён этилган.

Шарафутдин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Илоқий ҳам касаллиқларнинг келиб чиқиши, сабаблари, белгилари, уларни аниқлаш ва даволашга оид «Асбоб вал аломат» («Тиббиётнинг умумий масалалари ҳақида китоб»), «Куллиётти тибби Илоқий» («Пропедевтиканинг танланган боблари») каби асарлар яратган.

Ўша даврнинг йирик табиблари Бадриддин Самарқандий, Муҳаммад ибн Баҳром Калонийлар ҳар хил касаллиқларга қарши мураккаб дорилар тайёрлаб, тажрибада синаб кўришган.

13-а.да ўтган машҳур табиб Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Али ибн Умар Нажмиддин Самарқандий «Агзият ал-марзо» («Касаллар истеъмол қиладиган овқатлар») номли китобида ҳар бир касалликда қандай таом истеъмол қилиш ва қайси овқатларни емаслик кераклиги, овқатларнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида фикр юритади.

Султон Али Хуросоний (15–16-а.) ўз тажрибалари асосида «Дастур ал-илож» («Касалларни даволаш бўйича қўлланма») ва «Муқаддимаи дастур ал-илож» («Касалларни даволаш бўйича қўлланмага кириш») асарларини ёзган. Уларда иситма, яллиғлиниш, яралар, тери касаллиқларини даволашга доир жуда кўп маълумотлар келтирилган. Унинг иккинчи асари 19-а. бошларида ўзбек тилига таржима қилинган.

Абул Ҳазрийхон ибн Араб Муҳаммадхон Хоразмий муҳим тиббий асарлари, жумладан эски ўзбек тилида ёзилган «Манофиъ ал-инсон» («Инсон учун фойдали дорилар») номли асари б-н шуҳрат қозонган.

Хоразмда яшаб ижод этган табиб Жабфархўжа ибн Насрулдинхўжа ал-Хусайний ва ал-Какукий Ҳазораспийнинг (18–19-а.) ўзбек тилида ёзилган

«Мултақий ат-тиб» («Тиббий маълумотлар тўплами») номли асарида, асосан, ҳар хил касаллиқлар ва уларни даволаш усуллари баён этилган.

Муҳаммад Ҳаким Яйфоний Хўқандий ўз давригача Шарқ табobati қўлга киритган ютуқларга шахсий тиббий тажрибаларини қўшган ҳолда «Қонун алилож» («Даволаш қонуни») ва «Тариқ ал-илож» («Даволаш усули») асарларини ёзиб қолдирган. Тошкентлик табиб Боситхон Зоҳидхон ўғлининг ўзбек тилидаги «Қонун ал-мабсут» («Кенг қонун») ёки «Қонуни Боситий» («Босит қонуни»), «Истилоҳот ал-атиббо фи интофўёт ал-ахиббо» («Дўстлар фойдаланадиган тиббий атамалар») ва доришуносликка оид «Фавоид алалвия ва мавоид ал ағзия» («Дориларнинг фойдалари ва овқатларни тугтиб туриши») асарлари маълум.

19-а.нинг 2-ярмида ҳоз. Ўзбекистонга подшо Россияси истилоси б-н Европа тиббиёти кириб келди. Бу ҳол умуман ижобий роль ўйнаса ҳам бироқ, ўз навбатида, халқ табobati анъаналарининг аста-секин амалиётдан чиқа боришига сабаб бўлди.

20-а. 20-йилларида Ўрта Осиё ун-тида ташкил этилган тиббиёт ф-ти кейинчалик мустақил ин-тга (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) айлантирилди. Яна бир қанча тиббиёт олий ўқув юртлири ва и.т. институтлари ташкил этилди. Ўзбекистонда 9 та тиббиёт ин-ти, фармацевтика ин-ти ва 19 та и.т. институти бор (2006).

Тиббиёт илми, асосан, ўлкада кенг тарқалган безгак, меъда-ичакнинг ўткир ва юқумли касалликлари, чиллашир, хатарли ва б. турдаги камқонлиқларга қарши курашишга қаратилди. Натижада илгари кўп учраган ва оғир оқибатларга олиб келган касаллиқларга барҳам берилди. Бу соҳада А.Н.Крюков, П.Ф.Боровский, И.А.Кассирский, Л.М.Исаев, Э.И.Отахонов, А.А.Асқаров, И.И.Исмоилов, Т.Х.Нажмиддинов, З.И.Умидова ва б. олимларнинг хизматлари катта.

Ҳоз. пайтда тиббиёт илмининг устувор йўналишлари она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, кўп тарқалган эпидемик ҳамда нозепидемик хасталиқларни камайтириш ва олдини олиш, инсон экологияси каби долзарб муаммоларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, тиббиёт генетикаси, иммунология, биотехнология, касаллиқларни ультратовуш ёрдамида аниқлаш, лазер нуллари б-н даволаш, кардиохирургия, фармация соҳаларида ўта муҳим илмий ишлар олиб борилмоқда.

Шу кунга келиб бошқа соҳаларда бўлгани каби мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида ҳам тиббиёт амалиётидаги ислохотлар бошланган янги давр дейиш мумкин. Яқин-яқинларгача аҳоли гавжум яшайдиган жойларда фақат фельдшер- акушерлик пункти ёки қишлоқ врачлик амбулаторияларига бўлиб, унда касалликни аниқлаб ташхислаш ва тегишли даво бериш имкониятлари деярли йўқ эди.

Ҳозир давримизнинг янги ижтимоий ва иқтисодий шароитларига, шунингдек, бемор психологияси (руҳияти)га монанд равишда касалликлар профилактикаси, ташхиси ва давоси хусусидаги илгариги тамойилларни қайта кўриб чиқиш ва тақомиллаштириш зарурияти туғилди.

Шу муносабат б-н қишлоқ врачлик пунктлари ва врачлик амбулаториялари ташкил этилди, «уй шифохоналари» турмушга кириб келди. Шунга кўра республика тиббиёт ин-тлари, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида махсус дастурлар бўйича янги типдаги врачлар, жумладан, умумий амалиёт врачлари, онлавий врачлар ва ҳ.к.ни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг билим ва касб маҳоратларини ошириш ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда.

*Саиджалол Бахромов,
Салтанат Ибрагимова.*

Нормал анатомия. Ўзбекистонда бу соҳадаги тадқиқотлар дастлаб Туркистон давлат ун-ти негизда «Одам анатомияси» кафедраси ташкил этилганидан сўнг бошланди. И. т.лар Тошкент, Самарқанд, Андижон тиббиёт ин-тларида ва уларнинг Урганч, Нукус, Фарғона филиаллари нормал анатомия кафедраларида олиб борилди. 40-й.ларгача и.т.лар, асосан, антропологияга оид бўлиб, бел-думғаза нерв чигали ва калла суягининг қисий анатомия масалалари ўрганилди (Б.Г.Туркевич, С.Э.Циммерман, В.П.Матвеев).

40–60-й.ларда вегетатив нерв системасининг онтогенези ва унинг турли аъзолар ривожланишига таъсири ўрганилди (Э.Г.Слободин, С.Ш.Шаҳобидинов, Ҳ.З.Зоҳидов, Р.Э.Худойбердиев, Н.К.Аҳмедов, А.Т.Оқилов, Н.М.Холқўзиев). 70-й.дан одам аъзоларининг қон томир системаси морфологияси ва баъзи ташқи омиллар (нурлар ва жисмоний зўриқишлар)нинг периферик қон айланишига таъсири, нерв системасининг нормал ва баъзи патологик ўзгаришлардаги морфологияси, турли операция моделларида ички аъзолар (буй-

рак усти бези, меъда ости бези, жигар, ингичка ва йўғон ичак) қон томирлари ўзанининг ҳолатини ўрганиш устида тадқиқотлар олиб борилди, одам аъзоларининг топографияси, киши ёшини ҳисобга олиб туриб, морфометрия усулида ўрганилди, морфологиянинг фалсафий масалалари ишлаб чиқилди (Ҳ.З.Зоҳидов, Р.Э.Худойбердиев, Н.К.Аҳмедов, Н.А.Ибодов, И.К.Қосимхўжаев ва б.).

80–90-й.лардан ҳазм, нафас олиш системаси қон томирларининг нормал ва регенерация шароитидаги ўзгаришлари ҳамда нервларнинг тикланиши ва периферик қон айланиши устида илмий изланишлар олиб борилди (Р.Э.Худойбердиев, Н.К.Аҳмедов, Ф.Н.Баҳодиров, Ў.М.Миршаропов, И.К.Қосимхўжаев, Ш.М.Аҳмедов, С.А.Тен, Б.А.Ҳидоятлов, Ю.Н.Нишонов).

Ҳоз. кунда марказий нерв системаси ва ички аъзоларнинг гемоциркулятор ўзанининг ёшга қараб, шунингдек, ташқи экология омиллари таъсирида ўзгариши устида изланишлар олиб борилмоқда (Ф.Н.Баҳодиров, Ў.М.Миршаропов, И.К.Қосимхўжаев, Э.Шодиев, Т.А.Соатов ва б.).

Уткир Миршаропов.

Нормал физиология. Ўзбекистонда бу фаннинг ривожланиши 1921 й.да Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-ти қошида нормал физиология кафедрасининг очилиши б-н боғлиқ. Ўзбекистон иқлимнинг ўзига хос хусусиятлари – юқори ҳароратнинг организм фаолиятига таъсири ўрганилди (А.Ю.Юнусов, А.С.Содиқов, А.Х.Хошимов, З.Т.Турсунов, Г.Ф.Коротко). Юқори ҳарорат меъданинг шира ажратиши ва ҳаракатланишига, меъда ости бези ва ингичка ичакнинг секретор фаолиятига таъсири аниқланди (И.Г.Азимов, Б.С.Садриддинов). Иссиқ ҳароратда сув-туз алмашинувида бўладиган ўзгаришларнинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилди.

Кейинги йилларда физиологиянинг умумий муаммолари: ҳазм ферментларининг безлардан қонга ўтиши (инкреция), қонда бу ферментлар фаоллигининг давомийлигини таъминлаш қонуниятлари (Т.Қ.Фуломов), меъда ости безидан ферментлар ажралишининг ўз-ўзидан бошқарилиши механизмлари аниқланди. Жигар-ичакнинг ўзаро муносабатлари (Л.Х.Таланина ва б.), ҳазм системаси аъзоларининг функционал боғланишлари, бу аъзолар фаолиятининг онтогенезда шаклланиш масалалари (проф. У.З.Қодиров ва б.), ҳазм-транспорт тизимининг нормада ва орга-

низмнинг турли ҳолатларида ўзаро муносабатлари (А.Н.Дониёров), шунингдек, Ўзбекистон қ.х.да кенг қўлланилиб, одам ва ҳайвонларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган заҳарли моддаларнинг ҳазм системаси фаолиятига таъсири ўрганилди.

Ҳоз. мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар ҳамда олий ўқув юрти талабаларининг психофизиологик ҳолатлари ўрганилмоқда. Тошкент тиббиёт академияси, шунингдек, республикамиздаги мавжуд тиббиёт ин-тларининг нормал физиология кафедраларида шу соҳанинг энг долзарб масалалари мунтазам ўрганиб борилади. Сўнгги йилларда мазкур кафедраларда «нормал физиология» дарслиги ва ўқув қўлланмалари тайёрланди.

Ахрор Дониёров.

Гематология ва трансфузиология. Тиббиётнинг барча соҳалари каби гематология ҳам энг қад. фанлардан ҳисобланади.

Ўрта Осиёда гематология фанининг асосчиларидан бири Абу Али ибн Синодир, у ўз давридаёқ, ҳали микроскоп кашф этилмасдан қон ва унинг касалликлари ҳамда уни даволаш ҳақидаги маълумотларни баён қилган, 20-а.га келиб фан-техниканинг тараққий этиши гематология ва трансфузиология фанининг ривожига салмоқли таъсир кўрсатди. Ўрта Осиё ун-тида тиббиёт ф-ти жарроҳлик клиникаси қошида проф. И.И.Орлов раҳбарлигида қон қуйиш кабинетининг ташкил этилиши (1930), 1933 й.га келиб уни республика марказий қон қуйиш ст-ясига, 1940 й. эса Қон қуйиш ин-тига айлантирилиши гематология соҳасида туб бурилиш ясади. Кейинчалик бу ин-т негизда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли ҳоз. Гематология ва қон қуйиш ин-ти ташкил топди. Шу даврга келиб туман марказларида ҳам мустақил қон қуйиш бўлимлари ҳамда қон қуйиш ст-ялари фаолият кўрсата бошладилар.

Қон системаси касалликларини клиник-морфологик усул б-н ўрганиш классик гематологиянинг вужудга келишига асос бўлди. Олимлардан М.И.Аринкин тўш суягини пункция қилиш усулини (1927), И.А.Кассирский унда ишлатиладиган пункцион нинани ҳамда лимфа тугунлари, талоқ, жигар пунктларининг цитологик диагностика усулларини жорий қилишди, бу усуллар қон системаси касалликларини беморларда тезроқ аниқлаш имконини берди, анемияларнинг таснифи ва даволаш усуллари ишлаб чиқилди.

30–40-йилларда и.т.лар турли касалликларда қон қуйишнинг таъсири, консервланган қонни ташиш, безгак ва бруцеллёзни бартараф этиш мақсадида донорларни текшириш, болаларга қон қуйиш-қуймаслик масалаларига бағишланди.

40–50-й.ларда қонни консервлаш, донорлик, қон стабилизаторлари ва консервантларини ишлаб чиқиш масалалари, шунингдек, анемия патогенези, кўмикда қон яратилиши, периферик қон ҳолати масалалари ўрганилди. Чиллашир ва б. касалликларда анемияк синдромнинг патогенезига қараб даволаш усуллари ишлаб чиқилди.

50–60-й.ларда овқат ҳазм қилиш аъзоларининг турли касалликларида пайдо буладиган анемия патогенезини аниқлаш юзасидан тадқиқотлар олиб борилди; иссиқ иқлим шароитида қон кўриши ва адаптацион силжишлар, юрак-томир касалликлари б-н оғриган ҳамда қон етишмовчилигига мубтало бўлган беморларда қон яратилиши ўрганилди. 50-й.ларнинг ўрталаридан резус факторни аниқлашга киришилди.

20-а.нинг 60-й.ларига келиб деярли барча гемолитик анемияларнинг келиб чиқиши ўрганилиб, кўпгина янгиликлар қўлга киритилди. Ирсий сфероциттар гемолитик камқонликда талоқнинг олиб ташланиши ушбу дард оқибатларини бартараф этиш мумкинлигини кўрсатди.

1962 й.да Гематология ва қон қуйиш и.т. институтида қон группасини стандартлаш ва иммуногематологияни ўрганадиган лаб. ташкил этилди. 1963 й.дан тўқималар тайёрлаш хизмати йўлга қўйилди. 1968 й.дан Тошкент давлат тиббиёт ин-ти тўқималар мос келмаслиги и.т. муаммолари лаб. Гематология ва қон қуйиш и.т. институти б-н ҳамкорликда аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш масалалари устида тадқиқотлар олиб борди.

Ўзбекистонда аҳоли орасида учрайдиган гемолитик ва темир танқислиги б-н боғлиқ камқонликларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари атрофлича ўрганилган, уларни диагнози ҳамда даволашнинг энг самарали усуллари ишлаб чиқилган. Ҳоз. камқонликларнинг экогенетик жиҳатлари аниқланмоқда (С.М.Баҳромов, Х.Қ.Фармонқулов, А.А.Бугланов, Г.Т.Калменов, Х.М.Қозоқбоева, Ж.Т.Тожиёв, Қ.Ж.Болтаев ва б.).

Геморрагик диатезлардан тромбцитопеник пурпурда бемор талоғини олиб ташлаш, тромбастенияда унга аденозинтрифосфат кислотани буюриш

мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлди.

Тромб ҳосил бўлишига тўсқинлик қиладиган препаратлар (гепарин, фраксипарин, фибринолизин ва б.), шунингдек, қонни ивитувчи системанинг фаоллигини ва томирлар деворининг пишиқлигини оширадиган препаратлар (рутин ва б.) ишлаб чиқилди.

Ирсий-оилавий қон касалликларини ҳар томонлама (клиник, хромосом, биокимёвий, ирсий, геногеографик, оилавий ва б. жиҳатдан) ўрганишга киришилди. Шу боис қон гуруҳлари (ABO, резус-фактор ва бошқа системалар бўйича), уларга нисбатан пайдо бўладиган изоммунизация – изосерологиянинг ривожланишига, қон қуйишда тамомила бехатарликни таъминлаш чораларига катта эътибор берилди. Натижада амалётда компонент гемотерапия (қон ўрнига унинг айрим қисмларини – эритроциттар масса, лейкоцитлар ва тромбоцитлар концентратларини қуйиш) кенг қўламда қўлланила бошланди. Лейкозлар ҳақидаги билимлар мажмуаси – лейкозологиянинг ривож бу касалликларда моно- ва полихимиотерапия усуллари кўмик (ўзак ҳужайраларни кўчириб ўтказишнинг ишлаб чиқиши ва жорий этилишига олиб келди.

Ўзбекистонлик олимлар томонидан кўмикни кўчириб ўтказишда ҳар хил иммунодепрессантларни қўллаш, посттрансфузион асоратлар ва уларнинг олдини олиш масалалари, болаларда учрайдиган ирсий ва орттирилган қон системаси касалликларини ўрганиш, идиопатик тромбцитопенияда жарроҳлик усулидан кенг фойдаланиш бўйича натижалар илмий изланишлар олиб боришди (Х.А.Ҳақимов, С.М.Баҳромов, А.Т.Тўраев, У.А.Олтибоев, А.Р.Раҳматуллаев, Ҳ.Қ.Фармонқулов, К.К.Солиев ва б.).

Ҳоз. тадқиқотларнинг асосий йўналиши: донорлик хизматини ташкил этиш масалаларини ўрганиш, қон ўрнини босадиган дорилар ва қон препаратларининг қўлланилиши; қон касалликларининг эпидемиологияси, давоси; посттрансфузион гепатитнинг олдини олиш ва б.га оид.

Саиджалол Баҳромов.

Гигиена, токсикология. Бу соҳаларга оид и.т.лар ва амалий йўлланмалар Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот ин-ти, Республика тиббиёт ин-ти ва Тошкент врачлар малякасини ошириш ин-тининг гигиена кафедраларида олиб борилди. Иссиқ иқлим шароитида атроф муҳитни гигиеник муҳофаза этиш ва инсон экологи-

яси муаммолари (А.З.Зоҳидов, Қ.С.Зоириров, Т.И.Искандаров, Ш.Т.Оттабоев, Р.У.Убайдуллаев, И.И.Ильинский, М.Т.Тоҳиров, А.Ҳ.Комилжонов, Н.С.Тожибоева, И.О.Усмонов), саноат ҳамда қ.х.да меҳнат гигиенаси ва касб касалликларининг долзарб масалалари (С.С.Солихўжаев, В.Б.Данилов, Н.Н.Сметанин, Н.М.Демиденко, Ф.Н.Нуритдинова, В.А.Каримов, О.Р.Азизхўжаев, И.О.Исҳоқов) юзасидан самарали тадқиқотлар олиб борилди; қ.х. ва турмушда кенг қўлланадиган ҳар хил пестицидлар, заҳарли химикатлар, минерал ўғитлар, синтетик бирикмалар муаммоларига оид илмий ишлар кенг йўлга қўйилди (Ш.С.Баҳриддинов, А.У.Солиқов ва б.); маҳаллий аҳолининг овқатланиш ҳолати, иссиқ иқлим шароитида овқатланиш гигиенаси меъёрлари ва тартиблари ишлаб чиқилди (Ф.М.Маҳкамов, Н.Қ.Бобохўжаев, Н.Л.Романченко, Й.Ў.Ҳасанов, А.С.Худойбергенов, Б.О.Дўстчонов); аҳоли саломатлигига атроф муҳит омилларининг салбий таъсири ўрганилди (В.Ҳ.Ҳасанов, А.С.Бобожонов); республика шаҳарлари ва вилоятларидаги ноҳуш омилларнинг болаларнинг жисмоний ҳолати ва саломатлигига таъсири юзасидан тадқиқотлар ўтказилди (М.Н.Исмоилов, Р.Ҳ.Холметов); эҳтиёт ва кундалик санитария назоратини илмий асослаш кишиларнинг янаш ва ишлаш шароити ҳамда соғломлаштириш бўйича санитария тадбирларини асослаб бериш, болалар ва ўсмирлар соғлигини сақлаш, санитария қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй-рўзғор буюмлари сифати санитария экспертизасини ўтказиш ва б. амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон олимлари томонидан ҳайвонлар устида ўтказилган тажриба натижаларига асосланиб моддаларнинг заҳарлилиги ва хавфлилигини баҳолаш бўйича тасниф ишлаб чиқилди; заҳарли моддаларнинг организмга тушиш йўллари, заҳарлилик даражаси ўлимга сабаб буладиган ўртача дозаси (концентрацияси) ва б.ни бирига боғлаган ҳолда хавфлилик синфларига бўлиш тавсия этилди.

Атроф муҳитда тупроқ, сув, табиат неъматлари, минерал ўғитлар, жумладан азотли ўғит қолдиқларини ўрганиш, уларнинг меъёрларини белгилаш, таҳлил этиш юзасидан и.т.лар ўтказилди (М.Н.Набиев). Ионлаштирувчи нурлар (радиация)дан ишлаб чиқариш, қ.х. ва тиббиётда кенг фойдаланиш, хизматчиларни радиациядан сақлаш ва аҳолини нурланиш хавфидан муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Гигиена фани ва амалий санитариянинг истиқболини янада такомиллаштириш мақсадида атроф муҳит ва инсон экологиясига оид долзарб масалаларни ўрганиш, болалар, ўсмирлар ҳамда аёллар, шунингдек, қ.х. соҳасида банд бўлган кишилар саломатлигини муҳофаза қилишга, республика аҳолиси айрим гуруҳларининг овқатланишини режалаштиришга, турли заҳарли бирикмалар таъсирини ўрганишга доир и.т.лар олиб борилади. Ҳар йили гигиена ва токсикологиянинг долзарб масалаларига оид илмий тўплам нашр этилади.

Тўлқин Искандаров.

Гистология. Ўрта Осиё ун-ти негизинда тиббиёт ф-ти ташкил этилганидан (1920) бошлаб, ҳужайралар, тўқималар, аъзолар тараққиёти, тузилиши ва фаолияти ҳақидаги фан сифатида ривожланди.

20–40-й.ларда илмий изланишлар нерв системаси, лимфа томирлари ва туғунлари, юрак тузилишига (Е.М. Шляхтин), 40–60-й.ларда эса нерв системаси аъзоларининг турли касалликларидан мослашув жараёнининг структурасосларига, шунингдек, скелет мускулларининг нейростологияси, лимфатик томирларнинг гистоморфологиясини ўрганиш масалаларига бағишланди (З.Х.Рахматуллин, К.Ю.Усмонов).

60-й.дан гистология ҳоз. замон фундаментал фани сифатида энг юксак поғонага кўтарилди. К.А.Зуфаров, Ў.О.Орипов, В.К.Қобулов, А.А.Асқаров, Н.Х.Шомирзаев, Т.К.Нажмиддинов, П.И.Тошхўжаев, В.М.Гонтмахер, С.М.Аъзамхўжаев, Э.М.Байбекова, А.М.Харатьян, Б.А.Ҳидоятлов, У.И.Исмоилов, И.М.Байбеков, К.Б.Баходиров, К.Р.Тўхтаев, К.И.Расулов, А.Й.Йўлдошев, Ш.Б.Эргашев, А.А.Хожиметов, С.Ж.Йўлдошев, Э.О.Турсунов, Л.Д.Нуруллаев, Х.Олимжонов, Н.Г.Фуломов каби бир гуруҳ олимлар Марказий Осиёда биринчи бўлиб электрон микроскопия, цитокимё, радиоавтография, цитофотометрия, люминесцент микроскопия усулларини илмий амалиётга тадбиқ этдилар. Деярли ҳар бир аъзонинг микроскопик тузилиши, унинг турли функционал ҳолати б-н узвий боғлиқлиги, морфологик эквиваленти аниқланди. Дунёда биринчи бўлиб одамнинг барча ички аъзоларини ультраструктур атласи яратилди (К.А.Зуфаров, Ж.Х.Ҳамидов, П.И.Тошхўжаев, Е.К.Шишкова, В.М.Гонтмахер). Энг йирик изланишлар гастроэнтерология соҳасида бўлиб, 1972 й.да ичак ва буйракнинг

ўзаро муносабати ўрганилди (К.А.Зуфаров, В.М.Гонтмахер, А.Й.Йўлдошев) ичакда сўрилган экзоген оқсиллар буйракда парчаланиши аниқланди ва бу ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлди.

Олиб борилган гистологик изланишлар натижасида меъда ва 12 бармоқ ичак ярасини янгича даволаш усули тавсия этилди (Ў.О.Орипов, С.М.Аъзамхўжаев, Ф.Н.Назирова, К.И.Расулов, К.Хошимов, Ш.Р.Жўраев, А.Шарипов, Р.Р.Раҳмонов); қоннинг шаклли элементлари ва иммун ҳимоя аъзолари (К.Р.Тўхтаев, М.М.Маҳкамова, А.К.Зуфаров, Ф.Юсупов, Р.Қурбонов) макро ва микроорганизмлар муносабатини (А.Й.Йўлдошев, И.М.Байбеков, Н.Г.Фуломов) ўрганиб микроларни морфоген ва асосан иммуноген хусусиятлари кашф этилди; ҳазм, нафас, ажратув тизимлари шиллиқ пардаларининг иммун тизими яратилди. Буйракни йиғув найида бош ва киритма ҳужайралар аниқланди ва улар қонни кислотали – асос муҳитини доимийлигини таъминлаши асосланди, сийдик йўлларида тош ҳосил бўлиш механизми (А.А.Ҳамраев, Э.Т.Исмоилов); эндокрин – юкстагломерулар аппарат ва интерстициал ҳужайралар фаолияти қон босимини, ионлар доимийлигини таъминлашини структурасослари; жигарда мослашув – шикастланиш ва қайта тикланиши, цирроз ривожланишининг морфологик асослари яратилди (Ҳ.Ё.Каримов, А.Ф.Садриддинов, К.Н.Нажмиддинов), эндокрин безларнинг (гипофиз, гипоталамус, қалқонсимон без, қалқонсимон без олди безлари, буйрак усти) соғ ва носоғ (патология) ҳолатлари тажриба ва амалиётда ўрганилди (Ж.Ҳ.Ҳамидов, Н.Г.Фуломов). Ҳазм аъзоларида озик-овқатларни парчаланиши ва сўрилиши, илк постнатал даврда сут эмизувчиларда ингичка ичакда сўрилиш энтероцитларда рецептор эндоцитоз б-н рўй бериши, оқсил ёғ ва углеводлар сўрилишининг динамикаси ва цитофизиологияси, сўрилиш цикли биринчи марта илмий асосланди. Ингичка ичакнинг ташқи ва ички муҳитлар тўсиғининг структуралари ёритилди, у амалиётда ҳамда тажрибада ўрганилиб бир қатор касалликларнинг моделлари яратилди. Жигарнинг ёт молдаларни зарарсизлантириш хусусиятини морфофункционал асослари ўрганилиб, индуктор сифатида бензонал амалиётга татбиқ этилди, бу Фармкомитет томонидан тасдиқланди (К.Н.Нажмиддинов, Л.С.Князева); Республика ихтисослашган Кардиология илмий маркази олимлари б-н ҳамкорликда юрак инфаркти

динамикаси структурасослари аниқланди ва унинг асоратларини бартараф этиш бўйича бир қатор амалий тавсиялар берилди (Ш.Б.Эргашев, К.Азизов, Б.Н.Салихов, Р.Д.Қурбонов); тиреотоксикозларда қалқонсимон безнинг аҳволи ва бу без фолликуляр эпителийсининг ультраструктурал тузилмаларига радиоактив йод таъсири ўрганилди. Турли аъзо ва системаларга нур таъсири масалалари, шунингдек нур касаллигининг ривожланишида ички секреция безларининг аҳамияти текширилди (Ж.Ҳ.Ҳамидов, Л.А.Элькинд, Э.М.Байбекова ва б.).

Гистология фундаментал фан сифатида барча амалий ва назарий фанлар тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Тошкент тиббиёт академиясида, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида ва б. тиббиёт ин-тларида гистология кафедралари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда гистология соҳасидаги асосий илмий йўналиш овқат ҳазм қилиш, юрак-томир, нафас системалари, қон ва қон яратиш аъзолари мослашув жараёнларининг ҳужайра механизмларини; овқат ҳазм қилиш ва ажратиш системалари аъзоларининг фило- ва онтогенезини, буйраклардаги филтрлаш, сўрилиш ва секреция жараёнларида иштирок этувчи асосий ҳужайравий механизмларини ўрганишга қаратилди.

Ақром Йўлдошев.

Имунология. Бу соҳа кимё, генетика, физиология, радиология ва биол. ҳамда тиббиётнинг бошқа тармоқлари б-н узвий боғланган ҳолда тез ривожланди. Ўзбекистонда иммунологиянинг ривожланиши акад. Ў.О.Орипов номи б-н боғлиқ. Дастлаб Тошкент тиббиёт ин-тида (1971) тўқималарнинг номослигини энгиш муаммоси устида иш олиб борадиган и.т. лабораторияси очилди ва кейинчалик бу соҳадаги илмий изланишлар Иммунология и.т. институти, Тошкент, Самарқанд тиббиёт ин-тлари, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти, Фтизиатрия ва пульмонология, Онкология, Дерматовенерология и.т. институтларидаги иммунология лаб.ларида давом эттирилди. Иммунологиянинг асосий илмий йўналишлари: Марказий Осиё турли этник гуруҳларида ҳар хил патологик ҳолатларида I ва II синф HLA антигенлари ва Y-хромосомасининг молекуляр полиморфизми; иммуногенетик маркерлар ва касалликлар; вирусли инфекцияларнинг молекуляр-генетик ва иммунологик ташхиси (А,В,С,Д гепатит)

титлар, ОИТВ, TORCH-инфекциялар); аллергик касалликларни текшириш ва даволаш; болалар ҳамда катталарда вирусли ва бактерияли инфекцияларда иммунтанқислик ҳолати механизмининг шаклланишини тадқиқ этиш ва иммунитетни ростилаш, аслига келтирувчи табиий ва синтетик бирикмалардан олинадиган янги иммунотроп препаратларни топиш ва ўрганиш. Шунингдек, ўсма антигенларини аниқлаб, хавфли ўсмага айланиб кетган ҳужайраларни олиб ташлаш усулларини ҳам иммунология ўрганади. Сўнгги йилларда организмнинг носпецифик таъсирларга нисбатан бирор турдаги ҳужайралар ва микромолекуларга кўрсатадиган реакцияси ҳам ўрганилмоқда. Иммунология соҳасида олиб борилган ва кейинги тадқиқотлар А.И.Николаев, Н.Ҳ.Абдуллаев, М.Н.Ризаев, Р.М.Хаитов, А.М.Нажмиддинов, Р.М.Рўзибоқиев, шунингдек, А.А.Ботирбеков, Н.М.Хайтова, М.В.Залзялиева, З.С.Камолов, М.Т.Алимова, О.К.Жапоров, А.А.Умарова, Т.А.Хегай ва б.нинг фаолияти б-н боғлиқ.

Сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишлар иммун тизимнинг нерв, эндокрин ва организмнинг бошқа системалари б-н умумий функционал боғлиқлигини аниқлади ва бу тизимлар организмнинг уруғланиши жараёнидан тортиб, то ҳомиладорлик жараёнигача ва индивидуал ҳаётини давомийлигини белгилашда қатнашишини кўрсатди; иммунологик кўрсаткичларни функционал меъёрларига кўра ўсши ва пасайиши ҳолатларининг кўрсаткичи сурункали патологик жараёнларнинг сабаби ва ривожланиш механизmlарини аниқлаб берди.

Патологик омилларни иммунология негизида ўрганиб йўқотилиши тиббиётда даволаш ва касалликни ремиссия даврини узайтириш самарадорлиги даражасини ошишига олиб келди.

Кейинги йилларда АҚШнинг Стенфорд ун-ти ва Буюк Британиянинг Оксфорд Молекуляр тиббиёт институти б-н ҳамкорликда «Инсон геноми хилма-хиллиги» ва «Ўзбекистонда ОИТВ б-н зарарланган наркоманлар» дастурлари доирасида тадқиқотлар олиб борилди. Ўзбек популяциясининг HLA-A2 гени Халқаро реестрга киритилди.

«HLA ва касалликлар» дастури бўйича Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Иммунология ин-ти ва ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология институти б-н ўзбек популяциясида инсулинга боғлиқ бўлган қандли диабетнинг генетик омиллари; Япониянинг Нагоя ва Канагава ун-тлари олим-

лари б-н биргаликда Ўзбекистонда В,С вирусли гепатити ва ОИТВ тарқалиши, касалланган беморларнинг қонида шу вирусларнинг генотиплари ўрганилмоқда. Организмдаги физиологик ва патофизиологик ҳолатларда иммунологик жараёнларни очилиши, профилактика, даволаш ва реабилитация усулларига янгича ёндашишга олиб келади. Тадқиқот натижалари вирусга қарши терапевтик чоралар қўллаш ва янги вакциналар ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга.

Республикада «Иммунология ва аллергологиянинг долзарб муаммолари» бўйича йирик халқаро конференция ва симпозиумлар ўтказилади; 1999 й.дан «Назарий ва клиник тиббиёт» журнали нашр қилинади, унда иммунологиянинг долзарб муаммолари мунтазам ёритиб борилади.

Тамара Орипова, Муҳсин Закиров.

Патологик анатомия. Ўзбекистонда патологик анатомиянинг мустақил тиббий-биологик фан сифатида шаклланиши 1920 й.да Туркистон ун-тида тиббиёт ф-тининг ташкил этилиши б-н боғлиқ. Лекин мурдаларни ёриб кўриш бундан анча олдин онда-сонда амалга оширилган. Маълумки, Абу Али ибн Сино ўз даврида (980–1037) хасталикнинг туб моҳиятини ўрганиш, олдини олиш ва даволаш чораларини ишлаб чиқиш учун ҳар хил касалликлардан ўлган мурдаларни ёриб кўрган. Патологик анатомия кафедраси Туркистон ун-тида илк ташкил этилган патологик анатомиянинг илмий-методик ва соғлиқни сақлаш тизимидаги амалий маркази бўлиб ҳисобланади. Биринчи кафедра мудири бўлиб проф. В.В.Василевский ишлаган. 1930–66 й. кафедраи проф. Г.Н.Терехов бошқарган ва у Ўзбекистон патологоанатомлар мактабига асос солган. Шу йилларда ярали колитлар, чиллашир, висцерал лейшманиоз, подагра, бруцеллёз, геморрагик иситма каби ўша вақтларда кам маълум бўлган касалликлар этиологияси, патогенези ва патологик анатомияси атрофлича ўрганилди. Кейинги йилларда дефолиантлар, гербицидлардан заҳарланиш (Р.И.Данилова, О.М.Азизова, М.С.Абдуллаҳужаева), географик патология (О.М.Азизова, Ф.Ж.Тўлаганов, В.О.Олимов ва б.), юрак-томир касалликлари (А.И.Маъруфов, В.О.Олимов, Ф.Ж.Тўлаганов, С.И.Орифхонова), нерв системаси патологияси (А.И.Маъруфов, М.С.Абдуллаҳужаева, Я.Ю.Утепов), иммун танқислиги

ҳолатлари (М.С.Абдуллаҳужаева, Р.И.Исроилов) ва б. устида тадқиқотлар олиб борилди.

Ўзбекистонда патологоанатомик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган, шунингдек, республика вилоятлари марказларида вилоят патологоанатомия хизмати; Тошкент ш.да Республика патологик анатомия маркази ташкил этилган, у республикадаги патологик анатомия хизматида ташкилий-методик ва илмий-амалий жиҳатдан раҳбарлик қилади. Бу марказда болалар касалликлари, оналарда ҳомиладорлик б-н боғлиқ патология муаммолари ўрганилади; шу соҳага оид илмий ишлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти б-н ҳамкорликда олиб борилади. Жойларда амалий патологик анатомиянинг биопсия диагностикаси бўйича марказлаштирилган телетиббиёт ташкил этилган, у хорижий давлатлар ҳамкорлигида фаолият кўрсатади.

Ражаб Исроилов.

Патологик физиология. Бу соҳадаги и. т.лар дастлаб 20-а. 20-йилларидан бошланди. Патофизиолог олимлар томонидан 40–60-й.ларда экспериментал тиббиётнинг ўлка патологиясига оид муҳим вазифалари ишлаб чиқилди. Бу даврларда асцитли токсик гепатит ва Жойлангар энцефалитнинг этиологияси ва патогенези ўрганилди, жигарнинг ўткир гелиотроп токсинли дистрофияси, сурункали гепатит ва жигар циррозининг экспериментал модели яратилди (М.И.Ханин, Н.Ҳ.Абдуллаев, Ш.И.Расулов, М.К.Эргашев ва б.), иссиқ иқлимнинг ҳайвонлар ҳамда одам организмга таъсири (А.Ю.Тилис), хавфли ўсmalar патогенези (И.Н.Димант), илон заҳарининг ҳайвонлар организмга таъсири (З.Н.Каримов) ўрганилди. Ўлка аллергологияси ва пестицидларнинг таъсир механизми масалалари (Р.П.Пўлатов, Х.Р.Фарҳад), геморрагик шок патогенези, қон ивитувчи система ўзгаришларини ростилаш усуллари, реактивлик масалалари ва б. устида илмий изланишлар ўтказилди (Г.С.Левин, Ю.О.Отабеков, Т.В.Брисин, М.М.Ҳақбердиев, Х.Х.Шерматов). Овқат ҳазм қилиш аъзолари патологиясининг моделини яратиш масаласи ишлаб чиқилди (Н.Ҳ.Абдуллаев).

70-й.лардан ички аъзолар шикастланишида микроциркуляция, функционал ҳамда метаболок ўзгаришлар механизмини ҳужайра ва ҳужайра тузилмалари даражасида ўрганиш йўлга қўйилди.

Экспериментал патология ва даволаш асоси бўлган патологик физиология

фани Ўзбекистон учун долзарб бўлган нозологик турларни тажриба шароитида моделлаштириб, улар учун хос бўлган специфик ҳамда носпечифик патогенетик муаммоларни ҳужайра ва субҳужайравий органеллалар миқёсида ўрганиб, даволашнинг юқори самарали усуллари ни ишлаб чиқиш устида тадқиқотлар олиб бормоқда.

20-а.га келиб организмда кечадиган жараёнларни объектив қайд этиш ва уларни статистик таҳлил қилиш имкониятларининг пайдо бўлиши касалликлар патогенезини чуқур ўрганишда қўл келмоқда. Айниқса маҳаллий қон айланиши тизими ҳолатини ҳаёт давомида бевосита ўрганиш – телевизион капилляроскопия (Ҳ.Ё.Каримов, Б.У.Ирискулов), қоннинг реологик хусусиятларини (З.Н.Бобоева), шунингдек, турли соматик хасталиклар учун умумий бўлган – стереотин ўзгаришлар мавжудлигини аниқлаш ва уларни турли усуллар б-н даволаш асосларини яратиш имконини берди.

Жигар ва ҳазм қилиш тизими хасталиклари (А.Н.Дониёров, М.Н.Усмонов, Х.А.Маҳкамов, Р.А.Собирова), юрак хасталиклари (А.М.Йўлдошев, А.Б.Саидов), буйрак хасталиклари (Р.Х.Умаров, Ш.Қ.Шораҳмедов, Р.А.Аҳмедов) онтогенезини амалий тиббиёт б-н боғлиқ ҳолда ўрганиш ушбу хасталикларни даволашнинг янги усуллари яратиш ва уларни амалиётга тадбиқ этишга асос бўлди.

Ҳоз. кунларда шу соҳадаги и. т.лар патология ривожига организмнинг индивидуал хусусиятлари, шунингдек, иммун жараёнлар бошқарувида марказий нерв тизими, хусусан, гипоталамус аҳамиятини ўрганишга қаратилган.

Бахтиёр Ирискулов.

Вирусология. Ўзбекистонда вирусология фанига илмий ёндашиш 20-а.нинг 60-й.ларига тўғри келди, айни шу даврда вирусология фани ва амалиёти учун мутахассис олимлар тайёрланди, уларни Ўзбекистонда олиб борган илмий изланишлари тўғрисида полиомиелит, қутуриш, ичак ҳамда юқори нафас йўллари касалликларини кўзгатувчи вируслар ўрганилди.

Грипп вирусларини ўрганиш дастлаб 1964 й. Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти юқумли касалликлар кафедрасида, кейинчалик Ленинграддаги грипп ин-ти б-н ҳамкорликда (акад. А.А.Сморозинцев) олиб борилди; илмий изланишлар тўғрисида юқори нафас йўллари вирусларининг ҳар хил турлари аниқланди.

Шунингдек, ҳар бир вирус ўзига хос касаллик тарқатиши, ривожланиши ва у сабаб бўлган касалликлар, айниқса, грипп касаллиги йилнинг қайси фаслида кенг тарқалишини олдиндан билиш мумкин бўлди (М.О.Хўжаева, Х.З.Икромова).

Ўзбекистонда вирусология фанининг кенг ривожланиши 1979 й. Вирусология и.т. институти ташкил қилиниши б-н боғлиқ. Ин-т ходимлари томонидан республикада вирусли гепатит ҳамда арбовирусларга хос касалликларнинг вирусларини аниқлаш ва уларнинг ўзига хос ҳамда улар келтириб чиқарадиган касалликларнинг ривожланиши ва кечиши қонуниятлари ўрганилди; вирусли касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш, асоратларини тугатиш тадбирлари ишлаб чиқилди ва тиббиёт амалиётига татбиқ этилди. 20 йил давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб вирусли гепатитнинг А, В, С, Д, Е тури борлиги ва улар ўзига хос қонуниятлар ҳамда фарқларга эга эканлиги, эпидемиологияси, клиник ривожланиши ва асоратланиши б-н ҳам бир-бирдан фарқ қилиши аниқланди.

Айни чоғда вирусли гепатитларнинг ҳомиладор аёлларда учраши ва касалликни ҳомилага салбий таъсири (М.О.Хўжаева), шунингдек, вирусли гепатит б-н олтиган беморларда нафақат жигар ҳужайралари, ҳатто нерв толалари ҳам жароҳатланиши исботланди (С.Ю.Алақбарова) ва даволаш усуллари ишлаб чиқилди. 1988 й.да В гепатитга қарши ўтказилган эмлаш тўғрисида бу касалликнинг қайси қисми исботланди ва шу асосида дастур ҳамда лойиҳалар ишлаб чиқилди. Минтақада арбовирусларнинг турлари, уларнинг экогеографияси аниқланди (Н.О.Комилов, А.М.Мелиев, А.М.Қодиров, Ш.Х.Хўжаев), бир минтақадан иккинчи минтақага вируслар ва улар манбаларининг кўчиб юриши ҳамда касалликнинг рўёбга чиқишига онд қонуниятлар ўрганилди. Ўзбекистонда кенг тарқалган доривор ўсимликларда вирусларга таъсир этувчи моддалар борлиги топилди ва амалиётга татбиқ этилди (М.А.Абдуқодирова, Б.А.Алиев, Н.Яковлева, Х.Х.Мирқосимова, А.Ш.Хўжаева).

Вирусология фани одамни иммун ҳолатини табиий ва касалликка учраган ҳолда ўрганиб, ҳар бир вирусли касалликлар кечиш жараёнида бемор танасида иммун ҳолат сусайиб, касалликка мойиллик пайдо бўлишини аниқлади (А.М.Саидқулов, О.Мелибоев, М.Умарова, О.Номозов, Н.Ортиқова).

Ҳоз. табиатдан ва беморлардан ажратилган вирусларни генетик турларини аниқлаш ва биохимёвий ўзгаришларни ўрганиш Ўзбекистон вирусологларининг тараққий этган давлатлари, жумладан, АҚШ, Жан. Корея илмий марказлари моддий-техник ёрдамлари ва олимлари ҳамкорлигида олиб борилмоқда.

Шабоб Хўжаев.

Эпидемиология. Ўзбекистонда бу фанининг ривожини Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар инстининг ташкил этилиши, Л.М.Исаев, П.Ф.Боровский, Т.Х.Нажмидинов каби йirik олимларнинг Ўзбекистонда бир қанча юқумли касалликларга, жумладан, безгак, ришта, лейшманиоз, ич терламага қарши курашишда эришган муваффақиятлари б-н боғлиқ. Шунингдек, ўзбек олимлари А.З.Зоҳидов, С.Н.Бобожонов, И.Қ.Мусабоев ва б. эпидемиология соҳасида олиб борган ишлари б-н санитария ва эпидемиология ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. Республикада юқумли касалликлар эпидемиологиясини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш, юқумли касалликларни камайтириш масалалари устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда эпидемик касалликларнинг юзага келиши, тарқалиши ва йўқотилишини ўрганишда янги бир йўналиш – юқумли бўлмаган касалликлар эпидемиологияси юзага келди. Унинг асосий вазифаси бундай касалликларнинг этиологияси ва патогенезига доир маълумотларни чуқур ўрганиш асосида уларга қарши профилактика усуллари ни ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли орасида хавфли ўсма касалликлари ва б. сурункали юқумли бўлмаган касалликлардан юзага келувчи ўлим ҳолларини камайтиришдан иборат. Ҳоз. эпидемиологлар олдида ҳар бир юқумли касалликнинг ўзига хос кўриниши, кўзгатувчиси, эпидемиологияси, инфекция манбаи, юқиб йўллари тадқиқ этиш (Э.И.Мусабоев, А.О.Обидов, З.К.Каримов, М.В.Невский, С.С.Махсумов, К.Ж.Жалилов, Ш.Ш.Шоваҳобов, М.Шарипов, М.Ж.Аҳмедова, А.Г.Валиев, С.Н.Бобохўжаев, Н.Ф.Фулумов ва б.) ҳамда унга қарши кураш ва олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш вазифаси турибди. Бу соҳада Тошкент тиббиёт академиясининг юқумли ва тропик касалликлар, Тошкент педиатрия тиббиёт ин-тининг эпидемиология ва юқумли касалликлар ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тининг бола-

лар юқумли касалликлари кафедраси фаолият кўрсатади.

Шоносир Шоваҳобов.

Акушерлик ва гинекология. Ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида акушерликка алоҳида боб ажратган. Ўзбекистонда акушерликнинг долзарб масалалари Ўрта Осиё ун-ти тиббиёт ф-тининг акушерлик кафедрасида илмий асосда ўрганила бошланди.

1927 й. да Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш и.т. институти, 1934 й. да СамТИДа акушерлик ва гинекология кафедраси ташкил этилиб, бепуштлик, ҳомиладорлар токсикози, туғруқни оғриқсизлантириш каби муаммолар устида тадқиқот ишлари олиб борилди. Республикада бепуштлик муаммоси ilk бор ўрганилиб, уни даволаш мақсадида биринчи марта жарроҳлик усули—сальпингостомия қўлланила бошлади.

1926–30-й.ларда ҳомиладорликнинг ilk давридаёқ диагностика қилишга доир тадқиқотлар ўтказилди, ҳомилдорликни аниқлашга оид биологик тест таклиф қилинди. Ўзбекистон иқлими шароитида ҳомилдорликнинг юрак-қон томир системасига таъсири ўрганилди. З.Ш.Гилязутдинова томонидан биринчи марта (1940) ой-куни яқинлашган ҳомилдорликни (она саломатлигини сақлаш ва б. мақсадларда) тўхтатишга оид самарали воситалар излаб топил мақсадида тадқиқот ўтказилди. Ф.Е. Кальницкая (1944) аборт пайтида инфекция тушишининг олдини олиш ва даволаш масалаларини ишлаб чиқди. Амниотик суюқликда С витамин бўлиши ва амниотик қаватлар витамин манбаи эканлиги тўғрисида фикр А.А.Коган (1947) томонидан илгари сурилди.

Ўзбекистон акушерлари патологик туғилшларни оғриқсизлантириш усуллари қўллаш хавф-хатар туғдирмаслигини исботладилар. Туғруқдан кейинги касалликларни даволаш ва олдини олиш мақсадида юбориладиган ретроплацентар қон таъсири ўрганилди. Акушерлик ва гинекология соҳасининг фан сифатида ривожланишида Ўзбекистон ФА акад. И.З.Зокировнинг муносиб хизматлари бор.

Патогенез муаммолари ва бола тушиши сабаблари; бруцеллез, Боткин касаллигининг акушерлик патологиясида тулган ўрни тадқиқ этилди (А.А.Коган, А.С.Умарова); эндемик буқоқнинг аёллар саломатлигига репродуктив таъсири ўрганилди (С.А.Масумов, М.Ш.Содиқова). ХРПХ—иммунизациясининг бола тушиши, ўлик туғилишидаги роли ўрганилди (А.С.Мордухович, А.А.Қоди-

рова). Анемиянинг ҳомилага таъсири муаммолари ишлаб чиқилди, шунингдек даволашнинг самарали усуллари таклиф қилинди.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг асосий йўналиши акушерлик қон кетишлари, гестозлар, экстрагенитал ҳамда перинатал патология, бепуштлик ҳамда аёлларда камқонлик муаммолари, туғруқни оғриқсизлантириш, туғруққа ёрдам бериш, ҳомилдорлик касалликлари (мас., токсикозлар) да туғруқ, туғруқдан кейин (туғруқ вақтидаги шикастлар, қон кетиши ва б.) юзга келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш, асоратлар пайдо бўлганда эса аёлга, ҳомила ва янги туғилган чақалоққа тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг мақбул усуллари ишлаб чиқишдан иборат (Д.А.Асадов, С.Н.Султонов, Ж.Ж.Қурбонов ва б.).

Диагностика ва муолажанинг янги услубларидан эндоскопия ҳамда ультратовуш текширувнинг гинекология соҳасида қўлланилиши кўпгина гинекологик касалликларнинг этиопатогенезини янгича нуқтаи назардан кўриб чиқиш имконини берди (Т.Э.Тўлаганов, Ҳ.С.Сабуров). Акушерлик қон кетишларининг олдини олиш ва уни даволаш масалалари ишлаб чиқилди (И.З.Зокиров, А.А.Қодирова, Ю.К.Жабборова, Д.Нажмидинова, Б.К.Саидқориев), кечки токсикозлар муаммоси тадқиқотларда ўз аксини тоғди.

Шунингдек, акушерлик ва гинекология соҳасида экстрагенитал патология мавжуд бўлган аёлларда ҳомилдорлик ва туғруқнинг кечиши хусусиятларини ўрганувчи йўналиш ривожланди.

Ўзбекистонда яшайдиган қизларда репродуктив системанинг вужудга келиш хусусиятлари (С.М.Абдужамилова, Ф.М.Аюпова), климактерик синдром (М.Ш.Содиқова) ўрганилди. Аҳолининг турли ижтимоий-демографик гуруҳларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида олани режалаштириш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди (Ш.И.Каримов, Д.А.Асадов, Б.Л.Рубин). Ҳоз. шу соҳа олимлари аёллар, оналар ва чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги ташкилий тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳомилдорликка камқонликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабабларини аниқлаш ҳамда даволаш; акушерликда қон кетишининг олдини олиш, туғруқда кўп қон йўқотган ҳамда патологик туғруқ ва мураккаб гинекологик операциялардан кейин аёл соғлигини қайта тиклаш (реабилитация) муаммолари устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистонда акушерлик ижтимоий масала даражасига кўтарилиб, она ва болаликни муҳофаза қиладиган жуда кўп муассасалар ишлаб турибди, шунингдек, мавжуд тиббиёт ин-ти кафедралари ҳамда Ўзбекистон акушерлик ва гинекология и.т. институтида шу соҳага оид энг долзарб муаммолар юзасидан тадқиқотлар олиб борилади. Барча олий ва ўрта ўқув юрларида акушерлик ва гинекология фан сифатида ўқитилади.

Бердимурод Саидқориев.

Педиатрия. Ўзбекистонда педиатрия соҳасидаги тадқиқотлар Ўрта Осиё ун-тида тиббиёт ф-ти ва унда болалар касалликлари кафедрасининг ташкил қилиниши б-н бошланган. 1927 й. Тошкентда Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш и.т. институтининг ташкил қилиниши, 1962 й. Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида «Болалар организмнинг норма ва патологиядаги ёш хусусиятлари» муаммолари республика комиссиясининг тузилиши, 1963 й. Самарқанд, 1965 й. Андижон тиббиёт ин-тиларида педиатрия ф-тиларининг очилиши, 1972 й. Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия ин-тининг ташкил қилиниши республикада педиатрия фани ва амалиётининг жадал ривожланишига имкон яратди.

1920 й.дан бошлаб маҳаллий аҳолининг турмуш шароитлари, урф-одатларини бола саломатлигининг шаклланиши, организмнинг ривожланишига таъсири. Ўзбекистон шароитида болалар ўртасида кенг тарқалган ўлка касалликлари, шунингдек, болаларда безгакнинг кечиш хусусиятлари ва уни даволаш йўллари ўрганишга киришилди. Болаларда учрайдиган висцерал лейшманиоз касаллиги ўрганилди (Н.И.Ходукин, Р.С.Гершенович, А.М.Мақсудов, Б.Х.Қорахўжаев, М.А.Мирзамухамедов ва б.).

50–60-йиллардан болаларда учрайдиган ўткир ва сурункали меъда-ичак касаллиги каби юқумли касалликларнинг этиологияси, патогенези, моддалар алмашинуви жараёнларининг кечиши, даволаш усуллари ишлаб чиқиш муаммолари устида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилди (С.Ш.Шамсиев, Х.А.Юнусова, О.С.Маҳмудов, М.А.Мирзамухамедов, Ф.Х.Назармухамедов, Б.А.Аминов, А.Ҳ.Ҳамроев, ва б.). Ўткир ва сурункали вирусли гепатитларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш, этиопатогенетик даволаш усуллари ишлаб чиқиш масалаларига оид тадқиқотлар олиб бориш давом этмоқда (О.С.Маҳмудов, Н.С.Логинова, К.М.Мирзаев, Т.О.Даминов, Б.А.Қодиров, Ф.И.Иноятова, А.И.Комилов ва б.).

Тошкент, Самарқанд, Андижон тиббиёт ин-тлари олимлари томонидан болаларда дистрофияни даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Қон ва қон ҳосил қилувчи аъзо касалликлари ўрганилди (К.Г.Титов, А.Т.Тўраев, М.Р.Нуриддинов, Н.Н.Чуканин, Э.Н.Бекназарова ва б.). Она қорнидалигидаёқ гипотрофияга учраган болаларда уларнинг ёши ва овқатланиш турига қараб микроэлементлар, аминокислоталар алмашинувининг ўзига хос хусусиятлари, нефрит касаллигида сув-туз мувозанати, микроэлементлар, витаминлар, углеводлар ва ёғ алмашинувининг бузилишлари аминокислоталар алмашинувининг издан чиқишига олиб келиши (Л.С.Александрова, А.Ҳ.Ҳамраев, М.Р.Нуриддинов ва б.); ўт пуфаги, ўт йўллари, меъда ва ингичка ичакнинг ўткир ҳамда сурункали касалликлари, болаларда ревматизм касаллигининг кечиш хусусиятлари, оқибатлари, даволаш усуллари ўрганилди ва амалиётга татбиқ этилди (С.Н.Йўлдошева, А.Т.Оқилов ва б.).

Болаларда сил касаллигининг кечиши, диагностикаси, касалликка қарши эмлаш ишларини ташкил қилиш муаммолари (И.Ф.Фозилов, М.З.Любецкая, А.А.Сандақмедов ва б.), иссиқ иқлим шароитида болалар сийдик йўли физиологияси ва патологияси, сийдик-тош касаллигининг ривожланиш омиллари ҳамда даволаш усуллари ўрганилди (К.Ҳ.Тоҳиров, А.И.Сайдалиев, А.С.Сулаймонов ва б.).

Республикадаги барча тиббиёт ин-тларининг педиатрия кафедраси олимлари болалар ўртасида энг кўп тарқалган нафас олиш аъзолари касалликлари, хусусан, зотилжамни олдини олиш, унга ташхис қўйиш, самарали даволаш ва реабилитациясини амалга ошириш муаммолари устида изланишлар олиб бордилар (С.Ш.Шамсиев, О.С.Маҳмудов, Е.В.Пашковский, А.И.Илёсов, В.П.Елешкая, Б.Х.Қорахўжаев, А.Т.Султонов ва б.). Ўзбекистон шароитида болаларнинг жисмоний ривожланиш динамикаси мунтазам ўрганиб келинмоқда (В.П.Широкова-Диваева, А.З.Зоҳидов, О.Т.Ушнурцева, К.С.Тўлаганов, Д.И.Маҳмудова, У.А.Каримов, О.С.Тошбоев ва б.).

20-а.нинг 80-й.ларида чала туғилган чақалоқлар парвариши, уларда учрайдиган турли касалликларни ўзига хос даволаш усуллари ишлаб чиқиш устида олиб борилган талқиқотлар Ўзбекистонда педиатрия фанида янги йўналиш — неонатологиянинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келди (М.М.Азимжонова, Е.В.Пикулина ва б.).

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари давлат аҳамиятига эга бўлган тadbир даражасига кўтарилди. «Ўсиб келаётган ёш авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал қилиш» (1993 й.), «Туғма ногирон туғилишининг олдини олиш учун чақалоқлар ҳамда ҳомилалар аёлларда туғма ва б. патологияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» давлат тизимини ташкил қилиш тўғрисида» (1998 й.) каби ҳукумат қарорлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тadbирларининг асосий йўналишларини белгилаб берди. Оналар ва болаларга ихтисослашган тиббий ёрдамни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг ташкил этилиши Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тadbирларига устувор йўналиш берилаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

Ҳоз. Республика «Она ва бола скрининги», репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, перинатология, болани она сuti б-н боқишни қўллаб-қувватлаш ва уни тарғиб қилиш, болалар жарроҳлиги каби кўплаб ихтисослаштирилган марказлар, шунингдек, барча вилоят марказларида уларнинг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Педиатрия фанининг болалар жарроҳлиги, пульмонология, гастроэнтерология, гепатология, оториноларингология, алергология, неврология, офтальмология, гинекология, анестезиология ҳамда реаниматология ва б. ихтисослаштирилган йўналишлари жадал ривожланмоқда. Педиатрия и.т. институти, Бухоро тиббиёт институти, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти ва унинг Нукус филиали, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали олимлари ҳам педиатриянинг минтақавий муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этмоқдалар.

Орхон Маҳмудов, Учқун Қаримов.

Алергология. Ўзбекистонда алергология соҳасига доир илмий-амалий ишлар 20-а.нинг 50-й.лари охиридан ўтказила бошланди. Булар қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилди: алергик касалликлар эпидемиологиясини ўрганиш; алергик реакциялар ва касалликлар этиологияси ҳамда патогенезини ҳал қилиш; болалар ва катталарда алергик касалликларнинг клиник кечиши хусусиятларини ўрганиш; алергик касалликлар б-н хасталанганларни махсус даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш; ихтисослаштирилган алергологик хизматни ташкил қилиш.

Ўзбекистоннинг алерголог олимлари биринчи бўлиб Қорақалпоғистонда ҳамда вилоятларда алергик касалликларнинг болалар ва катта ёшдагилар ўртасида тарқалишининг худудий хусусиятларини аниқладилар (Т.Б.Ешчанов, Л.Я.Сгибова, Н.Г.Алаева, М.Д.Дальжанов). Поллинозлар ҳамда атопик бронхиал астманинг этиологиясида гул чанги алергенларининг учраши аниқланди ва исбот қилинди (К.А.Иванушкина, Д.К.Фаниева).

Ўзбекистон олимлари 15 худудий гул чанги, саноат ҳамда ҳашарот алергенларини тайёрлашни йўлга қўйдилар ва амалда қўллашни тавсия этдилар (М.М.Ҳақбердиев, С.А.Захваткина). Улар инсект алерген этиологиясини ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Дон ва мум қуяси ҳамда чивилларнинг алергик касалликлар тарқатишдаги роли аниқланди (И.Р.Йўлдошев, О.И.Юсупова). Болаларда атопик бронхиал астма ва поллинозларнинг клиник кечиши хусусиятларига аниқлик киритилди (Р.А.Низомитдинова, М.М.Аҳмедова).

Тез ва секин кечувчи алергик реакция турлари патогенезининг айрим томонлари ҳал қилинди (С.Н.Бобохўжаев, Д.М.Ҳақбердиева ва И.Р.Бобоева). Катта ёшдаги беморларда атопик бронхиал астма ва поллинозларнинг клиник кечиши хусусиятларини ўрганишда ўзига хос ташхис ва даволаш усуллари ишлаб чиқилди (О.А.Назаров ва б.). Бир гуруҳ олимлар (М.М.Ҳақбердиев, Э.И.Салимов, М.А.Мирзамухамедов) ўзига хос гипосенсибилизацияловчи иммунотерапиянинг янги усулини ишлаб чиқдилар.

Ҳоз. алергик касалликларнинг этиологияси ва клиникасини ўрганишда худудий алергенларнинг аҳамиятини аниқлашга оил илмий изланишлар давом эттирилмоқда. 1963 й. Самарқандда алергик хасталикка чалинган беморларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатила бошланди. Республика илмий ихтисослашган алергология маркази ташкил қилингандан сўнг (1973) ихтисослашган алергологик хизмат амалга оширилди. Марказ қошида Тошкент тиббиёт академиясининг ўқув базаси сифатида «клиник алергология» кафедраси ташкил этилди (1992), 2005 й.дан бошлаб эса у умумий амалиёт шифокори кафедраси негизда ўз илмий ва педагогик фаолиятини давом эттириб келмоқда (раҳбари О.А.Назаров).

Тошкент ш.да ўтказилган республика алергологларининг конгресси (1998; 2003) да ўлкамизга хос алергик хасталиклар, хусусан алергик ринитни аст-

ма келтириб чиқармаслик йўллари ва янги диагностика ҳамда даволаш усулларининг янги технологияси дастури қабул қилинди. Марказ қошида «аллергия ва астма» мактаби мавжуд бўлиб, бунда аллергия, хусусан бронхиал астмани беморлар ўзларини назорат қилиб бориши, шунингдек, касалликнинг авж олмаслиги учун зарур маълумотлар б-н танишиб, тегишли мутахассислардан маслаҳатлар олиб туришлари мумкин, бу эса уларга касалхонада ётиб эмас, балки қатнаб даволаниш имконини беради.

Отабек Назаров.

Дерматовенерология. Ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида пўрсилдоқ яра, қичима, гуш (экзема), захм, мохов ва б. тери касалликларини тасвирлаш б-н бирга уларнинг бир-биридан фарқини ҳам кўрсатиб, даволаш усулларини ёзиб қолдирган. Дерматовенерология фанининг шаклланиши 16-а.нинг 2-ярмида физика, кимё, биол. фанларида қилинган кашфиётлар б-н узвий боғлиқ. 18-а. да тери-таносил касалликларининг этиологияси, патогенези ва клиникасини ўрганиш авж олди. Ўзбекистонда Ўрта Осиё ун-ти тиббиёт ф-тида тери ва таносил касалликлари кафедраси ташкил этилганидан (1920) бошлаб бу соҳа ривож топди. 1924 й. да Тошкентда тери ва таносил касалликлари диспансери, 1932 й. да Дерматология ва венерология и. т. институти ташкил қилиниши бу фанининг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Сўзак, захм, терининг замбуруғли касалликлари, витилиго, тери лейшманиози каби касалликларнинг тарқалиши, этиологияси, патогенези, диагностикаси, давоси, олдини олиш; даволашда яхши самара берадиган кимёвий препаратларнинг қўшимча таъсири масалалари ўрганилди (А.А.Аковбян, Х.Н.Хидиров, Т.Т.Тожибоев, К.С.Сулаймонов ва б.). Захм, фавус ва б. касалликларда ички аъзоларнинг зарарланиши; тери ва таносил касалликлари бўйича вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик ҳолатлари; касбга алоқадор тери касалликларининг олдини олиш ва давоси ҳамда уларни бартараф этиш йўл-йўриқлари; дерматомикозлар кўзгатувчиларининг турини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилди (У.К.Белуха, К.Н.Тоҳиров, Ҳ.Хусанов, Р.А.Капкаев, У.М.Мираҳмедов, М.М.Обидов, А.Х.Абдуллаев, В.А.Аковбян, А.Ш.Ваисов, С.С.Арифов, А.Ш.Шодиев, Ш.И.Ибрагимов, Э.Х.Эшбоев, К.А.Юлдашев ва б.). Республикада кенг тарқалган ижтимоий касалликларни (псориаз, витилиго, терининг замбуруғли касалликлари

ва б.) этиологияси ўрганилди ва касалликнинг клиник шаклларига қараб янги, самарали даволаш усуллари ишлаб чиқилди. Республикада орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС), яъни СПИД ни аниқлаш учун бир неча махсус лаб. лар ташкил қилинган. Ўзбекистонда Дерматовенерология ин-ти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти, Врачлар малакасини ошириш ин-ти, Бухоро, Самарқанд, Андижон тиббиёт ин-тларида дерматология ва венерология кафедралари фаолият кўрсатмоқда.

2003, 2004, 2005 й. дерматовенерологиянинг илмий амалий конференцияси ва курултойлари (1976, 1997, 2002) бўлиб ўтди, уларда дерматовенерологиянинг замонавий долзарб муаммолари муҳокама қилинди.

Саидқосим Арифов.

Фармакология. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида қайд этилган оддий дориларнинг кўпчилиги доривор ўсимликлар ва улардан фойдаланиш усуллари бағишланган.

Ўзбекистонда фармакология фани Ўрта Осиё ун-ти тиббиёт ф-тидаги фармакология кафедрасида, кейинчалик республиканинг турли шаҳарларидаги тиббиёт ин-тлари фармакология кафедраларида, Ўзбекистон ФА нинг и.т. институтларида ривожлантирилди. Ўзбек фармакологларидан, проф. И.К.Комилов, М.Б.Султонов, Ҳ.Б.Зокиров, Қ.Н.Нажмиддинов, С.С.Азизова ва б.нинг изланишлари натижасида доривор ўсимликлар ва кимёвий-биологик фаол моддалардан шифобахш моддалар ажратиб олинди ва улар клиник текширувлардан ўтказилиб, тиббиёт амалиётига тадбиқ этилди.

Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида Доривор моддалар ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш ҳамда стандартлаш бўйича Бош бошқарма ҳамда улар тарки-

бида фармакология ва фармакопея кўмиталари фаолият кўрсатади. Кейинги йилларда 20 дан ортиқ шифобахш ўсимликлар ва 10 дан зиёд янги биологик фаол препаратлар (пирацин, купир, фентриазолин, кобавит, фенсулқал, глипил, мумиё таблеткаси, навбахтин, бензкетозон ва б.) тиббиётда қўллаш учун тавсия этилди.

Республикада фармакологиянинг барча йўналишлари (умумий ва хусусий фармакология; фармакодинамика, фармакокинетика, биокимёвий фармакология) га онд тадқиқотлар фармацевтика и.т. институти, Тошкент фармацевтика ин-ти, шунингдек, тиббиёт ин-тларининг фармакология кафедраларида олиб борилади.

Ҳабибулла Жалилов.

Ички касалликлар. Ўрта Осиё ун-тида тиббиёт ф-ти ташкил этилган вақтдан (1920) буён ички касалликлар соҳасида мунтазам и.т.лар олиб борилди. Бу тадқиқотлар Тошкент, Самарқанд, Андижон тиббиёт ин-тлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тида, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч, Нукус, Фарғона филиалларида, шунингдек, Саломатликни тиклаш ва физиотерапия, Санитария, гигиена ва касб касалликлари, Эндокринология, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар, Вирусология и.т. институтларида давом эттирилди.

20–40-й.ларда ички касалликлар бўйича илмий ишлар, асосан, ўпка касалликларини ўрганишга йўналтирилди; чиллашир, пеллагра, камқонлик, безгак, буқоқ, ички лейшманиоз, алиментар дистрофия, гелиотроп токсикоз ва триходесмадан захарланиш этиологияси, патогенези, клиникаси, кечиши, давоси, олдини олиш йўллари ўрганил-

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш маркази. Дориларни физик-кимёвий таҳлили лабораторияси.



ди (Э.И.Отахонов, А.А.Асқаров, Н.И.Исмоилов, Н.А.Мирзоян, С.Т.Нажмиддинов ва б.), иқлим физиологияси ва патологияси, маҳаллий иқлим ва сув б-н даволаш манбаларини топиш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш устида излашлар олиб борилди.

Гипертония касаллиги, атеросклероз, стенокардия, миокард инфаркти, ревматизм каби касалликларнинг Ўзбекистоннинг иқлим шароитида қай тарихга кечиши, буларнинг олдини олиш, даволаш ва организмнинг функционал ҳолатини тиклаш хусусиятлари ишлаб чиқилди; электрокардиографик, гемодинамик ва эхокардиографик ўзгаришлар, томирлар реактивлигининг ҳолати, ташқи нафас аппаратининг вазифаси (З.И.Умидова, Р.А.Абдуллаев, К.Й.Йўлдошев, Х.И.Янбоева, М.Х.Ҳамидова, А.М.Убайдуллаев, А.Ж.Жалолов, А.Л.Аляви, Ш.Н.Носиров, М.С.Турсунхўжаева, З.Р.Зуннунов), жигар, меъда, меъда ости безининг ҳолати, иссиқ иқлим шароитида гипертония касаллигида сув-туз алмашинуви тадқиқ этилди (О.Б.Баҳодиров, А.Х.Хўжаев, Ў.Б.Шаропов, А.Г.Гадоев).

Ўзбекистоннинг қулай иқлим шароитларидан тўғри фойдаланиш чоралари, кардиология ёрдамида такомиллаштириш бўйича амалий тавсияномалар ишлаб чиқилди, юрак-томир касалликлари эпидемиологияси бўйича тадқиқотлар ўтказилди (Р.А.Кашенович, Ў.К.Ваҳובה, С.Ю.Турсунов, Б.Х.Маҳмудов, У.К.Қаюмов ва б.).

Ички касалликлар соҳасида меъда-ичак касалликлари алоҳида ўринни эгаллайди. А.Н.Крюков биринчи бўлиб чиллашир касаллиги, И.А.Кассирский эса «бери-бери» касаллиги клиникасини батафсил ёритиб берди. Протозой қолитлар – амёбиаз, балантидиаз, лямблиоз каби касалликларнинг ўзига хослиги (Н.А.Деҳқонхўжаева), ярали ва б. хил қолитларнинг ривожланишида бактериал дизентериянинг роли; сурункали сариқ касаллиги ва сурункали қолитда билиар системанинг шикастланиш хусусиятлари ўрганилди (А.А.Асқаров, Н.И.Исмоилов, Э.И.Отахонов, К.Й.Йўлдошев, К.Б.Баҳодиров, У.А.Асқаров, Б.Р.Рустамов, Н.К.Бобохўжаев, А.М.Харатьян, У.И.Йўлдошев, Т.Жумабоев ва б.), иссиқ иқлимнинг овқат ҳазм қилиш аъзоларининг физиологик фаолиятига таъсирини ўрганиш мақсадида клиник-тажриба ҳамда физиологик тадқиқотлар ўтказилди; меъда-ичак касалликларининг пайдо бўлишига ўлка иқлимий хусусиятларининг таъсири аниқланди.

Тажриба ва клиникада меъда-ичак йўлида ҳар хил операциялар ўтказилганида овқат ҳазм қилиш аъзоларида рўй берадиган компенсация ва субкомпенсация масалалари морфологик, гистокимёвий ва электрон-микроскопик тадқиқотлар орқали ўрганилди (К.А.Зуфаров, П.П.Тошхўжаев, Е.К.Шишова, Э.М.Бойбекова, С.А.Долимов, А.Йўлдошев ва б.). К.Й.Йўлдошев Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб «Ошқозон реакцияси синдроми»нинг янги таснифини яратди ва клиникага татбиқ этди.

Нафас аъзолари касалликларининг кескин ортиши глобал экологик ўзгаришлар б-н боғлиқ эканлиги тадқиқ этилди; бу тизим касалликларида экологик омилларнинг устувор таъсири, жумладан Оролбўйи минтақавий экологик муаммолари мисолида исботлаб берилди, шунингдек, ўпка альвеолит касаллигининг Ўзбекистонда тарқалиши ва даволаш усуллари ўрганилди (М.З.Ризамухамедова).

Гастроэнтерология ва гепатология соҳасида ҳам яхши натижаларга эришилди. Ўзбекистонда учрайдиган сурункали меъда-ичак яра касаллиги, жигар, меъда ости бези касалликлари диагностикаси, этиологияси (Helicobacter pilogy), кечиши ҳамда иккиламчи иммун танқислигини аниқлаш ва даволашнинг янги усуллари клиник амалиётга татбиқ этилди (К.Б.Баҳодиров, Н.Р.Раҳимов, Э.Й.Қосимов, Н.К.Бобохўжаев, Ш.Я.Зокирхўжаев, Р.И.Усмонов, М.Т.Рустамова ва б.); гастроэнтерология амалиётида радиоизотоп, радиотелеметрик диагностика усуллари жорий қилинди, меъда-ичак йўли касалликларининг экспериментал модели яратилди (Э.И.Отахонов, С.Т.Нажмиддинов, К.Й.Йўлдошев, М.М.Маҳқамова). Ичак сўрувчи ҳужайралари (энтероцит)нинг секрет ажратувчи ҳужайраларга ташилиши аниқланди; меъданинг гипер- ва анацит ҳолати ҳамда ичакнинг экспериментал патологиясида микроб б-н меъда-ичакнинг айрим ҳужайралари ўртасидаги боғланиш ўрганилди (К.А.Зуфаров, А.Ю.Йўлдошев).

Буйрак хасталикларини замонавий асбоб-ускуналар б-н ташхислаш ва даволаш усуллари ўрганилди, бу соҳадаги илмий излашларни Республика нефрология маркази мувофиқлаштириб туради (А.Т.Гадоев, Н.П.Пак, А.К.Зуфаров, Б.Т.Даминов ва б.).

Фертил (туғиш) ёшидаги ва ҳомиладор аёлларда учрайдиган терапевтик (экстрагенитал) касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш усуллари йўлга қўйилди, бу республикада оналар ўлимини кескин камайишга олиб келди.

Геронтология ва гериатрия соҳалари ривожлантирилди. Бунда кексалар касалликларини ўзига хос кечиши ва даволаш жараёнларини ўрганиш ҳамда уларнинг вақтида баргараф этиш йўл-йўриқлари тадқиқ этилди (Н.Н.Насриддинова, Л.Э.Отахонова).

Мустақиллик йилларида ҳам ички касалликлар (терапия)нинг барча йўналишларида и.т. олиб бориш давом эттирилмоқда; хорижий технологияларни тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш, ўзаро тажриба алмашинуви асосида ички касалликларни ташхислаш, даволаш тизимларида энг илғор тажрибалар шаклланишига олиб келди.

*Машхура Ризамухамедова,
Эркин Қосимов.*

Кардиология. Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-ти ташкил қилинган кардиология терапиянинг ташкилий қисми сифатида ривожланди. Бу айрим мутахассислар томонидан юрак-қон томир касалликларининг эпидемиологияси, клиник кечиши, тарқалиши, юрак-қон томир тизимининг маҳаллий иқлим таъсирига мослашиш жараёнларини умумий терапия клиникаларида ва аҳоли орасида ўрганишдан бошланди.

Ўзбекистондаги терапевтик мактаблар асосчилари М.Н.Слоним, Н.А.Кассирскийлар юрак-томир касалликларига терапевтик ёндашиш йўналишларини белгилаб бердилар. Уларнинг Ўрта Осиё шароитида қон айланиш меъёрлари ва патологиянинг баъзи параметрларни тадқиқ қилишлари кардиология тараққиётига асос бўлди. Юрак пороги ва атеросклеротик кардиосклероз гипертониясининг кечишига юқори ҳароратнинг салбий таъсири ўрганилди (З.И.Умидова, О.Н.Павлова, Х.И.Янбоева). Миокард инфаркти тромбоземболик кучайишини даволаш йўллари тадқиқ қилинди (А.А.Орифжонов, Г.П.Королев ва б.). Об-ҳаво ўзгаришининг гипертония б-н касалланган беморларга метеопатик таъсир қилиши тавсифлаб берилди (З.И.Умидова, О.Н.Павлова, Н.И.Исмоилов ва б.).

1960 й.дан бошлаб ихтисослашган кардиология хизматига асос солинди (клиникаларда кардиология, кейинчалик кардиореванимация бўлимлари очилди, поликлиникаларда кардиолог шпанти ажратилди ва ихтисослашган тромбоземболик тез ёрдам бригадалари ташкил қилинди).

1976 й. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Кардиология и.т. институти, 1978 й.дан вилоят марказларида ихтисослашган кардиология диспансер-

лари (ихтисослашган клиника ва поли-клиникалар мажмуи) нинг очилиши б-н республика аҳолиси учун кардиология хизмати кўрсатиш яхшиланди.

Шу йилга қадар кардиология соҳасидаги илмий изланишлар, асосан, тиббиёт ин-тларининг терапия кафедраларида амалга оширилган бўлиб, улар юрак-қон томир касалликлари, жумладан юрак ишемияси, миокард инфаркти ва гипертония касаллигининг Ўзбекистон ҳудудинда тарқалиши, келиб чиқиши, диагностикаси, шунингдек, муолажасининг маҳаллий минтақа ва иқлимга хос муаммоларини ҳал қилишга қаратилган (З.И.Умидова, О.Б.Баҳодиров, А.А.Орифжонов, А.Х.Ҳошимов, Р.А.Абдуллаев, К.Й.Йўлдошев, У.И.Исмоилов, Ў.Б.Шаропов, Х.И.Янбоева, Ў.К.Ваҳובה, Г.У.Ризаев ва б.).

1976 й. Кардиология илмий тадқиқот ин-ти ташкил қилинган, таркибидаги лабларда (атеросклероз – Ҳ.А.Ҳошимов; эпидемиология – Б.Х.Маҳмудов, Р.Ш.Мамутов; юрак ишемик касаллиги – С.З.Костко, Г.К.Қияқбаев; артериал гипертония – Н.Л.Мирзаев, Б.Н.Солиҳов; реабилитация – С.Ж.Искандарова; кардио-церебрал патология – А.И.Хўжаев; экспериментал кардиология – А.Г.Курмуков; электрон микроскопия ва биожим – Ш.Б.Эргашев; юрак аритмияси – Р.Д.Қурбонов; миокард инфаркти – К.Н.Азизов, М.М.Пирназаров; функционал диагностика – З.З.Юнусов) турли йўналишларда илмий изланишлар олиб борилди.

Кейинги йилларда республикада юрак-қон томир касалликларининг тарқалиши аниқланди, уларни ташхислаш, даволаш усуллари ривожлантирилди, жумладан, маҳаллий дориворлардан фойдаланиб даволаш замонавий талаб даражасига кўтарилди. Шунингдек, юрак-қон томир касалликлари хатарли омилларининг аҳоли орасида тарқалиши ўрганилди; тажриба тариқасида ўтказилган «миокард инфаркти регистри» аҳоли орасида ушбу касалликнинг реал тарқалишини кўрсатиб берди; юракнинг ишемик касаллиги, юрак етишмовчилиги ва артериал гипертония муолажалари яхшиланди. Юрак ишемик касаллигининг кечиши ва даволаш тактикасини белгилашда қўлайлик яратувчи «номуқим стенокардия», «ўткир коронар синдроми» ҳамда артериал гипертония таснифига бош мия ва юрак шикастланиши босқичларини аниқловчи ўзгаришларни киритишни таъминловчи ишлар амалга оширилди. Кимёгарлар б-н ҳамкорликда юрак-қон томир касал-

ликларини даволашда қўлланадиган 10 дан ортиқ янги маҳаллий дори (аллапинин, аклезин ва б.) синтез қилиниб, экспериментал ва клиника шароитида ўрганилди.

2003 й. Кардиология ин-ти ва Тошкент шаҳар 15-касалхонаси базасида Республика Ихтисослашган кардиология маркази ташкил қилиниши б-н (160 урин) мамлакатда муҳим аҳамиятга эга бўлган кардиология хизмати [3600 дан ортиқ урин, 650 дан ортиқ кардиолог врач, 12 та вилоят кардиология диспансери, 305 та поликлиника кардиолог кабинети, 21 та ихтисослашган кардиология даволаш курси] тизими структурасини яратишнинг ташкилий-амалий босқичлари яқунланди. Кейинги йилларда кардиология соҳасида олиб борилётган илмий изланишлар, асосан, Ўзбекистонда юрак-қон томир касалликларининг тарқалиши, клиник кечиш хусусиятлари ва олдини олиш йўларини ўрганиш (Р.Ш.Мамутов), юракнинг ишемик касалликлари диагностикаси ва даволашни такомиллаштириш (А.Б.Шек), ўткир миокард инфаркти майдонини чегаралаш ва асоратларини олдини олиш (М.М.Пирназаров), миокард инфарктдан кейинги хавфли аритмиялар ва ҳўққисдан ўлим хатарини аниқлаш ва олдини олиш (Р.Д.Қурбонов, Н.У.Зокиров), эссенциал артериал гипертониянинг ирсий хусусиятлари ва уларнинг муолажа тактикасини белгилашдаги аҳамияти (М.Р.Елисеева), юрак-қон томир касалликларида бош мия фаолияти қусурлари (А.И.Ходжаев) ва психопатологик ўзгаришларни (Н.Р.Салимова) ташхислаш, баргараф қилиш, ҳамда миокарднинг нокоронароген касалликлари диагностикаси ва муолажаси муаммолари (Т.А.Абдуллаев) каби йўналишларда амалга оширилмоқда.

Шунингдек, кардиология соҳасида Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (А.Л.Аляви, Б.З.Зияев, «Юракнинг ишемик касаллиги ва артериал гипертониянинг турли шакллари диагностикаси ва муолажаси, жумладан мининг-вазив усулларда»), Республика ихтисослашган жарроҳлик маркази (М.М.Зуфаров, А.А.Мансуров, Ф.Ш.Баҳриддинов, А.А.Омонов «Юракнинг ишемик касаллиги турли шакллари жарроҳлик ва рентгенэндоваскулар усулларда даволаш»), Врачлар малакасини ошириш ин-ти (С.Ж.Искандарова «Юракнинг ишемик касаллиги турли шакллари муолажаси», У.Қ.Қаюмов «Артериал гипертония ва юракнинг ишемик касаллиги турли шаклларида қанди диабет б-н биргаликда кечиш хусусиятла-

ри, диагностикаси ва муолажаси», Л.Э.Атаханова «Климактерик даврдаги аёлларда юрак-қон томир касалликлари диагностикаси ва муолажаси») ва б. тиббиёт ин-тлари ходимлари илмий-амалий иш олиб бормоқдалар 2006 й. майдан «Ўзбекистон кардиологияси» журнали нашр этилди.

Маҳмуд Пирназаров.

Неврология. Бу соҳадаги дастлабки илмий изланишлар 20-й.ларда минтақамизда кенг тарқалган энцефалит, менингоэнцефалит, қутуриш касалликларига қарши эмлашдан сўнг пайдо бўладиган нерв касалликлари, полирадикулоневрит ва б. хасталикларни ўрганишга бағишланди (М.А.Захарченко, Л.Я.Шаргородский, Я.Я.Гордон ва б.). 40–50-й.ларда вирусли нейроинфекциялар – бирламчи полирадикулоневритлар, оптик-энцефалитлар, Жойлангар токсик энцефалити, трихолесмотоксикоз оқибатида келиб чиқадиган аментар энцефалит устида тадқиқотлар олиб борилди. Асаб зарарланиши натижасида келиб чиқадиган ревматизм клиникаси, патогенези ва патологик анатомияси ўрганилди. 70-й.ларда нейроревматизм ва нейротонзилляр касалликлар таснифи яратилди (А.Р.Раҳимжонов); сурункали лептоменингит ҳамда хориозпендитит касаллиги ҳар томонлама ўрганилди ва унинг клиник-анатомик таснифи ишлаб чиқилди (Н.М.Маждидов). Ревматизм патогенезида асаб тизими (гипоталамус) иштироки механизмини ўрганиш бўйича электрофизиологик, иммунологик ва экспериментал тадқиқотлар ўтказилди.

Республикада нейрогенетика соҳасида баъзи ирсий касалликлар қаерларда учраши, уларнинг клиник йўналишларини ўрганиш ва ҳар хил нозологик шакллари аниқлаш устида илмий изланишлар олиб борилди. Болалар ревматизмида ирсий омиллар роли ўрганилди (Ш.Ш.Шомансуров, О.Т.Маждидова ва б.).

Неврология соҳасининг фан сифатида ривожланишида Ўзбекистон ФА академиклари А.Р.Раҳимжонов ва Н.М.Маждидовларнинг муносиб хизматлари бор. Тошкент, Самарқанд, Андижон тиббиёт ин-тларининг неврология кафедраларида асаб ҳамда руҳий тизимнинг ирсий касалликлари, уларнинг эпидемиологияси, гинекологик хусусиятлари ишлаб чиқилди (М.Х.Самиев, А.М.Асланов ва б.).

Томир неврологияси, мия пояси васкуляризацияси ва унга алоқадор касалликлар масаласи тадқиқ этилди. Шунингдек, бош мия қон томир касалликларининг инсультга учрайдиган тур-

лари клиникаси, патогенези, даволаш усуллари ўрганилди ва амалиётга татбиқ этилди (Н.М.Мажидов).

Асаб тизимининг вена томирлари, хусусан улар окклюзиясининг неврологик синдромлари тадқиқ этилди (Ф.Т.Абдуҳакимов).

Охириг йилларда Ўзбекистон невропатологлари мия томирлари касалликларининг келиб чиқишида вегетатив асаб тизими аҳамиятини текширмақдалар. Бундан ташқари, инсультни бошдан ўтказган беморларда мия фаолияти, бош миянинг чап ва ўнг ярим шарлари жароҳатланганини ҳисобга олиб чуқур психо-физиологик текширувлар олиб бормоқдалар. Марказий ва периферик нерв системаси жароҳатлари ва уларнинг асоратлари, мия қон томирлари касалликлари (инсульт, аневризма ва б.), тугма касалликлар (орқа мия чурраси ва б.), шунингдек, бир неча нерв касалликлари устида тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Нерв системаси касалликларини аниқлашда реография, экзоэнцефалография, компьютер томографияси, магнит-резонанс томографияси каби замонавий усуллардан фойдаланилади.

Мустақиллик йилларида йирик даволаш ва илмий муассасалар негизда ташкил этилган ихтисослаштирилган неврология марказларининг фаолият кўрсатиши неврологик касалликлар устида талқиқот ишларини ривожлантиришга имкон берди. Хорижий технологияларни тиббиёт амалиётига талбиқ этиш, ўзаро тажриба алмашиниш асосида неврологик касалликларни ташхислаш, даволаш тизимларида энг илғор тажрибалар шаклланишига олиб келди.

Аҳоли ўртасида, айниқса, болалар ва ўсмирларда асаб тизимини зарарлайдиган касалликларнинг олдини олиш, уларни ҳар томонлама текшириш, касалликни тез аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишини тобора яхшилаш, неврология марказларини кенгайтира бориш, шу соҳа мутахассислари малакасини мунтазам ошириш ҳамда даволаш усуллари тақомиллаштириш неврологиянинг ҳоз. долзарб вазифаларига кириди. Неврологияга оид талқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси ва б. тиббиёт ин-лари, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ларида фаолият кўрсатаётган неврология кафедраларида олиб борилади. Республикада "Неврологиянинг долзарб муаммолари" бўйича йирик халқаро конференция ва симпозиумлар ўтказилади, шунингдек, "Неврология" журналы нашр қилинади,

унда шу соҳага оид илмий изланишлар самараси ҳамда невропатологлар олдида турган энг муаммоли масалалар мунтазам ёритиб борилади.

*Наби Мажидов,
Ёқутхон Мажидова.*

Анестезиология ва реаниматология. Ўзбекистонда анестезиология-реаниматология фани 20-а.нинг 50-й.ларидан ривожлана бошлади. У хирургия амалиётида оғриқсизлантириш ва операция вақтида организмни ҳимоялаш заруритидан алоҳида бир мутахассисликка айланди. Дастлаб ниқобли наркоз, кейинчалик сунъий нафас ёрдамида эндотрахеал наркоз бериш йўлга қўйилди (Э.М.Ходиев, Л.Г.Хачиев, С.А.Маъсумов, Ў.О.Орипов, В.В.Воҳидов ва б.). Анестезиолог ва реаниматологлар томонидан фақат операция вақтида анестезия ва шу б-н бирга критик ҳолатларда интенсив ёрдам кўрсатиш б-н кифояланмай, балки қайси касаллик ва жароҳатлигидан қатъи назар уни сабабини аниқлаб, организмнинг ҳаётий зарур функцияларини тиклаш ва таъминлашдек комплекс чораларни қўллаш масалалари ҳам ўрганилди. 1966 й. Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти қошида «Анестезиология ва реаниматология» курси тузилди (раҳбари доцент М.А.Романова), у анестезиолог-реаниматологлар тайёрлаш ва малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Шу даврда республикада хирургия соҳасида эндотрахеал наркоз кенг қўлланиб, илмий изланишлар кенгайтирилди. Эндотрахеал наркозни хирургияда турли хил операциялар жараёнида қўллаш усуллари ўрганилди (У.Г.Шомирзаева, П.С.Исломуҳжаев, М.Э.Эшонхонов, А.М.Муҳаммедаминов).

1971 й. доцентлик курси асосида «Анестезиология-реаниматология» кафедраси тузилиб (раҳбари проф. А.С.Зарзар), республика бўйича анестезиология-реаниматология хизмати ташкил этилди. Худди шундай кафедралар барча тиббиёт ин-ларида ҳам фаолият кўрсата бошлади.

«Артериал гипертензияли беморларда анестезия қўллаш усуллари», «Астматик статусда интенсив терапия» масалалари чуқур ўрганилди (Х.Н.Муҳитдинова, М.А.Маҳмудов). Тошкент биринчи тиббиёт ин-тида «Ҳомилалдор ва кўзи ёриган аёлларда ўткир буйрак етишмовчилиги» масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борилди, шу боис қўлгина аёлларнинг ҳаёти сақланиб, саломатликлари тикланди (В.Е.

Аваков). Акад. В.Воҳидов номидаги Республика хирургия илмий марказида турли хил хирургик операцияларда анестезия турлари ўрганилди. Айниқса «сунъий қон айланиш даврида», «торажал операциялар вақтида ўпканинг ҳолати» бўйича чуқур изланишлар олиб борилди (Л.А.Назирова, Г.М.Гиммельфарб).

Республика акушерлик-гинекология илмий тадқиқот ин-тининг анестезиология ва реаниматология бўлимида регионан анестезия усуллари қўллашда спинал ва эпидурал анестезияга кўрсатмалар ва уларни қўлланилишининг илмий асослари ишлаб чиқилди (А.А.Семенихин, Е.Д.Ким).

Реаниматология бўйича ўпка сунъий вентиляцияси масалалари ўрганилди. Ўткир нафас етишмовчилигида юқори частотали ўпка сунъий вентиляциясига кўрсатмалар ва монелик қилувчи омиллар чуқур ўрганилиб, илмий асосланди (Ш.Э.Атаханов).

Болалар анестезиологияси ва реаниматологиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилган; болаларда тотал вена ички наркози, эпидурал анестезияни эндотрахеал наркоз б-н комбинацияси, операциядан кейинги оғриқсизлантириш усуллари (Т.С.Аъзамхўжаев, Й.А.Сотволдиев, А.В.Алимов), шунингдек, септик ҳолатларда интенсив терапия масалалари ўрганилди (А.У.Раҳимов).

Соғлиқни сақлашда тез тиббий ёрдам тизимининг ривожланиши анестезиология-реаниматология хизматини янада тақомиллашишига ижобий таъсир кўрсатди. Кейинги йилларда анестезиянинг янада янги усуллари жорий этилди: регионан анестезияни умумий наркоз б-н организм бўшлиқларидаги травматик операцияларда қўллаш, регионан анестезиянинг турли вариантларини (сегментар, поравертебрал, спинал) амалиётга татбиқ этиш ва б. (Ж.М.Собиоров), шунингдек, эндохирургик операциялар вақтида анестезиянинг оптимал вариантлари илмий асосланмоқда (У.Б.Ботиров).

Шу б-н бирга реаниматологиянинг кардиологик аспектлар, ўткир нафас етишмовчилиги, марказий нерв системаси патологияси, экзо- ва эндотоксикозлар, сепсис, полиорган йўналишларида изланишлар олиб бориламоқда.

Ҳоз. Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти ва б. тиббиёт ин-ларида, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, шунингдек, ихтисослашган хирургия марказларида анестезиология ва реаниматология кафедрала-

ри ҳамда бўлимлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жўра Собиров.

Хирургия (жарроҳлик). Ўзбекистонда хирургиянинг ривожини 1868 й. Тошкентда очилган биринчи даволаш муассасаси — ҳарбий касалхона б-н боғлиқ. Кейинчалик Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-тида хирургия кафедраси ташкил этилиши республикада хирургиянинг кенг қўламли ривожланишига имкон берди. Бунда проф. П.Ф.Боровский, П.П.Ситковский, Н.С.Перешивкинларнинг ҳиссаси катта бўлди. Бу даврда қорин бўшлиғи, ўпка хирургияси ривожлантирилди. 30–40-й.лардан бошлаб юз-жағ суякларининг туғма касалликлари ва б. аъзолар хирургияси Самарканд.

Кейинчалик Тошкент, Андижон, Бухоро тиббиёт ин-тлари, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти, шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тларида, Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия ин-тининг Тошкент филиали (ҳоз. В.В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган *Хирургия маркази*)да фаолият кўрсатаётган олимлар ўтказган кенг экспериментал тадқиқотлар энг мураккаб операциялар: меъда, ичак ёки ўпканинг бир қисмини олиб ташлаш, томирлар ва нервларни тикиш, шунингдек, синган суяклар, жароҳатлар, куйишни даволашнинг операция усуллари ва техникасини ишлаб чиқиш имконини берди.

Ҳоз. замон хирургия фани кимё, физика, молекуляр биол. каби соҳалардаги ютуқлар натижасида ривожланиб бормоқда. Шунга кўра юрак клапанлари ва томирларини протезлаш, аъзолар ҳамда тўқималарни кўчириб ўтказиш, сунъий юрак ёки бўғимлар яратишга доир ишлар амалга оширилди. Миокард инфарктини операция йўли б-н даволаш, микрохирургия (мас., узилган бармоқни тиклаш ёки юракнинг майда томирларида янги қон оқимини вужудга келтириш), лазерлар, махсус камераларда юқори кислород босими, яъни гипербарик оксигенация (баротерапия)ни қўллаш, ярадор ва куйганларга даво қилишда микробсиз шароитлар яратиш, сунъий ҳамда қўшимча қон айланиши ва б. хирургияда янги йўналишлар бўлиб қолди.

Хирургиянинг тармоқлари кўпайиб, *нейрохирургия, травматология ва ортопедия, урология*, юрак-қон томир хирургияси, болалар хирургияси ва б. мустақил илмий-амалий соҳалар вужудга келди.

Ўзбекистонда юрак-қон томирлар хирургиясининг ривожланиш тарихи акад. В.В.Воҳидов номи б-н боғлиқ. У биринчи бўлиб болаларда Фалло тетрадасини, “очиқ” қолган артериал шахобча каби юракнинг туғма нуқсонларини, митрал стенози, сиқиб қолувчи перикардитни хирургик усулда даволаш каби мураккаб амалиётларни ўтказди. Шунингдек, юрак-қон томирлар тизимининг ўткир ва сурункали касалликларини хирургик йўл б-н даволашга мўлжалланган ихтисослаштирилган хизматни ташкил этди; 70-й.ларнинг бошида Ўзбекистонда илк бор танани совутиш (гипотермия) шароитида “очиқ” усулда юрак бўлмача ва қоринчалариаро деворининг ёпилмай қолган “тешик”ларини ямаш; юрак ритми бузилишида (юрак ритмининг тўлиқ блокадаси) кўкрак қафасини очиб, юракка сунъий ритм юритувчи мослама (электрокардио-стимулятор) ўрнатилди. Юрак қон-томирлар хирургиясига оид илмий ва амалий фаолиятлар хирургия илмий марказида амалга оширилади.

Кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзоларида, ҳаёт учун муҳим аъзолар, юрак нуқсонлари, йирик қон томирлар, ўпка, жигар ва меъда ости беги хирургияси, шунингдек реконструктив-тиклаш амалиётлари ўтказилди. Шу ва шунга ўхшаш кардиохирургик амалиётлар ва илмий изланишлар Тошкент, Урганч, Андижон, Наманган ш.даги кардиохирургик касалхоналарда ҳам олиб борилади.

Болалар хирургияси. 1947 й.да Тошкент тиббиёт ин-ти қошида ташкил қилинган болалар жарроҳлиғи бўлимида алоҳида кафедра очилиши (бу ишга олим К.Х.Тоҳиров бошчилик қилган) республикада болалар хирургиясининг мустақил фан сифатида шаклланишига асос бўлди. Мазкур бўлим республикада болалар хирургиясининг асосий мактаби ролини ўтаб, фақат Ўзбекистон учун эмас, балки Ўрта Осиёдаги қўшни мамлакатлар учун ҳам етуқ мутахассислар етказиб берувчи масканга айланди. Ушбу мактабда А.И.Сайдалиев, Р.К.Каримов, М.И.Исканжонов, М.М.Мираҳмедов, Х.А.Баҳромжонов каби олимлар етишиб чиқди. Ўзбекистонда болалар хирургиясини ривожлантиришда, унинг илмий-амалий аҳамиятини оширишда С.Р.Раҳимов, К.М.Миржонов, А.С.Сулаймонов, Ф.Қ.Исломбеков, А.М.Шамсиев, М.А.Аҳмаджонов, П.С.Жалилов, Т.С.Аъзамхўжаев, Н.Ш.Эргашев, Б.К.Қдичев, Д.О.Отақулов, Ю.Б.Уллийев, М.М.Али-

ев, Т.Я.Ярашев, М.К.Азизов, Ш.Т.Салимов, В.П.Тен, Ю.М.Аҳмедов ва б. фаолиятининг ўз салмоғи бор.

Болалар хирургияси фани ва хизматини ривожлантиришда республика тиббиёт ин-тлари қошида ташкил қилинган болалар хирургияси кафедраларининг фаолияти асосий ўрин тутди.

Республикада болалар хирургиясининг чақалоқлар хирургияси (Н.Ш.Эргашев), проктология (А.Ж.Ҳамроев), неврология (А.С.Мирсодиқов), травматология-ортопедия (П.С.Жалилов), анестезиология ва реаниматология (Т.С.Аъзамхўжаев) йўналишлари яхши ривожланган, шунингдек, болалар урологияси ва нефрологияси (Ж.Б.Бекназаров), уларда сийдик-таносил тизимининг туғма ривожланиш нуқсонлари (А.З.Фаҳиров), портал гипертензияларга оид илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Болалар хирургияси фани ва хизматини ривожлантиришда Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти, Самарканд, Андижон тиббиёт ин-тларининг педиатрия ф-тлари, шунингдек Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти болалар хирургияси курси (Ж.Б.Бекназаров)да олиб борилаётган и.т.лар асосий ўрин тутди. Замонавий асбоб-анжомлар ва диагностика ускуналари б-н жиҳозланган бу тиббий масканларда болаларга юқори малакали ёрдам кўрсатиш б-н бир қаторда болалар хирургиясида энди ўз ривожини топаётган йўналишларни йўлга қўйишга доир ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда чақалоқлар ва бир ёшгача бўлган болалар ўртасида ҳар хил туғма нуқсонлар ҳамда йирингли яллиғланиш касалликларида кузатиладиган турли асоратларни даволаш ва ўлимни камайтириш, сийдик-тош касаллигини олдиндан аниқлаш ҳамда даволаш усуллари такомиллаштириш, туғма нуқсонларда пластик ва қайта операцияларни мукаммаллаштириш, турли ички аъзоларнинг ўткир хирургик касалликларини самарали даволаш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда хирургиянинг ривожланишида С.А.Маъсумов, Ў.О.Орипов, В.В.Воҳидов, М.Ашрафова, Р.М.Нурмухамедов, Ш.И.Каримов, Д.С.Фуломов, Ф.Г.Назиров, С.М.Аъзамхўжаев, С.А.Долимов, Л.Д.Василенко, А.М.Фофуров, К.Х.Тоҳиров ва б.нинг хизматлари катта.

Ҳоз. илм-фан ва техниканинг ривожланиши, янги тадқиқот ҳамда даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва ҳаётга тат-

биқ этиш (эндоскопия, ультратовуш, компьютер томографияси, магнит-резонанс томография, лалароскопия, лазер нурлари ва б.) хирургияни янада ривожланишига олиб келди. 1998 й. Тошкентда Шошилинч тиббий ёрдам маркази ҳамда вилоятларда унинг филиал ва субфилиалларининг ташкил этилиши хирургиянинг жадал тараққий этишига олиб келмоқда.

Жамшид Нарчаев, Алижон Фақиров.

Нейрохирургия. Бу соҳадаги тадқиқотлар 1920 й. Урта Осиё ун-тида тиббиёт ф-ти негизид асаб касалликлари кафедраси ташкил этилишидан бошланди (ташкilotчи ва биринчи проф. М.А.Захарченко). Нейрохирургия нисбатан янги соҳа бўлганлиги учун 70–80-й.лардан бошлаб уни мукамал ўрганишга киришилди. 1968 й. Самарқанд вилоят касалхонасида Нейрохирургия бўлими (С.Д.Мадьяров) очилди, кейинчалик у кенгайтирилиб, республиканинг жан. ҳудудларидаги беморларга нейрохирургик ёрдам кўрсата бошлади (Ф.А.Мамадалиев), бу Ўзбекистонда нейрохирургия фанининг ривожланиши учун замин яратди.

1968 й. Тошкентда республика онкология ва радиология и.т. институти қошида нейрохирургия бўлими фаолият кўрсата бошлади (М.Х.Қориев); мазкур бўлим 1971 й. Тошкент ш. Қурилиш бош бошқармасининг Тиббий-санитария қисмидаги травматология ва ҳарбий дала жарроҳлиги кафедрасига ўтказилди. 1969 й. 17-шаҳар касалхонаси (А.С.Мирсодиқов), 1972 й. Андижон вилоят касалхонаси таркибид а (М.Д.Дўстмуродов) ҳам нейрохирургия бўлимлари ташкил этилди; 1979 й. мазкур бўлим нейрохирургия кафедрасига айлантирилди (кафедра мудири М.Х.Қориев). Кафедра базасида махсус ихтисослаштирилган Республика нейрохирургия касалхонаси очилди (1983). Бу касалхона ўз фаолиятининг биринчи кунлариданоқ беморларни даволашдан ташқари, нейрохирург мутахассислар тайёрлаш бўйича и.т. ва ташкилий марказ бўлиб хизмат қилади, шунингдек, Тошкент ш. ҳамда республика вилоятлари санавиация хизмати, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва б. қўшни давлатларга ҳам консултатив ёрдам кўрсатади. 1986 й. марказ базасида Нейрохирурглар илмий жамияти тузилди.

1998 й. республика нейрохирургия касалхонаси республика Нейрохирургия илмий марказига айлантирилди. Мазкур марказ республикада ягона нейрохирургик муассаса ҳисобланиб, у Ўзбекистон-

да нейрохирургия хизмати ҳамда бу соҳада олиб борилётган и.т. ишларини мувофиқлаштириб туради. Тиббиёт ин-тлари ўқув дастурига нейрохирургия фанининг киритилиши бу соҳанинг янада ривожланишига замин яратди.

Марказ олимлари томонидан геморагик инсультларни даволашнинг турли босқичларида олиб борилган илмий изланишлар уларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси ва диагностикасида бир қатор янги омилларни аниқлаш имконини берди.

Мияга қон қуйилиши (инсульт)да кузатиладиган метереологик ва психоземotional ҳолатларни, шунингдек, ер қимирлаши вақтидаги давомий стресс ҳолатини ўрганишга алоҳида аҳамият берилди; бош мияга қон қуйилишини даволашга комплекс ёндошиш тадқиқ этилди. Бу соҳада неврологик ва нейрохирургик тез ёрдам бригадаларининг ташкил қилиниши, касалликни эрта аниқлаш, беморларни назорат қилиш ва ўз вақтида тегишли даволаш имконини берди (М.Х.Қориев, Ф.Г.Комилов, Ф.А.Сабуренко). Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда бош мияга қон айланишининг ўткир геморагик шаклда бузилиши ва геморагик инсультларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни босқичли даволаш усуллари ҳамда жарроҳлик амалиётига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар ишлаб чиқилди: “ўткир мия” ташхиси шошилинч жарроҳлик амалиёти ва гематомани олиб ташлашга тўғридан-тўғри кўрсатма қилиб белгиланди. Кейинги 10 йил давомида геморагик инсульт б-н 1200 дан ортиқ беморларда хирургик амалиёт ўтказилди, бунда ўлим кўрсаткичи 90% дан 40% га тушди, яъни 2 марта камайди. Илмий марказда бош мия жароҳатларини эрта аниқлаш ҳамда нейрохирургик беморларни ташхислаш ва комплекс даволаш, болаларда марказий асаб тизими яллиғланиш касалликлари, туғма ривожла-

ниш нуқсонлари, бош мия жароҳатлари ўсмалари ва уларнинг оқибатлари, гидроцефалия, эпилепсия, туғиш вақтида олинган жароҳатлар ва уларнинг ноқуш асоратларини олдини олиш ҳамда даволаш ишлари олиб борилмоқда (А.С.Мирсодиқов, Р.О.Олимов, М.М.Аҳмедиев, И.А.Югай, Р.Т.Қодирбеков, З.С.Маҳмулова, Н.Т.Эргашев). Бундан ташқари бош миянинг баъзи ўсмалари (краниофарингеомалар)ни периферик асаб тизими касалликлари ва жароҳатлари, бош мия қон томирлари аневризмалари, артерио-веноз мальформациялари ва б.ни замонавий эндоваскуляр, эндоскопик ва минингивазив усулларда ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилди (Ф.М.Қориев, Ж.Ёқубов, Е.Б.Берлинер, А.К.Абдуқодиров, Ш.М.Қориев).

Болалар церебрал фалажи, паркинсонизм, умуртқа поғонаси остеохондрози, чурраси ва б. касалликлари ҳамда уларнинг асоратларини замон талаблари даражасида даволаш, шунингдек, бош мия жароҳатларини ўткир давридаги шошилинч хирургик амалиётлари, жароҳат туфайли юзага келган нуқсонларни бартараф қилишда реконструктив амалиётларни амалга ошириш, кейин кузатилиши мумкин бўлган эпилепсияни олдини олиш устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар (Ю.Ф.Сабуренко, М.Ж.Мирзабоев, С.Н.Эшмухамедов, Д.Б.Миразимов, А.У.Норов, Р.М.Йўлдошев, Ш.А.Ҳолиқов ва б.).

Республикада нейрохирургия соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилган бўлиб, бунда нейрохирургия мактабига асос солган М.Х.Қориевнинг хизматлари катта. Ҳозир нейрохирургия соҳасида фаолият кўрсатадиган марказ, касалхона, бўлим ва кафедраларнинг моддий-техник базаси яхшиланган бўлиб, ком-



Республика ихтисослашган нейрохирургия маркази. Компьютер томография хонаси.

пьютер ва магнит-резонанс томографлар, эндоскопик мосламалар ва б. энг замонавий диагностика тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган, бу Ўзбекистонда нейрохирургиянинг янада ривожланишига имкон берди. Барча тиббиёт ин-тларида юқори курс талабаларига нейрохирургия фани ўқитилади, шу соҳа мутахассислари эса мамлакатнинг шаҳар ва вилоят касалхоналарида, Нейрохирургия марказида ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тининг нейрохирургия кафедраларида тайёрланади.

Марат Қориев.

Травматология ва ортопедия. 1926 й. да Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-тида суяк сили ва ортопедия доцентлик курси жорий этилиши, 1930 й. Физיותרпия ин-тида ортопедия клиникаси очилиши, унинг 1931 й. да Ортопедия, травматология ва суяк сили и.т. институтига айлантирилиши травматология ва ортопедия муаммолари устидаги тадқиқот ишларининг ривожланишига имкон берди.

1940 й. да институт вақтинча берки-тилди, лекин унинг клиникаси Тошкент тиббиёт ин-ти таркибига ўз фаолияти-ни давом эттириверди.

1941–45-й. лардаги уруш даврида Ўзбекистонда кўплаб госпиталлар очилди. Яралорларни даволаш, уларни ҳаётга, меҳнатга қайтариш йўлида республика мутахассислари проф. О.Ш. Шокиров, Н.М. Шоматов ва б. катта тажриба ор-тирдилар. Бу Ўзбекистонда суяк жарроҳлиги ва протезлаш соҳаларининг ривожланишига асос бўлди.

1946 й. 1 январда Травматология, ортопедия ва протезлаш и.т. институти қайта тикланди. Урушдан кейинги йилларда олиб борилган илмий ишлар, асосан, ҳарбий жароҳатлар ва уларнинг остеомиелит, сохта бўғим, чўлтоқ каби асоратларини даволаш, протезлаш соҳаларига тааллуқли бўлди (Б.И. Берлинер, О.Ш. Шокиров, Б.А. Стекольников, Н.М. Шоматов).

Ўзбек олимлари томонидан чўлтоқ ҳамда жароҳатларни даволашда суяк пластикаси қилиш (Н.М. Шоматов), саннат ва қ.х.да травматизм муаммоларини ўрганиш (Н.Д. Исаева), шол касаллиги асоратларини даволаш (И.Х. Эшонхўжаев, Н.Ф. Файзуллаев) йўлида чуқур илмий ишлар олиб борилди. Халқ табибатида қўлланилган мумийи аслнинг синган-чиққанларни даволашда шифобахш хоссалари илмий жиҳатдан исботланди (О.Ш. Шокиров).

Шу б-н бир қаторда республика учун жуда муҳим муаммо — болаларда туғма мажруҳликларнинг олдини олиш ва даволаш масаласига катта эътибор берилди. Проф. Н.М. Шоматов бошчилигида Ўзбекистонда болалар ортопедияси хизмати ташкил топди.

70–80-й. ларда Ўзбекистонда ўлка патологияси деб ҳисобланадиган кенг тарқалган ортопедик касалликларни даволаш устида и. т.лар олиб борилди. Қўлоёқларнинг куйишдан кейинги шакл ўзгаришларини тери пластикаси ёрдамида даволаш (Б.М. Миразимов), болалар церебрал фалажи (Б.В. Шаварин), суяк синиши (Ў.С. Исломбеков), остеомиелит касаллигини (Ш.Ш. Ҳамроев) даволаш бўйича қилинган илмий ишлар республикада травматология ва ортопедия фанининг ривожланишида катта роль ўйнади. Бундан ташқари, бир қанча олимларнинг илмий ишлари сон суягининг туғма чиқишини замонавий оператив ва консерватив йўл б-н, сколиоз касаллигини оператив усуллар б-н даволашга қаратилди; болалар ортопедик касалликлари оқибатида болдир сон суякларини ва оёқ панжаси қийшиқликларини Илизаров аппарати кенг қўллана бошланди (Б.М. Миразимов).

Мустақиллик йилларида травматология ва ортопедия соҳасида яратилган энг замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш асосий вазифа деб белгиланди, шунга мувофиқ республикада артродология ва вертебрология йўналишлари жадал ривожлантирилмоқда. Йирик бўғимлар артрозлари, артритлари ва уларнинг асоратлари, узун суяклар деформациялари, суяк ўсмалари, жароҳатлар асоратларини замонавий усуллар б-н даволаш, айниқса йирик бўғимларни эндопротезлаш кенг йўлга қўйилди. Ҳар йили замонавий талабларга жавоб берадиган 100 дан ортиқ мураккаб чаноқсон бўғимини эндопротезлаш операциялари амалга оширилади.

Вертебрология соҳасида аҳоли ўртасида учраб турадиган остеохондроз, умуртқа диски чурраси, спондилолистез, умуртқа синишлари каби касалликларни оператив ва консерватив даволаш усуллари йўлга қўйилди; транспедикуляр фиксация, кейдлар ёрдамида умуртқа танасини мустақамлаш сингари самарали усуллар амалиётда кенг қўлланила бошланди.

1996 й. дан мамлакат тиббиёт тизимида ўтказилган ислохотлар натижасида шошилинч тиббий ёрдам, шу жумладан, шошилинч травматологик ёрдам хизматининг ташкил этилиши травматологиянинг жадал ривожланишига туртки

бўлди. Биринчи навбатда, жароҳатларда ёрдам кўрсатиш усуллари тубдан ўзгарди. Илгари травмадан сўнг ҳафтalar ўтиб қилинадиган операциялар ҳозир жароҳатдан сўнг биринчи соатлардаёқ бажариладиган бўлди, бу беморларнинг тез тузалиши ва асоратларининг камайишига имкон яратади.

Режали травматология соҳасида бугунги кунда суяк синишларида функционал стабил остеоинтез усулларини, янги стерженли компрессион-дистракцион аппаратларини ишлаб чиқиш бўйича кенг изланишлар олиб борилмоқда. Қарияларда остеопороз (суяк мўртлиги) туфайли синиқларни битиришга ёрдам берадиган даволаш усуллари, болалар жароҳати бўйича сон ва болдир суякларини синганда силжитган суяк бўлакларини жойига қўядиган шиналар ишлаб чиқилди. Оғир, куп ва аралаш жароҳатларда организмда бўладиган иммун ва биокимёвий ўзгаришларни ўрганиш ҳамда бу ўзгаришларни тез бартараф этиш бўйича даволаш усуллари таклиф этилди.

Болаларда учрайдиган сон суягининг туғма чиқиши, гематоген остеомиелитдан кейинги қийшиқлик ва суяк калталлигини, ўсмирлардаги сколиозни жарроҳлик усулида даволаш, шунингдек, спорт шикастлари, спортчиларга юқори малакали травматолог-ортопедик ёрдам кўрсатишининг самарали усуллари йўлга қўйилди.

Травматология ва ортопедия фани ютуқларини бошқа мамлакатлар б-н ўзаро илмий ҳамкорликсиз тасаввур этиш қийин. Республика олимлари б-н Россия, Украина, Қозғоғистоннинг энг йирик илмий марказлари ўртасида узвий алоқалар ўрнатилган. Москва, Харьков, Новосибирск Травматология ва ортопедия илмий тадқиқот ин-ти ва б. билан Ўзбекистон миқёсидаги тиббий муассасалар ўртасида мустақам ҳамкорлик мавжуд. 2001–05 й. ларда бир нечта ўзбекистонлик мутахассислар Россия, Буюк Британия, Австрия ва Туркия давлатларида илмий сафарда бўлдилар. Бундан ташқари, интернет, электрон почтаси орқали узоқ хорижий мамлакатлар б-н илмий алоқалар йўлга қўйилди.

Ҳоз. кунда травматология ва ортопедия соҳасида М.Ж. Азизов, Б.М. Миразимов, Р.Р. Ходжаев, Ш.Ш. Шотурсунов, А.М. Дурсунов, М.К. Қодиров, А.М. Жўраев, М.М. Солиев, Ш.Ш. Ҳамроев, И.Ю. Ходжанов, П.С. Жалилов, П.У. Уринбоев, К. Худойбердиев каби олимлар травматология ҳамда ортопедия фани ва амалиётга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистондаги барча тиббиёт ин-тлари кафедраларида, Травматология ва ортопедия и.т. институти ҳамда бир неча ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларда травматология ва ортопедиянинг долзарб муаммоларига оид чуқур илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ботир Миразимов, Мурод Солиев.

Урология. Урологик касалликлар қадимдан маълум. Абу Али ибн Сино қовуқдаги тошларни тушириш сир-асорларини билган. Лекин илмий урология 19-а.да шаклланди. Асосан, цистоскопия ва рентген нурлари орқали текшириш усуллари кенг қўлланилди. Урологиянинг ривожланишига замин яратди.

Ўзбекистонда урологиянинг ривожини 1924 й.да Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-тида урология кафедраси ҳамда 25 ўринли урология клиникаси ташкил этилиши б-н боғлиқ. 60–70-й.ларда радиологик, ангиографик, уродинамик, компьютер томографик текширувларнинг амалиётга кириб келиши б-н урологияда жарроҳлик усуллари такомиллашди; ТУР, перкутан операциялар, буйрак тошларини масофадан парчалаш йўлга қўйилди. Ҳоз. кунда лапароскопик операциялар, яъни лапароскопия кенг қўлланилмоқда. Тошкентдаги урология клиникаси асосида 1990 й. Республика урология илмий маркази ташкил этилди, 2002 й.да у Республика ихтисослашган урология марказига айлантирилди. 1932 й.дан Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида урология кафедраси ва клиникаси иш бошлади ва шу клиника қошида 1997 й. Тошкент ш. урология маркази ташкил этилди, унда ЎзР вилоят ҳамда туман шифохоналарида урологик бўлимлар очиш, уларни малакали кадрлар ва мутахассислар б-н таъминлаш ишлари амалга оширилди. Бу давр мобайнида сийдик-тош касалликларидан ташқари, яллиғланиш касалликлари, буйрак ва сийдик чиқариш йўллари нуқсонлари, жароҳатлари ҳамда уларнинг оқибатлари, шунингдек, шишлар ва б. касалликлар ўрганилди.

Республика клиникаларида урологик касалликларга ташхис қўйиш ва даволашда ультратовушли скенирлаш, уларнинг эндоскопик ва рентгенологик аппаратлар, ташқи тўлқин ёрдамида буйрак ва сийдик йўли тошларини майдалаш дастгоҳлари б-н жиҳозланиши урология соҳасининг жаҳон талаблари даражасига кўтарилишига имкон берди. Йирик касалхоналар таркибидан нефрология бўлимлари ва марказларининг ташкил этилиши туфайли ўткир ва су-

рункали буйрак етишмовчилиги б-н боғлиқ тадқиқотлар олиб борилди. Ўткир буйрак етишмовчилигида «сунъий буйрак» аппарати ёрдамида қонни тозалаш «гемодиализ» усули ишлаб чиқилди. Урология соҳасида олиб борилган ва кейинги тадқиқотлар О.М.Мухторов, И.П.Погорелко, Т.Н.Позднякова, Д.Л.Арустамов, А.А.Ғайбуллаев ва б.нинг фаолияти б-н боғлиқ.

Сўнгги йилларда республика Шошинч тиббий ёрдам маркази ҳамда вилоят марказий шифохоналари қошида урология бўлимларининг очилиши Ўзбекистонда урологиянинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Асилбек Ғайбуллаев.

Онкология. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»да ўзининг шахсий экспериментал ва клиник тажрибалари б-н бирга ўсма-тўқималарнинг келиб чиқиши, белгилари, уларни пайқаб олиш ва даволаш усуллари ҳам баён қилган. Ўзбекистонда онкология фанининг ривожланиши П.Ф.Боровский, Л.Д.Василенко ва б. олимлар номи б-н боғлиқ. 1931 й.да Тошкентда Ўзбекистон рентген-радиология ва ўсма и.т. институти ташкил этилиб, 1940 й. гача фаолият кўрсатиши, 1946 й.да Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида онкология кафедраси очилиши, 1958 й.да Ўзбекистон Рентгенология, радиология ва онкология и.т. институти ташкил этилиши, республикадаги барча тиббиёт ин-тларида онкология кафедралари фаолият кўрсата бошлаши онкология соҳасида кенг қўламда тадқиқотлар олиб борилишига имкон берди.

Ўзбекистон онкологлари томонидан ўсма-тўқималар б-н бирга учрайдиган касалликлар, қуёш нурунинг ўсма тўқималаридаги алмашинувга таъсири, ўсма касалликлари эпидемиологияси ва онкологик ёрдамни ташкил этиш, хавфли ўсма-тўқималар иммунологияси масалалари, ўсма-тўқималарни рентгенологик, ультратовуш ва радиоизотоп усуллар орқали аниқлаш йўллари такомиллаштирилди.

Хавфли ўсма-тўқималарнинг экспериментал, кимёвий ва радиацион канцерогенези масалалари, онкологик касалликларни операция қилиб даволаш ишлари йўлга қўйилди.

Онкология фани ҳоз. 3 йўналишда ривожлантирилмоқда: нормал ҳужайрадан рақ ҳужайрага ўтиш механизмини фундаментал усуллар орқали ечиш; аҳоли ўртасида ушбу касалликка мойил бўлган ва клиник белгилари юзага чиқмаган кишиларда рақни иммунологик усуллар б-н аниқлаш; хавфли ўсма-тўқималарни имму-

нологик усуллар б-н даволашни такомиллаштириш.

Метъа-ичак ва суяк ўсма-тўқималарини аниқлашда рентгенотомограммани қўллаш, ўпка, ўт пуфғи ва талоқни сканерлаш усули б-н текшириш, ультратовуш ёрдамида деярли барча аъзолардаги ўсма-тўқималарни аниқлаш; экспериментал ҳайвонлар бош миясида сунъий ўсма-тўқималар ҳосил қилиш, хавфли ўсма-тўқималар пайдо бўлиши, ривожланиши ва тарқалишида генлар ролини аниқлаш, онкологик беморларни физик омиллар: юқори ҳарорат, ўта совуқ ва лазер б-н даволаш усуллари ишлаб чиқилди. Шунингдек, ўлкага хос хавфли ўсма-тўқималар, уларнинг дастлабки диагностикаси, олдини олиш, комплекс даволаш ва б. масалалар юзасидан и.т.лар ўтказилмоқда. Онкология соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ва эришилган ютуқлар Ж.М.Абдурасулов, А.И.Николаев, Н.Қ.Муродхўжаев, А.А.Ғоziлов, С.Н.Наврўзов, Б.А.Шек, С.Б.Каримова, Р.Р.Романова, В.А.Алижоновна, М.А.Ғофур-Охунув, М.Д.Жўраев, А.В.Хўжаев ва б. фаолияти б-н бевосита боғлиқ.

Ҳоз. Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида онкология диспансерлари ва марказлари фаолият кўрсатмоқда. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Онкология маркази, республика ва шаҳар онкология диспансери, шунингдек, тиббиёт ин-тларининг онкология кафедраларида онкологиянинг энг долзарб масалалари устида и.т. олиб бориш давом эттирилмоқда.

Наримон Муродхўжаев.

Стоматология. Ўзбекистонда бу соҳа 20-а.нинг 50-й.ларидан ривожланди. ТошТИ таркибидан стоматология ф-ти ташкил этилгунга қадар Тошкентда тиш врачлари ва техниклари тайёрлайдиган ягона техникум мавжуд бўлган. 1954 й. ТошТИ да олий маълумотли врач-стоматологлар тайёрлаб берадиган Марказий Осиёда ягона стоматология ф-ти ташкил этилди.

1954 й. ТошТИ умумий жарроҳлик кафедраси қошида фаолият кўрсатаётган юз-жағ жарроҳлиги курси ихтисослашган Жарроҳлик стоматология кафедрасига айлантирилди, кейинчалик терапевтик ва ортопедик стоматология, шунингдек, болалар жарроҳлик стоматологияси кафедралари фаолият кўрсата бошлади. 1992 й. Бухоро тиббиёт ин-тида стоматология ф-ти очилди.

Республика олимлари томонидан жағ суяклари ҳамда бўғинларининг нормада ва ёшга боғлиқ анатомик ҳамда морфологик тузилишлари (Ф.К.Ирисмуҳа-

медов), тиш тошларининг пайдо бўлиш хусусиятлари (Э.А.Худоев), тиш эмалнинг гипоплазиясида пульпадаги патоморфологик ўзгаришлар (Т.Х.Сафаров) каби стоматология амалиёти учун зарур бўлган стоматология назариясига тааллуқли илмий ишлар бажарилди; кейинги йилларда оғиз бўшлиғининг тўсиқ-ҳимоя механизмларини ўрганишга оид клиник-морфологик тадқиқотлар ва уларнинг тиш қариеси ҳамда тиш қаттиқ тўқималарининг патологик емирилиши, ейилиши, понасимон кемтик каби тиш касалликларини даволашда (Х.Ш.Раҳмонов, Б.А.Холмонов), тиш протезлаш амалиётида янги металл қотишмаларидан фойдаланишда (Н.Л.Ҳабилов) ва пародонт касалликларининг патогенезини ўрганиш ҳамда самарали даволашда (Р.Т.Сафаров) муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берадиган и.т.лар амалга оширилди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикасининг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида стоматологик касалликлар (Ю.Х.Юнусов, И.Ф.Ғиёсов, А.Т.Туробов, Л.Бобононов, С.Х.Юсупов ва б.) ҳамда болалар орасида туғма лаб ва танглай кемтикларининг тарқалганлиги (Р.А.Амануллаев) ўрганилди; одам соғлиғига зарарли бўлган цехларда (М.В.Бекметов, А.Д.Абдуазимов, Г.Э.Идиев, С.А.Ғафоров ва б.), шунингдек, бевосита пестицидлар б-н ишлайдиганлар, экологик ночор минтақалардаги болалар ва катталар (У.Ж.Жуматов, С.Э.Кубаев), қар-соқов ва кўзи ожизларнинг, оғиз бўшлиғи аъзоларида пайдо бўладиган ҳар хил патологик ўзгаришлар ва стоматологик касалликларнинг тарқалганлиги, уларнинг ўзига хос клиник кечиши замонавий текшириш усуллари ёрдамида ҳар томонлама ўрганилиб, ҳасталикларни замонавий усулларда олдини олиш (профилактика) ҳамда даволаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва стоматология амалиётига талбиқ этилди. Шунингдек, одам организмнинг ички аъзо ва тизимларидаги сурункали касалликлар, хусусан, гастрит, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси (Т.Х.Сафаров, О.А.Зуфаров, С.С.Аъзамхўжаев, С.А.Зуфаров ва б.), сурункали колит ва энтероколитлар (О.С.Йўлдошхонова ва б.) гипертония, қандли диабет, сурункали гломерулонефрит, темир танқислигидан келиб чиқадиган камқонлик (Р.Н.Нигматов), диффуз-токсик буқоқ (У.А.Ғаниев), мохов, сурункали алкоголизм каби кўпгина касалликлар б-н бирга учрайдиган турли стоматологик касалликлар амалий соғлом одамларда учрайдиган стоматологик касалликларга нисбатан анча оғир-

роқ кечиши, уларни олдини олиш ва даволашда ижобий натижаларга эришиш учун оғиз бўшлиғи касалликлари б-н бирга ички аъзо ва б. тизим касалликларини ҳам даволаш лозимлиги аниқланган.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлим шароитларида аҳолининг турли қатламлари орасида стоматологик касалликларнинг тарқалганлик даражаси, клиник кечиши, уларни олдини олиш чора-тадбирлари ва даволаш муаммоларининг умумий ташкилий ҳамда хусусий масалаларини замонавий усулларда ўрганишга бағишланган турли илмий изланишлар олиб борилди. Бунда М.М.Мирёкубов, Т.Х.Сафаров, С.Бектошев, Э.У.Маҳкамов, С.А.Зуфаров, О.С.Йўлдошхонова, С.С.Аъзамхўжаев ва б.нинг хизматлари катта.

Ҳоз. врач-стоматолог мутахассислигига Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Бухоро тиббиёт ин-тининг стоматология ф-тларида ўқитилади, улар ўз малакаларини Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти стоматология кафедраларида оширадilar.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг аҳолига стоматологик ёрдам кўрсатиш тизими анча яхшиланди; врач-стоматологларнинг ўз назарий билимлари, амалий кўникмалари ва малакаларини ошириб боришларига эҳтиёж туғилди. Бу йўналишда ҳар йили узоқ ва яқиндан ташриф буюрадиган хорижий олимлар, етук мутахассислар иштирокида илмий-амалий анжуманлар, семинарлар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда.

Ўтказилган ислохотлар натижасида республика стоматологияси янги ютуқлар поғонасига кўтарилди.

*Саидамин Аъзамхўжаев,
Тошнўлат Сафаров.*

Оториноларингология. Ўзбекистонда бу соҳадаги тадқиқотлар Ўрта Осиё ун-тида (1920), кейинчалик Самарқанд (1930), Тошкент тиббиёт ин-ти (1935), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти (1941), Андижон тиббиёт ин-ти (1955), Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти (1972) ЛОР касалликлари кафедрасида олиб борилди.

Юқорида айтилган кафедраларда илмий изланишлар қулоқнинг йирингли (ташқи ва ўрта отит, лабиринтит) ҳамда йирингсиз касалликлари (отосклероз, адгезив отит, кохлеар неврит, Меньер касаллиги); уларнинг асоратлари (менингит, синустромбоз, абсцесс, юз нервни фалажи); эшитишнинг пасайиши ва қарлик; бурун ва ёндош бўшлиқлари-

нинг касалликлари (ринит, ринолит, синусит, гайморит, этмоидит, фронтит, сфеноидит) ҳамда унинг кўз ва калла ичига берадиган асоратлари (синустромбоз, периостит, орбита флегмонаси ва ретробульбар абсцесси), ЛОР аъзоларни аллергия касалликлари, ҳалқум (аденоидлар, ангина, сурункали тонзиллит, фарингит, фарингомикоз) ҳамда ҳиқилдоқ касалликларини (ларингит, ҳиқилдоқ ангинаси, хондроперихондрит, ҳиқилдоқ стенози) вақтида аниқлаш ва даволаш устида олиб борилмоқда.

Оториноларингология соҳасида олиб борилган ва кейинги тадқиқотлар ҳамда эришилган ютуқлар С.Ф.Штейн, Қ.Ж.Мирализов, А.И.Мўминов, Ф.Т.Ибрагимов, А.Н.Дадамўхамедов, А.И.Алимов, Т.Х.Насретдинов, С.А.Ҳасанов, К.А.Хўжаев, А.М.Ҳакимов, Х.Э.Шайхова ва б. фаолияти б-н боғлиқ. Ҳоз. ЛОР аъзолари касалликларида (ёт жисм, қон оқиши, жароҳат) шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш; қулоқ, томоқ ва бурун касалликларини хавфли ва хавфсиз ўсмаларини аниқлаш, бу аъзолардаги касалликларни ички аъзоларга бўладиган таъсири, уларни асоратларига алоҳида аҳамият бериш; СПИД ва тери касалликларида ЛОР аъзоларида кузатиладиган ўзгаришларни замонавий эндоскопик текшириш ва уларни даволаш усулларини (микродоскопия, кохлеар имплантация ва б.) амалиётга жорий этиш масалаларига оид тадқиқотлар олиб бориш давом эттирилмоқда.

Холита Шайхова.

Офтальмология. Бу соҳадаги илмий изланишлар 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланди. Ўзбекистонда офтальмология соҳасининг аҳоли ва хизмат тизими ўрганилди (П.Ф.Архангельский, М.К.Комилов).

Ўлка касалликлари муаммолари бўлган бруцеллез, безгак, захм ва силда кўрув аъзосининг ўзгариши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Дастлаб Ўрта Осиё ун-ти тиббиёт ф-ти кўз касалликлари кафедрасида олиб борилган тадқиқотлар, кейинчалик республикадаги тиббиёт ин-тларида давом эттирилди. Офтальмология фани ютуқлари амалиётга жорий этилиши туфайли Ўзбекистонда ўткир эпидемик конъюнктивит эпидемияси, трахома (шилпик) бутунлай тугатилди, перитригум ва кўклам катарини даволашнинг янги усуллари амалиётга талбиқ этилди (Н.И.Медведев, М.К.Комилов). Кўклам катарини жарроҳлик усули б-н даволашда кетгут, склера ва аллотрансплантациядан фой-

даланиш йўлга қўйилди (М.Солиев, А.Н.Медведев, Э.Н.Билолов, М.С.Рус-тамов).

Кўз яллиғланиши б-н кечадиган куйиш ва турли кератитларни даволаш учун фенсулгал суртма синондан ўтди ва амалиётда қўлланила бошланди (А.Ў.Зокиров). Кўзнинг баъзи яллиғланиш касалликлари беморлар нерв системаси ва метаболизмининг индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги исботланди (М.Х.Каримова), шунингдек, кўзнинг герпетик кератитларини комплекс даволашда специфик ва носпецифик герпес вирусига қарши дорилардан, иммунокоррекция сифатида фойдаланиш даволашнинг юқори самарали бўлишини кўрсатди (Т.Н.Авазов, З.Т.Бекмуратова). Кўрув аъзоларининг ишлаб чиқариш б-н боғлиқ шикастланишининг олдини олиш ва даволаш ҳамда жароҳатлардан сўнг учрайдиган иккиламчи глаукома ва шикастланиш оқибатида рўй берадиган ногиронлик ўрганилди (Я.К.Мўминов, Т.Я.Қосимов, М.К.Комилов, Н.И.Медведев, Х.Қ.Хожимухамедов, Қ.А.Асланова, Ф.Н.Нуритдинова, Т.У.Умарова, Х.М.Мирзаев, Ф.Н.Назирова, Е.В.Кремкова).

Назла (кўксув, глаукома) оқибатида кўр бўлиб қолишни барвақт аниқлаш, даволаш ва олдини олишга доир тадқиқотлар ўтказилди (Т.Г.Ильина, К.К.Қодирова, Х.М.Комилов, Е.В.Кремкова, З.И.Зокирова, А.М.Набиев, Х.Абдуҳолиқов).

Ўзбекистонда бирламчи ёпиқ ва очик бурчакли глаукомани комплекс ва лазер б-н даволашнинг патогенетик технологиялари ишлаб чиқилди (А.Ф. Юсупов, У.С.Файзиёва, Д.М.Тўйчибоева).

Одам кўзини ҳомила вақтида ва тузилгандан кейинги тараққиёти ҳамда

ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар мукамал ўрганилди (М.Х.Ҳамидова). Ҳомиладор аёллар бульбар конъюнктивасининг микроциркуляцияси, кўз туби ва кўрув аъзоси функцияларининг туғруқдан аввал ва кейинги ҳолати кузатилди (Л.С.Ҳамраева).

Миопия, гилайлик ва болаларда учрайдиган бошқа кўз касалликлари муаммолари устида илмий ишлар олиб борилмоқда (Б.О.Зоҳидов, А.А.Юсупов, А.Р.Худойбердиев, А.Шарапова, Б.Т.Бузуруков, Л.Ж.Бобонова).

Тури соҳа олимларининг маълум бир муаммони ҳал этишга ҳамкорликда ёндашишлари илмий ва амалий масалаларни мукамал ечишга имкон беради. Бош мия ва пардаларининг яллиғланиши, шунингдек, қон томирларининг касалликлари ва димланган дискнинг диагностикаси, даволаш усулларини ҳар томонлама ўрганиш бу оғир хасталикларни самарали даволашга олиб келмоқда (Х.М.Комилов, М.К.Бекаева, Б.О.Зоҳидов, Р.О.Муҳаммадиев, С.Ж.Абдуллаев, З.А.Худойбергенова). Қандли диабет оқибатида кўрув аъзоларидаги ўзгаришларни эрта аниқлаш, кўз қон томирларининг функционал ҳолатини комплекс баҳолаш усули юқори информатив эканлиги қайд этилди, буқоқ касаллигини консерватив ва радиойодтерапия усуллари б-н даволашда кўз гемо- ва гидродинамикасининг ўзгаришлари кузатилди (Ф.Н.Ҳақбердиева, Н.Р.Янгиева, С.Г.Елисеєва, Ф.А.Баҳритдинова).

Ревматоид артрит, подагра, сурункали буйрак етишмовчилигини даволашда кўрув аъзоларининг ҳолати (А.Ў.Зокиров, Ф.А.Баҳритдинова, Х.С.Аъзамова, З.У.Маҳмудова); юрак ишемия касаллигида кўз циркуляциясининг аҳвали ва унга глирофам препаратининг таъсири ўрганилди (М.Х.Каримова).

Кўз касалликларини аниқлаш ва даволашда кибернетика ва электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш илмий йўнали-

ши ишлаб чиқилди (Х.М.Комилов).

Ҳоз. офтальмологияда узоқдан олинётган ахборотларни автоматик тарзда йиғиш ва ишлов бериш учун мураккаб кўп ўлчамли тизимларнинг математик моделларини таҳлил этишга, глаукомани аниқлаш, кўз гидродинамикасининг кўрсаткичларини ҳисоблаш техникалари воситасида аниқлаш, диагностика қилиш ва даволаш учун автоматлаштирилган тизим яратиш, уни бошқариш, жарроҳлик усули б-н даволашда глаукоманинг кечилиши аниқловчи компьютерли мезонларни тадқиқот қилиш устида илмий изланишлар олиб борилди (Х.М.Комилов, Х.А.Тўрақулов, Ф.Н.Хайтов, Р.Н.Алиева, М.Т.Рабинов, О.В.Синева, Р.М.Юсупов). Математик усуллар ёрдамида кўз касалликларини тезкор ташхислаш ва унинг кечилиши компьютер ёрдамида башорат қилиш беморларнинг даволанишини тезлаштиради ва турли оғир асоратларининг олдини олади. Кўз олмасининг контузион жароҳатларини аниқлаш ва даволаш жараёнини бошқариш учун математик модул тузилди (О.З.Назаров).

Кўй юраги пардасидан ксенотрансплантат и.ч. технологияси яратилиб, тажрибада синаб кўрилди ва у ўсувчан миопия, хориоретинал дистрофия, кўрув нервининг атрофияси, кўклам катариси ва птеригиум касалликларини даволашда қўлланилмоқда (Х.М.Комилов, Р.О.Муҳаммадиев).

Катаракта туфайли рўй берадиган ногиронлик ва уни тиббий-ижтимоий тиклаш усуллари ишлаб чиқилмоқда (Б.М.Саидов, Б.А.Калонхўжаев, И.Ф.Солиев). Кўз хиралашувларини даволашда кукумазиннинг сўрилиш таъсири ўрганилди (Н.М.Норматова).

Кўз қўшимча аппаратларининг йирингли-яллиғланиш касалликларини комплекс даволашда регионал лимфатик антибиотик терапия усули ишлаб чиқилди ва у даволаш натижаларини анча яхшилади (З.К.Ҳақимова).

Республикада ихтисослаштирилган кўз микрохирургия марказининг ташкил этилиши офтальмология фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ҳолидҷон Комилов.



Республика кўз касалликлари шифохонасида беморни кўздан кечириш.

Психиатрия. Психиатрия тиббий фан сифатида 18-а. охири – 19-а. бошларида шаклланди. Унга оид дастлабки тадқиқотлар (20-а. нинг 20-й.ларидан) пеллагра, безгак, ички лейшманиоз, бруцеллез, қутуриш, эпидемик энцефалит ва б. касалликларда кузатиладиган руҳий бузилишлар, нашавандликка қарши ку-

раш, абстинент синдром тавсифи ва давоси масалаларига бағишланди. 40-йларда бош миянинг ёпиқ шикастланишида рўй берадиган руҳий бузилишлар, соматоген психозлар клиникаси, реактив ҳолатлар ўрганилди; эпилепсия каби касалликлардаги ҳарбий ва меҳнат экспертизалари, уни даволаш устида иш олиб борилди. Кейинчалик инфекция психозлар психопатологиясини ўрганиш давом эттирилди, безгактаги шизоформ психозлар клиникаси, эпилепсия ва қутуришда рўй берадиган руҳий бузилишлар таърифлаб берилди (М.Фулмонов, Н.Орипов, А.Абдурахимов).

Республикада шизофрения масалаларига бағишланган и.т. ишлари кенг миқёсда олиб борилди. Шу йўналишда шизофрения хуружлари қайталанишининг шароитлари ва олдини олиш усуллари (Ҳ.О.Олимов), шизофрениaning клиник кўриниши, кечиши ва систематикаси (Ш.А.Муртолибов ва б.), унинг айрим турларини клиник-катамнестик ўрганиш (А.А.Асқаров, Т.Д.Рустамов, И.К.Монасипова, Р.Р.Шокир-Олиев), эпидемиологик (Р.С.Турсунова, В.П.Исҳоқов, М.Л.Аграновский), ижтимоий-меҳнат (О.Г.Қодиров, З.А.Абдуҷабборова, Г.Ф.Абдуллаева), даволаш усуллари (А.У.Шоқуюпова, О.Н.Елисеев) тааллуқли масалаларга катта эътибор берилди. Бир қанча ишлар шизофрениaning биологик асосларига бағишланди (Б.А.Тошматов, Д.Г.Фуломонов).

Алкоголизм ва алкогольга боғлиқ бўлмаган токсикоманияларнинг клиник ва ижтимоий муаммолари (Б.К.Қаюмов, М.Халилов, Р.Р.Шокир-Олиев, Л.А.Турсунхўжаева, Ш.Х.Иброҳимова), унинг патогенези ва даволаш усуллари (Н.И.Хўжаева, Ф.З.Ғофуров ва б.), алкоголь психозлари клиникаси, эпидемиологияси ва даволаш чоралари (А.Х.Имомов, Х.Н.Хусанхўжаев) батафсил текшириб кўрилди, эпилепсия касаллигининг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди (Т.И.Исмоилов, Ф.Н.Ҳасанов ва б.). Илгарилари ногиронликка олиб келадиган ўткир психоз б-н касалланган беморлар саломатлигини тиклаш усуллари ишлаб чиқилди, психик касалликларнинг кўпгина тури (жумладан, авваллари тузатиб бўлмайдиган тури) муваффақиятли даволанмоқда. Руҳий беморларни даволаш имкониятлари кундан-кунга кенгайиб, руҳий ўзгаришларни даволашда марказий нерв системасида содир бўладиган жараёнларга бевосита таъсир этадиган психофармакологик воситалар қўлланмоқда. Ҳоз. замон психиатрияси фақат клиник фан бўлиб қолмай, балки ижтимоий ва психоло-

гия масалаларини ҳал қилишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Мирқобил Халилов.

Пульмонология. Нисбатан янги соҳа бўлганлиги учун 70-йлар охириларида бошлаб уни муқаммал ўрганишга киришилди. Илгари Ўзбекистонда «пахта якка ҳокимлиги» натижасида юзага келган экологик ўзгаришлар ва кўп миқдорда ишлатилган пестицидлар таъсирида ўпканинг сурункали носпецифик касаллиги, айниқса, қишлоқ жойларида кўпайиб кетди, шуларни ҳисобга олиб Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти қошида 1978 й. клиник пульмонология кафедраси ташкил этилди, шунингдек, Ўзбекистонда пульмонология илмий мактаби ҳамда пульмонология хизматига асос солинди. Ҳозирда Ўзбекистоннинг шаҳар ва вилоятларида пульмонология бўлимлари ташкил қилинган.

1989 й. Сил и. т. институти Фтизиатрия ва пульмонология илмий тадқиқот ин-тига айлантирилди. 1990 й. бу и. т. институти қошида Республика пульмонология маркази ташкил қилинди. Бу марказ пульмонология соҳасидаги и. т. ва амалий ишларни мувофиқлаштириб боради. Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчи бўлиб носпецифик ўпка касалликлари (бронхиал астма, сурункали бронхит)нинг эпидемиологияси, функционал диагностикаси, фармакотерапияси, иммунологик ва клиник алергологияси, унинг генетик механизмлари, биоритмологик ташкилий системаси ва патогенетик терапия ҳамда меҳнат қобилиятини тиклашнинг илмий асослари ишлаб чиқилди, шунингдек, рентгенологик (томография, бронхография, эндоскопик трахеобронхоскопия), функционал диагностика каби турли тадқиқот усуллари жорий этилди (А.М.Убайдуллаев, К.С.Қазақов, Г.А.Воҳидова, Д.Х.Маҳмудова, Г.А.Содиқова, Ш.У.Исмоилов, М.Т.Рустамова ва б.).

Республикада илмий ишлар ривожланиши натижасида 1985 й. Тошкентда немис олимлари б-н бирга, 1986; 1990–2001 й.да Тошкент ва Самарқандда кузга кўринган француз пульмонолог олимлари б-н бирга симпозиум ташкил қилинди. 1991 й.да Хохберг ш. (ГФР) да ўзбек ва немис олимлари б-н қўшма семинар ўтказилиб, республикада биринчилардан бўлиб «Бронх-ўпка касалликларида функционал текшириш» бўйича сертификат олишга муваффақ бўлинди.

1994 й.да эса Марказий Осиё республикалари пульмонологлари I-конгрес-



Ўзбекистон фтизиатрия ва пульмонология институти. Беморни бронхоскопда кўздан кечириш.

си бўлиб, уларнинг ассоциацияси тузилди. Пульмонология соҳасида олиб борилган ўзбек олимларининг илмий ишлари жаҳон миқёсида эътироф этилди; Стокгольм (1995, 2000), Барселона (1996), Севилья (Испания – 1995), Берлин (1997, 1999), Женева (1997), Чикаго (2001), Анталия (2002), Париж (2003), Глазго (2004), Амстердам (2005), Копенгаген (2005) да конгресслар ҳамда симпозиумларда ўзбек пульмонологларининг қилган маърузалари ижобий баҳоланди; илмий хулосалар натижасида монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-оммабоп рисоалар нашр этилди.

Абдулла Убайдуллаев.

Ревматология. Ўзбекистонда 20-а.нинг 30-й.ларидан ревматизмга қарши даво чоралари кўрилиши туфайли ревматология илмий-амалий фан сифатида шаклланди. Бунда терапевт проф. М.И.Слоним, З.И.Умидова ва б.нинг ҳиссаси катта бўлди. Ревматизм, бўғим ва бириктирувчи тўқима касалликлари муаммолари б-н Р.А.Қаценович, И.А.Мирзоян, С.Н.Йўлдошева, Н.Р.Нуриддинов, Х.И.Янбоева, Т.С.Солиев ва б. шуғулланди. Ревматоидли артрит, боднинг тарқалиши, ривожланиши, клиник кечиши (Р.А.Қорабоева), ревматик касалликларда иммун ҳолат ўрганилди (Ф.Ю.Ғариб). Боднинг болаларда тарқалиши ва клиник шакллари устида тадқиқот олиб борилди (С.Н.Йўлдошева). Т.С.Солиевнинг подагра, унинг тарқалиши, кечиши, клиник манзараси ва касаллигининг ўзига хос миллий парҳезни ҳисобга олган ҳолда даволаш усуллари баён этилган монографияси чоп этилди.

Кейинги йилларда шакл бузувчи остеоартроз ташхиси ва давоси масалала-

ри (Ф.А.Бурхонова), тизимли склеродермиядаги иммун ҳолат (М.О.Елисеева), ревматоид артритда оксидланиш жараёнлари ва уларни даволаш (М.М.Абдураимова, Р.Р.Латипова, Э.Р.Жўраева, С.Х.Матчанов, Х.Х.Ҳамроев), серонегатив спондилоартритлардаги иммун ҳолатлар ва уни ростлаш йўллари; клиник-генетик йўналишлари, уларда инфекциянинг аҳамияти (И.У.Эшбоев, Д.Ф.Порсохонова, Х.Т.Мираҳмедова, Д.А.Набиева) ўрганилмоқда. Республикада ревматоидологияда ревматоид артрит б-н оғриган беморларни хирургик даволаш ва нур диагностикаси йўллари такомиллаштириш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда (М.Ж.Азизов, М.Ю.Каримов).

Мустақиллик йилларида йирик даволаш ва илмий муассасалар негизда ташкил этилган ихтисослаштирилган амбулатория даволаш курси марказларининг кенгайтирилиши ревматоидли артрит, шакл бузувчи остеоартроз, подагра, анкилозловчи спондилоартрит (Бехтерев касаллиги), реактив артрит каби касалликлар устида тадқиқот ишларини ривожлантиришга имкон берди.

Аҳоли ўртасида ревматизмнинг тарқалишини камайтириш, айниқса, болалар ва ўсмирларда юрак-томир системасини зарарлайдиган ревматик касалликларнинг олдини олиш, беморларни ҳар томонлама текшириш, касалликни тез аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишини тобора яхшилаш, ревматология марказларини кенгайтира бориш, даволаш усулларини такомиллаштириш ревматологиянинг ҳоз. долзарб вазифаларига кирди. Ревматологияга оид тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси ва б. тиббиёт ин-тларида фаолият кўрсатаётган ревматология кафедраларида олиб борилди.

Тўхтасин Салиев.

Рентгенология ва тиббий радиология. Ўзбекистонда бу соҳанинг ривожини 1921 й. Урта Осиё ун-ти тиббиёт ф-тида рентген кабинети, 1923 й.дан бу кабинет негизда алоҳида рентгенология бўлими ташкил этилиши б-н боғлиқ. Кейинчалик ўзбек рентгенологларидан З.Эгамбердиев, С.Носиров ва б. шу соҳада фаолият кўрсата бошладилар. 1958 й. Тошкентда Ўзбекистон Рентгенология, радиология ва онкология и.т. институти, шунингдек, республикадаги мавжуд тиббиёт ин-тлари ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида рентгенология ва радиология кафедраси ташкил этилиши муносабати б-н бу соҳа янада ривожланди.

20–30-й.ларда тадқиқотлар асосан маҳаллий касалликларни даволашга бағишланган. 50-й.лардан бошлаб меъда-ичак йўли, ўт йўллари касалликларининг рентгенологик ташхиси масалаларини ўрганишга киришилди. Ўт йўллари рентгенологик текшириш (Ж.Н.Маҳсумов), суяклар, меъда-ичак йўллари томография текшириш (Ж.М.Абдурасулов, К.Е.Никишин) усуллари ишлаб чиқилди; камқонлик, сарик касаллиги, холецистит, энтерит, ичак силида қизилўнғач, меъда-ичакдаги функционал ва морфологик ўзгаришлар ҳамда ўсма касалликларини аниқлашнинг рентгенологик усулларини такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Радиоактив изотоплар ва ультратовушдан фойдаланган ҳолда янги ташхис усуллари яратилди (Ж.М.Абдурасулов, Н.К.Муродхўжаев, Ҳ.Р.Файзиев, А.А.Фозилов); турли аъзоларни радиоизотоп скенирлаш усуллари такомиллаштирилди; болалар рентгенологияси соҳасида тадқиқотлар ўтказилди.

Дастлаб радиология деганда фақат рентген ва радиоизотоп текширишлар тушунилган бўлса, ҳоз. янги компьютер технологиялари кириб келиши муносабати б-н у кенгайиб – сонография, компьютерли томография (КТ), магнит-резонансли томография (МРТ), бир фотонли эмиссион компьютерли томография (SPECT) ва б.ни ҳам ўз ичига олди.

Тиббий радиология тиббиётнинг энг жадал ривожланаётган соҳаси ҳисобланади. Охириги ўн йилликда (1996–2005 йиллар) Ўзбекистон тиббиёт амалиётида спиралли ва мультисексимли компьютерли томография (КТ), магнит-резонансли томография (МРТ), рақамли ангиография ва радиоизотоп қўлланиладиган эмиссион компьютерли томография каби юқори технологик радиологик усуллардан фойдалана бошланди. Шунингдек, шошилич тиббий ёрдам тизими замонавий радиологик текширув ускуналари б-н таъминланди, онкологик касалларни нур б-н даволаш имконияти чизикли тезлаштиргич, дистанцион ва бўшлиқ ичи гамма-терапияси ускуналари б-н бойиди.

Ўзбек олимлари томонидан турли касалликларни аниқлашда рентген ҳамда анъанавий ва замонавий визуализация усулларидан фойдаланиб нур диагностикаси алгоритмлари, интервенцион радиология – баллонли ангиопластика ва тож томирларни стентлаш, туғма ҳамда орттирилган юрак нуқсонларида – рентгеноэндоваскуляр амалиётлар қўлланилмоқда. Бунда Ж.М.Абдурасулов, Ж.Н.Маҳсумов, Ш.М.Мирганиев,

А.А.Фозилов, М.Х.Хожибеков ва б.нинг хизмати қатта. Рентгенология ва радиология фани тиббиёт ин-тларининг рентгенология ва радиология кафедраларида ўқитилади.

Рентгенология б-н радиология тарихан ўзаро жипс боғланган бўлиб, бу боғлиқлик мас., институтлар, илмий жамиятлар, журнал ва б. (рентгенорадиология тарзида) номланишида ўз аксини топган. Рентгенология ҳамда радиологиянинг ривожини фан ва техника тараққиёти б-н чамбарчас боғлиқ.

Марат Хожибеков.

Фтизиатрия. 1924 й. Ўзбекистонда силга қарши кураш ишлари анча кучайтирилди ва фтизиатрия фанига асос солинди. 1932 й. Самарқанд ш.да республика Сил и. т. институтининг ташкил этилиши, 1935 йилда мазкур ин-тнинг Тошкентга кочирилиши Ўзбекистонда фтизиатрия фанининг ривожланиши учун замин яратди.

Фтизиатрия фани Ўзбекистонда, асосан, 40-й.лардан жадал ривожланди ва мустақил илмий-амалий фан сифатида терапиядан ажралиб чиқди. Бунда Ўзбекистон Сил илмий тадқиқот ин-ти ходимлари: академиклар Ш.А.Алимов, В.З.Воҳидов, проф. Р.А.Аъзамов, А.А.Саидхўжаев, А.А.Калонхўжаев ва б. олиб борган илмий изланишлар ва кузатишлар муҳим аҳамият касб этди. Шу ин-т ходимлари томонидан Ўзбекистонда силнинг тарқалиш даражаси, унинг сабаблари ўлка шароитларини ҳисобга олган ҳолда атрофлича ўрганилди. Силни аниқлаш ва даволашнинг янги усуллари, чунончи дориларни нафас йўллари орқали киритиш (ингаляция усули), кимёвий препаратларни организм иммунитетини оширувчи моддалар б-н бирга қўллаш (иммунокиметерапия); клиник, рентген-радиологик, эндоскопик, эпидемиологик, функционал, ультратовуш, биокимёвий, бактериологик, иммунологик текширувлар ҳамда микроэлементлар ва витаминлар, шунингдек, меҳнат б-н даволаш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Кейинги йилларда республикада юзага келган экологик ўзгаришларни силнинг келиб чиқиши ва кечишига таъсири ҳамда бундай беморларни даволаш усуллари устида илмий ишлар олиб борилди.

Ҳоз. фтизиатрияга оид и. т.лар пульмонология соҳаси б-н бирга олиб борилмоқда. Бу илмий ишлар ва тадқиқотларга акад. А.М.Убайдуллаев, проф.лар Т.М.Қориев, А.А.Калонхўжаев, С.И.Арифхонова, М.Э.Эшонхонов, Қ.М.Ма-



Функционал диагностика лабораторияси. (Ўзбекистон фтизиатрия ва пульмонология институти).

хаматов, Р.Ш.Ҳамроқулов, М.А.Иброҳимов, П.Х.Назирова, Г.А.Воҳидова, Д.З.Мухторовлар катта ҳисса қўшмоқдалар.

Тошкент тиббиёт академияси, Самарқанд, Андижон тиббиёт ин-тлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида фтизиатрия кафедралари бор. Бу кафедраларда сил касаллигининг олдини олиш, уни ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг янги усуллари устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Абдулла Убайдуллаев.

Эндокринология. Ўзбекистонда бу фаннинг ривожланиши аҳоли ўртасида кенг тарқалган буқоқ касаллигини текшириш, унинг келиб чиқишида йод етишмаслигини аниқлашдан бошланди. 30-й.лардан бошлаб Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида эндемик буқоқ касаллиги турли гуруҳ ва экспедициялар ёрдамида ўрганилди (С.А.Маъсумов, П.И.Федорова, Ё.Х.Тўрақулов, Ш.Ш.Илёмов, В.Н.Федосеев, Т.М.Мухамедов ва б.). Бу касалликнинг олдини олиш учун 1954 й. Тошкентда буқоққа қарши диспансер ташкил қилиниб, унда қалқонсимон без касалликлари устида олиб борилган эпидемиологик ва профилактик ишлар асосида аҳолини калий йодид тузи қўшилган ош тузи б-н таъминлаш зарурлиги аниқланди.

Эндемик буқоқни тугатиш ва қалқонсимон безнинг бошқа касалликларини ўрганиш, даволаш ўлкамиз учун муҳим илмий ва ижтимоий муаммо бўлганлиги 1957 й. Ўзбекистон ФА таркибиде ташкил этилган Ўлка тиббиёти и.т. институтининг асосий йуналишини белгилади. Ўлка тиббиёти и.т. институти негизиде 1989 й. Эндокринология ин-ти ташкил этилди. Р.Қ.Исломбеков, Ё.Х.Тўрақулов дунёда биринчи бўлиб буқоқ касаллиги-

радиойодтерапияда олинган биокимёвий, патофизиологик ва клиник морфологик кўрсаткичлари натижаси ижобий самара берди.

Республикада 1998 й. йод етишмовчилиги ҳолатлари бўйича кенг миқёсда эпидемиологик изланишлар олиб борилди ва унинг ўртача тарқалиш даражаси аниқланди. Ички секреция безларини (қалқонсимон без, қалқонсимон без олди безлари ва буйрак усти беzi) суюқ азотда криоконсервация қилиш ва унинг етишмовчилиги бор беморларни трансплантация йўли б-н даволаш усули ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Ўрта Осиё давлатларида биринчи бор криоконсервация қилинган тўқималар банки (1000 га яқин тўқималарни сақлайдиган) ташкил этилди. Қалқонсимон без ракин биокимёвий, генетик ва морфологик текширишнинг янги усуллари жорий қилиниб, жарроҳлик, радиологик ва консерватив терапия усулларини қўллаш алгоритми ишлаб чиқилди (проф. С.И.Исмоилов). Диффуз токсик буқоқ ва ўртача ўткир тиреоидитда беморларнинг иммунологик тизими ўрганилди ва бу кўрсаткичлар даволашнинг турли усулларида ўзгариши ва динамикаси аниқланди. Қандли диабет ва унинг асоратларининг эпидемиологияси, этиопатогенези асосида наслий омилларнинг аҳамияти, касалликнинг тарқалишига мойиллик туғдирадиган ички ва ташқи омиллар ҳар томонлама тадқиқ этилиб, уларни чегаралаш, беморларни ўз ҳолатини назорат қилишга ўргатиш усуллари ишлаб чиқилди (З.С.Ақбаров).

Замонавий эндокринологиянинг долзарб муаммолари ва асосий йўналишлари қандли диабет, қалқонсимон без касалликлари, жинсий безлар фаолиятининг бузилиши, гипоталамо-гипофизар тизим касалликлари, бирламчи ги-

перпаратиреоз муаммоси, организмда гормонларнинг таъсир механизми, биосинтези ва уларнинг алмашинувини ўрганиш, гормонлар аналоглари ҳамда янги гормонал препаратларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.дан иборат. Жисмоний ривожланишнинг кечикиши болалар эндокринологиясининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳоз. вақтда Ўзбекистонда туғма аномалиялар скрининги бўйича махсус дастур йўлга қўйилган. Нейроэндокринология эндокринологиянинг мустақил бўлими сифатида шаклланимоқда. Тошкент тиббиёт академияси, шунингдек, ЎзРдаги барча тиббиёт ин-тлари, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида эндокринология кафедралари бор, унда Ўзбекистонда йод етишмовчилиги ҳолатини ҳал этиш, қандли диабет касаллиги, уни олдини олиш ва даволаш, асоратларини бартараф этишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, болалар ва ўсмирларда кузатиладиган эндокрин хасталикларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш (паканалик, қандли диабет, буйрак усти беzi ва жинсий безлар), гипопиз, бирламчи гиперпаратиреоз, қалқонсимон без хасталиклари, жинсий ривожланишдан орқада қолишнинг замонавий диагностикаси, шунингдек, республикада эндокринологик хизматни ташкил қилиш масалалари ўрганилади.

Ўзбекистонда эндокринологиянинг ривожланишида А.А.Асқаров, Ё.Х.Тўрақулов, Э.Ф.Қаюмов, Н.С.Кельгинбоев, Н.Р.Раҳимов, С.А.Маъсумов, Ш.Ш.Илёмов, С.И.Исмоилов, З.С.Ақбаров ва б.нинг хизматлари катта.

Сайдганиҳўжа Исмоилов.

Тиббий тикланиш, курортология ва физиотерапия Ўзбекистонда Курортология и.т. институти (1919) ва 1920 й.да Ўрта Осиё ун-тида тиббиёт ф-ти ташкил этилган вақтдан бошлаб курорт жойларни мунтазам ўрганишга киришилди, маҳаллий минерал сувлар, балчиқлар, қуёш нури ва бошқа табиий омилларнинг одам организмга таъсири клиник ҳамда экспериментал жиҳатдан тадқиқ қилинди. 20–30-й.ларда тадқиқотлар, асосан, ўлкага хос касалликларни физик усуллар б-н даволаш устида олиб борилиб, Ўрта Осиё худудидаги баҳаво жойлар, минерал сувлар, шифобахш балчиқ ва б. ўрганила бошланди. Бўғим системаси ва таянч-ҳаракат аъзолари касалликларини даволаш усуллари ишлаб чиқилди; организмга ультрабинафша нурлар, диатермия ва б. таъсири ўрганилди; курортлар иши ва физиотерапия хизмати масалалари ишлаб



Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий тадқиқот институти. Куёш ваннаси қабул қилиш мосламаси.

чиқилди (Н.И.Рогоза, В.М.Файбушев, И.А.Кассирский ва б.). Кейинги йиллардаги и. т.лар курортлар қурилишини кўпайтириш мақсадида маҳаллий минерал сув манбаларини ўрганишга, ўлкага оид касалликларни даволашда янги физиотерапевтик усулларни қўллашга ҳамда курортларда даво услубларини ишлаб чиқишга қаратилди (Ё.К.Мўминов, Э.А.Долимов, Р.А.Каченович ва б.). 40–50-й.ларда 100 дан ортиқ минерал сув ва шифобахш балчиқ манбаи ҳамда иқлими курортбол жойлар ўрганилди; курорт-санаторий (Чортоқ, Тошкент минерал суви, Чимён, Полвонтош ва ҳ.к.) ҳамда дам олиш уйлари (Шоҳимардон, Оқтош, Чимён, Ситораи Моҳи Хоса) ташкил этилди. Иссиқ иқлим шароитида даволаш учун махсус гелиоэкран ва солярийлар яратилди; янги физиотерапия усули – гидроэрозионлаш усули ташкил этилди; таянч-ҳаракат аъзолари, асаб, юрак-томир, ҳазм системаси, гинекологик, сийдик йўли касалликларида турли минерал сувлардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилди. Кейинги йилларда лазер, ультратовуш, куёш нурлари, магнит, игна б-н даволаш усуллари кенг қўлланила бошланди.

Ўзбекистон олимлари (Н.М.Мажидов, К.Й.Йўлдошев, А.Л.Аляви, С.Н.Бобожонов, Г.А.Содиқова, М.Ю.Алиахунова, Э.Р.Зуннунов ва б.) томонидан гидроаэроионизация, ультратовуш, куёш ва сунъий қизил импульсли ҳамда когерент нурлари, иқлим, маъданли сувлар, бишофит, бентонит, магнит, шифобахш ўсимликлар б-н даволаш усуллари, шунингдек, физиотерапевтик муолажаларни ҳужайра даражасида тажрибавий ўрганиш кенг йўлга

қўйилди. Физиотерапияда даволаш мақсадида ташқи муҳитнинг табиий омиллари (ландшафт, иқлим, ёруғлик, сув, пеллоидлар) ва сунъий физик омилларидан (электр ва механик энергиянинг ўзгартирилган усули) фойдаланилади. Бу усулларни республика ҳудудида янада ривожлантириш мақсадида 1990 й. Термиз ш.да, 1992 й.да эса Наманган ш.да, Тошкентдаги Тиббий тикланиш ва физиотерапия и.т. институтининг филиаллари ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифаси юрак-томир системасининг ташқи муҳит шароитларига мослашиш хусусиятларини ўрганиш ва бу система касалликларини табиатнинг шифобахш манбаларидан фойдаланиб даволашдан иборат (К.Й.Йўлдошев, Э.Р.Зуннунов).

Қонни лазер нури б-н нурлантириб даволаш усулининг самарадорлиги кенг ўрганилмоқда. Лазер нурунинг ҳужайралар функционал ҳолатига таъсири хусусида тиббиёт фанида катта аҳамиятга эга бўлган натижалар олинди (К.Й.Йўлдошев, Ш.М.Раҳимов).

Ундан ташқари, иқлим б-н даволаш, аэротерапия, гелиотерапия, талассотерапия, псаммотерапия, тузли ғор, гидротерапия, шифобахш лой б-н даволаш, механотерапия ва б. табиий физиотерапевтик омиллардан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Буларнинг ҳаммаси одам аъзолари ички захира қувватини ошириш, яъни тиббий тикланишга қаратилган. Курорт шароитида табиий омиллардан ташқари физик омиллардан ҳам фойдаланиш тиббий тикланиш (ТТ)нинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўзбекистонда Тиббий тикланиш ва физиотерапия и. т. институти ва унинг филиалларида, шунингдек, тиббиёт ин-тларининг физиотерапия кафедраларида катта илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Анис Аляви.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Фалсафа. Инсоният тарихидаги илк фалсафий ғоялар дастлаб, шарқ мамлакатлари (Ўрта Осиё, Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон ва б.)да вужудга келиб, сўнгра ғарб мамлакатларига ёйилган. Улар шу мамлакатлардаги маънавий-маърифий тараққиёт ва ижтимоий муносабатлар ҳамда тафаккур тарзини ўзида ифодалаган.

Ўрта Осиёдаги қад. фалсафий ғоялар қадимий туркий ёзувлар, тангрига эътиқод тамойилларида ва зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестода ўз

ифодасини топган. Бу китобнинг ёзилганига 2,7 минг йилдан ошган бўлиб, ундаги фикрларга кўра, дунёнинг асосида нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ётади. Эзгу кучлар ёвуз кучлар устидан, ёруғлик қоронғулик устидан, яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қилишида эзгуликка, ҳақиқат ва адолатга, инсонийлик ва меҳр-мурувватга таяниш тараннум этилади, чунки, эзгулик бор жойда юмшоқлик қаттиқликни, сокинлик ҳаракатни, секинлик тезликни, оддийлик мураккабликни, заифлик зўрликни, адолат зулмни енгади дейилган. Бундан ташқари, шарқ халқларининг табиатнинг асосий унсурлари ер, сув, ҳаво ва оловни эъзозлаш ҳақидаги натурфалсафий қарашлари ва ғоялари Яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларига кенг ёйилиб, қад. Миср, Бобил, Лидия мамлакатлари халқларининг тафаккур тарзига ҳам сингиб кетган. Юнонистоннинг илк фалсафий мактаби ҳисобланган Милет мактабининг вакиллари ҳам ўз ғояларини шарқдан олганлиги тадқиқотчиларга маълум. Бу фикр кўпгина фалсафий ғоялар Марказий Осиёдан Кичик Осиёга, ундан Юнонистонга ёйилганлигини исботлайди. Юнон фалсафасининг дурдоналари эса Александр Македонский (Искандар Мақдуний)нинг Шарққа истилочилик юришлари даврида Ўрта Осиёга ҳам кириб келади.

Ўрта Осиёдаги қад. фалсафий тушунчалар узоқ вақтлар тангричилик, Авесто ғояларида кўзга ташланади. Мил. ав. 2–1-а.ларда Марв, Балх, Термиз, Сигноқ, Кува, Косон, Самарқанд, Бухоро вилоятларини ўзига қамраб олган ҳудудда кушонлар салтанати қарор топиб, унда буддавийлик дини ҳукм суради. Будда илгари сурган фикрларга асосланган фалсафий ғоялар бу жойда яшовчи халқларнинг тафаккур тарзига ўз таъсирини утқазади. Аммо Авесто ғоялари халқнинг онгидан чуқур ўрин эгаллаганлиги сабабли тарихий хотирадан ўчиб кетмайди. Мил. 2-а.ларга келиб бу жойда тенглик ғояларини илгари сурувчи Моний таълимоти пайдо бўлди. Бу таълимотта Авестодаги тушунчалар муайян таъсир кўрсатган. Бу таълимот Маздак бошчилигидаги кўзғолоннинг ғоявий таянчи бўлган. Маздакчилар Моний фалсафасини ижтимоий эҳтиёжларга татбиқ этиб, мулкий тенгликни вужудга келтириш учун кураш олиб борган.

7–8-а.ларда араблар Ўрта Осиёни эгаллади. Бу даврга ижод қилган файласуфлар дунё ва унинг ривожланиш қонуниятларига инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилишган

ва уларнинг асарлари асосида ислом фалсафаси тараққиётга эришди. Илк ислом фалсафаси даврида дунёвий ва исломий ғояларнинг, турли халқ ва цивилизациялар тафаккур тарзининг синтезлашуви, табиатшунослик илмларидаги йирик кашфиётларни (хусусан, кимё илмининг вужудга келиши) фалсафий асослаш, ҳисоблаш маданиятининг тубдан ўзгариши (Муҳаммад Хоразмий томонидан ўнлик санок системасининг ва алгебраик ҳисобнинг кашф этилиши) б-н кўзга ташланади. Бу фалсафанинг яратувчилари Абу Мансур Мотуридий, Киндий, Форобий, Ибн Мискавайх, Абу Наср Арроқ, Абу Саҳл Масиҳий, Ибн Ҳаммор, Абу Бакр Розий, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Ҳомид Фаззолий, Умар Хайём, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Носир Хисрав, Ал-Маарий ва б.

9–12-а.ларда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар ва хоразмшоҳлар салтанатлари илм-фан ривожига кенг йўл очганлиги сабабли, бу даврларда фан ва маданият ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Бу ўлкада вояга етган олим ва фозиллар бутун ҳинд, эрон ва араб мамлакатларида ҳам катта обрў қозонишган. 9-а.да Бағдодда бунёд бўлган илм-фан маркази «Байт-ул-ҳикмат» («Билимлар уйи»)да мутафаккир Муҳаммад Хоразмий б-н биргаликда Яҳё ибн Мансур Марвазий, Аҳмад Фарғоний, Хабаш ал-Марвазий, Халид ибн Абдумалик ал-Марварудий, Абул Аббос ал-Жавҳарий ва б. ижод қилишган. Халифа Маъмун даврида Хоразмда 10-а.да ташкил этилган «Маъмун академияси»да эса Беруний, Ибн Сино, тарихчи Мискавайх, математик Абу Наср Арроқ, файласуф Абу Саҳл Масиҳий, табиб Ибн Ҳаммор сингари замонасининг забардаст олимлари ижод қилишган. Бу даврларда табиий фанлар б-н бир қаторда фалсафа ҳам жадал ривожланди. Хоразмий ва Фарғоний мат. ва астрономия илмида оламшумул кашфиётлар қилди. Абу Наср Форобий эса 160 дан ортқ фалсафий асар ёзган. Платон, Аристотель, Птолемей, Гален, Эпикур, Зенон, Евклид ва б.нинг асарларини арабчага таржима қилган, бу асарларга тақризлар ва шарҳлар ёзган. Абу Бакр Наршахий тарихий жараёнларни фалсафий таҳлил қилган, Беруний ва Ибн Сино табиатшунослик фалсафасига оид юзлаб рисолалар ёзишган. 11-а.га келиб фалсафий-ахлоқий ғоялар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк», «Жавоҳи-

ри-наҳв», «Турк тили синтаксиси асослари» номли араб тилида ёзилган асарларида, Юсуф Хос Ҳожибнинг туркий тилда битилган «Қутадғу билиг» ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарида ривожланди.

Бу даврларда барча фанлар ислом дини доирасида ривожланганлиги б-н бир қаторда ислом динининг арконларини тадқиқ этишга бағишланган махсус тадқиқот йўналиши ҳам вужудга келди. Ислот таълимотига ҳисса қўшган Имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асарида ва Имом Термизийнинг «Сунани ат-Термизий» асарида ислом динининг тарбиявий-ахлоқий қиммати юксакликка кўтарилди ва шу асосда улар исломий ахлоқ фалсафасини ривожлантиришди. Калом таълимотини мантиқий таҳлил этган мутафаккир Абу Мансур Мотуридий исломий одоб қондалари, шариат қонунлари, маънавий-ахлоқий камолот сирларига оид асарлар ёзиб кишиларни яхшиликка, ростгўйликка, сабр-қаноатга, шарм-ҳаёга, олиҳимматликка, ватан-парварликка чорлади. У инсоннинг ирода эркинлиги ҳақидаги дастлабки фалсафий ғояни илгари сурган.

Тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади. Бу таълимотни Мовароуннаҳрда Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро сингари алломалар ривожлантиришган.

Ислот фалсафаси мўғуллар истилоси даврида жиддий инқирозни бошидан кечирди. Мўғуллар фан ва маданият равнақиға салбий таъсир кўрсатди. Мўғуллар зулми ва талон-торожларидан халқ қашшоқлашди. Олимларнинг илм-маърифат б-н шуғулланишларига имкон қолмади. Олим ва фузалолар араб мамлакатларига бошпана излаб чиқиб кетишга мажбур бўлишди. 13-а.нинг 2-ярми ва 14-а.нинг бошларига келиб мамлакатда уруш-жанжаллар босилиб, халқ аста-секин ўзининг қаддини ростлай бошлаши б-н фан ва маданият ҳам яна жонлана бошлади. Илм-фан ва маърифат ўчоқлари мўғуллар истилоси даврида Мовароуннаҳр ва Хуросондан жан.га, Деҳли султонлиги, жан. Эрон, Кичик Осиё, Сурия ва Мисрга кўчган бўлса, энди маданият ва маърифат ўчоқлари яна ўлкамизга қайтиб кела бошлади. Бу давр маънавиятига Жалолиддин Румийнинг (1207–1272) «Маснавийи-маънавий», Саъдий Шерозийнинг (1219–1293) «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари, Хусрав Деҳлавийнинг (1253–1325) «Ҳамса» дostonлари жиддий таъсир кўрсатади. Бу мутафаккирларнинг фалсафий асарлари инсон ва олам, инсон

ва ахлоқ, инсон ва худо муносабатларини таҳлил этишга бағишланган. Бу асарлар бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонга ёйилиб, улардаги ғоялар форсий ва туркий тилда фалсафий асарларнинг вужудга келишига туртки бўлган. Хоразмда Паҳлавон Маҳмуднинг (1247–1326) фалсафий рубоийлари, Носириддин Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё» асари, Баҳоуддин Нақшбанднинг инсонни фаол ҳаракатга чорловчи ҳаётбахш фалсафий ғоялари майдонга келди. Бу таълимотларда воқеликнинг зоҳирли ва ботиний моҳияти, нафс ва меъёр, инсоф ва садоқат, эътиқод ва тоқат, мардлик ва жувонмардлик, саҳийлик ва оқибат сингари муаммоларнинг замирига етиш ва б. дунёвий, ахлоқий, маънавий ва илоҳий масалалар таҳлил этилди.

Ислот фалсафасининг кейинги даври Ўрта Осиёда теурийлар ҳукмронлиги даври б-н бошланади. Бу даврдаги салтанат ҳукмдори Амир Темур илм-фан равнақиға раҳнамолик қилди. Бу даврда тасаввуф фалсафаси, табиатшунослик фалсафаси, мантиқ фалсафаси ва ахлоқий таълимотлар кенг ривожланади. Ислот фалсафаси ўзидан илгари ўтган барча динлар б-н боғлиқ бўлган илмий аънаваларни инсоннинг оламда тутган ўрни, худо олдидаги мажбурияти, мусулмонларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан фалсафий умумлаштириб қабул қилган. Бу фалсафанинг тараққиётига иудаизм (мусавийлик), христианлик (исавийлик), буддизм (буддавийлик) ва б. диний таълимотлар таъсир кўрсатган. Ислот фалсафасида калом таълимоти, тасаввуф тариқатлари ҳам назарий, ҳам амалий йўналишда ривожланди. Умуман Ўрта Осиёда каломнинг Мотуридий йўналиши, тасаввуфнинг яссавийлик, кубровийлик ва нақшбандия тариқатлари кенг ёйилди.

Ўртаосиёлик файласуфлар жаҳонда биринчи бор мусиқа фалсафасига асос солишган. Форобий мусиқа оҳанглари ни ногага солиш, яъни мусиқани ўлчаш усулини кашф этди. Абу Али ибн Сино инсон руҳиятини сошлашда мусиқадан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқди. «Шашмақом» том маъносида мусиқа фалсафаси, яъни фикрининг, ғояларнинг мусиқа оҳанглари воситасида ифодаланишидир. Нақшбандия тариқати вакиллари тариқат мақомларини мусиқага солиб кишилар онтига сингдиришган. Маҳдуми Аъзам «Рисолаи самойя» асарида мусиқани инсонийлик б-н илоҳийликни туташтирувчи восита сифатида таърифлайди. Ҳақиқатан ҳам шарқ мусиқасида фикр мусиқа асбоблари оҳангида ифодаланади. Шу жиҳатдан ҳам

Ўрта Осиёда яратилган фалсафий ғоялар кўпроқ маънавий-руҳий шаклда намоён бўлади.

Ўрта Осиёда ижтимоий фалсафага оид ғоялар Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридан бошланиб то Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асари-гача ўтган барча ижтимоий-тарихий ва фалсафий асарларда учрайди. Бу йўналишда Абу Райҳон Беруний, Самарқандда Темур сайройида вояга етган Ибн Арабшоҳ, мағрибдан олиб келинган олим Ибн Халдун сингари забардаст жамиятшунос мутафаккирларнинг асарлари жаҳонга танилган.

15–16-а.ларда Ўзбекистон фалсафий фикрлари тараққиётининг чўққисиди Алишер Навоий фалсафаси туради. Бу фалсафа суфизмнинг нақшбандия тариқати арконларидан озуқа олган бўлиб, инсонийлик моҳиятини одамнинг фаолиятдан изловчи, илоҳийлик ва инсонийлик ўртасида кўприк бўлувчи, фано ва бақо, зоҳирий ва ботиний дунёлар ҳақида бахс юритувчи, инсон тафаккури ва маънавияти қудратини ёрқин ифодаловчи фалсафадир. Навоий «Муножот», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр», «Ҳазойин ул-маоний» каби асарларида абадийлик, азалийлик ва мангулик ҳақида сўз юритади. «Азалийлик» ва «абадийлик» Аллоҳгагина хос хусусиятдир, азалийлик — вақтда бошланмаслиги, яъни азалдан мавжудлигини, абадийлик эса бундан кейин ҳам ҳеч қачон йўқ бўлмаслигини, боқийлигини, «мангулик» эса азалийлик ва абадийликни ўзига қамраб олувчи вақтда бошланиши ҳам, охири ҳам йўқ хусусиятни англатади, дейди. Аллоҳ мангудир, у ҳам азалий ҳам абадийдир, инсон у унинг руҳи яратилгандир, яъни руҳ азалий эмас, аммо абадий, у бир пайт яратилган ва энди йўқолмайди, одам танаси эса ўткинчидир, деб таъкидлайди мутафаккир. Навоий ислом динига ихлос б-н эътиқод қўйган мусулмон сифатида фоний ва боқий дунё ҳақида, охират ҳақидаги ғояларга ишонган, шу сабабли у, айрим тадқиқотчилар таъкидлаганидек, фақат рационалист бўлиб қолмай иррационализмга ҳам мойил бўлган. Навоийни пантеист бўлган деган фикр ҳам ўринли эмас, чунки у ҳамма нарсанинг сабаби худодан деган ғояга қатъий ишонган. У ўзининг ўлмас бадий ижоди б-н инсоннинг эзгу ниятларини, орзу-умидларини тараннум этувчи шундай бир гўзал ва мукамал, меҳр-муҳаббатга бой бўлган ўзига хос маънавий дунёни яратдики, бу дунёнинг жозибасидан бутун инсоният руҳий озуқа олмоқда ва келажакда ҳам у комил инсон

тарбияси учун буюк ибрат бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон фалсафаси шарқ фалсафасининг таркибий қисмига кирувчи ва ўзбек халқининг ўзига хос тафаккур тарзининг ифодасидир. Унинг тарихий илдишлари қад. Турон ва Туркистондаги халқ оғзаки ижодида оид ҳикматлар, дostonлар, мақол ва ривоятлар, халқ бахшиларининг оғзаки ижодий мероси, мутафаккирларнинг фалсафий асарлари, муқаддас тангрига эътиқод ва Авестодаги эзгулик ғоялари, тарихимизда ўтган монийлик, маздакийлик, буддизм, иуданизм ҳамда христианлик динларидан кириб келган ҳикматлар, ислом фалсафаси ва ислом динининг муқаддас китоблари, кубровийлик, яссавийлик ва нақшбандия таълимотлари таъмоийллари, халқимизнинг истилоҳчиларга қарши курашларда таянган ватанпарварлик ғоялари ва маънавий-ахлоқий қадриятларига бориб тақалади. Бу фалсафа жаҳон фалсафий мероси дурдоналаридан озик олади. Ўзбекистон фалсафаси ўзбек халқининг тафаккур тарзи сифатида 20-ада шаклланди. Унинг шаклланишида Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари иштирок этишган. Жадидлардан Бехбудий, Фитрат, Абдулла Авлоний, Мунавварқори, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Исҳоқхон Ибрат, Сўфизода ва б. шарқ фалсафаси анъаналарини шўролар даврида ҳам сақлаб қолишга ва ривожлантиришга интилишди, аммо улар коммунистик тузумнинг қурбонига айланишди. 1919–21-й.ларда Тошкент ш.да Фитрат раҳбарлигида «Чигатой гурунги» деб номланган фалсафий, маданият-маърифий ва илмий-адабий тўғарак ташкил этилган. Унда Ашуралӣ Зоҳирӣ, Элбек, Шорасул Зуннун, Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазон, Ғози Олим Юнусов сингари таниқли зиёлилар фаол қатнашиб, юртимизда маориф ва маданиятнинг юксалишига ҳозиржавоб мақоалари б-н ҳисса қўшишган, халқнинг тарихий хотирасини тиклашга интилишган. Аммо, уларнинг бу интилишлари мавжуд сиёсатга қарши ҳаракат деб баҳоланди, маърифатпарвар адибларнинг кўплари қатағон қилинди, улар ичида совет тузумини ёқлаган адибларгина жон сақлаб қолишди.

Халқимиз азалдан фалсафий тафаккур тараққиётига оид муаммоларга қизиқиб келган. Шу сабабли, Алишер Навоийнинг фалсафий ғояларини таҳлил этувчи навоийхонлик, Машрабнинг суфийлик ғоялари маъносини англашга бағишланган машрабхонлик, Мирзо Бедилнинг пантеистик ғояларини акс

этирувчи рубоийларининг мағзини чақиш б-н қизиқувчи бедилхонлик анъаналари 20-а.гача етиб келди. С. Айний ва З.В.Тўғонларнинг фалсафа тарихига оид бир қанча мақоалари босилиб чиқди. 20–40-й.ларда фалсафа фани чуқур мафхуравий инкирозга учраган, у коммунистик тузумнинг хизматкорига айлантирилган эди. Бунинг устига, ўзбекча ёзувнинг арабча графикадан лотин графикасига ва ундан кириллчга графикага ўтказилиши миллий фан ва фалсафа тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Шунга қарамасдан, Наим Саид, К. Ерзин, Ҳаким Неъмат, Р. Холмуродов (Маллин) сингари олимларнинг фалсафий мақоалари босилиб чиққан. 2-жаҳон урушидан кейин фалсафа тараққиёти яна изга туша бошлади. Уруш даврида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкил этилиши ижтимоий фанлар, хусусан, фалсафа тараққиётига туртки берди. Бу даврларда С. Валиев, Ж.М.Бобоев, Н.М.Мирошхина, Ҳ.Ғ.Расулов, А.Т.Аюпов, С. Азимов, И. Мўминов, В. Зоҳидовлар фалсафа фани ривожига сезиларли ҳисса қўишди. В.Зоҳидов ўртаосиёлик мутафаккир ва шоирлар (Беруний, Навоий, Бобур ва б.) дунёқарашини чуқур таҳлил қилди, маданият мерос ва адабий ҳаётнинг муҳим масалаларига бағишланган асарлар ёзди. Ўзбекистонда биринчи бўлиб фалсафа фанлари д-ри илмий унвонига сазовор бўлди (1946). Ўзбекистонда фалсафа тарихи (М.М.Хайруллаев, М. Баратов, Ҳ.Ф.Воҳидов, Л.Е.Гарбер, А.М. Жалолов, А. Шарипов, Р. Носиров), табиатшунослик фалсафаси ва билиш назарияси (О. Файзуллаев, Б. Исмоилов, Ж. Туленов, В.С.Никитченко, К. Иванова, М. Абдуллаева), маданият фалсафаси (М. Аҳмедова, К. Содиқов, С. Шермухамедов, О. Умрзоқова, Д.А.Шораҳмедов), диншунослик фалсафаси (С. Азимов, Ж.Бозорбоев, А. Ортиқов, М.А.Усмонов, Б. Валихўжасев, А. Абдусамедов), ахлоқшунослик фалсафаси (Й. Жумабоев, Ҳ. Алиқулов, Х. Шайхова, Қ.Назаров) ҳамда ижтимоий ва сиёсат фалсафаси (Э. Юсупов, Қ. Хоназаров, Р. Абдушукуров, А. Валиев, Ҳ. Пўлатов, А. Чориев, С. Турсунмухамедов) йўналишлари бўйича фалсафий тадқиқотлар олиб берилди. Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти ташкил этилди. 1970–80-й.ларда И. Мўминов ташаббуси б-н бу ин-тда табиатшуносликнинг фалсафий муаммоларини таҳлил этувчи методологик семинар ўтказиш анъанага айланди. Маъкур семинар республикада фалсафий билимлар тарғиботи маркази сифатида фаолият кўрсатган. И. Мўминов вафоти-

дан сўнг бу семинарга таниқли методолог олим О. Файзуллаев раҳбарлик қилиб, семинар машғулотларини Фанлар Академиясининг табиатшунослик ва техника фанларига оид барча ин-тларида ташкил қилди. Семинар натижалари йирик илмий монографияларда чоп этила борилди.

Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлолни қўлга киритгач, фалсафа фани олдида янги вазифалар пайдо бўлди. Бу вазифаларга фалсафа фанини коммунистик мафкура асоратларидан тозалаш, жамият тараққиётининг янги даврдаги қонуниятларини фалсафий таҳлил этиш, миллий истиқлол ғоясининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, республикада шаклланаётган ҳуқуқий, демократик, фуқаролик жамиятининг ривожланиш хусусиятларини очиб бериш ва б. киради. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тида ҳар йили «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзуйда илмий-назарий анжуман ўтказиб келинди. Унда фалсафа ва ҳуқуқ фанлари соҳасидаги и.т.ларнинг натижалари муҳокама этиб борилди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 1998 й. «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида янги жамиятни бунёд қилишда миллий мафкура ва у таянадиган миллий фалсафанинг ролига катта баҳо берар экан, «ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат б-н баҳсга киришиш мумкин» дейди ва шундан келиб чиқиб, миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш файласуфлар олдида турган муҳим вазифа эканлиги таъкидланди. 1999 й. 10 июнда Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ташкил топди. Бу жамиятнинг асосий вазифаси мамлакатда халқимизнинг миллий ўзлигини англашининг, миллий истиқлол мафкурасининг илмий-назарий ва фалсафий асосларини яратишда, назарий ва амалий тадқиқотларни олиб боришда ҳамда мазкур тадқиқотларнинг натижаларини кенг омаллаштиришда, республикада шаклланаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида миллий истиқлол ғоясининг ҳаётий эҳтиёжга айланишида барча зиёлиларнинг бирдамлик руҳидаги иштирокини таъминлашдан иборат, деб белгиланган. И. Каримовнинг файласуф олимлар б-н учрашуви (2000 й. 6 апр.) да миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш учун файласуфлар миллий жамиятининг ишчи гуруҳини

тузиш ва бу гуруҳ аъзоларига мазкур вазифани бажариш топширилди. Шу тарзда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобчаси дунёга келди. Файласуфлар миллий жамияти бугунги кунда бир қанча фалсафий китоб ва рисоаларни нашр этди, жаҳон файласуфларининг мумтоз асарларини таржима қилишга киришди, турли илмий анжуманлар ташкил этди. Жамият республикада фалсафа фани соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштириш, жадаллаштириш, жамият манфаатлари йўналишига буриш борасида катта ташкилий ишларни амалга оширди. Ҳоз. пайтда бу жамият илгариги фалсафа жамияти б-н ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Республикада фалсафа бўйича и.т.лар Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ интида, шунингдек олий ўқув юртлари фалсафа кафедраларида олиб борилди. 1992 й.дан 2006 й.гача фалсафа соҳасида 67 д-рлик, 100 дан ортик номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Фалсафага оид и.т.лар «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» (Ўзбекистон ФА нашри), «Фалсафа ва ҳуқуқ» (Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг нашри), «Тафаккур» жур.ларида нашр этилади.

Бахтиёр Тўраев.

Мантиқ. 9–11-а.ларда Ўрта Осиёда мантиқ масалалари б-н шуғулланган мутафаккирлардан Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Хоразмийларни кўрсатиш мумкин. Форобийда мантиқий билимлар тизими «Исоғувчи» («Кириш»), «Мақулот» («Категория»), «Ибора» («Ҳукми»), «Қиёс» («Силлогизм», «Биринчи аналитика»), «Бурхон» («Исботлаш», «Иккинчи аналитика»), «Жадал» («Диалектика»), «Сафсата» («Софистик раддия»), «Хитоба» («Риторика»), «Шеър» («Поэтика») асарларини ўз ичига олади. Шунингдек, у «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳақида», «Шартли ҳукмлар», «Силлогизм» каби асарларида мантиқ масалаларини ишлаб чиқди. «Илмлар таснифи» асарида ҳам мантиқ илмининг предмети, тузилиши, илмлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритади.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий «Мафотих-ал-улум» асарида фанлар таснифида мантиқ илмига алоҳида ўрин берилди. Хоразмий Аристотель ва Форобийнинг тафаккур ва тил, мантиқ ва грамматика орасидаги боғлиқлик ғоясини янада ривожлантирди, мулоҳаза (ҳукми) масаласига алоҳида тўхталди.

Ибн Сино фалсафа ва мантиқ масалаларига бағишланган 150 дан ортик китоб ёзган. Буларнинг ичидеги энг асосийси — «Китоб аш-шифо»дир. Ибн Сино мантиқ илмини барча илмларнинг муқаддимаси, уларни эгаллашнинг зарур шарти сифатида талқин этади. Ибн Синонинг мантиқий таълимотини мукамал, мавзуси кенг, ҳажми, талқини батафсил деб, ўрта асрлардаги мантиқ илми ривожининг энг юқори даражаси деб баҳолаш мумкин.

Абу Райҳон Беруний мантиққа оид асарлар ёзмаган бўлса ҳам, унинг қонун-қондаларидан, исботлаш усулларидан илмий-амалий фаолиятида фойдаланган.

Мантиқ илмининг кейинги даврлардаги ривож Бахманёр, Насриддин Тусий, Тафтазоний, Миршариф Журжоний ва б.нинг номи б-н боғлиқ. Тафтазоний «Мантиқ ва каломга тузатиш», «Илм қидирувчилар мақсади» асарларида билиш масалаларига, мантиқий тафаккурнинг шакл, қонун-қондаларининг таҳлилига катта ўрин ажратди. Унинг шогирди Миршариф Журжонийнинг «Мантиқда илм таърифи», «Мантиқ ҳақида катта рисола», «Мантиқ ҳақида кичик рисола» асарларида ҳукм, ҳулоса масалалари батафсил ёритилган.

15–17-а.ларда Ўрта Шарқда ва Ўрта Осиёда яшаб, мантиқ соҳасида иш олиб борган Давоний, Шервоний-Румий, Маҳмуд Шерозий, Юсуф Қорабоғий ва б.ни кўрсатиш мумкин.

Жалид маърифатпарварларидан Фитрат, Абдулла Авлонийлар мантиқ илмининг фикр тарбиясидаги ролига юқори баҳо берганлар.

Ўзбекистонда мантиқ илмининг назарий масалаларини ишлаб чиқишни акаллар М.М.Хайруллаев, Э.Юсупов амалга оширган. Олимлардан М.Қодиров, С.А.Муталибов, А.П.Имомхўжаева, Д.Файзихўжаева, М.Н.Болтаев, М.Шариповлар мантиқ фани ва тарихига оид илмий ишлар қилишган. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда мантиқ илмини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиевларнинг «Мантиқ» ўқув қўлланмаси, И.Раҳимовнинг «Мантиқ» дарслиги, М.Шарипов ва Д.Файзихўжаеваларнинг «Мантиқ» ўқув қўлланмаси нашр этилди. Республикада мантиқшунос мутахассислар ЎЗМУнинг Фалсафа ф-тида тайёрланди. Шу ф-тдаги фалсафа тарихи ва мантиқ кафедраси республикада мантиқшунос мутахассисларни тайёрловчи ягона кафедра ҳисобланади.

Дилбар Файзихўжаева.

Социология. Ўзбекистонда социология ўз тарихига эга. Ўтмишда яшаб фаолият олиб борган уламою шоирлар, мутафаккиру ҳукмдорлар ижтимоий борлиқ муаммолари хусусида асарлар давомида фикр юритиб келганлар ва бу уларнинг изланишларида ифодасини топган. Буюк ватандошларимиз ўз асарларида мукамал жамият гоёси, давлатни бошқариш, жамиятда шахснинг ўрни ва роли масалаларига алоҳида тўхтаб ўтганлар. Хусусан, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Заҳридин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарларида ижтимоий қарашлар баён қилинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг социология фанини ривожлантириш имконияти туғилди. У ҳозир жадвал суръатлар б-н ривожланиб бормоқда. Илк марта Тошкент ун-ти (ҳоз. Ўзбекистон Миллий ун-ти)нинг фалсафа-иқтисод ф-ти ҳузурда 1989 й. социология бўлими ташкил этилди ва 25 та талаба қабул қилинди. Биринчи социология ф-ти эса 1990 й. Фарғона пед. институти (ҳоз. Фарғона ун-ти)да ташкил этилиб, асосан, амалий йўналишларга ихтисослашган мутахассислар тайёрлана бошланди. Кейинчалик Самарқанд ун-ти, Нукус ун-ти ва Бухоро ун-тида социология бўлимлари очилди. 2000 й.га келиб барча олий ўқув юртларининг 3-босқич талабаларига социология фани ўқитиладиган бўлди. Шунингдек, айрим олий ўқув юртларида ихтисослик асосида социологиянинг тармоқ йўналишлари ҳам ўқув дастурларидан ўрин олди. Мас., иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида меҳнат социологияси, иқтисодий социология фанлари, Тошкент маданият ин-тида маданият социологияси, ижтимоий антропология, ижтимоий хизмат каби фанлардан талабаларга билим бериб келинапти, кенг қўламли назарий-методологик муаммолар таҳлилий нуқтаи назардан ўрганилмоқда. Социологик тафаккурни шакллантириш, уни таълим тизими, бошқарув, оммавий ахборот воситалари ва б. соҳаларда кенгроқ қўлланишга ҳаракат қилинмоқда. Кейинги пайтларда бошқарув социологияси йўналишида сезиларли и.т.лар олиб борилмоқда, раҳбар кадрлар бошқарув маҳоратини оширишнинг социологик услубларига эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 2003 й.дан «Бошқарув социологияси ва

психологияси» кафедраси фаолият юритмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг бугунги ахборотлар дунёсида катта аҳамият касб этишини инobatга олиб, 1997 й. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилди. Марказда ҳар йили 10 дан ортиқ мавзуда социологик тадқиқотлар олиб борилади. Уларни ўтказишга республиканинг тажрибали амалиётчи мутахассислари – О.Отамирзаев, М.Ҳожимуҳамедов, Ҳ. Қаюмов, И.Азъмхўжаевлар жалб қилинган. Бугунги кунда кўплаб талаба, тингловчи ва аспирантлар ҳам марказ томонидан ўтказиладиган амалий тадқиқотларда иштирок этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда социология соҳасида юқори малакали мутахассислар етишиб чиқди. Шу давр ичида бир неча тадқиқотчи д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Мамлакатда социология фанининг методологик муаммоларини изчил ёритиб бораётган «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» жур. нашр этилмоқда (бош муҳаррир А. Саидов). Жур. ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади, унда ўзбекистонлик олимлар б-н бир қаторда МДХ мамлакатлари ҳамда бошқа хоризж мутахассисларининг илмий мақолалари ёритилади. Жур.да шунингдек, Ўзбекистонда ўтказилаётган кенг қамровли социологик тадқиқотларнинг айрим натижалари мунтазам эълон қилиб борилади. Ўзбекистонда бир неча илмий муассасалар (ЎзМУ, Ўзбекистон ФА, вилоятлардаги ун-тлар)да назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кибернетик социология муаммолари (акад. В.Қобулов), ижтимоий жараёнларни моделлаштириш (Н.Алиқориев), жамоатчилик фикрини ўрганиш (Р.А.Убайдуллаева), демографик жараёнларни тадқиқ этиш (О.Отамирзаев) йўналишларида илмий ишлар қилинган, миллий менталитет (М.Бекмуродов, А.Бегматов), тафаккур тарзи (Б.Фарфиев), маҳалла феномени (К.Калонов) ўрганилмоқда. Ўзбек олимлари социологиянинг турли йўналишлари (назарий социология – Р.Т.Убайдуллаева; меҳнат социологияси – Қ.Абдурахмонов; экологик социология – А.Қаҳҳоров; дин социологияси – М.Ғаниева; сиёсий социология – А.Холбеков) бўйича муайян ишлар қилдилар. Ўзбек ҳамда рус тилларида социологияга оид бир қанча дарслик, қўлланма, дастурлар чоп этилди.

Абдуғани Холбеков, Комил Калонов.

Этика. Ўзбек миллий этикаси бошқа фалсафий фанлар каби минтақавий табиатга эга бўлиб, унинг илдизлари даст-

лабки диний-этиқодий китобларга бориб тақалади. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авесто ана шундай китобларнинг ибтидоси ҳисобланади. Унда илоҳ, табиат ва инсон уйғунлиги, Ахурамазда (бош илоҳ) ўрнатган оламий гўзаллик ва эзгулик, тартиб ва уйғунликнинг ахлоқий моҳияти яққол кўзга ташланади, шу сабабли Авестода илгари сурилган 3 ахлоқий гоёя – «эзгу фикр», «эзгу сўз», «эзгу амал» барча даврлар ўзбек этикаси учун умумий тадқиқий асос бўлиб келди.

Мамлакатимиз ҳудудида кейинчалик кенг тарқалган буддавийлик, монийлик, маздахийлик этиқодларида ҳам ахлоқийлик ўқ томир вазифасини ўтади. Кейинчалик халқимизнинг олий маънавий қадриятларидан бирига айланган ислом дини ва унинг муқаддас китоби Қуръонда асосий ахлоқий тушунчалар етакчи ўринлардан бирини эгаллади: одамзот Худонинг халифаси сифатида ахлоқ б-н чекланган ихтиёр эркинлигига лойиқ мавжудот қилиб тайинланди.

9–13-а.ларда этика фани юксак тараққиётга эришди. Юнон фалсафаси ва этикасини тавҳидга мослаштириш ҳамда шу асосда ислом ахлоқшунослигини фалсафий асосда ривожлантиришдек мураккаб вазифа шу даврда амалга оширилди. Машшоййунлик фалсафасининг йирик вакилларида бири Абу Наср Форобий («Фозил одамлар шаҳри», «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола»), унинг издоши Ибн Сино («Ҳай ибн Яқзон») асарларида ахлоқ илми—этика амалий фалсафа деб номланади ва унинг фалсафий фан сифатидаги асосий тушунчалари, тамойиллари ҳамда меъёрлари кўрсатиб, фазилатлар б-н иллатларнинг вужудга келишидаги фалсафий илдизлар назарий асослаб берилди. Машшоййунлик б-н ёнма-ён ривожланган тасаввуф йўналиши моҳият эътибори б-н ислом ахлоқ фалсафасига айланди. Мутасаввиф алломалар ахлоқийлик ҳодисасини Қуръони карим оятларида ва Ҳадиси шарифдаги ҳикматлар мезониде инсонга берилган улкан неъмат сифатида талқин қилдилар. Фиқҳий масалаларни ахлоқшунослик б-н боғлаган ҳолда, ҳаётий-ахлоқий мисоллар воситасида ўртага ташладилар. Тасаввуф ахлоқшунослигида 4 фазилат – эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал ва маърифат яхлитлиги инсон комиллигининг асосий белгиси тарзида тақдим этилди.

Абу Лайс Самарқандий («Танбеҳ ул-ғофилн», «Бўстон ул-орифин»), Аҳмад Яссавий («Девони ҳикмат», «Факр рисоласи»), Нажмиддин Кубро («Солиқлар одоби ҳақида»), Азизиддин Наса-

фий («Зубдат ул-ҳақойиқ», «Инсонни комил») каби алломалар асарлари ўз даврида бутун ислом олами учун ахлоқ китоблари вазифасини ўтади.

Темурийлар даврида айниқса нақшбандия ва жумарлик сулуқлари ахлоқшунослиги катта ўрин эгаллади. Темурийлар даврида Навоий («Маҳбуб ул-қулуб», «Насойим ул-муҳаббат»), Кошифий («Футувватномаи султоний», «Ахлоқи Муҳсиний»), Жалолиддин Давоний («Ахлоқи Жалолий») сингари буюк сиймослар ўзбек этикаси тараққиётига улкан ҳисса қўшдилар. Нақшбандия ахлоқшунослигида асосий эътибор инсоннинг замон ва макондаги ролига, ахлоқий хатти-ҳаракатнинг замон эҳтиёжларини ҳисобга олиши, илоҳий ва инсоний фазилатларнинг уйғунлиги масаласига қаратилиши б-н алоҳида эътиборга молик.

Ўрта асрлар ўзбек этикасида назарий фикрлар б-н панднома шаклидаги шеърӣ асарлар, назмий ва насрий ҳикоятлар омухталлиги кўзга ташланади (Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Пошшохожа). Бу жиҳатдан темурийлар давридаги пандномалар, айниқса Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари ноёб ҳисобланади. Кейинги, хонликлар давридаги энг эътиборли панднома Гулханийнинг «Зарбулмасал» асаридир.

19-а. охири – 20-а. бошларидаги жадидчилик ҳаракати даврида ахлоқшуносликка эътибор янада кучайди, жадидлар миллий озодликка эришиш йўлини халқ ахлоқий даражасини ва маърифатини юксалтиришда кўрдилар. Анбар Отиннинг «Қаролар фалсафаси», А. Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», Фитратнинг «Нажот йўли», «Оила» асарларида шахс ахлоқий ҳаётининг жамият тараққиётига таъсири, янгича турмуш тарзининг ахлоқийлик б-н боғлиқлиги масалалари кўтарилди. Ахлоқийликни синфийлик ва партиявийлик каби тамойилларга бўйсундирган шўролар даври этикаси сохта фан сифатида ўз вазифасини ўтай олмади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий ахлоқий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар жамиятда ўз ўрнини эгаллагач, этика фани ҳам тараққиёт йўлига кирди, этика тарихи ва назариясига доир йирик тадқиқотлар эълон қилинди (И. Жумабоев, «Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан»; Э. Юсупов, «Ёшларнинг маънавий камолоти», ҳаммуаллифликда «Одавийлик сабоқлари»), олий ўқув юртлири талабалари учун «Ахлоқшунослик» дарслиги яратил-

ди. Бугунги кунда Ўзбекистон олий ўқув юртлири ва и. т. марказида этика соҳасида 3 фан д-ри ва 10 дан ортқ фан номзоди иш олиб бормоқда. Ўзбекистон миллий ун-тида этика ва эстетика кафедраси фаолият кўрсатмоқда. Унда этика йўналиши бўйича магистратура, аспирантура ва докторантура мавжуд. Барча олий ўқув юртлирида этика фани «Ахлоқшунослик» номи остида ўқитилади. Ҳоз. пайтда олимлар (Х.О. Шайхова, А. Шер, Ф. Загритдинова, М. Маҳмуд ва б.) этика тарихи ва назариясининг долзарб муаммоларига доир янги тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Эстетика. Ўзбекистон халқлари эстетик қарашларининг пайдо бўлиши даставвал илк эътиқодий китоблар б-н боғлиқ. Энг қад. эстетик ғоялар зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестода ўз ифодасини топган. Унда гўзаллик бош илоҳ Аҳурамазда яратган оламдаги уйғунлик, тартиблилик ва хилма-хилликнинг яхлитлиги сифатида намоён бўлади, гўзалликнинг илдизи эса эзгулик ва фойдалиликка боғлиқ ҳолда талқин этилади: нимаинки эзгу ва инсон учун фойдали бўлса – ўша гўзал деган ғоя илгари сурилди. Мамлакатимиз ҳудудида кейинчалик кенг тарқалган буддавийлик, монийлик, маздакийлик диний таълимотларида Авестодаги табиат ва инсон гўзаллигининг муаносиблиги масалалари б-н бирга хулқий гўзаллик муаммоси муҳим ўрин эгаллайди.

Ислом дини кириб келганидан кейинги эстетика ҳам минтақавий табиатга эга бўлиб, Қуръони карим оятлари ва Ҳадиси шарифдаги «Аллоҳ гўзал ва У гўзалликни севади» деган тамойил асосида ривожланди; илоҳий гўзаллик инсоний гўзаллик учун намуна – идеал тарзида олиб қаралди. 9–10-а.ларга келиб, эстетик назариялар ва қарашлар юнон фалсафасини ислом дини ақидаларига мослаштириш орқали илгари сурилди. Бунда икки фалсафий-эстетик йўналиш – машшойийунлик (шарқ аристотелизми) ва тасаввуф алоҳида ўрин тутди. Машшойийунлик эстетикасининг вакили Абу Наср Форобий ўз рисолаларида ички ва ташқи гўзаллик уйғунлиги ҳамда улардаги фарқларга эътиборни қаратди, санъат турлари доирасини кенгайтириб, гўзалликнинг беғараз муносабат асосида намоён бўлиши баробарида санъат фойдалилик тамойилига ҳам асосланиши мумкинлигини, санъаткор истеъдодининг туғмалигини таъкидлади, шеърӣ нутқ қонун-қоидаларининг фалсафий талқинини берди («Мантқ илмига кириш», «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида»). Форобийдан кей-

ин Ибн Сино ўз эстетик қарашларида руҳий ва жисмоний гўзалликнинг уйғунлиги ҳақида, шеър санъати борасида оригинал фикрлар билдирди, санъатдаги образлилик масаласига тўхталиб ўтди, юнонлар б-н араблар шеърӣятининг ўзига хос хусусиятларини чоғиштириб, Арастуниқидан фарқланадиган назарий хулосалар чиқарди («Ишқ рисоласи», «Шеър санъати»). Машшойийунлик б-н бир қаторда тасаввуф эстетикаси ҳам тараққий қилиб борди: унда гўзалликнинг асосида муҳаббат ётиши, мутлақ гўзаллик б-н нисбий гўзалликнинг ўзаро боғлиқлиги, санъатдаги уйғунлик (лаҳн), санъат асарини эстетик идрок этиш масалалари ўртага ташланди. Яссавийлик тариқатида («Девони ҳикмат») илоҳий гўзалликка ошуфталик, кубровийлик тариқатида («Фаввойиқ ул-жамол») ранглар эстетикаси, нақшбандияда хулқий гўзаллик, жумарлик сулуқига эса сўз гўзаллиги масалалари долзарб эътиқодий-эстетик муаммолар сифатида ўртага ташланди.

Миллий-минтақавий эстетика тарихида темурийлар даври алоҳида ўрин тутди. Бу даврда Навоий («Мажолис ун-нафоис»), Жомий («Рисолаи мусиқий»), Бобур («Муҳтасар»), Кошифий («Ахлоқи Муҳсиний»), Восифий («Балоеъ ул-вақоъ»), Атоуллоҳ Ҳусайний («Бадойиъ ус-санойиъ»), Қози Аҳмад («Гулистони ҳунар») каби ўнлаб алломалар ўз рисолаларида санъат турлари эстетикасини меърига етказиб ишладилар, уларнинг эстетик қарашлари, назарий хулосалари ўзбек эстетикаси ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. 17–18-а.ларда ҳам ушбу анъаналар давом этди, қатор эстетик рисола ва таъкиралар яратилди. Хонликлар ва чоризм мустамалакиси даврида эса ўзбек эстетикаси кўпроқ таъкираларда (Фазлий) ҳамда шеърӣ шаклларда (Фурқат) ўз ифодасини топди; Фурқатнинг театр ва мусиқа санъатига бағишланган маснавийлари жадидчилик эстетикасининг ибтидоси сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек миллий эстетикасида бурилиш даври 19-а. охири – 20-а. бошига тўғри келади. Бу даврда кенг ёйилган жадидчилик ҳаракати моҳиятан ахлоқий-эстетик йўналиш касб этган эди. Жадид мутафаккирлари янгича эстетик ғояларни ўртага ташладилар, миллий адабиётда драма жанрига ва томоша санъатига замонавий театрға асос солдилар. Улар ўз рисолалари ва мақолаларида санъаткор шахси ва истеъдодига, санъатнинг эстетик моҳияти ва санъат турлари таснифига, эстетик тарбия ва турмуш эстетикасига кенг ўрин бердилар; Анбар Отиннинг «Қаролар фалсафаси» (1910),

Фитратнинг «Оила»(1914), кейинроқ «Адабиёт қоидалари»(1926) рисолалари, Чўлпоннинг бадиий адабиёт ва театр эстетикасига бағишланган туркум мақолалари 20-а. ўзбек миллий эстетикасининг асосини ташкил этади. Лекин шўролар давридаги тоталитар тузум эстетиканинг эркин тараққиётини тўхтатди, уни бошқа ижтимоий фанлар қатори синфийлик ва партиявийлик тамойиллари асосида бирёқламалikka, маҳдудликка, сохталikka маҳкум этди. Бу даврда Н. Ё. Ғоибов, М. Нурматов, Т. Маҳмудов, В. Цай каби нафосатшунос олимлар фаолият кўрсатдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг эстетик маданият (М. Абдуллаев), эстетик қадриятлар (Т. Маҳмудов), эстетика тарихи (А. Қурбонмамадов) борасида йирик илмий ишлар эълон қилинди; ҳоз кунда А. Қурбонмамадов, Э. Умаров, В. Голованова, А. Шер, Б. Хусанов сингари олимлар эстетика назарияси ва тарихига доир жиддий тадқиқотлар ҳамда янги типдаги ўқув адабиётлари устида иш олиб бормоқдалар. Мамлакат олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот ин-тларида 5 фан д-ри, 20 дан ортиқ фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Эстетика фани республиканинг барча олий ўқув юртлари, академик лицейлари ва коллежлари ўқув режаларидан қатъий белгиланган соатлар ҳажмида ўрин олган. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий ун-ти фалсафа ф-тида этика ва эстетика кафедраси мавжуд бўлиб, унда эстетика йўналиши бўйича магистратура, аспирантура ва докторантура фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатда фуқароларнинг эстетик тарбиясини юксалтиришга, уларнинг эстетик диди ва эстетик эҳтиёжини шакллантириш ҳамда тараққий эттиришга қаратилган маънавий-маърифий ишлар, турли тадбирлар мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Абдулла Шер.

Диншунослик. 19-а.нинг ўрталарида вужудга келган диншунослик фани ўзига хос йўлни босиб ўтди. Бу даврда Ўзбекистон Россия империяси ва кейин Иттифоқ таркибида бўлиб, жаҳон ҳам-жамиятидан айри ҳолда яшарди. Собик шўролар даврида дин фақат бир ёқлама-атеистик жиҳатдан ўрганилди, у халқ учун афюн, тараққиётнинг кушандаси дея баҳоланди, руҳонийларга эса реакция кучлар сифатида қаралди. Бундай сиёсат натижасида диний масканлар — масжид, мадраса, қадамжолар оёқ ости қилинди. Диний соҳада қалам тебратган алломаларимиз асарлари ўрганилмай

келинди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий каби уламолар ва уларнинг бой маънавий меросидан халқимиз беҳабар қолдирилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда динга янгича қараш ва муносабат билдириш имконияти туғилди. Натижада биз учун янги бўлган диншунослик фани қирралари очила бошлади. Бу фан илгариги атеизмдан фарқли ўлароқ динни танқид қилиш, уни жамиятдан йўқотиш мақсадида эмас, балки унга миллий маънавиятнинг бир бўлаги сифатида ёндашиб, уни холисона ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Диншунослик фанининг асосий вази-фаларидан бири диннинг шахс, оила, жамият ҳаётига кириб бориши, маданият ва маънавиятни бойитишга қўшган ҳиссасини кўрсатиб беришдир. Ушбу фанни ўқитишдан мақсад миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар ила уйғунлиги, бу қадриятларнинг ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитида аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб, талабаларда динга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тарбиялашдан иборат. Айни ақтда диншунослик бўйича и.т. Тошкент ислом ун-ти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон миллий ун-ти, Шарқшунослик ин-ти, Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти ва б. илмий марказлар олимлари томонидан олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг асосий қисмини ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил этганлиги сабабли диншуносликнинг исломшунослик йўналишидаги тадқиқотлар сезиларлидир. Бу йўналишда мингга яқин турли китоб, рисола, маълумотномалар, дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган «Марказий Осиё динлари тарихи» (2006), Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги тарихий-илмий изохли таржумасининг академик наشري (масъул муҳаррир ва бош таржимон М. Усмонов, 2004), А. Ҳасановнинг «Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри» (1-китоб, 2001), Н. Комиловнинг «Тасаввуф» (1 ва 2-китоб, 1996; 1999) асарлари, шунингдек, «Ислом» энциклопедияси (2004) мазкур соҳа бўйича билимларни бойитади.

Узлуксиз таълим тизимида динлар ҳақида маълумот берувчи фанлар ўқитила бошланди. 2000 й.да «Диншунослик» маърузалар матни, 2004 й.да эса ушбу

тўплам А. Мўминов, Ҳ. Йўлдошхўжаев, Д. Раҳимжонов, М. Комилов, А. Абдусатторов, А. Ориповлар томонидан қайта ишланиб, «Диншунослик» ўқув қўлланмаси сифатида нашр этилди.

Дурбек Раҳимжонов.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Педагогика. Ўзбек халқининг алоҳида этник бирлигини таъминлайдиган катгория сифатидаги ўзбек пед.си узоқ тарихга эга. Зеро, пед. ҳар қандай миллатнинг мавжудлик шартидир. Ҳали жамият аъзолари орасида ижтимоий меҳнат тақсимоти йўлга қўйилмаган қад. замонларда халқ пед.си шаклида мавжуд бўлган. Ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан фарқлана бошлаган даврга келиб, ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида амалий пед. юзага келди. Ўлкада қурилган ва тикланган кўплаб иморат ва иншоотлар, бу ердан етишиб чиққан ўнлаб қомусий олимлар ўзбек пед.сининг юксак даражасини англатади. Миллий пед. шонли тараққиёт йўлини босиб ўтган. Ўлка ислом дини таъсирига тушганча бўлган даврлардаги илмий пед. ҳолатини акс эттирадиган ашёлар кўп сақланиб қолмаган. Аммо Авесто китоби, тошбитиклар, халқ оғзаки ижоди намуналари («Алломиш», «Гўрўғли» ва б.) ва айниқса, миллат маънавиятини ташкил этувчи анъаналар ўлкада ғоят пухта пед. тизими бўлганлигини англатади.

Ўзбекистонда педагогик тафаккур тараққиётида ёзма адабиёт намуналари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадгу билиг» асарида оилада фарзанд тарбияси муаммолари, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар туҳфаси») асарида шахс камолоти омиллари бадиий талқин қилинган. 9—11-а.ларда мутафаккир олимлар Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, 14—16-а.ларда Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ва б.нинг илмий ва бадиий асарларида таълим-тарбия масалалари ёритилган. Хусусан, Форобийнинг «Ақл тўғрисида», «Фозил одамлар шаҳри», Азизиддин Насафийнинг «Инсонни қомил», «Зублат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгилиси») асарларида таълим-тарбия уйғунлигида қомил инсонни тарбиялаш гоёси илгари сурилди. Форобий тарбияда гуманистик ва мажбурлаб тарбиялаш усулини тақлиф қилди. Ибн Синонинг

«Китоб ал-Қонун фи-т-тиб» («Тиб қонунлари»), «Китоб ан-нажот» («Нажот китоби»), «Китоб ул-инсоф» («Инсоф китоби»), «Донишнома», Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» каби асарларида таълим-тарбиянинг шакл ва усуллари, таълим соҳасида қўлланалган ўқув материаллари ҳамда воситалари, тарбияда энага, мураббий, ота-она ва б.нинг ўрни каби жуда кўп масалалар ўз аксини топди. Саъдий Шерозийнинг панд-насиҳат воситасида шарқона тарбияни амалга оширишга қаратилган «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари мактабларда 20-а. бошларига қадар дарслик сифатида ўқитилди. 1804 й.да Мунис Хоразмий томонидан яратилган «Саводи таълим» китоби хусниҳат бўйича ўзбек тилидаги биринчи асар ҳисобланади. Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олинган, ўлкада маҳаллий аҳолидан империяга сидқидилдан хизмат қилувчи кичик амалдорлар етиштириш, руслаштириш сиёсатини амалга ошириш учун дастлаб рус, кейин рус-тузем мактаблари очила бошлади ва мана шу мактаблар учун В.П.Наливкин томонидан бир қанча дарсликлар яратилди.

19–20-а. бошларига таълим-тарбия соҳасида кенг ислохотлар ўтказилди. Бу ислохотлар, асосан, амалий йўналишда бўлиб, маърифатпарвар жадид педагогларнинг таълимда синф-дарс тизimini амалга оширишга, савод ўргатишда товуш усулини қўллашга қаратилган фаолиятлари б-н боғлиқдир. Жадидчилик ҳаракатининг етакчилари М.Бехбудий, Мунавварқори, А.Фитрат, А.Авалоний ва б. пед. фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар алифбе, ўқиш китоби, адабиёт назарияси, геогр., она тили, одобнома бўйича дастлабки дарсликларни ёздилар ва ўзлари очган янги усул мактабларида болаларни текинга ўқитдилар. Уларнинг муҳаррирлиги ва ноширлигида чоп этилган газ. ва жур.ларда таълим-тарбия ислохоти масалалари ёритилди. 1902 й. С. Саидазизов томонидан рус-тузем мактабларининг ўзбек синфлари учун биринчи ўзбек алифбе дарслиги – «Устози аввал» яратилди. Ўзбек мактаблари учун тузилган илк алифбе дарслиги – «Адиби аввал» Мунавварқори томонидан 1907 й.да ёзилган. М.Бехбудий томонидан янги усул мактаблари учун яратилган «Рисолаи асбоби савод» («Савод чиқариш китоби», 1904), «Рисолаи жўғрофияи умроний» («Аҳоли географиясига кириш», 1905), «Мунтахаби жўғрофияи умумий» («Қисқача умумий география», 1906), «Китобат ул-атфол» («Болалар хати», 1908) каби дарслик ва қўлланмалари пед.

фани тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1920–40 й.лар мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси, илғор ўқитувчилар тажрибасини умумлаштириш, пед. тарихини ўрганиш масалалари тадқиқ этилди. 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда пед. фани тез суръатлар б-н ривожлана бошлади. Таълим жараёнида ўқувчилар дунёқарашини шакллантириш, меҳнат тарбияси, халқ пед.си, умумий таълим мактаблари тарихи ва тараққиёти масалалари бўйича и.т.лар олиб борилди (А.А.Бобоҳонов, Э.Қодиров, З.Ф.Миртурсунов, С.Р.Ражабов, Ж.А.Ўринбоев, И.Ҳусанхўжаев ва б.). С.Долимов, Қ.Аҳмедов, Ҳ.Ҳасанов каби олимларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этди. Пед. институтлари талабалари учун пед. ва пед. тарихи бўйича дарсликлар тайёрланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, пед. фани тараққиётига катта эътибор берилди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 й. 29 авг.да қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ЎзР Президентининг 2004 й. 21 майдаги «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони ва таълим тўғрисидаги бошқа давлат ҳужжатлари пед. фанининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мустақилликка эришилгандан сўнг ўзбек пед.си миллий асосларга таянган ҳолда соғлом йўналишда ривожланмоқда. Пед.нинг турли соҳалари бўйича и.т. ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, дидактика ва хусусий методика бўйича А.Зуннунов, Д.Шодиев, Н.Ғайбуллаев, Ж.Икромов, А. Абдуқодиров, Р.Толипова, М.Тўхта-хўжаева, Б.Мирзахмедов, В.Андрианова, Э.Турдиқулов, О.Ҳасанбоева, Қ.Йўлдошев ва б., тарбия назарияси бўйича М.Очилов, Д.Шарипова, М.Иномова, О.Мусурмонова, А.Миноваров, М.Қуронов, С.Нишонаева, Ҳ.Йўлдошев, Т.Усмонхўжаев ва б., касбий таълим назарияси бўйича Н.Азизхўжаева, У.Нишоналиев, П.Маъзумов, Ҳ.Толипов, Н.Шодиев, Э.Чориев, Н.Сайдахмедов, О.Ҳайитов, А.Ҳожибоев ва б.нинг и.т.лари муҳим назарий аҳамиятга эга. Шунингдек, Ф.Мусаев, А.Фуломов, К.Ҳошимов, Ж.Йўлдошев, Й.Абдуллаев, Л.Мўминова, Б.Қодиров, М.Ҳайдаров, С.Булатов сингари олимлар томонидан олиб борилётган и.т.лар бутунги ўзбек пед.сининг қиёфасини намоён этади. Бу изланишларда таълим-тарбиянинг мил-

лий асослари, илғор педагогик қарашларни баркамол шахсини шакллантириш жараёнига татбиқ этиш йўллари, таълим-тарбияда болаларнинг ёш ҳамда индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш усуллари, ёш авлод маънавиятини қарор топтиришда минтақавий хусусиятларни ҳисобга олиш, пед. фани олдидаги муаммоларни ҳал этишда этнопедагогика тажрибасидан фойдаланиш каби масалалар ўз аксини топди. Ўзбекистонда пед. бўйича и.т.лар Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон пед. фанлари и.т. институти ва унинг Қорақалпоғистон филиалида, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказида, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ин-тида, Тошкент пед. университетида, Фарғона ун-тида, республикадаги пед. институтларида, Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий ин-тида олиб борилди. Пед. фани ва амалиёти масалалари республикада нашр этиладиган «Маърифат», «Учитель Узбекистана» («Ўзбекистон ўқитувчиси») газлари, «Халқ таълими», «Узлуксиз таълим», «Педагогик таълим», «Таълим тараққиёти», «Бошланғич таълим», «Соғлом авлод учун», «Мактаб ва ҳаёт», «Тил ва адабиёт таълими» жур.ларида ёритилади.

Қозоқбой Йўлдошев, Ўткир Толипов.

Психология. Мамлакатимизда психологияга оид тадқиқотлар Ўрта Осиё Уйғониб даврига бориб тақалади. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Форобий, Аҳмад Фарғоний каби қомусий олимлар инсон руҳиятини ўрганиш илми ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Кейинчалик нақшбандия (Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд), яссавийлик (Аҳмад Яссавий), тасаввуф таълимотларида комил инсон камолоти масалалари акс этди. Навоий, Бобур, Аҳмад Дониш ва б. мутафаккирларнинг ижодий фаолиятида инсон руҳияти б-н боғлиқ масалалар ўз ифодасини топди. 20-а.нинг 20–30-й.ларига келиб психология фанига эҳтиж кучайиши туфайли Ўрта Осиё давлат ун-тида фан сифатида ўқитила бошланди. 1929 й. Халқ маорифи комиссарлиги қошида психология лаб. очилди. Унда илрок жараёни б-н Т.Н.Баранова, А.М.Голоховская, С.Р.Рахматуллина, Ю.Т.Тохрийлар шуғулландилар. Шу даврда педагогика ин-тларида психологиянинг бир неча соҳалари бўйича талабаларга билим берила бошланди. Рус олимлари П.И.Иванов, И.М.Краснобаев, П.И.Ле-

вентуевлар психология фанини ривожлантириш учун Ўзбекистонга келдилар. 1947 й.да ун-тда «мантқ ва психология» бўлими ва кафедраси очилди. Маълум вақтдан сўнг педагогика ин-тларида «педагогика ва психология» ф-тлари ташкил қилинди. 1972 й.да Тошкент давлат ун-тида психология бўлими очилди ва у ҳоз.гача фаолият кўрсатиб келмоқда. 50-й.ларнинг ўрталарида М. Воҳидов эса олиб қолишга, Х.М.Ғофурова тасаввурни шакллантиришга, П.И.Иванов хаёл ва ижодийётга, М.А.Музаффаров тикловчи хаёлни ёш хусусиятига оид изланишлар олиб бордилар. 60-й.ларда П.И.Левентуев, А. Саъдуллаев, Б. Мамажонов, Р.А.Турсуновлар томонидан тасаввур, адабий ижодийётга бағишланган тадқиқотлар ўтказилди. П.И.Иванов, П.П.Зимин, Н.Н.Ниғматов, А.И.Аржанова тафаккур психологиясига оид тадқиқотларини яқунладилар. А. Асқаров, Т. Юсупжонов, А. Азимов, А.Б.Бекбасов ўзбек, қорақалпоқ тилларини ўзлаштиришнинг психологик хусусиятлари б-н шуғулландилар. Таълим ва тарбиянинг психологик масалалари бўйича (В.П.Иванова, Р.Ш.Каримова ва б.), меҳнат психологиясига оид (А. Ғуломов, Н. Яхьяров, К. Турғунов ва б.) изланишлар олиб борилди. Бундан ташқари шахс категорияси, касб танлаш муаммоси бўйича, қизиқиш, қобилият категориялари тадқиқ қилинди. Кўпгина илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Мустақилликдан кейин педагогик ва ёш психологияси, умумий психология, ижтимоий психология, тиббий психологияси, ҳуқуқ психологияси соҳалари бўйича тадқиқотлар қилинди. Психология бўйича 140 дан ортиқ фан номзоди, 10 дан ортиқ фан д-ри мавжуд. Мутахассис тайёрлаш ва тадқиқот ишлари ЎзМУ, Тошкент давлат педагогика ун-ти, Фарғона давлат ун-ти, Қарши давлат ун-ти, Термиз давлат ун-ти, Бухоро давлат ун-тида йўлга қўйилган. Республикада психологик хизмат жорий қилинган ва унинг тармоғи тобора кенгайиб бормоқда. ЎзМУ да фан номзоди ва д-ри илмий даражасини берувчи ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатиб келмоқда. Мутахассислар учун соҳаларга тааллуқли адабийётлар яратилган. М. Воҳидовнинг «Мактабгача тарбия психологияси» (1970), «Болалар психологияси» (1982), М. Давлатшиннинг «Қобилият ва унинг диагностикаси» (1979), Б. Қодировнинг «Лаёқат психологияси» (1989), В. Каримованинг «Ижтимоий психология асослари» (1995), «Психология» (1999), Ғ. Шоумаровнинг «Оила психологияси» (1999), М. Маматовнинг «Этнопсихоло-

гия» (1999), В. Токареванинг «Талаба шахсининг ахлоқий камолоти психологияси» (1989), Э. Ғозиевнинг «Тафаккур психологияси» (1990), «Ёш психологияси» (1994), «Олий мактаб психологияси» (1997), «Менежмент психологияси» (2001), «Касб психологияси» (2004) китоблари шулар жумласидандир.

Эргаш Ғозиев.

ТАРИХ ФАНЛАРИ

Тарих. Ўзбекистоннинг энг қад., ибтидоий жамият давридан ҳоз. кунларгача бўлган ўтмиш тарихий, археологик ва этн. тадқиқотлар воситасида ўрганилиб келинмоқда.

Қад. ва энг қад. тарихни ёзишда моддий-маданият ёдгорликлари ва археологик топилмалар б-н бирга мил. ав. I-миг йилликдан бошланган ёзма манбалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Қад. Турон аҳолиси ҳақидаги илк маълумотлар зардуштийларнинг муқаддас китоби — Авесто ва Ахоманийлар даври китоблари (Беҳистун, Нақши Рустам ва б.)да учрайди. Мамлакатимизнинг қад. халқлари, урф-одати, табиати ҳақидаги маълумотларни Юнон-Рим тарихчилари Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Полибий, Диодор, Страбон, Арриан, Курций Руф асарларида, шунингдек хитой, арман, араб муаллифлари яратган ёзма манбаларда учратиш мумкин. Мовароуннаҳр Араб халифалиги томонидан фатҳ этилиши оқибатида аксарият ёзма ёдгорликлар йўқ бўлиб кетган бўлса-да, аммо бизгача сақланиб қолган суғд ҳужжатлари (Муғ қалъа, Дуньхуан, Афросиёб), Хоразм (Тупроққалъа) архиви ҳамда турк руник (Олтой, Муғулистон, Шарқий Туркистон, Қозоғистон ва Қирғизистон) битикларида бу қад. диёрнинг аҳолиси, айниқса унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир нодир ва қимматли фактик маълумотлар қайд этилган.

9–10-а.ларда Мовароуннаҳр, Хуросон халифаликдан ажралиб, мустақилликка эришган даврида, ўрта аср тарихнавислиги ривож топиб, араб ва форс тилларида бир қанча йirik тарихий ва географик асарлар яратилди. Мас., Яъқубийнинг «Китоб ал-булдон» («Мамлакатлар ҳақида китоб»), «Тарих»; Балозурийнинг «Китоб футух ал-булдон» («Мамлакатларнинг фатҳ этилиши ҳақида китоб»); Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л мулк» («Пайғамбарлар ва подшолар тарихи»); Истахрийнинг «Китоб масолик ул-мамолик» («Мамлакатлар ва йўллар ҳақида китоб»); Берунийнинг

«Осор ул-боқия ан-ал-қурун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»); Наршахийнинг «Тарихи Бухоро»; Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» («Самарқанд тарихи ҳақида қанддек китоб»); Байҳақийнинг «Тарихи Масъудий» ҳамда номаълум муаллиф томонидан форс тилида ёзилган «Худуд ул-олам» ва кўпгина бошқа асарлар шулар жумласидандир. Ўрта асрларнинг бу нодир ёзма манбаларида халифалик тарихи, унинг таркибидаги мамлакатларнинг географик ҳолати; йirik шаҳар, қалъалар, қишлоқлар; аҳолиси ва унинг асосий машғулоти; урф-одати; ундириб олинган хирожнинг умумий миқдори, вақф мулклари, карвон йўллари, ҳукмдорлар, халқ кўзғолонлари, деҳқончилик ва корандалик каби масалаларни қамраб олган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётга доир муҳим маълумотлар баён этилган.

Қад. туркий қабил ва қавмларнинг этник таркиби, тили ва лаҳжалари, турар жойлари, тамгалари ҳамда диний эътиқодлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўринларига оид маълумотлар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида, Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг бошқинчилик юришлари тўғрисидаги ахборот эса Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонгушой» («Жаҳонгир (Чингизхон) тарихи»), Насафийнинг «Сирот ас-султон Жалол ад-дин Манкбурни» («Султон Жалолдин Манкбурни ҳаёти тафсилоти»), Рашидуддиннинг «Жоме ат-таворих» («Тарихлар тўплами») ва б. араб ва форс муаллифлари асарларида келтирилган.

Ўрта аср тарихшунослигида Амир Темуру ва темурийлар даври тарихи айниқса муфассал ёритилган. Шу даврга оид асарлар орасида «Темуру тузуқлари»; Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»; Муъинуддин Натанзийнинг «Мунтахаб ул-таворих» («Сайланма тарих»); Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ул-таворих»; Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»; Ибн Арабшоҳнинг «Ажоиб ул-мақдур фи ахбори Темуру» («Темуру ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари»); Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» («Фасиҳийнинг (тарихлар) мажмуаси»); Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн» («Икки денгизнинг қўшилиш ўрни»); Мирхонднинг «Равзат ус-сафо»; Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» асарлари айниқса фактик маълумотларга бойдир.

Уларда Амир Темуру ва темурийлар салтанатининг ташкил топиши, ички ва

ташқи муносабатлари, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид муҳим маълумотлар келтирилади.

Ўрта асрларда давлат ишлари, бошқарув тизими ҳақида маълумот берувчи Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Низомулмулкнинг «Сийёсатнома», Хондамирнинг «Дастур ал-вузуро», Муҳаммад Боқирхоннинг «Мувазайи Жаҳонгирий» асарлари яратилди.

16-а. бошларида содир бўлган муҳим тарихий воқеалар, Шайбонийхон давлатининг ташкил топиши Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома»; Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома»; Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»; Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдуллонома»; Фазлуллоҳ ибн Рӯзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро»; Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» каби асарларида баён этилган.

Ўрта Осиёда 3 та мустақил – Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келиши 6-н, 17–19-а.ларда уларнинг тарихига бағишлаб алоҳида асарлар яратилди. Ўзига хос услуб ва аъналарга эга бўлган тарихнавислик мактаблари шаклланди. Бухоро ва Хива хонликлари тарихини ёритишда Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тароқима»; шунингдек, Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Муҳит ат-таворих» («Тарихлар океани»); Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муҳимхоний»; Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома»; Муҳаммад Яъқуб Бухорийнинг «Гулшан ул-мулк» («Подшоҳлар гулшани»); Муҳаммад Шарифнинг «Тоғ ут-таворих» («Йилномалар тожи»); Муниснинг «Фирдавс ул-иқбол» («Бахтлар боғи»), Огаҳийнинг «Риёз уд-давла» («Салтанат боғлари»), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани») ва б.нинг асарлари муҳим аҳамиятга эга.

Қўқон хонлиги тарихи Ҳакимхонтўранинг «Мунтахаб ат-таворих» («Йилномалар тўплами»); Мулла Олим Махдумҳожининг «Тарихи Туркистон»; Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Тарихи жаҳоннома»; Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳрухий» асарларида баён этилган. Мирзо Олим Тошкандий (Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» («Султонлар шажараси ва хоқонлар тарихи») асари Фарғонанинг 15–19-а.лар орасидаги тарихини ўз ичига олади. Тошкентлик муаррих Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жалидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») асарида Қўқон хонлиги тасарруфидаги ерларни подшо Россияси қўшинлари томонидан босиб оли-

ниши арафасидаги воқеалар, Бухоро тарихи, Тошкентдаги жангу жадаллар баътафсил ёритилган.

19-а.нинг 2-ярми – 20-а. бошларида Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақоъ» («Нодир воқеалар») ва «Таржимаи аҳволи амирони Бухоро» («Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари»); Мирзо Абдулазим Сомий Бўстонийнинг «Тарихи салотини манғития» («Манғит ҳукмдорлари тарихи»), Мирзо Салимбекнинг «Тарихи Салимий» ва «Қашқўли Салимий» («Салимийнинг дарвешлар халтаси») асарлари Бухоро амирлиги тарихига оид.

Ўрта аср маҳаллий тарихнавислигининг маҳсули бўлган аксарият асарларда ўтмиш одатда ривоятлар, сунъий шажаралар асосида, ҳукмдорлар фаолияти эса аксарият мадҳ ёки истеъзо услубида баён этилган бўлса ҳам, аммо уларда келтирилган турли фактик маълумотларда ўша замоннинг руҳи, мафқураси, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёти маълум даражада ўз ифодасини топган. Бу тарихий асарлар ўз даврининг илгор фикрли кишилари томонидан ёзилган бўлса-да, ўша даврдаги ҳукмдорлар раъйдан ўтолмасдан, уларнинг манфаатларига мос қилиб ёзилганлигини, ўз даври ва муҳити, замонаси тартиблари, тараққиёт даражаси тафаккурининг хос қўринишлари таъсирини намоён қилади.

19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олишга қаратилган сиёсати туфайли Россия ҳукуматининг махсус топширини бажариш учун ўлкага келган рус ҳарбий мутахассислари, дипломатлари, сайёҳлари, савдогарлари ўз мемуарлари, саёҳати хотиралари ва ҳисоботлари ушбу мамлакат ва унинг халқлари тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, моддий бойликларига оид маълумотларни тўплаб ёзиб қолдирдилар (мас., Н. Муравьевнинг «Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг.», 1822; Г. Мейендорфнинг «Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году», 1826; Н. Ханиковнинг «Описание Бухарского ханства», 1843; Н. И. Веселовскийнинг «Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времён до настоящего, 1877; М. Терентьевнинг 3 жилдли «История завоевания Средней Азии», 1906; Д. Логофетнинг «Бухарское ханство под русским протекторатом», 1911 ва б.).

Рус тарихчиларининг юқорида зикр этилган Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон тарихига оид асарларининг аксарияти ўзининг бир ёқламалиги, метропо-

лия манфаатларига хизмат қилишга мўлжалланганлиги 6-н ажралиб туради. Айни пайтда илгор рус олимлари, шарқшунос-тарихчиларнинг фан манфаатлари учун Ўрта Осиё тарихи тадқиқотларини амалга ошириш тенденциясини ҳам кузатиш мумкин. 1895 й. Тошкентда ташкил этилган Туркистон археология ҳаваскорлари тўғраги Ўрта Осиё тарихи, этн.си, нумизматикаси, археологиясини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшди. В.Л. Вяткин Самарқанд ёдгорликларини ўрганиш жараёнида Улугбек расадхонасини очди. В.В. Бартольд қад. қўлёзмалар маълумотларидан фойдаланиб, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи ҳақида асарлар яратди («Туркестан в эпоху монгольского нашествия», 1898–1900; «Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времён до XVII века», 1902; «К истории орошения Туркестана» ва б.).

Маҳаллий миллат вакилларидаан шарқшунос ҳаваскорлар, қад. ёдгорликларни ўрганувчилар етишиб чиқди: Абу Саид Маҳзум, Ақром полвон Асқаров ва б.

Собиқ советлар даврида ижтимоий фанларга, шу жумладан, тарихшуносликка эътибор ва муносабат большевистик тузум талаби ва манфаатлари нуқтаи назаридан қараб келинди. Бироқ шунга қарамай маҳаллий илмий тарихшунослик шаклланди ва ривожланди. Бу Б. Солиев, М. Саиджонов, С. Айний, А. Фитрат, Т. Рискўлов, Ф. Хўжаевларнинг фаолияти 6-н боғлиқ. 1943 й. да ФА ташкил топлагчи, махсус Тарих ва археология ин-ти очилди (1970 й. да у мустақил – Тарих ва археология ин-тига ажралди). 1940 й. Ўрта Осиё ун-тида М.Е. Массон раҳбарлигида Ўрта Осиё археологияси кафедраси очилди. Тарих ва археология ин-ти тарихий тадқиқотлар бўйича илмий марказга айланди. Бу ин-тининг ташкил топиши, Ўзбекистон археологияси ва тарих фани ривожиди Я. Фуломовнинг ўрни алоҳидадир. Я. Фуломов энг қад. даврлардан Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида ирригациянинг аҳамияти; илк шаҳарларнинг вужудга келиши ва шаҳарсозлик маданиятининг тараққиёти тарихи, Ўрта асрларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти муаммолари, қўшни мамлакатлар 6-н алоқалари тарихини тадқиқ қилди (мас., «Хоразмнинг суғориш тарихи, қадимги замонлардан ҳозиргача», Т., 1957, 1959). У қўлаб шоғирлар тайёрлаб, ўз илмий мактабини яратди. Ўзбекистонда тарихшу-

носликнинг тараққиётида 40–50-й.ларда Москва ва Ленинград олимлари б-н бўлган ҳамкорлик (К.В.Тревер, А.Ю.Якубовский, М.В.Нечкина, М.П.Дружинин, С.П.Толстов ва б.) ижобий натижалар берди. Бу даврда Ўзбекистон халқлари тарихининг даврланиш масаласи ишлаб чиқилиб, энг қад. ва қадим, шунингдек, ўрта асрларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда содир бўлган тадрижий ўзгаришлар ёзма манбалар ва моддий ёдгорликлар асосида ўрганилди ва илмий талқин этилди. Натижада 1977–50 й.ларда илк бор 2 жилдли «Ўзбекистон халқлари тарихи» китоби нашр этилди. Уни нашрга тайёрлашда К.Тревер, А.Якубовский, М.Воронец, А.Боровков, Н.Байковалар б-н бирга ўзбек олимлари Я.Фуломов, Р.Набиев, В.Зоқидов ва б. қатнашдилар. Кейинчалик бу фундаментал асар асосида «Ўзбекистон тарихи» 3 жиллда (1955–57) ва 4 жиллда (1967–70) қайта нашр қилинди. Бу даврда тарихшуносликда совет даври тарихини ёритишга алоҳида аҳамият берилди, у ҳукмрон мафкура манфаатларига мослаштирилди. Шунга қарамай архив манбалар асосида кўплаб монографик асарлар нашр этилди. Жумладан 3 жилдли «Ўзбекистон ишчилар синфи тарихи»(1964–66), 2 жилдли «Тошкент тарихи»(1965–66), 2 жилдли «Самарқанд тарихи»(1969–70), «Бухоро тарихи»(1976), «Хоразм тарихи»(1977), 3 жилдли «Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида»(1985) ва б.

Р.Аминова Ўзбекистонда саноат ишчилари тарихи, аграр масала, хотин-қизлар ҳаракати ва б.га оид тадқиқот ишлари олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, тарих фанида ҳам ўтмишни бузиб ёки бўрттириб ҳамда четлаб кўрсатиш каби мафкурадан холи, ҳар томонлама кенг ва чуқур ҳолисона тадқиқотлар олиб бориш имкониятлари яратилди.

1996 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузурида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази ташкил этилди. Бу марказда 3 жилдли «Ўзбекистон тарихи» (Туркистоннинг подшо Россияси томонидан истило қилинишидан ҳоз. давргача) тайёрланди ва 2000 й. нашр қилинди.

Тарихшунослар зиммасига янги, масъулиятли вазифалар юкланди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов 1998 й. июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар ва журналистлар б-н учрашувида баён этилган

фикрларини ўз ичига олган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари ғояси муҳим роль ўйнади.

Совет даврида ўрганиш тақиқланган, нотўғри талқин этилган мавзулар илмий ҳолислик асосида – миллий мустақиллик нуқтаи назаридан қайтадан ўрганилди. Янги илмий йўналишлар тадқиқ қилинди.

Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Б.Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романи (1995), «Соҳибқирон Темур» (Ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти) рисоласи (1996), А.Мухаммаджоновнинг «Темур ва темурийлар салтанати» (тарихий очерк) (1994) яратилди. Муаллифлар жамоаси томонидан Парижда нашр этилган (1996) «Амир Темур жаҳон тарихида» асари тарихшунослик илмида муҳим воқеа бўлди.

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихига бағишланган «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари»(Т., 2001), К.Шониевнинг «Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Ўзбек давлатчилиги тарихидан»(Т., 1999), Азамат Зиёнинг «Ўзбек давлатчилиги тарихи»(Т., 2000), С.Аъзамхўжаевнинг «Туркистон мухторияти. миллий-демократик давлатчилиги қурилиши тажрибаси»(Т., 2000) асарлари янги илмий йўналишдаги ишларнинг натижаси бўлди. Ўлкада миллий озоодлик ҳаракатлари, мустақиллик учун кураш тарихини ёритувчи жиддий тадқиқотлар яратилди.

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланишининг ноқонунийлиги ва унинг салбий оқибатлари, 30–50-й.лардан қатагонлар, мажбурий жамоалаштириш натижасида қ.х.нинг издан чиқиши, 80-й.лардаги янги қатагонлар – «ўзбеклар иши» мавзулари янги архив маълумотлари асосида ўрганилди (мас., Алимова Д., Голованов А., «Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий таъйиқ оқибатлари», Т., 2000; «Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши», Т., 2001; Шамсутдинов Р., Қишлоқ фожеси, Т., 2003 ва б.).

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даври тарихи масалаларини тарихий нуқтаи назардан ўрганувчи илк тадқиқотлар вужудга келди («Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари», даврий тўплам, № 3, Т., 2000; «Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари», Т., 2001).

Ҳозир Ўзбекистоннинг энг қад. даврлардан то бутунги кунга қадар кўп жилд-

ли тарихини янги концепция асосида яратиш устида иш олиб борилмоқда.

*Абдулахад Мухаммаджонов,
Шоира Асадова, Нодира Мустафоева.*

Археология. Ўлкада археология б-н илк бор 19-а.нинг 70-й.ларидан рус ҳаваскор ўлкашунослари (Н.И.Веселовский, А.А.Зимин, В.Л.Вяткин ва б.), шунингдек, осори атиқаларни тўпловчи маҳаллий ишқибозлар (Акром полков Асқаров, Мирза Абдулла Бухорий, Мухаммад Вафо ва б.)дан тузилган Туркистон археология ҳаваскорлари тўғраги шуғулланган.

Бу даврда Туркистон археологияси ҳаваскорлик даражасида бўлиб турли хил (кўпроқ нумизматикага доир) топилмаларни тўплашдан иборат бўлган. Афросиёб, Улугбек расадхонаси ва Пойканд харобаларида дастлабки қазилмалар олиб борилган. Ўзбекистонда археология фани 20-а.нинг 20–30-й.ларида шаклланди. В.Л.Вяткин Афросиёб харобасини (1925, 1929–30), Б.П.Денике Қад. Термизни (1926–27), М.Е.Массон Оҳангарон водийсини (1925–28), Айритом харобаларини (1932–33) қазиб ўрганилди. 30-й.ларда кенг кўламда қазил ишларини А.Ю.Якубовский Зарафшон водийсида (1934, 1939), М.Е.Массон Қад. Термизда (1936–38), В.А.Шишкин Варахшада (1937–39), Г.В.Григорьев Тали Барзуда (1936–39), С.П.Толстов, Я.Ф.Фуломов Қад. Хоразм воҳасида (1937–50), А.П.Окладников Тешиктош ва Мачай ғорларида (1938–39), Г.В.Григорьев Қовунчитепа харобаларида олиб бордилар. Тўпланган археологик материаллар Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда муҳим манба бўлди, янги археологик маданиятлар (Калтаминор, Тозабог'ён, Қовунчи маданиятлари ва б.) ўрганилиб, фанга киритилди. Тешиктош ғоридан неандерталь одам скелетининг топилиши Ўзбекистон археологиясида буюк кашфиёт бўлиб, бутун дунё олимларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистонда археология фанини ривожлантиришда Ўрта Осиё Давлат ун-тида археология кафедрасининг очилиши (1940), Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тининг ташкил этилиши (1943) катта аҳамиятга эга бўлди. Археологик ёдгорликларни р-нларга бўлиб ўрганишда Термиз комплекс археологик экспедицияси, Хоразм археология-этнография экспедицияси, Помир-Олай ва Помир-Фарғона экспедициялари катта роль ўйнади.

50-й.ларда Ўзбекистон археология экспедиция отрядлари Зарафшон водий-

сида мазорқўрғонларни (О.В.Обельченко), Замонбобо жез даври қабристонини (Я.Фуломов), Сурхон воҳасида Болаликтепа ёдгорлигини (Л.И.Альбаум) ва б.ни ўрганишга киришилди. 60-й.ларда Моҳонларё археологик отряди Я.Фуломов раҳбарлигидаги Зарафшоннинг қуйи оқимида мил. ав. 4–3-минг йилликка мансуб 60 дан ортиқ манзилгоҳлар, Учтут чақмоқтош қазиб олинган шахтали конлар (М.Қосимов, Ҳ. Исомов, А.Асқаров, Р.Сулаймонов, Т.Мирсоатов), Мўминобод қабристонини (А.Асқаров), Самарқанд макони (Д.Н.Лев, М.Жўрақулова), Чуст жез даври қишлоғи харобаси (В.Спришевский), Далварзинтепа (Ю.А.Заднепровский), Холчаён (Г.А.Пугаченкова) ва б. археологик обидаларда кенг қўламда қазिशлар олиб борилди.

Ўзбекистон ФА Археология ин-тининг ташкил этилиши (1970) Ўзбекистонда археологик тадқиқотларни янада кенгайтиришга имкон берди. 70–80-й.ларда ин-т жамоаси томонидан Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида кенг қамровли археологик кузатув ва қазिशлар ўтказилиб, утмишнинг энг қад. даври – тош асридан то сўнгги ўрта асрларга мансуб қўлаб нодир ёдгорликлар топилди. Бу ёдгорликлардан топилган ашёвий материаллар Ўзбекистон тарихининг энг қад. даври манзарасини тиклашда асосий манба бўлиб хизмат қилди. Айниқса Ўзбекистоннинг жан. туманларида қад. деҳқончилик маданиятига тегишли қўлаб ёдгорликларнинг (Сополитела, Жарқўтон, Мўладитепа, Миршоди, Кампиртепа) топиллиши ва ўрганилиши (А.Асқаров, Т.Ширинов, Э.Ртвеладзе) қад. Бақтрия маданиятининг генезиси, тараққиёт босқичлари ва бу ерларда илк шаҳар маданиятининг шаклланиш жараёнини кузатиш имконини берди. Махсус тадқиқотлар Самарқанд (Г.Шишкина, Ш.Тошхўжаев, Л.Альбаум, М.Исомиддинов), Бухоро (А.Муҳаммаджонов, Ж.Мирзаҳмедов, Ш.Одилов, Г.Семёнов), Тошкент (Ю.Бу-

ряков, В.Булатова, М.Филанович, Г.Богомоллов), Термиз (Б.Ставиский, Ш.Пилаев), Хива (М.Мамбетуллаев, С.Баратов), Фарғона водийси (Н.Горбунова, А.Анорбоев, Б.Мағбобоев), Қашқадарё воҳаси (С.Кабанов, А.Сагдуллаев, Р.Сулаймонов, С.Лунина) ва Қорақалпоғистон республикаси (В.Ягодин, Е.Бижанов, М.Мамбетуллаев, М.–Ш.Кдырниязов) қад. шаҳарлар ва қишлоқларни ўрганишга бағишланди. Айниқса, Хоразм ва Зарафшон водийсида Я.Фуломов, Б.В.Андрианов, А.Р.Муҳаммаджонов ва б.нинг қад. ирригация ва деҳқончилик воҳаларининг вужудга келиш жараёнини ўрганиш борасида олиб борган археологик ва этн. изланишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Бу даврда Зарафшон водийси, Хоразм, Сурхонларё ва Сирдарё воҳалари ҳамда Фарғона водийсида олиб борилган археологик ва антропологик изланишлар туфайли Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ерларида яшовчи аҳолининг асосий антропологик типларга бўлиш, уларнинг шаклланиш тарихини ёритиш имконини берди; ўзбек этносининг ўзига хос хусусиятлари, туб этник элементларнинг уларга келиб қўшилган этнослар б-н қоришиб кетиш жараёни кузатилди. Бу масалага ойдинлик киритишда Т.Хўжайов, К.Шонийёзов ва б. ҳиссаси салмоқли бўлди. Шу аснода археология фанининг турли давр ва йўналишлари бўйича илмий мактаблар таркиби тоғди. Уларга Я.Фуломов, С.П.Толстов, А.П.Окладников, М.Е.Массон ва Г.А.Пугаченкова каби олимлар асос солди. Йирик асар ва рисоалар нашр этилди.

Ўзбекистон археологияси ўз тадқиқотларининг самараси б-н жаҳон илмий даражасига кўтарилди. Франция, Германия, Япония, АҚШ ва Польша б-н ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Россия (Москва, Санкт-Петербург) олимлари б-н илмий алоқалар мавжуд.

Этнография. Ўрта аср (9–12-а.лар) муаллифлари географ ва сайёҳлар Ибн

Хурдодбех, ал-Балхий, Истахрий, Ибн Ҳавқал, Масъудий, Ёқут Ҳамавийлар ўз саёҳатномаларида шарқ халқлари этн.-си бўйича қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган «Дада-Кўрқут», «Алпомиш», «Манас», «Гўрўғли» дostonлари тарихий ва этн. жиҳатдан ниҳоятда муҳим манбалардир. Муҳаммад Хоразмийнинг «Сурат ал-фарз», Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий», «Амударё тарихи»; Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарлари Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон шаҳарлари, уларнинг тарихи, табиий-географик шароити, этнотопонимияси, айрим шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг лингвистик ва этник таркиби, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, маиший турмуш ва маданиятининг баъзи жиҳатлари, диний эътиқодларига оид ноёб маълумотлар мужасамлашганлиги б-н муҳим илмий аҳамиятга эга.

Амир Темур ва унинг ворислари ҳукмронлик қилган даврда яшаган сарой тарихчилари ва солномачилари, жумладан, Ҳофизи Аbruнинг «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи»), Низомиддин Шомий, Абдураззоқ Самарқандий, Ҳусайн Кубравий, Али Қушчи ва б.нинг асарларида шу даврга оид этн. маълумотларни учратиш мумкин.

Шунингдек, испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг асарида, рус солномаларида, машҳур сайёҳ Марко Полонинг саёҳатномасида ҳам муҳим маълумотлар жамланган.

Бобурнинг «Бобурнома» асарида Мо-вароуннаҳр ва қўшни мамлакатларда яшаган элатларнинг этник таркиби ва тарихи, урф-одати ва маросимлари, маданияти ва маиший турмуши ҳақида, Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» номли тарихий-биографик асарида Тошкент ва Андижондан то Қашқар ва Ҳинд

Қадимий Шоштепада археологик қазималар.



океани бўйларигача қандай шаҳарлар, вилоятлар борлиги, уларнинг аҳолиси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўрта асрлар илмий мероси бўлган Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг «Абдулланнома» («Шарафномаи шоҳий»), Маъсуд ибн Кўхистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний», Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома», Фазлulloҳ Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» каби асарларида қимматли тарихий-этно. маълумотлар бор.

16–17-а.ларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг вужудга келиши ва Россия давлати б-н мунтазам савдо ва дипломатик муносабатлар ўрнатилиши натижасида рус элчиларининг ўзбек хонликларига қилган сафарлари жараёнида тўплаган материалларида ҳам этн. маълумотлар мавзуд бўлиб, улар маълум илмий қимматга эгадир.

Туркистон ўлкасини жадал этн. ўрганиш ўлкани мустамлака қилиш мақсади б-н боғлиқ бўлиб, ўзбек халқи этн.-сига оид илмий аҳамиятга эга материаллар тўплаш даври 19-а.дан бошланди.

Марказий Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларни этн. жиҳатдан ўрганиш йўлида 1872 й. Москвада очилган политехника кўрғазмаси муносабати б-н тайёрланган «Туркистон альбому», шунингдек, Рус геогр. жамиятининг Туркистон бўлими, Тиббиёт, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги, Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти, Хоминов тўғараги, Ўрта Осиё олимлар жамияти, Рус техника жамиятининг Туркистон бўлими, Шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлимининг роли катта бўлди.

19-а. охири – 20-а. бошларида этн. билмларнинг ривожини ўлкада фаолият кўрсатган рус шарқшунос, тарихчи, этнограф олимлари, сайёҳлари ва давлат арбоблари В.В.Радлов, В.В.Бартольд, М.С.Андреев, А.А.Диваев, В.Л.Вяткин, Н.П.Остроумов, Н.С.Ликошин, Н.Г.Маглицкий, эр-хотин Наливкинлар, И.И.Умяков, А.А.Семёнов, Е.Д.Поливановлар номи б-н боғлиқдир. Улар амалга оширган ишлар ўлкани мустамлака қилиш мақсадига хизмат қилган бўлса-да, тўплаган катта этн. материаллар 19-а. охири – 20-а. бошларидаги Туркистон ҳаёт тарзини тавсифлашда муҳим илмий аҳамиятга эга.

1918 й.да Туркистон халқ университетида ўзбеклар этн.си бўйича махсус курс киритилиб, бу мавзу бўйича маълумотлар ўқитила бошланди.

1920–30 й.лар Ўзбекистонда этн. илмининг вужудга келиш, ташкилий ва таркибий шаклланиш даври бўлди. 1930-й.лар охирида маҳаллий аҳоли орасида етишиб чиққан мутахассислар орасидан Г.Алимов, М.Бикжанова, А.Болтаев, Я.Фуломов, Ш.Иноғомов, Т.Мирғиёсов, М.Саиджонов, Ҳ.Ҳусанбоев, К.Юсупов ва б. Ўзбекистонда музей ишини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга, музейларда этн. коллекцияларни кўрғазмага қўйишга тайёрлаш бўйича муҳим ишларни амалга оширишди.

1943 й. 4 нояб.да Ўзбекистон ФА Тил, адабиёт ва тарих ин-ти асосида Тарих ва археология ин-ти ташкил этилиб, унинг таркибида 6 бўлим, шу жумладан, акад. М.Андреев раҳбарлигидаги этн. бўлими ҳам бор эди. Бўлим республикада этн. тадқиқотларнинг етакчи маркази бўлиб қолди.

Хоразм археология-этнография экспедициясининг ташкил этилиши ва фаолият олиб бориши (раҳбарлари С.Толстов, Т.Жданко) Ўзбекистонда этн. фанининг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Хоразм экспедицияси мобайнида қорақалпоқлар этн.сининг махсус ўрганилганлиги, Қорақалпоғистонда этн. фикрларнинг шаклланиши учун асос бўлди.

1960–80-й.ларда ўзбек ҳамда қорақалпоқ халқларининг этногенези ва этник тарихи бўйича фаол тадқиқотлар олиб борилди (В.П.Алексеев, А.А.Асқаров, О.Сухарева, Т.Қ.Хожайов ва б.). Ўзбеклар этник тарихини ўрганиш бевосита акад. К.Шоғиёзов номи б-н боғлиқ.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши б-н Республикамизда этн. фани янги сифат босқичига ўтди.

Ўзбекистон этн. фанининг и. т. услублари, назарий асослари, ривожланиш устуворликлари ва истиқболларини аниқловчи тадқиқотлар вужудга келди. Мустақиллик йилларида ўзбек халқи анъанавий маданиятини ўрганишда «европацентризм» нуқтаи назаридан ёндошишга, қатор ижтимоий ин-т ва ҳодисаларга «ўтмиш сарқити» деб қарашга чек қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш» ҳақидаги қарори (1998й. 27 июль) тарих фани ва унинг таркибий қисми этн.нинг вазифаларини мазмун-моҳият жиҳатдан тубдан ўзгартирди. ўзбек халқининг этногенези, этник тарих муаммоларини, ўзбек этномаданий жараёнларини янгича мушоҳада қилиш, холисона ёритиш имкони пайдо бўлиб, ушбу мавзу этн. тадқиқотларнинг етакчи йўна-

лишларидан бирига айланди. Бу йўналишни тадқиқ этишда акад. К.Шоғиёзовнинг асарлари муҳим ҳисса бўлди, («Қарлуқ давлати ва қарлуқлар», 1999; «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни», 2001).

1990-й.ларда К.Шоғиёзовнинг илмий раҳбарлиги остида тарихий этн. муаммоларини (А.Аширов, У.Абдуллаев), Ўзбекистон аҳолисининг маиший турмуш анъаналарини (С.Соатова, М.Ўроқов, В.Ҳақлиев, С.Шарипов) тадқиқ қилувчи олимлар гуруҳи шаклланди. Фарғона (Ш.Абдуллаев, С.Губаева), Бухоро(А.Жумаев, М.Қурбонова), Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари (С.Турсунов, А.Қаюмов, О.Бўриев, Қ.Насриддинов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг (Т.Есбергенова, Р.Камолов, Н.Тлеубергенов) минтақавий ўзига хосликларининг турли жиҳатларини ёритувчи тарихий-этно. ва этн.-социологик махсус тадқиқотлари вужудга келди.

З.Орифхонова, Г.Зуннунова, М.Қамаритдинова каби олимларнинг маҳалланинг ўтмиши ва бутунини, ҳозирда ўз-ўзини бошқариш органи сифатида амалиётдаги аҳамиятини ўрганишга бағишланган этн. экспедициялари, этносоциологик тадқиқотлари натижалари асосида махсус асарлар нашр этилди. Олий ўқув юртлири учун этн. фанидан махсус дарслик (И.Жабборов «Ўзбек халқи этнографияси», Т., 1994), ўқитиш услуби қўлланмалари (О.Бўриев, Б.Исҳоқов), этнология атамалари луғати (О.Бўриев) чоп этилди.

Ўзбекистонда этн. фанининг шаклланиши, ривожини динамикаси, тарихшунослиги муаммолари махсус тадқиқот мавзуси бўлди (А.Дониёров ва Д.Ҳошимова). Бугунги кунда мамлакатимиз илмий муассасаларида этн. фанининг долзарб муаммолари тадқиқ қилинмоқда. 2000–2001-й.ларда Термиз ва Қаршида этн. тадқиқотлар маркази ташкил этилди. Ўзбекистон ФА Тарих ин-ти этнология бўлими бу тадқиқотлар йўналишини белгилаш ва мувофиқлаштириш вазифасини бажариб келмоқда.

Алишер Дониёров.

Шарқшунослик. Ўзбекистонда шарқшунослик фани асосларининг пайдо бўлиши 19-а.нинг охири – 20-а.нинг бошларига тўғри келади. Туркистон омавий кутубхонаси (ҳоз. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси)да йиғилган қўлёзма асарларни тавсифлаш ҳам ўша вақтларда бошланган эди. Ўлканинг янги ҳукмдорлари

шарқшуносликни ривожлантиришдан, бу соҳада мутахассислар тайёрлашдан нафақат илмий, балки амалий ва сиёсий манфаатларни ҳам кўзлар эдилар. 1918 й.нинг нояб. ойида Тошкентда Туркистон Шарқ ин-ти ташкил этилди. Ин-тнинг ўқитувчилар ҳайъати М.С.Андреев, А.А.Диваев, А.А.Гаррицкий, Н.Г.Маллицкий, А.А.Семёнов, И.И.Умняков ва б. олимлардан таркиб топган бўлиб, махсус курслар ўқиш учун Россиядан В.В.Бартольд, С.Е.Малов, Е.Д.Поливанов, А.Э.Шмидт каби олимлар ҳам чақирилган эди. Улар қаторида турли йилларда шарқшуносликнинг турли соҳалари бўйича маҳаллий олимлар: тарихчилар, этн.лар, филологлар, жумладан, маърифатчи мураббий Саидрасул Саидазизов, мураббий ва ижтимоий арбоб, исломшунос В.Кўчирбоев, шарқ тиллари билимдонлари: Абдурахмон Саъдий, Мирза Тоғиев, Мирза Иброҳимов каби маҳаллий олимлар дарс берар эдилар. Ин-тда араб, форс, хитой, тожик, ўзбек, туркман, татар, турк, пушту, санскрит, урду тиллари ҳамда инглиз, француз, немис тиллари ўргатилар эди. Мазкур ин-тда асосий фанлардан Туркистон ва унга қўшни мамлакатларнинг геог.си, этн.си. Ўрта Осиё тарихи, ислом тарихи ва ислом ҳуқуқшунослиги, қўшимча фанлардан археология, нумизматика, ҳуснихат ўқитилар эди. 1922–23 ўқув йилида Туркистон Шарқ ин-тида 210 та талаба, 5 та проф. ва 21 та ўқитувчидан таҳсил олар эди. ўқиш рус тилида олиб борилганидан талабалар орасида ерли аҳоли вакиллари камчиликни ташкил қиларди. Ҳатто 5-ўқув йилида ҳам улар талабалар умумий сонининг 16% ни ташкил қилган эди. Ин-тни битириб чиққан тилчилардан А.К.Боровков, И.А.Киссен, В.В.Решетов, К.К.Юдахин; тарихчилардан П.П.Иванов, Ю.А.Соколов; археолог В.А.Шишкин; ёзувчи Мухтор Авезов, Сотим Улуғзода, Мирзакалон Исмоилий, Мақсуд Шайхзода ва б. кейинчалик Ўрта Осиё халқлари тиллари, тарихи, археологияси, маданиятини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшдилар.

1924 й. Туркистон Шарқ ин-ти Ўрта Осиё давлат ун-ти таркибига қўшилди ва ун-тнинг Шарқ ф-тига айлантирилди. Уша йили ф-т 2 бўлимдан: турк ва эрон филол.си, араб тили, исломшунослик гуруҳларидан ташкил топган этнолингвистик бўлими ҳамда пед. бўлимидан иборат эди. 1-бўлим Ўрта Осиёда шарқшунослик бўйича и.т.чилар тайёрласа, 2-бўлим маҳаллий мактаблар учун ўқитувчилар ва рус мактаблари учун маҳаллий тиллар ўқитувчиларини тай-

ёрлар эди. 1930 й. сент.да ун-тнинг Шарқ ф-ти педагогика ф-тига айлантирилди.

20-а.нинг 40-й.ларида Республикада шарқшунослик фани тараққиёти учун эҳтиёж туғилди. 2-жаҳон уруши йилларида халқаро муносабатларнинг характери ўзгараётгани, унда шарқ халқларининг роли ортаётгани, улар б-н алоқаларнинг кенгай бориши ҳисобга олиниб, шарқшунослик фанини ривожлантириш тадбирлари кўрилди. 1943 й.да Ўзбекистон ФА қошида, Давлат халқ кутубхонасининг қўлёзмалар мажмуаси асосида Шарқ қўлёзмалари ин-ти ташкил этилди. Унда сақланаётган бой қўлёзма манбалар асосида ўтмишда хорижий мамлакатлар б-н сиёсий, иқтисодий, маънавий алоқалар тарихини ўрганиш истиқболи очилди. Бу соҳани малакали мутахассислар б-н тавминлаш мақсадида 1944 й.да Ўрта Осиё давлат ун-ти (ҳоз. Ўзбекистон Миллий ун-ти) қошида Шарқ ф-ти қайта очилди. Уни ташкил этишда уруш йилларида Тошкентга келиб қолган машҳур рус шарқшунослари: Е.Э.Бертельс, А.П.Баранников, В.В.Беляев, И.П.Петрушевский ва В.В.Струве ва б. қаторида шарқ халқларининг тили ва адабиётининг билимдонлари: С.Мирзаяев, М.Баҳодиров, С.Ғаниев, Боқи Холидов, А.Муталибов ва маҳаллий рус олимлари: М.С.Андреев, А.А.Семёнов ва б. дарс бердилар. Шарқ ф-тининг қайта очилиши б-н турли йўналишлар бўйича шарқшунос мутахассислар тайёрлаш имконияти яратилди. Дастлаб ф-тда тўртта: Эрон филол.си; Ҳинд филол.си; Туркистон филол.си; ўрта ва Яқин Шарқ тарихи кафедралари фаолият юритган бўлса, кейинчалик улар кенгайтирилди ва янги кафедралар очилди. 1965 й.да шарқ халқларининг тили ва мумтоз ҳамда ҳоз. замон адабиётини чуқурроқ ўрганиш мақсадида шарқ халқлари адабиёти кафедраси очилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, шарқшунослик фани олдида давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа: Хорижий Шарқ б-н сиёсий, дипломатик, иқтисодий, маданий ва б. алоқалар олиб бориш учун етук таржимонлар, дипломатик муассасалар ва халқаро алоқалар учун мутахассислар тайёрлаш вазифаси қўйилди. Бинобарин 1991 й.да Миллий ун-тнинг Шарқ ф-ти асосида Тошкент давлат Шарқшунослик ин-ти (ТДШИ) барпо этилди. Ин-тнинг таълим ва и.т. фаолияти кенгайтирилиб, турли чет тиллар қаторида халқаро муносабатлар, хорижий мамлакатлар тарихи, иқтисодиёти ва маданиятини ўрганишга ургу берилди. Ин-тда араб, форс, турк, пуш-

ту, урду, бенгал, индонез, малайя, корейс, япон, хитой, уйғур ва Ғарбий Европа тиллари ўқитилади. Унда 30 дан ортиқ кафедралар бўлиб, улар японшунослик, корейшунослик, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти, халқаро муносабатлар, сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Жан.-Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақаси, исломшунослик ва б. соҳалар б-н шуғулланидилар. ТДШИ ни тамомлаган мутахассислар Республиканинг ташқи сиёсий, иқтисодий, маданий муассасаларида ҳамда Шарқшунослик и.т. институтида хизмат қиладилар. Ин-тдаги илмий изланишлар Н.Иброҳимов (ўрта аср араб адабиёти, исломшунослик, манбашунослик), Ш.Шомухамедов (мумтоз форс-тожик адабиёти ва ҳоз. Эрон адабиёти), Р.Абдуллаев (макронқтисодиёт, ислом иқтисодиёти), И.Абдуллаев (Ўрта Осиё ва Хуросоннинг ўрта аср араб адабиёти, ўзбек мумтоз адабиёти ва ислом тарихи), А.Рустамов (туркий тиллар, навоийшунослик), А.Қуронбеков (форс адабиёти, форс тили), Т.Мухторов (ўрта аср араб прозаси), М.Бобохужаев (Афғонистон ва Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, халқаро муносабатлар), Т.Ғиёсов (Ҳиндистон тарихи ва ташқи сиёсати, ҳинд-ўзбек муносабатлари), Ғ.Аҳмаджонов (Марказий Осиё халқлари тарихи ва тарихшунослиги), Т.Сатторов (умумий тарих, Форс қўлтиғи, Узок Шарқ ва Жан.-Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти), Қ.Маҳмудов (туркий тиллар тарихи, қад. туркий ёзма ёдгорликлар), М.Исҳоқов (Авестошунослик, суғдшунослик), Р.Хужаева (ҳоз. араб адабиёти ва маданияти), С.Ғаниева (адабиётшунослик, мумтоз ўзбек адабиёти), А.Қосимов (ташқи сиёсат, халқаро муносабатлар) ва б. олимлар фаолияти б-н боғлиқ.

Шарқшунослик фанининг асоси бўлган қўлёзма манбаларни илмий ўрганиш Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида олиб борилади. Ин-т таъсис этилган 1943 й.дан буён шарқ халқлари ёзма меросини йиғиш, илмий асосда сақлаш, тартибга келтириш; ўрганиш, фехристарини тузиш, қад. асарларнинг илмий изоҳли таржималарини тайёрлаш ва нашр этиш бўйича жиддий илмий мактаб вужудга келди. Ин-т фан ва маданият тарихига оид тадқиқотлари, ноёб нашрлар мавжудлиги б-н республикада етакчи шарқшунослик марказига айланди. Ин-тда сақланаётган қўлёзмалар жамғармаси дунёдаги йирик қўлёзма асарлар хазиналаридан ҳисобланади. Унда 28 минг жилдага жойлаштирилган 70 мин-

гдан ортиқ қўлёзма китоблар, рисола-лар, 6 минг ҳужжат, мактуб ва ёзишма-лар сақланган.

Қўлёзмалар хазинасида Шарқнинг машҳур алломалари, тарихчилар, файласуфлар, математик, доришунос, табиб, адиб ва шоирлари асарларининг ўзбек, араб, форс, турк ва б. тиллардаги нусхалари авайлаб асраб келинади. Улар орасида ноёб, бошқа хазиналарда учра-майдиган Абу Бакр ар-Розий, Юсуф Хос Ҳожиб, Мотуридий каби аллома-лар қўлёзмаларининг қад. нусхалари сақ-ланади. Бу бебаҳо маънавий бойлик Урта Осиё, Яқин ва ўрта Шарқ халқлари та-рихи, адабиёти, ижтимоий фикри, фан ва маданиятининг минг йилдан ортиқ даврини ўрганиш учун асос бўла олади.

Ин-тнинг илмий жамоатчилиги бу бебаҳо билим хазинасини ўрганиш, тар-тибга келтириш, илмий тавсифлаш, уларнинг феҳристарини тузиб нашр этишни ўз фаолиятидаги устивор йўна-лишлардан бири деб билади. Қўлёзма-ларни илмий тавсифлаш Давлат халқ кутубхонасида сақланаётган вақтда бош-ланган бўлса-да, бу ишлар кейинчалик режа асосида ва мунтазам олиб борил-ди ҳамда феҳристар нашр этила бош-ланди. 1952–87 й.ларда «Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси шарқ қўлёзмалари тўплами» («Собрание восточных рукопи-сей АН УзССР») номи феҳристининг 11 жилди чоп этилди.

Ҳозирда айрим фан соҳалари бўйича феҳристар чиқарилади. «Собрание вос-точных рукописей АН РУз. История», «Собрание восточных рукописей АН РУз. Точные и естественные науки», «Собра-ние восточных рукописей АН РУз. Медицина» номи каталоглар нашрдан чиқди. Алишер Навоий, Хусрав Деҳла-вий, Жомий ва б.нинг қўлёзмалар ха-зинасида сақланаётган асарларининг айрим феҳристарли босиб чиқарилди.

Ин-тда турли йилларда қўлёзмаларни йиғиш, тартибга солиш ва феҳристар тузишда машҳур олимлар: А.Расулов, И.Обидов, С.Мирзаев, А.К.Арендс, Е.Э.Бертельс, А.А.Семенов, А.Носиров, А.Муродов, У.Каримов, А.Қаюмов, С.Азимжонова, Қ.Муниров, А.Ўринбо-ев, А.Ирисов, Л.Епифанова, А.Вилда-нова, Д.Юсупова ва б. фидокорона хиз-мат қилдилар. Ин-т ходимларининг узок йиллик коллектив меҳнати самараси бўлган қўлёзмалар феҳристарли халқи-мизнинг минг йиллик маънавий бойли-гини бутун дунё жамоатчилигига намо-ён этадиган, ундаги тарихий, илмий, маданий маълумотларни биринчи бўлиб жаҳон шарқшунослик фанига киритган дастлабки нашрлар эди.

Ин-т олимларининг Ўрта Осиё ва Хо-рижий Шарқ халқларининг турли фан-ларга оид қўлёзма ёдгорликларини ўрга-ниш ва нашр этиш соҳаларида зришган ютуқлари алоҳида эътиборга лойиқ.

50-й.ларда машҳур олим Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарининг 5 та китоби тўлиқ таржима қилиниб, 12 жилдада нашр этилди. 60–70-й.ларда Ибн Синонинг «Юрак дорилари китоби», тиб ҳақидаги шеърый асари «Уржуза» ва б. рисоалари босилиб чиқди. Ибн Сино илмий меросининг фанга киритилиши наинки замонавий шифокорларни би-лимлар хазинаси б-н бойитди, балки та-бобат соҳасида янги изланишларга, янги тадқиқотлар яратилишига олиб келди. Ҳозиргача «Тиб қонунлари» тўлиқ ва қисқа тарзда 10 марта босилиб чиқди.

50–80-й.ларда даҳо олим Абу Райҳон Беруний илмий мероси устида чуқур тадқиқот ишлари олиб борилди. Алло-манинг 13 жилдада Танланган асарлари ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. «Қонуни Масъудий», «Геодезия», «Қадимий халқлардан қолган ёдгорлик-лар», «Ҳиндистон», «Хронология», «Сайдана», «Тафҳим» ва б. асарлари ин-тнинг етакчи олимлари (А.Аҳмедов, П.Булгаков, У.Каримов, А.Расулов, М.Салъе, Ю.Ҳакимжонов) томонидан таржима ва тадқиқ этилди.

Ин-тда ўрта асрнинг бошқа машҳур астроном, математик, кимёгар, файла-суф олимлари Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ар-Розий, Самъоний, Чағми-ний, Улугбек, Али Қушчи ва б. олимлар ижоди ўрганилиб уларнинг асарлари ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

Ин-т хазинасида сақланаётган Ўрта Осиё ва Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи, геогр., фалсафаси, адабиёти ва маданиятига оид қўлёзма манбаларни ўрганиш, таржима ва нашр этишга кат-та аҳамият берилди. Абулфазл Байҳақий-нинг «Тарихи Масъудий» асари, Абду-раззоқ Самарқандийнинг «Матлаи сая-дайн ва мажмаи баҳрайн» китоби, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулла-нома», Мир Муҳаммад Амин Бухорий-нинг «Убайдуллонома», З.М.Бобурнинг «Бобурнома», Гулбалан бегимнинг «Ҳумоюннома», Муҳаммад Юсуф Мун-шийнинг «Тарихи Муқимхоний», Му-ҳаммад Ансорийнинг «Дастур ул-мулк» ва б. асарларнинг илмий изоҳли таржи-малари босилиб чиқди. Шарқ мамлакат-ларининг мумтоз ва ҳоз. замон адабиё-ти, асосан, ТДШИ да, адабиёт кафедр-расида ўрганилади, таржима ва нашр этилади. Проф. Ш.Шомухамедов ва унинг шогирдлари томонидан Фирдав-сий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий, Ҳофиз,

Умар Хайём, Жомий ва б. машҳур ади-бу шоирларга бағишланган кўплаб асар-лар нашр этилди.

50–60-й.ларда шарқ халқлари миллий озолиқ ҳаракатларининг кескин тус олиши ҳоз. замон Шарқни ўрганишни долзарб масалага айлантирди. Шарқшу-носларнинг Тошкентда ўтказилган (1957) I-халқаро конференцияси қўшни Шарқ мамлакатларини илмий ўрганиш-ни асосий вазифа қилиб қўйди. Айни шу вақтда ФА нинг Шарқ қўлёзмалари ин-ти Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тига айлантирилди ва Абу Райҳон Беру-ний номи берилди. Ин-т фаолияти кен-гайтирилиб, янги илмий йўналиш очил-ди. Хорижий Шарқ мамлакатларининг янги ва энг янги тарихи, сиёсий, иқти-содий, ижтимоий, маданий жараёнла-ри ва халқаро алоқаларини ўрганиш бошланди. 60–80-й.ларда Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Хитой тарихи, ижтимоий, иқтисодий, мада-ний, адабий ҳаётига бағишланган тадқи-қотлар амалга оширилиб, китоблар, тўпламлар, рисоалар, мақолалар нашр этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Хорижий Шарқ давлатлари б-н дипло-матик алоқалар ўрнатиш имкониятига эга бўлди. Бу амалиёт шарқшунослик фани олдига янги вазифалар қўйди. Дип-ломатия хизмати учун ёш мутахассис-лар тайёрлаш б-н бирга, мустақил дав-лат дипломатиясини йўлга қўйиш ва амалга ошириш учун унинг узок тари-хини билиш, кўп минг йиллик давлат-чилик фаолиятида дипломатиянинг ро-лини аниқлаш, ўтмишини ўрганиш эҳтиёжи туғилди ва бунга имконият яратилди. Бир гуруҳ муаллифлар ҳозиргача илмий муомалага киритилмаган қўлёз-ма манбалар, ҳужжатлар асосида ўзбек давлатчилиги ривожига муҳим ўрин тут-ган дипломатия тарихини яратишда би-ринчи қадам қўйдилар. «Ўзбек диплома-тияси тарихидан» номи асар яратилди ва босилиб чиқди (2003).

Мустақиллик нафақат ҳоз. Хорижий Шарқни ўрганиш, балки маънавияти-миз илмлари тарихини янада чуқур-роқ тадқиқ қилиш имкониятини кен-гайтирди. Ёзма манбалар асосида Амир Темур ва Темурийлар даври, умуман, Ўрта Осиё халқлари тарихига оид асар-лар яратилди. Шарафиддин Али Яздий-нинг «Зафарнома»си (А.Ўринбоев), Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»-си (Ю.Ҳакимжонов, Ҳ.Кароматов, О.Бўриев) каби қўлёзма манбалар боси-либ чиқди. «История эпохи Тимура и Улугбека», «Амир Темур. Жизнь и об-щественно-политическая деятельность»,

«Мирза Улугбек» (Б.Аҳмедов); «Государство Темура и Темуридов» (А.Мухаммаджанов) ва б. китоблар нашр этилди.

Фан тарихи, табиий ва аниқ фанлар, табобат ва доришunosлик, Ўрта Осиё олимларининг илмий алоқалари ҳақидаги қўлёзма манбалар ўрганилиб, таржима ва нашр этилиб, улар асосида янги тадқиқотлар яратилди. Буюк алломалар юбилейлари ўтказилиб, уларнинг илмий мероси кенг тарғиб қилинди. 1994 й. да Улугбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати б-н олимнинг шоҳ асари «Зижи Курагоний»нинг рус тилига тўла таржимаси босилиб чиқди (А.Аҳмедов). 1998 й. буюк математик ва астроном Аҳмад ал-Фаргонийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати б-н «Аҳмад ал-Фаргоний», «Аҳмад Фаргоний. Астрономия илмий асослари» (Б.Розенфельд) каби асарлар босилиб чиқди.

Қўлёзма манбалар асосида Ўрта Осиёда фаннинг турли соҳаларида эришилган ютуқлар, уларнинг бошқа Шарқ мамлакатлари илму фанига хўрсатган таъсири ҳақида чуқур илмий текширилган йирик асарлар яратилди. «IX–XI аср кимё ва доришunosлик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг ўрни» (С.Каримова); «Астрономия в IX–XV вв.» (П.Булгаков, А.Аҳмедов); «Байт ал-Хикма» и научная деятельность Среднеазиатских ученых в Багдаде (IX–XI вв.). Точные и естественные науки (Б.Абдухалимов) ва «Очерки истории медицины в Средней Азии с древнейших времен до середины XIX в.», «Буюк сиймолар, алломалар», «Маънавият юлдузлари», «Светила духовности» каби тўпламлар шулар жумласидандир.

Мустақиллик шарофати б-н шарқшunosликнинг ўтмишда кам ўрганилган соҳалари: ислом тарихи, ислом ҳуқуқшunosлиги, ислом назарияси, тасаввуф таълимоти, ислом маданияти ва маънавий қадриятларини ўрганиш кенг тус олди. Ислошunosлик шарқшunosликнинг муҳим йўналишига айланди. Бу масалалар ФА Шарқшunosлик ин-тида, Ўзбекистон мусулмонлар идорасида тадқиқ қилинади, қўлёзма манбалар таржима ва нашр этилади. Мустақиллик йилларида очилган Тошкент Ислам ун-тида ислошunosлик бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш б-н бирга ислом масалаларига бағишланган қўлёзма манбалар устида и.т.лар олиб борилди.

Исламнинг буюк алломалари Имом Бухорий, Термизий, Мотуридий, Баҳуддин Нақшбанд, Марғиноний маънавий меросларига бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказилди. Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислар тўплами ва

Қуръони Карим бир неча бор ўзбек тилида нашр этилди. Ҳозирда Ўзбекистонда Шарқшunosлик бўйича «Шарқшunosлик» номли альманах, «Шарқ машъали», «Маяк Востока», «Имом Бухорий сабоқлари» номли журнал чоп этилади. Шарқшunosликнинг турли қирралари бошқа илмий муассасаларда ҳам ўрганилади. Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тида Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари халқларининг ижтимоий, фалсафий тафаккури, Санъатшunosлик ин-тида Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари санъати, Самарқанд Давлат ун-тида Шарқ тиллари ва Шарқшunosликнинг бошқа масалалари ўрганилади. Шарқ тилларидан ТДШИ дан ташқари, Пед. институтида, Жаҳон тиллари ин-тида ва 30 дан ортиқ мактабларда дарс берилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек шарқшunosларининг жаҳон Шарқшunosлик марказлари б-н илмий алоқалари кенг йўлга қўйилди. Улар жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказиладиган халқаро конгресслар, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиб, ўзларининг янги фикрлари, янги илмий маҳсулотлари б-н алмашув имкониятига эга бўлдилар. Улар чет эллик шарқшunosлар б-н ҳамкорликда Америка, Европа мамлакатлари, Япония, қўшни Шарқ мамлакатларида қўлёзмалар феҳристарлари, нодир қўлёзма манбаларни тадқиқ ва нашр этидилар.

Дония Валиева.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Ўзбекистон ҳудудида дастлабки иқтисодий тасавурлар ва қарашлар мил.дан бир неча аср аввал пайдо бўлган. Қадимий йирик шаҳарлар ва буюк давлатлар — Кушон, Суғдиёна, Бақтрия ва Хоразм давлатлари вужудга келиб, уларда ижтимоий-фалсафий фикрлар б-н ҳамоҳанг бўлган иқтисодий фикрлар ҳам шакланган. Мамлакатимиз ҳудудларида яшаб ўтган аجدодларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ҳўжалик юртишнинг асослари ва тафаккури қад. ёзма диний-тарихий ёдгорликларда баён этилган. «Авесто» китобида фақат меҳнат қилиш б-н бойликлар яратиб, фаровон ҳаётни таъминлаш мумкинлиги қайд этилган.

Марказлашган давлатларнинг вужудга келиши, сунъий суғориш ишлари, ҳўнармандлик ва савдонинг ривожланиши, шаҳарларнинг кенгайиши, иқтисодий ҳаётнинг жонланиши Ўрта Осиёда ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ривожланишига замин яратди. Абу Наср

Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино асарларида жамият ҳаётидаги иқтисодий эҳтиёжлар, меҳнат, савдо, бошқариш, тақсирот сингари иқтисодий категориялар таҳлил қилинган. Форобий моддий бойликларни ҳар бир одамнинг и. ч.даги иштироки ва ҳолатидан келиб чиқиб тақсимлашни, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ёрдам ва б.ни ёқлади, урушлар, бошқа мамлакатларни босиб олиш, қўлдорлик каби иллатларни кескин танқид қилди.

13-а. бошларида мўғул босқинчилиги туфайли Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий фикри таназзулга учради. 14-а.нинг 2-ярмидан ҳўжаликлар, шаҳарлар, қишлоқлар, суғориш шохобчалари, ҳўнармандчилик, савдо ишларининг тикланиши ва ривожланиши учун кулай шароит вужудга келди. Айниқса, Амир Темура ва те мурийлар салтанати даврида иқтисодий фикрлар юксалиб, улар давлат арбоблари ва шоирлар, хусусан Қозизода Румий, Мирзо Улугбек, Ҳўсайн Бойқаро ва Алишер Навоий асарларида ўз ифодасини топган. Бу жиҳатдан Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да мамлакатни бошқариш бўйича зикр этилган иқтисодий тамойиллар алоҳида аҳамиятга эга. 15-а.да Алишер Навоий ва б. мутафаккирлар ўз асарларида иқтисодий фикрларни баён этганлар. Навоий деҳқонларга давлат томонидан ёрдам берилишини, солиқ ислоҳотини ёқлади, бошқа мамлакатлар б-н савдони кенгайтиришга чақирди.

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинган, иқтисодий тадқиқотларни Россия империясидаги айрим олимлар ва муассасалар бажарган. иқтисодий тадқиқотлар мустамлакачилик сиёсати ва Туркистон ўлкасини хом ашё базасига айлантирган рус буржуазиясининг манфаатларига мувофиқ ҳолда олиб борилди. Туркистон ўлкасига оид материалларда ва генерал губернаторлар ҳисоботларида, С.И. Гулишамбаровнинг «Ўрта Осиё темир йўли хизмат қиладиган Туркистон районининг иқтисодий обзори» (1913), В. П. Облобиннинг «Туркистон саноати ва савдоси» (1914), В. В. Заорская ва К.А. Александрининг «Туркистон ўлкасининг саноат муассасалари» (1915) асарларида ва б. манбаларда Туркистон ўлкаси ҳўжалигига тегишли масалалар ёритилган. Давлат хизматчилари, саёҳатчилар, олимларнинг илмий ишлари, тадқиқотларида Ўрта Осиёдаги иқтисодий муносабатлар, чоризмнинг иқтисодий сиёсати, ишлаб чиқарувчи кўчларнинг ривожланиши, энг аввало пахтачилик, ирригация қурилиши, саноат ҳамда аг-

рар муносабатлар, хом ашё ресурсларидан фойдаланиши ва б. ҳақида катта маълумотлар келтирилган.

19-а. охири — 20-а. бошларида Ўзбекистон ҳудудида капиталистик и. ч. муносабатлари ўзига хос зиддиятлар б-н шаклланаётган даврда илғор ижтимоий фикр намояндalари — Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳамза ва б. маҳаллий зиёлилар вакиллари ўз асарларида жамиятдаги зиддиятларни, шаклланаётган мустамлакачилик иқтисодий муносабатларининг айрим томонларини танқид қилдилар.

20-а. бошларидан Россия ҳукумати томонидан Тошкент, Самарқанд, Қўқонга сурган қилинган марксистлар (Д. Л. Иванов, Л. И. Хомутов, Г. А. Лопатин ва б.) социал-демократик тўғараклар ташкил этиб, асосан ишчилар ўртасида марксистик сиёсий иқтисод гояларини тарқатишга ҳаракат қилдилар.

Октябрь тўнтарышидан кейин иқтисодий тадқиқотлар бун Иттифокдаги каби Ўзбекистонда ҳам марксистик сиёсий иқтисодиётнинг танҳо ҳукмронлиги шароитларида олиб борилди, янги и. т. муассасалари ташкил этила бошлади. Туркистон халқ ун-ти (1918), унинг таркибидagi иқтисодиёт ва статистика, халқ ҳўжалигининг айрим тармоқлари ривож муаммолари тадқиқотлари б-н шуғулланадиган социал-иқтисод ф-ти, Туркистон АССР Молия халқ комиссарлигининг молия-иқтисод бюроси (1922), Меҳнат ва мудофаа кенгаши ихтиёридаги Ўрта Осиёда кишлок ва овуларни текшириш бўйича комиссия (1925), Ўрта Осиё ун-ти совет ҳўжалиги ва ҳуқуқ ф-тининг иқтисодий и. т. бюроси (1926), Ўрта Осиё Давлат план комитетининг иқтисодий тадқиқотлар ин-ти (1927), Ўрта Осиё ун-тининг Иқтисодиёт илмий тадқиқот ин-ти (1928) турли соҳаларда кенг қўламли ишларни амалга оширди (Г. И. Черданцев, Ю. И. Пославский, В. А. Вильчевский, Н. Н. Кашанов, Н. К. Ярошевич ва б.).

20—30-й.ларда Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистонда айрим р-нларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, иқтисодиётни истиқболда ривожлантиришга илмий баҳо бериш мақсадида минерал хом ашё ва энергетика ресурслари, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш масалалари ўрганildi. Иқтисодчи олимлар демография, қ.х. ва саноат рўйхати ўтказиш (1920) бўйича ишларга раҳбарлик қилдилар. 20-а.нинг 2-ярмида илмий экспедицияларнинг бирламчи материаллари асосида тайёрланган «Среднеазиатский кишлак и аул» деб номланган 10 жилдли китобнинг

нашр этилиши муҳим илмий воқелик бўлиб, янги шароитда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгариши қонуниятлари, деҳқончиликда табақаланиш жараёни хусусиятлари таҳлил этилди, кейинчалик мамлакатда ер, сув ислохотларини ўтказишда ва қ.х.ни қайта ташкил этишда бу тадқиқотлардан фойдаланилди.

Тошкентда «Ўрта Осиё халқ ҳўжалиги» ойлик журнали (20-й.лар бошида «Туркистон халқ ҳўжалиги») чиқа бошлади. Иқтисодиёт олий ўқув юртлири ва кафедралари, жумладан Ўрта Осиё молия-иқтисод ин-ти (1931), Самарқанд кооператив ин-ти (1936) ҳамда махсус иқтисодиёт илмий муассасаларининг ташкил қилиниши республикада иқтисодий изланишларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга имкон берди.

40—50-й.ларда халқ ҳўжалиги эҳтиёжларига мувофиқ, айниқса, Ўзбекистон Республикаси ФА таркибидa Иқтисодиёт ин-тининг (1943) ташкил этилиши б-н иқтисодий изланишлар кенгайиб борди. Ин-т 2-жаҳон уруши шароитларида қ.х. ва саноат и. ч.ини ривожлантиришнинг назарий, минтақавий муаммоларини, кейинчалик Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг илмий асослари ҳамда Мирзачўл ерларини ўзлаштиришнинг иқтисодий масалалари ва б. устида и.т.лар олиб борди. Шу даврдан бошлаб иқтисодий тадқиқотларда иқтисодий тараққиёт муаммоларини объектив ўрганиш эмас, балки ҳукмрон мафкура ва давлатнинг сиёсий мақсадлари ва ҳаракатларини иқтисодий «асослаш» ва зифалари устуллик қила бошлади.

Жумладан 60-й.ларга келиб иқтисодий назария (сиёсий иқтисод) соҳасида Ўзбекистон шароитида социалистик жамият ривожланишининг иқтисодий қонуниятлари ва муаммоларини ўрганиш, иқтисодий ўсиш ва рақобат мантибаи ҳисобланадиган кўп укладликни бартараф этиш йўллари, ижтимоий мулкчиликка асосланган туб ўзгаришлар ва тажрибаларни умумлаштириш, давлат ва жамоа мулки шакллариинг яқинлашиши, шаҳар ва кишлок ўртасида зиддиятларни бартараф этиш муаммолари етакчи йўналишга айланди. 80-й.ларга келиб ғайриилмийлиги тўлиқ исботини топган жамият ривожланишининг нокапиталистик тараққиёт йўлини асослаш бўйича кўпгина ишлар эълон қилинди.

Аммо шунга қарамай объектив иқтисодий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда саноатнинг ривожланиши ва шаклланиши қонуниятлари (А. М. Аминов, К.

Н. Бедринцев, Ш. Н. Ўлмасбоев, П. М. Пономарёв, М. Ш. Шарифхўжаев, П. В. Калякин ва б.), асосий фондлар ва янги техника, ҳўжалик ҳисобини такомиллаштириш, капитал қўйилмалар самардорлигини аниқлаш усуллари (Р. М. Раззоқов, Т. Эргашев, А. Х. Ҳикматов, А. А. Ортиқов ва б.) бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. Қ.и.ш.лоқ.хўж.а.лиги иқтисодиёти соҳасида қ.х. ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва жойлаштириш, қ.х.нинг молдий-техника базасини ривожлантириш, пахтачилик асосанот мажмуини ривожлантириш, комплекс механизациялаш ва кимёлаштириш, бошқарув ва ҳўжалик ҳисобини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилди (Ҳ. М. Жалилов, Ю. И. Исҳоқов, К. А. Кабанова, В. В. Ким, К. И. Лапкин, Х. Р. Раҳмонкулов, Ф. Р. Ризаев, П. К. Татур, С. Н. Усмонов, Қ. Ҳ. Ҳотамов, А. С. Самутали, Э. Т. Шайхов, А. Эгамбердиев ва б.). Иқтисодчи олимлар давлат бюджети, пул муомаласи, кредит масалалари, матлубот ва давлат савдосини ташкил қилиш муаммолари, товар-пул муносабатлари, асосий фондлардан фойдаланиш, конъюнктура ва б. муаммоларни ўргандилар (М. А. Расулов, Ш. С. Сулаймонов, Ҳ. Р. Собиров, Н. Н. Шабанова ва б.).

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тафаккур тарихи, иқтисодий таълим тарихи, иқтисод тарихи, халқ ҳўжалиги тарихи масалалари талқиқ қилинди (М. А. Абдураимов, О. М. Аминов, М. Баратова, А. И. Иброҳимов, М. Р. Расулов, А. Ўлмасов ва б.), жумладан М. А. Абдураимовнинг «Из истории общественно-экономической мысли в Узбекистане в 14—15 вв.» (1960), О. М. Аминовнинг «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг сиёсий ва иқтисодий асоратлари» (1966) асарлари эълон қилинди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва тармоқлар иқтисодиёти муаммолари З. М. Акрамов, Қ. А. Аҳмедов, А. П. Батигин, К. Н. Бедринцев, С. К. Зиёдуллаев, Ш. Н. Зокиров, И. И. Исқандаров, К. И. Лапкин, Б. А. Пальмин ва б.нинг асарларида ёритилди.

Меҳнат ресурслари муаммолари Р. А. Убайдуллаева, И. Р. Муллажонов, М. К. Қорахонов, К. М. Ёқубов, М. Л. Туреунхўжаев, А. Э. Эгамбердиев ва б.нинг асарларида умумлаштирилди. Ўзбекистонда меҳнат ресурслари ва аҳолининг ўсиш истиқболлари, ижтимоий-демографик ҳолат бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

80-й.ларда республикада Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-ти (1943), Ўзбекис-

тон ФА Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш Кенгаши (1951), Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти и. т. ин-ти (1958), Аҳолининг халқ истеъмоли товарларига ва савдо конъюктурасига талабини ўрганиш бўйича Бутуниттифоқ илмий тадқиқот ин-тининг Ўзбекистон филиали, ЎзССР Давлат план комитети ҳузурдаги Иқтисодий и. т. ин-ти (1968), Меҳнатни ва ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш республика Маркази (1979), Марказий Меҳнат илмий тадқиқот ин-тининг Ўзбекистон филиали фаолият кўрсатди. Олий ўқув юртларининг 60 дан ортиқ иқтисодиёт кафедраларида, тармоқ илмий тадқиқот ин-тларининг 45 иқтисодий бўлимларида иқтисодий тадқиқотлар олиб борилди, лекин бу қадар улкан илмий потенциал иқтисодиёт соҳасидаги кўпдан-кўп муаммолар бўйича иқтисодий ҳаёт талабларига мос илмий таклиф ва тавсиялар бера олмади ёки илмий тавсиялар сиёсий ҳокимият томонидан эътиборга олинмади. Иқтисодиёт фани республикада турғунлик даврининг реал иқтисодий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсата олмади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиёт фани олдида тамомила янги тадқиқот мавзулари юзга келди. 90-й ларнинг бошида, асосан режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётга ўтиш йўллари, унинг моделини танлаш, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишнинг илмий мезонларини излаш, ижтимоий ларзаларга йул қўймай мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулкчилик шакллари асосланган бозор иқтисодиёти инфратузилмаларини ташкил этиш, кўп укладли иқтисодиётни яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги мулкдорлар синфини шакллантириш, жаҳон иқтисодий-хўжалик тизимига қўшилиш, янги молия-кредит тизимини шакллантириш ва б. назарий ва амалий муаммоларни тадқиқ этиш ишлари бошланди.

Илгор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳоз. шароитда фақат бозор иқтисодиёти тараққиёт асоси бўлиши мумкин. Бу тажрибани ўрганиш ва унинг натижаларини республика шароитида қўллаш иқтисодиёт фанининг асосий долзарб муаммосига айланди.

Бозор муносабатларининг зарурлиги, унинг афзалликлари, республика шарт-шароитини ҳисобга олиб, уни ижодий қўллаш йўллари, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти,

акад. И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992), «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» (1995), «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997) ва б. асарларида асослаб берилди.

Бу фундаментал асарларда республикада бозор муносабатларига ўтишнинг тадрижий (эволюцион) йўли, мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ижтимоий йўналтирилган бозорга босқичма-босқич ўтиш йўллари кўрсатиб берилди ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига, шу жумладан иқтисодиётга изчил таъбиқ этилди. Бозор иқтисодиётга ўтишнинг «ўзбек модели» ва унинг беш тамойили (иқтисодиётнинг сиёсатдан устулиги; давлат бош ислоҳотчи; бозор иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш; фаол ижтимоий сиёсат юритиш; қонунлар ва уларга риоя қилишнинг устуворлиги) иқтисодиёт фани ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-ти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фан ва технологиялар маркази, бир қанча илмий тадқиқот ин-тлари, кўпгина олий ўқув юртларида олиб борилаётган тадқиқотлар йўналиши ва таркиби кескин ўзгарди, бозор иқтисодиётга хос янги фанларни ўрганиш, мутахассис кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Айниқса макро- ва микроиқтисодиёт, маркетинг, менежмент, аудит, хорижий мамлакатлар иқтисодиёти, жаҳон иқтисодиёти, ахборотлар тизими ва технологиялари, банк, божхона иши каби янги йўналишларда тадқиқот ишлари бошланди. Янги шароит талабларига жавоб берувчи илмий тадқиқот режалари ва ўқув дастурлари, қўлланма, дарсликларни амалда янгидан яратиш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор берилди. Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси иқтисодиёт бўйича илмий ихтисосликлар йўналишларини тасдиқлади. Унга кўра иқтисодиёт фанларида илмий изланишларда 15 ихтисослик белгиланди (иқтисодиёт назарияси; халқ хўжалиги ва иқтисодий таълимотлар тарихи; макроиқтисодиёт; микроиқтисодиёт; менежмент; экономика ва статистика; молия; бухгалтерия ҳисоби ва аудит; жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар; аҳолишунослик; хорижий мамлакатлар иқтисодиёти; минтақавий иқтисодиёт; маркетинг; ахборот системалари ва технологиялари; божхона иши).

Тошкент халқ хўжалиги ин-ти негизда Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти ва мустақил Молия ин-ти (1991), Банк-молия академияси (1996), Самарқанд кооператив ин-ти негизда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин-ти (2004) ташкил этилди. Ўзбекистондаги 40 дан ортиқ олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт ф-тларида ҳам иқтисодиётнинг умумназарий ва аниқ йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишлари янгидан ташкил этилди. 20-а.нинг 20-й.лардан бошлаб барча олий ўқув юртларида ўқитилган ва ҳукмрон мафкура (марксизм) нинг таркибий қисми ҳисобланган «Сиёсий иқтисод» фани ўрнига «Иқтисодиёт назарияси» фани киритилди ва шу номдаги кафедралар ташкил этилди. Бу фан соҳасида М. Шарифхўжаев, А. Ўлмасов, А. Ваҳобов, Ш. Шодмонов, М. Расулов ва б. томонидан иқтисодиёт назарияси ва бозор иқтисодиёти асослари бўйича яратилган дарсликлар муҳим аҳамиятга эга (А. Ўлмасов, А. Ваҳобов. «Иқтисодиёт назарияси» 2006; Ш. Шодмонов, У. Ғофуров. «Иқтисодиёт назарияси»; 2005). Бозор иқтисодиёти асослари б-н боғлиқ бўлган бошқа бир қанча янги дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Иқтисодий мерос, халқ хўжалиги тарихи, иқтисодий таълимотлар тарихини ўрганишга эътибор кучайди. Айниқса, Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғояларини теран ўрганиш Х. Собиров, Н. Тўхлиев, А. Раззоқов, Н. Йўлдошев, А. Ғофуров, Қ. Йўлдошевларнинг асарларида уз ифодасини топди. Жумладан А. Раззоқов, Ш. Тошматов ва б.нинг «Иқтисодий таълимотлар тарихи» (2005), Н. Йўлдошевнинг «Ўрта Осиёда бозор муносабатларининг назарияси ва амалиёти» (2004) китоблари нашр этилди. Ўзбекистон иқтисодиёти муаммолари ва иқтисодий тафаккур тарихи соҳасида «Национальная экономическая модель Узбекистана» (Н. Тўхлиев ва б.), «Актуальные проблемы экономики Узбекистана переходного периода» (С. Ғуломов, В. Ким), «Миллий модель муаммолари» (Р. Каримов, Т. Каримова) монографиялари босилиб чиқди. Иқтисодиёт ин-тида О. Ҳикматов раҳбарлигида мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб нашр этилган «Ўзбекистон бозор иқтисодиёти ривожланиши йўлида 10 йил» (2001) асари республикада мустақиллик йиллари олиб борилган ислоҳотларнинг дастлабки яқунларига бағишланди.

Макро- ва микро- ҳамда минтақавий иқтисодиёт бўйича А. Эшмухамедов, Б.

Салимов, Н. Ибрагимов, Қ. Абирқулов, Э. Маҳмудов, А. Содиқов, З. Йўлдошев тадқиқотлари, менежмент бўйича М. Шарифхўжаев, Ё. Абдуллаев ва Ш. Зайнитдиновларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари бу фан соҳасидаги дастлабки нашрлар бўлди.

Ўзбекистонлик олимлар, эконометрика ва статистика бўйича муҳим тадқиқотларни амалга оширдилар. Акад. В. Қобулов яратган мактаб вакиллари кибернетика, эконометрика, иқтисодиётда математик усуллари қўллаш, ахборот технологиялари, информацион тизим ва технологиялар йўналишларида муҳим тадқиқотларни бажардилар (С. Фуломов, Р. Алимов, А. Абдуғафоров, Т. Шодиев, Б. Бегалов, Б. Беркинов ва б.). Статистика бўйича Н. Соатов, Ё. Абдуллаев, Х. Набиев, Э. Тошматов, Э. Акрамовлар и. т.лар олиб бормоқдалар ва тадқиқот натижалари китоблар ҳолида эълон қилинди.

Молия, инвестиция, пул муомаласи, банк иши соҳаларида Т. Маликов, С. Бержанов, О. Рашидов, Ш. Абдуллаева, О. Олимжонов, А. Қодиров, Д. Ғозибеков ва б.нинг и. т.лари ва асарлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши (Ф. Муллажонов), сугурта иши (Х. Собиров), солиқлар (Қ. Яхъёев) масалаларига доир тадқиқотлар олиб борилди ва дарсликлар яратилди. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси муаммолари Қ. Абдурахмонов, А. Назаров, Н. Хўжаев, Ш. Холмўминов, Д. Раҳимова ва б., бухгалтерия ҳисоби ва аудит муаммолари М. Умарова, М. Тўлаҳўжаева, Н. Жўраев, А. Ибрагимов, О. Жуманов, ва б.нинг илмий ишларида ёритилди, М. Қосимова, Д. Муҳиддинов, Н. Тўхлиев, А. Фаттоҳов, И. Иватов ва б.нинг асарларида миллий бозорнинг шаклланиши ва ривожланиши шарт-шароитлари тадқиқ этилди.

В. В. Ким, А. Абдуганиев, Н. Маҳмудов, Р. Хусанов, Р. Абдуллаев, Д. Аҳмедов ва б. асарларида аграр-саноат мажмуи ривожланиши муаммолари ўз ифодасини топди. Хонадон хўжалиги, кичик ва ўрта бизнес, фермер хўжаликлари иқтисодиёти муаммоларини ўрганиш бошланди (А. Ўлмасов, А. Ваҳобов, Х. Аҳмаджонов ва б.).

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида Ж. Жалолов, Р. Шодиев, Г. Назарова, А. Раззоқов, Л. Зиёдуллаева, Т. Нуруллаев ва б.нинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда «Жаҳон иқтисодиёти» (Р. Шодиев), «Етакчи мамлакатлар

иқтисодиёти», «Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти таҳлили», «Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреатлари» (А. Раззоқов), «Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқалари» (А. Расулов) китобларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 й. 2 авг.даги «Иқтисодий тадқиқотларни ташкил қилишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, иқтисодиёт соҳасида и. т.ларни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва ўтказилаётган иқтисодий тадқиқотларнинг амалий йўналишини кучайтириш, уларни иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳамда эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари ва мақсадли вазифаларини амалга оширишга йўналтириш, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни прогноз қилишнинг мустаҳкам илмий базасини яратиш мақсадларида: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази, Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ-бюджет сиёсати маркази, Марказий банк ҳузуридаги Пул-кредит сиёсати маркази, Банк-молия тизими ривожланишини прогноزلаш ва эркинлаштириш ин-ти негизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази ташкил этилди. Бу Марказда республика ижтимоий ҳаёти ва иқтисодиётнинг жами ижтимоий-иқтисодий муаммолари лойиҳалар шаклида тадқиқ этилади ва аниқ таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқилади.

Республикада иқтисодиёт муаммолари «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», «Экономический вестник Узбекистана», «Бозор, пул ва кредит», «Деньги, рынок и кредит», «Экономическое обозрение», «Иқтисодиёт ва таълим» журналларида ёритилади.

Иброҳим Искандирова, Абдухалил Раззоқов, Султон Холназаров.

ҲУҚУҚШУНОСЛИК

Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқшунослик узоқ ўтмиш ва нотекис ривожланиш тарихига эга. Уни шартли равишда беш босқичга бўлиш мумкин. Ҳуқуқшуносликнинг ilk босқичи бундан 2,7 минг йил аввал бошланган. Энг қад. Ўрта Осиё ҳуқуқ манбаи Спитама Зардушт ёзган қомусий ёлдорлик Авесто ҳисобланади.

У Хаммурапи қонунлари (мил.ав. 18-а., Бобил) каби давлатни бошқариш, ижтимоий, маданий, ахлоқий ва ҳуқуқий жабҳаларни тартибга солишга қаратилган барча учун мажбурий қоидалардан иборат бўлган. Моҳият эътибори б-н бу қоидалар диний ақидалардан кўра, кўпроқ адолат ва тенглик ҳақидаги фалсафий ғояларга асосланган. Авесто одамлардан «эзгу фикр», «эзгу сўз» ва «эзгу амал»ни, ҳар қандай вазиятда ёмонликнинг олдини олиш, йўл қўйган хатоларни инкор этмай ва жазоланишни кутмай барҳам беришни талаб қилади. Унда ёзилишича, инсоннинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари 2 хил — жамоатга ва шахсга қарши содир этилади. Чунончи, ўғрилик, зўрлик, тўхмат кабилар шахсга қарши қаратилгани учун аксарият ҳолларда дарра уриш б-н жазоланади. Аммо жабрдийда ва унинг яқин қариндошлари айбдорнинг гуноҳидан кечилари ёки қонга—қон, жонга—жон таомилида ўч олишлари мумкин. Баъзида гуноҳдорнинг ўз қилмишига чин қалбдан пушаймонлиги ва кўпчилик олдида қасам ичиши уни жазодан озод қилиш учун етарли асос ҳисобланган.

Ўрта Осиёда 8-адан бошлаб исломнинг тарқалиши б-н ҳуқуқий тизимнинг 2-босқичи бошланди. Ислом манбалари — Қуръони карим, сунна, ижмо ва қиёсга асосланган фикҳ расман давлат, халифалик ёки имомлик томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжат бўлмай, одиллона ҳаёт тарзи ва одил судловнинг илоҳий қоидаларини ўз ичига олади.

Ислом, аввало, инсонларни қадрлаш, уларга хайрихоҳ, кечиримли, сабр-тоқатли бўлишга чорлайди. Сўнгра ҳар бир шахс ўзининг яқину узоқ қариндошларига, қўни-қўшни, дўст-бирдорларига, таниш-билишлари, ногирон, сағир ва беваларга, мусулмон маслакдошларига, барча одамларга навбатма-навбат кўмакдош бўлишини талаб қилади. Аммо бу талабларни бажармасликдан кўра, шарият таъқиқларига бўйсунмаслик жиддий гуноҳ ҳисобланади.

Бошқа кўп динлардек, ислом 7 хил жиноят — қотиллик, номусга тегиш, зино, иккиюзламачилик, сохта гувоҳлик, спиртли ичимлик ичиш ва гиёҳвандлик, ўзганинг мулкига таъовуз қилиш учун жиддий жазо б-н таҳдид этади. Лекин жиноят ҳисобланган деярли барча қилмишлар учун жазо турлари ва меъёри фикҳ манбаларида аниқ белгиланмади. Хусусан, жиноятлар 3 гуруҳга бўлиниб: энг оғирлари учун ҳад — етказилган зиёндан ҳам жиддийроқ жазо; ҳаёт ва солиққа қарши жиноятлар учун қонга—қон, жонга—жон тао-

мили; қолган жиноятлар учун таъзири бериш чоралари назарда тутилган. Жазо тайинлаш, шунингдек, ҳаётий муаммоларни, тортишув ва низоларни тўғри ҳал қилиш инсофли ва идрокли қози ҳамда ҳукамоларнинг хоҳишига ҳавола қилинади. Айни вақтда гуноҳдорнинг диёнати, Аллоҳ наздида газабдан қутила олмасликка ишончи, айниқса, иқрор ва пушаймонлиги биринчи навбатда инобатга олинади. Жумладан, суннада жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, зарурий мудоффа каби қоидалар кўрсатилган. Бу қоидаларга кўплаб шарҳлар Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» ва Абу Лайс Самарқандийнинг «Тафсири Куръони карим» асарларида баён қилинган. Қозилар ўз амалиётида шу муҳим қўлланмаларга суянади. Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Аҷам», Амир Темурнинг «Тузуқлари», Низомулмулкнинг «Сийёсатнома», Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», А.Халлофнинг «Усул ул фикҳ» асарлари ҳам беназир юридик меросими ҳисобланади.

Туркистон ўлкасини Россия босиб олиши 1864 й.ги рус суд ислоҳотининг европалашган тизимини аввал бу ерда яшаётган руслар учун, сўнгра ҳамма маҳаллий аҳоли учун мажбурий эканини тақозо қилди. Шу йиллардан мустамлакачилик сиёсати остида ислом ҳуқуқини чекловчи 3-босқич бошланди. Фуқаровий, ҳўжалик, мулкӣ, оилавий муносабатлар бўйича низоларни қозилар фақат Россия манфаатларига зид келмаган шарият қоидаларига асосланиб ҳал қилишга йўл қўйилди. Аммо жиддий масалаларда шариятта хос одилона таомиллар ўрнига Россиянинг ҳатто ўзбекча таржимаси йўқ қонунлари қўлланди. Мас., 1916 й.ги мардикор олишга қарши миллий озодлик ҳаракати иштирокчиларидан 347 киши — ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик 1903 й.ги Россия Жиноят мажмуаси асосида дорга осилди, юзлаб кишилар сургун қилинди. Туркистонда ижтимоий муносабатлар қонунларга эмас, мустамлакачи амалдорларнинг ошқора, чеки йўқ ўзбошимчалигига боғлиқ бўлиб қолган эди.

Ҳуқуқшуносликнинг 1917 йил окт. тўнтаридан бошланган 4-босқичида адолатсизлик янада авжига чиқди. Қонунларда сақланиб қолган инсонпарварлик меъёрлари «пролетариатнинг ҳуқуқий онги» б-н алмаштирилди. Қонунда кўрсатилмаган жиноят ҳам, жазо ҳам бўлмаслиги тўғрисида энг одил умумбашарий қоида бекор қилиниб, инқилобий ўзгаришларни қандай бўлма-

син маъқулмаслик синфий душманнинг қаршилиги сифатида баҳоланди, янги тузумга норозиликнинг деярли ҳамма кўринишлари жиноят деб қаралди, жазолар кучайтирилди, сургун, бадарга, шахсий мулкни мусодара қилиш, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этиш кенг қўлланди. Динга қарши кураш баҳонасида қозилик тизими тугатилди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд тизими ягона ҳукмрон партия назорати остига олинди. Партиянинг йўл-йўриғи б-н Ўзбекистоннинг ўзида 13 мингга яқин ватанпарвар зиёли «халқ душмани» тамғаси остида бегуноҳ отиб ташланди.

Шўролар даврида қонун чиқариш ишлари тобора марказлашди. Иттифоқдош республикаларнинг қонунчилик фаолияти 1957 й.да расман тан олинган бўлса-да, жиддийроқ қонун-қоидаларни амалга киритиш марказнинг ихтиёрида қолаверди. Ҳуқуқшунослик коммунистик ақидалар б-н заҳарланган, тарихий ва хорижий тараққиёт сабоқларини инкор қилишга йўналтирилган эди.

Даствлабки ҳуқуқий таълимнинг ривожланиши Туркистон, келгусида Ўрта Осиё давлат ун-тининг ташкил этилиши б-н боғлиқ. Унинг ўқитувчилари иштирокида 1931 й. таъсис этилган Давлат курилиши ва ҳуқуқи илмий тадқиқот ин-ти, 1932 й. очилган ўқув ин-ти билан бирлаштирилиб, 1938 й.да Тошкент юридик ин-тига айлантилганча, олий малакали ҳуқуқшунослар тайёрлаш бирмунча йўлга қўйилди. 2-жаҳон уруши йилларида Иттифоқ ФА нинг Ҳуқуқ институти Тошкентга кўчирилди ва унинг машҳур олимлари иштирокидаги Илмий кенгашида З.Иномжонов, Н.Капустянский, Ф.Бакиров, С.Ражабов, Х.Сулаймонова, Б.Манелис номзодлик диссертацияларини ёқладилар. С.Ражабов, Х.Сулаймонова ва О.Эшонов республикада илк бор фан д-ри, проф. ва акад. даражаларига эришган ҳуқуқшунослар қозилар, назария ҳамда давлат бошқаруви ва адлия амалиётини юқори чўққиларга кўтарган таниқли олимлар ва арбоблар эдилар.

Ҳуқуқшунослик бўйича тадқиқотлар 1951 й.дан ЎзССР ФА тизимида ҳам олиб борилди, 1958 й.да Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти ташкил этилди, 3 жилдли «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи» яратилди, ўнлаб ҳуқуқшунос олимлар этишиб чиқди. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқшуносликда коммунистик мафкура ҳукмронлик қиларди. Давлат ва ҳуқуқ ишчилар синфининг эрки, иродасини амалга оширишга хизмат қилувчи зўрлаш қуроли сифатида таърифланди, уларнинг ягона вазифаси одамлар ўрта-

сида дўстона тенг муносабат ўрнатиш эмас, коммунистик «жанговар» гоаяларни амалга ошириш, демократия ўрнига диктатура, қонун устуворлиги ўрнига партиявий сиёсат учун курашдан иборат бўлиб қолди. Ўзбекистон ҳуқуқшунослари, асосан, давлат ва ҳуқуқ тарихи, унинг партиявийлиги, ажнабий мамлакатлардагидан афзаллиги, жиноятчиларга қақшатқич зарба берилаётгани, улар яқин келажакда таг-туғи б-н тугатилиши ҳақида ваъзхонлик б-н шугулланарди. Инсон ҳуқуқлари ва қонунларни тақомиллаштириш муаммолари жиддий муҳокама қилинмасди, илғор фикрлар учун асосиз таъқиб қилиш ҳоллари мавжуд эди. Тоталитар тузум учун ҳуқуқшуносликка зарурат йўқлиги боис, Ўзбекистон бўйича Тошкент ун-тининг юридик ф-тига 1970 й.да 25 талаба қабул қилинган эди, холос.

Деярли барча соҳаларда адолатсизлик ва таъйиқ авжига чиққанлиги сабабли миллий республикаларда норозилик туйғулари ва мустақилликка интилиш кучайди, шўролар иттифоқи таназзулга учради. Марказ раҳбарлари турли сиёсий чоралар ва ҳатто куч ишлатиш б-н қўрқитганига қарамай, 1991 й. 31 авг.да Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши «Давлат мустақиллиги тўғрисида» баёнот эълон қилди. Ниҳоят, суверен Ўзбекистонда ҳуқуқшуносликнинг 5-босқичи илдам қадамлар ташлай бошлади.

Конституцияни қабул қилиш (1992 й. 8 дек.) ва жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш миллий тараққиётнинг асосий йўналишини, иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий ислоҳотларнинг пойдеворини яратишга имкон берди. Ўзбекистонда президентлик бошқаруви, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг демократик тизими ташкил этилди, бозор муносабатларига ўтиш, энг муҳими, инсон, унинг ҳуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият эканлигини таъминлашга астойдил киришилди.

Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Тошкент давлат юридик ин-ти тез орада бошқа юридик олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун салоҳиятли назарий ва услубий марказга айланди. Ин-т даствлабки фаолият давриданоқ қўшни мамлакатлар ва айни вақтда Франция, Германия, Буюк Британия, Канада, Венгрия, Болгария, Корея Республикаси, Япония юридик ўқув юртлари б-н яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди, улар б-н ўқитувчилар ва талабалар айирбошлашга киришди. Ин-тнинг давлат бошқаруви,

фуқаролик ҳуқуқи, суд-прокуратура, малака ошириш ва сиртқи уқув ф-тларидеги ўндан зиёд ихтисослашган кафедраларде 20 дан ортқк юридик фанлари д-ри, 80 га яқин юридик фанлари номзоди етишиб чиқди. Бакалавриат ва магистратурада 1500 дан зиёд, сиртқи таълим ф-тида қарийб 1000 талаба таъсил олмоқда. Улар учун проф. ва доцентлар б-н ҳамкорликда таърибали амалиёт ходимлари маъруза ўқийдилар ва турли машғулотлар ўтказишади. Деярли ҳар ҳафта минтақавий, республика ҳамда халқаро миқёсда илмий-амалий конференциялар, турли анжуманлар ўтказилиб, уларда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва ҳуқуқшуносликнинг энг долзарб муаммолари муҳокама қилинади, тавсиялар ишлаб чиқилади.

Замонавий юридик таълим ва тадқиқот Тошкент давлат юридик ин-тидан ташқари, Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти, Ички ишлар вазирлиги Академиясида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом ун-тида, Ўзбекистон Миллий ун-ти, Самарқанд, Наманган ва Нукус давлат ун-тларининг, Тошкент давлат педагогика ун-тининг юридик ф-тларида, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, бир қатор бошқа вазирлик ва давлат қўмиталарининг ўқув-малака оширув марказларида ташкил этилган.

Соҳага ихтисослаштирилган «Фуқаролик жамияти», «Ҳуқуқ ва бурч», «Қалқон-шитъ», «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари», «Адвокат» жур.ларидан ташқари, «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Фалсафа ва ҳуқуқ» жур.ларида ҳам, шунингдек, Тошкент давлат юридик ин-ти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти ва б. университетларнинг илмий ахборотномалари ҳамда тўпламларида ҳуқуқшуносликка оид долзарб мақолалар нашр этилмоқда. Бир қанча ҳуқуқий газ. мунтазам чиқмоқда.

Босиб ўтилган 15 йил давомида республикада ҳуқуқшуносликнинг деярли барча соҳалари бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борилди. Ҳамма кодексларга ўзбек ва рус тилида шарҳлар чоп этилди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи. Акад. Ш.Уразаев, юридик фанлари д-рлари М.Восиқова, Х.Бобоев, З.Исломов, З.Муқимов, А.Жузжоний, С.Одилхўжаева, С.Ниетуллаев, Е.Қутибаева давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқла-

ри, уларнинг фуқаролар олдида масъулияти, одамлар ўртасида ҳар қандай тортишув ва низоларга барҳам бериш, ўзаро ҳамкорлик ва қонунга иотаткорликни таъминлаш, энг муҳими, инсон ҳуқуқларининг муқаррар ва муқаддаслиги, шахсни суд қарорисиз бу ҳуқуқлардан маҳрум қилинмаслиги каби умумбашарий қадриятларни чуқур тадқиқ қилдилар. Давлат ва ҳуқуқ назариясида қиёсий ҳуқуқшунослик услуби ривожлана борди. Унинг ёрдамида хорижий мамлакатларнинг турли тармоққа оид қонунлари чуқур таҳлил қилиниб, миллий қонунларимизни такомиллаштириш йўлида фойдаланилди. Сиёсий ва ҳуқуқий билимлар тарихи соҳасида илгари ноҳақ таққирланган аъламу уламо, арбобу саркардаларимиз, хусусан, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор кабиларнинг ҳуқуқий-ахлоқий таълимотларига, шунингдек, фикҳнинг ҳақиқий моҳиятига одилона тавсиф берилди.

Конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ борасида кўп йиллик тадқиқотлар олиб борган Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси А.Аъзамхўжаев, юридик фанлари д-рлари М.Ҳакимов, Т.Жалилов, С.Султонов, М.Раҳмонқулов, А.Азизхўжаев, Э.Халилов, О.Ҳусанов, Ҳ.Одилқориев, А.Тўлаганов, Ш.Жалилов, О.Муҳаммаджонов ва б. ҳуқуқшунос олимлар давлат бошқарувининг замонавий принциплари, турли шакллари ва механизмини илмий асослашга доир изланишлар қилдилар. Уларнинг илмий хулосалари ва тавсиялари ёш республикани моҳирона бошқариш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг фаолиятини такомиллаштириш, демократиялаш ва моделлаштиришга жиддий ҳисса қўшди. Сайлов тизими, фуқароларнинг бевосита ва ўз вакиллари орқали мамлакатни идора қилиши, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш, кучли демократик жамият қуриш сари илдам одимлаш ҳуқуқшуносларнинг илмий заковати ва салоҳиятига боғлиқ.

Халқаро ҳуқуқ масалалари б-н, одатда, фақат марказ ҳуқуқшунослари шуғулланарди. Миллий ҳуқуқшунослар бу соҳани ҳам тез ўзлаштиришга ва мустақил тадқиқотлар олиб боришга эришдилар. Халқаро ҳуқуқнинг туб масалалари юридик фанлари д-рлари А.Саидов, Қ.Алимов, Г.Матқаримова, А.Раҳмонов, К.Рашидов, Э.Умароҳонов ва б.нинг тадқиқотларидан ўрин олди. Айниқса, халқаро конвенция ва келишувларни ратификация қилиш, улардаги муҳим қондаларни миллий қонунларимизда акс эттириш зарур эканлигига

этибор қаратилди. Ана шу тадқиқотлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларига оид 60 дан зиёд халқаро ҳужжатларга ва бир қанча иқтисодий, маданий, илмий мазмунадаги битимларга қўшилиши, умумжаҳон ҳамжамиятининг тенг иштирокчиси бўлиб танилишига замин яратди.

Фуқаролик ҳуқуқи, маълумки, юриспруденцияда етакчи ўрин эгаллайди, иқтисодиёт б-н боғлиқ бўлган, мулкий ва номулкий муносабатларни тартибга солади. Бозор муносабатларига ўтиш туфайли унинг аҳамияти ортиб боради. Шунга кўра, фуқаролик ҳуқуқи ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Бу йўналишда акад. Ҳ.Раҳмонқулов раҳбарлигида юридик фанлари д-рлари И.Зокиров, О.Оқюлов, Ш.Рўзиназаров, Б.Самархўжаев, К.Синдаров тадқиқот олиб бормоқда. Уларнинг илмий асарлари фуқаролик ҳуқуқи субъектлари, ҳуқуқ ва муомала лаёқати, битимлар ва вакиллик, мулк, мулкый шартномалар, уларнинг турлари ва мажбурият ҳуқуқи, моддий ва маънавий зарар учун жавобгарлик, интеллектуал мулк, ворислик ҳуқуқи масалаларига бағишланган.

Фуқаролик ҳуқуқида ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқда долзарб бўлган тадбиркорлик ва ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ва унинг турли шакллари юридик фанлари д-рлари Б.Ибратов, С.Ғуломов ва Т.Умаров асарларида баён этиб берилди.

Кейинги йилларда **экология ҳуқуқи** тобора жиддий эътибор берилиши лозим бўлган соҳага айланди. Бу борадаги муаммолар юридик фанлари д-рлари Й.Жўраев, Ж.Холмўминов, М.Усмонов, Ш.Файзиев ва Т.Мирзаевнинг тадқиқотларида акс этмоқда.

Оила ҳуқуқи масалалари юридик фанлари д-ри Ф.Отаҳўжаевнинг изланишларида, фуқаролик ишларини судда муҳокама қилиш тартиби юридик фанлари д-ри Ш.Шораҳмедовнинг бир неча монографик асарларида ўз ифодасини топган.

Жиноят ҳуқуқи ёрдамида давлат қандай ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат жиноят ҳисобланиши ва улар учун қандай жазо тайинланишини белгилайди. Қонунбузарликнинг ижтимоий энг хавфли қўрилиши — жиноят учун жавобгарлик борасида юридик фанлари д-рлари Ф.Аҳмедов, М.Рустамбоев, Р.Зуфаров, Й.Каракетов, К.Мирзажонов, Э.Норбўтаев, Р.Қобулов, М.Қодиров, О.Зокирова, фан арбоблари Б.Аҳмедов, О.Расулев асарларини, жиноятларнинг олдини олиш тўғрисида юридик фанлари д-рлари З.Зарипов, М.Собиоров ва Қ.Абдурасулованинг илмий ишларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Уларда жиноят ва жазога оид назарий ва амалий масалалар, жиноят турлари, уларни содир этиш босқичлари, иштирокчилик, жавобгарликдан озод қилувчи, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, жазо турлари, уларни қўлланиш тартиби, жазодан озод қилиш тартиби каби муҳим масалалар талқиқ қилинган. Шунингдек, қотиллик, номусга тегиш, ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш, гиёҳвандлик, терроризм, мансабдорлик жиноятларининг таркиби, моҳияти, турлари, улар учун жавобгарлик ва жазо меъёрлари алоҳида талқиқ қилинган. Мустақиллик йиллари ўтказилган илмий кузатишлар асосида мазкур соҳа қонунларида белгиланган жазолар ва уларни ўтатиш тартибларини енгиллаштиришга эътибор қаратилди. Чунончи, ўлим жазоси илгари 33 хил жиноят учун қўлланиши мумкин эди. 1994 й. қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига бу жазо 13 хил жиноят учун қўзда тутилди, ҳозир эса у фақат терроризм ва айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда содир этилган қасддан одам ўлдириш учун тайинланиши мумкин. Ўлим жазосини 2008 й. 1 январдан бекор қилиш ва шу муносабат б-н қонунларимизга тегишли ўзгаришлар киритишга ҳозирлик кўрилмақда.

Жиноятга оид қонунларни амалда тўғри татбиқ этиш **жиноят-процессуал ҳуқуқининг** вазифасидир. Бу соҳада юридик фанлари д-рлари Г.Саркисян, Ф.Абдумажидов, Й.Раҳимов, М.Маҳбубов, Б.Пўлатов, З.Ғуломов, Б.Саломов, Ф.Муҳитдинов, Ю.Пўлатов ҳар томонлама, чуқур илмий изланишлар олиб борилад. Уларнинг ва тажрибали амалиётчиларнинг иштирокида лойиҳаланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига биринчи марта айбсизлик презумпцияси, тарафларнинг тортишуви принципи, ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш каби жаҳон андозаларига хос муҳим процессуал қафолатлар белгиланди. Жиноят ишлари бўйича суриштирув, тергов олиб бориш ва суд муҳокамасини ўтказиш тартиби ихчамлаштирилди, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди, суд устидан прокурорлик назоратига барҳам берилди.

Кейинги йилларда мазкур кодексга инсонпарварлик руҳидаги жиддий ўзгаришлар киритилиб, тергов қилиш ва қамоқда сақлаш муддатлари анча қисқартирилди, жабрланувчи б-н айбланувчининг ўзаро ярашиши тўғрисида жиноят иши тугатилиши, ишни судда апелляция тартибидан қайта кўриш қоида

зорий қилинди. Олиб борилаётган илмий изланишлар жиноят ишлари бўйича мажбурият чораларининг қўлланишини чеклаш, айбланувчини қамоқдан олиш ваколатини судга ўтказиш, ҳимоячининг далил тўплаш, тақдим қилиш ва унга баҳо беришга оид ҳуқуқларини оидинлаштириш, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида суд назоратини кенгайтириш, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш тартибини жорий қилиш, суддан ишни қўшимча тергов учун қайтариш тартибини бекор қилиш, халқ маслаҳатчиларининг мавқеини қайта кўриб чиқиш каби бир қатор муаммоларни процессуал қонунда ҳал этишга бағишланган.

Криминалистика — жиноятни очиш, жиноят содир этган шахсни фош қилишда фан ва техника ютуқларидан фойдаланишни кенгайтиришга хизмат қилувчи фан. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли махсус криминалистик тадқиқот маркази тергов органлари ва суднинг топшириғи бўйича турли экспертлар ўтказди, айни вақтда жиддий тадқиқотлар олиб боради. Бундан 60 йил муқаллам фақат баъзи изларни ва дастлашларни текшириш б-н шуғулланган кичик гуруҳ эндиликда ўқотар қурол-аслаҳа, портловчи модда, гиёҳвандлик воситаси, пул, хужжат ва турли-туман нарсалар, овозларни қиёслашдек мураккаб вазифаларни бажармоқда, ҳатто организм ҳужайраси ядросидаги ДНКни аниқлаш асосида одамни идентификация қилмоқда.

Суд, прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва адвокатура тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам ҳуқуқшуносликнинг диққат марказида. Уларнинг ҳолисона, тезкор, халқчил фаолият юритиши ва ўзаро ҳамкорликка эришиши жиддий аҳамият касб этади. Айни вақтда ҳуқуқшуносликнинг бир қанча соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар етишмайди. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини етарли даражада деб бўлмайди. Ер, сув ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий таъминот, банк, тижорат, молия, солиқ, боғжона хизматларига оид ихтисосликлар бўйича илмий даражали мутахассислар оз. Одил судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари соф, виждонли ва малакали, юқори касбий маҳоратга эга бўлишлари учун тегишли мутахассислар тайёрлаш, уларни лавозимларга тайинлаш ёки сайлаш тизимини такомиллаштириши бориш лозим.

Ғафур Абдумажидов,
Ҳожиаббар Раҳмонқулов.

Адабиётшунослик махсус фан сифатида кейинги асрларда шаклланган бўлса-да, унинг илк куртаклари адабиёт б-н бирга пайдо бўлган: халқ оғзаки ижодига мансуб мақол, кўшиқ, достонларда сўзнинг мавқеи, маъно товланишлари, бадий вазифаси ҳақида биллирилган фикр-мулоҳазалар адабий-эстетик тафаккурнинг дастлабки кўринишлари ҳисобланади. Фольклор намуналари тўплана бошлангач, улар тасниф қилинган ва баҳоланган. «Авесто»да «мавзун суҳан» — алоҳида ҳижо ва қофияли шеър ҳақида маълумот берилди. «Девону луғотит турк»да Маҳмуд Кошгарий туркий халқларда 11-а.гача мавжуд бўлган этук, откунч (эртақ, ҳикоя), сов (қисса), қошуғ (шеър, қасида, кўшиқ), йир (ғазал, мақом, куй) каби адабий жанрлар, вазн, истиора, ўхшатиш ва б. хусусида тўхталиб ўтди.

Қалда адабиётшуносликка оид фикрлар бадий асарларнинг ичида ҳам келган — достонларнинг дебачаси ёки алоҳида боблари, фахриялар, шеърний парчалар, ғазалларнинг айрим байтлари, китъалар, соқийномаларда сўз қадри, шеърнинг ижтимоий вазифаси, шоирнинг жамиятдаги ўрни, маҳорат масалалари, бадий санъатлар, салафлар ва замондош ижодкорлар асарларига берилган баҳолар учрайди. Хусусан, достонларнинг кириш қисмларида сўзнинг аҳамияти ҳақида фикр юритиш, устоз шоирларнинг асарлари ва маҳоратини таърифлаш анъана тусини олган. Мас., Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» (1069–70)да бадий сўзнинг ижтимоий ҳаёт ва кишилар ҳаётидаги ўрни хусусида ёзган; шоирларни маъно уммонидан марварид топиб чиқувчиларга қиёслаган. Аҳмад Югнакий «Ҳибат ул-ҳақойиқ» (тахм. 12-а.)да бадий адабиётнинг кишиларни эзгу инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Бу фикрлар адабиётшунослик б-н боғлиқ масалалар сўз санъати ибтидоисидаёқ ижод аҳлининг эътиборини торггани ва муайян қонунқоидалар яратилиб борганини кўрсатади.

Шарқда адабиётшуносликка оид етук асарлар дастлаб 7–9-а.ларда араб, 10–а.дан форс тилида яратила бошлади. Қад. олимларнинг фаннинг турли соҳаларига бағишланган асарларида кўпинча адабиётшуносликка доир кузатишлари, адиблар ижодига берган баҳоларига дуч келамиз (Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва б.).

Форобий (873–950) адабиётшунослик масалалари б-н мунтазам шуғулланган («Шеър ва қофиялар ҳақида сўз», «Риторика ҳақида китоб», «Шеър китоби», «Шоирлар санъати қонунлари ҳақида» ва б.). У бадий асарда воқеалар қандай бўлса, ўшандай — аслича тасвирланиши кераклигини таъкидлайди. Ҳаётий воқелик ва бадий тўқима масалаларидан баҳс этиб, «шеърӣ сўзлар гайривоқеӣ нарсаларни бизнинг тасаввуримизга воқеӣ акс эттиради», деб ёзади. Шоирнинг бадий санъатлар воситасида шеърға сайқал беришини мусаввирнинг ўз нақшлари б-н уйга пардоз беришига ўхшатади.

Беруний (973–1048) «Осор ул-боқия», «Ҳиндистон», «Ал-жавоҳир», «Сайдана» асарларида ўз фикрларининг далили сифатида 150 дан ортиқ шоирнинг шеърларидан намуналар келтириб, уларни таҳлил этади, ноҳақ танқидлардан ҳимоя қилади. Шоирлар табиятдаги нарса-ҳодисаларнинг аниқ хусусиятларини эмас, балки кишилар тасаввурдаги ҳолатларини образли усулда тасвирлашларини алоҳида қайд этади, шеърят конкретлик эмас, шартлиликка асосланшини таъкидлайди. У машҳур араб шоирлари Абу Таммом ва Абу Нувослар ижодига бағишлаб «Шарҳу девону Абу Таммом», «Шарҳу девону Абу Нувос» номли рисоалар ҳам ёзган. Умуман, шеърят таҳлили масалаларига бағишланган «Китоб ат-тааллул ба иҳолат ал-вахм фи маони назм ав лил-фазл» («Фазл аҳди шеърларида айтилган фикрларни баён қилиш китоби»), «Китобу мухтор ал-ашъор ва ал-осор» («Танланган шеърлар ва асарлар китоби») асарлари ҳам мавжуд.

1000-й.да Бухорода ёзган «Ҳикмати аруз» рисоласида аруз масалаларини чуқур текширган Ибн Синонинг (980–1037) адабий қарашлари Аристотель ва Форобий таъсирида шаклланган. У Аристотелнинг «тасвирлаш», воқеликни «қайтадан яратиш» ҳақидаги қарашларини шарҳлаган ва ривожлантирган, бадий тўқиманинг ижоддаги аҳамиятига кенг тўхталган, антик адабиётдаги адабий жанрлар, хусусан, фожиа жанрининг батафсил тавсифини берган. Алломанинг адабий-назарий қарашлари унинг «Китоб аш-шифо» асарининг «Мантиқ» қисмидан ўрин олган «Риторика», «Шеър санъати» фаслиларида ўзининг мукамал ифодасини топган. «Шеър санъати» фаслида, жумладан, сўз образли қилиб айtilса, киши руҳига ўзгача таъсир қилиши, шеър истиора ва мажоз уйғунлигидан ҳосил бўлиши, уч

нарса — оҳанг, сўз ва вазни б-н руҳга таъсир қилиши хусусида ёзади.

Маҳмуд Замахшарий (1075–1144) ҳам адабиётшунослик ривожига муносиб ҳисса қўшган. Унинг «Муқаддимат ул-адаб» («Адаб илмига муқаддима») номли машҳур асарида услубшунослик ва шеършунослик ҳақида ҳам фикр юритилган, бадий тасвир воситаларига қисқа ва аниқ изоҳлар берилган, жумладан, киноя б-н таъриз орасидаги фарқ кўрсатиб берилган. «Асос ул-балоға» («Бадийят асослари») асарида ҳам фикрнинг чиройли ва таъсирчан ифодалаш, образли иборалардан фойдаланиш йўллари хусусида сўз юритилган. «Ал-кустос фил-аруз» («Арузда ўлчов») рисоласи аруз назариясига бағишланган.

Ёқут Ҳамавийнинг «Мўъжам ул-удаб» («Адиблар анжумани») асарида маълумот беришча, Хоразмшоҳ Маъмуннинг вазири Суҳайлий адабиётшуносликка оид «Китоб ар-равдат ас-Суҳайлия фил-авсофи ва ташибҳот» («Васфлар ва ташбеҳлар ҳақида Суҳайлий боғи»), шунингдек, Ҳасан ан-Найсабурий ал-Хоразмий «Адиб девонига тузатишлар» ва Мансур ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-дахр» («Замонасининг дурдонаси») китобига илова тарзда таъкираси яратган. Абул Аббос Жазфар ан-Насафийнинг (961–1041) «Китоб аш-шеър ва ш-шуаро» («Шеърят ва шоирлар ҳақида китоб»), Абу Усмон ан-Насафийнинг (ваф. 952) «Ал-адаб ва ш-шеър» («Адабиёт ва шеърят ҳақида китоб») асарлари ҳам ўз даврида машҳур бўлган. Бу асарларнинг барчаси ўша даврда илмий тил ҳисобланган араб тилида ёзилган.

10–12-а.ларда форс тилида ҳам адабиётшуносликка оид асарлар яратилди. Улар орасида бадий санъатларга бағишланган Муҳаммад Родуёнийнинг «Таржумон ул-балоға» («Бадийят таржимони», 1114) ва Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадойиқ ус-сеҳр фи лақойиқ аш-шеър» («Сеҳр боғлари ва шеър нозикликлари», 1156) асарлари машҳур бўлиб, ўзидан кейин яратилган адабиётшунослик йўналишидаги асарларга кучли таъсир кўрсатган. Мас., Шамс Қайс Розий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Бобур адабиётшуносликка оид асарларида «Ҳадойиқ ус-сеҳр»га мурожаат қилганлар. Шарафуддин Ромий (14-а.) унга «Ҳадойиқ ал-ҳақойиқ» («Ҳақиқат боғлари») номли шарҳ битган.

Ахлоқий-дидактик мавзулардаги асарларда ҳам муаллифларнинг турли-туман адабий кузатишлари ўрин олган. Мас., Кайковус «Қобуснома»сининг (1083) 35-, Низомий Арузий Самарқандий «Чаҳор мақола» («Тўрт мақола») асарининг

(1156) 2-боби шеър ва шоирлик масалаларига бағишланган. Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Абу Саъид Гардизийнинг «Зайн ул-аҳбор» («Хабарлар зийнати»), Низомулмулкнинг «Сияёсатнома» каби тарихий асарларида ҳам адабий жараён ва унинг намояндалари ҳақида маълумотлар, адиблар ва уларнинг асарларига баҳолар берилган.

Мўғуллар истилоси туфайли юзага келган ялпи таназзул адабиётшуносликни ҳам четлаб утмади. 13-а.да яратилган, Шарқ мумтоз адабиётшунослиги тараққиётига кучли таъсир кўрсатган ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Шамс Қайс Розийнинг «Ал-муъжам фи маъойири апшори-л-ажам» («Ажам шеър ўлчовлари луғати», 1217–33) асари 2 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмида аруз, 2-қисмида бадий санъатлар ҳақида фикр юритилган. Хотима қисмида шеър назарияси ва шоирлик шартлари, шоир ва мунаққид муносабати хусусидаги муҳим кузатишларини баён қилиб, бадий бўш шеърлар ва истельодсиз шоирларни танқид қилади.

Адабиётшуносликка оид фикрларнинг муайян тизимга солинган кўринишлари таъкираларда учрайди — уларда шоирлар шеърларидан намуналар келтирилиб, ижоди ҳақида фикрлар билдирилган. 13-адан форс тилида ҳам таъкиралар яратила бошлади. Муҳаммад Авфий Бухорийнинг «Лубоб ул-албоб» («Билимлар мағзи», 1222–23) таъкирасида 9–13-а.ларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод қилган қарийб 300 шоирнинг таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақида маълумот, асарларидан намуналар берилган. 2 жилд, 12 бобдан иборат таъкиранинг дастлабки 2 бобида муаллиф шеър фазилиги ва шоирлик салоҳияти, 3–4-бобларида форсий тилда яратилган илк шеър ва шоир хусусида баҳс юритади.

Сайфи Саройи (1321–98) маснавий шаклидаги «Шоирлар таърифида» шеърда адабиётнинг муқаддаслиги, сўз ва ижодга муносабат хусусида фикр юритади, оҳорли ва теран маъноларни гўзал ва бадий юксак ифодаловчи шоирларни мақтайди.

15-а. адабиёт ва адабиётшуносликка юксалиш даври бўлди. Бу даврда яратилган Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фунун ул-балоға» («Бадийят илмлари»), Воҳид Табризийнинг «Жамъи мухтасар», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор» («Фикрлар бадийлиги ва шеърӣ санъатлар»), Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ-ус-санойиъ» («Аруз вазни ва бадий воситалар ҳақида»), Сайфий Бухорийнинг «Аруз», «Радойиф ул-ашъ-

ор» («Шеърларнинг радифлари»), Яҳё Себакнинг арузга бағишланган 2 рисо-ласи, Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови»), «Муфрадот» («Рисолаи муаммо») каби асарлари Шарқ мумтоз адабиётшунослигининг нодир намуналари ҳисобланади.

Бу давр ўзбек тилида адабиётшуносликка оид қатор асарлар яратилганлиги б-н ҳам алоҳида ажралиб туради. Адабиётшуносликка бағишланган ўзбек тилидаги ilk асар — Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоғ» асаридир. Ушбу асар 15 қисмдан ibорат бўлиб, 1-қисми шеър турлари, 2-қисми қофия ва радиф, 3-қисми бадий санъатлар, 4-қисми арузга бағишланган (муаммога оид 5-қисми йўқолган). Унда 10 та шеър тури, 97 та бадий санъат ҳақида кенг маълумот берилади, аруздаги баҳрлар сони 40, зиҳофлари 366, вазнлар тури 120 тага етказилади. Аруз вазни бўйича ўзбек тилидаги дастлабки назарий қўлланмалардан бўлган «Мезон ул-авзон»да арузнинг 19 баҳри, зиҳофлари, рукнлари ва б. унсурлари, рубоий вазнлари кенг ёритилиб, ўзбекча мисоллар ёрдамида тушунтирилади, туюқ, чинга, мустазол, арузворий, буди-будойий ва б. туркий шеър-ий вазнлар ҳақида ҳам кенг маълумот берилади.

Алишер Навоий даввати б-н битилган ва унга бағишланган Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ ус-санойиъ» (1493) асари адабиёт назарияси бўйича энг мукам-мал асар ҳисобланади. 15-а.гача илми бадёъга оид асарларда қайд этилган бадий санъатлар 84 тадан ортқ бўлмаган. Воиз Кошифий улар сонини 110 тага етказган бўлса, Ҳусайний китобида 147 та санъат берилган, шундан 32 тасини унинг ўзи кашф этган. Олим биринчи бўлиб санъатларни лафзий, маънавий ва лафзю маънавийга ажратади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарида 10–15-а.ларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган 156 шоир ҳақида маълумот берилади. Туркий тилда яратилган ilk тазкира Алишер Навоийнинг 15-а.нинг 40-й.ларидан 90-й.ларигача бўлган адабий муҳитида фаолият кўрсатган 459 шоир ҳақида маълумот келтирилган «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар»)идир. Унда ҳар бир шоирнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди, ахлоқи, дунёқараши, бадий маҳорат даражаси б-н боғлиқ энг муҳим чизгилар берилган. Ўз даври адабий муҳитини жанрлар ранг-баранглиги б-н ҳаққоний тасвирлаган «Мажолис ун-нафоис» ўзидан кейинги туркий ва форсий тазкиранависликка кучли таъсир кўрсатди.

Алишер Навоийнинг бошқа асарларида ҳам адабиётшуносликка доир теран кузатишлар мавжуд. «Хамса» дoston-ларида Низомий, Деҳлавий, Жомий, Ашраф, Суҳайлий каби ўзининг хамсанавис салафлари маҳорати ва асарлари ҳақида гапириб, уларнинг у ёки бу воқеа, тимсолларга муносабатини таҳлил қилади, сўз санъати, шеър ва шоирликнинг муҳим назарий масалалари хусусида фикр юритади. Бу ҳол «Балоеъ ул-билоя», «Наводир ун-ниҳоя», «Хазойин ул-маоний» девонларига ёзган дебочаларида ҳам учрайди. «Маҳбуб ул-қулуб»да гоъвий йўналишидан келиб чиқиб, ижод аҳлини илоҳий ишқни куйлаган, дунёвий севгини тараннум этган ҳамда ўз асарларида илоҳий ва дунёвий муҳаббатни омухта қилган шоирларга ажратади. «Соқийнома»си шеър-ий эс-далиқ характерида бўлиб, унда замонасидаги шоирлар тўғрисида алоҳида-алоҳида сўз юритилади. «Хамсат ул-мутаҳайирийн» («Беш ҳайрат»)да Жомийнинг шоир ва шахс сифатидаги сиймоси гавдалантирилган бўлса, «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» манокбида салафлари ва ўз даври шоирлари ҳақидаги фикрлари ўз аксини топган.

Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» («Гўзал хулқлар») манокбининг 3-боби «Шеърнинг афзалликлари ва шоирларнинг баланд мартабалари ҳақида» деб аталиб, унда шеър ва шоирлик, Алишер Навоийнинг санъаткор сифатидаги маҳорати, ижодий фаолияти хусусида фикр юритилиб, «Хазойин ул-маоний», «Хамса» ҳамда қатор тарихий ва илмий асарларига юқори баҳо берилган, «Назм ул-жавоҳир» мисолида рубоий жанрини юксак чўққига олиб чиққани кўрсатиб берилган.

Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Али Сафийнинг «Латойиф ут-тавоиф» («Латофатнома») каби ахлоқий-дидактик мавзудаги асарларида ҳам шеър ва шоирлик масаласига алоҳида боблар бағишланиб, муаллифларнинг адабий-танқидий қарашлари акс этган. Мас., «Баҳористон»нинг 7-боби тазкира характерида бўлиб, шоирлар зикри ва шеър таърифи бағишланган бўлса, «Латойиф ут-тавоиф»нинг алоҳида 1-боби «Шоирларнинг ажойиб санъатлари ва фикрларнинг бадий гўзаллиги» деб аталиб, унда шоирларнинг шеър-ий санъатларни қўллашдаги маҳорати хусусида сўз боради.

Ҳусайн Бойқаро «Рисола» асарида ўз даврида адабиётнинг гуллаб-яшнагани, кўплаб истеъдодли шоирлар етишиб чиққанини таъкидлаб, Навоий ижоди-

га батафсил тўхталади. Ўз даври адабий муҳити, унинг машҳур намояндalари, жанрлар тараққиёти ва б. тўғрисида маълумот беради.

16-а. адабиётшунослигининг мукам-мал намунаси «Мухтасар» бўлиб, унда Бобур аруз вазнининг 248 турини аниқ-лади, арузнинг қатор вазн, зиҳоф ва фаръларини топиб, янги доира ишлаб чиқди, арузнинг баъзи ноаниқ масалаларига аниқлик киритиб, уни янги қарашлар б-н бойитди; ўзгача бўлган аруз ҳақидаги барча фикрларни умумлашти-риб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб берди. Тарихий-мемуар ха-рактердаги «Бобурнома» асарида ҳам давр адабиёти, унинг машҳур намояндalарига теран илмий-назарий муноса-бат, шеър ва шоирлар тўғрисидаги му-ҳим кузатишлар бор; у адибларнинг му-ваффақиятлари сирларини кўрсатиб бе-риш б-н бирга, уларнинг камчиликла-рини ҳам очиб ташлайди. Мас., Бадрид-дин Ҳилолий ғазалларини мақтагани ҳолда, «Шоҳ ва дарवेश» дostonини маз-муни саёз ва композицияси бўшлиги учун танқид қилади. Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома», Муҳаммад Юсуф Муншйининг «Тарихи Муқим-хоний», Мирмуҳаммад Амин Бухорий-нинг «Убайдуллонома», Шарафуддин Роқимийнинг «Тарихи томм» каби та-рихий асарлари ҳам давр адабий муҳи-ти, унинг етакчи вакиллари, машҳур асарлар хусусида маълумотлар бериши жиҳатидан адабий аҳамиятга ҳам эга. Нурмуҳаммад Насафийнинг «Мазҳар ул-мусаннифин» («Адиблар баёнида») аса-рида ҳам муҳим адабий факт ва куза-тишлар мавжуд.

16-а.да Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилган 288 шоир ҳақида маълумот берувчи Ҳасан-хожа Нисорийнинг «Музақкири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси», 1566) тазкираси ҳам ўша давр адабий муҳити, шеър-ият масалалари, адабий алоқа ва таъсир ҳақида муҳим маълумотлар беради. Мут-рибийнинг «Тазкират уш-шуаро»си (1605) 16-а.нинг 2-ярмида яшаган 328 шоир ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Уларнинг 270 дан ортиги мовароуннаҳрликдир. Кейинчалик у ўз тазкирасини Ҳиндистонга борганида Жаҳонгиршоҳ тақдим этган 81 шоир тўғри-сидаги маълумотлар б-н бойитади ва «Нусхаи зебои Жаҳонгир» (1625) деб атади. У тазкирада келтирилган ғазал, қасида ва б. жанрдаги асарларнинг вазнларини аниқлашга ҳаракат қилади. Тазкира Мовароуннаҳр, Озарбайжон ва Ҳиндистон ўртасидаги адабий-маданий

алоқалар, ўша даврда мавжуд адабий оқимлар тўғрисида кенг маълумот бериши б-н ажралиб туради. Малеҳо Самарқандийнинг «Музокир ул-асҳоб» («Сухбатдошлар зикри», 1692) таъкираси Мовароуннаҳр ва Эронда яшаб ижод қилган 200 га яқин шоир ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Муаллиф асосан ўзи суҳбатдош бўлган шоирлар ҳақида ёзганлиги таъкиранинг илмий-адабий қимматини оширади.

Амир Умархон саройининг малик ушшуароси Фазлий Намангоний томонидан ўзбек адабиётшунослиги тарихида илк бор шеърӣ шаклда ёзилган «Мажмуаи шоирон» («Шоирлар мажмуаси», 1821) таъкирасида Қўқон адабий муҳитининг 100 дан ортиқ намоянаси ҳақида маълумот бор.

Феруз топшириғига кўра Аҳмаджон Табибий «Мажмуан си шуарои пайрави Ферузшоҳӣ» («Шоҳ Ферузга пайралик қилган ўттиз шоир мажмуаси», 1908) таъкирасига Ферузнинг 101 ғазалига 30 та шоир ёзган татаббуларни киритади. «Мажмуаи мухаммасоти аш-шуарои Ферузшоҳӣ» («Шоҳ Феруз даври шоирлари ёзган мухаммаслар мажмуаси», 1909) таъкирасида 32 шоир мухаммасларидан намуналар бериллади. Таъкирлар Фазлийга эргашиб, шеърӣ йўлда ёзилган бўлиб, унда мазкур шоирларнинг таржимаи ҳоли, касб-кори, асарлари ва маҳорат даражаси ҳақида батафсил маълумотлар бериллади.

Мунисининг «Шеър» номли китъаси шеър ва унинг моҳиятига бағишланган бўлса, «шуаро» радибли ғазали замон шоирларининг аччиқ қисматидан баҳс этади; «манга» радибли ғазалида шеърӣ риятдаги устозларига баҳо берса, «сўз» радибли ғазалида сўзнинг қадри ва аҳамияти ҳусусида фикр юритади. Фурқат «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси ҳусусида» деб номланган маснавийсида адабиётнинг мазмун-моҳияти ва ижодкорнинг вазифаси ҳақида мулоҳаза юритиб, шеърӣят ҳаётга яқин бўлиши, шоир мавжуд воқеликни акс эттириши, эзгулик ва гўзаллик куйчиси бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

19-а. охири — 20-а. бошларида ижтимоий ва маданий ҳаётда рўй берган ўзгаришлар адабиётшуносликда ҳам ўз аксини топди. Шу даврда тарих саҳнасига чиққан жадид адабиёти намоёндалари ўзбек халқини ижтимоий ва маданий тангликлдан олиб чиқиш мақсадида даврнинг долзарб ва муҳим масалалари юзасидан қатор публицистик мақолаларни эълон қилдилар. Айни пайтда адабиёт ва санъатнинг ватан ва миллат олдидаги масъулиятини ҳис қилишга, унинг янги

тарихий шароитдаги мақсад ва вазифаларини белгилаб олишга қаратилган адабий-танқидий мақолалар б-н чиқдилар. М.Абдурашидхоновнинг «Турон» театри очилишида сўзланган нутқ», М.Бехбудийнинг «Тиётр надур?», Чўлпоннинг «Адабиёт надир?», «Муҳтарам ёзувчиларимизга» каби мақолаларида (1914) адабиёт ва санъатнинг янги ғоявий-эстетик тамойиллари белгилаб берилди. 1913—14 й.ларда «Ойна» жур.и ва «Садои Туркистон» газ.нинг нашр этилиши адабий танқид б-н бирга санъатшунослик (театршунослик ва мусиқашунослик) ҳам вужудга кела бошлади. «Чигатой гурунги» (1919—21) ташкилотининг майдонга келиши б-н танқидчиликнинг бу барча турларида жонланиш сезилди. Аммо «Чигатой гурунги»нинг миллий адабиёт анъаналарига таянган янги ўзбек адабиётини яратиш йўлидаги уринишлари совет давлатининг қаршичилиғига учради. 1921 й. мазкур ташкилот тарқатилиб, унинг ўрнига 1922 й.да Туркистон Маориф халқ комиссарлиғи (МХК) қошида Илмий ҳайъат тузилди. Бу ҳайъатга ўзбек тили, имлоси ва адабиёти б-н шуғулланиш вазифаси топширилди. 1925 й.да мазкур ҳайъат Илмий марказ сифатида қайта ташкил қилинди. 1929 й.да комиссарлик ҳузуринда Ўзбекистон давлат и. т. институти барпо этилиб, тил ва адабиёт масалалари б-н шуғулланиш ин-тнинг маданий қурилиш бўлимига юклатилди. 1931 й.да шу бўлим базасида Маданий қурилиш и. т. институти тузилди ҳамда ин-тнинг тил ва адабиёт бўлимлари 1934 й.да МХК ҳузуриндаги Фан комитетининг Тил ва адабиёт и. т. институти (ҳоз. Алишер Навоий номлидаги Тил ва адабиёт ин-ти)га айлантирилди. Хуллас, 1922 й.дан 1934 й.гача бўлган ташкилий ўзгаришлар даврида адабиётшунослик секин-аста советлаштириб борилди.

20-а.да юзага келган тарихий шароит қандай қарама-қарши воқеалардан таркиб топган бўлмасин, адабиётшунослик худди шу даврда ижтимоий фан тармоғи сифатида майдонга келди ва қўйидаги шаклланиш босқичларини босиб ўтди: 1. Замонавий адабий танқид ва адабиётшуносликнинг туғилиши (10-й.лар). 2. Адабий танқид ва адабиётшуносликнинг шакллана бошлаши (20-й.лар). 3. Адабиётшуносликнинг адабий танқиддан ажралиб чиқиши ва фан сифатида тўла шаклланиши (30—40-й.лар). 4. Адабиётшунослик фанининг ривожланиши ва тармоқланиши (50—80-й.лар). 5. Мустақиллик даври адабиётшунослиги (1991 й.дан).

1-даврда юқориди тилга олинган ёзувчилардан ташқари, Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, С.Айний, Ғози Юнус, М.Шермухамедов, Ҳожи Муин, А.Зохирӣ, Хуршид ва б. ёзувчилар шу даврдаги ўзбек адабиёти ва санъати ҳамда адабий-маданий жараён масалаларига бағишланган мақолалари б-н замонавий танқидчиликка асос солдилар. Бу мақолалар айна пайтда ҳам адабий танқид, ҳам адабиётшунослик, ҳам санъатшунослик, ҳам тилшуносликнинг дастлабки намуналари бўлди.

1919 й.да М.Бехбудийнинг фожиали ўлими муносабати б-н у ҳақда туркум мақолалар эълон қилинди. Бу ҳол муайян ёзувчи ижодига бағишланган адабиётшунослик йўналишидаги мақолаларнинг яратила бошлашига муҳим туртки берди. Чўлпон, Фитрат, А.Авлоний, Элбек, М.Шермухамедов, А.Саъдий, А.Алавий, Л.Олимий, Зиё Саид, Боту, Ш.Сулаймон, Т. Аъламов, Отажон Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Юнус Латиф ва б.нинг адабий жараён масалаларига, Фитрат, Вадул Маҳмуд, Л.Олимий, Ш.Сулаймон, Неъмат Ҳаким ва б.нинг ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётига бағишланган рисола ва мақолалари Ўзбекистонда адабиётшунослик фанининг шаклланишида пойдевор вазифасини ўтади. А.Саъдийнинг «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари» (1925), Фитратнинг «Адабиёт қондалари» (1926) рисолалари б-н миллий адабиёт назариясини яратиш ишлари бошланди.

1927 й.да Олим Шарафидинов ва У.Эшонхўжаевнинг Чўлпонга қарши мақолаларининг эълон қилиниши б-н адабий танқид ва адабиётшуносликда вульгар социологизм кўринишлари кучайди. Тил ва адабиёт ин-ти томонидан нашрга тайёрланган «Адабиёт соҳасида илмий текширишлар» (1934), «Ижодий ўсиш йўлида» (1936), «15 йил ичида ўзбек совет адабиёти» (1939) тўпламлари, М.Б.Солиҳовнинг «Ўрта Осий ва ўзбек адабиётига умумий қараш» (1930), А.Саъдийнинг «Ўзбек буржуа адабиёти. XIX—XX аср» (1934) каби китобларда ўтмиш ва замонавий адабиётга ёндашувда синфийлик ва партиявийлик мезонлари устуворлик қилди. Шунга қарамай, шу даврда, биринчидан, «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» (1935) монографиясининг яратилиши катта воқеа бўлди. Ойбек бу тадқиқоти б-н адабиётшуносликка ёзувчи ижодини ғоявийлик, миллийлик ва маҳорат муаммолари орқали текширишнинг янги илмий методини олиб кирди. Иккинчидан, шу даврда, бир томондан, Навоий (Ойбек, О.Шарафидинов), иккинчи томондан,

Ҳамза (С.Ҳусайн, Ю.Султонов) ҳаёти ва ижодини илмий ўрганиш, асарларини нашр этиш ишлари бошланди. Учинчилан, Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» (1927), «Ўзбек адабиёти намуналари» (1-ж., 1928), А.Садий ва П.Шамсиевнинг «Ўрта мактаб адабиёт дарслари учун ёрдамчи материаллар» (1933) каби дарслик, мажмуа ва ўқув қўлланмалари яратилди. Бу дарслик ва мажмуаларда биринчи марта Навоий, Бобур, Муқимий, Гулханий, шунингдек, М.Бехбудий, Тавалло, Сидқий Хондайлиқий, Авлоний, Сўфизода, С.Айний, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон сингари ёзувчилар ҳақида маълумотлар ва улар ижоди намуналари берилди. Адабиётни мактабда ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди. Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» (1926), «Аруз ҳақида» (1936) ва Иззат Султоннинг «Адабиёт назарияси» (1939) илмий асарлари б-н ўзбек миллий адабиёти ва, умуман, баъдий адабиётнинг назарий масалалари ишлана бошлади. Аммо 1937 й.да кўпглаб ёзувчиларнинг қатагон этилиши, жадид ёзувчиларнинг буржуаз-миллатчи адабиёт намояндalари деб эълон қилиниши, 2-жаҳон уруши йилларида ижтимоий фанларга эҳтиёж ва эътиборнинг бўлмагани, урушдан кейинги йилларда эса компартиянинг мафкура масалалари бўйича чиқарган қарорлари шаклланиб келаётган адабиётшунослик фанига катта зарар етказди. Адабиётшунослик ва танқидчиликда вулгар социологизмнинг сохта «ғоялар»и тантана қилди. Аммо Ойбек ва А.Дейчнинг «Алишер Навоий», Ҳ.Зарипов ва В.Жирмунскийнинг «Ўзбек қаҳрамонлик эпоси» тадқиқотлари, Ҳамид Олимжон томонидан нашрга тайёрланган «Алпомиш» эпосининг чоп этилиши шу давр адабиётшунослигида муҳим воқеа бўлди.

Ўзбек адабиётининг 1917 й.дан кейинги тарихини яратиш 50-й.ларда адабиётшунослик олдида турган асосий вазифалардан бири бўлди. Тил ва адабиётнинг бир гуруҳ олимлари шу давр адабиётининг Ҳамза, С.Айний, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари йирик намояндalари ижоди ҳамда ўзбек адабиётининг турли даврларини ўрганиб, қатор рисоалар яратдилар. Айни пайтда 1917 й.дан кейинги ўзбек адабиёти тарихининг 2 ж.ли «Очерклар» (1961–62), рус тилида 1 ж.ли (1967), ўзбек тилида 3 ж., 4 китобдан иборат (1967–72), яна рус тилида 4 китобдан «Ўзбек адабиёти тарихи» (1987–94) тадқиқотлари майдонга келди. Муамтоз ва

замонавий ёзувчилар ижодини монографик ўрганиш ишлари, айниқса, авж олиб, Навоий (А.Ҳайитметов, В.Зоҳидов, М.Шайхзода, А.Қаюмов, С.Ғаниева), Лутфий (С.Эркинов), Муқимий (Ғ.Каримов, Ҳ.Зариф), Фурқат (А.Абдугафуров, Ш.Юсупов), Ҳамза (Ю.Султонов, Л.Қаюмов, Ғ.Мўминов), Фафур Фулом (Ҳ.Ёқубов, С.Мамажонов, Н.Шукуров), Ойбек (Ҳ.Ёқубов, М.Кўшжонов), Ҳамид Олимжон (С.Азимов, Н.Каримов), Абдулла Қаҳҳор (М.Кўшжонов, И.Боролина, Ҳ.Абдусаматов), Яшин (Ҳ.Абдусаматов), Собир Абдулла (М.Абдураимова) ва б. ёзувчилар ижодига бағишланган тадқиқотлар яратилди. Монографик тадқиқот шу давр адабиётшунослигининг етакчи жанрига айланди.

50-й.ларнинг 2-ярмида Сталин шахсига сизиниш фожиали оқибатларининг фош этилиши ва 30–50-й.ларда ноҳақ қатагон этилган кишиларнинг оқланиши муносабати б-н ўзбек адабиётининг Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Фулом Зафарий, Ғози Юнус, Зиё Саид, Усмон Носир сингари ўнлаб намояндalарининг пок номлари ва ўзбек адабиёти тарихидаги ўринларини тиклаш йўлида жиддий уринишлар олиб борилди. Адабиётшунослик олимлар мавжуд имкониятдан фойдаланиб, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» (нашрга тайёрловчи И.Султонов) ва «Меҳробдан чаён» (нашрга тайёрловчи С.Азимов) романларини баъзи бир қисқартиришлар б-н бўлса-да нашр этдилар. Ёзувчининг ҳаёт ва ижод йўлини мукамал ўрганиб (И.Султонов, А.Алиев), ҳатто адабиёт тарихи очеркларига унга бағишланган адабий портретнинг ўрин олишига муваффақ бўлдилар. Кейинчалик Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш ишига М.Кўшжонов, И.Мирзаев ва б. адабиётшунослар ҳам астойдил киришдилар. Ўша кезларда атоқли адиб ижодининг турли қирраларини монографик режала ўрганиш тамойили кейинчалик Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти (С.Мирвалиев) ҳамда Ўзбекистон Миллий ун-тидаги (У.Норматов, Б.Каримов) адабиётшуносларнинг янги авлоди томонидан давом эттирилди ва қодирийшунослик ўзбек адабиётшунослигининг янги бир тармоғи сифатида шаклланди.

60-й.ларда ўзбек адабиётшунослигида юз берган кўтарилиш кўпглаб и. т.ларнинг яратилиши, биринчи навбатда, адабиётшунослик олимлар профессионал малакасининг ошиши б-н характерланади. Профессионализм худди шу даврда ўзбек адабиётшунослигининг муҳим белгиларидан бири даражасига эришди.

60-й.ларнинг ўрталарида Ўзбекистондаги адабиётшунослик фанининг юксалишида ўзбек адабиётшуносларининг рус ва қардош адабиётшунослар б-н ўзаро алоқалари ижобий роль ўйнади. «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1967)нинг Москвада рус тилида нашр этилиши, ўзбек олимларининг Москвада чоп этилган 6 ж.ли «Кўп миллатли совет адабиёти тарихи» (1970–74)нинг, шунингдек, «Адабий энциклопедик лугат» (М., 1987) яратилишида иштирок этишлари ана шу илмий ҳамкорликнинг самарасидир. Шу даврдаги адабиётшунослик фанининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у ҳоз. адабиётнинг назарий муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор берди. Роман (С.Мирвалиев), қисса (А.Аброров), ҳикоя (Н.В.Владимилова, М.Султонова, Ш.Турдиев), очерк (И.Мирзаев), дoston (Н.Раҳимжонов, И.Тўлаков), драматургия (Ҳ.Абдусаматов) каби адабий тур ва жанрларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳамда назарияси, сатира ва юмор (Ҳ.Абдусаматов ва Н.Раҳимов), адабий танқид (Б.Назаров) сингари соҳалар, адабий анъана ва новаторлик (М.Юнусов) каби муҳим илмий муаммоларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар майдонга келди. Бундан ташқари, шу йилларда ўзбек адабиёти ва адабий танқид босиб ўтган йўл ҳамда адабий жараённинг муҳим масалаларига, шунингдек, йирик ёзувчилар ижодига бағишланган илмий тўпламлар («Адабиётимизнинг ярим асри», 1975; «Адабиёт ва замон», 1980; «Адабий портретлар», 1985; «Ўзбек совет адабий танқид тарихи» (2 ж., 1987; «Адабиёт ва санъат», 1988 ва б.) нашр этилди. 70–80-й.ларда 20-а.да яшаб ижод этган ёзувчилар тўла асарлар тўпламининг илмий нашри яратилди (Ойбекнинг 20, Ҳамид Олимжоннинг 10, Фафур Фуломнинг эса 12 ж.дан иборат «Мукамал асарлар тўлами»). Шу даврда О.Шарафиддинов, Э.Каримов, Ш.Турдиев, Ҳ.Болтабоев, А.Алиев ва б. адабиётшуносларнинг Чўлпон ва Фитрат ижодига бағишланган мақола, рисола ва монографиялари майдонга келди. 90-й.лар арафасида бошланган бу жараён мустақиллик йилларида ўз самараларини берди. Чўлпон ва Фитрат сингари ёзувчиларнинг адабий мероси секин-аста халққа етказила бошлади. Худди шундай жараён 20-а. бошларида майдонга келган ва ўзбек халқининг миллий уйғонишида фаоллик кўрсатган жадид адабиёти ва бу адабиёт намояндalарини оқлаш масаласида ҳам кечди. Жадид адабиёти ва унинг йирик

намоёндалари ҳаёти ва ижодини ўрганишда Ш.Ризаев, А.Алиев, Ш.Турдиев, С.Аҳмад, Ҳ.Болтабоев, Б.Дўстқороев, У.Долимов, айниқса, Б.Қосимовнинг хизматлари катта. Б.Қосимовнинг шу соҳада олиб борган изланишларининг илмий якуни — «Миллий уйғониш» (2002) монографиясининг юзага келиши адабиётшуносликда муҳим воқеа бўлди. Шу муаллиф раҳбарлигида тайёрланган «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» (2004) ўқув қўлланмаси ҳам эътиборга сазовор.

Мустақиллик даврининг бошланиши 6-н ўзбек адабиётининг 20-а.да босиб ўтган мураккаб йўлини, шунингдек, айрим ноҳақ унутилган ёки кўкка кўтарилган ёзувчилар ижодини қайта идрок этиш ва баҳолаш зарурати тугилди. Бу, биринчи навбатда, совет даврида ҳаддан зиёд идеаллаштирилган Ҳамза ҳаёти ва ижодига алоқадор масала эди. Ҳамза таваллудининг 100 йиллиги муносабати 6-н 5 жли «Тўла асарлар тўплами» (1988—89) илмий нашрининг яратилиши шоир ижодини ҳолисона ўрганиш ишида мустақкам замин бўлиб хизмат этди. Қолаверса, мустақиллик йилларида М.Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Ғоzi Юнус, Фулом Зафарий, Вадуд Маҳмуд сингари «унутилган» ёзувчилар ижодининг ўрганилиши Ҳамзанинг 20-а. ўзбек адабиётидаги ўрнини тўғри белгилаш имконини берди. Ўзбек адабиётининг сўнгги бир аср ичида босиб ўтган йўлини қайта идрок этиш ва баҳолаш бўйича олиб борилган ишларнинг натижаси сифатида ўрта мактабларнинг 11-синфи учун «XX аср ўзбек адабиёти» (1993, Н.Каримов, Б.Назаров, У.Норматов) ҳамда олий ўқув юртли филология ф-тларининг талаблари учун «XX аср ўзбек адабиёти тарихи» (1999, Н. Каримов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, У.Норматов ва б.) дарсликлари яратилди.

Мустақиллик йилларида адабиётшунослик эришган энг катта ютуқ жадид адабиётининг миллий уйғониш даври адабиёти сифатида ўрганилиши, М.Бехбудий, А.Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Сидқий Хондайлиқий, Ибрат, Ажзий, Сўфизода ва б. ёзувчилар қаламига мансуб асарларнинг нашр этилиши ҳамда уларга бағишланган илмий талқиқотларнинг яратилиши, шунингдек, Абдулла Қодирий ижодининг янги тафаккур асосида ўрганилишидир. Шу маънода О.Шарафиддиновнинг «Чўлпон», «Чўлпонни англаш», Н.Каримовнинг «Чўлпон», «Миллатни уйғотган шоир», «Усмон Носирнинг сўнгги кунлари», У.Норматовнинг «Қодирий боғи», «Қаҳҳорни англаш машаққати»,

С.Мирвалиевнинг «Абдулла Қодирий», Б.Қосимовнинг «Маслакдошлар», Б.Қосимов ва У.Долимовнинг «Маърифат даргалари», Ҳ.Болтабоевнинг «Абдурауф Фитрат», «Фитратнинг илмий мероси», Б.Каримовнинг «Вадуд Маҳмуд», «Чўлпон ва танқид», Д.Қуროновнинг «Чўлпон насри поэтикаси», А.Алиевнинг «Маҳмудхўжа Бехбудий», «Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат», И.Ғаниевнинг «Фитрат драмалари поэтикаси», «Фитрат ва фитратшунослик» сингари монография ва рисодаларининг юзага келиши адабиётшуносликнинг мустақиллик йилларида янада ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Адабиётшуносликнинг 60—70-й.ларда бошланган тармоқланиши кейинги йилларда, айниқса, равшан кўринди. Навоийшунослик фан тармоғи 6-н бир қаторда кейинги йилларда тасаввуфшунослик, яссавийшунослик, бобуршунослик, фуқратшунослик каби, шунингдек, ҳамзашунослик 6-н бирга бехбудийшунослик, фитратшунослик, чўлпоншунослик, ойбекшунослик сингари янги фан тармоқлари пайдо бўлди ва бу соҳаларда самарали изланишлар олиб борилди.

И.Султоннинг тилга олинган дарслигидан кейин адабиёт назарияси масалаларини ўрганиш узоқ йиллар мобайнида адабиётшунос олимлар эътиборидан четда қолиб келди. 90-й.лар арафасида адабиётшунослик фанининг шу соҳасида бошланган янги ҳаракатнинг ташаббускори яна И.Султон ўзи бўлди. Унинг «Адабиёт назарияси» (1986) дарслиги 6-н олдинма-кейин Т.Бобоев, Э.Худойбердиев, Ҳ.Умуров ва Д.Қуროновнинг ҳар бири яққа ҳолда «Адабиётшуносликка кириш», «Адабиёт назарияси» дарсликларини яратдилар. И.Султоннинг тамомила қайта ишланган дарслиги эса 2005 й. талабалар қўлига тегди. Бундан ташқари, А.Ҳожиаҳмедов, В.Раҳмоновларнинг мумтоз ўзбек шеърояти бадиияти масалаларига бағишланган қатор китоблари юзага келди.

Адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидан яна бири адабий жараённи кузатиш, бу жараённинг ўзига хос хусусиятларини, адабиётнинг халқ ва мамлакат ҳаёти 6-н алоқасини ўрганиш, адабий тур ва жанрларнинг тараққиёт тамойилларини белгилаш, адабий жараёндаги янги ва ижобий тамойилларни қўллаб қувватлашди. О.Шарафиддинов, У.Норматов, А.Расулев, С.Содиқ сўнгги йилларда шу йўналишда, айниқса, самарали иш олиб бордилар.

Наим Каримов, Эргаш Очилов.

Фольклоршунослик. Ўзбек фольклоршунослиги замонавий фан сифатида 20-а.нинг 20-й.лари бошларида шаклланган бўлса-да, унинг илдилари қад. даврларга бориб тақалади. Чунки фольклор намуналарини тўплашга уриниш ва ундан фойдаланиш ҳамма замонлар учун ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам тарихий, илмий ва адабий асарлар муаллифлари ўз асарларида баъзан ўзгартирилган ва қайта ишланган шаклда, кўп ҳолларда мазмундан баён тарзида фольклор намуналаридан фойдаланганлар. Ҳатто бизнинг тарихимизда фольклор намуналарини ёзиб олишдаги дастлабки тажрибалар ҳам кўзга ташланади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилган фольклор материаллари бунга яққол мисолдир. Ёзма тош битиклар давридан бошланган бу жараён адабиёт ва санъатнинг тарихан ривожланиш характери 6-н боғлиқ ҳолда турлича мазмун ва шаклларда бизнинг кунларимизгача ҳам давом этиб келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, фольклор асарлари яратилганидан кейин ўзларининг табиий шароитларида, оғзаки ижро жараёнларида қуйлиниш, айтилиш, ўйналиш, кўрсатилиш, тарқалиш ва «қайта ижод этилиш» 6-н бирга иккинчи шаклда ҳам яшашда давом этадилар. Аммо уларнинг иккинчи шакли, яъни фольклор намуналарининг тарихий ва адабий ёднома-ларда, ёзувчи ва бастакорлар асарларида зуҳур бўлиши — фольклоризмлар тарихи халқ ижодини ёзиб олиш ва ўрганиш тарихи булмаса-да, улар фольклоршуносликнинг юзага келиши илдиларининг бир кўриниши сифатида баҳоланади. Шу сабабли илмий адабиётларда ўзбек халқ оғзаки ижодини фольклористик мақсадларда ёзиб олиш ва ўрганиш ишлари 19-а.нинг 2-ярмидан бошланганлиги қайд этилади. Агар дастлабки йилларда фольклорни ёзиб олиш ва ўрганиш аҳён-аҳёнда кўзга ташланиб турган бўлса (Ҳ.Вамбери, Н.Остроумов тўпламлари, А.Кушакевич, Н.Ляпунова, А.Самойлович тўплаган афсона ва эртақлар, А.Эйхгорн, В.Лейсеклар ёзиб олган халқ қуйлари, «Ҳикояти Гўрўғли султон», «Юсуф билан Аҳмад» каби дostonларнинг нашрлари ва б.), 20-а.нинг 20-й.ларидан бу иш мунтазам тус олди. Бунда Ғоzi Олим Юнусов, Элбек, Фулом Зафарий каби дастлабки ўзбек фольклоршуносларининг фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. Айниқса, фольклоршуносликка Ҳоди Зарифнинг (1905—72) кириб келиши бу фан соҳасида бурилиш нуқтаси бўлди ва унинг кейинги қарийб 50 йиллик илмий-амалий фао-

лияти шу фан тараққиёти б-н узвий боғлиқдир. Унинг дастлабки асарларидаёқ халқ санъаткорларига ижодкор сифатида қараб, оригинал кузатишлар олиб борилди, эпик асарларни тўғридан-тўғри у куйланаётган жой, шароит ва бахшнинг ўзи б-н боғлиқ равишда ўрганиш кераклиги ғояси илгари сурилди. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир каби улкан дostonчилар аниқланди. Улардан халқ дostonларини тўла равишда ёзиб олишлари йўлга қўйилди. Бу йилларда В.А. Успенский, Н.Н.Миронов, Е.Е.Романовская, Юнус Ражабий, И.Ақбаров, А.К.Боровков, М.Гаврилов каби олимлар музыка фольклорини, дорбозлик санъати ва қўйирчоқ театрини урганишга киришдилар.

Ўтган асрнинг 30-й.ларида фольклоршуносликка Буюк Каримов (1906–45), Мансур Афзалов (1910–73), Музаияна Алавия (1909–88), Зубайда Хусайнова (1918–2002) каби тадқиқотчилар кириб келдилар. Эртақлар, қўшиқлар, топшмоқлар каби фольклор жанрларининг ўзига хос хусусиятларининг ўрганилиши ва бу жанрлар намуналарининг ёзиб олиниши ҳамда нашр этилиши бевосита шу олимлар номлари б-н боғлиқдир. Аммо бу даврда пайдо бўлган «Совет даври фольклорини тўплашга алоҳида эътибор қаратиш зарур», «колхозчи фольклорини ўрганиш керак» каби сохта қарашлар, анъанавий фольклорга нисбатан нигилистик муносабатлар ўзбек фольклоршунослиги тараққиётига жиддий зарар етказди. В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовларнинг «Узбекский народный героический эпос» (1947), В.М.Жирмунскийнинг «Сказание об эпосе Алпамыш и богатырская сказка» (1960) монографияларининг яратилиши, «Алпомиш» дostonининг ўрганилишига бағишланган минтақавий илмий конференциянинг ўтказилиши (1956) бундай хато қарашларнинг олдини олишда ва сохта назарияларга зарба беришда жиддий аҳамиятга эга бўлди. На-тижада 50-й.ларнинг охири, хусусан, 60-й.лардан ўзбек фольклоршунослиги жадал ривожланишда давом этди. Мунтазам йўлга қўйилган фольклор экспедициялари туфайли 1934 й.да янгидан асос солинган ҳоз. Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-тининг фольклор архивида 2 мингдан ортиқ сақлов бирлигидаги фольклор намуналари жамланди. Ҳар бир сақлов бирлиги алоҳида-алоҳида дostonлардан тортиб, юзлаб фольклор намуналарини ўзида жамлаган айрим-айрим коллекциялардан иборат эканли-

гини, уларнинг кўплари ягона нусхадалигини ҳисобга олсак, архивдаги материалларнинг ҳажми ва аҳамияти ўз-ўзидан аён бўлади. Ҳозиргача чоп этилган деярли барча фольклор асарлари, хусусан, 37 жилдан иборат «Ўзбек халқ ижоди», «Булбул тароналари» 5 жилги, 13 мингга яқин мақолларни ўз ичига олган «Ўзбек халқ мақоллари» 2 жиллиги каби фундаментал нашрлар ана шу архив материаллари асосида амалга оширилди. Фольклор асарларининг барча жанрлари ва ўзига хос хусусиятларини комплекс ўрганиш бўйича ишлар кенг йўлга қўйилди. Бу ўринда М.Саидов (1929–2001), М.Муродов (1933–2001), Ж.Қобулнїёзов (1919–74)ларнинг анъанавий ва замонавий дostonлар ҳақидаги, Т.Ғозибоев (1924–88), О.Собиров (1920–81)ларнинг халқ бахшчилари тўғрисидаги, Ҳ.Раззоқов (1916–82), Ё.Жўраев (1929–88), Т.Ашуров (1938–2006)ларнинг фольклордаги сатира ва юмор масалаларига доир тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Халқ бахшиларининг эпик репертуари, дostonларда вариантлик, туркумлилик, дostonлар поэтикаси (Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, М.Мирзаева, С.Йўлдошева, Ҳ.Абдуллаев, О.Мадаев, И.Ёрматов, Қ.Мамашуқуров, Н.Қўшмоқов, М.Обидова, А.Қаҳҳоров, А.Эргашев, С.Мирзаева, С.Рўзимбоев), оғзаки наср турлари ва эртақ спецификаси (К.Имомов, Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, М.Жўраев, Ж.Юсупов, С.Жумаева), халқ лирикаси ва маросим фольклори (А.Мусақулов, Б.Саримсоқов, Ш.Турдимов, К.Очилов, М.Ёқуббекова, Д.Ўраева), болалар фольклори (Ғ.Жаҳонгиров, О.Сафаров) ҳақида, фольклор ва тарихий воқелик (М.Бобоев, Т.Очилов, У.Жуманазаров, У.Сатторов), мифология ва мифологик образлар (М.Жўраев, Ғ.Акрамов, Ж.Эшонқулов, О.Қаюмов) масалаларига доир кўплаб тадқиқотлар яратилди. Ф.Кароматов, М.Қодиров, Р.Абдуллаев каби санъатшунос ва театршунослар музыка фольклори, халқ цирки, масхарабоз ва қизиқчилар театри масалаларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, «Ўзбек фольклори очерклари», 7 жилдан иборат «Ўзбек халқ ижоди» тадқиқотлар туркуми каби жамоавий тўпламларнинг юзга келиши фольклоршуносликнинг янги босқичга кўтарилишига замин бўлди.

Мустикаллик йилларида ўзбек фольклоршунослигининг тадқиқот кўлами ва имкониятлари доираси янада кенгайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алпомиш» дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини ни-

шонлаш тўғрисида»ги 1998 й. 13 янв. қарори умуман фольклорни, жумладан, мумтоз эпосимизни ҳар томонлама ўрганишга кенг йўл очди, илмий-назарий тадқиқотлар, нашрлар савиясини янада юксалтиришга хизмат қилди: «Алпомиш» дostonининг рус ва ўзбек тилларидаги академик нашри амалга оширилди, дostonнинг Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан ва Эргаш шоир, Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғли, Бекмурод бахши вариантлари, «Ўзбек халқ мақоллари», 27 дostonни ўзида жамлаган «Гўрўғли» куллиёти алоҳида-алоҳида китоблар сифатида нашр этилди, ўнлаб монографиялар, мақолалар тўпламлари эълон қилинди. Айни кунларда ўзбек фольклоршунослари кўп жилли «Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи»нинг фольклорга доир жилдларини яратиш бўйича илмий-назарий изланишлар олиб бормоқдалар.

Тура Мирзаев.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

Ўзбек тилшунослиги ўзбек тилини ўрганувчи фан бўлиб, у туркийшуносликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Қад. туркий тилшуносликнинг илдиэлари араб тилида ижод қилган аждодларимиз Форобий, Беруний, Ибн Сино, Кошғарий, Замахшарийларга бориб тақалади. Уларнинг ақсарияти қомусий билимга эга бўлиб, кўплаб фанлар юзасидан фикр юритиш б-н бирга тилшунослик масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмаганлар.

Форобийнинг тилшунослик ҳақидаги қарашлари «Фан таснифи ҳақида сўз» асарида ёрқин ифодасини топган. Асарнинг биринчи бўлими тил ҳақидаги фанга бағишланган. Шунинг ўзиёқ Форобийнинг тил ва тилшунослик масалаларига нақадар катта эътибор қаратганидан далолат беради. У тил ҳақидаги фаннинг 2 қисмдан иборатлигини таъкидлайди: маълум тилда мавжуд бўлган сўзларни хотирада сақлаш ва уларнинг нимани ифодалашини билиш; ана шу сўзларни бошқариб турадиган қонунларни билиш.

Форобий атоқли ва турдош отларни бир-бирдан фарқлайди. Зайд, Амр каби шахс ва нарсаларнинг аниқ номини билдирувчи сўзлар атоқли от; тур ва жинсни кўрсатадиган одам, ҳайвон, от сингари сўзлар турдош от ҳисобланади. Форобий тилшуносликнинг мундарижаси ҳақида ҳам фикр юритади ва унинг куйидаги 6 бўлимдан иборат эканлигини, ҳар бир бўлимнинг ўз текшириш

объекти мавжудлигини баён қилади: содда сўз ҳақидаги фан; сўз бирикмалари ҳақидаги фан; содда сўз қонунлари ҳақидаги фан; сўз бирикмалари қонунлари ҳақидаги фан; ёзув қонунлари ва тўғри талаффуз ҳақидаги фан; шеър тузилиши қонунилари ҳақидаги фан. Шундан сўнг ҳар бир бўлимда нималар ўрганилиши ҳақида маълумот берилади.

Ўрта аср тилшунослигининг шаклланиши ва ривожланишида Абу Райҳон Берунийнинг ҳам хизмати катта. Унинг тил ва тилшунослик ҳақидаги қарашлари «Сайдана» асарида акс этган. Аввало, бу асар маълум маънода луғат тузишнинг, луғатчиликнинг илк намунаси саналади. Асарда 1116 та доривор модданинг ҳар бири алоҳида луғат мақоласи сифатида, 29 бобга бўлинган ҳолда изоҳланади (сўзнинг маъноси, қайси тилга мансублиги, доривор хоссаси, синонимлари аниқланади); ҳар бир боб бир ҳарфга бағишланган (араб алифбосидаги 28 та ҳарфга «лом-алиф» деб аталувчи ҳарф бирикмаси ҳам қўшилган). Сўзларнинг қайси тилга мансублигини, яъни этимологиясини аниқлашда тегишли фонетик қонуниятлар ҳақида ҳам фикр юритади. Берунийнинг кенг филологик билимга эга бўлиши, ўндан ортиқ тилни мукамал билиши «Сайдана»нинг айна бир пайтда доривор моддаларнинг ҳам изоҳли, ҳам кўп тилли (таржима), ҳам этимологик ва диалектологик луғатига айланишига имкон беради.

Ибн Синонинг тилшуносликка доир «Асбоби хутут ул-хуруф» номи махсус асари мавжуд. Гарчи бу асар араб тили фонетикасига бағишланган бўлса ҳам, унинг кўп ўринларида туркий тиллар материалларидан ҳам фойдаланилган. Ибн Сино нутқ аъзолари, нутқ товушларининг пайдо бўлиш сабаблари, унли ва ундош товушларнинг акустик ва артикуляцион фарқли белгилари ҳақида батафсил маълумот беради. Ундошлар пайдо бўлиш ўрни, усули, акустик хоссаси ва чўзиқлик-қисқалик белгиларига кўра тасниф қилинади. Ибн Синонинг умумий фонетикага доир билдирган фикрлари тилшунослик назарияси ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиб, ҳоз. кунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ.

Туркий тилшуносликнинг махсус фан сифатида шаклланишида Маҳмуд Кошгарийнинг (11-а.) хизматлари катта. Унинг «Девону луғотит турк» асари тилшунослик тарихида муҳим аҳамиятга эга. Кошгарий Хитойдан Қора денгиз соҳилларигача бўлган ҳудудда тарқалган туркий қабилаларни бирма-бир кезиб, уларнинг тилларидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлади, туркий тилларни,

улардаги муштарак ва фарқли белгиларга асосан таснифлади. Бунда хоқоний туркчаси, яъни ўзбек тилининг аجدоди ҳисобланувчи қарлуқлар тили қиёслаш учун асос ролини ўйнайди ва қиёс учун асос бўлган лисоний бирлик ўғуз ва қипчоқлар тилларига таққосланади. Туркий тиллар (лаҳжалар) қарлуқ (хоқоний туркчаси), ўғуз, қипчоқ гуруҳларига ажратилган ҳолда, улар ўртасидаги фарқли жиҳатлар тилнинг деярли барча сатҳлари (асосан, фонетик ва лексик сатҳлар) материаллари асосида очиб берилади. Ушбу асар туркий халқлар тарихидаги диалектологик, изоҳли, этнографик, тарихий-этимологик луғатларнинг барча унсурларини қамраб олувчи дастлабки универсал луғат бўлиб, ўз муаллифини дунёга қомусий олим сифатида танитди. Маҳмуд Кошгарий мазкур асари б-н қиёсий-тарихий тилшуносликка асос солди, деб бемалол айтиш мумкин. Олимнинг туркий тиллар синтаксиси тадқиқига доир асар ёзганлиги маълум бўлса-да, бу асар ҳозирча топилгани йўқ.

Тилшунослик соҳасида қалам тебратган сермаҳсул олимлардан бири Маҳмуд Замахшарийдир (11–12-а.). Унинг грамматикага доир асарлари ичида «Ал-Муфассал» («Грамматика бўйича муфассал китоб») араб тили морфологияси ва синтаксисини ўрганишда йирик ва муҳим қўлланма сифатида Шарқда ҳам, Фарбда ҳам жуда машҳур бўлган. Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» («Адабиёт илмига кириш») асари хоразмшоҳлардан Абдулмузаффар Оттеизга бағишлаб ёзилган. Асар 5 катта қисмга бўлиниб, уларда отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари, феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритилади. Ушбу луғат ўша даврдаги араб тилида истемолда бўлган деярли барча сўзларни, ибораларни қамраб олган, унда сўзларнинг этимологиясига алоҳида эътибор берилган. «Муқаддимат ул-адаб» форс, чигатоӣ (ўзбек), мўғул, турк тилларига таржима қилинган; асарнинг ўзбек тилига таржимаси муаллифнинг ўзи томонидан бажарилган, деган фикрлар мавжуд. Луғатдаги арабча сўзлар остида форсий ва туркий таржималарнинг берилиши ўзбек тарихий лексикологияси учун қимматли манба ҳисобланади.

Туркийшунослик, жумладан, ўзбек тилшунослигининг шаклланиши ва ривожига ҳанузгача муаллифи ноаниқ бўлган «Ат-туҳфат уз-закияти фил-луғат ит-туркия» асари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Асар кўпроқ, қипчоқлар тили материалларига асосланиб ёзилган, баъзи ўринларида унинг материаллари турк-

ман тили б-н солиштирилган. Бугунги қипчоқ гуруҳига мансуб бўлган тилларнинг тарихини, шунингдек, ўзбек халқининг шаклланишида катта этник гуруҳ бўлиб қўшилган қипчоқ шевалари тарихини ўрганишда мазкур асар энг мўътабар манба бўлиб хизмат қилади. Асарнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда туркий тилларнинг фонетикаси, сўз ясалиши, морфологияси, синтаксиси бўйича изчил маълумотлар берилган.

Ўзбек тилшунослиги тарихида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг кенг қамровли ижоди, айниқса, унинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари алоҳида аҳамиятга эга. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарининг майдонга келиши шу давргача шеърият учун яроқсиз деб ҳисоблаб келинган ўзбек тилининг обрў-эътиборини оширишда, асар ёзилгунга қадар ҳукм сурган фақат форсий тилдагина шеър ёзиш анъанасини синдиришда ва ўзбек тилининг форсийга нисбатан имкониятлари кенгроқ эканлигини очиб беришда муҳим омил, деб баҳолаш мумкин. Туркий (ўзбек) ва форсий тилларни чоғиштиришга бағишланган махсус асар — «Муҳокамат ул-луғатайн»нинг майдонга келиши (1499) б-н дунё тилшунослигида янги саҳифа очилди: тилшуносликнинг ҳоз. кунда чоғиштирма (контрастив) лингвистика деб юритилувчи янги йўналишига асос солинди. Чоғиштирма тилшуносликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда 2 тизимга мансуб бўлган тиллар тилнинг барча сатҳлари бўйича бир-бирига солиштирилади, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилади. Афсуски, тилшунослик тарихида чоғиштирма тилшуносликнинг пайдо бўлиши фарб тилшуносларининг номи б-н боғланади ва унинг бошланиши 19-адан деб белгиланади. Бундай фикрлар фарб олимларининг Алишер Навоий асарларидан беҳабарлигидан пайдо бўлган. Аслида буюк шоир ва олим ўзининг мазкур асарида турли тил оилаларига мансуб 2 тилни барча лисоний сатҳлар бўйича изчил равишда қиёслаб, чоғиштирма тилшуносликка биринчи марта асос солган, дейиш тўғрироқ бўлар эди.

Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида тилшуносликнинг бир қанча соҳалари — фонетика, морфемика, сўз ясалиши, морфология, синтаксис масалалари юзасидан қимматли фикрларини баён қилади. Шунингдек, ушбу асар б-н бир қаторда, Навоий яна бир қанча назмий ва насрий асарларида тил ва тафаккур, тилнинг ва тилларнинг пайдо бўлиши, тилда умумийлик

ва хусусийлик каби тилшуносликнинг бир қатор умумназарий масалаларига тухталиб ўтади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур тилшуносликка доир махсус асар ёзмаган бўлса ҳам, ўзининг лирик асарларида ва «Бобурнома»сида умумўзбек тилининг барча имкониятларини ишга солган ва устози Алишер Навоийнинг анъанасини давом эттирган ҳолда, ўзбек тилининг сайқал топишида, бадий, публицистик, расмий ва илмий услубининг шаклланишида катта из қолдирган улкан сўз санъаткоридир. Шу б-н бирга, у тилшуносликнинг графика («Хатти Бобурий»), ономастика, этимология, лексикология ва лексикография соҳаларининг ривожига муносиб улуш қушган тилшунос ҳам ҳисобланади.

Абулғозий Баҳодирхоннинг илмий-ижодий фаолияти ҳамда унинг «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима» асарлари ҳақида ҳам айни фикрларни айтиш мумкин: мазкур 2 асар туркий халқлар ва уларнинг генезиси ҳамда тиллари ҳақида, кўплаб ономастик номлар (антропоним, топоним, этноним ва б.) ва уларнинг этимологияси ҳақида қимматли маълумотлар берувчи асарлар ҳисобланади.

Адабиёт майдонида Алишер Навоийдек забардаст туркийзабон шоирнинг пайдо бўлиши унинг ижодига, бинобарин, ўзбек тилини ўрганишга бўлган қизиқишни кучайтирди ва 16–19-а.ларда кўплаб икки тили лугатларнинг тузилишига олиб келди; бошқача қилиб айтганда, мазкур даврда ўзбек тилшунослиги лугатчилик шаклида ривожланди: «Абушқа» (16-а., Туркия) ўзбекча-туркча изоҳли лугати, Толе Имони Ҳиравийнинг «Бадое ул-лугат» ўзбекча-форсча лугати (16-а. боши, Ҳирот), Муҳаммад Ризо Хоксорнинг «Мунтахаб ул-лугат» (18-а. охири, Хива) форсча-ўзбекча лугати, Мирзо Маҳдийхоннинг «Санглоҳ» ўзбекча-форсча изоҳли лугати (18-а., Эрон; ушбу лугатга «Мабони ул-лугат» номли грамматик кўрсаткич ҳам ёзилган), Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» ўзбекча-форсча лугати (18-а., Ҳиндистон), Сулаймон Бухорийнинг «Лугати чигатойи ва турки қомоний» (19-а., Туркия) каби ва б. бир қанча лугатларда, биринчидан, ўзбек тили фонетикаси ва лексикасига доир масалалар, сўзлар этимологияси атрофлича тадқиқ этилди; иккинчидан, бу лугатлар ўзбек икки тили лексикографиясининг майдонга келиши ва ривожланишига сабаб бўлди.

Бобурийлар даврида балиий адабиётда ўзбек тилининг роли катта бўлди. Ҳиндистонда бобурийлар она тилини

сақлаб қолишга, уни ўз авлодларига ўргатишга ҳаракат қилдилар. Ана шундай эҳтиёж турли хил лугатларнинг яратилишини тақозо қилади. Аврангзеб саройида хизмат қилган Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг «Келурнома» деб номланган лугати айни эҳтиёжнинг ҳосиласидир. Бу лугат лексикография тарихида 2 хил лугатнинг намунаси сифатида диққатга сазовордир. Биринчидан, лугатда 400 дан ортиқ феълнинг инфинитив шакли берилади ва айни шу ўринда муайян феълнинг замон, майл, бўлишли-бўлишсиз кўринишлари изоҳланади. Демак, ҳар бир феъл лугат мақоласи шу феълнинг турли грамматик шакллари парадигмасини ўз ичига олади. Шу нуқтан назардан «Келурнома» уяли лугат намунаси ҳисобланади. Иккинчидан, лугатнинг 15-бобида исмлар мавзулар бўйича 9 гуруҳга бўлиб жойлаштирилган (мас., 1-мавзу гуруҳида осмон ва у б-н боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлар; 2-мавзу гуруҳида ер ва у б-н боғлиқ тушунчаларни билдирувчи сўзлар изоҳланган). Натижада лугатнинг бу боби мавзуйи (тематик) лугат турини намоён қилади.

19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.нинг бошларидаги ўзбек тилшунослиги ҳам асосан лугатлар тузиш ва кичик-кичик грамматик очерклар ёзиш тарзида давом этади. Лекин бу даврдаги лугатлар ва грамматик очерклар асосан рус ҳарбийлари ва миссионерлари томонидан яратилиб, улар соф лингвистик мақсадни эмас, балки бошқа мақсадларни, асосан мустамлакачилик манфаатларини кўзлаган ҳолда яратилган. Шундай бўлсада, улар мумтоз шарқ лугатчилигидан замонавий Европа лугатчилигига ўтишда бир босқич ҳисобланиб, замонавий ўзбек лексикографиясининг шаклланишига, кейинчалик рус грамматикаларига асосланган ўзбек тили грамматикаларининг яратилишига асос ва сабаб бўлди.

Ўзбек тилшунослиги тарихида 20-а.нинг 20-й.лари алоҳида ажралиб туради. 20-а. бошларида Марказий Осиёда зилзиллар ўртасида миллий ўз-ўзини англаш ҳисси кучайди. 16-а.дан бошланган маданий, маънавий инқироз туфайли унутилар даражага келиб қолган бой маданий ва маънавий меросимизни тиклаш, кишилар ўртасида ўтмиш маданиятга меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳаракати бошланди. Бу ҳаракатнинг яловбардори жадидлар бўлдилар. Улар тараққиётга эришишнинг бош йўли маърифат эканлигини чуқур ҳис қилган ҳолда асосий эътиборни биринчи навбатда янги мактаблар очишга, ҳақиқий миллий мактаб-

отни йўлга қўйишга, янги усул мактабларида она тилини ўқитишга алоҳида аҳамият бердилар. Ана шундай ҳаракат туфайли ёшларни она тилининг изчил курси б-н таништирадиган илк ўқув қўлланмалари, дарсликлар майдонга келди. Бу соҳада М.Бехбудий, А.Авлоний, Фитрат, Элбек, А.Зоҳирий, Саидрасул Саидазизов, Мунавварқори Абдурашидхонов, Қаюм Рамазон ва б.нинг илмий-ижодий фаолияти, яратган дарслик ва қўлланмалари, Фитрат бошчилигидаги «Чигатой гурунги»нинг араб алифбосини ислоҳ қилиш, жонли ўзбек тилини, ўзбек шеваларини ўрганиш бўйича олиб борган амалий ишлари диққатга сазовордир.

Ушбу даврда яратилган дарслик ва қўлланмалар орасида Фитратнинг ўзбек тили морфологияси ва синтаксисини ўрганишга бағишланган «Сарф» ва «Наҳв» асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Фитрат бир қатор мақолаларида ва «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф» асарида товушларни унли ва унсиз (=ундош)ларга ажратиш б-н бирга, ўзбек тилида 23 та унсиз товуш мавжуд эканлигини таъкидлайди. Унлиларнинг қатор белгисини ҳам фарқловчи белги сифатида эътироф этганлиги туфайли, уларнинг миқдорини 9 та деб кўрсатади. Ўзбек тили сўз ясалиши юзасидан баҳс юритар экан, сўз ясалиши жараёнида асос қисм б-н ясовчи восита ўртасида қатор фонетик ўзгаришлар рўй бериши мумкин эканлигини кўрсатади. Бу б-н Фитрат ўзбек тили морфологияси юзасидан илк маълумот беради. Фитрат сўзларни борлиқдаги нимани ифодалашига кўра от, сифат, сон, феъл, олмош ва кўмакчиларга бўлади ва уларнинг ҳар бирини батафсил ёритиб беради. Фитратнинг синтактик қарашлари унинг «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Наҳв» асарида ўз аксини топган. Бу асар ҳақида «Ўзбек наҳви тўғрисида менинг бир тажрибамдир», деб ёзади. Ҳали ўзбек синтаксисининг мундарижаси белгиланмаган, синтактик тушунчаларни ифодаловчи терминлар тизими изга солинмаган бир даврда мазкур асарнинг вужудга келиши ўзбек тилшунослиги тарихи учун катта воқеа эди. Дарслик-қўлланма синтаксиснинг асосий ўрганиш объекти бўлган гап ҳақида маълумот беришдан бошланади, яъни унда «бутундан қисмга» тамойилига амал қилинган. Гап ҳақида умумий маълумот бергандан сунг, пунктуацион белгилар гапдан англашиладиган фикрнинг ёзувда тўғри ифодаланиши учун ёрдам беришини тўғри англаган Фитрат пунктуацион

маълумот келтиришни лозим деб билди. Бунда пунктуацион белгилар «туруш белгилари» термини б-н номланган.

20-а.нинг 20-й.ларида маърифатчилик ҳаракати туфайли она тилини ўқитиш эҳтиёжларини қондириш мақсадида илк ўзбек тили дарсликларини яратиш б-н чекланган бўлса, 40-й.лардан ўзбек тили илмий жиҳатдан атрофлича, чуқур ўрганила бошланди. Ўзбек тилшунослигининг ўзбек тилидаги ҳар қайси сатҳ бирликларини ўрганишга қаратилган фонетика, морфемика, сўз ясашиши, лексикология, морфология, синтаксис каби бўлимлари шакллана бошлади. Бу даврни 1940 й.да Айюб Фуломов ўзининг «Ўзбек тилида аниқловчилар» мавзудаги номзодлик диссертацияси б-н бошлаб берди.

40-й.ларнинг охиридан бошлаб ҳоз. ўзбек адабий тилининг изчил курсини яратишга ҳаракат бошланди. Муаллифлар гуруҳи белгиланиб, тадқиқот натижалари алоҳида-алоҳида рисолалар сифатида эълон қилина бошланди. 1947 й.да А. Фуломовнинг «Ўзбек тилида ургу» рисоласи нашр этилиб, унда ургунинг сўз ва мантиқ ургуларига бўлиниши, сўз ургусининг ўзбек тилидаги вазифалари батафсил изоҳланади.

1953 й.да В. Решетов ва Ш. Шоабдурахмоновларнинг «Фонетика». Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар» рисоласи босилди ва унда ўзбек тилшунослигида илк бор «фонема» термини илмий қўлланишга олиб кирилди. Бу асарда унли фонемаларнинг 3 та фарқловчи (дифференциал) белгиси: 1) тилнинг горизонтал ҳаракати; 2) тилнинг вертикал ҳаракати; 3) лабнинг иштироки каби белгилари мавжуд эканлиги баён қилинди, мазкур белгилар мажмуаси сифатида 6 та унли фонема ажратилди. Ундош фонемалар ҳам 3 та белги: пайдо бўлиш ўрни; пайдо бўлиш усули; товуш пайчаларининг иштироки каби белгилар асосида тасниф ва тавсиф этилди. Бу асар ўзбек тилининг фонетикаси ҳақида мухтасар ва изчил маълумот берувчи илк асар эканлиги б-н қимматлидир. 1959 й.да В. Решетовнинг «Ўзбек тили. I қисм. Кириш. Фонетика» асари майдонга келади. Бунда юқорида номи кўрсатилган асардаги ғоялар ривожлантирилади, ўзбек адабий тили ва халқ шевалари фонологик тизими ва унинг нутқий жараёнда турлича вариантлар орқали намоён бўлиши, нутқ аппарати, товуш ва фонема ўртасидаги муносабат ва б. масалалар жиддий ўрганилган.

А. М. Шчербакнинг 1970 й.да нашр этилган «Туркий тилларнинг қиссий фонетикаси» асарида муаллиф барча

туркий тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг фонологик тизимини фонологик зидланиш (оппозиция)лар асосида ўрганади. 1974 й.да А. Абдуазизовнинг инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида «Фонологик системалар типологияси» мавзуда ёқлаган докторлик диссертацияси ўзбек тили фонологиясининг шаклланиши ва ривож учун катта аҳамиятга эга бўлди. 1990 й.да А. Нурмоновнинг «Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси» ҳамда 1992 й.да А. Абдуазизовнинг худди шу номдаги асарларининг чоп этилиши ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси бўйича эришилган ютуқларнинг таълим жараёнига татбиқ этилишида, ўзбек тилшунослиги тарихида илк бор морфонология макomini ҳамда унинг ўрганиш объектини аниқлашда катта воқеа бўлди. М. Миртожиевнинг 1999 й.да эълон қилинган «Ҳозирги ўзбек адабий тили. Фонетика» китобида нутқ аппарати ҳақидаги ҳозиргача мавжуд бўлган тушунчаларга бир қатор оидинликлар киритилди.

Ўтган асрнинг 60–70-й.ларидан А. Маҳмудов ва С. Отамирзаевлар ўзбек тили фонетикасини экспериментал асбоблар ёрдамида ўргана бошладилар; натижада ўзбек тилшунослигида экспериментал фонетика йўналиши пайдо бўлди. Шундай қилиб, ҳоз. кунда ўзбек тилшунослигида фонетик сатҳни 3 жиҳатдан ўрганиш анъанага айланди: бевосита кузатиш асосида — фонетика; экспериментал асбоблар ёрдамида — экспериментал фонетика; умумлаштириш асосида — фонология. Ҳар учала жиҳат бир-бирдан озиқланиб, тобора ривожланиб бормоқда.

Ўзбек тили фонетик тизимининг ҳоз. ҳолатини ўрганиш б-н бирга, 60–70-й.лардан унинг тарихий тараққиётини ўрганишга ҳам эътибор қаратила бошланди. Натижада Ф. Абдуллаев, Ғ. Абдурахмонов, Х. Дониёров, Қ. Маҳмудов, А. Рустамов, Э. Умаров, Ҳ. Неъматов сингари олимларнинг ўзбек тилининг диахрон фонетикасига бағишланган қатор тадқиқотлари нашр этилди.

Фонемадан сўнг асосий тил бирлиги сифатида морфема эътироф этилади. Тилшуносликда асосий тил бирлиги деб сўзни тан олиш, қолган барча бирликларни сўз асосида изоҳлаш анъанага айланган эди. Барча тил бирликлари асосида сўз туради, деган бундай қараш тилшунослик тарихида глоссоцентриқ (лот. glossa — сўз) ёки вербоцентриқ (лот. verbum — феъл) назария деб юритилди. Дескриптив тилшунослик вакиллари фикрича, тилнинг асосий бирликлари

— фонема, морфема ва конструкция; тил тизимидаги марказий, энг кичик маъноли бирлик эса морфема бўлиб, қолган барча бирликлар морфема асосида изоҳланади.

Ўзбек тилшунослигида морфема ҳақидаги қарашлар глоссоцентриқ назария таъсирида дунёга келди. Ўзбек тилшунослигида илк бор бу терминни олиб кирган А. Фуломов ҳам морфемани сўзнинг энг кичик маъноли қисми сифатида изоҳлаб, тилшуносликнинг морфология ва сўз ясашиши бўлимларидан морфемика бўлими ажралиб чиқаётганлиги ва бу бўлимнинг ўрганиш объекти морфема эканлигини таъкидлади. Шу тариқа ўзбек тилшунослигида ҳам 70-й.лардан морфемика тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида ажратила бошлади. Т. Мирзақулловнинг «Ўзбек тили морфемикасининг асосий аспекти ва уларнинг муносабати» монографияси (1992) ва шу мавзуга бағишланган докторлик диссертацияси (1994), Ё. Тожиёвнинг «Ўзбек тили морфемикаси» қўлланмаси (1992) ва б. ўзбек тили морфемикаси тадқиқи бағишланган. Морфемика тилшуносликнинг алоҳида бўлими деб эътироф этилгандан кейин ҳам унинг ўрганиш объекти юзасида хилма-хил фикрлар билдирилди. Ўзбек тили морфемикасининг объектини тўғри белгилашда акад. А. Ҳожиёвнинг хизмати катта бўлди. У ўзининг қатор рисола ва мақолаларида морфемика сўзнинг нечта морфемадан ташкил топишини эмас, балки морфемаларнинг турини, ҳар бир турга хос хусусиятларни ўрганишни кўрсатиб берди.

Сўз ва унинг маънолари ҳақида ўзбек тилшунослигида жуда узоқ даврлардан буён фикр юритиб келинган бўлса-да, лекин ўзбек тили тизимида лексик сатҳнинг ўрни ва лексик бирликларни ўрганивчи алоҳида бўлим, яъни лексикология ўзбек тилшунослигининг таркибий қисми сифатида 20-а.нинг ўрталаридан бошлаб шаклланди. Ўзбек тили лексикологиясининг шаклланишида 50-й.ларда нашр этилган Ф. Камолнинг «Ўзбек тили лексикаси», Я. Р. Пинхасовнинг «Ҳозирги ўзбек тили лексикаси» рисолалари ҳамда «Ҳозирги замон ўзбек тили» (1957) деб номланган фундаментал асар катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек тили лексикологияси бўйича эришилган ютуқлар синтези сифатида 1981 й.да «Ўзбек тили лексикологияси» майдонга келди. И. Қўчқортоевнинг «Сўз маъноси ва унинг валентлиги» (1977), Э. Бегматовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари» (1985), Г. Муҳаммаджоновнинг «Ўзбек тили лекси-

касининг баъзи масалалари» (1982) монографиялари, Т.Алиқулов, М.Миртожиев ва б.нинг лексикани ўрганишга бағишланган асарлари ўзбек тили лексикологиясининг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўтган асрнинг 70–80-й ларидан ўзбек лексикологиясига системавий-структур тилшуносликнинг тадқиқ усуллари кириб кела бошлади. Натижада ўзбек тили лексикологияси тавсифий, амалий босқичдан назарий босқичга, лексикани маълум лексик-семантик гуруҳлар муносабатидан ташкил топган макросистема, ушбу гуруҳлар таркибидаги ҳар бир лексемани эса муайян маъно муносабатидан ташкил топган микросистема сифатида ўрганиш босқичига кўтарилди. Ўзбек тавсифий лексикологиясининг системавий (назарий) лексикологияга ўтиш жараёнини проф. Ш.Раҳматуллаев ва унинг шогирди И.Қўчқортоевлар бошлаб беришди.

Ўзбек лексикологиясининг юқори босқичга кўтарилишида жаҳон системавий-структур тилшунослигининг энг яхши жиҳатларини мужассамлаштирган ва ўзбек тилшунослари эришган ютуқларни умумлаштирган «Ўзбек тили систем лексикологияси асослари» (1995) китобининг юзага келиши ҳам катта воқеа бўлди. Шунингдек, ўзбек тилшунослигига лисоний бирликларни мазмуний майдон сифатида ўрганиш ҳам кириб келди. Дастлаб бу ғоя ўзбек тилшунослигида И.Қўчқортоев томонидан баён қилинган бўлса, Ш.Искандарова ва Ҳ.Шамсидиновларнинг махсус монографик асарларининг майдонга келиши ўзбек тили лисоний бирликларини мазмуний майдонга, функционал-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганишининг афзалликларини намоён қилди.

Ўтган асрнинг 50-й ларидан эътиборан фразеология ўзбек тилшунослигининг алоҳида бўлими сифатида лексикология таркибидан ўсиб чиқди. Ўзбек фразеологиясининг шаклланиши Ш.Раҳматуллаев, Я.Пинхасов ва б.нинг номи б-н боғлиқдир. Дастлаб, рус тилшуносларининг қарашлари таъсирида, фақат кўчма маънога асосланган турғун бирликларгина фразеологизм деб баҳоланган бўлса, кейинчалик фразеологизмларнинг ҳам, худди бошқа луғавий бирликлар каби, мазмуний тузилиш таҳлилга эътибор берили бошланди. Ш.Раҳматуллаев ҳамкорлигида ёзилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигининг 3-нашрида (1992) фразеологизмлар мазмуний тузилиш томонидан тасниф этилди. Ўзбек фразеологиясининг

янги муваффақиятларга эришувида Б.Йўлдошев, Абдумурод ва Абдуғафур Маматовларнинг хизматлари катта бўлди; бошқача айтганда, Ш.Раҳматуллаев асос солган ўзбек фразеологик мактаби тобора такомиллашиб, ривожланиб бормоқда.

Ўзбек тилшунослигининг ономастика (номшунослик) соҳасида олиб борилган тадқиқотлар, бу соҳанинг ривожига асосан, Ҳ.Ҳасанов, Э.Бегматов, Т.Нафасов, С.Қораев, З.Дўсимов каби олимларнинг номи б-н боғлиқ. Ҳ.Ҳасанов, Т.Нафасов, С.Қораев ва З.Дўсимовлар топонимика муаммоларини ўрганган бўлсалар, Э.Бегматов ўзининг 10 га яқин монографик ишида ўзбек исмлари, фамилия ва ота исмлар, лақаб ва тахаллус каби антропонимиканинг долзарб масалаларини атрофлича ўрганди.

Лексикологиянинг энг фаол, тез ўзгаришчан соҳаси терминология бўлиб, унинг ривожига, такомилга нафақат тилшунослик, балки барча фан соҳаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбек илмий терминологиясини шакллантириш ва уни жиддий ўрганиш ўтган асрнинг 30-й ларида Ойбек, У.Турсунов, С.Жабборов, О.Ҳошим, С.Иброҳимов, Н.Сайфулмулуков ва б.нинг мақола ва рисолалари, шу йилларда фаннинг турли соҳаларига доир 30 га яқин терминологик луғатларнинг нашр этилиши б-н бошланган бўлса-да, 40–50-й ларда бу борадаги ишлар анча сусаяди. 60-й лар охирида Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида терминология бўлимининг ташкил этилиши бу соҳадаги ишларни жонлантириб юборди. Шу даврдан бошлаб ўзбек терминологиясининг қайта шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашуви О.Усмонов, С.Акобиров, Р.Дониёров ва уларнинг шогирдлари фаолияти б-н амалга ошириб келмоқда. Хусусан, О.Усмоновнинг «Интернационал сўзлар луғати» (1962), «Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати» (1965; Р.Дониёров б-н ҳамкорликда), «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати» (1976; ҳамкорликда) ва ўнлаб мақолалари, Р.Дониёров ва Н.Қосимовларнинг техника терминлари тарихи ва уларни тартибга солиш масалаларига бағишланган монография ва мақолалари, мазкур бўлим ходимлари томонидан нашр этилган «Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар» (1986), «Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари» (1986), «Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси ва уни тартибга солиш принциплари» (1991), «Ўзбек тилида иш юритиш» (1990), «Иш юри-

тиш» (2000) каби монография ва қўлланмалар, 30 га яқин фан терминологияларини ўрганишга бағишланган д-рлик ва номзодлик диссертациялари ўзбек терминологиясини ривожлантиришга муносиб улуш бўлиб қўшилди. Фан соҳалари бўйича нашр этилган 100 дан ортиқ терминологик луғатларнинг сифатли чиқишида мазкур бўлимининг, 1988–2004 й.ларда фаолият кўрсатган ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитасининг, тегишли фан терминологиялари б-н шугулланиб келган мутахассис олимларнинг, чунончи: математика бўйича Т.Н.Қориниёзий, М.Собиров, Ж.Икромов; физика бўйича Ҳ.Ниёзий, Р.Х.Маллин, Р.Бекжонов, Э.Назиров; кимё бўйича С.Жабборов, З.Саидносирова; ботаника бўйича Қ.Зокиров, М.Набиев, Ў.Пратов; зоология бўйича Т.Зоҳидов; тиббиёт бўйича Ё.Тўрақулов, А.Асқаров; фармацевтика бўйича Х.Холматов; география бўйича Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев; ҳуқуқшунослик бўйича Ф.Бакиров, Ф.Аҳмедов; тилшунослик бўйича А.Ҳожиев ва б.нинг хизматлари катта роль ўйнади.

Касб-ҳунар лексикасини ўрганиш ҳам ўзбек тилшунослигининг, ўзбек тили лексикологиясининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Ўтган асрнинг 30–60-й ларида бу соҳада ягона мутахассис ҳисобланган Собиржон Иброҳимов кўп йиллик изланишларининг самараси сифатида «Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси» деб номланган фундаментал асарини (1-қисм, 1956; 2–3-қисмлар, 1959) нашр эттирди. Ушбу асар касб-ҳунар лексикасини ўрганишдаги янгидан-янги тадқиқотларнинг – каштачилик, зардўзлик, тикувчилик, халқ меъморчилиги, заргарлик, гиламдўзлик, дўппидўзлик соҳаларига оид д-рлик ва номзодлик диссертацияларининг майдонга келишида муҳим манба вазифасини ўтади.

Ўзбек тилшунослиги лексикография соҳасида жуда узоқ тарихга эга. Лекин ўрта аср ўзбек лексикографиясида эътибор кўпроқ изоҳли ва таржима луғатларга қаратилган эди. 20-а.нинг 30–50-й ларидан луғат тузиш тамойиллари илмий асосда чуқур ўрганила бошланди, лексикография йўналишлари кенгайди; луғатнинг янги-янги турлари: имло, орфоэпик, диалектал, фразеологик, частотали, морфем, мавзули, терс (чаппа), энциклопедик, этимологик, терминологик луғатлар пайдо бўлди. Ашурали Зоҳирий тузган 2 жилдли «Русча-ўзбекча мукамал луғат» (1927–28) кейинги даврларда Ўзбекистонда яратилган икки

тилди луғатлар учун асос бўлди. Ҳоз. кунгача 10 га яқин хорижий тил б-н ўзбекчани қиёсловчи кўплаб таржима луғатлари, фан соҳаларига оид 100 дан зиёд икки ва уч тилли терминологик луғатлар яратилди.

Илгари яратилган изоҳли луғатлар кўпроқ айрим муаллифлар, хусусан Алишер Навоий асарларида қўлланган сўзларнинг изоҳига қаратилган бўлса, ўтган асрнинг 2-ярмида, лексикография тилшунослигининг алоҳида тармоғи сифатида шаклланиши натижасида изоҳли луғатнинг хилма-хил турлари майдонга келди. Мас., А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (1974), «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати» (2002), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати» (1978), «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати» (1980; Н.Маматов ва Р.Шукуров б-н), С.Қораев ва б.нинг «Географик терминлар ва тушунчалар изоҳли луғати» (1979), Қ.Зокиров ва Ҳ.Жамолзоновларнинг «Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат» (1973), Э.Бегматовнинг «Ўзбек исмлари маъноси» (14600 исм изоҳи, 1998) каби хусусий изоҳли луғатлар яратилди.

Ўзбек тилининг барча лексемаларини изоҳлашга бағишланган луғат эса умумий изоҳли луғат ҳисобланади. 60.000 сўз ва сўз бирикмаси изоҳини ўз ичига олган 2 жилдди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг нашр этилиши (1981) ўзбек лексикографияси тарихида катта воқеа бўлди. Бу луғат, лексемалар маъноларини ёритишда кўплаб иллюстратив материалларга асосланган, пухта лексикографик тасмояилга таянган луғат бўлиш б-н бирга, совет воқелиги ва совет тил сиёсатини ўзида тўла намоян қилган луғат ҳамдир. Ана шуни эътиборга олган ҳолда, республика мустақиллиги йилларида (аниқроғи, 1997 й.дан) Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти илмий жамоаси кўп жилдди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни яратиш йўлида иш олиб бормоқда.

70-й.ларда Ўзбек энциклопедиясининг яратилиши ҳам ўзбек лексикографияси соҳасидаги улкан ютуқлардан саналади. Ушбу луғат ўзбек лексикографияси тарихидаги илк қомусий луғат бўлганлиги б-н қимматлидир. Шундай бўлишига қарамай, унда ҳам совет воқелиги, шўролар сиёсати акс этганлиги сабабли, тарихимиз, миллий анъаналаримиз, маданий-маънавий меросимизни тўлақонли намоян этишининг имкони бўлмаган эди. Шунинг учун Республика мустақилликка эришгандан кейин ўзбек

миллий энциклопедиясини яратиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилди. 2000–2006-й.ларда 12 ж.ли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашр этилди.

Ўзбек лексикографиясининг 20-а.даги ривожига А.Зоҳирий, А.Қодирий, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, К.К.Юдахин, В.В.Решетов, С.Иброҳимов, О.Усмонов, З.Маъруфов, С.Акобиров, Р.Абдурахмонов, Ш.Раҳматуллаев, Н.Маматов, А.Ҳожиёв, Т.Алиқулов, Г.Н.Михайлов, С.С.Ким ва б. муносиб ҳисса қўшдилар.

Сўз ясалиши муаммоси ўзбек тилшунослиги тарихида узоқ даврдан буён олимлар диққатини жалб қилиб келади. 1930 й.да У.Турсуновнинг «Ўзбекчада феълларнинг ясалиши, 1941 й.да З.Маъруфовнинг «Ўзбек тилида от ясовчи суффикслар» сингари монография тадқиқотларнинг майдонга келиши ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши бўлимининг шаклланишида дебоча бўлди. Сўз ясалиши тилшунослигининг алоҳида бўлими эканлиги ва унинг ўрганиш объекти, тилшуносликнинг бошқа бўлимлари б-н муносабати А.Фуломов томонидан очиб берилди; олим илк бор сўзнинг морфологик тузилиши б-н сўз ясалиш тузилишини бир-бирдан фарқлайди. Айтиш мумкинки, ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши бўлимининг шаклланишида, унинг терминологик тизимининг тартибга солинишида проф. А.Фуломовнинг хизмати катта бўлди. Акад. А.Ҳожиёв эса 1987 й.да нашр қилинган «Ўзбек тилида сўз ясалиши» асари б-н ўзбек тилшунослигининг сўз ясалиши бўлимини янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. Олим ушбу асарида сўзнинг морфемик ва морфологик тузилиши бўйича аввал йўл қўйилган айрим ноаниқликларга барҳам берди. Умуман айтганда, ўзбек тилшунослигининг сўз ясалиши бўлимининг шаклланиши ва ривожланиши проф. А.Фуломов ва акад. А.Ҳожиёвларнинг илмий изланишлари б-н чамбарчас боғлиқ.

Ўзбек тилшунослигининг морфология бўлими юзасидан 14-а.дан буён маълум кузатишлар мавжуд бўлган бўлса ҳам, унинг тилшуносликнинг алоҳида бўлими, грамматиканинг таркибий қисми эканлиги ўтган асрнинг 30-й.ларидан эътироф этила бошланди. Фитратнинг «Ўзбек тили қондалари тўғрисида бир тажриба. Сарф» асари ёзилиб, 1925–30 й.ларда бир неча марта нашр этилди. Шунингдек, М.Шамсёев ва Шербекларнинг «Ўзбек тили грамматикаси» (1932), Ҳ.Қаюмий ва С.Долимовларнинг «Грамматика» (1938), О.Усмонов ва Б.Авизовларнинг «Грамматика. 1-бўлим.

Морфология» (1938–40) асарлари яратилди; шу дарсликлар орқали ўзбек тилшунослигига «грамматика», «морфология», «синтаксис» терминлари олиб килинди. Лекин булар мактаб ўқувчилари учун ёзилган дарсликлар бўлиб, лингвистик ҳодисаларни чуқур илмий таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган эди.

Ўзбек тилшунослиги тарихида морфология бўйича чуқур илмий тадқиқотлар ўтган асрнинг 40-й.ларидан бошланди. Проф. А.Фуломовнинг «Ўзбек тилида келишиклар» (1940), «Ўзбек тилида кўплик категорияси» (1944) сингари асарларининг дунёга келиши, шунингдек, У.Турсуновнинг қўмақчилар, Х.Комилваннинг келишиклар, З.Маъруфовнинг от ва сифат юзасидан олиб борган тадқиқотлари ўзбек илмий морфологиясининг яратилишидаги дастлабки ҳаракатлардан бўлди. Морфология бўлими бўйича жиддий илмий тадқиқотлар 50-й.лардан айниқса кучаяди. Бу йилларда барча етакчи илмий кучлар ўзбек тилининг биринчи илмий грамматикасини яратишга сафарбар қилинди ва «Ҳозирги замон ўзбек тилидан материаллар» руқни остида А.Фуломовнинг «Ўзбек тилининг морфологиясига кириш» (1953), «Феъл» (1954), С.Усмоновнинг «Ўзбек тилида ундовлар» (1953), Х.Комилваннинг «Ўзбек тилида сон ва олмош» (1953), М.Асқарова, Р.Жуманиёзовларнинг «Ўзбек тилида равишдош ва сифатдош» (1953), С.Фузаиловнинг «Ўзбек тилида равишлар» (1953), Ш.Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар» (1953) сингари асарлари нашр этилди. Ана шу рисоалар асосида 1957 й.да ўзбек тилшунослиги тарихида биринчи марта ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси, морфологияси, графикаси, орфография ва орфоэпиясини ўз ичига олган йирик асар – «Ҳозирги замон ўзбек тили» нашрдан чиқди.

Мазкур асар босилиб чиққандан сўнг ўзбек тили морфологияси бўйича и. т.ларга янада жиддий эътибор берила бошланди. Сўзларнинг морфологик тузилишига бағишланган С.Усмоновнинг докторлик, О.Қосимхўжаеванинг номзодлик диссертациялари ёзилди. А.Ҳожиёвнинг «Феъл», «Кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар» (1963), «Ўзбек тилида қўмакчи феъллар» (1966), «Тўлиқсиз феъл» (1970) сингари йирик монографиялари яратилди. Ўзбек тилшунослари эришган барча ютуқларни ўзида жамул-жам этиб ёзилган А.Н.Кононовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг грамматикаси» (1960), 2 жилдди «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1966), 2 жилдди

«Ўзбек тили грамматикаси» (1975) асарларининг майдонга келиши ўзбек тили грамматикасининг такомиллашувида катта хизмат қилди. Мустақиллик йилларида ўзбек тили грамматикасини жаҳон тилшунослиги ютуқлари асосида тадқиқ этишга эътибор қаратилди. О.Бозоров, Ж.Элтазаров, Ш.Шаҳобиддиновларнинг илмий изланишлари, муаллифлар гуруҳининг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология» (2001) асари шу йўналишдаги ишлардандир.

Ўзбек тилшунослиги фанининг синтаксис бўлими илк бор Фитрат томонидан «Наҳв» атамаси остида мустақил бўлим сифатида ўрганилди. Шундан сўнг Х.Қаюмий ва С.Долимовлар ҳам «Наҳв» асарини ёздилар. Ўзбек тилшунослиги тарихида илк марта «Синтаксис» номи остидаги мактаб грамматикаси О.Усмонов ва Б.Авиловлар томонидан нашр этилди (1939). Таъкидлаш керакки, мазкур дарсликлар ўзбек тилининг синтактик қурилиши юзасидан изчил маълумот берувчи илк асарлар сифатида қадридир. Лекин улар ўрта мактаб таълими учун мўлжалланганлиги сабабли, амалий аҳамиятга эга бўлиб, синтаксис ҳодисаларини чуқур илмий таҳлил қилишни мақсад қилиб қўймаган эди.

Ўзбек тили синтактик бирликларини илмий асосда атрофлича ўрганиш 20-а.нинг 40-й.ларидан бошланди. Синтактик сатҳ бирликларини илмий асосда чуқур ўрганиш ҳам А.Ғуломов номи б-н боғлиқ. У «Ўзбек тилида аниқловчилар» (1942), «Ўзбек тилида сўз тартиби» (1947), «Содда гап» (1948) сингари рисоалари б-н ўзбек илмий синтаксисининг пойдеворини яратди. А.Ғуломов ва М.Асқаровларнинг «Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис» (1960) китоби ўзбек тилшунослигида катта воқеа бўлди. Олий ўқув юрлари учун синтаксисдан ёзилган биринчи дарслик сифатида ушбу китоб шу кунгача 3 марта нашр этилди.

Содда гап синтаксиси ҳақидаги таълимотнинг ривожланишида Х.Комилованинг «Гапда сўзларнинг боғланиши» (1955), Ғ.Абдурахмоновнинг «Гапнинг ажратилган иккинчи даражали бўлаклари» (1956), Ҳ.Болтабоевнинг шу номдаги рисоласи (1957), Д.Ашурованинг «Гапнинг уюшган бўлаклари» (1962), А.Сайфуллаевнинг ундалма, кириш ва киритмаларга, Ф.Убаеванинг ҳолга, А.Аҳмедовнинг сўрок гапларга, И.Расуловнинг бир составли гапларга, Б.Ўринбоевнинг вокатив гаплар, сўзлашув нутқи синтаксисига бағишланган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек тилшунослигида қўшма гап синтакси-

сининг илмий асослари Ғ.Абдурахмоновнинг «Қўшма гап» (1957), «Қўшма гап синтаксиси асослари» (1958), «Қўшма гап синтаксиси» (1964), М.Асқарованинг «Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар» (1960), «Ўзбек тилида эргашуш формалари ва эргаш гаплар» (1966) сингари китобларида яратилди.

Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт инти илмий жамоаси томонидан яратилган, юқоридан зикр этилган 2 ж.ли «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (1966) ва 2 ж.ли «Ўзбек тили грамматикаси» (1975) асарлари ўзбек синтактик таълимотини янада бойитди. Мустақиллик йилларида ўзбек тили синтаксиси янги ғоялар б-н бойиди. Муаллифлар гуруҳи томонидан ёзилган «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» (1992), «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис» (1995), «Ўзбек тилининг структурал синтаксиси» (2003), Н.Маҳмудов ва Р.Сайфуллаевларнинг эргаш гапли қўшма гаплар ва умуман қўшма гапларга доир янги қарашлари ўзбек тили синтаксиси бўлимини янги поғонага олиб чиқди.

Ўзбек тилшунослигининг диалектология (шевашунослик) соҳасининг шаклланиш куртакларини М.Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида, қисман эса «Бобурнома», «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима» асарларида кузатиш мумкин. Шеваларни жиддий ўрганиш эса 20-а.нинг 20-й.ларида «Чигатой гурунги» фаолияти б-н боғлиқ. Унинг саъй-ҳаракатлари б-н жонли халқ тилининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бошланган. Ана шундай ҳаракат туфайли Ғози Олим Юнусовнинг «Алломиш» достони (1923) мақоласи, «Ўзбек уруғларида қатағонлар ва уларнинг тили» (1930), «Ўзбек лаҳжаларининг таснифидан бир тажриба» (1936) сингари рисоалари эълон қилинди. Маҳаллий ўзбек шеваларини ўрганиш ва ўзбек диалектологиясининг фан сифатида шаклланишида Е.Д.Поливановнинг «Тошкент диалектининг товуш таркиби» (1922), «Тошкент диалектидан фонетик ёзув намуналари» (1924), «Шовот тумани Қиёт-қўнгирот қишлоғи шеваси» (1934), «Ўзбек диалектологияси ва ўзбек адабий тили» (1935) каби асарлари катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетовлар ҳам Ғози Олим Юнусов ва Е.Д.Поливановлар асос солган шевашунослик илмининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ўзбек шеваларини кенг қўламда ўрганиш ўтган асрнинг 50-й.ларидан бошланган. Бундай изланишлар натижаси

сифатида муаллифлар гуруҳининг 2 жилдли «Ўзбек диалектологиясидан материаллар» (1957; 1961), «Ўзбек шевалари лексикаси» (1966), «Ўзбек халқ шевалари луғати» (1971), «Ўзбек халқ шевалари морфологияси» (1984), «Ўзбек шевалари лексикаси» (1991) асарлари, В.В.Решетовнинг ўзбек тилининг Марғилон, Наманган шаҳарлари шевалари, Тошкент вилояти қурама шеваларига бағишланган мақола ва рисоалари, Ғ.Абдуллаевнинг «Ўзбек тилининг Хоразм шевалари» (1961), «Фонетика хорезмских говоров» (1967), Ш.Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари» (1962), С.Иброҳимовнинг «Ўзбек тилининг Андижон шеваси» (1967), М.Мирзаевнинг «Ўзбек тилининг Бухоро гулла шевалари» (1969), А.Ишаевнинг «Ўзбек диалектал лексикографияси» (1990) монографиялари, В.В.Решетов ва Ш.Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек диалектологияси» (1962, 1978), шунингдек, Х.Дониёров, А.Шерматов, Б.Жўраев, А.Алиев, А.Ишаев, Н.Ражабов, Қ.Муҳаммаджонов, Ш.Носиров, Т.Йўлдошев, Й.Иброҳимов, Т.Солиқов, Н.Шойимова, Н.Муродовларнинг Ўзбекистондаги ва унга ёндаш ҳудудлардаги турли ўзбек шеваларини ўрганишга оид асарлари яратилди. А.Шерматовнинг лингвистик географияга, А.Жўраевнинг ареал лингвистикага доир тадқиқотларининг дунёга келиши ўзбек тилшунослигининг, ўзбек шевашунослигининг катта ютуғидир.

Маълум бир тилни синхрон ҳолатда ўрганиш қанчалик зарур бўлса, унинг тарихий тараққиётини ўрганиш ҳам шунчалик катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ўзбек тилини синхрон ўрганиш б-н бирга, бу соҳада диахрон тадқиқотлар ҳам олиб борилди. Ўзбек тили тарихини ўрганишда С.Муталлибов, Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов, Ш.Шукуров, Қ.Маҳмудов, Қ.Каримов, А.Матғозиев, Э.Ғозилов, Э.Умаров, Ҳ.Неъматов, Б.Бафоев, Б.Ҳасанов, С.Аширбоев, Ф.Исҳоқов, Ҳ.Дадабоев, М.Қодиров, Ж.Лапасов, У.Санакулов, Б.Тўйчибоев, Б.Юсуфов, рус ўзбекшуносларидан А.К.Боровков, А.Н.Кононов, А.М.Шчербак, С.Н.Иванов каби олимларнинг хизматлари каттадир.

Маълум бир тилининг тарихий грамматикасини ва тарихини яратиш фақат шу тилга доир ёзма манбаларни чуқур ўрганиш орқалигина амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам 50–60-й.лардан бошлаб қад. туркий ва эски ўзбек тилига доир ёзма манбаларни нашр қилишга, бу манбаларнинг тил хусусиятларини ўрганишга эътибор

қаратилди. Аввало, Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарининг тадқиқига бағишланган Олим Усмоновнинг монографияси (1948) ўзбек тили ва тилшунослиги тарихини ўрганишда катта воқеа бўлди. Кошғарийнинг 3 жилдан иборат «Девону луғотит турк» асарининг ўзбек тилига таржимаси (1961–63) ва шу асосда унинг индекс-луғатининг алоҳида нашр этилиши (1967) фақат ўзбек тилшунослигининггина эмас, балки бутун туркийшуносликнинг ҳам ютуғи бўлди. Бу соҳадаги ишлар давом эттирилиб, Қ.Маҳмудов, Қ.Каримов, А.К.Боровков, А.Н.Кононов, С.Н.Иванов, Ф.Исҳоқовлар ўтмиш аждодларимиздан А.Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулғозий Баҳодинхон, Гулханий асарларини нашр этиш б-н бирга уларнинг тил хусусиятларини ўрганиб чиқдилар. Ҳ.Абдурахмонов ва Ш.Шукуровларнинг «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси» (1973) асари ўзбек тилини диахрон ўрганишда алоҳида бир босқич бўлди.

Ўзбек тарихий тилшунослигида Алишер Навоий асарларининг тил хусусиятлари, хусусан, фонетикаси (А.Рустамов, А.Боровков, Ф.Абдуллаев, Э.Умаров), морфологияси (А.Рустамов), синтаксиси (С.Аширбоев, И.Азимов), лексикаси (А.К.Боровков, Б.Бафоев ва б.) тадқиқ этилди. П.Шамсиев ва С.Иброҳимовлар «Навоий асарлари луғатини» (1972), Э.Фозилов бошчилигидаги ижодий гуруҳ эса 4 жилдди «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатини» (1983–85) яратишди. Шу йўналишдаги қисқача луғатлар Б.Ҳасанов, В.Раҳмонов ва Ж.Лапасовлар томонидан ҳам нашр эттирилди.

Ўзбек тилшунослари қад. ва эски туркий тил бўйича ҳам тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ҳ.Абдурахмоновнинг «XI аср эски туркий тил синтаксиси бўйича тадқиқотлар» (М., 1973), Ҳ.Абдурахмонов ва А.Рустамовларнинг «Қадимги туркий тил» (1982) китоблари ўзбек туркийшунослигини янги босқичга кўтарган бўлса, муаллифлар гуруҳининг «XIII–XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили» (1986) номли китоби ўзбек тили тарихини янги материаллар б-н бойитди.

Ўтган асрнинг 70–80-й.ларидан ўзбек тилининг стилистика (услубият) ва нутқ маданияти соҳаларини, уларнинг муаммоларини атрофлича ўрганиш бошланди ва бу борада анча ишлар амалга оширилди. Бу соҳаларни ўрганиш ишига С.Иброҳимов, О.Усмонов, Х.Дониёров, А.Шомақсудов, И.Кўчқортоев, Э.Бегматов, Ҳ.Рустамов, Р.Кўнгуров, М.Му-

каррамов, А.Бобоева, Б.Йўлдошев ва б. муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбек тилининг бадиий, илмий, публицистик, расмий-идоровий, сўзлашув услубларининг монографик ўрганилиши, ўзбек нутқи маданияти, талаффуз ва имло меъёрига бағишланган кўплаб тўплам, рисола ва ўқув қўлланмаларининг, хусусан, А.Шомақсудовнинг «Ўзбек тили стилистикаси» (1974), И.Кўчқортоевнинг «Бадиий нутқ стилистикаси» (1975), Р.Кўнгуровнинг «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар» (1975), муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган «Нутқ маданиятига доир масалалар» (1972), «Ўзбек тилининг имло луғати» (1976), «Адабий норма ва нутқ маданияти» (1988), «Ўзбек адабий талаффузи луғати» (1984), «Нутқ маданияти ва услубият асослари» (1992) ва б.нинг нашр этилиши ушбу соҳалардаги изланишларнинг самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, республика раҳбариятининг тил ва ёзувга доир бир қатор фармон ва қарорлари ўзбек тилининг, ўзбек тилшунослигининг янада ривожланишига кенг йўл очиб берди ва ўзбек тилшунослиги шу асосда ривожланиб, тақомиллашиб, янги-янги тадқиқотлар б-н бойиб бормоқда.

*Абдулҳамид Нурмонов,
Абдуваҳоб Мадавдиев.*

САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ

Ўзбекистон санъатшунослиги миллий санъатнинг барча турларини қамраб олган ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуи бўлиб, театршунослик, киношунослик, мусиқашунослик, шунингдек, амалий безак санъати, тасвирий санъат, меъморлик санъати назарияси ва тарихини ўз ичига олади.

Театршунослик. Ўзбекистон театршунослиги куртаклари ўтмиш тарихнависларининг тадқиқотларида, шоирларнинг тазкираларида, мусиқашуносларнинг рисолаларида, сайёҳларнинг кундаликларида учрайди. Уларда анъанавий ўзбек театри турлари, шунингдек, саҳнавий ижрочиликка яқин рақс санъати ва халқ цирки кўринишлари бўйича наинки маълумотлар, балки дастлабки илмий умумлашмалар, тадқиқотларни ҳам борлигини кўрамай. Шу маънода Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султониий ёхуд жувонмардлик тариқати»,

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ», Бобурнинг «Бобурнома», Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музакири аҳбоб», Огаҳийнинг «Риёз ул-давла», «Зубдат ут-таворих» каби асарлари қимматлидир. Айниқса, анъанавий театр, рақс ва цирк бўйича маълумотлар, мўъжаз тадқиқотлар Алишер Навоий ижодидан кенг ўрин олган.

Аммо ўзбек театршунослиги фан сифатида 20-а.да шаклланди ва тараққиёт йўлига чиқиб олди. Театршуносликнинг дастлабки кўринишлари Фурқат, М.Бехбудий кабиларнинг маърифатчилик йўналишидаги мақолаларида европа шаклидаги янги театр яратиш ҳаракати б-н боғлиқ ҳолда пайдо бўлди. Театршуносликка тамал тошнинг жадидлар қўйган. Улар 20-а. бошларидаёқ янги ўзбек театрини яратиш, саҳна санъатини тадқиқ этиш, саҳна асарини таҳлил ва тарғиб қилишга киришдилар. 1920-й.ларда театр таълими пайдо бўлди. М.Уйғур актёр тарбиялашда ўзбек санъатида мавжуд уста-шоғирд мақтабига таянган ҳамда Москвадаги Вахтангов ва Мейерхольд театрлари тажрибасидан фойдаланган ҳолда миллий ижодий услуб яратди.

Мазкур йўналиш 1940–50-й.ларда театршунослар фаолияти туйфайли профессионал йўлга тушиб олган бўлса-да, шўролар мафқураси таъсирида яқин ва узок ўтмишдаги театр тарихи, саҳна асарлари синфийлик, партиявийлик, социалистик реализм нуқтаи назаридан туриб тадқиқ ва таҳлил қилинди, коммунистик ғояларни тарғиб этувчи ҳар қандай асар ижобий баҳоланди, рус театри таъсири ошириб кўрсатилди, тарихий-инқилобий мавзу, ҳаётни бўяб кўрсатувчи замонавий мавзудаги асарлар маҳд этилди. Совет даври театри ўтмишдан ажратилган ҳолда ўрганилди. Аммо шароит қанча оғир бўлмасин, театршунослик фанининг асослари яратилди.

М.Раҳмонов, М.Қодиров, Т.Баяндиёв, Ф.Жўраев, Л.Авдеева, Т.Турсунов, В.Дьяченко, С.Турсунбоев, Э.Исмоиловлар театр тарихига оид турли мавзуларда тадқиқот ишлари олиб бордилар. Бу ишга Москва Театр санъати ин-тини битирган Х.Устабоева, А.Рибник, Я.Фельдман кабилар ҳам ҳиссаларини қўшдилар.

50–60-й.ларда анъанавий ва янги ўзбек театри тарихи бўйича материаллар тўплаш ва уларни тартибга солишга катта эътибор қаратилди, натижада дастлабки тадқиқотлар яратила бошланди: М.Раҳмоновнинг «Ҳамза ва театр» (ўзбек ва рус тилида, 1958), Я.Фельд-

маннинг «Характер народа и сценические образы» (1962), М.Қодировнинг «Ўзбек халқ оғзаки драмаси» (1963), муаллифлар гуруҳининг «Ҳамза номидаги театр» (Ўзбек ва рус тилида, 1957), «Ўзбекский советский театр» (1966), С.Турсунбоевнинг «Андижон театри» (1970) китоблари шу жумладандир. Т.Турсуновнинг драматургия тарихи, Т.Баяндиевнинг қорақалпоқ театри тарихи бўйича талқиқотлари нашр қилинди.

70-й.лардаги театршуносликнинг энг катта ютуғи — бу анъанавий театр бўйича олиб борилган фундаментал талқиқотларнинг вужудга келишидир. М.Раҳмоновнинг «Ўзбек театри (қадимий даврлардан 18-а.га қадар)» (1975), «Ўзбек театри тарихи (18-асрлардан 20-аср аввалигача)» (1968), М.Қодировнинг «Масхарабоз ва қизиқчилар санъати» (1971), «Ўзбек театри анъаналари» (1976), «Ўзбек халқ томоша санъати» (1978), «Ўзбекский традиционный театр кукол» (1979) монографиялари орқали Ўзбекистон худудида утмишда анъанавий театр узлуксиз фаолият кўрсатиб келганлиги исбот қилинди. Анъанавий томоша санъатлари — театр, рақс, циркнинг қарийб 3 минг йиллик йўлини ўз ичига олувчи умумий тарихлари яратилди.

Театршунослик фани ичида рақсшунослик ва циркшунослик таркиб топди. Дастлаб рақс санъатини Ф.Зафарий ва Ираида Бахта ўрганишга ҳаракат қилишди. Улар 1930-й.ларда мусиқашунос Е.Романовская ҳамкорлигида Фаргона мумтоз рақси «Катта ўйин»ни ёзиб олди. Аммо рақсшуносликнинг пайдо бўлиши Любовь Авдеева номи б-н боғлиқ. Л.Авдееванинг ўзбек рақси ва балет санъатига бағишланган «Тамара Ханум» (1956), «Мукаррама Турғунбаева» (1958), «Ўзбекистон рақс санъати» (рус ва ўзбек тилида, 1963, 1966), «Балет Ўзбекистана» (1973) китоблари нашр этилган. Ўзбекистон халқ артисти Розия Каримова «Ферганский танец» (1973), «Хорезмский танец» (1975), «Бухарский танец» (1977) номли китобларида ўзбек анъанавий рақс санъатининг асосий йўналишларига хос рақс ҳаракатларини тизимли баён этган ва уларга таянган ҳолда «Танцы ансамбля Бахор» (1979), «Танцы Равии Атаджановой» (1983), «Ўзбекские танцы в постановке Исахора Акилова» (1987) рақс тўпламларини нашр эттирган.

Ўзбек цирки тарихини ўрганиш бўйича Тўлқин Обидов (1933–1997)нинг хизмати катта. Унинг «Дорбозлар қиссаси» (1963), «Мастера узбекского цирка»

(1973), «Арена Акрама Юсупова» (1976), «Ўзбек полвонлари» (1979) рисолалари ва айниқса «Традиционный цирк в Узбекистане. Генезис и эволюция» мавзудаги докторлик дисс-яси (1990) циркшуносликнинг таркиб топишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. 20-а. цирк тарихини ўрганишда Пулат Тошканбоевнинг ишлари ҳам эътиборлидир.

Актёрлик санъати, режиссура, мусиқали драма жанри, драматургия, болалар театри, сахна нутқи соҳаларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди: «Уйғун ва театр» (Р.Азизова, 1975), «Ташходжа Ходжаев» (Н.Зоҳидова, 1980), «Театр и классика» (1988), «Театр и его актёры» (Э.Мухторов, 1989), «Ўзбекская музыкальная драма» (1987), «Актёрское искусство в узбекской музыкальной драме» (М.Ҳамидова, 1987), «Ўзбекская драматургия на сцене театра (60–80-е годы)» (М.Тўлаҳўжаева, Т.Йўлдошев, 1990), «Режиссура узбекского драматического театра» (М.Тўлаҳўжаева, 1995), «Тарих ва сахна» (Т.Исломов, 1997) кабилар бунга мисолдир.

Бундан ташқари опера, балет, мусиқали драма, болалар театри, телетеатр, радиотеатр бўйича махсус талқиқотлар, театр санъатини драматургия, режиссура, актёрлик санъати, комедия санъати, сахна рассомлиги кесимида муҳим ишлар дунёга келди.

Театршунослар бевосита мустақиллик йилларида театр санъатида юз берган ўзгаришлар, оқимлар ва тенденцияларни чуқур ўрганиш, истиқболлини белгилаш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, М.Раҳмоновнинг «Ўзбек миллий академик театри» (1-жилд, 2000; 2-жилд, 2005, М.Тўлаҳўжаева, Э.Мухторов б-н ҳамкорликда), Л.Авдееванинг «Ўзбек миллий рақси тарихидан» (2001), Р.Каримовнинг «Ўзбек рақси услублари» (2003), «Истиқлол ва миллий театри» тўплами (2002) ва б. китоблар театршуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳоз. кунда (2005) Т. фанининг турли соҳаларида 10 та фан д-ри, 30 га яқин фан номзоди, бир қанча ёш театршунослар талқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Мухсин Қодиров.

Киношунослик Ўзбекистонда киношунослик куртаклари 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланган (журналистлар, Н.Ғаниев, С.Хўжаевлар томонидан мақола ва тақрирлар ёзилган) бўлса-да, у асосан 60-й.лардан ривож топа бошлади. Ж.Тешабоев, Х.Абулқосимова, Б.Хасанов, Х.Акбаров каби кино мутахассисларининг фаолияти соҳанинг тараққий этишида муҳим поғона бўлди.

1960–70-й.лардам «Ўзбек киносининг тугилиши», «Ўзбекистоннинг кино ва бадиий маданияти» (Х.Абулқосимова), «Ўзбек киносининг анъаналари ва новаторлиги», «Комил Ёрматов», «Асад Исमतов» (Ж.Тешабоев), «Етуклик», «Наби Ғаниев» (Х.Акбаров), «Ўзбекистон ҳужжатли киноси», «Малик Қаюмов» (Б.Хасанов) каби китоблар чоп этилди. Санъатшунослик и.т. ин-тидаги «Кино ва телевидение» бўлими (1974 й.дан) янги-янги киношунослар б-н кенгайборди ва улар кенг кўламда талқиқот ишларини олиб бордилар. Уларнинг илмий изланишлари натижаси ўлароқ «Ўзбекистонда болалар киноси», «Анатолий Кобулов» (М.Мирзамухамедова), «Осиё ва Африка мамлакатлари прогрессив киноси» (С.Хўжаева), «Ўзбекистон бадиий киносида ёш қаҳрамон» (Н.Каримова), «Ўзбекистон телевизион киносининг ривожини» (С.Ҳайитматова), «Ўзбекистон бадиий телевидениясида жанрлар ривожини» (Ф.Файзиёва) сингари китоблар ёзилди.

Мустақиллик йилларидан киношунослик янада жадал суръатлар б-н ривожланиб бормоқда. Ўзбек киноси б-н биргаликда бошқа давлатлар кинолари ҳам ўрганилмоқда.

Ханжара Абулқосимова.

Мусиқашунослик Марказий Осиёдаги ижтимоий-табиий фанларнинг тўнғичларидандир. Зеро, унинг асосчиси Форобий қаламига мансуб «Мусиқа ҳақида катта китоб» («Китоб ал-мусиқа ал-кабир»)да мусиқашунослик фалсафа ва риёзиёт (математика)нинг таркибий қисми эканлиги таъкидланган. Мазкур қомусий асарлар ўтмиш ва ўша давр — илк мусулмон Уйғонши мусиқий амалиётига оид махсус атамалар мажмуи, ижод ва ижро масалалари, уд, танбур, шоҳруд, най, мизмар ва б. созлар тузилиши ҳамда уларда талқин қилиш йўллари батафсил ёритилган. Бу масалаларни Форобийнинг шогирди Ибн Сино ўзининг «Мусиқий билимлар тўплами» («Жавомей илм ал-мусиқий») ва б. рисолаларида давом эттирган. Унсур ал-Малий (Кайковус, 1021–98) машҳур «Қобуснома» асарига мусиқа санъатига бағишланган махсус боб киритган. Бунда хонанда ва созандаларнинг хулқ-атвори, шунингдек, ўша давр мусиқий фольклори ва касбий мусиқа жанрларига оид қимматли маълумотлар ўрин олган.

Мусиқашуносликнинг янги босқичи Амир Темур ва Темурийлар давридаги умуммаданий тараққийёт б-н боғлиқ бўлди. Хусусан, бевосита Соҳибқирон саройида, кейин эса Шоҳрух Мирзо ва

Халил Султон Мирзолар саройида хизмат қилган Хожа Абдуқодир Мароғий ўзининг «Куйлар келиб чиқиши мақсадлари» («Мақосид ал-алҳон»), «Куйлар жамламаси» («Жавомей ал-алҳон») ва б. рисолаларида илк бор мусиқанинг миллийлик (арабзамин, форсийзабон ва туркийлик) хусусиятлари, ўнлаб янги созлар ҳақида батафсил фикрлар билдирган. Абдурахмон Жомийнинг «Муסיқий рисоласи» соф назарий йўналиши б-н бирга айтиш 15-а. мусиқа амалиётига доир аниқ маълумотларга эга. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон», айниқса, «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» ва «Маҳбуб ул-қулуб» ҳамда Бобурнинг «Бобурнома» каби асарларида ҳам мусиқага доир қатор долзарб муаммолар таҳлил этилган.

15-а.нинг 2-ярмида яратилган Зайнуллобидин Хусайнийнинг «Муסיқанинг илмий ва амалий қонунлари» рисола-сида ўн икки мақом, овоза ва шўба тушунчаларига қатор аниқликлар киритилган, шунингдек, илк маротаба дурторнинг тузилиши, созланиши ва унда ижро этувчи асарлар доираси таърифланган. Нажмиддин Кавкабий Бухорийнинг «Муסיқа рисоласи» ва шеърӣй шаклдаги «Ўн икки мақом баёни» асарларида ўша даврда шакл топган оддий ва мураккаб куйлар, уларни яратиш ва талқин этиш йўллари таҳлил этилган. Дарвишали Чангийнинг «Ёшлик тухфалари» («Тухфат ус-сурур») рисоласи қомусий аҳамиятга эга бўлиб, 16—17-а.лар, жами 350 га яқин бастакорлар, хонанда ва созандалар, шунингдек, мавжуд муסיқий жанр ва шакллар ҳақида батафсил маълумотларга эга.

19-а. охири—20-а. бошларида Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Фитрат, Фулом Зафарий, Чўлпон, Зиё Саид каби жадидчилик ҳаракати б-н боғлиқ маърифатчилар мусиқа масалаларига жиддий эътибор берганлар. Хусусан, матбуотда изчил чиқишлари орқали Фарб ва Шарқ мусиқа муносабатлари, янги шаклланаётган мусиқа тур ва жанрлари, муסיқий таълим ислоҳоти каби долзарб муаммоларни теран таҳлил қилишган. 1920—30-й.ларда Ўзбекистон муסיқашунослиги асосан, анъанавий мусиқа намуналарини тўплаш, нотага олиш ва ўрганиш масалалари б-н шуғулланган. В. Успенский томонидан илк бор «Шашмақом» туркуми (1923-24), Н. Миронов, Е. Романовская ва б. томонидан турли воҳаларга хос халқ ва мумтоз куй, ашула ва кўшиқларини нотага ёзиб олишган. А.Фитратнинг «Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи» (1927), В.Беляевнинг «Ўзбекистон мусиқа чолғулари»

(1933) ва б. ўша давр нашр этилган рисола-ларда замонавий муסיқашуносликнинг вужудга келишига асос солинди. Бу соҳада, айниқса, 1950—80 й.ларда катта ютуқларга эришилди. — Ю.Ражабийнинг кўп қилди «Ўзбек халқ муסיқаси» (1955-59) ва «Шашмақом» (1966-75), И.Ақбаровнинг «Доира зарблари» (1952), «Муқимий ва Фурқат ашулалари» (1958), Ф.Кароматовнинг «Ўзбек дўмбира муסיқаси» (1962), «Ўзбек чолғу муסיқаси» (1972), «Ўзбек халқ муסיқа мероси» (1-2 ж., 1978, 1983), М.Юсуповнинг «Хоразм мақомлари» (1980-86) каби нашрларда халқ ва мумтоз мусиқа намуналари, замонавий бастакорлар асарлари тўпланган ва таъриф этилган. Шарқшунослар А.Семёнов — Дарвишали Чангий (1946), А.Болдирев — Абдурахмон Жомий (1960)нинг мусиқа рисолаларини таржима қилиб, илмий изоҳлар б-н нашр этиришган. И.Ражабов ўзининг «Мақомлар масаласига доир» (1963) тадқиқотида миллий мусиқа меросига оид тарихий ва назарий муаммоларни теран таҳлил қилиб, замонавий ўзбек мақомшунослигига асос солган.

20-а.нинг ўрталаридан бошлаб Ўзбекистон муסיқашунослиги асосан Европа илми тамойиллари негизида ривож топиб, унинг тарихий ва назарий йўналишлари шаклланиган («Пути развития узбекской музыки» тўплами, 1946). Тарихий муסיқашунослик кўпроқ Ўзбекистон мусиқа маданиятига Европа композиторлик ижодининг кириб келиши (С.Векслер, Т.Визго), опера (Я.Пеккер, А.Корсакова), балет (В.Шапкунова), симфония (Н.Янов-Яновская, И.Визго-Иванова), камер мусиқа (В.Головина, Т.Головянц), оммавий кўшиқ ва романс (И.Карелова, С.Воҳидов) каби кўп овозли мусиқа жанрларининг ривожини («Ўзбек совет муסיқаси тарихи», 1—3 ж., 1972—91), шунингдек, айрим ижодкорлар фаолияти (Я.Пеккернинг В.Успенский ва Г.Мушель ҳақида, В.Плунгянининг С.Юдаков, А.Жабборовнинг М.Левнев, И.Ақбаровнинг Т.Жалилов ва Ю.Ражабий, М.Аҳмедовнинг Ҳожиабдулазиз Абдурауловлар тўғрисидаги монографиялари ва б.) каби мавзуларда намоён бўлди. Назарий муסיқашуносликда ўзбек муסיқасининг лад ва гармония (Ю.Кон, С.Захржевская, Ю.Каш, С.Галицкая), полифония (А.Коральский, Ф.Мухторова), ритм (Т.Соломонова, Ю.Плахов), композиция (О.Азимова) ва б. ифода воситаларининг ўзига хослигини аниқлаш б-н бирга булардан композиторлик ижодида фойдаланиш масаласи ҳам ўрганилди.

Муסיқий шарқшунослик соҳасида О.Матёкубов, А.Назаров, А.Жумаев, Д.Рашидова, А.Малькеева (Ўрта аср Шарқ мусиқа илми), Т.Фафурбеков (бастакорлик назарияси ва тарихи), Р.Юнусов, О.Иброҳимов (мақомот санъати)лар фаол ижод қилишган.

Мустақиллик даври Ўзбекистон муסיқашунослигига турли соҳалар ривож топмоқда. Муסיқий фольклоршунослик йўналишида Ф.Кароматов, О.Иброҳимов (Ўзбек халқ мусиқа ижоди), Р.Абдуллаев (маросим муסיқаси), Ж.Расултоев (миллий мусиқа чолғулари), А.Ҳошимов (уйғур анъанавий муסיқаси) ва б.; муסיқий шарқшунослик йўналишида А.Назаров (Фаробий ва Ибн Сино мусиқа қарашлари), А.Жумаев (Шарқ мусиқа илми), Р.Юнусов, О.Матёкубов, О.Иброҳимов (мақомот санъати тарихи ва назарияси, бастакорлар ижоди) ва б.; мусиқа назарияси соҳасида О.Азимова (гармония ва композиция масаллари); мусиқа тарихи мавзуларида А.Жабборов (муסיқали драма ва комедия жанрлари), Н.Янов-Яновская, Т.Фафурбеков (Фарб ва Шарқ мусиқа муносабатлари), В.Плунгян, И.Галушченко, Д.Муродова (композиторлар ижоди) ва б. ижод қилмоқда. Муסיқашунослик ихтисослиги бўйича мутахассислар Ўзбекистон давлат консерваторияси (бакалаврият, магистратура ва аспирантура) ҳамда Санъатшунослик и.-т. институти (аспирантура ва докторантура)да тайёрланмоқда. Ҳоз. кунда бу соҳада 9 фан д-ри, 40 дан ошдиқ фан номзоди, бир қанча ёш муסיқашунослар тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Тўхтасин Фафурбеков.

Санъатшунослик. Пластик (нафис) санъатлар б-н шуғулланадиган санъатшунослик Ўрта асрда бадиий алабийет (шеърӣй дoston, адабий- танқидий тазкира, тарихий мемуар ва б.) таркибида ривожланиб борди. Яқин ва Ўрта Шарқ тасвирий санъати ривожини Ислоом мафкура-си тазйиқиди бирмунча сусайиб кетишига қарамай, пластик санъатнинг нозик томонлари, тавсия ва кўрсатмалар Султон Али Машҳадий, Дўст Муҳаммад, Қози Аҳмад, Солиқбек Афшар рисолаларидан ўрин олди. Айти пайтда, Навоий дostonлари (мас., «Фарҳод ва Ширин»да Моний сиймоси ва унинг ижоди таҳлили), Бобурнинг «Бобурнома»си, Хондамирнинг «Ҳабиб-ус-сияр...», Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» каби асарларда санъатга оид мулоҳазалар, айрим ижодкорлар тўғрисидаги маълумотлар учрайди. 19-а. Аҳмад Дониш,

Фуркат, Завкий, Муқимий асарларидан санъатшуносликка оид фикр-мулоҳазалар ўрин олган. Ўзбек профессионал санъатшунослиги ривожланишида 19-а.нинг 70 й.ларидан ташкил этила бошлаган маданий-маърифий муассасалар, музей ва кўргазмаларнинг ташкил этилиши ўз таъсирини белгилади. Музейларга асарлар тўплаш, уларнинг каталогларини тузиш, экспонатларни жанрларга ажратиб тартибга келтириш, санъатшуносликнинг дастлабки кўринишларидан эди. 19-а.нинг охири – 20-а. бошида этнографик маълумотлар, археологик кашфиётлар замирида амалий безак санъатига оид илк, ҳорижий олимлар томонидан бажарилган тадқиқотлар юзага келди (Н.Симаков, «Ўрта Осиё санъати», 1879; Боголюбов А., «Ўрта Осиё гиламчилик маҳсулотлари», 1908–09; Бурдуков Н., «Ўрта Осиё кулоллик маҳсулотлари», 1904 ва б.).

20-а. нинг 20–30 й.ларида уюштирилган этнографик ва археологик экспедициялар, халқ ижодини ўрганиш ва ривожлантириш, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва ҳисобга олиш борасидаги ишлар санъатшунослик фани ривожига муҳим ўрин эгаллади. С.Толстовнинг Хоразм экспедицияси материаллари Ўзбекистоннинг қад. санъати тарихига ойдинлик кирита бошлади. Кейинчалик М.Массон, Л.Альбаум, Г.Пугаченковалар фаолияти Ўзбекистон тасвирий санъати тарихини катта илмий материаллар б-н таъминлади.

1930-й.лар миллий амалий безак санъати, тасвирий санъатга бағишланган китоблар нашр этилди (П.Корнилов, Б.Веймарн, Б.Денике, В.Чепелев ва б.). Кейинчалик, Тошкентда Санъатшунослик и.т. институти ташкил этилиши, ун-т таркибида санъатшунослик ф-ти очилиши ҳам мазкур фан ривожини

янги босқичини белгилади. 1950-й.ларда М.Раҳимов, М.Гончарова, М.Бикжанова, А.Морозова, В.Мошкова, Н.Аведовалар миллий амалий безак санъатига оид катта фактик материаллар асосида тадқиқотлар яратишган. Шу даврдан бошлаб Ўзбекистоннинг 20-а. тасвирий санъати, ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоб ва мақолалар чоп этилган (Н.Черкасова, Б.Веймарн, Б.Никифоров, Л.Жалова, С.Крукоская, М.Мюнц ва б.).

1960–80-й.лар ўзбек санъатшунослигининг сермахсул даври бўлди. Айниқса, Л.Ремпель ва Г.Пугаченковаларнинг нашр этган тадқиқотлари («Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана», 1960; «История искусства Узбекистана», 1965 ва б.) Ўзбекистон санъати тарихига муҳим ҳисса бўлиб кўшилди. Тасвирий санъат тарихи ва назарисси, жанрлари соҳасида Р.Тоқтош («Изобразительное искусство Узбекистана», 1972; Современная графика Узбекистана, 1977), А.Умаров («Портретная живопись Узбекистана», 1964), шунингдек, Т.Маҳмудов, Л.Шостко, Н.Абдуллаев, Н.Зиганшина, А.Эгамбердиев ва б.; амалий безак санъати мавзуларида В.Мошкова («Ковры народов Средней Азии конца 19-начала 20 века», 1970), М.Раҳимов («Художественная керамика Узбекистана», 1961 ва б.), Н.Аведова («Искусство оформления узбекских музыкальных инструментов», 1966 ва б.), Д.Фахридина («Ювелирное искусство Узбекистана», 1988), А.Ҳақимов («Современное декоративное искусство Центральной Азии», 1988) ва б. муҳим тадқиқотлар олиб бордилар.

Бу йилларда тадқиқотчиларнинг мунозара ва баҳс майдонига айланган «Совет Ўзбекистон санъати» журнаlining

фаолияти ҳам санъатшунослик фанининг жонланишида ўз ўрнини эгаллади. Албатта, ушбу йиллар эълон қилинган китоб ва мақолалар давр мафқураси, синфийлик ғоялари ўз аксини топиб, ижодкорлар ва асарлар баҳоланишига таъсир этди. Айни пайтда, мазкур нашрлардан ўрин олган миллий санъатнинг тарихий тараққиёти, асосий оқим ва йўналишлари, тур ва жанрлари, машҳур санъаткорлар ижоди ҳақидаги муҳим маълумотлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ўзбекистон санъатшунослигининг янги босқичи миллий истиқлол йилларида бошланди. Мустақиллик берган ижод эркинлиги, ҳодиса ва воқеаларга ҳолисона ва қалб кўзи билан қараш имкониятлари санъат тарихи ва ижодкор асарларининг янги баҳолаш мезонига айланган. Ўтмиш ва бугунги кун санъатини қайта ўрганиш ва баҳолаш, миллий санъатнинг жаҳон санъати ва маданиятидаги ҳаққоний ўрни ва салоҳиятини очиб кўрсатиш, тадқиқ этиш имконияти яратилди. ЎзР Президенти И.Каримовнинг «Бадий академия ташкил этиш ҳақида» (1997), «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» (1998)ги фармонлари, янги ташкил топган «Ўзбекистон тасвирий санъати галереяси» ва б. маданий муассасаларнинг ишга туширилиши санъатшунослик фаолияти учун катта майдонни очмоқда. Мустақиллик йилларида яратилган рисола, тадқиқот ва монографиялар мазмунида янги қараш ва жараёнлар ўз аксини топган. Т.Маҳмудов («Мустақиллик ва маънавий», 2001), А.Ҳақимов («Искусство Узбекистана: эпоха Темуридов и 20 век», Париж, 1996, «Авангард 20 века», 2003), шунингдек Н.Аҳмедова, К.Оқилова, Э.Гул, С.Алиева каби янги авлод

Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатининг йирик арбобларини бирлаштирувчи ҳамда маданият, меъморлик, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, дизайн, музейшунослик, илмий, ижодий, таълим тизимига эга ёш мутахассислар тайёрлашга илмий методик раҳбарлик қилувчи олий илмий методик ташкилот; Ўзбекистон бадий ҳаётининг маркази. 1997 й. Тошкент ш.да ташкил қилинган. Таркибида 44 акад. (фаҳрий аъзолари б-н) бор (2006), хорижий академиклар 4 та. Фаолияти тасвирий ва амалий санъат усталарига ғамхўрлик қилиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёш истеъодларни кашф қилиш, кўргазмалар уюштириш, миллий анъаналарни ривожлантириш, бадийлик асосида юксак маънавий тарбия беришга йўналтирилган. Бадий таълим тизимида Санъатшунослик ин-ти, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти, Республика рассомлик коллежи, Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати, А.Хужаев номидаги Республика дизайн коллежи, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ш. ва вилоятларда тасвирий ва амалий санъат академик лицей ва коллежлари, и.ч. устaxonалари ва лаб. бор. Таркибида Ўзбекистон БА Марказий кўргазма зали, «Хамар» халқаро алоқалар маркази, Бадий кўргазмалар дирекцияси, Замонавий санъат маркази, Тошкент фотография уйи, Ўзбекистон БА махсус фонди, Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси «Оқтош» Ўзбекистон рассомлари ижод уйи, Камолитдин Бехзод мемориал мажмуи, Халқаро маданият карвонсаройи, Тошкент халқаро биеннале дирекцияси, Тошкент халқаро болалар расмлари биеннале дирекцияси, Тошкент халқаро фототанловчи дирекцияси каби ташкилотлар фаолият юритади. «Санъат» жур., «Марказий Осиё нумизматикаси», «Тоҳаристон экспедицияси материаллари», «Бақтрия ўзбек-япон археология экспедицияси материаллари» каби илмий тўпламлар нашр этади.

санъатшуносларнинг тадқиқот ва китоблари истиқдол даврининг маҳсули сифатида намоён бўлмоқда.

Неъмат Абдуллаев

Меъморшунослик. Бошқа санъатшунослик фанларига нисбатан архитектура соҳаларига доир рисола ва кўрсатмалар анча илгари шаклланган. Ўрта Осиёда архитектура фани 10–15-а.лардаёқ махсус қонун-қоидалар асосида бинокорликка таъсир кўрсатган. Форобийнинг «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари» асарини шаҳарсозликка доир қадимги утопик назария десак бўлади, математикага доир рисолалари эса меъмор-муҳандислар учун дастуриламал бўлган. Абу Райҳон Беруний ва Жамшид Коший рисолалари асосида Самарқанддаги расадхона лойиҳаси ишлангани маълум бўлди. Ўрта аср солномаларида, хусусан Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Ҳофиз Танишининг «Абдулланом», Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома», Абу Тоҳир хожанин «Самария» каби китобларида меъморий обидалар ҳақида жуда муҳим маълумотлар келтирилган. Айниқса, Маҳмуд Кошғарий тўплаган туркий сўзлар дугати архитектуранинг мураккаб муаммоларини ечишга ёрдам бермоқда.

Ўрта Осиёда сақланиб қолган меъморий ёдгорликларни аниқлаш, рўйхатга олиш ишлари асосан 20-а.нинг 20-й.ларида бошланиб, даставвал В.Бартольд, В.Вяткин, М.Массон каби тарихчи олимлар учун архитектура тарихига оид баъзи кузатишларни жамлаш учун имкон яратди. В.Вяткин, В.Шишкин, И.Умняковларнинг илмий-оммабоп рисолалари эълон қилинди. Ўзбекистон осори-атиқаларини муҳофаза этиш кўмитаси («Узкомстарис») раиси, тарихшунос Мусо Саиджонов айниқса, Самарқанд ва Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорликларни ўрганишда анча самарали меҳнат қилди; Гури Амир ёдгорлиги ҳақида ўзбек тилида дастлабки китобни чиқарди, лекин миллатчи тамғаси б-н 1937 йилда қатагон қурбони бўлди. Меъморий меросни илмий ўрганиш ва таъмир этиш ишлари Москвадан қувғин қилинган архитектор Б.Засипкин томонидан Самарқанд шаҳрида бошланди, унинг Ўрта Осиё архитектураси ҳақидаги охириги китоби («Архитектура Средней Азии», М., 1948) мазкур соҳага доир дастлабки йирик тадқиқот десак бўлади.

СССР бўйича осори-атиқалар маъмуриятининг бошлиғи Ш.Е.Ратия томонидан тайёрланган «Бибахоним масжиди»

(«Мечеть Биби-ханум в Самарканде», М., 1950) асари меъморий ёдгорлик ҳақидаги дастлабки монография сифатида катта қизиқиш уйғотди. Баъзи камчиликлар қаторида Амир Темур бунёд қилган жомеъ масжидни Бибахоним номи билан муҳрлаб қўйгани ўша давр мафкурасининг тарихни сохталаштириш сиёсати оқибати эди. Кўп йиллик тадқиқотлар натижаси бўлган «Ишратхона мақбараси» («Мавзолей Ишратхона») номли тўплам (муаллифлар М.Массон, В.Вяткин, Г.Пугаченкова, Б.Засипкин ва б.) 1958 й.да нашрдан чиқиши илмий жамоатчилик томонидан йирик кашфиётдек қабул қилинди. Кейинроқ маълум бўлишича, Ишратхона мақбара эмас, балки 1397 йилда Амир Темур Кониғил ўланги чеккасига алоҳида илос билан қурдирган, Бобур Мирзо айтганидек, «Улуғ кўшк Дилкушо» бўлиб чиқди.

1950-й.лардан бошлаб Ўрта Осиё меъморий меросига бағишланган турли тадқиқотлар пайдо бўлди. Айниқса, В.Воронина, В.Нильсен, Г.Пугаченкова каби архитектор олимлар чиқарган китоблар санъатга қизиққан талабалар томонидан дарсликдек қабул қилинди. В.Воронининг ўзбек меъморий анъаналарига бағишланган китоб («Народные традиции в архитектуре Узбекистан», М., 1950) давр талабига кўра ижодкор архитекторлар орасида кенг тарқалди. Г.Пугаченкованин Навоий даври архитектураси, В.Нильсеннинг Бухоро воҳасидаги 11–12 а.лар архитектураси ҳақидаги тадқиқотлари алоҳида китоб шаклида нашр этилди. Кейинроқ Г.Пугаченкова Жанубий Туркменистон архитектураси қадриятига бағишланган монография билан санъатшунослик доктори унвонига муяссар бўлди, В.Нильсен эса Ўрта Осиё архитектураси (5–8 а.лар) тадқиқоти учун тарих фанлари доктори бўлди. Архитектор олимларга архитектура соҳасидаги тадқиқоти учун санъатшунослик ёки тарих фанлари унвони берилиши ўша даврдаги советларнинг архитектурага нисбатан бўлган мафкуравий хуруждан дарак беради.

Ўрта Осиё архитектураси ва у б-н боғлиқ санъатларни ўрганишда Г.Пугаченкованин тадқиқотлари алоҳида ўрин эгаллайди. Г.Пугаченкова ва Л.Ремпель тайёрлаган икки китоб – «Ўзбекистоннинг ажойиб меъморий ёдгорликлари» (1958), «Ўзбекистоннинг ажойиб санъат ёдгорликлари» (1960)дан ҳоз. талабалар ҳам дарслик сифатида фойдаланишди. Икки олим ҳамкорликда яратган «Ўзбекистон санъати тарихи» («История

искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века», М., 1965) санъатшунослик фанининг шох асари ва юксак ютуғи сифатида машҳур бўлди. Қатагон йиллари Ўзбекистонга сургун бўлган санъатшунос Л.Ремпель архитектурани ўрганишда ўрнатилган тадқиқотлар яратди, хусусан «Ўзбекистон архитектурасида нақшунигорлар» (Архитектурный орнамент Узбекистана, Ташкент, 1961), «Панжара» (1957) каби китоблари халқ амалий санъати усталарига дастуриламал-дарсликдек бўлиб қолди. Кўп йиллар Тошкентнинг бош архитектори сифатида хизмат қилган М.С.Булатов доим қад. архитектурадаги шаклу шамойил тузилиши б-н қизиқиб келган. Унинг «Ўрта Осиё архитектурасида ҳандасий мутаносиблик (10–15 а.) тадқиқоти («Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии (X–XV вв.)», М., 1978) илмий-назарий жиҳатдан янги йўналиш очди. П.Зоҳидовнинг «Меъмор санъати» (1978), «Темур даврининг меъморий қаҳқашони» (1996) ва б. китоблари Ўзбекистон меъморлик санъатининг назарий-тарихий асослари (меъморий алқонун ва б.), меъморий обидалар ҳақидаги янги таҳлиллар б-н миллий меъморшуносликнинг ривожига муҳим ҳисса қўшган.

20-а. охири ва 21-а. бошларида архитектуранинг турли соҳалари бўйича ўзбек архитектор олимларининг докторлик тадқиқотлари эълон қилинди, А.Маҳқамов қишлоқ архитектураси бўйича мутахассис сифатида танилди. Ш.Асқаров, М.Аҳмедов шаҳарсозлик тарихи ва назарияси бўйича, Х.Турсунов ҳозирги замон шаҳарсозлиги муаммолари, А.Ўролов Ўзбекистон архитектурасида жамоат бинолари, И.Азимов Ўзбекистонда меъморий мактаблар муаммоси, М.Юсупова Бухоронинг 16–17-а.лардаги архитектураси, Т.Қодирова 20-а. Ўзбекистон архитектураси, О.Жаббор Тошкентдаги уй-жой архитектураси шаклланиши, Т.Ҳидоятлов Ўзбекистонда мактаблар архитектураси ҳақида тадқиқотлар яратдилар. Бу эса Ўзбекистон архитектура фани имкониятлари ниҳоятда ўсганидан дарак беради.

Ўзбекистон мустақиллиги шарофати б-н тарихан жуда қисқа муддатда архитектор олимлар сафи ёш тадқиқотчи мутахассислар б-н кенгайиб бормоқда, архитектура келажаги тўғри йўналишини аниқлашда елкадош бўладиган кадрлар икки олий таълим муассаса – Тошкент ва Самарқанд Архитектура ин-тида етишиб чиқмоқда.

Пулат Зоҳидов.

АДАБИЁТИ

ХАЛҚ ОҒЗАКИ БАДИИЙ ИЖОДИ

Халқ ижодининг асосий турлари ва таркибий қисмларидан бири оғзаки бадий ижоддир. Ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиш давларида оғзаки сўз санъатига нисбатан эл адабиёти, оғзаки адабиёт, оғиз адабиёти каби турли-туман атамалар ишлатилган. Кейинчалик халқ оғзаки бадий ижодининг (оғзаки сўз санъатининг) барча намуналарини ўз ичига олувчи «ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди» ва «ўзбек фольклори» атамалари мустақкам равишда ўзлашди.

Инсон нутқи шаклланиши б-н халқ оғзаки бадий ижодининг қад. тур ва жанрлари ҳам қоришиқ ҳолда юзага кела бошлади. Кишилиқ бадий тафаккурининг турли шакллари уз ичига олган бу синкретик ижод намуналари ибтидоий инсон маишати ва фаолиятининг барча жиҳатлари б-н узвий боғланган бўлиб, қад. кишиларнинг диний-этиқодий ва мифологик қарашларини, бошланғич илмий билимларини, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини акс эттирган. Бироқ қад. фольклорнинг бундай намуналари бизгача етиб келмаган. Уларнинг излари ва айрим қисмлари кейинги даврларда ёзиб олинган фольклор асарларида қолдиқ ҳолида, шунингдек, айрим ёзма манбаларда қайта баён қилинган шаклда сақланиб қолган.

Ёзувнинг юзага келиши натижасида фольклор б-н тарихан боғлиқ а д а б и ё т ҳам пайдо бўлди. Бадий матннинг айрим ижодкор (шоир, ёзувчи, драматург) ижодий фаолияти б-н боғланиши, айрим олинган ижод намунаси сифатида ёзув б-н мустақамланиши адабиётнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб,

унинг юзага келиши инсоният бадий тафаккури тараққиётидаги ўзига хос бурилиш нуқтасидир. Адабиёт ўзининг тараққиёти давомида фольклордан деярли барча эстетик тушунчалар ва бадий шакллари ўзлаштириб олганлигига қарамай, ўзига хос бадийят қонуниятлари асосида мустақил равишда ривожлана борди. Сўз санъатининг мустақил тури сифатида фольклор ҳам адабиёт б-н биргаликда ёнма-ён яшаб давом этди. Сўз санъати бу 2 турининг мустақил ривожини, фольклор ва адабиёт асарлари яратилган ижтимоий муҳитдаги фарқлар, ижодий жараённинг хилма-хиллиги уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларини янада кучайтирди. Натижада фольклор ва адабиёт ўзларига хос муайян эстетик тизим, жанрлар таркиби, бадий хусусиятларга эга бўлган сўз санъатининг мустақил 2 тури – оғзаки ҳамда ёзма тури сифатида шаклланди ва ривожланди.

Фольклорнинг асосий хусусияти ижодий жараён – яратувчилик ва ижрочилик жараённинг оғзакилиги ва унга кўпчиликнинг иштироки (жамоавийлик характери эга бўлиши) б-н белгиланади. Унинг анъанавийлик, ўзгарувчанлик, вариантлик, оммавийлик, анонимлик (муаллифининг номаълумлиги) каби кўпдан-кўп белгилари фольклорга хос ижодий жараённинг ана шу бош хусусияти доирасида намоён бўлади. Фольклор намуналари оғзаки яратилиб, уларнинг оғзаки тарқалиши, оммавий релертуардан кенг ўрин олишига бадий шакллари барқарорлиги (тургунлиги), матндан матнга ўтувчи умумий ўринларнинг қатъийлашганлиги (мас., дostonлардаги эпик клишелар, анъанавий стилистик фигуралар каби), ўхшаш сайёр сюжетларнинг кўплиги имконият яратади. Ҳар бир ижод (қайта ижод) ва ижрода анъанавий асардаги айрим ун-

сурлар ўзгаради, нималардир аввалгисидан бошқачароқ талқин этилади, қай бир эпизодлар қўшилади ёки тушиб қолади. Бундай ўзгарувчанлик ижтимоий муҳит, маиший шароит, эшитувчилар талаби, ижрочи (ижодкор) салоҳиятига ҳам боғлиқ, албатта. Лекин ҳар қандай ўзгариш, ижро давомидаги қайта ижод асрлар давомида қатъийлашган пухта анъаналар доирасида содир бўлади, фольклор асарларининг кўп вариантларда тарқалишига олиб келади.

Фольклорнинг жамоавийлик характери яқка ижодкорлар фаолиятини инкор этмайди. Истеъдодли ижодкорлар фольклор намуналарини сақлаб қолиш ва кенг оммалаштириш б-н бирга, оғзаки анъаналар доирасида уни янада мукамаллаштирадидилар, баъзан янгиларини ҳам яратадилар. Бироқ бунда қатъийлашган ва барқарорлашган жамоавийлик анъаналари етакчилик қилади. Шунинг учун ҳам фольклорнинг деярли барча жанрлари турли-туман ижодкорлар фаолияти б-н боғлиқдир. Айрим жанрлар (мас., топнишмоқ, мақол каби) оммавий характерга эга бўлса, яъни уларнинг намуналаридан ҳар бир киши озми-кўпми айта олса, бошқаларининг (дoston, оғзаки драма сингари) ижроси муайян тайёргарликни талаб қилган. Шу тариқа фольклор намуналарини яратиш ва ижро этишда ўзига хос касбий ижодкорлик юзага келган. Ўзбек фольклорини ижодкор ва ижрочи (бахши, эртақчи, аскиябоз, қизиқчи)ларнинг касбий маҳорати ниҳоятда ривожланган.

Кўшиқ, мақол, топнишмоқ, афсона, ривоят, лоф, латифа, эртақ, дoston, аския, оғзаки драма ва б. фольклорнинг асосий жанрлари бўлиб, улар сўз санъати намуналари бўлиш б-н бирга муайян бир ижтимоий-маиший вазифани ҳам адо этадилар. Мас., халқ кўшиқларининг

муайян тури меҳнат жараёнларига алоқадор бўлса, ёр-ёр, ўлан, лапар, келин салом, йиғи-йўқловлар тўй ва мотам маросимлари б-н боғлиқдир. Фольклор жанрлари ғоявий-бадий хусусиятлари б-н эмас, балки ижро усуллари (якка ижрочилик, жамоавий ижрочилик, созли, созсиз каби) жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиладилар. Уларнинг бири куйлаш учун, иккинчиси айтиб бериш, ҳикоя қилиш учун, бошқаси кўрсатиш, намойиш этиш учун ёки ҳам куйлаш, ҳам ўйнаш, ҳам айтиш учун мўлжалланган бўлади. Фольклор жанрлари қанчалик хилма-хил, баъзан ўта функционалланган ва қатъий вазифадор бўлишига қарамай, улар яхлит бадий тизимни ташкил этади.

Фольклор жанрлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт б-н узвий боғлиқ. Шу сабабли халқ ҳаётидаги тарихий ўзгаришларга кўра, улар ҳам ўзгара борган. Қай бир жанрлар ёки намуналар ижрочилар репертуаридан тушиб қолган ёки бутунлай йўқолган, янгилари яратила борган. Шунинг учун ҳам кейинги асрлардагина ёзиб олинган фольклор намуналарида кўп қатламлик мавжуд бўлиб, узоқ ижро давомида уларда бир неча даврлар ўз изини қолдирган. Фольклор жанрларининг кўп бошқичли тараққиёти жиҳатидан ва тарихий-типологияк нуқтаи назардан қараганда, энг қад. даврларда кўпчилик халқларда мифлар, уруғ ва қабилалар ҳақидаги афсона ва ривоятлар, айтимлар, олқиш ва қарғишлар, мавсум-маросим фольклори намуналари, меҳнат қўшиқлари, топишмоқ ва мақоллар кенг тарқалган. Кейинги даврларда эса эртаклар, эпоснинг архаик шакллари юзага келган. Патриархал-уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва илк давлатларнинг шаклланиши даврида қахрамонлик дostonлари яратилган, кейинроқ роман-ник эпос, лирик ва тарихий қўшиқлар, оғзаки драма, латифа ва лофлар пайдо бўлган.

Ўзбек фольклорининг қад. намуналари асл ҳолида тўла равишда бизгача етиб келмаган. Қад. мифлар, афсона ва ривоятлар, мақол, топишмоқ ва қўшиқлар, эпос парчалари турли характердаги ёзма ёдномалар, юнон, хитой, араб манбалари, тарихчиларнинг маълумотлари, археологияк топилмалар орқали, шунингдек, кейинги даврларда ёзиб олинган фольклор асарлари таркибида сақланиб қолган. Қайюмарс, Жамшид, Гершасп, Сиёвуш, Афросиёб, Рустам, Искандар, Эликбек, Тўмарис, Широқ, Зариадра ва Олатида, Зарина, Ойсулув, Гулдурсун, Одами Од ҳақидаги афсона ва ривоят-

лар, қахрамонлик эпослари, «Девону луготит турк»да келтирилган фольклор намуналарининг яратилишида ўзбек халқи қад. ота-боболарининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу қад. фольклор намуналарида тасвирланган ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва қабоҳат, тўғрилиқ ва этрилик, адолат ва ҳақсизлик ўртасидаги кураш мотивлари кейинчалик ўзбек халқ оғзаки бадий ижодида қайта ишланиб, халқимизнинг ижтимоий муносабатлари ва курашлари б-н уйғунлашиб кетган.

Ўзбек халқ оғзаки бадий ижодининг қад. намуналари меҳнат ва мавсум-маросим қўшиқларидир. Улар қўшиқ яратувчиларнинг амалий фаолияти — овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, хунармандчилик б-н бевосита боғланган ва меҳнаткаш омманинг қад. урф-одатлари, хилма-хил маросимлари ва эътиқодлари негизда яшаб келган. Меҳнат қўшиқлари турли меҳнат жараёнлари б-н боғлиқ. Мас., хирмон ячишида «хўп-майда» ёки «майдагул», сигир, қўй, эчкиларни соғиш ва бузоқ, қўзи, улоқларни эмишида «хўш-хўш», «турей-турей», «чурей-чурей» қўшиқлари куйланган. Ер ҳайдаш, ўрим, ёруғчоқ тортиш, чарх йиғириш ва бўз тўқиш жараёнларида махсус қўшиқлар айтилган. Инсоннинг яшаш ва ҳаёт кечирishi тарзи, турли-туман иримлар, урф-одатлар, мавсумий юмушлар, маросимлар ва байрамлар б-н боғлиқ равишда жуда кўп фольклор намуналари яратилган. Оналар ва бувилар томонидан айтиладиган аллалар ҳамда оталар ва боболар томонидан куйланадиган хўйларда эзгу орзу-ҳаваслар, фарзанднинг келажаги ҳақидаги умидбахш ниятлар тасвирланади, бола тарбиясига оид халқона қарашлар баён этилади. Фарзанднинг туғилиши, чақалоқнинг бешик даври, улғайиши, жисмоний ва нутқий баркамоллиги, ёш ва суннат тўйлари, улғайиш эҳтирослари б-н боғлиқ айтим-олқишлар, эркалама, овутмачоқ, ялинчоқ, ҳукмлагич, чалғитма, чорлама, гулдур-гуп, санама, айтишма, тегишмачоқ, масхарадамалардан иборат бутун бир болалар фольклори тизими яратилган. Ниҳоҳ тўйи маросими б-н боғлиқ равишда ёр-ёр, лапар, ўлан, келин салом, куёв салом каби қўшиқлар куйланган. Буларда келин-куёвнинг таъриф-тавсифлари, тўйнинг шавқ-заъқи, шунингдек, ижтимоий ҳаёт ва тенгсиз ниҳоҳдан норозилик мотивлари тасвирланган. Кадрдон кишининг вафоти муносабати б-н йиғлаб айтиландиган қўшиқларда эса марҳумнинг энг яхши сифатлари, шафқатсиз ўлим туфайли бошга тушган мусибат, жудолик

ларди ҳам-алам б-н изҳор этилади. Йил қурғоқчилик келганда, ёмғир чақиришга бағишланган «Сус хотин», қаттиқ шамол бўлганда, уни тўхтайтиш учун «Чой-момо» маросими ва қўшиқлари ижро этилган. «Бойчечак», «Барот келди», «Ё, рамазон» кабилар ҳам турли мавсум-маросимлар б-н боғлиқ. Байрамлар, жумладан, Наврўз байрами ҳақида туркум фольклор намуналари яратилган.

Халқ бадий ижодининг каттагина қисмини лирик ва сатирик қўшиқлар, термалар ташкил этади. Лирик қўшиқларда ишқ-муҳаббат, оила, ижтимоий ва маиший ҳаёт ҳодисалари кенг ёритилса, сатирик қўшиқларда жамияттаги салбий ҳодисалар, айрим ноҳўя ишлар танқид қилинади. Қўшиқлар дилраболиги, ёқимли оҳанги, тўқ қофиялари, образлилиги, тасвирий усул ва воситаларнинг хилма-хиллиги б-н инсон руҳиятини ғоятда теран акс эттиради. Муҳим ғоявий-эстетик вазифани ўтайди.

Ўзбек фольклорининг энг оммавий жанрлари мақоллар ва топишмоқлардир. Халқнинг асрий тажрибалари, панд ва насиҳатларини ўзида ифодаланган мақоллар ҳажман қисқа, бироқ кенг маъноли, образли нутқ мевасидир. Мақолларда халқимизнинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик ва фалсафий қарашлари ифодаланган. Уларда ватанпарварлик, мардлик, қахрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, вафодорлик, илм-хунар ўрганиш каби олижаноб фазилатлар улуғланади, қўрқоқлик, нолонлик, ёмонлик, эгрилик, умидсизлик, ёлғон гапириш, ялқовлик, очкўзлик, таъмагирлик каби ярамас сифатлар инкор этилади. Ўзбек халқи бисотида уттиз мингга яқин мақол бўлиб, улар ғоявий ва мавзу жиҳатидан бой ва ранг-баранг.

Халқ орасида бадий асарлардан топишмоқлар ҳам жуда кенг тарқалган. Улар нарса ва ҳодисаларнинг муайян белгиларини бошқа предметларга қиёсан яшириб, яширилган нарса ва ҳодисани топишга мўлжалланган бадий асарлардир. Шунга кўра, топишмоқ 2 қисмдан иборат бўлади: яширилган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги образли ифодалар, яъни топишмоқнинг ўзи ва унинг жавоби. Тоғ ва ўрмонлар, дарё ва кўллар, чўл ва биёбонлар, бўрон, сел ва тошқинлар, ер ва осмон, йил ва унинг фасллари, ҳайвонлар ва ўсимликлар олами, уй-рўзгор ва маиший жиҳозлар ҳақида кўплаб топишмоқлар яратилган. Топишмоқлар ҳам мақоллар сингари тузилиш жиҳатидан баъзан насрий, кўпчилик ҳолларда шеърий шаклда бўлади. Шеъ-

рий топишмоқларда муайян вазн, ўзига хос туроқланиш, яхлит қофия тизими мавжуд. Мас.,

Тўрт оёқли,

Темир туёқли (От).

Топишмоқлар бир савол-жавобли, яъни бир предметли бўлиш б-н бирга кўп савол-жавобли – кўп предметли ҳам бўлади. Бундай топишмоқлар кўпчилик ҳолларда яхлит шеърини парча тарзда намоён бўлади:

Тоғда талаймонни кўрдим,

Сувда сулаймонни кўрдим,

Тузсиз пишган ошни кўрдим,

Юмалаб ётган тошни кўрдим.

(Бўри, балиқ, сумалак, тошбақа).

Афсона ва ривоятлар, нақл, латифа ва лофлар, эртаклар ўзбек фольклорининг насрий жанрларини ташкил этади. Хабар, ахборот бериш тарзидаги ҳаёлий уйдирмаларга асосланган қисқа сюжетли баёний ҳикоялар афсоналарни ташкил этади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар афсоналарга ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоялар, дея баҳо берадилар. Ўзбек халқи оламнинг ибтидоси ва интиҳоси, осмон жисмларининг ҳаракати, сахаро, чўл, дашт, тоғ, кўл, дарё ва денгизларнинг пайдо бўлиши, баъзи иншоотларнинг қурилиши ва вайрон бўлиши, авлиё-анбиёлар, ҳаёлий қаҳрамонларнинг турмуш тарзи ва мақоматлари ҳақида юзлаб афсоналар яратган. «Ширин қиз», «Дев қалъа», «Калтаминор», «Илонбузган», «Эр ҳубби», «Анбар она», «Етаган», «Искандар Зулқарнайн» кабилар шулар жумласидандир.

Қачонлардир бўлиб ўтган ёки бўлганлигига ишонилган воқеа ва ҳодисалар, тарихий шахсларнинг у ёки бу ишлари ҳақида хабар берувчи баён тарзидаги қисқа сюжетли ҳикоялар ривоятлар ҳисобланади. Ривоятлар сюжет тузилиши, баёний тарзи, ахборот бериш хусусиятлари б-н афсоналарга ўхшайди. Аммо тарихий воқеалар ва шахслар, уруғ ва жой номларига доир маълумотлар, фактик ҳодисалар ҳақида ахборот бериши б-н улардан фарқ қилади. Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Амир Темури, Улугбек, Машраб каби тарихий шахслар ҳақидаги ривоятларда бу шахслар б-н боғлиқ қизиқарли воқеалар баён этилиб, уларнинг юксак фазилатлари, донишмандликлари ибрат қилиб кўрсатилган. Афсона ва ривоятлар халқнинг этиқодий ва мифологик қарашларини, табиат ва жамият ҳақидаги эмпирик (тажрибага асосланган) билимларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбек фольклорига халқ фалсафаси ва донишмандлигини намоён этувчи нақллар, закийлик, фасоҳатга бойлиги, ҳазил-мутойиба ва ҳажвий йўналиши б-н



Эргаш Жуманбулбул ўғли.



Фозил Йўлдош ўғли.

ажралиб турувчи аския ва латифалар, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида бўрттириб, ошириб сўйлаш, муболағалашни қиёслаш санъати орқали яратиладиган лофлар ҳам алоҳида жанрлар сифатида катта ўрин тутайди. Анъанавий халқ театрининг асоси бўлган, ранг-баранг жанрлари б-н ажралиб турувчи бутун бошли адабий тур-оғзаки драматургиянинг мавжудлиги ва унинг беш юздан ортиқ пьесаларининг ёзиб олинганлиги ҳам ўзбек фольклорининг турлари ва жанрлари бойлигини намоён қилади.

Фольклор жанрлари орасида эртаклар алоҳида мавқега эга. Улар ҳаёлий ва ҳаётини уйдирмалар асосига қурилган, ҳақиқат ва ёлғонни ажойиб бир тарзда ўзида уйғунлаштирган нодир эстетик ҳодисалардир. Эртаклар гоёвий-тематик ва бадиий хусусиятлари жиҳатидан ҳайвонлар ҳақидаги, сеҳрли, маиший эртаклар каби турларга бўлинади. Бу турлар образлар талқини, конфликт, сюжет, композиция, фантастик уйдирманинг ўрни ва функцияси, тил ва услуби жиҳати б-н бир-биридан фарқ қиладилар.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда («Чўлоқ бўри», «Меҳриғиё», «Кўк қўчқор», «Оққуш», «Айиқ полвон», «Илон пари», «Илон оға», «Бўри қиз» ва б.) ибтидоий тушунчалар б-н боғлиқ равишда от, қўй, эчки, сигир каби уй ҳайвонлари, бўри, айиқ, илон каби ёввойи ҳайвонларнинг ғайритабиий кўринган хусусияти, уларнинг одамлар б-н бўлган муносабати ҳикоя қилинади. Ажойиб кўринган ҳодисалар ва турли хил ҳайвонларга нисбатан тотемистик, анимистик қарашларнинг ифодаланиши бундай эртакларда алоҳида ўрин тутайди. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг бир қисми («Бўри билан тулки», «Тулқининг тақсимоги», «Қумурсқа», «Қарға билан қўзи» ва б.) қадимий тасаввурларнинг унутила бошлаши б-н жамият тараққиётининг кейинги босқичларида мажозий эртакларга айланган. Эртаклардаги аллегорик образлар орқали ижтимоий муносабатлар ифодаланган, жамиятдаги тенгсизлик тасвирланган.

Сеҳрли эртаклар сеҳр-жоду, тилсим, фантастик уйдирмалар асосига қурилган бўлади. Уларда персонажлар, воқеа ва ҳодисалар одатдан ташқари, ғайритабиий ҳолда тасвирланади. «Девсафид», «Ялмоғиз», «Семурғ», «Кенжа ботир», «Ёрилтош», «Тули қаҳ-қаҳ» кабилар бундай эртакларнинг характерли намуналаридир. Пари, ялмоғиз, дев, аждар, семурғ каби фантастик ва мифологик образлар бундай эртакларда муҳим ўрин тутайди. Бош қаҳрамон буларга қарши курашади ёки уларнинг хизматидан фойдаланади. Сеҳрли эртаклар қанчалик ҳаёлий бўлмасин, уларнинг асосида ҳаётини уйдирма тасаввурларнинг реал қўзғатувчиси аниқ, уларда орзу-умидлар мужассамлашган.

Маиший эртаклар реал ҳаётини асосига эга бўлиб, фантастика кўмакчи вазифини ўтайди. Уларда асосан ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, зулм ва зўрлик қораланиб, эзгулик, ҳақиқатнинг ғалабаси улуғланади. «Зиёд ботир», «Уч оғани ботирлар», «Озода чехра», «Тоҳир ва Зухра», «Аёз», «Авом фолчи» ва б. да меҳнаткашларнинг аҳволи, зулм ва зўрлик ҳомийларининг кирдикорларига нисбатан норозилик тасвирланган.

Маиший эртакларнинг каттагина қисмини ҳажвий эртаклар ташкил этади. Бундай эртаклар ижтимоий ҳаётда реал асослари бўлган ҳаётини уйдирмалар заминига қурилган бўлиб, ўткир сатира ва хушчақчақ юмор уларнинг асосий хусусиятини белгилайди. Ҳажвий эртакларнинг асосий ижобий қаҳрамонлари донишманд чол, камбағал йигит, доно аёл, ҳозиржавоб кал ва б. Булар ўзларининг қўрқмаслиги, топқирлиги, донолиги, ҳозиржавоблиги б-н калтафаҳм руҳонийлар, зolim амалдорлар, хасис бойларни фош этадилар, баъзан ўзлари ҳам комик ҳолатларга тушиб қоладилар. «Қози билан камбағал», «Тухмагчилар жазоси», «Икки мулла», «Тўрт ялқов», «Икки ўжар», «Уч ёлғонда қирқ ёлғон», «Бой билан кал» кабилар ҳажвий эртакларнинг энг яхши намуналаридир.



Пўлкан шоир.

Ўзбек фольклорининг энг йирик жанрларидан бири — дoston. Ўзбек халқ бахшиларидан юз элликлдан кўпроқ сюжетга бўлинган тўрт юздан ортиқ дoston ёзиб олинган. Бу дostonлар ниҳоятда кўп тармоқли ва кўп мавзули бўлиб, узоқ асрлар давомида яратилган ва турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда куйланиб келинган. Уларнинг қад. намуналари қаҳрамонлик дostonларидир.

Қаҳрамонлик дostonлари патриархал-уруғчилик муносабатлари б-н, кўчманчилик ва ярим кўчманчилик ҳаёт тарзи б-н чамбарчас боғлиқ. Уларда реал ижтимоий воқелик қаҳрамонлик идеализацияси доирасида кўтаринки руҳда тасвирланади. Қаҳрамонлик дostonларининг ёрқин намунаси «Алпомиш» (10-а.) ва унинг давоми «Ёдгор» дostonларидир. «Алпомиш»да қаҳрамонлик, мардлик, ватанпарварлик, дўстлик, вафо ва садоқат улуғланади. Қаҳрамонлик дostonлари таъсирида жангнома-дostonлар юзга келди. Агар қаҳрамонлик дostonларида бош қаҳрамон фаолияти яккама-якка олишувларда, баҳодирлик шартларини бажаришда намойён бўлса, жангномаларда турли-туман характердаги уруш эпизодларида кўрсатилади. Душманга қарши курашда мардлик ва жасорат кўрсатиш, она ер бутунлиги учун кураш, эл-юртлар бирлиги, ватанпарварлик ва дўстлик каби олижаноб ғоялар куйланади. «Юсуф билан Аҳмад» ва унинг давоми бўлган «Алибек билан Болибек» дostonлари бунинг ёрқин мисолидир. Ҳар иккала дoston ватанпарварлик туйғулари, она юрт соғинчи б-н йўғрилган.

Тарихий дostonлар тарихда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар, айрим тарихий шахслар фаолияти асосида яратилган бўлиб, бундай дostonларда тарихий ҳақиқат б-н афсона, факт б-н бадий тўқима ўзига хос равишда чатишиб кетган. «Ойсулув», «Тулумбий», «Шайбонийхон», «Ойчинор», «Тўлғоний», «Номоз», «Маматқарим полвон» кабилар шу турга мансуб. Улар тарихдаги тайин воқеалар ва фактларни тасвирлаш характерли, ҳужжатийликнинг даражаси жи-



Ислом шоир.

ҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ қилади. Ўзбек дostonчилигининг кейинги тараққиёт даврларида тарихий дostonларнинг бир хили сифатида афсонавий бахшилар ҳамда айрим дostonчиларнинг ҳаёт йўли тасвирланган автобиографик ва биографик дostonлар («Кунларим», «Таржимаи ҳол», «Мулла Ғойиб», «Оллоназар Олчинбек», «Маҳтумқули» ва б.) юзга келди.

Халқ дostonларининг катта бир турини романик эпос намуналари ташкил этади. 12–17-а.ларда яратилган бундай дostonлар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муносабатлари б-н боғлиқ бўлиб, уларнинг моҳиятини севги можаролари, кўрқинчи саргузаштлар, эртатка хос фантастик воқеалар, шу б-н бирга ҳаётий ҳодисалар тасвири белгилайди. Романик дostonларнинг сюжет тузилиши ниҳоятда бир-бирига ўхшаш бўлиб, одатда қаҳрамон ғойибона ошиқ бўлган гўзални излаб, сафарга отланади, ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни, қийин саргузаштларни бошидан кечиради, ғайритабиий кучлар б-н тўқнашади, барча қийинчиликларни енгиб, ўз мақсадига эришади. Бироқ бу дostonларнинг ҳар бири композицион қурилиши, образлари, мотивларининг ишланиш характерли ва мазмунлари жиҳатидан мустақил бўлиб, бир-бирларидан фарқланадилар. Романик дostonларнинг таркиби ниҳоятда мураккаб. Қаҳрамонлик дostonларида романик эпосга хос жиҳатлар бўлганидек, романик дostonлардан қаҳрамонлик дostonлари унсурлари, жангномалар хусусиятлари ҳам мустақам ўрин олган. Ҳатто баъзи дostonларда бир неча мавзу барабар ишланган. Қаҳрамонлик-романик дostonларда («Рустам» туркуми, «Якка Аҳмад», «Гўрўғли» туркумига кирувчи бир қанча асарлар) қаҳрамонлик йўналиши устун турса, ишқий-романик дostonларда («Кунтуғмиш», «Ораигул», «Ёзи билан Зебо», «Гўрўғли» туркумининг сўнги ҳалқалари) севги можаролари, саргузаштли воқеалар тасвирига алоҳида эътибор берилади.

Ўзбек халқ дostonлари жонли оғзаки ижрода асрлар давомида бой ёзма адабиёт намуналари б-н ёнма-ён яшаб келди. Мумтоз адабиётнинг дostonчиликка таъсири баракали бўлди. Бундай жараён 17-а.дан кейин янада кучайди. Оқибатда романик эпоснинг бир тури сифатида китобий дostonлар юзга келди. Бундай дostonлар мумтоз шеърят намуналарининг бахшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасида юзга келган ёки яратилиши жиҳатидан ёзма адабий манбага эга бўлган, шунингдек, бевосита ёзма адабиёт таъсирида яратилган асарлардир. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом», «Юсуф ва Зулайҳо», «Варқа билан Гулшоҳ», «Вомиқ билан Узро», «Зевархон» ва б. шу хил дostonлардандир. 18-а.нинг охирларидан, хусусан, 19-а.нинг 2-ярмида фольклор асарларини ёзма адабиётга яқин руҳда қайта ишлаш ёки, аксинча, ёзма адабиёт намуналарини «фольклорлаштириш» жараёни ниҳоятда кучайди. Бунинг натижасида турли характер ва мазмундаги қиссалар («халқ китоблари») пайдо бўлди, айрим бахшилар ижодида ёзма адабиёт унсурлари кўрина бошлади.

19-а.нинг 2-ярми — 20-а. бошлари ўзбек фольклори тараққиётида алоҳида босқич бўлди. Бу даврда анъанавий фольклор асарлари кенг ижро этилиши б-н бирга, замоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларини акс эттирувчи лирик ва эпик асарлар яратилди, тарихий қўшиқлар жанрининг янги намуналари юзга келди. Россиянинг босқинчилик сиёсати ва мустамлакачилик зулмига қарши халқ норозилигини акс эттирувчи, амир ва бекларнинг ўзаро келишмовчиликларини қораловчи «Хоразмнома», «Ботирхон зулми», «Назар ва Оқбўтабек», «Музаффархон», «Жиззах кўзғолони» каби асарлар яратилди.

Анъанавий фольклорнинг жонли ижроси совет даврида ҳам давом этди. Бу даврда фольклор ижодкорлиги ва ижрочилигининг жонли анъаналарини давом эттириб келаётган юзлаб бахшилар, эртаткчилар, қизиқчи ва масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, аскиячилар ижро этган асарлар ёзиб олинди. Улар орасида Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан, Ислом шоир, Бола бахши, Ҳасан Худойбердиев, Нурали Нурмат ўғли, Юсуфжон қизиқ каби санъаткорлар бор. Бугунги кунда ҳам фольклорнинг деярли барча жанрларида янги асарлар яратилмоқда. Айниқса, бадий ҳаваскорлик, бахшилар ижоди, қўшиқчилик янада тараққий қилмоқда. Кейинги йил-

ларда кўплаб фольклор-этнографик ансамбллар пайдо бўлди. Ёзиб олинган фольклор асарлари нашр қилинмоқда.

Халқ оғзаки бадиий ижоди миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида жуда катта ижтимоий қимматга эга. Унинг ижтимоий қиммати маънавий-маърифий, гоъвий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти б-н белгиланади. У халқнинг тарихи, урф-одати, маишати, дунёқараши, ижтимоий муносабатлари, орзу-умидлари ҳақида кенг маълумот беради. Ўзбек фольклорига бутун бир халқнинг тақдири, у мансуб ватаннинг гузалликлари тасвирланган, тинчлик ва фаровонлик учун кураш, ватан тупроғини кўз қорачигидек асраш гоълари, бу йўлда мардлик кўрсатган қаҳрамонлар куйланган. Халқ оғзаки бадиий ижодида халқимизнинг бадиий диди, воқеликка нисбатан халқона эстетик муносабати ифодаланган. Унинг намуналари халқ ижодкорлари томонидан ниҳоятда пардозланган, юксак санъат намунаси даражасига кўтарилган. Эстетик сезгилар ривожда, гўзалликни, бадиий сўз қадри ва қимматини, она тили бойликларини ҳис қилишда фольклорнинг аҳамияти беқийсдир.

Ад: М у х а м м а д и е в Р., Аския, Т., 1970; Ўзбек халқ мақоллари, Т., 2005; «Гуруёли» дostonлари, Т., 2006; Ўзбек фольклори очерклари, 1–2-ж.лар, Т., 1988–1989; Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., 1990; Ўзбек халқ дostonлари, 1–2-ж.лар, Т., 1956–1957; Ўзбек халқ эртаклари, 1–2-ж.лар, Т., 1960; Латифалар, Т., 1965; Оқ олма, қизил олма. Халқ кўшиқлари, Т., 1972; Толишмоқлар, Т., 1981; Бойчечак. Болалар фольклори ва меҳнат кўшиқлари, Т., 1984; «Алпомиш», Т., 1998.

Тура Мирзаев.

ЎЗМА АДАБИЁТ

Қадимги туркий адабиёт. Ўзма адабиёт беvosита қад. туркий адабиётнинг vorисидир. Чунки энг қад. туркий ёдгорликлар Марказий Осиё худудида яшаган барча туркий халқларнинг муштарак мероси бўлиб, бу намуналарни уларнинг ота-боболари биргаликда яратганлар. Бу асарларда барча туркий халқлар тиллари унсурларининг мавжудлиги жиҳатидан улар тил хусусиятига кўра умумтуркий характерга эга.

Дунёдаги барча халқлар адабиёти каби ўзбек адабиёти ҳам бой ва серқирра халқ оғзаки ижоди асосида пайдо бўлган. Лекин туркий халқларнинг қад. оғзаки ва ёзма ёдгорликларининг асосий қисми даврлар талотўпида йўқолиб, улардан

санокли намуналаргина сақланиб қолган. Бу адабиётга мансуб илк намуналар қад. юнон муаррихлари Геродот, Ктесий, Полиэн, Харес Митиленскийларнинг тарихий китоблари орқали етиб келган Тўмарис, Широқ, Зариня ва Стриангей, Зариандр ва Олатида ҳақидаги қаҳрамонлик ва ишқий-романтик мавзудаги афсоналар ҳисобланади. Яна бир қатор афсоналар Ҳамза Исфаҳоний, Табарий, Масъудий, Беруний, Саолибий, Бальамий, Маҳмуд Кошғарий каби ўрта аср Шарқ олимлари асарлари таркибидан жой олган. Мас., «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») 11-а.да яратилган бўлса ҳам, унда келтирилган шеър, мақол-матал ва афсоналар фақат Кошғарий даврининг маҳсули бўлмай, уларнинг илдизи исломдан олдинги узоқ даврларга бориб тақалади.

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиши баробарида, муайян даражада форсий ва туркий халқларнинг адабий ёдгорлиги ҳам ҳисобланади. Чунки унда бадиий тасвир vosиталари, образли иборалар кўп ишлатилганлигидан ташқари, у қад. оғзаки адабиёт намуналарини ҳам ўз ичига олган: диний маросимларда ижро этиладиган кўшиқлар, халқ дostonларидан парчалар, кўплаб афсона ва ривоятлар шулар жумласидандир; катта қисми — «готелар ва «яшт»лар шеърий усулда ёзилган.

Урхун ва Енисей дарёлари буйидан топилган, 7–8-а.ларга мансуб қоятошлар, қабртошларга ўйиб ёзилган битиклар туркий халқларнинг илк ёзма ёдгорликлари сирасига киради. Уларда буюк Турк хоқонлиги (6–8-а.лар) даврида ҳукм сурган Тўнжуқуқ, Билга хоқон, Култегин сингари хон ва уларга яқин кишиларнинг ҳаёти, фаолияти, ҳарбий юришлари, ғалабалари хусусида ҳикоя қилинган. Бу хил ёдгорликлар кейинчалик Талас, Унгин, Селенга дарёлари атрофида, Шарқий Туркистонда ҳам топилди. Улар жами 250 га яқин. Бу ёзма ёдгорликлар ҳақида дастлаб 18-а. бошларида рус олими С.Ремезов, сўнг швед олими Ф. Страленберг ва немис олими Д.Г.Мессершмидтлар хабар берган; биринчи бўлиб француз олими Ж.П.Абель-Ремюза, кейин рус олими Н.М.Ядринцев уларнинг туркий халқларга мансублигини исботлаган; швед олими В.Томсен илк бор уларни ўқишга муваффақ бўлган, рус олими В.В.Радлов немис тилига таржима қилган (яна қ. *Билга хоқон битиктоши*, *Култегин битиктоши*, *Тўнжуқуқ битиктоши*).

Урхун-енисей битикларида кўпгина шеърий мисралар учраши баробарида,

баъзи насрий парчалар ҳам шеър каби жаранглайди, айрим лавҳалар бадиий тасвир vosиталари, мақол-маталлар қўллангани жиҳатидан ўзига хос бадиий қимматга эга. Хусусан, йиғиларда марҳумнинг портрети яратилиб, яқинларининг ички кечинмалари анча таъсирчан ифодланади.

Маълумки, қад. туркий адабиёт тараққиёти шомонлик, монийлик ва буддавийлик каби диний оқимлар б-н чамбарчас боғлиқ. Монийлик руҳидаги шеърларда ўша замонда яшаган туркий халқларнинг дунёқараши, урф-одатлари, оламнинг тузилиши тўғрисидаги тасаввурлари, диний-ахлоқий қарашлари ўз аксини топган (8-а.нинг 2-ярми). Бу шеърларнинг 2 таси Апринчур тегин томонидан ёзилган.

9-а. бошларида яратилган «Ирқ битиги» («Таъбирнома») Исиг Сангун ва Ите чуқ номли моний жамоасидаги болалар учун ёзилган. Ахлоқий тушунчалар тарғибига бағишланган бу асарда нима яхшию нима ёмонлигини фарқлаш асосий ўрин тутди. Асарда туркий халқларнинг маданий-маиший турмуши, кишиларнинг ўзаро ахлоқий муносабатлари ўз аксини топган. Бу ахлоқий тамойиллар кўпинча куш ёки ҳайвонлар образи орқали гавдалантирилган. «Ирқ битиги»да фольклор мотивлари ҳам, эртакка хос сюжетлар ҳам, космогоник ва тотемистик мифлар ҳам, лирик кайфият ҳам, табиатнинг жонли тасвири ҳам учрайди. 100 бетча келадиган китобга битилган ушбу асарнинг С.Е.Маюв томонидан рус тилига қилинган таржимаси 60 бўлак, 104 сатрдан иборат.

840 й.да уйғур хоқонлигининг инқирозга учраши монийлик ўрнини буддавийлик эгаллашига замин яратди. Буддавийликнинг ривожланиши туркий халқлар маданияти, санъати ва адабиётига кучли таъсир кўрсатди. Туркий ёзма адабиётда таржимачилик вужудга келди — тўхри (тохар), тавғач (хитой), суғд тилларидан таржима қилинган буддавийлик мазмунидаги асарлар кўпайди. Халқ дostonларининг услуби буддавийлик йўналишидаги асарларга ҳам кўчди, улардаги алплар ўрнини диний қаҳрамонлар олди, эпослардаги қаҳрамонлик, жангу жадаллар ўрнини руҳлар олами эгаллади.

Монийлик шеърларидан фарқли ўларок, буддавийлик руҳидаги бизгача етиб келган 1500 мисрадан ортиқ туркий шеърлардан кўпчилигининг муаллифи маълум: Ки-ки, Пратяя-Ширя, Асиг Тутунг, Кул Тарқон, Чисуя Тутунг, Қалим Кейси, Сингку Сели Тутунг. Буддавийлик динининг қонун-

қоидалари, Будда ғоялари ифодаланган бу шеърларда товуш, сўз ва мисралар такрори, аллитерация етакчилик қилади, қофия уларнинг етакчи унсури эмас. Шунга қарамай, монийлик шеърларидан кўра буддавийлик шеърларида қофия бир қадар изчил кўриниш олган.

Илк ўрта асрлар Шарқ драматургиясининг машҳур асари, турк будда таржима адабиётининг бебаҳо ёдгорлиги «Майтри симит нўм битик» («Майтри б-н учрашиш улуг китоби») Партанаракшит томонидан тўхри тилидан туркийга таржима қилинган. Асар қўлёзмаларининг уйғур хатининг қад. шаклида битилгани, тилининг урхун-енисей битиктошлари тилига ғоят яқинлиги унинг тахм. 8–9-а.ларда таржима қилинганлигини кўрсатади.

10-а.да олим ва таржимон Сингқу Сели Тутунг тавғач тилидан қад. туркийга Кучу уйғур давлатида «Тси-ничун нўм битик» номи б-н таржима қилган «Сюань-цзан кечмиши» асари тан сулоласи даврида ўтган, Марказий Осиёнинг Тўқмоқ, Сайрам, Тошкент, Самарқанд, Кундуз, Балх, Шарқий Туркистон каби шаҳар ва вилоятларида бўлган сайёх Сюань-цзаннинг муқаддас сафари ҳақидаги эсдаликлар бўлиб, ўзида ўнлаб афсона ва ривоятларни, Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий турмуши, улар яшаган ўлкаларнинг географияси, тарихига оид маълумотларни жамлаган.

8-адан уйғур ёзувига ўтилиб, бу ёзувда қоғозга битилган «Олтин ёруқ», «Хон тангри» каби асарлар бизгача етиб келган. Буддавийликнинг маҳаяна мазҳаби қонунаридан иборат бўлган, 9-а. охири – 10-а. бошларида Сингқу Сели Тутунг таржима қилган «Олтин ёруқ»нинг эски уйғур ёзувидаги тўлиқроқ нусхасини рус олими С.Е.Малов Шарқий Туркистон Хансу ўлкасининг Сариқ уйғур (Юку) туманидан топиб, 1913–14 й.ларда В.В.Радлов б-н биргаликда нашр эттирган (бу асар Н.Раҳмонов томонидан ҳоз. ўзбек тилига таъдир қилиниб, 2004 й.дан «Ўзбек тили ва адабиёти» жур.да чоп этилмоқда).

Қад. туркий халқлар орасида форсий адабиётга мансуб ва энг қад. эътиқодий афсоналар асосида юзага келган Митра ва Анахита, Қаюмарс ва Гиршасп, айниқса, инсон қавмига кўп яхшиликлар кўрсатган, унинг машаққатларини енгиллаштириб, турмушини фаровон қилишга интилган, Ахриман каби девларнинг додини берган мард, одил подшоҳ Жамшид, шунингдек, Рустам ва Сиёвеш ҳақидаги афсоналар ҳам кенг тарқалган.

Қад. туркий адабиётнинг гўзал намуналаридан бири 1902 й.да Қашқадарёдан топилган «Чистони Эликбек» афсонасидир.

Қад. туркий адабиётда қасида, йиғи (марсия), кўшиқ ва тўртлик жанлари ривожланган (Култегин битиги, Алп Эр Тунга марсияси, «Олтин ёруқ»даги йиғи тасвири ва б.). Енисей битикларининг аксарияти йиғи жанрига мансуб. Бу адабий ёдгорликлар Марказий Осиё халқларининг кўҳна тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданияти, санъати, тили, адабиёти, тафаккури тадрижи ва б.ни ўрганишда муҳим манба бўлибгина қолмай, муайян бадий қимматга ҳам эга – улар туркий адабиётнинг шаклланиш босқичларини кўрсатади.

10–12-асрлар адабиёти. Араблар истилоси (8–10-а.лар) б-н туркий халқларнинг мусулмонлашуви бошланди. Давлат тили араб тили бўлиб, у ижтимоий-маданий ҳаётнинг ҳам барча соҳаларини эгаллади. 9–10-а.ларда яшаган кўплаб мовароуннаҳрлик олиму адиблар ўз асарларини ўша даврнинг расмий тили бўлмиш араб тилида яратганлар. 9-а.нинг бошида сомонийлар ҳокимиятининг ўрнатилиши б-н форс тилининг мавқеи кучая бошлади – у бадий адабиёт тили бўлиб қолди. Шунингдек, баъзи фалсафий, тарихий, адабиётшуносликка оид асарлар ҳам форс тилида ёзилди. 10-а. бошларида қорахонийларнинг ҳокимияти тепасига келиши туркий адабиётнинг янги шакл ва мазмунда тараққий этиши учун замин яратди. Қорахонийлар давлатининг илмий-маданий маркази – Қашқарда фан, адабиёт ва санъат ривожланди. Бу муҳим тили «оқоний турчаси» деб аталган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўловчи билим»), Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар туҳфаси») ва б. асарлар шу даврда яратилиб, туркий ёзма адабиётнинг тамал тошини қўйиш баробарида, унинг келажagini ҳам белгилаб берган.

«Девону луғотит турк»ни (1072) ўша даврларда Марказий Осиё минтақасида ва б. ҳудудларда яшаган туркий халқлар ҳаёти ҳақидаги қомусий асар деб аташ мумкин. У тилшуносликка оид бўлса-да, унда 8000 га яқин сўз ва ибораларни изоҳлаш учун ўнлаб туркий халқлар тарихига оид қад. афсона ва ривоятлар, 200 дан ортиқ мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 700 мисрадан зиёд шеърлий парчалар келтирилади. Шеърлий парчаларнинг кўп қисми туркий халқлар оғзаки ижодига хос бўлган тўртликлардан иборат.

«Девону луғотит турк» туркий тилларнинг ривожлангани, уларнинг маданий ҳаёт, жумладан, илм-фанда кенг ўрин эгаллаганини кўрсатади. «Девон»да келтирилган шеърлар исломдан бурунги туркий шеърятнинг жанрлари, шакли, бадийати, тасвир воситалари тўғрисида тасаввур туғдириши жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Улар туркий шеърятнинг асосий ўлчови бармоқ вазни эканлигини кўрсатади. Бир қисм шеърлар эса ислом даври шеърятига хос байт шаклида бўлиб, бу туркий адабиётда арузга ўтиш бошланганидан далолат беради. Бундай шеърларни муаллифнинг ўзи уржузалар деб атайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (1069–70) асари исломий туркий адабиётни бошлаб берди, уни янги тараққиёт босқичига кўтарди. «Шоҳнома» каби мутақориб вазида ёзилган ва «Туркий шоҳнома» номи б-н шуҳрат қозongan (73 боб, 6520 байт ва тўртликлардан иборат). Чунки у нафақат туркий халқлар адабиёти анъаналари, балки қардош халқлар, биринчи навбатда, форсий сўз санъати тажрибаларини ҳам ўзлаштирган ҳолда яратилган.

Туркий ёзма адабиётнинг яна бир ноидр намунаси тахм. 12-а.да яратилган Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» дostonидир. Асарга Қуръони карим ва Ҳадиси шариф маънолари сингдирилган (14 боб, 512 мисрадан иборат). У ислом ахлоқини ташвиқ қилиш, комил инсонни тарбиялаб етиштириш мақсади б-н ёзилган. Ўрта асрлар туркий сўз санъатида ниҳоятда машҳур бўлиб, кўпчилик байтлари халқ ичида мақол ва ҳикматлар сифатида кенг ёйилган. Е.Э.Бертельс бу асар қад. ўзбек адабий тилидан мумтоз ўзбек адабий тилига ўтишда бир кўприк бўлганини айтади. Асар тилида қад. туркий сўзлардан кўра, араб ва форс сўзларининг кўп қўллангани шундан далолат беради. Югнакий бу асари б-н ўзбек адабий тили ва адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган.

Туркий адабиётнинг кейинги тараққиёти Аҳмад Яссавий номи б-н боғлиқ. Унинг «Девони ҳикмат» китоби қадимдан туркий халқлар орасида машҳур бўлган. Шайх-шоир ҳикматларида Қуръони карим маънолари талқини, ислом аҳкомлари ва тарикат асослари тарғиби, илоҳий ишқ мавзуи, панд-насиҳат, эзгу ахлоқ таърифи, ёмон хулқлар, дунё, нафс танқиди, фалсафий муҳокама-мушоҳада, ҳасби ҳол, ўзни ёзғириш – маъзамат этиш ғоялари етакчи ўрин тутди. Бу анъана асрлар давомида унинг Сулаймон Боқирғоний, Шайбонийхон,

Убайдий, Хувайдо, Мажзуб Намангоний, Азимхўжа эшон, Сўфи Оллоёр каби шогирд ва издошлари томонидан давом эттирилиб, 20-а. бошларигача етиб келган.

Ўз лири ва устози Аҳмад Ясавий аёнчаларини давом эттирган Ҳаким ота номи б-н машҳур Сулаймон Боқирғоний (1186 й.в.э.)нинг исломий руҳ ва тасаввуф ғоялари б-н сугорилган ҳикматлари ҳам асарлар давомида туркий халқлар яшайдиган ҳудудларда севиб ўқилган. Шеър ва ҳикматларидан ташқари, Имом Аъзам тўғрисидаги бир шеър ривояти, Исмоил алайҳиссалом ва Биби Марям ҳақидаги 2 шеър қиссаси, «Меърожномаси» ва «Охир замон мухаммаси» машҳур. У ўз фикрини гўзал ва таъсирчан шаклда етказиш учун бадий тасвир воситаларидан ҳам маҳорат б-н фойдаланади. Мас., жаннат ва дўзах, руҳ ва нафси ўзаро баҳс-мунозарага киритиб, улардан бирининг афзаллигию иккинчисининг тубанлигини юксак бадий шаклда очиб беради. Бу б-н у мумтоз адабиётдаги мунозара жанрининг асосчиларидан бири сифатида намоён бўлади.

Бу даврда етишиб чиққан кўплаб арабийнавис ва форсийзабон шоирлар фақат арабий ва форсий тилдаги эмас, балки туркий тилдаги адабиётга ҳам сезиларли таъсир кўрсатганлар. Абу Мансур Саолийнинг (961–1038) «Йатимат уд-дахр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») таъкириси 4-қисмида сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланишидан газнавийлар давлати қарор топишигача Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган, турли мамлакатлардан Бухорога келиб, шу ерда ўрнашиб қолган 50 дан ортиқ шоир ҳақида маълумот берилади. Унинг «Татимат ал-Йатима» («Ягона дурдонага қўшимча») асарида ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод қилган 104 нафар арабийнавис шоирлар ҳақида маълумот бор. Ёқут Ҳамавий (1179–1229) «Мўъжам ул-удабо» («Адиблар луғати») асарида хоразмшоҳ Маъмун саройида хизмат қилган Аҳмад бин Муҳаммад ас-Саҳрий Абулфазлнинг Маъмунга бағишланган мадҳияси, вазир Суҳайлий ҳамда бустилик шоир ва аллома Абулфатҳ Бустиёга атаб ёзган қасидалари ва б. шеърларидан парчалар келтиради (жами 29 мисра).

Фаннинг барча соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб борган Абу Райҳон Беруний (973–1048) бадий ижод б-н ҳам мунтазам шуғулланган: араб тилида шеърлар ёзган, кўплаб шоирларнинг

шеърларини таҳлил этган, шарҳлаган, қатор адабий асарларни форсийдан арабчага ўгирган, таржима асарларига баҳо берган. Аллома шеърлари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Фақат Ёқут «Мўъжам ул-удабо»да унинг қаламига мансуб 17 байтдан иборат бир қасида ва 2–3 шеърини парчани мисол тариқасида келтиради. Моҳир таржимон сифатида Унсурийнинг «Вомиқ ва Узро», «Хингбут ва Сурхбут» дostonларини, форсий халқлар оғзаки ижодидан эса «Қосим ус-сурур ва Айн ул-ҳаёт» ва б. асарларни араб тилига ўгирган.

Машҳур тилшунос ва илоҳиёт олими Маҳмуд Замахшарийдан (1075–44) ҳам лирик ва фалсафий шеърлар, қасида, фаҳрия, назмий мактубларни ўз ичига олган «Девон уз-Замахшарий» («Замахшарий девони») етиб келган. «Рабийъ ул-аброр ва нусус ул-ахйор» («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни») асарида адабиёт, тарих ва б. фанларга оид машҳур ҳикоя, лағифа ва сўхбатлар жамланган бўлса, «Мақомот» («Мақомалар») 50 мақомдан иборат бўлиб, қофияли наср – сажъ усулидаги гўзал матнларни ўзида мужассам этган. У ҳикматлардан иборат «Навобиғ ул-калим» («Нозид иборалар»), дидактик руҳдаги «Ан-насоуҳ ус-сиғор вал баволиғ ул-кибор» («Кичикларга насиҳатлар ва улуғлар етуклиги») асарларини ҳам яратган.

Ўтмишда шоирлар турли фанлардан яхши хабардор бўлганлари каби, олимлар ҳам кўпинча бадий етук асарлар яратганлари маълум. Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём каби қомусий алломаларнинг шаклан гўзал, мазмунан теран рубоийлари бунинг ёрқин далилидир. Мас., Форобийнинг ҳозирча аниқланган 2 рубоийси унинг шоирлик истеъдоди ҳам баланд бўлганлигини кўрсатади. Ибн Сино эса араб ва форс тилида қасида, ғазал ва рубоийлар ёзган ҳассос сўз устаси ҳам ҳисобланади. Ҳозиргача унинг араб тилидаги 26 шеъри, форс тилидаги 37 рубоий, 4 ғазал, 5 қитъа ва 2 байт шеър аниқланган. Арабча шеърлари умрнинг ўткинчилиги, қарилкдан шикоят, панду насиҳат ва ишқий мавзуларда бўлиб, улар орасида ирфоний мазмундаги «Қасидат айния»-си машҳур.

Ибн Синони Шарқда фалсафий шеърини бошлаб берган шоир сифатида билишади. Файласуф олим сифатида у Аллоҳ ва олам, Аллоҳ ва одам, одам ва одам муаммолари, инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, шахс ва жамият муносабати устида теран тафаккур юритган. Алломанинг салафлари ва замондошлари, жумладан Рудакий рубоийла-

рининг асосан ишқий, Абусаид Абулхайр рубоийларининг эса диний-тасаввуфий мазмунда эканлигини назарда тутсак, том маънодаги фалсафий рубоийлар дастлаб Ибн Сино ижодида учраши маълум бўлади.

Ибн Сино «Рисолат ут-тайр» («Қуш ҳақида рисола»), «Ҳайй ибн Яқзон», «Соломон ва Абсол» номли фалсафий мазмундаги қиссалари б-н рамзий-маърифий адабиётни ҳам бошлаб берди. Хусусан, «Рисолат ут-тайр» қиссаси Фаридиддин Атторнинг машҳур «Мантик ут-тайр» («Қуш нуқти») ва «Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») дostonлари яратилишига туртки бўлди.

Бу давр адабиётини тасаввуф таъсирдан ажратиб ўрганиб бўлмайди. Мас., Абусаид Абулхайр (967–1049) тариқатга шеърини омухта қилган илк мутасаввиф шоир сифатида ўзидан кейинги тасаввуф адабиётига кучли таъсир кўрсатган. Юсуф Ҳамадоний, Абдуллоҳ Гиждувоний, Бобо Кўхий, Бобо Тоҳир, Абулҳасан Харақоний, Абдуллоҳ Ансорий, Боязид Бистомий, Муҳаммад Фаззолий, Шаҳобиддин Суҳравардий, Айнулқузот, Аҳмади Жом, Ҳаким Саноий каби тасаввуф пирлари ва назариётчилари қаламига мансуб суфиёна руҳдаги шеърлар ҳам бу давр адабиётини катта роль ўйнаган.

Бу даврда туркий адабиёт араб ва форс тили, адабиёти, маданияти, ислом дини ва тасаввуф фалсафаси таъсирида ривожланди. Араб шеър тизими – аруз таъсири «Девону луғотит турк»даги кўпгина намуналардаёқ кўзга ташланган эди. 8–11-а.га оид туркий шеърини намуналарида ражз, рамал, мунсарих, ҳазаж, басит, қариб, мутақориб вазнлари қўлланган бўлиб, айниқса ражз кўп учрайди. «Қутадғу билиғ», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари бевосита арузда – мутақориб баҳрида яратилган. Бармоқ вазидаги туркий шеър жанрлари ўрнини араб ва форслардан кириб келган байт, қасида, ғазал, маснавий эгаллади. Кўплаб араб ва форс сўзлари, исломий ибора ва тушунчалар кириб келди. Бадий санъатлар фаол қўлдана бошлади. Асарлар Аллоҳ ҳамди, Муҳаммад (ас) наъти, чорёрлар мадҳи, муножат б-н бошланадиган бўлди. Шеърининг мавзу доираси кенгайиб, маъно кўлами чуқурлашиб, серҳатламлик касб этди, хусусан, тасаввуф таъсирида адабиётда рамзийлик кучайди, шеърини мажоз ва тимсолларга асосланган алоҳида тил пайдо бўлди. Бу омилларнинг барчаси адабий асарлар тили ва услубини мурак-

каблаштирди, уларнинг тушунилишини қийинлаштирди.

10–12-а.лар Марказий Осиё халқлари ҳаётида алоҳида ўрин тутди: сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан аввалги асрларда қўрилмаган юксалиш бўлганлиги учун бу босқич илк Уйғониш даври деб ҳам юритилади. Бу кўтарилиш адабиётда ҳам кузатилади: 10–12-а.лар туркий адабиётнинг чинакам маънодаги шаклланиши ва ғоявий-бадиий жиҳатдан бойиши, камолотга етиш даври бўлди. Халқ оғзаки ижоди, қад. туркий битиклардан сарчашма олган ўзбек адабиёти араб ва форс сўз санъатининг илгор тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, юксалиш сари қадам қўйди.

13–14-асрлар адабиёти. Мўғуллар истилоси Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётига катта зарба берди. Кўплаб истеъод соҳиблари ижод учун тинч жой қидириб, турли томонларга тарқаб кетди. Бухоролик шоир ва адабиётшунос Муҳаммад Авфий, тошкентлик шоир Бадриддин Чочий, қашқадарёлик шоир Зиё Нахшабий Ҳиндистондан паноҳ топдилар. Келиб чиқиши шаҳри-сабзлик Хусрав Деҳлавийнинг «Рў(й) ба Ҳинд овардани соҳибдилон бежиз нест» («Маърифат аҳлининг Ҳинд сари юз буриши бежиз эмас») деб ёзишига сабаб шу эди. Носир Бухорий, Камол Хўжандийлар Эронга бориб, ўша ерда турғун бўлиб қолдилар. Кўпчилик Туркия (мас., Жалолиддин Румий), Миср (мас., Сайфи Саройи) ва б. Яқин Шарқ мамлакатларига бош олиб кетди. Шунга қарамай, бу даврда ҳам халқ ўз ичидан ноёб истеъодларни етказиб берди ва улар зулмат ичидаги нурдек ўзларининг дурдона асарлари б-н ўзбек адабиётини бойитдилар.

Бу даврда Хоразми ҳам ўзидан бирлаштирган Олтин Ўрда, хусусан Сарой шаҳри маданий марказга айланди. Олтин Ўрда маданиятининг вужудга келиши ва ривожланишида Марказий Осиё халқлари катта роль ўйнади. Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» достони, Сайфи Саройининг лирик шеърлари, «Сўхайл ва Гулдурсун» достони, Аҳмад Хожа Саройи, Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имом Мавлавий, Тугли Хожа, Пурбаҳоний, Аҳмад Урганжийларнинг шеърлари шу даврда яратилди. 14-а.да мамлуқлар ҳукмронлик қилган Миср ва Суриянинг Халаф, Шом ва Қоҳира каби марказларида ҳам туркий халқлар маданиятининг таъсири сезиларли бўлган. Мас., Сайфи Саройи Саъдийнинг «Гулистон» асарини Мисрда туркийга таржима қилган. Бу ерда бун-

дан бошқа ҳам қатор адабий асарлар ёзилган.

Бу давр адабиётида диний ва тасаввуфий мавзуларни ишлаш кучайди. Ислом тарихи, пайғамбарлар қиссаси, Муҳаммад (ас) ҳаёти талқинларига бағишланган Али бин Маҳмуднинг «Наҳж ул-фародис» («Жаннат боғининг йўли»). Носириддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» («Рабғузий қиссалари»), диний аҳкомларнинг назмий баёнидан иборат Шайх Шарифийнинг «Муин ул-мурид» («Муридлар мадалкори»), Кул Алининг қуръоний мавзудаги «Юсуф ва Зулайҳо», Хусом Котибнинг мутасаввиф шоир Фаридиддин Аттор таъсирида ёзган «Достони Жумжума султон», Паҳлавон Маҳмуднинг «Канз ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар хазинаси») асарлари, Нажмиддин Кубро, Мажиддин Бағлодий, Нажмиддин Розий, Сайфиддин Бохарзий, Разииддин Али Лоло, Паҳлавон Маҳмуд каби шайх-шоирларнинг тасавуф ва футувват (жавонмардлик) ғоялари б-н суғорилган рубойлари шулар жумласидандир.

13–14-а.ларда ўзбек адабиётида ғазал етакчи жанрлардан бирига айлана бошлади (Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқиргоний ва б.). «Қисаси Рабғузий», «Муҳаббатнома» асарларида учраган бу жанр Сайфи Саройи, Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ Хоразмий, Аҳмад Хожа Саройи, Мавлоно Имом Мавлавий, Тугли Хожа каби ғазалнавис шоирлар томонидан ривожлантирилди. Мавлоно Абдулмажид, Пурбаҳонийлар қасидачилик равнақига ўз ҳиссаларини қўшидилар. Рубойий жанри Рашидиддин Ватвот, Шамсиддин Кеший, Бадриддин Чочий, Сайфи Фарғоний, Носир Бухорий каби форсийзабон ватандошларимиз, шунингдек, Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзий, Азизиддин Насафий, Паҳлавон Маҳмуд сингари шайх-шоирлар ижодида ривожланди.

Форс тилидаги адабиётнинг етакчилиги давом этиб, Муҳаммад Авфий, Зиёвуддин Нахшабий, Нажмиддин Кубро, Сайфиддин Бохарзий, Паҳлавон Маҳмуд каби шоирлар форсийда ижод қилдилар. Айни пайтда, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Салмон Соважий, Камол Хўжандий, Убайд Зоконий каби форс шоирларининг ўзбек адабиётига таъсири кучли бўлди. Мас., Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон» панднома асарлари, Хўжа Ҳофиз девони мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитилган бўлса, Низомий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари, Санойи,

Аттор ва Румийнинг тасаввуфий руҳдаги асарлари ўзбек адабиёти ривожига катта таъсир қўрғатди. Сайфи Саройи Саъдийнинг «Гулистон», Кутб Хоразмий Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» асарларини таржима қилган бўлсалар, Хусом Котиб Атторнинг сўфиёна достонлари таъсирида «Достони Жумжума султон»ни яратди.

Ўзбек тилининг ривожланиб, маданий-адабий ҳаётдан кенг ўрин эгаллагани, давр ўқувчиларининг талаб ва эҳтиёжлари Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарини ўзбек тилида ёзишга ундади. «Муҳаббатнома» ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида ёзилган бўлиб, унга илова қилинган «Ҳикоят» б-н бирга 473 байтдан иборат (317 байти ўзбек, 156 байти форс тилида). Айни жиҳатдан у ширу шакарга ҳам ўхшаб кетади. Лекин асарнинг асосий қисми ўзбек тилида ёзилган, сарлавҳалар ҳам ўзбекча қўйилган, форс тилидаги номаларни яқунловчи нақарот ҳам ўзбек тилида. Асар 11 нома, 3 ғазал (биттаси форс тилида), ҳамд, Олтин Ўрда хони Жонибекнинг Сирдарё музофотидаги амалдорларидан бўлган Муҳаммад Хўжабек б-н учрашганининг баёни (воқеан, у шоирдан ўзбек тилида асар ёзишни таклиф қилади ва уни молдий жиҳатдан таъминлайди), маснавий, «Васф ул-қол»дан иборат. Шу тариқа, Хоразмий ўзбек адабиётидаги илк зуллисонайн шоир бўлиб етишди. У форс адабиёти тараққиётига ҳисса қўшиш б-н бирга, ўзбек сўз санъати классиклари қаторидан жой олди.

Сайфи Саройидан (1321–98) бизга 10 дан ортиқ ғазал, 2 қасида, 2 китъа, 2 байт шеър, «Сўхайл ва Гулдурсун» достони (82 байт) ҳамда «Гулистони биттуркий» номи б-н Саъдийнинг «Гулистон» асари таржимаси етиб келган. У «Гулистон»ни ўзбек тилининг қипчоқ шевасида таржима қилиб, асарнинг аслини деярли сақлаб қолган, айни пайтда, аслиятдан бир қадар чекинган: таржима жараёнида «Гулистон»даги айрим парчаларни тушириб қолдиради, баъзи шеърларни ижодий қайта ишлайди, ўзининг ва замондош шоирларнинг баъзи шеърларини киритади.

Хамсачилик анъанасини бошлаб берган буюк озарбайжон шоири Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони таржимаси (1340) б-н машҳур бўлган ва шу орқали ўзбек мумтоз адабиётидан ўзига муносиб ўрин эгаллаган Кутб Хоразмий 14-а. туркий сўз санъатининг етук намояндаси ҳисобланади. У аслият мазмунини сақлаб қўлиш б-н бирга, уни анча эркин таржима қилган, ўз даврига мослаштирган. Асар муқаддимасига бир неча

боблар қўшган, қатор бобларни қисқартирган ёки бир-бирига қўшиб ихчамлаштирган (аслият 6000 байтдан зиёд бўлгани ҳолда, таржиманинг 4740 байт-лиги шундан). Низомий дostonидаги 12-а. ҳаётига оид лавҳалар ўрнига Олтин Ўрда ҳаёти б-н боғлиқ воқеаларни киритган. «Хусрав ва Ширин» ўзбек эпик шеър-ияти тараққиётида ҳам, бадиий таржимачилик ривожига ҳам алоҳида ўрин тутди.

Ўзбек мумтоз насрининг илк гўзал дурдонаси «Қисаси Рабғузӣй» Мовароуннаҳр ҳукмдори Алоуддин Тормашириннинг ноиби, мусулмонликни қабул қилган маърифатли мўғул беқларидан Носириддин Тўқбуанинг топшириги б-н ёзилган. Маълумки, Қуръонда пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар ва диний воқеалар бир неча сураларда нозил бўлганлигидан уларни шарҳлаш, тушунтиришга эҳтиёж туғилган. Шу мақсадда аввал араб, кейин форс адабиётида қатор «Қисас ул-анбиё»лар пайдо бўлган. Рабғузӣй асари ҳам ўзбек тилида бу йўналишдаги асарларнинг илк намунаси бўлиб, у «Қисас ул-анбиё» номи б-н ҳам машҳур эди. Дунёнинг яратилишидан бошлаб сўнгги пайғамбар Муҳаммад (ас-)нинг неваралари Ҳасан ва Ҳусайннинг шахид бўлишларигача бўлган даврни ўз ичига олган ушбу асар 72 та катта-кичик қиссалардан иборат.

«Қисаси Рабғузӣй» Мовароуннаҳр ва Олтин Ўрда ҳудуди учун муштарак бўлган туркий адабий тилда ёзилган. Асар Рабғузӣйнинг нафақат туркий наср асосчиларидан бири, балки забардаст шоир эканлигини ҳам кўрсатади. Чунки пайғамбарлар ҳақидаги ҳар бир қисса шеър б-н бошланиб, уларда қиссанинг мазмуни умумлаштирилади. Шунингдек, айрим қиссалар шеърӣй ҳулоса б-н якунланади. Асарда жами 600 мисра шеър мавжуд.

Халқ оғзаки ижодида ҳам «Ўғузнома», «Гулдурсун афсонаси» каби асарлар, кўплаб ривоят ва лағифалар яратилди. Шундай қилиб, 13–14-а.лар мўғуллар истилоси туфайли вужудга келган маънавий таназзулдан сўнг ўзбек адабиётининг қайта кўтарилш даврига кириши, ижтимоий ҳаётда ўзбек тилининг мавқеини ошириш ва ўзбек адабиётининг мақомини тайин этиш учун кураш, диний ва тасаввуфӣй мавзуларнинг сўз санъатига кенг кириб келиши, бадиий таржимачиликнинг ривожланиши, дoston, қасида, ғазал, муламмаъ каби жанрлар тараққиёти даври бўлди. Туркий ва форсий адабиётда адабий алоқа ва ўзаро таъсир кучайди.

15-асрнинг 1-ярми адабиёти. 14-а. охири – 15-а. бошларида ўзбек адабиёти ўзининг янги юксалиш палласига кирди. Бу даврда Алишер Навоӣйдек буюк шоирнинг сўз санъати майдонига чиқишига замин тайёрлаган Ҳайдар Хоразмӣй, Дурбек, Хўжандӣй, Амирий, Яқиний, Ҳофиз Хоразмӣй, Саккокий, Атоий, Гадоий, Лутфӣй каби шоирлар етишиб чиқди ва ўзбек адабиёти ўз мавқе-мақомига эга бўлди.

Хоразмӣй «Муҳаббатнома» асари б-н бошлаб берган нома жанри ривожланди. «Латофатнома» (Хўжандӣй), «Даҳнома» (Юсуф Амирий), «Таашшукнома» (Сайид Аҳмад), «Ҳақиқатнома» ва «Салокатнома» (Сайид Қосимий) каби асарлар дунёга келди. Ўз ибтидосини «Девону луғотит турк»даги «Қиш б-н ёз мунозараси», Боқиргоний ҳикматларидаги дўзах ва жаннат, нафс ва руҳ мунозарасидан олган мунозара жанри ҳам тараққӣй этди: Амирийнинг «Банг ва Чоғир», Яқинийнинг «Ўқ ва ёй», Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси» асарлари яратилди. Эпик шеърӣят ривожланиб, Ҳайдар Хоразмӣйнинг «Гулшан ул-асрор» («Сирлар гулшани»), Дурбекка нисбат берилувчи «Юсуф ва Зулайҳо» дostonлари вужудга келди. Халқ тўртликлари негизда шакллош сўзлар – тажнисга асосланган туюқ жанри шаклланди. Жанр сифатида туюқ 1-марта 14-а. шоири Бурхониддин Сивосий девонида учрайди. Бу даврда шоирлар ғазал б-н бирга, мухаммас, мусаддас, мустазод, мусамман, таржеъбанд, таркиббанд, қасида, марсия, соқӣйнома, луғз (чистон), рубоий, қитъа, туюқ, фард каби жанрларда ҳам кўплаб асарлар яратдилар. Муаммо ва таърих жанрлари кенг ривож топди. Дoston, ҳикоя, масал ва мемуар сингари жанрлар ҳам ривожланди.

Хўжандӣйнинг «Латофатнома»си «Муҳаббатнома» таъсирида яратилган бўлиб, у б-н бир хил композицион қурилишга эга. У ҳам 10 номадан иборат. Лекин «Латофатнома»да ҳар номадан сўнг ғазал келтирилмайди, фард, қитъа ва муножотлар ҳам йўқ, маснавий шаклида қофияланган (313 байтдан иборат). Теурийзода Сайид Аҳмад ўз амакиси – Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзога бағишлаб 1435–36 й.ларда яратган «Таашшукнома» («Ошиқлик мактуби», 319 байт) асари ҳам 10 номадан иборат бўлиб, бу ўша даврда номаларнинг ўн мактубдан ташкил топиши бир анъана тусини олганлигини кўрсатади. Салафларидан фарқли равишда, Сайид Аҳмад ҳар бир мактуб охирида келган ғазални Ироқ, Ажам, Наво, Ҳусайний, Рост,

Ушшоқ, Исфаҳон каби мақом номи б-н боғлайди. Шоир ўз асарида туркий ва форсий сўз санъати ютуқлари, ўзбек тилининг бой имкониятларидан кенг фойдаланади. Амирий «Даҳнома»си ҳам 10 номадан иборат. Дostonда ошиқдан ташқари, машшўқ образи ҳам бўлиб, улар бир-бирларига нома йўллайдилар, учрашадилар ва ўзаро мунозара қиладилар – уларнинг ўзаро суҳбати диалог тарзида берилган. Бу б-н у нома жанрини дostonларга яқинлаштириб, унга лиро-эпик тус беради.

Юсуф Амирий мунозара жанри ривожига муносиб ҳисса қўшган. «Банг ва Чоғир» мунозараси ҳажвий-танқидий руҳда бўлиб, Банг ва Чоғир (Наша ва Май) мунозараси воситасида шоир жамиятда кенг илдиз отиб, уни маънавий таназзулга олиб келган гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик иллатларини фош қилади, одамлар феълдаги ёмон иллатлар, хусусан жаҳолат ва нодонлик, кибр ва ҳасалгўйликни қоралайди. Яқинийнинг «Ўқ ва ёй» мунозарасида хушомадгўй ва мансабпараст кишилар танқид қилиниб, ёйдек эгри кимсалар амалдорлар ёнидан жой олиб, ўқдек тўғри инсонлар улардан узоқлашгани мажозий усулда кўрсатиб берилади. Аҳмадий «Созлар мунозараси»да чолғу асбобларининг ўзаро баҳси асосида мақтанчоқ ва худбин кишиларни танқид остига олади, амал талашиш, фиску фасод тарқатиш, ноиттифоқлик, туҳмат каби жамият иллатларини очиб ташлайди.

Бу давр адабиётининг пешқадам намояндalarидан бўлган Ҳайдар Хоразмӣйнинг лирик мероси сақланиб қолмаган, бизгача унинг фақат Низомий «Хамса»сининг илк дostonи «Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси»)га назира тарзида ёзилган «Гулшан ул-асрор» дostonи етиб келган. Кейинги тадқиқотлар шу пайтгача Лутфӣйга нисбат бериб келинган «Гул ва Наврўз» дostonи ҳам аслида Ҳайдар Хоразмӣйга тегишли эканлигини кўрсатмоқда.

«Гул ва Наврўз» дostonида халқ эпик шеърӣяти ва ёзма адабиётнинг ўзигача бўлган анъаналаридан ижодий фойдаланиб, ўзбек дostonчилиги ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Бу даврда яратилган дostonлардан яна бири Дурбекка нисбат бериладиган «Юсуф ва Зулайҳо»дир. Шарқда машҳур Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги қиссалар асосида яратилган бу дostonнинг ҳам ўзбек адабий тили ва адабиёти тараққиётидаги хизмати катта. Қул Али ва Дурбек ўзбек адабиётида Юсуф ва Зулайҳо мавзуида дostonлар ёзишни бошлаб бердилар.

20-а.нинг 70-й.лари охирида маълум бўлган Ҳофиз Хоразмий 14-а. 2-ярми — 15-а. 1-ярмида яшаб ижод қилган ўзбек шоирларидан ҳисобланади. У Хоразмда туғилиб, шу ерда таҳсил олган, шоир сифатида танилган. Кейинчалик Шерозга кетиб, ўша ерда турғун бўлиб қолган. Унинг 15-а. 30-й.ларида Шерозда китобат қилинган девони (18632 байт) Навоийгача ўтган шоирлар ичида бизгача етиб келган мукамал девон эканлиги б-н ҳам диққатга сазовор. Ҳофиз Хоразмий зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзган. Шоир шеърлари асосан илоҳий ишқ тараннумига бағишланган.

Туркий адабиётнинг машҳур намоёндаларидан яна бири ўзбек ғазалчилиги устозларидан Атоий ҳисобланади. Бизгача унинг 260 ғазалдан иборат ягона девони етиб келган. Навоий шоир шеърлари ниҳоятда халқона бўлганлигидан туркий қавмлар орасида катта шухрат тутганлиги тўғрисида маълумот беради. Атоий ғазалларининг асосий қисми арузнинг туркий вазнлари сифатида машҳур бўлган рамал ва ҳазаж баҳрларида ёзилган.

Саккокийдан бизга бор-йўги 10 қасида ва 56 ғазал етиб келган. Қасидаларидан бирида ўзининг туркий адабиётдаги мақомини Мирзо Улуғбекнинг шоҳлиги ва олимлиги б-н тенг қўйиши шоирнинг ўз даврида катта шухрат тутганлигидан далолат беради. Саккокий ўзининг бадиий юксак қасидалари б-н ўзбек қасидачилигига асос солганлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда, у ғазал устозларидан ҳам биридир. Ғазалларининг етуклиги жиҳатидан у Атоий ва Лутфийлар қаторида туради.

Туркигўй шоирларнинг машҳурларидан яна бири Гадоий бўлиб, ундан бизга 230 ғазал, 1 қасида, 1 мустазод ва 5 рубоийдан иборат девон етиб келган. Шоир ижодида диний мазмун ва тасаввуфий оҳанглар етакчилик қилади.

Туркий ва форсий шеърят эришган ютуқларни ўз ижодида мужассамлаштирган Мавлоно Лутфий ўзбек адабиёти тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Навоий Лутфийни ўзига устоз деб билган, унга эргашган, ундан таъсирланган. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да шундай ёзади: «Лутфий (алайхиррахма) - ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назари йўқ эрди, аммо туркийда шухрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир...». Унинг туркий ва форсий шеърларига замонасининг машҳур шоирлари татаббуъ қилганлар. Акбаршоҳ замонида яшаган Абдулла Кобулий ўзининг «Тазкират ут-

таворих» («Тарихлар тазкираси») асарида Лутфий мероси ҳақида сўз очиб, форсийда ҳам гўзал шеър ва баркамол қасидалари мавжудлиги ҳақида гапиради. Ғазал, тўртлик, қитъа, туюқ, фард каби жанрлардаги асарларни ўз ичига олган 2774 байт (5548 мисра)дан иборат девони унинг ҳаётлик вақтидаёқ нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросон, балки Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг шухрат қозонган. Лутфий Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Зафарнома» асарини «Шоҳнома» йўлида шеърга солиб, 10 минг байтдан ортиқ маснавий ҳам ёзганлиги маълум бўлса-да, бизгача етиб келмаган.

«Мажмаъ ул-ахбор» («Хабарлар тўплами»), «Гулшани роз» («Сирлар гулшани»), «Ҳақиқатнома», «Садоқатнома» каби маснавийларидан иборат 4468 мисралик мерос қолдирган Саййид Қосимий ҳам 15-а. 1-ярми ўзбек дидактик адабиёти ривожига ҳисса қўшган истъодли шоирлардан ҳисобланади. Унинг асарлари асосан тасаввуфий мазмунда бўлиб, илоҳий ишқ ва инсон камолоти масалаларидан баҳс этади.

Яқинда топилган Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фунун ул-балог» («Етуклик илмлари») асари 15-а.га мансуб адабиётшуносликка бағишланган илк туркий талқиқот бўлиши б-н бирга, Муҳаммад Темур Буго, Ҳожи Ақча Киндий, Бу Насақ, Қутбиддин Саройи, Бу Сиёқа, Жалолоий, Шамс Қисорий каби фанга ҳозиргача маълум бўлмаган кўплаб туркий тилли шоирлар ҳақида маълумот беради.

Маълумки, тариқат шайхларининг кўпчилиги бадиий ижод б-н шуғулланган. Уларга мансуб асарлар суфиёна ғояларни тарғиб қилиш баробарида бадиий адабиёт ривожига ҳам катта таъсир кўрсатган (Абулвафо Хоразмий, Хожа Аҳрор Валий, Яъқуб Чархий ва б.). «Лавойиҳи асрор» («Равшанлик сирлари») ва «Наср ул-жавоҳир» («Наср дурдоналари») номли тасаввуфий асарлар ёзган Абулвафо кўпроқ суфиёна руҳдаги рубоийлари б-н машҳур бўлган (унинг 146 та рубоийси бизгача етиб келган). Хожа Аҳрорнинг Абусаид Абулхайрнинг суфиёна мазмундаги машҳур бир рубоийси шарҳига бағишланган «Ҳаврония» («Хурлар ҳақида рисола») асари шухрат тутган. Яъқуб Чархийнинг «Фаройизи манзума» («Фарзлар ҳақида назмий манзума») асари ва тасаввуф руҳидаги рубоийлари кенг тарқалган.

Туркий ва форсий адабиётни бир-биридан ажратиб ўрганиб бўлмайди: бу 2 адабиёт асрлар давомида бир-бирига

таъсир кўрсатиб, муштарак анъаналар асосида ривожланган. Ўзбек адабиёти бирор-бир даврда форсийзабон шоирлардан холи бўлмаган, зуллисонайнлик анъанаси эса 20-а. бошларигача давом этган. «Хамса» ёзган ва ўз замондошлари, жумладан, Навоийга кучли таъсир ўтказган Ашраф ва Котибий, суфиёна ғазаллари б-н танилган Қосим Анвор, равон услубга эга шеърлари б-н замон шоирларини илҳомлантирган Шоҳий Сабзаворий, билимдон муаррих ва нуктадон шоир Шарафиддин Али Яздий, Бухоро адабий муҳитида зуллисонайнлик анъанасини бошлаб берган Хожа Исмаил Бухорий, етуқ адабиётшунос, шоир Яҳё Себак адабий муҳитда фаол иштирок этганлар.

Ҳиротда Бойсунғур Мирзо ташаббуси ва иштирокида Фирдавсий «Шоҳнома»сининг 40 та қўлёзмаси асосида унинг мукамал нусхаси яратилди, гўзал наставкалик хатида кўчиририлиб, нафис миниатюралар ва наққошлик лавҳалари б-н безатилди. У Хусрав Деҳлавий девонларининг ҳам неча нусхаларини ўрганиб, 120 минг байт шеърларини тўплашга бош бўлган. 1444 й.да Арслон Хожа тархон топшириғига кўра, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» эски уйғур ёзувидан қайта кўчирилган.

Шундай қилиб, 15-а. 1-ярми адабий муҳити ўзбек тили мавқеининг мустаҳкамлашиши, ўзбек адабиётининг Шарқ сўз санъатида ўз ўрнига эга бўлиши, жанрлар таркибининг ранг-баранглашиши, мавзу доирасининг кенгайиши, шеърятда туркона услубнинг қарор топиши, тасвирда ҳаётийлик, ифодада жонли халқ тилига яқинликнинг кучайиши, шоирлар бадиий маҳоратининг ўсиши б-н ўзбек адабиётининг янги Уйғониш даврига замин тайёрлади.

15-асрнинг 2-ярми — 16-аср адабиёти.

15-а. 2-ярмида Ҳирот энг йирик маданий марказлардан бирига айланди. Хусусан, Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврида унинг мақоми ниҳоятда юксалди. Бу икки буюқ шахс ўз даврининг илму ҳунар аҳлига ҳомийлик қилган. Бойқаронинг ўзи ҳам Хусайний тахаллуси б-н шеърлар ёзган, девон тузган, «Рисола» асарида адабий ҳаёт, маданият ва б. хусусида фикр юритган. Навоий «ёри азиз» деб улуғлаган туркий ва форсий девонлар соҳиб (туркий девони топилмаган), «Лайли ва Мажнун» дostonи муаллифи Шайхим Сухайлий ҳам давр адабий муҳитида катта роль ўйнаган. Камолиддин Биноий, Мавлоно Осафий, Бадриддин Ҳилолий, Давлатшоҳ Самарқандий, Шоҳғариб Мирзо, Мирзо Шоҳий ҳам замоннинг етуқ

шоирлари бўлган, Султонали Машҳадий, Хондамир, Зайниддин Восифий гўзал шеърлар ижод қилган. Бу даврда туркий тил ва адабиётга рағбат кучайди. Бунда, шубҳасиз, Навоийнинг роли ва хизмати беқиёс.

Алишер Навоий — узбек маданияти ва адабиёти тарихида алоҳида ҳодиса. У Шарқ сўз санъати ўзига эришган барча ютуқларни ўз ижодида мужассамлаштирди. Шарқ шеърлигида мавжуд деярли барча жанрларда узбек тилида бадий юксак асарлар яратиб, узбек адабий тили ва адабиётининг бой имкониятларини намойиш этди, унинг жаҳон сўз санъатидаги мақомини тайин қилди. Навоийдан бошлаб узбек адабиёти буюк адабиётлардан бирига айланди. У узбек адабиётининг келгуси тараққиёт йўллариини белгилаб берди.

Бобур буюк салафи ҳақида «Туркий тил бида то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хуб айтқон эмас», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, Навоий ўзидан нафақат бадий баркамол, балки бой мерос ҳам қолдирди. Шоирнинг «Чор девон» («Тўрт девон») номи б-н машҳур «Хазойин ул-маоний» девонлар мажмуи мумтоз шеърлигга хос 16 жанрдаги асарларни уз ичига олади.

Навоий «Хамса»ни туркий (узбек) тилида ёзиб, узбек адабиётини юксак мақомга кўтарди. Бунда Навоий ўзигача бўлган буюк хамсанавислар (Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий)ни ўзига устоз деб билди ва уларнинг «Хамса»сидаги ғоявий-бадий анъаналарни маҳорат б-н ривожлантирди.

Навоийнинг 2 тил қиёсига бағишланган «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси»), аруз вази қондалари ҳақидаги «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови»), муаммо назариясига оид «Муфрадот» («Муаммо ҳақида рисола») номли илмий, «Тарихи мулуки Ажам» («Ажам подшоҳлари тарихи»), «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайгамбарлар ва доғишманлар тарихи») деган тарихий асарлари, «Мажолис ун-нафоис» («Нафис мажлислар»), «Насойим ул муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») тазкиралари, «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат») каби маноқиблари, шунингдек, «Вақфия», «Муншаот» («Мактублар») ва б. китоблари айни шу мақсадда яратилган. Панднома руҳидаги «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асари Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон»и қаторида турса, Фаридиддин Атторнинг



Алишер Навоий.

«Мантиқ ул-тайр» асарига «таржима расми бида» жавоб тариқасида яратилган «Лисон ул-тайр» дostonи узбек тасавуф адабиётининг ноёб дурдонаси бўлиб қолди. Ислол асосларига бағишланган «Сирож ул-муслимин» («Мусулмонлар чирогини»), Аллоҳга тавба-тазарру руҳидаги «Муножот», Ҳазрат Али ҳикматлари талқин қилинган 280 рубойини ўз ичига олган «Назм ул-жавоҳир» («Гавҳарлар тизмаси») номли асарлари ҳам мавжуд.

Алишер Навоий форсийда ҳам маҳорат б-н қалам тебратган зуллисонайн шоир ҳисобланади. У бир умр форсийда шеър айтишни қанда қилмаган ва ҳаётининг охирида форсий тилдаги асарларини йиғиб, «Девони Фоний»ни тузган. 6 фалсафий қасидасини жамлаб, «Ситтаи зарурия» («Олти зарурият»)ни, яна 4 қасидадан иборат «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») тўпламини тартиб қилган.

Бу давр узбек адабиётида Шарқ сўз санъатида мавжуд деярли барча жанрлар — маснавий, қасида, ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржеъбанд, таркиббанд, қитъа, соқийнома, рубой, фард, туюқ, муаммо, таърих: тазкира, маноқиб, наср, муламмаъ ва б. ривожланди. Биргина Навоийнинг ўзи шеърлигининг 16 жанрида маҳорат б-н қалам тебратди. Ўзбек адабиётида рубо-

ийнавислик анъанасига асос солиб, бу жанрнинг бадий баркамол намуналарини яратди. Ғазални янги тараққиёт босқичига олиб чиқди.

Бадий таржимачилик ҳам ривожланиб, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий машҳур ҳинд эпоси «Калила ва Димна»ни «Анвори Суҳайлий» («Суҳайлий нурлари») номи б-н таржима қилган.

Бобур ижоди Навоийдан кейинги алоҳида босқични ташкил этди. Машҳур муаррих Мирзо Ҳайдар таъбири б-н айтганда: «Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур даражасида ёзган эмас». У адабиётни ҳаётга, адабий тилни халқ тилига яқинлаштирди. Атоий, Лutfий шеърлигидаги халқчиллик Бобур асарларида янгича шаклда қайта туғилди. Хусусан, «Бобурнома» б-н у туркий адабиётда реалистик насрни бошлаб берди.

Бобур соҳибдегон шоир бўлса-да, унинг девони бизгача мукамал ҳолда етиб келмаган. Кейинги изланишлар Бобурнинг форсийда ҳам ғазал, рубой, қитъа, фард ва б. жанрларда шеърлар ёзган моҳир зуллисонайн шоир эканлигини кўрсатмоқда.

Бобурийлар хонадонига яқин шоирлар орқали Ҳиндистонда ҳам туркий адабиёт ривожланди. Навоий ва Бобур таъсирида ижод қилган, узбек ва форс тилларида гўзал қасида, ғазал, рубой, қитъа ва фардлар ёзган Байрамхон бу адабий муҳитнинг Бобурдан кейинги етакчи шоирларидан эди. Байрамхондан 2000 байтдан зиёд шеърлар қолган. Ўзбекча шеърлари 47 ғазал, 13 рубой, 2 қитъа, 5 фард, форсча 5 қасида, 39 ғазал, 20 фард, 19 рубой, 7 қитъа, 1 маснавий ва 1 таърихдан иборат.

Бобурнинг қизи Гулбаданбегимнинг 16-а.нинг 1-ярмидаги бобурийлар ҳукмдорлиги даврида Афғонистон ва Ҳиндистонда кечган воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳумоюннома» асари ўзининг содда тили, равон услуби, тасвир услубига кўра нафақат тарихий, балки адабий манба ҳамдир. Унда Ҳиндистон ва Мовароуннаҳр ўртасидаги ўзаро алоқалар, бобурийлар хонадонининг турмуш тарзи, маросим ва анъаналари хусусида кўплаб маълумотлар келтирилган. Бобурнинг жияни Мирзо Ҳайдарнинг (1499—1551) «Бобурнома»га ўхшатиб ёзилган «Тарихи Рашидий» («Рашидий тарихи») асари, гарчи форс тилида ёзилган бўлса ҳам, ўзбек халқи тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати бўйича муҳим манбалардан биридир.

Комрон Мирзонинг 1500 дан зиёд шеърларини ўз ичига олган девони етиб келган. Унинг ўзбек ва форс тилидаги

мероси 72 ғазал, 37 рубойи, 3 маснавий, 44 фард, 5 қитъа, 1 таркиббанд, 1 туртликдан иборат. Ғўзал бадийи санъатлар б-н зийнатланган бу шеърлар мавзусининг ҳаётийлиги, фалсафий мазмунининг чуқурлиги, тилининг халққа яқинлиги, услубининг раволиги б-н алоҳида ажралиб туради.

Шайбоний ҳукмдорлар ҳам темурийлар анъанасини давом эттириб, малабият ва адабиёт раволини қўллаб-қувватлаган, истеъод эгаларига ҳомийлик қилганлар. Шайбоний, Убайдий, Азий, Бақойи, Камолиддин Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Зайниддин Восифий, Мажлисий, Пошшохожа, Ҳасанхожа Нисорий, Абдурахмон Мушфиқий, Нахлий Бухорий, Ҳофиз Таниш Бухорий, Мавлоно Абулхайр, Мавлоно Боқий Самарқандий, Мутрибий, Султон Муҳаммад Нойи, Мулла Шодий каби сўз санъаткорлари ўзбек ва форс адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Шайбонийхон, Убайдуллахон, Кўчкунчихон, Абдуллахон каби ҳукмдорлар кўлаб асарларнинг таржима қилинишини қўллаб-қувватлаганлар.

Маснавий, қасида, ғазал, мухаммас, соқийнома, таржеъбанд, таркиббанд, рубойи, қитъа, туюқ, фард бу давр шеърининг етакчи жанрлари бўлди. Нисорийнинг «Бухоро мадҳи», Восифийнинг «Тошкент мадҳи» қасидалари шуҳрат тутди. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Мажлисийнинг «Қиссаи Сайфулмулк», Хожанинг «Мақсад ул-атвор», «Лайли ва Мажнун», Боқий Бухорийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Фазоийнинг «Ноз ва Беҳно», Муҳаммад Раҳимийнинг «Лайли ва Мажнун», Балриддин Кашмирийнинг «Ҳафт ганж» («Етти хазина»), Шодийнинг «Фатҳнома» дostonлари мисолида эпик шеърят, бадийи наср ва манокъиб ривожланди: «Бобурнома», «Ҳумоюннома», «Мақорим ул-ахлоқ», «Бадоеъ ул-вақоеъ», «Тарихи Рашидий», «Гулзор», «Мифтоҳ ул-адл», «Шайбонийнома» (Биноий) каби асарлар, Ҳусайн Хоразмий ҳақида ўғли Шарафиддин ва шогирди Камолиддин Маҳмуд Ғиждувонийлар ёзган «Жодаи ошиқин» («Ошиқлар йўли») ва «Мифтоҳ ул-толибин» («Толиблар калити») каби асарлар бадийи наср ва манокъибларнинг ёрқин намуналаридир. Рўзбехоннинг «Меҳмонномаи Бухоро», Ҳофиз Танишнинг «Абдулланома» асарлари нафақат тарихий, балки адабий аҳамиятга ҳам эга. Таржимачилик ривожланиб, Кўчкунчихон Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини таржима қилдилади. Фигоний «Калила ва Димна»ни ўзбек тилига ўтиради.



Бобур.

Умуман олганда шайбонийлар даврида адабиёт темурийлар давридагидек ҳар томонлама кенг тараққий этмади. Сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги турғунлик, таназзул маданиятга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

17–18-асрлар адабиёти. Бу даврда Туркистон Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиқларига бўлиниб кетиши б-н уларнинг ҳар бирида ўз адабий муҳити вужудга келди. 17–18-асрлар адабиёти тараққиётида Бухоро ва Хива адабий муҳити катта роль ўйнади. Хивада анъанавий шеърят ва тарихнавислик ривожланган бўлса, Бухорода таъкиранивислик, туркий ва форсий шеърят равоқ топди. Хонлиқларда халқ оғзаки ижодига қизиқиш кучайиб, «Гўрўғли» туркумидаги ўнлаб жангномалар, тарихий мавзудаги романтик, қаҳрамонлик дostonлари, «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Сайёд ва Ҳамро», «Санобар», «Асил ва Карам», «Юсуфбек ва Аҳмадбек», «Хуршид ва Маликаи Дилором» каби дostonларнинг халқ китоблари вариантлари вужудга келди. Шоирлар фольклор асарлари, баъзан ёзма манбаларни қайта ишлаб, ўзига хос дoston ва қиссалар яратдилар. Мас., Хоразмда Умар Боқий Навоий «Хамса»сидаги дostonларни насрий қиссаларга айлантирган бўлса, Сайёдий «Тоҳир ва Зухра», ҳисорлик Собир Сайқалий «Ҳамро ва Ҳурлиқо», «Баҳром ва Гуландом», Дилафкор «Раъно ва Сухангул» дostonларининг ёзма адабиётдаги намуналарини ёздилар. Андалиб «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Зайн ул-араб», «Саъд Ваққос» маснавий-манзумаларини, Салоҳиддин Салоҳий «Гул ва Булбул» дostonини яратдилар.

Турди Фароғий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб, Ҳувайдо, Мужрим Обид, Муҳаммаднӣз Нишотий, Сайидо Насафий, Собир Сайқалий бу даврининг йирик шоирлари эдилар.

Турдиладан (17-а. — тахм. 1699–1700) бизга қадар бор-йўғи 18 та шеър етиб келган (жами 434 мисра). Лекин шу мўъжаз мерос ҳам унинг салоҳияти баланд шоир бўлганлигини кўрсатади. У ҳам туркий, ҳам форсийда қалам тебратган. Ватан ва халқ тақдири, миллат дарди — Турди ижодининг асосий мавзулари ҳисобланади.

Машраб (1640–1711) ижоди шеърятда ижтимоий мазмуннинг теранлашиши ва ижодий анъаналарнинг кучайиши, адабиётда халқчиллик ва дунёвийликнинг чуқурлашиши, лирик турларнинг тақомилида алоҳида боқич бўлди. У ғазал, мустаоз, мураббаъ, мухаммас, мусаддас каби жанрларнинг мазмундарижасини кенгайтирди. Кўлаб мустаоз ва мураббаълар ёзиш б-н ўзбек адабиётида бу жанрларнинг мақомини мустаҳкамлади. Унинг оташин руҳ, чуқур мазмунга эга шеърятти ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсир ўтказди. У ўзбек тасаввуф адабиётини янги боқичга олиб чиқди, шеърятни халққа яқинлаштирди. Шоир ҳаёти халқ ичида афсонаво ривоятга айланиб кетган, унинг шеърлари ҳам, асосан, «Девонаи Машраб», «Ҳазрати Шоҳ Машраб», «Девони Машраб», «Эшонӣ Машраб» каби халқ қиссалари орқали етиб келган. Машрабнинг ошиқона шеърларининг деярли барчаси қўшиққа айланиб кетган.

Шеърятнинг ўз давридаги султони бўлган Ҳувайдодан (тахм. 1780–81 й.в.з.) бизгача шеърлари, «Иброҳим Адҳам» дostonи, «Роҳати дил» манзумаси етиб келган. Шоир асарлари халқ орасида жуда машҳур бўлган. У Яссавий, Навоий ва Машрабларга издошлик қилади. Тасаввуфнинг инсон камолоти б-н боғлиқ ҳаётбахш ғояларини бадийи юксак мисраларда талқин этади. Панд-насиҳат орқали инсоннинг камол топишига хизмат қилиш — шоир ижодининг мазмунмоҳиятини ташкил этади.

18-а. 2-ярми — 19-а. 1-чорагидаги Бухоро адабий муҳитининг таниқли намоияндаси Мужрим Обид ҳам туркий, ҳам форсийда девон тузган зуллисонийн шоирлардан ҳисобланади. Туркий ижодда Навоий ва Машраб, форсий шеърларида Бедилга пайравлик қилган бу шоир ўзбек ва форсий сўз санъатида ғазал устодларидан ҳисобланади. Унинг туркий девонида 459, форсий девонида 206 ғазал мавжуд. У маснавий, мухаммас, қитъа, рубойи жанрларида ҳам

маҳорат б-н қалам тебратган. Мужрим Обид ижоди ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади.

Хива хонлигида Вафойи, Нодир, Равнақ, Нишотий каби шоирлар яшаб ижод қилганлар. Вафойи бадиҳа айтишда моҳир бўлган. Равнақ шеърлари танқидий руҳнинг кучлилиги, ўз замони муаммоларини дадил кўтариб чиққани, жамият иллатларини кескин фош қилгани б-н алоҳида аҳамият касб этади. Шоирдан 258 ғазал, 22 мухаммас, 5 қасида ва 1 мустазадни ўз ичига олган (5351 мисра) девон мерос қолган. Навоий, Фузулий ва Машрабни ўзига устоз билган Равнақ ўзбек ва форс тилларида кўплаб ширу шакар шеърлар ҳам ёзган. «Хусн ва Дил» достони б-н машҳур бўлган Нишотий (18-а.) «Боз ва Булбул», «Даф ва Гул», «Най ва Шамшод», «Косаи Чин ва Наргис», «Бинафша ва Чанг», «Қушлар мунозараси» асарлари б-н мунозара жанри тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшди. Шунингдек, у жўшқин лирик шеърлар муаллифи ҳамдир.

Бу даврда Сўфи Оллоёр, Собир Сайқалий сингари мутасаввиф шоирлар майдонга чиқди. Туркий ва форсийда маҳорат б-н қалам тебратган Сўфи Оллоёр (1644–1724) ижодининг асосий йўналиши ислом маърифатини кенг омма ўртасида ёйиш ва тасавуфнинг инсоний камолот б-н боғлиқ ғояларини қизгин тарғиб-ташвиқ қилишдан иборат. У «Маслак ул-муттақин» («Тақводорлар маслағи»), «Мурод ул-орифин» («Орифлар муроиди»), «Махзан ул-мутеъин» («Итоаткорлар хазинаси») маснавийларини форсий, «Сабот ул-ожизин» («Ожизлар саботи»), «Фавз ун-нажот» («Нажот тантанаси») асарларини ўзбек тилида ижод қилган. Ўзбек ва форс тилларида битилган гўзал шеърлари ҳам мавжуд. Ахлоқий-таълимий аҳамияти жиҳатидан «Маслак ул-муттақин» ва «Сабот ул-ожизин» асарлари мактаб ва мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитилиб келган.

Собир Сайқалий (1730–1798) «Қиссаи Иброҳим бинни Муҳаммад», «Қиссаи Шаҳзода Баҳром ва Гуландом», «Қиссаи Ҳамро ва Хурлиқо», «Равзат уш-шўхало» («Шаҳидлар боғи»), «Аҳтамнома», «Вайс ул-қаран», «Зайн ул-араб» каби диний ва тасавуфий мазмундаги достонлари б-н машҳур бўлган. Халқ қиссалари руҳида, энгил ва равон услубда ёзилган бу асарлар ўзбек халқи томонидан китобхонлик кечаларида севиб ўқилган.

Бу давр адабиёти тараққиётига форсийзабон шоирлар ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Турли жанрларда баркали



Нодира.

ижод қилиб, ўзидан 18 минг мисрадан зиёд мерос қолдирган Сайидо Насафий (1637–1710) асарларида ўзи мансуб жамият манзараларини ҳаққоний гавдалантириб берган. «Баҳорийёт» маснавийсида ҳайвонлар баҳси мисолида одамлар тийнатидаги фазилат ва иллатлар очиб берилади. Турди йўлидан бориб, қатор ҳажвиялар ёзган.

Шавкат Бухорий (17-а.нинг 20-й.лари – 1695–99) анъанавий услубни янгилаган. Ўзидан девон ва «Лайли ва Мажнун» достонини қолдирган Мулҳам Бухорий (1720 й.в.э.) ўз асарларида ижтимоий масалаларни кўтариб чиққан машҳур шоирлардан ҳисобланади. Фитрати Зардўзи Самарқандий, Имло Бухорий, Музний каби шоирлар ҳам адабий муҳитда юқори мавқега эга бўлганлар, Салоҳиддин Салоҳий форс тилида «Юсуф ва Зулайҳо» достонини яратган.

Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро»сида (1605) 16-а.нинг 2-ярмида яшаб ижод этган 328 шоир ҳақида маълумот берилади. Кейинчалик у бу тазкирани Ҳиндистон сафарида (Жаҳонгиршоҳ тақдим этган) 81 шоир тўғрисидаги маълумот б-н бойитди ва «Нусхаи зебон Жаҳонгир» (1625) деб атайди. Малехо Самарқандийнинг «Музаққир ул-асҳоб» («Сухбатдошлар зикри», 1692) тазкираси Марказий Осиё ва Эронда яшаб ижод этган 200 га яқин шоир ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади. Нурмуҳаммад Насафийнинг «Мазҳар ул-мусаннифин» («Адиблар баёнида», 1758) асари тарихий мавзуда бўлса-да, кўплаб шоирлар ҳақида маълумот бериш б-н тазкираларга яқин туради.

Шарафиддин Роқимнинг «Тарихи Роқимий», Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тарихи Муқимхоний», Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома», Абдулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима» асарлари ҳам бу давр адабиётида муҳим роль ўйнади.

19-аср адабиёти. Бу даврда адабий-маданий ҳаёт кўпроқ Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари марказида, саройда ривожланиб, ҳукмдорлар, амир-амалдорлар ҳам бадий ижод б-н шуғулланган.

19-а.нинг 1-ярмида Қўқонда ўзига хос илмий-маданий муҳит вужудга келган. Унинг бошида турган маърифатли ҳукмдор Амир Умархон илм, маданият, санъат, адабиёт, турли касб-хунарларнинг ривожига катта эътибор берган, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаган, ҳар хил хунар мактаблари очилишини қўллаб-қувватлаган. Ўзи ҳам Амирий тахаллуси б-н ўзбек ва форс тилларида ижод қилиб, девон тузган. Мазкур девон ғазал, мухаммас, мусалдас, туюқ жанрларидаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олади. Амир атрофида 70 дан ортиқ шоир йиғилган. Умархон саройининг малик ушшуароси Фазлий Намангоний Қўқон адабий муҳитининг 100 дан ортиқ номояндалари ҳақида маълумот берувчи «Мажмуаи шоирон» («Шоирлар мажмуаси», 1821) тазкирасини тузган. Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Дилшод, Анбар Отин, Гулҳаний, Махмур, Фазлий Намангоний, Нодир, Ҳозиқ, Маъдан, Фозий, Нодим, Муқимий, Фурқат, Завқий Қўқон адабий муҳитининг етук номояндаларидир.

Умархоннинг завжаси Нодирабегим ўзбек аёл шоирларининг энг пешқалами ҳисобланади. У Нодира ҳамда Комила тахаллуси б-н ўзбекча, Макнуна тахаллуси б-н форсча шеърлар ёзган. Умархон вафотидан кейин тахтга унинг Хон тахаллуси б-н қалам тебратган ўғли Муҳаммадалихон ўтирган бўлса-да, амалда ҳокимиятни Нодира бошқарган ва илму хунар аҳлига ҳомийлик қилган, олимлар, шоирлар, каттоғлар ва б. и.с. т.д. соҳибларини саройга тўплаган.

Увайсийнинг девони, Муҳаммад пайгамбар (ас)нинг Карбалода шаҳид бўлган набираларига бағишланган «Шаҳзода Ҳасан» ва «Шаҳзода Ҳусайн» ҳамда «Воқеоти Муҳаммадалихон» маснавийлари етиб келган.

Ўз даври воқелигини мажозий усулда бадий ифодалаган ахлоқий-ланднома ва танқидий-ҳажвий йўналишдаги «Зарбулмасал» асари Гулҳанийга фавқулодда шухрат келтирди. Унда ижтимоий ҳаёт

муаммолари, турли тоифадаги одамлар ўртасидаги муносабатлар, халқ турмуш тарзи ва удумлари ҳақида мажозий усулда сўз юритилади. Асар халқ орасида «Япалоққуш ҳикояси» номи б-н машҳур бўлиб, қиссахонлик кечаларида севиб ўқилган.

Махмур ижоди адабиётда танқидий йўналиш ва ҳажвийнинг тараққиётида юқори босқич бўлди. У ғазал, маснавий, мухаммас, қасида жанрларида ёзган шеърларида ўз даврининг кўпдан-кўп иллатларини танқид қилган, зулм-зўрлик, адолатсизликни фош этган. «Ҳапалак» шеърида бир қишлоқ мисолида бутун бир мамлакат ва халқнинг аянч манзарасини тасвирлаган. Кўпгина ҳажвий шеърлари замонасидаги аниқ кишиларга қаратилган. Муқимий ва Нодим «Ҳапалак» ғазалига тахмис боғлаганлар. Шеърларида халқона руҳ кучли: ўткир киноя-қочиримлар, теша тегмаган иборалар, мақол-маталлардан усталик б-н фойдаланади.

Дилшод (Дилшоҳи Барно, Барно)нинг 91 та ўзбекча ва 51 та тожикча шеъри, «Таърихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») бадиий-тарихий асари маълум. «Тарихи муҳожирон»да 19-а. Қўқон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий воқеалар акс этган. Шунингдек, асарда Ўратепа ва Қўқонда яшаб ижод этган 30 дан ортиқ шоирлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Анбар Отин ҳам зуллисонайн шоира бўлиб, ўзбек тилидаги шеърларидан девон тузган бўлса-да, тожикча девон тузган-тузмаганлиги номаълум. «Қаролар фалсафаси» рисоласида аёлларнинг аянчли қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Ижодда кўпроқ Увайсийга эргашган, Навоийни устоз билган.

Маҳзуна, Нодим Намангоний, Нодир (Узлат), Маъдан, Ғозий, Жунайдулло Ҳозиқ каби шоирлар ҳам адабий жараёнда фаол иштирок этдилар. Ҳозикнинг анъанавий мавзудаги «Юсуф ва Зулайҳо», Нодирнинг Нодирага бағишланган «Ҳафт гулшан» («Етти гулшан») достони машҳур.

Хивада Муҳаммад Раҳимхон – Феруз саройида ҳам бу даврда алабий ҳаёт жонланди. Ферузнинг ўзи ҳам истеъдодли шоир эди. Шоҳ-шоир девонидаги шеърлар асосан анъанавий ишқу муҳаббат мавзуда. У шоиру адибларни қизгин қўллаб-қувватлади: босмахона ташкил этиб, уларнинг девонларини чоп эттирди, турли баёз ва тазкиралар тузилиши, тарихий асарлар ёзилиши, таржимачилик ишларига бош-қош бўлди.

Хива адабий муҳитининг юксалиши Мунисдан бошланади. Унинг «Мунис



Огаҳий.

ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») девони ғазал, мухаммас, қасида, рубоий, қитъа ва б. жанрдаги асарлардан иборат бўлиб, 20000 мисралан зиёд шеърни ўз ичига олади. «Фирдавс ул-иқбол» («Бахт боғи») асари Хива хонлиги тарихини ёритишга бағишланган. Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Софлик боғи») асарини таржима қилган (бу икки асар ҳам чала қолиб, уларни жиани Огаҳий ниҳоясига етказган). Савод чиқаришни енгиллатиш ва ҳусниҳат санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланган «Саводи таълим» шеърый рисоласи ҳам бор. Навоий анъаналарини изчил давом эттирган Мунис ўзбек адабий тили ва адабиётининг тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Огаҳий ўзбек адабиётининг Навоий ва Бобурдан кейинги забарласт намояндаси ҳисобланади. Унинг 1872 й.да тартиб берилган «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») девони 22 жанрдаги асарларни ўз ичига олади. Форсийда ҳам ғазал, мухаммас, мусамман, муножот ва таърихлар ёзган. 650 байтдан иборат форсий мероси девонда алоҳида боб қилиб берилган.

Хоразм таржима мактабининг шаклланишида Огаҳийнинг хизматлари катта: у форс адабиётига мансуб 18 та асарни ўзбек тилига таржима қилган. Улар ичида Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», «Юсуф ва Зулайҳо», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва ғадю», Кошифийнинг «Ахлоки Муҳсиний», Восифийнинг «Балдоё ул-вақоё», Низомийнинг «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») каби машҳур асарлари бор. Огаҳий «Риёз ул-давлат» («Салтанат боғлари»), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи»), «Жомеъ ул воқеоти султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи»), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани»), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол гувоҳи») каби тарихий асарлар ҳам яратган.

Баёнй ўз шеърларидан девон тузган, «Шажараи Хоразмшоҳий» («Хоразмшоҳлар шажараси») тарихий-мемуар асари б-н Мунис ва Огаҳий ишини давом эттирган. Арабчадан Дарвеш Аҳмаднинг «Саҳойиф ул-ахбор» («Хабарлар саҳифалари»), форсчадан Биноийнинг «Шайбонийнома», Табарийнинг «Тарихи Табарий» асарларини таржима қилган. Мумтоз шеърятнинг деярли барча жанрларида қалам тебратган, Навоий, Мунис, Огаҳий анъаналарини давом эттирган.

Сермаҳсул шоир Аҳмад Табибий 5 девон тузган: ўзбек тилида – «Тухфат ус-султон» («Султонга тухфа»), «Мунис ул-ошиқ» («Ошиқлар дўсти»), «Ҳайрат ул-ошиқин» («Ошиқлар ҳайрати»), форс тилида – «Миръот ул-ишқ» («Ишқ кўзгуси»), «Мазҳар ул-иштиёқ» («Иштиёқ суврати»). Мухаммас жанрида самарали ижод қилиб, Саъдий, Жомий, Навоий, Зебуннисо, Мунис, Огаҳий, Мирзо Ғолиб ғазалларига 518 та мухаммас боғлаган. Хоразм шоирлари ҳақида «Мажмуат шуарои пайрави Ферузшоҳий» («Ферузшоҳга пайравлик қилган шоирлар мажмуаси»), «Мажмуаи мухаммасоти аш-шуарои Ферузшоҳий» («Ферузшоҳ даври шоирлари ёзган мухаммаслар мажмуаси») тазкираларини тузган. «Етти равза» («Етти жаннат») номли асар ҳам ёзган. «Вомиқ ва Узро» қиссасининг шеърый вариантини яратган. Ўзбек ва форс тилларида анъанавий жанрлар ва мавзуларда ижод қилган.

Комил Хоразмий шеърятини анъанавий, маърифатпарварлик ва ижтимоий мавзудаги шеърлардан иборат. «Дар баёни таъриф ва тавсифи Тошканд» («Тошкент таърифи ва тавсифи баёнида») қасидаси Тошкентдаги маданий янгиланган хабар беради. Илм-маърифатни кенг тарғиб-ташвиқ қилган. Ўзбек куйларини ёзиб олиш учун «танбур чизиги» деб номланувчи нота тизимини жорий этган. Бархурдор бин Туркман Фароҳийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» («Маҳфилоро») ва Али Сафийнинг «Латойиф ат-тавоиф» («Турли тоифаларнинг латифалари») асарларини форсийдан ўзбек тилига ўтирган. 8 минг мисралдан ортиқ шеърни ўз ичига олган девони бўлиб, улар ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаллас, маснавий, қасида, рубоий, муаммо каби жанрлардаги асарларни ташкил қилади.

19-а.нинг 2-ярмида яшаб ижод қилган, қорақалпоқ адабиётининг йирик вакили Бердақ ҳам бевосита Хива адабий муҳитидан таъсирланган. Унинг асарларида қорақалпоқларнинг 19-а.даги



Берлақ.

ижтимоий ҳаёти, инсонпарварлик, адолат ва ватанпарварлик ғоялари акс этган. «Авлодлар» асари тарихий воқеалар солномасидан иборат. У халқнинг бахтиёр яшашини, одил подшони орзу қиладди.

Қўқон адабий муҳитидаги Амирий, Нодира, Нодим, Махмур, Гулханий, Фазлий, Ғозий, Маъдан, Ҳозик; Хива адабий муҳитидаги Огаҳий, Баёний, Табибийнинг ўзбек ва форс тилларида қалам тебратганлиги форс тилининг мавқеи бу даврда ҳам баланд бўлганлигини кўрсатади. Бухоро адабий муҳитида Мирзо Солиқ Мунший, Носеҳ Хатлоний, Шавқий Каттақурғоний, Хумулий Ургутий, Шамсиддин Шоҳин, Жонмуҳаммад Жоний, Фитрат Вардонзехий, Мирзо Азим Сомий, Мирсиддиқ Ҳашмат, Раҳматуллоҳ Возеҳ, Ҳайрат, Савдо каби форсийзабон шоирлар яшаб ижод этдилар. Булар ичида Мирзо Солиқ Саъдий ва Ҳофиз анъаналарини давом эттирган. Ундан шеърлар ва маснавийлардан иборат 2 девон ва «Ахлоқ» рисоласи етиб келган. Ҳассос ғазаллари, «Лайли ва Мажнун» достони, «Тухфаи дўстон» («Дўстлар тухфаси») панднома-си, «Балоеъ ус-саноеъ» номли рамзий-мажозий асари б-н машҳур бўлган Шоҳин ҳам забардаст шоирлардан ҳисобланади. Киноя ва истиора, бадийи санъатларга бой мажозий услубдаги «Балоеъ ус-саноеъ» асари ҳажвий-танқидий йўналишда бўлиб, унда шоирнинг сиёсий, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий қарашлари акс этган.

19-а.нинг 2-ярмида Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олин-

ши (1865–1880) фақат сиёсий-ижтимоий тартибларга эмас, балки маданий-адабий ҳаётга ҳам ҳар тарафлама (ҳам салбий, ҳам ижобий) таъсир кўрсатди: Россия орқали ўлкага Европа маданияти кенг қўламда кириб келди. Босмаҳоналар пайдо бўлиб, китоб нашри йўлга қўйилди. 1870 й.дан маҳаллий тилда биринчи газ. — «Туркистон вилоятининг газети» чиқа бошлади. Рус-тузем мактаблари ташкил этилди. Албатта, мустамлакачиларга, улар олиб кирган сиёсатга қарши курашлар бўлди, алиблар ўша давр воқеаларини ҳаққоний тасвирловчи асарлар битдилар. Мас., хоразмлик Муҳаммад Юсуф Баёний «Шажараи Хоразмшоҳий», фарғоналик Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарғона» асарларида Хива ва Қўқон хонлигининг босиб олинishi манзараларини рўй-рост тасвирладилар. Шу б-н бирга, рус илм-фани, техникаси, маданияти, маорифини улуғловчи асарлар ҳам яратилди. Фурқат, Камий каби шоирлар рус театри, гимназия, виставка, ҳатто «бал»ларни таърифлаб, шеърлар ёздилар. Айни пайтда, рус талбиркорлари, фабрикантлари, банкирлари, заводчи бойларининг қаллобликлари, маҳаллий бойлар ва фуқароларни алдаб, бор-йўғини шилиб олишлари, жамиятда ахлоқнинг бузилишини танқид қилувчи асарлар пайдо бўлди (Муқимий, «Масковчи бой таърифида»; Завқий, «Ҳажв»; Усмонхўжа Зорий, «Ҳажви Лаҳтин» ва б.).

Усули жалид мактаблари пайдо бўлди. Татар маърифатпарвари Исмоил Гасп-ралининг миллатни уйғотувчи «Таржимон» газ. кенг тарқалди. Бу даврда адабий ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан янгиланди. Адабиётга ватан, озодлик учун кураш, миллат истиқлоли мавзулари, маърифатпарварлик ғоялари кириб келди. Муқимий, Фурқат, Завқий, Комил, Аваз Ўтар, Каримбек Камий, Алмай, Аҳмад Дониш янгиланаётган адабиётнинг етуқ намояндalари эдилар. Муқимий, Фурқат, Завқий, Комил, Аваз, Камий каби шоирлар ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа очдилар.

Муқимий мероси анъанавий ва ҳажвий йўналишдаги шеърлардан иборат. Анъанавий шеърларида Низомий, Навоий, Жомий, Фўзулий йўлини давом эттириб, янги ижтимоий шароитда ривожлантирган. Шоир лирикаси қуқур ҳаётсеварлик руҳи б-н суғорилган, у ёруғ кунларни, фаровон ҳаётни орзу қилиб яшаган («Келур охир сени ҳам йўқлағудек бир замон яхши» ва б.). Ҳажвиётда эса замонасининг иллатларини кескин фош этган, зolim ва адолатсиз амалдорларнинг жирканч қиёфаларини очиб



Муқимий.

ташлаган («Танобчилар», «Сайлов», «Дар мазаммати замона»). Саёҳатнома жанрини ривожлантирган.

Тараққийпарвар шоир ва мутафаккир Фурқат мумтоз адабиётдаги анъанавий жанрлар ва мавзуларда кўплаб ғазаллар, мухаммаслар ёзган. У анъанавий шеър-иятга юрт гўзаллиги, табиат манзаралари тасвирини олиб кирди. Шеърларида ижтимоий руҳ ва замонавийлик кенг ўрин эгаллаган («Бўлди», «Қолди» радифли мухаммаслари). Бир қатор шеърларида эса ҳаётдаги ноҳақликларни танқид қилди, шахс эркинлиги масалаларини кўтарди («Сайдинг кўябер, сайёд...»). Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ва янгиликларга хайрихоҳ бўлган шоир уларни бевосита ўз кўзи б-н кўриш мақсадида Тошкентга саёҳат қиладди — бу ерда фан-техника янгиликлари, илм, маданият, санъат муассасаларини кўриб, «Илм хосияти», «Гимназия», «Виставка хусусида», «Тошкент шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида», «Суворов» ва б. шеърларини яратди, ўзбек адабиётига янги мавзу ва ғоялар олиб кирди. Она юртдан, дўстларда узоқда яшаш оқибатида ижодида ҳижрон мотивлари кучаяди («Сабога хитоб», «Ҳажнома» ва б.).

Ўз ижодини анъанавий мавзуларда шеър ёзишдан бошлаган Завқий ҳам кейинчалик «Замона кимники», «Бўл», «Бектурбой» каби шеърларида замона иллатларини, халқнинг аянчли аҳволини акс эттирди. «Ажаб эрмас», «Кўз очайлик», «Қиссаи Фарғона» каби шеърлари ўзбек ижтимоий лирикасининг ёрқин на-



Фурқат.

муналари ҳисобланади. Қатор ҳажвиялари б-н ҳажвий шеърят тараққиётига катта ҳисса қўшди («Қаҳатчилик», «Воқеаи қози сайлов»). Кўпгина юмористик шеърлар ёзди («Таърифи калиш», «Сигирим», «Паншшлар» ва б.). Ишқий ғазал ва мухаммаслари ўша даврдаёқ ҳофизлар томонидан севиб ижро этилган («Юзунгни кўрсатиб аввал...» ва б.).

Аваз Ўтар мероси анъанавий, маърифатпарварлик ва ҳажвий йўналишдаги шеърлардан иборат. Ижодини лирик шеърлар ёзишдан бошлаган («Миллат», «Хуррият» ва б.). «Фалоний» тахаллуси б-н ҳажвиялар ёзган. Унинг «Саодат ул-иқбол», «Девони Аваз» номли 2 девони, турли баёзларга киритилган шеърлари етиб келган.

Бу даврда диний-тасаввуфий адабиёт ҳам ривожланиб, Мажзуб Намангоний, Зиёвуддин Ҳазиний, Юсуф Сарёмий каби мутасаввиф шоирлар етишиб чиқди. Мажзубнинг ўзбек ва форс тилларида алоҳида-алоҳида девонлари бўлиб, улар ғазал, мухаммас, қасида, соқийнома каби жанрлардаги шеърларни ўз ичига олади. «Соқийнома»си машҳур бўлиб, суфийларнинг мажлисларида алоҳида оҳанг б-н ўқилган. Тасавуф шайхлари ва суфиёна истилоҳлар шарҳига бағишланган «Тазкираи Мажзуб Намангоний» асари ҳам мавжуд. Ҳазинийнинг диний ва тасаввуфий руҳдаги шеърлари халқ орасида кенг ёйилиб, ҳофизлар томонидан ижро этилган («Фаргона тонг отгунча»). Юсуф Сарёмий, Азимхўжа эшон, Муҳйи, Муҳайирнинг суфиёна ғоялар б-н йўғрилган шеърлари ҳам омма орасида кенг тарқалган.

18–19-а.лардаги ўзбек адабиётига озарбайжон шоири Фузулий, форс адабиётига эса ҳиндистонлик форсийзабон шоир Бедилнинг таъсири кучли бўлди. Бу даврда кўпгина шоирлар Фузулий ва Бедилдан таъсирланиб, уларнинг ғазаларига тахмислар боғлаган, татаббуълар битган, улар йўлида шеърлар ёзган. Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Машраб, Фузулий, Соиб, Бедил каби сўз санъаткорлари ижодига мурожаат қилишнинг кучайиши натижасида татаббуънавислик ва мухаммас жанрлари ривожланган. Бу даврда Хива хони Феруз ва Қўқон хони Амирий ғазалларига ҳам кўплаб татаббуълар қилинган, тахмислар боғланган.

Лирик жанрлардан ғазал, мухаммас, мусаддас, қитъа, рубоий, туюқ ва б. ривожланиши баробарида, уларда ҳаётий тасвир, реал воқеликка муносабат кучайди. Достончилик ривожланди, маснавий шаклидаги шеърларда воқеабандлик асосий ўрин эгаллади. Сатира ва юмор кенг тараққий этди. Тазкиранавислик, тарихнавислик равнақ топди. Бадиий наср, таржимачиликда жиддий кўтарилиш юз берди. Айни пайтда, анъанавий шеърят ҳам яшашда давом этди. Очилдимурод Мирийнинг «Раъно ва Зебо», «Қиссаи Салим Жавҳарий», «Мажлиддин ва Фахруннисо», «Рустам ва Сухроб» достонлари давр адабиётининг халқ озаки ижоди ва мумтоз сўз санъати б-н алоқалари мустақамлигини кўрсатади. Буларнинг барчаси адабиётнинг мавзу ва жанр доираси кенгайгани, шакл ва мазмун жиҳатдан бойигани, реал ҳаётга яқинлашганидан далолат беради.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [5 ж.ли], Т., 1978–1980; Маллаев Н. М., Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, Т., 1976; Абдуллаев В. А., Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, Т., 1980; Каримов Ф. К., Ўзбек адабиёти тарихи, 3-китоб, Т., 1987; Қайюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Солиқов Қ., Қадимги ёзма ёдгорликлар, Т., 2000; Муборак мактублар, Т., 1987; Шарипов Ж., Ўзбекистонда таржима тарихидан, Т., 1965; Қадимий ҳикматлар, Т., 1987; Валихўжаев Б., Ўзбек адабиётшунослиги тарихи, Т., 1993; Иброҳимов А., XVI аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари, Т., 1976; Қайюмов А., Беруний ва адабиёт, Т., 1974; Ҳайитметов А., Темурийлар даври ўзбек адабиёти, Т., 1996; Буюк сиймолар, алломалар, 1–3-китоблар, Т., 1995–1997; Қайюмов П. Д., Тазкираи Қайюмий, 1–3 китоблар, Т., 1998; Комилов Н., Тафаккур карвонлари, Т., 1999; Раҳмонов Н., Кўҳна битиктошлар, Т., 1991; Муҳаммад Н., Насаф ва Кеш алломалари, Т., 2001; Муҳаббат тароналари, Т., 2005; Хоразм Маъмур академияси, Т., 2005.

Эргаш Очилов.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

19-а. охири – 20-а. бошларида халқнинг илғор кишилари – шоир ва ёзувчилар, мактаб ва маориф ходимлари ташаббуси б-н Ўрта Осиёда миллий уйғониш ҳаракати бошланди. Тарихга *жадидчилик* ҳаракати ёки маърифатпарварлик ҳаракати деган номлар б-н кирган бу ҳаракатнинг тепасида М. Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов турдилар.

Ўрта Осиёда миллий уйғониш ҳаракатининг майдонга келишида 19-а. охири – 20-а. бошларида Эрон, Туркия ва Россияда рўй берган инқилобий-демократик ҳаракатлар ҳамда «Таржимон» (Қрим, И. Гаспринский томонидан нашр этилган), «Вақт» (Оренбург, Ф. Каримий муҳаррирлигида нашр этилган) газллари, «Шўро» (З. ва Ш. Рамиевлар муассислигида чоп қилинган) жур.и, шунингдек, Истанбул, Қоҳира, Калькутта сингари ш.ларда чиқиб турган илғор газ.лар муайян роль ўйнади. Бу нашрлар Ўрта Осиёга маориф тизимини, адабиётнинг мазмун-моҳияти, тили ва услубини ислоҳ этиш, адабиётни тараққийпарвар фикрлар минбарига айлантириш ва халқ оmmasига яқинлаштириш мақсадларининг пайдо бўлишига тurtки берди. Тарихий давр тақозоси б-н жамият ҳаётида пайдо бўлган бу ғоя ва мақсадлар шу даврда ўзбек адабиётининг ҳар томонлама янгиланишида асос бўлди.

Айрим адабиётшунослар гарчанд бу янги адабиётнинг пайдо бўлишини Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ижодлари б-н боғлаган бўлсалар-да, анъанавий ўзбек адабиётининг том маънода янгиланиши жадид ёзувчиларининг номлари б-н боғлиқ (М. Бехбудий, Фитрат, А. Авлоний, А. Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, М. Сўфизода, Тавалло, С. Хондайлиқий, Ҳожи Муин, Ф. Юнус, Ф. Зафарий, Элбек ва б.).

Миллий уйғониш даври адабиёти. Аксар илмий адабиётда жадид адабиёти 19-а. охири – 20-а. бошларида вужудга келган, деган фикр устуворлик қилса-да, бу адабиётнинг расман шаклланиши Фитратнинг «Мунозара» (1909), «Сайха» (1911) ва «Сайёҳи ҳинди» (1912) асарлари б-н бевосита боғлиқ. Фитрат 1909–13 й.ларда Истанбул (Туркия) даги «Ёш турклар» ҳаракати б-н яқиндан танишди. У шу ҳаракатнинг жамият асосларини ўзгартиришга қаратилган ғоялари фақат Туркия эмас, айни пайтда Туркистон учун муайян аҳамиятга молик эканини тушуниб, «Мунозара» (тўла номи «Ҳиндистонда бир фаранг ила бухороли му-

дарриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадид бўйича қилгон мунозараси») асарини ёзиб, унинг яширин йўллар б-н Бухоро ёшлари ўртасида тарқалишига эришди. «Мунозара» Фитратнинг «Сайха» ва «Сайёҳи ҳинд» асарлари б-н бирга Туркистонда жадидчилик гоёларининг кенг тарқалиши, жадид адабиёти ва жадидчилик ҳаракатининг юзага келишида муҳим роль ўйнади.

Агар жадидчилик ҳаракати таълим тизими ва усулини янгилаш ишлари б-н бошланган бўлса, шу ҳаракатнинг муҳим қисми бўлган жадид адабиёти маърифатпарварлик гоёларини ифодалаш б-н тарих саҳнасига чиқди. Аммо жадидлар Фурқат сингари салафларидан фарқли ўлароқ, рус фани ва техникаси ютуқларини мадҳ этиш йўлидан эмас, балки мустамлакачилик балосидан, ижтимоий, иқтисодий ва маданий қолақликдан халос бўлишнинг муҳим воситаси сифатида замонавий мактабни, маърифатни тарғиб ва ташвиқ қилдилар, ёш авлодни илм-фанни эгаллашга, ота-оналарни эса болаларга янги тарихий даврга муносиб тарбия беришга даъват этдилар (Бехбудий, Авлоний, Сўфизода, Ҳамза, Тавалло, Элбек ва б. шоирларнинг асарлари). Айни пайтда жадидлар халқ ҳаётининг аянчли манзараларини, айрим кишилар онги ва сажиясидаги чиркин ҳолатларни шафқатсиз фош этиб, халқнинг қандай ночор бир аҳволга тушиб қолганини кўрсатмоқчи бўлдилар. Маърифатпарварлик гоёси ана шундай бадиий-таҳлилий режада ўз талқинини топди.

Жадид адабиётининг кўп асрли ўзбек адабиёти тарихида том маънода янги, жамият ва халқ ҳаёти б-н узвий боғланган ва шу халқ тақдирига муайян таъсир кўрсата оладиган маданий воқеа сифатида шаклланишида миллий матбуотнинг, шунингдек, илдири халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган драматургиянинг туғилиши муҳим омил бўлди. 1906 й.дан «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Самарқанд», «Салои Туркистон», «Салои Фарғона» ва б. газлар, «Ойна» сингари журнал пайдо бўла бошлаши б-н жадид ёзувчилари шу нашрларда фаол иштирок этиб, халқ ва жамият ҳаётининг оғрикли масалаларини кўтаришга, ватандошлари онгига таъсир кўрсатишга интилдилар. Шу йилларда Туркистон жамияти олдида турган муҳим масалалардан бири адлия ходими (юрист), шифокор (врач), муҳандис, ўқитувчи каби турли соҳалар бўйича мутахассисларни, шунингдек, давлат ишларини бошқаришга лаёқатли кадрларни тайёрлаш эди. Жадидлар даврий

матбуот саҳифаларида шунга ўхшаш гоёт муҳим ижтимоий масалаларни дадил кўтариб чиқдилар.

Замонавий кадрларни етиштириш масаласи жадидчилик ҳаракатининг асосий масалаларидан бири сифатида жадид адабиётининг диққат марказини эгаллади. Публицистика жадид адабиётининг етакчи соҳаси сифатида шакллана бошлади. М.Абдурашидхонов, М.Бехбудий, Фитрат, Ф.Худоёрхонов, А.Бектемиров ва б.нинг мақолаларида Туркистон халқларининг оғир аҳволи ва шу аҳволдан қутулиш йўллари б-н боғлиқ долзарб масалалар ўртага ташланди.

1914 й.да «Салои Туркистон» ва «Салои Фарғона» газларининг нашр этилиши б-н жадид матбуоти ва адабиёти янги босқичга кўтарилди. Жадид ёзувчилари ўтган давр ичида нафақат «Таржимон», балки «Вақт» ва б. газлар б-н ҳам яқин алоқа ўрнатган, улар фаолиятидаги нуқсон ва ютуқларни таҳлил қилиб, шу асосда ўзлари учун зарур ҳулосаларни чиқарган эдилар. Қолаверса, Россия (Саратов)даги юридик ўқув юртини тугатиб келган ва 1909 й. Л.Н.Толстой б-н ёзишмада бўлиб, унинг ёмонликка ёмонлик б-н жавоб бермаслик, яъни адолатсизликка қарши курашмаслик ҳақидаги назарияси юзасидан баҳс қилган адвокат Убайдуллаҳўжа Асадуллахўжаевнинг «Салои Туркистон» газга муҳаррирлик қилиши жадид матбуотида халқ ва мамлакат тақдирини учун гоёт муҳим ижтимоий муаммоларнинг кўтарилишига имкон берди. Шу йилларда жадид ёзувчилар «миллат», «юрт», «ватан», «ватандош», «Турон», «Туркистон», «хуррият» сўзларига янги нафас бағишлаб, улар замирида ётган катта ва буюк мазмуннинг инкишоф этилишига алоҳида аҳамият бердилар.

1-жаҳон урушининг бошланиши б-н Россия империясининг мураккаб вазиятга тушиб қолиши ва ўлкадаги иқтисодий аҳволнинг оғирлашиши жадид ёзувчиларини фаоллашишга мажбур этди. «Аҳволимиз» (А.Қодирий, Ҳамза), «Ўз миллатимдан рижойи оғизона» (А.Авлоний) ва «Туркистонли қардошларимизга» (Чўлпон) деб номланган, шунингдек, мактаб ва маърифатни таъриф-тарғиб қилувчи (Сўфизода, А.Авлоний, Ҳамза ва б.) шеърлар кўплаб яратилди. Таваллонинг халқ ҳаёти ва онгидаги нуқсонлар устидан қулувчи ва жамият ҳаётидаги янгиликларга қизиқиш уйғотувчи «Равнақ ул-ислом» шеърлар тўпламининг яратилиши шу давр адабиётида жиддий воқеа бўлди. Таваллонинг муайян ҳаётий воқеа ёки кишиларга бағишланган, танқид, кулги,

мазаҳ, истеҳзо «жилолар»и б-н суғорилган шеърлари халқ оmmasига катта таъсир ўтказди.

1917 й. Февраль инқилобидан кейин жадид адабиётида маърифатпарварлик гоёлари ўрнини эрк ва хуррият гоёлари эгаллади. Фитрат, Чўлпон, Камий, Тавалло, Л.Олимий, Сидқий-Ажзий сингари шоирлар Февраль инқилобини ўзбек диёрига хуррият шабадасини олиб келган тарихий воқеа сифатида олқишладилар. Фитрат тарихий вақт берган имкониятдан фойдаланиб, мустақиллик учун курашга даъват этувчи «Юрт қайғуси» номли шеър, сочма ва мақолаларини эълон қилди. Туркистонда Октябрь тўнтариши содир бўлган кунларда жадидлар Қўқонда тўпланиб, Туркистон мухторияти ҳукуматининг тузилганини эълон қилдилар. Чўлпон, Ҳамза, Ҳидоятулло Алиев ва б. мухториятни олқишловчи шеърлари б-н халқнинг мустақиллик йўлида олиб боражак курашга кучқудрат ва ғалаба тиладилар. Фитратнинг «Миррих юлдузига», Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» каби шеър ва публицистик мақолаларида шу даврда ўзбек халқи ҳаётида содир этилган фожиалар ҳаққоний ақс эттирилди. Мустамлакачи большевиклар томонидан амалга оширилган бундай хунрезлик ўша йиллардаёқ совет давлатининг ҳақиқий юзи ва қонли моҳиятини бутун дунё олдида очиб ташлади.

Чўлпон ана шундай мураккаб тарихий шароитда «Ёнғин», «Кишан», «Кўнтил», «Виждон эрки» сингари дастуриламал аҳамиятга эга шеърларини ёзиб, зулм кишанларини парчалаш ва хуррият учун курашга даъват этувчи ватанпарвар ва истиклолсевар шоир сифатида ижод қилишда давом этди.

20-а. адабиёти тарихчилари насрни жадид адабиётининг кам ривожланган ва етук асарлари бўлмаган соҳаси, деб ҳисоблаб келадилар. Аслида эса, Чўлпоннинг 1914 й.да яратилган «Жаҳолат қурбонлари» ва «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикояларини ўша даврнинг насрда битилган энг етук асарлари дейиш мумкин. Бу асарларнинг аҳамиятли томонларидан бири шундаки, Чўлпон унда янги ўзбек адабиётининг қаҳрамони қандай бўлиши керак, деган саволга аниқ жавоб берган. Ҳамзанинг 1915 й.да нашр этилган «Янги саодат» «миллий роман»и марказида ҳам Муҳаммадёрга маслакдош бўлган қаҳрамон образи туради. Мазкур асар қаҳрамони Олимжон илм орқасида, ҳалол меҳнати орқасида, худди Муҳаммадёр сингари, бахт-саодатга эришади. Ҳамза бу қаҳрамоннинг машаққатли ҳаётини кузатиш ва тасвир-

лаш б-н нафақат жадид, балки мумтоз ўзбек адабиётининг ҳам етакчи ғояларидан бири — илм — бахт-саодат калиди, деган ғояни илгари суради. Бу асарлардаги ҳар иккала асосий қаҳрамон, муаллифлар талқинида, ўша даврдаги баркамол кишиларнинг образларидир. Юқоридаги асарлар б-н бир вақтда яна бир ўзбек «роман»и — М.Шермухамедовнинг «Бефарзанд Очилдибой» асари яратилган. Афсуски, бу асар тўла эълон қилинмай қолгани туфайли у ҳақда аниқ бир фикрни баён қилиш маҳол. Фақат шу нарсани айтиш мумкинки, ёзувчи бу асарда Кулаҳмад ва Очилдибой деган икки кишининг бойлик бахтли ва фаровон ҳаёт кафолати бўлган жамиятдаги тақдирини тасвирлашни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган.

Ўзбек романнавислик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий шу йилларда эндигина адабиёт майдонига кириб келаётган эди. У ўзбек халқининг 10-й.лардаги турмушини яхши билган ёш ёзувчи сифатида замондошларининг фелъ-атворлари ва, умуман, миллий урф-одатлардаги янги тарихий давр б-н уйғун бўлмаган ҳоллар ҳақида китобхонни ўйлашға мажбур этувчи «Жувонбоз» ва «Улоқда» ҳикояларини ёзди.

20-й.лардаги воқелик ёзувчилардан халқ ва мамлакат ҳаётидаги нохуш ҳолатларға қарши бадий сўз ёрдамида курашишни тақозо этди. Республикада шу мақсадда «Муштум» (1923) ва «Машраб» (1924) жур.лари ташкил этилди. А.Қодирий шу йилларда ҳажвий жанрларнинг устаси сифатида майдонға чиқиб, талай ҳажвия, фелъетон ва ҳатто «Калвак Маҳдумининг хотира дафтари»дан ва «Тошпўлат таянғ нима дейдир?» (1923—27) ҳикоялар туркумини ёзди. Халқ ўртасида катта эътибор қозонган бу асарлар ёзувчининг роман жанриға қўл уриб, 1-ўзбек романи — «Ўтган кунлар» (1922—26) ва «Меҳробдан чаён» (1929) йирик эпик полотноларини яратишға замин ҳозирлади.

Жадид ёзувчиларининг катта хизматларидан бири шундаки, улар ўзбек адабиётига биринчи бўлиб драматургияни олиб кирдилар. 1911 й.да ёзилган, 1913 й.да намойиш этилган М.Бехбудийнинг «Падаркуш ёхуд Ўқимаган боланинғ ҳоли» драмаси б-н бирға ўзбек драматургияси ва театри дунёға келди. 1914—16 й.ларда шу асар таъсирида ва у б-н кетма-кет яратилган А.Қодирийнинг «Бахтсиз киёв», Н.Кудратулланинғ «Тўй», Ҳожи Муиннинг «Кўкнори», «Мазлума хотин», «Жувонбозлик қурбони», «Эски мактаб — янги мактаб», Абдулла Бадрийнинг «Жувонмарг»,



Абдулла Қодирий.



Чўлпон.



Усмон Носир.

«Аҳмоқ», Ҳамзанинғ «Заҳарли ҳаёт», «Илм ҳидояти», А.Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак», Ф.Зафарийнинг «Бахтсиз шоғирд», Фитратнинг «Беғижон», «Мавлуди шариф», «Абу Муслим», Хуршиднинг «Безори», «Ориф ила Маъруф» сингари пьесалари ёзилди ва намойиш этилди. Халқ театри томошаларига меҳр қўйган омма ёзма драматургиянинг бу илк намуналарини жон-дили б-н қабул қилиб, уларда тасвирланган воқеаларға, ижобий ва салбий қаҳрамонлар ўртасидаги тўқнашувларға қизғин муносабат билдирди. Драматурглар халқ оммасининг дастлабки ўзбек пьесаларини самимий кутиб олганларидан рағбатланиб, 10-й.лардаги халқ ҳаётининг турли зиддиятли ва ҳатто фожиали манзараларини саҳнаға олиб чиқдилар ҳамда шу асарлар орқали маърифатпарварлик ғояларини олға суришға, ўқимаган, маърифатдан узоқ кишиларнинг фожиали тақдирини тасвирлашға, яхшилик ва ёмонлик, янгилик ва эскилик, маърифат ва жаҳолат ўртасидаги ер б-н осмондек фарқни халққа саҳна воситалари б-н кўрсатишға эришдилар.

Драматургия муаллифдан конфликтли воқеаларни тасвирлашни талаб этади. 20-й.лар арафасидаги муҳим масалалардан бири бой ва бадавлат кишиларни миллатнинг маърифатли бўлиши ва эмин-эркин яшашиға ёрдам берувчи хайрли ишларға ундаш, ҳар қандай зулм, зўравонлик ва адолатсизлик б-н муросаи мадорада яшаётган кишиларда миллий ғурур туйғусини, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураш хоҳишини уйғотиш эди. Ҳожи Муиннинг «Бой ила хизматкор», Чўлпоннинг «Бой» (1916), Ҳамзанинғ «Тўхматчилар жазоси» ва «Бой ила хизматчи» (1918) асарлари шу мақсадда яратилди. Ҳамзанинғ «Бой ила хизматчи» пьесаси, 1939 й.да Яшин томонидан соцреализм мезонлари асосида қайта ишланган нусхасидан фарқли ўлароқ, кескин синфий ва партиявий йўналишға эға бўлмаган. 10-й.лар охири — 20-й.лар аввалида яратилган асарлар ора-

сида эса Фитратнинг «Темур сағанаси» (1917—18), «Чин севиш» (1920), «Ҳинд ихтилолчилари» (1923), «Абулфайзхон» (1924), шунингдек, Чўлпоннинг «Ёрқиной» (1920, қайта ишланиши 1926) пьесаларида шакллана бошлаган мустабид совет тузумига нисбатан кескин нафрат руҳи ёрқин ифодаланган эди. Совет давлатига қарши кураш пафоси Фитратнинг дастлабки 3 пьесаси оша «қизил ил» бўлиб ўтиб туради.

Шубҳасиз, жадид адабиётининг айрим намояндлари 20-й.ларнинг бошларидаёқ турли сабабларға кўра совет позициясига ўтдилар. Аммо жадид ёзувчилар тарихан қисқа даврда, 1917 й.дан кейин эса қаттиқ сиёсий тазйиқ ва таъқиб остида ижод қилганларига қарамай, биринчидан, янги ўзбек адабий тилининг шаклланишиға катта ҳисса қўшдилар, адабиётни халқ ва мамлакат ҳаёти б-н яқинлаштириб, унға даврнинг бирламчи ижтимоий ғояларини олиб кирдилар, адабиётнинг янги тарихий шароитдаги мақсад ва вазибаларини белгилаб бердилар; иккинчидан, жадид ёзувчилар туфайли драматургия янги адабий тур сифатида ўзбек бадий маданиятиға кириб келди, болалар адабиёти яратилди, публицистика эса шу давр адабиётининг етакчи ва жанговар жанриға айланди, адабиётда реалистик тасвир тамойили қарор топди. 20-а. ўзбек адабиётининг атоқли намояндлари — А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, С.Айний, Тавалло, Ф.Зафарий ва б. жадид адабиёти бағрида ўсиб улғайдилар.

Инқилобий ўзгаришлар ва тарихий силсилалар даври ўзбек адабиёти. Туркистон мухторияти тугатилиб (1918, фев.), ҳокимият большевиклар қўлиға ўтгач, Февраль инқилобидан кейин чиқа бошлаган «Хуррият», «Эл байроғи», «Улуғ Туркистон», шунингдек, 1918 й. майдан чоп этила бошлаган «Турк сўзи» газ.лари тўхтатилди. 1918 й. 20 июнда Туркистон Миллий ишлар комиссарлигининг «Иштирокиюн» (1920 й. 19 декдан «Қизил байроқ», 1922 й. 10 сентдан «Туркистон», 1925 й. 5 декдан

«Кизил Ўзбекистон», 1964 йдан «Совет Ўзбекистони») республиканинг етакчи газ. сифатида нашр этила бошлади. 1919 й. апр.да Туркистон компартияси ўлка бюроси коммунистик адабиётларни миллий тилларда кўпроқ нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Уша йилнинг 10 июнида «Иштирокиюн» газ.да А.Авлонийнинг «Хуррият марши», окт.-нояб.ида эса «Меҳнаткашлар товуши» (Самарқанд) газ.да С.Айнийнинг «Хуррият марши» ва «Байналмилал марши» деган Октябрь тўнтаришини олкишловчи шеърлари босилди. Матбуотда Бухоро ва Хоразм инқилобларини хуррият тантанаси сифатида талқин қилувчи, ер-сув ислоҳоти. «босмачилар» га қарши курашни шарафловчи шеърлар эълон қилина бошлади. Совет давлатининг изчил олиб бораётган тарғибот ишлари натижасида кечаги жадид ёзувчиларнинг бир қисми шўролар позициясига ўтди. 1926 й.да шундай ёзувчилардан Ҳамзага Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия қўмитаси қарори б-н «Халқ ёзувчиси», Сўфизодага эса «Халқ шоири» унвони берилди.

1926 й.дан «эски» зиёлилар, шу жумладан, жадид ёзувчиларга муносабат ўзгариб, уларнинг совет позициясига ўтмаганлари танқид ва таъқиб остига олина бошлади. Совет давлати назоратидаги «Кизил қалам» адабий ташкилоти (1926–30), Туркистон йўқли ёзувчилари уюшмаси ҳамда бу уюшма вилоят ва шаҳар бўлимлари (1928–32)нинг ташкил этилиши, ёзувчиларнинг «ўнг», «сўл», «йўловчи» каби турли гуруҳларга ажратилиши ўзбек адабиётининг тараққиётига катта зарба берди. 1929–30 й.ларда шоир Боту бошчилигидаги халқ маорифи комиссарлиги ходимларининг, Мунавварқори Абдурашидхонов бошчилигидаги собиқ «миллий иттиҳод»чиларнинг қамоққа олиниши ва йўқ қилиниши адабий жабҳада кечаётган курашнинг асл мақсад-моҳиятини очиб ташлади. Омон қолган ёзувчиларнинг катта қисми совет давлати сиёсатини қўллаб-қувватловчи ва мамлакатда кечаётган «социалистик ўзгаришлар»ни куйлашга мажбур бўлди, 2-қисми эса оғзига кулф солиб яшашди. Совет давлатининг инсоният тарихида мисли кўрилмаган қатагон сиёсати натижасида 30-й.ларнинг 2-ярмига келиб, А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Тавалло, Элбек, Фулом Зафарий, Ғози Юнус, Усмон Носир сингари ўнлаб шоир ва ёзувчилар йўқ қилиб юборилди, 50-й.ларнинг бошларида эса Шайхзода, Шухрат, Шукрулло, Саид Аҳмад, М.Исмоилий, Ҳамид Сулаймон сингари ёзувчи ва адабиётшунослар қатагон этилди.

20–30-йиллар адабиёти. Туркистон мухториятининг тугатилиши ва Фарғона водийсининг қонга ботирилиши натижасида «босмачилар» тимсолида совет давлатига қаршилик кўрсатиш ҳаракати бошланганидек, Фитрат ва Чўлпон ҳам муҳолиф адабий оқимнинг раҳбарлари сифатида ижод қилдилар. Фитрат «Миррих юлдузига», «Шоир», «Шарқ», Чўлпон эса «Ёруғ юлдузига», «Кураш», «Халқ», «Бузилган ўлкага», «Амалнинг ўлими» сингари шеърлари б-н совет давлатининг Туркистонда олиб борган хунрезликларини қаттиқ қоралади. У аини пайтда Фарғона водийсининг турли қишлоқларига бориб, совет давлати мустамлакачилик сиёсатининг фожиали оқибатлари ҳақида «йўл хотиралари»ни ёзди. Чўлпон ва Фитрат шу йилларда «қизил» мустамлакачиликка қарши курашда адабиётдан ғоявий қурол сифатида фойдаландилар.

20-й.ларнинг ўрталарида Чўлпон ва Фитратнинг сиёсий таъқиб остига олиниши уларнинг шеърят б-н шуғулланишларига имкон бермади.

1923–26 й.ларда Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир сингари шоирларнинг дастлабки шеърлари ва ҳатто шеърый тўпламлари эълон қилинди. Ойбек Чўлпон таъсирида ижод қила бошлаган ва дастлаб «соф» лирика намуналарини яратган эса-да, 20–30-й.ларда қаламкаш дўстлари б-н бирга республика ҳаётида рўй берган янгилик ва ўзгаришларни тасвирлашга киришди. У шу йўналишдаги, шунингдек, «Днепрострой», «Фикр», «Фанга юриш» сингари шеърлари б-н жадид адабиётидаги маърифатпарварлик анъанасини янги тарихий шароитда давом эттирди.

30-й.ларнинг ўрталарига келиб, «Ўзбекистон», «Наъматак», «Машраб» (Ойбек), «Тагдўзи», «Бог», «Чаман» (Ғ.Фулом), «Ўзбекистон», «Урик гуллаганда», «Офелиянинг ўлими», (Ҳ.Олимжон), «Баҳор ҳақида», «Куз қўшиқлари», «Тонги бўса», (Уйғун), «Баҳорда ёмғир», «Юлдузларга бўлдим ҳамсоя», «Мисранинг туғилиши» (Шайхзода), «Шодиёна», «Яли-яли», «Бог кўча» (Миртемир), «Юрак», «Монолог», «Рим ва Нил» (У.Носир) сингари шеърлар, шунингдек, «Бахтигул ва Согиндиқ», «Навоий» (Ойбек), «Зайнаб ва Омон» (Ҳ.Олимжон), «Украина еллари» (Уйғун), «Чирок», «Мерос» (Шайхзода), «Аждар», «Дилкушо» (Миртемир), «Нахшон» (У.Носир) сингари дostonлар яратилди. Бу асарларнинг бир қисми даврнинг дозарр мавзуларида ёзилган бўлишига қарамай, ўзбек шеърятини раванқига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбек шеърятининг энг яхши намуналари бадий тафаккурнинг чуқурлиги, шеърый маҳоратнинг юксаклиги б-н китобхонлар эътибори ва эътирофини қозонди. Бармоқ вазида яратилган бу асарлар туфайли ўзбек мумтоз шеърятининг асосий вазн тизими – аруз шу даврда ўзининг анъанавий юксак мавқени бармоққа бўшатиб берди.

30-й.ларда болалар адабиёти, халқ оғзаки ижоди, бадий таржимага катта эътибор берилиши шу давр адабиётининг, хусусан, шеърятнинг янада камол топишида муҳим роль ўйнади. Халқ оғзаки ижоди мотивлари асосида болалар учун кўплаб дostonлар яратилди. Пушкин вафотининг 100 йиллиги арафаси (1936) да рус шоири асосий асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши, лирик шеърятнинг пушкинона нафис мавжлар б-н бойиши ҳамда эртак-doston жанрининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Шу таъсир самараси ўлароқ Ҳ.Олимжон «Ойгул ва Бахтиёр» ҳамда «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд», Шайхзода «Искандар Зулқарнайн», Миртемир «Сув париси», С.Жўра эса «Зангори гулам» шеърый эртакларини яратиб, ўзбек болалар адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. «Евгений Онегин» шеърый романини катта маҳорат б-н таржима қилган Ойбек Пушкин шеърятини, айниқса, лирикасининг бадий жозибасини меҳр б-н ўрганиб, шу давр ўзбек шеърятининг гултожи бўлган «Чимён дафтари» шеърый туркумини яратди.

Улуғ ўзбек шоири таваллудининг яқинлашиб келаётган 500 йиллиги муносабати б-н Навоий комитетининг тузилиши ҳамда шоир ҳаёти ва ижодининг кенг қўламада ва чуқур ўрганила бошлаши шу давр адабий-маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди. Мазкур унутилмас воқеа туфайли Алишер Навоийдан форс адабиёти классикларининг тақдидчиси ва феодал давр куйчиси деган ҳақоратли ёрлик олиб ташланиб, у буюк ўзбек шоири ва мутафаккири сифатида ўрганила бошланди. Ойбек бу ишга биринчилардан бўлиб киришиб, китобхонларга «Навоий» лирик дostonини тақдим қилди. Шу даврда, бошқа адабий турларда бўлганидек, шеърятда ҳам даврнинг ўткинчи мавзуларида кўплаб асарлар ёзилди, ammo уларнинг барчаси адабиёт «галвир»идан аллақачон тушиб қолган.

Шундай асарлар, шубҳасиз, носирлар ижодида ҳам оз бўлмади.

20-й.ларда йўқил (пролетар) адабиётини барпо этишга қаратилган сазъий ҳаракат натижасида шундай насрий

асарлар майдонга келдики, уларда бойлар фақат золимлар, камбағаллар эса янги жамиятни барпо этувчи илгор кучлар сифатида талқин этила бошлади ва халқнинг бу ҳар иккала қатлами ўртасидаги зиддият шу давр адабиётининг асосий конфликт сифатида тасвирланди. Бу тамойил йўқсил ёзувчилар уюшмалари фаолият кўрсатган даврда, аynиқса, авж олиб, адабиётга босмаҳона, э-д ва фабрикаларда хизмат қилаётган ёшлар жалб қилинди. Ана шу тарзда Хусайн Шамснинг совет давлатининг жамоалаштириш ва б. кампанияларига қаршилик кўрсатган ёки бу кампанияларга хайрихоҳ бўлмаган кишиларни ёт унсурлар деб, салбий қаҳрамонлар сифатида талқин этилган «Хуқуқ», «Душман» романлари пайдо бўлди. Совет ёзувчиларининг I-қурултойи (Москва, 1934) да социалистик реализм совет ёзувчилари учун ягона ижодий метод деб эълон қилинганидан кейин бу асарлар мазкур метод мезонларига жавоб берадиган асарлар сифатида юқори баҳоланди. Бу методга кўра, совет воқелигини «инқилобий тараққиёт»да, яъни пардозлаб кўрсатиш ва, аксинча, «феодал ўтмиш»да рўй берган воқеа-ҳодисаларни қора бўёқлар б-н тасвирлаш зарур эди. Аммо шундай даврда ҳам Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» сингари даврнинг мафкуравий панжараларини ёриб-парчалаб ташлаган романлари ҳам яратилди.

«Ўтган кунлар»нинг (I-қисми «Инқилоб» жур.ининг 1923 й. сонларида босилган) 1926 й.да нашр этилиши кўп асрли ўзбек адабиёти тарихида мислсиз воқеа бўлди. Бадий диди турли жангномалар, ишқий ва диний йўналишдаги халқ китоблари асосида шаклланган оддий кишиларнинг дастлабки ўзбек романини севиб ўқиши, шунингдек, бу асарга бўлган қизиқишнинг ҳамон сўнмай келаётгани А.Қодирийнинг халқ дилига тўғри йўл топа олганидан, ўз романи учун ҳам адабиётнинг юксак бадий мезонларига, ҳам ўзбек китобхонларининг маънавий ва руҳий эҳтиёжларига тўла жавоб бера оладиган романбоп шакл ва мазмунни топганидан шаҳодат беради. Адиб мафкуралашиб бораётган даврда халқ учун энг аввало Отабек ва Кумушнинг муҳаббатидек ўлмас ва ҳаётбахш мавзуга бағишланган асарнинг зарурлигини қалбан ҳис этиб, шу муҳаббат қиссасини ўзбек халқи тарихининг энг мураккаб даврларидаги ҳаёт фонида тасвирлади. У асос солган ўзбек миллий романининг устувор тамойили худди шунда зухур берди. Бундан ташқари, у роман марказига ўзида



Ойбек.



Фағфур Фулом.



Абдулла Қаҳқор.

мусулмон ахлоқ-одобини, агар таъбир жоиз бўлса, мусулмон гуманизмини муҳассамлантирган қаҳрамонларни олиб чиқди.

10–20-й.ларда бир неча ҳикоялари б-н насрда тажриба орттирган Чўлпон, А.Қодирийдан фарқли ўлароқ, ўзида нафақат Шарқ, балки Европа романаълиги тажрибаларини ҳам умумлаштирган «Кеча ва кундуз» (1935) романини ёзди. Дилогия шаклида ёзилган бу асарнинг 2-китоби («Кундуз») напир этилмаган ва бизгача етиб келмаган бўлсада, бу асарнинг майдонга келиши ўзбек романининг ижодий уфқларини кенгайтириб юборди. Чўлпон мазкур асари б-н ўзбек миллий романини яратишда Европа романаълисларининг бадий тажрибаларидан ҳам фойдаланиш мумкин ва лозим эканлигини исботлаб берди.

Ойбекнинг «Қутлуг қон» романи 20–30-й.ларда ўзбек насрида олиб борилган ижодий изланишларнинг синтези сифатида юзага келди. Шеърятда Чўлпоннинг, насрда эса Қодирийнинг излоши бўлган Ойбек, устозларидан фарқли, аниқ ҳаётий материалга мурожаат этиб, ўзбек халқи тарихининг I-жаҳон уруши арафасидан то 1916 й. халқ қўзғолонигача кечган даврини бадий тадқиқ қилди.

Жадид ёзувчилар бошлаб берган замонавий ўзбек адабий тили ва услубини яратиш жарафни шу даврда, биринчи навбатда, А.Қодирий, ва Чўлпон, шунингдек, Ойбек, Ф.Фулом, Ҳ.Олимжон ва б. ёзувчиларнинг ижодий меҳнатлари б-н маълум даражада ўз якуини топди.

Москвада ўзбек драма студияси фаолият кўрсатган 1924–27 й.лар профессионал миллий театр санъати, шу жумладан, драматургиянинг шаклланишида чуқур из қолдирди. Студияга адабий эмалдош ва таржимон сифатида таклиф этилган Чўлпон таниқли рус артистлари ва театршуносларнинг маърузаларини тинглади, Москвадаги пешқадам театрларнинг барча диққатга сазовор спектаклларини кунт б-н ўрганди, маш-

хур драматург ва режиссёрлар ижоди б-н яқиндан танишди. Студияда саҳналаштирилиши учун К.Гощининг «Маликаи Турондот», К.Гольдонининг «Икки бойга бир қарол», Мольернинг «Тартюф», Гоголнинг «Терговчи» асарларини ўзбек тилига таржима қилди, аynи пайтда «Ёрқиной» пьесасини қайта ишлаб, «Узун қулоқ бобо», «Яна уйланаман», «Қоровул уйқуси» сингари пьесаларини ёзди. У шу йилларда драматургиянинг қонун-қондаларини мукамал эгаллади, актёрлик маҳорати, биомеханика, сценнография, режиссёрлик санъати, спектакль эстетикаси ва б. масалалар бўйича ҳам яхши билимга эга бўлди. Аммо давр ундан ва, умуман, ўзбек театридан замонавий мавзудаги асарларни талаб этгани учун у ўзининг драматургик малакасини тўла юзага чиқариш имконига эга бўлмади. Унинг 20-й.ларда ёзилган «Муштумзўр», «Ўртоқ Қаршибоев» ва «Ҳужум» (В.Ян б-н ҳамкорликда) пьесалари шу даврнинг долзарб масалаларига бағишланган асарлар сифатида ўзбек театри тарихида қолди.

Жадид адабиётининг йирик намоёндаси Ҳамза 20-й.ларда асосан тарғибий пьеса ва инсценировкалар ёзиш б-н банд бўлди. У жаҳон инқилоби гоёси талқин қилинган ва б. пьесалари («Жаҳон сармоясининг охириги кунлари», «Қозининг сирлари», 1927) б-н совет позициясида қатъий турган ёзувчи эканини кўрсатди. Аммо «Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши» ва «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки Яллачилар иши» пьесалари (1926) Ҳамзанинг йирик драматург сифатидаги имкониятларини тўла намоёйиш этди. Бу асарларнинг бири халқ театри аъённаларига асосида ёзилган бўлиб, унда Ҳамза комедия жанрининг кулги қўзғотувчи воситаларидан катта маҳорат б-н фойдаланган. Халқнинг мустамлакачилик давридаги фожиали ҳаётини тасвирлашга бағишланган 2-асарда эса у халқ ва жамият ҳаётидаги огриқли нуқталарни очиб ташлай билувчи реалист санъаткор сифатида гавдаланган.



Ҳамид Олимжон.



Уйғун.



Кудлус Муҳаммадий.

Аммо Ҳамзанинг бу баркамол асарлари ёзувчи вафотидан анча кейин топилиб, сахна юзини кўрди. Шунинг учун ҳам 20–30-й.лар драматургиясида Фитратнинг «Абулфайзон» трагедияси б-н бирга Чўлпоннинг «Ёрқиной» драмаси муҳим ўринни эгаллаб келди.

1935 й.да ўзбек театрида сахналаштирилган «Ҳамлет» трагедиясининг Чўлпон қаламига мансуб таржимаси ўзбек таржима адабиётининг шоҳ намунасига бўлиб қолмай, ўзбек адабиётида кейинчалик Шекспир драматургик анъаналарининг давом эттирилишига кенг йўл очиб берди. Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» трагедияси таъсирида майдонга келган С.Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра» (1939) асари ўзбек мусикали драма театрининг етук асари сифатида ҳамон яшаб келмоқда.

40–50-йиллар адабиёти. 1938 й.да Алишер Навоий тугилган куннинг 500 й.лигини нишонлаш бўйича бошланган тайёргарлик ишлари маданий ҳаётнинг барча соҳаларини ўз қамровига олди. Шу жумладан, адабиётнинг шеърят, наср ва драматургия турларида ҳам Алишер Навоий яшаган давр, шоир ҳаёти ва ижоди б-н бевосита боғлиқ мавзулар ишлана бошлади. Аммо 1941 й. 22 июнда 2-жаҳон урушининг бошланиши б-н юбилей тadbирлари кечиктирилиб, адабиёт уруш мавзусини ёритишга сафарбар этилди. Ойбек, Ф.Фуллом, Ҳ.Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Яшин, Миртемир ва б. ёзувчилар ўз асарлари б-н фронт ва фронт орқасида курашаётган армия ва халқда душманга нисбатан нафрат ва ғазаб туйғуларини уйғотувчи, уларни ғалаба йўлида қахрамонона курашига рағбатлантирувчи асарлар ёзишга киришдилар. Ана шу йилларда Ойбекнинг «Оловли йиллар» шеърлар туркуми ва «Фронт бўйлаб» кундалиги пайдо бўлди (бу асарлар тўла ҳолда 1965 й.да нашр этилди). Ф.Фулмоннинг «Кузатиш», «Соғиниш», «Сен етим эмассан», Ҳ.Олимжоннинг «Севги», «Сен тугилган кун», «Шарқдан Фарбага кетаётган дўста», Уйғуннинг «Ғазаб ва муҳаббат»,

«Севги», Шайхзоданинг «Кураш нечун», «Жанг ва қўшиқ», А.Умарийнинг «Қасос», «Ғалабанинг ўзи келмайди, дўстим» сингари ватанпарварлик ғоялари б-н йўғрилган шеърлари, Ҳ.Олимжоннинг «Жангчи Турсун», «Роксанининг кўз ёшлари», Ф.Фулмоннинг «Сув ва нур», Шайхзоданинг «Оқсоқол», Зулфиянинг «Уни Фарҳод дер эдилар» сингари баллада ва достонлари юзага келди. Уруш арафасида туғилган шеърлий хат жанри шу давр шеърятининг асосий жанрларидан бири сифатида жанг майдонларида курашаётган жангчиларга жанговар руҳ бағишлади. Шеърят публицистика б-н бирга тарихий давр олимпиадаги вазифасини шараф б-н ўтади.

Ушбу даврда Ф.Фуллом, А.Қаҳҳор, Ойдин, Маъруф Ҳаким ва б. ёзувчиларнинг долзарб мавзулардаги ҳикоялари, А.Қаҳҳорнинг уруш қаҳрамонлари — Кўчқор Турдиев ва Аҳмадjon Шукуровга бағишланган қиссалари эълон қилинган бўлсада, аммо бу даврда яратилган бирдан-бир ўлмас насрий асар Ойбекнинг «Навоий» романидир.

«Қутлуг қон» романи б-н йирик эпик жанрда катта тажриба орттирган Ойбек ўз ҳаётининг мазмуни бўлган Навоий ҳақида асар ёзиш учун катта тайёргарлик кўрди. Навоий Ойбек романида фақат улуг шоиргина эмас, балки Ўрта Осиёда 14–15-а.ларда кечган уйғониш даврининг жонли тимсоли сифатида, ҳам ижодий, ҳам ижтимоий фаолиятида гуманизм байроғини баланд кўтарган буюк тарихий сиймо сифатида талқин қилинди. Адиб бу асари б-н ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрини бошлаб берди.

Уруш йилларида драматургия шеърят б-н бирга ўзбек адабиётининг фаол тури ўлароқ намоён бўлди. Саҳна асарининг тезкорлик б-н яратилиши учун драматурглар ижодий жамоа бўлиб, қолаверса режиссёр, композитор ва артистлар б-н яқин ижодий алоқада иш олиб бордилар. Шунинг натижаси ўлароқ 1941 й.нинг 3 сен.идаёқ Собир Абдулла ва Чустийнинг «Қурбон Умаров», 4 нояб.

да Яшин, Собир Абдулла ва Чустийнинг «Даврон ота», 1942 й. 29 апр.да Н.Погодин, Уйғун, Собир Абдулла ва Ҳ.Олимжоннинг «Ўзбекистон қиличи» мусикалий драмалари ёзилди. Тарихий давр «буюртма»си б-н яратилган бу асарлардан ташқари, С.Исмоилзоданинг «Дўстлар» (1941), Яшин ва А.Умарийнинг «Ҳамза», И.Султоннинг «Бургутнинг парвози» (1942), Ҳ.Олимжоннинг «Муқанна», Уйғуннинг «Она» (1943), Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Яшиннинг «Офтобхон» (1944), Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий» (1945) драмалари, шунингдек, Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий» (1944) либреттоси асосидаги опера сахна юзини кўрди.

Давлат ва партия уруш туғанидан кейин (1946–48) дастлабки йилларда адабиёт ва санъатни тамомла издан чиқарувчи, яна 1937 й.нинг дахшатли руҳини ёдга солувчи мафкуравий қарорларни чиқарди. Бу қарорлар асосида ўзбек халқ оғзаки ижодининг дурдонаси — «Алпомиш» эпоси «феодал давр мафкураси б-н суғорилган», «совет халқига ёт асар», деб эълон қилинди; Зулфия, Ҳабибий, Собир Абдулла каби шоирларнинг ҳижрон ва мусибат кечинмалари ифодаланган, китобхонни ўй-халғла тортадиган шеърларига пессимизмни тарғиб этувчи асарлар, деган тамға босилди; шеърятдаги ўрнини эндигина тиклай бошлаган аруз ҳам совет даврида рўй бераётган оламшумул ўзгаришларни ифодалашга қодир бўлмаган вазн сифатида қувғинга учради.

Урушдан кейинги ўзбек шеърятини Ф.Фулмоннинг «Қуз келди», «Вақт», «Йигитларга», Ойбекнинг «Раиса», «Шарқдан Фарбага», Уйғуннинг «Гуллар ҳужуми», Шайхзоданинг «Қуёш, ой ва қиз», «Сўхбат», Зулфиянинг «Баҳор келди сени сўроқлаб» сингари шеърлари б-н бошланди. Ўзбек шеърятининг бу оркестрига Мирмуҳсин қишлоқ, Асқад Мухтор эса санъат мавзусидаги шеърлари б-н келиб қўшилдилар. Лирик шеърятда меҳнат мавзуи ва ватанпарварлик ғоялари устуворлик қилди. Шунга қарамай, урушдан ҳориб чиққан кишилар дилига илиқ ва самимий туйғулар бағишловчи шеърлар ҳам майдонга келди. Бундай шеърлар оқимининг бойишига шу йилларда Миртемир, С.Абдулла, Ҳабибий, Шухрат, Т.Тўла ва б. б-н бирга адабиётга илк шеърлий китоблари б-н кириб келган С.Зуннунова каби шоирлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

50-й.лар арафасида Ойбек қардош ёзувчилар б-н бирга Покистон тараққийпарвар ёзувчиларининг таклифига кўра қўшни Шарқ мамлакатида бўлди.

Бу хорижий сафарнинг натижаси сифатида Ойбекнинг Покистон ҳақидаги шеърлар туркуми, шунингдек, «Зафар ва Заҳро» (1950), «Ҳақгўйлар» (1952) дostonлари вужудга келди. Аммо унинг шу давр дostonчилиги тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси аввало «Қизлар» (1947) ва «Ҳамза» (1948) дostonлари б-н белгиланади. Ойбек бу ранг-баранг мавзудаги лиро-эпик асарлари б-н тарихий давр учун муҳим бўлган мавзу ва қаҳрамонни танлай билиш ва тасвирлаш маҳоратини намойиш этди.

Умуман, шоирлар шу даврда дoston жанрида фаол ижод қилдилар. Мирмуҳсин «Уста Ғиёс» (1946), «Яшил қишлоқ» (1948) каби дostonлар ёзиб, урушдан кейинги қишлоқ ва қишлоқ кишилари ҳаётини тасвирлашга эътибор берди. Асқад Мухтор ҳам ўзбек адабиётига саноат мавзуи б-н боғлиқ янги қаҳрамонларни олиб кирди. Шукруллонинг «Чоллар», Р.Бобожоннинг «Қадрдон дўстлар» (1948), Э.Раҳимнинг «Бахт йўли» (1949) ва б. дostonлари ҳам шу даврнинг адабий манзарасини бойитди. Миртемир уруш қатнашчисининг руҳий ҳаётида жароҳат қолдирган муҳаббат ҳақида ҳикоя қилувчи «Сурат» (1956), Шайхзода эса ўзбек юрти ва бу юртнинг танти фарзандларига ҳурмат ва муҳаббат туйғулари акс этган «Тошкентнома» (1958) асарлари б-н 60-й.ларда авж олган лирик дostonлар туркумини бошлаб берди.

Узоқ даврлар мобайнида орқала қолиб келган наср шу даврда илк бор адабиётнинг пешқадам турига айланди. А.Қаҳқор, Ойдин, М.Осим, С.Аҳмад, Р.Файзий каби ёзувчилар ҳикоя жанрида самарали ижод қилдилар. Қишлоқ ҳаётига эътиборнинг кучайиши С.Аҳмаднинг «Қадрдон далалар» (1949), Р.Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» (1951), Ш.Рашидовнинг «Ғолиблар» (1953), А.Қаҳқорнинг «Синчалак», И.Раҳимнинг «Ҳилола» (1958) қиссалари, Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» (1950), А.Қаҳқорнинг «Қўшчинор чироқлари» (1952) романларининг яратилишига имкон берди.

Ўз қаламини ҳикоя жанрида синаб, сўнг қисса жанрига ўтган П.Турсун узоқ ижодий изланишларининг натижаси — «Ўқитувчи» (1953) романида янги ва мураккаб тарихий шароитда ўзбек зиёлиларининг тугилиш жараёнини кузатишга эришди. Шеърый жанрларда қалам тебратиб келган Асқад Мухтор эса Бекобод металлургия 3-ди қурилишига бағишланган «Дарёлар туташган жойда» (1951) қиссаси ва «Опа-сингиллар» (1955) романини китобхонларга тақдим қилди.

Ўзбек жангчиларининг Москва остоналаридаги жанговар жасоратларини,



Миртемир.



Мақсуд Шайхзода.



Зулфия.

айни пайтда чумолидек қирилиб кетаётганларини ўз кўзи б-н кўрган Ойбек уруш ҳақидаги даҳшатли ҳақиқатни 1943 й.да бошлаган «Қуёш қораймас» романида айтиш имконига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам у чала қолган романини 1958 й.да тугатиб, унда ўзбек жангчиларининг 2-жаҳон уруши майдонларида кўрсатган жасорати ва фожиа тақдирларини ҳаққоний акс эттирди. Уруш қатнашчиларидан бири Шухрат ҳам 1947 й.да ёзиб тугатган «Шинелли йиллар» романини 1957 й.да қайта ёзиб, шу даврнинг бадиий йилномасини яратиш ишига ҳисса қўшди.

Уруш ва урушдан кейинги машаққатли йиллар тасвири Ш.Рашидовнинг «Бўрондан кучли», И.Раҳимнинг «Ихлос» (1958) романларининг ҳам гоёвий йўналишини белгилаб берди.

Шу даврда тарихий ўтмиш мавзуида ёзилган асарлар орасида атоқли тарихнавис адиб М.Осимнинг «Тўмарис», «Широқ», «Искандар ва Спитамен», «Темур Малик», «Маҳмуд Торобий», «Ўтпор» қиссалари, шунингдек, 20-а.нинг 20–30-й.ларда ўзбек диёрида бўлиб ўтган мураккаб воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи М.Исмоилийнинг «Фаргона тонг отгунча» (1958, 1967) дилогияси яратилди.

40–50-й.лар драматургиясида 4 ижодий йўналиш кўзга ташланали. Булардан бири кунга кеча ғалаба б-н яқунланган 2-жаҳон уруши мавзуини саҳна воситалари б-н талқин этишга қаратилди. Бу йўналишдаги асарлар орасида Яшиннинг «Генерал Раҳимов» (1949) драматик эътиборга сазовор.

Иккинчи йўналиш шу даврнинг муҳим масалаларини тасвирлашга қаратилди. Уруш йилларида вайрон бўлган хўжаликларни қайта тиклаш, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги имкониятларини ахтариш шу давр драматургиясининг асосий мавзуларини ташкил этди. Уйғуннинг «Навбахор» (1949) ва «Хуррият» (1959) драмалари ҳамда А.Қаҳқорнинг кўриқ ерларни ўзлаштириш мавзуига бағишланган «Шоҳи сўза-

на» (1949–51), «Оғриқ тишлар» (1954), комедиялари ана шу даврда яратилди. «Шоҳи сўзана» хорижий театр саҳналарида ҳам намойиш этилди.

Уруш ва урушдан кейинги ўзбек адабиётида ижтимоий мавзулар устуворлик қилди. Совет давлатининг адабий сиёсати ёзувчилардан шуни талаб қилди. Ҳолбуки, 1937–38 й.лардаги қатағон даҳшатидан юраги безиллаб, қонли ва талофатли урушдан эса мусибат азобларида ўртаниб, ҳориб чиққан халқ оmmasига руҳий озуқа, унинг дарду аламларига тасалли берадиган асарлар сув ва ҳаводек зарур эди. Шунинг учун ҳам томошабинлар Б.Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» (1948) комедиясини чин самимият б-н қарши олдидлар.

60-й.ларнинг бошланиши б-н адабий ҳаётга янги ва тоза шабадалар кириб келди. 30–50-й.ларда юзлаб бегуноҳ қатағон қурбонлари, шу жумладан, қатор ўзбек ёзувчилари (А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, У.Носир ва б.) оқланди. Ёзувчилар учун ягона ижодий метод деб белгиланган социалистик реализмнинг ижод эркинлигини бўғувчи, ҳаёт ҳақиқатини ифодалашга тўсқинлик қилувчи метод эканлиги очик эътироф этилди. Ёзувчиларга социалистик реализм доирасида бир оз эркин ҳаракат қилиш имконияти берилди. Кишилик жамиятини ҳаракатга келтирувчи куч давлат эмас — халқ, омма эмас — инсон эканлиги тан олинди.

Жамият ҳаётида рўй берган ижтимоий ўзгаришлар биринчи бўлиб шеъроятда ўз инъикосини топди.

Адабий тараққиёт тарихининг бошқа босқичларига нисбатан шу даврда ўзбек ёзувчиларининг бир неча авлоди баравар ижод қилди. 50-й.лар охири — 60-й.ларнинг бошларида ижоди бошланган Ҳ.Шарипов, Э.Воҳидов, Н.Нарзуллаев, Х.Салоҳ, Ю.Шомансур, М.Жалил, М.Аъзам, Б.Бойқобилов б-н бирга А.Орипов, Машраб Бобоев, М.Али, Р.Парфи, Ж.Камол, У.Азим, Ҳ.Худойбердиева, Ш.Раҳмон, О.Ҳожиева, О.Матжон, Х.Даврон, М.Раҳмон, А.Су-



Саид Аҳмад.



Тўлепберген Қайипбергенев.



Ибраим Юсупов.

юн сингари ёш шоирлар авлоди ўзбек шеърятига янги ҳаёт шабадаларини олиб кирди. Айниқса, А.Орипов б-н Э.Воҳидовнинг 60–70-й.ларда яратган лирик шеър ва дostonлари шу давр ўзбек шеърятига бадиий тафаккурнинг янги ланишида муҳим роль ўйнади. Э.Воҳидовнинг «Тонг маҳфияси» (1961), «Ақл ва юрак» (1962), «Ёшлик девони» (1969), «Тирик сайёралар» (1978), А.Ориповнинг «Митти юлдуз» (1965), «Онажон» (1969), «Рухим» (1971), «Юртим шамоли» (1974) сингари тўпламларига кирган шеърлардаги лирик қаҳрамон рудий оламнинг самимий ифодаси, бадиий сўзнинг камалак ранглари ва мусикий товланмалари бу шоирларнинг ўз ижодларида Шарқ ва Ғарб мумтоз шеърятининг энг яхши анъаналарини узвий алоқада давом эттираётганини кўрсатди. Т.Сулаймон ва У.Азим ўзбек шеърятини халқ оғзаки ижоди оҳанглари, Э.Воҳидов аруз вазнининг бой ритмик жиловлари, Б.Бойқобилов ва Р.Парфи итальян сонетнавислиги анъаналари б-н бойитдилар. М.Аъзам 20-й.ларда Фитрат, Чўлпон ва Миртемир шеърятига илк бор қўлланган сарбасти тиклашга, Н.Нарзуллаев, Ҳабибий, С.Абдулла, Миртемир, Т.Тўла ва П.Мўминнинг қўшиқнавислик анъаналарини ўз тажрибаси б-н бойитишга интилди. Юқорида номлари тилга олинган шоирлар туфайли ўзбек шеърятини янги шеър жанр ва шакллар б-н бойиди. Ҳ.Шарипов «Қуёшга ошиқман» (1961), «Сотволдидан салом» (1962), «Қилмиш-қидирмиш» (1976) каби дostonлари ва «Бир савол» (1972) шеърлий романи б-н, О.Матжон «Ҳаққуш қичқирғи» (1979) шеърлий китоби, «Ғаллашадиган вақтлар» (1986) шеърлий қиссаси, «Паҳлавон Маҳмуд» (1975), «Беруний» (1977), «Минг бир ёғду» (1982) дostonлари б-н лиро-эпик жанрлар тараққиётида чуқур из қолдирди.

Урушдан кейинги йилларда дostonчиликнинг ривожланишига катта эътибор берган Ойбек шу даврда Хиросима фожиаларига бағишланган «Даврим жа-

роҳати» (1965) лирик дostonидан ташқари, халқ афсонаси асосида «Гули ва Навоий» (1968) дostonини яратди. Ҳ.Ғулум («Лолакўл», 1976), Шукрулло («Гул ва оташ», 1972), Мамарасул Бобоев («Она қалби», 1966), С.Зуннунова («Рух билан суҳбат», 1966), С.Ақбарий («Менинг маҳаллам»), Ҳ.Шарипов («Тановар», 1965), Д.Файзий («Онаизор», 1979) маънавий-ахлоқий масалаларга, Ғайратий («Фурқат», 1956), Мирмуҳсин («Зиёд ва Адиба», 1958), М.Али («Машраб», 1966) тарихий мавзуга бағишланган дoston ва шеърлий романларни ёзди. Шоирларнинг хорижий мамлакатларга қилган сафарлари натижасида Ҳ.Ғулумнинг «Қитъалар уйғоқ», С.Ақбарийнинг «Кўз ёши ва табассум», Э.Воҳидовнинг «Канада туркумидан», Б.Бойқобиловнинг «Шарқ гулдастаси» каби шеърлий туркумлари, шунингдек, Ойбек, Ғафур Ғулум, Шайхзода, Зулфия, А.Орипов ва б.нинг лирик шеърлари яратилди. Ўзбек шоир ва ёзувчилари хорижий мамлакатлар ҳаёти ҳақида асарлар ёзибгина қолмай, бу мамлакатларнинг ижодкорлари б-н ҳам яқин ижодий алоқада бўлдилар. 1958 й.да Тошкент Осий ва Африка ёзувчилари халқаро конференциясининг ўтказилиши, ўзбек ёзувчиларининг Осий ва Африка ёзувчилари ҳам бирдамлик қўмитасига аъзо бўлиб кириши бу алоқаларнинг изчил тус олишига ёрдам берди.

Шу давр ўзбек шеърятининг муҳим хусусиятларидан яна бири шундаки, мамлакатимизнинг совет давридаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги адолатсизликлар б-н муроса қила олманган кенжа авлод вакиллари (А.Орипов, Р.Парфи, У.Азим, Ш.Раҳмон, М.Аъзам, Х.Даврон ва б.) ўз асарларида турли йўллар б-н миллатпарварлик ва эркарварлик ғояларини куйладилар.

60–80-й.ларда, шеърятда бўлганидек, насрда ҳам тажрибали ёзувчилар сафига М.Қориев, Н.Фозилов, Ў.Умарбеков, Х.Тўхтабоев, У.Назаров, Э.Самандар, Н.Аминов, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирозев, Ў.Усмонов, Ҳ.Шайхон,

Т.Малик, М.М.Дўст, Х.Султонов, Э.Аъзам, Т.Мурод, Ф.Ҳотамов ва б. кўплаб ўрта ва ёш авлод вакиллари келиб қўшилдилар. Шу давр шеърятинида рўй берган кўтарилиш насрда лирик қисса жанрининг туғилиши ва кенг қанот ёзишига таъсир кўрсатди. О.Ёқубовнинг «Муҳаббат», «Ларза», «Тилла узук», «Биллур қандиллар», М.Қориевнинг «Ойдин кечалар», «Жийда гуллаганда», «Афросийб гўзали», Ў.Умарбековнинг «Севгим-севгим», «Ёз ёмғири», «Чўли Ироқ», Ў.Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари» сингари лирик қиссалари бунинг далилидир.

Таҳлил этилаётган адабий даврда қисса жанрида ижод қилган ёзувчиларнинг аксари шу йилларда ҳикоячиликда ҳам самарали ижод қилдилар. Айниқса, Ш.Холмирозев, Ў.Ҳошимов, М.М.Дўст, Э.Аъзам, С.Сийёв, Х.Султонов ва б. ёзувчиларнинг ижодий изланишлари туфайли ўзбек ҳикоянавислигида миллий ҳаёт манзаралари, ўзига хос табиатли кишилар образи, миллий колоритнинг ёрқин белгилари кўрина бошлади. Бу ёзувчиларнинг аксари қисса ва роман жанрларига қўл уриб, «Ёлгончи фаришталар», «Елвизак» (Н.Аминов), «Мустафо», «Истеъфо», «Ғалатепа қиссалари», «Лолазор» (М.М.Дўст), «Ойдинда юрган одамлар», «От кишана оқшом» (Т.Мурод), «Қудуқ тепасидаги ой» (Ф.Ҳотамов) каби йирик эпик полотноларини китобхонларга тақдим қилдилар.

Шу йилларда катта, ўрта ва кенжа авлод вакиллари ҳам қисса жанрида ишлаб, ўтмиш ва ҳоз. замон мавзуларидаги «Муҳаббат», «Ўтмишдан эртақлар» (А.Қаҳҳор), «Болалик хотираларим» (Ойбек), «Жайхун устида булутлар», «Ибн Сино қиссаси», Алжабрининг туғилиши», «Синган сетор» (М.Осим), «Бўронларда бордек ҳаловат» (А.Мухтор), «Қадрим», «Эрк», «Мерос» (П.Қодиров), «Ичкўёв» (Турғун Пўлат), «Оқим», «Қуш қаноти билан» (Н.Фозилов), «Йиллар шамоли», «Этилган бош» (О.Мухтор), «Олмос жилоси» (Ҳ.Шайхон), «Қалдирғоч», «Алвидо, болалик», «Сўнгги ўқ» (Т.Малик) сингари талайгина асарларни эълон қилдилар.

Аммо ҳар бир миллий адабиётнинг тараққиёт даражаси аввало роман жанрининг у ёки бу адабий даврдаги ўрни б-н белгиланади. 60–80-й.лар ўзбек ёзувчилари учун шу маънода серҳосил давр бўлди. Кенжа авлод вакиллари – Ойбек хасталигига қарамай «Улуғ йўл», Н.Сафаров «Наврўз»; ўрта авлод вакиллари Ҳ.Ғулум «Тошкентликлар», «Сенга ин-

тиламан», «Бинафша атри»; Мирмуҳсин «Дегрез ўғли», «Чотқол йўлбарси», «Меъмор», «Темур Малик»; А.Мухтор «Тугилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор»; Шухрат «Жаннат қидирганлар», «Олтин зангламас»; Ш.Рашидов «Қудратли тулқин», И.Раҳим «Фидойилар», «Оқибат»; С.Аҳмад «Уфқ»; Р.Файзий «Ҳазрати инсон»; Шукрулло «Кавансиз кўмилганлар»; С.Анорбоев «Оқсой», «Сайли»; О.Ёқубов «Эр бошига иш тушса», «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар»; П.Қодиров «Олмос камар», «Қора кўзлар», «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони»; М.Қориев «Спитамен», «Ибн Сино»; Ж.Абдуллахонов «Йўл», «Борса келмас», «Хонадон», «Тўфон»; Х.Тўхтабоев «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», «Қасоскорнинг олтин боши», «Ширин қовунлар мамлакати»; Ў.Умарбеков «Одам бўлиш қийин»; Э.Саманлар «Дарёсини йўқотган қирғоқ»; Ў.Усмонов «Гирдоб»; Ш.Холмирзаев «Сўнги бекат», «Қил кўприк», «Йўловчи»; Ў.Ҳошимов «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси»; М.Али «Сарбадорлар»; Ҳ.Шайхов «Телба дунё», «Туташ оламлар»; М.М.Дўст «Лолазор» ва б. ўнлаб романлари б-н ўзбек романаълиги тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бу романларда халқ ва мамлакат тарихининг энг қад. даврдан 20-а.нинг 50-й.ларига қадар кечган тарихий воқеалар, шунингдек, замон ва замондошлар ҳаёти бадий таҳлил этилди.

Шеърят ва насрда бўлганидек, шу йилларда драматургияга ҳам янги ижодкорлар дадил кириб келдилар (Э.Воҳидов, Ў.Умарбеков, Ҳ.Шарипов, М.Бобоев, Ш.Бошбеков, М.Хайруллаев, А.Иброҳимов, Ҳ.Расул; ўрта авлод вакиллари И.Раҳим, Т.Тўла, Ҳ.Фуллом, С.Аҳмад, А.Мухтор, Шукрулло ва б.). Шубҳасиз, турли адабий услуб ва йўналишда қалам тебратиб келган бу ёзувчилар ўзбек драматургиясига янги мавзу ва қаҳрамонларни, воқеликни акс эттиришининг янги усулларини олиб кирдилар. Чунончи, улар тўғайли миллий драматургияда халқ театри (Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» ёки Ш.Бошбековнинг «Темир хотин» комедиялари) ва кинодраматургия (И.Султоннинг «Номанълум киши», Ў.Умарбековнинг «Қиёмат қарз» драмалари) га хос унсурлар етакчилик қила бошладилар.

Драматургия ва театр ўткир конфликтлар, кучли характерларнинг ўзаро тўқнашувларини тақозо этувчи ва шу асосда воқеликда рўй берган ёки рўй бераётган жараёнларни яққол гавдалантирув-



Одил Ёқубов.

чи бадий ижод туридир. Шунинг учун ҳам Яшин «Бухоро», Шайхзода «Мирзо Улуғбек», Уйғун «Абу Райҳон Беруний», Т.Тўла «Нодирабегим» сингари халқимиз тарихининг олис ва яқин ўтмишидан олинган асарлари учун драматик турни танлаганлар ва бу ҳол ўзини тўла оқлаган.

50-й.ларда драматурглар халққа маънавий-ахлоқий масалаларга бағишланган асарларни яратиш лозим, деб ҳисобладилар. И.Султон «Имон» драмасида юксак маънавиятнинг тимсоли сифатида зиёли образини яратган бўлса, Ў.Умарбековнинг «Қиёмат қарз» драмасида оддий қишлоқ кишисига хос олижаноблик ва маънавий поқлик тасвир объекти бўлиб хизмат қилган. Уйғуннинг «Парвона», Шукруллонинг «Табассум ўғрилари», Ў.Умарбековнинг «Тўхмат», «Комиссия» ва б. драмаларда ҳам маънавий тубанликни қоралаш тамойили устуворлик қилди. С.Азимовнинг «Замон драмаси»да эса пахтадан юқори ҳосил олиш мақсадида захарли моддалардан фойдаланишининг даҳшатли оқибатлари фоти этилди.

80-й.ларда воқеликда рўй берган воқеа ва ҳодисалар мустабид совет тузумининг инқирозга юз тутгани, унинг ёлғон идеал ва ғояларга асосланганидан дарак бера бошладилар. Драматурглар жамият ва кишилар ҳаётидаги кўнгилсиз ҳолларга қарши курашда комедия жанри имкониятларидан самарали фойдаландилар. А.Қаҳқор «Аяжонларим» енгил ва беозор комедиясидан кейин жамият ҳаётида кўрина ва ҳатто урчи бошлаган порахўрлик илатини фоти этувчи «Тобутдан товуш» сатирик комедиясини яратди. Аммо драматург «совет воқелиги»га тўхмат қилишда айбанди ва асар саҳнадан шошилинч равишда олиб ташланди.

Истиқлол арафасида Ш.Бошбековнинг «Темир хотин», «Эшик қоққан ким бўлди», «Тақдир эшиги» ва б. асарлари майдонга келди. Ш.Бошбеков биринчи навбатда «Темир хотин» асари б-н комедиянинг кишиларга шунчалик ҳордиқ берадиган, уларни дунё ташвишларидан



Пиримқул Қодиров.

фориғ этадиган жанр эмас, балки уларни ўйлатадиган, улар орқали жамиятни ҳақ йўлга етаклайдиган восита эканини тўла асослаб берди.

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ АДАБИЁТИ

20-а.нинг 90-й.ларида СССРнинг парчаланиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши б-н ўзбек адабиёти тараққиёти тарихининг янги даври бошланди. Бу давр адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири аввало шундаки, агар совет даврида яшаб ижод қилган ёзувчилар марксизм-ленинизм таълимотига ва шу таълимотга асосланган социалистик реализм методига тўла риоя қилишга мажбур бўлган бўлсалар, Ўзбекистон сиёсий мустақилликка эришиши б-н бу сохта ва гайририжодий метод ўз кучини йўқотди. Иккинчидан, совет даврида луғат таркибига кўплаб русча ва байналмилал сўзлар кириб келган ўзбек тилининг софлиги ва адабий тил сифатидаги мавқеини тиклаш учун ҳаракат бошланди. Учинчидан, совет даврида қораланиб келинган Амир Темур сингари тарихий сиймолар ҳақида ва, умуман, тарихий мавзуда асар ёзиш имконияти яратилди. Тўртинчидан, ўзбек халқининг руҳий ва маърифий ҳаётида муҳим урчи тутган исломий маданиятнинг янги тарихий даврга ҳамоҳанг ғоялари ва бу маданият арбобларининг образлари бадий ижодда ўз ифодасини топа бошладилар. Бешинчидан, ёзувчилар инсон руҳий ҳаётининг мураккаб ҳолатлари, жумладан, гамнок туйғу ва кечинмаларни ҳам ифодалаш ва, умуман эркин ижод этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Олтинчидан, бадий ижод бирор ижтимоий гуруҳ, партия ёки давлатнинг мафкуравий қуроли эмас, балки халқнинг адабиёти, шу халқ ҳаёти, орзу ва умидларининг ифодачиси сифатида майдонга чиқди. Еттинчидан, ўзбек адабиёти миллий адабиёт сифатида камол топа бошладилар.



Эркин Воҳидов.



Абдулла Орипов.

Шеърят. Мустақиллик даврида мамлакатнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар шу давр адабиёти, хусусан, шеърятининг асосий мавзулари ва гоёвий йўналишларидан бирини белгилаб берди.

Ўзбек халқининг ўз мустақиллиги эришиши ва ер қуррасидаги тараққий этган халқлардек эркин нафас ола бошлаши шундай оламшумул воқеа бўлдики, шоирларнинг бу воқеани четлаб ўтиши, ундан илҳомланмаслиги ғайритабиий эди. Шунинг учун ҳам шу давр лирик шеърятда мустақиллик, эрк ва ҳуррият ғоялари, Ватанга муҳаббат туйғулари тасвири катта ўринни эгаллади. Шоирлар секин-аста янги воқеликни юзаки тасвирлашдан унинг ички моҳиятини очишга, янги тарихий-ижтимоий даврнинг маънавий масалаларини ёритишга ўта бошладилар (Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Ҳалима Худойбердиева, Азим Суюн, Хуршид Даврон, Муҳаммад Юсуф, Сирождин Сайид ва б.).

Чўлпон, Ойбек ва Шайхзода шеърятда илк бор зуҳур берган, 70–80-й.ларда эса Р.Парфи шеърларининг ўзига хослигини белгилаган истиоравий тил ва услуб истиқлол даври шеърятда, бир томондан, У.Азим, Ш.Раҳмон ва б. шоирлар фалсафий шеърларининг, иккинчи томондан, А.Саид ва б. сиймосида модерн шеърятининг майдонга келишида пойдевор бўлиб хизмат қилди. Айни вақтда истиоравийлик ўзбек шеърятда янги эстетик дил ва тилнинг туғилишини тақозо этди. Шунинг натижаси ўлароқ шу давр ўзбек шеърятда уч адабий йўналиш (мактаб) майдонга келди. 1-йўналиш арузда ҳам, бармоқда ҳам анъанавий шеърый тил ва услубда ижод қилувчи шоирлар (Н.Нарзулаев, М.Юсуф, И.Мирзо ва б.) дан иборат бўлган бўлса, 2-йўналишни янги шеърый эстетика, тил ва услубни изловчи шоирлар (Р.Парфи, А.Қутбиддин, А.Саид ва б.) ташкил этган. 3-йўналишга мансуб шоирлар (И.Отамурод, Ф.Афрўз, С.Ашур

ва б.) эса руҳий ҳолатлари ва танлаган мавзулари тақозоси б-н гоҳ у, гоҳ бу йўналишда ижод қилиб турмоқдалар.

У.Азимнинг 90-й.лар аввалида ёзилган «Тазарру боғлари» шеърый туркуми, ўз моҳиятига кўра, лирик дostonдир. Шоир бу туркумида лирик қаҳрамон руҳий ҳолатининг тўрт фаслдаги манзараларини нафис лирик сюжет ёрдамида тасвирлаган. Зулфия «Хотирам синиқлари» (1996) деб номланган лирик дostonида, У.Азимнинг мазкур асаридан фарқли равишда, ўз умрининг тўрт фаслида рўй берган воқеаларни хотира кўзгусида гавдалантириш орқали тақдирга шукроналар айтиб, тавба-тазарру қилади.

Истиқлол даври дostonнавислигида лирик дoston жанри устувор аҳамиятга молик. Дoston жанрида Т. Низом бошқа шоирларга қараганда кўпроқ меҳнат қилди («Мажнунтол йиғиси», «Чўлпон» ва б.). Бу даврда улуғ даҳоларнинг ибратли ҳаёти ва ўлмас меросини ўрганишга қаратилган тадбирлар орасида Алишер Навоийга бўлган муносабат алоҳида аҳамиятга эга. Навоий ҳаёти ҳақида қатор дostonлар ёзилди [Б.Бойқобилов – «Қонли Хуросон» ва «Сокин Хуросон» (1992) дostonлари, «Ҳайрат ул-аҳрор» шеърый роман]. Шеърый қисса жанрида катта тажриба орттирган О.Матжон эса Алишер Навоий асарларининг бадиий оламини кунт б-н ўрганиб, «Имон ёғдуси» (1994) асарини китобхонлар ҳукмига ҳавола этди.

Наср. Ўзбек адабиётининг шу даврдаги бадиий бойлигини, энг аввало, йирик насрий асарлар белгилайди. Халқ ҳаёти ва тарихий ўтмишда рўй берган воқеа-ҳодисаларни гарчанд ҳикоя ва очерк жанрларида тасвирлаш ва бу асарларни китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш осон ва қулай бўлишига қарамай, шу даврда йирик насрий жанрларда кўплаб асарлар яратилди. Бу жанрларда Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров сингари тажрибали романнавистлар қаторида Ҳожиакбар Шайхов, Шойим Бўтаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хуршид Даврон, Абдуқайом Йўлдошев сингари

«ёшлар» ҳам қалам тебратдилар. Бу ёзувчилардан ташқари, ўзбек халқ тарихи б-н шуғулланган тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов Амир Темур ва у яшаган тарихий даврни ўрганиб, «Амир Темур» (1995) романини ёзди. Умуман, 90-й.лар адабиётида тарихий ўтмишга мурожаат этиш ва Амир Темур образини яратиш тамойили барча адабий турлар ва жанрларда ҳам кўринди.

М.Алининг «Сарбадорлар» (1997), «Улуғ салтанат» (2003) романлари ҳам 70–80-й.лардаги энг яхши романлар даражасига кўтарилган, дейиш қийин. Шунга қарамай, Темурийлар давридек халқ тарихининг мураккаб даврини бадиий талқин этишга қаратилган бу иккала асар таниқли шоирнинг роман жанри қонун-қоидаларини дадил эгаллаб бораётганини намойиш этади.

Тарихий ўтмиш мавзусида ёзилган романлар орасида Мирмуҳсиннинг «Турон маликаси», П.Қодировнинг «Она лочин видоси», М.Қориевнинг «Ибн Сино», «Ғазнавийлар салтанати», Ҳ.Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Т.Маликнинг «Шайтанат», Э.Самандарнинг «Тангри қудуғи», Х.Дўстмуҳаммаднинг «Бозор» ва С.Сийёвнинг «Яссавийнинг сўнгги сафари» ва б. романлари ўзининг юксак бадиий савияси б-н ажралиб турди. Хайридин Султонов «Бобурийнома» (1997) маърифий романи б-н роман жанрининг ҳам бадиий тасвир, ҳам ҳужжатлиликни ўзида мужассамлантирган янги кўринишига асос солди.

Сўнгги 10–15 йил ичида яратилган романларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) тарихий роман (Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур», Мирмуҳсиннинг «Турон маликаси», Пиримқул Қодировнинг «Она лочин видоси», Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» ва «Улуғ салтанат», Асад Дилмуроднинг «Маҳмуд Торобий» ва б.); 2) роман-хроника (Шукруллонинг «Тирик руҳлар» романи ва б.); 3) ижтимоий-фалсафий роман (Шуқур Холмирзаевнинг «Олабўжи» ва «Динозавр», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар», Учқун Назаровнинг «Чаён йили», Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат» ва б.); 4) ижтимоий-психологик роман (Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили», Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Тоғай Муроднинг «Бу дунёда ўлиб бўлмайд», Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зухра», Мурод Мансурнинг «Гуноҳи азим», Асад Дилмуроднинг «Фано даштирадаги қуш» ва б.); 5) детектив-саргузашт ва фантастик роман (Тоҳир Маликнинг «Шайтанат», Худойберди Тўхтабоевнинг «Жаннати одамлар», Ҳожиакбар Шай-

ховнинг «Туташ одамлар» ва б.); б) модерн романлар (Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа», Хуршид Дўстмухаммаднинг «Бозор», Шойим Бўтаевнинг «Қўрғонланган ой», Фаффор Ҳотамовнинг «Янги ой чиққан кеча», Тўлқин Рустамнинг «Капалаклар ўйини» ва б.). Роман жанрининг бу рангба-ранг нав ва кўринишдаги намуналари истиқлол даври ўзбек адабиётининг гоявий ва бадиий жиҳатдан бойиб бораётганидан шарафат беради.

Қисса ва ҳикоя жанрларида ҳам самарали ижодий ишлар олиб борилди. Х.Султоновнинг «Ажойиб кунларнинг бирида» ва «Бобурнинг тушлари», Х.Давроннинг «Соҳибқирон набиралари», «Шаҳидлар шоҳи», А.Мухторнинг «Кумуш тола», У.Назаровнинг «Ёнғин», Т.Маликнинг «Мурдалар гапирмайдилар», Э.Аъзамнинг «Чапаклар ва чалпақлар мамлакати», «Пахана», «Шоирнинг тўйи», Х. Дўстмухаммаднинг «Нигоҳ», Ш.Бўтаевнинг «Шамол ўйини», «Шўрдан қолган одамлар», Н.Эшонқулнинг «Момоқўшиқ», «Уруш одамлари» каби замонвий мавзудаги ҳамда А.Иброҳимовнинг «Туркистон япроқлари» сингари ҳужжатли қиссалари майдонга келди. Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев, Шукур Холмирзаев, Саъдулла Сидёв, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов, Омон Мухтор, Шойим Бўтаев, Хуршид Дўстмухаммад, Тоғай Мурод ва б. ёзувчилар янги тарихий-маданий давр руҳи б-н уйғун бўлган гоялар ва ҳоз. воқеликнинг муҳим ижтимоий ва маънавий масалаларига бағишланган ҳикояларни ёздилар. «Қорақўз мажнун» (С.Аҳмад), «Озодлик», «Кўк денгиз», «Банди бургут» (Ш.Холмирзаев), «Абрўқ ҳиди», (Ш.Бўтаев), «Жажман» (Х.Дўстмухаммад), «Маймун етаклаган одам» (Н.Эшонқул) ва б. ҳикоялар шу давр ўзбек адабиётининг бадиий ютуқлари ҳисобланади.

Драматургия. Мустақиллик даври драматургиясида ўзбек халқининг тарихий тақдирида катта роль ўйнаган, аммо совет даврида қораланиб келинган Амир Темур, Бобур, шунингдек, Улуғбек ва Жалолоддин Мангуберди сингари давлат арбоблари образини яратишга алоҳида эътибор берилди. А.Ориповнинг «Соҳибқирон», О.Ёқубовнинг «Фотиҳи музаффар ёки Бир париваш асири», Э.Самандарнинг «Аждоллар қиличи», Х.Давроннинг «Мирзо Улуғбек», «Бобуршоҳ», «Авраңгзёб», Ф.Каримнинг «Турон қоплони» асарлари тарихий ўтмишни тасвирлаш ва буюқ ўтмишдонларимиз образини яратишга бағишланган асарлар орасида бадиийлик даражаси б-н кескин ажралиб туради. Айниқса, А.Ориповнинг «Соҳибқирон» драматик сининг яратилиши адабий ҳаётда воқеа бўлди ва бу асар қўшни мамлакатлар театрларида ҳам сахна юзини кўрди. Тарихий мавзуда ёзилган асарлар орасида Ҳайитмат Расулнинг Аҳмад Фарғонийнинг ҳаётига бағишланган «Пири қонот» драмаси ҳам эътиборга сазовордир.

Шу даврнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй берган муҳим воқеа 30–50-й.ларда Ўзбекистонда совет давлати олиб борган қатағон сиёсати, шунингдек, 80-й.лардаги «Пахта иши» қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилишидир. У.Азим «Кундузсиз кечалар» ва «Адибнинг умри» драмаларида Чўлпон ва Ойбекнинг машаққатли тақдири, Ў.Ҳошимов эса «Қатағон» асарида «Пахта иши» мисолида халқнинг «гул»и ҳисобланган кишилар тақдирининг мажҳуланиб ташланиши ва, умуман, мустақил совет тузумининг ўзбек халқини бадном этишга қаратилган сиёсий компаниялар моҳиятини очиб ташладилар. Аввалги адабий даврда ўзбек драматургиясини баркамол асарлар б-н бойитган Ш.Бошбеков 90-й.ларда «Тентак

фаришталар» ва «Зўрдан зўр чиқса» комедияларини яратди. Ўзининг шеърый асарлари ва радиопьесалари б-н танилган У.Азим эса «Бир қадам йўл», «Алпоминшнинг қайтиши» (халқ достони асосида), «Ўтган замон ҳангомалари» (Ф.Фулом ҳикоялари асосида) сингари сахна асарлари б-н пешқадам ўзбек драматурглари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Айни даврда Ҳ.Расул («Фаришта», «Лайли ва Мажнун»), К.Аваз («Диёнатга хиёнат»), Р.Маъдиев («Фотима ва Зухра»), Ў.Умарбеков романи асосида ва б.), Х.Хурсандов («Ўлдинг — азиз бўлдинг») ва б. турли мавзуларда пьесалар ёздилар. Даврнинг долзарб мавзуларидаги «Унсиз фарёд», «Тўйдан кейин томоша» сингари пьесаларидан кейин Шукрулло «Ҳасрат боғи» психологик драмасини яратди. Драматург Иззат Султон 90-й.ларнинг бошларида «Қақнус», «Ойдин кеча асирлигида» ва «Янги одамлар» каби пьесаларини ёзиб, уларда янги давр қаҳрамони ва шу даврнинг ижтимоий-маънавий муаммоларини сахнага олиб чиқишга уринди.

Ўзбек халқига хос ҳазил-мутойиба ва кулгига бўлган майл кўплаб комедияларнинг пайдо бўлишига асос бўлди. Ҳ.Мухаммаднинг «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома» комедияси б-н бошланган ижодий жараён Э.Хушвақтовнинг «Чимилдиқ», «Қаллиқ ўйин», «Андишали келин» сингари ўнлаб комедиялари б-н давом эттирилди.

Ад.: История узбекской литературы, т. 4–5, Т., 1994; Каримов Н. ва б., XX аср ўзбек адабиёти, Т., 1999; Мирвалиев С., Ўзбек адиблари, Т., 2000; Қосимов Б., Миллий уйғониш, Т., 2002; Қосимов Б., ва б. Миллий уйғониш даври адабиёти, Т., 2004; Мирзаев С., XX аср ўзбек адабиёти, Т., 2005; Шарипов Р., Жаҳид адабиётида янгилаш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш, Т., 2005.

Наим Каримов.

САНЪАТИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАРИ

МЕЪМОРЛИК

Меъморлик санъати (архитектура) — моҳият-мазмунига кўра ўтмиш даврларнинг маҳобатли кўзгуси, буюк бунёдкорлик санъатидир. Ўзбекистон меъморлиги қадимий тарихга эга. Ибтидоий даврда одамлар қурган илк турар жойлар шох-шабба ва қамишдан ишланган конуссимон олачиқ, чайлалардан иборат бўлган. Кейинчалик ёғоч конструкциялар б-н мужассам тош, гувала уйларнинг янги тур ва шакллари вужудга келган.

Жез даврида Ўзбекистон ҳудудининг жан.да мураккаб меъморий иншоотлар, илк шаҳарсозлик асослари барпо қилинган (Сополлитепа ва б.). Ўша давр биноларида меъморликнинг санъат сифати ҳам намоён бўлди. Бухоро воҳасида Қизилқир тепа қаъридан топилган паҳса деворли қўрғон тарҳи, Чуст маданиятига оид уй-жой қолдиқлари шу давр архитектураси шаклланишидан намуна бўлиб қолган.

Темир даври ва кейинги асрларда Ўзбекистон ҳудудида анча мураккаб шаклдаги қўрғон, шаҳарли қалъалар бунёд этилган (Бандихонттепа, Кучуктепа, Қўйқирилган қалъа, Жонбос қалъа, Далварзинтепа, Термизтепа, Тупроққалъа ва б.). Уларни ўраб турган баланд мудофаа деворлари — ривожланган фортификация, шоҳона саройлар, ҳатто коинотни кузатувчи (расадхона вазифасини бажаришга мосланган) бино ва иншоотлар диққатга сазовор. Водий ва воҳаларни қуриқлаш учун қурилган улкан мудофаа деворлари ва улар таркибидаги қўрғон-қалъалар (Бухоро воҳаси атрофидаги Кампир девор, Қашқадарёдаги Чим девор ва б.), соқчилар турадиган қоровулхона-қоровултепалар, динглар, буржлар ва б. алоқа-мудофаа

воситалари меъморий тараққиётнинг узоқ даврларидан дарак беради. Тавоис ш. ёнидаги Шаҳри Вайрон тепалиги ана шундай чегара манзилда пайдо бўлган улкан мудофаа иншооти таркибига кирган.

Бинокорликда, асосан, ёғоч, лой, паҳса, гувала, хом гишт қўлланган. Тупроққалъа, Варахша, Болаликтепа, Фаёзтепа, Холчаён, Фарғона водийсидаги Кува қалъа бинолари ичидаги саройлар йирик деворий расм, ҳайкал ва бўртма ўймакор безаклар б-н серҳашам ишланган.

Маълумки, Александр Мақдуний Амударё бўйларига келиб ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида мустақкам қалъабанд шаҳарлар, қўрғон мудофаасига учради, жумладан Самарқанд (Мароканда) ш. мудофаа фортификацияни енгиш учун кўп уринди: ўша давр шаҳар уз. 70 стадий (12—12,5 км) бўлган икки ўрам деворлар б-н қалъабанд бўлган. Жаҳонгир саркарда Ўрта Осиёда жанговар саклар ҳамласидан ҳимоя учун махсус ҳарбий қалъа шаҳарлар қурдиргани маълум. Юнон маданияти таъсири айтилган янги пайдо бўлган Юнон—Бақтрия (Балх) давлати ҳудудларида меъморий санъат намуналарида ёрқин намоён бўлди. Кушон подшолиги даврларида Ўзбекистон жан.да Будда ибодатхоналари (вихара ва б.) Будда ҳақидаги

ривоятлар мазмуни акс эттирилган тош ҳайкаллар б-н безатилган (Далварзинтепа, Фаёзтепа ва б.). Солномаларда Юнон—Бақтрия давлатини «минг шаҳар юрти» деб таърифлангани бежиз эмас.

Эфталитлар даври меъморлигида ички ва ташқи ҳаётдаги кескинликлар натижасида қасрлар қуриш алоҳида ўрин тутган. Бу даврда қишлоқларда қаср, қўрғон ва қўрғонча номлари б-н аталувчи истеҳкомлар қал қўтарди. Бундай иморатлар хом гишт ва паҳсадан ишлаб чиқилган баланд тагқурси устига бино қилинарди. Қаср атрофи қалин ва баданд девор б-н ўраб олинди, деворлар бир неча қатор шинак — туйнуқлари — тиркашлар, бурчакларида эса баланд миноралари бўларди. Кўшк ва қаср ичида турар жойлар, омборхоналар, қўрғон ичида эса чокарлар учун ётоқхона ва отхоналар бўлган.

6—8 а.ларда Кеш, Сўғд, Тоҳаристон, Чағониён, Давон, Шош каби ўлкаларда кўплаб диз, қалъа, қўрғон, шаҳристонлар барпо этилди. Шаҳарсозликнинг ўзаги бўлган шаҳристонлар, улар атрофидаги рабоблар, боғу-роғлар, асосан, серсув манзилларда бунёд этилган. Шаҳ-

Варахша арки, 7-а. (реконструкция).



ристон майдони дастлаб 15 га дан ошмаган. Унда, асосан, бой табақа истиқомат қилган. Шаҳар атрофида работда хунармандлар, деҳқонлар яшаган (Марв шаҳристонини 350 га, Самарқанд шаҳристонини қалъаси 6-н 65 га, работи 200 га, Бухоро шаҳристонини 30—35 га ни ташкил этган). Шаҳристон қурилиши қад. Самарқанд — Афросиёб, Варахша, қад. Панжакент ш.ларидаги археологик тадқиқотлар орқали ўрганилган. Кўча тармоқлари қаторига оддий уй-жой бинолари, хунарманд устaxonалари, дўконлар, ибодатxonалар, саройлар қурилган. Деворлар, хусусан мудофаа деворлари паҳса ва хом гиштан қурилиб, бурчакларига баланд қилиб буржлар ишланган. Хом гишт 25 x 50 см ёки 40 x 40 см, қалинлиги 8—10 см бўлган.

Ўзбекистон заминиде жуда кўп ноёб йирик меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган. Шу 6-н бирга оддий ёғоч, мато, тери, намат каби енгил қурилиш материалларидан яратилган шаклан содда ва мукаммал, умри қисқа, лекин жуда кўркам кўчма бинолар маҳобатли архитектура шаклу-шамойили тараққиётида беқийс аҳамият касб этган. Туркистон яйловларида яшаган чорвалорлар енгил, тезда тиклаб ёки йиғиштириб олса бўладиган уйларнинг (умумлаштириб юрт деб аталган) ажойиб тур ва шакллари яратган. Элчи кўшнлар аравалар устига ўрнатилган қ а н г л и у й — ўтов, хиргоҳ, оқ уй, қора уй, чодир, саропарда, қалъаларда каби қурилмалардан ташкил топган шаҳарлар кўчиб юрганини кўриб ҳайрат 6-н солномаларда қайд қилган. Туркий халқларнинг усти берк аравалари ҳақида юнон тарихчиси Геродот ҳам хабар берган. Буюк Кушон давлатига асос солган қавм номини хитой солномалари «юэчжи» деб, Сирдарё бўйларида пайдо бўлган бошқа давлатни «Кангюй» деб қайд этганлар. Охириги тадқиқотлар натижалари асосида олимлар «юэчжи» — «юртчи», «уйчи» яъни, юрт тузувчи бунёдкорлар, «кангюй» — қангли уйларда яшовчи, кейинроқ қангли қавмига айланган туркий элатлар экан деб, тахмин қилмоқдалар. Ўрта Осиё кўчманчиларининг 2 ёки 4 гилдиракли араваларга ўрнатилган уйлари ҳақида сайёҳ ва элчилар — Марко Поло, Плато Карпини ва Рубрук сафарномаларида ёзилган. Кўчманчилар ўтrock ҳаётига ўтишгач, ўтов, чодир шаклига мос мавжуд конструкция ва безаклар маҳобатли меъморий иншоотларнинг шаклу-шамойилига узвий таъсир кўрсатган: енгил уй — кўчик мужассамоти Туркистон монументал архитектурасида к ў ш к шаклида ривожланди.

Кўшк 5—6 а.ларда боғ ичкарасидаги енгил конструкцияли устун, айвон ва очиқ болхоналари бўлган зебу зийнатли кўркам иморатни билдирган. Кўшклар дастлаб ёғочдан синчқор тарзда, кейинчалик хом гишт 6-н омухта қурилган. Қурилишда равоқ, гумбаз ва устунлар безакдор қилиб ишланиб, ёғоч ва ганч ўймакорлигида ўзига хос меъморий мактаб юзага келган. Тарихий манбаларда (Наршахий, Истахрий) айтилишича, Бухоро ш. атрофида муғ бойлари 700 кўшкни боғи 6-н бир ёз давомида қурганлар (8-а.). Бухоро ш. ичидаги фақат уч ариқ ёқасида (жами 12 ариқ бўлган) 4000 кўшк борлиги, кичик Миздахқон (Хоразм) ш. атрофида 12000 кўшк мавжудлиги ҳақида хабарлар мавжуд. 1404 й. кузида Самарқанд яқинидаги Конигилда Амир Темур томонидан қисқа муддатда ташкил этилган улкан тўй-ҳашам тантаналарини кузатган Испания элчиси Руи Гонсалес Клавихо янги пайдо бўлган кўчма шаҳар кўчалари, майдонлари, тиму-бозор расталари, бир-биридан кўркам шоҳона манзилларини, хатто кўчма масжиди меъморий тафсилотини тўлиқ таърифлаб берган.

Ўша даврлардаги кўшклар шаклу-шамойилини баъзи кумуш лаганлардаги тасвирларда (мас., Россиядаги Аниково қишлоғидан топилган ёки Берлин музейида сақланидиган кумуш лаганлари), деворий безакларда (Панжакент), кейинги давр миниатюраларида кузатиш мумкин. Бухоро шаҳридаги Исмоил Сомоний мақбараси кўшк архитектурасининг маҳобатли намунаси дидр.

Ўзбекистон меъморлиги тарихида ажойиб бир анъана асрлар давомида сақланиб қолганлиги диққат эти-

борни тортади. Бу — табиат бағрида махсус меъморий кўриқлар тузиш одатидир. Александр Мақдуний Самарқанд яқинидаги ўрмонлар ичида ташкил қилинган бир кўриққа бориб қаршисидан чиққан баҳайбат йўлбарсни ўлдиргани маълум. Квинт Курций Руф маҳаллий аҳоли массагетлар томонидан наслдор ҳайвонларни, айниқса атларни асраб ҳўлайтириш учун махсус ажратилган жойлар атрофини девор ва динг—қоровулxonалар 6-н ўраб олинганини ҳайрат билан айтар экан, ана шундай бир кўриқда тўрт авлод ўтиши даврида ҳеч ким ов учун ичкарига қўйилмаганини эслайди. Меъморий кўриқ тузиш анъанаси доим давом этиб келган. Кўҳна Хоразмдан топилган ўзига хос каптархона номли бинолар ўша қад. кўриқлардан дарак беради. Наршахий «Бухоро тарихи»да қорахоний Малик Шамсулмулк (10 а.) Бухоронинг Иброҳим дарвозаси олдида қарийб ярим фарсанг (3 км) келадиган ерларни сотиб олиб



Боғ ичкарасидаги кўшк тасвири. Навийнинг «Девон»ига ишланган миниатюра. 16-а.

ғўзал боғлар яратганини, муҳташам иморатлар-қўшқлар қурдирганини, ўша боғистон Шамсиобод номи б-н машҳурлигини айтиб, меъморий қўриқни таърифлайди: «Шамсобоғда туташ қилиб подшоҳликка хос отлар учун бир ўтлоқ жой барпо этди ва уни ғўруқ (қўриқ) деб атади ва узунлиги бир мил миқдорда мустаҳкам девор б-н ўраб, ичига бир қаср ва бир каптархона қурди». Самарқанд атрофидаги меъморий қўриқлар ичида хонлар мулки ҳисобланган Кониғил ўланги айниқса машҳур бўлган. Кониғил хонлар юрти, ёзлик оромгоҳи—қўриқ сифатида алоҳида парвариш б-н сақланган. Шарафуддин Али Яздий ва Бобур маълумотларига асосланиб, Кониғилнинг жанубий чеккасига Амир Темур Дилкушо боғини бунёд этиб, ўртасига улуғ Дилкушо кўшиги — Ишратхона қурдиргани исботланди. Дилкушо боғи деворлари таркибида махсус каптархоналар ҳам бўлган экан.

Исломият (7-а.) давридан бошлаб маҳаллий меъморий услубда кескин бурилиш содир бўлди, мутлақ янги тартиб ва таркибдаги бино-иншоотлар (масжид, мадраса, мақбара, минора, хонақоҳ, работ ва ҳ.к.), шаҳарлар шакл топди, янгича безак тур ва услублари (ислимий, гириҳ, хаттой, муқарнас ва б.) пайдо бўлди. Айни вақтда маҳаллий санъатдаги анъанавий ҳайқалтарошлик, деворий тасвирлар ислом дини таълимотига бегона сифатида амалдан четда қолди, ҳатто бутунлай ман этилди. Ёзма манбаларда биринчи жоме масжиди Марв ш. марказида қурилган деб тахмин қилинади. Бухородаги Мох бозори яқинидаги оташгоҳ — ибодатхона масжидга айлантирилган (ҳоз. Мағоки Аттори масжиди тагидан топилган қолдиқлари).

9—12 а.ларда шаҳарсозлик кенг миқёсда ривожланиб, масжид, минора, мақбара ва мадрасалар қаторида тоқу равоқли тимлар, турар жой ва устахоналар, сарой ва ҳаммомлар қуришга эътибор берилди. Шаҳар аҳолисини оқар сув б-н таъминлаш учун ариқ, анҳорлар қаторида тош, сопол, ҳатто мис қуурлардан фойдаланилган. Сарлоба, ҳовуз, қудуқ, ер ости каналлари — коризлар (мас., Жўйи Арзиз), тазарлар (Марв, Термиз, Бухорода ер ости тазарлари топилган), банд ва тўғонлар қурилган. Бу даврда меъморликда анъанавий ганч ва ёғоч ўймакорлиги янгича услуб ва пардозлар б-н намоен бўлди. Майда пишиқ гиштлар ташқи безак турига айланди. Мақбаралар тўрт устунли, гумбат томли, қанослари ганчкори безакли, пишиқ гиштдан тўрсимон нақш ҳосил қилиб



Сарлоба. Работи Малик (Кармана яқинида), 11-а.

(Исмоил Сомоний мақбараси), олди пештоқли (Араб ота мақбараси, Мир Саид Баҳром мақбараси), икки хонали (Султон Саодат мажмуи) қилиб қурилган.

10-адан бинокорликда синчкори иморатлар кенг тарқалди. Яққасинч ва қўшсинчли биноларнинг тагсинчларидан тортиб, устунлари сарровлари ва тўсинларигача ёғочларни пайвандлаш услубида қурилиб, синчларнинг ораси хом гишт ёки гувала б-н уриб чиқилган. Бу тузилишдаги иморатларни қуриш ҳозиргача сақланиб келди. Афросиёб, Варахша, Бухоро ва Пойкенд каби шаҳарларда 9—11-а.ларда ҳам паҳса ва хом гиштдан қурилган иморатлар шаҳар меъморлигида асосий ўрин тутган. Дераза



Тазар. Далварзинтепа, 2—3-а.лар.

ўрнида ўрнатилган ганч панжараларга рангдор шишалар солинган. Турар жой сахни кўпинча нақшли қилиб тўшалган пишиқ гиштлар б-н қопланган. 11—12 а.ларда усталар (ғишт терувчи, ёғочсоз ва ганчкорлар, дегрез, қошинпазлар ва б.) уюшмаларга жамланиб меъморликда ўзига хос мактаблар яратилишига асос солганлар.

10—12 а.ларда бунёд этилган, ҳозиргача сақланиб қолган ғиштин меъморий ёдгорликлар (Исмоил Сомоний мақбараси, Минораи калон, Такаш мақбараси ва б.) ушбу давр архитектурасининг юксак ижодий ривожланганидан дарак беради.

13—14 а.ларда мўғуллар истилоси натижасида анча обод шаҳарлар Гўрганж, Бухоро, Самарқанд, Термиз вайронга айланди, архитектура-бинокорлик бутунлай барбод бўлди. 13-а.нинг 50-й ларида меъморлик вайрон бўлган йирик шаҳарлар атрофида ривожлана бошланди (Бухоро ёнидаги Маъсудия ва Хонимия мадрасалари, Хивадаги Саид Аловуддин мақбараси, Маздахқондаги Мазлумхон Сулув мақбараси, Хонқалаги Шайх Мухтор Валий мақбараси ва б.).

Фақат Амир Темур даврига келиб Туркистон меъморлик санъати янги сифат, янгича нафосат б-н ўз жамолини кўрсата бошлади. Амир Темур ўз Ватани меъморлигини олий сифат б-н дунёга танитган, шаҳарлар тиклаган, боғу-бўстон яратган, муаззам ва муҳташам кўшқуқасрлар қурдирган. Соҳибқирон саъй-ҳаракати б-н мисли кўрилмаган улкан меъморий иншоотлар қад кўтарди.

14-а. охири — 15-а. бошларидаги меъморлик ўзининг ҳашаматлилиги, муҳандислик илмининг юксаклиги, серҳашам безатилиши б-н ажралиб туради. Бу даврда шаҳарлар қайта таъмирланиб, мустаҳкам қалъа деворлари, дарвозалар бунёд этилди. Аҳоли зич жойлашган марказларда чорсу, тим, тоқлар, ҳаммом, шунингдек, масжид, мадраса ва хонақоҳлар, шаҳар ташқарисида йирик чорбоғлар, намозгоҳ масжидлари қурилди. Кеш—Шаҳрисабз Амир Темур инояти б-н қисқа муддатда мисли кўрилмаган даражада ўзгариб, «Қуббатул илм ва-ладаб», яъни илм ва одоб жонланган маъво учвони б-н машҳур бўлди. Шаҳрисабздаги шаҳар деворининг бал. 11 м, эни 5 м бўлган, атрофида хандақ қазилиб осма кўприклар қурилган, шаҳарда Оқсарой, Чорсу, Дор ус-сиёдат ва Дор ут-Тиловат ансамбллари ва б. йирик бинолар барпо этилган.

Кўҳна Кешни зиёрат қилган испан элчиси Клавихо шаҳарни ўраб турган янги қалъабанд девор, атрофидаги чу-



Оқсаройнинг тахтгоҳ пештоқи.
Шаҳрисабз.

дан қурилган деб нотўғри тахмин этилган. Амир Темур пири бузруквори Шайх Шамсиддин Кулолга юксак эҳтиром б-н жоме масжиди пештоғи қаршисига алоҳида мақбара тиклади. Мазкур бинога туташ қилиб бошқа мақбара Амир Темур томонидан тикланган ва ичкарига қабристондаги хилхонадан ота-боболари қабри кўчирилган. Шунинг учун ҳам аҳоли орасида бино Тарағайбек мақбараси ёки «Гумбази Саййидон» («Улуғлар гумбази») номи б-н маълум. «Гумбази Саййидон» Улуғбек даврида таъмир

этилган, ичкарисига кошин безак берилган.

Муҳташамликда беқиёс бўлган улкан меъморий мажмуот — Оқсаройдан тахтгоҳ пештоқнинг вайрона икки рукнигина сақланган, холос. Бу ҳақда фақатгина Клавихонинг зиёратномаси кафолат бўлиб қолган: «Саройга кириш жойи далон (йўлак) жуда узун ва дарвозаси жуда баланд, шу далоннинг ўнг ва чап томонларида кошинкор турли хил нақшлар б-н безатилган гиштин равоқли айвонлар жойлашган. Айвонлар супачалари ҳам сиркор безакли... Далон дарвозаси ортидан улкан ҳовли очилади. Ҳовли саҳни оқ тош тахталар б-н фарш қилинган, ўртасида катта ҳовуз, атрофида ҳашамдор равоқли айвонлар — хужралар қатори. Кенглиги тахминан уч юз қадам ҳовли тўридаги саройнинг энг катта хонақоҳи (кўшки)га ўтилади. Кўшкининг баланд дарвозаси зарҳал, кошинкор ва сиркор — ниҳоятда юксак маҳорат б-н безатилган. Дар-

воза тепасининг ўртасида Қуёш арслони, икки чеккасида ҳам шундай тасвир. Бу Самаркент (Самарқанд) ҳукмдорининг тугроси (герби) эди». Тахтгоҳ тепасидаги улкан пештоқ маҳобатига маҳлиё бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар!» деб ёзган эди. Марказий Осиё меъморлигида бундай катта ўзга бино бўлмаган.

Самарқанд Амир Темур салтанати пойтахти сифатида меъморий жиҳатдан мислсиз даражада қайта юксалиб, янгидан қад кўтарди. Чунки мўғул истилоси даврида ер б-н яқсон бўлган қад Афросиёб харобаларини аҳоли аллақачон ташлаб кетган, янги шаҳар оқар сувлари мўл бўлган паст текисликка кўчган эди. Амир Темур дастлаб шаҳарни 6 та дарвозаси бўлган, Бобур айтганидек, уз. 16000 қадам, яъни тахм. 7–8 км мудофаа қалъа девори б-н ўраб олди. Самарқанд ичкарисида жуда кўп маҳобатли бинолар — кўшклар, хонақоҳлар, масжидлар, янги кўчалар, боғ-роғлар бунёд бўлди. Шаҳар атрофида маржондек кетма-кет жойлашган боғлар маскани — боғистонга айланди. Самарқанд Арки Олийсидаги Кўксарой (бузилиб кетган) ҳақида Бобур аниқ маълумот қолдирган: «Самарқанд Аркида Темурбек улуғ бир кўшк солибдур, тўрт ошиёнлик (тўрт тарафидан кириш йўли пеш-

кур ҳандақ ва осма кўприкларни, ичкаридаги ниҳоятда куркам меъморий мажмуаларни таърифлаб берган. Шаҳрисабздаги Дор ус-сиёдат (Улуғлар уйи), Бобур мирзо айтиб ўтган унинг таркибидаги улкан мадраса — илм маскани қурилган, унинг қибла томонидаги чўққи (конуссимон) кулоҳий гумбазли бинога турли вақтда Соҳибқироннинг 3 фарзанди — Жаҳонгир мирзо, Умаршайх мирзо ва Мироншоҳ мирзо дафн этилган. Мадраса туридаги муҳташам хонақоҳ (тепаси бузилиб кетган) сардобасида тош қопқоқли ўймакор улкан тош сандиқ — давлат мулки яширин хазиналаридан бири сақланган.

Қад. қабристон чеккасидаги мураккаб меъморий мажмуа «Дор ут-Тиловат» («Тиловатлар уйи») ҳам Амир Темур саъй-ҳаракати б-н таркиб топган. Кўк гумбаз жоме масжиди биноси асида Амир Темур томонидан тикланган, Клавихо зиёрати вақтида ҳали битмаган пардоз ишларини анча кейин Мирзо Улуғбек тугаллаган. Бу ҳақдаги тарихий битикда аксар қисми тўкилиб кетгани натижасида бино фақат Улуғбек томони-

«Темур тузуклари»дан

«Шаҳарларда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, йўлларда карвонсаройлар ва дарёлар устида кўприклар қуришга буюрдим... Муҳандислар (меъморлар) менинг учун улуғвор иморатларнинг ва менинг учун, ўзим дарахтлар ўтказган боғларнинг тарҳларини чизиб бердилар».

Амир Темур мақбараси гумбази.
Самарқанд.





Ишратхона обидаси. Самарқанд.

тоқ дарвозалик). Кўксаройга маълум ва машҳур олий иморатдур» («Бобурнома»). Бобур, шунингдек, Бўстонсарой — Кўксарой кўшки атрофидаги чаманзор ҳақида маълумот берган. Боғи Шамол, Боғи Баланд, Боғи Беҳишт, Дилкушо каби чорбоғлар ҳам шу даврда яратилган. Дилкушо боғидаги сарой деворида Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши тасвирланган. Самарқанд атрофи 8 м паҳса девор б-н ўралиб, шаҳар ичида Регистон ансамбли, Бибихоним масжид-мадрасаси, Гўри Амир мақбараси ва б. йирик иншоотлар қурилди.

Бобур Кўксарой (Самарқанд), Оқсарой (Шаҳрисабз) таркибидаги асосий бинони «улуғ кўшк» деб атагани алоҳида аҳамият касб этади. Самарқанд Кониғили этагидаги Боғи Дилкушонинг шоҳона биниси — Ишратхона ҳам «улуғ кўшк» деб таърифланган. Худди шу каби Амир Темур номи б-н боғлиқ шаҳар атрофидаги боғлар, хусусан Боғи Чинор кўшки (Намозгоҳ), Боғи Баланд кўшки, Чўпон ота бинолари ҳозиргача сақланиб қолган.

Бибихоним жоме масжиди номи б-н фан оламига кириб қолган муҳташам меъморий мажмуа лойиҳасини аслида Амир Темур шаҳсан тасдиқлаб, тантанали равишда масжид тамал тошини қўйган. Масжид қаршисида жойлашган саккиз қирралик баланд хонақоҳ, усти кошинкор мовий гumbаз ва ичкаридаги нақшинкор зарҳал безакли бино 19- а. охириларида Бибихоним мақбараси деб нотўғри талқин этилган. Гиёсиддин Али ва Шарафуддин Али Яздий хабарларига кўра мазкур бино — Туман ого хонақоҳида Амир Темур тўхтаб дам олган, малика Туман ого б-н истиқомат қилган.

Саройда «кичик ого» деб машҳур бўлган Туман ого бегим ҳам меъморий

бунёдкорликка алоҳида аҳамият берган. Шоҳизинда муқаддас зиёратгоҳидаги туташ икки бино — масжид ва мақбара (Туман ого мажмуаси) қурилиши шу малика номи б-н боғлиқ. Бинонинг кошинкорий безаклари орасида 1405 й.да тугатилган қурилиш эгаси «Ҳазрати Малика Хайруннисо номли Туман ого» эканлиги қайд қилинган. Арабий битиклар орасида хаттот Шайх Муҳаммад ибн Хожа Бандгир ат-Табризий номи сақланган. Мазкур хаттот Амир Темур саройида Тўғрой — муҳрдор вазифасини бажарган. Солномаларда шаҳар бозори қаторидаги бир усти берк راستаси Туман ого тими деб кўрсатилган.

Амир Темур боғсозлик санъатига алоҳида эътибор бериб, Самарқанд атрофида 10 дан ортиқ меъморий боғистонлар обод қилди, барчасида муҳташам кўшк-айвонлар, турли биналар (дарвозахона, каптархона, мусаввархона каби) бунёд этди. Шаҳсан ўз талаби асосида ҳовузлар, фавворалар, шаршара, гулзор, хиёбонларни ташкил қилди. Бобур «Улуғ кўшк» деб таърифлаган Боғи Дилкушо марказидаги Дилкушо кўшки ҳозиргача сақланган. Мазкур бино аҳоли орасида Ишратхона деб ардоқланган, ниҳоятда нозик дид ва маҳорат б-н пардозланган маҳобатли беқиёс кошона совет олимлари томонидан шоҳона мақбара («Ишратхона мақбараси») сифатида нотўғри таърифланиб, ҳатто мусулмон Шарқи архитектурасида мақбараларнинг дастлабки энг муҳташам, деб эълон қилинган эди. Ваҳоланки 19- а.нинг охирида рус зиёлилари томонидан Ишратхона ҳақида ёзиб олинган ўндан ортиқ афсоналарнинг ҳаммасида муҳташам бино Амир Темур номи б-н боғлаб ривоят қилинган. Бобур эса Самарқанд ш.даги Дилкушо боғи Кониғил майсазори этагидаги манзилда жойлашганини масофалари б-н аниқ кўрсатган. Ишратхона сардобасидаги тартибсиз жойлашган қабрлар 19-а.нинг 2- ярмида Самарқандга келган насронийларга мансуб (ҳамма мурдалар оёқлари қиб-

лага қаратилган). Боғда олимлар Ишратхона ўнг қанотидаги хонақоҳни ҳам масжид деб нотўғри эълон қилишган: аслида эса хона тўридаги таҳмон — меҳроб эмас, чунки унинг йўналиши қиблага тамоман тескари ва ҳ.к.

Амир Темур даврида қурилган Шаҳрисабз ва Самарқанддаги икки Оқсарой қаторига учинчи Оқсарой қўшилди. Кўҳна Урганч қалъаси ташқарисида ҳозиргача сақланган ажайиб кошинкор «Пештоқ» (тарихга «Карвонсарой» сифатида киритилган), «Зафарнома» ҳамда археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Амир Темур Урганчни қамал қилган вақтда ўзи учун қурдирган кўшк — Оқсарой экан. Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»да шаҳзода Убайдуллахон ўша Оқсаройда тўхтаганини ёзган. Мусулмон даври тарихини ҳар томонлама тадқиқ этган акад. В.В.Бартольд Амир Темурнинг меъморий бунёдкорлик фаолиятига баланд баҳо берган: «... Шу нарса аниқки, мусулмон архитектураси тарихидаги энг яхши даврлардан бири Темур ва унинг авлодлари номи б-н боғлиқдир». Амир Темур даври тарихининг билимдони акад. А.Ю.Якубовский Соҳибқироннинг «улкан бинокорлик ишлари» аҳамиятини таъкидлаб, уларнинг бари нафақат меъморий ижодиёт юксалишига олиб келганини, «машҳур теурий меъморлик» нинг шон-шавкати ва таъсирини кенг ёйган Марказий Осиё архитектурасида янги йўналишга бошлаганини кўрсатган. Ўша давр кўтаринки руҳи жунбишининг гувоҳи бўлган Ибн Арабшоҳ Самарқанд жоме масжиди очилиши тантаналари вақтида баланд миноралар тепасидан даъваткорона янграган Амир Темур хитобини келтирган: «Чиндан ҳам обидаларимиз (авлодларга) бизнинг кимлигимиздан далолат беради». Шаҳрисабздаги улкан Оқсарой пештоқида Амир Темур номидан айтилган юрак сўзлари битилган: «Бизнинг валоиятимиз (валиилигимиз) ва кароматимизга шак келтирсанг магар, тикламиш иморатларимизга ташлағил назар». Амир Темур ўз савй-ҳаракати б-н бунёд топган ажайиб ва муъжизалек меъморий оламга фахр-ғурур б-н чин кўнгилдан ташрифга ундаган.

Амир Темурнинг халқаро миқёсдаги, байналмилал меъморий сиёсати алоҳида диққатга сазовор. «Зафарнома»да айтилишича, Соҳибқирон бирор манзилда узоқроқ тўхтаб қолса, ўша жойда энг камида бирон иморат қолдирган. Азиз-авлиёлар қабрлари устига мақбара, хонақоҳлар тиклаган. Туркистонда Аҳмад Яссавийга бағишланган улкан меъморий



Тоқи Заргарон. Бухоро.

мажмуот махсус фармон ва тасдиқланган лойиҳа асосида қуриб битказилган. Жан. Кавказда мўғуллар вайронага айлантирган манзилга лойиҳа асосида Бойлақон ш. қурилишини шахсан ўзи кузатган, Кура дарёсидан Барлос номли янги анҳор ўтказган. Кобул ш. яқинидаги қишлоқларни сув б-н таъминловчи анҳор қаздирган, карвонлар йўлида зарур бўлган манзилларда карвонсарой ва равоқлар қурдирган ва ҳ.к.

Темурийзода Мирзо Улуғбек гарчи фан оламида улуғ астроном сифатида машҳур бўлса-да, унинг архитектура раванқига қушган ҳиссаси беқиёсдир. Улуғбек ўрта асрларда коинотни кузатадиган энг катта расадхонани яратди. Алишер Навоий ҳайратланиб айтганидек, шундай муҳташам расадхона тикландики, «расадким боғламиш зеби жаҳондир». Мирзо Улуғбек қурдирган уч йирик илм маскани мадраса — ўша даврнинг ун-т бинолари ҳозиргача сақланган. Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси муқаддас Регистон майдони мажмуотига асос бўлди. Бухородаги Улуғбек мадрасаси дарвозасига «Билтими эгаллаш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» деган ҳадис даъвати ўймакор битилган. Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси машҳур файласуф-сўфий Абдуҳолиқ Ғиждувоний оромгоҳи қаршисига қурилганида ҳам рамзий маъно бор.

Улуғбек номи б-н боғлиқ Самарқанддаги икки қаватли Чилсутун кўшики,

Чиннихона кўшики, Мирзои ҳаммоми, Боғи майдон, бир неча сардоба, бошқа бир қатор боғу-роғлар маълум. Улуғбек даври архитектураси кашф этган меъморий янгиликларни, айниқса, Регистондаги мадраса шакли-шамойили мутаносиблиги, тарҳидаги мураккаблик, безаклардаги ранг-баранглилик ва гўзаллик, пештоқ, гумбаз ва миноралардаги хушбичим маҳобатлилик мисолида кузатиш мумкин.

Мирзо Улуғбек ўз ажлоллари хотирасига алоҳида эътибор бериб Ғури Амир мажмуоти зиёратини тартибга солди, алоҳида далон қурдирди, биноларни таъмир эттирди. Шоҳи Зинда некрополи зиёрат йўлини белгилаб, угли Абдулазиз номидан баланд пештоқли дарво-

захона ва таркибида масжид ташкил этди. Шаҳрисабздаги Тарағайбек мақбарасини таъмир этди, жоме масжид Кукгумбазининг қурилишини ниҳоясига етказди. Афсуски, Самарқанддаги машҳур расадхона Улуғбек вафотидан кейин ташландиқ жойга айланди. 19- а.нинг 2-ярмида эса мустамлакачилар Улуғбек мадрасасини тўпдан ўққа тутиб, кейинроқ вайронага айланган иккинчи қават хужралари ғиштларини ташиб кетдилар.

Улуғбек ва, умуман, 15- а. меъморлигида пештоқлари баланд, ички равоқлари чуқур, қўш гумбазли (ташқи ва ички), дастлаб қиррали, кейинчалик пойгумбази баланд, гумбази қобирғали, кошинкори нақшлар б-н гилам нусха безаклар қўлланган, пештоқ бағали ва ички қанослари муқарнасли нақшлар б-н безатилган. 15-а. нинг 2-ярмида «кундал» услуби қўлланди. Гумбаз ости қанослари дастлаб 8 қиррали, ганчкори муқарнаслар ишланган бўлса, кейинчалик мураккаблашиб 16 қиррали қилиб очилди. 8—12 ва 16 бурчакли равоқлар ишланиб, гумбазларга панжарали дарчалар очилди.

Шайбонийлар сулоласига мансуб Абдуллахон алоҳида меъмориятга бўлган эътиқоди б-н, айниқса, халқ ҳаёти учун зарур бўлган карвонсарой, работ, сардоба, суғориш учун зарур бўлган ариқ, ҳовуз, тўғон-бандлар қурилишни амалга ошириб халқ ҳурматига эришган. Кўҳна Бухоронинг ҳоқ. меъморий қиёфасини намойиш этаётган асосий обидалар Абдуллахон даврида бунёд топган. Шаҳар бозоридаги савдо ва ҳунармандчилик расталари кенгайиб, усти берк гумбазли бозорлар — Тоқи Саррафон, Тоқи Телпақфурушон, Тоқи Заргарон, Тоқи Ордфурушон, Тоқи Тиргарон (кейинги икки бино бузиб ташланган),

Улуғбек мадрасаси. Бухоро.





Оллоқулихон тими. Хива.

Абдуллахон тими ва б. маҳобатли бинолар қурилган. Гузар масжидларининг аксарияти шу даврда янгидан қад кўтарди. Жоме масжиди — Масжиди калоннинг энг катта таъмири 1514 й.да бажарилган. Мир Араб мадрасаси (1530—36) Абдуллахон жияни Убайдуллахон — мумтоз шоир Қул Убайдий томонидан тикланган. Абдуллахон даврида қўш мадраса мажмуотлари пайдо бўлди. Ўзи ва онаси номи б-н машҳур қўш мадраса — Абдуллахон мадрасаси ва Модарихон мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси, Файзобод хонақоҳи, Қосим Шайх хонақоҳи, Чор Бакр маъмурий мажмуаси, (хонақоҳи ва масжид) ўша давр меъмориятидан сақланиб қолган намуналардир. 17- а.да Темурийлар даврида эришилган ижобий анъаналар давоми сифатида қатор маҳобатли иморатлар Самарқанд, Бухоро, Хива ш.ларида қад кўтарди. Айниқса, Самарқанд ҳукмдори Ялангтуш Баҳодир бошчилигида Регистон майдонида икки улкан меъморий мажмуот — Тиллақори мадраса ва Шердор мадрасалари қад кўтаргани шаҳарсозлик санъатида йирик воқеага айланди. Бухоро марказидаги Лаби ҳовуз меъморий мажмуоти (Нодир Девонбеги номи б-н боғлиқ мадраса ва хонақоҳ, Кўкалдош мадрасаси) шаҳарнинг энг катта ва кўркем сарҳовузи атрофини энг гавжум ва сўлим оромгоҳ манзилга айлантирди. Улуғбек мадрасаси қаршисида «қуш» услубида муҳташам Абдулазизхон мадрасаси жойлашди. Мазкур даврдан сақланиб қолган меъморий ёдгорликлар тузилиши, шаклу-шамойили, бадий безакларига қараб маҳаллий меъмориятнинг ўзига хос услубий мактаб-

ларини аниқ кузатиш мумкин. Мазкур ижодий фарқ айниқса Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари даврида яққол сезилади.

Ушбу давр меъмориятининг ўзига хослиги, айниқса, ҳар бир қўқна шаҳарнинг меъморий марказлар, халқ усталари таъбирида «қасри муқарнас» (гузал, муҳташам бино)лар мисолида кузатиш мумкин. Алишер Навоий Улуғбек расадхо-

насини «зеби жаҳондир» деб улуғлаган бўлса, Абдураззоқ Самарқандий «қасри муқарнас» деб таърифлаган. Худди шунга ўхшаш бошқа шаҳарларнинг ҳар бирида ўзига хос ажойиб меъморий мажмуотлар сақланиб қолган: Минораи Калон атрофидаги меъморий мажмуа (Бухоро), Оқсарой таркибидаги девонхона, кўшк-айвонлар, боғ-у роғлар (Шаҳрисабз), Регистон бағридаги 3 маҳобатли мадраса (Самарқанд), Хивадаги Кўқна Арк майдони ва б.

Ўзбек хонлиқларининг пойтахтлари Бухоро, Хива ва Қўқон ш.лари 18—19 а.ларда анчагина ўз тарихий мавқеини мустаҳкамлаб олди, меъморий ўзига хос ҳусну жамолини кўрсатди. Бухоро меъморлик мактаби намуналарини Болоҳовуз масжиди, халифа Худойдол мажмуоти, халифа Ниёзкул мадрасаси, шаҳар ташқарисидаги амирлар чорбоғи Ситораи Моҳи хоса бинолари шаклу-шамойилида кўзга яққол ташланади. Бухоро Аркидаги уй-жой бинолари, атрофдаги гузарлар таркиби, синчори уй-жой ва ҳовлилар меъморий услуби, безаклари юксак санъати ва маҳорати б-н ҳозиргача алоҳида эътиборни тортала. Хива шаҳрининг Ичан қалъасидаги Шерғозихон мадрасаси, Боғбонли масжиди, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси мажмуоти, Тошқовли саройи, Оллоқулихон қарвонсаройи ва тими, Муҳаммад Аминхон мадрасаси, Калта минор ва атрофидаги уй-жойлар Хоразм меъморий мактаби, маҳаллий анъаналари янгидан қад кўтариб, ривожланганидан дарак беради. Ичан қалъадаги энг баланд Ислонхўжа минораси (1908) Хоразм меъмориятининг энг сўнги ёрқин нидоси десак бўлади. Қўқон мактабидаги меъ-

морий услуб хусусиятларини Хўжа Амир мақбараси (18- а.), Норбўтабий мадрасаси, Даҳмаи Шоҳон ва Модарихон даҳмалари (1825), Норбўтабий ва унинг авлодлари мақбаралари (18- а.), Худойрхон ўрдаси, Андижон, Марғилон ва Қўқондаги жоме масжид ва мадрасалар (19- а.) мисолида кузатиш мумкин.

18—19 а.ларда Қўқонда Миён Ҳазрат Камол қози, Норбўтабий мадрасаси, Фиштли масжид, Хўжа Илғор масжиди, 20- а. бошларида Шоқир мингбоши буюртмаси б-н қурилган масжид хонақоҳи ўнг томонлама айвон б-н ўралган. Хонақоҳ шифти ислимий нақшлар б-н серҳашам безатилган.

Марғилондаги Саид Аҳмадхўжа мадрасаси, Шаҳрихондаги Пансол масжиди, Андижондаги Жоме мадраса масжидининг ички кўриниши Фарғона меъморлигининг юксак бадий маҳорати ҳақида тасаввур берадиган нодир манзарали безакларга бой.

Халқ меъморлигининг ўзига хос томонлари 20-а. бошларида қурилган Аюббой, Олимхон ҳожи, Абдурахмон қози, Саъдихон қози, Аҳмадбек-хожи ва б. уйларида ўз ифодасини топган. Аюббой уйи икки ҳовли (ичкари ва ташқари), пойдевори баланд қилиб қурилган. Ташқари ҳовлида меҳмонхона, Гсимон айвон бўлиб, айвонда қатор ўймакор устунлар ишланган. Меҳмонхона ички деворларидаги тоқчалар атрофи ганчкор турли шакллар ҳамда арабий ёзувлар уйғунашган нақшлар б-н безатилган. Шифт безагида қизил заминда босма ҳандасий нақшлар, ислимий безаклар, марказига эса муқарнасли ҳавзак ишланган.

Олимхон ҳожи уйи бир қаватли ўзаро мутаносиб тарҳга эга бўлиб, хом фишдан қурилган квадрат даҳлиз, иккита тўғри бурчак тарҳли хона ва Псимон айвон, меҳмонхонадан иборат. Даҳлиз ва шарқий хона европача услубда пардозланган, шифтлари ганчкор турунлар б-н безатилган ва оч яшил заминга нақшлар, дераза ва эшикларга шаклдор ҳошиялар ишланган. Фарбий хона ва айвон маҳаллий айвонларга мувофиқ ҳолда пардозланган: қизил заминда ҳандасий ва ислимий нақшлар б-н безатилган.

Саъдихон қози уйи икки ҳовли, ўзаро қўшилиб кетган ташқари ва ичкаридан иборат, бу икки қисмининг кирадиган алоҳида-алоҳида эшиги бўлган. Кўча томон (ташқари) даҳлиздаги молхона ва унга тақаб қурилган айвондан иборат. Тўғри бурчакли ичкари ҳовлида эса иккита айвонли хона ва бир нечта хўжалик бинолари қад кўтар-

ган. Уйнинг пойдевори 2 м, унинг биринчи қавати (тағхона)да молхона ва омборхона жойлашган. Айвонга тошдан ишланган зина орқали чиқилган. Зина бўйлаб темир панжара, айвоннинг тўсинлари орасига тоқ ўрнатилган. Тўсинларни салобатли ёғоч устунлар кўтариб турган. Айвонлар тошўчоқлар б-н иситилган. Хона деворлари тоқчали ганчкор нақшлар б-н ишланган. Шифтига тўлдириб гул солинган.

Андижонлик савдогар Аҳмадбекқожининг уйи П симон тарҳли, жан.га қаратиб қурилган. Уйнинг икки қаватли ғарбий қисми уй эгасининг идораси вазифасини ўтаган, қолган қисми турар жойи бўлган. Ҳовлининг теварак атрофи бўйлаб айвон қурилган. Иккинчи қават йўлаги қатор хоналарни бирлаштирган. Ҳамма дарвоза ва эшиклар анъанавий ҳолда ҳовли томонга қараган. Уйнинг идора вазифасини ўтайдиган қисми европача усулда пардозланган — шифти нақшинкор ганч б-н безатилган, катта хоналарга нақшинкор сирланган печлар қурилган, деворлар тоқчасиз бўлиб, мойбўёқ б-н пардозланган, айвон эшикларининг орасига Фарғона турар жойлари учун анъанавий бўлган кўк рангда ислимий ва ҳандасий нақшлар ишланган. Ёғоч карниз жимжимадор қилиб уйилган.

19-а. охири — 20-а. бошларида Ўрта Осиёни подшо Россияси босиб олгач (1860-1880), Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқонда рус ҳарбий муҳандис ва меъморлари (В.С.Гейнцельман, Л.А.Бенуа ва б.) лойиҳалари асосида маъмурий ва турар жой бинолари қурилди. Масжид ва мадрасалардан бошқа мақсадларда фойдаланилди. 1868 й.да Самарқанд маркази эски қалъа гарнизон офицер ва чиновникларининг уйлари, савдогарларнинг омборлари жойлашди. Шаҳарнинг янги лойиҳаси 1870 й.да тасдиқланган. Наманган ва Андижонда ҳам йирик гарнизонлар қурилди. Янги Марғилон лойиҳаси ҳарбий муҳандис Н.У. Жилин раҳбарлигида ишлаб чиқилди (1877). Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида рус меъморлари модерн услубида Европа меъморларига тақлидан лойиҳалар яратдилар: Тошкентдаги Романов саройи (1880), Ўқитувчилар семинарияси (1881), Эркақлар гимназияси (1883), Марғилонда Фарғона губернатори резиденцияси (1885) ва б. «Немис ренессанс» меъморий услубида асосан меҳмонхоналар, савдо иншоотлари, йирик магазинлар, даромадли уйлар қурилган: Қўқон банки (1897), Сергеев черкови (1897), Янги Марғилонда со-



Православ черкови. Самарқанд, 19-а.нинг охири.

бор (1897), Тошкент вокзали (1898), «Национал» меҳмонхонаси (1912) ва б. 20-а. бошларида шахсий уйлари қуришда рус меъморлари маҳаллий меъморлик анъаналаридан ҳам кенг фойдаландилар — Тошкентдаги А.Л.Половцев уйи (1900, ҳоз. Халқ амалий санъат музейи) қурилишига маҳаллий халқ меъморлари жалб этилгани учун архитектура жиҳатидан кенг омма эътиборини қозонди.

1917 й. Октябр тўнтариши оқибатида, айниқса, фуқаролар уруши давомида бухронга учраб, қашшоқликда қолган ўлка арихитектураси тамоман таназзулга чўкди. Янги давлат тузумида ер, сув қаторида, архитектура ҳам давлат тасаруфига ўтди. Йирик бинолар давлат томонидан мусодара қилинди, масжид ва мадрасалар беркитилди. 1930 й.лардан бошлаб замон ижтимоий талаблари асосида янги типдаги бинолар қурила бошлади: коммуна уйи, ишчилар шаҳарчаси, мактаб, болалар боғчаси, ишчи-ёшлар клуби, истироҳат боғи, кинотеатр, музейлар пайдо бўлди. Тошкент,

Самарқанд ш.лари ривожланиш режалари устида таҳлилий ишлар бошланди, шаҳарсозликни лойиҳа асосида олиб бориш жорий этилди. Қишлоқларда ҳам бинолар режа асосида қуришга эътибор берилди Бўзсув (1926), Қодирия (1930—36), Товоқсой, Чирчиқ ГЭСлари (1934—41), Катта Фарғона (1939), Каттақўрғон сув омбори (1941) кабилар барпо этилди. 1940-й.ларда кўчалар асфальтланиб кўп қаватли турар жойлар қуришга киришилди. Янги тартибдаги лойиҳали шаҳарларга асос солинди. Айниқса, 1940 й.лардан бошлаб Янгийўл, Чирчиқ, Олмалик, Ангрен, Бекобод каби шаҳарлар тез тараққий топди, янги типдаги 3-д—фабрикалар қад кўтара бошлади. Тошкентда (1943) урушнинг энг оғир йилларида Муқимий театри қурилди. Уни қуришда Юсуфали Мусаев бошлиқ халқ меъморлари катта томоша зали тепасига бир қатор ғиштли равоқлар ўтказиб, ҳеч қандай металл ва бетон ишлатмай бино томини қоплади. Алишер Навоий театри (1947) биноси умуман ўзбек архитектураси ижобий имкониятларининг ёрқин намоиши бўлди. Машҳур архитектор А.В. Шчусев аср бошларида Самарқанд архитектурасини, хусусан Гўри Амир меъморий мажмуотини атрофлича ўргангани янги театр лойиҳасини ишлашда, айниқса, унинг безакларини бажаришда ижодий дастуриламал бўлди. Театрнинг ички пардозида Уста Ширин Муродов, А.Болтаев, Қ.Жалилов, Т.Арслонқулов, Б.Жўраев каби устозлар халқ амалий санъати соҳасида ўз маҳоратларини амалга оширдилар, театр ўзбек халқининг фахрига айланди. Чирчиқ кимёгарлар саройи (1949), Бекобод металлургия маданият саройи (1950-1960), Тошкентдаги маъмурий, кинотеатр ва уй-жой (айниқса, Алишер Навоий шоҳ кўчасида жойлашган) биноларида миллийликка интилиш намуналарини кузатиш мумкин. Мас., пахта шаклини устун каллаги шаклига синглириш йўлида тажрибалар пайдо бўлди (Мутахассислар уйи, Олий Кенгашнинг мажлислар уйи каби).



Реал билим юрти биноси. Тошкент, 1896.



Навоий театри биноси.

20- а.нинг 2-ярмида архитектура—бинокорлик соҳаси мисли қўрилмаган тез суръатлар б-н, техника имкониятлари ўсиши натижасида кескин ўзгариб кетди. Бу жиҳатдан СССР, хусусан Ўзбекистонда, архитектура имкониятлари деярлик эски мақомга суяниб орқада қолган. Давлатнинг архитектурада ортиқча безакдорлик аломатларига чек қўйиш, бинокорлик индустриясини ривожлантириш ҳақидаги қарори 1950—60 й.ларда темир-бетон 3-длари тайёрлаган конструкциялар б-н, бир қолипдаги (типовой) лойиҳалар асосида катта-кичик микрорайонлар қуриш одатга айланди. Давлат монополиясига айланган архитектурани галдаги бухрондан чиқариш

Ўзбекистон давлат консерваторияси.



ниҳоятда оғир кечди. Марказдан юбориш чекланишлар меъморий имкониятларни нормативлар исканжаси б-н чегаралади. Жамоат бинолари эркин жойлаштирилиб, қурилишда темир-бетон б-н бир қаторда яхлит йирик ойналардан фойдаланилди: Санъатшунослик институти, маъмурий бинолар, Санъат музейи ва б. 1960- й.ларнинг 2-ярми—70- й.ларда синчли, йирик панелли ва йирик блокли, зилзилабардош бинолар қуриш авж олди. Қурилишлар кўча бўйлаб қурилмасдан янги услуб — микрорайон қурилиши жорий этилди: Тошкентдаги Чилонзор, Шим.-Шарқий, Юнусобод, Қорақамиш, Қорасув каби массивлар, буларнинг кичик нусхалари Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Урганч каби шаҳарларда қад кўтарди.

Қишлоқ б-н шаҳар орасидаги тафовутни йўқотиш шиори остида янги

ўзлаштирилаётган ҳудудларда, айниқса, Мирзачўлда кўплаб с-э шаҳарчалари қурилди, намуна тарзида икки қаватли коттежлар деҳқонларга тавсия этилди, лекин қишлоқ шароитида бундай бинолар ғайри табиий, бегона тарзида кўпчилик аҳолига маъқул бўлмади. Айниқса, қишлоқларда архитектура монополияси қаттиқ қаршиликка учради. Хоразм воҳасида хутор тизимини йўқотиш комиссияси жуда кўп зарар келтирди: шахсий уй-жой, ҳовли-қўрғонларни бузиб, ўрнига пахта экилгани оқибатида анчагина меъморий бинолар бузиб ташланди. Қишлоқларда 3-4 қаватли стандарт уйлар қурилиши бутунлай салбий натижа берди.

Типовой лойиҳалар таййиқидан қутилиш, қолаверса шаҳарлар қиёфасига бирор янгилик киритиш имконияти фақат якка тартибда қурилган йирик иморатлар архитектурасида баъзан диққатга сазовор натижа берди. Тошкент маркази атрофидаги Санъат саройи кинотеатри (1964), Марказий универсал магазин (1964), Ўзбекистон тарихи музейи (1970), Бош универсал магазин (1972), «Ўзбекистон» меҳмонхонаси (1974), Тошкент телеминораси (1981), Халқлар Дўстлиги саройи (1981), «Наврўз» ресторани (1992), каби иморатлар б-н Ўзбекистон архитектурасига янги давр рўҳида яратилган меъморий сифат ва бадиий кўтаринкилик хос бўлди. Худди шу даврда меъморий санъат б-н узвий боғланган ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлиги безакларига эътибор берилгани учун биноларга жозоба кириб келди. Худди шунга ухшаш хушбичим, кўркам меҳмонхона, чойхона, кинотеатр, бозор бинолари бошқа вилоят марказларида ҳам қад кўтарди. Самарқанднинг янги бош режиси яратилди (1981), шаҳар марказида «Юлдуз» ресторан-чойхонаси (1966, эксперементал бино), Музей-қуриқхона (1971), автовокзал (1981), Кашшофлар саройи (1982), шаҳар клиник касалхонаси (1984), «Чорраҳа» чойхонаси (1986), «Самарқанд» (1971), «Турист» (1986) меҳмонхоналари, Болалар шифохонаси (1988) кабилар барло этилди. Тошкентда метрополитен очилиши (1977) миллий архитектуранинг янги имкониятларини намоён этди. «Мустақиллик», «Фазогирлар», «Дўстлик», «Пахтакор» каби дастлабки бекатлар меъморий тузилиши, хусну жамоли эса қоладиган шохона кўриниш касб этди.

Ўзбекистон мустақиллиги шарофати б-н архитектура илгариги чекловлар исканжасидан қутилди, одат бўлиб қол-

ган тизгинлар кесиб ташланган эди. Архитектура устидан ўрнатилган давлат монополияси ўз кучини қисман йўқотди, айниқса, хусусий уй-жой қурилишида янги сифат ва суръат даражаси тез кўтарилди. Ўзбекистон шаҳарлари, айниқса, пойтахт Тошкент қисқа муддат ичида меъморий жиҳатдан жуда ўзгариб кетди, замонавий талабларга жавоб берадиган кўркам, обод, саришта боғ шаҳрига айланди. Истиқлол даврининг қалдирғоч бинолари қаторида Олий Мажлис, Оқсарой қароргоҳи, Тошкент ҳокимияти, Туркистон саройи, Миллий банк, Интерконтиненталь, «Марказий меҳмонхона» каби меҳмонхоналар, Ак-вапарк диққатга сазовор. Ўзбек Миллий академик драма театри биноси жуда улғувор кўринишли сифат б-н таъмир этилди, Ўзбекистон консерваториясига муҳташам янги бино қурилди, Темурийлар музейи барпо этилди. «Туркистон» саройининг тантанали очилишида Президент И.А.Каримов меъморий келажак орзуларини ифода этди: «Юртимизнинг ҳамма ерида меъморчилик ишлари бирдек ривож топишини, ҳар бир вилоят марказида «Туркистон» саройидек муҳташам саройлар бўлишини истар эдим. Токи юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи биздан олис авлодларга овоз ва обод Ватан қолсин». Мазкур башорат сўзлари кейинги йилларда кенг кўлам б-н олиб борилган меъморий бунёдкорлик орқали ўз ижобий тасдиқини топди. Ўзбекистон шаҳарларида янги кўринишдаги қулай ва хуш-

Ўзбекистон миллий банки.



Ўзбек либослари галереяси.

бичим касб-хунар коллеж бинолари қурилди, айниқса, жисмоний тарбия марказларига эътибор берилди (Тошкентдаги Юнусобод теннис корти, «Жар» спорт мажмуоти ва б). Айни пайтда, сон-саноксиз кўркам ва қулай хусусий уй-жой бинолари қал кўтарди.

Ўзбек халқи тарихий хотирасини тиклаш йўлида жуда муҳим меъморий талбирлар амалга оширилди. Айниқса, Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати б-н Самарқанд вилояти Харғанг қишлоғида улкан меъморий мажмуот (мақбара, масжид, меъморий идора, кутубхона ва ошхона) янги лойиҳа асосида тикланиши (1998) муулмон дунёсида гоят миннатдорлик ва катта олқиш б-н кутиб олинди. Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати б-н Қува ва Фарғона шаҳарларида ҳайкал ва сайлгоҳ боғлар барпо этилди. Самарқандда Имом Мотуридий қабри устига меъморий ёдгорлик тикланди, Бурҳониддин Марғиноний хотирасига бағишланган меъморий мажмуот Марғилон шаҳрида бунёд этилди. Тошкентда қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган меъморий музей-боғ ташкил қилинди, у «Шаҳидлар хотираси» муқаддас зиёратгоҳига айланди. Улуғ аждодларимиз, дунёда машҳур алломаларга бағишланган ҳайкал-меъморий мужассамотлар қал кўтарди.

Қадимият ёдгорликларини, айниқса, меъморий обидаларни атрофлича урганиш, уларни илмий асосда таъмир этиш, яъни реставрация ёки реконструкция амалиёти Ўзбекистонда 20-

а.нинг 20-й.ларидан бошлаб таркиб топди, айниқса 50-й.лардан бошлаб кенг кўламда Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида олиб борилди. Халқ усталари қушни мамлакатларда меъморий ёдгорликларни таъмирлашга жалб этилди. Туркистондаги Аҳмад Яссавий меъморий зиёратгоҳи таъмирларини самарқандлик усталар бошлаб берган. Хива усталари Туркманистонинг Кўҳна Урганч шаҳрида таъмир б-н шуғулландилар. Тошкентда эса таъмир ишларини бошқарувчи и. т. ва лойиҳа институти — «ЎЗИТЛИ реставрация» таъсис этилди. Меъморий мерос обидаларини авайлаб асраш, таъмир этиш соҳаларида замон талабларига муносиб мураккаб ва нисбатан анча қийин вазифаларни бажарадиган давр эндигина келди. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ёдгорликларга бой шаҳарлар қад. марказлари меъморий қўриқ тарзида ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйҳатиға киритилгани соҳа мутахассислари олдида ниҳоятда масъулиятли вазифаларни қўндаланг қуйган.

Ад.: Пугаченкова Г., Ремпель Л., Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана, Т., 1958; Булатов М., Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX—XV вв., М., 1978; Зоҳидов П., Меъмор санъати, Т., 1978; Зоҳидов П., Темуր даврининг меъморий ҳаққашони, Т., 1996; Қодинова Т., Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморлиги, Т., 2004.

Пўлат Зоҳидов.

АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ

Ўзбек халқи кўп асрлар давомида амалий безак санъатининг бой ҳамда рангбаранг бадий анъаналарини яратган. Улар наслдан наслга мерос бўлиб ўтиб, ўзида бир қатор тарихий қатламларни мужассам этган. Миллий тафаккур маҳсули бўлмиш ўзбек амалий безак санъатининг анъанавий омиллари асосини безакдорлик, тасвирларнинг шартлилиги, ўзига хос ранглар мутаносиблиги ташкил қилади. Ўзбекистон амалий санъатининг илдизлари қадим утмишга бориб тақалади. Безатилган рўзгор буюмлари—идишлар, кийим-кечак ва б. мил. ав. 5—2 минг йилликлардаёқ юзага келган. Ушбу давр амалий санъат буюмлари одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш б-н бирга кулфатдан асраш, бадий муҳитни яратиш каби турли вазибаларни бажарган.

Минг йилликлар давомида сопол ва тош буюмлар яхши сақланган. Хумдонда пиширилган сопол буюмлар дастлаб қўлда ясалган. Неолит даврида улар думалоқ тубли шаклдор ишланиб, учбурчак, илон изи, тўлқинсимон, чизиқли босма ва ўйма нақшлар б-н безатилган. Энеолит ва жез даври (мил. ав. 3- минг йиллик охири — 2- минг йиллик бошлари)да думалоқ, чўзинчоқ, цилиндр, конус шаклидаги ясси тубли идишлар (қозон, хум, товоқ, пиёла ва б.) ишланган. Қўлоллик чархининг пайдо бўлиши б-н (мил. ав. 2—1- минг йилликлар) идишлар шаклини яратишда бой имкониятлар туғилди ва безаш усуллари бойиди. Гулсиз ва босма, чизма, буяма усулда нақшланган қора ёки тўқ қизил гулли сопол буюмлар юзага келди, уларда арча, тароқсимон шакллар, учбурчак, ромб, турсимон, тасмали, нуқтали, кесма чизиқлар, илон изи, бўёқ доғлари кабилар уйғунлашган. Ангоб суртилган жилосиз ва жило берилган сопол буюмлар тайёрланган. Ибтидоий

Тош мунчоқ. Сополитела, мил.ав.17—16-а.лар.



жамоа даврида ҳар бир мавзу рамзий маънога эга бўлиб, ўзида илоҳий мазмун яширган. Маиший буюмлар яратётган усталар буюмларга содда ва гўзал, нисбатли мутаносиб шакллар топа олган. Тўқимачилик саноатининг ривожига ҳам шу даврдан бошланган, бироқ унинг маҳсулотлари бизгача етиб келмаган.

Энеолит ва жез даврида яратилган жез, олтин, қумуш тақинчоқлар (билагузук, узук, шокила, шаклдор мунчоқлар, кўзгу, безаниш буюмлари) содда шаклли бўлиб, гулсиз ёки кесма чизиқли, ҳалқасимон рамзий нақшлар б-н ишланган. Мил. ав. 3- минг йилликдан бошлаб тақинчоқлар чиғаноқ ва қимматбаҳо тошлардан ясалган. Феруза, ложувард, ақиқ, нефритдан турли шаклли мунчоқ, тўғноғич, шокила ва б. буюмлар тайёрланган.

Сўх қишлоғидан топилган қора тошдан ишланган тумор (мил. ав. 2- минг йиллик) тоштарошларнинг юксак маҳоратидан дарак беради: тақасимон шакл марказида бир-бирига рўпара турган икки илоннинг боши аниқ кўриниб турибди; бир-бирига чирмашиб кетган уларнинг танаси мустақкам асосда турган тоқи ҳосил қилган. Бу тумордаги жуфт илон тасвири ҳосилдорлик ва серпуштликни, қалама оқ «кўзлар» илонлар терисига олабулалик бахш этган ҳамда кўз тегишидан ва касалликлардан асрашга хизмат қилган.

Темир асри (мил. ав. 1- минг йиллик)га оид олтин, қумуш, бронза, суяк ва ёғочдан ясалган турли жанг қуроллари, муҳр-инталия, уй-анжом ва зеб-зийнат буюмларида «ҳайвонларни тасвирлаш услуби»нинг ўзига хос намуналари пайдо бўлди; тасвирланаётган ҳайвонларнинг асосий хусусиятлари, уларнинг ҳолатлари мураккаб мужассамотга бўйсундирилди.

Ахоманийлар даври санъати (мил. ав. 6—4-а.лар)нинг айрим хусусиятларини Амударё хазинасидаги буюмлар очиб беради. Буюмларнинг маълум қисми маҳаллий усталар томонидан тайёрланган бўлиб, заргарлик санъатининг Бақтрия бадий мактаби мавжудлигини кўрсатади. Учларига бир-бирига рўпара турган ҳолатда ишланган нафис ҳайкалча (шер, қўй, архар, грифонлар, феруза кўзлар қадалган тилла билагузуқлар Шим. Бақтрияда яратилган бўлиши мумкин. Уларнинг образ ечими, шакли, ижро усули заминда бақтрия, сак ва ўта нафис ҳамда назик бўлган ахоманийлар санъати анъаналари ётади. Пластинкаларда тасвирланган антропологик типлар ва уларнинг кийимлари буюмларнинг маҳаллий хусусиятини кўрсатади. Амалий

санъатда безашни кучайтиришга қаратилган етакчи анъаналар б-н бирга бошқа анъанавий йўналишлар (мас., ҳайвонларни тасвирлаш услуби) ҳам давом этди. Турлича умумлашмалар тизими, ўзига хос шартлилик сақланиб қолди. Шунинг учун бу даврга оид асарларда табиий шаклларга яқинликдан («мифологик реализм» услуби) то услублаштириш ва нақш безак хусусиятларининг устуниликка бўлган турлича тасвирлаш усулларини кўриш мумкин.

Кейинги тарихий давр (мил.ав. 3-а. — мил. 3-а.) бадий маданиятнинг гуллаган даври бўлиб, амалий безак санъатига кескин ўзгаришларни киритди. Бу даврда усталар эллинистик (айниқса, Юнон-Бақтрия подшолиги даври) ва Ҳинд (*Гандҳара санъати*) анъаналарини ўзлаштирган. Муҳр ва тангаларда Юнон-Бақтрия шоҳларини тасвирлашда инсон руҳий оламини очишга ҳаракат қилинган. Услубнинг кейинги (мил. ав. 1-а. — мил.1-а.) ривожига умумлаштириш, чексиз ҳоқимлик ғоясини ифодаловчи шоҳлар, маъбудларнинг умумлашма образларини яратиш йўлидан борди. Заргарлик буюмларидан Кушондан топилган 1-а.га оид 3 та силлиқ найзани қалайлаб, марказига Геракл тасвири ишланган ақиқ ўрнатилган гўртбурчак турунжли пектораль диққатга сазовор. Бунда бақтриялик уста олтиннинг ёрқин ва сокин жилосини, унинг майин қиёфаси б-н инсон шакли мос тушишини кўрсатувчи металл ва шаклнинг ажойиб уйғунлигини топиб бера олган. Буртма гулли, мазмунли саҳналар ва мураккаб мужассамот б-н келиб чиқиши эллинистик анъаналарга бориб тақалладиган 1—2-а. металл ва сопол идишларига кушонлик уста ўзига хос маҳаллий хусусиятларни киритган.

Хумча. Бўялган сопол. Далварзин (Андижон вилояти), мил.ав. 11—10-а.лар.





Маъбуда ҳайкалчаси.
Терракота. Сўғд, 4-а.



Соч тўгноғичлари. Суяк.
Зартепа, 4—5-а.лар.

2—3-а.ларда сопол ҳайкалчалар ясаш санъати кенг тараққий этди. Маъбудларнинг маҳаллий этник белгилари бўлган анъанавий қиёфалари яратилди. Улар рўпарадан қатъий ҳолатда ҳиссиз юзли қилиб суғд ёки хоразм кийимларида тасвирланган. Сопол идишлар и.ч. юксак мукаммалликка эришди. Гулсиз ёки гулли (ҳандасий нақшлар етакчи ўрин эгаллаган) нозик қадаҳлар, коса, пиёла, кўза ва б. идишлар содда, ифодали шаклда тайёрланган. Шишадан буюмлар тайёрланган, суякдан ишланган фил ва б. ҳайвонлар кўринишидаги шахмат доналари сақланган. Амалий санъатнинг айрим турларида бақтрия санъати б-н турли даражада уйғунлашиб кетган Гандҳара санъати, эллинизм ва сак анъаналари хусусиятлари кўзга ташланган. Унга ҳаётнинг ўзи ва мифология асосий манба бўлган. Бу санъат услубий йўналиши жиҳатидан хилма-хил, тасвирлашда ҳаётий ҳақиқатга яқин, шунингдек, афсонавий мавзуларга асосланган шаклларга эга. Шу даврга оид заргарлик санъати ҳақида *Далварзинтепа ҳазинаси* буюмлари катта маълумот беради.

Илк урта аср (5—8- а.)да амалий санъатга янги мазмун ва шаклни талаб этадиган ғоялар кириб келди, бу соҳада янги услубий йўналишлар пайдо бўлди. Кандакорликда олтин, қумуш, жездан турли шаклдаги коса, лаган, кўза, қозон, чироқдон ва б. идишлар тайёрланди. Улар ҳаётий лавҳалар, элик ва афсонавий мазмунлар (ов, тўй, раққосалар, жангчилар кураши), дурлар ҳалқаси ичида ишланган ҳайвонлар тасвири бўлган турли мужассамотлар б-н безатилди. Тасвир услубида қад. санъат хусу-

сиятлари йўқолиб борди, шакллар қатъий бўлиб, уларнинг нисбати ўзгарди, умумлаштириш кучайди.

Терига бадий ишлов бериш санъатининг мавжудлиги ҳақида қуролланган чавандоз тасвири туширилган бўяма нақшли чарм б-н қопланган қалқон (8- а.) гувоҳлик беради.

Шу даврда тўқимачилик ҳам ривожланди. Ип, ипакдан турли матолар тайёрланган, зарли парча матолар ишланган, айниқса, мураккаб гулли рангдор тўқилиш-ли зандоначи (7—9- а.) номли нафис мато машҳур бўлган. Зандоначи матосида гуллар тақсимли бўлиб, йирик дурлар халқаси б-н ҳошияланган айлана ва б.

шаклдаги турунжлар бир маромда такрорланади. Турунжларда кўпинча бирига рўпара турган жуфт шер, қўй, фил ва б.нинг қатъий тантанали ҳолатдаги тасвирлари берилган. Уларнинг тана-си ва тана бўлаклари нақшлар б-н ишлаб чиқилган.

Майда шакллар ҳайкалтарошлиги 2 йўналишда тараққий этди: бир томонда маъбуд ва қаҳрамонлар образларини рисоладагидек бериш, иккинчи томонда жонли ҳаётий кузатишларни, турли халқларнинг этник хусусиятлари — суғд ва туркийларнинг турли даврдаги ўзига хос кийимларида тасвирлаш давом этди. Аввал бўлганидек маъбудлар шакли рўпарадан ва қатъий қилиб яратилган, бироқ идишлар ва остонларда инсон тасвирини эҳтиросли ва жўшқин бериш ҳоллари учрайди.

5—10- а.ларда лойдан тўртбурчак, узунчоқ ва б. шаклларда ишланган остонлар кенг тарқалган, шакл жиҳатдан устунлар ва тоқилар, «уй» ёки «ибодатхона»ни эслатувчи остонлар ўта ҳашамдорлиги ва рамзий нақшларга бойлиги б-н ажралиб турган. Рангли бўяма нақшли остонларда мотам лавҳалари халқ санъатининг содда усулида ишланган.

Сопол идишлар тайёрлаш ривожланди, унинг шакли ва ҳамжи бийди, бу соҳада маҳорат ортди. Майин шакли, нисбатларга амал қилинган ифодали нозик ҳамжли идишлар тайёрланди. 5—8- а.ларда сирланмаган, безаксиз ва босма, чизма, ўйма ва қадама усулида одам, ҳайвон,



Зандоначи мато.

ўсимликларнинг бўртма тасвирлари ишланган сопол буюмлар ишланди. Кейинчалик уларни безаш услуби ўзгарди: нақш мужассамоти ислимий, ҳандасий, ҳайвон шакллари ва ёзувли нақшлар б-н тўлдирилган йўллар. Белбоғ, ҳошия, турунжларга аниқ бўлинди. Сирлашнинг кенг ишлатилиши (8- а. охиридан) кулчилик тараққиёти учун бадий имкониятларни очиб берди ва бўяма сопол санъатининг гуллаб-яшнашини таъминлади (9-а.дан бошлаб). 8—13- а.ларда амалий безак санъати йўналишлари (айниқса, ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, кулоллик, кандакорлик)га ислом дини эстетикаси катта таъсир қилди.

Заргарлик санъатида даврнинг асосий услубини ифодаловчи ғоявий бирлик, барқарорлик каби янги анъаналар кўзга ташланди. Олтин, қумуш ва жездан тўғри ҳандасий шакли тақинчоқлар ишланган: олти қиррали призма ёки цилиндр шаклли четлари қуббали туморлар; конуссимон шокилалар, уячаларига ўсимлик ва б. мавзули тасвирлар ишланган, шунингдек, эзгу тилакли ёзувалар битилган мужассамоти аниқ ҳандасий қисмларга бўлинган гумбазли, конуссимон, узунчоқ ва кўп қиррали мунчоқлар ва б. Кейинги услубий ривожланиш шакл ва

Шахмат доначалари. Суяк. Афросиёб, 8-а.





Лаганлар. Афросиёб, 9—10-а.лар.

нақшнинг кўпроқ ифодали безагини топшига йўналтирилди. Усталар ишларида чакноқ ва қимматбаҳо тошлар — лаъл, сафсар, ёқут, феруза, ложувард, тоғ биллури, нефрит ва б.ни қўллаган.

9—13-а.ларда диний маросимларда чироқдон ва исриқдонларни ёқишга хизмат қиладиган хонаки сопол ўчоқлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Уларнинг шакли (айниқса тақасимон ёни, безатилган тарзи) меъморий қисмларни эслатади. Ўта безатилган ўчоқларда мужассамотнинг асосий қисмларини устун, асос, фриз, тоқи каби меъморий бўлаклар ташкил қилган, улар орасига қуш, ўсимлик тасвирлари, илоҳий белгилар жойлаштирилган.

6—13- а.ларда рангли (қизил, пушти, сариқ, бинафша, кўк, яшил) ва рангсиз ошхона ва кимё шиша идишлари (кўзача, флаконлар, қадаҳ, стакан, лаганча, сиёҳдон ва б.) тайёрланган. Кўпинча улар бўртма нақш, босма, чизма ва қуйма усулида ҳандасий, ўсимликсимон гуллар, ҳайвон тасвирлари б-н безатилган. Медальонларда олам, қуш, ҳайвонлар тасвирланган, ранг-баранг кўзли, гулли ва ҳошия йўллар ўзаро чирмашиб кетган мунчоқлар тайёрланган.

Ёғоч ўймакорлигининг юксак тараққиётдан дарак берувчи бинолардаги устун, эшик, карниз, тўсинларга ишланган нафис, чуқур бўртма гуллар, ислимий ва ҳандасий нақшлар, баъзан улар орасига киритилган одам, ҳайвон, қушлар тасвири моҳирона бажарилган. Суяқдан шахмат доналари ва б. буюмлар тайёрланган.

Сополли идишлар тайёрлашда дастлаб силлиқ юзали ёки бўртма гулли бу-

Чироқдон ва шиша идишлари. Самарқанд, 9—10-а.лар.



юмлар рангли сир б-н қопланди, кейинроқ расм пайдо бўлди, ранги ва бўяма нақши бойиди, кулолларнинг эстетик диди ва маҳоратини ифодаловчи нафис ишланган расм ва ёзув шакли ишлаб чиқилди. Дастлаб гуллар сиполиги ва

қатъийлиги б-н ажралиб турган (мас., лаганнинг оқ заминда бутунлай ёки чети бўйлаб қора куйий ёзув қатори ёки нафис қора-қизил нақш жойлашган). 11—13- а.ларда нақш мужассамоти мураккаблашди ва безак ҳамоҳанглиги яратилди. Чизиқларнинг ҳар хил шакли турунжлар ҳосил қилиши, уларнинг ислимий, ҳандасий нақшлар, ҳайвон тасвирлари ва ёзувлар б-н тўлдирилиши ортди.

Темурийлар даври (14-15а.лар)да амалий безак санъатининг юксак тараққиёти маҳаллий анъаналар б-н бир қаторда Ўрта Шарқ бадий ютуқларига ҳам асосланди. Ивланишлар асосан безак нақшлар соҳасида олиб борилди. Безакда ўсимлик-гул мавзулари, «гириҳ» ҳандасий нақшлари, ёзувли намоёнлар етакчилик қилди. Ёғоч устунлар ва эшикларнинг нақш мужассамоти майдон, белбоғ, ҳошия кабиларга мутаносиб бўлиниб, ўйма гуллар — эгилувчан новдалар ва гулли буталар б-н безатилди. Мармар қабртошлари эгилувчан буталар ўрамадаги ўта нафис ёзувлар б-н қопланди. «Гириҳ» кўринишидаги ҳандасий нақшлар ёғочлардан йиғилган сағаналар, ёғоч ва мармар панжараларда маҳорат б-н ишланди. 15-а. кулолчилигида «кобальт» туридаги (кўм-кўк тусдаги) хитой чинниси таъсирида янги безаш усули шаклланди, кўпроқ оқ-кўк сир ишланди. Танга, глиптика, металл ўймакорлиги (муҳр)да ҳуснихат ҳукмронлик қилган.

Кулолликда рангли ва бир рангда ишланган бўяма нақшлар сақланиб қолди: қатъий совуқ рангли мовий заминга қора нақш, оқ заминга кўк нақшлар ишланди. Кошиндаги безак чизиқларининг майин ва оқувчанлиги б-н фарқ қилувчи нафис кўк-яшил бўяма нақш б-н ҳамоҳанг бўлган билинар-билинимас бўртма гулли чиройли идишлар яратилиши усталарнинг катта ютуғи бўлди. Нақшларда ўсимлик, ҳайвон ва осмон жисмлари мавзуи уйғунлашган.

Кошиндан ясалган идишларга мовий бўяма нақшлар ранглари ифодали ўйинини ҳосил қилувчи ёрқин ва на-



Тумор. Кумуш, мис, 13-а.

фис доғлар б-н ишланган: қушлар ўтирган шох ва бутоқлар, гул ва мевалар тасвирлари лаган ва косаларнинг оқ заминда эркин жойлаштирилган, бўяма нақшлар табиатнинг лирик образини ифодалаган. 16—17- а. кулолчилигида нақшлар қуюқлашди, гули майдалашди.

14- а.ларда усталар рангли шишалардан ёпиштирилган ва ранг-баранг гулли узуклар, билагузуклар, шокила ва мунчоқлар ясашни лавом эттирдилар. Олтин, кумуш, жез, мисдан турли шаклдаги қадаҳ, кўза, патнислар тайёрланиб, кандакори, чизма, ўйма ёки қадама (олтин ва кумушдан) нафис гуллар б-н безатилди. Аслзодалар учун рангли шиша ва қимматбаҳо тошлар б-н безатилган от абзаллари ва қуроллар, шунингдек, заргарлик буюмлари (маржон, узук, билагузук, шокилалар), зардўзи кийимлар, сўзана, дорпеч, ёстиқ жилди каби уй жиҳозлари тайёрланди.

16—17- а.ларда Ўзбекистоннинг ҳунармандчилик марказларида ипак, ип, жун матолар (атлас, кимҳоб, зандоначи, бахмал, бўз, чит, шоҳи) ва тайёр буюмлар (рўмол, салла ва б.) ишлаб чиқарилди. Ранг-баранг ва зарҳалланган ислимий нақшлар, қушлар тасвири б-н безатилган ўрдак шаклидаги эгарлар ясалди.

14—15- а.ларда олдин шаклланган нақш услуби янада тараққий этди. Буюмлар шакли, унга уйғун ҳолда бўлиниши ва берк ҳандасий майдон, ҳошия, йўл, турунжларга бўйсундирилган ўсимлик ва ёзувли нақш мужассамоти уларга узлуксиз ҳаракат, куч, чексизлик, барқарор сокинлик ҳиссини бахш этиш б-н бирга ҳаёт жўшиқлиги, абадийлиги ва гўзаллигини яратди.

Барча даврларда бўлганидек, 14—17-а. амалий безак санъатида 2 оқим — расмий ва халқ санъати мавжуд эди. 18—19- а. ларда ҳам халқ санъати бирмунча эркин, ҳаётга яқинроқ эди. 18- а.лардаги мураккаб тарихий шароитларда амалий безак санъати секин ривожланди,



Кўза. Сирланган сопол. Чоч, 9–10-а.лар.

биноқ у ўзининг асосий ҳаётийлик мазмунини ва ип матолар и. ч., ипакчилик, гиламчилик, палос тўқиш, заргарлик, қудолчилик, чарм, тош, ёғоч, металлга бадий ишлов бериш каби барча турларини сақлаб қолди. Оммавий буюмлар шакли ихчам ва нафис бўлиб, уларнинг безагида алоҳида эгилувчан чизиқларнинг оқувчанлиги б-н берилган гуллар боғ мавзулари етакчи урин тутди.

Андижон, Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Хива, Тошкент ва б. тўқимачилик марказларида гулсиз ва мураккаб гулли ип, ипак, нимшойи, жун матолар тайёрланди. Гўзаллиги ва иқлимга мосланганлиги б-н қирмизи рангли матолар ажралиб турган; қирмизи рангли ҳосил қилиш учун мато бир ой давомида ўнлаб жараёнлардан утказилган. Бу матолардан тайёрланган буюмлар (дарпарда, дастурхон, кўрпа авра, бўғжона ва б.да тақсими ва марказий мужассамотларга жойлаштирилган чиройли серҳашам гулли мавзулар етакчи ўрин тутган. Йўл-йўл нимшойи «олача», «йўл-йўл» зар ва кумуш гулли парча ва б. матолар тўқилган. Ипакдан парча, атлас, шоҳи, баҳмал матолар тайёрланган. Абрбанди усулида тайёрланган абр гулли матолар ўзига хослиги б-н ажралиб турган. Уларнинг шўхчан ранглардаги ажойиб гули орасидан дарахтлар, шоҳ-бутқоқлар, гуллар, мевалар ва б.нинг тасвирларини илғаб олиш мумкин, бўяш усули туфайли найза шакли ва майин оқувчан титроқ чизиқли ранг доғларининг таъсирдан ўйини яратилган. Ранглардаги ана шундай тасвирий уйғунлик Шаҳрисабзнинг йўрма чокда тикилган нафис гулли ипак сўзаналарига ҳам хос, рангдор дўппилар ҳам зийнатли қилиб тикилган. Байроқлар ва ҳарбий белгилар тикилган кашталар рамзий маънога эга бўлган. Бухоро, Самарқанд, Тошкент

Лаганлар Оқ-кўк сир б-н ишланган сопол. Самарқанд, 15-а.

каби зардўзлик марказларида аслзодалар учун бош кийимлар, тўнлар, ёстиқ жилдлари ва б. буюмлар тайёрланган.

Чармга бадий ишлов бериш соҳасида рангли чармдан безатилган китоб муқова-

лари ва қоғоз учун жилдлар тайёрланган, улар ута маҳорат б-н босма усулида ишланган олтин ёки кумуш б-н қоқланган. Кўпинча ёзувлар б-н уйғунлаштирилган безак мужассамоти кенг тарқалган. Рангли металллар (жез, қизил ва сариқ мис)дан тайёрланган рўзгор буюмлари ҳам шу усулда безатилган. Кўза, баркаш, чойнак, косалар майда чирмовиқсимон ислимий гуллар б-н қоқланган, баъзан уларга шеърӣй ёзувлар, маталлар моҳирона жойлаштирилган.

Кандакорлик санъати марказларида яратилган буюмларда маҳаллий ўзига хослик хусусиятлари кўзга ташланади. Самарқандлик усталар саёзроқ бўртма ҳосил қилиб нафис нақшлар яратди. Бухоронинг кандакори расмлари текис бўртмали чизма усулида яратилди. Бухоролик усталардан уста Шокир (18-а. боши), уста Баратбой ва Шоли Муҳаммад (18-а. охири – 19-а. бошлари) ишлари сақланиб қолган. Анъанавий шакллардаги чиройли идишлар (лаган, коса, кўза ва б.)нинг оқ заминдаги кўк, феруза, яшил, пушти ранглари софлик ва салқинлик ҳисси б-н тўлган. Заргарлар томонидан тож, аёлларнинг пешона безаклари, тилла маржонлар, узуклар, тилла ва кумушдан ҳар хил тошлар (лаъз, феруза, лажувард, зумрад, нефрит, ақиқ ва б.) қадаб шокилани зирраклар ясалди. Чиройли безатилган от абзаллари ва қуроллар тайёрланди, тилла ва кумушдан ишланган пичоқ қинлари нафис ислимий нақшлар б-н босма усулида безатилди, суяк ва нефритли пичоқ дасталари бўртма рангли тошлар б-н тўлдирлиб нақшланди ёки шабака нақшларга феруза кўзлар қадаб безатилди. Глиптика юқори маҳорат даражасини сақлаб қолди. Мухрлар ва заргарлик безаклари асосан ақиқ ва б. рангли тошлардан ишланди. Бадий ифодалиликка шаклнинг (думалоқ, чўзинчоқ,



Ёғоч ўймакорлиги намунаси (эшик). Бухоро, 16-а.

серқирра, шаклдор) гузаллиги ва нақшин ҳусниҳат ёзувларининг моҳирлик б-н жойлаштирилиши орқали эришилди.

18-а. охирида амалий безак санъати тараққиётида юзага келган кўтарилиш 19-а.нинг охириги чорағигача давом этди. 19-а.нинг 1 – ярмида қатъий шакл мужассамотини тузишга интилиш кузатилади. Бу хусусиятлар, айниқса, бадий ҳунармандлик (абрли матолар гули, зардўзлик, кандакорлик)да аниқ кўзга ташланади. Нақш мужассамоти ва мавзу шаклига кўра бир оз қатъий, сипо ва ташқи кўриниши такомиллашган. Хонадонларда яратилган кашталарда 18-а. санъати хусусиятлари (соддалик ва гўзаллик) узокроқ сақланган. Бу давр амалий безак санъатининг барча соҳалари шакл, расм ва ўзига хосликни сақлаган.


19-а.нинг 2- ярмида кўпгина шаҳар ва қишлоқлар (Марғилон, Наманган, Бухоро, Андижон, Самарқанд, Китоб, Фижувон, Ургут, Бешариқ ва б.)да хилма-хил сидирга ва гулдор ип, ипак ва ярим ипак хонаки газламалар содда ва мураккаб усулда тўқиб чиқарилган. Айниқса, пахта ва ипакдан тўқилган пишиқ тивитли матолар (духоба, баҳмал), чивик шойилар (адрас, беқасам, банорас), нафис ва енгил ипак рўмолялар (қалгай), шилдироқ ва товланувчи шойи-кановизлар, беқиёс кўркам, бўёқларнинг тафовути ва уйғунлиги билан бир-биринан ажралиб турадиган атлас, якрўя, хонатласлар, Фарғона ва Самарқанднинг нимранг ва майин гулли чой-

шаблари кенг шуҳрат қозонган. Бу матоларнинг безаш усуллари асосан гулдор ва йўл-йўл шаклда бўлган.

19- а. усталари кескин, айна пайтда мулоим ранглар нисбати (мас. пушти таг устига босилган қизғиш қора гуллар ва б.)га мурожаат қилган. Гул босилган матоларнинг безак мужассамотида боғнинг ҳаёлий равишда ўзгариб кетган образлари — чаман бўлиб очилган гуллар, латиф ғунчалар, чирмашиб кетган новдалар, палаклар, барглар, пишиб турган анор, бодом ва б. кенг урин олган. Ҳандасий шакллар эса мужассамотнинг равон, айна пайтда аниқ ритмларига бўйсунди, бу айниқса, ранго-ранг ҳошияли, уртасида катта-катта қаторли доиралар жойлашган намуналарда кўзга ташланади.

Бу давр каштачилик санъати ҳам турли маҳаллий марказлар (Бухоро, Нурота, Шаҳрисабз, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Пскент ва б.)да ривож топган. 19- а.нинг 80- йларигача кашта ипақ, жун ҳамда хонаки табий оқ ва қизғиш рангларда оҳорланган ип газламаларга тикилган. Кейинчалик йирик зеб-зийнатлар учун тикиладиган кашталарга бинафша ранг, сариқ, зангори ва тўқ сариқ рангдаги косибий ипақ матолари (шойи) ҳамда фабрикада тўқилган матолар ишлата бошланди. 80- й.ларга келиб ипларни оҳорлашда нил бўёқ қўлланиши кашта сифатининг пасайиб кетишига олиб келган бўлса-да, айна пайтда ранглар мажмуасининг ўта ёрқинлигига ва ранг-баранг товланишига асос бўлди.

Ипақ матолар. Бухоро, 19- а.



Асарнинг образ тузилишида маҳобатлиликка интилиш анъанаси Самарқанд, Тошкент сўзаналари, Бухоро абрли матоларида ёрқин намоён бўлди. Самарқанд кашталарида бунга мужассамотнинг аниқлиги ва соддалиги, йирик турунжларнинг бир маромда жойлашуви ҳамда кучли новдалар б-н ўралиши, ҳар хил ранглар (қизил, қора, оқ) уйғунлигидаги жиддийлик орқали эришилган. 19- а.нинг 1- ярми ва урталарида яратилган жўшқин ритмли сўзаналарда бевосита гулдаган боғ кўринишлари ифодаланган бўлса, янги кашталар ўта сиполиги б-н диққатни тортди. Ўз даврининг эстетик ғояларини ифодалаган кашталар янги бадий ифода шакллари юзага келтирди, янги образли маъноларга эга бўлди. Бухоро абрбанди усталари санъатида каштачиликдаги каби йирик ва умумлаштирилган «ой», «дахра», «патнис», «зулук» ва б. мавзулар эни аввалгидан 1,5 барабар кенгайган мато кенглиги бўйлаб жойлаштирилди. Бу ўз навбатида нақш мужассамотида салбий таъсир этди, «бой» сўзана ва гиламларда бўлгани каби кенгайтиришга интилиш юзага келди, усталарнинг бевосита безакдаги мужассамот, ритм, кўламини ҳис этиш қобилияти йўқолди. Бу каби ҳашамдорликка интилиш зардўзликда кучли намоён бўлди.

Ўзбекистон каштачилигининг ноёб тури зардўзлик санъати 19- а.нинг ўрталарида Бухорода гурираб ривожланган. Моҳир усталар амир саройи устахоналарида амирнинг ўзи ва сарой аҳли киядиган дабдабали кийимларга пардоз беришган. Зар ва кумуш иплар б-н эркаклар тўни, салла, дўппи, шалвар, пойабзаллар, аёлларнинг кўйлак, камзул, пешонабанд, рўмол, этик ва б. тикилган. Рангдор тош ва металл қуббалар қўшиб тикилган зардўзлик буюмлари саройнинг ички қисмини, от жабдуқларини безашда кенг қўлланилган.

Асрий анъаналарни ўзлаштирган заргарлик санъати 19-ада ижро усулларининг хилма-хиллиги, шаклларга бойлиги, кўлами б-н ажралиб туради. Усталар шабака, қоплама ва қадлама, зиғирак, босма, совоткори, чизма, кандакори, зарҳаллаш, сирлаш, ўйма, қўйма ва б. турли ижро усулларидан кенг фойдаланган. Буюмлар шакллари ифодалилиги ва нафис ечимга бойлиги б-н ажралиб туради. Чакка тақинчоқларига кўп





Ханжарлар. Бухоро, 19- а.

қаватлилик, занжирли мунчоқ, япроқчалардан тузилган шокилалар оқими б-н турунжларнинг оралаб келиши, лаъл, маржон, феруза, ақиқ, лажувардининг олтин ва кумуш б-н ёрқин уйғунлашуви хос. 19- а.нинг 2- ярмида ҳашамдорлик ва безакдорлик хусусиятлари заргарлик санъатида аниқ кўзга ташланади. Тақинчоқлар дабдабали ва кўполлашиб борди, уларнинг шакли мураккаблашди, ҳажми катталашди. Мезоннинг бузилиши, ўз навбатида, буюмларнинг нақшлар б-н тўлдиришга, кўзга ташланувчи рангдорликка олиб келди. Ўрта ҳол аҳоли учун тайёрланган буюмларда қимматбаҳо тошлар рангли шиша, ўта меҳнат талаб қилувчи зиғирак усули қолипаки усули б-н тез-тез алмаштириб турилди. Анъанавий йўналиш б-н бирга европа анъанаси таъсирида заргарлик буюмларининг ўта ихчамлиги, яхлитлиги, аниқ шакли б-н ажралиб турувчи янги йўналиш кузатилди.

19- а. ўрталарида Риштон кулоллик марказларидан бири бўлди, бу марказ усталари (уста Тўхта, уста Абдулло ва б.) мўйқалам б-н ишлашнинг ўзига хос усулини ишлаб чиқди. Гул ва чирмовиқлардан иборат нафис мовий расмлар («Баҳор» нақши) нозик ва енгил тўр б-н идиш юзасига ишланди.

19-а.нинг ўрталарида келиб Ўзбекистонда кулолликнинг асосий марказлари шаклланди: Фижлувон, Самарқанд, Риштон, Фурумсарой, Денов, Хоразм ва б. Бу ерларда тайёрланган сопол буюмларнинг ранг гуруҳ (мажмуа)лари аниқ чегараланган (мовий ва оқ-зангори ҳамда зангори ва кўнғир-сариқ). Муайян рангларга мойиллиги ишлатилган моддалар таркибига асосланган. Фарғона ва Хоразмда ишқорли сир ишлатилгани учун безакда мовий, оқ, зангори ранглар мажмуаси ҳукмронлик қилади. Фарғонада идишлар кўпроқ нозик гул, ўсимлик элементлари б-н безалади. Хоразм кулоллари ишлаган гуллар меъморий сопол безакларга яқин бўлиб, буралиб-буралиб тиралган ҳамда ҳандасий шакллар б-н ўралган ҳолда тасвирлан-



Сўзаналар. Шахрисабз ва Нурота, 19- а.

ган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби қурғошин сир ишлатиладиган жойларда сариқ, қизғиш, қунғир ранглар мажмуаси асосий урин тутати. Гуллар ўзининг шўхчанлиги, ёрқинлиги б-н ажралиб туради.

19- а. охирида ёғочга бадий ишлов бериш ривожланди. Рўзгор буюмлари, уй жиҳозлари, мусиқа асбобларини безашда усталар ўйма, бўяма ва қалама усулларидан унумли фойдаланди. Айниқса, ўйманинг икки тури – заминсиз ва заминли турида яратилган нақшлар бадий ифодалилиги б-н ажралиб туради. Ёғоч ўймакорлиги, темперада ишланган бўяма нақш б-н бир қаторда олдий бўялган рўзгор буюмлари (жавонча, бешик, чигириқ ва б.) ҳам кенг тарқалди.

19- а. охири – 20- а. бошларида амалий безак санъати тараққиёти жуда мураккаб ва қарама-қаршиликларда кечди. Унда янги услубий белгилар, янги образ ечимлари кузатилди. Бироқ айрим соҳаларда турли даражада тушкунликка мойиллик кўзга ташланди. Бу безашга берилишда ва ҳашамдорликда, кенг халқ оммасига мўлжалланган рўзгор буюмларида эса ижодкорликни йўқолиши ва соддалашувида кўринди.

Маъжур даврда тўқимачилик, каштачилик, гиламчиликда майин тусларга эга бўлган ўсимлик бўёқлари ўрнига чидамсиз ва ўта ёрқин анилин бўёқларининг ишлатилиши, попопда кашта тикилиши, кулолликда руҳли сирларни қўлланиши ва б. шунга ўхшаш хусусиятлар хос.

Амалий безак санъатида давр руҳи анъаналарига эркин ижодий ёндашишда, аввало, нақшнинг аниқ тасвирий мавзулар б-н бойишида ўз ифодасини топди. Мис буюмлардаги кандакори нақшларда ҳайвон, қуш, балиқ ва ҳатто меъморий обидалар тасвири кенг киритилди. Риштон, Хоразм, Ғиждувон сопол идишлари безагига мусиқа асбоблари, пичоқ, милтиқ, кўза, чойнак,

ҳайвонлар, қушлар тасвири киритилди. Бухоро абрли матолари – адрасда даврнинг техника янгиликлари (керосин лампа ва б.), заргарлик буюмлари, мас., туморларда, соат, чинни, чойнак, пиёла ва б. тасвирилар жойлаштирилди. Бу ерга четдан келтирилган мато, чинни ва б.даги тасвирий мавзулар шундайлигича ўзлаштирилди. Амалий безак санъатининг айрим турлари (матого гул босиш, каштачилик, кулолчилик ва б.)да услубий намуналар, анъаналар, мав-

зуларнинг шартлилик даражасини кучайтиришда, уларни ўта умумлаштиришда кузатилади, хусусан, шу даврда яратилган нақшларда гул, меванинг аввалги образи зўрға илғаб олинади.

Кулолликда 19- а.нинг охиридан руҳли сирдан фойдаланиш бўёқлар жилвасини бойитди, ёрқин кўп ранглилик юзага келди. Бу соҳада каттақўрғонлик усталар юксак бадийликка эришди (уста Ҳидоят ва б.). Кулолликда ҳам мато ва каштачиликда бўлгани каби безакдаги образ қурилишида маҳобатлиликка интилиш кузатилади, бу буюмлар шаклидан ташқари нақшларни ишлаш усулида ҳам ўз аксини топади: жўшқин маромда берилган майда гуллар ўрнини йириклари эгаллади. Усталар мавзунини нозик ишлашдан умумлаштириб беришга ўта бошлади, нақш муҳассамотига турли хил тасвирилар (кўза, пичоқ, мусиқа асбоблари ва б.) эркин киритилди. Сопол буюмлар безагига рус чинниси, матоси расмлари ҳам таъсир этди. Россия ва Хитой чинни ва металл идишларининг оммавий келтирилиши кулолликка таъсир этди. Буюмларни оммавий и. ч., арзонлаштиришга интилиш уларнинг бадий қийматини тушириб юборди.

Тош ўймакорлиги буюмлари бу даврда кенг тарқалмади. Амалий аҳамиятга эга идишлар деярли битилмади, оқ, кулранг, қора мрамрдан ясалган безакли лаганларгина яратилди, паст бўртма



Аёллар тақимчоқлари Тошкент, 19- а.

ҳосил қилиб ишланган марказий доира — бўлақларга бўлингандан то бутунлай қоплаб безатилган, чирмовиқлар ҳандасий мавзу ва ёзувларнинг нафис ўрамларини ҳосил қилган. Глиптика санъати тараққий этди, қимматбаҳо тошлар ва металлдан муҳрлар тайёрланди, доира, овал, кўп қиррали, бодомсимон шаклларга ёзувлар маҳорат б-н жойлаштирилди. Ёзувлар нафис гулларнинг муъжаз тасвирлари б-н тўлдирилди.

19- а.нинг охири — 20- а. бошларида амалий безак санъатида соддалаштиришга интилиш кузатилди. Иқтисодий ва техника тараққиётининг янги шароитларида янги хусусиятлар юзага келди. Бу даврда амалий безак санъати секин ва нотекис ривожланди, унга услубий бирликнинг йўқлиги хос бўлиб, қарма-қарши анъаналар ва хусусиятларни кузатиш мумкин. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитлар амалий безак санъатида бадий йўқотишларга олиб келди.

20- а.нинг 20- й.ларидан кейин ўзбек амалий безак санъати кўшни халқлар санъати б-н бир оқимда ривожланди. Гоявий-бадий жиҳатдан бу давр тушқунлик анъаналарини энгиб ўтиш, ўтмишнинг яхши анъаналарига таянган ҳолда янги тараққиёт йўллариини излаш даври бўлди. Ижодий ворислик ҳаётга кириб бораётган дунёқарашини умумлаштиришда, нақш мужассамоти доирасининг кенгайишида ўз ифодасини топди.

1920—30 й.ларда Ўзбекистонда маҳаллий бадий саноат юзага келди. Бадий ҳунармандликнинг кўплаб соҳалари (ипакчилик, каштачилик, зардузлик, кандакорлик ва б.) тикланди. Абрли матоларда (либослар учун) Фарғона услубий йўналиши, мураккаб расмнинг нафис ишланиши (А.Аҳмедова ва б.), интерьер учун (чайшаб) Бухоронинг сўнгги йирик, ихчам мавзуларининг лўндалиги етакчи бўлди. Анъанавий матога гул босишни тиклаш б-н бирга мавзули тасвирлар излаш ишлари бошланди (А.Абдуғафоров, Г.Қўзиев, К.Қўзибоев). Каштачиликда (сўзана) 19- а.нинг энг яхши анъаналари (гулдорлик, самимийлик, ифодалилик) тикланди (Р.Ражабова, З.Ковалевская). Пополда тикилган сўзаналарда марказий майдон кўп қаторли кенг ҳошияланган қуюқ ўсимлик гуллари б-н тўлдирилган асосий мужассамот тури шаклланди. Маҳаллий дўппилардан Чустнинг «чуст», Шаҳрисабзнинг «ироқи» дўппилари кенг омалашди. Патли гилам буюмлари ва анъанавий ҳандасий гулли палослар ишлаб чиқилди. Илк бор портретли гилам (уста Ф. Абдуллаев) яратилди. Заргарлик бу-

Лаганлар: 1. Самарқанд; 2. Шаҳрисабз; 3. Риштон; 4. Тошкент (20- а.нинг боши).


юмлари шаклан соддалашди (Абдували Абдурасулов, Абдуғани Абдурасулов, Абдукарим Абдурасулов, С.Почаев, К. Мирқоқов ва б.). Кандакорликда мавзули тасвирийликка интилиш кучайди (А.Ҳамидов, В.Столяров ва б.). Кулолликда яхши анъаналар ривожлантирилди, расмнинг мукамаллиги, бўяма нақшнинг ёрқинлиги орди, унинг таъсирчанлиги кучайди (Т.Миралиев, М.Исмоилов, У.Шерматов ва б.).

30- й.ларнинг ўрталарида амалий безак санъатининг саноат тараққиёти бошланди. Бадий саноатнинг дастлабки корхонаси — Тошкент тўқимачилик к-ти ишга тушди (1934), чизга гул босишнинг янги тармоғи юзага келди. Матонинг бадий безаш усули рус (Москва, Иваново, Серпухов ва б.) чизга гул босиш анъаналари, миллий халқ ижоди ва ютуқларини ўрганиш заминиди шаклланди. Амалий безак санъати бадий ҳунармандлик, бадий санъат ва уйда и. ч. каби 3 йўналишда ривожланди.

Бу даврда амалий безак санъатининг айрим турлари нотекис ривожланди. Матоларни безаш санъати, гиламчилик, дўппидўзлик, кулоллик тараққий этди. Кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик ўзининг амалий аҳамиятини бирмунча йўқотиб, безак вазифасини ўтаб борди. Аср бошида мағзи сохта буюмларини безаш, баҳмал тайёрлаш, чарм буюмларни безаш, зардузлик йўқолиб кетди. Асосий асарлар усталар томонидан анъанавий усулда яратилди,



Этар. Тошкент. 1930- й.лар.



нақшларнинг доимий шакли ва мавзулари санъатнинг ҳаётий асослари ва унинг ички мазмуни, янгиликка сезgirligi туфайли замонавий оҳанг ола бошлади. Маҳаллий санъат мактабларининг ютуқлари асосида амалий безак санъатида умуммиллий хусусиятлар ортиб борди.

2- жаҳон уруши йилларида тўқимачилик ва кулоллик тараққий этди. Тошкент тўқимачилик к-тида содда усулда ишланганидан матолар ишлаб чиқарилди. Рассомлар рангларнинг кескинлигига асосланган содда гуллар яратди: бир рангнинг туслари доирасида товланишига асосланган колорит бойитилди. Кейинчалик матоларни бадий безаш анча ривожланди, тўқимачилик артелларида анъанавий йўл-йўл ва катак матолар (қалами, олача, жанда ва б.) ишлаб чиқарилди. Атлас ва беҳасамлар кам миқдорда тўқилди, бадий саноатда тўқимачиликнинг янги турларидан жаккордди тўқимачилик давом этди.



Носқовқлар. 1920—30- й.лар.

Кулоллик буюмларини и.ч. ўсди, миллий шаклларидаги сопол буюмлар (хум, тоғора, коса, лаган ва б.) тайёрланди, буюмларнинг кўп қисми безатилмади. Безакли идишлар анъанавий нақшлар б-н қопланди. Бўяма нақшда нафис ва ифодали феруза-яшил-пушти ранглар етакчи ўрин тутди. Каштачилик, заргарлик буюмлари, кандакори мис идишлар, ўйма ва бўяма нақшли буюмлар тайёрлаш бу йилларда қисқарди.

Марғилон шойи тўқиш к-ти ишга тушди (1943-47), мамлакат тўқимачилик саноати учун ягона бўлган усулда безатилган ва уларнинг миллий анъаналарини бойитаётган ипак ва сунъий толадан босма гулли ва жакордли матолар ишлаб чиқарила бошланди. Кулоллик, кандакорлик, матога гул босиш, ёғоч ўймакорлиги ва наққошликда (кўрғазма ишларда) мавзули тасвирийликка интилиш кучайди, бироқ ўз навбатида дастгоҳлилик омилига риоя қилиш усталарнинг ижодий изланишларини чеклаб қўйди. Халқ усталари Уста Ширин Муродов, Маҳмуд Усмонов, Абдулла Болтаев ва б. Навоий театри, Муқимий театри ва б. биноларни безашда фаол қатнашиб, миллий ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлигининг ноёб намуналарини яратди.

50- й.ларда ёғочни безаш соҳасида уй жиҳозларини безатиш доираси кенгайди, усталар безак шаклларида амалий буюмлар (хонтахта, китоб жавони, ёзув столи, трюмо ва б.)ни безашга ўтдилар. 60- й.лардан ёғоч ва ганч ўймакорлиги анъаналаридан замонавий жамоат биноларини монументал безаклар б-н яхлит безашда кенг фойдаланилмоқда.

1960–70- й.ларда ижтимоий ҳаётий муҳит санъатда миллийлик ва байналмилалликнинг ўсишини таъминлади,

Дўппилар. Шаҳрисабз, Андижон, Бухоро ва Тошкент. 1950–70 й.лар.

усталарнинг ижодий фаоллиги ортди, бадиий саноатнинг янги корхоналари юзага келди. Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг қуввати ошди (Тошкент, Марғилон


к-тлари, Самарқанд ф-каси). Тўқимачиликда ривожланган саноат ишлаб чиқариши б-н бир қаторда ижодий қўл меҳнатини талаб этувчи анъанавий абрли ипак матолар и.ч. ҳам ўсди. Абрбанди санъати ўзининг янги кўтарилиш жараёнини бошдан кечирди («Атлас» фирмаси, Наманган шойи тўқиш фабрикаси). Усталарнинг ижодий изланишлари анъанавий шакл чегарасини кенгайтирди, бу ўз навбатида катта безак кучлари б-н бадиий умумлашмаларни амалга оширишни таъминлади. Усталардаги даврнинг долзарб воқеаларига жавоб беришга интилиш истаги матоларни безашда рамзий ечимларни қўллашга олиб келди: «Йўлдош», «Шарқ», «Беруний юлдузлари» ва б. тасвирий мавзули орқалигина эмас, кўпроқ дадил қўлланилган ёрқин ранглар нисбати, мужассамотнинг ўта жўшқинлиги умумий кўтаринки кайфият орқали берилган (А. Абдуғаниев, Т. Мирзааҳмедов, Х. Муллажонов, М. Собиров, С. Тошпўлатов, А. Ҳамидов, Э. Умаралиев ва б.). Гиламчилик ва палос тўқиш, кигизчилик ривожланиб борди. 60- й.ларнинг охиридан Самарқанд вилоятида узун



патли жулхирлар тайёрланди. Уларнинг гули ва ранглари қизил жигаррангдан қуюқ ва тўйинган тўқ қизил рангларга чексиз турланди. Турли хил ҳандасий гулли («араби», «гажари», «терма» ва б.) палослар ёрқин қарама-қарши рангларни уйғунлаштириб тўқилди (Т. Жўраева, Д. Қўчқорова, Б. Маматраҳимова, Б. Мирзаева, А. Пардаева, А. Рўзибоева, Б. Холматова, О. Хуррамова ва б.). Умумий анъаналар ва маланиятлар яқинлашуви таъсирида Ўзбекистонда янги соҳа бўлган патсиз гилам, тасвир туширилган мато (жумладан, шаҳар кўриниши ва б.) – мавзули намоенлар устида ишланди.

Каштачи ва чизмакашларнинг санъати андозасиз, қолипсиз тажриба ва иш жараёнида ҳаёлот оламида яратилган, тугалланган мураккаб нақш мужассамотларини юзага келтирди, турли аҳамиятга молик буюмлар (йирик сўзанадан тортиб майда чой халтагача) тайёрланди (Б. Аҳатова, Ф. Рамазонова, П. Шоқулова, А. Шукурова ва б.). Ўзбекистон халқ рассоми, каштадўз Ф. Сайдалиева ўзига хос портрет («Навоий», «Ойбек» ва б.) ва мавзули намоенлар яратди.

Атлас ва беқасам намуналари. Марғилон, 20- а.





Ширин Муродов.



Абдулла Болтаев.



Махмуд Усмонов.

Пополда кашта тикиш кенг тарқалди. Қўл ва машина каштасида яшнаган табиат гоёси қуёшсимон турунж ёки япроқлар ва чирмовиқлар б-н ўралган бутта кўринишида талқин этилди. Амалий безак санъатининг нодир тури бўлган зардузлик усталар томонидан авайлаб асарлди ва ривожлантирилди. Ислимий нақшлар б-н безатилган буюмлар (дўппи, нимча, чопон, кавуш, ёстиқ жилдлари ва б.) б-н бир қаторда дабдабали, йирик мужассамотли намоеънлар ҳам яратилди. Дўппи кашталари чеварларнинг бой ҳаёлотлари тўфайли доим ҳаракатчан тўлақонли санъат асарлари бўлиб қолди, гуллари нафис, ранглар уйғунлашиб борди, янги безак нусхалари юзага келди. Парча матосини ишлатиш, турли-туман каштачиликнинг маҳаллий хусусиятларини эркин қўллаш янада чиройли ва енгил ижро этиладиган нусхалар яратиш имконини берди.

Буюмларида анъанавий ва замонавийлик уйғунлашган заргарлик саноати юзага келди (Тошкент заргарлик э-ди, 1963). Тиллага ёқут, гавҳар, дур, феруза кўзлар, шунингдек, арзон металларга

Л. Семизорова. «Чошгоҳда» гобелени.



шиша кўзлар қадаб узук, зирак, билагузук ва б. буюмлар и.ч. йўлга қўйилди (И. Жаваров, Ю. Королев, К. Маликов, У. Шоакбаров ва б.). Замонавий заргарлик санъатида умумийлик ва маҳаллий ўзига хослик хусусиятлари уйғунлаштирилди. Қўлда ишланган буюмларда ҳар бир вилоят усталари анъанавий кўринишларни сақлаб қолди.

Чинни саноати яратилди. Республикада биринчи чинни заводи 1953 й да очилиб, у ерда Ўзбекистон халқ рассоми М. Раҳимов, С. Ракова, А. Аминовлар ижодий тажрибалар олиб боришган. Кейинчалик уларнинг сафига Я. Қорабоев, Х. Ҳайдаров, А. Нугмонов, А. Мирзабоев, Б. Собиров қўшилган. Ўзбекистон чиннисозлиги халқ амалий санъати анъаналари асосида ривож топган.

Қарама-қарши ёрқин рангларнинг уйғунлиги, зарҳалли нақшнинг мураккаб ва қуюқлиги орқали буюмларни шўхчан безатишга эришилди: кўк, қизил, сариқ ва б. ёрқин заминда зарҳал б-н жонлантирилган ёрқин оқ гул кўзга ташланади (Р. Орифжонов, А. Нўъмонов, Ё. Қорабоев, А. Мирзаев, Ф. Гулиев, А. Добрякова, Л. Петрухова, О. Северова ва б.). Рассомлар ўзларининг

якши асарларида байрамона кайфият ва ижодий миллий ўзига хосликни бера олди. Йирик халқ усталари бўлган кўплаб маҳаллий кулоллик мактаблари ўсли. М. Облоқулов, М. Бекжонов, У. Жўрақулов, Р. Зухуров, И. Комилов, Й. Нарзуллаев, М. Раҳимов, Т. Рустамонов, Х. Сатимов, У. Умаров, А. Ҳазратқулов, М. Халилов ва б. усталарнинг ишларида халқ санъати анъаналарининг эркин ва уйғунликдаги тараққиёти намоеън бўлди. Нақш ва чизмаларда расм чизиқларининг эркин усули, ранглардан моҳирона фойдаланишнинг ҳаммаси жонли, ҳаёт ва қувонччи кўтаринки руҳда образли му-

жасамлаштиришни юзага келтирди. Мавзули тасвирлар (ўйнаётган бола, она-бола, пахта тераётган ўсмир ва қизлар), бевосита ҳаётий ҳузатишларни лирик берилиши кулолликни мазмунан бойитди (С. Ракова). Майда шакллар ҳайкалтарошлигида кулгили маиший жанр юзага келди: «Шахматлар», «Кабобхона», «Эгизаклар», «Ҳофиз», «Кулол», «Кураш» ва б. (А. Мухторов).

1960—70 й.лардан бошлаб Ўзбекистонда амалий безак санъатининг ноанъанавий шакллари юзага келди. Бадий мато, анъанавий бўлмаган чинни, шиша, кулоллик, заргарлик буюмлари кўргазмаларда намойиш этилди, айни вақтда бу маҳсулотлар шаҳар, маиший, меъморий ва б. муҳитнинг кўркемлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Анъанавий бўлмаган кулоллик намуналари дастлаб У. Жўрақулов, М. Рақовалар ижодида намоеън бўлган. Янги ранг ва пластика воситаларининг уйғунлашувига асосланган анъанавий бўлмаган кулоллик йўналишида С. Султонмуродов, А. Кедрин, А. Ядровой, У. Маматбоев, А. Раҳимов, кейинчалик С. Каримхонова, Г. Дергач, Э. Абрамов, Ш. Мўминова ва б. самарали ижод қилган. Бу кулоллар асарлари дастлаб кўргазмаларда намойиш этилди. 70- й.лар ўртасидан Тошкент ш., сўнгра бошқа шаҳарлардаги жамоат биноларини безай бошла-



А. Мухторов. «Аждаҳо» ҳайкалчаши.



Фазилат Сайдалиева.

ди («Халқлар Дўстлиги» саройи, «Чорсу» меҳмонхонаси, Тошкент метрополитени бекатлари ва б.).

1970-й.ларда бадий шишасозлик ҳам пайдо бўлди. Одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондирадиган оммабоп буюмлар б-н бирга кўرғазма залларида намойиш этиладиган санъат асарлари ҳам яратилди (В. Дудин, И. Егорова, Ж. Забудская ва б. ижоди).

Ноанъанавий амалий безак санъатининг gobелен, батик каби турлари ҳам Ўзбекистонда 1970-80 й.ларда пайдо бўлган (М. Чурлу, Я. ва А. Исҳоқовлар, И. Ярема, Л. Талдикина ва б.).

Фарғоналик gobелен устаси Л. Семизорова ўз ижодий фаолиятини 1970 й.ларда бошлаган. Унинг асарларида табиат мавзуси етакчи ўрин эгаллайди. Чунончи, абстракт тасвир ва текис (туксиз ва тукли) матоларнинг уйғунлашуви, омухта техникаси, маъноли фактура ва рангтаъсирли бўртма нақшлар ўзига хос безак композицияларини юзага келтирди.

Ҳоз. кунда gobелен соҳасида В. Усеинов самарали ишлаяпти. Унинг асарлари анъанавий текис услубда тўқилган gobеленлар ҳамда чий тўқиш жараёнини ўзида мужассам этган ҳажмли мужассамотлардан иборат. В. Усеинов турли материаллардан фойдаланади (шойи, жун, синтетик иплар, каноп, чий ва б.). Унинг gobеленлари бир неча қисмдан иборат бўлиб, ҳар бири ўзига хос фалсафий мазмунни ифода этаётган абстракт ёки муайян шакл-шамойилга эга мужассамотдир. Ижодкорнинг барча асарларида яширин фалсафий маъно, мулоҳаза учун мавзу берилган.

Охириги 10 йил мобайнида М. Тюрин ҳам gobелен соҳасида фаол ижод қилмоқда. М. Тюрин асарларининг мавзулар доираси кенг бўлиб, бир қисми ўзаро зид ранглар уйғунлашуви б-н графика асарларини эслатса, бошқаларида эса табиат мавзуси ижодкоргагина хос услубда, нозик бадий тилда ифода этилган.

Р. Иброҳимова ҳам gobелен йўналишида фаол ижод қилади. Унинг ижодидан



Муҳиддин Рақимов.

нақшли ва сюжетли композициялар ўрин олган. Р. Иброҳимова ҳам хилма-хил техник турлардан фойдаланиб (мас. турли қалинликдаги ипларни текис тўқиш ва ўриш), бўртма нақшнинг пластик мазмундорлигига эришган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон амалий безак санъатида бадий газламанинг батик тури ривожланди (1992 й.да тузилган «Батик» гуруҳи: Л. Сайфи, И. Лисенко, О. Колесникова, Н. Кучина, М. Стрельникова, Р. Мираҳмедовалар). Гуруҳ рассомлари рўмол, дуррача, бўйинбоғ, қийқ рўмолларга гул солишдан бошлаб, аста-секин турли либосларга гул туширишга, батик усулида муайян мавзуга бағишланган расмлар яратишга, чармга нақшлар босишга ўтдилар. Жаҳон санъати намуналари рассомлар учун илҳом манбаига айланди. Уларнинг асарларида ислимий нақшлар б-н бир қаторда япон, ҳинд, қад. Миср, Африка санъати мавзулари учрайди.

«Батик» гуруҳи ва Л. Сайфи либослар тўғрисида Шарқ маданиятининг анъаналари яққол намоён бўлади (аноргул, бодомгул шақллари, анъанавий ўзбек ва туркман гиламдўзликка хос ҳандасий нақшлар, зардўзлик санъатига оид тасвирлар ва б.). Гуруҳ томонидан иссиқ батик усулида ишланган «Баҳор» маҳобатли намоёнлар туркуми («Шератон - Тошкент» меҳмонхонаси, 1998—99 й.лар) — ижодкорларнинг ўрта асрлар Шарқ миниатюра санъати анъаналарига ижодий ёндашувининг ёрқин намунаси.

«Батик» гуруҳидан ташқари санъатининг бу турида Л. Бойматова, А. Аллабергеновалар ҳам ижод қилмоқдалар. Л. Бойматова ижодининг негизини манзарали, авангард йўналишдаги асарлар ташкил этса, А. Аллабергенова ижодида эса миниатюра, меъморий ёдгорликлар, халқ амалий безак санъати мавзуларидан фол фойдаланиши ўзига хосдир.

Замонавий ўзбек амалий безак санъати мураккаб, бой ва серқирра соҳадир.

Усталарнинг асарлари ҳаётни кўтаринки, турмуш қувончларини эҳтиросли, замон руҳига ҳамоҳанг бўлган образларда мужассамлаштирган.

Сўнги йилларда амалий безак санъати 20 дан ортиқ соҳани бирлаштирган бадий ҳунармандлик, енгил (чинни, бадий тўқимачилик) ва маҳаллий (куллолик, ёғочсозлик, гиламчилик, каштачилик, зардўзлик ва б.) санъат қорхоналарини ўз ичига олган бадий санъат ва яқка тартибда ижод қилаётганлар кўринишида ривожланди. Каштачилик, гиламчилик, кигизчилик, наққошлик бўйича усталар касабачилик гуруҳига бирлашган. 1978 й.да Рассомлар уюшмаси қошида тузилган «Усто» бирлашмаси моҳир халқ усталарини бирлаштирган ва уларнинг ижодий меҳнатига ҳар томонлама яқиндан ёрдам бермоқда, уларни хом ашё б-н таъминлайди, тайёр маҳсулотларини сотиб олади ва сотади, шунингдек, унутилаётган ҳунарларни қайта тиклашга ёрдам беради. Бу бирлашманинг бевосита иштирокида қандакорлик (уста М. Малалиев ва оиласи), чигга гул босиш (уста А. Рақимов ва оиласи) каби соҳалар қайта тикланди ва ривожланмоқда. Бу уюшма тизимида устахона очилиб, Ч. Аҳмаров бошчилигида қад. санъат турларидан бири мағзи сохтадан бўяма нақшли буюмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Кўпга халқ усталари анъанавий буюмлар тайёрланадиган енгил ҳамда маҳаллий санъат қорхоналарида ҳам ишламоқда. Ганч ва ёғоч ўймакорлиги меъморий безакларда кенг қўлланилиб, бунда турли мактаб анъаналарининг ривожига алоҳида эътибор берилади. Ганч ўймакорлигининг Бухоро ва Хива мактаблари анъаналари муваффақиятли уйғунлаштирилмоқда (З. Юсупов, У. Тоҳиров ва б.).



М. Рақимов. «Қушон» туркумидаги чиннилар. Тошкент, 1974.



Р. Газалиева. Кулодлик намуналари.

Мустақиллик йилларида анъанавий маданиятга эътибор кучайган. 1997 й. «Халқ бадийи хунармандчиликларини ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли б-н қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори миллий маданиятни ривожлантиришда амалий безак санъатининг аҳамиятини ошириш, қўлда ишланган бадий буюмларни тайёрлаш, асрий анъаналарини ва ўзига хос турларини қайта тиклаш, шунингдек, халқ хунармандларига давлат томонидан мадад кўрсатишда муҳим аҳамият касб этди. Анъанавий амалий безак санъати Мустақиллик даврида тикланиши ва ривожланиши ҳар йили Наврўзда ўтказиладиган Амалий безак санъати асарлари кўргазмасида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори б-н бу соҳада бир қанча янги корхоналар вужудга келди. 1997 й. «Мусаввир» илмий и.ч. маркази қошида «Хунарманд» ассоциацияси ташкил қилиниб, республикада ижод қилиб келаётган усталар бирлаштирилди. Бугунги кунда анъанавий хунармандчиликни йўқ бўлиб кетган турларини, маҳаллий марказларини тиклаш жараёни кетяпти. Ҳоз. кунда бадийи кулодлик, кандакорлик, заргарлик, зардўзлик, анъанавий тўқимачилик, каштачилик, гиламдўзлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, наққошлик, лакли миниатюра санъати турлари ривожланмоқда.

Ад.: Пугаченкова Г., Ремпель Л., Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана, Т., 1960; Раҳимов М., Художественная керамика Узбекистана, Т., 1961; Фахретдинова Д., Декоративно-прикладное искусство Узбекистана, Т., 1972; Булатов С., Ўзбек халқ амалий безак санъати, Т., 1991; Хакимов А., Современная декоративная пластика республик Средней Азии, Т., 1999.

Камола Оқилова, Акбар Ҳакимов.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Ўзбекистон тасвирий санъати илдилари ибтидоий жамият даврига бориб тақалади. Зараутсой, Соймалитош, Сармишсой, Қораўнгир, Илонсой ва б. жойлардан топилган қоятош расмларида қадимда инсоннинг табиатга бўлган муносабати ифодаланган. Ибтидоий санъатнинг қора, сариқ ва жигарранг б-н ишланган илк намуналарида овчилик б-н шуғулланган одамлар, асосан, ҳайвонлар тасвири ва ов манзаралари акс этган. Хўжакент (Бўстонлик тумани)дан неолит даври (мил. ав. 4–1-минг йилликлар)га оид тошга ўйиб ишланган кийик, эчки, ҳўкиз ва б.нинг шарпа расмлари топилган. Овчиликдан деҳқончилик ва чорвачиликка ўтилиши қад. ижодиётда янги анъаналарни юзага келтирган. Тасвирий санъатда кўп шакли мужассамотлар пайдо бўлган, мураккаб ва маъхум тўшунчаларни ифода этувчи тасвирлар вужудга келган. Сўнги жез даври ва темир даврининг бошлари (мил. ав. 1-минг йиллик)да ҳайвонларни тасвирлаш услуби шакланган.

1-минг йилликнинг 1-чораги даври санъати хусусиятлари заргарлик буюмларида ўз аксини топган. Самарқанддан топилган ўқчи, одам-ҳўкиз, афсонавий ҳайвонлар тасвири туширилган тақинчоқлар, Тошкент атрофидан топилган шер бошли билагузуклар услуб жиҳатдан ахоманийлар санъатига яқин. Сирдарё бўйида яшаган аҳоли хонадонларида «Зариандр ва Одатид»нинг маҳаллий матни асосидаги тасвирлар бўлган.

Тасвирий санъатнинг юксакликка кўтарилиши мил. ав. 4-а. — мил. 4-а. да намоён бўлди. Унинг муҳим хусусиятларидан бири — санъатлар уйғунлашувидир, хусусан бу даврда ҳайкалтарошлик ва рангтасвирнинг меъморлик б-н ўзаро уйғунлиги намоён бўлди. Ҳайкаллар лойдан ясалган, гипс қолипларда қуйилган, айрим ҳолларда тошдан йўнилган бўлиб, инсон қиёфалари (шоҳлар, маъбуд, жангчи, созанда, масхарабоз ва б.)ни гавдалантирган.


Асосий тасвирлар сарой саҳналари, машҳур саркардаларнинг ғолибона юришларини акс эттирган. Холчаёндаги сарой деворларининг рангтасвир лавҳалари, Бақтрия маъбудларига бағишланган икки ибодатхона ва Далварзинтепа турар жойларидан топилган деворий расмлар мавзунининг хилма-хиллиги ва уларнинг маҳоратли ишланганлиги (турли этник гуруҳлар, маросимлар, қоҳин, зирҳланган чавандоз, аёллар, нақш мавзуи ва б.) б-н фарқ қилади.

Ўзбекистоннинг жан. ҳудуди ҳайкалтарошлигида буддавий давр маданиятига оид Гандхара ҳайкалтарошлиги мактаби б-н алоқалар сезилади. Айритом фризи безаклари (илоҳий созандалар, акантлар, қушон либосидаги соғва элтувчи аслзодалар тасвири) ана шундай санъат намунасидир. Далварзинтепадаги ибодатхона деворий ҳайкаллари қолипларга қуйилган бўлиб, Бақтрия-Қушон маҳаллий аҳолиси орасидан Буддага ҳайрихоҳларнинг илоҳийлаштирилган қиёфалари акс эттирилган. Деворий расмлари эса мавзуларнинг хилма-хиллиги, маҳоратли ишланганлиги б-н ажралиб туради. Фаёзтепа ва Қоратеп (Сурхондарё) ибодатхоналаридаги ҳайкаллар ва деворий расмлардаги Будда тасвирлари ўзига хос, бадийи юксак намуналардир.

Хоразм воҳаси рангтасвири ва ҳайкалтарошлик намуналари (турли жонзотлар, одамлар тасвирлари, ов манзаралари, мавзули лавҳалар ва б.) Тупроққалъа харобасида яхши сақланган. Тупроққалъа саройи (3- а.)даги лойдан ясалган, бўялган ҳайкаллар ва бўртма тасвирлар бичимдаги ҳаракатсизлиги б-н ажралиб туради; сарой деворий расмлари қаламтасвир ва чегара чиқиқларга эътибор берилганлиги, ранглар мажмуасининг бойлиги, мавзунинг хилма-хиллиги (сарой хонимлари ва аслзода ўспиринлар, арфа чалаётган қизлар, қамишзордаги йўлбарс ва б.) б-н диққатга сазовор.

Бақтрия—Тоҳаристон ҳудуди (Холчаён)да илк маҳобатли ҳайкалтарошлик

Қоятош расмлари. Зараутсой (Сурхондарё вилояти). Мезолит даври.



асарлари (ўша даврда ҳукмронлик қилган Герай сиймоси, от ҳайкаллари ва б.) топилган. Ушбу даврда кенг тарқалган терракота ҳайкалчалари диний мавзу ва сюжетлар, маъбуд (а), тарихий ва афсонавий шахслар сиймоларини ифодалаган (Буюк Она, Анахита, Дионисий ҳамда унга оид қахрамонлар, Александр Мақдуний, Аретус, Афина ва б.).

Маҳобатли санъатнинг услубий йўналишлари Ўзбекистоннинг қад. ҳунармандлик санъатида ҳам ўз аксини топган. Тангалардаги ўта индивидуаллик б-н тасвирланган юнон-бақтрияликлар томонидан қадрланган эллинистик маъбудлар, осийлик ҳукмдорларнинг қиёфалари — Кушон ва Хоразм шоҳлари, Осий халқларининг маъбудларидан кўпчилигининг ҳайкаллари қад. юнон ва маҳаллий бадий анъаналарнинг уйғунлигидан далолат беради. Термиздан топилган думалоқ сопол кузачадаги Дионис шаънига бағишланган сайилнинг бўртма тасвирлари, айрим бақтрия кандакори буюмлари (қанотли маъбуд, жангчи хотинлар ва б. тасвирлари ишланган қумуш ва олтин суви югуртирилган идишлар)да юнон-рим санъати таъсири сезилади, баъзан четдан келтирилган нусхаларга тақдид кузга ташланади. Муъжаз сопол ҳайкалларда ўзига хос мавзулар турқуми одат бўлган. Хоразмнинг сопол сувдонларидаги камон тортган чавандозлар ёки грифонлар тасвири, Жолчаён ва Афросиёбдаги шоҳона тантаналар акс этган сопол тақинчоқлар, шунингдек, шим. ҳудудлардаги (Қовунчи маданияти) ҳайвон шакллари кўринишидаги буюм дасталари шулар жумласидан. Ай-

ниқса, бақтрия, суғд, хоразм маъбудлари қўйма ҳайкалчалари турлича қилиб ишланган. Оммавий тайёрлаш натижасида Улуғ Она маъбуданинг қиёфаси яланғоч тасвирдан эллинистик кийимда, ундан соф осийча кийимдаги қиёфага ўзгарган. Хоразмнинг дафн маросимида оид сопол остадонлардаги ичи ковак ҳайкаллар кўринишидаги аёл ва эркакларнинг умумлашма тасвири алоҳида гуруҳни ташкил этади.

4-а. антик даврининг якуни ҳисобланади. 4—5- а.ларда ҳудудни хионийлар, эфталлийлар ва б. қабилалар босиб олади. Бу даврда янги шаҳарлар пайдо бўлади, ҳунармандчилик ривожидан давом этади. Буюк ипак йўли ривожланиши туфайли Ўрта Осийё рассом ва усталари маҳаллий анъаналарни ривожлантириш б-н бирга, Эрон, Ҳиндистон, Византия, Хитой ва б. халқлар маланиятига ижодий таъсир кўрсатди. Ушбу давр маҳобатли санъатига мезморлик, рангтасвир ҳамда ҳайкалтарошилик синтези хос. Кўёвқўрғон (Сурхондарё вилояти)даги бўяма сопол ҳайкаллар ана шундай ишланган. Бу ҳайкаллар катта дала кўрғоннинг меҳмонхонасини безаган ва ҳукмдорнинг рафиқаси, раққосалар ҳамда мулозимлар тасвири б-н мураккаб мужассамотни ҳосил қилган. Мазкур тасвирлар қад. Бақтрия ҳайкалларида қиёфаларнинг мавҳумлиги ва этник жиҳатдан ранг-баранглиги б-н ажралиб туради.

Эфталлийлар даврида сарой ва ибодатхона деворларини турли мазмундаги рангдор тасвирлар б-н безаш ҳамон оддий тусда эди. Бундай тасвирий санъат-

нинг нодир намуналаридан бири Болаликтепа қасри деворларида қайд этилиб ўрганилди. Унда аслзода йиғит ва қизларнинг тасвирлари ишланган, тантанали лавҳаларда Фаридун ўғилларининг Сарв қизларига никоҳланиши б-н боғлиқ дoston ўз аксини топган деб тахмин қилиш мумкин. Каттагина хонанинг деворларида рангли бўёқлар б-н тизламчалар устида жуфт-жуфт бўлиб тиз чўкиб ўтирган эркак ва аёллар тасвирланган.

5—6- а.ларда диний эътиқод ва тасаввурлар б-н узвий боғлиқ терракота санъати (коропластика) — маъбудаларнинг сопол ҳайкалчаларини яшаш ва уларга топиниш кенг ёйилган. Бу даврга оид сопол ҳайкалчалар жуда кўп ва хилма-хил. Ҳатто Самарқанд, Бухоро, Наҳшаб ва Тоҳаристонда ясалган сопол ҳайкалчаларда тасвирланган сиймолар фақат юз тузилишидагина эмас, балки кийим-кечаклари ва тақинчоқлари б-н ҳам бири-бирдан мутлақо фарқ қилади. Шу босидан улар фақат диний эътиқодлар ҳақидагина эмас, балки Ўрта Осийёнинг турли вилоятларида яшаган аҳолининг антропологик қиёфаси, кийим-бошлари, мусиқа асбоблари, қурол-яроғлари ва б. тўғрисида ҳам тасаввур беради.

6—8- а.лар тасвирий санъатнинг тараққий этган даври сифатида ажралиб туради. Қад. санъат анъаналари б-н алоқалар узилмади, бироқ янги ижтимоий ғоялар янги ифода шакллари талаб этди. Бу давр тасвирий мавзулари юнон ривоятлари ёки бошқа турли динлар б-н боғлиқ бўлган. Будрач қалъаси (Сурхондарё вилояти)дан топилган Геракл боши, идишга ишланган қуш тасвири шундан далолат беради. Қувалаги Будда ибодатхонасини катта Будда ва монументал шакллардаги девсифат қиёфалар ва ҳайкаллар безаган. Суғд ва Тоҳаристондаги бой хонадонлар ва ибодатхоналар безагида лой, ганч, ёғоч ўймакорлиги қўлланган, рангтасвири расмининг мураккаблиги, ранглар уйғунлиги б-н ажралиб турган. Зарафшондаги ибодатхона деворларига турли мамлакатлар ҳукмдорларининг тасвирлари ишланган. Варахша саройи деворий расмларида фил устидаги паҳлавонларнинг шер ва грифонлар б-н олишуви, ҳайвонлар ҳужуми, чавандоз ўқчи тасвирланган.

Афросиёб археологик қазималарида топилган деворий суратларнинг мазмуни янада ўзгача. Унда қандайдир тантанали издиҳом тасвир этилган. Олдинда оқ фил устида тахти равонда малика, фил сағрисида минташган жория тахтиравонни ушлаб бормоқда. Фил ортидан қорабайир, туриқ ва саман минган учта аёл, улардан биринчисининг



Бодхисатва ҳайкали. Лой, типс. Далварзентепа (Сурхондарё вилояти), 3- а.



Оссуарий (остадон). Сопол. Қўйқирилган қалъа (Хоразм), мил.ав.4-а.



Болаликтепадан топилган деворий расм., 5–6- алар.

қулига суғдча «маликанинг янгаси» деган аниқ сўзлар ёзилган. Аёлларни туя минган икки нафар қуролланган эркак кузатиб бормоқда. Юқориқоқда от етаклаган киши ҳамда туртта оққуш ҳайдаб бораётган ўспириннинг сурати чизилган. Уларнинг оғиз ва бурунлари оқ мато б-н боғланган. Деворнинг марказида суворий отликлар бошқа расмлардан икки баробар катталаштириб чизилган. Хонанинг гарбий деворида шоҳона либосларда қимматбаҳо тўқфалар кўтарган кишилар тасвирланган. Деворда 16 қатор суғд ёзуви ҳам битилган. Унда «мен Чағониён дабирпати (элчиси) Бухорзод ҳукмдори Туронтош номидан подшоҳга ҳурмат ва аҳтиром изҳор этгани Самарқандга келдим», деган мазмундаги сўзлар баён этилади. Хатнинг охири «Чоч элчиси оғиз очди...» деган жумла б-н узилиб қолган. Бу ёзув мазмунидан маълум

Жангчи ҳайкали. Терракота. Ерқўрғон (Кашқадаро вилояти), 5- а.



бўлишича, Афросиёб деворий суратлари, мусаввирнинг хаёлий мушоҳаласи бўлмай, балки унда Самарқандда бўлиб ўтган тарихий воқеа – Самарқанд подшоҳининг Чоч, Фарғона ва Уструшона давлатлари б-н олиб борган элчилик муносабатлари тасвир этилган.

Илк ўрта асрлар рангтасвири (айниқса, Самарқанд) усули нафис, мужассамоти гоҳ тантанавор, гоҳ шиддат руҳи б-н суғорилган, одамлар қиёфалари имкон борича типиклаштирилган, ҳаракати ва ҳолати назокат ила ифодаланган. Юзларнинг тўртдан уч қисмининг тасвирланиши шаклларнинг мураккаб ҳолатларига қарамай рангтасвир услубига ўзгача эътибор берилган. Безакдорлик образ ва мужассамотларнинг умумий маҳобатини кучайтирувчи усулнинг асосий хусусиятига айланган. Безакда тасвирий лавҳалар нақш б-н уйғунлашган.

Туркистонда ислом динининг тарқалиб кетиши натижасида 8-адан бошлаб деворий расмларнинг аста-секин чекланиши б-н тасвирий санъат тобора майда пластика, безак санъати шаклларига куча боради. Ушбу даврда ҳандасий (паргари) ва ўсимликсимон меъморий нақш асосларини ишлаб чиқиш бошланди. Деворий расмлар Ўрта Осиёнинг бой матолари, хусусан, дурлар ҳалқаси б-н безатилган, нақшсимон қушлар, эчки, афсонавий семурғ, қўбон боши ва б. ишланган машҳур «зандоначи» матоси ҳақида тасаввур беради.

Суғдда сопол ҳайкалчалар яшаш санъати ва кандакорлик тараққий этди. 6-7-а. Суғд, Тоҳаристон, Хоразм кандакорлигида тўй лавҳаси, ҳукмдор базми, паҳлавонлар жанги, кўшкнинг қамал қилиниши ва б. лавҳалар тасвирланган. Суғд сопол ҳайкалчалар яшаш санъати Самарқандда юксак чўққига кўтарилди, ҳайкаллар танаси қўпол қилиб ясалган,

калла тасвири қолипда қуйилган. Эркак киши ҳайкаллари, шунингдек, оstadонларга ишланган одам калласи бу санъатнинг бош мавзуси бўлган. Диний ва эпик образлар б-н боғлиқ бир қанча ҳайкал турлари яратилди. Суғд оstadонлари деворларига турли тасвирлар туширилган, чизилган ва ёпиштирилган. Бянайман ва Иштихондан топилган оstadонлар бўртма тасвирлар б-н безатилган, коҳин ва аёллар (ёки маъбудалар) маросим анжомлари б-н тасвирланган. Тўққалъа ва Миздахтондан топилган айрим хоразм оstadонларига дафн маросимлари мавзусидаги тасвирлар бирмунча содда услубда ишланган.

14–15- алар тасвирий санъати тарихида Темурийлар Ренессанси ёки 2- Шарқ Уйғониш даври бўлиб кирди. Бу даврда тасвирий санъат ниҳоятда тараққий этди, деворий рассомлик тикланди. Уларда Амир Темурнинг Эрон, Дашти қипчоқ, Ҳиндистондаги жанглари, элчи қабули, байрам ва зиёфатлар, Темур ва унинг оила аъзолари, сафдошлари тасвирланган. Темурийлар даврида эронлик, араб ва б. мамлакатлардан келтирилган рассомлар ишлаган. 14- а.нинг 80-й.ларида Самарқанд рассомлари кўплаб манзарали деворий суратлар ишлагани ҳақида маълумотлар қатор манбаларда учрайди.

Бизгача сақланган санъат обидалари, ёзма манбалар Мовароуннаҳр ва Хуросонда тасвирий санъат ўзига хос услубда, мусаввирлар ижодиёти хаёлий мавҳумликдан ҳаётийликка, борлиқни шакл-шамойил ва рангин кўринишини тўла-тўқис ифода этиш томон ривожланганлигини кўрсатади. Бу жиҳатдан Камолиддин Беҳзод ижоди ва у асос қолган миниатюра мактаби (йирик вакил-

Меъморий нақш. Ганч. Варахша, 7–8 а.лар



лари — Мирак Наққош, Қосим Али, Маҳмуд Музаҳҳиб ва б.) улкан муваффақиятларга эришди. Миниатюрачи расмларнинг ижодида теран фалсафий мазмун, тасаввуф мавзу ва гоёлари ўз аксини топган. Айни шу даврда буюк сиймолар (Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур ва б.)нинг аниқроқ ва мукамалроқ қиёфалари яратилди, портрет жанри ривожланди, меъморий обидалар, қўлёзма китоблар ҳаётининг маиший лавҳалар, табиат манзаралари б-н безатилди.

Темур саройлари беағида рангтасвир намойишлари, жанг лавҳалари, базмлар тасвирлари бўлганлиги маълум. Бу тасвирлар услуб жиҳатдан қўлёзма китобларга ишланган расмлар рангтасвирига яқин бўлган. Мусаввирлардан Абдулҳай, Аҳмад, Боғишамолий, Султон Али ал-Бавардилар, айниқса, шуҳрат қозонган. *Ҳирот миниатюра мактаби*га яқин бўлган *Самарқанд миниатюра мактаби* шаклланган. Маъмур мактаб намуналари мужассамотдаги оригиналлик, безак тузилиши ва бадиий ифода воситаларидаги аниқлик, йирик шакли, кенгликни симметрик тузилиши, сокин ритми ва б. ўзига хос хусусиятларга эга. Айниқса, заррин оч сариқ — оч бинафша рангли вазмин колорит диққатни тортади. Бу мактаб асарлари орасида Амир Темур ва фарзандларининг, Ас-Сўфийнинг астрономияга оид рисоласига ишланган расмлар, Улуғбекнинг оиласи, амирлар б-н биргаликда яратилган портретлари, «Хамса» қўлёзмасидаги расмлар ва б. бор.

Мовароуннаҳр миниатюра санъати ривожи 16—17- а.ларда Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳомийлигида давом этган. 16- а.да талон-тарож қилинган Ҳиротдан китобат санъатининг йирик мутахассислари Бухоро, Самарқанд,



Афросиёдан топилган деворий расм., 7- а.

Тошкентга кўчиб келади (хаттот Мир Али, миниатюрачи расмолар Маҳмуд Музаҳҳиб ва б.). Ушбу даврда Бухоро ва баъзи марказий шаҳарлар (Самарқанд, Шохрухия)да китобат ва муқовасозлик юксак ривож топди. Қўлёзмалар нафис ҳуснихат, зарафшон (тилла суви сочиш), сувли бўёқлар б-н ҳошияга нафис нақшлар ишлаб бадиий безатилди. Маҳаллий ва ҳиротлик усталарнинг ўзаро ижодий ҳамкорлиги туфайли Самарқанд ва Бухорода миниатюра мактаблари гуллаб яшнади. Беҳзод аъёналари б-н боғлиқ биринчи йўналиш қаламтасвирининг ўта нозиклиги, манзара ва меъморий тасвирларга бойлиги, жарангдор, тиниқ рангларнинг уйғунлиги, мураккаб мужассамоти б-н диққатга сазовор. Маҳмуд Музаҳҳиб ва Чағри Мухассин (Низомий асарларида ишланган расмлар, 1537—38- й.лар), «Ашъор»ни беаған номаълум мусаввир (1529 й.) ва б. машҳур. Иккинчи йўналиш қаҳрамонлар сонининг чекланганлиги, тасвирий воситанинг лўндалиги, ихчам мужассамоти, кескин рангларга бойлиги б-н фарқланади. «Фатҳнома» (тахминан 1507 й.), «Тарихи Абулҳайр» (16- а.нинг 40- й.лари),

Навоийнинг «Хамса» (1521-22 й.лар) асарларида ишланган расмлар жумласидан. Муҳаммад Мурод Самарқандий ижоди мустақил бадиий йўллар излаши б-н ажралиб туради. «Шохнома»га ишланган асарлари (1556 й.) кучли чизиқлари, ранглар ечимидagi дадиллиги, лавҳаларнинг кўтаринки руҳи ва таъсирчанлиги б-н диққатга сазовор.

16- а.нинг 2- ярмидан жанрли мужассамотлар (турмуш кўринишлари) га қизиқиш ортди. Бухоролик мусаввир Абдулла ишқий лавҳаларни, номаълум мусаввир қудратли Абдуллахонни тахтада ёки жанггоҳда эмас, балки қовун сўяётган пайтида тасвирлайди. 17- а. мусаввирлари (Аваз Муҳаммад, Мулла Беҳзод, Ҳўжа Муқим, Муҳаммад Шариф, Муҳаммад Дарвиш ва б.) ушбу аъёналарни давом эттирди. Самарқандлик мусаввирнинг «Зафарнома»га ишлаган расмлари шиддатли ҳаракатлар ва ўйноқи рангларга бой (1628 й.). У «Шохнома»ни беаған мусаввир Муҳаммад Мурод аъёнасини ўзига хос, халқона тасвирлаш йўлида давом эттирди (1602—03-й.лар). Низомийнинг «Хамса» асари (1648 й.), «Шохнома» ва б. қўлёзмаларни беаған мусаввирларнинг ижоди юксак маҳорати ва услубининг хилма-хиллиги б-н ажралиб туради. 17- а.да яратилган айрим расмларда Бобурийлар даври миниатюра мактаби (жумладан, Муҳаммад Нодир Самарқандий)нинг таъсири сезилади.

Остадон деворидаги бўртма тасвир. Терракота. Иштихон, 6—7- а.лар



Камолитдин Бехзод
(1455–1536)

Миниатюрочи мусаввир, Шарқ Уйғониш даври етук санъаткори, Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси. Замондошлари томонидан «Монийи соний» («Иккинчи Моний»), кейинчалик Ғарб олимлари томонидан «Шарқ Рафаэли» деб улуғланган. Ўз ижодида мусаввир Халил Мирзо Шоҳруҳий бадиий услубини давом эттириб, уни ривожлантирган ва камолга етказган.

Бехзод асарларининг тархи мураккаб, эркин ҳаракатларга бой, ёрқин, жозибадор ранглардан тузилган бўлиб, улар ўзаро уйғун. Табиат жонли, ҳаёт манзаралари аниқ ва ҳаққоний, ишонарли ва таъсирчан ифодаланган. Чизиклар ниҳоятда нозик, ранглар нафис ишланган. Портретларда инсон маънавий қиёфаси, руҳи, ҳис-туйғулари, хулқ-атворини акс эттиришга аҳамият берган. Бехзод ижоди анъаналарини унинг шогирдлари (Қосим Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Музаффар Али ва б.) бутун Урта Шарққа ёйдилар.

18-ада маданий ҳаётнинг кескин сусайишига қарамай адабий фаолият давом этди, назм ва насрда кўплаб қўлёзма китоблар яратилди, эски қўлёзмалар қайтадан кўчирилди, янгилари бунёд этилди. Бу китобат санъатининг ривожланиши ва мусаввирларнинг фаоллашувига олиб келди. Бу даврда миниатюра санъатида 2 ижодий услуб кўзга ташланади. Биринчиси композицион соддалашуви, қаҳрамон ва воқеалар сонининг чекланганлиги б-н ажралиб туради (Ҳофиз Шерозийнинг «Девон»и, Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳа» қўлёзма китоблари, тошбосма усулида чоп этилган «Минг бир кеча», «Шоҳнома» ва б.). Иккинчи услубга янги мавзулар ва тасвир воситалари хос («Ажойиб ул-маҳлуқот», «Чор дарвеш», «Насабнома» қўлёзмаларининг расмлари). 19-а. бошларида яратилган қўлёзмалардаги суратларда аввалги бадиий нафосат кўринмайди, ҳинд, қашқар ва эрон миниатюра мактабларига тақлид орди, жумладан, Навоийнинг «Хамса»си (1824, Фарғона қўлёзмаси)га ишланган миниатюралар мавзуи бадиий талқини ўта содда, ранглар мажмуи тор, оҳанги сўниқ ва ясама.

Туркистоннинг подшо Россияси томонидан босиб олинishi бу ҳудудга рус ва Европа бадиётининг кириб келишига олиб келди. Европа тасвирий санъати шакллари аста-секин савдо реклама нашрлари маҳсулотлари, кейинроқ жур. ва газеталар орқали кириб борди. Анъа-

навий тасвирий санъатни Самарқанд, Бухоро, Қўқон наққош-мусаввирлари (Аҳмад Дониш, Абдулҳақ Махдум, С. Сиддиқий ва б.) ўз ижодида давом эттирди. Уй-жойлардаги (асосан, масковчи бойларнинг) деворий расмларда дарёлар узра сузиб юрган пароход, темир йул, Ўрта Осиёда бўлмаган ҳайвонлар тасвири каби янги тасвирий кўринишлар киритила бошланди. Бу эса асрий анъаналарни ўзгаришига олиб келди.

19-а. охири – 20-а. бошида Ўзбекистонда илк дастгоҳли рангтасвир намуналарида рус расомлари (В. Верещагин, Н. Каразин, М. Зоммер, С. Юдин, Л. Бурэ, И. Казаков ва б.) маҳаллий халқ ҳаётини акс эттирдилар. Улар тасвирида маҳаллий ёшлардан рассом ва ҳайкалтарошлар етишиб чиқди. Л. Бурэ, М. Зоммер, С. Юдин асарларида ўлканинг ўзига хос табиати, антиқа меъморий ёдгорликлари кўринишлари, она ери мизнинг гўзаллиги, санъатимизнинг юксаклиги тараннум этилса, В.Верещагиннинг «Туркистон» асарлар туркумида рус босқинчиларининг голибона хуружи, баъзи асарларида Россия империясининг тантанавор ғалабасини, маҳаллий аҳолини таққирлаш, миллий удум, расм-русумларига масҳара кўзи б-н қарагани яққол намоён бўлади.

Октябрь тўнтаришидан сўнг ўрнатилган шўро ҳукумати даврида ўзбек тасвирий санъати бутунлай янги йўналиш сари боришга мажбур бўлди. Тасвирий санъатнинг улка маданияти учун янгилик бўлган рангтасвир, плакат, китоб ва матбуот нашрларига мўлжалланган графика (сураткашлик), дастгоҳли ҳайкалтарошлик каби турлари шаклланди ҳамда коммунистик мафкуранинг кучли ғоявий қуролига айланди. Миллий кадрлар тайёрлашда Тошкент, Самарқанд ва б. шаҳарларда очилган рассомлик мактаблари, музейлар, шунингдек рус расомлари (Л. Бурэ, Н. Розанов, И. Казаков, А. Николаев, А. Волков, П. Беньков, Э. Ковалевская ва б.) ижоди муҳим роль ўйнади.

«Лайли ва Мажнун мактабда». Низомиёнинг «Хамса» асарига Бехзод ишлаган миниатюра, 15-а.

Ўзбекистонда шўролар ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун тасвирий санъатнинг барча турлари, энг аввало, графика ва плакат жалб этилди. Расомлардан Л. Бурэ, О. Татевосян, В. Еремян, И. Казаков, Б. Лавренев, О. Мануйлова ва б. инқилобий байрамларни безади, дастлабки сиёсий плакатлар туркумларини яратди. Бухоролик наққош Уста Наби Ҳафизов миниатюра анъанасидан фойдаланиб дастлабки мужассамотли агит-плакатларни яратди. Ўзбек газ., журнал ва китоб графикаси ривожидан «Машраб», «Мушфиқий», кейинчалик «Муштум» жур. атрофида бирлашган ва ерли аҳолини сиёсий ва маиший сатирага яқинлаштирган усталар муҳим роль ўйнади. Рассом А. Волков, М. Курзин, В. Рождественский, А. Патрашкин, В. Солдов, А. Николаев (Усто Мўмин), С. Малът, шунингдек, И. Икромов, Ҳ. Икромов, М. Ҳакимжонов каби рассомлар ҳажвий графика ривожига сезиларли ҳисса қўшди. Бу даврда нашр этилган плакатлар воқеанавислиги ва кўргазмаллиги, йўлланмали тасвири, изоҳли матнга бойлиги б-н ажралиб турди.

Рангтасвирда янги жамиятнинг бадиий қарашлари эндигина шакллана бошлаган эди. Бу давр санъати асарларида Ўзбекистон табиати, узбек халқи ҳаёти





мавзуи етакчи ўринни эгаллади. Бадиий академия битирувчилари С. Юдин, И. Казаков, М. Новиковлар, асосан, манзара жанрида реализм услубида ижод этган. Бошқа бир гуруҳ rassomлар ўзига хос янги услубларни яратишга ҳаракат қилган, турли бадиий оқимлар таъсирини бошдан кечирган. Мас., А. Волков ва б. француз кубизми (Пикассо, Брак), шунингдек, рус икона ва символизми (М. Врубель) анъаналарини ўлаштирган. Rassom чойхоналар, туялар карвони, эски шаҳар каби мавзуларга мурожаат қилганда ўрта Осиё санъати анъаналарини ўлаштиришга ҳаракат қилган. Бухоро миниатюра мактабининг сунгги вакили, rassom, заргар Садриддин Поччаев ўз ижодида Эрон ва Ҳиндистон миниатюра мактабларининг бадиий анъаналарини талқин этишга ҳаракат қилди. А. Николаев (Усто Мўмин) ҳам ўрта Осиёнинг бой маданиятига катта эътибор берган. Бу rassom ижодига жаҳон ва рус мумтоз тасвирий санъати, шунингдек, Шарқ миниатюра анъаналарининг таъсири кучли бўлган. Ўзбекистонда туғилиб ўсган А. Волков, А. Николаев, Н. Кашина, М. Курзин каби rassomлар «Ўзбек авангарди» ижодий йўналишига асос солади.

1920- й.лар ўрталаридан тарихий, маънавий жанрларда Ў. Тансиқбоев ижоди шакллана бошлади. У Фарбий Европа янги санъати, Мексика монументал rassomлар ижоди, ўрта Осиё деворий rassomлиги ва миниатюра санъати услубларини ўрганиб илк асарларини яратди («Ўзбек портрети», «Кураш», «Карвон» ва б.).

1920- й.лардан маҳобатли ва дастгоҳли ҳайкалтарошлик секин ривожланди, ҳайкалтарошлик «Монументал тарғи-

«Ўтов», М.Новиков. Мато, мойбўёқ, 1886.

бот» режалари асосида олиб борилди. Аввал ўрнатилган ҳайкаллар ўрнига янги ёдгорликлар ўрнатила бошланди. Ўзбекистон тасвирий санъатида ижодий эркинлик, Шарқ ва Фарб маданиятининг бадиий анъаналари таъсири ўз аксини топди.

1920- й.ларнинг 2- ярми — 30- й.лар бошида тасвирий санъатда реализм ва авангардизмнинг турли услубий йўналишлари (натурализм, экспрессионизм, абстракционизм ва б.) мавжуд эди. 30- й.лар реалистик, кейинроқ ўша давр таъбири б-н айтганда «социалистик реализм» услуби ҳукмрон бўлди. Аксарият ўзбек rassomлари авангардизм йўналишидан социалистик реализм услубига ўтишга мажбур бўлди. Асосий мавзуларини ўзбек халқининг «бахтиёр» турмуш тарзи, меҳнаткашлар образи, янги «қизил» байрамлар ташкил қилди. Шу даврда Ўзбекистонда илк бор турли-туман бадиий ташкилотлар юзага келди. Бу уюшма аъзолари воқеликни инқилобий тараққиёт, эски б-н янги ўртасидаги кураш тарзида ифодалашга ҳаракат қилди: В. Рождественскийнинг ҳажвий графикаси, С. Малът, М. Курзиннинг санъат корхоналаридан репортажлари, И. Икромовнинг нафис китоб графикаси, О. Татевосяннинг айрим асарлари ва б.

1930- й.ларда Ўзбекистон бадиий ҳаёти ўзгара борди. Кўرғазмалар уюштирила бош-

ланди, йирик шаҳар ва вилоят марказларида музейлар ишга тушди. 1932 й.да Ўзбекистонда биринчи бадиий кўрғазма ташкил қилинди. 1934 й.да Москвада Ўзбекистон rassomларининг асарлари кўрғазмаси очилди. Бу кўрғазмада рус rassomлари б-н бир қаторда Ў. Тансиқбоев, Б. Ҳамдамий, А. Сиддиқий, Л. Абдуллаев каби ўзбек rassomлари ҳам қатнашди.

1936 й. турли бадиий уюшмалар ўрнига ягона, тасвирий санъат ривожини ўз назоратига олган Ўзбекистон Rassomлар уюшмаси ташкил этилди. Аксарият Ўзбекистон rassomлари ижодига совет мафкураси ўз таъсирини ўтказди. Шу билан бирга Ў. Тансиқбоев, Н. Карахан, М. Курзин, А. Волков, Усто Мўмин, Н. Кашина каби rassomлар янги давр мавзуларига, замондош портретлари, замонавий ҳаёт сюжетларига мурожаат қилиб, реалистик бадиий услубда ижодий изланишларни олиб боришган; ижтимоий буюртмага ижод этилган асарларнинг аксарияти юқори бадиий савияда яратилган.

1930- й.ларнинг 2- ярмида графика санъатининг репортаж (долзарб, сатирик мазмундаги плакат ва б.) босқичи якун топиб, эстамп турлари ривожланди. Бу жараёнда В. Кедрин, В. Гуляев ташкил этган литография устахоналари катта аҳамият касб этиб, графикачи rassomларнинг фаол ва сермахсул ишлашга, графика материаллари асосида туркум асарлар ва мужассамотлар яратишига ёрдам берди. Дастгоҳли графикада, асосан, портрет ва манзара жанри ривожланди, 30- й.лар охирида санъат мавзуси сезиларли ўрин тутди. В. Рождественский, М. Курзин, С. Малът, Усто



«Жангчиға совға». Мато, мойбўёқ, 1945, П.Беньков.



Ўрол Тансиқбоев

Мўмин, Е. Еремян, В. Кайдалов, В. Келрин ва б. рассомлар самарали ижод қилди, реал образлар ва инқилобий ғоялар б-н йўғрилган туркумлар яратди. Дастгоҳли рангтасвирдан ташқари китоб графикаси, дастгоҳли графика, ҳайкалтарошлик соҳалари ҳам ривожланди.

1938 й. Ўзбекистонда кам нашрли плакат юзага келди (Г. Карлов, М. Рейх, К. Чепраков ва б.). Бу даврда узбек плакати Ўзбекистон графикасининг мустақил сиёсий фаол тармоғи сифатида шаклланди. Китоб графикаси соҳасида И. Икромов, Усто Мўмин, В. Рождественский, М. Рейх, Б. Жуков ва б. рассомларнинг ижодий фаоллиги ошди, бу эса ўзбек адабиётининг тараққиёти, адиб ва адабиётшуносларнинг мумтоз адабиёт вакиллари (Навоий, Фурқат, Муқимий, Ҳамза ва б.) асарларини қайта нашр қилишдаги катта меҳнатларининг маҳсули натижасидир. И. Икромов миллий анъаналарни давом эттирувчи ва унинг йирик намояндаси сифатида майдонга чиқди (С. Айнийнинг «Ўтмишдан», Муқимийнинг шеърят туркумига бажарилган иллюстрация безаклари ва б.).



«Қўшиғим». Ў. Тансиқбоев. Мато, мойбўёқ.

Рассомларнинг маҳорати ва истеъдоди тўлалигича урушдан кейинги йилларда намоён бўлди. В. Рождественский Б. Чепруновнинг «Жунаидхон», Г. Журабоевнинг «Мулла Бурҳон», Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асарларига катта маҳорат б-н, адабий манбалар руҳини чуқур ҳис этиб иллюстрация безакларини ижод қилган. Усто Мўминнинг узбек графикасига қилган ҳиссаси ҳам жуда катта (А. Қодирийнинг «Обид кетмон», М. Козимнинг «Қурқинчли Тейрон» асарларига қилинган безаклар ва б.). В. Кайдалов, С. Марфин, К. Чепраков, Ч. Аҳмаровлар китоб графикасида илк бор узларини синаб кўрдилар.

1930- й. ларда рангтасвир усталари ижоди кенг ривож топди. Ушбу давр маданий ҳаётда рангтасвирчи рассом, театр декоратори П. Беньков ижодининг аҳамияти ўзгача. У Ўзбекистонга меҳр қўйиб, 1929 й. Самарқандга кўчиб келди. Асарларида Ўзбекистоннинг қад. шаҳарлари қиёфаси, ўзига хос табиати, миллий маданияти, кишиларни, ҳаётнинг ўзига хос гузаллигини ёрқин бўёқларда ишонарли гавдалантирди («Бухоро тими», «Хивалик қиё», «Дугоналар», «Эски Бухоро» ва б.). Ўзига хос лирик манзарачи сифатида Ў. Тансиқбоев ижоди алоҳида аҳамиятга эга бўлди («Ўтовда», «Мовий манзара», «Тунги суғориш», «Чирчиқ водийсида», «Кўшиғим» ва б.). Б. Ҳамдамий («Иш тугади», «Колхоз чойхонасида», «Фарҳод Хусрав асир»), А. Волков («Теримчи қизлар», «Шоҳимардонда туш пайти»), Н. Каракан («Ғалла ўрими», «Аёллар ғаллазорда»), Усто Мўмин («Оқ олтин»), Н. Кашина («Сирдарёдан ўтиш», «Москва —

Қорақум — Москва автопойгаси»), А. Сиддиқий («Тўй», «Автопортрет»), Л. Абдуллаев («Ёш шоир хузурида») ва б.нинг бадиий ўзига хос асарлари яратилди. Ҳайкалтарошлик 30-й. лар ўрталарида бироз

жонланди. Маҳобатли безак ҳайкалтарошлик асарлари меъморий мажмуалар таркибига кириб борди: Тошкентдаги Низомий номидаги пед. ин-ти биноси тарзи учун ҳайкаллар гуруҳи (1939—40, О. Коржинская ва б.).

Ўзбек профессионал театрининг пайдо бўлиши б-н театр рассомлиги юзага келди. Театр декорацияси санъати шаклланиши даврида турмушни ҳужжатли тарзда беришга интилиш безакда этнографизмга олиб келди, этнографик тафсилот саҳна воқелигини бузиб юборди («Резаворчи», «Ичкарида» ва б.). Декорация санъатининг кейинги тараққиёти махсус театр рассомларини тайёрлаш б-н боғлиқ бўлди. 30- й. лар театр рассомлари ижодида ҳаётий ҳақиқатни, тарихий аниқликни талаб этиш белгиланган мезон бўлди. Миллий меросни ижодий ўзлаштиришда дастлабки уринишлар қилинди («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», 1933; «Гулсара», 1936; «Эр-Таргин», 1938; «Улугбек», 1942 ва б.).

2- жаҳон уруши йиллари Ўзбекистонда ташвиқий «ЎЗТАГ ойнаси» ташкил қилинди, бригадалар тузилди. Бу даврда Ленинград, Москва, Киев, Минск, Харьковдан рассомлик ин-тлари Ўзбекистонга кўчиб келишди. Турли шаҳарлардан И. Грабарь, С. Герасимов, Д. Моор, В. Фаворский, И. Павлов, В. Касиян, М. Авилон каби таниқли рангтасвир ва графика санъати усталари келиб самарали ижод қилдилар. Ушбу давр плакат, намоён, сиёсий карикатура, рангтасвир асарларида уруш мавзулари устун турди, бадиий ҳаёт, айниқса, Тошкент ва Самарқанд ш.ларида ривож топди.

Урушдан кейинги йиллар тасвирий санъатда ғалабадан руҳланиш ва тантанаворли кайфият ҳукм сурди. Ҳаётнинг фақат ижобий томонларини ифодалаш, муаммолардан ҳоли ва пардозлаб тасвирлаш юзага келди. Рус маданияти анъаналарига асосланиб ижод қилиш тасвирий санъатни чеклаб қўйди. Монументал рангтасвир Ч. Аҳмаровнинг Навоий театри деворларига ишлаган фрескалари муҳим воқеа бўлди. Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати б-н шоир ҳайкали учун танлов эълон қилинди. Тошкентда шоирнинг бронза ҳайкали ўрнатилди (ҳалкалтарош Н. Дитрих; 1948). Манзара жанрида Ў. Тансиқбоев, Н. Каракан, Усто Мўмин, Р. Темуров ва б. самарали ижод қилди. Ў. Тансиқбоев кичик ҳажмли этюдлардан мавзули туркумларга жамланган йирик полотнолар яратишга ўтди («Иссиқкўл» туркуми, «Жонажон ўлка», «Сирдарё»).

Катта авлод вакиллари (А. Волков, П. Беньков, Н. Кашина, Ў. Тансиқбоев ва б.) б-н бир қаторда А. Абдуллаев, С. Абдуллаев, В. Евенко, М. Набиев ва б. самарали ижод қилди.

Улар қаторига Москва ва Ленинград бадиий олий ўқув юртрларини тамомлаган Р. Аҳмедов, М. Саидов, Н. Кузибоев, Т. Оганесов, З. Иноғомов, (Тошкентда таълим олган), В. Зеликов, Ю. Елизаров ва б. ёш рассомлар келиб қўшилди. Улар маиший ва портрет жанрининг кейинги ривожига катта ҳисса қўшдилар. Р. Аҳмедов яратган портрет ва маиший лирик асарларида ўзбек миллий характери яққол кўзга ташланди («Кекса қолхозчи портрети», «Депутат аёл», Ўзбекистон санъати усталари портретлари туркуми ва б.). М. Саидов ижодида ўзбек маиший жанри анъаналари ривожлантирилди («Дугоналар», «Хирмонда», «Ликбез» ва б.); Н. Қўзибоев («Юнус Ражабий», «Ҳамза», «Чўпонлар», «Уйғониш» ва б.), З. Иноғомов («Қолхоз ошпази», «Чойга», «Чойхоначи» ва б.), М. Набиев («18- асрдаги Самарқанд халқ кўзғолони», «Ернинг эгалари» ва б.) портрет, маиший мавзули рангтасвирда маълум ютуқларга эришди. Портрет жанрига Л. Абдуллаев, Х. Раҳмонов, С. Мухамедов, Ю. Елизаров, Н. Қўзибоев, Т. Оганесовлар ҳам катта эътибор берди. Манзара жанри Ў. Тансиқбоев, Н. Карахан, С. Колибанов, В. Жмакин, П. Ган, Р. Тимуров ижодида, наъмоморт Н. Кашина, О. Татевосян, А. Лунев, В. Уфимцев, М. Курзин, А. Волков ижодида ривож топди.

Графика санъатида уруш воқеалари, урушдан кейинги тикланиш даври, портрет, саноат ва лирик манзаралар мавзуи етакчи ўрин эгаллади. Асосий куч нашриёт, газ. ва журнал ишлари, плакатта сарф қилинди. 50- й.ларнинг охирида нашриётларнинг мавзу режалари кенгайиши б-н китоб графикасига эътибор кучайди. Газ. ва журналларда нашринг бадиий графика ва полиграфия даражаси ўсди. Плакатнинг сиёсий ва бадиий таъсирчанлиги пасайди, ҳақиқий плакат дастгоҳли воқеанавислик ечими б-н алмашди.

1960- й.лар бошларидан тасвирий санъатда маълум даражада анъана ва тажриба доираси кенгайди, ўзига хос миллийлик юзага келди. Тасвирий санъатнинг барча турлари, айниқса, рангтасвир Андижон, Фарғона, Наманган, Бухоро, Урганч каби шаҳар ва вилоятларда ҳам ривожлана бошлади. Рассомлар ижодида доимий изланиш, мавзу ва гоёни чуқур ва таъсирчан қилиб ифода этишга интилиш кучли бўлди. Миллий

ўзига хосликни типиклик б-н уйғунлаштиришга ҳаракат тасвирий санъат анъаналари тараққиётида ўз аксини топди. Ў. Тансиқбоев, Н. Кашина, Н. Карахан каби катта авлод вакиллари ўзларининг илк даври (1920-30 й.лар)даги ижодий изланишларига қайта мурожаат қилишди. Бу даврда бир қатор ёш рассомлар (Р. Чориев, В. Бурмакин, Б. Бобоев, Г. Улько, Е. Мельников, Ю. Талдинкин ва б.) ҳам ўз ижоди б-н танила бошлади. Ч. Аҳмаров ва б. монументал санъат ривожига сезиларли ҳисса қўшдилар. Ч. Аҳмаров ўз ижодида ўрта аср деворий суратлари, миниатюра санъати, миллий амалий безак санъати анъаналари негизда ўзига хос услуб яратди, сурат (Шарқшунослик ин-ти, Улуғбек музейидаги намоёнлар ва б.)ларга ранг, ритмнинг янги талқини, муулмон шеърятини ва санъатига хос бўлган маънавий изланиш, гўзаллик ва комил инсон мавзуларини олиб кирди.

Ҳайкалтарошликда портрет асарларига эътибор берилди (Э. Алиев, Х. Хусниддинхўжаев, В. Лунев, В. Клеванцев, А. Аҳмедов, М. Мусабоев, Қ. Салоҳидинов, А. Раҳматуллаев ва б.). Ўзбекистонда қурилиш ва шаҳарсозлик кенг йўлга қўйилиши туфайли монументал ҳайкалтарошлик жадал ривожланди. Нафислиги ва маҳобатлилиги б-н муваффақиятли чиққан асарлар орасида Н. Кримскаянинг «Раққосалар», «Бола кўтарган шифокор» ва б., Я. Шапиронинг «Тамтам», А. Ивановнинг «Пўлат қуювчи», Б. Шодиеванинг «Ёшлик», «Камалак» ва б. ажралиб туради.

Портрет ва маиший жанрда Ф. Гришченко («Ҳосил», «Арма турачи қиз»), А. Шоймуродов («Навий портрети», «Мёмор Дилшода») ва б. самарали ижод қилди. М. Мусабоев асарлари («Дуторчи қиз», «Мироб») хатқил ва миллий хусусиятлар жиҳатидан теран уйғунлашган. Шу даврда ўз ижодини бошлаган Д. Рўзибоев асарлари («Бахши»,

«Чеварлар». Ч. Аҳмаров, мато, темпера, 1989.



Чингиз Аҳмаров.

«Саида» ва б.)да миллий анъаналар б-н бирга замонавий оқимлар талқини ўз аксини топган. Дастгоҳли ҳайкал ва портрет ҳайкалтарошлиги асарларидан А. Бойматов («Чўпон Мурод ака», «Туш вақти», «Сувчи Ю. Узоқов»), В. Клеванцев («Шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли»), Н. Бандзеладзе («Уста Ҳазратқулов портрети»), маиший жанрда В. Дегтярев, А. Жишиашвили ва б.нинг рельефлари ажралиб туради. Самарқанддаги Улуғбек ҳайкали (1970, М. Мусабоев), «Самарқанд» ресторанидаги кандакорли «Байрам» намоёни (ҳайкалтарошлар Н. Пращенко, В. Дегтярев, Э. Алиев, Н. Бандзеладзе ва б.), «Бухоро» меҳмонхонаси бадиий безаги (ҳайкалтарошлар Н. Пращенко, В. Дегтярев, Э. Алиев, Н. Бандзеладзе, рассом С. Ракова) ҳайкалтарошлик асарлари б-н замонавий бино интерьерларининг бадиий нафис уйғунлигининг ажойиб намуналаридир.





Раҳим Аҳмедов.



Абдуллаҳ Абдуллаев.



Рӯзи Чориев.

1960-70- й.ларда ўзбек плакатчилари барча иттифоқ ва халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этди. Варшавадаги халқаро кўргазмада Ф. Кагаровнинг «Болалар ҳимоясида» плакати бронза медали ва фахрий диплом б-н тақдирланди. Дастгоҳли графикада 60- й.лардан туркумлар график воқеанавислик шакли сифатида етакчи ўринни эгаллади. Графика санъатининг турли техникалари ривож топди: линогравюра (И. Юровский, А. Ошейко ва б.), акварель ва аралаш техника (К. Чепраков, В. Акудин ва б.), офорт ва автотипия (В. Кедрин, И. Юровский ва б.). Бу даврда графика санъатига бир қатор ёш рассомлар кириб келди (Г. Чиганов, А. Циглинцев, Қ. Башаров, Ю. Стрельников, Л. Рябцев, В. Паршин, Т. Муҳамедов, Ф. Кагаров ва б.). Ю. Стрельников ижодидаги образлар маҳобатли талқини, шартлилиги б-н ажралиб туради. Қ. Башаров линогравюра ва автолитография усулида изланишлар олиб бориб, йирик тарихий ва маиший мавзуларга мурожаат қилди. В. Паршиннинг график асарларига ҳаётийлик, беғуборлик хос. Т. Муҳамедов уз асарларини турли — гуашь, акварель, темпера, тушь техникаларида яратиб, ноёб юмор ва ҳажвий талқинга эга («Муштум» журналидаги расмлар), шунингдек, ўзбек халқи ҳаёти, миллий характери хусусиятларини тулақонли акс эттирган расмлари («Ўзбек халқ эртақлари»га қилинган безаклари)ни ижод қилган.

1960- й.лар охирида ўзбек графика санъатига миниатюра ва эклибрислар б-н танилган М. Кагаров кириб келди. Унинг ижодига изланувчанлик, янги ассоциацияларга бой, баъзида кинонинг ифодавий воситаларига асосланган бадий усул хос («Мен яшаётган уй», «Йил фасллари», «Автобиография»). «Ўзбекистон рассомлари графикаси» бадий кўргазмаси (1968) республика бадий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, рассомларнинг шахсий кўргазмалари ташкил қилинди. Китоб графикасида И. Икромов (Ф. Фуломнинг «Она ер бахти», Ибн Синонинг «Тиб қонуни» ва б.), К.

Чепраков, С. Марфин, А. Венедиктов ва б. фаол ижод қилди. И. Икромов Навоийнинг «Афоризмлар» китоби безаги учун Лейпциг халқаро китоблар танловида бронза медали б-н тақдирланди (1969). Сатира усталари Д. Синицкий, Н. Леушин, Б. Жуков ва б. «Муштум» журнали атрофида жипшлашди.

1960—70- й.лар ўзбек театр декорацияси санъатида ижобий тараққиёт даври бўлди. Драма театри саҳнасида уч ўлчовли кенглик ечими қарор топди. Замонавий театр декорацияси санъатида саҳна безаги б-н бошқа нафис санъатларнинг ўзаро алоқалари кучайди. Бу соҳада В. Рифтин, М. Гвоздиков, Т. Шораҳимов, Г. Визель, Х. Икромов, И. Вальденберг, Д. Ушаков, В. Акудин, Г. Бримлар самарали ижодий изланишларни олиб боришди.

Ўзбек кино санъати тараққиётига рассомлар В. Еремян («Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий», «Ибн Сино»). В. Синиченко («Самолётлар қунолмади», «Икки дил достони», «Фидойи» ва б.)лар муҳим ҳисса қўшди. 60—70- й.ларда миллий кино рассомлигининг йирик намоёндалари пайдо бўлди: С. Зиёмуҳамедов, Э. Калонтаров, Н. Раҳимбоев, Ш. Абдусаломов, Ф. Аҳалов ва б. Рассомлар Э. Калонтаров («Тошкент нон шаҳри», «Улуғбек», «Маҳаллада дув-дув гап» ва б.), Н. Раҳимбоев («Сен етим эмассан» ва б.), Е. Пушчин («Дорбозлар», «Виждон амри б-н») ва б. ушбу давр ўзбек киносининг етакчи рассомларидир. Телеспектакль ва телефильмлар рассомлари ишлари сермаҳсул изланишлари б-н диққатга сазовор.

1980- й.ларда тасвирий ва ифодавий воситаларни бойитиш ва янгилаш, ижодий изланишларга қизиқиш ортди. Рассомлар ижодида миллий бадийётга хос бўлган ифода воситаларига эътибор, азалий анъанавий руҳий қадриятларга интилиш кучайди. Тасвирий санъатда ўзига хос миллийлик руҳи б-н бир қаторда авангард йўналишлар (символизм, модернизм ва б.)га қизиқиш орт-

ди. Бу М. Тохтаев, А. Икромжонов, Ж. Умарбеков, Б. Жалолов, И. Исаев ижодида тааллуқлидир. Булар ижодида ўтмиш, аждодлар, қад. маданият, азалий қадриятлар б-н замона руҳининг боғланиш муаммолари, бадий анъанани кенг талқин қилиниши катта ўрин тутди. Ж. Умарбеков ва б. ижодида Шарқ миниатюра санъати, қад. рус иконаси, Ажанта деворий суратлари, Ўзбекистон рангтасвирирининг 1920- й.лардаги услубий изланишлари, П. Кузнецов, К. Петров-Водкин каби рассомларнинг ижодий услублари ўзгача талқин топди. Ш. Муҳаммаджонов миниатюра санъатини, унинг тарихий бўёқларини чуқур ўрганиб, Ч. Аҳмаровдан сўнг бу жанрни янги поғонага кўтарди. Қад. деворий суратлар, халқ амалий безак санъати, миниатюрага хос бўлган безакдорлик усули А. Мирзаев, Ш. Абдурашидов, Р. Шодиев ижодининг асоси бўлиб қолди. Шу б-н бирга рассомлар ижодида реализм усули ҳам сақланиб қолди. А. Абдуллаев, С. Абдуллаев, Р. Чориев ва б.нинг порт-

В. Кайдалов, «Алпомиш» дostonига ишланган безак, 1958.



ретлари замондош сиймоларни яратишга хизмат қилди.

80- йилларнинг 2- ярмида қайта қуриш, замонавий воқелик, сиёсий ҳаёт ва муҳит, демократик ҳаракат, ижод ва суз эркинлиги туфайли аввал бошланган ҳаракат ва интилишлар жадаллашди, янги изланишлар ва гоёларни ифодалаш б-н бойиди. Рассомлар сафига янги авлод (А. Ҳазратов, М. Умаров, Ҳ. Ҳасанов, К. Одилов ва б.) келиб қўшилди. Жаҳонда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида юз бераётган экологик хавф-хатарлар ҳақидаги муаммоларни 70- й.лардаёқ санъаткорлар кутарган эди. 80- й.ларда рассомлар ижодида бу мавзу тез-тез учраб туради. Бу жиҳатдан «Муштум» ва «Жанговар плакат» туркумлари (В. Евенко, Г. Ткачев, Ф. Кагаров ва б.) аҳамиятга эга.

1980- й.лар охири – 90- й.ларда ривожланган тасвирий санъат гоивий ва ижтимоий ўткирлиги, фаоллиги б-н ажралиб туради. Мавжуд ижтимоий муҳит, ечимланган муаммоларни кундаланг қуйиш, уларни ечишга интилиш ҳаракати кескин эди. Ижтимоий плакатда ижод қилган рассомлар гуруҳи кўргазмаларида халқ ҳаётидаги долзарб мавзулар дадил қаламга олингани намойён бўлди. Ёш ижодкорлар асарларида Афғонистондаги қонли уруш фожиаси, табиатга етказилган зарар, Орол денгизининг қуриб бориши, пахта якка ҳокимлигининг салбий оқибатлари каби муам-

молар диққат марказда бўлди, маънавий қадриятларга етказилган путур, уларнинг топталгани ҳақидаги дард-алам б-н ифодаланган асарлар яратилди. А. Турдиев, Ф. Аҳмадалиев, Акмал Нур, Ф. Қодиров, Н. Имомов, Ш. Қузиёва асарлари ёрқин рамзий ифода воситалари орқали ифодаланган теран ва чуқур фалсафий маъноларга тўлаллиги б-н ажралиб турди. Ёшларнинг асарларидаги гоё, қўйилган мақсад нишонга тегадиган бўлиб, муҳлисларга таъсир кўрсата олган. Бу асарлар хорижий кўргазмаларда ҳам юқори баҳоланди, музейлардан ўрин олди, халқаро мукофотларга сазовор бўлди.

Мустақиллик даври рангтасвир санъати бадий услублар қўлами кенглиги б-н ажралиб турди. Академик реализм, декоративизм, миллий романтизм, абстракционизм, инсталляция каби усул ва йўналишлар ижодий дунёқарашнинг кенгайишидан далолат беради. Тасвирий санъатнинг турли соҳаларини ривожланишида 1997 й. Ўзбекистон БАНинг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий Рассомлик ва дизайн ин-ти, Республика Бадий коллежи ва лицей-интернати, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистонда тасвирий ва амалий санъат ўқув юртларидан иборат тармоқ вужудга келди. БА ташкил бўлганидан сўнг кўргазмалар фаолияти жадаллашди, ўзбек рассомлари турли республика ва халқаро кўргазма, танлов, фестивалларда иштирок этишди. Ҳар икки йилда Тошкентда замонавий санъат Халқаро

биенналесининг ўтказилиши ўзбек тасвирий санъатида инсталляция, перформанс, видеоарт, фотоарт, инвайромент каби янги усул ва шаклларни вужудга келишига таъсир қилди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги натижасида бадий ижод, тасвирий санъатга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 ва 550 йиллиги кенг нишонланди. Рассом таваллудининг 545 йиллиги ЮНЕСКО қарорига биноан халқаро миқёсда Тошкентда ўтказилди. Беҳзод номидаги халқаро миқёсда нишонланган Алпомиш, Аҳмад ал-Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурларга ҳайкаллар ўрнатилди, уларга бағишланган расмлар ижод қилинди.

Истиқлол йилларидаги маҳобатли санъат ривожланиши ижодий эркинлик, бадий мерос, бой анъаналарга мурожаат этилиши б-н боғлиқ. Ушбу даврда янги маъмурий-ижтимоий иншоотлар, кўҳна биноларни қайта таъмирлаш, янги шаҳар ансамбллари барпо этиш ишларининг жадаллашиб кетиши маҳобатли рангтасвирчилар янги ифода воситаларининг изланишига, ўзига хос бадий ечимларнинг қидириб топишига асос бўлди. Ушбу даврнинг маҳобатли рангтасвир соҳасида Б. Жалолов, Ж. Умарбеков, А. Алиқулов, О. Ҳабибуллин, «Санойи-нафиса» гуруҳи, А. Бухорбоев, А. Аҳмедшин, А. Исаев, В. Ган каби рассомлар ёрқин асарлар яратган. Б. Жалолов ўзига хос пластика ва ранглар ечимига эга деворий сурат ва намойёнларни ижод қилди: «Туркистон» саройи интерьерларида «Умар Хайём туши», Ўзбекистон Миллий банки биноси интерьерларида «Нимага туғилганимни ҳеч ким айтмади», Интерконтинентал меҳмонхонасида «Наврўз», «Афросиёб», «Тун маъбудаси», Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейида «Абадият гумбази остида» ва б. А. Алиқулов бошчилигидаги гуруҳ Ўзбекистон халқлари тарихи музейида «Халқ қузғолошлари ва ҳадидчилик ҳаракати» каби кенг қамровли ва сермаъно деворий суратлар яратди. «Санойи-нафиса» гуруҳи аъзолари маҳобатли рангтасвир асарлари миниатюра услубидан фойдаланиб ижод қилишган (Темурийлар тарихи давлат музейида «Буюк Соҳибқирон – буюк бунёдкор» учлиги ва б.), Витраж усулида А. Аҳмедшин (Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар биноси, Вашингтондаги Ўзбекистон элчихонасидаги «Ипак йўли» асари ва б.), Ш. Жамилова (Тошкентдаги «Беруний» метро-

Ўзбекистон тасвирий санъати усталари. 1983.



си бекати, Самарқанддаги темир йўл вокзали ва б.) фаол иш олиб борди.

Истиқлол даврида тасвирий санъатнинг бошқа соҳа ва жанрлари ривожланиб борди. Ҳайкалтарошликка янги услубий ёндошувлар асосида миллий мустақиллик гоёларига ҳамоҳанг қатор маҳабатли асарлар пайдо бўлди: Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темури ёдгорликлари (И. Жабборов, К. Жабборов), Чирчиқ (А. Раҳматуллаев, Л. Рябцев) ва Тошкентда Алишер Навоий (Э. Алиев, Н. Бандзеладзе, В. Дегтяров) ва Мирзо Улугбек (А. Раҳматуллаев, Л. Рябцев) ёдгорликлари, Фарғона ва Кува шаҳарларида Ал-Фарғоний (И. Жаббаров, К. Жаббаров), Термизда Алпомиш (А. Раҳматуллаев, Қ. Норхўрозов ва б.) ва б. ҳайкаллар. Улуғ аждоларимиз қиёфаларини акс эттириш борасида Р. Миртожиев асарлари муҳим ўринга эга. Ҳайкалтарош Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Чўпонларнинг фалсафий мушоҳадаларга бой, ўзига хос пластик ечимга эга ёдгорликларини яратди. Ўзбекистон тарихи давлат музейи қайта очилиши (1992), Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этилиши (1996) қатор ижодкорлар томонидан тарихий мавзудаги асарларни яратишга туртки бўлди.

Бу давр дастгоҳли ҳайкалтарошлик санъатида ҳам услубий эркинлик, бадиий воситалар кўлами кенглигини кузатиш мумкин. Мазкур соҳада Т. Тожиҳўжаев, Д. Рўзиев, Ж. Қуттимуродов, Р. Миртожиев, А. Ҳотамов ва б. фаол

«Дўппи сотишмоқда». Ж. Умарбеков, мато, мойбўёқ, 1996.



ижод этган. Т. Тожиҳўжаев турли материаллардан фойдаланиб Навоий, Улугбек, Фурқат, Машраб каби буюк сиймолар портретларини реалистик услубда яратган. Айни пайтда унинг «Кураш», «Рақс», «Чавандоз» ишларида романтик, импрессион ва экспрессион талқинлар мавжуд. Ҳайкалтарошнинг «Бахт қуши» асарига эрксевар ўзбек халқининг асрий туйғулари ғайриоддий ва ҳаяжонли тарзда ўзининг рамзий ифодасини топган. Д. Рўзиев ҳам истиқлол йилларида самарали ижод қилиб, ўз бадиий услубини авангард руҳи б-н бойитди, асарларида ҳайкалтарошлик б-н рангтавирнинг ўзаро уйғунлигига эришди («Жаз ижросига ҳамоҳанг бадиҳалар», «Наврўз маликаси» ва б.). Ж. Қуттимуродов ўз ижодида қорақалпоқ халқи афсона ва ривоятлари, тарихий мавзулар, замондош портретларини намоён этган, қорақалпоқ аёли гўзаллигини рамзий образларда, маҳаллий табиат манзаралари б-н уйғун ҳолатда ифодалаган («Гулбойим», «Анахита», «Анахита балиқларни қутқармоқда», «Авесто» туркумидаги асарлар ва б.).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг турли воҳаларида тасвирий санъатнинг маҳаллий мактаблари раванг топди; Самарқанд (Н. Калонов, С. Калонов, А. Исаев), Андижон (О. Бакиров, У. Болтаев, Н. Ҳолиқов), Наманган (И. Валихўжаев), Бухоро (М. Абдуллаев, Б. Саломов, З. Саиджонов), Нукус (Ж. Изентоев, Б. Айтмуродов, В. Жапаров, С. Бойбосинов, Б. Серекеев) ва б. шаҳарлар рангтавир марказларига айланди. Реалистик, академик йўналишда сермаҳсул ижод қилаётган кекса ва ўрта авлод rassomлари тарихий ва жанрли суратлар, портрет, манзара ва натюрмортлар яратган. Айниқса, тарихий ва рамзий портрет жанрида фаол ижод қилган М. Набиев (Амир Темури ва Бобур портретлари), А. Абдуллаев (Алишер Навоий), Ч. Аҳмаров (Фаробий, Нозира), А. Икромжонов (Камолитдин Беҳзод), М. Йўлдошев (Гўрўгли, Алпомиш), Э. Машарипов (Алпомиш, Жалолитдин Мангуберди ва б.), Қ. Башаров (Спитамен), Т. Қўзиев, М. Нуриддинов, С. Раҳметов (жадидлар портретлари), А. Маматова, Акмал Нур (Бобур) ва б.нинг суратлари диққатга сазовор. Бу даврда А. Абдуллаев, Р. Аҳмедов, Р. Чориев, Т. Оганесов, В. Бурмакин, Р. Худойбергенов, С. Раҳметов, Ш. Абдуллаева, Й. Турсунназаров, И. Баҳрамов ва б. портретнавис rassomлар замондош образларини яратган.

Манзара жанрида Р. Аҳмедов, Н. Қўзиев, Р. Чориев, М. Саидов, Ю. Стрельников водий ва тоғли худудларнинг лирик манзаралари. В. Зиёев, В. Енин, Ю.

Талдикин, М. Тошмуродов, Р. Таглюева, Ч. Бекмиров ва б. қишлоқ ва шаҳарнинг ҳаёт аломат ва хусусиятларини намоён ш зтувчи жанрли манзаралар ижод қилган.

Истиқлол даврида романтик услубда миллий ўзига хосликини талқин этиш йўлида Ч. Аҳмаров, А. Мирзаев, Р. Шодиев, О. Қозоқов, Н. Шин, И. Валихўжаев, Ш. Абдуллаева, И. Мансуров ва б. ёрқин безакдор, баъзан шаклнинг эркин ўйинига асосланган асарлар яратган. Айнан шу даврда Ўрта аср деворий суратлари ва миниатюра анъаналари рангтавир санъати асарларида қайта тугилиб, Ш. Муҳаммаджонов, Б. Йўлдошев, Н. Холматов, Т. Шоймардонова, Э. Зайниддинов ва б. rassomлар услубининг ўзига хослигини белгилайди. С. Алибеков, Б. Жалолов, Ф. Бойматов, Ж. Умарбеков, Ф. Аҳмадалиев, А. Нур, Б. Муҳамедов, Б. Исмоилов ва бир қатор бошқа rassomлар ижодида фалсафий-таҳлилий ва ассоциатив-мажозий йўналишлар

«Олтин аср». Б. Жалолов, мато, акрил бўёқлари, 1999.



ўзининг тўла аксини топди. Айнан шу гуруҳ рассомлар замонавий ўзбек ранг-тасвирининг янги услубиятини вужудга келишида асосий ўрин эгаллаб, ўзига хос ранг ва пластик ечимлар, маъзуий ва ғоявий ўзгаришлар туфайли миллий рангтасвирнинг ҳозирги босқичини белгилаб берди.

Истиқлол даврида нафис мўъжаз расм, хаттотлик ва китоб наққошлиги қайта тикланди. Айниқса, Камолиддин Бехзод юбилейлари нишонланиши, бу соҳага катта эътибор натижасида республикада миниатюрочи, наққош ва хаттотлар гуруҳи юзага келди. Ҳ.Солиев хаттотлик асарлари халқаро миқёсда тан олинди. Камолиддин Бехзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилиб, Т.Болтабоев, Х.Назирова, Ф.Камолов унинг биринчи соҳиблари бўлдилар.

Графика санъатида М.Кагаров, В.Алуктин, П.Анненков, Ф.Бойматов, А.Мамажонов, М.Солиқов, Л.Тиора, Л.Зуфарий, Л.Иброҳимов каби рассомларнинг ижодий изланишлари аҳамиятга сазовор.

Охириги йилларда Ўзбекистон тасвирий санъатига кириб келган янги номлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармаси гранти асосида Италия Б.Ада тахсил олиб қайтган К.Бобоев, Р.Зиёдуллаев, Э.Ҳайитов, Ж.Изентосевлар ижоди ҳоз. давр миллий тасвирий санъат аъёнларини давом эттирмоқда.

Истиқлол даврида Ўзбекистон тасвирий санъатида дизайн (Л.Садриддинов, Ф.Тошмухамедов, К.Турсунов, Т.Турсунов, Б.Семейкин, Т.Холмирзаев, Ю.Эгамов, С.Умарбеков, Д.Сайфи, А.Ашурбоев, И.Шиповская, Д.Тен ва б.) ва фото санъати (В.Ан, Н.Мухаммаджонов, К.Минайченко, М.ва Д.Пенсон, Ш.Усмон, В.Жирнов, Р.Шарипов,

Р.Яруллин, Р.Шагаев, Ф.Қурбонбоев, Шаҳноза Усмон, Турсун Али ва б.) соҳалари янги погоналарга эришди. Бунга Тошкентда «Тошкент фото уйи» (2002), «Ўзбек либослари галереяси» (2005) нинг ташкил қилиниши, мунтазам равишда халқаро фотобиенналенинг ўтказилиши ҳам катта аҳамият касб этди. Сўнгги йилларда қурилган бинолар – Ўзбекистон консерваторияси, Сенат, Ўзбек кийимлари музейларини безашда ҳам рассомлар фаол иштирок этган. Замонавий жиҳозланган муҳташам янги бинодо жойлашган Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси (2004), машҳур рассом ва маърифатпарвар И.Савицкий сайиҳаракати б-н ташкил топган Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг замонавий янги биноси қуриб битказилиши (2002), Шаҳрисабздаги «Чубин» мадрасасида картиналар галереяси, Самарқанддаги Регистон мажмуасида «Чорсу» картиналар галереясининг ташкил этилиши охириги йиллар тасвирий санъатда янги бадий-ғоявий йўналишларнинг шаклланиши, санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этди, ижодий изланишлар доирасининг кенгайишига туртки бўлди. Истиқлол йилларида тарихий, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш, янгиланиш тамойиллари тасвирий санъат тизимида яққол намоён бўлди.

Ад.: Пугаченкова Г., Ремпель Л., История искусств Узбекистана, М., 1965; Искусство Советского Узбекистана, М., 1976; Тахташ Р., Художественно-критические этюды, Т., 1993; Ўзбекистон санъати (1991–2001 йиллар), Т., 2001; Аҳмедова Н., Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог, Т., 2004.

Абдукаюм Умаров, Турсунали Қўзиёв.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси



МУСИҚАСИ

Ўзбек халқининг оғзаки аъёнада ривожланиб келган мусиқа мероси шаклан ва мазмунан бадий мукамаллиги б-н ажралиб турди. Мусиқа санъатига оид бевосита ва билвосита маълумотлар бир қанча манбаларда учрайди. Авестода мил. ав. давларда ҳоз. ўзбеклар истиқомат қилаётган жойларда яшаган халқларнинг турли (хусусан, мусиқали) маросимлари ҳақида баёнлар мавжуд, энг муқаддас ҳисобланувчи, Заратуштрадан мерос қолган «гатлар» (нақллар) замонавий тадқиқотларда – кўшиқ (айтим)лар деб номланади.

Ўзбекистон ҳамда қўшни давлатларда олиб борилаётган археологик қазилмалар мусиқага оид аниқ ашёвий далиллар бермоқда. Айритом пирамони (фриз)даги созандалар, Панжент деворий расмларидаги саҳналар, Афросиёб, Далварзиптепа ва б. худудлардан топилган ёдгорликлар шулар жумласидандир. Мил. ав. маҳаллий мусиқий ҳаёт юнон тарихчилари Геродот, Ктесий, Ксенофонт, Страбон, Птолемей, Аррианларнинг асарларида ҳам ёритилган.

Ўзбек халқи авайлаб ҳоз. кунга қалар сақлаб келаётган дostonчилик аъёналари, «Наврўз», «Лола», «Ҳосил» байрамлари, турфа меҳнат ва маросим туркумлари – мозийдаги куй, кўшиқлар мажмуи – қай даражада бой бўлганлигидан далolat беради.

Халқимизнинг серқатлам мусиқа мероси ҳоз. ўзбек мусиқашунослигида оддий ва мураккаблик нуқтаи назаридан асосан икки турга бўлиниб, мусиқа фольклори (меҳнат, маросим куй ва кўшиқлари, шаклан оддий ашулар) ва профессионал-касбий мумтоз мусиқа (дoston, катта ашула, мураккаб шаклли ашула ва чолғу куйлар, мақомлар)га тақсимланади. Ваҳоланки, сўнгги турдаги асарлар яқин-яқин (1920–30 й.лар) гача Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Фулом Зафарий ва б. томонидан ўзбек классик мусиқаси деб юритилган.

Фольклор ва мумтоз мусиқада кенг тарқалган бир қанча куй ва ашула йўллари бир воҳадан иккинчисига кўчиб, маҳаллий мусиқа диалектлари (шевалари)га пайвандланиб кетиши натижасида муайян асарларнинг воҳабоп («Фаргона Танавори», «Самарқанд Ушшоғи», «Бухоро Ироғи» каби) кўринишлари юзага келган. Натижада ҳоз. кунга келиб, аъёнавий ўзбек ижрочилиги ва ижодчилигида Фаргона–Тошкент, Бухоро–Самарқанд, Сурхондарё–Қашқадарё ва Хоразм минтақаларига хос локал муси-

кий-услубий хусусиятлар намоён бўлмақда.

Асл ўзбекона турмуш тарзи азалдан она алласидан — марсия («Йиғи», «Садр» ва б.)ларгача изчил содир бўлган муттасил мусиқавий жараёнларга бойдир. Ҳаётий урф-одатлар ва маросимларнинг деярли барчаси булар таркибидаги муайян воқеликни ифодаловчи махсус чолғу куйлар, маросим кўшиқлари ва ашула туркумлари ижроси б-н утказиларди. Мас., суннат тўйларида янтрайдиган сурнай йўллари олдиндан белгиланган аниқ вақт ва вазиятлардагина навбатма-навбат ижро этилиб, буларнинг ҳар бири — маросимнинг муайян қисми б-н боғлиқ бўлган. Шу боис, узоқ-яқин кўни-қўшнилари у ёки бу куй садосидан — тўйнинг қайси маросими бўлаётганидан бохабар бўлишган. Никоҳ тўйларининг мусиқий дастури ҳам қўшиқ (ашула) ва чолғу куйларнинг маълум тартибдагина алманиб ижро этилишига асосланади: тўй очилиши — карнай, сурнай ва ногора йўллари; келин ва куйёв кириб келиши — аёл (баъзи жойларда эркак)ларнинг «Ёр-ёр»лари ва «Улан»лари, ҳофизларнинг «Тўйлар муборак» кўшиқлари; тўй эртаси ўтказиладиган «Келин салом» маросими — олдта доира жўрлигида ижро этилувчи шу номли кўшиқлар ва ҳ.к. Баъзи (Уш, ўзбеклар яшайдиган) ҳудудларда «Улан»лар йиғитлар томонидан ҳам ижро этилади, Сурхон воҳасида эса тўйларда дostonчилар чиқиши одат тусини олган.

Турли маросим ва меҳнат мавзулари узоқ ўтмишдан бастакорлар ижодиётида устувор ўрин эгаллаб келган. Марказий Осиёлик машҳур хонанда, созанда ва бастакор Борбад Марвазий (тахм. 585—638) ижоди бунга мисол бўла олади. Зеро, у ўз фаолиятини дастлаб халқ орасида ўтказиб, муайян («Наврўз» каби) урф-одатлар, баъзи ривоятлар (Сиевуш достони) ва ҳатто яхлит йил тақвими (360 кун, ҳафта ва ойлар) тизими б-н боғлиқ мавзуларни ўз асарларида акс эттирган. Эрон шоҳи Хусрав II

Парвиз саройида хизмат қилган йиллари эса, бастакорлик тарихидаги илк кўп қисмли «Хусравоний» туркумини яратди.

Айни шу даврда Марказий Осиёнинг қатор воҳаларидан Рамтин (557—620), Накисо Чангий (549—623), Саркаш (568—625), аёллардан Озодвор Чангий (592—650) каби Шарқда тан олинган бастакорлар етишиб чиққан. Ота-боболари Бухоро, Самарқанд ва б. шаҳарлардан бўлган Ибн Сурайж сингари санъаткорлар ҳам Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида танилди. Демак, мусиқа фольклори, мумтоз мусиқа, бастакорлик ижодиёти анъаналари заминимизда араблар истилосига қадар шаклланган эди.

Мумтоз мусиқий мерос ва бастакорлик асарларини тула-тўқис идрок этиш, атрофлича таҳлил ва тадқиқ қилиш учун муайян тайёргарлик, махсус («устоз-шоғирд») таълим тизимида изчил ўзлаштириш тақозо этилган. Шу боис, узоқ ва яқин ўтмишда мусиқадан баҳобарлик — маҳаллий зиёлиликнинг таркибий белгиси бўлганлиги туфайли, бу мураккаб санъатнинг илми, амалиёти ва моҳиятига оид теран фикрлар, қизиқарли маълумотлар бир қатор тарихчи олим (Наршахий, Беруний, Бобур каби) ва адиб (Фирдавсий, Қайковус, Низомий Ганжавий, Арузий Самарқандий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий ва унинг замондошлари Аҳмадий, Восифий сингари)лар томонидан қолдирилган. Ҳатто шеърӣй ва мусиқий фикрлар пайвандлашувиға асосланган нома, баёз, тазкира каби янги жанр ва шакллар юзага келганки, булар соҳа тадқиқи учун муҳим манбалар вазифасини ўтайди.

Мусиқанинг тарихий, назарий, эстетик, этик ва б. масалалари 9—19-а.ларда Мусо Хоразмий, Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин ал-Урмавий, Маҳмуд аш-Шерозий, Хожа Абдулқодир Мароғий, Абдурахмон Жомий, Зайнуллобиддин ал-Ҳусайний, Нажмиддин Кавкабий, Дарвишали Чангий, Вожид Алихонларнинг асарларида кенг ёритилган.

Бутун Шарқда мусиқанинг фалсафий, назарий, тарихий ва амалий муаммолари тадқиқ этилишини Ўрта Осиё олимлари махсус мусиқий рисоаларида бошлаб беришган. Хусусан Абу Наสร Форобийнинг «Китоб ул-мусиқи ал-кабир» («Мусиқага оид катта китоб») асарида маъкур соҳаларга атрофлича асос солар экан, мусиқа санъатини икки турга ажратади: амалий мусиқа — асар яратиш, уни ижро этишдан иборат; илмий мусиқа эса — ана шу асар ёки ижро таҳлилидан иборатлигини уқтиради ҳамда бунга ишонарли хулосалар келтиради. Шунингдек, Форобий мусиқани чолғу куйлар ва бевосита инсон овози иштироки б-н юзага келадиган (яъни ашула йўлларидан иборат) мусиқага ажратади, бошқа бир ўринда уларни — инсон ором берувчи, инсон ҳис-туйғуларини уйғотувчи ва энг мукаммати — инсон тафаккурини ривожлантирувчи мусиқаларга бўлади.

Сомонийлар (9—10-а.лар) ва Қорахонийлар (11—12-а.лар) даврида адабиёт, илм ва санъат тараққиёти учун яратилган муҳит барча соҳаларда ўз самарасини бера бошлади. Ибн Сино қаламига мансуб «Китоб ан-нажот», «Донишнома» ва, айниқса, «Китоб аш-шифо» («Шифо китоби»)нинг «Илм ал-риёзиёт» («Математика») қисмидаги «Жавомеъ илм ал-мусиқий» бўлимида муаллиф мусиқа, тиббиёт ҳамда гўзаллик оламларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида теран фикрлар келтиради. Шу б-н бирга, сўнгги асарида Ибн Сино, яқин ўтмишдоши Форобийнинг мусиқа товушлари, буъд (интервал)лар тизими ва б. масалаларга доир таълимотини ривожлантириб, мулоимат (консонанс) ва мунофират (диссонанс)лар таснифоти кенгайтиради, бунинг асосида соф товушқатор назариясини яратади. Маҳмуд Кошғарий ўзининг оламшумул «Девону луготит турк» асарида халқ орасида, айниқса, турли фасл, меҳнат ва касблар б-н боғлиқ кўшиқ жанри кенг тарқалганлигини ёзган. Шу давр манбаларида руд (уд), танбур, қўбуз, рубоб, най, сурнай, карнай, қўшнай, табл, барбат, даф, кўс, табуроқ, зир, чағона, шайнур, арғанун ва қонун каби ғоят хилма-хил торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбоблардан кенг фойдаланганлиги ва ҳатто қатор янги соҳалар ихтиро этилганлиги таъкидланган. Мас., Абу Ҳифз Сўғдий (832 й.да Бухорода вафот этган) шоҳруд номли торли асбоб яратган. Манбаларда Абубакр Рубобий, Бўзар, Буамир, Абул Аббос Бахтиёр каби созанда ҳамда ҳофизларнинг номлари сақланиб қолган. Буюк Абу

Айритом пирамондаги созандалар. 1—2-а.лар.



Абдулло Рудакий чанг, руд ва танбур каби созларни яхшигина чаладиган созанда ва ҳушовоз ҳофиз ҳам бўлган. Машҳур «Васфи Бухоро» қасидасини Ушшоқ пардасида айтиб, ниҳоятда шуҳрат қозонган.

Инсоният тарихига илк Шарқ Уйғониш даври (Муслмон Ренессанси) номи б-н кирган 9–12-а.лар мобайнида маданий ҳаёт юксалди. Муסיқа ижрочилиги, ижодиёти ва илми жадал ривожланиб, барча соҳаларда маҳаллий халқлар орасидан етук намояндalar етишиб чиқди. Буларнинг айримлари наинки Мовароуннаҳр, Хуросон, балки Ҳиндистон ва б. Шарқ мамлакатларида ҳам тан олина бошлади. Давр маданий ҳаёти, хусусан турли маросимларда халқ куй ва кушиқларининг ўрни, уларнинг турлари ҳақидаги қимматли маълумотларни Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Наршахий каби олимларнинг тарихга оид асарлари, айниқса «Софлик биродарлари» номлари, «Қобуснома» сингари обрўли манбаларда учратиш мумкин. Хусусан «Қобуснома»да «Рост», «Ироқ», «Ушшоқ», «Зирафканд», «Бусалик», «Сипохон», «Наво», «Баста», «Тарона» каби мақом йўлларининг номлари келтирилиб, булар бутун Шарқда тарқалган «Ўн икки мақом» тизими, кейинчалик, ўзбек ва тожик халқлари мумтоз туркумига айланган «Шашмақом» учун замин бўлган.

Муסיқанинг тарихий, амалий ва, айниқса, назарий ҳамда эстетик муаммолари Сафиуддин ал-Урмавий, Маҳмуд аш-Шерозий, Хожа Абдулқодир Мароғийларнинг махсус рисоаларида кенг қамровда талқин этилган. Булардан Хожа Абдулқодир Мароғийнинг Самарқанд ва Хиротдаги кўп қиррали фаолияти эътиборлидир. У ёшлигидан қироатхонликда, сўнгра хонандалик, созанда (най, чанг, рубобчи)лик, бастакорлик ва муסיқашуносликда ном чиқариб, Амир Темуру ва Темурийлардан Халил Султон ва Шоҳрух Мирзолар саройларида хизмат қилган. Жами 200 дан зиёд муайян усул, куй ва ашулалари, мақомларнинг чолғу (пешрав, тасниф) ҳамда ашула (амал, тарона) йўлларини ижод қилган. Олим сифатида «Мақосид ул-алҳон» («Куйларнинг келиб чиқиши»), «Жавомеъ ул-алҳон» («Куйлар мажмуаси»), «Канз ул-алҳон» («Куйлар хазинаси») каби муסיқий рисоалар яратиб, араб, форс, ҳинд ва туркийзабон халқлар муסיқасини изчил таҳлил қилган, ўз салафларидан фарқли ўлароқ, илмий бағрикенглик намунасини намойён этган.

Темуру ва Темурийлар (14–15-а.лар) ҳамда уларнинг илм, маданият ва санъ-



Борбад Марвазий. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига ишланган миниатюранинг бир қисми. Бухоро, 1660-й.лар.

атга ҳомийликлари тизимини давом эттирган Бобур ва Бобурийлар даврида мазкур соҳаларда иккинчи Уйғониш жараёни яққол кузатилади. Соҳибқирон Амир Темуруга мансуб «Темуру тузуклари»да таъкидланишича, ҳарбий юришлар, давлатчилик маросимлари б-н боғлиқ, кенг тарқалган қатор чолғулар (ноғора, карнай, сурнай, бурғу каби) ҳарбий унвонлар даражасига кўтарилган. Зеро, Темурубек ўзи ёзишича: «Ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ноғора, амир ул-умарога — байроқ ва ноғора, туман туғи ва чортуғ, мингбошига — бир туғ ва карнай, юзбоши ва ўнбошига — биттадан катта ноғора, аймоқ амирларига — биттадан бурғу, тўрт бeғлар бeғининг ҳар бирига — биттадан байроқ, ноғора чортуғ ва бурғу» берилишини буюрган.

Табиики, давлат бошлиғининг муסיқа асбоблари мавқеини бунчалик юқори қўйиши барча санъат аҳли эътибори ва эътирофидан четда қолмаган. Ҳатто махсус муסיқа рисоаларида турли чолғуларга, уларнинг тузилиши, созланиши (Абдулқодир Мароғий), баъзан тақомиллашувига (Абдурахмон Жомий), дутордек ноёб асбобларга (Зайнуллобиддин Ҳусайний) алоҳида ўрин ажратилади. Хусусан, уд созининг торларини кўпайтирган Абу Наср Форобийни эъзолаган Абдурахмон Жомий муסיқий ижод («Нақши Имома», баъзи манбаларда «Нақши Мулло» номли асар муаллифлиги таъкидланган), айниқса, муסיқа илмига улкан ҳисса қўшган. Унинг «Рисола муסיқий» тадқиқоти Яқин ва Ўрта Шарқдаги энг нуфузли, соф назарий манба ҳисобланади. Сабаби, унда муסיқа санъатининг тарихий, фалсафий ва назарий—амалий муаммолари юксак илмий савияда умумлаштириб берилган. Шу боис, ушбу рисола замонавий му-

сиқашунослик учун ҳам ҳануз дастурил-амал вазифасини бажариб келмоқда.

Маърифат ва маънавият аҳлининг жонқуяр ҳомийси Алишер Навоий болалик чоғларида Ҳусайн Бойқаро б-н биргаликда алифбо сабоқлари қатори муסיқа санъати сирлари (хусусан, бастакорлик анъаналари)ни Хожа Юсуф Бурҳондан анча пухта ўзлаштирган, тоғаси Муҳаммад Али Ғарибий, устоз ва яқин дўстлари Абдурахмон ва Муҳаммад Жомийлар, муסיқий ижодкорлар Абдулла Марварид, Паҳлавон Муҳаммад, Ҳофиз қозок, Мавлоно Айнийлар, ёш замондошлари ва шоғирдлари Зайнуллобиддин Ҳусайний, Камолиддин Биноийлар б-н муסיқий ижод ва ижро соҳаларида мунтазам суҳбатлар ўтказиб келган. «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон» ва, айниқса, «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Маҳбуб ул-қулуб» каби илмий-бадий асарларида муסיқа санъатининг тарихий, назарий, фалсафий, этик ва эстетик муаммоларини таҳлил қилган, бастакорликка оид теран фикрлар билдирган. Навоийнинг ўзи ҳам бевосита муסיқа ижодиётига қатор хўб нақш ва пешравлари ҳамда муайян (7 та) усуллари б-н ҳисса қўшганлиги ҳақида («Бобурнома», Дарвишали Чангийннинг «Рисола муסיқий»си ва б.да) маълумотлар етиб келган. Баъзи манбаларга кўра Абдурахмон Жомий ўз муסיқа рисоласини Навоий маслаҳатига биноан, Зайнуллобиддин Ҳусайний эса «Муסיқанинг илмий ва амалий қонунлари» номли асарини Навоийга бағишлаб яратишган. Сўнгги рисоланинг 16-бобида илк бор дутор таърифи дастаси чизиги б-н берилган, унинг созланиши, товушқатори ҳақида ноёб маълумотлар келтирилган. Темурийлар сулоласи намояндalarидан Ҳусайн Бойқаро ноғора ижрочилигида, Заҳриддин Муҳаммад Бобур муайян («Чоргоҳ») пардалар заминида муסיқа асарлари яратишда ном чиқарган.

Форобий ва Ибн Синолар томонидан риёзий фанлар таркибий қисми сифатида таърифланган муסיқа, Амир Темуру ва, айниқса, Темурийлар давридан бошлаб эҳтиросли ва камёб санъат тури сифатида тан олина бошланди. Наҳмиддин Кавкабий Бухорийнинг «Муסיқа рисоласи»да «Муסיқа илоҳий сирларга эга, шу боис, у фақат танланган инсонларгагина тушунарлидир», деб таъкидланган. Мазкур манбада, авваллари қатъий ва асосан насрий тартибдагина таҳлил қилинган «Дувоздамақом» («Ўн икки мақом») туркуми бир мунча эркин турлари б-н назмий-шеърий шаклда баён этилган: Ушшоқ, Наво, Буса-

лик, Рост, Исфакон, Зирафканд (ёки Кўчак), Бузрук, Зангула (ёки Ниҳованд), Раҳовий, Хусайний, Ҳижоз ва Ироқ. Рисоладаги алоҳида бир боб (11-боби) мавжуд куй турларига бағишланиб, булар атрофлича таърифланиши ҳам 15–16-а.ларда мусиқа ижодиёти, амалиёти ва илмида тўб ўзгаришлар содир бўлганлигидан далолат беради. Хусусан, мазкур ўн икки мақомдан иборат туркум б-н ёнма-ён, айни шу даврда янги – олти мақомдан ташкил топган Бухоро «Шашмақоми» шакллана бошлаган дейишга асос бор.

Умуман 16-а. охири – 18-а. мобайнида Бухоро амирлиги. Хива ва Кўқон хонликлари юзга келиши – мусиқа санъати борасидаги «рақобат» кучайиши, яъни ижрочилик ва ижодчиликда маҳаллий (локал) хусусиятлар устуворлашишига олиб келган. Натжиҳада Бухорода мукаммал «Шашмақом», Хивада Хоразм мақомлари (айрим манбаларга биноан – Мақоми Рост, Мақоми Наво, Мақоми Сеғоҳ, Мақоми Дуғоҳ, Мақоми Бузрук, Мақоми Ироқ ва қўшимча тарзда – Мақоми Панжгоҳ), Кўқон хонлиги доирасида Фарғона–Тошкент мақомлари (Чоргоҳ, Баёт, Шаҳноз-Гулёр ва Дуғоҳ Хусайний ашула йўллари ҳамда номдош чолғу туркумлар) шаклланди. Шунингдек, Фарғона, Марғилон, Кўқон, Андижон, Наманган ва Тошкент ҳамда улар атрофида яна бир мумтоз жанр – катта ашула шаклланиши ҳам мукаммал нуқтасига етди, айнан шу жойларда муайян созлар жўрлигида ижро этилувчи ашула ривожини юқори поғонага кўтарилди.

Табийки, асосан бастакорлик санъати тараққиёти б-н боғлиқ бўлган бу ва буларга ўхшаш мураккаб шаклли (достон, чолғу йўллардаги) асарларда давр ҳароратигина эмас, балки ўнлаб ижодкорлар тафаккури, дунёқарашлари ва бадиий умумлашмалари ўз аксини топган. Шунинг учундирки, 16–17-а.ларга оид манбалар, хусусан Бобурнинг «Бобурнома», Дарвишали Чангийнинг «Тухфат ус-сурур» («Ёшлик қувончлари») мусиқа рисоласида бастакорлар ижодига, улар яратган юзлаб асарлар таърифига катта ўрин ажратилган. Шу б-н бирга бадиий адабиётда ҳам нома, баёз, мунозара каби жанрлар воситасида назмий-муסיқий тафаккур (мас., Амир Темур набираси Сайид Аҳмаднинг «Таашшукнома»сидаги) уйғунлашиши намуналарини учратиш мумкин.

Мусиқа санъати аҳлига ҳомийлик бобида Темирийлар анъанасини Нодирбегим, Муҳаммад Раҳимхон Сохий (Феруз), Амир Олимхонлар тахтда ўтирган

йиллари давом эттиришди. Мас., Феруз 1882 й. махсус «Фармони Олий»ида: «Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу Фармони Олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёйинки у(лар)ни бузуб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин!» деган ибратомуз фикрлар мавжуд.

Туркистон Россия томонидан босиб олинган, айнан юқоридеги анъаналар йўққа чиқарила бошланди. Маҳаллий халқ орасидаги миллий мусиқа санъатига булган азалий қизиқиш европача мусиқа жанрлари, ижрочилиги ва таълим тизимини астойдил сингдириш йўли б-н поймол қилинди. Тошкент, Кўқон, Фарғона, Бухоро, Самарқанд каби йирик шаҳарларда Рус императори Мусиқа жамияти бўлимлари, унинг таркибида эса «Лири» хор жамияти (1898), Мусиқа ва драма (1907), Симфоник ва камер мусиқа (1908), Вокал мусиқа (1914) сингари европазамин мусиқа шохобчалари кенг фаолият бошладди.

Табийки, бундай вазиятда воҳаларда, бутун Туркистон ва ҳатто хорижий давлатларда танилган – айнан шу жойлар мусиқа мероси билимдонлари бўлган атоқли хонанда, созанда ва бастакорлар атрофида муайян «устоз–шоғирд» тарзидаги мактабларгина маҳаллий анъаналарни давом эттириб келди. Хусусан, Бухорода «Шашмақом» ижрочилик мактаби – Ота Жалол Носиров, Ота Фиёс Абдуганиев ва Леви Бобохонов каби ҳофизлар, Самарқандда мақомчилик ва бастакорлик – Ҳожиабдулазиз Абдураулов, Хоразмда мақомчилик – Паҳлавон Ниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий), Фарғонада созандалик – Рустам Меҳтар, катта ашулачилик Эркақори, Тошкентда – мақомчилик ва ашулачилик Тўйчи Ҳофиз Тошмуҳамедов ва Шораҳим Шоумаров сингари устозлар атрофида тараққиёт топди.

Икки аср чегарасида миллий маданият ва санъат аҳволи, узоқ ўтмиши ва келажак йўналишлари Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Фулом Зафарий каби жадидчилик ҳаракати б-н турли даражада боғлиқ намояндаларнинг диққат эътиборини ўзига тортди. Ўзбек мусиқа фольклори ва мумтоз миллий мерос, Фарб ва Шарқ муסיқий муносабатлар, янги шаклланаётган (муסיқали драма каби) жанрлар, муסיқий таълим ва қатор ўзга долзарб муаммолар уларнинг «Аланга», «Маориф ва ўқитувчи», «Ер юзи» (1935 дан «Гулистон») журналлари, шунингдек, рус, форс, турк тилларидаги нашрларда эълон этилган мақолаларида теран таҳлил қилинган. Маҳмулҳўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Зиё Саид, Абдулҳамид Чўлпон каби маърифатчиларнинг мусиқага оид мақолаларида мавжуд мусиқа услубларини, муסיқани тарғиб этиш янги йўлларини излаб топиш, янги ўқув тизимини яратиш каби масалалар ўрин олган. 20- а.нинг бошида жадидларнинг жонбозлиги туфайли янги баёз тўпламлари босма равишда чоп этилиб, тез орада оммалашиб кетди (мас., Тўйчи Ҳофизга мўлжалланган «Ҳадия Хислат», 1910; «Баёзи янги», 1911 ва б.; Ҳамзанинг 10 қисмдан иборат «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар», 1915–19; Шамсуддин Хуршиднинг «Хуррият мевалари» кўшиқ ва маршлар тўплами, 1917 ва б.). Мазкур даврда уюштирилган илк муסיқий фольклор экспедициялар ҳам ўзбек халқи мусиқа меросини тўплаш, ва илмий ўрганиш тизимига асос солди (мас., А.Фитрат ва Ф.Зафарийнинг раҳнамолигида В.Успенский томонидан 1923–24 й.лари Бухорода ёзиб олинган «Шашмақом»). Раҳмон ўғли Мулла Бекжон ва Девонзода Муҳаммад Юсуф Харратовларнинг «Хоразм мусиқа тарихчаси» (1925), А.Фитратнинг «Ўзбек классик муסיқаси ва

Шашмақом

Ўзбек муסיқий меросида марказий ўрин тутган мақомлар туркуми, ўзаро узвий боғланган мумтоз куй ва ашулалар мажмуи. Шашмақом – миллий ҳамда минтақавий муסיқа анъаналарининг тарихий тараққиёт натижаси, бир қатор бастакорлар авлоди санъатининг қомусий маҳсулидир. У Бузрук, Рост, Наво, Дуғоҳ, Сеғоҳ ва Ироқ мақомларидан ташкил топган бўлиб, жами 250 дан ортйқ турли шаклдаги куй ва ашула намуналаридан иборат. Ҳар бир мақом чолғу (Тасниф, Тарже, Гардун, Муҳаммас, Сақил ва б.) ва ашула (Сарахбор, Талқин, Наср, Уфар, Савт, Мўғулча ва б.) йўлларидан таркиб топган. Шашмақом ашула йўлларида ўзбек ҳамда форс мумтоз шоирларидан Рудакий, Жомий, Лutfий, Навоий, Бобур, Фузулий, Ҳофиз, Амирий, Нодира, Зебуннисо, Отаҳий ва б.нинг ишқий-лирик, фалсафий, насихатомуз, диний мазмундаги ғазаллари, шунингдек, халқ тўртликлари жалб этилган. Созанда, ҳофиз ва бастакорлар мақом йўлларининг кўплаб ижривий талқинларини кашф этдилар, улар асосида янги куй ва ашулалар яратдилар.



Ҳожиабдулазиз АбдураСУЛОВ.



Тўйчи Ҳоғиз Тошмудамодов.

унинг тарихи» (1927) китоблари, А.Чўлпон, З.Саид ва Ф.Зафарийларнинг матбуотда изчил чиқишлари 20-а. миллий муסיқашуносликнинг вужудга келишига асос солиб, унинг услубий йўналишларини белгилаб берди.

Жадидлар томонидан илгари сурилган ғоялар янги ўқув тизимини яратишда ҳам муҳим вазифани бажарди. 1918 й.да Тошкентда Мунавварқори бошчилигида ташкил этилган «Халқ дорилфонуни» қошида Туркистон халқ консерваториясининг Эски шаҳар бўлими очилди (1919). Бу даргоҳда миллий муסיқа дарсларини Абдусоат Ваҳобов, Шораҳим Шоумаров, Давлатохун Қодиров, Мақсуд Хўжаев, Исмаил Лутфуллаев, европача муסיқа таълимини В. Успенский, Е. Романовская, С. Еникеевалар олиб боришди. Айнан шу шаклда 1921 й.да А.Фитрат Бухорода Шарқ муסיқа мактабини ташкил қилди. Шарқ муסיқа мактабларининг ташкил этилиши 1920—26 й.лари бутун Ўзбекистон бўйича оммавий тус олди. Мазкур мактабларда шакланган ўқув тизими 1928 й.да Самарқандда очилган Ўзбекистон муסיқа ва хореография ин-тида давом эттирилди.

Европа кўповозли муסיқа санъати б-н таниш бўлган жадидлар ўзбек анъанавий муסיқа услубларини ҳам бу йўналишда ривожлантиришга даъват этишган. Замон талабларидан келиб чиқиб, муסיқий ҳаётнинг янги шакллари — муסיқий кечалар, оммавий концертлар уюштирилди, хонанда ва созандаларнинг санъати саҳна воситасида кенг омма орасида тарғиб қилинди. Ўша давр таъбири б-н айтганда «майдон муסיқаси» б-н бирга «саҳна муסיқаси», «саҳна ўйини» айрича ҳолда кўриниш касб этди. Қишқи ва ёзги саҳналарда анъанавий қўшиқчилик ўрнини бадиий ўқиш (декламация), марш, Туркиядан кириб келган шакллар (мас., «Ниҳованд шарқи») ва б. олди. Базм кечаларида таниқли ҳоғизлар, созандалар б-н бирга болалар ва катталар (Тошкентда А.Зиёбоев бошчилигидаги ва б.) хорлари иштирок этди. И.Инъомжонов хизмати б-н кўпги-

на ўзбек куй ва қўшиқлари, мактаб болаларининг хорлари граммофон ликопчаларига ёзиб, тарқатилди. Бу ҳаракатларнинг тадрижий давоми 1920-й.ларга келиб, муסיқали саҳна асарлари яратишда намоён бўлди. Ўша давр таъбири б-н айтганда «миллий опера» яратиш муаммоси кўндаланг қўйилди. Ҳамза, А.Фитрат, Ф.Зафарий, З.Саид бу масалада жонбозлик кўрсатишди. Уларнинг мақсадлари — ўзбек муסיқасини саҳна воситаси ила оммалаштириш, шунингдек, европа муסיқа услубида яратилган янги асарлар орқали ўзбек муסיқасини дунё маданияти миқдосига олиб чиқишдан иборат бўлди (мас. 1925 й.да Берлинда ўзбекистонлик ўқувчилар томонидан ижро этилган Ф.Зафарийнинг «Эрк болалари» муסיқали драмаси ва б.).

19-а.нинг охири — 20-а. бошида европазамин (австриялик Август Эйхгорн, чех Франтишек Лейсек) ва рус (И.Добровольский, С.Рибакон, Р.Пфенинг) муסיқачилар, хусусан айрим композиторлар (Н.Кленовский), шунингдек, овоз ёзиш фирмалари (Рига «Граммфон» жамияти) ўзбек муסיқа фольклори намуналарини ёзиб олиш (ноталаштириш), ижодий қайта ишлаш ва илк пластинкалар орқали тарғиб этишга қизиқиш кашф этди.

Ушбу давр Россиянинг зўравонлик сиёсати маҳаллий санъат аҳли ҳамда шинавандаларида қатъий қаршилик туғ-

дирди. Халқ орасида ижтимоий норозилик қўшиқлари кенг тарқала бошлади. «Оқ подшо — золим подшо», «Николай золим», «Поезингни юргизган» (ёҳуд «Мардикорлар воқеаси»), «Асфандиёр — хон бўлди» сингари фольклор асарлари пайдо бўлиб, деярли ҳар бир воҳала баралла янгради.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам қўшиқ жанрида самарали ижод қилиб, 20-а. ўзбек қўшиқчилигининг ривожланиш йўлларини белгилаб берди. Мазкур жанрни янги мазмун б-н бойитиш жараёнида у ўзбек анъанавий оҳанглари олар байжон, татар, уйғур, рус ва б. халқлар муסיқасининг ифодавий воситалари б-н уйғунлаштирди («Ишчилар уйғон», «Мотам куни», «Сайёра» ва б.). «Яша, Турон», «Ҳой ишчилар», «Биз, ишчимиз» каби кенг тарқалган даъваткорона оммабоп қўшиқларида эса Ҳ. анъанавий куй ривож услубини анча ўзгартирди, янги оҳанглardan дадил фойдаланди. Ёнма-ён эса, 20-а. ўзбек бастакорларининг тўнғич авлоди Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, уларнинг тенгдошлари, таниқли созандалар Матюсуф Харратов, Абдурахмон Умаровларнинг янги (1917 й.дан кейинги) давр б-н боғлиқ — халқнинг орзу-умидларини ифодаловчи (аксарияти жадал, маршсимон сурьатларга асосланган) чолғу куй ва оммабоп қўшиқлари юзага келди. Уларда даврбай оҳанглар мавжмуи, ўзгача муסיқий лугавий жамламалар яратишга интилиш яққол сезилди, хусусан 20-й.лар ҳаётига монанд жўшқинлик, жадаллик ва дадиллик кайфиятлари устувор келди. Ҳамза ва мазкур бастакорлар, асосан, марш, вальс каби оммавий жанрларга изчил таянишларига Европа ва, айниқса, рус инқилобий фольклори ҳамда композиторлари ижоди туртки бўлди. Шу боис, 20-а. ўзбек қўшиқчили-

Ўзбекистон муסיқа ва хореография институти жамоаси. Самарқанд, 1929 й.





Мухитдин Қориёқубов.



Тўхтасин Жалилов.



Юнус Ражабий.

гида индивидуаллик эмас, балки «ҳаммабоплик» аломатларига ургу берилди бошлади ва бу нуқсон кейинчалик муаллифлик (айниқса композиторлар яратган) қўшиқларидан — кантата, оратория, баъзан опера ҳамда мусиқали драма ва комедияларга қўчиб ўтди.

Сунгги икки жанр — мусиқали драма ва комедия 20-а.нинг 20-й.лар арафасида ўзбек саҳнавий (қизиқчилар, масхарабозлар ва қўғирчоқбозлар театрлари, аския санъати) ҳамда мусиқий (маросим ва маиший қўшиқлар, ашула, катта ашула ва мақомлар) меросига изчил мурожаат этиш натижасида юзага келган. Бу жараёнда Ҳамзанинг «Ўлка сайёр сиёсий драматик труппаси»да саҳналаштирган инсценировкалари, Фулом Зафарийнинг «Эрк болалари», «Туйғун-ой» ва, айниқса, «Ҳалима», Хуршид раҳбарлигида куйилган «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» асарлари мусиқали драма шаклланишида муҳим омил бўлди. 1926 й. М. Қориёқубов ташкил этган Ўзбек давлат концерт этнографик ансамблига атоқли ўзбек хонанда, актёр, созандалари жалб этилиб, 1929 й. унинг заминида Самарқандда Ўзбек давлат мусиқали театри ташкил топди. Унинг илк репертуари «Ҳалима» (1929), «8 март» (1932), «Фарҳод ва Ширин» (1933), «Ичкарида» (1933) спектаклларида тўзилди. Булардаги му-

сиқанинг аксарияти ўзбек мусиқали фольклори (оммавий саҳналар), ашула, дoston, катта ашула ва мақом йўллари-дан (бош қаҳрамонлар тавсифи) иборат эди. Мерос намуналарини танлашда Тўйчи Ҳофиз, Ш. Шоумаров каби иж-рочилар фаоллик кўрсатишган. 1933 й. саҳналаштирилган (Навий дostonи асо-сида Хуршид либреттоси) «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмасига илк композиторлардан Толибжон Содиқов ва Николай Мионовлар махсус мусиқали яратишди.

1920–30-й.лар мобайнида ўзга жанрларда ҳам илк асарлар юзага келди: Н. Рославецнинг «Пахта» (1932), Ф. Талнинг «Шоҳида» (1939) балетлари, С. Василенко ва М. Ашрафийларнинг «Бўрон» (1939), Р. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг «Лайли ва Мажнун» (1940) опералари, дастлабки оратория, симфония, трио, камер-вокал мусиқалар — ана шулар жумласидандир. Бироқ буларнинг кўпчилигида миллий мусиқали меросидан кенг фойдаланилган бўлса-да, бош мезон айнан европача андоза-шакллар, драматургик ва б. услублар асосида амалга оширилганлиги тўғрисида деярли барчасида маълум номутаносиблик кўзга ташланган.

20–30-й.ларда мусиқали таълими, иж-рочилиги ва илмида маълум ўзгаришлар содир бўлди. Тошкентда Туркистон халқ консерваторияси (1918), мусиқали техникуми (1924, 1936 й.дан мусиқали билим юрти), давлат консерваторияси (1936), илк ўрта

махсус (1927, кейинчалик Р. Глиэр номидаги) ва бошланғич мусиқали мактаблари каби Европа тизимидаги муассасалар очилган. Самарқанддаги Ўзбекистон мусиқали ва хореография ин-ти (1928) ҳам ўқув. ҳам илмий даргоҳ бўлганлиги тўғрисида, унда европача бирламчи таълим олган бир қанча ўзбек бастакор ва композиторлари ўзбек мусиқали меросини ўзбек мусиқий шевалари билимдонлари Ота Жалол, Домла Ҳалим ва Ҳожиабдулазиз Абдурасулов (Бухоро—Самарқанд услуби), Аҳмаджон Умурзоқов ва Абдуқодир Исмоилов (Фарғона—Тошкент услуби), Матюсуф Ҳарратов (Хоразм услуби) ва б.дан ўзлаштирилган, мусиқали фольклори намуналарини ноталаштирилган.

Айнан ўша даврда атоқли ўзбек иж-рочилари чет эл гастролларида бўлишган: Тамарахоним ва М. Қориёқубовлар Париж ва Берлин (1925), Тамарахоним, Уста Олим Қомилов, Тўхтасин Жалилов ва Абдуқодир Исмоиловлар Лондон (1935)да катта муваффақият қозонишган. Ўзбек давлат филармониясининг ташкил этилиши (1936) иж-рочилик санъатини маълум даражада тизимланишига асос бўлди. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, ашула ва рақс ансамбллари, хор капелласи, симфоник оркестр унинг таркибида иш бошлади. Москвада ўтказилган театр (1930), ҳаваскорлик (1932) ва, айниқса, Ўзбек санъати декадаси (1937)да иж-рочилик жаҳалари тараққиётида муҳим синовлар бўлди. Халқ ижоди уйи (1937), Ўзбекистон композиторлар уюшмаси (1938) таъсис этилиши ҳаваскорлик ҳамда муаллифлик ижодиёти кенгайтишига туртки бўлди.

2- жаҳон уруши йилларида халқнинг асл фарзандларининг бевосита жанг майдонларидаги жасорати, фронт ортидаги филокорона меҳнати асосан қўшиқчилик ва мусиқали драма жанрида изчил ифодасини топди. Адиблар Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла, Уйғун, Н. Погодин, бастакорлар Т. Жалилов, Н. Ҳасанов, композиторлар М. Бурҳонов, Т. Содиқов, А. Клунов, С. Вайнбергларнинг «Ўзбекистон қиличи» концерт-спектакли (1942) мазкур жанрда яратилган ягона асардир. Мусиқали драма жанрининг мумтоз намунасига айланган Т. Жалилов ва К. Яшинларнинг «Нурхон» (1942, дек.) асари ҳам уруш йиллари махсулидир. Шунингдек, романс (Т. Со-диқов, М. Бурҳонов, С. Юдаков, М. Левнев), камер-чолғу (Г. Мушель, С. Юдаков) жанрларда ҳам асарлар яратилди.

Тошкентга эвакуация қилинган Ленинград (ҳозир Санкт-Петербург) кон-



«Гулсара» операсидан саҳна (Ф. Борухова, К. Зокиров, Ҳ. Носирова, Ф. Абдурахмонов). 1950-й.лар.

серваториясининг композитор ва мусиқашунослари М.Штейнберг, С.Гинзбург ва б. узбек халқ куйлари асосида йирик партитуралар ва илк илмий тўпламлар яратишди. Тошкентда 1942 й. 22 июнида 20-а.нинг машҳур композитори Дмитрий Шостаковичнинг 7- «Ленинграднома» симфонияси собиқ иттифоқда иккинчи бўлиб ижро этилди. М.Штейнберга – Ўзбекистон халқ артисти, Ю. Тюлин, Х.Кушнарёв, О.Чишко, Б.Араповларга – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонлари берилди. Улар ўзбек композиторларига йирик асарлар яратишда (М.Ашрафий симфониялари), бастакорлар (Ҳамза, К.Жабборов, С.Калонов) куйлари асосида программали чолғу партитуралар ёзишда яқиндан ёрдам кўрсатишган.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда – бутун Марказий Осиё композиторлари учун бадиий етук намуна тариқасида Мутаваккил Бурҳонов томонидан жўрсиз хорга мўлжаллаб қайта ишланган ўзбек, тожик, қорақалпоқ, уйғур, қозоқ, сўнгра афгон, эрон ва курд халқ кўшиқлари кенг тарқалди. 50-й.ларда Т.Жалилов, Ю.Ражабий, Ф.Содиқов, К.Жабборов, Н.Ҳасанов, И.Икромов, С.Калонов, Ф.Тошматов каби бастакорлар, Т.Содиқов, Д.Зокиров, С.Юдаков, М.Левиев, А.Муҳаммедов сингари композиторлар оммабоп кўшиқлар яратишди.

Ўзбек мусиқали драмаси ва мусиқали комедиясида ҳам эътиборга молик асарлар пайдо бўлди. Т.Жалиловнинг (композиторлар б-н ҳамкорликда яратилган) «Муқимий», «Равишан ва Зул-

хумор», «Тоҳир ва Зухра», «Сурмахон», М.Левиевнинг «Олтин кўл», кейинчалик «Тошболта ошиқ», С.Бобоевнинг «Ватан ишқи», А.Муҳаммедовнинг «Жон қизлар», Ик. Акбаровнинг «Момо ер», «Қонли тўй» каби асарлари шулар жумласидандир. Айнан мусиқали драма ва комедия ҳамда опера жанрларида Ўзбекистон бастакор ва композиторлари ўзбек мавзулари б-н чекланмай, Шекспир, (Р.Вильданов, Н.Зокиров), Гарсиа Лорка, Ч.Айтматов, (Ик. Акбаров, М.Левиев), С.Улуғзода, К.Шанғитбоев, К.Бойсеитовлар ижодига мурожаат этишди.

1950–60-й.лар ва кейинги даврларда опера ва балет жанрларида ҳам маълум натижаларга эришилди: С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши», Т.Содиқов, Ю.Ражабий ва Б.Зейдманларнинг «Зайнаб ва Омон», Т.Жалилов ва Б.Бровшинларнинг «Тоҳир ва Зухра», Ик.Аkbаровнинг «Сугд элининг қоплони», С.Бобоевнинг «Ҳамза» каби опералари, Г.Мушелнинг «Раққоса», «Самарқанд афсонаси», А.Козловскийнинг «Танавор», У.Мусоевнинг «Ҳинд достони», «Тумарис» сингари балетлари шулар жумласидандир. 1970–80 й.ларда йирик, кўп қисмли опера асарлари б-н бирга камер опера (Н.Зокировнинг «Тўқнашув», Р.Абдуллаевнинг «Салоқат»), болалар операси (С.Вареласнинг «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи», Ф.Янов-Яновскийнинг «Чет эллик Петрушка») намуналари ҳам яратилган.

Ўзбекистонда сингдирилиши қийин бўлган кўп овозли мусиқа турларидан



Ҳалима Носирова.

бири симфоник мусиқадир. Бу соҳала 1940–50-й.ларда турли-туман сюиталар, бир қисмли миниатюра (айниқса, поэма)лар яратиш одат тусига кириб қолган эди. Фақат 60–70-й.лардагина бу соҳада туб ўзгаришлар рўй берди. Авваллари композиторлар аксарият ҳолларда ўз партитураларига мусиқий мавзу (тематик материал) сифатида асосан мусиқа фольклоридангина фойдаланиб, мақом, катта ашула, дoston каби мураккаб жанрларни четлаб ўтган бўлса, 60–70-й.лардан мазкур нуфузли мерос намуналарига ижодий қизиқиш жалаб ўзгариб, кенгайиб борган. Натижада биргина мақомларнинг ўзиде – симфоник мусиқа учун асл омиллар, том маънодаги мавзу ва мазмун манбаи излаб топилмоқда (М.Тожиевнинг 3-, 5-, 7–9 симфониялари, М.Маҳмудовнинг «Наво» ва 3- симфонияси, Ҳ.Раҳимов ва Р.Абдуллаевнинг симфониялари ва б.).

Ўзбекистон телерадиосининг «Мақом» ансамбли, 1972.



Ўзбек композиторларининг мумтоз муסיқа намуналарига мурожаат этиши бошқа жанрларда ҳам кузатилган. С.Бобоев «Танавор», «Ҳануз», Б.Умиджонов «Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Сарахбори Наво» куйларини жўрсиз хор учун қайта ишлаган бўлса, М.Бафоев «Мақомлар садоси» асарида мақомларнинг бадиий-ижодий хусусиятларини умумий тарзда акс этган.

Вокал-симфоник муסיқа жанрларида ҳам турли мавзудаги, бадиий ўзига хос асарлар яратилган: И.Ақбаровнинг «Ташкентнома» ораторияси ва «Хамса» вокал-симфоник поэмаси, М.Бурҳоновнинг «Алишер Навоийга қасида», С.Юдаковнинг «Ғалаба», «Алёр» ва «Мирзачўл» асарлари ва б.

1958 й. Ўздавэстрада таркибида, 1963 й.да эса Ўзтелерадио қошида эстрада оркестрлари ташкил этилганидан сўнг эстрада қўшиқчилиги жадаллашиб, С.Юдаков («Карнавал вальси»), Ш.Рамазонов (қайта ишланган «Наманганнинг олмаси» ва «Эй, меҳрибоним» қўшиқлари), А.Двоскин («Тошкент ҳақида қўшиқ»), М.Бурҳонов («Мафтуннингман» кинофильмидаги «Мафтун бўлдим», «Юлдуз қўшиғи» ва б.), кейинчалик Ик.Ақбаров («Газли», «Раъно», «Қайдасан» ва б.), Ҳ.Изамов («Тошкент осмони», «Ким ўзи»), Э.Солиҳов («Қиз бола», «Бу оқшом») ва б.нинг асарлари юзага келди. Ижрочиликда Ботир Зокиров, Юнус Тўраев, Муҳаббат Шамаева, Раъно Шарипова ва б., «Наво», айниқса, «Ялла» ансамбллари хорижий мамлакатларда ҳам танилди.

1960–80 й.ларда анъанавий мумтоз муסיқа ижодининг бадиий маданиятдаги мавқеи қайта тикланиб, қўтарилди. И.Ражабовнинг миллий муסיқа мероси-

га бағишланган «Мақомлар масаласига доир» (1963) илк йирик тадқиқоти чоп этилди, Бухоро Шашмақоми (Ю.Ражабий, 1966–75), Хоразм мақомлари (М.Юсупов, 1980–87)нинг янги тўла нашрлари эълон қилинди. 1959 й.дан Ўзбекистон телерадиоси қошида, 1970 й.лардан Хоразм, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва б. жойларда профессионал ва ҳаваскорлик мақом ансамбллари, Тошкент консерваторияси таркибида «Шарқ муסיқаси» кафедраси (1972) фаолият кўрсата бошлади. Мақом ижрочилиги бўйича хонанда ва созандаларнинг республика танловлари (1983 й.дан), анъанавий муסיқанинг тарихи ва назарияси муаммоларига бағишланган халқаро илмий анжуманлар (Тошкент, 1975; 1979; Хива, 1980; Самарқанд, 1978, 1983, 1987 ва б.) ўтказилди.

1970-й.лардан шаҳар, туман ва қишлоқ маданият уйларида ашула ва рақс ансамбллари б-н бирга репертуар асосини маҳаллий урф-одат, маросим ва байрамларга хос халқ муסיқа, ўйин-рақс намуналари ташкил этган фольклор-этнографик ансамбллари ҳам фаолият кўрсата бошлади. 1970-й.лардан Ўзбекистон телевидениесига «Чашма», «Марҳабон, талантлар» каби телетанловлар, 1980-й.лардан барча туман ва вилоятларда фольклор-этнографик ансамбллари, бахши-шоирлар ва б. кўрик-танловларининг ўтказилиши ўзбек халқ муסיқа ижодининг тарғиботи, тикланиши, янги шароитда ривожини учун катта аҳамият касб этди.

1960–80 й.ларда ўзбек бастакорлари фаолияти ҳам тараққий этди. Ю.Ражабий, И.Икромов каби катта авлод ижодкорлари б-н бирга К.Жабборов, Ф.Содиқов, Н.Ҳасанов, С.Калонов, Ф.Тошматов, М.Мирзаев, О.Ҳотамов, С.Тўхтасинов, Ф.Мамадалиев, Ф.Ҳожиқулов, М.Ақбаров, Б.Алиев, Н.Қулабдуллаев ва б. фаол

ижод қилиб, мумтоз ва замонавий шеърларга ашула ва қўшиқ, шуниингдек, чолғу куйлар яратган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон бўйлаб ёйила бошлаган истиқлол сабоқлари – узоқ ва яқин ўтмиш, жумладан сўнгги 70 йил мобайнида ташкил топган муסיқа санъатидаги туб миллий, умуминсоний, хусусан анъанавий муסיқа қадриятлари ва европазмин кўпозовли муסיқа йўналишлари палласини бир мунча тенг мезонларга солмоқда. Ўтган асрда ижобий ечимини топмаган ижодий-амалий муаммолар, айниқса, бир ярим минг йиллик тарихга эга бўлган бастакорлик ижоди ва 20-асрдагина кириб келган композиторлар ижоди мувозанатини тўғрилашдек ўта долзарб масала ижобий ҳал этилмоқда. Шу даврда ўзбек муסיқа маданияти қад. ва янги замон анъаналарини ўзида муҷассам этиб, халқ ва мумтоз муסיқа услублари, бастакорлик ва композиторлик ижоди, муסיқа ҳаваскорлиги ҳамда эстрада ижодиёти каби йўналишларда намойён бўлди.

Мустақиллик йилларида ўзбек анъанавий муסיқасига эътибор янада кучайди. Хусусан, шу даврда оилавий ансамбллар, фольклор-этнографик ансамбллар, тўй маросим қўшиқлари, катта ашула, бахши-шоирлар, мақом ижрочилиги бўйича кўрик-танловлар б-н бирга «Алла» (1991 й.дан), «Шарқ тароналари» (1997 й.дан, Самарқанд), Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов номидати (1997 й.дан, Марғилон), Хожиабдулазиз Абдурасулов номидати (1997 й.дан, Самарқанд), Комилжон Отаниёзов номидати (2001 й.дан, Урганч), «Бойсун баҳори» (2003 й.дан, Бойсун) ва б. янги ташкил этилган республика ва халқаро муסיқа фестивал ва танловлари ўтказилади. Айни пайтда анъанавий муסיқа ижрочилигини ўрга-

Ўзбекистон миллий симфоник оркестри,
2002 й.



ниш барча мусиқа коллежлари ҳамда кўпгина болалар мусиқа мактабларида жорий этилди.

Ўзбек мумтоз мусиқа ижодиёти ва ижрочилиги соҳасида кекса, етуқ ҳамда ёш авлодга мансуб ўнлаб санъаткорлар — ҳофиз, созанда ва бастакорлар самарали фаолият кўрсатди. Т.Алимов, Ф.Ҳожиқулов, К.Искандаров, Ҳ.Ражабий, О.Худойшукуров, А.Исмоилов, Ў.Расуллов, М.Йўлчиева, М.Сагторова, М.Тожибоев, Р.Қурбонов ва б. миллий мумтоз мусиқа ижрочилигига катта ҳисса қўшган. Бастакорлик соҳасида айтиқса О.Ҳотамов (Яссавий, Чустий шеърларига яратган туркумлари ва б.), Ф.Мамадалиев («Мискин», «Ушшоқ», «Насрулло» ва б. туркумлар), Ў.Расуллов ва А.Исмоилов (мумтоз ва замонавий шоирлар шеърларига яратган лирик ва оммабоп ашула ва кўшиқлар, чолғу куйлар) ва б. сермаҳсул ижод қилиб, диққатга сазовор асарлар яратишган.

Композиторлик ижодиёти соҳасида истиқлол йилларида янги анъаналар, шакллар, мавзулар, янги ифодавий-бадий воситаларга таянган асарлар пайдо бўлди. Композиторлик ижодиётининг таркиби мусиқий саҳнавий жанрлар — мусиқали драма ва комедия (Ф.Алимовнинг «Нодирабегим», «Сойибхўжа операцияси», «Суперкайнона» ва б.; М.Бафоевнинг «Буюк ипақ йўли», «Севги нидоси», Т.Қурбоновнинг «Иброҳим алайҳиссалом», Б.Лутфуллаевнинг «Тақдир» ва б.), опера (Ик. Акбаровнинг «Ибтидо хатоси», М.Бафоевнинг «Ал-Фаргоний», «Бухорои шариф», Ҳ.Раҳимовнинг «Она қалби», Ф.Янов-Яновскийнинг «Оркестр», «Қутқариш» ва б.) ва балет (М.Бафоевнинг «Нодира», «Улуғбек буржи» ва б.); симфоник мусиқа (М.Тожиёвнинг 15–19-, Н.Ғиёсовнинг 11–14-симфониялари ва концерт-мақомлари, Р.Абдуллаевнинг фортепиано концертлари ва б.); хор ва вокал-симфоник мусиқа (М.Бурҳониянинг «Абадий хотира» реквием-марсияси, Ик. Акбаров, М.Бафоев, Б.Лутфуллаев, Д.Омонуллаева, Б.Умиджонов ва б.нинг асарлари), оммабоп ва эстрада кўшиқлари (Р.Абдуллаев, Ф.Алимов, А.Мансуров, А.Назаров, Д.Омонуллаева, Ҳ.Раҳимов ва б.), кино мусиқаси (М.Маҳмудов, Э.Солиҳов, А.Эргашев, Э.Пак, ва Ф.Д.Янов-Яновскийлар ва б.) каби жанрлар б-н бойиб борди.

Ўзбекистонда танилган машҳур ижрочилар, анъанавий услубдаги хонандалар Маъмуржон Узоқов, Жураҳон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Расулқори

Мамадалиев, Орифқожи Алимаҳсумов, Очилхон Отахонов, Орифқўжа Имомхўжаев, Муҳаммаджон Каримов, Таваккал Қодиров, Фаттоҳжон Мамадалиев, Берта Давидова, Ҳасан Ражабий, Мунотот Йўлчиева, Маъмуржон Тўхтасинов, Маҳмуджон Тожибоев, Марьям ва Насиба Сагторовалар ва б.; замонавий миллий йўналишида куйловчи Камолиддин Раҳимов, Шерали Жўраев, Фуломжон Ёқубов, Замира Сунонова ва б.; эстрада хонандалари — Ботир, Луиза ва Фарруҳ Зокировлар, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Усмонова ва б.; созанда-лар — Фахриддин Содиқов, Муҳаммаджон Мирзаев, Ориф Қосимов, Турғун Алимов, Фуломжон Ҳожиқулов, Абдуҳошим Исмоилов, Абдулаҳад Абдурашидов ва б.; мусиқали драма, опера ва балет солистлари — Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Назира Аҳмедова, Саодат Қобулова, Карим Зокиров, Фулом Абдураҳмонов, Сагтор Ярашев, Асад Азимов, Эргаш Йўлдошев, Насим Ҳошимов, Қўрқмас Муҳитдинов, Исмоил Жалилов, Муяссар Раззоқова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Бернора Қориева ва б.; турли йўналишдаги дирижёрлар — Мухтор Ашрафий, Фазлиддин Шамсиддинов, Наримон Олимов, Абдуғани Абдуқодиров, Дилбар Абдураҳмонова, Зоҳид Ҳақназаров, Фани Тўлаганов, Наби Ҳалилов, Форуқ Содиқов, Элдор Азимов, Ботир Умиджонов, Аҳад Ҳамидов, Жўра Шукуров, Анвар Эргашев ва б.; мусиқашунослар — Файзулла Кароматов, Исҳоқ Ражабов, Тамара Визго, Наталья Янов-Яновская, Тўхтасин Фафурбеков, Рустам Абдуллаев, Абдуманнон Назаров, Орзу Азимова, Отаназар Матёқубов, Равшан Юнусов, Оқил Иброҳимов ва б.

Махсус мусиқа таълими тизими ЎзР Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида бўлиб, 300 дан зиёд 7 йиллик болалар мусиқа мактаблари, 5 ўрта махсус мусиқа мактаб (интернат) ва лицейлари, 14 мусиқа (санъат) коллежлари ва Ўзбекистон давлат консерваториясида амалга оширилди.

Ад.: Ф и т р а т А., Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Т., 1927 (2-нашри, Т., 1993); О л и м б о е в а К., А ҳ м е д о в М., Ўзбекистон халқ созанда-лари, 1–2-китоб. Т., 1959–74; Р а ж а б о в И., Мақомлар масаласига доир. Т., 1963; История узбекской советской музыки, 1–3-китоб. Т., 1972–91; Г а ф у р б е х о в Т., Творческие ресурсы национальной монодии. Т., 1987; Ўзбекистон сағвати (1991–2001). Т., 2001.

Тўхтасин Фафурбеков, Саида Қосимхўжаева.

ТЕАТРИ

Анъанавий театр тарихи жуда қадимий ва бойдир. Куртаклари ибтидоий жамоа давридаёқ юзага келган. Театр санъати ов ва б. меҳнат жараёни акс этган тақлидий рақслар, жанговар ва халқ уйинлари, табиат кучларига топиниш оқибатида юзага келган маросимлар шаклида намоён бўлган. Ўзбекистоннинг кўпгина сой ва горларидан топилган қоятош тасвирлари ва бизгача етиб келган баъзи уйинлар шундан далolat берали. Театр унсурлари тобора мураккаблаша бориб, табиатга, қуш ва ҳайвонларга, руҳларга бўлган ишонч-эътиқодлар, зардуштийликдан келиб чиқадиган турли урф-одатлар, маросимлар б-н ча-тишиб кетиб, асрлар оша ўзига хос томоша санъатини вужудга келтирган. Мил. ав. 7–6-асрлардаёқ Туронда зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби «Авесто» б-н алоқадор икки тоифа — кулгили ва қайғули томошалар шаклланган. Сиёвуш афсонавий ва илоҳий тимсолга айлан-тирилиб, унга театр санъатининг пири сифатида эътиқод қилинган. Юнонларнинг Дионис маъбудии ва у б-н боғлиқ комедия ва трагедия томошалари шундан таъсирланган ҳолда майдонга келган, деган фараз бор. Александр Мақдуний босиб олган ерларда махсус шаҳарлар қуриб, юнон маданияти, жумладан театр санъатини тарғиб қилишга киришди. Ойхоним, Нусай, Шаҳри Гулгулада махсус театрлар бўлиб, уларда Еврипиднинг «Алькеста», «Иппомий» каби трагедиялари кўрсатилгани маълум. Бундай томошаларда юнон актёрлари б-н бирга маҳаллий томошасозлар қатнашган. Санъатни элинлаштириш Александр Мақдунийдан кейин ҳам давом эттирилган. Шунга қарамай, юнон маданияти махсус шаҳарлар ичидагина қолиб, атрофдаги маҳаллий халқлар маданиятига даярли таъсир кўрсатмаган. Бунинг устига Олтой ва Шарқий Туркистондан кўчган турк қабилалари юриши б-н юнон маданияти Амударё ортида тўхтатилган эди. Хоразм, Сўғдиёна, Фарғона худудларида театр санъати анъанавий шаклларда ривожланди. Чунончи, бир замонлар Хоразм пойтахти бўлган Тупроққалъадан топилган созанда-лар, ниқобларда рақсга тушаётган раққослар, ниқобли кулгисоз тасвирлари бу ерда маълум даражада зардуштийлик ва унинг тимсоллари б-н боғлиқ саҳна санъати гуркираб ривожланганини кўрсатади.

Маҳаллий театр Эрон, Ҳиндистон ва Хитой санъати б-н ўзаро алоқаларда

ривожланишда давом этди. Мил. ав. 1-а.— миллодий 4-а.ларда Кушон давлатида Будда дини б-н боғлиқ турли театрлашган томошалар мавжуд бўлган. Шу тарзда Турон театр санъати кенг малакали тараққиёт йўлига тушиб олади, яъни диний маросимлар қобиғидан чиқиб, дунёвий мазмун касб этади, инсон ҳаёти, ижтимоий муносабатларни тасвирлашга эътибор кучаяди. Маҳаллий театр, айниқса, 6–7-а.ларда яхши ривожланди; Турон мулкидан чиққан чолғучи, хонанда, раққоса ва ўйинчилар Буюк ипак йўллари орқали қўшни юртларга сафар қиладилар.

Хитой йилномаларининг кўрсатишича, мас., Турон санъаткорларининг Хитойга таъсири 4-а.дан кучая бошлайди, 6-а.да улар شوҳаншоҳ саройидан ўрин оладилар, 7-а.да эса Хитой пойтахти Чань-аннинг барча кўнгилочар жойларини эгаллайдилар.

Араблар истилоси Турон томоша санъати тараққиёти ва шакли-шамойилига жиддий таъсир кўрсатди, театр санъатининг табиий йўлини ўзгартириб юборди. Қад. томошагоҳлар бузиб ташланди, қўлэмалар куйдирилди. Кўплаб малакали ўйинчилар, созанда-ю хонандалар ўз юртинини тарк этишга ёки сафарлари ўтаётган жойларда бир умрга қолиб кетишга мажбур бўлдилар, баъзи бирлари тоғларда жон сақладилар, айниқса, аёл санъаткорларга қийин бўлди. Улар жамоат жойларида ўйнаш у ёқда турсин, очик юз б-н кўринишдан ҳам махрум бўлдилар. Уларнинг ўрнини ҳам эркаклар, айниқса ўсмирлар эгаллай бошлади. Театр томошалари кўпроқ оғзаки ижодга, бадиҳаўйликка асосланди.

9–10-а.ларга келиб, туб ўзгаришлар рўй берди. Халқ байрамлари, маросимлари, урф-одатлари ва улар б-н боғлиқ томошалар тикланибгина қолмай, омма орасида кенг тарқалди. Самарқанд, Бухоро, Гурганж, Кеш, Чоч ва б. қатор шаҳарлар фан ва маданият марказларига айланиб, минтақанинг барча бурчақларидан истеъдодли кишиларни, санъат аҳлини йиға бошлади. Ижрочиларнинг ижодий уюшмалари юзага келди. Уламолар ҳам санъатга, турли халқ томошаларига ўз муносабатларини ўзгартириб, санъатни рад этишни эмас, ундан фойдаланишни афзал билдилар. Чунончи, улар маддоҳлар, дарвеш ва қаландарлар, воизлар, қиссахонлар, қўйингки ўз ижоди б-н қисман ислом динини тарғиб этувчи ижрочиларни тан олишган. Айниқса, тасаввуф тарихатларида баъзи санъатлар (шеърят, мусиқа, усул) қатори рақс, кўғирчоқ ўйин, дорбозлик, шунингдек, кураш, кўпкари



Маннон Уйгур.

каби майдон ўйинлари ҳаракати ҳам намоён бўлди. Мовароуннаҳр мўғуллар томонидан истило қилинган, илм, маърифат ва санъат аҳллари таҳқирланди, қул ва хизматкорга айлантирилди. Зулм қанча оғир ва кучли бўлмасин, маҳаллий аҳоли санъат ўзагини, асосий кучларини сақлаб қолдики, бу ўз навбатида бадиий анъаналарни аста-секинлик б-н тиклаш имконини берди.

Амир Темур даврига келиб, театр ва рақс санъатида кескин юксалиш рўй берди. Шарафиддин Али Яздий, ибн Арабшоҳ, Клавихоларнинг маълумотига кўра, пойтахт Самарқандда ва б. нуфузли шаҳарларда оммавий театрлашган томошалар уюштирилган. Уларда юзлаб масхарадор, хонанда ва созанда-лар, рақс усталари қатнашган. Катта сайил ва байрамларда Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Миср ва б. узоқ ўлкалардан келган соз ва нағма аҳли ҳам иштирок этган, ўзаро алоқалар кучайган.

Томоша санъати, айниқса, Мирзо Улуғбек даврида (1394–1449) Мовароуннаҳрда, Ҳусайн Бойқоро даврида (1469–1506) Хуросонда тараққий топди. Айниқса, Алишер Навоийнинг бу борадаги хизматлари жуда улқандир. У олим, шоир ва санъаткорларнинг бутун бир авлодига устозлик қилди, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Фиёс масхара, муқаллидлардан Хожа Дехдор, Абдулло Девона, ўз даврининг улуг зарифи Абулвосеъ Мунши, буюк раққос Саййид балр, атоқли воиз Ҳусайн Кошифий, рассом Камолдин Бехзод шулар жумласидандир.

14–15-а.ларда ва 16-а.нинг бошларида анъанавий театрнинг тоифаси бусбутун шаклланибгина қолмай, тараққий этди: масхара (халқ комедиялари ижрочилиги), тақлид (хаётий воқеа ва одатларни, қуш ва ҳайвонлар қилиқларини қулгили қилиб кўчириш, мазах қилиш) ва зарофат (бадиҳа ўйли б-н сўз ва байт беллашувлари); қиссаўйлик, воизлик, маддоҳлик (якка ижрочиларнинг чиқиши); кўғирчоқ ўйин. Ҳар қайси тоифа

яна ўз турлари ва туркумларига эга бўлган. Чунончи, кўғирчоқ ўйин чодир жамол, чодир хаёл, фонус хаёл турларига бўлинган. Воиз, қиссахон ва маддоҳлардан ташқари дорбозлар, раққослар, шуъбадобозлар, ромчилар (ҳайвон ўргатувчилар) ва б. кўплаб томошасозлар қатнашган. Анъанавий театрнинг кўпгина тур ва шакллари томошабинларда кулги уйғотган, уларни ҳаётга танқидий муносабатда бўлишга ўргатган.

Шайбонийлар ва айниқса аштархонийлар ҳукмронлиги даврида хурофот ва бидъат авж олиб, дунёвий илм ва санъат инқирозга юз тута бошлади. 18-а. охири – 19-а. бошида Туркистондаги Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонлиқларида анъанавий театр фаолиятида ўзига хос услубий кўринишлар пайдо бўлди. Бухоро амирлигида, мас., масхарабоз, кўғирчоқбоз, раққос ва б.нинг уюшмалари вужудга келган, бу ўз навбатида уларнинг репертуарлари бойишига ва ижрочилик маҳоратининг ошишига олиб борди. Хоразм анъанавий театрида 2 туркум томошалар – тўкма ва хатарли ўйин яхши шаклланди. Фарғона ва Тошкентда қизиқчилик ва аския тараққий этиб, сўз санъатига алоҳида эътибор берилди.

19-а.нинг 2-ярмида бир неча шаҳарларда созанда ва ўйинчилар ўртасида касабаларга уюшиш ҳаракати янада кучаяди. Қўқонда Зокир эшон (30 га яқин қизиқчи), Бухорода Тўла масхара (20 га яқин масхарабоз уюшган) тўдалари шуҳрат қозонган. Ўнлаб янги томошалар яратилган. Кўғирчоқ ўйинининг марказида Полвон Качал образи турган. Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Хива, Урганч каби шаҳарларда санъат б-н шуғулланувчи аёллар тўдалари ишлаган.

Мустамлака даврида Туркистон ўлкасига ўз ғоявий-эстетик хусусиятлари б-н маҳаллий анъанавий театрдан кескин фарқ қилувчи рус, кейинроқ татар ва озарбайжон театр тўдалари кириб кела бошлади. 1911 й. дастлабки ёзма миллий сахна асарлари яратилди. М.Бехбудийнинг «Падаркуш ёки ўқимаган боланинг ҳоли», А. Самадовнинг «Маҳрамлар», Фитратнинг «Бир фаранги б-н бухоролик бир мударриснинг қилган мунозаралари» деган пьесалари шу жумладандир. Шулардан, айниқса, миллий истиқлол жарчиси М.Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси ғоятда эътиборли бўлди.

1914 й. Самарқандда Бехбудий бошчилигида ташкил топган биринчи ўзбек ҳаваскорлик театр гуруҳи «Падаркуш» спектакли б-н ўз фаолиятини бошлади. Шу йили Тошкентда Абдулла Авлоний

тузган театр тўдаси ҳам «Падарқуш» б-н иш бошлади. 1916 й.дан унда Ҳамза номидаги театр (ҳоз. Миллий театр) асосчиси Маннон Уйғур ва ўзбек театрининг биринчи актрисаси Маъсума Қориева (Саъдия) санъатга илк қадамни ташлади. 1915 й. Ҳамза Қўқон шаҳрида ҳаваскорлик театрига асос солди, тўда ўз ишини «Заҳарли ҳаёт ёхуд Ишқ қурбонлари» (1916) спектакли б-н бошлаган.

1918 й. Ҳамза Фарғонада Ўлка сайёр сиёсий труппасини ташкил этди. М.Қориеқубов, Й.Эгамбердиев, Ҳ.Исломов, М.Кузнецовлар шу театр қалдиригачлар бўлди. Ўша йили Маннон Уйғур Тошкентда «Турон» жамияти қошида театрни тиклади. Бу тўда кейинчалик Ўлка давлат намуна театрига айланди. Аброр Ҳидоятлов, Музаффар Мухамедов, Обид Жалилов, Фатхулла Умаров, Сайфи Олимов, Маъсума Қориева, Босий Қориев, Зиё Саидлар театрининг биринчи актёрларидир. М. Уйғур Ф.Зафарий, Чўлпон, А.Қодирий, Ҳусайн Жовид асарларини саҳналаштирди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган театрларнинг сони аста-секин орта борди. Андижонда (1919 й.), Хивада (1922 й.), Бухорода (1922 й.) театрлар ташкил топди. Бухоро театрини ташкил бўлишида Маннон Уйғурнинг хизмати алоҳида.

20-й.ларда Москва ва Боку ш.ларида ташкил бўлган театр студияларида М.Уйғур бошчилигидаги артистлар таҳсил кўриб (1924–27) қайтдилар. Чўлпон шу студиянинг адабий эмакдоши, драматурги, таржимони сифатида фаолият кўрсатди.

Айни бир вақтда Самарқандда Марказий сайёр труппа (директори М.Мироқилов, бош реж.и Камол I) ишлади. Бу гуруҳнинг ижодий таркиби асосан Қўқон ва Намуна труппалари артистларидан иборат эди. 1927 й.га келиб театр Москва ва Боку студияларини битирувчилари б-н мустақкамланди. 1929 й. у Ўзбек Давлат драма театри (бадий раҳбари М.Уйғур, бош реж. В.Тихонович) мақомини олди. Театр тез кунда театр маданиятининг марказига айланди. Театрнинг 30-й.лар 2-ярмида У.Шекспир («Ҳамлет», «Отелло», реж. М.Уйғур), Ҳамза («Бой ила хизматчи», реж. Я.Бобононов) асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллари шуҳрат қозонди.

20-й.лар охири Рус ёш томошабинлар театри (1928), Ўзбек ёш томошабинлар театри (1929) ташкил топди. 30-й.ларда Фарғона (1930), Наманган (1931), Қашқадарё (1932), Сурхондарё (1935) вилоят театрлари, ўнлаб шаҳар



Олим Ҳўжаев.



Шуқур Бурҳонов.

ва туман театрлари ташкил қилинди. Тошкентда М.Горький номида Рус драма театри (1934), Республика қўғирчоқ театри (1939) очилди. 1939 й. Давлат опера ва балет театри, шу йили Давлат комедия театри (бош реж. М.Мироқилов) ташкил бўлди ва I й. утиб Муқимий номидаги республика мусиқали драма ва комедия театрига айлантирилди. 30-й.ларда шунингдек, уйғур, бухоро яҳудийлари, татар тилларида ишлайдиган махсус театр гуруҳлари ҳам фаолият кўрсатган. Аммо коммунистик ғоявийлик, синфийлик талаби кўпгина драматурглар ва театр арбобларининг қатағон қилинишига сабаб бўлди, саҳна санъатининг эркин ривожланишига тўсқинлик қилди.

2-жаҳон уруши йилларида Москва, Ленинград, Киев, Харьков ш.ларидан кўчиб келган театрлар б-н ҳамкорликда ўзбек театри намояндлари бир қанча спектакллар яратдилар: «Муқанна» (Ҳ.Олимжон), «Жалолиддин Мангуберди» (А.Шайхзода), «Ўлим босқинчиларга» (К.Яшин) ва б. Мусиқали драмалардан «Нурхон» ва «Офтобхон» (К.Яшин; Т.Жалилов) спектакллари шуҳрат қозонди.

50–60-й.ларда Ҳамза театри ва б. ижодий жамоалар ўзбек томошабинларига яқин бўлган қаҳрамонлик ва романтик ижро услубини ривожлантириш б-н бирга образларнинг ижтимоий-психологик талқинига алоҳида эътибор қилди. Шу йилларда «Шоҳи сўзана» (А.Қаҳқор) комедияси,

«Мирзо Улуғбек» (М.Шайхзода), «Юлий Цезарь», «Қирол Лир» (У.Шекспир) трагедиялари мазмунан теранлиги, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги ва бадий бўёқларининг ранг-баранглиги б-н томошабин эътиборини жалб этди. 1968 й. «Ёш гвардия» (1990 й.дан Аброр Ҳидоятлов номидаги ўзбек драма театри) театри ташкил қилинди. Ёшларга хизмат қилувчи ушбу театр реж. Э.Масофоев раҳбарлигида репертуарда, саҳналаштириш ва ижрочиликда янги услуб ва воситалар излай бошлади.

70-й.лар ва 80-й.ларнинг I-ярми ўзбек театрида зиддият даври бўлди: бир томондан, турли театр анжуманлари ўтказилиб, баъзи реж.ларда (Б.Йўлдошев ва б.) миллий мерос ва анъаналарга эътибор кучайиб, бу ижобий натижалар, ҳатто кашфиётлар олиб келган бўлса, иккинчи томондан дабдабазлик, хўжақўрсинга ишлаш, ҳақиқатдан қўрқиб, ҳаётни хаспўшлаб кўрсатиш театр санъатининг имкониятларини чеклаб қўйди. Бу даврда ўзбек театрлари тарихий мавзуда ва мумтоз асарлар талқинида бир мунча ютуқларга эришди. Ҳамза театрининг «Тирик мурда» (Л.Толстой), «Отелло» (Шекспир) спектакллари шу жумладандир. Аммо замонавий мавзулар нуқул ҳукмрон мафкура талаблари доирасида талқин қилин-



Муқимий театри биноси.



Лутфиҳон Саримсоқова.

ди. Баъзи комедияларгина халқ қадриятлари руҳида ишланди. Ҳамза театрининг «Олтин девор», «Келинлар қўзғолони» комедиялари бунга мисолдир. 1976 й. «Илҳом» ёшлар тажриба театр студияси тузилди. 1986 й. Республика Сатира театри ташкил топди ва унга Абдулла Қаҳҳор номи берилди.

80-й.лар 2-ярмида ошкоралик ва жамиятни демократлаштириш бўйича бошланган жараён таъсирида театр санъатида ҳам аҳвол бир қадар ўзгарди: ҳаётни ҳаққоний акс эттириш, нуқсонларни рўй-рост очиш, услуб ва жанр рангбаранглигига, томошавийликка интилиш майллари юзага келиб, аста-секин кучайиб борди. Бу даврда Аброр Ҳидоят-тов театри етакчи ўринга чиқиб олди. Мазкур театр «Майсаранинг иши», «Паранжи сирлари» (Ҳамза), «Қора камар», «Зиёфат» (Ш.Холмирзаев), «Искандар» (Навоий дostonи асосида Ш.Ризаев пьесаси) спектакллари б-н тарихий ва замонавий мавзуларни акс эттиришда миллий воситаларни кенг ишлатиш, саҳна макони, ижроларда эҳтиросларга, сўз б-н бирга мусиқа, рақс воситаларига ҳам эътибор беришда катта ютуқларга эришди. Бу ишларда Баҳодир

Йўлдошевнинг ишлари салмоқлидир. Шундан «Майсаранинг иши» ва ундан кейин Фарғона театрининг «Темир хотин» (Ш.Бошбеков, реж. О.Салимов) спектакллари «Наврўз» номли Марказий Осиё театрлари фестивалларида бош совринларни қўлга киритди. Бир пайтда қатагон қилинган ёзувчилар ижодига янги қараш натижасида Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирийларнинг баъзи асарлари саҳналарда тикланди. Жумладан, Фитратнинг «Абулфайзон» драмаси Тошкент, Қашқадарё ва Бухоро театрларида саҳналаштирилди. Узоқ вақт тақиқлаб қўйилган мавзуларга йўл очиб Беруний, Бобур, Нодири, Огаҳий ҳақида саҳна асарлари яратилди.

Ўзбекистон мустақиллиги даврида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, театр соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Театр санъатининг аҳамияти ошди: у энди мустақиллик гоёсига хизмат қилиши, буюк аждодларимиз меросининг, неча минг йиллик ўзига хос ноёб маданиятининг вориси эканлигини англашга ёрдам бериши, ушбу бойликни асраш ва умуминсоний қадриятлар, жаҳон тараққиёти ютуқлари асосида кўпайтиришга кўмаклашиши, ўсиб келаётган ёш авлодни ундан баҳраманд қилиб, ҳар томонлама камол топган, қатъий ирода ва эътиқодга эга кишилар қилиб тарбиялаши лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги (1998 й. 26 март), «Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «миллий театр» мақомини бериш тўғрисида»ги (2001 й. 21 сент.) фармонларида, Миллий театрининг янги биноси очилишида сўзлаган нутқида театр санъати, саҳна ижодкорлари олдида турган ва соҳа истиқболини белгиловчи вазифалар аниқ кўрсатилди.

Театрлар нафақат ижодий, балки ташкилий ва иқтисодий ишларни ҳам мустақил ҳал қила бошладилар. Аммо давлат уларни ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Янги театр биноларининг қурилиши (Ўзбекистон рус академик драма театри, Миллий театр бинолари каби), эскиларининг таъмирланиши, театр фестиваллари, театр арбобларининг юбилейлари ўтказилиши, давлат мукофотлари б-н тақдирланиши шундан далолат беради. Миллий театр артисти Зикир Муҳаммаджоновга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

Театрлар репертуарида барча мавзу йўналишларини, ижодда шу кунда мавжуд бўлган барча услуб ва воситаларни кузатиш мумкин. Тарихий мавзуларни ижодий ўзлаштиришда мамлакат театрлари катта ютуқларни қўлга киритди. Алишер Навоий (1991), Амир Темур (1996), Имом Бухорий (1998), Аҳмад Фарғоний (1998), Жалололдин Мангуберди (1999) юбилейлари, шунингдек, муқаддас Авесто китобининг 2700 йиллиги ва «Алпомини» дostonининг 1000 йиллиги муносабати б-н танловлар эълон қилиниб, ўнлаб асарлар театр саҳналарида қўйилди. 1996 й. «Амир Темур: буюклик ва инсонийлик» мавзуида театр санъати фестивали бўлиб ўтди. «Наврўз-97» театр фестивали ҳам Амир Темур юбилейига бағишланди. Намойиш қилинган 10 та спектаклдан Миллий театрининг «Соҳибқирон» (А.Орипов) спектакли тарихий воқеалар теран акс эттирилиши б-н ажралиб туради. Муқимий театрида Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаётини ҳақоқ қилувчи «Ҳар кимки вафо қилса» (Ҳ.Муҳаммад) ва «Бобуршоҳ» (Ҳ.Даврон) асарлари саҳналаштирилди. Қашқадарё театрида «Соҳибқирон» (А.Орипов), Хоразм театрида «Жалололдин Мангуберди» (Э.Самандар), «Авесто — эл фарзанди» ва «Феруз» (Комил Аваз), Сурхондарё театрида «Собир Термизий» (Низом Парда), Фарғона театрида «Ал-Фарғоний» (Й.Сулаймон) спектакллари яратилди. 1999 й. Абдулҳамид Чўлпон хотирасига бағишлаб Андижонда театр фестивали ўтказилди ва 5 та спектакль намойиш этилди: шундан «Кундузсиз кечалар» (У.Азим, Миллий театр), «Занжирбанд шер» (Зиё Нажмий, Андижон ёшлар ва болалар театри) спектакллари эътиборга молик деб топилди. Шунингдек, «Усмон Носир» (Н.Рашидова, Миллий театр), «Бехудий» (Б.Исломов, Самарқанд театри), Ойбек ва Ф.Фулом таваллудига 100 й. тўлиши муносабати б-н «Ўтган замон ҳангомалари» (Усмон Азим таъдиди, Миллий театр), «Хасан Кайфий» (Муқимий театри), «Адибнинг умри» (У.Азим) каби спектакллар ҳам саҳналаштирилди.



«Олтин девор» спектаклидан кўриниш (Ўзбек миллий академик драма театри).

Жаҳон мумтоз драматургиясига эътибор бу даврда ҳам сусайгани йўқ. У. Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир», «Ҳамлет» трагедиялари замонавий талқинларда сахналаштирилди. Миллий театрда Шекспирнинг «Ёз куни фаройиботлари» комедияси б-н Лессингнинг «Донишманд Натан» драмаси илк бор сахнавий талқин топди. К. Гольдони, К. Гоцци, Мольер асарлари негизда театрларимиз ижодий изланишлар олиб бордилар. Фирдавсий, Умар Ҳайём, Алишер Навоий, Ф.Аттор, Байрон, Гёте, Л.Толстой каби буюк ёзувчиларнинг асарлари Ўзбекистон театри сахнасида бир қатор ўзига хос, ноёб сахна асарлари яратилишига олиб келди: «Искандар» (А.Ҳидоятлов театри), «Чин маликаси» (Ўзбекистон рус академик драма театри), «Хобил ва Қобил», «Рақсу самоъ» («Эски мачит» театр-студияси) шу жумладандир. Миллий театрда Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси, М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси янги талқинда сахнага қўйилди. Жадидларнинг тақиқлаб келинган «Падаркуш» (Беҳбудий), «Адвокатлик осонми» (А.Авлоний), «Бахтсиз кув» (А.Қодирий), «Туркистон табиби» (М.Уйғур) пьесалари ёш реж. ва ижрочилар томонидан сахналаштирилгани ижобий ҳодиса бўлди.

Замонавий мавзуларда сахна асарлари яратиш бўйича узлуксиз иш олиб борилди. Драматурглар ва уларга эргашиб театр жамоалари ҳам янги давр воқеаларини акс эттиришда дастлаб маънавий мавзулардан бошлаб, сўнг ижтимоий мавзуларга ўтдилар, бора-бора гинейландлик, диний экстремизм, террорчилик каби умуминсоний муаммоларни бадиий образларда сахналарда ёритишга киришдилар. Кетма-кет ўтказилган «21 аср ўзбек театри: режиссура ва актёрлик санъати истиқболи» семинар кенгаши (2003, Наманган), «37+1» замонавий мавзуларда сахналаштирилган спектаклларнинг 1-республика кўрик-фестивали (2004, Тошкент) ва Ёш режиссёрлар фестивали (2005, Тошкент) натижалари шундан гувоҳлик беради. «Қабоҳат тузғи – XXI» (Ўзбекистон ёшлар театри), «Осмоннинг бағри кенг» (Муқимий театри), «Устаси фаранг» (Андижон ёшлар ва болалар театри), «Ўлдинг, азиз бўлдинг» (Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах театрлари), «Заҳарли томчилар» (Республика Ёш томошабинлар театри) спектакллари замонавий мавзунинг акс эттирувчи сахна асарларидир. «Жабби жўжакнинг ҳийласи» (Хоразм театри), «Чимилдиқ», «Қаллиқ ўйин», «Андишали келинчак»



(Миллий театр), «Кампир топайми, дадажон?» (Сурхондарё, Фарғона театрлари), «Суперкайнона» (Муқимий театри) каби урф-одатлар, халқ ижоди б-н узвий боғлиқ спектакллар кенг томошабинлар орасида шуҳрат қозонди.

Мустақиллик даврида илгари ишлаб келган Тошкент (1939), Андижон (1968), Самарқанд (1978), Бухоро (1982), Жиззах (1983), Нукус (1990) кўғирчоқ театрлари қаторига Фарғона (1993), Хоразм (1993), Қашқадарё (1994) ва Сурхондарё (2001) давлат кўғирчоқ театрлари келиб қўшилди. Ўзбек театрлари ва санъаткорларининг дунё сахнасига чиқиши учун кенг йўл очилди. Бу соҳада Ўзбекистон Ёшлар театри, Навоий номидаги давлат академик катта театри, А.Ҳидоятлов театри, «Илҳом», «Мулоқот», «Эски мачит» театр-студиялари, Республика кўғирчоқ театри ишлари эътиборга моликдир. Ўзбекистон Ёшлар театри Москва, Самара, Санкт-Петербург, Миср ва Исроил шаҳарларидаги ижодий сафарлари, Навоий театри Малайзия, Сингапур, Таиланд, А.Ҳидоятлов театри Франция, Англия, Шотландия, Ирландия, Республика кўғирчоқ театри Туркия, Покистон, Россия, АҚШ, Қозоғистонда томоша кўрсатиб, ўзбек театр санъатини намойиш этди. Миллий театримиз 1997 й. илк маротаба Қоҳира шаҳрида ўтадиган Халқаро фестивалда ўзининг «Чимилдиқ» спектакли б-н қатнашди.

Глобаллашув, мамлакатлар ва халқларнинг бир-бирига

Ўзбек миллий академик драма театри биноси.

боғлиқлиги, алоқалари тобора кучайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистонда театр санъатининг ривожланиши кўп жиҳатдан бу соҳада бошланган ислохотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга, юзага келган ижодий, ташкилий ва б. муаммоларни ўз вақтида ечишга боғлиқдир. Бу иш театр моделини яратиш, театр тармоғи, таркибини замонавий талаблар асосида қайта тузиш, режиссура, актёрлик санъати муаммоларини ҳал қилиш, репертуарни, драматурглар б-н ҳамкорликни яхшилаш, театр мутахассисларини тарбиялаш ва малакасини ошириш масалаларини кўриб чиқиш йўналишларида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги давлат театрлари ишламоқда (2006): Навоий номидаги давлат академик кат-

«Қайтар дунё» спектаклидан кўриниш (Абдор Ҳидоятлов номидаги драма театр).



та театри, Ўзбек миллий академик драма театри, Ўзбекистон академик рус драма театри, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри, Ўзбекистон Ёшлар театри, А.Ҳидоятлов номидаги драма театри, Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри, Тошкент мусиқали комедия (оперетта) театри, А.Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри, Республика қуғирчоқ театри, «Илҳом» ва «Дийдор» театр-студиялари (Тошкентда), Ҳ.Олимжон номидаги Самарқанд давлат театри, Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театри ва А.Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар ва болалар театри, Бухоро, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрлари, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрлари, Каттақўрғон ва Қўқон шаҳар театрлари, Самарқанд ва Фарғона вилоятлараро рус драма театрлари, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоят қуғирчоқ театрлари, «Мулоқот» ва «Эски мачит» театр-студиялари. Бундан ташқари ўнлаб халқ театрлари, театр ҳаваскорлиги гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Театр режиссарларидан Ш.Абдуллаев, Л.Абдуллаева, М.Абдуллаева, А.Абдуназаров, Н.Абдураҳмонов, Қ.Абдреимов, Т.Азизов, М.Азимов, Н.Ансатбоев, М.Ашурова, В.Баграмов, В.Бродянский, Ф.Болтаев, У.Бақоев, Б.Йўлдошев, К.Йўлдошев, Б.Жабборов, Р.Маъдиев, Г.Нажидова, Б.Назаров, А.Ниёзов, Ч.Нурмонов, Н.Отабоев, А.Пармонов, М.Равшанов, Р.Ражабов, О.Салимов, А.Сатторов, Ф.Сафаров, Г.Сулаймонова, И.Султонов, Ж.Тошхўжаев, В.Умаров, П.Файзиев, В.Шапири, М.Юсупов, Ж.Юсупов, Ҳ.Қосимов, М.Ҳамидов, Р.Ҳамидов ва б., актёрлардан Ф.Абдуллаев, Я.Абдуллаева, А.Абдуваҳобов, М.Абдуқундузов, Р.Авазов, Ш.Азизова, Ҳ.Арс-

лонов, Ё.Аҳмедов, Ф.Аҳмедов, Т.Бекназаров, А.Бекчонов, М.Бекчонова, Д.Бобонова, А.Бозоров, М.Бойматова, З.Бойхонова, В.Вержицкий, З.Давлатмуротова, Г.Дадажонов, Э.Дмитриева, О.Жўраева, Р.Жўрақулова, Е.Зиёмухамедова, Ж.Зокиров, Г.Зокирова, Г.Зокирова (опера), М.Иброҳимова, Р.Иброҳимова, М.Ихтиёрова, Х.Кичимбоев, Э.Комилов, Ш.Комилова, Р.Латипов, Т.Латилова, Р.Маматалиев, Ф.Маъсудов, К.Маҳмудов, М.Маҳмудова, Л.Михайлова, П.Мустафоев, М.Мухторова, С.Муқимов, З.Муҳаммаджонов, Н.Муҳсинов, Н.Мягкова, Т.Мўминов, А.Номозов, Э.Носиров, Ў.Нуралиев, Ж.Нурлаев, Х.Нурматов, О.Овчинникова, Б.Омонбоев, Ҳ.Олимжонов, Г.Оринова, Т.Орипов, Б.Отажонов, Г.Равшанова, М.Раззоқова, Ш.Рамазонова, С.Раметова, А.Рафиқов, Г.Раҳимова, А.Раҳматов, Ш.Раҳматуллаева, С.Рўзиқулов, Т.Сайидов, М.Салимов, Л.Сапаева, Д.Сафоёва, Ҳ.Саъдиев, Ё.Саъдиев, Л.Саъдуллаев, Г.Саъдуллаева, Р.Солиҳов, Н.Сундукова, А.Тошканбоев, Н.Тошканбоева, М.Тўрақулов, Ҳ.Тўхтаев, М.Тўхтаева, М.Убайдуллаев, С.Умаров, М.Холиқова, Б.Холмирозев, В.Шетков, С.Юнусова, М.Юсупов, Т.Юсупова, Р.Ярашева, Н.Ўтаев, Ё.Ҳотамова ва б. республика театр санъатининг асосий ижодкорларидир.

Давлат театрлари асосан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги «Ўзбектеатр» ижодий и.ч. бирлашмаси томонидан бошқарилади. Театрлар учун мутахассис кадрлар М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат ин-ти, маданият ва санъат коллежларида тайёрланади. «Ўзбектеатр» бирлашмаси қошида ташкил этилган «Артмадал» жамғармаси театр санъатидаги ижодий изланишларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. «Театр» журнали таъсис этилган (1998).

Ад.: Раҳмонов М., Ҳамза (Ўзбек давлат академик драма театри) театри тарихи, Т., 2000; Қолиров М., Ўзбек театри аъёнлари, Т., 1976; Ўзбек театри тарихи, Т., 2003.

Муҳсин Қодиров.



«Қора вабо» спектаклидан кўриниш (Каттақўрғон театри).

РАҚС ВА БАЛЕТ

Рақс. Қад. манбалар – қоятош расмлари, деворий расмлар, турли қазилмалар, амалий безак санъати намуналари, тасвирлар ва миниатюраларда акс этган раққос(а)лар ўзбек рақс санъати қад. тарихга эга эканлигидан далolat беради. Дастлабки ўйинлар қарсақ, қайроқ ва таёқларни уриштиришдан ҳосил бўлган усуллар б-н ижро қилинган. Усул берувчи чолгулар кашф этилган. Энг қад. чолғу асбобларидан бири доирадир. Соймалитош тасвирларидан бирида бир тудадумли тулум кийган одамлар иккита бир, учта бир бўлиб, қўлларини кўтариб, тиззаларини букиб ўйинга тушмоқда. Тепада қўлида катта доира (дўл) кўтариб турган кишининг тасвири. У доирани чалиб, ўйинчи қабиладошларига усул бериб турибди. Шаҳарлар бунёд бўлиб, деҳқончилик ва ҳунармандлик ривожланган сайин ўйинлар ҳам маданийлаша борган. Шу тарзда рақс вужудга келган: аста-секин у мураккаб шаклларга эга бўлиб, турлари, туркумлари кўпайиб, ажодларимизнинг бир умрлик йўлдошига айланган Наврўз, Меҳржон, Сада ва б. байрамларда ижро этиладиган мавсумий рақслар, зардуштийлик, буддавийлик ва монийлик этиқодлари б-н боғлиқ маросимларда кўрсатиладиган рақслар, оилавий-маиший рақслар шулар жумласидан.

4–8-а.ларга келиб Турондаги санъаткорлар Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқда Хитой, Корея ва хатто Япониягача, Фарбда Рум, Европа ўлкаларигача бориб, ўз санъатларини намойиш этадилар. Чунончи, Хитойда Турон санъаткорларининг «хусюанчу» рақси машҳур бўлган. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент раққосалари хитой шоирлари томонидан мадҳ этилган.

Мусулмонлик даврида ҳам Ўзбекистон сарҳадларида рақс санъати бирмунча ўзгарган ва умумлашган ҳолда давом этди. Турли тараққиёт босқичларида вужудга келган оддий ўйинлар ҳам, мураккаб рақслар ҳам бир-бирига таъсир кўрсатиб, ёнма-ён яшаб келган. «Беш қарсақ», «Ашшадароз», «Сус хотин», «Кема ўйин» каби қад. ўйинлар, «Лазги», «Катта ўйин» рақс туркумлари шу жумладандир.

9–12-а.лардаги Уйғониш даврида рақс санъатида ҳам кўтарилиш юз берган. Абул Фазл Байҳақийнинг ёзишича, Амударё соҳилида Амир Маъсудни кутиб олиш учун Термиз шдан 300 дан ортиқ мутриблар, раққоса ва ногорачилар келиб томоша кўрсатишган. «Созунаво, ўйин-кулги шу даражага етдики,

бунақасини илгар ҳеч ким билмас эди», деб ёзади Байҳақий. Абул Аббос Маъмун ҳукмронлиги даврида Хоразмда ҳам рақс санъати ривожланган. 12–13-а.ларда кейинчалик каптархона деб аталган махсус бинолар қурилган бўлиб, уларда «Норим-норим», «Кема ўйин», «Хуб тим» каби ўйинлар, «Лазги» туркуми намойиш этилган.

Рақс санъати, айниқса, Амир Темури ва теурилар ҳукмдорлиги даврида рақс топган. Бунда хотин-қизларга бўлган ҳурмат-эҳтиром, уларни ҳар бир соҳада эркаклар б-н тенг ҳуқуқли деб билишнинг ҳам ўрни бор. Тарихий қатламлар, ранг-баранглик рақс санъатида яққол кўзга ташланади. Олов атрофидаги ўйинлар, Анахита ва Рустам тимсолларига боғлиқ томошалар, мақом рақслари, «Арқуштак» рақси шу жумладандир. Бизнингча, «Танавор», «Лазги», «Муножот» рақслари ҳам айнан шу даврда малакали ижрочилар дастуридан мустақкам ўрин олган. 15-а.нинг 2-ярми, 16-а.нинг бошида Саййид Бадир, Тоҳир чакка, Моҳучук, Мақсудали каби рақс усталари шуҳрат қозонгани маълум. Бу давр рақс санъатида 2 катта йўналиш батамом шакланган: халқ рақси ва малакали мумтоз рақс. Халқ рақси маросимлар, байрамлар, урф-одатлар б-н боғлиқ ҳолда кўрсатилган бўлса, мумтоз рақс профессионал ўйинчилар томонидан кўпинча саройларда ижро этилган.

Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлигида санъатнинг бошқа турларида бўлганидек, рақсда ҳам Бухоро рақси, Фарғона рақси, Хоразм рақси деб аталмиш ўзига хос услублар юзага келди. Бухоро услубига «Бухорча» ва «Мавриги» туркумлари б-н боғлиқ рақслар, қайроқ ўйинлар, қадни рост тутиб ўйнаш, айланиш ва чархлар; Фарғона рақсида «Катта ўйин» туркуми, «Танавор» ва б. лирик рақслар, кулгили «кичкинажон» каби муқаллидлар; Хоразм рақсида «Лазги», «Мақом уфори» туркумлари, зардуштийлик б-н боғлиқ рақсларнинг дунёвий кўринишлари, кулгили ўйинлар, қайроқ ва қарслар ишлатиб, кўкракни кериб, оёқларни 2 ёнига ташлаб, бутун танани титратиб, қўлларни силкитиб ўйнаш катта ўрин эгаллаган. Тоғ ва саҳроларда ҳам қад халқ ўйинлари б-н боғлиқ яна бир услубий йўналиш «Қарсак ўйин» туркуми, «Қади бадбахт» каби кулгили ўйинлар, бир оёқни кўтариб (ёхуд бир оёқда сахраб-сахраб),



Мукаррама Турғунбоева.

таёқ, қошиқ уриштириб бажариладиган ўйинлар мавжуд. Булардан ташқари Бухоро амирлиги, Хоразм воҳаси, Фарғона водийсида аёллар давраларида хизмат қилувчи созанда, халфа ва яллагилар фаолияти б-н боғлиқ рақслар ҳам алоҳида туркум сифатида намоён бўлиб келган.

17–19-а.ларда ҳам рақс санъати мумтоз рақс ва халқ рақси (фольклор-этнографик) кўринишларида яшаб келган. Мумтоз рақсларда инсоннинг ҳаётдаги ўрни, бахти ва қайгулари, қаҳрамонлик, ишқий лирик мавзулар ёритилиб, табиат ва коинот ҳодисалари мажозий шаклларда акс эттирилган. «Зикри само» (ёки «Зикри жоҳрия») рақсларида эса сўфийларнинг ўз ўқи атрофида ва умумий айлана ҳосил қилиб («чарх уриб»), жаҳр тушиб, Аллоҳнинг руҳи б-н туташшига интилиш ҳолатлари ўз ифодасини топган.

Халқ рақси ҳам ранг-баранг. Бу – турли минтақаларда жанр, мавзу, рақсларга қизиқиш турличалиги б-н белгиланади. Халқ рақслари кулгили, лирик, драматик жанрларга эга бўлиб, меҳнат, маиший муҳит, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлари барча рақс турларида анча содда акс эттирилади. Халқ рақси 2 турга – йилнинг маълум даврида муайян шароитларда ижро этиладиган

рақслар (баҳорни қаршилаш, ҳосил йиғиш, ер ҳайдаш, эгат олиш ва ҳ.к.) ва меҳнатдан бўш вақтлар (сайиллар)да ўйин-кулги ижро этиладиган рақсларга бўлинади. Рақс ижро этишда баъзан мусиқа асбоблари ўрнига ёғоч қошиқ, қайроқ тошлардан фойдаланилади; имошора, мимика ёрқин кўзга ташланади, ҳайвон, қуш, хатто балиқларга тақлид қилиш кенг қўлланилади.

Рақс, айниқса, маҳаллий анъанавий қизиқчилик ва масхарабозлик театри санъатида, шунингдек, миллий цирк санъатида муҳим аҳамият касб этиб, унда ижтимоий мавзулар катта ўрин тутган. Инсон табиатидаги салбий хислатлар ёрқин ифодаланган кулгили рақслар анчагина.

20-а.да миллий рақс фаолияти оғир ва зиддиятли кечди. Айниқса, собиқ совет даврида рақс санъати эркин ривожланмади. Бухоро, Қўқон, Хива каби ўнлаб шаҳарларда истиқомат қилган юзлаб рақс усталари – баччалар ва ўғлонлар таъқиб ва тазйиққа учраб, таҳқирланиб, шогирд тайёрлай олмай, мактаб тузолмай ўтдилар. Мумтоз рақс созанда, халфа ва яллагилар репертуаридагина сақланиб қолди, холос. Шу б-н бирга айнан шу даврда ўзбек халқ саҳнавий рақсини яратиш бошланди. Бу ишни дастлаб Ҳамдамхон Ҳайдаралиев бошлади. 1920-й.лардан Муҳитдин Қориёқубов ташаббуси, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов ва уларнинг шогирдлари Тамарахоним давом эттириб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ижро этиладиган саҳнавий рақслар яратилди. Бунда 1926 й. ташкил этилган Ўзбек давлат концерт-этнографик ансамблининг (1929 й.да Ўзбек давлат мусиқали театрига айлантирилган) ўрни катта бўлди.

20-а. ўзбек анъанавий рақсининг моҳир ижрочилари ва хореографлари: Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Отахўжа Саидазимов (Фарғона водийси), Шарофат сатанг Тўраева (Наманган), Михалхоним Хаимова, Бақожон Саъдуллаев, Тўфа Пинхасова (Бухоро), Онаш чўлоқ, Ҳожи Болтаев (Сурхондарё), Тамарахоним, М.Турғунбоева, Исоҳор, Виллоят Оқиловлар ва б., Г.Измайлова, Е. Барановский, Г. Маваева, К. Юсупова, Ҳ. Комилова, Қ. Миркаримо-



«Пилла» рақси («Баҳор» ансамбли).



«Уйгурча» рақс (Қизлархон Дўстмухамедова).

ва замонавий ўзбек саҳна рақслари ижрочилари ва хореографларидир. Т. Юнусова, О. Соатова, В. Романова, Р. Низомова, М. Эргашева, Д. Жабборова, Қ. Дўстмухамедова, Қ. Мўминов, Ю. Исматова 60–80-й.ларнинг таниқли раққослари ва хореографларидир. Халқ ансамблларида ўзбек рақсларини саҳналаштиришда Р. Отажонова, В. Арутюнова, Ш. Ғозиева, З. Ғафорова, Т. Содиқов, Ф. Аминов, А. Алиева, Б. Зинатуллина, Н. Турсунов, Р. Султонов, А. Қодиров, В. Ульянов, М. Омонова ва б.нинг хизматлари катта.

1936 й.да биринчи ўзбек ашула ва рақс ансамбли тузилди (хореографлари Уста

«Муножот» рақси (Маъмура Эргашева).



Олим Комилов, И. Оқилов, Л. Петросова, Е. Барановский, М. Турғунбоева); 1956 й.дан у «Шодлик» номида (хореограф А. Мўминов, Қ. Мўминов), 1997 й.дан «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли (бош балетмейстер — Г. Ширинова). Бу ансамбль ўзбек мумтоз ва халқ рақс санъатининг энг яхши анъаналарини ривожлантирди. «Шодлик» ансамблидан маълум даврда «Зарафшон» (1987–94 й. балетмейстер В. Оқилова) каби ансамбллар ажралиб фаолият кўрсатдилар. 1957 й. М. Турғунбоева томонидан «Баҳор» ансамбли ташкил қилинди. Бу ансамбль ўзбек рақсини жаҳонга танитди. 1958 й. «Лазги» Хоразм ашула ва рақс ансамбли тузилди (балетмейстер—ансамбль асосчиси Г. Раҳимова).

«Баҳор», «Шодлик», «Лазги» ансамбллари замонавий ҳаётни акс эттирган янги усулдаги ўзбек саҳна рақслари яратувчиси бўлди. «Баҳор» ансамблида узок йиллар давомидagi ижодий фаолияти ва изланишлари натижаси ўлароқ М. Турғунбоева ўзбек саҳна хореографиясида 2 асосий бадиий йўналиш—мумтоз («Катта ўйин», «Баёт», «Баҳор», «Занг», «Мақоми Чоргоҳ» ва б.) ва халқ («Наманганнинг олмаси», «Пахта», «Андижон полькаси» ва б.) саҳна рақслари йўналишини ишлаб чиқди. Бухоро мумтоз рақси — «мақом рақси» ва бухоро халқ рақсининг саҳна шакллари яратган И. Оқилов раққослар тайёрлаш асосларини ҳам ишлаб чиқди. Раққосларни тайёрлаш тизимини ва ўзбек хореографиясининг олтин фондига кирган эркаклар рақси туркумини яратишда Қ. Мўминов салмоқли ҳисса қўшди.

Анъанавий рақс шакллари ва ҳаракатлари асосида қурилган оммавий ва якка ижро этиладиган рақсларда европа классик ва халқ рақсининг айрим усуллари қўлланилди.

1927–32 й.ларда дастлабки замонавий рақс студияси, 1943–47 й.ларда балет мактаби фаолият кўрсатди, 1947 й.да мумтоз ва халқ рақси бўлимлари билим юрти очилди. 1974 й.дан Тошкент маданият ин-ти халқ рақси бўйича хореографлар тайёрлайди.

Мустақиллик йилларида миллий рақс ва балет ҳаётида янги давр бошланди. Мил-

лий рақс халқ рақси, халқ мумтоз рақси ва халқ саҳнавий рақси шаклида 3 йўналишда ривожланди. Бу йўналишлар муттасил бир-бирига таъсир кўрсатиб келади. Халқ орасидаги рақс ижтимоий ҳаёт таъсири ва оқимида янгиланиб, бойиб боради. Буни ҳозир ўтказилаётган Наврўз ва Мустақиллик байрамларида намоиш қилинаётган ўйин ва рақслар, композицияларда кўриш мумкин. Қанча унутилган рақслар тикланган, янги рақслар кашф қилинган. Балетмейстер янги ижодий парвозларга интилмоқда. Чунончи, Қундуз Миркаримованинг хореография билим юрти талабалари ижросида «Танавор» куйлари асосида етти рақсдан иборат туркум яратилиши бунга мисолдир. «Бойсун», «Сумалак», «Нозанин», «Беш қарсақ», «Чироқчи чироқлари», «Достон» каби халқ ансамбллари вилоятлардаги фольклор санъатини, рақсларни саҳнага, майдонга мос ҳолда тиклаб, ҳам ўзимизда, ҳам хорижий юртларда кўз-кўз қилиб келмоқда. Замонавий ўзбек рақси 2 қанот — халқ ансамбллари ҳамда давлат ансамбллари сифатида ривожланиб бормоқда.

1997 й. 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида» фармони асосида М. Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» ижодий бирлашмаси ташкил топди, бирлашма қошида махсус жамғарма тузилди, хореография билим юрти негизда эса Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби барпо этилди. «Ўзбекрақс» бирлашмаси таркибига «Баҳор», «Зарафшон», «Лазги», «Танавор» рақс театри, «Айқулаш» номли катта ансамбллар, «Сумалак» (Андижон), «Лола» (Бухоро), «Гулираъно»



«Ларзон» рақси (доирада Ўзбекистон халқ артисти Талъат Сайфитдинов, рақсида Гулнора Низомова).

(Жиззах), «Момогул» (Қашқадарё), «Навой навалари», «Наманган гуллари», «Самарқанд баҳори», «Дўстлик» (Сирдарё), «Бойсун», «Шалола» (Сурхондарё), «Гулдаста» (Тошкент вилояти), «Анор», «Камалак» (Фарғона), «Хоразм навалари» халқ рақси ҳамда фольклор-этнографик ансамбллари киритилган. Миллий рақс ижрочилиги бўйича М.Турғунбоева номидаги давлат мукофоти белгиланди. Республика бўйича рақс ижодкорларини бирлаштириш, давлат ва халқ ансамбллари фаолиятини йўналтириш, рақс ҳаваскорлиги ҳаракатини янада кучайтириш, йигитлар рақсини изга солиш, анъанавий рақс ижро услубларини асраб-авайлаш асосида янги рақслар яратиш, унутилган қад. рақслар, ҳаракат ва композицияларни тиклаш, рақс таълимини яхшилаш, жойларда рақс мактаб ва коллежлари очилш, рақс тарихини ўрганиш, миллий рақсларни ёзиб олишнинг энг қулай услубини ишлаб чиқиш, рақс санъати танқиди, маърифати ва тарғиботини ривожлантириш, рақсшунослар, рақс муаллимлари ва балетмейстерларнинг бақувват захирасини вужудга келтириш каби вазифаларни бажариш учун қонуний ва ташкилий асос яратилди. Бирлашманинг ташкилий даври ўтиб, янги дастурлар, янги рақс спектакллари яратилмоқда. Ҳар йил баҳорда М.Турғунбоева номидаги ёш раққос(а)ларнинг республика кўрик-танлови ўтказилмоқда. Бирлашма қошида рақс меросини сақлаш ва ёшларга ургатиш мақсадида «Мукаррама» студияси ташкил этилган. Яқка рақс ижрочилигини ривожлантириш учун «Етти гўзал» рақс ансамбли тузилди. 1998 й.да «Зарафшон» ансамбли қошида раққос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нарзиддин Шерматов раҳбарлигида ўзининг йигитлар гуруҳи ташкил этилди. Раққос йигитларнинг «Дучоба», «Зарблар завқи», «Армуғон», «Андижонча», «Лаган ўйин» каби рақслари ижро этилмоқда. Давлат ансамбллари орасида «Зарафшон» ансамблининг Зарафшон водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё халқ рақсларини саҳналаштиришдаги ишлари эътиборлидир. Мустақиллик давридаги рақс соҳасида эришилган энг катта янгилик ва ютуқ — бу «Танавор» рақс театрининг асосан миллий рақс ҳаракатлари негизда ва қисман Европа балети воситаларидан фойдаланган ҳолда яратган — «Севги нидоси», «Улуғбек буржи», «Нодира», «Мозийдаги нур», «Темурий маликалар», «Эзгу ният дарахти», «Зебуннисо», «Мозийдан садо» спектакллари. Рақс ансамбллари, «Танавор» рақс театри, атоқли раққо-

салар ўзимизда ва жаҳоннинг турли мамлакатларида нуфузли фестивалларда қатнашиб, гастролларда бўлиб ўзбек миллий рақс санъатини тарғиб қилмоқдалар.

Балети. Санъатнинг бу тури Ўзбекистонда 20-а.нинг 20-й.ларида Европа классик балети ҳамда миллий анъанавий рақс таъсирида майдонга келди. Бу ишда дастлаб Ўзбек давлат мусиқали театри қошида очилган рақс студияси (1927–32) ҳамда Тамарахоним, Н.Егоров, В.Губская, К.Бек каби мумтоз рақсдан ларс берган балетмейстер ва артистларнинг хизматлари катта бўлди. 1933 й. Республика балет мактаби ишга тушди (1933–41, 1935 й.дан Тамарахоним номида), асосий педагоглари: Санкт-Петербург театрининг солистлари Е.Обухова, Н.Обухова, В.Губская, Н.Егоров, Е.Новиковлар бўлган. Биринчи миллий балет-пантомима «Пахта» (Р.Рославев) 1933 й. саҳналаштирилган (балетмейстерлар К.Бек, Уста Олим Комилов, М.Турғунбоева). 1939 й. «Шоҳида» (Ф.Таль) балети (балетмейстерлар А.Томский, Уста Олим Комилов, М.Турғунбоева) саҳнага қўйилди, ундаги саҳна рақслари ўзбек рақсининг рангбаранг шакллари асосланган. 1940 й. «Гуландом» (Е.Брусилковский; балетмейстерлар И.Арбатов, Тамарахоним, Уста Олим Комилов, В.Губская), 1943 й. «Оқбилак» (С.Василенко; балетмейстерлар Уста Олим Комилов, М.Турғунбоева) балетлари намоёиш этилади. 1948 й. Тамарахоним номидаги балет мактабини тугатган Г.Измайлова, Н.Тартилова, Т.Имрз, юқори синф ўқувчилари Г.Маваева, К.Юсупова, Ҳ.Комилова, Р.Тангуриева, А.Назруллаев, Л.Баширова, Қ.Мирқаримова, Ф.Носировалар труппага келиб қўшилди. Труппа Москва хореография ўқув юрти педагоги М.Кожуховада таълим олган (1947–51). 1947 й. Тошкентда хореография билим юрти (ҳоз. Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби) ташкил этилди. 1953 й.дан Алишер Навоий номидаги театрининг балет труппасини асосан шу билим юртини тугатганлар, шунингдек Россия билим юртларида таълим олганлар ташкил қилади (Б.Қориева, Б.Завьялов, В.Проскураина, К.Сотатов, И.Юсупов, Р.Султонов, А.Абдурахмонов ва б.).

1964 й. Самарқандда яна бир Давлат опера ва балет театрининг очирилиши Ўзбекистонда балет санъатининг ривож топишида муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон балет театрларида қўйилган «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал» (П.Чайковский), «Жизель», «Корсар»



Тамарахоним.

(А.Адан), «Шопениана» (Шопен—Глазунов), «Дон Кихот» (Л.Минкус), «Коппелия» (Л.Делиб) ва б. б-н бир қаторда маҳаллий балетмейстерлар саҳналаштирган «Спартак», «Золушка», «Болеро», «Севги афсонаси», «Боқчасарой фаввораси» каби спектакллар ҳам катта муваффақият б-н намоёиш этиб келинди. Миллий мавзуга катта эътибор бериш, бастакор ва балетмейстерларнинг ижодий ҳамкорлигида яратилган европа мусиқаси ва миллий мусиқа, рақс уйғунлашган балетларнинг саҳналаштирилиши, маҳаллий бастакор ва балетмейстерлар ўзига хос миллий балетларда европача классик рақсни ўзбек анъанавий мумтоз рақс шакллари б-н бойитиши эътиборга моликдир. «Раққоса» (Г.Мушель, балетмейстерлар П.Йоркин, Уста Олим Комилов, Е.Барановский), «Орзу» (И.Ақбаров; Г.Измайлова), «Сухайл ва Меҳри» (М.Левиев; З.Оқилова, И.Оқилова), «Севги тумори» (М.Ашрафий; Г.Измайлова), «Афсоналар водийсида» (У.Мусаев; Ю.Папко, Ю.Скотт), «Тўмарис» (У.Мусаев; И.Юсупов) ва б. шулар жумласидан. 60-й.ларда миллий балет ривожига композитор Мухтор Ашрафий муҳим ҳисса қўшди. Унинг «Севги тумори», «Темур Малик», «Рустам ҳақида дoston» балетлари Тошкент ва Самарқанд опера ва балет театрларида

«Севги тумори» балетидан лавҳа.



муваффақиятли саҳналаштирилди. 70–80-й.лар балети Б.Қориева, Г.Ҳамроева, Н.Ёқубова, И.Кистанов, З.Давлетмуратова, Р.Каримова, Ф.Саъдуллаева, В.Ключко ва б.нинг номлари б-н боғлиқ.

Мустақиллик йилларида балет соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Тошкент рақс олий мактабини тугатиб келган бир гуруҳ ёшлар театрга келиб қушилди. С.Юдаковнинг «Насриддиннинг ёшлиги», Ф.Амировнинг «Минг бир кеча» балетлари саҳналаштирилди. Уларда Г.Ҳамроева, З.Давлетмуратова, Ф.Саъдуллаева, В.Галлертов каби тажрибали санъаткорлар б-н Т.Мухамедова, З.Нурибетов, Н.Шилова, Л.Татошина, А.Ляпин, А.Тошпўлатов синга-ри ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Балет труппаси Б.Қориева раҳбарлигида Сингапур, Малайзия, Таиландда сафарда бўлиб қайтдилар. Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театри Япония, Англия, АҚШ, Франция, Германия, Россия, Италия ва Туркия б-н қатор саҳнавий лойиҳаларни амалга оширди. Ўзаро ҳамкорлик доирасида театр солистлари алмашиб, бош ролларда чиқдилар. Киевда «Балет ёшлиги» фестивалида М.Ниёзова ва Н.Кулибобоев, Болтиқ 9-халқаро балет фестивалида В.Галлертов ва Н.Ҳамроева қатнашди. Мариинск театри (Санкт-Петербург)дан «Қарсилдоқ» балетида И.Перси б-н Д.Корсунцев; Большой театр (Москва)дан А.Яценко б-н А.Евдокимов «Оққуш кўли» балетида ўйнадилар. Айниқса, 1999 й.дан Япониянинг «Тойото сити балет» компанияси б-н амалга оширилаётган лойиҳалар эътиборли бўлмоқда. Ҳамкорликда П.Чайковскийнинг «Оққуш кўли», «Қарсилдоқ», А.Аданнинг «Жизель», Л.Минкуснинг «Дон Кихот» балетлари саҳналаштирилди. Улардан 15 та ёш балет артистлари қатнашди. «Дон Кихот» балети Тошкентдан кейин Самарқандда, сўнг Япониянинг Тойото ва Сэто шаҳарларида намойиш этилди. Ўзбек балет труппаси Хитой томонидан қилинган таклифга биноан Урумчидан Шанхайгача бўлган хуудларда «Оққуш кўли» (П.Чайковский), «Золушка» (С.Прокофьев) спектаклларини намойиш этди.

Кейинги йиллар ўзбек балет санъати «Қадимий Афросиёб афсонаси» (Г.Мушель), «Хумо» (А.Эргашев) миллий балетлари б-н бойиди. Спектакллар балетмейстерлари И.Юсупов ва грузин хореографи Г.Александрев бўлиб, бош роллари В.Галлертов, И.Кистанов, З.Нурибетов, А.Бобожонова, Н.Шилова, Н.Ҳасанова, Д.Сисоев каби солистлар ижро этдилар.

2002 й. Навоий номидаги театр қошида «Офарин» рақс театри ташкил топди. Мақсад миллий рақс, балет ва модерн рақс воситаларидан фойдаланган ҳолда замонавий рақслар яратишдир. Унда 24 ёш рақс артистлари уюшган. Бош балетмейстер З.Нурибетов, балетмейстерлар К.Узоқова (миллий рақслар бўйича), Т.Тикоев (характерли рақс бўйича). Театр «Курраи замин учун алла» балет-спектакли, халқ рақс услублари бўйича «Мажнунтол», «Тавоси», «Қушлар», «Ўзбек популрусси», шунингдек, грузинча, ҳиндча, «Танго» ва б. рақсларни яратди.

Ад.: Авдеева Л.А., Ўзбекистон рақс санъати, Т., 1960; Авдеева Л.А., Из истории узбекской национальной хореографии, Т., 2001; Авдеева Л.А., Қодиров М.Х., Исмаилова Ю., «Танавор» рақси жилolari, Т., 2002; Каримова Р., Ўзбек рақси услублари, 2003.

Мухсин Қодиров, Любовь Авдеева.

КИНО САНЪАТИ

Ўзбекистон (Тошкент)да илк бор 1897 й. чет эл фильмлари намойиш этилган. Фильмларни француз ва рус операторлари суратга олган. Биринчи ўзбек кинооператори Худойберган Девонов хиваликлар ҳаётини суратга олиш б-н ўзбек киносини бошлаб берган. 1917–25 й.лар кино ўзбек халқи ҳаётига кириб келган давр бўлди. 1923 й. «Туркгокино» (Туркистон Давлат кино ташкилоти) ташкил қилиниб, Ўрта Осиё бўйича иш олиб борди. 1924 й. эса «Бухкино» кино ташкилоти юзага келди ва бир қанча ҳужжатли-хроникал фильмлар ҳамда «Ўлим минораси» (реж. В.Висконти) номли 1 та бадий фильм ишланди. «Пролеткино» номли Россия кино ташкилоти «Мусулмон қизи» (реж. Д.Бассалио) бадий фильмни суратга олди ва барча ролларни рус актёрлари ижро этди. 1925 й. «Туркгокино» ва «Бухкино» бирлаштирилиб «Ўзбекистон давлат кино» (Ўзбекгокино») трестига айлантирилди. «Шарқ юлдузи» киностудияси ҳам унинг таркибига киритилди. Трест Тошкентдаги Эшонқул масжидига жойлашди. Ўзбек киносини миллий кадрлар б-н таъминлаш мақсадида бир қанча ёшлар (Й.Аъзамов, Э.Ҳамроев, С.Искандаров, Р.Пирмухамедов, Р.Аҳмедов, Р.Тўрахўжаев ва б.) Москва кинотехникумига ўқишга юборилди. Кинорежиссёрлар Н.Ҳаниев ва Сулаймон Хўжаев рус режиссёрлари б-н ҳамкорликда фильм суратга олиш жараёнида, профессионалик сирларини ўрлаштириб бордилар. Уша даврда Ўзбекистонда М.Доронин,

О.Фрелих, В.Тимковский, В.Шевченко, А.Дорн, А.Булинский каби рус кино усталари фаолият олиб борди.

20-а.нинг 20-й.ларининг 2-ярмида яратилган фильмлар, асосан, Республика ижтимоий-сиёсий воқеалари, ер-сув ислоҳотларига бағишланди. «Пахта-орол», «Бахт кўёши», «Иккинчи хотин», «Равот қашқирлари», «Чодира» ва б. фильмлар шу йиллар яратилди. Бу фильмларда Н.Ҳаниев, С.Хўжаев, Р.Тўрахўжаев, К.Ёрматов, Р.Мессерер ва б. суратга тушди. А.Қодирӣ, З.Сайд, С.Хусайн, А.Авлоний, Н.Ҳаниев, Н.Погодин, Х.Херсонский ва б.нинг кино ҳақидаги мақолалари ўзбек киносини шаклланиши ва ривож топишида маълум аҳамият касб этди.

30-й.лар Н.Ҳаниевнинг «Юксалиш», «Йигит» (бош ролларни Э.Ҳамроев, Р.Пирмухамедов ўйнаган), Н.Кладонинг «Рамазон» (бош ролни Э.Ҳамроев ижро этган), Й.Аъзамовнинг «Қилич», С.Хўжаевнинг чоризмга қарши курашга бағишланган «Тонг олдида» каби фильмлар ишланган. Сулаймон Хўжаев «Тонг олдида» фильми учун миллатчиликда айбланиб ҳибсга олинган ва 1937 й. отиб ташланган. Натижада ўзбек овозли фильмларини яна рус режиссёрлар ишлай бошлаган. Биринчи ўзбек овозли фильми «Қасам» (реж. А.Усольцев) 1937 й. яратилди. Бу фильмда бош ролларни А.Исмаилов, Я.Бобожонов, Ш.Раҳимова, Л.Саримсоқова, Х.Латиповлар ижро этди. 1939 й. реж. А.Кордюм «Азамат» фильмининг (бош ролларда А.Бакиров, Б.Ҳайдаров), режиссёрлар М.Егоров, В.Казачков 1940 й. «Асал» (бош ролда Ҳ.Носирова) фильмини экранлаштирилди.

40-й.лар Ўзбекистон киносини воқеаларга бой ва юқори ижодий ютуқларга эришган ўзбек халқининг миллий факри бўлган фильмлар ишланган давр бўлди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши муносабати б-н Киев, Одесса киностудиялари, «Мосфильм»нинг айрим гуруҳлари, «Ленфильм», «Белорусфильм» студиялари Тошкентга эвакуация қилинди. 1941 й. бирлашган «Тошкент киностудия»си ташкил этилди, бадий раҳбар этиб Михаил Ромм тайинланди. Ўзбек кинематографчилари урушининг дастлабки йиллариданоқ «Биз енгамиз» (реж.лар К.Ёрматов, Н.Ҳаниев, Е.Брюнчугин), «Довжурак дўстлар» (Н.Ҳаниев, Е.Брюнчугин) каби қисқаметражлий фильмлар, шунингдек «Фильм-концерт» (реж. Й.Аъзамов, С.Казакова), «Ватан совғаси» (реж. К.Ёрматов, З.Собитов), «Беш республика концерти» (реж.

З.Собитов) сингари бадий-ҳужжатли фильм-концертлари ишлаш б-н фронтдаги аскарларга маънан мадад бўлдилар. Шу йиллари Тошкентда «Александр Пархоменко», «Икки жангчи» (реж. Л.Луков), «Унинг исми Сухэ-Батор» (реж.лар А.Зархи, И.Хейфиц), «217 номерли киши» (реж. М.Ромм) каби фильмлар ҳам яратилди. Энг муваффақиятли чиққан фильм «Насриддин Бухорода» (реж. Я.Протазанов, 1943) бўлди. Шу б-н бирга «Тоҳир ва Зухра», «Фаргона қизи», «Насриддиннинг саргузаштлари» (реж. Н.Фаниев), «Алишер Навоий» (реж. К.Ёрматов) фильмлари яратилиб, бу фильмларда ўзбек халқига хос миллий ифтихор, ўткир зеҳн, ҳозиржавоблик, донишмандлик, ижодкорлик ва ниҳоят буюклик акс этган.

Шу фильмлардан сўнг СССР кинематография министлиги буйруғи б-н «Ўзбекфильм»да кино и.ч. 5 йилгача тўхтатиб қўйилди. Узоқ танаффусдан сўнг чиққан биринчи фильм К.Ёрматовнинг «Пахтаой» (1952) картинаси бўлди.

50-й.лар ўзбек бадий фильми тарихида қайта тугилиш даври бўлди ва бунда режиссёрлардан К.Ёрматов, Й.Аъзамов, З.Собитов, Л.Файзиев хизматлари алоҳида. Улар техник ва ижодий қийинчиликлар (эскирган техника, сценарийлар йўқлиги)ни енгиб ўтган ҳолда мавзу ва жанр жиҳатдан долзарб фильмлар яратдилар: «Бой ила хизматчи», «Қутлуг қон», биринчи кенг экранли фильм «Иккинчи бор гулшар» (ҳаммасининг реж.и Л.Файзиев), «Опа-сингил Раҳмоновалар», «Абу Али ибн Сино», «Гуллар очилганда» (ҳаммасининг реж.и К.Ёрматов), «Гулбаҳор», «Мафтунингман», «Фурқат» (ҳаммасининг реж.и Й.Аъзамов), «Стадионда учрашамиз», «Фарзандлар», «Саҳродаги воқеа» (ҳаммасининг реж.и З.Собитов) ва б. шулар жумласидан. 50-й.лар Республика ҳукумати янги киностудия қуриш ва ижодий

кадрлар тайёрлаш мақсадида мутахассисларни Москва ва Ленинградга ўқишга юборишга қарор қабул қилади. Янги студия 1959 йдан ишлаш бошлади.

60-й.лар ўзбек киносига янги авлод келиб қўшилади ва кинода ижодий юксалиш кўзга ташланади. Кинодраматургия даражасини кўтариш адабиёт, театр б-н алоқаларни кучайтириш, 50-й.лардаги бир хиллик, схематизмдан қочиш, мавзу ва жанр жиҳатдан бойиш, йўналишлар, фильмларнинг маланий тасвирини юксалтириш 1960–75 й.лар кино жараёнининг асосий белгисига айланди. Ёш режиссёрларнинг бош қаҳрамонлари ўз замондошлари бўлиб, уларнинг образлари икки, яъни поэтик ва прозаик йўналишда яратилди. Э.Эшмухамедовнинг «Учрашув», «Нафосат», «Севилшанлар» фильмлари, А.Ҳамроевнинг «Мухлис», У.Назаровнинг «Йигит ва қиз», Қ.Камоловнинг «Аччиқ данак» ва б. шулар жумласидан. Ижтимоий-ахлоқий муаммоларни кўтариб чиққан «Синчалак» (реж. Л.Файзиев), «Сурайё» (реж. У.Назаров), «Лайлак келди, ёз бўлди» (реж. А.Ҳамроев), «Менинг сахий инсоним», «Сени кутамиз, йигит» (реж. Р.Ботиров) сингари фильмлар ўткир сюжетларда яратилди. Комедия жанрида фильмлар яратишга уринишлар натижаси ўлароқ «Маҳаллада дув-дув гап» (реж. Ш.Аббосов) фильми юзага келди. Бадий кинога янги мавзу – 2-жаҳон уруши давридаги ўзбек халқининг қаҳрамонлигини акс эттирувчи фильмлар кириб келди: «Сен етим эмассан» (реж. Ш.Аббосов), «Генерал Раҳимов» (реж. З.Собитов), «26- отилмасин», «41- йил олмалари» (реж. Р.Ботиров), «Ватан ўғлонлари» (реж. Л.Файзиев), «Фарҳоннинг жасорати» (реж. А.Хачатуров), «Ой бориб, омон қайт» (реж. Ҳаб.Файзиев) ва б. К.Ёрматов ва А.Ҳамроев ўзларининг қизиқарли трилогияси – «Осиё устида бўрон», «Инқилоб чавандозлари», «Қора консулнинг ҳалокати» ва «Фав-

қулдода комиссар», «Шижоат», «Еттинчи ўқ» фильмларини экранлаштирдилар. 1976–84 й.лар замонавий мавзуда фильм ишлаш сезиларли даражада пасайиб кетди, ҳақиқатни бўяб кўрсатиш, юзакки образлар яратиш кузатилади. Қақат баъзи фильмлардагина анъаналарга эргашилди: «Мевазорлик аёл» (реж. А.Ҳамроев), «Даҳонинг ёшлиги», «Алвидо, гўр ёшлигим» (Э.Эшмухамедов), «Ўзганинг бахти» (Қ.Камолова), «Шум бола» (Д.Салимов) ва б. Илк бор Ўзбекистон киноси чет эллик ҳамкасблар б-н ҳамкорликда яратилди: «Икки солдат ҳақида қисса» (реж. З.Собитов Болгария б-н), «Муҳаббат ва нафрат» (реж. Р.Ботиров, Югославия б-н), «Алибобо ва қирқ қароқчи саргузаштлари» (Л.Файзиев Ҳиндистон б-н) ва б.

80-й.ларнинг 2-ярмида «қайта қуриш» давридаги ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, замондош ҳаёти, унинг янги ҳаётга муносабатлари акс этган фильмлар ишланди: «Афсонавий махлук ёки бошқа биров» (А.Фатхуллин), «Сиз ким Сиз?» (Ж.Файзиев), «Гум-гум» (Д.Давлатов) кабилар. Кетма-кет «Тош санам» (И.Эргашев), «Ёввойи» (Қ.Камолова), кўп қисмли «Оловли йўллар» (Ш.Аббосов) сингари фильмлар суратга олинди. 1986 й. «Дебют» номли ижодий бирлашма ташкил этилди, 1987 й. «Студия-5»га айлантирилди. Бу студиянинг асосий вазифаси ёш кинематографчиларга биринчи мустақил ишларида яқиндан ёрдам бериш эди. Шу студия номи б-н «Писмиқ» (Ю.Азимов), «Унсиний» (О.Эргашев), «Оқ уйдаги кечалар» (Ҳот.Файзиев), «Бўрилар» (С.Назармухамедов) каби фильмлар экранга чиқди.

Мустақилликдан кейинги бадий фильмлар мавзулар ва қаҳрамонлар б-н бойганлиги, жиддий ўзгаришлар, кинода маъмурий, ташкилий ишлар қайта ташкил этилиши кўзга ташланади. «Тушимда аччиқ йиғлайман» (С.Назармухамедов), «Бир қадам ўннга, бир қадам чапга» (Ю.Собитов), «Тонггача» (Ю.Азимов) ва б. фильмлар мустақилликнинг дастлабки йиллар мевасидир. 1997 й. ягона «Марғиёна» (Ҳаб.Файзиев) фильми ишланди. 90-й.лар охири, 21-а. бошлари фильмларида кинонинг адабиёт, театр б-н ҳамкорлигининг кучайиши, ҳақиқий ҳаёт борлигича тасвирланиши, мавзу, жанрлар хилма-хиллиги, ўзига хос ижод, юқори тасвирий маданият, муаллифлик фильмларининг пайдо бўлиши кўзга ташланади. «Отамдан қолган далалар» (реж. Ш.Аббосов), «Воиз», «Ўртоқ Бойкенжаев» (Ю.Розиков), «Буюк Амир Темур» (И.Эргашев, Б.Содиқов), «Алпомиш» (Ҳаб.Файзиев),

«Алишер Навоий» фильмидан (Алишер Навоий—Раззоқ Ҳамроев, Ҳусайн Бойқаро — Асад Исмаилов).



«Тоҳир ва Зухра» фильмидан (Тоҳир — Фуломтожи Аълоев, Зухра — Юлдуз Ризаева).



Малик Қаюмов.

«Ўтган кунлар»нинг янги 2 қисмли варианты (реж. М. Абзалов, Ҳот. Файзиёв), «Ёдгор» (Х. Насимов), «Қорда қолган лолалар» (А. Шаҳобиддинов, Ё. Тўйчиев) ва б. бунга мисолдир. Ҳоз. кундаги «Ўзбекфильм» маҳсулотларининг, асосан, замонавийликка бағишланган «Чимилдиқ» (реж. М. Абзалов), «Чаёнгул» (С. Назармухамедов), «Дилхироҷ», «Дард» (Ю. Розиков, 2001, 2003) каби фильмларида этика, виждон мавзулари кўтарилган бўлса, «Кичик табиб», «Ойижон», «Осмон болалари», «Осмон болалари-2» (реж. З. Мусоқов, 1998, 2001, 2003), «Орзу кетидан» (Ё. Тўйчиев, 2004)да турли ёшдаги замонамиз ёшлари ҳаёти акс этади. Ҳоз. кунда ўзбек бадий киноси замонавий ҳаётни мураккаб муаммолар асносида кўрсатишга киришди. «Феллини» (Ш. Аббосов, 1992), (А. Акбархўжаев, А. Исмоилов, 1999), «Аёллар салтанати» (Ю. Розиков, 2000), «Тақдир», «Пари Момо» (М. Ражабов, 2001), «Дев билан пакана» (Ж. Қосимов, 2003), «Эркак» (Ю. Розиков, 2004) ва б.

«Тонг олдидан», «Қасам», «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Сен етим эмассан», «Ўтган

«Маҳаллада лув-лув гап» фильмидан (Арслонбек — Раҳим Пирмухамедов, Ойпошша — Марьяна Ёқубова).



кунлар» (дастлабки вариант), «Шижоат», «Аччиқ данак», «Абу Райҳон Беруний», «Инсон қушлар ортидан боради», «Шум бола», «Даҳонинг ёшлиги», «Сиз ким Сиз?», «Абдуллажон ёки Спидоергута бағишланади» фильмлари «Юнеско»нинг Олтин фондига киритилган.

Ҳужжатли кино ўз фаолиятини «Ўзбекистон давлат кино» трести ташкил бўлган йил 1925 й. 4 июндан бошлаган. «Ўзбекистон давлат киноси журнали» (кейинроқ «Совет Ўзбекистони» деб номланган) мунтазам чиқиб турган (йилига 60 сони чиққан). Ҳужжатли кино тез ривожлана бошлади, 1928 й. «Шарқ юлдузи» студиясидан Хроника бўлими ва 1934 й. мустақил «Хроникаль-ҳужжатли фильмлар студияси» ажралиб чиқди. М. Қаюмов, П. Пак, А. Саидов, Д. Яшин, Ш. Зоҳидов, В. Шевченко, О. Турсунов, М. Краснянский, А. Раҳимов, М. Ковнат ва б. студиянинг дастлабки ва фаол ижодкорларидир.

1932 й. биринчи овозли «Қумлоқдаги воҳа» ҳужжатли фильми яратилди. 1934 й. «Тошкент тўқимачилар комбинати» (реж. М. Қаюмов) номли тўламетражли фильм экранга чиқди. Катта Фарғона канали қурилишига бағишланган «Катта Фарғона канали» (М. Қаюмов, О. Турсунов) ва «Қудратли тўлқин» (М. Қаюмов) киноси ишланди. М. Қаюмов 40-йлар «Жанубий Фарғона канали», «Шимолий Тошкент канали» ҳужжатли фильмларини ишлади, 1941 й. Амир Темуригини очишда қатнашиб, бу тарихий воқеани суратга олди. Урушнинг дастлабки йилларидан М. Қаюмов, Э. Ҳамроев, А. Раҳимов, М. Ковнат, А. Нишонов, А. Нарижний, Я. Лейбов каби ижодкорлар фронтга жўнатилди. «Совет Ўзбекистони» журнали уруш йиллари республика ва ўзбек халқи, шунингдек, республикага эвакуация қилинган бошқа халқлар (ёзувчилар, маданият арбоблари ва б.) ҳаётини мунтазам равишда ёритиб борди.

Урушдан кейинги йиллар ўзбек ҳужжатли киноси ривожини Н. Ганиев, К. Ёр-

матов, Й. Аъзамов, Э. Собитов, Л. Файзиёвлар номи б-н боғлиқ. «Канаш», «Ўзбекистон географияси», «Турсуной», «Янги ҳаёт», «Бизнинг Ўзбекистонга келинг» фильмлари ишланди.

60–70-й. лар ҳужжатли кинода фильмлар бадий

савиясининг ўсиши, тематик жиҳатдан бойиши кузатилади. «Ўзбеккинохроника» номи б-н янги қурилган бинода фаолият юрита бошлайди. Студияга Т. Нодиров, Д. Салимов, Н. Отауллаева, Н. Азимов, Ф. Шодмонов, Т. Бобожонов, М. Исмоилов, Б. Музаффаров каби ижодкорлар келиб қўшилди. «Тожиҳон б-н учрашув», «Паранжи», «Аския», «Тошкент. Зилзила» (ҳаммасининг реж. и М. Қаюмов), «Салом баҳор», «Олтин тўй», «Ўн уч қалдирғоч», «Олтин Бенгалия» (ҳаммасининг реж. и Т. Нодиров), «Ўқитувчи» (Н. Отауллаева), «Икки ном — бир ҳаёт» (М. Пенсон), «Фронтдан келган қиз» (Ф. Шодмонов), «Бобо», «Саратон», «Янги йил», «Хор» (ҳаммасининг реж. и Д. Салимов), «Аланга» (Ш. Маҳмудов), «Оролқум», «Эъзоз» (Б. Музаффаров) каби миллий маданиятимиз мулкига айланган фильмлар ишланди. 1970 й. Нукус ш. да «Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси»нинг филиали очилди. 1990 й. студия мустақил киностудияга айлантирилиб, бадий фильмлар ҳам и.ч. ҳуқуқини қўлга киритди.

«Ўзбекистон баҳори» (Ш. Курбонбоев, Э. Хачатуров), «Муҳим қадам» (С. Бобоев), «Умид қалдирғочлари» (Г. Шукуров), «Темур устави» (У. Ортиқов), «Бобур ва Бобурийлар изидан» (Д. Салимов), «Буюк ҳукмдор» (Ф. Шукуров) ва б. фильмлар мустақилликдан кейин яратилган фильмлардир. Портрет жанрида фильмлар яратиш кенг қулоқ ёйди ва Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, А. Авлоний, Мунавварқори, С. Ахрорий кабилар ҳақида фильмлар ишланди. Реж. лар В. Исҳоқов ва Ш. Курбонбоев томонидан Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби асосида ишланган «Маънавийлик», «Экология», «Иқтисод», «Мудофаа», «Маориф» фильмларида республикадаги тарихий

«Абу Райҳон Беруний» фильмидан (Беруний — Пулат Саидқосимов, чапда).



ўзгаришлар, Ўзбекистон келажаги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрқин портрети намоён бўлди.

Болалар киносини яратиш ҳам йўлга қўйилди. Турли ёшдаги болаларга мўлжалланган бадий, мультипликацион, ҳужжатли-хроникал фильмлар болалар киносига киради. Болалар киноси шахсининг ғоявий-эстетик шаклланишига ёрдам беради. 1952 й. «Пахтаой» (реж. К. Ёрматов) фильм-эртаги яратилди ва катта муваффақият қозонди. Кейинчалик «Саҳродаги воқеа» (реж. З. Собитов), «Сен етим эмассан» (реж. Ш. Аббосов), «Дорбозлар» (реж. Р. Ботиров), «Олмос» (реж. Д. Салимов), «Кониют горининг сири» (реж. Х. Файзиев) каби фильмлар болаларга тақдим этилди.

1970–80 й. лар ўзбек болалар киносининг шаклланиши, мавзу ва жанр доираси кенгайишида адабиёт муҳим роль ўйнади. «Семурғ», «Етти умид камалаги» (реж. Х. Файзиев), «Қалдирғочлар баҳорда учиб келадилар» (реж. Х. Аҳмар), «Шум бола» (реж. Д. Салимов), «Ўзганин» (реж. Д. Салимов), «Ўзганин» (реж. Д. Салимов), «Амирнинг хуфйона саёҳати» (реж. Ф. Давлетшин), «Унсиной» (реж. О. Эргашев), «Вельд» (реж. Н. Тўлахўжаев), «Бир мавсумлик даҳо» (реж. С. Назармухамедов) бадий фильмлари адабий асарлар асосида яратилди. 70–80 й. лар болалар учун кўп серияли телевизион фильмлар яратишга ўтиди: «Хоразм афсонаси», «Акмал, ажларҳо ва малика», «Акмалнинг янги саргузаштлари», «Камила», «Кундалик, хат ва биринчи синф ўқувчиси», «Арслоннинг саргузаштлари» ва б. Ўзбек болалар киноси ривожига Д. Салимов («Тоғлар чорлайди», «Бу жасур болалар автомобиль пойгазида»), Қ. Камолова («Эртага чиқасанми?» ва б.), А. Акбархўжаев («Тиниқ булоқ», «Эртанги кун сабоқлари» ва б.) каби реж. ларнинг ижоди салмоқли. Иккинчи жаҳон уруши мавзусида «Ленинградликлар — жигарбандларим менинг» (реж. Д. Салимов), «Катта урушда кичик одам» (реж. Ш. Аббосов) каби фильмлар яратилди.

Мустақилликдан сўнг тақиқланган мавзуларга кенг йўл очилди ва ўзбек киносига кириб келган янги авлод режиссёрлари мавзу танлаш ва уни кино тилида эркин, тушунарли ва оммабоп ифодалашда ўзига хос йўл танладилар. Ҳаёт муаммолари, миллийлик, қадрқиммат, оқибат масаллари, юмор, фантастика б-н бойитилган ҳолда турли жанрларда «Уйқуфуруш», «Кулол ва хурмача» (реж. Г. Бзаров), «Тангалик болалар» (Т. Юнусов), «Абдуллажон», «Кичик табиб», «Ойижон» (реж. З. Мусоқов), «Тилсимой — гаройиб қизалоқ» (реж.

«Сен етим эмассан» фильмдан (Маҳкам ота — Обид Жалилов).

М. Боймухамедов), «Мешполвон» (М. Абзалов) ва б. фильмлар бунга мисолдир. Ўзбек болалар киносига соғлом, тетик нафас олиб кирган янги тўлқин режиссёрларининг миллий киноасарлари чет эл томошабинлари ўртасида ҳам катта муваффақият қозонди (мас., «Абдуллажон»).

«Ўзбектелефильм» студияси кейинги йилларда замонавий мавзуларда ва халқ фольклори асосида кўп қисмли фильмлар ишлаб чиқармоқда: «Бойчечак» (реж. С. Бобоев), «Эркатой» (реж. Н. Фозиева), «Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари»; «Ҳикмат чироғи» (реж. М. Абзалов) ва б.

Киносанъатининг ўзига хос тури — мультипликация болалар киноси аудиториясини кенгайтирди. «6 х 6 квадрат» (реж. Д. Салимов, 1965) қўғирчоқ фильмидан бошланган ўзбек мультипликацияси 1970–й. ларда чизма фильмлар яратишни ўзлаштирди. Қўғирчоқ фильмлари устида — Д. Салимов («Сехрли сандиқ», «Олтин тарвуз»), Қ. Камолова («Булутни ким яратди?», «Кичкина деманг бизни»), Ш. Шокирова («Сехрли камонча», «Ажойиб гилам»), И. Кривошева («Кел дўстлашайлик»; «Харобазорда хазина»), М. Боймухамедов («Сехрли най», «Маматнинг саргузаштлари»), Д. Ботирова («Ҳовлида», «Кўппак+кўппак») каби реж. лар ва Ю. Петров, В. Гриднев, В. Акулин, Р. Туманков, В. Ступаков, Р. Камолитдинов ва б. расмлар ижод этишди. 1978 й. мультипликация устахонаси «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги «Қўғирчоқ ва чизма фильмлар бирлашмаси»га айлантирилди. Мультифильмлар и. ч. сон жиҳатдан ўсди, мавзу ва жанр доираси кенгайди, фольклор б-н бир қаторда экология, маънавий-тарбиявий, умуминсоний мавзуларга

«Ўтган кунлар» фильмидан (Оттабек — Ўлмас Алихўжаев, Кумуш — Гулчехра Жамилова).



этибор кучайди. Ёш ижодкорлар томонидан яратилган фильмлар Халқаро фестиваллар совринига сазовор бўлди. «Ёқимли ёмғир ёғди» (реж. Н. Тўлахўжаев, расм С. Алибеков) фильми Лейпциг Халқаро кинофестивалида бош соврин «Олтин кабутар»ни, Испаниянинг Бильбас шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро кинофестивал бош совринларидан бири «Кумуш аждаҳо»ни қўлга киритди. Ўзбек мультипликацияси жаҳон аренасига кўтарилди ва 1986 й. Италиянинг Милан шаҳрида «Ўзбек мультипликацион фильмлари» ҳафталиги ўтказилди ва у жуда юқори баҳоланди.

Ғоя ёрқин тасвирий ифода воситаларида ифодаланган «Лочин ва Юлдуз ҳақида баллада» (реж. М. Маҳмудов), «Саҳрода қўл» (реж. Н. Тўлахўжаев), «Сехрли кийик» (реж. С. Муродхўжаев), «Юлдузи эртақ» (реж. А. Собиров) каби чизма фильмлар ўзбек анимацияси ривожига ҳисса қўшди.

1980-й. ларда фильмлар и. ч. сон жиҳатдан камайса-да, мультибирлашмада ижодий жараён давом этди. Шу даврда 5 қисмли «Синдбоднинг саргузаштлари» (реж. М. Маҳмудов), «Ҳақиқий саргузаштлар ороли» (реж. В. Никитин) каби анимация фильмлари яратилди. Ўзбекис-



тон Республикаси Президентининг 1992 й. 9 мартдаги фармони б-н кино соҳаси алоҳида тармоқ тизими сифатида қайта тикланиши, 1996 й. 29 апр.даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони б-н «Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг тузилиши узбек мультбирлашмаси фаолиятига ижобий таъсир этди. Мультфильмлар и.ч. давлат бюджети б-н таъминланиши — йилига 4 талдан анимация фильмлар яратиш имконини берди. Фильмлар ўзбек тилида суратга олина бошлади, илгари тақиқланган мавзуларга кенг йўл очилди, Ўзбек мумтоз шоирлари асарлари экран юзини кўра бошлади. 1 қисмли ленталардан кўп қисмли фильмлар яратилганга ўтилди. 1990–й.лар мультэртасқ қаҳрамонларига илгаридек сеҳрли мўъжиза — сеҳрли кампир ёки сеҳрли рубоб ё кичик пари ёрдамга келмайди, балки эндиги мультқаҳрамон усталлик, қувлик, уддабуролик б-н энг қийин вазиятдан ҳам ўз кучи б-н қутулиб, душман устидан голиб чиқувчи фаол қаҳрамонлардир: «Янчар кўён» (реж. Д.Власов), «Қозиқ», «Чироқ кўтарган мушук» (реж. М. Маҳмудов) анимация фильмлари бунга мисолдир. «Булуз ва дев» (реж. И.Кривошеева), «Қўзиқоннинг шохи чиқди» (реж. С.Силка), «Бахт ўзи нима?» (реж. М.Маҳмудов) каби замонавий эртасқ-фильмларда инсоннинг табиат б-н узвий боғлиқлиги кўрсатилган. 1990–й.ларда ўзбек анимациясида илк бор Алишер Навоий асарларига, тарихий мавзу ва йирик эпик асарларга қўл урилди. Миллий бирлик, миллий гурур, уюшқоқлик, эл-юртга садоқат, қаҳрамонлик ва эзгу муҳаббат ғоялари сингдирилган «Алпомиш» дostonи анимация тилида кичик томошабинларга етказилди («Алпомиш» 6 қисмли, реж. Н.Тўлаҳўжаев). «Жалолидин ҳақида дoston» (реж. М.Маҳмудов) фильми Жалолидин Мангубердиннинг Мўғул босқинчиларига қарши курашини акс этган бўлса, «Тўмарис» (реж. С.Муродхўжаева) ўзбек халқи ва юртини тобеликдан сақлаб қолган мағрур ва оқила массагет аёлига бағишланди. Ўзбек мультипликация торларининг «Бильярд тарихи» (реж. М.Маҳмудов) қўғирчоқ фильми Анқара Халқаро кинофестивалида 3–мукофотга сазовор бўлди. «Бахтли шаҳзода» (реж. М.Маҳмудов) анимация фильми Ўзбекистон кино арбоблари уюшмасининг Грифон мукофотини олди, 1999 й. «Булбул» (реж. М.Маҳмудов) болалар анимация киноси Москва Халқаро кинофестивалида биринчи мукофот — «Олтин балиқ» б-н, «Кулол» (реж. Д.Власов) фильми Техрон кинофестивалида «Олтин соврин» б-н тақдирланди. Ўзбе-

кистон Республикаси Президентининг 2004 й. 16 мартдаги фармонида кўра «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси «Ўзбеккино» Миллий агентлигига айлантирилди.

Ад.: Абул-Касимова Х., Рождение узбекского кино, Т., 1965; Тешабасев Дж., Узбекское кино: традиции, новаторство, Т., 1979; Хасанов Б., Ўзбек хужжатли киноси, Т., 1972; Абул-Касимова Х., Тешабасев Дж., Мирзамухамедова М., Кино Узбекистана, Т., 1985; Абул-Касимова Х., Кино и художественная культура Узбекистана, Т., 1991.

Ханжара Абулқосимова, Махсура Мирзамухамедова.

ЦИРКИ

Тарихий маълумотларга кўра, Ўзбекистон ҳудудида цирк ўйинлари қадимдан мавжуд бўлган ва кенг тарқалган. Халқ байрам ва сайилларида хонанда, созанда, қўғирчоқбоз, масхарабоз ва қизиқчиларнинг чиқишлари б-н бирга цирк томошалари ҳам намоёиш этилган. Асрлар мобайнида шаклланиб келган анъанавий ўзбек цирки турлари ранг-баранглиги ва ўзига хослиги б-н ажралиб туралди. Хусусан, дорбозлик, симбозлик, «бесуяк», муаллақчилик, найрангбозлик, ёғочоёқ, ёғочот, олов пуркаш, пичоқ ўйини, лаган ўйини, чинни ўйини, кўза ўйини, полвонлик, чигирик ўйинлари ва б. кенг тарқалган. Турли цирк ўйинлари, асосан, баланд тортилган дор тагидаги майдонда намоёиш этилган.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан цирк санъатининг алоҳида турларига оид (Афросиёб, Парфия, Холчаён, Панжикент, Далварзинтепа, Хоразмдан топилган мил. ав. 3-а. — мил. 2-а.га оид) муаллақчи масхарабозлар, от минган чавандозларнинг ҳайкалчалари, турли ниқобдаги



Тошканбой Эгамбердиев.

кишилар тасвири ва б. топиллиши бизда цирк санъати асрлар оша ривожланиб келганини кўрсатади. Амир Темур даврида Самарқандда дорбозлар, муаллақчилар, полвонлар ҳамда ўргатилган от ва филлар иштирокида томошалар намоёиш этилган.

18-аддан бошлаб, Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида дорбоз ва муаллақчилар, қизиқчи ва масхарабозлардан иборат сарой цирк гуруҳлари фаолият кўрсатган. 18–19-а.ларда ўзбек цирки артистлари, асосан, дорбозлар Россия, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон шаҳарларида ўз санъатларини намоёиш этганлар. 1785 й.да ўзбек дорбозлари, 1828 й. бухоролик Шокир исмли ҳайвон ўргатувчи 11 та туя ва 2 та эшак иштирокида Москвада томоша кўрсатган. 19-а. охиридан Туркистон ўлкасига Россиядан европа услубидаги бир қатор цирк гуруҳлари кела бошлаган. Шундай гуруҳлардан Германия, Франция, Италия, Англия, Польша, Хитой, Ҳиндистон, Япониялардан ҳам келиб, маҳаллий аҳолини замонавий жаҳон цирки намуналари б-н таништирдилар. Кўп йиллар мобайнида Ф.Юпатов, В.Жигалов, М. ва С.Баранскийлар,

Муллабой Мансуров раҳбарлигидаги биринчи ўзбек цирк гуруҳи (1903 й.).





Карим Зарифов.

А.Козирков, А.Борги, Р.Капито, А.Добржанский, В.Сур, А.Макаров, М.Високинский, Е.Гамкрелидзе ва б. цирк тadbиркорлари Тошкент, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Урганч, Наманган каби шаҳарларда махсус кўчма цирк – «шапито»лар қуриб, томошалар кўрсатганлар.

Европа циркининг кириб келиши анъанавий қизиқчилик санъатиға бирмунча таъсир этди. Ўзбек қизиқчилари цирк клоунлари б-н ижодий ҳамкорлик қилиши натижасида уларнинг анъанавий репертуари замонавий клоунадалар б-н бойинди ва улар цирк майдонига қадам қўйишди. Қизиқчилар рус клоунадаларини ижро этишда ижодий ёндошдилар, натижада миллий клоунада намуналари яратилди. Фарб цирки таъсирида тарқоқ ҳолда фаолият юритаётган анъанавий ўзбек цирки артистлари орасида йирикроқ гуруҳларға уюшиш ҳаракати бошланади. Натижада 20-а. бошида Баратбой, Муллабой Мансуров, Латофат Саримсоқова, Асқар Ҳайдаралиев, Раҳмон Абдухалиловлар раҳбарлигидаги дастлабки миллий профессионал цирк гуруҳлари ташкил этилди.

Хусусан, 1902 й. Тошкентда Баратбой исмли тadbиркор Эски шаҳардаги карвонсаройлардан бирини цирк томошаларига мослаштириб, атрофига бир қатор маҳаллий артистлар тўплаб, томошалар уюштиради. 1903 й. Муллабой Мансуров цирки ташкил этилди. Шу йилларда Фарғона водийсида Латофат Саримсоқова раҳбарлигидаги «Майрамхон цирки» ҳам ўз фаолиятини бошлаган.

Ўзбекистонда профессионал цирк шаклланишиға Р.Абдухалилов катта ҳисса қўшган. У 1910–20-й.лар раҳбарлик қилган циркда узбек артистлари б-н бирға рус артистлари ҳам ўз санъатини намойиш этган. Унинг «Раҳмонов цирки» Россиянинг бир қатор шаҳарларида гастролда бўлган. 1915 й. Тошкентда антрепренёр Ф.Юпатов ёғочдан ишланган цирк биносини қурдирди ва 1920 й. унга «Биринчи давлат цирки» номи берилди.

1920–30-й.лар Ўзбекистонда давлат цирклари б-н бир қаторда хусусий цирклар ҳам фаолият кўрсатган. 1930 й. Тошкентда Давлат цирклари бошқармаси ташкил этилди. У ўз ичига Марказий Осиёда фаолият кўрсатаётган 20 дан ортиқ циркларни бирлаштирди. Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ш.ларида унинг бўлимлари очилди. Қисқа вақт мобайнида у Марказий Осиё миқёсида катта ва кўзга кўринган ташкилот даражасига кўтарилди. Цирк дастурларида ўзбек артистларидан от ўргатувчи ва чавандоз Раҳмоновлар, қўш чиғириқчи ака-ука Мадалиевлар, дорбоз ва симбоз Тошканбой Эгамбердиев ва унинг ўғиллари – Қодиржон, Шокиржон ва Обиджон Тошканбоевлар, турнист, вольтажёр ва чавандоз Ақром Юсупов, от ўргатувчи Муҳаммад Хўжаев, қизиқчи Карим ва Муборак Зарифовлар, Қодир Фулом (В.К.Янушевский) раҳбарлигидаги туя устида акробатлар ва б. қатнашган. 1931 й. Муҳаммад Хўжаев «Эркинликдаги отлар» номерини тайёрлайди. Унда чавандозсиз отлар мусиқа жўрлигида турли ҳаракатларни бажарган. Қизи – Лола Хўжаева 1934 й. «От устида гротеск-чавандоз» ўйинини тақдим этиб, чопаётган от устида мураккаб машқларни ўта энгиллик ва нафислик б-н бажарган, тик туриб, турли тўсиқлардан сакраб ўтган. 1935 й. Санкт-Петербургда Тошканбой Эгамбердиев раҳбарлиги ва иштирокида «Дорбозлар» оилавий аттракцион яратилиб, анъанавий дор ўйинлари илк бор очик майдондан цирк гумбази остиға кўчирилди ва Россиянинг кўплаб шаҳарларида намойиш этилди.

1938 й. Карим Зарифов раҳбарлигида «Чавандоз йигитлар» дастури яратилди. 1942 й. Тошкент цирки қошида Ўзбек цирк жамоаси ташкил этилди. Унинг таркибига профессионал цирк артистлари б-н бирғаликда халқ театри ва циркининг истёбодли ўйинчилари ҳамда спортчилар кирган. Ўзбек санъатининг етакчи балетмейстерларидан Али Ардобус, бастакор М.Ниёзов, рассом Ш.Шораҳимов миллий цирк жамоасининг яратилишиға салмоқли ҳисса қўшдилар. Жамоанинг бадиий раҳбари этиб Ўзбекистон ва Россия халқ артисти Тошканбой Эгамбердиев тайинланди.

Реж.лар Б.Хўжаев ва Н.С.Байкалов томонидан саҳналаштирилган Ўзбек цирк жамоасининг илк дастури 3 бўлимдан иборат бўлди: Ўзбекистон халқ артисти Карим Зарифов раҳбарлигидаги «Чавандоз йигитлар», «бесуяк»лар А.Аширов ва Қ.Фуломов, қиличбоз А.Азизқон, ёғочоёқ Й.Ҳайдаров, оташ

ўйинчи А.Агран; О.Тошканбоев раҳбарлигидаги акробатик ансамбль, Г. ва К.Заставниковларнинг «Ўргатилган кучуклари», ҳаво гимнастлари Мадалиевлар, чавандоз Л.Хўжаева, от ўргатувчи Муҳаммад Хўжаев, Тошканбой Эгамбердиев раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари» аттракцион, шунингдек, раққосалар гуруҳи, Фуломтожи Аълоев раҳбарлигидаги полвонлар гуруҳи, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Усмонқори Раимбеков, А.Юсупов, П.Боровиков, П.Ульяновлар томоша кўрсатганлар. Цирк ўйинларига оркестр ва миллий ансамбль жўр бўлган. 1944 й. Ўзбек цирки жамоаси Москвада катта муваффақият б-н ўз гастролини ўтказди. Реж.лар Ю.Юрский, М.Муҳамедов, балетмейстер Е.Барановский, рассом Е.Гольдштейн дастурни қайта саҳналаштириб, уни янги цирк ўйинлари б-н бойитдилар.

1950–60-й.лар Ўзбек цирк жамоаси қўшни мамлакатларға сафарлар уюштириб, томошабинларни қад. ва замонавий ўзбек цирки намуналари б-н таниш-

Тошканбоевлар цирк аренасида.





Тошкент цирки биноси.

тирдилар. Шу йилларда «Гул шодиёна-си» (1947), «Шарқ цирки» (1951), «Етти хушчақчақ» (1953), «Гуллаб яшна, Ўзбекистон» (1964), «Акром, баджаҳл хон ва қуёнча» (1966), «Биз Тошкентданмиз» (1967) каби театрлаштирилган цирк томошалари саҳналаштирилди. 1950 й. Тошкентда «Саҳнадаги цирк» кўчма корхоналар дирекцияси ташкил этилди. Раҳбари этиб Эркин Тошканбоев тайинланди. Унинг асосий вазифаси Марказий Осиё бўйлаб цирк томошаларини намойиш этиш бўлган. Дастлаб унинг таркибига 5–6 кишидан иборат бўлган гуруҳлар бирлашган. Улар аввал олис қишлоқларда томоша кўрсатган бўлса, кейинчалик каттароқ саҳналарда, қардош республикаларда ўз санъатларини намойиш этидилар.



Ҳақим Зарифов (ўртада) ва унинг гуруҳи.

Ўзбек цирк жамоаси – собиқ Иттифоқ цирки тарихидаги биринчи миллий цирк жамоасидир. Унинг ижодий тажрибаси асосида бошқа бир қатор миллий цирк жамоалари (мас., озарбайжон, туркман, украин, тожик ва б.) ташкил этилди.

1970–80-й.лар ўзбек цирки репертуари бирмунча кенгайиб, янги асарлар б-н бойиди. Обиджон Тошканбоев раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари», Ҳақим Зарифов раҳбарлигидаги «Чавандоз йигитлар», Лола, Ловар ва Сарват Хўжаевларнинг «От устида гротеск – чавандозлар», Мамлакат Тошканбоева ва Роман Беллейнинг «Туя устидаги акробатлар», Холида Зарифованинг «Гротеск-чавандоз», Маҳмуд Юсупов раҳбарлигидаги «Акробат-эксцентриклар», Олимжон Тошканбоев раҳбарлигидаги «Партер гимнастлар», Жумабой Тош-

канбоевнинг «ҳаво гимнастлари», Зуҳра Юсупова ижросидаги «Симдор устида рақслар», Замира Мадалиеванинг «Чигирик устида гимнастика», Карима Зарифованинг «Чавандозлик олий мактаби», Раъно Рўзихўжаеванинг «ҳаво гимнастикаси» каби томошалари диққатга сазовор. Ақром Юсупов анъанавий масҳарабозлик ва қизиқчилик санъатини цирк майдонига олиб чиқиб, унинг асосида замонавий ўзбек клоунадасининг ёрқин намуналарини яратди. Уша йилларда ўзбек цирки артистлари 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларда гастролда бўлди.

1975 й. замонавий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган янги Тошкент цирки биноси қад кўтарди. 1991 й. унга Тошканбой Эгамбердиев номи берилди.

Мустақилликдан сўнг цирк ҳаётида ҳам янги давр бошланди. Унутилган анъанавий цирк санъатининг турларини тиклаш ва ривожлантириш, замонавий томошабин талабига мос асарлар яратиш, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш, ижодий камолот учун шароит яратиш бериш ва натижада миллий цирк санъатини жаҳон майдонига олиб чиқиш мақсад қилинди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Тошкент цирки ҳақиқий ижодий устахонага, изланиш ва тажрибалар масканига айлантирилди. 1992–2005 й.лар бу ерда 100 дан ортиқ ранг-баранг цирк ўйинлари ва 10 дан ортиқ йирик шаклдаги аттракционлар саҳналаштирилди, 20 дан зиёд театрлаштирилган цирк спектакллари тайёрланди. Миллий услубда саҳналаштирилган, анъанавий ва замонавий цирк ўйинларидан иборат қизиқарли дастурлар 20 дан ортиқ мамлакатда намойиш этилди ва ўзбек цирки халқаро цирк майдонига ўз ўрнини эгаллади. Шунингдек, ўзбек цирки вакиллари Франция, Монако, Германия, Бельгия, Голландия, Россия, Хитой ва б. мамлакатларда ўтказилган нуфузли халқаро цирк фестивал ва кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этишди. Янги дастурларни тайёрлашда Обиджон ва Эркин Тошканбоевлар, Ҳақим Зарифов, Баҳром Маждов, Карима Зарифовалар фаоллик кўрсатдилар.

1996 й. Тошкентда эстрада-цирк коллежи ташкил этилди. У Марказий Осиёдаги ягона махсус ўқув юртидир. «Саҳнадаги цирк»да мустақиллик йиллари 3 та кўчма цирк – «Шапито», «Зооцирк», «Мотоцирк» ва б. янги гуруҳлар ташкил этилди.

Ҳоз. кунда мамлакатнинг турли вилоятларида 20 дан ортиқ анъанавий цирк гуруҳлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқ-

да. Улар халқ байрам ва сайиллари очик майдон ва боғларда дорбозлик, симбозлик, полвонлик, найрангбозлик, масхарабозлик каби томошаларни намойиш этишади.

Ад.: А б и д о в Т.Х., Мастера узбекского цирка, Т., 1973; Тошканбоев П.Э., Цирк («Ўзбекистон санъати» китобида), Т., 2001.

Пўлат Тошканбоев.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАР

Кутубхоналар. Ўрта Осиёда, хусусан, Қад. Хоразмда тери, ёғоч тахтачалари, сопол бўлақларга битилган қўлёзмалардан иборат сарой ва шахсий кутубхоналар қадимдан маълум (мас., Тупроққалъадан топилган подшо архиви хужжатлари, мил. 3-а.). Лекин ташқи давлатлар истилоси натижасида уларнинг аксарияти талон-тарож қилинган.

Шарқ Уйғониш даври (9–12-а.лар)да Самарқанд, Бухоро, Гурганж (Кўҳна Урганч) каби шаҳарлардаги сарой ва мадрасаларда форс, араб, ҳинд, юнон ва б. тилларда битилган нодир қўлёзмалар сақланган катта кутубхоналар бўлган. Айнан мана шу (энг машҳурлари – Сомонийлар саройидаги, Хоразм Маъмур академиясидаги) кутубхоналарда Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби мутафаккирлар мурола қилишган. 14–15-а.ларда Самарқандда Темурийлар кутубхонаси машҳур эди. Хусусан, Улуғбек жуда кўп ноёб китоблар тўплаган. 14-а. охирида Шайх Муҳаммад Порсо омма учун очган вақф кутубхонаси 19-а.нинг 40-й.ларигача фаолият кўрсатган. Бухоро, Самарқанд, Қарши, Хива, Қўқон ва б. шаҳарлардаги хон саройлари ва катта мадрасаларда қўллаб қўлёзма асарлар сақланган кутубхоналар бўлган. Бу кутубхоналарнинг кўпларида ноширлик вазифаси ҳам бажарилган, яъни китоб тайёрлашнинг барча жараёнлари амалга оширилган. Баъзи тарихий манбаларда қайд этилишича, Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Навоий, Жомийнинг шахсий кутубхоналари машҳур бўлган. 19-а. охири – 20-а. бошларида Бухорода 3 та энг бой шахсий кутубхона бўлиб, улардан қози Муҳаммад Шариф Садр Зиёний шахсий кутубхонаси бизгача тўлиқ сақланиб қолган.

Ўзбекистонда Европа туридаги оммавий кутубхоналар 19-а.нинг охирида ташкил этилди (Тошкент оммавий кутубхонаси, 1870). Туркистондаги илмий жамиятларнинг илғор олимлари ўлкада

кутубхона очишга аҳамият бердилар. Жумладан, Тошкентдаги Астрономия ва геофизика расадхонаси (1873) да, «Ўрта Осиё олимлар жамияти» (1870), «Табиатшунослик, астрономия ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлими» (1871), Туркистон кимё лабораториясида (1879), «Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти» (1894), «Туркистон география жамияти» (1897) ва б.да кутубхоналар ташкил этилди. 1902 й.да Ўрта Осиё темир йўли Бош устахонасида темир йўл ишчилари учун кутубхона ишга тушди. 1908 й.да Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида биринчи мусулмон кутубхонаси очилди.

20-а.да кутубхоналар тармоғи кенгайди ва ривожланди. 1917 й. 14 та оммавий шаҳар кутубхонаси ишлаган бўлса, 1934 й.да 2 мингдан ортиқ турли йўналишдаги (сиёсий-маориф, ўқув юртлиари, марказий ва қўчма, шаҳар ва қишлоқ) кутубхоналар фаолият кўрсатган. 2006 й.ил январь охирига бўлган маълумотга кўра, Ўзбекистонда 17 мингга яқин оммавий ва махсус кутубхоналар мавжуд. Уларнинг умумий фонди 140 млн. нусхадан ортиқ. Жумладан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий (вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқ, клублар, маданият уйларидаги) кутубхоналар 5748 та. Уларнинг умумий фонди 57 млн. нусхани ташкил этади.

Халқ таълими вазирлиги тизимида умумий фонди 41 млн. нусхадан ортиқ 9650 кутубхона бор. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида умумий фонди 12 млн. нусхага яқин 64 кутубхона, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ихтиёрида умумий фонди 6 млн. нусхадан ортиқ 959 кутубхона мавжуд. Касаба уюшмалари кутубхоналарининг тармоғига умумий фонди 2 млн. 20 минг нусхани ташкил этувчи 367 кутубхона бирлашган. Республикадаги турли ташкилот ва корхоналарда ҳам бир неча млн. нусха китобга эга 1000 дан ортиқ кутубхона бор.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, М у д о ф а а, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазир-

ликларининг тасарруфларида ҳам кутубхона тармоқлари мавжуд.

Ўзбекистондаги йирик кутубхоналар: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (1870), Ўзбекистон Миллий ун-тининг илмий кутубхонаси (1921), Ўзбекистон ФАнинг Асосий кутубхонаси (1933), Самарқанд давлат ун-ти кутубхонаси, Ўзбекистон тиббий-илмий кутубхонаси (1935), Республика болалар кутубхонаси ва б. Вилоят марказлари ва Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтида ҳам йирик кутубхоналар мавжуд.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат миллий кутубхонаси – республикадаги энг йирик кутубхона, кутубхонашунослик ва библиография бўйича ЎзРнинг илмий-услубий маркази. Фондида 6,5 млн.га яқин китоб бор (2005). Улар орасида ўзбек ва Шарқ мумтоз адабиёти намуналари, жаҳоннинг 75 дан ортиқ тилларидаги китоблар мавжуд. 2005 й.да кутубхона тизимига Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси (1926 й.дан фаолият кўрсатади) ўтказилди. Китоб палатаси республикадаги библиография ва матбуот статистика маркази ҳисобланади. У Ўзбекистонда чоп этиладиган барча босма маҳсулотлар назорат нусхасини архив фондида қабул қилиб олади, уларнинг давлат статистикасини тайёрлайди, миллий матбаа библиографиясини тузади, барча босма маҳсулотларга халқаро ISBN ҳамда ISSN стандартларини тақдим этади. Ҳоз. унинг фондида 3 млн. 440 минг нусха манба бор. Китоб палатаси библиография назарияси ва методикаси бўйича илмий методик ишлар олиб боради, 1928 й.дан бошлаб «Ўзбекистон Республикаси матбуот солномаси», 1976 й.дан Ўзбекистон китоблари библиографик кўрсаткичи ва б. тўпламлар нашр қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорига кўра,



Ўзбекистон ФА Асосий кутубхонасининг ўқув зали.



Тошкент темирйўлчилар маданият саройи.

Ушбу қарор асосида аҳолига кутубхона хизмати курсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кутарилган замонвий ахборот-ресурс марказлари ва ахборот-кутубхона марказлари

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлиги тизимидаги кутубхоналар (кўзи ожизлар кутубхоналари бундан мустасно) Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ихтиёрига ўтказилди.

ташкил этиш, ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, миллий-маънавий, маърифий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга, жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш, миллий ва хорижий нашрлар фондларини шакллантириш юзига келади.

«Тошкентленд» аквапарки.

Абдусалом Умаров, Зухриддин Исомиддинов.



Клуб муассасалари. Ўзбекистонда биринчи клублар 1918 й. Тошкент (Туркистон халқ ун-ти ҳузурда) ва Самарқанд (Қўшқовуз маҳалласидаги мусулмон клуби)да очилди. 1920 й.ларда махсус маданий-маърифий муассасалар (клуб, халқ уйи, қизил чойхона, қироатхона ва б.) тизими «меҳнаткашларнинг коммунистик тарбияси» ва халқ маърифатининг асосий воситаларидан бири сифатида Халқ маорифи комиссарлиги таркибида ташкил топган. 1924 й. клуб муассасалари сони 134 тага етган бўлса, 1978 й. Ўзбекистонда 3880 та маданият уйи ва саройлари фаолият кўрсатди.

Ҳозирда клуб муассасалари давлат, касаба уюмлари ва б. муассасалар ихтиёрида. Жумладан, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида 2143 маданият уйи ва саройи мавжуд бўлиб, уларнинг 1869 таси стационар, 274 таси кўчма клуб муассасасидир (2005). Буларнинг асосий вазифалари аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, инсон маънавий эҳтиёжини қондириш, миллий қадриятларни тиклаш, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, оммавий маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишдан иборат.

Тошкентдаги «Темирйўлчилар», «Авиасозлар», Наманган шаҳар маданият саройи, Фарғона ва Навоийдаги «Кимёгарлар», Тўртқўл туманидаги «Отажон Худойшуқуров» номидаги маданият саройлари республикадаги йирик клуб муассасаларидан.

Маданият ва истироҳат боғлари. Ўрта Осиё халқлари қадимдан боғ тузиш санъати анъаналарига эга. Ўзбек дostonларида, Ўрта аср миниатюра расмларида жаннатмакон боғлар, улар таркибидаги кўшк-кошона, ҳовуз-фаввора, хилма-хил дарахтзор ва чаманлар таърифланган. 8-а.да араб сайёҳлари Ўрта Осиё (Самарқанд каби) шаҳарлари боғларга бурканганлигини кўриб ҳайратда қолганлар. Наршахийнинг «Бухоро гарихи»да 10–11-а.лар Бухоро боғлари (Жуйи Мумиён манзилидаги боғ, гулзор ва бўстонлар, Иброҳим дарвозаси яқинидаги Малик Шамсулмулк яратган Шамсубод боғи) ҳақида маълумот қолдирган. 14-а.нинг охири – 15-а. бошида Амир Темур боғлари Самарқанд атрофида бунёд этилган. Амир Темурнинг сайроҳ боғлари асосан 2 хил усулда – чорбоғ ва кўриқхона тарзида ташкил этилган. Чорбоғлар тарҳи мутаносиблик асосида тўғри геометрик шакллардан тузилган тартибли гулзор ва мевазорлардан иборат бўлган. Кўриқхоналар табиатнинг хушманзара бағрида барпо этилган бўлиб, уларда табиий дарахтзорлардан

фойдаланилган, умумий майдони эса қисман ободонлаштирилган. Теурийдан Шоҳрух Мирзо, Улугбек, Бобур ва б. боғлар тузиш анъанасини давом эттиришган. Улар барпо этган боғларнинг майдонлари девор б-н ўраб олинган. Боғлар ўртасидан ҳамда деворнинг ичкари томонидан ариқлар ўтказилган. Ариқ сувлари асосий бино (қўшқ) олдидаги катта ҳовуз ва б. ҳовузуларга келиб қуйилган. Ҳовузулар атрофи манзарали дарахтлар ва гуллар б-н безатилган. Боғ майдони бир нечта дарахтзор, токзор ва гулзорларга бўлинган. Экилган гуллар шундай танлаб олинганки, улар эрта баҳордан кузгача навбат б-н алмашилиб турли вақтда гуллаган. 17–19-а.ларда ҳам Бухоро амирлиги (Ситораи Моҳи Хоса каби), Хива (Қубла Тоза боғ, Рофаник ва б.), Қўқон хонликларида шаҳар ташқарисида чорбоғлар барпо этилган.

19-а. охиридан оммавий дам олиш учун шаҳар боғлари яратила бошлади (Тошкент шаҳар боғи, 1882). Ботаника боғи (1922) собиқ генерал-губернатор боғи ҳудудида, Бобур боғи (1932) тўқимачилик комбинати ходимлари ташаббуси б-н ташкил этилган, Комсомол боғи (1937) ёшлар ҳашари йўлида барпо этилди. Кейинги йилларда ташкил этилган маданият ва истироҳат боғлари узоқ яшайдиган манзарали дарахтзорлардан иборат бўлиб, уларда ёғи саҳна ва кинотеатр, қироатхона, турли аттракцион, қаҳвахона, болалар майдончалари жойлашган. Шу ерда оммавий-сиёсий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш ишлари олиб бўрилган.

Мустақиллик даврида маданият ва истироҳат боғлари махсус лойиҳалар асосида қайта таъмирланди (Тошкентдаги Мирзо Улугбек, Фафур Фулом номидаги, Андижондаги Алишер Навоий, Фарғонадаги Аҳмад ал-Фарғоний, Самарқанддаги Марказий маданият ва истироҳат боғи ва б.), янгилари яратилди (Ўзбекистон миллий боғи, «Тошкентленд» аквапарки, ҳайвонот боғи ва б.). Буларда иқлими, манзараси, шаҳарсозлик ва иқтисодий шароити ҳисобга олиниб, қад. миллий анъаналарни ривожлантирган ҳолда манзарали ва мевали дарахтзорлар, гулзорлар, сунъий ҳавзалар, канал ва фавворалар, серсоя сўлим хиёбонлар барпо этилди. Маданият ва истироҳат боғларида (жами 88 та) аҳолининг табиат б-н бевоқиф муносабатда бўлиши шаклида, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, кўнгилли ҳордиқ чиқаришига имкониятлар яратилган, маданий-оммавий тadbирлар, профес-



сионал, миллий ва умумхалқ байрамлари ўтказилмоқда.

Музейлар. Ўзбекистонда тарихий, моддий, маънавий ва маданий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш б-н шуғулланувчи илмий-маърифий муассасалар – музейлар пайдо бўлини 19-а.нинг охирига бориб тақалади. Дастлабки музейларни ташкил этиш ва бойитишда таниқли рус олимлари В. Ошанин, Н. Маев, В. Вяткин, Н. Северцов ва б., Л. Смирнов, К. Маузер каби ҳаваскор тадқиқотчилар, Мирза Қосимов, Ақром Асқаров, Мирза Абдулла Бухорий, Абу Саид Махзум каби маҳаллий ихлосмандларнинг хизмати катта. Улар улканнинг минералогия, зоология, нумизматика, этнографияси, флора ва фауна дунёсига оид ажойиб бой коллекциялар туллаган. 1876 й. Тошкент, 1896 й. Самарқанд, 1899 й. Фарғонада ўлкашунослик музейлари очилди. Музей фондлари тасодифан тўпланган ҳар қил жамламалардан иборат бўлиб нодир, фан учун аҳамиятли экспонатлар Россиянинг марказий музей ва кутубхоналарига жунатилар эди.

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи. Андижон.

1918 й.да князь Романов тўплаган коллекцияси асосида Ўрта Осиёда биринчи бадий музейи (ҳоз. Ўзбекистон давлат санъат музейи), 1920–30-й.ларда Наманган, Хива, Бухоро, Қўқон, Андижон, Термиз, Нукус ва б. йирик шаҳарларда улкашунослик музейлари очилди. Музейларнинг давлат бошқаруви тизими шаклланди, тарихий ёдгорликлар ва санъат обидаларини муҳофаза этиш комиссиялари (Турккомстарис, 1922; Узкомстарис, 1927) ташкил этилди. Булар мамлакат бўйлаб илмий экспедициялар уюштириб, музейлар учун материаллар тўпладилар. Кейинчалик музейлар, асосан, Ўзбекистон маданият вазирилиги тасарруфида бўлиб, 3 та музей (Ўзбекистон тарихи давлат музейи, адабиёт ва табиат музейлари) Ўзбекистон ФА таркибида фаолият олиб борди. 1940–70-й.ларда Ўзбекистонда музейларнинг кенг тармоғи яратилган: 1940 й.да 17 та,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи биноси.





«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи.

1975 й.да 34 та давлат музейи мавжуд бўлиб, шулардан 4 таси тарихий, 4 та мемориал, 2 санъат ва 15 та улкашunosлик музейлари эди. Хива (1969), Самарқанд (1982), Бухоро (1985)да музей-қуриқхоналар ташкил этилди, улар археологик, этнографик, маданий-бадий, меъморий ёдгорликларни комплекс тарзда ўрганиш ва ташвиқот қилиш учун мўлжалланган. Давлат музейлари б-н бирга ўлкашunosлик аҳамиятига эга халқ музейлари ҳам фаолият олиб бормоқда. Республика театр музейлари ҳар бир шаҳар, вилоят театрида, айрим олий ва

ўрта махсус ўқув юртларида ўқув ва мемориал музейлари ташкил топган. 1000 га яқин мактаб музейларининг ичида Шаҳрисабз ва Наманган иккита мактаб музейига «Халқ музейи» номи берилган.

Мустақиллик даврида асрлар давомида яратилган бебаҳо улкан маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсатининг энг муҳим вазифаси қилиб қўйилди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан бу соҳага оид махсус қарорлар қабул қилинди («Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида», 1998; «Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларни олиб чиқилиши ва олиб кириши масалалари-

ни тартибга солиш тўғрисида», 1999). Бу даврда бир нечта янги музейлар барпо этилди (Темурийлар тарихи давлат музейи, 1996; Олимпия шон-шухрати музейи, 1996; «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи, 2002; Сурхондарё вилояти археология музейи, 2002; Тошкент фото уйи, 2002; Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, 2004 ва б.). Барча олин фаолият кўрсатган музейларда экспозициялар (кўргазмалар) қайта ташкил этилди. Айниқса, Ўзбекистон тарихи давлат музейининг янги экспозициясида республика тарихий ва маданий мероси бойлиги тўла намоён этилган. Республикада музейлар тармоғи кенг бўлиб, булар тарих ва ўлкашunosлик, санъат ва адабиёт, табиат, табиат, спорт, ҳарбий ва мемориал музейларидан иборат (жами 80 га яқин). Мустақиллик туфайли музейлар Шарқ санъати ва маданиятининг нодир намуналарини жаҳонга кўз-кўз қилиш имкониятига эга бўлдилар. Осиё, Европа ва Америка мамлакатларида Ўзбекистон музейларининг ажойиб намуналаридан иборат кўргазмалар муваффақият б-н намоёиш қилинмоқда.

Ад.: Садыков Х., Гласс Ю., Цой Е., Музеи Узбекистана, Т., 1978; Солиқова Н., Маданий ёдгорликлар хазинаси, Т., 1981; Қосимова О., Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи., Т., 1992.

МАЪМУРИЙ - ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШИ

Ҳоз. Ўзбекистон ҳудуди 20-а. бошла-рида маъмурий жиҳатдан Туркистон генерал-губернаторлиги (Туркистон ўлкаси) ҳамда Россияга қарам бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига бўлинган эди. Туркистон генерал-губернаторлигида асосий маъмурий-ҳудудий birlikлар вилоят (область), уезд, волость, участка ва оқсоқолликлардан иборат бўлган. Туркистон ўлкаси Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Еттисув, Закаспий вилоятлари ва Амударё бўлимига ажратилган. Хива хонлиги 20 беклик, 2 ноиблик ва Хива ш.га бўлинган. Беклик ва ноибликлар, ўз навбатида, аминлик ва масжид-қавмлардан иборат бўлган. Бу даврда Бухоро амирлиги ҳудуди 29 вилоят (баъзи манбаларда 27 ёхуд 32 вилоят)га, вилоятлар амлоқларга, амлоқлар қишлоқларга ажратилган. Бухоро ш. ва унинг атрофидаги 11 та туман (ҳоз. Бухоро вилояти) алоҳида маъмурий birlikлар ҳисобланган.

1917 й.даги Февраль инқилобидан сўнг Туркистон генерал-губернаторлиги тугатилиб (1917 й. 31 март), унинг ўрнига Муваққат ҳукуматининг Туркистон қўмитаси тузилган. Октябрь тўнтариши (1917) дан кейин большевиклар томонидан Туркистонда совет тузumi ўрнатилди. Туркистон ўлка Советларининг 5-съезди (1918 й. 30 апр.)да Туркистон АССР тузилди. Бу съездда тасдиқланган «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси тўғрисидаги Низом»да Туркистон Республикасининг давлат тузumi, унинг ҳудудий чегаралари белгиланди. 1924 й.га келиб Туркистон АССР 6 вилоятга: Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Закаспий (Туркман), Еттисув, Амударё вилоятлари, 30 уезд ва 473 волостга бўлиб ташланди (1920 й.да ташкил қилинган Қозоғистон АССР га Еттисув, Сирдарё ва Закаспий вилоятларининг бир қисми олиб берилди).

Хивада хонлик тузumi ағдариб ташлангач (1920 й. 2 фев.), 1920 й. апрелда Хоразм Халқ Совет Республикаси эълон этилиб, унинг Конституцияси қабул қилинди. Республиканинг ҳудуди 4 та вилоят (Ҳазорасп, Янги Урганч, Тошҳовуз, Хўжайли) ва 26 та туманга бўлинди (1923). 1924 й. республика ҳудуди 3 вилоят (Қозоқ-Қорақалпоқ, Янги Урганч, Тошҳовуз) ва алоҳида Хива туманига ажратилди. Вилоятлар шуро (элат)ларга тақсимланди.

Бухорода ҳам амирлик тузumi тугатилган (1920 й. 2 сентябр)дан кейин, 1920 й. 8 окт.да Бухоро Халқ Совет Республикаси эълон қилинди. 1920 й. кузида БХСРда дастлабки маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоятлар, туманлар, кентлар, амлоқлар ва қишлоқларга бўлинди. 1923 й. БХСРнинг маъмурий бўлинишита тuzатишлар киритилиб, 8 та вилоят (Бухоро, Кармана, Нурота, Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз, Шеробод, Карки), 28 та туман ва Шарқий Бухорога ажратилган. Ўша йили Шарқий Бухоронинг ўзида ҳам маъмурий бўлиниш илк марта ўтказилиб, у 6 та вилоят (Сариосиё, Бойсун, Душанба, Кўлоб, Қўрғонтепа, Гарм) ва 20 та туманга тақсимланган эди. 1924 й. 1 октябрда БХСРда маъмурий-ҳудудий бўлиниш қайта ўтказилиб, 5 округ, 15 вилоят, 58 туман, 197 кент ва кўплаб қишлоқларга бўлинди.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) тузилди (1925 й. 17 фев.). Маркази Самарқанд ш. (1925 й. фев. – майда Бухоро ш.) бўлган ЎзССР дастлаб 7 вилоят (Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм), Комимех автоном р-ни ва Тожикистон АССР ҳамда 23 уезд ва 241 волостга

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши (2005)

	Майдони (минг км ²)	Аҳолиси (минг киши)	Қишлоқ туманла- ри	Шаҳар- лар	Шаҳар- чалар	Маъмурий маркази	Қишлоқ (овул)лар сони
Ўзбекистон Республикаси	448,9	26021,3	159	120	117	Тошкент	1459
Қорақалпоғистон Республикаси	166,6	1569,9	14	12	17	Нукус	124
Андижон вилояти	4,2	2342,7	14	11	5	Андижон	95
Бухоро вилояти	40,3	1507,6	11	11	3	Бухоро	120
Жиззах вилояти	21,2	1043,3	12	7	8	Жиззах	95
Навоий вилояти	111,0	810,2	8	7	8	Навоий	55
Наманган вилояти	7,4	2073,2	11	8	12	Наманган	99
Самарқанд вилояти	16,8	2867,1	14	11	12	Самарқанд	125
Сирдарё вилояти	4,3	672,2	8	5	6	Гулистон	75
Сурхондарё вилояти	20,1	1894,9	14	8	7	Термиз	114
Тошкент вилояти	15,6	2452,3*	15	16	18	Тошкент	146
Фарғона вилояти	6,7	2840,9	15	9	10	Фарғона	164
Хоразм вилояти	6,1	1432,8	10	3	7	Урганч	100
Қашқадарё вилояти	28,6	2378,5	13	12	4	Қарши	147

* Тошкент ш. бунга кирмайди.

булинди (ўз навбатида Тожикистон АССР 7 та уезд ва 36 волостга ажратилди). 1926 й. 29 сент. да маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилиб, вилоятлар тугатилди. 1927 й. 1 янв. да уларнинг ўрнига 10 округ (Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Қўқон, Хўжанд, Бухоро, Ўрта Зарафшон, Самарқанд), 1 автоном республика (Тожикистон АССР), 87 туман ва 1746 қишлоқ шўроси ташкил этилди. 1929 й. Тожикистон АССР иттифоқдош республикага айлантирилгач, Ўзбекистон ССР таркибидан чиқиб, СССР таркибига кирди. Бироқ, 1930 й. 17 авг. да округларга бўлиниш ҳам бекор қилинди. 1930 й. охирида ЎзССР таркиби 9 шаҳар (республика пойтахти Тошкент ш.), 84 туман, 1696 қишлоқ шўросидан иборат эди. 1932 й. 27 июнда Хоразм округи, 1935 й. февралда эса Қашқадарё ва Сурхондарё округлари қайта тикланди. 1936 й. да Қорақалпоғистон АССР ҳудуди РСФСРдан олиниб, ЎзССР таркибига киритилди. ЎзССРнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, унинг 1937 й.ги Конституциясида расмийлаштирилди. Бу вақтга келиб ЎзССР таркибидан бир мухтор республика, 3 округ, 109 туман, 22 шаҳар, 16 шаҳарча ва 1392 қишлоқ шўроси бўлган.

Халқ ҳўжалигини ривожлантиришга тезкор раҳбарлик қилиш учун ЎзССРда янги маъмурий-иқтисодий р-нлаштириш амалга оширилди. 1938 й. 15 янв. да ЎзССР таркибидан Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятлари тузилди. 1941 й. 6 мартда Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари, 1943 й. 20 янв. да Қашқадарё вилояти ташкил этилди. Барча вилоятларда бир қанча янги туманлар ва қишлоқ шўролари (сельсоветлар) тузилди.

1954 й. июнда 447 қишлоқ шўроси тарқатиб юборилди. 1957 й. 1 янв. да ЎзССР таркибидан бир мухтор республика, 9 вилоят, 6 шаҳар тумани, 155 қишлоқ тумани, 29 шаҳар, 57 шаҳарча ва 993 қишлоқ шўроси бўлган. 1957–61 й.ларда маъмурий-ҳудудий бирликлар бир қадар йириклаштирилди, вилоят, туман, қишлоқ шўролари сони камайтирилди. Бу даврда Наманган ва Қашқадарё вилоятлари бекор қилинди. Натигада ЎзССР таркибидан 1 мухтор республика, 7 вилоят, 11 қишлоқ тумани, 754 қишлоқ шўроси қолди. Мирзачўлни ўзлаштириш муносабати б-н 1963 й. 16 фев. да Сирдарё вилояти тузилди. 1964 й. 7 фев. да Қашқадарё вилояти, 1967 й. 18 дек. да Наманган вилояти, шунингдек, илгари бекор қилинган туманлар қайта тикланди, янгилари тузилди. 1973 й. 29

дек. да Жиззах вилояти, 1982 й. 20 апр. да Навоий вилояти тузилди. 1988 й. 6 сент. да вилоятларни йириклаштириш мақсадида Жиззах вилояти Сирдарё вилоятига, 1989 й. май ойида Навоий вилояти Самарқанд ва Бухоро вилоятларига қўшиб юборилди.

1990 й. 16 фев. да Жиззах ва Сирдарё вилоятлари аввалги чегарасида, 1992 й. 27 янв. да Навоий вилояти қайта тикланди. Ўтган даврда кўпгина аҳоли яшайдиган жойлар шаҳар ва шаҳарча (шаҳар типидеги посёлка)ларга айланди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 й. 8 декабрда қабул қилинган амалдаги Конституциясида (68-модда) Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент ш.дан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Қахрамон Ражабов

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистоннинг шим.-ғарбида жойлашган. Майд. 166,6 минг км². Аҳолиси 1569,9 минг киши, асосан, қорақалпоқ ва ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, туркман, рус, татар, корейс ва б. яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 9,4 киши (2005). Давлат тиллари—қорақалпоқ ва ўзбек тиллари. Диндорлари—мусулмон суннийлар. Таркибидан 14 туман, 12 шаҳар, 17 шаҳарча ва 124 фуқаролар йиғини бор. Пойтахти—Нукус ш. Йирик шаҳарлари: Тўрткўл, Тахياتош, Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой.

Қорақалпоғистон—парламент бошқарув шаклига эга бўлган суверен демократик республика. Қонун чиқарувчи олий давлат ваколатли органи—кўп партиявийлик асосида 5 йил муддатга сайланган депутатлардан иборат Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси (ҚР

ЖК). ҚР ЖК раиси республика раҳбари ҳисобланиб, у ЖК депутатлари орасидан 5 йил муддатга сайланади (фақат кетма-кет 2 муддатдан ошмайди). Давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи-бошқарувчи органи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, яъни, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати ҳисобланади. Қорақалпоғистонда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси б-н бир қаторда Қорақалпоғистон Олий кенгашининг 1993 й. 9 апр.даги 12-чақириқ 12-сессиясида қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига амал қилинади. Қорақалпоғистон ўз давлат рамзлари: герб, мадҳия ва байроғига эга.

Қорақалпоғистон Қизилқум чўлининг шим.-ғарбий қисми, Устюрт платосининг жан.-ғарбий қисми ва Амударё дельтасида жойлашган. Орол денгизининг жан. қисми Қорақалпоғистон ҳудудида. Қизилқумнинг шим.-ғарбий қисми Орол денгизи томон пасайиб борувчи кенг ясси текислик бўлиб, қатортепа ва қумли барханлар (бал. 75 м дан 100 м гача) учрайди. Алоҳида тоғ массивлари (энг йириги—Султон Увайс тоғи, чўққилари 473, 485м) бор. Суғориладиган ерлар ва суғориш каналлари, асосан, дельтанинг ўнг соҳилида. Ғарбида бир нечта ботиқли (Борсақелмас, Асақовдон, бал. 29–101 м) Устюрт платоси, ундан жан.-шарқда Сарикамиш сойлигининг шим. чеккаси жойлашган.

Иқлими кескин континентал, ёзи қуруқ ва киши нисбатан совуқ, қор кам ёғади. Янв. ойининг ўртача т-раси жанубда –4,9°, шим.да –7,6°, июлда жан. да 28,2°, шим.да 26°. Йиллик ёғин 110 мм, асосан, қиш ва баҳор ойларида ёғади. Вегетация даври 194–214 кун. Энг йирик дарёси — Амударё (қуйи оқими), энг йирик қўли—Орол денгизи. Шунингдек, Хўжақўл—Қоражар қўллар системаси б-н боғланган Судочье қўл системаси ҳамда Орол денгизининг қуриб қолган қисмида сунъий сув омборлари мав-

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомига олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Нукус	1932	31,9	175,0	206,7	258,1
Беруний	1962	—	41,0	47,3	54,6
Қўнғирот	1969	—	55,0	35,2	36,2
Хўжайли	1926	20,5	64,0	69,2	68,6
Мўйноқ	1963	10,4	17,0	13,6	13,2
Тахياتош	1953	6,0	45,0	51,5	49,8
Тўрткўл	1873	10,5	40,0	48,6	50,9
Чимбой	1926	16,5	35,0	33,1	47,2
Халқобод	1986	—	9,8	11,6	12,2
Манғит	1973	—	25,0	30,5	32,8
Шуманай	1983	—	13,0	12,6	12,5
Бўстон	1983	—	15,0	13,1	13,8



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси.

жуд. Қорақалпоғистоннинг барча сув ҳавзаларида балиқ овланади, уларда балиқ хўжаликлари ташкил этилган.

Амударё дельтасида аллювиал-ўтлоқ, аллювиал-ўтлоқ-тўқай, қуриб қолган кўл ва ботқоқликларда типик шўрхоқ, Устюрт платосида ва Қизилқумда тақир тупроқлар, Қизилжар, Тўқмоқтоғ ва Устюрт платосида кулранг-қўнғир, Орол денгизининг қуриб қолган тубида кумли чўл тупроқлари тарқалган.

Қорақалпоғистонда юксак ўсимликларнинг 979 тури учрайди. Худуди тропик бўлмаган чўл зонасида жойлашганлиги сабабли усимлик қоплами зоналар бўйича ажралиб туради: Устюрт платоси, Амударё дельтаси, Қизилқум шим.-ғарби ва қолдиқ паст тоғлар табиий географик зонаси. Устюрт ландшафти гипсли, шўрхоқ ва кумли чўл бўлиб, ўсимликлари гипсофит, галофит ва озроқ псаммофитлардан иборат.

Амударё дельтасида гулли усимликлар ўсади. Дельтанинг сув ҳавзаларида, аксинча, ўсимлик тури кам, асосан, қалин

тўқай ўсимликлари, қамиш бор. Қизилқумнинг шим.-ғарбий қисмида катта майдонларда сийрак ўт-бутали чўлга хос ўсимликлар (ксерофил бошоқлилар, қорабош, эфемерлар, юлғун, оқ саксовул)

ўсади. Қолдиқ тоғларда ўсимлик тури нисбатан кўп. Табиий ўсимликлардан ем-хашак, ўрмон (тўқай) хом ашёси ва дориворлар сифатида фойдаланилади.

Қорақалпоғистоннинг 50% ер майдони яйловдан иборат. Ўрмон-тўқай фонди 1129 минг га майдонни эгаллайди. Тўқайлар асаларчиликда ҳам аҳамиятга эга. Чўлда судралиб юрувчилардан калтакесак, илонлар; кемирувчилардан юмронқозик, қумсичқон, қўшоёқ; сутэмизувчилардан жайран, бўри, тулки; қушлардан саксовул сойқаси, бургут, тувалоқ, сўфитўрғай; ўргимчаксимонлардан чаён, фаланга ва б. яшайди. Тўқайларнинг ҳайвонот дунёси нисбатан бой: қирғовул, ўрдак, ғоз, қоровой, лойхўрак, сутэмизувчилардан чиябўри, тўқай мушуги, бўри, тулки, толай қуёни, қобон ва б. Ондатра иқлимлаштирилган. Амударё ва Оролдан пилмай, сазан, таран, лаққабалиқ ва б. овланади. Сув ҳавзаларида балиқнинг янги 14 тури иқлимлаштирилган. Республикада 3 махсус қўриқланадиган табиий ҳудуд: «Балдайтўқай» қўриқхонаси, «Сайғоқли» ва «Судочье» букюртма қўриқхоналари ташкил этилган.

Қорақалпоқларнинг энг қад. этногенези Амударё дельтаси ва Орол-Каспий бўйи чўлларида мил.ав. 7-4-а.ларда яша-

ган сак-массагет қабилалари б-н боғлиқ. 6-8-а.ларда маҳаллий аҳоли б-н туркий қабилалар қисман аралашиб кетган. 8-10-а.ларда бижанак (печенег) ва ўғузлар муҳитида қорақалпоқ миллати шакллана бошлади. Чингизхоннинг босқинчилик ҳаракатлари воҳани чўлга айлантирган, Амударё қуйи оқими атрофларида яшаган аҳолининг кўплаб кўчиб кетишига сабаб бўлган. Қорақалпоқларнинг муайян қисми Ўзбўй, Волга ва Урал томонга кўчиб ўтган. У ерда Олтин Ўрда таркибида бўлган. Рашидуддин асарига улар «қавми кулоҳи сиёҳ» деб аталган.


Қорақалпоқларнинг аксарият қисми 17-18-а.нинг ўрталаригача Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида яшаган. 18-а.нинг ўрталарида сиёсий воқеалар, яъни, қозоқ хони Абулхайрхон қорақалпоқ ерларига хужум қилиши оқибатида улар Сирдарёнинг ғарбий irmoғи-Жанадарё бўйларига кўчиб ўтдилар ва Амударёнинг қуйи оқимида яшовчи қорақалпоқлар Орол ўзбеклари б-н бирлашиб, маркази дастлаб Кунғирот, сўнгра Шохтемир (хоз. Чимбой) бўлган давлат (Орол мулкини) туздилар.


1811 й.да қорақалпоқлар Хива хонлигига тобе бўлди. 1873 й.да рус подшо қўшинларининг Хивага қилган юришидан сўнг ва Гандимиён шартномаси тузилгач, Амударёнинг ўнг соҳилидаги қорақалпоқлар яшайдиган ҳудуд Россияга қўшиб олинган ва бу ерда Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилояти Амударё бўлими ташкил этилган. Амударё бўлими 2 уезд: маркази Тўрткўл қалъаси бўлган Шўраҳон ва маркази Чимбой бўлган Чимбой уездига ажратилди. 1916 й.да Чимбой, Тўрткўл ва б. жойларда подшо Россияси сиёсатига қарши қўзғолонлар бўлди. 1917 й.да подшо ҳукумати ағдарилгач, ўнг соҳил қисми Туркистон АССР таркибига кирди, 1918 й.да бу ерда шўролар ҳокимияти ўрнатилди. 1919 й.да Чимбой волостида халқ қўзғолонлари бошланди. 1920 й.да Амударё бўлими Туркистон АССРнинг Амударё вилоятига айлантирилди. 1920 й. апр.да Хива хонлиги ҳудудида Хоразм Халқ Совет республикаси тузилди ва унинг таркибига қорақалпоқлар яшайдиган жойлар ҳам киритилди. 1924 й. апрелда ХССР таркибида Қозоқ-Қорақалпоқ мухтор вилояти тузилди. 1924 й. окт.да чап ва ўнг соҳил бирлашиб, ягона Қорақалпоқ мухтор вилояти мақомида Қозоғистон мухтор республикаси таркибига кирди. Ўрта Осиё Совет Республикаларида миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиши давомида Туркистон АССР таркибидagi Қорақалпоқ мухтор



Оқчакўл манзараси.

СИЁСИЙ-МАЪМУРИЙ ХАРИТА





Сирдарё вилояти
 Маркази - Гулистон ш.
 Майдони - 4,3 минг кв. км
 Аҳолиси - 672,2 минг киши

Фарғона вилояти
 Маркази - Фарғона ш.
 Майдони - 6,7 минг кв. км
 Аҳолиси - 2840,9 минг киши

Эслатмалар: 1. Марказлари билан бир хил аталувчи вилоятлар номи харидада ёзилмаган.

Сурхондарё вилояти
 Маркази - Термиз ш.
 Майдони - 20,1 минг кв. км
 Аҳолиси - 1894,9 минг киши

Хоразм вилояти
 Маркази - Урганч ш.
 Майдони - 6,1 минг кв. км
 Аҳолиси - 1432,8 минг киши

2. Маъмурий ҳудудий бўлиниш 2004 й. 1.01 ҳолати бўйича берилган.

Тошкент вилояти
 Маркази - Тошкент ш.
 Майдони - 15,3 минг кв. км
 Аҳолиси - 2452,3 минг киши

Қашқадарё вилояти
 Маркази - Қарши ш.
 Майдони - 28,6 минг кв. км
 Аҳолиси - 2378,5 минг киши

3. Вилоятлар бўйича аҳоли сони 2005 й. 1.01 ҳолати бўйича берилган.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

<p>Аҳоли пунктлари</p> <p>ТОШКЕНТ — Ўзбекистон Республикаси пойтаёти</p> <p>НУКУС — Қорақалпоғистон Республикаси пойтаёти</p> <p>ТЕРМИЗ — Ўзбекистон Республикаси вилоятлари марказлари</p> <p>АНГРЕН — Бошқа шаҳарлар</p> <p>Зомин — Шаҳарчалар</p> <p>Помул — Қишлоқлар</p> <p>Алоқа йўллари</p> <p>— — — — — Темир йўллар</p> <p>ж — — — — — Автомобиль йўллари, дивонлар</p>	<p>Чегаралар</p> <p>— — — — — Ўзбекистон Республикаси чегаралари</p> <p>— — — — — Қорақалпоғистон Республикаси чегаралари</p> <p>— — — — — Ўзбекистон Республикаси вилоятлари чегаралари</p> <p>Гидрография</p> <p>Кўллар ва сув омборлари</p> <p>Дарёлар</p> <p>Каналлар</p> <p>Қуруқ ўзаклар</p>
--	--

Мақштаб 1:5 000 000

вилояти тузилди (1925 й. 16 фев.дан). 1929 й.да Тахтақўпирда кўплаб маҳаллий аҳоли колхозлаштириш сиёсатига қарши чиқди. Бу воқеа Қорақалпоғистонни Россия Федерациясига бевосита қўшиб олиш (1930 й. 20 июль) учун асосий сабаб бўлди. 1932 й. 20 мартда Қорақалпоқ мухтор вилояти РСФСР таркибидаги Қорақалпоғистон мухтор республикасига айлантирилди. 1936 й. 5 дек.дан Ўзбекистон таркибида.

1950–80-й.ларда Қорақалпоғистонда тоталитар бошқарув тизими ҳукмрон бўлди. Пахта яккаҳокимлиги, қ.х.даги буйруқбозлик сиёсати атроф-муҳитнинг бузилиши ва Орол денгизининг қуришига олиб келди. 1990 й. 14 дек.да Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети эълон қилинди. 1991 й. 31 авг.да бу ҳолат «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ги Қонунда ўз аксини топди. Миллий мустақиллик даврида республика суверенитетининг меъёрий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, янги маъмурий ҳокимият тузилмалари фаолияти ўрнатилди.

Қорақалпоғистон ҳудудида фойдали қазилмалардан газ, газ конденсати, нефть, қурилиш ва қоплама тошлар, гипс ва оҳақтош, керамзит, цемент, кон-руда ва кон-техника хом ашёси қазиб олинади. Электрэнергетика, ёқилғи саноати, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва металлсозлик, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз, озиқ-овқат, полиграфия саноатлари ривожланган. Тахياتош иссиқлик электр ст-яси республика ва қўшни вилоятларнинг электр энергиясига бўлган талабини қондиради. «Нукускабель», «Устюртгаз», «Тўртқўлдон» корхоналари, Қўнғирот сода, ун э-длари фаолият кўрсатади. 15300 дан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар бор.

Республикада бензин, керосин, дизель ёқилғиси, оҳақтош, қоплама материаллар, йиғма темир-бетон буюмлари, мебель, ип толаси, пахта, тикувчилик маҳсулотлари, тўқимачилик галантереяси, ўсимлик мойи, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, нон, қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари, ун, ёрма ва б. ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Қ.х., асосан, пахтачилик, ғаллачилик (шоли ва бугдой етиштириш) ва чорвачилик (гўшт, сүт, қорақўлчилик)дан иборат. Экин майдонларига донли экинлар, пахта, сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари экилади. 8300 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Чорвачилик, асосан, гўшт-сүт етиштиришга ихтисослашган. Барча тоифадаги хўжа-

ликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

1999 й.да Амударёда Нукус ва Хўжайли ш.ларини бирлаштирувчи автомобиль йўл кўприги, 2004 й.да Амударё устидан Ҳазорасп–Мискин т.й. кўприги қурилди. Қораўзак–Мискин, Мискин–Газўчоқ, Мискин–Бузоқбоши т.й. қуриб ишга туширилди. 2005 й.да т.й. узунлиги 984 км га етди. Нукус ш.да троллейбус қатнови йўлга қўйилган (1991), халқаро аэропорт фаолият кўрсатади.

Қорақалпоғистон ташқи савдосида Россия, Қозоғистон, Хитой, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Австрия, Италия, Франция, АҚШ, Польша, Бельгия ва б. давлатлар б-н ҳамкорлик қилади.

Республикада 70 тиббий муассаса, 246 амбулатория-поликлиника муассасаси, уларнинг таркибида 20 қишлоқ участка врачлик пункти, 6 шаҳар ва маҳалла врачлик пункти, туман марказий касалхоналарига қарашли 14 поликлиника; 20 республика ва шаҳар ҳамда касалхоналар б-н бирлашган 20 поликлиника, 3 болалар поликлиникаси, 2 республика муассасаларига қарашли поликлиника бор. Нукус ш.даги Республика акушерлик ва гинекология и.т. институти, Республика шошилич тиббий ёрдам марказининг филиаллари, шунингдек, 14 туман марказий касалхонаси ва Тахياتош ш. касалхонаси қошидаги шошилич тиббий ёрдам бўлимлари аҳолига хизмат кўрсатади. Нукус ш.да Скрининг маркази, 9 санаторий-профилакторий, республика ўсмирлар маркази ишлаб турибди.

Қорақалпоғистонда спортнинг кураш, бокс, футбол, оғир атлетика, волейбол, баскетбол, от спорти ва б. турлари ривожланган. 14 стадион, спорт заллар, 3

сузиш ҳавзаси, теннис кортлари ва б. спорт иншоотлари бор. Қорақалпоқ спортчилари «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», студентлар универсидаларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Муайтай бўйича 5 карра жаҳон чемпиони Эркин Қутибоев, оғир атлетика бўйича Осиё чемпиони Бахтиёр Нуруллаевнинг номлари машҳур. 12-Осиё ўйинларида бокс бўйича Алишер Аюезбоев, футбол бўйича Бердақ Алланиязов, эшаккли сузиш бўйича Бахтиёр Давлетяровлар ғолибликни қўлга киритдилар.

Қорақалпоғистонда 763 умумий таълим мактаби, 72 касб-ҳунар коллежи, 5 академик лицей, 3 олий ўқув юрти (Қорақалпоқ давлат ун-ти, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тининг, Тошкент давлат аграр ун-тларининг филиаллари) бор. 35 илмий муассаса, шу жумладан, Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлимига қарашли 6 та бўлинмаси (Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлимининг табиий фанлар комплекс ин-ти, Биоэкология ин-ти, Оролбўйи ижтимоий-иқтисодий муаммолар ин-ти, Н.Довқораев номидаги Тил ва адабиёт ин-ти, Тарих, археология ва этнография ин-ти, Клиник ва экспериментал тиббиётнинг Қорақалпоғистон илмий тадқиқот ин-ти), Ботаника боғи ишлаб турибди.

Қорақалпоғистон телевидениеси дастлаб 1964 й. 5 ноябрда эфирга чиқди. Илк фаолияти даврида кўрсатувлар кечки пайт 1,5 соат ҳажмда берилган. Ҳоз. кунда эрталаб 1,5 соат ва кечки пайт 19-00 дан ярим тунгача, дам олиш кунлари 1–2 соат давомда телекўрсатувлар олиб борилади. Илк радиоэшиттиришлар 1932 й. янв.да бошланган. Дастлаб улар қисқа

Тупроққалъа харобаси.





Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими биноси.

ахборотлар тарзида ташкил қилинган. 1935 й.да радиоэшиттиришлар ҳажми 3 соатгача етказилган. Ҳоз. кунда Қорақалпоғистон радиоси кунига 6,5 соат ҳажмда эшиттиришлар олиб боради.

Қорақалпоқ фольклорининг асосини лирик ва эпик асарларнинг барча турлари ташкил этади. Лирик жанр асарларига халқ, маросим кўшиқлари (ёр-ёр, хаужар, жўқлов, ярамазон, гулапсан, бадик ва б.), айтис (айтишув, кўшиқ-беллашувлар), матал ва мақоллар, болалар ашулалари, тез айтиш; эпик жанр асарларига эртак, тўлгов, терма, достонлар кирди. «Алпомис», «Едиге», «Қублон», «Қирқ қиз» достонлари машҳур. Бу ерда турли даврларда яшаб ижод этган Жиен Жиров, Кунхўжа, Ажинияз Қусибой ўғли, Бердақ, Отеш Алшинбай ўғли, Кулмурот Курбон ўғли, Омар Сугиримбет ўғли ва б. шоирларнинг шеър, достон ва б. асарлари қорақалпоқ адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. Қорақалпоғистон адабиётшунослик фанига 1930 й.ларда Н.Довқораев, К.Аймбетов, И.Сагитовлар томонидан асос солинган. Ҳоз. замон қорақалпоқ адабиётига асос солганлардан А.Мусаев, С.Мажитов, К.Авезов, К.Ёрманов, И.Фозилов, Н.Довқораев, А.Бегимов, Ж.Аймурзаев, Д.Назберганов, М.Дарибаев, А.Шомуротов, С.Курбонниёзов ва б.ни санаб ўтиш мумкин.

20-а.да Қорақалпоғистонда тасвирий санъат шакллари ривож топди (И.Савицкий, Қ.Соипов, Ж.Изентаев, Ж.Қуттимуродов ва б.). Нукусда Қорақалпоғистон давлат санъат музейи, Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади.

Қорақалпоғистон мусиқаси узоқ тарихга эга бўлиб, Ҳоз. кунда бой мусиқий фольклор, оғзаки анъанавий профессионал мусиқа ва, шунингдек, 20-а.да ривож топган композиторлик ижодиёти намуналарига эгадир. Қорақалпоқ анъанавий мусиқа ривожланишига 20-а.да Нурабулло жиров, Ерпўлат жиров, Ҳўкиз жиров, Жумабой жиров, Қиёс

бахши Ҳайратдинов, Жалақ бахши Шомуротов, Есжан бахши Қоспўлатов, Кенжабой бахши Тилевмуртов, Қорақалпоғистон халқ артисти Т. Курбонов ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар.

Республиканинг маданий ҳаётида симфоник оркестр, катта хор жамоаси ва балет труппаси фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, Бердақ номидаги филармония (1946), Қорақалпоқ давлат телерадиоқўмитаси қошидаги халқ чолғулари оркестри, «Айқулаш» ашула ва рақс ансамбли, «Мухаллес» дуторчилар ансамбли ва б. мусиқий жамоалар фаолият юритмоқдалар. Қорақалпоғистон омавий (эстрада) мусиқаси соҳасида «Уйнасин» вокал чолғу ансамбли, «Гулзор», «Саубет», «Мийрас», «Жигитлар» гуруҳлари машҳур. Мусиқий билим соҳасида болалар мусиқа мактаблари, Нукусда мусиқа, маданият коллежлари, олий ўқув юртлари (Нукус ун-ти ва б.) да мусиқий кафедралар фаолият кўрсатмоқда.

Драма ва театрнинг элементлари қорақалпоқ халқининг урф-одатлари ва ўйинларида, халқ достонларида, халқ усталарининг ижодиётида, профессионал сўз усталарининг санъати (Омирбек лаққи, Кампакал-Кампир, Давлат Лаққи, Тинимқиз)да мужассамлашган. 19-а.да масхарабозларнинг санъати кенг тарқалган. 20-а. бошларига келиб театр профессионал санъат даражасида шаклланди. 1930 й. Тўртқўлда мусиқали драма театри ташкил этилди, кейинчалик

Султон Увайс бобо мақбараси.



унга К.С.Станиславский, 1990 й.да Бердақ номи берилди. Ундан ташқари Республикада Қорақалпоқ театри, 1978 й.да тузилган Давлат ёш томошабинлар театри ва 1990 й.да тузилган Давлат кўғирчоқ театри фаолият кўрсатмоқда.

1970 й. 19 фев.да Нукусда Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлари Тошкент киностудиясининг Қорақалпоқ филиали очилди. 1970 й.нинг ўрталарига келиб ёш қорақалпоқ кино санъати ривожлана бошлади. 1990 й. апрелда ушбу филиал базасида Нукус ш.да «Қорақалпоқфильм» киностудияси вужудга келди.

Қорақалпоғистон ҳудудида антик, ўрта аср ва янги даврларга оид меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Меъморлик ва тарихий ёдгорликлардан 237 таси рўйхатга олинган. Улардан 145 таси археология, 25 меъморлик ва 67 таси монументал ёдгорликлардир. Беруний туманидаги Султон Увайс бобо (11-14-а.лар). Кечирмас бобо (17-19-а.лар); Тўртқўл туманидаги Қаландардағ (18-19-а.лар), Норинжон бобо (12-14-а.лар) мажмуалари, Хўжайли туманидаги Мазлумхон Сулу ва Миздахқон (11-19-а.лар); Кўнғирот туманидаги Белеули (12-14-а.лар), Давут Ота мақбараси; Мўйноқ туманидаги Ҳаким Ота мақбараси ва қабристони, Эллиққалъа туманидаги Аёзқалъа-1 ва Аёзқалъа-2 (3-8-а.лар), Тупроққалъа (3-а.) энг муҳим ёдгорликлардир.

Қорақалпоғистонда 5 республика, 14 туман, 1 шаҳар (Нукус), 20 тармоқ газ.лари, 2 бюллетень ва 9 журнал нашр этилади.

Нукус (қорақалпоқча Но'кис) — Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти. Республиканинг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Ўртача т-ра июлда 27°, янвда —6,9°. Қизқетган канали шаҳарни кесиб ўтади. Майд. 200 км². Аҳолиси 258,1 минг киши (2005 й; 2001 й. да 255 минг киши; 1974 й.да 88 минг; 1959 й.да 39 минг; 1939 й.да 10 минг); асосан, қорақалпоқлар, шунингдек, ўзбек, қozoқ, рус, корейс, татар ва б. ҳам яшайди.

Нукус ш. ўрнида 19-а.нинг 60-й.ларида Нукус овули бўлган. 20-а.нинг бошларида Нукус овули Амударёнинг ўнг соҳилидаги энг йирик аҳоли пунктларидан бирига айланди. 1930 й. 12 ноябрда Қорақалпоғистон Мухтор Республикасининг марказини Тўртқўл ш.дан Нукус овулига кўчириш ҳақида қарор қабул қилинди. 1932 й.дан Нукусга шаҳар мақоми берилди, бу ерда янги маъмурий бинолар қурила бошлади. 1939 й. Қорақалпоғистон Мухтор Республикаси маъмурияти Нукус ш.га кўчиб ўтди.



Нукус ш. нинг умумий кўриниши.

Шаҳарнинг йирик автомагистраллар чорраҳасида жойлашганлиги унда куп тармоқли саноатнинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Нукус–Тошқовуз, Нукус–Ғузор автомагистраллари халқаро аҳамиятга эга. 345 км ли Навоий–Нукус темир йўли, Нукус б-н Хўжайлини боғлайдиган кўприк, 243 км узунликдаги Туямўйин–Нукус, 112 км узунликдаги Нукус–Тахтакўпир сув узатиш тармоқлари қурилди. Республика саноати умумий маҳсулотининг 20% ни шаҳар саноат корхоналари берали. Металлсозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил, ёғочсозлик ва полиграфия саноати тармоқлари мавжуд. Нукусда қурилиш материаллари саноати яхши ривожланган, йирик панелли уйсозлик ва силикат-бетон з-длари, қурилиш материаллари к-тлари, гишт з-длари, мрамар и.ч. бўйича Қорақалпоғистон–Италия

Нукусдаги ўтов ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулоти.



қўшма корхонаси бор. Нон, гўшт, сабзавот-консерва, тегирмон ва аралаш ем к-тлари, сут-ёғ, вино-арақ ва пиво-лимонад з-длари ишлаб турибди. Нукусда ширинмия доривор ўсимлиги илдизини йиғадиган ва пресслайдиган тиббий корхона мавжуд. Бу корхонанинг маҳсулоти хорижга экспорт қилинади. Шаҳарда Ўзбекистонда ягона ўтов-кигиз к-ти, тикув ва трикотаж ф-калари, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида газета-китоблар босадиган матбаа к-ти, мебель ф-каси бор. Нукусдан турли йўналишларда автобуслар қатнайди. Нукус ҳаво йўллари орқали Ўрта Осиё ва Қозғоғистон, Россия ва Европа мамлакатлари шаҳарлари, Тошкент ва Ўзбекистоннинг барча вилоят марказлари б-н боғланган.

Нукус–Қорақалпоғистоннинг илм-фан ва маданият маркази. Шаҳарда Ўзбекистон ФА, Ўзбекистон БАнинг Қорақалпоғистон бўлимлари, Ўзбекистон тери-венерология, онкология, шунингдек, чорвачилик илмий тадқиқот ин-тларининг филиаллари, педагогика ин-ти, Қорақалпоқ ун-ти, ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти ва б. олий ўқув юртлари ишлаб турибди. 43 умумий таълим, 2 спорт, 2 мусиқа мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, кутубхона, маданият саройи мавжуд. Нукус телестудияси ўз дас-

турларидан ташқари Москва, Тошкент, Ашхобод телекўрсатувларини ҳам олиб кўрсатади. Шаҳарда 5 касалхона, поликлиника, дорихоналар ва консултация пунктлари, тез ёрдам ст-яси бор. Бердақ номидаги давлат мусиқали драма театри, филармония, санъат музейи ва б. музейлар, марказий стадион, спорт заллар, ботаника боғи мавжуд.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссаси ва шаҳарнинг 70 йиллиги муносабати Нукус «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2003 й. 11 сент.).

Амударё тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг жан. қисмида жойлашган. 1957 й. 18 дек.да ташкил этилган. Майд. 1,02 минг км². Аҳолиси 151,3 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қорақалпоқ, қозоқ, рус, туркман, қирғиз, татар, корейс, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 148,3 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Манғит), 1 шаҳарча (Жумуртов), 10 қишлоқ ва овул фуқаролари йиғини бор. Маркази – Манғит ш.

Туман рельефи, асосан, текисликдан иборат. Амударёнинг чап соҳили бўйлаб Жумуртов тизмаси жойлашган. Иқлими кескин континентал. Қипчоқарна, Манғитарна, Қиличнӣёзбойарна каналлари; Қорақўлёп, Богёп, Сеитёп, Оқолтин, Алиэлиёп, Эшонёп, Шўрёп ва б. ариқлар туман хўжалиklarини сув б-н таъминлайди.

Саноат корхоналаридан Манғит пахта тозалаш, гишт з-длари, Манғит ип йигирув ва тикувчилик к-тлари, шунингдек, Қорақалпоғистондаги энг йирик хўжалиklarаро қурилиш бошқармаси ва 3 таъмирлаш-қурилиш ташкилоти бор. Туман хўжалиklари Тахиатош иссиқлик электр ст-яси ва Манғит ГЭС энергиясидан фойдаланади. 320 дан зиёд кичик корхона ва 30 га яқин акциядорлик жамияти мавжуд.

Нукус ш.даги турар жойлар.



Қ.х.нинг асосий тармоқлари пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик. Экин майдонларига пахта, сабзавот, шоли, беда, маккажўхори экилади. 300 га яқин фермер хўжалиги, деҳқон-фермерлар уюшмалари фаолият кўрсатади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

83 умумий таълим мактаби, 1 лицей, 52 жамоат ва болалар кутубхонаси, 21 клуб муассасаси, 3 маданият уйи, 6 касалхона ва диспансер, 6 амбулатория, 55 фельдшер-акушерлик пункти бор. 1934 й.дан «Амударё ҳақиқати» туман газ. чиқади.

Беруний тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг жан.-шарқида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. 1927 й. 3 июлда ташкил этилган (1962–64 й.ларда Тўртқўл тумани таркибиде бўлган). Майд. 3,94 минг км². Аҳолиси 150,6 минг киши, асосан, ўзбеклар; шунингдек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 38,2 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Беруний), 11 қишлоқ (овул) фуқаролари йиғини бор. Маркази – Беруний ш.

Тумanning шим.да Қизилқум чўли, гарбиде Бадайтўқай ва Султон Увайс тоғи бор. Туман жан.дан Амударё оқиб ўтади. Туманда Оқчакўл, Амиробод қўллари, Пахтаарна каналининг давоми бўлган Бўзёп канали бор. Амударёдан Қозоқёп, Бештом, Найман каналлари чиқарилган. Хулудиде Бадайтўқай давлат қўриқхонаси жойлашган.

Пахта тозалаш, ёғ, темир-бетон, гишт ва асфальт з-длари, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари бор. Кичик ва хусусий ва б. турдаги корхоналар, фирма, акциядорлик жамиятлари мавжуд. Етакчи тармоқ–пахтачилик. Чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, полизчилик ҳам ривожланган. Экин майдонларига пахта, шоли, сабзавот, беда, маккажўхори экилади. 11 деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, 200 га яқин фермер хўжалиги, ижара хўжаликлар, хўжалик ҳисобидеги участка бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади. Транспорт соҳасиде Тўртқўл–Нукус автомобиль йўли асосий роль ўйнайди. Амударёда кемада юк ташилади.

57 умумий таълим мактаби, 2 лицей, 36 жамоат кутубхонаси, 5 маданият уйи, музей, 9 касалхона ва диспансер, 57 қишлоқ врачлик пункти бор. 1946 й.дан «Халқ минбари» туман газ. чиқади.

Кегейли тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг марказий қисмида жой-



Беруний ш.даги Абу Райҳон Беруний ҳайкали.

лашган. 1928 й. 3 сент.да Чимбой туманидан ажратиб ташкил этилган. Майд. 2,63 минг км². Аҳолиси 76,4 минг киши, аксар қисми қорақалпоқлар, шунингдек, ўзбек, қозоқ, татар, корейс, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 29 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Халқобод), 2 шаҳарча (Кегейли, Қозонкеткен) ва 10 овул фуқаролари йиғини бор. Маркази – Кегейли шаҳарчаси.

«Кегейли» атамасининг келиб чиқшини Кегейли шаҳарчаси хулудидан оқиб ўтадиган Кегейли канали номи б-н боғлайдилар. Бу каналнинг икки томони кегай дарахтлари, туранғиллар б-н бурканиб турганлиги учун у Кегейли номи олган. Ушбу ном кейинчалик шаҳарча ва туман номига айланган.

Туман хулуди Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилидаги пасттексиклида жойлашган. Иқлими кескин континентал. Шим. қисмидаги Довудқўлдан сув омбори сифатида фойдаланилади. Туман хулудидан Қувонишжарма канали оқиб ўтади. Оқтўба, Бесқудуқ, Сассиқшиел, Қораой қўллари бор.

Қурилиш, транспорт, алоқа ва б. корхоналари мавжуд. 100 га яқин кичик ва хусусий корхона, «Халқобод момиғи» пахта з-ди бор. Туманда, асосан, пахта етиштирилади; галлачилик, боғдорчилик, полизчилик, чорвачилик б-н ҳам шуғулланилади. Олмазор, оқ теразорлар барпо этилган. Экин майдонларига пахта, буғдой, шунингдек, беда экилади. Пилла ҳам етиштирилади. Деҳқон, фермер хўжаликлари, 2 агрофирма бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариде қорамол, қўй боқилади.

38 ўрта, 4 тўлиқсиз ўрта ва 4 таянч мактаби, касб-ҳунар коллежи ва лицей-

лар мавжуд. 8 клуб, 33 кутубхона, маданият саройи бор. Туман марказий касалхонаси, 2 қишлоқ касалхонаси, 33 фельдшер-акушерлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаториялари фаолият кўрсатмоқда. 1952 й.дан «Кегейли турмуши» газ. нашр этилади.

Мўйноқ тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг шим.даги туман. 1931 й. 19 сент.да ташкил этилган. Қуйи Амударё дельтаси, Орол денгизининг жан.даги хулудларни эгаллайди. Майд. 37,94 минг км². Аҳолиси 28,7 минг киши, асосан, қорақалпоқлар; шунингдек, ўзбек, қозоқ, рус, украин, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² да 1 кишига яқин (2005). Туманда 1 шаҳар (Мўйноқ), 5 овул фуқаролари йиғини бор. Маркази – Мўйноқ ш.

Хулудининг аксар қисми Орол денгизининг қуриган туби (Оролқум) ва Амударё дельтасидаги қўллардан иборат. Қолган қисмини денгиз қирғоқлари ва бир неча ороллар ташкил этади. Кейинги йилларда дельтадаги илгари сув босиб ётган айрим ерлар ўзлаштирилиб, экинлар экилмоқда. Қурилиш материалларидан тош, қум, гил мавжуд. Иқлими кескин континентал. Туманда Судочье, Кавсир, Зокиркўл, Сарикўл, Шегекда ва бир қанча майда қўллар бор. Амударёнинг Оролга қуйилиш қисми ҳам шу туман хулудиде.

Саноат корхоналари Амударё дельтасидаги Мўйноқ, Учсой, Қозоқдарё, Пурлитовла жойлашган. Туманда балиқчилик ва чорвачилик хўжаликлари мавжуд. Экин майдонларига галла (асосан, буғдой, шоли), картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариде қорамол, йилқи боқилади. Даррандачилик (ондатра, тулки, сувсарлар) б-н ҳам шуғулланилади. Қўнғирот–Бейнов т.й. тумани Қозоғистон ва Россия б-н боғлайди. Тумандаги 13 дан зиёд умумий таълим мактаби, саноат транспорт касб-ҳунар коллежи, бизнес-мактаби фаолият кўрсатади. Қарийб 40 кутубхона, 20 га яқин клуб бор. 20 га яқин тиббий муассаса аҳолига хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Орол балиқчиси» туман газ. чиқади.

Нукус тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг марказий қисмида, Қуйи Амударёнинг шарқий соҳилидаги пасттексиклида жойлашган. 1968 й. 25 дек.да ташкил этилган. Майд. 1,0 минг км². Аҳолиси 44,1 минг киши, асосан, қорақалпоқлар, шунингдек, ўзбек, қозоқ, рус, туркман, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га

ўртача 44,1 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Оқманғит), 6 овул фуқаролари йиғини бор. Маркази — Оқманғит шаҳарчаси.

Рельефи, асосан, паст-баланд текисликлар, ғарбий қисми Амударё ботиғи, шарқий қисми қум дўнглари ва қатор тепаларидан иборат. Қурилиш материалларидан тош, шағал, қум ва гил кўп. Назархон, Сапоққўл ва б. бир неча кичик кўллар хўжалик аҳамиятига эга. Назархон, Чўртонбой, Саманбой ўрмон хўжаликлари мавжуд (6,5 минг га). Иқлими кескин континентал. Асосий сув тармоқлари — Амударё. Бўзатов каналлари. Туман худудидан Қизкетган канали ҳам оқиб ўтади.

Туманда бир қанча қўшма, кичик, хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари мавжуд. Хўжалиги Нукус ш. аҳолисини қ.х. маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган бўлиб, асосий йўналиши мевачилик, токчилик, полиз ва сабзавотчилик, гўшт ва сут чорвачилиги, паррандачилик, шоликорликдан иборат. Қ.х.нинг етакчи тармоқлари — ғаллачилик ва пахтачилик. Картошка ва беда ҳам экилади. Тутзор, пичанзор ва яйловлар бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, йилқи, шунингдек, парранда боқилади.

Нукус—Халқобод—Чимбой—Тахтақўпир, Нукус—Оқманғит—Қозонкеткен—Қозоқдарё, Нукус—Хўжайли—Кўнғирот—Мўйноқ йўналишларда мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилган. Туман худудидан т.й. ўтган. Умумий таълим мактаблари, лицейлар, касб-хунар мактаблари, касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатади. 2 касалхона ва б. тиббий муассасалар мавжуд. «Орол», «Алпомиш», «Умид» дам олиш масканлари бор. 1969 й.дан «Оқманғит тонги» туман газ. чиқади.

Тахтақўпир тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1928 й.да ташкил қилинган. (1963 й.да тутатилиб, Чимбой тумани б-н бирлаштирилган. 1965 й. ўз номи б-н Чимбой туманидан ажралиб чиққан). Майд. 21,1 минг км². Аҳолиси 42,2 минг киши, асосан, қорақалпоқ ва қозоқлар, шунингдек, ўзбек, рус, қирғиз, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 2 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Тахтақўпир), 8 овул фуқаролари йиғини бор. Маркази — Тахтақўпир шаҳарчаси.

Рельефи, асосан, текислик ва Белтов қирларидан иборат. Шим.-шарқи Қизилқум б-н туташади. Туманда Боршининг тоғи, Мискин, Жаланаш қуми, Аманда, Оққум тепаликлари, Қоратақир,

Шертактақир текисликлари мавжуд. Қизилқум чўли қўйлар учун асосий яйлов ҳисобланади. Белтовда қурилиш материалларидан гипс, шағал ва б. бор. Иқлими кескин континентал. Туман экинзорлари Қизкетган каналдан ажралиб чиққан Қувонишжарма канали ва унинг тармоқларидан суғорилади. Энг йирик Қоратерен кўлида балиқ урчилади. Тоғ этагидаги бу кўл соҳиллари дам олиш жойи ҳисобланади. Ундан ташқари Отақўл, Мавдак, Эчкиўлган, Қорақўл, Ақбас ва б. кўллар бор.

«Тахтақўпирдон» корхонаси, 7 акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон—Қозоғистон «Тахтақишлоқмаш» қўшма корхонаси, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, 120 дан зиёд ўрта ва кичик корхоналар фаолият кўрсатади. Электр энергия Тахитатош иссиқлик электр стаясидан олинади.

Туман қ.х., асосан, пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Шоликорлик ва қорақўлчиликка ҳам катта эътибор берилган, шунингдек, боғдорчилик, сабзавот ва полизчилик ҳам ривожланган. Экин майдонларига пахта, дон, шоли, картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. 270 га яқин фермер хўжалиги, фермер хўжаликлари уюшмаси мавжуд. Хўжаликларга 5 муқобил МТП хизмат кўрсатади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, йилқи, туя боқилади.

23 умумий таълим, мусиқа мактаблари, 2 касб-хунар коллежи, чўпон болалар интернат мактаби, тест маркази бор. Маданият уйи, 25 кутубхона, 10 клуб муассасаси фаолият кўрсатади. Туман марказий, болалар, қишлоқ касалхоналари, стоматология поликлиникаси, 13 фельдшер-акушерлик, 6 қишлоқ-врачлик пунктлари, «Айдос қала» санаторийси ишлаб турибди. 1945 й.дан «Тахтақўпир тонги» туман газ. чиқарилади.

Тўрткўл тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1927 й. 3 июлда ташкил этилган. Майд. 7,5 минг км². Аҳолиси 163 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қорақалпоқ, туркман, қозоқ, рус, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 21,7 киши тўғри кела-

ди (2005). Туманда 1 шаҳар (Тўрткўл), 14 қишлоқ (овул) фуқаролари йиғини бор. Маркази — Тўрткўл ш.

Туман худуди Амударёнинг ўнг соҳилида, паст-баланд текисликда жойлашган. Шим.-шарқ ва шим. қисми Қизилқум чўли б-н банд. Иқлими кескин континентал. Бир қанча шўр кўллар (Сувёрган, Сўккили, Жумақетган ва б.) бор. Туман хўжаликлари ерлари, асосан, Пахтаарна, Боғёп, Қалтаминор, Оқбошли, Шўраҳонёп, Ёнбошқалъа, Аразқалъа, Амиробод, Битлеу, Бўзёп, Белтон каналларидан суғорилади.

Туман иқтисодий негизини пахтачилик ташкил этади. Шу сабабли саноати ҳам пахта хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган. Туманда 7 саноат корхонаси, жумладан, пахта тозалаш з-ди (Тўрткўл), асфальт ва темир-бетон з-длари, «Тўрткўлтекс» қўшма корхонаси, «Тўрткўлмой», «Тўрткўлёл» қўшма корхоналари, 13 акциядорлик жамияти, 230 га яқин кичик ва ўрта хусусий корхоналар бор.

Чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полизчилик ҳам ривожланган. 580 дан зиёд фермер хўжалиги бўлиб, улар деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шугулланади, деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари, қорақўлчиликка ихтисослашган «Қизилқум» чорвачилик хўжалиги фаолият кўрсатади. Экин майдонларига пахта, ғалла, сабзавот ва полиз, картошка, озуқа экинлари экилади. Боғзор ва мевазорлар, ўрмонзорлар барпо этилган. Жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй, йилқи, туя боқилади.

65 умумий таълим мактаби, 6 касб-хунар коллежи, сил касаллигини даволаш санаторий интернат мактаби фаолият кўрсатади. 12 клуб муассасаси, 10 маданият уйи, халқ театри, 34 кутубхона, 2 ўлкашунослик музейи, 2 уй-музейи, санъат мактаби мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 2 тиббий диспансер, 4 қишлоқ участка касалхонаси, 22 врачлик даволаш профилактика шохобчаси, Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли санаторийси ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

Тахтақўпир тумани.
Қурилиш касб-хунар коллежи.



Туман ҳудудидан Тошкент—Нукус т.й. ва автомагистрالی ўтган. «Ойдин йўл» (2001 й.дан), «Тўртқўлнома» (2004 й.дан), «Мекен» (туркман тилида, 2001 й.дан) газ.лари чиқарилади.

Хўжайли тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг жан. қисмида, Амударёнинг чап соҳилида жойлашган. 1926 й. 14 янв.да ташкил этилган. Майд. 0,85 минг км². Аҳолиси 145,5 минг киши, асосан, қорақалпоқ ва ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, туркман, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 171,1 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Хўжайли), 1 шаҳарча (Волник), 9 қишлоқ (овул) фуқаролари йигини бор. Маркази — Хўжайли ш.

Рельефи, асосан, текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал. Туман ҳудуди орқали Қўнғирот ва б. каналлар оқиб ўтади. Фойдаланиладиган қазилмалардан пойдеворда ишлатиладиган тош олинади.

Туманда 10 саноат корхонаси (шу жумладан, ун ва ёрма к-тлари, гуруч ф-каси, аралаш ем з-ди ва б.), 4 автокорхона, почта, электр алоқаси корхоналари, т.й. транспорти, газ қувурлари (РФнинг марказий р-нлари ва Уралга газ узатадиган компрессор ст-ялар), тикувчилик ф-каси, гиламчилик корхонаси ва б. фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик. 5 фермер хўжалик уюшмаси бор. 500 га яқин деҳқон хўжалиги ташкил этилган. Тумандаги фермер хўжаликлари деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчиликка ихтисослашган, пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. Сугориладиган майдонларга пахта, ғалла, сабзавот ва полиз, картошка, шоли, ем-хашак экинлари экилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, илқи, парранда боқилади.

72 умумий таълим мактаби, 2 махсус интернат мактаби, «Меҳрибонлик уйи»,

4 ўқувчиларни касбга йўналтириш маркази ишлаб турибди. Марказлашган маданият уйи, 9 маданият уйи, 3 клуб, халқ театри, 35 кутубхона мавжуд. 3 касалхона, 5 поликлиника, 2 диспансер, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 10 қишлоқ врачлик, 14 фельдшер-акушерлик пунктлари, шошилинч тиббий ёрдам бўлими аҳолига хизмат кўрсатади.

Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Миздахқон ўрта аср шаҳри харобаси, унинг ҳудудида Габр қалъа (мил. ав. 4-а.), Жумард, Антакия шаҳар тепаликлари (14-а.), Мазлумхон Сулув (13-а. охири—14-а. боши), Шамун Наби мақбаралари, Ражаб халифа уйи, Қирқ чўпон ёдгорлиги сақланган. 1950 й.дан «Хўжайли ҳақиқати» туман газ. чиқади.

Чимбой тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг марказий қисмида, Амударё қуйи оқимининг унғ соҳилидаги текисликда, Кегейли канали соҳилида жойлашган. Майд. 3 минг км². Аҳолиси 97,4 минг киши, асосан, қорақалпоқлар, шунингдек, ўзбек, рус, қозоқ, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 32,5 киши тўғри келади. Туманда 1 шаҳар (Чимбой), 8 овул фуқаролари йигини бор (2005). Маркази — Чимбой ш.

Туман ҳудудининг ғарбий ва шим. қисмлари ботқоқлашган тўқайлардан иборат. Шим.-ғарбидаги қум тепалари унча баланд бўлмаган (250 м) Қўшхона тоғларига туташади. Иқлими кескин континентал. Туман ҳудудидан Қозоқларё ва унинг ирмоғи Эркиндарё оқади. Кегейли, Тасжарма, Қизилўзақ, Қўшқаржиққан, Қизкетган, Ўржап, Майжап ва Ободжап каналлари, Қоракўл, Мақпалкўл, Шурдарё, Тобонкўл кўллари бор.

Туманда пахта тозалаш, ёғ-мой, ғишт, қурилиш материаллари, керамика, асфальт-бетон з-длари ва б. бор.

Қ.х.да пахтачилик ва шоликорлик, чорвачилик ва полизчилик яхши ривожланган. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. 570 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Суғо-

риладиган майдонларга пахта, шоли, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

Умумий таълим мактаблари, пед. касб-хунар коллежи, Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот ин-ти, наслчилик ст-яси фаолият кўрсатади. 6 кутубхона, болалар маданият саройи, 4 маданият уйи, 5 касалхона, поликлиника, туғруқхона, 11 қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Чимбой овози» туман газ. чиқади.

Шуманай тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг жан. қисмида жойлашган. 1950 й. 6 окт.да ташкил этилган. (1960 й. 5 фев. да Қўнғирот ва Хўжайли туманларига қўшиб юборилган. 1976 й. 9 янв. да қайта ташкил этилган). Майд. 0,64 минг км². Аҳолиси 41,3 минг киши, асосан, қорақалпоқ ва ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, туркман, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 64,5 киши тўғри келади. Туманда 1 шаҳар (Шуманай), 6 овул фуқаролари йигини бор (2005). Маркази — Шуманай ш.

Рельефи, асосан, пасттекисликдан иборат. Ҳудуди ғарбдан Устюрт платосига туташ. Иқлими кескин континентал.

Туманда пахта тозалаш, ғишт з-длари, хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна, қурилиш-таъмирлаш бўлинмаси, қишлоқ қурилиш-таъмирлаш корхонаси бор. Автокорхона, МТП, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Туман хўжалиги, асосан, қ.х. ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Пахтачилик — етакчи тармоқ. 200 дан ортиқ фермер хўжалиги, 4 та хусусий чорвачилик фермаси мавжуд. Экин майдонларига пахта, буғдой, шунингдек, сабзавот, полиз, ем-хашак ва б. экинлар экилади. Пилла ҳам етиштирилади. Жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй, парранда боқилади.

36 умумий таълим мактаби, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, 2 касб-хунар коллежи, биоэкокан, касб-хунар урганиш марказлари ва б. мавжуд. Маданият саройи, марказий кутубхона ва унинг 25 та тармоғи, 3 қишлоқ клуби, «Гулпак» халқ рақс дастаси, маданият уйлари, спорт мажмуаси, стадион, спорт заллари ва б. бор. Марказий туман касалхонаси, 2 қишлоқ касалхонаси, 5 қишлоқ врачлик пункти, 2 поликлиника, махсус рентген лаб.лар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.



Миздахқон обидаси.
Хўжайли тумани.

Қад. тарихий ёдгорликлардан туман ҳудудида Жамлиққалъа (тарихда Айбуйир номи б-н машҳур, мил. ав. 5—4-а.лар), Жанақалъа (19-а. бошлари, маҳаллий аҳоли уни яна Улкан том, Қуҳна Шуманай деб ҳам атайди) бор. 1923 й.дан «Шуманай нури» туман газ. чиқади.

Эллиққалъа тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг жан.-шарқида жойлашган. 1977 й. 23 мартда ташкил этилган. Майд. 5,4 минг км². Аҳолиси 120,5 минг киши, асосан, узбек ва қорақалпоқлар, шунингдек, қozoқ, туркман, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача зичлиги 1 км² га 22,3 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Бўстон), 12 қишлоқ (овул) фуқаролари йиғини бор. Маркази — Бўстон ш.

Туман ҳудуди жандан шимолга пазасайиб борувчи ясси текисликдан иборат. Саёз чуқурликлар, қуруқ ўзанлар, кичик тепалар ҳам учраб туради. Иқлими кескин континентал. Амиробод, Қирққиз, Эллиққалъа, Қозoқча каналлари Тўртқўл ҳудудидан ўтган Богёп каналидан сув олади. Амударёда қурилган насос ст-яси Амиробод ва Қалъача ариқларига сув етказиб беради. Оқчакўл, Думанқалъа кўллари бор.

«Эллиққалъа олтин тола», «Элнур», «Элтекс» акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатади. Кичик ва хусусий корхоналар, Ўзбекистон—Австралия—Бангладеш «ЮНИВЕР» (жинси матосидан кийим-кечак тикилади), Ўзбекистон—Лихтенштейн «Медикал коттон интернейшнл» (тиббийёт мотиғи ишлаб чиқарилади), Ўзбекистон—Россия «ЭлРослес» қўшма корхоналари, арақ-вино, гишт 3-длари, қурилиш ташкилотлари бор. Молия-бизнес маркази, супермаркет, «Оталар чойхонаси» мавжуд.

Пахтачилик туман қ.х.даги етакчи тармоқ. Чорвачилик, ипакчилик, боғдорчилик, полизчилик ҳам ривожланган. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Суғориладиган ерларга пахта, дон, картошка, полиз, сабзавот, озуқа экинлари экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, йилқи, туя боқилади.



66 умумий таълим мактаби, академик лицей, 4 касб-ҳунар коллежи, 7 истеъдодли болалар мактаби ишлаб турибди. Марказий кутубхона ва унинг 31 та тармоғи, Ал-Хоразмий, Ёшлар хибоблари, маданият ва истироҳат боғи, 12 клуб муассасаси, санъат саройи, «Аёзқалъа—Тур» сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатади. Туманда ҳар йили Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган ёш кўшиқчилар республика кўрик-танлови ўтказилади. Марказий стадион, 3 теннис корти, соғломлаштириш спорт маркази, 3 болалар спорт мажмуаси, бир қанча спорт заллар мавжуд. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиника, «Жавҳар» хусусий тиббий маркази ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. «Гулшан» болалар оромгоҳи, 3 соғломлаштириш санаторийси, «Орол болалари» халқаро ўқув соғломлаштириш маркази бор. «Устозга эҳтиром» меъморлик-ҳайкалтарошлик мажмуаси мавжуд. Туман ҳудудидан Учқудуқ—Нукус т.й. ва автомагистраль ўтади. Тупроққалъа, Қаватқалъа, Эллиққалъа, Қирққизқалъа, Қўрғошинқалъа, Гулдурсун қалъалари ва б. тарихий, меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган. 1978 й. 1 апр.дан «Давр кўзгуси» туман газ. нашр этилади.

Қанлиқўл тумани. Республиканинг марказий қисмида жойлашган. 1970 й. 7 декабрда Қўнғирот ва Шуманай туманларининг қисмларидан

Қанлиқўл тумани. Қуйи Амударё соҳиллари.

(Ленинобод номи б-н) ташкил қилинган. 1993 й. 9 январдан Қанлиқўл тумани номи б-н юритилади. Майд. 0,74 минг км². Аҳолиси 41,3 минг киши (2005), асосан, қорақалпоқ ва ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, туркман, корейс, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 55,8 киши. Туманда 1 шаҳарча (Қанлиқўл), 4 овул фуқаролари йиғини бор. Маркази — Қанлиқўл шаҳарчаси.

Туман ҳудуди Қуйи Амударёнинг чап соҳилидаги серунум текисликда. Рельефи, асосан, пасттекислик, кўчма қумлар бор (Арзимбетқум массиви). Амударё қад. тармоқларининг қирғoқлари бўйлаб ер тағида турли катталиктаги бўшлиқлар — унгулар учрайди. Қурилиш материалларидан гил ва қум бор. Иқлими кескин континентал. Кичик кўл кўп. Экин майдонлари Бегжап, М. Нурмухамедов, Қанлиқўл, Бозорбой ва б. каналлар орқали суғорилади. Республика аҳамиятидаги магистрал каналлардан Суенли, Киндикўзек, Қиятжарган, Ажинияз каналлари туман ҳудудидан ўтган.

Туманда қўшма, кичик, хусусий ва б. саноат, қурилиш корхоналари мавжуд. Шулардан йириқлари: пахта тозалаш, гишт 3-длари, автокорхона, 6 қурилиш корхонаси, МТП, шунингдек, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари — пахтачилик ва шоличилик. Чорвачилик ҳам ривожланган. Пилла, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилади. Ўрмон хўжалиги, кўп йиллик дарахтзорлар, боғлар, тоқзорлар, тутзорлар, яйловлар мавжуд. Ширкат, фермер хўжаликлари, 7 фермер хўжаликлар уюшмаси фаолият кўрсатади. Фермер хўжалик-



«Элтекс» қўшма корхонаси (Эллиққалъа).

лари галлачилик ва пахтачилик ҳамда чорвачилик б-н шуғулланади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

24 умумий таълим, болалар мусиқа, спорт мактаблари, касб-хунар коллежлари, 14 кутубхона, маданият уйлари, клуб муассасалари бор. Стадион, теннис, футбол майдончалари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, қишлоқ касалхонаси, поликлиника, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 4 қишлоқ врачлик пункти, 11 фельдшер-акушерлик пункти, стоматология поликлиникаси, 5 дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан республика аҳамиятидаги Тошкент – Нукус т.й. ўтган. 110 км дан зиёд автомобиль йўллари бор. Туман маркази (Қанликўл)дан Нукус, Қўнғирот, Кегейли, Шуманай ш. ларига автобуслар ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган. 1971 й.дан «Қанликўл хабарлари» туман газ. чиқади.

Қораўзак тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг шимолида жойлашган. 1928 й.да ташкил этилган. 1959 й. мартда Тахтақўпир туманига қўшиб юборилган. 1975 й. 26 ноябрда қайта ташкил этилган. Майд. 5,9 минг км². Аҳолиси 44,3 минг киши, асосан, қорақалпоқ, ўзбек ва қозоқлар, шунингдек, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 7,5 киши туғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Қораўзак), 8 қишлоқ (овул) фуқаролари йиғини бор. Маркази—Қораўзак шаҳарчаси.

Ер юзаси, асосан, текислик. Туманнинг шим.-шарқий қисмини Белтов қирларининг қумлиқари, жан. қисмидаги катта ҳудудини Тошқудуқ қумлиқлари эгаллаган. Жан. чеккасида Султон Увайс тоғи бор. Иқлими кескин конти-

нентал. Хўжаликлар Қувонишжарма канали тармоқлари—Есимўзак, Кўкўзак ва Марказий каналларидан сув олади. Туманнинг жан. чеккасида Амурдоре қиби ўтади.

Туманда пахта тозалаш 3-ди, 2 автокорхона, МТП, ипакчилик, дон қабул қилиш бошқармаси, қурилиш ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар бор. Электр энергия Тахиатощ иссиқлик электр ст-ясида олинади.

Қ.х.нинг асосий тармоғи—пахтачилик, шунингдек, чорвачилик, шолиторлик, пиллачилик ҳам ривожланган. Чорва ширкат хўжалиғи, тажриба хўжалиғи, 500 дан зиёд фермер хўжалиғи мавжуд. Сугориладиган майдонларга пахта, дон, сабзавот, полиз экинлари экилади. Боғлар барпо қилинган. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, йилқи, туя боқилади.

32 умумий таълим мактаби, 1 лицей, болалар мусиқа мактаблари, қ.х. касб-хунар коллежи, 2 маданият уйи, 2 кутубхона бор. Туман марказий касалхонаси, 22 фельдшер-акушерлик, 9 қишлоқ врачлик пунктлари, 2 қишлоқ-врачлик амбулаторияси ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Халқобод орқали Нукус ш.га автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. 1946 й.дан «Меҳнат байроғи» туман газ. чиқади.

Қўнғирот тумани. Қорақалпоғистон Республикасининг ғарбий қисмини эгаллайди. 1927 й. 3 июлда ташкил этилган. (1963 й. Хўжайли туманига қўшиб юборилган. 1964 й. 22 фев.дан қайта тuzилган). Майд. 74,49 минг км². Майдони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ичида энг каттаси. Аҳолиси 112,7 минг киши, асосан, қорақалпоқлар, ўзбеклар ва қозоқлар, шунингдек, корейс, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиғи 1 км² га 1,5 киши (2005). Туманда 1 шаҳар

(Қўнғирот), 6 шаҳарча (Жаслик, Олтинқўл, Оққўлоқ, Элобод, Қорақалпоғистон, Кубла-Устюрт), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Қўнғирот ш.

Ер юзаси, асосан, Устюрт пасттектислигидан иборат. Ўртача бал. 150 — 200 м, энг баланд жойи 292 м (туманнинг ғарбий қисмидаги Қорабовур қирида). Марказий қисмида Борсакекмас, шарқиде Қораумбет шўрхоклари, жан.да Асакаовдон ботиғи, Туркманистон б-н чегарадош ҳудудиде Қоплонқир текислигининг ва Сарикамиш кўлининг шим. қисми жойлашган. Иқлими кескин континентал, қуруқ. Туман хўжаликлари Суэлли магистрал канали, Равшан, Олтинқўл каналларидан сув олади, шунингдек, туман ҳудудига Машан қўли ва шим. қисмида Суэлли кўлининг жан. чеккаси туташ.

Саноат корхоналаридан пахта тозалаш, ун тортиш, сода, темир-бетон буюмлари 3-длари, «Устюртгаз» унитар шўьба корхонаси, Устюрт қидирув бурғилаш бошқармаси, «Урганчтрансгаз» шўьба корхонасининг газ қувурлари тармоғи бошқармаси, Қўнғирот технологик сув б-н таъминлаш бошқармаси, локомотив ва вагон таъмирлаш депоси, гидроиншоотлар, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, «ТуалТД», «Қазқўнғироткарбид», «НОИЛТ» қўшма корхоналари, «Ийгилик газ» қўшма корхонасининг филиали ва б. ишлаб турибди.

Туман қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик, галлачилик (шу жумладан, шолчилик), гўшт-сут чорвачилиғи. Деҳқон ва фермер хўжаликлари, 6 муқобил МТП, «Қўнғирот» машина-трактор парки фаолият кўрсатади. Сугориладиган майдонларга пахта, шол, буғдой ва бошқа қ.х. экинлари экилади. Ўрмонзор, пичанзор ва яйловлар бор. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, йилқи боқилади. Мўйноқ балиқ э-дининг Қўнғирот филиали ишлаб турибди.

56 умумий таълим мактаби, 2 касб-хунар коллежи, бизнес мактаби филиали, «Прогресс» маркази бор. 21 кутубхона, туман тарихи музейи мавжуд. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона мажмуи, тери касаллиқлари, сил касаллиқлари диспансерлари, 3 поликлиника, 24 фельдшер-акушерлик пункти, 7 овул врачлик пункти, 2 қишлоқ врачлик амбулаторияси, қишлоқ касалхонаси ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан халқаро автотрасса, т.й. ўтган. 1944 й.дан «Қўнғирот ҳақиқати» туман газ. нашр этилади.



Қўнғирот сода заводи.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, Тошкент вилоятининг маъмурий маркази. Республикадаги энг йирик сааноат, транспорт ва маданият марказларидан. Республиканинг шим.-шарқий қисмида, Тяньшан тоғлари этакларида, 440–480 м баландликда, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Иқлими континентал, йиллик ўртача т-ра 13,3°, явнинг ўртача т-раси –1,1°, энг паст т-ра –29°. Июлнинг ўртача т-раси 27,5°, энг юқори т-ра 42°. Йилгига 360–390 мм ёгин тушади. Чирчиқ дарёсидан чиқарилган ва бутун шаҳар бўйлаб ўтадиган Бўзсув, Салор, Анҳор, Қорасув, Оққўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш ва б. каналлар унинг микроклимига ижобий таъсир кўрсатади. Майд. 327,9 км². Аҳолиси 2135,7 минг киши (2005 й.; 2004 й. – 2157,8 минг киши, 1977 й. – 1689 минг киши, 1970 й. – 1385 минг киши, 1959 й. – 927 минг киши, 1939 й. – 556 минг киши, 1926 й. – 314 минг киши, 1897 й. – 156 минг киши). Шаҳарда 11 туман (Бектемир, Мирзо Улугбек, Миробод, Сергели, Собир Раҳимов, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой, Ҳамза), 1 шаҳарча (Улугбек) бор (2006).

Ўзбекистон мусатқиллика эришган Тошкентда Ўзбекистоннинг бошқа вилоят ва шаҳарларида бўлгани каби бошқарувнинг тарихий-миллий шакли – ҳокимият ўрнатилди. 1991 й. 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳри мақоми ва давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкентда ҳоким лавозими жорий этилди.

Тошкент ш. 2000 йилликдан ортиқ тарихи давомида муодофаа девори б-н ўралган қад. қалъадан жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири – Ўзбекистон Республикасининг пойтахтигача бўлган йўлни босиб ўтди. Хожа Аҳрор Валий, Шайх Умар Боғистоний, Абу Бакр Шоший, Абу Сулаймон Банокатий, Ҳофиз Кўҳакий каби буюк ағломалар шу худудда яшаб, ижод этганлар.

Тошкент ш. ҳақидаги дастлабки аниқ маълумотлар мил. ав. 2-а. – мил. 5-а.ларга мансуб Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент вилояти қадимда Лоюени, Юни, сўнгра Чжеше, Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган. Бу атамалар (аввалги иккитасидан ташқари) «Чоч» сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто охириги «Ши» топоними хитойчада «тош» маъносини англатган.



Тошкент ш.нинг герби (Темир йўл вокзали майдонида ўрнатилган ёдгорлик).

Ёзма маълумотларда келтирилишича, Тошкентнинг қад. номи «Чоч» бўлган. Шаҳар араблар тасарруфига ўтгач, араб алифбосида «ч» ҳарфининг йўқлиги боис арабий асарларда «Шош» деб юритилган. Илк ўрта асрларда у «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадинат аш-Шош», «Бинкат» ва «Таркан» деб номланган. Шаҳар «Тошкент» номи б-н даст-аввал 11-а.нинг машҳур ағломалари – Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошгарийнинг асарларида тилга олинади.

Археологик ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, мил.ав. 2-миг йилликнинг бошларида кўчманчи чорвадор аҳолининг ўтроқлашуви кучайиб, деҳқончилик кенгая бошлаган. Ҳали суғорма деҳқончилиги ва ирригация иншоотлари куриш имконияти бўлмаган Тошкентнинг дастлабки деҳқонлари, гарчи дарёнинг асосий оқимидан сув боғлаб олишга қурбилари етмаган бўлса-да, лекин, дарё тошқинлари ва адирлардан келган сувлардан ҳосил бўлган ирмоқлар бўйида табиий заҳоб ерларда деҳқончилик қилганлар.

Мил. ав. 6–4-а.ларда Қорасув, Салор ва Жўн ариғи ёқаларида дастлаб илк қишлоқлар қад кўтарган. Шулардан бири Жўн ариғи бўйидаги Шоштепанинг остки қатламидан қазиб очилган қалъа харобасидир.

Мил. ав. 2–1-а.ларда Шоштепада қад. шаҳар белгилари пайдо бўлди. Шоштепани ўрганиш Тошкент худудидан ша-

ҳар маданияти тарихи худди шу даврдан бошланган, яъни, унинг ёши 23 асрдан кам эмас деб баҳолашга имкон берди.

Мил. 1-а.га келиб Чирчиқ, Салор, Қорасув бўйларидаги воҳанинг қарийб ярмидан кўпроги ўзлаштирилиб, обод этилган. Салор ёнида жойлашган Чоч шаҳри бу даврда ҳар томонлама етакчи мавқега эга бўлиб, уни муаррихлар ҳақли равишда милонинг бошларидаги Тошкентнинг асоси деб ҳисоблайдилар. Буюк ипак йўлида жойлашган Тошкент Европа мамлакатларининг Ҳиндистон ва Хитой б-н олиб борган турли алоқаларида муҳим роль ўйнаган. Бу шаҳар 6–8-а.ларда, айниқса, равнақ топган. Буюк ипак йўли воҳанинг шим. худудларидан ўтиши шаҳарни тезда Чоч давлатининг пойтахти бўлиб қолишига имкон берди.

Араб манбаларида бу шаҳар Чочнинг пойтахти – «Мадинат аш-Шош» (Шош шаҳри) деб аталган. 4–8-а.ларда Чочда кумуш тангалар чиқарилган зарбхона бўлган. Манбаларга кўра, тасвирий санъат ва, айниқса, мусиқа ривож топган.

Араб қўшинлари Чочга илк бор 713 й.да бостириб келишган. Араб истилочилари томонидан вайрон этилган шаҳар ўзини ўнглай олмади. Фақат 9-а.га келиб, аввалги ўрнидан 4–5 км шим.-гарброқда, Бўзсув каналидан чиқарилган Кайковус (Колкоҳдиз) ариғи ёнида янгидан вужудга келди ва яна Чочнинг пойтахтига айланиб, жадал тараққий эта бошлади. Шаҳарда ҳунармандчилик ва савдо-сотик тез ривож топди. Янги шаҳар араб манбаларида Бинкат (узоқдан кўриниб туривчи шаҳар) деб тилга олинади. Бу ном 9–10-а.ларда (Шош Сомонийларга тобе бўлган даврда) зарб этилган кумуш ва чақа тангаларда Шош ва Мадинат аш-Шош номлари б-н бир қаторда учрайди.

10-а. охири – 12-а. ўрталарида Чоч қоракхонийлар давлати таркибига кирди. 1214–15-й.ларда Муҳаммад Хоразмшоҳ

Тошкент шаҳри туманлари

Туманлар	Ташкил топган йили	Аҳолиси, минг киши (2006)
Бектемир	1990	27,3
Мирзо Улугбек	1929	241,4
Миробод	1929	120,0
Сергели	1967	147,9
Собир Раҳимов	1970	290,0
Учтепа (2005 й.гача Акмал Икромов)	1977	228,2
Чилонзор	1963	212,4
Шайхонтоҳур	1929	272,5
Юнусобод	1936	287,2
Яккасарой	1936	110,9
Ҳамза	1968	201,7

қорахитойлар қушини ҳамда найманлар хони Кучлуқ 6-н жанг қилиб, Шош вилоятини улардан тортиб олди ва вилоят душманлар қўлига ўтмаслиги учун Шош маркази аҳолисини кўчиртириб юборди. Шу боис мўғуллар 1220 й.да шаҳарни қаршиликсиз қўлга киритган бўлиши мумкин. Жувайнийнинг мўғуллар босқини ҳақидаги хабарида Тошкент ш. тилга олинмаган. 13—14-а.нинг 1-ярмида Тошкент вилояти Чигатой улуси таркибида, 14-а.нинг 2-ярми—15-а.нинг 80-й.ларигача Тошкент Амир Темур ва Темирийлар давлати таркибида бўлди. 1404 й.да Улугбек ихтиёрига мулк тарзида берилди. Бу даврда шаҳар воҳа 6-н дашт чегарасидаги кучли қалъага айланди, унинг ҳудуди кенгайди, и.ч., савдо-сотиқ, маданият ривожланди. Регистон, Шайхонтоҳур ансамблидаги мақбаралар, Жоме масжиди ва б. қурилди. Темирийлар ўртасида тахт учун бошланган кураш натижасида Тошкент 1485 й.да Мўғулистон хони Юнусхон ихтиёрига ўтди ва унинг қароргоҳига айланди. Лекин, у кўп ҳукмронлик қилмай, 1487 й.да Тошкентда вафот этди. Юнусхондан кейин тахтга унинг ўғли Султон Маҳмудхон ўтирди. Унинг ҳукмронлиги ҳам кўпга бормади. 1503 й.да Тошкент Шайбонийхон ва Кўчкунчихон тасарруфига ўтди. 16-а.да Тошкент яна ободонлашиб, Туркистоннинг ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданий марказларидан бирига айланди. Меъморлик оби-

далари қад кўтарди, уларнинг айримлари (Шайх Хованди Тоҳур мақбараси, Кўкалдош, Бароқхон мадрасалари) ҳоз. кунгача етиб келган. Ҳунармандчиликнинг тараққиёти савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайишига олиб келди. 1558 й.да Тошкент қирғиз-қайсоқлар қамалига бардош берди.

16-а.нинг 2-ярмида Қозон ва Астрахон хонликларининг Рус давлатига бўйсундирилиши натижасида Тошкент 6-н Москва ўртасида савдо алоқаси ривожланди, ҳар икки томон бир-бирига элчилар юборди. 1579 й.да Тошкентни Бухоро хони Абдуллахон II босиб олди. 1588 й.да шаҳар аҳолиси Абдуллахоннинг ноиб, Тошкент вилоятининг ҳокими Ўзбекка қарши исён кутарди. Лекин, кўп ўтмай исён бостирилди. 1597 й.да шаҳарни Таваккалхон (1598 й. в. э.) босиб олди. Оз фурсат ўтмай Тошкент яна Бухоро хонлигига ўтди. Аштархонийлардан Имомқулихон қозоқларни тормор келтириб, 1611 й.да ўғли Искандарни Тошкентга ноиб қилиб тайинлади. Бироқ шаҳар аҳолиси исён кўтариб, қочиб кетаётган Искандарни тутиб ўлдирди. Бундан газабланган Имомқулихон Тошкент аҳолисидан шафқатсиз ўч олиб, уларни қиргин (қатлиом) қилди. 1723 й.да Тошкент Жунғар хони Галдан-Цирен қўлига ўтди. Жунғария хонлиги барҳам топгандан кейин (1758) Катта Ўрда ва қалмоқларнинг ҳужумлари оқибатида Тошкент кўп шикастланган.

18-а. ўрталарида гарчи шаҳар қўлдан-қўлга ўтиб турган бўлса-да, Тошкент 4

даҳа (қисм)га—Шайхонтоҳур, Себзор (Қаффоли Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин), Бешёғоч (Зангиота) даҳаларига бўлиниб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Тошкент тарихида бу давр «Чорҳокимлик» деб аталган. Чорҳокимлик даврида Тошкент аҳолиси атрофлаги шаҳар ва қишлоқлар, Дашти Қипчоқнинг чорвалор аҳолиси ҳамда Сибирь 6-н савдо алоқаларини узмаган. Бироқ, бу даврда Тошкентдаги ички зиддиятлар ва нотинчликлардан фойдаланган кўчманчилар шаҳарга бир неча марта ҳужум қилганлар. Шу боис савдо-ҳунармандчилик аҳлининг илғор фикрли вакиллари ўртасида шаҳарни ягона ҳоким қўл остида бирлаштириш гоялари вужудга келган. Чорҳокимлик даври Тошкент тарихий ҳаёти ҳўжалигининг тушкунлик даври ҳисобланади. Шу даврда шаҳар уз. 14 км ли яхлит ташқи девор 6-н ўралиб, унинг 12 та дарвозаси бўлган.

1784 й. Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган 3 та даҳа ҳокимлигини ҳам ўз тасарруфига олиб, мустақил Тошкент давлатини ташкил этган. Бир неча ҳарбий юришлардан кейин у Катта Ўрдадан Тошкент атрофидаги қишлоқларни қайтариб олишга, Тошкент аҳолисига тинчлик бермаётган кўчманчи жуз қабилаларини бўйсундиришга муваффақ бўлган. 1799 й.да Кўқон хонлиги қўшинлари Тошкентни қамал қилдилар, аммо тошкентликларнинг кучли зарбасига учраб орқага қайтдилар.

Тошкент шаҳрининг бир қисми



Тошкент давлати ташқи кучлар, айниқса, Қўқон хонлари тазйиқида бўлсада, 20 йилдан зиёд умр кўрди. Ушбу давлатни «волий вилоят» лавозими б-н Юнусхўжа бошқарди.

Юнусхон шим.да Тошкентга туташган Дашти Қипчоқ ҳудудини ҳам тасарруфига олган. Чимкент ва Сайрам ш.лари (кейинчалик Туркистон ш. ҳам) Тошкент давлати таркибига киритилган. Ниёзбек, Олтинтепа, Қорабулоқ, Сарпон, Темир мавзелари ва б. ўнлаб қишлоқлар Тошкентга тобе бўлган.

1800 й.да Тошкент давлатининг чегараси жан. ва ғарбдан Сирдарё бўйлаб, шим.дан Туркистон ва Қоратоғ ён бағирлари орқали ўтган. Шарқда Сайрам тизмаси ва Угом дарёсининг ўнг соҳили, жан.-шарқда Чатқол-Қурама тоғ тизмаларини ёқалаб Сангир қишлоғигача чўзилган.

Тошкентнинг икки минг йиллик тарихи давомида ўрни алмашди, ҳудуди ҳам кенгайиб борди ва ундаги аҳоли жойлашуви кичик маъмурий қисмлар — маҳаллалар шаклини олди.

18-а.га келиб Тошкент маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 4 қисм—даҳаларига бўлинган. Даҳалар, ўз навбатида, бир қанча маҳалла ва гузарлардан ташкил топган: даҳаларда маҳаллалар сони ва уларнинг катта-кичиклиги турлича бўлган. Аҳоли сони ўсган сайин маҳаллалар кенгайган ёки янгилари пайдо бўлган. Маҳалла маъмурий ҳолати жиҳатидан ўз ички тартиб-қоидалари бўлган жамоа ташкилоти саналган ва уни маҳалла аҳолиси томонидан сайланган бошиқ (оқсоқол) бошқарган.

19-а.нинг 2-ярмига оид ёзма манбаларда Тошкент маҳаллалари ҳақида статистик маълумотлар мавжуд. Уларда қайд этилишича, бир маҳаллада 50 тадан 150 тагача хонадон бўлган. 1910 й.да Тошкентда 146 минг аҳоли яшаган, хонадонлар сони 21 мингга етган. Баъзи маҳаллаларнинг номлари ўша жойда ривожланган касб-ҳунарни англатган (Пичоқчилик, Дегрез, Этикдўз.); бошқалари этник атамалар (Ўзбекмаҳалла, Тожиқкўча, Мўғулкўча) ёки жойнинг рельефи (Сассиқховуз, Чуқуркўприк, Баландмасжид ва ҳ.к.) орқали ифодаланган.

Тошкентнинг энг гавжум қисми, унинг бозорлари ҳисобланган. Эски жўва, Чорсу ва Кўкалдош мадрасаси оралиғида Регистон, Чорсу ва Каппон (галла) бозорлари жойлашган. Регистон бозориди хонликларда ишлаб чиқарилган моллар б-н бир қаторда Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Қашқар, Хитой ва Россиядан келтирилган моллар ҳам со-

Эски шаҳар кучаларида (тарихий сурат, 1920-й.лар).

тилган. Тошкентдан савдо карвонлари дашт орқали Сибирь шаҳарлари, Қашқар, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон томон қатнаган. Тошкент давлати ташқи ва ички савдони ривожлантириш мақсадида олд томонида «Муҳаммад Юнусхўжа Умарий» деб ёзилган, сиртига лочин ёки йўлбарс тасвирлари туширилган ўз тангаларини зарб этиб, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритган. Юнусхўжа, айниқса, Россия б-н муттасил савдо алоқалари олиб бориш ва уни кенгайтиришга интилган.

Тошкентнинг қалъа девори 19-а. бошларида Юнусхон фармони б-н таъмирланди. Лашкар Қўшбеги даврида шаҳар атрофи бўйлаб Қўймак, Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон ва Бешёғоч каби 12 дарвоза бор эди. Шаҳарнинг шарқий дарвозасидан то ғарбий дарвозасигача 8500 қадам, шим.дан жанубга эса 8100 қадам масофа ҳисобланган. Ҳар бир дарвозадан шаҳар маркази —Регистон бозорига элтувчи кўчалар ва улардан эса кўплаб тор кўчалар шохлаб кетган.

Юнусхўжа вафот этгач (1803), унинг ўғли Султонхўжа Тошкент ҳокими бўлди. Юнусхўжанинг ўлимидан фойдаланган Қўқон хони Олимхон ўз укаси Умархон



қўмондонлигида қўшин тортиб, Тошкентни эгаллади ва унга Султонхўжанинг укаси Ҳамидхўжани ҳоким қилиб тайинлади. Ҳамидхўжа Қўқонга бўйсунмай қўйди. Натижада Олимхон шахсан ўзи қўшин тортиб, Тошкентни Қўқон хонлигига узил-кесил қўшиб олди. Шундан бошлаб, Тошкентга ноиб сифатида фақат Қўқон хони томонидан беқларбеги тайинланадиган бўлди. Бу даврда шаҳар ҳудуди 16 км² ни, аҳолиси 80 минг (баъзи манбаларда 100 минг) кишини ташкил этган. Шаҳарда хунармандчилик, тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги, дегрезлик, темирчилик, кўн-

Эски жўва бозорининг тепадан кўриниши.



Тошкент шаҳрининг бир қисми.



чилик, қосибчилик, кулолчилик ва б. ривожланган.

19-а. ўрталарида Россия подшо ҳукмати йирик стратегик мавқега эга бўлган Тошкентни босиб олиш мақсадида ҳарбий юриш бошлади. Бу вақтда Тошкент ва Тошкент вилояти Қўқон хонлиги таркибида эди. М.Г.Черняев бошчилигидаги рус қўшинлари 1864–65 й.лардаги бир неча бор уринишлардан сўнг 1865 й. 17 июнда шаҳарга бостириб қиради. Шаҳар мудофаасида фаол қатнашган тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ «Жадидаи тарихи Тошканд» асарида ёзишича, тошкентликлар душманга қаттиқ қарши-

лик кўрсатганлар. Жуда кўп одам қурбон бўлган. Шу тарзда подшо Россияси қўшинлари махсус отряди Тошкентни босиб олишга муваффақ бўлган. Тошкент ва унга қарашли атроф ерларда рус давлатининг ҳукмронлиги ўрнатилган. Тошкент Россиянинг кейинроқ Туркистон хонлиқларини босиб олиши учун таянч пунктига айлантирилган. 1865 й. авг.–окт. ойларида руслар Тошкентнинг Қўймас дарвозаси рўпарасидаги текисликда Тошкент Тўпроққўргони ҳарбий қалъасини барпо этишган. 1866 й. авг.да Россия империясининг Тошкентни Россия тобелигига олинганлиги ҳақида расмий фармони эълон қилинган. Тошкент 1867 й.да ташкил этилган Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлиб қолган. Анҳорнинг чап соҳилида рус маъмур-

лари ва ҳарбийлари учун янги шаҳар қурила бошлаган. Янги шаҳар ҳудудида маъмурий идора ва маҳкамалар жойлашган. Анҳорнинг ўнг соҳилидаги қад. Тошкент Эски шаҳар деб атала бошлаган.

Тошкентнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши бутун Туркистонни босиб олиш жараёнини тезлаштирди.

1892 й.да тошкентликлар мустамлака зулмига қарши қўзғолон кўтардилар (қ. *Тошкент қўзғолони*). 1899 й. Закаспий т.й. Тошкентга узайтирилди. 1906 й. эса Тошкентни Россия маркази б-н боғловчи энг яқин йўл Оренбург–Тошкент т.й. қурилди. Тошкент асосий т.й. чорраҳаси, савдо ва транзит пунктига, Туркистон ўлкасининг маъмурий-сиёсий марказига айланди. 20-а. бошларида Тошкентда 280 га яқин маҳалла, 170 мавзе бўлган.

1916 й. июлда Тошкент меҳнаткашлари оқ подшонинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига қарши қўзғолон кутарди (қ. *Мардикорлик*).

Россияда Октябрь тўнтариши ҳақидаги хабар Тошкентга етиб келгач, большевиклар ва сўл эсерлар ҳокимиятни зўравонлик йули б-н эгаллаш учун курашдилар. 1917 й. 28 окт.да Бош т.й. устaxonасининг маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган ишчилари ҳамда аскарлар қўзғолон бошладилар. Улар т.й. депоси, товар омборлари, 1-Сибирь полки казармаларини ишғол қилдилар. Шаҳар маркази қўзғолончилар қўлига ўтди. 1(14) ноябрда Тўпроққўргон ҳам ишғол қилинган, Тошкентда шўролар ҳокимияти ўрнатилди. Шу тариқа Тошкентда Россиядан бадарға қилинган большевиклар 1917 й. 1 ноябрда т.й. мастеровойлари ёрдамида тўнтариш ўтказиб, ҳокимиятни эгалладилар. 1918 й. 30



«Жар» спорт мажмуасининг олд томони.

апрдан Тошкент Туркистон АССРнинг пойтахти деб эълон қилинди. 1924 й. да Ўзбекистон пойтахти Самарқандга кўчирилди. 1930 й. дан Тошкент яна пойтахт бўлди.

2-жаҳон уруши йилларида Тошкент саноати бутунлай фронтга хизмат қилдирилди. Уруш йилларида немислар оккупация қилган вилоятлардан эвакуация қилинган 300 минг киши, шу жумладан, 200 мингга яқин бола Тошкентга жойлаштирилди. 1930—40-й. ларда шаҳарда, асосан, қ.х.ни техника б-н таъминлашга қаратилган оғир саноат тармоқлари тез суръатлар б-н ривожлантирилди. Йирик саноат корхоналари — «Ўзбекиқшлоқмаш», экскаватор з-ди, «Тоштекстильмаш», «Тошпахтамаш», «Тошкенткабель», ёғ-мой к-ти, карборунд з-ди, машинасозлик, электр лампа ва электр механика з-длари, йирик панелли уй-созлик к-ти ва б. қурилди.

1966 й. 26 апр. да Тошкентда юз берган zilzila натижасида шаҳар жиддий шикастланди. Zilzila оқибатлари қисқа муддат (3,5 й.) да тугатилди. Шаҳар қиёфаси бутунлай ўзгарди. Тошкент ҳудуди боғ ва экинзорлар ҳисобига тез ўсди, кўплаб турар жой массивлари, жамоат бинолари, метрополитен қурилди. 1983 й. да шаҳарнинг 2000 йиллик тўйи ўтказилди.

1991 й. 31 авг. да Тошкентда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Ҳоз. Тошкент Ўзбекистон Республикасининг сиёсий маркази ҳамдир. Бу ерда Ўзбекистон Президентининг қароргоҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, ижтимоий ҳаракат ва партияларнинг марказлари, чет эл элчихоналари, БМТга қарашли ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган.

Тошкентда жаҳон мамлакатлари, БМТ ташкилотлари ва Марказий Осиё давлатларининг турли муҳим мавзулардаги семинар, симпозиум ва қурултойлари ўтказиб турилади.

Тошкентда мустақиллик шарофатидан хелиб чиқиб ҳам иқтисодиёт, ҳам маънавият соҳасида туб ислохотлар амалга оша бошлади. Иқтисодиёт соҳасида бозор муносабатларига ўтилиши талаблари асосида бизнес, ишбилармонликни, хорижий сармоялар киритишни рағбатлантириш, янги банк-кредит системасини барпо этиш, мулкни хусусийлаштиришга доир бир қанча амалий тадбирлар қўрилди. Шаҳарда хорижий мамлакатлар ишбилармонлари б-н ҳамкорликда қўшма корхоналар, фирмалар очилиши ривож топа бошлади.

Тошкент метрополитени. «Минор» бекати.

Шаҳар қиёфасига шарқона тус берилди. 1991 й. 1 сент. да Тошкентдаги Марказий майдонни Мустақиллик майдони деб аташ ҳақида Ўзбекистон Президентининг эълон қилинди. Кўчалар, майдонлар, ташкилотлар, туманлар қайта номлана бошлади. Шаҳар марказидаги энг катта хиёбон Амир Темур номи б-н аталди. Соҳибқиронга ҳайкал ўрнатилди ва Темурийлар тарихи давлат музейи қурилди. Шаҳарнинг олимлар яшайдиган даҳасидаги майдонлардан бирига Мирзо Улугбекка ҳайкал қўйилди ва ҳ.к.

Тошкентни ободонлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Шаҳарга керак бўлмаган, унинг табиий муҳитини бузадиган корхоналар, ташкилотлар ёпилди ёки шаҳардан ташқарига кўчирилди. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, асосан, 1995 й. дан бутун инфраструктуранинг комплекс ривожлантиришга киришилди. Маҳаллалараро алоқаларни сақлаб қолиб шаҳарнинг тарихан таркиб топган қисмини тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш йўлида катта ишлар қилинди. Жумладан, Эски шаҳар-

нинг Қорасарой, Сағбон, Бобожонов, Форобий кўчалари кенгайтирилиб, қайта очилди. Бу кўчаларда транспорт қатнови яхшиланди. Фарғона йўли, шунингдек, Тошкентни Қозоғистон б-н боғловчи Келес кўприги ва б. қайта қурилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ислон ун-ти, «Туркистон» саройи, Республика Биржа маркази, «Тошкентленд» истироҳат боғи ва б. иншоотлар фойдаланишга топширилди. «Олай», «Эски жўва», «Фарҳод», «Бешёғоч», «Миробод», «Асака», «Отчопар», «Паркент», «Кўкча» бозорлари деярли қайта қурилди. Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши ишга туширилди. Тошкентдаги бир қанча хашаматли бинолар, Ўзбекистон миллий боғи, Япон боғи, Фафур Гулом номидаги боғ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Халқаро бизнес маркази, Темурийлар

Темурийлар тарихи давлат музейи.



тарихи давлат музейи, «Интерконтинентал Тошкент», «Le Meridian otel Tashkent Palace», «Radisson-SAS Tashkent» меҳмонхоналари, «Юнусобод», «ЖАР», «Гольфклуб» спорт мажмуалари, энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон миллий банки спорт мажмуаси, шаҳарнинг бир қанча жойларида қурилган кўприклар ва кичик халқа йўли, т.й. вокзали, «Шахидлар хотираси» мажмуи, «Хотира» майдони, Ўзбекистон тасвирий санъати галереяси, Сенат биноси, Эзгулик аркаси ва б. ишга туширилди. Мустақиллик майдонида Мустақиллик ва эзгулик монументи ўрнатилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги фармон (1998) ва қонун (1999), «Обод маҳалла йили» дастури (2003) асосида Тошкент маҳаллалари ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Уларнинг фаолият доираси кенгайди. Маҳаллалар юридик шахс сифатида ўз мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб рақами-жамғармасига эга бўлди, раҳбарият (раис, котиб)нинг нуфузи ортди, вазифалар аниқ белгиланди. Маҳалла гузарлари ободонлаштирилди.

Тошкент—мамлакатнинг энг йирик sanoat маркази. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 30% га яқини пойтахт ҳиссасига тўғри келади. Шаҳар sanoatда 14 тармоққа мансуб 300 дан зиёд асосий корхоналар ишлаб турибди. Sanoat и.ч. таркибда электр энергетикаси, машинасозлик ва самолётсозлик,

металлга ишлов бериш, бинокорлик материаллари, энгил ва озиқ-овқат sanoati каби тармоқлар салмоқли урин эгаллайди. Тошкент тўқимачилик к-тида ил-газлама маҳсулотининг асосий қисми ишлаб чиқарилади. Авиация и.ч. бирлашмаси, Тошкент трактор з-ди, «Алгоритм», «Зенит» и.ч. бирлашмалари, электроника з-ди, «Тонг», «Малика», «Юлдуз» тикувчилик ф-калари, бинокорлик корхоналарининг кенг тармоғи ишлаб турибди. Бу корхоналар ўз маҳсулоти б-н ташқи дунёга чиқмоқда. Авиация и.ч. бирлашмасининг жаҳон андозаларига жавоб берадиган «Ил-76», «Ил-114» самолётлари ишлаб чиқарилмоқда.

Тошкент корхоналари хорижий мамлакатларга мис сими, пахта териш машиналари, пахта толаси ва б. маҳсулотларни экспорт қилади. Тошкентда 80 дан зиёд хорижий мамлакат фирма ва компаниялари б-н биргаликда ташкил этилган 1420 дан зиёд қўшма корхона ва фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Туркиянинг «Шайхонтоҳур текстиль», «Сағбонтекстиль», Жан. Кореянинг «UZ-Omega-Tex», Германия ва Швейцариянинг «Хобас тапо», АҚШнинг «Безак» қўшма корхоналари Тошкент иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Тошкент Урта Осиёдаги энг йирик транспорт чорраҳаси, аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Шаҳарда т.й. вокзали, 2 аэропорт вокзали, автовокзал, 5 автостанция ишлайди. Бу ердан Тошкент—Оренбург—Москва, Тошкент—Туркманбоши, Тошкент—Наманган—Андижон ва бошқа т.й. ўтган. Тошкент—Янгийўл, Тошкент—Хўжанд, Тошкент—Самарқанд, Тошкент—Гулистон йўналишида

электр поездлари қатнайди. Тошкентдан МДХ мамлакатларидан ташқари Лондон, Франкфурт-Майн, Тель-Авив, Жидда, Деҳли, Карочи, Истанбул, Бангкок, Пекин, Нью-Йорк, Амстердам, Шаржа (БАА), Куала-Лумпур, Техрон, Афина, Сянган ш.ларига мунтазам ҳаво йўллари, Ҳалаб, Сеул, Осиё ва Европанинг кўпгина шаҳарларига чартер йўловчилар ташувчи рейслар ўтган. Шаҳардан бир неча муҳим автомобиль йўли бошланади. Уларнинг энг йириги — Катта Ўзбекистон тракти. Тошкент кичик ва катта ҳалқа автомобиль йўллари мавжуд. Шаҳар йўловчилари ички қатнови метрополитен, троллейбус, автобус, трамвай, таксилар орқали амалга оширилади.

Тошкентда 362 умумий таълим мактаби, 11 гимназия, 23 академик лицей, 30 мусиқа ва 25 спорт мактаблари, 31 касб-ҳунар коллежи, 30 олий ўқув юрти (шу жумладан, Ўзбекистон миллий ун-ти, Тиббийёт академияси, Техника, Иқтисодиёт, Педагогика, Ислom ун-тлари ва б.) фаолият кўрсатади. 16 музей (Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон Республикаси амалий санъати музейи, Адабиёт, Ўзбекистон кино санъати, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш, Антика ва заргарлик буюмлари ва б. музейлар) мавжуд. Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси ишлаб турибди. 166 жамоат кутубхонаси, 9 маданият саройи, 65 маданият уйи, 13 театр (Ўзбек миллий академик драма театри, Навоий номидаги давлат академик катта театри, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри, Ҳидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театри, Ўзбек давлат ёш томошабинлар театри, Ўзбекистон ёшлар театри, Қўғирчоқ театри, оперетта театри ва б.) бор. Тошкент циркида 1940 йдан бошлаб машҳур ўзбек дорбозлари —Тошканбоевлар сулоласи фаолият кўрсатиб келмоқда. Шаҳарда 16 маданият ва истироҳат боғи бор. Шулардан бири марказий, 5 таси болалар боғи (шу жумладан, бир шаҳар боғи), 10 таси маданият ва истироҳат боғи. Айниқса, Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Фафур Фулом, Фурқат, Бобур, Абдулла Қодирий, Улугбек номидаги, «Аквапарк» боғлари машҳур. Ундан ташқари дендрапарк, ботаника ва ҳайвонот боғлари фаолият кўрсатади. Амир Темури хиббони ва б. мавжуд.

99 касалхона муассасаси, 115 поликлиника, 594 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Республика аҳамиятидаги шошилинч тиббий ёрдам, урология, кўз микрохирургияси, кардиология, жароҳлик, онкология марказлари Тошкентда жойлашган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи.



Шаҳарда 5 санаторий, 19 санаторий-профилакторий, дам олиш уйлари бор. Шулардан, Чинобод санаторийси, Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий тадқиқот ин-ти қошидаги даволаш клиникаси ва болалар стационари ва б. фаолият кўрсатади. Тошкент яқинида Тошкент минерал суви бальнеологик курорт жойлашган.

1994 йлда Тошкентда «Юнусобод» теннис саройи қурилиб, теннис бўйича катта халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Олимпия ўринбосарлари билим юрти, «Пахтакор» спорт-машгулот бирлашмаси, «Қибрай» ўқув-машгулот бирлашмаси ва ўқув-машгулот марказлари, енгил атлетика бўйича «Янгиобод» ўқув-машгулот базаси жойлашган. «Ёшлик» спорт аренаси, «Пахтакор» марказий стадиони ва б. халқаро спорт талабларига жавоб берадиган, катта халқаро спорт мусобақалари ўтказиб туриладиган спорт иншоотларидир. Ўзбекистоннинг «Пахтакор» футбол жамоаси жаҳон ва Осиёнинг нуфузли жамоалари б-н учрашувлар ўтказиб келмоқда. Машҳур ўзбек кураши бўйича ҳам Тошкентда халқаро мусобақалар ўтказилади. 2004 й. июль ойида тошкентлик Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳоннинг энг кучли шахматчиларини енгиб Жаҳон чемпиони унвонини олиши ўзбек шахмат спортининг буюк ғалабасидир. Тошкентда спорт мавзусига бағишланган бир қанча жур. ва газ.лар чиқади. Шулардан «Спорт», «Ўзбекистон футбол» ва б.ни айтиш мумкин.

19 нонда республика газ.лари, 2 вилоят газ. («Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда»), 2 шаҳар газ. («Тошкент окшоми», «Вечерний Ташкент»), 44 кўп тиражли газ. нашр этилади. 67 номдаги журналнинг 62 таси Тошкентда чиқади. 4 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатади. Ўзбекистондаги нашриётларнинг асосий қисми Тошкент шаҳридадир (қ. *Ноширлик*).

Ўзбекистон радиоэшиттиришларида «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг «Дўстлик» радиоканали шаҳар ва вилоят радио тингловчилари учун ҳар куни махсус эшиттиришлар беради. Шу корхонанинг «Тошкент» телеканали Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолиси учун махсус кўрсатувлар тайёрлайди.

Тарихий-меъморий ёдгорликлардан: Кўчалдош мадрасаси (16-а.), Бароқхон мадрасаси, Шайх Зайниддин бобо мақбараси (13–14-а.лар), Хўжа Аламбардор мақбараси (тахм. 10-а.), Абулқосим шайх мадрасаси (19-а.), Юнусхон мақбараси (15-а. охири), Шайх Хованди Тоҳур мақбараси (15-а.), Қалдирғочбий мадрасаси (15-а.нинг 1-ярми) ва б. сақланган.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган. 1941 й. 6 мартда ташкил этилган. Майд. 4,2 минг км². Аҳолиси 2342,7 минг киши бўлиб, кўпчилигини ўзбеклар ташкил этади, шунингдек, қирғиз, тожик, уйғур, рус, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 557,8 киши (2005). Андижон вилоятида 14 қишлоқ тумани, 11 шаҳар, 5 шаҳарча ва 95 қишлоқ фуқаролари йиғини бор (2005). Маркази — Андижон ш.

Вилоят ҳудудининг ер юзаси, асосан, текислик, шу жумладан, ғарбий қисми қирли текислик (бал.400–500 м), шарқий қисми (Андижон ш.дан шарқда) Фарғона ва Олай тизмаларининг адирларидан иборат. Иқлими кескин континентал, қуруқ. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача т-раси 27,3°, қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача т-раси –3°. Вегетация даври 217 кун. Йилига 200–250 мм ёгин тушади. Андижон вилояти Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан сув ресурсларига бой. Асосий дарёси—Қораларё (Сирдарё ирмоқларидан бири), унинг ирмоқлари — Мойлисув, Оқбўра, Аравонсой ва б. Тупроқлари бўз, қўнғир, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, қумтош, мергель, лёсс ва чақиртошлардан иборат. Баҳорда адирлар эфемер ўсимликлар б-н қопланади. Вилоятнинг экин экилмайдиган текислик қисмида шувоқ-шўра ўсимликлари, тоғ ён бағирларида писта, бодом ўсади. Ёввойи ҳайвонлар (бўри, тулки, қобон ва б.) кам учрайди; судралиб юривчилар, семирувчилар, қушлар, сув ҳавзаларида балиқлар бор.

Вилоятда фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, пахтачилик ва ирригация б-н боғлиқ бўлган тармоқлар, пахта қайта ишлаш, машинасозлик ва металлсозлик, электротехника саноатлари, қурилиш материаллари и.ч., кимё, енгил, озик-овқат саноатлари энг ри-



Бобур ҳайкали
(Андижон ш.нинг марказий майдони).

вожланган тармоқлардир. 10 га яқин нефть ва нефть-газ конлари (Андижон нефть кони, «Хўжаобод», «Бўстон», «Жанубий Оламушук», «Хартум», «Полвонтош», «Хўжаусмон» ва б.) ишлаб турибди. Хўжаобод — Андижон — Асака магистрал газ қувури бор.

Мустақиллик йилларида вилоят индустрияси ўз йўналишини ўзгартириб, тубдан ривожланмоқда. Вилоятда мулкчиликнинг барча турига оид 160 дан зиёд саноат корхонаси мавжуд. Йириклари: ип-газлама и.ч. акциядорлик жамияти (Андижон ш.да; туманларда бўлимлари бор), Андижон автомобиль ўриндиклари, Андижон биокимё, Андижон ирригация машинасозлик э-длари, Андижон «Семурғ» трикотаж акциядорлик бирлашмаси, «Андижон агрофирмаси», «Андижон дон маҳсулотлари», «Андижонкабель», Чинобод пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари.

Вилоятда 80 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатади. Улар томонидан ви-

Андижон вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Андижон	9–10-асрлар	130,9	310,0	333,4	352,6
Асака	1937	20,4	46,0	54,8	54,9
Қорасув	1990	23,7	20,0	25,6	27,5
Хонобод	1972	—	33,0	25,3	25,9
Шаҳрихон	19-а бошлари	—	44,0	58,2	62,0
Охунбобоев	1975	—	15,0	19,6	20,6
Пойтуғ	1980	—	26,0	24,1	24,5
Қўрғонтепа	1976	—	22,0	25,2	26,8
Марҳамат	1974	—	17,0	11,7	12,0
Пахтаобод	1975	—	25,0	22,1	—
Хўжаобод	1981	—	15,0	16,2	17,2

лоят ялли sanoat махсулотининг 53% дан кўпроги ишлаб чиқарилади, шунингдек, 20 мингдан зиёд кичик қорхона ва микрофирмалар ишлаб турибди. Ўрта Осиёда ягона автомобилсозлик қорхонаси — Ўзбекистон — Жан. Корея «ЎЗДЭУ авто» компанияси Асака ш.да жойлашган.

Қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Пахтанинг ялли ҳосили ва ҳосилдорлиги жиҳатидан вилоят мамлакатда олдинги ўринларда туради. Пахта, ғаллани алмашлаб экиш йўлга қўйилган. Минерал ўғитлар б-н бир қаторда маҳаллий ўғитлардан ҳам фойдаланилади.

Андижон вилояти қ.х.да боғдорчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, дон ва чорвачилик махсулотлари, шунингдек, гречиха ва соя етиштириш б-н ҳам шуғулланилади. Боғдорчиликда айниқса, меванинг анор, анжир, бодом, беҳи, нок, шафтоли, олма, узум навлари машҳур. Боғларида тоқнинг Андижон қора узми нави тарқалган.

Вилоятда 4927 фермер хўжалиги мавжуд. Чорвачилик, асосан, сут етиштиришга ихтисослашган, тоғ олди ва ва тоғли туманларда қўйчилик ривожланган. Хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

Т.й. транспорти асосий транспорт турларидан бири ҳисобланади. Вилоят ичидаги шаҳар ва қишлоқлар узаро автомобиль йўллари орқали боғланган. Андижон ш. ҳаво йўллари орқали Тошкент, Москва, Санкт-Петербург ва б. шаҳарлар, шунингдек, Кавказ, Крим б-н боғланган. Андижон ш. кучаларинда ва Андижон ш.дан Куйганёр шаҳарчасига троллейбус қатнайди.

Андижон вилоятидаги адирлар.



Вилоятда 738 умумий таълим мактаби, 24 гимназия, 20 касб-ҳунар коллежи, 32 академик лицей, 28 мусиқа ва б-н спорт мактаби ва 5 олий ўқув юрти (Андижон ун-ти, Андижон қишлоқ хўжалик ин-ти, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт ин-ти, Андижон тиббиёт ин-ти, Андижон тиллар ин-ти) бор. 1999 й. окт.да Куйганёр ш.часи (Андижон тумани)да Сугориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар етиштириш и.т. институти ташкил этилди.

4 музей (адабиёт ва санъат, ўлкашунослик, Бобур, Чўлпон уй-музейлари), 508 жамоат кутубхонаси, 183 клуб, 37 маданият уйи, 966 бадий ҳаваскорлик жамоалари бор. Вилоят кутубхонаси, 3 театр (Андижон вилоят мусикали драма ва комедия театри, болалар ва ёшлар театри, қўғирчоқ театри) фаолият кўрсатади.

Вилоятда 5 маданият ва истироҳат боғи (шу жумладан, 300 га майдонни эгаллаган Бобур номидаги миллий боғ), қўплаб хиёбонлар мавжуд. Зиёратгоҳ жойлар ҳам кўп (шу жумладан, Хўжаобод туманида жойлашган Бобур қалам-жойларидан бири — Лотконтела). Султаноход, Хоноход, Андижон денгизи ва б. бор. Асака, Шаҳрихон, Пойтуғ, Қўргонтепа ш. лари халқ ҳунармандчилиги б-н машҳур.

70 касалхона ва тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Андижон ш.да Республика шошилич тиббий ёрдам марказининг вилоят бўлими мавжуд. 5 санаторий бор. Вилоят спортчилари спортнинг 37 тури буйича турли даражадаги мусобақаларда иштирок этади. Чавандозлик, чим устида хоккей, енгил атлетика, футбол, теннис, спорт

гимнастикаси, бокс ва б. Чим устида хоккей бўйича «Андижанка» аёллар жамоаси Европа чемпионлари кубоғи соҳиби. 1996 й.дан «Андижанка» аёллар футбол жамоасига айлантирилди. 2000 й.да Сидней (Австралия) да ўтказилган 27-олимпиада ўйинларида мамлакат бўйича ягона олтин медални андижонлик боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев олди; боксчи Сергей Михайлов бронза медални соҳиби бўлди. Боксчилардан Ўткирбек Ҳайдаров, Руслан Чагаевлар жаҳон чемпионларирид.

Андижон ш.да замонавий спорт иншоотлари қурилган: турли даражадаги халқаро мусобақалар ўтказиладиган теннис корти мажмуи, «Наврўз» стадиони, «Ямбол» спорт мажмуи, чим устида хоккей бўйича «Халқаро дўстлик» стадиони, шахмат-шашка клуби, гимнастика мажмуи, сузиш ҳавзалари ва б. бор, олимпиада ўринбосарлари билим юрти ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатади.

Андижон—Заҳрирдин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим юрти. 20-а. янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси Абдулҳамид Чўлпон Андижонда таваллуд топган. Бу ерда Зокиржон Ҳабибий, Оразий, Восит Саъдулла, Хошимжон Раззоқов, Сайфий, Анисий, Азимий, Бокир каби ўнлаб ғазалнавислар яшаб ижод этдилар. Шу заминда яшаб обрў эътибор қозонган Собир Абдулла, Султон Жўра, Комил Яшин, Тўхтасин Жалолов, Саида Зуннуовалар ўзбек адабиёти ривожига алоҳида ўрин ва маъқега эгадирлар.

2 вилоят газ. («Андижоннома», «Андижанская правда»), 14 туман газ., 3 шаҳар газ. («Асака оқшоми», 1995; «Хонобод овози», 1992; «Қорасув тонги», 1992), шунингдек, 14 тармоқ газ., 2 журнал («Лимфа» илмий и.ч. мажмуасининг «Лимфалогия» жур., 1991 й.дан 3 ойда бир марта рус тилида чиқади; Вилоят халқ таълими бошқармасининг «Таълим равнақи» ойлик жур., 1999) нашр этилади.

Вилоятда дастлабки радиоэшиттиришлар 1927 й.дан бошланган. 1963 й.да Андижон вилоятлараро телестудияси ташкил этилиб, телекўрсатувлар бера бошлади (ушбу телестудия бир йилча фаолият кўрсатиб, кейинроқ техник имкониятлар бўлмаганлиги туфайли ўз фаолиятини тўхтатган). Ўзбекистон мустақиллика эришгач, Андижонда 1991 й. 25 окт.да вилоят телестудияси ташкил этилиб, унинг биринчи кўрсатувлари эфирга узатилди. Вилоят радиоси орқали ойига 36 соатлик ҳажмда эшиттириш-



Андижон жоме масжиди.

лар берилади. Бундан ташқари 1997 й. 23 июндан «Андижон» ёшлар телерадиокомпанияси водий аҳолиси учун телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар олиб боради. Телерадиокомпания «Тасвир» номи б-н газ. нашр этади. 1998 й.нинг окт.дан унинг «Водий садоси» радиоси фаолият кўрсатади. Вилоятда, шунингдек, «Тараққиёт» (1995 й.дан) нодавлат телеканални кўрсатувлар олиб боради.

Андижон ш.да 19-а. охирида қурилган жоме масжиди мажмуаси, Шаҳрихонда 20-а.да қурилган бир қанча маҳалла масжидлари ва мадрасалари (шу жумладан, 19-а. бошида бунёд этилган Пенсол масжиди, 1872 й.да қурилган Гумбаз мадрасаси) сақланган. Андижон ш.да 20-а. бошида қурилган 2 қаватли Аҳмадбек-хожи уйи ҳам миллий меъморлик намуналаридан биридир. Ҳоз. Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи Аҳмадбекхожи боғи ўрнида бунёд этилган. Бойнинг боғидаги шийпон биноси ҳам сақланиб қолган. Пахтаобод ш. да 20-а. бошида қурилган Отақузи мадрасаси диққатга сазовор. Унинг 5 минораси бор.

Андижон шаҳри — Андижон вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Республиканинг йирик sanoat шаҳарларидан. Майд. 74,3 км². Аҳолиси 352,6 минг киши (2005 й.; 1900 й.да шаҳарда қарийб 50 минг киши яшаган). Шаҳар Фарғона водийсининг шарқила, Андижонсой соҳилида жойлашган. Июлнинг ўртача т-раси 27°, янв.ники —3°.

Шаҳарнинг пайдо бўлиши ва номи-нинг келиб чиқиши ҳақида ҳар хил афсона ва ривоятлар mavjud. Айрим манбаларда шаҳар номи «анди», «адоқ» («азоқ») каби уруғ атамалари б-н боғлиқлиги кўрсатилган. Бир вақтлар бу ерда андилар (ҳиндлар) яшаган ва ша-

ҳарнинг номи «Андукон» деб аталиб, кейинчалик «Андижон» (яъни, «ҳиндлар жойи») деб ўзгарганлиги тўғрисида ривоят ҳам бор. Тарихчи В.П.Наливкин ўзининг «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» номли китобида «Андижон» сўзи ўзбекларнинг бир вақтлар ҳоз. шаҳар ҳудудига келиб урнашган анди қабиласи номидан чиққан бу сўзга «ган» қушимчаси қўшилиб, кейинчалик «Андижон» сўзига айланиб кетганлиги тўғрисида ёзиб қолдирган. Топонимист олимларнинг тадқиқотлари бўйича «Андижон»—«сой бўйи», «сув ёқаси»даги шаҳар тушунчасини билдиради деган тахмин ҳам mavjud.

Шаҳарнинг арк қисмида (ҳоз. Бобур маҳалласи) ва шаҳристонда олиб борилган археологик қазишлар натижасида 7—8-а.ларга оид буюмларнинг топиллиши, унинг Ўрта Осиёдаги қад. шаҳарлардан бири эканлигини тасдиқлайди. Ўрта асрларда шаҳар арки мудофаа девори б-н ўраб олинган. Шаҳар илк бор ёзма манбаларда 10-а. араб сайёҳлари Ибн Ҳавқал ва Муқаддасийлар асарларида «Андукон» шаклида қайд этилган. 11-а.да шаҳар Қорахонийлар қўл остига ўтган. 11—12-ларда Фарғона водийсининг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказига айланган. Мўғуллар истилоси даврида шаҳар вайрон этилган ва манба-

ларда қайд этилишича 13-а. охириларида мўғул хонлари бўлмиш Тува ва Хайду томонидан қайта тикланган. 14-а.нинг 70-й.ларида Фарғона водийси б-н бирга Амир Темур давлати таркибига кирган. 15-а.нинг 2-ярмидан Андижон те-мурийлар давлатига қарашли Фарғона вилоятининг пойтахти бўлган. Айниқса, Умаршайх Мирзо ва унинг ўғли Заҳриддин Муҳаммад Бобур даврида шаҳарда хўжалик, фан ва маданият ривож топган. 1504 й. дан Андижон шайбонийлар қўл остига ўтган. 1710 й.да Қўқон хонлиги таркибига кирган ва 1876 й.гача Андижон беқлигининг қароргоҳи бўлган.

Андижон ўзининг ҳунармандчилик буюмлари, ип ва ипак газламалари б-н шуҳрат қозонган. 1877 й.да шаҳарга ёндош Хоқон (Ҳақан) қишлоғи аҳолиси кўчирилиб ўрнида янги шаҳар қури-ла бошлади. Шаҳар Россия б-н темир йўл орқали боғлангач (1899), қ.х. маҳсулотларини қайта ишлайдиган дастлабки sanoat корхоналари вужудга келди.

Шаҳарда 50 га яқин йирик sanoat корхонаси, 60 дан зиёд қурилиш ташкилоти ва маҳаллий sanoat корхоналари ишлаб турибди. «Андижонмаш», «Андижонирмаш», «Электродвигатель», «Электроаппарат» акциядорлик жамиятлари, «Биокиме» з-ди, тикувчилик ва пойабзал ф-калари, қўшма корхоналар (Хитой, Буюк Британия, Корея Республикаси, Россия, Италия, Қирғизистон ва б. б-н ҳамкорликда), кичик ва ўрта бизнес субъектлари бор.

Шаҳарда 4 ин-т, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, умумий таълим мактаблари, 3 театр, 25 жамоат

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий шоҳ кўчаси.



кутубхонаси, Бобур номидаги марказий майдон, 5 маданият ва истироҳат боғи, 4 маданият уйи, 3 музей, 3 мусиқа ва санъат мактаби мавжуд. 9 спорт мактаби, «Наврўз» стадиони, 4 сузиш ҳавзаси, теннис корти, ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. Шошлинч тиббий ёрдам марказининг вилоят бўлими ва б. тиббий муассасалар бор.

Андижон тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,38 минг км². Аҳолиси 189,9 минг киши бўлиб, унинг асосий қисмини ўзбеклар, ташкил этади, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, уйғур ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 499,7 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Куйганёр) ва 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Куйганёр шаҳарчаси.

Туман рельефи пасттекислик, қир ва адирлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Туманнинг шим. ва шим.-шарқидан Қорадарё, Андижонсой оқиб ўтади. Совуқбулоқ булоғи, Катта Фарғона, Қуйи Улуғнор каналлари, Куйганёр, Кўтарма насос ст-ялари, Чинобод, Асака ташламалари бор.

Туман хўжалиги асосан, қ.х.га ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. Қ.х.нинг етакчи тармоғи пахтачилик, ундан ташқари ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. Туманда қўшма, кичик корхо-

Андижон ш. Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғидаги «Амфитеатр».

налар, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар мавжуд. Экин майдонларига пахтадан бошқа, сабзавот, беда, шоли экилади, Боғлар барпо этилган. Фермер хўжаликлар, 9 хўжаликлараро корхоналар, ўқув тажриба, уруғчилик хўжалиги, агрофирма бор. Жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

Туманда Анжижон қ.х. ин-ти, Ўзбекистон Республикаси Қ.х. ва сув хўжалиги вазирлиги Қ.х. илмий и.ч. марказининг суғориладиган ерларда ғалла ва дуккак-ли ўсимликлар етиштириш илмий тадқиқот ин-ти жойлашган. Шунингдек, Андижон вилоят насос ст-яси, вилоят сабзавот ва нав уруғлари акциядорлик жамияти ва қ.х.ни кимёлаштириш маркази бор. Касб-хунар коллежлари, академик лицейлар фаолият кўрсатади. Туманда 53 умумий таълим мактаби, гимназия, 3 лицей мавжуд. Касалхона, диспансер ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1962 й.дан «Андижон тонги» туман газ. чиқади.

Асака тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган (1962 й. 24 дек. да Марҳамат тумани б-н бирлаштирилган, 1970 й. 7 дек. да қайта тузилган). Майд. 0,26 минг км². Аҳолиси 183,8 минг киши бўлиб, асосан, ўзбеклардан иборат. Шунингдек, тожик, рус, татар, қирғиз, уйғур ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 706,9 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Асака), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Асака ш.

Рельефи текислик, жарликлар, қир ва нисбатан баланд адирлардан иборат. Шим.-шарқда Андижон, Асака адирлари ва қирлари жойлашган. Иқлими континентал. Туманнинг шим. ва шим.-шарқидан Катта Фарғона канали, Шаҳрихонсой, жан.дан Оқбўйра ва Аравонсойлар оқиб ўтади.

Туманда мотор таъмирлаш, пахта тозалаш з-длари, «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонаси, Асака дон маҳсулотлари акциядорлик жамияти, нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси, мева ва сабзавотни қайта ишлаш, ёғочсозлик «Турон» хусусий корхонаси, 3 паррандачилик ф-каси бор. 400 дан зиёд кичик корхона фаолият кўрсатади.

Қ.х. да пахта, буғдой, сабзавот, емхашак экинлари экилади; мевазор ва тоқзорлар барпо этилган. Фермер хўжаликлари, «Соҳибкор» мева-тоқчилик ширкатлар уюшмаси ва бошқа қ.х. корхоналари бор.

Туманда Андижоннинг энг фусункор ва сўлим гўшаларидан бири бўлган Асака чўнтаги жойлашган. Шаҳрихонсойдан бошланган Ёв ариғи 6 км масофада юқорилаб оқиб, чўнтакка етганда адир ён бағрилари бўйлаб чойхона сўрилари остидан ўтади. Ариқда катта чархпалак айланиб туради. Бу жой ёз палласида хушхаво, оромбахш масканга айланади.

51 умумий таълим мактаби, гимназия, 2 академик лицей, қ.х. ижтимоий-иқтисодий ва пед. касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатади. 50 оммавий кутубхона, 15 клуб муассасаси, маданият уйи, музей мавжуд. Касалхоналар, диспансер, тиббиёт пунктлари ва б. тиббий муассасалар ишлаб турибди. 1930 й. дан «Асака ҳаёти» туман газ. чиқарилади.

Балиқчи тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,34 минг км². Аҳолиси 145,0 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, уйғур, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 426,5 киши тўғри келади. (2005). Туманда 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Балиқчи қишлоғи.

Худуди текисликдан иборат. Қорадарё, Мазгилсой, Чинободсой ва Катта Андижон каналлари туман худудидан оқиб ўтади.

Туман, асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхона фаолият кўрсатади. Қўшма корхоналар, Чинобод пахта тозалаш, Хўжаобод спорт буюмлари и.ч., Балиқчи нон маҳсулотлари, «Балиқчи тонги», механизациялашган қўшма акциядорлик жамиятлари ва б.





Асакадаги «ЎздЭУавто» қўшма корхонаси маъмурий биноси.

ишлаб турибди. Бўрдоқчилик базаси, 2 МТП, 2 матлубот акциядорлик жамияти фаолият кўрсатади.

Хўжаликлари чорвачилик, боғдорчилик, пиллачилик, полизчилик, сабзавотчилик ва шоликорлик б-н шуғулланади. Қ.х.да суғориладиган ерларга пахта, буғдой, сабзавот, картошка, ем-хашак экинлари экилади. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

Туманда 52 умумий таълим мактаби, 2 гимназия, махсус интернат мактаби, 3 касб-хунар коллежи бор. Маданият саройи, марказий туман кутубхонаси, мусиқа мактаби, 50 оммавий кутубхона, 13 маданият уйи, ижодкорлар уйи аҳолига хизмат кўрсатади. 4 касалхона ва диспансер, 10 қишлоқ амбулаторияси, 42 тиббиёт пункти ва б. тиббий муассасалар ишлаб турибди. 1932 й. лан «Ғалаба» туман газ. чиқади.

Булоқбоши тумани. Вилоятнинг жан.-да жойлашган. 1992 й. 3 апр.да ташкил этилган. Майд. 0,18 минг км². Аҳолиси 106,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, қozoқ, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам

Балиқчи туманидаги қўшма корхона цехида.



яшайди. 1 км² га 589,4 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Андижон), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Булоқбоши қишлоғи.

Туман ҳудуди тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат. Иқлими

кескин континентал. Ҳудудидан Жан. Фарғона канали, Аравонсой оқиб ўтади.

Туманда 2 ГЭС, «Булоқбоши ипаги» корхонаси, бадий буюмлар, трикотаж ф-каси, пойабзал ф-каси, тош кони, хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна, автокорхона, электр тармоқлари бўлими, МТП бор. Кичик корхона ва фирмалар, акциядорлик жамиятлар мавжуд. Туман ҳудудидан т.й. ўтган.

Хўжаликлари, асосан, пахтачиликка ихтисослашган, шунингдек, чорвачилик, боғдорчилик, пиллачилик, полизчилик, сабзавотчилик б-н ҳам шуғулланилади. Қ.х.да суғориладиган ерларга пахта, ем-хашак экинлари, қисман гречиха экилади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туман хўжаликлари ва хусусий фермаларида қорамол, қўй, йилқи боқилади.

31 умумий таълим мактаби, гимназия, лицей, бизнес мактаби, 26 оммавий кутубхона, 5 клуб, 8 қишлоқ маданият уйи, музей, маданият ва истироҳат боғи бор. 32 касалхона, 5 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 3 поликлиника, 17 фельдшер-акушерлик, 3 қишлоқ врачлик пункти туман аҳолисига хизмат кўрсатади. 1992 й.дан «Булоқбоши» туман газ. чиқади.

Бўз тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1950 й. 5 апр.да

ташкил этилган. (1962 й. 24 дек.да Шаҳрихон туманига қўшиб юборилган. 1964 й. 31 дек.да қайта тузилган). Майд. 0,20 минг км². Аҳолиси 51,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Уртача 1 км² га 259 киши тўғри келади. (2005). Туманда 1 шаҳарча (Бўз) ва 3 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Бўз шаҳарчаси.

Туман ер юзаси ўртача 500 м баландликдаги текисликдан иборат. Ҳудуднинг ғарбий қисмида кўчма қум тепалар бор. Тепаликлар орасидаги пастлик жойларда баъзан ботқоқликлар учрайди. Туман ҳудуди 3 (Шарқий Ёзёвон, Катта Фарғона канали, Улуғнор) массивга бўлинган. Иқлими кескин континентал. Хўжаликлари Катта Фарғона канали, Катта Андижон канали ва Шаҳрихонсойдан суғорилади.

Туманда қ.х. (пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик) асосий ўрин тутди. МТП, автокорхона, 2 саноат корхонаси (Бўз пахта тозалаш з-ди, «Зафар» акциядорлик жамияти) бор. Қ.х.даги экинзорларга пахта, беда ва б. экилади. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

25 умумий таълим мактаби, академик лицей, пед. ва тиббиёт билим юртлари фаолият кўрсатади. 34 оммавий ва болалар кутубхоналари, 11 клуб муассасаси, музей, санъат саройи, мусиқа мактаби ишлаб турибди. Касалхона, катталар ва болалар поликлиникалари, юқумли касалликлар шифохонаси, 13 фельдшер-акушерлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1951 й.дан «Бўз ҳақиқати» туман газ. чиқади.

Жалолқудуқ тумани. Вилоятнинг шим.-шарқда жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Хўжаобод тумани б-н бирлаштирилган. 1973 й. 12 апр.да қайта тузилган). Майд. 0,37 минг км². Аҳолиси 141,4 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 382,2 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Охунбобоев), 1 шаҳарча (Жан. Оламушук), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Охунбобоев ш.

Туман рельефи пасттектислик. қир ва адирлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Туман ҳудудидан Андижонсой, Шаҳрихонсой, Савай каналлари, Қорадарё оқиб ўтади.

Туманда пахта тозалаш, подшипник з-длари, «Бунёд» момиқ и.ч. корхонаси,

макка саралаш корхонаси, паррандачилик ф-каси, ип-йигирув тўқув к-ти, нефть базаси, механизациялашган қўйма колонна фаолият кўрсатади. «Ас-Ойим-Текстил», «Топас», Ўзбекистон-Туркия, Ўзбекистон-Россия қўйма корхоналари ишлаб турибди. 200 дан зиёд кичик корхона ва фирма мавжуд.

Қ.х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Галлачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларда пахта, галла, сабзавот-полиэ экинлари етиштирилади. Деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари фаолият кўрсатади. Деҳқон-фермер хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермаларда қорамол, қўй ва эчки, йилқи, парранда боқилади. Туман ҳудудидан т.й. (25 км масофада) ўтган.

30 га яқин умумий таълим мактаби, 2 лицей, тиллар лицей-интернати, 3 гимназия, 3 мусиқа мактаби фаолият кўрсатади. 34 оммавий кутубхона, 14 клуб муассасаси, ўлкашунослик музейи, маданият ва истироҳат боғи бор. 6 касалхона, Жанубий Оламушук шаҳарчасида физиотерапия санаторийси, «Пиллакор», «Андижон» дам олиш уйлари, Ёрқишлоқда «Нефтчи» даволаш санаторийси аҳолига хизмат кўрсатади.

Туман ҳудудидан 11 археологик тепалик, 5 меъморий ёдгорлик сақланган. Далварзинтепа, Қоратепа, Эшонтоға ва Қиличмозор тепаликлари энг қад. археологик ёдгорликлардир. Тарихчи Наршахийнинг ёзишича араб саркардаси Қутайба ибн Муслимнинг қабри Коҳ қишлоғида жойлашган. 1999 й. дан «Жалолқудуқ ҳаёти» туман газ. чоп этилади.

Избоскан тумани. Вилоятнинг шим.да жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,28 минг км². Аҳолиси 179,5 минг киши бўлиб, асосий қисми ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, рус, уйғур, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди (2005). Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 641,1 киши. Туманда 1 шаҳар (Пойтуғ) ва 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Пойтуғ ш.

Туман рельефи, асосан, пасттекислик бўлиб, жан.-ғарбга томон пасайиб борали. Шим. қисми Мойлисой адирларидан иборат. Иқлими муътадил иқлим. Туман ҳудудидан Катта Фарғона канали, Қораларё, Мойлисой, Тентаксой оқиб ўтади.

Туманда ип йигирув ва тўқув, шойи тўқиш, пойабзал ф-калари, газ тулдириниш ст-яси ишлаб турибди. 450 дан зиёд кичик ва хусусий корхона, шунингдек, қўйма корхоналар фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари – пахтачилик ва галлачилик. Сабзавотчилик, по-

лизчилик, боғдорчилик ҳам ривожланган. Экин майдонларига пахта, донли экинлар ва б. экилади. Боғ ва тоқзорлар барпо этилган. Туманда фермер хўжаликлари, хўжаликлараро чорвачилик корхонаси, мева-кўчатчилик, уруғчилик тажриба хўжаликлари, ўрмончилик хўжалиги мавжуд. Хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, йилқи боқилади. Туман ҳудудидан Андижон-Учқўрғон т.й. ўтган.

50 га яқин умумий таълим мактаби, касб-хунар бизнес мактаби, 2 лицей-интернат, тасвирий санъат лицейи, гимназия бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 35 та филиали, мусиқа мактаби, маданият уйи, «Олтин соз» халқ ансамбли, ўлкашунослик музейи ишлаб турибди. 4 касалхона, хусусий шифохона, 8 қишлоқ врачлик пункти, 8 врачлик амбулаторияси, 38 фельдшер-акушерлик пункти ва б. фаолият кўрсатади. 1929 й.дан «Пахтакор» туман газ. нашр этилади.

Марҳамат тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1963 й.да Марҳамат тумани ёндош туман б-н бирлаштирилиб, туман маркази Марҳамат туманидаги Русское село посёлкасига кўчирилган. 1965 й. 15 фев.да туман номи ўзгартирилиб, ҳоз. Асака ш. га кўчирилган. 1970 й. 7 дек.да Марҳамат тумани номи б-н қайта ташкил этилган). Майд. 0,32 минг км². Аҳолиси 128,5 минг киши, асосан, ўзбеклар. Шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар, корейс, уйғур, қozoқ, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 401,6 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Марҳамат), 1 шаҳарча (Полвонтош), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Марҳамат ш.

Туманнинг шим. ва шим.-шарқи текислик, қолган қисми тоғ этаклари ва ён бағирларидан иборат. Олай тизмасининг этакларидаги тоғлар, Улуғтоғ, Туя-мўйин адирлари биргалликда Ойим-Марҳамат-Хўжаобод ботиғини ташкил ташкил этади. Иқлими кескин континентал. Туман ҳудудидан Қораларёнинг қуйи ирмоқлари: Шахрихонсой, Жан. Фарғона ва Каркидон каналлари оқиб ўтади. Туман ерлари Жан. Фарғона канали ва Арвонсойдан суғурилади.

Туманда ип йигирув ва тўқув ф-каси, электротехника, нон, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва вино қуйиш, пахта тазалаш з-длари, «ЎзРосподшипник» қўйма корхонаси ҳамда қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бор. Кичик корхона, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади.

Қ.х.даги экин майдонларига пахта, бугдой, сабзавот, ем-хашак экинлари экилади. Картошка ва б. маҳсулотлар етиштирилади. Боғ ва тоқзорлар бор. Фермер хўжаликлари, қ.х. акциядорлик жамияти ва бошқа қ.х. корхоналари мавжуд. Хўжаликларидан қорамол, қўй, парранда, йилқи боқилади.

Мелиорация ва сув хўжалиги, агро-бизнес касб-хунар коллежлари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, 40 дан ортиқ умумий таълим, 2 мусиқа мактаблари бор. 6 маданият уйи, 35 кутубхона, «Парвона» халқ театри, цирк-дорбозлик гуруҳи, музей аҳолига хизмат кўрсатади. 26 та даволаш маскани ва касалхоналар бор. 1933 й. 1 окт.дан «Оқ олтин» туман газ. чиқади.

Олтинкўл тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1939 й.да ташкил этилган (1963 й.да Андижон туманига қўшилган. 1978 й. қайтадан ташкил этилган). Майд. 0,21 минг км². Аҳолиси 128,4 минг киши, аксари қисми ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, уйғур, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача 1 км² га 611 киши тўғри келади (2005). Туманда 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Олтинкўл қишлоғи.

Туман рельефи пасттекислик ва адирлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Туман жан.дан Катта Фарғона канали, шим. томонидан Қораларё, шунингдек, туманлараро Коллектор-Асака ташламаси, Улуғнор канали оқиб ўтади.

Туман хўжалиги қ.х.га ихтисослашган. Пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. Саноатида, асосан, енгил саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Пахта толаси, чигит ҳам ашё-

Марҳамат ип йигирув ва тўқув фабрикаси.





Олтинқул туманидаги касб-хунар коллежи.

си, трикотаж матоси ва маҳсулотлари, мебель, оҳак, гишт ишлаб чиқарилади. «Олтин-Дери», «Эталон-Плюс», «Кезар-Тур» қўшма корхоналари бор. Кичик ва хусусий корхоналари, деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туман хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, йилқи боқилади.

36 умумий таълим, 15 таянч мактаби, 3 ихтисослашган интернат-мактаби, шунингдек, 2 мусиқа ва санъат мактаби бор. Иқтисодиёт, саноат, маиший хизмат касб-хунар коллежлари мавжуд. Марказий туман кутубхонаси, унинг 22 та тармоғи, 7 маланият уйи, маланият ва истироҳат боғи ишлаб турибди. 2 касалхона, 4 поликлиника, 28 фельдшер-акушерлик, 18 қишлоқ врачлик пунклари, 9 дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1979 й. 1 январьдан «Олтинқул» туман газ. нашр қилинади.

Пахтаобод тумани. Вилоятнинг шим.-да жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил қилинган (1962 й. 24 дек.да Избоскан тумани б-н бирлаштирилган). 1970 й. 7 дек.да қайта ташкил қилинган). Майд. 0,38 минг км². Аҳолиси 141,6 минг киши бўлиб, асосан, ўзбеклардан иборат, шунингдек, уйғур, қирғиз, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 372,6 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Пахтаобод), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази— Пахтаобод ш.

Туман ҳудуди Норин ва Қораларё воҳасидаги ясси текисликда жойлашган. Рельефи ғарбдан шарққа баландлашиб боради. Ўртача бал. 260 м. Туман ҳудуди орқали Қораларё, Тентаксой, Мойлисоё оқиб ўтади. Иқлими кескин континентал.

Туманда етакчи тармоқ қ.х. ҳисобланади. Пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шугулланилади. Пахта тозалаш з-ди, «Интернейшнл» корхонаси, пойабзал ф-каси, темир-бетон и.ч. корхонаси, акциядорлик жамиятлар, кичик ва хусусий корхоналар, қурилиш ташкилотлари, автокорхона мавжуд. Фермер хўжаликлари фаолият кўрсата-

лади. Мевазор ва тоқзорлар барпо этилган. Хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Туман ҳудуди ўртасидан Андижон—Жалолобод, Ўш—Бишкек автомагистрал йўллари ўтган. Андижон—Тентаксой т.й. мавжуд.

41 умумий таълим мактаби, лицей, гимназия, 3 спорт, 1 мусиқа мактаблари, 2 касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади. 44 кутубхона, 10 клуб муассасаси, 4 маланият ва истироҳат боғи, Ўзбекистон халқ шоири Ҳабибий уй-музейи, стадион бор. Туманда 2 касалхона, поликлиника, 21 қишлоқ врачлик пункти, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Ховсконота, Кўктўникота, Қилич Иброҳим, Хўжа Тақсимота зиёратгоҳлари мавжуд. 1935 й. дан «Давр садоси» туман газ. чиқади.

Улуғнор тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1973 й.да ташкил этилган. Майд. 0,44 минг км². Аҳолиси 45,1 киши бўлиб, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача аҳоли зичлиги 1 км² га 102,5 киши (2005). Туманда 4 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази— Оқолтин қишлоғи.

Туман ҳудуди текисликдан иборат. Кўчма қум тепалари кўп. Иқлими кескин континентал. Туман хўжаликлари Катта Андижон каналдан сув олади.

900 га яқин йирик, ўрта бизнес ва кичик корхоналар фаолият кўрсатади. Автокорхона, МТП, пахта тозалаш з-ди, Буюк Британиянинг «Кордесе ЛТД» фирмаси б-н ҳамкорликдаги «Улкард» қўшма корхонаси (тикувчилик ва тўқимачиликка ихтисослашган), спорт анжомлари и.ч. фирмаси, «Универсал» бозори мавжуд. Туман ҳудудидан Марғилон—Сойбўйи—Улуғнор—Мингбулоқ, Штаб—Улуғнор автомагистраль йўллари ўтган.

Қ.х.да пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик, пиллачилик ривожланган. Етакчи тармоғи—пахтачилик. Экин майдонларига пахта, ғалла экилади. Шунингдек, сабзавот, картошка, полиз, сабзавот экинлари ҳам етиштирилади. Боғзор ва тут-

зорлар барпо этилган. Ўрмонзорлар мавжуд. Деҳқон ва фермер хўжаликлари бор. Туман хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

24 умумий таълим мактаби, интернат-лицей, 2 касб-хунар коллежи бор. 3 маланият уйи, туман марказий кутубхонаси ва унинг 10 та тармоғи, музей, мусиқа мактаби, «Улуғнор» стадиони, теннис корти, «Улуғнор» спорт соғломлаштириш клуби, спорт мактаби фаолият кўрсатади. Туман марказий касалхонаси ва унинг бўлимлари, поликлиника, туғруқхона, шошилинч тиббий ёрдам бўлими, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. 1974 й.дан «Улуғнор» туман газ. нашр этилади.

Хўжаобод тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1973 й.да туман таркибидан Жалолқудук, 1992 й.да Булоқбоши туманлари ажралиб чиққан). Майд. 0,23 минг км². Аҳолиси 83,3 минг киши бўлиб, асосий қисмини ўзбеклар ташкил қилади, шунингдек, тожик, рус, татар, қирғиз, уйғур, турк, озарбайжон, корейс, ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 362,2 киши (2005). Туманда, 1 шаҳар (Хўжаобод) 4 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази— Хўжаобод ш.

Туман ҳудуди Фарғона водийсининг жан.-шарқидида жойлашган. Жан.да Помир-Олай тизмаларининг Чилустун ва Қиртоштоғ тоғлари бор (энг баланд жойи 1457 м). Шим.-ғарбий қисми адирлардан иборат. Қолган қисми ласттекислик. Фойдали қазилмалардан нефть ва газ, оҳактош, шағал, харсангтошлар бор. Иқлими кескин континентал. Экинзорлар Шаҳрихонсой, Оқбурасой, Аравонсой, Савай ва Жан. Фарғона каналларидан сугорилади.

Туманда «Хўжаободконсерва», «Хўжаободмевақуритиш», «Хўжаободдон», «Хўжаободпахтатозалаш», «Хўжаободтикувтрикотаж», «Хўжаободполимеридиш» акциядорлик жамиятлари; Ўзбекистон—Болгария «Навиягул», Ўзбекистон—Хитой «Хўжаобод Дизин-Ду» қўшма корхоналари фаолият кўрсатади. МТП, қурилиш ташкилотлари мавжуд. Туман ҳудудидан нефть ва газ олинади. Заврак ГЭС бор. Тошкент—Ўш автомобиль йўлининг 36 км туман ҳудудидан ўтган.

Қ.х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган, чорвачилик ҳам ривожланган. Фермер, шу жумладан, ўрмончилик, баликчилик хўжаликлари фаолият кўрсатади. Экин майдонларига пахта, бугдой, картошка, ем-хашак, дон учун макка-жўхори, сабзавот, полиз экинлари ва б.

экилади. Сой, канал ва ариқлардан ташқари тумanning 840 га ер майдони булоқ сувлари орқали таъминланади. Туман хўжаликларида қорамол, қўй, парранда, йилқи боқилади.

32 умумий таълим мактаби, лицей, гимназия, касб-хунар коллежи, меҳрибонлик уйи, 2 махсус интернат мавжуд. Марказий кутубхона ва унинг 20 тармоғи, марказий болалар кутубхонаси, 8 маланият уйи, «Армуғон» ашула ва рақс дастаси бор. 5 касалхона, қишлоқ врачлик амбулаторияси, 15 қишлоқ врачлик, 11 фельдшер-акушерлик пунктлари, шошилич тиббий ёрдам маркази ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат курсатади. 1998 й. дан «Хўжабод» (аввалги номи «Шонли меҳнат») туман газ нашр этилади.

Шахрихон тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,33 минг км². Аҳолиси 218,1 минг киши асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, уйғур, қozoқ, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 660,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Шахрихон), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Шахрихон ш.

Туман ҳудуди Шахрихонсойнинг кенг ёйилмасида, Кува-Андижон адирлари б-н Қорадарё ўртасидаги текисликда жойлашган. Ўртача бал. 400–680 м.

Туманда пахта тозалаш, таъмирлаш, тўқимачилик, тикув-трикотаж корхоналари ва б. фаолият кўрсатади. Ўзбекистон–Корея «КосмоЭлектроникс КОЛТД», Ўзбекистон – Хитой «Ривож-Тянжинь», Ўзбекистон – Ҳиндистон «Ривож-Норинд», Ўзбекистон – Германия «Интертекс», Ўзбекистон – Россия «Антекс» қўшма корхоналари ишлаб турибди. 640 дан ортиқ кичик корхона мавжуд. Қ.х.нинг етакчи тармоқлари пахтачилик ва ғаллачилик. Пиллачилик ҳам ривожланган. Деҳқон-фермер, ўқув-тажриба хўжаликлари, хусусийлаштирилган чорвачилик фермалари бор. Экин майдонларига пахта, буғдой, сабзавот, полиз,

озуқа ва б. экинлар экилади. Мева, узум етиштирилади. Жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, парранда, йилқи боқилади. Тумандаги маҳаллий ва республика аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўллари уз. 400 км дан ортиқ. Асакадан Шахрихонгача 15 км узунликда т.й. утказилган.

63 умумий таълим мактаби, 4 лицей, 2 касб-хунар коллежи, болалар мусиқа ва спорт мактаблари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 46 та тармоғи, музей, маланият саройи мавжуд. 3 касалхона ва б. тиббий муассасалар, санаторий аҳолига хизмат курсатади.

1982 й.да Ўзбекистон ФА Самарқанд археология и.т. институтининг олимлари томонидан маҳаллий олимлар б-н ҳамкорликда тумандаги Камолтепа тепалигида археологик қазиниш ишлари ўтказилди. Натижада, бу тепалик 1–4-а.ларда кулолчилик шаҳарчаси бўлганлиги аниқланди. Туманда хунармандчилик (пичоқчилик, бешикчилик, дўппидўзлик, мисгарлик ва б.) қаддан тараққий этган. Шахрихон ш.да ЮНЕСКО рўйхатида олинган Понсод масжиди (1825) меъморий ёдгорлиги сақланган. 1931 й.дан «Янги Ҳаёт» туман газ. чиқарилади.

Кўргонтепа тумани. Вилоятнинг шим. шарқида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,48 минг км². Аҳолиси 156,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, рус, татар, қozoқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 326,3 киши (2005). Туманда 2 шаҳар (Кўргонтепа, Қорасув), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Кўргонтепа ш.

Туман ҳудуди Фарғона ва Олай тизмаларининг этак қисмида жойлашган. Ер юзаси шарқдан (бал. 1000 м гача) ғарбга (500 м гача) пасайиб борувчи тоғ олди қия текислигидан ва



Кўргонтепа туманига кириш йули

Тошоҳур, Сузоқ адирларидан иборат. Иқлими континентал; ёзи иссиқ, киши нисбатан совуқ. Туман ҳудудидан Қорадарё ва унинг тармоқлари Шахрихонсой ва Қорағунон ариғи, жан. чегарасидан Савай канали оқиб ўтади.

Туманда пахта тозалаш, ғишт з-длари, дон маҳсулотлари, «САМО» акциядорлик жамиятлари, «Ан-Нур» маъсулияти чекланган жамият, нон к-ти, маҳаллий саноат газлама, атторлик буюмлари, тикувчилик, пайпоқ тўқиш ф-клари, тўқимачилик корхоналари, автокорхона, МТП, қурилиш ташкилотлари, деҳқон бозори бор. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар, «Эл-жиҳоз» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоқлари — пахтачилик, ғаллачилик. Сабзавот, полиз экинлари, картошка етиштириш, тоқчилик ва боғдорчилик ривожланган. Деҳқон ва фермер хўжаликлари бор. Экин майдонларига пахта, ғалла, картошка экилади. Мевазор ва тоқзорлар, пичанзор ва яйловлар бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

55 умумий таълим мактаби, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, 4 касб-хунар коллежи, меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 36 та тармоғи, ўлкашунослик музейи, клуб муассасалари, маланият уйлари, 2 маланият ва истироҳат боғи, Хотира майдони мавжуд. Стадион, спорт мажмуаси ва б. спорт иншоотлари бор. 6 касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси), поликлиника, туғруқхона. дорихоналар, 7 қишлоқ врачлик, 13 фельдшер-акушерлик пунктлари, 5 хусусий тиббий муассаса аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан т.й. утган. 1932 й.дан «Кўргонтепа ҳақиқати» туман газ. чиқади.



Шахрихон ш.даги «Антекс» қўшма корхонаси.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Зарафшон водийсининг куйи қисмида—Қизилқум ва Қорақум чўллари ўртасида жойлашган. 1938 й. 15 янв.да ташкил этилган. Майд. 40,3 минг км². Аҳолиси 1507,6 минг киши бўлиб, асосан, ўзбеклардан иборат, шунингдек, қozoқ, тожик, татар, яҳудий, рус, қорақалпоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача 1 км² га 37,4 киши тўғри келади (2005). Вилоятда 11 қишлоқ тумани, 11 шаҳар, 3 шаҳарча, 120 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Бухоро ш.

Вилоят ҳудуди ғарбга — Амурарё томон (Қорақўл воҳаси) қияланиб борувчи тўлқинсимон текисликдан иборат. Кўп қисмини Қизилқум чўли эгаллаган. Шунингдек, паст тоғлар (энг баланд жойи — Қулжуктоғ тоғи, 785 м), плато, қир ва берк ботиқлар бор. Фойдаланиш қазилмалардан Сеталантепа, Жарқоқ, Газли, Учқирда газ; Кемачи, Зикри, Ўртабулоқда нефть-газ ҳамда графит, оҳактош, бентонит (гилмоя), гранит конлари топилган. Минерал сув захиралари аниқланган.

Иқлими кескин континентал: ёзи иссиқ, узоқ, қуруқ, июлнинг ўртача т-раси 28–29°, қумликларда 60–70° гача кўтарилади. Январнинг ўртача т-раси 0° дан –2° гача. Йилига 90–150 мм ёғин тушади, асосан, баҳор ва қишда ёғади. Вегетация даври 220 кун. Йирик дарёлари Зарафшон ва Амурарё. Куйимозор, Тўдақўл, Шўркўл сув омборларининг аҳамияти ҳам катта. Бундан ташқари воҳалар атрофида зовур ва оқова сувлар ташланадиган Денгизқўл, Қорақир, Катта Тузон ва Девхона кўллари мавжуд. Чўл зонасида кам чиридишли күнгир тусли сур, қумли чўл, тақир тупроқлар ва шўрхоқлар кенг тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан чўлларда қандим (жузгун), саксовул, черкез, селин, патлок, сингрен, илок, қизилча, сассиқковрак, каррак, биюргун кенг тарқалган. Шўрхоқли ерларда шўражриқ, сарсазан, қорабароқ, шўралар; тўқайзорларда турангил тераги, жийда, тол, юлғун, қамиш ва б. ўсади. Ўсимликлар яёлов чорвачилиги учун озуқа манбаи. Ёввойи ҳайвонлардан чўлларда жайран, сайгоқ, бўри, қарсоқ тулки, юмронқозик, суғур, сассиққўзан; судралиб юрвчилардан калтакесак, илон, тошбақа, Зарафшон буйидаги тўқайзорларда қуён, чиябўри яшайди. Қушлардан тувалоқ, қорабовур, олабовур, қирғовул, каклик бор. Сув ҳавзаларида балиқнинг 37 тури учрайди. Бухоро «Жайран» экологик маркази, Вардонзе давлат табиат ёдгорлиги, Денгизқўл, Қорақир буюртма қўриқхонлари мавжуд.

Вилоятда 100 дан ортиқ саноат корхонаси: гўшт, сутни қайта ишлаш, ун, уйсозлик к-тлари. «Бухороёғ», «Зардўз», «Бухоро қорақўли», «Бухоротекс» акциядорлик жамиятлари, пахта тозалаш, мева-сабзавот консервалаш, нон, вино, арақ, гишт, оҳак, йиғма темир-бетон буюмлари з-длари, пиво ва яхна ичимликлар и.ч. корхоналари, газ автоматика и.ч. бирлашмаси, Италия, Туркия, Греция ва б. давлатлар б-н ҳамкорликдаги қўшма корхоналар мавжуд. 22712 кичик корхона ва микрофирма бор. Пиллакашлик ф-каси ва унинг филиаллари, гилам тўқиш, пахта титиш, тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал, паррандачилик ф-калари ишлаб турибди. Хунармандчилик ривожланган (тикувчилик, бадий каштачилик, мисгарлик, зергарлик ва б. корхоналар). Газли газ-нефть р-ни газ ёқилғисини етказиб бермоқда. Бухоро–Тошкент–Бишкек–Олмаота газ йўли орқали Ўзбекистондаги, шунингдек, қўшни мамлакатлардаги истеъмолчиларга газ етказиб берилади. 1997 й.дан Қоровулбозордаги Бухоро нефтни қайта ишлаш з-ди фаолият кўрсатади.

Вилоят иқтисодиётининг асосини қ.х. ташкил этади. Экин майдонларига пахта, маккажўхори, донли экинлар, шоли, сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари ва б. экилади. Боғзор, тоқзор ва тутзорлар барпо этилган. 9893 фермер хўжаликлари, хўжаликлараси корхоналар мавжуд. Жамоа ва хусусий хўжалиқларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, шунингдек, йилқи, туя боқилади. 10 ўрмончилик хўжалиги бор. Қорақўл ўрмон хўжалигида доривор ўсимликлар ҳам етиштирилади.

Вилоят ҳудудидан магистрал т.й. ўтган. Вилоят аҳамиятидаги автомобиль йўллари унинг умумий уз. 9820 км, шу жумладан, қаттиқ қопламали йўллар уз. 4655 км. Асосий автомобиль йўллари: Бухоро–Тошкент, Бухоро–Урганч–Нукус, Бухоро–Туркманобод ва Бухоро–Термиз йўналишлари. Халқаро аэропорт бор.

541 умумий таълим мактаби, 14 касб-ҳунар коллежи, 4 академик лицей, 3 олий ўқув юрти (Бухоро ун-ти, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ин-ти, Бухоро тиббиёт ин-ти) бор. Бухоро ш.да Ўзбекистон пахтачилик и.т. ин-тининг Бухоро филиали фаолият кўрсатади. Вилоятда Бухоро давлат меъморий бадий қўриқхонаси, 450 жамоат кутубхонаси, 148 клуб, 210 маданият уйи, 7 маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Бухоро ш.даги Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхонаси республикадаги нуфузли кутубхоналардан. Вилоят мусиқали драма ва комедия ҳамда вилоят қўғирчоқ театрлари фаолият кўрсатади.

Вилоят касалхонаси, 22 аёллар консултацияси, 327 қишлоқ врачлик, 41 фельдшер-акушерлик пунктлари, 28 қишлоқ участка касалхонаси бор. 17 поликлиникада жарроҳлик марказлари, 9 амбулаторияда ихтисослаштирилган даволаш марказлари ташкил этилган. 3 санаторий, жумладан, Ситорай Мохи Хоса санаторийси мавжуд. Бухоро ш.дан 25 км нарида Тўдақўл дам олиш маскани жойлашган.

Вилоят спортчилари спортнинг кураш, чим устида хоккей, волейбол, футбол, теннис, бокс ва б. турлари бўйича турли даражадаги мусобақаларда иштирок этмоқдалар. Бухорода кураш ўзбекча курашнинг муҳим бир қисми сифатида жаҳон спорт оламига танилди. Бухородан самбо бўйича жаҳон ва Европа чемпиони Собир Қурбонов, 2 марта жаҳон чемпиони Шўҳрат Хўжаев, жаҳон чемпиони Шўҳрат Очилов, Ботир Турдиев, Рауф Болтаев, Ботир Хўжаев, кураш бўйича жаҳон чемпионлари Ақобир Қурбонов, Камол Муродов, Осиё чемпиони Фарҳод Тўраев, Шўҳрат Саъдиев (юнон-рум кураши), Наримон Отаев (бокс) каби машҳур спортчилар етишиб чиққан. «Ситора» аёллар жамоаси чим устида хоккей бўйича Осиё чемпионлари кубоги соҳибидир

Бухоро вилоти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Бухоро	мил. ав. 5-а.	69,8	240,0	239,1	238,6
Ғиждувон	1972	10,0	32,0	37,1	39,3
Когон	1929	21,1	57,0	52,9	56,6
Олот	1982	—	12,0	11,8	12,6
Галаосиё	1982	—	11,0	10,3	11,4
Вобкент	1981	—	13,0	14,8	15,8
Қорақўл	1980	2,7	19,0	19,6	20,7
Қоровулбозор	1981	1,6	10,0	9,6	9,4
Газли	1977	1,5	11,0	8,9	8,2
Ромитан	1981	—	10,0	11,1	12,3
Шофиркон	1995	—	11,3	12,4	13,3

(2000). Бухоро ш.да 25000 томошабинга мўлжалланган «Бухоро» стадиони, «Семурғ» сув ҳавзаси, «Олимпия» спорт мажмуи, «Хумо» теннис корти мавжуд. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади.

Бухоро қадимдан шоир ва уламолар тўпланган йирик шаҳарлардан биридир. Унга «Куббат ул-ислом», «Бухорои шариф» унвонлари берилган. Бухорода Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий, Наршахий, Балъамийлар яшаб, ижод этган. Ибн Сино буюк қомусий олим бўлиши б-н бирга араб ва форс-тожик тилларида шеърли асарлар ёзган. Бухоролик Дақиқий Абу Мансур Муҳаммад Фирдавсийнинг устози бўлган. Абу Мансур Саолибий, Авфий Бухорий, Шарофиддин Бухорий улуг мутасаввуф шоир ва адиблардир. Темурийлар сулоласи даврида Бухорода Носир Бухорий, Исмаил Бухорий, Тоҳир Бухорий, Сайфи Бухорий ва б. шоирлар яшаб, девон тузишган. Бухоро хонлари Муҳаммад Шайбонийхон «Шайбоний», Убайдуллахон ибн Маҳмуд Султон «Убайдий», Абдуллахон II «Хон» тахаллуслари б-н шеър ва дostonлар ёзишди, девонлар тузишди.

Ҳасанхўжа Нисорий «Музақкири аҳбоб» тазкирасида 16-ада фақат Бухоронинг ўзида яшаб, ижод қилган 110 шоир ва тарихчиларнинг номларини келтиради. Бухорода машҳур шоир Сайидо Насафий (17-а.), файласуф олим Муҳаммад Шариф Бухорийлар (вафоти 1697), яшаб, ижод қилганлар. Бухорода мангитлар сулоласи даврида Мирзо Солиқ Мунший, Сўфихўжа Сўфий, Исо Маҳдум Бухорий, Муҳаммад Сиддиқ Ҳайрат, Аҳмад Дониш, Муҳаммад Олим Бухорий, Мирзо Абдулазим Сомий

«Бухоро» меҳмонхонаси.

Бўстоний каби шоир ва тарихчилар ижод қилишган. Садр Зиё (Шарифжон Маҳдум), Мирзо Сирожиддин Ҳаким, Мулла Икром (Икромча домла) ҳам уларнинг муносиби издошлари эди.

Жадид адабиётининг тамал тошини қўйганлар сафида бухоролик Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айнийлар бор. Абдуллоҳид Бурҳонов «Мунзим» тахаллуси б-н шеърлар ёзган.

Вилоятда 2 вилоят газ. («Бухоронома», «Бухарский вестник»), 11 туман газ., 1 шаҳар газ. чиқади. Вилоятда, шунингдек, 9 тармоқ газ. нашр этилади. Дастлабки радиозшиттиришлар 1922 й. дан бошланган. Бухоро вилояти радиоси ойига 30 соатлик ҳажмда эшиттиришлар беради. Вилоят телевидениеси 1993 й.дан фаолият кўрсатади. Бир ойлик кўрсатувлар вақти 30 соатдан ортади. «Истиқлол», «Арк» хусусий телевидениелари бор.

Бухоро давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси ҳисобида 997 тарихий ёдгорликлар мавжуд. Қад. ёдгорликлардан саналган Бухоро арки (мил. ав. 5-а.), Сомонийлар мақбараси (10-а.), Чашмаи Аюб мақбараси, Мағоки Аттор, Болоҳовуз, Намозгоҳ масжидлари, Пойи Калон ансамбли, Минораи Калон, Масжиди Калон ёдгорликлари, Мир Араб мадрасаси, Абдуллахон тими ва тоқилар. Лабиҳовуз ансамбли, Сайфиддин Боҳарзий (13-а.), Баёнқулихон (14-а.), Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (13-а.), Абдурахмон Вали (14-а.), Ҳазрат Мир Қуллол (14-а.), Хўжам Банди Кушод ва Хўжам Саид Пўлат (18–19-а.лар), Хожа Али Ромитаний–Хожа Азизон ва Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий (14-а.), Хожа Ориф Ревгарий–Моҳитобон (13-а.) мақбаралари, Мулла Мир Ҳаким хонақоси (16-а.), Вардонзе ш. ёдгорлиги (3–8-а.лар). Вобкент ҳаммоми (16–

17-а.лар), Тошмасжид (16–17-а.лар), Сўфидеҳқон хонақоси (17–18-а.лар), Варахша (7-а.), Пойкенд (8-а.) ш.лари харобалари, Маҳмуд Торобий даҳмаси (13-а.), Ҳазор Нур даҳмаси (8-а.), Бўзачи ва Қоровулбозор саробалари (17-а.), Когондаги Амир саройи (19–20-а.лар, ҳоз. Темирийўлчилар саройи), Қизибби мажмуаси (15-а.), Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси, Абдулазизхон хонақоси ва Даҳмаи Шоҳон (14–16-а.лар), амирнинг ёзги қароргоҳи Ситораи Мохи Хоса саройи (19–20-а.лар), Вобкент минораси (12-а.), Шобурхон ота мақбараси ва масжиди, Ҳазрат Абдуллоҳиқ Фиждувоний – Хожаи Жаҳон масжиди ва мақбараси (12-а.), Бухоро ва Фиждувондаги Улуғбек мадрасалари, Тошмасжид ва Деҳқонбобо хонақоси (15–16-а.лар), Хожа Соқрате масжиди (17-а.), Чорсу масжиди (18–19-а.лар), Чашмаи Аюб ҳазираси (1208), Чор Бакр ансамбли (16–19-а.лар), Ҳазрат Бобо масжиди (18-а.), Чор минор (19-а.) ва б. тарихий ва меъморий ёдгорликлар сақланган.

Бухоро шаҳри – Бухоро вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Майд. 0,02 минг км². Аҳолиси 265 минг киши (2006). Республиканинг жан.-ғарбида, Зарафшон дарёси бўйида жойлашган. Июлнинг ўртача т-раси 29,5°, январники 0°.

Бухоро – Шарқнинг машҳур қадимий шаҳарларидан бири. Археологик маълумотларга кўра шаҳарга мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида асос солинган. Шаҳар номи Хитой ва араб манбаларида турлича [Ан, Анси, Анго, Бухо, Бук, Бухэ, Бухуаер, Фухо, Пухуала ва Нумижкат, Навмижкат, Бумичкат (Янги қўрғон), Ал-Мадина ас-суфрийя (Мис шаҳар), Мадинат ат-тужжор (Савдогарлар шаҳри), Фоҳира (Фаҳрли шаҳар)] аталган. Бухоро атамаси санскритча «виҳара» сўзининг турк-мўғулча шакли – «бухор» («ибодатхона») дан келиб чиққан деб тахмин қилинган. Кейинги тадқиқотларда, бу атама сўғдийча «буғ» ёки «бағ» («тангри») ҳамда «оро» («жамол») сўзларидан иборат бўлиб, «тангри жамоли» маъносини англатади деган фикр мавжуд. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асаридаги маълумотлар буни тасдиқлайди.

6–8-а.лар бошида шаҳар Бухорхудотлар ҳокимлиги пойтахти эди. 709 й. Араб халифалигига қўшиб олинган, 9–10-а.ларда сомонийлар пойтахти бўлган. 999 й.дан Бухоро қорахонийлар давлати таркибида, 1220 й. уни мўғуллар босиб олган. 1370 й.дан шаҳар Амир Темур ва Темурийлар давлати, 16-а. бошидан





Пойи Калон ансамблининг умумий кўри-ниши.

Шайбонийлар (1533 й. давлат пойтахти Самарқанддан Бухорога кўчирилиши туфайли Бухоро хонлиги деб атала бошлаган) ва 1533 й. дан 1920 й.гача Бухоро хонлиги (амирлиги) маркази бўлган, сўнг Бухоро босқини натижасида шўролар томонидан босиб олинган (1920 й. 2 сент.) 1920–24 й.ларда шаҳар Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) нинг пойтахти булган.

Археологик тадқиқотлар натижасида мил.ав. 1-минг йилликда Бухоро ўрнида истеҳком (қалъа) бўлгани аниқланган. 1970-й.ларда шаҳар ҳудудини археологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида маданий қатламланиш 20 м дан ортиқ эканлиги маълум бўлди. Мир Араб мал-

Ситорайи Мохи Хоса ансамбли.



расаси яқинидаги археологик қазинишма чоғида материк қатлам устида тўқ жигарранг торф қатлами (40–70 см), унинг ичида ёввойи ва хонаки ҳайвонлар суяклари қолдиқлари ҳамда сопол идиш ва буюмлар парчалари борлиги аниқланди. Торф қатлами мадраса томон тобора қалинлашиб бориб, бино остига келганда қалинлиги 7,5 м га етган. Бу эса қадимда шаҳар ҳудудидан Зарафшон дарёси тармоқларидан бири – илк ўрта аср манбаларида қайд этилган «Руди зар» («Олтин ирмоқ»)нинг ўтганини исботлайди. Археологик тадқиқотлар кейинчалик қуриб қолган маъмур тармоқнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб бир қанча мустаҳкамланган қалъаларнинг вужудга келгани ва улар Бухоронинг энг қад. шаҳар ўзагини ташкил қилганлигини тасдиқлайди.

Археологик тадқиқотлар жараёнида Бухоро хусусидаги ёзма манбаларда кел-

тирилган маълумотлар б-н археологик топилмалар қиёсланиб, қуйидагича хулосага келинди. Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги дастлабки манзилгоҳлар жез даври (мил.ав. 2-минг йилликнинг 2-ярми) даёқ вужудга келиб, улар синчли ярим ертўлалардан иборат бўлган (қуриб қолган Моҳондарё тармоғи минтақасида олиб борилган тадқиқотлар буни тасдиқлайди); мил.ав. 6–5-а.ларда Зарафшон дарёсининг йирик тармоқлари дельталари жойлашган ерларда мустаҳкамланган манзилгоҳлар пайдо бўлган. Мил.ав. 4-а.да эса Бухоро арки қурилажак ҳудуд баланд мудофаа девори ва кенг хандақ б-н ўраб олиниб, унинг этагида учта мустаҳкамланган манзилгоҳ жойлашган (бу хил манзилгоҳлар мил.ав. 1-минг йиллик бошидан Ўрта Осиёнинг деҳқончилик қилинади-ган вилоятларга хосдир). Ушбу манзилгоҳлардан бири «Фиробдиз», иккинчиси «Навмичкат», учинчиси «Бухоро» деб аталган. Кейинчалик бу 3 манзилгоҳ ўзаро бириктирилиб ва тўхтовсиз тараққий этиб, катта шаҳарга – Бухоро воҳасининг савдо-хунармандчилик ва маъмурий марказига айланган.

Шаҳарнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги илк даврлардан бошлаб хунармандчилик тармоқлари (кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, зардўзлик, заргарлик, шишасозлик, кандакорлик, бакийи каштачилик ва ҳ.к.) ва савло-сотик ишларининг ривожланишига туртки булган.

20-а. бошида Бухорода 12 та маҳалла, 360 дан ортиқ гузар, 250 дан зиёд мал-раса, 390 масжид, қарийб 150 та карвонсарой, 350 та ҳовуз бўлган. Бухоро мадрасаларида 10 мингдан ортиқ талаба таълим олган.

1920-й.лардан бошлаб шаҳарда саноат корхоналарининг сони ва салмоғи ортиб борди. Вилоят ҳудудиди газ ва нефть конларининг топилиши шаҳарда янги саноат тармоқларини ривожлантиришга асос бўлди. Шаҳар ҳудуди ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди. Халқаро ва маҳаллий туризмни ривожлантириш ишлари йўлга қўйилди.

Вилоят саноат корхоналари ялпи маҳсулотининг ярмидан кўпроғи Бухорода ишлаб чиқарилади. Корхоналарда, асосан, маҳаллий хом ашё қайта ишланади. Айрим корхоналар газ ва нефть саноатига ҳамда қ х га хизмат қилишга ихтисослашган. Бухорода «Бухоротекс», тўқимачилик, ун тортиш, гўшт, уйсозлик к-тлари, қоракўл, пахта тозалаш, ёғ-экстракция, вино, гишт, таъмирлаш-механика э-длари, зардўзлик, пиллакашлик, пойабзал, тикувчилик ф-калари



Мир Араб мадрасаси.

ҳамда ҳунармандчилик тармоқлари ишлаб турибди. Шаҳарда 10 дан ортиқ чет мамлакатлар б-н ҳамкорликдаги қўшма корхоналар фаолият кўрсатади. «Бух-Тель» (Исроил) майонез, «Омега-Ситора» (Греция) мўйна буюмлари, «Гуфик-Авиценна» (Ҳиндистон) дори-дармон, «Мармар» (АҚШ) қурилиш материаллари ишлаб чиқаради. Бухорода Ўзбекистон пахтачилик и.т. ин-тининг филиали, боғдорчилик, ниҳолчилик тажриба хўжалиги ва «Соҳибкор» хўжаликлари жойлашган.

1986 й.дан троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Халқаро аэропорт Бухорони республика вилоятлари ва 20 дан ортиқ хорижий давлатлар б-н боғлайди.

100 дан ортиқ тарихий меъморий ёдгорликлар: Бухоро арки; Исмоил Сомоний, Чашмаи Аюб мақбаралари; Мағоки Аттори, Намозгоҳ, Масжиди калон, Болоҳовуз масжидлари; Пойи калон, Лабиҳовуз, Чор Минор, Ситораи Мохи Хоса ансамбллари; Қалъа-девор қолдиқлари, Минораи калон минораси, тим ва тоқилар, Мир Араб, Улугбек мадрасалари ва б. сақланган.

Бухоро йирик илм, маърифат ва маънавият марказларидан. 1996 й. мартдан Ўзбекистон ФА Самарқанд бўлимининг Бухоро минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда. 3 олий ўқув юрти (Бухоро давлат ун-ти, озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ин-ти, тиббиёт ин-ти), 8 касб-ҳунар коллежи, 4 академик лицей, тарих фанига ихтисослашган мактаб, 48 умумий таълим мактаби, 28 жамоат кутубхонаси, Бухоро давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси, 2 театр мавжуд. 1992 й.дан «Бухоро оқшоми» газ. чиқади.

1997 й.нинг октябрида Бухоронинг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди.

Бухоро тумани. Бухоро вилоятининг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 1,32

1 км² га 90 киши тўғри келади (2006). Бухоро туманида 1 шаҳар (Галаосиё), 14 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Галаосиё ш.

Туман ер юзаси пасттекисликдан иборат. Худудидан Ўртаҷул яйлови бор. Иқлими континентал иқлим. Туман худудидан Шоҳруд канали ва Аму-Бухоро машина каналининг шим.-ғарбий тармоғи ўтади.

Туман хўжалигининг асосий тармоқлари—пахтачилик, шунингдек, чорвачилик, ипакчилик, сабзавотчилик ривожланган. Экин майдонларига пахта, дон, сабзавот ва полиз экинлари экилади. Боғзорлар ва тоқзорлар барпо этилган. Тутзорлар, ўрмонзорлар бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қорақўл қўйлар боқилади. «Тошкент-Коттон» чайшаб ва ички кийимлар и.ч. қўшма корхонаси, 269 фермер хўжалиги, узумни қайта ишлаш, «Шифо» маҳаллий минерал сув корхоналари бор. Жарқоқ конидан газ олинади ва нефть қазиб олинади. Ҳунармандчилик ҳам ривожланган. Туман худудидан т. й. ўтган.

52 умумий таълим мактаби, 2 иқтидорли болалар лицейи, 43 жамоат ва болалар кутубхоналари, 4 клуб, маданият уйи, касалхона, меъда-ичак ва жигар хасталикларини даволаш санаторийси, қишлоқ амбулаторияси бор. 1951 й.дан «Галаосиё овози» туман газ. чиқади.

Вобкент тумани. Бухоро вилоятининг шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,29 минг км². Аҳолиси 107,9 минг киши, асосан, ўзбеклар; шунингдек, тожик, рус, озарбайжон, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 372 киши тўғри келади (2006). Туманда 1 шаҳар (Вобкент), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Вобкент ш.

Туман худуди чўл б-н воҳа орасидаги текисликда жойлашган. Иқлими континентал. Туман худудидан Зарафшон да-

рёси оқиб ўтади ва Аму-Бухоро машина канали бор.

Туман хўжалигининг асосини қ.ҳ. ташкил этади. Қ.ҳ.нинг асосий тармоғи—пахтачилик. Шунингдек, ғалла, сабзавот, маккажўхори экилади. Ижара хўжаликлари, паррандачилик ф.-каси, хўжаликларо бўрдоқчилик корхонаси, саноат и.ч. корхоналари, 10 қурилиш корхонаси, 3 автокорхона, 300 дан зиёд тадбиркорлик б-н шугулланувчи корхона, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Чорвачиликда қорамол, қўй ва эчки боқилади. Туман худудидан Тошкент—Бухоро—Урганч—Нукус автомобиль магистрал йўли ўтган. 46 умумий таълим, 1 музыка мактаби, 2 иқтидорли болалар лицейи, бизнес мактаби, касб-ҳунар мактаби, 50 дан зиёд жамоат ва болалар кутубхоналари, 18 клуб бор. Касалхона, 16 врачлик амбулаторияси, 29 қишлоқ-врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Вобкент минораси, Чашмаи Аюб хазираси (1208—12), Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (13-а.), Абдураҳмон Вали (14-а.) мақбаралари, Вобкент ҳаммоми (16—17-аллар), Сўфидеҳқон хонақоси (17—18-аллар), Пирмаст қишлоғида Тошмачит ва б. тарихий обидалар мавжуд. 1933 й.дан «Вобкент ҳаёти» туман газ. чиқади.

Жондор тумани. Бухоро воҳаси чўл зонасида, вилоятнинг марказий қисмида, Зарафшон дарёси қуйи оқимининг шим.-ғарбида жойлашган. 1935 й. 17 янв.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.дан Бухоро ва Ромитан туманлари таркибидан бўлган, 1967 й. 9 янв.да қайта тузилган). Майд. 5,17 минг км². Аҳолиси 129,2 минг киши бўлиб асосан, ўзбеклардан иборат, шунингдек, рус, тожик, қozoқ, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 24,9 киши тўғри келади (2006). Туманда 1 шаҳарча (Жондор), 13 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Жондор шаҳарчаси.

Туман рельефи, асосан, текислик. Қисман ботқoқ ва шўрхоқлар ҳам бор. Худудининг қолган қисми чўл яйловларидан иборат. Алоҳида дўнгликлар (Учбош, Шўрқудуқ) учрайди. Иқлими кескин континентал, чўл иқлими, баъзан, гармсел эсиб туради. Туман худудидаги обикор ерлар дастлаб Зарафшон дарёсидан сугорилган. Аму-Бухоро машина каналининг, айниқса, Жондор тармоғининг ишга туширилиши туфайли, ҳоз. кунда Амударё суви б-н таъминланади.

Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти туман марказида жойлашган. Пласт-

масса, вино, консерва 3-длари, нон, сут к-глари, Бухоро пахта тозалаш 3-дининг филиали, «Хадан» (Ўзбекистон-Хитой) қўшма корхонаси мавжуд.

Қ.х.— етакчи тармоқ, асосан, пахта экилади. Чорвачилик, полизчилик, пиллачилик ҳам ривожланган. Туманда ижара, деҳқон. фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Суғориладиган ерларга дон, картошка, полиз, сабзавот, техника, озуқа экинлари экилади. Чорвачилиги гўшт-сут ва жун-тери етиштиришга ихтисослашган. Жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. 66,4 минг га майдондаги ўрмон хўжалигида кўчат етиштириш йўлга қўйилган. Токзор ва мевазорлар бор.

52 умумий таълим мактаби, касб-хунар коллежлари, лицей, санаторий-интернат, мусиқа мактаби, иқтисодли болалар интернати, 42 кутубхона, 14 маданият уйи, 2 музей бор. Туман марказий касалхонаси, 20 қишлоқ врачлик пункти, 12 қишлоқ врачлик амбулаторияси, поликлиника ва 23 фельдшер-акушерлик пункти аҳолига хизмат қилмоқда. Худудидан Бухоро-Туркманбод халқаро автомагистрალი ўтади.

Жондор туманида 4 та тарихий обида: Маҳмуд Торобий даҳмаси (13-а.), Варахша ш. харобалари (7-а.), Шаҳри Ислом қалъаси, Қизибиди меъморий мажмуаси (16 а.) сақланган. 1935 й.дан «Жондор овози» туман газ. чиқарилади.

Когон тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,50 минг км². Аҳолиси 57,4 минг киши бўлиб, асосан, ўзбеклардан иборат, шунингдек, туркман, тожик, қozoқ, рус, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли зичлиги 1 км² га ўртача 114,8 киши (2006). Туманда 1 шаҳар (Когон), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Когон ш.

Олот шаҳридаги супермаркет.



Туман рельефи текисликдан иборат. Ер юзасининг ўртача бал. 222 м. Иқлими континентал. Туман Аму-Бухоро машина канали орқали сув б-н таъминланади. Куйимозор сув омборидан бошланган каналнинг бир қисми туман худудини жан.дан кесиб ўтади.

Пахта тозалаш, ёғ, гишт 3-длари, паррандачилик ф-каси, 2 автокорхона мавжуд. Куйимозорда йиғма-темир бетон 3-ди ишлаб турибди. Қ.х. маҳсулотларини қайта ишлайдиган агросаноат тармоқлари, 153 хусусий фирма ва корхона фаолият кўрсатади. Саноат корхоналарининг аксар қисми Когон ш.да жойлашган.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи—пахтачилик. Экин майдонларига доғли экинлар, сабзавот, озуқа экинлари экилади. Боғлар барпо этилган. Фермер, деҳқон ва пайчилик хўжаликлари бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Асаларичилик б-н ҳам шуғулланилади.

Туман худудидан (Когон ш. орқали) халқаро т.й. уттан. Автомобиль транспорти туманни Бухоро ш. ҳамда қушни туман марказлари ва б. шаҳарлар б-н боғлайди. 22 умумий таълим мактаби, гимназия, 7 маданият уйи, 20 жамоат кутубхонаси, 28 спорт иншооти, касалхона, амбулатория, поликлиникалар мавжуд. Тарихий-меъморий ёдгорликлардан Когон ш. даги тарихий обидалар, Янгиҳаёт қишлоғидаги Ҳазрат Мир Кулол, Қасри Орифон (Нақшбанд) қишлоғидаги Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуалари (14-а.), Абдулазизхон хонақоси ва Даҳмаи Шоҳон (16-а.) мақбараси сақланган. «Меҳнат байроғи» туман газ. чоп этилади.

Олот тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1943 й. 14 фев. да ташкил этилган (1960—73 ва 1983—89 й.ларда Қорақўл тумани таркибида бўлган). Майд. 3,22 минг км². Аҳолиси 76,9 минг киши, асосан, ўзбеклардан иборат, шунингдек, туркман, қozoқ, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача 1 км² га 23,9 киши туғри келади (2006). Туманда 1 шаҳар (Олот), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Олот ш.

Туман худуди Зарафшон дарёсининг энг қуйи қисмидаги текисликда жойлашган. Денгизқўл ботиғи (160 м) ва Денгизқўл платоси ўртасида баландликлар бор (Жиллиқоя —302 м, Сомонтепа—280 м). Туманнинг 10% га яқин майдони ўзлаштирилган воҳадан иборат, қолган

қисми қумли, гипсли, гилли, шўрхоқ чўллاردир. Иқлими кескин континентал. 100 га яқин қолдиқ қўл (Денгизқўл, Сомонқўл, Қоронғиқўл, Шўрқўл, Хўжамсаёд, Қараганжида ва б.) бор. Туман худуди орқали Аму-Бухоро, Аму-Қорақўл каналлари ўтади. Фойдали қазилмалардан Ўртабулоқ ва Олотда табиий газ, қолдиқ қўлларда туз, қурилиш материаллари захираси катта. 1971 й.да туман худудида Қорақўл қуриқхонаси ташкил этилди.

Туманда 8 йирик саноат корхонаси мавжуд. Ўзбекистон—Швейцария—Германия қўшма корхонасида пахта ҳам ашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Хунармандчилик тармоқлари бор. 2 автокорхона ишлаб турибди. Туман хўжалиги, асосан, пахтачилик, галлачилик, ва чорвачиликка ихтисослашган. Пиллачилик, сабзавотчилик, полизчилик ҳам ривожланган. Фермер хўжаликлари, шунингдек, ўрмон хўжалиги, қўйчилик хўжаликлари фаолият кўрсатади. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Туман маркази Ўрта Осиё т.й. тармоқлари б-н боғланган. Бухоро—Олот йўналишида поезд қатнайди.

35 умумий таълим мактаби, Олот қ.х. касб-хунар коллежи, музей, 38 кутубхона, 19 клуб, маданият ва истироҳат боғи бор. Туман марказий касалхонаси, фельдшер-акушерлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. 1954 й.дан «Олот ҳаёти» туман газ. чоп этилади.

Пешку тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1950 й. 15 апр.да ташкил этилган (1959 й. 19 апр.да Вобкент тумани таркибига киритилган, 1978 й. 5 апр.да қайтадан тузилган. 1988 й. 5 сент.да Ромитан тумани б-н бирлаштирилган, 1989 й. 17 майдан яна алоҳида туман мақомига эга бўлди). Маҳаллий топонимистларнинг фикрича туман номи («пешку») аслида «пеши қуй»—«Катта йўл устидаги жой» маъносини билдиради ва шу номдаги қишлоққа нисбатан ишлатилган. Кейинчалик туман ҳам шу ном б-н аталган. Бу атаманнинг «пеши қўх» —«олдиндаги тоғ» варианты ҳам бор.

Туман худуди шим.-ғарб йўналиши бўйлаб виллоятнинг энг шим. чеккасига-ча 250 км масофага чўзилган. Майд. 8,72 минг км². Аҳолиси 90,9 минг киши, асосий қисмини ўзбеклар ташкил этади, шунингдек, тожик, турк, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 10,4 киши (2006). Туманда 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Янгибозор қишлоғи.

Туман ҳудуди, асосан, текисликдан иборат. Фақат, Қулжуктовга туташ ерларида рельефи бир оз мураккаб ва бу ердаги паст тоғларнинг бал. 785 м га етади. Иқлими субтропик белгиларга эга бўлган кескин континентал чўл иқлими. Туман чўл зонасида жойлашган, донмий оқар сувлар йўқ. Экинзорлар Аму-Бухоро машина каналининг шим.-ғарбий тармоғидан сугорилади. Туман ҳудудидан қўшни туманларга қириб келадиган оқова сувлар Шим.-ғарбий коллектор орқали сув бўйида яшовчи қушларнинг йирик маскани бўлган Қорақир кўлига оқизилади. Қорақир ташлама кўли ва кўл соҳили, сув бўйи қушлари ва нодир ҳайвонларни қўриқлаш мақсадида, буюртма ҳудуд деб эълон қилинган.

Саноат корхоналари фаолияти қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш б-н боғлиқ. Пахта тозалаш з-ди, автокорхона, 427 кичик, 2 кооператив, 1 хўжалиқлар-аро корхона бор.

Туманда пахтачилик, ғаллачилик, сабзавот ва полизчилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. Ўрмончилик, ипакчилик йўлга қўйилган. Деҳқон-фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатади. Сугориладиган ерларга пахта, дон, полиз, сабзавот, картошка, озуқа ва б.экинлар экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжалиқларида қорамол, қўй, туя, эчки боқилади.

46 умумий таълим мактаби, 2 касб-хунар коллежи ишлаб турибди. 32 кутубхона. Афшона қишлоғида Абу Али ибн Сино музейи бор. Туман марказий касалхонаси ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Хўжам Банди Кушод ва Хўжам Саид Пўлат мақбаралари (18–19-а.лар) сақланган. 1979 й.дан «Пешку овози» туман газ. чоп этилади.

Баҳоуддин мажмуаси.

Ромитан тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 1,29 минг км². Аҳолиси 109,5 минг киши, асосан, ўзбеклар. Шунингдек, тожик, қozoқ, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 84,9 киши (2006). Туманда 2 шаҳар (Ромитан, Газли), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Ромитан ш.

Туман ҳудудининг рельефи, асосан, текисликдан иборат. Шим.-ғарбий қисми Амударё б-н чегарадош. Тўртдан уч қисми Қизилқум чўли б-н банд, шим. қисмида Қулжуктов этаклари, жан.да Зарафшон дарёси қўйи этаклари ўрнашган. Чўл зонасидаги ясси текисликлар бағрида тепалар (Жағастепа–226 м, Норттепа–191 м) мавжуд. Аксарият майдонлар қумли, гипсли чўл яйловлари б-н банд. Иқлими кескин континентал. Жан.дан Зарафшон дарёсининг ирмоқлари оқиб ўтади. Аму-Бухоро машина канали туманнинг асосий сув манбаидир.

Газ саноати (Газли), пахта тозалаш з-ди, автокорхоналар, МТПлар мавжуд. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, хунармандчилик тармоқлари бор.

Туман қ.х.да пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик этакчилик қилади. Чорвачиликда қорамолчилик, қорақўлчилик, паррандачилик, туячилик, балиқчилик йўлга қўйилган, пиллачилик ҳам ривожланган. 858 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Туман жамоа ва хусусий хўжалиқларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи, туя боқилади. Сугориладиган ерларга пахта, ғалла, картошка, сабзавот ва полиз экинлари экилади. 1300 га майдонда мевазор ва тоқзорлар бор. Яйловлар қарийб 254,9 минг га майдонни эгаллайди.

45 умумий таълим мактаби (шу жумладан, 2 иқтидорли болалар интернат мактаби), лицей, 3 касб-хунар коллежи, 41 кутубхона, маданият уйи, тарих ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади. Туман марказий касалхонаси, 5 поликлиника, ташхис маркази, 3 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 25 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалар

аҳолига хизмат кўрсатади. Туман марказидан қўшни туманларга автобуслар қатнайди. Туман ҳудудида Хожа Али Ромитаний (Хожаи Азизон) ва Хожа Муҳаммад Бобойи Сомосий мақбаралари (14-а.), Мулла Мир Ҳаким хонақоси сақланиб қолган. 1934 й.дан «Ромитаннома» туман газ. чиқади.

Шофиркон тумани. Вилоятнинг шим.да жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 3,72 минг км². Аҳолиси 138,4 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қozoқ, рус, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 37,2 киши (2006). Туманда 1 шаҳар (Шофиркон), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Шофиркон ш.

Туман ҳудуди, асосан, текислик ва қум барханларидан иборат. Шим. қисми Қулжуктов этаклари (Гужумди тоғи) ва Қизилқум (Жилвон ва Толди массивлари)га туташган. Жан. қисми Зарафшон водийсидаги сугориладиган ерлар. Иқлими кескин континентал. Тумандаги экин майдонлари Аму-Бухоро канали, Катта Жилвон, Султонобод ва Кўҳнаруд (Шопуркон) ариқларидан сугорилади. Вардонзе давлат табиат ёдгорлиги ташкил қилинган.

Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Пахта тозалаш, гишт, вино з-длари, Бухоро пиллакашлик ф-касининг филиали, гилам тўқиш ф-каси, Ўзбекистон–Туркия «Вардонзе» қўшма корхонаси, 22 кичик, 400 га яқин хусусий, 13 ширкат корхоналари, 8 акциядорлик жамияти мавжуд.

Қ.х.нинг этакчи тармоғи – пахтачилик. Фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатади. Сугориладиган ерларга пахта, ғалла, сабзавот ва полиз, картошка, беда экилади. 1,3 минг га ер тоқзор ва мевазор. Ўрмон хўжалиги мавжуд. Туман жамоа ва хусусий хўжалиқларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи, яйловларда қорақўл қўйлар боқилади.

54 умумий таълим мактаби, 4 та йўналтирилган мактаб, 2 интернат мактаби, 3 касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади. 9 клуб, 13 маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, 62 кутубхона, марказий стадион, ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси ва унинг бўлимлари, 4 поликлиника, 22 дорихона, 37 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Сил касалликлари санаторийси, «Мингчинор» болалар оромгоҳи бор. Шофиркон ш.дан Бухоро, Ғиждувон, Навоий, Самарқанд, Тошкент ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди. Туман ҳудудида Вардонзе





қургони (3–8 алар), Хожа Ориф Моҳитобон (Ревгарий) мақбараси ва Жоме масжиди (13-а.), Тошмасжид (13-а.), Ҳазор Нур қаламжоси (8–9-алар) бор. 1932 й дан «Шофиркон овози» газ. чиқарилади.

Қоракўл тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 10,7 минг км². Аҳолиси 126,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, татар, рус, қozoқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 11,8 киши (2006). Туманда 1 шаҳар (Қоракўл), 16 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Қоракўл ш.

Туман ҳудуди Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида, вилоятнинг жан.даги Қоракўл воҳасида жойлашган. Шарқий қисми 200–300 м дан баланд бўлмаган қирлар, шим. ва шим.-ғарбий қисми Қизилқум чўли, Қоракўл ва Моҳонқўл воҳалари б-н банд. Ботиқларда шўрхоқлар, тузли массивлар (Замонтов) бор, ғарбий қисмини тақирлар, қум тепалар ва барханлар эгаллаган. Иқлими кескин континентал. Ёввойи ҳайвонлар муҳофа-

Шофиркон тумани. Хожа Ориф Моҳитобон жоме масжиди.

за қилинадиган қуриқона ташкил қилинган. Экин майдонлари Аму–Қоракўл машина насос ст-ясидан суғорилади. Зарафшон дарёсининг қуйи оқими – Қоракўлдарё, асо-

сан, зовур-ер ости сувларини оқизувчи коллектор вазифасини бажаради. Фойдали қазилмалардан гил, кумтош, шағал, туз, нефть ва газ бор.

Туманда пахта тозалаш, гишт 3-длари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, нефть базаси, маҳаллий саноат корхоналари, деҳқон бозори ишлаб турибди. Кичик, ўрта ва йирик бизнес корхоналари, микрофирмалар, қушма корхоналар фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосий тармоғи пахтачилик, галлачилик, чорвачилик, полизчилик. Пиллачилик ҳам ривожланган. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Суғориладиган майдонларга пахта, галла, картошка, сабзавот ва полиз, озуқа экинлари экилади. Мевазор, тоқзор, тутзорлар бор. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қуй ва эчки, парранда, шунингдек, туя боқилади.

40 дан зиёд умумий таълим мактаби, болалар мусиқа мактаби, касб-ҳунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, қишлоқ врачлик, фельдшер-акушерлик пунктлари, амбулаториялар, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудуди орқали халқаро т.й. ва автомобиль йўллари ўтган. Туман

маркази б-н қишлоқлар ўртасида ҳамда Бухоро ва Қоракўл ш.лари ўртасида автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Пойкенд ш. харобалари (8-а.), Шобурҳон ота мақбараси ва масжиди сақланган. 1931 й.дан «Қоракўлтекс садоси» туман газ. нашр этилади.

Қоровулбозор тумани. Вилоятнинг жан.да жойлашган. 1993 й. 12 янв.да ташкил этилган. Майд. 2,2 минг км². Аҳолиси 13,7 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, рус, туркман, татар, озарбайжон, арман, белорус, ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 6,2 киши (2006). Туманда 1 шаҳар (Қоровулбозор), 3 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Қоровулбозор ш.

Туман рельефи, асосан, текислик. Адир, қир ва кумли чўл, барханлар, тақир, шўрхоқлар бор. Ҳудудида ташлама сувлардан Девхона, Халича кўллари ҳосил бўлган. Саритош, Жарқoқ, Сеталантепа каби тектоник кичик бурмаларда газ ва нефть захиралари, қурилиш материаллари (гипс, oҳактош ва б.) бор. Иқлими субтропик белгили чўл иқлими. Тумандаги хўжаликлар ерлари Аму-Бухоро машина каналидан сув олади-ган Дўстлик ва Қоровулбозор магистрал каналларидан суғорилади.

Туман саноатининг ривожланиши Сеталантепа, Саритош, Ўртабўлоқ, Кўкдумалоқ каби газ ва нефть конларининг очилиши б-н боғлиқ. Бухоро нефтни қайта ишлаш 3-ди, техник жиҳозларни йиғиш ва бутлаш бошқармаси, 2 автокорхона, қурилиш корхоналари, бир қанча акциядорлик жамиятлари, МТП, нефть қуйиш тармоғи, деҳқон бозори, новвойхоналар бор. 6,4 минг тектар майдонда «Қоровулбозор» ўрмон хўжалиги мавжуд. Бу ерда 20 хилга яқин мевали, манзарали ва ёғочбоп дарахтлар ўстирилади. Суғориладиган ерларга, пахта, дон, шунингдек, сабзавот, полиз экинлари экилади. Боғлар бор. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қуй ва эчки, парранда боқилади. Қоракўл териси тайёрланади.

7 умумий таълим мактаби, болалар мусиқа, спорт мактаблари, бизнес мактаби, касб-ҳунар коллежи, маданият саройи, маданият уйи, 2 клуб муассасаси, 4 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, ёшлар маркази мажмуи, «Гўзал» спорт соғломлаштириш мажмуи, марказий стадион, теннис корти, «Дельфин» сузиш ҳавзаси ва б. спорт иншоотлари ишлаб турибди. Туман марказий касалхонаси, марказий поликлиника, 3 қишлоқ врачлик пункти, 2 фельдшер-



«Қоракўл» акциядорлик жамияти маҳсулотлари.

акушерлик пункти, тез тиббий ёрдам пункти, 15 соғломлаштириш пункти, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар, «Лола» болалар санаторийси бор.

Туман ҳудудидан ўтган т.й. орқали Когон, Қарши, Китоб, Ғуздор, Термиз йўналишларида йўловчилар ташувчи поездлар қатнайди. Тумандаги автомобиль йўллар уз. 88 км, шу жумладан халқаро аҳамиятдагиси 53 км. Бухоро – Қарши автомобиль магистралаи ўтган. Меъморий ёдгорликлардан Қоровулбозор ва Бўзачидаги қад. сардобалар (16-а.) сақланган. 1993 йдан «Қоровулбозор тонги» туман газ. нашр этилади.

Ғиждувон тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий чеккасида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 3,94 минг км². Аҳолиси 243 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қозоқ, украин, татар, бошқирд, туркман, арман, озарбайжон, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 61,6 киши (2006). Туманда 1 шаҳар (Ғиждувон), 1 шаҳарча (Зафаробод), 14 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Ғиждувон ш.

Туман ҳудудининг ер юзаси ғарбга пасайиб борувчи текисликдан иборат. Шим. катта қисмини Қизилқум чўли эгаллаган. Шим. ва шим.-шарқда Қоратоғ тизмасининг ғарбий чеккалари жойлашган. Шўркўл сув омбори атрофи тўлқинсимон плато, қирлардан, Зафаробод шаҳарчаси чеккалари емирилган паст тоғлардан иборат. Энг баланд жойлари 485 – 505 м (Кўкча тоғида). Туманнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган Оёқоғитма берк ботиғи энг паст жой (-133 м) бўлиб, унинг марказий қисми ташлама сувлардан ҳосил бўлган Оёқоғитма кўлидан иборат. Иқлими субтропикентал чўл иқлими. Хужаликлари Зарафшон дарёсидан чиққан Султонобод, Жилвон, Қалқонруд, Пирмаст ариқлари, Аму-Бухоро машина канали системасидаги тармоқлар орқали сув б-н таъминланади. Шўркўл канали ўтказилиши туфайли Қутчи, Жилвон мавзеларида янги ерлар ўзлаштирилди.



Ғиждувон тумани. Спорт саройи.

Пахта тозалаш, пиво ва яхна ичимликлари, мева-сабзавот консерва э-длари, «Бухоротекс» тўқимачилик корхонаси, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, МТП, гилам тўқиш, пойабзал ф-калари, миллий кулолчилик, қандолатпазлик, нон цехлари, деҳқон бозори, маданий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Ҳунармандчилик (бешиксозлик, кулолчилик, темирчилик, каштачилик, заргарлик, кулчапазлик, ҳолавапазлик ва б.) ривожланган.

Қ.х.да пахтачилик ва ғаллачилик асосий урин тутади, чорвачилик, сабзавотчилик тармоқлари ҳам муҳимдир. Суғориладиган ерларга пахта, дон, озуқа экинлари, картошка, сабзавот экинлари экилади. Ғиждувон ўрмон хўжалиги (майд. 28,5 минг га) ташкил қилинган. Мевали боғ, бодомзор, тоқзорлар, плантациялар бор. Қолган ерлари – яйлов. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

66 умумий таълим мактаби, лицей, 5 касб-ҳунар коллежи ва ўқув муассасалари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 55 та тармоғи, 21 клуб муассасаси, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, музейлар бор. 35 спорт иншооти (шу жумладан, 5 стадион, 2 спорт саройи, теннис корти, спорт заллари ва б.) мавжуд. 3 касалхона, 2 поликлиника, стоматология поликлиникаси, 4 худудий поликлиника, қишлоқ врачлик амбулаторияси, 50 қишлоқ врачлик, 15 фельдшер-акушерлик пунктлари, 2 диспансер, аёллар консультацияси, дорихоналар, 2 соғломлаштириш маскани аҳолига хизмат кўрсатади.

Тошкент–Бухоро–Туркманобод халқаро автомобиль йўли туман ҳудудидан ўтган. Ғиждувондан Тошкент, Самарқанд, Навоий, Зарафшон, Бухоро ва вилоятнинг бошқа шаҳарларига автобуслар қатнайди.

Меъморий ёдгорликлардан Абдуллоҳиқ Ғиждувоний масжиди ва мақбараси (12-а.), Улугбек мадрасаси (1432–33), Тошмасжид ва Деҳқонобод хонақоси (15–16-а.лар), Хожа Соқтар масжиди (17-а.), Чорсу масжиди ва б. сақланиб қолган. 1931 йдан «Ғиждувон ҳаёти» туман газ. чоп этилади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Республиканинг марказий қисмида жойлашган. 1973 й. 28 дек.да ташкил этилган. Майд. 21,2 минг км². Аҳолиси 1043,3 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, татар, турк, украин, немис, эроний, арман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 49,4 киши (2005). Вилоятда 12 қишлоқ тумани, 7 шаҳар, 8 шаҳарча, 95 қишлоқ фуқаролари йиғини бор (2005). Маркази – Жиззах ш.

Рельефи тоғлик, қир ва текисликлардан иборат. Жан. қисмини Туркистон тизмасининг тармоқлари (Молғузлар тизмаси), ғарбини Нурота тизмасининг шарқий қисми эгаллаган. Шим., шим.-ғарбий ва шарқий қисми (Мирзачўл ва Қизилқум чўлининг жан.-шарқи) текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси –1° дан –4° гача, июлники 28°. Тоғ олдиларида иқлим чўл ва даштларга нисбатан юмшоқ. Йиллик ёғин вилоят жан.да 400–500 мм, шим.да 250–300 мм. Вегетация даври 210–240 кун. Энг йирик дарёлари – Санғзор, Зоминсув. Тоғлардан оқиб тушувчи сой кўп. Экинларни суғориш учун Туятортар канали, 1- ва 2-Жан. Мирзачўл каналлари; Жиззах, Зомин, Қоровултепа, Арнасой сув омборлари қурилган. Арнасой, Айдаркўл ва Тузкон кўлларида балиқчиликда фойдаланилади. Тоғ ён бағирларида ёввойи жийда, арча, бодом, ёнғоқ, наъматак, зира, ровоқ, зирк кабилар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан оқ тирноқли айиқ, чиябури, тулки, қуён, қобон, бўрсик, жайра учрайди; бургут, лочин, қора турна, булдурак, тувалоқ, тустовуқ, қирғовул, ёввойи ўрдак, қалқик каби қушларнинг 150 дан ортиқ тури мавжуд. Вилоятда Зомин халқ боғи, Зомин ва Нурота давлат қўриқхоналари ташкил қилинган.

Таркибида темир, олтингургут, водород, радий, кремний кислотаси, қарбон вази, ишқор бўлган шифобахш минерал сувлар бор. Ғаллаорид, Фориш, Мирзачўл туманларида бальнеологик санаторийлар ишлаб турибди. Сульфатхлорид натрийли Чимкўрғон балчиғидан физиотерапия ва даволаш-профилактика муассасаларида фойдаланилади. Фойдали қазилмалардан олтин, кумуш, вольфрам, қўрғошин, рух, темир, молибден, мрамор, волластонит, базальт, гранит, корунд, оҳак бор. Даштбод қурилиш материаллари, Зомин оникс, Бахмал мрамор, гишт э-длари, Даштбод, Дўстлик ун к-лари, Жиззах ме-

Жиззах вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Жиззах	10-а.	15,7	115,0	128,9	136,5
Даштобод	1974	19,0	16,0	20,2	23,9
Ғаллаорол	1973	—	16,0	21,4	23,0
Маржонбулоқ	1980	—	4,0	3,6	5,2
Дўстлик	1983	—	12,0	16,0	16,6
Ғагарин	1974	—	24,0	19,1	17,3
Пахтакор	1974	—	18,0	18,2	19,2

бель ф-қаси ишлаб турибди. Маржонбулоқ олтин кони, Қуйтошдаги оҳак, волластонит, вольфрам, Кўтармада оҳак, Учқулочда қўрғошин конлари фаолият кўрсатади. Вилоятда 19000 га яқин кичик ва хусусий корхона ҳамда микрофирмалар мавжуд. «Жибри» (Ўзбекистон—Буюк Британия), «Кумуш тола» (Ўзбекистон—Тожикистон), «Пахта-интернейшнл» (Ўзбекистон—Сурия), «Бахмалшароб» (Ўзбекистон—Польша), «Иржар-текстиль» (Ўзбекистон—Покистон), «Мадина» (Ўзбекистон—Хитой), «Жиззах—Телеком» (Ўзбекистон—Индонезия), «Волластонит» (Ўзбекистон—Россия), «Восток ЛТД», «Белогорск», «Узэксайд», «Зилолатекс» қўшма корхоналарининг хиссаси муҳимдир.

Вилоят қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик, боғдорчилик ҳам ривожланган, пиллачилик салмоқли ўрин тутади. Картошка, полиз, узум етиштириш б-н ҳам шуғулланилади. Боғзор, тоқзорлар барпо этилган. Тутзор, кўчатзор, ўрмонзорлар бор. Яйлов ва пичанзорлардан чорва боқишда фойдаланилади. Экин майдонларига пахта, дон, сабзавот-полиз, ем-хашак экинлари экилади.

11830 га яқин фермер хўжалиги мавжуд. Вилоятдаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, шунингдек, йилқи боқилади.

Амир Темур дарвозаси.



Т.й. асосий транспорт турларидан. Автомобиль йўллари ҳам салмоқли ўрин тутади. Ҳаво йўллари Жиззах ш.ни Тошкент ш. ва б. вилоят марказлари, шунингдек, Кавказ, Крим б-н боғлайди. Жиззах ш. кўчаларида троллейбус қатнови йўлга қўйилган.

Вилоятда 530 умумий таълим мактаби, гимназиялар, мусиқа ва спорт мактаблари, 32 касб-ҳунар коллежи, 2 академик лицейи фаолият кўрсатади. 2 олий ўқув юрти (Жиззах Давлат педагогика ва Жиззах политехника ин-тлари), Ўзбекистон ғаллачилик тадқиқот ин-ти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий маркази ишлаб турибди.

5 музей (Жиззах вилоят ўлкашунослик музейи, Шароф Рашидов музейи, Зомин тарихи музейи, Ҳамид Олимжон музейи, меҳнат қаҳрамони Х. Носиров музейи), 289 жамоат кутубхонаси, 126 клуб, 12 марказий, 85 маданият уйи, 77 бадий ҳаваскорлик, 54 фольклор-этнографик жамоалар, 12 мақомчилар гуруҳи, 60 хореографик рақс дасталари, вокал ва эстрада гуруҳлари фаолият кўрсатади. 3 театр (вилоят мусиқали драма, кўғирчоқ театрлари, Ғагарин ш.даги қозоқ миллий театри) бор.

Вилоятда 5 маданият ва истироҳат боғи, 2 болалар боғи, «Сангзор кўли» истироҳат боғи, Х.Олимжон номидаги шоирлар боғи, «Ўрда» оромгоҳи, Жиззах, Зомин, Ғаллаорол, Пахтакор ш.ларида Хотира боғлари, «Маънавият ва

маърифат», «Саломатлик ва гўзаллик», маҳалла ва ёшлар марказлари, «Истиқлол» ёшлар форуми, Бахт уйлари аҳолига хизмат кўрсатади.

67 касалхона, 47 та ҳудудий ва 13 марказий касалхона, даволаш маркази, 16 махсус диспансер бор. Вилоят шошилинч тиббий ёрдам, оналар ва болаларни муҳофаза қилиш илмий маркази, реабилитация маркази, марказий болалар шифохонаси, вилоят туғруқхонаси, ўсмирлар диспансери, 34 та хусусий шифохона, 170 дорихона, 7 та фитобар, санаторий ишлаб турибди.

Вилоятда спортнинг кураш, бокс, мотопойга, енгил атлетика, каратэ турлари бўйича республика ва халқаро мусобақалар утказилади. 2001 й.да Жиззахда «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бўлиб ўтди. 28 стадион, 2 сув спорти саройи, 18 теннис корти, 136 спорт зали мавжуд. Жиззах ш.да Олимпия заҳиралари коллежи фаолият кўрсатади. Вилоят ёш спортчилари орасида бокс бўйича Осиё чемпиони Лазизбек Зокиров, бир неча йиллардан буён шахмат бўйича халқаро мусобақалар совриндори, республика чемпиони, ўқувчи Юлдуз Ҳамроқулова, ўсмирлар орасида жаҳон чемпиони Олим Равшановлар бор.

Жиззахда ўрта асрларда шайх Абулҳасан Харақоний (950—1034), шайх Абу Али Фаюмардий (1084), Абу Талха ибн Наср ибн Жундабек ал-Усрушоний, Поянда Заминий, Соки Заминий каби ислом маърифати ва фикҳ илмига ҳисса қўшган алломалар яшаб ўтган. Кейинроқ 19—20-а.ларда Махмур Коризий, Убайдуллоҳ Аламқаш, Нарзулло Нарзий, Иномхон Махжур, Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов сингари ижодкорлар бой адабий мерос қолдирган.

2 вилоят газ. («Жиззах ҳақиқати», «Джизакская правда»), туман ва шаҳар газлари чиқади, шунингдек, тармоқ газлари, журналлар ҳам нашр этилади. Вилоят телерадиокомпанияси ўз эшиттириш, кўрсатувлари б-н вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрни ва мавқеига эга. 1990 й.да вилоят телевидениеси ташкил этилиб, унинг биринчи кўрсатувлари эфирга узатилди.

Вилоят ҳудудида ўрта асрларга оид 100 дан ортиқ қалъа, қўрғон ва карвонсаройлар, тепалар (Кўлтөпа, Оқтөпа, Работ, Қўрғонтөпа, Хонимқўрғон, Калиятепа) жойлашган. Жиззах ва Ғаллаорол туманлари ҳудудидаги Тақалисойдаги қоятошларда ибтидоий чорвачилик, овчилик даврига оид мингдан ортиқ расм, Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах туманларида жуда кўп ер ости йўллари сақланган. Парпиота, Навкатота, Саъд ибн Вақ-



Авлиёта булоқ-
ҳовузи.

дан Ибн Ҳавкал ва Муқаддасийларнинг асарларида Уструшонанинг Факнон вилоятидаги шаҳар деб тилга олинади. Шаҳар араблар истилосидан олдин ҳам мавжуд

қос, Сайфинота, Саврикота, Қавсота зиёратгоҳлари, Амир Темур дарвозаси, Хуттот, Қуёш тақвими обидалари, қад. Жиззах, Ҳошимқўрғон, Абдуллахон қўрғонлари, Кўкработ, Сабат каби археологик ёдгорликлар мавжуд. 1956 й.да Бахмал тумани ҳудудидан Будда ибодатхонаси қолдиғи топилган. Парпиота, Малик Гиркушоқ, Авлиёи Сероб, Нуриддин масжидларининг қолдиқлари сақланган. Фориш туманида қад. «Банд» тўғони қолдиғи ҳоз. ҳам мавжуд. Жиззах туманида Узунота қабри бор. Бу ерда соҳибқирон Амир Темур 1404 й. декабрнинг сўнги кунинда бир кеча тунаган. Жиззах рус подшоси томонидан босиб олингандан сўнг барпо этилган бир қатор иморатлар (уезд ҳокими биноси, рус аскарлари қароргоҳи, қамоқхона, черков) сақланиб қолган.

Жиззах шаҳри – Жиззах вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Катта Ўзбекистон трaкти ёқасида, Сангзор дарёси бўйида жойлашган. Майд. 0,7 минг км². Аҳолиси 136,5 минг киши (2005; 1939 й. – 9 минг; 1959 й. – 15 минг, 1970 й. – 35 минг; 2000 й. – 132,5 минг киши;), асосан, ўзбеклар; шунингдек, рус, татар, украин, эроний ва б. ҳам яшайди. Июлнинг ўртача т-раси 28,5°, янв.ники 1,5°.

Юнон солномачилари Кирополь (Зомин) ва Газони алоҳида тилга олишади. Археологлар Газо ш.нинг ўрнини аниқ ва асосли тайин этмасаларда, тарихий манбаларда уни Самарқанд ва Тошкент орaлигида жойлашганлиги айтилади. Олимлар Газони қад. Жиззах деб тахмин қилиб, унинг номини сўғдийча «Дизак» («қалъача») сўзи б-н боғлайдилар. Тарихда у «Дизах» номи б-н юритилган.

Жиззах Ўрта Осиёдан ўтган бир неча қад. карвон йўлининг туташган жойида вужудга келган. Ёзма манбаларда илк бор араб географ олимлари ва сайёҳлари-

бўлган. 9–10-а.да сомонийлар, 11–13-а. бошида қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлати, 14–15-а.ларда тежурийлар давлати, 16–18-а. 1-ярмида Бухоро холиғи, 18-а. 2-ярмидан 1866 й.гача Бухоро амиригига тобе бўлган. Шаҳар бир неча марта инқирозга учраб, яна қайта тикланган. 16–17-а. аҳоли ҳоз. эски бозордаги Ўратепага кўчган. 19-а. 60-й.ларида харобага айланган. Кейинчалик яна тикланган. 19-а. 2-ярмидан Туркистон генерал губернаторлиги таркибига киритилган. Шаҳар 16–19-а.ларда кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. 1571 й.да Абдуллахоннинг Дашти қипчоқ хони Бобоҳон ва Тошкент ҳокими Дарвешхон б-н Жиззахдаги тўқнашуви шаҳарга кўп талафот етказган. 1866 й. 12–18 окт.да Жиззах қалъаси рус подшоси қўшинлари томонидан тўпга тутилиб, вайронага айлантирилган. 1916 й.даги Жиззах қўзғолонида шаҳар рус подшоси аскарлари томонидан яна вайрон этилган.

Жиззахда 30 дан ортиқ саноат корхонаси ишлаб турибди. Улар орасида бадий кулолчилик буюмлари корхонаси, «Сугдиёна» фирмасининг тиббиёт маркази, сут-ёғ, электромеханика з-длари, қурилиш материаллари к-ти, темир-бетон плиталар и.ч. корхонаси, ип йигирув, пайпоқ тўқиш, устки трикотаж, мебель ф-калари бор. Шаҳарда «Согпласт маскан» (Ўзбекистон–Сурия), «Базальт» (Ўзбекистон–Украина), «Кумуш» (Ўзбекистон–Тожикистон), «Жибри» (Ўзбекистон–Англия) қўшма корхоналари ишлаб турибди. 30 та қурилиш ташкилоти фаолият кўрсатади. «Истиқлол боғи», ёпиқ сув ҳавзаси, маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, «Пахтабанк», «Асакабанк», «Галлабанк», «Уй-жой қурилиш саноат банки», «Осиё» бозори, «Бахмал» савдо уйи, Хогира хиёбони, болалар истироҳат боғи ва б. бор. Шаҳар маҳаллаларида яшовчи аҳоли учун Олмазор, Тошлоқ, Улуғбек, Заргарлик, Кимёгар, Бобур, Ҳамзаобод, Ўратепалик, Ҳайробоод, Раваллик маҳалла гузарлари барпо қилинган. Жиззахдан Тошкент ш.га, шунингдек, республиканинг бошқа вилоят марказларига автобуслар қатнайди. Тошкент–Самарқанд, Тошкент–Навоий, Тошкент–Бухоро, Тошкент–Нукус, Тошкент–Урганч йўналишларида поездлар қатнайди. Шаҳар ичида троллейбус қатнови йўлга қўйилган. 3 олий, ўқув юрти, касб-ҳунар коллежлари ва академик, бизнес лицейлари, гимназия, 30 га яқин умумий таълим мактаби бор. Мусикали драма, кўғирчоқ театри, телемарказ, болалар кутубхоналари, Ўзбекнаво вилоят

Жиззах шаҳри. Марказий кўчаси.





Жиззах шаҳри. Ёшлар маркази.

концерт бўлими, «Ўзбекрақс» бирлашмасининг вилоят бўлими, 2 музей, 2 музика, 4 санъат мактаби мавжуд. 3 спорт мактаби, марказий стадион, 2 футбол майдони, 2 сузиш ҳавзаси, теннис корти, спорт заллар фаолият кўрсатади.

Ўрда, Бобо Яқ, Қалиятапа, Нуриддин ҳожи мадрасаси каби тарихий ва меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган. Жиззах ҳудудидаги Учтепа мавзесидаги 3–4-аларга оид мазортепалардан турли сопол парчалари, тангалар, шаҳар яқинида жез даврига оид тош курси топилган.

Ариасой тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1975 й. 26 ноябрда ташкил этилган. Майд. 0,49 минг км². Аҳолиси 37,9 минг киши, асосан, ўзбеклар; шунингдек, қozoқ, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 77,3 киши тўғри келади (2005). Туманда 6 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Ғолиблар қишлоғи.

Туман рельефи, асосан, текислик ва пасттекисликдан иборат. Ер юзаси шим. ва шим.-ғарбдан жан.-шарққа томон кўтарилиб боради. Иқлими кескин континентал.

Туманда пахта тозалаш, ғишт з-длари, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, МТП, кичик ва ўрта бизнес корхоналари бор.

Туман хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик, чорвачилик, балиқчиликка ихтисослашган. Фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Суғориладиган ерларга пахта, ғалла, сабзавот экинлари экилади. Токзор ва боғзорлар барпо этилган.

11 умумий таълим, болалар музика ва спорт мактаблари, касб-ҳунар лицейи мавжуд. 4 клуб муассасаси, 2 маданият маркази, 10 кутубхона, 2 касалхона, 2 амбулатория ва б. тиббий муассасалар

аҳолига хизмат кўрсатади. 1977 й.дан «Ариасой тонги» туман газ. чиқарилади.

Бахмал тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1943 й. 8 майда ташкил этилган (1957 й. 12 окт.да Фаллаорол тумани б-н бирлаштирилган, 1971 й. 31 авг.да қайта тузилган). Майд. 1,86 минг км². Аҳолиси 112,8

минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қozoқ, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 60,6 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Усмат) ва 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Усмат шаҳарчаси.

Туман ҳудуди, асосан, тоғ олди текисликлари ва тоғлардан иборат. Жан. қисмида Туркистон тизмаси ва унинг шим.-ғарбий тармоғи – Молғузар тоғлари жойлашган. Молғузар тоғлари б-н Туркистон тизмаси оралиғида Сангзор водийси бор. Иқлими кескин континентал. Саъд Ваққос алийи ота булоғи бор. Зомин тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси ташкил этилган.

Туманда мрамор, ғишт, асфальт з-длари, палос ва гилам тўқиш цехлари, қурилиш ташкилотлари бор. Ўзбекистон-Польша «Бахмалшароб» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади.

Қ.х.да, асосан, ғаллачилик ва чорвачилик ривожланган. Бўрдоқчилик фермалари, механизациялашган ўрмон хўжалиги мавжуд. 330 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Суғориладиган майдонларга сабзавот, беда, маккажўхори экилади. Боғзор, токзор, тутзор, ўрмонзорлар барпо этилган. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, ларранда боқилади. Асосий транспорт – автомобиль транспорти.

Бахмал туманидаги чорвачилик фермаси.



63 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежлари, лицей мавжуд. 15 клуб муассасаси, маданият уйи, «Бахмал» ашула ва рақс бадиий ҳаваскорлик ансамбли, «Қайнарбулоқ» қўғирчоқ театри, «Бахмал хандаси» миниатюра ҳаваскорлик театри, стадион ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, 40 дан зиёд қишлоқ врачлик пункти, 15 врачлик амбулатория аҳолига хизмат кўрсатади. 1972 й.дан «Бахмал ҳаёти» туман газ. чиқарилади.

Дўстлик тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1970 й. 16 окт.да ташкил этилган. Майд. 0,45 минг км². Аҳолиси 51,4 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қozoқ, татар, ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 114,2 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Дўстлик), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Дўстлик ш.

Ер юзаси, асосан, текислик, қисман қир ва адирлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Туман ҳудудидан Жан. Мирзачўл каналининг чап тармоқлари оқиб ўтади.

Туманда пахта тозалаш, ғишт з-длари, ун к-ти, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, 80 дан ортиқ фирма ва кичик корхона, 2 қўшма корхона, ўсимлик мойи ишлаб чиқарувчи «Эл», «Эрк», «Нур» фирмалари фаолият кўрсатади.

Қ.х., асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Гўшт, сут ҳам етиштирилади. 350 дан ортиқ деҳқон-фермер хўжаликлари ишлаб турибди. Суғориладиган ер майдонларига пахта, ғалла, сабзавот, ем-хашак ва б. экинлар экилади. Боғзорлар барпо этилган.

20 га яқин умумий таълим мактаби, лицей, бизнес мактаби, қ.х. касб-ҳунар коллежи, тиббиёт билим юрти бор. 17 кутубхона, маданият уйлари, клуб му-

ассасалари аҳолига хизмат кўрсатади. Дўстлик ш. марказида Хотира майдони барпо этилган. Спорт мажмуалари, теннис корти ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси ва унинг бўлимлари, 10 га яқин қишлоқ врачлик амбулаторияси фаолият кўрсатади.

Туман ҳудудидан т.й. ўтган. Дўстлик ш.дан Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Гулистон ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди. 1971 й.дан «Дўстлик ҳаёти» туман газ. чиқарилади.

Жиззах тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 1,44 минг км². Аҳолиси 153,2 минг киши, асосан, ўзбеклар; шунингдек, қozoқ, рус, тожик, эроний, лўли, қирғиз, бошқирд ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 106,4 киши тўғри келади (2005). Туманда 13 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Учтепа қишлоғи.

Рельефи пасттекислик, қир ва баланд тоғлардан иборат. Ғарбида Қўйтош тоғи ва жан.да Молгузар тоғи тизмалари жойлашган. Фойдали қазилмалардан вольфрам, оҳақтош ва б. бор. Иқлими кескин континентал. Хўжаликлари Сангзор дарёси ва Туятортар канали орқали Зафаршондан сугорилади. Худудидан Равот ва бир неча кичик сойлар оқиб ўтади.

Учтепа нон к-ти ва қadoқлаш маҳсулотлари тайёрлаш корхоналари, пахта тозалаш, гишт з-длари, 4 автокорхона фаолият кўрсатади.

Туман хўжалиги, асосан, ғалла ва пахта етиштиришга ихтисослашган. Чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик б-н ҳам шуғулланилади. Экин майдонларига ғалла, пахта, сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари экилади. Боғзор ва токзорлар барпо қилинган. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, йилқи боқилади.

52 умумий таълим мактаби, лицей, 2 musiқа мактаби, енгил саноат, кичик ва ўрта бизнес коллежлари, 40 жамоат ва болалар кутубхоналари музей, стадион бор. 3 қишлоқ касалхонаси, маҳсус диспансер, 2 қишлоқ врачлик, 32 фельдшер-акушерлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Жиззах овози» туман газ. чиқарилади.

Зарбдор тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1979 й. 4 дек.да ташкил қилинган. Майд. 0,51 минг км². Аҳолиси 48,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қozoқ, рус, украин, қирғиз, туркман, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 95,9 киши тўғри келади (2005). Туманда 2 шаҳарча (Бўстон, Зарбдор),

5 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Зарбдор шаҳарчаси.

Туман ҳудуди Мирзачўлнинг жан.да жойлашган. Рельефи, асосан, текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал.

Туманда Зарбдор ун к-ти, пахта тозалаш з-ди, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, кичик ва хусусий корхоналар бор.

Қ.х.да пахтачилик, ғаллачилик асосий ўринни эгаллайди, чорвачилик ҳам ривожланган. 330 га яқин деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Сугориладиган ерларга пахта, ғалла, сабзавот, ем-хашак ва б. экинлар экилади.

12 умумий таълим мактаби, касб-хўнар лицейи ва б. ўқув муассасалари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси, маданият уйлари, клуб муассасалари, «Оқбулоқ» фольклор этнографик гуруҳи мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 8 қишлоқ врачлик амбулаторияси, қишлоқ врачлик пунктлари, 2 поликлиника, 2 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан т.й. ўтган. Зарбдор шаҳарчасидан Жиззах, Тошкент, Самарқанд, Гулистон ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди. 1980 й.дан «Зарбдор» туман газ. нашр этилади.

Зафаробод тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1973 й. 12 апр.да ташкил этилган. Майд. 0,47 минг км². Аҳолиси 41,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қozoқ, татар, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 88,5 минг киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Зафаробод), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Зафаробод шаҳарчаси.

Туман ҳудуди Мирзачўл даштининг ғарбида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик бўлиб, лёссимон қумоқ ва қумлоқлардан иборат; бир қисми Нурота тоғларининг шим.-шарқий этакларига туташ. Иқлими кескин континентал. Ерлари Жан. Мирзачўл каналидан сугорилади.

Туманда «Бунёд» и.ч. корхонаси, «Улугбек» хусусий и.ч. бирлашмаси, ғалла-поёндоз тўқши, макарон и.ч. мевасабзавот қурилиш цехлари, тегирмон, мойжувоз, хусусий ва кичик корхоналар фаолият кўрсатади.

Қ.х.да ғаллачилик, полизчилик, чорвачилик, мевасабзавотчилик ривожланган. Деҳқон, фермер, ижара хўжаликлари бор.

Умумий таълим мактаблари, лицей, касб-хўнар коллежлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, маданият уйлари, клуб муассасалари ишлаб турибди. Туман марказий касалхонаси, 10 га

яқин даволаш амбулаторияси, 6 қишлоқ врачлик пункти, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади.

Асосий транспорт —автомобиль транспорти.Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Гулистон ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди. 1974 й.дан «Зафар йўлидан» туман газ. чиқарилади.

Зомин тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Жиззах тумани б-н бирлаштирилган, 1964 й. 31 дек.да қайта тузилган). Майд. 2,87 минг км². Аҳолиси 127,9 минг киши, асосан, ўзбеклар. Шунингдек, қирғиз, рус, татар, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 44,6 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Даштобод), 1 шаҳарча (Зомин) ва 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Зомин шаҳарчаси.

Туманининг шим., марказий ва шарқий қисми пасттекислик, жан.-ғарби қир. адир ва тоғлардан иборат. Ер юзаси шимолдан жан. томон кўтарилиб борди. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ, қуруқ; киши бир оз совуқ. Худудида Зомин тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси, Зомин халқ боғи жойлашган.

Туманда оникс, қурилиш материаллари з-длари, ун к-ти, автокорхона, 40 дан зиёд хусусий, 14 кичик корхона фаолият кўрсатади.

Қ.х.да ғаллачилик ва чорвачилик асосий ўринни эгаллайди. Деҳқон, фермер хўжаликлари, 2 ўрмон хўжалиги фаолият кўрсатади. Ғалла, полиз, сабзавот, ем-хашак экинлари, картошка етиштирилади. Пичанзорлар, яйловлар, токзорлар ва қўчатзорлар бор. Жамоа ва хусусий хўжаликлариде қорамол, қўй-эчки (шу жумладан. қоракўл куйлари), йилқи, парранда боқилади.

70 дан ортиқ умумий таълим мактаби, гимназия, касб-хўнар лицейлари бор. 11 клуб муассасаси, 34 кутубхона, ўлкашунослик музейи ишлаб турибди. Хотира боғи барпо этилган. Туман марказий касалхонаси, 8 қишлоқ даволаш амбулаторияси, 6 қишлоқ врачлик пункти, 5 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Уструшона, Зомин, Пешағар каби тарихий жойлар, қўҳна қалъа қолдиқлари сақланган. Туман ҳудудидан Тошкент—Самарқанд т.й. ўтган. Зомин—Тошкент, Зомин—Жиззах, Зомин—Гулистон ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. 1933 й.дан «Шарқ тонги» туман газ. чиқарилади.

Мирзачўл тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1967 й. 9 янв.да ташкил этилган. Майд. 0,42 минг км². Аҳолиси 46,6 минг киши, асосан,



Пахта даласи.

Ўзбеклар; шунингдек, қозоқ, рус, украин, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 111 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Гагарин), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Гагарин ш.

Рельефи пасттекисликдан иборат. Иқлими кескин континентал, қуруқ, қиши совуқ, ёзи иссиқ.

Пахта тозалаш з-ди, автокорхона, ижара корхонаси, акциядорлик жамиятлари, қурилиш ташкилотлари, шунингдек, кичик ва хусусий корхоналар

Мирзачўлда баҳор.



ишлаб турибди. Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шугулланилади. Деҳқон фермер, бўрдоқчилик хўжаликлари бор. Суғориладиган ер майдонларига пахта, бошоқли дон, полиз, сабзавот, дук-какли экинлар экилади. Боғ-

зорлар барпо этилган. Барча тоифадаги хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Туман ҳудудидан магистрал т.й. ўтган. Гагарин ш.дан Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Пахтакорор ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди.

20 га яқин умумий таълим мактаби, лицей, агроиқтисодиёт, қ.х. касб-ҳунар коллежлари бор. 11 кутубхона, 11 клуб муассасаси, 4 маданият ва истироҳат боғи, стадион ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 4 касалхона, 3 нодавлат тиббий муассаса, 5 қишлоқ врачлик амбулаторияси. 2 фельдшер-акушерлик пункти, 10 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади.

1968 й.дан «Мирзачўл овози» (аввалги «Дўстлик») туман газ. чиқарилади.

Пахтакорор тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1967 й. 9 янв.да Мирзачўл жан.-ғарбидаги ўзлаштирилган ерлар негизида Сирдарё вилояти таркибида ташкил этилган. 1974 й. Жиззах вилояти ташкил этилиши муносабати б-н ушбу вилоят таркибига ўтказилган. Майд. 0,38 минг км². Аҳолиси 58,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, рус, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 154,7 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Пахтакорор), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Пахтакорор ш.

Туман ҳудуди Мирзачўлнинг ғарбида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик (ўртача бал. 295 м). Ер ости сувлари юза ва шўр ҳамда шўртоб. Иқлими кескин континентал. Жан. Мирзачўл канали туман ҳудудидан оқиб ўтади.

Туманда 2 пахта тозалаш з-ди, қ.х. техникасини таъмирлаш корхонаси, акциядорлик жамиятлари, 140 га яқин кичик корхона ва хусусий фирмалар, деҳқон бозори. Ўзбекистон—Польша «Ўзполтекс» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоқлари — пахтачилик, ғаллачилик. Чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик ҳам ривожланган. 970 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Суғориладиган ерларга пахта, ғалла, сабзавот, полиз ва б. экинлар экилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, йилки боқилади.

20 умумий таълим мактаби, шу жумладан, мактаб интернати, бокс ва кураш, болалар спорт мактаблари, лицей, қ.х. касб-ҳунар коллежи бор. Маданият ва истироҳат, Хотира боғлари, маданият саройи, бадий ҳаваскорлик, фольклор-этнографик ансамбллари фаолият кўрсатади. Марказий стадион, болалар спорт мажмуаси, ёпиқ сузиш ҳавзаси ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, катталар ва болалар поликлиникалари, 5 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан магистрал т.й. ўтган. Пахтакорор ш.дан Жиззах, Тошкент, Гулистон, Самарқанд ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди. 1969 й.дан «Пахтакорор ҳаёти» туман газ. чиқарилади.

Фориш тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмини эгаллайди. 1935 й. 9 фев.да ташкил этилган. (1962 й.да Нурота ва Жиззах туманлари таркибига қўшиб юборилган. 1964 й.да қайта ташкил этил-



Фориш тумани. Нурота давлат қўриқхонаси.

ган. Фориш тумани дастлаб Самарқанд, 1964 й. Сирдарё, 1974 й. Жиззах вилоятлари таркибига киритилган). Майд. 9,53 минг км². Аҳолиси 74,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, тожик, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га уртача 7,8 киши тўғри келади (2005). Туманда 2 шаҳарча (Учкулоч, Янгиқишлоқ), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Янгиқишлоқ шаҳарчаси.

Туман рельефи пасттекислик, қир, адир ва Нурота, Пистали тоғларидан иборат. Энг баланд жойи 2169 м (Заргар тоғидаги Ҳаётбоши чўққиси). Туманда Арнасой, Тузкон, Балиқли, Пистали қўллари ва Айдар ботиғи бор. Иқлими кескин континентал. Соёлик, езда қуриб қоладиган сой кўп. Нурота тоғларидан оқиб келадиган Устихонсой, Осмонсой, Боламансой, Ухумсой, Оқтошсой, Катасой, Чорвоқсой ва бдан тоғ этакларидаги лёссли қия текисликларни сугоришида фойдаланилади. Туман ҳудудида Нурота давлат қўриқхонаси ва Биосфера резервати қўриқхоналари ташкил этилган.

Фойдали қазилмалардан қўрғошин, рух, оҳақтош, базальт, мрамарлашган қора оҳақтош очиқ усулда қазиб олинади. «Карбонат», Учкулоч қўрғошин кони, «Девон», «Фортекс» ва б. корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Қ.х.нинг чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик, тоқчилик каби тармоқлари ривожланган. Туманда 400 дан зиёд фермер хўжалиги, алоҳида тармоқларга ихтисослашган ширкат хўжаликлари мавжуд. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади. Туман ўрмон хўжалигида сариқчай, кийикўт, тоғрайҳон, наъматак, равоч каби доривор ўсимликлар йиғиб олинади.

Туманда 70 дан зиёд мактаб, касб-хунар лицей ва коллежлари, маданият саройи, маданият уйлари фаолият кўрсатмоқда. Кутубхоналар, стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 10 касалхона, 30 фельдшер-акушерлик пункти,

19 қишлоқ врачлик пункти, 7 қишлоқ амбулаторияси аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шифобахш балчиқ б-н даволайдиган санаторий бор. Фориш туманида автомобиль йўллари уз. 343 км, т.й. узунлиги 71 км. Янгиқишлоқ – Жиззах ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. Хонбанди тўғони ёдгорлиги (10-а., 1582), Қоратош (1–2-а.лар), Абдуллахон Чорбоғи (16-а.) археология ёдгорликлари мавжуд. 1937 й.дан «Фориш тонги» газ. нашр қилинади.

Янгибод тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1999 й. 30 апр.да ташкил қилинган. Майд. 0,72 минг км². Аҳолиси 22,5 минг киши (2005), асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли зичлиги 1 км² га 31,2 киши. Туманда 5 қишлоқ фуқаролари

йиғини мавжуд. Маркази – Баландчақир қишлоғи.

Туманнинг шим. қисми пасттекислик, жан. қисми қир-адир ва тоғлардан иборат. Ер юзаси жан.га томон қўтарилиб боради. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ, киши совуқроқ. Хўжамушкент ва Сармич сув омборлари бор. Экинзорлар Мирзачўл каналидан (насослар ёрдамида) сугорилади.

Кичик, ўрта ва йирик бизнес корхоналари, МТП, микрофирмалар, қурилиш корхоналари фаолият кўрсатади. Қ.х.да ғаллачилик ва чорвачилик етакчи ўринда. 380 га яқин фермер хўжалиги мавжуд. Тоқзорлар, боғлар, кўп йиллик дарахтзорлар, Хўжамушкент ўрмон хўжалиги барпо этилган.

Умумий таълим мактаблари, лицей, касб-хунар коллежи, клублар, кутубхоналар бор. Касалхона, 8 қишлоқ врачлик пункти, 3 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Баландчақир – Янгиер, Жулангар – Янгиер, Хўжамушкент – Янгиер йўналишларида автобуслар ва Даштобод, Жиззах, Ховос, Янгиер шаҳар ва шаҳарчаларига маршрутли таксилар қатнайди. Туман ҳудудида Хўжамушкент бобо, Рустам бобо, Сайидон Азиз, Чангаул зиёратгоҳлари бор. 2000 й.дан «Янгибод ҳаёти» туман газ. нашр этилади.

Ғаллаорол тумани. Вилоятнинг ғарбий, жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1931 й.гача Янгиқўрғон тумани деб аталган.

Ғаллаорол туманидаги бугдойзорлар.





Кўйтош манзараси.

Майд. 2,0 минг км². Аҳолиси 128,1 минг киши (2005). 2 шаҳар (Фаллаорол, Маржонбулоқ), 1 шаҳарча (Кўйтош), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Фаллаорол ш.

Туманининг марказий ва ғарбий қисми текислик, шим. ва шим.-ғарбий қисми қир, баланд адир ва тоғлардан иборат. Шимдан Нурота тизмалари, шарқдан Молгузар тоғи б-н ўралган. Туман ҳудудининг катта қисми унинг марказий қисмидан шим.га 350 — 400 м дан 1600 — 1900 м гача кўтарилиб борувчи текислик бўлиб, Нурота тоғи этакларигача давом этади. Иқлими кескин континентал, ёзи қуруқ, қиши совуқ. Фойдали қазилмалардан қўроғшин, рух, олтин, вольфрам, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қум, шағал, гипс, гранит, оҳактош ва б. турли қурилиш материаллари, шифобахш минерал сув манбаи бор. Туман ҳудудидан Сангзор дарёси оқиб ўтади.

Туманда Маржонбулоқ олтин кони, Кўйтош вольфрам-молибден кони, меза-консерва, шароб, колбаса и.ч. корхоналари, паррандачилик акциядорлик бирлашмаси, автокорхона, МТП, сутни қайта ишлаш, қ.х. техникасини таъмирлаш, пахта тозалаш, ғишт з-длари бор. 230 га яқин фирма, ўрта бизнес, кичик корхона, микрофирмалар фаолият кўрсатади. «Фаллаорол—Иордания», «Фаллаорол—Туркия», «Фаллаорол—Белогорск», «Волластонит» (Кўйтошда) кўшма корхоналари ишлаб турибди.

Қ.х.да ғаллачилик, боғдорчилик, тоқчилик, чорвачилик (шу жумладан, қоракўлчилик) ривожланган. Экин майдонларига дон, сабзавот, картошка, полиз ва озуқа экинлари экилади. Ширкат, фермер хўжаликлари, ўрмон хўжалиги илмий и. ч. бирлашмаси, «Амир Темур» уруғчилик фирмаси ва б. бор. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

90 га яқин умумий таълим, болалар муסיқа мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, 11 маданият уйи, 15

клуб муассасаси мавжуд. Хотира боғи барпо этилган. Стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, 4 поликлиника, туғруқхона, 55 фельдшер-акушерлик пункти, 10 қишлоқ врачлик амбулаторияси, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти ва т.й. ўтган. Туман марказидан Тошкент, Самарқанд, Жиззах ш.лари, вилоятнинг Бахмал, Гагарин, Пахтакор, Дўстлик ш.ларига автобуслар қатнайди. Тезкорар Тошкент—Самарқанд электр поезди туман ҳудудидан ўтади.

Ойдинсой (мл. ав. 1-а.), Кўнгиртепа, Шаҳидтепа (1-а.), Алмантепа, Жалмантепа, Лапактепа, Пардакултепа, Нушкент каби тарихий археологик ёдгорликлар бор. 1933 й.дан «Фаллаорол овози» туман газ. чиқарилади.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Республиканинг шим. қисмида жойлашган. 1982 й. 20 апр.да Бухоро ва қисман Самарқанд вилоятлари ҳудудларидан ташкил этилган. 1988 й.да маъмурий бирлик сифатида тугатилиб, 1992 й. бошида қайта тикланди. Майд. 111,0 минг км². Аҳолиси 810,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қозоқ, татар, украин, қорақалпоқ, тожик, озарбайжон, белорус ва б. миллат вакиллари яшайди. 1 км² га ўртача 7,3 киши тўғри келади (2005). Вилоят таркибида 8 қишлоқ тумани, 7 шаҳар, 8 шаҳарча ва 55 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Навоий ш.

Вилоят ҳудуди табиий шароитига кўра 3 қисмга бўлинади: шим.-ғарбий қисми — Қизилқум чўли эгаллаган — бу ерда

берк ботиқлар (Қарақота, Мўлали, Мингбулоқ), зол қумли текисликлар ва қолдиқ тоғлар (Овминзатов, Етимтоғ, Бўкантов, Томдитов ва ҳ.к.) бор; жан.-шарқий қисмида Нурота тоғ тизмаларининг ғарбий қисми, паст ва ўртача баландликдаги тоғлар (Қоратоғ, Оқтоғ ва б.) ҳамда тоғлараро ботиқлар (Нурота ботиғи ва б.) жойлашган; Зарафшон дарёси воҳасининг ўрта қисми вилоятнинг пахтачилик зонаси.

Тоғлар, асосан, силур, девон, тошкўмир, бўр, палеоген, неоген даврлари жинсларидан тuzилган. Текислик ва қумликлар тўртламчи геологик даврдаги комплекс табиий омиллар таъсирида ўзгарган. Мурунтоғда олтин, Овминзатов шим.да графит топилган. Вилоятда вольфрам, фосфоритлар, кварц қуми, цемент, оҳактош захиралари мавжуд. Минерал шифобахш, шўр ва ер ости чучук сув захиралари аниқланган. Томдибулоқ, Қарақота, Чингилди атрофларидан топиладиган сувлардан хўжаликда кенг фойдаланилмоқда. Вилоят сейсмик жиҳатдан 7 балли элзизла зонасига киради. Қизилқум чўли туфайли иқлими кескин континентал чўл иқлими: ёзи узок, қуруқ, иссиқ; июлда ўртача т-ра 27,2—29,6°, қумда офтобда т-ра 60—70° гача кўтарилади. Январда ўртача т-ра —1,9° дан —0,6° гача. Чўл ва яйловларда, воҳаларда иқлим турлича. Йиллик ёғин 125—282 мм, асосан, баҳор ва қишда ёғади. Вегетация даври 177—212 кун. Вилоятдаги асосий сув манбаи—Зарафшон дарёси. Зарафшондан Конимех канали чиқарилган. Сув б-н таъминлашда Куйимозор, Тўдакўл сув омборлари, Конимех каналининг аҳамияти катта. Вилоятнинг шим. ва ғарбий катта қисми кўчма қум барханлари, унда-бунда учрайдиган гилли чўллардан иборат. Астарагал, шувоқ, шўра, исриқ, қамиш, зарпечак, саксовул, юлғун, турли ўтлар ўсади. Чўл тупроқларида чиринди кам, оҳак, гипс, эрувчи тузлар кўп. Чўл ўсимликлари, айниқса, шўра, шувоқ каби-лар қоракўл қўйлари ва б. моллар учун озуқа бўлади. Бўкантов ва Мингбулоқ ботиғида қобон, бўри, чиябўри, тулки, узун думли мушук, чўл мушуги; бошқа

Навоий вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Навоий	1958	5,4	120,0	140,9	122,3
Учкудук	1978	—	30,0	26,1	24,2
Қизилтепа	1979	—	10,0	12,0	12,1
Нурота	1976	—	22,0	26,6	28,2
Зарафшон	1972	—	55,0	53,3	54,9
Янгирабат	1998	—	—	14,9	15,8
Кармана	1979	—	—	—	21,4

худудларда малла юмронқозиқ, каламуш, сичқон, суғур, сассиққўзан, жайран, калтакесак, турли хил илонлар, тошбақа; қушлардан тувалоқ, қорабавур, олабовур, қирғовуллар, қарға, ҳакка, мусича, чумчуқ учрайди.

Қизилқум чўлида паст кўҳна тоғлар, усти қум, тош б-н қопланган, уз. 100 км, эни 30–35 км келадиган ва океан сатҳидан паст бўлган Мингбулоқ ботиғи, шунингдек, Қарақота ҳавзаси, шўрхок текисликлар ва пастликлар, қатор қум тепалари алоҳида манзара кашф этган. Яйловларда чорва боқилади. Саксовул, қандим, черкез, сингрин, оқпечак, селин, эфемер ва шўралар чорва моллари учун озуқа. Навбахор туманида Сармиш давлат буюртма қўриқхонаси ташкил қилинган.

Навоий вилояти худудидида ўтказилган археологик тадқиқотлар ва кузатишлардан маълум бўлишича, бу худудда аҳоли ўрта тош даврининг мустъе (мил.ав. 150–40 минг йилликлар) босқичидан бошлаб яшаб келади. Бунга мисол тариқасида Қалқонота қишлоғи яқинида, Учтут мавзесида топиб текширилган ўша даврга оид тош қуроллар яшаш устахонаси ва ибтидий одамлар макони ҳамда неолит даври (мил.ав. 5–3 минг йилликлар)га оид чақмоқтош бўлақларини келтириш мумкин. Худуднинг қадимги тарихи бизнинг давримизгача етиб келмаган. Ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар эса, асосан, кейинги даврларга — ўрта асрларга мансуб бўлиб, ғоятда қисқадир.

Зарафшон дареси водийси.



Навоий кон-металлургия комбинати.

Саноатининг етакчи тармоқлари энергетика, кончилик, металлургия, кимё, қурилиш матери-аллари, олтин қазиб олиш, пахта тозалаш, озик-овқат саноати корхоналаридан

иборат. Йирик корхоналари: Навоий кон-металлургия к-ти, Навоий иссиқлик электр станцияси, “Навоийазот” и.ч. бирлашмаси, «Қизилқумцемент», “Электркимё”, “Нуротамармар” корхоналари, маҳаллий саноат концерни. Жами 20 дан ортиқ қўшма корхона бор. “Зарафшон-Ньюмонт” Ўзбекистон–АҚШ қўшма корхонаси самарали фаолият кўрсатмоқда. «Агама», «Зериспарк», «Бентонит» ва б. ҳам йирик қўшма корхоналардан. 30 ширкат корхонаси, 10670 га яқин кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатмоқда. Кичик корхоналардан «Иттифоқ», «Навоий» (қурилиш материаллари ишлаб чиқаради), «Эдэм» корхоналарининг ҳиссаси салмоқлидир. Халқ хунармандчилиги ҳам ривожланган.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари — пахтачилик, ғаллачилик; шунингдек, боғдорчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш б-н ҳам шуғулланилади. Чор-



вачилиги кўп тармоқли. Қорақўл тери тайёрлаш бўйича вилоят республикада 1-ўринда туради. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, дон, картошка, сабзавот, полиз экинлари экилади. Вилоят деҳқончилик майдонлари Аму-Бухоро машина канали Навоий, Ўртақўл, Аму, Сумбул, Майна тармоқлари ҳамда Зарафшон дарёсидан сув оладиган Тосс, Шовот, Човли, Ўнг ва Чап қирғоқ, Навкар, Конимех каналлари орқали сув б-н таъминланади.

4920 га яқин фермер хўжаликлари мавжуд. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, ларранда боқилади.

Т.й.ларнинг узунлиги — 390,7 км, автомобиль йўлларники — 4,1 минг км (шу жумладан қаттиқ қопламалиси — 3,3 минг км). Тошкент–Бухоро–Туркманобод, Тошкент–Учқудуқ–Нукус йўналишдаги т.й. линиялари вилоят худудидан ўтади.

Вилоятда 376 умумий таълим мактаби, 5 гимназия, 11 мусиқа ва 19 спорт мактаби, 2 академик лицей, 23 касб-хунар коллежи, 2 олий ўқув юрти (Навоий Давлат пед. институти, Навоий Давлат кончилик ин-ти), бор. Навоий ўлкашунослик музейи, унинг Қосим шайх мажмуаси филиали ва вилоятдаги 7 та бўлими, 250 дан зиёд жамоат кутубхонаси, 110 дан зиёд клуб ва маданият саройи, 430 га яқин бадиий ҳаваскорлик жамоалари, Ёш томошабинлар театри фаолият кўрсатади. 5 маданият ва истироҳат боғи, кўплаб фавворали кўкаламзор хиёбонлар мавжуд. Зарафшон ва Навоий ш.ларида аҳолининг хордиқ чиқариши учун сунъий кўллар барпо қилинган. Бир қанча туманларда боғлар яратилган.

Вилоятда 40 касалхона муассасаси, 85 аёллар консултацияси, 128 қишлоқ врачлик, 106 фельдшер-акушерлик пунктлари, 13 қишлоқ участка касалхонаси бор. 18 поликлиника, 8 амбулато-



Қосим Шайх меъморий мажмуаси.

рияда ихтисослаштирилган даволаш марказлари ташкил этилган. 4 профилакторий фаолият кўрсатади.

Вилоят спортчилари спортнинг кўплаб турлари бўйича нуфузли мусобақаларда иштирок этмоқдалар (кураш, волейбол, футбол, теннис, бокс ва б.). Спортнинг сузиш, нафис гимнастика, огир атлетика, армрестлинг, пауэрлифтинг турлари бўйича мамлакат ва Осиё чемпионлари етишиб чиққан. Марказий стадион, туманларда 13 стадион, 14 сузиш ҳавзаси, спорт мажмуи, 190 спорт заллари, 1287 спорт майдончалари, 18 теннис корти мавжуд. 19 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади.

Навоий заминиди қаддан машҳур алломалар, шоир ва файласуфлар, адиб ва муҳаддислар, моҳир ҳаттот ва таржимонлар яшаб ўтган. Карминий тахаллуси б-н ижод қилган бир неча ўнлаб ижодкорларнинг номлари маълум. Шулардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Заъв ал Карминий, Абу Ҳамид Аҳмад ибн Лайс ал Карминий (996 й.в.э.), Ал Мунтасир ибн Муҳаммад ал Карминий ва б. Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Заъв ал Карминий Куръонга тафсир битиши б-н бирга араб, форс шеърини назариясини ишлаб чиққан, илк марта араб, форс, турк мақолларини қиёсий ўрганган. Нажмиддин Абулвафо ал-Бўзжандий (9-а.), Забеҳо ас-Самарқандий (16-а.) Карманада туғилиб бошқа шаҳарларда ижод этганлар. Шунингдек, шоирлар: Шайх Паҳлавон Муҳаммад Голиб (18-а.), Мавлоно Дилкаш Танбурий (19–20-а. бошлари), Шайх Муҳаммад Ҳасан (1823–1921) ва б. шу юрт фарзандларидир.

Вилоятда 2 газ. («Дўстлик байроғи», «Знамя дружбы»), 8 туман газ., 2 шаҳар газ. чиқади; шунингдек, 22 тармоқ ва тижорат газ., 2 журнал нашр этилади. Навоий вилоятида дастлабки вилоят радиозиттиришлари ва телекўрсатувлари 1982 й.да бошланган. «Қизилқум»

ёдгорликлар бор. Шулардан Карманадаги Мирсаид Баҳром мақбараси (11-а.), Қосим Шайх меъморий мажмуаси (16-а.), Катта Гумбаз масжиди (17–18-а.лар), Қизилтепа тумани Ванғози қишлоғидаги Тошмачит (16–19-а.лар), Нурота туманидаги Абдуллаҳон банди (16-а.), Бухоро – Навоий йўлидаги Работи Малик харвонсаройи ва сардобаси (11-а.) машҳур. Вилоятда 30 га яқин археология ёдгорликлари мавжуд. Айниқса, Навбаҳор тумани Учтут қишлоғидаги шахта (неолит даври), Қоратогда қоятошга ўйиб чизилган Сармиҷсой расмлари (мил. ав. 4–1 минг йилликлар) ва б. тарихчилар диққатидалир.

Навоий шаҳри – Навоий вилоятидаги шаҳар, вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Ўзбекистоннинг жан.-ғарбида, Зарафшон дарёси водийсида, вилоятнинг шарқий чеккасида жойлашган. Т.й. станцияси. Авто-транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси. Январнинг ўртача т-раси 0,4⁰, июлники 28,3⁰, Майд. 55,1 км². Аҳолиси 122,3 минг киши (2005 й.; 2003 й. – 145 минг; 1995 й. – 112,7 минг; 1974 й. – 80 минг; 1960 й. – 20 минг киши). Навоий Зарафшон водийсидаги тез ўсаётган, ёш индустриал шаҳар, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий номига қўйилган. Зарафшон дарёсининг яқинлиги, йирик қ.ҳ. туман

нинг марказида жойлашганлиги, транспорт б-н яхши таъминланганлиги шаҳарнинг тез ўсиш омили бўлди. Шаҳар Ўрта Осиёдаги йирик электр энергия ва кимё саноати марказига айланди.

Вилоят саноат корхоналари ялпи маҳсулотининг кўпчилик қисми Навоий ш.даги акциядорлик жамиятлари, йирик саноат корхоналари ҳамда давлат ва хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилади. Шаҳар саноат тармоқларида электр қуввати, минерал ўғитлар, ип ҳамда ипак газламалар ишлаб чиқарилмоқда. «Навоийазот» и.ч. бирлашмаси, электр кимё з-ди, Навоий кончилик-металлургия, ун, нон к-тлари, Навоий иссиқлик электр ст-яси, «Қизилқумцемент» корхонаси, пахта тозалаш, сут, ипак қурти з-длари, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат муассасалари бор. Саноат, транспорт ва қ.ҳ. техникасини таъмирлайдиган базалар, маиший хизмат кўрсатиш к-ти ҳамда ҳунармандчилик тармоқлари ишлаб турибди. Шаҳарда хорижий мамлакатлар б-н ҳамкорликда қурилган қўшма корхоналар фаолият кўрсатади. Шулардан «Агама», «Зериспарк» корхоналари самарали ишламоқда. Шаҳар орқали Учқудуқ, Бухоро, Нукус ш.ларига борувчи т.й. ўтган. Навоий ш.да 20 га яқин йўналишда автомобиль транспорти қатнайдди. Халқаро аэропорт шаҳарни Тошкент орқали Республика вилоятлари ва 20 дан ортиқ хорижий давлатлар б-н боғлайди.

2 олий ўқув юрти (Навоий давлат педагогика ин-ти, Навоий давлат кончилик ин-ти), академик лицей, 25 умумий таълим мактаби, 3 «Меҳрибонлик уйи» (шундан 2 таси оилавий), 8 касб-ҳунар коллежи, 3 махсус мактаб интернати (шундан 1 таси ногиронлар учун), бизнес мактаби, маданият саройи, маданият ва истироҳат боғлари, Ёш томошабинлар театри, 8 жамоат кутубхона-

Навоий шаҳри марказий кўчаси.





Навоий шаҳри. Ви­лоят ҳокимияти биноси.

си, стадион, сузиш ҳавзаси, 10 касал­хона, 5 поликлиника, шошилинч тиб­бий ёрдам кўрсатиш маркази, 7 тиббий диспансер фаолият кўрсатади. 1958–60 й.ларда шаҳар ягона бош план асосида иссиқ иқлим, миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда қурилган. Навоий ш. кўкаламзорлаштирилган, фаввора ва сузиш ҳавзалари кўп. Алишер Навоий та­валлудининг 560 йиллиги муносабати б-н шаҳарда Навоий ҳайкали ўрнатилди (2001). 2005 й. 1 дек.дан «Навоий» шаҳар газ. нашр этилади.

Кармана тумани. Вилоятнинг жан.-шарқида, Зарафшон дарёси воҳасининг марказида, дарёнинг қуйи қисми соҳи­лида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да та­шқил этилган. 1962 й.дан Навоий тумани деб юритилган. 1980 й.да Навоий туманидан Навбаҳор тумани ажралиб чиқ­қан. 1988 й.да қайта қўшилган. 1992 й.дан яна алоҳида туман бўлган. 1999 й. Кар­мана ш. ҳудуди Навоий ш. таркибига (Кармана тумани сифатида) киритил­ди. 2003 й. дек.да Навоий тумани номи Кармана тумани деб ўзгартирилди ва Кармана ш. туман маркази сифатида бел­гиланди.

Туманда 1 шаҳар (Кармана), 1 шаҳар­ча (Маликработ), 6 қишлоқ фуқарола­ри йиғини бор. Майд. 0,95 минг км². Аҳолиси 96,5 минг киши, асосан, ўзбек­лар, шунингдек, тожик, рус, татар, қozoқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшай­ди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 101,5 киши (2006). Маркази – Кармана ш.

Ер юзаси, асосан, пасттекикликдан иборат. Зарафшон дарёси водийсига яқин ерларда қад. қуруқ дарё ўзанлари ва адирлар орасидаги қатламларда чу­чук сув захиралари бор. Туман сейсмик зонада жойлашган. Ер юзаси Зарафшон дарёси ва ғарбга томон қия. Тумандаги суғориладиган ерлар, асосан, Зарафшон дарёси ва қисман Аму–Бухоро машина каналининг Навоий канали шохобчаси­дан суғорилади. Касаба, Хоним, Нар­пай каналлари сувидан ҳам фойдалани-

лади. Кармана гидроузели қурилган (1973). Ярманчи, Галгал, Шўрқудук, Сан­бур, Малик, Сар­миш, Оқтош, Кампирсой яй­ловларида қоракўл қўйлари боқилади.

Туманда «Ипак қурти уруғи», «Наво­ийпилла», «Агроуниверсал» корхонала­ри, пахта тозалаш з-ди, «Сардобапар­ранда» ф-каси ва б. бор. «Навоий–Урал» Ўзбекистон–Россия, «Грантекстиль» Америка– Ўзбекистон–Афғонистон қўшма корхоналари ишлаб турибди. 1600 дан зиёд ўрта ва кичик бизнес субъект­лари фаолият кўрсатади.

Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихти­сослашган. Пахтачилик, ғаллачилик етакчилик қилади. Чорвачилик (шу жум­ладан, қоракўлчилик), пиллачилик, сабзавотчилик, полизчилик б-н ҳам шу­ғулланилади. Суғориладиган ерларга пах­та, дон, сабзавот, полиз, картошка, ем­хашак экинлари экилади. Токзор, тут­зор, боғлар, яйловлар, ўрмон хўжалиги мавжуд. Туман жамоа ва хусусий хўжа­ликларида қорамол, қўй ва эчки, пар­ранда, йилқи боқилади. Фермер хў­жаликлари уюшмалари ва агрофирма­лар фаолият кўрсатади.

Асосий транспорт воситаси–автомо­биль транспорти. Навоий–Учқудук т.й. туман худудини кесиб ўтади. Туман худу­дида Навоий ш. аэропорти жойлашган.

28 умумий таълим мактаби, мактаб интернати, санъат мактаби, 3 касб–хунар коллежи, туман марказий, 28 жамоат, болалар кутубхоналари, маданият са­ройи, 8 клуб муассасаси, «Ёшлик» ма­даният ва истироҳат боғи бор. Спорт маж­муаси, стадион, тен­нис корти ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий ка­салхонаси, 19 амбу­латория–поликлини-

ка, 20 дорихона ва б. тиббий муассаса аҳолига хизмат кўрсатади. Меъморий ёдгорликлардан Мир Саид Баҳром мақ­бараси (11-а.), Қосим Шайх хонақоси (16-а.), Работи Малик қарвонсарой ва сардобаси (11-а.) сақланган. 1931 й.дан «Кармана овози» туман газ. чиқарилади.

Конимех тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташқил этилган. Майд. 9,17 минг км². Аҳолиси 40,4 минг киши, асосан, ўзбек, қozoқ, қорақалпоқлар. Шунинг­дек, татар, рус, украин ва бошқа мил­лат вакиллари ҳам яшайди. 1 км²га ўртача 4,4 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Конимех), 7 қишлоқ фуқаро­лари йиғини бор. Маркази – Конимех шаҳарчаси.

Рельефи, асосан, текислик, кўп қисми қумлик. Шим.-шарқда Қизилқум чўли, жан. ва жан.-ғарбда Зарафшон во­дийси б-н туташган. Туманнинг ғарбида Овминзатовнинг шарқий тармоқлари жойлашган. Жан. қисмида Қарақота чўкмаси бор. Иқлими кескин континен­тал. Туман худудидаги Қизилқум қўриқ­хонасида тўқай ва чўл ландшафтлари мажмуоти ва у ердаги нодир ҳайвонлар­дан Бухоро буғуси – хонгул муҳофазага олинган.

Фосфор к-ти, 120 дан зиёд кичик, хусусий ва давлат корхоналари, 10 дан ортиқ акциядорлик жамияти мавжуд.

Туман қ.х.нинг асосий тармоғи – чор­вачилик (қоракўлчилик). Суғориладиган ерларга ғалла экилади. Жамоа ва хусу­сий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, туя, йилқи боқилади. Туман худудининг асосий қисмини ўрмон хўжалиги эгал­лайди (майд. 1660 минг га). Дарахтлар­нинг асосий тури – саксовул, терак.

Туманнинг ўрта қисмидан Навоий–Учқудук т.й. кесиб ўтган (уз. 212 км). Авто­мобиль транспорти йўллари уз. қарийб 300 км.

42 умумий таълим мактаби (шундан 2 мактаб-гимназия ва 1 лицей-интернат), касб–хунар, спорт мактаби, 32 кутубхо-



Конимех шаҳарчасидаги супермаркет.

на, 19 клуб муассасаси, тарих ва ўлкашунослик музейи, болалар маданият маркази мавжуд. 8 касалхона ва б. тиббий муассаса аҳолига хизмат кўрсатади. 1930 й дан «Конимех тонги» туман газ. чиқарилади.

Навбахор тумани. Вилоятнинг жан да жойлашган. 1980 й. 12 мартда ташкил этилган. (1988 й. Навоий туманига қўшиб юборилган. 1992 й. алоҳида туман сифатида тузилган). Майд. 1,57 минг км². Аҳолиси 82,9 минг киши, асосан, узбеклар, шунингдек, тожик, қорақалпоқ, қozoқ, татар, украин, араб ва б. миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 52,8 киши (2006). Туманда 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Бешрабат қишлоғи.

Туман Зарафшон дарёсининг шим. шарқий қирғоғи бўйлаб Қоратов ва Зарафшон дарёси оралиғида жойлашган. Шим.дан Нурота тоғлари б.н ўралган. Худудининг кўп қисмини чўллар ташкил этади, ер юзаси нотекис. Иқлими кескин континентал. Туман жан.дан Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Хўжаликлари сувни Зарафшон дарёсидан чиққан Ўнг соҳил канали, Навкар, Арабхона ариқларидан олади.

Туманда 12 қурилиш ташкилоти, 2 савдо корхонаси, 2 трактор парки, 350 кичик ва хусусий корхона, деҳқон бозори, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б.н шуғулланилади. Картошка, кунжут, мош, зигир ҳам экилади. 180 деҳқон-фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Туман худудидан (21 км узунликда) Тошкент–Учкудук т.й., Навбахор–Нурота, Навоий–Учкудук, Навоий–Бухоро йўналишларида автобуслар қатнайди.

36 умумий таълим мактаби, гимназия, лицей, касб-ҳунар, спорт, бизнес, санъат мактаблари фаолият кўрсатади. Туман марказий маданият уйи, 5 қишлоқ маданият уйлари, қишлоқ клу-

Нурота шаҳри. Жоме масжидининг Чашма мажмуоти.

би, туман марказий кутубхонаси, унинг 24 та тармоғи, халқ ашула ва рақс ансамбли бор. Туман марказий касалхонаси, 6 касалхона, 2 поликлиника, 17 дорихона, 8 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 5 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

Туман худудидан мил.ав. 5-а.–мил. 4-а.ларига оид археологик ёдгорликлар мажмуаси (Қалқонота қишлоғи атрофида), Учтут қишлоғи ёнидаги чақмоқтош конлари (ашель, мустье ва юқори палеолит даврига оид тош қуруллари топилган), Сармишсой, Қораунгурсой, Биронсой далаларидаги қоятош суратлари (мил.ав. 7-а.–мил.нинг 3-алари, айримлари мил. 1–10-алар) ва б. бор. 1982 й. 1 апр.дан «Навбахор тонги» туман газ. чиқарилади.

Нурота тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган (1930 й. 17 авг.дан Самарқанд вилояти, 1982 й.дан Навоий вилояти, 1988 й.дан Самарқанд вилояти, 1992 й. мартдан яна Навоий вилояти таркибиде). Майд. 6,5 минг км². Аҳолиси 75,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 11,6 киши тўғри келади (2006). 1 шаҳар (Нурота), 1 шаҳарча (Фозгон), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Нурота ш.



орасидаги ботиқлар б.н банд. Иқлими континентал. Ботиқларда ёз қуруқ ва иссиқ, қиш у қадар совуқ бўлмайди. Сувлари тоғдан оқиб тушадиган сойлардан (Оқсой, Фангатсой, Навкатсой, Оқчопсой, Орасой, Гумсой ва б.) иборат бўлиб, маълум ҳавзага қуйилмасдан, текисликка чиққач суғоришга сарф бўлади. 1997 й.да ландшафт қўриқхонаси ташкил этилган.

Республикада салмоқли ўринлардан бирини тумандаги «Фозгонмармар» акциядорлик жамияти корхонаси эгаллайди. Ундан ташқари «Нуротамармар» и.ч. корхонаси, «Нуротаавтуйўлмармар», «Нурбулоқ» минерал сув қadoқлаш корхонаси, «Чашма», «Истиқлол» савдо корхоналари, тикувчилик ф.калари мавжуд. Тумандаги 700 га яқин корхонадан 551 таси кичик фирма, 70 га яқин кичик ва ўрта корхона.

Туман қ.х., асосан, чорвачилик ва деҳқончилик (ғаллакорлик)ка ихтисослашган. 4 хўжалик қоракўлчилик б.н шуғулланади. 500 га яқин деҳқон-фермер хўжалиги мавжуд. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга дон, озуқа экинлари экилади. Мевазор, тоқзор, туззорлар бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, йилқи, парранда боқилади. Туман хўжалигида автотранспорт асосий ўринда. Вилоят марказига Нурота ш.дан автобуслар мунтазам қатнайди.

54 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежлари бор. 19 жамоат кутубхонаси, 26 клуб муассасаси, «Чашма» ўлкашунослик музейи, 3 стадион ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. Туман марказий касалхонаси, болалар юқумли касалликлар, 5 қишлоқ участка



Туман худудининг шим. Айдар ш ў р х о к л а р и, Қизилқум ва Қоратоғ б.н, маркази ва жан. Нурота ва Оқтоғ тизмалари ҳамда улар

Навбахор туманидаги маъмурий бинолар.



Зарафшон шаҳрининг умумий кўриниши.

касалхоналари, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 10 қишлоқ врачлик пункти, катталар ва болалар поликлиникалари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Худудида Нурота ш.даги меъморий обидалар б-н бирга Абдуллахон банди гидротехника иншооти қолдиқлари (16-а.) сақланиб қолган. 1935 й.дан «Нурнома» туман газ. чиқади.

Томди тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1927 й. 3 июлда ташкил этилган. Майд. 42,4 минг км². Аҳолиси 25,3 минг киши, асосан, узбек, қozoқ ва қорақалпоқлар, шунингдек, туркман, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 0,6 киши (2005). Туманда 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Томдибулоқ қишлоғи.

Туман ҳудуди Қизилқум чўлида жойлашган. Қад. палеозой (герцин) паст тоғлари – Томдитов, Оқтоғ, Олтинтоғ, Етимтоғ, Қуюқтоғ, Ўғиз, Бўкантоғ, Буканмерей, Улиқизил, Жаманқизил даштлари, тоғ этакларида булоқлар (Томди, Жингилди ва б.) бор. Тоғлардан олтин қазиб олинади. Ботиқ кўп (Минтбулоқ – денгиз сатҳидан 12 м паст). Тоғлар атрофи текислик, қатор қум тепалари ва кўзанақ қумлар бор. Иқлими кескин континентал.

Туманда 30 дан зиёд йирик, ўрта ва кичик корхона, 65 хусусий корхона ва фирма, 245 микрофирма, 3 акциядорлик жамияти, 4 масъулияти чекланган жамият, 2 и.ч. кооперативи ва б. ишлаб турибди.

Қ.х.нинг асоси – яйлов чорвачилиги. Асосан, қорақўл қўйлари боқилади. Туя, йилқи ҳам кўпайтирилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, йилқи, туя боқилади. 50 га яқин фермер, 90 га яқин деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади.

34 умумий таълим мактаби, қ.х. касб-хунар коллежи мавжуд. 25 кутубхона, 11 клуб муассасаси, театр, 2 музей бор. Касалхона, поликлиника, туғруқхона, дорихоналар, қишлоқ врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрса-

Учкудук тумани. Вилоятнинг шим.-гарбий қисмида, Қизилқум чўлида жойлашган. 1982 й. 25 мартда ташкил этилган. Майд. 46,6 минг км². Аҳолиси 39,5 минг киши, асосан, узбек ва қozoқлар, шунингдек, рус, украин, қорақалпоқ, тожик, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 0,8 киши (2006). Туманда 1 шаҳар (Учкудук), 1 шаҳарча (Шалқар), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Учкудук ш.

Рельефи, асосан, текислик. Қизилқум чўли қўйлар учун асосий яйлов ҳисобланади. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ, киши совуқ. Туман худудида Мурунтоғ олтин кони жойлашган.

279 корхона, шу жумладан, 226 микрофирма, 13 кичик, 13 ўрта, 27 йирик корхона, Ўзбекистон–Россия «Пром-электро» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади.

Қ.х.да яйлов чорвачилиги ривожланган. Жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй (шу жумладан, қорақўл қўйлари) ва эчки, йилқи, туя боқилади. Паррандачилик б-н ҳам шуғулланилади.

Туманда 22 умумий таълим мактаби, шу жумладан, гимназия, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, кончилик касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади. 2 маданият уйи, 8 кутубхона, стадион, соғломлаштириш пункти, сузиш ҳавзаси ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, 2-сон тиббий санитария қисми, поликлиника, аёллар ва

болалар консултацияси, 2 қишлоқ врачлик пункти, 4 қишлоқ врачлик касалхонаси фаолият кўрсатади. Учкудук ш. билан овуллар ўртасида ва Навоий ш.га автобуслар қатнайди. 1986 й.дан «Учкудук» туман газ. чиқарилади.

Хатирчи тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1927–30 й.ларда Зарафшон округидаги туман, 1938 й.дан Самарқанд вилояти, 1982 й.дан Навоий вилояти, 1989 й.дан Самарқанд вилояти, 1992 й.дан Навоий вилояти таркибида). Майд. 1,37 минг км². Аҳолиси 154,5 минг киши, асосан, узбеклар, шунингдек, тожик, рус, украин, татар, озарбайжон, қozoқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 112,7 киши (2006). Туманда 1 шаҳар (Янгиработ), 1 шаҳарча (Лангар), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Янгиработ ш.

Туманнинг шим. қисми Нурота тоғ тизмаси ва тоғ этаги қия текислигидан иборат, жан. қисми Оқдарё, Қорадарё ва қисман Зарафшон дарёси водийларини уз ичига олади. Иқлими континентал. Сув ресурслари Қорадарё, Оқдарё, Зарафшон ва бир неча сойлардан иборат. Нурота тоғининг ён бағрида Лангар кони мавжуд.

Туманда пахта тозалаш э-ди, нон к-ти, қурилиш ташкилотлари, МТП ва б. бор. 109 йирик, 32 ўрта, 55 кичик корхона, 1608 микрофирма фаолият кўрсатади. «Лангар-ЎзРос» қўшма корхонаси ишлаб турибди.

Қ.х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Туманда 300 га яқин деҳқон, 910 га яқин фермер хўжалиги мавжуд. Тоғ этакларидаги қия текисликларда чорвачилик ва тоқчилик ривожланган. Экин майдонларига пахта, дон, озуқа, картошка, сабзавот ва полиз экинлари экилади. Боғдорчилик (бодом, ёнғоқ, анор, ўрик, анжир ва б.) ривожланган. 19,9 минг га ер ўрмонзор. Тутзорлар бор.



Учкудук. Шимолий кон бошқармаси биноси.



Хатирчи тумани. Пўлкан шоир ҳайкали.

Ипакчилик б-н ҳам шуғулланилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

85 умумий таълим мактаби (шу жумладан, лицей), болалар мусиқа ва санъат мактаби, 4 касб-ҳунар коллежи бор. 23 клуб муассасаси, 35 кутубхона, музей, маданият ва истироҳат боғи, маданият саройи мавжуд. Марказий стадион, бир қанча спорт иншоотлари фаолият курсатади. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат курсатади. Олтинсой санаторий-си ишлаб турибди.

Туман маркази б-н Навоий ш. ўртида автобус қатнайди. 1932 й.дан «Хатирчи ҳаёти» туман газ. нашр қилинади.

Қизилтепа тумани. Вилоятнинг жан. қисмида, Зарафшон водийсининг жан.-ғарбидаги камбар текисликда жойлашган. 1935 й. 9 фев. да ташкил этилган (1962 й. 24 дек. да Ғиждувон туманига қўшилган. 1970 й. 7 дек.да қайтадан ташкил этилган). Майд. 2,2 минг км². Аҳолиси 114,4 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қozoқ, татар, украин, арман ва б. миллат вакиллари ҳам

яшайди. Аҳолининг уртача зичлиги 1 км² га 52 киши (2006). Туманда 1 шаҳар (Қизилтепа), 8 қишлоқ фуқаролари йғини бор. Маркази – Қизилтепа ш.

Туман ҳудуди Қизилтепа ва Офтобачи платолари орасида жойлашган. Шим.дан Қизилқумнинг кичик бир қисми кириб келган. Воҳа Зарафшоннинг чап соҳили бўйлаб Маликчўл, Қизилтепа, Қуйимозор адирлари, жандан Қарноб чўли б-н туташган. Ғарбдан воҳа Шоҳруд канали ўзани б-н чегараланган. Туманнинг шим. чегараси бўйлаб Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Тўдакўл, Қуйимозор сув омборлари, сув тўғони қурилган, Аму-Бухоро канали (Қизилтепа ва Қуйимозор насос ст-ялари) туман ҳудуди орқали ўтган. Иқлими кескин континентал.

Пахта тозалаш, ун, гишт з-длари, нефть маҳсулотлари сақлаш корхонаси, паррандачилик ф-каси, қурилиш ташкилотлари, 3 қўшма, 55 кичик, 1500 дан ортиқ хусусий корхона, 15 акциядорлик жамияти фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи—пахтачилик ва ғаллачилик, шунингдек, чорвачилик ривожланган. Мингдан зиёд фермер хўжалиги бор. Суғориладиган ерларга пахта, ғалла, сабзавот ва полиз, картошка, беда экилади. Боғзорлар барпо этилган. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

Туманда 38 умумий таълим мактаби, 2 лицей, интернат мактаби, санъат мактаби, 5 касб-ҳунар коллежи бор. 44 кутубхона, 8 клуб муассасаси, 3 маданият уйи, 2 маданият ва истироҳат боғи, музей, 3 стадион ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 2 касалхона, 2 поли-

клиника, 3 амбулатория, 31 қишлоқ врачлик, 8 фельдшер-акушерлик пунктлари, 39 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Тумандаги қишлоқларда ҳунармандчилик қадимдан ривожланган. Зардўзлик, ўймакорлик, кулолчилик буюмлари, бўйра ва ҳ.к. тайёрланади.

Туман ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти ўтган. Қизилтепа–Навоий йўналишида, шунингдек, Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент ш.ларига автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган. Меморий ёдгорликлардан Тошмасжид мажмуаси (16-а.), Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Боязид Бистомий мақбараси ва б. бор. Тарихчи олим Мирзо Абдулазим Сомиёв Бўстоний (19-а.), уламо Хожа Ҳасан Андоқийлар (11–12-а. лар) шу туман ҳудудида туғилган. 1935 й.дан «Қизилтепа тонги» туман газ. нашр қилинади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Республиканинг шарқида, Фарғона водийсининг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1941 й. 11 мартда ташкил этилган (1960 й. 25 янв.да Андижон ва Фарғона вилоятлари таркибига қўшиб юборилган. 1967 й. 18 дек.да қайта ташкил этилди). Майд. 7,4 минг км². Аҳолиси 2073,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар, украин, озарбайжон, яҳудий, белорус, арман, қozoқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг уртача зичлиги 1 км² га 280,2 киши (2005). 11 қишлоқ тумани, 8 шаҳар, 12 шаҳарча, 99 қишлоқ фуқаролари йғини бор. Маркази – Наманган ш.

Вилоят ҳудудининг асосий қисми Сирдарёнинг ўнг соҳилида, кенг Фарғона водийсида жойлашган. Ер юзаси, асосан, текислик бўлиб, шим.да қатортепалар ва Чатқол ҳамда Қурама тоғлари б-н ўралган. Бал. 350–800 м. Тоғ ва адирлар, тор водийлар, воҳалар тўртламчи геологик даврнинг катта-кичик дарёлари ва ирмоқларининг фаолиятидан ҳосил бўлган. Вилоят ҳудуди геологик фаол зонада жойлашган ва 8 баллгача зилзилалар бўлиб туради. Кенг майдонни эгаллаб ётган ва деҳқончилик объекти бўлган Қорақалпоқ чўли неоген даврида пайдо бўлган. Фойдали қазилмалардан Чодак олтин кони, тоғ кварци, сурма, мис, нефть, гипс, оҳактош ва б. қурилиш материаллари, шифобахш минерал сувлар (Чортоқда) топилган. Чуст-Поп ер асти сувининг иссиқлиги 50⁰ (1300 м дан чиқади). Сув таркибида йод ва бром бор. Чодаксойдан (450 м чуқур-



Қизилтепа туманидаги коллеж.

Наманган вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Наманган	1610	123,5	310,0	386,2	408,5
Косонсой	мл. ав. 4—6 а.лар	9,5	37,0	40,7	44,3
Учқўрғон	1969	—	32,0	29,2	31,0
Чортоқ	1976	—	40,0	45,9	48,7
Чуст	16-а.	—	55,0	60,7	64,6
Ҳаққулбод	1974	—	15,0	25,4	27,3
Поп	1980	—	29,0	20,5	23,6
Тўрақўрғон	1979	—	27,0	22,6	25,6

ликдан) 23^о иссиқликдаги водород сульфидли сув чиқали. Чортоқ, Шаҳанд, Косонсой, Учқўрғон сувлари ўзининг минералланиш даражаси ва хусусиятлари бўйича машҳур Мацеста, Чакрак, Тал сувларидан қолишмайди. Ер ости сувлари тоғ, адир, тоғ олди ботиқларида ва ёйилмаларда йирик тошши, шағалли ва қумли қатламларда жойлашган. Иқлим континентал. Ёзи узоқ, иссиқ, киши қисқа, нисбатан совуқ. Йиллик ўртача т-ра 13^о. Январда т-ра -25^о гача пасаяди, июнда 35—45^о га етади. Вегетация даври 229 кун. Вилоятнинг турли қисмларида ёғин миқдори турлича. Наманганда ўртача йиллик ёғин миқдори 230 мм, гарбида 90—190 мм, шарқий туманларида 300—400 мм, тоғ этакларида 600 мм. Ёғиннинг энг кўп қисми баҳор ва кузда ёғади. Дарёлари ёғиндан, тоғлардаги қор ва музликлардан сув олади. Энг катта дарёси—Сирдарё. Норин ва Сирдарёга Чатқол тоғларидан оқиб тушадиган Почаотасой, Чортоқсой, Чустсой, Олмоссой, Чодаксой, Говасой, Косонсой, Намангансой каби сервус тоғ дарёлари қуйилади. Косонсой, Чортоқ, Эскиер сув омборлари, Охунбобоев, Шим. Фарғона, Катта Наманган каналлари қурилган. Баҳор ва ёз бошларида содир бўладиган сел ҳодисаларидан сақланиш учун сел омборлари мавжуд. Тупроқлари пролювиал, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, оч тусли бўз, айрим жойларда шўрхок, оч тусли кўнгир, жигарранг. Косонсойда типик ва қорамтир бўз тупроқ, Наманган, Учқўрғон, Чуст туманларида оч бўз тупроқ тарқалган. Адирлар қумтош, мергель, лёсс ва чағиртошлар б-н қопланган. Баҳорда эфемер ўсимликлар ўсади. Текислик қисмининг экин экилмайди-ган ерларида шўра, шувоқ, лола, отқулоқ, Сирдарё бўйларида бетага, астрагал ва б. ўсади. Тоғларда арчзорлар, ёввойи олча, олма ва ёнғоқзорлар учрайди. Тоғларнинг баланд қисмида субальп ўтлоқлари—ёзги яйловлар жойлашган. Чўл ва адирлар ўзлаштирилиб юборилганидан бўри, тулки, қобон, юмронқозик кам учрайди. Тоғларда тоғ тақаси, суғур бор. Адирларда каламуш, дала

сичқони, эркемар, типратикан, чўл тошбақаси, турли хил илон ва калтаке-сак кўп. Қушлардан бургут, каклик ва б. бор. Қорабўвур, ёввойи ўрдак ва б. овланади. Дарё, сой ва б. сув ҳавзаларида ҳар хил балиқ яшайди, ондатра кенг тарқалган. Почаотасой, Говасойда қундуз ҳам учрайди.

Вилоят республика и.ч. ва маданий таракқиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик, электротехника, кимё, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатлари. 170 дан зиёд саноат корхонаси мавжуд. Энг йирик саноат корхоналаридан—машинасозлик, автомобилларни таъмирлаш, гишт, ёғ-экстракция, пахта тозалаш, озиқ-овқат (вино э-ди, пиво к-ти, «Наманган салқин ичимликлари», «Роҳат», «Наманган консерва», «Ширинлик», «Косонсой консерва» корхоналари), кимё, «Электротерм» и.ч. бирлашмасининг етакчи корхонаси, ипак газламалар к-ти, бадий буюмлар ф-каси ва ҳ.к. 17000 га яқин кичик корхона ва микрофирма, 80 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатади. Шулар орасида: «Наврўз» Ўзбекистон—Канада, «Шоҳи Сўзана», «Нестле-Ўзбекистон», «Шамс ЛТД», «Нур», «Оҳангар», «Чуст

пичоғи», «Наманганшина», «Косонсой-Текмен», «Попфен», «Силк-Роад», «Касмир Дери», «Наманганқоғоз», «Янис JV», Ўзбекистон—Россия «Кемтош», «Шифо» корхоналари, Ўзбекистон—Хитой «Чанна-Текстиль» қўшма корхонаси, Ўзбекистон—Туркия «Косонсойтекстиль» ва б. бор. Халқ хунарамандчилиги, айниқса, Наманган ва Чуст ш.ларида қадимдан ривожланган. Чустда пичоқ, идиш-товоқ, қ.х. қуроллари ишлаб чиқарилади, дўппидўзлик, каштачилик б-н шуғулланилади, беҳасам ва атлас газламалар тўқилади. Чуст бадий буюмлар ф-каси бор.

Вилоят қ.х.нинг асосий тармоғи—пахтачилик. Вилоят мамлакатда етиштири-лаётган пахтанинг 8—9% ни беради. Фаб-лакорлик, полизчилик, тоқчилик, саб-завотчилик, ипакчилик ва чорвачилик ривожланган. Текисликдаги суғорилади-ган туманларда чорвачилик, асосан, қорамол, тоғ олдиларидаги табиий ўтлоқларда қўй ва эчки (жумладан, май-ин жунли) боқилади. Дон, пахта, кар-тошка, сабзавот, полиз, озуқа экинла-ри экилади. Ўрмонзор, тутзор, боғ ва кўп йиллик дарахтзорлар, тоқзорлар мавжуд. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида коллектор дренаж тармоқлари қурилган. 94,8 миң дехқон, 3,5 миң фермер хўжаликлари мавжуд. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи бо-қилади.

Т.й.ларнинг уз. 138 км, шунингдек, асосий т.й. б-н саноат корхоналарини боғловчи т.й. мавжуд. Андижон—Қўқон, Наманган—Учқўрғон ўртасида поездлар қатнайди. Автомобиль йўллари уз. 1,7

Чатқол тоғлари этаклари.





Наманган «Атлас» корхонаси маҳсулотларидан намуналар.

жамоат кутубхонаси, 162 маданият уйи, 8 маданият ва истирожат боғи, 5 театр (шу жумладан Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театри) бор.

миг км (шу жумладан, қаттиқ қопламалиси 1,6 минг км). Наманган б-н Тўрақўрғон ш.лари оралигида троллейбус қатнови, Намангандан бошқа вилоятлар марказларига автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Фаргона волиёсини республика пойтахти б-н боғловчи Тошкент—Ўш автомобиль йўлининг Камчик довоида уз. 358 ва 891 м дан иборат бўлган иккита тоннель мавжуд. Наманган ш. халқаро аэропорти орқали Ўрта Осиё давлатларидаги шаҳарлар, шунингдек, РФ ва Украина шаҳарлари б-н мунтазам алоқа йўлга қўйилган.

Вилоятда 671 умумий таълим мактаби, 19 лицей, 6 махсус интернат мактаби, 2 академик лицей, 43 касб-хунар коллежи, 3 олий ўқув юрти (Наманган Давлат ун-ти, Наманган муҳандислик-педагогика ва Наманган муҳандислик-иқтисодий ин-тлари) фаолият курсатади.

Наманган ўлкашунослик ва Поп археологик музейлари, 1 марказий, 409

Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театри.

Вилоятда 115 касалхона, 250 дан ортиқ дорихона, Республика шошилининг тиббий ёрдам марказининг филиали, 256 амбулатория-поликлиника муассасаси ишлаб турибди. «Дельфин», «Виктор» ва б. замонавий аппаратлар б-н жиҳозланган «Она ва бола» скрининг маркази фаолият кўрсатади. 6 санаторий (жумладан, «Чортоқ», «Гулшан», «Косонсой»), Кўксарой дам олиш зонаси мавжуд.

Вилоятдан спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, сув полоси, чим устида хоккей, мини футбол, қўл тўпи, шахмат турлари бўйича спортчилар мамлакат мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. «Навбахор» марказий стадиони, шунингдек, «Паҳлавон», «Динамо», «Алломиш», «Соғлом авлод» спорт мажмуалари, «Дўстлик» теннис мажмуаси, 22 сузиш ҳавзаси (хусусан, «Ёшлик» сузиш ҳавзаси), 54 теннис корти, велотрек, 2 отчопар, спорт заллари, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол майдонлари бор. Шахмат, чарм тўп бўйича Осиё, жаҳон чемпионатлари, саралаш мусобақалари,

теннисчиларнинг «Буюк ипак йўли», «Сателлит», «Фьючерс» каби турнирларнинг ўтказилиши Наманганни дунёга яна ҳам кенгроқ танитди. Катталиқда республикада 2-ўринда турган (36 минг ўринлик) «Навбахор» стадиони негизда махсус футбол мактаби, «Олимпия захиралари» спорт мактабида баскетбол, волейбол, қўл тўпи бўйича спортчилар тайёрланмоқда. Наманганда «Гулбахор» аёллар футбол жамоаси фаолияти ривож топаяпти.

Наманган қадимдан халқ оғзаки ижодининг деярли барча жанрларига бой ўлкадир. Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон, Норин, Наманган ва б. туманларда халқ достончилиги мактаблари давом этган.

Ёзма адабиёт Наманганда кўҳна асрлардан бошлаб ривожланиб келди. Қад. Ахсикент ш.да 11–12-а.ларда сўз санъатининг бир қанча йирик намояндалари камол топдилар. Абу Рашид-Аҳмад Ахсикатий, Абул Вафо Ахсикатийлар ўз даврининг етук адиб ва олимлари эди. Йирик истеъдод эгаси Асириддин Ахсикатий Малик уш-шуаро ва Амири шуаро унвонларига сазовор бўлди. Ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси Мирзо Бобур, улуғ мутафаккир Бобораҳим Машраб шу ўлкада вояга етдилар. 18-а. охири–19-а.да адабиётнинг кўзга кўринган вакиллари Малик уш-шуаро Фаълий ҳамда Нодир, Фозий, Мажзуб, Мунший, Муҳлис, Маҳзун, Нодим, Шавқий, Ибрат, Ҳайрат, Хилватий ва б. шoirлардан иборат ижодкорлар гуруҳи Наманганда эътиборли бир адабий муҳитни вужудга келтирди. Исҳоқхон Ибрат ва Муҳаммадшариф Сўфизодалар 20-а. бошларида жалидчилик, миллий уйғониш ҳаракатининг етук вакиллари сифатида фаолият кўрсатдилар. Шоир Рафиқ Мўмин, Усмон Носир ўзбек адабиётининг таниқли намояндаларидан эдилар. Зафар Диёр болаларнинг сеvimли шоири бўлса, Чустий, Шўхий, Азиз Турсун ўз шеърлари б-н эл орасида танилдилар.

Вилоятда 2 вилоят газ. («Наманган ҳақиқати», «Наманганская правда»), 11 туман газ., шаҳар газ.лари чиқади, шунингдек, тармоқ газ.лари ва журналлар нашр этилади. Вилоят радиосининг дастлабки эшиттиришлари 1932 й.да бошланган. 1990 й.дан вилоятда телестудия ташкил этилиб телекўрсатувлар берилди бошлади. 2000 й.дан янги телемарказ қурилиб фойдаланишга топширилди.

Вилоятда 85 археологик, 15 га яқин меъморий ёдгорлик бўлиб, шулардан қад. шаҳар ва истеҳкомлар қолдиқлари: Ахсикент (мил. ав. 3-а. — 18-а.), Мунчоқте-





Мулла Бозор Охунд мақбараси.

па (жез даври), Ойритом, Мугтепа (антик давр) ва б.; меъморий ёдгорликлардан: Жоме масжида (18-а.), Чодак мадраса-масжида (18-а.), Шайх Исҳоқ Эшон (19-а.), Ота Валихон тура (20-а.), Ҳаққулобод (1903) масжидлари, Юсуфхон Эшон (18-а.), Мавлоно Лутфулло Чустий (1913) меъморий мажмуалари, Гойиб Назар (1892), Мулла Қирғиз (1911–12) мадрасалари, Хўжа Амин (17-а.), Бой Ҳамадоний (19-а.), Мавлоно Наманганӣ (1907) мақбаралари, Юсуфбой Ҳожи уйи (20-а. бошлари) ва б. машҳурдир.

Наманган шаҳри – Наманган вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Фарғона водийсида аҳоли сони буйича биринчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг йирик индустриал шаҳарларидан бири. Майд. 83,3 км. Аҳолиси 408,5 минг киши (2005 й.; 1897 й.да шаҳарда 62 минг киши яшаган). Фарғона водийсининг шим.да, Шимолий Фарғона канали б-н Намангансой кесишган ерда, 450 м баландликда жойлашган. Июлнинг ўртача т-раси – 26,3°, январники – 2,3°.

Фарғона водийсининг қад. пойтахти Ахсикат (Ахсикент) 1620 й.даги қаттиқ зилзила натижасида вайрон бўлганлиги сабабли, унинг аҳолиси ҳоз. Наманган ш. ҳудудига кучиб ўтган. Наманган туз кони («Намак кон») яқинида вужудга келган бўлиб, ўрта асрларга оид тарихий ҳужжатларда биринчи марта тилга олинди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» (15-а.) асариди

Наманган қишлоғи ҳақида гапириб ўтган. В.П.Наливкиннинг («Қўқон хонлигининг қисқача тарихи», Қозон, 1886) ёзишича, Наманган 1643 й.га мансуб вақф ҳужжатларида тилга олинган. 18-а.да Наманган Қўқон хонлиғига тобе бўлган. Бироқ вилоятни бошқарувчи бек қароргоҳи сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган. У фақат шаҳар аҳолисигина эмас, балки атрофдаги туманлар аҳолисига ҳам хизмат қилувчи хунармандчилик маркази бўлган. Деҳқонлар Наманган бозорларида ип ва ипак газламалари, мис идишлар, заргарлик буюмлари ва меҳнат қуролларини сотиб олишган. Шаҳарда меъморлик сезиларли даражада тараққий этган [Хўжа Амин мақбараси (17-а.), Мулла Қирғиз мадрасаси (1911–12) ва Ота Валихон тура масжида (20-а.) каби меъморий ёдгорликлари ҳоз. ҳам мавжуд].

1817–22 й.ларда Наманган аҳолиси кучи б-н катта Янгиариқ канали қазилиб, сув таъминоти яхшиланган. 1842–45 й.ларда шаҳар баланд девор б-н ўраб олинган. Қўқон хонлиги ҳукмронлигининг сўнгги кунларигача Наманган беклар қароргоҳи бўлиб келган. Фарғона

Наманган шаҳридаги «Жаҳон бозори».



маъмурий вилояти тузилгач, Наманган унинг уезд шаҳарларидан бирига айланди. 20-а. бошларида Наманган Ўрта Осиёнинг «эски» ва «янги» қисмлардан иборат типик шаҳри эди. 1912 й.да шаҳарга Қўқон томонидан т.й. ўтказилди. 1917 й.дан шаҳар саноати ривожлана бошлади. Мотор-таъмирлаш, сут-ёғ, консерва, гишт, пахта тозалаш з-длари, нон к-ти, электр ст-яси ва бир қанча майда маҳаллий саноат корхоналари ишга туширилди. Вилоятда пахтачилик, пиллачилик ва қ.ҳ.нинг бошқа тармоқлари ривожланиши шаҳарда кенг истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари саноатининг ривожланишига сабаб бўлди. Шу даврда шаҳарда 3 электр ст-яси, вино ва пиво з-длари, йнгирув-тўқув ф-каси, таъмирлаш-механика устaxonаси қурилди. 2-жаҳон уруши йиларида шаҳарда пойафзал ф-каси, тикувчилик корхонаси, гўшт к-ти, маҳаллий ва кооператив саноат корхоналари ишга тушди. Урушдан кейин энгил, озиқ-овқат, огир, кимё, металлсозлик, электротехника ва қурилиш саноатлари ривожланди. Шаҳарни электр энергияси б-н тўла таъминлаш мақсадида 1946 й. Намангансойда 2 ГЭС қурилди. 1949 й.да марказий экскаватор ст-яси ташкил этилиб, бу ерда турли хил экскаватор, скрепер, бульдозер каби машиналар таъмирланди. Ўрта Осиёда ягона электротехника з-ди (саноатда ва рўзғорда ишлатиладиган) электр иситкич асбоблари ишлаб чиқара бошлади.

Ҳоз. Наманган республиканинг энгил ва озиқ овқат саноатлари марказларидан бири. Бу ерда Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотларининг 15% ни ишлаб чиқарувчи йирик тўқимачилик корхоналари қурилди. Шаҳарда 36 қўшма корхона мавжуд. Шулардан Ўзбекистон–Япония «Силк Род», Ўзбекистон–Швейцария «Нестле», Ўзбекистон–Туркия «Аснам–Текстиль» ва б. қўшма корхоналарнинг ҳиссаси салмоқлидир. «Атлас», «Нотўқимачи», «Намангангўштсаноат», «Наманганэкстрактё», «Наман-



Наманган шаҳридаги академик лицей биноси.

ганмебель», «Намангандонмахсулот», «Меҳмаш», «Карбонам» корхоналари фаолият кўрсатади. Шаҳарда 400 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари бор.

Мустақиллик йилларида шаҳар бутунлай ўзгариб кетди. Илгариги тор кўчалар ўрнига кенг ва раvon йўллар бунёд этилди. «Бобуршоҳ», «Дўстлик», «Марғилон», «Оромгоҳ», «Уйчи» кўчалари тубдан қайта таъмирланди. Наманган азалдан узининг ҳунармандлари б-н ном қозонган. Шаҳарнинг турли бурчакларида кичик бозорчалар бўлиб, ҳунармандлар, савдогарлар, деҳқонлар ўз маҳсулотларини ана шу бозорчаларда сотишган. Кейинги 10 й. ичида бу бозорлар ўрнида «Чорсу», «Дўстлик», «Тахтакўприк», «Шоҳбекат», «Жаҳон» сингари замонавий бозорлар қад кўтарди. Шаҳар марказида Амир Темур, Бобур хиёбонлари, «Тинчлик» майдони, Машраб номидаги боғ бунёд этилди. Бобур боғи ҳудудида «Хотира» майдони барпо қилинди. Шаҳар марказида тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, эндокринология, «Она ва бола» марказлари, кўпгина маҳаллаларда амбулаториялар ишга туширилди. Аксарият маҳаллаларда гузарлар қурилди. Шаҳарда 21 автотранс-

порт ва 7 алоқа корхонаси, 48 йирик қурилиш-созлаш корхоналари мавжуд. Троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Шаҳарга «Ўздунроби-та», «Камалак-ТВ», ва «ДЭУ Юнител» қўшма корхоналари хизмат кўрсатади. Халқаро аэропорт бор. Тошкент ш., вилоядаги шаҳарларга ва вилоят туманларига автобуслар қатнайди.

Шаҳарда 38 йирик савдо корхонаси ва кўпгина савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. 2 институт, ун-т, 10 касб-ҳунар коллежи, 25 касб-ҳунар мактаби, 2 академик лицей, иқтисодиёт лицейи, 51 умумий таълим мактаби фаолият кўрсатади. 2 театр, болалар кўғирчоқ театри, 27 жамоат кутубхонаси, 5 клуб муассасаси, 4 маданият ва истироҳат боғи, 2 маданият саройи, 6 маданият уйи, 5 музей, 2 болалар мусиқа мактаби бор. 5 спорт мактаби, бир қанча стадион ва сузиш ҳавзалари, «Паҳлавон», «Динамо» спорт жаммуалари, «Дўстлик» теннис майдонлари, отчопар ва б. спорт иншоотлари мавжуд.

Касалхоналар, 2 туғруқхона, 15 поликлиника, 6 аёллар консултацияси, тиббий диспансер, 4 шаҳар врачлик пункти, санаторий-профилакторийлар аҳолига хизмат кўрсатади.

Косонсой тумани. Вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. (1962 й. 24 дек.да Чуст

тумани б-н бирлаштирилган. 1973 й. 28 дек.да қайта тузилган). Майд. 0,51 минг км². Аҳолиси 145,3 минг киши, асосан, ўзбек ва тожиклар, шунингдек, қирғиз, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли-

нинг ўртача зичлиги 1 км² га 284,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Косонсой), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Косонсой ш.

Туман ҳудуди Қоратоғ этакларида, ўртача 790 м баландликда жойлашган. Тоғли р-нлар зонасига киради. Қоратоғ, Муғ, Кўкумбой қирлари, Дам, Испоран, Ёйиқ, Қисик, Қоранқўл, Сарсон ва Ертикан, Боёстон адирлари бор. Иқлими континентал. Туман ҳудудидан Косонсойнинг қарийб 40 км қисми ҳамда Чуст, Тешиктош, Кўкумбой каналлари ўтган. Косонсой (Ўртаўқай), Қорасув, Ертикан сув омборлари қурилган. Фойдали қазилмалардан тош, арзик, оҳақтош ва б. қурилиш материаллари мавжуд.

Туманда 15 га яқин йирик саноат корхонаси (шу жумладан, пахта тозалаш эди, пойафзал ф-каси ва б.), автокорхона, нонвойхона, гишт э-ди, қурилиш ташкилотлари, «Косонсойпарранда» акциядорлик жамияти фаолият кўрсатади. «Косонсой-Текмен» (жуңли ва костьюмбоп матолар), «Атласмен» (аёллар ва аёллар кийими ишлаб чиқарилади), шунингдек, «Уй меҳнати», «Шоҳи тўқиш», «Косонсой-консерва», Исроил технологияси асосида мева шарбатларини ишлаб чиқарувчи «Нам-Кон» қўшма корхоналари ишлаб турибди.

Қ.х.да етакчи тармоқ-пахтачилик ва ғаллачилик, шунингдек, боғдорчилик, сабзавотчилик ҳам ривожланган. Суғориладиган ерларга пахта, ғалла, сабзавот, картошка ва б. экинлар экилади. Боғ, токзор ва ўрмонзорлар бор. Туманда 153 фермер, 2000 дан ортиқ деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Чорвачилик ҳам хўжаликнинг етакчи тармоқларидан. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қуй ва эчки, парранда боқилади.

50 умумий таълим мактаби, 8 касб-ҳунар коллежи, тиббиёт ва пед. билим юртлари бор. Маданият уйлари, клуб муассасалари, 34 жамоат кутубхонаси, ўлкашунослик музейи, 3 стадион мавжуд. Марказий ва ҳудудий касалхоналар, қишлоқ участка шифохоналари аҳолига хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Косонсойнома» туман газ. чиқарилади.

Мингбулоқ тумани Вилоятнинг жан.-да, Сирдарёнинг чап соҳилида, Марказий Фарғонанинг қўриқ ва бўз ерларида жойлашган. 1952 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,74 минг км². Аҳолиси 90,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 122,8 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Жомашуй), 7 қиш-



Тунги Косонсой.

лоқ фуқаролари йигини бор. Маркази — Жомашуй шаҳарчаси.

Худуди, асосан, пасттекислик, кўпчилик қисми қуриқ ва буз ерлар ҳамда қум барханларидан иборат. Иқлими қуруқ континентал. Туман худудидан Сирдарё оқиб ўтади. Қўқонқўл, Қолгандарё, Тўнғизқўл, Тегирмонқўл каби кўллар бор. Гўртепа қишлоғи ёнида минерал булоқ очилган. Асосий сув манбаи — Сирдарё, Охунбобоев номидаги канал, бир неча сув ўтказиш тармоқлари ва иншоотлари мавжуд.

Гулбоғ пахта тозалаш з-ди, транспорт, алоқа корхоналари ишлаб турибди. 130 дан ортиқ йирик, ўрта ва кичик корхона, 550 га яқин кичик фирмалар фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, ползчилик б-н ҳам шуғулланилади. Дехқон, фермер хўжаликлари, фермерлар уюшмалари бор.

51 умумий таълим мактаби, қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежи, иқтидорли болалар интернати, лицей, маланият саройи, 30 га яқин жамоат кутубхонаси бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, сил касалликлари диспансери, юқумли касалликлар касалхонаси, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 5 қишлоқ врачлик пункти, 24 фельдшер-акушерлик аҳолига хизмат кўрсатади. 1953 й.дан «Мингбулоқ» туман газ. чиқарилади.

Наманган тумани. Вилоятнинг жан-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,25 минг км². Аҳолиси 166,7 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 666,8 киши тўғри келади (2005). Худудидан 1 шаҳарча (Тошбулоқ), 12 қишлоқ фуқаролари йигини бор. Маркази — Тошбулоқ шаҳарчаси.

Туман ер юзаси текислик, адир ва дўнгликлардан иборат бўлиб, ўзлаштирилган дашт зонасига киради. Туманда ер ости сувлари кўп. Қурилиш материалларидан оҳақтош, ғишт тайёрлангани тупроқлар бор. Иқлими қуруқ субтропик, ёзи қуруқ, иссиқ, қиши қисқа, совуқ ва сернам. Об-ҳаво шароити субтропик мевалар (анжир, анор ва б.) етиштириш учун қулай. Соё кўп, водийлари тош-шағал б-н қопланган.

Туманнинг шим.дан Шимолий Фарғона канали, жан.дан Сирдарё оқиб ўтади. Катта Наманган канали, Янгиариқ, Намангансой, Гирвонсой, Ирвадонсой, Косонсой каби сув манбаларидан экинзорлар суғорилади.



Наманган тумани. Тошбулоқ теннис корти биноси.

Пахта тозалаш з-ди, транспорт, алоқа корхоналари, акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатади. «Миришкор» қўшма корхонаси, кичик ва хусусий корхоналар ишлаб турибди.

Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик. Ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. 315 фермер хўжалиги мавжуд.

42 умумий таълим мактаби, қ.х., саноат ва махсус иқтисодий касб-ҳунар коллежлари, махсус иқтисодий лицейлар, болалар мусиқа мактаби бор. Туман маданият саройи (унинг қошида ашула ва рақс ансамбли), «Бўстон» фольклор-этнографик ансамбли, маданият уйлари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 35 та филиали ишлаб турибди.

Туман марказий стадиони, ёпиқ теннис корти, футбол, баскетбол, қўл тўпи майдонлари, 30 спорт зали мавжуд. Туман марказий касалхонаси, юқумли касалликлар касалхонаси, 5 қишлоқ, 2 хусусий касалхона, ихтисослашган марказий поликлиника, тиш даволаш поликлиникаси, 14 қишлоқ врачлик, 30 фельдшер-акушерлик пунктлари, 15 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. 1962 й.дан «Иштиқола» туман газ. чиқади.

Порин тумани. Вилоятнинг жан-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган (1962–73 ва 1988–89 й.ларда Учқўрғон тумани таркибида бўлган). Майд. 0,20 минг км². Аҳолиси 120,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар, корейс ва б. миллат вакил-

лари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 603 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Ҳаққулобод), 8 қишлоқ фуқаролари йигини бор. Маркази — Ҳаққулобод ш.

Туман худуди Фарғона тизмасининг этакларида жойлашган, гарбий чегаралари бўйлаб Қораларё ўтади. Рельефи паст-баланд текисликдан иборат. Иқлими қуруқ континентал. Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Худудини шим.дан жанубга томон Катта Андижон канали кесиб ўтади.

Саноат, транспорт, алоқа корхоналари, «Норинтола» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон–Литва «Клайна Текстиль» ва «Ҳаққулобод ПИК» қўшма корхонаси, кичик ва хусусий корхоналар мавжуд.

Хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Етакчи тармоғи — пахтачилик, шунингдек, ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик б-н ҳам шуғулланилади. Суғориладиган ерларга пахта, буғдой, ем-хашак, сабзавот, картошка ва б. экинлар экилади. 2 фермер хўжаликлар уюшмаси, 250 га яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй, парранда боқилади.

44 умумий таълим мактаби, 4 касб-ҳунар коллежи ва иқтидорли болалар лицейи, 37 жамоат кутубхонаси, маданият саройи, 10 дан зиёд қишлоқ маданият уйлари, музей, «Гулдаста» халқ ансамбли, «Хўрозча» халқ кўғирчоқ театри ҳамда халқ дорбозлар гуруҳи фаолият кўрсатади.

Туман марказий касалхонаси ва 20 дан зиёд даволаш ва тиббиёт муассасалари бор. 1931 й.дан «Норин овози» туман газ. чиқарилади.

Поп тумани. Вилоятнинг гарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 28 сент.да таш-



Наманган олмалари.

қил қилинган (1930 й.дан Чуст-Поп тумани номи б-н аталган. 1931 й.да Чуст тумани ажралиб чиққанидан кейин, Поп тумани деб аталиб келинмоқда. 1947–60 й.ларда Наманган вилояти, 1960–67 й.ларда Фарғона вилояти, 1967 й. дек.-дан яна Наманган вилояти таркибида). Поп тумани Наманган вилояти майдонининг 43,8%, аҳолисининг 9% ни ташкил этади. Майд. 2,94 минг км². Аҳолиси 161,7 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қирғиз, татар, уйғур, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 55 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Поп), 5 шаҳарча (Навбахор, Олтинкон, Уйғурсой, Чоркесар, Халқобод), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Поп ш.

Туман ҳудуди Фарғона водийсининг шим.да. Қурама тоғ тизмаларининг жан. ён бағри ва Сирдарё воҳасида жойлашган. Рельефи текислик, адирлар ва тоғлардан иборат. Иқлими континентал. Ёзи иссиқ, узоқ, қиши нисбатан юмшоқ ва қисқа. Туман ҳудудидан Сирдарё, Шим. Фарғона ва Охунбобоев номидаги каналлар, тоғ олди адирларидан Чодаксой, Говасой, Жабборсой, Олмоссой, Уйғурсой, Тузликсой, Угрижарсой, Селгасой, тоғлар орасидан Кенгкўлсой, Сансалаксой, Резаксой ва б. сойлар оқиб ўтади. Шунингдек, Қазноқ ва Тавоткўллари бор. Тоғ яйловларидан кенг фойдаланилади.

Туманда қурилиш материаллари, енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатлари асосий тармоқлардан ҳисобланади. 11 саноат корхонаси, шу жумладан, 3 та қўшма корхона, автокорхона ва б. фаолият кўрсатади.

Қ.х.да пахтачилик етакчи ўринда. Ғаллачилик (шу жумладан, шолікорлик), чорвачилик, мевачилик, тоқчилик, полизчилик, сабзавотчилик, асаларичилик, пиллачилик ҳам ривожланган. Туманда 480 дан зиёд фермер, 11380 деҳқон хўжаликлари, 3 қ.х. корхонаси, ўрмон ва б. хўжаликлар бор. Суғорила-

Поп шаҳрининг марказий қисми.

диган ерларга пахта, дон, картошка, сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

40 га яқин умумий таълим мактаби, 2 академик лицей, 5 касб-ҳунар коллежи мавжуд. 40 жамоат кутубхонаси, 17 клуб муассасаси бор. 11 касалхона, 23 амбулатория ва поликлиника, 30 га яқин дорихона, 2 фельдшер-акушерлик, 16 қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. 3 стадион, 3 сузиш ҳавзаси, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари ишлаб турибди. 1931 й. 20 нояб.-дан «Поп тонги» туман газ. чиқарилади.

Тўрақўрғон тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1936 й. 17 фев.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.-да Наманган тумани б-н бирлаштирилган. 1970 й. 7 дек.да қайта тузилди). Майд. 0,33 минг км². Аҳолиси 165 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, татар, уйғур, украин, яҳудий ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 500 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Тўрақўрғон), 1 шаҳарча (Оқтош), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Тўрақўрғон ш.

Туманнинг шим.-шарқий ва жан. қисми текислик, ғарбий қисми эса тоғ этаклари ва Ертиқан, Боқибаланд, Кенгкўлсой, Наҳор ва Резаксой адирларидан иборат. Иқлими кескин континентал. Туманнинг жан. қисмидан Сирдарё, шим.дан Косонсой, Катта Наманган канали, ғарбий қисмидан Сумсарсой сойлари оқиб ўтади. Шим. Фарғона, Мош каналлари ҳам мавжуд.

Туманда йирик саноат ва қурилиш ташкилотларидан «Оҳангар-ТТ», қ.х. машинасозлиги, пахта тозалаш, гишт э-длари, қишлоқ қурилиш к-ти, «Кооп-агрофирма», «Қишлоқхўжаликкимё», «Тўрақўрғон- Деҳқонмаштаъминот», Тўрақўрғон МТП корхоналари, «Тўрақўрғон-Ширинлик» Ўзбекистон–Голландия, «Ахсикент» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхоналари, қишлоқ қурилиш конструкциялари к-ти, «Шамс» гугурт ф-каси, норуда материаллар карьери,

Оқтош автомобиль йўлидан фойдаланиш бошқармаси мавжуд.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари – пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик ва боғдорчилик. Туманда 259 фермер, 221 деҳқон, 2 боғдорчилик ва тоқчилик хўжаликлари бор. Суғориладиган ерларга пахта, дон, ем-хашак экинлари экилади. Боғ ва тоқзорлар мавжуд. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади. Туман ҳудуди орқали Тошкент – Наманган–Андижон поезди ўтади.

59 умумий таълим мактаби, қ.х. ва саноат-транспорт касб-ҳунар коллежлари, касб-ҳунар лицейи бор. «Камалак» болалар истироҳат боғи, 56 жамоат кутубхонаси, Ибрат адабиёт музейи, шон-шўрат ва устоз-мураббийлар музейлари, маданият саройи фаолият кўрсатади.

Спорт, кураш мактаблари, 2 стадион, спорт заллар, футбол, қўл тўпи, мини футбол майдонлари, 7 теннис корти, 2 сузиш ҳавзаси мавжуд.

Туманда 28 тиббиёт муассасаси, туман марказий касалхонаси, поликлиника, «Шаханл» санаторийи ва б. аҳолига хизмат кўрсатади. Меъморий ёдгорликлардан Ғойибназар қози мадрасаси (1892), Фалосбонбува (1860), Лангарбиби макбаралари (18-а), Сирли (1895), Баланд (1895), Омонбойбува (1890), Бозорбоши (1860), Мирза Ҳамдам (1883), Исоқхон-тўра (1806) масжидлари; қал. Ахсикат ш.нинг харобалари бор. 1971 й. 1 сент.дан «Давр» туман газ. нашр этилади.

Уйчи тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1935 й. 28 июлда ташкил этилган (1962 й.да Янгиқўрғон туманига қўшиб юборилган. 1967 й.да қайта тузилган). Майд. 0,31 минг км². Аҳолиси 171,9 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 554,5 киши (2005). Туманда 2 шаҳарча (Уйчи, Ўнҳаёт), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Уйчи шаҳарчаси.

Туман рельефи, асосан, текислик. Шим.-шарқий қисмини адирлар эгаллаган. Иқлими континентал. Ҳудудидан Норин дарёси, Шим. Фарғона ва Катта Наманган каналлари оқиб ўтади.

Саноат корхоналаридан «Ипакчи», «Йигирув-туқув», «Нотўқима мато» корхоналари, пахта тозалаш э-ди, «Ал-Жаҳон» Ўзбекистон–Хитой чой қадоқлаш қўшма корхонаси мав-



жуд. 900 дан зиёд кичик корхона бор.

Пахтачилик, галлачилик ривожланган. 200 дан ортиқ фермер хўжаликлари, тажриба хўжалиги, бўрдоқчилик базаси, паррандачилик ф-каси фермаси, вилоят наслчилик корхонаси фаолият кўрсатади. Ирригация ўрмон хўжалиги, давлат ўрмон хўжалиги, боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик и.т. институти филиали, кўчат етиштириш хўжалиги мавжуд. Суғориладиган ерларга пахта, галла, картошка, сабзавот ва полиз ҳамда турли экинлар экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй, парранда боқилади.

46 умумий таълим мактаби, махсус мактаб интернати, 4 касб-хунар коллежи бор. 34 жамоат кутубхонаси, маданият саройи, 14 қишлоқ маданият уйи, Халқ музейи, Хотира ва қадрлаш уйлари, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Спорт мажмуаси, «Соғлом авлод» спорт маркази, стадионлар ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади.

Туман марказий касалхонаси, поликлиника, 4 қишлоқ участка касалхонаси, 13 қишлоқ врачлик пункти, болалар юқумли касалликлар шифохонаси, сил касаллигига қарши диспансери, 4 врачлик амбулаторияси аҳолига хизмат кўрсатади.

Тумандаги 256 км йўлдан 78 км вилоят ва республика аҳамиятидаги транспорт йўллари. Тошкент—Андижон т.й. туман ҳудудидан ўтган. Бу ерда Девонабобо зи-

ёраттоҳи жойлашган. 1935 й. 20 мартдан «Уйчинома» туман газ. чиқарилади.

Учқўрғон тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1935 й. 28 июлда ташкил қилинган (1962—73 й.ларда, 1988 й. сент.дан 1989 й.гача Норин тумани б-н қўшилган. 1940 й.гача Фарғона вилояти, 1941 й. 6 мартдан Наманган вилояти, 1960 й.дан 1967 й.гача Андижон вилояти, 1968 й.дан эса яна Наманган вилояти таркибиди). Майд. 0,29 минг км². Аҳолиси 131,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, татар, тожик, рус, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача 1 км² га 452,4 киши киши туғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Учқўрғон), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази—Учқўрғон шаҳри.

Туман вилоятнинг шим.-шарқидидаги текисликда жойлашган (500 м). Иқлими кескин континентал. Шим.-ғарбидан Норин дарёси оқиб ўтади. Катта Фарғона, Катта Андижон, Ҳаққулобод, Дамариқ, Ингичка, Чап қирғоқ, Бирлашган каналларидан экинларни суғоришда фойдаланилади.

Туманда Учқўрғон ва Қўғай пахта тозалаш, Учқўрғон ёғ, пиво ва салқин ичимликлар, гишт, асфальт з-длари, «Учқўрғон-Текстиль», Қўғай таъмирлаш, Учқўрғон дон маҳсулотлари, «Учқўрғоннон» корхоналари, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, қўшма ва кичик хусусий корхоналар ишлаб турибди.

Қ.х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Сабазавотчилик, боғдорчилик ва чорвачилик ҳам ривожланган. 390 дан

зиёд фермер ва 26,7 минг деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатади. Экин майдонларига пахта, галла, сабзавот, картошка, полиз ва беда экилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй, парранда боқилади. Пиллачилик ривожланган.

43 умумий таълим мактаби, ўқиш жараёни чуқурлаштирилган гимназия ва лицей мактаблари, 5 касб-хунар коллежи, спорт интернат-лицейи, махсус кар-соқовлар интернати фаолият кўрсатади.

Маданият саройи, 11 маданият уйи, мусиқа мактаби, 41 жамоат кутубхонаси, 20 бадиий ҳаваскорлик ансамбли бор. Спорт-соғломлаштириш маркази, «Пахтакор» стадиони, спорт заллар, футбол, мини футбол майдонлари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Касалхоналар, 2 поликлиника, сил касаллигига қарши курашиш диспансери, 10 қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаторияси, Учқўрғон дон маҳсулотлари корхонасига қарашли шаҳар врачлик пункти, 23 фельдшер-акушерлик пункти, 10 стоматология бўлими, 3 врачлик соғломлаштириш пунктлари, шошилич тиббий ёрдам курсатиш бўлимлари аҳолига хизмат кўрсатади. «Нихол» она ва бола санаторийси ишлаб турибди.

Туман ҳудуди Қўқон—Андижон—Тошкўмир т.й. ёқасида жойлашган. Учқўрғон т.й. станцияси орқали Андижон—Наманган—Тошкент, Қўқон—Андижон йўналишларида поездлар қатнайди. 1997 й.дан «Ёрқин ҳаёт» туман газ., шунингдек, 1999 й.дан «Учқўрғон ғунчалари» газ. нашр этилади.

Чортоқ тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1950 й. 15 апр.да ташкил этилган. Майд. 0,36 минг км². Аҳолиси 148 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг уртача зичлиги 1 км² га 411,1 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Чортоқ), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Чортоқ ш.

Туман ҳудуди Чатқол тизмасининг жан. этакларида жойлашган. Ер юзаси текислик ва адирлардан иборат. Баландлиги жан.дан шимолга 300 м дан 1500 м гача. Фойдали қазилмалардан нефть, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурилиш материалларидан шағал, оҳақтош, гил тупроқлари бор. Иқлими континентал; ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ. Тоғадирлардан катта-кичик сойлар оқиб тушади. Улардан баъзиларида фақат ёғингарчилик мавсумидагина сув оқиб, ёзда қуриб қолади. Энг йирик сойлари:



Учқўрғон гидроузели.

Чортоқсой, Намангансой (юқори қисмида Поччаотасой) ва б. сойлардан баҳорги ёмғирларда кучли сел келади ва хўжаликка катта зарар етказиши. Айрим сойларда селга қарши селхоналар қурилган. Соё сувларидан суғоришда кенг фойдаланилади. Тумanning жан. қисмидан Катта Наманган (Чортоқ), жан. чегарасидан Шим. Фарғона каналлари ўтган. Қ.х.га яроқли ерлар ўзлаштирилган. Адир ўсимликларини ўрганиш ва уларни бойитиш бўйича Ўзбекистон ФА Ботаника ин-тининг тажриба участкаси бор.

Пахта тозалаш, Чортоқ минерал сув з-длари, тикувчилик ф-каси, автокорхона, МТП, қурилиш ташкилотлари ва б. фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик. Сабзавотчилик, галлачилик, мева етиштириш ҳам ривожланган. Деҳқон ва фермер хўжаликлари бор. Экин майдонларига пахта, дон, сабзавот, картошка ва полиз экинлари экилади. Мевазор ва тоқзорлар кўп.

Умумий таълим, болалар музика мактаблари ва б. ўқув муассасалари бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, клуб муассасалари ва маданият уйлари, ҳалқ театри мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихоналар, фельдшер-акушерлик, қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди. «Пахталикўл», «Чортоқ» санаторийлари фаолият кўрсатади. Фарғона водийси бўйлаб ўтказилган айланма т.й. Чортоқ ш.дан ўтади. Наманган—Чортоқ—Нанай автомобиль йўли республика аҳамиятига эга. 1982 й.дан «Чортоқ ҳақиқати» туман газ. чиқарилади.

Чуст тумани. Вилоятнинг шим.да жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,92 минг км². Аҳолиси 202,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 219,8 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Чуст), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Чуст ш.

Туман ҳудуди Чатқол тоғларининг этакларидаги паст-баланд текисликларда жойлашган. Куп қисми адир. Бал. 1000—1200 м. Иқлими континентал. Тоғлардан оқиб тушадиган сойлар (Фовасой, Олмоссой, Шатаксой, Резаксой, Каркидонсой ва б.) жарликлар ҳосил қилган. Жан. қисми Сирдарёга туташ бўлиб, текисликдан иборат. 1947 й.да ишга туширилган Чуст канали Косонсой сув омбори сувини 58 км масофага — Олмос қишлоғигача олиб боради.

Туманда «Чустмаш», «Пахта толаси», «Барийон» акциядорлик жамиятлари, миллий пичоқлар ясаш, «Сувмаш» корхоналари, қ.х. машиналари учун эҳтиёт қисмлар и.ч., сут, асфальт з-длари (Олмос қишлоғи), бадий буюмлар, қандолат, тикувчилик, атлас корхоналари, нон и.ч. корхонаси, «Чуст» и.ч., савдо ва б. корхоналар бор. Чуст пичоқлари ва дўппилари жаҳон кўрғазмаларида юқори баҳоланади.

Қ.х. асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Чорвачилик, боғдорчилик, тоқчилик ҳам ривожланган. Туманда фермер, деҳқон хўжаликлари бор. Экин майдонларига пахта, галла, картошка, сабзавот, полиз экинлари экилади. Боғзор, тоқзор, тутзор, мезали кўчатзорлар барпо этилган. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда ҳам боқилади.

69 умумий таълим мактаби, 2 иқтидорли болалар интернати, 2 гимназия интернат, санаторий-интернат, санъат, музика мактаблари, 6 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. 47 жамоат кутубхонаси, 14 клуб муассасаси, 2 музей, санъат саройи, 6 маданият ва иштироқат боғи мавжуд. 3 болалар ва ёшлар спорт мактаби, 6 стадион, 2 сув ҳавзаси, спорт заллар, 4 теннис корти, футбол майдонлари бор. 38 касалхона, туғруқхона, поликлиника, дорихона, қишлоқ врачлик пунктлари, 3 фельдшер-акушерлик пункти, 3 қишлоқ даволаш амбулаторияси ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Санаторий, дам олиш уйлари ишлаб турибди. Туман ҳудуди орқали Фарғона ҳалқа

автомобиль йўли ўтади. 1931 й.дан «Чуст ҳақиқати» туман газ. чиқади.

Янгиқўрғон тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,54 минг км². Аҳолиси 161,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 298 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Янгиқўрғон), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Янгиқўрғон шаҳарчаси.

Туман ҳудуди Чатқол тизмасининг жан. этакларида жойлашган. Ер юзаси текислик ва адирлардан иборат. Баландлиги жан.дан шимолга 300 м дан, ўрта қисмида 1500 м гача, шим.да 1500—2000 м. Фойдали қазилмалардан: нефть, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қурилиш материалларидан шағал, оҳақтош, гил туپроқлар бор. Иқлими континентал, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ. Тоғлардан катта-кичик сойлар оқиб тушади. Уларнинг баъзилари ёзда қуриб қолади. Энг йирик сойлари: Чортоқсой, Намангансой (юқори қисмида Поччаотасой), Қуруқсой (Чангач). Соёлардан баҳорда баъзан кучли сел келади ва хўжаликларга катта зарар етказиши. Айрим жойларда селхоналар қурилган. Қ.х.га яроқли ерлар ўзлаштирилган. Адир ўсимликларини ўрганиш ва уларни бойитиш бўйича ЎзФА Ботаника ин-тининг тажриба участкаси фаолият кўрсатади.

Саноат корхоналаридан пахта тозалаш з-ди, тикувчилик, атлас тўқиш цехлари, қурилиш ташкилотлари, МТП, автокорхона, нон к-ти, деҳқон бозори, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Йирик, ўрта бизнес, кичик корхоналар, микрофирмалар фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи—пахтачилик. Сабзавотчилик, галлакорлик ва чорвачилик, мева етиштириш ҳам ривожланган. Экин майдонларига пахта, буғдой, маккажўхори, сабзавот, картошка полиз экинлари экилади. Мевазор ва тоқзорлар бор. Умумий таълим, болалар музика ва спорт мактаблари, касб-ҳунар коллежлари мавжуд. Туман марказий кутубхонаси, клуб муассасалари, маданият уйлари ишлаб турибди. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихона, фельдшер-акушерлик, қишлоқ врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан республика аҳамиятидаги Чортоқ—Нанай автомобиль траси ўтган. 1931 й.дан «Янгиқўрғон ҳаёти» туман газ. чиқарилади.



Чуст шаҳридаги касб-ҳунар коллежи.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Республиканинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1938 й. 15 янв.да ташкил этилган. Майд. 16,8 минг км². Аҳолиси 2867,1 минг киши, асосан, узбеклар, шунингдек, тожик, рус, украин, озарбайжон, арман, корейс, белорус, татар, месхети турклари, яҳудийлар, лўлилар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га уртача 170,7 киши туғри келади (2005). Вилоятда 14 қишлоқ тумани, 11 шаҳар, 12 шаҳарча ва 125 та қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Самарқанд ш.

Вилоят худуди Помир-Олай тоғларининг гарбий чеккасида, Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида жойлашган. Рельефи, асосан, кенглик бўйлаб чўзилган ва шим.дан Туркистон тоғ тизмаларининг тармоқлари (Нурота тоғи, Оқтоғ), жан.дан Зарафшон тоғ тизмалари б-н ўралган Зарафшон дарёси водийсидан иборат. Ёзи иссиқ, қиши илқ, континентал, қуруқ иқлим. Январнинг уртача т-раси шим.да –2°, тоғларда –4,8°. Июлнинг уртача т-раси 25,9°–27,8°. Энг паст т-ра –32°, энг юқори т-ра 42° (Каттақурғон). Уртача йиллик ёғин 282–459 мм. Ёғиннинг 80% қиш ва баҳорда ёғади. Вегетация лаври 324–334 кун. Асосий дарёси – Зарафшон. Вилоят худудидаги қисмининг уз. 193 км. Дарғом, Нарпай, Ўнг қирғоқ, Чал қирғоқ, Марказий магистрал, Зарафшон, Эски Анҳор каналлари ва Каттақурғон сув омборидан ҳам экинларни суғоришда фойдаланилади. Тупроғи, асосан, бўз, сурқунғир оч бўз, туқ бўз тупроқлар. Чўл зонасида тақир ва шўрхоклар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан чала чўл ва чўл ўсимликлари асосий ўринни эгаллайди. Тоғ ён бағирларига яқин текисликларда

Самарқанд вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Самарқанд	мил. ав. 8-а.	196,5	462,0	361,1	361,2
Оқтош	1967	9,8	30,3	33,8	34,3
Каттақурғон	1868	34,1	70,0	66,1	64,5
Ургут	1973	10,5	36,0	49,4	54,0
Булунгур	1973	25,5	22,0	24,0	25,0
Жомбой	1977	—	12,0	13,7	14,4
Иштихон	1984	—	9,0	12,2	12,9
Нуробод	1983	—	7,0	7,9	7,7
Пайариқ	1994	—	10,2	11,2	11,6
Жума	1973	5,9	16,0	18,0	18,3
Челак	1981	—	10,0	16,6	18,1

ўтлоқлар бор. Даштларда шўра-галофит ўсимликлар ўсади; Зарафшон дарёси водийсида терак, жийда, тол, турангил, маймунжон, юлғун, оқтикан тўқайзорлари бор. Тоғларда ёнғоқзорлар, pista, бодом; тошлоқ ён бағирларда арчазорлар учрайди. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чиябўри, бури, текисликларда жайран, тоғларда қўнғир айиқ, дарё сувсари; қўшлардан тустовуқ, туводоғ, тоғларда каклик; дарёларда балиқлар учрайди.

Фойдала қазилмалардан олтин, қумуш, вольфрам рудаси (Ингичка), флюорит, кварц, оҳақтош, гранит, мергель, гипс, бентонит гили, абразив материаллар, минерал бўёқлар, мрамор (Омонқутон, Ғозғон, Жом), корунд конлари (Нуротанинг жан.-шарқиди); минерал булоқлар бор.

Вилоятни электр энергияси б-н Толиғулон, Иртешар, Хишров ГЭСлари ҳамда қисман Навоий иссиқлик электр ст-яси таъминлайди. Ургут туманида Сугдиёна ГЭС қурилмоқда.

Вилоятда озиқ-овқат, енгил, машинасозлик, кимё саноатлари ривожланган. Лифтсозлик, киноаппаратура и.ч., чой қadoқлаш, совиткич, автомобилсозлик, тамаки ферментация корхоналари

бор. Кейинги йилларда ип газлама и.ч. ривожланмоқда. Аксарият йирик ва уртача корхоналар негизда акциядорлик жамиятлари ташкил этган. Мулкчиликнинг барча турига оид 80 та асосий саноат корхонаси, 23000 га яқин кичик корхона ва микрофирма мавжуд (2006).

Самарқанд қадимдан ўзининг хунарамандчилиги б-н машҳур. Бу ерда шойи ва гилам, сўзана тўқиш, заргарлик, кулчилик, ёғоч, ганч, тош ўймакорлиги ва б. халқ амалий санъати турлари тараққий этиб келмоқда. Самарқанд нонлари, айниқса, Самарқанд қоғози бутун дунёга машҳур.

Вилоят қ.х.да пахтачилик, ғаллачиликдан ташқари боғдорчилик, тоқчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, тамаки етиштириш ҳам ривожланган. Самарқанд вилояти узумчилик бўйича Тошкент вилояти б-н биргаликда Ўзбекистонда етакчи ҳисобланади. Вилоятдаги экин майдонларига ғалла, пахта, сабзавот ва полиз экинлари, картошка, тамаки, ем-хашак экинлари экилади. Боғлар, тутзорлар, тоқзорлар барпо этилган. Вилоят қ.х.да 10,7 мингга яқин

Зарафшон тоғ тизмалари.





фермер хўжалиги, 10 акциядорлик жамияти фаолият кўрсатади. Самарқанд вилоятидаги барча хусусий ва жамоа хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда, шунингдек, йилқи боқилади.

Вилоятда барча турдаги транспорт воситалари яхши ривожланган. Ўзбекистон ҳудудиди биринчи т.й. 1888 й. Форобст-ясидан (Туркменистон) Самарқандгача қурилган. Вилоят ҳудудидан халқаро ва маҳаллий т.й.лар утган. Вилоят ҳудудидан ўтган т.й.нинг (жами уз. 287,7 км) 50 км электрлаштирилган. Вилоят ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти, Зарафшон—Самарқанд—Бухоро—Туркманобод автомобиль йўллари ўтади. Вилоятдаги қаттиқ қопламали йўлларнинг уз. 4,1 минг км. Самарқанд ш.даги халқаро аэропорт Тошкент ш. орқали дунёнинг турли мамлакатлари б-н боғланган.

1195 умумий таълим мактаби, 47 касб-хунар коллежи, 2 академик лицей, 6 олий ўқув юрти (ун-т. тиббиёт, кооператив, қ.х., архитектура-қурилиш, чет

қишлоқ врачлик пункти, 444 фельдшер-акушерлик пункти, 21 қишлоқ участка касалхонаси ва амбулаторияда ихтисослаштирилган даволаш марказлари ташкил этилган. Вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам маркази Республикада биринчи бўлиб ишга туширилди. 9 санаторий ва дам олиш уйлари, шу жумладан, Нурбулоқ санаторийси, Нуробод туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги бугин, оёқ оғриги касалликларини табиий сув асосида даволайдиган курорт, Самарқанд туманидаги Оғалиқ қишлоғида ва Самарқанд ш.да дам олиш уйлари ва б. мавжуд.

Вилоят спортчилари спортнинг кўплаб турлари буйича ҳар хил даражадаги мусобақаларда иштирок этмоқдалар (кураш, чим устида хоккей, волейбол, футбол, теннис, бокс ва б.). Улар халқаро ва республика мусобақаларида олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлмоқдалар. Вилоятда замонавий спорт иншоотларидан 40 дан зиёд стадион, 9 суэтиш ҳавзаси, 490 га яқин спорт заллари, 49 теннис корти мавжуд. 42 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1930 жисмоний тарбия жамоалари фаолият кўрсатади.



Афросиёб харобалари.

тиллари ин-тлари), илмий тадқиқот ин-тлари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда 111 касалхона, 579 поликлиника, амбулатория ва б. тиббий муассасалар, 208 аёллар консултацияси, 187 болалар поликлиникаси ва амбулаторияси, 311

Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей-қуриқхонаси таркибидаги 8 музей мавжуд. Мусиқа ва драма театри, А.П.Чехов номидаги рус драма театри, Самарқанд қўғирчоқ театри ва Каттақўрғонда Мажидий номидаги драма театри бор. Вилоятда 744 жамоат кутубхонаси, 320 маданият уйи, 9 маданият ва истироҳат боғи, ёшлар маркази, Жума ш.да Ўзбекистон—Корея хусусий санъат коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Самарқанд мусиқа маданияти қадимдан туркий ва форсийзабон халқлари анъаналарининг ўзаро яқинлиги б-н ажралиб туради. Самарқанд мусиқаси, айниқса, Амир Темури ва Темурийлар даврида кенг ривож топди. Машҳур мусиқашунос, созанда ва бастакорлардан Абдулқодир Мароғий (14—15-а.), Амир Али Акбар Самарқандий, Боқий Жарроҳ Самарқандий, Султон Муҳаммад Удий Самарқандий ва б.ни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов (1852—1936) мақом йўллари, ўзбек ва тожик халқ ашулаларининг моҳир ижроچиси, созанда ва бастакор сифатида танилган. У б-н бирга Левича Ҳофиз, Қори Ёқубов, Камол Ҳофиз, Маърифатхон, Мақсалча ва б. хонанда ва созандалар, яллагчи, аскиячи ва раққос Ҳожи Қурбон фаолият кўрсатган.

Самарқандда илк бор (1947 й.да) театр санъатиға қадам қўйилган. Самарқанд пойтахтлик даврида, 1925 й.дан М.Мироқилов раҳбарлигидаги Ўзбек давлат сайёр намуна труппаси (1927 й.дан М.Уйғур раҳбарлигидаги марказий драма труппаси), 1929 й.дан М.Қориёқубов раҳбарлигидаги Ўзбек давлат мусиқали театри, 1928 й.дан Ўзбекистон мусиқа ва хореография (санъатшунослик) илмий тадқиқот ин-ти ўз фаолиятини бошлаган. Бу ерда М.Ашрафий, Т.Содиқов, М.Бурҳонов, Ш.Рамазонов ва б. таълим олган. 1945 й.да Самарқанд давлат мусиқа юрти (ҳоз. Самарқанд давлат санъат коллежи), 1964 й.да М.Ашрафий раҳбарлигида Самарқанд опера ва балет театри ташкил қилинган.

Самарқандда 1978, 1983 ва 1987 й.ларда Ўрта ва Яқин Шарқ анъанавий мусиқасига бағишланган халқаро мусиқа анжуманлари, 1997 й.дан бошлаб «Шарқ тароналари» халқаро фестивали ўтказилмоқда.

Самарқанд қад. замонлардан адабиётшунос олим ва шоирларнинг ватани сифатида машҳур. Самарқанд адабий ҳаётини шакллантиришда Абулйанбағий Самарқандий, Хураймий Суғдий Самарқандий (8—9-а.лар), Абу Абдулло Рудакий (9—10-а.лар), Қозизода Румий,

Рухобод мақбараси.

Низомий Арузий Самарқандий (12-а.), Али Қушчи, Аҳмад Югнакий кабиларнинг ўрни катта. Самарқанд адабий муҳитининг намоёндалари: Ҳаким Сузаний Самарқандий, Абулқосим Самарқандий, Мавлоно Саккокий, Аҳмад Ҳожибек Вафойи, Мирзобек Самарқандий, Мирзохўжа Суғдий, Риёзий Самарқандий, Зулфиқор Фақирий Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий, Муҳаммадбадеш Малехо Самарқандий, Фитрат Зардузи Самарқандий (15–17-а.лар), Содик Самарқандий (18–19-а.лар), Дабири, Муҳаммад Олим Самарқандий, Саид Аҳмад Сидиқий (Ажзий), Маҳмудхўжа Бехбувий, Абдулқарим Сипандий, Саидризо Ализода, Абдужалил Писандий, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир ва б. Самарқанд адабий ҳаётида, айниқса, Абдураҳмон Жомийнинг бе-назир ўрни бўлиб, Самарқанддаги ҳаёти ҳақида «Мирзо Ҳамдам» дostonи яратилган. Самарқанд маданий-адабий ҳаётига беvosита Хожа Аҳрор Валий (15-а.), Маҳдуми Аъзам Косоний катта таъсир кўрсатган.

Самарқанд вилоятида 3 вилоят газ. («Зарафшон», 1917 й.дан чиқарилади, адади 5000; «Самарқандский вестник», 1917 й.дан чоп қилинади, адади 1200–1300, «Овози Самарқанд» тожик тилида 1989 й.дан чиқарилади, адади 3500), 14 туман газ., 1 шаҳар газ. («Самарқанд») чиқади. Вилоятда, шунингдек, бир қанча

тармоқ газ. нашр этилади. Жами 42 номдаги газ. ва 9 номдаги журналлар чоп этилади. Самарқандда 1894 й.да дастлабки босмахона ташкил этилиб, ўзбек, тожик ва рус тилларида бадиий ва илмий адабиётлар, қўлланмалар нашр қилина бошлади.

Самарқандда биринчи радиоэшиттиришлар 1926 й.дан, телекўрсатувлар 1955 й.дан бошланган. 1991 й.дан Самарқанд ш. телевидениеси фаолият кўрсатмоқда.

Самарқанд вилояти маданий, тарихий ва меъморий ёдгорликларга бой. Вилоятда 291 меъморий, 1452 археологик, 36 тарихий, 188 монументал санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорлиги бор.

Самарқанд шаҳри — Самарқанд вилоятидаги шаҳар, вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази (1938 й.дан). Ўзбекистоннинг жан.-ғарбида, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида (Дарғом ва Сиёб каналлари орасида) жойлашган. Ўртача 695 м баландликда. Июлнинг ўртача т-раси 25,9°, янв.нинг ўртача т-раси 0,2°, Майд. 0,09 минг км². Аҳолиси 385,2 минг киши (Кимёгарлар, Фарҳод. Хишров шаҳарчалари б-н бирга, 2005; 2004 й. 383,3 минг; 1975 й. 299 минг, 1970 й. 267 минг, 1959 й. 196 минг, 1939 й. 136 минг, 1897 й. 55 минг, 1865 й. 26 минг). Самарқанд шаҳар Кенгашига қарашли 3 шаҳарча (Кимёгарлар, Фарҳод, Хишров) мавжуд.

«Самарқанд» сўзининг келиб чиқиши тўғрисида бир қанча тахмин ва гипотезалар мавжуд. Шарқ муаллифлари «Са-



Бибихоним мақбараси.

марқанд» сўзининг биринчи қисми, яъни, «Самар» сўзи шу шаҳарга асос солган ёки шаҳарни босиб олган кишининг номи, иккинчи қисми «кент» (қанд)—қишлоқ, шаҳар деб ҳисоблайдилар. Баъзи европалик олимлар, санскритча «Samaḡa» яқин, яъни «йиғилиш, йиғин» сўздан келиб чиққан деб изоҳлайдилар. Антик муаллифларнинг асарларида шаҳар «Мароканда» деб аталган,

Регистон майдони.





Самарқанд шаҳри. Марказий кўча.

«Мароканда» — Самарқанд атамасининг юнонча айтилишидир. 11-а. олимларидан Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кашгарий шаҳар номининг келиб чиқишини «Семизкент», яъни «семиз қишлоқ» сўзининг бузиб талаффуз қилиниши деб тушунтирадилар.

Самарқанд жаҳоннинг энг қад. шаҳарларидан бири. Афросиёбда топилган археологик материаллар шаҳарнинг мил. ав. 8-а.да вужудга келганлигини исботлайди. Мил.ав. 4-а.дан мил. 6-а.гача Суғд давлатининг пойтахти булган. Мил. ав. 329 й. македониялик Александр (Искандар Мақдуний) қушинлари Самарқандни вайрон қилган. Самарқанд 6-а.да Турк хоқонлиги таркибига кирган ва маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилган. 7-а. бошидан Зарафшон волийси Самарқанд ҳокимлари кул остига утган. Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қушинлари 712 й.да Самарқандни эгаллаган. 776—83 й.ларда арабларга қарши

«Афросиёб» меҳмонхонаси.

Муқанна бошчилигида қўзғолон кўтарилган. 9-а. 20-й.ларидан Самарқандни бошқариш Сомонийлар қўлига ўтди. Ўша вақтдан Самарқанд—Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлди. Сомонийлар пойтахти Бухорога кўчирилгандан (889) сўнг ҳам Самарқанд Мовароуннахрнинг энг йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири бўлиб қолди. 11-а.дан Самарқанд Қорахонийлар давлати таркибига кирган. 11-а.да Самарқанд Салжуқийларга, 12-а.дан Қорахитойларга тобе бўлган. 1210 й.дан Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати таркибига. 1220 й. Чингизхон қушинлари Самарқандга бостириб кириб, шаҳарни вайрон қилган. Бир неча йилдан сўнг Самарқанд қайта тиклана бошлаган. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Самарқанд Чигатой улуси таркибига бўлган. 14-а. охири ва 15-а.да Самарқанднинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаёти анча юксалди. Амир Темури салтанати пойтахти сифатида Самарқанд жаҳонга машҳур бўлди. Айниқса, Улугбек даврида Самарқандда қурилишлар авж олди, қушни давлатлар б-н алоқалар кучайди. 15-а. охирида Самарқандни

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, 1500 й. Шайбонийхон эгаллади. 16-а. ўрталаригача Самарқанд Шайбонийлар давлатининг пойтахти бўлиб турди. Ўша вақтдан рус босқинига қадар (1868) Бухоро хонлиги (амирлиги) таркибига бўлиб келди. 1723—30 й.ларда қозоқлар босқини даврида катта талафот кўрди. 1740—47 й.ларда Нодиршоҳга тобе бўлди. 17-а.нинг 1-ярмида олчин уруғидан чиққан ўзбек ғарбий-заминдорларининг йирик вакили Ялангтуш Баҳодир Самарқанд ҳокими бўлган. 1758—1868 й.ларда эса Самарқанд Бухоро амирлигига итоат қилган. 1868 й. 2 майда рус подшоси қушинлари шаҳарни эгалладилар. Кейинчалик Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари бирлаштирилиб, Зарафшон округи тузилди. 1886 й. Зарафшон округи Самарқанд вилоятига айлантирилди. Самарқанд унинг маъмурий ва савдо марказига айланди. 1917 й. 5 дек.да Самарқандда ҳокимият шўролар қўлига ўтди. 1925—30 й.ларда Самарқанд Ўзбекистон пойтахти бўлиб турди.

Самарқанд бунёд бўлганидан буён Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб келди. Шаҳарнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги, бу ерда қадимдан ҳунармандчиликнинг шойи тўқиш, машҳур Самарқанд қоғози и.ч., кулолчилик, темирчилик, новвойлик, қандолатчилик, бадий каштачилик ва б. турлари ҳамда савдо-сотих ишларининг ривожига туртки бўлди. Самарқандда қадимдан равнақ топган ҳунармандчилик турлари маҳалла-гузарларнинг номларида сақланиб қолган, мас. «Сўзангарон» (игна тайёрловчилар), «Камонгарон» (ўқ-ёй ясовчилар) ва б. номлар ҳоз. кунгача етиб келган.

Самарқандда Ўзбекистон—Туркия «СамКочАвто», Ўзбекистон—АҚШ—

«Президент отель» меҳмонхонаси.





«Самкочавто» корхонасининг йиғув цехи.

Англия «UzBAT», Ўзбекистон—Чехия «Прага» (минерал сув қadoқлаш), Ўзбекистон—Латвия «Бравосут» қушма корхоналари ва б. қушма корхоналари, «Алпомиш» (тракторлар, гильза-поршенлар), «Тажриба-механика» (пармалаш ускуналари), «Кинап» (киноаппаратура), автомобиллар учун электротехника асбоб-ускуналари з-длари, уй-рўзгор совиткичлари корхонаси, суперфосфат, аммофос уғитлари, сульфат кислотаси ишлаб чиқарадиган суперфосфат з-ди, лифтсозлик, мрамар тахталар, гишт, асфальт-бетон з-длари мавжуд.

Енгил саноат корхоналаридан пиллакашлик, шойи туқиш, трикотаж, тикувчилик, мебель, пойабзал ф-калари, чинни з-ди фаолият кўрсатади. Озиқовқат саноатида ун, макарон, чой, сиртарақ ва алкогольсиз ичимликлар, қандолат ширинликлари ишлаб чиқарилади. Минглаб кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланувчилар бор.

Шаҳарда троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Шаҳар Тошкент халқаро аэропорти авиалиниялари орқали республика вилоятлари ва хорижий давлатлар б-н боғланган. 2003 й. 30 декабрдан йўловчилар ташувчи Тошкент—Самарқанд электр поезди ишга туширилди.

Самарқанд қад. тарихи ва меъморий ёдгорликлари туфайли бутун дунё тан олган ҳақиқий музей шаҳрига айланди. Шу боис республика ҳукумати қарори б-н 1982 й.да Самарқанднинг Афросиёб шаҳристонини, ўрта асрларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар ва 19—20-а.ларда қурилган «Янги шаҳар»даги бинолар, тарих ва ўлкашунослик музейлари асосида «Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси» тузилди. Самарқандда 73 та йирик тарихий меъморий ёдгорлик: Регистон, Шоҳи Зинда ансамбллари, Амир Темур мақбараси, Улугбек расадхонаси,

Ҳазрати Хизр масжиди ва б. сақланган. Самарқандда Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий дафн этилган Чокардиза қабристонини ҳудудда Мотуридий ёдгорлик мажмуи мазорига мақбара қурилди, қабристон обод этилди, Бурҳониддин Марғиноний вафотининг 800 йиллиги (1997), таваллудининг 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2000) кенг нишонланди. Самарқанднинг марказий майдонига Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. «Афросиёб», «Самарқанд», «Зарафшон», «Боғишамол», «Марказий», «Президент отель» каби меҳмонхоналар қурилган. Самарқанднинг меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 й.да ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Шаҳар республиканинг йирик фан марказларидан бири. Олий ўқув юртлари (СамДУ, тиббиёт, қ.х., иқтисодиёт ва сервис, меъморлик-қурилиш ва чет тиллар ин-тлари), 36 та ўрта махсус билим юрти, коллеж, академик лицей ва интернат мактаблари, 67 умумий таълим мактаби фаолият кўрсатади. Қорақўлчилик, Исаев номидаги паразитология ва гельминтология (1925), Шредер номидаги боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик, археология илмий тадқиқот ин-тлари, Ўзбекистон ФАнинг Самарқанд бўлими турли йўналишдаги и.т. ишларини олиб бормоқдалар. 4 жамоат кутубхонаси, Самарқанд бадиий музей-қўриқхонаси, 3 театр, шаҳар телестудияси фаолият кўрсатади.

Самарқанд заминида машҳур донишмандлар, алломалар вояга етган, жумладан, Улугбек Самарқандда мунажжимлар мактабига асос солди, мадраса ва расадхоналар қурди. Унинг атрофида бутун бир илмий маскан — Улугбек академияси таркиб топди.

11 касалхона, 348 стационер, Чўпота тепалиги ёнида дам олиш уйи, Марказий, Сўғдиёна маданият ва ис-

тироҳат боғлари, болалар «Афсона» аквапарки, қўплаб стадион, теннис кортлари, «Дельфин» сузиш мажмуи бор.

Ватанимиз тарихида тутган бекиёс ўрни, самарқандликларнинг асрлар давомида миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг эътирофи сифатида Самарқанд «Амир Темур» ордени б-н мукофотланди (1996 й. 28 авг.). Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 й.да Мустақиллик умумхалқ байрами б-н боғлиқ тантаналар кунларида Самарқанднинг 2750 й.лигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди (2006 й. 25 июнь).

Булунғур тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,76 минг км². Аҳолиси 135,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, украин, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 178,4 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Булунғур), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Булунғур ш.

Туркистон тизмасининг жан.-ғарбидаги тоғ оралиғи ботиғида жойлашган. Шарқда Губдинтоғ бор. Рельефи тоғ олди текисликлари, адир ва паст тоғлардан иборат. Иқлими континентал, қуруқ иқлим. Адирларда Ахтамулоқ, Каракибулоқ, Мирзобулоқ каби булоқлар бор. Ҳудудидан Булунғур, Полвонариқ, Туятортар ва б. ариқ ва каналлар ўтади.

Қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, Самарқанд болалар оёқ кийимлари и.ч. корхонасининг филиали, Булунғур терини қайта ишлаш корхонаси, Самарқанд «Гелион» з-ди филиали бор.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари тоқчилик, пиллачилик, чорвачилик, ғаллакорлик, сабзавотчиликдан иборат. Суғориладиган ерларга ғалла, сабзавот, картошка ва б. экилади. Мевазор, дарахзор, тоқзорлар барпо этилган. 33 деҳқонфермер хўжалиги ва б. хўжаликлар бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

66 умумий таълим мактаби, болалар музыка мактаби, 2 касб-хунар лицейи, 45 жамоат ва болалар кутубхонаси, халқ театри, ашула ва рақс, фольклор этнографик халқ ансамбллари фаолият кўрсатади. 15 маданият уйи, 2 касалхона ва диспансер, 4 поликлиника, 36 фельдшер-акушерлик, 7 қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошкент—Бухоро т.й., Олмаота—Тошкент—Термиз автомобиль йўли ўтган. 1933 й.дан «Булунғур ҳаёти» туман газ. чиқади.

Жомбой тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1935 й. 9 фев. да ташкил этилган (1962–70 й.ларда Булунгур тумани б-н бирлаштирилган). Майд. 0,55 минг км². Аҳолиси 123,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек тожик, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 225 киши туғри келади. Туманда 1 шаҳар (Жомбой), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Жомбой ш.

Рельефи пасттекилик ва қирлардан иборат. Шим.да Губдинтоғ ва тоғ олди текислиги жойлашган. Иқлими кескин континентал. Туман жан.дан Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Сарисув, Полвон, Урта, Булунгур, Мирза ва б. каналлари бор. Туман ҳудудига Зарафшон қуриқхонаси жойлашган.

11 sanoat корхонаси, 3 қўшма корхона (энг йириги «Самжинтекс», Ўзбекистон–Туркия), 143 та кичик корхона бор. Қ.х.да пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. Суғориладиган ерларга пахта, ғалла, сабзавот экилади. Ўрмон ва чорва хўжаликлари мавжуд. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй-эчки боқилади.

56 умумий таълим мактаби, касб-хунар лицейи, туман марказий кутубхонаси, марказий болалар кутубхонаси, 43 қишлоқ кутубхоналари, марказий ва 18 қишлоқ маданият уйлари, клуб бор. 3 касалхона, поликлиника ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

Ҳудудидан ўтган т.й. узунлиги 17 км, Халқаро автомобиль йўли уз. 20 км. 1935 й.дан «Жомбой тонги» газ. нашр этилади.

Иштихон тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1943 й. 18 майда ташкил этилган. Майд. 0,72 минг км². Аҳолиси 177,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, тожик, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 246,6 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Иштихон), 1 шаҳарча (Митан), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Иштихон ш.

Ҳудуди қад. Миёнқол воҳасида, Зарафшон дарёсининг икки тармоғи – Оқдарё ва Қораларё оралиғида жойлашган. Шим. қисми адир ва қирлардан иборат. Иқлими континентал. Ҳудудидан Миёнқол канали ўтади. Экин майдонлари Янгикент ва Хўжаариқ каналларидан суғорилади.

Саноат корхоналари маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ихтисослашган. Пахта тозалаш з-ди (Митан), гишт, консерва з-длари, нон к-ти, кондитер цехи мавжуд. Кичик ва хусусий корхона, фирма ва акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатади. Қ.х.да пахтачилик асосий ўринни эгаллайди. Деҳқон-фермер хўжаликлари ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик б-н ҳам шуғулланади.

100 га яқин умумий таълим мактаби, 60 дан зиёд жамоат кутубхонаси, 30 га яқин клуб муассасаси, бир неча маданият уйлари, музей, маданият ва истироҳат боғи бор. Туман марказий касалхонаси, 70 га яқин фельдшер-акушерлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаториялари, поликлиникалар аҳолига хизмат кўрсатади. «Мингёнғоқ» санаторийси мавжуд.

Туман ҳудудидан Тошкент–Бухоро автомобиль йўли ўтади. Турли йўналишларда автобуслар қатнайди. 1934 й.дан «Иштихон овози» туман газ. чиқарилади.

Каттақўрғон тумани. Вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. 1926 й. 28 сент.да ташкил этилган. Майд. 1,47 минг км². Аҳолиси 199,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача зичлиги 1 км² га 135,4 киши (2005). Туманда 2 шаҳарча (Сув ҳовузи, Пайшанба) ва 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Пайшанба шаҳарчаси.

Рельефи, асосан, ясси текисликдан иборат. Иқлими континентал, ёзи иссиқ, қуруқ, қиши мўътадил совуқ. Шим. чегараси бўйлаб Қораларё, жан. чегараси бўйлаб Оқдарё канали оқиб ўтади. Миёнқол, Шават,

Тосс, Нарпай ариқлари асосий суғориш манбаидир. Туман ҳудудига барпо этилган Каттақўрғон сув омбори («Катта-

қўрғон денгизи»)нинг хўжаликдаги аҳамияти катта бўлиб, балиқ хўжалиги ташкил этилган.

Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналари, қўшма, кичик корхоналар, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар мавжуд. Ҳунармандчилик, қандолатчилик ва б. ривожланган. Қ.х.нинг стақчи тармоғи – пахтачилик Шунингдек, ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, токчилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. Суғориладиган ерларга пахта, ғалла (шу жумладан, шолн), беда, полиз, сабзавот экилади. 22 минг га ер ўрмон хўжалиги, 100 га ер теракзор. 343 деҳқон-фермер хўжалиги бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

97 умумий таълим мактаби, касб-хунар мактаби, лицей ва коллежлари, мусиқа мактаблари, 58 жамоат кутубхонаси, 23 маданият уй, 3 музей мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиника ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудуди орқали Нукус, Урганч, Бухоро, Навоий ва б. шаҳарлардан Тошкентга қатновчи автобуслар ўтади. 1931 й.дан «Каттақўрғон ҳақиқати» туман газ. чиқарилади.

Нарпай тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,44 минг км². Аҳолиси 157,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² 357 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Оқтош), 1 шаҳарча (Мирбозор), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Оқтош ш.

Ҳудудининг жан.-ғарби Қарноб чўли, марказий қисми ва шим.-шарқда Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғлари, тоғлар оралиғидаги сойлик ва ботиқлардан иборат. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ. Туманнинг шим. чегараси бўйлаб Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Қад. Нарпай канали ҳам туман ҳудудидан ўтган.

«Зирабулоқпахта», «Оқтошдон», Зирабулоқ тажриба-синаов з-ди, «Оқтошнон», «Саломатлик» корхоналари, 10 қишлоқ қурилиш к-ти, Зирабулоқ магистрал газ йўлларида фойдаланиш бошқармаси, Нарпай ва Зирабулоқ МТП акциядорлик жамиятлари, 2 автотранспорт корхонаси, Оқтош ва Мирбозор деҳқон бозорлари бор. Қ.х.нинг асосий тармоқлари – пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Экин майдонларига пахта, ғалла, сабзавот ва б. экин-



Каттақўрғон туманидаги Бахт уйи.

лар экилади. Боғлар, токзорлар, тутзорлар барпо қилинган.

68 умумий таълим мактаби, маиший хизмат ва касб-хунар коллежи, 47 жамоат кутубхонаси, 26 маданият уйи, Мирбозор халқ музейи бор. Туман марказий касалхонаси, 3 поликлиника, 15 қишлоқ врачлик пункти, 2 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 39 фельдшер-акушерлик пункти, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан республика аҳамиятидаги автомобиль йўли, т.й. утган. 1932 й.дан «Пахтакор овози» туман газ. чиқарилади.

Нуробод тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1975 й. 26 нояб.да ташкил этилган. Майд. 4,79 минг км². Аҳолиси 104,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, тожик, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Уртача зичлиги 1 км² га 21,8 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Нуробод), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Нуробод ш.

Рельефи, асосан, яситоғлик, текислик, адир ва қирлардан иборат. Қарноб чўлининг бир қисми туман ҳудудида жойлашган. Иқлими континентал. Туманнинг шим.-шарқий чегараси бўйлаб Эски Анҳор канали, туман марказидан Галабек—Собирсой оқиб ўтади. Қоратепа тоғларидан Оқсой, Анжирли, Омондара сойлари оқиб тушади.

2 қўшма, 58 кичик корхона, 5 акциядорлик жамияти мавжуд. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — ғаллачилик. Шунингдек, сабзавотчилик, полизчилик, мевачилик, тоқчилик, чорвачилик б-н ҳам шуғулланилади. Ғалла, сабзавот ва полиз экинлари, кунгабоқар, беда экилади. 3370 га ер боғ. 520 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

75 умумий таълим мактаби, мусиқа ва спорт мактаблари, касб-хунар коллежи, касб-хунар мактаби фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси, 52 клуб муассасаси, 16 маданият уйи, стадион, спорт майдонлари ва б. спорт иншоотлари бор. 10 касалхона, туғруқхона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Минерал булоқти «Нагорний» санаторийси мавжуд. Туман ҳудудидан халқаро ва маҳаллий йўналишдаги поездлар ўтади. 1977 й.дан «Нуробод» туман газ. чиқарилади.

Оқдарё тумани. Самарқанд вилоятининг марказий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,37 минг км². Аҳолиси 110,2 минг киши,

асосан, ўзбеклар; тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Уртача зичлиги 1 км² да 297,8 киши (2005). Туманда 2 шаҳарча (Даҳбед, Лойиш), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Лойиш шаҳарчаси.

Зарафшон дарёсининг ирмоқлари — Қорадарё ва Оқдарё водийсида жойлашган. Рельефи, асосан, ясси текислик. Иқлими континентал. Зарафшон дарёсининг фаолияти натижасида кўҳна қайрлар ҳосил бўлган.

Ғишт, консерва з-длари, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, мева кўчатлари етказиб берувчи хўжалик, бўрдоқчилик базаси, қурилиш бошқармаси, МТП мавжуд. Қ.х.нинг барча тармоқлари ривожланган. Пахтачилик — етакчи тармоқ. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, картошка, сабзавот, полиз экинлари экилади. Мевазор, токзор ва тутзорлар бор. Туманда 456 фермер хўжалиги мавжуд. Туман хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

50 га яқин умумий таълим мактаби, мусиқа, махсус интернат мактаблари, касб-хунар коллежлари ва мактаблари фаолият кўрсатади. Марказий кутубхона, маданият маркази ва маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, стадион мавжуд. Туман марказий касалхонаси ва унга қарашли тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Катта Зарафшон магистрал йўли туман ҳудудидан ўтган. 1932 й.дан «Оқдарё овози» туман газ. чиқарилади.

Пайариқ тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (маркази Челақ қишлоғи бўлган). 1991 й.дан Пайариқ туманидан Челақ тумани ажралиб чиққан. 2001 й.да яна туманлар бирлаштирилиб, Пайариқ тумани ташкил қилинди. Майд. 1,29 минг км². Аҳолиси 187,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, қозоқ, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари

ҳам яшайди. Уртача зичлиги 1 км² га 145,6 киши (2005). Туманда 2 шаҳар (Пайариқ, Челақ), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Пайариқ ш.

Нурота тоғ тизмаларининг жан.да жойлашган. Рельефи шим.да тоғлар, адирлар, тоғ оралиғи ботиқлари, жан. қисми текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал. Тоғлардан оқиб тушадиган майда сойлар Сағаноқсойга бориб қуйилади. Жан. текислик қисмидан Зарафшон дарёсининг ирмоқлари — Қорасув ва б. майда сойлар оқиб ўтади. Экинларни суғоришда Зарафшон ва б. дарё ҳамда сойлардан фойдаланилади.

Пахта тозалаш, ғишт з-длари бор. Кичик, хусусий корхоналар фаолият кўрсатади. «Балтимор» қўшма корхонасида консерва, компот, томат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Қурилиш, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Туманда пахтачилик б-н бирга дон етиштириш ва чорвачилик муҳим тармоқлардан. Фермер, деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, дон, картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Мевазор, токзор ва тутзорлар бор.



Пайариқ тумани. Имом Бухорий мақбараси.

Туман хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки боқилади.

100 га яқин умумий таълим мактаби, мусиқа, спорт, футбол мактаблари, адабиёт ва тил марказлари, қ.х., sanoat-transport коллежлари мавжуд. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, болалар ва махсус кутубхоналар, туман марказий маданият уйи, шаҳар ва қишлоқ маданият уйлари, халқ театри ишлаб турибди.

Туман марказий касалхонаси ва унинг ҳудудий бўлимлари, 2 шошилинч тиббий ёрдам бўлими, 2 поликлиника, 30 қишлоқ врачлик, 47 фельдшер-акушерлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан вилоятларга, туман марказларига автобуслар қатнайди.

Туман тарихий ва меъморий ёдгорликлари ичида энг йириги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуидир. Тоҳир шайх мақбараси ва масжиди бор. Челақтапа, Шўртепа, Учтепа, Эрнзартепа, Қорюлтепа, Мойилтепа ва б. тепаликлар сақланиб қолган. 1935 йдан «Пайариқ ҳаёти» туман газ. чиқарилади.

Пастдарғом тумани. Вилоятнинг жанубий қисмида жойлашган. 1926 йда ташкил этилган (1929–38 й.ларда Акмал Икромов тумани деб аталган). Майд. 0,53 минг км². Аҳолиси 252,4 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача зичлиги 1 км² га 476, 2 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Жума), 1 шаҳарча (Чархин), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Жума ш.

Рельефи ясси текислик. Жан.-ғарбий қисми чапа дўзлар. Иқлими қиши илқроқ континентал иқлим. Ҳудудидан Дарғом ва Эски Анҳор каналлари, шим.-дан Зарафшон дарёсининг тармоғи – Қорадарё ва б. сойлар оқиб ўтади.

Туманда пахта тозалаш з-длари, «Ўзбиокмбинат» корхонаси, «Агроки-мётаъминот» акциядорлик бирлашмаси, «Агромашсервис» акциядорлик жамияти, қурилиш ташкилотлари, ғишт з-ди, қўшма, кичик ва хусусий корхоналар бор. Деҳқон. фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, дон ва б. экинлар экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

116 умумий таълим мактаби, 3 касб-хунар коллежи, санъат лицейи, Ўзбекистон–Корея ҳамкорлигида очилган санъат коллежи, 2 мусиқа мактаби мавжуд. 59 жамоат кутубхонаси, 22 клуб муассасаси, маданият уйлари ва саройлари, маданият ва истироҳат боғлари, халқ театрлар, 6 халқ ансамбли фаолият

кўрсатади. Стадионлар ва б. спорт иншоотлари бор. Туман бирлашган касалхонаси, унга қарашли 4 касалхона, 5 шифохона, 200 қишлоқ-даволаш амбулаториялари, 80 га яқин фельдшер-акушерлик, 16 қишлоқ врачлик пунктлари, 21 дорихона мавжуд.

Тошкент–Душанба, Тошкент–Қарши поездлари, Тошкент–Урганч, Тошкент–Навоий йўналишлари бўйича қатнайдиган автобуслар туман ҳудуди орқали ўтади. 1932 йдан «Пастдарғом ҳақиқати» туман газ. чиқади.

Пахтачи тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1935 й. 9 фев.да Нарпай тумани ҳудудининг бир қисмида Пахтакор тумани номи б-н ташкил қилинган (1963–73 й.ларда яна Нарпай туманига қўшилган). Майд. 1,37 минг км². Аҳолиси 116,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, қozoқ, тожик, корейс, қирғиз, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача зичлиги 1 км² га 84,8 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Зиёвуддин), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Зиёвуддин шаҳарчаси.

Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғлари туман ҳудудини икки қисмга: суғорилмайдиган кент Қарноб чўлига ва шим. Зарафшон водийсининг суғориладиган чап соҳил текислигига ажратиб туради. Иқлими кескин континентал. Туманининг шим. қисмидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Экинларни суғоришда Нарпай каналидан фойдаланилади.

Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. Қўшма ва кичик корхоналар, 14 акциядорлик жамияти, қурилиш корхоналари мавжуд. Қ.х.нинг етакчи тармоғи – пахтачилик. Ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик ва пиллачилик б-н шуғулланилади. Суғориладиган ерларга пахта, дон, полиз, сабзавот, беда, ем-хашак экинлари экилади. 650 га яқин деҳқон-фермер хўжаликлари бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

47 умумий таълим мактаби, 3 касб-хунар коллежи, 45 жамоат кутубхонаси, 17 маданият уйи, 8 стадион ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 4 касалхона, 13 қишлоқ врачлик, 39 фельдшер-акушерлик пунктлари, 12 қишлоқ даволаш амбулаториялари, 19 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. 1931 йдан «Пахтачи» туман газ. чиқарилади.

Самарқанд тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да Юқори Дарғом номи б-н ташкил этилган. Майд. 0,48 минг км². Аҳолиси 261 минг киши, асосан, ўзбеклар,

шунингдек, тожик, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача зичлиги 1 км²га 543,7 киши (2005). Туманда 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Гулобод қишлоғи.

Туман Зарафшон дарёсининг чап соҳилидаги водийда жойлашган. Зарафшон дарёси туманининг шим. қисмини қушни Оқдарё туманидан ажратиб туради. Адир, қир ва қисман қумли ерлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Хўжаликларини Чап Қирғoқ, Магистрал, Дарғом каналлари ва Зарафшон дарёсидан сув олади. Фойдали қазилмалардан оқактош, мрамор, гранит, гипс, слюда ва вольфрам бор.

Туманда хусусий ва кичик корхоналар, микрофирмалар, саноат, транспорт, қурилиш ва б. корхоналар мавжуд. Туман хўжалиги, асосан, Самарқанд ш. аҳолисини сабзавот ва полиз экинлари, боғ, тоқзор, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган. 420 га яқин фермер, 2 хусусийлаштирилган чорвачилик фермер хўжалиги мавжуд. Суғориладиган ерларга дон, пахта, сабзавот, картошка, полиз, озуқа экинлари экилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

66 умумий таълим мактаби, касб-хунар коллежлари, 80 га яқин жамоат кутубхонаси, маданият уйлари бор. 6 касалхона, 10 даволаш муассасаси, 17 фельдшер-акушерлик, 15 қишлоқ-врачлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. Оғалик тоғи сойлари атрофларида дам олиш масканлари жойлашган. 1935 йдан «Гулобод тонги» туман газ. нашр қилинади.

Тойлоқ тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1992 й. 9 апр. да ташкил этилган. Майд. 0,28 минг км². Аҳолиси 139,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача зичлиги 1 км² га 498,6 киши (2005). Туманда 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Тойлоқ қишлоғи.

Туман Зарафшон дарёсининг қайиридан иборат бўлиб, асосан, текислик. Иқлими кескин континентал. Ҳудудидан Марказий магистрал, Дарғом каналлари ва Зарафшон дарёси, Қорасув сойи оқиб ўтади. Фойдали қазилмалари, асосан, шағалтош, қум ва лёсслардан иборат.

Хўжалиги, асосан, қ.х. маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлашга ихтисослашган. Саноатида таъмирлаш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари, мева консерва з-длари бор. Хусусий ва кичик корхоналар, микро-

фирмалар фаолият кўрсатади. «Адас—Агро Инвест» (узумни қайта ишлайди), «Тонигрин» (мева ни қайта ишлайди) қўшма корхоналари ишлаб турибди. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Суғориладиган ерларга галла, сабзавот, картошка, озуқа экинлари экилади. Куп йиллик дарахтзорлар, боғлар, тоқзорлар, тутзорлар мавжуд. 480 дан зиёд фермер хужалиги бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

55 умумий таълим мактаби, «Олимпия захиралари» коллежи фаолият кўрсатади. 31 жамоат кутубхонаси, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. 9 касалхона, 23 фельдшер-акушерлик пункти, 12 қишлоқ даволаш бўлимлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1994 й.дан «Қушчинор» туман газ. чиқарилади.

Ургут тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сентябрда ташкил этилган. Майд. 1,12 минг км². Аҳолиси 348,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, украин, татар, яҳудий, озарбайжон ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача зичлиги 1 км² га 310,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Ургут), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Ургут ш.

Туман Зарафшон тоғ тизмаларининг давоми бўлган Чақиликалон ва Қоратепа тоғларининг ён бағирларида жойлашган. Шарқий, жан. ва ғарбий қисмлари паст-баланд текислик бўлиб, бир қанча сойликлар бор. Иқлими кескин континентал. Чақиликалон ва Қоратепа тоғлари орасидаги Тахтақорача довоғи (1675 м) орқали Катта Ўзбекистон трасси ўтади. Мармар, оҳақтош, марганец, мис, вольфрам ва б. фойдали қазилмалар бор. Оққўрғон, Фиждувонсой, Ургутсой, Қоратепасой, Дарғом, Янгиарик, Янги Ургут ва б. каналлар бор.

Хўжалигининг етакчи тармоқларини қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш ва маҳаллий саноат тармоқлари ташкил этади. Ўрта ва кичик корхона-

лар, микрофирмалар бор. Мева, гўшт, сутни қайта ишлаш, нон пишириш, қандолатчилик, ҳар хил салқин ичимликлар и.ч. корхоналари, таъмирлаш корхоналари ишлаб турибди. «Ург-Газкарпет», «Ург-АНТЕТ ЯШАМ», «Ургут қоплон», «Ургут СамНегин» гилам и.ч. га ихтисослашган қўшма корхоналар фаолият кўрсатади. Мармар тошни қайта ишлайдиган «УргутЛАДОмармар», қурилиш буюмлари ишлаб чиқарадиган «Сампластик», тамакини қайта ишлайдиган «ЎзБАТ» қўшма корхоналари ишлаб турибди. Туманда ҳунармандчилик қадимдан ривожланган.

Қ.х. галла, сабзавот, картошка, мева, узум ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Тумандаги асосий техника экини — тамаки. Суғориладиган ерларга пахта, тамаки, дон экинлари, картошка, сабзавот ва полиз экинлари, ем-хашак экинлари экилади. 1,4 минг га ер боғ ва тоқзор б-н банд. 380 дан зиёд фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади. Пиллачилик ривожланган.

127 умумий таълим мактаби, 2 маҳсуе соғломлаштириш интернати фаолият кўрсатади. 70 жамоат кутубхонаси, маданият уйлари бор. 8 касалхона, 36 қишлоқ даволаш бўлими, 27 фельдшер-акушерлик пункти ва б. тиббий муассасалар, дам олиш масканлари ва ёзги оромгоҳлар аҳолига хизмат кўрсатади. 1992 й.дан «Чинор» туман телевидение-си эшиттиришлар олиб боради. 1956 й.дан «Ургут садоси» туман газ. нашр қилинади.

Қўшработ тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1978 й. 3 апр.да ташкил этилган. Майд. 1,11 минг км². Аҳолиси 93,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ўртача зичлиги 1 км² га 84,5 киши (2005). Туманда 7 та қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Қўшработ қишлоғи.

Ер юзаси Нурота тоғлари ва тоғ олди қисмлари, водийлардан иборат. Иқлими тоғ

тепалари ва ён бағирларида нисбатан салқин, тоғ этаклари ва ботиқларда ёз иссиқ ва қуруқ, қиш унчалик совуқ бўлмайди. Йирикроқ сойлари — Оқсой, Сағанок, Ғужумсой, Пичатсой, Пангатсой ва б. Тоғли қисмида булоқ кўп. Қазилма бойликлардан олтин, қурилиш материаллари қазиб олинади.

Туманда йирик, ўрта, кичик корхоналар ва микрофирмалар фаолият кўрсатади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи кичик корхоналар (кийим тикиш, автомобил таъмирлаш, телеаппаратуралар тузатиш ва ҳ.к.) бор. Қ.х., асосан, чорвачилик, галлачилик, қисман боғдорчилик ва тоқчиликка ихтисослашган. Чорвачиликнинг асосий тармоғи — қорақўлчилик. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қорақўл қўйлари, йилқи боқилади. 1 наслчилик, 388 фермер хўжалиги бор.

88 умумий таълим мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, 44 жамоат кутубхонаси, 19 маданият уйи, стадион, спорт майдончалари мавжуд. 6 касалхона, 6 шифохона, 34 фельдшер-акушерлик пункти, 18 қишлоқ даволаш амбулаторияси ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1978 й.дан «Истикбол сари» туман газ. чиқарилади.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Республиканинг шарқий қисмида жойлашган. 1963 й. 16 фев.да ташкил этилган. Майд. 4,3 минг км². Аҳолиси 672,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, тожик, рус ва б. миллат вакиллари яшайди. 1 км² га ўртача 156,3 киши тўғри келади (2005). Таркибида 5 шаҳар, 6 шаҳарча, 8 қишлоқ тумани ва 75 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Гулистон ш.

Рельефи, асосан, тўлқинсимон текислик бўлиб, жан.дан шим.-ғарбга пасайиб боради. Мирзачўл даштининг бир қисми вилоят ҳудудига қиради. Бал. шим. да 230 м, марказий қисмида 400—450 м, жан. ва жан.-ғарбда 600—650 м. Шарқда кенг Сирдарё водийси жойлашган. Мезозой ва кайнозой даврида, асосан, чўкинди жинсларнинг қалин қатлами б-н қопланган. Шўрўзак, Мирзаработ, Сардоба каби ботиқлар мавжуд. Текислик қисми дарёлар оқизиб келтирган ётқизиклардан ҳосил бўлган, баъзи жойларини қўл, ботқоқ ва шўрхоқ ерлар эгаллаган. Вилоятда янги каналлар, зовурлар қазилиб, чўл ўзлаштирилди ва экин майдонларга айлантирилди. Текислик қисмида ирригация иншоотлари қурилиб пахтазор, боғ ва тоқзорлар бар-



Ургут туманидаги тамаки плантацияси.

Сирдарё вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Гулистон	1961	18,3	60,0	55,3	55,6
Бахт	1980	6,7	12,0	11,7	11,6
Сирдарё	1971	15,1	25,0	29,7	28,8
Ширин	1972	—	12,0	13,9	15,5
Янгиер	1957	6,8	37,0	28,2	29,7

по қилинди. Адирлар лалмикор ерлар ва яйловлардан иборат.

Об-ҳавоси кескин ўзгарувчан ва қуруқ. Йиллик уртача т-раси шим.да -6° , жан. да -2° . Қишда ҳаво тез совийди ва т-ра -30° гача (Гулистонда -35°) пасаяди. Баъзан, қиш ўрталарида ҳаво бирданига исиб, кейин совиб кетади. Ёзи қуруқ ва иссиқ. Июлнинг уртача т-раси $27-29^{\circ}$. Ёзда т-ра $32-45^{\circ}$ гача кўтарилади. Кўпинча иссиқ шамол (гармсел) тупроқни қуритади ва ўсимликлар ривожланишига ёмон таъсир қилади. Вегетация даври 218 кун. Йиллик ёгин $180-220$ мм, асосан, қишда ёғади. Ёзда кучли буғланиш сабабли ер ости сувлари юза майдонларнинг тупроғини шўр босади. Ноябрьдан мартгача тез-тез эсиб турадиган «Бекобод шамоли» тезлиги $20-25$ м/сек. (Боёвут туманида 40 м/сек.) га етади. Ихота дарахтзорлари барпо қилинган. Тупроқлари, асосан, оч тусли бўз тупроқ бўлиб, кам ва ўртача шўрланган, қумоқ ва соз тупроқлардир. Текисликларда шўрхок ва шўрхоксимон тупроқ учрайди. Ер ости сувининг чуқурлиги $5-6$ м. Шўрўзақ массивида, ўзлаштирилмаган, пастлик жойларда шўрхоклар кенг тарқалган. Ўсимликлардан лолақизғалдоқ, бойчечак, чучмома, қоқи ялпиз, исмалоқ, янтоқ, шўра, шувоқ, қўнғирбош, қўзиқулоқ, туятовон, қўёнсуяк, жузгун, қовул, оққурай,

қилтиқ, қаррак, ранг, илоқ, бетага, қиёқ, қамиш, юлғун, оқбош, қушқўнамас, наъматак, мингбоши, читир, гумай, печак, саксовул, ҳар хил буталар, жийда, дўлана, тол, терак, қайрағоч, оқ акация, заранг, шумтол ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан жайра, тулки, бўри, чиябўри, қобон, жайран, нутрия, ондатра, кўрсичқон, сувкаламаш, типратикан, юмронқозиқ, калтакесак, илон, тошбақа, фаланга, чаён, қорақурт; қушлардан хўжасавдоғар, мойқут, булдуруқ ва б. бор.

Мил. ав. $3-2$ -аларда Ўрта Осиёнинг шим. р-нларида 5 та майда давлатлардан иборат Қанғюй давлати иттифоқи юзага келади. Унинг таркибига ҳоз. Сирдарё вилояти ҳудудлари ҳам кирган. Ўша даврда кўчманчи аҳолининг вилоят ҳудудида келиб ўрнашиши ер танқислигини юзага келтиради. Натижада ҳоз. Ховос туманининг гарбий қисмлари ҳам аҳоли томонидан ўзлаштирилади. Шўрбулоқсойнинг қуйи қисмида Эски Ховос ёдгорлиги, Ширинсойнинг қуйи қисмида Мунчоктепа ёдгорлиги қад. кўтарали. Вилоят ҳудуди илк бор алоҳида ўлка-Уструшоно сифатида Бейши, Суйши ва Таншу каби Хитой йилномаларида тилга олинади. Ундан олдинги манбаларда Шарқий Чао (суви йўқ) деб юритилади. Унинг бундай номланиши ҳудудда қўшни Чоч ва Сугддан фарқли равишда дарёларнинг кўп бўлмаганлиги б-н изоҳланади. Вилоят қад. аҳолисининг тили

суғд тилига ўхшаш тилда сўзлашувчи Сирдарё ва Амударё оралиғида яшаган аҳоли тилига яқин бўлган.

Мил. 6-а.да Турк ҳоқонлиги даврида маҳаллий аҳолининг турк қабиалари б-н муносабатлари ривожланади. 8-а.га оид Хитой ёзма манбаси Сюань-дзанда ёзилишича, ўлка «Сутулисэн» деб номланади. Шунингдек, унда шим.-гарбла катта чўл (Мирзачўл) жойлашганлиги, ўлка ҳукмдори Боси тоғи (Туркистон тоғ тизмаси)нинг шим. ён бағрида яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўлкада зарб қилинган $6-8$ аларга оид тангалар Уструшонанинг илк ҳукмдорлари Чирдмиш, Сатагари, Раханг ҳақида маълумот беради.

8-а. бошида Уструшонога араблар босиб кириб кирган. Уструшоно араб ва Тан сулоласи ўртасидаги кураш майдонида айланган. 749 й.да хитойликлар юриш қилган бўлса, 751 й.да Уструшонани араблар босиб олган. Қақатгина 9-а. бошларидан Ҳайдар ибн Қавус араб халифаси хизматида кирди.

893 й.да афшинлар сулоласи ағдариб ташланиб, Уструшоно Сомонийлар давлати таркибига киритилди. Уструшоно пойтахти Бунжикат ш. бўлган. Ўрта Осиёдаги бошқа давлатлар қатори Уструшоно ҳам кейинги ҳаётида қорахонийлар, мўғуллар, темирийлар, шайбонийлар ва б. давлатлар таркибидаги тарихий даврларни бошидан кечирган.

Қад. вилоят аҳолиси, асосан, сой ва чашмалар бўйларида воҳа-воҳа бўлиб ҳаёт кечиришган. Вилоят ҳудудида Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Муғолсой, Тағобсой, Сармичсой сингари сув манбалари бўлган. Сув балансининг бузилиши манзилгоҳларнинг йўқ бўлиб кетишига ёки бошқа жойга кўчиб ўтилишига олиб келган.

Сирдарё вилоятида қад. каналларнинг излари, сардобалар мавжуд. 70 км узунликдаги Ўринбойўғиз, Искандарариқ, Бухороариқ жуда қад. каналлардир. 15-а.да Шоҳруҳ ва Улуғбек Сирдарёдан Мирзачўлга канал орқали сув чиқартирган. Кейинчалик Мирзачўлнинг жан.-шарқда Бўзариқ, Сирдарёнинг ўнг томонида Далварзинариқ барпо этилган. Қиёт кўли ёнида Сирдарёдан сув оладиган майда ариқлар бўлган.

19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб вилоят ҳудудида янги канал ва ариқлар қазилди, тўғонлар ва сув омборлари қурилди. Мирзачўл ва Далварзин чўлини сугориш масаласи ҳал қилинди.

Сирдарё вилояти—республиканинг йирик пахтачилик базаларидан бири. Хўжаликлари, асосан, пахта етиштиришга ихтисослашган. Саноати пахта



Мирзачўл қовуни.

ва бошқа қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган.

Вилоятда 12678 кичик корхона, микрофирма, 35 қўшма корхона бор. Қўшма корхоналардан Ўзбекистон–Россия «Туркистон–С» (кондитер маҳсулотлар ишлаб чиқаради), Ўзбекистон–Чехия «Лечива» фармсанаят қўшма корхонаси (тиббий спирт, дори-дармон тайёрлайди), чет эл паррандачилик фирмаси, Ўзбекистон–Австрия «Сирдарё», «Лола-модель» (трикотаж буюмлар ишлаб чиқаради), «Сарбонтекс» (тиббий бинт, дока, жарроҳлик салфеткалари), Ўзбекистон–Эрон «Сайхун Пая» (томат пастаси ишлаб чиқарилди), Ўзбекистон–Хитой «Пахтакор ЛТД» (иссиқхона), «Оқолтин ПМБ (пахта толаси ишлаб чиқаради) ва б. корхоналар, самарали фаолият кўрсатмоқда. 9 пахта тозалаш з-ди, Сирдарё иссиқлик электр ст-яси, Фарҳод ГЭС. «Момик», «Зилола», «Шухрат», «Гулистоннон», «Ховосдон», «Оқолтиндон» акциядорлик жамиятлари. «Сайхунсунт» хусусий корхонаси, «Бунёд» корхонаси (темир-бетон буюмлар ишлаб чиқаради) ва б. ишлаб турибди.

Қ.х. пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, мевачилик, сабзавот-полиэчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. 7472 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Экин майдонларига пахта, ғалла, шоли, сабзавот, полиз, картошка, ем-хашак экинлари, шунингдек, суғориладиган ерларга беда, нўхат, мош, кунжут, тарих, ловия, кунгабоқар ва б. экилади. Богдорчилик ва тоқчилик ҳам ривожланган. Гулистон ва Ховос туманлари сабзавот ва полиз экинлари экиладиган асосий жойлардир. Вилоятдаги хусусий ва жамоа хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда, шунингдек, йилқи боқилади. 2 та балиқчилик хўжалиги мавжуд.

Вилоят ҳудудидаги т.й. узунлиги 172 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 1,6 минг км. Вилоят ҳудудидан Тошкент–Китоб, Тошкент–Нукус, Тошкент–Бухоро, Тошкент–Тер-

«Сарбонтекс» қўшма корхонаси цехи.




миз, Тошкент–Самарқанд, Тошкент–Андижон, Тошкент–Ховос поездлари ўтади. Тошкент–Самарқанд, Тошкент–Гулистон электр поездлари қатнови йулга қўйилган. Катта Ўзбекистон тракти ҳамда Сирдарё вилояти орқали Тошкентдан вилоятлар марказларига қатнайди автобуслар ўтади. Бундан ташқари вилоят маркази б-н туман марказлари ўртасида автобуслар қатнайди.

Вилоятда 308 умумий таълим мактаби, 14 та ихтисослаштирилган мактаб, 14 мусиқа ва санъат, 22 спорт мактаблари, 2 академик лицей, 22 касб-ҳунар коллежи, Гулистон ун-ти фаолият кўрсатади. «Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи музейи», 198 жамоат кутубхонаси, 103 клуб ва маданият уйи, театр, вилоят маънавият ва маърифат маркази, халқ ижодиёти ва маданий маърифий ишлар вилоят маркази, Гулистон санъат билим юрти, 2 та маданият ва истироҳат боғи, «Сирдарё навалари» ашула ва рақс ансамбли ва б. бор.

Вилоятда 32 санхона 10 туғруқхона, 131 амбулатория, поликлиника, 130 қишлоқ врачлик пункти, 108 дориҳона бор. Гулистон ш.да республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг бўли-

ми ишлаб турибди. Унинг 9 та туманда бўлимлари ташкил этилган.

Сирдарё вилояти спортчилари спортнинг турли даражадаги мусобақаларда иштирок этмоқдалар. Шулардан кикбоксинг, кураш, белбоғли кураш, бокс, академик эшак эшиш, армрестлинг, таэквондо, енгил атлетика, шахмат, шашка, каратэ, велоспорт ва б. турлари бўйича ҳар хил турдаги медаль совриндорлари бўлишди. 2003 й. да вилоят спортчилари 6 та жаҳон, 16 та халқаро, 40 та дан ортиқ республика мусобақаларида қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллашди. Вилоятда теннис бўйича халқаро «Фьючерс» турнирини ўтказиш анъанага айланган. 22 болалар ва ўсмирлар, Гулистон ш.да Олимпия ўринборларлари болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактаблари фаолият кўрсатади. «Алпомиш» спорт мажмуи, «Бокс» саройи, «Ёшлар спорт маркази», теннис кортлар, 11 сузиш ҳавзаси, стадионлар ва б. спорт иншоотлари мавжуд.



Пахта даласи ва пахта пункти.



Сирдарё адабиёти республика адабиётининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда «Зиё» нашриёти ташкил этилган.

Вилоятда 2 вилоят газ. («Сирдарё ҳақиқати», «Сырдарьинская правда»), 9 туман газ. 5 шаҳар газ. («Гулистон англиклари», 1989; «Гулистанские новости», 1989; «Янгиер тонги», 1967; «Ширин Садоси», 1995; «Бахтнома», 1996 й. дан) чиқади. Вилоятда, шунингдек, 14 тармоқ, 1 хусусий газ. («Ёғду плюс», 1994 й. дан), 1 журнал («Университет ахборотномаси», 2001 й. дан) нашр этилади.

Вилоятда дастлабки радиозширтиришлар 1963 й. дан бошланган. Вилоят радиоси оёига 21 соат 20 мин. ҳажмида эшиттиришлар беради. 1996 й. да вилоят телестудияси ташкил этилиб, телекўрсатувлар бера бошлади. Вилоятда, шунингдек, «Алоқа А.К.» тижорат телевидениеси. «Шодлик Р» хусусий фирмасига қарашли «Комета» кабелли телестудияси фаолият кўрсатади.

Меъморий ёдгорликлардан вилоятнинг Сардоба туманида қад. сардоба иншооти (16-а.) сақланиб қолган.

Гулистон шаҳри — Сирдарё вилоятидаги шаҳар, вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Мирзачўлнинг шарқида, 276 м баландликда, «Дўстлик» канали соҳилида жойлашган. 1895 й. да эндигина қурилаётган Самарқанд — Тошкент т.й. ёқасида ҳоз. Гулистон ш. ўрнида дастлабки уйлар қад кўтарган. Кейинчалик у ерда иккита қишлоқ пайдо бўлиб, уларнинг бирлашишидан Мирзачўл ш. (1961 й. дан Гулистон деб аталган) вужудга келди. Йилига ўртача 295–300 мм ёғин тушади. Январнинг ўртача т-раси –2,5°, июлники 28°. Энг паст т-ра –35°, энг юқори т-ра 45°. Майд. 36,2 км². Аҳолиси 55,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, татар, рус, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди (2005).

Саноати пахта тозалаш з-ди, пахта пункти, элеватор, сут-ёғ экстракция, нон

Гулистон шаҳридаги буюм бозори.



з-длари, яхна ичимликлар корхонаси, қ.х. машиналари ва автомашиналарни таъмирлаш устахоналари, қурилиш материаллари к-ти, «Туркистон» қандолатчилик, дори-дармон ишлаб чиқарадиган «Лечива-Фармсаноат» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхоналаридан иборат. Деҳқон бозори, шарқона услубда қурилган «Гулистон» чойхонаси бор.

Гулистон ш. да 10 га яқин умумий таълим мактаби, Гулистон ун-ти, тиббиёт, қурилиш касб-хунар коллежлари, академик лицей ва б. касб-хунар ва санъат билим юртлири бор. Кутубхона, Сирдарё театри, қўғирчоқ театри, «Никоҳ» саройи ва б. маданий муассасалар фаолият кўрсатади. Гулистон ш. да Олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактаблари бор. «Алпомиш» спорт мажмуи, «Бокс» саройи, «Ёшлар спорт маркази», стадион, сузиш ҳавзаси, теннис кортлари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Вилоят марказий касалхонаси, шошилич тиббий ёрдам бўлими, поликлиника ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

Шаҳар ҳудудидан Жарқоқ—Тошкент газ қувири ўтган. Тошкент—Самарқанд, Тошкент—Гулистон йўналиши бўйича электр поездлар қатнайди. Гулистон ш.дан барча туман марказлари ва Тош-

Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт маркази.

кент ш.га автобуслар қатнови йўлга қуйилган.

Боёвут тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1955 й. 19 апр. да Тошкент вилояти таркибида ташкил этилган (1960 й. да Янгиер туманига қўшилган. 1963 й. Сирдарё вилояти таркибида қайта ташкил этилди). Майд. 0,34 минг км². Аҳолиси 100 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, тожик, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 294,1 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Боёвут) ва 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Боёвут шаҳарчаси.

Туман ҳудуди Мирзачўл даштининг жан.да жойлашган. Рельефи текислик бўлиб, аллювиал ётқизиклар б-н қопланган. Иқтими континентал иқлим. Жан. Мирзачўл канали ва Тошкент вилояти Бекобод тумани чегарасидан «Дўстлик» канали ўтган.

2 пахта тозалаш, гишт ва нон з-длари бор. Боёвут шаҳарчасидаги маҳаллий саноат корхонасида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. 40 га яқин кичик ва хусусий, 250 ўрта бизнес корхонаси, 2 автокорхона фаолият кўрсатади.

Ҳўжалигининг асосий тармоқлари пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва ғаллакорлик. Қ.х.да экинзорларга пахта, донли экинлар, сабзавот, ем-хашак экинлари экилади. Фермер ҳўжаликлари, акциядорлик жамияти, 2 деҳқон-фермер ҳўжаликлар бирлашмаси бор. Туман жамоа ва хусусий ҳўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

45 умумий таълим мактаби, 1 лицей, 2 касб-хунар лицейи, санъат мактаби фаолият кўрсатади. 33 кутубхона, 18 клуб муассасаси, 12 қишлоқ маданият уйи,

музей бор. Касалхона, диспансер, 35 қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. 1966 й.дан «Нурли истиқбол» туман газ. чиқарилади.

Гулистон тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1952 й. 16 апр. да ташкил этилган. Майд. 0,35 минг км². Аҳолиси 54 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 154,3 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Деҳқонобод), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Деҳқонобод шаҳарчаси.

Худуди Мирзачўл текислигининг шарқида жойлашган. Ер юзаси текислик (ўртача бал. 250 м). Иқлими континентал. Туман худудидан «Дўстлик» каналининг Ўнг тармоқ ва Чап тармоқ ариқлари ўтади. Оқова шўр сувларни чиқариб юбориш учун канал, ариқ ва зовурлар қазилган. Сирдарёнинг чап соҳилида баҳорги тошқин сувларининг тўпланишидан ҳосил бўлган Аччиқкўл бор.

Туманда автокорхона. «Ўзқишлоқтехника» туман бирлашмаси, 3 пахта пункти, деҳқон бозори, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Хўжалигининг асоси—пахтачилик. Етакчи тармоғи—пахтачилик. Суғориладиган ерларга пахта, ғалла, сабзавот ва полиз, беда, маккажўхори ва б. экинлар экилади. 10 дан зиёд деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, 130 дан ортиқ деҳқон-фермер хўжалиги ва б. бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

30 га яқин умумий таълим мактаби, «Умидли ёшлар» лицейи, Деҳқонобод қ.х. лицейи, мактаб интернати фаолият кўрсатади. 23 жамоат ва болалар кутубхонаси, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият саройи бор. Стадион, футбол, теннис майдонлари, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Касалхона ва диспансер, 10 амбулатория, 5 қишлоқ врачлик пункти, «Оналар ва болалар» вилоят физиотерапия шифо-

хонаси аҳолига хизмат кўрсатади. 1930 й.дан «Гулистон ҳаёти» туман газ. чиқарилади.

Мирзаобод тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1988 й. 2 сент.да Комсомол тумани номи б-н ташкил қилинган, 1992 й. 22 окт.дан Мирзаобод деб номланган. Майд. 0,64 минг км². Аҳолиси 54,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, тожик, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 85,8 киши тўғри келади (2005). Туманда 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Наврўз қишлоғи.

Туман худуди Мирзачўл текислигида жойлашган. Ер юзаси текислик (уртача бал. 250 м). Иқлими континентал.

Туманда 3 саноат, 2 қурилиш корхонаси, кичик ва хусусий корхоналар, микрофирмалар, деҳқон бозори бор.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи—пахтачилик. Пахтадан ташқари ғалла, сабзавот, полиз, мева, узум, картошка етиштирилади. Деҳқон-фермер хўжаликлари, хусусий фермалар мавжуд.

Умумий таълим мактаблари, касб-хунар, иқтидорли болалар лицейлари фаолият кўрсатади. 3 касалхона, туман марказий поликлиникаси, 5 қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. 1985 й.дан «Мирзаобод» туман газ. чиқарилади.

Оқолтин тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1971 й. 29 авг.да ташкил этилган. Майд. 0,57 минг км². Аҳолиси 50 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² да 87,7 киши (2005). Туманда 6 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Сардоба қишлоғи.

Рельефи, асосан, текислик булиб, Мирзачўл даштидан иборат. Иқлими кескин континентал. Ерлари Жан. Мирзачўл ва Марказий тармоқ каналаридан суғорилади.

Туманда пахта тозалаш з-ди, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, кичик ва хусусий корхоналар, микрофирмалар, деҳқон бозори фаолият кўрсатади.

Пахтачилик туман хўжалигининг асосий тармоғидир. Экин майдонларига пахта, дон, сабзавот ва полиз экинлари, беда экилади. Мевазор, токзор ва тўтзорлар бор. Қорамол боқилади, пилла етиштирилади.

22 умумий таълим мактаби, 3 касб-хунар коллежи, кутубхоналар, клуб муассасалари, Хотира майдони бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1972 й.дан «Оқолтин овози» туман газ. чиқарилади.

Сайхунобод тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1952 й.да ташкил этилган, 1984 й.дан Сайхунобод тумани номи б-н юритилади. Майд. 0,55 минг км². Аҳолиси 61,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қозоқ, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 112,4 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Сайхун), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Сайхун шаҳарчаси.

Рельефи пасттекислик. Мирзачўлнинг шарқида жойлашган. Худуди шарқда Сирдарёга туташ. «Ўнг тармоқ» канали оқиб утади. Иқлими континентал. Паст жойларда баъзан кичик қўллар (Шўркўл, Қолгансир, Куркўл) учрайди.

Туманда пахта тозалаш з-ди, «Оқолтиндон» корхонаси, МТП, автокорхона фаолият кўрсатади. 5 қўшма, 15 кичик, 56 хусусий корхона, 24 акциядорлик жамияти бор.

Деҳқончилик, асосан, пахтачилик—туман хўжалигининг негизини ташкил қилади. Шунингдек, ғаллачилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н ҳам шуғулланилади. 800 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Экин майдонларига пахта, дон, сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари, картошка, беда экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, гимназия, лицей, касб-хунар коллежи мавжуд. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, маданият уйлари бор. Касалхона, туғруқхона, болалар ва катталар поликлиникалари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман худудидан Катта Ўзбекистон тракти утган. 1971 й.дан «Сайхун» туман газ. чиқарилади.

Сардоба тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1964 й. 30 апр. да ташкил этилган (1992 й.дан Шароф Рашидов, 2004 й. 24 майдан Сардоба тумани деб аталди). Майд. 0,52 минг км². Аҳолиси 52,3 минг киши, асосан, ўзбек-



Гулистон тумани. Деҳқонобод шаҳарчасидаги маданият саройи.



Сардоба тумани. Пахтаобод шаҳарчасидаги ҳаммом.

лар, шунингдек, қирғиз, тожик, қozoқ, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 100,6 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Пахтаобод), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Пахтаобод шаҳарчаси.

Рельефи пасттекислик. Иқлими кескин континентал. Туман ерлари Жан. Мирзачўл каналдан суғорилади.

Пахта тозалаш, ғишт з-длари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар фаолият кўрсатади. Деҳқон бозори бор.

Хўжалиги, асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик ҳам ривожланган. Мева, полиз, картошка етиштирилади. Суғориладиган ер майдонларига пахта, ғалла экилади. Туманда 660 га яқин деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

Туманда 21 умумий таълим мактаби, 3 касб-ҳунар коллежи мавжуд. Туман марказий кутубхонаси ва унинг шохобчалари, маданият муассасалари фаолият кўрсатади. Стадион, спорт заллари, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдон-

чалари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, қишлоқ врачлик, фельдшер-акушерлик пунктлари, амбулаториялар аҳолига хизмат кўрсатади. 1959 й. 5 майдан «Шарафли йўл» туман газ. чиқарилади.

Сирдарё тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1939 й. 10 февралда ташкил этилган. Майд. 0,55 минг км². Аҳолиси 104, 5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, қozoқ, рус, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 190 киши (2005). Туманда 2 шаҳар (Бахт, Сирдарё), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Сирдарё ш.

Ер юзаси паст-баланд текисликлардан иборат (ўртача бал. 240 м). Иқлими кескин континентал. Туман ҳудудининг шим. шим.-шарқ томонидан Сирдарё ўтади.

160 кичик ва хусусий, 3 қўшма корхона фаолият кўрсатади. Саноат корхоналаридан Тошкент машинсозлик з-дининг филиали, қурилиш ташкилотлари, 5 автокорхона, мактаб ва спорт жиҳозлари, сут, гуруч, 2 пахта тозалаш ва нон з-длари, Янгийўл пойабзал ф-касининг филиали, қандолатчилик квас ва лимонад и.ч. корхоналари, Сирдарё шаҳар бозори бор.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи – пахтачилик. 790 дан зиёд фермер хўжалиги ишлаб турибди. Суғориладиган ерларига пахта, дон, беда, сабзавот ва полиз, емхашак экинлари экилади. Мевазор ва тоқзорлар барпо этилган. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

Сирдарё шаҳри. Тез тиббий ёрдам бўлими.

44 умумий таълим мактаби, Сирдарё педагогика касб-ҳунар коллежи, мусиқа, спорт мактаблари мавжуд. 32 кутубхона, 16 клуб ва маданият уйи ишлаб турибди. Марказий стадион, бир қанча спорт майдонлари ва спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, шошилич тез тиббий ёрдам бўлими, фельдшер-акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик амбулаториялари, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти ўтган. Тошкент–Самарқанд йўналишида қатнайдиغان электр поезде. Гулистон–Тошкент электр поезде, Сирдарё ст-яси орқали Тошкент–Андижон–Наманган, Тошкент–Жиззах, Москва–Душанба поездлари ўтади. 1963 й.дан «Сирдарё» туман газ. чиқарилади.

Ховос тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1926 й. дек.да ташкил қилинган (1955 й. дан 1966 й. гача Боёвут тумани, 1966 й. 25 авг.дан 1975 й. 6 мартгача Янгийўл тумани деб аталган). Майд. 0,62 минг км². Аҳолиси 75,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қozoқ, татар, туркман, корейс, рус, қрим татар, озарбайжон, арман, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 121,1 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Ховос), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Ховос шаҳарчаси.

Рельефи пасттекислик, қир, баланд адир ва тоғлардан иборат. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ, қуруқ, қиши совуқ. Ховос шамоли (Бекобод шамоли) Ўрта Осиёдаги энг kuchли шамоалардан биридир. Туман ерлари Сирдарёдан чиқарилган Жан. Мирзачўл канали орқали суғорилади. Саватсой, Сармичсой, Мўғулсой, Хўжамушкентсой, Қипчоқсой ва б. дан ҳам суғоришда фойдаланилади.

Туманда Фарҳод ГЭС, Сирдарё иссиқлик электр ст-яси, саноат, қурилиш бошқармалари, 37 кичик фирма ва корхона, Хитой б-н ҳамкорликдаги «Ховос-Фусин» қўшма корхонаси (қолбаса ишлаб чиқаради), автокорхона, нефть базаси, МТП, узумни қайта ишлаш, ғишт з-длари, 3 деҳқон бозори бор. 930 деҳқон-фермер хўжалиги фаолият кўрсатади.

Қ.х.да суғориладиган ер майдонларига пахта, ғалла, шунингдек, сабзавот, полиз экинлари, картошка экилади. Боғ, тоқзор ва қўчатзорлар барпо қилинган. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

30 га яқин умумий таълим, 2 иқтидорли болалар, мусиқа мактаблари, 2





Ховос тумани. Фарход ГЭС.

касб-ҳунар коллежи фаолият курсатади. 20 кутубхона, 11 маданият уйи, марказий стадион ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, шошилнч тиббий ёрдам бўлими, ташхис марказлари, болалар жарроҳлик, реанимация бўлимлари, юқумли касалликлар касалхонаси, 7 қишлоқ врачлик пункти, 3 поликлиника, шифобахш сув б-н даволайдиган «Хавотоғ» санаторийси аҳолига хизмат курсатади.

Туман ҳудудидан Тошкент–Самарқанд поезди утади. Ховос–Гулистон, Фарход–Ховос, Ховос–Янгиер йўналишлари бўйича автобуслар қатнайди. 1931 й.дан «Ховос овози» туман газ. чиқарилади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Республиканинг жан.-шарқий қисмида, Сурхон-Шеробод водийсида жойлашган. 1941 й. 6 мартда ташкил этилган (1925 й. 29 июндан Сурхондарё округи бўлган). 1960 й. 25 янв.да Қашқадарё вилояти б-н қўшилган. 1964 й. фев.да қайтадан ташкил қилинди. Майд. 20,1 минг км². Аҳолиси 1894,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, туркман, татар, украин, қozoқ, бошқирд, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 94,3 киши (2005). Таркибида 8 шаҳар, 7 шаҳарча, 14 қишлоқ тумани, 114 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Термиз ш.

Вилоят ҳудуди рельефи тоғ ва текисликлардан иборат, шим.дан жанубга қияланиб ва кенгайиб боради. Сурхондарё ва Шерободдарё оқиб ўтадиган текислик шим., ғarb ва шарқдан баланд Ҳисор тизмаси ва унинг тармоқлари (Бойсунтоғ, Кўҳитантоғ, Боботоғ) б-н ўралган. Тоғлар б-н текисликлар орасида адир ва тоғ олди зонаси жойлашган. Тоғлар шим. совуқ ҳаво оқимларини

тўсиб туриши натижасида субтропик ўсимликлар ўстириш учун қулай иқлим шароити вужудга келган. Жан. қисми кенг қумликлар б-н қопланган. Фойдали қазилмалардан нефть ва газ (Ховдоғ, Какайди, Лалмикор, Амударё бўйи текисликлари), тошкўмир (Шарғун,

Ҳисор, Бойсун, Кўҳитанг тоғларининг этаклари), полиметалл (Сангардак), ош тузи (Хўжайкон) конлари бор. Гипс, гранит, аргиллит каби қурилиш материаллари, минерал сувли булоқ кўп. Текислик қисмининг иқлими қуруқ субтропик. Ёзи жазирама иссиқ ва узоқ, қиши илнқ ва қисқа. Йиллик ўртача т-ра 16^o–18^o. Июлнинг ўртача т-раси 28^o–32^o, янв.ники 2,8^o–3,6^o. 10^o дан юқори т-рали кунлар текислик қисмида 290–320 кун давом этади. Бу эса вилоятда энг иссиқ-сеvár экинлар (шакарқамиш, ингичка толали пахта) ва мевалар етиштиришга имкон беради. Вилоят тоғлар орасидаги берк ботиқда жойлашганидан ёгин кам: жан. текисликларида йилига 130–140 мм, Ҳисор тоғлари ён бағирларида 445–625 мм. Ғарбий, жан.-ғарбий ва шим.-шарқий шамоллар кўп эсади. Чанг-тўзонли Афғон самолди иқлимга салбий таъсир этади. Асосий сув артериялари– Сурхондарё ва Шерободдарё ҳамда уларнинг Қоратоғдарё, Тўполондарё, Сангардакдарё, Хўжайпоқ каби ирмоқлари. Учқизил, Жан.Сурхон ва Дегрез сув омборлари, Жарқўрғон гидротугуни, Ҳазорбоғ, Дайтўлак, Қумқўрғон, Занг каналлари, Шеробод, Аму-Занг машина суғориш каналлари барпо этилган. Тупроқлари текисликларда тақирсимон ва шўрхок оч бўз тупроқлар, тоғ ён бағрида турли хил бўз тупроқлар. Ўсимликлар дунёси ҳам табиий шароити б-н чамбарчас боғлиқ. Жан.даги экин экилмай-диган қумлоқ жойларда қандим, оқ саксовул, черкез, тароқбош, ялтирбош, янтоқ, бутасимонлар; дарё бўйларида юлғун, жийда, туранғил, терак, сава-

ғич, қиёқ, қамиш; адир ва тоғларнинг пастки ён бағирларида бир йиллик эфемерлар (лолақизғалдоқ, нўхатак); 1200–2500 м баландликларида эфемерлар б-н бирга арча, pista, қайин, тол, ёнғoқ, олма, заранг ўрмонлари учрайди. Боботоғ тизмаси ён бағирларида республиканинг энг йирик табиий pista-зорлари жойлашган. Баланд тоғ зонаси субальп ва альп ўтлоқлари б-н банд. Ҳайвонот дунёси анча бой: бўри, тулки, чиябўри, айиқ, жайран, қобон, ёввойи эчки, архар, тўқайларда буғу, тўқай мушуги, каламуш, қўшоёқ, юмронқозиқ, кўрсичқон, геккон калтакесаги, кўзойнакли илон (кобра), ўқ илон, жайра; қушлардан улар (тоғ куркаси), қирғовул, майна, қалдирғoч, ғоз урдак, сўфитўрғай, чил, каклик бор. Дарё ва сув омборларида ҳар хил балиқ кўп.

Сурхондарё илк ибтидоий одамзод макон топган жой сифатида маълум. Бойсун тизмаларидан ўрта палеолит даврига (мил.ав. 100–40 минг йилликлар) оид ибтидоий одам манзилларининг қолдиқлари топилган. Тешиктош унғуридан қазиб олинган 8–9 яшар бола суяклари Ўзбекистоннинг, умуман, Ўрта Осиёнинг ҳоз. замон одами (кроманьон) шакланган минтақага тааллуқли эканини исботлашга далил бўлди. Воҳода қад. маданиятга мансуб Айритом, Далварзинтепа, Холчаён, ундан кейинги даврларга оид Сополлитепа, Миршоли, Мўлали, Кампиртепа, Жарқутон, Болаликтепа ва б. археологик ёдгорликлар топилиб ўрганилди. Кўҳитанг тоғларида аниқланган Зараутсой қоятош расмлари мезолит ёки неолит даврига тегишли.

Мил. ав. 329–327 й.ларда вилоят ҳудуди македониялик Искандар томонидан босиб олинган. Кейинчалик Салавкийлар давлати таркибига кирган. Ўрта асрларда Буюк ипак йўлининг бир тармоғи Сурхондарё (Термиз) орқали ўтган. Сурхондарё вилоятининг ҳоз. ҳудуди 3–4-а.ларда Кушонлар давлати, 5–8-а.ларда Тохаристон таркибида, кейин Турк ҳоқонлиги қўл остида бўлди. 667 й.да араблар дастлаб Чағониён ва Термизга ҳужум қилиб, бу шаҳарларни фақат 8-а.нинг 2-ярмидагина тўлиқ босиб олишга

Сурхондарё вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сонн (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Термиз	мил. ав. 5-а.	22,1	75,0	113,5	120,8
Денов	1958	16,8	55,0	63,0	67,5
Бойсун	1975	—	20,0	21,8	23,7
Жарқўрғон	1973	7,1	20,0	20,5	20,9
Қумқўрғон	1971	—	12,0	12,0	12,3
Шарғун	1973	—	9,0	12,0	12,3
Шеробод	1973	—	19,0	24,2	25,6
Шўрчи	1976	—	16,0	20,5	21,9



Сополлитепа харобаси.

Хўжайкон туз конлари корхоналари ва б. 17000 га яқин кичик корхона ва микрофирма, 40 га яқин қўшма корхоналар ишлаб турибди. Шулардан йириклари Ўзбекистон-Афғонистон «Намаф» ва «Афрўз» (халқ истеъмол

эришдилар. 11-ада Термиз Фазнавийлар давлатига қўшиб олинади, сўнгра Хоразмшоҳлар давлати таркибида бўлади. 1220 й.да мўғуллар босиб олади. 1370 й.дан Амир Темур салтанати таркибига кирди. Кейинроқ Шайбонийлар қўли остида, 1747 й.дан 1920 й.гача Бухоро амирлиги таркибида бўлди.

Вилоят саноатининг етакчи тармоқлари-пахта тозалаш, пахтани қайта ишлаш корхоналаридир. Йирик саноат-корхоналари: «Жарқўрғоннефть» бошқармаси, Шеробод керамика бадий буюмлар, Денов ёғ-экстракция, Сарисиё тош саралаш з-длари, Шўрчи ун к-ти, Жарқўрғон йиғирув-тўқув, Термиз тикувчилик ф-калари, Шарғун кўмир,

Ҳисор тоғи этакларида.

моллари ишлаб чиқарилади), Ҳиндистон-Термиз «Фармед» (маҳаллий гиёҳлар асосида дори-дармон тайёрланади), Туркия-Термиз «Пўлат» (миллий гиламлар, палослар тайёрланади) қўшма корхоналаридир.

Вилоят қ.х.нинг асосий тармоқлари: пахтачилик, ғаллачилик боғдорчилик, пиллачилик, лимончилик. Тоғ этакларида лалмикор деҳқончилик (асосан, буғдой ва арпа) б-н шуғулланилади. Ўзбекистонда энг кўп ингичка толали пахта Сурхондарё вилоятида тайёрланади. Тоғ олди туманларида боғдорчилик ва тоқчилик ривожланган. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй (қоракўл ва ҳисор қўйлари), эчки, йилқи, парранда, қуён боқилади. Машҳур «Сурхон сури» қоракўл териси етиштирилади.



Экин майдонларига пахта, дон, сабзавот, полиз, картошка, ем-хашак экинлари экилади. Кўп йиллик дарахтзорлар, мевазор, тутзор, тоқзорлар барпо этилган. 854,2 минг га ерни яйловлар эгаллаган. 6677 фермер хўжалиги бор. Вилоятдаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

Вилоятда т.й. транспортининг салмоғи катта (уз. 300 км). Амударё устидан Ҳайратон т.й. кўприги қурилган. Вилоят худудидан Москва-Душанба, Ашхобод-Душанба т.й.лари ўтган. Термиз-Тошкент, Термиз-Аму-Занг, Термиз-Сариосиё, Термиз-Болдир йўналишларида поездлар қатнайди. Шунингдек, Термиз орқали Душанба-Астрахон, Душанба-Конибодом, Кўлоб-Астрахон йўналишларида поездлар қатнайди.

Қаттиқ қопламали автомобиль йўлларнинг уз. 2,7 минг км. Вилоятнинг асосий автомобиль йўли - Катта Ўзбекистон тракти. Вилоятнинг йирик шаҳарлари (Термиз ва Денов)дан бир қанча хорижий давлатлар ва Ўзбекистоннинг ички туманларига автомобиль транспорти қатнайди. Республикада ягона бўлган Термиз дарё порти фаолият кўрсатади. Термиз ва Сарисиёда аэропортлар бор.

Вилоятда 827 умумий таълим, 2 интернат мактаби, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Меҳрибонлик уйи, 18 лицей, 4 гимназия, 27 касб-хунар коллежи, 2 академик лицей, Термиз давлат ун-ти фаолият кўрсатади. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Жан. Ўзбекистон субтропик ўсимликлар селекцияси ст-яси бор. Сурхондарё археология музейи, вилоят ўлкашунослик музейи, мусиқали драма театри, болалар қўғирчоқ театри мавжуд. 413 жамоат кутубхонаси, 146 клуб муассасаси, 2 маданият ва истироҳат боғи, болалар боғи, Термиз ҳайвонот боғи, ёшлар мажмуи мавжуд. Халқ драма театрлари, 2 қўғирчоқ халқ театри, ашула ва рақс, фольклор-этнографик халқ дасталари, миллий дорбозлар гуруҳи ва б. маданий муассасалар ишлаб турибди. «Бойсун баҳори» халқаро фольклор-этнографик фестивали ўтказилиб борилади. 1999 й.да «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, 2002 й.да Термиз ш.нинг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди.

92 касалхона, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят бўлими, 366 поликлиника, амбулатория ва б. тиббий муассасалар, 179 аёллар консултацияси, 225 болалар поликлиникаси ва хоналари, 149 қишлоқ врачлик, 398 фельдшер-акушерлик



«Сурхон — Аджан»
қўшма корхонаси.

фа, ҳуқуқшунослик-ка оид асарлари б-н танилган. Бу ерда машҳур санъаткорлар, бахшилар, халқ артистлари, рассомлар вояга етганлар. Эски Термизда ислом назариётчиси, муҳаддис ал-Ҳаким ат-Термизий яшаб ижод қилган. Сурхондарё вилоятида яшаган машҳур муҳаддис

Имом Термизий ҳадисларни тўплаб, бир қанча асарлар яратган. У Имом Бухорийнинг машҳур шоғирди ва издоши деб тан олинган. Сурхондарёнинг Олтинсой ҳудудида тасавуф илмининг пирларидан бўлган Сўфи Оллоёр, Хўжайпок ота (асл номи — Абдурахмон бин Авф Абу ал-Курайший аз-Зухрий), Саъд ибн Ваққос, Мавлоно Зоҳид Халифа бобо ва б.нинг хоклари бор. Сурхон воҳасида яшаб ўтган Дақиқий, Фаррухий, Адиб Собир Термизий ва б. шоирлар машҳур.

Вилоятда 3 вилоят газ., 14 туман газ., шунингдек, 13 тармоқ ва 2 та хусусий газ. нашр этилади. Жами 32 номдаги газ. чоп этилади. Биринчи радиоэшиттиришлар 1954 й дан бошланган. 2003 й дан бошлаб вилоят радио-телевидение узатиш маркази муассислигидаги «Сурхон садоси», «Янги аср» радиостудиялари фаолият кўрсата бошладилар. Вилоятда 1 давлат ва 4 тармоқ ва нодавлат телевидениелари мавжуд. Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси (1990 й дан), «Ишонч» телекомпания (1997 й дан) ларининг кунлик кўрсатувлари ўртача 3—4 соатни ташкил этади. «АТР Денов» ва «Шеробод» телевидениелари 1995 й дан фаолият кўрсатади.

Вилоятдаги 359 тарихий ёдгорликлардан 294 таси археология, 26 таси меъморий, 39 таси монументал санъати ёдгорлик-

ларидир. Сурхондарё ёдгорликлари ўзининг қадимийлиги б-н ажралиб туради. Хуросон меъморлик анъаналарида қурилган машҳур Жарқўрган минораси (1108—09 й.лар), Султон Саодат мажмуаси (10-а., 15—17-а.лар), Деновдаги чағонийн давлати қалъаси қолдиқлари (15-а.), Ҳаким ат-Термизий мажмуоти (11—15-а.лар), Эски Термиздаги Зурмала минораси қолдиқлари (2-а), Термиз ш. ат-рофидаги Кокиллара хонақоси (16-а) ва б. шулар жумласидандир.

Термиз шаҳри — Сурхондарё вилоятдаги шаҳар, вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Амударёнинг ўнг соҳилида, Ўзбекистоннинг жан. қисмида, Афғонистон чегарасига яқин, ўртача 310 м баландликда жойлашган. Иқлими континентал, иссиқ ва қуруқ, ёзи жазирама ва иссиқ (Ўзбекистондаги энг иссиқ шаҳар—энг юқори т-ра 49,5° 1914 й. 21 июнда қайд этилган), қиши илиқ ва қисқа. Йиллик ўртача т-ра 16—18°. Январнинг ўртача т-раси 2,8—3,6°, июлники 28—32°. Халқаро дарё порти. Т.й. станцияси. Тошкентдан 708 км. Майдони 27,8 км². Аҳолиси 120,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қozoқ, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди (2005).

Археологик топилмалар, араб ва юнон манбаларида келтирилган маълумотлар Термизнинг Шарқдаги қад. шаҳарлардан бири эканлигидан далолат беради. Қад. Шарқ цивилизациясининг шаклланишида Термизнинг ўзига хос ўрни бор. Кўҳна Термизнинг қалъа қисмида олиб борилган археологик изланишлар натижалари ва ёзма манбаларнинг таҳлилига кўра шаҳарга мил. ав. 1-минг йилликнинг ўрталарида асос солинган. Термиз Суғдиёна, Хоразм, Марғиёна ва Парфия давлатлари. Ҳиндистон б-н маданий ва савдо алоқаларини ўрнатган. Мил. ав. 3—2-а.ларга келиб у Бақтриянинг энг ривожланган, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланди.

Термиз ш.нинг гуллаб яшнаган даври Кушонлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бу даврда Термиз ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, Шим. Бақтриянинг йирик шаҳри бўлиб танилди. Далварзинтепадан топилган ва фил суякларидан ясалган шахмат доналари (фил ва ҳўкизебу шаклида) ҳоз. кунда ер юзиде аниқланган энг қад. шахмат доналари (мил. 2-а.) ҳисобланади. Ҳша даврда Термиз Кушонлар давлатининг муҳим шаҳри ва буддизмнинг марказларидан бири бўлган.

Шаҳарни Термизшоҳлар идора қилган даврда Термиз Термизшоҳлар ҳокимлигининг пойтахти бўлиб турган.

пунктлари, 19 қишлоқ участка касалхонаси, 73 қишлоқ врачлик амбулаторияси мавжуд. Хондиза дам олиш ўйи, «Жайранхона», «Учқизил» бальнеологик курортлари, болалар ревматология санаторийлари. Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» санаторийси аҳолига хизмат кўрсатади.

Вилоят спортчилари турли (кураш, дзю-до, волейбол, футбол, теннис, бокс ва б.) спорт мусобақаларида иштирок этиб, Жаҳон ва Осиё чемпионолари, халқаро турнирлар ғолиблари бўлмоқдалар. Вилоятда «Кураш саройи», стадион, «Дельфин» сув ҳавзаси, «Алломиш» спорт мажмуи, халқаро мусобақалар ўтказиладиган теннис корти мавжуд.

Сурхондарё кўҳна тарихи, қад. маданияти, ёдгорликлари б-н машҳур. Сурхон водийсидаги олимларнинг кўпчилиги «Термизий» тахаллуси б-н ном чиқарганлар. Улар, тарих, геогр., фалса-

Ҳаким Термизий мақбараси.





Термиз шаҳрининг умумий кўриниши.

Араблар босиб олган даврда (686–704) шаҳар 70 га майдонли қалъадан иборат бўлган.

10–12-а. бошларида Термиз Тоҳаристоннинг йирик шаҳри, ҳунармандчилик ва савдо марказига айланган. Бу даврда шаҳар ҳудуди 500 га дан ортиқ майдонни эгаллаган. Шаҳарда бир қанча маҳобатли бинолар барпо этилган. Шулардан Эски шаҳар қисмида Термизшоҳлар саройи сақланиб қолган. Шаҳарда темирчилик, шишасозлик, кулолчилик ривожланган. Термизда тайёрланган ҳунармандчилик буюмларига талаб юқори бўлган. Шаҳарда ўнлаб қарвонсаройлар фаолият кўрсатган. Ҳақиқатда Термиз йирик маданият ва илм-фан маркази сифатида ҳам ном қозонган.

Термиз вақт-вақти б-н Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Қорахитойлар, Салжуқийлар, Хоразмишоҳлар давлатлари таркибида бўлган. 1220 й.да Термиз мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Мўғул-

лар истилосидан сўнг, 14-а.да Термиз Сурхондарё соҳилига яқин жойда янги-дан қал кўтарди. Шаҳар ўз ўрнини бир неча бор ўзгартирса-да, асрлар давомида ўз номини Тармита, Антиохия-Тармита, Тармиз, Тирмиз, Термиз кўри-нишларида сақлаб келган.

Амир Темури Мовароуннаҳрга ҳукмрон бўлгач (1370), Термиз Сурхондарё воҳаси б-н бирга Темур давлати таркибига кирди. 1407 й.да Темурий Халил Султон фармони б-н дарё соҳилидаги Термиз қалъаси қайта тикланди. Кўп ўтмай ўз тангаларини зарб этадиган катта шаҳарга айланди. 1504–05 й.ларда шаҳарни Шайбонийхон эгаллади. Кейинчалик турли сулолалар гасарруфиди бўлиб, 18-а.нинг 2-ярмида шаҳар ўзаро урушлар натижасида бутунлай вайрон қилинган.

1894 й. Термиз харобаларидан 8 км нарида жойлашган Паттакесар қишлоғида, маҳаллий аҳоли томонидан «Тупроққўрғон» деб номланган русларнинг қалъа истеҳкоми қурилган. Ҳоз. Термиз шу Тупроққўрғон атрофида бунёд этилган. 1916 й. Бухоро–Қарши–Термиз т.й. қурилиши муносабати б-н Термизнинг иқтисодий мавқеи ўсди.



Сурхондарё вилояти археология музейи.

Ўзбекистонни қўшни Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва б. давлатлар б-н боғловчи йўл Термиз орқали ўтиши шаҳарнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим урин эгаллайди.

Мустақиллик йилларида саноат, қурилиш, енгил, озиқ-овқат ва б. корхоналар ишга тушди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари яхшиланди. Шаҳарда янги т.й. вокзали қурилди. Амфитеатр, археология музейи, санъат коллежи, академик лицей, тadbиркорлар маркази, марказий стадион, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, кураш саройи, теннис корти, «Алпомиш» мажмуаси, марказий бозор. «Термизнинг 2500 йиллиги» номли хиёбон, шошилинч тиббий ёрдам маркази бор. Термизда жами 2500 дан зиёд корхона бўлиб, микрофирмалар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналардир. Пахта тозалаш, қурилиш материаллари и.ч., енгил ва озиқ-овқат саноати муҳим ўрин тутади.

16 умумий таълим, 2 таянч, бошланғич мактаблари, ун-т, 8 та касб-ҳунар коллежи (санъат, иқтисод, ижтимоий-иқтисодий, пед., тиббиёт, банк иши, маиший хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат саноати коллежлари) бор. Ақал. ва физика-мат. лицейлари фаолият кўрсатади. Ўқувчилар саройи, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд. Вилоят ўлкашунослик, Сурхондарё археология музейлари, Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуасидаги «Мерос» тармоқ музейи ишлаб турибди. Вилоят мусиқали драма, кўғирчоқ театрлари, 4 шаҳар кутубхонаси ҳамда 2 тармоқ кутубхона, ҳайвонот боғи бор.

Термизда 18 газ. нашр этилади, 3 телестудия ишлаб турибди. Шаҳар марказий касалхонаси, юқумли касалликлар касалхонаси, болалар ва катталар, тиш даволаш поликлиникалари, шаҳар болалар санатория-боғчаси ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат қилади. Вилоятга қарашли 3 та касалхона, вилоят тугруқхонаси, шошилинч тиббий ёрдам маркази, болалар касалхонаси, онкология, кўз касалликлари касалхоналари, эндокринология, сил касалликлари, тери-таносил касалликлари, наркология, асаб касалликлари диспансерлари, «Она ва бола» ва «Репродуктив саломатлик» марказлари, вилоят қон қўйиш маркази фаолият кўрсатади. Термизда 1999 й.да Алпомиш дostonининг 1000 йиллиги, 2002 й.да халқаро миқёсда Термизнинг 2500 йиллик юбилеи ўтказилди.



Термиз шаҳри марказий кўчаси.

Ангор тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1952 й. 16 апр.да ташкил қилинган (1962 й. 24 дек.да Термиз тумани б-н бирлаштирилган. 1979 й. 4 дек.да қайта тузилди). Майд. 0,39 минг км². Аҳолиси 94 минг киши, аксар қисми ўзбеклар, шунингдек, тожик, туркман, рус, татар, яҳудий ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 241 киши тўғри келади. Туманда 1 шаҳарча (Ангор), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Ангор шаҳарчаси.

Ангорда мил. ав. 6—4-а.ларда аҳоли манзиллари бўлган. Кушон подшолиги даврида (1—3-а.лар) деҳқончилик воҳаси таркиб топган. Зартепа қабаси Ангорнинг маркази бўлган. 6—7-а.ларда қалъалар, қўрғонлар вужудга келган. Ўтмишда Ангор Термизга борадиган савдо карвони кўниб ўтадиган қишлоқ ҳисобланган.

Ангор тумани. Зартепа.



Туман ҳудуди шим.да Қизириқ, ғарбда Хотинрабоб даштларига туташган. Шим.да Ховдоғ, жан.-шарқда Қорақир қирлари бор. Улар орасида Каттақум жойлашган. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Туманнинг ғарбий қисмидан Шеробод дарёсининг қуйи қисми оқиб ўтади. Занг каналидан тармоқланадиган ариқлардан суғорилади.

Туманда 7 саноат корхонаси, 120 дан зиёд кичик ва хусусий корхона, 36 акциядорлик жамияти, автокорхона, қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатади. Хўжаликлари ғалла, пахта ва сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Боғдорчилик ва тоқчилик б-н ҳам шуғулланилади. 100 дан зиёд деҳқон-фермер хўжалиги мавжуд.

40 дан ортиқ умумий таълим мактаблари, касб-ҳунар лицейи, 2 иқтидорли болалар лицейи бор. 30 жамоат кутубхонаси, маданият уйи, 14 қишлоқ клуби, Ангор шаҳарчасида маданият ва истироҳат боғи аҳолига хизмат кўрсата-

ди. Туман марказий касалхонаси, 8 қишлоқ амбулаторияси, 52 фельдшер-акушерлик пункти, 2 поликлиника, марказий стадион, спорт заллар, спорт майдонлар ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. 1980 й.дан «Илғор» туман газ. чиқарилади.

Бандихон тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1992 й. 18 майда ташкил этилган. Майд. 0,20 минг км². Аҳолиси 39,6 минг киши, асосий қисми ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 198 киши тўғри келади (2005). Туманда 5 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Бандихон қишлоғи.

Туман ҳудуди Сурхон-Шеробод даштларининг шим. қисмида жойлашган. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа йўналган Шеробод-Сариқамиш тоғлари ва Бандихон-Қизириқ адири бор. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Туманнинг шим.дан Бандихон сойи оқиб ўтади. Хўжаликлари Оққолчиғай ва Шеробод ариқларидан суғорилади.

22 кичик ва хусусий корхона, 11 тегиримон, 40 хусусий дўкон ва ошхоналар, 6 обжувоз бор. Қ.х.да пахтачилик асосий ўринни эгаллайди. Ғалла экинлари экилади, тоқчилик, боғдорчилик ривожланган. 46 деҳқон (фермер) хўжалиги, чорвачиликка ихтисослаштирилган 5 акциядорлик жамияти фаолият кўрсатади.

Умумий таълим мактаблари, туман марказий кутубхонаси, маданият уйи, қишлоқ клублари бор. Туман марказий касалхонаси, қишлоқ амбулаториялари, фельдшер-акушерлик, қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. Спорт заллар, спорт майдонлар ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади.

Шеробод-Денов автомобиль йўли туман ҳудудини кесиб ўтган. Шерелар номидаги республика Боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик корпорациясининг филиали мавжуд. 2004 й.дан «Бандихон» туман газ. чиқарилади.

Бойсун тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Шеробод тумани б-н бирлаштирилган. 1965 й. 29 дек.да қайта тузилди). Майд. 3,72 минг км². Аҳолиси 86,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожиклар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 23,3 киши тўғри келади. Туманда 1 шаҳар (Бойсун) ва 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Бойсун ш.

Туман ҳудудининг шим. ва ғарбий чегарасини Бойсунтоғ ва унинг тармоқлари эгаллаган. Жан. ва шарқи тоғ олди



Бойсун тумани,
Ушор қишлоғи
фольклор ансамбли.

ва адирлардан иборат. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Ўзбекистоннинг бошқа тоғли туманларидан иссиқлик ресурсларининг анча баландликкача юқорилиги б-н ажралиб туради. Туман тоғларидан жуда кўп дарё ва сойлар бошланади. Шерободдарё ва унинг ирмоқлари, Маҷайдарё, Шўроб, Хўжабулгансой, Панҷоб, Лайлагансой, Хўжаипок дарёси ва унинг ирмоқлари, Ҳангаронсой, Пулиҳакимсой ва б. бор. Фойдали қазилмалардан кўмир (Бойсун), табиий газ (Ғажак), полиметалл рудалари (Бойсунтоғ), боксит (Қайроқ), фосфорит, калий тузи (Бойсун), олтингургурт, ёнвучи сланец (Бойсун), қурилиш материаллари ва б. топилган.

Асосий саноат корхоналари: «Ишонч» акциядорлик жамияти, Бойсун (Тўда) кўмир кони, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган кичик корхона ва цехлар. Қарбид ишлаб чиқувчи корхона бор. Автокорхона, қурилиш ташкилотлари, кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари чорвачилик, дон, ўрмон хўжаликлари, беда уруғчилиги, боғдорчилик ва тоқчиликдир. Асаларичилик б-н ҳам шуғулланилади. Кўп йиллик дарахтзорлар, арчазорлар бор. Экинзорларга дон, сабзавот, емхашак экинлари экилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.



54 умумий таълим мактаби, 2 касб-хунар техника лицейи, касб-хунар мактаби ва б. уқув муассасалари фаолият кўрсатади.

83 жамоат кутубхонаси, 11 клуб муассасаси, маданият уйи, музей бор. Туман марказий касалхонаси, 4 касалхона, «Омонхона» шифо маскани, 5 амбулаторий, 30 фельдшер-акушерлик, 3 қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади.

Ғузур-Бойсун-Қумқўрғон т.й. қурилиши якунланмоқда. 1932 й. дан «Бойсун овози» туман газ. чиқарилади.

Денов тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,75 минг км². Аҳолиси 289,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 385,5 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Денов), 1 шаҳарча (Дўстлик), 18 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Денов ш.

Туманнинг шимол, жан. ва марказий қисми текисликдан иборат. Шарқда Боботоғ, ғарбда Бойсунтоғ тизмалари б-н ўралган. Худудидан Сурхондарё, Тўполондарё, Сангардак, Қизилсув дарёлари, Ҳазорбоғ, Ойбарак каналлари, Дайтўлак, Денов ариқлари оқиб ўтади. Ер ости сувларига бой бўлганлиги учун артезиан сувларидан кенг фойдаланилади.

Саноат корхоналари асосан қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Пахта тозалаш, ёғ экстракция, арақ-вино ва пиво, консерва, сут, таъмирлаш-механика, гишт з-длари, қурилиш, нефть маҳсулоти корхоналари, пахта чувиш, қандолатчилик ф-калари, жами 38 саноат корхонаси, 200 га

яқин кичик корхона фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари: пахтачилик, боғдорчилик, тоқчилик, лимон етиштириш. Тоғ этакларида лалмикор деҳқончилик (асосан, бугдой ва арпа) б-н шуғулланилади. Экин майдонларида пахта, галла экилади. Яйловларда қорамол, қўй (ҳисор қўйлари) боқилади. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Шредер номидаги боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик корпорациясининг тажриба ст-яси жойлашган. Денов дендрарийси деб аталган бу илмий лаб да табиатнинг 900 дан зиёд ўсимлиги, мевали ўсимликлар (жумладан, Япониядан келтирилган пальма дарахти, магнолия, хурмо, апельсин, ёнғоқ, бошоқди ўсимликлар) етиштирилади.

87 умумий таълим мактаби, гимназия, 2 лицей, санъат, мусиқа мактаблари, 3 касб-хунар мактаби, 58 жамоат кутубхонаси, 46 клуб муассасаси, 2 маданият ва истироҳат боғи бор. Туман марказий касалхонаси, 13 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 6 қишлоқ врачлик пункти, 7 поликлиника, 56 фельдшер-акушерлик пунктлари, 4 диспансер аҳолига хизмат кўрсатади. Туман худудидан халқаро т.й., Хўжанд-Душанба, Термиз-Душанба автомагистраль йўли ўтган. 1932 й.дан «Чағонийён» туман газ. нашр этилади.

Жарқўрғон тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Шўрчи тумани б-н бирлаштирилган, 1964 й. 31 дек.да қайта тўзилган). Майд. 1,14 минг км². Аҳолиси 155,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, туркман, қозоқ, корейс, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 136,5 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Жарқўрғон), 1 шаҳарча (Какайди) ва 7 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Жарқўрғон ш.

Рельефи, асосан, текислик бўлиб, жан.га томон пасайиб боради. Қиши қисқа ва илқ, ёгин нисбатан кам, ёзи узоқ, қуруқ ва иссиқ. Сурхондарё, Аму-Занг, Боботоғ каналларидан суғоришда фойдаланилади. «Оқтепа» сув омбори, Жарқўрғон гидротугуни ва б. ирригация иншоотлари қурилган; ер ости сувларидан ҳам фойдаланилади.

Туманда пахта тозалаш, қурилиш материаллари з-длари, таъмирлаш устахоналари, хунармандчилик к-тлари, «Сурхонтўқимачи» каби саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Туман худудидан нефть ва газ конлари (Какайди, Лалмикор, Учқизил) топилган.

Денов (Чағонийён)
қалъа девори қолдиғи.



Жарқўрғон минорасидаги китоба.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари: пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, тоқчилик. Суғориладиган ерларга пахта, ғалла етиштирилади. Яйловларда қорамол, қўй боқилади. Туманда фермер хўжаликлари, бўрдоқчилик корхонаси бор.

56 умумий таълим мактаби, шу жумладан, болалар санъат мактаби, болалар мусиқа мактаби, лицей, касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатади. 31 жамоат кутубхонаси, 14 клуб муассасаси, 2 маданият ва истироҳат боғи, 3 халқ ансамбли, халқ театри бор. 4 касалхона, 9 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 3 қишлоқ врачлик пунктлари, 4 поликлиника, 4 фельдшер-акушерлик пункти, 2 диспансер аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудида Бароттепа қишлоқ харобаси, Жарқўрғон минораси (12-а.) сақланиб қолган. 1932 й.дан «Жарқўрғон» туман газ. чиқади.

Музработ тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1968 й. 25 дек.да ташкил этилган. 1994 й.гача Гагарин тумани деб аталган. Майд. 0,74 минг км². Аҳолиси 102,4 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, турк-

ман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 138,4 киши (2005). Туманда 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Халқобод қишлоғи.

Туман ҳудуди, асосан, текисликдан иборат, ғарби Кўхитанг тоғининг жан. қисмига ёндошади. Ҳудудидан Қорасув дарёси, Музработсой ва Занг канали оқиб ўтади.

Саноат тармоқларидан пахта тозалаш ва асфальт э-длари, 2 пахта тайёрлаш пункти, маиший хизмат кўрсатиш, дон маҳсулотлари к-тлари ва б. корхоналар бор.

Қ.х., асосан, ингичка тодалли пахтачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган. Суғориладиган ерларга пахта, ғалла, сабзавот ва полиз, беда, картошка, ем-хашак экинлари экилади, 18 га ер боғлардан иборат. Чорвачилик мажмуаси, 526 фермер хўжалиги, 6 фермер хўжаликлар уюшмаси мавжуд. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

54 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежи, лицей фаолият кўрсатади. 25 кутубхона, 29 клуб ва маданият уйлари ишлаб турибди. 5 касалхона, поликлиника, 12 дорихона ва б. тиббий муассаса аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудида жез даврига оид Сополитепа, Кампиртепа (мил.ав. За.— мил. 3-а.), Қорақамар гори (1-а.) Бузрукота мейморий мажмуаси (15-а.) ва б. қад. ёдгорликлар сақланиб қолган. 1989 й.дан «Меҳнат зафари» туман газ. чиқарилади.

Олтинсой тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1981 й. 23 нояб.да Шурчи ва Денов тумани қисмларидан тузилган. Майд. 0,56 минг км². 121,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 217 киши (2005).

Туманда 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Қарлуқ қишлоғи.

Туман ҳудуди Сурхондарёнинг шим. қисмидаги серунум текисликда жойлашган. Ғарбий чеккалари Кераготоғ этагига туташиб кетади. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Туман марказидан Олтинсой дарёси, Ҳазорбоғ канали оқиб ўтади.

Туманда Олтинсой «Шароб» корхонаси, 2 қўшма, 5 йирик саноат, 172 кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатади.

Қ.х.да боғдорчилик асосий ўрин эгаллайди. Айниқса, тоқчилик ривожланган. Суғориладиган ерларга пахта, дон, сабзавот, полиз экинлари экилади. 852 га ер боғлар. 5,5 минг га тоқзорлар б-н банд. 120 фермер хўжалиги мавжуд. Жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

60 дан зиёд умумий таълим мактаби, 4 касб-ҳунар коллежи, лицей-интернат, мусиқа мактаби, «Ёрилтош» ҳаваскор қўғирчоқ театри, халқ фольклор ансамбли бор. Туман марказий касалхонаси, катталар ва болалар поликлиникалари аҳолига хизмат кўрсатади. Стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 1986 й.дан «Олтинсой тонги» туман газ. чиқарилади.

Сариосиё тумани. Вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1959 й.дан Денов, 1962 й.дан Узун туманлари таркибида, 1964 й. 22 фев.дан Сариосиё тумани номи б-н қайтадан тузилган). Майд. 3,15 минг км². Аҳолиси 150,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² ўртача 47,8 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Сариосиё), 1 шаҳарча (Шарғун), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Сариосиё шаҳарчаси.

Туман рельефи тоғ, адир ва тоғ оралиғи водийларидан иборат. Ер усти тузилишининг ранг-баранглиги ўзига хос хилма-хил иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини вужудга келтирган. Иқлими қуруқ субтропик, қиши қисқа, ёзи эса давомли. Тўполондарё, Обизаранг, Сангардак дарёлари, Тўполон сув омбори бор. Фойдали қазилмалардан мәрмар, фосфор конлари, шинк қурилиш материаллари, нефть, газ мавжуд.

3 та қўшма, 34 кичик корхона, 2 темир-бетон буюмлари, 2 шағал-саралаш э-длари, Сариосиёда паррандачилик корхонаси бор. Ўзбекистонда ягона коксланувчи кўмир чиқарадиган Шарғун кўмир кони, Хондиза полиметалл кони, қўшма корхоналардан «Мифтоҳ» Ўзбекистон—Россия, «Ладжер» Ўзбекистон—Тожикистон (пиво ишлаб чиқарадиган) катта мавқега эга. Туман ҳудудидан Ка-



Музработ дарвозаси.



Сариосиё хурмоси.

нефть бор. Термиз ш.дан 20 км қуйида, Амударё ўртасида Пайғамбор орол қўриқхонаси жойлашган. Туманда Занг канали (Сурхондарёдан сув олади), гала-

лиф—Термиз—Сариосиё—Тожикистон «Дўстлик» юқори босимли газ трассаси ўтади.

Қ.х. хўжалигида пахтачилик, галлачилик, чорвачилик тараққий этган. 229 фермер деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Узун ўрмон хўжалиги, Ҳисор доривор ўсимликлар хўжалиги, М.Ашурова номидаги асалчиликка ихтисослашган хўжалик бор. Суғориладиган ерларга пахта, галла, мева, узум, сабзавот, беда, ем-хашак экинлари экилади. Туманда машҳур Дашнобод анори, Боботоғ пистаси ва кўпгина доривор ўсимликлар териб олинади. Жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

71 умумий таълим мактаби, 2 гимназия, 3 махсус интернат мактаби, 3 касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади. 41 жамоат кутубхонаси, 3 маданият уйи, 11 клуб муассасаси, халқ театри, ашула ва рақс ансамбли ишлаб турибди. Стадион ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Касалхона, поликлиника, туғруқхона, қишлоқ врачлик пунктлари, Хондизадам олиш мажмуи аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудуди орқали Тошкент—Душанба, Узун—Шарғун поездлари ўтади. 1931 й.дан «Сариосиё ҳақиқати» туман газ. чиқади.

Термиз тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,86 минг км². Аҳолиси 79,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 92,8 киши тўғри келади (2005). Туманда 5 қишлоқ фуқаролари йигини бор. Маркази — Учқизил қишлоғи.

Ҳудудининг шарқий қисми Ҳисор тоғ тизмасининг давоми ва унинг этаклари, чўллар, адирлар ва қирлар б-н банд. Иқлими континентал. Амударё, Қорасув, Шеробод дарёлари туман ҳудуди орқали ўтади. Фойдали қазилмалардан

ба, Аму-Занг (Амударёдан сув олади) суғориш каналлари, Учқизил сув омбори қурилган.

4 қўшма корхона, 14 акциядорлик жамияти, 20 маъсуляти чекланган жамиятлар ва 339 саноат, қурилиш ва б. корхоналар бор, паррандачилик ф-каси ишлаб турибди.

Суғориладиган ерларга пахта, галла, сабзавот, картошка, полиз экинлари экилади. Ёзда т-рнинг юқорилиги, илиқ-иссиқ ҳолларнинг узоқ давом этиши туманда иссиқсавар субтропик ўсимликлар—ингичка толали пахта, хурмо ва ҳатто шакарқамиш, апельсин, мандарин етиштиришга имкон беради. 394 га ер мевазор, 242 га ер тоқзор б-н банд. Ихота дарахтзорлари, ўрмонзорлар мавжуд. 1858 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

Туманда 32 умумий таълим мактаби, 2 касб-хунар коллежи, лицей, болалар мусиқа, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, 5 маданият уйи ва клуб муассасаси ишлаб турибди. 2 касалхона, 9 қишлоқ врачлик, 18 фельдшер-акушерлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади, 3 дорихона мавжуд. «Жайранхона» бальнеологик шифохонаси, Республика тиббий тикланиш ва физиотерапия и.т. институтининг Термиз филиали, сайёҳлик маскани ташкил этилган.

Туман марказидан Термизга автобуслар қатнови йўлга қўйилган. 1990 й.да туманда радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни кучлантириб берувчи телеминора (бал. 368 м) ишга туширилди. Эски Термиз харобалари, Қоратепа, Чингизтепа, Қирққиз қалъаси, Тўртауа гумбаз мақбараси харобалари, Зул-Кифл мазори, Уйиқгумбаз, Хўжа Рушноий мақ-

баралари, Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат меъморий мажмуотлари, Катта масжид, Кокилдор ота хонақоси каби меъморий ёдгорликлар сақланган. 1962 й.дан «Жануб қуёши» туман газ. чиқарилади.

Узун тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1942 й. 12 янв.да ташкил этилган (1959 й. 15 окт.да Сариосиё туманига қушиб юборилган, 1991 й. 29 мартда қайта тузилди). Майд. 2,33 минг км². Аҳолиси 127,7 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, қozoқ, туркман, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 54,8 киши тўғри келади (2005). Туманда 7 қишлоқ фуқаролари йигини бор. Маркази — Узун қишлоғи.

Рельефи, асосан, тоғ ва адирликлардан иборат. Туман ҳудудидан Тўполондарё, Обизаранг, Қоратоғ, Қорасув, Сурхон дарёлари оқиб ўтади. Иқлими мўътадил, деҳқончилик учун қулай. Фойдали қазилмалардан Хондизада (Ҳисор тоғлари этаги) полиметалл ва Хўжаасминда мрамор конлари бор.

Туманда пахта тозалаш, темир-бетон буюмлари, махсус ихтисослаштирилган тажриба з-длари, 270 дан зиёд фирма ва кичик корхона, шунингдек, «Узун-Комрон» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади.

620 дан ортиқ фермер хўжалиги бўлиб, пахтачилик, галлачилик ҳамда чорвачилик б-н шуғулланади. Боғдорчилик ва асаларичилик ҳам ривожланган. Ўрмон хўжалиги, 4 хусусий балиқчилик хўжалиги бор. Экин майдонларига пахта, галла ва б. экинлар экилади.

64 умумий таълим мактаби, 2 истеъдодли болалар интернат мактаби, ихтисослаштирилган интернат мактаби, қ.х. ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатади. 80 жамоат ва болалар кутубхонаси, 8 клуб муассасаси, маданият уйи, «Хотира ва қадрлаш» маданият ва истироҳат боғи, музей бор. «Турон» стадиони, теннис корти ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 4 касалхона, 21 амбулаторий, 19 фельдшер-акушерлик, 11 қишлоқ врачлик пунктлари, 15 хусусий дорихона ва б. тиббий муассасалари аҳолига хизмат кўрсатади. Туман марказидан Узун—Тошкент, Узун—Термиз, Узун—Денов ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. 1952 й.дан «Боботоғ тонги» туман газ. чиқарилади.

Шеробод тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 2,73 минг км². Аҳолиси 136,4 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, тур-

кман, татар, қозоқ, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 50 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Шеробод), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Шеробод ш.

Рельефи текислик, адир ва тоғликдан иборат. Текислик қисми чўл ландшафтли. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Туман ҳудудидан Шеробод дарёси ва унинг Майдон, Илонсой, Лайлагонсой irmoқлари ўтади. Туманнинг жан. чегараси бўйлаб Занг канали, шарқдан Шеробод магистрал канали оқади. Оқтош, Пашхўрд, Зарабоғ қишлоқлари атрофларида қадимдан фойдаланиб келинаётган қоризлар бор. Фойдали қазилмалардан қатта захирага эга бўлган ош тузи, олтингургурт, кўмир, ёнувчи сланец, мрамр, гранит ва қурилиш материаллари конлари мавжуд.

Туманда пахта тозалаш, керамика, гишт, ун э-длари, МТП, «Хўжайкон» туз кони, «Кампиртепа» гранит қарьери, 130 дан зиёд хусусий фирма, 16 акциядорлик жамияти, деҳқон бозори, қурилиш ва транспорт қорхоналари бор.

Қ.х., асосан, пахтачилик, галлачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Сабзавотчилик, полизчилик, пиллачилик ҳам ривожланган. 3 деҳқон-фермер, асаларичилик, 2 қорақўлчилик хўжаликлари мавжуд.

Суғориладиган ерларга пахта, галла, шунингдек, картошка, сабзавот ва по-

Шеробод туманидаги Абу Исо ат-Термизий мақбарасининг ички кўриниши.



лиз экинлари экилади. Узум, мева ҳам етиштирилади. 24,7 минг га ер ўрмонзор, 2,2 минг га ер қўп йиллик дарахтзор, 127 минг га ер яйлов б-н банд. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

65 умумий таълим мактаби, 4 касб-ҳунар коллежи, академик лицей, маданият ва истироҳат боғи, 7 клуб муассасаси, маданият уйи, ўлкашунослик музейи, туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари мавжуд. 2 стадион, спорт заллар, спорт мажмуаси фаолият кўрсатади. 5 касалхона, 24 амбулатория-поликлиника, 51 фельдшер-акушерлик, 10 қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тиббий ёрдам бўлими, 13 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудига «Оқтош» ва «Вандоб» санаторий ва соғломлаштириш оромгоҳлари жойлашган.

Шеробод—Қумқўрғон, Шеробод—Ангор—Термиз ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. Туман ҳудудига ибтидоий санъатга тегишли Зараутсой расмлари, Жарқутон ва Жондавлаттепа қад. шаҳар харобалари, Нондаҳана иншооти (19–20-а. бошлари) бор. Туманда Имом ат-Термизий мақбараси сақланган. 1932 й.дан «Шеробод» туман газ. чиқарилади.

Шўрчи тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1935 й. 9 фев.да ташкил этилган. Майд. 0,85 минг км². Аҳолиси 151,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 177,8 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Шўрчи), 1 шаҳарча (Элбаён бекати), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Шўрчи ш.

Рельефи, асосан, текислик ва адирлардан иборат. Иқлими қуруқ, типик субтропик иқлим. Туман ҳудуди ўртасидан Сурхондарё оқиб ўтади. Дарё қайирида мавжуд бўлган Оқтумшуқ, Шалди-роқ каби тўқайлар қуритилиб, деҳқончилик учун ўзлаштирилди. Туманнинг жан.-ғарбида Жан.Сурхон, шим.-шарқда Дегрез сув омборлари қурилган. Баҳорда Боботоғдан мавсумий оқимга эга бўлган Файзова, Хўжақулсин, Арғамчи сойлари оқиб тушади. Бойсун тоғларидан оқиб тушадиган Халқажар дарёси кичик шаршаралар ҳосил қилган.

Боботоғнинг адир ва тоғ зонасида нефть, газ ва фосфорит конлари топилган.

Туманда «Дон маҳсулотлари», «Шўрчипахта» акциядорлик жамиятлари, «Шўрчимебель» компанияси, МТП, пиллакашлик ф-қаси, 2 нон ёпиш қорхонаси, «Истиқдол» пойабзал и.ч. қорхонаси ва б. фаолият кўрсатади. Йирик элеватор ва 2 та ун тегирмони ишлаб турибди.

Қ.х. комплекс ривожланган, асосан, пахта, галла, шунингдек, мева ва узум етиштирилади. Сабзавотчилик, полизчилик ва чорвачилик ҳам ривожланган. Емхашак экинлари экилади. 600 га яқин фермер хўжалиги, 5 фермерлар уюшмаси мавжуд. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

58 умумий таълим, болалар муסיқа мактаблари, қ.х., коммунал хизмат кўрсатиш, тиббиёт касб-ҳунар коллежлари, 2 та махсус интернат мактаби, ихтисослаштирилган интернат мактаби бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, шаҳар кутубхонаси, кўзи ожизлар кутубхонаси, 7 қишлоқ маданият уйи, 5 қишлоқ клуби мавжуд. 4 касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси), 8 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 8 қишлоқ врачлик пункти, 24 та дорихона, 3 поликлиника ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Далварзинтепа харобалари жойлашган. Туман ҳудуди орқали Москва—Душанба поезди ўтади. Шўрчи ш.дан Термиз, Қарлуқ, Бойсун, Денов, Шеробод, Қумқўрғон, Кофрун йўналишларида автобуслар қатнайди. 1936 й.дан «Шўрчи ҳаёти» туман газ. чоп этилади.

Қизирқ тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1975 й. 6 мартда ташкил этилган. Майд. 0,33 минг км². Аҳолиси 81,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, туркман, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 246,9 киши (2005). Таркибида 1 шаҳарча (Сариқ), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Сариқ шаҳарчаси.

Рельефи текислик, адир ва тоғ олди қисмларидан иборат. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Фойдали қазилмалардан ош тузи, олтингургурт, ёнувчи сланец, қурилиш материаллари конлари бор.

Пахта тозалаш, гишт э-длари, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, деҳқон бозори, МТП, дон х-ти, вино тайёрлаш қорхонаси, тажриба хўжалиги бор. Кичик, ўрта бизнес ва йирик қорхоналар, микрофирмалар фаолият кўрсатади.

Пахтачилик, ғаллачилик етакчилик қилади, шунингдек, чорвачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, тоқчилик ҳам ривожланган. Деҳқон, фермер хўжаликлари мавжуд. Суғориладиган майдонларга пахта, дон, полиз, сабзавот, озуқа экинлари экилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

44 умумий таълим мактаби, болалар мусиқа мактаби, лицей, касб-ҳунар коллежлари бор. Туман марказий кутубхонаси, маданият уйлари, 7 клуб муассасаси, 8 ашула ва рақс халқ дастаси фаолият кўрсатади. Стадион, спорт майдонлари, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 2 поликлиника, 50 га яқин фельдшер-акушерлик пункти, 7 врачлик амбулаторияси, 7 дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошкент-Душанба халқаро автомобиль магистрالی ўтган. Сариқ шаҳарчасидан Термизга автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. 1975 йдан «Тараққиёт» туман газ. чиқарилади.

Кумқўрғон тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1977 й. 24 мартда ташкил этилган. Майд. 2,2 минг км². Аҳолиси 158,3 минг киши, асосан, узбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 71,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Кумқўрғон), 1 шаҳарча (Хуррият), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Кумқўрғон ш.

Ҳудуди Сурхон-Шеробод водийсининг марказида жойлашган, ўрта қисмидан Сурхондарё оқиб ўтади. Рельефи, асосан, адирлардан иборат. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Туман ҳудудидан Сурхондарё ва унинг мавсумий оқимга эга бўлган ўнг ирмоқларидан

Оққапчиғай, Бандихон сойлари оқиб ўтади. Асосий суғориш каналлари: Шеробод ва Боботоғ машина-магистрал каналлари, Ўгригузар насос ст-яси ва б. мавжуд. Туман ҳудудида Жан. Сурхон сув омбори жойлашган. Фойдали қазилмалардан Лалмикор нефть кони, қурилиш материаллари конлари бор.

Саноат корхоналаридан «Сурхон» темир-бетон буюмлари к-ти, пахта тозалаш, таъмирлаш-механика, асфальт-бетон з-длари, нон к-ти бор. Жан. Сурхон сув омбори, Сурхондарё пармалаш ишлари бошқармалари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, нефтни сақлаш ва вагон (цистерна)ларга қуйиш эстакадаси ишлаб турибди. Кичик, ўрта бизнес корхоналари, микрофирмалар фаолият кўрсатади.

Қ.х.да, асосан, ғаллачилик ва пахтачилик, ингичка толали пахтачиликка ихтисослашган. Чорвачилик, полизчилик, сабзавотчилик, пиллачилик ҳам ривожланган. Туманда деҳқон, фермер хўжаликлари, 3 чорвачилик мажмуаси, «Сайхон» қоракўлчилик-наслчилик хўжалиги мавжуд. Боғ ва тоқзорлар бор.

Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, касб-ҳунар коллежи, туман марказий кутубхонаси ва унинг шохобчалари, клуб муассасалари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, стадион бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, қишлоқ врачлик ва фельдшер-акушерлик пунктлари, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Кумқўрғондан Тошкент-Душанба т.й. ва Термиз-Душанба автомобиль йўли ўтган. Янги қурилаётган Кумқўрғон-Тошгузар-Бойсун т.й.нинг 112 км қисмида поездлар қатнайди. Кумқўрғондан Термиз ш.га автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Меъморий ёдгорликлардан Бандихонсой устига қурилган қад. меъморий кўприк (Фишт-кўприк, 1558–98 й.лар) сақланиб қолган. 1978 йдан «Меҳнат шарафи» туман газ. нашр этилади.



Кумқўрғон шаҳридаги нон корхонаси.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Республиканинг шим.-шарқида жойлашган. 1938 й. 15 янв.да ташкил қилинган. Майд. 15,6 минг км². Аҳолиси 2452,3 минг киши (Тошкент ш. киритилмаган), асосан, узбеклар, шунингдек, рус, қozoқ, татар, тожик, корейс, украин ва б. миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 160,3 кишини ташкил этади (2005). Таркибида 17 шаҳар, 15 та туман, 146 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Тошкент ш.

Вилоятнинг шим. ва шим.-шарқий қисмлари Фарбий Тяньшан тоғлари ва унинг тармоқлари (Курама, Писком ва Угом тоғлари) б-н банд. Энг баланд жойи Писком тизмасидаги Аделунг тоғи (4301 м). Чатқол ва Курама тоғлари орасида Оҳангарон платоси жойлашган. Вилоят ҳудудининг катта қисми Сирдарё томон қияланиб борадиган тоғолди текислиги (Чирчиқ-Оҳангарон водийси)дан иборат. Фойдали қазилмалардан мис, полиметалл рудалар, олтин, кумуш, қўрғошин, алюминий хом ашёси, кўнғир кўмир, молибден конлари, плавикли шпат ва дала шпати, турли хил қурилиш материаллари бор. Термал ва минерал сув захиралари кўп. Вилоят кучли сейсмик зонада жойлашган. Кучли элззила 1868 ва 1966 й.ларда Тошкентда бўлиб ўтди.

Иқлими кескин континентал. Киши нам, нисбатан илиқ, ёзи узoқ, иссиқ ва қуруқ. Январнинг ўртача т-раси $-1,3^{\circ}$, $-1,8^{\circ}$, энг паст т-ра -34° (текисликда), -38° (тоғ этакларида), июлининг ўртача т-раси $26,8^{\circ}$, энг юқори т-ра $43-47^{\circ}$. Текислик қисмида йилга 250 мм, тоғолдиларида 350–400 мм, тоғларда 500 мм ёгин ёғади. Ёгиннинг кўп қисми баҳор ва қишда ёғади. Вегетация даври текислик қисмида 210 кун. Дарёлари Сирдарё ҳавзасига мансуб (Сирдарё ўрта оқими ва унинг ирмоқлари-Чирчиқ, Писком ва Оҳангарон). Бўзсув, Қорасув, Далварзин, Тошкент ва б. суғориш каналлари, Туябўғиз («Тошкент денгизи»), Чорвоқ, Оҳангарон сув омборлари бор.

Текисликда бўз, тоғ этакларида (500–600 м баландликкача) типик бўз, ундан баландроқда чим-кўнғир, юқори-роқда ўтлоқи-дашт тупроқлар, дарё террасаларининг қуйи қисмида, ер ости суви юза жойларда ўтлоқи ва ботқoқ тупроқлар, дарё водийларида аллювиал тупроқлар тарқалган. Сирдарё бўйида кичик тўқайлар (терақ, тол, жийда, ҳар хил буталар), тоғ этаклари ва тоғларда (1200–1400 м баландликкача) тоғ дашт-

Тошкент вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Тошкент	мил. ав. 4—3-а.	911,9	2151,0	2142,3	2135,7
Олмалиқ	1951	40,5	135,0	114,7	116,7
Ангрен	1946	55,8	135,0	129,0	129,3
Оҳангарон	1966	—	35,0	30,5	30,9
Бекобод	1945	42,2	86,0	84,5	85,0
Чирчиқ	1935	65,6	172,0	143,3	140,7
Янгиобод	1953	9,5	14,0	9,8	8,9
Янгийул	1934	45,2	76,0	58,9	60,4
Оққўрғон	1980	—	15,0	10,8	11,0
Ғазалкент	1964	7,3	20,8	21,1	20,5
Бўка	1980	—	18,0	20,0	20,8
Дўстобод	1983	—	10,0	13,6	13,5
Паркент	1984	—	36,0	43,2	46,9
Пискент	1966	12,5	25,0	30,7	31,9
Келес	1976	5,0	20,0	26,0	27,1
Тўйтепа	1973	—	20,0	21,3	21,9
Чиноз	1972	7,9	21,0	20,8	21,8

лари, юқорироқда сийрак арчазорлар, 2000 м дан баландда субальп ва альп ўтлоқлари бор. Дарё водийларида терак, тол; тоғ этаклари ва тоғларнинг ўртача баландликларида олмасор ва ёнғоқзорлар учрайди, тоғолча усади. Текисликларда сариқ юмронқозиқ, қўшоёқ, калтакесаклар, чўл тошбақалари, қалқон-тумшук илон ва б., Сирдарё тўқайларида чиябўри, толай куёни, қобон; тоғ этаклари ва тоғларда айиқ, тулки, тоғ қўйи, жайра, бўрсиқ, каклик, тўрғай, арча болтатумшуги ва б., тоғ дарёлари ва жилғаларда қора балиқ, осман, лаққача учрайди. Вилоят ҳудудида «Чимён», «Бурчмулла», «Богистон», «Хумсон», «Оқтош» каби болалар оромгоҳлари, иқлим курортлари ва дам олиш уйлари бор. Тошкентдан 20 км узоқликда «Тошкент минерал сувлари» бальнеологик курорти жойлашган. Угом-Чатқол миллий боғи (майд. 574 минг га) ташкил этилган. Бошқизилсой бўлимида метеорология ст-яси (1956 й.дан) фаолият кўрсатади.

Тошкент вилояти қадимдан Буюк ипак йўлидаги илм-фан, ҳунармандчилик, маданият тараққий этган маконлардан бири бўлган. Хўжакент яқинидаги гордан топилган тош даврига мансуб одам суягининг қолдиқлари ва ҳоялардаги суратлар бу воҳада қадимда ибтидоий одамлар яшаганлигидан далолат беради. Вилоятнинг қад. аҳолиси тўғрисида мил.ав. 5—2-асрларга оид Юнон, Хитой ва б. Шарқ манбаларида баъзи маълумотлар сақланиб қолган. Вилоят ҳудудида ибтидоий одамлар қолдирган дастлабки излар палеолит даврига тўғри келади. Бу даврга оид манзилгоҳлардан бири Қўлбулоқ маконидир. Мустьё даврига оид манзилгоҳлар Обираҳмат горидан, Хўжакент қишлоғи

яқинидан, Чирчиқ воҳасида эса Қорақамиш ва Шўралисойдан, янги тош даври (неолит)га оид ашё Тошкент ш.нинг ғарбида Қўшилиш деган жойдан топилган. Вилоятнинг жез даври (мил. ав. 2-минг йиллик) топилмалари Андронов, Тозабогёп маданиятига оиддир. Темир даврида вилоят ҳудудида скиф қабилаларнинг сак-массагет иттифоқи кирган элатлар яшаган. Уларга тегишли ёдгорликлар мил.ав. 6—4-а.ларга оиддир. Бу давр қабристонларидан (Бурчмулла яқинида) тирнаб безалган сопол идишлар, тош ва кумушдан ясалган зебзийнат буюмлари топилган.

Чирчиқ водийсидаги Бурганлисойдан темир даврига оид сопол, металл, тошдан ясалган уй-рўзғор буюмлари, жум-

ладан, чойнаксимон тумшукли ва қулоқли қозонлар ва меҳнат қуроллари топилиб ўрганилган.

Мил.ав. 1-а.ларда вилоятнинг ҳоз. ҳудуди Қанғ давлати таркибига кирган. Вилоят ўтроқ халқларининг маданияти қўшни қўчманчи чорвадор халқлар маданияти б-н чамбарчас алоқада бўлган. Қўчманчи чорвадор халқлар ёдгорликлари Қовунчитепа яши ўрганилган. Оҳангарон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Қанқа (ҳоз. Харашкат харобаси) энг қад. шаҳарлардан бири бўлган. Шаҳар мил.ав. 3—2-а.ларда вужудга келган. 1-а.га оид шаҳарлар Сирдарё водийсида Банокат, Оҳангарон-Оққўрғон ораллигида Киндиктепа ва Қовунчитепалар бўлган (Тошкент ҳокимлигининг биринчи танга пуллари шу ердан топилган). Бу даврда ҳамма майда шаҳар ва қўрғонлар Шош (Чоч) ва Илоқ (Элоқ)қа бирлашган. 7-а.да қалъа ва майда шаҳарчалари кўплиги учун Шошни минг қалъали давлат деб таърифлаганлар. Шулардан бири Тошкентнинг шим.да (ҳоз. шаҳар ҳудудида) жойлашган Оқтепа қўрғонидир.

Илк ўрта асрларда аҳоли ўртасида оташпарастлик кенг ёйилган. Оссуарийга одам суякларини солиб қўмилган қабрлар Тўйтепа, Қорахитой ва Туябўғиз ҳудудларидан топилган.

9—10-а.ларда вилоят ҳудуди Сомонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврда шаҳарлар ҳар томонлама ривожланган. 10-а. араб географлари Истахрий,

Тоғдаги қўл (Ихнач).





Чирчиқ шаҳрида 1941—45-й.лардаги уруш қурбонлари хотирасига ўрнатилган «Турналар» ёдгорлиги.

Муқаддасий ва б. кўрсатишича, Хурсон ва Мовароуннаҳрда Шош вилояти энг кўп шаҳарли (40 тага яқин) ўлка бўлган. Энг йирик шаҳарлардан вилоят пойтахти Бинкат, Илоқ (Элоқ) давлатининг пойтахти Тункат ва йирик савдо-хунармандчилик марказлари Харашикат, Шутуркат, Нужкат бўлган. Шаҳарларнинг майд. 20 га дан 200 га гача бўлган. Вилоят ҳудудидан ўтган 2 машҳур қарвон йўлининг биринчиси Сирдарё, Бинкат, Харашикат, Худойкат орқали, иккинчиси бир оз шимолроқдан Чинозкат, Шутуркат, Дафниганкат, Исфижоб орқали ўтган. 9—10-а.ларда қончилик ишлари, металл эритиш, кулчилик ва тўқимачилик тараққий этган. 10-а. географларининг маълумотларига кўра, Шош, Илоқдан ҳар хил ма-

толлар, гиламлар, теридан ишланган ашёлар, ҳарбий қуроллар, эгарлар, металл буюмлар, чорвачилик маҳсулотлари ва ғалла ташқарига чиқарилган.

Тарихдан маълумки, соҳибқирон Амир Темур Тошкент ш. ва Тошкент воҳасига куп марта ташриф буюрган. Сирдарё бўйидаги мўғуллар вайрон қилган Баноқат ш.ни қайта тиклаб, уни ўғли Шоҳрух номига Шоҳрухия деб атаган. Вилоят ҳудудидаги машҳур Зангиота мажмуаси Амир Темур томонидан қурилган, кейинчалик Мирзо Улугбек томонидан охирига етказилган.

Тошкент вилояти мамлакатнинг саноати юқори даражада ривожланган вилоятларидан. Вилоятда 190 та саноат, 160 дан ортиқ қўшма, 21 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатади. Энг муҳимлари: «Ғишчи» (Ангрен), «Агат ва Фарҳод» (Бўстонлиқ тумани), «Металлургремонт» (Бекобод), «Орион» (Қибрай тумани).

Саноатининг етакчи тармоқлари—энергетика, машинасозлик, металлургия, кўмир, қон металлургияси, кимё саноати, пойабзал, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик ҳамда қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш. Вилоятда саноат корхоналаридан Бекободдаги Ўзбекистон металлургия, Олмалиқдаги қон-металлургия, Янги Ангрен, Тошкент иссиқлик электр ст-ялари ҳамда Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлор к-ти ишлаб турибди. Чирчиқдаги «Электркимёсаноат», Олмалиқдаги «Аммофос» ва Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» и.ч. бирлашмалари кимё саноатидаги йирик корхоналардан. «Ўзбеккимёмаш», «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги», «Трансформатор» корхоналарида қ.х. учун зарур бўлган пахта сеялқалари, культиваторлар, подборшчиклар ва б. эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Вилоятдаги «Тошкент-тибтехника» (Қибрай тумани), «ЎЗБМЗ» (Тошкент тумани), «Гидравлика», «Ускуна қурувчи» (Зангиота тумани), Далварзин таъмирлаш з-ди (Бекобод тумани), тоғ транспорти ускуналарини таъмирлаш з-ди, «Ангрен-

газмаш» (Ангрен ш.) корхоналари йирик корхоналардан. «Оҳангаронцемент», «Сантехкуйма», «Оҳангароншифер», «Оҳангаронтинласт», «Бекободцемент-мир», «Ғазалкентойна» каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларда цемент, шифер, керамика, ойна, ғишт, линолеум, темир-бетон конструкциялари каби маҳсулотлар тайёрланади. Вилоятда озиқ-овқат саноати ривожланган бўлиб, пахтачилик маҳсулотлари, боғдорчилик, тоқчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва б.га асосланади. 4 ун з-ди, консерва, пиво, арақ, вино ва спирт, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат з-длари, шоли тозалаш корхоналари, 8 паррандачилик ф-каси бор. Вилоятда халқ хунармандчилиги ривожланган.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари: пахтачилик, ғаллачилик боғдорчилик, тоқчилик, пиллачилик; тоғ этакларида лалмикор деҳқончилик (асосан, бугдой ва арпа етиштирилади). Вилоятда 50 мингдан ортиқ деҳқон ва 8400 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Пиллачилик б-н шуғулланилади. Чорвачилик гўшт-сутга ихтисослашган. Барча жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қуй ва эчки, парранда боқилади. Вилоят хўжаликлари республика пойтахти аҳолисига сут, гўшт, тухум, мева-сабзавот етказиб беради. Экин майдонларига пахта, дон, техника экинлари, картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Боғ, тоқзор ўрмонзор, пичанзор ва яйловлар бор. Вилоятда Куйи Чирчиқ «Балиқчи» тажриба намунавий балиқчилик бирлашмаси, Зангиотада Дамачи балиқчилик к-ти, Янгийўл балиқ завоқлари етиштириш давлат хўжалиги, Ихтиопатология маркази (Тошкент) ва б. фаолият кўрсатади.

Т.й. узунлиги 354,2 км. Вилоят ҳудудидан Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларни Шарқий Европа шаҳарлари б-н боғлайдиган т.й. линияси (шу жумладан, Москва—Тошкент—Туркманбоши) ўтади. Тошкент атрофидаги т.й.лар электрлаштирилган. Вилоят аҳамиятидаги автомобиль йўларининг умумий уз. 6,6 минг км (шу жумладан, қаттиқ қопламалиси 5,9 минг км). Муҳим автомобиль йўллари: Катта Ўзбекистон тракти, Тошкент—Андижон—Ўш—Қашқар автомобиль йўли.

897 умумий таълим мактаби, 4 академик лицей ва 70 га яқин касб-хунар коллежи, 2 олий ўқув юрти (Тошкент аграр ун-ти, Тошкент вилоят педагогика ин-ти) бор. 2 меҳрибонлик уйи фао-



«Чимён» оромгоҳи.

лият курсатади. Энг йирик и.т. институтларидан боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик, Ғуза селекцияси ва уруғчилиги, пахтачилик, чорвачилик, ипакчилик ва урмон хўжалиги, суғориш техникаси и.т. институтлари, қ.х.ни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё инти, Ўрта Осиё рангли металлургия лойиҳалаш, Шоликорлик и.т. институти ва б. жойлашган.

4 ўлкашунослик музейи, 501 жамоат кутубхонаси, 169 клуб муассасаси, 35 болалар мусиқа ва санъат мактаби, маданият уйлари, 746 бадий ҳаваскорлик жамоалари, маданият ва истироҳат боғлари бор.

96 касалхона муассасаси, 42 дорихона, вилоят шошилич тиббий ёрдам маркази булимлари, 334 амбулатория-поликлиника муассасаси ишлаб турибди. Шулардан 174 қишлоқ врачлик пункти, 43 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 11 стоматология поликлиникаси, талабалар поликлиникаси ва 195 фелдшер-акушерлик пункти ва б. тиббиёт муассасалари фаолият курсатади.

95 та болалар оромгоҳлари, 5 та дам олиш зоналари, 10 санаторий, 14 та санаторий-профилакторий, 3 дам олиш уйлари, 7 та пансионат, 2 болалар санаторийси, Тошкент ш.дан 90 км шим.-шарқда Чатқол тоғ ён бағирларида «Чимён» дам олиш зонаси бор.

Вилоятдан спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, сув полоси, мини футбол, қўл тўпи, шахмат ва б. бўйича спортчилар мамлакат мусобақаларида иштирок этиб келмоқдалар. 49 стадион, спорт мажмуаси, 16 сузиш ҳаязаси, 38 теннис корти, отчопар, велотрек, спорт заллар, отиш тирлари, қўл тўпи, футбол майдонлари бор. Ўнлаб жаҳон, Осиё, республика чемпионолари етишиб чиққан. Вилоят жамоаси республика миқёсида улоқ, енгил атлетика, бокс, дзюдо, стол тенниси, қўл тўпи, волейбол ва б. спорт турлари бўйича I- ва совринли ўринлар соҳиблари бўлишди.

Тошкент воҳаси Шарқ адабиётининг қад. марказларидан. 14–16-а.ларда шоир Бадриддин Чочий, машҳур тарихчи, ҳуқуқшунос, таржимон Кўҳакий, 16-а.да Зайниддин Восифий Тошкентда яшаб ижод қилганлар. Тошкентлик тарихчи ва географ олим Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини ёзди. Шоир ва ёзувчилардан Дилкаш, Гулшан, Алмай, Камий, Акмал, Авлоний, Нозимахоним, Мирмуҳсин Шермухамедов, Сидқий Хондайлиқий (Шавкат), Хислат, Мискин, Тавалло қабилар етишиб чиқди. Дилафгорнинг тошбосмада девони чоп қилинган. Элбек турколог-



Товоқсойнинг юқори қисми.

тилшунос, таржимон ва журналист сифатида ижод қилди.

Вилоятда 2 та вилоят («Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда»), 16 туман, 9 шаҳар газ. чиқади. Шунингдек, 17 тармоқ, 7 жамоат газ. ва 1 жур. нашр этилади. 38 матбаа корхонаси фаолият курсатади. Вилоят (Тошкент ш.)да таъриба радиозшиштиришлар дастлаб 1926 й.да бошланган. 1927 й. 11 фев.да оммавий радиостанция ишга туширилган. 1929 й.дан мунтазам радиогазета эшиттиришлари берилган. 1930 й.дан РВ радиостанцияси ишлаб бошлаган. Республика миқёсидаги эшиттиришлардан ташқари, Тошкент ш. ва вилоят радиотингловчилари учун ҳар куни «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг «Дўстлик» радиоканали орқали махсус эшиттиришлар берилади. Шунингдек, «Ориат-Доно», «Ориат-ФМ» радиостанциялари фаолият кўрсатади. Телевизион кўрсатувлар 1956 й. 5 ноябрдан бошланган. Тошкент ш. ва Тошкент вилояти учун мўлжалланган кўрсатувлар берилади, шунингдек, «Олмалик-ТВ», «Пўлат», «Чирчиқ-ТВ», «Бекобод ойнаи жаҳон», «Орбита ТРК» телестудиялари ишлаб турибди.

Меъморий ёдгорликлардан Зангиота мажмуаси Тошкент вилоятидаги энг маш-

ҳур, Ўрта Осиёдаги ноёб меъморий ёдгорликдир. Бекобод туманида Қизилмозор мақбараси жойлашган. Тошкент вилоятидаги туман марказларида 2-жаҳон



Зангиота ёдгорлик мажмуаси.

урушида ҳалок бўлганлар хотирасига, жумладан, Чирчиқ ш.га кираверишда, Бўзсув канали соҳилида, Янгийўл, Паркент ш.ларида ёдгорликлар ўрнатилган.

Бекобод тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Сирдарё вилояти Янгиер туманига қўшиб юборилган, 1963 й. 17 апр.да қайта тузилган). Майдони 0,76 минг км². Аҳолиси 135 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, татар, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 177,6 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Зафар) ва 12 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Зафар шаҳарчаси.

Туман Далварзин чўли ва қисман Мирзачўлда жойлашган. Иқлими кескин континентал. Жан.-шарқдан шим.-шарққа томон Сирдарё оқиб ўтади. Сирдарё соҳилида қолдиқ кўллар (Қолгансир, Катта Қолгансир, Янгиқўл, Ҳайбатқўл, Қозон, Шўрқўл) бор. Далварзин (ўнг ва сўл тармоқлари б-н), Жилвали, Ўртоқли, Дўстлик каналлари ва Хасёз ариғи оқиб ўтади.

Далварзин пахта тозалаш з-ди, Фарҳод ГЭС, Сирдарё иссиқлик электр ст-яси, қўшма, кичик корхона, микрофирма ва б. корхоналар бор. Қ.х.да пахтачилик етакчи ўринда. Боғдорчилик, пиллачилик, полизчилик, сабзавотчилик, шунингдек, чорвачилик б-н ҳам шуғулланилади. Суғориладиган ерларга пахта, сабзавот, шоли, адирларда баҳори ва кузги арпа, буғдой экилади. 310 фермер хўжалиги бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

62 умумий таълим мактаби, лицей, 49 жамоат кутубхонаси, 26 клуб муассасаси, 26 маданият уйи бор. 2 касалхона ва диспансер, 66 тиббиёт пункти аҳолига хизмат кўрсатади. Туманнинг жан.дан Фарғона водийсига борадиган т.й., Тошкент–Бўка–Бекобод автомобиль йўли ўтган. 1931 й.дан «Бекобод овози» туман газ. чиқади.

Бўка тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1943 й. 18 майда ташкил этилган. Майд. 0,59 минг км². Аҳолиси 104,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қozoқ, қирғиз, турк ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди (2005). Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 176,6. Туманда 1 шаҳар (Бўка), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Бўка ш.

Худуди жан. ва жан.-ғарбга томон Сирдарёга қия тушган тоғ олди текислигидан иборат. Иқлими кескин континентал, қуруқ иқлим.

Туманда пахта тозалаш з-ди, автокорхона, автобус-таксимотор саройи, кичик корхона ва микрофирмалар, Ўзбекистон–Туркия «Аккумулясервис» корхонаси (трактор ва автомобиллар учун аккумулятор батареялари ишлаб чиқаради) фаолият кўрсатади.

Қ.х.да пахтачилик етакчи ўринда. Сабзавотчилик, чорвачилик ҳам ривожланган. Хўжаликлари корхона, фермер хўжаликлари бор. Экин майдонларига пахта, галла, сабзавот, картошка, ем-хашак экинлари экилади. Пиллачилик ривожланган. Балиқчилик б-н ҳам шуғулланилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки боқилади. Чорвачилиги гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган.

52 умумий таълим мактаби, академик лицей, мусиқа мактаби, агроколлеж мавжуд. 50 га яқин кутубхона, музей, маданият саройи бор. Туман марказий касалхонаси, 3 қишлоқ касалхонаси, фельдшер-акушерлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. 1952 й.дан «Халқ овози» туман газ. чиқарилади.

Бўстонлиқ тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1955 й. 19 апр.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Юқори Чирчиқ туманига қўшиб юборилган, 1968 й. 25 дек.да қайта тузилган). Майд. 4,93 минг км². Аҳолиси 144,2 минг киши, асосий қисми ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, тожик, рус, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 29,2 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Ғазалкент), 2 шаҳарча (Искандар, Чорвоқ), 18 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Ғазалкент ш.

Туман худуди Тяньшан тоғ системасидаги Угом, Писком, Қоржонтоғ (шим.-шарқда), Чатқол (жан.-ғарбда) тизмалари оралиғида жойлашган. Чирчиқ дарёсининг Пис-

ком, Угом, Кўксув, Чатқол, Оқтош, Чимён ва б. irmoқлари туман худудидан оқиб ўтади. Янгиканал, Ходолак, Кемир, Терс ва б. каналлар, Писком ва Чатқол дарёлари қўшилган жойда Чорвоқ сув омбори ва гидроузели (тўғони) қурилган. Фойдали қазилмалардан мрамор, гранит, қурилиш материаллари хом ашёлари бор.

Бўстонлиқ тумани саноат маҳсулотлари и.ч. ҳажми бўйича вилоятда Қибрай туманидан кейин 2-ўринни эгаллайди. Туман худудида 3 йирик ГЭС (Чорвоқ, Хўжакент, Ғазалкент), ойна, мрамор, мева консерва, сут-ёғ, вино, пилла уруғи з-длари, қурилиш материаллари, йирик панелли уйсозлик к-ти, йўл қурилиш ва созлаш, эксплуатация қилиш корхоналари, қурилиш ташкилотлари, автокорхона бор. Ғазалкент тошни қайта ишлаш к-тида Аркутсой мрамор кони асосида мрамор блоklar ва майдаланган мрамор тош ишлаб чиқарилади. Кичик, хусусий корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари–сут-гўшт чорвачилиги, сабзавотчилик, боғдорчилик, тоқчилик, пиллачилик. Экин майдонларига галла, сабзавот, картошка, ем-хашак экинлари экилади. Боғ ва тоқзор, ўрмонзор, яйловлар бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Балиқ етиштирилади.

55 умумий таълим мактаби, касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатади. Жамоат кутубхоналари, клуб муассасалари мавжуд. 2 касалхона, поликлиника, сил касалликлари диспансери, 6 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 18



«Хумсон» санаторийси.

фельдшер-акушерлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. Тошкент—Чорвоқ электрлаштирилган т.й. тумани республика пойтахти б-н боғлайди. Каттиқ қопламали автомобиль йўллари туман хўжаликлари, дам олиш масканларини бирлаштиради, уларни республиканинг бошқа туманлари б-н боғлайди. «Бўстонлик овози» (ўзбек тилида), «Бўстонлик довуси» (қozoқ тилида) туман газ. (1936 й.дан) нашр этилади.

Зангиота тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмини эгаллаган. 1943 й. 18 майда ташкил этилган (1992 й. майгача Калинин тумани деб аталган). Майд. 0,22 км². Аҳолиси 158,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қozoқ, қирғиз, турк ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 720 киши тўғри келади (2005). Туманда 2 шаҳарча (Эшонгузар, Ўртаовул), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази—Эшонгузар шаҳарчаси.

Худуди Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги текислик. Иқлими континентал. Туман худудидан Бўзсув, Зах, Жўн, Шим. Тошкент канали ва б. ўтади. Шим. да Келес каналининг чап соҳилига туташ.

Саноати қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. 10 дан зиёд ишлаб чиқариш корхонаси. 20 қўшма корхона, 430 кичик ва хусусий корхоналар ишлаб турибди. АҚШ, Исроил давлатлари б-н биргаликда, ароқ, шампань вноси, шарбатли ичимликлар, Ўзбекистон—Германия ҳамкорлигида «Ландертехника—Тошкент», «Мораль—125» комбайн ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Туман қ.х.да сабзавотчилик, боғдорчилик ва тоқчилик, сут чорвачилиги, асосий ўрин эгаллайди. Бўзсув ва Эркин хўжаликлари турли сабзавот уруғлари етказиб беришга ихтисослашган. Шаҳар аҳолисини сабзавот б-н таъминлайдиган Қўйлик агрофирмаси мавжуд. Жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

40 умумий таълим мактаби, 2 касб-хунар коллежи, 2 илмий тадқиқот инти (ЎзФАнинг сув муаммолари интининг тажриба экспериментал хўжалиги, ЎзФАга қарашли генетика ва ўсимликлар биологияси интининг тажриба участкаси), 34 кутубхона, 3 стадион бор. 4 касалхона, 3 поликлиника, 10 қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. Худудидан Тошкент—Ангрен т.й. ўтган. Туман маркази Тошкент ш. б-н автомобиль транспорти орқали боғланган. 1934 й.дан «Истиқбол» туман газ. нашр этилади.

Оққўрғон тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1935 й.да 28 июлда ташкил этилган. Майд. 0,40 минг км². Аҳолиси 88,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, рус, татар, тожик, корейс, украин, немис, қирғиз, уйғур, озарбайжон, белорус, туркман, яҳудий ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 222,2 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Оққўрғон), 1 шаҳарча (Алимкент), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Оққўрғон ш.

Туман худуди Сирдарё ва унинг ўнг ирмоғи Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган. Жан.-ғарбидан Сирдарё, шим.-ғарбидан Оҳангарон ва унинг ирмоқлари (Қорасув ва б.) оқиб ўтади. Дарёлар кўҳна қайир (терраса)лар ва жарликлар ҳосил қилган. Иқлими континентал.

Туманда Алимкент ва Оққўрғон пахта тозалаш з-длари, «Мафтуна», «Оққўрғон МТП» акциядорлик жамияти, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, хусусий фирмалар ишлаб турибди. Пахта ёғи, трикотаж ва тикувчилик буюмлари, озиқ-овқат, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи—пахтачилик; ғалла, сабзавот ва полиз, беда, озука экинлари ҳам экилади. Узум ва мева етиштирилади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, ипак қурти боқилади. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади.

50 га яқин умумий таълим мактаби, касб-хунар коллежи, махсус интернат мактаби, туман марказий кутубхонаси ва унинг 38 та тармоғи, 15 клуб муассасаси, музей, Мангулик қўрғони бор. 2 стадион, теннис корти, 2 сузиш ҳавзаси, спорт майдонлари мавжуд. 2 касалхона, 25 фельдшер-акушерлик, 6 қишлоқ врачлик пунктлари, 2 қишлоқ даволаш амбулаторияси, 15 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. 1935 й. 1 сент.дан «Оққўрғон овози» туман газ. нашр этилади.

Оҳангарон тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1929 й. 29 сент.да ташкил этилган (1957 й. да Ўрта Чирчиқ ва Тошкент туманлари таркибига қўшилган. 1971 й. 31 авг.да қайта ташкил этилди). Майд. 3,19 минг км². Аҳолиси 79,0 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қozoқ, қирғиз, рус, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 24,8 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Оҳангарон), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Оҳангарон ш.

Худуди жан.-шарқда Қурама, шим. ва шим.-ғарбда Чатқол тоғ тизмалари ўртасидаги водийда жойлашган. Бу тоғ тизмалари Камчиқ доvonида бирлашади. Иқлими континентал. Туман худудидан Оҳангарон дарёси ва унинг ирмоқлари оқиб ўтади. Фойдали қазилмалардан кўнғир кўмир, мис, рух, молибден, олтун, флюорит, алуни, феруза, қурилиш материаллари бор. Ўтга чидамли тупроқ, қум, шағал, оҳақтошнинг захиралари катта.

Туманда 4 та қўшма корхона, кичик корхоналар, 170 га яқин хусусий фирма, акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятлар бор. Цемент з-ди мамлакатда ишлаб чиқариладиган цементнинг 60% ни беради. «Оҳангарондон» з-ди фаолият кўрсатади.

Қ.х.да ғаллачилик етакчилик қилади. Боғдорчилик, чорвачилик, полизчилик б-н ҳам шуғулланилади. 526 фермер хўжалиги мавжуд. Экин майдонларига бошоқли дон, полиз ва б. экинлар экилади. Пичанзор ва яйловлар катта майдонни эгаллайди. Оҳангарон ўрмон хўжалиги мавжуд. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

53 умумий таълим, musiқа мактаблари, қ.х. ва иқтисодий касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатади. 28 жамоат кутубхонаси ва б. маданий муассасалар бор. Туман марказий касалхонаси, 14 қишлоқ врачлик, 14 фельдшер-акушер-



Ангрен шаҳридаги турар жойлар.

лик пунктлари, 3 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 3 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади.

Туман ҳудудидан Тошкент—Ангрен т.й. ва Тошкент—Қуқон—Ўш—Қашқар халқаро автомобиль йўли ўтган. Тошкент ш. ва вилоят туманлари марказларига автобуслар қатнайди. 1932 й.дан «Оҳангарон» (аввалги «Қурама ҳақиқати») газ чиқарилади.

Паркент тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1926 сент.да ташкил этилган. Майд. 1,08 минг км². Аҳолиси 117,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қozoқ, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 108,8 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Паркент), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Паркент ш.

Туман Ўрта Тяньшаннинг Чатқол тизмаси ғарбий этакларида жойлашган. Рельефи тоғ олди текислиги, адир ва тоғлардан иборат. Иқлими тоғ олди ва тоғга хос, нисбатан континентал. Тоғ ён бағирларида горлар мавжуд. Сой ва булоқ кўп. Чирчиқ дарёсининг чап ирмоқлари: Паркентсой, Бошқизилсой ва Оқсоқотасой туманнинг асосий сув манбалари ҳисобланади. Тоғ-ўрмон ҳўжалиги, «Чатқол» биосфера қўриқхонаси жойлашган.

Туманда Тошкент тўқимачилик к-тининг «Паркент» шўъба корхонаси, гишт 3-ди, тикувчилик ф-каси, Паркент ва Шампань вино 3-длари, Бону-Голдинг агрофирмаси, «Заркент» қўшма корхонаси, лимонад цехи, мева консервалаш «БЕР-АРД» хўсусий корхонаси, автобустаксимотор саройи, 2 автокорхона, МТП, нон 3-ди бор. Ҳўжаликлар таркибида сутни қайта ишлаш 3-ди, 4 вино пункти, 4 консерва цехи ишлаб турибди. Халқ ҳўнармандчилиги ривожланган.

Қ.х. етакчи соҳа ҳисобланади. 300 дан зиёд деҳқон-фермер ҳўжаликлари бор.

Паркент туманидаги узумзорлар.



Экин майдонларига дон, сабзавот ва полиз, картошка, ем-хашак экинлари экилади. Туман жамоа ва хўсусий ҳўжаликларига қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

Туманда 43 мактаб, лицей, касб-хўнар, мусиқа, спорт мактаблари ишлаб турибди. Маданият уйи, 25 клуб муассасаси, 34 жамоат кутубхонаси фаолият кўрсатади. Стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 3 касалхона, 2 поликлиника, тиббий пунктлар аҳолига хизмат кўрсатади. ЎзФА га қарашли «Қуёш» мажмуаси, материал-шунослик ин-ти, Сейсмология ин-тининг магнит-ионосфера расадхонаси, «Коинот» илмий и. ч. бирлашмасининг «Невич» экспериментал базаси, «Сиворотка ва вакцина» илмий тадқиқот интининг ҳайвонотчилик базаси, Сўқоқ гидромелиоратив ст-яси фаолият кўрсатади. «Сўқоқ», «Кумушкон» санаторийлари ва ёзги мавсумда ишлайдиган «Сумча», «Қизилсой» дам олиш уйлари, 10 дан зиёд болалар ёзги дам олиш масканлари ва бир қанча корхоналар чорбоғлари мавжуд. 1982 й.дан «Паркент тонги» туман газ чиқади.

Пискент тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,79 минг км². Аҳолиси 86,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қozoқ, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 109,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Пискент), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Пискент ш.

Туман ҳудуди Қурама тоғ тизмаларининг этакларида ва Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида, Чирчиқ-Оҳангарон водийси бошланадиган ерда жойлашган. Қурама тоғидан Оҳангарон дарёси оқиб тушади. Тоғ сойларидан Қизота, Қовулди, Олмаликсой, Парганда, Қорақийёсой оқиб ўтади. Анҳор, Бўка, Шўр, Ўртаариқ, Бўржар сингари қад. канал-

лар, Шим. Тошкент канали бор. Шим. чегараси бўйлаб Тошкент сув омбори («Тошкент денгизи») жойлашган. Иқлими мўътадил иссиқ, қуруқ. Фойдали қазилмалардан мис, қўрғошин, рух, олтин, молибден ва б. нодир металл рудалари, флюорит, оҳактош, шағал, қум ва б. турли хил қурилиш материаллари олинади.

Саноат, транспорт, қурилиш корхоналари, қўшма корхона, 10 акциядорлик жамияти фаолият кўрсатади. Ҳўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Тумандаги экин майдонларига пахта, дон, полиз ва сабзавот экинлари экилади. 970 фермер ҳўжалиги мавжуд.

43 умумий таълим мактаби, ёрдамчи интернат мактаби, касб-хўнар коллежи бор. 22 жамоат кутубхонаси, 8 клуб муассасаси, маданият ва истироҳат боғи, 8 стадион ишлаб турибди. Туман марказий касалхонаси, болалар, юқумли касалликлар касалхоналари, 4 қишлоқ врачлик пункти, 5 врачлик амбулаторияси, марказлашган ва хўсусий дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Пискент ҳаёти» туман газ чиқади.

Тошкент тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1975 й. 25 ноябрда ташкил қилинган. Майд. 0,16 минг км². Аҳолиси 135,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қozoқ, рус, татар, қирғиз, корейс, уйгур ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 844,4 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Келес), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Келес ш.

Тумани ҳудуди Чирчиқ ва Келес дарёлари водийсида жойлашган. Рельефи, асосан, паст-баланд текисликдан иборат. Иқлими континентал. Экинларни суғоришда Келес дарёси ва Заҳариқ ҳамда Бўзсув каналларидан фойдаланилади. Фойдали қазилмалардан ўтга чидамли гил, шағал, қум ва иссиқ минерал сув булоқлари бор.

Саноати қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Жунни қайта ишлаш ф-каси (Келес), гишт 3-ди, қурилиш материаллари, озик-овқат и.ч. корхоналари ва б. ишлаб турибди. 1000 га яқин хўсусий корхона ва фирмалар, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма корхона ҳамда акциядорлик жамиятлари мавжуд. «Келес-Жун» ф-каси, «ASTRA — FARIM», «GANJ — BAYJON» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхоналари, Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлаш, Ўзбекистон—Чехия насос и.ч., Ўзбекистон—Туркия мебель



Тошкент туманидаги мевали боғ.

и.ч. қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қ.х.да, асосан, чорвачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик ҳамда тоқчилик ривожланган. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. 72 фермер, 80 деҳқон хўжаликлари мавжуд. Экин майдонларига буғдой, озуқа экинлари экилади. 1206 га ер тоқзор, 90 га ер ўрмон ва манзарали дарахтлар б-н банд. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки боқилади, 3 паррандачилик фермаси бор. Шредер номидаги боғдорчилик, тоқчилик ва виночилик и.т. институти, ўрмон хўжалиги и.т. институти тасарруфидаги тажриба и.ч. хўжаликлари фаолият кўрсатади.

31 умумий таълим, мусиқа, спорт мактаблари, касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатади. 35 жамоат кутубхонаси, 2 маданият уйи, 30 клуб муассасаси, «Аквапарк» бор. 3 стадион, суя ҳавзаси, 3 теннис корти, 31 спорт зали, футбол майдонлари мавжуд. 5 касалхона, 12 қишлоқ врачлик пункти, 5 поликлиника ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошкент–Москва т.й. ўтади. 1977 й.дан «Истиклол нури» туман газ. нашр этилади.

Чиноз тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1935 й. 9 фев.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Янгийўл туманига қўшилган. 1973 й. 12 апр.да қайта тузилган). Майд. 0,34 минг км². Аҳолиси 116,6 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, тожик, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 342,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Чиноз), 2 шаҳарча (Олмазор, Янги Чиноз), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Чиноз ш.

Рельефи, асосан, текислик, қир ва адирлардан иборат. Қозоғистон чегарасига яқин жойда эса чўл бошланади. Иқлими континентал. Туман ҳудудидан Чирчиқ, Сирдарё дарёлари оқиб ўтади. Қ.х.экинларини сугоришда туман ҳудудидан ўтган Бўзсув. Куркулдак. Шим. Тошкент, Жўн каналларидан фойдаланилади. Аччиққўл, Чумчуққўл, Келес яйловларида Ойдинкўл кўли бор. Фойдали қазилмалардан Сирдарё б-н Чирчиқ дарёсининг қўшилиш жойида қурилишда ишлатиладиган қум-шағал олинади.

Туманда 8 саноат корхонаси бўлиб, уларда қурилиш материаллари, пахта тозалаш, уруғлик тайёрлаш, норуца материаллар и.ч. б-н билан шуғулланилади (қум-шағал қазиб олинади). Автомобиль таъмирлаш з-ди, қурилиш материаллари ва конструкциялари, норуца қурилиш материаллари к-тлари, МТП, қум-шағал каръери бор. 2 қўшма корхона (шу жумладан, калава ип-газлама и.ч.га ихтисослашган Ўзбекистон–Туркия–Япония «Тўқимачи–ЛТД» корхонаси) ишлаб турибди.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари—пахтачилик ва галлачилик. Шунингдек, чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ҳам ривожланган. 541 деҳқон-фермер хўжалиги бор. Тумандаги жамоа ва

хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

50 га яқин умумий таълим мактаби, 2 ўрта махсус билим юрти, туман марказий кутубхонаси ва унинг 29 та тармоғи, болалар мусиқа мактаби, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. 2 касалхона, поликлиника, қишлоқ врачлик пункти, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Чиноздан Тошкент ш.га автобуслар қатнайди. 1974 й.дан «Чиноз ҳаёти» туман газ. чиқади.

Юқори Чирчиқ тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1959 й.да Паркент тумани, 1962 й.да Бўстонлик тумани қўшилди. 1964 й.дан Бўстонлик, 1979 й.дан Паркент тумани ажралиб чиқди). Майд. 0,44 минг км². Аҳолиси 112,7 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, корейс, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 256,1 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Янгибозор), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Янгибозор шаҳарчаси.

Ҳудуди Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган. Иқлими континентал. Шарқ ва шим.дан Чатқол тизмаси б-н ўралган. Туман ҳудудидан ўтган Қорасув, Чирчиқ дарёлари, Паркент, Ҳондам каналлари, Оққулик, Ёйилма, Қизилсой сойларидан қ.х. экинларини сугоришда фойдаланилади.

Пахта тозалаш, қ.х. машиналари и.ч. тажриба з-ди, босмаҳона, МТП, тошпағал майдалаш ва саралаш к-ти, автокорхона, қурилиш танкилотлари, 300 кичик, 6 қўшма корхона фаолият кўрсатади.

Туманда 830 фермер хўжалиги мавжуд. Пахтачилик, баҳорикор ерларда дончилик, шунингдек, чорвачилик, пиллачилик ривожланган. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, галла, сабзавот экинлари экилади. Тутзор, пичанзор ва яйловлар бор. Боғдорчилик, тоқчилик ривожланган. Туман жамоа ва ху-



Юқори Чирчиқ туманидаги марказий поликлиника.

сусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки боқилади.

40 умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. 24 жамоат кутубхонаси, 6 маданият уйи, 10 клуб муассасаси бор. 3 стадион, спорт заллар, футбол, қўл тўпи майдонлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси ва унинг бўлимлари, туғруқхона, поликлиника, 19 қишлоқ врачлик пункти, 2 та диспансер, 4 фельдшер-акушерлик пункти ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Суръат-қарқин» туман газ. (Ўзбек ва қозоқ тилларида) нашр этилади.

Янгийўл тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,42 минг км². Аҳолиси 159,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қозоқ, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 379, 8 киши (2005). Туманда 2 шаҳарча (Гулбаҳор ва Бўзсув), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Гулбаҳор шаҳарчаси.

Худуди, асосан, текисликдан иборат бўлиб, адирлар учрайди. Чирчиқ дарёси, Куркулдак, Жўн, Бўзсув, Шим. Тошкент каналлари ва ариқлар оқиб ўтади.

Туманда Янгийўл ёғ-мой к-ти, «Янгийўл биокимё» акциядорлик жамияти, консерва, экспериментал таъмирлаш-

«Тошкент денгизи».

Янгийўл тумани. Гулбаҳор шаҳарчасидаги Хотира майдони.



механика, гишт, асфальт-бетон, «Марелли», Янгийўл вино э-длари, Қуйи Бўзсув ГЭС, МТП, «Осиё-экспресс»

и.ч. корхонаси, балиқ урчиши хўжалиги, бройлер паррандачилик, инкубатория-паррандачилик ф-калари бор.

Қ.х.да пахтачилик, чорвачилик, бодорчилик, галлачилик, сабзавотчилик, пиллачилик б-н шуғулланилади. Суғориладиган майдонларга пахта, галла, сабзавот-полиэтилен экинлари экилади. Боғ ва тоқзорлар бор. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Фермер хўжаликлари, аграр бирлашмаси, чўчқачилик хўжалиги мавжуд.

Умумий таълим, болалар мусиқа, спорт, қасб-ҳунар мактаблари, касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, маданият саройи, клуб муассасалари бор. Стадион, спорт заллари, 3 теннис корти, футбол, мини фут-

бол майдонлари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, шошилич тиббий ёрдам маркази, поликлиника, туғруқхона, қишлоқ врачлик, фельдшер-акушерлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Нов қишлоғида дам олиш уйи, шунингдек, кардиология касалликлари санаторийси бор. Туман худудидан Катта Ўзбекистон тракти, Тошкент темир йўли, Тошкент-Термиз тракти ўтади. Қўштепа, Қоратепа, Йўғонтепа, Ниёзбоштепа, Шаматела, 1-2-3 Бўзсув тепалари археологик объектлар ҳисобланади. 1930 й.дан «Янгийўл» туман газ. нашр этилади.

Ўрта Чирчиқ тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,51 минг км². Аҳолиси 164,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 321,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Тўйтепа), 2 шаҳарча (Туябўғиз, Янгиҳаёт), 13 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Тўйтепа ш.

Худуди Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган. Иқлими кескин континентал. Туман худудидан Полвонов номидаги Тошкент, Қорасув каналлари, шим.-ғарбидан Чирчиқ дарёси оқиб ўтади, коллекторлар бор. Жан.да Туябўғиз сув омбори («Тошкент денгизи») жойлашган.

Туманда 125 кичик корхона ва 1140 дан зиёд микрофирма фаолият кўрсатади. Ўзбекистон-Корея «Қабул-Тўйтепа ЛТД» ип йиғирув-тўқув. Ўзбекистон-Германия «Хакипет», «Хусайн Мирзо» қўшма корхоналари ишлаб турибди. И.ч. бирлашмалари, металл конструкциялар, темир-бетон, асфальт-бетон, пахта тозалаш э-длари, МТП, тикувчилик ф-каси, дон қабул қилиш, 2 ўқув-тажриба корхонаси бор.



Қ.х., асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Сугориладиган ерларга пахта, дон, картошка, сабзавот ва полиз, озуқа экинлари, беда экилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

Туманда Республика шолиторлик илмий тадқиқот ин-ти, умумий таълим, болалар санъат, спорт мактаблари, академик лицей, гимназия, 2 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси, марказий маданият уйи, 2 маданият ва истироҳат боғи, 8 клуб муассасаси бор. 3 стадион, спорт заллари, отиш тирлари, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, дорихона, қишлоқ врачлик пунктлари, фельдшер-акушерлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади.

Автомобиль йўллар тумани Тошкент ва б. шаҳарлар б-н боғлайди. Худудидан Тошкент—Ангрен т.й. ўтади. 1932 й.дан «Машъал» туман газ. нашр этилади.

Қибрай тумани. Вилоятнинг шим. ва шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1933 й. 1 дек.да ташкил этилган [(1962 й. 24 дек.да Калинин (ҳоз. Зангиота) тумани б-н бирлаштирилди. 1964 й. 31 дек.да қайта тuzилди. 1991 й.дан Қибрай тумани номида)]. Майд. 0,56 минг км². Аҳолиси 161,6 минг киши, асосан, ўзбеклар; шунингдек, қозоқ, рус, тожик, татар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 288,5 киши (2005). Туманда 2 шаҳарча (Қибрай, Салор), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Қибрай шаҳарчаси.

Туман рельефи шим.-шарқий қисмида қир ва адирлардан иборат. Иқлими континентал. Жан.дан Чирчиқ дарёси, шим.дан Бўзсув, Зах ва Хоним каналлари, ўрта қисмидан Катта Қорасув каналли оқиб ўтади. Чирчиқ дарёсининг ҳоз. ва қад. ирмоқлари. Бўзсув, Захариқ каналлари жуда кўп жарликлар ҳосил қилган. Баъзи жарларнинг чуқурлиги (Бўзсувда) бир неча ўн метрга етади.

Туманда 11 саноат корхонаси, Тошкент иссиқлик электр маркази, ГЭСлар каскади, мева-сабзавот консерваси ва пиво-алкоголсиз ичимликлар к-тлари, гишт з-ди бор.

Туман Тошкент аҳолисига қ.х. ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беради. «Тошкент» паррандачилик хўжалиги, тухум етиштириш бўйича саноат и.ч. бирлашмаси, 237 фермер (шу жумладан, 64 деҳқон) хўжалиги, «Лимонзор» к-ти ва б. хўжаликлар бор. Экин майдонларига



дон, картошка ва сабзавот, озуқа экинлари экилади. Боғ ва тоқзорлар, иссиқхона хўжалиги мавжуд. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй, чўчка, парранда боқилади.

48 умумий таълим, musiқа мактаблари фаолият кўрсатади. 13 и.т. лойиҳа-конструкторлик ва тажриба ташкилотлари, «Племэлита» илмий и.ч. бирлашмаси, Тошкент аграр ун-ти, 4 musiқа мактаби, 43 жамоат кутубхонаси, 9 клуб муассасаси (жумладан, 4 маданият уйи, 2 маданият саройи), стадион, сузиш ҳавзаси бор. 5 соғлиқни сақлаш муассасаси, 2 касалхона, 13 қишлоқ врачлик пункти, 9 амбулатория, 9 қишлоқ даволаш маскани, 13 фельдшер-акушерлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. Болалар санаторийси, «Бўстон», «Ботаника», «Умид гулшани», «8 Март», «Турон», «Навбахор», «Қибрай» санаторийлари, «Энергетик» мавсумий дам олиш уйи ва б. ишлаб турибди.

Туман Тошкент ш. билан автобус ва электрлаштирилган т.й. транспорти орқали боғланган. 1933 й.дан «Қибрай садоси» туман газ. чиқарилади.

Қуй Чирчиқ тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. дек.да Оққўрғон туманига қўшиб юборилган. 1973 й. дек.да қайта ташкил қилинган). Майд. 0,56 минг км². Аҳолиси 95,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, корейс, рус, татар, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 171,1 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Дўстобод), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази—Дўстобод ш.

Қибрай тумани. Бўзсув канали.

Худуди Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари қуйи оқимлари оралиғида жойлашган. Ер юзаси, асосан, ясси текислик. Иқлими континентал, қиши нисбатан юмшоқ, ёзи узоқ давом этади, иссиқ, қуруқ. Сугориш каналлари ўтказилган.

Туманда пахта тозалаш з-ди, «Балиқчи» акциядорлик жамияти, «Нисси» қўшма корхонаси (шоли маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган), автокорхона, 240 га яқин хусусий, 180 кичик корхона бор.

Қ.х.да пахтачилик, ғаллачилик етакчилик қилади. Пилла етиштирилади. Тумандаги 11 ширкат хўжалигидан 8 таси пахта ва ғалла, 1 таси шоли ва бит-таси боғдорчиликка ихтисослашган. 387 фермер, 160 деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатади. Пахта, ғалла, шоли, каноп, сабзавот, картошка, озуқа экинлари экилади. Боғлар ва тоқзорлар мавжуд. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

51 умумий таълим мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. 19 жамоат кутубхонаси, 16 клуб муассасаси, 5 стадион ва б. спорт иншоотлари бор. Дўстободда Хотира майдони барпо этилган. 2 касалхона, туғруқхона, 2 поликлиника, 15 фельдшер-акушерлик, 16 қишлоқ-врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

Туман худудини шарқдан Тошкент—Туйтепа—Олмалиқ т.й. кесиб ўтган. Тошкент—Дўстобод, Тошкент—Оққўрғон автомобиль йўллари ҳам туман худудидан ўтган. 1927 й.дан «Эркин сўз» туман газ. чиқади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Республиканинг шарқида, Фарғона водийсининг жан.да жойлашган. 1938 й. 15 янв.да ташкил этилган. Майд. 6,7 минг км². Аҳолиси 2840,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, қирғиз, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 424,0 киши (2005). Таркибида 9 шаҳар, 10 шаҳарча, 15 қишлоқ тумани, 164 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Фарғона ш.

Фарғона вилоятининг шим. қисмини Қорақалпоқ ва Ёзёвон даштлари эгаллаган, жан.дан Олай тизмасидан оқиб тушадиган дарёларнинг ёйилмалари б-н уралган. Вилоят ҳудуди юқори сейсмик зона. Иқлими континентал, киши бир-мунча юмшоқ, баъзан, ҳаво жуда совиб кетади. Янв. ойининг ўртача т-раси –3,2°, июлиники 28°. Энг паст т-ра –27,9°. Энг юқори т-ра 42°. Водийнинг ғарбида эсадиган кучли «Қуқон шамоли» иқлимга салбий таъсир этади. Жан.-шарқида езда гармсел эсади. Йилига ғарбида 100 мм дан (Қуқон атрофи) шарқий қисмида 170 мм гача, тоғ ён бағирларида 270 мм гача ёғин тушади, асосан, баҳорда ёғади. Вегетация даври 210–240 кун. Вилоятнинг шим.-ғарбий чегараси бўйлаб Сирдарё оқади. Олай тизмасидан Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрамсой бошланади. Асосан, бўз тупроқ ва ўтлоқи ботқоқ тупроқлар, адирларда аксар оч ва типик бўз тупроқлар, Сирдарё террасаларида аллювиал-ўтлоқи тупроқлар, вилоятнинг шим. қисмида шўрхок ва ажриқли ўтлоқлар мавжуд.

Фарғона водийси табиати манзараси.



Фарғона вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил толган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Фарғона	1877	80,2	235,0	185,2	184,5
Қуқон	10-а.	105,1	175,0	197,4	203,5
Қува	1974	—	30,0	36,2	38,4
Қувасой	1954	10,8	25,0	24,7	24,4
Ҳамза	1974	—	13,0	12,3	12,8
Марғилон	10-а.	95,2	40,0	156,0	165,1
Бешарик	1983	—	17,0	20,5	21,6
Риштон	1977	—	25,0	29,6	31,6
Яйпан	1975	5,4	17,0	19,8	21,0

Марказий Фарғонадаги шўрхокларда турли хил шўра ўсади. Воҳаларда терак, тут, қайрағоч, дарё водийларида кенг баргли ўрмонлар ва арчазорлар бор. Ёввойи ҳайвонлардан Сирдарё тўқайзорларида қобон, адир ва Олай тизмаси тоғ олдиларида бўри, тулки, чиябўри, қуён, бўрсиқ, жайра яшайди. Ондатра, нутрия иқлимлаштирилган. Қушлар, судралувчилар кўп. Сув ҳавзаларида маринка, усач, зоғора балиқ, карп, оқ амур, дўнгпешона каби балиқлар бор.

Фарғона вилояти Ўзбекистоннинг қад. маданият ўчоқларидан бири. Вилоят ҳудудида топилган тош даври манзилгоҳлари ва қоятошларига солинган суратлар, тош қуроллар водийда одамлар энг қад. даврлардан бери яшаб келганликларидан дарак беради. Вилоятнинг археологик ёдгорликларини ўрганишда Катта Фарғона каналининг қазилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Канални қазिश жараёнида жез даври, қулдорлик ва заминдорлик жамиятларига оид ёдгорликлар топилди ва текширилди. Қува ш.даги мил.ав. 5-а. ва урта аср бошларига оид топилмалар яхши текширилган. 10–11-а.ларга доир тарихий манбаларда бу шаҳар ободлиги ва катталиги

жиҳатидан водийда Ахсикатдан сўнг энг йирик шаҳар деб қайд қилинган. Археологик материаллар Марғилон ш. 10-а.да катта қишлоқ бўлиб, 11–12-а.ларда шаҳарга айланганлигини, Риштон эса 10-а.да катта шаҳар бўлса ҳам, 11–12-а.ларга келиб қишлоқ қиёфасига кириб қолганлигини исботлайди.

Ўтроқ деҳқончилик, чорвачилик б-н шуғулланган Чуст маданиятига оид манзилгоҳлардан топилган ёдгорликлар Фарғона водийсини ўрганишда муҳимдир. Археологик текширишлар натижаси Фарғона вилоятида қадимдан одамлар яшаб, овчилик, деҳқончилик, чорвачилик б-н шуғулланганлигидан, кишилик жамиятининг кейинги босқичларида эса маданият ривожлана бошлаганлигидан даролат беради.

Фарғона вилояти республиканинг саноати ривожланган вилоятларидан. Вилоятда 90 га яқин йирик саноат корхонаси мавжуд. Саноатининг етакчи тармоқлари: ёқилғи-энергетика, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, пахтани тозалаш ва қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати ва б. Энергетика базаси, асосан, иссиқлик электр станциялардан иборат бўлиб, энг йириклари: Фарғона, Қуқон иссиқлик электр марказлари, Қувасой иссиқлик электр ст-яси. Кимё саноатининг энг йирик корхоналари Фарғона ва Қуқон ш.ларида жойлашган. «Азот» и.ч. бирлашмаси, кимёвий тозалар, фуран бирикмалари кимё з-длари. Қуқон суперфосфат з-ди ва б. шулар жумласидандир. Вилоятда Фарғона нефтни қайта ишлаш з-ди жойлашган.

Қувасойдаги цемент з-ди республикада ишлаб чиқариладиган цементнинг тўртдан бир қисмидан кўпрогини беради. Шунингдек, шифер, гипс ва б. қурилиш материаллари, шиша ва чинни идишлар з-длари ишлаб турибди. Қуқондаги «Электромаш», «Текстильмаш» ва б. металлсозлик з-дларида саноатнинг бошқа тармоқлари учун асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Озиқ-овқат саноати корхоналарида турли нав ёғлар, ун, нон, макарон, кон-

серва ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Вилоятда 84 қўшма корхона, 26 мингдан ортиқ кичик корхона ва микрофирма фаолият кўрсатади. Фарғона ш.да «Нодира», «ПСМК-3», «Полина»; Марғилонда «Марғилон тонги» ва Қўқонда «Зилола» кичик, «Ўзсаламан», «Кабул-Фарғона», «Бестекс», «Ишонч» қўшма корхоналари ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари—пахтачилик, галлачилик, пиллачилик, шунингдек, боғдорчилик ва чорвачилик ҳам ривожланган. Суғориладиган ерлар Катта Фарғона ва Андижон, Жан. Фарғона каналлари, Шоҳимардонсой, Марғилонсой, Сух, Исфайрамсой, шунингдек, Каркидон, Қўргонтепа сув омборлари ёрдамида суғорилади. Вилоятдаги экин майдонларига дон, пахта, сабзавот ва полиз, озуқа, техника экинлари экилади. 20,3 минг га ер яйлов. Ўрик, анор, анжир, олма, хурмо куп. Токзорларда юқори навли узумдан мул ҳосил олинади.

Вилоятда 12 мингга яқин фермер хўжалиги, 74 хўжаликлараро корхоналар, 6 паррандачилик ф-каси мавжуд. Чорвачиликда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Т.й. узунлиги 227,8 км. Автомобиль йўллари уз. 8,6 минг км. Асосий йуналишлари: Тошкент—Қўқон—Андижон, Марғилон—Қўқон—Навоий. Қўқон—Марғилон—Кува. Фарғона ш.да йирик аэропорт ишлаб турибди.

Вилоятда 4 олий ўқув юрти, 910 умумий таълим мактаби, 8 гимназия, 47 лицей, мусиқа ва спорт мактаблари, 77

Шоҳимардон кўли.

Катта Фарғона канали.

касб-ҳунар коллежи, 3 академик лицей фаолият кўрсатади. 4 театр, маданият уйлари. 3 музей, 193 клуб муассасаси, 609 оммавий кутубхона аҳолига хизмат кўрсатади. 97 касалхона, 413 амбулатория поликлиникаси, 214 қишлоқ врачлик пункти, 61 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 28 диспансер, дам олиш уйлари ва «Чимён», «Ўзбекистон», «Қизилтепа», «Нурафшон», «Темир йўлчи» санаторийлари, шошилинч тиббий ёрдам вилоят бўлими бор.

Вилоятда 5100 дан зиёд спорт иншооти мавжуд. Жумладан, Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежидаги спорт иншоотлари, «Ёшлар маданият ва спорт мажмуаси», «Фарғона» марказий стадиони, «Истиқлол» теннис мажмуаси, от спорти мактаби, «Кимёгар» спорт мажмуаси фаолият кўрсатади. Спортнинг юнон-рим, қўл жанги, тазквондо, каратэ, шахмат, шашка, бокс, белбоғли кураш, миллий кураш, турон миллий яккакураши, енгил атлетика, мини футбол, волейбол турлари ривожланган. Вилоят спортчилари халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиб олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлмоқдалар. 2004 й.нинг август ойида Афинада ўтказилган 28-ёзги Олимпия ўйинларида вилоятнинг 5 спортчиси иштирок этди. Вилоят-



да «Универсиада-2004» спорт мусобақалари ўтказилди.

Фарғона замини кўплаб истеъодлар бешиги бўлган. Қўқон тарихига оид баъзи манбаларда 10-ада Фарғонада ёзма адабиёт намуналари бўлганлиги қайд этилган. Абу Таййи Ҳўқандий (10-11-а.лар) ижоди ҳақидаги маълумотлар бунинг яққол далилидир. Бироқ, ўрта аср Фарғона вилояти адабиёти ҳақидаги манбалар жуда кам.

18-а.дан бошлаб Фарғона водийси, хусусан, Қўқонда фан, адабиёт ва санъат ривож топганлигини кўриш мумкин. Бу даврда Ҳувайдо, Шўхий, Акмал, Низомий Ҳўқандий каби адабиёт намоянадалари ижод қилдилар. 19-а.да ушбу ҳудудда «Қўқон адабий муҳити» номи б-н маълум бўлган адабиёт равнақ топди. Ушбу муҳитнинг ташкилотчиси Қўқон хони Муҳаммад Саид Амир Умархон (1787-1822). Умархон даврида Адо. Фазлий, Хозиқ, Ҳижлат, Вазир, Махмур, Нодир, Ҳозий, Маъдан, Мирий, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Гулханий, Мушриф, Дабир, Равнақ, Умидий, Жадид, Маҳзун, Зокир, Файзий, Ваҳмий каби ижодкорлар шухрат қозонганлар. Ке-

Фарғона боғлари.





Кўқон шаҳри. Дахмаи шоҳон меъморий мажмуаси.

Йинроқ, Умархоннинг ўғли Кўқон хони Муҳаммад Алихон (Мадалихон) ҳам «Хон» тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Аёл ижодкорларнинг мавқеи баланд бўлганлигини таъкидлаш лозим. Кўқон маликаси Моҳаройимнинг Нодира, Макнуна тахаллуслари б-н ижод этган ўзбек ва форс тилларидаги шеърлари, Жаҳонотин Увайсийнинг 4 девони, Маҳзунанинг гўзал шеърлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган.

Тарихга оид насрий асарлар қаторида эса Ҳакимхон тўра, Мулла Аваз Муҳаммад Аттор, Мушриф, Мулла Ниёзмухаммад Хўқандий, Мирзо Олим Мушриф, Муҳаммад Амин Домулло, Абдуғафур Хўқандий, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний, Муҳаммад Азиз Марғилоний ва б.нинг асарларини келтириш мумкин.

19-а.нинг 2-ярми—20-а. бошлари адабиётида ҳам Лисандий, Қорий, Муқимий, Муғаййир, Фурқат, Завқий, Фурбат, Рожий, Муҳсиний, Ҳазиний, Маҳжур, Муҳйи, Зорий, Сирожий, Жалолӣ, Ёрий, Иброҳим Даврон, Мирзои Хўқандий, Насимий Хўқандий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийлар, аёл ижодкорлардан Дилшод Барно, Анбар Отин, Самарбону каби шоиралар ва б. самарали ижод қилдилар.

Вилоятда 7 журнал, 73 газ., шу жумладан, 2 вилоят газ. («Фарғона ҳақиқати», «Ферганская правда»), 21 шаҳар ва туман, 27 тармоқ ҳамда 23 хусусий газ.лар нашр этилади.

Вилоятда радиозиттиришлар илкор 1932 й.да эфирга узатилди. Вилоят телевидениеси ўз кўрсатувларини 1991 й. 22 дек.дан намойиш эта бошлади. Вилоят телевидениеси ҳафталик кўрсатувлари 18 соатни ташкил этади. Шунингдек, «Марғилон», «Сўх», «Мулоқот», «Ниҳол» туман ва шаҳар телестудиялари фаолият кўрсатади.

Вилоятда асосий ҳисобланган Кўқон меъморлигининг шаклланиши 18-а.дан бошланади. Ҳозиргача шаҳарда сақланган меъморий ёдгорликлардан энг қад.си Мадрасаи Мир номи б-н халқ орасида машҳур бўлган Норбўтабий мадрасасидир (18-а. охири). Шунингдек, Дахмаи шоҳон, Дахмаи Модарихон меъморий мажмуалари (19-а.нинг 20-й.лари), Миён Ҳазрат (1860 й.), Камол Қози (1837 й.) мадрасалари, Ўрда (1871 й., Кўқон хони Худоёрхон томонидан қурилган), Жоме масжиди (19-а. охири—20-а. бошлари) каби меъморий ёдгорликлар сақланган. Вилоятда 1998 й.да Фарғонийнинг 1200 йиллик, 2000 й.да Бурхониддин Марғинонийнинг 910 йиллик юбилейлари ўтказилди.

Фарғона — Фарғона вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Майд. 0,09 минг км². Аҳолиси 223,6 минг киши (шаҳар атрофи б-н бирга, 2005, Фарғона водийсидаги шаҳарлар ичида 3-ўринда). Шаҳар Фарғона водийсининг жан. қисмида, Олай тоғларининг этагида, 580 м баландликда жойлашган. Иқлим континентал. Ўртача йиллик т-ра 13⁰. Январнинг ўртача т-раси -2,7⁰, июлники 26,4⁰. Энг паст т-ра -27⁰, энг юқори т-ра 42⁰. Йилига 192 мм ёғин тушади, асосан, қиш ва баҳор фаслларида ёғади.

Фарғона сўзининг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Олимлар «Фарғона» сўзининг 13 аср илгари суғд ёзувларида «Парғана», «Прағана» шаклларида ёзилганлигини ҳамда ҳинд-сан-

скрит тилида «кичик вилоят»; форс тилларида «тоғ оралигидаги водий», «атрофи берк сойлик» деган маъноларга эга бўлганлигини таъкидлайдилар.

1876 й. Россия империяси Кўқон хонлигини йўқотиб, унинг ҳудудида Фарғона вилоятини тузгач, маъмурий марказ қуриш учун Марғилондан 10 км жан.да жойлашган Ёрмозор ва собиқ Сим, Чиринган қишлоқлари ўрнини танлади. Шаҳар қурилиши лойиҳа бўйича 1877 й. июнда бошланди. Генерал-губернатор шаҳарни Янги Марғилон деб аташни буюрди. Шаҳарнинг қурилиши 1904 й.да якунланди. Янги Марғилон, асосан, Марғилонсойнинг чап соҳилида жойлашди.

1899 й.да Янги Марғилон аҳолиси атиги 4 минг кишини ташкил этди. 1907 й.да шаҳар номи Скобелев деб ўзгартирилди (1924 й.да Фарғона номини олди). 1913 й.да шаҳар аҳолиси 13 мингга етди, ўзбеклар 3216 кишини ташкил этди.

1917 й. 6—7 дек.да Скобелевда ҳокимиятни шўролар эгаллади. 1921 й.да Ўрта Осиё ипакчилик саноатининг дастлабки корхонаси—пиллакашлик ф-каси фойдаланишга топширилди.

2-жаҳон урушидан кейинги йилларда ишга туширилган Хўжаобод—Фарғона, Шим. Сўх—Фарғона—Қувасой газ қувурлари Фарғонани Бухоро яқинидан бошланган ягона газ қувури системаси б-н боғлади. Шундан сўнг гидролиз, нефтни қайта ишлаш, темир-бетон буюмлари, шифер-гишт з-длари, 2 иссиқлик электр маркази ишга туширилди.

Шаҳарда 2300 дан ортиқ кичик корхона, 10 автокорхона, маҳаллий хом-

Фарғона шаҳридаги Аҳмад Фарғоний ҳайкали.





Тез тиббий ёрдам маркази.

ун-т, политехника ин-ти фаолият курсатади. 3 стадион, спорт мажмуаси ва б. спорт иншоотлари бор. Касалхона, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат курсатади.

ашёдан кимёвий тола (ацетат ипаги) ишлаб чиқарадиган, азот, совун, газ аппаратлари, нефтни қайта ишлаш, механика, пахта тозалаш, консерва з-длари; уйсозлик, мой, сут к-тлари, трикотаж, пиллакашлик, пойабзал ф-калари, «Фаргонапиво», дон маҳсулотлари корхоналари ишлаб турибди. 24 қушма корхона («Қабул-Фаргона», «Ўзсаламан», «Фертекс», «Евразия Тапо Диск», «Феркон» ва б.) фаолият курсатади.

Фаргона Республиканинг йирик илм-фан ва маданият марказларидан биридир. 2 маданият саройи, 28 жамоат кутубхонаси, вилоят ўлкашунослик музейи, 4 маданият уйи, мусиқали драма театри, рус драма театри, қўғирчоқ театри, ёшлар хибони, маданият ва истироҳат боғи бор. Фарғонадан 52 км жан. да Шохимардон курорти, шаҳардан 32 км нарида, Олтиариқ туманидаги хушманзара жойда 2 йирик шифохона жойлашган.

41 умумий таълим, 4 катталар таълими, 3 болалар мусиқа, санъат мактаблари, 3 акад. лицей, 18 касб-хунар коллежи, Тошкент 2-тиббийёт ин-ти филиали,

Фарғонадан туман марказлари, шаҳар ва шаҳарчаларига автобуслар қатнайди. Ҳаво транспорти орқали Тошкент ш., вилоят марказлари ва хорижий давлатлар б-н боғланган. Шаҳарда 2 вилоят газ., шаҳар газ. («Фарғона тонги», 1955 й. 29 дек.да ташкил этилган), 22 тармоқ газ., 15 хусусий газ. ва 6 журнал нашр этилади. 3 та телестудия фаолият курсатади.

Бағдод тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Учқўприк туманига қушиб юборилди. 1964 й. 31 дек.да қайта тузилди). Майл. 0,33 минг км². Аҳолиси 159,4 минг киши, асосан, узбеклар, шунингдек, руслар, татарлар ва б. ҳам яшайди. 1 км² га уртача 483,0 киши туғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Бағдод) ва 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Бағдод шаҳарчаси.

Ҳудуди текисликдан иборат. Жан.-ғарбида тошлоқли дашт ерлар бор. Туман ҳудудидан Катта Фарғона канали ўтади.

Пахта тозалаш з-ди, дон маҳсулотлари ва қурилиш материаллари, маҳаллий саноат к-тлари, мебель ва пойабзал, паррандачилик ф-калари, автокорхона, «Файз-Явар» Ўзбекистон-Словакия мебель и.ч. қушма корхонаси, 134 кичик корхона ва б. фаолият курсатади.

Қ.х.да етакчи тармоқ—пахтачилик. Ҳўжаликлари чорвачилик, боғдорчилик, пиллачилик, полизчилик, сабзавотчилик б-н ҳам шуғулланади. Суғориладиган ерларга пахта, сабзавот, беда, маккажўхори, шоли экилади. 82 фермер ҳўжалиги, ҳўжаликлараро корхона ва б. бор. Туман жамоа ва хусусий ҳўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, ларранда боқилади.

55 умумий таълим мактаби, гимназия, лицей бор. Туманнинг Ўлтарма қишлоғида Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш ин-тининг Қўқон таянч пункти жойлашган. 48 жамоат кутубхонаси, 17 клуб муассасаси, 12 маданият уйи, 2 музей мавжуд. 5 касалхона, 62 қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат курсатади. Туман ҳудудидан Марғилон—Қўқон т.й. ўтган. 1931 й.дан «Бағдод ҳаёти» туман газ. чиқади.

Бешариқ тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майл. 0,77 минг км². Аҳолиси 165,9 минг киши, асосан, узбеклар, шунингдек, тожик, рус, қирғиз, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га уртача 215,4 киши туғри келади. Туманда 1 шаҳар (Бешариқ) ва 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Бешариқ ш.

Рельефи пасттекислик, қир, тошлоқ ва қумли чала чўллардан иборат. Жан.-ғарбида қум барханлари, шарқида Марказий Фарғонанинг Сух-Исфара массиви бор. Иқлими кескин континентал. Туманнинг шим.да Сирдарё, жан.да Исфара дарёси оқади, ғарбида Қайроққум сув омбори бор. Сух-Исфара коллектори ўтган.

Пахта тозалаш з-ди, тиббийёт пахтаси тайёрлайдиган, йигирув-тўқув ва мебель, паррандачилик ф-калари, пахта чиқиндисидан картон ишлайдиган ва паст нав пахтани қайта ишлаб тозалайдиган маҳаллий саноат к-ти бор. 140 га яқин кичик корхона фаолият кўрсатади.

Қ.х.да суғориладиган ерларга пахта, сабзавот, беда, маккажўхори, шоли экилади. 148 фермер ҳўжалиги ва Қўқон ўрмончилик ҳўжалигининг филиали, ҳўжаликлараро корхона бор. Туман жамоа ва хусусий ҳўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, ларранда боқилади.

47 умумий таълим мактаби, 2 лицей ва б. ўқув муассасалари бор. 46 жамоат кутубхонаси, 24 клуб муассасаси, маданият уйи, музей мавжуд. 5 касалхона, поликлиника ва 54 қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат курсатади. Туман ғарбидан Тошкент—Қўқон т.й. ўтади. 1932 й.дан «Бешариқ тонги» туман газ. чиқади.



Қувасой шаҳрининг умумий манзараси.

Бувайда тумани. Вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1959 й. 14 дек.да тугатилиб, ҳудуди Учкўприк ва Бағдод туманларига қушиб юборилган. 1973 й. 26 дек.да қайта тузилди). Майд. 0,28 минг км². Аҳолиси 162,4 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг уртача зичлиги 1 км²га 580,0 киши (2005). 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Янгиқорғон қишлоғи.

Рельефи, асосан, текислик. Иқлими континентал. Сух суви Бекобод, Бачқир, Картан, Бувайда ариқлари орқали келади. Туман шим.дан Бағдод коллектори, Аччиққўл ва б. каналлар утган. Экинзорлар Сўх дарёси, Катта Фарғона каналлари ҳамда ер ости сувларидан суғорилади.

Саноати қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Ип йиғирув ва тукув, тикувчилик-трикотаж ф-калари, автокорхона, 4 мева ва сабзавотларни қайта ишлаш (жумладан, анжир қиёми и.ч. цехлари), гилам тўқиш, виночилик цехлари, 15 гишт 3-ди, 8 қурилиш-таъмирлаш ташкилоти, 3 акциядорлик жамияти, 300 дан зиёд хусусий корхона ва б. бор.

Туман қ.х.нинг асоси – пахтачилик. Қ.х.да суғориладиган ерларга пахта, дон, ем-хашак, сабзавот-полиэтилен экинлари экилади. Пиллачилик ривожланган. Асаларичилик б-н ҳам шуғулланилади. Мевазор ва тоқзорлар бор. Бувайданинг оққўрғон анжири қаддан машҳур. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

51 умумий таълим мактаби, 2 лицей, гимназия, нафис санъат ва спорт мактаблари фаолият кўрсатади. 54 жамоат

Кўқон темир йўл вокзали.

ва болалар кутубхонаси, санъат саройи, музей ва б. маданий муассасалар бор. 4 касалхона, 3 поликлиника, 53 қишлоқ врачлик пункти, 25 дорихона, санаторий аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошкент–Наманган т.й. халқаро автомобиль йўли ўтган. 1950 й.дан «Бувайда кўзгуси» туман газ. чиқади.

Данғара тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1939 й. 10 фев.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Поп тумани б-н бирлаштирилган. 1970 й. 7 дек.да қайта тузилган). Майд. 0,45 км². Аҳолиси 132,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг уртача зичлиги 1 км²га 293,8 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Данғара), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Данғара шаҳарчаси.

Туман рельефи, асосан, текислик. Унинг жан.-ғарбий қисми Сух ёйилмасининг шим.-ғарбий чеккасида, шим.-ғарбий қисми эса Сирдарёнинг биринчи ва иккинчи террасаларида жойлашган. Туманнинг шим.-ғарбида бархан, дўнг қумлар бор. Иқлими субтропик минтақанинг континентал чўл иқлими. Наймансой, Оқтепасой, Урганжи ариқлари бор. Ҳудудидан Сирдарё оқиб ўтади.

Туманда 6 саноат корхонаси, 10 қурилиш-таъмирлаш ташкилоти, 2 автокорхона, 9 савдо ва тайёрлов шоҳобчаси, бўрдоқчилик базалари, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари мавжуд. Сойшидир тикувчилик ф-каси, Данғара консерва 3-ди фаолият кўрсатади. 330 дан ортиқ кичик корхона турли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Қ.х. асосан, пахта етиштиришга ихтисослашган. Пиллачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ҳам ривожланган. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, дон, полиз маҳсулотлари экилади. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжа-

ликларда қорамол, қўй-эчки, парранда, чўчқа боқилади. Шунингдек, мева, асал, жун, балиқ етиштирилади. Туман «Оққўл» қирқма қовуни б-н машҳур.

38 умумий таълим мактаби, 2 коллеж ва б. ўқув муассасалари бор. Маданият саройлари, 53 жамоат кутубхонаси, 67 соғлиқни сақлаш муассасалари, 6 ши-фоҳона аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошкент–Ўш–Қашқар, Кўқон–Хўжанд, Кўқон–Наманган, Кўқон–Жомашуй автомобиль йўллари ўтган. 1941 й.дан «Ғалаба» туман газ. чиқади.

Ёзёвон тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1952 й. 16 апр.да ташкил этилган (1959 й. 14 дек.да Тошлоқ тумани б-н бирлаштирилиб Охунбобоев номи берилган, 1962 й. 24 дек.да унга Марғилон тумани ҳам қўшилган. 1980 й. 27 дек.да Ёзёвон тумани қайта тузилди). Майд. 0,41 минг км². Аҳолиси 77,0 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, рус, татар, қорақалпоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км²га ўртача 187,8 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳарча (Ёзёвон), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Ёзёвон шаҳарчаси.

Туман ҳудуди Фарғона водийсининг марказида, Ёзёвон чўлида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик бўлиб, гил, қумоқ, қумлоқ ва қумлар бор. Қумли чўлларни муҳофаза қилиш мақсадида 1991 й.да «Ёзёвон чуллари» табиат ёдгорлиги (майд. 1842 га) ташкил этилган. Иқлими субтропик минтақанинг континентал чўл иқлими. Туман ҳудудидан Катта Андижон канали ва Ёзёвон сойи оқиб ўтади.

2 гишт 3-ди, 5 қурилиш-таъмирлаш устaxonаси, автокорхона, 910 кичик ва хусусий корхоналар бор.

Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган бўлиб, етакчи тармоғи – пахтачилик. Суғориладиган ерларга пахта, дон, ем-хашак, сабзавот-полиэтилен экинлари экилади. 924 га мева ва тоқзорлар б-н банд. Жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, йилқи, парранда боқилади. Асаларичилик б-н ҳам шуғулланилади. Пиллачилик ривожланган.

33 умумий таълим мактаби, касб-хунар коллежи, 2 лицей, спорт мактаби фаолият кўрсатади. 35 жамоат кутубхонаси, музей, 10 дорихона, 8 касалхона, 4 поликлиника, 23 қишлоқ врачлик пункти мавжуд. Туман ҳудудидан Фарғона–Наманган, Кўқон–Андижон автомобиль йўллари ўтган. 1952 й.дан «Марказий Фарғона» туман газ. чиқади.



Олтиариқ тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,63 минг км². Аҳолиси 162,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, лўли, корейс, арман, немис, чуваш, қозок, озарбайжон, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 257 киши тўғри келади (2005). Туманда 1 шаҳар (Ҳамза), 1 шаҳарча (Олтиариқ), 15 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Олтиариқ шаҳарчаси.

Туман ҳудуди жан. адирлар, сойларнинг ёйилмалари, қумли шурхоқлардан иборат. Иқлими қуруқ, баҳор ва кузда шамол булади (тезлиги секундига 12–15 м). Туманнинг экин майдонлари Олтиариқсой, Жан. Фарғона, Катта Фарғона, Катта Андижон, Сўх–Шоҳимардон каналларидан сув олади. «Қургонтепа», «Кенг кул» сув омборлари қурилган. Чўл қисмида йирик минерал сув ҳавзаси бор.

Туманда Олтиариқ нефтни қайта ишлаш ва Олтиариқ пахта тозалаш, «Шоҳимардонсой» минерал сув қадоқлаш, темир бетон буюмлари э-длари, вагонларни буғлаб ювиш корхонаси, қурилиш к-тлари, МТПлар, 2 автокорхона, автомобиль йўлларини қуриш, нон маҳсулотлари и. ч. корхоналари, 18 акциядорлик жамияти ва б. мавжуд. 145 кичик ва ўрта корхона, микрофирмалар фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Суғориладиган майдонларга пахта, лон экинлари экилади. Ўрмонзор, боғзор, тоқзор, тутзорлар барпо этилган. Туман жамоа ва хусусий хўжалиқларида қорамол, қўй, парранда боқилади. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. 326 фермер хўжалиғи бор.

41 умумий таълим мактаби, 3 лицей ва гимназия, 3 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. 2 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, футбол мактаблари ишлаб турибди. Туман марказий маданият саройи, «Олтиариқ тарихи» музейи, қишлоқ музейи, 5 маданият уйи, 26 жамоат кутубхонаси, «Зилола» ашула ва рақс ансамбли фаолият кўрсатади. Туманнинг «Олтиариқ» фахрийлар санаторийси ва 2 та вилоят аҳамиятидаги ҳамда болалар санаторийларида табиий ер ости минерал сувлари б-н даволаш йўлга қўйилган. 6 касалхона, 7 поликлиника, 15 қишлоқ врачлик, 27 фельдшер-акушерлик пунктлари, диагностика, саломатлик-шошилич тез ёрдам марказлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Стадион, спорт майдонлари, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари бор.

Олтиариқ шаҳарчасидаги туман тарихи музейи.



Қалчиғай гори (мил. ав. 33–12 минг йилликлар), Зураймомо тепалиғи (мил. ав. 6-а., Китқонқалъа (1–4-а.лар); археологик манзилгоҳлар; Кўктилло бува, Муйка Азиз бува, Умоч бува, Сертут бува, Шоҳ Толиб бува, Хаста хоним, Девона бува, Оқмозор каби зиёратгоҳлар. Дўсти Худо масжиди (Бўрбонлиқ, 18–19-а.лар) ва б. тарихий-меъморий ёдгорликлар сақланган. Туман ҳудудидан республика аҳамиятига эга бўлган Тошкент–Фарғона ҳамда маҳаллий Марғилон–Кўқон, Водил–Учуй автомагистраллари ўтган. 1931 й.дан «Давр овози» туман газ. нашр этилади.

Охунбобоев тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й.да ташкил этилган (1943 й. гача Марғилон тумани номи б-н юритилган). Майд. 0,39 минг км². Аҳолиси 140,7 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, татар, тожик, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиғи 1 км² га 360,8 киши (2005). Туманда 16 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Лангар қишлоғи.

Туман Фарғона водийсининг марказида, Ёзёвон чўлида жойлашган. Рельефи кенг текисликдан иборат, шим. томон псайиб боради; дарё ёйилмалари ва уларнинг оралиғидаги пастликлар ҳамда Сирдарёнинг қайир усти террасаси, суви қуриб қолган кул ботиқлари б-н бирга қад. сойларнинг ўзанлари, қум барханлари ва тепалар учрайди. Иқлими кескин континентал. Туман ҳудуди орқали Катта Фарғона канали (27 км), Марғилонсой, Жан. Фарғона канали оқиб ўтади.

Туманда «Фарғона наслли парранда», «Матлуботнон»,

МТП, Қорақушчи механика таъмирлаш, сувни қайта тозалаш корхоналари, 74 йирик, 942 кичик ва ўрта бизнес корхоналари, Жан. Корея б-н ҳамкорликда ташкил этилган «ДЭУ текстайл компани» кўшма корхонаси фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи—пахтачилик. Хўжалиқлари, шунингдек, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, ипакчилик, чорвачилик б-н ҳам шуғулланади. Экин майдонларига лон, пахта, сабзавот, полиз, озуқа экинлари экилади. Боғ ва тоқзорлар барпо қилинган. Ўрмон хўжалиғи бор. 649 фермер хўжалиғи, 379 деҳқон, 218 боғдорчилик, 31 чорвачиликка йўналтирилган фермер хўжалиқлари, йирик бўрдоқчилик корхонаси бор. Туман жамоа ва хусусий хўжалиқларида қорамол, қўй, парранда, йилқи боқилади.

49 умумий таълим мактаби, 2 лицей-интернат, 2 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. Туман марказий маданият уйи, қишлоқларда уларнинг 6 та филиали, 25 жамоат кутубхонаси, 2 маданият саройи, 2 стадион мавжуд. 3 касалхона, санитария назорати, «Саломатлик» марказлари, 3 поликлиника, 15 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 10 дорихона, 4 хусусий касалхона аҳолига хизмат кўрсатади. 1943 й.дан «Истиқбол йўли» туман газ. чиқади.



Охунбобоев туманидаги касб-ҳунар коллежи.

Риштон тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1959 й. 7 мартда Сўх тумани б-н бирлаштирилди. 1990 й. 27 фев.да Сўх тумани ажралиб чиқди). Майд. 0,42 минг км². Аҳолиси 152,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 363,8 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Риштон), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Риштон ш.

Туман ҳудуди Марказий Фарғона чўлининг жан.да, Сўх дарёси ва Катта Фарғона канали бўйида жойлашган. Ҳудуди, асосан, текисликдан иборат. Фойдали қазилмалардан нефть, газ, соз тупроқ, шағал бор. Иқлими кескин континентал. Хўжаликлари ва аҳоли ерлари Сўх дарёси, Катта Андижон, Катта Фарғона каналларидан суғорилади.

Туманда турли соҳадаги 100 дан зиёд саноат корхонаси ишлаб турибди. Пахта тозалаш, бадий кулолчилик буюмлари, гишт з-длари, йигирув-тўкув, мебель ф-калари, МТП, «Фаргонанефть-газ» акциядорлик жамияти, ўзбек-араб «Пайнтс-Керамик» қўшма корхонаси, кўплаб хусусий ширапазлик цехлари фаолият кўрсатади. Риштон ш. ва яқин қишлоқларда кулолчилик ривожланган. 1200 дан зиёд хусусий кулолчилик цехлари ишлаб турибди, деҳқон ва буюм бозорлари бор.

Қ.х.да суғориладиган ерларга пахта, дон, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Мевазорлар барпо этилган. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилка боқилади. Асаларичилик б-н ҳам шуғулланилади.

62 умумий таълим, 2 мусиқа, спорт мактаблари, 2 лицей, 3 касб-хунар коллежи бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг филиаллари, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, 14 клуб муассасаси, музей, марказий стадион фаолият кўрсатади. 4 касалхона, 2 поликлиника, 24 қишлоқ врачлик пункти, 30 дорихона ва б. тиббий муассасалар, санаторий аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошкент-Андижон т.й., республика, вилоят аҳамиятидаги автомобиль йўллари ўтган. Тарихий меъморий обидалардан «Соҳиби-Хидоя», «Йигитпирим», «Ҳизрбува», «Хўжа Илғор», «Хўжа Рушноий», «Тошкелинчак» ва б. сақланган. 2000 й.да Бурҳониддин Марғинонийнинг 910 йиллик юбилейи ўтказилиши муносабати б-н Риштон ш.да Бурҳониддин Марғинонийнинг

рамзий мақбараси барпо этилди. 1966 й.дан «Риштон ҳақиқати» туман газ. чиқарилади.

Сўх тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1942 й.да ташкил этилган (1959 й. 7 мартда Риштон туманига қўшиб юборилган. 1990 й. 27 фев.да қайта тузилган). Майд. 0,22 минг км². Аҳолиси 54,0 минг киши, асосан, ўзбек ва тожиклар, шунингдек, қирғиз, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 245,4 киши (2005). Туманда 4 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази—Равон қишлоғи.

Туман ҳудуди Сўх дарёси водийсида жойлашган. Иқлими кескин континентал. Фойдали қазилмалардан нефть, газ, шағал бор.

50 хусусий корхона, микрофирмалар, деҳқон бозори, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга дон, сабзавот, уруғлик картошка, ем-хашак экинлари экилади. Богдорчилик ривожланган. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

27 умумий таълим мактаби, 3 лицей, 1 касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади. Кутубхоналар, Маданият саройи ва б. маданий муассасалар мавжуд. Сўх тумани телестудияси ишлаб турибди. Марказий стадион, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, қишлоқ врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади.

Сўх тумани Ўзбекистоннинг қад. тарихий масканларидан ҳисобланади. Сўх ҳавзасида жойлашган Селунгур ғоридан палеолит даврига мансуб ашёлар топилган. Туман Сўх-Ҳайдаркон қад. қончилик ҳудудини ҳам ташкил қилади. 11-адан Буюк ипак йўлининг жан. тармоғи Сўхдан ўтган. 1890 й.ларда Сўх қишлоғи ҳудудидан илон шакли бўрттириб тиширилган тош тумор топилган. Археологларнинг аниқлашича, бу тумор мил.ав. 3-минг йиллик охири—2-минг йиллик бошларига мансуб. 1950 й.дан «Садон Сўх» туман газ. чиқарилади.

Тошлоқ тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1935 й.да ташкил этилган (1959 й.да Охунбобоев туманига бирлаштирилган. 1973 й. 12 апр.да қайта тикланган). Майд. 0,24 минг км². Аҳолиси 145,3 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшай-

ди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 605,4 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Тошлоқ), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Тошлоқ шаҳарчаси.

Туман ҳудудининг ер юзаси, асосан, текисликдан иборат бўлиб, шим.да Фарғона чўлларига туташиб кетади. Фарбий қисмида қумликлар бор. Иқлими континентал. Асосий дарёси — Исфайрам. Ёзёвонсой ҳам суғоришда муҳим аҳамиятта эга. Туман ҳудудининг шим. қисмидан Катта Фарғона канали оқиб ўтади.

Пахта тозалаш з-ди, тикувчилик ф-каси, МТП, қурилиш ташкилотлари, автотокорхоналар бор. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Пиллачилик, чорвачилик, галлакорлик, полиз ва сабзавотчилик ҳам ривожланган. Деҳқон, фермер хўжаликлари бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

50 га яқин умумий таълим мактаби, кутубхоналар, маданият уйлари, клуб муассасалари, музейлар ишлаб турибди. Туман марказий касалхонаси ва унинг бўлимлари, поликлиника, туғруқхона, қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. Туман маркази ва Фарғона ш. ҳамда тумандаги йирик қишлоқлар орасида автобуслар қатнови йўлга қўйилган. 1935 й.дан «Тошлоқ тонги» туман газ. чиқарилади.

Учкўприк тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Бағдод тумани б-н қўшиб юборилди. 1964 й. 31 дек.да қайта тузилди). Майд. 0,28 минг км². Аҳолиси 167,3 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, қорақалпоқ, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 597,5 киши (2005). Туманда 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Учкўприк қишлоғи.

Рельефи, асосан, текислик. Жан. қисми Туркистон тизмасининг шим. этакларидаги адирлар, марказий қисми қад.дан деҳқончилик қилиб келинаётган текисликлар, шим. ва шим.-шарқий қисми Марказий Фарғонага туташган. Иқлими континентал. Курама, Чатқол ва Фарғона тизма тоғлари шим. шамолларни тўсиб, туман иқлимга ижобий таъсир этади. Киши илиқ. Экин майдонлари Сўх дарёсидан сув оладиган—Қарган канали ва Катта Фарғона каналдан суғорилади. Хон, Собиржон, Каламуш, Фиждон, Оққўрғон, Қўқон ариқлари мавжуд. Сўх сув туғуни — муҳим гидротехника иншооти ишлаб турибди.

Туман саноат корхоналари қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Пахта тозалаш, асфальт-бетон, мева ва сабзавот консерва, гишт з-длари, автокорхона, МТП, 4 қўшма, 4 йирик саноат, шунингдек, қурилиш корхоналари, 350 кичик ва хусусий корхона, микрофирмалар ишлаб турибди.

Пахтачилик — туман хўжалигининг етакчи тармоғи. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, беда, шולי, дон, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Боғдорчилик ва тоқчилик ривожланган. Субтропик мевалар (мас., анжир) ҳам етиштирилади. Жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилали. Туман ҳудудидан Андижон—Москва, Бишкек—Жалолобод поездлари утади.

53 умумий таълим, болалар ва усмирлар спорт мактаблари, musiқа мактаби, 2 касб-хунар коллежи бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари ишлаб турибди. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, 40 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари, 2 тез тиббий ёрдам кўрсатиш ст-ялари аҳолига хизмат курсатади. 1932 й.дан «Янги Фарғона» туман газ. чиқарилади.

Фарғона тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил қилинган (1962 й. 24 дек.да Кува туманига қушиб юборилган. 1964 й. 22 фев.да қайта тузилган). Майд. 0,62 минг км². Аҳолиси 170,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 275,6 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Чимён), 16 фуқаролари йиғини бор. Маркази — Волил қишлоғи.

Туман ҳудуди Помир-Олай тоғлари этакларида жойлашган. Рельефи жан.да қир-адирлар б-н банд. Тоғлардан Олтиариқсой, Файзободсой, Чимёнсой оқиб тушади. Шим., асосан, текисликдан иборат. Иқлими континентал. Фойдали қазилмалардан нефть, табиий газ, оҳақтош, мрамор бор. Минерал булоқ куп.

Туманда саноат корхоналари, шу жумладан, таъмирлаш-механика з-ди (Чимён), МТП, майший хизмат кўрсатиш корхоналари, 394 кичик, 2 қўшма корхона, пиллани қайта ишлаш з-ди ва б. бор.

Қ.х. пахтачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик (айниқса, малинаси машҳур), чорвачилик ва пиллачиликка ихтисослашган. 293 фермер хўжалиги мавжуд. Туман хўжаликлариди пахта, картошка, сабзавот, дон, озуқа экинлари экилади. Жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

Фурқат тумани. Касб-хунар коллежи.

61 умумий таълим, musiқа мактаблари, лицей, 4 касб-хунар коллежи, марказий кутубхона ва унинг тармоқлари, маданият уйи, 11 клуб муассасаси, 2 музей ишлаб турибди. Марказий стадион, спорт заллари, футбол майдонлари бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, туғруқхона, қишлоқ врачлик пунктлари, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. «Чимён», «Зилло», «Нурафшон» ва б. санаторийлар ишлаб турибди. Фарғона—Шоҳимардон, Волил—Олтиариқ автомобиль йўллари ўтган. 1932 й.дан «Волий ёғдуси» туман газ. нашр этилади.

Фурқат тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1992 й. 9 апр.да ташкил этилган. Майд. 0,31 минг км². Аҳолиси 91,0 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 293,5 киши (2005). Туманда 6 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Навбахор қишлоғи.

Рельефи пасттекислик, қир, тошлоқ ва қумли чўллар. Туман ҳудуди Марказий Фарғона чўлида, Сўх-Исфара массивида жойлашган. Иқлими кескин континентал. Туманнинг шим. қисмидан Сирдарё ва Қолганларё ирмоғи, жан. қисмидан Катта Фарғона канали оқиб ўтади. Туманнинг Данғара тумани б-н чегаралаш қисмида Абдусамат буюртма кўриқхонаси ташкил этилган.

«Ишонч» ип-йиғирув корхонаси, пахта тозалаш, гишт з-длари, МТП, маҳаллий саноат корхоналари, 600 дан зиёд кичик корхона, қўшма корхоналар ва б. саноат, транспорт, қурилиш корхоналари мавжуд.

Қ.х. пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Боғдорчилик (бодом, гилос, нок, шафтоли, анжир, анор, узум), пиллачилик, балиқчилик б-н ҳам шуғулланилади. 600 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Сугориладиган ерларга пахта, дон, сабзавот ва полиз, картошка, беда ва озуқа экинлари экилади. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.



33 умумий таълим, болалар musiқа ва спорт мактаблари, ихтисослашган лицей-интернат, 2 касб-хунар коллежи, фаолият курсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 27 филиали, клуб муассасалари, маданият ва истироҳат боғи, 6 маданият уйи бор. Марказий стадион, бир қанча футбол майдонлари, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари ишлаб турибди. 4 касалхона, 3 поликлиника, 18 фельдшер-акушерлик ва 11 қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ врачлик амбулаториялари, Саломатлик маркази, дорихоналар мавжуд. Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Қилич Мерган бобо тарихий қабристони, Абдуқаҳҳор ота зиёратгоҳи, жомеъ масжидлар бор. Туман ҳудуди орқали Тошкент—Андижон т.й. ва Фарғона—Ўш автомагистралари ўтган. 2002 й.дан «Навбахор» туман газ. чиқарилади.

Ўзбекистон тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. окт.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да тутатилиб, 1963 й. 17 апр.да қайта тузилган). Майд. 0,69 минг км². Аҳолиси 177,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус, ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 257,2 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Яйпан), 1 шаҳарча (Шўрсув), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Яйпан ш.

Туман ҳудуди Фарғона волийсининг жан.-ғарбида, Туркистон тизмасининг шим. тармоғи бўлган Бурган тоғининг шим. ён бағрида жойлашган. Туман шим.нинг ер юзаси текислик бўлиб, Марказий Фарғона чўлларининг давомидир. Жан. қисми ясси қияликдан иборат. Иқлими континентал, қуруқ. Хўжаликлари ва аҳолиси Сўх дарёсидан сув олади. Сўх дарёси тармоқларидан: Найман, Яккатут, Сочтепа, Кўкдўппи сойлари, Чилгижийда, Нурсуқ, Аччисув ариқлари бор. Туман ҳудуди ўртасидан Катта Фарғона канали ўтган. Шўрсув сув ом-

бори мавжуд. Худуди тоғ муми, газ, нефть, оҳақтош, туз, гилмоя, керамзит ва б. фойдала қазилмаларга бой.

Туманда сопол қувурлар 3-ди, кичик корхона, микрофирмалар, 2 қушма корхона, шунингдек, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Хўжалигининг асосини пахтачилик, шунингдек, галлачилик, чорвачилик, пиллачилик, мевачилик ташкил этади. Сабзавот, полиз, узум ҳам етиштирилади. 500 дан зиёд фермер, 100 га яқин деҳқон хўжалиги мавжуд. Экин майдонларига дон, пахта, сабзавот, полиз, картошка, озуқа экинлари экилади. Токзор ва мевазорлар бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларига қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

64 умумий таълим, болалар ва ўсмирлар спорт, musiқа мактаблари, 3 касб-хунар коллежи бор. Маданият уйи, 8 клуб муассасаси, ўлкашунослик музейи, туман марказий кутубхонаси ва унинг 34 тармоғи фаолият кўрсатади. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари, шошилинч тиббий ёрдам бўлими, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. «Яйпан овози» туман газ. чиқарилади.

Қува тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,44 минг км². Аҳолиси 188,3 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 427,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Қува), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Қува ш.

Ер юзаси адир ва адир олди текисликларидан иборат. Жан.дан шим.га пасайиб боради. Иқлими континентал. Туман худудидан Қорадарё, Исфайрам дарёлари, Катта Фарғона, Жанубий Фарғона каналлари оқиб ўтади, Каркидон сув омбори жойлашган.

Пахта тозалаш 3-ди, автокорхона, нонок-ти, мебель ф-каси, акциядорлик жамиятлари, тўқимачилик, қандолатчилик, дон маҳсулотлари, мева, сутни қайта ишлаш корхоналари ишлаб турибди. Кичик ва хусусий корхоналар, микрофирмалар, 3 қушма корхона бор.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик, галлачилик. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. Сугориладиган ерларга пахта, дон (шу жумладан, шоли), сабзавот, полиз, картошка, озуқа экинлари экилади. Бог ва токзорлар мавжуд. Мевалардан Қува анори донг таратган. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Тумандаги жамоа ва хусусий

хўжаликларига қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

67 умумий таълим, болалар musiқа мактаблари, 3 лицей, 3 гимназия, 2 касб-хунар коллежи ва б. ўқув юрталари, 70 га яқин жамоат кутубхонаси, 25 клуб муассасалари, музей, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. 2 стадион, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари бор. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, 9 қишлоқ врачлик пункти, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман худудидан Фарғона водийсининг айланма т.й., шунингдек, Қува ш. орқали Фарғона—Андижон, Андижон—Марғилон—Қўқон ва б. автомобиль йўллари ўтган. 1990 й.дан «Қува ҳаёти» туман газ чиқарилади.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Республиканинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1938 й. 15 янв.да ташкил этилган. Майд. 6,1 минг км². Аҳолиси 1432,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, рус, қozoқ, татар, корейс, қорақалпоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га киши 234,9 киши (2005). Таркибида 10 қишлоқ тумани, 3 шаҳар, 7 шаҳарча, 100 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Урганч ш.

Вилоят худуди Амударё қуйи оқимининг чап соҳида, чўл зонасида, Хоразм воҳасининг ғарбий қисмида, ўртача 100 м баландликда жойлашган пасттектисликдан иборат. Қорақум чўлига туташган ғарбий ва жан.-ғарбий қисми кум б-н қопланган. Фойдали қазилмалардан оҳақтош, қум, гил ва б. қурилиш материаллари бор. Иқлими кескин континентал. Қиши муътадил совуқ, қор кам ёғади, янв.нинг ўртача т-раси -5° , энг паст т-ра -32° . Ёзи иссиқ, қуруқ, июлнинг ўртача т-раси 30° , энг юқори т-ра 45° . Вегетация даври 200—210 кун. Йилига 78—79 мм ёғин тушади, асосан, март—апрель ойларида ёғади. Шим. ва шим.-шарқий шамоллар эсади. Ягона дарёси—Амударё вилоят худудига кенг водий бўйлаб оқади. Сувидан йирик каналлар ёрдамида экинларни сугоришда фойдаланилади. Вилоят жан.да майда шўр қўл, ботқoқлик ва шўрoқ кўп. Туп-

роқлари дарё водийсида ўтлоқи, ўтлоқи-ботқoқ тупроқлар, ғарбида қумликлар учрайди. Сугориладиган ерларда, асосан, бўз тупроқ бўлиб, кучли шўрланган. Амударё қайирларидаги тўқайзорларда терак, тол, жийда, юлғун, қандим, қумликларда саксовул ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан, асосан, кемирувчилар, судралиб юривчилар, тўқайзорларда тўқай мушуги, чиябўри; қушлардан тўрғай, ўрдақлар, кулранг гоз, оққуш, бирқозон, мўйловли читтак, балиқчи, деҳқончумчуқ, афгон чумчуғи, қизилиштон, зарғалдоқ ва б. бор. Сув ҳавзаларида ондатра ва нутрия иқлимлаштирилган.

Хоразм ҳақидаги ilk маълумотлар Авесто, Доро I нинг Биҳустун китобалари, юнон муаллифлари (Гекатей, Геродот, Страбон ва б.) ҳамда ilk Ўрта асрларнинг араб географлари асарларида учрайди. Хоразмнинг шим. қисми (Оқчадарё дельтаси) да мил. ав. 4—3 минг йилликларда овчилик ва балиқ овлаш б-н кун кечирган аҳоли, мил. ав. 2-минг йилликда эса чорвачилик ва деҳқончилик усулларида хабардор бўлган қабилалар истиқомат қилган. Мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярми ва мил. ав. 1-минг йиллик бошларида сугорма деҳқончилик мукамаллашиб, яйлов чорвачилиги ривож топган. Бу даврда Тозабoғён, Сув-ёртан ва Амиробод маданиятларини яратган қабилаларнинг қоришмаси асосида таркиб топган Кавунди (Кавонди) қабилалари яшаган.

Хоразмнинг жан. қисмида жойлашган водий ва воҳларда мил. ав. 6—3-минг йилликлардаёқ ўтрок сугорма деҳқончилик маданияти қарор топиб тараққий этган.

Мил. ав. 6—5-аларда Хоразм Ахоманийлар давлатининг 16-сатраплик таркибига кирган. Мил. ав. 5-а. охири—4-а. бошларида эса, у алоҳида сатраплик ҳисобланган. Мил. ав. 4-а.нинг 2-ярмида Хоразмда мустақил давлат қарор топади. Мил. ав. 3—мил. 3-аларда Хоразм Сирдарё ҳавзасининг ўрта қисмида ташкил топган Қанғ давлатининг таркибида бўлган. Давлат пойтахти дастлаб Тупроққалъада бўлган. Кейинчалик (305 й.) эса Кот ш.га қўчирилган. Беруний хоразмшоҳлардан 22 тасининг номини қайд қилади.

Хоразм давлати Ўрта Осиёда ташкил топган ўзига хос энг қад. давлатлардан

Хоразм вилoяти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Урганч	1646	43,8	132,0	139,2	136,3
Питнак	1974	—	20,0	15,7	15,9
Хива	мил. ав. 5-а.	17,5	41,0	48,8	50,8

бири. У Ўзбекистоннинг бошқа тарихий ҳудудлари каби бой тарихга эга бўлиб бошидан турли даврларни кечирган.

Хоразм вилояти иқтисодийётида қ.х. б-н бирга саноат ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Пахта толаси, ип-калава, гилам, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ускуналари экспорт қилинади. Пахта тозалаш саноати ривожланган (барча туман марказлари ва Урганч ш.да пахта тозалаш з-длари бор). Гурлан, Богот, Хонқа, Урганч, Хива ва Ҳазораспда тўқимачилик, пиллакашлик, тикувчилик; Хивада гилам ф-каси, «Хива гилами» акциядорлик жамияти ишлаб турибди. 22000 яқин кичик қорхона ва микрофирма фаолият кўрсатади.

Вилоятда хорижий давлатлар б-н ҳамкорликда 36 қўшма қорхона ва филиаллари ишлаб турибди. Ўзбекистон–Туркия «Багат Текстиль», «Хоразм–Нуртол», «Хоразммаверапласт», «Семур–Сан–Те», «Хоразм–Текстиль», «Мем-гилам»; Ўзбекистон–АҚШ «Амероз-индустриес», «Хива маликаси», «Нурлайт», «Рахнамо–Нур»; Ўзбекистон–Германия «Унихо», «ЎзОлмон-Хотелз», «Хива-Карпет»; Ўзбекистон–Британия «Хива»; Ўзбекистон–Россия «Намуна-Агрофуд»; Ўзбекистон–Италия «Мева»; Ўзбекистон–Украина «Київ–Хоразм»; Ўзбекистон–Хитой «Азия-Текстиль ЛТД»; Ўзбекистон–Туркменистон «Файрат-Хумоюн» ва б. шулар жумласидандир.

Қ.х.нинг асосини пахтачилик ва галлачилик ташкил этади. Полизчилик, сабзавотчилик, богдорчилик, чорвачилик, пиллачилик ҳам ривожланган. Экин майдонларига пахта, дон, картошка, сабзавот экилади. Хоразм вилояти мамлакатда шולי етиштириш бўйича 1-ўринда туради. Дехқон, фермер хўжаликлари фаолият курсатади. Жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Урганч, Хива паррандачилик ф-калари фаолият кўрсатади. Вилоятда Пахтачилик и.т. станциясининг пахтачилик-бедачилик зонал комплекс тажриба ст-яси (Урганч ш.да), Қорақум и.т. станцияси, пахта навларини тажриба қилиш участкаси (Хива туманида), мевали дарахтзорлар кўчатзори, ўрмон кўчатзори (Урганч туманида) ва б. бор.

Вилоят ҳудуди орқали Тошкент–Москва, Душанба–Москва т.й. утган, Урганч–Тошкент йўналишида поездлар қатнайди. Т.й. узунлиги 128 км. Амударё устига қурилган Ҳазорасп т.й. кўприги ишга туширилди. Вилоятдаги қаттиқ қопламали автомобиль йўлларининг уз. 2750 км. Хива–Урганч йўналишида троллейбус қатнови (1997 й.дан) йулга



Хоразм қовунлари.

кўйилган. Урганч, Хива ш.ларидан Тошкент, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Нукус ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди. Урганч ш. халқаро ва маҳаллий йўналишлар аэропортларидан хорижий давлатлар б-н мунтазам авиация алоқаси ўрнатилган. Вилоят орқали Ўрта Осиё – Марказ, Бухоро – Урал, Туркменистон – Россия халқаро газ магистраль қувурлари ўтказилган.

Вилоятда 538 умумий таълим мактаби (шу жумладан, 28 иқтидорли болалар лицейи, гимназиялар), 57 касб-ҳунар коллежи ва урта махсус билим юртлари, Урганч ун-ти, Тошкент Тиббиёт академиясининг Урганч филиали фаолият курсатади. 36 касалхона ва 211 тиббий муассасаса, поликлиникалар, амбулаторийлар, аёллар консултациялари, қишлоқ врачлик, фельдшер-акушерлик пунктлари, қишлоқ участка касалхоналари аҳолига хизмат кўрсатади. Давлат шoshiлинь тиббий ёрдам илмий маркази Урганч бўлими ва барча туман марказий касалхоналари қошида унинг булинмалари ташкил этилган. 20 курорт-санаторийси. жумладан, «Жайхун», «Хилола», «Хонқа», «Базиргон», «Бешмерган», «Наврўз», «Энергетик» санаторийлари ва б. фаолият курсатади.

Хоразм вилояти спортчилари спортнинг кўплаб турлари (кураш, футбол, қўл тўпи, волейбол, теннис, бокс ва б.) бўйича турли даражадаги мусобақаларда иштирок этмоқдалар. «Умид ниҳоллари–2003» спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати б-н шаҳар ва туманларда 17 та йирик спорт иншоотлари, «Олимпия захиралари» коллежи, 10–15 минг кишилик стадионлар фойдаланишга топширилди. Вилоятда 14 спорт мажмуаси, шунингдек, 16 стадион, 8 сузиш ҳавзаси, теннис кортлари, отчопар, баскетбол, қўл тўпи, футбол майдонлари бор. Турли миқёсдаги республика ва халқаро спорт мусобақаларида вилоятнинг 9 спортчиси олтин, 8 таси кумуш медалларга сазовор бўлишди. «Умид ниҳоллари», «Президент кубоги учун», Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб ўтказилган Республика ва халқаро спорт беллашувларида 6 спортчи республика ва жаҳон чемпиони унвонларини олдилар. Вилоятнинг 30 спортчиси Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларидир.

Қизилқум қўриқхонаси.





Хива тумани. «Хива гилами» акциядорлик жамиятининг тайёр маҳсулотлар цехи.

Вилоятда халқ амалий санъати ва хунармандчилик, айниқса, Хива, Ҳазорасп ва Хонқа ш.ларида қадимдан тараққий этган. Ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, кандакорлик, гиламчилик, кулолчилик ва б. ривожланган. Хива гиламчилик ф.-қаси, «Хива сополи» акциядорлик жамияти ва б. ишлаб турибди.

1997 й.да Хоразм Маъмур академияси қайта тикланди. Ўзбекистон ФА археология регионал бўлими, пахтачилик, Қорақум и.т. станциялари фаолият курсатади. Хива Давлат «Ичан қалъа» тарихий-меъморий музей-қуриқхонаси ва унинг филиаллари, 424 жамоат кутубхонаси, 302 клуб муассасаси, маданият уйлари ва маданият саройлари, 10 га яқин маданият ва истироҳат боғи, Хоразмий, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Авесто ёдгорлик боғ-мажмуалари, миллий дорбозлар гуруҳи бор. Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри, вилоят қуғирчоқ театри (Хива ш.да) ишлаб турибди.



Халфалар.

Хоразм мусиқий ҳаёти Хоразм воҳасида қаддан яшаб келаётган халқларнинг турмуш тарзида муҳим ўрин эгаллаган. Хоразмий, Беруний, Абу Абдулло ибн Юсуф Хоразмий (10-а.) ва б. олимларнинг қомусий асарларида мусиқани ҳисоб илмининг таркибий бўлаги ва уни инсон руҳиятига таъсири таърифланади. Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида (1200–21) машҳур созанда устод Маҳмуд, Юсуфбек Дуторий, 14-а.да Султон Вайис (Увайс), бахшилар пири Ошиқ Ойдинлар яшаганлар. Муҳаммад Раҳимхон (1806–25) даврида Ниёзжонхўжа ва унинг шоғирдлари Маҳдумжон қози, Муҳаммадҷон Сандиқчи, Абдусаттор маҳрам, унинг шоғирди Худойберган қосиб ва б. Хоразм мусиқа маданиятини ривожланишига катта ҳисса қушдилар. Комил Хоразмий, унинг уели Муҳаммад Расул Мирзо Хоразм мақомларини қозоғга туширган.

Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз) хонлик даври (1864–1910) га келиб Хоразмда мусиқа санъати янада ривож топди. Сарой мақомчилари орасида Паҳлавон Ниёз Мирзабоши Комил, Муҳаммад Ёқуб Девон Харрот, Ёқуб фозачи,

Қаландар дўнмас ва б., бахшилар ичида Ризо бахши, Эрназар бахши, Суяв бахши; шунингдек, Шомурод сурнайчи ва б. бўлган.

Вилоятда 16 болалар мусиқа мактаби, мусиқа билим юрти, филармония, вилоят телерадиокомпани-

яси қошидаги мақомчилар ансамбли фаолият курсатади.

Хоразм адабиёти замонлар силсиласида емирилиб, йўқотилиб, қайта шаклланди. Абу Мансур Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр фи маҳосин ахл-ал аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») тазкирасида 10–11-а.ларда Хоразмда яшаб, араб тилида ижод этган Абу Бакр Хоразмий, Абу Саид Аҳмад ибн Шабиб аш-Шабибий, Абу-л-Аббос Маъмур ибн Маъмур, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Тоҷир ал-Вазира, Абу Муҳаммад ибн Иброҳим ар-Раққаший, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳамид, Абу-л-Қосим Аҳмад ибн Абу Зирғом ва б. ҳақида кенг маълумот берилди. 11-а. бошида Хоразмда илк бор ташкил этилган Хоразм Маъмур академиясида Беруний раислигида Ибн Сино, Абу Наср Ироқ каби йирик фан ва маданият намояндалари ижод қилдилар. Аҳмад Яссавийнинг шоғирди Сулаймон Боқиргоний (12-а.), Намзиддин Кубро (12-а.–13-а. бошлари), Хоразмий (14-а.), Насриддин Бурхониддин Рабғузий (13-а. охири – 14-а. бошлари), Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий (1247–1326), Ҳайдар Хоразмий, Қутб Хоразмий, Сайфи Саройи (14-а.) Абдураҳим Ҳофиз Хоразмий (15-а.) каби буюк сиймолар ижод этган.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафос» асарида Хожа Абулвафойи Хоразмий ва Ҳусайн Хоразмийларни катта ҳурмат б-н таърифлайди. Андалиб (1710–70), Диловархўжа (18-а.), Умар Боқий (18-а.), Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий (1825–99), Баённий ва б. етук адабиёт намояндаларидир. «Авазхон», «Бозиргон» «Сайёдхон ва Ҳамро», «Қорақўз Ойим» «Гулруҳ пари», «Шобаҳром», «Завриё», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Юсуф Аҳмад», «Қирқ минг» каби достонлар Хоразм халқ оғзаки ижодининг нодир бойлиги ҳисобланади. 19-а.да Хоразмда яшаб ижод қилган бахшилардан Эшвой бахши, Оташ, Нуржон бахши, Ғарибниёз бахшилар, Бобо бахши, Жуманазар бахши Бобо бахши ўғли, Бекжон бахши, Абдрим бахши, 20-а. бошларида Хўжаёз бахши ва б. шухрат қозонган.

Хоразмдаги халқ оғзаки ижодининг яна бир тури халфачиликдир. 19-а.–20-а.нинг 2-ярмида Хоразмда Хонимжон халфа, Онажон халфа, Онабиби қори (Ожиза), Шукуржон халфа, Шарифа халфа, Жони халфа, Бибижон халфа, Дурхоним халфа, Киш халфа, Гулжон қори, Ойша кулол халфа, Ёқут халфа Вафоева, Шарифа нўғай Оташева, Ўғил Нўғай Қурёзова, Ёқут халфа Сейтния-

зова ва б.нинг номлари халқ орасида танилган эди.

Хоразм (Хива)да Муҳаммад Раҳимхон Феруз ташаббуси б-н 1874 й.да Туркистонда илк бор тошбосма очилган. Тошбосмада илк матбаачилик фаолиятини биринчи ўзбек матбачиси Абдалов Отажон бошлаган. Шу даврда фаолият кўрсатган матбаачилик анъаналари 1991 й.да тикланди. «Хоразм» нашриёти ишга туширилиб, дарсликлар, китоблар нашр этиш йўлга қўйилди.

Вилоятда 2 вилоят газ. («Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда»), 10 туман газ., бир қанча тармоқ газ.лари, 3 журнал («Янгибозор кузгуси», «Муҳофаза», «Хива—Шарқ гавҳари»), жами 27 номдаги газ. ва журналлар нашр этилади. Вилоятда биринчи радиоэшиттиришлар 1936 й.дан бошланган. Вилоят радиоси ойига 31 соатлик ҳажмда эшиттиришлар беради. Телекўрсатувлар 1961 й.дан олиб борилади, ҳафтасига 15 соат ҳажмда намойиш қилинади.

Вилоятдаги тарихий ва меъморий ёдгорликлар жаҳонга машҳур. 149 меъморий ва шаҳарсозлик, 16 археологик, 21 монументал санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорлиги бор. Меъморий ёдгорликларнинг асосий қисми Хива ш.да жойлашган. Унинг Ичан қалъа қисми эса ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси шаҳарлари ташкилоти ҳисобига киритилган. Хивалаги ёдгорликлардан Жума масжид (10—18-а.лар), Паҳлавон Маҳмуд меъморий мажмуаси (14-а., 19—20-а. бошлари), Сайид Аловоддин (14—18-а.лар), Уч Авлиё (1549, 1821) мақбаралари, Тошқовли (19-а.), Куҳна Арк (17—19-а.лар) саройлари, Муҳаммад Аминхон мадраса ва минораси ва б. меҳмонлар ва сайёҳатчилар диққатини узиға тортади.

Хива шаҳри. Ичан қалъа.



Урганч шаҳри аэропорти.

Шунингдек, Хива, Ҳазорасп, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Қушқўпир, Боғот ва б. туманларида ҳам тарихий обидалар мавжуд. Шулардан Хива туманидаги Чодра ҳовли (18—19-а.лар), Шоҳимардон меъморий мажмуаси (19-а.), Кубла Тозабоб саройи (1893—1913), Ҳазораспдаги Музробшоҳ (16—18-а.лар), Шайх Қосим эшон мақбаралари (18—19-а.лар), қад. Ҳазорасп қалъаси (мил.ав. 8—7-а.лар), Хонқа туманидаги Саид ота масжиди (1766), Шовот туманидаги Ваянгон бобо мақбараси (16—19-а.лар); Янгиариқ туманидаги Шайх Мухтор Валий (Остонабобо, 14-а.) меъморий мажмуаси; Қўшқўпир туманидаги Иморат бобо меъморий мажмуаси (16—19-а.лар) ва б.ни айтиш мумкин.

Хива ш.нинг 2500 йиллик юбилейи (1997), Жалолоддин Мангубердиннинг 800 йилиги (1999), Авесто китоби яратилишининг 2700 йиллиги (2001) байрамлари арафасида вилоятда кенг миқёсда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, улар атрофларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Хоразм вилояти 2003 й. 22 авг.да Жалолоддин Мангуберди ордени б-н мукофотланган.

Урганч (1929 й.гача Янги Урганч)—Хоразм вилоятидаги шаҳар, вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. 100 м баландликда. Амударёнинг қуйи оқими чап соҳилида. Йилига ўртача 80—90 мм ёғин тушади. Январнинг ўртача т-раси -4° , -5° , июлники 28° . Энг паст т-ра -25° , энг юқори т-ра 44° . Шовот канали шаҳар ўртасидан ўтиб, Урганчни шим. ва жанубий қисмларга ажратган. Шим. қисмида, асосан, турар жой бинолари, илмий ва маданий маориф муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, жан. қисмида эса и. ч. корхоналари жойлашган. Ҳар иккала соҳил бир-бири б-н кўприклар орқали боғланган. Аҳолиси 136,3 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, украин, корейс, қozoқ, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди (2005).

Шаҳарга 1646 й.да Хива хони Абулғозий Баҳодирхон томонидан асос солинган. Амударё ўз йўналишини ўзгартириб Орол денгизи томон оқа бошлаганидан сўнг Гурганж ш. (Туркманистондаги Куҳна Урганч) сувсиз қолган. Абулғозий Баҳодирхон Гурганж, Вазир қалъа (шаҳар)ларида ва улар атрофларида тарқoқ ҳолда яшаган аҳолини кўчириб Амударёнинг жан. қисмларида (Гурганждан 170 км узоқликда) жойлаштирган ва аҳоли ўрнашган худудни атрофини қалъа девори б-н мустаҳкамлаб унга «Тоза Урганч», яъни «Янги Урганч» деб ном берган. Шундан кейин қад. Гурганж ш.нинг номи Куҳна Урганч бўлиб қолди.

Янги Урганч (ҳоз. Урганч) ш. Буюк ипак йўлида жойлашганлиги тўғайли тез суръатлар б-н ривожланган савдо ва ҳунармандчилик марказига айланган. Маҳаллий тарихчи олимларнинг маълумотлари бўйича, Янги Урганч 17—18-а.ларда бал. 4—5 м ли қўрғон б-н ўралган шаҳарча бўлган. Шаҳарчада тахм. 5 минг киши яшаган; кўплаб майда дўконлар, устaxonалар ишлаб турган.





Урганч шаҳри. «Авесто» ёдгорлиги.

Мустақиллик йилларида шаҳарда қурилиш ишлари авж олди. Унинг шим.-ғарбий қисмида «Наврўз», «Тараққиёт», «Университет» шаҳарчалари пайдо бўлди. Урганч–Хива оралиғида 30 км ли троллейбус қатнови (1997) йўлга қўйилди, т.й. вокзали ва Урганч аэропорти қайта таъмирланиб (1997) халқаро мақомига эга бўлди.

Урганчда пахта тозалаш, экскаватор, ўт ўриш машиналари и.ч., «Урганч» 3-длари, пиллакашлик, тикувчилик, пойабзал ф-калари, Ўзбекистон–Туркия «Нуртоп» қўшма корхонаси ва б. фаолият кўрсатади. Ун-т, Тошкент Тиббиёт академиясининг филиали, 36 умумий таълим, 3 мусиқа, 2 касб–хунар мактаблари, 8 касб–хунар коллежи мавжуд. Вилоят мусиқали драма ва комедия театри, картиналар галереяси, 27 кутуб-

Боғот тумани. «Қалъажик» қалъаси.

хона, маданият ва истироҳат боғи, «Олимпия» спорт мажмуаси, стадионлар, спорт заллар, теннис кортлари бор. 21 касалхона, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 4 санаторий, дам олиш масканлари ишлаб турибди. 1992–2003 й.ларда «Буюк алломалар хиёбони», «Ал-Хоразмий», «Ал-Беруний», «Амир Темури», «Мирзо Улугбек», «Абулғозий Баҳодирхона», «Огаҳий», «Комилжон Отаниёзов», «Аваз Ўтар ўғли», «Хумо қуши», «Жалолиддин Мангуберди», «Авесто» ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди.

1999 й.да шаҳарда Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги, 2001 й.да «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 й.лик юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди. 2003 й.да «Умид ниҳоллари» республика спорт мусобақалари ўтказилди. Шаҳарда 27 номда газ, ва журналлар (жумладан, «Хоразм ҳақиқати»,

«Хорезмская правда», «Урганч оқшоми», «Ёшлар овози», «Тужжор» ва б.) нашр этилади. Меъморий ёдгорликлардан Дошқинбобо меъморий мажмуаси (1827), Салимжоновлар уйи (1902), почта биноси (1915), Бобоохун Салимов уйи (20-а. боши) ва б. сақланган.

Боғот тумани. Вилоятнинг жан. қисмида жойлашган. 1926 й.да ташкил этилган (1930 ва 1950 й.ларда бир неча марта ёндош туманларга қўшиб юборилган ва қайта тикланган, 1970 й. 7 дек.да қайта ташкил этилди). Майд. 0,44 минг км². Аҳолиси 121,7 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, корейс, қozoқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 276,6 киши (2005). Туманда 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Боғот қишлоғи.

Туман ер юзаси пасттекислик бўлиб, саёз ботиқ ва қолдиқ ўзанлар учрайди. Туманнинг жан.да қум шакллари тарқалган. Иқлими кескин континентал. Туман ҳудудидан Амударё оқиб ўтади. Асосий суғориш шохобчалари Тошсоқа канали ва унинг тармоқлари– Байрамсоқа, Қизилрабoт, Қораянтоқ ва Осёп ариқларидир. Туманда 50 дан зиёд кўл (Отакўл, Шўркўл, Кўккўл, Гажли, Тўқайкўл ва б.) бор.

Саноат корхоналари қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. 10 қурилиш ташкилоти, 6 саноат корхонаси бор. Шу жумладан, пахта тозалаш з-ди, тўқимачилик, тикувчилик ф-калари, нон маҳсулотлари к-ти ва б. ишлаб турибди. МТП, қурилиш ташкилотлари, деҳқон бозори, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, галла (шу жумладан, шoли), полизсабзавот, маккажўҳори, беда экилади. Кунжут ва қанд лавлаги экиш ҳам йўлга қўйилган. 80 дан зиёд деҳқон ва фермер хўжаликлари бор. Туман жамоа ва ҳусусий хўжаликлариде қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

50 умумий таълим, мусиқа, спорт мактаблари, 2 лицей ва б. ўқув муассасалари бор. Стадион, спорт ва соғломлаштириш мажмуи, теннис корти, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. 40 жамоат кутубхонаси, 42 клуб муассасаси, маданият саройи, Ёшлар, Бахт уйлари, 14 маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. 5 касалхона, 10 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 30 фельдшер-акушерлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошкент–Урганч т.й. ва автомобиль йўллари ўтган. Боғот қиш-



логидан Урганч, Ҳазорасп, Хива шаҳарларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. 1957 й.дан «Богот садоси» туман газ. чиқарилади.

Гурлан тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,45 минг км². Аҳолиси 115,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг уртача зичлиги 1 км² га 257,3 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Гурлан), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Гурлан шаҳарчаси.

Рельефи бироз паст-баланд текисликдан иборат бўлиб, шим.-ғарбга қияроқ. Иқлими кескин континентал. Туманнинг шим. ва шим.-шарқидан Амударё утади. Туман экинзорлари Қиличбойарна, Қиётқўнғирот, Дарёлиқ, Осёп, Тўқсонарна, Нукусёп, Хизирлиёп, Янгиёп, Олгаёп, Савойёп каби канал ва ариқлардан суғорилади.

Пахта тозалаш з-ди, халқ истеъмоли моллари ва пойабзал ф-калари, маҳаллий саноат корхонаси, «Гурлан» тўқимачилик мажмуаси мавжуд. Туркиянинг «Язекс» корхонаси б-н калава ип, газлама, трикотаж газлама ва тайёр трикотаж кийимлар ишлаб чиқармоқда. Туманда 350 хусусий ва кичик корхоналар ва 9 акциядорлик жамиятлари бор. Қ.х.да суғориладиган ерларга пахта, галла (шу жумладан, шоли), сабзавот-полиз, маккажўхори ва б. экинлар экилади. 150 га яқин деҳқон-фермер хўжалиги бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

43 умумий таълим мактаби, 4 лицей ва б. ўқув муассасалари фаолият кўрсатади. 40 жамоат ва болалар кутубхонаси, 15 маданият уйи бор. 4 касалхона ва диспансер, 13 амбулатория, 11 қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. 1931 й.дан «Гурлан ҳаёти» туман газ. чиқарилади.

Урганч тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Шовот туманига қушилган, 1964 й. 31 дек.да қайта ташкил этилган). Майд. 0,46 минг км². Аҳолиси 143,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг уртача зичлиги 1 км² га 312,2 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Чалиш), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Қоровул қишлоғи.

Рельефи пасттектисликдан иборат, бал. 100 м. Иқлими кескин континентал. Ер ости сувлари юза. Экин майдонлари



Урганч тумани. Шовот канали.

Амударё ва туман ҳудуди орқали утқазилган Ғозовот, Шовот, Қулобод, Қирғизёп, Ўрисёп, Дурман ва б. каналларидан суғорилади. Ғозовот-Давдон, Янгибозор коллекторлари бор.

Туманда пахта тозалаш, гишт з-длари, «Хоразм-Нуртоп» ип газлама корхонаси, сут ва узумни қайта ишлаш цехлари, 5 қурилиш ташкилоти, паррандачилик ф-каси мавжуд.

Қ.х., асосан, деҳқончиликка ихтисослашган. Экинзорларга пахта, галла, шоли, полиз ва сабзавот экинлари экилади. Шунингдек, маккажўхори, оқ жўхори ва чорва учун озуқабоп экинлар етиштирилади. Пиллачилик ҳам ривожланган. 1380 га ер боғ ва тоқзорлар б-н банд. Боғларда ўрик, олма, анжир, нок, нашвати, шафтоли, узум, анор, олича ва б. мевали дарахтлар устирилади.

Туманда 830 дан зиёд фермер ва деҳқон хўжаликлари, фермер уюшмалари бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Туман ҳудудидан халқаро автомобиль йўли ва Тошкент—Шовот т.й. ўтган.

44 умумий таълим, мусиқа, спорт мактаблари, 3 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. Туман марказий ва 39 тармоқ кутубхонаси, маданият уйлари, клуб муассасалари мавжуд. 2 стадион, спорт заллар ва б спорт иншоотлари бор. Туман марка-

зий касалхонаси, 12 қишлоқ врачлик пункти, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 3 поликлиника, «Жайхун» санаторийси аҳолига хизмат курсатади. 1935 й.дан «Урганч ҳақиқати» туман газ. чиқарилади.

Хива тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 0,47 минг км².

Исломуҳжа минораси ва мадрасаси.





Хива шаҳри. Кўхна Арк саройи ва Калта минор.

Аҳолиси 177,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, рус, қozoқ, татар, корейс, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг уртача зичлиги 1 км² га 378,5 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Хива), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Хива ш.

Туман ҳудуди Амударё қўйи оқимининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган. Иқлими кескин континентал,

ёзи иссиқ ва қуруқ. Ер ости сувлари юза (0,8–1 м). Ҳудудида Шўркўл, Қорақўл, Равотқўл, Фовуққўл ва б. кўллар бор. Қ.х. экинларини суғоришда Полвонёл, Ғозовот, Ангарик, Серчали. Пишканик ва б. канал ва ариқлар сувларидан фойдаланилади. Қурилиш материаллари дан қум, гил (лой) бор.

Туманда пахта тозалаш, сопол буюмлари, сут, гишт, автомобиль таъмирлаш задалари, газ-компрессор ст-яси, МТП, 2 автокорхона, «Хива гилами», нон к-тлари, гилам тўқиш, тикувчилик, паррандачилик ф-калари, қурилиш ташкилотлари ва б. мавжуд. Ўзбекистон–Латвия–Швейцария «Комплексимхива», Ўзбекистон–Англия «Хива», Ўзбекистон–АҚШ «Хива маликаси», Ўзбекистон–Германия «Хива-Карпет» қўшма корхоналари ишлаб турибди. Туманда ва, айниқса, Хива ш.да ёғоч уймакорлиги, мис уймакорлиги, кулчилик, заргарлик, гиламчилик, ганчкорлик, наққошлик, шунингдек, темирчилик, мисгарлик, харротчилик, чуғурмадўзлик, тунукачилик, тандирчилик, дурадгорлик, этикдўзлик, тикувчилик ва б. хунармандчилик соҳалари қадимдан ривожланган.

Туман қ.х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Ғаллачилик, мевачилик, полизчилик, тоқчилик, пилла-

чилик ҳам ривожланган. Экин майдонларига пахта, дон, картошка, сабзавот, полиз, озуқа экинлари экилади. Боғ, тоқзор, туззор ва ўрмонзорлар бор. Деҳқон, фермер хўжаликлари, 3 фермер хўжаликлар уюшмаси ва б. мавжуд. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

57 умумий таълим мактаби, 2 гимназия, 2 лицей, ихтисослашган мактаб фаолият кўрсатади. 2 болалар ва усмирлар спорт мактаби, болалар санъат, музыка мактаблари бор. Хива ш.да Хоразм Маъмур академияси, Қорақум и.т. станцияси. Хива тарихий-меъморий Ичан қалъа музей-қўриқхонаси, «Хива» туристик мажмуаси, маданият ва истироҳат боғи, вилоят кўғирчоқ театри, халқ театри, шаҳар ва туман марказий кутубхоналари ва уларнинг филиаллари, 31 клуб, «Достон» ва б. фольклор-этнографик дасталар бор. Марказий стадион, спорт мажмуаси, футбол, қўл тўпи майдонлари, спорт заллари, 4 теннис корти ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 13 қишлоқ врачлик пункти, 4 та тиббий диспансер, 3 фельдшерлик соғломлаштириш, 18 фельдшер-акушерлик пункти, 7 поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар, санаторий аҳолига хизмат кўрсатади.

Хива–Тошкент, Хива–Урганч, Хива–Қўшқўпир, Хива–Янгиариқ, Хива–Боғот, Хива–Ҳазорасп ва б. йўналишларда автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. Хива–Урганч йўналишида троллейбус қатнови йўлга қўйилган.

Меъморий ёдгорликлардан Шоҳимардон, Шайх Мавлон бобо, Отажон тўра меъморий мажмуалари, Чолдра ҳовли меъморий обидаси, Иброҳимхўжа мадрасаси. Қубла Тозабог саройи ва б. сақланиб қолган. 1931 й. 7 ноябрдан «Хива тонги» туман газ. нашр этилади.

Хонқа тумани. Вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Янгиариқ туманига қўшилган). 1973 й. 26 дек.да қайта тузилган). Майд. 0,43 минг км². Аҳолиси 139,8 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қорақалпоқ, рус, туркман, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг уртача зичлиги 1 км² га 325,1 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Хонқа), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Хонқа шаҳарчаси.

Ҳудуди Амударёнинг чап соҳилидаги пасттекиликда, Амударёнинг қад. дельтасида жойлашган. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, ёзи иссиқ. Туманнинг шим.-шарқий чегарасидан Амударё.



Оллоқулихон мадрасаси.

худудидан Шовот, Полвонёп, Кулобод, Хонқарна, Урганчарна, Олажа ва б. магистрал канал ва ариқлар оқиб утади.

Туманда пахта тозалаш, гишт 3-длари, «Хонқагуруч», дон маҳсулотлари к-лари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона ва б. ишлаб турибди. Ўзбекистон-Италия «Мева» консервалаш қўшма корхонаси, кичик корхона ва микрофирмалар фаолият курсатади. Хонқа қалдан кулолчилик буюмлари б-н машқур.

Пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, ипакчилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ривожланган. 400 дан зиёд фермер, ижара хўжаликлари мавжуд. Экин майдонларига пахта, дон, картошка, сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари экилади. Тумanning Навхос қишлоғида Ўзбекистон ФА га қарашли пахтачилик тажриба даласи мавжуд. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

51 умумий таълим, 3 иқтидорли болалар мактаблари, 4 касб-хунар коллежи ишлаб турибди. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, 13 маданият уйи, «Жайхун» қуғирчоқ театри, «Дилором», «Сарапоён гуллари» ашула ва рақс дасталари, улқашунослик музейи фаолият курсатади. Маланият ва истироҳат боғи. Алишер Навоий хотирасига бағишланган алабиёт боғ-музейи бор. Стадион, спорт заллар, футбол майдонлари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 2 касалхона, туғруқхона, 2 поликлиника, 20 фельдшер-акушерлик, 13 қишлоқ врачлик пунктлари, 3 қишлоқ амбулаторияси, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат курсатади. «Хонқа» ва «Автомобилчи» санаторийлари бор.

Туман худудидан Урганч-Тошкент автомобиль тракти, Тошкент-Урганч-Волгоград-Москва халқаро т.й. ўтган. Хонқадан Урганч, Боғот, Ҳазорасп, Тўртқўл ва б. шаҳар ва шаҳарчаларга автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. Меморий ёдгорликларидан Саид ота масжиди (1766 й.; 1912, 1989 й.ларда таъмирланган), Гавдонбой уйи (1910-14 й.лар; 1994 й.да таъмирланган) сақланган. 1995 й.дан «Хонқа ҳаёти» туман газ. нашр этилади.

Шовот тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,46 минг км². Аҳолиси 127,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, туркман, рус, татар, корейс, қорақалпоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 278,0 киши. Туманда 1 шаҳарча (Шовот), 11 қишлоқ



фуқаролари йиғини бор. Маркази – Шовот шаҳарчаси.

Рельефи, асосан, Шовот каналининг соҳилида жойлашган текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал. Ёзи қуруқ, иссиқ, қиши совуқ. Шовот, Довдон, Ёрниш, Удачи, Бегёп каналлари оқиб ўтади.

Пахта тозалаш, подшиппик 3-длари, ун к-ти, чарм маҳсулотлари ф-каси, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхона ишлаб турибди. Кичик ва хусусий корхоналар, микрофирмалар фаолият курсатади. «Семурғ», Ўзбекистон-Германия «Шовоттекс» қўшма корхоналари мавжуд.

Туман қ.х.нинг етакчи тармоғи—пахтачилик. Экин майдонларига пахта, дон, картошка, сабзавот, озуқа, полиз экинлари экилади. 585 фермер хўжалиги бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

51 умумий таълим мактаби, лицей, болалар мусиқа, спорт мактаблари, 4 касб-хунар коллежи фаолият курсатади. 45 жамоат кутубхонаси, 16 маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, Зариф Раматов номидаги музей, «Мотамсаро она» она ёдгорлиги бор. 7 стадион, спорт заллар, футбол майдонлари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 3 касалхона, 4 тиш даволаш, 15 қишлоқ врачлик, 3 фельдшер-акушерлик пунктлари, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, поликлиника, туғруқхона, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат курсатади. «Оби ҳаёт», «Шовот» санаторийлари бор. Шовот-Тошкент йўналишида поезд қатнайди. Туман автомобиль ва т.й.лар орқали Қора-

Шовот тумани. Шоҳобод марказий стадиони.

қалпоғистон, Туркменистон ва Россия б-н боғланган. Шовот-Урганч йўналишида автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

Туманда Ваянғонбобо (1-4, 9-14-алар), Катқалъа (мил. ав. 1-а.), Тупроққалъа (мил. ав. 1-а.) археология ёдгорликлари; Ваянғонбобо мақбараси (15-а.), Юсуф Ҳамадонийнинг рамзий мақбараси бор. 1932 й.дан «Шовот истиқбол» туман газ. чиқарилади.

Янгиариқ тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 0,40 минг км². Аҳолиси 84,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, татар, корейс, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 211,5 киши (2005). Туманда 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Янгиариқ қишлоғи.

Рельефи, асосан, пасттекисликдан иборат. Катта майдон қум барханлари б-н банд. Иқлими кескин континентал. Хўжаликлари Остона, Оқмачит, Қуруқтом, Таган, Каттабоғ ва Амударёдан чиққан магистрал каналларидан сув олади. Улуғшўркўл, Обулқўл, Тангали, Баётқўл, Кичикқўл ва б. қўллар мавжуд.

Пахта тозалаш, гишт, мева консервалаш 3-длари, таъмирлаш устахонаси, Ўрта Осиё-Марказ газ қувурининг 3-компрессор ст-яси, Хоразм балиқ к-ти, балиқ дудлаш цехлари, қурилиш таш-



Янгиариқ тумани. Шайх Мухтор Валий мақбараси.

килотлари, МТП, автокорхона, 100 га яқин кичик, урта бизнес ва йирик корхоналар, деҳқон бозори, 1100 дан зиёд микрофирма бор. Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси (толадан ип ишлаб чиқаради) ишлаб турибди. Шиша и.ч. йўлга қўйилган.

Туман қ.х., асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган, шунингдек, чорвачилик, балиқчилик, пиллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ҳам ривожланган. Қ.х. соҳасида 2 акциядорлик жамияти, 17 қ.х. корхонаси, 6 хусусий ферма, ижара ҳужалиги фаолият кўрсатади. Экин майдонларига пахта, дон, картошка, сабзавот экинлари экилади. Тумандаги жамоа ва хусусий ҳужаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

39 умумий таълим, болалар спорт мактаби, касб-хунар коллежи бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 40 та тармоғи, 24 клуб муассасаси, маданият уйлари фаолият кўрсатади. Стадион, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси ва унинг бўлимлари, 2 тиш даволаш поликлиникаси, 21 фельдшер-акушерлик, 6 қишлоқ врачлик пунктлари, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудиди Шайх Мухтор Валий меъморий мажмуаси (14-а.) сақланган. 1936 й.дан «Янгиариқ овози» туман газ. нашр этилади.

Янгибозор тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1950 й.да ташкил этилган (кейинроқ унинг бир қисми Урганч ва Гурлан туманларига қушиб юборилиб, туман янгидан 1989 й.да ташкил этилди). Майд. 0,34 минг км². Аҳолиси 65,4 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, туркман, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 192,4 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Янгибозор), 8 қишлоқ фуқаролари йи-

Кўшкўпир пахта тозалаш заводининг пахта қабул қилиш пункти.

ғини бор. Маркази – Янгибозор шаҳарчаси.

Рельефи паст-баланд текисликдан иборат. Туманнинг шим. ва шим.-шарқидан Амударё оқиб ўтади. Экин майдонлари Қиличбойарна, Манғитарна, Кўнғиротёп, Нукусёп, Янгиёп, Ҳизирёп, Олғасёп, Шабика ва б. канал ва ариқлардан суғорилади.

Туманда пахта тозалаш, гишт э-длари, маҳаллий саноат корхоналари, кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади. Япония, РФ, Венгрия, Белоруссия б-н ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этилган.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи пахтачилик ва ғаллачилик, шу жумладан, шолчилик, чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ҳам ривожланган. Экин майдонларига пахта, дон, картошка, сабзавот экилади. Амударё бўйида тўқай ва ўрмонзорлар бор. Деҳқон, фермер ҳужаликлари фаолият кўрсатади. Туман жамоа ва хусусий ҳужаликларидан қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

32 умумий таълим, болалар спорт мактаблари, 31 жамоат кутубхонаси, 23 клуб муассасаси бор. Стадион, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиникалар, 12 фельдшер-акушерлик пункти, 4 қишлоқ-врачлик амбулаторияси, 9 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1953 й.дан «Янгибозор кўзгуси» туман газ. нашр этилади.

Кўшкўпир тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1936 й. 17 апр.да ташкил этилган (1962 й. 14 дек.да Хива туманига қўшиб юборилган. 1966 й. 9 янв.да қайта ташкил этилган). Майд. 0,54 минг км². Аҳолиси 128,9 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, эроний, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари



ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 238,7 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Кўшкўпир), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Кўшкўпир шаҳарчаси.

Ҳудуди, асосан, текислик. Иқлими кескин континентал. Туман ҳудудини кесиб ўтган Катта Кўл, Довдон, Довдукўл магистрал коллекторлари ва уларга ташташган коллектор-дренаж шохобчалари ишлаб турибди.

Пахта тозалаш, силикат гишт э-длари, МТП, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, тикувчилик ва гиламчилик цехлари ишлаб турибди. 54 кичик корхона, 1849 микрофирма фаолият кўрсатади. «Кўшкўпир пилла», «Кўшкўпир парранда» масъулияти чекланган жамиятлар, «Кўшкўпир асаларичилик» корхонаси бор.

Қ.х., асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Деҳқончилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик ҳам ривожланган. Фермер ҳужаликлари (шу жумладан, 3 та балиқчилик б-н шуғулланувчи) мавжуд. Экин майдонларига пахта, ғалла, сабзавот, полиз, озуқа экинлари экилади. 600 га ерда мевазор, токзорлар, шунингдек, тутзорлар бор. Жамоа ва хусусий ҳужаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади. Асаларичилик ва пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади.

Туманда 55 умумий таълим мактаби, касб-хунар коллежлари бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 35 тармоғи, 15 маданият муассасаси, маданият ва истироҳат боғи, стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиникалар, туғруқхона, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Кўшкўпир шаҳарчасидан Хива, Урганч ва б. шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга



Янгибозор туманидаги Пахтабанк биноси.

қўйилган. Меъморий ёдгорликлардан Иморат бобо меъморий мажмуаси (14–18-а.лар) сақланган. 1932 йдан «Хаёт кўзгуси» туман газ. чиқарилади.

Ҳазорасп тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 2,06 минг км². Аҳолиси 190,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, татар, қozoқ, корейс, рус, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 92,7 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Питнак), 1 шаҳарча (Ҳазорасп), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази—Ҳазорасп шаҳарчаси.

Туман ҳудуди Хоразм воҳасининг жан.-шарқи ва Қизилқум чўлида жойлашган пасттексислик. Ғарбидаги шим.-чеккаси ва шарқий қисмининг жан. Амурдарё террасаларидан иборат. Жан. чегараси Қорақум чўлига туташ. Қум тепалари, қирлар, қолдиқ қўллар (Ҳажжалиқўл, Шўркўл, Кепак, Узункўл, Қурванак ва б.) бор. Иқлими кескин континентал. Шим. ва жан.дан Амударё оқиб ўтади. Экинзорлари Амударёдан сув оладиган Тошсоқа, Ҳазорасп каналлари, Питнакарна, Янгиёп, Ҳассаёп, Овшарёп, Муҳомонёп ва б. ариқлардан сугорилади. Туманда Ўзбекистонда энг йirik Туямўйин сув омбори қурилган. Амударё бўйида Қизилқум давлат қуриқхонаси ташкил этилган.

Пахта тозалаш, гишт з-длари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, таъмирлаш устахоналари, маҳаллий саноат корхоналари, тўқимачилик, палос ф-калари, умуман 1200 дан зиёд кор-

Ҳазорасп шаҳарчасининг марказий қисми.

хона бор. Ҳазораспдаги «Қozoқ бозори» машҳур. Қушма корхоналар фаолият курсатади. Туман ҳудудида Амударё устидан халқаро аҳамиятдаги кўприк қурилган.

Пахтачилик, ғаллачилик (шу жумладан, шодичилик) ривожланган. Чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, поллизчилик ҳам муҳим ўрин тутди. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Экин майдонларига пахта, дон, картошка, сабзавот, озуқа экинлари экилади. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

49 умумий таълим, болалар мусиқа ва спорт мактаблари, Ҳазорасп тиббиёт касб-ҳунар коллежи бор. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 47 тармоғи, 35 клуб муассасаси, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, 2 стадион, спорт заллари ва б. спорт иншоотлари фаолият кўрсатади. 4 касалхона (шу жумладан, туман марказий касалхонаси), поликлиника, дорихоналар, участка касалхонаси, 5 қишлоқ амбулаторияси, 12 қишлоқ врачлик, 16 фельдшер-акушерлик пунктлари, 14 тиш даволаш поликлиника пункти ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Урганч—Тошкент т.й. ва автомагистрали ўтади. Ҳазорасп шаҳарчасидан Урганч ш. ва Хоразм вилоятининг барча шаҳар ва туманларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл, Бериуний ш.ларига автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Ҳазорасп қалъаси (мил. ав. 8–7 а.лар), Жума масжиди (18-а.) сақланган. 1931 й.дан «Ҳазораспнома» туман газ. чиқарилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Республиканинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1943 й. 20 янв.да ташкил этилган. 1960 й. 25 янв.да Сурхондарё вилоятига қўшилди. 1964 й. 7 фев.дан янгидан ташкил қилинди. Майд. 28,6 минг км². Аҳолиси 2378,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, туркман, рус, қozoқ, украин, озарбайжон, корейс, қирғиз, турк, украин, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 83,2 киши (2005). Таркибида 13 қишлоқ тумани, 12 шаҳар, 4 шаҳарча, 147 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Қарши ш.

Вилоят ҳудуди Қашқадарё ҳавзасида, Помир-Олай тоғ системасининг ғарбий чеккасида, Амударё ва Зарафшон дарёлари орасида жойлашган. Асосан, Қашқадарё ботигини ўз ичига олган бўлиб, шим., шарқ ва жан.-шарқда Зарафшон ҳамда Ҳисор тизма тоғлари б-н ўралган. Тоғлар б-н текисликлар ораси адирлар. Текисликнинг катта қисми ғарбда Сандиқли ва Қизилқум чўллари б-н туташган Қарши чўлидан иборат. Иқлими континентал, киши нисбатан юмшоқ, ёзи узоқ (155–60 кун), иссиқ, қуруқ. Январнинг ўртача т-раси 0,2° дан 1,9° гача, июлники 28°–29,5°. Энг юқори т-ра 45°. Энг паст т-ра –20°. Йилига текисликларда 290–300 мм, адирларда 520–550 мм, тоғларда 550–650 мм ёғин тушади, асосан, баҳор ва қишда ёғади, ёзда гармсел эсади. Вегетация даври текисликларда 290–300 кунгача. Асосий дарёси—Қашқадарё. Унинг ирмоқлари—Жиннидаре, Оқсув, Яққабоддарё, Танхоздарё, Ғузордарё (Катта ва Кичик Ўрадарё б-н бирга). Дарё сувидан, асосан, сугоришда фойдаланилади. Чимқўрғон, Қамашши, Пачкамар сув омборлари; Файзиобод, 8 Март, Эскибоғ, Эски Анҳор, Косон, Пахтаобод, Қарши ва б. каналлар бор. Сугориладиган ерлар тупроғи, асосан, тилик ва оч бўз, Китоб-Шарисабз сойлигида кўпроқ қумоқ тупроқлар мавжуд. Тоғларда баландлик минтақалари бўйлаб типик бўз тупроқлар тарқалган. Вилоятда 76,6 минг га ўрмон мавжуд. Ўрмонларнинг асосий қисмини арча ва саксовулзорлар ташкил этади. Тоғ ён бағирлари ҳар хил ўт ўсимликлари б-н қопланган, шунингдек, бутазорлар ҳам бор. Тоғ ўрмонлари арча, бодом, pista, жийлазорлардан иборат. Тоғларда, шунингдек, наъматак, зирк, чаканда, анзур пиёзи, қора зира ўсади.

Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўри, қобон, тоғ эчкиси, жайран,



Қашқадарё вилояти шаҳарлари

Шаҳарлар	Ташкил топган (ёки шаҳар мақомини олган) йили	Аҳоли сони (минг киши ҳисобида)			
		1959	1990	2000	2005
Қарши	мил. ав. 7-а.	19,7	180,8	201,3	212,2
Шаҳрисабз	мил. ав. 7-а.	16,4	55,0	87,1	91,1
Ғузор	1977	—	21,0	21,3	22,7
Қамаши	1978	—	22,0	30,5	33,8
Бешкент	1977	—	12,0	14,4	15,8
Косон	1972	—	40,0	53,9	59,3
Китоб	1976	8,4	30,0	34,3	36,5
Муборак	1974	—	40,0	23,1	24,0
Таллимаржон	1975	—	10,0	8,9	8,4
Янги Нишон	1982	—	7,0	7,6	10,4
Чироқчи	1980	—	12,0	16,6	18,2
Яккабоғ	1978	3,6	16,0	21,8	22,8

эчекмар, жайра, типратикан, тошбақа, илонлар; қушлардан бургут, тустовуқ, каклик учрайди. Дарё ва сув ҳавзаларида қумбалиқ, илонбош, зогорабалиқ, гулмоҳи, қорабалиқ ва б. балиқлар яшайди. Вилоят ҳудудида Ҳисор тоғ-ўрмон ва Китоб давлат геология қуриқхоналари жойлашган; Китоб баландоғ расадхоналар мажмуаси фаолият кўрсатади.

Вилоят қ.х. маҳсулотларини етиштириш ҳамда ёқилғи ресурсларини қазиб олиш бўйича Ўзбекистонда муҳим ўрин эгаллайди. Вилоят республикада қазиб олинган табиий газнинг 88%, нефтининг 92%, конденсатнинг 99,6%, олтин-гургуртнинг 100% ни беради.

Саноатининг етакчи тармоқлари табиий газ ва нефть қазиб олиш, газни қайта ишлаш, пахта тозалаш, ёғ экстракцияси, қурилиш материаллари и.ч., ип йигирув, тикувчилик, озиқ-овқат ва б. Энг йirik корхоналари: Муборак

нефтьгаз унитар корхонаси, Шўртангаз унитар корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш з-ди, Шўртангаз кимё мажмуаси, Қарши, Косон ёғ-экстракция, Шаҳрисабз консерва з-длари, Шаҳрисабз пиллакашлик, Қарши тикувчилик ф-калари, Қашқадарё мрамор акциядорлик жамияти ва б. Ўзбекистон-Туркия «Каштекс» тўқимачилик, «Оқсарой тўқимачилик ЛТД» қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқдалар. 58 мингга яқин кичик корхона ва микрофирма бор.

Вилоят ҳудудидаги дастлабки саноат корхонаси-Шаҳрисабз пахта тозалаш з-ди 1916 йда қурилган. 1971 йда Муборак газ-олтингургурт з-ди ишга туширилди. Мустақиллик йилларида Шаҳрисабз, Ғузор ун к-лари, Таллимаржон иссиқлик электр ст-яси, 2001 й. охирида Шўртангаз кимё мажмуаси қурилиб, ишга туширилди. Вилоятда газ (пропан),

жун, пахта толаси, момиқ, полиэтилен, томат пастаси, турли хил мрамор плиталари ишлаб чиқарилади.

Қашқадарё республикада энг кўп дон ва пахта етказиб берадиган вилоятдир. Қ.х.нинг асосий тармоқлари: ғаллачилик, пахтачилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик. Боғдорчи-

лик, тоқчилик, илакчилик ҳам салмоқли ўрин тутди. Чорвачилиги гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. Қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик ривожланган. Муборак, Миришкор, Нишон, Ғузор туманларида қоракўлчиликка ихтисослашган йirik хўжаликлар мавжуд. Асаларичиликка ҳам катта эътибор берилган. Вилоятдаги экин майдонларга пахта, дон, сабзавот, полиз, картошка, озуқа экинлари экилади. Яйловлар бор. Қарши, Сандал каналлари, Таллимаржон, Чимқўрғон, Ҳисорак, Қизилсув ва б. сув омборлари барпо этилган. Қарши чўлида 250 минг га ер ўзлаштирилган.

19 мингга яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, шунингдек, йилқи боқилади.

Вилоятдаги т.й. узунлиги 401 км. Асосий т.й. магистраллари: Когон-Қарши-Душанба, Қарши-Китоб, Қарши-Самарқанд. Янги қурилаётган Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон (умумий уз. 223 км) т.й.нинг 106,2 км қисми вилоят ҳудудидан ўтади. 2004 й. октябргача Тошғузор-Деҳқонобод ва Қумқўрғон-Бойсун қисмлари фойдаланишга топширилди. Автомобиль йўллари уз. 13,9 минг км. Вилоят ҳудудидан республика аҳамиятига эга бўлган Қарши-Амударё (Туркменистон), Катта Ўзбекистон тракти (Тошкент-Термиз), Қарши-Бухоро, Қарши-Самарқанд автомобиль йўллари ўтади. Қаршидан Тошкент, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Денов ва б. шаҳарларга автобуслар қатнайди. Қарши аэропортидан Қарши-Москва, Қарши-Тошкент, Қарши-Андижон ва б. йўналишларда йўловчилар ташувчи самолётлар қатнови йўлга қуйилган.

Вилоятда 1098 умумий таълим мактаби, шу жумладан, 34 ихтисослашган, 4 махсус мактаб, 3 гимназия, 62 касб-хуна коллежи, 4 академик лицей, 18 болалар мусиқа мактаби, 3 меҳрибонлик уйи, 2 олий ўқув юрти (Қарши ун-ти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт ин-ти) бор. Қашқадарё ўлкашунослик музейи (Қарши ш.да), Амир Темур музейи (Шаҳрисабз ш.да), вилоят мусиқали драма театри, вилоят қўғирчоқ театри, «Эски масжид», «Мулоқот» театр студиялари, «Ўзбекрақс», «Ўзбекнаво»нинг вилоят бўлимлари, ашула ва рақс дирекцияси фаолият кўрсатади. 464 жамоат кутубхонаси, 148 клуб муассасаси, 6 маданият ва истироҳат боғи мавжуд. 16 ашула ва рақс, 2 фольклор-этнографик халқ ансамбллари, 373 бадний ҳаваскорлик жамоа ва б. маданий муассасалар ишлаб турибди.



Ҳисорак сув омбори.



Муборак газни қайта ишлаш заводи.

Вилоятда 94 касалхона, 395 врачлик амбулатория-поликлиника муассасаси, амбулатория ва 6 тиббий муассасалар, 221 болалар поликлиникаси ва хоналари, 199 қишлоқ врачлик, 368 фельдшер- акушерлик пунктлари, 27 қишлоқ участка касалхонаси, 90 қишлоқ врачлик амбулаторияси аҳолига хизмат курсатади. Давлат шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Қарши бўлими ва барча туман марказий касалхоналари қoшида унинг булинмалари ташкил этилган. 3 санаторий фаолият курсатади.

Вилоят спортчилари спортнинг кўп турлари (кураш, дзю до, каратэ, футбол, бокс, шахмат, теннис ва б.) бўйича турли даражадаги мусобақаларда иштирок этиб Жаҳон ва Осиё чемпиони унвонларига сазовор бўлмоқдалар. Хотин-қизларнинг «Севинч» футбол жамоаси 2004 й.да утказилган республика биринчи чемпионатининг ғолиби бўлди. Вилоятда 21 стадион, теннис кортлари, спорт заллари, 8 сузиш ҳавзаси ва 6 спорт иншоотлари мавжуд. 26 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият курсатади.

Қашқадарё воҳаси ўзининг маданий тарихи б-н машҳур. Танхоздарё водийсидан топилган чақмоқ тошдан ясалган айрим буюмлар. Тахтақорача довоидаги Такалисой бўйидаги гордан мустье даврига оид бир нечта тош буюм топилганлиги Қашқадарё водийсида тош даври одамлари яшаганлигидан далolat беради.

1990-й.ларда археологлар юқори Қашқадарёдаги Оёқчисой, Қуруқсой водийларини ўрганиб, палеолит даврига оид ашёвий далилларни топдилар. Сийлонтошда тош асирининг сўнгги даврига оид топилма, воҳада мил.ав. 10–8-а.лар. жез

ва темир асрларга оид Сангиртепа, Ерқўрғон ёдгорликлари топилди. Мил.ав. 7–6-а.ларда Қашқадарё водийсида деҳқончилик б-н шугулланувчи кўплаб аҳоли истиқомат қилган. Кеш, Нахшаб шаҳарлари пайдо бўлиб ривожланган. Қал. Бахтрӣ давлати таркибига Қашқадарё воҳасининг бир қисми ҳам кирган.

Мил.ав. 329 й.да Александр Македониялик қўшинлари Навтака (Қашқадарё) вилоятини босиб олган. Қашқадарё босқинчиларга қарши кўтарилган Спитамен қўзғолонининг марказларидан бири бўлган. Мил. ав. 3–2-а.ларда Қашқадарё воҳаси Салавкийлар, ундан кейин Юнон-Бахтрӣ давлати таркибига кирди. 468 й.да кушонлар авлодидан бўлган кучманчи чорвадор тохарлар Кидар раҳбарлигида Шарқдан Амударё ҳавзасига кириб келиб Нахшабни ўзларига вақтинча қароргоҳ қилиб турдилар.

Араблар қўшини 700 й.да илк бор Қашқадарёга бостириб келиб, Нахшаб

ва Кеш ш.ларини ва улар атрофидаги қишлоқларни қўлга киритдилар. Қутайба ибн Муслим 710 й.да Кеш ва Нахшабни қайта фатх этди. Кеш асосий марказларидан бўлган Муқанна қўзғолони бутун Мовароуннаҳрга тарқалди. 9–10-а.ларда Қашқадарёда иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, фан ва маданият ривожланди. Кеш «Куббатул-илм вал адаб» номига сазовор бўлди.

Мўғул босқинчилари 1220 й. ёзида Қашқадарёга бостириб кириб, Насафни вайрон қилдилар. Мўғуллар ўтроқликка ўтгандан сўнггина (14-а.да) Кепакхон (1318–26) қурдирган сарой яқинида янги шаҳар – Қарши ш.га асос солинди. 14–15-а.ларда Амир Темура ва Мирзо Улуғбек даврларида Шаҳрисабзда бир қанча монументал бинолар – сарой, масжид ва мақбаралар ва б. қурилди. Шаҳрисабз воҳанинг етакчи шаҳрига айланди. Аштархонийлар даврида Қарши, Шаҳрисабзда Бухоро хонлигидан мустақил бўлиш ҳаракати кучайди. Манғитийлар даврида Қарши тахт вориси ҳоким бўладиган вилоятга айланди.

1868 й. 21 окт.да рус подшоси қўшини Қарши ш.ни истило қилди. 1909 й. мартада Китоб, Қарши ва Шаҳрисабз бекликларида норозилик ҳаракатлар бошланди. Халқ галаёнлари Китобда, Шаҳрисабзда, Ғузорда 1910, 1914, 1916 й.ларда ҳам бўлиб ўтди.

Қашқадарё воҳасида қад.дан машҳур алломалар, шоир ва файласуфлар, ёзувчи ва муҳаддислар. моҳир хаттот ва тар-

Пахта тайёрлаш пункти.



жимонлар яшаб ўтган. 9-а. Насаф ва Кешда ҳадисшунослик ва фикшшунослик мактаблари вужудга келган. 10-а.да Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тадёний, Ҳаммад ибн Шокир ан-Насафий, Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий, ал-Лайс ибн Наср ал-Кожарий, 11-а.да Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий, Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий, ал-Ҳасан ибн Али ал-Ҳаммодий ан-Нахшабий каби олимлар ислом оламида шухрат топганлар.

«Насафий» тахаллусли бир неча ўнлаб ижодкорларнинг номлари маълум. Мотуридия калом мактабининг атоқли намояндаларидан бири Абул Муъин ан-Насафий, ҳадисшунос ва ҳанафий мазҳабининг таниқли фикшшуноси Абул Ҳасан ал-Баздавий ан-Насафий («Фақиҳу Мовароуннаҳр» ва «Устоз ал-аимма» — «Имомларнинг устози» унвонларига сазовор бўлган), фикшшунос Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий, Абул Баракот ан-Насафий, Абу ал-Мутиъ Насафий, Ҳаким Сўзаний, Абу Туроб Нахшабий, Саидо Насафий, Нурмуҳаммад Насафий, Шамсиддин Сўзаний, Муайиддин Насафий, Шаҳобиддин Аҳмад Насафий, Шарафиддин Хусом, Абул Баракот ан-Насафий, Ҳофизиддин Насафий, Хожа Абулбарака (Фироқий), Аюб Шаҳрисабзий, Мавлоно Соёилий, Мавлоно Мир Қарший ва б. бир қанча насафийлар яшаб, ижод этганлар.

Насаф ва Кеш алломалари 15-а.дан туркий тилда асарлар ёза бошлаганлар. Амир Темури ва темурий шаҳзодалар салтанати даврида Қашқадарёда илм-фан,

Қизилсув дареси воҳаси.



Шаҳрисабздаги Амир Темури ҳайкали.

маданият ва санъат, айниқса, ривожланган.

Абу Саъд Абдулкарим ас-Самъонийнинг (1113—67) «Китоб ал-Ансоб» («Нисбалар китоби») асарида 8—12-а.ларда яшаб ўтган 180 га яқин насафлик олим ва шоирларнинг номлари қайд этилган.

Вилоятда 33 газ., шу жумладан, 2 вилоят газ. (1935 й.дан «Қашқадарё ҳақиқати», 2005 й.дан «Қашқадарё»; 1943 й.дан «Кашкадарьинская правда», 2005 й.дан «Новости Кашкадарьи»), шаҳар («Насаф»), 13 туман газ.лари, 16 тармок, 1 хусусий газ., шунингдек, «Насаф зиёси» журнали (Қарши давлат ун-ти муассислигида) нашр этилади.

Вилоятда биринчи радиоэшиттиришлар 1945 й. дек.дан бошланган. Вилоят радиоси ва «Олтин воҳ» FM радиостанцияси эшиттиришлар олиб боради. Вилоятда 2 давлат (вилоят ва Шаҳрисабз

шаҳар телевидениеси), 3 нодавлат (Қарши жамоатчилик, Муборак «Янги аср», Қашқадарё кабелли) телевидениелари мавжуд.

Вилоятдаги тарихий ёдгорликлардан 602 таси археология, 192 таси меъморий ва шаҳарсозлик ёдгорликларидир, шунингдек, монументал санъати ёдгорликлари ҳам бор. Вилоятдаги машҳур обидалар Шаҳрисабз ш.да жойлашган. Шаҳрисабз ш.нинг 2700 йиллиги муносабати б-н Шаҳрисабзда обидаларни таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Оқсарой меъморий мажмуаси консервация қилинди, марказий майдонда Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди. Дор ут-Тиловат, Дор ус-Сиедат мажмуасидаги Жаҳонгир (Ҳазрати Имом) мақбараси (1379—80 й.лар), Оқсарой мажмуаси (1380—1404 й.лар), Улуғбек мадрасаси (Гумбази Сайидон, 1437 й.), Китоб туманидаги Хожа Илимқон хонақоси (15—16 а.лар), Лангар қишлоғидаги Лангарота (Катта Лангар) масжиди (15-а. охири —16-а.лар), Лангарота мақбараси (16-а.нинг 1-ярми), Фудино қишлоғидаги Хусамота ансамбли (11—19-а.лар), Қарши ш.да Маҳалла масжиди (19-а.) ва б. сақланган. Қарши ш.нинг 2700 йиллиги муносабати б-н Қарши ш.даги Кўкғумбаз масжиди, тарихий кўприк ва б. мадраса ва масжид бинолари таъмирланди. Вилоятда 1996 й.да Амир Темурнинг 660 йиллиги, 2003 й.да Шаҳрисабз ш.нинг 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди.

Қарши — Қашқадарё вилоятидаги шаҳар, вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Қарши воҳасининг марказида, Қашқадарё бўйида, халқаро т. й. ва автомобиль йўллари кесилган жойда. Йилига ўртача 190—220

мм ёгин тушади. Январнинг ўртача т-раси 0°, 2°, июлники 28,8°. Энг паст т-ра -27°, энг юқори т-ра 47°. Майд. 75 км². Аҳолиси 220 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қozoқ, рус, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди (2005).

Қарши Ўзбекистоннинг қад. шаҳарларидан бири. У турли даврларда Боло, Нашеболо, Нахшаб, Насаф, номлари б-н юритилиб, 14-адан Қарши деб атала бошлаган.

Дастлабки шаҳар Қарши воҳасида «Нахшаб» (сув обод қилган, сув нақш берган манзил) номи б-н мил. ав. 7-ада Ерқўрғон ўрнида вужудга келиб, унинг атрофи қалъа девори б-н ўраб олинган (ушбу қалъа деворларининг қолдиқлари археологлар томонидан 1999 й.да ўрганилган). Мил.ав. 6-а.да шаҳар кенгайиб, майд. 35 га ни ташкил этган. Александр Македониялик босқини даврида шаҳар вайрон қилинган. Шундан кейин унинг воҳадаги етакчи шаҳар сифатидаги мақоми пасайиб борган. Мил. ав. 2-1-а.ларда (ҳоз. темир йўл ст-яси худудида) янги ҳарбий-сиёсий марказ мақоми оingan Заҳҳоки-Морон ш. бунёд этилди. Бу қалъа ҳам Нахшаб номини олиб аста-секин кенгая борди. Кидарийлар ўз қароргоҳини 468 й.да янги Нахшабга кўчирдилар. 710 й.да араблар шаҳар (Нахшаб арабча талаффузда «Насаф») ва унинг атрофидаги худудларни босиб олдилар. 9-13-а.ларда Нахшаб (Насаф) ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топди. Ўрта асрларда Насаф орқали Эрон ва Ҳиндистонни Россия ва Европа давлатлари б-н боғлаган муҳим қарвон йўллари ўтган, савдо-хунармандчилик ривожланган.

1220 й.да Нахшаб (Насаф)ни Чингизхон қўшинлари вайрон қилди. Чигатой улуси хони Кепакхон (1318-26) Насафдан 2 фарсах (12-14 км) узоқликда қаср қурдириб, пойтахтни Қарши деб аталган бу қалъага кўчирган. Шаҳар худудидан топилган археологик ёдгорликлар, бино қолдиқлари Қаршида 14-а.нинг 1-ярмида бир қанча кошинкор иморатлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Амир Темури ҳукмронлиги даврида (1365-66 й.) шаҳар қўрғони атрофи гишт ва паҳса девор б-н ўралган, шаҳарда Одина масжиди қурилган. 16-а.да шаҳар яқинида йирик Намозгоҳ масжиди (ҳоз. меъморий ёдгорлик), ҳаммом бинолари қад қўтарган. Аштархонийлар давриданоқ Қарши Бухоро тахти меросхўрлари турадиган жойга, 17-18-а.ларда Қашқадарё воҳасидаги биринчи шаҳарга айланди. Қарши 16-адан 20-а. бошларигача Бухоро хонлиги (амирлиги)-

Қарши шаҳридаги турар жойлар.

нинг Қарши беклиги нуфузли маркази бўлган. Хунармандчилик ривожланган, пул зарб қилинган. 1926-37 й.ларда шаҳар Бeҳбудий номи б-н юритилди.

Қаршидаги 4200 дан зиёд саноат, қ.х., қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш ва б. йўналишдаги корхоналар мавжуд. Шулардан йириклари:

пахта тозалаш, ёғ-экстракция, сут, пиво, мотор таъмирлаш, таъмирлаш-механика, уйсозлик, пластмасса буюмлари з-длари, гўшт ва ун к-тлари, тикувчилик ф-каси, қурилиш материаллари, т.й. транспорт, тўқимачилик корхоналари, Ўзбекистон-Туркия «Термопласт» қўшма корхонаси ва б. жами 14 қўшма корхона бор. Туксиз гиламлар (палослар) ишлаб чиқарилади. Қарши Давлат ун-ти, Қарши муҳандислик ин-ти, тиббиёт, пед. ва б. жами 15 касб-хунар коллежи, 3 академик лицей, 9 лицей ва лицей-интернат, 2 гимназия, 52 умумий таълим, болалар музика мактаблари, 4 театр (шу жумладан, вилоят музикали драма театри,

вилоят кўғирчоқ театри ва б.), вилоят ўлкашунослик музейи, филармония, 13 кутубхона, 5 клуб, 3 маданият ва истироҳат боғи фаолият кўрсатади. 22 касалхона, амбу-

Қарши шаҳри. Шуҳрат кўрғони.



латория-поликлиника ва б. тиббий муассасалар бор. Қарши-Тошкент, Қарши-Самарқанд, Қарши-Бухоро ва б. йўналишларда ҳамда туман марказларига автобуслар ва маршрутли таксилар қатнайди. Қарши аэропортидан Қарши-Москва, Қарши-Андижон, Қарши-Тошкент йўналишларидаги ҳаво йўлларида самолётлар қатнови йўлга қўйилган.

Меъморий ёдгорликлардан Қаршида Кўкғумбаз масжиди (16-а.), қад. ҳаммом (16-а.), Қашқадарё устидаги қад. кўприк (1583), Шарофбой мадрасаси (18-а. бошлари), Чармгар масжиди (19-а. ўрталари), Бектемир мадрасаси (1905), Хожа



Таллимаржон иссиқлик электр станцияси.

Абдулазиз мадрасаси (19-а.), Қиличбек мадрасаси (19-а.) ва б. сақланиб қолган.

Шаҳарнинг 2700 йиллиги муносабати б-н Кўкғумбаз масжиди, тарихий кўприк ва б. меъморий обидалар таъмирланди. Шаҳарда «Насаф», «Геолог» спорт мажмуалари, теннис корти, ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, спорт-соғломлаштириш иншоотлари, 20 минг ўринлик стадион, Олимпия захиралари коллежи ва б. қурилди. Вилоят телерадиокомпанияси, Қарши жамоатчилик ва Қашқадарё кабель телевидениелари ишлаб турибди. 1999 й.дан «Насаф» шаҳар газ. чиқарилади.

Қаршидан «Насафий» тахаллуси б-н кўглаб олимлар, шоирлар етишиб чиққан. Улардан Мавлоно Сойилий, Мавлоно Мир Қарший, ундан ташқари Маҳмуд Насафий (муסיқа ва санъат соҳасида), Қусам Шайх (диний илмлар соҳасида) шуҳрат қозонганлар.

Деҳқонобод тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Ғузур тумани б-н бирлаштирилган, 1971 й. 31 авг.да қайта тузилди). Майд. 4,0 минг км². Аҳолиси 106,9 минг киши, асосан ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 26,7 киши (2005). Туманда 1 шаҳарча (Деҳқонобод), 14 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Қарашина қишлоғи.

Рельефи ўртача баландликдаги тоғлар, паст тоғлар ва тоғ олди қия текисликларидан иборат. Туманда нефть, газ, ош тузи (Бойбичакон, Говхона), калий тузи

Ўрадарё оқиб ўтади. Тумanning жан.-ғарбий қисмида ёзда қуриб қоладиган Қизилча ва Гажақсой сойлари бор. Пачкамар, Деҳқонобод сув омборлари қурилган.

Туманда тош кесиш карьери, жунни қайта ишлаш з-ди, консерва тайёрлаш цехи ва б. мавжуд. Кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади.

Қ.х.нинг асосини чорвачилик ва деҳқончилик ташкил қилади. Экин майдонлари 47,4 минг га, кўп йиллик дарахтзорлар 2,1 минг га, яйловлар 237,4 минг га ни ташкил этади. Яйловларда қорақўл, ҳисори қўйлар, ангор зотли эчкилар, қорамол, йилқи боқилади. Туман ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти, Ғузур–Қумқўрғон т.й. ўтган.

88 умумий таълим, муסיқа мактаблари, касб-ҳунар коллежи, лицей-интернат фаолият кўрсатди. Метеорология ст-яси ишлаб турибди. «Тоғ гўзали» ашула ва рақс, «Қўнғирот» фольклор-этнографик ансамбллари, 27 жамоат кутубхонаси, 11 клуб муассасаси бор. Стадион, спорт мажмуаси, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 6 қишлоқ участка шифохонаси, 56 фельдшер-акушерлик, 7 қишлоқ врачлик пунктлари, 7 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. 1972 й.дан «Деҳқонобод овози» туман газ. чиқарилади.

Касби тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1970 й. 16 окт.да ташкил этилган. Майд. 0,65 минг км². Аҳолиси 137,7 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, туркман, қирғиз, корейс, татар, озарбайжон, ар-

ман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 211,8 киши (2005). Туманда 10 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Муғлон қишлоғи.

Ҳудуди Қарши чўлида жойлашган. Майманоқ тоғ тизмаси бор. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, қуруқ ва узоқ. Тумanning Косон тумани б-н чегарасидан Қашқадарё оқиб ўтади.

Пахта тозалаш з-ди, нон к-ти, «Иссиқнон» цехи, 2 автокорхона, сутни қайта ишлаш корхонаси, маҳаллий саноат корхонаси мавжуд. 170 дан зиёд хусусий савдо, и.ч. фирмалари, кичик корхоналар, 500 га яқин маиший хизмат кўрсатиш корхонаси бор.

Қ.х.да фойдаланиладиган ер майдонларига пахта, дон, сабзавот, полиз, картошка, ем-хашак экинлари экилади. 2 минг га дан зиёд ер боғ, тутзор ва тоқзорлардан иборат, 4 минг га дан ортиқ ер яйлов. Туманда фермер хўжаликлари, акциядорлик, 2 қ.х. пайчилик жамиятлари, паррандачилик хўжалиги фаолият кўрсатади. Ҳудудда Ўзбекистон пахтачилик и.т. институтининг Қашқадарё филиали жойлашган. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй-эчки, парранда, йилқи боқилади. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади.

53 умумий таълим, муסיқа, спорт мактаблари, интернат-лицейи, гимназия, 3 касб-ҳунар мактаби, иқтисодий таълим маркази бор. 28 жамоат кутубхонаси, 10 маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, 9 клуб муассасаси мавжуд. Стадион, теннис корти, спорт заллар, футбол майдонлари фаолият кўрсатади. Ногиронларни реабилитация қилиш маркази, 2 касалхона, кундузги стационар, 11 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 12 қишлоқ врачлик, 26 фельдшер-акушерлик пунктлари, 3 поликлиника, 9 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. 1971 й.дан «Садоқат» туман газ. чиқади.

Китоб тумани. Вилоятнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Шаҳрисабз тумани б-н бирлаштирилган. 1968 й. 25 дек.да қайта тузилди). Майд. 1,75 минг км². Аҳолиси 195,2 минг киши, асосан, ўзбеклар; тожик, рус, татар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 111,5 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Китоб) ва 12 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Китоб ш.

Ҳудудининг катта қисмини шим. ва шарқий чегаралар бўйлаб чўзилган баланд Ҳисор ва Зарафшон тоғлари (4000 м) эгаллаган. Баланд тоғлар туман ҳудудини совуқ ҳаво оқимидан тўсиб турга-



Китоб тумани. Варганза қишлоғи.

ни учун туман иқлими вилоятда энг мўътадил. Туман ҳудудидан Қашқадарёнинг ирмоқлари—Кичикжар, Оқсув, Жиннидарё, Оқдарё оқиб ўтади.

Туманда пахта тозалаш ва вино э-длари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Қ.х.да суғориладиган ерларга пахта, дон, сабзавот-полиз, картошка, ем-хашак экинлари экилади. 5,0 минг гектарга яқин майдон боғ ва тоқзор. Фермер, деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки боқилади.

90 умумий таълим мактаби, 2 лицей-интернат, 2 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. 53 жамоат кутубхонаси, 15 клуб муассасаси, Шон-шўҳрат музейи, маданият ва истироҳат боғи бор. Стадион, теннис кортлари, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 79 қишлоқ фельдшер-акушерлик, 75 қишлоқ врачлик пунктлари, 15 қишлоқ врачлик амбулаторияси, дорихоналар аҳолига хизмат кўрсатади. Китоб баландтоғ расадхоналар мажмуаси мавжуд. 1935 й.дан «Китоб тонги» туман газ. чиқарилади.

Косон тумани. Вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 1,88 минг км². Аҳолиси 203,3 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. мил-

лат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўрача зичлиги 1 км² га 108,1 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Косон), 9 қишлоқ фуқаролари йигини бор. Маркази— Косон ш.

Туман ҳудуди Қашқадарёнинг қўйи қисмида, Қарши чўлида жойлашган. Ер юзаси текислик, адир ва қирлардан иборат. Иқлими қуруқ ва континентал. Қашқадарё дарёси Косон ва Касби туманлари чегарасидан оқиб ўтади. Қарши магистрал канали бор.

Пахта тозалаш, ёғ-экстракция, гишт э-длари, автокорхоналар, нон к-ти, «Истиклол» савдо-саноат корхонаси, қандалатчилик ва кулолчилик цехлари, деҳқон бозорлари бор. 67 кичик корхона фаолият кўрсатади. 2 қўшма корхона (шу жумладан, гўзапоядан картон ишлаб чиқарилган Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси) ишлаб турибди.

Қ.х.да пахтачилик ва чорвачилик

Миршкор туманидаги маданият ва истироҳат боғи.

лик етакчи ўринда. Суғориладиган ерларга пахта, галла ва б. экинлар экилади. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

93 умумий таълим, 4 касб-ҳунар мактаблари ва б. ўқув муассасалари бор. 36 жамоат кутубхонаси, 12 маданий муассаса мавжуд. 8 касалхона, туғруқхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Умид юлдузи» туман газ. чиқарилади.

Миршкор тумани. Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 2003 й. 6 янв.да Усмон Юсулов ва Баҳористон туманларининг бирлаштирилиши натижасида ташкил этилган. Майд. 3,1 минг км². Аҳолиси 84,3 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, тожик, араб, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 27,2 киши (2005). Туманда 12 қишлоқ фуқаролари йигини бор. Маркази— Янги Миршкор қишлоғи.

Туман ҳудуди Қарши чўли зонасида жойлашган. Рельефи, асосан, текисликдан иборат. Кўчма қум барханлари, қумтепа-жўякли рельеф шакллари, гил ётқизикли ясси юзали текисликлар бор. Бир қанча берк ботиқлар (Қорабулоқ, Денгизкўл, Хўжам Саёт, Қирқчаиша ва б.) мавжуд. Уларда шифобахш балчиқлар, туз қатламлари ҳосил бўлган. Иқлими кескин континентал. Туман ерлари Миршкор каналдан сув олади. Аланг, Помуқ, Култоғ, Кўкдумалоқ, Ўртабулоқ, Зеварди, Денгизкўл каби нефть, газ ва конденсатга бой конлар бор.

Туманда саноат, қурилиш корхоналари, 2177 кичик корхона, микрофирмалар, 250 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Ўзбекистон—Исроил «Эйнаб» қўшма корхонаси ишлаб турибди.



Қ.х.нинг асосий соҳалари—пахтачилик, галлачилик ва чорвачилик. 1500 фермер хўжалиги фаолият юритади. Экин майдонларига пахта, галла, сабзавот, полиз, картошка экинлари экилади. Мева, узум, сут, гўшт, пилла, қоракўл тери ва б. маҳсулотлар етиштирилади. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

40 га яқин умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, 3 лицей ва ихтисослаштирилган мактаб, 3 касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг 25 тармоғи, 9 клуб муассасаси, 2 маданият ва истироҳат боғи, маданият уйлари бор. Стадион, футбол майдонлари, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 4 касалхона, амбулатория, 9 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1978 й. 1 апр. дан «Миришкор машъали» туман газ. чиқарилади.

Муборак тумани. Вилоятнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. 1978 й. 13 сент.да ташкил этилган. Майд. 3,07 минг км². Аҳолиси 63,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, туркман, татар, арман, украин, озарбайжон ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 20,7 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Муборак), 4 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Муборак ш.

Қашқадарёнинг қуйи қисмида, Қарши чўли зонасида жойлашган. Ер усти текислик, адир ва қирлардан иборат. Иқлими қуруқ континентал. Туман ҳудудидан Қашқадарё оқиб ўтади.

Худудидан нефть ва газ конлари топилган (Жан. Муборак, Шим. Муборак). Муборак—Зирабулоқ, Муборак—Когон, Муборак—Навоий газ узатиш қувурлари ишлаб турибди. Табиий газни қайта

Муборак тумани. Амфитеатр.



ишлаш 3-ди бор. «Муборакнефтьгаз» корхонаси ва унга қарашли Зеварди, Кўкдумалоқ, Алан, Ўртабулоқ, Култоқ, Помуқ, Шимолий Ўртабулоқ, Курик каби газ конлари фаолият кўрсатади. Қўшма, 850 дан зиёд кичик ва хусусий корхона, 16 акциядорлик жамияти мавжуд.

Қ.х.да пахтачилик, галлачилик ва чорвачилик етакчи ўринда. Туманда фермер, деҳқон хўжаликлари, 6 фермерлар уюшмаси, ҳамда наслчилик ва қоракўлчиликка ихтисослашган хўжалик бор. Суғориладиган майдонларга пахта, галла, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади, 142 га майдонни боғлар эгаллаган. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларидида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

30 умумий таълим мактаби, саноат касб-хунар, тиббиёт, пед.-иқтисодиёт коллежлари ва касб-хунар мактаби бор. 9 жамоат кутубхонаси, 3 клуб муассасаси, 2 ёшлар клуби мавжуд. 2001 й.дан «Янги аср» телестудияси ишлаб турибди. Ёшлар спорт мажмуаси, теннис корти, марказий стадион ва футбол майдонлари фаолият кўрсатади. Туман марказий касалхонаси ва унинг 12 бўлими, қишлоқ врачлик, фельдшер-акушерлик пунктлари ҳамда б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан т.й. ўтган. Муборак—Косон, Муборак—Қарши, Муборак—Бухоро ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. 1980 й.дан «Муборак ҳаёти» туман газ. чиқарилади.

Нишон тумани. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 1975 й. 6 мартда ташкил этилган. Майд. 2,1 минг км². Аҳолиси 99,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, тожик, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 47,2 киши (2005). Туманда 2 шаҳар (Таллимаржон ва Янги Нишон), 1 шаҳарча (Нуристон), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Янги Нишон ш.

Туман ҳудуди Қашқадарё воҳсининг жан.да, Қарши чўлида жойлашган. Худудининг асосий қисми чўл, қир ҳамда адирлардан иборат. Иқлими

кескин континентал. Туман ҳудудидан Қарши магистрал канали ўтган. Таллимаржон сув омбори бор.

380 га яқин кичик ва хусусий корхона, 52 акциядорлик жамияти, Таллимаржон иссиқлик электр ст-яси қурилиш бошқармаси, Таллимаржон иссиқлик электр ст-яси шўба корхонаси мавжуд.

Хўжаликлари пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачиликка ихтисослашган. 1970 га яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Суғориладиган майдонларга пахта, галла, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Жамоа ва хусусий хўжаликларидида қорамол, қўй ва эчки боқилади.

33 умумий таълим мактаби, агроиқтисодиёт коллежи, 3 касб-хунар мактаби фаолият кўрсатади. 21 жамоат кутубхонаси, маданият уйлари, клуб муассасалари мавжуд. Стадион, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари бор. Касалхона, фельдшер-акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудини Катта Ўзбекистон тракти ва т.й. кесиб ўтган. Нишон—Қарши ва б. йўналишларда автобуслар қатнови йўлга қўйилган. 1943 й.дан «Нишон тонги» туман газ. чиқарилади.

Чироқчи тумани. Вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. да Яққабог туманига қўшилган. 1964 й. 22 фев.да қайта ташкил этилган). Майд. 2,84 минг км². Аҳолиси 284,0 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 100 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Чироқчи), 20 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Чироқчи ш.

Рельефи текис чўл ва қир-адирлардан иборат. Дурсун қишлоғи ёнида табиий газ топилган. Иқлими кескин континентал. Экинлар Қашқадарё, Қумдарё, Оёқчидарё ва б. каналлардан суғорилади. Туманнинг жан.да Чимқўрғон сув омбори бор.

Туманда пахта тозалаш, гишт 3-длари, гилам ф-каси, МТП. қурилиш ташкилотлари, автокорхона, 2500 дан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади.

Қ.х. пахтачилик, галлачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. Экин майдонларига пахта, дон, картошка, полиз, сабзавот, озуқа экинлари экилади. 970 фермер, бўрдоқчилик хўжаликлари бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларидида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

174 умумий таълим, болалар musiқа мактаблари, 3 касб-хунар коллежи мавжуд. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, 18 клуб муассасаси, маданият ва истироҳат боғи бор. Касалхона, фельдшер-акушерлик пунктлари, поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Чироқчи» туман газ. чиқарилади.

Шаҳрисабз тумани. Вилоятнинг шим. шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил қилинган. Майд. 1,70 минг км². Аҳолиси 276,9 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 162,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Шаҳрисабз), 1 шаҳарча (Мироқи), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Шаҳрисабз ш.

Туман ҳудуди Ҳисор тоғларининг этакларида жойлашган. Ғарби очиқ воҳа—Қарши чўлига туташиб кетадиган текисликдан иборат. Тоғлардан оқиб тушадиган Оқсув, Қашқадарё, Танхоздарё, Қизилдарё, Тамшуш, Мироқи дарёлари жарликлар ҳосил қилган. Иқлими континентал. Ҳисорак сув омбори қурилган. Мироқи тоғи этакларидан қора мармар қазиб олинади. Ҳисор қўриқхонасининг бир қисми жойлашган.

Туманда 19 акциядорлик жамияти, 14 ширкат корхонаси, 1300 га яқин хусусий корхона, шунингдек, кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади. 9 қўшма корхона бор.

Қ.х.нинг этакчи тармоғи — пахтачилик, шунингдек, галлачилик, чорвачилик, лиллачилик ҳам ривожланган. Суғориладиган ерларга пахта, сабзавот ва подиз, беда, картошка ва б. экинлар экилади. 480 га яқин фермер хўжалиги, 4 хўжаликлараро корхона бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

109 умумий таълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, болалар musiқа, спорт мактаблари, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ин-тининг умумтехника факультети ишлаб турибди. 60 жамоат кутубхонаси, 11 клуб муассасаси, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, музей фаолият кўрсатади. 2 стадион, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, спорт заллар ва б. спорт иншоотлари мавжуд. 14 касалхона, 8 поликлиника, 18 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 13 қишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади.

Туман ҳудуди орқали Тошкент—Китоб йўловчилар ташувчи поезд ўтади.

Шаҳрисабз шаҳри. Маданият саройи.



Шаҳрисабз б-н Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Денов ўртасида ва Шаҳрисабз б-н Ҳазора, Шамастон, Қоралойча қишлоқлари орасида автобуслар қатнайди. Туман-

даги асосий меъморий ёдгорликлар (Оқсарой, Дор ус-Сиедат ва Дор ут-Тиловат мажмуалари, Гумбази Сайидон, Шамсуддин Кулол, Жаҳонгир мақбаралари, Ҳазрати Имом, Кўк гўмбаз, Абдушукур Оғалиқ, Эшонпир, Кундузак масжидлари, Чубин мадрасаси, Чорсув бозори) Шаҳрисабз ш.да жойлашган.

Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати б-н Шаҳрисабз ш. Амир Темури ордени б-н мукофотланди (1996 й. окт.). 2002 й. ноябрда Шаҳрисабз ш.нинг 2700 йиллик юбилеи ўтказилди. 2002 й. декабрда шаҳар Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Шаҳрисабзда 1937 й.дан «Кеш» туман газ. чиқарилади.

Яккабоғ тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Майд. 1,3 минг км². Аҳолиси 193,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қозок, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 148,6 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Яккабоғ),

1 шаҳарча (Эски Яккабоғ), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — Яккабоғ ш.

Туман ҳудудининг шарқий чекка қисмида Ҳисор тизмасининг жан. ғарбий тармоқлари бор. Улар ғарбда Қашқадарё текисликлари б-н қўшилиб кетади. Тоғ этаклари адирлардан иборат. Тоғлардан кўп дарё ва сойлар оқиб тушади. Асосий дарёси — Яккабоғдарё ва унинг ирмоқлари. Иқлими континентал. Қорабоғ, Нўғайли, Янгикўрғон ва б. сув омборлари, Дархон, Бешариқ, Хўжайлғор, Қуржаб ариқлари тумanning асосий суғориш шохобчаларидир. Фойдали қазилмалардан тошкўмир, кумуш, қўрғошин, мис, рух рудалари, нефть бор. Ҳисор қўриқхонасининг бир қисми жойлашган.

Туманда пахта тозалаш, ун тортиш, «Шароб-консерва» з-длари, Яккабоғ тўқимачилик к-ти, МТП, қ.х. машиналарини таъмирлаш, қ.х. маҳсулотлари-

Шаҳрисабз. Дор ус-Сиедат мажмуаси.





Яккабоғ гидроузели.

ни қайта ишлаш корхоналари, кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади. Ўзбекистон–Германия «Яккабоғтекс», Ўзбекистон–Россия «ал-Маъруф» қўшма корхоналари бор.

Қ.х.да пахтачилик, ғаллачилик, богдорчилик, чорвачилик, ипакчилик б-н шугулланилади. Экин майдонларига пахта, дон, сабзавот ва картошка, озуқа экинлари экилади. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қуй ва эчки, парранда, йилқи боқилади. Ўрмон хўжаликлариди доривор ўсимликлар йиғилади.



107 умумий таълим мактаби, лицей-интернат, санъат мактаби, 3 касб-хунар коллежи, касб-хунар мактаби мавжуд. 35 жамоат кутубхонаси, 6 клуб муассасаси, маданият ва истироҳат боғи бор. «Нозигул» фольклор даста-

си. «Дилнавоз» халқ ансамбли фаолият кўрсатади. Стадион, болалар спорт мактаби мавжуд. 4 касалхона, врачлик тиббий пунктлар, поликлиника, 3 амбулатория, туғруқхона мажмуаси ва б. тиббий муассасалар, 4 санаторий аҳолига хизмат кўрсатади. Худудидан Қарши–Китоб т.й., Катта Ўзбекистон тракти ўтади. Яккабоғ шаҳри б-н қўшни туманлар ва Қарши ш. орасида автобуслар қатнайди. «Яккабоғ овози туман газ. чиқарилади.

Қамаши тумани. Вилоятнинг шарқий қисмида жойлашган. 1937 й. 29 сент. да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Қарши туманига қўшилган. 1964 й. 31 дек.да қайта ташкил этилган). Майд. 2,66 минг км². Аҳолиси 191,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 72 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Қамаши), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Қамаши ш.

Туман худудининг ғарбий қисми

Қамаши тумани. Лангарота мақбараси.

рельефи, асосан, текисликдан иборат бўлиб, катта қисмини Қарши дашти эгаллаган. Шарққа томон кўтарилиб, қир-адирлар, сўнгра паст ва баландроқ тоғлар алмашилиб келади. Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий тармоғи бўлган Чакчар тоғи вилоятдаги энг баланд жой. Иқлими континентал. Қазилма бойликларидан-турли хил қурилиш материаллари мавжуд. Қашқадарё ва унинг ирмоғи – Лангар асосий сув манбалари. Вилоятдаги энг йирик Чимқўрғон сув омбори туман худудида жойлашган. Хўжаликларни сув б-н таъминловчи ариқ ва каналлар (Чим, Жанбуз, Таёқли, Сағанақ кабилар) шу сув омборидан бошланади.

Пахта тозалаш, гишт з-длари, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхоналар, кичик, ўрта бизнес ва йирик корхоналар, микрофирмалар, 3 та қўшма корхона фаолият кўрсатади.

Қ.х., асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Тоғли худудда баҳорикор ғаллачилик (буғдой, арпа) ривожланган. Пиллачилик б-н ҳам шугулланилади. Чорвачиликнинг муҳим соҳаси қорамолчилик, қўйчилик ҳисобланади. Экин майдонларига пахта, ғалла, сабзавот ва картошка, ем-хашак экинлари экилади. 1514 деҳқон, 1310 фермер хўжаликлари ва бошқа қ.х. корхоналари бор. Туман жамоа ва хусусий хўжаликлариди қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

85 умумий таълим мактаби, 2 лицей ва ихтисослашган мактаб, болалар муסיқа мактаблари, меҳрибонлик уйи, 4 касб-хунар коллежи, туман марказий кутубхонаси, 12 клуб муассасаси, маданият уйлари бор. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, поликлиника, амбулатория, қишлоқ врачлик, фельдшер-акушерлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади. Туман худудидан Қарши–Китоб т.й., Катта Ўзбекистон тракти ўтади. Қамаши ш.дан Қарши ш. ва б. туманлар марказларига автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Лангарота мажиди ва мақбараси (15–16-алар) сақланган. 1941 й.дан «Қамаши ҳақиқати» туман газ. чиқарилади.

Қарши тумани. Вилоятнинг марказий қисмида жойлашган. 1931 й. 1 окт.да ташкил этилган. Майд. 0,9 минг км². Аҳолиси 175,2 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қozoқ, рус, қирғиз, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 194,7 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Бешкент), 15 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Бешкент ш.

Туман ҳудуди Қашқадарёнинг энг қуйи оқимидаги текисликда жойлашган Ўр-қир жойлар, ботиқлар ва шўрхоқлар бор. Иқлими континентал. Қашқадарё ва унинг ирмоқлари, Файзиобод, Патрон – Бешкент ва б. каналлар оқиб ўтади. Фойдали қазилмалардан газ-нефть, қўнғиртош, шағал қазиб олинган конлар бор.

Туманда Қарши ш. атторлик ва туқувчилик ф-қасининг гилам тўқиш цехи, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, кимёвий буюмлар и. ч. корхоналари, пахта тозалаш, гишт з-длари, бозорлар бор. 106 кичик, 30 ўрта бизнес ва 130 йирик корхоналар, 2300 микрофирма, 5 қўшма корхона фаолият кўрсатади.

Қ.х. пахтачилик, ғаллачилик, сабзавот ва полизчилик, боғдорчилик, чорвачиликка ихтисослашган. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. Деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Экин майдонларига пахта, дон, шунингдек, картошка, сабзавот ва полиз, озуқа экинлари экилади. Тутзор, тоқзор, мевазорлар барпо этилган. Кўп йиллик дарахтзорлар, қўчатзорлар, ихота дарахтзорлари, яйловлар мавжуд. Тумандаги жамоа ва хусусий хўжаликларига қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

60 умумий таълим мактаби, лицей-интернат, болалар мусиқа мактаби, 3 касб-хунар коллежи бор. 36 жамоат кутубхонаси, 3 маданият уйи, 13 клуб муассасаси фаолият кўрсатади. Маданият ва истироҳат боғи, ашула ва рақс ансамбллари мавжуд. Стадион, теннис

корти ва б. спорт иншоотлари бор. Бешкент ш.нинг Мустақиллик майдонида «Хумо қуши» монументи ўрнатилган. Туман марказий касалхонаси, туғруқхона, 3 поликлиника, 14 қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ участка касалхонаси, 9 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 36 фельдшер-акушерлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. Тарихий ва меъморий ёдгорликлардан: Ҳазрати Султон мақбараси (12–16 а.лар), Тошмасжид (16–18 а.лар), Халфа Эшон масжиди (16–17 а.лар), Чоргумбаз масжиди (16–17 а.лар) ва б. сақланган. Бешкент–Қарши йўналишида автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. 1975 й.дан «Нахшаб» газ. нашр этилади.

Фузор тумани. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сент. да ташкил этилган. Майд. 2,62 минг км². Аҳолиси 149,1 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 56,9 киши (2005). Туманда 1 шаҳар (Фузор), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Фузор ш.

Туман Қашқадарёнинг ўрта оқимида, Фузордарё ҳавзаси, Фузор адирлари ва тоғ олди қия текисликларида жойлашган. Пачкамар сув омбори соҳилларидаги Лангар–Қоразл тоғлари шим.-шарқдан жан.-ғарбга йўналган, ён бағирлари Фузор адирларига тутшиб кетган.

Туман катта захирага эга бўлган газли ва газ конденсатли ётқизиларга бой. Ўзбекистондаги 5 та нефть-газли регионнинг Ҳисор олди ҳудуди таркибида. Махсус ўрмон хўжалиги ташкил қилин-

ган. Иқлими континентал. Туманнинг ним. чеккасида Қашқадарё оқиб ўтади. Шунингдек, Фузордарё ва унинг ирмоқлари: Катта Ўрадарё ва Кичик Ўрадарёдир. Туман ҳудудида Пачкамар сув омбори қурилган.

56 саноат, қурилиш корхонаси бор. Шулардан йириклари, пахта тозалаш, таъмирлаш, қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш, таъмирлаш-қурилиш, «Шўртангаз» унитар-шўъба, «Шўртангаз-кимё» саноат корхоналаридир.

Қ.х., асосан, пахтачилик, ғаллачиликка ихтисослашган, қўйчилик (жумладан, қоракўл қўйлари), қорамолчилик, паррандачилик ҳам ривожланган. Экин майдонларига пахта, дон, сабзавот, картошка, озуқа экинлари экилади. Фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Жамоа ва хусусий хўжаликларига қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади.

77 умумий таълим мактаби, 3 лицей ва 3 касб-хунар коллежи бор. 37 жамоат кутубхонаси, 12 клуб муассасаси, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Туман марказий касалхонаси, поликлиника, дорихона, фельдшер-акушерлик, қишлоқ-врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудудидан Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон т.й. ўтказилмоқда. Қарши–Китоб т.й., унинг Шўртанга борувчи 15 км га яқин тармоғи, Тошкент–Термиз автомагистрал бўлаги, Қарши–Фузор, Шаҳрисабз–Қарши ва б. йўналишлар бўйича автомобиль йўллари ўтказилган. Фузор ш.дан Қарши ш.га автобус ва маршрутли таксилар қатнайди. 1931 й.дан «Фузор ҳаёти» туман газ. чиқарилади.

АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

- а. - аср (рақам билан ёнма-ён келганда)
 А - ампер
 А - ангстрем
 авг. - август
 Ад. - Адабиёт (библиографияда)
 акад. - академик, академиги
 апр. - апрель
 араб. - арабча (этимологик маълумотда)
 а-с - ампер-секунд
 Ас. - Асарлар(и) (библиографияда)
 (ас) - алайҳис-салом
 ат. - техник атмосфера
 ат.м. - атом массаси
 атм. - нормал (физик) атмосфера
 АҚШ - Америка Қушма Штатлари
 АЭС - атом электр станцияси (си)
 Б - бел
 б. - бет, бетлар
 БА - Бадий академия(си)
 БАА - Бирлашган Араб Амирликлари
 бал. - баландлиги (рақам билан ёнма-ён келганда)
 биол. - биология
 БМТ - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
 б-н - билан
 БХСР - Бухоро Халқ Совет Республикаси (тарихий ўринларда)
 В - вольт
 В.А - вольт-ампер
 ва б. - ва бошқа(лар)
 ВАСХНИЛ - Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (тарихий ўринларда)
 ва ш.к. - ва шу каби(лар)
 ва ҳ.к. - ва ҳоказо(лар)
 Вб - вебер
 Вт - ватт
 Вт-с - ватт-секунд
 г - грамм
 га - гектар
 газ. - газета (си)
 гб - гильберт
 геогр. - география
 геол. - геология
 геом. - геометрия
 гл - гектолитр, гектолитри
 Гн - генри
- гс - гаусс
 г-экв - грамм-эквивалент
 ГЭС - гидроэлектр станция(си)
 ГФР - Германия Федератив Республикаси
 д - деци ... (10⁻¹)
 да - дека... (10¹)
 дал - декалитр
 дБ - децибел
 дг - дешиграмм
 дек. - декабрь
 дм - дециметр
 д-р - доктор (и)
 ЕК - Ер кодекси
 ж. - жилд (библиографияда)
 Ж - жоул
 жан. - жануб (и, ий)
 ЖАР - Жанубий Африка Республикаси
 ЖИК - Жиноят-ижроия кодекси
 ЖК - Жиноят кодекси
 ж.к. - жанубий кенглик
 ЖПК - Жиноят-процессуал кодекси
 жур. - журнал (и)
 з-д - завод
 зоол. - зоология
 инг. - инглиз, инглизча (этимологик маълумотда)
 и.т. - илмий тадқиқот
 ин-т - институт
 итал. - итальянча (этимологик маълумотда)
 и.ч. - ишлаб чиқариш
 й. - йил, йили (рақам билан ёнма-ён келганда)
 й.в.э. - йилда вафот этган
 й.т. - йилда туғилган
 К - Кельвин
 Кл - кулон
 кал. - калория
 кв. - квадрат (сифат)
 кВт - киловатт
 кВт-соат - киловатт-соат
 кг - килограмм
 кгк - килограмм-куч
 к-з - колхоз
 Ки - кюри
 ккал - килокалория
 км - километр
 км² - квадрат километр
- КП - Коммунистик партия(си)
 к-т - комбинат
 КХДР - Корея Халқ Демократик Республикаси
 кэВ - килоэлектрон-вольт
 Л. - Ленинград (библиографияда)
 л - литр
 лаб. - лаборатория (си)
 лот. - лотинча (этимологик маълумотда)
 лк - люкс
 лм - люмен
 м - метр
 м² - квадрат метр
 м/с - метр секунд
 М. - Москва (библиографияда)
 майд. - майдон(и) (рақам билан ёнма-ён келганда)
 МАР - Миср Араб Республикаси
 мас. - масалан
 мат. - математика
 МВт - магаватт
 мг - миллиграмм
 МДХ - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
 МЖК - Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекс
 МИК - Марказий Ижроия Комитети (Қўмитаси)
 мил. - мелодий
 мил. ав. - милоддан аввал (ги)
 мин. - минут
 МК - Марказий Комитет (Қўмита)
 мк - микро... - микро (10⁻⁶)
 мкс - максвелл
 мл - миллилитр
 млн. - миллион
 млрд. - миллиард
 мм - миллиметр
 мол. - молекуляр
 мол. м. - молекуляр масса
 МТП - машина-трактор парки
 МТС - машина-трактор станцияси
 МэВ - мегаэлектрон-вольт
 Н - ньютон
 НАТО - Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти
 нем. - немисча (этимологик маълумотда)
 нм - нанометр

- нояб. - ноябрь
 нт - нит
 о. - орол (и) (номдан кейин)
 окт. - октябрь
 ОК - Оила кодекси
 о.к. - от кучи
 Ом - ом
 П - пуаз
 Па - паскаль
 пк - парсек
 пед. - педагогика
 ‰ - промилле
 проф. - профессор(и)
 р. - рентген
 (ра) - разияллоху анху
 рад - радиан
 рев-я - революция
 реж. - режисёр
 р-н - район
 РТС - ремонт-техника станцияси
 рус. - русча (этимологик маълумотда)
 РФ - Россия Федерацияси
 с, сек. - секунд
 (сав) - саллоллоху алайху васаллам
 СамДУ - Самарқанд давлат университети
 СамТИ - Самарқанд тиббиёт институти
 с.оғ. - солиштирма оғирлиги
 сент. - сентябрь
 с-з - совхоз
 сим. уст. - симоб устуни
 см - сантиметр
 ст - стокс
 стер - стерадиан
 ст-я - станция
 т. - том (библиографияда)
 т - тонна
 Т. - Тошкент (библиографияда)
- тахм. - тахминан, тахминий
 т-ра, t - °С даги температура
 т.й. - темир йўл, темир йўли
 тож. - тожикча (этимологик маълумотда)
 ТошДПУ - Тошкент давлат педагогика университети
 ТошДУ - Тошкент давлат университети (тарихий ўринларда)
 ТошТИ - Тошкент тиббиёт институти
 ТошТУ - Тошкент техника университети
 УЖК - Уй-жой кодекси
 уз. - узунлиги (рақам билан ёнма-ён келганда)
 ун-т - университет
 Ф - фарада
 ФА - Фанлар академияси
 фам. - фамилия(си)
 ф.и.к. - фойдали иш коэффициенти
 фев. - февраль
 филол. - филология
 ФК - Фуқаролик кодекси
 % - фоиз (процент)
 форс. - форсча (этимологик маълумотда)
 ФПК - Фуқаролик-процессуал кодекси
 франц. - французча (этимологик маълумотда)
 ф-ка - фабрика
 ф-т - факультет
 ХДП - Халқ Демократик партияси
 ХК - Хўжалик кодекси
 ХКС - Халқ Комиссарлари Совети
 ХПК - Хўжалик-процессуал кодекси
 ХХР - Хитой Халқ Республикаси
 ХХСР - Хоразм Халқ Совет Республикаси (тарихий ўринларда)
- ц - центнер
 ц/га - гектаридан центнер
 чуқ. - чуқурлиги (рақам билан ёнма-ён келганда)
 ш. - шаҳар(и) (шаҳар номидан кейин)
 шим. - шимол (и, ий)
 ш.к. - шимолий кенглик
 шқ.у. - шарқий узунлик
 э. - эрстед
 эВ - электрон-вольт
 этн. - этнограф, этнографик, этнография
 ЭҲМ - электрон ҳисоблаш машинаси
 юн. - юнонча (этимологик маълумотда)
 ЮНЕСКО - БМТнинг Маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти
 янв. - январь
 я.о. - ярим орол (и) (номдан кейин)
 ЎЗА - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
 ўзб. - ўзбекча
 ЎзДУ - Ўзбекистон давлат университети (тарихий ўринларда)
 ЎзМУ - Ўзбекистон миллий университети
 ЎзР - Ўзбекистон Республикаси (кўп такрорланган ҳолларда; расмий ўринларда тўлиқ ёзилади)
 ЎзТАГ - Ўзбекистон Телеграф Агентлиги (тарихий ўринларда)
 ЎзФАШИ - Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти (библиографияда)
 қ. - қаранг
 қад. - қадимги, қадимий
 қ.х. - қишлоқ хўжалиги
 ғ.у. - ғарбий узунлик
 ҳоз. - ҳозирги

МУНДАРИЖА

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР	7	КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИ	190
ТАБИАТИ ВА ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРИ	10	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (190), Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари (191), Ўзбекистон Республикасининг Президенти (194), Қонун чиқарувчи ҳокимият (196), Ижро этувчи ҳокимият (198), Маҳаллий давлат ҳокимияти (200), Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши (201), Суд ҳокимияти (202), Қонунчилик тизими (205), Сайлов тизими (208).	
Рельефи (10), Геологик тузилиши (11), Фойдали қазилмалари (17), Иқлими (20), Ер усти сувлари (24), Ер ости сувлари (30), Тупроқлари (32), Ўсимликлар дунёси (34), Ҳайвонот дунёси (37), Табиий географик районлаштириш (42), Атроф-муҳитни ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш (43).			
АҲОЛИСИ. ТИЛИ ВА ЁЗУВИ. ДИНИ	49	ТАШҚИ СИЁСАТИ	210
Аҳолиси (49), Ўзбек тили (60), Ёзуви (65), Дини (68)		ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ	216
ОДАТЛАР ВА ҚАДРИЯТЛАР.		ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ	220
МИЛЛИЙ КИЙИМЛАР	76	Нодавлат нотижорат ташкилотлари (220), Сиёсий партиялар (222), Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси (224), Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (225).	
Миллий урф-одат, маросим ва қадриятлар (76), Миллий кийимлар (82).		ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ	226
ТАРИХИ	88	Даврий матбуот (226), Радиоёшиттириш ва телевидение (231), Ўзбекистон информацион агентликлари (234), Ноширлик (236).	
Тош даври (88), Мулкий табақаланиш ва илк давлатчиликнинг вужудга келиши (93), Ўрта Осиё ҳудудида мустақил давлатларнинг ташкил топиши (98), Илк ўрта аср давлатлари (104), Турк хоқонлиги (107), Мовароуннахрнинг илк ўрта аср давлатлари (109), Араблар истилоси (113), 8–13-аср бошларидаги давлатлар (117), Мўғуллар истилоси (126), Амир Темур ва темурийлар салтанати (132), 16-аср бошларида Мовароуннахр. Шайбонийхон давлати (148), Ўзбек хонликлари (150), Туркистоннинг Россия империяси томонидан босиб олиши (159), Ўзбекистон 1917–1924 йилларда: мустабил совет тузумининг қарор топиши (164), Ўзбекистон мустабил совет давлати таркибида (1925–1991 й.лар) (171), Ўзбекистон Республикаси (185).		ИҚТИСОДИЁТИ	241
		Саноати (243), Қишлоқ хўжалиги (278), Транспорти (305), Алоқа ва ахборотлаштириш (314), Қурилиш (320), Меҳнат ва меҳнат бозори (324), Аҳоли турмуш даражаси (327), Ижтимоий ҳимоя (329), Уй-жой ва коммунал хўжалиги (333), Ички савдо (335), Хизматлар (339), Молия тизими (341), Пул-кредит тизими (344), Ташқи иқтисодий алоқалар (348).	

СОҒЛИҚНИ САҚДАШ 352

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ.

ТУРИЗМ 360

Жисмоний тарбия ва спорт (360), Туризм (366).

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ 369

Мактабгача таълим (372), Умумий ўрта таълим (373), Мактабдан ташқари таълим (375), Ўрта махсус, касб-хунар таълими (376), Олий таълим (379), Олий ўқув юртидан кейинги таълим (384), Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш (385).

ФАНИ 386

Ўзбекистонда фан тараққиёти (386), Математика-физика фанлари (391), Физика-техника фанлари (402), Кимё фанлари (406), География фанлари (413), Геология фанлари (418), Биология фанлари (426), Қишлоқ хўжалиги фанлари (434), Тиббиёт фанлари (446), Фалсафа фанлари (467), Педагогика ва психология фанлари (473), Тарих фанлари (475), Иқтисодиёт фанлари (482), Ҳуқуқшунослик (485), Адабиётшунослик (488), Ўзбек тилшунослиги (494), Санъатшунослик фанлари (501).

АДАБИЁТИ 506

Халқ оғзаки бадиий ижоди (506), Ёзма адабиёт (510), Ўзбек адабиёти тарихининг янги даври (521), Истиқлол даври адабиёти (529).

САНЪАТИ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ

МУАССАЛАРИ 532

Меъморлик (532), Амалий безак санъати (542), Тасвирий санъати (552), Мусиқаси (563), Театри (571), Рақс ва балет (576), Кино санъати (580), Цирки (584), Маданий-маърифий муассасалар (587).

МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШИ 591

Қорақалпоғистон Республикаси (592), Тошкент шаҳри (604), Андижон вилояти (610), Бухоро вилояти (618), Жиззах вилояти (625), Навоий вилояти (632), Наманган вилояти (638), Самарқанд вилояти (647), Сирдарё вилояти (655), Сурхондарё вилояти (661), Тошкент вилояти (670), Фарғона вилояти (680), Хоразм вилояти (688), Қашқадарё вилояти (697).

Ў-32 **Ўзбекистон Республикаси: энциклопедия/Бош таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев ва б. т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. — 712 б.**

Ушбу китоб фақат Ўзбекистон ҳақидадир. Энциклопедия саҳифаларидаги мақолаларда мамлакатимизнинг бугунги кундаги ҳаёти, ўзбек халқининг бунёдкорлик меҳнати ва ютуқлари ёрқин акс эттирилган. Китоб бўлимларида муайян мавзунини очиб берадиган, бир тизимга солинган ахборотлар берилди.

Мазкур энциклопедия Ўзбекистон Республикаси тўғрисида батафсил маълумот олиш истагида бўлган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 92

№ 490—2006

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ **ЭНЦИКЛОПЕДИЯ**

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй).
Тошкент — 2006.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй).

З. Т. Исажонов (директор), К. Т. Мансуров, Р. Мусаев, Ж. Ж. Ишмухамедов,
Ш. Усмонов, М. Ибодова, Б. Шарипов, Б. Усмонов,
Б. Туёқов, Т. Ҳамидов, В. Мисков.

Фотографлар: Б. И. Дьякин, А. Е. Зуев, А. Д. Михайлов, А. Сулаймонов,
В. П. Телегин, Ҳ. Шораҳмедов, Р. З. Яруллин.
Харита чизувчи: М. М. Мирзиёев.

Оригинал-макет «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида тайёрланди.
2006 йил 31 июлда босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими 84 x 108 1/16. Силлиқ қоғозга босилди. 118,4 нашриёт-ҳисоб табағи.
74,76 шартли босма табақ. Адади 2000.
Баҳоси шартнома асосида. 06-571-бўйртма.